



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRINING

БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 507-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун қуйидаги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнлари:

Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси 1-иловага мувофиқ;

1-сон “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 2-иловага мувофиқ;

2-сон “Захиралар” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 3-иловага мувофиқ;

7-сон “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 4-иловага мувофиқ;

8-сон “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 5-иловага мувофиқ;

10-сон “Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 6-иловага мувофиқ;

12-сон “Фойда солиқлари” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 7-иловага мувофиқ;

16-сон “Асосий воситалар” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 8-иловага мувофиқ;

19-сон “Ходимларнинг даромадлари” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 9-иловага мувофиқ;

20-сон “Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 10-иловага мувофиқ;

21-сон “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 11-иловага мувофиқ;

23-сон “Қарзлар бўйича сарфлар” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 12-иловага мувофиқ;

24-сон “Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 13-иловага мувофиқ;

26-сон “Пенсия дастурлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 14-иловага мувофиқ;

27-сон “Алоҳида молиявий ҳисобот” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 15-иловага мувофиқ;

28-сон “Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 16-иловага мувофиқ;

29-сон “Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисобот” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 17-иловага мувофиқ;

32-сон “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 18-иловага мувофиқ;

33-сон “Бир акцияга тўғри келадиган фойда” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 19-иловага мувофиқ;

34-сон “Оралиқ молиявий ҳисобот” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 20-иловага мувофиқ;

36-сон “Активларнинг қадрсизланиши” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 21-иловага мувофиқ;

37-сон “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 22-иловага мувофиқ;

38-сон “Номоддий активлар” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 23-иловага мувофиқ;

39-сон “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 24-иловага мувофиқ;

40-сон “Инвестиция кўчмас мулки” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 25-иловага мувофиқ;

41-сон “Қишлоқ хўжалиги” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 26-иловага мувофиқ;

1-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 27-иловага мувофиқ;

2-сон “Акцияга асосланган тўлов” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 28-иловага мувофиқ;

3-сон “Бизнес бирлашувлари” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 29-иловага мувофиқ;

4-сон “Суғурта шартномалари” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 30-иловага мувофиқ;

5-сон “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 31-иловага мувофиқ;

6-сон “Фойдали қазилмаларни геологик қидириш ва баҳолаш” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 32-иловага мувофиқ;

7-сон “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 33-иловага мувофиқ;

8-сон “Операцион сегментлар” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 34-иловага мувофиқ;

9-сон “Молиявий инструментлар” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 35-иловага мувофиқ;

10-сон “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 36-иловага мувофиқ;

11-сон “Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 37-иловага мувофиқ;

12-сон “Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 38-иловага мувофиқ;

13-сон “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 39-иловага мувофиқ;

14-сон “Кечиктирилган тариф фарқлари сўтлари” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 40-иловага мувофиқ;

15-сон “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 41-иловага мувофиқ;

16-сон “Ижара” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 42-иловага мувофиқ;

7-сон “Евронинг муомалага киритилиши” Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳи 43-иловага мувофиқ;

10-сон “Давлат ёрдами-операцион фаолият билан муайян боғлиқликнинг йўқлиги” Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳи 44-иловага мувофиқ;

25-сон “Фойда солиқлари – ташкилотнинг ёки унинг акциядорларининг солиқ мақомидаги ўзгаришлар” Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳи 45-иловага мувофиқ;

29-сон “Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари: Маълумотларни ёритиб бериш” Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳи 46-иловага мувофиқ;

32-сон “Номоддий активлар - вебсайт сарфлари” Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг шарҳи 47-иловага мувофиқ;

1-сон “Объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятлардаги ўзгаришлар” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 48-иловага мувофиқ;

2-сон “Кооператив ташкилотларда иштирокчиларнинг улушлари ва шу каби инструментлар” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 49-иловага мувофиқ;

5-сон “Объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва экологик реабилитация фондларида иштирок этиш ҳуқуқлари” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 50-иловага мувофиқ;

6-сон “Махсус бозорда иштирок этишдан юзага келадиган мажбуриятлар – чиқинди электр ва электрон ускуналар” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 51-

иловага мувофиқ;

7-сон “29-сон БҲХС “Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисобот” асосида қайта ҳисоблаш ёндашувини қўллаш” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 52-иловага мувофиқ;

10-сон “Оралик молиявий ҳисобот ва кадрсизланиш” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 53-иловага мувофиқ;

12-сон “Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 54-иловага мувофиқ;

14-сон “19-сон БҲХС – Белгиланган тўловлар бўйича актив учун лимит, минимум молиялаштириш талаблари ва уларнинг ўзаро алоқаси” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 55-иловага мувофиқ;

16-сон “Чет эл бўлинмасига соф инвестицияни хежлаш” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 56-иловага мувофиқ;

17-сон “Пулсиз активларнинг мулкдорларга тақсимланиши” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 57-иловага мувофиқ;

19-сон “Молиявий мажбуриятларни улушли инструментлар билан сўндириш” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 58-иловага мувофиқ;

20-сон “Очиқ коннинг казиб чиқариш босқичидаги устки қатламни очиш сарфлари” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 59-иловага мувофиқ;

21-сон “Мажбурий тўловлар” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 60-иловага мувофиқ;

22-сон “Чет эл валютасидаги операциялар ва олдиндан тўлов” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 61-иловага мувофиқ;

23-сон “Фойда солиғини ҳисоблаш тартибига нисбатан ноаниқликлар” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини шарҳлаш қўмитаси шарҳи 62-иловага мувофиқ тан олинсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.
2022 йил 10 ноябрь,
61 сон



Т. Ишметов

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
1-ИЛОВА

Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси

“Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси” Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кенгаши томонидан 2010 йил сентябрда эълон қилинган. У 2018 йил март ойида қайта қўриб чиқилган.

МУНДАРИЖА

	<i>банд</i>
КОНЦЕПТУАЛ АСОСНИНГ МАҚОМИ ВА МАҚСАДИ	SP1.1
1-БОБ - УМУМИЙ МАҚСАДДАГИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ МАҚСАДИ	
КИРИШ	1,1
УМУМИЙ МАҚСАДДАГИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ МАҚСАДИ, ФОЙДАЛИЛИГИ ВА ЧЕКЛОВЛАР	1,2
ҲИСОБОТ БЕРУВЧИ ТАШКИЛОТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАРИ, УШБУ ТАШКИЛОТГА НИСБАТАН ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚЛАРИ, ШУНИНГДЕК РЕСУРСЛАР ВА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ	1,12
Иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқлари	1,13
Иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар	1,15
Ҳисоблаш усули орқали акс эттирилган молиявий натижалар	1,17
Олдинги давр учун пул оқимлари сифатида акс эттирилган молиявий натижалар	1,20
Молиявий натижалар билан боғлиқ бўлмаган иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар	1,21
ТАШКИЛОТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛИШИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	1,22
2-БОБ. ФОЙДАЛИ МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТНИНГ СИФАТ ТАВСИФЛАРИ	
КИРИШ	2,1
ФОЙДАЛИ МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТНИНГ СИФАТ ТАВСИФЛАРИ	2,4
Фундаментал сифат тавсифлари	2,5
Маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари	2,23
ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ФОЙДАЛИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ САРФЛАРГА НИСБАТАН ЧЕКЛОВ	2,39
3-БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ВА ҲИСОБОТ БЕРУВЧИ ТАШКИЛОТ	
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ	3,1
Молиявий ҳисоботнинг мақсади ва таркиби	3,2
Ҳисобот даври	3,4
Молиявий ҳисоботни тақдим этиш позицияси	3,8
Фаолият узлуксизлиги фарази	3,9
ҲИСОБОТ БЕРУВЧИ ТАШКИЛОТ	3,10
Консолидациялашган ва консолидациялашмаган молиявий ҳисобот	3,15
4-БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ЭЛЕМЕНТЛАРИ	
КИРИШ	4,1
АКТИВ ТАЪРИФИ	4,3
Ҳуқуқ	4,6

Иқтисодий нафлар яратиш потенциали	4,14
Назорат	4,19
МАЖБУРИЯТ ТАЪРИФИ	4,26
Жавобгарлик	4,28
Иқтисодий ресурсни ўтказиш	4,36
Олдинги ҳодисалар натижасидаги мавжуд жавобгарлик	4,42
АКТИВЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР	4,48
Ҳисоб бирлиги	4,48
Ижро этиладиган шартномалар	4,56
Шартномавий ҳуқуқлар ва шартномавий мажбуриятлар моҳияти	4,59
ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТАЪРИФИ	4,63
ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ТАЪРИФИ	4,68
5-БОБ. ТАН ОЛИШ ВА ТАН ОЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ	
ТАН ОЛИШ ЖАРАЁНИ	5,1
ТАН ОЛИШ МЕЗОНЛАРИ	5,6
Ўринлилик	5,12
Рўйи-рост тақдим этиш	5,18
ТАН ОЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ	5,26
6-БОБ. БАҲОЛАШ	
КИРИШ	6,1
БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ	6,4
Бошланғич қиймат	6,4
Жорий қиймат	6,10
МУАЙЯН БАҲОЛАШ АСОСИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН МАЪЛУМОТ	6,23
Бошланғич қиймат	6,24
Жорий қиймат	6.32
БАҲОЛАШ АСОСИНИ ТАНЛАШДА ИНОБАТГА ОЛИШ ЗАРУР БЎЛГАН ОМИЛЛАР	6.43
Ўринлилик	6.49
Рўйи-рост тақдим этиш	6.58
Маълумотнинг фойдалилигини оширувчи сифат тавсифлари ва сарфларга нисбатан чеклов	6.63
Дастлабки баҳолаш учун ўзига хос омиллар	6.77
Бир нечта баҳолаш асосидан фойдаланиш	6.83
ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИ БАҲОЛАШ	6.87
ПУЛ ОҚИМЛАРИГА АСОСЛАНГАН БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ	6.91

7-БОБ. МАЪЛУМОТНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ЁРИТИБ БЕРИШ

МАЪЛУМОТНИ АЛОҚА ВОСИТАСИ СИФАТИДА ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ЁРИТИБ БЕРИШ	7.1
МАЪЛУМОТНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ЁРИТИБ БЕРИШНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ	7.4
ТАСНИФЛАШ	7.7
Активлар ва мажбуриятларни таснифлаш	7.9
Хусусий капитални таснифлаш	7.12
Даромадлар ва харажатларни таснифлаш	7.14
ЖАМЛАШ	7.20

8-БОБ. КАПИТАЛ ВА КАПИТАЛНИ САҚЛАБ ТУРИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

КАПИТАЛ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ	8.1
КАПИТАЛНИ САҚЛАБ ТУРИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА ФОЙДАНИ АНИҚЛАШ	8.3
КАПИТАЛНИ САҚЛАБ ТУРИШГА ОИД ТУЗАТИШЛАР	8.10

ИЛОВА. АТАМАЛАР ТАЪРИФИ

КЕНГАШ ТОМОНИДАН 2018 ЙИЛ МАРТ ОЙИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН“МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСИ”НИНГ ТАСДИҚЛАНИШИ

ХУЛОСАЛАР УЧУН АСОС БЎЙИЧА МАЗКУР ҲУЖЖАТНИНГ С ҚИСМИГА ҚАРАНГ

ХУЛОСЛАР УЧУН АСОС

КОНЦЕПТУАЛ АСОСНИНГ МАҚОМИ ВА МАҚСАДИ

- SP1.1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси” (Концептуал асос) умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мақсади ва тамойилларини тавсифлайди. *Концептуал асоснинг* мақсади қуйидагилардан иборат:
- (а) изчил тамойилларга асосланган МХХС стандартларини (Стандартлар) ишлаб чиқишда Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кенгашига (Кенгаш) кўмак бериш;
 - (б) муайян операция ёки бошқа ҳодисага нисбатан қўлланадиган стандарт мавжуд бўлмаганда ёки муайян стандартда ҳисоб сиёсатини танлашга руҳсат берилганда, молиявий ҳисобот тайёрловчиларга кўмак бериш; ва
 - (в) стандартларни тушуниш ва талқин қилишда барча тарафларга кўмак бериш.
- SP1.2 Концептуал асос стандарт ҳисобланмайди. *Концептуал асоснинг* ҳеч бир коидаси бирор стандарт ёки стандарт талабидан устун ҳисобланмайди.
- SP1.3 Умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мақсадига эришиш учун Кенгаш баъзан *Концептуал асосда* баён этилган тамойилларнинг айрим жиҳатларини четлаб ўтадиган аниқ талабларни белгилаши мумкин. Бундай ҳолларда Кенгаш бундай четлаб ўтишни тегишли стандартга хулосалар учун асосда тушунтиради.
- SP1.4 *Концептуал асос* Кенгашнинг у билан ишлаш тажрибасини инобатга олган ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши мумкин. *Концептуал асоснинг* қайта кўриб чиқилиши стандартларнинг автоматик тарзда ўзгартирилишига олиб келмайди. Стандартга ўзгартириш киритиш бўйича ҳар қандай қарор Кенгашдан янги лойиҳани ўзининг ишчи дастурига киритиш ва қўрсатилган стандартга киритиладиган ўзгартиришни ишлаб чиқишнинг белгиланган тартиб-таомили бажарилишини талаб қилади.
- SP1.5 *Концептуал асос* МХХС фонди ва унинг таркибидаги Кенгашнинг миссияси бажарилишига кўмаклашади. Мазкур миссия бутун жаҳон молия бозорларининг шаффофлиги, ҳисобдорлиги ва самарадорлигини таъминлайдиган стандартларни ишлаб чиқишдан иборат. Кенгаш фаолияти глобал иқтисодиёт доирасида ишонч, ўсиш ва узоқ муддатли молиявий барқарорликни рағбатлантириш орқали жамият манфаатларига хизмат қилади. *Концептуал асос* стандартлар учун асос бўлиб хизмат қилади ва у:
- (а) инвесторлар ва бозорнинг бошқа иштирокчиларига асосланган иқтисодий қарорлар қабул қилиш имконини бериш учун молиявий маълумотни халқаро даражада қиёсийлигини ва сифатини ошириш ҳисобига шаффофликка эришишга кўмаклашади;
 - (б) капитал эгалари ва улар томонидан ўз пул маблағлари ишониб топширилган шахслар ўртасида маълумотлар бўшлигини камайтириш орқали ҳисобдорликни кучайтиради. *Концептуал асосга* асосланган стандартлар раҳбариятнинг ҳисобдорлигини таъминлаш учун зарур бўлган талабларни ўз ичига олади. Маълумотга нисбатан глобал даражада қиёсланиш талабларининг манбаи бўлган ҳолда, бундай стандартлар бутун жаҳон бўйича тартибга солувчи органлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.
 - (в) инвесторларга бутун жаҳон бўйича имкониятлар ва рискларни аниқлашга ёрдам бериш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлайди, бунинг натижасида капитал тақсимланиши яхшиланади. Ташкилотлар учун *Концептуал асосга* асосланган стандартларда фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисобининг ягона ишончли тилидан фойдаланиш капитални жалб қилиш сарфларини камайтиради ва халқаро молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича сарфларни қисқартиради.

МУНДАРИЖА

	<i>банд</i>
1-БОБ - УМУМИЙ МАҚСАДДАГИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МАҚСАДИ	
КИРИШ	1,1
УМУМИЙ МАҚСАДДАГИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ МАҚСАДИ, ФЙДАЛИЛИГИ ВА ЧЕКЛОВЛАР	1,2
ҲИСОБОТ БЕРУВЧИ ТАШКИЛОТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАРИ, УШБУ ТАШКИЛОТГА НИСБАТАН ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚЛАРИ, ШУНИНГДЕК РЕСУРСЛАР ВА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ	1,12
Иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқлари	1,13
Иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар	1,15
Ҳисоблаш усули орқали акс эттирилган молиявий натижалар	1,17
Олдинги давр учун пул оқимлари сифатида акс эттирилган молиявий натижалар	1,20
Молиявий натижалар билан боғлиқ бўлмаган иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар	1,21
ТАШКИЛОТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИЛИШИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	1,22

Кириш

- 1.1 Умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мақсади *Концептуал асоснинг* фундаментал базасини шакллантиради. *Концептуал асоснинг* бошқа жиҳатлари - фойдали молиявий маълумотнинг сифат тавсифлари ва у билан боғлиқ сарфларга нисбатан чеклов, ҳисобот берувчи ташкилотнинг концепцияси, молиявий ҳисобот элементлари, тан олиш ва тан олишни бекор қилиш, баҳолаш, тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш - мазкур мақсаддан мантиқан келиб чиқади.

Умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг мақсади, фойдалилиги ва чекловлар

- 1.2 Умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мақсади¹ мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторларга мазкур ташкилотни ресурслар билан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдали бўладиган ҳисобот берувчи ташкилот тўғрисидаги молиявий маълумотни тақдим этишдан иборатдир.² Бундай қарорларга қуйидагилар тўғрисидаги қарорлар қиради:
- (а) улушли ва қарз инструментларини сотиб олиш, сотиш ёки сақлаш тўғрисида;
 - (б) қарзлар ва кредитнинг бошқа шакллари тақдим этиш ёки сўндириш; ёки
 - (в) ташкилотнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи ёки ушбу хатти-ҳаракатларга бошқача тарзда таъсир кўрсатадиган бошқарув ҳаракатларига нисбатан овоз бериш ҳуқуқларини амалга ошириш.
- 1.3 1.2-бандда тавсифланган қарорлар мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторлар томонидан инвестициялардан олинishi қутилаётган даромадга, масалан дивидендларга, қарзнинг асосий суммаси ва фоизларнинг тўланишига ёки бозор баҳосининг ошишига боғлиқ бўлади. Инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторларнинг инвестициялардан олинadиган самарага нисбатан қутишлари уларнинг ташкилотга келгуси соф пул маблағлари қиримлари суммаси, муддати ва ноаниқликни (истикболни) баҳолашига ва ташкилотнинг иқтисодий ресурсларини маъсулиятли бошқариш бўйича раҳбарият фаолиятини баҳолашига боғлиқ. Мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторлар бундай баҳолашни амалга ошириш имконини берадиган маълумотга эҳтиёж сезадилар.
- 1.4 1.3-бандда таърифланган баҳолашни амалга ошириш учун мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторларга қуйидаги маълумотлар зарур бўлади:
- (а) ташкилотнинг иқтисодий ресурслари, ташкилотнинг ресурсларига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари ва ушбу ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар (1.12-1.21-бандларга қаранг); ва
 - (б) ташкилотнинг раҳбарияти ва стратегик бошқарув органи³ ташкилотнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўз жавобгарликларини қанчалик оқилона ва самарали бажарганликлари тўғрисидаги маълумот (1.22-1.23-бандларга қаранг).
- 1.5 Қўп мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторлар ҳисобот берувчи ташкилотлардан маълумотни бевосита уларга тақдим этишини талаб қилишлари мумкин эмас ва уларга зарур бўлган молиявий маълумотнинг аҳамиятли қисмини олиш учун умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларга таяниши лозим. Бинобарин, улар умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботлар йўналтириладиган асосий фойдаланувчилардир.⁴
- 1.6 Лекин, умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботлар мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторларга зарур бўлган маълумотларнинг барчасини таъминламайди ва таъминлай олмайди. Ушбу фойдаланувчилар бошқа манбалардан, масалан, умумий иқтисодий шароитлар ва қутишлар, сиёсий воқеалар ва сиёсий иқлим, тармок ва ташкилот учун прогнозлар каби тегишли маълумотларни ҳисобга олиши лозим.

¹ *Концептуал асос* матнида “молиявий ҳисоботлар” ва “молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” атамалари, агар бевосита кўрсатилмаган бўлса, “умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботлар” ва “умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”ни билдиради.

² *Концептуал асос* матнида “ташкилот” атамаси, агар бевосита кўрсатилмаган бўлса, ҳисобот берувчи ташкилотни билдиради.

³ *Концептуал асос* матнида “раҳбарият” атамаси, агар бевосита кўрсатилмаган бўлса, “ташкилотнинг раҳбарияти ва стратегик бошқарув органини”ни билдиради.

⁴ *Концептуал асос* матнида “асосий фойдаланувчилар” ва “фойдаланувчилар” атамалари улар учун зарур бўлган молиявий маълумотнинг аҳамиятли қисмини олиш учун умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларга таяниши лозим бўлган мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторларни билдиради.

- 1.7 Умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотнинг қийматини кўрсатиш учун мўлжалланмаган; лекин улар мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторларга ҳисобот берувчи ташкилотнинг қийматини баҳолашга ёрдам берадиган маълумотни таъминлайди.
- 1.8 Асосий фойдаланувчилар алоҳида тарзда турли ва, эҳтимол, бир-бирига зид маълумотга бўлган эҳтиёж ва хоҳишга эга бўладилар. Стандартларни ишлаб чиқишда Кенгаш тақдим этилган маълумот тўплами имкон қадар кўп сонли асосий фойдаланувчилар эҳтиёжларига жавоб беришига интилади. Лекин, маълумотда умумий эҳтиёжларга эътибор қаратиш ҳисобот берувчи ташкилотга асосий фойдаланувчиларнинг маълум бир гуруҳига энг фойдали бўладиган кўшимча маълумотларни киритишига тўсқинлик қилмайди.
- 1.9 Шунингдек, ҳисобот берувчи ташкилот раҳбарияти ҳам ташкилот тўғрисидаги молиявий маълумотдан манфаатдор. Лекин, раҳбариятга умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларга таяниш зарурати йўқ, чунки у зарур молиявий маълумотни ички манбалардан олиши мумкин.
- 1.10 Инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторлардан ташқари тартибга солувчи органлар ва жамоатчилик каби фойдаланувчиларнинг бошқа гуруҳлари ҳам умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларни фойдали деб топишлари мумкин. Лекин, ушбу ҳисоботлар биринчи навбатда фойдаланувчиларнинг бундай бошқа гуруҳларига мўлжалланмаган.
- 1.11 Молиявий ҳисоботлар иқтисодий ҳодисаларни мутлақ аниқ акс эттиришга эмас, аҳамиятли даражада, баҳолаш, мулоҳазалар ва моделларга асосланади. *Концептуал асос* бундай баҳолаш, мулоҳазалар ва моделлар негизидаги тамойилларни белгилайди. Мазкур тамойиллар Кенгаш ва молиявий ҳисоботларни тайёрловчилар интиладиган мақсад сифатида ўзини намоён қилади. Аксарият мақсадлар билан бўлгани каби, *Концептуал асосда* тақдим этилган қарашларга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тўлиқ ҳажмда мукамал тақдим этишга эришиш мумкин бўлмайди, ҳеч бўлмаганда қисқа муддатли истиқболда, сабаби операциялар ва бошқа ҳодисаларни таҳлил қилишнинг янги усулларини тушуниш, қабул қилиш ва жорий этиш учун вақт талаб қилинади. Шунга қарамай, интилиш лозим бўлган мақсадни белгилаш молиявий ҳисоботларни фойдалилигини оширишда уларни тақдим этиш эволюцияси учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслари, ушбу ташкилотга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот

- 1.12 Умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотни, айнан ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва ушбу ҳисобот берувчи ташкилотга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этади. Шунингдек, молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва талаб қилиш ҳуқуқларини ўзгартирадиган операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг таъсирлари тўғрисидаги маълумотни таъминлайди. Маълумотнинг иккала тури ҳам ташкилотга ресурслар тақдим этишга оид қарорлар қабул қилиш учун фойдали манба маълумоти ҳисобланади.

Иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқлари

- 1.13 Ҳисобот берувчи ташкилот иқтисодий ресурслари ва талаб қилиш ҳуқуқларининг характери ва қиймати тўғрисидаги маълумот фойдаланувчиларга молиявий нуқтаи назардан ҳисобот берувчи ташкилотнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлашга ёрдам беради. Бундай маълумот фойдаланувчиларга ҳисобот берувчи ташкилотнинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти, унинг кўшимча молиялаштириш манбаларига бўлган эҳтиёжи ва у мазкур молиялаштиришни қандай эҳтимоллик билан олиши мумкинлигини баҳолашга ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, ушбу маълумот фойдаланувчиларга раҳбариятнинг ташкилот иқтисодий ресурсларини маъсулиятли бошқариш бўйича фаолиятини баҳолашга ёрдам бериши мумкин. Мавжуд талаб қилиш ҳуқуқлари бўйича тўловларни амалга ошириш устуворлиги ва шартлари тўғрисидаги маълумот фойдаланувчиларга келгуси пул оқимлари ҳисобот берувчи ташкилотга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар ўртасида қай тарзда тақсимланишини олдиндан тахмин қилишга ёрдам беради.
- 1.14 Иқтисодий ресурсларнинг ҳар хил турлари фойдаланувчи томонидан ҳисобот берувчи ташкилотнинг келгуси пул оқимларига нисбатан истиқболларини баҳолашга турлича таъсир кўрсатади. Баъзи келгуси пул оқимлари дебиторлик қарзлари каби мавжуд иқтисодий ресурслардан бевосита юзага келади. Бошқа пул оқимлари бир неча ресурслардан товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун биргаликда фойдаланиш натижасида юзага келади. Ушбу пул оқимларини айрим

иктисодий ресурслар (ёки уларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари) билан ўзаро мувофиқ келтириш мумкин бўлмасада, молиявий ҳисобот фойдаланувчилари ҳисобот берувчи ташкилот фаолиятида фойдаланиш имконияти бўлган ресурсларнинг характери ва қийматини билишлари лозим.

Иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар

- 1.15 Ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва унга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар мазкур ташкилот фаолиятининг молиявий натижалари (1.17–1.20-бандларга қаранг) ҳамда қарз ва улушли инструментларни чиқариш каби бошқа ҳодиса ёки операциялар билан боғлиқ (1.21-бандга қаранг). Ҳисобот берувчи ташкилотга келгуси соф пул маблағлари кирими истиқболли ва ташкилотнинг иқтисодий ресурсларини масъулиятли бошқариш бўйича раҳбарият фаолиятини лозим даражада баҳолаш учун фойдаланувчилар ўзгаришларнинг ушбу икки турини фарқлаш имкониятига эга бўлишлари лозим.
- 1.16 Ҳисобот берувчи ташкилот фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисидаги маълумот фойдаланувчиларга ташкилот ўзида мавжуд иқтисодий ресурслардан қандай самара олганлигини тушунишга ёрдам беради. Ташкилот томонидан олинган самара тўғрисидаги маълумот фойдаланувчиларга ташкилотнинг иқтисодий ресурсларини масъулиятли бошқариш бўйича раҳбарият фаолиятини баҳолашга ёрдам беради. Мазкур самаранинг ўзгарувчанлиги ва компонентлари тўғрисидаги маълумот ҳам муҳим ҳисобланади, айниқса келгуси пул оқимларининг ноаниқликларини баҳолашда. Ҳисобот берувчи ташкилот фаолиятининг олдинги даврлардаги молиявий натижалари тўғрисида ва унинг раҳбарияти ташкилотнинг иқтисодий ресурсларини масъулиятли бошқариш бўйича ўз жавобгарликларини қай даражада бажарганлиги тўғрисидаги маълумот, одатда ташкилотнинг иқтисодий ресурсларидан олинган келгуси самарани прогноз қилишда фойдалидир.

Ҳисоблаш усули орқали акс эттирилган молиявий натижалар

- 1.17 Ҳисоблаш усули ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва унга талаб қилиш ҳуқуқларига оид операциялар, шунингдек бошқа ҳодиса ва ҳолатларнинг таъсирларини, ҳатто агар тегишли пул маблағлари тушиши ва тўловлар бошқа даврда амалга оширилса ҳам, ушбу таъсирлар юзага келган даврда акс эттиради. Давр учун ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва унга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек мазкур иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот ташкилот фаолиятининг олдинги ва келгуси натижаларини баҳолаш учун шу давр учун фақат пул маблағлари тушиши ва тўловлари тўғрисидаги маълумотдан кўра яхшироқ асосни таъминлайди.
- 1.18 Бевосита инвесторлар ва кредиторлардан қўшимча ресурслар олиш (1-21-бандга қаранг) орқали юзага келадиганлардан ташқари, ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслар ва унга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришларни акс эттирадиган давр учун молиявий натижалар тўғрисидаги маълумот олдинги ва келгуси даврларга ташкилотнинг соф пул маблағлари киримини ҳосил қилиш қобилятини баҳолашда фойдали ҳисобланади. Ушбу маълумот ҳисобот берувчи ташкилот мавжуд иқтисодий ресурсларни қандай даражада оширганлигини кўрсатади ва, бинобарин, бевосита инвесторлар ва кредиторлардан қўшимча ресурслар олиш натижасида эмас, балки ўз фаолияти натижасида соф пул маблағлари киримини ҳосил қилиш қобилятини кўрсатади. Ҳисобот берувчи ташкилотнинг давр учун молиявий натижалар тўғрисидаги маълумоти ҳам фойдаланувчиларга ташкилотнинг иқтисодий ресурсларини масъулиятли бошқариш бўйича раҳбарият фаолиятини баҳолашга ёрдам бериши мумкин.
- 1.19 Ҳисобот берувчи ташкилотнинг давр учун молиявий натижалари тўғрисидаги маълумоти бозор нархи ёки фойз ставкаларининг ўзгариши каби ҳодисалар ташкилотнинг соф пул маблағлари киримини ҳосил қилиш имкониятига таъсир кўрсатган ҳолда қай даражада ташкилотнинг иқтисодий ресурсларининг ошиши ёки камайишига олиб келганлигини кўрсатиши мумкин.

Олдинги давр учун пул оқимлари сифатида акс эттирилган молиявий натижалар

- 1.20 Ҳисобот берувчи ташкилотнинг давр учун пул оқимлари тўғрисидаги маълумоти фойдаланувчиларга ташкилотнинг келгуси соф пул маблағлари киримини ҳосил қилиш қобилятини баҳолаш ва ташкилотнинг иқтисодий ресурсларини масъулиятли бошқариш бўйича раҳбариятнинг фаолиятини баҳолашга ёрдам беради. Бундай маълумот ҳисобот берувчи ташкилот пул маблағларини қандай олиши ва сарфлаши, жумладан унинг қарзлари ва қарзни сўндириш, пуллик дивидендлари ёки пул

маблагларини инвесторлар фойдасига тақсимлашнинг бошқа шакллари, шунингдек ташкилотнинг ликвидлилиги ёки тўлов қобилиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа омиллар тўғрисидаги маълумотни кўрсатади. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумот фойдаланувчиларга ҳисобот берувчи ташкилот томонидан амалга оширилаётган операцияларни тушунишга, унинг молиявий ва инвестициявий фаолиятига баҳо беришга, унинг ликвидлигини ёки тўлов қобилиятини баҳолашга ва ташкилот фаолиятининг молиявий натижалари тўғрисидаги бошқа маълумотни талқин қилишга ёрдам беради.

Молиявий натижалар билан боғлиқ бўлмаган иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар

- 1.21 Ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва унга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари қарз ва улушли инструментларни чиқариш каби молиявий натижалар билан боғлиқ бўлмаган сабабларга биноан ҳам ўзгариши мумкин. Бу турдаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот фойдаланувчилар ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва унга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришларни, шунингдек мазкур ўзгаришларнинг унинг келгуси молиявий натижалари учун оқибатларини тўлиқ тушунишлари учун зарур.

Ташкилотнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланилиши тўғрисида маълумот

- 1.22 Ҳисобот берувчи ташкилотнинг раҳбарияти ташкилотнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўз жавобгарликларини қанчалик оқилона ва самарали бажарганлиги тўғрисидаги маълумот фойдаланувчиларга мазкур ресурсларни масъулиятли бошқариш бўйича раҳбарият фаолиятини баҳолашга ёрдам беради. Шунингдек, бундай маълумот раҳбарият ташкилотнинг иқтисодий ресурсларидан келгуси даврларда қанчалик оқилона ва самарали фойдаланишини прогноз қилиш учун ҳам фойдали бўлади. Шу тариқа, у келгуси соф пул маблагларининг киримига нисбатан ташкилотнинг истикболини баҳолаш учун фойдали бўлиши мумкин.
- 1.23 Ушбу ресурсларни нархлар ва технологияларнинг ўзгариши каби иқтисодий омилларнинг ноқулай таъсиридан ҳимоя қилиш, шунингдек амалдаги қонунчиликка, бошқа норматив ҳужжатларга ва шартномалар шартларига ташкилот томонидан риюя қилинишини таъминлаш ташкилотнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланишга нисбатан раҳбариятнинг жавобгарликларига мисоллар ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

	<i>банд</i>
2-БОБ - ФОЙДАЛИ МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТНИНГ СИФАТ ТАВСИФЛАРИ	
КИРИШ	2,1
ФОЙДАЛИ МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТНИНГ СИФАТ ТАВСИФЛАРИ	2,4
Фундаментал сифат тавсифлари	2,5
Ўринлилиқ	2.6
Муҳимлик	2.11
Рўйи-рост тақдим этиш	2.12
Фундаментал сифат тавсифларини қўллаш	2.20
Маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари	2,23
Қиёсийлик	2.24
Текширилувчанлик	2.30
Ўз вақтида тақдим этиш	2.33
Тушунарлилиқ	2.34
Маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифларини қўллаш	2.37
ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ФОЙДАЛИЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ САРФЛАРГА НИСБАТАН ЧЕКЛОВ	2,39

Кириш

- 2.1 Ушбу бобда кўриб чиқиладиган фойдали молиявий маълумотнинг сифат тавсифлари кўпроқ мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторларга унинг молиявий ҳисоботида (молиявий маълумотида) тақдим этилган маълумот асосида ҳисобот берувчи ташкилот тўғрисида қарор қабул қилишда энг кўп фойдали бўладиган маълумот турларини белгилайди.
- 2.2 Молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслари, унга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари ва мазкур ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларининг ўзгаришига олиб келадиган операцияларнинг ҳамда бошқа ҳодисалар ва ҳолатларнинг таъсирлари тўғрисидаги маълумотни таъминлайди. (Бу маълумот *Концептуал асосда* иқтисодий ҳодисалар тўғрисидаги маълумот сифатида белгиланади). Айрим ҳолларда молиявий ҳисоботлар раҳбариятнинг ҳисобот берувчи ташкилотга нисбатан кутишлари ва стратегиясини, шунингдек прогноз маълумотнинг бошқа турларини ҳам ўз ичига олади.
- 2.3 Фойдали молиявий маълумотнинг сифат тавсифлари⁵ молиявий ҳисоботда тақдим этиладиган молиявий маълумотга, шунингдек бошқа тарзда тақдим этиладиган молиявий маълумотга нисбатан қўлланади. Ҳисобот берувчи ташкилотнинг фойдали молиявий маълумотни тақдим этишга сарфлар билан боғлиқ имкониятини муқаррар чеклаш мазкур ҳолда ҳам қўлланади. Лекин, сифат тавсифларини ва сарфларга нисбатан чекловни қўллашда баҳоланадиган жиҳатлар турли маълумот турлари учун фарқланиши мумкин. Масалан, уларни прогноз маълумотга нисбатан қўллаш уларни мавжуд иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек мазкур ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотга нисбатан қўллашдан фарқланиши мумкин.

Фойдали молиявий маълумотнинг сифат тавсифлари

- 2.4 Молиявий маълумот фойдали бўлиши учун, у ўринли бўлиши ва у нимани тақдим этишга мўлжалланган бўлса, шунини рўйи-рост тақдим этиши лозим. Агар молиявий маълумот қиёсий, текширилувчан, ўз вақтида тақдим этилган ва тушунарли бўлса, унинг фойдалилиги ошади.

Фундаментал сифат тавсифлари

- 2.5 Фундаментал сифат тавсифлари ўринлилик ва рўйи-рост тақдим этишдан иборат.

Ўринлилик

- 2.6 Ўринли молиявий маълумот фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган қарорларга аҳамиятли таъсир кўрсатишга қодир. Маълумот ҳатто айрим фойдаланувчилар ундан ўзи учун манфаатли фойдаланмасликка қарор қилган ёки аллақачон уни бошқа манбалардан олган тақдирда ҳам қарор қабул қилишга аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин.
- 2.7 Агар молиявий маълумот прогноз қийматига ёки тасдиқлаш қийматига ёки ҳар иккисига эга бўлса, у қарорларга аҳамиятли таъсир кўрсатишга қодир ҳисобланади.
- 2.8 Агар молиявий маълумотдан келгуси натижаларни прогноз қилиш учун фойдаланувчилар томонидан фойдаланиладиган жараёнларда кирувчи маълумот сифатида фойдаланиш мумкин бўлса, у прогноз қийматига эга бўлади. Молиявий маълумот прогноз қийматига эга бўлиш учун олдинни кўриш ёки прогностни ифодаланиш шарт эмас. Прогност қийматга эга молиявий маълумот фойдаланувчилар томонидан ўз прогностларини шакллантиришда фойдаланилади.
- 2.9 Агар молиявий маълумот илгари амалга оширилган баҳолашлар тўғрисида мулоҳаза қилиш (уларни тасдиқлаш ёки ўзгартириш) имконини берса, у тасдиқлаш қийматига эга бўлади.
- 2.10 Молиявий маълумотнинг прогноз қиймати ва тасдиқлаш қиймати ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Прогност қийматига эга маълумот кўпинча тасдиқлаш қийматига ҳам эга бўлади. Масалан, кейинги йиллардаги тушумни прогноз қилиш учун асос сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган жорий йил учун тушум тўғрисидаги маълумот шунингдек олдинги йилларда амалга оширилган жорий йилнинг тушуми бўйича прогностлар билан қиёсланиши мумкин. Бундай қиёслашлар натижалари фойдаланувчига олдинги даврларда прогностларни тайёрлаш учун фойдаланилган жараёнларга тузатиш киритиш ва яхшилашга ёрдам бериши мумкин.

⁵ *Концептуал асос* матнида “сифат тавсифлари” ва “сарфларга нисбатан чеклов” атамалари фойдали молиявий маълумотнинг сифат тавсифлари ва молиявий маълумотнинг фойдалилиги билан боғлиқ сарфларга нисбатан чекловни билдиради.

Муҳимлик

- 2.11 Маълумот, агар уни тушириб қолдириш, ногўғри кўрсатиш ёки яшириш умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот (1.5-бандга қаранг) фойдаланувчиларининг муайян ҳисобот берувчи ташкилот тўғрисидаги маълумот билан таъминлайдиган молиявий ҳисобот асосида қабул қилинадиган қарорларига таъсир кўрсатиши асосланган тарзда қутилса, муҳим ҳисобланади. Бошқача айтганда, муҳимлик ташкилот учун хос бўлган, ташкилотнинг алоҳида олинган ҳисоботи контекстида маълумот тааллуқли бўлган моддаларнинг характери ёки қийматидан (ёки ҳар иккисидан) келиб чиқиб аниқланадиган ўринлилиқ жиҳатини намоён қилади. Бинобарин, Кенгаш муҳимликнинг ягона миқдорий чегарасини белгилай олмайди ёки муайян вазиятда нима муҳим бўлиши мумкинлигини олдиндан аниқлай олмайди.

Рўйи-рост тақдим этиш

- 2.12 Молиявий ҳисоботлар иқтисодий ҳодисаларни сўзлар ва рақамларда намоён этади. Молиявий маълумот фойдали бўлиши учун у нафақат ўринли иқтисодий ҳодисаларни намоён қилиши, балки уларни тақдим этишга мўлжалланган иқтисодий ҳодисаларнинг моҳиятини рўйи-рост тақдим этиши лозим. Кўп ҳолларда иқтисодий ҳодисанинг моҳияти ва унинг ҳуқуқий шакли бир хил бўлади. Агар улар фарқ қилса, фақат ҳуқуқий шакли тўғрисидаги маълумот тақдим этиш иқтисодий ҳодисани рўйи-рост тақдим этмайди (4.59-4.62-бандларга қаранг).
- 2.13 Агар акс эттириш қуйидаги учта хусусиятга эга бўлса, у мутлақ рўйи-рост тақдим этишни таъминлаши мумкин. У тўлиқ, бетараф ва хатолардан холи бўлишини ўз ичига олади. Мукамалликка камдан-кам эришилади, агар умуман эришининг имкони бўлса, албатта. Кенгашнинг мақсади мазкур сифатларни имконият даражасида максималлаштиришдан иборатдир.
- 2.14 Тўлиқ акс эттириш фойдаланувчи акс эттириладиган иқтисодий ҳодисани, жумладан барча тавсифлар ва тушунтиришларни тушуниши учун зарур бўлган барча маълумотни ўз ичига олади. Масалан, активлар гуруҳини тўлиқ акс эттириш, камида, мазкур гуруҳ таркибига кирувчи активлар тавсифини, гуруҳ таркибидаги барча активларнинг сон билан акс эттирилишини, шунингдек мазкур сон билан акс эттирилиш нимани намоён қилиши тавсифини (масалан, бошланғич қиймат ёки ҳаққоний қиймат) ўз ичига олиши лозим. Баъзи моддалар учун тўлиқ акс эттириш ушбу моддаларнинг сифати ва тавсифи, уларнинг сифати ва тавсифига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар ва ҳолатлар тўғрисидаги аҳамиятли ҳолатларни тушунтиришни, шунингдек сон билан акс эттиришни аниқлаш учун фойдаланилган жараёни назарда тутиши ҳам мумкин.
- 2.15 Бетараф акс эттириш бу молиявий маълумотни танлаш ёки тақдим этишда ноҳолислик бўлмаслигидир. Кимнингдир фойдасига ёки зарарига ишлайдиган, эътиборни кучайтирадиган ёки заифлаштирадиган ёхуд молиявий маълумот фойдаланувчилари томонидан ижобий ёки салбий қабул қилиниши эҳтимолини ошириш учун уларнинг фикрини қандайдир тарзда манипуляция қилувчи бир ёқлама акс эттириш бетараф акс эттириш ҳисобланмайди. Бетараф маълумот қандайдир мақсадга эга бўлмаган ёки фойдаланувчиларнинг қарорларига таъсир кўрсатмайдиган маълумотни аниқлашмайди. Аксинча, ўринли молиявий маълумот ўз таърифига кўра, фойдаланувчиларнинг қарорларига таъсир кўрсатишга қодир.
- 2.16 Бетарафлик эҳтиёткорлик билан мустаҳкамланади. Эҳтиёткорлик ноаниқлик шароитларида мулоҳазалардан фойдаланишда эҳтиёткор бўлишдир. Эҳтиёткорликни қўллаш активлар ва даромадлар ошириб кўрсатилмаслигини, мажбуриятлар ва харажатлар эса камайтириб кўрсатилмаслигини аниқлатади.⁶ Тенг даражада, эҳтиёткорликни қўллаш активлар ёки даромадларнинг камайтирилишига ёхуд мажбуриятлар ёки харажатларнинг оширилишига йўл қўймайди. Бу каби номуносивликлар келгуси даврларда даромадлар ёки харажатларнинг ошириб ёки камайтириб кўрсатилишига олиб келиши мумкин.
- 2.17 Эҳтиёткорликни қўллаш асимметрияга бўлган эҳтиёжни, масалан мажбуриятлар ёки харажатларни тан олишга нисбатан активлар ёки даромадларни тан олишни асослаш учун анча ишончли далилларга бўлган мунтазам эҳтиёжни назарда тутмайди. Бундай асимметрия фойдали молиявий маълумотнинг сифат тавсифи ҳисобланмайди. Шунга қарамай, муайян стандартлар, агар бу мақсади бўйича рўйи-рост тақдим этадиган энг ўринли маълумотни танлашни таъминлашга мўлжалланган қарорларнинг оқибати бўлса, асимметрик талабларни ўз ичига олиши мумкин.
- 2.18 Рўйи-рост тақдим этиш ҳар жиҳатдан аниқликни аниқлашмайди. Хатолардан холи бўлиш иқтисодий ҳодисанинг тавсифида хатолар ёки маълумотнинг тушириб қолдирилиши мавжуд эмаслигини ва тақдим этилган маълумотни олиш учун фойдаланилган жараён хатосиз танланганлиги ва

⁶ “Активлар”, “мажбуриятлар”, “даромадлар” ва “харажатлар” 4.1-жадвалда таърифланган. Улар молиявий ҳисоботнинг элементлари ҳисобланади.

қўлланганини англатади. Ушбу контекстда хатолардан холи бўлиш ҳар жиҳатдан мутлақо аниқликни англатмайди. Масалан, кузатилмайдиган нарх ёки қийматни баҳолаш аниқ ёки ноаниқлигини билиб бўлмайди. Лекин, агар сумма ҳисоб баҳоси сифатида аниқ ва равшан тавсифланса, баҳолаш жараёни характери ва чеклови тушунтирилса ва лозим даражада баҳоланган қийматни аниқлаш жараёни танлаш ва қўллашда хатога йўл қўйилмаган бўлса, мазкур баҳолаш рўйи-рост тақдим этилган бўлиши мумкин.

- 2.19 Молиявий ҳисоботларда акс этирилган суммалар бевосита кузатиладиган бўлмаса ва бунинг ўрнига ҳисоб баҳосидан фойдаланган ҳолда аниқланиши лозим бўлса, баҳолаш ноаниқликлари юзага келади. Асосланган ҳисоб баҳосини қўллаш молиявий маълумотни тайёрлашнинг зарур компоненти ҳисобланади ва агар мазкур ҳисоб-китоб аниқ ва равшан тавсифланган ва тушунтирилган бўлса, бундай маълумотнинг фойдалилигини камайтирмайди. Ҳатто баҳолашнинг юқори даражада ноаниқлиги бундай ҳисоб баҳосини фойдали маълумот тақдим этишига тўсқинлик қилмайди (2.22-бандга қараң).

Фундаментал сифат тавсифларини қўллаш

- 2.20 Маълумот фойдали бўлиши учун у ҳам ўринли бўлиши, ҳам нимани тақдим этишга мўлжалланган бўлса, шуни рўйи-рост тақдим этишни таъминлаши лозим. Ўринли бўлмаган иқтисодий ҳодисани рўйи-рост тақдим этиш ҳам, ўринли иқтисодий ҳодисани рўйи-рост тақдим этмаслик ҳам фойдаланувчиларга тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам бермайди.
- 2.21 Фундаментал сифат тавсифларини қўллашнинг энг оқилона ва самарали жараёни одатда қуйидагича бўлади (маълумотнинг фойдалилигини оширувчи тавсифларнинг таъсирини ва ушбу мисолда эътиборга олинмаган сарфларга нисбатан чекловларни ҳисобга олган ҳолда). Биринчидан, ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий маълумотидан фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши мумкин бўлган иқтисодий ҳодиса аниқланади. Иккинчидан, энг ўринли бўладиган ушбу иқтисодий ҳодиса тўғрисидаги маълумот тури аниқланади. Учинчидан, ушбу маълумотдан фойдаланиш имконияти ва у мазкур иқтисодий ҳодисани рўйи-рост тақдим этишни таъминлай олиши аниқланади. Агар шундай бўлса, маълумотнинг асос бўладиган сифат тавсифларига мос келишини таъминлаш жараёни ушбу босқичда яқунланади. Акс ҳолда, жараён кейинги энг ўринли маълумот турига нисбатан такрорланади.
- 2.22 Айрим ҳолларда, иқтисодий ҳодисалар тўғрисида фойдали маълумот тақдим этишдан иборат бўлган молиявий ҳисоботлар тақдим этишнинг мақсадига эришиш учун асос бўладиган сифат тавсифлари ўртасида оптимал нисбатни танлаш зарур бўлиши мумкин. Масалан, иқтисодий ҳодиса тўғрисидаги энг ўринли маълумот юқори даражада ноаниқликдаги ҳисоб баҳоси бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда ҳисоб баҳосини аниқлашда ноаниқликлар даражаси шунчалик юқори бўлиши мумкинки, ҳисоб баҳоси мазкур иқтисодий ҳодисани етарлича рўйи-рост тақдим этишни таъминлаши юзасидан шубҳа юзага келиши мумкин. Айрим бундай ҳолларда мазкур ҳисоб баҳосининг тавсифи ва унга таъсир кўрсатувчи ноаниқликларни тушунтириш илова қилинадиган ноаниқликларнинг юқори даражасига эга ҳисоб баҳоси энг фойдали маълумот бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай маълумот иқтисодий ҳодисани етарлича рўйи-рост тақдим этишни таъминлай олмайдиган бошқа шунга ўхшаш ҳолларда, энг фойдали маълумот камроқ ўринли бўлган, бироқ уни баҳолаш ноаниқликлари даражаси паст бўлган бошқа турдаги ҳисоб баҳосини ўз ичига олиши мумкин. Чекланган ҳолларда, фойдали маълумотни тақдим этадиган ҳеч қандай ҳисоб баҳоси мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бундай чекланган ҳолларда, ҳисоб баҳосига асосланмаган маълумотни тақдим этиш зарур бўлиши мумкин.

Маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари

- 2.23 Қиёсийлик, текширилувчанлик, ўз вақтида тақдим этиш ва тушунарлилик ўринли ва нимани тақдим этишга мўлжалланган бўлса, шуни рўйи-рост тақдим этишни таъминлайдиган маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари ҳисобланади. Маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари, агар иккала усул тенг даражада ўринли маълумот тақдим этади ва ушбу иқтисодий ҳодисани тенг даражада рўйи-рост тақдим этишни таъминлайди деб ҳисобланса, бундай иқтисодий ҳодисани акс этириш учун иккита усулдан қайси биридан фойдаланиш лозимлигини аниқлашга ҳам ёрдам бериши мумкин.

Қиёсийлик

- 2.24 Фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилиниши муқобил вариантлардан бирини танлаш, масалан, инвестицияни сотиш ёки сақлаб туриш ёхуд бир ҳисобот берувчи ташкилотга ёки бошқасига инвестиция киритиш бўйича танловни назарда тутати. Бинобарин, ҳисобот берувчи ташкилот

- тўғрисидаги маълумот, агар уни бошқа ташкилотлар тўғрисидаги шу каби маълумот билан ва бошқа давр ёки бошқа сана учун худди шу ташкилот тўғрисидаги шу каби маълумот билан қиёслаш мумкин бўлса, фойдалироқ бўлади.
- 2.25 Қиёсийлик фойдаланувчиларга моддалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш ва тушуниш имконини берадиган сифат тавсифи ҳисобланади. Бошқа сифат тавсифларидан фарқли тарзда, қиёсийлик алоҳида бир моддага боғлиқ бўлмайди. Қиёслаш учун камида иккита модда зарур бўлади.
- 2.26 Изчиллик тушунчаси, қиёсийлик билан боғлиқ бўлсада, у билан бир хил эмас. Изчиллик айнан бир хил моддаларга нисбатан битта ташкилот доирасида турли даврларда ёки турли ташкилотларга нисбатан бир даврда айнан бир хил усуллардан фойдаланишни назарда тутати. Қиёсийлик мақсад ҳисобланади; изчиллик шу мақсадга эришишга ёрдам беради.
- 2.27 Қиёсийлик бир хилликни билдирмайди. Маълумот қиёсий бўлиши учун ўхшаш бўлган нарсалар ўхшаш тарзда бўлиши, фарқ қилувчи нарсалар эса турлича бўлиши лозим. Агар ўхшаш бўлмаган нарсалар ўхшаш тақдим этилса, ўхшаш нарсалар эса фарқли тақдим этилса, молиявий маълумотнинг қиёсийлиги ошмайди.
- 2.28 Қиёсийликнинг айрим даражасига маълумот фундаментал сифат тавсифларига мувофиқ келганда эришиш мумкин бўлади. Ўринли иқтисодий ҳодисани табиий равишда рўйи-рост тақдим этиш бошқа ҳисобот берувчи ташкилотнинг шу каби ўринли иқтисодий ҳодисасини рўйи-рост тақдим этиш билан қиёслашнинг айрим даражасини сақлаши лозим.
- 2.29 Битта иқтисодий ҳодиса бир нечта усуллар билан рўйи-рост тақдим этилиши мумкинлигига қарамай, айнан битта иқтисодий ҳодисага нисбатан ҳисобнинг муқобил усулларидан фойдаланишга йўл кўйилганда қиёсийлик камаяди.

Текширилувчанлик

- 2.30 Текширилувчанлик маълумот уни тақдим этишга мўлжалланган иқтисодий ҳодисани рўйи-рост тақдим этишига фойдаланувчиларни ишонтиришга ёрдам беради. Текширилувчанлик турли хабардор ва мустақил кузатувчилар аниқ келишувга эга бўлмасда, муайян акс эттириш рўйи-рост эканлигига бўйича умумий фикрга келишлари мумкинлигини англатади. Миқдорий маълумот текширилувчан бўлиши учун ягона мумкин бўлган ҳисоб баҳосини намоён этиши шарт эмас. Мумкин бўлган қийматлар диапазони ва улар билан боғлиқ эҳтимолликлар ҳам текширилувчан бўлиши мумкин.
- 2.31 Текширилувчанлик бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Бевосита текширилувчанлик бевосита кузатиш йўли билан сонли ёки бошқа маълумотни текширишни билдиради, масалан, пул маблағларини санаш йўли билан. Билвосита текширилувчанлик модел, формулалар ва бошқа усулларга киритиладиган маълумотларни текшириш ва худди шу методологиядан фойдаланган ҳолда олинган натижаларни қайта ҳисоблашни англатади. Мисол тариқасида, захираларнинг баланс қийматини текшириш кирувчи маълумотларни (сони ва қийматини) текшириш ва қиймат оқими бўйича худди шу тахминдан фойдаланган ҳолда давр охирига захираларни қайта ҳисоблаш (масалан, “биринчи кирим, биринчи чиқим қилиниши” (ФИФО) усулидан фойдаланган ҳолда) йўли билан амалга оширилиши мумкин.
- 2.32 Айрим тушунтишларни ва прогноз молиявий маълумотни текшириш имконияти фақат келгуси даврда пайдо бўлиши ёки умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин. Фойдаланувчиларга улар бундай маълумотдан фойдаланишни хошлаётганликларини ҳал қилишга ёрдам бериш учун одатда таянч бўладиган тахминлар, мазкур маълумотни йиғиш усуллари, шунингдек мазкур маълумотни тасдиқлайдиган омиллар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш зарур.

Ўз вақтида тақдим этиш

- 2.33 Ўз вақтида тақдим этиш бу қарор қабул қилувчи шахслар томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатишга қодир бўлиши учун улар томонидан маълумотни ўз вақтида олинишини англатади. Қоида тариқасида, маълумотнинг фойдалилиги унинг муддати ўтган сари камайиб боради. Лекин, баъзи маълумотлар ҳисобот даври якунлангандан кейин узок вақт давомида ўз вақтида тақдим этилган бўлиб ҳисобланиши мумкин, чунки, масалан, баъзи фойдаланувчилар трендларни аниқлаши ва баҳолаши лозим бўлиши мумкин.

Тушунарлилик

- 2.34 Маълумотни таснифлаш, тизимлаштириш ҳамда аниқ ва қисқа тақдим этиш уни тушунарли қилади.
- 2.35 Айрим иқтисодий ҳодисалар ўз моҳиятига кўра мураккаб ва тушуниш учун содда шаклда тақдим этиб бўлмайди. Бундай иқтисодий ҳодисалар тўғрисидаги маълумотни молиявий ҳисоботлардан чиқариб

ташлаш ушбу молиявий ҳисоботлардаги маълумотни тушунишни осонлаштириши мумкин. Лекин, бундай ҳисоботлар тўлиқ бўлмади ва, оқибатда, чалғитадиган бўлиши мумкин.

- 2.36 Молиявий ҳисоботлар бизнес ва иқтисодий фаолият тўғрисида етарли билимга эга, шунингдек маълумотни синчковлик билан кўриб чиқадиган ва таҳлил қиладиган фойдаланувчилар учун тайёрланади. Баъзида, ҳатто яхши хабардор бўлган ва синчков фойдаланувчилар ҳам мураккаб иқтисодий ходисалар тўғрисидаги маълумотларни тушуниш учун маслаҳатчи ёрдамга эҳтиёж сезишлари мумкин.

Маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифларини қўллаш

- 2.37 Маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари максимал имкон даражасида таъминланиши лозим. Лекин, агар маълумот ўринли бўлмаса ёки у нимани тақдим этишга мўлжалланган бўлса, шуни рўйи-рост тақдим этишни таъминламаса, маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари алоҳида ҳам, биргаликда ҳам маълумотни фойдали қила олмайди.
- 2.38 Маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифларини қўллаш берилган изчил тартибни бажаришни назарда тутмайдиган тақдорланувчи жараёни намоен қилади. Баъзан бир сифат тавсифининг қийматини максималлаштириш учун бошқа сифат тавсифи қийматини камайтиришга тўғри келиши мумкин. Масалан, янги стандартни перспектив қўллаш натижасида қиёсийликнинг вақтинча пасайиши узоқ муддатли даврда маълумотнинг ўринлилигини ёки рўйи-рост тақдим этишни ошириш мақсадларида ўзини оқлаши мумкин. Маълумотни лозим даражада ёритиб бериш қиёсий бўлмаган маълумотларни қисман қоплаши мумкин.

Тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг фойдалилиги билан боғлиқ сарфларга нисбатан чеклов

- 2.39 Сарфлар молиявий ҳисоботларда тақдим этилиши мумкин бўлган маълумотга нисбатан муқаррар чекловни намоен қилади. Ҳисоботга доир молиявий маълумотни тақдим этиш сарфлар билан боғлиқ ва ушбу сарфлар мазкур маълумотни тақдим этишдан олинган наф билан оқланиши муҳимдир. Эътиборга олинмиши лозим бўлган сарфлар ва нафларнинг бир нечта турлари мавжуд.
- 2.40 Молиявий маълумотни тақдим этувчи ташкилотлар молиявий маълумотни йиғиш, қайта ишлаш, текшириш ва тарқатишга катта куч сарфлайди, лекин натижада фойдаланувчилар ушбу сарфларни инвестициялардан самаранинг камайтиши тарзида амалга оширадилар. Молиявий маълумотдан фойдаланувчилар шунингдек, тақдим этилган маълумотни таҳлил қилиш ва талқин қилиш бўйича сарфларни ҳам амалга оширадилар. Агар зарур маълумот тақдим этилмаса, фойдаланувчилар уни қандайдир бошқа манбалардан олиш ёки уни ҳисоб йўли билан баҳолаш учун қўшимча сарфларни амалга оширадилар.
- 2.41 Ўринли ва нимани тақдим этишга мўлжалланган бўлса, шуни рўйи-рост тақдим этадиган молиявий маълумотни тақдим этиш фойдаланувчиларга кўпроқ ишонч билан қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Бу капитал бозорларининг анча самарали фаолият кўрсатиши ва умуман иқтисодиёт учун капитал қийматининг пасайишига олиб келади. Алоҳида инвестор, қарз берувчи ёки бошқа кредитор ҳам кўпроқ хабардор бўлган ҳолда қарор қабул қилишдан наф кўради. Лекин, умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботлар ҳар бир алоҳида фойдаланувчи учун ўринли бўлган барча маълумотни ўз ичига олиши мумкин эмас.
- 2.42 Сарфларга нисбатан чекловни қўллашда, Кенгаш аниқ маълумотни тақдим этишдан олинган наф ушбу маълумотни тақдим этиш ва фойдаланиш мақсадларида амалга оширилган сарфларни оқлаши қанчалик эҳтимолли эканини баҳолайди. Янги стандартни ишлаб чиқишда сарфларга нисбатан чекловни қўллаган ҳолда, Кенгаш молиявий маълумот тақдим этадиганларнинг, шунингдек ушбу маълумотдан фойдаланувчилар, аудиторлар, илмий доира вакиллари ва бошқа шахсларнинг кўриб чиқиладиган стандарт билан боғлиқ наф ва сарфларнинг кутилаётган тавсифи ва ҳажмига нисбатан фикрларини сўраб олади. Аксарият ҳолларда баҳолаш миқдорий ва сифатли маълумотга асосланади.
- 2.43 Индивидуал фикрларнинг ўз-ўзидан субъективлиги сабабли, молиявий маълумотнинг аниқ моддаларини тақдим этиш бўйича сарфлар ва нафларни баҳолаш фарқланади. Шунинг учун, Кенгаш молиявий ҳисоботларни тақдим этиш бўйича сарфлар ва нафларни фақат алоҳида ҳисобот берувчи ташкилотларга эмас, балки умуман молиявий ҳисоботлар тақдим этишга нисбатан кўриб чиқишга интилади. Бу дегани сарфлар ва нафларни баҳолаш барча ташкилотлар учун ҳар доим ҳисоботга бир хил талаблар қўйилишини оқлашини аниқламайди. Ташкилотлар ҳажмининг фарқланиши, улар томондан капитал жалб қилиш усулларининг фарқланиши (очик бозорларда ёки хусусий тартибда), фойдаланувчилар эҳтиёжларининг фарқланиши ва бошқа омиллар сабабли фарқлар ўринли бўлиши мумкин.

МУНДАРИЖА

	<i>банд</i>
3-БОБ - МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ВА ҲИСОБОТ БЕРУВЧИ ТАШКИЛОТ	
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ	3,1
Молиявий ҳисоботнинг мақсади ва таркиби	3,2
Ҳисобот даври	3,4
Молиявий ҳисоботни тақдим этиш позицияси	3,8
Фаолият узлуксизлиги фарази	3,9
ҲИСОБОТ БЕРУВЧИ ТАШКИЛОТ	3,10
Консолидациялашган ва консолидациялашмаган молиявий ҳисобот	3,15

Молиявий ҳисобот

- 3.1 1 ва 2-бобларда умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларда тақдим этиладиган маълумотлар кўриб чиқилади, 3-8-бобларда эса маълумотни умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларнинг алоҳида шаклида, айнан умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботда тақдим этиш масалалари кўриб чиқилади. Молиявий ҳисобот⁷ ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисобот элементлари таърифларига жавоб берадиган иқтисодий ресурслар, ташкилотга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек мазкур ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотни тақдим этади (4.1-жадвалга қаранг).

Молиявий ҳисоботнинг мақсади ва таркиби

- 3.2 Молиявий ҳисоботнинг мақсади молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳисобот берувчи ташкилотнинг келгуси соф пул маблағлари кирими бўйича истикболни баҳолашда ва ташкилот раҳбариятининг унинг иқтисодий ресурсларини масъулиятли бошқариш бўйича фаолиятини баҳолашда фойдали бўладиган ҳисобот берувчи ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари⁸ тўғрисидаги молиявий маълумотни тақдим этишдан иборатдир (1.3-бандга қаранг).
- 3.3 Ушбу маълумот қуйидагиларда тақдим этилади:
- (а) активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал тан олинадиган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда;
 - (б) даромадлар ва харажатлар тан олинадиган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (ҳисоботларда)⁹; ва
 - (в) қуйидагилар тўғрисидаги маълумот тақдим этиладиган ва ёритиб бериладиган ҳисоботларда ва изоҳларда:
 - (i) тан олинган активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ва харажатлар (5.1-бандга қаранг), шу жумладан уларнинг характери ва ушбу тан олинган активлар ва мажбуриятлардан юзага келадиган рисклар тўғрисида маълумот;
 - (ii) тан олинмаган активлар ва мажбуриятлар (5.6-бандга қаранг), шу жумладан уларнинг характери ва улардан юзага келадиган рисклар тўғрисида маълумот;
 - (iii) пул оқимлари;
 - (iv) ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларининг бадаллари ва ушбу шахсларга тақсимлашлар; ва
 - (v) тақдим этилган ёки ёритиб берилган суммаларни баҳолашда фойдаланилган усуллар, фаразлар ва мулоҳазалар, шунингдек ушбу усуллар, фаразлар ва мулоҳазалардаги ўзгаришлар.

Ҳисобот даври

- 3.4 Молиявий ҳисобот муайян вақт даврига (ҳисобот даврига) нисбатан тайёрланади ва қуйидагилар тўғрисида маълумот тақдим этади:
- (а) ҳисобот даврининг охири санасида ёки ҳисобот даври мобайнида мавжуд бўлган активлар ва мажбуриятлар, шу жумладан тан олинмаган активлар ва мажбуриятлар ҳамда хусусий капитал тўғрисида; ва
 - (б) ҳисобот даври учун даромадлар ва харажатлар тўғрисида.
- 3.5 Шунингдек, молиявий ҳисобот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ўзгаришлар ва трендларни аниқлаш ва баҳолашга ёрдам бериш мақсадида камида битта олдинги давр учун қиёсий маълумотни тақдим этади.
- 3.6 Келгуси операциялар ва бошқа келгуси ходисалар тўғрисидаги маълумот (прогноз маълумот) қуйидаги шартларда молиявий ҳисоботга киритилади:

⁷ Концептуал асос матнида “молиявий ҳисобот” атамасини “умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботлар”ни назарда тутлади.

⁸ “Активлар”, “мажбуриятлар”, “хусусий капитал”, “даромадлар” ва “харажатлар” 4.1-жадвалда таърифланган. Улар молиявий ҳисоботнинг элементлари ҳисобланади.

⁹ Концептуал асос молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар) битта ёки иккита ҳисоботдан иборат бўлишини белгиламайди.

- (а) ташкилотнинг ҳисобот даври охириги санасида ёки ҳисобот даври мобайнида мавжуд бўлган ёхуд ҳисобот даври учун даромадларга ёки харажатларга доир бўлган активлари ва мажбуриятлари, шу жумладан тан олинмаган активлари ва мажбуриятлари ёки хусусий капиталга доир бўлса; ва
- (б) молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун фойдали бўлса.

Масалан, актив ёки мажбурият келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳоси ёрдамида баҳоланса, бундай келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳоси тўғрисидаги маълумот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга унда акс эттирилган баҳоларни тушунишга ёрдам бериши мумкин. Молиявий ҳисобот, қоидага қўра, прогноз маълумотнинг бошқа турларини, масалан, раҳбариятнинг ҳисобот берувчи ташкилотга нисбатан кутишлари ва стратегияси тўғрисидаги тушунтириш материалларини таъминламайди.

- 3.7 Молиявий ҳисобот ҳисобот даври охиридан кейин рўй берган операциялар ва бошқа ҳодисалар тўғрисидаги маълумотни, агар бундай маълумотни тақдим этиш молиявий ҳисоботнинг мақсадига эришиш учун зарур бўлса, ўз ичига олади (3.2-бандга қаранг).

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш позицияси

- 3.8 Молиявий ҳисобот мавжуд ёки потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ёхуд бошқа кредиторларнинг қандайдир аниқ гуруҳи позициясидан эмас, умумий ҳолатда ҳисобот берувчи ташкилот позициясидан кўриб чиқиладиган операциялар ва бошқа ҳодисалар тўғрисидаги маълумотни тақдим этади.

Фаолият узлуксизлиги фарази

- 3.9 Молиявий ҳисобот одатда ҳисобот берувчи ташкилот ўз фаолиятини узлуксиз амалга ошириши ва яқин келажакда уни амалга оширишда давом эттириши тўғрисидаги фараз асосида тайёрланади. Шу тариқа, ташкилотнинг ўз фаолиятини тугатиш ёки ўзининг тижорат фаолиятини тўхтатиш нияти ҳам, зарурати ҳам йўқлиги фараз қилинади. Агарда бундай ният ёки зарурат мавжуд бўлса, молиявий ҳисоботни бошқа асосда тайёрлаш талаб қилиниши мумкин. Бу ҳолда молиявий ҳисоботда фойдаланилган асос тавсифланади.

Ҳисобот берувчи ташкилот

- 3.10 Ҳисобот берувчи ташкилот - бу молиявий ҳисоботни тайёрлаши шарт бўлган ёки уни тайёрлаш тўғрисида мустақил қарор қабул қиладиган ташкилот. Ҳисобот берувчи ташкилот битта ташкилотни, ташкилотнинг бир қисмини ёки бир нечта ташкилотларни ўз ичига олиши мумкин. Ҳисобот берувчи ташкилот юридик шахс бўлиши шарт эмас.
- 3.11 Баъзан битта ташкилот (бош ташкилот) бошқа ташкилот (шўъба ташкилот) устидан назоратга эга бўлади. Агар ҳисобот берувчи ташкилот ҳам бош ташкилотни, ҳам унинг шўъба ташкилотини ўз ичига олса, ушбу ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботи “консолидациялашган молиявий ҳисобот” ҳисобланади(3.15-3.16-бандларга қаранг). Агар ҳисобот берувчи ташкилот фақат бош ташкилотнинг ўзидан иборат бўлса, мазкур ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботи “консолидациялашмаган молиявий ҳисобот” ҳисобланади(3.17-3.18-бандларга қаранг).
- 3.12 Агар ҳисобот берувчи ташкилот бош ташкилот - шўъба ташкилот муносабатлари билан боғланмаган икки ёки ундан ортиқ ташкилотларни ўз ичига олса, ҳисобот берувчи ташкилотнинг ушбу молиявий ҳисоботи “комбинациялашган молиявий ҳисобот” ҳисобланади.
- 3.13 Қуйидаги шартларда ҳисобот берувчи ташкилотнинг аниқ чегараларини аниқлаш мураккаб бўлиши мумкин:
- (а) ҳисобот берувчи ташкилот юридик шахс ҳисобланмаса; ва
 - (б) фақат бош ташкилот - шўъба ташкилот муносабатлари билан боғланган юридик шахслардан иборат бўлмаса.
- 3.14 Бундай ҳолларда, ҳисобот берувчи ташкилотнинг чегараларини аниқлаш ҳисобот берувчи ташкилот молиявий ҳисоботи асосий фойдаланувчиларининг маълумотга бўлган эҳтиёжларига боғлиқ. Ушбу фойдаланувчилар у нимани тақдим этишга мўлжалланган бўлса, шуни рўйи-рост тақдим этадиган ўринли маълумотга эҳтиёжлари бор. Рўйи-рост тақдим этиш қуйидагиларни назарда тутати:
- (а) ҳисобот берувчи ташкилотнинг чегаралари унинг иқтисодий фаолият турларининг ихтиёрий ёки тўлиқ бўлмаган турлари тўпламидан иборат бўлмайди;

- (б) ҳисобот берувчи ташкилотнинг чегараларида кўрсатилган иктисодий фаолият турлари тўпламининг киритилиши бетараф маълумот тақдим этилишини таъминлайди; ва
- (в) ҳисобот берувчи ташкилотнинг чегаралари қандай тарзда аниқланганлиги ва ҳисобот берувчи ташкилот нимадан иборат эканлигининг тавсифи тақдим этилади.

Консолидациялашган ва консолидациялашмаган молиявий ҳисобот

- 3.15 Консолидациялашган молиявий ҳисобот ягона ҳисобот берувчи ташкилот сифатида бош ташкилот ва унинг шўба ташкилотларининг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумотни тақдим этади. Мазкур маълумот бош ташкилотнинг мавжуд ва потенциал инвесторлари, қарз берувчилари ва бошқа кредиторлари учун бош ташкилотга келгуси соф пул маблағлари кирими истикболни баҳолашда фойдали ҳисобланади. Чунки бош ташкилотга соф пул маблағлари кирими шўба ташкилотлар томонидан бош ташкилот фойдасига тақсимлашларни ўз ичига олади ва бундай тақсимлашлар шўба ташкилотга соф пул маблағлари киримида боғлиқ.
- 3.16 Консолидациялашган молиявий ҳисобот муайян шўба ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисида алоҳида маълумот тақдим этиш учун мўлжалланмаган. Бундай маълумотни таъминлашга шўба ташкилотнинг ўз молиявий ҳисоботи мўлжалланган.
- 3.17 Консолидациялашмаган молиявий ҳисобот шўба ташкилотнинг эмас, бош ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот тақдим этиш учун мўлжалланган. Бундай маълумот куйидаги сабабларга кўра бош ташкилотнинг мавжуд ва потенциал инвесторлари, қарз берувчилари ва бошқа кредиторларига фойдали бўлиши мумкин:
- (а) бош ташкилотга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари одатда бундай талаб қилиш ҳуқуқининг эгасига унинг шўба ташкилотига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини бермайди; ва
 - (б) айрим юрисдикцияларда бош ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгалари ўртасида қонунчиликка асосан тақсимланиши мумкин бўлган суммалар ушбу бош ташкилотнинг тақсимланадиган резервлари миқдорига боғлиқ.
- Бош ташкилот ўзининг айрим ёки барча активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумотни тақдим этиш усулларида яна бири бундай маълумотни консолидациялашган молиявий ҳисоботга изоҳларда тақдим этиш ҳисобланади.
- 3.18 Консолидациялашмаган молиявий ҳисоботда тақдим этиладиган маълумот, қоидага биноан, бош ташкилотнинг мавжуд ва потенциал инвесторлари, қарз берувчилари ва бошқа кредиторларининг маълумотга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш учун етарли эмас. Шунга кўра, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тақдим этиш талаб этиладиган ҳолларда консолидациялашмаган молиявий ҳисобот консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг ўрнини боса олмайди. Шунга қарамай, бош ташкилот консолидациялашган молиявий ҳисоботга қўшимча равишда консолидациялашмаган молиявий ҳисоботни тайёрлаши талаб этилиши ёки ўз танловига биноан уни тайёрлаши мумкин.

МУНДАРИЖА

	<i>банд</i>
4-БОБ - МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ЭЛЕМЕНТЛАРИ	
КИРИШ	4,1
АКТИВ ТАЪРИФИ	4,3
Хуқуқ	4,6
Иқтисодий нафлар яратиш потенциалли	4,14
Назорат	4,19
МАЖБУРИЯТ ТАЪРИФИ	4,26
Жавобгарлик	4,28
Иқтисодий ресурсни ўтказиш	4,36
Олдинги ҳодисалар натижасидаги мавжуд жавобгарлик	4,42
АКТИВЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР	4,48
Ҳисоб бирлиги	4,48
Ижро этиладиган шартномалар	4,56
Шартномавий ҳуқуқлар ва шартномавий мажбуриятлар моҳияти	4,59
ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТАЪРИФИ	4,63
ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ТАЪРИФИ	4,68

Кириш

- 4.1 Қуйидагилар *Концептуал асосда* белгиланган молиявий ҳисобот элементлари ҳисобланади:
- (а) ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳолатига оид активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал; ва
 - (б) ҳисобот берувчи ташкилот фаолиятининг молиявий натижаларига оид даромадлар ва харажатлар.
- 4.2 Мазкур элементлар 1-бобда таърифланган иқтисодий ресурслар, талаб қилиш ҳуқуқлари ва иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ва улар 4.1-жадвалда таърифланган.

4.1-жадвал. Молиявий ҳисобот элементлари

1-бобда кўриб чиқилган тушунчалар	Элемент	Таъриф ёки тавсиф
Иқтисодий ресурс	Актив	Олдинги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинадиган мавжуд иқтисодий ресурс. Иқтисодий ресурс бу иқтисодий нафлар яратиш потенциалига эга бўлган ҳуқуқ ҳисобланади.
Талаб қилиш ҳуқуқи	Мажбурият	Ташкилотнинг олдинги ҳодисалар натижасида юзага келган иқтисодий ресурсни ўтказиш бўйича мавжуд жавобгарлиги.
	Хусусий капитал	Ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан кейин унинг активларидаги қолдиқ улуш.
Фаолиятнинг молиявий натижаларини акс эттирадиган иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар	Даромадлар	Хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган хусусий капиталнинг ошишига олиб келадиган активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайиши.
	Харажатлар	Хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларига тақсимлашлар билан боғлиқ бўлмаган хусусий капиталнинг камайишига олиб келадиган активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ошиши.
Иқтисодий ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги бошқа ўзгаришлар	–	Ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларининг бадаллари ва уларга тақсимлашлар.
	–	Хусусий капиталнинг ошиши ёки камайишига олиб келмайдиган активлар ёки мажбуриятларни айрибошлаш.

Актив таърифи

- 4.3 Актив — олдинги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинадиган мавжуд иқтисодий ресурс.
- 4.4 Иқтисодий ресурс — бу иқтисодий нафлар яратиш потенциалига эга бўлган ҳуқуқ.
- 4.5 Мазкур бўлимда мазкур таърифларнинг учта жиҳати кўриб чиқилади:
- (а) ҳуқуқ (4.6–4.13-бандларга қаранг);

- (б) иқтисодий нафлар яратиш потенциали (4.14–4.18-бандларга қаранг); ва
- (в) назорат (4.19–4.25-бандларга қаранг).

Ҳуқуқ

- 4.6 Иқтисодий нафлар яратиш потенциалига эга ҳуқуқлар турли шаклларга эга бўлиши мумкин, жумладан:
- (а) бошқа томоннинг мажбуриятига мувофиқ келадиган ҳуқуқлар (4.39-бандга қаранг), масалан:
 - (i) пул маблағларини олиш ҳуқуқлари;
 - (ii) товарлар ёки хизматларни олиш ҳуқуқлари;
 - (iii) иқтисодий ресурсларни бошқа томон билан манфаатли шартларда айрибошлаш ҳуқуқлари. Бундай ҳуқуқларга, масалан, ҳозирги вақтда манфаатли ҳисобланадиган иқтисодий ресурсларни сотиб олиш учун форвард шартномаси ёки иқтисодий ресурсларни сотиб олиш учун опцион киради;
 - (iv) бошқа томоннинг иқтисодий ресурсни ўтказиш мажбуриятдан келиб чиқадиган муайян келгуси ҳодиса рўй берган тақдирда олинadиган нафга бўлган ҳуқуқлар (4.37-бандга қаранг);
 - (б) бошқа томоннинг мажбуриятига мувофиқ келмайдиган ҳуқуқлар, масалан:
 - (i) асосий воситалар объектлари ёки захиралар каби жисмоний объектларга бўлган ҳуқуқлар. Бундай ҳуқуқларга жисмоний объектдан фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара объектнинг тугатиш қийматидан наф олишга бўлган ҳуқуқ мисол бўлади;
 - (ii) интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи.
- 4.7 Кўп ҳуқуқлар шартнома шартлари, қонунчилик талаблари ёки шунга ўхшаш шартлар орқали юзага келади. Масалан, ташкилот жисмоний объектга эгалик ёки ижара ҳуқуқида эгалик, қарз инструментига ёки улушли инструментга эгалик ёки рўйхатдан ўтказилган патентга эгалик натижасида ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. Лекин, ташкилот бошқа усуллар билан ҳам ҳуқуқлар олиши мумкин, масалан:
- (а) умумий фойдаланишнинг имконияти бўлмаган ноу-хауни сотиб олиш ёки яратиш йўли билан (4.22-бандга қаранг); ёки
 - (б) бошқа томонда бундай бошқа томоннинг эълон қилинган сиёсати ёки аниқ баёнотларида унинг шаклланган амалиётига зид бўлиши мумкин бўлган тарзда ҳаракат қилишнинг амалий имконияти мавжуд эмаслиги натижасида юзага келган мажбуриятнинг мавжудлиги орқали (4.31-бандга қаранг).
- 4.8 Айрим товарлар ёки хизматлар, масалан, ёлланма ходимлар хизмати бир пайтда олинади ва истеъмол қилинади. Ташкилотнинг бундай товарлар ёки хизматлар билан боғлиқ иқтисодий нафларни олишга бўлган ҳуқуқи ташкилот томонидан ушбу товарлар ёки хизматларни истеъмол қилиш пайтига қадар жуда қисқа муддат мобайнида мавжуд бўлади.
- 4.9 Ташкилотнинг барча ҳуқуқлари ҳам ушбу ташкилотнинг активлари ҳисобланмайди - ҳуқуқлар ташкилотнинг активлари ҳисобланиши учун иккита шартга риоя қилиниши лозим: ҳуқуқлар барча бошқа томонлар учун мавжуд иқтисодий нафлар келтиришидан ташқари ташкилот учун иқтисодий нафлар келтириш потенциалига эга бўлиши лозим (4.14-4.18-бандларга қаранг) ва ташкилот томонидан назорат қилиниши лозим (4.19-4.25-бандларга қаранг). Масалан, аҳамиятли сарфларсиз барча томонлар фойдаланиши учун мавжуд ҳуқуқлар - хусусан ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган йўл ёки ноу-хаудан фойдаланиш ҳуқуқи - қоидага биноан, уларга эга бўлган ташкилот учун активлар ҳисобланмайди.
- 4.10 Ташкилот ўзидан иқтисодий нафлар олиш ҳуқуқига эга бўла олмайди. Шунга қўра:
- (а) ташкилот томонидан чиқарилган ва натижада у томондан қайта сотиб олинган ва сақланадиган қарз инструментлари ёки улушли инструментлар, масалан сотиб олинган ўз акциялари мазкур ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ҳисобланмайди; ва
 - (б) агар ҳисобот берувчи ташкилот бир нечта юридик шахсни ўз ичга олса, ушбу юридик шахсларнинг бири томонидан чиқарилган ва ушбу юридик шахсларнинг бошқаси томонидан сақланадиган қарз инструментлари ёки улушли инструментлар ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ҳисобланмайди.

- 4.11 Умуман олганда, ташкилотнинг ҳар бир ҳукуқи алоҳида активни намоён қилади. Лекин, ҳисоб мақсадлари учун боғлиқ ҳуқуқлар кўпинча битта активни намоён қиладиган битта ҳисоб бирлиги сифатида ҳисобга олинади (4.48–4.55-бандларга қаранг). Масалан, жисмоний объектга бўлган қонун билан таъминланган эгалик ҳукуқи бир неча ҳуқуқларни, жумладан қуйидаги ҳуқуқларни юзга келтириши мумкин:
- (а) мазкур объектдан фойдаланиш ҳукуқи;
 - (б) мазкур объектга бўлган ҳуқуқларни сотиш ҳукуқи;
 - (в) мазкур объектга бўлган ҳуқуқни гаровга қўйиш ҳукуқи; ва
 - (г) (а)–(в) кичик бандларида кўрсатилмаган бошқа ҳуқуқлар.
- 4.12 Кўп ҳолларда, жисмоний объектга бўлган қонуний эгалик ҳукуқи билан боғлиқ ҳуқуқлар тўплами, битта актив сифатида ҳисобга олинади. Концептуал жиҳатдан иқтисодий ресурс жисмоний объектдан эмас, балки ҳуқуқлар тўпламидан иборат. Шунга қарамай, мазкур ҳуқуқлар тўпламини жисмоний объект сифатида тавсифлаш аксарият ҳолларда бундай ҳуқуқларни энг қисқа ва тушунарли усулда рўйи-рост тақдим этишни таъминлайди.
- 4.13 Айрим ҳолларда ҳуқуқнинг мавжудлиги ноаниқлик бўлади. Масалан, ташкилот ўзида бошқа томондан иқтисодий наф олиш ҳукуқи мавжудлиги юзасидан ўша бошқа томон билан низолашиши мумкин. Мазкур ноаниқ ҳал қилингунга қадар, масалан суд қарори билан, ташкилотда ҳуқуқ мавжудлиги ва оқибатда, актив мавжудлиги ноаниқ бўлади. (Мавжудлиги ноаниқ бўлган активларни тан олиш тўғрисидаги масала 5.14-бандда кўриб чиқилади.)

Иқтисодий нафлар яратиш потенциали

- 4.14 Иқтисодий ресурс - бу иқтисодий нафлар яратиш потенциалига эга ҳуқуқ. Бундай потенциалнинг мавжуд бўлиши учун мутлақ аниқлик билан ёки ҳатто юқори эҳтимол билан мазкур ҳуқуқ иқтисодий нафлар яратишини тасдиқлаш мумкин бўлиши зарурати йўқ. Фақатгина мазкур ҳуқуқ мавжуд бўлиши ва камида битта ҳолатда мазкур ҳуқуқ барча бошқа томонлар учун мавжуд бўладиган нафлардан ташқари ташкилот учун иқтисодий нафларни ярата олиши зарурдир.
- 4.15 Ҳатто ҳуқуқнинг иқтисодий нафлар яратиш эҳтимоли кам бўлса ҳам, ҳуқуқ иқтисодий ресурс тушунчасига жавоб бериши мумкин ва шунинг учун актив бўлиши мумкин. Шунга қарамай, ушбу кам эҳтимол актив тўғрисида қандай маълумотни тақдим этиш ва уни қандай тарзда тақдим этиш тўғрисидаги қарорларга, шу жумладан активни тан олиш (5.15–5.17-бандларга қаранг) ва уни қандай тарзда баҳолаш тўғрисидаги қарорларга таъсир кўрсатади.
- 4.16 Иқтисодий ресурс ташкилотга ҳуқуқлар бериш ёки масалан, қуйидаги ҳаракатлардан биттаси ёки бир нечтасини амалга ошириш имкониятини таъминлаш ҳисобига унинг учун иқтисодий нафлар яратиши мумкин:
- (а) шартномавий пул оқимларини ёки бошқа иқтисодий ресурсни олиш;
 - (б) бошқа томон билан фойдали шартларда иқтисодий ресурсларни айирбошлаш;
 - (в) пул маблағлари тушишини таъминлаш ёки пул маблағларининг чиқимини олдини олиш, масалан қуйидагилар орқали:
 - (i) мазкур иқтисодий ресурсдан ёки алоҳида ёхуд бошқа иқтисодий ресурслар билан бирга товарларни ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиш;
 - (ii) мазкур иқтисодий ресурсдан бошқа иқтисодий ресурслар қийматини ошириш учун фойдаланиш; ёки
 - (iii) мазкур иқтисодий ресурсни бошқа томонга ижарага бериш;
 - (г) мазкур иқтисодий ресурсни сотиш натижасида пул маблағларини ёки бошқа иқтисодий ресурсларни олиш; ёхуд
 - (д) мазкур иқтисодий ресурсни ўтказиш йўли билан мажбуриятни сўндириш.
- 4.17 Иқтисодий ресурснинг қиймати унинг келгуси иқтисодий нафларни яратиш бўйича мавжуд потенциали билан аниқланишига қарамай, мазкур иқтисодий ресурс ушбу ҳуқуқ яратиши мумкин бўлган келгуси иқтисодий нафларни эмас, ушбу потенциалдан иборат бўлган мавжуд ҳуқуқни намоён қилади. Масалан, сотиб олинган опционнинг қиймати унинг ушбу опционни келгусида бирор санада фойдаланиш натижасида иқтисодий наф яратиш потенциали билан аниқланади. Лекин, иқтисодий ресурс бу келгусида опциондан бирор санада фойдаланиш ҳуқуқини намоён қиладиган мавжуд ҳуқуқдир. Иқтисодий ресурс - бу опционнинг эгаси ундан фойдаланган тақдирда оладиган келгуси иқтисодий нафлар ҳисобланмайди.

- 4.18 Сарфларни амалга ошириш ва активларни харид қилиш ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, лекин ушбу ҳодисалар мос келиши шарт эмас. Бинобарин, ташкилот сарфларни амалга оширса, бу ташкилотнинг келгуси иқтисодий нафлар олишга интилишидан далолат бериши мумкин, лекин ташкилот актив олганлигининг бевосита далили ҳисобланмайди. Шу каби, тегишли сарфларнинг мавжуд эмаслиги у ёки бошқа модда активнинг таърифини қаноатлантиришига тўсқинлик қилмайди. Активларга, масалан, давлат томонидан ташкилотга бепул берилган ёки ташкилотга бошқа томондан ҳадяга берилган ҳуқуқларни киритиш мумкин.

Назорат

- 4.19 Назорат иқтисодий ресурсни ташкилот билан боғлайди. Назорат мавжудлигини баҳолаш ташкилот томонидан ҳисобга олиниши лозим бўлган иқтисодий ресурсни идентификациялашга ёрдам беради. Масалан, ташкилот бутун кўчмас мулк объектига бўлган эгалик ҳуқуқидан келиб чиқадиган ҳуқуқларни назорат қилмаган ҳолда, кўчмас мулк объектининг мутаносиб улушини назорат қилиши мумкин. Бундай ҳолларда бутун кўчмас мулк объектига бўлган эгалик ҳуқуқидан келиб чиқадиган ҳуқуқлар эмас, балки кўчмас мулк объектида у назорат қиладиган улуш ташкилотнинг активи ҳисобланади.
- 4.20 Агар ташкилот мазкур иқтисодий ресурсдан фойдаланиш усулини бошқариш ва у келтириши мумкин бўлган иқтисодий нафларни олиш бўйича жорий имкониятга эга бўлса, ташкилот иқтисодий ресурсни назорат қилади. Назорат бошқа томонлар иқтисодий ресурсдан фойдаланиш усулини бошқариши ва ундан иқтисодий нафлар олишларига тўсқинлик қилиш бўйича жорий имкониятни ўз ичига олади. Шунинг учун, агар бир томон иқтисодий ресурсни назорат қилса, ҳеч қандай бошқа томон уни назорат қилмайди.
- 4.21 Агар ташкилот мазкур иқтисодий ресурсдан ўз фаолиятида фойдаланиш ёки бошқа томонга мазкур иқтисодий ресурсдан бундай бошқа ташкилот фаолиятида фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлса, ташкилот иқтисодий ресурсдан фойдаланиш усулини бошқариш бўйича жорий имкониятга эга бўлади.
- 4.22 Иқтисодий ресурс устидан назорат одатда юридик жиҳатдан ҳимояланган ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятидан келиб чиқади. Лекин, агар ташкилот бирор бошқа томонда эмас, айнан унда иқтисодий ресурсдан фойдаланиш усулини бошқариш ва ундан нафлар олиш бўйича жорий имконияти мавжудлигини тасдиқлашнинг бошқа усулларига эга бўлса ҳам, назорат юзага келиши мумкин. Масалан, агар ташкилот ноу-хаудан фойдаланиш имкониятига эга бўлса ва ноу-хауни ташкилот этувчи маълумотни ошкор этмаслик бўйича жорий имкониятга эга бўлса, ҳатто ушбу ноу-хау рўйхатдан ўтказилган патент билан ҳимоя қилинмаган тақдирда ҳам, ташкилот ноу-хаудан фойдаланиш ҳуқуқини назорат қилиши мумкин.
- 4.23 Ташкилот иқтисодий ресурсни назорат қилиши учун ушбу ресурсдан олинадиган келгуси иқтисодий нафлар қандайдир бошқа томонга эмас, балки бевосита ёки билвосита мазкур ташкилотга келиб тушиши лозим. Назоратнинг мазкур жиҳати ташкилот иқтисодий ресурс барча ҳолатларда иқтисодий нафларни ишлаб чиқаришини кафолатлаши мумкинлигини назарда тутмайди. Аксинча, бу, агар иқтисодий ресурс иқтисодий нафлар келтирса, ташкилот уларни бевосита ёки билвосита оладиган томонлигини билдиради.
- 4.24 Иқтисодий ресурс томонидан яратиладиган иқтисодий нафлар қийматининг аҳамиятли ўзгариши рискига таъсир кўрсатиш, ташкилот ушбу ресурсни назорат қилишини кўрсатиши мумкин. Лекин, бу фақат назорат мавжудлигини умумий баҳолашда эътиборга олиш зарур бўлган омиллардан биридир.
- 4.25 Баъзан бир томон (принципал) ўз номидан ва унинг манфаатларида ҳаракат қилувчи бошқа томонни (агент) жалб қилади. Масалан, принципал ўзи томонидан назорат қилинадиган товарларни сотишни ташкилот этиш учун агентни жалб қилиши мумкин. Агар агент принципал томонидан назорат қилинадиган иқтисодий ресурсни саклашга қабул қилса, ушбу иқтисодий ресурс агентнинг активи ҳисобланмайди. Бунинг устига, агар агент принципал томонидан назорат қилинадиган иқтисодий ресурсни учинчи томонга ўтказиши шарт бўлса, бундай жавобгарлик агентнинг мажбурияти ҳисобланмайди, сабаби ўтказилаётган иқтисодий ресурс агентнинг эмас, балки принципалнинг иқтисодий ресурси ҳисобланади.

Мажбурият таърифи

- 4.26 Мажбурият — бу ташкилотнинг олдинги ҳодисалар натижасида иқтисодий ресурсни ўтказиш бўйича мавжуд жавобгарликдир.
- 4.27 Мажбурият мавжуд бўлиши учун куйидаги учта мезонларнинг барчаси бажарилиши лозим:

- (а) ташкилот жавобгарликка эга бўлади(4.28–4.35-бандларга қаранг);
- (б) мазкур жавобгарлик иктисодий ресурсни ўтказишдан иборат бўлади(4.36–4.41-бандларга қаранг); ва
- (в) мазкур жавобгарлик олдинги ҳодисалар натижасида юзага келган мавжуд жавобгарликдан иборат бўлади(4.42–4.47-бандларга қаранг).

Жавобгарлик

- 4.28 Мажбурият учун биринчи мезон ташкилотда жавобгарликнинг мавжудлиги ҳисобланади.
- 4.29 Жавобгарлик ташкилот уни олдини олишга амалий имконияти бўлмаган бурч ёки масъулият ҳисобланади. Жавобгарлик ҳар доим бошқа томон (ёки томонлар) олдида юзага келади. Бошқа томон (ёки томонлар) бўлиб жисмоний шахс ёки ташкилот, жисмоний шахслар ёки ташкилотлар гуруҳи ёки умуман жамият бўлиши мумкин. Олдида жавобгарлик бўлган томонни (ёки томонларни) аниқ билиш шарт эмас.
- 4.30 Агар бир томонда иктисодий ресурсни ўтказиш жавобгарлиги мавжуд бўлса, натижада, бошқа томонда (томонларда) ушбу иктисодий ресурсни олиш ҳуқуқи мавжуд бўлади. Лекин, бир томон мажбуриятни тан олиши ва уни муайян суммада баҳолаши бўйича талаб бошқа томон (томонлар) активни тан олиши ёки уни худди шу суммада баҳолаши лозимлигини англамайди. Масалан, агар бундай тан олиш мезонлари ёки баҳолаш талаблари нимани тақдим этишга мўлжалланган бўлса, шунинг рўйи-рост тақдим этадиган энг ўринли маълумотни танлашга қаратилган қарорлар натижаси бўлса, муайян стандартлар бир томоннинг мажбуриятига ва бошқа томоннинг (томонларнинг) тегишли активга қўлланидиган фарқли тан олиш мезонлари ёки баҳолаш талабларини ўз ичига олиши мумкин.
- 4.31 Кўп жавобгарликлар шартнома, қонунчилик талаблари ёки шунга ўхшаш талаблар манбалари мавжудлиги туфайли юзага келади ва олдида жавобгарликлар мавжуд бўлган томон (ёки томонлар) учун юридик жиҳатдан ҳимояланган ҳисобланади. Лекин, жавобгарликлар ташкилотнинг шаклланган амалиёти, эълон қилинган сиёсати ёки аниқ баёнотлари туфайли ҳам, агар ташкилотда бундай амалиётга, сиёсатга ёки баёнотларга номувофик ҳаракат қилишнинг амалий имконияти мавжуд бўлмаса, юзага келиши мумкин. Бундай вазиятларда юзага келадиган жавобгарлик, баъзан “конструктив жавобгарлик” деб аталади.
- 4.32 Айрим вазиятларда, ташкилотнинг иктисодий ресурсни ўтказиш бурчи ёки масъулияти ташкилотнинг ўзи амалга ошириши мумкин бўлган келгусидаги муайян ҳаракатга боғлиқ. Бундай ҳаракатларга келгусидаги белгиланган санада тижорат фаолиятининг муайян турини амалга оширишни ёки муайян бозорда операцияларни амалга оширишни ёхуд шартномада назарда тутилган муайян опционлардан фойдаланишни киритиш мумкин. Бундай вазиятларда, агар ташкилотда бундай ҳаракатни бажаришни рад этишнинг амалий имконияти бўлмаса, ташкилот жавобгарликка эга ҳисобланади.
- 4.33 Ташкилотнинг молиявий ҳисоботини фаолият узлуксизлиги фарази асосида тайёрлаш тўғрисидаги хулоса, ташкилот фақат ташкилотни тугатиш ёки тижорат фаолиятини тўхтатиш натижасида рад этиш мумкин бўлган ресурсни ўтказишни рад этишнинг амалий имконияти мавжуд эмаслигини ҳам билдиради.
- 4.34 Ташкилотда иктисодий ресурсни ўтказишни рад этишнинг амалий имконияти мавжудлигини баҳолашда ҳисобга олинмаган омиллар ташкилотнинг бурчи ёки масъулиятининг характерига боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, айрим ҳолларда, агар ташкилотнинг ресурсларни ўтказишни рад этиш мақсадида амалга ошириши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракати бундай ўтказишга нисбатан анча аҳамиятли салбий иктисодий оқибатларга олиб келса, ташкилот иктисодий ресурсни ўтказишни рад этишнинг амалий имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Лекин, ресурсларни ўтказишни амалга ошириш нияти йўқлиги ёки ўтказиш юз бермаслигининг юқори эҳтимоли ташкилотда ресурсларни ўтказишни рад этишнинг амалий имконияти мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса учун етарли асос бўлмайди.
- 4.35 Айрим ҳолларда, жавобгарлик мавжудлиги ноаниқ бўлади. Масалан, агар бошқа томон гўё ташкилот томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик учун компенсация ундиришга интилса, мазкур ҳуқуқбузарлик рўй берганлиги, уни ташкилот содир этганлиги ёки қонунчилик қай тарзда қўлланишига нисбатан ноаниқлик мавжуд бўлиши мумкин. Жавобгарлик мавжудлигининг бундай ноаниқлиги ҳал қилинмагунга қадар, масалан, суд қарор билан, ташкилотда компенсация талаб қилувчи томон олдида жавобгарлик мавжудлиги ва оқибатда, мажбурият мавжудлиги ноаниқ бўлади. (Мавжудлигига ноаниқ бўлган мажбуриятларни тан олиш 5.14-бандда кўриб чиқилади).

Иқтисодий ресурсни ўтказиш

- 4.36 Мажбурият учун иккинчи мезон жавобгарликнинг иқтисодий ресурсни ўтказишни назарда тутишидан иборат.
- 4.37 Ушбу мезонга жавоб бериш учун жавобгарлик ташкилотдан иқтисодий ресурсни бошқа томонга (ёки томонларга) ўтказишни талаб қилиниши потенциалига эга бўлиши лозим. Бундай потенциал мавжуд бўлиши учун ташкилотдан иқтисодий ресурсни ўтказишни талаб этилиши мутлақ аниқлик бўлиши ёки шунчаки юқори эҳтимолли бўлиши шарт эмас, бундай ўтказиш, масалан, фақат белгиланган ноаниқ келгуси ҳодиса рўй берган тақдирда талаб қилиниши мумкин. Фақат мазкур жавобгарлик мавжуд бўлиши ва камида битта ҳолатда мазкур жавобгарлик ташкилотга иқтисодий ресурсни ўтказиш талабини қўйиши мумкинлигидан иборат бўлиши лозим.
- 4.38 Жавобгарлик ҳатто иқтисодий ресурсни ўтказиш эҳтимоли кам бўлган тақдирда ҳам, мажбурият таърифига жавоб бериши мумкин. Шунга қарамай, ушбу кам эҳтимол актив тўғрисида қандай маълумотни тақдим этиш ва уни қай тарзда тақдим этиш тўғрисидаги қарорларга, шу жумладан активни тан олиш (5.15–5.17-бандларга қаранг) ва уни қай тарзда баҳолаш тўғрисидаги қарорларга таъсир кўрсатади.
- 4.39 Иқтисодий ресурсни ўтказиш жавобгарликларига масалан, қуйидагилар қиради:
- (а) пул маблағларини тўлаш жавобгарликлари;
 - (б) товарларни ўтказиш ёки хизматлар кўрсатиш жавобгарликлари;
 - (в) иқтисодий ресурсларни бошқа томон билан фойдали бўлмаган шартларда айирбошлаш бўйича жавобгарликлар. Бундай жавобгарликларга, масалан, фойдали бўлмаган шартларда иқтисодий ресурсни сотиш бўйича форвард шартномаси ёки бошқа томонга ташкилотдан иқтисодий ресурсни сотиб олиш ҳуқуқини берадиган опцион қиради.
 - (г) иқтисодий ресурсни муайян ноаниқ келгуси ҳодиса рўй берган тақдирда ўтказиш жавобгарликлари;
 - (д) агар молиявий инструмент ташкилотга иқтисодий ресурсни ўтказиш мажбуриятини юкласа, бундай молиявий инструментни чиқариш жавобгарликлари.
- 4.40 Иқтисодий ресурсни уни олиш ҳуқуқига эга бўлган томонга ўтказиш жавобгарлигини бажариш ўрнига ташкилот баъзан, масалан, қуйидаги қарорни қабул қилади:
- (а) мазкур жавобгарликни ундан озод қилиш тўғрисида музокаралар олиб бориш йўли билан сўндириш;
 - (б) мазкур жавобгарликни учинчи томонга ўтказиш; ёки
 - (в) иқтисодий ресурсни ўтказиш бўйича мазкур жавобгарликни янги битим тузиш йўли билан бошқа жавобгарликка алмаштириш.
- 4.41 4.40-бандда тавсифланган вазиятларда ташкилот ушбу жавобгарлик сўндирилгунга, ўтказилгунга ёки алмаштирилгунга қадар иқтисодий ресурсни ўтказиш жавобгарлигига эга ҳисобланади.

Олдинги ҳодисалар натижасидаги мавжуд жавобгарлик

- 4.42 Мажбурият учун учинчи мезон жавобгарлик олдинги ҳодисалар натижасида юзага келган мавжуд жавобгарлик бўлишидан иборат.
- 4.43 Мавжуд жавобгарлик олдинги ҳодисалар натижасида юзага келган ҳисобланади, фақат агар:
- (а) ташкилот иқтисодий нафларни олган ёки бошқа ҳаракатни амалга оширган бўлса; ва
 - (б) оқибатда, ташкилот акс ҳолда ўтказиши лозим бўлмаган иқтисодий ресурсни ўтказса ёки ўтказишига тўғри келиши мумкин бўлса.
- 4.44 Олинган иқтисодий нафларга, масалан, товарлар ёки хизматларни киритиш мумкин. Бажарилган ҳаракат, масалан, тижорат фаолиятининг муайян турини амалга ошириш ёки муайян бозорда операцияларни амалга оширишни ўз ичига олиши мумкин. Агар иқтисодий нафларни олиш ёки ҳаракатларни бажариш муайян вақт мобайнида рўй берса, тегишли мавжуд жавобгарлик ушбу вақт давомида жамғарилиши мумкин.
- 4.45 Агар янги қонунчилик қабул қилинса, мавжуд жавобгарлик фақат ушбу қонунчилик уларга нисбатан қўлланадиган иқтисодий нафлар олиш ёки ҳаракатни амалга ошириш натижасида ташкилот акс ҳолда ўтказиши лозим бўлмаган иқтисодий ресурсни ўтказганда ёки ўтказишига тўғри келиши мумкин бўлганда юзага келади. Қонунчилик қабул қилинишининг ўзи ташкилотда мавжуд жавобгарликнинг

- юзага келиши учун етарли бўлмайди. 4.31-бандда кўрсатиб ўтилган турдаги ташкилотнинг шунга ўхшаш тарзда шаклланган амалиёти, эълон қилинган сиёсати ёки аниқ баёноти жавобгарликнинг фақат ушбу амалиёт, сиёсат ёки баёнот уларга нисбатан қўлланадиган иқтисодий нафлар олиш ёки ҳаракатни амалга ошириш натижасида ташкилот акс ҳолда ўтказиши лозим бўлмаган иқтисодий ресурсни ўтказиши ёки ўтказишига тўғри келиши мумкин бўлганда юзага келади.
- 4.46 Мавжуд жавобгарлик ҳатто иқтисодий ресурсларни ўтказиш тўғрисидаги талабга амал қилиш келгуси даврнинг муайян нуктасигача имконсиз бўлса ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, пул маблағларини тўлаш бўйича шартномавий жавобгарлик ҳатто шартнома келгусидаги маълум санагача тўловни талаб қилмаса ҳам жорий вақтда мавжуд бўлиши мумкин. Шу каби, ташкилотнинг келгуси маълум санада ишни бажариш бўйича шартномавий жавобгарлиги, ҳатто контрагент ташкилотдан ушбу келгуси санагача ишни бажаришини талаб қила олмаса ҳам, жорий вақтда мавжуд бўлиши мумкин.
- 4.47 Агар ташкилот ҳали 4-43-банддаги мезонларни қаноатлантирмаса, яъни ташкилот акс ҳолда ўтказиши лозим бўлмаган иқтисодий ресурсни ташкилотдан ўтказишини талаб қилиши мумкин бўлган иқтисодий нафларни олмаган ёки ҳаракатни амалга оширмаган бўлса, ташкилот ҳали иқтисодий ресурсни ўтказиш бўйича мавжуд жавобгарликка эга ҳисобланмайди. Масалан, агар ташкилот ходимга унинг хизматлари эвазига иш ҳақи тўлашни назарда тутадиган шартнома тузган бўлса, мазкур ходим хизмат кўрсатмагунча ташкилот иш ҳақи тўлаш бўйича мавжуд жавобгарликка эга бўлмайди. Бунга қадар, шартнома ташкилотда келгуси иш ҳақини ходимнинг келгуси хизматига айирбошлаш бўйича жамланган ҳуқуқ ва жавобгарлигидан иборат ижро этиладиган шартнома ҳисобланади (4.56-4.58-бандларга қаранг).

Активлар ва мажбуриятлар

Ҳисоб бирлиги

- 4.48 Ҳисоб бирлиги - бу тан олиш мезонлари ва баҳолаш тамойиллари қўлланадиган ҳуқуқ ёки ҳуқуқлар гуруҳи, жавобгарлик ёки жавобгарликлар гуруҳи ёхуд ҳуқуқлар ва жавобгарликлар гуруҳидир.
- 4.49 Актив ёки мажбуриятга нисбатан ҳисоб бирлигини танлаш ушбу актив ёки мажбуриятга ва уларга боғлиқ даромадлар ва харажатларга нисбатан тан олиш мезонлари ва баҳолаш тамойиллари қай тарзда қўлланишини кўриб чиқишда амалга оширилади. Баъзи ҳолатларда, тан олиш мақсадларида бир ҳисоб бирлигини ва баҳолаш мақсадларида бошқа ҳисоб бирлигини танлаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Масалан, баъзан шартномалар алоҳида тан олиниши, лекин шартномалар портфели бир қисми тарзида баҳоланиши мумкин. Маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш мақсадида активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларни жамлаш ёки компонентларга ажратиш зарур бўлиши мумкин.
- 4.50 Агар ташкилот активнинг бир қисмини ёки мажбуриятнинг бир қисмини ўтказса, бу пайтда ҳисоб бирлиги ўзгариши мумкин, бунинг натижасида ўтказилган компонент ва қолган компонент алоҳида ҳисоб бирликларига айланади (5.26-5.33-бандларга қаранг).
- 4.51 Ҳисоб бирлиги фойдали маълумот тақдим этадиган тарзда аникланади, бу қуйидагиларни назарда тутади:
- (a) актив ёки мажбурият ва улар билан боғлиқ ҳар қандай даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумот ўринли бўлиши лозим. Ҳуқуқлар ва мажбуриятлар гуруҳини битта ҳисоб бирлиги сифатида кўриб чиқиш ҳар бир ҳуқуқ ва мажбуриятни алоҳида ҳисоб бирлиги сифатида таҳлил қилишга қараганда анча ўринли маълумотни таъминлаши мумкин, агар ушбу ҳуқуқлар ва мажбуриятлар:
- (i) алоҳида операцияларнинг предмети бўлиши мумкин эмас ёки бўлиши эҳтимоли кам;
 - (ii) амал қилиш муддатлари тугагининг турли характериға эга бўлиши мумкин эмас ёки эга бўлиш эҳтимоли кам;
 - (iii) ўхшаш иқтисодий тавсифларга ва рискларга эга ва бинобарин, кўпроқ ташкилотга келгуси соф пул маблағлари кирими ёки ташкилотдан соф пул маблағлари чиқими прогнозларига бир хил таъсир кўрсатиш эҳтимоли мавжуд; ёки
 - (iv) ташкилот томонидан пул оқимларини яратишга йўналтирилган тижорат фаолиятини амалга оширишда биргаликда фойдаланилади ва улар бўйича ўзаро боғлиқ келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳосидан келиб чиқиб баҳоланади;

- (б) актив ёки мажбурият ва ҳар қандай улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган маълумот уларни келтириб чиқарган операция ёки бошқа ҳодисанинг моҳиятини рўйи рост тақдим этиши лозим. Шунинг учун, турли манбалардан юзага келувчи ҳуқуқлар ва жавобгарликларни ягона ҳисоб бирлиги сифатида кўриб чиқиш ёхуд битта манбадан юзага келувчи ҳуқуқлар ёки жавобгарликларни ажратиш зарур бўлиши мумкин (4.62-бандига қаранг). Ўзаро боғланмаган ҳуқуқлар ва жавобгарликларнинг рўйи-рост тақдим этилишини таъминлаш учун, эҳтимол, уларни шу тарзда алоҳида тан олиш ва баҳолаш зарур бўлиши мумкин.
- 4.52 Сарфлар молиявий ҳисоботлар тақдим этишга нисбатан бошқа қарорларга чекловлар қўйиши каби, улар ҳисоб бирлигини танлашга ҳам чекловлар қўяди. Бинобарин, ҳисоб бирлигини танлашда бундай ҳисоб бирлигини танлаш натижасида молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига тақдим этилган маълумотдан олинган наф мазкур маълумотни тақдим этиш ва фойдаланиш сарфларини оқлаши эҳтимоли қанчалик юқори эканлигини ҳисобга олиш муҳимдир. Умумий ҳолда, активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларни тан олиш ва баҳолаш билан боғлиқ сарфлар ҳисоб бирлиги миқдорининг камайиши билан ошади. Шу тариқа, айнан битта манбадан юзага келадиган ҳуқуқлар ёки жавобгарликлар одатда фақат бундай ажратиш натижасида олинган маълумот фойдалироқ ва нафлар сарфлардан ошган тақдирда ажратилади.
- 4.53 Баъзан ҳуқуқлар ҳам, жавобгарликлар ҳам айнан бир манбадан юзага келади. Масалан, айрим шартномалар ҳар бир томоннинг ҳуқуқларини ҳам, жавобгарликларини ҳам белгилайди. Агар бундай ҳуқуқлар ва жавобгарликлар ўзаро боғлиқ бўлса ва ажратилиши мумкин бўлмаса, улар ягона ажралмайдиган актив ёки жавобгарликни ҳосил қилади ва, натижада, битта ҳисоб бирлигини ташкил этади. Масалан, бу ижро этиладиган шартномалар ҳолатида рўй беради (4.57-бандга қаранг). Аксинча, агар ҳуқуқларни жавобгарликлардан ажратиш мумкин бўлса, бундай ҳуқуқларни жавобгарликлардан алоҳида гуруҳларга бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин, бу битта ёки бир нечта алоҳида ҳуқуқлар ва жавобгарликларнинг ажратилишига олиб келади. Бошқа ҳолларда, ажратилмайдиган ҳуқуқлар ва жавобгарликларни уларни битта актив ёки битта жавобгарлик сифатида ҳисобга олган ҳолда битта ҳисоб бирлигига бирлаштириш ўринлироқ бўлиши мумкин.
- 4.54 Ҳуқуқлар ва жавобгарликлар гуруҳини битта ҳисоб бирлиги сифатида ҳисобга олиш активлар ва жавобгарликларни ўзаро ҳисоб-китоб қилишдан фарқ қилади (7.10-бандга қаранг).
- 4.55 Қуйидагилар ҳисоб бирликларига мисоллар ҳисобланади:
- (а) алоҳида ҳуқуқ ёки алоҳида жавобгарлик;
 - (б) битта манбадан, масалан шартномадан юзага келадиган барча ҳуқуқлар, барча жавобгарликлар ёки барча ҳуқуқлар ва барча жавобгарликлар;
 - (в) бундай ҳуқуқлар ва/ёки жавобгарликлар кичик гуруҳи, масалан уларга фойдали хизмат муддати ва истеъмоли характери қўлланадиган асосий воситалар объектга бўлган ҳуқуқлар кичик гуруҳи худди шу объектга бўлган бошқа ҳуқуқларга қўлланадиган фойдали хизмат муддати ва истеъмоли характеридан фарқ қилади;
 - (г) ўзаро ўхшаш объектлар портфели бўйича юзага келадиган ҳуқуқлар ва/ёки жавобгарликлар гуруҳи;
 - (д) ўзаро ўхшаш бўлмаган объектлар портфели, масалан битта битим доирасида ҳисобдан чиқариладиган активлар ва мажбуриятлар портфели бўйича юзага келадиган ҳуқуқлар ва/ёки жавобгарликлар гуруҳи; ва
 - (е) инструментлар портфели доирасида рискка учраш—агар инструментлар портфелида умумий рискка учраса, бундай портфелни ҳисобга олиш айрим жиҳатларда портфел доирасида мазкур рискка учрашида мужассамлашиши мумкин.

Ижро этиладиган шартномалар

- 4.56 Ижро этиладиган шартнома – томонларнинг ҳеч бири шартномада белгиланган жавобгарликларни бажармаган ёки иккала томон ҳам ўз жавобгарликларини тенг тарзда қисман бажарган шартномалардир.
- 4.57 Ижро этиладиган шартнома иқтисодий ресурсларни айирбошлаш бўйича жамланган ҳуқуқ ва жавобгарликни белгилайди. Мазкур ҳуқуқ ва жавобгарлик ўзаро боғлиқ ҳисобланади ва уларни ажратиш бўлмайди. Шу тариқа, ушбу жамланган ҳуқуқ ва жавобгарлик ягона актив ёки мажбуриятни ташкил этади. Агар айирбошлаш шартлари ҳозирги вақтда фойдали ҳисобланса, ташкилот активга эга; агар айирбошлаш шартлари ҳозирги вақтда фойдали бўлмаса, ташкилот мажбуриятга эга бўлади. Бундай актив ёки мажбуриятни молиявий ҳисоботга киритиш мазкур актив ёки мажбурият учун

танланган ҳам тан олиш мезонлари (5-бобга қаранг), ҳам баҳолаш асосларини (6-бобга қаранг), шу жумладан, агар қўллаш мумкин бўлса, шартнома зарар келтирувчилиги бўйича текширишга боғлиқ.

- 4.58 Томонлардан қайсидир бири шартнома бўйича ўз жавобгарлигини бажариши биланоқ, шартнома энди ижро этиладиган шартнома ҳисобланмайди. Агар ҳисобот берувчи ташкилот шартнома бўйича жавобгарлигини биринчи бажарса, бундай бажариш унинг натижасида ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурсни айирбошлаш ҳуқуқи ва жавобгарлиги иқтисодий ресурсни олиш ҳуқуқига айланадиган ҳодиса ҳисобланади. Бундай ҳуқуқ актив ҳисобланади. Агар шартнома бўйича жавобгарликни биринчи бошқа томон бажарса, бундай бажариш унинг натижасида ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурсни айирбошлаш ҳуқуқи ва жавобгарлиги иқтисодий ресурсни ўтказиш жавобгарлигига айланадиган ҳодиса ҳисобланади. Бундай жавобгарлик мажбурият ҳисобланади.

Шартномавий ҳуқуқлар ва шартномавий мажбуриятлар моҳияти

- 4.59 Шартноманинг шартлари ушбу шартнома томони ҳисобланадиган ташкилот учун ҳуқуқлар ва жавобгарликларни юзага келтиради. Бундай ҳуқуқлар ва жавобгарликларни рўйи-рост тақдим этишни таъминлаш учун молиявий ҳисоботда уларнинг моҳияти акс эттирилади (2.12-бандга қаранг). Баъзи ҳолларда, ҳуқуқлар ва жавобгарликларнинг моҳияти шартноманинг ҳуқуқий шаклидан келиб чиққан ҳолда мутлақ тушунарли бўлади. Бошқа ҳолларда, шартнома ёки шартномалар гуруҳи ёхуд бир қатор изчил тузилган шартномалар шартлари тегишли ҳуқуқлар ва жавобгарликларнинг моҳиятини аниқлаш учун таҳлил қилишни талаб қилади.
- 4.60 Шартноманинг барча, ҳам ошқора, ҳам назарда тутилган шартлари ҳисобга олинади, бундан улар иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган ҳоллар мустасно. Назарда тутилган шартлар, масалан, ташкилотнинг қонун билан назарда тутилган харидорларга товарларни сотиш бўйича шартномалар тузишда кафолат жавобгарликларини ўз зиммасига олиш жавобгарликлари каби қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликларни ўз ичига олиши мумкин.
- 4.61 Иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган шартлар ҳисобга олинмайди. Агар бундай шарт шартноманинг иқтисодий натижасига сезиларли таъсир кўрсатмаса, у иқтисодий моҳиятга эга бўлмайди. Иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган шартлар, масалан, қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
- (а) томонларнинг биттасига ҳам жавобгарлик юкламайдиган шартлар; ёки
 - (б) эгаси амалиётда ундан ҳеч қандай ҳолатда фойдалана олмайдиган ҳуқуқлар, шу жумладан опционлар.
- 4.62 Шартномалар гуруҳи ёки бир қатор изчил тузилган шартномалар умумий тижорат мақсадида эришишни таъминлаши ёки унга эришишни мўлжалланиши мумкин. Бундай шартномалар моҳиятини акс эттириш учун, эҳтимол, бундай шартномалар гуруҳи ёки бир қатор изчил тузилган шартномалар билан боғлиқ ҳуқуқлар ва жавобгарликларни битта ҳисоб бирлиги сифатида ҳисобга олиш зарур бўлиши мумкин. Масалан, агар битта шартнома бўйича ҳуқуқлар ёки жавобгарликлар худди шу вақтда ва худди шу контрагент билан тузилган бошқа шартнома бўйича ҳуқуқлар ёки жавобгарликларни камайтириш учун мўлжалланган бўлса, ушбу иккита шартноманинг умумлашган таъсири улар ҳуқуқларни ҳам, жавобгарликларни ҳам яратмаслигидан иборат. Аксинча, агар битта шартнома икки ёки ундан ортиқ алоҳида шартномалар тузилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган иккита ёки ундан ортиқ ҳуқуқлар ёки жавобгарликлар гуруҳларини назарда тутса, ташкилотнинг ушбу ҳуқуқлар ва жавобгарликларни рўйи-рост тақдим этиш учун, эҳтимол, у худди алоҳида шартнома тузиш натижасида юзага келгани каби, ҳар бир бундай гуруҳни ҳисобга олиш зарур бўлиши мумкин (4.48-4.55-бандларга қаранг).

Хусусий капитал таърифи

- 4.63 Хусусий капитал ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан кейин унинг активларидаги қолдиқ улушидир.
- 4.64 Ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи - бу ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан кейин унинг активларидаги қолдиқ улушга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидир. Бошқача айтганда, бу мажбурият таърифига жавоб бермайдиган, ташкилотга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқларидир. Бундай талаб қилиш ҳуқуқлари шартнома, қонунчилик талаблари ёки шунга ўхшаш талаблар манбалари асосида юзага келиши ва мажбурият таърифига жавоб бермайдиган даражада қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
- (а) ташкилот томонидан чиқарилган акцияларнинг ҳар хил турлари; ва

- (б) ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан бошқа талаб қилиш ҳуқуқини чиқариш бўйича ташкилотнинг баъзи жавобгарликлари.
- 4.65 Оддий акция ва имтиёзли акция каби ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқларининг турли синфлари уларнинг эгаларига турли ҳуқуқлар, масалан ташкилотдан қуйида келтирилганларнинг барчасини ёки уларнинг бир қисмини олиш ҳуқуқини тақдим этиши мумкин:
- (а) дивидендларни, агар ташкилот муайян шартларга жавоб берадиган эгаларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилса;
- (б) ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқларини реализация қилишдан ташкилот тугатилганда тўлиқ миқдорда ёхуд бошқа ҳодисалар муносабати билан қисман пул маблағлари тушишини; ёки
- (в) ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан бошқа талаб қилиш ҳуқуқларини.
- 4.66 Баъзан қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ёки бошқа талаблар устав капитали ёки тақсимланмаган фойда каби хусусий капиталнинг алоҳида компонентларига таъсир кўрсатади. Масалан, айрим бундай талабларга мувофиқ ташкилот хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларига тақсимлашни фақат ташкилот кўрсатилган талабларга асосан тақсимлаш имконияти мавжуд деб белгиланган етарли резервларга эга бўлган тақдирда амалга ошириши мумкин.
- 4.67 Тижорат фаолияти яқка тартибдаги тадбиркор, ширкатлар, трастлар ёки давлат тижорат корхоналарининг ҳар хил турлари каби ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай ташкилотларга нисбатан қўлланадиган норматив-ҳуқуқий база кўпинча акциядорлик капиталига эга ташкилотларга нисбатан қўлланадиган норматив-ҳуқуқий базадан фарқ қилади. Масалан, бундай ташкилотлар учун ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгалари фойдасига маблағларни тақсимлашга нисбатан фақатгина айрим чекловлар назарда тутилиши мумкин ёки бундай чекловлар умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шунга қарамай, *Концептуал асоснинг* 4.63-бандидаги хусусий капитал таърифи барча ҳисобот берувчи ташкилотларга нисбатан қўлланади.

Даромадлар ва харажатлар таърифи

- 4.68 Даромадлар хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган тарзда хусусий капиталнинг ошишига олиб келадиган активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайишидир.
- 4.69 Харажатлар хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларига тақсимлашлар билан боғлиқ бўлмаган тарзда хусусий капиталнинг камайишига олиб келадиган активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ошишидир.
- 4.70 Даромадлар ва харажатларнинг мазкур таърифидан хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларининг бадаллари даромадлар ҳисобланмаслиги ва хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларига тақсимлашлар эса харажатлар ҳисобланмаслиги келиб чиқади.
- 4.71 Даромадлар ва харажатлар ташкилот фаолиятининг молиявий натижалари билан боғлиқ бўлган молиявий ҳисобот элементлари ҳисобланади. Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун ташкилотнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳамда унинг молиявий натижалари тўғрисидаги маълумот зарур. Шунинг учун, даромадлар ва харажатлар активлар ва мажбуриятлар қийматининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда аниқланишига қарамай, даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотнинг муҳимлиги активлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотнинг муҳимлигига қараганда кам ҳисобланмайди.
- 4.72 Турли операциялар ва бошқа ҳодисалар турли тавсифларга эга даромадлар ва харажатларнинг юзага келишига олиб келади. Турли тавсифларга эга даромадлар ва харажатлар тўғрисида маълумотни алоҳида тақдим этиш молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига ташкилот фаолиятининг молиявий натижаларини тушунишга ёрдам бериши мумкин (7.14-7.19-бандларга қаранг).


МУНДАРИЖА

	<i>банд</i>
5-БОБ - ТАН ОЛИШ ВА ТАН ОЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ	
ТАН ОЛИШ ЖАРАЁНИ	5,1
ТАН ОЛИШ МЕЗОНЛАРИ	5,6
Ўринлилик	5,12
Мавжудликнинг ноаниқлиги	5.14
Иқтисодий нафлар тушиши ёки ҳисобдан чиқарилишининг кам эҳтимолилиги	5.15
Рўйи-рост тақдим этиш	5,18
Баҳолаш ноаниқликлари	5.19
Бошқа омиллар	5.24
ТАН ОЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ	5,26

Тан олиш жараёни

- 5.1 Тан олиш - бу молиявий ҳисобот элементларидан бири, яъни актив, мажбурият, хусусий капитал, даромадлар ёки харажатлар таърифни қаноатлантирадиган моддани молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботга ёки молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)га киритиш учун идентификациялаш жараёнидир. Тан олиш моддани юқоридаги ҳисоботлардан бирида - алоҳида ёки бошқа моддалар билан бирга - сўз билан таърифлаш ва пул суммаси орқали акс эттиришни, шунингдек ушбу суммани мазкур ҳисоботнинг бир ёки бир нечта якуний кўрсаткичларига киритишни назарда тутди. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда активнинг, мажбуриятнинг ёки хусусий капиталнинг тан олинадиган қиймати “баланс қиймати” деб аталади.
- 5.2 Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ёки молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар) ташкилотнинг тан олинган активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатларини молиявий маълумотни қиёсий ва тушунарли қилишга қаратилган тузилмавий умумлаштирувчи шакллар ёрдамида акс эттиради. Бундай умумлаштирувчи шакллар тузилмасининг муҳим хусусияти шундаки, ҳисоботда тан олинган суммалар якуний кўрсаткичларга киритилади ва агар қўллаш мумкин бўлса, ушбу ҳисоботда тан олинган, моддаларни ўзаро боғловчи оралик якуний кўрсаткичларга киритилади.
- 5.3 Тан олиш молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар) элементлари ўртасида боғланишни куйидаги тарзда таъминлайди (5.1-диаграммага қаранг):
- (a) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобот даври бошига ва охирига активларнинг умумий қиймати мажбуриятларнинг умумий қийматини чегириб ташлаган ҳолда хусусий капиталнинг умумий қийматига тенг бўлади; ва
 - (б) ҳисобот даври учун хусусий капиталдаги тан олинган ўзгаришлар куйидагиларни ўз ичига олади:
 - (i) молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да тан олинган харажатлар чегирилган даромадлар; плюс
 - (ii) хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгалари фойдасига тақсимлашларни чегирган ҳолда хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгалари амалга оширган бадаллар.
- 5.4 Ҳисоботлар ўзаро боғлиқ ҳисобланади, чунки бир моддани (ёки унинг баланс қийматининг ўзгаришини) тан олиш бир ёки бир нечта бошқа моддаларни (ёки бир ёки бир нечта бошқа моддаларнинг баланс қийматининг ўзгаришини) тан олиш ёки тан олишни бекор қилишни талаб қилади. Масалан:
- (a) даромадларни тан олиш куйидагиларнинг бири билан бир вақтда амалга оширилади:
 - (i) активни дастлабки тан олиш ёки активнинг баланс қийматининг ошиши билан; ёки
 - (ii) мажбуриятни тан олишни бекор қилиш ёки мажбуриятнинг баланс қийматининг камайиши билан.
 - (б) харажатларни тан олиш куйидагиларнинг бири билан бир вақтда амалга оширилади:
 - (i) мажбуриятни дастлабки тан олиш ёки мажбуриятнинг баланс қийматининг ошиши билан; ёки
 - (ii) активни тан олишни бекор қилиш ёки активнинг баланс қийматининг камайиши билан.

5.1-диаграмма: Тан олиш молиявий ҳисобот элементларини қандай боғлайди



- 5.5 Операциялар ёки бошқа ҳодисалар натижасида юзага келадиган активлар ёки мажбуриятларни дастлабки тан олиш, ҳам даромадларни, ҳам улар билан боғлиқ харажатларни бир вақтда тан олинишига олиб келиши мумкин. Масалан, товарларни пул маблағлари эвазига сотиш ҳам даромадларнинг (битта активнинг, яъни пул маблағларининг тан олиниши оқибатида), ҳам харажатларнинг (бошқа активнинг, яъни сотилган товарларни тан олишнинг бекор қилиниши оқибатида) тан олинишига олиб келади. Даромадлар ва улар билан боғлиқ харажатларни бир вақтда тан олинишини баъзан даромадлар ва харажатларнинг ўзаро мувофиқлиги деб номланади. *Концептуал асосда* баён этилган тамойилларнинг қўлланиши, агар у активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларни тан олиш натижасида юзага келса, шундай ўзаро мувофиқликка олиб келади. Лекин, даромадлар ва харажатларнинг ўзаро мувофиқлиги *Концептуал асоснинг* мақсади ҳисобланмайди. *Концептуал асос* молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив, мажбурият ёки хусусий капитал тushunchасини қаноатлантирмайдиган моддаларнинг тан олинишига рухсат бермайди.

Тан олиш мезонлари

- 5.6 Молиявий ҳолат тўғрисида ҳисоботда фақат актив, мажбурият ёки хусусий капитал таърифига жавоб берадиган моддалар тан олинади. Шу каби, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот(лар)да фақат даромадлар ёки харажатлар таърифига жавоб берадиган моддалар тан олинади. Лекин, кўрсатилган элементлардан бирига жавоб берадиган ҳамма моддалар ҳам тан олинмайди.
- 5.7 Элементлардан бирининг таърифига жавоб берадиган моддани тан олмаслик молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот(лар)нинг тўлиқлигини камайтиради ва молиявий ҳисоботдан фойдали маълумотнинг чиқариб ташланишига олиб келиши мумкин. Бошқа томондан, баъзи ҳолатларда молиявий ҳисобот элементларидан бирининг таърифига жавоб берадиган айрим моддаларни тан олиш фойдали маълумотни ўз ичига олмайди. Актив ёки мажбурият фақат ушбу актив ёки мажбуриятни ва натижада юзага келадиган даромадлар, харажатлар ёки хусусий капиталдаги ўзгаришларни тан олиш молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига фойдали ҳисобланган маълумотни, яъни қуйидагиларни тақдим этган тақдирда тан олинади:
- (а) мазкур актив ёки мажбурият ва тегишли даромадлар, харажатлар ёки хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ўринли маълумотни (5.12-5.17-бандларга қаранг); ва
 - (б) мазкур актив ёки мажбурият ва тегишли даромадлар, харажатлар ёки хусусий капиталдаги ўзгаришларни рўйи-рост тақдим этишни (5.18-5.25-бандларга қаранг).
- 5.8 Сарфлар молиявий ҳисобот тақдим этишга нисбатан бошқа қарорларга чекловлар қўйиши каби, тан олишга оид қарорларга ҳам чекловлар қўяди. Актив ёки мажбуриятни тан олишга муайян сарфлар мавжуд. Молиявий ҳисоботни тайёрловчилар актив ёки мажбуриятнинг ўринли баҳосини аниқлашда сарфларни амалга оширадилар. Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари ҳам тақдим этилган маълумотни таҳлил қилиш ва талқин қилишда сарфларни амалга оширадилар. Актив ёки мажбурият, бундай тан олиш натижасида молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига тақдим этилган маълумотдан олинган нафлар мазкур маълумотни тақдим этиш ва фойдаланиш сарфларини оқлаш эҳтимоли юқори бўлган тақдирда тан олинади. Баъзи ҳолларда, тан олиш билан боғлиқ сарфлар бундай тан олишдан олинган нафлардан ошиши мумкин.
- 5.9 Қандай ҳолларда актив ёки мажбуриятни тан олиш молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига фойдали маълумот тақдим этилишини таъминлаши ва бунда тан олиш билан боғлиқ сарфлар тегишли нафлардан ошмаслигини аниқ белгилашнинг имкони йўқ. Фойдаланувчилар учун маълумотнинг фойдалилиги модда ҳамда аниқ ҳолатлар ва вазиятларга боғлиқ. Шунинг учун, муайян моддани тан олиш лозим ёки лозим эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда мулоҳаза юритиш зарур ва шу боис турли стандартларда ёки айнан битта стандарт доирасида назарда тутилган тан олиш талабларида фарқлар зарур бўлиши мумкин.
- 5.10 Тан олиш тўғрисида қарор қабул қилишда, агар актив ёки мажбурият тан олинмаганда, фойдаланувчиларга тақдим этилиши мумкин бўлган маълумотни таҳлил қилиш муҳим. Масалан, агар амалга оширилган сарфлар активни тан олишга олиб келмаса, харажат тан олинади. Вақти билан бундай харажатларни тан олиш баъзи ҳолларда фойдали маълумотни, масалан молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига трендларни аниқлаш имконини берадиган маълумотни тақдим этиши мумкин.
- 5.11 Ҳатто агар актив ёки мажбурият таърифига жавоб берадиган модда тан олинмаса, ташкилот, эҳтимол, бу модда тўғрисидаги маълумотни изоҳларда тақдим этиши зарур бўлиши мумкин. Молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот ва агар қўллаш мумкин бўлса, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот(лар)да тақдим этилган тузилмавий умумлаштирилган маълумотлар мавжуд эмаслигини қоплаш учун бундай маълумот етарлича кўзга ташланадиган бўлишини таъминлаш муҳимдир.

Ўринлилик

- 5.12 Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумот молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун ўринли ҳисобланади. Лекин, муайян актив ёки мажбурият ва бунинг натижасида юзага келадиган даромадлар, харажатлар ёки хусусий капиталдаги ўзгаришларни тан олиш ҳар доим ҳам ўринли маълумотни таъминламаслиги мумкин. Масалан, қуйидаги ҳолларда бундай вазият рўй бериши мумкин:
- (а) актив ёки мажбуриятнинг мавжудлиги ноаниқ бўлса (5.14-бандга қаранг); ёки
 - (б) актив ёки мажбурият мавжуд, лекин иқтисодий нафларнинг тушиши ёки ҳисобдан чиқарилиши эҳтимоли кам (5.15-5.17-бандларга қаранг).
- 5.13 5.12-бандда кўрсатилган битта ёки иккала омилнинг мавжудлиги, тан олиш натижасида тақдим этилган маълумот ўринли эмаслиги тўғрисида хулосага автоматик тарзда олиб келмайди. Бундан ташқари, маълумотнинг ўринлилиги тўғрисидаги хулосага 5.12-бандда кўрсатилмаган бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Тан олиш ўринли маълумотни таъминлаши тўғрисидаги қарор қандайдир битта омилга эмас, балки омиллар жамланмасига боғлиқ бўлиши мумкин.

Мавжудликнинг ноаниқлиги

- 5.14 4.13 ва 4.35-бандларда актив ёки мажбуриятнинг мавжудлигига нисбатан ноаниқликлар мавжуд бўлган ҳоллар кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда бундай ноаниқликлар, эҳтимол, иқтисодий нафлар тушиши ёки ҳисобдан чиқарилишининг кам эҳтимоли ва мумкин бўлган натижаларнинг мутлақ кенг кўлами билан биргаликда фақатгина қандайдир битта сумма билан баҳоланган актив ёки мажбуриятни тан олиш ўринли маълумот тақдим этмаслигини англатиши мумкин. Актив ёки мажбуриятнинг тан олиниши ёки олинмаслигидан қатъи назар, молиявий ҳисоботда, эҳтимол, улар билан боғлиқ ноаниқликларга нисбатан тушунтириш маълумотларини тақдим этиш зарур бўлиши мумкин.

Иқтисодий нафлар тушиши ёки ҳисобдан чиқарилишининг кам эҳтимолилиги

- 5.15 Актив ёки мажбурият ҳатто иқтисодий нафлар тушиши ёки ҳисобдан чиқарилишининг эҳтимоли кам бўлган ҳолда ҳам мавжуд бўлиши мумкин (4.15-4.38-бандларга қаранг).
- 5.16 Агар иқтисодий нафлар тушиши ёки ҳисобдан чиқарилишининг эҳтимоли кам бўлса, бундай нафларнинг эҳтимолий тушиши ёки ҳисобдан чиқарилиши қиймати, уларнинг юзага келишининг эҳтимолий муддатлари ва уларнинг юзага келиш эҳтимолига таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисидаги маълумот актив ёки мажбурият тўғрисидаги энг ўринли маълумот бўлиши мумкин. Одатда, бундай маълумот изоҳларда тақдим этилади.
- 5.17 Ҳатто агар иқтисодий нафлар тушиши ёки ҳисобдан чиқарилишининг эҳтимоли кам бўлса ҳам, актив ёки мажбуриятни тан олиш 5.16-бандда таърифланган маълумотдан ташқари ўринли маълумотни тақдим этиши мумкин. Бундай ҳол рўй берганлиги тўғрисидаги қарор кўп омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан:
- (а) агар активни харид қилиш ёки мажбуриятни қабул қилиш бозор шартларида айирбошлаш доирасида рўй берган бўлса, ушбу актив ёки мажбуриятнинг бошланғич қиймати одатда иқтисодий нафлар тушиши ёки ҳисобдан чиқарилишининг эҳтимолини акс эттиради. Шу тариха, ушбу бошланғич қиймат ўринли маълумот ҳисобланиши ва одатда, фойдаланиш осон бўлиши мумкин. Бундан ташқари, актив ёки мажбуриятни тан олмаслик айирбошлашни амалга ошириш пайтида, мазкур операцияни рўйи-рост тақдим этиш бўлиб ҳисобланмайлиган тарзда, харажатлар ёки даромадларни тан олинишига олиб келиши мумкин бўларди (5.25(а)-бандга қаранг);
 - (б) агар актив ёки мажбурият айирбошлаш операциясидан фарқ қиладиган ҳодиса натижасида юзага келса, ушбу активни ёки мажбуриятни тан олиш одатда даромадлар ёки харажатлар тан олинишига олиб келади. Агар актив ёки мажбурият иқтисодий нафлар олиниши ёки ҳисобдан чиқарилишига олиб келишининг фақатгина кам эҳтимоли мавжуд бўлса, молиявий ҳисобот фойдаланувчилари актив ва даромадларни ёки мажбурият ва харажатларни тан олиниши ўринли маълумот тақдим этмайди деб ҳисоблашлари мумкин.

Рўйи-рост тақдим этиш

- 5.18 Агар муайян актив ёки мажбуриятни тан олиш нафақат ўринли маълумотни тақдим этса, балки бундай актив ёки мажбурият ва натижада юзага келадиган даромадлар, харажатлар ёки хусусий капиталнинг ўзгаришини рўйи-рост тақдим этилишини таъминласа, бундай актив ёки мажбуриятни тан олиш ўринли ҳисобланади. Рўйи-рост тақдим этиш таъминланиши тўғрисидаги масала мазкур актив ёки мажбурият билан боғлиқ баҳолаш ноаниқликлари даражаси ёки бошқа омилларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Баҳолаш ноаниқликлари

- 5.19 Актив ёки мажбуриятни тан олиш мумкин бўлиши учун унинг қийматини баҳолаш лозим. Кўп ҳолларда, бундай баҳолашни ҳисоб йўли билан аниқлаш зарур ва шунинг учун, уларда баҳолаш ноаниқликлари мавжуд. 2.19-бандда қайд этилганидек, асосланган ҳисоб баҳосини қўллаш молиявий маълумотни тайёрлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва, агар мазкур ҳисоб баҳолари аниқ ва тўғри тавсифланган ва тушунтирилган бўлса, бундай маълумотнинг фойдалилигини камайтирмайди. Ҳатто баҳо ноаниқликларининг юқори даражаси ҳам бундай ҳисоб баҳоси фойдали маълумотни таъминлашига тўсқинлик қилмайди.
- 5.20 Айрим ҳолларда, актив ёки мажбурият қийматининг ҳисоб баҳоси билан боғлиқ ноаниқликларнинг даражаси шунчалик юқори бўлиши мумкинки, ҳисоб баҳоси мазкур актив ёки мажбурият ва ҳар қандай натижада юзага келадиган даромадлар, харажатлар ёки хусусий капиталдаги ўзгаришларни етарлича рўйи-рост тақдим этишни таъминлашига шубҳа юзага келиши мумкин. Баҳолаш ноаниқликларининг бунчалик юқори даражаси, масалан, агар актив ёки мажбурият қийматини аниқлашнинг ягона усули пул оқимларига асосланган баҳолаш усуллари билан фойдаланиш орқали бўлганда юзага келади ва бунда қуйидаги бир ёки бир нечта ҳолатлар рўй беради:
- (а) баҳолашнинг эҳтимолли натижаларининг қўлами ниҳоятда кенг ва ҳар бир натижа эҳтимолини баҳолаш жуда қийин;
 - (б) баҳоладиган қиймат ҳатто баҳолашнинг турли натижалари эҳтимоллари ҳисоб баҳосининг унча катта бўлмаган ўзгаришларига ҳам жуда таъсирчан - масалан, агар келгуси пул маблағларининг тушиши ёки ҳисобдан чиқарилиши эҳтимоли ниҳоятда кам бўлса, лекин улар юзага келган тақдирда пул маблағларининг бундай тушиши ёки ҳисобдан чиқарилиши қиймати ниҳоятда юқори бўлса;
 - (в) актив ёки мажбуриятни баҳолаш фақат баҳоладиган актив ёки баҳоладиган мажбуриятга тегишли бўлмаган пул оқимларини жуда мураккаб ёки жуда субъектив тақсимлашни талаб қилади.
- 5.21 5.20-бандда таърифланган баъзи ҳолларда ноаниқликларнинг юқори даражаси билан ҳисобланган, унга таъсир кўрсатадиган мазкур ҳисоб баҳосининг тавсифи ва ноаниқликларини тушунтириш билан тўлдирилган баҳолаш қиймати энг фойдали маълумот бўлиши мумкин. Бундай вазият, кўпроқ эҳтимол билан, кўрсатилган қиймат актив ёки мажбуриятнинг энг ўринли баҳоси ҳисобланганда рўй беради. Бошқа ҳолларда, агар мазкур маълумот актив ёки мажбурият ва ҳар қандай натижада юзага келадиган даромадлар, харажатлар ёки хусусий капиталдаги ўзгаришлар етарлича рўйи-рост тақдим этишни таъминламаганда, камроқ ўринли бўлган, бироқ бунда баҳолаш ноаниқликларининг паст даражасига эга (барча зарур тавсифлар ва тушунтиришлар билан тўлдирилган) бошқа баҳолаш энг фойдали маълумот бўлиши мумкин.
- 5.22 Чекланган ҳолатларда, мавжуд бўлган (ёки олинishi мумкин бўлган) актив ёки мажбурият қийматининг барча ўринли баҳолари бундай баҳолашнинг юқори ноаниқликларига эга бўлиши мумкин, бунда уларнинг биттаси ҳам ушбу актив ёки мажбурият (ва ҳар қандай натижада юзага келадиган даромадлар, харажатлар ёки хусусий капиталдаги ўзгаришлар) тўғрисида, ҳатто бундай баҳо, уни баҳолаш жараёнида амалга оширилган ҳисоб баҳосининг тавсифи ва ушбу ҳисоб баҳоларига таъсир кўрсатадиган ноаниқликларни тушунтириш билан тўлдирилган тақдирда ҳам, фойдали маълумот тақдим этмайди. Бундай чекланган ҳолларда, актив ёки мажбурият тан олинмайди.
- 5.23 Актив ёки мажбурият тан олинishидан қатъий назар, мазкур актив ёки мажбуриятни рўйи-рост тақдим этиш ушбу актив ёки мажбуриятнинг мавжудлиги ёки баҳоси ёхуд баҳолаш натижаси - оқибатда ушбу актив ёки мажбурият бўйича юзага келадиган иқтисодий нафларнинг келиб тушиши ёки ҳисобдан чиқарилиши қиймати ёки муддатлари билан боғлиқ ноаниқликлар тўғрисидаги тушунтиришларнинг киритилишини талаб қилиши мумкин (6.60-6.62-бандларга қаранг).

Бошқа омиллар

- 5.24 Тан олинган актив, мажбурият, хусусий капитал, даромадлар ёки харажатларни рўйи-рост тақдим этиш нафақат мазкур моддани тан олишни, балки унинг қийматини баҳолашни, шунингдек бу модда тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш ва ёритиб беришни назарда тутати (6-7 бобларга қаранг).
- 5.25 Шу тариқа, актив ёки мажбуриятни тан олиш мазкур актив ёки мажбуриятни рўйи-рост тақдим этишни таъминлаши мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда нафақат молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда уларнинг тавсифи ва баҳосини, балки қуйидагиларни ҳам ҳисобга олиш лозим:
- (а) бунда юзага келадиган даромадлар, харажатлар ва хусусий капиталдаги ўзгаришларни акс эттириш. Масалан, агар ташкилот товон эвазига активни харид қилса, активни тан олмаслик харажатларни тан олишга олиб келади ва ташкилотнинг фойдаси ва хусусий капиталини камайтиради. Баъзи ҳолларда, масалан, агар ташкилот активни дарҳол истеъмол қилмаса, бундай натижани тақдим этиш ташкилотнинг молиявий ҳолати ёмонлашгани тўғрисида чалғитадиган хулосага олиб келиши мумкин.
 - (б) улар билан боғлиқ активлар ва мажбуриятларни тан олиш. Агар улар тан олинмаса, тан олишга нисбатан ноизчиллик юзага келиши мумкин (ҳисобдаги номувофиқлик). Бундай ёндашув актив ёки мажбуриятнинг юзага келишига олиб келган операция ёки бошқа ҳодисанинг умумий таъсирини, ҳатто изоҳларда тушунтириш маълумотлари тақдим этилган тақдирда ҳам, тушунарли ёки рўйи-рост тақдим этмаслиги мумкин.
 - (в) мазкур актив ёки мажбурият ва натижада юзага келадиган даромадлар, харажатлар ёки хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш. Тўлиқ акс эттириш молиявий ҳисобот фойдаланувчилари акс эттирилган иқтисодий ҳодисани тушунишлари учун зарур барча маълумот, шу жумладан тавсифлар ва тушунтиришларни ўз ичига олишини назарда тутати. Шу тариқа, тегишли маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш тан олинган актив, мажбурият, хусусий капитал, даромадлар ёки харажатлар суммасини рўйи-рост тақдим этишни шакллантириш имконини бериши мумкин.

Тан олишни бекор қилиш

- 5.26 Тан олишни бекор қилиш - бу илгари тан олинган актив ёки мажбуриятни тўлиқ ёхуд унинг бир қисмини ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан чиқаришдир. Тан олишни бекор қилиш одатда модда актив ёки мажбурият таърифига ортик жавоб бермаган пайтда рўй беради:
- (а) активларга нисбатан тан олишни бекор қилиш одатда ташкилот илгари тан олинган актив бўйича тўлиқ ёки унинг бир қисми устидан назоратни йўқотган пайтда рўй беради; ва
 - (б) мажбуриятларга нисбатан тан олишни бекор қилиш одатда ташкилотда илгари тан олинган мажбурият бўйича тўлиқ ёки унинг бир қисмига нисбатан мавжуд жавобгарлик ортик бўлмаган пайтда рўй беради.
- 5.27 Ҳисобда тан олишни бекор қилишни акс эттиришга талаблар қуйидаги иккита жиҳатни рўйи-рост тақдим этишга қаратилган:
- (а) тан олишни бекор қилишга олиб келган операция ёки бошқа ҳодисадан кейин сақланиб қолган активлар ва мажбуриятлар (жумладан мазкур операция ёки бошқа ҳодиса доирасида харид қилинган, қабул қилинган ёки яратилган активлар ёки мажбуриятлар); ва
 - (б) мазкур операция ёки бошқа ҳодиса натижасида ташкилот активлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришлар.
- 5.28 5.27-бандда кўрсатилган мақсадларга одатда қуйидагилар орқали эришилади:
- (а) амал қилиш муддати ўтган ёки истеъмол қилинган, олинган, бажарилган ёки ўтказилган активлар ёки мажбуриятларни тан олишни бекор қилиш ва бундан юзага келадиган даромадлар ёки харажатларни тан олиш. Мазкур бобнинг қолган қисмида барча бундай активлар ва мажбуриятларни ифодалаш учун “ўтказилган компонент” атамасидан фойдаланилади;
 - (б) “сақланган компонент” атамаси билан ифодаланадиган ўзида сақланиб қолган активлар ёки мажбуриятлар мавжуд бўлган тақдирда, уларни тан олишни давом эттириш. Бундай сақланган компонент ўтказилган компонентдан алоҳида ҳисоб бирлигига айланади. Шунга кўра, ўтказилган компонентни тан олишни бекор қилиш натижасида сақланган компонентга нисбатан ҳеч қандай даромадлар ёки харажатлар тан олинмайди, бундан тан олишни бекор

- қилиш сақланган компонентга нисбатан қўлланадиган баҳолаш талабларидаги ўзгаришга олиб келадиган ҳоллар мустасно; ва
- (в) агар 5.27-бандда кўрсатилган бир ёки ҳар иккала мақсадларга эришиш учун зарур бўлса, қуйидаги бир ёки бир нечта тартиб-таомилларни қўллаш:
- (i) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ҳар қандай сақланган компонентни алоҳида тақдим этиш;
 - (ii) молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да ўтказилган компонентни тан олишни бекор қилиш натижасида тан олинган ҳар қандай даромадлар ва харажатларни алоҳида тақдим этиш; ёки
 - (iii) тушунтириш маълумотларини тақдим этиш.
- 5.29 Баъзи ҳолларда, ташкилот актив ёки мажбуриятни худди ўтказгандек бўлади, лекин мазкур актив ёки мажбурият ташкилотнинг активи ёки мажбурияти бўлиб сақланиб қолиши мумкин. Масалан:
- (а) агар ташкилот, кўринишидан, активни ўтказган, лекин мазкур актив яратиши мумкин бўлган иқтисодий нафлар қийматининг аҳамиятли даражада ижобий ёки салбий ўзгариши рискига таъсир кўрсатишда давом этса, баъзан бу ташкилот мазкур активни назорат қилишда давом этаётганлигини кўрсатиши мумкин (4.24-бандга қаранг); ёки
 - (б) агар ташкилот активни ушбу ташкилотнинг агенти сифатида мазкур активни ушлаб турган бошқа томонга ўтказган бўлса, ўтказувчи томон илгаригидек мазкур активни назорат қилади (4.25-бандга қаранг).
- 5.30 5.29-бандда таърифланган ҳолларда, актив ёки мажбуриятни тан олишни бекор қилиш асосланган ҳисобланмайди, сабаби бундай тан олишни бекор қилиш 5.27-бандда кўрсатилган икки мақсаднинг биттасига ҳам эришишни таъминламайди.
- 5.31 Агар ташкилот ортиқ ўтказилган компонентга эга бўлмаса, ушбу ўтказилган компонентни тан олишни бекор қилиш мазкур ҳолатни рўйи-рост тақдим этади. Лекин, айрим бундай ҳолларда, ҳатто агар 5.28 (в) бандда таърифланган бир ёки бир нечта тартиб-таомиллар таъминланса ҳам, тан олишни бекор қилиш операция ёки бошқа ҳодиса ташкилотнинг активлари ёки мажбуриятларини қанчалик ўзгартирганлигини рўйи-рост тақдим этишни таъминламаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, ўтказилган компонентни тан олишни бекор қилиш ташкилотнинг молиявий ҳолати мавжуд бўлганидан анча аҳамиятли даражада ўзгарган деб қабул қилиниши мумкин. Бундай вазият, масалан, қуйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:
- (а) агар ташкилот активни ўтказган ва бир вақтда мазкур активни қайта харид қилиш бўйича мавжуд ҳуқук ёки мавжуд жавобгарликни келтириб чиқарадиган бошқа битим тузган бўлса. Бундай мавжуд ҳуқуқлар ёки мавжуд жавобгарликлар масалан, форвард шартномаси, чиқарилган пут-опцион ёки сотиб олинган колл-опцион натижасида юзага келиши мумкин.
 - (б) агар ташкилот ўзи ортиқ назорат қилмайдиган ўтказилган компонент яратиши мумкин бўлган иқтисодий нафлар қийматининг аҳамиятли даражада ижобий ёки салбий ўзгариши рискига таъсир кўрсатишни сақлаб қолса.
- 5.32 Агар тан олишни бекор қилиш ҳатто 5.28(в) бандда таърифланган бир ёки бир нечта тартиб-таомилни қўллаган тақдирда ҳам 5.27-бандда кўрсатилган иккала мақсадга эришиш учун етарли бўлмаса, ушбу икки мақсадга баъзан ўтказилган компонентни тан олишни давом эттириш йўли билан эришиш мумкин. Бундай ёндашув қуйидаги оқибатларга эга:
- (а) мазкур операция ёки бошқа ҳодиса натижасида сақланган компонентга нисбатан ҳам, ўтказилган компонентга нисбатан ҳам ҳеч қандай даромадлар ёки харажатлар тан олинмайди;
 - (б) активни (ёки мажбуриятни) ўтказиш натижасида олинган (ёки тўланган) пул маблағлари олинган (ёки берилган) қарз сифатида ҳисобга олинади; ва
 - (в) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ёки тушунтириш маълумотида ўтказилган компонентни алоҳида тақдим этиш ташкилот энди ўтказилган компонентдан юзага келадиган ҳуқуқлар ёки жавобгарликларга эга эмаслиги фактини акс эттириш учун зарур. Шу каби, ўтказилган компонентдан уни ўтказгандан кейин юзага келадиган даромадлар ёки харажатлар тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш талаб қилиниши мумкин.
- 5.33 Мавжуд ҳуқуқлар ёки жавобгарликларнинг қисқариши ёки бекор қилиниши тарзида модификация қилинадиган шартнома тан олишни бекор қилишга нисбатан саволларни юзага келтириши мумкин бўлган ҳоллардан бири ҳисобланади. Шартномани модификация қилишни қандай ҳисобга олиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда қандай ҳисоб бирлиги молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига модификация қилишдан кейин сақланиб қоладиган активлар ва мажбуриятлар тўғрисида ва

Концептуал асос

модификация қилиш қандай тарзда ташкилотнинг активлари ва мажбуриятларини ўзгартирганлиги тўғрисида энг фойдали маълумотни тақдим этишини таҳлил қилиш зарур:

- (а) агар шартномани модификация қилиш фақат мавжуд ҳуқуқлар ёки жавобгарликларни бекор қилса, бундай ҳуқуқлар ва жавобгарликларни тан олишни бекор қилиш ёки бекор қилмаслик масаласини ҳал қилишда 5.26-5.32-бандларнинг қоидалари ҳисобга олинади;
- (б) агар шартномани модификация қилиш фақат янги ҳуқуқлар ёки жавобгарликларни қўшса, мазкур қўшилган ҳуқуқлар ёки жавобгарликларни алоҳида актив ёки мажбурият сифатида ёки мавжуд ҳуқуқлар ва жавобгарликлар ташкил қиладиган ҳисоб бирлигининг бир қисми сифатида ҳисобга олишни аниқлаш зарур (4.48-4.55-бандларга қаранг); ва
- (в) агар шартномани модификация қилиш бир вақтда мавжуд ҳуқуқлар ёки жавобгарликларни бекор қилса ва янги ҳуқуқлар ёки жавобгарликларни қўшса, бундай модификация қилишнинг ҳам алоҳида, ҳам умумлашган таъсирини кўриб чиқиш зарур. Баъзи бу каби ҳолларда, бундай модификация натижасида шартнома моҳиятан эски актив ёки мажбурият янги актив ёки мажбуриятга алмаштириладиган тарзда модификация қилинади. Бундай кенг кўламли модификация қилишда ташкилот дастлабки активни ёки мажбуриятни тан олишни бекор қилиши ва янги актив ёки мажбуриятни тан олиши зарур бўлиши мумкин.

МУНДАРИЖА

	<i>банд</i>
6-БОБ - БАҲОЛАШ	
КИРИШ	6,1
БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ	6,4
Бошланғич қиймат	6,4
Жорий қиймат	6,10
Ҳаққоний қиймат	6.12
Фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қиймати	6.17
Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати	6.21
МУАЙЯН БАҲОЛАШ АСОСИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН МАЪЛУМОТ	6,23
Бошланғич қиймат	6,24
Жорий қиймат	6.32
Ҳаққоний қиймат	6.32
Фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қиймати	6.37
Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати	6.40
БАҲОЛАШ АСОСИНИ ТАНЛАШДА ИНОБАТГА ОЛИШ ЗАРУР БЎЛГАН ОМИЛЛАР	6.43
Ўринлилик	6.49
Актив ёки мажбуриятнинг хусусиятлари	6.50
Келгуси пул оқимларига қўйилма	6.54
Рўйи-рост тақдим этиш	6.58
Маълумотнинг фойдалилигини оширувчи сифат тавсифлари ва сарфларга нисбатан чеклов	6.63
Бошланғич қиймат	6.69
Жорий қиймат	6.72
Дастлабки баҳолаш учун ўзига хос омиллар	6.77
Бир нечта баҳолаш асосидан фойдаланиш	6.83
ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИ БАҲОЛАШ	6.87
ПУЛ ОҚИМЛАРИГА АСОСЛАНГАН БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ	6.91

Кириш

- 6.1 Молиявий ҳисоботда тан олинадиган элементлар пул ифодасида тақдим қилинади. Бу тегишли баҳолаш асосини танлашни талаб этади. Баҳолаш асоси баҳоланаётган модданинг, масалан, бошланғич қиймат, ҳаққоний қиймат ёки ижро этиш қийматининг белгиланган тавсифи ҳисобланади. Актив ёки мажбуриятга нисбатан баҳолаш асосини қўллаш мазкур актив ёки мажбурият ва улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар қийматини белгилайди.
- 6.2 Фойдали молиявий маълумотнинг сифат тавсифлари ва сарфларга нисбатан чекловни эътиборга олган ҳолда турли активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун турли баҳолаш усуллари танланиши мумкин.
- 6.3 Муайян стандартга унда назарда тутилган баҳолаш асосини қай тарзда қўллаш лозимлиги тавсифини қиритиш зарур бўлиши мумкин. Бундай тавсиф қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
- (а) муайян баҳолаш асосига мувофиқ келадиган қийматнинг ҳисоб баҳоси учун фойдаланиши мумкин ёки лозим бўлган усуллари кўрсатиш;
 - (б) афзал баҳолаш асосидан фойдаланишда тақдим этиладиган маълумотга ўхшаш маълумотни тақдим этишни таъминлайдиган соддалаштирилган баҳолаш ёндашувини кўрсатиш; ёки
 - (в) баҳолаш асосини қандай ўзгаришини тушунтириш, масалан, ташкилот томонидан ушбу мажбуриятни бажармаслик эҳтимоли билан боғлиқ бўлган таъсирини мажбуриятни ижро этиш қийматидан чиқариш йўли билан (ўз кредит риски).

Баҳолаш асослари

Бошланғич қиймат

- 6.4 Бошланғич қиймат бўйича баҳолаш активлар, мажбуриятлар ва улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларни юзага келтирадиган операция ёки бошқа ҳодиса нархидан, ҳеч бўлмаганда қисман олинган маълумотдан фойдаланилган ҳолда улар тўғрисида пул ифодасидаги маълумотни тақдим этади. Бошланғич қиймат жорий қийматдан фаркли тарзда, қийматдаги ўзгаришларни акс эттирмайди, бунда ўзгаришлар активнинг қадрсизланиши ёки мажбурият зарар келтирувчи бўлиши билан боғлиқ ҳоллар мустасно (6.7(в) ва 6.8(б) бандларга қаранг).
- 6.5 Активни харид қилиш ёки яратиш пайтидаги унинг бошланғич қиймати ушбу активни харид қилиш ёки яратиш мақсадида тўланган товон ва операция бўйича сарфларни ўз ичига оладиган активни харид қилиш ёки яратишда амалга оширилган сарфларнинг қиймати ҳисобланади. Мажбуриятнинг юзага келиш пайтидаги унинг бошланғич қиймати операция сарфлари чегирилган ушбу мажбуриятни ўз зиммасига қабул қилиш учун олинган товон қиймати ҳисобланади.
- 6.6 Бозор шартларидаги операция ҳисобланмайдиган ҳодиса натижасида активни харид қилиш ёки яратиш ёхуд мажбуриятнинг юзага келиши ёки уни ўз зиммасига олишда (6.80-бандга қаранг) бошланғич қийматни аниқлашнинг имкони бўлмаслиги мумкин ёки бошланғич қиймат ушбу актив ёки мажбурият тўғрисида ўринли маълумотни тақдим этмаслиги мумкин. Баъзи шунга ўхшаш ҳолларда, ушбу актив ёки мажбуриятни дастлабки тан олишда жорий қийматдан шартли бошланғич қиймат сифатида фойдаланилади ва ушбу қиймат бошланғич қиймат бўйича кейинги баҳолаш учун бошлаш нуқтаси сифатида фойдаланилади.
- 6.7 Активнинг бошланғич қиймати, агар қўлланса, қуйидагиларни акс эттириш учун вақт ўтиши билан янгиланади:
- (а) мазкур актив ҳосил қиладиган иктисодий ресурснинг бир қисмини ёки бутунлай истеъмол қилиниши (эскириш ёки амортизация);
 - (б) активнинг бир қисмини ёки бутун активни тўлиқлигича сўндирадиган олинган тўловлар;
 - (в) актив бошланғич қийматининг бир қисми ёки ҳаммаси ортиқ қопланадиган (қадрсизланиш) бўлмаслигига олиб келадиган ҳодисаларнинг таъсири; ва
 - (г) активга тегишли молиялаштириш компонентини акс эттириш учун фойзалар ҳисоблаш.
- 6.8 Мажбуриятнинг бошланғич қиймати, агар қўлланса, қуйидагиларни акс эттириш учун вақт ўтиши билан янгиланади:
- (а) мажбуриятнинг бир қисмини ёки тўлиқ, масалан, мазкур мажбуриятни бир қисмини ёки тўлиқ сўндирадиган тўловлар ҳисобига ёки товар етказиб бериш жавобгарлигини бажариш ҳисобига ижро этиш;

- (б) мажбуриятни ижро этиш учун зарур иктисодий ресурсларни ўтказиш жавобгарлиги қийматини мажбуриятни зарар келтирувчи ҳолга келтирадиган даражада оширадиган ҳодисаларнинг таъсири. Агар мажбуриятнинг бошланғич қиймати ушбу мажбуриятни ижро этиш бўйича жавобгарликни акс эттириш учун ортиқ етарли бўлмаса, мажбурият зарар келтирувчи ҳисобланади; ва
- (в) мажбуриятга тегишли молиялаштириш компонентини акс эттириш учун фоизлар ҳисоблаш.
- 6.9 Бошланғич қиймати бўйича баҳолаш асосини молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларга нисбатан қўллаш усулларида бири бу уларни амортизацияланган қиймат бўйича баҳолаш ҳисобланади. Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати дастлабки тан олиш пайтида белгиланган ставкадан фойдаланган ҳолда дисконтланган келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳосини акс эттиради. Ўзгарувчан фоиз ставкали инструментлар ҳолатида дисконтлаш ставкаси мазкур ўзгарувчан ставка ўзгаришини акс эттириш учун янгиланади. Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати фоизларни ҳисоблаш, молиявий активнинг қадрсизланиши ва пул маблағларининг келиб тушиши ёки тўланиши каби кейинги ўзгаришларни акс эттириш учун вақт ўтиши билан янгиланади.

Жорий қиймат

- 6.10 Жорий қиймати бўйича баҳолаш активлар, мажбуриятлар ва улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар тўғрисида баҳолаш санасида мавжуд шартларни акс эттириш учун янгиланган маълумотдан фойдаланган ҳолда пул ифодасидаги маълумотни тақдим этади. Бундай янгиланиш натижасида активлар ва мажбуриятларнинг жорий қиймати баҳолашнинг олдинги санаси пайтидан бошлаб рўй берган мазкур жорий қийматга киритилган пул оқимлари ва бошқа омилларнинг ҳисоб баҳосидаги ўзгаришларни акс эттиради (6.14-6.15 ва 6.20 бандларга қаранг). Актив ёки мажбуриятнинг жорий қиймати бошланғич қийматдан фарқли тарзда, ушбу актив ёки мажбуриятнинг юзага келишига олиб келган операция ёки бошқа ҳодиса нархи асосида, ҳатто қисман ҳам шаклланмайди.
- 6.11 Жорий қиймат асосида баҳолаш асослари қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) ҳаққоний қиймат (6.12–6.16-бандларга қаранг);
- (б) активлар учун фойдаланиш қиймати ва мажбуриятлар учун ижро этиш қиймати (6.17-6.20-бандларга қаранг); ва
- (в) ўрнини қоплашнинг жорий қиймати (6.21-6.22-бандларга қаранг).

Ҳаққоний қиймат

- 6.12 Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир.
- 6.13 Ҳаққоний қиймат ташкилот кириши мумкин бўлган бозор иштирокчилари позициясини акс эттиради. Актив ёки мажбурият, агар ушбу бозор иштирокчилари ўзларининг энг яхши иктисодий манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилсалар, бозор иштирокчилари мазкур актив ёки мажбуриятнинг нархини аниқлашда фойдаланишлари мумкин бўлган тахминлардан фойдаланган ҳолда баҳоланади.
- 6.14 Айрим ҳолларда, ҳаққоний қиймат фаол бозордаги нархларни бевосита кузатиш орқали аниқланиши мумкин. Бошқа ҳолларда, ҳаққоний қиймат баҳолаш усуллари, масалан барча қуйидаги омилларни акс эттирувчи пул оқимларига (6.91-6.95-бандларга қаранг) асосланган баҳолаш усулларида фойдаланган ҳолда билвосита аниқланади:
- (а) келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳоси;
- (б) пул оқимларига хос бўлган ноаниқликлар билан боғлиқ баҳоланаётган актив ёки мажбурият бўйича пул оқимларининг ҳисоб қиймати ёки юзага келиш муддатларининг эҳтимолий ўзгарувчанлиги;
- (в) пулнинг вақт қиймати;
- (г) пул оқимларига хос бўлган ноаниқликларни ўзига олиш нархи (яъни, риск мукофоти ёки риск дисконти). Ноаниқликларни ўзига олиш нархи бундай ноаниқликлар даражасига боғлиқ. Ҳаққоний қиймат шунингдек инвесторлар у бўйича пул оқимлари ноаниқ бўлган активга у бўйича пул оқимлари аниқ бўлган активга (ёки мажбуриятга) қараганда камроқ тўлаши (ва одатда мажбуриятни ўзига олиш учун кўпроқ талаб қилиши) ҳолатини ҳам акс эттиради.

- (д) бошқа омиллар, масалан ликвидлик, агар бозор иштирокчилари юзага келган ҳолатларда ушбу омилларни эътиборга олса.
- 6.15 6.14(б) ва 6.14(г) бандларда кўрсатиб ўтилган омиллар контрагент ташкилот олдидаги ўз мажбуриятларини ижро этмаслиги мумкинлиги (кредит rischi) ёки ташкилот ўз мажбуриятини ижро этмаслиги мумкинлиги (ўз кредит rischi) эҳтимолини ўз ичига олади.
- 6.16 Ҳаққоний қиймат актив ёки мажбуриятни юзага келтирадиган операция ёки бошқа ҳодисадан, ҳатто қисман ҳам шаклланмаслиги боис, ҳаққоний қиймат активни харид қилишдаги операция бўйича сарфлар қийматига ошмайди ва мажбуриятни ўзига олишда амалга оширилган операциялар бўйича сарфлар қийматига камаймайди. Бундан ташқари, ҳаққоний қиймат актив якуний ҳисобдан чиқарилганда ёки мажбурият ўтказилганда ёхуд сўндирилганда амалга оширилиши мумкин бўлган операция бўйича сарфларни акс эттирмайди.

Фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қиймати

- 6.17 Фойдаланиш қиймати - бу ташкилот активдан фойдаланиш ва уни якуний ҳисобдан чиқариш натижасида олинган пул оқимлари ёки бошқа иқтисодий нафларнинг дисконтланган қийматидир. Ижро этиш қиймати - бу ташкилот ўз мажбуриятини ижро этиш ҳисобига ўтказиши лозим бўлган пул оқимлари ёки бошқа иқтисодий нафларнинг дисконтланган қийматидир. Ушбу пул маблағлари ёки бошқа иқтисодий ресурсларнинг суммалари нафақат мажбурият бўйича контрагентга ўтказилиши лозим бўлган суммаларни, балки ташкилот ўз мажбуриятини ижро этишни таъминлаш мақсадида бошқа томонларга ўтказиши лозим бўлган суммаларни ҳам ўз ичига олади.
- 6.18 Фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қиймати келгуси пул оқимларига асосланганлиги боис, улар активни харид қилишда ёки мажбуриятни қабул қилишда амалга оширилган операция бўйича сарфларни ўз ичига олмайди. Лекин, фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қиймати ташкилот активнинг якуний ҳисобдан чиқарилишида ёки мажбуриятнинг ижро этилишида ташкилот томонидан амалга оширилиши кутилаётган операция бўйича барча сарфларнинг дисконтланган қийматини ўз ичига олади.
- 6.19 Фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қиймати, бозор иштирокчилари томонидан қабул қилинган тахминларга эмас, ташкилот учун хос тахминларга асосланади. Амалиётда бозор иштирокчилари томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган тахминлар ва ташкилотнинг ўзи томонидан фойдаланиладиган тахминлар ўртасида бироз фарқлар бўлиши мумкин.
- 6.20 Фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қийматини бевосита кузатиб бўлмайди ва улар пул оқимларига асосланган баҳолаш усулларида фойдаланилган ҳолда аниқланади (6.91-6.95-бандларга қаранг). Фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қиймати 6.14-бандда ҳаққоний қийматга нисбатан кўрсатилган омилларни бозор иштирокчиси позициясидан эмас, балки ташкилотга хос позициядан акс эттиради.

Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати

- 6.21 Активни ўрнини қоплашнинг жорий қиймати - бу баҳолаш санасида тўланиши мумкин бўлган товон суммаси ва шу санада амалга оширилиши мумкин бўлган операция бўйича сарфлардан иборат баҳолаш санасидаги эквивалент активнинг қийматидир. Мажбуриятни ўрнини қоплашнинг жорий қиймати - бу баҳолаш санасида амалга оширилиши мумкин бўлган операция бўйича сарфлар чегирилган шу санада эквивалент мажбурият учун олинган товондир. Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати, бошланғич қиймат каби, “кириш қиймат” ҳисобланади: у ташкилот актив харид қилиши ёки мажбуриятни ўзига олиши мумкин бўлган бозордаги нархни акс эттиради. Шу тариқа, мазкур қиймат “чиқиш қиймат”ни намён қиладиган ҳаққоний қийматдан, фойдаланиш қийматидан ва ижро этиш қийматидан фарқ қилади. Лекин, ўрнини қоплашнинг жорий қиймати бошланғич қийматдан фарқли тарзда баҳолаш санасида мавжуд шартларни акс эттиради.
- 6.22 Айрим ҳолларда, ўрнини қоплашнинг жорий қийматини бевосита фаол бозорда кузатилган нархлардан фойдаланган ҳолда аниқлашнинг имконияти йўқ ва у бошқа усуллардан фойдаланган ҳолда билвосита аниқланади. Масалан, агар нархлар фақат янги активлар учун мавжуд бўлса, ишлатилган активнинг ўрнини қоплаш қийматини, эҳтимол, ташкилот томонидан сақланадиган активнинг жорий ёши ва ҳолатини ҳисобга олиш учун янги активнинг жорий нархини тузатиш йўли билан ҳисоблаб чиқариш зарур бўлиши мумкин.

Муайян баҳолаш асоси таъминлайдиган маълумот

- 6.23 Баҳолаш асосини танлашда мазкур баҳолаш асосидан фойдаланиш натижасида ҳам молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда, ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(ларда) такдим этиладиган

маълумотнинг характерини ҳисобга олиш муҳим. 6.1-жадвалда 6.24-6.42-бандларда батафсил қўриб чиқиладиган жамланма маълумот тақдим этилган.

Бошланғич қиймат

- 6.24 Актив ёки мажбуриятни бошланғич қиймати бўйича баҳолаш натижасида тақдим этиладиган маълумот молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун ўринли бўлиши мумкин, чунки бошланғич қиймат ушбу актив ёки мажбуриятнинг юзага келишига олиб келган операция ёки бошқа ҳодиса нархидан, ҳеч бўлмаганда қисман олинган маълумотдан фойдаланади.
- 6.25 Агар ташкилот яқинда бозор шартларидаги операция доирасида актив харид қилган бўлса, у ушбу активдан ҳеч бўлмаганда мазкур актив қийматини қоплаш учун етарли бўлган иқтисодий нафлар тушишини кутади. Шу каби, агар ташкилот яқинда бозор шартларидаги операция доирасида ўзига мажбурият қабул қилган бўлса, у ушбу мажбуриятни ижро этиш учун иқтисодий ресурсни ўтказиш жавобгарлигининг қиймати одатда операция бўйича сарфлар чегирилган олинган товон қийматидан ошмаслигини кутади. Шу тариқа, бундай ҳолларда актив ёки мажбуриятни бошланғич қиймати бўйича баҳолаш актив ёки мажбурият тўғрисида, шунингдек актив ёки мажбуриятни юзага келтирган операция нархи тўғрисида ўринли маълумотни тақдим этади.
- 6.26 Бошланғич қиймат активнинг истеъмол қилиниши ва унинг кадрсиэзланишини акс эттириш учун камайтирилиши боис, ташкилот бошланғич қиймати бўйича баҳоланадиган актив бўйича қоплашни кутаётган сумма камида унинг баланс қийматига тенг бўлади. Шу каби, мажбуриятнинг бошланғич қиймати ушбу мажбурият зарар келтирувчи бўлганда оширилиши боис, мажбуриятни ижро этиш учун зарур бўлган иқтисодий ресурсларни ўтказиш жавобгарлиги қиймати мазкур мажбуриятнинг баланс қийматидан ошмайди.
- 6.27 Агар актив, бундан молиявий актив мустасно, бошланғич қиймат бўйича баҳоланса, ушбу активни тўлиқ ёки унинг бир қисмини истеъмол қилиш ёки сотиш активнинг ёки активнинг истеъмол қилинган ёки сотилган қисмининг бошланғич қийматига тенг суммада баҳоланадиган харажатларнинг юзага келишига олиб келади.
- 6.28 Активни сотиш натижасида юзага келадиган харажатлар бундай сотиш натижасида олинган товонни даромад сифатида тан олиш билан бир вақтда тан олинади. Даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ сотишдан олинган маржани намоён қилади. Активни истеъмол қилиш натижасида юзага келадиган харажатларни маржа тўғрисида маълумотни тақдим этиш учун тегишли даромадлар билан қиёслаш мумкин.
- 6.29 Шу каби, агар ташкилот товон эвазига молиявий мажбурият ҳисобланмайдиган мажбуриятни ўзига олган бўлса ва мазкур мажбурият бошланғич қиймат бўйича баҳоланса, мажбуриятни бутунлай ёки унинг бир қисмини ижро этиш мажбуриятнинг ижро этилган қисми учун олинган товон қийматига тенг суммада баҳоланадиган даромадларнинг юзага келишига олиб келади. Мажбуриятнинг ижро этилиши натижасида юзага келган ушбу даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ ижро этишдан олинган маржани намоён қилади.
- 6.30 Сотилган ёки истеъмол қилинган активлар, жумладан дарҳол истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматлар қиймати тўғрисидаги (4.8-бандга қаранг) ва олинган товон қиймати тўғрисидаги маълумот прогноз қийматига эга бўлиши мумкин. Бундай маълумот келгусида товарларни сотиш (жумладан жорий вақтда ташкилот томонидан ушлаб турилмаган товарлар) ва хизматлар кўрсатишдан олинадиган келгуси маржани прогноз қилиш ва бинобарин, ташкилотнинг келгуси пул маблағларининг соф тушишига нисбатан истикболни баҳолашда фойдаланилиши мумкин. Ташкилотнинг келгуси пул маблағларининг соф тушишига нисбатан истикболни баҳолаш учун молиявий ҳисобот фойдаланувчилари, фақат мавжуд бўлган товарлардан фойдани ҳосил қилиш қобилиятига эмас, кўпинча ташкилотнинг кўп даврлар давомида келгуси фойдаларни ҳосил қилиш қобилиятига катта эътибор қаратадилар. Бошланғич қиймат бўйича баҳоланадиган даромадлар ва харажатлар шунингдек тасдиқлаш қийматига ҳам эга бўлиши мумкин, чунки улар молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига пул оқимлари ёки маржага оид илгари қилинган прогнозларга нисбатан далилларни тақдим этади. Сотилган ёки истеъмол қилинган активлар қиймати тўғрисидаги маълумот шунингдек, ташкилот раҳбарияти ташкилотнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўз жавобгарликларини қанчалик оқилона ва самарали бажарганлигини баҳолашда ёрдам беради.
- 6.31 Худди шу сабабларга кўра, амортизацияланган қиймати бўйича баҳоланадиган активлар ёки мажбуриятларга нисбатан ҳисобланган фоизлар тўғрисида маълумот прогноз ва тасдиқлаш қийматига эга бўлиши мумкин.

Жорий қиймат

Ҳаққоний қиймат

- 6.32 Активлар ва мажбуриятларни ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаш натижасида тақдим этиладиган маълумот прогноз қийматга эга бўлиши мумкин, чунки ҳаққоний қиймат бозор иштирокчиларининг келгуси пул оқимлари суммалари, юзага келиш муддатлари ва ноаникликларга нисбатан жорий кутишларини акс эттиради. Мазкур кутишлар бозор иштирокчиларининг рискларга нисбатан жорий афзалликларини акс эттирадиган тарзда баҳоланади. Бундай маълумот илгари амалга оширилган баҳолашлар тўғрисида далиллар тақдим этиш ҳисобига тасдиқлаш қийматиға ҳам эга бўлиши мумкин.
- 6.33 Бозор иштирокчиларининг жорий кутишларини акс эттирадиган даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумот айрим прогноз қийматиға эга бўлиши мумкин, чунки даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги бундай маълумот келгуси даромадлар ва харажатларни прогноз қилишда қирувчи маълумот сифатида фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги бундай маълумот ташкилот раҳбарияти ташкилотнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўз жавобгарликларини қанчалик оқилона ва самарали бажарганлигини баҳолашда ҳам фойдали бўлиши мумкин.
- 6.34 Актив ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматининг ўзгариши 6.14-бандда кўрсатиб ўтилган турли омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай омиллар турли тавсифларға эга бўлганда мазкур омиллар билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатларни алоҳида аниқлаш молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига фойдали маълумотни тақдим этиши мумкин (7.14(б) бандға қаранг).
- 6.35 Агар ташкилот активни битта бозорда харид қилган бўлса ва унинг ҳаққоний қийматини бошқа бозордаги (ташкилот активни сотиши мумкин бўлган бозордаги) нархлардан фойдаланган ҳолда аниқласа, ушбу иккита бозордаги нархлар ўртасидаги фарқ, ҳаққоний қиймат биринчи марта аниқланганда даромадлар сифатида тан олинади.
- 6.36 Активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш, қоидаға биноан, агар битим нархлари мазкур ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланилган бозорда рўй берса, ушбу актив ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматиға тенг суммадаги товонни назарда тутати. Бундай ҳолларда, агар актив ёки мажбурият ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланса, сотиш ёки ўтказиш пайтида юзаға келадиган соф даромад ёки соф харажат, қоидаға биноан, катта бўлмайди, бундан операция бўйича сарфлар аҳамиятли бўлган ҳолатлар мустасно.

Фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қиймати

- 6.37 Фойдаланиш қиймати активдан фойдаланиш ва унинг якуний ҳисобдан чиқарилиши натижасида юзаға келадиган баҳоланган пул оқимларининг дисконтланган қиймати тўғрисида маълумот тақдим этади. Мазкур маълумот прогноз қийматиға эга бўлиши мумкин, чунки у келгуси соф пул маблағлари тушишининг истикболлини баҳолашда фойдаланилиши мумкин.
- 6.38 Ижро этиш қиймати мажбуриятларни ижро этиш учун зарур баҳоланган пул оқимларининг жорий қиймати тўғрисидаги маълумотни тақдим этади. Бинобарин, ижро этиш қиймати прогноз қийматға эга бўлиши мумкин, айниқса агар мажбурият ўтказиш ёки келишув натижасида сўндириш орқали эмас, балки ижро этилса.
- 6.39 Фойдаланиш қиймати ёки ижро этиш қийматининг янгиланган ҳисоб баҳоси келгуси пул оқимлари юзаға келишининг қиймати, муддатлари ва ноаникликларининг ҳисоб баҳоси билан биргаликда тасдиқлаш қийматиға ҳам эга бўлиши мумкин, чунки бундай маълумот илгари амалга оширилган фойдаланиш қиймати ёки ижро этиш қийматини баҳолашларға нисбатан далилларни тақдим этади.

Ўрнини қошлашнинг жорий қиймати

- 6.40 Ўрнини қошлашнинг жорий қиймати бўйича баҳоланадиган активлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги маълумот ўринли бўлиши мумкин, чунки ўрнини қошлашнинг жорий қиймати баҳолаш санасида шунга ўхшаш активни харид қилиш ёки яратиш мумкин бўлган нархни ёхуд шунга ўхшаш мажбуриятни ўзига олганлик учун олинлиши мумкин бўлган товонни акс эттиради.
- 6.41 Бошланғич қиймат каби, ўрнини қошлашнинг жорий қиймати истеъмол қилинган актив тўғрисида ёки мажбуриятни ижро этиш натижасида олинган даромадлар тўғрисида маълумот тақдим этади. Мазкур маълумот жорий маржа ҳисоб-китоби учун, шунингдек келгуси маржани прогноз қилиш учун қирувчи маълумот сифатида фойдаланилиши мумкин. Бошланғич қийматдан фарқли тарзда, ўрнини қошлашнинг жорий қиймати активни истеъмол қилиш ёки мажбуриятни ижро этиш пайтида мавжуд

бўлган нархларни акс эттиради. Нархлар аҳамиятли ўзгарган тақдирда ўрнини қоплашнинг жорий қиймати кўрсаткичларига асосланган маржа тўғрисидаги маълумот келгуси маржани прогноз қилиш учун бошланғич қийматга асосланган маълумотга қараганда анча фойдали бўлиши мумкин.

- 6.42 Активнинг истъёмол қилинган қисмини ўрнини қоплашнинг жорий қийматини (ёки мажбуриятнинг ижро этилган қисмидан олинган жорий даромадни) акс эттириш учун ҳисобот даврида баланс қийматининг ўзгаришини активнинг истъёмол қилинган қисмини ўрнини қоплашнинг жорий қийматининг (ёки мажбуриятнинг ижро этилган қисмидан олинган жорий даромаднинг) ўзгаришига ва нархлар ўзгаришининг таъсирига ажратиш зарур. Нархлар ўзгаришининг таъсири баъзан “эғалиқдан олинган даромад” ёки “эғалиқдан кўрилган зарар” дейилади.

6.1-Жадвал - Муайян баҳолаш асосидан фойдаланиш натижасида тақдим этиладиган маълумот

Активлар

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот				
	Бошланғич қиймат	Ҳаққоний қиймат (бозор иштирокчиларининг тахминлари)	Фойдаланиш қиймати (ташкilotга хос тахминлар)^(a)	Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати
Баланс қиймати	Истеъмол қилинмаган ёки олинмаган даражада ва бунда қопланадиган ҳисобланадиган бошланғич қиймат (жумладан операция бўйича сарфлар). (Молиялаштириш компоненти учун ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.)	Активни сотишда олинishi мумкин бўлган нарх (ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ операция бўйича сарфлар чегирилмаган ҳолда).	Активдан фойдаланиш ва уни якуний ҳисобдан чиқаришдан олинадиган келгуси пул оқимларининг дисконтланган қиймати (ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ операция бўйича сарфларнинг жорий қиймати чегирилгандан кейин).	Истеъмол қилинмаган ёки олинмаган даражада ва бунда қопланадиган ҳисобланадиган ўрнини қоплашнинг жорий қиймати (жумладан операция бўйича сарфлар).
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)				
Ҳодиса	Бошланғич қиймат	Ҳаққоний қиймат (бозор иштирокчиларининг тахминлари)	Фойдаланиш қиймати (ташкilotга хос тахминлар)	Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати
Дастлабки тан олиш^(б)	—	Тўланган товон ва харид қилинган активнинг ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ. ^(б) Активни харид қилиш билан боғлиқ операция бўйича сарфлар.	Тўланган товон ва харид қилинган активдан фойдаланиш қиймати ўртасидаги фарқ. Активни харид қилиш билан боғлиқ операция бўйича сарфлар.	—
Активни сотиш ёки истеъмол қилиш^{(г), (д)}	Сотилган ёки истеъмол қилинган активнинг бошланғич қийматига тенг харажатлар. Олинган даромадлар. (Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши)	Сотилган ёки истеъмол қилинган активнинг ҳаққоний қийматига тенг харажатлар. Олинган даромадлар. (Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши мумкин.)	Сотилган ёки истеъмол қилинган активнинг фойдаланиш қийматига тенг харажатлар. Олинган даромадлар. (Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши мумкин.)	Сотилган ёки истеъмол қилинган активнинг бошланғич қийматига тенг харажатлар. Олинган даромадлар. (Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши)

	мумкин.) Активни сотиш билан боғлиқ операция буйича сарфларга нисбатан харажатлар.	Активни сотиш билан боғлиқ операция буйича сарфларга нисбатан харажатлар.		мумкин.) Активни сотиш билан боғлиқ операция буйича сарфларга нисбатан харажатлар.
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)				
Ҳодиса	Бошланғич қиймат	Ҳаққоний қиймат (бозор иштирокчиларининг тахминлари)	Фойдаланиш қиймати (ташкilotга хос тахминлар)	Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати
Фоизли даромад	Бошланғич ставка буйича ҳисобланган, агар актив ўзгарувчан фоиз ставкасини назарда тутса, янгиланадиган фоизли даромад.	Ҳаққоний қийматнинг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида акс эттирилади. (Алоҳида идентификацияланиш и мумкин.)	Фойдаланиш қиймати ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида акс эттирилади. (Алоҳида идентификацияланиш и мумкин.)	Жорий ставка буйича ҳисобланган фоизли даромад.
Қадрсизланиш	Бошланғич қиймат ортиқ қопланмайдиган ҳисобланиши натижасида юзага келадиган харажатлар.	Ҳаққоний қийматнинг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида акс эттирилади. (Алоҳида идентификацияланиш и мумкин.)	Фойдаланиш қиймати ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида акс эттирилади. (Алоҳида идентификацияланиш и мумкин.)	Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати ортиқ қопланмайдиган ҳисобланиши натижасида юзага келадиган харажатлар.
Қийматнинг ўзгариши	Тан олинмайди, бундан қадрсизланишни акс эттириш зарур бўлган ҳоллар мустасно. Молиявий активларга мувофиқ равишда — баҳоланган пул оқимлари ўзгариши билан	Ҳаққоний қийматнинг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида акс эттирилади.	Фойдаланиш қиймати ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида акс эттирилади.	Нархлар ўзгариши таъсирини акс эттирувчи даромадлар ва харажатлар (эғалиқдан олинган даромадлар ва эғалиқдан кўрилган зарарлар).

	боғлиқ даромадлар ва харажатлар.			
(а)	Мазкур устунда фойдаланиш қиймати баҳолаш асоси сифатида қўлланадиган ҳолда тақдим этиладиган маълумот умумлаштирилади. Лекин, 6.75-бандда қайд этилганидек, амалий жиҳатдан фойдаланиш қиймати мунтазам қайта баҳолашлар учун мақбул баҳолаш асоси бўлмаслиги мумкин.			
(б)	Даромадлар ёки харажатлар бозор шартларидан ташқари харид қилинган активни дастлабки тан олишда юзага келиши мумкин.			
(в)	Даромадлар ёки харажатлар актив харид қилинадиган бозор ушбу активнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда қўлланадиган нарх маълумоти манбаи сифатида фойдаланиладиган бозордан фарқ қилган тақдирда юзага келиши мумкин.			
(г)	Активни истеъмол қилиш одатда сотиш таннархи, эскириш ёки амортизация орқали акс эттирилади.			
(д)	Олинган даромаднинг миқдори одатда олинган тоvon миқдорига тенг бўлади, лекин у билан боғлиқ мажбуриятга нисбатан фойдаланиладиган баҳолаш асосига боғлиқ бўлади.			

Мажбуриятлар

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот				
	Бошланғич қиймат	Ҳаққоний қиймат (бозор иштирокчиларининг тахминлари)	Ижро этиш қиймати (ташкilotга хос тахминлар)	Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати
Баланс қиймати	<p>Мажбуриятнинг ижро этилмаган қисмини ўзига қабул қилганлик учун олинган, ҳисобдан чиқарилаётган пул маблағлари ҳисоб қийматининг олинган товон қийматидан ошган суммасига оширилган товон (операция бўйича сарфлар чегирилган ҳолда).</p> <p>(Молиялаштириш компоненти учун ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.)</p>	<p>Мажбуриятнинг ижро этилмаган қисмини ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарх (ўтказишда амалга оширилиши мумкин бўлган операция бўйича сарфларни киритмаган ҳолда).</p>	<p>Мажбуриятнинг ижро этилмаган қисмини ижро этишда юзага келадиган келгуси пул оқимларининг дисконтланган қиймати (мажбуриятни ижро этиш ёки ўтказишда амалга ошириладиган операция бўйича сарфларнинг дисконтланган қийматини киритган ҳолда).</p>	<p>Мажбуриятнинг ижро этилмаган қисмини ўзига қабул қилганлик учун ҳозирги вақтда олинishi мумкин бўлган, ҳисобдан чиқарилаётган пул маблағлари ҳисоб қийматининг ушбу товон қийматидан ошган суммасига оширилган товон (операция бўйича сарфлар чегирилган ҳолда).</p>
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)				
Ҳодиса	Бошланғич қиймат	Ҳаққоний қиймат (бозор иштирокчиларининг тахминлари)	Ижро этиш қиймати (ташкilotга хос тахминлар)	Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати
Дастлабки тан олиш^(a)	—	<p>Олинган товон ва мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ.^(б)</p> <p>Ўзига мажбуриятни қабул қилиш билан боғлиқ операция бўйича сарфлар.</p>	<p>Олинган товон ва мажбуриятни ижро этиш қиймати ўртасидаги фарқ.</p> <p>Ўзига мажбуриятни қабул қилиш билан боғлиқ операция бўйича сарфлар.</p>	—
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)				
Ҳодиса	Бошланғич қиймат	Ҳаққоний қиймат (бозор иштирокчиларининг тахминлари)	Ижро этиш қиймати (ташкilotга хос тахминлар)	Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати

Концептуал асос

<p>Мажбуриятни ижро этиш</p>	<p>Ижро этилган мажбуриятнинг бошланғич қийматига тенг даромадлар (бошланғич товонни акс эттиради).</p> <p>Мажбуриятни ижро этиш муносабати билан амалга оширилган сарфлар қисмида харажатлар.</p> <p>(Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши мумкин.)</p>	<p>Ижро этилган мажбуриятнинг ҳаққоний қийматига тенг даромадлар.</p> <p>Мажбуриятни ижро этиш муносабати билан амалга оширилган сарфлар қисмида харажатлар.</p> <p>(Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши мумкин. Ялпи асосда тақдим этилган ҳолда бошланғич товон алоҳида тақдим этилиши мумкин.)</p>	<p>Ижро этилган мажбуриятнинг ижро этиш қийматига тенг даромадлар.</p> <p>Мажбуриятни ижро этиш муносабати билан амалга оширилган сарфлар қисмида харажатлар.</p> <p>(Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши мумкин. Ялпи асосда тақдим этилган ҳолда бошланғич товон алоҳида тақдим этилиши мумкин.)</p>	<p>Ижро этилган мажбуриятнинг ўрнини қоплашнинг жорий қийматига тенг даромадлар (жорий ўрнини қоплашни акс эттиради).</p> <p>Мажбуриятни ижро этиш муносабати билан амалга оширилган сарфлар қисмида харажатлар.</p> <p>(Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши мумкин. Ялпи асосда тақдим этилган ҳолда бошланғич товон алоҳида тақдим этилиши мумкин.)</p>
<p>Мажбуриятни ўтказиш</p>	<p>Ўтказилган мажбуриятнинг бошланғич қийматига тенг даромадлар (бошланғич товонни акс эттиради).</p> <p>Мажбуриятни ўтказиш учун тўланган сарфлар (жумладан операция бўйича сарфлар) қисмида харажатлар.</p> <p>(Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши мумкин.)</p>	<p>Ўтказилган мажбуриятнинг ҳаққоний қийматига тенг даромадлар.</p> <p>Мажбуриятни ўтказиш учун тўланган сарфлар (жумладан операция бўйича сарфлар) қисмида харажатлар.</p> <p>(Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши мумкин.)</p>	<p>Ўтказилган мажбуриятнинг ижро этиш қийматига тенг даромадлар.</p> <p>Мажбуриятни ўтказиш учун тўланган сарфлар (жумладан операция бўйича сарфлар) қисмида харажатлар.</p> <p>(Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши мумкин.)</p>	<p>Ўтказилган мажбуриятнинг ўрнини қоплашнинг жорий қийматига тенг даромадлар (жорий товонни акс эттиради).</p> <p>Мажбуриятни ўтказиш учун тўланган сарфлар (жумладан операция бўйича сарфлар) қисмида харажатлар.</p> <p>(Ялпи асосда ёки нетто асосда тақдим этилиши мумкин.)</p>
<p>Фоиз харажатлари</p>	<p>Бошланғич ставкалар бўйича ҳисобланган,</p>	<p>Ҳаққоний қийматнинг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида</p>	<p>Ижро этиш қийматининг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва</p>	<p>Жорий ставкалар бўйича ҳисобланган</p>

	мажбурият ўзгарувчан фоиз ставкасини назарда тутган тақдирда янгиладиган фоиз харажатлари.	акс эттирилади. (Алоҳида идентификацияланиш и мумкин.)	харажатлар таркибида акс эттирилади. (Алоҳида идентификацияланиш и мумкин.)	фоиз харажатлар.
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)				
Ҳодиса	Бошланғич қиймат	Ҳаққоний қиймат (бозор иштирокчиларининг тахминлари)	Ижро этиш қиймати (ташкilotга хос тахминлар)	Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати
Мажбуриятни зарар келтирувчи бўлишга олиб келадиган ҳодисаларнинг таъсири	Пул маблағларини ҳисобдан чиқаришнинг ҳисоб қийматини мажбуриятнинг бошланғич қийматидан ошган суммасига ёки мазкур ошган суммани кейинчалик ўзгариши суммасига тенг харажатлар.	Ҳаққоний қийматнинг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида акс эттирилади. (Алоҳида идентификацияланиш и мумкин.)	Ижро этиш қийматининг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида акс эттирилади. (Алоҳида идентификацияланиш и мумкин.)	Пул маблағларини ҳисобдан чиқаришнинг ҳисоб қийматини мажбуриятнинг ўрнини қоплашнинг жорий қийматидан ошган суммасига ёки мазкур ошган суммани кейинчалик ўзгариши суммасига тенг харажатлар.
Қийматнинг ўзгариши	Тан олинмайди, бундан мажбурият зарар келтирувчи ҳисобланган ҳоллар мустасно. Молиявий мажбуриятлар ҳолатида - ҳисоб пул оқимларининг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар.	Ҳаққоний қийматнинг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида акс эттирилади.	Ижро этиш қийматининг ўзгариши билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар таркибида акс эттирилади.	Нархлар ўзгариши таъсири акс эттирувчи даромадлар ва харажатлар (эғалиқдан олинган даромадлар ва эғалиқдан кўрилган зарарлар).

- | | |
|-----|---|
| (a) | Даромадлар ёки харажатлар бозор шартларидан ташқари юзага келган ёки ўзига қабул қилинган мажбуриятни дастлабки тан олишда юзага келиши мумкин. |
| (б) | Даромадлар ёки харажатлар ташкилот мажбуриятни ўзига қабул қилган бозор ушбу мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда қўлланидиган нарх маълумоти манбаи сифатида фойдаланиладиган бозордан фарқ қилган тақдирда юзага келиши мумкин. |

Баҳолаш асосини танлашда инобатга олиш зарур бўлган омиллар

- 6.43 Актив ёки мажбурият ва улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар учун баҳолаш асосини танлашда мазкур баҳолаш асосидан фойдаланиш натижасида ҳам молиявий ҳолат тўғрисида ҳисоботда, ҳам молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот(лар)да (6.23–6.42-бандлар ва 6.1-жадвалга қаранг) тақдим этиладиган маълумотнинг характерини, шунингдек бошқа омилларни (6.44–6.86-бандларга қаранг) ҳисобга олиш муҳим.
- 6.44 Аксарият ҳолларда, баҳолаш асосини танлаш битта омил билан аниқланмайди. Ҳар бир омилнинг нисбий аҳамияти аниқ ҳолатларга боғлиқ бўлади.
- 6.45 Баҳолаш асосидан фойдаланиш натижасида тақдим этиладиган маълумот молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун фойдали бўлиши лозим. Бунинг учун маълумот ўринли бўлиши ва у нимани тақдим этишга мўлжалланган бўлса, шуни рўйи-рост тақдим этиши лозим. Бундан ташқари, тақдим этиладиган маълумот имкон даражасида қиёсий, текшириладиган, ўз вақтида тақдим этиладиган ва тушунарли бўлиши лозим.
- 6.46 2.21-бандда тушунтирилганидек, асос бўладиган сифат тавсифларини қўллашнинг энг оқилона ва самарали жараёни одатда иқтисодий ҳодиса тўғрисидаги энг ўринли маълумотни идентификация қилишни назарда тутди. Агар бундай маълумот мавжуд бўлмаса ёки мазкур иқтисодий ҳодисани рўйи-рост тақдим этишни таъминлайдиган тарзда тақдим этиши мумкин бўлмаса, кейинги энг ўринли маълумот тури кўриб чиқилади. Баҳолаш асосини танлашда сифат тавсифларининг аҳамияти 6.49–6.76-бандларда батафсил кўриб чиқилади.
- 6.47 6.49–6.76-бандларда асосий эътибор тан олинган активлар ва тан олинган мажбуриятлар учун баҳолаш асосини танлашда ҳисобга олиш зарур бўлган омилларни кўриб чиқишга қаратилади. Ушбу бандларнинг айрим жиҳатлари, шунингдек, тан олинган ёки тан олинмаган моддаларга нисбатан изоҳларда тақдим этиладиган маълумот учун баҳолаш базасини танлашда қўлланиши мумкин.
- 6.48 6.77–6.82-бандларда дастлабки тан олишда баҳолаш асосини танлашда ҳисобга олиш зарур бўлган кўшимча омиллар кўриб чиқилади. Агар дастлабки баҳолаш учун асос кейинги баҳолашда фойдаланиладиган асосга номувофиқ бўлса, даромадлар ва харажатлар фақат баҳолаш асосининг ўзгариши натижасида биринчи кейинги баҳолаш пайтида тан олинishi мумкин. Бундай даромадлар ёки харажатларни тан олиш операция ёки бошқа ҳодисани акс эттирадигандек кўриниши мумкин, аслида бундай операция ёки ҳодиса рўй бермаган бўлади. Шу тариқа, актив ёки мажбурият ва улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар учун баҳолаш асосини танлашда ҳам дастлабки, ҳам кейинги баҳолашни эътиборга олинади.

Ўринлилик

- 6.49 Актив ёки мажбурият ва улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларга нисбатан фойдаланиладиган баҳолаш асоси томонидан тақдим этиладиган маълумотнинг ўринлилиги қуйидагиларга боғлиқ:
- (a) актив ёки мажбуриятнинг хусусиятлари (6.50–6.53-бандларига қаранг); ва
 - (б) ушбу актив ёки мажбурият қай тарзда келгуси пул оқимлари келтириши (6.54–6.57-бандларга қаранг).

Актив ёки мажбуриятнинг хусусиятлари

- 6.50 Баҳолаш асосидан фойдаланиш натижасида тақдим этиладиган маълумотнинг ўринлилиги қисман актив ёки мажбуриятнинг хусусиятларига, хусусан пул оқимларининг ўзгарувчанлиги ва актив ёки мажбуриятнинг қиймати бозор омилларига ёки бошқа рискларга таъсирчан ёки таъсирчан эмаслигига боғлиқ.
- 6.51 Агар актив ёки мажбуриятнинг қиймати бозор омилларига ёки бошқа рискларга таъсирчан бўлса, уларнинг бошланғич қиймати унинг жорий қийматдан аҳамиятли фарқ қилиши мумкин. Бинобарин, бошланғич қиймат, агар қийматнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумот молиявий ҳисобот

- фойдаланувчилари учун муҳим бўлса, ўринли маълумотни тақдим этмаслиги мумкин. Масалан, амортизацияланган қиймат деривативлар ҳисобланадиган молиявий актив ёки молиявий мажбурият тўғрисида ўринли маълумот тақдим эта олмайди.
- 6.52 Бундан ташқари, агар бошланғич қийматдан фойдаланилса, қийматнинг ўзгариши қийматнинг ўзгариши пайтида эмас, балки ҳисобдан чиқариш, қадрсизланиш ёки ижро этиш каби ҳодиса рўй берган пайтда акс эттирилади. Мазкур қоида ташкилот мазкур актив ёки мажбуриятни ушлаб туриш давомида эмас, балки айнан ўша ҳодиса юзага келган вақтда барча даромадлар ва харажатлар тан олинishi тўғрисида нотўғри талқин қилиниши мумкин. Бундан ташқари, бошланғич қиймат бўйича баҳолаш қийматнинг ўзгариши тўғрисида ўз вақтида маълумотни тақдим этмаслиги боис, мазкур баҳолаш асосидан фойдаланган ҳолда акс эттирилган даромадлар ва харажатлар ташкилот учун мазкур активни ёки мажбуриятни ҳисобот даври давомида ушлаб туриш натижасида юзага келадиган риск таъсирини тўлиқ ҳажмда акс эттириш имконсизлиги туфайли прогноз қийматига ва тасдиқлаш қийматига эга бўлмаслиги мумкин.
- 6.53 Актив ёки мажбурият ҳаққоний қийматининг ўзгариши бозор иштирокчилари кутишларидаги ўзгаришлар, шунингдек уларнинг рискларга нисбатан афзалликларидаги ўзгаришларни акс эттиради. Баҳоланаётган актив ёки мажбуриятнинг хусусиятлари ва ташкилотнинг тижорат фаолияти характерига боғлиқ ҳолда бундай ўзгаришларни акс эттирувчи маълумот ҳар доим ҳам молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун прогноз қиймати ёки тасдиқлаш қийматига эга бўлмаслиги мумкин. Бу ташкилотнинг тижорат фаолияти активни сотишни ёки мажбуриятни ўтказишни назарда тутмайдиган ҳолларда тўғри бўлиши мумкин, масалан, агар ташкилот активларни фақат улардан фойдаланиш ёки шартномада назарда тутилган пул оқимларини олиш учун ушлаб турса ёки ташкилот ўзи мажбуриятни ижро этса.

Келгуси пул оқимларига қўйилма

- 6.54 1.14-бандда қайд этилганидек, айрим иқтисодий ресурслар бевосита пул оқимларини ҳосил қилади; бошқа ҳолларда иқтисодий ресурслар пул оқимларини билвосита ҳосил қилиш учун бошқа иқтисодий ресурслар билан бирга фойдаланилади. Иқтисодий ресурслардан фойдаланиш усули ва бинобарин, активлар ва мажбуриятлар пул оқимларини қандай ҳосил қилиши қисман ташкилот томонидан амалга ошириладиган тижорат фаолиятининг характерига боғлиқ.
- 6.55 Агар ташкилотнинг тижорат фаолияти билвосита пул оқимларини ҳосил қиладиган бир нечта иқтисодий ресурслардан фойдаланишни назарда тутса, харидорларга товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва сотиш учун улардан биргаликда фойдаланиш орқали бошланғич қиймат ёки ўрнини қоплашнинг жорий қиймати, кўпроқ эҳтимол билан, бундай фаолият тўғрисида ўринли маълумот тақдим этади. Масалан, асосий воситалар одатда ташкилотнинг бошқа иқтисодий ресурслари билан биргаликда фойдаланилади. Шу каби, захираларни одатда харидорларга ташкилотнинг бошқа ресурсларидан катта ҳажмда фойдаланмасдан сотиш мумкин эмас (масалан, ишлаб чиқариш ва маркетинг фаолияти доирасида). 6.24–6.31 ва 6.40–6.42-бандларда бундай активларни бошланғич қиймат ёки ўрнини қоплашнинг жорий қиймати бўйича баҳолаш давр давомида олинган маржа ҳисоб-китоби учун фойдаланилиши мумкин бўлган ўринли маълумотни қандай қилиб тақдим этиши мумкинлигини тушунтиради.
- 6.56 Бевосита пул оқимларини ҳосил қиладиган активлар ва мажбуриятлар, масалан, алоҳида ва аҳамиятли иқтисодий йўқотишларсиз (масалан, ташкилот фаолиятидаги аҳамиятли узилишларсиз) сотилиши мумкин бўлган активлар ҳолатида, кўпроқ эҳтимол билан, келгуси пул оқимлари қиймати, муддатлари ва ноаниқликларининг жорий баҳосини ўз ичига оладиган жорий қиймат энг ўринли маълумотни тақдим этадиган баҳолаш асоси бўлади.
- 6.57 Агар ташкилотнинг иқтисодий фаолияти шартномада назарда тутилган пул оқимларини олиш мақсадида молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни бошқаришни назарда тутса, амортизацияланган қиймат активлар бўйича олинган фоизлар ва мажбуриятлар бўйича тўланган фоизлар ўртасидаги фарқни аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган ўринли маълумотни тақдим этиши мумкин. Лекин, амортизацияланган қиймат фойдали маълумот тақдим этишини баҳолашда молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарур. Амортизацияланган қиймат қарзнинг асосий суммаси ёки фоизлар билан боғлиқ бўлмаган омиларга боғлиқ бўлган пул оқимлари тўғрисида ўринли маълумотни тақдим этиши эҳтимолдан йироқ.

Рўйи-рост тақдим этиш

- 6.58 Агар активлар ва мажбуриятлар қандайдир тарзда бир-бирига боғланган бўлса, бундай активлар ва мажбуриятлар учун ҳар хил баҳолаш асосларидан фойдаланиш баҳолаш ноизчилилиги (ҳисобдаги номувофиқлик) юзага келишига олиб келиши мумкин. Агар молиявий ҳисобот баҳолаш

- ноизчиллигига эга бўлса, бундай молиявий ҳисобот ташкилотнинг молиявий ҳолатининг ва молиявий натижаларининг айрим жиҳатларини рўйи-рост тақдим этишни таъминламаслиги мумкин. Бинобарин, айрим ҳолатларда ўзаро боғланган активлар ва мажбуриятлар учун бир хил баҳолаш асосларидан фойдаланиш молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига турли баҳолаш асосларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилиши мумкин бўлган маълумотга қараганда анча фойдали маълумотни тақдим этиши мумкин. Бу битта актив ёки мажбурият бўйича пул оқимлари бошқа актив ёки мажбурият бўйича пул оқимлари билан бевосита боғланган ҳолларда энг катта эҳтимолга эга бўлади.
- 6.59 2.13 ва 2.18-бандларда қайд этилганидек, мутлақо рўйи-рост тақдим этиш хатолардан сақламаслигига қарамай, бу баҳолашлар ҳар жиҳатдан мутлақо аниқ бўлиши лозимлигини англамайди.
- 6.60 Агар баҳони бевосита нархларни фаол бозорда кузатиш йўли билан аниқлашнинг имкони бўлмаса ва бунинг ўрнига ҳисоб баҳосидан фойдаланиш зарур бўлса, баҳолаш ноаниқликлари юзага келади. Аниқ баҳолаш асоси билан боғлиқ баҳолаш ноаниқликларининг даражаси ушбу баҳолаш асосидан фойдаланиш натижасида тақдим этилган маълумот ташкилотнинг молиявий ҳолатини ва унинг молиявий натижаларини рўйи-рост тақдим этишни таъминлаши ёки таъминламаслигига таъсир кўрсатиши мумкин. Баҳолаш ноаниқликларининг юқори даражаси ўринли маълумотни тақдим этадиган баҳолаш асосидан фойдаланишга тўсқинлик қилмайди. Лекин, айрим ҳолларда баҳолаш ноаниқликларининг даражаси ушбу баҳолаш асоси томонидан тақдим этилган маълумот етарлича рўйи-рост тақдим этишни таъминламаслиги мумкин бўладиган даражада юқори бўлиши мумкин (2.22-бандга қаранг). Бундай ҳолларда, ўринли маълумот тақдим этиши мумкин бўлган бошқа баҳолаш асосини танлаш имкониятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.
- 6.61 Баҳолаш ноаниқликлари натижалар ноаниқликларидан ҳам, мавжудлик ноаниқликларидан ҳам фарқ қилади:
- (a) натижалар ноаниқликлари актив ёки мажбурият билан боғлиқ иқтисодий нафларнинг тушиши ёки ҳисобдан чиқарилиши қиймати ёки муддатларига нисбатан ноаниқликлар мавжуд бўлган ҳолларда юзага келади;
 - (b) мавжудлик ноаниқликлари актив ёки мажбурият мавжуд бўлишига нисбатан ноаниқликлар рўй берган ҳолларда юзага келади. 5.12-5.14-бандларда мавжудлик ноаниқликлари ушбу актив ёки мажбуриятнинг мавжудлик ноаниқликлари рўй берганда қандай қилиб ташкилотнинг активни ёки мажбуриятни тан олишга нисбатан қарорига таъсир кўрсатиши мумкинлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.
- 6.62 Натижалар ноаниқликлари ёки мавжудлик ноаниқликларининг борлиги баъзан баҳолаш ноаниқликларининг юзага келишининг сабаби бўлиши мумкин. Лекин, натижалар ноаниқликлари ёки мавжудлик ноаниқликларининг борлиги баҳолаш ноаниқликларининг юзага келишига олиб келиши шарт бўлмайди. Масалан, агар активнинг ҳаққоний қийматини бевосита фаол бозорда кузатилган нархлар ёрдамида аниқлаш мумкин бўлса, мазкур ҳаққоний қийматни баҳолашга нисбатан баҳолашнинг ноаниқликлари мавжуд эмас, ҳатто агар яқунда актив томонидан қанча пул маблағлари яратилиши юзасидан ишонч бўлмаса ва бинобарин, натижалар ноаниқликлари мавжуд бўлса ҳам.

Маълумотнинг фойдалилигини оширувчи сифат тавсифлари ва сарфларга нисбатан чеклов

- 6.63 Баҳолаш асосини танлашга маълумотнинг фойдалилигини оширувчи қиёсийлик, тушунарлик ва текширилувчанлик каби сифат тавсифлари, шунингдек сарфларга нисбатан чеклов таъсир кўрсатади. Кейинги бандларда бундай таъсирнинг эҳтимолий оқибатлари кўриб чиқилади. 6.69-6.76-бандларда мазкур омилларнинг аниқ баҳолаш асосларига мувофиқ таъсири батафсил кўриб чиқилади. Ўз вақтида тақдим этиш маълумотнинг фойдалилигини оширувчи сифат тавсифи сифатида баҳолашга бевосита таъсир кўрсатмайди.
- 6.64 Сарфлар молиявий ҳисобот тақдим этишга нисбатан бошқа қарорларга чекловлар қўйгани каби, улар баҳолаш асосини танлашга ҳам чеклов қўяди. Шу тариқа, баҳолаш асосини танлашда бундай баҳолаш базасидан фойдаланиш натижасида молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига тақдим этилган маълумотдан олинган наф уни тақдим этиш ва фойдаланишга сарфларни оқлаши юқори эҳтимол ҳисобланишини ҳисобга олиш муҳимдир.
- 6.65 Айни бир баҳолаш асосларидан айни бир моддаларга нисбатан ёки турли даврларда битта ҳисобот берувчи ташкилот доирасида ёхуд битта даврда, бироқ турли ташкилотлар томонидан изчил фойдаланиш молиявий ҳисоботнинг қиёсий бўлишига ёрдам бериши мумкин.
- 6.66 Баҳолаш асосининг ўзгариши молиявий ҳисоботнинг камроқ тушунарли бўлишига олиб келиши мумкин. Лекин, агар бошқа омиллар тушунарликнинг пасайишидан устун бўлса, масалан, ўзгариш анча ўринли маълумот тақдим этилишига олиб келса, ўзгариш оқланган бўлиши мумкин. Агар бундай

ўзгариш амалга оширилган бўлса, молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига уларга бундай ўзгаришлар таъсирини тушуниш имконини берадиган тушунтирувчи маълумот зарур бўлиши мумкин.

- 6.67 Тушунарлилик қисман қанча турли хил баҳолаш асосларидан фойдаланилишига ва улар вақт ўтиши билан ўзгариши ёки ўзгармаслигига боғлиқ. Умумий ҳолатда, молиявий ҳисобот тўпламида қанчалик кўп баҳолаш асосларидан фойдаланилса, маълумот шунчалик мураккаб ва бинобарин, камроқ тушунарли бўлади, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)нинг якуний ёки оралиқ кўрсаткичлари эса камроқ маълумотга эга бўлади. Лекин, агар бу фойдали маълумот тақдим этиш учун зарур бўлса, кўпроқ баҳолаш асосларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.
- 6.68 Текширилувчанлик баҳолаш асосларидан фойдаланиш ҳисобига ошади, уларнинг натижалари мустақил равишда ёки бевосита, масалан кузатилган нархлар орқали, ёхуд билвосита, масалан моделда фойдаланиладиган қирувчи маълумотларни текшириш йўли билан тасдиқланиши мумкин. Агар баҳони текширишнинг имкони бўлмаса, молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига мазкур баҳо қай тарзда аниқланганлигини уларга тушуниш имконини берадиган тушунтириш маълумоти талаб этилиши мумкин. Баъзи бундай ҳолларда, бошқа баҳолаш асосидан фойдаланилганлигини кўрсатиш зарур бўлиши мумкин.

Бошланғич қиймат

- 6.69 Кўп вазиятларда, жорий қийматни эмас, балки бошланғич қийматни баҳолаш осон ва ўз навбатида, камроқ сарф талаб қилади. Бундан ташқари, бошланғич қиймат асосида баҳолаш асосини қўллаган ҳолда олинган баҳолар одатда тушунарли ва кўп ҳолларда текширилувчан ҳисобланади.
- 6.70 Лекин, истеъмолни баҳолаш ва кадрсизланишдан кўрилган зарарларни ёки зарар келтирувчи мажбуриятларни идентификациялаш ва баҳолаш субъектив бўлиши мумкин. Шу тариқа, актив ёки мажбуриятнинг бошланғич қийматини баҳолаш ёки текшириш баъзан жорий қийматни баҳолаш ва текшириш каби мураккаб бўлиши мумкин.
- 6.71 Бошланғич қиймат асосида баҳолаш асосидан фойдаланишда вақтнинг турли пайтларида харид қилинган ёки қабул қилинган айнан ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар молиявий ҳисоботда турли суммаларда акс эттирилиши мумкин. Бу ҳам битта ҳисобот берувчи ташкилот доирасида турли даврларда, ҳам бир даврда, бироқ турли ташкилотлар бўйича қиёсийликни камайтириши мумкин.

Жорий қиймат

- 6.72 Ҳаққоний қиймат ташкилотга хос позициядан эмас, балки бозор иштирокчилари позициясидан аниқланиши ва актив қачон харид қилинганлиги ёки мажбурият қачон қабул қилинганлигига боғлиқ эмаслиги боис, ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланадиган айнан ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар, қондага кўра, айни бир хил бозорларга кириш имконига эга ташкилотлар томонидан айни бир суммада баҳоланади. Бу ҳам битта ҳисобот берувчи ташкилот доирасида турли даврларда, ҳам бир даврда, бироқ турли ташкилотлар бўйича қиёсийликни ошириши мумкин. Аксинча, фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қиймати ташкилотга хос бўлган тахминларни акс эттириши муносабати билан, бундай баҳолашлар турли ташкилотларда айнан ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар учун фарқ қилиши мумкин. Бундай фарқларнинг мавжудлиги, айниқса агар активлар ёки мажбуриятлар ўхшаш тарзда пул оқимларини ҳосил қилса, қиёсийликни камайтириши мумкин.
- 6.73 Агар актив ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини бевосита фаол бозорда кузатилган нархлардан фойдаланган ҳолда аниқлаш мумкин бўлса, ҳаққоний қийматни баҳолаш жараёни кам сарфли, тушуниш учун содда ва осон бўлади, шунингдек, ҳаққоний қийматни бевосита кузатиш йўли билан текшириш мумкин бўлади.
- 6.74 Баҳолаш усулларида, шу жумладан баъзан пул оқимларига асосланган баҳолаш усулларида фойдаланиш, агар у бевосита фаол бозорда кузатилган ҳисобланмаса ва одатда фойдаланиш қиймати ва ижро этиш қийматини аниқлашда зарур ҳисобланса, ҳақиқий қиймат учун зарур бўлиши мумкин. Фойдаланилаётган усулга боғлиқ ҳолда:
- (а) баҳолаш учун қирувчи маълумотларни аниқлаш ва мазкур баҳолаш усулини қўллаш сарфларни талаб қилиши ва мураккаб бўлиши мумкин;
 - (б) баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган қирувчи маълумотлар субъектив бўлиши мумкин ва ҳам қирувчи маълумотларни, ҳам жараённинг ўзини тўғрилигини текшириш мураккаб бўлиши мумкин. Натижада, айнан ўхшаш активлар ёки мажбуриятларни баҳолаш фарқ қилиши мумкин. Бу қиёсийликни камайтириши мумкин.
- 6.75 Кўп ҳолларда, бошқа активлар билан биргаликда фойдаланиладиган алоҳида актив учун фойдаланиш қийматини ишончли тарзда аниқлашнинг имконияти йўқ. Бунинг ўрнига, фойдаланиш қиймати

активлар гуруҳи учун аниқланади ва кейин натижани алоҳида активларга тақсимлаш талаб қилиниши мумкин. Бундай жараён субъектив ва ихтиёрий бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қандайдир актив учун фойдаланиш қийматининг ҳисоб баҳолари тасодифан ундан гуруҳда бошқа активлар билан биргаликда фойдаланишдан синергияни акс эттириши мумкин. Шу тариқа, бошқа активлар билан биргаликда фойдаланилаётган активнинг фойдаланиш қийматини аниқлаш сарф талаб этадиган жараён бўлиши мумкин ва унинг мураккаблиги ҳамда субъективлиги текширилувчанликни камайтиради. Шу туфайли, амалий жихатдан фойдаланиш қиймати бундай активларни мунтазам қайта баҳолаш учун мақбул баҳолаш асоси бўлмаслиги мумкин. Лекин, у активларни номунтазам қайта баҳолаш учун, масалан бошланғич қиймат тўлиқ қопланадиган ёки қопланмайдиган бўлишини аниқлаш учун кадрсизланиш тестида фойдаланилганда фойдали бўлиши мумкин.

- 6.76 Ўрнини қоплашнинг жорий қиймати асосида баҳолаш асосидан фойдаланишда вақтнинг турли пайтларида харид қилинган ёки қабул қилинган айнан ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар молиявий ҳисоботда бир хил суммада акс эттирилади. Бу ҳам битта ҳисобот берувчи ташкилот доирасида турли даврларда, ҳам бир даврда, бироқ турли ташкилотлар бўйича қиёсийликни ошириши мумкин. Лекин, ўрнини қоплашнинг жорий қийматини аниқлаш жараёни мураккаб, субъектив ва сарф талаб этадиган бўлиши мумкин. Масалан, 6.22-бандда қайд этилганидек, ташкилотда мавжуд активнинг жорий ёши ва ҳолатини акс эттириш учун активни ўрнини қоплашнинг жорий қийматини янги активнинг жорий нарҳига тузатиш киритиш йўли билан баҳолаш зарур бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бизнесни юритиш технологиялари ва амалиётининг ўзгарганлиги туфайли кўп активлар айнан ўхшаш активларга алмаштирилмаслиги мумкин. Натижада, мавжуд активга эквивалент активни ўрнини қоплашнинг жорий қийматини баҳолаш учун янги активнинг жорий нарҳига қўшимча субъектив тузатиш киритиш талаб қилинади. Шунингдек, ўрнини қоплашнинг жорий қийматидан баҳолаш асоси сифатида фойдаланишда ўрнини қоплашнинг жорий қийматига тенг бўлган баланс қийматидаги ўзгаришни активнинг истеъмол қилинган қисмини ўрнини қоплашнинг жорий қийматига ва нархлар ўзгариши таъсирига (6.42-банд) ажратиш мураккаб бўлиши ва ихтиёрий тахминларни талаб қилиши мумкин. Бундай қийинчиликлар сабабли, ўрнини қоплашнинг жорий қийматига асосланган баҳолаш текширувчанлик ва тушунарлилик каби тавсифларга эга бўлмаслиги мумкин.

Дастлабки баҳолаш учун ўзига хос омиллар

- 6.77 6.43-6.76-бандларда дастлабки тан олиш ёки кейинги баҳолаш учун баҳолаш асосини танлашда ҳисобга олиниши зарур бўлган омиллар кўриб чиқилади. 6.78-6.82-бандларда дастлабки тан олишда ҳисобга олиш зарур бўлган баъзи қўшимча омиллар кўриб чиқилади.
- 6.78 Дастлабки тан олишда бозор шартларидаги ҳодиса натижасида харид қилинган актив ёки қабул қилинган мажбуриятнинг қиймати одатда ушбу санага унинг ҳаққоний қийматига тенг бўлади, бундан операция бўйича сарфлар аҳамиятли бўлган ҳоллар мустасно. Лекин, ҳатто ушбу икки қиймат мос келсада, дастлабки тан олишда фойдаланилган баҳолаш асосини тавсифлаш зарур. Агар оқибатда бошланғич қийматдан фойдаланилса, бундай баҳолаш асоси ҳам одатда дастлабки тан олишда мувофиқ ҳисобланади. Шу каби, агар оқибатда жорий қийматдан фойдаланилса, ушбу баҳолаш асоси ҳам одатда дастлабки тан олишда мувофиқ ҳисобланади. Дастлабки тан олиш ва кейинги баҳолаш учун айни бир баҳолаш асосидан фойдаланиш фақат баҳолаш асоси ўзгариши (6.48-бандга қаранг) туфайли юзага келадиган дастлабки тан олишдан кейин биринчи баҳолашда даромадлар ёки харажатларни тан олишни олдини олади.
- 6.79 Ташкилот бозор шартларидаги операция доирасида бошқа актив ёки мажбуриятни ўтказишга айирбошлаш эвазига актив харид қилса ёки мажбуриятни қабул қилса, харид қилинган актив ёки қабул қилинган мажбуриятнинг дастлабки аниқланган қиймати бундай операция натижасида даромадлар ёки харажатлар юзага келиши ёки келмаслигини аниқлайди. Агар актив ёки мажбурият дастлабки қиймати бўйича баҳоланса, дастлабки тан олишда ҳеч қандай даромадлар ёки харажатлар юзага келмайди, бундан даромадлар ёки харажатлар ўтказилган активни ёки мажбуриятни тан олишни бекор қилиш натижасида юзага келган ҳоллар ёки актив кадрсизланган ёки мажбурият зарар келтирувчи ҳисобланадиган ҳоллар мустасно.
- 6.80 Ташкилот бозор шартларидаги операция ҳисобланмайдиган ҳодисалар натижасида активлар харид қилиши ёки мажбуриятларни ўзига қабул қилиши мумкин. Масалан:
- (а) операция нархи томонлар ўртасида шаклланган муносабатлар ёки молиявий қийинчиликлар ёхуд томонлардан бирининг ўзга мажбурий ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин;
 - (б) актив ташкилотга давлат томонидан бепул асосда берилиши ёки ташкилотга бошқа томондан ҳадага ўтказилиши мумкин;
 - (в) мажбуриятнинг юзага келиши қонунчилик ёки бошқа норматив ҳужжатларнинг талаблари билан боғлиқ бўлиши мумкин; ёки

- (г) компенсация ёки жарима тўлаш жавобгарлиги ташкилот томонидан қонунчиликнинг бузилиши натижасида юзага келиши мумкин.
- 6.81 Бундай ҳолларда, харид қилинган актив ёки қабул қилинган мажбуриятни бошланғич қиймати бўйича баҳолаш ташкилотнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги ёхуд операция ёки бошқа ҳодиса натижасида юзага келадиган даромадлар ёки харажатлар тўғрисидаги маълумотнинг рўйи рост тақдим этилишини таъминламаслиги мумкин. Натижада, харид қилинган актив ёки қабул қилинган мажбуриятни 6.6-бандда таърифлангани каби шартли бошланғич қиймат бўйича баҳолаш ўринли бўлиши мумкин. Дастлабки тан олишда шартли бошланғич қиймат ва тўланган ёки олинган товоҳ ўртасидаги ҳар қандай фарқ даромадлар ёки харажатлар сифатида тан олинади.
- 6.82 Агар активни харид қилиш ёки мажбуриятнинг юзага келиши бозор шартларидаги операция ҳисобланмайдиган ҳодиса натижасида рўй берса, мазкур операция ёки бошқа ҳодисанинг барча ўринли жиҳатларини идентификациялаш ва ҳисобга олиш зарур. Масалан, ташкилотнинг молиявий ҳолатига (4.59-4.62-бандларига қаранг) операция ёки бошқа ҳодисанинг таъсири ва ташкилотнинг молиявий натижаларига тегишли таъсирининг моҳиятини рўйи рост тақдим этиш учун бошқа активлар, бошқа мажбуриятлар, ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгалари томонидан қўйилмалар ёки улар фойдасига тақсимлашлар тан олинмиши талаб қилиниши мумкин.

Бир нечта баҳолаш асосидан фойдаланиш

- 6.83 Баъзан 6.43-6.76-бандларда кўрсатилган омилларни ҳисобга олиш ташкилотнинг молиявий ҳолати ва унинг молиявий натижаларини рўйи-рост тақдим этишни таъминлайдиган ўринли маълумотни тақдим этиш учун актив ёки мажбурият ва улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар учун бирдан ортқ баҳолаш асосидан фойдаланиш талаб этилади деган хулосага олиб келиши мумкин.
- 6.84 Аксарият ҳолларда, қуйидагилар бундай маълумотни тақдим этишнинг энг тушунарли усули ҳисобланади:
- (а) ҳам молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив ёки мажбурият учун, ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар учун бир хил баҳолаш асосидан фойдаланиш; ва
- (б) изоҳларда бошқа баҳолаш асосини қўллаш асосида тайёрланган қўшимча маълумотни тақдим этиш.
- 6.85 Лекин, айрим ҳолларда бундай маълумот қуйидагилардан фойданилган тақдирда анча ўринли бўлади ёки ташкилотнинг молиявий ҳолати ва унинг молиявий натижаларини рўйи-рост тақдим этишни таъминлайди:
- (а) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив ёки мажбурият учун жорий қиймат асосида баҳолаш асосидан; ва
- (б) фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботда¹⁰ (7.17-7.18-бандларга қаранг) улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар учун бошқа баҳолаш асосидан.
- Баҳолаш асослари маълумотларини танлашда 6.43-6.76-бандларда кўрсатилган омилларни эътиборга олиш зарур.
- 6.86 Бундай ҳолларда актив ёки мажбуриятнинг жорий қийматининг ўзгариши билан боғлиқ давр учун жами даромад ёки жами харажат қуйидагилар учун шундай тарзда ажратилади ва таснифланади (7.14-7.19-бандларга қаранг):
- (а) фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботга мазкур ҳисобот учун танланган баҳолаш асосидан фойдаланган ҳолда баҳоланган даромадлар ёки харажатларни киритиш; ва
- (б) бошқа умумлашган даромад таркибига барча қолган даромадлар ва харажатларни киритиш. Натижада, мазкур актив ёки мажбуриятга тегишли бошқа жами даромаднинг жамғарилган суммаси қуйидагилар ўртасидаги фарқни ташкил этади:
- (i) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда мазкур актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати; ва
- (ii) фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот учун танланган баҳолаш асосидан фойдаланганда аниқланиши мумкин бўлган баланс қиймати.

¹⁰ *Концептуал асос* молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар) битта ёки иккита ҳисоботдан иборат бўлишини белгиламайди. *Концептуал асос*да алоҳида ҳисобот ва молиявий натижалар тўғрисидаги ягона ҳисобот доирасида алоҳида бўлими белгилаш учун “фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот” атамасидан фойдаланилади.

Хусусий капитални баҳолаш

- 6.87 Хусусий капиталнинг умумий баланс қиймати (хусусий капиталнинг умумий қиймати) бевосита баҳоланмайди. Унинг қиймати барча тан олинган мажбуриятларнинг умумий баланс қиймати чегирилган барча тан олинган активларнинг умумий баланс қийматига тенг.
- 6.88 Умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот ташкилотнинг қийматини акс эттириш учун мўлжалланмаганлиги боис, хусусий капиталнинг умумий баланс қиймати, қоидага кўра, қуйидагиларга тенг бўлмайди:
- (a) ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқларининг жамланган бозор қийматига;
 - (b) фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги тахминга мувофиқ келадиган ташкилотни бутунлигича сотиш натижасида олиниши мумкин бўлган суммага; ёки
 - (b) ташкилотнинг барча активларини сотиш ва ташкилотнинг барча мажбуриятларини сўндириш натижасида олиниши мумкин бўлган суммага.
- 6.89 Хусусий капиталнинг умумий қиймати бевосита баҳоланмаслигига қарамай, хусусий капиталнинг айрим синфларининг (4.65-бандга қаранг) ва хусусий капиталнинг айрим компонентларининг (4.66-бандга қаранг) баланс қийматини бевосита баҳолаш ўринли бўлиши мумкин. Шунга қарамай, хусусий капиталнинг умумий қиймати қолдиқ улуш сифатида баҳоланиши туфайли, хусусий капиталнинг камида битта синфи бевосита баҳоланиши мумкин эмас. Шу каби, хусусий капиталнинг камида битта компоненти бевосита баҳоланиши мумкин эмас.
- 6.90 Хусусий капиталнинг айрим синфи ёки хусусий капиталнинг айрим компонентининг умумий баланс қиймати, қоида тариқасида, ижобий бўлади, лекин айрим ҳолатларда салбий бўлиши мумкин. Шу каби, хусусий капиталнинг умумий қиймати, қоида тариқасида, ижобий, бироқ қандай активлар ва мажбуриятлар тан олиниши ва улар қандай баҳоланишига боғлиқ ҳолда салбий бўлиши мумкин.

Пул оқимларига асосланган баҳолаш усуллари

- 6.91 Баъзан қийматни баҳолаш бевосита кузатиладиган бўлмаслиги мумкин. Айрим бундай ҳолларда, пул оқимларига асосланган баҳолаш усулларида фойдаланиш қийматни аниқлаш усулларида бири ҳисобланади. Бундай усуллар баҳолаш асослари ҳисобланмайди. Улар баҳолаш асосини қўллашда фойдаланиладиган усуллар ҳисобланади. Бинобарин, бундай усулдан фойдаланишда қандай баҳолаш асоси қўлланишини ва мазкур усул мазкур баҳолаш асосига қўлланиладиган омилларни акс эттирадиган даражани аниқлаш зарур. Масалан, агар баҳолаш асоси сифатида ҳаққоний қийматдан фойдаланилса, 6.14-бандда кўрсатилган омиллар қўлланади.
- 6.92 Пул оқимларига асосланган баҳолаш усулларида модификация қилинган баҳолаш асосини қўллашда, масалан, ижро этиш қиймати ташкилот ўз мажбуриятини бажара олмаслиги (ўз кредит риски) эҳтимоли таъсирини истисно қилиш мақсадида модификация қилинганда фойдаланиш мумкин. Баҳолаш асосини модификация қилиш баъзан молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун анча ўринли ҳисобланадиган маълумот тақдим этилишини таъминлаши ёки уни тайёрлаш ёки тушунишни камроқ сарф талаб этадиган қилиши мумкин. Лекин, модификация қилинган баҳолаш асослари молиявий ҳисобот фойдаланувчилари тушуниши учун анча мураккаб ҳам бўлиши мумкин.
- 6.93 Натижалар ноаниқликлари (6.61(a)-бандга қаранг) келгуси пул оқимларининг юзага келиши қиймати ёки муддатларига нисбатан ноаниқликлар мавжуд бўлиши натижасида юзага келади. Бундай ноаниқликлар активлар ва мажбуриятларнинг муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Актив ёки мажбуриятни ноаниқ келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳоси асосида баҳолашда бундай пул оқимларининг (6.14(b)-бандга қаранг) юзага келиши қиймати ёки муддатларининг эҳтимолий ҳисоб вариациялари ҳисобга олиниши зарур бўлган омиллардан бири ҳисобланади. Бундай вариациялар эҳтимолий пул оқимлари диапазонидан битта қийматни танлашда ҳисобга олинади. Танланган қийматнинг ўзи баъзан эҳтимолий натижа ҳисобланади, бироқ ҳар қандай ҳолда эмас. Энг ўринли маълумотни тақдим этадиган қиймат одатда диапазоннинг ўртасига (марказий ҳисоб баҳоси) тегишли бўлади. Фарқли марказий ҳисоб баҳолари фарқли маълумотни тақдим этади. Масалан:
- (a) кутилган қиймат (эҳтимоликни ҳисобга олган ҳолда ўртача тортилган қиймат, шунингдек статистик ўртача дейилади) натижаларнинг бутун диапазони акс эттиради ва бунда эҳтимоли юқори натижалар катта вазнга эга бўлади. Кутилган қиймат мазкур актив ёки мажбурият муносабати билан юзага келадиган пул маблағлари ёки бошқа иқтисодий нафларнинг тушиши ёки ҳисобдан чиқарилишининг якуний қийматини прогнозлаштириш учун мўлжалланмаган;

Концептуал асос

- (б) юзага келиш эҳтимоли кўпроқ бўлган энг юқори қиймат (статистик ўрталикка ўхшаш) кейинги зарарнинг эҳтимоли 50%дан ошмаслиги ва кейинги фойданинг эҳтимоли 50%дан ошмаслигини кўрсатади;
 - (в) энг мумкин бўлган натижа (статистик мода) актив ёки мажбурият бўйича юзага келадиган якуний тушумлар ва ҳисобдан чиқаришларнинг ягона энг юқори эҳтимолли қийматини намоён қилади.
- 6.94 Марказий ҳисоб баҳоси келгуси пул оқимлари ва унинг қиймати ёки юзага келиш муддатларининг эҳтимолий вариацияларининг ҳисоб баҳосига боғлиқ. У якуний натижа ушбу марказий ҳисоб баҳосидан фарқ қилиши мумкинлигига нисбатан ноаниқликларни ўзига қабул қилганлик учун нархни акс эттирмайди (яъни 6.14(г)-бандда кўрсатилган омил мавжуд).
- 6.95 Ҳеч бир марказий ҳисоб баҳоси мумкин бўлган натижаларнинг бутун диапазони тўғрисида тўлиқ маълумотни тақдим этмайди. Бинобарин, фойдаланувчиларга мумкин бўлган натижалар диапазони тўғрисида маълумот зарур бўлиши мумкин.

МУНДАРИЖА

	<i>банд</i>
7-БОБ - ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ЁРИТИБ БЕРИШ	
МАЪЛУМОТНИ АЛОҚА ВОСИТАСИ СИФАТИДА ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ЁРИТИБ БЕРИШ	7.1
МАЪЛУМОТНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ЁРИТИБ БЕРИШНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ	7.4
ТАСНИФЛАШ	7.7
Активлар ва мажбуриятларни таснифлаш	7.9
Ўзаро ҳисоб-китоб	7.10
Хусусий капитални таснифлаш	7.12
Даромадлар ва харажатларни таснифлаш	7.14
Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад	7.15
ЖАМЛАШ	7.20

Маълумотни алоқа воситаси сифатида тақдим этиш ва ёритиб бериш

- 7.1 Ҳисобот берувчи ташкилот ўз активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотни ўзининг молиявий ҳисоботида маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш орқали беради.
- 7.2 Молиявий ҳисобот орқали самарали алоқа бундай маълумотни анча ўринли қилади ва ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатларини рўйи-рост тақдим этишга қўмаклашади. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботда маълумотнинг тушунарлилиги ва қиёсийлиги ошади. Молиявий ҳисобот орқали самарали алоқа учун қуйидагилар талаб қилинади:
- (а) эътиборни қоидаларга эмас, маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш мақсадлари ва тамойилларига қаратиш;
 - (б) маълумотни ўхшаш моддаларни гуруҳлаш ва ўзаро ўхшаш бўлмаган моддаларни ажратишга имкон берадиган тарзда таснифлаш; ва
 - (в) маълумотни уни тушуниш ёки катта миқдорда кераксиз тафсилотларни киритиш оқибатида ёхуд самарасиз жамлаш оқибатида мураккаб бўлмайдиган тарзда жамлаш.
- 7.3 Сарфлар молиявий ҳисоботни тақдим этишга нисбатан бошқа қарорларга чекловлар қўйиши каби, улар маълумотни тақдим этиш ва ёритиб беришга тааллуқли қарорларга ҳам чекловлар қўяди. Шу тариха, маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш тўғрисида қарор қабул қилишда молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига муайян маълумотни тақдим этиш ёки ёритиб бериш орқали тақдим этилган нафлар уни тақдим этиш ва фойдаланишга сарфларни оқлаши эҳтимолнинг қанчалик юқори эканлигини ҳисобга олиш муҳимдир.

Маълумотни тақдим этиш ва ёритиб беришнинг мақсадлари ва тамойиллари

- 7.4 Молиявий ҳисобот орқали самарали алоқага қўмаклашиш мақсадида стандартлардаги маълумотларни тақдим этиш ва ёритиб беришга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишда қуйидагилар ўртасида мувозанатга риоя қилиш зарур:
- (а) ташкилотларга ўзининг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатларини рўйи-рост тақдим этувчи ўринли маълумотни танлашда тақдим этилган эркинлик; ва
 - (б) ҳам битта ташкилот доирасида турли даврларда, ҳам бир даврда, бироқ турли ташкилотлар ўртасида қиёсий ҳисобланадиган маълумотни тақдим этиш талаби.
- 7.5 Маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш мақсадларини стандартларга киритиш молиявий ҳисобот орқали самарали алоқага қўмаклашади, чунки бундай мақсадлар ташкилотларга фойдали маълумотни идентификациялаш ва алоқанинг энг самарали усулини танлашга ёрдам беради.
- 7.6 Молиявий ҳисобот орқали самарали алоқа қуйидаги тамойилларни қўллаш ҳисобига ҳам таъминланади:
- (а) ташкилот учун хос бўлган маълумот баъзан «шаблон» деб номланадиган стандарт таърифларга қараганда анча фойдали ҳисобланади; ва
 - (б) маълумотни молиявий ҳисоботнинг турли қисмларида такрорлаш одатда талаб этилмайди ва молиявий ҳисоботнинг камроқ тушунарли бўлишига олиб келиши мумкин.

Таснифлаш

- 7.7 Таснифлаш - бу активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ва харажатлар моддаларини маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш мақсадларида уларнинг умумий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муайян синфларга тақсимлаш жараёнидир. Бундай хусусиятлар бошқалар қаторида, модданинг характери, унинг ташкилот томонидан амалга оширилаётган тижорат фаолиятидаги роли (ёки функцияси) ва уни баҳолаш усулини ўз ичига олади.
- 7.8 Ўзаро ўхшаш бўлмаган активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ёки харажатларни битта синфга киритиш ўринли маълумотни яшириши, маълумотнинг тушунарлилигини ва

қиёсийлигини камайтириши мумкин, шунингдек таснифлаш нимани акс эттиришга мўлжалланган бўлса, шуни рўйи-рост тақдим этишни таъминламаслиги мумкин.

Активлар ва мажбуриятларни таснифлаш

- 7.9 Таснифлаш актив ёки мажбурият учун танланган ҳисоб бирлигига қўлланади (4.48-4.55-бандларга қаранг). Лекин, баъзан актив ёки мажбуриятни ҳар хил хусусиятларга эга компонентларга ажратиш ва бундай компонентларни алоҳида таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Агар бундай компонентларни алоҳида таснифлаш бундай тарзда олинган молиявий маълумотнинг фойдалилигини оширсин, бундай ёндашув мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Масалан, активни ёки мажбуриятни қисқа муддатли ёки узоқ муддатли компонентларга ажратиш ва мазкур компонентларни таснифлаш ўринли бўлиши мумкин.

Ўзаро ҳисоб-китоб

- 7.10 Ўзаро ҳисоб-китоб ташкилот актив ва мажбуриятни алоҳида ҳисоб бирлиги сифатида тан олганда ва баҳолаганда, лекин молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда уларни бирлаштирган ҳолда, ягона нетто қийматда акс эттирилганда рўй беради. Ўзаро ҳисоб-китоб ўхшаш бўлмаган моддаларни бир синфга бирлаштиради ва шунинг учун, одатда ўринли ҳисобланмайди.
- 7.11 Активлар ва мажбуриятларнинг ўзаро ҳисоб-китоби ҳуқуқлар ва жавобгарликларнинг у ёки бу жамланмасини битта ҳисоб бирлиги сифатида ҳисобга олишдан фарқ қилади (4.48-4.55-бандларга қаранг).

Хусусий капитални таснифлаш

- 7.12 Фойдали маълумот тақдим этиш учун ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқларини алоҳида таснифлаш, агар мазкур талаб қилиш ҳуқуқлари турли хусусиятларга эга бўлса, зарур бўлиши мумкин (4.65-бандга қаранг).
- 7.13 Шу каби, агар хусусий капитал компонентларининг айримларига нисбатан қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари ёки бошқа талаблар қўлланилса, фойдали маълумот тақдим этиш учун ушбу компонентларни алоҳида таснифлаш зарур бўлиши мумкин. Масалан, айрим юрисдикцияларида ташкилот хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгалари фойдасига тақсимлашга фақат кўрсатилган талабларга асосан тақсимлаш учун етарли резервга эга бўлган тақдирда амалга оширишга руҳсат берилган (4.66-бандга қаранг). Бундай резервлар тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш фойдали маълумот тақдим этиши мумкин.

Даромадлар ва харажатларни таснифлаш

- 7.14 Таснифлаш қуйидагиларга қўлланади:
- (а) актив ёки мажбурият учун танланган ҳисоб бирлигига тегишли даромадлар ва харажатларга; ёки
 - (б) бундай даромадлар ва харажатлар компонентларига, агар ушбу компонентлар ҳар хил тавсифларга эга бўлса ва алоҳида идентификацияланса. Масалан, актив жорий қийматининг ўзгариши қиймат ўзгаришидан таъсирларни ва фоизлар ҳисоблашдан таъсирларни ўз ичига олиши мумкин (6.1-жадвалга қаранг). Агар молиявий маълумотнинг фойдалилигини оширсин, бундай компонентларни алоҳида таснифлаш ўринли бўлиши мумкин.

Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад

- 7.15 Даромадлар ва харажатлар таснифланади ва қуйидагиларга киритилади:
- (а) фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботга;¹¹ ёки
 - (б) фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботдан ташқарида— бошқа умумлашган даромадга.

¹¹ *Концептуал асос* молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар) битта ёки иккита ҳисоботдан иборат бўлишини белгиламайди. *Концептуал асосларда* алоҳида ҳисобот ва молиявий натижалар тўғрисидаги ягона ҳисобот таркибида алоҳида бўлишни белгилаш учун “фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот” атамасидан фойдаланилади. Шу каби, ҳам алоҳида ҳисоботда яқуний кўрсаткични, ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ягона ҳисоботда алоҳида бўлим бўйича оралик натижани белгилаш учун “фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот” атамасидан фойдаланилади.

- 7.16 Фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобот даври учун ташкилотнинг молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотнинг асосий манбаси ҳисобланади. Мазкур ҳисобот давр учун ташкилот фаолиятининг молиявий натижаларини юқори даражада умумлаштирган ҳолда акс эттирилишини таъминлайдиган фойда ёки зарарнинг жами суммасини сақлайди. Кўпгина молиявий ҳисобот фойдаланувчилари ушбу жами суммани ўз таҳлилларига унинг бошланиш нуқтаси сифатида ёки давр учун ташкилотнинг молиявий натижаларининг асосий кўрсаткичи сифатида киритишади. Шунга қарамай, давр учун ташкилотнинг молиявий натижаларини тушуниш барча тан олинган даромадлар ва харажатлар, шу жумладан бошқа умумлашган даромад таркибига киритилган даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиш, шунингдек молиявий ҳисоботга киритилган бошқа маълумотни таҳлил қилишни талаб қилади.
- 7.17 Фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот давр учун ташкилотнинг молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотнинг асосий манбаи ҳисобланиши боис, мазкур ҳисоботга, қоида тариқасида, барча даромадлар ва харажатлар киритилади. Лекин, истисно ҳолларда стандартларни ишлаб чиқишда Кенгаш актив ёки мажбуриятнинг жорий қиймати ўзгариши натижасида юзага келадиган даромадлар ёки харажатлар, агар бунинг натижасида фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот анча ўринли маълумот тақдим этилишини ёки мазкур давр учун ташкилотнинг молиявий натижаларини анча рўйи-рост тақдим этилишини таъминласа, бошқа умумлашган даромад таркибига киритилиши лозим деган ҳулосага келиши мумкин.
- 7.18 Бошланғич қиймат бўйича (6.1-жадвалга қаранг) баҳолаш асосидан фойданиш натижасида юзага келадиган даромадлар ва харажатлар фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Мазкур турдаги даромадлар ва харажатлар актив ёки мажбуриятнинг жорий қиймати ўзгариши компонентларидан бири сифатида ажратилганда ҳам бундай вазият рўй беради. Масалан, агар молиявий актив жорий қиймат бўйича баҳоланса ва фоизли даромад қийматнинг бошқа ўзгаришларидан алоҳида идентификацияланса, бундай фоизли даромад фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботга киритилади.
- 7.19 Қоида тариқасида, бир даврда бошқа жами даромад таркибида тан олинган даромадлар ва харажатлар, агар бунинг натижасида фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот анча ўринли маълумот тақдим этса ёки ушбу келгуси давр учун ташкилот молиявий натижаларининг анча рўйи-рост тақдим этилишини таъминласа, бошқа умумлашган даромад таркибидан келгуси даврлардан бирида фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботга қайта таснифланади. Лекин, агарда, масалан, қайта таснифлаш бундай натижаларга олиб келадиган даврни идентификациялаш учун ёки қайта таснифланиши лозим бўлган суммани идентификациялаш учун аниқ асос мавжуд бўлмаса, Кенгаш стандартларни ишлаб чиқишда бошқа умумлашган даромад таркибига киритилган даромадлар ёки харажатлар кейинчалик қайта таснифланиши лозим эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Жамлаш

- 7.20 Жамлаш — бу умумий хусусиятларга эга ва айни бир синфга кирувчи активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ёки харажатлар моддаларини бирлаштириш жараёнидир.
- 7.21 Жамлаш маълумотларнинг қатта ҳажмини умумлаштириш ҳисобига маълумотни анча фойдали қилади. Лекин, жамлаш айрим тафсилотларни яширишга олиб келиши мумкин. Шу боис ўринли маълумотни тушуниш кўп сонли аҳамиятсиз тафсилотлар ёки сарамарасиз жамлаш оқибатида кейинчалик қайта таснифланмаслиги туфайли мураккаб бўлмаслиги учун мувозанатни топиш зарурдир.
- 7.22 Молиявий ҳисоботнинг турли қисмларида жамлашнинг турли даражаси талаб қилиниши мумкин. Масалан, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да одатда умумлаштирилган маълумот тақдим этилади, бу вақтда изоҳларда анча батафсил маълумот тақдим этилади.

МУНДАРИЖА

	<i>банд</i>
8-БОБ - КАПИТАЛ ВА КАПИТАЛНИ САҚЛАБ ТУРИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ	
КАПИТАЛ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ	8.1
КАПИТАЛНИ САҚЛАБ ТУРИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА ФОЙДАНИ АНИҚЛАШ	8.3
КАПИТАЛНИ САҚЛАБ ТУРИШГА ОИД ТУЗАТИШЛАР	8.10

8-бобга киритилган матн 2010 йилда чиқарилган *Молиявий ҳисоботнинг концептуал асосидан* ўзгартирилмаган шаклда ўтказилган. Мазкур матн дастлаб 1989 йилда чиқарилган *Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш концепциясининг* бир қисми ҳисобланган.

Капитал концепциялари

- 8.1 Молиявий капитал концепцияси аксарият ташкилотлар томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланилади. Молиявий капитал концепцияси бўйича капитал деганда инвестиция қилинган пул маблағларини ёки инвестиция қилинган харид қилиш қобилиятини назарда тутадиган ташкилотнинг соф активлари ёки хусусий капиталини англатади. Жисмоний капитал концепцияси бўйича капитал деганда операцион қобилиятни назарда тутадиган ташкилотнинг, масалан, бир кунда ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги сонига асосланган ишлаб чиқариш қуввати капитал ҳисобланади.
- 8.2 Ташкилот томонидан капиталнинг тегишли концепциясини танлаш молиявий ҳисобот фойдаланувчилари эҳтиёжларига асосланиши лозим. Шу тариқа, агар молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини энг аввало, инвестиция қилинган капиталнинг номинал қийматини ёки инвестиция қилинган капиталнинг харид қилиш қобилиятини сақлаб туриш ташвишлантирса, молиявий капитал концепциясини қабул қилиш лозим. Лекин, агар фойдаланувчиларни энг аввало, ташкилотнинг операцион қобилияти кизиктирса, жисмоний капитал концепциясидан фойдаланиш зарур. Танланган концепция ҳатто бундай концепцияни қўллашда баҳолаш билан боғлиқ мураккабликларнинг мавжудлиги эҳтимолига қарамай, фойдани аниқлашда эришилиши лозим бўлган мақсадни кўрсатади.

Капитални сақлаб туриш концепциялари ва фойдани аниқлаш

- 8.3 Капитал концепциялари 8.1-бандда капитални сақлаб туришнинг қуйидаги концепциялари билан боғлиқ:
- (а) *Молиявий капитални сақлаб туриш.* Мазкур концепцияга асосан фақат давр охирига соф активларнинг молиявий (ёки пул) қиймати давр давомида мулкдорлар фойдасига тақсимлаш ва улар томонидан бадаллар таъсири истисно қилингандан кейин давр бошига соф активларнинг молиявий (ёки пул) қийматидан ошган тақдирда фойда олинади. Молиявий капитални сақлаб туриш номинал пул бирликларида ёки доимий харид қилиш қобилияти бирликларида баҳоланиши мумкин.
 - (б) *Жисмоний капитални сақлаб туриш.* Мазкур концепцияга асосан фақат давр охирига ташкилотнинг ишлаб чиқариш қуввати (ёки операцион қобилияти) (ёхуд бундай қувватга эришиш учун зарур ресурслар ёки маблағлар) давр давомида мулкдорлар фойдасига тақсимлаш ва улар томонидан бадаллар таъсири истисно қилингандан кейин давр бошига жисмоний ишлаб чиқариш қувватидан ошган тақдирда фойда олинади.
- 8.4 Капитални сақлаб туриш концепцияси ташкилот унинг қийматини сақлаб туришга интиладиган капитални қай тарзда аниқлаши билан боғлиқ. У капитал концепциялари ва фойда концепциялари ўртасида ўзаро таъсирни аниқлайди, чунки у фойдани баҳолаш учун бошланиш нуктасини таклиф қилади; у ташкилот капиталининг рентабеллиги тушунчаси ва у томондан капиталнинг қайтарилиши тушунчасини ажратади; фақат капитални сақлаб туриш учун зарур суммалардан ортиқ активларнинг тушиши фойда ва шунга мос равишда капиталнинг рентабеллиги деб ҳисобланиши мумкин. Бинобарин, фойда - бу харажатлар (жумладан бу ўринли бўлганда капитални сақлаб туриш билан боғлиқ тузатишлар) даромадлардан чегирилгандан кейин қолдиқ суммани англатади. Агар харажатлар даромадлардан ошса, қолдиқ сумма зарар ҳисобланади.
- 8.5 Жисмоний капитални сақлаб туриш концепцияси баҳолаш асоси сифатида ўрнини қоплашнинг жорий қийматини танлашни талаб этади. Лекин молиявий капитални сақлаб туриш концепцияси, муайян баҳолаш асоси қўлланилишини талаб қилмайди. Баҳолаш асосини танлаш мазкур концепцияга асосан ташкилот унинг қийматини сақлаб туришга интиладиган молиявий капитал турига боғлиқ.
- 8.6 Иккита капитални сақлаб туриш концепцияси ўртасидаги жиддий фарқ ташкилотнинг активлари ва мажбуриятлари нархлари ўзгаришларининг таъсирларини қандай ҳисобга олиш лозимлигидан иборат. Умумий маънода, агар ташкилот давр охирига у давр бошидагидек ҳажмда капиталга эга бўлса, ўз капиталини сақлаб туришни таъминлаган бўлади. Капитални давр бошига бўлган ҳолат даражасида сақлаб туриш учун зарур бўлган суммадан ортиқ хар қандай сумма фойда ҳисобланади.

- 8.7 Молиявий капитални сақлаб туриш концепциясига асосан қачон капитал номинал пул бирликларида аниқланса, фойда давр учун капиталнинг номинал пул қийматининг ўсишини намоён қилади. Шу тариқа, давр мобайнида анъанавий тарзда эгаликдан олинган даромад деб номланадиган сақланадиган актив нархининг ўсиши, концептуал тарзда фойданинг компоненти ҳисобланади. Лекин, айирбошлаш операцияси доирасида активлар ҳисобдан чиқарилгунга қадар улар тан олинмаслиги мумкин. Молиявий капитални сақлаб туриш концепцияси доимий харид қилиш қобилияти атамаларида аниқланса, фойда давр учун инвестиция қилинган харид қилиш қобилиятининг ўсишини намоён қилади. Бу ҳолда фақат нархларнинг умумий даражасининг ўсишидан ошадиган активлар нархининг ошиши қисмида фойда ҳисобланади. Ўсишнинг қолган қисми капитални сақлаб туриш билан боғлиқ тузатишлар ҳисобланади ва бинобарин, хусусий капитал таркибига киритилади.
- 8.8 Жисмоний капитални сақлаб туриш концепциясига асосан, қачон капитал жисмоний ишлаб чиқариш қуввати нуқтаи назаридан аниқланса, фойда давр учун бундай капиталнинг ўсишини намоён қилади. Ташкилотнинг активлари ва мажбуриятларига таъсир кўрсатадиган нархларнинг барча ўзгаришлари ташкилотнинг жисмоний ишлаб чиқариш қувватини баҳолашдаги ўзгаришлар ҳисобланади; бинобарин, улар фойда сифатида эмас, балки хусусий капитал таркибига киритиладиган капитални сақлаб туриш билан боғлиқ тузатишлар сифатида кўриб чиқилади.
- 8.9 Баҳолаш асоси ва капитални сақлаб туриш концепциясини танлаш молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиладиган ҳисоб моделини белгилайди. Ҳисобнинг турли моделлари ўринлилик ва ишончлиликнинг турли даражаси билан тавсифланади ва ўз танловида, бошқа соҳалардаги каби, раҳбарият ўринлилик ва ишончлилик ўртасида ҳам мувозанатга риоя қилиш лозим. *Концептуал асос* ҳисобнинг турли моделларига қўлланади ва танланган моделга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишга нисбатан кўрсатма беради. Ҳозирги вақтда Кенгаш муайян ҳисоб моделидан фойдаланишни тавсия қилмайди, камдан-кам ҳоллар бундан мустасно, масалан, гиперинфляция иқтисодиётига эга мамлакат валютасида молиявий ҳисобот тақдим этувчи ташкилотлар учун. Шунга қарамай, бу ният жаҳонда содир бўладиган ўзгаришлар туфайли такроран таҳлил қилинади.

Капитални сақлаб туришга оид тузатишлар

- 8.10 Активлар ва мажбуриятларни қайта баҳолаш ёки қайта ҳисоблаш хусусий капиталнинг ўсиши ёки камайишига олиб келади. Гарчи ўсиш ёки камайишнинг мазкур суммалари даромадлар ва харажатлар тушунчаларига мос келсада, улар капитал қийматини сақлаб туришнинг муайян концепцияларига асосан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга киритилмайди. Бунинг ўрнига, бундай моддалар капитални сақлаб туриш ёки қайта баҳолаш бўйича резервлар сифатида хусусий капитал таркибига киритилади.

А илова Атамалар таъриффи

Қуйида келтирилган атамалар таърифлари *Молиявий ҳисоботни тақдим этишининг концептуал асосининг* тегишли бандларидан олинган.

жамлаш	умумий хусусиятларга эга ва айни бир синфга кирувчи активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ёки харажатлар моддаларини бирлаштириш жараёнидир.	CF.7.20
актив	Олдинги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинадиган мавжуд иқтисодий ресурс.	CF.4.3
баланс қиймати	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив, мажбурият ёки хусусий капитал тан олинадиган қиймат.	CF.5.1
таснифлаш	Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ва харажатлар моддаларини маълумотни тақдим этиш ва ёритиб бериш мақсадларида уларнинг умумий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муайян синфларга тақсимлаш жараёнидир.	CF.7.7
комбинациялашган молиявий ҳисобот	Бош ташкилот - шўъба ташкилот ўзаро муносабатлари билан боғлиқ бўлмаган иккита ёки ундан ортиқ ташкилотларни ўз ичига олган ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботи.	CF.3.12
консолидациялашган молиявий ҳисобот	Таркибига ҳам бош ташкилотни, ҳам унинг шўъба ташкилотини ўз ичига олган ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботи.	CF.3.11
иқтисодий ресурсни назорат қилиш	Ҳозирги вақтда мавжуд иқтисодий ресурсдан фойдаланиш усулини аниқлаш ва у келтириши мумкин бўлган иқтисодий нафларни олиш имконияти.	CF.4.20
тан олишни бекор қилиш	Илгари тан олинган актив ёки мажбуриятнинг ҳаммаси ёхуд унинг бир қисмини ташкилотнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботдан чиқариш.	CF.5.26
иқтисодий ресурс	Иқтисодий нафлар яратиш потенциалига эга бўлган ҳуқуқ.	CF.4.4
маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари	Фойдали маълумотни яна фойдали қиладиган сифат тавсифи. Қиёсийлик, текширилувчанлик, ўз вақтида тақдим этиш ва тушунарлилик маълумотнинг фойдалилигини оширадиган сифат тавсифлари ҳисобланади.	CF.2.4, CF.2.23
хусусий капитал	Ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан кейин унинг активларидаги қолдиқ улуш.	CF.4.63
ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи	Ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан кейин унинг активларидаги қолдиқ улушга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи.	CF.4.64
ижро этиладиган шартнома	Томонларнинг ҳеч бири шартномада белгиланган жавобгарликларни бажармаган ёки иккала томон ҳам ўз жавобгарликларини тенг тарзда қисман бажарган шартнома.	CF.4.56
мавжудликнинг ноаниқликлари	Актив ёки мажбуриятнинг мавжудлигига нисбатан ноаниқликлар.	CF.4.13, CF.4.35
харажатлар	Хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларига тақсимлашлар билан боғлиқ бўлмаган хусусий капиталнинг камайишига олиб келадиган активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг ошиши.	CF.4.69

фундаментал сифат тавсифлари	Умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларнинг асосий фойдаланувчилари учун фойдали бўлиши учун молиявий маълумотда мавжуд бўлиши лозим бўлган сифат тавсифи. Ўринлилик ва рўйи-рост тақдим этиш фундаментал сифат тавсифлари ҳисобланади.	CF.2.4, CF.2.5
умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот	Асосий фойдаланувчилар учун улар томонидан мазкур ташкилотга ресурслар тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдали ҳисобланадиган ҳисобот берувчи ташкилотнинг иқтисодий ресурслари ва ташкилотга қўйиладиган талаб қилиш ҳуқуқлари ва иқтисодий ресурслар ва ташкилотга қўйиладиган талаб қилиш ҳуқуқларининг ўзгариши тўғрисидаги молиявий маълумотни тақдим этадиган ҳисобот.	CF.1.2, CF.1.12
умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботлар	Ҳисобот берувчи ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот тақдим этадиган умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларнинг аниқ шакли.	CF.3.2
даромадлар	Хусусий капиталга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари эгаларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган хусусий капиталнинг ошишига олиб келадиган активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайиши.	CF.4.68
мажбурият	Ташкилотнинг олдинги ҳодисалар натижасида юзага келган иқтисодий ресурсни ўтказиш бўйича мавжуд жавобгарлиги.	CF.4.26
муҳим маълумот	Маълумот, агар уни тушириб қолдириш, нотўғри кўрсатиш ёки яшириш умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот фойдаланувчиларининг муайян ҳисобот берувчи ташкилот тўғрисидаги маълумот билан таъминлайдиган молиявий ҳисобот асосида қабул қилинадиган қарорларига таъсир кўрсатиши асосланган тарзда қутилса, муҳим ҳисобланади.	CF.2.11
баҳолаш қиймати	Актив ёки мажбурият ва улар билан боғлиқ даромадлар ва харажатларга нисбатан баҳолаш асосини қўллаш натижаси.	CF.6.1
баҳолаш асоси	Баҳоланаётган модданинг, масалан, бошланғич қиймат, ҳаққоний қиймат ёки ижро этиш қийматининг белгиланган тавсифи.	CF.6.1
баҳолашнинг ноаниқликлари	Молиявий ҳисоботларда акс эттирилган пул суммалари бевосита кузатиладиган бўлмайдиган ва бунинг ўрнига ҳисоб баҳосидан фойдаланган ҳолда аниқланиши лозим бўлган ҳолларда юзага келадиган баҳолаш ноаниқликлари.	CF.2.19
ўзаро ҳисоб-китоб	Алоҳида ҳисоб бирлиги сифатида тан олинадиган ва баҳоланадиган актив ва мажбуриятни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда бирлаштириш ва уларни ягона нетто қийматда акс эттириш.	CF.7.10
натижаларнинг ноаниқликлари	Актив ёки мажбурият билан боғлиқ иқтисодий нафларнинг тушиши ёки ҳисобдан чиқарилиши қиймати ёки муддатларига нисбатан ноаниқликлар.	CF.6.61
иқтисодий нафлар яратиш потенциали	Мавжуд бўлган ва ҳеч бўлмаганда аниқ бир ҳолларда бошқа томонлар учун мавжуд бўладиган нафлардан ортиқ ташкилот учун иқтисодий нафларни ярата оладиган иқтисодий ресурсларнинг тавсифи.	CF.4.14
асосий фойдаланувчилар (умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот)	Мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторлар.	CF.1.2
эҳтиёткорлик	Ноаниқликлар шароитида мулоҳазалардан фойдаланишда эҳтиёткор бўлиш. Эҳтиёткорликни қўллаш активлар ва	CF.2.16

	даромадларни ошириб кўрсатилмасликни, мажбуриятлар ва харажатларни эса камайтириб кўрсатилмасликни англатади. Тенг даражада, эҳтиёткорликни қўллаш активлар ёки даромадларнинг камайтирилишига ёхуд мажбуриятлар ёки харажатларнинг оширилишига йўл қўймайди.	
тан олиш	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботга ёки молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)га молиявий ҳисобот элементларидан бири - актив, мажбурият, хусусий капитал, даромадлар ёки харажатлар таърифини қаноатлантирадиган моддани киритиш жараёни. Тан олиш моддани юқоридаги ҳисоботлардан бирида - алоҳида ёки бошқа моддалар билан бирга - сўз билан таърифлаш ва пул суммаси орқали акс эттиришни, шунингдек ушбу суммани мазкур ҳисоботнинг бир ёки бир нечта якуний кўрсаткичларига киритишни назарда тутди.	CF.5.1
ҳисобот берувчи ташкилот	Умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларни тайёрлаши шарт бўлган ёки уни тайёрлаш тўғрисида мустақил қарор қабул қиладиган ташкилот.	CF.3.10
консолидациялашмаган молиявий ҳисобот	Фақат бош ташкилот билан тақдим этилган ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботи.	CF.3.11
Ҳисоб бирлиги	Тан олиш мезонлари ва баҳолаш тамойиллари қўлланадиган ҳуқуқ ёки ҳуқуқлар гуруҳи, жавобгарлик ёки жавобгарликлар гуруҳи ёхуд ҳуқуқлар ва жавобгарликлар гуруҳи.	CF.4.48
фойдали молиявий маълумот	Умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботнинг асосий фойдаланувчилари учун улар томонидан ҳисобот берувчи ташкилотга ресурслар тақдим этиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда фойдали ҳисобланадиган молиявий маълумот. Молиявий маълумот фойдали бўлиши учун у ўринли бўлиши ва у нимани тақдим этишга мўлжалланган бўлса, шуни рўйи-рост тақдим этиши лозим.	CF.1.2, CF.2.4
асосий фойдаланувчилар (умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот)	“Асосий фойдаланувчилар (умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот” тушунчасига қаранг).	–

Кенгаш томонидан 2018 йил март ойида эълон қилинган “Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси”нинг тасдиқланиши

“Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси” Кенгашнинг 14 та аъзосидан 13 таси томонидан маъқулланган. Тарка хоним кенгашга яқинда тайинлангани туфайли бетараф колди.

Hans Hoogervorst

Директор

Suzanne Lloyd

Директор ўринбосари

Nick Anderson

Martin Edelmann

Françoise Flores

Amaro Luiz De Oliveira Gomes

Gary Kabureck

Jianqiao Lu

Takatsugu Ochi

Darrel Scott

Thomas Scott

Chungwoo Suh

Ann Tarca

Mary Tokar

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
2-ИЛОВА

1-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”

Мақсад

- 1 Мазкур стандарт ташкилотнинг олдинги даврлардаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг молиявий ҳисоботи билан қиёсланишини таъминлаш мақсадида умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботни тақдим этиш асосларини белгилаб беради. У молиявий ҳисоботни тақдим этишга нисбатан умумий талабларни, унинг тузилишига оид кўрсатмаларни ҳамда унинг таркибига доир минимал талабларни белгилайди.

Қўллаш доираси

- 2 Ташкилот мазкур стандартни умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХСлар) мувофиқ тайёрлашда ва тақдим этишда қўллаши лозим.
- 3 Бошқа МҲХСлар муайян операциялар ва бошқа ҳодисаларни тан олиш, баҳолаш ва ёритиб бериш бўйича талабларни белгилайди.
- 4 Мазкур стандарт 34-сон БҲХС “Оралиқ молиявий ҳисобот”га мувофиқ тайёрланган қискартирилган оралиқ молиявий ҳисоботнинг тузилиши ва таркибига нисбатан қўлланмайди. Лекин, бундай молиявий ҳисоботга нисбатан 15-35 бандлар қўлланади. Мазкур стандарт барча ташкилотларга, жумладан 10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”га мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисоботни тақдим этадиган ва 27-сон БҲХС “Алоҳида молиявий ҳисобот”га мувофиқ алоҳида молиявий ҳисоботни тақдим этадиган ташкилотларга нисбатан бир хилда қўлланади.
- 5 Мазкур стандартда тижорат ташкилотларига, шу жумладан давлат секторидаги тижорат ташкилотларига мос келадиган атамалар қўлланади. Агар хусусий сектордаги ёки давлат секторидаги нотижорат фаолиятни амалга оширадиган ташкилотлар мазкур стандартни қўлласа, улар молиявий ҳисоботдаги муайян моддалар ва молиявий ҳисобот учун фойдаланиладиган номланишларни ўзгартириши зарур бўлиши мумкин.
- 6 Шу тарзда, 32-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: тақдим этиш”да таърифланганидек, хусусий капиталга эга бўлмаган ташкилотлар (масалан, баъзи ўзаро фондлар) ва улушли қўйилмаси хусусий капитал бўлмаган ташкилотлар (масалан, баъзи кооператив ташкилотлар) молиявий ҳисоботда аъзолар ёки қатнашчилар улушларини тақдим этилишига тузатиш киритиши зарур бўлиши мумкин.

Таърифлар

- 7 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
Умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот (“молиявий ҳисобот” деб аталади) –бу ташкилотдан ўзларининг муайян ахборот эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳисобот тайёрлашини талаб этиш имкониятига эга бўлмаган фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган молиявий ҳисоботдир.
Амалий имконсиз. Ташкилотнинг талабларни амалда қўллашга қаратилган барча саъй-ҳаракатларига қарамай, уларни қўллай олмаса, талабларни қўллаш амалий имконсиз ҳисобланади.
Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХСлар) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича кенгаш (БҲХСК) томонидан эълон қилинган стандартлар ва шарҳлардир. Улар қуйидагилардан иборат:
(а) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари;

- (б) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари;
- (в) МҲХСШҚ томонидан чиқарилган шарҳлар; ва
- (г) ШДҚ томонидан чиқарилган шарҳлар.¹

Мухим:

Маълумот, агар уни тушириб қолдириш, нотўғри кўрсатиш ёки яшириш умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот фойдаланувчиларининг муайян ҳисобот берувчи ташкилот тўғрисидаги молиявий маълумот билан таъминлайдиган молиявий ҳисобот асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши асосланган тарзда қутилса, муҳим ҳисобланади.

Мухимлик маълумотнинг характери ёки миқдорий катталигига ёки ҳар иккисига ҳам боғлиқ. Ташкилот алоҳида олинган ёки бошқа маълумотлар билан биргаликдаги маълумотларнинг, умумий ҳолда, муҳимлигини молиявий ҳисобот контекстида баҳолайди.

Агар маълумот молиявий ҳисоботнинг асосий фойдаланувчилари учун ушбу маълумотни тушириб қолдириш ёки нотўғри кўрсатиш каби таъсир кўрсатадиган тарзда тақдим этиладиган бўлса, у яширилган ҳисобланади. Мухим маълумотнинг яширилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга қуйидагилар мисол бўлади:

- (а) муҳим модда, операция ёки бошқа ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар молиявий ҳисоботда ёритиб берилган, лекин ишлатилган сўз бирикмалари ноаниқ ёки тушунарсиз;
- (б) муҳим модда, операция ёки бошқа ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар бутун молиявий ҳисоботда тарқоқ акс этган;
- (в) ўхшаш бўлмаган моддалар, операциялар ёки бошқа ҳодисалар ноўрин тарзда жамланган;
- (г) ўхшаш моддалар, операциялар ёки бошқа ҳодисалар ноўрин тарзда батафсиллаштирилган; ва
- (д) муҳим маълумотлар муҳим бўлмаган маълумотлар орқали асосий фойдаланувчи қайси маълумотларнинг муҳимлигини аниқлай олмайдиган даражада яширилиши натижасида молиявий ҳисоботнинг тушунарлилиги камайдиган ҳолатларда.

Маълумот муайян ҳисобот берувчи ташкилотнинг умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботининг асосий фойдаланувчилари томонидан қабул қилинадиган қарорларига таъсир қилишини асосланган тарзда тахмин қилиш мумкин ёки йўқлигини баҳолаш ташкилотдан ушбу фойдаланувчиларнинг хусусиятлари билан бир қаторда ташкилот ўзининг ҳолатларини ҳам ҳисобга олишни талаб қилади.

Кўпгина мавжуд ва потенциал инвесторлар, қарз берувчилар ва бошқа кредиторлар ҳисобот берувчи ташкилотлардан тўғридан-тўғри маълумот беришини талаб қила олмайдилар ва ўзларига керакли молиявий маълумотларнинг кўп қисмида умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботларга таянишлари шарт. Шунга кўра, улар умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботнинг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади. Молиявий ҳисобот бизнес ва иқтисодий фаолият бўйича етарли маълумотга эга бўлган ва маълумотни синчковлик билан кўриб чиқадиган ва таҳлил қиладиган фойдаланувчилар учун тайёрланади. Баъзида, ҳатто яхши хабардор бўлган ва синчков фойдаланувчилар ҳам мураккаб иқтисодий ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни тушуниш учун маслаҳатчи ёрдамига эҳтиёж сезишлари мумкин.

Изоҳлар – молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган маълумотларга қўшимча маълумотларни ўз ичига олади. Изоҳларда ушбу ҳисоботда тақдим этилган моддаларнинг шарҳлари ёки тафсилотлари ҳамда ушбу ҳисоботда тан олинмаган моддалар тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилади.

Бошқа умумлашган даромад бошқа МҲХСларда талаб этилган ёки руҳсат этилган фойда ёки зарар таркибида тан олинмайдиган даромад ва харажат моддаларини (жумладан қайта таснифлаш бўйича тузатишларни) қамраб олади.

Бошқа умумлашган даромад компонентлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- (а) қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишидаги ўзгаришлар (16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*” ва 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*”га қаранг);
- (б) белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларини қайта баҳолаш натижалари (19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*”га қаранг);

¹ 2010 йилда қайта кўриб чиқилган МҲХС Фондининг Конституциясига кўра Фонднинг номи ўзгаргандан кейин МҲХСнинг таърифи ўзгарган.

- (в) молиявий ҳисоботда чет элдаги фаолиятни қайта ҳисоблашдан юзага келадиган фойда ва зарарлар (21-сон БҲХС “*Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари*”га қаранг);
- (г) 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”нинг 5.7.5-бандига мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган улушли инструментларга инвестициялар бўйича фойда ва зарарлар;
- (га) 9-сон МҲХСнинг 4.1.2А-бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар бўйича фойда ва зарарлар;
- (д) 9-сон МҲХСнинг 5.7.5-бандига мувофиқ улушли инструментларга инвестициялар ёрдамида ҳежланадиган, бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган ҳежлаш инструментлари бўйича фойда ва зарарларнинг ва пул оқимларини ҳежлашдаги ҳежлаш инструментлари бўйича фойда ва зарарларнинг самарали қисми (9-сон МҲХСнинг 6-бобига қаранг);
- (е) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши белгиланган муайян мажбуриятлар учун бундай мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ҳаққоний қийматдаги ўзгариш суммаси (9-сон МҲХСнинг 5.7.7-бандига қаранг);
- (ё) опцион шартномасининг ички қиймати ва вақт қийматини ажратишда ва фақат ҳежлаш инструменти сифатида фақат ички қийматидаги ўзгаришларни белгилашда опционларнинг вақт қиймати суммасидаги ўзгаришлар (9-сон МҲХСнинг 6-бобига қаранг); ва
- (ж) форвард шартномасининг форвард ва спот элементини ажратишда ҳамда фақат спот элементдаги ўзгаришларни ҳежлаш инструменти сифатида белгилашда форвард шартномасининг форвард элементлари қийматининг ўзгаришлари ва молиявий инструментни ҳежлаш инструменти сифатида белгилашдан чиқариб ташлашда молиявий инструментнинг чет эл валютаси асосидаги спрэди қийматидаги ўзгаришлар (9-сон МҲХСнинг 6-бобига қаранг).

Мулкдорлар – бу хусусий капитал сифатида таснифланган инструментларнинг эгалари.

Фойда ёки зарар – бу бошқа умумлашган даромаднинг таркибий қисмларини ҳисобга олмаганда, харажатлар чегирилган даромаднинг умумий суммасидир.

Қайта таснифлаш тузатишлари – бу жорий ёки олдинги даврларда бошқа умумлашган даромада тан олинган, лекин жорий даврда фойда ёки зарар сифатида қайта таснифланган суммалардир.

Жами умумлашган даромад – бу давр мобайнидаги операциялар ва бошқа ҳодисалар натижасида хусусий капиталда юзага келадиган ўзгаришдир, бундан мулкдорлар билан уларнинг мулкдор сифатида амал қилишидаги операциялардан юзага келадиган ўзгаришлар мустасно.

Жами умумлашган даромад “фойда ёки зарар”нинг ҳамда “бошқа умумлашган даромад”нинг барча компонентларини қамраб олади.

- 8 Мазкур стандартда “бошқа умумлашган даромад”, “фойда ёки зарар” ва “жами умумлашган даромад” атамалари қўлланишига қарамасдан, ташкилот, агар маъноси аниқ бўлса, жами кўрсаткични тавсифлаш учун бошқа атамалардан ҳам фойдаланиши мумкин. Масалан, ташкилот фойда ёки зарарни тавсифлаш учун “соф даромад” атамасидан фойдаланиши мумкин.
- 8А Қуйидаги атамаларнинг таърифи 32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиш*”да келтирилган ва улар мазкур стандартда 32-сон БҲХСда белгиланган маъносига кўра қўлланади:
 - (а) улушли инструмент сифатида таснифланган қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструмент (32-сон БҲХСнинг 16А ва 16Б-бандларида келтирилган)
 - (б) ташкилотга унинг соф активларидаги мутаносиб улушни бошқа томонларга бериш мажбуриятини фақат ликвидация жараёнида юклайдиган ва улушли инструмент сифатида таснифланадиган инструмент (32-сон БҲХСнинг 16В ва 16Г-бандларида келтирилган).

Молиявий ҳисобот

Молиявий ҳисоботнинг мақсади

- 9 Молиявий ҳисобот ташкилот молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг тартибга солинган ифодасидир. Молиявий ҳисоботнинг мақсади турли фойдаланувчилар учун иқтисодий қарорлар қабул қилишда фойдали бўладиган ташкилотнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул

маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашдан иборатдир. Молиявий ҳисобот, шунингдек, ташкилот раҳбарияти томонидан унга ишониб топширилган ресурслар бошқарилишининг натижаларини ҳам акс эттиради. Ушбу мақсадга эришиш учун, ташкилотнинг молиявий ҳисоботи қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади:

- (a) активлар;
- (б) мажбуриятлар;
- (в) хусусий капитал;
- (г) даромад ва харажатлар, шу жумладан фойда ва зарарлар;
- (д) мулкдорлар томонидан уларнинг мулкдор сифатида амал қилишидаги қўйилмалар ва уларга мулкдор сифатида амал қилишидаги тақсимланадиган суммалар; ва
- (е) пул маблағлари ҳаракати.

Ушбу маълумотлар изоҳлардаги бошқа маълумотлар билан биргаликда молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ташкилотнинг келгуси пул оқимларини, хусусан, уларнинг юзага келиш вақти ва аниқлигини прогноз қилишга ёрдам беради.

Молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўплами

10 Молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўплами қуйидагиларни қамраб олади:

- (a) ҳисобот даври охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- (б) ҳисобот даври учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;
- (в) ҳисобот даври учун хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
- (г) ҳисобот даври учун пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- (д) аҳамиятли ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар;
- (да) 38 ва 38А-бандларда кўрсатилганидек, олдинги давр учун қиёсий маълумот; ва
- (е) ташкилот ҳисоб сиёсатини ретроспектив тарзда қўлласа ёки молиявий ҳисоботдаги моддаларни ретроспектив тарзда қайта ҳисоблашни амалга оширса ёки 40А-40Г бандларга мувофиқ молиявий ҳисоботдаги моддаларни қайта таснифлаганда, олдинги давр бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот.

Ташкилот ҳисоботлар учун мазкур стандартда фойдаланилган номлардан ташқари бошқа номлардан фойдаланиши мумкин. Масалан, ташкилот “фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” ўрнига “умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” номидан фойдаланиши мумкин.

10А Ташкилот фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадни иккита алоҳида бўлимларда акс эттирган ҳолда, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ягона ҳисоботни тақдим этиши мумкин. Ушбу бўлимлар, фойда ёки зарар тўғрисидаги бўлим биринчи ва бевосита ундан кейин бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги бўлим акс эттирилган ҳолда, биргаликда тақдим этилиши лозим. Ташкилот фойда ёки зарар тўғрисидаги бўлимни фойда ёки зарар тўғрисидаги алоҳида ҳисоботда тақдим этиши мумкин. Бундай ҳолатда, фойда ёки зарар тўғрисидаги алоҳида ҳисобот фойда ёки зарар билан бошланиши лозим бўлган бошқа умумлашган даромадни акс эттирадиган ҳисоботдан бевосита олдин келиши лозим.

11 Ташкилот молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламида барча молиявий ҳисобот шаклларини аҳамият даражасига кўра тенг тақдим этиши лозим.

12 [Чиқариб ташланган]

13 Кўпгина ташкилотлар молиявий ҳисоботдан ташқари, ташкилотнинг молиявий натижалари ва молиявий ҳолатининг асосий хусусиятларини, шунингдек, у дуч келадиган асосий ноаниқликларни тавсифлайдиган ва тушунтирадиган раҳбарият томонидан тайёрланган молиявий шарҳни тақдим этадилар. Бундай ҳисобот қуйидагиларнинг таҳлилини ўз ичига олиши мумкин:

- (a) ташкилотнинг молиявий фаолиятини белгилайдиган асосий омиллар ва таъсирлар, шу жумладан у фаолият кўрсатаётган ташқи муҳитдаги ўзгаришлар, бу ўзгаришларга жавобан ташкилотнинг ҳаракатлари ва уларнинг натижаси, шунингдек, ташкилотнинг молиявий натижаларни сақлаб қолиш ва яхшилаш учун инвестиция сиёсати, шу жумладан дивиденд сиёсати;

- (б) ташкилот фаолиятининг молиялаштириш манбалари ва у томонидан кўзланган мажбуриятларнинг хусусий капиталга нисбати кўрсаткичи; ва
 - (в) ташкилотнинг МҲХСларга мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган ресурслари.
- 14 Экологик омиллар муҳим бўлган соҳаларда ва ходимлар ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг муҳим гуруҳи ҳисобланганда, кўпгина ташкилотлар молиявий ҳисобот, ҳисоботдан ташқари экологик ҳисоботлар ва қўшилган қиймат тўғрисидаги ҳисоботлар каби баёноتلарни ва ҳисоботларни ҳам тақдим этадилар. Молиявий ҳисоботдан ташқари тақдим этилган ҳисоботлар ва баёноتلар МҲХСларнинг қўллаш доирасига кирмайди.

Умумий жиҳатлар

Ҳаққоний тақдим этиш ва МҲХСларга мувофиқлик

- 15 Молиявий ҳисобот ташкилотнинг молиявий ҳолатини, молиявий натижаларини ва пул маблағлари ҳаракатини ҳаққоний тақдим этиши лозим. Ҳаққоний тақдим этиш операцияларнинг, бошқа ҳодисаларнинг ва шартларнинг таъсирларини *Концептуал асосда* келтирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларнинг таърифлари ҳамда тан олиш мезонларига мувофиқ рўйи-рост тақдим этишни талаб этади. Зарур бўлганда қўшимча маълумотларни ёритиб бериш билан бирга МҲХСларни қўллаш молиявий ҳисоботни ҳаққоний тақдим этилишини таъминлайди.
- 16 Молиявий ҳисоботни МҲХСларга мувофиқ тайёрлайдиган ташкилот изоҳларда бундай мувофиқликни ошқора ва шартсиз баён этиши лозим. Молиявий ҳисобот МҲХСларнинг барча талабларига мувофиқ бўлмагунча ташкилот уни МҲХСларга мувофиқ деб баён этмаслиги лозим.
- 17 Қўлланадиган МҲХСларга риоя қилиш орқали ташкилот деярли барча ҳолатларда молиявий ҳисоботнинг ҳаққоний тақдим этилишига эришади. Ҳаққоний тақдим этиш ташкилотдан қуйидагиларни ҳам талаб этади:
- (а) 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш. 8-сон БҲХСда бирор моддага нисбатан муайян қўлланадиган МҲХС мавжуд бўлмаганда раҳбарият томонидан қўлланиши тавсия этиладиган кўрсатмалар иерархияси келтирилган;
 - (б) ҳисоб сиёсатини, шу жумладан маълумотларни ўринли, ишончли, қиёсланувчан ва тушунарли тарзда тақдим этиш;
 - (в) МҲХСлардаги муайян талабларга мувофиқ фойдаланувчилар маълум операциялар, бошқа ҳодисалар ва шартларнинг ташкилот молиявий ҳолатига ва молиявий натижаларига таъсирини тушуниб олиши учун етарли бўлмаганда қўшимча маълумотларни ёритиб бериш.
- 18 Ташкилот фойдаланилган ҳисоб сиёсатини ёритиб бериш орқали ёхуд изоҳлар ёки тушунтириш маълумотлари орқали ноўрин ҳисоб сиёсати оқибатларини тузата олмайди.
- 19 Жуда камдан-кам ҳолатларда ташкилот раҳбарияти МҲХСдаги талабга риоя этиш фойдаланувчиларни *Концептуал асосда* келтирилган молиявий ҳисоботнинг мақсадига зид бўладиган даражада чалғитиши мумкин деган хулосага келса, агар тегишли тартибга солувчи қонунчилик бундай четлаб ўтишни талаб этса ёки бошқа ҳолларда тақиқламаса, ташкилот 20-бандда белгиланган тартибда бундай талабни четлаб ўтиши лозим.
- 20 Ташкилот 19-бандга мувофиқ МҲХС талабини четлаб ўтганда, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилот раҳбарияти молиявий ҳисобот ташкилотнинг молиявий ҳолатини, молиявий натижаларини ва пул маблағлари ҳаракатини ҳаққоний акс эттиради деган хулосага келганлиги;
 - (б) ҳаққоний тақдимотга эришиш учун маълум талабни четлаб ўтишдан ташқари у тегишли МҲХСларга риоя қилганлиги;
 - (в) ташкилот четлаб ўтган МҲХС номи, четлаб ўтишнинг сабаби, жумладан МҲХС талаб этган ҳисобга олиш тартиби, бундай тартиб нима учун бу шароитда фойдаланувчиларни *Концептуал асосда* келтирилган молиявий ҳисоботнинг мақсадига зид бўладиган даражада чалғитиши мумкинлигининг сабаблари ва қабул қилинган ҳисобга олиш тартиби; ва

- (г) тақдим этилган ҳар бир давр учун тегишли талаб бажарилганда молиявий ҳисоботнинг ҳар бир моддасига бундай четланишнинг молиявий таъсири.
- 21 Ташкилот МҲХС талабини олдинги даврда четлаб ўтганда ва ушбу четлаб ўтиш жорий даврнинг молиявий ҳисоботида тан олинган суммаларга таъсир кўрсатганда, 20(в) ва (г) бандда келтирилган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 22 21-банд, масалан, ташкилот олдинги даврда активлар ёки мажбуриятларни баҳолаш бўйича МҲХСдаги талабни четлаб ўтганда ва ушбу четлаб ўтиш жорий даврнинг молиявий ҳисоботида тан олинган активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларни баҳолашга таъсир этганда қўлланади.
- 23 Жуда камдан-кам ҳолатларда ташкилот раҳбарияти МҲХСдаги талабга риоя этиш фойдаланувчиларни *Концептуал асосда* келтирилган молиявий ҳисоботнинг мақсадига зид бўладиган даражада чалғитиши мумкин деган хулосага келса, лекин тегишли тартибга солувчи қонунчилик бундай четлаб ўтишни тақиқласа, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериш орқали чалғитувчи бўлган бундай талабга риоя этилишининг оқибатларини имкон қадар камайтириши лозим:
- (а) тегишли МҲХС номи, талабнинг характери ва бундай талабга риоя этиш нима учун бу шароитда фойдаланувчиларни *Концептуал асосда* келтирилган молиявий ҳисоботнинг мақсадига зид бўладиган даражада чалғитиши мумкинлигининг сабаблари; ва
- (б) тақдим этилган ҳар бир давр учун раҳбариятнинг фикрича ҳаққоний тақдим этишга эришиш учун молиявий ҳисоботнинг ҳар бир моддасига киритилиши зарур бўлган тузатишлар.
- 24 19-23 бандлар мақсадларида ҳар қандай маълумот моддаси у тақдим этиши назарда тутилган ёки тақдим этиши асосланган тарзда қутилиши мумкин бўлган ва натижада, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган операцияларни, бошқа ҳодисаларни ва шартларни рўйи-рост тақдим этмаса, молиявий ҳисоботнинг мақсадига зид бўлади. МҲХСдаги муайян талабга риоя этиш фойдаланувчиларни *Концептуал асосда* келтирилган молиявий ҳисоботнинг мақсадига зид бўладиган даражада чалғитиши мумкинлигини аниқлашда раҳбарият қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:
- а) нима учун маълум ҳолатларда молиявий ҳисоботнинг мақсадига эришилмаслиги; ва
- б) ташкилотнинг бундай ҳолатларини мазкур талабга риоя этадиган бошқа ташкилотларнинг ҳолатларидан қандай фарқланиши. Агар бошқа ташкилотлар ўхшаш шароитларда бу талабга риоя этса, бунда ташкилотнинг талабга риоя этиши фойдаланувчиларни *Концептуал асосда* келтирилган молиявий ҳисоботнинг мақсадига зид бўладиган даражада чалғитмайди деган рад этилиши мумкин бўлган фараз мавжуд бўлади.

Фаолиятнинг узлуксизлиги

- 25 Молиявий ҳисоботни тайёрлаш давомида раҳбарият ташкилот фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини баҳолаши лозим. Раҳбарият ташкилотнинг фаолиятини тугатиш ёки савдо фаолиятини тўхтатиш ниятида бўлмаса ёхуд бундай чораларни амалга оширишдан бошқа мукобил чораси мавжуд бўлмаган ҳолатдан ташқари, ташкилот молиявий ҳисоботни фаолиятнинг узлуксизлиги асосида тайёрлаши лозим. Агар раҳбарият баҳолашни амалга ошираётганда ташкилот фаолиятини узлуксиз давом эттириши қобилияти тўғрисида шубҳа тўғдириши мумкин бўлган аҳамиятли ҳодисалар ёки шартларга боғлиқ муҳим ноаниқликлардан хабардор бўлса, ташкилот ушбу ноаниқликларни ёритиб бериши лозим. Агар ташкилот молиявий ҳисоботни фаолиятнинг узлуксизлиги асосида тайёрламаса, у ушбу факт билан бирга молиявий ҳисобот қайси асосда тайёрланганлигини ҳамда ташкилот фаолиятнинг узлуксизлигини таъминлай олмаслиги сабабини ёритиб бериши лозим.
- 26 Фаолиятнинг узлуксизлиги фарази асосланганлигини баҳолашда раҳбарият ҳисобот даври охиридан кейинги камида, лекин чекланмаган, ўн икки ойни қамраб олган келажакка оид барча мавжуд маълумотларни инобатга олади. Уларни таҳлил қилиш даражаси ҳар бир ҳолатдаги фактларга боғлиқ бўлади. Агар ташкилот узок йиллардан бери фойда келтирадиган операциялар ва молиявий ресурсларни осонлик билан олиш имкониятига эга бўлса, молиявий ҳисобот мақсадида узлуксиз фаолият фарази тўғри эканини батафсил таҳлилсиз хулоса қилиш мумкин. Бошқа ҳолатларда раҳбарият фаолиятнинг узлуксизлиги фаразидан фойдаланиши ўринли эканига ишонч ҳосил қилишдан олдин, у жорий ва келгуси фойдалиликка, қарзни тўлаш графикларига ҳамда қайта молиялаштиришнинг потенциал манбаларига тегишли кенг қўламдаги омилларни кўриб чиқиши зарур бўлиши мумкин.

Ҳисоблаш усули бўйича ҳисоб

- 27 Ташкилот пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларидан ташқари, молиявий ҳисоботини ҳисоблаш усули бўйича ҳисоб асосида тайёрлаши лозим.
- 28 Ҳисоблаш усули бўйича ҳисоб юритилганда, ташкилот активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ва харажатлар каби моддаларни (молиявий ҳисобот элементларини), улар *Концептуал асос*даги ушбу элементларнинг таърифларига ва тан олиш мезонларига жавоб берганда, тан олади.

Муҳимлик ва жамлаш

- 29 Ташкилот ўхшаш моддаларнинг ҳар бир муҳим синфини алоҳида тақдим этиши лозим. Ташкилот характери ёки функциясига кўра бир биридан фарқ қиладиган моддаларни, улар муҳим бўлмаган ҳоллардан ташқари, алоҳида тақдим этиши лозим.
- 30 Молиявий ҳисобот ўз характери ёки функциясига кўра синфларга жамланган катта ҳажмдаги операциялар ёки бошқа ҳодисаларни қайта ишлаш натижасида шаклланади. Жамлаш ва таснифлаш жараёнининг якуний босқичи молиявий ҳисоботда сатр моддаларини ташкил этадиган қисқартирилган ва таснифланган маълумотларни тақдим этишдан иборат. Агар сатрдаги модда алоҳида олинганда муҳим бўлмаса, у ушбу ҳисоботда ёки изоҳларда бошқа моддалар билан жамланади. Ушбу ҳисоботда алоҳида сатрда тақдим этиш учун етарли даражада муҳим бўлмаган модда изоҳларда алоҳида тақдим этилиши аҳамиятли бўлиши мумкин.
- 30А Мазкур стандарт ва бошқа МҲХСларни қўллашда ташкилот барча тегишли фактларни ва ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, изоҳларни ўз ичига оладиган молиявий ҳисоботдаги маълумотларни қандай жамлаши тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Ташкилот муҳим маълумотни муҳим бўлмаган маълумотлар билан яшириш орқали ёки турли характерга ёки функцияларга эга муҳим маълумотларни жамлаш орқали молиявий ҳисобот тушунарлилигини камайтирмаслиги лозим.
- 31 Баъзи МҲХСлар молиявий ҳисоботга, шунингдек изоҳларга киритилиши талаб этиладиган маълумотларни белгилаб беради. Агар бирор МҲХСда ёритиб берилиши талаб этилган муайян маълумот муҳим бўлмаса, ташкилот томонидан бундай маълумотни ёритиб беришнинг зарурати йўқ. Ушбу қоида, ҳатто МҲХС муайян талаблар рўйхатини ўз ичига оладиган ёки уларни энг кам талаблар сифатида таърифлайдиган ҳолда ҳам қучда қолади. МҲХСнинг муайян талабларига риоя қилиш молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига муайян операция, бошқа ҳодисалар ва шартларнинг молиявий ҳолатга ва молиявий натижаларга таъсирини тушуниш имконини бериш учун етарли бўлмаган ҳолларда ташкилот қўшимча маълумотни ёритиб бериши зарурлигини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Ўзаро ҳисоб-китоб

- 32 Ташкилот активлар ва мажбуриятларни ёки даромадлар ва харажатларни ўзаро ҳисоб-китоб қилмаслиги лозим, бундан муайян МҲХСда талаб этилган ёки руҳсат этилган ҳоллар мустасно.
- 33 Ташкилот активлар ва мажбуриятларни ҳамда даромадлар ва харажатларни алоҳида тақдим этади. Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш операциянинг ёки бошқа ҳодисанинг моҳиятини акс эттирадиган ҳолатдан ташқари, молиявий ҳолат тўғрисидаги ёки фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да ўзаро ҳисоб-китоб қилиш фойдаланувчиларнинг содир бўлган операциялар, бошқа ҳодисалар ва шартларни тушуниши ҳамда ташкилотнинг келгуси пул оқимларини баҳолаш имкониятини камайтиради. Активларни улардан баҳоланган резервларни, масалан, захираларнинг қадрсизланиши бўйича резервларни ва шубҳали дебиторлик қарзлари бўйича резервларни чегирган ҳолда, соф асосда кўрсатиш ўзаро ҳисоб-китоб қилишни англамайди.
- 34 15-сон МҲХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*” ташкилотдан харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича тушумни ташкилот ваъда қилинган товарларни ёки хизматларни ўтказиш эвазига ташкилот олиш ҳуқуқига эга бўлиши кутиладиган товон суммасида баҳолашни талаб этади. Масалан, тан олинган тушум суммаси ташкилот томонидан тақдим этилган ҳар қандай савдо чегирмаларини ва муайян харид қилинган ҳажм учун чегирмаларни акс эттиради. Ташкилот одатдаги фаолияти давомида тушум келтирмайдиган, лекин асосий тушум келтирувчи фаолият учун қўшимча бўлган бошқа операцияларни амалга оширади. Ташкилот ушбу операциялар натижаларини, агар бундай тақдим этиш операция ёки бошқа ҳодисаларнинг моҳиятини акс эттирса, ҳар қандай даромадни шу операция бўйича келиб чиқадиган тегишли харажатлар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш йўли билан тақдим этади. Масалан:
- (а) ташкилот узоқ муддатли активларни, жумладан инвестициялар ва операцион активларни чиқиб кетишидан олинадиган фойда ва зарарларни уларни чиқиб кетишидан тушадиган

товон суммасидан активнинг баланс қийматини ва тегишли сотиш харажатларини чегирган ҳолда акс эттиради; ва

- (б) ташкилот 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”га мувофиқ тан олинадиган баҳоланган мажбуриятга тегишли бўлган ва шартнома асосида (масалан, етказиб берувчининг кафолат шартномаси) учинчи томонга нисбатан сарфлар қопланган суммани чегирган ҳолда нетто асосда кўрсатиши мумкин.
- 35 Шу билан бирга, ташкилот ўхшаш операциялар гуруҳидан юзага келадиган фойда ва зарарларни, жумладан валюта курсидаги ўзгаришлар бўйича фойда ва зарарларни ёки савдо учун мўлжалланган молиявий инструментлардан юзага келадиган фойда ва зарарларни нетто асосда акс эттиради. Лекин, ташкилот бундай фойда ва зарарларни, агар улар муҳим бўлса, алоҳида тақдим этади.

Ҳисоботни тақдим этиш даврийлиги

- 36 Ташкилот молиявий ҳисоботнинг (жумладан қиёсий маълумотни) тўлиқ тўпламини камида йиллик асосда тақдим этиши лозим. Агар ташкилот ўзининг ҳисобот даврини ўзгартирса ва бир йилга нисбатан узоқроқ ёки қисқароқ давр учун молиявий ҳисоботни тақдим этса, ташкилот молиявий ҳисобот камраб олган даврни ва унга қўшимча тарзда қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) узоқроқ ёки қисқароқ давр фойдаланилишининг сабаби, ва
- (б) молиявий ҳисоботда акс этирилган суммалар тўлиқ тарзда қиёсланувчан эмаслиги факти.
- 37 Одатда, ташкилот молиявий ҳисоботни изчил тарзда бир йиллик давр учун тайёрлайди. Лекин, амалий сабаблар туфайли, айрим ташкилотлар молиявий ҳисоботни, масалан, 52 ҳафталик давр учун тақдим этишни афзал кўрадилар. Мазкур стандарт ушбу амалиётни тақиқламайди.

Қиёсий маълумот

Минимал қиёсий маълумот

- 38 МҲХСлар руҳсат берган ёки талаб этган ҳоллардан ташқари, ташкилот жорий даврнинг молиявий ҳисоботида акс этирилган барча суммалар бўйича олдинги даврга нисбатан қиёсий маълумотларни тақдим этиши лозим. Агар жорий давр молиявий ҳисоботини тушуниш учун ўринли бўлса, у ташкилот изоҳловчи ва тавсифий маълумот бўйича ҳам қиёсий маълумотларни келтириши лозим.
- 38А Ташкилот молиявий ҳолат тўғрисида камида иккита ҳисобот, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисида иккита ҳисобот, фойда ёки зарар тўғрисида иккита алоҳида ҳисобот (агар тақдим этиладиган бўлса), пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги иккита ҳисобот ва хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида иккита ҳисоботни ҳамда тегишли изоҳларни тақдим этиши лозим.
- 38Б Баъзи ҳолатларда, олдинги давр(лар)га оид молиявий ҳисоботда келтирилган тавсифий маълумотлар жорий даврда ҳам ўринли бўлишда давом этади. Масалан, ташкилот олдинги даврнинг охирида ноаниқ бўлган ва ҳануз ҳал этилмаган суд жараёни тафсилотларини жорий даврда ёритиб беради. Фойдаланувчилар олдинги давр охирида мавжуд бўлган ноаниқлик тўғрисидаги маълумотнинг ёритиб берилишидан ва ноаниқликни ҳал этиш даври мобайнида амалга оширилган чоралар тўғрисидаги маълумотнинг ёритиб берилишидан манфаатдор бўлиши мумкин.

Қўшимча қиёсий маълумот

- 38В Маълумотлар МҲХСларга мувофиқ тайёрланган бўлса, ташкилот МҲХСлар талаб этган минимал қиёсий молиявий ҳисоботга қўшимча тарзда қиёсий маълумотларни тақдим этиши мумкин. Ушбу қиёсий маълумотлар 10-бандда келтирилган бир ёки ундан ортиқ ҳисоботларни ўз ичига олиши мумкин, аммо молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламини камраб олиши шарт эмас. Бундай ҳолат юз берганда, ташкилот ушбу қўшимча ҳисоботлар бўйича тегишли изоҳларни тақдим этиши лозим.
- 38Г Масалан, ташкилот фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги учинчи ҳисоботни (бунда, жорий даврни, олдинги даврни ва битта қўшимча қиёсий даврни тақдим этган ҳолда) тақдим этиши мумкин. Лекин, ташкилотдан молиявий ҳолат тўғрисидаги учинчи ҳисоботни, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги учинчи ҳисоботни ёки хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги учинчи ҳисоботни (яъни қўшимча қиёсий молиявий ҳисобот) тақдим этиш талаб этилмайди. Ташкилотдан

молиявий ҳисоботга изоҳларда ушбу қўшимча фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботга тегишли қиёсий маълумотларни тақдим этиш талаб этилади.

39-40 [Чиқариб ташланган]

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш, ретроспектив қайта ҳисоблаш ёки қайта таснифлаш

40А Ташкилот 38А-бандда талаб этилган минимал қиёсий молиявий ҳисоботга қўшимча тарзда олдинги даврнинг бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги учинчи ҳисоботни тақдим этиши лозим, агар:

- (а) у ҳисоб сиёсатини ретроспектив тарзда қўлласа, ўзининг молиявий ҳисоботидаги моддаларни ретроспектив тарзда қайта ҳисобласа ёки уларни қайта таснифласа; ва
- (б) ретроспектив қўллаш, ретроспектив қайта ҳисоблаш ёки қайта таснифлаш олдинги давр бошидаги молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган маълумотларга муҳим даражада таъсир этган бўлса.

40Б 40А-бандда келтирилган ҳолатларда ташкилот молиявий ҳолат тўғрисидаги учта ҳисоботни қуйидаги саналарга тақдим этиши лозим:

- (а) жорий давр охирига;
- (б) олдинги давр охирига; ва
- (в) олдинги давр бошига.

40В Ташкилотдан 40А-бандга мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги қўшимча ҳисоботни тақдим этиш талаб этилса, у 41-44 бандларда ва 8-сон БҲХСда талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши шарт. Лекин, у олдинги давр бошига бошланғич молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботга тегишли изоҳларни тақдим этиши шарт эмас.

40Г Ташкилотнинг молиявий ҳисоботи олдинги даврларга нисбатан қиёсий маълумотларни тақдим этишидан қатъий назар (38В-бандда рухсат этилганидек), ушбу бошланғич молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг санаси олдинги давр бошидаги сана бўлиши лозим.

41 Агар ташкилот ўзининг молиявий ҳисоботида моддаларни тақдим этишни ёки таснифлашни ўзгартирса, у қиёсий суммаларни қайта таснифлаши лозим, бундан қайта таснифлашнинг амалий имкони бўлмаган ҳоллар мустасно. Ташкилот қиёсий суммаларни қайта таснифлаганда, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим (жумладан олдинги давр бошига):

- (а) қайта таснифлашнинг характери;
- (б) қайта таснифланган ҳар бир модданинг суммаси ёки моддалар синфи; ва
- (в) қайта таснифлашнинг сабаби.

42 Қиёсий суммаларни қайта таснифлаш амалий имконсиз бўлган ҳолларда, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:

- (а) суммаларни қайта таснифламаслик учун сабаб, ва
- (б) суммалар қайта таснифланганида киритилиши мумкин бўлган тузатишларнинг характери.

43 Маълумотларнинг даврлараро қиёсийликни ошириш, айниқса прогноз қилиш мақсадларида молиявий маълумотлардаги тенденцияларни баҳолаш учун фойдаланувчиларга иктисодий қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Баъзи ҳолатларда, жорий даврга нисбатан қиёсийликка эришиш учун муайян олдинги даврдаги қиёсий маълумотларни қайта таснифлашнинг амалий имкони бўлмайди. Масалан, ташкилот олдинги давр(лар)даги маълумотларни қайта таснифлашга имкон берадиган тарзда йиғмаган бўлиши ва бундай маълумотларни қайта яратиш амалий имконсиз бўлиши мумкин.

44 8-сон БҲХСга кўра, ташкилот ҳисоб сиёсатини ўзгартирган ёки хатони тузатган пайтда талаб этиладиган қиёсий маълумотларга нисбатан тузатишлар белгиланган.

Тақдим этишнинг изчиллиги

45 Ташкилот бир даврдан кейинги даврга молиявий ҳисоботдаги моддаларни тақдим этишни ёки таснифлашни қуйидаги ҳоллардан ташқари ўзгартирмасдан қолдириши лозим:

- (а) ташкилот фаолияти характерининг аҳамиятли даражада ўзгариши ёки унинг молиявий ҳисоботини қайта кўриб чиқиш натижасида, 8-сон БҲХСдаги ҳисоб

сиёсатини танлаш ва қўллаш учун мезонларни инобатга олган ҳолда, бошқача тарзда тақдим этиш ёки таснифлаш ўринлироқ бўлиши мумкинлиги очиқ намоён бўлган ҳолда; ёки

(б) МҲХС тақдим этишда ўзгаришни талаб этган ҳолда.

- 46 Масалан, аҳамиятли даражадаги харид қилиш ёки ҳисобдан чиқариш ёки молиявий ҳисоботни тақдим этишни қайта кўриб чиқиш молиявий ҳисоботни бошқача тарзда тақдим этилишини талаб этиши мумкин. Агар тақдим этиш тарзи ўзгартирилиши молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун ишончли ва ўринлироқ бўлган маълумотларни таъминласа ва бундай тақдим этиш тарзини давом эттириш эҳтимоли бўлиб, бу қиёсийликни камайтирмаса, ташкилот ўз молиявий ҳисоботнинг тақдим этиш тарзини ўзгартиради. Тақдим этиш тарзига бу каби ўзгартиришлар киритилганда, ташкилот ўзининг қиёсий маълумотларини 41 ва 42 бандларга мувофиқ қайта таснифлайди.

Тузилиши ва таркиби

Кириш

- 47 Мазкур стандарт молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да ёки хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда муайян маълумотлар ёритиб берилишини талаб этади ҳамда бошқа сатр моддаларини ушбу ҳисоботда ёки изоҳларда ёритиб берилишини талаб этади. 7-сон БҲХС “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишга нисбатан талабларни белгилайди.
- 48 Мазкур стандартда баъзида “маълумотларни ёритиб бериш” атамаси молиявий ҳисоботда тақдим этиладиган моддаларни ҳам ўз ичига олган ҳолда, кенг маънода қўлланади. Маълумотларнинг ёритиб берилиши бошқа МҲХСларда ҳам талаб этилади. Мазкур стандартнинг бирор қисмида ёки бошқа МҲХСда назарда тутилмаган бўлса, бундай маълумотлар молиявий ҳисоботнинг ўзида ёритиб берилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботни идентификациялаш

- 49 Ташкилот молиявий ҳисоботни аниқ идентификациялаши ва у билан биргаликда эълон қилинган бошқа маълумотлардан фарқлаши лозим.
- 50 МҲХСлар фақатгина молиявий ҳисоботга нисбатан қўлланади ва йиллик ҳисоботда тақдим этилган бошқа маълумотларга, тартибга солувчи орган ҳисоботига ёки бошқа ҳужжатга нисбатан зарурий тарзда қўлланмайди. Шунинг учун, фойдаланувчилар МҲХСларга асосан тайёрланадиган маълумотларни ўзлари учун фойдали бўлиши мумкин бўлган, аммо ушбу талабларга мос бўлмаган бошқа маълумотлардан фарқлай олиши аҳамиятлидир.
- 51 Ташкилот ҳар бир молиявий ҳисоботни ва изоҳларни аниқ идентификациялаши лозим. Шу билан бирга, ташкилот қуйидаги маълумотларни аниқ ажратиш кўрсатиши ва уларни тақдим этилган маълумотлар тушунарли бўлиши учун зарур бўлганда такрорлаши лозим:
- (а) ҳисобот берувчи ташкилотнинг номи ёки идентификациялашнинг бошқа усуллари ва олдинги ҳисобот даври охиридан бошлаб ушбу маълумотдаги ҳар қандай ўзгариш;
 - (б) молиявий ҳисобот алоҳида ташкилотга ёки ташкилотлар гуруҳига тегишлилиги;
 - (в) ҳисобот даври охирининг санаси ёки молиявий ҳисобот тўплами ёки изоҳлар камраб олган давр;
 - (г) 21-сон БҲХСда таърифланганидек, тақдим этиш валютаси; ва
 - (д) молиявий ҳисоботдаги суммаларни тақдим этишда фойдаланилган яхлитлаш даражаси.
- 52 Ташкилот саҳифалар, ҳисоботлар, изоҳлар, устунлар ва бошқалар учун тегишли сарлавҳаларни кўрсатиш орқали 51-банддаги талабларни бажаради. Бундай маълумотларни тақдим этишнинг энг мақбул йўлини аниқлашда мулоҳаза юритиш талаб этилади. Масалан, ташкилот молиявий ҳисоботни электрон тарзда тақдим этса, саҳифаларни алоҳида ажратиш ҳар доим ҳам фойдаланилмайди; бунда ташкилот юқоридаги моддаларни молиявий ҳисоботда келтирилган маълумотлар тушунарли бўлишини таъминлаш учун тақдим этади.
- 53 Ташкилот кўп ҳолларда маълумотларни тақдим этиш валютасининг минг ёки миллион бирлигида тақдим этиш орқали молиявий ҳисоботни тушунарлироқ бўлишига эришади. Бунга ташкилот

яхлитлаш даражасини ёритиб берган ва муҳим маълумотларни тушириб қолдирмаган ҳолатда йўл қўйилади.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этиладиган маълумот

- 54 Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот қўйидаги суммаларни тақдим этадиган сатр моддаларини ўз ичига олиши лозим:
- (а) асосий воситалар;
 - (б) инвестиция кўчмас мулки;
 - (в) номоддий активлар;
 - (г) молиявий активлар ((д), (ж) ва (з) бандларда кўрсатилган суммалардан ташқари);
 - (д) улушли қатнашиш усули бўйича ҳисобга олинган инвестициялар;
 - (е) биологик активлар;
 - (ё) захиралар;
 - (ж) савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари;
 - (з) пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентлари;
 - (и) 5-сон МҲХС “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият”га мувофиқ сотишга мўлжалланган активлар ва сотишга мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга киритилган активлар жами;
 - (й) савдо ва бошқа кредиторлик қарзлари;
 - (к) баҳоланган мажбурият;
 - (л) молиявий мажбуриятлар ((й) ва (к) бандларда кўрсатилган суммалардан ташқари);
 - (м) 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари” да таърифланганидек, жорий солиқ бўйича мажбуриятлар ва активлар;
 - (н) 12-сон БҲХСда таърифланганидек, кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ва кечиктирилган солиқ активлари;
 - (о) 5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга киритилган мажбуриятлар;
 - (п) хусусий капитал таркибида акс эттирилган назорат кучига эга бўлмаган улушлар; ва
 - (р) бош ташкилотнинг мулкдорларига тегишли бўлган, чиқарилган капитал ва резервлар.
- 55 Агар бундай тақдим этиш ташкилотнинг молиявий ҳолатини тушуниш учун ўринли бўлса, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда қўшимча сатрлар (шу жумладан, 54-бандда келтирилган сатр моддаларини ажратиш орқали), сарлавҳалар ва оралик суммаларни тақдим этиши лозим.
- 55А Агар ташкилот 55-бандга мувофиқ оралик суммаларни тақдим қилса, ушбу оралик суммалар:
- (а) МҲХСга мувофиқ тан олинган ва баҳоланган суммалардан ташкил топган сатр моддаларидан иборат бўлиши лозим;
 - (б) оралик суммани ташкил этувчи сатр моддалари аниқ ва тушунарли тарзда тақдим этиладиган ва белгиланадиган бўлиши лозим;
 - (в) 45-бандга мувофиқ бир ҳисобот давридан бошқа даврга изчил тарзда тақдим этилиши лозим; ва
 - (г) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот учун МҲХСда талаб қилинган оралик суммалар ва жами натижаларга қараганда алоҳида ажратиб кўрсатилмаслиги лозим.
- 56 Агар ташкилот молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида жорий ва узоқ муддатли активларни ҳамда жорий ва узоқ муддатли мажбуриятларни алоҳида синфлар тарзида тақдим этса, у кечиктирилган солиқ активларини (мажбуриятларини) жорий активлар (мажбуриятлар) сифатида таснифламаслиги лозим.

- 57 Мазкур стандарт ташкилот томонидан моддаларни тақдим этиш тартибини ёки шаклини белгиламайди. 54-бандда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тақдим этилиши ўринли бўлган характери ёки функцияси жиҳатидан етарлича фарқланадиган моддаларнинг рўйхати келтирилган. Шу билан бирга:
- (а) модданинг ёки ўхшаш моддалар жамланмасининг ҳажми, характери ёки функцияси ташкилотнинг молиявий ҳолатини тушуниш учун алоҳида тақдим этиш ўринли эканини кўрсатганда, сатр моддалари алоҳида тақдим этилади; ва
 - (б) ташкилотнинг молиявий ҳолатини тушунишда ўринли бўлган маълумотларни таъминлаш учун фойдаланилган тавсифлар ва моддаларнинг ёки ўхшаш моддалар жамланмасининг кетма-кетлиги ташкилот ва унинг операцияларининг характеридан келиб чиқиб ўзгартирилиши мумкин. Масалан, молиявий институт фаолиятини тушуниш учун ўринли бўлган маълумотларни таъминлаш мақсадида молиявий институт юқоридаги тавсифларни ўзгартириши мумкин.
- 58 Ташкилот қуйидагиларни баҳолаш асосида қўшимча моддаларни алоҳида тақдим этиш тўғрисида қарор қилади:
- (а) активларнинг характери ва ликвидлилиги;
 - (б) ташкилот ичида активларнинг функцияси; ва
 - (в) мажбуриятларнинг суммаси, характери ва муддати.
- 59 Активларнинг турли синфлари учун турли баҳолаш асосларини қўллаш уларнинг характери ёки функцияси бўйича фарқланишини назарда тутаяди ва шу туфайли, ташкилот уларни алоҳида сатр моддалари тарзида тақдим этади. Масалан, асосий воситаларнинг турли синфлари 16-сон БҲХСга мувофиқ бошланғич қиймат ёки қайта баҳоланган қиймат бўйича ҳисобга олиниши мумкин.

Активлар ва мажбуриятларни жорий ва узоқ муддатлига бўлиниши

- 60 Ташкилот 66-76-бандларга мувофиқ жорий ва узоқ муддатли активларни ҳамда жорий ва узоқ муддатли мажбуриятларни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида синфлар тарзида тақдим этиши лозим, бундан ликвидлилик асосида тақдим этиш ишончли ва ўринлироқ бўлган маълумотларни таъминлайдиган ҳолат мустасно. Агар юқоридаги истисно қўлланса, ташкилот барча активларни ва мажбуриятларни уларнинг ликвидлилиги бўйича тақдим этиши лозим.
- 61 Тақдим этишнинг қайси усули қабул қилинганидан қатъи назар, ташкилот ўн икки ойдан кўпроқ вақтдан кейин қопланиши ёки сўндирилиши кутилаётган суммани ҳар бир актив ва мажбурият моддаси учун қуйидаги муддатларда қопланиши ёки сўндирилиши кутилаётган суммаларни жамлаган ҳолда ёритиб бериши лозим:
- (а) ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган, ва
 - (б) ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлган
- 62 Ташкилот аниқ идентификацияланадиган операцияларнинг мобайнида товарлар ёки хизматларни етказиб берганда, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда жорий ва узоқ муддатли активлар ва мажбуриятларни алоҳида таснифлаш айланма капитал сифатида узлуксиз тарзда айланаётган соф активларни ташкилотнинг узоқ муддатли фаолиятида фойдаланиладиган соф активларидан фарқлаш орқали фойдали маълумотни таъминлайди. У жорий операцияларнинг давомида реализация қилиниши кутилган активларни ва айнан шундай давр давомида сўндирилиши лозим бўлган мажбуриятларни ҳам ажратиш кўрсатади.
- 63 Баъзи ташкилотлар, масалан молиявий институтлар учун активларни ва мажбуриятларни ликвидлиликнинг ўсувчи ёки камаювчи тартибида тақдим этиш жорий/узоқ муддатли синфларга ажратиш тақдим этишга нисбатан ишончли ва ўринлироқ бўлган маълумотларни таъминлайди, чунки ташкилот товарлар ёки хизматларни етказиб беришни аниқ идентификацияланадиган операцияларнинг мобайнида амалга оширмайди.
- 64 Ташкилот 60-бандни қўллашда ишончли ва ўринлироқ бўлган маълумотларни таъминлайдиган бўлса, ўзининг айрим активларини ва мажбуриятларини жорий/узоқ муддатли синфларга таснифлашдан фойдаланиш ва бошқаларини ликвидлилик тартибида тақдим этишга рухсат этилади. Аралаш тақдим этиш тартибидан фойдаланиш зарурати ташкилот томонидан турли хилдаги фаолиятлар амалга оширилганда юзага келиши мумкин.
- 65 Активларни реализация қилишнинг ва мажбуриятларни сўндиришнинг кутилаётган санаси тўғрисидаги маълумот ташкилотнинг ликвидлиги ва тўловга қобилиятини баҳолашда фойдалидир. 7-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш*” бўйича молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг сўндириш саналарини ёритиб бериш талаб этилади. Молиявий

активлар савдо ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз ичига олади, молиявий мажбуриятлар эса савдо ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади. Активлар ва мажбуриятлар жорий ёки узоқ муддатли тарзида таснифланишидан қатъий назар захиралар каби номонетар активлар қопланишининг қутилаётган санаси ва баҳоланган мажбуриятлар каби мажбуриятларни сўндиришининг қутилаётган санаси тўғрисидаги маълумотлар ҳам фойдалидир. Масалан, ташкилот ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлган даврда қопланиши қутилаётган захиралар суммасини ёритиб беради.

Жорий активлар

- 66 **Ташкилот қуйидаги ҳолларда активни жорий актив сифатида таснифлаши лозим:**
- (а) ўзининг одатдаги операцион цикли давомида активни реализация қилиниши ёки сотилиши ёки истеъмол қилиниши қутилса;
 - (б) актив асосан савдо мақсадида сақланса;
 - (в) активнинг ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида реализация қилиниши қутилса; ёки
 - (г) актив ҳисобот давридан сўнг камида ўн икки ой мобайнида актив айрибошланиши ёки мажбуриятни сўндириш учун фойдаланиши таъқиқланмаган пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти (7-сон БҲХСда таърифланганидек) шаклида бўлса.

Ташкилот бошқа барча активларни узоқ муддатли актив сифатида таснифлаши лозим.

- 67 Маскур стандартда узоқ муддатли характерга эга моддий, номоддий ва молиявий активларни қамраб олишда “узоқ муддатли” атамасидан фойдаланилади. Маъноси тушунарли бўлса, муқобил таъриф ишлатилиши тақиқланмайди.
- 68 Ташкилот фаолиятининг операцион цикли активларни қайта ишлаш учун харид қилиш ва уларни пул маблағларига ёки уларнинг эквивалентларига айлантириш ўртасидаги вақт оралиғидир. Агар ташкилотнинг одатдаги операцион цикли аниқ идентификацияланадиган бўлмаса, унинг давомийлиги ўн икки ойга тенг ҳисобланади. Жорий активлар ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой мобайнида реализация қилиниши қутилмаса ҳам, одатдаги операцион цикл давомида сотиладиган, истеъмол қилинадиган ёки реализация қилинадиган (захиралар ва савдо дебиторлик қарзлари каби) активларни ўз ичига олади. Жорий активлар асосан савдо мақсадларидаги активларни (масалан, 9-сон МҲХСдаги сотиш учун мўлжалланган активлар таърифида жавоб берадиган айрим молиявий активлар) ва узоқ муддатли молиявий активларнинг жорий қисмини ҳам ўз ичига олади.

Жорий мажбуриятлар

- 69 **Ташкилот қуйидаги ҳолларда мажбуриятни жорий мажбурият сифатида таснифлаши лозим:**
- (а) ўзининг одатдаги операцион цикли давомида мажбурият сўндирилиши қутилса;
 - (б) мажбурият асосан савдо мақсадида сақланса;
 - (в) мажбурият ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида сўндирилиши лозим бўлса; ёки
 - (г) у мажбуриятнинг сўндирилишини ҳисобот давридан сўнг камида ўн икки ой муддатга узайтириш бўйича шартсиз ҳуқуққа эга бўлмаса (73-бандга қаранг). Мажбурият контрагентнинг танловига қўра уни улушли инструментлар чиқариш орқали сўндирилишига олиб келиши мумкин бўлган шартлари мажбуриятнинг таснифланишига таъсир этмайди.

Ташкилот бошқа барча мажбуриятларни узоқ муддатли мажбурият сифатида таснифлаши лозим.

- 70 Баъзи жорий мажбуриятлар, масалан, савдо кредиторлик қарзлари ҳамда ходимлар бўйича айрим ҳисобланган ва бошқа операцион сарфлар ташкилотнинг одатдаги операцион цикли давомида ишлатиладиган айланма капиталнинг бир қисми ҳисобланади. Агар бундай операцион моддалар ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлган даврда сўндирилиши лозим бўлса ҳам, ташкилот уларни жорий мажбуриятлар сифатида таснифлайди. Ташкилотнинг активларини ва мажбуриятларини таснифлаш мақсадида айнан бир хил одатдаги операцион цикл қўлланади. Агар ташкилотнинг одатдаги операцион цикли аниқ идентификацияланадиган бўлмаса, унинг давомийлиги ўн икки ойга тенг ҳисобланади.
- 71 Бошқа жорий мажбуриятлар одатдаги операцион цикл давомида сўндирилмайди, лекин ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида сўндирилиши лозим бўлади ёки асосан савдо учун мўлжалланган бўлади. Бунга 9-сон МҲХСдаги сотиш учун мўлжалланган айрим молиявий мажбуриятлар, банк

- овердрафтлари, узоқ муддатли молиявий мажбуриятларнинг жорий қисми, тўланадиган дивидендлар, фойда солиқлари ва бошқа савдога оид бўлмаган кредиторлик қарзлари мисол бўлади. Узоқ муддат асосида (яъни ташкилотнинг одатдаги операцион циклида фойдаланадиган айланма капиталнинг бир қисми бўлмаган) молиялаштиришни таъминлайдиган ва ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида сўндирилиши лозим бўлмаган молиявий мажбуриятлар узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобланади ва уларга нисбатан 74 ва 75-бандлар қўлланади.
- 72 Ташкилот молиявий мажбуриятларини ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида сўндирилиши лозим бўлса, уларни жорий молиявий мажбуриятлар сифатида таснифлайди, бунда ҳаттоки:
- (а) дастлабки муддат ўн икки ойдан ортиқроқ давр бўлса ҳам, ва
 - (б) узоқ муддатга қайта молиялаштириш ёки тўловлар графигини ўзгартириш тўғрисидаги келишув ҳисобот давридан сўнг, лекин молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин тузилган бўлса ҳам.
- 72А *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*
- 73 Агар ташкилот мавжуд кредит линияси доирасида мажбуриятни ҳисобот давридан сўнг камида ўн икки ой муддатга қайта молиялаштиришни ёки унинг муддатини узайтиришни кўзда тутса ва бунга ҳуқуқи мавжуд бўлса, ҳатто ушбу мажбурият бошқа ҳолларда қисқароқ муддатда сўндирилиши мумкин бўлса ҳам, у мажбуриятни узоқ муддатли мажбурият сифатида таснифлайди. Лекин, мажбуриятни қайта молиялаштириш ёки унинг муддатини узайтириш бўйича ташкилотда ҳуқуқ мавжуд бўлмаса (масалан, қайта молиялаштириш келишуви мавжуд бўлмаса), ташкилот мажбуриятни қайта молиялаштириш бўйича потенциал имкониятини кўриб чиқмайди ва мажбуриятни жорий мажбурият сифатида таснифлайди.
- 74 Агар ташкилот узоқ муддатли кредит бўйича келишувнинг шартларини ҳисобот даври охири ёки ундан олдин бузган бўлса ва бунинг натижасида кредит бўйича мажбурият тўланиши талаб қилинадиган мажбуриятга айланса, бунда ҳатто кредитор ҳисобот давридан сўнг ва молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин келишувнинг бузилиши оқибатида тўловни талаб қилмасликка келишган бўлса ҳам, ташкилот ушбу мажбуриятни жорий мажбурият сифатида таснифлайди. Ташкилот ҳисобот даври охирида сўндирилиши ушбу санадан сўнг камида ўн икки ойга узайтириш бўйича шартсиз ҳуқуққа эга бўлмаганлиги учун мажбуриятни жорий мажбурият сифатида таснифлайди.
- 75 Лекин, ташкилот, агар ҳисобот даври охирига кредитор ҳисобот давридан сўнг камида ўн икки ой муддатга тенг имтиёзли даврни тақдим этишга келишган бўлса ва бу давр мобайнида ташкилот бузилган шартларни тузатишга ва кредитор мажбуриятни дарҳол сўндирилиши талаб қилмаслигига келишилган бўлса, мажбуриятни узоқ муддатли мажбурият сифатида таснифлайди.
- 75А *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*
- 76 Жорий мажбуриятлар сифатида таснифланган кредитларга нисбатан, агарда қуйидаги ҳодисалар ҳисобот даври охири ва молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқуллаш санаси орасида содир бўлса, ушбу ҳодисалар 10-сон БҲХС “*Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар*”га мувофиқ тузатишни талаб этмайдиган ҳодисалар сифатида ёритиб берилади:
- (а) узоқ муддат асосида қайта молиялаштириш;
 - (б) узоқ муддатли кредит келишувининг бузилган шартларининг тузатилиши; ва
 - (в) узоқ муддатли кредит келишувининг бузилган шартларини тузатиш учун кредитор томонидан ҳисобот давридан сўнг камида ўн икки ой муддатга тенг имтиёзли даврнинг тақдим этилиши.
- 76А–76Б *[Ушбу бандлар кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда акс эттириладиган маълумотлар

- 77 Ташкилот ҳар бир тақдим этилган моддани молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда унинг фаолиятига тўғри келадиган равишда таснифланган ва қуйи синфларга ажратган ҳолда, ёритиб бериши лозим.
- 78 Қуйи синфларга ажратиш орқали тақдим этиладиган тафсилот МХХСларнинг талабларига ва қамраб олинган моддаларнинг ҳажми, характери ва функциясига боғлиқ бўлади. Ташкилот қуйи синфларга

ажратиш асосини аниқлашда 58-бандда белгиланган омиллардан ҳам фойдаланади. Ёритиб бериладиган маълумотлар ҳар бир модда учун фарқланади, масалан:

- (а) асосий воситалар 16-сон БҲХСга мувофиқ синфларга ажратилади;
- (б) дебиторлик қарзлари харидорларнинг қарздорлиги, ўзаро боғлиқ томонларнинг қарздорлиги, олдиндан тўлов ва бошқа тўлов суммаларига ажратилади;
- (в) захиралар 2-сон БҲХС “Захиралар”га мувофиқ, товарлар, ишлаб чиқариш хом-ашёси, материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар каби қуйи синфларга ажратилади;
- (г) баҳоланган мажбуриятлар ходимларнинг даромадлари бўйича мажбуриятлар ва бошқа моддаларга ажратилади; ва
- (д) хусусий капитал ва резервлар тўланган капитал, акция мукофоти ва резервлар каби ҳар хил синфларга ажратилади.

79 Ташкилот қуйидагиларни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда ёритиб бериши лозим:

- (а) хусусий капиталнинг ҳар бир синфи бўйича:
 - (i) чиқаришга рухсат этилган акцияларнинг сони;
 - (ii) чиқарилган ва тўлиқ тўланган акцияларнинг сони ҳамда чиқарилган, лекин тўлиқ тўланмаган акцияларнинг сони;
 - (iii) ҳар бир акциянинг номинал қиймати, ёки акциялар номинал қийматга эга эмаслиги;
 - (iv) муомаладаги акциялар сонининг давр бошига ва охирига солиштирмаси;
 - (v) ушбу синфга оид ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чекловлар, жумладан дивидендларни тақсимлаш ва капитални қайтариш бўйича чекловлар;
 - (vi) ташкилот ёки унинг шўъба ташкилотлари ёки таъсир остидаги ташкилотлари эгаллик қилаётган бошқа ташкилотдаги улушлари; ва
 - (vii) опционлар ва акцияларни сотиш шартномаларини чиқариш учун сақланаётган акциялар, шу жумладан, уларнинг шартлари ва суммалари; ва
- (б) хусусий капиталдаги ҳар бир резервнинг характери ва мақсадининг тавсифи.

80 Хусусий капиталга эга бўлмаган ташкилот, масалан, ширкат ёки траст хусусий капиталдаги улушининг давр мобайнидаги ҳар бир тоифасидаги ўзгаришларни ва хусусий капитал улушининг ҳар бир тоифасига оид ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чекловларни акс эттирган ҳолда 79(а) бандда талаб этилган маълумотга эквивалент бўлган маълумотларни ёритиб бериши лозим.

80А Агарда ташкилот қуйидагиларни молиявий мажбуриятлар ва хусусий капитал ўртасида қайта таснифласа:

- (а) улушли инструмент сифатида таснифланган қайтариб сотиладиган молиявий инструментни, ёки
- (б) ташкилотнинг соф активларидаги пропорционал улушни бошқа томонларга бериш мажбуриятини ушбу субъектга фақат ликвидация жараёнида юклайдиган ва улушли инструмент сифатида таснифланадиган инструментни

у бир тоифадан бошқа тоифага (молиявий мажбуриятлар ёки хусусий капитал) қайта таснифланган суммани ҳамда ушбу қайта таснифлашнинг вақтини ва сабабини ёритиб бериши лозим.

Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот

81 [Чиқариб ташланган]

81А Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот (умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот), фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад бўлимларига қўшимча тарзда, қуйидагиларни тақдим этиши лозим:

- (а) фойда ёки зарар;

- (б) жами бошқа умумлашган даромад;
- (в) жами фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадни қамраб олган ҳолда, давр учун умумлашган даромад.

Агар ташкилот алоҳида фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этса, у умумлашган даромадни акс эттирадиган ҳисоботда фойда ёки зарар бўлимини тақдим этмайди.

81Б Ташкилот фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад бўлимларига қўшимча тарзда, давр фойдаси ёки зарари ва бошқа умумлашган даромаднинг тақсимланиши сифатида қуйидаги моддаларни ёритиб бериши лозим:

- (а) қуйидагиларга тегишли бўлган давр фойдаси ёки зарари:
 - (i) назорат кучига эга бўлмаган улушлар, ва
 - (ii) бош ташкилотнинг мулкдорлари.
- (б) давр учун қуйидагиларга тегишли бўлган умумлашган даромад:
 - (i) назорат кучига эга бўлмаган улушлар, ва
 - (ii) бош ташкилотнинг мулкдорлари.

Агар ташкилот фойда ёки зарарини алоҳида ҳисоботда тақдим этса, у (а) кичик банддаги моддаларни ушбу ҳисоботда тақдим этиши лозим.

Фойда ёки зарар бўлимида ёки фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этиладиган маълумотлар

82 Бошқа МҲХСларда талаб этилган моддаларга қўшимча тарзда, фойда ёки зарар бўлими ёки фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот давр учун қуйидаги суммаларни акс эттирадиган моддаларни ўз ичига олиши лозим:

- (а) тушум, шунингдек эффектив фоиз усули ёрдамида ҳисобланган фоизли тушумларни алоҳида акс эттирган ҳолда;
- (аа) амортизацияланган қиймат бўйича ҳисобга олинadиган молиявий активларни тан олишни бекор қилишдан юзага келадиган фойда ва зарарлар;
- (б) молиявий сарфлар;
- (ба) 9-сон МҲХСнинг 5.5 бўлимига мувофиқ аниқланган кадрсизланишдан зарарлар (шу жумладан, кадрсизланишдан фойда ёки зарарни қайта тиклаш);
- (в) улушли қатнашиш усули бўйича ҳисобга олинadиган таъсир остидаги ташкилотларнинг ва қўшма корхоналарнинг фойда ёки зараридаги улуши;
- (ва) агар молиявий актив қайта таснифланиб ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинadиган бўлса, олдинги амортизацияланган қиймати билан унинг қайта таснифлаш санасидаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқдан юзага келадиган ҳар қандай фойда ёки зарар (9-сон МҲХСда таърифланганидек);
- (вб) агар молиявий актив бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланadиган тоифадан фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланишга ўтса, фойда ёки зарарга қайта таснифланadиган бошқа умумлашган даромадда илгари тан олинган ҳар қандай жамғарилган фойда ёки зарар;
- (г) солиқ харажати;
- (д) [Чиқариб ташланган]
- (да) жами тугатилган фаолият турлари бўйича ягона сумма (5-сон МҲХСга қаранг).
- (е)–(з) [Чиқариб ташланган]

Бошқа умумлашган даромад бўлимида акс эттириладиган маълумотлар

82А Ҳисобот даври учун бошқа умумлашган даромад бўлимида қуйидаги сатр моддалари тақдим этилиши лозим:

- (а) бошқа умумлашган даромад моддалари бошқа МҲХСларга мувофиқ қуйидагича характерга ва гуруҳларга бўлинад (б) банддаги суммалар бундан мустасно):
 - (i) кейинчалик фойда ёки зарарга қайта таснифланмайдиган; ва

- (ii) кейинчалик муайян шартлар бажарилганда фойда ёки зарарга қайта таснифланадиган.
- (б) улушли қатнашиш усулида ҳисобга олинадиган таъсир остидаги ташкилотлар ва қўшма корхоналар бошқа умумлашган даромадининг улуши бошқа МҲХСларга мувофиқ қуйидаги синфлар бўйича алоҳида моддаларда тақдим этилади:
- (i) кейинчалик фойда ёки зарарга қайта таснифланмайдиган; ва
- (ii) кейинчалик муайян шартлар бажарилганда фойда ёки зарарга қайта таснифланадиган.
- 83–84 [Чиқариб ташланган]
- 85 Агар бундай тақдим этиш ташкилотнинг молиявий натижаларини тушуниш учун ўринли бўлса, ташкилот фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда қўшимча сатрлар (шу жумладан, 82-бандда келтирилган сатр моддаларини ажратиш орқали), сарлавҳалар ва оралик суммаларни тақдим этиши лозим.
- 85А Агар ташкилот 85-бандга мувофиқ оралик суммаларни тақдим қилса, ушбу оралик суммалар:
- (а) МҲХСга мувофиқ тан олинган ва баҳоланган суммалардан ташкил топган сатр моддаларидан иборат бўлиши лозим;
- (б) оралик суммани ташкил этувчи сатр моддалари аниқ ва тушунарли тарзда тақдим этиладиган ва белгиладиган бўлиши лозим;
- (в) 45-бандга мувофиқ бир ҳисобот давридан бошқа даврга изчил тарзда тақдим этилиши лозим; ва
- (г) фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар) учун МҲХСда талаб қилинган оралик суммалар ва жами натижаларга қараганда алоҳида ажратиб кўрсатилмаслиги лозим.
- 85Б Ташкилот 85-бандга мувофиқ тақдим этилган ҳар қандай оралик суммаларни ва ушбу ҳисобот(лар) учун МҲХСда талаб қилинган оралик суммаларни ёки жами натижаларни солиштириш учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадни акс эттирувчи ҳисобот(лар)даги сатр моддаларини тақдим этиши лозим.
- 86 Ташкилотнинг турли фаолиятлари, операциялари ва бошқа ҳодисаларининг оқибатлари уларнинг даврийлиги, фойда ёки зарар келтириш потенциали ва уларни прогноз қилиш бўйича фарқланиши туфайли, молиявий натижаларнинг компонентларини ёритиб бериш фойдаланувчиларга эришилган молиявий натижаларни тушунишда ва келгуси молиявий натижаларни прогноз қилишда ёрдам беради. Молиявий натижалар элементларини тушуниш учун зарур бўлганда ташкилот фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да қўшимча сатр моддаларини киритади ва фойдаланилган тавсифлар ҳамда моддалар тартибини ўзгартиради. Ташкилот даромад ва харажат моддаларининг муҳимлигини, характерини ва функциясини ўз ичига олган омилларни кўриб чиқади. Масалан, молиявий институт ўз фаолиятига хос бўлган маълумотларни таъминлаш мақсадида тавсифларни ўзгартириши мумкин. 32-банддаги мезонлар бажарилмаса, ташкилот даромад билан харажат моддаларини ўзаро ҳисоб-китоб қилмайди.
- 87 Ташкилот фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да ёки изоҳларда даромад ёки харажатнинг ҳар қандай моддаларини ноодатий моддалар сифатида тақдим этмаслиги лозим.

Ҳисобот даври учун фойда ёки зарар

- 88 Бирор МҲХСда бошқа ҳолларда талаб этилмаса ёки рухсат берилмаса, ташкилот ҳисобот давр учун даромад ва харажатнинг барча моддаларини фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим.
- 89 Баъзи МҲХСлар ташкилотнинг жорий даврда муайян моддаларни фойда ёки зарардан ташқари моддаларда тан оладиган ҳолатларини белгилайди. 8-сон БҲХСда иккита бундай ҳолат келтирилган: хатоларни тузатиш ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларнинг таъсири. Бошқа МҲХСлар *Концептуал асос*даги даромад ёки харажатнинг таърифига жавоб берадиган бошқа умумлашган даромаднинг компонентларини фойда ёки зарарга киритмасликни талаб этади ёки бунга рухсат беради (7-бандга қаранг).

Ҳисобот даври учун бошқа умумлашган даромад

- 90 **Ташкилот бошқа умумлашган даромаднинг ҳар бир моддасига тегишли фойда солиғи суммасини, жумладан, қайта таснифлаш бўйича тузатишларни фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда ёритиб бериши лозим.**
- 91 Ташкилот бошқа умумлашган даромад моддаларини қуйидаги тартибда тақдим этиши мумкин:
- (а) тегишли солиқ таъсирларини чегирган ҳолда, ёки
 - (б) ушбу моддаларнинг уларга тегишли фойда солиғи солингунча бўлган қийматини алоҳида ва умумий фойда солиғининг ягона суммасини алоҳида кўрсатган ҳолда.
- Агар ташкилот (б) банддаги муқобил усулни танласа, у солиқ суммасини фойда ёки зарар бўлимига кейинчалик қайта таснифланиши мумкин бўлган моддалар ва фойда ёки зарар бўлимига кейинчалик қайта таснифланмайдиган моддалар ўртасида тақсимлаши лозим.
- 92 **Ташкилот бошқа умумлашган даромаднинг компонентларига тегишли бўлган қайта таснифлаш бўйича тузатишларни ёритиб бериши лозим.**
- 93 Бошқа МҲХСлар олдин бошқа умумлашган даромадда тан олинган суммалар фойда ёки зарарга қачон қайта таснифланиши ёки таснифланмаслиги мумкинлигини белгилайди. Бундай қайта таснифлашлар мазкур стандартда қайта таснифлаш бўйича тузатишлар каби номланади. Қайта таснифлаш бўйича тузатиш фойда ёки зарарга қайта таснифланган даврда бошқа умумлашган даромаднинг тегишли компонентига киритилади. Ушбу суммалар бошқа умумлашган даромадда жорий ёки олдинги даврдаги реализация қилинмаган фойда сифатида тан олинган бўлиши мумкин. Ушбу реализация қилинмаган фойда бошқа умумлашган даромаддан реализация қилинмаган фойдани жами бошқа умумлашган даромадда икки марта ҳисобга олиншини олдини олиш учун фойда ёки зарарга қайта таснифланмайдиган даврда чегирлиши лозим.
- 94 Ташкилот қайта таснифлаш бўйича тузатишларни фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да ёки изоҳларда тақдим этиши мумкин. Қайта таснифлаш бўйича тузатишларни изоҳларда акс эттирадиган ташкилот бошқа умумлашган даромаднинг моддаларини ҳар қандай тегишли қайта таснифлаш бўйича тузатишлардан сўнг тақдим этади.
- 95 Қайта таснифлаш бўйича тузатишлар, масалан, чет элдаги бўлинмани ҳисобдан чиқариш пайтида (21-сон БҲХСга қаранг) ва ҳежланган келгуси пул оқимини фойда ёки зарарга таъсир этган пайтда юзага келади (9-сон МҲХСнинг 6.5.11д пул оқимларини ҳежлаш бандига қаранг).
- 96 Қайта таснифлаш бўйича тузатишлар 16-сон БҲХС ёки 38-сон БҲХСга мувофиқ тан олинган қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсишидаги ўзгариши ёки 19-сон БҲХСга мувофиқ тан олинган белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари натижасида юзага келмайди. Ушбу компонентлар бошқа умумлашган даромадда тан олинади ва кейинги даврларда фойда ёки зарарга қайта таснифланмайди. Қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсишидаги ўзгаришлар актив фойдаланилиши билан ёки активни тан олиш бекор қилинганида, кейинги даврларда тақсимланмаган фойдага ўтказилиши мумкин (16-сон БҲХС ва 38-сон БҲХСга қаранг). 9-сон МҲХСга мувофиқ пул оқимини ҳежлаш ёки опционнинг вақт қийматини ҳисобга олиш (ёки форвард шартномасининг форвард элементи ёки молиявий инструментнинг чет эл валютаси базис спрэди) пул оқимини ҳежлаш резервидан ёки хусусий капиталнинг алоҳида компонентида мос равишда чиқариб ташланишига ва тўғридан-тўғри актив ёки мажбуриятнинг бошланғич қийматига ёки бошқа баланс қийматига киритилишига олиб келса, қайта таснифлаш бўйича тузатишлар юзага келмайди. Ушбу суммалар тўғридан-тўғри активларга ёки мажбуриятларга ўтказилади.

Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да ёки изоҳларда акс эттириладиган маълумот

- 97 **Даромад ёки харажат моддалари муҳим бўлса, ташкилот уларнинг характерини ва суммасини алоҳида ёритиб бериши лозим.**
- 98 Даромад ва харажат моддалари алоҳида ёритиб берилиши зарур бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) захираларнинг баланс қийматини соф сотиш қийматигача ёки асосий воситаларнинг баланс қийматини уларнинг қопланадиган қийматигача камайтириш ҳамда бундай камайтиришларнинг қайта тикланиши;
 - (б) ташкилот фаолиятини реструктуризация қилиш ва реструктуризация сарфлари бўйича қилинган ҳар қандай баҳоланган мажбуриятларнинг тикланиши;
 - (в) асосий воситалар моддаларининг ҳисобдан чиқарилиши;

- (г) инвестицияларнинг ҳисобдан чиқарилиши;
 (д) тугатилган фаолият;
 (е) суд низоларини ҳал қилиш; ва
 (ё) баҳоланган мажбуриятларнинг қайта тикланишининг бошқа ҳолатлари.
- 99 Ташкилот қайси бири ишончли ва ўринлироқ маълумотларни таъминлашига қараб харажатларнинг характери ёки ташкилотдаги функциясига асосан, таснифлашдан фойдаланган ҳолда, фойда ёки зарарда тан олинган харажатлар таҳлилинини тақдим этиши лозим.**
- 100 Ташкилотлар 99-банддаги таҳлилни фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да тақдим этиши маъқулланади.
- 101 Харажатлар молиявий натижаларнинг компонентларини ажратиш мақсадида, тез-тез такрорланиши, фойда ёки зарар келтириш потенциали ва прогноз қилиш мумкинлигига қараб фарқланиши мумкин бўлган қуйи синфларга таснифланади. Бундай таҳлил иккита шаклдан бири орқали таъминланади.
- 102 Таҳлилнинг биринчи шакли “харажатнинг характери” усулидир. Ташкилот харажатларни фойда ёки зарарда уларнинг характериға (масалан, эскириш, хом-ашёларни харид қилиш, транспорт харажатлари, ходимлар даромадлари ва реклама харажатларига) қараб жамлайди ва уларнинг ташкилотдаги функциялари бўйича қайта тақсимламайди. Ушбу усулни қўллаш содда бўлиши мумкин, чунки харажатларни функционал синфларга тақсимлаш зарурияти йўқ. Харажатнинг характери усулини қўллаган ҳолда таснифлашга мисол қуйида келтирилган:
- | | |
|--|-----|
| Тушум | X |
| Бошқа даромадлар | X |
| Тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш захираларидаги ўзгаришлар | X |
| Фойдаланилган хом-ашёлар ва материаллар | X |
| Ходимлар даромадлари бўйича харажатлар | X |
| Эскириш ва амортизация харажатлари | X |
| Бошқа харажатлар | X |
| Жами харажатлар | (X) |
| Солиқ солингунча фойда | X |
- 103 Таҳлилнинг иккинчи шакли “харажатнинг функцияси” ёки “сотиш таннархи” усули бўлиб, у харажатларни сотиш таннархининг таркибий қисми сифатида уларнинг функциясига қараб таснифлайди, масалан, сотиш ёки маъмурий харажатлар. Ташкилот ушбу усул бўйича энг камида сотиш таннархини бошқа харажатлардан алоҳида акс эттиради. Ушбу усул фойдаланувчилар учун харажатларнинг характери бўйича таснифланиши усулига нисбатан ўринлироқ маълумотларни таъминлаши мумкин. Лекин, харажатларни функциясига қараб тақсимлаш ихтиёрий равишдаги тақсимлашларга олиб келиши ва аҳамиятли мулоҳазалар қилинишини талаб этиши мумкин. Харажатнинг функцияси усулини қўллаган ҳолда таснифлашга мисол қуйида келтирилган:
- | | |
|------------------------|-----|
| Тушум | X |
| Сотиш таннархи | (X) |
| Ялпи фойда | X |
| Бошқа даромадлар | X |
| Сотиш харажатлари | (X) |
| Маъмурий харажатлар | (X) |
| Бошқа харажатлар | (X) |
| Солиқ солингунча фойда | X |

- 104 **Харажатларни функцияси бўйича таснифлайдиган ташкилот харажатларнинг характери бўйича қўшимча маълумотларни, жумладан эскириш ва амортизация харажатларини ва ходимларнинг даромадлари бўйича харажатларни ёритиб бериши лозим.**
- 105 Харажатнинг функцияси усули ва харажатнинг характери усулидан бирини танлаш тарихий ва соҳага оид омилларга ҳамда ташкилотнинг характерига боғлиқ бўлади. Иккала усул ҳам ташкилотнинг сотувлари ёки ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ равишда бевосита ёки билвосита ўзгариши мумкин бўлган сарфларни ажратиб кўрсатишни таъминлайди. Тақдим этишнинг ҳар бир усули турли хил ташкилотлар учун афзалликларга эга бўлиши сабабли, мазкур стандарт ташкилот раҳбариятидан ишончли ва ўринлироқ бўлган тақдим этиш усулини танлашни талаб этади. Лекин, харажатларнинг характери бўйича маълумотлар келгуси пул оқимларини прогноз қилишда фойдали бўлгани учун, харажатнинг функцияси бўйича таснифлаш усули қўлланганда қўшимча маълумотлар ёритиб берилиши талаб этилади. 104-Банддаги “ходимларнинг даромадлари” 19-сон БҲХСда изоҳланган атама билан айнан бир хил маънони англатади.

Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот

Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган маълумот

- 106 Ташкилот 10-бандда талаб этилганидек, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши лозим. Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:
- (a) давр учун жами умумлашган даромадни, бунда ушбу даромаднинг бош ташкилот мулкдорларига ва назорат кучига эга бўлмаган улушлар мулкдорларига тегишли жами суммаларини алоҳида кўрсатган ҳолда;
 - (b) хусусий капиталнинг ҳар бир компоненти учун 8-сон БҲХСга мувофиқ тан олинган ретроспектив қўллашнинг ёки ретроспектив қайта ҳисоблашнинг таъсирлари; ва
 - (v) [чиқариб ташланган]
 - (г) хусусий капиталнинг ҳар бир компоненти учун давр бошидаги ва охиридаги баланс қиймати ўртасидаги солиштирма, бунда (энг камида) қуйидагилардан юзага келадиган ўзгаришларни алоҳида ёритиб берган ҳолда:
 - (i) фойда ёки зарар;
 - (ii) бошқа умумлашган даромад; ва
 - (iii) мулкдорлар билан уларнинг мулкдор сифатида амал қилишидаги операциялар, бунда мулкдорлар томонидан киритилган қўйилмаларни ва уларга тақсимланган суммаларни ҳамда назоратни йўқотишга олиб келмайдиган шўъба ташкилотлардаги эгалик улушининг ўзгаришларини алоҳида кўрсатган ҳолда.

Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда акс эттириладиган маълумотлар

- 106A Хусусий капиталнинг ҳар бир қисми бўйича ташкилот хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда бошқа умумлашган даромадни модда бўйича таҳлилини тақдим этиши лозим (106(г)(ii) бандга қаранг).
- 107 Ташкилот хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда давр мобайнида мулкдорларга тақсимланган сумма сифатида тан олинган дивидендлар суммасини ва бир акцияга тўғри келадиган дивидендлар суммасини тақдим этиши лозим.
- 108 106-бандда хусусий капиталнинг компонентлари, масалан, киритилган капиталнинг ҳар бир тури, бошқа умумлашган даромад ва тақсимланмаган фойданинг ҳар бир тури бўйича жамғарилган қолдиғини ўз ичига олади.
- 109 Ҳисобот даври боши ва охири орасида ташкилотнинг хусусий капиталидаги ўзгаришлар давр мобайнида унинг соф активларидаги қўпайиш ёки камайишни акс эттиради. Мулкдорлар билан уларнинг мулкдор сифатида амал қилишидаги операциялардан юзага келадиган ўзгаришлар (масалан, хусусий капиталга қўйилмалар, ташкилот улушли инструментларини қайта харид қилиши ва дивидендлар) ва бундай операцияларга бевосита боғлиқ операциялар бўйича сарфлардан ташқари,

давр мобайнида хусусий капиталдаги умумий ўзгариш даромад ва харажатнинг жами суммасини шу жумладан ушбу давр мобайнидаги ташкилот фаолияти натижасида келиб чиқадиган фойда ва зарарларни акс эттиради.

- 110 8-сон БҲХС ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни акс эттириш учун ретроспектив тузатишларни имкон даражасида талаб этади, бундан бошқа МҲХСдаги ўтиш шартлари бошқача талаб қўйган ҳолатлар мустасно. Шунингдек, 8-сон БҲХС хатоларни тузатиш бўйича қайта ҳисоблашларни имкон даражасида ретроспектив тарзда амалга оширилишини талаб этади. Ретроспектив тузатишлар ва ретроспектив қайта ҳисоблашлар хусусий капиталдаги ўзгаришлар ҳисобланмайди, балки улар тақсимланмаган фойданинг бошланғич қолдиғига тузатиш ҳисобланади, бундан муайян МҲХС хусусий капиталнинг бошқа компонентини ретроспектив тузатишни талаб этадиган ҳолат мустасно. 106(б) банд хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлардан ва хатоларни тузатишлардан юзага келадиган хусусий капиталнинг ҳар бир компонентига жами тузатишларни алоҳида ёритиб беришни талаб этади. Ушбу тузатишлар ҳар бир олдинги давр учун ва давр бошига ёритиб берилади.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

- 111 Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар, фойдаланувчилар томонидан ташкилотнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш имконияти ҳамда ташкилотнинг ушбу пул оқимларидан фойдаланиш эҳтиёжларини баҳолаш учун асос бўлади. 7-сон БҲХС пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларини тақдим этиш ва ёритиб бериш учун талабларни белгилайди.

Изоҳлар

Тузилиши

- 112 **Изоҳларда:**
- (а) молиявий ҳисоботни тайёрлаш асоси ва 117-124 бандларга мувофиқ қўлланган муайян ҳисоб сиёсати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этилиши лозим;
 - (б) молиявий ҳисоботнинг бирор қисмида акс эттирилмаган, лекин МҲХСларда талаб этилган маълумотларни ёритиб берилиши лозим; ва
 - (в) молиявий ҳисоботнинг бирор қисмида тақдим этилмаган, лекин ҳар қандай моддани тушуниш учун ўринли бўлган маълумотларни таъминлаши лозим.
- 113 Ташкилот амалий жиҳатдан имконияти борича изоҳларни тизимли асосда тақдим этиши лозим. Тизимли асосни белгилашда ташкилот молиявий ҳисоботнинг тушунарлилиги ва қиёсланувчанлигини эътиборга олиши лозим. Ташкилот молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)нинг, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳар бир моддаси билан изоҳлардаги ҳар қандай тегишли маълумотларни бир-бирига ҳавола қилиши лозим.
- 114 Изоҳларни тизимли асосда тартиблаш ёки гуруҳлашга қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) ташкилот молиявий фаолияти ва молиявий ҳолатини тушунишда энг муҳим деб ҳисоблаган фаолият йўналишларига эътибор бериш, масалан муайян операцион фаолият тўғрисидаги маълумотларни гуруҳлаштириш;
 - (б) бир хил тарзда баҳоланган моддалар тўғрисидаги маълумотларни, масалан ҳаққоний қиймат билан баҳоланган активларни гуруҳлаштириш; ёки
 - (в) фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар) ва молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдаги моддалар тартибига риоя қилиш, масалан:
 - (i) МҲХСларга мувофиқлик тўғрисидаги баёнот(16-бандга қаранг);
 - (ii) қўлланган ҳисоб сиёсатининг аҳамиятли жиҳатлари (117-бандга қаранг);
 - (iii) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган моддалар бўйича ёрдамчи маълумотлар, бунда уларнинг тартиби ҳар бир ҳисобот ва ҳар бир модда тақдим этиладиган тартибда бўлади; ва
 - (iv) бошқа ёритиб бериладиган маълумотлар, жумладан:

- 1) шартли мажбуриятлар (37-сон БҲХСга қаранг) ва тан олинмаган шартномавий мажбуриятлар; ва
 - 2) ёритиб бериладиган номолиявий маълумотлар, масалан ташкилотнинг молиявий рискни бошқариш мақсадлари ва сиёсати (7-сон МҲХСга қаранг).
- 115 [Чиқариб ташланган]
- 116 Ташкилот молиявий ҳисоботнинг алоҳида бўлими сифатида молиявий ҳисоботни тайёрлаш асоси ҳамда муайян ҳисоб сиёсати тўғрисидаги маълумотларни таъминлайдиган изоҳларни тақдим этиши мумкин.

Ҳисоб сиёсатини ёритиб бериш

- 117 **Ташкилот қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда, ҳисоб сиёсатининг аҳамиятли жиҳатларини ёритиб бериши лозим:**

- (а) **молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланилган баҳолаш асос(лар)и; ва**
- (б) **молиявий ҳисоботни тушуниш учун ўринли бўлган қўлланган ҳисоб сиёсатнинг бошқа жиҳатлари.**

117А–117Д *[Ушбу бандлар кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутуди ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*

- 118 Ташкилот фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботда қўлланган баҳолаш асоси ёки асослари (масалан, бошланғич қиймат, жорий қиймат, соф сотиш қиймати, ҳаққоний қиймат ёки қопланадиган қиймат) тўғрисида хабардор қилиши муҳимдир. Чунки ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда қўлланган асос фойдаланувчиларнинг таҳлилига аҳамиятли даражада таъсир кўрсатади. Ташкилот молиявий ҳисоботда бир нечта баҳолаш асосларини қўлласа, (масалан, активларнинг муайян турлари қайта баҳоланганда) ҳар бир баҳолаш асоси қўлланган активлар ва мажбуриятларнинг тоифаларини кўрсатиш етарлидир.

- 119 Муайян ҳисоб сиёсатининг ёритиб берилиши лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилишда, раҳбарият молиявий натижаларда ва молиявий ҳолатда тақдим этилган операцияларнинг, бошқа ходисалар ва шартларнинг таъсирини тушуниши учун бундай маълумотларнинг ёритиб берилиши фойдаланувчиларга қай даражада ёрдам бериши мумкинлигини кўриб чиқади. Ҳар бир ташкилот маълумотларни ёритиб беришда, бундай маълумотларни фойдаланувчилар ушбу турдаги ташкилот томонидан ёритиб берилишини кутиши мумкин бўлган тарзда, ўз операциялари ва сиёсатининг характерини ҳисобга олади. Ҳисоб сиёсатининг муайян жиҳатлари бўйича ёритиб бериладиган маълумот фойдаланувчиларга, айниқса, бундай жиҳатлар МҲХСларда рухсат этилган муқобил усуллар орасидан танланадиган бўлса, фойдалидир. Бунга мисол тариқасида ташкилот ўзининг инвестиция кўчмас мулкига нисбатан ҳаққоний қиймат моделини ёки бошланғич қиймат моделини қўллашини келтириш мумкин. Баъзи МҲХСлар муайян ҳисоб сиёсатининг алоҳида ёритиб берилишини, шу жумладан, уларда рухсат этилган турли тартиблар орасидан раҳбарият томонидан танлаганини ёритиб берилишини талаб этади. Масалан, 16-сон БҲХС асосий воситаларнинг синфларига нисбатан қўлланган баҳолаш асосларининг ёритиб берилишини талаб этади.

120 [Чиқариб ташланган]

- 121 Ташкилот фаолиятининг характери туфайли ҳисоб сиёсати, жорий ва олдинги даврлардаги суммалар муҳим бўлмаса ҳам, аҳамиятли бўлиши мумкин. Шунингдек, МҲХСларда алоҳида талаб этилмаган, лекин ташкилот 8-сон БҲХСга мувофиқ танлайдиган ва қўллайдиган ҳисоб сиёсатининг ҳар бир аҳамиятли жиҳатини ёритиб бериш ҳам ўринлидир.

- 122 **Ташкилот ҳисоб сиёсатининг аҳамиятли жиҳатлари ёки бошқа изоҳлар билан бир қаторда, ҳисоб баҳоларига оид мулоҳазалардан ташқари (125-бандга қаранг), раҳбарият томонидан ҳисоб сиёсатини қўллаш жараёнида қабул қилинган ва молиявий ҳисоботда тан олинган суммаларга ўта аҳамиятли даражада таъсир этган мулоҳазаларни ёритиб бериши лозим.**

- 123 Ташкилот ҳисоб сиёсатини қўллаш жараёнида раҳбарият ҳисоб баҳоларига оид мулоҳазалардан ташқари, молиявий ҳисоботда тан олинмаган суммаларга аҳамиятли таъсир этиши мумкин бўлган турли мулоҳазаларни амалга оширади. Масалан, раҳбарият қуйидагиларни аниқлашда мулоҳаза қилади:

- (а) [чиқариб ташланган]
- (б) молиявий активлар ва ижарадаги активларга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча аҳамиятли рисклар ва муқофотлар бошқа ташкилотга ўтказилганлиги; ва

- (г) муайян товарларни сотиш ўз моҳиятига кўра, молиялаштириш келишуви бўлиши ва шу туфайли тушумни юзага келтирмаслиги;
- (д) молиявий активнинг шартнома шартлари белгиланган муддатларда фақат асосий сумма ва тўламаган асосий сумманинг фоизлари бўлган пул оқимларини келтириб чиқарганлиги.
- 124 122-бандга мувофиқ ёритиб бериладиган баъзи маълумотлар бошқа МҲХСларда талаб этилади. Масалан, 12-сон МҲХС “*Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш*” ташкилотдан у бошқа ташкилотни назорат қилишини аниқлашда амалга ошириладиган мулоҳазаларни ёритиб беришни талаб этади. 40-сон БҲХС “*Инвестиция кўчмас мулки*» инвестиция кўчмас мулкни эгаси фойдаланадиган мулкдан ва одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган мулкдан фарқлаш учун мулкни таснифлаш қийин бўлганда, ташкилот томонидан ишлаб чиқилган мезонларни ёритиб беришни талаб этади.

Ҳисоб баҳоларига нисбатан ноаниқлик манбалари

- 125 **Ташкилот келажакка тегишли бўлган фаразлар ва кейинги молиявий йилда активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматларига муҳим тузатишлар киритилишига олиб келишининг аҳамиятли рискга эга бўлган ҳисобот даври охиридаги ҳисоб баҳоларига нисбатан ноаниқликнинг бошқа аҳамиятли манбалари тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим. Бундай активлар ва мажбуриятлар бўйича изоҳлар қуйидаги тафсилотларни ўз ичига олиши лозим:**
- (а) уларнинг характери, ва
- (б) ҳисобот даври охирида уларнинг баланс қиймати.
- 126 Айрим активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматини аниқлаш ҳисобот даври охирида бундай активлар ва мажбуриятлар бўйича ноаниқ келгуси ҳодисаларнинг таъсирини баҳолашни талаб этади. Масалан, яқин орада кузатилган бозор нархлари мавжуд бўлмаганда, асосий воситалар синфларининг қопланадиган суммасини, технологик эскиришнинг захираларга таъсирини, давом этаётган суд низоларини келгуси натижаларига оид баҳоланган мажбуриятлари ва пенсия мажбуриятлари каби ходимларнинг даромадлари бўйича узок муддатли мажбуриятларни баҳолаш учун келажакка оид ҳисоб баҳолари зарурдир. Ушбу ҳисоб баҳолари ўз ичига пул оқимлари ёки дисконтлаш ставкаларига рискни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритиш, иш ҳақларидаги келгуси ўзгаришлар ва бошқа сарфларга таъсир этадиган нархлардаги келгуси ўзгаришлар каби моддалар тўғрисидаги фаразларни камраб олади.
- 127 125-бандга мувофиқ ёритиб бериладиган фаразлар ва бошқа ҳисоб баҳоларига нисбатан ноаниқлик манбалари раҳбариятнинг энг қийин, субъектив ёки мураккаб мулоҳазаларини талаб этадиган ҳисоб баҳоларига тегишли бўлади. Ноаниқликлар эҳтимоли келгусида ҳал бўлишига таъсир этадиган ўзгаришлар ва фаразларнинг сони ошиши билан ушбу мулоҳазалар янада субъективроқ ва мураккаброқ бўлади ва шунга мувофиқ активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматларига кейинчалик муҳим тузатишлар киритилиши эҳтимоли ошади.
- 128 Агар баланс қийматлари кейинги молиявий йилда муҳим даражада ўзгариши бўйича аҳамиятли рискга эга бўлган активлар ва мажбуриятлар ҳисобот даври охирида ўхшаш актив ёки мажбуриятнинг фаол бозордаги котировкаланган нархи асосида ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланса, 125-банддаги маълумотларнинг ёритиб берилиши талаб этилмайди. Бундай ҳаққоний қийматлар кейинги молиявий йилда муҳим даражада ўзгариши мумкин, аммо ушбу ўзгаришлар ҳисобот даври охиридаги фаразлар ёки бошқа ҳисоб баҳоларига нисбатан ноаниқлик манбаларидан келиб чиқмайди.
- 129 Ташкилот 125-банддаги ёритиб бериладиган маълумотларни молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига ташкилотнинг раҳбарияти томонидан келажакка оид мулоҳазалари ва бошқа ҳисоб баҳоларига нисбатан ноаниқлик манбаларини тушунишга ёрдам берадиган тарзда тақдим этади. Тақдим қилинадиган маълумотларнинг характери ва кўлами фаразларнинг ва бошқа шартларнинг характерига боғлиқ тарзда ўзгаради. Қуйида ташкилотнинг ёритиб бериши талаб қилинадиган маълумотлар турларига мисоллар келтирилган:
- (а) фараз ёки бошқа ҳисоб баҳоларига нисбатан ноаниқликнинг характери;
- (б) баланс қийматларининг уларнинг ҳисобланиши учун асос бўладиган усулларга, фаразларга ва ҳисоб баҳоларига таъсирчанлиги, жумладан, таъсирчанликнинг сабаблари;
- (в) ноаниқликнинг қутилган ҳал этилиши ва бу ноаниқлик таъсир кўрсатадиган активлар ва мажбуриятлар баланс қийматларининг кейинги молиявий йилда асосланган тарзда қутилиши мумкин бўлган ўзгаришлар кўлами; ва
- (г) агарда ноаниқлик ҳал этилмай қолса, юқорида қайд этилган активлар ва мажбуриятларга тегишли олдинги фаразларга киритилган ўзгаришларни тушунтириш.

- 130 Мазкур стандарт ташкилотдан 125-банддаги маълумотларни ёритиб беришда бюджет маълумотларини ёки прогнозларни ёритиб беришни талаб этмайди.
- 131 Баъзида ҳисобот даври охирида фараз ёки бошқа ҳисоб баҳоларига нисбатан ноаниқлик манбаларининг қутилиши мумкин бўлган таъсирлари кўламини ёритиб беришни амалий имкони бўлмайди. Бундай ҳолатларда ташкилот мавжуд маълумот асосида кейинги молиявий йилдаги фараздан фарқланадиган натижалар таъсирланган актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматига нисбатан муҳим тузатишни талаб этиши мумкинлигининг асосланган эҳтимоли мавжудлигини ёритиб беради. Барча ҳолатларда, ташкилот фаразлар таъсири остида бўлган муайян актив ёки мажбуриятнинг (ёки активлар ёки мажбуриятлар синфининг) характерини ва баланс қийматини ёритиб беради.
- 132 122-бандда келтирилган ташкилотнинг раҳбарияти томонидан ҳисоб сиёсатини қўллашда амалга оширилган муайян мулоҳазаларини ёритиб бериш 125-банддаги ҳисоб баҳоларига нисбатан ноаниқлик манбаларини ёритиб беришга боғлиқ бўлмайди.
- 133 Бошқа МҲХСлар 125-бандга мувофиқ бошқа ҳолларда талаб этилиши мумкин бўлган айрим фаразларни ёритиб беришни талаб этади. Масалан, 37-сон БҲХС муайян ҳолатларда баҳоланган мажбуриятлар синфларига таъсир этадиган келгуси ҳодисаларга тегишли асосий фаразларни ёритиб беришни талаб этади. 13-сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*” ташкилот ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинадиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматларини баҳолашда фойдаланилган аҳамиятли фаразларни (жумладан, баҳолаш усул(лар)и ва бошланғич маълумотларни) ёритиб беришни талаб этади.

Капитал

- 134 **Ташкилот молиявий ҳисобот фойдаланувчилари ташкилотнинг мақсадлари, сиёсати ва капитални бошқариш жараёнларини баҳолаши учун имкон берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.**
- 135 134-бандга риоя этиш учун ташкилот қуйидагиларни ёритиб беради:
- (a) ўз мақсадлари, сиёсатлари ва капитални бошқариш жараёнлари тўғрисидаги сифат жиҳатидан маълумотлар, жумладан:
 - (i) капитал сифатида нима бошқарилаётганининг тавсифи;
 - (ii) ташкилот капиталга нисбатан қўйиладиган ташқи талабларига бўйсунуши керак бўлганда, ушбу талабларнинг характери ва ушбу талаблар капитални бошқаришда қандай инобатга олинганлиги; ва
 - (iii) капитални бошқариш мақсадларига қандай эришилаётганлиги.
 - (б) капитал сифатида бошқариладиган модда тўғрисидаги қисқача миқдорий маълумотлар. Баъзи ташкилотлар айрим молиявий мажбуриятларни (масалан, субординация қарзларининг айрим шакллари) капиталнинг бир қисми деб ҳисоблайди. Бошқа ташкилотлар капитал деб хусусий капиталнинг айрим компонентларини (масалан пул оқимларини ҳежлашдан келиб чиқадиган компонентларини) чиқариб ташлагандаги хусусий капитални ҳисоблайди.
 - (в) олдинги даврга нисбатан (а) ва(б) кичик бандлардаги ҳар қандай ўзгаришлар.
 - (г) давр мобайнида капитал бўйича бажариши лозим бўлган ҳар қандай ташқи талабларга риоя этилганлиги.
 - (д) ташкилот капитал бўйича бундай ташқи талабларга риоя этмаганда, бунинг оқибатлари.
- Ташкилот ушбу маълумотларни муҳим бошқарув ходимларига ички тақдим этилган маълумотлар асосида ёритиб беради.
- 136 Ташкилот капитални бир қатор усулларда бошқариши ва капитал бўйича бир қатор турли талабларни бажаришига тўғри келиши мумкин. Масалан, конгломерат суғурта фаолияти ва банк фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотларни ўз ичига олиши мумкин ва ушбу ташкилотлар бир неча юрисдикцияларда фаолият юритиши мумкин. Агар капитал бўйича талаблари ва капитал қандай бошқарилиши тўғрисида жамланган маълумотлар ёритиб берилиши фойдали маълумотларни таъминламаса ёки молиявий ҳисоботдан фойдаланувчининг ташкилот капитали тўғрисидаги тушунчасини бузса, ташкилот у капитал бўйича бажариши лозим бўлган ҳар бир талабга тегишли алоҳида маълумотларни ёритиб бериши лозим.

Хусусий капитал сифатида таснифланган қайтариб сотиладиган молиявий инструментлар

- 136А Улушли инструментлар сифатида таснифланган қайтариб сотиладиган молиявий инструментлар бўйича ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим (бирор бошқа қисмда ёритиб берилмаган бўлса):
- (а) хусусий капитал сифатида таснифланган сумма тўғрисидаги қисқача миқдорий маълумотлар;
 - (б) инструмент эгалари талаби бўйича инструментларни қайта сотиб олиш ёки сўндириш бўйича мажбуриятни бошқариш мақсадлари, сиёсатлари ва жараёнлари, жумладан олдинги даврга нисбатан ҳар қандай ўзгаришлар;
 - (в) молиявий инструментларнинг мазкур синфини сўндириш ёки қайта сотиб олиш бўйича кутилаётган пул маблағлари чиқими; ва
 - (г) сўндириш ёки қайта сотиб олиш бўйича кутилаётган пул маблағлари чиқими қандай аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Бошқа ёритиб бериладиган маълумотлар

- 137 Ташкилот изохларда қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин таклиф қилинган ёки эълон қилинган, бироқ ҳисобот даври давомида мулкдорларга тақсимот сифатида тан олинмаган дивидендлар суммаси ва бундай дивидендларнинг бир акцияга тўғри келадиган суммаси; ва
 - (б) тан олинмаган ҳар қандай кумулятив имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар суммаси.
- 138 Агар молиявий ҳисобот билан чоп этилган бирор маълумотларда ёритиб берилмаган бўлса, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилотнинг жойлашган жойи ва унинг ташкилий ҳуқуқий шакли, унинг ташкил этилган мамлақати, юридик манзили (ёки бизнеснинг асосий жойи, агарда юридик манзилдан фарқ қилса);
 - (б) ташкилот операциялари ва асосий фаолияти характерининг тавсифи;
 - (в) гуруҳдаги бош ташкилот ва яқуний бош ташкилотнинг номи; ва
 - (г) агар ташкилотнинг фаолияти муддати чекланган бўлса, унинг фаолиятининг муддати тўғрисидаги маълумотлар.

Ўтиш қоидалари ва кучга кириш санаси

- 139 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу шарҳни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 139А 27-сон БҲХС (2008 йил таҳририда) бўйича 106-банд ўзгартирилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июль ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 27-сон БҲХС (2008 йил таҳририда)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ҳам ушбу олдинги даврга қўлланиши лозим. Ўзгартириш ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.
- 139Б 2008 йилнинг феврида эълон қилинган “Қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструментлар ва тугатиш натижасида юзага келадиган мажбуриятлар” (32-сон БҲХС ва 1-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 138-бандга ўзгартириш киритилган ва 8А, 80А ва 136А бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгаришларни 2009 йил 1 январдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ўзгаришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим ва бир вақтда 32-сон БҲХС, 39-сон БҲХС, 7-сон МҲХС ва 2-сон МҲХСШҚ “Кооператив ташкилотлардаги аъзоларнинг улушлари ва шунга ўхшаш инструментлар”га нисбатан тегишли ўзгаришларни қўллаши лозим.

- 139В 2008 йилнинг май ойида чоп этилган “МҲХСларга такомиллаштиришлар”га асосан 68 ва 71-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгаришларни 2009 йил 1 январдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 139Г 2009 йил апрел ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар” бўйича 69-бандга ўзгартириш киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2010 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агарда ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 139Д [Чиқариб ташланган]
- 139Е 2010 йилнинг май ойида чоп этилган “МҲХСларга такомиллаштиришлар”га асосан 106 ва 107-бандлар ўзгартирилган ва 106А банд киритилган. Ташкилот мазкур ўзгаришларни 2011 йил 1 январдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- 139Ё [Чиқариб ташланган]
- 139Ж 2011 йилнинг май ойида чоп этилган 10-сон МҲХС ва 12-сон МҲХСга асосан, 4, 119, 123 ва 124-бандлар ўзгартирилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 10-сон МҲХС ва 12-сон МҲХСлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 139З 2011 йилнинг май ойида чоп этилган 13-сон МҲХСга асосан 128 ва 133-бандлар ўзгартирилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 139И 2011 йилнинг июнь ойида чоп этилган “Бошқа умумлашган даромад моддаларини тақдим этиши” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар)га асосан, 7, 10, 82, 85-87, 90, 91, 94, 100 ва 115-бандлар ўзгартирилди ва 10А, 81А, 81Б ва 82А-бандлар киритилди ва 12, 81, 83 ва 84-бандлар чиқариб ташланди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2012 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 139Й 19-сон БҲХС “*Ҳодимларнинг даромадлари*» (2011 йил июнда ўзгартирилган)га асосан, 7-банддаги ва 96-банддаги “бошқа умумлашган даромадлар” таърифи ўзгартирилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2011 йил июнда ўзгартирилган 19-сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 139К 2012 йилнинг май ойида чоп этилган “*Йиллик такомиллаштиришлар: 2009-2011 даври*”га асосан, 10, 38 ва 41 бандлар ўзгартирилди ва 39-40 бандлар чиқариб ташланган ва 38А-38Г ва 40А-40Г бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 139Л [Чиқариб ташланган]
- 139М 2014 йилнинг май ойида чоп этилган 15-сон МҲХС “*Ҳаридорлар билан тузилган шартномалар бўйича тушум*”га мувофиқ 34-бандга ўзгартириш киритилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 139Н 2014 йил июль ойида чоп этилган 9-сон МҲХСнинг 7, 68, 71, 82, 93, 95, 96, 106 ва 123-бандларга ўзгартиришлар киритилди ва 139Е, 139Г ва 139М бандлари чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 139О 2014 йил декабрь ойида чоп этилган “*Маълумотни ёритиб бериш ташаббуси*” (1-сон БҲХСга тузатишлар)га асосан, 10, 31, 54-55, 82А, 85, 113-114, 117, 119 ва 122-бандларга ўзгартиришлар киритилди, 30А, 55А ва 85А-85Б бандлари киритилди ва 115 ва 120-бандлари чиқариб ташланган. Ташкилот мазкур ўзгаришларни 2016 йил 1 январдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Ташкилот томонидан ушбу ўзгартиришларга нисбатан 8-сон БҲХСнинг 28-30-бандларида талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши талаб этилмайди.
- 139П 2016 йил январь ойида чоп этилган 16-сон МҲХС “*Ижара*” бўйича 123-бандга ўзгартириш киритилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 139Р [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутуди ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]

- 139С 2018 йилда чоп этилган “МҲХСлардаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар” бўйича 7, 15, 19-20, 23-24, 28 ва 89-бандларга ўзгартиришлар киритилди. Ушбу ўзгартиришлар ташкилотлар томонидан 2020 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Агар ташкилот бир вақтнинг ўзида “МҲХСдаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар” бўйича киритилган барча ўзгартиришларни қўлласа, бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Ташкилот 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ 1-сон МҲХСга ўзгартиришларни ретроспектив тарзда қўллаши лозим. Аммо, ташкилот ретроспектив қўллаш амалий имконсиз ёки ортиқча сарф ёки ҳаракат талаб этилишини аниқласа, ташкилот 1-сон МҲХСга киритилган ўзгартиришларни 8-сон БҲХСнинг 23-28, 50-53 ва 54Е бандларига мувофиқ қўллаши лозим.
- 139Т 2018 йил октябрь ойида эълон қилинган “Муҳимлик таърифи” (1-сон БҲХС ва 8-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 1-сон БҲХСнинг 7 бандига, 8-сон БҲХСнинг 5 бандига ўзгартириш киритилган ва 8-сон БҲХСнинг 6 банди чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2000 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун перспектив қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 139У *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*
- 139Ф *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган]*

1-сон БҲХС (2003 йилдаги таҳририда) ўз кучини йўқотиши

- 140 Мазкур стандарт 2005 йилдаги ўзгаришлари билан 2003 йилда қайта кўриб чиқилган 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
3-ИЛОВА

2-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Заҳиралар

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади заҳираларни ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборат. Заҳираларни ҳисобга олишнинг асосий масаласи актив сифатида тан олинадиган ва тегишли тушумлар тан олинмагунча келгуси даврларга ўтказиладиган сарфлар суммасини аниқлашдир. Мазкур стандарт таннархни аниқлаш ва уни харажат сифатида кейинги тан олинини, шу жумладан уни ҳар қандай соф сотиш қийматиғача камайтирилиши бўйича кўрсатмалар беради. Шунингдек, унда сарфларни заҳиралар қийматиға олиб боришда фойдаланиладиган таннархни ҳисоблаш формулалари бўйича кўрсатмалар берилган.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт, қуйдагилардан ташқари, барча заҳираларға нисбатан қўлланилади:
- (а) [чиқариб ташланган]
 - (б) молиявий инструментлар (32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиш*” ва 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”ға қаранг);
 - (в) қишлоқ хўжалиғи фаолияти ва йиғим пайтидағи қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари билан боғлиқ биологик активлар (41-сон БҲХС “*Қишлоқ хўжалиғи*”ға қаранг).
- 3 Мазкур стандарт қуйдагилар эғалик қиладиган заҳираларға нисбатан қўлланилмайди:
- (а) тегишли тармоқларда қабул қилинган бухгалтерия амалиётига мувофиқ соф сотиш қиймати бўйича баҳоланадиган қишлоқ ва ўрмон хўжалиқлари маҳсулотлари, йиғимдан кейинги қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари, фойдали қазилмалар ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар. Агар бундай заҳиралар соф сотиш қиймати бўйича баҳоланса, ушбу қийматдағи ўзгаришлар шу ўзгариш рўй берган даврдағи фойда ёки зарар таркибида тан олинади.
 - (б) ўз заҳираларини сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат бўйича баҳолайдиган товар брокер-трейдерлари. Агар бундай заҳиралар сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланса, сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматдағи ўзгаришлар шу ўзгариш рўй берган даврдағи фойда ёки зарар таркибида тан олинади.
- 4 3(а)-бандда назарда тутилган заҳиралар ишлаб чиқаришнинг маълум бир босқичларида соф сотиш қиймати бўйича баҳоланади. Бу, масалан, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ҳосили йиғилганда ёки фойдали қазилмалар қазиб олинганда уларнинг сотилиши форвард шартномаси ёки давлат кафолати билан таъминланганда ёки фаол бозор мавжуд бўлганда ҳамда сотилмай қолиш rischi жуда кам бўлганда юз беради. Бундай заҳираларға нисбатан мазкур стандартнинг фақатгина баҳолаш бўйича талаблари қўлланилмайди.
- 5 Брокер-трейдерлар ўз маблағлари ҳисобидан ёки бошқа томонлар номидан товарларни сотиб олувчи ёки сотувчи шахслардир. 3(б)-бандда назарда тутилган заҳиралар, асосан, келгусида сотиш ва нархлардағи тебранишлардан ёки брокер-трейдерларнинг маржасидан фойда олиш мақсадида харид қилинади. Агар бундай заҳиралар сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланса, уларға нисбатан мазкур стандартнинг фақат баҳолаш бўйича талаблари қўлланилмайди.

Таърифлар

- 6 Мазкур стандартда қуйдағи белгиланган маънодағи атамалардан фойдаланилади:

Заҳиралар:

- (а) одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган;
- (б) сотиш учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган;
- (в) ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ишлатиладиган хом ашё ёки материаллар шаклида бўлган активлардир.

Соф сотиш қиймати одатдаги фаолият давомида ишлаб чиқаришни яқунлашнинг ҳисобланган сарфлари ва сотишни амалга оширишда зарур бўлган ҳисобланган сарфлар чегириб ташланган ҳисобланган сотиш нархидир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасида одатдаги операцияда активни сотишдан олинган ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарх. (13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”га қаранг.)

- 7 Соф сотиш қиймати ташкилотнинг одатдаги фаолият давомида заҳирани сотишдан олиши кутилаётган соф суммани англатади. Ҳаққоний қиймат баҳолаш санасида заҳирани худди шундай заҳира сотиладиган асосий бозорда (ёки энг афзал бозорда) бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда сотилиши мумкин бўлган нархни акс эттиради. Биринчиси ташкилотга хос қиймат; иккинчиси эса йўқ. Заҳираларнинг соф сотиш қиймати уларнинг сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматига тенг бўлмаслиги мумкин.
- 8 Заҳиралар харид қилинган ва қайта сотиш учун мўлжалланган товарларни, шу жумладан, чакана савдо ташкилоти харид қилган ва қайта сотиш учун мўлжаллаган товарлар ёки қайта сотиш учун мўлжалланган ер ва бошқа мулкларни ўз ичига олади. Заҳиралар, шунингдек, ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ёки тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга мўлжалланган хом ашё ва материалларни ўз ичига олади. Заҳираларни (ёки бошқа стандарт доирасидаги активларни) келтириб чиқармайдиган, харидор билан тузилган шартномани бажариш учун амалга оширилган сарфлар 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”га мувофиқ ҳисобга олинади.

Заҳираларни баҳолаш

- 9 Заҳиралар икки қийматнинг кичиги билан баҳоланиши лозим: таннарх ва соф сотиш қиймати.

Заҳиралар таннархи

- 10 Заҳиралар таннархи уларни харид қилиш, қайта ишлаш бўйича барча сарфлар ва заҳираларни жорий жойлашган жойига ҳамда ҳолатига келтириш учун амалга оширилган бошқа сарфларни ўз ичига олиши лозим.

Харид қилиш сарфлари

- 11 Заҳираларнинг харид қилиш сарфлари харид нархи, импорт божлари ва бошқа солиқлар (солик органлари томонидан ташкилотга кейинчалик қопланадиган солиқлардан ташқари), шунингдек, ташиш, ортиш-тушириш ҳамда тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хизматлар таннархига бевосита киритиладиган бошқа сарфларни ўз ичига олади. Савдо чегирмалари, рибейт чегирмалар ва шу қабилар харид қилиш сарфларидан чегирилади.

Қайта ишлаш сарфлари

- 12 Заҳираларни қайта ишлаш сарфлари маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ сарфларни, масалан бевосита меҳнат сарфларини ўз ичига олади. Улар, шунингдек, хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантиришда амалга ошириладиган ва тизимли тақсимланадиган доимий ва ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама сарфларини ҳам ўз ичига олади. Доимий ишлаб чиқариш устама сарфлари ишлаб чиқариш ҳажмидан қатъий назар нисбий ўзгармас бўлиб қоладиган билвосита ишлаб чиқариш сарфларидир. Буларга, ишлаб чиқариш бинолари, ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнида бўлган фойдаланиш ҳуқуқидаги активларнинг эскириши ва уларни сақлаб туриш сарфлари ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқарув ва маъмурий сарфлардан иборат. Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама сарфлари- бу ишлаб чиқариш ҳажмига бевосита ёки деярли бевосита боғлиқликда ўзгарадиган билвосита ишлаб чиқариш сарфларидир, масалан билвосита хом ашё сарфлари ва билвосита меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари.

- 13 Доимий ишлаб чиқариш устама сарфларининг қайта ишлаш таннархига олиб борилиши ишлаб чиқаришнинг меъёрий қуввати асосида белгиланади. Меъёрий қувват бир нечта даврлар ёки мавсум давомида нормал шароитда, режалаштирилган таъмирлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш қувватидаги йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда, ўртача кўрсаткичлар асосида олиниши кутилаётган ишлаб чиқариш ҳажмидир. Ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмидан факатгина у меъёрий қувватга тахминан тенг бўлгандагина фойдаланиш мумкин. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий устама сарфлар суммаси ишлаб чиқаришнинг пасайиши ёки бекор туришлар натижасида ошмайди. Тақсимланмаган устама сарфлар улар юзага келган даврда харажат сифатида тан олинади. Ишлаб чиқариш ўта юқори бўлган даврларда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий устама сарфлар захиралар таннархидан юқори баҳоланмаслиги учун камайтиради. Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама сарфлари ишлаб чиқариш қувватларидан ҳақиқатда фойдаланиш асосида ҳар бир маҳсулот таннархига олиб борилади.
- 14 Ишлаб чиқариш жараёнида бир вақтнинг ўзида бир нечта маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолат, масалан, биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёки асосий ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришда кузатилиши мумкин. Агар ҳар бир маҳсулотнинг қайта ишлаш сарфларини алоҳида аниқлаш мумкин бўлмаса, у маҳсулотлар ўртасида мутаносиб ва изчил тақсимланади. Тақсимлашни, масалан, маҳсулотларни алоҳида ажратиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш жараёни босқичида ёки ишлаб чиқариш тугалланганда, ҳар бир маҳсулотнинг нисбий сотиш қийматидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мумкин. Аксарият қўшимча маҳсулотлар хусусиятига кўра, муҳим ҳисобланмайди. Кўпинча улар соф сотиш қиймати бўйича баҳоланади ва бу қиймат асосий маҳсулот таннархидан чегирилади. Бунинг натижасида асосий маҳсулотнинг баланс қиймати унинг таннархидан муҳим даражада фарқ қилмайди.

Бошқа сарфлар

- 15 Бошқа сарфлар захираларни жорий жойлашган жойи ва ҳолатига келтириш учун сарфланган тақдирдагина захиралар таннархига киритилади. Масалан, ноишлаб чиқариш устама сарфлари ёки маълум харидорлар учун маҳсулотларни лойиҳалаштириш сарфларини захиралар таннархига киритиш ўринли бўлиши мумкин.
- 16 Захиралар таннархига киритилмайдиган ва улар юзага келган давр харажатлари сифатида тан олинадиган сарфларга мисол тариқасида куйидагилар киради:
- (а) меъёрдан ортиқ сарфланган хом ашё, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш сарфлари суммаси;
 - (б) ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичига ўтиш учун ишлаб чиқариш жараёнида сақлаш сарфлари талаб этилмаса, сақлаш сарфлари
 - (в) захираларни жорий жойлашган жойи ва ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлмаган маъмурий устама сарфлар;
 - (г) сотиш сарфлари.
- 17 23-сон БҲХС “Қарзлар бўйича сарфлар” олинган қарзлар бўйича сарфларни захиралар таннархига киритилмайдиган камдан-кам ҳолларни белгилайди.
- 18 Ташкилот захираларни кечиктириб тўлаш шарти билан харид қилиши мумкин. Агар шартнома молиялаштириш элементини ўз ичига олса, бу элемент одатдаги кредит шартлари асосидаги харид қилиш нархи ва тўлов суммаси ўртасидаги фарқ сифатида, молиялаштириш даври мобайнида фоиз харажати сифатида тан олинади.

19 [Чиқариб ташланган]

Биологик активлардан олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи

- 20 41-сон БҲХС “Қишлоқ хўжалиги”га асосан, ташкилот ўзининг биологик активларидан олган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат захиралари дастлабки тан олишда йиғим пайтидаги сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланади. Ушбу қиймат мазкур стандартнинг қўллаш доирасида захираларнинг ўша санадаги таннархидир.

Таннархни баҳолаш усуллари

- 21 Захиралар таннархини баҳолашда аниқроқ натижага эришиш учун қўлланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмайдиган меъёрий сарфлар усули ёки чакана нархлар усулидан фойдаланиш мумкин. Меъёрий сарфларда хом ашё ва материаллар, меҳнат, самарадорлик ва ишлаб чиқариш қувватидан

фойдаланишнинг меъёрий даражаси ҳисобга олинади. Улар мунтазам таҳлил қилинади ва зарурат бўлса, жорий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади.

- 22 Чакана нархлар усулидан кўпинча чакана савдо соҳасида кўп сонли, тез-тез ўзгариб турувчи ва бир хил фойда меъёрига эга заҳираларни баҳолашда, уларга нисбатан таннархни баҳолашнинг бошқа усулларида фойдаланиш амалий жиҳатдан имконсиз бўлганлиги учун фойдаланилади. Заҳира бирлиги таннархи ушбу заҳиранинг сотиш нарҳини ялпи маржанинг тегишли фоизига камайтириш йўли билан аниқланади. Фойдаланиладиган фоизни аниқлашда дастлабки сотиш нарҳидан пастроқ нархга туширилган заҳиралар ҳам ҳисобга олинади. Кўпинча, ҳар бир чакана савдо бўлими бўйича ўртача фоиздан фойдаланилади.

Таннархни ҳисоблаш формулалари

- 23 **Одатда бир-бирининг ўрнини босмайдиган заҳиралар бирликларининг таннархи ҳамда ишлаб чиқарилган ва аниқ лойиҳалар учун ажратилган товарлар ва хизматларнинг таннархи уларга тегишли алоҳида сарфлар бўйича таннархни идентификациялаш усули билан аниқланади.**
- 24 Таннархни идентификациялаш усули деганда алоҳида сарфларни заҳираларнинг идентификацияланган бирликларига олиб борилиши тушунилади. Бундай тартиб аниқ лойиҳа учун ажратилган заҳираларни ҳисобга олишда, улар сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган бўлишидан қатъий назар, ўринли ҳисобланади. Лекин, кўп миқдордаги, одатда бир-бирининг ўрнини боса оладиган заҳира бирликлари мавжуд бўлганда, таннархни идентификациялаш усули ноўрин ҳисобланади. Бунда фойда ёки зарар бўйича олдиндан белгиланган натижаларга эришиш мумкин бўлган заҳираларда қоладиган бирликларни танлаш усулини қўллаш мумкин.
- 25 **23-бандда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, заҳиралар таннархи “биринчи кирим, биринчи чиким қилиниши” (ФИФО) усули ёки ўртача тортилган қиймат формуласи орқали аниқланиши лозим. Ташкилот ўзи учун фойдаланиши ва характери жиҳатидан бир хил бўлган барча заҳиралар бўйича таннархни ҳисоблашнинг бир хил формуласидан фойдаланиши лозим. Характери ва фойдаланиши жиҳатидан турли хил бўлган заҳиралар учун таннархни ҳисоблашнинг турли формулаларидан фойдаланиш ўзини оқлаши мумкин.**
- 26 Масалан, битта операцион сегментда фойдаланиладиган заҳиралар ташкилот томонидан бошқа операцион сегментда худди шу турдаги заҳиралардан фарқли равишда қўлланилиши мумкин. Лекин, заҳираларнинг географик жойлашувидаги (ёки тегишли солиққа тортиш қоидаларидаги) фарқ таннархни ҳисоблашнинг турли хил формулаларидан фойдаланишга етарлича асос бўла олмайди.
- 27 ФИФО формуласи биринчи харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган заҳиралар биринчи бўлиб сотилиши ва ўз навбатида, давр охирида қолган заҳира бирликлари энг охириги харид қилинган ёки ишлаб чиқарилганини назарда тутади. Ўртача тортилган таннарх формуласида ҳар бир бирликнинг таннархи, худди шундай бирликларнинг давр бошига ўртача тортилган қиймати ва давр мобайнида харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган худди шундай бирлик таннархининг ўртача тортилган қиймати бўйича аниқланади. Ўртача тортилган қиймат, ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятига қараб, даврий асосда ёки ҳар бир янги партия олинганда ҳисобланиши мумкин.

Соф сотиш қиймати

- 28 Заҳиралар шикастланганда, бутунлай ёки қисман эскирганда ёки уларнинг сотиш нарҳлари пасайганда, таннархи қопланмаслиги мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқаришни якунлаш бўйича баҳоланган сарфлар ёки сотувни амалга ошириш бўйича баҳоланган сарфлар ошса, заҳиралар таннархи қопланмаслиги мумкин. Заҳиралар қийматини таннархдан паст бўлган соф сотиш қийматигача камайтириш амалиёти активлар уларнинг сотилиши ёки фойдаланилишидан олинishi кутулаётган суммадан ортик суммада ҳисобга олинмаслиги лозим деган тамойилга мос келади.
- 29 Одатда, заҳираларнинг ҳар бир бирлиги соф сотиш қийматигача камайтирилади. Лекин, айрим ҳолларда бир-бирига ўхшаш ёки ўзаро боғлиқ заҳира бирликларини гуруҳлаштириш ўринли бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, заҳираларнинг бир хил мақсадда ёки бир хил якуний истеъмолчилар учун, бир хил географик ҳудудда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот тури билан боғлиқ бўлган, ҳамда ушбу маҳсулот турига қирадиган бошқа бирликлардан амалда алоҳида баҳолана олмайдиган бирликларга тегишли бўлиши мумкин. Заҳираларнинг таннарҳини уларнинг таснифланиши асосида (масалан, тайёр маҳсулотлар ёки маълум бир операцион сегментдаги барча заҳиралар) камайтириш ўринли бўлмайди.
- 30 Соф сотиш қийматининг ҳисоб баҳолари баҳолаш пайтида реализация қилиниши кутулаётган заҳираларнинг суммаси тўғрисидаги энг ишончли далилларга асосланади. Бундай ҳисоб баҳолари

- хисобот даврдан кейин рўй берган ва хисобот даври охирига мавжуд бўлган шарт-шароитларни тасдиқлайдиган ходисаларга бевосита боғлиқ бўлган нарх ёки таннарх ўзгаришларини хисобга олади.
- 31 Соф сотиш қийматининг хисоб баҳоси ушбу захирадан фойдаланиш мақсадини ҳам хисобга олади. Масалан, қатъий белгиланган нархлар бўйича товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш шартномаларини бажариш учун мўлжалланган ҳажмдаги захираларнинг соф сотиш қиймати шартномада кўрсатилган нархга асосланади. Агар бундай шартномаларда белгиланган сотув миқдори тегишли захираларнинг умумий миқдоридан кам бўлса, ортган қисмининг соф сотиш қиймати умумий сотиш нархларига асосланади. Мавжуд захиралар миқдоридан ортиқ миқдорни назарда тутадиган сотиш бўйича қатъий нархли шартномалар ёки харид бўйича қатъий нархли шартномалар баҳоланган мажбурият тан олиншига олиб келиши мумкин. Бундай баҳоланган мажбуриятлар 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбурият, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”га мувофиқ хисобга олинади.
- 32 Ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун мўлжалланган хом ашё ва бошқа материаллар уларнинг қиймати киритилган тайёр маҳсулот таннархи ёки ундан юқорироқ нархда сотилиши кутилаётган бўлса, таннархдан паст қийматга камайтирилмайди. Лекин, хом ашё нархининг пасайиши тайёр маҳсулотнинг таннархи соф сотиш қийматидан ошиб кетишини кўрсатса, хом ашё қиймати соф сотиш қийматигача камайтирилади. Бунда, хом ашёларнинг тиклаш қиймати уларнинг соф сотиш қийматини энг яхши баҳоси бўлиши мумкин.
- 33 Соф сотиш қийматини қайта кўриб чиқиш кейинги ҳар бир даврда амалга оширилади. Агар захираларнинг қийматини таннархга нисбатан камайтиришга сабаб бўлган дастлабки шарт-шароитлар мавжуд бўлмаса ёки иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши натижасида соф сотиш қийматининг ошганлигига аниқ далиллар мавжуд бўлса, камайтириш суммаси захиранинг таннархи ва ўзгарган соф сотиш қийматининг кичиги билан баҳоланадиган баланс қийматига келтириш учун қайта тикланади (яъни қайта тиклаш дастлабки камайтириш суммаси чегарасида амалга оширилади). Масалан, бундай ҳолат сотиш нархи пасайгани учун соф сотиш қийматида хисобга олинадиган захиранинг кейинги даврда ҳам мавжуд бўлиши ва унинг сотиш нархи ошган тақдирда юз беради.

Харажат сифатида тан олиш

- 34 Захиралар сотилганда, ушбу захираларнинг баланс қиймати улар билан боғлиқ бўлган тушум тан олинадиган даврда харажат сифатида тан олинши лозим. Захиранинг соф сотиш қийматигача ҳар қандай камайтириш суммаси ва захиралар бўйича барча йўқотишлар ушбу камайтириш ёки йўқотиш юзага келган даврда харажат сифатида тан олинши лозим. Соф сотиш қийматининг ошиши натижасида захиралар қийматини камайтиришнинг ҳар қандай қайта тиклаш суммаси, бундай қайта тиклаш юзага келган даврда харажат бўлиб тан олинган захиралар суммасининг камайтириш сифатида тан олинши лозим.
- 35 Баъзи захираларнинг қиймати бошқа активлар қийматида, масалан, ташкилотнинг ўзида яратилган асосий воситанинг таркибий қисми сифатида хисобга олинши мумкин. Шу тарзда, бошқа активларга киритилган захиранинг қиймати ушбу активнинг фойдали хизмат муддати давомида харажат сифатида тан олинади.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 36 Молиявий ҳисоботда қуйидагилар ёритиб берилиши лозим:
- (а) захираларни баҳолаш учун қабул қилинган хисоб сиёсати, жумладан, қўлланган таннархни ҳисоблаш формуласи;
 - (б) захираларнинг жами баланс қиймати ва ташкилот учун ўринли таснифланган захираларнинг баланс қиймати;
 - (в) сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда хисобга олинадиган захираларнинг баланс қиймати;
 - (г) хисобот даври давомида харажат сифатида тан олинган захиралар суммаси;
 - (д) 34 бандга мувофиқ хисобот даврида харажат сифатида тан олинган захиралар қийматини ҳар қандай камайтириш суммаси;
 - (е) 34 бандга мувофиқ хисобот даврида харажат бўлиб тан олинган захиралар суммасининг камайтириш сифатида тан олинган захиралар ҳар қандай қайта тиклаш суммаси;

- (ё) **34-бандга мувофиқ захиралар қиймати камайишининг қайта тикланишига сабаб бўлган шарт-шароит ва ходисалар; ва**
- (ж) **мажбуриятлар таъминоти сифатида гаровга қўйилган захираларнинг баланс қиймати.**
- 37 Захиралар гуруҳларининг баланс қийматлари ва ушбу активлардаги ўзгаришлар кўлами тўғрисидаги маълумотлар молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун фойдали бўлади. Одатда, захиралар товарлар, хом ашё, материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар каби синфларга бўлинади.
- 38 Кўпинча сотиш таннархи деб номланадиган, ҳисобот даври давомида харажат сифатида тан олинган захиралар суммаси, ҳозирги пайтда сотилган захиранинг баҳоланишига олдин киритилган сарфлардан, тақсимланмаган ишлаб чиқариш устама сарфларидан ва захираларнинг ишлаб чиқариш сарфларининг меъёридан ортик суммаси каби сарфлардан ташкил топади. Сотиш таннархи ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятига қараб, маҳсулотни тарқатиш бўйича сарфлар каби бошқа суммаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.
- 39 Баъзи ташкилотлар ҳисобот даври мобайнида харажат сифатида тан олинган захиралар таннархи ўрнига бошқа сумма билан ёритиладиган фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот форматидан фойдаланади. Бундай формат бўйича, ташкилот харажатларнинг характери асосланган таснифдан фойдаланиб, харажатлар таҳлилини тақдим этади. Бунда ташкилот харажат сифатида тан олинган хом ашё ва материаллар учун амалга оширилган сарфларни, меҳнат ҳақи ва бошқа сарфларни ҳисобот даври мобайнида захираларнинг соф ўзгариши суммаси билан бирга ёритиб беради.

Кучга кириш санаси

- 40 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот ушбу стандартни 2005 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 40А [Чиқариб ташланган]
- 40Б [чиқариб ташланган]
- 40В 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС бўйича 6-банддаги ҳаққоний қиймат таърифи ва 7 бандга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 40Г [Чиқариб ташланган]
- 40Д 2014 йил май ойида эълон қилинган 15-сон МҲХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*” бўйича 2, 8, 29 ва 37 бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 19 банд чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 40Е 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 2 бандга ўзгартириш киритилган ва 40А, 40Б ва 40Г бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 40Ё 2016 йил январ ойида чоп этилган 16-сон МҲХС “*Ижара*” бўйича 12 бандга ўзгартириш киритилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Бошқа ҳужжатлар ўз кучини йўқотиши

- 41 Мазкур стандарт 1993 йил таҳриридаги 2-сон БҲХС “*Захиралар*”нинг ўрнини эгаллайди.
- 42 Мазкур стандарт 1-сон ШДҚ “*Изчиллик—захиралар таннархини аниқлашнинг турли хил формулалари*”нинг ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
4-ИЛОВА

7-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот¹

Мақсад

Ташкилотнинг пул оқимлари тўғрисидаги маълумот молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига ташкилотнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш имконияти ҳамда ташкилотнинг ушбу пул оқимларидан фойдаланиш заруриятини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорлар ташкилотнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш имкониятини ҳамда уларни ҳосил қилиш муддати ва аниқлигини баҳолашни талаб этади.

Мазкур стандартнинг мақсади ташкилотнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидаги ўтган давр ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотни давр мобайнидаги пул оқимларини операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятлар билан таснифлайдиган пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилишини талаб қилишдан иборат.

Қўллаш доираси

- 1 Ташкилот мазкур стандарт талабларига мувофиқ пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаши ва молиявий ҳисобот тақдим этиладиган ҳар бир даврда молиявий ҳисоботнинг ажралмас қисми сифатида тақдим этиши лозим.
- 2 Мазкур стандарт 1977 йил июлда тасдиқланган 7-сон БҲХС “Молиявий ҳолатдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот” ўрнини эгаллайди.
- 3 Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари ташкилот пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини қандай ҳосил қилиши ва фойдаланишини билишдан манфаатдор. Бундай маълумот ташкилот фаолиятининг характеридан, масалан, молиявий институтлардаги каби пул маблағларини ташкилот фаолиятининг маҳсулоти деб ҳисоблаш мумкинлигидан қатъи назар талаб этилади. Ташкилотлар уларнинг даромад келтирувчи фаолият турлари фарқли бўлишига карамай пул маблағларига, асосан, бир хил сабабларга кўра эҳтиёж сезади. Уларга пул маблағлари операцияларини амалга ошириш, мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга ошириш ҳамда инвесторларга даромадларини тўлаш учун зарурдир. Шунинг учун мазкур стандарт томонидан пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни барча ташкилотлар тақдим этишини талаб қилади.

Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотнинг афзалликлари

- 4 Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот бошқа молиявий ҳисобот шакллари билан бирга қўлланганда, фойдаланувчиларга ташкилотнинг соф активларидаги, молиявий структурасидаги (ликвидлиги ва тўлов қобилияти) ва ўзгарувчан имкониятлар ҳамда шароитларга мослашиш мақсадида ўзининг пул оқимлари суммаси ва муддатларига таъсир кўрсата олиш қобилиятидаги ўзгаришларни баҳолаш имконини берадиган маълумот билан таъминлайди. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумот ташкилотнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш имкониятларини баҳолашда фойдали бўлиб, фойдаланувчиларга турли ташкилотларга тегишли келгуси пул оқимларининг жорий (дисконтланган) қийматини баҳолаш ва қиёслаш моделларини ишлаб чиқиш имконини беради. Шунингдек, бундай маълумот бир хил операция ва ҳодисаларнинг турлича ҳисобга олиш тартибларини қўллаш имконини бермаслиги боис, турли ташкилотларнинг операцион фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларининг қиёсланувчанлигини оширади.

¹ БҲХСҚ томонидан 2007 йилда 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” қайта кўриб чиқилиши натижасида 2007 йил сентябрда 7-сон БҲХСнинг номи “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”дан “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот”га ўзгартирилди.

- 5 Одатда ўтган давр пул оқимлари тўғрисидаги маълумотдан келгуси пул оқимларининг суммаси, муддати ва аниқлигининг кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. У, шунингдек, келгуси пул оқимлари бўйича олдинги баҳолашлар тўғрилигини текширишда ҳамда фойдалилик ва соф пул оқимлари ўртасидаги боғлиқликни, шунингдек, ўзгарувчан нархларнинг таъсирини ўрганишда самаралидир.

Таърифлар

- 6 **Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:**
- Пул маблағлари** нақд пул ва талаб қилиб олгунча депозитларни ўз ичига олади.
- Пул маблағларининг эквивалентлари** – бу қисқа муддатли, белгиланган суммадаги пул маблағларига осон айлантириладиган ва қийматининг ўзгариши жихатидан аҳамиятсиз даражадаги рискка эга бўлган юқори ликвидли инвестициялардир.
- Пул оқимлари** – пул маблағлари ва улар эквивалентларининг кирими ва чиқими.
- Операцион фаолият** – ташкилотнинг асосий даромад келтирувчи фаолияти ҳамда инвестиция ва молиявий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият турлари.
- Инвестиция фаолияти** – узоқ муддатли активларнинг ва пул маблағлари эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг харид қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши.
- Молиявий фаолият** – ташкилот киритган капитали ва қарз маблағларининг миқдори ва таркибидаги ўзгаришларга олиб келадиган фаолият.

Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари

- 7 Пул маблағларининг эквивалентлари инвестиция ёки бошқа мақсадлар учун эмас, балки қисқа муддатли пул мажбуриятларини бажариш учун мўлжалланган. Инвестицияни пул маблағларининг эквиваленти деб таснифлаш учун у белгиланган суммадаги пул маблағига осон айлантириладиган ва қийматидаги ўзгаришлар rischi аҳамиятсиз даражада бўлиши лозим. Шу сабабли инвестиция одатда сўндириш муддати қисқа бўлганда, яъни харид қилинган санадан бошлаб тахминан уч ой ёки ундан кам бўлса, пул маблағларининг эквиваленти ҳисобланади. Хусусий капиталга инвестициялар, масалан, сўндириш муддатидан бироз олдин харид қилинган ва белгиланган қайта сотиб олиш санасига эга имтиёзли акциялар каби моҳиятан пул маблағларининг эквиваленти бўлмаса, пул маблағларининг эквиваленти ҳисобланмайди.
- 8 Банк кредитлари одатда молиявий фаолиятга тегишли деб қаралади. Лекин, айрим давлатларда талаб қилинганда тўланадиган банк овердрафтлари ташкилот пул маблағларини бошқариш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундай ҳолларда банк овердрафтлари пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари таркибига киритилади. Банк билан тузилган бундай келишувларнинг ўзига хос хусусияти банкдаги ҳисобварақ қолдиғининг қўпинча мусбатдан манфийга ўзгариб туришидир.
- 9 Пул оқимлари пул маблағлари ёки пул маблағлари эквивалентларининг моддалари ўртасидаги ҳаракатни ўз ичига олмайди, чунки ушбу компонентлар ташкилотнинг операцион, инвестиция ёки молиявий фаолиятининг эмас, балки пул маблағларини бошқаришнинг бир қисмидир. Пул маблағларини бошқариш орқича пул маблағларини уларнинг эквивалентларига инвестиция қилишни ўз ичига олади.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш

- 10 Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда давр учун пул оқимлари операцион, инвестиция ва молиявий фаолият бўйича таснифланган ҳолда тақдим этилиши лозим.
- 11 Ташкилот операцион, инвестиция ва молиявий фаолияти бўйича пул оқимларини бизнес фаолиятига мос тарзда тақдим этади. Фаолият тури бўйича таснифлаш фойдаланувчиларга ушбу фаолиятларнинг ташкилот молиявий ҳолатига ва унинг пул маблағлари ҳамда пул маблағлари эквивалентларининг суммасига таъсирини баҳолаш имкон берадиган маълумот билан таъминлайди. Бу маълумотдан ушбу фаолиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.
- 12 Айни бир хил операция турли хил таснифланадиган пул оқимларини ўз ичига олиши мумкин. Масалан, қарз бўйича пул маблағларини тўлаш ўз ичига асосий сумма ва фоизларни олганда, фоиз қисми операцион фаолият тарзида таснифланиши мумкин, асосий сумма қисми эса молиявий фаолият тарзида таснифланади.

Операцион фаолият

- 13 Операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларининг суммаси - ташкилотнинг қарзларини тўлаш, операцион имкониятларини сақлаб қолиш, дивидендларни тўлаш ва молиялаштиришнинг ташқи манбаларига мурожаат қилмасдан, янги инвестициялар қилиш учун етарли бўлган пул оқимларини қай даражада ҳосил қилганлигини акс эттирувчи асосий кўрсаткичдир. Ўтган даврларда операцион фаолиятдан келиб чиққан пул оқимларининг алоҳида таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумот бошқа маълумотлар билан биргаликда операцион фаолият бўйича келгуси пул оқимларини прогноз қилишда фойдалидир.
- 14 Операцион фаолият бўйича пул оқимлари биринчи навбатда ташкилотнинг асосий даромад келтирувчи фаолиятдан келиб чиқади. Шунинг учун улар одатда фойда ёки зарарни аниқлашда ҳисобга олинadиган операциялар ёки бошқа ҳодисалар натижаси ҳисобланади. Операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларига қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишдан пул маблағларининг келиб тушиши;
 - (б) роялти, хизмат ҳақлари, воситачилик ҳақлари ва бошқа тушум кўринишидаги пул маблағларининг келиб тушиши;
 - (в) етказиб берувчиларга товарлар ва хизматлар учун пул маблағлари тўлови;
 - (г) ходимларга ва ходимлар номидан пул маблағлари тўлови;
 - (д) суғурта ташкилотининг мукофотлар ва даъволар, аннуитетлар ҳамда суғурта полиси билан боғлиқ бошқа тўловлар бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва пул маблағлари тўлови;
 - (е) молиявий ёки инвестиция фаолиятига аниқ тегишли бўлмаган фойда солиғи бўйича пул маблағлари тўлови ёки уларнинг қайтарилиши;
 - (ё) дилинг ёки савдо мақсадларида тузилган шартномалар бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва пул маблағлари тўлови.
- Ускунани сотиш каби айрим операциялар фойда ёки зарар таркибида тан олинadиган фойда ёки зарарни келтириб чиқариши мумкин. Бундай операцияларга боғлиқ пул оқимлари инвестиция фаолиятдан пул оқимлари тарзида таснифланади. Аммо, 16-сон БҲХС “Асосий воситалар” нинг 68А бандида таъкидланганидек, ижарага бериш ва кейинчалик сотиш учун мўлжалланган активларни ишлаб чиқариш ёки харид қилиш учун амалга ошириладиган пул маблағлари тўлови операцион фаолиятдан пул оқимлари ҳисобланади. Бундай активларни ижарага бериш ва кейинчалик сотишдан пул маблағлари келиб тушиши ҳам операцион фаолиятдан пул оқимлари саналади.
- 15 Ташкилот қимматли қоғозлар ва қарзларни дилинг ёки савдо мақсадида ушлаб туриши мумкин ва бунда улар қайта сотиш учун харид қилинадиган захираларга ўхшайди. Шунинг учун дилинг ёки савдо учун мўлжалланган қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши ва сотилишидан келиб чиқадиган пул оқимлари операцион фаолият тарзида таснифланади. Худди шундай, молиявий институтлар томонидан берилadиган аванс пул маблағлари ва қарзлар, одатда, молиявий ташкилотнинг асосий даромад келтирувчи фаолиятига тегишли бўлганлиги сабабли операцион фаолият тарзида таснифланади.

Инвестиция фаолияти

- 16 Инвестиция фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини алоҳида ёритиш муҳим аҳамият касб этади, чунки бундай пул оқимлари келгуси даромад ва пул оқимларини ҳосил қилиш учун мўлжалланган ресурсларга қанча сарфлар амалга оширилганини кўрсатади. Фақат молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив тан олинишига олиб келadиган сарфларгина инвестиция фаолияти тарзида таснифланиши мумкин. Инвестиция фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларига қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни харид қилиш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови. Ушбу тўловлар капиталлаштириладиган тажриба-конструкторлик сарфлари бўйича ва ташкилотнинг ўзида яратилган асосий воситалар бўйича тўловларни ўз ичига олади;
 - (б) асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотишдан пул маблағлари келиб тушиши;
 - (в) бошқа ташкилотларнинг улушли ёки қарз инструментларини ва қўшма корхоналардаги улушларни харид қилиш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови (дилинг ва савдо учун мўлжалланган инструментлар ёки пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган инструментлар учун қилинган тўловлар бундан мустасно);

- (г) бошқа ташкилотларнинг улушли ёки қарз инструментларини ва қўшма корхоналардаги улушларни сотишдан пул маблағлари келиб тушиши (диллинг ва савдо учун мўлжалланган инструментлар ёки пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган инструментлар бўйича пул маблағларининг келиб тушиши бундан мустасно);
- (д) бошқа томонларга берилган аванс пул маблағлари ва қарзлар (молиявий институтлар томонидан берилган аванс пул маблағлари ва қарзлар бундан мустасно);
- (е) бошқа томонларга берилган аванс пул маблағлари ва қарзларнинг қайтарилишидан пул маблағлари келиб тушиши (молиявий институтларнинг аванс пул маблағлари ва қарзлари бундан мустасно);
- (ё) фьючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул маблағлари тўлови, ушбу шартномалар диллинг ёки савдо учун мўлжалланган ҳолатлар ёки тўловларни молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар бундан мустасно; ва
- (ж) фьючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул маблағлари келиб тушиши, ушбу шартномалар диллинг ёки савдо учун мўлжалланган ҳолатлар ёки пул маблағлари келиб тушиши молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар бундан мустасно.

Шартнома муайян позицияни ҳежлаш тарзида ҳисобга олинганда, шартнома бўйича пул оқимлари ҳежланган позиция бўйича пул оқимлари билан бир хил тарзда таснифланади.

Молиявий фаолият

- 17 Молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини алоҳида ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этади, чунки бу маълумот ташкилотни капитал билан таъминловчилар томонидан келгуси пул оқимларига бўлган талабларини прогноз қилиш учун фойдалидир. Молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларига қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) акциялар ёки бошқа улушли инструментларни муомалага чиқаришдан пул маблағлари келиб тушиши;
 - (б) ташкилот акцияларини харид қилиш ёки муомаладан чиқариш учун мулкдорларга пул маблағлари тўлови;
 - (в) қарз мажбуриятларини чиқариш, қарзлар бериш, векселлар, облигациялар, гаров ва бошқа қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз мажбуриятларини чиқаришдан пул маблағлари келиб тушиши;
 - (г) қарзлар бўйича қайтарилган пул маблағлари тўлови; ва
 - (д) ижарачи томонидан ижара бўйича сўндирилмаган мажбуриятни камайтириш учун амалга оширилган пул маблағлари тўлови.

Операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини тақдим этиш

- 18 Ташкилот операцион фаолият бўйича пул оқимларини ҳисоботда қуйидаги усуллардан бирини қўллаган ҳолда тақдим этади:
- (а) бевосита усулда пул маблағларининг ялпи келиб тушиши ва ялпи тўловининг асосий синфлари ёритиб берилади; ёки
 - (б) билвосита усулда фойда ёки зарар пулсиз операцияларнинг таъсирини ва ҳар қандай кечиктирилган ёки ҳисобланган ўтган ёки келгуси даврга тегишли операцион пул маблағлари келиб тушиши ёки тўловини, ҳамда инвестиция ёки молиявий пул оқимлари билан боғлиқ даромад ёки харажат моддаларини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилади.
- 19 Ташкилотлар операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини тақдим этишда бевосита усулни қўллашга рағбат берилади. Бевосита усулни қўллаш келгуси пул оқимларини баҳолаш учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ва билвосита усулни қўллашда тақдим этилмайдиган маълумот билан таъминлайди. Бевосита усул қўлланганда, пул маблағларининг ялпи келиб тушиши ва ялпи тўловининг асосий синфлари тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги йўллар билан олиш мумкин:
- (а) ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ёзувларидан; ёки
 - (б) умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган сотишдан тушум, сотиш таннархи (молиявий институтлар учун фоизлар ва шунга ўхшаш даромадлар ҳамда фоиз харажатлари ва шунга ўхшаш харажатлар) ва бошқа моддаларни қуйидагилар бўйича тузатиш орқали:
 - (i) давр мобайнида захиралардаги ва операцион дебиторлик ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришлар;
 - (ii) бошқа пулсиз моддалар; ва
 - (iii) инвестиция ёки молиявий фаолият бўйича пул оқимларини келтириб чиқарадиган бошқа моддалар.
- 20 Билвосита усул қўлланганда, операцион фаолият бўйича соф пул оқимлари фойда ёки зарарни қуйидагиларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда тузатиш орқали аниқланади:
- (а) давр мобайнида захиралардаги ва операцион дебиторлик ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришлар;
 - (б) эскириш, баҳоланган мажбурият, кечиктирилган солиқлар, реализация қилинмаган ижобий ва салбий курс фарқлари ва таъсир остидаги ташкилотларнинг тақсимланмаган фойдаси каби пулсиз моддалар; ва
 - (в) инвестиция ёки молиявий фаолият бўйича пул оқимларини келтириб чиқарадиган бошқа моддалар.
- Муқобил равишда операцион фаолият бўйича соф пул оқимларини умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда ёритилган тушумлар ва харажатларни акс эттириш ҳамда давр мобайнида захиралардаги ва операцион дебиторлик ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришларни акс эттириш орқали билвосита усулда тақдим этиш мумкин.

Инвестиция ва молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини тақдим этиш

- 21 Ташкилот инвестиция фаолияти ва молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул маблағларининг ялпи келиб тушиши ва ялпи тўловининг асосий синфларини ҳисоботда алоҳида тақдим этиши лозим, бундан 22 ва 24 бандларда белгиланган, нетто асосда тақдим этиладиган пул оқимлари мустасно.

Пул оқимларини нетто асосда тақдим этиш

- 22 Қуйидаги операцион, инвестиция ёки молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимлари нетто асосда тақдим этилиши мумкин:

- (а) пул оқимлари ташкилотнинг эмас, балки харидорнинг фаолиятини акс эттирган ҳолда, харидорлар номидан пул маблағларининг келиб тушиши ва тўлови; ва
- (б) айланма даври қисқа, йирик суммадаги ва сўндириш муддати қисқа бўлган моддалар бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва тўлови.
- 23 22(а)-бандида назарда тутилган пул маблағлари келиб тушиши ва тўловига қуйидагилар мисол бўла олади:
- (а) банк томонидан талаб қилиб олинган депозитларни қабул қилиш ва қайтариб тўлаш;
- (б) инвестиция ташкилоти харидорлари учун сақланадиган маблағлар; ва
- (в) кўчмас мулк эгалари номидан йиғиб олинган ва уларга тўланган ижара ҳақлари.
- 23А 22(б)-бандида назарда тутилган пул маблағлари келиб тушиши ва тўловига қуйидагилар бўйича амалга оширилган аванс ва тўловлар мисол бўлади:
- (а) кредит карта эгаларига тегишли қарзнинг асосий қисми;
- (б) инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш; ва
- (в) бошқа қисқа муддатли қарзлар, масалан, сўндириш муддати уч ой ва ундан кам бўлган қарзлар.
- 24 Молиявий институтнинг қуйидаги фаолиятлардан келиб чиқадиган пул оқимлари ҳисоботда нетто асосда тақдим этилиши мумкин:
- (а) сўндириш санаси қатъий белгиланган депозитларни қабул қилиш ва қайтариб тўлаш бўйича пул маблағлари келиб тушиши ва тўлови;
- (б) бошқа молиявий институтларга депозитларни жойлаштириш ва бошқа молиявий институтлардан депозитларни қайтариб олиш; ва
- (в) харидорларга тақдим этилган аванс пул маблағлари ва қарзлар ҳамда ушбу аванслар ва қарзларнинг қайтарилиши.

Чет эл валютасидаги пул оқимлари

- 25 Чет эл валютасидаги операциялардан келиб чиқадиган пул оқимлари ушбу пул оқими санасидаги функционал валюта ва чет эл валютаси ўртасидаги айирбошлаш курсини чет эл валютасидаги суммага кўпайтириш орқали ташкилотнинг функционал валютасида акс эттирилиши лозим.
- 26 Чет эл шўба ташкилотининг пул оқимлари ушбу пул оқимлари санасидаги функционал валюта ва чет эл валютаси ўртасидаги айирбошлаш курси бўйича қайта ҳисобланиши лозим.
- 27 Чет эл валютасида акс этирилган пул оқимлари 21-сон БҲХС “*Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари*”га мувофиқ тақдим этилади. Бу ҳақиқатдаги курсга тахминан тенг бўлган айирбошлаш курсини қўллаш имконини беради. Масалан, чет эл валютасидаги операцияларни акс эттириш ёки чет эл шўба ташкилотининг пул оқимларини бошқа валютага ўтказишда маълум давр учун ўртача тортилган айирбошлаш курси қўлланиши мумкин. Лекин, 21-сон БҲХС чет эл ташкилотининг пул оқимларини қайта ҳисоблашда ҳисобот даврининг охиридаги айирбошлаш курсини қўллашга рухсат бермайди.
- 28 Валюта курсларидаги ўзгаришлар натижасида ҳосил бўладиган реализация қилинмаган фойда ва зарарлар пул оқимлари ҳисобланмайди. Лекин, валюта курсларидаги ўзгаришларнинг чет эл валютасида бўлган ёки чет эл валютасида олиниши кутилаётган пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири давр бошига ҳамда давр охирига бўлган пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини солиштириш мақсадида пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилади. Бу сумма операция, инвестиция ва молиявий фаолият бўйича пул оқимларидан алоҳида тақдим этилади ва ушбу пул оқимларини давр охиридаги айирбошлаш курси бўйича ҳисоблаганда ҳосил бўладиган ҳар қандай фарқларни, агар мавжуд бўлса, ўз ичига олади.
- 29 [Чиқариб ташланган]
- 30 [Чиқариб ташланган]

Фоизлар ва дивидендлар

- 31 **Фоизлар ва дивидендлар олинишидан ва тўланишидан келиб чиқадиган пул оқимларининг ҳар бири алоҳида ёритиб берилиши лозим. Уларнинг ҳар бири даврдан даврга изчил равишда операцион, инвестиция ёки молиявий фаолиятдан пул оқимлари сифатида таснифланиши лозим.**
- 32 Давр давомида тўланган фоизларнинг умумий суммаси, у фойда ёки зарар таркибида харажат сифатида тан олиниши ёки 23-сон БҲХС “Қарзлар бўйича сарфлар”га мувофиқ капиталлаштирилишидан катъи назар, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда ёритиб берилиши лозим.
- 33 Молиявий институтлар учун тўланган фоиз ҳамда олинган фоизлар ва дивидендлар, одатда, операцион фаолиятдан пул оқимлари тарзида таснифланади. Лекин, бошқа ташкилотларга нисбатан бундай пул оқимларини таснифлашда ягона қараш мавжуд эмас. Тўланган фоизлар ҳамда олинган фоиз ва дивидендлар операцион фаолиятдан пул оқимлари сифатида таснифланиши мумкин, чунки улар фойда ёки зарарни шакллантиришда иштирок этади. Муқобил тарзда, тўланган фоизлар ҳамда олинган фоиз ва дивидендлар молиявий фаолиятдан пул оқимлари ва инвестиция фаолиятдан пул оқимлари тарзида таснифланиши мумкин, чунки улар ўзида молиявий ресурсларни жалб этиш бўйича сарфларни ёки инвестициялар бўйича даромадларни жамлайди.
- 34 Тўланган дивидендлар молиявий фаолиятдан пул оқимлари тарзида таснифланиши мумкин, чунки улар молиявий ресурсларни жалб этиш бўйича сарфлардир. Муқобил тарзда, фойдаланувчиларга ташкилотнинг операцион пул оқимларидан дивидендларни тўлай олиш имкониятини аниқлашда ёрдам бериш учун тўланган дивидендлар операцион фаолиятдан пул оқимларининг компоненти бўлиб таснифланиши мумкин.

Фойда солиқлари

- 35 **Фойда солиқлари натижасида келиб чиқадиган пул оқимлари алоҳида ёритиб берилиши ва улар молиявий ва инвестиция фаолиятига бевосита боғлиқ бўлмаса операцион фаолиятдан пул оқимлари тарзида таснифланиши лозим.**
- 36 Фойда солиқлари пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда операцион, инвестиция ёки молиявий фаолият тарзида таснифланиши мумкин бўлган пул оқимларини келтириб чиқарувчи операциялар натижасида юзага келади. Солиқ харажатини инвестиция фаолияти ёки молиявий фаолият билан боғлиқлигини осонликча аниқлаш мумкин бўлсада, тегишли солиқ пул оқимларини аниқлаш кўпинча амалий имконсиз ҳамда уларга асос бўладиган операцияларнинг пул оқимлари бошқа даврда келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун, тўланган солиқлар одатда операцион фаолиятдан пул оқимлари тарзида таснифланади. Лекин солиқ пул оқимини инвестиция фаолияти ёки молиявий фаолият тарзида таснифланган пул оқимларини келтириб чиқарган алоҳида операция билан боғлашнинг амалий имкони мавжуд бўлса, солиқ пул оқими инвестиция фаолияти ёки молиявий фаолият тарзида таснифланади. Солиқ пул оқимлари бир нечта фаолият тури билан боғлиқ бўлганда, тўланган солиқларнинг умумий суммаси ёритиб берилади.

Шўъба ташкилотлар, таъсир остидаги ташкилотлар ва қўшма корхоналарга инвестициялар

- 37 Таъсир остидаги ташкилот, қўшма корхона ёки шўъба ташкилотга инвестицияларнинг ҳисоби улушли қатнашиш усулида ёки бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олинганда, инвестор пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда фақат ўзи ва инвестиция объекти ўртасидаги пул оқимлари, масалан, дивидендлар ва аванслар тўғрисидаги маълумот билан чегараланади.
- 38 Таъсир остидаги ташкилотларга ёки қўшма корхоналарга инвестицияларни улушли қатнашиш усулида акс эттирадиган ташкилот пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботига ушбу таъсир остидаги ташкилотга ёки қўшма корхонага инвестициялар билан боғлиқ пул оқимларини ҳамда ўзи ва ушбу таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона ўртасидаги фойдани тақсимлаш ва бошқа тўловлар ёки келиб тушган суммаларни киритади.

Шўъба ташкилотлар ва бошқа бизнеслардаги эгалик улушларининг ўзгариши

- 39 Шўъба ташкилотлар ёки бошқа бизнеслардаги назоратни олиш ёки йўқотиш натижасида келиб чиқадиган умумлашган пул оқимлари алоҳида тақдим этилиши ва инвестиция фаолияти тарзида таснифланиши лозим.
- 40 Ташкилот ҳисобот даври давомида шўъба ташкилотлари ёки бошқа бизнеслардаги назоратни олиш ҳамда йўқотиш бўйича қуйидагиларнинг ҳар бирини умумлашган суммада ёритиб бериши лозим:
- (а) жами тўланган ёки олинган товон;
 - (б) ушбу товоннинг пул маблағлари ва пул эквивалентларидан ташкил топган қисми;
 - (в) назоратга олинган ёки йўқотилган шўъба ташкилотларидаги ёки бошқа бизнеслардаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалент суммаси; ва
 - (г) назоратга олинган ёки йўқотилган шўъба ташкилотларидаги ёки бошқа бизнеслардаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидан ташқари активлари ҳамда мажбуриятларининг асосий тоифалари бўйича жамланган суммаси.
- 40А 10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” да таърифланган инвестиция ташкилоти 40(в) ёки 40(г) бандларни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаш талаб этиладиган шўъба ташкилоти инвестициялартига нисбатан қўлламаслиги лозим.
- 41 Шўъба ташкилотлари ёки бошқа бизнесларда назорат олиниши ёки йўқотилишининг пул оқимларига таъсирини ҳисоботнинг алоҳида моддаси тарзида тақдим этилиши ва харид қилинган ёки ҳисобдан чиқарилган актив ва мажбуриятларнинг суммаларини алоҳида ёритиб берилиши бу пул оқимларини операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган бошқа пул оқимларидан фарқлашга ёрдам беради. Назоратни йўқотишдан келиб чиқадиган пул оқимлари назоратни олишдан келиб чиқадиган пул оқимларидан чегирилмайди.
- 42 Шўъба ташкилотлари ёки бошқа бизнесларда назоратни олиш ёки йўқотишда товон тарзида олинган ёки тўланган пул маблағларининг жамланган суммаси пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда бундай операциялар, ходисалар ёки турли ҳолатлардаги ўзгаришлар доирасида харид қилинган ёки ҳисобдан чиқарилган пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини чегирган ҳолда акс эттирилади.
- 42А Агар шўъба ташкилоти 10-сон МҲХСда белгиланганидек, инвестиция ташкилотига тегишли бўлмаса ва фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши талаб этилмаса, назоратни йўқотишга олиб келмайдиган, шўъба ташкилотининг эгалик улушларидаги ўзгаришлардан келиб чиқадиган пул оқимлари молиявий фаолиятдан пул оқимлари тарзида таснифланиши лозим.
- 42Б Агар шўъба ташкилоти инвестиция ташкилотига тегишли бўлмаса ва фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши талаб этилмаса (10-сон МҲХСга қаранг), шўъба ташкилотидаги эгалик улушларининг назоратни йўқотишга олиб келмайдиган ўзгариши, масалан, шўъба ташкилотнинг улушли инструментларини бош ташкилот томонидан кейинги сотиб олиниши ёки сотилиши хусусий капитал билан боғлиқ операциялар тарзида ҳисобга олиниши лозим. Шунга қўра, бундай операциялар натижасидаги пул оқимлари 17-бандда белгиланганидек, мулкдорлар билан бошқа операциялар каби таснифланади

Пулсиз операциялар

- 43 Пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидан фойдаланишни талаб этмайдиган инвестиция ва молиявий операциялар пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботга киритилмайди. Бундай операциялар молиявий ҳисоботларнинг бошқа қисмида ушбу инвестиция ва молиявий фаолият тўғрисидаги барча ўринли маълумотни акс эттирадиган тарзда ёритиб берилиши лозим.
- 44 Аксарият инвестиция ва молиявий фаолиятлар ташкилотнинг капитали ва активлари структурасига таъсир қилишига қарамай, жорий пул оқимларига бевосита таъсир этмайди. Пулсиз операцияларни пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботга киритмаслик пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот мақсадларига мос келади, чунки бундай моддалар жорий даврдаги пул оқимлари билан боғлиқ эмас. Пулсиз операцияларга қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) тегишли мажбуриятларни олиш орқали ёки ижара асосида активларни харид қилиш;

- (б) улушли инструментларни чиқариш орқали ташкилотни харид қилиш; ва
- (в) қарз мажбуриятларининг хусусий капиталга конвертацияси.

Молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг ўзгариши

- 44А Ташкилот молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига пул оқимлари бўйича ўзгаришларни ва пулсиз ўзгаришларни ўз ичига оладиган, молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ўзгаришини баҳолаш имконини берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 44Б 44А банддаги талаблар бажарилиши лозим бўлганда, ташкилот молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятлардаги қуйидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларидаги ўзгаришлар;
 - (б) шўба ташкилотлар ва бошқа бизнеслар бўйича назоратни олиш ёки йўқотишдан келиб чиқадиган ўзгаришлар;
 - (в) валюта курсидаги ўзгаришлар таъсири;
 - (г) ҳаққоний қийматдаги ўзгаришлар; ва
 - (д) бошқа ўзгаришлар.
- 44В Молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятлар пул оқимлари ёки келгуси пул оқимлари пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимлари тарзида таснифланган ёки таснифланадиган мажбуриятлардир. Бундан ташқари, агар молиявий активлар (масалан, молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳежлайдиган активлар) бўйича пул оқимлари ёки келгуси пул оқимлари молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимлари таркибига киритилган ёки киритилмайдиган бўлса, бундай молиявий активлардаги ўзгаришларга нисбатан 44А банднинг маълумотларни ёритиб бериш бўйича талаблари қўлланади.
- 44Г 44А банднинг маълумотларни ёритиб бериш бўйича талабларини бажаришнинг бир йўли 44Б бандда кўрсатилган ўзгаришларни ўз ичига оладиган, молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган давр бошига ва охирига қолдиқлари ўртасидаги солиштирмани таъминлашдир. Ташкилот бундай солиштирмани ёритиб беришда молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига унга киритилган моддаларни молиявий ҳолат ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот билан боғлашлари учун етарли маълумот тақдим этиши лозим.
- 44Д Агар ташкилот 44А бандда талаб этилган маълумотларни бошқа активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлар билан биргаликда ёритиб беришни таъминласа, ташкилот молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятлардаги ўзгаришларни ушбу активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан алоҳида ёритиб бериши лозим.

Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг компонентлари

- 45 Ташкилот пул ва пул эквивалентларининг компонентларини ёритиб бериши ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдаги суммаларнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган эквивалент моддалари билан солиштирмасини тақдим этиши лозим.
- 46 Пул маблағларини бошқариш амалиёти ва банк механизмларининг дунё бўйлаб фарқ қилишини ҳисобга олган ҳолда ва 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиши*”га риоя қилиш мақсадида, ташкилот пул маблағлари ва унинг эквивалентлари таркибини белгилашда қабул қилинган сиёсатини ёритиб беради.
- 47 Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг компонентларини аниқлаш сиёсатидаги ҳар қандай ўзгариш таъсири, масалан, аввал ташкилот инвестиция портфелининг бир қисми деб қаралган молиявий инструментларни таснифлашдаги ўзгаришлар, ҳисоботда 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ тарзда тақдим этилади.

Бошқа ёритиб бериладиган маълумотлар

- 48 Ташкилот раҳбарият шарҳи билан биргаликда, ташкилотда мавжуд бўлган, аммо гуруҳ томонидан фойдаланиш имкони бўлмаган аҳамиятли миқдордаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари суммасини ёритиб бериши лозим.
- 49 Баъзи ҳолатларда гуруҳ томонидан ташкилотда мавжуд пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари қолдиқларидан фойдаланишнинг имконияти бўлмайди. Мисол тариқасида бош ташкилот ёки бошқа шўба ташкилоти томонидан умумий фойдаланиш имкониятини бермайдиган валюта назорати ёки бошқа қонуний чеклашлар ўрнатилган мамлакатда фаолият кўрсатувчи шўба ташкилоти эгалигида бўлган пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентларини келтириш мумкин.
- 50 Ташкилотнинг молиявий ҳолати ва ликвидлигини тушуниш учун фойдаланувчиларга қўшимча маълумотлар берилиши ўринли бўлиши мумкин. Бу маълумотларни раҳбарият шарҳи билан биргаликда ёритиб беришга рағбат берилади ва ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин:
- (а) фойдаланиш бўйича чекловлар кўрсатилган ҳолда, келгуси операцион фаолиятда ва капитал сарфлар амалга оширилиши бўйича шартномавий мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин бўлган қарз маблағларининг ишлатилмаган суммаси;
 - (б) [Чиқариб ташланган]
 - (в) операцион имкониятларни сақлаб туриш учун зарур бўлган пул маблағларидан алоҳида, операцион имкониятларнинг ошишини кўрсатувчи пул оқимларининг жамланган суммаси; ва
 - (г) ҳар бир ҳисобот сегментининг операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятлари натижасида келиб чиқадиган пул оқимлари суммаси (8-сон МҲХС “*Операцион сегментлар*” га қаранг).
- 51 Операцион имкониятларнинг ошишини кўрсатувчи пул оқимлари ва операцион имкониятларни сақлаб туриш учун зарур бўлган пул оқимларини алоҳида ёритиб бериш фойдаланувчиларга ташкилот операцион имкониятларини сақлаб туриш учун етарли ҳажмдаги маблағларни йўналтираётганлигини аниқлаш имконини беради. Ўзининг операцион имкониятларини сақлаб туриш учун етарли маблағлар йўналтирмаётган ташкилот жорий ликвидлигини сақлаб туриш ва мулкдорларига фойдани тақсимлаш мақсадида келгуси фойдалиликка путур етказётган бўлиши мумкин.
- 52 Пул оқимларини сегментлар бўйича ёритиб бериш фойдаланувчилар учун бутун бизнесга ва унинг компонентларига тегишли бўлган пул оқимларининг ўзаро алоқасини ҳамда сегмент пул оқимларининг мавжудлиги ва ўзгарувчанлиги ҳақида янада яхшироқ тушунчага эга бўлиш имконини беради.

Кучга кириш санаси

- 53 Мазкур стандарт 1994 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларни қамраб оладиган молиявий ҳисобот учун амал қилади.
- 54 27-сон БҲХС (2008 йилдаги ўзгаришлари билан биргаликда) бўйича 39-42 бандларга ўзгартиришлар ва қўшимча 42А ва 42Б бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 27-сон БҲХСни (2008 йилдаги ўзгаришлари билан биргаликда) олдинги давр учун қўлласса, ушбу ўзгартиришлар ҳам шу олдинги давр учун қўлланиши лозим. Ўзгартиришлар ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.
- 55 2008 йил май ойида эълон қилинган “*МҲХСларни такомиллаштиришлар*” бўйича 14 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги даврга нисбатан қўлласса, у бу фактни ёритиб бериши ва 16-сон БҲХСнинг 68А бандини қўллаши лозим.
- 56 2009 йил апрель ойида эълон қилинган “*МҲХСларни такомиллаштиришлар*” бўйича 16 бандга ўзгартириш киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2010 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

- 57 2011 йил май ойида эълон қилинган 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХС “*Қўшма фаолият*” бўйича 37, 38 ва 42Б бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 50(б) банд чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХСлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 58 2012 йил октябрь ойида эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари*” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСларга ўзгартиришлар) бўйича 42А ва 42Б бандларга ўзгартиришлар киритилди ва қўшимча 40А банд киритилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. “*Инвестиция ташкилотлари*”ни бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласа, у шу даврга нисбатан “*Инвестиция ташкилотлари*”га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- 59 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС “*Ижара*” бўйича 17 ва 44 бандларга ўзгартиришлар киритилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 60 2016 йил январь ойида эълон қилинган “*Маълумотларни ёритиб бериш ташаббуси*” (7-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича қўшимча 44А–44Е бандлар киритилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2017 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни биринчи марта қўллаганда, олдинги даврлар учун қиёсий маълумот тақдим этилиши талаб этилмайди.
- 61 [*Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган*]

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
5-ИЛОВА

8-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларни ва хатоларни тузатишни ҳисобга олиш тартиби ва ёритиб бериш билан биргаликда, ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш мезонларини белгилашдан иборатдир. Мазкур стандарт ташкилот молиявий ҳисоботининг ўринлилигини ва ишончлилигини ҳамда олдинги ҳисобот даврларининг ва бошқа ташкилотларнинг молиявий ҳисоботи билан қиёсланувчанлигини оширишга қаратилган.
- 2 Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш бўйича талаблар 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*”да белгиланган, бундан ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш бўйича талаблар мустасно.

Қўллаш доираси

- 3 Мазкур стандарт ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллашда, шунингдек ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларни ва ўтган давр хатоларини тузатишни ҳисобга олишда қўлланиши лозим.
- 4 Ўтган давр хатоларини тузатишларни ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни қўллаш учун амалга оширилган ретроспектив тузатишлар бўйича солиқ таъсирлари 12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*”га мувофиқ ҳисобга олинади ва ёритиб берилади.

Таърифлар

- 5 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
Ҳисоб сиёсати – бу ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланадиган муайян тамойиллар, асослар, умумқабул қилинган шартлар, қоидалар ва амалий ёндашувлардир.
Ҳисоб баҳосидаги ўзгариш - активлар ва мажбуриятларнинг жорий ҳолатини ҳамда улар билан боғлиқ бўлган, кутилаётган келгуси нафлар ва жавобгарликларни баҳолаш натижасида актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматини ёки активнинг даврий истеъмоли суммасини тузатишдир. Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар янги маълумотлар ёки воқеалар ривожини натижасида юзага келади ва шу сабабли, хатоларни тузатиш ҳисобланмайди.
Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича кенгаш (БҲХСК) томонидан эълон қилинган стандартлар ва шарҳлардир. Улар қуйидагилардан иборат:
(а) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари;
(б) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари;
(в) МҲХСШҚ томонидан чиқарилган шарҳлар; ва
(г) ШДҚ томонидан чиқарилган шарҳлар.¹
Муҳимлик 1-сон БҲХСнинг 7-бандида таърифланган ва мазкур стандартда айнан ўша маънода қўлланади.

¹ 2010 йилда қайта кўриб чиқилган МҲХС Фондининг Конституциясига кўра Фондининг номи ўзгаргандан кейин МҲХСнинг таърифи ўзгарган.

Ўтган давр хатолари - ташкилотнинг бир ёки ундан ортиқ ўтган даврлар учун молиявий ҳисоботидаги тушириб қолдиришлар ва нотўғри кўрсатишлар бўлиб, қуйидаги шартлардаги ишончли маълумотдан фойдаланмаслик ёки нотўғри фойдаланиш натижасида юзага келади:

- (а) мазкур даврлар учун молиявий ҳисобот эълон қилиш учун маъқулланганда мавжуд бўлган; ва
- (б) мазкур молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишда қўлга киритилиши ва ҳисобга олиниши асосланган тарзда мумкин деб ҳисобланган.

Бундай хатолар математик хатолар, ҳисоб сиёсатини қўллашдаги хатолар, эътиборсизлик ёки фактларни нотўғри талқин этиш оқибатларини ва фирибгарликни ўз ичига олади.

Ретроспектив қўллаш - янги ҳисоб сиёсатини операциялар, бошқа ходисалар ва ҳолатларга нисбатан қўллашда, ушбу ҳисоб сиёсатини ҳар доим қўллангандек қўллашдир.

Ретроспектив қайта ҳисоблаш - молиявий ҳисобот элементлари суммаларини тан олиш, баҳолаш ва ёритиб беришга оид ўтган давр хатоларини мутлақо йўл қўйилмагандек тузатишдир.

Амалий имконсиз. Ташкилот талабларни амалда қўллашга қаратилган барча сай-ҳаракатларга қарамай, уларни қўллаш олмаса, талабларни қўллаш амалий имконсиз ҳисобланади. Муайян ўтган давр учун ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришни ретроспектив қўллаш ёки хатони тузатиш учун ретроспектив қайта ҳисоблашни амалга ошириш амалий имконсиз ҳисобланади, агар:

- (а) ретроспектив қўллаш ёки ретроспектив қайта ҳисоблашнинг таъсирларини аниқлаш мумкин бўлмаса;
- (б) ретроспектив қўллаш ёки ретроспектив қайта ҳисоблаш ташкилот раҳбариятининг ушбу даврдаги мақсадлари тўғрисидаги фаразларни талаб қилса; ёки
- (в) ретроспектив қўллаш ёки ретроспектив қайта ҳисоблаш суммаларнинг аҳамиятли ҳисоб баҳоларини талаб этса ва қуйидаги ҳисоб баҳолари тўғрисидаги маълумотларни ҳолис фарқлаш мумкин бўлмаса:
 - (i) мазкур суммалар тан олиниши, баҳоланиши ёки ёритиб берилиши лозим бўлган сана(лар)да мавжуд бўлган ҳолатлар бўйича далилларни кўрсатадиган ҳисоб баҳолари; ва
 - (ii) кўрсатилган ўтган давр молиявий ҳисоботини эълон қилиш учун маъқулланган пайтда мавжуд бўлган ҳисоб баҳолари.

Перспектив қўллаш. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришни ва ҳисоб баҳосидаги ўзгаришнинг таъсирини тан олишни перспектив қўллаш - бу:

- (а) ҳисоб сиёсати ўзгарган санадан кейин содир бўладиган операциялар, бошқа ходисалар ва ҳолатларга нисбатан янги ҳисоб сиёсатини қўллаш; ва
- (б) ҳисоб баҳосидаги ўзгаришнинг таъсирини ушбу ўзгариш таъсир кўрсатадиган жорий ва келгуси даврларда тан олиш.

6 [Чиқариб ташланган]

Ҳисоб сиёсати

Ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш

- 7 Муайян операцияга, бошқа ходиса ёки ҳолатга нисбатан маълум бир МҲХС қўллansa, ҳисобнинг бундай объектга нисбатан қўлланадиган ҳисоб сиёсати ёки унинг қоидалари ушбу МҲХСни қўллаган ҳолда белгиланиши лозим.
- 8 МҲХС, БҲХС Кенгаши хулосасига кўра, операциялар, бошқа ходисалар ва ҳолатларга нисбатан унинг қўлланиши ўринли ва ишончли маълумотни ўз ичига оладиган молиявий ҳисобот шаклланишига олиб келадиган ҳисоб сиёсатини белгилаб беради. Ушбу ҳисоб сиёсатини қўллаш таъсири муҳим бўлмаган ҳолларда, уни қўллаш талаб этилмайди. Лекин, ташкилотнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ёки пул оқимларини муайян кўринишда тақдим этишга эришиш мақсадида, МҲХСдан муҳим бўлмаган четланишларга йўл қўйиш ёки бундай четланишларга тузатиш киритмасдан қолдириш ўринли ҳисобланмайди.
- 9 МҲХСдаги талабларни қўллашда ташкилотларга ёрдам бериш мақсадида, стандартларга кўрсатмалар илова қилинади. Бундай кўрсатмаларда улар МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланиши ёки

ҳисобланмаслиги кўрсатиб ўтилади. МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган кўрсатмаларни қўллаш мажбурийдир. МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланмайдиган кўрсатмалар молиявий ҳисоботга нисбатан талабларни ўз ичига олмайди.

- 10 **Муайян операция, бошқа ҳодиса ёки ҳолатга нисбатан қўлланадиган МҲХС мавжуд бўлмаган тақдирда, ташкилот раҳбарияти қуйидаги маълумотларни шаклланишига олиб келадиган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ва қўллашда ўз мулоҳазасидан фойдаланиши лозим:**
- (a) **фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларни қабул қилишлари учун ўринли бўлган; ва**
 - (b) **ишончли бўлган, яъни молиявий ҳисоботдаги қуйидаги шартлардаги маълумотлар:**
 - (i) **ташкilotнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларини рўйи-рост тақдим этадиган;**
 - (ii) **операциялар, бошқа ҳодисалар ва ҳолатларнинг фақатгина ҳуқуқий шаклини эмас, иқтисодий моҳиятини ҳам акс эттирадиган;**
 - (iii) **бетараф, яъни холис;**
 - (iv) **эҳтиёткорлик тамойилига мувофиқ бўлган; ва**
 - (v) **барча муҳим жихатлари бўйича тўлиқ бўлган маълумотлар.**
- 11 **10-бандда кўрсатилган тарзда мулоҳаза қилишда, раҳбарият кўрсатилган тартибда қуйидаги манбаларга мурожаат қилиши ва уларнинг қўлланишини кўриб чиқиши лозим:**
- (a) **МҲХСда шунга ўхшаш ёки боғлиқ масалаларга тегишли талаблар; ва**
 - (b) **Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асосида (“Концептуал асос”) келтирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларнинг таърифлари, тан олиш мезонлари ва баҳолаш концепциялари.²**
- 12 **Шунингдек, 10-бандда кўрсатилган тарзда мулоҳаза қилишда, раҳбарият бухгалтерия ҳисоби бўйича стандартларни ишлаб чиқишда ўхшаш концептуал асосдан фойдаланадиган стандартлар ишлаб чиқувчи бошқа органларнинг энг сўнгги баёнотларини, бухгалтерияга оид бошқа адабиётларни ва соҳага оид қабул қилинган амалиётларни, улар 11-бандда келтирилган манбаларга зид келмаслиги шарти билан эътиборга олиши мумкин.**

Ҳисоб сиёсатининг изчиллиги

- 13 **Агар муайян МҲХСда турли ҳисоб сиёсати ўринли бўлиши мумкин бўлган моддаларни тоифаларга ажратиш алоҳида талаб этилмаса ёки рухсат берилмаса, ташкилот ўхшаш операциялар, бошқа ҳодисалар ва ҳолатлар учун ҳисоб сиёсатини танлаши ва изчил қўллаши лозим. Агар муайян МҲХСда моддаларни бундай тоифаларга ажратиш талаб этилса ёки рухсат берилса, ҳар бир тоифага ҳисоб сиёсати танланиши ва изчил қўлланиши лозим.**

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар

- 14 **Ташкилот ҳисоб сиёсатини фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартириши лозим:**
- (a) **муайян МҲХС томонидан талаб этилса; ёки**
 - (b) **ҳисоб сиёсатини ўзгартириш молиявий ҳисоботда операцияларнинг, бошқа ҳодисаларнинг ва ҳолатларнинг ташкилот молиявий ҳолатига, молиявий натижаларига ёки пул оқимларига таъсири тўғрисида ишончли ва янада ўринли маълумотлар акс эттирилишига олиб келса.**
- 15 **Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ташкилотнинг молиявий ҳисоботини вақт ўтиши билан унинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларидаги тенденцияларни аниқлаш учун қиёслаш имкониятига эга бўлишлари лозим. Шунинг учун, агар ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш 14-бандда келтирилган мезонларнинг бирортасига жавоб бермаса, ҳар бир даврда ва бир даврдан кейингисига бир хил ҳисоб сиёсати қўлланади.**
- 16 **Қуйидагилар ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бўлиб ҳисобланмайди:**
- (a) **олдин содир бўлган операциялар, бошқа ҳодисалар ёки ҳолатлардан моҳиятан фарқланадиган операциялар, бошқа ҳодисалар ёки ҳолатларга нисбатан ҳисоб сиёсатини қўллаш; ва**

² 54Е-бандда ушбу талаб бўйича тариф фарқлари смети қолдигига қандай ўзгартириш киритилиши тушунтирилган.

- (б) олдин содир бўлмаган ёки муҳим бўлмаган операциялар, бошқа ходисалар ёки ҳолатларга нисбатан янги ҳисоб сиёсатини қўллаш.
- 17 16-сон БҲХС “Асосий воситалар” ёки 38-сон БҲХС “Номоддий активлар”га мувофиқ, активларни қайта баҳолаш бўйича ҳисоб сиёсатини дастлабки қўллаш ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш ҳисобланади ва мазкур стандартга мувофиқ эмас, балки 16-сон БҲХС ёки 38-сон БҲХСга мувофиқ қайта баҳолаш тарзида қаралади.
- 18 17-бандда кўрсатилган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришга нисбатан 19–31-бандлар қўлланмайди.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни қўллаш

- 19 23-бандни ҳисобга олган ҳолда:
- (а) ташкилот муайян МҲХСни дастлабки қўллаш натижасида юзага келадиган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришни ушбу МҲХСда белгиланган махсус ўтиш қоидаларига мувофиқ ҳисобга олиши лозим; ва
- (б) ташкилот ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришга нисбатан қўлланадиган махсус ўтиш қоидаларини ўз ичига олмаган муайян МҲХСни дастлабки қўллашда ҳисоб сиёсатини ўзгартирса ёки ҳисоб сиёсатини ихтиёрий равишда ўзгартирса, ушбу ташкилот бундай ўзгаришларни ретроспектив тарзда қўллаши лозим.
- 20 Мазкур стандарт мақсадларида, муайян МҲХСни муддатидан олдин қўлланиши ҳисоб сиёсатидаги ихтиёрий ўзгариш бўлиб ҳисобланмайди.
- 21 Бирор операция, бошқа ҳодиса ёки ҳолатга нисбатан қўлланадиган алоҳида МҲХС мавжуд бўлмаганда, раҳбарият 12-бандга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби бўйича стандартларни ишлаб чиқишда ўхшаш концептуал асосдан фойдаланадиган стандартлар ишлаб чиқувчи бошқа органларнинг энг сўнгги баёнотларига асосланган ҳисоб сиёсатини қўллаши мумкин. Агар бу каби баёнотга ўзгартиришлар киритилгандан кейин ташкилот ҳисоб сиёсатини ўзгартиришга қарор қилса, бундай ўзгариш ҳисоб сиёсатидаги ихтиёрий ўзгариш тарзида ҳисобга олинади ва ёритиб берилади.

Ретроспектив қўллаш

- 22 23-бандни ҳисобга олган ҳолда, ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш 19(а) ёки (б)-бандларга мувофиқ ретроспектив тарзда қўлланганда, ташкилот тақдим қилинган энг олдинги давр учун ушбу ўзгариш хусусий капиталнинг таъсирланган компонентининг давр боши қолдигига ва ҳар бир тақдим қилинган ўтган давр учун ёритиб берилган бошқа қиёсий маълумотларга, янги ҳисоб сиёсати ҳар доим қўллангандек, тузатиш киритиши лозим.

Ретроспектив қўллашдаги чекловлар

- 23 Ретроспектив қўллаш 19(а) ёки (б)-бандларга мувофиқ талаб қилинганда, ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш ретроспектив тарзда қўлланиши лозим, бундан ўзгаришнинг бирор-бир даврга тегишли таъсирини ёки кумулятив таъсирини аниқлаш амалий имконсиз бўлган ҳолатлар мустасно.
- 24 Тақдим қилинган бир ёки ундан ортиқ ўтган даврларга тегишли қиёсий маълумотга нисбатан ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришнинг маълум даврга тегишли таъсирларини аниқлаш амалий имконсиз бўлганда, ташкилот янги ҳисоб сиёсатини ретроспектив қўллашни амалий имкони бўлган даврлардан энг олдингисини (бу жорий давр ҳам бўлиши мумкин) давр бошига бўлган активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматида нисбатан қўллаши лозим ва ушбу даврдаги хусусий капиталнинг ҳар бир таъсирланган компонентининг давр бошига қолдигига тегишли тузатиш киритиши лозим.
- 25 Янги ҳисоб сиёсатини барча ўтган даврларга нисбатан қўллашнинг жорий давр бошидаги кумулятив таъсирини аниқлаш амалий имконсиз бўлса, ташкилот янги ҳисоб сиёсатини қўллашнинг амалий имкони бўлган энг олдинги санадан бошлаб перспектив қўллаш учун қиёсий маълумотларга тузатиш киритиши лозим.
- 26 Ташкилот янги ҳисоб сиёсатини ретроспектив тарзда қўллаганда, у янги ҳисоб сиёсатини амалий қўллаш мумкин бўлган энг олдинги даврнинг қиёсий маълумотларига нисбатан қўллайди. Янги ҳисоб сиёсатини ўтган даврга нисбатан ретроспектив қўллаш, агар ушбу давр учун молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот суммаларининг давр бошига ва охирига қолдиқларига нисбатан кумулятив таъсирини аниқлашнинг амалий имкони бўлмаса, амалий имконсиз ҳисобланади. Молиявий ҳисоботда тақдим қилинган даврлардан олдинги даврлар учун тегишли тузатиш суммалари тақдим

қилинган энг олдинги даврдаги хусусий капиталнинг ҳар бир таъсирланган компонентининг давр бошига қолдиғига киритилади. Одатда, бундай тузатиш тақсимланмаган фойда орқали амалга оширилади. Лекин, бундай тузатиш (масалан, муайян МҲХСга мувофиқ бўлиши учун) хусусий капиталнинг бошқа компоненти орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, ўтган даврларга тегишли ҳар қандай бошқа маълумот, масалан молиявий маълумотларнинг ўтган давр жамланмаси, амалий имкони бўлган энг олдинги даврдан бошлаб тузатилади.

- 27 Ташкилот янги ҳисоб сиёсатини барча ўтган даврларга нисбатан қўллашнинг кумулятив таъсирини аниқлай олмаганлиги сабабли, ушбу сиёсатни ретроспектив тарзда қўллашнинг амалий имкони бўлмаган ҳолларда, 25-бандга мувофиқ, янги ҳисоб сиёсатини қўллашнинг амалий имкони бўлган энг олдинги даврнинг бошидан перспектив тарзда қўллайди. Шунинг учун, ташкилот ушбу санадан олдин юзага келадиган активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталга нисбатан кумулятив тузатиш қисмини ҳисобга олмайди. Ҳисоб сиёсатини, ҳаттоки уни ҳар қандай ўтган даврга нисбатан перспектив қўллашни амалий имкони бўлмаса ҳам, ўзгартиришга руҳсат этилади. 50–53-бандларда янги ҳисоб сиёсатини бир ёки ундан ортиқ ўтган даврларга нисбатан қўллаш амалий имконсиз бўлган ҳоллар бўйича кўрсатмалар келтирилган.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 28 Муайян МҲХСни дастлабки қўллаш жорий даврга ёки ҳар қандай ўтган даврга таъсир кўрсатганда ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, лекин тузатиш суммасини аниқлаш амалий имконсиз бўлганда ёки келгуси даврларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлганда, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:

- (а) ушбу МҲХСнинг номи;
- (б) тегишли бўлганда, ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш ушбу стандартнинг ўтиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилганлигини;
- (в) ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришнинг характери;
- (г) тегишли бўлганда, ўтиш қоидаларининг тавсифини;
- (д) тегишли бўлганда, келгуси даврларга таъсир қилиши мумкин бўлган ўтиш қоидаларини;
- (е) жорий давр ва ҳар бир тақдим этилган ўтган давр учун амалий имкони бўлган даражада қуйидагилар бўйича тузатиш суммасини:
 - (i) молиявий ҳисоботнинг таъсирланган ҳар бир моддаси; ва
 - (ii) агар 33-сон БҲХС “*Бир акцияга тўғри келадиган фойда*” ушбу ташкилотга нисбатан қўлланса, бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичлар;
- (ё) амалий имкони бўлган даражада тақдим қилинган даврлардан олдинги даврларга тегишли бўлган тузатиш суммасини; ва
- (ж) агар 19(а) ёки (б)-бандларда талаб этилган ретроспектив қўллаш бирор ўтган давр учун ёки тақдим қилинган даврлардан олдинги даврлар учун амалий имконсиз бўлса, бундай вазият бўлишига олиб келган ҳолат ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш қачондан бошлаб ва қандай қўлланганлигининг тавсифини.

Кейинги даврларнинг молиявий ҳисоботида юқорида қайд этилган маълумотларни қайтадан ёритиб бериш талаб этилмайди.

- 29 Ҳисоб сиёсатидаги ихтиёрий ўзгариш жорий даврга ёки ҳар қандай ўтган даврга таъсир кўрсатганда ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, лекин тузатиш суммасини аниқлаш амалий имконсиз бўлганда ёки келгуси даврларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлганда, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:

- (а) ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришнинг характери;
- (б) янги ҳисоб сиёсатини қўллаш ишончли ва ўринлироқ маълумот беришининг сабабларини;
- (в) жорий давр ва ҳар бир тақдим этилган ўтган давр учун амалий имкони бўлган даражада қуйидагилар бўйича тузатиш суммасини:
 - (i) молиявий ҳисоботнинг таъсирланган ҳар бир моддаси; ва

- (ii) агар 33-сон БҲХС “*Бир акцияга тўғри келадиган фойда*” ушбу ташкилотга нисбатан қўлланса, бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичлар;
- (г) тақдим қилинган даврлардан олдинги даврларга тегишли бўлган амалий имкони бўлган даражадаги тузатиш суммасини; ва
- (д) агар ретроспектив қўллаш бирор ўтган давр учун ёки тақдим қилинган даврлардан олдинги даврлар учун амалий имконсиз бўлса, бундай вазият бўлишига олиб келган ҳолат ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш қачондан бошлаб ва қандай қўлланганлигининг тавсифини.
- Кейинги даврларнинг молиявий ҳисоботида юқорида қайд этилган маълумотларни қайтадан ёритиб бериш талаб этилмайди.
- 30 Ташкилот эълон қилинган, лекин ҳали кучга кирмаган янги МҲХСни қўлламаган бўлса, қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ушбу фактни; ва
- (б) дастлабки қўллаш даврида ушбу янги МҲХСни қўллаш ташкилот молиявий ҳисоботида кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини баҳолаш учун маълум бўлган ёки асосланган тарзда баҳоланиши мумкин бўлган ўринли маълумотларни.
- 31 30-банднинг талабларига мувофиқ, ташкилот қуйидагиларни ёритиб беришни кўриб чиқади:
- (а) янги МҲХСнинг номи;
- (б) ҳисоб сиёсатига киритиладиган ўзгаришлар ёки ўзгаришларнинг характери;
- (в) МҲХСни қўллаш бошланиши талаб этиладиган сана;
- (г) ташкилот ушбу МҲХСни дастлабки қўллашни қайси санадан бошлашни режалаштирганлиги; ва
- (д) қуйидаги маълумотлардан бири:
- (i) МҲХСни дастлабки қўллаш ташкилотнинг молиявий ҳисоботида кутилаётган таъсирини муҳокама қилиш; ёки
- (ii) агар бундай таъсир номаълум ёки асосланган тарзда баҳолана олмаса, бу тўғрисида баёнот бериш.

Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар

- 32 Хўжалик фаолиятига хос бўлган ноаниқликлар натижасида, молиявий ҳисоботдаги кўп моддалар аниқ баҳолана олмайди, балки фақат ҳисоб баҳоси орқали баҳоланиши мумкин. Ҳисоб баҳолари энг сўнгги ва ишончли маълумотга асосланган мулоҳазаларни ўз ичига олади. Масалан, қуйидагиларга нисбатан ҳисоб баҳолари талаб этилиши мумкин:
- (а) умидсиз қарзлар;
- (б) захираларнинг жисмоний эскириши;
- (в) молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қиймати;
- (г) эскириш ҳисобланадиган активларнинг фойдали хизмат муддати ёки уларда мужассамлашган келгуси иктисодий нафларнинг кутилаётган истеъмоли характери; ва
- (д) кафолат мажбурияти.
- 32А–32Б *[Ушбу бандлар кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутади ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*
- 33 Асосланган ҳисоб баҳоларидан фойдаланиш молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг муҳим қисми ҳисобланади ва унинг ишончилигига зарар етказмайди.
- 34 Ҳисоб баҳосига асос бўлган вазиятларда ўзгаришлар рўй берганда ёки янги маълумотлар ёхуд кўпроқ тажриба тўпланиши натижасида ҳисоб баҳосини қайта кўриб чиқиш талаб этилиши мумкин. Ўз моҳиятига кўра, ҳисоб баҳосини қайта кўриб чиқиш ўтган даврларга алоқадор бўлмайди ва у хатони тузатиш бўлиб ҳисобланмайди.
- 34А *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутади ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*

- 35 Қўлланган баҳолаш асосидаги ўзгариш – бу ҳисоб баҳосидаги ўзгариш эмас, ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш ҳисобланади. Агар ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришни ҳисоб баҳосидаги ўзгаришдан фарқлаш қийин бўлса, бундай ўзгариш ҳисоб баҳосидаги ўзгариш тарзида ҳисобга олинади.
- 36 **37-банд қўлланадиган ўзгаришни истисно қилганда, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришнинг таъсири қуйидаги даврларда фойда ёки зарар таркибида акс эттириш орқали перспектив тарзда тан олинishi лозим:**
- (а) агар ўзгариш фақат у рўй берган даврга таъсир кўрсатса, ўзгариш рўй берган давр; ёки
- (б) агар ўзгариш ҳам у рўй берган ҳам келгуси даврларга таъсир кўрсатадиган бўлса, ўзгариш рўй берган давр ва келгуси даврлар.
- 37 **Ҳисоб баҳосидаги ўзгариш активлар ва мажбуриятлар ўзгаришига сабаб бўлса ёки хусусий капиталнинг бирор моддасига тегишли бўлса, у ҳолда ушбу ўзгариш тегишли активларнинг, мажбуриятларнинг ёки хусусий капитал моддасининг баланс қийматига тузатиш киритиш орқали ўзгариш рўй берган даврда тан олинishi лозим.**
- 38 Ҳисоб баҳосидаги ўзгаришнинг таъсирини перспектив тарзда тан олиш деганда ушбу ўзгаришни операциялар, бошқа ҳодисалар ва ҳолатларга нисбатан ўзгариш рўй берган санадан бошлаб қўллаш тушунилади. Ҳисоб баҳосидаги ўзгариш фақат жорий давр фойдаси ёки зарари ёхуд жорий ва келгуси даврларнинг фойдаси ёки зарарига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, умидсиз қарзлар суммаси баҳосидаги ўзгариш фақат жорий давр фойдаси ёки зарарига таъсир кўрсатади ва шу сабабли жорий даврда тан олинади. Лекин, эскириш ҳисобланадиган активларнинг фойдали хизмат муддати ёки уларда мужассамлашган келгуси иқтисодий нафлар истеъмолидаги ўзгариш жорий давр учун ва активнинг қолган фойдали хизмат муддати давомида ҳар бир келгуси давр учун эскириш харажатларига таъсир кўрсатади. Ҳар икки ҳолатда ўзгаришнинг жорий даврга тегишли бўлган таъсири жорий даврда даромад ёки харажат тарзида тан олинади. Бундай ўзгаришнинг келгуси даврларга тегишли бўлган таъсири, агар мавжуд бўлса, ўша келгуси даврларда даромад ёки харажат тарзида тан олинади.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 39 Ташкилот жорий даврга таъсир кўрсатадиган ёки келгуси даврларга таъсир кўрсатиши қутилаётган ҳисоб баҳосидаги ўзгаришнинг характерини ва суммасини ёритиб бериши лозим, бундан келгуси даврларга кўрсатадиган таъсирини, ушбу таъсирни баҳолаш амалий имконсиз бўлганда ёритиб бериш мустасно.
- 40 Агар келгуси даврлардаги таъсир суммаси, ушбу таъсирни баҳолаш амалий имконсиз бўлгани тўғрисида, ёритиб берилмаса, ташкилот бундай фактни ёритиб бериши лозим.

Хатолар

- 41 Молиявий ҳисоботнинг элементларини тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш ёки маълумотларни ёритиб беришда хатолар юзага келиши мумкин. Агар молиявий ҳисоботда муҳим хатолар ёки ташкилотнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ёки пул оқимларини муайян кўринишда тақдим этишга эришиш мақсадида атайлаб қилинган муҳим бўлмаган хатолар мавжуд бўлса, молиявий ҳисобот МҲХСга мувофиқ ҳисобланмайди. Жорий даврда аниқланган потенциал хатолар молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин тузатилиши лозим. Лекин, муҳим хатолар баъзида кейинги давргача аниқланмайди ва бундай ўтган давр хатолари мазкур кейинги даврнинг молиявий ҳисоботидаги қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаш орқали тузатилади (42–47-бандларига қаранг).
- 42 **43-бандда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, ташкилот ўтган даврнинг муҳим хатоларини, улар аниқлангандан кейин эълон қилиш учун маъқулланган молиявий ҳисоботнинг биринчи тўпламида қуйидагича ретроспектив тарзда тузатиши лозим:**
- (а) хато юзага келган, тақдим этилган ўтган давр(лар) учун қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаш орқали; ёки
- (б) агар хато тақдим этилган энг олдинги даврдан аввал юзага келган бўлса, энг олдинги тақдим этилган даврдаги активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталнинг давр бошига қолдиқларини қайта ҳисоблаш орқали.

Ретроспектив қайта ҳисоблашдаги чекловлар

- 43 Ўтган давр хатоси ретроспектив қайта ҳисоблаш орқали тузатилиши лозим, бундан хатонинг бирор-бир даврга тегишли таъсирини ёки кумулятив таъсирини аниқлаш амалий имконсиз бўлган ҳолатлар мустасно.
- 44 Такдим қилинган бир ёки ундан ортиқ ўтган даврлар учун қиёсий маълумотга нисбатан хатонинг бирор-бир даврга тегишли бўлган таъсирини аниқлаш амалий имконсиз бўлганда, ташкилот ретроспектив қайта ҳисоблашни амалий имкони бўлган энг олдинга давр бошига (бу жорий давр ҳам бўлиши мумкин) активларнинг, мажбуриятларнинг ва хусусий капиталнинг қолдиқларини қайта ҳисоблаши лозим.
- 45 Жорий даврнинг бошида хатонинг барча ўтган даврларга кумулятив таъсирини аниқлаш амалий имконсиз бўлганда, хатони перспектив тарзда тузатиш мақсадида, ташкилот қайта ҳисоблашни амалий имкони бўлган энг олдинги санадан бошлаб қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаши лозим.
- 46 Ўтган давр хатосини тузатиш суммаси хато аниқланган даврнинг фойда ёки зарари таркибида акс эттирилмайди. Ўтган даврлар тўғрисида такдим этилган ҳар қандай маълумот, шу жумладан молиявий маълумотларнинг ўтган давр жамланмаси, амалий имкони бўлган энг олдинги даврдан бошлаб қайта ҳисобланади.
- 47 Барча ўтган даврлар учун хато суммасини аниқлаш амалий имконсиз бўлганда (масалан, ҳисоб сиёсатини қўллашдаги хато), ташкилот 45-бандга мувофиқ, қиёсий маълумотларни хатолик суммасини аниқлашнинг амалий имкони бўлган энг олдинги санадан бошлаб перспектив тарзда қайта ҳисоблайди. Шунинг учун, ташкилот ушбу санадан олдин юзага келадиган активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални кумулятив қайта ҳисоблаш қисмини ҳисобга олмайди. 50–53-бандларда бир ёки ундан ортиқ ўтган даврларга нисбатан хатоларни тузатиш амалий имконсиз бўлган ҳоллар бўйича кўрсатмалар келтирилган.
- 48 Хатоларни тузатиш ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлардан фарқланади. Ҳисоб баҳолари, ўз моҳиятига кўра, қўшимча маълумот маълум бўлиши билан қайта кўриб чиқилиши талаб этилиши мумкин бўлган тахминий қийматлардир. Масалан, шартли ҳодиса натижасида тан олинган фойда ёки зарар хатони тузатиш бўлиб ҳисобланмайди.

Ўтган давр хатоларини ёритиб бериш

- 49 42-бандни қўллашда, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (a) ўтган давр хатосининг характери;
 - (b) такдим қилинган ҳар бир ўтган давр учун амалий имкони бўлган даражада тузатишнинг қуйидагилар бўйича суммаси:
 - (i) молиявий ҳисоботнинг таъсирланган ҳар бир моддаси; ва
 - (ii) агар 33-сон БҲХС “*Бир акцияга тўғри келадиган фойда*” ушбу ташкилотга нисбатан қўлланса, бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичлар;
 - (b) такдим қилинган энг олдинги давр бошига тузатиш суммаси; ва
 - (г) агар ретроспектив қайта ҳисоблаш бирор ўтган давр учун амалий имконсиз бўлса, бундай вазият бўлишига олиб келган ҳолат ва хато қачон ва қандай тузатилганлиги тавсифи.

Кейинги даврларнинг молиявий ҳисоботида юқорида қайд этилган маълумотларни қайтадан ёритиб бериш талаб этилмайди.

Ретроспектив қўллашнинг ва ретроспектив қайта ҳисоблашнинг амалий имконсизлиги

- 50 Баъзи ҳолларда, жорий давр билан қиёсланувчанликка эришиш учун бир ёки ундан ортиқ даврлар учун қиёсий маълумотни тузатишнинг амалий имкони бўлмайди. Масалан, янги ҳисоб сиёсатини ретроспектив қўллаш (шу жумладан 51-53-бандлар талабларига биноан уни ўтган даврларга нисбатан перспектив тарзда қўллаш) ёки ўтган давр хатосини тузатиш учун ретроспектив қайта ҳисоблаш имкониятини яратадиган тарздаги маълумотлар ўтган даврларда йиғилмаган бўлиши мумкин ва бундай маълумотларни қайтадан тиклаш амалий имконсиз бўлиши мумкин.

- 51 Кўпинча операциялар, бошқа ҳодисалар ва ҳолатлар бўйича тан олинган ёки ёритиб берилган молиявий ҳисобот элементларига нисбатан ҳисоб сиёсатини қўллашда ҳисоб баҳолари талаб этилади. Ҳисоб баҳолари, ўз моҳиятига кўра, субъективдир ва ҳисоб баҳолари ҳисобот давридан кейин олинishi мумкин. Ҳисоб сиёсатини ретроспектив қўллаш ёки ўтган давр хатосини тузатиш учун ретроспектив қайта ҳисоблашда ҳисоб баҳоларини олинishi таъсирланган операция, бошқа ҳодиса ёки ҳолат юзага келганидан кейин кўп вақт ўтган бўлиши мумкинлиги сабабли, эҳтимол, кийинроқдир. Лекин, ўтган даврларга тегишли ҳисоб баҳоларининг мақсади жорий даврда қилинган ҳисоб баҳолари, яъни операция, бошқа ҳодиса ёки ҳолат юзага келганда мавжуд бўлган вазиятни акс эттириш учун ҳисоб баҳосининг мақсади билан бир хил бўлиб қолади.
- 52 Шунинг учун, янги ҳисоб сиёсатини ретроспектив қўллаш ёки ўтган давр хатосини ретроспектив тарзда тузатиш қуйидаги маълумотларни бошқа маълумотлардан фарқлашни талаб этади:
- (а) операция, бошқа ҳодиса ёки ҳолат юзага келган сана(лар)га мавжуд бўлган вазиятлар тўғрисидаги далилни таъминлайдиган маълумот, ва
- (б) мазкур ўтган давр учун молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланган пайтда мавжуд бўлган маълумот.
- Баъзи турдаги ҳисоб баҳолари (масалан, аҳамиятли кузатилмайдиган манба маълумотларига таянган ҳолда ҳаққоний қийматни баҳолаш) бўйича бу каби маълумотларни фарқлашни амалий имкони бўлмайди. Ретроспектив қўллаш ёки ретроспектив қайта ҳисоблаш аҳамиятли ҳисоб баҳосини талаб этса ва бундай баҳо учун юқоридаги иккита турдаги маълумотларни фарқлашни амалий имкони бўлмаса, янги ҳисоб сиёсатини ретроспектив тарзда қўллаш ёки ўтган давр хатосини ретроспектив тарзда тузатишни амалий имкони бўлмайди.
- 53 Янги ҳисоб сиёсатини ўтган даврга нисбатан қўллашда ёки ўтган даврдаги суммаларни тузатишда раҳбариятнинг ўтган даврларда қандай мақсадлари бўлганлиги тўғрисида фараз қилишда ёхуд ўтган даврда тан олинган, баҳоланган ёки ёритиб берилган суммаларни тахминий баҳолашда кейинчалик олинган маълумотдан фойдаланмаслик лозим. Масалан, ташкилот ходимларнинг касаллик туфайли жамғарилган таътиллари бўйича мажбуриятни 19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*”га мувофиқ ҳисоблашда ўтган давр хатосини тузатганда, ўтган даврнинг молиявий ҳисоботини эълон қилиш учун маъқуллангандан кейин маълум бўлган кейинги давр мобайнида кучли грип сезони бўлиши тўғрисидаги маълумотни инobatга олмайди. Ўтган даврлар учун тақдим қилинган киёсий маълумотлар ўзгартирилганда, одатда, аҳамиятли ҳисоб баҳолари талаб қилиниши факти киёсий маълумотларга ишончли тарзда тузатиш киритишга ёки тўғрилашга тўсқинлик қилмайди.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 54 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот ушбу стандартни 2005 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 54А [чиқариб ташланган]
- 54Б [чиқариб ташланган]
- 54В 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*” бўйича 52-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 54Г [Чиқариб ташланган]
- 54Д 2014 йил июл ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*” бўйича 53-бандга ўзгартириш киритилган ва 54А, 54Б, 54Г-бандлари чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 54Е 2018 йилда эълон қилинган “*МҲХСдаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар*” бўйича 6 ва 11(б)-бандларга ўзгартириш киритилган. Ушбу ўзгартиришлар ташкилотлар томонидан 2020 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Агар ташкилот бир вақтнинг ўзида “*МҲХСдаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар*” бўйича киритилган барча ўзгартиришларни қўлласа, бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Мазкур стандартга мувофиқ, ташкилот 6 ва 11(б)-бандларга киритилган ўзгартиришларни ретроспектив тарзда қўллаши лозим. Лекин, ташкилот ретроспектив қўллаш амалий имконсиз ёки ортиқча сарф ёки ҳаракат талаб этилишини аниқласа, 6 ва 11(б) бандларга киритилган ўзгартиришларни мазкур стандартнинг 23-28-бандларига мувофиқ қўллаши лозим. Агар “*МҲХСдаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар*”даги бирор ўзгартиришни ретроспектив қўллаш ортиқча сарф ёки ҳаракатни

талаб этса, ташкилот мазкур стандартнинг 23-28-бандларини қўллашда, “амалий қўллаш имконсиз” жумласини 27-банддаги охирига гапдан ташқари барча ҳаволаларда “ортиқча сарф ёки ҳаракатни талаб этади” каби ўқиш ва “амалий қўллаш мумкин” жумласини барча ҳаволаларда “ортиқча сарф ёки ҳаракатсиз” каби ўқиши лозим.

- 54Ё Агар ташкилот 14-сон МҲХС “*Кечиктирилган тариф фарқлари счети*” ни қўлламаса, 116 бандни кечиктирилган тариф фарқлари счети қолдиғига нисбатан қўллашда, “*Концептуал асос*” ўрнига “*Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асоси*”³даги таърифлар, тан олиш мезонлари ва баҳолаш концепцияларини назарда тутати ва қўллашни кўриб чиқади. Тарифлар фарқи счети қолдиғи - бу харажатлар (ёки даромадлар) счети қолдиғи бўлиб, бошқа қўлланиши мумкин бўлган МҲХСга мувофиқ актив ёки мажбурият сифатида тан олинмайди, лекин харидорлардан олинадиган таърифларни тартибга солувчи орган томонидан белгиланадиган ҳисоб-китобга киритилади ёки киритилиши кутилади. Тарифларни тартибга солувчи орган - бу қонунчилик ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан ташкилот учун мажбурий бўлган таъриф ёки таърифлар оралигини белгилаш учун ваколатли бўлган органдир. Агар тарифларни тартибга солувчи орган қонунчилик ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан ҳам харидорларни манфаатини кўзлаб ҳам ташкилотнинг умумий молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида таърифларни белгилаши талаб этилса, бундай орган ташкилот учун учинчи томон ёки ташкилотнинг хусусий бошқарув органини ўз ичига оладиган боғлиқ томон сифатида намоён бўлиши мумкин.
- 54Ж 2018 йил октябрь ойида эълон қилинган “*Муҳимлик таърифи*” (1-сон БҲХС ва 8-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 1-сон БҲХСнинг 7-бандига, 8-сон БҲХСнинг 5-бандига ўзгартириш киритилган ва 8-сон БҲХСнинг 6-банди чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2000 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун перспектив қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 54З [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]

Бошқа ҳужжатлар ўз кучини йўқотиши

- 55 Мазкур стандарт 1993 йил таҳририда бўлган 8-сон БҲХС “*Давр соф фойдаси ёки зарари, фундаментал хатолар ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар*”ни ўрнини эгаллайди.
- 56 Мазкур стандарт қуйидаги шарҳларни ўрнини эгаллайди:
- (а) 2-сон ШДҚ “*Изчиллик—қарзлар бўйича харажатларни капиталлаштириш*”; ва
 - (б) 18-сон ШДҚ “*Изчиллик—муқобил усуллар*”.

³ Ушбу ҳавола 2001 йилда Кенгаш томонидан қабул қилинган БҲХСҚнинг “*Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асоси*”ни назарда тутати.

[Мухаррир изоҳи: 2001 йилда Кенгаш томонидан қабул қилинган БҲХСҚнинг “*Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асоси*”дан кўчирма МҲХС фонди вебсайтининг “МҲХС стандартларини тадбиқ этиш бўйича материаллар” қисмидаги “Тадбиқ этиш материаллари”да берилган 8-сон БҲХСда мавжуд.]

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
6-ИЛОВА

10-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади қуйидагиларни белгилашдан иборат:
- (a) ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар бўйича ташкилот молиявий ҳисоботига тузатишлар киритиши зарур бўлган ҳолатлар;
 - (б) ташкилот томонидан унинг молиявий ҳисоботини эълон қилиш учун маъқулланган сана ва ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар тўғрисида ёритиб бериладиган маълумотлар.
- Шунингдек, мазкур стандарт, агар ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар фаолият узлуксизлиги тамойили ўринли эмаслигини кўрсатса, ташкилотнинг молиявий ҳисоботи фаолият узлуксизлиги асосида тайёрланмаслигини талаб этади.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт ҳисобот давридан кейинги ҳодисаларни ҳисобга олиш ва уларни ёритиб беришда қўлланиши лозим.

Таърифлар

- 3 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар* - ҳисобот даври охиридаги сана ва молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланган сана оралиғида содир бўлган ижобий ва салбий ҳодисалардир. Бундай ҳодисаларнинг икки тури мавжуд:
- (a) ҳисобот даврининг охирида мавжуд бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳодисалар (*ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этадиган ҳодисалар*);
 - (б) ҳисобот давридан кейин юзага келган ҳолатларни кўрсатадиган ҳодисалар (*ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этмайдиган ҳодисалар*).
- 4 Молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқуллаш жараёни бошқарув тузилмаси, қонунчилик талаблари ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва якуний расмийлаштириш тартибига қараб фаркланади.
- 5 Баъзи ҳолларда, ташкилот молиявий ҳисоботни эълон қилганидан сўнг уни акциядорларга тасдиқлаш учун тақдим этиши талаб этилади. Бундай ҳолларда, молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланган сана акциядорлар уни тасдиқлаган сана эмас, балки у эълон қилинган сана ҳисобланади.

Мисол

Ташкилот раҳбарияти 20X1 йил 31 декабрда тугайдиган йил учун молиявий ҳисоботнинг дастлабки лойиҳасини 20X2 йил 28 февралда яқунлади. 20X2 йил 18 мартда директорлар кенгаши молиявий ҳисоботни кўриб чиқди ва уни эълон қилиш учун маъқуллади. Ташкилот 20X2 йил 19 мартда ўз фойдаси ва бошқа танланган молиявий маълумотларни эълон қилди. Молиявий ҳисобот акциядорлар ва бошқаларга 20X2 йил 1 апрелда тақдим этилди. Акциядорлар молиявий ҳисоботни 20X2 йил 15 майда ўтказилган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тасдиқлади ва тасдиқланган молиявий ҳисобот тартибга солувчи давлат органига 20X2 йил 17 майда топширилди.

Мисол
<i>Молиявий ҳисобот 20X2 йил 18 мартда эълон қилиши учун маъқулланди (Директорлар кенгаши молиявий ҳисоботни эълон қилиши учун маъқуллаган сана).</i>

- 6 Баъзи ҳолларда ташкилот раҳбарияти молиявий ҳисоботни тасдиқлаш учун (фақат ижрочи бўлмаган директорлардан ташкилот топган) кузатув кенгашига тақдим этиши талаб қилинади. Бундай ҳолларда молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланган сана бўлиб, раҳбарият уни кузатув кенгашига чиқариш учун маъқуллаган сана ҳисобланади.

Мисол
Ташкилот раҳбарияти 20X2 йил 18 мартда молиявий ҳисоботни кузатув кенгашига чиқариш учун маъқуллади. Кузатув кенгаши фақат ижрочи бўлмаган директорлардан ташкилот топган бўлиб, таркибига ходимлар вакиллари ва бошқа ташкилот манфаатдор шахслар кириши мумкин. Кузатув кенгаши 20X2 йил 26 мартда молиявий ҳисоботни тасдиқлади. Молиявий ҳисобот акциядорлар ва бошқаларга 20X2 йил 1 апрелда тақдим этилди. Акциядорлар молиявий ҳисоботни 20X2 йил 15 майда ўтказилган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида тасдиқлади ва ушбу молиявий ҳисобот 20X2 йил 17 майда тартибга солувчи давлат органига топширилди. <i>Молиявий ҳисобот 20X2 йил 18 мартда эълон қилиши учун маъқулланган (раҳбарият молиявий ҳисоботни кузатув кенгашига чиқариши учун маъқуллаган сана).</i>

- 7 Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланган санага қадар содир бўлган барча ҳодисаларни, ҳатто бу ҳодисалар фойда ва бошқа танланган молиявий маълумотлар оммавий эълон қилингандан кейин рўй берган бўлса ҳам, камраб олади.

Тан олиш ва баҳолаш

Ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этадиган ҳодисалар

- 8 Ташкилот ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этадиган ҳодисаларни акс эттириш учун молиявий ҳисоботда тан олинган суммаларга тузатишлар киритиши лозим.
- 9 Қуйида ташкилотнинг молиявий ҳисоботида тан олинган суммаларга тузатишлар киритишни ёки олдин тан олинмаган моддаларни тан олишни талаб этадиган ҳисобот давридан кейинги ҳодисаларга мисоллар берилган:
- (а) ташкилот ҳисобот даврининг якунида мавжуд жавобгарлик борлигини тасдиқловчи суд иши юзасидан ҳисобот давридан кейинги суд қарори. Ташкилот ушбу суд иши юзасидан олдин тан олинган ҳар қандай баҳоланган мажбуриятга 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”га мувофиқ тузатиш киритади ёки янгидан баҳоланган мажбуриятни тан олади. Суд қарори 37-сон БҲХСнинг 16-бандига мувофиқ инobatта олинмаган қўшимча далилларни тақдим этганлиги сабабли, ташкилот фақат шартли мажбуриятни ёритиб бериши етарли бўлмайди.
 - (б) ҳисобот давридан кейин активнинг ҳисобот даври охирида қадрсизланганлиги тўғрисида ёки бундай актив бўйича олдин тан олинган қадрсизланиш зарари суммасига тузатиш киритилиши лозимлиги тўғрисидаги маълумот олинishi. Масалан:
 - (i) ҳисобот давридан кейин харидорнинг банкрот бўлиши, одатда, ҳисобот даври охирида бу харидорнинг кредит қиймати қадрсизланганини тасдиқлайди;
 - (ii) захираларнинг ҳисобот давридан кейин сотилиши ушбу захираларнинг ҳисобот даврининг охиридаги соф сотиш қиймати тўғрисида маълумот бериши мумкин.
 - (в) ҳисобот даври охирига қадар харид қилинган активларнинг таннархи ёки сотилган активлардан пул маблағлари тушишининг ҳисобот давридан кейин аниқланиши.
 - (г) ҳисобот давридан кейин фойдани тақсимлаш ёки бонус суммасининг аниқланиши, агар ташкилот ҳисобот даври охирида бу санадан олдин юз берган ҳодисалар натижасида бундай

тўловларни амалга ошириш бўйича мавжуд юридик ёки конструктив жавобгарликка эга бўлган бўлса (19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*”га қаранг).

- (д) молиявий ҳисоботнинг нотўғри эканини кўрсатувчи фирибгарлик ёки хатоларнинг топилиши.

Ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этмайдиган ҳодисалар

- 10 Ташкилот ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этмайдиган ҳодисаларни акс эттириш учун молиявий ҳисоботда тан олинган суммаларга тузатишлар киритмаслиги лозим.
- 11 Ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этмайдиган ҳодисага мисол тариқасида инвестиция ҳаққоний қийматининг ҳисобот даврининг охири ва молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланган сана оралиғида пасайишини келтириш мумкин. Ҳаққоний қийматдаги бундай пасайиш, одатда, ҳисобот даври охиридаги инвестициялар ҳолатига боғлиқ эмас, балки кейинги даврда юзага келган ҳолатни акс эттиради. Шунинг учун, ташкилот молиявий ҳисоботда инвестициялар бўйича тан олинган қийматларга тузатиш киритмайди. Шу каби, ташкилот инвестициялар учун, гарчи 21-бандга биноан қўшимча маълумотларни ёритиб бериш талаб этилган бўлса ҳам, ҳисобот даврининг охирида ёритиб берган қийматларга аниқлик киритмайди.

Дивидендлар

- 12 Агар ташкилот улушли инструмент эгаларига дивидендларни (32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиши*” да таърифланганидек) ҳисобот давридан кейин эълон қилса, ташкилот бу дивидендларни ҳисобот даври охирида мажбурият сифатида тан олмайди.
- 13 Агар дивидендлар ҳисобот даври тугаганидан сўнг, аммо молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланган санага қадар эълон қилинса, дивидендлар ҳисобот даврининг охирида мажбурият сифатида тан олинмайди, чунки ҳисобот даври охирида бундай жавобгарлик мавжуд бўлмаган. Бундай дивидендлар 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиши*”га мувофиқ изоҳларда ёритиб берилади.

Фаолият узлуксизлиги

- 14 Агар ҳисобот давридан кейин ташкилот раҳбарияти ташкилотни тугатиш ёки тижорат фаолиятини тўхтатишга қарор қилса ёки бундай чораларни амалга оширишдан бошқа муқобил чораси бўлмаса, ташкилот молиявий ҳисоботни фаолият узлуксизлиги асосида тайёрламаслиги лозим.
- 15 Ҳисобот давридан кейин операцион натижалар ва молиявий ҳолатнинг ёмонлашуви фаолият узлуксизлиги тамойилини қўллаш қай даражада ўринлилигини қайта кўриб чиқиш заруриятини кўрсатиши мумкин. Агар фаолият узлуксизлиги тамойилини қўллаш ўринли бўлмаса, бунинг таъсири шу қадар катта бўладики, мазкур стандарт бухгалтерия ҳисобининг олдинги қўлланган асосига мувофиқ тан олинган суммаларга тузатиш киритишни эмас, балки бухгалтерия ҳисоби асосини фундаментал ўзгартиришни талаб этади.
- 16 1-сон БҲХС қуйидаги ҳолатларда ёритиб берилиши талаб этиладиган маълумотларни белгилайди:
- (а) молиявий ҳисобот фаолият узлуксизлиги асосида тайёрланмаган бўлса; ёки
- (б) ташкилот раҳбарияти фаолият узлуксиз давом этишини аҳамиятли шубҳа остига қўядиган ҳодиса ёки ҳолатларга боғлиқ бўлган муҳим ноаниқликлар тўғрисида маълумотга эга бўлса. Маълумотларни ёритиб беришни талаб этиладиган ҳодиса ёки ҳолатлар ҳисобот давридан кейин юзага келиши мумкин.

Маълумотларни ёритиб бериш

Эълон қилиш учун маъқулланган сана

- 17 Ташкилот молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланган санани ва ким томонидан маъқулланганлиги тўғрисидаги маълумотни ёритиб бериши лозим. Агар ташкилот

мулкдорлари ёки бошқа томонлар молиявий ҳисобот эълон қилинганидан кейин унга ўзгартириш киритиш ваколатига эга бўлса, ташкилот бу фактни ёритиб бериши лозим.

- 18 Фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланган санани билиш муҳим, чунки молиявий ҳисоботда бу санадан кейинги ҳодисалар акс этмайди.

Ҳисобот даври охиридаги ҳолатлар тўғрисида ёритиб бериладиган маълумотларга аниқлик киритиш

- 19 Агар ҳисобот давридан кейин ташкилот ҳисобот даври охирида мавжуд бўлган ҳолатлар тўғрисида маълумот олган бўлса, ташкилот мазкур янги маълумотлар асосида ушбу ҳолатларга оид ёритиб берилган маълумотларга аниқлик киритиши лозим.

- 20 Баъзи ҳолларда, ташкилот ҳисобот давридан кейин олинган маълумотни акс эттириш учун, бундай маълумот молиявий ҳисоботда тан олинган суммаларга таъсир қилмаса ҳам, молиявий ҳисоботда ёритиб берилган маълумотларга аниқлик киритиши лозим. Ёритиб берилган маълумотларга аниқлик киритишга мисол сифатида ҳисобот даврининг охирида мавжуд бўлган шартли мажбурият бўйича ҳисобот давридан кейин олинган маълумотларни келтириш мумкин. Ташкилот янги маълумот асосида нафақат 37-сон БҲХСга мувофиқ баҳоланган мажбуриятни тан олиши ёки ўзгартириши лозимлигини кўриб чиқади, балки шартли мажбурият тўғрисидаги ёритиб бериладиган маълумотларга аниқлик киритади.

Ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этмайдиган ҳодисалар

- 21 Агар ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этмайдиган ҳодисалар муҳим бўлса, улар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бермаслик фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилинадиган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши асосланган тарзда қутилиши мумкин. Шунга кўра, ташкилот ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этмайдиган ҳодисаларнинг ҳар бир муҳим тоифаси бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:

- (а) ҳодисанинг характери;
- (б) унинг молиявий таъсирини ҳисоб баҳоси ёки бундай ҳисоб баҳосининг имконсизлиги баёоти.

- 22 Қуйида маълумотларни ёритиб берилиши талаб этиладиган, ҳисобот давридан кейинги, тузатиш талаб этмайдиган ҳодисаларга мисоллар келтирилган:

- (а) ҳисобот давридан кейинги йирик бизнес бирлашуви (бундай ҳолатларда 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” муайян маълумотлар ёритиб берилишини талаб этади) ёки йирик шўъба ташкилотининг чиқиб кетиши;
- (б) фаолиятни тугатиш режасини эълон қилиш;
- (в) аҳамиятли суммадаги активларни сотиб олиш, 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган активларнинг таснифланиши, активларнинг бошқача йўллар билан чиқиб кетиши ёки давлат томонидан аҳамиятли активларнинг мусодара қилиниши;
- (г) ҳисобот давридан кейин ёнғин натижасида йирик ишлаб чиқариш қувватларининг вайрон бўлиши;
- (д) кенг кўламли реструктуризация режасини эълон қилиш ёки уни амалга оширишни бошлаш (37-сон БҲХСга қаранг);
- (е) ҳисобот давридан кейин оддий ва потенциал оддий акциялар билан амалга оширилган йирик операциялар (33-сон БҲХС “*Бир акцияга тўғри келадиган фойда*” ташкилотдан бундай операцияларнинг тавсифини ёритиб беришни талаб этади, лекин бундай операцияларга 33-сон БҲХСга мувофиқ тузатишлар киритилиши лозим бўлган капиталлаштириш ёки акцияларни имтиёзли шартларда муомалага чиқариш, акциялар бўлиниши ёки акцияларни яхлитлашни ўз ичига оладиган операциялар киритилмайди);
- (ё) ҳисобот давридан кейин активлар нархлари ёки валюта айрибошлаш курсларидаги гайриоддий даражадаги катта ўзгаришлар;

- (ж) амалдаги ёки ҳисобот давридан кейин эълон қилинган солиқ ставкалари ёки солиқ қонунчилигидаги, жорий ва кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларига аҳамиятли таъсир қиладиган ўзгаришлар (12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*”га қаранг);
- (з) аҳамиятли мажбуриятлар ёки аҳамиятли шартли мажбуриятларни олиш, масалан, аҳамиятли суммадаги кафолат бериш орқали;
- (и) фақат ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар билан боғлиқ йирик суд ишининг бошланиши.

Кучга кириш санаси

- 23 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот ушбу стандартни 2005 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 23А 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС бўйича 11-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 23Б 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*” бўйича 9-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 23В 2018 йил октябрь ойида эълон қилинган “*Мухимлик таъриф*” (1-сон БҲХС ва 8-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 21-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2000 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун перспектив қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 1-сон БҲХСнинг 7-банди ва 8-сон БҲХСнинг 5 ва 6-бандларидаги муҳимлик таърифига ўзгартиришлар билан биргаликда қўллаши лозим.

10-сон БҲХС (1999 йилдаги таҳририда) ўз кучини йўқотиши

- 24 Мазкур стандарт 1999 йил таҳриридаги 10-сон БҲХС “*Бухгалтерия баланси санасидан кейинги ҳодисалар*”нинг ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
7-ИЛОВА

12-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Фойда солиқлари

Мақсад

Мазкур стандартнинг мақсади фойда солиқларини ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборат. Фойда солиқлари ҳисобининг асосий масаласи қуйидагиларга нисбатан жорий ва келгуси солиқ оқибатларини қандай ҳисобга олинишидир:

- (а) ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида тан олинган активлар (мажбуриятлар) баланс қийматининг келгусида қопланиши (сўндирилиши); ва
- (б) ташкилотнинг молиявий ҳисоботида тан олинган жорий даврдаги операциялар ва бошқа ҳодисалар.

Одатда, актив ёки мажбуриятнинг тан олиниши ташкилот томонидан ушбу актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматини қопланиши ёки сўндирилишини назарда тутаяди. Агар ушбу баланс қийматининг қопланиши ёки сўндирилиши келгуси солиқ тўловлари суммасини бундай қоплаш ёки сўндиришнинг солиқ оқибатлари бўлмаган тақдирда аниқланадиган суммасидан кўпроқ (камроқ) бўлиши эҳтимоли бўлса, мазкур стандарт, муайян чегараланган истисно ҳолатлардан ташқари, ташкилот томонидан кечиктирилган солиқ мажбурияти (кечиктирилган солиқ активи) тан олинишини талаб этади.

Мазкур стандарт ташкилотдан операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг солиқ оқибатларини бундай операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг ўзини қандай ҳисобга олган бўлса, шу тарзда ҳисобга олишни талаб қилади. Шунинг учун, фойда ёки зарар таркибида тан олинган операциялар ва бошқа ҳодисалар бўйича ҳар қандай тегишли солиқ таъсирлари ҳам фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Фойда ёки зарар таркибида тан олинмаган (яъни бошқа умумлашган даромадда ёки бевосита хусусий капиталда тан олинган) операциялар ва бошқа ҳодисалар бўйича ҳар қандай тегишли солиқ таъсирлари ҳам фойда ёки зарар таркибида тан олинмайди (яъни мос равишда бошқа умумлашган даромадда ёки бевосита хусусий капиталда тан олинади). Шу каби бизнес бирлашувида кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларининг тан олиниши бундай бизнес бирлашувида юзага келадиган гудвил суммасига ёки манфаатли харид қилишдан тан олинмаган фойда суммасига таъсир кўрсатади.

Мазкур стандарт, шунингдек, фойдаланилмаган солиқ зарарларидан ёки фойдаланилмаган солиқ имтиёзларидан келиб чиқадиган кечиктирилган солиқ активларини тан олиш, фойда солиқларини молиявий ҳисоботда акс эттириш ва фойда солиқларига тегишли маълумотларни ёритиб беришни қамраб олади.

Қўллаш доираси

- 1 **Мазкур стандарт фойда солиқларини ҳисобга олишда қўлланиши лозим.**
- 2 Мазкур стандарт мақсадларида, фойда солиқлари ўз ичига солиқ солинадиган фойдалардан олинмаган барча миллий ва чет элдаги фаолият бўйича солиқларни олади. Фойда солиқлари ўз ичига шўъба ташкилотлар, таъсир остидаги ташкилотлар ёки қўшма корхоналар томонидан ҳисобот берувчи ташкилот фойдасига тақсимланадиган суммалардан олинмаган ва тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқларни ҳам олади.
- 3 [Чиқариб ташланган]
- 4 Мазкур стандартда давлат грантлари (20-сон БҲХС “*Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*” га қаранг) ёки инвестицияга оид солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш усуллари қўриб чиқилмайди. Лекин мазкур стандарт бундай грантлардан ёки инвестицияга оид солиқ имтиёзларидан юзага келадиган вақтинчалик фарқларнинг ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

Таърифлар

- 5 **Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:**

Бухгалтерия фойдаси давр учун фойда солиғи харажати чегириб ташланишидан олдинги фойда ёки зарардир.

Солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари) – бу солиқ органлари томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланган(аниқланадиган) ва натижада фойда солиқлари тўланадиган (қопланадиган) давр учун фойда (зарар) ҳисобланади.

Фойда солиғи харажати (фойда солиғи даромади) –бу жорий ва кечиктирилган солиқ бўйича давр фойдаси ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинган жамланган суммадир.

Жорий солиқ - бу давр учун солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари) бўйича тўланадиган (қопланадиган) фойда солиқлари суммасидир.

Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари - бу солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича келгуси даврларда тўланадиган фойда солиқлари суммасидир.

Кечиктирилган солиқ активлари – қуйидагилар бўйича фойда солиқларининг келгуси даврларда қопланадиган суммасидир:

- (а) чегириладиган вақтинчалик фарқлар;
- (б) келгуси даврларга ўтказилган фойдаланилмаган солиқ зарарлари; ва
- (в) келгуси даврларга ўтказилган фойдаланилмаган солиқ имтиёзлари.

Вақтинчалик фарқлар – бу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган активнинг ёки мажбуриятнинг баланс қиймати ва унинг солиқ базаси ўртасидаги фарқлардир. Вақтинчалик фарқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- (а) **солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар** - тегишли актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати қопланадиган ёки сўндириладиган келгуси даврларнинг солиқ солинадиган фойдасини (солиқ зарарини) ҳисоблашда солиқ солинадиган суммаларни юзага келтирадиган вақтинчалик фарқлар; ёки
- (б) **чегириладиган вақтинчалик фарқлар** - тегишли актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати қопланадиган ёки сўндириладиган келгуси даврларнинг солиқ солинадиган фойдасини (солиқ зарарини) ҳисоблашда чегириладиган суммаларни юзага келтирадиган вақтинчалик фарқлар.

Актив ёки мажбуриятнинг **солиқ базаси** – тегишли актив ёки мажбуриятнинг солиқ мақсадларида аниқланадиган қийматидир.

- 6 Фойда солиғи харажати (фойда солиғи даромади) жорий фойда солиғи бўйича харажатни (жорий фойда солиғи бўйича даромадни) ҳамда кечиктирилган фойда солиғи бўйича харажатни (кечиктирилган фойда солиғи бўйича даромадни) камраб олади.

Солиқ базаси

- 7 Активнинг солиқ базаси – бу активнинг баланс қиймати қопланганда ташкилотга келадиган ҳар қандай солиқ солинадиган иқтисодий нафлардан солиқ мақсадларида чегириладиган суммадир. Агар бундай иқтисодий нафларга солиқ солинмаса, активнинг солиқ базаси унинг баланс қийматига тенг бўлади.

Мисоллар	
1	Ускунанинг таннархи 100 га тенг. Солиқ мақсадларида 30 га тенг эскириш қиймати жорий ва ўтган даврларда чегириб ташланган, қолган қиймати келгуси даврларда ускунанинг эскириши суммаси тарзида ёки унинг чиқиб кетишида чегириладиган сумма тарзида чегирилиши мумкин. Ускунадан фойдаланиш натижасида олинадиган тушумга солиқ солинади, ускунани ҳисобдан чиқаришдан олинадиган ҳар қандай фойдага солиқ солинади, бундай ҳисобдан чиқаришдан кўриладиган ҳар қандай зарар эса солиқ мақсадларида чегирилади. <i>Ускунанинг солиқ базаси 70 га тенг.</i>
2	Олинадиган фоизнинг баланс қиймати 100 га тенг. Тегишли фоиз тушумларига касса усули бўйича солиқ солинади. <i>Олинадиган фоизларнинг солиқ базаси нолга тенг.</i>

Мисоллар	
3	Савдо дебиторлик қарзларининг баланс қиймати 100га тенг. Тегишли тушум солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) киритилган. <i>Савдо дебиторлик қарзларининг солиқ базаси 100га тенг.</i>
4	Шўъба ташкилотдан олинадиган дивидендларнинг баланс қиймати 100га тенг. Дивидендларга солиқ солинмайди. <i>Моҳиятан, активнинг тўлиқ баланс қиймати иқтисодий нафлардан чегирилади. Шу тариқа, олинадиган дивидендларнинг солиқ базаси 100га тенг.^(a)</i>
5	Берилган қарзнинг баланс қиймати 100га тенг. Қарзнинг сўндирилиши солиқ оқибатларини келтириб чиқармайди. <i>Берилган қарзнинг солиқ базаси 100га тенг.</i>
(a)	Қуйидаги таҳлил бўйича солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ мавжуд эмас. Муқобил таҳлил асосида ҳисобланган дивидендларнинг солиқ базаси нолга тенг. Натижада 100 га тенг бўлган солиқ солинадиган вақтинчалик фарққа нолга тенг бўлган солиқ ставкаси қўлланилади. Ҳар иккала таҳлилда ҳам кечиктирилган солиқ мажбурияти юзага келмайди.

- 8 Мажбуриятнинг солиқ базаси – мажбуриятнинг келгуси даврларда ушбу мажбурият бўйича солиқ мақсадларида чегириладиган ҳар қандай қийматга камайтирилган баланс қийматидир. Тушумни олдиндан олиш натижасида юзага келадиган мажбуриятнинг солиқ базаси унинг келгуси даврларда солиқ солинмайдиган ҳар қандай тушум қийматига камайтирилган баланс қийматидир.

Мисоллар	
1	Жорий мажбуриятлар баланс қиймати 100 га тенг бўлган ҳисобланган харажатлар бўйича мажбуриятни ўз ичига олади. Тегишли харажатлар солиқ мақсадларида касса усули бўйича чегирилади. <i>Ҳисобланган харажатлар бўйича мажбуриятнинг солиқ базаси нолга тенг.</i>
2	Жорий мажбуриятлар баланс қиймати 100 га тенг бўлган олдиндан олинган фоиз тушумларини ўз ичига олади. Тегишли фоиз тушумларига касса усулида солиқ солинади. <i>Олдиндан олинган фоизларнинг солиқ базаси нолга тенг.</i>
3	Жорий мажбуриятлар баланс қиймати 100 га тенг бўлган ҳисобланган харажатлар бўйича мажбуриятни ўз ичига олади. Тегишли харажатлар солиқ мақсадларида чегирилган. <i>Ҳисобланган харажатлар бўйича мажбуриятнинг солиқ базаси 100га тенг.</i>
4	Жорий мажбуриятлар баланс қиймати 100га тенг ҳисобланган жарималар ва пеняларни ўз ичига олади. Жарима ва пенялар солиқ мақсадларида чегирилмайди. <i>Ҳисобланган жарима ва пенялар бўйича мажбуриятнинг солиқ базаси 100га тенг.^(a)</i>
5	Олинган қарзнинг баланс қиймати 100га тенг. Қарзнинг сўндирилиши солиқ оқибатларини келтириб чиқармайди. <i>Берилган қарзнинг солиқ базаси 100га тенг.</i>
(a)	Қуйидаги таҳлил бўйича солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ мавжуд эмас. Муқобил таҳлил асосида, ҳисобланган жарима ва пеняларнинг солиқ базаси нолга тенг. Натижада 100 га тенг бўлган чегириладиган вақтинчалик фарққа нолга тенг бўлган солиқ ставкаси қўлланилади. Ҳар иккала таҳлилда ҳам кечиктирилган солиқ активи юзага келмайди.

- 9 Баъзи моддалар солиқ базасига эга бўлсада, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив ва мажбуриятлар сифатида тан олинмайди. Масалан, тадқиқот бўйича сарфлар, улар юзага келган даврда бухгалтерия фойдасини аниқлашда харажат сифатида тан олинади, бироқ солиқ солинадиган фойдани (солиқ зарарини) аниқлашда кейинги давргача чегирилишига йўл қўйилмаслиги мумкин. Тадқиқот бўйича сарфларнинг солиқ базаси, яъни солиқ органлари томонидан келгуси даврларда чегирилишига рухсат бериладиган қиймат ва нолга тенг баланс қиймати ўртасидаги фарқ чегириладиган вақтинчалик фарқ бўлиб, унинг натижасида кечиктирилган солиқ активи юзага келади.

- 10 Актив ёки мажбуриятнинг солиқ базаси яққол намоён бўлмаганда, мазкур стандартдаги фундаментал тамойилни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Бу тамойилга кўра, актив ёки мажбурият баланс қийматининг қопланиши ёки сўндирилиши келгуси солиқ тўловлари суммасини бундай қоплашнинг ёки сўндиришнинг солиқ оқибатлари бўлмаган тақдирда аниқланадиган суммасидан кўпроқ (камроқ) бўлиши эҳтимоли бўлса, ташкилот, муайян чегараланган истисно ҳолатлардан ташқари,

кечиктирилган солиқ мажбуриятини (кечиктирилган солиқ активини) тан олиши лозим. 51А-банддан кейин келтирилган В мисолида актив ёки мажбуриятнинг солиқ базаси унинг баланс қиймати қопланиши ёки сўндирилишига боғлиқ бўладиган ҳолат бўйича ушбу фундаментал тамойилни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўладиган вазиятлар кўрсатилган.

- 11 Консолидациялашган молиявий ҳисоботда вақтинчалик фарқлар ушбу консолидациялашган молиявий ҳисоботдаги актив ва мажбуриятларнинг баланс қийматларини уларнинг тегишли солиқ базалари билан таққослаш орқали аниқланади. Консолидациялашган гуруҳ бўйича солиқ ҳисоботи топширадиган тегишли юрисдикцияларда солиқ базаси бундай ҳисоботдан келиб чиқиб аниқланади. Бошқа юрисдикцияларда солиқ базаси гуруҳ таркибига кирадиган ҳар бир ташкилот томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботи асосида аниқланади.

Жорий солиқ мажбуриятлари ва жорий солиқ активларини тан олиш

- 12 **Жорий ва ўтган даврлар учун жорий солиқнинг тўланмаган қисми мажбурият сифатида тан олиниши лозим. Агар жорий ва ўтган даврлар учун тўланган солиқ суммаси ушбу даврларда тўланиши лозим бўлган солиқ суммасидан кўп бўлса, ошган сумма актив сифатида тан олиниши лозим.**
- 13 **Олдинги давр учун жорий солиқни қоплаш мақсадида солиқ зарарини олдинги даврларга ўтказиш имконияти мавжудлиги натижасида олинadиган наф актив сифатида тан олиниши лозим.**
- 14 Солиқ зараридан олдинги даврга тегишли жорий солиқни қоплаш учун фойдаланилганда, ташкилот бунинг оқибатида келиб чиқадиган нафни солиқ зарари юз берган даврда актив сифатида тан олади, чунки ташкилотга келгуси иқтисодий наф келиши ва у наф ишончли баҳоланиши мумкин.

Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ва кечиктирилган солиқ активларини тан олиш

Солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар

- 15 **Кечиктирилган солиқ мажбурияти жами солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича тан олиниши лозим. Қуйидагилар натижасида юзага келадиган кечиктирилган солиқ мажбурияти бундан мустасно:**
- (a) гудвилни дастлабки тан олиш; ёки
 - (b) **актив ёки мажбуриятни қуйидаги операциялар натижасида дастлабки тан олиш:**
 - (i) **бизнес бирлашуви бўлмаган операцияларда; ва**
 - (ii) **операция содир бўлиши пайтида бухгалтерия фойдасига ҳам солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) ҳам таъсир кўрсатмайдиган операцияларда.**

Лекин, шўъба ташкилотлар, филиаллар, таъсир остидаги ташкилотларга инвестиция ҳамда биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш улушлари билан боғлиқ бўлган солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ мажбурияти 39-бандга мувофиқ тан олиниши лозим.

- 16 **Активнинг тан олиниши ташкилотга келгуси даврларда келиб тушадиган иқтисодий наф кўринишида қопланадиган баланс қийматини назарда тутди. Активнинг баланс қиймати унинг солиқ базасидан ортиқ бўлса, солиқ солинадиган иқтисодий наф суммаси солиқ мақсадларида чегирилиши мумкин бўлган суммадан ортиқ бўлади. Ушбу фарқ солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ ҳисобланади ва келгуси даврларда фойда солиқларини тўлаш бўйича келиб чиқадиган мажбурият кечиктирилган солиқ мажбурияти ҳисобланади. Ташкилот томонидан активнинг баланс қиймати қопланиши билан солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ қайта тикланади ва ташкилотда солиқ солинадиган фойда юзага келади. Натижада, ташкилотдан иқтисодий наф солиқ тўловлари шаклида чиқиб кетиш эҳтимоли вужудга келади. Шунинг учун, мазкур стандарт барча кечиктирилган солиқ мажбуриятлари тан олинишини талаб этади, 15 ва 39-бандларда тавсифланган айрим ҳолатлар бундан мустасно.**

Мисол
<p>Бошлангич қиймати 150 га тенг бўлган активнинг баланс қиймати 100. Солиқ мақсадларида жамғарилган эскириш 90 ва солиқ ставкаси 25% га тенг.</p> <p><i>Активнинг солиқ базаси 60ни ташкил этади (150га тенг бошлангич қийматдан 90 га тенг жамғарилган эскириш чегирилганда). 100 га тенг бўлган баланс қийматини қоплаш учун ташкилот 100 га тенг бўлган солиқ солинадиган фойда олиши лозим, лекин ундан солиқ бўйича фақат 60 га тенг бўлган эскириш суммаси чегирилиши мумкин. Бунинг натижасида, ташкилот, активнинг баланс қийматини қоплаганида, 10 га тенг бўлган фойда солиғини тўлайди (40 дан 25%). 100 га тенг баланс қиймати ва 60 тенг солиқ базаси ўртасидаги фарқ 40 га тенг солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ ҳисобланади. Шунинг учун, ташкилот 10 га тенг (40 дан 25%) кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олади ва у ташкилот томонидан активнинг баланс қиймати қопланганида тўланадиган фойда солиқларини акс эттиради.</i></p>

17 Баъзи вақтинчалик фарқлар даромад ва харажатларнинг бир даврда бухгалтерия фойдаси таркибида, бошқа даврда эса солиқ солинадиган фойдада акс эттирилиши натижасида юзага келади. Бундай вақтинчалик фарқлар кўпинча вақтга боғлиқ фарқлар деб тавсифланади. Куйида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар ва кечиктирилган солиқ мажбуриятларини юзага келтирадиган бундай вақтинчалик фарқларга мисоллар келтирилган:

- (а) фоиз тушуми бухгалтерия фойдаси таркибига даврга мутаносиб асосда киритиб борилади, лекин, баъзи юрисдикцияларда пул маблағлари олинганда солиқ солинадиган фойдага киритилади. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда бу каби тушумлар бўйича тан олинган ҳар қандай дебиторлик қарздорлигининг солиқ базаси нолга тенг, чунки тушумлар солиқ солинадиган фойдага пул маблағлари олинмагунча таъсир кўрсатмайди;
- (б) солиқ солинадиган фойдани (солиқ зарарини) аниқлашда фойдаланиладиган эскириш суммаси бухгалтерия фойдасини аниқлашда фойдаланиладиган эскириш суммасидан фарқ қилиши мумкин. Вақтинчалик фарқ активнинг баланс қиймати ва унинг солиқ базаси ўртасидаги фарқ бўлиб; бунда активнинг солиқ базаси жорий ва ўтган даврлар учун солиқ солинадиган фойдани (солиқ зарарини) аниқлашда ушбу активга нисбатан солиқ органлари томонидан рухсат этилган барча қийматлар чегирилган бошлангич қийматдир. Солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ солиқ мақсадларидаги эскириш тезлаштирилган тарзда ҳисобланганда, келиб чиқади ва кечиктирилган солиқ мажбурияти юзага келади (агар солиқ мақсадларидаги эскириш бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги эскиришдан кўра, кам жадалроқ бўлса, чегириладиган вақтинчалик фарқ келиб чиқади ва кечиктирилган солиқ активи юзага келади); ва
- (в) тажриба-конструкторлик ишлари бўйича сарфлар, бухгалтерия фойдасини аниқлашда капиталлаштирилиши ва келгуси даврларда харажатларга олиб борилиши мумкин, лекин солиқ солинадиган фойдани аниқлашда улар юзага келган даврда чегирилиши мумкин. Бундай тажриба-конструкторлик ишлар бўйича сарфларнинг солиқ базаси нолга тенг, чунки улар солиқ солинадиган фойдадан чегирилган. Вақтинчалик фарқи –тажриба-конструкторлик ишлари бўйича сарфларнинг баланс қиймати ва уларнинг нолга тенг солиқ базаси ўртасидаги фарқдир.

18 Вақтинчалик фарқлар куйидаги ҳолларда ҳам юзага келади:

- (а) бизнес бирлашувида харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган идентификацияланадиган мажбуриятлар 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*”га мувофиқ уларнинг ҳаққоний қиймати бўйича тан олинганда, лекин уларга солиқ мақсадларида ҳеч қандай эквивалент тузатиш киритилмаганда (19-бандга қаранг);
- (б) активлар қайта баҳоланиб, уларга солиқ мақсадларида ҳеч қандай эквивалент тузатиш киритилмаганда (20-бандга қаранг);
- (в) бизнес бирлашувида гудвил юзага келганда (21-бандга қаранг);
- (г) актив ёки мажбуриятнинг дастлабки тан олиннишида ушбу актив ёки мажбуриятнинг солиқ базаси унинг бошлангич қийматидан фарқ қилганида, масалан, ташкилот активларга тегишли бўлган солиқ солинмайдиган давлат грантларидан наф кўрганда (22 ва 33-бандларга қаранг); ёки
- (д) шўъба ташкилотлар, филиаллар ва таъсир остидаги ташкилотлардаги инвестицияларнинг ёки биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш улушларининг баланс қиймати бундай инвестиция ёки улушларнинг солиқ базасидан фарқ қилганда (38-45-бандларга қаранг).

Бизнес бирлашувлари

- 19 Чегараланган истисно ҳолатлардан ташқари, бизнес бирлашувида харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган идентификацияланадиган мажбуриятлар уларни харид қилиш санасида ҳаққоний қиймати бўйича тан олинади. Харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган идентификацияланадиган мажбуриятларнинг солиқ базалари бизнес бирлашуви натижасида ўзгармай қолганда ёки фарқли тарзда таъсирланганда, вақтинчалик фарқлар юзага келади. Масалан, активнинг баланс қиймати ҳаққоний қийматга оширилганда, лекин унинг солиқ базаси олдинги эгаси учун бошланғич қийматда қолганда солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ юзага келади ва у кечиктирилган солиқ мажбуриятини келтириб чиқаради. Натижада ҳосил бўлган кечиктирилган солиқ мажбурияти гудвилга таъсир кўрсатади (66-бандга қаранг).

Ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинadиган активлар

- 20 МҲХСлар айрим активларни ҳаққоний қиймат ёки қайта баҳоланган қиймат бўйича ҳисобга олинишини талаб этади ёки рухсат беради (масалан, 16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*”, 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*”, 40-сон БҲХС “*Инвестиция кўчмас мулки*” ва 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”)га қаранг). Баъзи юрисдикцияларда активнинг ҳаққоний қийматига қайта баҳоланиши ёки бошқа тарзда қайта ҳисобланиши жорий давр учун солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) таъсир кўрсатади. Натижада активнинг солиқ базасига тузатиш киритилади ва ҳеч қандай вақтинчалик фарқ юзага келмайди. Бошқа юрисдикцияларда активнинг қайта баҳоланиши ёки бошқа тарзда қайта ҳисобланиши ушбу қайта баҳоланган ёки қайта ҳисоблаш амалга оширилган даврда солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) таъсир кўрсатмайди, бунинг натижасида активнинг солиқ базасига тузатишлар киритилмайди. Шунга қарамасдан, баланс қийматининг келгусида қопланиши ташкилотга солиқ солинадиган иқтисодий наф келтиради, ҳамда солиқ мақсадларида чегирилдиган сумма ушбу иқтисодий наф суммасидан фарқ қилади. Қайта баҳоланган активнинг баланс қиймати ва унинг солиқ базаси ўртасидаги фарқ вақтинчалик бўлиб, кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки активини келтириб чиқаради. Бу куйидаги ҳолатлар мавжудлигида ҳам ўринли ҳисобланади:
- (a) ташкилотнинг активни ҳисобдан чиқариш нияти бўлмаганда. Бундай ҳолларда, активнинг қайта баҳоланган баланс қиймати ушбу активдан фойдаланиш орқали қопланади, бу эса келгуси даврларда чегирилиши мумкин бўлган эскириш суммасидан ошадиган солиқ солинадиган даромадни ҳосил қилади; ёки
 - (б) агар активнинг ҳисобдан чиқарилишидан олинadиган пул маблағлари тушуми унга ўхшаш активларга инвестиция қилинганда, капиталдан фойдага солинадиган солиқ кечиктирилади. Бундай ҳолларда солиқ актив сотилганда ёки ўхшаш активлардан фойдаланганда охири-окибат тўланади.

Гудвил

- 21 Бизнес бирлашувида юзага келадиган гудвил куйидаги (a)-банднинг (б)-банддан ошган суммасида баҳоланади:
- (a) куйидагиларнинг жамланмаси:
 - (i) 3-сон МҲХСга мувофиқ, баҳоланган ва одатда харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймат аниқланишини талаб қиладиган ўтказилган тоовон;
 - (ii) 3-сон МҲХСга мувофиқ тан олинadиган, харид қилиш объектида назорат кучига эга бўлмаган ҳар қандай улуш суммаси; ва
 - (iii) босқичма-босқич амалга оширилган бизнес бирлашувида харид қилувчининг харид қилинадиган объектнинг хусусий капиталидаги олдинги улушининг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати.
 - (б) 3-сон МҲХСга мувофиқ баҳоланadиган, харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган идентификацияланадиган мажбуриятларнинг харид қилиш санасидаги соф қиймати.

Ақсарият солиқ органлари солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда гудвилнинг баланс қийматини чегирилдиган харажат сифатида камайтирилишига йўл қўймайди. Бундан ташқари, бундай юрисдикцияларда шўъба ташкилоти тегишли бизнесини ҳисобдан чиқарганда гудвилнинг қиймати кўпинча солиқ мақсадларида чегирилмайди. Бундай юрисдикцияларда, гудвилнинг солиқ базаси нолга тенг бўлади. Гудвилнинг баланс қиймати ва унинг нолга тенг бўлган солиқ базаси ўртасидаги

ҳар қандай фарқ солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ ҳисобланади. Лекин мазкур стандартда бунинг натижасида юзага келадиган кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олишга йўл қўйилмайди, чунки гудвил қолдиқ қиймат сифатида баҳоланади ва кечиктирилган солиқ мажбуриятининг тан олиниши гудвилнинг баланс қиймати ошишига олиб келади.

- 21А Гудвилнинг дастлабки тан олинишидан келиб чиққан тан олинмайдиган кечиктирилган солиқ мажбуриятини кейинги камайтиришлар гудвилнинг дастлабки тан олинишидан юзага келган деб қаралади, шунинг учун, 15(а)-бандга мувофиқ тан олинмайди. Масалан, ташкилот бизнес бирлашувида солиқ базаси нолга тенг бўлган гудвилни 100га тенг қиймат бўйича тан олса, 15(а)-банд ташкилот томонидан бунинг натижасида юзага келадиган кечиктирилган солиқ мажбурияти тан олинишини тақиқлайди. Агар ташкилот ушбу гудвил бўйича кейинчалик қадрсизланишидан юзага келган 20га тенг зарарни тан олса, гудвилга тегишли бўлган солиқ солинадиган вақтинчалик фарқнинг қиймати 100дан 80га камаяди, бунинг натижасида тан олинмаган кечиктирилган солиқ мажбуриятининг қиймати ҳам камаяди. Ушбу тан олинмаган кечиктирилган солиқ мажбуриятининг бундай камайиши гудвилнинг дастлабки тан олинишидан келиб чиқади деб қаралади ва шунинг учун унинг тан олиниши 15(а)-бандга мувофиқ тақиқланади.
- 21Б Лекин гудвилга тегишли бўлган солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ мажбуриятлари, улар гудвилнинг дастлабки тан олинишидан келиб чиқмаган даражада тан олинади. Масалан, ташкилот бизнес бирлашувида 100 га тенг бўлган гудвилни тан олса ва бу қиймат солиқ мақсадларида харид қилиш санасидан бошлаб ҳар йили 20 фоизли ставкада чегирилса, дастлабки тан олинганда гудвилнинг солиқ базаси 100 га ва харид қилинган йилнинг охирида эса 80 га тенг бўлади. Агар гудвилнинг баланс қиймати харид қилинган йилнинг охирида 100 га тенг ҳолда ўзгармасдан қолса, ушбу йилнинг охирида 20 га тенг солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ юзага келади. Солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ гудвилнинг дастлабки тан олинишига тегишли бўлмаганлиги сабабли, унинг натижасида келиб чиқадиган кечиктирилган солиқ мажбурияти тан олинади.

Актив ёки мажбуриятни дастлабки тан олиш

- 22 Актив ёки мажбуриятнинг дастлабки тан олинишида вақтинчалик фарқ, масалан, актив бошланғич қийматининг бутун ёки айрим қисми солиқ мақсадларида чегирилмайдиган бўлса, юзага келиши мумкин. Бундай вақтинчалик фарқни ҳисобга олиш усули актив ёки мажбуриятнинг дастлабки тан олинишига олиб келган операциянинг характерида боғлиқ бўлади:
- (а) бизнес бирлашувида, ташкилот ҳар қандай кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки активини тан олади ва бу ташкилот томонидан тан олинмаган гудвил ёки манфаатли хариддан олинмаган фойданинг суммасига таъсир кўрсатади (19-бандга қаранг);
 - (б) операция бухгалтерия фойдаси ёки солиқ солинадиган фойдага таъсир кўрсатса, ташкилот ҳар қандай кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки активини тан олади ва натижада юзага келадиган кечиктирилган солиқ харажати ёки даромадини фойда ёки зарар таркибида тан олади (59-бандга қаранг);
 - (в) операция бизнес бирлашуви бўлмаса ва бухгалтерия фойдасига ҳам солиқ солинадиган фойдага ҳам таъсир кўрсатмаса, ташкилот 15 ва 24-бандларда келтирилган озод этиш ҳолатлари мавжуд бўлмаганда юзага келадиган кечиктирилган солиқ мажбуриятини ёки активини тан олган, ҳамда актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати худди шу суммадаги тузатишни киритган бўлар эди. Бундай тузатишлар молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини камайтириши мумкин. Шунинг учун, мазкур стандарт ташкилот томонидан юзага келган кечиктирилган солиқ мажбуриятини ёки активини дастлабки ва кейинги тан олинишига йўл қўйилмайди (қуйидаги мисолга қаранг). Бундан ташқари, ташкилот актив эскириши билан тан олинмаган кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки активдаги кейинги ўзгаришларни тан олмайди.

22(в)-бандга оид мисол

Ташкилот бошланғич қиймати 1000 га тенг бўлган активни 5 йиллик фойдали хизмат муддати мобайнида фойдаланиш ва кейин ноль тугатиш қийматида ҳисобдан чиқаришни режалаштирган. Солиқ ставкаси 40% ни ташкилот этади. Активнинг эскириши солиқ мақсадларида чегирилмайди. Активни ҳисобдан чиқаришдан юзага келадиган фойдага солиқ солинмайди ёки юзага келадиган зарар солиқ мақсадида чегирилмайди.

Ташкилот активнинг баланс қийматини қоплаганда 1000 га тенг бўлган солиқ солинадиган даромад олади ва 400 га тенг солиқ тўлайди. Ташкилот келиб чиққан 400 га тенг бўлган

22(в)-бандга оид мисол

кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олмайди, чунки у активнинг дастлабки тан олиншидан юзага келган.

Кейинги йил активнинг баланс қиймати 800 ни ташкил қилади. 800 га тенг бўлган солиқ солинадиган даромадни олганда, ташкилот 320 га тенг солиқ тўлайди. Ташкилот 320 га тенг бўлган кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олмайди, чунки у активнинг дастлабки тан олиншидан юзага келган.

- 22А [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]
- 23 32-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: тақдим этиши”га мувофиқ, таркибли молиявий инструментнинг (масалан, конвертацияланадиган облигациянинг) эмитенти ушбу инструментнинг мажбуриятга оид қисмини мажбурият сифатида, хусусий капиталга оид қисмини хусусий капитал сифатида таснифлайди. Баъзи юрисдикцияларда, мажбурият компонентининг солиқ базаси дастлабки тан олишда мажбурият ва хусусий капитал компонентининг дастлабки баланс қийматига тенг бўлади. Солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ хусусий капитал компонентини мажбурият компонентидан алоҳида тан олиш натижасида юзага келади. Шунинг учун 15(б)-бандда белгиланган истисно ҳолат бунга нисбатан қўлланмайди. Натижада, ташкилот юзага келган кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олади. 61А-бандга мувофиқ, кечиктирилган солиқ бевосита хусусий капитал компонентининг баланс қийматига уни камайтириш тарзида олиб борилади. 58-бандга мувофиқ, кечиктирилган солиқ мажбуриятидаги кейинги ўзгаришлар фойда ёки зарар таркибида кечиктирилган солиқ харажати (даромади) сифатида тан олинади.

Чегириладиган вақтинчалик фарқлар

- 24 Қуйидаги шартларга жавоб берадиган операцияда мажбуриятни ёки активни дастлабки тан олишдан юзага келмаса, кечиктирилган солиқ активи чегириладиган вақтинчалик фарқни чегириниш учун етарли солиқ солинадиган фойда бўлиши эҳтимоли мавжуд бўладиган даражада барча чегириладиган вақтинчалик фарқлар бўйича тан олинши лозим:
- (а) бизнес бирлашуви бўлмаса; ва
 - (б) операция пайтида бухгалтерия фойдасига ҳам, солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) ҳам таъсир кўрсатмаса.
- Лекин шўъба ташкилотлари, филиаллар, таъсир остидаги ташкилотларга инвестиция ва бирлагикдаги фаолиятда иштирок этиш улушлари билан боғлиқ бўлган чегириладиган вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ активи 44-бандга мувофиқ тан олинши лозим.
- 25 Мажбуриятнинг тан олинши ташкилотдан келгуси даврларда иқтисодий нафнинг чиқиб кетиши кўринишида сўндирилладиган баланс қийматини назарда тутати. Ресурслар ташкилотдан чиқиб кетишида қийматининг бутун ёки айрим қисми мажбурият тан олинган даврдан кейинги даврда солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда чегирилиши мумкин. Бунда мажбуриятнинг баланс қиймати ва унинг солиқ базаси ўртасида вақтинчалик фарқ бўлади. Шунга кўра, мажбуриятнинг айрим қисми солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда чегирилиши мумкин бўлган келгуси даврларда қопланадиган фойда солиғи бўйича кечиктирилган солиқ активини юзага келтиради. Шу тариха активнинг баланс қиймати унинг солиқ базасидан камроқ бўлса, бунинг натижасида вужудга келадиган фарқ келгуси даврларда қопланадиган фойда солиқлари бўйича кечиктирилган солиқ активини юзага келтиради.

Мисол

Ташкилот маҳсулотнинг кафолати бўйича ҳисобланган сарфларга оид 100 га тенг бўлган мажбуриятни тан олди. Солиқ мақсадларида маҳсулотнинг кафолати бўйича сарфлар ташкилот уларни тўламагунча чегирилмайди. Солиқ ставкаси 25% ни ташкил этади.

Мажбуриятнинг солиқ базаси нолга тенг (ушбу мажбурият бўйича келгуси даврларда чегирилиши мумкин бўлган суммага камайтирилгандан кейинги 100 га тенг баланс қиймати). Мажбурият баланс қийматига тенг бўлган суммада сўндирилганда, ташкилот ўзининг келгуси солиқ солинадиган фойдасини 100 га камайтиради ва натижада унинг келгуси солиқ тўловлари 25 (100 дан 25%) га камаяди. 100га тенг баланс қиймати билан нолга тенг солиқ базаси

Мисол
<i>ўртасидаги фарқ 100га тенг чегириладиган вақтинчалик фарқни ифодалайди. Шунинг учун, ташкилот келгуси даврларда солиқ тўловларининг камайишидан наф кўриши учун етарлича солиқ солинадиган фойда олиш эҳтимоли мавжудлиги шартли билан 25 га (100 дан 25%) тенг бўлган кечиктирилган солиқ активини тан олади.</i>

26 Куйида кечиктирилган солиқ активини вужудга келтирадиган чегириладиган вақтинчалик фарқларга мисоллар келтирилган:

- (а) пенсия бўйича сарфлар бухгалтерия фойдасини ҳисоблашда ходимлар томонидан хизмат кўрсатилиши билан чегирилиши мумкин, лекин солиқ солинадиган фойдани аниқлашда ташкилот томонидан бадаллар пенсия жамғармасига тўланганда ёки пенсия тўловлари ташкилот томонидан тўланганда чегирилади. Вақтинчалик фарқ мажбуриятнинг баланс қиймати ва солиқ базаси ўртасида юзага келади; мажбуриятнинг солиқ базаси одатда нолга тенг бўлади. Бундай чегириладиган вақтинчалик фарқ бадаллар ёки пенсия тўловлари ташкилот томонидан тўланганда, солиқ солинадиган фойдадан чегириладиган қиймат кўринишида ташкилотга иқтисодий наф келиб тушиши билан кечиктирилган солиқ активини келтириб чиқаради;
- (б) тадқиқот сарфлари, улар юзага келган даврда бухгалтерия фойдасини ҳисоблашда харажат сифатида тан олинади, лекин кейинроқ келадиган давргача солиқ солинадиган фойдани (солиқ зарарини) аниқлашда чегирилишига йўл қўйилмаслиги мумкин. Тадқиқот бўйича сарфларнинг солиқ базаси, яъни солиқ органлари томонидан келгуси даврларда чегирилишига рухсат бериладиган қиймат ва нолга тенг баланс қиймати ўртасидаги фарқ чегириладиган вақтинчалик фарқ бўлиб, унинг натижасида кечиктирилган солиқ активи юзага келади;
- (в) чегараланган истисно ҳолатлардан ташқари, бизнес бирлашувида харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган идентификацияланадиган мажбуриятлар уларни харид қилиш санасида ҳаққоний қиймати бўйича тан олинади. Қабул қилинган мажбурият харид қилиш санасида тан олинганда, лекин тегишли сарфлар солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда келгуси давргача чегирилмайдиган бўлса, чегириладиган вақтинчалик фарқ юзага келади ва кечиктирилган солиқ активини келтириб чиқаради. Шунингдек, харид қилинган идентификацияланадиган активларнинг ҳаққоний қиймати унинг солиқ базасидан кам бўлганда ҳам кечиктирилган солиқ активи юзага келади. Иккала ҳолатда ҳам юзага келадиган кечиктирилган солиқ активи гудвилга таъсир кўрсатади (66-бандга қаранг); ва
- (г) айрим активлар солиқ мақсадларида ҳеч қандай эквивалент тузатишлар киритилмаган ҳолда, ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олиниши ёки қайта баҳоланиши мумкин (20-бандга қаранг). Агар активнинг солиқ базаси унинг баланс қийматидан ошиб кетса, чегириладиган вақтинчалик фарқ юзага келади.

26(г)-бандга оид мисол
<p>Иккинчи йил якунида чегириладиган вақтинчалик фарқни аниқлаш:</p> <p>А ташкилот биринчи йил бошида, номинал қиймати 1,000 п.б.га тенг бўлган 5 йил муддатга ҳар йил охирида тўланадиган 2% ли фоиз ставкада қарз инструментини 1,000 п.б.га харид қилди. Эффе́ктив фоиз ставкаси 2% га тенг. Қарз инструменти ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланади.</p> <p>Иккинчи йил охирида бозор фоиз ставкаларининг 5% га ошиши натижасида қарз инструментининг ҳаққоний қиймати 918 п.б.га тенг бўлди. Агар А ташкилот ушбу қарз инструментини сақлашда давом этса, шартнома бўйича барча пул оқимларини ундириш эҳтимоли мавжуд.</p> <p>Қарз инструменти бўйича ҳар қандай фойда (зарар) реализация қилинганда солиқ солинадиган (чегириладиган) ҳисобланади. Қарз инструментини сўндириш ёки сотиш натижасидаги фойда(зарарлар) солиқ мақсадларида ундирилган суммалар ва қарз инструментининг бошланғич қиймати ўртасидаги фарқ тарзида ҳисобланади.</p> <p>Шунга кўра, қарз инструментининг солиқ базаси унинг бошланғич қиймати ҳисобланади.</p> <p><i>А ташкилот қарз инструментини баланс қийматини сотиш ёки фойдаланиш орқали қоплаши, яъни уни сақлаган ҳолда ва шартномавий пул оқимларини ундириш йўли билан қоплашни ёки</i></p>

26(г)-бандга оид мисол

иккаласининг комбинациясини қўллашидан қатъи назар, А ташилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидаги қарз инструментининг 918 п.б.га тенг баланс қиймати ва унинг 1000 п.б.га тенг солиқ базаси ўртасидаги фарқ иккинчи йил охирида 82 п.б.га тенг суммада чегириладиган вақтинчалик фарқни юзага келтиради (20 ва 26 (д)-бандларга қаранг).

Бунинг сабаби чегириладиган вақтинчалик фарқлар – бу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидаги актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати ва унинг солиқ базаси ўртасидаги фарқлар бўлиб, натижада келгуси даврларнинг солиқ солинадиган фойдасини (солиқ зарарини) аниқлашда актив ёки мажбурият қиймати қопланганда ёки сўндирилганда чегириб ташланадиган суммаларни келтириб чиқаради (5-бандга қаранг). А ташилот сотишдан ёки сўндириш мuddати якунланишидан келиб чиқадиган солиқ солинадиган фойдани (солиқ зарарини) аниқлашда 1,000 п.б.га тенг суммадаги активнинг солиқ базасига тенг бўлган чегириладиган суммага эга бўлади.

- 27 Чегириладиган вақтинчалик фарқларнинг қайта тикланиши келгуси даврларда солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегириладиган суммаларни келтириб чиқаради. Лекин, ташкилотга солиқ тўловларининг камайиши шаклида юзага келадиган иқтисодий наф фақат ташкилот томонидан келгусида чегириладиган суммаларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун етарли солиқ солинадиган фойда олинса, келиб тушади. Шунинг учун ташкилот, кечиктирилган солиқ активи чегириладиган вақтинчалик фарқни чегириш учун етарли солиқ солинадиган фойда бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлганда, кечиктирилган солиқ активларини тан олади.
- 27А Ташкилот солиқ солинадиган фойдага нисбатан фойдаланиши мумкин бўлган чегириладиган вақтинчалик фарқни баҳолашда, солиқ қонунчилиги ушбу чегириладиган вақтинчалик фарқни қайта тиклаш мумкин бўлган солиқ солинадиган фойда манбаларини чеклаб қўйиш-қўймаслигини инобатга олади. Агар солиқ қонунчилигида бундай чекловлар назарда тутилмаса, ташкилот чегириладиган вақтинчалик фарқни унинг барча бошқа вақтинчалик фарқлари билан умумлашган ҳолда баҳолайди. Лекин, солиқ қонунчилиги маълум бир турдаги даромадга нисбатан чегириладиган вақтинчалик фарқлардан фойдаланишни чекласа, чегириладиган вақтинчалик фарқлар фақат тегишли турдаги бошқа чегириладиган вақтинчалик фарқлар билан умумлашган ҳолда баҳоланади.
- 28 Айни бир солиқ органи ва айни бир ташкилотга тегишли бўлган етарли солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар мавжуд бўлса ва куйидаги даврларда қайта тикланиши кутилаётган бўлса, чегириладиган вақтинчалик фарқни чегириш учун етарли солиқ солинадиган фойда бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлади:
- (а) чегириладиган вақтинчалик фарқ қайта тикланиши кутилаётган даврнинг ўзида; ёки
 - (б) кечиктирилган солиқ активдан келиб чиқадиган солиқ зарари келгуси ёки олдинги даврларга ўтказилиши мумкин бўлганда.
- Бундай ҳолатларда кечиктирилган солиқ активи чегириладиган вақтинчалик фарқлар юзага келган даврда тан олинади.
- 29 Айни бир солиқ тўловчи ва айни бир ташкилотга тегишли бўлган етарли солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар мавжуд бўлмаганда кечиктирилган солиқ активи куйидагилар бажарилганда тан олинади:
- (а) ташкилот айни бир солиқ органи ва солиққа солинадиган айни бир ташкилотга тегишли бўлган, чегириладиган вақтинчалик фарқ қайта тикланадиган даврнинг айнан ўзида (ёки кечиктирилган солиқ активдан келиб чиқадиган солиқ зарари ўтказилиши мумкин бўлган келгуси ёки олдинги даврларда), етарли солиқ солинадиган фойдага эга бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлган даражада. Келгуси даврларда солиққа солинадиган фойданинг етарли бўлишини баҳолашда ташкилот:
 - (i) чегириладиган вақтинчалик фарқларни уларни қайта тикланиши натижасида юзага келадиган чегириладиган суммаларни ҳисобга олмайдиган келгуси солиқ солинадиган фойда билан таққослайди. Ушбу таққослаш келгуси солиқ солинадиган фойда ташкилотга ушбу чегириладиган вақтинчалик фарқларни қайта тиклаш натижасида юзага келган суммаларни чегириш учун қай даражада етарли эканлигини кўрсатади; ва
 - (ii) чегириладиган вақтинчалик фарқлардан ҳосил бўладиган кечиктирилган солиқ активи фойдаланиш учун келгуси солиқ солинадиган фойдани талаб этиши сабабли, келгуси даврларда юзага келиши кутиладиган чегириладиган

вақтинчалик фарқлардан келиб чиқадиган солиқ солинадиган суммаларни инобатга олмайди.

- (б) ташкилотнинг тегишли даврларда солиқ солинадиган фойдани келтириб чиқарадиган солиқларни режалаштириш имкониятлари мавжуд бўлиши.
- 29А Келгуси солиқ солинадиган фойдани юзага келиш эҳтимолини баҳолаш, агар ташкилот бунга эришиши эҳтимоли тўғрисида етарли далилларга эга бўлса, баланс қийматидан кўпроқ бўлган қопланадиган суммада ташкилотнинг баъзи активларини ўз ичига олиши мумкин. Масалан, актив ҳаққоний қийматда баҳоланганда, ташкилот активини унинг баланс қийматидан ортиқ суммада қоплаш эҳтимоли мавжудлиги тўғрисида хулосага келиши учун етарли далиллар мавжудлигини инобатга олиши лозим. Бундай ҳолат, масалан, ташкилот қатъий белгиланган ставка бўйича қарз инструментини сақлаб туриш ва шартнома бўйича пул оқимларини ундиришни режалаштирганда юзага келиши мумкин.
- 30 Солиқларни режалаштириш имкониятлари – бу солиқ зарарини ёки солиқ имтиёзини келгуси даврларга ўтказиш муддати тугамасдан, ташкилот томонидан солиқ солинадиган фойдани муайян даврда шакллантириш ёки кўпайтириш учун амалга оширилиши мумкин бўлган чоралардир. Масалан, баъзи юрисдикцияларда солиқ солинадиган фойда куйидаги йўллар билан шакллантирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин:
- (а) фоизли даромадга солиқ солишнинг олинган ёки олинадиган даромадга нисбатан солиқ солиш усулларида бири танлаш;
- (б) солиқ солинадиган фойдадан чегириладиган айрим қийматларга бўлган даъво муддатини узайтириш;
- (в) қиймати ошган, лекин бундай ошишни акс эттириш учун солиқ базасига тузатишлар киритилмаган активларни сотиш ва эҳтимол қайтадан ижарага олиш; ва
- (г) солиқ солинмайдиган даромадни ҳосил қилувчи активни (масалан, баъзи юрисдикцияларда, давлат облигацияларини) солиқ солинадиган даромадни ҳосил қилувчи бошқа инвестицияни харид қилиш мақсадида сотиш.
- Солиқларни режалаштириш имкониятлари солиқ солинадиган фойдани кейинги даврдан олдинроқ даврга ўтказишга олиб келадиган бўлса, солиқ зараридан ёки солиқ имтиёздан фойдаланиш келгусида юзага келадиган вақтинчалик фарқлардан бошқа манбалардан келиб чиқадиган келгуси солиқ солинадиган фойданинг мавжудлигига боғлиқ бўлади.
- 31 Ташкилот яқинда зарар кўрган ҳолатда, у 35 ва 36-бандларда келтирилган кўрсатмаларни инобатга олади.
- 32 [Чиқариб ташланган]

Гудвил

- 32А Бизнес бирлашувида юзага келадиган гудвилнинг баланс қиймати унинг солиқ базасидан кам бўлса, ўртадаги фарқ кечиктирилган солиқ активини юзага келтиради. Гудвилни дастлабки тан олишдан юзага келадиган кечиктирилган актив чегириладиган вақтинчалик фарқни чегириш учун етарли солиқ солинадиган фойда бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлиши шарт билан бизнес бирлашувини ҳисобга олиш жараёнининг бир қисми бўлиб тан олиниши лозим.

Актив ёки мажбуриятни дастлабки тан олиш

- 33 Активни дастлабки тан олишда кечиктирилган солиқ активининг пайдо бўлишига мисол бўлиб, активларга тегишли бўлган солиқ солинмайдиган давлат гранти активнинг баланс қийматини аниқлашда чегирилиши, лекин солиқ мақсадларида активнинг эскириш ҳисобланадиган қийматидан (яъни унинг солиқ базасидан) чегирилмаслиги ҳисобланади; активнинг баланс қиймати унинг солиқ базасидан кам бўлади ва натижада чегириладиган вақтинчалик фарқ юзага келади. Давлат грантлари кечиктирилган даромад сифатида ҳам ҳисобга олиниши мумкин, бу ҳолда кечиктирилган даромад ва унинг нолга тенг бўлган солиқ базаси ўртасидаги фарқ чегириладиган вақтинчалик фарқни ифодалайди. Ташкилот, давлат грантини тақдим этишнинг қайси усулини қўллашдан қатъи назар, юзага келадиган кечиктирилган солиқ активини 22-бандда кўрсатилган сабабга кўра тан олмайди.

Фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва солиқ имтиёзлари

- 34 Кечиктирилган солиқ активи келгуси даврларга ўтказиладиган фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва фойдаланилмаган солиқ имтиёзлари бўйича улардан фойдаланиш имконини

берадиган етарли даражада келгуси солиқ солинадиган фойдага эга бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлганда тан олинмиши лозим.

35 Фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказиш натижасида вужудга келадиган кечиктирилган солиқ активини тан олиш мезонлари чегириладиган вақтинчалик фарқлар натижасида юзага келадиган кечиктирилган солиқ активларини тан олиш мезонлари билан бир хил бўлади. Лекин, фойдаланилмаган солиқ зарарининг мавжудлиги келгуси солиқ солинадиган фойданинг мавжуд бўлмаслиги мумкинлигига асосли далил бўлади. Шунинг учун, ташкилот яқин даврдаги фаолияти давомида зарар кўрганда, фойдаланилмаган солиқ зарарлари ёки солиқ имтиёзларидан келиб чиқадиган кечиктирилган солиқ активини, фақат етарли солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлари мавжуд бўлган ёки фойдаланилмаган солиқ зарарлари ёки солиқ имтиёзларидан ташкилот келгусида фойдаланиши мумкин бўлиши учун етарли солиқ солинадиган фойда мавжуд бўлишига бошқа ишончли далил бўлганда тан олади. Бундай ҳолатларда, 82-бандда кечиктирилган солиқ активининг суммаси ва унинг тан олинмишини исботлайдиган далилнинг характерини ёритиб бериш талаб этилади.

36 Ташкилот фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва солиқ имтиёзларидан келгусида фойдаланиш мумкин бўлиши учун етарли солиқ солинадиган фойдага эга бўлиш эҳтимолини баҳолашда қуйидаги мезонларни инобатга олади:

- (а) ташкилот айни бир солиқ органи ва айни бир ташкилотга тегишли бўлган етарли солиқ солинадиган вақтинчалик фарқларга эга бўлиши, бу эса фойдаланилмаган солиқ зарарлари ёки солиқ имтиёзларининг муддати тугашидан олдин улардан фойдаланиш имконини берадиган солиқ солинадиган суммаларнинг юзага келиши;
- (б) ташкилот фойдаланилмаган солиқ зарарлари ёки солиқ имтиёзларининг муддати тугашидан олдин солиқ солинадиган фойдага эга бўлиши эҳтимолининг мавжудлиги;
- (в) фойдаланилмаган солиқ зарарлари такрорланиши эҳтимоли кам бўлган аниқ сабаблардан келиб чиқиши; ва
- (г) ташкилот солиқларни режалаштириш имкониятларига (30-бандга қаранг) эга бўлиши ва бу имкониятлар фойдаланилмаган солиқ зарарлари ёки солиқ имтиёзларидан фойдаланиш мумкин бўлган даврда солиқ солинадиган фойда юзага келишига олиб келиши.

Фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва солиқ имтиёзларидан келгусида фойдаланиш мумкин бўлиши учун етарли солиқ солинадиган фойдага эга бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлмаганда, кечиктирилган солиқ активи тан олинмайди.

Тан олинмаган кечиктирилган солиқ активлари баҳолашнинг қайта кўриб чиқиш

37 Ҳар ҳисобот даврининг охирида ташкилот тан олинмаган кечиктирилган солиқ активлари баҳолашнинг қайта кўриб чиқади. Ташкилот тан олинмаган кечиктирилган солиқ активини, ушбу кечиктирилган солиқ активи қопланиши учун келгуси солиқ солинадиган фойда етарли бўлиши эҳтимоли мавжудлиги даражасида тан олади. Масалан, савдо шароитларининг яхшиланиши ташкилот кечиктирилган солиқ активини 24 ва 34-бандларда белгиланган тан олиш мезонларига жавоб берадиган етарли солиқ солинадиган фойда олиш эҳтимолини ошириши мумкин. Бошқа мисол сифатида ташкилот кечиктирилган солиқ активлари баҳолашнинг бизнес бирлашуви санасида ёки кейинчалик кўриб чиқишини кўрсатиш мумкин (67 ва 68-бандларга қаранг).

Шўъба ташкилотлар, филиаллар ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестиция ва биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш улушлари

38 Вақтинчалик фарқлар шўъба ташкилотлари, филиаллар ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестиция ва биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш улушларининг баланс қийматлари (яъни, бош ташкилот ёки инвесторнинг шўъба ташкилоти, филиал, таъсир остидаги ташкилоти ёки инвестиция объектининг соф активларидаги улуши, шу жумладан, гудвилнинг баланс қиймати) ушбу инвестициянинг ёки улушнинг солиқ базасидан (кўпинча солиқ базаси бўлиб уларнинг бошланғич қиймати хизмат қилади) фарқ қилганда юзага келади. Бундай фарқлар турли вазиятларда юзага келиши мумкин, масалан:

- (а) шўъба ташкилотлар, филиаллар, таъсир остидаги ташкилотлар ва биргаликдаги фаолиятларнинг тақсимланмаган фойдаси мавжуд бўлиши;

- (б) бош ташкилот ва унинг шўъба ташкилоти турли мамлакатларда жойлашганда валюта айрибошлаш курсларидаги ўзгаришлар; ва
- (в) таъсир остидаги ташкилотга инвестициянинг баланс қийматини унинг қопланадиган қийматигача камайиши.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботда инвестиция билан боғлиқ вақтинчалик фарқ, агар бош ташкилот ушбу инвестицияни алоҳида молиявий ҳисоботда унинг бошланғич қиймати ёки қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олса, бош ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботидаги вақтинчалик фарқ билан бир хил бўлмаслиги мумкин.

39 Ташкилот шўъба ташкилотлари, филиаллар ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестиция ва биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш улушларига тегишли бўлган барча солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олиши лозим, қуйидаги икки шарт бир вақтда бажариладиган ҳолатлар бундан мустасно:

- (а) **бош ташкилот, инвестор, қўшма корхона иштирокчиси ёки биргаликдаги операция иштирокчиси вақтинчалик фарқларнинг қайта тикланиши муддатларини назорат қила олиши; ва**
- (б) **вақтинчалик фарқ яқин келажакда қайта тикланмаслиги эҳтимоли мавжуд бўлиши.**

40 Бош ташкилот шўъба ташкилотининг дивиденд сиёсатини назорат қилиши сабабли, ушбу инвестиция билан боғлиқ бўлган вақтинчалик фарқнинг (шу жумладан, нафақат тақсимланмаган фойда чиқадиган вақтинчалик фарқларнинг) қайта тикланиши муддатларини назорат қилиши мумкин. Бундан ташқари, кўп ҳолларда бундай вақтинчалик фарқлар қайта тикланганда тўланадиган фойда солиқларининг суммасини аниқлашнинг амалий имкони бўлмайди. Шунинг учун, бош ташкилот ушбу фойда яқин келажакда тақсимланмаслигини аниқлаганда кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олмайди. Бу каби ёндашув, филиалларга бўлган инвестицияларга нисбатан ҳам қўлланади.

41 Ташкилотнинг номонетар актив ва мажбуриятлари унинг функционал валютасида баҳоланади (21-сон БҲҲС “*Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари*”га қаранг). Агар ташкилотнинг солиқ солинадиган фойдаси ёки солиқ зарари (ўз навбатида, номонетар актив ва мажбуриятларнинг солиқ базаси) бошқа валютада аниқланадиган бўлса, валюта курсларидаги ўзгаришлар вақтинчалик фарқлар келиб чиқишига сабаб бўлади, бу эса кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки (24-бандни ҳисобга олган ҳолда) кечиктирилган солиқ активи тан олинishiга олиб келади. Натижада кечиктирилган солиқ фойда ёки зарарнинг дебети ёки кредитига олиб борилади (58-бандга қаранг).

42 Таъсир остидаги ташкилотнинг инвестори ушбу ташкилотни назорат қилмайди ва одатда унинг дивиденд сиёсатини белгилamayди. Шунинг учун, таъсир остидаги ташкилотнинг фойдаси яқин келажакда тақсимланмаслигини талаб этадиган келишув мавжуд бўлмаганда, инвестор ушбу таъсир остидаги ташкилотдаги инвестицияси билан боғлиқ солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлардан келиб чиқадиган кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олади. Баъзи ҳолларда, инвестор таъсир остидаги ташкилотга инвестициясининг бошланғич қийматини қопласа, тўланадиган солиқ суммасини аниқлай олмаслиги, лекин муайян минимал суммага тенг бўлиши ёки ундан ошишини аниқлаши мумкин. Бунда кечиктирилган солиқ мажбурияти ушбу суммада баҳоланади.

43 Биргаликдаги фаолият томонлари ўртасидаги келишувда, одатда, фойдани тақсимлаш масаласи кўриб чиқилади ва бу масала бўйича қарор қабул қилишда барча томонларнинг ёки томонлар гуруҳининг розилиги талаб этилиши белгиланади. Қўшма корхона иштирокчиси ёки биргаликдаги операция иштирокчиси унинг биргаликдаги фаолиятдан олинadиган фойдасидаги улуши қачон тақсимланишини назорат қила олганда ва ушбу фойдадаги улуш яқин келажакда тақсимланмаслиги эҳтимоли мавжуд бўлганда, кечиктирилган солиқ мажбурияти тан олинмайди.

44 Ташкилот шўъба ташкилотлари, филиаллар ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестиция ва биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш улушларидан келиб чиқадиган барча чегириладиган вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ активини, фақат ва фақат қуйидагиларнинг эҳтимоли мавжуд бўлиши даражасида тан олиши лозим:

- (а) **вақтинчалик фарқ яқин келажакда қайта тикланиши; ва**
- (б) **вақтинчалик фарқдан фойдаланиш имконини берадиган солиқ солинадиган фойданинг мавжуд бўлиши.**

45 Ташкилот шўъба ташкилотлари, филиаллар ва таъсир остидаги ташкилотларига инвестиция ва биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш улушларига тегишли чегириладиган вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ активи тан олинishi лозимлиги тўғрисида бирор қарорга келишда 28-31-бандларда келтирилган кўрсатмаларни инобатга олади.

Баҳолаш

- 46 Жорий ва олдинги даврлар учун жорий солиқ мажбуриятлари (активлари) амалдаги ёки ҳисобот даври охирига моҳиятан белгиланган солиқ ставкалари (ва солиқ қонунчилиги) бўйича солиқ органларига тўланиши (солиқ органларидан қайтарилиши) кутилаётган суммада баҳоланиши лозим.
- 47 Кечиктирилган солиқ актив ва мажбуриятлари амалдаги ёки ҳисобот даври охирига моҳиятан белгиланган солиқ ставкалари (ва солиқ қонунчилиги) асосида актив қопланадиган ёки мажбурият сўндириладиган даврга нисбатан қўлланиши кутилаётган солиқ ставкалари бўйича баҳоланиши лозим.
- 48 Жорий ва кечиктирилган солиқ актив ва мажбуриятлари одатда амалдаги солиқ ставкалари (ва солиқ қонунчилиги) бўйича баҳоланади. Лекин, баъзи юрисдикцияларда, тегишли давлат органи томонидан солиқ ставкаларининг (ва солиқ қонунчилигининг) эълон қилиниши бир неча ойдан кейин расмий кучга кирса ҳам моҳиятан бир хил таъсирга эга бўлади. Бундай вазиятда, солиқ актив ва мажбуриятлари эълон қилинган солиқ ставкаси (ва солиқ қонунчилиги) бўйича баҳоланади.
- 49 Турли даражадаги солиқ солинадиган фойдага нисбатан турли солиқ ставкалари қўлланганда, кечиктирилган солиқ актив ва мажбуриятлари вақтинчалик фарқларнинг қайта тикланиши кутилаётган даврлардаги солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари)га нисбатан қўлланиши кутилаётган ўртача солиқ ставкалари бўйича баҳоланади.
- 50 [Чиқариб ташланган]
- 51 **Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ва солиқ активларини баҳолаш ташкилот томонидан ҳисобот даври охирида унинг активлари ва мажбуриятларининг баланс қийматлари қопланиши ёки сўндирилиши кутиладиган тарзда келиб чиқадиган солиқ оқибатларини акс эттириши лозим.**
- 51A Баъзи юрисдикцияларда ташкилот активи (мажбурияти)нинг баланс қиймати қай тарзда қопланиши (сўндирилиши) қуйидагиларнинг бирига ёки иккаласига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин:
- (а) ташкилот активининг (мажбуриятининг) баланс қиймати қопланганда (сўндирилганда) қўлланадиган солиқ ставкаси; ва
 - (б) активнинг (мажбуриятнинг) солиқ базаси.
- Бундай ҳолатларда ташкилот кечиктирилган солиқ активлари ва солиқ мажбуриятларини актив (мажбурият)нинг қопланиши (сўндирилиши) кутилаётган тарзига мувофиқ бўлган солиқ ставкаси ва солиқ базаси асосида баҳолайди.

А Мисол

Асосий воситанинг баланс қиймати 100га ва солиқ базаси 60га тенг. Асосий восита сотилганда 20% ва бошқа даромадларга 30% солиқ ставкаси қўлланган бўларди.

Ташкилот активдан ортиқ фойдаланмасдан уни сотишни мўлжаллаган бўлса, у 8 га (40 дан 20%) тенг кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олади ва агар у активни ўзида қолдириб, ушбу активдан фойдаланиш орқали унинг баланс қийматини қоплашни мўлжаллаган бўлса, 12га (40 дан 30%) тенг кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олади.

Б Мисол

Бошланғич қиймати 100 ва баланс қиймати 80 га тенг бўлган асосий восита 150 га қайта баҳоланди. Солиқ мақсадларида эквивалент тарзда тузатишлар киритилмайди. Солиқ мақсадларида жамғарилган эскириш суммаси 30 га тенг ва солиқ ставкаси 30% ни ташкил этади. Агар асосий восита бошланғич қийматидан юқори бўлган қийматга сотилса, солиқ мақсадларидаги 30 га тенг жамғарилган эскириш солиқ солинадиган даромадга киритилади, лекин сотишдан келиб тушган пул маблағларининг бошланғич қийматдан ошган суммаси солиққа тортилмайди.

Асосий воситанинг солиқ базаси 70 га тенг ва бунда 80га тенг солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ юзага келади. Агар ташкилот асосий воситанинг баланс қийматини ундан фойдаланиш орқали қоплашни мўлжаллаган бўлса, 150 га тенг бўлган солиқ солинадиган даромадни олиши лозим, лекин ундан фақат 70 га тенг бўлган эскириш суммасини чегирлиши мумкин. Бу асосга

Б Мисол			
<i>кўра, 24га (80 дан 30%) тенг бўлган кечиктирилган солиқ мажбурияти юзага келади. Агар ташкилот асосий воситани дарҳол 150га сотиши орқали унинг баланс қийматини қоплашни мўлжаллаган бўлса, кечиктирилган солиқ мажбурияти қуйидагича ҳисобланади:</i>			
	<i>Солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ</i>	<i>Солиқ ставкаси</i>	<i>Кечиктирилган солиқ мажбурияти</i>
Солиқ мақсадларида жамғарилган эскириш	30	30%	9
Пул маблағлари келиб тушишининг бошланғич қийматдан ошган қисми	50	ноль	–
Жами	<u>80</u>		<u>9</u>
<i>(Изоҳ: 61А-бандга мувофиқ, қайта баҳолашдан келиб чиқадиган қўшимча кечиктирилган солиқ бошқа умумлашган даромадда тан олинади)</i>			

Б Мисол
<i>Дастлабки шартлар Б мисоли билан бир хил, лекин, асосий восита бошланғич қийматидан юқори нархга сотиладиган бўлса, солиқ мақсадларида жамғарилган эскириш солиқ солинадиган даромадда (30% солиқ ставкаси бўйича) ҳисобга олинади ва сотишдан келиб тушган пул маблағларига инфляция ҳисобига 110гача тузатиш киритилган бошланғич қиймат чегирилгандан кейин 40% ставка бўйича солиқ солинади.</i>
<i>Агар ташкилот баланс қийматини асосий воситадан фойдаланиш орқали қоплашни мўлжалласа, 150 га тенг бўлган солиқ солинадиган даромадни ҳосил қилиши керак, лекин ундан фақат 70 га тенг бўлган эскириш суммасини чегириши мумкин. Бу асосга кўра, Б мисолида келтирилганидек, 80 га тенг солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ юзага келади ва 24 га (80 дан 30%) тенг бўлган кечиктирилган солиқ мажбурияти юзага келади.</i>
<i>Агар ташкилот асосий воситани дарҳол 150га сотиши орқали унинг баланс қийматини қоплашни мўлжаллаган бўлса, асосий воситанинг 110га тенг индексланган бошланғич қийматини чегириши мумкин. 40га тенг соф пул маблағлари тушишига 40% ставка бўйича солиқ солинади. Бундан ташқари, солиқ мақсадларида 30 га тенг жамғарилган эскириш солиқ солинадиган даромадга киритилади ва 30% ставка бўйича солиқ солинади. Бу асосга кўра, солиқ базаси 80 га тенг (110 минус 30) бўлади, 70 га тенг солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ юзага келади ва 25 тенг кечиктирилган солиқ мажбурияти (40 дан 40% плюс 30 дан 30%) юзага келади. Агар бу мисолда солиқ базаси яққол намоён бўлмаса, 10-бандда келтирилган фундаментал тамойилни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.</i>
<i>(Изоҳ: 61А-бандга мувофиқ, қайта баҳолашдан келиб чиқадиган қўшимча кечиктирилган солиқ бошқа умумлашган даромадда тан олинади)</i>

- 51Б Агар кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки солиқ активи 16-сон БҲХСдаги қайта баҳолаш модели бўйича баҳоланадиган эскириш ҳисобланмайдиган активга нисбатан келиб чиқса, бундай активнинг баланс қийматини баҳолаш асосидан қатъи назар, кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки солиқ активи ушбу эскириш ҳисобланмайдиган активнинг баланс қийматини сотиш орқали қоплашнинг солиқ оқибатларини акс эттириши лозим. Шунга кўра, агар солиқ қонунчилигида активни сотишдан олинган солиқ солинадиган даромадга тегишли солиқ ставкасини активдан фойдаланиш натижасида ҳосил бўладиган солиқ солинадиган суммага қўлланадиган ставкадан фарқли тарзда белгиланган бўлса, эскириш ҳисобланмайдиган активга тегишли бўлган кечиктирилган солиқ мажбурияти ва активини баҳолаш учун келтирилган ставкалардан биринчиси қўлланади.
- 51В Агар кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки активи 40-сон БҲХСга мувофиқ ҳаққоний қиймат моделидан фойдаланиб баҳоланадиган инвестиция кўчмас мулкига нисбатан юзага келса, бундай инвестиция кўчмас мулкнинг баланс қиймати уни сотиш орқали қопланиши тўғрисида рад этилиши мумкин бўлган фараз мавжуд бўлади. Шунга кўра, агар бундай фараз рад этилмаса, кечиктирилган

солиқ активи ёки кечиктирилган солиқ мажбурияти инвестиция кўчмас мулкни фақат сотиш орқали баланс қийматини қопланишининг солиқ оқибатларини акс эттириши лозим. Агар инвестиция кўчмас мулкка эскириш ҳисобланганидан бўлса ва бу инвестиция кўчмас мулкни уни сотишдан эмас, балки ўзида мужассамлаштирган иктисодий нафнинг аҳамиятли қисмини муайян давр мобайнида ундан фойдаланиш орқали олишни назарда тутадиган бизнес модели доирасида сақлаб турилган бўлса, бундай фараз рад этилади. Агар ушбу фараз рад этилса, 51 ва 51А-бандларда келтирилган талабларга риоя этилиши лозим.

51(в)-бандга оид мисол

Инвестиция кўчмас мулкнинг бошланғич қиймати 100 ва ҳаққоний қиймати 150 га тенг. У 40-сон БҲХСга мувофиқ ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланиб баҳоланади. Унинг таркибига бошланғич қиймати 40 га тенг ва ҳаққоний қиймати 60 га тенг ер ва бошланғич қиймати 60 га тенг ва ҳаққоний қиймати 90 га тенг бино киради. Ернинг фойдали хизмат муддати чекланмаган.

Бинонинг солиқ мақсадларида жамғарилган эскириши 30 ни ташкил этади. Инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматидан келиб чиқадиган реализация қилинмаган ўзгаришлар солиқ солинадиган фойдага таъсир кўрсатмайди. Агар инвестиция кўчмас мулкни бошланғич қийматидан юқори нархга сотилса, 30 га тенг бўлган солиқ мақсадларидаги жамғарилган эскиришнинг қопланиши солиқ солинадиган фойдага киритилади ва 30% бўлган одатий солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади. Сотилган тушган пул маблағларининг бошланғич қийматдан ошган суммасига солиқ қонунчилигига биноан 2 йилгача ташкилот эгалигида бўлган активлар бўйича 25% лик солиқ ставкаси ҳамда 2 йил ва ундан ортиқ муддат давомида ташкилот эгалигида бўлган активлар бўйича 20% лик солиқ ставкаси қўлланади.

Инвестиция кўчмас мулкни 40-сон БҲХСга мувофиқ ҳаққоний қиймат моделидан фойдаланиб баҳоланса, ташкилот инвестиция кўчмас мулкнинг баланс қийматини тўлиқ сотиш орқали қопланиши бўйича рад этилиши мумкин бўлган фараз мавжуд. Бу фараз рад этилмаса, кечиктирилган солиқ, ҳатто ташкилот сотишдан олдин ижара ҳақи кўринишидаги даромадларни олишни мўлжаллаган тақдирда ҳам, кўчмас мулкнинг баланс қийматини тўлиқ сотиш орқали қопланишининг солиқ оқибатларини акс эттиради.

Агар ер сотилса, унинг солиқ базаси 40га тенг бўлади ва 20 (60 – 40) га тенг бўлган солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ юзага келади. Агар бино сотилса, унинг солиқ базаси, 30 (60 – 30) га тенг бўлади ва 60 (90 – 30) га тенг солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ юзага келади. Натижада, инвестиция кўчмас мулкка тегишли бўлган жами солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ 80 (20 + 60) га тенг бўлади.

47-бандга мувофиқ, солиқ ставкаси – бу инвестиция кўчмас мулкни қоплаш даврида қўлланиши кутилаётган ставкадир. Шунинг учун, агар ташкилот мулкка икки йил эгалик қилгандан кейин сотишни режалаштирса, кечиктирилган солиқ мажбурияти қуйидагича ҳисобланади:

	Солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ	Солиқ ставкаси	Кечиктирилган солиқ мажбурияти
Солиқ мақсадларида жамғарилган эскириш	30	30%	9
Пул маблағлари келиб тушишининг бошланғич қийматдан ошган қисми	50	20%	10
Жами	80		19

Агар ташкилот мулкни икки йил эгалик қилгандан кейин сотишни режалаштирса, юқоридаги ҳисоблашга пул маблағлари тушишининг бошланғич қийматдан ошган суммасига 20% ўрнига 25% ставкани қўллаш орқали тузатиш киритилади.

Агар, бунинг ўрнига, ташкилот бинода мужассамлашган деярли барча иқтисодий нафни бинони сотиш орқали эмас, вақт ўтиши билан фойдаланиш орқали олишни назарда тутадиган бизнес модели доирасида эгалик қилса, унда юқоридаги фараз бинога нисбатан рад этилиши мумкин. Лекин, ерга нисбатан эскириш ҳисобланмайди. Шунинг учун, бундай фараз ерга нисбатан рад этилмайди. Кечиктирилган солиқ мажбурияти бинонинг баланс қиймати ундан фойдаланиш орқали ва ернинг баланс қиймати уни сотиш орқали қопланиши натижасидаги солиқ оқибатларини акс эттиради.

51(в)-бандга оид мисол

Бинодан фойдаланилганда, унинг солиқ базаси 30 га (60 – 30) тенг бўлади, солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ эса 60га (90 – 30) тенг бўлади ва натижада 18 га (60 дан 30%) тенг кечиктирилган солиқ мажбурияти юзага келади.

Агар ер сотилса, унинг солиқ базаси 40 га тенг бўлади, солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ эса 20 га (60 – 40) тенг бўлади ва натижада 4 (20 дан 20%) га тенг кечиктирилган солиқ мажбурияти юзага келади.

Натижада, бионинг баланс қиймати сотиш орқали қопланиши бўйича фараз рад этилса, инвестиция кўчмас мулккага тегишли кечиктирилган солиқ мажбурияти 22га (18 + 4) тенг бўлади.

- 51Г 51В-бандда келтирилган рад этилиши мумкин бўлган фараз, агар ташкилот ушбу инвестиция кўчмас мулкни кейинги баҳолашда ҳаққоний қиймат моделини қўлласа, кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки солиқ активи инвестиция кўчмас мулкни бизнес бирлашувида баҳолаш натижасида юзага келганда ҳам қўлланади.
- 51Д 51Б–51Г-бандлари кечиктирилган солиқ активини тан олиш ва баҳолашга нисбатан мазкур стандартнинг 24-33-бандлари (чегириладиган вақтинчалик фарқлар) ва 34-36-бандларидаги (фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва солиқ имтиёзлари) тамойилларни қўллаш бўйича талабларни ўзгартирмайди.
- 52 [51А-бандга ўтказилган ва қайта рақамланган]
- 52А Баъзи юрисдикцияларда ташкилот акциядорларига соф фойда ёки тақсимланмаган фойданинг бутунлигича ёки унинг бир қисмини дивиденд шаклида тўлаганда, фойда солиқлари юқорироқ ёки пастроқ ставка бўйича тўланади. Бошқа юрисдикцияларда ташкилот акциядорларига соф фойда ёки тақсимланмаган фойдани бутунлигича ёки унинг бир қисмини дивиденд шаклида тўлаганда, фойда солиқлари тўланиши ёки бюджетдан қайтарилиши мумкин. Бундай ҳолларда жорий ва кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари фойданинг тақсимланмаган суммасига нисбатан қўлланадиган солиқ ставкаси бўйича баҳоланади.
- 52Б [Чиқариб ташланган]

52А ва 57А-бандларга оид мисоллар

Қуйидаги мисолда, фойда солиғи фойданинг тақсимланмаган суммаси бўйича юқорироқ (50%) ставкада тўланадиган ва фойда тақсимланганида қайтариб бериладиган юрисдикцияда иш юритадиган ташкилотнинг жорий ва кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари кўриб чиқилади. Тақсимланган фойдадан 35% ставка бўйича солиқ ҳисобланади. Ҳисобот даврининг охирида, яъни 20X1й 31 декабрда ташкилот ҳисобот даври тугаганидан кейин таклиф қилинган ёки эълон қилинган дивидендлар бўйича мажбуриятни тан олмайди. Натижада 20X1 йилда ҳеч қандай дивидендлар тан олинмайди. 20X1 йил учун солиқ солинадиган фойда 100 000 тенг. 20X1 йил учун солиқ солинадиган соф вақтинчалик фарқ 40 000 ни ташкил этади.

Ташкилот 50 000 га тенг жорий солиқ мажбуриятини ва жорий фойда солиғи бўйича харажатни тан олади. Келгуси дивидендлар натижасида қопланиши эҳтимоли мавжуд бўлган сумма бўйича ҳеч қандай актив тан олинмайди. Шунингдек ташкилот 20 000 га (40 000 дан 50%) тенг бўлган кечиктирилган солиқ мажбурияти ва солиқ харажатини тан олади. Бу харажат ва мажбурият ташкилот активлари ва мажбуриятларининг баланс қийматлари қопланганида ёки тўланганида, ташкилот томонидан тақсимланмаган фойдага нисбатан қўлланадиган солиқ ставкаси бўйича тўланадиган фойда солигини ифодалайди.

Кейинчалик ташкилот 20X2й 15 мартда операция фаолиятдан олинган фойдадан 10 000 га тенг дивидендларни тан олади.

20X2й 15 мартда ташкилот фойда солигининг 1 500 га (мажбурият сифатида тан олинган дивидендларнинг 15%) тенг бўлган қопланадиган суммасини жорий солиқ активи ва 20X2й учун жорий фойда солиғи бўйича харажатини камайтириши тарзида тан олади.

- 53 **Кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари дисконтланмаслиги лозим.**
- 54 Кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларини дисконтлаш йўли билан ишончли аниқлаш ҳар бир вақтинчалик фарқ қайта тикланиш муддатларининг батафсил графигини тузишни талаб этади.

- Аксарият ҳолларда, бундай графикларни тузишни амалий қўллаш имконсиз ёки жуда мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун, кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларининг дисконтланишини талаб этиш мақсадга мувофиқ эмас. Дисконтлашга рухсат берилиши, лекин талаб этилмаслиги, ташкилотлар ўртасида қиёслаш мумкин бўлмайдиган кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари юзага келишига олиб келади. Шунинг учун мазкур стандартда кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларининг дисконтланиши талаб қилинмайди ва рухсат этилмайди.
- 55 Вақтинчалик фарқлар актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматидан келиб чиқиб аниқланади. Ушбу баланс қиймати дисконтлаш орқали аниқланганида, масалан, пенсия тўловлари бўйича мажбуриятларга (19-сон БҲХС “*Ҳодимларнинг даромадлари*” га қаранг) ҳам ўринли ҳисобланади.
- 56 **Кечиктирилган солиқ активнинг баланс қиймати ҳар ҳисобот даврининг охирида қайта кўриб чиқилиши лозим. Ташкилот кечиктирилган солиқ активдан қўйилган нафнинг бутунлигича ёки унинг бир қисмидан фойдаланиш учун етарли солиқ солинадиган фойда мавжуд бўлиш эҳтимоли камайиши даражасида кечиктирилган солиқ активнинг баланс қийматини камайтириши лозим. Бундай камайтиришнинг ҳар қандай суммаси етарли солиқ солинадиган фойда мавжуд бўлиш эҳтимоли кўпайиши даражасида қайта тикланиши лозим.**

Жорий ва кечиктирилган солиқни тан олиш

- 57 Операция ёки бошқа ҳодисанинг жорий ёки кечиктирилган солиқ оқибатларини ҳисобга олиш тартиби ушбу операция ёки бошқа ҳодисанинг ўзини ҳисобга олиш тартиби билан мувофиқ бўлади. Ушбу тамойилнинг қўлланиши 58-68-бандларда изоҳланган.
- 57А Ташкилот дивидендларни тўлаш мажбуриятини тан олганда, 9-сонли МҲХСда таърифланганидек, дивидендларнинг фойда солиғи оқибатларини тан олиши лозим. Дивидендларнинг фойда солиғи оқибатлари, мулкдорларга активлар тақсимланишидан кўра кўпроқ бевосита тақсимланадиган фойда келтирадиган операциялар ёки ҳодисалар билан боғлиқ. Шу сабабли, ташкилот ўтган операциялар ёки ҳодисаларни дастлаб қаерда тан олганига қараб, дивидендларнинг фойда солиғи оқибатларини фойда ёки зарар таркибида бошқа умумлашган даромад ёки хусусий капиталда тан олиши лозим.

Фойда ёки зарар таркибида тан олинadиган моддалар

- 58 **Жорий ва кечиктирилган солиқ даромад ёки харажат сифатида тан олинishi лозим ва давр фойдаси ёки зарари таркибига киритилиши лозим. Ушбу солиқ қуйидагилар натижасида юзага келадиган ҳолатлар бундан мустасно:**
- (а) айти шу ёки бошқа даврда фойда ёки зарарда эмас, балки бошқа умумлашган даромадда ёки бевосита хусусий капиталнинг ўзида тан олинadиган операция ёки бошқа ҳодиса (61А–65-бандларга қаранг); ёки
 - (б) бизнес бирлашуви (10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”га мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаш талаб этиладиган шўба ташкилотнинг инвестиция ташкилоти томонидан сотиб олинishi ҳолатларидан ташқари) (66–68-бандларга қаранг).
- 59 Аксарият кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари даромад ёки харажат сифатида бухгалтерия фойдасига бир даврда, солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) бошқа даврда киритилганида юзага келади. Натижада юзага келадиган кечиктирилган солиқ фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Бунга мисоллар:
- (а) фоиз, роялти ёки дивиденд кўринишидаги даромадлар тан олинганда ва 15-сон МҲХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*”, 39-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*” ёки 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”га мувофиқ бухгалтерия фойдасига киритилганда, лекин солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) касса усулида киртилганда; ва
 - (б) номоддий активлар бўйича сарфлар 38-сон БҲХСга мувофиқ капиталлаштирилганда ҳамда фойда ва зарар таркибига амортизациялаш тарзида олиб борилганда лекин солиқ мақсадларида, бу сарфлар юзага келганда солиқ солинадиган фойдадан чегирилганда.
- 60 Кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларининг баланс қиймати уларга тегишли бўлган вақтинчалик фарқлар ўзгармаси ҳам ўзгариши мумкин. Бу қуйидагилар натижасида содир бўлиши мумкин, масалан:
- (а) солиқ ставкалари ёки солиқ қонунчилигининг ўзгариши;
 - (б) кечиктирилган солиқ активлари қопланишининг қайта кўриб чиқилиши; ёки

(в) активнинг қутилган қопланиши тарзидаги ўзгариш.

Бунда юзага келган кечиктирилган солиқ фойда ёки зарар таркибидан ташқари моддаларда (63-бандга қаранг), тан олинадиган операция ёки бошқа ҳодисаларга тегишли бўлмаса, фойда ёки зарар таркибида тан олинади.

Фойда ёки зарар таркибида тан олинмайдиган моддалар

61 [Чиқариб ташланган]

61А Агар жорий ва кечиктирилган солиқ айнан ушбу ёки бошқа даврда фойда ёки зарар таркибида тан олинмайдиган моддаларга тегишли бўлса, фойда ёки зарар таркибида тан олинмаслиги лозим. Шунинг учун, айнан ушбу ёки бошқа даврда тан олинган моддаларга тегишли бўлган жорий ва кечиктирилган солиқ қуйидагича акс эттирилади:

(а) ушбу моддалар бошқа умумлашган даромадда тан олинган бўлса, солиқ ҳам бошқа умумлашган даромадда тан олинishi лозим (62-бандга қаранг).

(б) ушбу моддалар бевосита хусусий капиталда ҳисобга олинган бўлса, солиқ ҳам бевосита хусусий капиталда тан олинishi лозим (62А-бандга қаранг).

62 Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари айрим моддаларнинг бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинishi талаб қилади ёки рухсат беради. Бундай моддаларга мисоллар:

(а) асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида уларнинг баланс қийматидаги ўзгариш (16-сон БҲХСга қаранг); ва

(б) [Чиқариб ташланган]

(в) чет элдаги бўлинманинг молиявий ҳисоботини бошқа валютага ўтказишда юзага келадиган курс фарқлари (21-сон БҲХСга қаранг).

(г) [Чиқариб ташланган]

62А Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари айрим моддаларнинг бевосита хусусий капиталда ҳисобга олинishi талаб қилади ёки рухсат беради. Бундай моддаларга мисоллар:

(а) ҳисоб сиёсати ўзгаришини ретроспектив қўллаш ёки хатоларни тузатиш натижасида тақсимланмаган фойданинг давр боши колдигига тузатиш киритиш (8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар*” га қаранг); ва

(б) таркибли молиявий инструментнинг хусусий капиталга оид компонентини дастлабки тан олишдан юзага келадиган суммалар (23-бандга қаранг).

63 Истисно ҳолларда жорий ва кечиктирилган солиқ суммасини фойда ёки зарар таркибида тан олинмайдиган (бошқа умумлашган даромад таркибида ёки бевосита хусусий капиталда тан олинадиган) моддаларга тегишлигини аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Қуйидаги ҳолатлар бунга мисол бўлади:

(а) фойда солигининг прогрессив ставкалари мавжуд ва солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари)нинг муайян компонентига тегишли бўлган ставкани аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаслиги;

(б) солиқ ставкаси ёки солиқ қонунчилигидаги ўзгаришнинг олдин фойда ёки зарар таркибида тан олинмаган моддага тегишли бўлган кечиктирилган солиқ активи ёки мажбуриятига (бутунлигича ёки қисман) таъсир кўрсатиши; ёки

(в) ташкилот, кечиктирилган солиқ активи тан олинishi ёки бундан буён бутунлигича тан олинмаслигини аниқлаши ва кечиктирилган солиқ активи (бутунлигича ёки қисман) аввал фойда ёки зарар таркибида тан олинмаган моддага тегишли бўлиши.

Бундай ҳолатларда фойда ёки зарар таркибида тан олинмаган моддаларга тегишли жорий ва кечиктирилган солиқ ташкилотнинг жорий ва кечиктирилган солиқнинг маълум солиқ қонунчилигига мувофиқ ёки мутаносиб равишда мақсадли тақсимланишида ўринлироқ бўладиган тақсимлашнинг бошқа усулига асосланади.

64 Ташкилот асосий воситаларни қайта баҳолашдан кейинги эскириш суммаси билан унинг бошланғич қийматининг эскириш суммаси ўртасидаги фарқни, қайта баҳолаш натижасида шаклланган бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсишидан тақсимланмаган фойдага ҳар йили ўтказиш ёки ўтказмаслигини 16-сон БҲХС белгиламайди. Ташкилот бундай ўтказишни амалга оширадиган бўлса, ўтказиладиган қиймат унга тегишли бўлган ҳар қандай кечиктирилган солиқ чегирилгандаги соф қийматга тенг бўлади. Бу каби ёндашув асосий восита моддаларини ҳисобдан чиқаришдаги ўтказишларга ҳам қўлланади.

- 65 Актив солиқ мақсадларида қайта баҳоланганда ва бу олдинги даврда амалга оширилган ёки келгуси даврда амалга оширилиши кутилаётган ҳисоб мақсадларидаги қайта баҳолаш билан боғлиқ бўлганда, активнинг қайта баҳоланиши ва солиқ базасининг ўзгариши натижасида юзага келадиган солиқ таъсирлари улар юзага келган даврлардаги бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинади. Лекин, солиқ мақсадларида қайта баҳолаш олдинги даврда амалга оширилган ёки келгусида амалга оширилиши кутилаётган ҳисоб мақсадларидаги қайта баҳолаш билан боғлиқ бўлмаса, активнинг солиқ базасидаги ўзгаришнинг солиқ таъсирлари фойда ёки зарар таркибида тан олинади.
- 65A Ташкилот акциядорларига дивидендлар тўлаганда, акциядорлар номидан уларнинг бир қисмини солиқ органларига ўтказиш талаб этилиши мумкин. Кўп юрисдикцияларда бу сумма тўлов манбаида ушлаб қолинган солиқ деб номланади. Солиқ органларига тўланган ёки тўланган бундай сумма дивидендларнинг бир қисми сифатида хусусий капитални камайтириш тарзида акс эттирилади.

Бизнес бирлашувидан юзага келадиган кечиктирилган солиқ

- 66 19 ва 26(в)-бандларда тушунтирилганидек, бизнес бирлашувида вақтинчалик фарқлар юзага келиши мумкин. Ташкилот 3-сон МҲХСга мувофиқ, бизнес бирлашуви натижасида юзага келадиган ҳар қандай кечиктирилган солиқ активлари (24-банддаги тан олиш мезонларига жавоб бериши шarti билан) ёки кечиктирилган солиқ мажбуриятларини идентификацияланган активлар ва мажбуриятлар сифатида харид қилиш санасида тан олади. Натижада ушбу кечиктирилган солиқ активлари ва солиқ мажбуриятлари ташкилот томонидан тан олинган гудвил суммасига ёки манфаатли харид бўйича фойда суммасига таъсир кўрсатади. Лекин, 15(а)-бандга мувофиқ, ташкилот гудвилни дастлабки тан олишдан юзага келадиган кечиктирилган солиқ мажбуриятларини тан олмайди.
- 67 Бизнес бирлашуви натижасида, бизнесни харид қилувчининг харид қилишдан олдинги кечиктирилган солиқ активдан фойдаланиш эҳтимоли ўзгариши мумкин. Бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашувидан олдин тан олинмаган кечиктирилган солиқ активи қопланиши мумкин деб ҳисоблаши мумкин. Масалан, бизнесни харид қилувчи фойдаланилмаган солиқ зарарлари бўйича нафни харид қилинган ташкилотнинг келгуси солиқ солинадиган фойдасига нисбатан фойдаланиши мумкин. Муқобил тарзда, бизнес бирлашуви натижасида келгуси солиқ солинадиган фойда кечиктирилган солиқ активини қоплаш имконини бериши эндиликда эҳтимолдан йироқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашуви содир бўлган даврда кечиктирилган солиқ активдаги ўзгаришни тан олади, лекин бизнес бирлашувини ҳисобга олишнинг бир қисми сифатида эмас. Шунинг учун, бизнесни харид қилувчи бу солиқ активини бизнес бирлашувида юзага келадиган гудвил ёки манфаатли харид бўйича фойдани баҳолашда эътиборга олмайди.
- 68 Харид қилинадиган ташкилотнинг фойда солиғи бўйича зарарини келгуси даврларга ўтказиш имкониятлари ёки бошқа кечиктирилган солиқ активлари алоҳида тан олиш мезонларига бизнес бирлашуви дастлаб ҳисобга олинганда жавоб бермаслиги мумкин, лекин кейинчалик бу мезонларга тўғри келиши мумкин. Ташкилот харид қилинган ва бизнес бирлашувидан кейин фойдаланиладиган кечиктирилган солиқ бўйича нафларни қуйидагича тан олиши лозим:
- (а) Харид қилиш санасида мавжуд бўлган далил ва ҳолатлар тўғрисидаги янги маълумотлар асосида баҳолаш даврида тан олинган, харид қилинган кечиктирилган солиқ нафлари ушбу харидга тегишли бўлган гудвилнинг баланс қийматини камайтириш тарзида акс эттирилиши лозим. Ушбу гудвилнинг баланс қиймати нолга тенг бўлса, ҳар қандай кечиктирилган солиқ нафларининг қолган қисми фойда ёки зарар таркибида тан олинмиши лозим.
 - (б) Бошқа барча харид қилинган кечиктирилган солиқ нафларининг реализация қилиниши фойда ёки зарар таркибида (ёки мазкур стандарт талаб этса, фойда ёки зарар таркибидан ташқарида) тан олинмиши лозим.

Акцияга асосланган тўловлар бўйича юзага келадиган жорий ва кечиктирилган солиқлар

- 68A Баъзи солиқ юрисдикцияларида, ташкилотнинг акциялари, акция опционлари ёки бошқа улушли инструментлари кўринишида тўланадиган даромадлар, ташкилотнинг солиқ солинадиган фойдасини аниқлашда чегирилиши мумкин. Бундай солиқ мақсадларида чегириладиган сумма даромад бўйича тегишли жамғарилган харажат суммасидан фарқ қилиши мумкин ва харажат тан олингандан кейинги ҳисобот даврида чегирилиши мумкин. Масалан, баъзи юрисдикцияларда, ташкилот ходимларининг хизматлари эвазига уларга акция опционларини бериши мумкин ва бунда 2-сон МҲХС “Акцияга асосланган тўлов” га мувофиқ ходимлар хизмати бўйича харажатни тан олиши

- мумкин. Бу харажатлар акция опционларининг эгалари улар берадиган ҳуқуқлардан фойдаланмагунча солиқ мақсадларида чегирилмайди ва бундай чегириш акция опционларидан фойдаланилган санада ташкилот акциясининг нархи асосида баҳоланади.
- 68Б Мазкур стандартнинг 9 ва 26(б)-бандларида кўриб чиқилган тадқиқот сарфлари каби, ходимлар томонидан маълум санагача кўрсатилган хизматларнинг солиқ базаси (яъни солиқ органи томонидан келгуси даврларда чегирилишига рухсат этилган сумма) ва уларнинг нолга тенг баланс қиймати ўртасидаги фарқ чегириладиган вақтинчалик фарқ ҳисобланади ва унинг натижасида кечиктирилган солиқ активи юзага келади. Агар солиқ органи томонидан келгуси даврларда чегирилиши рухсат этилган сумма давр охирида маълум бўлмаса, давр охирида мавжуд маълумотлар асосида тахминий баҳоланиши лозим. Масалан, солиқ органи томонидан келгуси даврларда чегирилиши рухсат этиладиган сумма ташкилот акциясининг келгуси санадаги нархига боғлиқ бўлганда, чегириладиган вақтинчалик фарқ ташкилот акциясининг ҳисобот даври охиридаги нархи асосида баҳоланиши лозим.
- 68В 68А-бандда қайд этилганидек, солиқ мақсадларидаги чегириладиган сумма (ёки келгусида солиқ мақсадларида чегириладиган 68Б-бандга мувофиқ баҳоланган сумма) даромад бўйича тегишли жамғарилган харажат суммасидан фарқ қилиши мумкин. Мазкур стандартнинг 58-бандида жорий ва кечиктирилган солиқлар даромад ва харажат сифатида тан олиними ҳамда давр фойдаси ёки зарари таркибида ҳисобга олиними талаб этилади, ушбу солиқлар (а) айнан шу ёки бошқа даврда фойда ёки зарарда эмас, балки бошқа умумлашган даромадда ёки бевосита хусусий капиталнинг ўзида тан олиннадиган операция ёки бошқа ҳодиса бўлиши ёки (б) бизнес бирлашуви (фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда ҳисобга олиними талаб этиладиган шўъба ташкилотнинг инвестиция ташкилоти томонидан харид қилиниши ҳолатларидан ташқари) натижасида юзага келиши ҳолатлари бундан мустасно. Солиқ мақсадларидаги чегириладиган сумма (ёки солиқ мақсадларида келгусида чегириладиган баҳоланган сумма) даромад бўйича тегишли жамғарилган харажат суммасидан ошганда, бу нафақат ходимларга даромадлар тўлаш бўйича харажатга, балки хусусий капиталда акс эттириладиган моддага ҳам тегишлилигини кўрсатади. Бундай ҳолатда тегишли жорий ёки кечиктирилган солиқнинг ошган суммаси бевосита хусусий капиталда тан олиними лозим.

1

Солиқ активлари ва солиқ мажбуриятлари

69-70 [Чикариб ташланган]

Ўзаро ҳисоб-китоб (Оффсеттинг)

- 71 **Ташкилот, фақат ва фақат қуйидаги ҳолатларда жорий солиқ активлари ва солиқ мажбуриятларини ўзаро ҳисоб-китоб қилиши лозим:**
- (а) **ташкилот тан олинган суммаларни ўзаро ҳисоб-китоб қилишга қонун билан химояланган ҳуқуққа эга бўлса; ва**
 - (б) **соф асосда ҳисоб-китобни амалга оширишни ёки бир вақтнинг ўзида активни сотиш ва мажбуриятни ҳисоб-китоб қилишни мўлжаллаган бўлса.**
- 72 Жорий солиқ активлари ва мажбуриятлари алоҳида тан олиними ва баҳоланишига қарамасдан, улар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда 32-сон БҲХСдаги молиявий инструментларга нисбатан белгиланган мезонларга ўхшаш мезонлар асосида ўзаро ҳисоб-китоб қилинади. Одатда, жорий солиқ активлари ва солиқ мажбуриятлари айни бир солиқ органи томонидан олиннадиган фойда солиқларига тегишли бўлса ва ушбу солиқ органи ташкилотга соф асосда ҳисобланган ягона тўловни амалга ошириш ёки олишга рухсат берса, ташкилот уларни ўзаро ҳисоб-китоб қилишга қонун билан химояланган ҳуқуққа эга бўлади.
- 73 Консолидацияланган молиявий ҳисоботда гуруҳ таркибига кирадиган бир ташкилотнинг жорий солиқ активи гуруҳдаги бошқа ташкилотнинг жорий солиқ мажбурияти билан фақат ва фақат, агар ушбу ташкилотлар соф асосда ҳисобланган ягона тўловни амалга ошириш ёки олишга қонун билан химояланган ҳуқуққа эга бўлса ва ташкилотлар бундай соф тўловни амалга ошириш ёки олиш ёхуд активни қоплаш билан мажбуриятни тўлашни бир вақтда амалга оширишни мўлжаллаган бўлса, ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.
- 74 **Ташкилот фақат ва фақат қуйидаги ҳолатларда кечиктирилган солиқ активлари ва солиқ мажбуриятларини ўзаро ҳисоб-китоб қилиши лозим:**
- (а) **ташкилот жорий солиқ активлари ва солиқ мажбуриятларини ўзаро ҳисоб-китоб қилишга қонун билан химояланган ҳуқуққа эга бўлса; ва**

- (б) кечиктирилган солиқ активлари ва солиқ мажбуриятлари аини бир солиқ органи томонидан қуйидаги ташкилотлардан олинадиган фойда солиқларига тегишли бўлса:
- (i) солиқ солинадиган аини бир ташкилот; ёки
 - (ii) тўланиши ёки қопланиши кутилаётган кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ёки активларининг ахамиятли суммаларини ҳар бир келгуси даврда жорий солиқ мажбуриятлари ва активларини соф асосда сўндиришни ёки активларни қоплашни ва мажбуриятларни сўндиришни бир вақтда амалга оширишни мўлжаллаган солиқ солинадиган турли ташкилотлар.
- 75 Ҳар бир вақтинчалик фарқ қайта тикланиш муддатларининг батафсил графигини тузмаслик мақсадида, кечиктирилган солиқ активлари ва солиқ мажбуриятлари аини бир солиқ органи томонидан олинадиган фойда солиқларига тегишли бўлса ва ташкилот уларни ўзаро ҳисоб-китоб қилишга қонун билан ҳимояланган ҳуқуққа эга бўлса, мазкур стандарт солиқ солинадиган аини бир ташкилотга тегишли кечиктирилган солиқ активлари ва солиқ мажбуриятларини ўзаро ҳисоб-китоб қилишни талаб этади.
- 76 Камдан-кам ҳолатларда, ташкилот ҳамма даврларда эмас, фақат айрим даврларда ўзаро ҳисоб-китоб қилишга қонун билан ҳимояланган ҳуқуққа эга бўлиши ва соф асосда ҳисоблашиш нияти бўлиши мумкин. Бундай камдан-кам ҳолатларда, солиқ солинадиган бир ташкилотнинг кечиктирилган солиқ мажбурияти унинг солиқ тўловлари кўпайишига солиқ солинадиган бошқа ташкилотнинг кечиктирилган солиқ активи унинг солиқ тўловлари камайишига аини бир даврда олиб келишини ишончли аниқлаш учун батафсил график тузилиши талаб этилиши мумкин.

Солиқ харажати

Одатдаги фаолиятдан олинадиган фойда ёки зарарга тегишли фойда солиғи харажати (даромади)

- 77 Одатдаги фаолиятдан олинадиган фойда ёки зарарга тегишли бўлган фойда солиғи харажати (даромади) фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда фойда ёки зарар таркибида тақдим этилиши лозим.
- 77А [Чиқариб ташланган]

Кечиктирилган хорижий солиқ мажбуриятлари ва активлари бўйича курс фарқлари

- 78 21-сон БҲХС муайян курс фарқларини даромад ёки харажат сифатида тан олиншини талаб қилади, лекин бу фарқлар умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг қайси бўлимида тақдим этилиши лозимлигини белгиламайди. Шунга кўра, кечиктирилган хорижий солиқ мажбуриятлари ёки активлари бўйича курс фарқлари умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тан олинганда, уларнинг бундай тақдим қилиниши молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун фойдали деб ҳисобланса, ушбу фарқлар кечиктирилган солиқ харажати (даромади) сифатида таснифланиши мумкин.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 79 Фойда солиғи харажати (даромади)нинг асосий компонентлари алоҳида ёритиб берилиши лозим.
- 80 Фойда солиғи харажати (даромади)нинг компонентлари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
- (а) жорий фойда солиғи харажати (даромади);
 - (б) олдинги даврларга тегишли жорий фойда солиғи бўйича тан олинган ҳар қандай тузатишлар;
 - (в) вақтинчалик фарқларнинг юзага келиши ва қайта тикланишига тегишли кечиктирилган солиқ харажати (даромади)нинг суммаси;
 - (г) солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар ёки янги солиқ тури киритилиши билан боғлиқ бўлган кечиктирилган солиқ харажати (даромади)нинг суммаси;

- (д) жорий фойда солиғи харажатини камайтириш учун фойдаланиладиган, олдин тан олинмаган солиқ зарари, солиқ имтиёзи ёки олдинги давр вақтинчалик фарқидан келиб чиқадиган наф суммаси;
- (е) кечиктирилган солиқ харажатини камайтириш учун фойдаланиладиган, олдин тан олинмаган солиқ зарари, солиқ имтиёзи ёки олдинги давр вақтинчалик фарқидан келиб чиқадиган наф суммаси;
- (ё) кечиктирилган солиқ активининг қийматини 56-бандга мувофиқ, камайтириш ёки олдин камайтирилган қийматининг қайта тикланишидан келиб чиқадиган кечиктирилган фойда солиғи харажати; ва
- (ж) 8-сон БҲХСга мувофиқ, ретроспектив тарзда ҳисобга олиниши мумкин эмаслиги сабабли, фойда ёки зарар таркибига киритилган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ёки хатоларнинг тузатилиши билан боғлиқ бўлган солиқ харажати (даромади).

81 Қуйидагилар ҳам алоҳида ёритиб берилиши лозим:

- (а) бевосита хусусий капиталга дебетланадиган ёки кредитланадиган моддаларга тегишли бўлган жорий ва кечиктирилган солиқнинг жами суммаси (62А-бандга қаранг);
- (аб) бошқа умумлашган даромаднинг ҳар бир компонентига тегишли бўлган фойда солиғининг суммаси (62-бандга ва 1-сон БҲХС (2007 таҳририда) га қаранг);
- (б) [Чиқариб ташланган]
- (в) солиқ харажати (даромади) ва бухгалтерия фойдаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг қуйидаги шакллардан бири ёки ҳар иккиси орқали тушунтирилиши:
 - (i) бухгалтерия фойдасини қўлланган солиқ ставкаси (ставкалари)га кўпайтмаси ва солиқ харажати (даромади)нинг миқдорий солиштирмаси, шунингдек қўлланган солиқ ставкаси (ставкалари) қайси асосда ҳисобланганлигини ёритиб бериш; ёки
 - (ii) ўртача эффектив солиқ ставкаси ва қўлланган солиқ ставкаси ўртасида миқдорий солиштира, шунингдек қўлланган солиқ ставкаси (ставкалари) қайси асосда ҳисобланганлигини ёритиб бериш;
- (г) қўлланган солиқ ставкасининг (ставкаларининг) олдинги ҳисобот даврига нисбатан ўзгаришларига изоҳ;
- (д) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган кечиктирилган солиқ активи бўйича чегириладиган вақтинчалик фарқлар, фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва солиқ имтиёзларининг суммаси (мавжуд бўлса, муддати тугаши санаси);
- (е) кечиктирилган солиқ мажбуриятлари тан олинмаган шўба ташкилотлари, филиаллар ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестициялар ҳамда биргалликдаги фаолиятда иштирок этиш улушлари бўйича вақтинчалик фарқларнинг жами суммаси (39-бандга қаранг);
- (ё) вақтинчалик фарқларнинг ва фойдаланилмаган солиқ зарарлари ҳамда фойдаланилмаган солиқ имтиёзларининг ҳар бир тури бўйича:
 - (i) тақдим қилинган ҳар бир давр учун молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларининг суммаси;
 - (ii) агар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган суммалар бўйича ўзгаришлар яққол намоён бўлмаса, фойда ёки зарар таркибида тан олинган кечиктирилган солиқ харажати ёки даромади суммаси;
- (ж) қуйидагиларга тегишли тугатилган фаолият бўйича солиқ харажати:
 - (i) фаолиятни тугатиш бўйича фойда ёки зарар; ва
 - (ii) ташкилотнинг фаолияти тугатилаётган қисмининг одатдаги фаолиятидан олинган давр фойдаси ёки зарари ва олдин тақдим қилинган ҳар бир давр учун шундай фойда ёки зарар тўғрисидаги маълумотлар билан бирга;
- (з) ташкилот акциядорларига молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин тақлиф қилинган ёки эълон қилинган, лекин молиявий ҳисоботда мажбурият сифатида тан олинмаган дивидендларнинг фойда солиғига таъсирининг суммаси;

- (и) бизнес бирлашувида ташкилот харид қилувчи бўлиб, ушбу бизнес бирлашувини харид қилишдан олдин тан олинган кечиктирилган солиқ активининг (67-бандга қаранг) суммасида ўзгариш келтириб чиқарса, ушбу ўзгаришнинг суммаси; ва
- (й) бизнес бирлашувида харид қилинган кечиктирилган фойда солиғи бўйича нафлари харид қилиш санасида тан олинмасдан ушбу санадан кейин тан олинса (68-бандга қаранг), кечиктирилган фойда солиғи нафлари тан олиншига сабаб бўлган ҳодисага ёки ҳолатлар ўзгаришига тавсиф бериш.
- 82 Ташкилот кечиктирилган солиқ активи суммаси ва унинг тан олиншига асос бўлган далилнинг характерини ёритиб бериши лозим, агар:
- (а) кечиктирилган солиқ активидан фойдаланиш, мавжуд солиқ солинадиган вақтинчалик фарқларнинг қайта тикланишидан юзага келадиган фойдадан ортик бўлган келгуси солиқ солинадиган фойданинг мавжуд бўлишига боғлиқ бўлса; ва
- (б) солиқ қонунчилиги доирасида ташкилот жорий ёки ундан олдинги даврда кечиктирилган солиқ активига тегишли бўлган зарар кўрган бўлса.
- 82А 52А бандда тавсифланган ҳолатда, ташкилот унинг акциядорларига тўланадиган дивидендлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган фойда солиғи оқибатларини ёритиб бериши лозим. Шунингдек, ташкилот амалий жиҳатдан аниқланиши мумкин бўлган фойда солиғи оқибатларининг суммасини ва амалий жиҳатдан аниқлаб бўлмайдиган фойда солиғи оқибатлари мавжудлигини ёритиб бериши лозим.
- 83 [Чиқариб ташланган]
- 84 81(в)-бандда ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга солиқ харажати (даромади) ва бухгалтерия фойдаси ўртасидаги боғлиқлик ноодатий ёки ноодатий эмаслигини ва ушбу боғлиқликка келгусида таъсир кўрсатиши мумкин бўлган аҳамиятли омилларни тушунишга ёрдам беради. Солиқ харажати (даромади) ва бухгалтерия фойдаси ўртасидаги боғлиқликка солиқ солинмайдиган даромадлар бўлиши, солиқ солинадиган фойда (солиқ зарарини) ҳисоблашда чегирилиши мумкин бўлмаган харажатлар мавжудлиги, солиқ зарарларининг таъсири ҳамда хорижий солиқ ставкаларининг таъсири каби омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.
- 85 Солиқ харажати (даромади) ва бухгалтерия фойдаси ўртасидаги боғлиқликни тушунтиришда, ташкилот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга энг мазмунли маълумотларни тақдим этиш учун қўлланадиган солиқ ставкасидан фойдаланади. Одатда, энг мазмунли ставка ташкилот юридик жиҳатдан рўйхатдан ўтган мамлакатнинг солиқ ставкасидир. Ушбу ставка миллий солиқларга нисбатан қўлланадиган солиқ ставкаси бўлиб, деярли бир хил даражадаги солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари)дан ҳисобланадиган ҳар қандай маҳаллий солиқларга қўлланадиган солиқ ставкаларини умумлаштиради. Лекин, бир нечта мамлакатларда фаолият олиб борадиган ташкилот учун ҳар бир мамлакатдаги ички ставкалар бўйича тайёрланган алоҳида солиштирма маълумотларни умумлаштириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Қуйидаги мисолда қўлланадиган солиқ ставкасини танлаш микдорий солиштирма тақдим этилишига қандай таъсир этиши кўрсатилган.

85-бандга оид мисол

19X2 йилда ташкилот жойлашган юрисдикциясида (А мамлакат) 1 500 (19X1 йилда 2 000) тенг бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдага ва Б мамлакатда 1 500 (19X1 йилда 500) тенг бўлган бухгалтерия фойдасига эга бўлган. Солиқ ставкаси А мамлакатда 30% ва Б мамлакатда 20% ни ташкил этади. А мамлакатда солиқ мақсадларида чегирилмайдиган харажатлар 100 (19X1 йилда 200) га тенг.

Қуйида тегишли мамлакатнинг солиқ ставкаси бўйича солиштирмага мисол келтирилган.

	19X1	19X2
<i>Бухгалтерия фойдаси</i>	<u>2 500</u>	<u>3 000</u>
<i>Солиқ ставкаси 30%</i>	750	900
<i>Солиқ мақсадларида чегирилмайдиган харажатларнинг солиқ таъсири</i>	60	30
<i>Б мамлакатдаги пастроқ солиқ ставкасининг таъсири</i>	<u>(50)</u>	<u>(150)</u>
<i>Солиқ харажати</i>	<u>760</u>	<u>780</u>

85-бандга оид мисол		
<i>Куйида ҳар қайси юрисдикция бўйича алоҳида солиштирмаларни умумлаштириши орқали тайёрланган солиштирмага мисол келтирилган. Бу усулда ташилотнинг ички солиқ ставкаси билан бошқа юрисдикцияда ички солиқ ставкаси ўртасидаги фарқлар таъсири солиштирмада алоҳида моддалар сифатида кўрсатилмайди. Ташилот солиқ ставкаларидаги аҳамиятли ўзгаришлар ёки ҳар хил юрисдикцияларда олинган фойда комбинацияси таъсирига 81 (г)-бандда талаб этилганидек, қўлланадиган солиқ ставкаларидаги ўзгаришларни тушунтириши мақсадида изоҳ бериши талаб этилиши мумкин.</i>		
<i>Бухгалтерия фойдаси</i>	<u>2 500</u>	<u>3 000</u>
<i>Тегишли юрисдикциядаги фойдага нисбатан қўлланадиган ички ставкалар бўйича ҳисобланган солиқ</i>	700	750
<i>Солиқ мақсадларида чегирланилмайдиган харажатларнинг солиқ таъсири</i>	<u>60</u>	<u>30</u>
<i>Солиқ харажати</i>	<u>760</u>	<u>780</u>

- 86 Ўртача эффектив солиқ ставкаси солиқ харажати (даромадини) бухгалтерия фойдасига бўлиш орқали аниқланади.
- 87 Шўба ташкилотлари, филиаллар ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестиция ва биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш улушлари бўйича юзага келган ва тан олинмаган кечиктирилган солиқ мажбуриятларининг суммасини амалда кўпинча ҳисоблаб бўлмайди (39-бандга қаранг). Шунинг учун, мазкур стандарт ташкилотдан кечиктирилган солиқ мажбуриятларини эмас, балки уларни келтириб чиқарувчи вақтинчалик фарқларнинг умумий суммасини ёритиб беришни талаб этади. Бунга қарамасдан, амалий имкони бўлганда ташкилот томонидан тан олинмаган кечиктирилган солиқ мажбуриятларининг суммаси ёритиб берилиши маъқулланади, чунки бундай маълумот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши мумкин.
- 87А 82А-бандда ташкилот томонидан акциядорларга дивидендлар тўланишидан келиб чиқиши мумкин бўлган фойда солиғи оқибатларининг характерини ёритиб берилиши талаб этилади. Ташкилот дивидендларнинг фойда солиғи учун эҳтимоллий оқибатларига таъсир қиладиган омиллар ва фойда солиғи тизимининг муҳим жиҳатларини ёритиб беради.
- 87Б Баъзан акциядорларга дивидендлар тўланишидан келиб чиқадиган фойда солиғи учун эҳтимоллий оқибатларининг умумий суммасини ҳисоблашнинг амалий имкони бўлмайди. Бу, масалан, ташкилот кўп сонли чет эл шўба ташкилотларига эга бўлган ҳолатда ўринли бўлиши мумкин. Лекин, бундай ҳолатда ҳам, мазкур сумманинг айрим қисмларини осон аниқлаш мумкин. Масалан, консолидациялашган гуруҳда бош ташкилот ва унинг баъзи шўба ташкилотлари фойда солиқларини тақсимланмаган фойдадан юқорилик ставкалар бўйича тўлаган бўлиши мумкин ҳамда консолидациялашган тақсимланмаган фойдадан келгусида акциядорларга дивидендлар тўланганда қопланадиган солиқ суммасидан хабардор бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда бундай қопланадиган сумма ёритиб берилади. Агар қўллаш мумкин бўлса, ташкилот аниқлашни амалий имкони бўлмаган кўшимча эҳтимоли бор бўлган солиқ оқибатларининг мавжудлигини ҳам ёритиб беради. Бош ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботида, агар мавжуд бўлса, эҳтимоли бор бўлган солиқ оқибатлари тўғрисидаги маълумот бош ташкилотнинг тақсимланмаган фойдасига нисбатан ёритиб берилади.
- 87В 82А-банддаги маълумотларни ёритиб бериш талаб этилган ташкилотдан шўба ташкилотлари, филиаллар ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестиция ёки биргаликдаги фаолиятда иштирок этиш улушларига тегишли бўлган вақтинчалик фарқлар тўғрисида маълумотлар ҳам ёритиб берилиши талаб қилиниши мумкин. Бундай ҳолатларда, ташкилот 82А-бандга мувофиқ ёритиб бериладиган маълумотларни аниқлашда юқоридагиларни инобатга олади. Масалан, ташкилот кечиктирилган солиқ мажбуриятлари тан олинмаган (81 (е)-бандга қаранг) шўба ташкилотидан инвестициялар билан боғлиқ бўлган вақтинчалик фарқларнинг умумий суммасини ёритиб беришни талаб этиши мумкин. Агар тан олинмаган кечиктирилган солиқ мажбуриятлари суммасини ҳисоблашнинг амалий имкони бўлмаса (87-бандга қаранг), ушбу шўба ташкилотларига тегишли бўлган дивидендларнинг амалий ҳисоблаш имкони бўлмаган эҳтимолли солиқ оқибатлари мавжуд бўлиши мумкин.
- 88 Ташкилот солиқ билан боғлиқ ҳар қандай шартли мажбуриятлар ва шартли активларни 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” га мувофиқ ёритиб беради. Шартли мажбуриятлар ва шартли активлар, масалан, солиқ органлари билан ҳал бўлмаган

мунозарали масалалар бўйича юзага келиши мумкин. Шу каби солиқ ставкалари ёки солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳисобот даври тугагандан кейин эълон қилинганида ёки киритилганида, ташкилот ушбу ўзгаришларнинг жорий ва кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларига бўлган ҳар қандай аҳамиятли таъсирини ёритиб беради (10-сон БҲХС “*Ҳисобот даврдан кейинги ҳодисалар*” га қаранг).

Кучга кириш санаси

- 89 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 1998 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларни қамраб оладиган молиявий ҳисобот учун қўлланиши лозим, 91-бандда белгиланган ҳолат бундан мустасно. Ташкилот мазкур стандартни 1998 йил 1 январдан олдин бошланадиган даврларга тегишли молиявий ҳисобот учун қўллаганда, у мазкур стандартни 1979 йилда тасдиқланган 12-сон БҲХС “*Фойда солигини ҳисобга олиш*” ўрнига қўллаганлиги фактини ёритиб бериши лозим.
- 90 Мазкур стандарт 1979 йилда тасдиқланган 12-сон БҲХС “*Фойда солигини ҳисобга олиш*” ўрнини эгаллайди.
- 91 52А, 52Б, 65А, 81(и), 82А, 87А, 87Б, 87В-бандлари киритилиши ҳамда 3 ва 50-бандларнинг чиқариб ташланиши 2001 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврларга тегишли йиллик молиявий ҳисобот учун кучга киради. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар олдинроқ санадан бошлаб қўллаш молиявий ҳисоботга таъсир кўрсатса, ташкилот ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 92 1-сон БҲХС (2007 йил таҳририда) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Бундан ташқари, у бўйича 23, 52, 58, 60, 62, 63, 65, 68В, 77 ва 81-бандларга ўзгартиришлар киритилди, 61-банд чиқариб ташланган ва 61А, 62А ва 77А-бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 93 68-банд перспектив тарзда, 3-сон МҲХС (2008 йил таҳририда) кучга кириш санасидан бошлаб бизнес бирлашувида харид қилинган кечиктирилган солиқ активларининг тан олинисига нисбатан қўлланиши лозим.
- 94 Шунинг учун, фойда солиғи бўйича нафлар харид қилиш санасида алоҳида тан олиш мезонларига жавоб бермаса ва харид қилиш санасидан кейин тан олинган бўлса, бундай нафлар баҳолаш даври мобайнида тан олинган бўлмаса ва харид қилиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар тўғрисидаги янги маълумотлар асосида тан олинганмагунча, ташкилот олдинги бизнес бирлашувларининг ҳисобга олинисига ўзгартиришларни киритмаслиги лозим. Бошқа тан олинадиган фойда солиғи бўйича нафларни фойда ёки зарар таркибида (ёки, мазкур стандартда талаб қилинган бўлса, фойда ёки зарар таркибидан ташқарида) тан олинисига лозим.
- 95 3-сон МҲХС (2008 йил таҳририда) бўйича 21 ва 67-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 32А ва 81(ё) ва (з)-бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 3-сон МҲХС (2008 йил таҳририда)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 96 [Чиқариб ташланган]
- 97 [Чиқариб ташланган]
- 98 52-банднинг рақамланиши 51А га ўзгартирилган, 10-банд ва 51А-банддан кейин келтирилган мисолларга ўзгартириш киритилган, ҳамда 51Б ва 51В-бандлари ва улардан кейинги мисоллар, шунингдек, 51Г, 51Д ва 99-бандлар 2010 йил декабрда эълон қилинган “*Кечиктирилган солиқ: тегишли активларнинг қопланиши*” бўйича киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2012 йил 1 январдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга руҳсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 98А 2011 йил май ойида эълон қилинган 11-сон МҲХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*” бўйича 2, 15, 18(д), 24, 38, 39, 43–45, 81(е), 87 ва 87В-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 11-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 98Б 2011 йил июнь ойида эълон қилинган “*Бошқа умумлашган даромад моддаларини тақдим этиш*” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 77-бандга ўзгартириш киритилган ва 77А-банд чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2011 йил июнда ўзгартирилган 1 - сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

- 98В 2012 йил октябрь ойида эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари*” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСга ўзгартиришлар) асосида 58 ва 68В-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 январ ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. “*Инвестиция ташкилотлари*”ни бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласса, у шу даврга нисбатан “*Инвестиция ташкилотлари*”га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- 98Г [Чиқариб ташланган]
- 98Д 2014 йил май ойида эълон қилинган 15-сон МҲХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*” бўйича 59-бандга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим
- 98Е 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 20-бандга ўзгартириш киритилган ва 96, 97 ва 98Г-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 98Ё 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС бўйича 20-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 98Ж 2016 йил январ ойида эълон қилинган “*Реализация қилинмаган зарарлар бўйича кечиктирилган солиқ активларини тан олиш*” (12-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 29-бандга ўзгартириш киритилган ва 27А, 29А-бандлар киритилган ҳамда 26-бандга тегишли миссолар ҳам келтирилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2017 йил 1 январдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 8-сонли БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ ретроспектив равишда қўллайди. Лекин, ўзгартиришнинг дастлабки қўлланишида киёсий давридаги бошлангич хусусий капиталнинг ўзгариши тақсимланмаган фойданинг давр бошидаги қолдиғида (ёки хусусий капиталнинг бошқа тегишли компонентида) бундай ўзгаришни тақсимланмаган фойда ва хусусий капиталнинг бошқа компонентлари ўртасида тасимламасдан тан олиш мумкин. Агар ташкилот ушбу энгиликни қўлласса, у бу фактни ёритиб бериши керак.
- 98З 2017 йил декабрь ойида эълон қилинган “*2015-2017 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар*” бўйича 57А-банд киритилган ва 52Б-банд чиқариб ташланган. Ташкилотлар мазкур ўзгартиришларни 2019 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгаришларни дастлаб қўллаганда, уларни энг олдинги киёсий давр бошидан ёки ундан кейин тан олинган дивидендларнинг фойда солиғи оқибатларига нисбатан қўллайди.
- 98З–98Й [Ушбу бандлар кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]

21-сон ШДҚнинг ўз кучини йўқотиши

- 99 2010 йил декабрда эълон қилинган “*Кечиктирилган солиқ: тегишли активларнинг қопланиши*” 21-сон ШДҚ “*Фойда солиқлари — қайта баҳоланган, эскириши ҳисобланмайдиган активларнинг қопланиши*”нинг ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
8-ИЛОВА

16-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Асосий воситалар

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади молиявий ҳисобот фойдаланувчилари ташкилотнинг асосий воситаларга қилган капитал қўйилмалари ва бундай капитал қўйилмалардаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни олиши учун асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборат. Асосий воситалар ҳисобининг асосий масалалари бўлиб активларни тан олиш, уларнинг баланс қийматини ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда тан олинадиган эскириш ва қадрсизланишдан зарарларни аниқлаш ҳисобланади.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт, бошқа стандартлар ҳисобга олишни бошқа тартибини талаб қилган ёки рухсат берган ҳоллардан ташқари, асосий воситаларни ҳисобга олишда қўлланиши лозим.
- 3 Мазкур стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланмайди:
- (а) 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган асосий воситалар;
 - (б) қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активлар, бундан ҳосилдор ўсимликлар мустасно (41-сон БҲХС “*Қишлоқ хўжалиги*”га қаранг). Мазкур стандарт ҳосилдор ўсимликларга нисбатан қўлланади, лекин ҳосилдор ўсимликлардан олинган маҳсулотларга нисбатан қўлланмайди;
 - (в) фойдали қазилмаларни геологик қидириш ва баҳолаш активларини тан олиш ҳамда баҳолаш (6-сон МҲХС “*Фойдали қазилмаларни геологик қидириш ва баҳолаш*”га қаранг);
 - (г) нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурслар каби фойдали қазилмалардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва фойдали қазилмаларнинг захиралари.
- Шунга қарамай, мазкур стандарт (б)–(г) бандларда кўрсатилган активларни такомиллаштириш ёки сақлаб туриш учун фойдаланиладиган асосий воситаларга нисбатан қўлланади.
- 4 [Чиқариб ташланган]
- 5 40-сон БҲХС “*Инвестиция қўчмас мулки*”га мувофиқ инвестиция қўчмас мулкига нисбатан бошланғич қиймат моделини қўллайдиган ташкилот ўз мулкида бўлган инвестиция қўчмас мулкига нисбатан мазкур стандартдаги бошланғич қиймат моделидан фойдаланиши лозим.

Таърифлар

- 6 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Ҳосилдор ўсимлик* - бу жонли ўсимлик бўлиб:
- (а) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ёки етказиб беришда ишлатилади;
 - (б) бир ҳисобот давридан ортиқ муддатда маҳсулот бериши кутилади; ва
 - (в) чиқинди шаклида қўшимча сотилишини истисно қилганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида сотилиши эҳтимоли кам бўлади.
- (Ҳосилдор ўсимлик тушунчаси 41-сон БҲХСнинг 5А-5Б бандларида батафсил кўриб чиқилган).
- Баланс қиймати* – бу жамғарилган эскириш ва қадрсизланишдан жамғарилган зарарлар чегириб ташлангандан сўнг активнинг тан олинадиган суммасидир.

Бошланғич қиймат-активни харид қилиш ёки қурилиши пайтида уни харид қилиш учун тўланган пул маблағлари ёки пул маблағларининг эквивалентлари ёхуд бошқа товоннинг ҳаққоний қиймати ёки қўллаш мумкин бўлган ҳолларда, бошқа МҲХСларнинг, масалан 2-сон МҲХС “*Ақцияга асосланган тўлов*”нинг, муайян талабларига мувофиқ мазкур активни дастлабки тан олинимида унга олиб бориладиган суммадир.

Эскириш ҳисобланадиган қиймат – активнинг бошланғич қийматидан ёки бошланғич қиймат ўрнини босадиган бошқа қийматдан тугатиш қийматини чегириш натижасидаги қиймат.

Эскириш – бу активнинг эскириш ҳисобланадиган қийматини фойдали хизмат муддати давомида тизимли тақсимлашдир.

Ташкилотга хос қиймат – ташкилотнинг активдан давомий фойдаланишдан ва фойдали хизмат муддати охирида ҳисобдан чиқаришдан олиними ёки мажбурият сўндирилишида тўланиши кутилаётган пул оқимларининг дисконтланган қийматидир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олиними ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир. (13-сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*”га қаранг.)

Қадрсизланишдан зарар - бу актив баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошган суммасидир.

Асосий воситалар – бу қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлардир:

- (а) маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш ёки бошқа томонларга ижарага бериш ёхуд маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун тутиб туриладиган; ва
- (б) бир даврдан ортиқ муддат давомида фойдаланилиши кутиладиган.

Қопланадиган қиймат – бу активнинг қуйидаги икки қийматларидан каттасидир: сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланиш қиймати.

Активнинг тугатиш қиймати - актив фойдали хизмат муддати охирида кутиладиган ёшда ва ҳолатда бўлиши назарда тутиладиган бўлса, активнинг ҳисобдан чиқаришда тахминий ҳисобдан чиқариш сарфларини чегиргандан сўнг ташкилот томонидан жорий пайтда олиними мумкин бўлган ҳисобланган суммадир.

Фойдали хизмат муддати бу:

- (а) активнинг ташкилот томонидан фойдаланишда давом этилиши кутилаётган давр; ёки
- (б) ташкилот томонидан ушбу активдан фойдаланишдан олиними кутилаётган маҳсулот ёки шунга ўхшаш бирликлар сони.

Тан олиш

- 7 Асосий воситалар объектининг бошланғич қиймати фақат ва фақат қуйидаги мезонлар бажарилганда актив сифатида тан олинади:
 - (а) ташкилотга мазкур объект билан боғлиқ келгуси иқтисодий нафлар келиши эҳтимоли мавжуд бўлса; ва
 - (б) объектнинг бошланғич қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса.
- 8 Эҳтиёт қисмлар, ишлатилмаётган ва ёрдамчи ускуналар каби моддалар асосий воситалар таърифига жавоб берганда, ушбу БҲХСга мувофиқ тан олинади. Акс ҳолда, бундай моддалар захиралар сифатида таснифланади.
- 9 Мазкур стандарт тан олиш мақсадлари учун ҳисоб бирлигини, яъни асосий восита объекти айнан нимадан ташкил топишини белгиламайди. Шунинг учун, ташкилотнинг ўзига хос шарт-шароитларида тан олиш мезонларини қўллашда мулоҳаза талаб этилади. Айрим ҳолларда шаблонлар, асбоблар ва қолиплар каби алоҳида аҳамиятли бўлмаган объектларни жамлаш ва тан олиш мезонларини жамланган қийматга нисбатан қўллаш ўринли бўлиши мумкин.
- 10 Ташкилот асосий воситалар бўйича барча сарфларни улар юзага келган пайтда мазкур тан олиш мезонига асосан баҳолайди. Бундай сарфлар дастлаб асосий восита объектини харид қилиш ёки қуриш билан боғлиқ сарфларни, ҳамда асосий воситани қуриб битказиш, қисман алмаштириш ёки унга хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган кейинги сарфларни ўз ичига олади. Асосий восита объектининг бошланғич қиймати бундай объектни қуриш, қуриб битказиш, қисман алмаштириш ёки

унга хизмат кўрсатиш учун фойдаланиладиган фойдаланиш ҳуқуқидаги активларнинг эскириши каби активларнинг ижараси билан боғлиқ сарфларни ўз ичига олиши мумкин.

Дастлабки сарфлар

- 11 Асосий воситалар объектлари хавфсизликни таъминлаш ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларида харид қилиниши мумкин. Бу каби асосий воситаларни харид қилиш, мавжуд бўлган муайян асосий восита объектдан олинadиган келгуси иқтисодий нафни бевосита оширмасада, ташкилотга бошқа активлардан келгуси иқтисодий наф олиш учун зарур бўлиши мумкин. Бундай асосий восита объектлари актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб беради, чунки улар ёрдамида ташкилот томонидан тегишли активлардан олинadиган келгуси иқтисодий наф ушбу объектлар харид қилинмаганида олиниши мумкин бўлган нафдан ортиқ бўлади. Масалан, кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи ташкилот хавfli кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва сақлаш учун экологик талабларга риоя этиш мақсадида янги кимёвий моддалар билан ишлаш технологияларини жорий этиши мумкин; ишлаб чиқариш заводини бундай такомиллаштириш актив сифатида тан олинади, чунки уларсиз ташкилот кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариши ва сотиши мумкин бўлмас эди. Лекин, бундай актив ва боғлиқ активларнинг баланс қиймати 36-сон БҲХС “*Активларнинг қадрсизланиши*”га мувофиқ қадрсизланиш бўйича кўриб чиқилади.

Кейинги сарфлар

- 12 7-бандда келтирилган тан олиш мезонларига асосан, ташкилот асосий восита объектга қундалик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сарфларни объектнинг баланс қийматида тан олмайди. Бундай сарфлар юзага келиш билан фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Қундалик хизмат кўрсатиш сарфлари асосан иш ҳақи ва материаллар сарфларидан ташкил топади, ҳамда майда эҳтиёт қисмлар қийматини ўз ичига олиши мумкин. Бу каби сарфлар асосий воситалар объектга “жорий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” сифатида тавсифланади.
- 13 Айрим асосий воситалар объектларининг қисмлари мунтазам алмаштиришни талаб этиши мумкин. Масалан, белгиланган фойдаланиш муддатидан сўнг печнинг ишчи қисмларини, самолётлардаги ўриндиқлар ва ошхонаси самолёт корпусининг фойдали хизмат муддати давомида бир неча марта алмаштирилиши мумкин. Шунингдек, асосий восита объектлари бинонинг ички деворларини алмаштириш каби кам такрорланувчи ёки бир марталик алмаштиришни амалга ошириш мақсадида харид қилиниши мумкин. 7-банддаги тан олиш мезонларига асосан, ташкилот объектнинг бир қисмини алмаштириш бўйича сарфларни, агар бундай сарфлар тан олиш мезонларига жавоб берса, ушбу сарфлар юзага келган пайтда асосий воситанинг баланс қийматида тан олади. Бунда алмаштирилган қисмларнинг баланс қиймати мазкур стандартдаги тан олишни бекор қилиш қоидаларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилади (67-72-бандларга қаранг).
- 14 Асосий воситалар объектнинг айрим қисмларини алмаштирилиши ёки алмаштирилмаслигидан қатъий назар, нуқсонларни аниқлаш учун мунтазам йирик техник кўрикларни ўтказиш ушбу объектдан (масалан самолётдан) фойдаланишда давом этишнинг шартларидан бири бўлиши мумкин. Ҳар бир йирик техник кўрик ўтказилганда, у бўйича сарфлар тан олиш мезонларига жавоб берганда, асосий воситалар объектнинг баланс қийматида қисман алмаштириш сарфлари сифатида тан олинади. Аввалги техник кўрик бўйича сарфлар суммасининг актив баланс қийматидаги (моддий шаклга эга эҳтиёт қисмлардан ташқари) қолдигини тан олиш бекор қилинади. Бу аввалги техник кўрик сарфлари мазкур объектни харид қилиш ёки курилиши пайтидаги операциялар доирасида аниқланганлиги ёки аниқланмаганлигидан қатъий назар амалга оширилади. Зарур ҳолларда, объект харид қилинган ёки курилган пайтдаги баланс қийматига қўшилган техник кўрик сарфларини аниқлашда шу каби келгусида ўтказиладиган техник кўрик сарфларининг тахминий суммасидан фойдаланиш мумкин.

Тан олиш ва баҳолаш

- 15 **Активнинг тан олиш мезонларига жавоб берадиган асосий восита объекти бошланғич қиймат бўйича баҳоланиши лозим.**

Бошланғич қиймат элементлари

- 16 Асосий восита объектнинг бошланғич қиймати қуйидагилардан ташкил топади:
- (а) сотиб олиш нархи, шунингдек савдо чегирмалари ва қисман қайтаришларни (рибейт) чиқариб ташлаган ҳолда импорт божлари ва копланмайдиган солиқ суммаси; ва

- (б) активни ундан раҳбарият томонидан назарда тутилган ҳолда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтириш билан боғлиқ бевосита сарфлар.
 - (в) асосий восита харид қилинган пайтда ёки ундан маълум давр мобайнида захираларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш даври мобайнида асосий восита объектини демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у жойлашган жойдаги табиий ресурсларни қайта тиклаш учун қилинадиган сарфлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олган ташкилотнинг ушбу сарфларнинг дастлабки ҳисоб баҳоси.
- 17 Куйида бевосита сарфларга мисоллар келтирилган:
- (а) асосий восита объектини бевосита куриш ёки харид қилиш натижасида юзага келадиган ходимларнинг даромадлари бўйича сарфлар (19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*” да таърифланганидек);
 - (б) ер майдонларини тайёрлаш сарфлари;
 - (в) етказиб бериш ва ортиш-тушириш билан боғлиқ дастлабки сарфлар;
 - (г) ўрнатиш ва монтаж бўйича сарфлар;
 - (д) (яъни активнинг техник ва жисмоний кўрсаткичлари уни ишлаб чиқариш ёки товарлар ёки хизматларни етказиб бериш, бошқаларга ижарага бериш ёки маъмурий мақсадларда фойдалана олишини баҳолаш) активнинг тўғри ишлашини синовдан ўтказиш сарфлари; ва
 - (е) профессионал хизматлар учун ҳақлар.
- 18 Ташкилот объектдан маълум бир давр мобайнида захираларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш натижасида уни демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у эгаллаган ер майдонида табиий ресурсларни қайта тиклаш мажбуриятлари бўйича сарфларга нисбатан 2-сон БҲХС “*Захиралар*”ни қўллайди. 2-сон БҲХС ёки 16-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олинган сарфлар бўйича мажбуриятлар 37-сон БҲХС “*Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*”га мувофиқ тан олинади ва баҳоланади.
- 19 Асосий воситалар объектнинг бошланғич қийматида кирмайдиган сарфларга мисол тариқасида куйидагилар келтирилган:
- (а) янги ишлаб чиқариш мажмуасини очиш сарфлари;
 - (б) янги маҳсулот ёки хизмат турини жорий қилиш сарфлари (шу жумладан, реклама ва намойиш этиш сарфлари);
 - (в) янги жойда ёки харидорларнинг янги синфи билан тижорат фаолиятини олиб бориш сарфлари (шу жумладан, ходимларни қайта тайёрлаш сарфлари); ва
 - (г) маъмурий ва бошқа умумий устама харажатлар.
- 20 Асосий воситалар объектнинг баланс қийматида сарфларнинг тан олиниши объект ундан раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтирилганда тўхтатилади. Шу боис, объектдан фойдаланиш жараёнида ёки объектни жойини ўзгартиришда амалга оширилган сарфлар ушбу объектнинг баланс қийматида киритилмайди. Масалан, куйидаги сарфлар асосий воситалар объектнинг баланс қийматида киритилмайди:
- (а) объект раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун тайёр, лекин фойдаланишга топширилмаган ёки тўлиқ қувватидан паст даражада фойдаланганда амалга оширилган сарфлар;
 - (б) дастлабки операцион зарарлар, масалан мазкур объект ёрдамида амалга оширилаётган ишлаб чиқаришга бозор талабини шакллантириш даврида қўрилган операцион зарарлар.
 - (в) ташкилот фаолиятини қисман ёки тўла кўчириш ёки қайта ташкил этиш сарфлари.
- Объектлар асосий воситалар объектни раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтириш келтириш пайтида ишлаб чиқарилиши мумкин (активнинг тўғри ишлашини синовдан ўтказишда ишлаб чиқарилган намуналар каби). Ташкилот ҳар қандай бундай объектларни сотишдан тушган пул маблағлари тушумини ва ушбу объектларнинг таннархини амалдаги стандартларга мувофиқ фойда ёки зарарда тан олади. Ташкилот бундай объектларнинг таннархини 2-сон БҲХСнинг баҳолаш бўйича талабларини қўллаган ҳолда баҳолайди.
- 21 Айрим операциялар асосий воситалар объектини куриш ёки такомиллаштириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади, аммо улар объектни раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтириш учун зарур бўлмайди. Бундай қўшимча операциялар курилиш ёки такомиллаштириш ишлари давомида ёки ундан олдин амалга оширилиши мумкин. Масалан, курилиш майдонидан курилиш ишлари бошлангунга қадар автотураргоҳ сифатида

фойдаланишдан даромад олинishi мумкин. Қўшимча операциялар объектни раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтириш учун зарур бўлмаганлиги сабабли, қўшимча операциялар билан боғлиқ даромад ва унга тегишли харажатлар фойда ёки зарар таркибидан тан олинади ва даромад ёки харажат моддаларининг тегишли синфларига киритилади.

- 22 Ўзида яратилган активнинг бошланғич қиймати худди харид қилинган актив учун қўлланган тамойилларни қўллаш орқали аниқланади. Агар ташкилот шу каби активларни ўзининг одатий фаолияти давомида сотиш учун яратса, активнинг бошланғич қиймати сотиш учун мўлжалланган актив қийматига мувофиқ бўлади (2-сон БҲХСга қаранг). Шундай қилиб, бу каби сарфларни аниқлашда хар қандай ички фойда чиқариб ташланади. Шу каби, ўзида яратилган актив учун меъеридан ортиқ сарфланган материал, меҳнат ёки бошқа ресурслар сарфи активнинг бошланғич қийматига киритилмайди. 23-сон БҲХС “Қарзлар бўйича сарфлар” фойзаларни ўзида яратилган асосий воситалар баланс қийматининг компоненти сифатида тан олиш мезонларини белгилаб беради.
- 22А Ҳосилдор ўсимликлар уларни раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтирилишидан олдин ўзида яратилган асосий воситалар объектларига қўллангани каби ҳисобда акс эттирилади. Мос равишда, мазкур стандартдаги “қурилиш” атамаси ҳосилдор ўсимликларни раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтирилишидан олдин етиштириш билан боғлиқ фаолиятни қамраб олади деб қараш лозим.

Бошланғич қийматни баҳолаш

- 23 Асосий воситалар объектнинг бошланғич қиймати тан олиш санасида пул маблағлари билан дарҳол тўланиши мумкин бўлган эквивалент нархга тенг бўлади. Агар тўлов одатий кредитлаш шартларидан ташқарида бўлган кечиктириш орқали амалга оширилса, пул маблағлари билан дарҳол тўланиши мумкин бўлган эквивалент нарх ва барча тўловлар суммаси ўртасидаги фарк, агар у 23-сон БҲХСга мувофиқ капиталлаштирилмаса, кредитлашнинг бутун муддати мобайнида фойз харажатлари сифатида тан олинади.
- 24 Бир ёки бир нечта асосий воситалар объектлари номонетар активга ёки активга ёхуд монетар ва номонетар активлар комбинациясига айирбошлаш орқали харид қилиниши мумкин. Қуйида келтирилган мунозаралар бир номонетар активни бошқасига айирбошлашни назарда тутаяди, лекин улар юқорида келтирилган барча айирбошлаш операцияларига ҳам қўлланади. Бундай асосий восита объектнинг бошланғич қиймати, агар (а) айирбошлаш операцияси тижорий моҳиятга эга бўлмаслик ҳолати ёки (б) олинган активнинг ҳам, берилган активнинг ҳам ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин эмаслиги ҳолати кузатилмаса, ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланади. Ҳатто ташкилот берилган активни тан олишни дарҳол бекор қилмаса ҳам, харид қилинган актив худди шу тарзда баҳоланади. Агар харид қилинган актив ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланмаса, у ҳолда унинг бошланғич қиймати берилган активнинг баланс қиймати бўйича баҳоланади.
- 25 Ташкилот айирбошлаш операциясининг тижорий моҳиятга эга ёки эга эмаслигини мазкур операция натижасида келгуси пул оқимларидаги кутилаётган ўзгариши даражасини баҳолаш орқали аниқлайди. Айирбошлаш операцияси тижорий моҳиятга эга бўлади, агар:
- (а) олинган актив бўйича пул оқимлари тузилмаси (яъни риск, муддат ва миқдори) берилган актив бўйича пул оқимларининг тузилмасидан фарқланса; ёки
 - (б) бундай айирбошлаш натижасида ташкилот фаолиятининг ушбу операция таъсир кўрсатадиган қисмининг ташкилотга хос қиймати ўзгарса; ва
 - (в) (а) ёки (б) кичик бандларида келтирилган тафовут айирбошланган активларнинг ҳаққоний қийматига нисбатан аҳамиятли бўлса.
- Айирбошлаш операцияси тижорий моҳиятга эга эканлигини аниқлаш мақсадида ташкилот фаолиятининг ушбу операция таъсир кўрсатадиган қисмининг ташкилотга хос қиймати солиқ солишдан кейинги пул оқимини акс эттириши лозим. Ушбу таҳлилларнинг натижаси ташкилот томонидан батафсил ҳисоб-китобларни амалга оширмасдан ҳам яққол кўриниши мумкин.
- 26 Активнинг ҳаққоний қийматини қуйидаги ҳолларда ишончли баҳолаш мумкин: (а) ҳаққоний қийматни асосли баҳолашнинг ўзгарувчанлик диапазони мазкур актив учун аҳамиятли бўлмаса ёки (б) ушбу ўзгаришлар диапазонидаги турли ҳисоб баҳолари эҳтимолини асосли равишда баҳолаш мумкин бўлса ва уни ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланилса. Агар ташкилот олинган активнинг ҳам берилган активнинг ҳам ҳаққоний қийматини ишончли баҳолай олса, у ҳолда олинган активнинг ҳаққоний қиймати яққолроқ намоён бўлмаса, бошланғич қийматни баҳолаш учун берилган активнинг ҳаққоний қийматидан фойдаланади.

- 27 [Чиқариб ташланган]
- 28 20-сон БҲХС “Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш”га мувофиқ асосий воситалар объектининг баланс қиймати давлат грантларининг олинishi орқали камайтирилиши мумкин.

Тан олишдан кейинги баҳолаш

- 29 Ташкилот ўзининг ҳисоб сиёсатини аниқлаш мақсадида 30 бандда назарда тутилган бошланғич қиймат моделини ёки 31 бандда назарда тутилган қайта баҳолаш моделини танлаши лозим.
- 29А–29Б [Ушбу бандлар кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]

Бошланғич қиймат модели

- 30 Актив сифатида тан олинганидан сўнг, асосий восита объекти жамғарилган эскириш ва қадрсизланишдан жамғарилган зарарлар чегирилган ҳолда бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олинishi лозим.

Қайта баҳолаш модели

- 31 Актив сифатида тан олинганидан сўнг, ҳаққоний қиймати ишончли тарзда баҳоланиши мумкин бўлган асосий восита объекти кейинги жамғарилган эскириш ва қадрсизланишдан кейинги жамғарилган зарарларни чегирган ҳолда, қайта баҳолаш санасидаги ҳаққоний қийматни акс эттирадиган қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олинishi лозим. Ҳисобот даври охирида баланс қийматини унинг ҳаққоний қийматидан муҳим фарқланмаслиги учун қайта баҳолаш етарли даражада мунтазам амалга оширилиши лозим.

- 32-33 [Чиқариб ташланган]

- 34 Қайта баҳолаш даврийлиги қайта баҳоланаётган асосий восита объектининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларга боғлиқ. Агар қайта баҳоланган активнинг ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан муҳим даражада фарқ қилса, унда қўшимча тарзда қайта баҳолаш талаб этилади. Айрим асосий восита объектларининг ҳаққоний қийматида аҳамиятли ва ўзгарувчан тебранишлар кузатилиши мумкин ва оқибатда уларни ҳар йили қайта баҳолашдан ўтказиш зарурати келиб чиқиши мумкин. Бундай тез-тез қайта баҳолашдан ўтказиш ҳаққоний қиймати аҳамиятли бўлмаган ўзгаришларга учрайдиган асосий восита объектлари учун талаб этилмайди. Бундай ҳолларда фақатгина уч ёки беш йилда қайта баҳолаш ўтказиш талаби юзага келиши мумкин.

- 35 Асосий восита объекти қайта баҳоланганда, ушбу активнинг баланс қиймати унинг қайта баҳоланган қийматигача етказилади. Қайта баҳолаш санасида актив қуйидаги усуллардан бири асосида ҳисобга олинади:

- (а) активнинг ялпи баланс қиймати унинг баланс қийматини қайта баҳолашга мос ҳолда тузатилади. Масалан, ялпи баланс қиймат кузатиладиган бозор маълумотларига асосан қайта ҳисобланиши ёки баланс қийматининг ўзгаришига мутаносиб қайта ҳисобланиши мумкин. Қайта баҳолаш санасига қадар жамғарилган эскириш активнинг ялпи баланс қиймати ва қадрсизланишдан жамғарилган зарарларни ҳисобга олган баланс қиймати ўртасидаги фарқга тенг суммага тузатилади; ёки

- (б) жамғарилган эскириш активнинг ялпи баланс қийматидан чегирилади.

Жамғарилган эскиришнинг тузатиш суммаси 39 ва 40-бандларга мувофиқ ҳисобга олинадиган баланс қиймати ортиши ёки камайishi умумий суммасининг бир қисмини ташкил этади.

- 36 Агар асосий восита объекти қайта баҳоланса, ушбу актив тегишли бўлган асосий воситаларнинг бутун синфи ҳам қайта баҳоланиши лозим.

- 37 Асосий воситаларнинг синфи – бу ташкилот фаолиятида фойдаланилиши ва характери ўхшаш активлар гуруҳидир. Асосий воситаларнинг алоҳида синфларига мисоллар қуйидагилардир:

- (а) ер;
(б) ер ва бинолар;
(в) машина ва асбоб-ускуналар;
(г) кемалар;

- (д) самолёт;
 - (е) автотранспорт воситалари;
 - (ё) мебель ва жиҳозлар;
 - (ж) офис жиҳозлари; ва
 - (з) ҳосилдор ўсимликлар.
- 38 Асосий воситаларнинг бир синфига тегишли объектлар активларнинг танлаб қайта баҳоланишига ва турли саналарга сарфлар ва қийматларнинг комбинациясини молиявий ҳисоботда акс эттирилишига йўл қўймаслик мақсадида бир пайтда қайта баҳоланади. Лекин, активларнинг синфи, агар тегишли синфга тааллуқли асосий воситаларни қайта баҳолаш қисқа давр ичида амалга оширилса ва қайта баҳолаш натижалари доимо янгиланиб бориlsa, маълум бир навбат билан қайта баҳоланиши мумкин.
- 39 **Агар қайта баҳолаш натижасида активнинг баланс қиймати ошадиган бўлса, у ҳолда ушбу ошган сумма бошқа умумлашган даромадлар таркибида тан олинмиши ҳамда хусусий капитал таркибидаги “Қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддасида жамғарилиб бориши лозим. Лекин бундай ўсиш суммаси олдин фойда ёки зарарларда тан олинган айни шу активни қайта баҳолаш натижасида қийматнинг камайиши суммасини тиклайдиган суммада фойда ёки зарарларда акс эттирилиши лозим.**
- 40 **Агар қайта баҳолаш натижасида активнинг баланс қиймати камайдиган бўлса, у ҳолда ушбу камайиш суммаси фойда ёки зарарлар таркибида тан олинмиши лозим. Лекин бундай камайиш суммаси бошқа умумлашган даромадлар таркибидаги айни шу активга тегишли “Қайтабаҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддаси кредит қолдиғи суммаси миқдориде дебетланиши лозим. Умумлашган даромадлар таркибида тан олинган камайиш суммаси хусусий капитал таркибидаги “қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддасида жамғарилган суммани камайтиради.**
- 41 Хусусий капитал таркибидаги қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсишининг жамғарилган суммаси тегишли актив реализация қилинган пайтда бевосита тақсимланмаган фойдага киритилиши мумкин. Жами қиймат ўсиши тегишли активдан фойдаланиш тугатилганда ёки актив ҳисобдан чиқарилган пайтда тақсимланмаган фойда таркибига ўтказилиши мумкин. Лекин қиймат ўсишининг бир қисми ташкилот томонидан активдан фойдаланиш жараёнида тақсимланмаган фойда таркибига ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолатда тақсимланмаган фойдага ўтказиладиган қиймат ўсиши суммаси қайта баҳоланган баланс қийматига асосан ҳисобланган эскириш суммаси ва активнинг бошланғич қийматига асосан ҳисобланган эскириш суммаси орасидаги фарққа тенг бўлади. Қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсиши сечтидан тақсимланмаган фойда сечтига ўтказмалар фойда ёки зарарлар орқали акс эттирилмайди.
- 42 Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши натижасида юзага келадиган солиқлар (агар мавжуд бўлса) 12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*”га мувофиқ тан олинади ва ёритиб берилади.

Эскириш

- 43 **Агар асосий восита объектнинг ҳар қандай компонентининг бошланғич қиймати бундай объектнинг умумий бошланғич қийматига нисбатан аҳамиятли бўлса, бу компонент бўйича алоҳида эскириш ҳисобланиши лозим.**
- 44 Ташкилот асосий восита объекти бўйича дастлаб тан олинган умумий суммани унинг аҳамиятли бўлган компонентлари ўртасида тақсимлайди ва ҳар бир компонент бўйича алоҳида эскириш ҳисоблайди. Масалан, самолёт корпуси ва мотори бўйича эскириш алоҳида ҳисобланиши ўринли бўлиши мумкин. Шу каби, агар ташкилот оператив ижара шартномаси предмети бўлган асосий восита объектни харид қилса ва ушбу ташкилот ижарага берувчи бўлиб ҳисобланса, ижаранинг бозор шартларига нисбатан ижобий ёки салбий шартларига тегишли бўлган ушбу активнинг бошланғич қийматида акс эттирилган алоҳида суммалар бўйича эскиришни алоҳида ҳисоблаш ўринли бўлиши мумкин.
- 45 Асосий восита объектнинг аҳамиятли компоненти бўйича фойдали хизмат муддати ва эскириш ҳисоблаш усули ушбу активнинг бошқа аҳамиятли компоненти бўйича фойдали хизмат муддати ва эскириш ҳисоблаш усули билан бир хил бўлиши мумкин. Бундай компонентлар эскириш суммасини аниқлаш мақсадида гуруҳланиши мумкин.
- 46 Ташкилот асосий восита объектнинг алоҳида компоненти бўйича алоҳида эскириш ҳисоблаганда, ушбу объектнинг қолган қисми бўйича ҳам алоҳида эскириш ҳисоблайди. Активнинг қолган қисми алоҳида олинганда аҳамиятли бўлмаган компотентлардан ташкил топади. Агар ташкилот ушбу компонентлардан фойдаланишга нисбатан кутишлари ўзгарса, объектнинг қолган қисми бўйича

эскириш ҳисоблаш учун унинг қисмларининг истеъмол ҳарактерини ва/ёки фойдали хизмат муддатини тўғри акс эттирадиган тахминий ҳисоблаш усулларида фойдаланиш зарур бўлиши мумкин.

- 47 Ташкилот асосий восита объектнинг бошланғич қиймати ушбу объектнинг умумий бошланғич қийматига нисбатан аҳамиятли бўлмаган компонентлар бўйича алоҳида эскириш ҳисоблаши мумкин.
- 48 **Ҳар бир давр учун эскириш суммаси фойда ёки зарар таркибида тан олинади, бундан эскириш суммаси бошқа активнинг баланс қийматига киритиладиган ҳоллар мустасно.**
- 49 Ҳар бир давр учун эскириш суммаси одатда фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Лекин айрим ҳолатларда активда мужассамлашган келгуси иқтисодий нафлар бошқа активларни ишлаб чиқаришда сарфланади. Бундай ҳолатда, ҳисобланган эскириш суммаси шундай бошқа актив бошланғич қийматининг таркибий қисмини ташкил этади ва унинг баланс қийматига киритилади. Масалан, ишлаб чиқариш заводи ва жиҳозларининг эскириш суммаси заҳираларни қайта ишлаш қийматига киритилади (2-сон БҲХСга қаранг). Шу каби, тажриба-конструкторлик ишларида фойдаланилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*”га мувофиқ номоддий активнинг бошланғич қийматида ҳисобга олиниши мумкин.

Эскириш ҳисобланадиган қиймат ва эскириш муддати

- 50 **Активнинг эскириш ҳисобланадиган қиймати унинг фойдали хизмат муддати давомида тизимли асосда тақсимланиши лозим.**
- 51 **Активнинг тугатиш қиймати ва фойдали хизмат муддати камида ҳар молиявий йилнинг якунида қайта кўриб чиқилиши лозим ва агар кутишлар аввалги ҳисоб баҳоларидан фарк қилса, бундай ўзгариш(лар) ҳисоб баҳоларидаги ўзгариш сифатида 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ ҳисобга олиниши лозим.**
- 52 Активнинг ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан катта бўлган ҳолларда ҳам эскириш ҳисоблаш давом эттирилади, бундан активнинг тугатиш қиймати унинг баланс қийматидан катта бўлган ҳоллар мустасно. Активни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш даврида эскириш ҳисоблаш тўхтатилмайди.
- 53 Активнинг эскириш ҳисобланадиган қиймати унинг тугатиш қиймати чегирилганидан сўнг аниқланади. Амалиётда активнинг тугатиш қиймати кўпинча аҳамиятли бўлмаган қийматни ташкил этади ва шу боис эскириш ҳисобланадиган қийматни ҳисоблашда муҳим бўлмайди.
- 54 Активнинг тугатиш қиймати унинг баланс қийматига тенг ёки ундан ошадиган суммагача кўпайиши мумкин. Бундай ҳолатда, мазкур активга ҳисобланадиган эскириш тугатиш қиймати активнинг баланс қийматидан кам бўлмаса ва бўлмагунча нолга тенг бўлади.
- 55 Актив бўйича эскириш ҳисоблаш ушбу активдан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган, яъни у раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтирилган пайтдан бошланади. Эскириш куйидаги икки санадан олдингида тўхтатилади: 5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибидаги) актив сифатида таснифланган сана ёки уни актив сифатида тан олиш бекор қилинган сана. Шунинг учун, эскириш ҳисоблаш, агар актив бўйича тўлиқ эскириш ҳисобланмаган бўлса, актив бекор туриб қолганда ёки фаол фойдаланишдан чиқарилганда тўхтатилмайди. Лекин, эскириш ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули қўлланганда, маҳсулот ишлаб чиқарилмаган пайтда эскириш суммаси нолга тенг бўлиши мумкин.
- 56 Активда мужассамлашган келгуси иқтисодий наф ташкилот томонидан асосан, ундан фойдаланиш орқали ўзлаштирилади. Лекин активнинг маънавий ёки тижорий эскириши ёки актив бекор туриб қолиши натижасида жисмоний эскириши каби омиллар одатда ундан олиниши мумкин бўлган иқтисодий нафнинг камайишига олиб келади. Шундай қилиб, активнинг фойдали хизмат муддатини аниқлашда куйидаги барча омиллар ҳисобга олинади:
- (а) активдан кутилаётган фойдаланиш; Фойдаланиш активнинг ҳисобланган қуввати ёки жисмоний ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида аниқланади.
 - (б) активдан фойдаланиладиган сменалар сони, уни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш дастури, шунингдек, актив бекор туриб қолган даврда уни сақлаш ва ишчи ҳолатда ушлаб туриш каби ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ бўлган кутилаётган жисмоний эскириш.
 - (в) ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар ёки такомиллаштиришлар ёки активдан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматга бозор талаби ўзгариши натижасида келиб чиқадиган маънавий ёки тижорий эскириш. Активдан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сотиш нархидаги келгусида кутилаётган пасайиш активнинг

маънавий ва тижорий эскиришига олиб келиши мумкин, бу эса, ўз навбатида активда мужассамлашган келгуси иқтисодий нафни камайишини кўрсатиши мумкин.

- (г) активдан фойдаланишга қўйиладиган юридик ёки шунга ўхшаш чекловлар, масалан, тегишли ижара шартномалари амал қилиш муддатининг тугаши.
- 57 Активнинг фойдали хизмат муддати активнинг ташкилот учун қутилаётган фойдалилиги нуқтаи назардан аниқланади. Ташкилотнинг активларни бошқариш сиёсати активлар маълум бир вақтдан сўнг ёки активда мужассамлашган келгуси иқтисодий нафни маълум қисми ўзлаштирилганидан сўнг чиқиб кетишини назарда тутиши мумкин. Шунинг учун, активнинг фойдали хизмат муддати унинг иқтисодий хизмат муддатидан кискароқ бўлиши мумкин. Актив фойдали хизмат муддатининг ҳисоб баҳоси ташкилотнинг шунга ўхшаш активлардан фойдаланиш тажрибаси асосида мулоҳаза юритиш орқали амалга оширилади.
- 58 Ер ва бинолар бир биридан ажратилиши мумкин бўлган активлардир ва улар биргаликда харид қилинса ҳам алоҳида ҳисобга олинади. Чиқиндиларни кўмиш учун ажратилган кон ва ерлардан ташқари, ер майдонларининг фойдали хизмат муддати чекланмаган ва шу боис, эскириш ҳисобланмайди. Биноларнинг фойдали хизмат муддати чегараланган ва шунинг учун улар бўйича эскириш ҳисобланади. Бино жойлашган ер майдони қийматининг ошиши бинонинг эскириш ҳисобланадиган қийматини аниқлашга таъсир кўрсатмайди.
- 59 Агар ернинг бошланғич қиймати унда жойлашган асосий восита объектларини демонтаж қилиш, ер майдонидаги табиий ресурсларни тиклаш бўйича сарфларини ўз ичига олса, ернинг ушбу қисми бўйича эскириш бундай сарфларни амалга оширишдан олинандиган наф даври мобайнида ҳисобланади. Айрим ҳолатларда, ер чекланган фойдали хизмат муддатига эга бўлиши мумкин, бундай ҳолатда ер бўйича олинандиган нафларни акс эттирадиган усул асосида эскириш ҳисобланиши лозим.

Эскириш ҳисоблаш усули

- 60 Эскириш ҳисоблаш усули активдан олинандиган келгуси иқтисодий нафни ташкилот томонидан қутилаётган истеъмолнинг характерини акс эттириши лозим.
- 61 Актив бўйича қўлланадиган эскириш ҳисоблаш усули камида ҳар молиявий йилнинг якунида қайта кўриб чиқиши лозим, активда мужассамлашган келгуси иқтисодий нафнинг истеъмол характерида аҳамиятли ўзгариш пайдо бўлганда, ушбу ўзгаришни акс эттириш мақсадида эскириш ҳисоблаш усули ҳам ўзгартирилиши лозим. Бундай ўзгариш ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар сифатида 8-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олинishi лозим.
- 62 Активнинг эскириш ҳисобланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида тизимли асосда тақсимлаш учун эскириш ҳисоблашнинг турли усулларидан фойдаланиш мумкин. Улар усуллар тўғри чизикли усул, камайиб борувчи қолдиқ усули ва ишлаб чиқариш усулини ўз ичига олади. Эскиришнинг тўғри чизикли усули, агар активнинг тугатиш қиймати ўзгармаса, активнинг фойдали хизмат муддати давомида ўзгармас эскириш суммасини келтириб чиқаради. Камайиб борувчи қолдиқ усулида эскириш суммаси активнинг фойдали хизмат муддати давомида камайиб боради. Ишлаб чиқариш усулида эскириш суммаси активдан қутилаётган фойдаланиш ёки ишлаб чиқариш ҳажми асосида ҳисобланади. Ташкилот активда мужассамлашган келгуси иқтисодий наф истеъмол хусусиятларини аниқроқ акс эттирадиган усулни танлайди. Танланган усул даврлараро изчил қўлланиши лозим, бундан келгуси иқтисодий нафларнинг истеъмол характеридаги ўзгариш мустасно.
- 62А Активдан фойдаланиладиган фаолият натижасида олинандиган тушумга асосланган эскириш ҳисоблаш усулини қўллаш ўринли ҳисобланмайди. Активдан фойдаланиладиган фаолият натижасида олинандиган тушум, одатда ушбу активдан келгуси иқтисодий нафлар истеъмолидан фарқланадиган омилларни ўз ичига олади. Масалан, тушумга бошқа фойдаланиладиган ресурс ва жараёнлар, сотиш бўйича фаолият, сотув ҳажмидаги ва нархдаги ўзгаришлар таъсир кўрсатади. Тушумнинг нарх компонентида активни истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлмаган инфляция ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Қадрсизланиш

- 63 Асосий восита объекти қадрсизланганлигини аниқлаш учун ташкилот 36-сон БҲХС “*Активларнинг қадрсизланиши*”ни қўллайди. Мазкур стандартда ташкилот активларининг баланс қийматини қандай қилиб қайта кўриб чиқиши, активнинг қоплаш қийматини қандай қилиб аниқлаши ва қадрсизланишдан зарарлар қачон тан олинishi ёки қайта тикланиши изоҳланган.
- 64 [Чиқариб ташланган]

Қадрсизланишни қоплаш

- 65 Асосий восита объектларини қадрсизланиши, йўқотилиши ёки ўтказиб берилиши натижасида учинчи шахслар томонидан тақдим этиладиган қоплаш суммаси бундай қоплаш суммасини олиш ҳуқуқи юзага келганда фойда ёки зарар таркибига киритилиши лозим.
- 66 Асосий воситалар объектларининг қадрсизланиши ёки йўқотилиши, қоплаб бериш бўйича тегишли даъволар ёки учинчи томонлар тарафидан тўланадиган қоплаш суммалари, шунингдек, бундай активларнинг ўрнига кейинчалик янги активлар сотиб олиниши ёки қурилиши алоҳида иқтисодий ходисалар бўлиб, улар қуйидаги тартибда алоҳида ҳисобга олинади:
- (а) асосий воситаларнинг қадрсизланиши 36-сон БҲХСга мувофиқ тан олинади;
 - (б) фойдаланиши тўхтатилган ёки ҳисобдан чиқарилган асосий восита объектларини тан олишни бекор қилиш мазкур стандартга мувофиқ аниқланади;
 - (в) асосий восита объектларини қадрсизланиши, йўқотилиши ёки ўтказиб берилиши натижасида учинчи шахслар томонидан тақдим этиладиган қоплаш суммаси бундай қоплаш суммасини олиш ҳуқуқи юзага келганда фойда ва зарарни аниқлашда ҳисобга олинади; ва
 - (г) активлар ўрнини қоплаш мақсадида қайта тикланган, сотиб олинган ёки қурилган асосий восита объектларининг бошланғич қиймати мазкур стандартга мувофиқ аниқланади.

Тан олишни бекор қилиш

- 67 Асосий восита объектнинг баланс қийматини тан олиш қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:
- (а) ҳисобдан чиқарилганда; ёки
 - (б) ундан фойдаланишдан ёки ҳисобдан чиқарилишдан ҳеч қандай келгуси иқтисодий наф қутилмаганда.
- 68 Асосий воситаларни тан олишни бекор қилишдан юзага келадиган фойда ёки зарар асосий восита объектнинг тан олишни бекор қилиш пайтида фойда ёки зарар таркибида акс эттирилиши лозим (бунда 16-сон МҲХС “Ижара” да қайта ижарага олиш шarti билан сотиш операцияси бўйича бошқа талаблар белгиланмаган бўлса). Бундай фойда асосий фаолиятдан тушум сифатида таснифланмаслиги лозим.
- 68А Лекин, одатдаги фаолияти давомида бошқа томонларга ижарага бериладиган асосий восита объектларини мунтазам равишда сотадиган ташкилот бундай активларни ижарага берилиши тўхтатилган ва сотиш учун мўлжалланган пайтда, уларни баланс қиймати бўйича захиралар таркибига ўтказиши лозим. Бундай активларни сотишдан пул маблағлари тушиши 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”га мувофиқ тан олиниши лозим. Одатдаги фаолият давомида сотиш учун мўлжалланган активлар захиралар таркибига ўтказилганда уларга нисбатан 5-сон МҲХС қўлланмайди.
- 69 Асосий восита объектлари турли йўллар билан ҳисобдан чиқарилиши мумкин (масалан, сотиш, молиявий ижара шартномаларини тузиш ёки ҳадя қилиш орқали). Асосий восита объектнинг ҳисобдан чиқариш санаси бўлиб, 15-сон МҲХСдаги бажариш жавобгарлиги қаноатлантирилган пайтни аниқлаш бўйича талабларга мувофиқ, қабул қилувчи томонга мазкур объект бўйича назорат ўтган сана ҳисобланади. Қайта ижарага олиш шarti билан сотиш орқали активларнинг чиқиб кетишига нисбатан 16-сон МҲХС қўлланади.
- 70 Агар 7 банддаги тан олиш мезонига асосан ташкилот асосий восита объектини ушбу активнинг қисмини алмаштириш бўйича сарфларни баланс қийматида ҳисобга олган бўлса, унда алмаштирилган қисмнинг баланс қиймати ушбу қисм бўйича алоҳида эскириш ҳисобланган ёки йўқлигидан қатъий назар, ҳисобдан чиқарилади. Агар ташкилот учун алмаштирилган қисмнинг баланс қийматини аниқлашнинг амалий имкони бўлмаса, у ҳолда ташкилот объект қисмини алмаштириш учун кетган сарфлар қийматини алмаштирилган қисмнинг қиймати сифатида сотиб олинган пайтдаги ёки қуриб битказилган пайтдаги қийматидан фойдаланиши мумкин.
- 71 Асосий восита объектини тан олиш бекор қилиниши натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар активнинг чиқиб кетишидан олинмаган соф пул маблағлари тушуми билан активнинг баланс қиймати, агар мавжуд бўлса, ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.
- 72 Асосий воситани тан олиш бекор қилиниши натижасида фойда ва зарарлар таркибида тан олинмаган товон суммаси 15-сон МҲХСнинг 47-72-бандларидаги шартнома нархини аниқлаш талабларига мувофиқ аниқланади. Фойда ва зарарлар таркибида тан олинган товон суммасининг кейинги

Ўзгаришлари 15-сон МҲХСдаги шартнома нархларининг ўзгариши бўйича талабларга мувофиқ ҳисобга олинади.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 73 Молиявий ҳисоботда асосий воситанинг ҳар бир синфи бўйича қуйидаги маълумотлар ёритиб берилиши лозим:
- (а) ялпи баланс қийматини аниқлаш учун қўлланган баҳолаш асослари;
 - (б) фойдаланилган эскириш ҳисоблаш усуллари;
 - (в) фойдали хизмат муддатлари ёки қўлланган эскириш меъёрлари;
 - (г) ҳисобот даври боши ва охирига жами баланс қиймати ва жамғарилган эскириш суммаси (жамғарилган кадрсизланишдан зарарлар билан бирга)
 - (д) қуйидагиларни акс эттирувчи ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган баланс қиймати солиштирмаси:
 - (i) қиримлар;
 - (ii) 5-сон МҲХСга мувофиқ сотишга мўлжалланган актив сифатида таснифланган ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган активлар ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар;
 - (iii) бизнес бирлашуви доирасида харид қилинган асосий воситалар;
 - (iv) 31, 39 ва 40-бандларга асосан, қайта баҳолашлар ва 36-сон БҲХСга мувофиқ кадрсизланишдан зарарлар натижасида бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинган тикланган актив қийматининг ошиши ёки камайиши;
 - (v) 36-сон БҲХСга мувофиқ фойда ёки зарар таркибида тан олинган кадрсизланишдан зарарлар;
 - (vi) 36-сон БҲХСга мувофиқ фойда ёки зарар таркибида тикланган кадрсизланишдан зарарлар;
 - (vii) эскириш суммаси;
 - (viii) ташкилот молиявий ҳисоботини функционал валютадан бошқа тақдим этиш валютасига ўтказиш ва чет элдаги бўлинмани тақдим этиш валютасига ўтказиш натижасида юзага келган соф курс фарқлари; ва
 - (ix) бошқа ўзгаришлар.
- 74 Молиявий ҳисоботда қуйидаги маълумотлар ҳам ёритиб берилиши лозим:
- (а) эгаллик ҳуқуқи бўйича маълум чекланишларга эга асосий воситаларнинг, шунингдек мажбуриятларни таъминлаш мақсадида гаровга берилган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва уларнинг суммаси;
 - (б) асосий восита объекти қурилиши давомида унинг баланс қийматида тан олинган сарфлар суммаси; ва
 - (в) асосий воситаларни харид қилиш бўйича шартномавий мажбуриятларнинг суммаси; ва
- 74А Агар умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тақдим этилмаган бўлса, молиявий ҳисоботда қуйидаги маълумотлар ҳам ёритиб берилиши лозим:
- (а) йўқотиш ёки ўтказиб бериш натижасида асосий воситалар объектлари учун учинчи томонлардан олинган ва фойда ёки зарар таркибида акс эттирилган қоплаш; ва
 - (б) 20А бандга мувофиқ фойда ёки зарар таркибига киритилган, ташкилотнинг оддатдаги фаолияти натижаси бўлмаган ишлаб чиқарилган объектларга тегишли пул маблағлари тушуми ва харажатлар суммалари, шунингдек, умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг қайси банд(лар)и бундай пул маблағлари тушумлари ва харажатларни ўз ичига олиши тўғрисидаги маълумотлар.
- 75 Эскириш ҳисоблаш усулини танлаш ва активларнинг фойдали хизмат муддатини баҳолаш мулоҳаза асосида аниқланади. Шунинг учун, қабул қилинган усуллар ва баҳоланган фойдали хизмат муддатлари ёки эскириш меъёрлари тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш молиявий ҳисоботдан

- фойдаланувчиларга раҳбарият томонидан танланган сиёсатни қайта кўриб чиқиш ва бошқа ташкилотлар билан қиёслаш имкониятини берадиган маълумотлар билан таъминлайди. Шунга ўхшаш сабабларга кўра, қуйидагилар ёритиб берилиши зарур:
- (а) фойда ёки зарар таркибида ёхуд бошқа активлар бошланғич қийматининг бир қисми сифатида тан олинганлигидан қатъий назар ҳисобот даври давомида ҳисобланган эскириш суммаси; ва
 - (б) ҳисобот давр якунига жамғарилган эскириш суммаси.
- 76 Ташкилот жорий давр кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган ёки келгуси даврлар кўрсаткичларига таъсир кўрсатиши кутилаётган ҳисоб баҳоларидаги ўзгариш характери ва таъсирини 8-сон БҲХСга мувофиқ ёритиб беради. Асосий воситаларга тегишли бўлган бундай ўзгариш қуйидагилар бўйича юзага келиши мумкин:
- (а) тугатиш қийматлари;
 - (б) асосий восита объектларини демонтаж қилиш, олиб ташлаш ёки қайта тиклаш бўйича баҳоланган сарфлар;
 - (в) фойдали хизмат муддатлари; ва
 - (г) эскириш ҳисоблаш усуллари.
- 77 Агар асосий воситалар объекти қайта баҳоланган қиймат бўйича акс эттирилса, 13-сон МҲХСга мувофиқ ёритиб берилиши талаб этилган маълумотларга қўшимча равишда қуйидагилар ёритиб берилиши лозим:
- (а) қайта баҳолаш ўтказилган сана;
 - (б) мустақил баҳоловчи иштирок этганлиги;
 - (в)-(г) [Чиқариб ташланган]
 - (д) қайта баҳоланган асосий воситаларнинг ҳар бир синфи бўйича унинг таркибидаги активлар бошланғич қиймат модели бўйича ҳисобга олинганида уларнинг тан олиниши мумкин бўлган баланс қийматлари; ва
 - (е) бу суммани давр мобайнидаги ўзгаришларни ҳамда тақсимлашдаги ҳар қандай чекловларни акс эттирган ҳолда, қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши суммаси.
- 78 36-сон БҲХСга мувофиқ ташкилот кадрсизланган асосий воситалар бўйича маълумотларни 73(д)(iv)–(vi) бандда талаб этилган маълумотларга қўшимча равишда ёритиб беради.
- 79 Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари қуйидаги маълумотларни ўз эҳтиёжлари учун фойдали деб топиши мумкин:
- (а) вақтинчалик бекор туриб қолган асосий воситанинг баланс қиймати;
 - (б) тўлиқ эскириш ҳисобланган, лекин ҳалигача фойдаланишда бўлган асосий воситаларнинг баланс қиймати;
 - (в) фойдаланишдан чиқарилган, лекин 5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифланмаган асосий воситаларнинг баланс қиймати; ва
 - (г) бошланғич қиймат модели қўлланган ҳолларда асосий воситаларнинг ҳаққоний қиймати уларнинг баланс қийматидан муҳим даражада фарқ қилса, асосий воситаларнинг ҳаққоний қиймати.
- Шу боис, ташкилот томонидан ушбу суммалар ёритиб берилиши тавсия этилади.

Ўтиш қоидалари

- 80 **Активларни айирбошлаш операциясида олинган асосий воситанинг дастлабки баҳолалиши бўйича 24–26 бандларнинг талаблари фақатгина келгуси операцияларга нисбатан перспектив тарзда қўлланиши лозим.**
- 80А “2010-2012 йилларда МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар” бўйича 35-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни дастлабки қўллаш санасида ва ундан кейин бошланган йиллик даврларда ва олдинги ҳисобот давридаги барча қайта баҳолашларга нисбатан қўллаши лозим. Шунингдек, ташкилот тақдим этилаётган олдинги даврлар учун тузатиш қиёсий маълумотларни тақдим этиш мумкин, лекин талаб этилмайди. Агар ташкилот олдинги ҳисобот давлари учун

- тузатилмаган қиёсий маълумотни тақдим этса, ушбу маълумотларга тузатишлар киритилмаганини аниқ кўрсатиши ва бошқа асосда тайёрланганлигини кўрсатиши ва бу асосни изоҳлаши лозим.
- 80Б Ҳисобот даврида “Қишлоқ хўжалиги: Ҳосилдор ўсимликлар” (16-сон БҲХС ва 41-сон БҲХСларга киритилган ўзгартиришлар)ни биринчи марта қўлланганда ташкилотлар 8-сон БҲХСнинг 28(е) банди талаби билан белгиланган миқдорий маълумотларни жорий давр учун ёритиб бериш талаб этилмайди. Лекин, ташкилот 8-сон БҲХСнинг 28(е) банди талаби билан белгиланган миқдорий маълумотларни тақдим этилган хар бир олдинги давр учун тақдим этиши лозим.
- 80В Ташкилот “Қишлоқ хўжалиги: ҳосилдор ўсимликлар” (16-сон БҲХС ва 41-сон БҲХСларга киритилган ўзгартиришлар)ни биринчи марта қўлланганда, ҳосилдор ўсимликлар объектларини энг олдинги ҳисобот даври бошига ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашни қабул қилиши ва ушбу ҳаққоний қийматни мазкур объектнинг белгиланган ҳисобот даврига шартли бошланғич қиймати сифатида қабул қилиши мумкин. Олдинги баланс қиймати билан ҳаққоний қиймат ўртасидаги фарқ тақдим этилган энг олдинги ҳисобот даври бошига тақсимланмаган фойда таркибида тан олиниши лозим.
- 80Г 2020 йил майда эълон қилинган “Асосий восита—Белгиланган Мақсадда фойдаланишга қадар Пул Маблағлари тушуми” 17 ва 74-бандларга ўзгартириш киритилди ва 20А ва 74А бандлар киритилди. Ташкилот ушбу тузатишларни ретроспектив тарзда, лекин фақат раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтирилган асосий воситалар объектларига нисбатан, у ушбу ўзгаришни биринчи молиявий ҳисоботда тақдим этилган энг олдинги даврнинг бошидан бошлаб қўллаши лозим. Ташкилот тақдим этилган энг олдинги даврнинг бошида тақсимланган фойданинг (ёки агар ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентининг) давр бошига қолдиғига тузатиш тарзида ушбу ўзгартиришни кумулятив таъсирини тан олиши лозим.

Кучга кириш санаси

- 81 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот ушбу стандартни 2005 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 81А Ташкилот 3 банддаги ўзгартиришларни 2006 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 6-сон МҲХСни олдинги даврга учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ҳам ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 81Б 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиши” (2007 йил таҳрири) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамаларга ўзгартириш киритилган. Шунингдек, у бўйича 39, 40 ва 73(д)(iv) бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 81В 3-сон МҲХС “Бизнес бирлашувлари” (2008 йил таҳрири) бўйича 44 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июль ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 3-сон БҲХС (2008 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 81Г 2008 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСларни такомиллаштиришлар” бўйича 6 ва 69-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 68А банд киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, унда ушбу фактни ёритиб бериши ва бир вақтнинг ўзида 7-сон БҲХС “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот”га тегишли ўзгартиришларни қўллаши лозим.
- 81Д 2008 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар” бўйича 5-бандга ўзгартириш киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Агар ташкилот бир вақтнинг ўзида 40-сон БҲХСнинг 8, 9, 22, 48, 53, 53А, 53Б, 54, 57 ва 85Б бандларини қўлласса, бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 81Е 2011 йилнинг май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС бўйича 6-банддаги ҳаққоний қиймат ва қопланадиган қиймат таърифига, 26, 35 ва 77 бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 32 ва 33-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

- 81Ё 2012 йил май ойида эълон қилинган “2009-2011 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар” бўйича 8 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 81Ж 2013 йил май ойида эълон қилинган “2010-2012 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар” бўйича 35-бандга ўзгартириш киритилган ва 80А банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 июль ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 81З 2014 йил май ойида эълон қилинган “Эскириш ва амортизация ҳисоблашнинг қўлланиши мумкин бўлган усулларига аниқлик киритиш” (16-сон БҲХС ва 38-сон БҲХСга киритилган ўзгартиришлар) бўйича 56-бандга ўзгартириш киритилган ва 62А банд киритилган. Ушбу ўзгартиришлар ташкилот томонидан перспектив тарзда 2016 йил 1 январдан ва ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгаришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 81И 2014 йил май ойида эълон қилинган 15-сон МҲХС “Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича тушум”га мувофиқ 68А, 69 ва 72 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 81Й 2014 йилнинг июнь ойида эълон қилинган “Қишлоқ хўжалиги: ҳосилдор ўсимликлар”(16-сон БҲХС ва 41-сон БҲХСга ўзгартиришлар)га асосан 3, 6 ва 37 бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 22А ҳамда 81К-81Л бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС мувофиқ қўллайди, бундан 81В бандда кўрсатилган ҳоллар мустасно.
- 81К 2016 йилнинг июнь ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС “Ижара”га мувофиқ 4 ва 27 бандлар чиқариб ташланган ва 5, 10, 44 ва 68-69 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 81Л [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу тахрирда келтирилмаган.]
- 81М 2020 йил майда эълон қилинган “Асосий восита—Белгиланган Мақсадда фойдаланишга қадар Пул Маблағлари тушуми”га асосан 17 ва 74-бандларга ўзгартириш киритилди ва 20А, 74А ва 81Г бандлар киритилди. Ташкилотлар мазкур ўзгартиришларни 2022 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Бошқа ҳужжатлар ўз кучини йўқотиши

- 82 Мазкур стандарт (1998 йилда қайта кўриб чиқилган) 16-сон БҲХС “Асосий воситалар”ни ўрнини эгаллайди.
- 83 Мазкур стандарт куйидаги шарҳларнинг ўрнини эгаллайди:
- (а) 6-сон ШДҚ “Мавжуд дастурий таъминотни ўзгартириш сарфлари”;
 - (б) 14-сон ШДҚ “Асосий воситалар—объектларнинг қадрсизланиши ёки йўқотилишининг қопланиши”; ва
 - (в) 23-сон ШДҚ “Асосий воситалар—йирик техник кўрик ёки капитал таъмирлаш бўйича сарфлар”.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
9-ИЛОВА

19-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Ходимларнинг даромадлари

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади ходимларнинг даромадларини ҳисобга олиш ва улар бўйича маълумотларни ёритиб бериш тартибини белгилашдан иборат. Мазкур стандарт ташкилотлардан қуйидагиларни тан олишни талаб этади:
- (а) ходим келгусида тўланадиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатганда - мажбуриятни; ва
 - (б) ташкилот ходим томонидан ходимларнинг даромадлари эвазига кўрсатилган хизмат натижасида юзага келадиган иқтисодий нафни сарфланганда - харажатни.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт иш берувчи томонидан ходимларнинг даромадларини ҳисобга олишда қўлланиши лозим, бундан 2-сон МҲХС “Акцияга асосланган тўлов” қўлланидиган ходимларнинг даромадлари мустасно.
- 3 Мазкур стандарт ходимларнинг даромадлари дастурлари бўйича ҳисобот берилишига нисбатан қўлланилмайди (26-сон БҲХС “Пенсия дастурлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи”га қаранг).
- 4 Мазкур стандарт қўлланидиган ходимларнинг даромадлари қуйидаги асосда тақдим этиладиган ходимлар даромадларидан иборат:
- (а) ташкилот билан индивидуал ходимлар, ходимлар гуруҳи ёки уларнинг вакиллари ўртасидаги расмий дастурлар ёки бошқа расмий келишувлар асосида;
 - (б) ташкилотдан бир нечта иш берувчиларнинг миллий, давлат, соҳа ёки бошқа умумий дастурларига тўловларни амалга ошириши талаб этиладиган қонунчилик талаблари асосида ёки соҳа келишувлари асосида; ёки
 - (в) конструктив жавобгарликни юзага келтирадиган норасмий амалиётлар орқали. Норасмий амалиётлар ташкилот ходимларнинг даромадларини тўлашдан бошқа реал муқобилга эга бўлмайдиган конструктив жавобгарликни юзага келтиради. Конструктив жавобгарликка мисол тариқасида, ташкилотнинг норасмий амалиётларидаги ўзгариш унинг ходимлар билан муносабатларига қабул қилиб бўлмайдиган зарарга сабаб бўлган ҳолатни келтириш мумкин.
- 5 Ходимларнинг даромадлари қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) ходимлар тегишли хизматларни кўрсатадиган йиллик ҳисобот даври охиридан кейинги ўн икки ой ичида тўлиқ сўндирилиши кутиладиган қуйидагилар каби ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари:
 - (i) иш ҳақлари, маошлар ва ижтимоий ҳимоя бадаллари;
 - (ii) ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили ва ҳақ тўланадиган меҳнатга лаётқатсизлик таътили;
 - (iii) фойдани бўлишиш ва мукофотлар; ва
 - (iv) амалдаги ходимларнинг номонетар кўринишда олган даромадлари (масалан, тиббий хизмат, уй ёки автомобиль билан таъминлаш ҳамда бепул ёки имтиёзли нархлардаги товарлар ёки хизматлар);
 - (б) қуйидагилар каби меҳнат фаолиятидан кейинги даромадлар:
 - (i) пенсия тўловлари (масалан, пенсиялар ва пенсияга чиқиш бўйича бир марталик тўловлар); ва

- (ii) меҳнат фаолиятдан кейинги бошқа даромадлар, масалан меҳнат фаолиятдан кейинги ҳаёт суғуртаси ва меҳнат фаолиятдан кейинги тиббий хизмат;
 - (в) қуйидагилар каби ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадлари:
 - (i) узоқ муддат ишлаганлиги учун тўланадиган таътил, масалан узоқ муддатли хизмат учун қўшимча таътил ёки ижодий таътил;
 - (ii) юбилейга бериладиган мукофотлар ёки бошқа узоқ муддатли хизмат учун ҳақлар; ва
 - (iii) меҳнат лаёқатини йўқотганлиги учун узоқ муддатли нафақалар; ва
 - (г) ишдан бўшатиш нафақалари.
- 6 Ходимларнинг даромадлари ходимларга ёки уларнинг қарамоғидагиларга ёки бенефициарларга тақдим этиладиган ҳамда бевосита ходимларга, уларнинг турмуш ўртоқларига, фарзандларига ёки бошқа қарамоғидагиларига ёки бошқаларга, масалан суғурта компанияларига тўланадиган тўловлар (ёки шартли товарлар ёки хизматлар билан таъминлаш) орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлган ходимларнинг даромадларини ўз ичига олади.
- 7 Ходим ташкилотга тўлиқ бандлик, қисман бандлик, доимий, бир марталик ёки вақтинчалик асосда хизмат кўрсатиши мумкин. Мазкур стандарт мақсадлари учун, ходимлар тушунчаси директорлар ва бошқа раҳбарият ходимларини ҳам ўз ичига олади.

Таърифлар

- 8 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Ходимларнинг даромадларига оид таърифлар

Ходимларнинг даромадлари - бу ходимлар кўрсатган хизмати эвазига ёки ишдан бушатилиши сабабидан ташкилот томонидан тақдим этиладиган товонларнинг барча шакллари.

Ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари - бу ходимлар тегишли хизматларни кўрсатган йиллик ҳисобот даври охиридан сўнг ўн икки ойдан олдин тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши кутилаётган ходимларнинг даромадларидир (ишдан бўшатиш нафақаларидан ташқари).

Меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар - бу меҳнат фаолияти якунлангандан сўнг ходимларга тўланадиган даромадаларидир (ишдан бўшатиш нафақалари ва ходимларнинг қисқа муддатли даромадларидан ташқари).

Ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадлари - бу ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари, меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлари ва ишдан бўшатиш нафақаларидан ташқари ходимларнинг барча даромадларидир.

Ишдан бўшатиш нафақалари - бу қуйидагилар натижасида ходимнинг меҳнат фаолиятини тўхтатиш эвазига тақдим этиладиган ходимларнинг даромадлари:

- (а) одатдаги пенсияга чиқиши санасидан олдин ходимнинг меҳнат фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ташкилотнинг қарори натижасида; ёки
- (б) меҳнат фаолиятини тўхтатиш эвазига таклиф қилинаётган нафақани олиш тўғрисида ходим томонидан қабул қилинадиган қарор натижасида.

Дастурларнинг таснифланишига оид таърифлар

Меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастурлари - бу уларга асосан ташкилот бир ёки бир нечта ходимларига меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар билан таъминлайдиган расмий ёки норасмий келишувлар ҳисобланади.

Белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари - бу уларга асосан ташкилот бошқа алоҳида ташкилот (фонд) га қатъий белгиланган бадалларни тўлайдиган ва агар ушбу фонд ходимларнинг жорий ва олдинги даврлардаги хизматига тегишли барча даромадларини тўлаш учун етарли активга эга бўлмаса ҳам, ташкилот қўшимча бадалларни тўлаш бўйича юридик ёки конструктив жавобгарликка эга бўлмайдиган ходимларнинг меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастурлари ҳисобланади.

Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари - бу белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурларидан бошқа меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастурларидир.

Бир нечта иш берувчиларнинг умумий дастурлари - бу белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари (ходимлар даромадлари бўйича давлат дастурларидан ташқари) ёки белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари (ходимлар даромадлари бўйича давлат дастурларидан ташқари) бўлиб, улар:

- (a) умумий назоратда бўлмаган турли ташкилотлар томонидан киритилган активларни бирлаштиради; ва
- (b) ушбу активлардан иш берувчи ташкилотга боғлиқ бўлмаган тарзда ходимларга бадал ва даромад даражалари аниқланадиган асосда, бирдан ортиқ ташкилотларнинг ходимларига даромадларни тўлашда фойдаланади.

Белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив) га оид таърифлар

Белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив) - бу дефицит ёки профицит бўлиб, у белгиланган тўловлар бўйича соф активни, ушбу активнинг юқори чегарасигача чеклашнинг ҳар қандай таъсирига тузатилган қийматидир.

Дефицит ёки профицит бу:

- (a) белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматидан
- (b) дастур активларининг (агар мавжуд бўлса) ҳаққоний қиймати чегирилганидир.

Активнинг юқори чегараси - дастурдан маблағлар қайтарилиши ёки дастурга нисбатан келгуси бадалларда камайишлар шаклида мавжуд бўлган ҳар қандай иқтисодий нафларнинг жорий қийматидир.

Белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қиймати - бу, дастурнинг ҳар қандай активларини чегирмаган ҳолда, жорий ва олдинги даврлардаги ходимлар хизмати натижасида юзага келган жавобгарликни ҳисоб-китоб қилиш учун кутилаётган келгуси тўловларнинг талаб этилган жорий қийматидир.

Дастур активлари қуйидагиларни қамраб олади:

- (a) ходимларнинг узоқ муддатли даромадлари бўйича жамғармага тегишли активлар; ва
- (b) квалификацияланадиган суғурта полислари.

Ходимларнинг узоқ муддатли даромадлари бўйича жамғармага тегишли активлар - бу шундай активларки, бундай активлар (ҳисобот берадиган ташкилот томонидан чиқарилган ўтказилмайдиган молиявий инструментлардан ташқари):

- (a) ҳисобот берувчи ташкилотдан юридик жиҳатдан алоҳида бўлган ва фақатгина ходимларнинг даромадларини тўлаш ёки молиялаштириш учун ташкил қилинган ташкилот (жамғарма) томонидан эгаллик қилинади; ва
- (b) фақатгина ходимларнинг даромадларини тўлаш ёки молиялаштириш учун фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, (ҳаттоки банкрот ҳолатида ҳам) ҳисобот берувчи ташкилотнинг кредиторларига тўланмайдиган ва қуйидагилар содир бўлмагунча, ҳисобот берувчи ташкилотга қайтарилмайдиган активлардир:
 - (i) жамғарманинг қолган активлари дастурнинг ёки ҳисобот берувчи ташкилотнинг ходимларга тегишли барча даромадлар бўйича жавобгарликларини тўлаш учун етарли; ёки
 - (ii) аллақачон тўланган ходимларнинг даромадлари бўйича активлар ҳисобот берувчи ташкилотга қоплаш сифатида қайтарилган.

Квалификацияланадиган суғурта полиси - бу, агар суғурта полиси бўйича пул маблағлари тушиши қуйидаги шартларга жавоб берса, ҳисобот берувчи ташкилотга ўзаро боғлиқ бўлмаган томон (24-сон БҲХС “*Боғлиқ томонлар тўғрисида маълумотларни ёритиб бериш*”да таърифланганидек) ҳисобланувчи суғурталовчи томонидан чиқариладиган суғурта полисидир¹:

- (a) белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури асосида фақатгина ходимларнинг даромадларини тўлаш ёки молиялаштириш учун фойдаланилса; ва

¹ Квалификацияланадиган суғурта полиси 4-сон МҲХС “*Суғурта шартномалари*”да таърифланган суғурта шартномаси бўлиши талаб этилмайди.

- (б) ҳисобот берувчи ташкилотнинг кредиторларига тўланмаса (хаттоки банкрот ҳолатида ҳам) ва қуйидагилар содир бўлмагунча, ҳисобот берувчи ташкилотга қайтарилмаса:
- (i) пул маблағлари тушиши полис барча тегишли ходимларга даромадлар бўйича жавобгарликларини тўлаш учун зарур бўлмайдиган активларнинг профицитини акс эттиради; ёки
 - (ii) тушумлар аллақачон тўланган ходимларнинг даромадлари бўйича ҳисобот берувчи ташкилотга қоплаш сифатида қайтарилганда.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинган ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир. (13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”га қаранг.)

Белгиланган тўловлар бўйича сарфларга оид таърифлар

Хизмат қиймати қуйидагиларни қамраб олади:

- (а) ходимларнинг жорий даврда кўрсатган хизмати натижасида юзага келадиган белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматидаги кўпайиш ҳисобланадиган *жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати*ни;
- (б) дастурга ўзгартириш киритиш (белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурига ўзгаришларни киритиш ёки чиқариб ташлаш) ёки уни қисқартириш (ташкilotнинг дастур қамраб олган ходимлари сонини сезиларли камайтириш) натижасида юзага келадиган ходимларнинг олдинги даврларда кўрсатган хизматлари учун белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматидаги ўзгариш ҳисобланадиган *олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати*ни; ва
- (в) ҳисоб-китоб қилинганда ҳосил бўладиган ҳар қандай фойда ёки зарар.

Белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фойза - бу давр мобайнида вақт ўтиши билан юзага келадиган белгиланган тўловлар бўйича соф мажбуриятдаги (активдаги) ўзгаришдир.

Белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни қайта баҳолашлар қуйидагиларни қамраб олади:

- (а) актуар фойда ва зарарлар;
- (б) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фойзага киритилган суммаларни истисно қилган ҳолда пенсия дастурига оид активлардан олинган даромадни; ва
- (в) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фойзага киритилган суммаларни истисно қилган ҳолда активнинг юқори чегараси таъсиридаги ҳар қандай ўзгаришни.

Актуар фойда ва зарарлар - бу белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматидаги ўзгаришлар бўлиб, у қуйидагилар натижасида юзага келади:

- (а) тажриба асосида киритиладиган тузатишлар (олдинги актуар фаразлар билан ҳақиқатда содир бўлган ходиса ўртасидаги тафовутларнинг таъсирлари); ва
- (б) актуар фаразлардаги ўзгаришларнинг таъсирлари.

Пенсия дастурига оид активлардан олинган даромад - бу дастур активлари бўйича ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган фойдалар ёки зарарлар билан бирга, тизим активлари бўйича олинган фойзалар, дивидендлар ва бошқа даромадлардан қуйидагиларнинг чегирилганидир:

- (а) дастур активларини бошқариш бўйича ҳар қандай сарфлар; ва
- (б) дастурнинг ўзи томонидан тўланадиган ҳар қандай солиқ, бунда белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматини баҳолашда фойдаланилган актуар фаразларга киритилган солиқдан ташқари.

Ҳисоб-китоб қилиш - бу белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури асосида таъминланган даромадларнинг айрим қисми ёки ҳаммаси бўйича барча кейинги юридик ёки конструктив жавобгарликларни бартараф этадиган операциядир, бундан тизим шартларида қайд қилинган ва актуар фаразларда ҳисобга олинган ходимларга, ёки улар номидан, тўланадиган даромадлар истисно.

Ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари

- 9 Ходимларнинг даромадлари улар хизмат кўрсатган йиллик ҳисобот даври охиридан сўнг ўн икки ойдан олдин тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши кутилса, ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари куйидаги моддаларни ўз ичига олади:
- (а) иш ҳақлари, маошлар ва ижтимоий ҳимоя бадаллари;
 - (б) ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили ва тўланадиган касаллик таътили;
 - (в) фойдани бўлишиш ва мукофотлар; ва
 - (г) ходимларнинг жорий номонетар тарздаги даромадлари (масалан, тиббий хизмат, уй ёки автомобиль билан таъминлаш ҳамда бепул ёки имтиёзли нархлардаги товарлар ёки хизматлар).
- 10 Ташкилот томонидан ҳисоб-китоб муддати бўйича кутишлар вақтинчалик ўзгарганида ташкилотдан ходимларнинг қисқа муддатли даромадларини қайта таснифлаш талаб этилмайди. Лекин, агар даромаднинг хусусиятлари ўзгарса (масалан, жамғариладиган даромаддан жамғарилмайдиган даромадга ўзгарса) ёки агар ҳисоб-китоб муддати бўйича кутишлардаги ўзгариш вақтинчалик бўлмаса, ташкилот ушбу даромад ҳали ҳам ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари таърифида тўғри келишини кўриб чиқади.

Тан олиш ва баҳолаш

Ходимларнинг барча қисқа муддатли даромадлари

- 11 Ходим ташкилотга ҳисобот даври мобайнида хизмат кўрсатган бўлса, ташкилот ушбу хизмат эвазига ходимга тўланиши кутилаётган қисқа муддатли даромаднинг дисконтланмаган суммасини куйидагича тан олиши лозим:
- (а) мажбурият (ҳисобланган харажат) сифатида, олдин тўланган ҳар қандай суммани чегиргандан сўнг. Агар олдин тўланган сумма ходим даромадларининг дисконтланмаган суммасидан ошса, ташкилот ушбу ошган қисмни актив (олдиндан тўланган харажат) сифатида тан олиши лозим, бунда олдиндан тўлов, масалан, келгуси тўловлар камайишига ёки пул маблағлари билан қайтарилишга олиб келади.
 - (б) харажат сифатида, бунда бошқа МҲХС ходимларнинг даромадларини активнинг қийматига киритишни талаб этмаса ёки киритишга рухсат бермаса (масалан, 2-сон БҲХС “Захиралар” ва 16-сон БҲХС “Асосий воситалар” га қаранг).
- 12 13, 16 ва 19-бандларда ташкилот ишланмаган вақт учун тўланадиган ходим даромадлари, фойдани бўлишиш ва мукофотлар дастурлари шаклида бўлган ходимларнинг қисқа муддатли даромадларига нисбатан 11-бандни қандай қўллаш лозимлиги тушунтирилган.

Қисқа муддатли ишланмаган вақт учун тўловлар

- 13 Ташкилот 11-бандга мувофиқ ишланмаган вақт учун тўланадиган ҳақ шаклидаги ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари бўйича кутилаётган сарфларни куйидаги ҳолларда тан олиши лозим:
- (а) ходимлар келгусида тўланадиган ишланмаган вақт учун компенсацияларга уларнинг ҳуқуқини оширадиган хизмат кўрсатганида, ишланмаган вақт учун жамғариладиган тўланадиган ҳақ ҳолатида.
 - (б) тўланадиган ишламаган вақт содир бўлганида, жамғарилмайдиган ишланмаган вақт учун тўланадиган ҳақ ҳолатида.
- 14 Ташкилот турли сабабларга кўра, жумладан меҳнат таътиллари, касаллик ва қисқа муддатдаги меҳнатга лаёқатсизлик бўйича таътил, декрет таътили, суд маслаҳатчиси вазифасини ўташ ёки ҳарбий хизматни ўташ таътили туфайли ходимларга ишланмаган вақт учун ҳақ тўлайди. Ишланмаган вақт учун тўланадиган ҳақлар икки тоифага бўлинади:
- (а) жамғариладиган; ва
 - (б) жамғарилмайдиган.
- 15 Ишланмаган вақт учун жамғариладиган тўланадиган ҳақ, агар жорий даврдаги ҳуқуқдан тўлиқ фойдаланилмаган бўлса, келгусига ўтказиладиган ва келгуси даврларда фойдаланиладиган ишланмаган вақт учун тўланадиган ҳақ ҳисобланади. Ишланмаган вақт учун жамғариладиган

тўланадиган ҳақ қопланадиган (бошқача айтганда, ходимлар ташкилотдаги ишдан бўшаётганда фойдаланилмаган ҳуқуқ учун ҳақ олишга ҳақли бўлади) ёки қопланмайдиган (ходимлар ишдан бўшаётганда фойдаланилмаган ҳуқуқ учун ҳақ олишга ҳақли бўлмайдиган) бўлиши мумкин. Ходимларнинг ишланмаган вақт учун тўланадиган ҳақи бўйича уларнинг ҳуқуқини оширадиган хизмат кўрсатиши билан жавобгарлик юзага келади. Агар ишланмаган вақт учун тўланадиган ҳақ қопланмайдиган бўлса ҳам, бунда ходимлар жамғариладиган қопланмайдиган ҳуқуқдан фойдаланишдан олдин ишдан бўшаши мумкинлиги эҳтимоли ушбу мажбуриятни баҳолашга таъсир қилишидан қатъий назар, жавобгарлик юзага келади ва тан олинади.

16 Ташкилот ишланмаган вақт учун жамғариладиган тўланадиган ҳақ бўйича қутилаётган сарфни ҳисобот даври охирида жамғарилган фойдаланилмаган ҳуқуқ натижасида тўлаши қутилаётган қўшимча сумма сифатида баҳолаши лозим.

17 Олдинги бандда қайд қилинган усул жавобгарликни фақатгина ходимларнинг даромалари жамғарилиши натижасида юзага келиши қутилаётган қўшимча тўловлар миқдориди баҳоланади. Кўп ҳолатларда, ташкилот фойдаланилмаган ишланмаган вақт учун тўланадиган ҳақ бўйича муҳим жавобгарлик мавжуд эмаслигини баҳолаш учун батафсил ҳисоб-китобларни амалга ошириши зарур бўлмаслиги мумкин. Масалан, фақатгина агар фойдаланилмаган тўланадиган касаллик таътили тўланадиган йиллик таътил сифатида олиниши учун расмий ёки норасмий асос мавжуд бўлса, касаллик таътили жавобгарлиги муҳим бўлиш эҳтимоли мавжуд.

16 ва 17-бандларга оид мисол

Ташкилот 100 нафар ходимга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири йилига беш иш кунлик тўланадиган касаллик таътили олиш ҳуқуқига эга. Фойдаланилмаган касаллик таътили кейинги бир календар йилига ўтказилиши мумкин. Касаллик таътили дастлаб жорий йилдаги ҳуқуқ ҳисобидан ва кейин эса олдинги йилдан ўтказилган қолдиқ ҳисобидан олинади (ЛИФО асосда). 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига ўргача фойдаланилмаган ҳуқуқ ҳар бир ходим учун икки кунни ташкил этади. Олдинги тажриба асосида, ташкилотда 20X2 йилда 92 нафар ходим беш кундан ортик бўлмаган ва қолган 8 нафар ходимнинг ҳар бири ўртача олти ярим кундан тўланадиган касаллик таътилини олиши қутилмоқда.

Ташкилот 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига жамғарилган фойдаланилмаган ҳуқуқ натижасида касаллик тўловининг қўшимча ўн икки кунини тўлаши қутилмоқда (8 нафар ходимнинг ҳар бири бир ярим кундан). Шунинг учун, ташкилот касаллик таътили бўйича тўловнинг ўн икки кунига тенг мажбуриятни тан олади.

18 Ишланмаган вақт учун жамғарилмайдиган тўланадиган ҳақ келгуси даврга ўтказилмайди: агар жорий даврдаги ҳуқуқдан тўлиқ фойдаланилмаса, улар ўз кучини йўқотади ва ходимларга ташкилотдан ишдан бўшаётганда фойдаланилмаган ҳуқуқ учун ҳақ олиш ҳуқуқини бермайди. Бу одатда касаллик таътили бўйича тўлов (фойдаланилмаган олдинги ҳуқуқ келгуси ҳуқуқни оширмайдиган даражада), декрет таътили ва суд маслаҳатчиси вазифасини ўташ ёки ҳарбий хизматни ўташ учун тўланадиган таътил ҳолатида юз беради. Ташкилот ходимнинг ишда бўлмаслик муддатига қадар мажбурият ёки харажатни тан олмайди, чунки ходим хизмати бундай тўланадиган ҳақ суммасини оширмайди.

Фойдани бўлишиш ва мукофот дастурлари

19 Ташкилот фойдани бўлишиш ва мукофот тўловлари бўйича қутилаётган харажатни 11-бандга асосан фақат ва фақат қуйидаги ҳолларда тан олиши лозим:

- (а) ташкилот олдинги ҳодисалар натижасида бундай тўловларни амалга ошириш бўйича мавжуд юридик ёки конструктив жавобгарликка эга бўлса; ва
- (б) жавобгарликнинг ишончли баҳоланиши мумкин бўлса.

Ташкилот фақат ва фақат тўловларни амалга оширишдан бошқа реал муқобилга эга бўлмаганда, мавжуд жавобгарлик мавжуд бўлади.

20 Баъзи фойдани бўлишиш дастурларига асосан, агар ходимлар муайян давр мобайнида ташкилотда ишлашда давом этса, улар фойданинг бир қисmini олади. Агар ходимлар муайян давр охирига қадар хизмат кўрсатишда давом этса, улар тўланадиган суммани оширадиган хизматни кўрсатиши билан, бундай дастурлар конструктив жавобгарликларни юзага келтиради. Бундай конструктив жавобгарликларни баҳолаш баъзи ходимларнинг фойдани бўлишиш бўйича тўловларни олмасдан ишдан бўшаши мумкинлигининг эҳтимолини акс эттиради.

20-бандга оид мисол

Фойдани бўлишиш дастури йил мобайнида хизмат кўрсатган ходимларга ташкилотнинг мазкур йил учун фойдасидан белгиланган улуш тўланишини талаб этади. Агар йил давомида ҳеч бир ходим ишдан бўшамаса, ушбу йил учун йиллик фойдани-бўлишиш бўйича тўловлар фойданинг 3 фоизини ташкил этади. Ташкилот ходимлар кўнимсизлиги ушбу тўловларни фойданинг 2.5 фоизигача камайтиради деб баҳолаган.

Ташкилот фойданинг 2.5 фоизи суммасида мажбуриятни ва харажатни тан олади.

- 21 Ташкилот мукофот тўлаш бўйича юридик жавобгарликка эга бўлмаслиги мумкин. Шунга қарамадан, баъзи ҳолатларда, ташкилот мукофот бериш амалиётига эга бўлади. Бундай ҳолатларда, ташкилот мукофотни тўлашдан бошқа реал мукобил усулга эга бўлмаслиги сабабли конструктив жавобгарликка эга бўлади. Конструктив жавобгарликларни баҳолаш баъзи ходимларнинг мукофот олмасдан ишдан бўшаши мумкинлигининг эҳтимолини акс эттиради.
- 22 Ташкилот фойдани бўлишиш ёки мукофот дастурига асосан ўзининг юридик ёки конструктив жавобгарлигини фақат ва фақат куйидаги ҳолларда ишончли баҳолаши мумкин:
- (a) дастурнинг расмий шартлари ходимларнинг даромадлари суммасини аниқлаш бўйича формулани ўз ичига олса;
 - (b) ташкилот тўланадиган суммаларни молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин аниқласа; ёки
 - (b) олдинги амалиёт ташкилотнинг конструктив жавобгарлигининг суммаси бўйича аниқ далилни таъминласа.
- 23 Фойдани бўлишиш ва мукофот дастурлари асосидаги жавобгарлик ташкилотнинг мулкдорлари билан операция натижасида эмас, балки ходимнинг хизмати натижасида юзага келади. Шунинг учун, ташкилот фойдани бўлишиш ва мукофот дастурларининг сарфини фойдани тақсимлаш сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олади.
- 24 Агар фойдани бўлишиш ва мукофот тўловлари ходимлар тегишли хизматларни кўрсатадиган йиллик ҳисобот даври охиридан сўнг ўн икки ойдан олдин тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши кутилмаса, ушбу тўловлар ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадлари бўлиб ҳисобланади (153-158 бандларга қаранг).

Маълумотларни ёритиб бериш

- 25 Мазкур стандарт ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари тўғрисида муайян маълумотлар ёритиб берилишини талаб этмасада, бошқа МҲХСлар бундай маълумотлар ёритиб берилишини талаб этиши мумкин. Масалан, 24-сон БҲХС муҳим бошқарув ходимларига тегишли ходимларнинг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилишини талаб этади. 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*” ходимларнинг даромадлари бўйича ташкилотнинг харажатларини ёритиб беришни талаб этади.

Меҳнат фаолиятидан кейинги даромадлар: белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари билан белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари ўртасидаги фарқ

- 26 Меҳнат фаолиятидан кейинги даромадлар куйидагилар каби моддаларни ўз ичига олади:
- (a) пенсия тўловлари (масалан, пенсиялар ва пенсияга чиқишда бир марталик тўлов); ва
 - (b) меҳнат фаолиятидан кейинги ҳаёт суғуртаси ва меҳнат фаолиятидан кейинги тиббий хизмат каби бошқа меҳнат фаолиятидан кейинги даромадлар.

Ташкилот томонидан меҳнат фаолиятидан кейинги даромадлар тўланишини белгиладиган келишувлар меҳнат фаолиятидан кейинги даромадлар дастурлари бўлиб ҳисобланади. Ташкилот мазкур стандартни бадалларни олиш ва даромадларни тўлаш бўйича алоҳида ташкилотнинг ташкил этилишини тақозо қилиш ёки қилмаслигидан қатъий назар барча бундай келишувларга нисбатан қўллайди.

- 27 Мехнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастурлари дастурнинг асосий шартларидан келиб чиқадиган унинг иқтисодий моҳиятига боғлиқ ҳолда белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари ёки белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари сифатида таснифланади.
- 28 Белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурларида ташкилотнинг юридик ёки конструктив жавобгарлиги у фондга киритадиган бадаллар суммасида чегараланади. Шундай қилиб, ходимлар оладиган меҳнат фаолиятдан кейинги пенсия қиймати ташкилот (ва балки ходим ҳам) томонидан меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастурига ёки суғурта компаниясига тўланадиган бадаллар суммаси ҳамда бадаллар натижасида юзага келадиган инвестиция даромадлари орқали аниқланади. Натижада, актуар риск (даромадлар қутилганидан камроқ бўлиши) ва инвестиция rischi (инвестиция қилинган активлар қутилган даромадларни таъминлаш учун етарли бўлмаслиги) аслида ходимларга юкланади.
- 29 Ташкилотнинг жавобгарлиги у фондга тўловни амалга оширишга рози бўлган суммада чегараланмайдиган ҳолатларга мисоллар тариқасида, ташкилот юридик ёки конструктив жавобгарликка қуйидагилар орқали эга бўлишини келтириш мумкин:
- (а) фақатгина бадаллар суммасига боғлиқ бўлмаган ва дастур даромади формуласидаги даромадларни таъминлаш учун активлар етарли бўлмаганида ташкилотдан яна бадалларни тўланишини талаб этадиган дастур даромади формуласи орқали;
 - (б) бадаллар бўйича муайян даромаднинг, билвосита дастур орқали ёки бевосита кафолат орқали; ёки
 - (в) конструктив жавобгарликни юзага келтирадиган норасмий амалиёт орқали. Масалан, ҳатто юридик жавобгарлик мавжуд бўлмаганда ҳам ташкилотда инфляцияни ҳисобга олган ҳолда собиқ ходимларга даромадлар суммасини ошириш тажрибаси мавжуд бўлса, конструктив жавобгарлик юзага келиши мумкин.
- 30 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларига асосан:
- (а) ташкилотнинг жавобгарлиги ишлашда давом этаётган ва собиқ ходимларга келишилган даромадларни таъминлаш ҳисобланади; ва
 - (б) актуар риск (мукофотлар қутилганидан кўра кўпроқ сарфларни юзага келтиради) ва инвестиция rischi аслида ташкилотга юкланади. Агар актуар ёки инвестиция қилиш тажрибаси қутилганидан кўра ёмонроқ бўлса, ташкилотнинг жавобгарлиги кўпайиши мумкин.
- 31 32-49 бандларда бир нечта иш берувчиларнинг умумий дастурлари, умумий назорат остида бўлган ташкилотлар ўртасида рискларни тақсимлайдиган белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари, давлат дастурлари ва суғурталанган даромадлар мисолларида белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари билан белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари ўртасидаги фарқлар тушунтирилган.

Бир нечта иш берувчиларнинг умумий дастурлари

- 32 Ташкилот бир нечта иш берувчиларнинг умумий дастурини дастур шартларига (жумладан, расмий шартлар доирасидан ташқарида бўлган ҳар қандай конструктив жавобгарлигига) асосан белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастури ёки белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури сифатида таснифлаши лозим.
- 33 Агар ташкилот бир нечта иш берувчиларнинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурида иштирок этса, агар 34-банд қўлланмаса, у:
- (а) белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг мутаносиб улушини, дастур активларини ва дастур билан боғлиқ сарфларни ўзининг бошқа ҳар қандай белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури каби бир хил усулда ҳисобга олиши лозим; ва
 - (б) 135-148 бандлар талаб этадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим (148(г)-банддан ташқари).
- 34 Бир нечта иш берувчиларнинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурига нисбатан белгиланган даромад ҳисобидан фойдаланиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлмаса, ташкилот:
- (а) дастурни 51 ва 52-бандларга мувофиқ худди у белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастури сифатида ҳисобга олиши лозим; ва
 - (б) 148-банд талаб этадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.

- 35 Бир нечта иш берувчиларнинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурига мисол сифатида куйидагини келтириш мумкин:
- (а) дастур жорий эҳтиёж асосида молиялаштирилади, яъни: бадаллар улар айнан шу даврга тўғри келадиган даромадларни тўлашга етарли бўлиши кутиладиган даражада белгиланади; ва жорий давр мобайнида ишлаб топилган келгуси даромадлар келгуси бадаллар ҳисобидан тўланади; ва
 - (б) ходимларнинг даромадлари улар хизмат муддатининг давомийлиги асосида аниқланади ва иштирокчи ташкилотлар дастурдан чиқиш санасигача ходимлар томонидан ишлаб топилган даромадлар учун бадалларни тўламасдан дастурдан чиқиш бўйича реал имкониятга эга бўлмайди. Бундай дастур ташкилот учун актуар рискни юзага келтиради: агар ҳисобот даври охирида аллақачон ишлаб топилган даромадларнинг якуний қиймати кутилганидан кўпроқ бўлса, ташкилот ўзининг бадалларини оширишга ёки ходимлар уларнинг даромадлари камайишини қабул қилишига кўндиришига тўғри келади. Шунинг учун, бундай дастур белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури ҳисобланади.
- 36 Бир нечта иш берувчиларнинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлса, ташкилот белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликдаги, дастур активларидаги ва дастур билан боғлиқ меҳнат фаолиятидан кейинги харажатдаги ўзининг мутаносиб улушини бошқа ҳар қандай белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури каби бир хил усулда ҳисобга олади. Лекин, ташкилот дастурнинг молиявий ҳолатидаги ва фаолияти натижаларидаги ўзининг улушини етарли ишончлилик билан бухгалтерия ҳисоби мақсадларида аниқлай олмаслиги мумкин. Бу куйидаги шартларда содир бўлиши мумкин:
- (а) дастур бошқа ташкилотларнинг жорий ва собиқ ходимлари билан боғлиқ актуар риск хавфи остида дастурда иштирок этадиган ташкилотларни қолдирса ва бунинг натижасида дастурда иштирок этаётган алоҳида ташкилотлар ўртасида жавобгарликни, дастур активларини ва сарфларини тақсимлаш учун мос ва ишончли асос мавжуд бўлмаса; ёки
 - (б) ташкилот мазкур стандарт талабларини бажариш учун дастур тўғрисида етарли маълумотлар олиш ҳуқуқига эга бўлмаса.
- Ушбу ҳолатларда, ташкилот дастурни худди у белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастури сифатида ҳисобга олади ва 148-банд талаб этадиган маълумотларни ёритиб беради.
- 37 Бир нечта иш берувчиларнинг умумий дастури билан унинг иштирокчилари ўртасида дастурдаги профицит иштирокчиларга қандай тақсимланиши (ёки дефицит молиялаштирилишини) аниқлайдиган шартномавий келишув мавжуд бўлиши мумкин. 34-бандга мувофиқ, дастурни белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастури сифатида ҳисобга оладиган ва бундай келишувга эга бўлган бир нечта иш берувчиларнинг умумий дастуридаги иштирокчилар шартномавий келишувдан юзага келадиган актив ёки мажбуриятни ва бунинг натижасидаги даромад ёки харажатни фойда ёки зарарда тан олиши лозим.

37-бандга оид мисол

Ташкилот 19-сон БҲХСга асосан дастур баҳолашларини тайёрламайдиган бир нечта иш берувчиларнинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурида иштирок этади. Шунинг учун, у дастурни худди белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастури сифатида ҳисобга олади. 19-сон БҲХСга асосланмаган молиялаштиришни баҳолаш дастурида 100 миллион п.б.^(а) суммасидаги дефицитни акс эттиради. Кейинги беш йил мобайнида дефицитни бартараф этиш мақсадида дастур бўйича тўланадиган бадаллар жадвали шартнома асосида иштирокчи иш берувчилар ўртасида келишиб олинди. Ташкилотнинг шартнома асосидаги жами бадаллари 8 миллион п.б.ни ташкил этади.

Ташкилот пулнинг вақт қиймати бўйича тузатилган бадаллар бўйича мажбуриятни ва тенг суммадаги харажатни фойда ёки зарарда тан олади.

- (а) Мазкур стандартда монетар суммалар “пул бирлиги (п.б.)”да ифодаланган.

- 38 Бир нечта иш берувчиларнинг умумий дастурлари биргаликда бошқариладиган дастурлардан фарк қилади. Биргаликда бошқариладиган дастур оддийгина ягона иш берувчи дастурларининг жамланмаси бўлиб, бунда иштирокчи иш берувчиларга ўзларининг активларини инвестиция мақсадларида бирлаштиришга ва инвестиция бошқаруви ва маъмурий сарфларни камайтиришга имкон бериш учун жамланган бўлади, аммо турли иш берувчиларнинг талаблари фақатгина ўз

ходимларининг даромадлари учун ажратилган бўлади. Биргаликда бошқариладиган дастурлар маълум бухгалтерия ҳисобига оид муаммоларни келтириб чиқармайди, чунки уларни бошқа бир ягона иш берувчи дастури каби бир хил усулда ҳисобга олиш учун маълумотлар мавжуд бўлади ва бундай дастурлар иштирокчи иш берувчиларни бошқа ташкилотларнинг жорий ва собиқ ходимлари билан боғлиқ актуар рискларга мойил қилмайди. Мазкур стандартдаги таърифлар ташкилотдан биргаликда бошқариладиган дастурни унинг шартларига (жумладан расмий шартлар доирасидан ташқарида бўлган ҳар қандай конструктив жавобгарликка) мувофиқ белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастури ёки белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури сифатида таснифлашни талаб этади.

- 39 **Бир нечта иш берувчиларнинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурини тугатишига ёки ташкилотнинг бир нечта иш берувчиларнинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастуридан чиқишига тегишли мажбуриятни қачон тан олишни, ва қандай баҳолашни аниқлашда ташкилот 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”ни қўллаши лозим.**

Умумий назорат остидаги ташкилотлар ўртасида рискларни тақсимлайдиган белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари

- 40 Умумий назорат остидаги ташкилотлар ўртасида рискларни тақсимлайдиган белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари, масалан бош ташкилот ва унинг шўба ташкилотлари бир нечта иш берувчиларнинг умумий дастурлари ҳисобланмайди.
- 41 Бундай дастурда иштирок этадиган ташкилот дастур тўғрисидаги умумий маълумотларни мазкур стандартга мувофиқ бутун бир дастурга нисбатан қўлланадиган фаразлар асосида ҳисобланган бутун бир ҳолатда олиши лозим. Агар гуруҳнинг алоҳида ташкилотларга соф белгиланган даромад қийматини мазкур стандартга мувофиқ ҳисобланган бутун бир дастур учун тўлашни юклайдиган шартли келишув ёки қайд қилинган сиёсат мавжуд бўлса, ташкилот ўзининг алоҳида ёки индивидуал молиявий ҳисоботида юкланган соф белгиланган даромад қийматини тан олиши лозим. Агар бундай келишув ёки сиёсат мавжуд бўлмаса, соф белгиланган даромад қиймати дастур учун юридик жихатдан ҳомий иш берувчи бўлган гуруҳ ташкилотнинг алоҳида ёки индивидуал молиявий ҳисоботида тан олиниши лозим. Бошқа гуруҳ ташкилотлари ўзларининг алоҳида ёки индивидуал молиявий ҳисоботида давр учун тўланадиган бадалига тенг қийматни тан олиши лозим.
- 42 Бундай дастурда иштирок этиш ҳар бир гуруҳ ташкилоти учун боғлиқ томонлар билан операция ҳисобланади. Шунинг учун, ташкилот ўзининг алоҳида ёки индивидуал молиявий ҳисоботида 149-банд талаб этадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.

Давлат дастурлари

- 43 **Ташкилот давлат дастурини бир нечта иш берувчиларнинг умумий дастури каби бир хил усулда ҳисобга олиши лозим (32-39 бандларга қаранг).**
- 44 Давлат дастурлари барча ташкилотларни (ёки муайян тоифадаги, масалан маълум соҳадаги барча ташкилотларни) қамраб олиш учун қонунчилик асосида ташкилот этилади ва миллий ёки маҳаллий ҳукумат ёки ҳисобот берувчи ташкилотнинг назорати ёки таъсири остида бўлмаган бошқа орган (масалан, ушбу мақсад учун махсус ташкилот этилган мухтор орган) томонидан бошқарилади. Ташкилот томонидан ташкилот этилган айрим дастурлар акс ҳолда давлат дастурида қамраб олинмайдиган даромадларга ўриндош сифатида мажбурий даромадларни ва қўшимча ихтиёрий даромадларни таъминлайди. Бундай дастурлар давлат дастурлари ҳисобланмайди.
- 45 Ташкилотнинг дастур бўйича жавобгарлигига боғлиқ ҳолда, давлат дастурлари белгиланган тўловлар ёки белгиланган бадаллар сифатидаги хусусиятга эга бўлади. Аксарият давлат дастурлари жорий эҳтиёж асосида молиялаштирилади, яъни: бадаллар улар айнан шу даврга тўғри келадиган даромадларни тўлашга етарли бўлиши кутиладиган даражада белгиланади; ва жорий давр мобайнида ишлаб топилган келгуси даромадлар келгуси бадаллар ҳисобидан тўланади; ва. Шунга қарамадан, аксарият давлат дастурларида ташкилот келгуси даромадларни тўлаш бўйича юридик ёки конструктив жавобгарликка эга эмас: унинг ягона мажбурияти бадалларни уларнинг муддати келиши билан тўлаш ҳисобланади ва агар ташкилот давлат дастури аъзоси бўлган ходимларнинг хизматидан фойдаланишни тўхтатса, олдинги йилларда унинг ходимлари томонидан ишлаб топилган даромадларни тўлаш жавобгарлигига эга бўлмайди. Шунинг учун, давлат дастурлари одатда белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари деб таърифланади. Лекин, давлат дастури белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури бўлса, ташкилот 32-39 бандларни қўллаши лозим.

Суғурталанган даромадлар

- 46 Ташкилот меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастурини молиялаштириш учун суғурта бадалларини тўлаши мумкин. Агар ташкилот қуйидагилар бўйича юридик ёки конструктив (ёки бевосита ёки дастур орқали билвосита) жавобгарликка эга бўлмаса, у бундай дастурни белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастури сифатида ҳисобга олиши лозим:
- (а) ходимларга даромадларини уларнинг муддати келган пайтда тўлаш; ёки
 - (б) агар суғурталовчи жорий ва олдинги даврлардаги ходим хизматига тегишли бўлган барча келгуси даромадларни тўламаса, қўшимча суммаларни тўлаш.
- Агар ташкилот бундай юридик ёки конструктив жавобгарликка эга бўлса, у бундай дастурни белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури сифатида ҳисобга олиши лозим.
- 47 Суғурта полиси орқали суғурталанган даромадлар ташкилотнинг ходимларга даромадлар бўйича жавобгарлиги билан бевосита ёки автоматик боғлиқликка эга бўлиши талаб этилмайди. Суғурта полисларини қамраб оладиган меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастурларига ҳам бошқа молиялаштириладиган дастурлар каби бухгалтерия ҳисоби ва молиялаштирилиш ўртасидаги фарқлар тааллуқлидир.
- 48 Ташкилот меҳнат фаолиятдан кейинги даромад тўлаш мажбуриятини юридик ёки конструктив жавобгарликни (ёки бевосита, дастур орқали билвосита, келгуси суғурта бадалларини белгилайдиган усул орқали ёки суғурталовчи билан ўзаро боғлиқ томон билан операция орқали) сақлайдиган суғурта полисига бадал тўлаш орқали молиялаштира, суғурта бадаллари тўлови белгиланган бадал келишувидagi суммага эквивалент бўлмайди. Бунда, ташкилот:
- (а) квалификацияланадиган суғурта полисини дастур активи сифатида ҳисобга олади (8-бандга қаранг); ва
 - (б) бошқа суғурта полисларини қоплаш ҳуқуқлари сифатида тан олади (агар полислар 116-банддаги мезонни қаноатлантирса).
- 49 Суғурта полиси муайян дастур иштирокчиси ёки дастур иштирокчилари гуруҳи номида бўлса ва ташкилот полис бўйича ҳар қандай зарарни қоплаш учун ҳеч бир юридик ёки конструктив жавобгарликка эга бўлмаса, ташкилот ходимларга даромадларини тўлаш бўйича мажбуриятга эга бўлмайди ва фақат суғурталовчи даромадларни тўлаш бўйича жавобгарликка эга бўлади. Бундай шартномалар асосида ўзгармас суғурта бадаллари тўлови моҳиятан мажбуриятни бажариш учун инвестиция эмас, балки ходимларга даромад тўлаш жавобгарлигини бажариш ҳисобланади. Ўз навбатида, ташкилот актив ёки мажбуриятга ортиқ эга бўлмайди. Шунинг учун, ташкилот бундай тўловларни белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурига бадаллар сифатида ҳисобга олади.

Меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар: белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари

- 50 Белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурларини ҳисобга олиш оддий ҳисобланади, чунки ҳисобот берувчи ташкилотнинг ҳар бир давр учун мажбурияти ушбу давр учун тўланадиган сумма билан аниқланади. Ўз навбатида, мажбуриятни ёки харажатни баҳолашда ҳеч қандай актуар фаразлар талаб этилмайди ва ҳеч қандай актуар фойда ёки зарар юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлмайди. Бундан ташқари, мажбуриятлар дисконтланмаган асосда баҳоланади, лекин уларнинг тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши ходимлар тегишли хизматларни кўрсатадиган йиллик ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн икки ойдан олдин амалга оширилмайдиган ҳолатлар бундан мустасно.

Тан олиш ва баҳолаш

- 51 Ходим ташкилотга давр мобайнида хизмат кўрсатган бўлса, ташкилот ушбу хизмат эвазига белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурига тўланиши лозим бўлган бадални қуйидагича тан олиши лозим:
- (а) олдин тўланган ҳар қандай суммани чегиргандан сўнг, мажбурият (ҳисобланган харажат) сифатида. Агар олдин тўланган сумма ходим даромадларининг дисконтланмаган суммасидан ошса, ташкилот олдиндан тўлов, масалан, келгуси тўловларда камайишга ёки пул маблағлари билан қайтарилишга олиб келадиган ушбу ошган қисмни актив (олдиндан тўланган харажат) сифатида тан олиши лозим.

- (б) харажат сифатида, бунда бошқа МҲХС ходимларнинг даромадларини активнинг қийматига киритишни талаб этмаса ёки киритишга рухсат бермаса (масалан, 2-сон БҲХС “Захиралар” ва 16-сон БҲХС “Асосий воситалар” га қаранг).
- 52 Белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурига бадалларнинг тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши ходимлар тегишли хизматларни кўрсатадиган йиллик ҳисобот даври охиридан сўнг ўн икки ойдан олдин қутилмаса, улар 83-бандда қайд қилинган дисконт ставкаси орқали дисконтланиши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 53 Ташкилот белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари учун харажат сифатида тан олинган суммани ёритиб бериши лозим.
- 54 24-сон БҲХС талаб этадиган ҳолатда, ташкилот муҳим бошқарув ходимлари учун белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурларига тўланган бадаллар тўғрисидаги маълумотни ёритиб беради.

меҳнат фаолиятидан кейинги даромадлар: белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари

- 55 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларини ҳисобга олиш мураккаб ҳисобланади, чунки мажбуриятни ва харажатни баҳолашда актуар фаразлар талаб этилади ва актуар фойда ва зарарнинг эҳтимоллиги мавжуд. Бундан ташқари, мажбуриятлар дисконтланган тарзда ҳисобланади, чунки улар ходимлар томонидан тегишли хизматларни кўрсатганидан кўп йиллардан сўнг ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

Тан олиш ва баҳолаш

- 56 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари молиялаштирилмаган бўлиши мумкин ёки улар ташкилотнинг ва айрим ҳолларда унинг ходимларининг бадаллари шу каби ташкилотга ёки фондга тўланиши орқали тўлиқ ёки қисман молиялаштирилиши мумкин. Муддати келганда молиялаштирилган даромадларни тўлаш нафақат фонднинг молиявий ҳолатига ва инвестиция фаолиятининг натижасига, балки ташкилотнинг фонд активларидаги ҳар қандай камомадни қоплаш қобилиятига ва хоҳишига боғлиқ бўлади. Шунинг учун, ташкилот аслида дастур билан боғлиқ актуар ва инвестиция рискларини ўз зиммасига олган бўлади. Шундай экан, белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури учун тан олинган харажат давр учун тўланадиган бадал суммасига тенг бўлиши талаб этилмайди.
- 57 Ташкилот томонидан белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларини ҳисобга олиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:
- (а) дефицит ёки профицитни аниқлаш. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - (i) жорий ва олдинги даврларда ходимлар кўрсатган хизматлари эвазига олган даромадларининг ташкилот учун яқуний қийматини ишончли баҳолаш учун актуар усулидан, прогноз қилинадиган шартли бирлик усулидан фойдаланишни (67-69 бандларга қаранг). Бу эса ташкилотдан жорий ва олдинги даврларга қанча суммадаги даромадлар тегишли эканлигини аниқлашни (70-74 бандларга қаранг) ҳамда даромаднинг қийматига таъсир этадиган демографик ўзгарувчилар (масалан ходимлар қўнимсизлиги ва ўлим кўрсаткичи) ва молиявий ўзгарувчилар (масалан маошларнинг ва тиббий сарфларнинг келгусидаги ошишлари) тўғрисида баҳолашлар (актуар фаразлар) қилишни талаб этади (75-98 бандларга қаранг).
 - (ii) белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг ва жорий даврда кўрсатилган хизматлар қийматининг жорий қийматларини аниқлаш учун ушбу даромадларни дисконтлашни (67-69 ва 83-86 бандларга қаранг).
 - (iii) белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматидан ҳар қандай дастур активларининг ҳаққоний қийматини (113-115 бандларга қаранг) чегириш.
 - (б) белгиланган тўловлар бўйича соф активни активнинг юқори чегарасигача чеклашнинг ҳар қандай таъсирига тузатган ҳолда, (а) бандда аниқланган дефицит ёки профицит суммаси сифатида белгиланган тўловлар бўйича соф мажбуриятнинг (активнинг) суммасини аниқлаш (64-бандга қаранг).
 - (в) фойда ёки зарарда тан олинадиган суммаларни аниқлаш:

- (i) жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати (70-74 бандлар ва 122А-бандга қаранг).
 - (ii) ҳар қандай олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати ва ҳисоб-китоб қилиш бўйича фойда ёки зарар (99-112 бандларга қаранг).
 - (iii) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фоиз (123-126 бандларга қаранг).
- (г) қуйидагиларни қамраб олган ҳолда, бошқа умумлашган даромадда тан олинадиган белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)нинг қайта баҳолашларини аниқлаш:
- (i) актуар фойда ва зарарларни (128 ва 129-бандларга қаранг);
 - (ii) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фоизга киритилган суммалардан истисно қилган ҳолда пенсия дастурига оид активлардан олинадиган даромадларни (130-бандга қаранг); ва
 - (iii) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фоизга киритилган суммаларни истисно қилган ҳолда, актив юқори чегарасининг таъсиридаги ҳар қандай ўзгаришни (64-бандга қаранг).

Ташкилот бирдан ортиқ белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурига эга бўлса, у юқоридаги амалларни ҳар бир муҳим дастурга нисбатан алоҳида қўллайди.

- 58 **Ташкилотнинг молиявий ҳисоботида тан олинадиган суммалар ҳисобот даври охирида аниқланиши мумкин бўлган суммалардан сезиларли фарқ қилмаслиги учун белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив) етарли даражада мунтазам аниқланиши лозим.**
- 59 Мазкур стандарт ташкилотнинг барча муҳим меҳнат фаолиятдан кейинги даромад тўлаш жавобгарликларини баҳолашда малакали актуар ташкилотни жалб этишини маъқуллайди, аммо талаб этмайди. Амалий сабаблар туфайли, ташкилот малакали актуарий ташкилотдан ҳисобот даври охиридан олдин жавобгарликни батафсил баҳолашни амалга оширишни сўраши мумкин. Шунга қарамасдан, ушбу баҳолашнинг натижалари ҳисобот даври охирига қадар содир бўлган ҳар қандай муҳим операцияларга ва ҳолатлардаги бошқа муҳим ўзгаришларга (жумладан бозор нархларидаги ва фоиз ставкаларидаги ўзгаришларга) нисбатан янгиланади.
- 60 Айрим ҳолатларда, ҳисоб баҳолари, ўртача кўрсаткичлар ва қисқа ҳисоб-китоблар мазкур стандартда таърифланган батафсил ҳисоб-китобларнинг ишончли тахминини таъминлаши мумкин.

Конструктив жавобгарликни ҳисобга олиш

- 61 **Ташкилот даромади белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурининг расмий шартлари асосидаги ўзининг юридик жавобгарлигини, шу билан бирга ташкилотнинг норасмий амалиётларидан юзага келадиган ҳар қандай конструктив жавобгарликни ҳисобга олиши лозим. Норасмий амалиётлар ташкилот ходимларнинг даромадларини тўлашдан бошқа реал муқобилга эга бўлмайдиган конструктив жавобгарликни юзага келтиради. Конструктив жавобгарликка мисол тариқасида, ташкилотнинг норасмий амалиётларидаги ўзгариш унинг ходимлар билан муносабатларига қабул қилиб бўлмайдиган зарарга сабаб бўлган ҳолатни келтириш мумкин.**
- 62 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурининг расмий шартлари ташкилотга дастурдаги унинг мажбуриятини тугатишга руҳсат бериши мумкин. Шунга қарамасдан, агар ташкилот ўз ходимлар сақлаб қолмоқчи бўлса, ташкилот учун дастурдаги ўз мажбуриятини (тўловсиз) тугатиш қийин ҳисобланади. Шунинг учун, бунга қарши далил мавжуд бўлмаганда, меҳнат фаолиятдан кейинги даромадларни ҳисобга олиш айни пайтда бундай даромадларни тўлашни ваъда бераётган ташкилот ходимларнинг қолган иш фаолияти давомида шундай йўл тутишни давом эттиришини назарда тутаяди.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот

- 63 **Ташкилот белгиланган тўловлар бўйича соф мажбуриятни (активни) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олиши лозим.**
- 64 **Ташкилот белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурида профицитга эга бўлса, у белгиланган тўловлар бўйича соф активни қуйидагилардан кичиги бўйича баҳолаши лозим:**
- (а) белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастуридаги профицит; ва
 - (б) 83-бандда қайд қилинган дисконт ставкасини қўллаган ҳолда аниқланган активнинг юқори чегараси.

- 65 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури ортиқча молиялаштирилган бўлса ёки актуар фойдалар юзага келса, белгиланган тўловлар бўйича соф актив юзага келиши мумкин. Ташкилот бундай ҳолатларда белгиланган тўловлар бўйича соф активни тан олади, чунки:
- (a) ташкилот ресурсни назорат қилади, бу эса келгуси нафларга эга бўлишда профицитдан фойдаланиш қобилиятини англайди;
 - (b) ушбу назорат олдинги ҳодисаларнинг натижаси ҳисобланади (ташкилот томонидан тўланган бадаллар ва ходим томонидан кўрсатилган хизмат); ва
 - (v) келгуси иқтисодий нафлар ташкилот ихтиёрида келгуси бадаллардаги камайиш шаклида ёки бевосита ташкилотга ёки билвосита дефицитга эга бошқа дастурга пул маблағидаги қайтарилиш шаклида мавжуд бўлади. Активнинг юқори чегараси ушбу келгуси нафларнинг жорий қиймати ҳисобланади.

Тан олиш ва баҳолаш: белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликларнинг жорий қиймати ва жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати

- 66 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурининг якуний қийматига кўпгина омиллар, масалан якуний маошлар, ходимлар қўнимсизлиги ва ўлим кўрсаткичи, ходимлар бадаллари ва тиббий харажат йўналишлари таъсир кўрсатиши мумкин. Дастурнинг якуний қиймати ноаниқ ва ушбу ноаниқлик узоқ муддат давомида мавжуд бўлиш эҳтимоли бор. Меҳнат фаолиятидан кейинги даромад тўлаш мажбуриятларининг ва тегишли жорий даврда кўрсатилган хизматлар қийматининг жорий қийматини баҳолашда қуйидагилар зарур ҳисобланади:
- (a) актуар баҳолаш усулини қўллаш (67-69 бандларга қаранг);
 - (b) даромадни хизмат даврларида акс эттириш (70-74 бандларга қаранг); ва
 - (v) актуар фаразлар қилиш (75-98 бандларга қаранг).

Актуар баҳолаш усули

- 67 Ташкилот ўзининг белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликларининг жорий қийматини ва тегишли жорий даврда кўрсатилган хизматлар қийматини ҳамда, ўринли бўлганда, олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қийматини аниқлашда прогноз қилинадиган шартли бирлик усулидан фойдаланиши лозим.
- 68 Прогноз қилинадиган шартли бирлик усули (баъзида, хизмат бўйича мутаносиб тақсимланган ҳисобланган даромад усули сифатида ёки даромад/йиллар хизмат кўрсатиш усули сифатида номланади) хизматнинг ҳар бир даврини даромад олиш ҳуқуқининг қўшимча бирлигини юзага келтирадиган асос сифатида инobatга олади (70-74 бандларга қаранг) ва якуний мажбуриятни ҳосил қилишда ҳар бир бирликни алоҳида ҳисоблайди (75-98 бандларга қаранг).

68-бандга оид мисол

Бир марталик тўланадиган даромад ишдан бўшаганда тўланади ва у ҳар йили кўрсатиладиган хизмат учун якуний маошнинг 1 фоизига тенг. 1-йилда маош 10,000 п.б.га тенг ва у ҳар йили 7 фоизга (мураккаб фоиз) ошиши фараз қилинади. Фойдаланиладиган дисконт ставкаси ҳар йил учун 10 фоизга тенг. Қуйидаги жадвал 5-йил охирида ишдан бўшаши кутилаётган ходим учун мажбурият қандай ҳосил бўлишини кўрсатади, бунда актуар фаразларда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди деб фараз қилинади. Тушунарли бўлиши учун, ушбу мисолда ходим ташкилотни вақтликроқ ёки кечроқ тарқ этиши мумкинлигининг эҳтимолини акс эттириш учун зарур бўлган қўшимча тузатишлар инobatга олинмайди.

Йил	1	2	3	4	5
	п.б.	п.б.	п.б.	п.б.	п.б.
<i>Қуйидагиларга тегишли даромад:</i>					
– олдинги йиллар	0	131	262	393	524
– жорий йил (якуний маошнинг 1% и)	131	131	131	131	131

68-бандга оид мисол					
– жорий ва олдинги йиллар	131	262	393	524	655
Бошлангич жавобгарлик	–	89	196	324	476
10% лик фоиз ставкаси	–	9	20	33	48
Жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати	89	98	108	119	131
Давр охирига жавобгарлик	89	196	324	476	655
Изоҳ:					
1 Бошлангич жавобгарлик олдинги йилларга тегишли даромаднинг дисконтланган қийматидир.					
2 Жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати жорий йилга тегишли даромаднинг дисконтланган қийматидир.					
3 Давр охирига жавобгарлик жорий ва олдинги йилларга тегишли даромаднинг дисконтланган қийматидир.					

- 69 Ташкилот меҳнат фаолиятдан кейинги даромад тўлаш жавобгарлигини, ҳатто агар мажбуриятнинг маълум қисми ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан олдин ҳисоб-китоб қилиниши кутилса ҳам, тўлик дисконтлайди.

Даромадни хизмат кўрсатиш даврларига тақсимлаш

- 70 Ўзининг белгиланган тўловлар бўйича жавобгарлигининг жорий қийматини ва тегишли жорий даврда кўрсатилган хизматлар қийматини ҳамда, ўринли бўлганда, олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қийматини аниқлашда, ташкилот даромадни хизмат кўрсатиш даврларига дастурнинг даромад ҳисоблаш формуласига асосан тақсимлаши лозим. Лекин, агар ходим томонидан кейинги йилларда хизмат кўрсатилиши олдинги йиллардагига нисбатан сезиларли даражада кўпроқ даромадга олиб келса, ташкилот даромадни бир текисда тақсимлаши лозим:

- (а) ходимнинг хизмати дастлаб дастурдаги даромадларга олиб келадиган санадан (даромадлар кейинги хизматга боғлиқ бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар)
- (б) ходимнинг кейинги хизмати дастурдаги кейинги даромадларнинг аҳамиятсиз суммасига олиб келадиган санагача, бунда кейинги маош ошишларидан ташқари.

- 71 Прогноз қилинадиган шартли бирлик усули ташкилотдан даромадни жорий даврга (жорий даврда кўрсатилган хизматлар қийматини аниқлаш учун) ҳамда жорий давр ва олдинги даврларга (белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликларининг жорий қийматини аниқлаш учун) тақсимлашни талаб этади. Ташкилот даромадни меҳнат фаолиятдан кейинги даромадларни таъминлаш жавобгарлиги юзага келадиган даврларга тақсимлайди. Ушбу жавобгарлик ходимларга ташкилот томонидан келгуси ҳисобот даврларида тўлашни кўзда тутадиган меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар эвазига хизмат кўрсатиши билан юзага келади. Актуар усуллар ташкилотга мажбуриятни тан олишни тасдиқлаш учун етарли ишончлилик билан ушбу мажбуриятни баҳолашга имкон беради.

71-бандга оид мисоллар	
1	Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури ҳар бир хизмат йили учун пенсияга чиққанда тўланадиган 100 п.б.га тенг бир марталик даромадни таъминлайди. <i>100 п.б. миқдордаги даромад ҳар бир йилга тегишлидир. Жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати 100 п.б.нинг дисконтланган қийматидир. Белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг дисконтланган қиймати 100 п.б.нинг дисконтланган қийматининг ҳисобот даврининг охиригача бўлган хизмат йиллари суммасига кўнайтирилгандир.</i>

71-бандга оид мисоллар	
	<p><i>Агар даромад ходим ташкилотни тарқ этиши билан тезда тўланадиган бўлса, жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати ва белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг дисконтланган қиймати ходим кетиши қўтилган санани акс эттиради. Демак, дисконтлаш таъсири туфайли, улар агар ходим ҳисобот даврининг охирида ишдан кетганда аниқланиши мумкин бўлган суммалардан кам бўлади.</i></p>
2	<p>Дастур ҳар бир хизмат йили учун якуний маошнинг 0.2 фоизи суммасида ойлик даромадни таъминлайди. Даромад 65 ёшдан бошлаб тўланади.</p> <p><i>Қўтилаётган пенсияга чиқиш санасидаги, қўтилаётган пенсияга чиқиш санасидан қўтилаётган ўлим санасигача тўланадиган баҳоланган якуний маошнинг 0.2 фоизи суммасида ойлик пенсиянинг дисконтланган қийматига тенг даромад ҳар бир хизмат йилига тақсимланади. Жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати ушбу даромаднинг дисконтланган қийматидир. Белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қиймати якуний маошнинг 0.2 фоизи суммасида ойлик пенсия тўловларининг дисконтланган қийматининг ҳисобот даври охиригача бўлган хизмат йиллари суммасига кўпайтирилгандир. Жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати ва белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг дисконтланган қиймати дисконтланади, чунки пенсия тўловлари 65 ёшда бошланади.</i></p>

- 72 Ходим томонидан хизмат кўрсатилиши, ҳатто агар даромадлар келгуси бандликка боғлиқ бўлса ҳам (бошқача айтганда, улар қопланмайди), белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурида жавобгарликни юзага келтиради. Ходим хизмати қопланиш санасидан олдин конструктив жавобгарликни юзага келтиради, чунки ҳар бир кейинги ҳисобот даврининг охирида, даромад олиш ҳуқуқига эга бўлишдан олдин ходим кўрсатиши лозим бўлган келгуси хизмат суммаси камайгирилади. Ўзининг белгиланган тўловлар бўйича жавобгарлигини ҳисоблашда, ташкилот баъзи ходимлар ҳар қандай қоплаш талабларини қаноатлантирмаслиги мумкинлигининг эҳтимолини инобатга олади. Шунингдек, баъзи меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар, масалан, меҳнат фаолиятдан кейинги тиббий даромадлар, фақатгина агар ходим бошқа фаолият юритмаган пайтда муайян ҳодиса содир бўлсагина тўланадиган бўлишига қарамасдан, ходим муайян ҳодиса содир бўлганда даромад олиш ҳуқуқини таъминлайдиган хизматни кўрсатган пайтда жавобгарлик юзага келади. Муайян ҳодиса содир бўлиш эҳтимоли жавобгарликни баҳолашга таъсир этади, лекин жавобгарлик мавжудлигини англамайди.

72-бандга оид мисоллар	
1	<p>Дастур ҳар бир хизмат кўрсатилган йил учун 100 п.б.га тенг даромадни тўлайди. Даромадлар ўн йиллик хизматдан сўнг қопланади.</p> <p><i>100 п.б. миқдордаги даромад ҳар бир йилга тегишлидир. Биринчи ўн йилликнинг ҳар йилида, жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати ва жавобгарликнинг жорий қиймати ходим ўн йиллик хизматни тугаллашмаслиги мумкинлигининг эҳтимолини акс эттиради.</i></p>
2	<p>Дастур ҳар бир хизмат кўрсатилган йил учун 100 п.б.га тенг даромадни тўлайди, бундан 25 ёшдан олдин кўрсатилган хизматлар мустасно. Даромадлар дарҳол қопланади.</p> <p><i>25 ёшдан олдин кўрсатилган хизмат учун ҳеч қандай даромад ҳисобланмайди, чунки ушбу санадан олдин кўрсатилган хизмат (шартли ёки шартсиз) даромадларга бўлган ҳуқуқни келтириб чиқармайди. 100 п.б. даромад ундан кейинги ҳар бир йилга тегишли бўлади.</i></p>

- 73 Жавобгарлик ходим томонидан кейинчалик хизмат кўрсатилиши кейинги даромадларнинг муҳим суммасига олиб келмайдиган санагача ошиб боради. Шунинг учун, барча даромадлар ушбу санада тугайдиган ёки ундан олдинги даврларга тегишли бўлади. Даромад дастурнинг даромад формуласига кўра даромадлар алоҳида ҳисобот даврларига тақсимланади. Лекин, агар ходимнинг кейинги йиллардаги хизмати олдинги йиллардагига нисбатан муҳим даражада кўпроқ даромадга олиб келса, ташкилот даромадни бир текисда ходим томонидан кейинчалик хизмат кўрсатилиши кейинги даромадларнинг муҳим суммасига олиб келмайдиган санагача тақсимлайди. Чунки, ходимнинг бутун давр мобайнидаги хизмати пировардида ушбу юқоридаги даражадаги даромадга олиб келади.

73-бандга оид мисоллар

- 1 Дастур бўйича ўн йиллик хизмат кўрсатилишидан сўнг қопланадиган 100 п.б.га тенг бир марталик даромад тўланади. Дастур кейинги хизмат учун ҳеч қандай даромадни таъминламайди.

100 п.б.га тенг даромад (1,000 п.б.нинг ўнга бўлингани) биринчи ўн йилликнинг ҳар йилига тегишли бўлади.

Биринчи ўн йилликнинг ҳар йилидаги жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати ходим ўн йиллик хизматни тугаллашаслиги мумкинлигининг эҳтимолини акс эттиради. Кейинги йилларга ҳеч қандай даромад тегишли бўлмайди.
- 2 Дастур 2,000 п.б.га тенг бир марталик пенсияни йигирма йиллик хизматдан сўнг 55 ёшида ҳануз банд бўлган ходимларга ёки хизмат муддатидан қатъий назар 65 ёшида ҳануз банд бўлган барча ходимларга тўлайди.

35 ёшдан олдин қўшиладиган ходимлар учун, хизмат дастлаб 35 ёшда дастурдаги даромадга олиб келади (ходим 30 ёшда ташиқлотни тарк этиши ва 33 ёшда қайтиб келиши мумкин, бу даромадларнинг суммасига ёки муддатига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди). Ушбу даромадлар кейинги хизматга боғлиқ бўлади. Шунингдек, 55 ёшдан кейинги хизмат кейинги даромадларнинг муҳим суммасига олиб келмайди. Мазкур ходимлар учун ташиқлот 100 п.б. даромадни (2 000 п.б.нинг йигирмага бўлингани) 35 ёшдан 55 ёшгача бўлган даврнинг ҳар йилига тақсимлайди.

35 ва 45 ёшлар орасида қўшиладиган ходимлар учун, йигирма йилдан ташиқари хизмат кейинги даромадларнинг муҳим суммасига олиб келмайди. Мазкур ходимлар учун, ташиқлот 100 п.б. даромадни (2 000 п.б.нинг йигирмага бўлингани) биринчи йигирма йилликнинг ҳар йилига тақсимлайди.

55 ёшда қўшиладиган ходим учун, ўн йилдан ташиқари хизмат кейинги даромадларнинг муҳим суммасига олиб келмайди. Мазкур ходим учун, ташиқлот 200 п.б. даромадни (2 000 п.б. нинг ўнга бўлингани) биринчи ўн йилликнинг ҳар йилига тақсимлайди.

Барча ходимлар учун, жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати ва жавобгарликнинг дисконтланган қиймати ходим хизматнинг зарурий муддатини тугаллай олмаслиги мумкинлигининг эҳтимолини акс эттиради.
- 3 Меҳнат фаолиятдан кейинги тиббий дастур ходим хизматнинг ўн йилидан ортиқ ва йигирма йилидан кам бўлган даврда ташкилотни тарк этганда ходимнинг меҳнат фаолиятдан кейинги тиббий сарфларини 40 фоизини қоплайди ва ходим йигирма ва ундан ортиқ йиллик хизматдан сўнг тарк этганда ушбу сарфларнинг 50 фоизини қоплайди.

Дастурнинг даромад формуласига асосан, ташиқлот қўтилган тиббий сарфларнинг дисконтланган қийматининг 4 фоизини (40 фоизнинг ўнга бўлингани) биринчи ўн йилликнинг ҳар йилига тақсимлайди ва 1 фоизини (10 фоизнинг ўнга бўлингани) иккинчи ўн йилликнинг ҳар йилига тақсимлайди. Ҳар йилдаги жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати ходим даромаднинг маълум қисмига ёки барчасига эга бўлиш учун хизматнинг зарурий муддатини тугаллашаслиги мумкинлигининг эҳтимолини акс эттиради. Ўн йил ичида ташиқлотни тарк этиши қўтилаётган ходимлар учун ҳеч қандай даромад ҳисобланмайди.
- 4 Меҳнат фаолиятдан кейинги тиббий дастур ходим хизматнинг ўн йилидан ортиқ ва йигирма йилидан кам бўлган даврда ташкилотни тарк этганда ходимнинг меҳнат фаолиятдан кейинги тиббий сарфларини 10 фоизини қоплайди ва ходим йигирма ва ундан ортиқ йиллик хизматдан сўнг тарк этганда ушбу сарфларнинг 50 фоизини қоплайди.

Кейинги йиллардаги хизмат олдинги йиллардагига нисбатан муҳим даражада кўпроқ даромадга олиб келади. Шунинг учун, йигирма ва ундан ортиқ йилдан сўнг ташиқлотни тарк этиши қўтилаётган ходимлар учун, ташиқлот 71-бандга асосан даромадни бир текисда тақсимлайди. Йигирма йилдан ортиқ хизмат кейинги даромадларнинг муҳим суммасига олиб келмайди. Шу тўғрисида, биринчи йигирма йилликнинг ҳар йилига тегишли даромад қўтилаётган тиббий сарфлар дисконтланган қийматининг 2.5 фоизини (50 фоизнинг йигирмага бўлингани) ташиқлот этади.

Ўн ва йигирма йил ичида тарк этиши қўтилаётган ходимлар учун, биринчи ўн йилликнинг ҳар йилига тегишли даромад қўтилаётган тиббий сарфларнинг дисконтланган қийматининг 1 фоизини ташиқлот этади.

73-бандга оид мисоллар

Ушбу ходимлар учун, ўнинчи йилнинг охири билан қутилаётган тарк этиши санаси ўртасидаги хизматга ҳеч қандай даромад тақсимланмайди.

Ўн йил ичида ташилотни тарк этиши қутилаётган ходимлар учун ҳеч қандай даромад ҳисобланмайди.

74 Даромаднинг суммаси хизматнинг ҳар йили учун якуний маошнинг ўзгармас улушидан иборат бўлган пайтда, келгуси маош ошишлари ҳисобот даври охиридан олдинги хизмат учун мавжуд бўлган жавобгарликни ҳисоб-китоб қилишда талаб этиладиган суммага таъсир кўрсатади, лекин қўшимча жавобгарликни юзага келтирмайди. Шунинг учун:

- (a) 70(б)-банд мақсадларида, ҳатто даромадлар суммаси якуний маошга боғлиқ бўлса ҳам, маош ошишлари кейинги даромадларга олиб келмайди; ва
- (б) ҳар бир даврга тегишли даромад суммаси даромад боғланган маошнинг ўзгармас улуши ҳисобланади.

74-бандга оид мисол

Ходимлар 55 ёшдан олдинги хизматнинг ҳар йили учун якуний маошнинг 3 фоизига тенг даромадга эга бўладилар.

Қутилаётган якуний маошнинг 3 фоизига тенг даромад 55 ёшгача бўлган ҳар йил учун тегишли ҳисобланади. Бу эса дастур асосан ходимнинг кейинги хизмати кейинги даромадларнинг муҳим суммасига олиб келмайдиган сана ҳисобланади. Ушбу ёшдан кейинги хизматга ҳеч қандай даромад тақсимланмайди.

Ақтуар фаразлар

75 **Ақтуар фаразлар ҳолис ва ўзаро мутаносиб бўлиши лозим.**

76 Ақтуар фаразлар меҳнат фаолиятдан кейинги даромадларни таъминлашнинг якуний қийматини аниқлайдиган ўзгарувчилар бўйича ташкилотнинг энг яхши баҳолашларидир. Ақтуар фаразлар қуйидагиларни камраб олади:

- (a) даромадларга муносиб бўлган жорий ва собиқ ходимларнинг (ва уларнинг қарамоғидагиларнинг) келгуси хусусиятлари тўғрисидаги демографик фаразлар. Демографик фаразлар қуйидагилар каби масалаларни ўз ичига олади:
 - (i) ўлим даражаси (81 ва 82-бандга қаранг);
 - (ii) ходимлар қўнимсизлиги, яроқсизлик ва эрта пенсияга чиқиш даражаси;
 - (iii) қарамоғида даромадлар олиш ҳуқуқига эга шахслар бўлган дастур аъзоларининг улуши;
 - (iv) дастур шартлари асосида мавжуд бўлган тўлов турининг ҳар бир шаклини танлайдиган дастур аъзоларининг улуши; ва
 - (v) тиббий таъминот дастурлари бўйича тўловлар даражаси.
- (б) молиявий фаразлар қуйидагилар каби масалаларни ўз ичига олади:
 - (i) дисконт ставкаси (83-86 бандларга қаранг);
 - (ii) даромадларнинг ходимлар амалга оширадиган сарфларидан ташқари даромад даражалари ва келгуси маош (87-95 бандларга қаранг);
 - (iii) тиббий даромадлар ҳолатида, келгуси тиббий сарфлар, жумладан талабни бошқариш сарфлари (масалан талабларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда амалга ошириладиган сарфлар, жумладан юридик ва аджастерлар ҳақи (тузатувчилар тўловлари) (96-98 бандларга қаранг); ва
 - (iv) ҳисобот санасидан олдинги хизматга тегишли бадаллар бўйича ёки ушбу хизматдан келиб чиқадиган даромадлар бўйича дастур томонидан тўланадиган солиқлар.

- 77 Актуар фаразлар, агар улар ҳам мулоҳазасиз ҳам ортикча консерватив бўлмаса, холис ҳисобланади.
- 78 Актуар фаразлар, агар улар инфляция, маош ошиш суръати ва дисконт ставкалари каби омиллар ўртасидаги иқтисодий боғлиқликларни акс эттирса, ўзаро мутаносиб бўлади. Масалан, бирор маълум келгуси даврдаги муайян инфляция даражасига боғлиқ бўладиган барча фаразлар (масалан, фоиз ставкалари ва маош ва даромад ошишлари тўғрисидаги фаразлар) ушбу даврда айнан бир хил инфляция даражасини назар тутади.
- 79 Ташкилот дисконт ставкаси ва бошқа молиявий фаразларни, агар реал (инфляцияга тузатилган) суммалардаги баҳолар, масалан, гиперинфляцияли иқтисодиётда (29-сон БҲХС “*Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисобот*”га қаранг) ёки даромад индексига боғланган ҳамда айнан бир хил валютали ва шартли индексга боғланган облигацияларнинг кенг бозори мавжуд бўлган ҳолатда, ишончлироқ бўлмаса, номинал (белгиланган) суммаларда аниқлайди.
- 80 **Молиявий фаразлар ҳисобот даврининг охирида мажбуриятлар ҳисоб-китоб қилинадиган давр бўйича бозор қутилишларига асосланиши лозим.**

Актуар фаразлар: ўлим даражаси

- 81 Ташкилот дастур аъзоларининг бандлик давридаги ва ундан кейинги ўлим даражасининг аниқ баҳосини инобатга олган ҳолда ўзининг ўлим даражаси фаразларини аниқлаши лозим.
- 82 Даромаднинг якуний қийматини баҳолаш учун, ташкилот ўлим даражасидаги қутилаётган ўзгаришларни инобатга олади, масалан, стандарт ўлим даражаси жадвалини ўлим даражасидаги яхшиланиш кўрсаткичлари билан тузатиб боради.

Актуар фаразлар: дисконт ставкаси

- 83 Мехнат фаолиятдан кейинги даромадлар бўйича (ҳам молиялаштирилган ҳам молиялаштирилмаган) жавобгарликларни дисконтлашда фойдаланиладиган ставка ҳисобот даври охиридаги юқори сифатли корпоратив облигациялар бўйича бозор даромадлигини инобатга олган ҳолда аниқланиши лозим. Бундай юқори сифатли корпоратив облигациялар бўйича кенг бозор мавжуд бўлмаган валюталар учун, ушбу валюталарда чиқарилган давлат облигациялари бўйича (ҳисобот даври охиридаги) бозор даромадлиги фойдаланилиши лозим. Корпоратив облигациялар ёки давлат облигацияларининг валютаси ва баҳоланган шартли фаолиятдан кейинги даромадлар бўйича жавобгарликларнинг валютаси ва баҳоланган шартли билан изчил бўлиши лозим.
- 84 Мухим таъсирга эга актуар фаразлардан бири бу дисконт ставкаси ҳисобланади. Дисконт ставкаси актуар ёки инвестиция рискни эмас, балки пулнинг вақт қийматини акс эттиради. Бундан ташқари, дисконт ставкаси ташкилотнинг кредиторлари дучор бўладиган ташкилотга хос кредит рискни ҳам, келгуси тажриба актуар фаразлардан фарқ қилиши мумкинлигининг рискни ҳам акс эттирмайди.
- 85 Дисконт ставкаси даромад тўловларининг қутилаётган муддатини акс эттиради. Амалиётда, ташкилот одатда бунга даромад тўловларининг қутилаётган муддати ва суммасини ва даромадлар тўланадиган валютани акс эттирадиган ягона тортилган ўртacha дисконт ставкасини қўллаган ҳолда эришади.
- 86 Айрим ҳолларда, барча даромад тўловларининг қутилаётган сўндириш муддатига мос келадиган етарли даражада узоқ муддатли облигациялар бўйича кенг бозор мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда, ташкилот ўринли муддатнинг жорий бозор ставкаларини қисқа муддатли тўловларни дисконтлашда қўллайди ва жорий бозор ставкаларини фойдалилик чизиғи бўйлаб кенгайтирган ҳолда узоқроқ муддатлар учун дисконт ставкани баҳолайди. Белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жами жорий қиймати мавжуд корпоратив ёки ҳукумат облигацияларининг якуний сўндириш муддатидан ташқари тўланадиган даромадларнинг қисмига қўлланадиган дисконт ставкасига нисбатан сезиларли бўлмаслиги мумкин.

Актуар фаразлар: маошлар, даромадлар ва тиббий сарфлар

- 87 Ташкилот ўзининг белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликларини қуйидагиларни акс эттирадиган асосда баҳолаши лозим:
- (а) ҳисобот даври охирида дастур шартларида белгиланган (ёки ушбу шартлардан ташқарида бўлган ҳар қандай конструктив жавобгарликдан келиб чиқадиган) даромадлар;
 - (б) тўланадиган даромадларга таъсир этадиган ҳар қандай баҳоланган келгуси маош ошишлари;

- (в) келгуси даромадларнинг қийматидаги иш берувчининг улушига ҳар қандай чекловнинг таъсири;
 - (г) ташкилот учун ушбу даромадларнинг якуний қийматини камайтирадиган ходимлардан ёки учинчи томонлардан бадаллар; ва
 - (д) белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури асосида тўланадиган даромадларга таъсир кўрсатадиган ҳар қандай давлат даромадлари даражасидаги қутилаётган келгуси ўзгаришлар, фақат ва фақат қуйидаги шартларда:
 - (i) ушбу ўзгаришлар ҳисобот даври охиридан олдин қучга кирган бўлса; ёки
 - (ii) ушбу давлат даромадлари баъзи қузатиладиган ҳолатда ўзгаришини, масалан, умумий нарх даражаларидаги ёки умумий маош даражаларидаги келгуси ўзгаришлар билан бирга ўзгаришини, акс эттирадиган олдинги маълумот ёки бошқа ишончли далил бўлса.
- 88 Актуар фаразлар ҳисобот даври охирида дастурнинг расмий шартларида (ёки ушбу шартлардан ташқарида бўлган конструктив жавобгарликда) белгиланган келгуси даромад ўзгаришларини акс эттиради. Бундай ҳолат, масалан, қуйидаги шартларда юз беради:
- (а) ташкилот, инфляция таъсирини камайтиришда даромадларни ошириш тарихига эга бўлса ва ушбу амалиёт келгусида ўзгаришини кўрсатадиган ишора мавжуд бўлмаса;
 - (б) ташкилот ёки дастурнинг расмий шартлари (ушбу шартлардан ташқарида бўлган конструктив жавобгарлик) орқали ёки қонунчилик орқали, дастурдаги ҳар қандай профицитни дастур иштирокчилари манфаатига йўналтиришга мажбур бўлса (108(в)-бандга қаранг); ёки
 - (в) даромадлар фаолият натижасининг кўзланган кўрсаткичига ёки бошқа мезонга жавобан ўзгарса. Масалан, дастур шартлари шуни таъкидлаши мумкинки, агар дастур активлари етарли бўлмаса, у камайтирилган даромадларни тўлайди ёки ходимлардан қўшимча бадаллар талаб этади. Жавобгарликни баҳолаш фаолият натижасининг кўзланган кўрсаткичининг ёки бошқа мезоннинг таъсирини энг яхши баҳосини акс эттиради.
- 89 Актуар фаразлар ҳисобот даври охирида дастурнинг расмий шартларида (ёки конструктив жавобгарликда) белгиланмаган келгуси даромад ўзгаришларини акс эттирмайди. Бундай ўзгаришлар қуйидагиларга олиб келади:
- (а) олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати, бунда улар ўзгаришдан олдинги хизмат учун даромадларни ўзгартирадиган даражада; ва
 - (б) ўзгаришдан кейинги даврлар учун жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати, бунда улар ўзгаришдан кейинги хизмат учун даромадларни ўзгартирадиган даражада.
- 90 Маошнинг келгуси ошишларини баҳолаш инфляцияни, ёшни, лавозим ошишини ва меҳнат бозоридagi таклиф ва талаб каби бошқа омилларни инобатга олади.
- 91 Баъзи белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари ташкилот тўлаши талаб этилган бадалларни чеклайди. Даромадларнинг якуний қиймати бадаллар бўйича чеклов таъсирини инобатга олади. Бадаллар бўйича чеклов таъсири қуйидагиларнинг қисқароғи бўйича аниқланади:
- (а) ташкилотнинг қутилаётган фаолият муддати; ва
 - (б) дастурнинг қутилаётган фаолият муддати.
- 92 Баъзи белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари ходимлардан ёки учинчи томонлардан дастур қийматига ҳисса қўшишни талаб этади. Ходимлар бадаллари ташкилот учун даромадлар қийматини камайтиради. Ташкилот учинчи томон бадаллари ташкилот учун даромадлар қийматини камайтиришини ёки 116-бандда айтиб ўтилган қоплаш ҳуқуқи бўлишини кўриб чиқади. Ходимлардан ёки учинчи томонлардан бадаллар дастурнинг расмий шартларида белгиланган бўлиши (ёки ушбу шартлардан ташқарида бўлган конструктив жавобгарликдан келиб чиқиши), ёки ихтиёрий бўлиши мумкин. Ходимлардан ёки учинчи томонлардан ихтиёрий бадаллар ушбу бадаллар дастурга тўланишида хизмат қийматини камайтиради.
- 93 Дастурнинг расмий шартларида белгиланган ходимлардан ёки учинчи томонлардан бадаллар хизмат қийматини камайтиради (агар улар кўрсатилган хизматга боғланган бўлса) ёки белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)нинг қайта баҳолашларига таъсир қилади (агар улар кўрсатилган хизматга боғланмаган бўлса). Кўрсатилган хизматларга боғланмаган бадалларга мисол тариқасида дастурга оид активлар бўйича зарарлар ёки актуар зарарлар натижасида юзага келадиган дефицитни камайтириш учун талаб қилинадиган бадалларни келтириш мумкин. Агар ходимлардан ёки учинчи томонлардан бадаллар хизматларга боғланган бўлса, ушбу бадаллар кўрсатилган хизматлар қийматини қуйидагича камайтиради:

- (а) агар бадалларнинг суммаси хизмат кўрсатиш йилларининг сонига боғлиқ бўлса, ташкилот бадалларни ялпи даромадлар бўйича 70-бандда талаб қилинган тақсимлаш усулидан фойдаланиб хизмат кўрсатиш даврларга тақсимлаши лозим (яъни, дастурнинг бадаллар формуласидан фойдаланиб ёки тўғри чиқиқли асосда); ёки
- (б) агар бадалларнинг суммаси хизмат кўрсатиш йилларининг сонига боғлиқ бўлмаса, ташкилот бундай бадалларни тегишли хизматлар кўрсатилган даврда кўрсатилган хизмат қийматининг камайиши сифатида тан олишига рухсат берилади. Хизмат кўрсатиш йиллари сонига боғлиқ бўлмаган бундай бадалларга мисоллар ходимнинг маошининг қатъий фоизи бўлган, хизмат даври мобайнида қатъий суммада бўлган ёки ходим ёшига боғлиқ бўлган бадалларни ўз ичига олади.

A1-банд қўллаш бўйича тегишли кўрсатмани таъминлайди.

- 94 93(а) бандга мувофиқ хизмат даврларига тақсимланадиган ходимлардан ёки учинчи томонлардан бадаллар учун, бадаллардаги ўзгаришлар қуйидагиларда ўз аксини топади:
- (а) жорий даврда ва олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қийматида (агар ушбу ўзгаришлар дастурнинг расмий шартларида белгиланмаган бўлса ва конструктив жавобгарлик натижасида юзага келмаса); ёки
 - (б) актуар фойда ва зарарлар (агар ушбу ўзгаришлар дастурнинг расмий шартларида белгиланган бўлса ва конструктив жавобгарлик натижасида юзага келмаса).
- 95 Баъзи меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар давлат томонидан тўланадиган пенсияларнинг ёки давлат тиббий хизматининг даражаси каби кўрсаткичларга боғланган бўлади. Бундай даромадларнинг баҳоланиши тарихий маълумотлар ва бошқа ишончли далилга асосланган ҳолда бундай кўрсаткичларнинг энг яхши баҳосини акс эттиради.
- 96 **Тиббий сарфлар тўғрисидаги фаразлар инфляция ва тиббий сарфлардаги муайян ўзгаришлардан келиб чиқадиган тиббий хизматлар қийматидаги қутилаётган келгуси ўзгаришларни инобатга олиши лозим.**
- 97 Меҳнат фаолиятдан кейинги тиббий даромадларни баҳолаш келгуси талабларнинг ва ушбу талабларни қондириш қийматининг даражаси ва даврийлиги тўғрисидаги фаразларни талаб этади. Ташкилот унинг хусусий тажрибаси бўйича олдинги маълумотлар, ўринли бўлганда, бошқа ташкилотларнинг, суғурта компанияларнинг, тиббий таъминотчиларнинг ёки бошқаларнинг олдинги маълумотлари, асосида келгуси тиббий сарфларни баҳолайди. Келгуси тиббий сарфларнинг ҳисоб баҳолари технологик ривожланишларнинг, соғлиқни сақлаш хизматларини истеъмол қилиш ёки таъминлашдаги ўзгаришларнинг ва дастур иштирокчиларининг тиббий мақомидаги ўзгаришларнинг таъсирини инобатга олади.
- 98 Талаблар даражаси ва даврийлиги хусусан ёшга, ходимларнинг тиббий мақомига ва жинсига (ва уларнинг қармоғидагиларга) нисбатан таъсирчан бўлади ва географик жойлашув каби бошқа омилларга таъсирчан бўлиши мумкин. Шунинг учун, олдинги маълумотлар аҳолининг демографик таркиб маълумотлар учун асос сифатида фойдаланилган аҳоли таркибидан фарқланадиган даражада тузатилиши лозим. Улар олдинги йўналишлар давом этмаслигининг ишончли далили мавжуд бўлганда ҳам тузатилади.

Олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати ва ҳисоб-китоб қилинганда ҳосил бўладиган фойда ва зарарлар

- 99 Олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қийматини ёки ҳисоб-китоб қилиш бўйича фойда ёки зарарни аниқлашда, ташкилот белгиланган тўловлар бўйича соф мажбуриятини (активини), қуйидагиларни акс эттирган ҳолда, жорий бозор фоиз ставкалари ва бошқа жорий бозор нархларини ўз ичига оладиган дастур активларининг жорий ҳаққоний қийматидан ва жорий актуар фаразлардан фойдаланган ҳолда қайта баҳолаши лозим:
- (а) дастур бўйича таклиф қилинадиган тўловлар ва дастурдаги ўзгартириш, қисқартириш ёки ҳисоб-китобдан олдинги дастур активларини; ва
 - (б) дастур бўйича таклиф қилинадиган тўловлар ва дастурдаги ўзгартириш, қисқартириш ёки ҳисоб-китобдан кейинги дастур активларини.
- 100 Ташкилот дастур ўзгаришидан юзага келадиган олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати, қисқартиришдан юзага келадиган олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати ва ҳисоб-китобда ҳосил бўладиган фойда ёки зарарни, агар ушбу операциялар биргаликда содир бўлса, ўзаро фарқлаши талаб этилмайди. Айрим ҳолатларда, дастурдаги ўзгариш ҳисоб-китобдан олдин содир бўлади, масалан, ташкилот дастурдаги даромадларни ўзгартиради ва кейин ўзгартирилган

даромадларни ҳисоб-китоб қилади. Бундай ҳолатларда, ташкилот ҳисоб-китоб бўйича ҳар қандай фойда ёки зарардан олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қийматини тан олади.

- 101 Агар дастурнинг амал қилиши тўхтатилса ва бунинг натижасида дастурнинг мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китоблар қилинса ва дастур тугатилса, ҳисоб-китоблар дастурдаги ўзгариш ва қисқартириш билан бирга содир бўлади. Лекин, агар дастур моҳиятан бир хил даромадларни тақдим этадиган янги дастур билан алмаштирилса, дастурнинг тугатилиши ҳисоб-китоб қилишни англамайди.
- 101A Дастур ўзгариши, қисқариши ёки ҳисоб-китоб қилиниши содир бўлса, ташкилот ҳар қандай олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати ёки ҳисоб-китоб қилиш бўйича фойда ёки зарарни 99-101-бандларга ва 102-112-бандларга мувофиқ тан олиши ва баҳолаши лозим. Бундай қилишда, ташкилот актив юқори чегарасининг таъсирини ҳисобга олмаслиги лозим. Ташкилот дастурдаги ўзгариш, қисқартириш ёки ҳисоб-китобдан кейинги активнинг юқори чегарасининг таъсирини аниқлаши ва ушбу таъсирдаги ҳар қандай ўзгаришни 57(г)-бандга мувофиқ тан олиши лозим.

Олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати

- 102 Олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати дастурдаги ўзгариш ёки қисқартиришдан юзага келадиган белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматидаги ўзгаришдир.
- 103 **Ташкилот олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қийматини харажат сифатида қуйидаги саналарнинг эртарағида тан олиши лозим:**
- (а) **дастурдаги ўзгариш ёки қисқартириш содир бўлганда; ва**
 - (б) **ташкилот тегишли реструктуризация сарфларини (37-сон БХХС га қаранг) ёки ишдан бўшатиш нафақаларини тан олганда (165-бандга қаранг).**
- 104 Ташкилот белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурини киритганда ёки бекор қилганда ёки жорий белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурида тўланадиган даромадларни ўзгартирганда, дастурда ўзгариш содир бўлади.
- 105 Ташкилот дастурда қамраб олинган ходимлар сонини аҳамиятли даражада қисқартирганда, қисқартириш содир бўлади. Қисқартириш алоҳида ҳодисадан, масалан, корхонанинг ёпилиши, фаолиятни тугатилиши ёки дастурнинг тугатилиши ёки вақтинчалик тўхтатилиши каби ҳодисалардан келиб чиқиши мумкин.
- 106 Олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати ижобий бўлиши (даромадлар киритилиб ёки ўзгаририлиб, белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қиймати ошганда) ёки манфий бўлиши (даромадлар бекор қилиниб ёки ўзгаририлиб, белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қиймати камайганда) мумкин.
- 107 Ташкилот жорий белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурида тўланадиган даромадларни камайгирса ва бир вақтни ўзида дастурга асосан айнан ўша ходимларга тўланадиган бошқа даромадларни оширса, ташкилот ўзгаришни ягона соф ўзгариш сифатида ҳисобга олади.
- 108 Олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати қуйидагиларни ўз ичига олмайди:
- (а) олдинги йилларда кўрсатилган хизмат учун даромад тўлаш жавобгарлиги бўйича ҳақиқий ва олдин фараз қилинган маош ошишлари ўртасидаги тафовутлар таъсирини (олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати мавжуд эмас, чунки актуар фаразлар режалаштирилган маошларга рухсат беради);
 - (б) ихтиёрий даромад ошишларини, агар ташкилот бундай ошишлар бўйича конструктив жавобгарликка эга бўлса, камайтириб акс эттиришларни ва ошириб акс эттиришларни, (олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати мавжуд эмас, чунки актуар фаразлар бундай ошишларга рухсат беради);
 - (в) молиявий ҳисоботда тан олинган актуар фойдалар ёки пенсия дастурига оид активлардан олинадиган даромаддан юзага келадиган даромад ошишларининг ҳисоб баҳолари, агар ташкилот, дастурнинг расмий шартлари (ёки ушбу шартлардан ташқарида бўлган конструктив жавобгарлик) ёки қонунчилик орқали, дастурдаги ҳар қандай профицитни дастур иштирокчилари даромадлари учун фойдаланишга мажбур бўлса, бунда хатто даромаддаги ошиш расман тақдим этилмаган бўлса ҳам (олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати мавжуд эмас, чунки мажбуриятдаги натижавий ошиш актуар зарардир, 88-бандга қаранг); ва
 - (г) қопланадиган даромадлардаги (яъни келгуси бандликка шартли бўлмаган даромадлар, 72-бандга қаранг) ошиш, ходимлар янги ёки яхшиланган даромадлар мавжуд бўлмаган пайтда қоплаш талабларини бажарганда (олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати

мавжуд эмас, чунки ташкилот даромадларнинг баҳоланган қийматини хизмат кўрсатилганда жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати сифатида тан олган).

Ҳисоб-китоб қилинганида ҳосил бўладиган фойда ва зарарлар

- 109 Ҳисоб-китоб қилинганида ҳосил бўладиган фойда ёки зарар қуйдагиларнинг фарқидир:
- (а) ҳисоб-китоб қилинаётган белгиланган тўловлар бўйича жавобгарлигининг дисконтланган қиймати, бунда унинг ҳисоб-китоб санасида аниқланган қиймати; ва
 - (б) ҳисоб-китоб нархи, жумладан ҳисоб-китоб билан боғлиқ ҳолда ташкилот томонидан ўтказилган ҳар қандай дастур активлари ва амалга оширилган тўловлар.
- 110 **Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурини ҳисоб-китоб қилиш юз берса, ташкилот ушбу ҳисоб-китоб қилиш бўйича фойда ёки зарарни тан олиши лозим.**
- 111 Ташкилот белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурига мувофиқ таъминладиган даромадларнинг қисми ёки барчаси бўйича барча кейинги юридик ёки конструктив жавобгарликни (дастурнинг шартлари асосида ходимларга ёки улар номидан тўланадиган ва актуар фаразларда инобатга олинган даромадларнинг тўловидан ташқари) бартараф этадиган операцияни амалга оширганда, ҳисоб-китоб содир бўлади. Масалан, суғурта полисини сотиб олиш орқали суғурта компаниясига иш берувчининг дастурдаги аҳамиятли жавобгарликларининг бир марталик ўтказмаси ҳисоб-китоб ҳисобланади; дастур шартлари асосида, дастур иштирокчиларига уларнинг белгиланган меҳнат фаолиятидан кейинги даромадларини олиш ҳуқуқлари эвазига бир марталик пул маблағларидаги тўлови ҳисоб-китоб ҳисобланмайди.
- 112 Баъзи ҳолатларда, ташкилот жорий ва олдинги даврлардаги ходим хизматига тегишли даромадларининг айрим қисмини ёки барчасини молиялаштириш учун суғурта полиси харид қилади. Агар ташкилот суғурталовчи суғурта полисида белгиланган ходимларга даромадларини тўламаганда кейинги суммаларни тўлаш бўйича юридик ёки конструктив жавобгарликни сақлаб қолса, бундай полисини сотиб олиш ҳисоб-китоб ҳисобланмайди (46-бандга қаранг). 116-119 бандлар дастур активлари бўлмаган суғурта полисларидаги қоплаш ҳуқуқларини тан олиш ва баҳолашга нисбатан қўлланади.

Тан олиш ва баҳолаш: дастур активлари

Дастур активларининг ҳаққоний қиймати

- 113 Ҳар қандай дастур активларининг ҳаққоний қиймати дефицит ёки профицитни аниқлашда белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматидан чегирилади.
- 114 Дастур активлари ҳисобот берувчи ташкилотнинг фондга тўлаши лозим бўлган тўланмаган бадалларни ҳамда ташкилот томонидан чиқарилган ва фонд томонидан эгалик қилинадиган ҳар қандай ўтказилмайдиган молиявий инструментларни ўз ичига олмайди. Дастур активлари ходим даромадларига тегишли бўлмаган фонднинг ҳар қандай мажбуриятлари, масалан, тижорат ва бошқа кредиторлик қарзлари ва дериватив молиявий инструментлардан юзага келадиган мажбуриятлар ҳисобига камайтирилади.
- 115 Дастур активлари дастурга асосан тўланадиган айрим ёки барча даромадларнинг суммаси ва муддати билан аниқ мос келадиган квалификацияланадиган суғурта полисларини ўз ичига олганда, ушбу суғурта полисларининг ҳаққоний қиймати тегишли мажбуриятларнинг жорий қиймати бўлади деб ҳисобланади (бунда суғурта полисларига асосан олинадиган суммалар тўлиқ қопланадиган бўлмаганда талаб этиладиган ҳар қандай камайтиришга шартли равишда).

Қоплаб беришлар

- 116 **Фақатгина бошқа томон белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликни ҳисоб-китоб қилишда талаб этиладиган айрим ёки барча сарфларни қоплаши аниқ бўлганда, ташкилот:**
- (а) ўзининг қоплашга нисбатан ҳуқуқини алоҳида актив сифатида тан олиши лозим. Ташкилот активни ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим.
 - (б) ўзининг қоплашга нисбатан ҳуқуқининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларни дастур активларининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлардек ажратиши ва тан олиши лозим (124 ва 125-бандларга қаранг). 120-бандга мувофиқ тан олинадиган белгиланган даромад дастурининг компонентлари қоплашга нисбатан ҳуқуқнинг баланс

қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ суммаларни чегирган ҳолда тан олиниши мумкин.

- 117 Баъзида, ташкилот белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликни ҳисоб-китоб қилишда талаб этилган сарфнинг айрим қисмини ёки барчасини тўлашда суғурталовчи каби бошқа томонга мурожаат эта олади. 8-бандда таърифланган квалификацияланадиган суғурта полислари дастур активлари ҳисобланади. Ташкилот квалификацияланадиган суғурта полисларини бошқа барча дастур активлари каби бир хил усулда ҳисобга олади ва 116-банд ўринли ҳисобланмайди (46-49 ва 115-бандларга қаранг).
- 118 Ташкилот эгалик қилаётган суғурта полиси квалификацияланадиган суғурта полиси бўлмаса, ушбу суғурта полиси дастур активи ҳисобланмайди. 116-банд бундай ҳолатларда ўринлидир: ташкилот суғурта полиси асосидаги ўзининг қоплашга нисбатан ҳуқуқини белгиланган даромад дефицити ёки профицитини аниқлашдаги камайтириш сифатида эмас, балки алоҳида актив сифатида тан олади. 140(б)-банд ташкилотдан қоплаш ҳуқуқи билан тегишли мажбурият ўртасидаги боғлиқликнинг қисқача изоҳини ёритиб беришни талаб этади.
- 119 Агар қоплашга нисбатан ҳуқуқ белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурига мувофиқ тўланадиган айрим ёки барча даромадларнинг суммаси ва муддати билан аниқ мос келадиган суғурта полисига асосан юзага келса, қоплаш ҳуқуқининг ҳаққоний қиймати тегишли мажбуриятнинг жорий қиймати бўлади деб ҳисобланади (бунда қоплаш тўлиқ қопланадиган бўлмаганда талаб этиладиган ҳар қандай камайтиришга шартли равишда).

Белгиланган даромад қийматининг компонентлари

- 120 Ташкилот, бошқа МҲХС уларни активнинг қийматига киритишни талаб этган ёки киритишга рухсат берган ҳолатларни истисно қилган ҳолда, белгиланган тўловлар бўйича сарфларнинг компонентларини қуйидагича тан олиши лозим:
- (а) кўрсатилган хизмат қийматини (66-112 бандлар ва 122А-бандга қаранг) фойда ёки зарарда;
 - (б) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фойз (123-126 бандларга қаранг) фойда ёки зарарда; ва
 - (в) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни қайта баҳолашларни (127-130 бандларга қаранг) бошқа умумлашган даромад таркибида.
- 121 Бошқа МҲХСлар айрим ходим даромадлари қийматларини активнинг, масалан, захираларнинг, асосий воситаларнинг, қийматига киритишни талаб этади (2-сон БҲХС ва 16-сон БҲХСга қаранг). Бундай активларнинг қийматига киритилган ҳар қандай меҳнат фаолиятдан кейинги даромад қийматлари 120-бандда келтирилган компонентларнинг тегишли улушини ўз ичига олади.
- 122 Бошқа умумлашган даромадда тан олинган белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни қайта баҳолашлар кейинги даврда фойда ёки зарарда қайта таснифланмаслиги лозим. Лекин, ташкилот бошқа умумлашган даромадда тан олинган ушбу суммаларга нисбатан хусусий капитал таркибида ўтказмани амалга ошириши мумкин.

Жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати

- 122А Ташкилот жорий даврда кўрсатилган хизматлар қийматини йиллик ҳисобот даврининг бошида аниқланадиган актуар фаразлардан фойдаланиб аниқлаши лозим. Лекин, агар ташкилот белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни 99-бандга мувофиқ қайта баҳоласа, у дастурдаги ўзгартириш, қискартириш ёки ҳисоб-китобдан кейинги йиллик ҳисобот даврининг қолган даври бўйича жорий даврда кўрсатилган хизматлар қийматини 99(б)-бандга мувофиқ белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни қайта баҳолашда фойдаланилган актуар фаразлардан фойдаланган ҳолда аниқлаши лозим.

Белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фойз

- 123 Ташкилот белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фойзни белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни 83-бандда келтирилган дисконт ставкасига кўпайтирган ҳолда аниқланиши лозим.
- 123А 123-бандга мувофиқ соф фойзни аниқлаш учун, ташкилот белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив) ва йиллик ҳисобот даврининг бошида белгиланган дисконт ставкадан фойдаланиши лозим. Лекин, агар ташкилот белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият

(актив)ни 99-бандга мувофиқ қайта баҳоласа, у дастурдаги ўзгартириш, қисқартириш ёки ҳисоб-китобдан кейинги йиллик ҳисобот даврининг қолган даври бўйича соф фойзни қуйидагилардан фойдаланиб аниқлаши лозим:

- (а) 99(б)-бандга мувофиқ аниқланадиган белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив); ва
- (б) 99(б)-бандга мувофиқ белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни қайта баҳолашда фойдаланиладиган дисконт ставка.

123А-бандни қўллашда, ташкилот давр мобайнида бадаллар ёки тўловлар натижасида юзага келган белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)даги ҳар қандай ўзгаришни ҳам инobatта олиши лозим.

- 124 Белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фойз дастур активлари бўйича фойзли даромад, белгиланган тўловлар бўйича жавобгарлик бўйича фойзли харажат ва 64-бандда қайд қилинган активнинг юқори чегарасининг таъсири бўйича фойзни қамраб олади деб инobatта олиниши мумкин.
- 125 Дастур активлари бўйича фойзли даромад пенсия дастурига оид активлардан олинadиган даромаднинг компоненти ҳисобланади ва у дастур активларининг ҳаққоний қийматини 123А-бандда келтирилган дисконт ставкасига кўпайтирган ҳолда аниқланади. Ташкилот йиллик ҳисобот даври бошидаги дастур активларининг ҳаққоний қийматини аниқлаши лозим. Лекин, агар ташкилот белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни 99-бандга мувофиқ қайта баҳоласа, у дастурдаги ўзгартириш, қисқартириш ёки ҳисоб-китобдан кейинги йиллик ҳисобот даврининг қолган даври бўйича фойз даромадини 99 (б)-бандга мувофиқ белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни қайта баҳолаш учун фойдаланган дастур активларидан фойдаланган ҳолда аниқлаши лозим. 125-бандни қўллашда, ташкилот бадаллар ва тўловлар натижасида юзага келган давр мобайнида эгалик қилинган дастур активларидаги ҳар қандай ўзгаришларни ҳам инobatта олиши лозим. Дастур активлари бўйича фойзли даромад билан пенсия дастурига оид активлардан олинadиган даромад ўртасидаги фарқ белгиланган тўловлар бўйича соф мажбуриятни (активни) қайта баҳоланишига киритилади.
- 126 Активнинг юқори чегарасининг таъсири бўйича фойз активнинг юқори чегарасининг таъсиридаги жами ўзгаришнинг қисми ҳисобланади ва у активнинг юқори чегарасининг таъсирини 123А-бандда келтирилган дисконт ставкасига кўпайтирган ҳолда аниқланади. Ташкилот йиллик ҳисобот даврининг бошида актив юқори чегарасининг таъсирини аниқлаши лозим. Лекин, агар ташкилот белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни 99-бандга мувофиқ қайта баҳоласа, у дастурдаги ўзгартириш, қисқартириш ёки ҳисоб-китобдан кейинги йиллик ҳисобот даврининг қолган даври бўйича активнинг юқори чегарасининг таъсири бўйича фойзни 101А-бандга мувофиқ актив юқори чегарасининг таъсиридаги ҳар қандай ўзгаришни инobatта олган ҳолда аниқлаши лозим. Актив юқори чегарасининг таъсири бўйича фойз билан актив юқори чегарасининг таъсиридаги жами ўзгариш ўртасидаги фарқ белгиланган тўловлар бўйича соф мажбуриятни (активни) қайта баҳоланишига киритилади.

Белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни қайта баҳолашлар

- 127 Белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни қайта баҳолашлар қуйидагиларни қамраб олади:
- (а) актуар фойда ва зарарлар (128 ва 129-бандларга қаранг);
 - (б) пенсия дастурига оид активлардан олинadиган даромад (130-бандга қаранг), бунда белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фойзга киритилган суммалардан ташқари (125-бандга қаранг); ва
 - (в) актив юқори чегарасининг таъсиридаги ҳар қандай ўзгариш, бунда белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фойзга киритилган суммалардан ташқари (126-бандга қаранг).
- 128 Актуар фойда ва зарарлар актуар фаразлардаги ўзгаришлар ва тажрибага асосланган тузатишлар ҳисобига белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматидаги кўпайишлар ёки камайишлардан юзага келади. Актуар фойда ва зарарларнинг сабаблари, масалан, қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) ходимлар кўнимсизлигининг, эрта пенсияга чиқишнинг ёки ўлим даражасининг ёки маошлардаги, даромадлардаги (агар дастурнинг расмий ёки конструктив шартлари

- инфляцияга оид даромад ошишларини таъминласа) ёки тиббий харажатлардаги кўпайишларнинг кутилмаган юқори ёки паст даражалари;
- (б) даромад тўлови опционларига тегишли ўзгаришларни фаразларга таъсири;
- (в) келгуси ходимлар қўнимсизлигининг, эрта пенсияга чиқишнинг ёки ўлим даражасининг ёки маошлардаги, даромадлардаги (агар дастурнинг расмий ёки конструктив шартлари инфляцияга оид даромад ошишларини таъминласа) ёки тиббий сарфлардаги кўпайишларнинг баҳоларидаги ўзгаришлар таъсири; ва
- (г) дисконт ставкасидаги ўзгаришлар таъсири.
- 129 Актуар фойда ва зарарлар белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурини киритиш, ўзгартириш, қисқартириш ёки ҳисоб-китоб қилиш ҳисобига ёки белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури асосида тўланадиган даромадларга ўзгартиришлар ҳисобидан юзага келадиган белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматидаги ўзгаришларни ўз ичига олмайди. Бундай ўзгаришлар олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қийматига ёки ҳисоб-китоб бўйича фойдалар ёки зарарларга олиб келади.
- 130 Пенсия дастурига оид активлардан олинadиган даромадни аниқлашда, ташкилот дастур активларини бошқариш сарфларини ва дастурнинг ўзи томонидан тўланадиган солиқни чегиради, бундан белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликни ҳисоблашда фойдаланилган актуар фаразларда ҳисобга олинган солиқ мустасно (76-банд). Бошқа маъмурий сарфлар пенсия дастурига оид активлардан олинadиган даромаддан чегирилмайди.

\

Ўзаро ҳисоб-китоб (Оффсеттинг)

- 131 Ташкилот бир дастурга тегишли активни бошқа дастурга тегишли мажбуриятга нисбатан ўзаро ҳисоб-китоб қилиши лозим, фақат ва фақат ташкилот:
- (а) бир дастурдаги профицитдан бошқа дастурдаги мажбуриятларни ҳисоб-китоб қилишда фойдаланиш бўйича юридик кучга эга ҳуқуққа эга бўлса; ва
- (б) мажбуриятларни соф асосда ҳисоб-китоб қилишни ёки бир вақтни ўзида бир дастурдаги профицитни ўзлаштириш ва бошқа дастурдаги ўз мажбуриятини ҳисоб-китоб қилишни назарда тутса.
- 132 Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мезонлари 32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиши*” да молиявий инструментлар учун белгиланган мезонларга ўхшаш. *Тақдим этиши*.

Активлар ва мажбуриятларни жорий ва узоқ муддатлига бўлиниши

- 133 Баъзи ташкилотлар жорий активлар ва мажбуриятларни узоқ муддатли активлар ва мажбуриятлардан фарқлайди. Мазкур стандарт меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлардан келиб чиқадиган активлар ва мажбуриятларнинг жорий ва узоқ муддатли қисмларини фарқлаши лозимлигини белгиламайди.

Белгиланган даромад қийматининг компонентлари

- 134 120-банд ташкилотдан хизмат қийматини ва белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фоизни фойда ёки зарардан олишни талаб этади. Мазкур стандарт ташкилот хизмат қийматини ва белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фоизни қандай тақдим этиши лозимлигини белгиламайди. Ташкилот ушбу компонентларни 1-сон БҲХСга мувофиқ тақдим этади.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 135 Ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) унинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларининг хусусиятларини ва улар билан боғлиқ рискларни тушунтиради (139-бандга қаранг);
- (б) молиявий ҳисоботда унинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларидан юзага келадиган суммаларни аниқлайди ва тушунтиради (140-144 бандларга қаранг); ва

- (в) унинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари ташкилотнинг келгуси пул оқимларининг суммасига, муддатига ва ноаниқлигига қандай таъсир этиши мумкинлигини изоҳлайди (145-147 бандларга қаранг).
- 136 135-банддаги мақсадларга эришиш учун, ташкилот куйидагиларни барчасини инобатга олиши лозим:
- (а) ёритиб бериш талабларини қаноатлантириш учун зарур тафсилотлар даражаси;
 - (б) турли талабларнинг ҳар бирига қанчалик эътибор ажратилиши;
 - (в) қанчалик жамлаш ёки ажратишни амалга ошириш; ва
 - (г) молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ёритиб берилган миқдорий маълумотларни баҳолаш учун қўшимча маълумотларга эҳтиёжи мавжудлиги.
- 137 Агар мазкур стандарт ва бошқа МҲХСлардаги талабларга мувофиқ таъминланган ёритиб бериладиган маълумотлар 135-банддаги мақсадларга эришиш учун етарли бўлмаса, ташкилот ушбу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни ёритиб бериши лозим. Масалан, ташкилот мажбуриятнинг хусусиятини, жиҳатларини ва рискларини фарқлайдиган белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг дисконтланган қийматининг таҳлилини тақдим этиши мумкин. Бундай ёритиб бериш куйидагиларни фарқлаши лозим:
- (а) фаол аъзоларга, кечиктирилган аъзоларга ва нафақахўрларга тегишли суммаларни.
 - (б) қопланадиган даромадлар билан ҳисобланган аммо қопланмайдиган даромадларни.
 - (в) шартли даромадлар, келгуси маош ошишларига ва бошқа даромадларга тегишли суммаларни.
- 138 Ташкилот муҳим турли рискларга эга дастурларни ёки дастурлар гуруҳларини фарқлаш учун барча ёки айрим ёритиб беришларни ажратиб кўрсатиши лозимлигини баҳолаши лозим. Масалан, ташкилот куйидаги бир ёки ундан ортиқ жиҳатларни акс эттирадиган дастурлар тўғрисида маълумотларни ёритиб беришни ажратиш тақдим этиши мумкин:
- (а) турли географик жойлар.
 - (б) бир текис маошга боғлиқ пенсия дастурлари, якуний маошга боғлиқ пенсия дастурлари ёки меҳнат фаолиятдан кейинги тиббий дастурлар каби турли жиҳатлар.
 - (в) турли тартибга солиш муҳитлари.
 - (г) турли ҳисобот сегментлари.
 - (д) турли молиялаштириш келишувлари (масалан, тўлиқ молиялаштирилмаган, тўлиқ ёки қисман молиялаштирилган).

Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларининг жиҳатлари ва улар билан боғлиқ рисклар

- 139 Ташкилот куйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ўзининг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларининг жиҳатлари тўғрисидаги маълумотларни, жумладан:
 - (i) дастур томонидан таъминланадиган даромадларнинг хусусияти (масалан якуний маошга боғлиқ белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури ёки кафолатли бадалга асосланган дастур).
 - (ii) дастур фаолият юритаётган тартибга солиш бўйича концептуал асоснинг, масалан минимум молиялаштириш талаблари даражасининг ҳамда тартибга солиш бўйича концептуал асосни дастурга таъсирининг, масалан актив юқори чегарасининг изоҳи (64-бандга қаранг).
 - (iii) дастурни бошқариш бўйича бошқа бирор ташкилот жавобгарликларининг, масалан ваколатли бошқарувчиларнинг ёки дастур кенгаш аъзоларининг жавобгарликлари изоҳи.
 - (б) ҳар қандай ғайриоддий, ташкилотга хос ёки дастурга хос рискларга эътиборни қаратган ҳолда, дастур ташкилотни дучор қиладиган рискларнинг ҳамда рискнинг ҳар қандай аҳамиятли концентрациясининг изоҳи. Масалан, агар дастур активлари асосан инвестицияларнинг бир синфига, масалан мол-мулкка инвестиция қилинганда, дастур ташкилотни кўчмас мол-мулк бозори рискининг концентрациясига дучор қилиши мумкин.

- (в) ҳар қандай дастурга нисбатан ўзгартиришлар, қисқартиришлар ва ҳисоб-китобларнинг изоҳи.

Молиявий ҳисоботдаги суммаларни тушунтириш

- 140 Ташкилот, агар қўллаш мумкин бўлса, қуйидагиларнинг ҳар бири бўйича бошланғич қолдиқ билан охириги қолдиқ ўртасидаги солиштирмани таъминлаши лозим:
- (а) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (активи), бунда қуйидагилар учун алоҳида солиштирмаларни акс эттирган ҳолда:
- (i) дастур активлари.
 - (ii) белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг дисконтланган қиймати.
 - (iii) актив юқори чегарасининг таъсири.
- (б) ҳар қандай қоплаш ҳуқуқлари. Ташкилот ҳар қандай қоплаш ҳуқуқи билан тегишли жавобгарлик ўртасидаги боғлиқликни ҳам акс эттириши лозим.
- 141 140-бандда келтирилган ҳар бир солиштирма қуйидагиларнинг ҳар бирини акс эттириши лозим, агар қўллаш мумкин бўлса:
- (а) жорий даврда кўрсатилган хизматлар қиймати.
- (б) фоизли даромад ёки харажат.
- (в) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни қайта баҳолашлар, бунда қуйидагиларни алоҳида акс эттирган ҳолда:
- (i) пенсия дастурига оид активлардан олинadиган даромад, бунда (б) кичик банддаги фоизга киритилган суммалардан ташқари
 - (ii) демографик фаразлардаги ўзгаришлардан юзага келадиган актуар фойда ва зарарлар (76(а)-бандга қаранг).
 - (iii) молиявий фаразлардаги ўзгаришлардан юзага келадиган актуар фойда ва зарарлар (76(б)-бандга қаранг).
 - (iv) белгиланган тўловлар бўйича соф активни активнинг юқори чегарасигача чеклаш таъсиридаги ўзгаришлар, бунда (б) кичик банддаги фоизга киритилган суммалардан ташқари. Ташкилот мавжуд максимум иқтисодий нафни қандай аниқлаганлигини, яъни ушбу манфаатлар маблағларни қайтариш ёки келгуси бадаллардаги камайтиришлар ёки иккаласининг биргаликдаги шаклида бўлиши мумкинлигини ҳам ёритиб бериши лозим.
- (г) ҳисоб-китоблардан юзага келадиган олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати ва фойда ва зарарлар. 100-бандда рухсат этилганидек, ҳисоб-китоблардан юзага келадиган олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар қиймати ва фойда ва зарарлар, агар улар биргаликда содир бўлса, фарқланиши талаб этилмайди.
- (д) валюта курсларидаги ўзгаришлар таъсири.
- (е) дастурга бадаллар, бунда иш берувчилар ва дастур иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган бадалларни алоҳида акс эттирган ҳолда.
- (ё) дастурдан тўловлар, бунда ҳар қандай ҳисоб-китобларга нисбатан тўланган суммани алоҳида акс эттирган ҳолда.
- (ж) бизнес бирлашувлари ва ҳисобдан чиқаришлар таъсирлари.
- 142 Ташкилот дастур активларининг ҳаққоний қийматини ушбу активларнинг хусусиятини ва рискларини фарқлайдиган, бунда дастур активининг ҳар бир синфини фаол бозорда (13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”да таърифлангандек) белгиланган бозор нархига эга бўлган ва эга бўлмаган синфларга тақсимлаган ҳолда, синфларга ажратиши лозим. Масалан, 136-бандда қайд қилинган маълумотларни ёритиб бериш даражасини ҳам инобатга олган ҳолда, ташкилот қуйидагиларни фарқлай олиши мумкин:
- (а) пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари;
 - (б) улушли инструментлар (соҳа тури, компания ҳажми, география ва б. бўйича бўлинган);
 - (в) қарз инструментлари (эмитент тури, кредит сифати, география ва б. бўйича бўлинган);
 - (г) кўчмас мулк (география ва б. бўйича бўлинган);

- (д) деривативлар (шартнома асосида бўлган риск тури, масалан фоиз ставкаси шартномалари, валюта шартномалари, капитал шартномалари, кредит шартномалари, узоқ муддатлилик своплари ва б. бўйича бўлинган);
 - (е) инвестиция фондлари (фонднинг тури бўйича бўлинган);
 - (ё) актив билан кафолатланган қимматли қоғозлар; ва
 - (ж) тузилмавий қарз.
- 143 Ташкилот дастур активлари сифатида эгалик қилинаётган ташкилотнинг ўтказиладиган молиявий инструментларининг ҳаққоний қийматини ҳамда ташкилот эгаллаган мол-мулк бўлган, ёки фойдаланадиган бошқа активлар бўлган, дастур активларининг ҳаққоний қийматини ёритиб бериши лозим.
- 144 Ташкилот белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматини аниқлашда фойдаланилган аҳамиятли актуар фаразларни ёритиб бериши лозим (76-бандга қаранг). Бундай ёритиб бериш мутлақ кўрсаткичларда (масалан турли улушлар ва бошқа кўрсаткичлар ўртасидаги маржа сифатида эмас, балки мутлақ улуш сифатида) бўлиши лозим. Ташкилот дастурлар гуруҳи учун ёритиб беришларни жами кўринишида таъминласа, у бундай ёритиб беришларни тортилган ўртача қийматлар ёки нисбатан тор диапазонларда таъминлаши лозим.

Келгуси пул оқимларининг суммаси, муддати ва ноаниқлиги

- 145 Ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ҳисобот даври охирига ҳар бир аҳамиятли актуар фараз (144-бандга асосан ёритиб берилган) бўйича таъсирчанлик таҳлилини, бунда белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликка ўша даврда асосли мумкин бўлган ўринли актуар фараздаги ўзгаришлар қандай таъсир қилиши мумкинлигини акс эттирган ҳолда.
 - (б) (а) кичик бандда талаб этилган таъсирчанлик таҳлилини тайёрлашда фойдаланилган усуллар ва фаразлар ва ушбу усулларнинг камчиликлари.
 - (в) олдинги йилга нисбатан таъсирчанлик таҳлилини тайёрлашда фойдаланилган усуллар ва фаразлардаги ўзгаришлар ва бундай ўзгартиришлар сабаби.
- 146 Ташкилот рискни бошқаришда дастур ёки ташкилот томонидан фойдаланилган ҳар қандай активни мажбурият билан солиштириш стратегияларининг, жумладан аннуитетлардан ва узоқ муддатлилик своплари каби бошқа усуллардан фойдаланишнинг изоҳини ёритиб бериши лозим.
- 147 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурининг ташкилотнинг келгуси пул оқимларига таъсирининг белгисини таъминлашда, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) келгуси бадалларга таъсир этадиган ҳар қандай молиялаштириш келишувларининг ва молиялаштириш сиёсатининг изоҳи.
 - (б) дастурга кейинги йиллик ҳисобот даври учун тўланиши кутилган бадаллар.
 - (в) белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг сўндирилиши кўрсаткичи тўғрисидаги маълумотлар. Бу белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг тортилган ўртача давомийлигини ўз ичига олади ҳамда даромад тўловларининг муддати бўйича тақсимланиши, масалан даромад тўловларининг сўндирилиши, тўғрисидаги бошқа маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

Бир нечта иш берувчиларнинг умумий дастурлари

- 148 Агар ташкилот бир нечта иш берувчиларнинг белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурида иштирок этса, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) молиялаштириш келишувларининг, жумладан ташкилотнинг бадаллар даражасини аниқлашда фойдаланилган усуллар ва ҳар қандай минимал молиялаштириш талабларнинг изоҳи.
 - (б) ташкилот бир нечта иш берувчилар умумий дастурининг шартлари асосида дастур учун бошқа ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлиши мумкинлиги даражасининг изоҳи.
 - (в) дефицитнинг ёки профицитнинг қуйидагиларга ҳар қандай келишилган тақсимланиши:
 - (i) дастурни тугаллаш; ёки
 - (ii) ташкилотнинг дастурдан чиқиши.

- (г) агар ташкилот 34-бандга мувофиқ ушбу дастурни худди у белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастури сифатида ҳисобга олса, у (а)-(в) кичик бандларда талаб этилган маълумотлар билан бирга ва 139-147 бандларда талаб этилган маълумотлар ўрнига қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (i) дастур белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури эканлиги тўғрисидаги факт.
 - (ii) ташкилот учун дастурни белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури сифатида ҳисобга олишда етарли маълумотлар мавжуд эмаслигининг сабаби.
 - (iii) кейинги йиллик ҳисобот даври учун дастурга тўланиши қутилаётган бадаллар.
 - (iv) келгуси бадалларнинг суммасига таъсир этиши мумкин бўлган дастурдаги хар қандай дефицит ёки профицит тўғрисидаги маълумот, жумладан ушбу дефицитни ёки профицитни аниқлашда фойдаланилган асос ва, агар мавжуд бўлса, ташкилот учун унинг оқибатлари.
 - (v) бошқа иштирокчи ташкилотлар билан солиштирганда, ташкилотнинг дастурдаги иштироки даражасининг белгиси. Бундай белгини таъминлаши мумкин бўлган кўрсаткичларга мисоллар ташкилотнинг дастурдаги жами бадаллардаги улуши ёки даромадларга нисбатан ҳуқуққа эга бўлган фаол аъзоларнинг, даромадга чиққан аъзоларнинг ва собиқ аъзоларнинг жами сонидagi ташкилотнинг улушидан иборат (агар бундай маълумотлар мавжуд бўлса).

Умумий назорат остидаги ташкилотлар ўртасида рискларни тақсимлайдиган белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари

- 149 Агар ташкилот умумий назорат остида бўлган ташкилотлар ўртасида рискларни тақсимлайдиган белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурида иштирок этса, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) соф белгиланган даромад қийматини тўлашни юклайдиган шартномавий келишув ёки белгиланган сиёсат ёки бундай сиёсат мавжуд эмаслиги тўғрисидаги факт.
 - (б) ташкилот томонидан тўланадиган бадални аниқлаш сиёсати.
 - (в) агар ташкилот соф белгиланган даромад қийматининг тақсимланишини 41-бандда белгилангандек ҳисобга олса, 135-147 бандларда талаб этилган бутун дастур тўғрисидаги барча маълумотлар.
 - (г) агар ташкилот давр учун тўланадиган бадални 41-бандда белгилангандек ҳисобга олса, 135-137, 139, 142-144 ва 147(а) ва (б) кичик бандларда талаб этилган бутун дастур тўғрисидаги маълумотлар.
- 150 149(в) ва (г) кичик бандларда талаб этилган маълумотлар гуруҳдаги бошқа ташкилотнинг молиявий ҳисоботидаги ёритиб бериладиган маълумотларга ҳавола сифатида ёритиб берилиши мумкин, агар:
- (а) гуруҳдаги ушбу ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари дастур тўғрисида талаб этилган маълумотларни алоҳида аниқласа ва ёритиб берса; ва
 - (б) гуруҳдаги ушбу ташкилотнинг молиявий ҳисоботи ташкилотнинг молиявий ҳисоботи каби бир шартларда ва ташкилотнинг молиявий ҳисоботи каби бир вақтда ёки эртарок, молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун мавжуд бўлса.

Бошқа МҲҲСлардаги маълумотларни ёритиб бериш талаблари

- 151 24-сон БҲХС орқали талаб этилганда, ташкилот қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб беради:
- (а) ўзаро боғлиқ томонларнинг меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастурлари бўйича операцияси; ва
 - (б) муҳим бошқарув ходимлари учун меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар.
- 152 37-сон БҲХС орқали талаб этилганда, ташкилот меҳнат фаолиятдан кейинги даромад жавобгарликларидан юзага келадиган шартли мажбурият тўғрисидаги маълумотларни ёритиб беради.

Ходимларнинг узоқ муддатли даромадлари

- 153 Ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадлари қуйидагилар каби моддаларни ўз ичига олади, агар уларнинг тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши ходимлар тегишли хизматларни кўрсатадиган йиллик ҳисобот даври охиридан сўнг ўн икки ойдан олдин кутилмаса:
- (а) узоқ муддатли тўланадиган таътиллер , масалан кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар ёки ижодий таътил;
 - (б) юбилейга мукофотлар ёки бошқа узоқ муддатли хизмат ҳақлари;
 - (в) меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча узоқ муддатли ҳақ тўлаш;
 - (г) фойдани бўлишиш ва мукофотлар; ва
 - (д) ходимларнинг кечиктирилган даромадлари.
- 154 Ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадларининг баҳоланиши одатда меҳнат фаолиятидан кейинги даромадларнинг баҳоланиши каби бир хил ноаниқлик даражасига эга бўлмайди. Шунинг учун, мазкур стандарт ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадларини ҳисобга олишнинг оддий усулини талаб этади. Меҳнат фаолиятидан кейинги даромадлар учун талаб этилган бухгалтерия ҳисоби фарқли тарзда, мазкур усул бошқа умумлашган даромадда қайта баҳолашларни тан олмайди.

Тан олиш ва баҳолаш

- 155 Ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадлари дастуридаги профицит ёки дефицитни тан олиш ва баҳолашда, ташкилот 56-98 ва 113-115 бандларни қўллаши лозим. Ташкилот 116-119 бандларни ҳар қандай қоплаш ҳуқуқини тан олишда ва баҳолашда қўллаши лозим.
- 156 Ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадлари бўйича, ташкилот, бошқа МҲХС уларни активнинг қийматига киритишни талаб этган ёки киритишга рухсат берган ҳолатларни истисно қилган ҳолда, фойда ёки зарарда қуйидаги суммаларнинг соф жамини тан олиши лозим:
- (а) кўрсатилган хизматлар қиймати (66-112 бандлар ва 122А-бандга қаранг);
 - (б) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)га оид соф фоиз (123-126 бандларга қаранг); ва
 - (в) белгиланган тўловлар бўйича соф мажбурият (актив)ни қайта баҳолашлар (127-130 бандларга қаранг).
- 157 Ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадларнинг бир шакли – бу меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча узоқ муддатли ҳақ тўлашдир. Агар ҳақ даражаси хизмат муддатига боғлиқ бўлса, мажбурият хизмат кўрсатилганда юзага келади. Ушбу мажбуриятни баҳолаш тўлов талаб этилиши бўйича эҳтимолни ва тўловни амалга оширилиши кутилаётган вақтнинг муддатини акс эттиради. Агар ҳақ даражаси хизмат йилларидан қатъий назар ҳар қандай меҳнатга яроқсиз ходим учун бир хил бўлса, ушбу ҳақларнинг кутилаётган қиймати узоқ муддатли меҳнатга яроқсизликка сабаб бўладиган ҳодиса содир бўлган пайтда тан олинади.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 158 Мазкур стандарт ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадлари бўйича муайян маълумотлар ёритиб берилишини талаб этмасада, бошқа МҲХСлар бундай маълумотлар ёритиб берилишини талаб этиши мумкин. Масалан, 24-сон БҲХС муҳим бошқарув ходимларига тўланадиган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб беришни талаб этади. 1-сон БҲХС ходимларнинг даромадлари бўйича харажатларни ёритиб беришни талаб этади.

Ишдан бўшатиш нафақалари

- 159 Мазкур стандарт ходимларнинг ишдан бўшатиш нафақалари ходимларнинг бошқа даромадларидан алоҳида тарзда инobatга олади, чунки мажбуриятни юзага келтирадиган ҳодиса бўлиб ходим томонидан хизмат кўрсатилиши эмас, балки бандликнинг тўхтатилиши ҳисобланади. Ишдан бўшатиш нафақалари ташкилотнинг бандликни тўхтатиш қарори ёки бандликни тўхтатиш эвазига даромад олиш таклифини қабул қилиш бўйича ходимнинг қарори натижасида юзага келади.
- 160 Ишдан бўшатиш нафақалари ташкилотнинг таклифисиз ходим талабига асосан бандликни тўхтатишдан ёки мажбурий пенсияга чиқиш талабларидан, юзага келадиган ходимларнинг

- даромадларини ўз ичига олмайди, чунки ушбу ҳақлар меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлардир. Баъзи ташкилотлар ташкилотнинг талабига асосан бандликни тўхтатишга нисбатан ходим талабига асосан ишдан бўшатиш даромадининг камроқ даражасини (моҳиятан, меҳнат фаолиятдан кейинги даромадни) таъминлайди. Ходим талабига асосан бандликни тўхтатиш учун таъминланган даромад билан ташкилот талабига асосан таъминланган кўпроқ даромад ўртасидаги фарқ ишдан бўшатиш нафақасидир.
- 161 Ходимлар даромадларининг шакли улар хизмат эвазига ёки ходимнинг бандлигининг тўхтатилиши эвазига таъминланганлигини аниқламайди. Ишдан бўшатиш нафақаси одатда бир марталик тўлов ҳисобланади, аммо баъзида қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:
- (а) бевосита ёки даромад дастури орқали билвосита меҳнат фаолиятдан кейинги даромаднинг кўпайиши.
 - (б) белгиланган билдириш даврининг охирига қадар бўлган маош, агар ходим ташкилотга иқтисодий нафларни таъминлайдиган бошқа кейинги хизматни кўрсатмаса.
- 162 Ходимларнинг даромадлари улар томонидан хизмат кўрсатилиши эвазига таъминланишининг кўрсаткичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) бундай даромад келгусида хизмат кўрсатилишига боғлиқ (жумладан кейинчалик хизмат кўрсатилганида кўпаядиган ҳақлар).
 - (б) даромад дастури шартларига мувофиқ даромад тўланиши.
- 163 Баъзи ишдан бўшатиш нафақалари мавжуд даромад дастурининг шартларига мувофиқ таъминланади. Масалан, улар қонунчиликка, меҳнат шартномасига ёки уюшма келишувига асосан белгиланиши мумкин ёки иш берувчининг бундай даромадларни таъминлаш бўйича олдинги тажрибасининг натижасида назарда тутилиши мумкин. Бошқа мисол сифатида, агар ташкилот қисқа муддатдан узоқроқ муддат учун мавжуд бўлган даромадларни таклиф этса, ёки таклиф билан ҳақиқий ишдан бўшатишнинг қутилган санаси ўртасидаги қисқа муддатдан узоқроқ муддат мавжуд бўлса, ташкилот у янги даромад дастурини ташкил этганлигини ва дастур асосида таклиф этилган даромадлар ишдан бўшатиш нафақалари эканлиги ёки меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар эканлигини кўриб чиқади. Даромад дастурининг шартларига мувофиқ таъминланган даромадлар, агар уларнинг иккаласи ҳам ташкилотнинг ходим бандлигини тўхтатиш қароридан юзага келса ва келгусида таъминланадиган хизматга боғлиқ бўлмаса, ишдан бўшатиш нафақалари бўлиб ҳисобланади.
- 164 Баъзи даромадлар ходимнинг ишдан бўшаши сабабидан қатъий назар таъминланади. Бундай даромадларнинг тўлови аниқ бўлади (бирор қоплаш ёки минимум хизмат талабларига боғлиқ), аммо улар тўловининг муддати ноаниқ бўлади. Бундай даромадлар баъзи ҳудудларда ишдан бўшатиш компенсациялари ёки ишдан бўшатиш сабабли қўрилган зарарларни қоплаш сифатида тавсифланишига қарамасдан, улар ишдан бўшатиш нафақалари эмас, балки меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлардир ва ташкилот уларни меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар сифатида ҳисобга олади.

Тан олиш

- 165 **Ташкилот ишдан бўшатиш нафақалари бўйича мажбурият ва харажатни қуйидаги саналарнинг эртароғида тан олиши лозим:**
- (а) **ташкилот ушбу даромадлар таклифини бундан буён бекор қила олмаса; ва**
 - (б) **ташкилот 37-сон БҲХСнинг қўллаш доирасида бўлган ва ишдан бўшатиш нафақаларининг тўловини ўз ичига олган реструктуризация сарфларини тан олса.**
- 166 Бандликни тўхтатиш эвазига даромад олиш таклифини қабул қилиш бўйича ходимнинг қарори натижасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақалари учун, ташкилот ишдан бўшатиш нафақалари таклифини бундан буён бекор қила олмаслик вақти қуйидагиларнинг эртароғи ҳисобланади:
- (а) ходим таклифни қабул қилганда; ва
 - (б) ташкилотнинг таклифни бекор қилиш имконияти бўйича чеклов (масалан, юридик, меъёрий ёки шартномавий талаб ёки бошқа чеклов) кучга кирганда. Ушбу ҳолат, агар чеклов таклиф вақтида мавжуд бўлса, таклиф амалга оширилганда бўлиши мумкин.
- 167 Ходимни ишдан бўшатиш бўйича ташкилотнинг қарори натижасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақалари учун, ташкилот таклифни, агар ташкилот таъсир этилган ходимларни қуйидаги барча мезонларни қаноатлантирадиган бандликни тўхтатиш дастури тўғрисида хабардор қилганда, ортик бекор қила олмаслиги мумкин:

- (а) дастурни тугаллаш учун талаб этилган хатти-харакатлар шуни кўрсатадики, дастурда аҳамиятли ўзгаришлар амалга оширилмаслиги эҳтимоли мавжуд.
- (б) дастур бандлиги тўхтатиладиган ходимлар сонини, уларнинг лавозими таснифларини ёки вазибаларини ва уларнинг жойларини (аммо дастур ҳар бир ходим учун аниқлаши талаб этилмайди) ва кутилаётган тугаллаш санасини аниқлайди.
- (в) дастур ходимлар етарли тафсилотлар билан оладиган шундай ишдан бўшатиш нафақаларини белгилайдики, бунда ходимлар уларнинг бандлиги тўхтатилганда оладиган даромадларининг тури ва суммасини аниқлай олади.
- 168 Ташкилот ишдан бўшатиш нафақаларини тан олганда, ходимларнинг бошқа даромадлари бўйича дастур ўзгартиришларини ёки қискартиришларини ҳисобга олиши зарур бўлиши мумкин (103-бандга қаранг).

Баҳолаш

- 169 Ташкилот ишдан бўшатиш нафақаларини дастлабки тан олишда баҳолаши лозим ҳамда агар ишдан бўшатиш нафақалари меҳнат фаолиятдан кейинги даромадларнинг қўпайишига олиб келадиган бўлса, ташкилот меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар бўйича талабларни қўллаши лозимлиги шарт билан даромаднинг хусусиятига мувофиқ кейинги ўзгаришларни баҳолаши ва тан олиши лозим. Акс ҳолда:
- (а) агар ишдан бўшатиш нафақаларининг тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши ишдан бўшатиш нафақалари тан олинмаган йиллик ҳисобот даври охиридан сўнг ўн икки ойдан олдин кутилса, ташкилот ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари бўйича талабларни қўллаши лозим.
- (б) агар ишдан бўшатиш нафақаларининг тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши йиллик ҳисобот даври охиридан сўнг ўн икки ойдан олдин кутилмаса, ташкилот ходимларнинг бошқа узок муддатли даромадлари бўйича талабларни қўллаши лозим.
- 170 Ишдан бўшатиш нафақалари хизмат эвазига таъминланмаслиги туфайли, даромадни даврларга тақсимлашга тегишли 70-74 бандлар ўринли бўлмайди.

159-170-бандларга оид мисол

Дастлабки маълумотлар

Яқин орадаги бизнесни харид қилиш натижасида, ташкилот корхонани ўн ойдан кейин ёпишни ва айни пайтда корхонада қолган барча ходимларнинг бандлигини тугатишни режалаштирмоқда. Ташкилот учун айрим шартномаларни тугаллашда корхонадаги ходимларнинг иш тажрибаси зарур бўлганлиги туфайли, у қуйидагича бандликни тугатиш дастурини эълон қилади.

Корхона ёпилишига қадар қоладиган ва хизмат кўрсатадиган ҳар бир ходим тугатиш санасида 30,000 п.б.га тенг суммада пул маблағлари олади. Корхона ёпилишидан олдин ишдан бўшайдиган ходимлар 10,000 п.б.га тенг суммада пул маблағлари олади.

Корхонада 120 нафар ходим мавжуд. Дастур эълон қилинган пайтда, ташкилотда улардан 20 нафари ёпилишдан олдин ишдан бўшаши кутилмоқда. Шу туфайли, дастурдаги жами кутилаётган пул маблағлари чиқимлари 3,200,000 п.б.га (яъни $20 \times 10,000$ п.б. + $100 \times 30,000$ п.б) тенг бўлади. 160-бандда талаб этилганидек, ташкилот бандликни тугатиш эвазига таъминланган даромадларни ишдан бўшатиш нафақалари сифатида ҳисобга олади ва хизматлар эвазига таъминланган ҳақларни ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари сифатида ҳисобга олади.

Ишдан бўшатиш нафақалари

Бандликни тугатиш эвазига таъминланган даромад 10,000 п.б.га тенг бўлади. Бу ташкилот уни ходимлар корхона ёпилишига қадар қолиши ва хизмат кўрсатишидан ёки ёпилишдан олдин ишдан бўшашидан қатъий назар бандликни тўхтатиш учун тўлаши лозим бўлган сумма ҳисобланади. Ходимлар ёпилишдан олдин ишдан бўшаши мумкинлигига қарамасдан, барча ходимларнинг бандлигини тугатиш ташкилотнинг корхонани ёпиш ва уларнинг бандлигини тугатиш қарори натижаси бўлади (яъни барча ходимлар корхона ёпилганда ишдан бўшайди). Шу туфайли, ташкилот ишдан бўшатиш нафақалари учун 1,200,000 п.б. (яъни $120 \times 10,000$ п.б.) га тенг мажбуриятни тан олади, бунда даромад дастурига мувофиқ тугатиш дастури эълон қилинган пайт билан ташкилот корхона ёпилишига боғлиқ бўлган қайта ташкил этиш бўйича сарфларни тан оладиган пайтнинг эртароғида тан олинади.

159-170-бандларга оид мисол

Хизмат эвазига тўланадиган даромадлар

Агар ходимлар тўлик ўн ойлик даврда хизмат кўрсатганда улар оладиган қўшимча ҳақлар ушбу давр мобайнида кўрсатилган хизматлар эвазига бўлади. Ташкилот уларни ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари сифатида ҳисобга олади, чунки ташкилот уларни йиллик ҳисобот даври охиридан сўнг ўн икки ойдан олдин ҳисоб-китоб қилишни назарда тутди. Ушбу мисолда дисконтлаш талаб этилмайди, шунинг учун ҳар ойда 200,000 п.б. (яъни 2,000,000 п.б. ÷ 10) га тенг харажат ўн ойлик хизмат даври мобайнида тан олинади, бунда мажбуриятнинг баланс қиймати мувофиқ тарзда ошиб боради.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 171 Мазкур стандарт ишдан бўшатиш нафақалари бўйича муайян маълумотлар ёритиб берилишини талаб этмасда, бошқа МҲХСлар бундай маълумотлар ёритиб берилишини талаб этиши мумкин. Масалан, 24-сон БҲХС муҳим бошқарув ходимларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ёритиб беришни талаб этади. 1-сон БҲХС ходимларнинг даромадлари бўйича харажатларини ёритиб беришни талаб этади.

Ўтиш қоидалари ва кучга кириш санаси


- 172 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур шарҳни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 173 Ташкилот мазкур стандартни 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашдаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ ретроспектив тарзда қўллаши лозим, бундан қуйидагилар мустасно:
- (а) ташкилот мазкур стандартнинг қўллаш доирасидан ташқарида бўлган активларнинг баланс қийматини дастлабки қўллаш санасидан олдин баланс қийматга киритилган ходимларнинг даромадлари бўйича харажатлардаги ўзгаришларга нисбатан тузатиши талаб этилмайди. Дастлабки қўллаш санаси ташкилот мазкур стандартни қабул қиладиган биринчи молиявий ҳисоботда тақдим этилган энг олдинги даврнинг бошидир
 - (б) 2014 йилнинг 1 январидан олдин бошланадиган даврлар учун молиявий ҳисоботда, ташкилот 145-бандда талаб этилган белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг таъсирчанлиги тўғрисида маълумотларни ёритиб бериши учун қиёсий маълумотларни тақдим этиши талаб этилмайди.
- 174 2011 йилнинг май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХСга асосан 8-банддаги ҳаққоний қиймат таърифи ўзгартирилган ва 113-банд ҳам ўзгартирилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 175 2013 йил ноябр ойида эълон қилинган “*Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари: ходимларнинг бадаллари*” (19-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 93–94 бандларга ўзгартиришлар киритилган. 2013 йил ноябрда эълон қилинган “*Маълумотларни ёритиб бериш ташаббуси*” (19-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 93-94 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилотлар ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашдаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ ретроспектив қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 176 2014 йил сентябрь ойида эълон қилинган “*2010-2012 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар*” бўйича 83 бандга ўзгартириш киритилган ва 177 банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 177 Ташкилот 176-банддаги ўзгаришларни ташкилот ушбу ўзгаришни биринчи молиявий ҳисоботда тақдим этилган энг олдинги қиёсий даврнинг бошидан бошлаб қўллаши лозим. Ўзгартиришларни қўллаш натижасида юзага келадиган ҳар қандай дастлабки тузатиш ушбу давр бошида тақсимланмаган фойдада тан олиниши лозим.

- 178 *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*
- 179 2018 йил феврал ойида эълон қилинган “Пенсия дастурига ўзгартиришлар киритиш, дастурни қисқартириш ёки дастур бўйича мажбуриятларни сўндириш” (19-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 101А, 122А ва 123А бандлар киритилган ва 57, 99, 120, 123, 125, 126 ва 156 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2019 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган биринчи йиллик ҳисобот даврининг бошида ёки ундан кейин содир бўлган дастурдаги ўзгаришлар, қисқартиришлар ёки ҳисоб-китобларга қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга руҳсат этилади. Агарда ташкилот мазкур стандартни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

А Илова Қўллаш бўйича кўрсатма

Мазкур илова МҲХСнинг ажралмас қисмидир. Ушбу илова 92-93-бандларнинг қўлланишини ифодалайди ва МҲХСнинг бошқа қисмлари билан тенг кучлидир.

А1 Ходимлар ёки учинчи томонлардан бадаллар бўйича ҳисобга олиш талаблари қуйидаги диаграммада келтирилган.



(1) Ушбу кўрсаткич ташкилотга иккита ҳисобга олишнинг исталганини танлашга рухсат берилганлигини англатади

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
10-ИЛОВА

20-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш¹

Қўллаш доираси

- 1 Мазкур стандарт давлат грантларини ҳисобга олиш ва ёритиб беришда ҳамда давлат ёрдамининг бошқа шакллари ёритиб беришда қўлланиши лозим.
- 2 Мазкур стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланмайди:
 - (а) нархлар ўзгариши таъсирларини акс эттирадиган молиявий ҳисоботда ёки шунга ўхшаш хусусиятдаги қўшимча маълумотларда давлат грантларини ҳисобга олишда юзага келадиган ўзига хос масалалар;
 - (б) солиқ солинадиган фойда ёки зарарни аниқлашда ёки фойда солиғи бўйича мажбурият суммаси асосида аниқладиган ёки у билан чекланган, имтиёзлар тарзида ташкилотга тақдим этиладиган давлат ёрдами. Бундай имтиёзларга фойда солиғи бўйича таътилар, инвестицияга оид солиқ имтиёзлари, тезлаштирилган эскириш бўйича солиқ чегирмалари ва пасайтирилган фойда солиғи ставкалари мисол бўлади;
 - (в) ташкилот капиталида давлатнинг иштироки;
 - (г) 41-сон БҲХС “Қишлоқ хўжалиги”да назарда тутилган давлат грантлари.

Таърифлар

- 3 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Давлат - давлат, давлат идоралари ва шунга ўхшаш ташкилотлар, шу жумладан маҳаллий, миллий ёки халқаро ташкилотларни англатади.

Давлат ёрдами - бу муайян мезонларга жавоб берадиган муайян ташкилотни ёки бир қатор ташкилотларни иқтисодий наф билан таъминлашга қаратилган давлат ҳаракатидир. Мазкур стандарт мақсадларида давлат ёрдами тижорат фаолияти ҳолатига таъсир этадиган чоралар орқали, масалан ривожланаётган ҳудудларда инфратузилмани таъминлаш ёки рақобатчиларга савдо чекловларини белгилаш каби фақат билвосита таъминладиган нафларни ўз ичига олмайди.

Давлат грантлари - бу ташкилотнинг операцион фаолияти билан боғлиқ маълум шартларни ўтган даврда ёки келгусида бажариши эвазига ташкилотга ресурсларни ўтказиш шаклидаги давлат ёрдамидир. Асосланган тарзда баҳолаб бўлмайдиган давлат ёрдамлари ва ташкилотнинг одатдаги тижорат операцияларидан фарқланмайдиган давлат билан боғлиқ операциялар давлат грантига кирмайди.²

Активларга оид грантлар - берилишининг асосий шarti грант олиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот томонидан узоқ муддатли активларни сотиб олиншини, барпо этилишини ёки бошқа шаклларда харид қилинишини талаб этадиган давлат грантидир. Бундай активлар

¹ 2008 йил май ойида эълон қилинган “МХХСларга такомиллаштириш”нинг бир қисми сифатида Кенгаш томонидан мазкур стандартдаги атамаларни бошқа МХХСлар билан мос бўлиши учун қуйидагича ўзгартирилган: (а) “солиқ солинадиган даромад” атамаси “солиқ солинадиган фойда ёки зарар” атамасига ўзгартирилган, (б) “даромад/харажат сифатида тан олинган” атамаси “фойда ёки зарардан тан олинган” атамасига ўзгартирилган, (в) “акциядорлар улушига/хусусий капиталга бевосита кредитланган” атамаси “фойда ёки зарар таркибидан ташқарида тан олинган” атамасига ўзгартирилган ва (г) “ҳисоб баҳосини қайта кўриб чиқиш” атамаси “ҳисоб баҳосидаги ўзгариш” атамасига ўзгартирилган.

² 10-сон ШДҚ “Давлат ёрдами-операцион фаолиятга аниқ боғлиқлик йўқлиги”га ҳам қаранг.

турини ёки жойини ёки уларни харид қилиш ёки сақлаш муддатларини чегаралайдиган қўшимча шартлар киритилган бўлиши мумкин.

Даромадга оид грантлар - бу активларга оид грантлардан ташқари давлат грантларидир.

Шартли қайтарилмайдиган қарзлар - муайян белгиланган шартлар бажарилиши билан қарз берувчи қайтарилишини талаб қилмайдиган қарзлардир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир. (13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”га қаранг.)

- 4 Давлат ёрдами тақдим этилган ёрдам хусусияти ва у билан одатда боғлиқ шартларга қараб турли шаклларда бўлиши мумкин. Ёрдамнинг мақсади ташкилот одатда бундай ёрдамни олмаган тақдирда амалга оширмайдиган фаолият билан шуғулланишга ундашдан иборат бўлиши мумкин.
- 5 Ташкилот томонидан давлат ёрдами олинishi иккита сабаб туфайли молиявий ҳисоботни тайёрлашда аҳамиятли бўлиши мумкин. Биринчидан, агар ресурслар ўтказилган бўлса, бундай ўтказишни ҳисобга олишнинг ўринли усули аниқланиши лозим. Иккинчидан, ташкилот ҳисобот даври мобайнида бундай ёрдамдан қай даражада наф олганлигини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ташкилотнинг молиявий ҳисоботини олдинги даврларнинг ва бошқа ташкилотларнинг молиявий ҳисоботи билан қиёслашни осонлаштиради.
- 6 Давлат грантлари баъзида субсидиялар, субвенциялар ёки мукофотлар каби бошқа номлар билан аталиши мумкин.

Давлат грантлари

- 7 **Давлат грантлари, шу жумладан ҳаққоний қийматдаги номонетар грантлар, қуйидагилар бўйича асосли ишонч мавжуд бўлмагунга қадар тан олинмаслиги лозим:**
 - (а) **ташкилот грант олиш билан боғлиқ шартларга риоя этиши; ва**
 - (б) **грантлар олинishi.**
- 8 Давлат грантлари ташкилот грант олиш билан боғлиқ шартларга риоя этиши ва грантлар олинishi бўйича асосли ишонч мавжуд бўлмагунга қадар тан олинмайди. Грант олинishининг ўзи у билан боғлиқ шартлар бажарилгани ёки бажарилиши бўйича ишончли далилни таъминламайди.
- 9 Грантни олиш усули грантга нисбатан қўлланидиган ҳисобга олиш усулига таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун, грант пул маблағи шаклида ёки давлат олдидаги мажбуриятнинг камайishi шаклида олинishидан қатъий назар, бир хил тарзда ҳисобга олинади.
- 10 Давлат томонидан берилган шартли қайтарилмайдиган қарз, агар ташкилот қарзнинг қайтарилмаслиги шартларини бажаришига асосли ишонч бўлса, давлат гранти сифатида ҳисобга олинади.
- 10А Бозордан паст фоиз ставкаси бўйича давлат томонидан берилган қарзлардан олинадиган наф давлат гранти сифатида ҳисобга олинади. Бундай қарз 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”га мувофиқ тан олинishi ва баҳоланиши лозим. Бозордан паст фоиз ставкасидан фойдаланишдан олинadиган наф бундай қарзнинг 9-сон МҲХСга мувофиқ аниқланган дастлабки баланс қиймати ва олинган маблағлар ўртасидаги фарқ сифатида баҳоланиши лозим. Бундай наф мазкур стандартга мувофиқ ҳисобга олинади. Ташкилот қарздан олинadиган наф билан қопланиши лозим бўлган сарфларни аниқлашда бажарилган ёки бажарилиши лозим бўлган шартлар ва жавобгарликларни кўриб чиқиши лозим.
- 11 Давлат гранти тан олингандан сўнг, у билан боғлиқ ҳар қандай шартли мажбурият ёки шартли актив 37-сон БҲХС “*Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*”га мувофиқ ҳисобга олинади.
- 12 **Давлат грантлари тизимли асосда, улар билан қопланиши қўзланган тегишли сарфларни харажатлар сифатида тан олинadиган даврлар мобайнида фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим.**
- 13 Давлат грантларини ҳисобга олиш тартибига оид иккита асосий ёндашув мавжуд: биринчиси капитал ёндашуви бўлиб, бунда грант фойда ёки зарар таркибидан ташқарида тан олинади; иккинчиси даромад ёндашуви бўлиб, бунда грант бир ёки бир нечта даврлар мобайнида фойда ёки зарар таркибида тан олинади.
- 14 Капитал ёндашувининг тарафдорлари қуйидаги далилларни келтирадилар:

- (а) давлат грантлари молиялаштириш воситаси бўлиб, улар орқали молиялаштириладиган харажат моддалари ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун фойда ёки зарар таркибида тан олиними эмас, балки молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши лозим. Грантнинг қайтарилиши кутилмаслиги сабабли, бундай грантлар фойда ёки зарар таркибидан ташқарида тан олиними лозим.
- (б) давлат грантларини фойда ёки зарар таркибида тан олиш ноўрин, чунки улар ишлаб топилмаган, аксинча ҳеч қандай сарфлар билан боғланмаган давлат томонидан тақдим этилган рағбатлантирувчи маблағларни назарда тутати.
- 15 Даромад ёндашувининг тарафдорлари қуйидаги далилларни келтирадилар:
- (а) давлат грантлари акциядорлар билан боғлиқ бўлмаган манбадан олинганлиги сабабли, улар бевосита хусусий капиталда эмас, балки тегишли даврлардаги фойда ёки зарар таркибида тан олиними лозим.
- (б) давлат грантлари камдан-кам ҳолатларда беғараз тақдим этилади. Ташкилот уларнинг шартларига риоя этиш ва назарда тутилган жавобгарликларни бажариш орқали уларни ишлаб топади. Шунинг учун, давлат грантлари, улар билан қопланиши кўзланган тегишли сарфларни харажатлар сифатида тан олинмаган даврлар мобайнида фойда ёки зарар таркибида тан олиними лозим.
- (в) фойда солиғи ва бошқа солиқлар ўзида харажатларни ифодалаганлиги сабабли, фискал сиёсатнинг давоми бўлган давлат грантларини ҳам фойда ёки зарар таркибида ҳисобга олиш мантиқан тўғри бўлади.
- 16 Даромад ёндашувида шуниси муҳимки, давлат грантлари тизимли асосда, улар билан қопланиши кўзланган тегишли сарфларни харажатлар сифатида тан олинмаган даврлар мобайнида фойда ёки зарар таркибида тан олиними лозим. Давлат грантларини олинган пайтда фойда ёки зарар таркибида тан олиними ҳисоблаш усулига мувофиқ бўлмайди (1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*”га қаранг) ва бунга, фақатгина грантни олинган даврдан бошқа даврларга тақсимлаш учун ҳеч қандай асос мавжуд бўлмаса, руҳсат этилиши мумкин.
- 17 Кўп ҳолатларда ташкилот давлат грантига тегишли сарфларни ёки харажатларни тан оладиган даврлар осон аниқланади. Шунинг учун, муайян харажатларни тан олишда, грантлар тегишли харажатлар тан олинмаган даврда фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Шунингдек, эскириш ҳисобланмайдиган активларга оид грантлар одатда фойда ёки зарар таркибида ушбу активлар бўйича эскириш харажати тан олинмаган тегишли даврлар мобайнида ва тегишли улушларда тан олинади.
- 18 Эскириш ҳисобланмайдиган активларга оид грантлар ҳам муайян жавобгарликлар бажарилишини талаб этиши мумкин ва бундай грантлар жавобгарликларни бажариш бўйича сарфлар амалга ошириладиган даврлар мобайнида фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Мисол учун, ер майдони шаклидаги грант ушбу майдонда бино барпо этилиши шарт билан берилган бўлиши мумкин ва грантни бинонинг фойдали хизмат муддати мобайнида фойда ёки зарар таркибида тан олиш ўринли бўлиши мумкин.
- 19 Грантлар баъзида бир қатор шартларга эга бўлган комплекс молиявий ёки фискал ёрдамнинг бир қисми сифатида олиними мумкин. Бундай ҳолатларда, грант ишлаб топилмаган даврларни белгилайдиган сарфлар ва харажатларни юзага келтирадиган ҳолатларни аниқлашда эҳтиёткорлик талаб этилади. Грантнинг муайян қисмини бир асосда ва бошқа қисмини бошқа асосда тақсимлаш ўринли бўлиши мумкин.
- 20 Ташкилот томонидан аллақачон амалга оширилган харажатлар ёки зарарларни қоплаш тарзида ёки келгусидаги ҳеч қандай сарфларга боғлиқ бўлмаган тезкор молиявий ёрдам тарзида олинмаган давлат гранти олиними лозим бўлган даврда фойда ёки зарар таркибида тан олиними лозим.**
- 21 Айрим ҳолатларда, давлат гранти муайян сарфларни амалга ошириш учун рағбатлантирувчи маблағлар сифатида эмас, балки ташкилотга тезкор молиявий ёрдам бериш мақсадида тақдим этилиши мумкин. Бундай грантлар маълум бир ташкилотга йўналтирилган бўлиши ва бенефициарларнинг бутун синфи учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолатлар ташкилот грантни олиши учун талаб этилган шартлар бажарилган даврда, унинг таъсирини аниқ тушуниш учун ёритиб берилмайдиган маълумотлар билан бирга фойда ёки зарар таркибида тан олиними учун асос бўлиши мумкин.
- 22 Давлат гранти ташкилот томонидан олдинги даврда аллақачон амалга оширилган харажатлар ёки зарарларни қоплаш тарзида олиними мумкин. Бундай грант олиними лозим бўлган даврда фойда ёки зарар таркибида тан олинади, бунда унинг таъсирини аниқ тушуниш учун маълумотлар ёритиб берилмади.

Номонетар давлат грантлари

- 23 Давлат гранти ташкилот фойдаланиши учун ер ёки бошқа ресурслар каби номонетар активни ўтказиб бериш шаклида бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, одатда, номонетар актив ҳаққоний қийматда баҳоланади ва грант ҳам, актив ҳам ушбу ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинади. Баъзида муқобил ёндашув сифатида актив ҳам, грант ҳам номинал қийматда ҳисобга олинади.

Активларга оид грантларни акс эттириш

- 24 **Активларга оид давлат грантлари, жумладан ҳаққоний қийматдаги номонетар грантлар, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда кечиктирилган даромад сифатида ёки активнинг баланс қийматини аниқлашда грант қийматини чегириш орқали акс эттирилиши лозим.**
- 25 Активларга оид грантларни (ёки грантларнинг тегишли қисмларини) молиявий ҳисоботда тақдим этишнинг икки усули ҳам муқобил қабул қилинади.
- 26 Биринчи усулга кўра, грант активнинг фойдали хизмат муддати мобайнида тизимли асосда фойда ёки зарар таркибида тан олинган кечиктирилган даромад сифатида тан олинади.
- 27 Иккинчи усулга кўра, грант суммаси активнинг баланс қийматини ҳисоблашда чегириб ташланади. Грант эскириш ҳисобланган активнинг фойдали хизмат муддати мобайнида фойда ёки зарар таркибида эскириш харажатининг камайиши тарзида тан олинади.
- 28 Активлар харид қилиниши ва тегишли грантлар олинishi ташкилот пул оқимидаги аҳамиятли ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабга кўра ва активларга жами инвестициялар қийматини акс эттириш мақсадида, бундай ўзгаришлар кўп ҳолларда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этиш мақсадларида грант қиймати тегишли активдан чегирилган ёки чегирилмаган бўлишидан катъий назар, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида моддалар сифатида ёритиб берилadi.

Даромадга оид грантларни акс эттириш

- 29 Даромадга оид грантлар фойда ёки зарарнинг бир қисми сифатида алоҳида-алоҳида ёки “Бошқа даромадлар” каби умумий модда таркибида акс эттирилади; муқобил тарзда, улар ҳисоботда акс эттириладиган тегишли харажатлардан чегирилади.
- 29А [Чиқариб ташланган]
- 30 Биринчи усул тарафдорлари даромад ва харажат моддаларини ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши ноўрин эканлигини ва грантни харажатдан ажратиш грант таъсир кўрсатмайдиган бошқа харажатлар билан қиёслашни осонлаштиришини таъкидлайдилар. Иккинчи усул бўйича, агар грант мавжуд бўлмаганда, ташкилот томонидан харажатлар амалга оширилмаган бўлар эди ва шу сабабли харажатни грант билан ўзаро ҳисоб-китоб қилмасдан тақдим этиш фойдаланувчини чалғитиши мумкин деган далиллар келтирилади.
- 31 Иккала усуллар ҳам даромадга оид грантларни тақдим этишда муносиб усуллар ҳисобланади. Грант тўғрисидаги маълумотларни ёритиб берилиши молиявий ҳисоботни тўғри тушуниш учун зарур бўлиши мумкин. Грантларнинг алоҳида ёритиб берилиши талаб этиладиган даромад ёки харажатнинг ҳар қандай моддасига таъсирини ёритиб бериш одатда ўринлидир.

Давлат грантларини қайтарилиши

- 32 Давлат грантининг қайтариладиган бўлиши ҳисоб баҳосидаги ўзгариш тарзида ҳисобга олинishi лозим (8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га қаранг). Даромадга оид грантни қайтарилиши биринчи навбатда грант бўйича тан олинган ҳар қандай амортизацияланмаган кечиктирилган даромадни камайитириш орқали амалга оширилиши лозим. Қайтариладиган сумманинг бундай кечиктирилган даромаддан ошган қисми ёки кечиктирилган даромад мавжуд бўлмаса, қайтариш суммаси бевосита фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим. Активга оид грантни қайтариш қайтариладиган суммага активнинг баланс қийматини ошириш ёки кечиктирилган даромад қолдиғини камайитириш орқали тан олинishi лозим. Грант олинмаган тақдирда қайтариш санасигача ҳисобланиши мумкин бўлган жамғарилган қўшимча эскириш суммаси бевосита фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим.
- 33 Активга оид грантни қайтаришни юзага келтирадиган ҳолатлар актив янги баланс қийматининг мумкин бўлган қадрсизланишини кўриб чиқишни талаб этиши мумкин.

Давлат ёрдами

- 34 Мазкур стандартнинг 3-бандидаги давлат грантлари таърифидан асосланган тарзда баҳолана олмайдиган давлат ёрдамининг муайян шакллари ва ташкилотнинг одатдаги тижорат операцияларидан фарқланмайдиган, давлат билан боғлиқ операциялар истисно қилинган.
- 35 Асосланган тарзда баҳолана олмайдиган ёрдамга мисол тариқасида бепул техник ёки маркетинг маслаҳати ва кафолатларнинг тақдим этилишини келтириш мумкин. Ташкилотнинг одатдаги тижорат операцияларидан фарқланмайдиган ёрдамга мисол тариқасида ташкилот савдосини бир қисмини таъминлайдиган, давлатнинг харид сиёсатини келтириш мумкин. Нафнинг мавжудлигига шубҳа бўлмаслиги мумкин, аммо тижорат операцияларини давлат ёрдамидан ажратиш бўйича ҳар қандай уриниш шартли асосда бўлиши мумкин.
- 36 Юқоридаги мисолларда таъкидланган наф молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини чалғитмаслиги учун давлат ёрдамининг хусусияти, даражаси ва давомийлиги ёритиб берилиши зарурлиги юзасидан аҳамиятли бўлиши мумкин.
- 37 [Чиқариб ташланган]
- 38 Мазкур стандартда давлат ёрдами умумий транспорт ва алоқа тармоғини такомиллаштириш орқали инфратузилмани таъминлашни ва бутун маҳаллий ҳамжамият манфаати учун узлуксиз асосда мавжуд бўладиган ирригация ёки сув таъминоти каби такомиллаштирилган тизимларни таъминлашни ўз ичига олмайди.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 39 Қуйидаги маълумотлар ёритиб берилиши лозим:
- (а) давлат грантлари бўйича қабул қилинган ҳисоб сиёсати, жумладан уларни молиявий ҳисоботда акс эттиришнинг қабул қилинган усуллари;
 - (б) молиявий ҳисоботда тан олинган давлат грантларининг характери ва миқдори ҳамда ташкилот бевосита наф олган давлат ёрдамининг бошқа шаклларини кўрсатиш; ва
 - (в) тан олинган давлат ёрдамига боғлиқ бажарилмаган шартлар ва бошқа шартли ҳолатлар.

Ўтиш қоидалари

- 40 Мазкур стандартни биринчи марта қабул қилаётган ташкилот:
- (а) ўринли бўлганда, маълумотларни ёритиб бериш талабларига риоя этиши лозим; ва
 - (б) ёки:
 - (i) 8-сон БҲХСга мувофиқ ўзининг молиявий ҳисоботини ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш бўйича тузатиши лозим; ёки
 - (ii) мазкур стандартнинг бухгалтерия ҳисоби шартларини фақатгина стандартнинг кучга кириш санасидан кейин олинадиган ёки қайтариладиган грантларга ёки грантлар қисмларига нисбатан қўллаши лозим.

Кучга кириш санаси

- 41 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 1984 йил 1 январдан бошланадиган ёки ундан кейинги даврлар учун қўлланиши лозим.
- 42 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шу билан бирга, унга асосан 29А банд киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласса, ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 43 2008 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар”га асосан 37 банд чиқариб ташланган ва 10А банд киритилган. Ташкилотлар мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январдан бошланадиган ёки ундан кейинги даврларда олинган давлат томонидан берилган қарзларга нисбатан

перспектив тарзда қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

44 [Чиқариб ташланган]

45 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС бўйича 3 банддаги ҳаққоний қиймат таърифи ўзгартирилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

46 2011 йил июн ойида эълон қилинган “*Бошқа умумлашган даромад моддаларини тақдим этиши*” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар)га асосан 29-банд ўзгартирилган ва 29А банд чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2011 йил июнда ўзгартирилган 1 - сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

47 [Чиқариб ташланган]

48 2014 йил июл ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 10А банд ўзгартирилган ва 44 ҳамда 47 бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
11-ИЛОВА

21-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари

Мақсад

- 1 Ташкилот чет эл валютасидаги операцияларни икки усулда амалга ошириши мумкин. У чет эл валютасида ифодаланган операцияларни амалга ошириши ёки чет элдаги бўлинмага эга бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ташкилот молиявий ҳисоботини чет эл валютасида тақдим этиши мумкин. Ушбу стандартнинг мақсади чет эл валютасидаги операцияларни ва чет элдаги бўлинмани қандай қилиб молиявий ҳисоботда акс эттиришни ҳамда молиявий ҳисоботни тақдим этиш валютасига қандай қилиб ўтказишни белгилашдан иборатдир.
- 2 Асосий масалалар бўлиб қайси айирбошлаш курс(лар)идан фойдаланиш ва молиявий ҳисоботда айирбошлаш курсларидаги ўзгаришлар таъсирларини қандай қилиб тақдим этиш ҳисобланади.

Қўллаш доираси

- 3 Мазкур стандарт қуйидаги ҳолатларда қўлланиши лозим:¹
 - (а) чет эл валюталаридаги операцияларни ва қолдиқларни ҳисобга олишда, бундан 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”нинг қўллаш доирасидаги дериватив операциялар ва қолдиқлар мустасно;
 - (б) консолидациялаш ёки улушли қатнашиш усули орқали ташкилотнинг молиявий ҳисоботида акс эттириладиган чет элдаги бўлинманинг фаолият натижаларини ва молиявий ҳолатини бир валютадан бошқа валютага ўтказишда; ва
 - (в) ташкилотнинг фаолият натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳисобот тақдим этиш валютасига ўтказишда.
- 4 9-сон МҲХС кўпгина чет эл валютасидаги деривативларга нисбатан қўлланади ва шунга мувофиқ улар мазкур стандартнинг қўллаш доирасига кирмайди. Лекин, 9-сон МҲХСнинг қўллаш доирасида бўлмаган чет эл валютасидаги деривативлар (масалан, бошқа шартномаларга бириктирилган баъзи чет эл валютасидаги деривативлар) мазкур стандартнинг қўллаш доирасига қиради. Шу билан бирга, мазкур стандарт ташкилот деривативларга тегишли суммаларни функционал валютасидан ҳисобот тақдим этиш валютасига ўтказганда ҳам қўлланади.
- 5 Мазкур стандарт чет эл валютасидаги моддалар бўйича ҳежлаш ҳисобига, жумладан чет элдаги бўлинмага соф инвестицияни ҳежлашга нисбатан қўлланмайди. Ҳежлаш ҳисобига нисбатан 9-сон МҲХС қўлланади.
- 6 Мазкур стандарт ташкилотнинг молиявий ҳисоботини чет эл валютасида тақдим этишга нисбатан қўлланади ва бундай молиявий ҳисоботни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХСлар) мувофиқ акс эттирилиши учун талабларни белгилайди. Ушбу талабларга жавоб бермайдиган молиявий маълумотларни чет эл валютасига ўтказиш учун мазкур стандарт ёритиб берилиши талаб этиладиган маълумотларни белгилайди.
- 7 Мазкур стандарт пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда чет эл валютасидаги операциялардан юзага келадиган пул оқимларини акс эттиришга ёки чет элдаги бўлинманинг пул оқимларини бир валютадан бошқа валютага ўтказишга нисбатан қўлланмайди (7-сон БҲХС “*Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот*”га қаранг).

¹ 7-сон ШДҚ “*Евронинг муомалага киритилиши*”га ҳам қаранг.

Таърифлар

- 8 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Ҳисобот санасидаги курс* - бу ҳисобот даври охиридаги жорий айирбошлаш курсидир.
- Курс фарқи* - бу бир валюта бирликларининг маълум миқдорини турли айирбошлаш курсларида бошқа валютага ўтказишдан юзага келадиган фарқдир.
- Айирбошлаш курси* - бу бир валютани бошқасига айирбошлаш коэффициентидир.
- Ҳаққоний қиймат* - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир. (13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”га қаранг.)
- Чет эл валютаси* - бу ташкилотнинг функционал валютасидан фарқли бўлган валютадир.
- Чет элдаги бўлинма* - бу фаолияти ҳисобот берувчи ташкилот мамлакатидан бошқа мамлакатда амалга ошириладиган ёки ҳисобот берувчи ташкилотнинг валютасидан фарқли бўлган валютага асосланган, ҳисобот берувчи ташкилотнинг шўъба ташкилоти, таъсир остидаги ташкилоти, биргаликдаги фаолият бўйича келишуви ёки филиали бўлган ташкилотдир.
- Функционал валюта* - бу ташкилот фаолият юритадиган асосий иқтисодий муҳитнинг валютасидир.
- Гуруҳ* - бу бош ташкилот ва унинг барча шўъба ташкилотларидир.
- Монетар моддалар* - нақд ҳолатда бўлган валюта бирликлари, шунингдек қатъий белгиланган ва ёки аниқласа бўладиган валюта бирликлари миқдори билан ифодаланган олинishi ёки тўланиши керак бўлган активлар ва мажбуриятлардир.
- Чет элдаги бўлинмага соф инвестициялар* - бу ҳисобот берувчи ташкилотнинг ушбу бўлинманинг соф активларидаги улушидир.
- Ҳисобот тақдим этиш валютаси* - бу молиявий ҳисобот тақдим этиладиган валютадир.
- Жорий айирбошлаш курси* - бу дарҳол айирбошлаш учун мавжуд бўлган курсдир.

Таърифларни батафсил аниқлаштириш

Функционал валюта

- 9 Ташкилот фаолият юритадиган асосий иқтисодий муҳит бу одатда пул маблағларининг асосий қисми ишлаб топиладиган ва сарфланадиган муҳит ҳисобланади. Ташкилот функционал валютасини аниқлашда қуйидаги омилларни инобатга олади:
- (а) қуйидаги валютани:
- (i) товарлар ва хизматларнинг сотиш нархларига энг кўп таъсир кўрсатадиган валютани (бу кўп ҳолларда товарлар ва хизматларнинг сотиш нархлари белгиланадиган ва ҳисоб-китоб қилинадиган валютадир); ва
- (ii) товарлар ва хизматларнинг сотиш нархлари асосан рақобат шартлари ва меъёрий ҳужжатлар асосида аниқланадиган мамлакатнинг валютасини.
- (б) товарлар ёки хизматларни таъминлашда ишчи кучи, хом-ашё ва бошқа сарфларга асосан таъсир қиладиган валюта (бу кўп ҳолларда бундай сарфлар белгиланадиган ва ҳисоб-китоб қилинадиган валютадир).
- 10 Ташкилотнинг функционал валютасини аниқлашда қуйидаги омиллардан ҳам фойдаланиш мумкин:
- (а) молиявий фаолиятдан (масалан, қарз ва улушли инструментларни чиқаришдан) келиб тушадиган валюта.
- (б) операцион фаолиятдан келиб тушадиган маблағлар одатда сақланадиган валюта.
- 11 Қуйидаги қўшимча омиллар чет элдаги бўлинманинг функционал валютасини ҳамда унинг функционал валютаси ҳисобот берувчи ташкилотнинг функционал валютаси билан бир хиллигини аниқлашда инобатга олинади (ушбу ҳолатда ҳисобот берувчи ташкилот деганда шўъба ташкилот, филиал, таъсир остидаги ташкилот, ёки биргаликдаги фаолият бўйича келишув тарзидаги чет элдаги бўлинмага эга ташкилот тушунилади):
- (а) чет элдаги бўлинма ўз фаолиятини ҳисобот берувчи ташкилотнинг кенгайтирилган фаолияти тарзида ёки аҳамиятли даражада мустақил амалга ошириши. Ушбу ҳолатларнинг

- биринчисига мисол тарикасида, чет элдаги бўлинма фақатгина ҳисобот берувчи ташкилотдан импорт қилинган товарларни сотадиган ва унга тушумларни ўтказиб берадиган ҳолатни келтириш мумкин. Ушбу ҳолатларнинг иккинчисига мисол тарикасида, чет элдаги бўлинма пул маблағларини ва бошқа монетар моддаларини жамғариш, харажатларни амалга ошириш, даромад топиш ва қарзларни олишнинг барчасини асосан ўзининг маҳаллий валютасида ташкил этадиган ҳолатни келтириш мумкин.
- (б) ҳисобот берувчи ташкилот билан операциялар чет элдаги бўлинма умумий операциялари ҳажмининг кўп ёки кам улушини ташкил этиши.
- (в) чет элдаги бўлинма фаолиятдан пул оқимлари ҳисобот берувчи ташкилотнинг пул оқимларига бевосита таъсир этиши ва унга ўтказиб бериш учун исталган пайтда тайёр бўлиши.
- (г) чет элдаги бўлинманинг фаолиятдан пул оқимлари ҳисобот берувчи ташкилотнинг маблағларини жалб қилмаган ҳолда, мавжуд ва одатда кутиладиган қарз мажбуриятларини коплаш учун етарли бўлиши.
- 12 Юқоридаги кўрсаткичлар ягона хулосага келиш имконини бермаса ва функционал валюта аниқ бўлмаса, раҳбарият тегишли операциялар, ходисалар ва шартларнинг иқтисодий оқибатларини энг юқори даражада рўйи-рост тақдим этадиган функционал валютани аниқлашда ўз мулоҳазасидан фойдаланади. Ушбу ёндашувнинг бир қисми сифатида, раҳбарият ташкилотнинг функционал валютасини аниқлашда қўшимча асосларни таъминлашга қаратилган 10 ва 11 бандлардаги кўрсаткичларни кўриб чиқишдан олдин, асосий эътиборини 9 банддаги бирламчи кўрсаткичларга қаратади.
- 13 Ташкилотнинг функционал валютаси унга тегишли операциялар, ходисалар ва шартларни акс эттиради. Шунга кўра, функционал валюта бир марта аниқлангандан сўнг, бундай операциялар, ходисалар ва шартларда ўзгариш бўлмагунча функционал валюта ўзгартирилмайди.
- 14 Агар функционал валюта гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютаси бўлса, ташкилотнинг молиявий ҳисоботи 29-сон БҲХС *“Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисобот”*га мувофиқ қайта ҳисобланади. Ташкилот мазкур стандартга мувофиқ аниқланган функционал валютадан бошқа валютани функционал валюта сифатида (масалан, унинг бош ташкилотининг функционал валютасини) қабул қилиш орқали 29-сон БҲХСга мувофиқ қайта ҳисоблашни четлаб ўта олмайди.

Чет элдаги бўлинмага соф инвестиция

- 15 Ташкилот чет элдаги бўлинмадан олинадиган ёки унга тўланадиган монетар моддага эга бўлиши мумкин. Сўндирилиши яқин келажакда режалаштирилмаган ва содир бўлиш эҳтимоли бўлмаган модда, моҳиятан, ташкилотнинг ушбу чет элдаги бўлинмага соф инвестициясининг бир қисми ҳисобланади ва у 32 ва 33 бандларга мувофиқ ҳисобга олинади. Бундай монетар моддалар узок муддатли дебиторлик қарзларини ёки берилган қарзларни ўз ичига олиши мумкин. Улар савдо дебиторлик қарзлари ёки савдо кредиторлик қарзларини ўз ичига олмайди.
- 15А 15-бандда тавсифланган чет элдаги бўлинмадан олинадиган ёки унга тўланадиган монетар моддага эга ташкилот гуруҳнинг ҳар қандай шўъба ташкилоти бўлиши мумкин. Масалан, ташкилот иккита, А ва Б, шўъба ташкилотларига эга. Б шўъба ташкилот чет элдаги бўлинмадир. А шўъба ташкилоти Б шўъба ташкилотига қарз беради. Б шўъба ташкилотидан олинадиган қарз, агар қарзнинг сўндирилиши яқин келажакда режалаштирилмаган бўлса ва содир бўлиш эҳтимоли бўлмаса, бундай олинадиган қарз А шўъба ташкилотининг Б шўъба ташкилотига соф инвестициясининг бир қисми ҳисобланади. Юқоридаги ҳолат А шўъба ташкилотининг ўзи чет элдаги бўлинма бўлганда ҳам амал қилади.

Монетар моддалар

- 16 Монетар модданинг асосий жиҳати бу валюта бирликларининг қатъий белгиланган ёки аниқланадиган миқдорини олиш ҳуқуқидир (ёки ўтказиш мажбуриятидир). Мисол тарикасида пул маблағларида тўланадиган пенсиялар ва ходимларнинг бошқа даромадлари, пул маблағларида сўндириладиган баҳоланган мажбуриятлар, ижара мажбуриятлари ва мажбурият сифатида тан олинган пул маблағларида тўланадиган дивидендларни келтириш мумкин. Худди шу каби, олинадиган (ёки ўтказиладиган) ҳаққоний қиймат валюта бирликларининг қатъий белгиланган ёки аниқланадиган миқдорига тенг бўлган ҳолатдаги ташкилотнинг улушли инструментларининг ўзгарувчан миқдорини ёки активларнинг ўзгарувчан қийматини олиш (ёки ўтказиш) бўйича шартнома монетар модда ҳисобланади. Аксинча, номонетар модданинг асосий жиҳати бу валюта бирликларининг қатъий белгиланган ёки аниқланадиган миқдорини олиш ҳуқуқининг (ёки ўтказиш мажбуриятининг) мавжуд эмаслигидир. Мисол тарикасида товарлар ва хизматлар учун олдиндан

тўланган суммалар, гудвил, номоддий активлар, захиралар, асосий воситалар, фойдаланиш ҳуқуқидаги актив, ва номонетар активни ўтказиш орқали сўндириладиган баҳоланган мажбуриятларни келтириш мумкин.

Мазкур стандарт талаб этадиган ёндашувнинг қисқа баёни

- 17 Молиявий ҳисоботни тайёрлашда ҳар бир ташкилот, яъни мустақил ташкилот, чет элдаги бўлиналарга эга ташкилот (масалан, бош ташкилот) ёки чет элдаги бўлилма (масалан, шўъба ташкилот ёки филиал) 9-14 бандларга мувофиқ ўз функционал валютасини аниқлайди. Ташкилот чет эл валютасидаги моддаларни функционал валютага ўтказиши ва бундай ўтказишнинг таъсирларини 20-37 ва 50 бандларга мувофиқ тақдим этади.
- 18 Кўпчилик ҳисобот берувчи ташкилотлар бир қатор алоҳида ташкилотларни камраб олади (масалан, бош ташкилот ва бир ёки ундан ортиқ шўъба ташкилотларидан иборат гуруҳ). Турли хилдаги ташкилотлар, улар бирор гуруҳнинг аъзоси бўлиши ёки бўлмастидан қатъий назар, таъсир остидаги ташкилотларда ёки биргаликдаги фаолият бўйича келишувларда инвестицияларга эга бўлиши мумкин. Улар филиалларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ҳисобот берувчи ташкилот таркибига кирадиган ҳар бир алоҳида ташкилотнинг фаолият натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботини тақдим этадиган валютасига ўтказиш зарурдир. Мазкур стандарт ҳисобот берувчи ташкилотнинг ҳисобот тақдим этиш валютаси ҳар қандай валюта (ёки валюталар) бўлишига рухсат беради. Функционал валютаси ҳисобот тақдим этиш валютасидан фарқ қиладиган ҳисобот берувчи ташкилот таркибидаги ҳар қандай алоҳида ташкилотнинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати 38-50 бандларга мувофиқ бир валютадан бошқа валютага ўтказилади.
- 19 Мазкур стандарт, шунингдек, молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган мустақил ташкилотга ёки 27-сон БҲХС “Алоҳида молиявий ҳисобот”га мувофиқ алоҳида молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган ташкилотга молиявий ҳисоботини ҳар қандай валютада (ёки валюталарда) тақдим этишга рухсат беради. Агар ташкилотнинг ҳисобот тақдим этиш валютаси унинг функционал валютасидан фарқ қилса, унинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати ҳам 38-50 бандларга мувофиқ ҳисобот тақдим этиш валютасига ўтказилади.

Чет эл валютасидаги операцияларни функционал валютада тақдим этиш

Дастлабки тан олиш

- 20 Чет эл валютасидаги операция чет эл валютасида белгиланган ёки чет эл валютасида сўндиришни талаб этадиган, шу жумладан ташкилот куйидагиларни амалга оширганда юзага келадиган операциялардир:
- (а) нархи чет эл валютасида белгиланган товарлар ёки хизматларни сотиб олиш ёки сотиш;
 - (б) тўланадиган ёки олинадиган суммалар чет эл валютасида белгиланганда пул маблағларини қарзга олиш ёки қарзга бериш; ёки
 - (в) бошқа ҳолларда чет эл валютасида белгиланган активларни харид қилиш ёки уларнинг чиқиб кетиши ёки мажбуриятларни ҳосил қилиш ёки уларни сўндириш.
- 21 **Чет эл валютасидаги операция, функционал валютада дастлабки тан олишда, чет эл валютасидаги суммага операция санасидаги функционал валюта ва чет эл валютаси ўртасидаги жорий айирбошлаш курсини қўллаган ҳолда ҳисобга олинishi лозим.**
- 22 Операция санаси операция МҲХСларга мувофиқ тан олиш мезонларига дастлаб жавоб берган санадир. Амалий қўллаш мақсадларида, кўп ҳолларда операция санасидаги ҳақиқий курсга яқинрок курс фойдаланилади, масалан, ҳафта ёки ой учун ўртача курс ушбу давр мобайнида содир бўладиган ҳар бир чет эл валютасидаги барча операциялар учун фойдаланилиши мумкин. Лекин, айирбошлаш курслари аҳамиятли даражада тебранса, давр учун ўртача курсдан фойдаланиш ўринли бўлмайди.

Кейинги ҳисобот даврларининг якунида ҳисоботни тақдим этиш

- 23 Ҳар бир ҳисобот даврининг якунида:

- (а) чет эл валютасидаги монетар моддалар ҳисобот санасидаги курсдан фойдаланган ҳолда бир валютадан бошқа валютага ўтказилиши лозим;
- (б) чет эл валютасида бошланғич қиймат бўйича баҳоланадиган номонетар моддалар операция санасидаги айирбошлаш курсидан фойдаланган ҳолда бир валютадан бошқа валютага ўтказилиши лозим; ва
- (в) чет эл валютасида ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланган номонетар моддалар ҳаққоний қиймат баҳоланган санадаги айирбошлаш курсларидан фойдаланган ҳолда бир валютадан бошқа валютага ўтказилиши лозим.
- 24 Модданинг баланс қиймати бошқа тегишли стандартларга боғлиқ ҳолда аниқланади. Масалан, асосий воситалар 16-сон БҲХС “Асосий воситалар”га мувофиқ ҳаққоний қийматда ёки бошланғич қийматда баҳоланиши мумкин. Баланс қиймати бошланғич қиймат асосида ёки ҳаққоний қиймат асосида аниқланишидан қатъий назар, агар бундай қиймат чет эл валютасида белгиланган бўлса, у мазкур стандартга мувофиқ функционал валютага ўтказилади.
- 25 Баъзи моддаларнинг баланс қиймати икки ундан ортиқ суммаларни таққослаш орқали аниқланади. Масалан, захираларнинг баланс қиймати 2-сон БҲХС “Захиралар”га мувофиқ таннарх ва соф сотиш қийматининг кичиги билан аниқланади. Шунингдек, 36-сон БҲХС “Активларнинг қадрсизланиши”га мувофиқ, қадрсизланиш аломати мавжуд активнинг баланс қиймати унинг эҳтимолий қадрсизланишдан зарарни ҳисобга олишдан олдинги баланс қиймати ва қопланадиган қийматининг кичиги билан аниқланади. Бундай актив номонетар бўлса ва у чет эл валютасида баҳоланса, унинг баланс қиймати куйидагиларни таққослаш орқали аниқланади:
- (а) қиймат аниқланган санадаги айирбошлаш курсида бир валютадан бошқасига ўтказилган таннархи ёки, ўринлилигига қараб, баланс қиймати (яъни, бошланғич қийматда баҳоланган модда учун операция санасидаги валюта курси); ва
- (б) қиймат аниқланган санадаги айирбошлаш курсида бир валютадан бошқа валютага ўтказилган соф сотиш қиймати ёки, ўринлилигига қараб, қопланадиган қиймат (масалан, ҳисобот даври охиридаги курс).
- Ушбу таққослашнинг натижасида қадрсизланишдан зарар функционал валютада тан олинади, лекин чет эл валютасида тан олинмайди ёки аксинча.
- 26 Бир неча айирбошлаш курслари мавжуд бўлганда, операция билан боғлиқ келгуси пул оқимлари бўйича ёки агар пул оқимлари баҳолаш санасида содир бўлган бўлса, бундай операция бўйича қолдиқ сўндирилиши мумкин бўлган курс олинади. Агар икки валюта ўртасида айирбошлаш вақтинчалик мавжуд бўлмаса, айирбошлаш амалга ошириладиган кейинги биринчи курсдан фойдаланилади.

Курс фарқларини тан олиш

- 27 3(а) ва 5 бандларда қайд қилинганидек, чет эл валютасидаги моддалар учун ҳежлаш ҳисобига нисбатан 9-сон МҲХС қўлланади. Ҳежлаш ҳисобини қўллаш ташкилотдан мазкур стандарт талаб этадиган курс фарқларини ҳисобга олиш тартибидан фарқ қилган ҳолда баъзи курс фарқларини ҳисобга олишни талаб этади. Масалан, 9-сон МҲХСга мувофиқ пул оқимини ҳежлашда ҳежлаш инструментлари сифатида ҳисобга олинadиган монетар моддалар бўйича курс фарқлари ҳежлаш самарали бўлган даражада дастлаб бошқа умумлашган даромадда тан олинishi талаб этилади.
- 28 **Монетар моддаларни ҳисоб-китоб қилишда ёки монетар моддаларни давр мобайнида ёки олдинги молявий ҳисоботда дастлабки тан олиш пайти бошқа валютага ўтказишда фойдаланилган курслардан бошқа курсларда бир валютадан бошқа валютага ўтказишда юзага келадиган курс фарқлари фойда ёки зарарда улар юзага келган даврда тан олинishi лозим, бундан 32-бандда қайд қилинган ҳолат мустасно.**
- 29 Монетар моддалар чет эл валютасидаги операция натижасида юзага келса ва бунда операция санаси ва ҳисоб-китоб қилиш санаси ўртасидаги айирбошлаш курсида ўзгариш бўлса, курс фарқи юзага келади. Операция у содир бўлган ҳисобот даврида ҳисоб-китоб қилинса, барча курс фарқи ушбу даврда тан олинади. Лекин, операция кейинги ҳисобот даврида ҳисоб-китоб қилинса, ҳисоб-китоб қилиш санасигача бўлган ҳар бир даврда тан олинган курс фарқи ҳар бир давр мобайнида айирбошлаш курсларидаги ўзгариш орқали аниқланади.
- 30 **Номонетар модда бўйича фойда ёки зарар бошқа умумлашган даромадда тан олинса, ушбу фойда ёки зарарнинг ҳар қандай айирбошлаш компоненти бошқа умумлашган даромадда тан олинishi лозим. Аксинча, номонетар модда бўйича фойда ёки зарар тегишли кўрсаткичлар тан олинса, ушбу фойда ёки зарарнинг ҳар қандай айирбошлаш компоненти фойда ёки зарарда тан олинishi лозим.**

- 31 Бошқа МҲХСлар баъзи фойда ва зарарларни бошқа умумлашган даромадда тан олиншини талаб этади. Масалан, 16-сон БҲХС асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича юзага келадиган баъзи фойда ва зарарларни бошқа умумлашган даромадда тан олиншини талаб этади. Бундай актив чет эл валютасида баҳоланса, мазкур стандартнинг 23(в) банди қайта баҳоланган қийматни ушбу қиймат аниқланган санадаги курсдан фойдаланиб бошқа валютага ўтказилишини ва бунинг натижасидаги курс фарқини бошқа умумлашган даромадда тан олиншини талаб этади.
- 32 **Ҳисобот берувчи ташкилотнинг чет элдаги бўлинмага соф инвестициясининг бир қисмини ташкил этадиган монетар модда бўйича юзага келадиган курс фарқлари (15-бандга қаранг), ўринлиликка қараб, ҳисобот берувчи ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботидаги ёки чет элдаги бўлинманинг индивидуал молиявий ҳисоботидаги фойда ёки зарарда тан олинши лозим. Чет элдаги бўлинма ва ҳисобот берувчи ташкилотни ўз ичига олган молиявий ҳисоботда (масалан, чет элдаги бўлинма шўъба ташкилоти бўлган ҳолатдаги консолидациялашган молиявий ҳисобот) бундай курс фарқлари дастлаб бошқа умумлашган даромадда тан олинши ва 48-бандга мувофиқ соф инвестицияни ҳисобдан чиқаришда хусусий капиталдан фойда ёки зарарга қайта таснифланиши лозим.**
- 33 Монетар модда ҳисобот берувчи ташкилотнинг чет элдаги бўлинмага соф инвестициясининг бир қисмини ташкил этса ва ҳисобот берувчи ташкилотнинг функционал валютасида ифодаланган бўлса, 28-бандга мувофиқ чет элдаги бўлинманинг индивидуал молиявий ҳисоботида курс фарқи юзага келади. Агар бундай модда чет элдаги бўлинманинг функционал валютасида ифодаланган бўлса, 28-бандга мувофиқ курс фарқи ҳисобот берувчи ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботида юзага келади. Агар бундай модда ҳисобот берувчи ташкилотнинг ёки чет элдаги бўлинманинг функционал валютасидан бошқа валютада ифодаланган бўлса, 28-бандга мувофиқ ҳисобот берувчи ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботида ва чет элдаги бўлинманинг индивидуал молиявий ҳисоботида курс фарқи юзага келади. Бундай курс фарқлари чет элдаги бўлинма ва ҳисобот берувчи ташкилотни ўз ичига олган молиявий ҳисоботдаги (яъни, чет элдаги бўлинма консолидациялаш ёки улушли қатнашиш усули бўйича ҳисобга олинган молиявий ҳисоботдаги) бошқа умумлашган даромадда тан олинади.
- 34 Ташкилот бухгалтерия ҳисобини ва ёзувларини функционал валютасидан бошқа валютада юритса, ташкилот молиявий ҳисоботни тайёрлаш пайтида барча суммаларни 20-26 бандларга мувофиқ функционал валютага ўтказилади. Бу эса ушбу моддалар дастлаб функционал валютада қайд этилганида, ҳосил бўлиши мумкин бўлган суммалар билан бир хил функционал валютадаги суммаларни келтириб чиқаради. Масалан, монетар моддалар функционал валютага ҳисобот санасидаги курсдан фойдаланиб ўтказилади ва бошланғич қиймат асосида баҳоланган номонетар моддалар уларни тан олиншига сабаб бўлган операция санасидаги айирбошлаш курсидан фойдаланиб функционал валютага ўтказилади.

Функционал валютадаги ўзгариш

- 35 **Ташкилотнинг функционал валютаси ўзгарганда, ташкилот янги функционал валютага нисбатан қўлланадиган ўтказиш тартибларини ўзгариш санасидан бошлаб перспектив тарзда қўллаши лозим.**
- 36 13-бандда қайд қилинганидек, ташкилотнинг функционал валютаси унга тегишли операциялар, ҳодисалар ва шартларни акс эттиради. Шунга қўра, функционал валюта аниқлангандан сўнг, фақатгина ушбу тегишли операциялар, ҳодисалар ва шартларда ўзгариш бўлса, функционал валюта ўзгартирилиши мумкин. Масалан, товар ва хизматларнинг сотиш нархларига асосий таъсир кўрсатадиган валютанинг ўзгариши ташкилотнинг функционал валютасининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.
- 37 Функционал валюта ўзгаришининг таъсири перспектив тарзда ҳисобга олинади. Бошқача қилиб айтганда, ташкилот барча моддаларни ўзгариш санасидаги айирбошлаш курсини қўллаган ҳолда янги функционал валютага ўтказилади. Номонетар моддалар бўйича бир валютадан бошқа валютага ўтказиш натижасида ҳосил бўлган қиймат уларнинг бошланғич қиймати сифатида ҳисобга олинади. 32 ва 39(в) бандларга мувофиқ олдин бошқа умумлашган даромадда тан олинган чет элдаги бўлинмани бир валютадан бошқа валютага ўтказишдан юзага келадиган курс фарқлари чел элдаги бўлинмани ҳисобдан чиқаргунча хусусий капиталдан фойда ёки зарар таркибига қайта таснифланмайди.

Функционал валютадан фарқли бўлган ҳисобот тақдим этиш валютасидан фойдаланиш

Ҳисобот тақдим этиш валютасига ўтказиш

- 38 Ташкилот молиявий ҳисоботини ҳар қандай валютада (ёки валюталарда) тақдим этиши мумкин. Агар ҳисобот тақдим этиш валютаси ташкилотнинг функционал валютасидан фарқ қилса, у фаолият натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳисобот тақдим этиш валютасига ўтказиши. Масалан, гуруҳ фарқли функционал валюталарга эга ташкилотларидан иборат бўлса, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тақдим этишда ҳар бир ташкилотнинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати умумий валютада акс эттирилади.
- 39 **Функционал валютаси гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютаси бўлмаган ташкилотнинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати куйидаги тартиблардан фойдаланган ҳолда фарқли ҳисобот тақдим этиш валютасига ўтказилиши лозим:**
- (а) тақдим этиладиган ҳар бир молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот учун активлар ва мажбуриятлар (шу жумладан, қиёсий маълумотлар) ушбу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот санасидаги курсда ўтказилиши лозим;
 - (б) тақдим этиладиган ҳар бир фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадни акс эттирадиган ҳисобот учун даромад ва харажатлар (шу жумладан, қиёсий маълумотлар) тегишли операциялар содир бўлган саналардаги айирбошлаш курсларида ўтказилиши лозим; ва
 - (в) юзага келган барча курс фарқлари бошқа умумлашган даромад таркибида тан олиними лозим.
- 40 Амалий қўллаш мақсадларида, кўп ҳолларда даромад ва харажат моддаларини ўтказишда операциялар содир бўлган саналардаги валюта курсларига яқинроқ курсдан, масалан давр учун ўртача курсдан фойдаланилади. Лекин, айирбошлаш курслари аҳамиятли даражада тебранса, давр учун ўртача курсдан фойдаланиш ўринли бўлмайди.
- 41 39(в) бандда назарда тутилган курс фарқлари куйидагилар натижасида юзага келади:
- (а) даромад ва харажатларни операциялар содир бўлган саналардаги айирбошлаш курсларида ва актив ҳамда мажбуриятларни ҳисобот санасидаги курсларда бир валютадан бошқасига ўтказиш.
 - (б) соф активларнинг давр бошига қолдиғини олдинги ҳисобот санасидаги курсдан фарқ қиладиган ҳисобот санасидаги курс бўйича ўтказиш.
- Ушбу курс фарқлари, айирбошлаш курсларидаги ўзгаришлар операция фаолият бўйича жорий ва келгуси пул оқимларига кам таъсирга эгалиги ёки бевосита таъсирга эга эмаслиги туфайли, фойда ёки зарардан тан олинмайди. Курс фарқларининг жамғариладиган суммаси чет элдаги бўлинма ҳисобдан чиқарилгунга қадар хусусий капиталнинг алоҳида компонентида тақдим этилади. Курс фарқлари консолидацияланадиган, аммо тўлиқ эгаликда бўлмаган чет элдаги бўлинмага тегишли бўлса, бир валютадан бошқа валютага ўтказиш натижасида юзага келадиган ва назорат кучига эга бўлмаган улушларга тегишли бўлган жамғарилган курс фарқлари консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда назорат кучига эга бўлмаган улушларга тақсимланади ва уларнинг бир қисми сифатида тан олинади.
- 42 **Функционал валютаси гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютаси бўлган ташкилотнинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати куйидаги тартиблардан фойдаланган ҳолда фарқли ҳисобот тақдим этиш валютасига ўтказилиши лозим:**
- (а) барча суммалар (яъни активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал моддалари, даромад ва харажатлар, шунингдек қиёсий маълумотлар) молиявий ҳолат тўғрисидаги энг сўнгги ҳисобот санасидаги курс бўйича ўтказилиши лозим, бундан куйидаги ҳолат мустасно
 - (б) суммалар гиперинфляцияли бўлмаган иқтисодиётнинг валютасига ўтказилганда, қиёсланадиган суммалар ўтган йилнинг тегишли молиявий ҳисоботида жорий йил суммалари тарзида тақдим этилган суммалар бўлиши лозим (яъни нарх даражасидаги кейинги ўзгаришлар ёки айирбошлаш курсларидаги кейинги ўзгаришлар бўйича тузатишлар киритилмаган).
- 43 Ташкилотнинг функционал валютаси гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютаси бўлса, ташкилот 42-бандда белгиланган бир валютадан бошқа валютага ўтказиш усулини қўллашдан

олдин, 29-сон БҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботини қайта ҳисоблаши лозим, бундан гиперинфляцияли бўлмаган иқтисодийнинг валютасига ўтказиладиган қиёсландиган суммалар мустасно (42(б) бандга қаранг). Иқтисодийда гиперинфляция тўхтаганда ва ташкилот молиявий ҳисоботини 29-сон БҲХСга мувофиқ қайта ҳисоблашни тўхтатса, у молиявий ҳисоботини қайта ҳисоблашдан тўхтаган санадаги нарх даражасида қайта ҳисобланган суммаларни ҳисобот тақдим этиш валютасига ўтказиш учун бошланғич қиймат сифатида фойдаланиши лозим.

Чет элдаги бўлинма бўйича маълумотларни бир валютадан бошқа валютага ўтказиш

- 44 Чет элдаги бўлинма ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботида консолидациялаш ёки улушли қатнашиш усули орқали киритилиши учун чет элдаги бўлинманинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати ҳисобот тақдим этиш валютасига ўтказилганда, 38-43 бандларга қўшимча тарзда, 45-47 бандлар қўлланади.
- 45 Чет элдаги бўлинманинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолатини ҳисобот берувчи ташкилотнинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати билан бирлаштиришда, масалан гуруҳ ичидаги қолдиқларни ва шўъба ташкилотининг гуруҳ ичидаги операцияларини чиқариб ташлашда, ташкилот одатдаги консолидациялаш тартибларига риоя этади (10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”га қаранг). Лекин, гуруҳ ичидаги монетар актив (ёки мажбурият), у қисқа муддатли ёки узок муддатли бўлишидан қатъий назар, консолидациялашган молиявий ҳисоботда валюта тебранишларининг натижаларини кўрсатмасдан тегишли гуруҳ ичидаги мажбуриятга (ёки активга) нисбатан чиқариб ташланмайди. Бунга сабаб, монетар модда бир валютани бошқасига ўтказиш бўйича мажбуриятни акс эттиради ва ҳисобот берувчи ташкилотга валюта тебранишлари орқали фойда ёки зарар олиб келади. Шу сабабли, ҳисобот берувчи ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида бундай курс фарқи фойда ёки зарар таркибида тан олинади ёки агар у 32-бандда келтирилган ҳолатлар натижасида юзага келса, у бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинади ва чет элдаги бўлинма ҳисобдан чиқарилгунга қадар хусусий капиталнинг алоҳида компонентиди жамғарилади.
- 46 Чет элдаги бўлинма молиявий ҳисоботининг санаси ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботи санасидан фарқ қилса, чет элдаги бўлинма одатда ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботи санаси билан бир хил бўлган санадаги қўшимча ҳисоботни тайёрлайди. Бу амалга оширилмаганда, 10-сон МҲХСга мувофиқ фарқли ҳисобот санасини қўллашга, ҳисобот саналари орасидаги фарқ уч ойдан ортик бўлмаслиги ва фарқ қилувчи саналар ўртасида содир бўладиган ҳар қандай аҳамиятли операциялар ёки бошқа ҳодисалар таъсирларига нисбатан тузатишлар амалга оширилиши лозим бўлган ҳолда, рухсат этилади. Бундай ҳолатда, чет элдаги бўлинманинг активлари ва мажбуриятлари чет элдаги бўлинманинг ҳисобот даври охиридаги валюта курсида бир валютадан бошқа валютага ўтказилади. Тузатишлар 10-сон МҲХСга мувофиқ ҳисобот берувчи ташкилотнинг ҳисобот даври охирига қадар айирбошлаш курсларидаги аҳамиятли ўзгаришларга нисбатан амалга оширилади. Айнан шу ёндашув 28-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрир)га мувофиқ таъсир остидаги ташкилот ва қўшма корхоналарга нисбатан улушли қатнашиш усулини қўллашда фойдаланилади.
- 47 Чет элдаги бўлинмани харид қилишдан юзага келадиган ҳар қандай гудвил ва ушбу чет элдаги бўлинмани харид қилишдан юзага келадиган активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматларига нисбатан ҳар қандай ҳаққоний қиймат тузатишлари чет элдаги бўлинманинг активлари ва мажбуриятлари сифатида ҳисобга олинishi лозим. Шунинг сабабли, улар чет элдаги бўлинманинг функционал валютасида акс эттирилиши ҳамда 39 ва 42-бандларга мувофиқ ҳисобот санасидаги курсда бир валютадан бошқа валютага ўтказилиши лозим.

Чет элдаги бўлинмани ҳисобдан чиқариш ёки қисман ҳисобдан чиқариш

- 48 Чет элдаги бўлинмани ҳисобдан чиқаришда, ушбу чет элдаги бўлинмага тегишли курс фарқларининг жамғарилган суммаси яъни бошқа умумлашган даромадда тан олинган ва хусусий капиталнинг алоҳида компонентиди жамғарилган сумма, ҳисобдан чиқариш бўйича фойда ёки зарарни тан олиш пайтида хусусий капитал таркибидан фойда ёки зарар таркибига қайта таснифланиши лозим (1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” (2007 йилдаги таҳрир)га қаранг).
- 48А Ташкилотнинг чет элдаги бўлинмасидаги барча улушини ҳисобдан чиқаришга қўшимча тарзда, куйидаги қисман ҳисобдан чиқаришлар ҳам ҳисобдан чиқариш тарзида ҳисобга олинади:

- (а) ташкилот қисман ҳисобдан чиқаришдан сўнг ўзининг собиқ шўъба ташкилотидан назорат кучига эга бўлмаган улушни сақлаб қолишидан қатъий назар, қисман ҳисобдан чиқариш чет элдаги бўлинмани ўз ичига оладиган шўъба ташкилоти устидан назоратни йўқотишга олиб келса; ва
- (б) биргаликдаги фаолият бўйича келишувдаги улушни қисман ҳисобдан чиқаришдан ёки чет элдаги бўлинмани ўз ичига оладиган таъсир остидаги ташкилотдаги улушни қисман ҳисобдан чиқаришдан сўнг сақланиб қоладиган улуш чет элдаги бўлинмани ўз ичига оладиган молиявий актив бўлса.
- 48Б Чет элдаги бўлинмани ўз ичига оладиган шўъба ташкилотини ҳисобдан чиқаришда, назорат кучига эга бўлмаган улушларда акс эттирилган ушбу чет элдаги бўлинмага тегишли курс фарқларининг жамғарилган суммаси ҳисобдан чиқарилиши лозим, лекин фойда ёки зарар таркибига қайта таснифланмаслиги лозим.
- 48В **Чет элдаги бўлинмани ўз ичига оладиган шўъба ташкилотини қисман ҳисобдан чиқаришда, ташкилот бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинган курс фарқларининг жамғарилган суммасидаги пропорционал улушни ушбу чет элдаги бўлинмадаги назорат кучига эга бўлмаган улушларга қайта тақсимлаши лозим. Чет элдаги бўлинмани бошқа ҳар қандай қисман ҳисобдан чиқаришда, ташкилот фақат бошқа умумлашган даромадда тан олинган курс фарқларининг жамғарилган суммасидаги пропорционал улушини фойда ёки зарарга қайта таснифланиши лозим.**
- 48Г Ташкилотнинг чет элдаги бўлинмадаги улушини қисман ҳисобдан чиқариш ташкилотнинг чет элдаги бўлинмадаги эгалик улушининг камайишидир, бундан ҳисобдан чиқариш сифатида ҳисобга олинадиган 48А-банддаги камайишлар мустасно.
- 49 Ташкилот чет элдаги бўлинмадаги ўзининг улушини сотиш, тугатиш, устав капиталини қопланиши ёки ушбу ташкилотдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш орқали ҳисобдан чиқариши ёки қисман ҳисобдан чиқариши мумкин. Ўзининг зарарлари сабабли ёки инвестор томонидан тан олинган кадрсизланиш сабабли, чет элдаги бўлинманинг баланс қийматини камайитириш қисман ҳисобдан чиқаришни англатмайди. Шу сабабли, бошқа умумлашган даромадда тан олинган валюта айирбошлашдан фойда ёки зарарнинг ҳеч қандай қисми камайитириш пайтида фойда ёки зарарга қайта таснифланмайди.

Барча курс фарқларининг солиқ солишга таъсирлари

- 50 Чет эл валютасидаги операциялар бўйича фойда ва зарарлар ҳамда ташкилотнинг (чет элдаги бўлинма билан бирга) фаолият натижалари ва молиявий ҳолатини бошқа валютага ўтказишдан юзага келадиган курс фарқлари солиқ солиш таъсирларига эга бўлиши мумкин. Бундай солиқ солиш таъсирларига 12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*” қўлланади.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 51 53 ва 55-57 бандлардаги “функционал валюта”га ҳаволалар гуруҳ ҳолатида бош ташкилотнинг функционал валютасига тегишлидир.
- 52 Ташкилот қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) фойда ёки зарарда тан олинган курс фарқларининг суммаси, бундан 9-сон МҲХСга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланган молиявий инструментлардан юзага келадиган курс фарқлари мустасно; ва
- (б) бошқа умумлашган даромадда тан олинган ва хусусий капиталнинг алоҳида компонентида жамғарилган соф курс фарқлари ва бундай курс фарқлари суммасининг давр бошидаги ва охиридаги солиштирмаси.
- 53 Ҳисобот тақдим этиш валютаси функционал валютадан фарқ қилса, ушбу маълумот функционал валютани ва фарқли ҳисобот тақдим этиш валютасидан фойдаланиш сабабини ёритиб бериш билан бирга қайд қилиниши лозим.
- 54 Ҳисобот берувчи ташкилотнинг ёки аҳамиятли чет элдаги бўлинмасининг функционал валютаси ўзгарса, ушбу маълумот ва функционал валютанинг ўзгариш сабаби ёритиб берилиши лозим.
- 55 Ташкилот молиявий ҳисоботини унинг функционал валютасидан фарқ қиладиган валютада тақдим этса, у молиявий ҳисоботни, фақат ушбу ҳисобот МҲХСларнинг, жумладан 39 ва 42-

бандларда белгиланган бир валютадан бошқа валютага ўтказиш усулининг, барча талабларига мувофиқ бўлса, МҲХСларга мувофиқ деб тавсифланиши лозим.

- 56 Ташкилот баъзида 55 банднинг талабларига жавоб бермаган ҳолда, молиявий ҳисоботини ёки бошқа молиявий маълумотларини унинг функционал валютаси бўлмаган бошқа валютада тақдим этади. Масалан, ташкилот молиявий ҳисоботидан фақат танланган моддаларни бошқа валютага ўтказиши мумкин. Муқобил тарзда, функционал валютаси гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютаси бўлмаган ташкилот барча моддаларни энг сўнги ҳисобот санасидаги курсда бир валютадан бошқа валютага ўтказиш орқали молиявий ҳисоботни бошқа валютага ўтказиши мумкин. Бундай конвертация қилиш МҲХСларга мувофиқ бўлмайди ва 57-бандга мувофиқ маълумотларни ёритиб бериш талаб этилади.
- 57 Ташкилот молиявий ҳисоботини ёки бошқа молиявий маълумотларини унинг функционал валютасидан ёки унинг ҳисобот тақдим этиш валютасидан фарқ қиладиган валютада акс эттирса ва 55-банд талабларига жавоб бермаса,:
- (а) маълумотларни МҲХСларга мувофиқ маълумотлардан фарқлаш учун қўшимча маълумотлар тарзида аниқ белгилаши лозим;
 - (б) қўшимча маълумотлар акс эттирилган валютани кўрсатиши лозим; ва
 - (в) ташкилотнинг функционал валютасини ва қўшимча маълумотларни аниқлашда фойдаланилган бир валютадан бошқа валютага ўтказиш усулини ёритиб бериши лозим.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 58 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур стандартни 2005 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 58А 2005 йилнинг декабр ойида эълон қилинган “Чет элдаги бўлинмага соф инвестиция”га (21-сон БҲХСга ўзгартириш) асосан 15А банд киритилган ва 33-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2006 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади.
- 59 Ташкилот 47-бандни мазкур стандарт биринчи марта қўлланадиган молиявий ҳисобот даври бошидан кейин содир бўладиган барча харид қилишларга нисбатан перспектив тарзда қўллаши лозим. 47-бандни олдинги харид қилишларга нисбатан ретроспектив тарзда қўллашга рухсат этилади. Перспектив тарзда ҳисобга олинган, аммо мазкур стандарт биринчи марта қўлланадиган санадан содир бўлган чет элдаги бўлимани харид қилиниши учун ташкилот олдинги йилларни қайта ҳисобламаслиги лозим ва ўз навбатида, ўринли бўлганда, ушбу харид қилишдан юзага келадиган гудвил ва ҳаққоний қиймат тузатишларини чет элдаги бўлиманинг активлари ва мажбуриятлари сифатида эмас, балки ташкилотнинг активлари ва мажбуриятлари сифатида ҳисобга олиши мумкин. Шу сабабли, ушбу гудвил ва ҳаққоний қиймат тузатишлари ташкилотнинг функционал валютасида аллақачон ифодаланган бўлади ёки харид қилиш санасидаги айирбошлаш курси орқали тақдим этилган номонетар чет эл валютасидаги моддалар ҳисобланади.
- 60 Мазкур стандартни қўллашдан юзага келадиган бошқа барча ўзгаришлар 8-сон БҲХС “Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”нинг талабларига мувофиқ ҳисобга олиниши лозим.
- 60А 1-сон БҲХС (2007 йил таҳририда) бўйича барча МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шу билан бирга, у 27, 30-33, 37, 39, 41, 45, 48 ва 52 бандларга ҳам ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот уларни 2009 йил 1 январдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 60Б 27-сон БҲХС (2008 йилдаги таҳрири) га асосан 48А-48Г бандлар киритилган ва 49 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июл ва ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан перспектив тарзда қўллаши лозим. Агар ташкилот 27-сон БҲХСни (2008 йилдаги ўзгаришлари билан биргаликда) олдинги давр учун қўлласса, ушбу ўзгартиришлар ҳам шу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 60В [Чиқариб ташланган]

- 60Г 2010 йилнинг май ойида эълон қилинган “МҲХСларни такомиллаштиришлар”га асосан 60Б бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот уни 2010 йил 1 июл ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- 60Д [Чиқариб ташланган]
- 60Е 2011 йил май ойида эълон қилинган 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХС “Биргаликдаги фаолият”га асосан 3(б), 8, 11, 18, 19, 33, 44-46 ва 48А бандларга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХСлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 40В 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС бўйича 8 банддаги ҳаққоний қиймат таърифи ва 23 бандга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 60Ё 2011 йилнинг июн ойида эълон қилинган “Бошқа умумлашган даромад моддаларини тақдим этиш” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар)га асосан 39 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгаришни 2011 йил июнь ойида ўзгартирилган 1-сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 60Ж [Чиқариб ташланган]
- 60З 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХСга асосан 3, 4, 5, 27 ва 52 бандларга ўзгартириш киритилган ва 60В, 60Д ва 60Ж бандлари чиқариб ташланди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 60Й 2016 йил январ ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС “Ижара”га асосан 16-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим

Бошқа ҳужжатлар ўз кучини йўқотиши

- 61 Мазкур стандарт 21-сон БҲХС “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари” (1993 йилдаги таҳрири)нинг ўрнини эгаллайди.
- 62 Мазкур стандарт қуйидаги шарҳларнинг ўрнини эгаллайди:
- (а) 11-сон ШДҚ “Валюта айирбошлаш—валютанинг кучли девалвацияси натижасидаги зарарларни капиталлаштириш”;
 - (б) 19-сон ШДҚ “Ҳисобот валютаси—21-сон БҲХС ва 29-сон БҲХСга асосан молиявий ҳисоботни баҳолаш ва тақдим этиш”; ва
 - (в) 30-сон ШДҚ “Ҳисобот валютаси—баҳолаш валютасидан ҳисобот тақдим этиш валютасига ўтказиш”.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
12-ИЛОВА

23-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Қарзлар бўйича сарфлар

Асосий тамойил

- 1 Квалификацияланадиган активни харид қилишга, қуришга ёки ишлаб чиқаришга бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича сарфлар ушбу активнинг бошланғич қийматига киритилади. Бошқа қарзлар бўйича сарфлар харажат сифатида тан олинади.

Қўллаш доираси

- 2 Ташкилот мазкур стандартни қарзлар бўйича сарфларни ҳисобга олишда қўллаши лозим.
- 3 Мазкур стандарт хусусий капиталнинг ҳақиқий ёки муқобил қийматига, жумладан мажбурият сифатида таснифланмаган имтиёзли акцияларга нисбатан қўлланмайди.
- 4 Ташкилот мазкур стандартни қуйидагиларни харид қилишга, қуришга ёки ишлаб чиқаришга бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича сарфларга нисбатан қўллаши талаб этилмайди:
 - а) ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланадиган квалификацияланадиган актив, масалан 41-сон БҲХС “Қишлоқ хўжалиги” нинг қўллаш доирасидаги биологик актив; ёки
 - б) такрорий асосда кўп миқдорда ишлаб чиқариладиган ёки бошқа ҳолларда барпо этиладиган захиралар.

Таърифлар

- 5 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Қарзлар бўйича сарфлар - бу ташкилот томонидан қарз маблағларини олиш билан боғлиқ равишда амалга оширилган фоизлар ва бошқа сарфлардир.

Квалификацияланадиган актив - бу белгиланган мақсадда фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш учун албатта ахамиятли вақт талаб қиладиган активдир.
- 6 Қарзлар бўйича сарфлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
 - а) 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар”да тавсифланганидек, эффектив фоиз усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобланган фоиз харажати;
 - б) [Чиқариб ташланган]
 - в) [Чиқариб ташланган]
 - г) 16-сон МҲХС “Ижара”га мувофиқ тан олинган ижара мажбуриятлари билан боғлиқ фоизлар; ва
 - д) фоизлар бўйича сарфларга тузатиш ҳисобланадиган даражада, чет эл валютасидаги қарзларни жалб қилишдан келиб чиқадиган курс фарқлари.
- 7 Ҳолатга қараб, қуйидагилардан ихтиёрий бири квалификацияланадиган активлар бўлиши мумкин:
 - а) захиралар;
 - б) ишлаб чиқариш қувватлари;
 - в) электроэнергия ишлаб чиқариш қувватлари;
 - г) номоддий активлар;
 - д) инвестиция кўчмас мулклари;

(е) хосилдор ўсимликлар.

Молиявий активлар ҳамда қисқа давр мобайнида ишлаб чиқариладиган ёки бошқа ҳолларда барпо этиладиган захиралар квалификацияланадиган активлар бўлиб ҳисобланмайди. Харид қилинган пайтда белгиланган мақсадда фойдаланишга ёки сотишга тайёр бўлган активлар квалификацияланадиган активлар бўлиб ҳисобланмайди.

Тан олиш

- 8 **Ташкилот квалификацияланадиган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқаришга бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича сарфларни ушбу актив бошланғич қийматининг бир қисми тарзида капиталлаштириши лозим. Ташкилот бошқа қарзлар бўйича сарфларни улар юзага келган даврда харажат сифатида тан олиши лозим.**
- 9 Квалификацияланадиган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқаришга бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича сарфлар ушбу активнинг бошланғич қийматида киритилади. Агар бундай қарзлар бўйича сарфлар ташкилотга келгуси иктисодий наф олиб келиши мумкин бўлса ва сарфлар ишончли баҳоланиши мумкин бўлса, улар активнинг бошланғич қийматининг бир қисми сифатида капиталлаштирилади. Ташкилот 29-сон БҲХС “*Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисобот*”ни қўлласа, ўша стандартнинг 21-бандига мувофиқ қарзлар бўйича сарфларнинг инфляцияни қоплайдиган қисми ўша давр мобайнида харажат сифатида тан олинади.

Капиталлаштиришга муносиб қарзлар бўйича сарфлар

- 10 Квалификацияланадиган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқаришга бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича сарфлар бундай квалификацияланадиган актив бўйича сарфлар амалга оширилмаганда, четлаб ўтиш мумкин бўлган қарзлар бўйича сарфлардир. Ташкилот муайян квалификацияланадиган активни харид қилиш мақсадида алоҳида қарз маблағларини олганда, ушбу квалификацияланадиган активга бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича сарфлар осонгина аниқланиши мумкин.
- 11 Муайян қарзлар ва квалификацияланадиган актив ўртасидаги бевосита боғлиқликни аниқлаш ва ақс ҳолда четлаб ўтиш мумкин бўлган қарзларни аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Бундай қийинчилик, масалан, ташкилотнинг молиявий фаолияти марказлашган ҳолда мувофиқлаштирилганда юзага келади. Қийинчиликлар, шунингдек, гуруҳ турли фоиз ставкаларидаги қарз маблағларини олиш учун бир қатор қарз инструментларидан фойдаланганда ва ушбу маблағларни турли шартларда гуруҳ ичидаги бошқа ташкилотларга қарзга берганда юзага келади. Валюта курсларидаги тебранишлар, шу жумладан, гуруҳ юқори инфляцияли иқтисодиётда фаолият юритганда чет эл валютасида белгиланган ёки чет эл валютасига боғлиқ қарзлардан фойдаланиш қўшимча мураккабликларни келтириб чиқаради. Натижада, квалификацияланадиган активни харид қилишга бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича сарфлар суммасини аниқлаш қийинлашади ва мулоҳаза қилиш талаб этилади.
- 12 **Ташкилот муайян квалификацияланадиган активни олиш мақсадида алоҳида олинган қарз маблағлари доирасида, капиталлаштиришга муносиб қарзлар бўйича сарфлар суммасини давр мобайнида ушбу қарз бўйича амалга оширилган ҳақиқий сарфлардан ушбу қарзларни вақтинчалик инвестиция қилишдан олинган ҳар қандай инвестиция даромadini чегириш орқали аниқлаши лозим.**
- 13 Квалификацияланадиган активни молиялаштириш келишувлари қарз маблағларининг ҳаммасини ёки маълум бир қисмини квалификацияланадиган актив бўйича сарфларга йўналтирилгунга қадар, ташкилот томонидан қарз маблағлари олинishi ва қарз бўйича тегишли сарфлар амалга оширилишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда, қарз маблағлари одатда квалификацияланадиган актив учун сарфлангунга қадар, вақтинча инвестиция қилинади. Давр мобайнида капиталлаштиришга муносиб қарзлар бўйича сарфлар суммасини аниқлашда, бундай маблағлардан олинган ҳар қандай инвестиция даромади амалга оширилган қарзлар бўйича сарфлардан чегирилади.
- 14 **Ташкилот умумий мақсадлар учун қарз маблағларини олишда ва улардан квалификацияланадиган активни олиш мақсадида фойдаланганда, ташкилот капиталлаштириладиган қарзлар бўйича сарфлар суммасини аниқлаш учун ушбу актив бўйича амалга оширилган сарфларга капиталлаштириш ставкасини қўпайтириши лозим. Капиталлаштириш ставкаси - давр мобайнида ташкилот қарзларининг тўланмаган қисмига тегишли бўлган қарзлар бўйича сарфларнинг ўртача тортилган миқдори тарзида аниқланади. Лекин, ташкилот ушбу ҳисоб-китобга муайян квалификацияланадиган активга эга бўлиш мақсадида алоҳида олинган қарзлар суммасини бундай актив белгиланган мақсадда фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш ишлари тугалланмагунча киритмайди. Ташкилот**

томонидан давр мобайнида капиталлаштирилган қарзлар бўйича сарфларнинг суммаси ушбу даврда амалга оширилган қарзлар бўйича сарфларнинг суммасидан ошмаслиги лозим.

- 15 Баъзи ҳолатларда, қарзлар бўйича сарфларнинг ўртача тортилган миқдорини ҳисоблашда бош ташкилот ва унинг шўъба ташкилотларининг барча қарзларини инобатга олиш ўринли бўлади; бошқа ҳолатларда, ҳар бир шўъба ташкилот учун ўз қарзларига нисбатан қарзлар бўйича сарфларнинг ўртача тортилган миқдоридан фойдаланиш ўринли бўлади.

Квалификацияланадиган активнинг баланс қиймати унинг қопланадиган суммасидан ошиб кетиши

- 16 Квалификацияланадиган активнинг баланс қиймати ёки қутилаётган якуний бошланғич қиймати унинг қопланадиган суммасидан ёки соф сотиш қийматидан ошиб кетса, баланс қиймат бошқа стандартларнинг талабларига мувофиқ қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқарилади. Муайян ҳолатларда қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқарилган қиймат ўша стандартларга мувофиқ қайта тикланади.

Капиталлаштиришнинг бошланиши

- 17 Ташкилот капиталлаштириш бошланиши санасидан буён қарзлар бўйича сарфларни квалификацияланадиган актив бошланғич қийматининг бир қисми сифати капиталлаштиришни бошлаши лозим. Капиталлаштиришнинг бошланиши санаси ташкилот қуйидаги барча шартларни дастлаб бажарадиган сана ҳисобланади:

- (а) актив бўйича сарфлар амалга оширилганда;
- (б) қарзлар бўйича сарфлар амалга оширилганда; ва
- (в) активни белгиланган мақсадда фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган фаолият амалга оширилганда.

- 18 Квалификацияланадиган актив бўйича сарфлар фақатгина пул маблағларининг тўланишига, бошқа активларнинг ўтказилишига ёки фоизли мажбуриятларнинг қабул қилинишига олиб келадиган сарфларни ўз ичига олади. Сарфлар актив билан боғлиқ тарзда олинган ҳар қандай оралиқ тўловлар ва олинган грантлар (20-сон БҲХС “*Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*”га қаранг) суммасига камайтирилади. Давр мобайнида активнинг аввалги капиталлаштирилган қарзлар бўйича сарфлар суммасини ўз ичига оладиган ўртача баланс қиймати, одатда, ўша даврда капиталлаштириш ставкаси қўлланадиган сарфлар суммасига тахминан тенг бўлади.

- 19 Активни белгиланган мақсадда фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган фаолият ўз ичига фақатгина активни жисмоний барпо этишни олмайди. Унга жисмоний барпо этиш бошланишидан олдинги, масалан жисмоний барпо этиш бошланишидан олдинги рухсат олиш билан боғлиқ фаолият учун амалга оширилган техник ва маъмурий ишлар ҳам киради. Лекин, активнинг ҳолатини ўзгартирадиган ишлаб чиқариш ёки такомиллаштириш ишлари амалга оширилмаган пайтда активни сақлаб туриш ушбу фаолиятга тааллуқли бўлмайди. Масалан, ерни ободонлаштириш ишлари пайтида амалга оширилган қарзлар бўйича сарфлар бундай ишлар амалга оширилаётган давр мобайнида капиталлаштирилади. Лекин, қурилиш мақсадларида харид қилинган ерни тегишли ободонлаштириш ишларисиз сақлаб туриш пайтида амалга оширилган қарзлар бўйича сарфлар капиталлаштирилмайди.

Капиталлаштиришнинг тўхтатилиши

- 20 Ташкилот квалификацияланадиган активни фаол такомиллаштиришни тўхтатган узоқ давом этадиган даврлар мобайнида қарзлар бўйича сарфларни капиталлаштиришни тўхтатиши лозим.

- 21 Ташкилот активни белгиланган мақсадда фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур фаолиятни тўхтатган узоқ давом этадиган давр мобайнида қарзлар бўйича сарфларни амалга ошириши мумкин. Бундай сарфлар қисман тугалланган активларни сақлаб туриш билан боғлиқ сарфлар бўлиб, улар капиталлаштирилмайди. Лекин, ташкилот одатда қарзлар бўйича сарфларни капиталлаштиришни аҳамиятли техник ва маъмурий ишлар амалга оширилаётган давр мобайнида тўхтатмайди. Ташкилот, шунингдек, вақтинчалик кечикиш активни белгиланган мақсадда фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш жараёнининг зарурий қисми бўлганда, қарзлар бўйича сарфларни капиталлаштиришни тўхтатмайди. Масалан, юқори сув сатҳи кўприк қурилишини кечиктирган узоқ давом этадиган давр мобайнида, агар бундай юқори сув сатҳи қурилиш даври мобайнида тегишли географик ҳудудда одатий ҳол бўлса, капиталлаштириш давом эттирилади.

Капиталлаштиришнинг тугатилиши

- 22 Ташкилот квалификацияланадиган активни белгиланган мақсадда фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган ишларнинг амалда барчаси тугатилган пайтда қарзлар бўйича сарфларни капиталлаштиришни тугатиши лозим.
- 23 Агар одатий маъмурий ишлар ҳали ҳам давом этаётган бўлишига қарамай, активни жисмоний барпо этиш тугатилган бўлса, одатда актив белгиланган мақсадда фойдаланишга ёки сотишга тайёр деб ҳисобланади. Агар мулкни харидор ёки фойдаланувчининг хусусий талабларига асосан безатиш каби кичик ўзгартиришлар қолган бўлса, бу амалда барча ишлар тугалланганлигидан далолат беради.
- 24 Ташкилот квалификацияланадиган активнинг қурилишини қисмларга бўлиб тугалласа ва ҳар бир қисмдан бошқа қисмларда қурилиш давом этаётган пайтда фойдаланиш мумкин бўлса, ташкилот ушбу қисмни белгиланган мақсадда фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган ишларни амалда барчасини тугатган пайтда қарзлар бўйича сарфларни капиталлаштиришни тугатиши лозим.
- 25 Ҳар бирдан алоҳида фойдаланиш мумкин бўлган бир қатор биноларни қамраб оладиган бизнес марказ ҳар бир қисмдан бошқа таркибий қисмларида қурилиш давом этаётган пайтда фойдаланиш мумкин бўлган квалификацияланадиган активга мисол бўлади. Таркибий қисмларидан алоҳида фойдаланиш мумкин бўлишидан олдин тўлиқ тугалланиши лозим бўлган квалификацияланадиган активга бир майдонда жойлашган, турли цехларда кетма-кетлик билан амалга ошириладиган бир неча ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштирадиган, масалан металлургия комбинати каби саннат корхонаси мисол бўлади.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 26 Ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) давр мобайнида капиталлаштирилган қарзлар бўйича сарфлар суммаси; ва
 - (б) капиталлаштиришга муносиб қарзлар бўйича сарфлар суммасини аниқлашда фойдаланилган капиталлаштириш ставкаси.

Ўтиш қоидалари

- 27 Мазкур стандартнинг қўлланиши ҳисоб сиёсатида ўзгаришга олиб келса, ташкилот ушбу стандартни капиталлаштириш санаси стандартнинг кучга кириш санасида ёки ундан кейин бошланадиган, квалификацияланадиган активларга тегишли қарзлар бўйича сарфларга нисбатан қўллаши лозим.
- 28 Лекин, ташкилот стандартнинг кучга кириш санасидан олдинги ҳар қандай санани белгилаши мумкин ва ушбу стандартни капиталлаштириш санаси ушбу санада ёки ундан кейин бошланадиган, барча квалификацияланадиган активларга тегишли қарзлар бўйича сарфларга нисбатан қўллаши мумкин.
- 28А 2017 йил декабр ойида эълон қилинган “2015-2017 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар” бўйича 14 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни биринчи марта қўлланган йиллик ҳисобот даври ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қарзлар бўйича сарфларга нисбатан қўллаши лозим.

Кучга кириш санаси

- 29 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур стандартни 2009 йил 1 январдан олдинги санадан бошлаб қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 29А 2008 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар” бўйича 6-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агарда ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

- 29Б 2014 йил июл ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 6 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 29В 2016 йил январ ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС бўйича 6 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 29Г 2017 йил декабр ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар” бўйича 14 бандга ўзгартириш киритилган ва 28А банд киритилган. Ташкилотлар мазкур ўзгартиришларни 2019 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

23-сон БҲХС (1993 йилдаги таҳририда) ўз кучини йўқотиши

- 30 Мазкур стандарт 1993 йил таҳриридаги 23-сон БҲХС “Қарзлар бўйича сарфлар”ни ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
13-ИЛОВА

24-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади боғлиқ томонларнинг ҳамда ушбу томонлар билан амалга оширилган операциялар ва бундай операциялар бўйича қолдиқлар, шунингдек шартномавий мажбуриятларнинг мавжудлиги ташкилот молиявий ҳолатига ва фойда ёки зарарига таъсир этиши мумкинлигига эътибор қаратиш учун зарур маълумотларни ушбу ташкилот молиявий ҳисоботида ёритиб берилишини таъминлашдан иборат.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланади:
- (а) боғлиқ томонлар билан муносабатлар ва операцияларни аниқлаш;
 - (б) ташкилот ва у билан боғлиқ томонлар ўртасидаги операциялар бўйича мавжуд бўлган қолдиқларни, шу жумладан шартномавий мажбуриятларни аниқлаш;
 - (в) (а) ва (б) кичик бандларда талаб этилган маълумотларни ёритиб берилиши зарур бўлган ҳолатларни аниқлаш; ва
 - (г) юқоридаги моддалар тўғрисида ёритиб бериладиган маълумотларни белгилаш.
- 3 Мазкур стандарт боғлиқ томонларнинг муносабатлари, операциялар ва бундай операциялар бўйича қолдиқлар, шу жумладан шартномавий мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни бош ташкилотнинг ёки биргаликда назорат қиладиган ёки аҳамиятли таъсир кўрсатадиган инвесторларнинг 10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”га ёки 27-сон БҲХС “Алоҳида молиявий ҳисобот”га мувофиқ тақдим қилинадиган консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисоботида ёритиб берилишини талаб этади. Мазкур стандарт, шунингдек, индивидуал молиявий ҳисоботга нисбатан ҳам қўлланади.
- 4 Боғлиқ томонлар билан операциялар ва гуруҳдаги бошқа ташкилотлар билан бундай операциялар бўйича қолдиқлар ташкилотнинг молиявий ҳисоботида ёритиб берилиши лозим. Гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботини тайёрлашда гуруҳ ичидаги боғлиқ томонлар билан операциялар ва бундай операциялар бўйича қолдиқлар чиқариб ташланади, бундан инвестиция ташкилоти ва унинг фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган шўба ташкилоти ўртасидаги операциялар ва қолдиқлар мустасно.

Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб беришнинг мақсади

- 5 Боғлиқ томонлар билан муносабатлар тижорат ёки бизнесда одатий ҳол ҳисобланади. Масалан, ташкилотлар ўз фаолиятининг бир қисмини кўпинча шўба ташкилотлари, қўшма корхоналар ва таъсир остидаги ташкилотлар орқали амалга оширади. Бундай ҳолатларда, ташкилот инвестиция объекти устидан назорат, биргаликдаги назорат ёки аҳамиятли таъсир мавжудлиги орқали унинг молиявий ва операцион сиёсатига таъсир кўрсата олади.
- 6 Боғлиқ томонлар билан муносабат ташкилотнинг молиявий ҳолатига ва фойда ёки зарарига таъсир кўрсатиши мумкин. Боғлиқ томонлар боғлиқ бўлмаган томонлар кириша олмайдиган операцияларни амалга ошириши мумкин. Масалан, товарларини бош ташкилотга уларнинг таннархида сотадиган ташкилот, бошқа харидорга товарларни бундай шартларда сотмаслиги мумкин. Шунингдек, боғлиқ томонлар ўртасидаги операциялар боғлиқ бўлмаган томонлар ўртасида аини суммаларда амалга оширилмаслиги мумкин.

- 7 Боғлиқ томонлар билан муносабат ташкилотнинг молиявий ҳолатига ва фойда ёки зарарига боғлиқ томонлар билан операциялар содир бўлмаганда ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай муносабат мавжуд бўлишининг ўзи ташкилотнинг бошқа томонлар билан амалга оширадиган операцияларига таъсир кўрсатиши учун етарли бўлиши мумкин. Масалан, бош ташкилот бир шўъба ташкилотининг савдо шериги билан бир хил фаолият юритадиган бошқа шўъба ташкилотни харид қилганда, бундай шўъба ташкилот ўзининг савдо шериги билан муносабатларни тугатиши мумкин. Муқобил тарзда, бир томон бошқа томоннинг аҳамиятли таъсири туфайли айрим фаолиятдан чекиниши мумкин, масалан шўъба ташкилоти тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширмаслик бўйича бош ташкилотдан кўрсатма олиши мумкин.
- 8 Шу сабаблар туфайли, ташкилотнинг боғлиқ томонлар билан операциялари, бундай операциялар бўйича қолдиқлари, шу жумладан шартномавий мажбуриятлари ва муносабатлари тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар томонидан унинг фаолиятини баҳоланишига, шу жумладан ташкилот учрайдиган рисклар ва имкониятларни баҳоланишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Таърифлар

- 9 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Боғлиқ томон** – молиявий ҳисобот тайёрлайдиган ташкилот (мазкур стандартда “ҳисобот берувчи ташкилот” назарда тутилади) билан боғлиқ бўлган жисмоний шахс ёки ташкилотдир.
- (а) Жисмоний шахс ёки ушбу жисмоний шахснинг яқин оила аъзоси қуйидаги шартларда ҳисобот берувчи ташкилотга боғлиқ томон ҳисобланади:
- (i) ҳисобот берувчи ташкилот устидан назоратга ёки биргаликдаги назоратга эга бўлса;
 - (ii) ҳисобот берувчи ташкилот устидан аҳамиятли таъсирга эга бўлса; ёки
 - (iii) ҳисобот берувчи ташкилот ёки унинг бош ташкилотига муҳим бошқарув ходимлари таркибига кирса.
- (б) Ташкилот ҳисобот берувчи ташкилотга қуйидаги шартлардан бири бажарилганда, боғлиқ томон ҳисобланади:
- (i) Ушбу ташкилот ва ҳисобот берувчи ташкилот аynи бир гуруҳнинг аъзолари бўлса (бу ҳар бир бош ташкилот, шўъба ташкилоти ва аynи бош ташкилот назоратидаги бошқа шўъба ташкилот боғлиқ эканлигини англатади).
 - (ii) Бир ташкилот бошқа ташкилотнинг таъсир остидаги ташкилоти ёки қўшма корхонаси бўлса (ёки бундай бошқа ташкилот аъзо сифатидан қирган гуруҳ аъзосининг таъсир остидаги ташкилоти ёки қўшма корхонаси бўлса).
 - (iii) Иккала ташкилот ҳам аynи бир учинчи томонга тегишли қўшма корхоналар бўлса.
 - (iv) Бир ташкилот учинчи томонга тегишли қўшма корхона бўлса ва бошқа ташкилот ушбу учинчи томоннинг таъсир остидаги ташкилоти бўлса.
 - (v) Ташкилот ҳисобот берувчи ташкилотнинг ёки ушбу ҳисобот берувчи ташкилот билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотнинг ходимлари даромадлари бўйича меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастури бўлса. Агар ҳисобот берувчи ташкилотнинг ўзи шундай дастур эгаси бўлса, бундай дастурни молиялаштирувчи иш берувчилар ҳам ҳисобот берувчи ташкилотга боғлиқ томон ҳисобланади.
 - (vi) Ташкилот (а) кичик бандда кўрсатилган жисмоний шахс томонидан назорат қилинса ёки биргаликда назорат қилинса.
 - (vii) (а)(i) кичик бандда келтирилган жисмоний шахс ташкилот устидан аҳамиятли таъсирга эга бўлса ёки ташкилотнинг (ёки ташкилот бош ташкилотининг) муҳим бошқарув ходимлари таркибига кирса.
 - (viii) Ташкилот ёки у аъзо бўлган гуруҳнинг бирор аъзоси ҳисобот берувчи ташкилотга ёки ҳисобот берувчи ташкилотнинг бош ташкилотига муҳим бошқарув ходими хизматини кўрсатса.

Боғлиқ томон билан операция – бу тўлов олиниши ёки олинмаслигидан қатъий назар, ҳисобот берувчи ташкилот ва у билан боғлиқ томон ўртасида ресурсларнинг, хизматларнинг ёки мажбуриятларнинг ўтказилишидир.

Жисмоний шахснинг яқин оила аъзолари - ташкилот билан операцияларни амалга оширадиган жисмоний шахснинг таъсири остида бўлиши ёки таъсирланиши кутилиши мумкин бўлган ушбу жисмоний шахснинг оила аъзоларидан иборат ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- (а) ушбу жисмоний шахснинг болалари ва турмуш ўртоғи ёки оилавий шериги;
- (б) ушбу жисмоний шахс турмуш ўртоғининг ёки оилавий шеригининг болалари; ва
- (в) ушбу жисмоний шахснинг ёки ушбу жисмоний шахс турмуш ўртоғининг ёки оилавий шеригининг қарамоғида бўлган жисмоний шахслар.

Компенсация - ходимларнинг (19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*” да таърифланган) барча даромадларини, шу жумладан 2-сон МҲХС “*Акцияга асосланган тўлов*” қўлланадиган ходимларнинг даромадларини ўз ичига олади. Ходимларнинг даромадлари ташкилот томонидан, ёки унинг номидан, унга кўрсатилган хизматлар эвазига тўланган, тўланадиган ёки таъминланадиган товоннинг барча шаклларида. Улар шунингдек ташкилотнинг бош ташкилоти номидан ташкилот учун тўланган товонни ҳам ўз ичига олади. Компенсация қуйидагиларни ўз ичига олади:

- (а) ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари, масалан иш ҳақлари, маошлари, ижтимоий ҳимоя бадаллари, тўланадиган йиллик таътиллари, тўланадиган меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, фойдада қатнашиш ва мукофотлар (ҳисобот давридан кейин ўн икки ой давомида тўланадиган бўлса) ва жорий пайтдаги ходимларнинг номонетар даромадлари (масалан тиббий хизмат, уй ёки автомобиль ҳамда бепул ёки имтиёзли нархларда товарлар ёки хизматлар билан таъминлаш);
- (б) меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар, масалан пенсиялар, бошқа нафақалар, меҳнат фаолиятдан кейинги ҳаёт суғуртаси ва меҳнат фаолиятдан кейинги тиббий хизмат;
- (в) ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадлари, шу жумладан кўп йил ишлаганлик учун ёки ижодий таътил, юбилейга бериладиган мукофотлар ёки бошқа узоқ муддатли хизмат ҳақлари, узоқ вақт меҳнатга лаёқатсизлик учун тўловлар ва, агар ҳисобот давридан кейин ўн икки ой давомида тўлик тўланмайдиган бўлса, фойдада қатнашиш, мукофотлар ва кечиктирилган компенсация;
- (г) ишдан бўшатиш нафақалари; ва
- (д) акцияга асосланган тўлов.

Муҳим бошқарув ходимлари - ташкилотнинг фаолиятини бевосита ёки билвосита режалаштириш, йўналтириш ва назорат қилиш учун ваколатга ва жавобгарликка эга бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан ушбу ташкилотнинг (ижрочи ёки бошқа) ҳар қандай директори.

Давлат - давлат, давлат идоралари ва шунга ўхшаш ташкилотлар, шу жумладан маҳаллий, миллий ёки халқаро ташкилотларни англатади.

Давлат билан боғлиқ бўлган ташкилот – давлатнинг назорати, биргаликдаги назорати ёки аҳамиятли таъсири остида бўлган ташкилот.

“Назорат” ва “инвестиция ташкилоти”, “биргаликдаги назорат” ва “аҳамиятли таъсир” атамалари 10-сон МҲХС, 11-сон МҲХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*” ва 28-сон БҲХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*” да таърифланган ва мазкур стандартда ўша МҲХСларда белгиланган маъноларида ишлатилади.

10 Боғлиқ томон билан муносабат бўлиши мумкин бўлган ҳар бир муносабатни таҳлил қилганда, эътиборни бундай муносабатнинг нафақат юридик шаклига, балки моҳиятига қаратилади.

11 Мазкур стандарт доирасида, қуйидагилар боғлиқ томонлар бўлиб ҳисобланмайди:

- (а) иккита ташкилот, улар фақатгина умумий директор ёки умумий муҳим бошқарув ходимига эгаллиги ёки бир ташкилотнинг муҳим бошқарув ходими бошқа ташкилот устидан аҳамиятли таъсирга эга бўлиши туфайли.

- (б) қўшма корхонанинг икки иштирокчиси, улар фақатгина қўшма корхона устидан биргаликдаги назоратни амалга ошириши туфайли.
 - (i) молиялаштиришни таъминлайдиган томонлар,
 - (ii) касаба уюшмалари,
 - (iii) коммунал хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар, ва
 - (iv) ҳисобот берувчи ташкилот устидан назоратга, биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга бўлмаган давлат идоралари ва муассасалари,
 - (в) улар фақатгина ташкилот билан одатдаги операцияларга эга бўлиши туфайли (улар ташкилотнинг ҳаракатлари эркинлигига таъсир кўрсата олиши ёки ташкилотнинг қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиши мумкин бўлсада).
 - (г) ташкилот фақатгина юзага келадиган иқтисодий қарамлик туфайли, аҳамиятли ҳажмдаги операцияларни амалга оширадиган харидор, етказиб берувчи, франчайзер, дистрибьютор ёки умумий агент.
- 12 Боғлиқ томоннинг таърифида, таъсир остидаги ташкилот тушунчаси бундай ташкилотнинг шўба ташкилотини ва қўшма корхона тушунчаси қўшма корхонанинг шўба ташкилотини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун, масалан, таъсир остидаги ташкилотнинг шўба ташкилоти ва ушбу таъсир остидаги ташкилот устидан аҳамиятли таъсирга эга бўлган инвестор бир-бирига боғлиқ томонлар ҳисобланади.

Маълумотларни ёритиб бериш

Барча ташкилотлар

- 13 Бош ташкилот ва унинг шўба ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар, улар ўртасида операциялар амалга оширилган ёки йўқлигидан қатъий назар, ёритиб берилиши лозим. Ташкилот ўзининг бош ташкилоти номини ва агар ушбу бош ташкилотдан фарқ қилса, яқуний назорат қилувчи томоннинг номини ёритиб бериши лозим. Агар оммавий фойдаланиш учун консолидациялашган молиявий ҳисоботни ташкилотнинг бош ташкилоти ҳам, яқуний назорат қилувчи томон ҳам тайёрламаса, бундай ҳисоботни тайёрлайдиган кейинги юқори турувчи бош ташкилотнинг номи ҳам ёритиб берилиши лозим.
- 14 Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар боғлиқ томонлар билан муносабатларнинг ташкилотга таъсирлари тўғрисида бирор фикрга келиши учун, назорат мавжуд бўлганда боғлиқ томонлар билан муносабатларни улар ўртасида операциялар амалга оширилганлиги ёки йўқлигидан қатъий назар, ёритиб бериш ўринли бўлади.
- 15 Бош ташкилот ва унинг шўба ташкилотлари ўртасидаги боғлиқ томонлар сифатидаги муносабатларни ёритиб бериш 27-сон БҲХС ва 12-сон МҲХС “*Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш*” да ёритиб берилиши талаб этилган маълумотларга қўшимча ҳисобланади.
- 16 13 бандда кейинги юқори турувчи бош ташкилот назарда тутилади. Бу гуруҳда оммавий фойдаланиш учун консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган бош ташкилотдан бевосита юқорирок турган биринчи бош ташкилотдир.
- 17 Ташкилот умумий ҳолда ва қуйидаги ҳар бир тоифа бўйича муҳим бошқарув ходимларининг компенсацияси тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ходимларнинг қисқа муддатли даромадлари;
 - (б) меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар;
 - (в) бошқа узоқ муддатли даромадлар;
 - (г) ишдан бўшатиш нафақалари; ва
 - (д) акцияга асосланган тўлов.
- 17А Агар ташкилот бошқа ташкилотдан (“Бошқарув ташкилоти”) муҳим бошқарув ходими хизматини олса, бошқарув ташкилоти томонидан бошқарув ташкилоти ходимлари ёки директорларига тўланган ёки тўланадиган компенсацияга нисбатан ташкилот 17 банддаги талабларни қўллаши талаб этилмайди.
- 18 Агар ташкилот молиявий ҳисобот қамраб оладиган даврларда боғлиқ томонлар билан операцияларни амалга оширган бўлса, у боғлиқ томонлар билан муносабатларнинг

характерини ҳамда фойдаланувчилар ушбу муносабатларнинг молиявий ҳисоботга бўлган таъсирини тушуниши учун зарур бўлган операциялар ва улар бўйича қолдиқлар, шу жумладан шартномавий мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим. Маълумотларни ёритиб бериш бўйича ушбу талаблар 17 банддаги талабларга қўшимча ҳисобланади. Ёритиб бериладиган маълумотлар камида қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- (a) операцияларнинг суммаси;
 - (b) операциялар бўйича қолдиқларнинг, шу жумладан шартномавий мажбуриятларнинг суммаси ва:
 - (i) уларнинг муддатлари ва шартлари, шу жумладан уларнинг таъминланганлиги ва сўндиришда улар эвазига бериладиган товоннинг характери; ва
 - (ii) берилган ёки олинган ҳар қандай кафолатларнинг тафсилотлари;
 - (в) операциялар бўйича қолдиқларнинг суммасига тегишли шубҳали қарзлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар; ва
 - (г) боғлиқ томонлардан олинishi лозим бўлган шубҳали ёки умидсиз қарзлар бўйича давр давомида тан олинган харажатлар.
- 18A Алоҳида бошқарув ташкилоти томонидан таъминланадиган муҳим бошқарув ходимлар хизмати учун ташкилот томонидан амалга оширилган сарфлар суммаси ёритиб берилиши лозим.
- 19 18 бандда ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар қуйидаги тоифаларнинг ҳар бири бўйича алоҳида ёритиб берилиши лозим:
- (a) бош ташкилот;
 - (b) ташкилот устидан биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга бўлган ташкилотлар;
 - (в) шўъба ташкилотлар;
 - (г) таъсир остидаги ташкилотлар;
 - (д) ташкилот иштирокчиси бўлган қўшма корхоналар;
 - (e) ташкилот ёки унинг бош ташкилотининг муҳим бошқарув ходимлари; ва
 - (ё) бошқа боғлиқ томонлар.
- 20 19 бандда келтирилган турли тоифалардаги боғлиқ томонлардан олинадиган ёки уларга тўланадиган суммаларнинг таснифланиши молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда маълумотларни ёритиб бериш бўйича 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*”даги талабларнинг бир қисмидир. Ушбу тоифалар боғлиқ томон билан операциялар бўйича қолдиқларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва ушбу операцияларга нисбатан қўллаш мақсадида кенгайтирилган.
- 21 Қуйидагилар боғлиқ томон билан амалга оширилган тақдирда ёритиб берилиши талаб этиладиган операцияларга мисол бўлади:
- (a) товарларни сотиш ёки сотиб олиш (тайёр ёки тугалланмаган);
 - (b) мулк ва бошқа активларни сотиш ёки сотиб олиш;
 - (в) хизматлар кўрсатиш ёки олиш;
 - (г) ижара;
 - (д) тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиб берилиши;
 - (e) лицензия шартномалари бўйича ўтказиб бериш;
 - (ё) молиялаштириш келишувлари бўйича ўтказиб бериш (шу жумладан кредитлар ва пул маблағлари ёки натура шаклидаги хусусий капиталга қўйилмалар);
 - (ж) кафолат ёки таъминот берилиши;
 - (з) келгусида маълум ҳодиса рўй бериши ёки рўй бермаслигига боғлиқ равишда қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошириш бўйича шартномавий мажбуриятлар, шу жумладан ижро этиладиган шартномалар¹ (тан олинган ва тан олинмаган); ва

¹ 37-сон БҲХС “*Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*”да ижро этиладиган шартномалар томонларнинг ҳеч бири шартномада белгиланган жавобгарликларини бажармаган ёки иккала томон ҳам ўз жавобгарликларини тенг тарзда қисман бажарган шартномалар сифатида таърифланади.

- (и) ташкилот номидан ёки ташкилот томонидан ўша боғлиқ томон номидан мажбуриятларнинг сўндирилиши.
- 22 Бош ташкилотнинг ёки шўба ташкилотнинг гуруҳ ичидаги ташкилотлар ўртасида рискларни тақсимлайдиган белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурида қатнашиши боғлиқ томонлар ўртасидаги операция ҳисобланади (19-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрири)нинг 42 бандига қаранг).
- 23 Боғлиқ томонлар билан операциялар мустақил томонлар ўртасидаги операция шартларига эквивалент шартлар остида амалга оширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ушбу шартларни асослаш мумкин бўлганда ёритиб берилади.
- 24 **Характери бўйича ўхшаш операциялар, агар боғлиқ томонлар билан операцияларнинг ташкилот молиявий ҳисоботига таъсирини тушуниш учун маълумотларни алоҳида ёритиб бериш зарур бўлмаса, умумлашган ҳолда ёритиб берилиши мумкин.**

Давлат билан боғлиқ бўлган ташкилотлар

- 25 **Ҳисобот берувчи ташкилот қуйидаги боғлиқ томонлар билан операциялар ва операциялар бўйича қолдиқларга, шу жумладан шартномавий мажбуриятларга тегишли маълумотларни ёритиб бериш бўйича 18 банддаги талаблардан озод этилади:**
- (а) **ҳисобот берувчи ташкилот устидан назоратга ёки биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга бўлган давлат; ва**
- (б) **ҳисобот берувчи ташкилот ҳамда бошқа ташкилот давлатнинг назорати, биргаликдаги назорати ёки аҳамиятли таъсири остида бўлгани сабабли, боғлиқ томон бўлиб ҳисобланадиган ушбу бошқа ташкилот.**
- 26 **Агар ҳисобот берувчи ташкилот 25 банддаги талаблардан озод қилишдан фойдаланса, ташкилот 25 бандда кўрсатилган операциялар ва операциялар бўйича тегишли қолдиқлар тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:**
- (а) **давлатнинг номи ва унинг ҳисобот берувчи ташкилот билан муносабатларининг характери (яъни, назорат, биргаликдаги назорат ёки аҳамиятли таъсири);**
- (б) **ташкилотнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар боғлиқ томонлар билан операцияларни унинг молиявий ҳисоботига таъсирини тушуниши учун етарлича батафсил бўлган қуйидаги маълумотлар:**
- (i) **ҳар бир алоҳида аҳамиятли бўлган операциянинг характери ва суммаси; ва**
- (ii) **алоҳида эмас, балки умумлашган ҳолда аҳамиятли бўлган бошқа операциялар бўйича қўламининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари. Бундай операцияларнинг турлари 21 бандда санаб ўтилган турларни ўз ичига олади.**
- 27 26 (б) банддаги талабларга мувофиқ ёритиб берилиши лозим бўлган тафсилотлар даражасини аниқлаш учун ташкилот мулоҳазалардан фойдаланганда, ҳисобот берувчи ташкилот боғлиқ томонлар билан муносабатларнинг яқинлигини ва операция аҳамиятлилигини аниқлаш учун қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли бошқа омилларни инобатга олиши лозим:
- (а) **қўлами бўйича аҳамиятлилиги;**
- (б) **бозорга хос бўлмаган шартларда амалга оширилгани;**
- (в) **бизнесни сотиб олиш ва сотиш каби одатдаги кундалик бизнес операциялардан ташқаридалиги;**
- (г) **тартибга солувчи ёки назорат қилувчи идоралар учун ёритиб берилиши;**
- (д) **юқори раҳбариятга маълум қилингани;**
- (е) **акциядорлар томонидан маъқулланиши лозимлиги.**

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 28 **Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2011 йил 1 январдан бошланадиган ёки ундан кейинги даврлар учун қўлланиши лозим. Мазкур стандартни тўлиқ ёки давлат билан боғлиқ бўлган ташкилотлар бўйича белгиланган 25–27 бандлардаги қисман истисно ҳолатларини олдинроқ санадан бошлаб қўллашга руҳсат этилади. Агар ташкилот мазкур стандартни 2011 йил 1 январдан олдинги давр учун тўлиқ ёки қисман қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.**

- 28А 2011 йилнинг май ойида эълон қилинган 10-сон МҲҲС, 11-сон “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*” ва 12-сон МҲҲСга асосан 3, 9, 11(б), 15, 19(б) ва (д) ва 25 бандлар ўзгартирилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 10-сон МҲҲС ва 12-сон МҲҲСлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 28Б 2012 йил октябр ойида эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари*” (10-сон МҲҲС, 12-сон МҲҲС ва 27-сон БҲҲСларга ўзгартиришлар) бўйича 4 ва 9 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 январ ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. “*Инвестиция ташкилотлари*”ни бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласа, у шу даврга нисбатан “*Инвестиция ташкилотлари*”га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- 28В 2013 йил май ойида эълон қилинган “*2010-2012 йилларда МҲҲСларни такомиллаштиришлар*” бўйича 9 бандга ўзгартириш киритилган ва 17А ва 18А бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 июлдан бошланадиган ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

24-сон БҲҲС (2003 йил таҳрири) ўз кучини йўқотиши

- 29 Мазкур стандарт 2003 йил таҳриридаги 24-сон БҲҲС “*Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши*”ни ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
14-ИЛОВА

26-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Пенсия дастурлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи

Қўллаш доираси

- 1 Мазкур стандарт молиявий ҳисобот тайёрланадиган пенсия дастурлари бўйича молиявий ҳисоботга нисбатан қўлланиши лозим.
- 2 Пенсия дастурлари баъзида “пенсия тизимлари”, “кўп йил ишлаганлик учун мукофот дастури” ёки “пенсия тўловлари тизимлари” каби бошқа турли номлар билан номланади. Мазкур стандартда пенсия дастури дастур иштирокчилари иш берувчиларидан алоҳида бўлган ҳисобот берувчи ташкилот сифатида қаралади. Бошқа барча стандартлар пенсия дастурларининг молиявий ҳисоботиغا нисбатан, улар мазкур стандарт талабларидан устун бўлмайдиган даражада қўлланади.
- 3 Мазкур стандарт бутун бир гуруҳ сифатидаги барча иштирокчилар учун пенсия дастурининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботиغا нисбатан қўлланади. У алоҳида иштирокчилар учун уларнинг пенсия олиш ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳисоботларга нисбатан қўлланмайди.
- 4 19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*” да пенсия дастурларига эга бўлган иш берувчиларнинг молиявий ҳисоботидаги пенсия тўловлари бўйича сарфларни аниқлаш масалалари кўриб чиқилади. Шу сабабли, мазкур стандарт 19-сон БҲХСни тўлдиреди.
- 5 Пенсия дастурлари белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари ёки белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларидан иборат бўлиши мумкин. Уларнинг кўпчилиги бадаллар амалга оширилиши ва пенсиялар тўланишини кўзда тутадиган, алоҳида юридик мақомга эга бўлган ёки эга бўлмаган ва ишончли бошқарувчига эга бўлган ёки эга бўлмаган, алоҳида фондларни ташкил этишни талаб этади. Мазкур стандарт бундай фонд ташкил этилишидан ва ишончли бошқарувчилар мавжуд бўлишидан қатъий назар қўлланади.
- 6 Суғурта ташкилоти орқали инвестиция қилинган активларга эга бўлган пенсия дастурлари хусусий инвестиция қилинган пенсия дастурларига қўйиладиган бухгалтерия ҳисоби ва молиялаштириш талабларига жавоб беради. Шу сабабли, агар суғурта ташкилоти билан тузилган шартнома дастурнинг муайян иштирокчиси ёки иштирокчилар гуруҳи номидан тузилган бўлмаса ва пенсия тўловлар бўйича жавобгарлик фақат суғурта ташкилотининг жавобгарлиги бўлмаса, улар мазкур стандартнинг қўллаш доирасига киради.
- 7 Мазкур стандарт меҳнат фаолияти даромадларининг бошқа шакллариغا, масалан, меҳнат шартномасини тугатиш билан боғлиқ нафақалар, кечиктирилган қошлаш келишувлари, кўп йил ишлаганлик учун пул мукофотлари, махсус муддатидан олдин нафақага чиқиш ёки иш жойларини қисқартириш дастурлари, тиббий ва бахтсиз ходисалар бўйича дастурлар ёки рағбатлантириш дастурларига нисбатан қўлланмайди. Давлатнинг ижтимоий ҳимоя шаклидаги келишувлари ҳам мазкур стандартнинг қўллаш доирасига киритилмаган.

Таърифлар

- 8 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
Пенсия дастурлари - бу ташкилотлар ўзининг ходимларига меҳнат фаолияти тугашида ёки тугагандан кейин нафақаларни (йиллик даромад ёки бир марталик тўлов шаклида) таъминлашини назарда тутадиган келишувлар бўлиб, бундай нафақалар ёки уларга нисбатан бадаллар, нафақага чиқишдан олдин маълум ҳужжатнинг шартлари ёки ташкилотнинг тажрибасидан келиб чиқиб аниқланиши ёки баҳоланиши мумкин.
Белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари - бу пенсия сифатида тўланадиган суммалар фондга ўтказиладиган бадаллар ҳамда улардан олинадиган инвестиция даромадлари асосида аниқланадиган пенсия дастурларидир.

Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари – бу пенсиялар сифатида тўланадиган миқдорлар, одатда ходимларнинг даромадларига ва/ёки иш стажига асосланган формула орқали аниқланадиган пенсия дастурларидир.

Молиялаштириш - бу иш берувчи ташкилотдан алоҳида бўлган ташкилотга (фондга) пенсияларни тўлаш бўйича келгуси мажбуриятларни бажариш учун активларнинг ўтказилишидир.

Мазкур стандарт мақсадлари учун қуйидаги атамалардан ҳам фойдаланилади:

Иштирокчилар - бу пенсия дастурининг аъзолари ва мазкур дастур асосида пенсия олишга ҳақли бўлган бошқа шахслардир.

Пенсия тўловлари учун мавжуд соф активлар - бу пенсия тўловларининг актуар жорий қийматидан ташқари, режалаштирилган мажбуриятлар чегирилган пенсия дастури активларидир.

Режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати – бу пенсия дастури томонидан олдин ишлаган даври учун ҳозирги пайтда ишлаётган ва олдинги даврларда ишлаган ходимларга тўланиши кутилаётган пенсияларнинг жорий қийматидир.

Ҳуқуқий кучга кирган даромадлар - бу пенсия дастурининг шартлари асосида меҳнат фаолиятини давом эттиришга боғлиқ бўлмайдиган ҳуқуқлар берилган тўловлардир.

- 9 Баъзи пенсия дастурлари иш берувчилардан ташқари ҳомийларга эга бўлади; мазкур стандарт бундай дастурларнинг молиявий ҳисоботига нисбатан ҳам қўлланади.
- 10 Кўпгина пенсия дастурлари расмий келишувларга асосланади. Баъзи дастурлар норасмий, аммо иш берувчиларда шаклланган тажриба натижасида маълум даражадаги жавобгарликка эга бўлади. Баъзи дастурлар иш берувчиларга ўзларининг дастурлар доирасидаги мажбуриятларини чеклашга рухсат берсада, агар ходимлар сақлаб қолинадиган бўлса, иш берувчи учун дастурни бекор қилиш одатда қийин бўлади. Норасмий дастурларга ҳам расмий дастурлардагидек бир хил бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асослари қўлланади.
- 11 Кўпгина пенсия дастурларида бадаллар тўланадиган ва пенсия тўловлари амалга ошириладиган алоҳида фондларни ташкил этиш назарда тутилади. Бундай фондлар фонд активларини бошқаришда мустақил фаолият кўрсатадиган томонлар орқали бошқарилиши мумкин. Бундай томонлар баъзи давлатларда ишончли бошқарувчи деб номланади. Ишончли бошқарувчи ташкил этилганлигидан қатъий назар, мазкур стандартда бундай томонларни акс эттириш учун ишончли бошқарувчи атамасидан фойдаланилади.
- 12 Пенсия дастурлари одатда ўзларининг фарқланувчи жиҳатларига эга бўлган белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари ёки белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари сифатида акс эттирилади. Баъзида иккаласининг ҳам хусусиятларини қамраб оладиган дастурлар мавжуд бўлади. Бундай гибрид дастурлар мазкур стандарт мақсадлари учун белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари сифатида ҳисобга олинади.

Белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари

- 13 **Белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурининг молиявий ҳисоботи пенсия тўловлари учун мавжуд соф активлар тўғрисидаги ҳисоботни ва молиялаштириш сиёсатининг тавсифини ўз ичига олиши лозим.**
- 14 Белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурига асосан иштирокчининг келгуси тўловлар миқдори иш берувчи, иштирокчи ёки ҳар иккаласи томонидан тўланган бадаллар ҳамда фонднинг фаолият самарадорлиги ва инвестиция даромади орқали аниқланади. Иш берувчининг мажбурияти одатда фондга бадаллар тўланиши билан чекланади. Жорий бадаллар ва келгуси бадалларнинг ўзгарувчан даражалари ҳамда инвестиция даромадларига асосланиб аниқланиши мумкин бўлган келгуси пенсия тўловларини баҳолашда баъзида актуарий маслаҳатидан фойдаланилишига қарамасдан, бундай маслаҳат одатда талаб этилмайди.
- 15 Иштирокчиларни дастурнинг фаолияти кизиқтиради, чунки бу фаолият уларнинг келгуси пенсия тўловлари даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Иштирокчиларни бадаллар тўланганлиги ва бенефициарларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тўғри назорат ўрнатилганлиги кизиқтиради. Иш берувчини дастурнинг самарали ва ҳаққоний фаолият юритиши кизиқтиради.
- 16 Белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастури томонидан тақдим этиладиган ҳисоботнинг мақсади даврий тарзда дастур ва унинг инвестиция фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотларни

таъминлашдир. Ушбу мақсадга одатда қуйидагиларни ўз ичига оладиган молиявий ҳисоботни таъминлаш орқали эришилади:

- (a) давр учун муҳим фаолиятнинг тавсифи ва дастурга, унинг аъзолигига ва муддати ва шартларига тегишли ҳар қандай ўзгаришларнинг таъсири;
- (b) давр учун операциялар ва инвестиция фаолияти натижаси тўғрисидаги ҳамда дастурнинг давр охиридаги молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботлар; ва
- (b) инвестиция сиёсатининг тавсифи.

Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари

17 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурининг молиявий ҳисоботи қуйидагилардан бирини ўз ичига олади:

- (a) қуйидагиларни акс эттирадиган ҳисоботни:
 - (i) пенсия тўловлари учун мавжуд соф активлар;
 - (ii) ҳуқуқий кучга кирган даромадлар ва ҳуқуқий кучга кирмаган даромадларни фарқлаган ҳолда режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати; ва
 - (iii) хосил бўлган профицит ёки дефицит; ёки
- (b) қуйидагилардан бирини ўз ичига олган пенсия тўловлари учун мавжуд соф активлар тўғрисидаги ҳисобот:
 - (i) ҳуқуқий кучга кирган даромадлар ва ҳуқуқий кучга кирмаган даромадларни фарқлаган ҳолда режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати тўғрисидаги маълумотларни ёритиб берувчи изох; ёки
 - (ii) илова қилинадиган актуар ҳисоботда ушбу маълумотга ҳавола.

Агар актуар баҳолаш молиявий ҳисобот санасига тайёрланмаган бўлса, энг яқин баҳолаш асос сифатида фойдаланилиши ва баҳолаш санаси тўғрисида маълумот ёритиб берилиши лозим.

18 17-банд мақсадларида режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати ҳисобот санасига қадар меҳнат фаолияти бўйича дастур шартлари асосида тўланиши лозим бўлган пенсияларга асосланиши лозим, бунда жорий иш ҳақи даражалари ёки режалаштирилган иш ҳақи даражаларидан фойдаланилади ва фойдаланилган усул тўғрисида маълумот ёритиб берилади. Режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қийматига сезиларли таъсир кўрсатган актуар фаразлардаги ҳар қандай ўзгаришларнинг таъсири ҳам ёритиб берилиши лозим.

19 Молиявий ҳисобот режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати билан пенсия тўловлари учун мавжуд соф активлар ўртасидаги боғлиқликни ҳамда режалаштирилган пенсия тўловларини молиялаштириш сиёсатини тушунтириб бериши лозим.

20 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурларида, режалаштирилган пенсия тўловларини тўлаш дастурининг молиявий ҳолатга ва бадал тўловчиларнинг дастурга келгуси бадалларни тўлаш қобилиятига ҳамда дастурнинг инвестиция фаолияти натижаси ва фаолият кўрсатиш самарадорлигига боғлиқ бўлади.

21 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурида дастурнинг молиявий ҳолатини баҳолаш, фаразларни кўриб чиқиш ва келгуси бадал даражаларини тавсия этиш учун актуарийнинг даврий маслаҳати зарур бўлади.

22 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастури ҳисоботининг мақсади давр мобайнида ресурсларнинг жамланиши билан дастур тўловлари ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш учун фойдали бўлган дастурнинг молиявий ресурслари ва фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни даврий тарзда таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадга одатда қуйидагиларни камраб оладиган молиявий ҳисоботларни таъминлаш орқали эришилади:

- (a) давр учун муҳим фаолиятнинг тавсифи ва дастурга, унинг аъзолигига ва муддати ва шартларига тегишли ҳар қандай ўзгаришларнинг таъсири;
- (b) давр учун операциялар ва инвестиция фаолияти натижаси бўйича ҳамда дастурнинг давр охиридаги молиявий ҳолати бўйича ҳисоботлар;

- (в) ҳисоботларнинг бир қисми ёки алоҳида ҳисобот кўринишидаги актуар маълумотлар; ва
- (г) инвестиция сиёсатининг тавсифи.

Режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати

- 23 Пенсия дастури томонидан режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати жорий иш ҳақи даражалари ёки иштирокчиларнинг нафақага чиқиш муддатига қадар режалаштирилган иш ҳақи даражаларидан фойдаланиб ҳисобланиши ва ҳисобот берилиши мумкин.
- 24 Жорий иш ҳақи ёндашувини қўллаш учун сабаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) жорий пайтда дастурдаги ҳар бир иштирокчига тўланадиган тўловлар суммаси бўлган режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати режалаштирилган иш ҳақи даражалари ёндашувига нисбатан ҳолисона ҳисобланиши мумкин, чунки у камрок фаразларни қамраб олади;
 - (б) иш ҳақининг қўпайиши билан боғлиқ пенсия тўловларининг ошиши иш ҳақи ошган пайтда дастурнинг мажбуриятига айланади; ва
 - (в) жорий иш ҳақи даражаларига асосланган режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қийматининг суммаси умуман олганда дастур тугатилиши ёки тўхтатилиши ҳолатида тўланадиган суммага узвий боғлиқдир.
- 25 Режалаштирилган иш ҳақи ёндашувини қўллаш учун сабаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) қилиниши лозим бўлган фаразлар ва баҳолашлардан қатъий назар, молиявий маълумотлар фаолиятнинг узлуксизлиги тамойилига асосланиб тайёрланиши зарур;
 - (б) якуний тўлов дастурларида, пенсиялар нафақага чиқиш санаси ёки унга яқин санадаги иш ҳақиларга нисбатан аниқланади; шу сабабли, маошлар, бадаллар даражалари ва даромадлилик даражаси режалаштирилиши зарур; ва
 - (в) молиялаштиришнинг қўпгина қисми иш ҳақини режалаштиришларга асосланган пайтда, режалаштирилган иш ҳақи миқдорларини тақдим эта олмаслик дастур ортиқча молиялаштирилмаган пайтда ортиқча молиялаштирилган деб ҳисобот беришга ёки дастур етарли молиялаштирилмаган ҳолатда етарли молиялаштирилган деб ҳисобот беришга олиб келиши мумкин.
- 26 Жорий иш ҳақларига асосланган режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати дастурнинг молиявий ҳисоботида молиявий ҳисобот санасига қадар пенсиялар бўйича юзага келган мажбуриятни акс эттириш учун ёритиб берилади. Режалаштирилган иш ҳақларига асосланган режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати умуман олганда молиялаштириш учун асос ҳисобланадиган фаолиятнинг узлуксизлиги тамойили асосида потенциал мажбуриятнинг қўламини акс эттириш учун ёритиб берилади. Режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қийматини ёритиб беришга қўшимча тарзда, режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати ўқилиши лозим бўлган маълумотни аниқ кўрсатиш учун етарли тушунтириш берилиши зарур. Бундай тушунтириш режалаштирилган келгуси молиялаштиришнинг ва режалаштирилган иш ҳақи даражаларига асосланган молиялаштириш сиёсатининг етарлилиги тўғрисидаги маълумот шаклида бўлиши мумкин. Бу молиявий ҳисоботларда ёки актуарий ҳисоботида акс эттирилиши мумкин.

Актуар баҳолашларнинг даврийлиги

- 27 Қўпгина давлатларда актуар баҳолашлар ҳар уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган даврийликда амалга оширилади. Агар актуар баҳолаш молиявий ҳисобот санасида тайёрланмаган бўлса, энг охирги баҳолаш асос сифатида қўлланади ва баҳолаш санаси тўғрисида маълумот ёритиб берилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби

- 28 Белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари учун маълумотлар актуар маълумотларни ёритиб берилиши ва тақдим этилишида турли амалиётларни акс эттирадиган қуйидаги шаклларнинг бирида тақдим этилади:
- (а) молиявий ҳисоботда пенсиялар тўланиши учун мавжуд бўлган соф активларни, тўланиши лозим бўлган пенсияларнинг актуар дисконтланган қийматини ва ҳосил бўлган ортиқча ёки камомадни акс эттирадиган ҳисобот киритилади. Дастурнинг молиявий ҳисоботи пенсия

тўловлари учун мавжуд соф активлардаги ўзгаришлар ва режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қийматидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботларни ҳам ўз ичига олади. Молиявий ҳисоботга режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қийматини тасдиқлайдиган алоҳида актуарий ҳисоботи илова қилиниши мумкин;

- (б) пенсия тўловлари тўланиши учун мавжуд бўлган соф активлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пенсиялар тўланиши учун мавжуд бўлган соф активлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни қамраб оладиган молиявий ҳисоботлар. Режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати ҳисоботларга изоҳларда ёритиб берилади. Молиявий ҳисоботга режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қийматини тасдиқлайдиган актуарийнинг ҳисоботи илова қилиниши мумкин; ва
- (в) пенсия тўловлари учун мавжуд соф активлар тўғрисидаги ҳисоботни ва режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати акс эттирилган алоҳида актуарий ҳисоботи билан бирга пенсия тўловлари учун мавжуд соф активлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ўз ичига оладиган молиявий ҳисоботлар.

Юқорида қайд қилинган ҳар бир шаклда раҳбарият ёки директорларнинг ҳисоботи кўринишидаги ишончли бошқарувчиларнинг ҳисоботи ва инвестиция ҳисоботи молиявий ҳисобот билан бирга тақдим этилиши мумкин.

- 29 28(а) ва (б)-бандларда тавсифланган шаклларнинг тарафдорлари режалаштирилган пенсия тўловларининг суммаси ва бундай ёндошувлар бўйича тақдим этиладиган бошқа маълумотлар фойдаланувчиларга дастурнинг жорий ҳолатини ва дастур мажбуриятларининг бажарилиш эҳтимолини баҳолашда ёрдам беради деб ишонади. Шунингдек, улар молиявий ҳисоботнинг ўзи тўлиқ бўлиши ва илова қилинадиган ҳисоботларга асосланмаслиги лозим деб ҳисоблашади. Лекин, баъзилар 28(а) бандда тавсифланган шакл мажбурият мавжудлиги тўғрисида таассурот қолдириши мумкин деб ҳисоблайдилар, аммо режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати, уларнинг фикрига кўра, мажбуриятнинг барча хусусиятларига эга эмас.
- 30 28(в) бандда келтирилган шаклнинг тарафдорлари 28(а) бандда келтирилган шаклдагидек тўланиши лозим бўлган пенсияларнинг актуар дисконтланган қиймати пенсиялар тўланиши учун мавжуд бўлган соф активлар тўғрисидаги ҳисоботда киритилмаслиги лозим ёки 28(б) банддагидек изоҳда ёритиб берилмаслиги лозим, чунки у бевосита тизим активлари билан қиёсланади ва бундай қиёслаш асосиз бўлиши мумкин деб таъкидлайдилар. Улар актуарийлар тўланиши лозим бўлган пенсияларнинг актуар дисконтланган қийматини инвестицияларнинг бозор қийматлари билан қиёсламаслиги мумкин, аммо бунинг ўрнига инвестициялардан кутилган пул оқимларининг дисконтланган қийматини баҳолаши мумкинлигини таъкидлайдилар. Шу сабабли, мазкур шакл тарафдорлари бундай қиёслаш дастур бўйича актуарийнинг умумий баҳосини акс эттирмаслиги ва у нотўғри тушунилиши мумкин деб ҳисоблашади. Шунингдек, баъзи мутахассислар, миқдорий жиҳатдан тақдим этиладими ёки йўқлигидан қатъий назар, режалаштирилган пенсия тўловлари тўғрисидаги маълумотлар фақатгина ўринли тушунтириш таъминланадиган алоҳида актуарий ҳисоботида акс эттирилиши лозим деб ҳисоблашади.
- 31 Мазкур стандарт алоҳида актуарий ҳисоботида режалаштирилган пенсия тўловларига доир маълумотларнинг ёритиб берилишига рухсат берадиган қарашларни қабул қилади. У режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қийматининг миқдорига қарши далилларни инкор этади. Шу сабабли, агар молиявий ҳисоботда режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қийматини ўз ичига оладиган актуарий ҳисоботида ҳаволани ўз ичига олса ва уларга актуарий ҳисоботи илова қилинса, 28(в) бандда тавсифланган шакл каби 28(а) ва (б) бандларда тавсифланган шакллар мазкур стандартда ўринли ҳисобланади.

Барча тизимлар

Тизим активларининг баҳоланиши

- 32 **Пенсия дастурининг инвестициялари ҳаққоний қийматда ҳисобга олинishi лозим. Бозорда савдо қилинадиган қимматли қоғозлар учун ҳаққоний қиймат уларнинг бозор қийматидир. Ҳаққоний қийматини баҳолаш имконсиз бўлган дастур инвестициялари мавжуд бўлганда, ҳаққоний қийматдан фойдаланмаслик сабаби ёритиб берилиши лозим.**
- 33 Савдо қилинадиган қимматли қоғозлар учун ҳаққоний қиймат одатда бозор қиймати бўлади, чунки у ҳисобот санасида қимматли қоғозларнинг ва давр учун инвестиция фаолияти натижасининг энг самарали ўлчови ҳисобланади. Белгиланган сўндириш қийматига эга ва дастурнинг мажбуриятларига ёки уларнинг муайян қисмларига мос келиши учун харид қилинган қимматли қоғозлар уларнинг

муддати тугагунига қадар ўзгармас даромадлилик даражасини фараз қилган ҳолда уларнинг якуний сўндириш қийматига асосланган миқдорларда ҳисобга олиниши мумкин. Ташкилотнинг тўлиқ эгалигидан бўлган, ҳаққоний қийматини баҳолаш имконсиз бўлган дастур инвестициялари мавжуд бўлганда, ҳаққоний қийматдан фойдаланмаслик сабаби ёритиб берилиши лозим. Бозор қиймати ёки ҳаққоний қийматдан бошқа қийматларда ҳисобга олинган инвестициялар учун, умуман олганда, ҳаққоний қиймат ҳам ёритиб берилади. Фонднинг фаолиятида фойдаланиладиган активлар тегишли стандартларга мувофиқ ҳисобга олинади.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 34 Белгиланган тўловлар бўйича ёки белгиланган бадаллар бўйича бўлишидан қатъий назар, пенсия дастурининг молиявий ҳисоботи қуйидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олиши лозим:
- (a) пенсия тўловлари учун мавжуд соф активлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
 - (b) аҳамиятли ҳисоб сиёсатининг қисқа баёни; ва
 - (v) дастурнинг ва давр мобайнида дастурдаги ҳар қандай ўзгаришлар таъсирининг тавсифи.
- 35 Пенсия дастурлари томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисобот, ўринли бўлса, қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (a) қуйидагиларни ёритиб берган ҳолда, пенсия тўловлари учун мавжуд соф активлар тўғрисидаги ҳисобот:
 - (i) давр охиридаги ўринли таснифланган активлар;
 - (ii) активларни баҳолаш асоси;
 - (iii) пенсия тўловлари учун мавжуд соф активларнинг 5% дан ёки қимматли қоғознинг ҳар қандай туркумининг ёки турининг 5% дан ошадиган ҳар қандай якка инвестициянинг тафсилотлари;
 - (iv) иш берувчига қилинган ҳар қандай инвестициянинг тафсилотлари; ва
 - (v) режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қийматидан ташқари мажбуриятлар;
 - (b) қуйидагиларни акс эттирадиган пенсия тўловлари учун мавжуд соф активлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот:
 - (i) иш берувчининг бадаллари;
 - (ii) ходимларнинг бадаллари;
 - (iii) фоиз ва дивидендлар каби инвестиция даромадлари;
 - (iv) бошқа даромадлар;
 - (v) тўланган ёки тўланадиган пенсия тўловлари (масалан, пенсияга чиқиш, ўлим ва меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари ҳамда бир маргалик тўловлар жиҳатидан таҳлил қилинган);
 - (vi) маъмурий харажатлар;
 - (vii) бошқа харажатлар;
 - (viii) фойда солиқлари;
 - (ix) инвестицияларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва инвестициялар қийматидаги ўзгаришлар бўйича фойда ва зарарлар; ва
 - (x) бошқа дастурлардан ва уларга ўтказмалар;
 - (v) молиялаштириш сиёсатининг тавсифи;
 - (г) белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари учун, режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қиймати (ҳуқуқий кучга кирган ва ҳуқуқий кучга кирмаган даромадлар сифатида фарқлаш мумкин бўлган) дастур шартлари остидаги режалаштирилган пенсия тўловларига, ҳисобот санасига қадар меҳнат фаолиятига асосланган ва жорий иш ҳақи даражалари ёки режалаштирилган иш ҳақи даражаларидан фойдаланган ҳолда ҳисобланади; ушбу маълумот илова қилинадиган ва тегишли молиявий ҳисобот билан бирга ўқиладиган актуарий ҳисоботига киритилиши мумкин; ва

- (д) белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурлари учун қилинган аҳамиятли актуар фаразларнинг ва режалаштирилган пенсия тўловларининг актуар жорий қийматини ҳисоблашда қўлланилган усулнинг тавсифи.
- 36 Пенсия дастурининг ҳисоботи молиявий ҳисоботнинг қисми сифатида ёки алоҳида ҳисобот сифатида дастурнинг тавсифини ўз ичига олади. У қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
- (а) ўз ичига олган иш берувчилар ва ходимлар гуруҳларининг номлари;
- (б) пенсия тўловларини оладиган иштирокчилар сони ва ўринли тарзда таснифланган бошқа иштирокчилар сони;
- (в) дастур тури – белгиланган бадаллар бўйича ёки белгиланган тўловлар бўйича;
- (г) иштирокчилар дастурга бадал тўлаши ёки тўламаслигига тегишли изох;
- (д) иштирокчиларга тўланиши режалаштирилган пенсия тўловларининг тавсифи;
- (е) дастурни тугатишнинг ҳар қандай шартларининг тавсифи; ва
- (ё) ҳисобот қамраб оладиган давр мобайнида (а) дан (е) гача моддалардаги ўзгаришлар.
- Фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ва унда дастур тавсифланган бошқа ҳужжатларга мурожаат қилиш ва фақатгина кейинги ўзгаришлар бўйича маълумотларни киритиш одатий амалиёт ҳисобланади.

Кучга кириш санаси

- 37 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 1988 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларни қамраб оладиган молиявий ҳисобот учун қўлланиши лозим.
- 38 *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутди ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
15-ИЛОВА

27-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти *Алоҳида молиявий ҳисобот*

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади ташкилот алоҳида молиявий ҳисоботни тайёрлаганда, шўъба ташкилотлари, қўшма корхоналар ва таъсир остидаги ташкилотлардаги инвестицияларнинг ҳисоби ва маълумотларни ёритиб бериш талабларини белгилашдан иборатдир.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт ташкилот алоҳида молиявий ҳисоботни тақдим этишни танлаганда ёки маҳаллий қонунчилик бўйича талаб қилинганда, шўъба ташкилотлари, қўшма корхоналар ва таъсир остидаги ташкилотлардаги инвестициялар ҳисоби учун қўлланиши лозим.
- 3 Мазкур стандарт қайси ташкилотлар алоҳида молиявий ҳисобот тузиши лозимлигини белгиламайди. Мазкур стандарт ташкилот Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ алоҳида молиявий ҳисобот тайёрлаганда қўлланади.

Таърифлар

- 4 Мазкур стандарда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Консолидациялашган молиявий ҳисобот* - бу бош ташкилот ва унинг шўъба ташкилотларининг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромади, харажатлари ва пул оқимларини ягона хўжалик субъектига тегишли деб тақдим этиладиган ташкилотлар гуруҳининг молиявий ҳисоботидир.
- Алоҳида молиявий ҳисобот* - бу, ташкилот шўъба ташкилотлар, қўшма корхоналар ва таъсир остидаги ташкилотларидаги инвестицияларни бошланғич қийматда, 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”га мувофиқ ёки 28-сон БҲХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*”да таърифланган улушли қатнашиш усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олишни, мазкур стандартнинг талабларига амал қилган ҳолда, ташкилот танлай олиши орқали тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдир.
- 5 Қуйидаги атамалар 10-сон МҲХС “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот*”нинг А Иловасида, 11-сон МҲХС “*Қўшма фаолият*”нинг А Иловасида ва 28-сон БҲХСнинг 3-бандида таърифланган:
- таъсир остидаги ташкилот
 - инвестиция объекти назорати
 - улушли қатнашиш усули
 - гуруҳ
 - инвестиция ташкилоти
 - қўшма назорат
 - қўшма корхона
 - қўшма корхона иштирокчиси
 - бош ташкилот
 - аҳамиятли таъсир
 - шўъба ташкилоти.

- 6 Алоҳида молиявий ҳисобот консолидациялашган молиявий ҳисоботга қўшимча тарзда ёки шўъба ташкилотларида инвестицияси бўлмаган, лекин таъсир остидаги ташкилотларга ёки қўшма корхоналарга инвестициялар, 8-8А- бандларда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, 28-сон БҲХСга мувофиқ улушли қатнашиш усули бўйича тан олиними лозим бўлган, таъсир остидаги ташкилотларда ёки қўшма корхоналарда инвестицияларга эга бўлган инвесторларнинг молиявий ҳисоботида қўшимча тарзда тақдим этилади.
- 7 На шўъба ташкилоти, на таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона иштирокчиси бўлмаган ташкилотнинг молиявий ҳисоботи алоҳида молиявий ҳисобот ҳисобланмайди.
- 8 10-сон МҲХСнинг 4(а)-бандига мувофиқ консолидациядан озод қилинган ёки 28-сон БҲХС (2011 йилда ўзгартирилган)нинг 17-бандига мувофиқ улушли қатнашиш усулини қўллашдан озод қилинган ташкилот алоҳида молиявий ҳисоботни ўзининг ягона молиявий ҳисоботи сифатида тақдим этиши мумкин.
- 8А 10-сон МҲХСнинг 31-бандига мувофиқ жорий давр ва тақдим этиладиган барча қиёсий даврлар мобайнида, ўзининг барча шўъба ташкилотларини консолидациядан озод қиладиган инвестиция ташкилоти алоҳида молиявий ҳисоботни ўзининг ягона молиявий ҳисоботи сифатида тақдим этади.

Алоҳида молиявий ҳисоботни тайёрлаш

- 9 Алоҳида молиявий ҳисобот 10-бандда келтирилган ҳолатлардан ташқари, барча қўлланиши мумкин бўлган МҲХСларга мувофиқ тайёрланиши лозим.
- 10 Ташкилот алоҳида молиявий ҳисоботни тайёрлаганда, у шўъба ташкилотлари, қўшма корхоналар ва таъсир остидаги ташкилотларидаги инвестицияларни куйидаги усуллардан бири орқали ҳисобга олади:
- (а) бошланғич қийматда;
 - (б) 9-сон МҲХСга мувофиқ;
 - (с) 28-сон БҲХСда кўрсатилганидек, улушли қатнашиш усулидан фойдаланган ҳолда.
- Ташкилот инвестицияларнинг ҳар бир тоифаси учун бир хил ҳисобга олиш тартибини қўллаши лозим. Бошланғич қиймат бўйича ёки улушли қатнашиш усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олинган инвестициялар сотиш ёки тақсимлаш учун мўлжалланган (сотиш ёки тақсимлаш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган) актив сифатида тавсифланганда 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*” га мувофиқ ҳисобга олиними лозим. 9-сон МҲХСга мувофиқ ҳисобга олинган инвестицияларнинг баҳоланиши бундай ҳолатларда ўзгармайди.
- 11 Агар ташкилот 28-сон БҲХС (2011 йилда ўзгартирилган) нинг 18-бандига мувофиқ, таъсир остидаги ташкилотлардаги ёки қўшма корхоналардаги ўзининг инвестицияларини 9-сон МҲХСга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолашни танласа, у ушбу инвестицияларни ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботида ҳам айнан шу тарзда ҳисобга олиши лозим.
- 11А Агар бош ташкилотдан 10-сон МҲХСнинг 31-бандига мувофиқ, ўзининг шўъба ташкилотидаги инвестициясини 9-сон МҲХСга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаши талаб этилса, шўъба ташкилотидаги инвестицияни ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботида ҳам айнан шу тарзда ҳисобга олиши лозим.
- 11Б Бош ташкилот инвестиция ташкилоти бўлишни тўхтатса ёки инвестиция ташкилотига айланса, ушбу ўзгариш унинг мақомидаги ўзгариш содир бўлган санадан бошлаб куйидагича ҳисобга олиними лозим:
- (а) ташкилот инвестиция ташкилоти бўлишни тўхтатганда, бу ташкилот шўъба ташкилотидаги инвестициясини 10-бандга мувофиқ ҳисобга олиши лозим. Мақомдаги ўзгариш санаси шартли харид қилиш санаси деб қабул қилиниши лозим. Инвестиция 10-бандга мувофиқ ҳисобга олинганда, шартли харид қилиш санасидаги шўъба ташкилотининг ҳаққоний қиймати ўтказилган шартли товонни назарда тутиши лозим.
 - (i) [Чиқариб ташланган]
 - (ii) [Чиқариб ташланган]
 - (б) ташкилот инвестиция ташкилотига айланганда, у шўъба ташкилотидаги инвестициясини 9-сон МҲХСга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда ҳисобга олиши лозим. Шўъба ташкилотининг олдинги баланс қиймати ва инвестор мақомининг ўзгариш санасидаги унинг ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарк фойда ёки зарар таркибида фойда ёки

зарар сифатида тан олинishi лозим. Шўба ташкилотларига нисбатан илгари бошқа умумлашган даромадда тан олинган ҳар қандай фойда ёки зарарнинг жамғарилган суммаси худди ушбу шўба ташкилотлари инвестиция ташкилотидан мақомдаги ўзгариш санасида ҳисобдан чиқарилгандек тан олинishi лозим.

- 12 **Шўба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотдан олинadиган дивидендлар ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботида ташкилотнинг дивиденд олишга ҳуқуқи юзага келганда тан олинади. Агар ташкилот дивидендни инвестициянинг баланс қийматини камайтириш орқали тан олинadиган улушли қатнашиш усулидан фойдаланишни танламаса дивиденд фойда ёки зарар таркибида тан олинади.**
- 13 Бош ташкилот қуйидаги мезонларга жавоб берадиган тарзда ўзининг бош ташкилоти сифатида янги ташкилотни ташкил этиш орқали ўз гуруҳининг тузилишини қайта ташкил этади:
- (a) янги бош ташкилот дастлабки бош ташкилотнинг мавжуд улушли инструментлари эвазига улушли инструментларни чиқариш орқали дастлабки бош ташкилот устидан назоратга эга бўлса;
 - (b) янги гуруҳнинг ва дастлабки гуруҳнинг активлари ва мажбуриятлари бевосита қайта ташкил этишдан олдин ва кейин бир хил бўлса; ва
 - (b) қайта ташкил этишдан олдинги дастлабки бош ташкилотнинг мулкдорлари бевосита қайта ташкил этишдан олдин ва кейин дастлабки гуруҳнинг ва янги гуруҳнинг соф активларида бир хил мутлақ ва нисбий улушларга эга бўлса,
- ва янги бош ташкилот ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботида дастлабки бош ташкилотдаги инвестициясини 10(a)-бандга мувофиқ ҳисобга олади, янги ташкилот бошланғич қийматни қайта ташкил этиш санасида дастлабки бош ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботида акс эттирилган хусусий капитал моддаларидаги ўз улушининг баланс қийматида баҳолаши лозим.
- 14 Шунга ўхшаш, бош ташкилот бўлмаган ташкилот ўзининг бош ташкилоти сифатида янги ташкилотни 13-банддаги мезонларни қаноатлантирадиган тарзда ташкил этиши мумкин. 13-банддаги талаблар бундай қайта ташкил этишларга нисбатан тенг тарзда қўлланади. Бундай ҳолатларда, “дастлабки бош ташкилот” ва “дастлабки гуруҳ” атамаларидан “дастлабки ташкилот” тушунилади.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 15 Ташкилот ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботида маълумотларни ёритиб беришда барча қўлланиши мумкин бўлган МҲХСларни, жумладан 16 ва 17 бандлардаги талабларни қўллаши лозим.
- 16 Бош ташкилот 10-сон МҲХСнинг 4(a) бандига мувофиқ, консолидациялашган молиявий ҳисобот тайёрламасликни танласа ва унинг ўрнига алоҳида молиявий ҳисоботни тайёрласа, у алоҳида молиявий ҳисоботда қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (a) молиявий ҳисобот алоҳида молиявий ҳисобот эканини; консолидациядан озод этиш имкониятидан фойдаланилганини; Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ бўлган консолидациялашган молиявий ҳисоботи оммавий фойдаланиш учун тақдим этилган ташкилотнинг номи ва асосий фаолият жойи (ва у ташкил этилган давлат, агарда асосий фаолият жойидан фарқ қилса); ва ушбу консолидациялашган молиявий ҳисобот олинishi мумкин бўлган манзил.
 - (b) шўба ташкилотларидаги, қўшма корхоналардаги ва таъсир остидаги ташкилотлардаги аҳамиятли инвестицияларнинг рўйхати, жумладан:
 - (i) бу инвестиция объектларининг номи.
 - (ii) бу инвестиция объектларининг асосий фаолият жойи (ва, агар фарқли бўлса, у ташкил этилган давлат).
 - (iii) унинг бу инвестиция объектларидаги эгалик қилиш улуши (ва, агар фарқли бўлса, унинг овоз бериш ҳуқуқларидаги улуши).
 - (b) кичик бандда келтирилган инвестицияларни ҳисобга олишда фойдаланилган усулнинг тавсифи.
- 16A Инвестиция ташкилоти бош ташкилот бўлганда (16-бандда қамраб олинган бош ташкилотдан ташқари), 8A-бандга мувофиқ алоҳида молиявий ҳисоботни ўзининг ягона молиявий ҳисоботи сифатида тайёрласа, у бундай фактни ёритиб бериши лозим. Инвестиция ташкилоти 12-сон

МХХС “Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш”да талаб этилган инвестиция ташкилотларига боғлиқ маълумотларни ёритиб бериши лозим.

- 17 Бош ташкилот (16-16А бандларда камраб олинган бош ташкилотдан ташқари) ёки инвестиция объекти устидан қўшма назоратга эга ёки аҳамиятли таъсирга эга бўлган инвестор алоҳида молиявий ҳисоботни тайёрласа, бош ташкилот ёки инвестор 10-сон МХХС, 11-сон МХХС ёки 28-сон БҲХС (2011 йилда ўзгартирилган)га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботни уларнинг қайси бирига тегишли эканлигини ажратиб кўрсатиши лозим. Бош ташкилот ёки инвестор ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботида қуйидагиларни ҳам ёритиб бериши лозим:
- (а) ҳисоботлар алоҳида молиявий ҳисобот эканлиги тўғрисидаги ва агар қонунчилик томонидан талаб этилмаган бўлса, бу ҳисобот нима учун тайёрланганлигининг сабаблари тўғрисидаги маълумот.
 - (б) шўба ташкилотларидаги, қўшма корхоналардаги ва таъсир остидаги ташкилотлардаги аҳамиятли инвестицияларнинг рўйхати, жумладан:
 - (i) бу инвестиция объектларининг номи.
 - (ii) бу инвестиция объектларининг асосий фаолият жойи (ва, агар фарқли бўлса, у ташкил этилган давлат).
 - (iii) унинг бу инвестиция объектларидаги эгалик қилиш улуши (ва, агар фарқли бўлса, унинг овоз бериш ҳуқуқларидаги улуши).
 - (в) (б) кичик бандда келтирилган инвестицияларни ҳисобга олишда фойдаланилган усулнинг тавсифи.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қодалари

- 18 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу Стандартни олдинги давр учун қўлласса, у бу фактни ёритиб бериши ва шу даврга нисбатан 10-сон МХХС, 11-сон МХХС ва 28-сон БҲХС (2011 йилда ўзгартирилган)ни қўллаши лозим.
- 18А 2012 йил октябр ойида эълон қилинган “Инвестиция ташкилотлари” (10-сон МХХС, 12-сон МХХС ва 27-сон БҲХСларга ўзгартиришлар) бўйича 5, 6, 17 ва 18 бандларга ўзгартиришлар киритилди ва қўшимча 8А, 11А-11Б, 16А ва 18Б-183 бандлар киритилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Муддатидан олдин қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласса, у бу фактни ёритиб бериши ва шу даврга нисбатан “Инвестиция ташкилотлари”га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- 18Б Агар “Инвестиция ташкилотлари”нинг ўзгаришларини дастлабки қўллаш санасида (ушбу МХХСнинг мақсадлари учун бу ўзгаришлар биринчи марта қўлланилган йиллик ҳисобот даврининг боши) бош ташкилот ўзини инвестиция ташкилоти деган ҳулосага келса, у шўба ташкилотдаги инвестициясига нисбатан 18В–183 бандларни қўллаши лозим.
- 18В Дастлабки қўллаш санасида шўба ташкилотдаги ўз инвестициясини илгари бошланғич қийматда баҳолаган инвестиция ташкилоти, худди мазкур МХХСнинг талаблари доим амалда бўлгандек, бу инвестицияни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим. Инвестиция ташкилоти дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик даврни ретроспектив тарзда ўзгартириши лозим ва бевосита олдинги давр бошида тақсимланмаган фойдани қуйидагилар ўртасидаги фарққа ўзгартириши лозим:
- (а) инвестициянинг олдинги баланс қиймати; ва
 - (б) инвесторнинг шўба ташкилотдаги инвестициясининг ҳаққоний қиймати.
- 18Г Дастлабки қўллаш санасида шўба ташкилотдаги ўз инвестициясини илгари бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳолаган инвестиция ташкилоти бу инвестицияни ҳаққоний қийматда баҳолашда давом этиши лозим. Олдин бошқа умумлашган даромадда тан олинган ҳар қандай ҳаққоний қиймат бўйича тузатишларнинг жамғарилган суммаси дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик давр бошида тақсимланмаган фойдага ўтказилиши лозим.
- 18Д Дастлабки қўллаш санасида, инвестиция ташкилоти, 10-бандда рухсат этилганидек, 9-сон МХХСга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаш танланган шўба ташкилотдаги улушини ҳисобга олишнинг олдинги тартибига тузатишлар киритмаслиги лозим.

- 18E 13-сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*” қабул қилиниши санасидан олдин, инвестиция ташкилоти олдин инвесторлар ёки раҳбариятга тақдим этилган ҳаққоний қийматларидан, агар ушбу қийматлар баҳолаш санасида ўзаро операцияларни амалга оширишни истаган хабардор мустақил томонлар ўртасида инвестиция айирбошланиши мумкин бўлган суммани акс этгирса, фойдаланиши лозим, .
- 18Ё Агарда 18В–18Е бандларга мувофиқ шўъба ташкилотдаги инвестицияни баҳолашни амалий қўллаш имконсиз бўлса (8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*” да белгиланганидек), инвестиция ташкилоти ушбу МҲХС талабларини 18В–18Е бандларнинг амалий қўлланиши мумкин бўлган энг олдинги даврнинг бошида қўллаши лозим, бу жорий давр ҳам бўлиши мумкин. Инвестор, агар ушбу бандни амалий қўллаш мумкин бўлган энг олдинги даврнинг бошланиши жорий давр бўлмаса, инвестор дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик даврни ретроспектив тарзда тузиши лозим. Инвестиция ташкилоти учун шўъба ташкилотнинг ҳаққоний қийматини баҳолашнинг амалий имкони мавжуд бўлган сана бевосита олдинги даврнинг бошига нисбатан олдинроқ бўлса, инвестор бевосита олдинги давр бошида хусусий капитални қуйидагилар ўртасидаги фарқка мутаносиб тарзда тузатиши лозим:
- (а) инвестициянинг олдинги баланс қиймати; ва
 - (б) инвесторнинг шўъба ташкилотдаги инвестициясининг ҳаққоний қиймати.
- Агар ушбу бандни амалий қўллаш мумкин бўлган энг олдинги даврнинг бошланиши жорий давр бўлса, хусусий капитал таркибига киритилган тузатиш жорий даврнинг бошида тан олинishi лозим.
- 18Ж Агар инвестиция ташкилоти “*Инвестиция ташкилоти*” га ўзгартиришларнинг дастлабки қўллаш санасидан олдин шўъба ташкилотдаги инвестицияни ҳисобдан чиқарса ёки унинг устидан назоратни йўқотса, инвестиция ташкилотидан ушбу инвестициянинг олдинги ҳисобга олинишига нисбатан тузатишлар киритиши талаб этилмайди.
- 18З 18В–18Ж бандлардаги дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик даврга (“бевосита олдинги давр”) нисбатан ҳаволаларга қарамасдан, ташкилот тақдим этилган ҳар қандай олдинроқ бўлган даврлар учун ўзгартирилган қиёсий маълумотларни тақдим этиши мумкин, лекин буни амалга ошириши талаб этилмайди. Агар ташкилот ҳар қандай олдинроқ бўлган даврлар учун тузатишлар киритилган қиёсий маълумотларни тақдим этса, 18В–18Ж бандлардаги “бевосита олдинги давр” га нисбатан барча ҳаволалар “тақдим этилган энг олдинги тузатишлар киритилган қиёсий давр” тарзида ўқилиши лозим. Агар ташкилот ҳар қандай олдинроқ даврлар учун тузатишлар киритилмаган қиёсий маълумотларни тақдим этса, у тузатишлар киритилмаган маълумотларни аниқ кўрсатиши, маълумотлар бошқа асосда тайёрланганлигини таъкидлаши ва ушбу асосни тушунтириши лозим.
- 18И 2014 йил август ойида эълон қилинган “*Алоҳида молиявий ҳисоботларда улушли қатнашиши усули*” (27-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 4-7, 10, 11Б ва 12 бандларга ўзгартиришлар киритилди. Ташкилотлар ушбу ўзгартиришларни 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*” га мувофиқ ретроспектив қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга руҳсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

9-сон МҲХСга ҳаволалар

- 19 Агар ташкилот мазкур стандартни қўллаган, лекин ҳали 9-сон МҲХСни қўлламаган бўлса, 9-сон МҲХСга ҳар қандай ҳавола 39-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*” га ҳавола тарзида ўқилиши лозим. *Тан олиш ва баҳолаш*.

27-сон БҲХС (2008 йилдаги таҳрири) ўз кучини йўқотиши

- 20 Мазкур стандарт 10-сон МҲХС билан бир вақтда эълон қилинган. Мазкур иккита МҲХСлар биргаликда 27-сон БҲХС “*Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисобот*” (2008 йилда ўзгартирилган) нинг ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
16-ИЛОВА

28-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади таъсир остидаги ташкилотларга инвестициялар ҳисобини ва таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестицияларни ҳисобга олишда улушли қатнашиш усулини қўллаш талабларни белгилашдан иборатдир.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт инвестиция объекти устидан биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга инвесторлар бўлган ташкилотлар томонидан қўлланиши лозим.

Таърифлар

- 3 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Таъсир остидаги ташкилот* - бу инвестор аҳамиятли таъсирга эга бўлган ташкилотдир.
- Консолидациялашган молиявий ҳисобот* - бу бош ташкилот ва унинг шўъба ташкилотларининг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромади, харажатлари ва пул оқимларини ягона хўжалик субъектига тегишли деб тақдим этиладиган ташкилотлар гуруҳининг молиявий ҳисоботи дир.
- Улушли қатнашиш усули* - бу инвестицияни дастлаб бошланғич қиймат бўйича тан олинadиган ва кейин инвесторнинг инвестиция объекти соф активларидаги улушининг харид қилишдан кейинги ўзгариши бўйича тузатиш киритиладиган тарзда ҳисобга олиш усулидир. Инвесторнинг фойда ёки зарари унинг инвестиция объекти фойда ёки зараридаги улушини ўз ичига олади ва инвесторнинг бошқа умумлашган даромади унинг инвестиция объекти бошқа умумлашган даромадидаги улушини ўз ичига олади.
- Биргаликдаги фаолият бўйича келишув* - бу икки ёки ундан ортиқ томонлар биргаликда назорат қиладиган фаолият бўйича келишувдир.
- Биргаликдаги назорат* - бу шартномада назарда тутилган фаолият бўйича назоратнинг тақсимланиши бўлиб, тегишли фаолиятлар тўғрисидаги қарорлар учун назоратни тақсимловчи томонларнинг бир овоздан розилиги талаб этиладиган пайтдагина мавжуд бўлади.
- Қўшма корхона* - бу биргаликдаги фаолият бўйича келишув бўлиб, бунда фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эга томонлар фаолиятнинг соф активларига нисбатан ҳуқуқларга эга бўлади.
- Қўшма корхона иштирокчиси* - бу қўшма корхона устидан биргаликдаги назоратга эга бўлган қўшма корхонанинг томонидир.
- Аҳамиятли таъсир* - бу инвестиция объектининг молиявий ва операцион сиёсати бўйича назорат ёки биргаликдаги назоратни амалга ошириш эмас, балки бундай сиёсат бўйича қарорларни қабул қилишда иштирок этиш ваколатидир.
- 4 Қуйидаги атамалар 27-сон БҲХС “Алоҳида молиявий ҳисобот”нинг 4-бандида ва 10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”нинг А иловасида таърифланган ва мазкур стандартда қуйидаги МҲХСларда белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

- инвестиция объекти назорати
- гуруҳ
- бош ташкилот
- алоҳида молиявий ҳисобот
- шўба ташкилоти.

Аҳамиятли таъсир

- 5 Агар ташкилот инвестиция объектига нисбатан бевосита ёки билвосита (масалан шўба ташкилотлари орқали) овоз бериш ваколатининг 20 фоизи ёки ундан ортиғига эга бўлса, бундай ташкилот аҳамиятли таъсирга эга ҳисобланади (агар бундай таъсир мавжуд эмаслиги аниқ кўрсатила олмаса). Аксинча, агар ташкилот инвестиция объектига нисбатан бевосита ёки билвосита (масалан шўба ташкилотлари орқали) овоз бериш ваколатининг 20 фоиздан камроғига эга бўлса, бундай ташкилот аҳамиятли таъсирга эга бўлмайди (агар бундай таъсир мавжудлиги аниқ кўрсата олинмаса). Бошқа инвестор томонидан акцияларнинг аҳамиятли қисмига ёки назорат пакетига эгалик қилиниши ташкилотнинг аҳамиятли таъсирга эга бўлишига тўсқинлик қилмайди.
- 6 Ташкилот томонидан аҳамиятли таъсирнинг мавжудлиги одатда қуйидагилардан бирининг ёки бир нечтасининг мавжудлиги билан тасдиқланади:
- (а) инвестиция объектининг директорлар кенгашида ёки шу каби бошқарув органидаги вакиллик;
 - (б) сиёсат ишлаб чиқиш жараёнида, жумладан дивидендлар ёки бошқа тақсимотлар тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиш;
 - (в) ташкилот ва унинг инвестиция объекти ўртасидаги муҳим операциялар;
 - (г) бошқарув ходимларининг ўзаро алмашинуви; ёки
 - (д) муҳим техник маълумотларни тақдим этиш.
- 7 Ташкилот, бошқа ташкилотнинг молиявий ва операцион сиёсати бўйича қўшимча овоз бериш ҳуқуқини бериш ёки бошқа томоннинг овоз бериш ҳуқуқини камайтириш салоҳиятга эга бўлган (яъни потенциал овоз бериш ҳуқуқларига) оддий акциялар ёки бошқа шунга ўхшаш инструментларга конвертацияланадиган акция варрантлари, акция колл опционлари, қарз ёки улушли инструментларга эга бўлиши мумкин. Ташкилотнинг аҳамиятли таъсирга эга бўлиши ёки бўлмаслигини баҳолашда, жорий даврда фойдаланилиши ёки конвертацияланиши мумкин бўлган потенциал овоз бериш ҳуқуқларининг, жумладан бошқа ташкилотлар томонидан эгалик қилинадиган потенциал овоз бериш ҳуқуқларининг мавжудлиги ва таъсири инобатга олинади. Потенциал овоз бериш ҳуқуқлари, агар улар, масалан, келгуси санагача ёки келгуси ҳодиса юз бергунча конвертациялана олмайдиган ёки фойдаланила олмайдиган бўлса, жорий даврда фойдаланилмайдиган ёки конвертацияланмайдиган ҳисобланади.
- 8 Потенциал овоз бериш ҳуқуқлари аҳамиятли таъсир мавжудлигига олиб келишини баҳолашда, ташкилот, потенциал ҳуқуқлардан фойдаланиш ёки уларни конвертациялаш бўйича раҳбариятнинг нияти ва молиявий имкониятлардан ташқари, потенциал ҳуқуқларга таъсир этадиган барча фактлар ва ҳолатларни (жумладан, потенциал овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланиш шартлари ва бошқа алоҳида ёки биргаликда инобатга олинишидан қатъий назар, ҳар қандай бошқа келишув шартномаларини) таҳлил қилади.
- 9 Ташкилот инвестиция объектининг молиявий ва операцион сиёсати билан боғлиқ қарорларнинг қабул қилинишида иштирок этиш ҳуқуқини йўқотганда, мазкур инвестиция объекти устидан аҳамиятли таъсирни йўқотади. Аҳамиятли таъсирнинг йўқотилиши, мутлақ ёки нисбий эгалик ҳуқуқининг даражасидаги ўзгариш ёки ўзгаришсиз содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, масалан, таъсир остидаги ташкилот давлат, суд, маъмурий ёки тартибга солувчи орган назорати остида бўлганида содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолат шартнома тузилиши натижасида ҳам содир бўлиши мумкин.

Улушли қатнашиш усули

- 10 Улушли қатнашиш усулида, дастлабки тан олишда таъсир остидаги ташкилотга ёки қўшма корхонага қилинган инвестиция бошланғич қийматда тан олинади ва унинг баланс қиймати харид қилиш санасидан сўнг инвестиция объектининг фойда ёки зараридаги инвесторнинг улушини тан олиш ҳисобига кўпаяди ёки камаяди. Инвестиция объектининг фойда ёки зараридаги инвесторнинг улуши

- инвесторнинг фойда ёки зарари таркибида тан олинади. Инвестиция объекти фойдасини тақсимлаш натижасида олинadиган маблағлар инвестициянинг баланс қийматини камайтиради. Инвестиция объектининг бошқа умумлашган даромадидаги ўзгаришлардан келиб чиқадиган, инвестиция объектидаги инвестор улушининг ўзгаришларини акс эттириш учун инвестициянинг баланс қийматига тузатишлар киритиш зарур бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришлар асосий воситаларни қайта баҳолашдан ва бошқа валютага ўтказиш бўйича курс фарқларидан юзага келадиган ўзгаришларни ўз ичига олади. Инвесторнинг мазкур ўзгаришлардаги улуши инвесторнинг бошқа умумлашган даромадида тан олинади (1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*”га қаранг).
- 11 Инвестиция объекти фойдасини тақсимланиши асосида тан олинган даромад инвестор томонидан таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициядан олинган даромаднинг етарлича аниқ баҳоси бўлмаслиги мумкин, чунки фойдани тақсимланишидан олинган маблағлар таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фаолияти натижаларига кам боғлиқликда бўлиши мумкин. Инвестор инвестиция объекти устидан биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга бўлганлиги сабабли, инвестор таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фаолиятдан ва бунинг натижасида, ўз инвестицияси даромадиллигидан манфаатдордир. Инвестор мазкур манфаатдорликни инвестиция объектининг фойда ёки зараридаги улушини ўз молиявий ҳисоботида киритиш орқали акс эттиради. Натижада, улушли қатнашиш усули қўлланиши инвесторнинг соф активлари ва фойда ёки зарари тўғрисида кўпроқ маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботни таъминлайди.
- 12 Потенциал овоз бериш ҳуқуқлари ёки потенциал овоз бериш ҳуқуқларини ўз ичига оладиган бошқа деривативлар мавжуд бўлганда, ташкилотнинг таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улуши фақатгина мавжуд эгалик улушлари асосида аниқланади ва агар 13-банд қўлланмаса, у потенциал овоз бериш ҳуқуқларининг ва бошқа дериватив инструментларнинг мумкин бўлган фойдаланилиши ёки конвертациялишини акс эттирмайди.
- 13 Баъзи ҳолатларда, ташкилот моҳиятан жорий даврда эгалик улуши билан боғлиқ даромадлар олиш имкониятини берадиган операция натижасида мавжуд эгалик улушига эга бўлади. Бундай ҳолатларда, ташкилотга тегишли улуш жорий даврда даромад олиш имкониятини берадиган потенциал овоз бериш ҳуқуқларидан ва бошқа дериватив инструментлардан фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.
- 14 Улушли қатнашиш усули бўйича ҳисобга олинган таъсир остидаги ташкилотдаги ва қўшма корхоналардаги улушларга нисбатан 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*” қўлланмайди. Потенциал овоз бериш ҳуқуқларини ўз ичига оладиган инструментлар моҳиятан жорий даврда таъсир остидаги ташкилотдаги ва қўшма корхонадаги эгалик улуши билан боғлиқ даромад олиш имкониятини берганда, бундай инструментлар 9-сон МҲХСнинг қўллаш доирасига кирмайди. Бошқа барча ҳолатларда, таъсир остидаги ташкилотдаги ва қўшма корхонадаги потенциал овоз бериш ҳуқуқларини ўз ичига оладиган инструментлар 9-сон МҲХСга мувофиқ ҳисобга олинади.
- 14А Ташкилот 9-сон МҲХСни таъсир остидаги ташкилотдаги ва қўшма корхонадаги улушли қатнашиш усули қўлланмаган бошқа инструментларга ҳам қўллайди. Буларга, моҳияти бўйича ташкилотнинг таъсир остидаги ташкилотдаги ва қўшма корхонадаги соф инвестицияларининг бир қисмини ташкил этадиган узоқ муддатли улушлар қиради (38 бандга қаранг). Ташкилот бундай узоқ муддатли улушларга нисбатан мазкур стандартнинг 38 банди ва 40-43 бандларини қўллашдан олдин 9-сон МҲХСни қўллайди. Ташкилот 9-сон МҲХСни қўллашда узоқ муддатли улушларнинг баланс қийматига киритиладиган, мазкур стандартни қўллашдан юзага келадиган тузатишларни ҳисобга олмайди.
- 15 Агар таъсир остидаги ташкилотдаги ва қўшма корхонадаги инвестиция ёки инвестициянинг бир қисми 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ сотишга мўлжалланган актив сифатида таснифланмаса, инвестиция ёки ҳар қандай сотишга мўлжалланган актив сифатида таснифланмаган инвестициядаги улуш узоқ муддатли актив сифатида таснифланиши лозим.

Улушли қатнашиш усулининг қўлланиши

- 16 Инвестиция 17-19 бандларга мувофиқ улушли қатнашиш усулини қўллашдан озод этилган ҳоллардан ташқари, инвестиция объекти бўйича биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга бўлган ташкилот таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициясини улушли қатнашиш усули бўйича ҳисобга олиши лозим.

Улушли қатнашиш усулини қўллашдан озод этиш

- 17 Агар қуйидаги шартларнинг барчаси бажарилса ёки ташкилот 10-сон МҲХСнинг 4(а) бандига мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашдан озод этиладиган бош ташкилот бўлса, ташкилот таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициясига нисбатан улушли қатнашиш усулини қўлламаслиги мумкин:
- (а) Ташкилот унга тўлиқ ёки қисман эгалик қиладиган бошқа ташкилотнинг шўъба ташкилоти бўлса ва унинг бошқа мулкдорлари, жумладан бошқа ҳолларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган мулкдорлари ташкилотнинг улушли қатнашиш усулини қўлламаслиги тўғрисида хабардор қилинган ва бунга қаршилик қилмайдиган бўлса.
 - (б) Ташкилотнинг қарз ёки улушли инструментлари очик бозорда (ички ёки ташқи фонд биржаси ёки биржадан ташқари бозор, жумладан маҳаллий ва ҳудудий бозорларда) савдо қилинмаса.
 - (в) Ташкилот очик бозорда бирор турдаги инструментларни чиқариш мақсадида ўзининг молиявий ҳисоботини қимматли қоғозлар бўйича комиссияга ёки бошқа назорат органига тақдим этмаган ёки тақдим этиш жараёнида бўлмаган бўлса.
 - (г) Ташкилотнинг якуний ёки ҳар қандай оралик бош ташкилоти, шўъба ташкилотлари 10-сон МҲХСга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда консолидацияланадиган ёки баҳоланадиган, оммавий фойдаланиш учун МҲХСларга мувофиқ молиявий ҳисоботни тақдим қилса.
- 18 Агар таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестицияга венчур капитал ташкилот ёки ўзаро фонд, улушли траст фонди ва шўнга ўхшаш ташкилотлар, жумладан инвестицияга боғлиқ бўлган суғурта фондлари орқали бевосита ёки билвосита эгалик қилинса, ташкилот 9-сон МҲХСга мувофиқ мазкур инвестицияларни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолашни танлаши мумкин. Ташкилот бундай танлашни таъсир остидаги ташкилотни ёки қўшма корхонани дастлабки тан олишда, ҳар бир таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона учун алоҳида амалга ошириши лозим.
- 19 Агар ташкилот таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициянинг бир қисмига венчур капитал ташкилот ёки ўзаро фонд, улушли траст фонди ва шунга ўхшаш ташкилотлар, жумладан инвестицияга боғлиқ бўлган суғурта фондлари орқали эгалик қилса, венчур капитал ташкилот ёки ўзаро фонд, улушли траст фонди ва шунга ўхшаш ташкилотлар, жумладан инвестицияга боғлиқ бўлган суғурта фондлари, инвестициянинг мазкур қисми бўйича аҳамиятли таъсирга эга бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъий назар, ташкилот 9-сон МҲХСга мувофиқ инвестициянинг мазкур қисми учун фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолашни танлаши мумкин. Агар ташкилот бундай танловни амалга оширса, унда венчур капитал ташкилоти ёки ўзаро фонд, улушли траст фонди ва шўнга ўхшаш ташкилотлар, жумладан инвестицияга боғлиқ бўлган суғурта фондлари, орқали эгалик қилинмайдиган таъсир остидаги ташкилотдаги ўз инвестициясининг ҳар қандай қолдиқ қисмига нисбатан улушли қатнашиш усулини қўллаши лозим.

Сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифлаш

- 20 Ташкилот сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифлаш меъзонига жавоб берадиган таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестицияга ёки инвестициянинг бир қисмига нисбатан 5-сон МҲХСни қўллаши лозим. Сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифланган қисми ҳисобдан чиқарилмагунга қадар, сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифланмаган таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициянинг ҳар қандай қолдиқ қисми улушли қатнашиш усулида ҳисобга олиними лозим. Ҳисобдан чиқарилгандан сўнг ташкилот таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги ҳар қандай қолдиқ улушни 9-сон МҲХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим, бунда қолдиқ улуш таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона тарзидан тан олинишда давом этадиган ва ташкилот улушли қатнашиш усулидан фойдаланадиган ҳолатлар мустасно.
- 21 Илгари сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифланган таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестиция ёки инвестициянинг бир қисми ортиқ бундай таснифлаш мезонига жавоб бермаса, у сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифланган санадан бошлаб ретроспектив тарзда улушли қатнашиш усулида ҳисобга олиними лозим. Сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифлашдан кейинги даврлардаги молиявий ҳисоботга ўз навбатида тузатишлар киритилиши лозим.

Улушли қатнашиш усулидан фойдаланишни тўхтатиш

- 22 Ташкилот қуйидаги ҳолларда унинг инвестицияси таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона бўлиб ҳисобланмайдиган санада бошлаб улушли қатнашиш усулидан фойдаланишни тўхтатиши лозим:
- (а) Агар бундай инвестиция шўба ташкилотига айланса, ташкилот ўз инвестициясини 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” ва 10-сон МҲХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
 - (б) Агарда олдинги таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги қолдиқ улуш молиявий актив бўлиб ҳисобланса, ташкилот қолдиқ улушни ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим. Қолдиқ улушнинг ҳаққоний қиймати унинг 9-сон МҲХСга мувофиқ молиявий активни дастлабки тан олишда аниқланган ҳаққоний қиймати сифатида ҳисобланиши лозим. Ташкилот қуйидагилар ўртасидаги ҳар қандай фарқни фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим:
 - (i) ҳар қандай қолдиқ улушнинг ҳаққоний қиймати ва таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улуш қисмининг ҳисобдан чиқарилиши бўйича ҳар қандай пул маблағларининг тушиши; ва
 - (ii) улушли қатнашиш усули тўхтатилган санадаги инвестициянинг баланс қиймати.
 - (в) Ташкилот улушли қатнашиш усулидан фойдаланишни тўхтатганда, мазкур инвестицияга нисбатан аввал бошқа умумлашган даромадда тан олинган барча микдорларни шундай бир хил асосда, инвестиция объекти тегишли активларни ёки мажбуриятларни бевосита ҳисобдан чиқарганда талаб этилгани каби, ҳисобга олиши лозим.
- 23 Шу сабабли, агар инвестиция объекти томонидан олдин бошқа умумлашган даромадда тан олинган фойда ёки зарар тегишли активлар ёки мажбуриятлар ҳисобдан чиқарилганда фойда ёки зарар таркибига қайта таснифланмайдиган бўлса, ташкилот олдин хусусий капиталда акс эттирилган фойда ёки зарарни улушли қатнашиш усули тўхтатилганда фойда ёки зарар таркибига қайта таснифлайди (қайта таснифлаш бўйича тузатиш сифатида). Масалан, агар таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона чет элдаги бўлинмага тегишли жамғарилган курс фарқларига эга бўлса ва ташкилот улушли қатнашиш усулидан фойдаланишни тўхтатса, ташкилот чет элдаги бўлинмага нисбатан олдин бошқа умумлашган даромадда тан олинган фойда ёки зарарни фойда ёки зарар таркибида қайта таснифлаши лозим.
- 24 Агар таъсир остидаги ташкилотдаги инвестиция қўшма корхонадаги инвестицияга айланса ёки қўшма корхонадаги инвестиция таъсир остидаги ташкилотдаги инвестицияга айланса, ташкилот улушли қатнашиш усулини қўллашни давом эттиради ва қолдиқ улушни қайта баҳоламайди.

Эгалик улушидаги ўзгаришлар

- 25 Агар ташкилотнинг таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги эгалик улуши камайса, лекин инвестиция таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона тарзида таснифланишда давом этса, ташкилот агар мазкур фойда ёки зарар тегишли активлар ёки мажбуриятларнинг ҳисобдан чиқарилишида фойда ёки зарарга қайта таснифланиши талаб этилса, бу камайишга нисбатан илгари бошқа умумлашган даромадда тан олинган фойда ёки зарарнинг қисмини фойда ёки зарарга қайта таснифлаши лозим.

Улушли қатнашиш усулини қўллаш тартиблари

- 26 Улушли қатнашиш усулини қўллаш учун ўринли бўлган тартибларнинг қўпчилиги 10-сон МҲХСда изоҳланган консолидациялаш тартибларига ўхшашдир. Бундан ташқари, шўба ташкилотини харид қилишни ҳисобга олишда қўлланиладиган тартиблар асосидаги концепциялар таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестицияни харид қилишни ҳисобга олишда ҳам қабул қилинади.
- 27 Гуруҳнинг таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улуши бош ташкилот ва унинг шўба ташкилотлари томонидан мазкур таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги эгалик ҳуқуқларининг жамланмасидир. Гуруҳнинг бошқа таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги эгалик ҳуқуқлари мазкур мақсадда инobatга олинмайди. Таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона шўба ташкилотларга, таъсир остидаги ташкилотларга ёки қўшма корхоналарга эга

- бўлганда, улушли қатнашиш усулини қўллашда ҳисобга олинadиган фойда ёки зарар, бошқа умумлашган даромад ва соф активлар бир хил ҳисоб сибсати бўйича акс этирилиши учун зарур бўлган ҳар қандай тузатишлар киритилишидан кейин (35 ва 36-бандларга қаранг) таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг молиявий ҳисоботида тан олинган фойда ёки зарар, бошқа умумлашган даромад ва соф активлари ҳисобланади (жумладан таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг унинг таъсир остидаги ташкилоти ёки қўшма корхонаси фойда ёки зараридаги, бошқа умумлашган даромадидаги ва соф активларидаги улуши).
- 28 Ташкилот (жумладан унинг консолидацияланган шўба ташкилотлари) ва таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона ўртасидаги “Пастдан юқорига” ва “Юқоридан пастга” операциялар натижасида юзага келадиган фойда ёки зарарлар ташкилотнинг молиявий ҳисоботида фақат ўзаро боғлиқ бўлмаган инвесторларнинг таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улушлари даражасида тан олинади. “Пастдан юқорига” операциялар, масалан, таъсир остидаги ташкилотдан ёки қўшма корхонадан инвесторга активларнинг сотилишидир. “Юқоридан пастга” операциялар, масалан, инвестордан унинг таъсир остидаги ташкилотига ёки қўшма корхонасига активларнинг сотилиши ёки киритилишидир. Мазкур операциялардан юзага келадиган инвесторнинг таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фойда ёки зарарларидаги улуши чиқариб ташланади.
- 29 Юқоридан пастга операциялар сотилган ёки киритилган активларнинг соф сотиш қийматида камайишни ёки мазкур активларнинг қадрсизланишидан зарарни кўрсатганда, мазкур зарарлар инвестор томонидан тўлиқ тан олинади лозим. Пастдан юқорига операциялар сотиб олинган активларнинг соф сотиш қийматида камайишни ёки мазкур активларнинг қадрсизланишдан зарарни кўрсатганда, инвестор мазкур зарарлардаги ўз улушини тан олиши лозим.
- 30 Номонетар активнинг таъсир остидаги ташкилотга ёки қўшма корхонага улардаги улуш эвазига киритилиши 28-бандга мувофиқ ҳисобга олинади лозим, бунда 16-сон БҲХС “Асосий воситалар” да тавсифланганидек, ушбу номонетар активнинг хусусий капиталга қўйилма сифатида берилиши тижорий моҳиятга эга бўлмаслик ҳолати бундан мустасно. Агар бундай қўйилма тижорий моҳиятга эга бўлмаса, фойда ёки зарар реализация қилинмаган ҳисобланади ва шунингдек 31-банд қўлланилмагунча тан олинмайди. Бундай реализация қилинмаган фойда ва зарарлар улушли қатнашиш усули ёрдамида ҳисобга олинган инвестициядан чегириб ташланиши лозим ва ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки ташкилотнинг инвестициялари улушли қатнашиш усули ёрдамида ҳисобга олинган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида кечиктирилган фойда ёки зарарлар сифатида тақдим этилмаслиги лозим.
- 31 Агар ташкилот, таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона капиталидаги улушга қўшимча тарзда, монетар ёки номонетар активларни ҳам олса, ташкилот олинган монетар ёки номонетар активларга тегишли бўлган номонетар қўйилма бўйича фойда ёки зарарнинг қисмини ўзининг фойда ёки зарарида тўлиқ тан олади.
- 31А–31Б *[Ушбу бандлар кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутди ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*
- 32 Инвестиция ташкилот таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхонага айланган санадан бошлаб улушли қатнашиш усули асосида ҳисобга олинади. Инвестиция харид қилинганда, инвестициянинг бошланғич қиймати ва инвестиция объектнинг идентификацияланadиган активлари ва мажбуриятларнинг соф ҳаққоний қийматларидаги ташкилотнинг улуши ўртасидаги ҳар қандай фарк куйидагича ҳисобга олинади:
- (а) таъсир остидаги ташкилотга ёки қўшма корхонага тегишли гудвилл инвестициянинг баланс қийматига киритилади. Мазкур гудвиллни амортизация қилишга руҳсат этилмайди.
 - (б) инвестиция объектнинг идентификацияланadиган активлари ва мажбуриятларнинг соф ҳаққоний қийматидаги ташкилот улушининг инвестиция бошланғич қийматидан ҳар қандай ортиқ қисми инвестиция харид қилинган даврда таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фойда ёки зараридаги ташкилотнинг улушини аниқлашда даромад сифатида ҳисобга олинади.
- Харид қилиш санасидан кейин таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фойда ёки зараридаги ташкилотнинг улушига тегишли тузатишлар, масалан, эскириш ҳисобланадиган активларнинг харид санасидаги ҳаққоний қийматларига асосланган эскиришини ҳисобга олиш учун амалга оширилади. Шу каби, харид қилиш санасидан кейин таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фойда ёки зараридаги ташкилотнинг улушига тегишли тузатишлар, масалан, гудвилл ёки асосий воситалар учун қадрсизланишдан зарарларни ҳисобга олиш мақсадида амалга оширилади.
- 33 **Улушли қатнашиш усулини қўллашда ташкилот томонидан таъсир остидаги ташкилотда ёки қўшма корхонада мавжуд бўлган энг сўнгги давр молиявий ҳисоботи фойдаланилади. Ташкилотнинг ва таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг ҳисобот даврининг охири фарк қилганда, таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона ўз молиявий**

- хисоботини, уни тайёрлаш амалий имконсиз бўлган ҳоллардан ташқари, ташкилот фойдаланиши учун ташкилотнинг молиявий хисоботи санаси билан бир хил бўлган сана ҳолатига тайёрлайди.
- 34 33-бандга мувофиқ, улушли қатнашиш усулини қўллашда фойдаланилган таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корxonанинг молиявий хисоботи ташкилотнинг молиявий хисоботи санасидан фарқ қиладиган санада тайёрланган бўлса, бу сана ва ташкилотнинг молиявий хисоботи санаси орасида содир бўлган аҳамиятли операциялар ёки ҳодисалар таъсирларига нисбатан тузатишлар амалга оширилиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда, таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корxonанинг хисобот даври охири билан ташкилотнинг хисобот даврининг охири ўртасидаги фарқ уч ойдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Хисобот даврларининг давомийлиги ва хисобот даврлари охирилари ўртасидаги ҳар қандай фарқ даврлар аро бир хил бўлиши лозим.
- 35 Ташкилотнинг молиявий хисоботи ўхшаш операциялар ва ҳодисалар учун бир хил ҳисоб сиёсати асосида тайёрланиши лозим.
- 36 36А бандда тавсифланган ҳолатдан ташқари, агар таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона бир хил операциялар ва ҳодисалар учун ташкилотнинг ҳисоб сиёсатидан фарқ қиладиган сиёсатдан фойдаланса, ташкилот томонидан улушли қатнашиш усулини қўллашда таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корxonанинг молиявий хисоботи фойдаланилганда, таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корxonанинг ҳисоб сиёсатини ташкилотнинг ҳисоб сиёсатига мос келишини таъминлаш учун тузатишлар амалга оширилиши лозим.
- 36А 36 банд талабларидан қатъий назар, агар ўзи инвестиция ташкилоти бўлмаган ташкилот инвестиция ташкилоти бўлган таъсир остидаги ташкилотда ёки қўшма корхонада улушга эга бўлса, ташкилот улушли қатнашиш усулини қўллашда инвестиция ташкилоти бўлган таъсир остидаги ташкилотга ёки қўшма корхонага ўзининг шўъба ташкилотларидаги улушларига нисбатан қўлланадиган ҳаққоний қийматда баҳолашни сақлаб қолишни танлаши мумкин. Бундай танлов ҳар бир инвестиция ташкилоти бўлган таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона учун алоҳида қуйидаги саналарнинг энг сўнггида амалга оширилади (а) инвестиция ташкилоти бўлган таъсир остидаги ташкилотни ёки қўшма корxonани дастлабки тан олиш санасида; (б) таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона инвестиция ташкилотига айланган санада; ва (в) инвестиция ташкилоти бўлган таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона биринчи марта бош ташкилотга айланган санада.
- 37 Агар таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона ташкилотдан ташқари бошқа тарафлар томонидан эғалик қилинадиган ва хусусий капитал сифатида таснифланган амалдаги кумулятив имтиёзли акцияларга эга бўлса, ташкилот, дивидендлар эълон қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъий назар, фойда ёки зарардаги улушини бундай акциялар бўйича дивидендларга нисбатан тузатишлардан сўнг ҳисоблайди.
- 38 Агар ташкилотнинг таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корxonанинг зарарларидаги улуши унинг таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улушига тенг ёки ортиқ бўлса, ташкилот кейинги зарарлардаги ўз улушини тан олишни тўхтатади. Таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улуш, моҳиятан ташкилотнинг таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги соф инвестициясининг қисмини ташкилот этадиган ҳар қандай узоқ муддатли улушлар билан биргаликда улушли қатнашиш усули асосида аниқланган таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициянинг баланс қийматидир. Масалан, яқин келажакда сўндирилиши режалаштирилмаган ёки содир бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлмаган модда, моҳиятан, мазкур таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги ташкилотнинг инвестициясининг қўпайишига олиб келади. Бундай моддалар имтиёзли акцияларни ва узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ёки узоқ муддатли қарзларни ўз ичига олиши мумкин, лекин савдо бўйича дебиторлик қарзлари, савдо бўйича кредиторлик қарзларини ёки кафолатланган кредитлар каби тегишли гаров мавжуд бўлган ҳар қандай узоқ муддатли дебиторлик қарзларини ўз ичига олмайди. Улушли қатнашиш усули асосида тан олинган ташкилотнинг инвестициясидан ортиқ миқдорда таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги зарарлар оддий акциялардаги ташкилот улушининг бошқа компонентларига аҳамиятлилигига тескари (яъни ликвидациядаги аҳамиятлилиқ даражаси бўйича) тарзда қўлланади.
- 39 Ташкилотнинг инвестиция объектидаги улуши нолгача камайтирилгандан сўнг, ташкилот фақат юридик ёки конструктив жавобгарликларга эга бўлган ёки таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона номидан тўловларни амалга оширган даражада қўшимча зарарлар қопланади ва мажбурият тан олинади. Агар таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона кейинчалик хисоботда фойдани акс эттирса, ташкилот фақат фойдадаги ўзининг улуши тан олинмаган зарарлардаги улушига тенг бўлгандан сўнг мазкур фойдадаги ўз улушини тан олишни бошлайди.

Қадрсизланишдан зарарлар

- 40 38 бандга мувофиқ таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг зарарини тан олишни ўз ичига олган ҳолда, улушли қатнашиш усулини қўллашдан сўнг, ташкилот таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги соф инвестициянинг қадрсизлангани бўйича далилларни аниқлаш учун 41А-41В бандларни қўллайди.
- 41 [Чиқариб ташланган]
- 41А Таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги соф инвестиция бўйича, фақат ва фақат агар у соф инвестициянинг дастлабки тан олишдан кейин содир бўлган бир ёки бир нечта ҳодисалар натижасида (зарар келтириб чиқарувчи ҳодисалар) содир бўлганлиги сабабли ҳолис далиллар мавжуд бўлса ва бундай ҳодиса (ёки ҳодисалар) ишончли баҳоланиши мумкин бўлган соф инвестицияларнинг келажакдаги пул оқимларига таъсир қилса, қадрсизланиш юзага келади ва қадрсизланиш зарари юзага келади. Қадрсизланишга сабаб бўладиган аниқ бир ҳодисани аниқлашнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Аксинча бир неча ҳодисаларнинг биргаликдаги таъсири қадрсизланишга сабаб бўлиши мумкин. Келгусидаги ҳодисалар натижасида кутилаётган зарарлар, юзага келиш эҳтимолидан қатъий назар, тан олинмайди. Соф инвестиция қадрсизланишининг ҳолис далиллари қуйидаги зарар келтирувчи ҳодисалар натижасида кузатиладиган маълумотларни ўз ичига олади:
- (а) таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг аҳамиятли молиявий қийинчиликлари;
 - (б) таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона томонидан мажбуриятни тўламаслик ёки дефолт каби шартноманинг бузилиши;
 - (в) ташкилот ўзининг таъсир остидаги ташкилотининг ёки қўшма корхонасининг молиявий қийинчиликлари билан боғлиқ бўлган иқтисодий ёки ҳуқуқий сабаблар учун таъсир остидаги ташкилотга ёки қўшма корхонага акс ҳолда тақдим этилиши мумкин бўлмаган имтиёз бериши;
 - (г) таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг банкротлиги ёки бошқа молиявий қайта ташкил этилиши эҳтимоли юзага келиши; ёки
 - (е) таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг молиявий қийинчиликлари сабабли соф инвестиция учун актив бозорнинг мавжуд бўлмаслиги.
- 41Б Таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг улушли ёки молиявий инструментларини очиқ бозорда ортиқ савдо қилинмаслиги натижасида актив бозорнинг мавжуд бўлмаслиги қадрсизланиш далили бўла олмайди. Таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг кредит рейтингининг пасайиши ёки таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг ҳаққоний қийматининг пасайиши ўз ўзидан қадрсизланишнинг далили ҳисобланмайди, бироқ бу бошқа мавжуд маълумотлар билан биргаликда қадрсизланишнинг далили бўлиши мумкин.
- 41В 41А банддаги ҳодисаларга қўшимча тарзда, таъсир остидаги ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг улушли инструментларига соф инвестициянинг қадрсизланиши бўйича ҳолис далилларга таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона фаолият юритадиган технологик, бозор, ҳуқуқий ёки иқтисодий муҳитнинг салбий таъсири бўйича аҳамиятли ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар киради. Улушли инструментга инвестициянинг ҳаққоний қиймати унинг бошланғич қийматидан аҳамиятли ва давомли кам бўлиши ҳам қадрсизланишнинг ҳолис далилидир.
- 42 Таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестиция баланс қийматининг бир қисмини ташкил этадиган гудвил алоҳида тан олинмаслиги сабабли, у 36-сон БҲХС “*Активларнинг қадрсизланиши*” даги гудвилни қадрсизланиш тестидан ўтказиш талабларини қўллаш мақсадида қадрсизланиш тестидан ўтказилмайди. Бунинг ўрнига, 41А–41В бандлар талаблари қўлланадиган инвестиция қадрсизланиши мумкинлигини кўрсатса, инвестициянинг бутун баланс қиймати 36-сон БҲХСга мувофиқ ягона актив сифатида унинг қопланадиган суммасини (активнинг қуйидаги икки қийматларидан каттаси: сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланиш қиймати) баланс қиймати билан таққослаш йўли билан инвестициянинг қадрсизланганлиги текширилади. Мазкур ҳолатларда тан олинган қадрсизланишдан зарар таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициянинг баланс қийматининг маълум қисмини ташкил этадиган ҳар қандай актив, жумладан гудвил ҳисобидан қопланмайди. Ўз навбатида, мазкур қадрсизланишдан зарарнинг ҳар қандай қайта тикланиши 36-сон БҲХСга мувофиқ инвестициянинг қопланадиган суммасининг кейинги ошиши даражасида тан олинади. Инвестициянинг фойдаланиш қийматини аниқлашда, ташкилот қуйидагиларни ҳисоблайди:
- (а) таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона томонидан ҳосил қилиниши кутилган келгуси пул оқимларининг жорий қийматидаги улушини, жумладан таъсир остидаги ташкилот ёки

қўшма корхона фаолиятдан пул оқимлари ва инвестициянинг якуний ҳисобдан чиқаришдан тушумлардаги улушини; ёки

- (б) инвестициядан ва унинг якуний ҳисобдан чиқишидан олинадиган дивидендлардан юзага келиши қутилган ҳисобланган келгуси пул оқимларининг жорий қийматини.

Тўғри фаразлардан фойдаланилганда, иккала усул ҳам бир хил натижа беради.

- 43 Таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона ўз фаолиятида ташкилотнинг бошқа активларига нисбатан аҳамиятли даражада мустақил тарзда пул оқимларини юзага келтирадаган ҳоллардан ташқари, таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициянинг қопланадиган қиймати ҳар бир таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона учун баҳоланиши лозим.

Алоҳида молиявий ҳисобот

- 44 Таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестиция ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботида 27-сон БҲХСнинг (2011 йилдаги таҳрири) 10-бандига мувофиқ ҳисобга олинishi лозим.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 45 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур стандартни олдинги давр учун қўлласа, у бу фактни ёритиб бериши ва шу даврга нисбатан 10-сон МҲХС, 11-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрири)ни қўллаши лозим.
- 45А 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 40-42 бандларга ўзгартириш киритилган ва 41А–41В бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 45Б 2014 йил август ойида эълон қилинган “Алоҳида молиявий ҳисоботда улушли қатнашиши усули” (27-сон БҲХСга ўзгартиришлар) 25 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “Ҳисоб сисемати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги даврга нисбатан қўлласа, у бу фактни ёритиб бериши лозим.
- 45В [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган]
- 45Г 2014 йил декабрь ойида эълон қилинган “Инвестиция ташкилотлари: консолидациялаш бўйича истиснони қўллаш” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 28-сон БҲХСларга ўзгартиришлар) бўйича 17, 27 ва 36 бандларга ўзгартиришлар киритилди ва қўшимча 36А банд киритилди. 58 2014 йил октябрь ойида эълон қилинган “Инвестиция ташкилотлари” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 28-сон БҲХСларга ўзгартиришлар) бўйича 42А ва 42Б бандларга ўзгартиришлар киритилди ва қўшимча 40А банд киритилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2016 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 45Д 2016 йил декабрь ойида эълон қилинган “2014-2016 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар” бўйича 18 ва 36А бандларга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХСга мувофиқ 2018 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 45Е [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган]
- 45Ё 2017 йил октябрь ойида эълон қилинган “Таъсир остидаги ташкилотларга ёки қўшма корхонларга узоқ муддатли улушлар” бўйича 14А бандга ўзгартириш киритилган ва 41 банд чиқариб ташланган. Ташкилот 45Ж-45Й бандда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, мазкур ўзгартиришларни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХСга мувофиқ 2019 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

- 45Ж 45Ё банддага ўзгартиришларни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 9-сон МҲХСнинг дастлабки қўлланиши билан бир вақтда 14А бандда изоҳланган узоқ муддатли улушларга 9-сон МҲХС талабларини қўллаши лозим.
- 45З 45Ё банддага ўзгаришларни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 9-сон МҲХСни дастлабки қўллашдан сўнг, 14А банддаги талабларни узоқ муддатли улушларга қўллаш учун зарур бўлган 9-сон МҲХСнинг ўтиш талабларини қўллайди. Шу мақсадда, 9-сон МҲХС дастлабки қўллаш санасидаги ҳаволалар ташкилот томонидан мазкур ўзгартиришларни биринчи марта қўлланган (ўзгартиришларни дастлабки қўллаш санаси) ҳисобот даври бошидаги ҳаволалар сифатида ўқилиши лозим. Ташкилотдан ўзгартиришларни қўллаш учун ўтган даврларни қайта ҳисоблаши талаб этилмайди. Ташкилот ўтган давр маълумотларини, фақат ва фақат агар олдинги маълумотлардан фойдаланмасдан амалга ошириш мумкин бўлса, қайта ҳисоблаши мумкин.
- 45И 45Ё банддаги ўзгартиришларни биринчи марта қўллашда, 4-сон МҲХС “*Суғурта шартномалари*” бўйича 9-сон МҲХСдан вақтинча озод қилишни қўллайдиган ташкилот, ўзгартиришлар қўлланишини акс эттириш учун ўтган давр маълумотларини қайта ҳисоблаши талаб этилмайди. Ташкилот ўтган давр маълумотларини, фақат ва фақат агар олдинги маълумотлардан фойдаланмасдан амалга ошириш мумкин бўлса, қайта ҳисоблаши мумкин.
- 45Й Агар ташкилот 45Ё ва 45И бандларга мувофиқ ўтган даврлар учун маълумотларни қайта ҳисоблашни амалга оширмаса, ушбу ўзгаришларнинг дастлабки қўллаш санасида куйидагилар ўртасидаги фарқлар тақсимланмаган фойдада (ва хусусий капиталнинг бошқа тегишли компонентида) тан олинishi лозим:
- (а) ушбу санада 14А бандда тавсифланган узоқ муддатли улушларнинг олдинги баланс киймати; ва
 - (б) ушбу санада бу узоқ муддатли улушларнинг баланс киймати.

9-сон МҲХСга ҳаволалар

- 46 Агар ташкилот мазкур стандартни қўллаган пайтда 9-сон МҲХСни қўлламаган бўлса, 9-сон МҲХСга ҳар қандай ҳавола 39-сон БҲХСга ҳавола сифатида инобатга олинishi лозим.

28-сон БҲХС (2003 йил таҳрири) ўз кучини йўқотиши

- 47 Мазкур стандарт 28-сон БҲХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга инвестициялар*”(2003 йилдаги таҳрири)ни ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
17-ИЛОВА

29-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисобот¹

Қўллаш доираси

- 1 Мазкур стандарт функционал валютаси гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютаси бўлган ҳар қандай ташкилотнинг молиявий ҳисоботиغا, жумладан консолидациялашган молиявий ҳисоботиغا нисбатан қўлланиши лозим.
- 2 Гиперинфляцияли иқтисодиётда фаолият натижалари ва молиявий ҳолат тўғрисидаги маълумотларни қайта ҳисобламасдан маҳаллий валютада тақдим этиш фойдали ҳисобланмайди. Пул харид қобилиятини шу даражада йўқотадики, бунда турли вақтларда, ҳаттоки бир ҳисобот даврининг турли вақтларида содир бўлган операциялар ва бошқа ҳодисалардан келиб чиқадиган суммаларни қиёслаш янглиш фикрга олиб келади.
- 3 Мазкур стандарт гиперинфляция юзага келишининг мутлақ даражасини белгиламайди. Молиявий ҳисоботни мазкур стандартга мувофиқ қайта ҳисоблаш зарур бўладиган пайт мулоҳаза асосида аниқланади. Гиперинфляция мамлакат иқтисодий муҳитининг хусусиятлари орқали намоён бўлади, улар қўйидагиларни ўз ичига олади, лекин улар билан чегараланмайди:
 - (а) умумий аҳоли ўз бойлигини номонетар активларда ёки нисбатан барқарор чет эл валютасида сақлашни афзал қўради. Маҳаллий валютадаги мавжуд суммалар харид қобилиятини сақлаш учун дарҳол инвестиция қилинади;
 - (б) умумий аҳоли монетар суммаларни маҳаллий валютада эмас, балки нисбатан барқарор чет эл валютасида қўриб чиқади. Нархлар ушбу валютада белгиланиши мумкин;
 - (в) кредит асосида сотувлар ва харидлар кредит даври мобайнида, ҳатто бундай давр қисқа бўлса ҳам, харид қобилиятнинг қутилаётган зарарини қоплайдиган нархларда амалга оширилади;
 - (г) фойз ставкалари, ойлик маошлари ҳамда нархлар нарх индексига боғланган бўлади; ва
 - (д) уч йиллик кумулятив инфляция даражаси 100% га яқинлашади ёки ошади.
- 4 Айни бир гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютасида ҳисобот берадиган барча ташкилотлар бир хил санадан бошлаб мазкур стандартни қўллаши афзалдир. Шунга қарамай, мазкур стандарт ҳар қандай ташкилотнинг молиявий ҳисоботиغا нисбатан, у валютасида ҳисобот бериладиган мамлакатда гиперинфляция мавжудлигини аниқланган ҳисобот даврининг бошидан қўлланади.

Молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблаш

- 5 Нархлар давр мобайнида турли хил муайян ёки умумий сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар натижасида ўзгаради. Талаб ва таклифдаги ўзгаришлар ва технологик ўзгаришлар каби муайян омиллар алоҳида нархларни сезиларли ва бир-бирдан мустақил тарзда ошиши ёки камайишига сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, умумий омиллар нархларнинг умумий даражасидаги ўзгаришларга ва ўз навбатида, пулнинг умумий харид қобилиятидаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин.
- 6 Молиявий ҳисоботни бошланғич қиймат асосида тайёрлайдиган ташкилотлар нархларнинг умумий даражасидаги ўзгаришларни ёки тан олинган активлар ёки мажбуриятларнинг муайян нархларидаги ўсишларни эътиборга олмаган ҳолда молиявий ҳисобот тайёрлайди. Ташкилот томонидан ҳаққоний қийматда баҳоланиши талаб этиладиган ёки танланадиган активлар ва мажбуриятлар бундан мустаснодир. Масалан, асосий воситалар ҳаққоний қийматда қайта баҳоланиши мумкин ва биологик

¹ 2008 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар”нинг бир қисми сифатида, Кенгаш 29-сон БҲХСдаги атамаларни бошқа МҲХСлар билан мос бўлиши учун қуйидагича ўзгартирган: (а) “бозор қиймати” атамаси “ҳаққоний қиймат” атамасига ва (б) “фаолият натижалари” ва “соф даромад” атамалари “фойда ёки зарар” атамасига ўзгартirilган.

- активлар умумий ҳолда ҳаққоний қийматда баҳоланиши талаб этилади. Лекин, баъзи ташкилотлар активларнинг муайян нархларидаги ўзгаришларнинг таъсирини акс эттирадиган жорий қиймат ёндашуви асосидаги молиявий ҳисоботни тақдим этади.
- 7 Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисобот бошланғич қиймат ёндашуви асосида ёки жорий қиймат ёндашуви асосида тайёрланган бўлишдан қатъий назар, фақатгина агар у ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида ифодаланган бўлса, фойдали бўлиши мумкин. Натижада, мазкур стандарт гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютасида ҳисобот берадиган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботига нисбатан қўлланади. Мазкур стандартда талаб этилган маълумотларни қайта ҳисобланмаган молиявий ҳисоботга қўшимча сифатида тақдим этилишига руҳсат этилмайди. Бундан ташқари, қайта ҳисоблашдан олдин молиявий ҳисоботнинг алоҳида тақдим этилиши маъқулланмайди.
- 8 **Функционал валютаси гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютаси бўлган ташкилотнинг молиявий ҳисоботи, у бошланғич қиймат ёндашувига ёки жорий қиймат ёндашувига асосланган бўлишдан қатъий назар, ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида акс эттирилиши лозим. 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” (2007 йилдаги таҳририда)да талаб этилган олдинги даврлар учун тегишли рақамлар ва дастлабки даврларга нисбатан ҳар қандай маълумотлар ҳам ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида акс эттирилиши лозим. Қиёсий суммаларни ҳисобот тақдим этишнинг бошқа валютасида тақдим этиш мақсадида, 21-сон БҲХС “Валюта курсларидаги ўзгаришлар таъсири”нинг 42(б) ва 43 бандлари қўлланади.**
- 9 **Соф монетар позиция бўйича фойда ёки зарар фойда ёки зарарда ҳисобга олинishi ҳамда алоҳида ёритиб берилиши лозим.**
- 10 Мазкур стандартга мувофиқ молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблаш муайян тартиб-таомилларни ҳамда мулоҳазани қўллашни талаб этади. Ушбу тартиб-таомилларни ва мулоҳазаларнинг даврлар аро изчил қўлланиши қайта ҳисобланган молиявий ҳисоботда акс эттирилган якуний суммаларнинг аниқлигига нисбатан муҳимроқдир.

Бошланғич қийматга асосланган молиявий ҳисобот

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот

- 11 Ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида ҳали акс эттирилмаган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг кўрсаткичлари умумий нарх индексини қўллаган ҳолда қайта ҳисобланади.
- 12 Монетар моддалар қайта ҳисобланмайди, чунки улар аллақачон ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигини акс эттиради. Монетар моддаларга мавжуд пул маблағлари ҳамда пул маблағларида олинадиган ёки тўланадиган моддалар қиради.
- 13 Индексга боғланган облигациялар ва кредитлар каби шартнома асосида нархлардаги ўзгаришларга боғланган активлар ва мажбуриятлар ҳисобот даври охирида амалдаги сўндирилмаган қолдиқ суммани аниқлаш мақсадида шартномага мувофиқ тузатиш киритилади. Ушбу моддалар қайта ҳисобланган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тузатилган суммалар бўйича акс эттирилади.
- 14 Бошқа барча активлар ва мажбуриятлар номонетар ҳисобланади. Баъзи номонетар моддалар ҳисобот даври охирида соф сотиш қиймати ва ҳаққоний қиймат каби амалда бўлган суммаларда акс эттирилади, шу туфайли улар қайта ҳисобланмайди. Бошқа барча номонетар активлар ва мажбуриятлар қайта ҳисобланади.
- 15 Қўпгина номонетар моддалар бошланғич қийматда ёки эскириш суммаси чегирилган бошланғич қийматда акс эттирилади; шу сабабли, улар харид қилинган санада амалда бўлган суммани акс эттиради. Ҳар бир модданинг қайта ҳисобланган бошланғич қиймати ёки эскириш суммаси чегирилган бошланғич қиймати харид қилиш санасидан ҳисобот даври охиригача бўлган даврнинг умумий нарх индексидеги ўзгаришни бундай модданинг бошланғич қиймати ёки эскириш суммаси чегирилган бошланғич қийматига нисбатан қўллаш орқали аниқланади. Масалан, асосий воситалар, хом ашё захиралари ва товарлар, гудвил, патентлар, савдо белгилари ва бошқа шу каби активлар уларнинг харид қилинган саналардан бошлаб қайта ҳисобланади. Ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар захиралари харид қилиш ва қайта ишлаш сарфлари амалга оширилган санадан бошлаб қайта ҳисобланади.
- 16 Асосий воситалар моддаларининг харид қилиш саналари бўйича батафсил ёзувлар мавжуд бўлмаслиги ёки уларни тахмин қилиш имкони бўлмаслиги мумкин. Бундай камдан-кам ҳолатларда, мазкур стандартни қўллашнинг биринчи даврида қайта ҳисоблаш учун асос сифатида моддалар қийматининг мустақил профессионал баҳолашдан фойдаланиш зарур бўлиши мумкин.

- 17 Мазкур стандартга мувофиқ асосий воситаларнинг қайта ҳисобланиши талаб этилган даврлар учун умумий нарх индекси тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда, масалан, функционал валюта билан нисбатан барқарор чет эл валютаси ўртасидаги курснинг ўзгаришларига асосланган ҳисоб баҳосидан фойдаланиш зарур бўлиши мумкин.
- 18 Баъзи номонетар моддалар харид санасидан ёки молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот санасидан бошқа саналарда амалда бўлган суммаларда акс эттирилади, масалан, маълум бир олдинги санада қайта баҳоланган асосий восита. Бундай ҳолатларда, баланс қиймат қайта баҳоланган санадан бошлаб қайта ҳисобланади.
- 19 Номонетар модданинг қайта ҳисобланган суммаси унинг қопланадиган қийматидан ошса, тегишли МҲХСларга мувофиқ камайтирилади. Масалан, асосий воситалар, гудвилл, патентлар ва савдо белгиларининг қайта ҳисобланган суммалари қопланадиган қийматгача камайтирилади ва захираларнинг қайта ҳисобланган суммалари соф сотиш қийматигача камайтирилади.
- 20 Улушли қатнашиш усулида ҳисобга олинган инвестиция объекти гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютасида ҳисобот бериши мумкин. Бундай инвестиция объектининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи ва умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботи унинг соф активларидаги ва фойда ёки зараридаги инвесторнинг улушини ҳисоблаш учун мазкур стандартга мувофиқ қайта ҳисобланади. Инвестиция объектининг қайта ҳисобланган молиявий ҳисоботи чет эл валютасида акс эттирилганда, у ҳисобот санасидаги валюта курсига асосан қайта ҳисобланади.
- 21 Инфляция таъсири одатда, қарз бўйича сарфларда тан олинади. Қарз ҳисобига молиялаштирилган капитал сарфларни қайта ҳисоблаш ва айна бир даврдаги қарз бўйича сарфларнинг инфляцияни қоплайдиган қисмини капиталлаштириш ўринли эмас. Қарз бўйича сарфларнинг ушбу қисми бундай сарфлар амалга оширилган даврда харажат сифатида тан олинади.
- 22 Ташкилот муайян фоиз тўловисиз кечиктирилишига рухсат этиладиган шартнома асосида активларни харид қилиши мумкин. Фоиз миқдорини аниқлаш амалий имконсиз бўлса, бундай активлар харид қилиш санасидан эмас, балки тўлов санасидан бошлаб қайта ҳисобланади.
- 23 [Чиқариб ташланган]
- 24 Мазкур стандартни қўллашнинг биринчи даври бошида, хусусий капиталнинг тақсимланмаган фойда ва қайта баҳоланган натижасида қийматнинг ўсишидан ташқари компонентлари бундай компонентлар қўйилган ёки бошқа ҳолларда юзага келган санадан бошлаб умумий нарх индексини қўллаш орқали қайта ҳисобланади. Олдинги даврларда вужудга келган ҳар қандай қайта баҳоланган натижасида қийматнинг ўсиши чиқариб ташланади. Қайта ҳисобланган тақсимланмаган фойда қайта ҳисобланган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг бошқа барча суммаларидан келиб чиқади.
- 25 Биринчи даврнинг охирида ва кейинги даврларда хусусий капиталнинг барча компонентлари давр бошидан бошлаб ёки агар кечроқ бўлса, капитал қўйилган санадан бошлаб умумий нарх индексига қўпайтириш орқали қайта ҳисобланади. Давр мобайнида хусусий капиталдаги ўзгаришлар 1-сон БҲХСга мувофиқ ёритиб берилди.

Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот

- 26 Мазкур стандарт умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг барча моддалари ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида акс эттирилишини талаб этади. Шунинг учун, барча суммалар у даромадлар ва харажатлар моддаларининг молиявий ҳисоботларда дастлаб ҳисобга олинган саналаридан бошлаб умумий нарх индексидаги ўзгаришни қўллаш орқали қайта ҳисобланиши лозим.

Соф монетар позиция бўйича фойда ёки зарар

- 27 Инфляция даврида, монетар мажбуриятларга нисбатан кўпроқ монетар активларга эга ташкилот харид қобилиятини йўқотади ва монетар активларга нисбатан кўпроқ монетар мажбуриятларга эга ташкилот активлар ва мажбуриятлар нарх даражасига боғланмаган даражада харид қобилиятини оширади. Соф монетар позиция бўйича бундай фойда ёки зарар номонетар активларни, хусусий капитални ва умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг моддаларини қайта ҳисоблаш ҳамда индексга боғланган активлар ва мажбуриятларнинг тузатилиши натижасида вужудга келадиган тафовут сифатида аниқланиши мумкин. Фойда ёки зарар умумий нарх индексидаги ўзгаришни давр учун монетар активлар ва монетар мажбуриятлар ўртасидаги тафовутнинг ўртача тортилган қийматига қўпайтириш орқали ҳисобланиши мумкин.
- 28 Соф монетар позиция бўйича натижалар фойда ёки зарар таркибида акс эттирилади. Шартнома асосида нархлардаги ўзгаришларга боғланган активлар ва мажбуриятларга 13-бандга мувофиқ киритиладиган тузатишлар соф монетар позиция бўйича фойда ёки зарар билан ўзаро ҳисоб-китоб

қилинади. Фоизли даромад ва харажат, инвестиция қилинган ёки қарзга олинган пул маблағларига тегишли валюта курси фарқлари каби бошқа даромад ва харажат моддалари ҳам соф монетар позиция билан боғланган. Бундай моддалар алоҳида ёритиб берилишига қарамасдан, агар улар соф монетар позиция бўйича фойда ёки зарар билан бирга умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилса, фойдали бўлиши мумкин.

Жорий қийматга асосланган молиявий ҳисобот

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот

- 29 Жорий қийматда акс эттирилган моддалар қайта ҳисобланмайди, чунки улар аллақачон ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида акс эттирилган. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг бошқа моддалари 11-25 бандларга мувофиқ қайта ҳисобланади.

Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот

- 30 Жорий қиймат асосида тайёрланган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, қайта ҳисоблашдан олдин, таянч операциялар ёки ҳодисалар содир бўлган пайтда амалда бўлган сарфларни акс эттиради. Сотиш таннари ва эскириш истеъмол пайтидаги жорий қийматларда ҳисобга олинади; тушумлар ва бошқа харажатлар улар содир бўлган пайтдаги пул қийматларида ҳисобга олинади. Шунинг учун, барча суммалар ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида умумий нарх индексини қўллаш орқали қайта ҳисобланиши лозим.

Соф монетар позиция бўйича фойда ёки зарар

- 31 Соф монетар позиция бўйича фойда ёки зарар 27-28 бандларга мувофиқ ҳисобга олинади.

Солиқлар

- 32 Мазкур стандартга мувофиқ молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблаш молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдаги алоҳида активлар ва мажбуриятларнинг баланс қиймати билан уларнинг солиқ базалари ўртасида фарқлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Ушбу фарқлар 12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*” га мувофиқ ҳисобга олинади.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

- 33 Мазкур стандарт пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг барча моддалари ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида акс эттирилишини талаб этади.

Қиёсий кўрсаткичлар

- 34 Олдинги ҳисобот даври учун қиёсий кўрсаткичлар, улар бошланғич қиймат ёндашувига ёки жорий қиймат ёндашувига асосланган бўлишидан қатъий назар, қиёсий молиявий ҳисобот ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида тақдим этилиши учун, умумий нарх индексини қўллаш орқали қайта ҳисобланади. Олдинги даврларда ёритиб берилган маълумотлар ҳам ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида акс эттирилади. Бошқа тақдимот валютасидаги қиёсий суммаларни тақдим этиш мақсадида 21-сон БҲХСнинг 42(б) ва 43 бандлари қўлланади.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот

- 35 Гиперинфляцияли иқтисодиёт валютасида ҳисобот берадиган бош ташкилотнинг гиперинфляцияли иқтисодиётлар валюталарида ҳисобот берадиган шўъба ташкилотлари бўлиши мумкин. Бундай шўъба ташкилотининг молиявий ҳисоботи унинг бош ташкилоти томонидан чиқариладиган консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритилмасдан олдин, шўъба ташкилоти қайси мамлакат валютасида ҳисобот берса, ўша мамлакатнинг умумий нарх индексини қўллаш орқали қайта ҳисобланиши лозим. Шўъба ташкилоти чет эл шўъба ташкилоти бўлганда, унинг қайта ҳисобланган молиявий ҳисоботи ҳисобот санасидаги валюта курсига асосан қайта ҳисобланади. Гиперинфляцияли иқтисодиётларнинг валюталарида ҳисобот бермайдиган шўъба ташкилотининг молиявий ҳисоботи га нисбатан 21-сон БҲХС қўлланади.

- 36 Агар турли ҳисобот даврларига тузилган молиявий ҳисоботлар консолидациялашса, барча моддалар, номонетар ёки монетар бўлишидан қатъий назар, консолидациялашган молиявий ҳисобот санасида амалда бўлган ҳисоб бирлигида қайта ҳисобланиши лозим.

Умумий нарх индексининг танланиши ва фойдаланилиши

- 37 Мазкур стандартга мувофиқ молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблашда умумий харид қобилиятидаги ўзгаришни акс эттирадиган умумий нарх индексидан фойдаланиш талаб этилади. Айтиб бериш керакки, бир иқтисодиётнинг валютасида ҳисобот берадиган барча ташкилотлар бир хил индексдан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Гиперинфляция тўхтаган иқтисодиёт

- 38 Иқтисодиётда гиперинфляция тўхтаган ва ташкилот молиявий ҳисоботни мазкур стандартга мувофиқ тайёрлашни ва тақдим этишни бас қилса, у олдинги ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида акс эттирилган суммаларни ўзининг кейинги молиявий ҳисоботидаги баланс қийматлари учун асос сифатида ҳисобга олиши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 39 Қуйидаги маълумотлар ёритиб берилиши лозим:
- (а) молиявий ҳисобот ва олдинги даврларнинг қиёсий кўрсаткичлари функционал валютанинг умумий харид қобилиятини эътиборга олган ҳолда қайта ҳисобланганлиги ва натижада ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида акс эттирилганлиги тўғрисидаги факт;
 - (б) молиявий ҳисобот бошланғич қиймат ёндашувига ёки жорий қиймат ёндашувига асосланганлиги; ва
 - (в) ҳисобот даври охиридаги нарх индексининг аниқланиши ва даражаси ҳамда жорий ва олдинги ҳисобот даври мобайнида индексдаги тебранишлар.
- 40 Мазкур стандартда ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар молиявий ҳисоботда инфляция таъсирини инобатга олишнинг асосини аниқлаштириш учун зарур. Улар, шунингдек, ушбу асосни ва натижавий суммаларни тушунишда зарур бўлган бошқа маълумотларни таъминлашга ҳам мўлжалланган.

Кучга кириш санаси

- 41 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 1990 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларни қамраб оладиган молиявий ҳисобот учун қўлланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
18-ИЛОВА

32-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти *Молиявий инструментлар: тақдим этиш*

Мақсад

- 1 [Чиқариб ташланган]
- 2 Мазкур стандартнинг мақсади молиявий инструментларни мажбуриятлар ёки хусусий капитал сифатида тақдим этиш, шунингдек молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олиш бўйича тамойилларни белгилашдан иборат. Мазкур стандарт молиявий инструментларни эмитент нуқтаи назаридан молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ва улушли инструментлар сифатида таснифлашда; тегишли фоизлар, дивидендлар, фойда ва зарарларни таснифлашда; шунингдек молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ўзаро ҳисобга олиш зарур бўлган ҳолатларга нисбатан қўлланилади.
- 3 Мазкур стандартдаги тамойиллар 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”даги молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни тан олиш ва баҳолаш тамойилларини, шунингдек 7-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш*”даги улар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш тамойилларини тўлдиради. *Маълумотларни ёритиб бериш.*

Қўллаш доираси

- 4 Мазкур стандарт барча ташкилотлар томонидан барча турдаги молиявий инструментларга нисбатан қўлланилиши лозим, қуйидагилардан бундан мустасно:
 - (а) 10-сон МҲХС “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот*”, 27-сон БҲХС “*Алоҳида молиявий ҳисобот*” ёки 28-сон БҲХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*”га мувофиқ ҳисобга олинган шўъба ташкилотлар, таъсир остидаги ташкилотлардаги ёки қўшма корхоналардаги улушлар. Лекин, айрим ҳолатларда 10-сон МҲХС, 27-сон БҲХС ёки 28-сон БҲХС ташкилотлардан 9-сон МҲХСдан фойдаланган ҳолда шўъба, таъсир остидаги ташкилотлардаги ёки қўшма корхоналардаги улушларни ҳисобга олишни талаб этади ёки рухсат беради; бундай ҳолларда ташкилотлар мазкур стандартнинг талабларини қўллашлари лозим. Ташкилотлар мазкур стандартни шўъба, таъсир остидаги ташкилотлардаги ёки қўшма корхоналардаги улушлар билан боғлиқ бўлган барча деривативларга нисбатан ҳам қўллашлари лозим.
 - (б) ходимлар даромадлари дастури асосида юзага келадиган иш берувчиларнинг 19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*” талаблари қўлланилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
 - (в) [чиқариб ташланган]
 - (г) 4-сон МҲХС “*Суғурта шартномалари*”да таърифланган суғурта шартномалари. Лекин, агар 9-сон МҲХС ташкилотлардан суғурта шартномаларига бириктирилган деривативларни алоҳида ҳисобга олишни талаб этса, уларга нисбатан мазкур стандарт алоҳида қўлланади. Бундан ташқари, агар эмитент молиявий кафолат шартномаларини тан олиш ва баҳолашда 9-сон МҲХСни қўлласа, у бундай турдаги шартномаларга нисбатан мазкур стандартни қўллаши лозим, лекин, агар эмитент шундай шартномаларни тан олиши ва баҳолашда 4-сон МҲХСни қўллаши лозимлиги тўғрисида 4-сон МҲХСнинг 4(г)-бандига мувофиқ қарор қабул қилса, у 4-сон МҲХСни қўллаши лозим.
 - (д) 4-сон МҲХСни қўллаш доирасидаги молиявий инструментлар, чунки улар ихтиёрий иштирок этиш шартини ўз ичига олади. Ушбу инструментларнинг эмитенти молиявий мажбуриятлар ҳамда улушли инструментлар ўртасидаги фарқлиниши

аниқлашда мазкур стандартнинг 15-32 ва ҚҚ25- ҚҚ35 бандлари шартини қўллашдан озод этилади. Лекин, ушбу инструментлар мазкур стандартнинг бошқа барча талаблари предмети ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур стандарт ушбу инструментларга бириктирилган деривативларга нисбатан қўлланади (9-сон МҲХСга қаранг).

(е) 2-сон МҲХС “*Акцияга асосланган тўлов*” қўлланадиган акцияга асосланган тўлов операциялари асосидаги молиявий инструментлар, шартномалар ва мажбуриятлар, қуйидагилар бундан мустасно:

- (i) мазкур стандарт қўлланадиган ва мазкур стандартнинг 8-10 бандларини қўллаш доирасидаги шартномалар;
- (ii) ходимларнинг акция опцион дастурлари, ходимларнинг акция сотиб олиш дастурлари ва бошқа барча акцияга асосланган тўлов келишувларига боғлиқ бўлган сотиб олинган, сотилган, чиқарилган ёки бекор қилинган, сотиб олинган ўз акцияларига нисбатан қўлланиши лозим бўлган мазкур стандартнинг 33 ва 34-бандлари.

5-7 [Чиқариб ташланган]

8 Мазкур стандарт нетто асосда пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент ёхуд молиявий инструментларни айирбошлаш йўли билан тартибга солиниши мумкин бўлган номолиявий объектни харид қилиш ёки сотиш шартномаларига, агар ушбу шартномалар молиявий инструментлар ҳисобланса, қўлланиши лозим, бундан ташкилотнинг қутилаётган хариди, сотуви ёки фойдаланиш эҳтиёжларига мувофиқ ҳар қандай номолиявий объектни олиш ёки етказиб бериш мақсадида тузилган ва сақланаётган шартномалар бундан мустасно. Лекин, ташкилот мазкур стандартни 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”нинг 2.5-бандига мувофиқ фойда ёки зарарлар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши балгиланган шартномаларга нисбатан қўллаши лозим.

9 Номолиявий объектни сотиб олиш ёки сотиш бўйича шартномаларни нетто асосдаги пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструментлар билан сўндириш ёхуд молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг бир нечта усуллари мавжуд. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- (а) шартнома шартлари бирор томонга нетто асосдаги пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструментлар билан сўндириш ёхуд молиявий инструментларни айирбошлаш орқали уни ҳисоб-китоб қилишга рухсат берганда;
- (б) нетто асосдаги пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструментда сўндириш имконияти ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ҳисоб-китоб қилиш имконияти шартнома шартларида аниқ белгиланмаган, лекин ташкилот шунга ўхшаш шартномаларни нетто асосдаги пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент билан сўндириш ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали (бунда, контрагент билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шартномаларини тузиш орқали ёки шартнома бажарилишидан ёки муддати тугашидан олдин шартномани сотиш орқали) ҳисоб-китоб қилиш тажрибасига эга бўлганда;
- (в) ташкилот шунга ўхшаш шартномалар учун, таянч активнинг етказиб берилишини қабул қилиш ва етказиб берилгандан сўнг қисқа муддат ичида нархдаги ёки дилер маржасидаги қисқа муддатли тебранишлардан фойда олиш мақсадида уни сотиш тажрибасига эга бўлганда; ва
- (г) шартнома предмети бўлган номолиявий объектни пул маблағларига эркин конвертациялаш имкони бўлганда.

(б) кичик бандига ёки (в) кичик бандига мувофиқ келадиган шартнома ташкилотнинг қутилаётган хариди, сотуви ёки фойдаланишга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ номолиявий объектни қабул қилиш ёки етказиб бериш мақсадида тузилмайди ва шу сабабдан, у мазкур стандартнинг қўллаш доирасида бўлади. 8-банд қўлланадиган бошқа шартномалар, ташкилотнинг қутилаётган хариди, сотуви ёки фойдаланишга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ номолиявий объектни қабул қилиш ёки етказиб бериш мақсадида тузилганлигини ва ушлаб турилганини ва ўз навбагида, улар мазкур стандартнинг қўллаш доирасида эканини аниқлаш учун уларни таҳлил қилиш талаб этилади.

10 9(а) ёки (г) кичик бандларга мувофиқ нетто асосдаги пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструментлар билан сўндирилиши ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ҳисоб-китобни қилиниши мумкин бўлган номолиявий объектни харид қилиш ёки сотиш учун чиқарилган опцион мазкур стандартнинг қўллаш доирасида бўлади. Бундай шартнома ташкилотнинг қутилаётган

хариди, сотуви ёки фойдаланиш талабларига мувофиқ номолиявий объектни қабул қилиш ёки етказиб бериш мақсадида тузилиши мумкин эмас.

Таърифлар (ҚКЗ–ҚК23 бандларига ҳам қаранг)

11 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Молиявий инструмент - бир ташкилотда молиявий актив ва бошқа ташкилотда молиявий мажбурият ёки улушли инструмент юзага келишига олиб келадиган шартнома.

Молиявий актив – қуйидагиларни ўзида акс эттирувчи актив:

- (а) пул маблағлари;
- (б) бошқа ташкилотнинг улушли инструменти;
- (в) қуйидагиларни назарда тутадиган шартномавий ҳуқуқ:
 - (i) бошқа ташкилотдан пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни олиш ҳуқуқи; ёки
 - (ii) ташкилот учун потенциал манфаатли шартларда бошқа ташкилот билан молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш ҳуқуқи; ёки
- (г) ташкилотнинг ўз улушли инструментлари билан ҳисоб-китоб қилинадиган ёки қилиниши мумкин бўлган ва қуйидагилардан иборат шартнома:
 - (i) бунда ташкилот ўз улушли инструментларининг ўзгарувчан миқдорини қабул қилиш мажбуриятини юклайдиган ёки юклатиши мумкин бўлган нодериватив; ёки
 - (ii) пул маблағларининг қатъий белгиланган суммасини ёки бошқа молиявий активни ташкилотнинг ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорига айирбошлашдан кўра ҳисоб-китоблар бошқача йўл билан амалга ошириладиган ёки амалга оширилиши мумкин бўлган дериватив. Ушбу мақсад учун ташкилотнинг улушли инструментлари ўз ичига 16А ва 16Б-бандларига мувофиқ улушли инструмент сифатида таснифланган қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструментларни; фақат тугатиш жараёни ҳамда 16В ва 16Г бандларига мувофиқ улушли инструментлар сифатида таснифланган пайтда ташкилотга бошқа томонга ўзининг соф активларининг мутаносиб улушини етказиб бериш мажбуриятини юклайдиган инструментларни; ёки келгусида ташкилотнинг ўз улушли инструментларини қабул қилиш ёки етказиб бериш шартномасини ўзида акс эттирадиган инструментларни олмайди.

Молиявий мажбурият – қуйидагиларни ўзида акс эттирувчи мажбурият:

- (а) қуйидагилар назарда тутилган шартномавий жавобгарликлар:
 - (i) бошқа ташкилотга пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни етказиб бериш; ёки
 - (ii) ташкилот учун потенциал фойдали бўлмаган шартларда бошқа ташкилот билан молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш; ёки
- (б) ташкилотнинг ўз улушли инструментлари билан ҳисоб-китоб қилинадиган ёки қилиниши мумкин бўлган ва қуйидагилардан иборат бўлган шартнома:
 - (i) ташкилотга ўз улушли инструментларининг ўзгарувчан миқдорини бериш мажбуриятини юклайдиган ёки юклатиши мумкин бўлган нодериватив; ёки
 - (ii) пул маблағларининг қатъий белгиланган суммаси ёки бошқа молиявий активни ташкилотнинг улушли инструментининг қатъий белгиланган миқдорига айирбошлашдан кўра бошқача ҳисоб-китоблар йўли билан амалга ошириладиган ёки амалга оширилиши мумкин бўлган дериватив. Ушбу мақсад учун шундай ҳисоблаш ташкилотнинг ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини, агар ташкилот ушбу ҳуқуқ, опцион ёки варрантларни мутаносиб равишда бир тоифадаги ўзининг хусусий нодериватив улушли инструментларининг барча жорий эгаларига

тақдим этса, қатъий белгиланган ҳар қандай валюта пул бирлигига харид қилиш бўйича ҳуқуқлар, опционлар ёки варрантлар улушли инструментлар сифатида қаралиши лозим. Бундан ташқари, ушбу мақсад учун ташкилотнинг улушли инструментлари ўз ичига 16А ва 16Б бандларига мувофиқ улушли инструмент сифатида таснифланган қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструментларни; фақат тугатиш жараёни ҳамда 16В ва 16Г бандларига мувофиқ улушли инструментлар сифатида таснифланган пайтда ташкилотга бошқа томонга ўзининг соф активларининг муганосиб улушини етказиб бериш мажбуриятини юклайдиган инструментларни; ёки келгусида ташкилотнинг ўз улушли инструментларини қабул қилиш ёки етказиб бериш шартномасини ўзида акс эттирадиган инструментларни олмайди.

Истисно тариқасида, молиявий мажбурият таърифини қаноатлантирадиган инструмент, агар у 16А ва 16Б-бандларда ёки 16В ва 16Г-бандларда келтирилган барча хусусиятларга эга бўлса ва ушбу бандлардаги шартларни қаноатлантирса, улушли инструмент сифатида таснифланади.

Улушли инструмент - бу ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан сўнг унинг активидаги қолдиқ улуш бўйича ҳуқуқни тасдиқловчи ҳар қандай шартнома.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарҳдир. (13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”га қаранг.)

Қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструмент - молиявий инструментни эгасига уни эмитентга пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив ҳисобига қайта сотиш ҳуқуқини берадиган, ёки юзага келишига ишонч бўлмаган келгуси ҳодиса содир бўлганда ёки инструмент эгаси вафот этганда ёхуд нафақага чиқиши билан эмитентга автоматик тарзда қайта сотиладиган молиявий инструмент.

- 12 9-сон МҲХСнинг А иловасида ёки 39-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”нинг 9-бандида келтирилган қуйидаги атамалардан мазкур стандартда 39-сон БҲХС ва 9-сон МҲХСда келтирилган маъноларда фойдаланилади.
- молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати
 - тан олишни бекор қилиш
 - дериватив
 - эффе́ктив фоиз ставкаси усули
 - молиявий кафолат шартномаси
 - фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда ҳисобга олинадиган молиявий мажбурият
 - қатъий шартномавий мажбурият
 - прогноз қилинган операция
 - ҳеж самарадорлиги
 - ҳежланган модда
 - ҳежлаш инструменти
 - савдо учун мўлжалланган
 - одатий сотиб олиш ёки сотиш
 - операция бўйича сарфлар.
- 13 Мазкур стандартда “шартнома” ва “шартномавий” тушунчалари икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасидаги битимни англатадиган, одатда қонун билан ҳимояланадиган келишув бўлганлиги сабабли, унинг томонлари учун амалий жиҳатдан рад этиб бўлмайдиган аниқ иктисодий оқибатларни келтириб чиқарадиган келишувни назарда тутилади. Шартномалар, шу жумладан молиявий инструментлар турли хил шаклга эга бўлиши мумкин ва ёзма шаклда бўлиши талаб этилмайди.
- 14 Мазкур стандартдаги “ташкилот” тушунчаси жисмоний шахслар, ширкатлар, юридик шахслар, трастлар ва давлат органларини ўз ичига олади.

1

Мажбуриятлар ва хусусий капитал (ҚК13-ҚК14И ва ҚК25-ҚК29А бандларга ҳам қаранг)

- 15 Молиявий инструмент эмитенти дастлабки тан олиш пайтида ушбу инструмент ёки унинг компонентларини шартномавий муносабатларнинг моҳиятига ҳамда молиявий мажбурият, молиявий актив ва улушли инструмент таърифларига мувофиқ молиявий мажбурият, молиявий актив ёки улушли инструмент сифатида таснифланиши лозим.
- 16 Эмитент молиявий инструментни молиявий мажбуриятдан кўра улушли инструмент эканлигини аниқлаш учун 11-банддаги таърифни қўллаганда, инструмент, фақат ва фақат, қуйидаги (а) ва (б) кичик бандлардаги икки шарт қаноатлантирилганда улушли инструмент сифатида таснифланади.
- (а) Ушбу инструмент шартномада назарда тутилган қуйидаги шартномавий жавобгарликларни ўз ичига олмайди:
- (i) бошқа ташкилотга пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни ўтказиш; ёки
 - (ii) эмитент учун потенциал фойдали бўлмаган шартларда бошқа ташкилот билан молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш.
- (б) Агар ушбу инструмент бўйича ҳисоб-китоблар эмитентнинг ўз улушли инструментлари бўйича амалга оширилса ёки амалга оширилиши мумкин бўлса, у ҳолда бундай инструмент:
- (i) эмитент учун ўз улушли инструментларининг ўзгарувчан миқдорини етказиб беришни қамраб олмайдиган шартномавий жавобгарлик бўйича нодериватив ҳисобланганда; ёки
 - (ii) эмитент томонидан ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорига қатъий белгиланган пул маблағлари суммасини ёки бошқа молиявий активни айирбошлаш орқали ҳисоб-китоб қилинадиган дериватив бўлганда. Ушбу мақсад учун шундай ҳисоблаш ташкилотнинг ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини, агар ташкилот ушбу ҳуқуқ, опцион ёки варрантларни мутаносиб равишда бир тоифадаги ўзининг хусусий нодериватив улушли инструментларининг барча жорий эгаларига тақдим этса, қатъий белгиланган ҳар қандай валюта пул бирлигига харид қилиш бўйича ҳуқуқлар, опционлар ёки варрантлар улушли инструментлар сифатида қаралиши лозим. Шу билан бирга, ушбу мақсадлар учун, эмитентнинг улушли инструментлари 16А ва 16Б-бандларда ёки 16В ва 16Г-бандларда келтирилган барча хусусиятларга эга ҳамда ушбу бандлардаги шартларни қаноатлантирадиган инструментларни, ёки эмитентнинг ўз улушли инструментларини келгусида олиш ёки етказиб бериш бўйича шартномаларни ўзида акс эттирадиган инструментларни қамраб олмайди.

Эмитентнинг ўз улушли инструментларини келгусида қабул қилишга ёки етказиб беришга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, лекин юқоридаги (а) ва (б) – кичик бандлардаги шартларни қаноатлантирмайдиган шартномавий жавобгарлик, шу жумладан дериватив молиявий инструментдан келиб чиқадиган шартномавий жавобгарлик улушли инструмент ҳисобланмайди. Истисно тариқасида, молиявий мажбурият таърифини қаноатлантирадиган инструмент, агар у 16А ва 16Б-бандларда ёки 16В ва 16Г-бандларда келтирилган барча хусусиятларга эга бўлса ва ушбу бандлардаги шартларни қаноатлантирсин, улушли инструмент сифатида таснифланади.

Қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструментлар

- 16А Қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструмент ушбу ҳуқуқни эгаси томонидан амалга оширилиши жараёнида эмитентнинг шартномада назарда тутилган, пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив ҳисобига ушбу инструментни харид қилиш ёки сўндириш мажбуриятни ўз ичига олади. Молиявий мажбурият таърифига истисно тариқасида, бундай мажбуриятни ўз ичига оладиган инструмент, агар у қуйидаги барча хусусиятларга эга бўлса, улушли инструмент сифатида таснифланади:
- (а) У ўзининг эгасига ташкилотни тугатиш пайтида ташкилот соф активларининг мутаносиб улушини олиш ҳуқуқини беради. Ташкилотнинг соф активлари бу унинг активларига тегишли бошқа барча талаблар чегириб ташлагандан сўнг қоладиган активлардир. Мутаносиб улуш қуйидагича аниқланади:

- (i) тугатиш жараёнида ташкилотнинг соф активларини тенг миқдордаги улушларга тақсимлаш орқали; ва
 - (ii) ушбу олинган миқдорни тегишли молиявий инструмент эгаси эгалигидаги улушлар миқдорига кўпайтирган ҳолда.
- (б) Ушбу инструмент бошқа барча инструментлар синфига нисбатан субординацияда бўлган инструментлар синфига тегишли. Бундай синф таркибига тегишли бўлиши ушбу инструмент учун қуйидагиларни назарда тутади:
- (i) тугатиш жараёнида ташкилотнинг активларига нисбатан бошқа талаблардан ҳеч қандай устунликка эга бўлмаслиги; ва
 - (ii) инструмент, бошқа барча инструментлар синфига нисбатан субординацияда бўлган инструментлар синфи таркибида бўлишидан олдин, бошқа инструментга конвертация қилишни талаб этмайдиган бўлиши керак.
- (в) Бошқа барча инструментлар синфига нисбатан субординацияда бўлган инструментлар синфига тегишли барча молиявий инструментлар бир хил хусусиятларга эга бўладиган. Масалан, уларнинг барчаси қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган бўлиши шарт ва қайта харид қилиш ёки сўндириш нархини ҳисоблаш бўйича фойдаланиладиган формула ёки бошқа усуллар ушбу синфдаги барча инструментлар учун бир хил бўлади.
- (г) Эмитент томонидан инструментни пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив ҳисобига қайта харид қилиш ёки сўндириш бўйича шартномавий жавобгарликдан ташқари, мазкур инструмент бошқа ташкилот олдида пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни ўтказиш ёхуд ташкилот эмитент учун потенциал фойдали бўлмаган шартларда бошқа ташкилот билан молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш бўйича бошқа ҳеч қандай шартномавий мажбуриятни назарда тутмайди, шунингдек, мазкур инструмент (б)-кичик бандда келтирилган молиявий мажбурият таърифи каби ташкилотнинг ўз улушли инструментлари билан ҳисоб-китоб қилинадиган ёки қилиниши мумкин бўлган шартнома ҳисобланмайди.
- (д) Инструментнинг амал қилиш муддати давомида унга тегишли бўлган жами кутилаётган пул оқимлари суммаси асосан инструментнинг амал қилиш муддати давомидаги (бунда инструментнинг ҳар қандай таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда) ташкилотнинг фойда ёки зарардан, тан олинган соф активларнинг ўзгаришидан ёки тан олинган ва олинмаган соф активлар ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан келиб чиқиб аниқланади.
- 16Б Инструментнинг юқорида келтирилган барча хусусиятларига эгалигига қўшимча равишда улушли инструмент сифатида таснифланиши учун эмитент қуйидагиларга эга бошқа молиявий инструмент ёки шартномага эга бўлмаслиги шарт:
- (а) асосан ташкилотнинг фойда ёки зарардан, тан олинган соф активларнинг ўзгаришидан ёки тан олинган ва олинмаган соф активлар ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан келиб чиқиб аниқланадиган пул оқимлари суммасини (бунда инструмент ёки шартноманинг таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда) назарда тутади ва
 - (б) қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструмент эгалари учун даромаднинг қолдиғини етарли даражада чегаралайдиган ёки қатъий белгилашга олиб келадиган.

Мазкур шартни қўллаш мақсадларида, ташкилот 16А-бандда ёритиб берилган, инструментнинг эгаси ҳисобланмаган ва ташкилот - эмитент томони тузилиши мумкин бўлган эквивалент шартнома шартларига ўхшаш шартларни назарда тутадиган, инструмент эгаси билан тузилган номолиявий шартномаларни ҳисобга олмаслиги лозим. Агар ташкилот мазкур шарт бажарилишини аниқлай олмаса, у қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструментни улушли инструмент сифатида таснифламаслиги лозим.

Фақат тугатиш жараёнида ташкилотга унинг соф активлари мутаносиб улушини бошқа томонга ўтказиш мажбуриятини юклайдиган инструментлар ёки инструментнинг компонентлари

- 16В Баъзи молиявий инструментлар ташкилот-эмитентнинг ўз соф активларининг мутаносиб улушини бошқа томонга фақат тугатиш жараёнида ўтказиш бўйича шартнома билан кўзда тутилган жавобгарлигини ўз ичига олади. Ушбу жавобгарлик тугатиш жараёнининг амалга оширилиши аниқ бўлганда ва бу ташкилот назоратидан ташқарида бўлган пайтда (масалан, ташкилотнинг фаолият юритиш даврининг чекланганлиги) ёхуд тугатиш жараёнининг содир бўлиши аниқ бўлмаганда, аммо у ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқи инструмент эгасига тегишли бўлган пайтда юзага келади. Молиявий мажбурият таърифига истисно тариқасида, бундай мажбуриятни ўз ичига оладиган

инструмент, агар у куйидаги барча хусусиятларга эга бўлса, улушли инструмент сифатида таснифланади:

- (a) У ўзининг эгасига ташкилотни тугатиш пайтида ташкилот соф активларининг мутаносиб улушини олиш ҳуқуқини беради. Ташкилотнинг соф активлари бу унинг активларига тегишли бошқа барча талаблар чегириб ташлагандан сўнг қоладиган активлардир. Мутаносиб улуш куйидагича аниқланади:
 - (i) тугатиш жараёнидаги ташкилотнинг соф активларини тенг миқдордаги улушларга тақсимлаган ҳолда; ва
 - (ii) ушбу олинган миқдорни тегишли молиявий инструмент эгаси эгалигидаги улушлар миқдорига кўпайтирган ҳолда.
- (б) Ушбу инструмент бошқа барча инструментлар синфига нисбатан субординацияда бўлган инструментлар синфига тегишли. Бундай синф таркибига тегишли бўлиши ушбу инструмент учун куйидагиларни назарда тутати:
 - (i) тугатиш жараёнида ташкилотнинг активларига нисбатан бошқа талаблардан ҳеч қандай устунликка эга бўлмаслиги; ва
 - (ii) инструмент, бошқа барча инструментлар синфига нисбатан субординацияда бўлган инструментлар синфи таркибида бўлишидан олдин, бошқа инструментга конвертация қилишни талаб этмайдиган бўлиши керак.
- (в) Бошқа барча инструментлар синфларига нисбатан субординацияда бўлган инструментлар синфидаги барча молиявий инструментлар, тугатиш жараёнида ташкилот-эмитент ўзининг соф активларининг мутаносиб улушини ўтказиш бўйича бир хил шартномавий жавобгарликка эга бўлишлари шарт.

16Г Инструментнинг юқорида келтирилган барча хусусиятларига эгалигига қўшимча равишда улушли инструмент сифатида таснифланиши учун эмитент куйидагиларга эга бошқа молиявий инструмент ёки шартномага эга бўлмаслиги шарт:

- (a) асосан ташкилотнинг фойда ёки зарардан, тан олинган соф активларнинг ўзгаришидан ёки тан олинган ва олинмаган соф активлар ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан келиб чиқиб аниқланадиган пул оқимлари суммасини (бунда инструмент ёки шартноманинг таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда) назарда тутати ва
- (б) инструмент эгалари учун даромаднинг қолдиғини етарли даражада чегаралайдиган ёки катъий белгилашга олиб келади.

Мазкур шартни қўллаш мақсадларида, ташкилот 16В-бандда тавсифланган, инструментнинг эгаси ҳисобланмаган ва ташкилот - эмитент томонидан тузилиши мумкин бўлган эквивалент шартномада келтирилган шартларга ўхшаш шартларни назарда тутадиган, инструмент эгаси билан тузилган номолиявий шартномаларни ҳисобга олмаслиги лозим. Агар ташкилот мазкур шарт бажарилишини аниқлай олмаса, у инструментни улушли инструмент сифатида таснифламаслиги лозим.

Қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструментларни ва фақат тугатиш жараёнида ташкилотга унинг соф активларининг мутаносиб улушини бошқа томонга ўтказиш мажбуриятини юклайдиган инструментларни қайта таснифлаш

16Д Ташкилот молиявий инструментни 16А ва 16Б-бандлар ёки 16В ва 16Г-бандларига мувофиқ, ушбу бандларда келтирилган барча хусусиятларга эга бўлган ва барча шартларни қаноатлантирган санадан бошлаб улушли инструмент сифатида таснифлаши лозим. Ташкилот молиявий инструментни ушбу бандларда келтирилган барча хусусиятларга эга бўлишни ва барча шартларни қаноатлантиришни тўхтатган санадан бошлаб қайта таснифлаши лозим. Масалан, агар ташкилот, қайта сотиб олиш ҳуқуқини назарда тутмайдиган, ўзи чиқарган барча инструментларини қайта сотиб олса ва натижада муомалада қолган қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструментлар 16А ва 16Б бандларда назарда тутилган барча характерларга эга бўлса ҳамда барча шартларни қаноатлантирса, у ҳолда ташкилот қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструментни, ташкилотнинг қайтариб сотиш ҳуқуқини назарда тутмайдиган инструментни қайтариб сотиш санасига улушли инструмент синфига қайта таснифлаши лозим.

16Е Ташкилот инструментни қайта таснифлаши учун 16Е бандга мувофиқ куйидагиларни ҳисобга олиши лозим:

- (a) Ташкилот улушли инструментни 16А ва 16Б ёки 16В ва 16Г бандларда келтирилган барча хусусиятларга эга бўлишни ва ушбу бандларда келтирилган шартларни қаноатлантиришни

тўхтаган санадан бошлаб уни улушли инструментдан молиявий мажбурият сифатида қайта таснифлаши лозим. Молиявий мажбурият инструментнинг қайта таснифланган санадаги ҳаққоний қийматида баҳоланиши лозим. Ташкилот улушли инструментнинг баланс қиймати билан молиявий мажбуриятнинг қайта таснифланган санадаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқни хусусий капиталда тан олиши лозим.

- (б) Молиявий мажбурият 16А ва 16Б ёки 16В ва 16Г бандларда келтирилган барча хусусиятларга эга бўладиган ва шартларни қаноатлантирадиган санадан бошлаб, ташкилот ушбу молиявий мажбуриятни хусусий капитал синфига қайта таснифлаши лозим. Улушли инструмент қайта таснифланадиган санадаги молиявий мажбуриятнинг баланс қийматида баҳоланиши лозим.

Пул маблағларини ёки бошқа молиявий активни ўтказиш бўйича шартномавий жавобгарликнинг мавжуд эмаслиги (16(а)-банд)

- 17 16А ва 16Б бандларда ёки 16В ва 16Г бандларда таснифланган ҳолатлардан ташқари, молиявий мажбуриятнинг унинг улушли инструментдан фарқланишининг муҳим аломати бўлиб молиявий инструмент бўйича бир томоннинг (эмитентнинг) бошқа томонга (эгасига) пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив ўтказиши ёхуд эмитент учун потенциал фойдали бўлмаган шартларда молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни эгаси билан айирбошлаш бўйича шартномавий жавобгарликнинг мавжудлиги ҳисобланади. Улушли инструмент эгаси дивиденддан ёки хусусий капитални бошқача тартибда тақсимланишидан мутаносиб равишда улушини олиш ҳуқуқига эга бўлишига қарамасдан, эмитент шундай тақсимотни амалга ошириш бўйича шартномавий жавобгарликка эга эмас, шунинг учун, ундан пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни ўтказиш талаб қилинмайди.
- 18 Молиявий инструментнинг ташкилот молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботида таснифланишини унинг юридик мақоми эмас, балки моҳияти белгилайди. Одатда моҳият юридик мақомга мувофиқ келади, лекин ҳар доим ҳам эмас. Баъзи молиявий инструментлар хусусий капитал сифатида юридик мақомга эга бўлади, лекин улар ўзларининг моҳиятига қўра мажбурият ҳисобланади, шунингдек, бошқалари эса ҳам улушли инструментлар ҳам молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ хусусиятларни ўзида камраб олиши мумкин. Масалан:
- (а) қатъий белгиланган ёки келгусидаги аниқ ёки аниқланадиган санада белгиланадиган суммада эмитент томонидан мажбурий қайта харид қилишни назарда тутадиган, ёки унинг эгасига эмитентдан белгиланган санада ёки ушбу сана ўтгандан кейин қатъий белгиланган ёки аниқланадиган нарҳда инструментни қайта харид қилиш ҳуқуқини талаб этадиган имтиёзли акция молиявий мажбурият ҳисобланади.
- (б) эгаси учун молиявий инструментни эмитентга пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив эвазига қайтариш ҳуқуқини берадиган молиявий инструмент (қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструмент) молиявий мажбуриятдир, 16А ва 16Б бандларга ёки 16В ва 16Г бандларга мувофиқ улушли инструментлар сифатида таснифланган инструментлар бундан мустасно. Пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив суммаси индекс ёки кўтарилиши ёки пасайиши мумкин бўлган бошқа ўзгарувчи миқдор асосида аниқланганда ҳам, бундай молиявий инструмент молиявий мажбурият ҳисобланади. Эгасида инструментни пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив эвазига қайтариш ҳуқуқи мавжудлиги қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган бу инструмент молиявий мажбурият таърифини қаноатлантиради, 16А ва 16Б бандларга ёки 16В ва 16Г бандларга мувофиқ улушли инструмент сифатида таснифланган инструментлар бундан мустасно. Масалан, очик турдаги ўзаро фондлар, улушли траст фондлар, ширкатлар ва баъзи кооператив ташкилотлар ўзларининг улуш эгаларига ёки аъзоларига исталган вақтда эмитентдаги улушда иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этишлари мумкин, бунинг натижасида улуш эгалари ёки аъзоларнинг улушлари молиявий мажбуриятлар сифатида таснифланади, 16А ва 16Б бандларга ёки 16В ва 16Г бандларга мувофиқ улушли инструмент сифатида таснифланган инструментлар бундан мустасно. Лекин, инструментнинг молиявий мажбурият сифатида таснифланиши киритилган хусусий капитал (масалан, баъзи ўзаро ва улушли траст фондлар, 7-намунавий мисолга қаранг) синфининг ёки аъзоларга тегишли улушнинг умумий миқдори ўзига хусусий капитал таърифини қаноатлантирадиган захиралар ҳамда ушбу таърифни қаноатлантирмайдиган қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструментлар (8-намунавий мисолга қаранг) каби шундай моддаларни камраб оладиган қўшимча маълумотларнинг ёритиб берилганлигининг мавжуд эмаслигини кўрсатиб берадиган ташкилотнинг молиявий ҳисоботида “улуш эгаларига тегишли соф активлар қиймати” ва “улуш эгаларига тегишли соф активлар қийматининг ўзгариши” каби номлардан фойдаланишни таъқиқламайди.

- 19 Агар ташкилотда шартнома бўйича жавобгарликни тартибга солиш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни ўтказиб беришдан қочиш бўйича шартсиз ҳуқуқ мавжуд бўлмаса, у ҳолда бундай жавобгарлик молиявий мажбурият таърифини қаноатлантиради, бундан 16А ва 16Б бандлар ёки 16В ва 16Г бандларига мувофиқ улушли инструмент сифатида таснифланган инструментлар мустасно. Масалан:
- (а) ташкилотнинг шартномада келтирилган жавобгарлигини амалга ошириш бўйича имкониятини чегаралайдиган омиллар, жумладан чет эл валютасидан фойдаланиш имкониятининг мавжуд эмаслиги ёки тўловни амалга ошириш учун тартибга солувчи органдан рухсат олишнинг зарурлиги, ташкилотнинг шартномавий жавобгарлигидан озод этмайди ҳамда инструмент эгасини ушбу инструмент бўйича шартномавий ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.
 - (б) контрагентнинг инструментни қайтариб сотиш ҳуқуқидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигидан қатъий назар шартномада белгиланган жавобгарлик молиявий мажбурият ҳисобланади, чунки ташкилотда пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни ўтказишдан қочиш бўйича шартсиз ҳуқуқ мавжуд эмас.
- 20 Пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни ўтказиш бўйича шартномавий жавобгарлик аниқ назарда тутилмаган молиявий инструмент ўзининг муддат ва шартлари орқали жавобгарликни билвосита белгилаши мумкин. Масалан:
- (а) молиявий инструмент фақат ва фақат ташкилот инструмент бўйича тўловларни амалга ошира олмаса ёки уни қайтариб сотиб ололмаган ҳолатларда юзага келадиган, тартибга солиш зарур бўлган номолиявий жавобгарликни ўзида акс эттириши мумкин. Агар ташкилот фақат келтирилган номолиявий жавобгарликни амалга ошириш орқали пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни ўтказишдан бўйин товлаши мумкин бўлса, бундай молиявий инструмент молиявий мажбурият ҳисобланади.
 - (б) молиявий инструмент, агар унинг шартларида ташкилот томонидан ҳисоб-китобда қуйидагилардан бирининг етказиб берилишини таъминласа, молиявий мажбурият ҳисобланади:
 - (i) пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив; ёки
 - (ii) пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив қийматидан аҳамиятли даражада ошган ўз акциялари.

Ташкилотда пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни ўтказиш бўйича аниқ шартномавий жавобгарлик мавжуд бўлмасада, акция билан ҳисоб – китоб қилишни назарда тутилган муқобил қиймат худди ташкилот пул маблағлари билан ҳисоб-китоб қилингандек бўлади. Ҳар қандай ҳолатда инструмент эгасига моҳиятан камида пул маблағлари билан ҳисоб-китоб қилинадиган муқобил қиймат суммасини олиш қафолатланган (21-бандга қаранг).

Ташкилотнинг ўз улушли инструментлари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириши (16(б)-банд)

- 21 Шартнома фақатгина ташкилотнинг ўз улушли инструментларини қабул қилиш ёки ўтказиб бериш жараёнига таъсир кўрсатганлиги сабабли улушли инструмент бўлиб ҳисобланмайди. Шартномада ташкилотнинг ўз акцияларини қабул қилиш ёки етказиш ёки ушбу шартномада назарда тутилган ҳуқуқ ва жавобгарликнинг миқдорига тенг бўлган, қабул қилиниши ёки етказиб берилиши лозим бўлган ташкилот ўз улушли инструментларининг ҳаққоний қийматига тенг, бошқа улушли инструментлар сони бўйича ҳуқуқ ва жавобгарликлари назарда тутилиши мумкин. Бундай шартномавий ҳуқуқ ёки жавобгарликнинг миқдори қатъий белгиланган ёки қисман ёки тўлиқ ўзгарадиган бўлиши мумкин, бунда бу ўзгариш ташкилот ўз улушли инструментларининг бозор нархларидан (масалан, фоиз ставкаси, биржадаги товарлар ёки молиявий инструментлар котировкаси) фарқланадиган ўзгариш ҳисобига боғлиқ бўлади. Иккита мисол: (а) умумий қиймати 100 п.б қийматига тенг миқдорда ташкилотнинг ўз улушли инструментларини етказиб бериш бўйича шартнома; ва (б) умумий қиймати 100 унция олтин қийматига тенг миқдорда ташкилотнинг ўз улушли инструментларини етказиб бериш бўйича шартнома. Гарчи ташкилот ўзининг улушли инструментларини етказиб бериш орқали шартномани тартибга солишга мажбур ёки мумкинлигига қарамасдан бундай шартномалар молиявий мажбурият ҳисобланади. У улушли инструмент ҳисобланмайди, чунки ташкилот шартномани бажаришда ўз улушли инструментларининг ўзгарувчан миқдоридан шартномани ҳисоб-китоб қилиш воситалари сифатида фойдаланади. Шунга кўра, бундай шартномалар ташкилотнинг барча мажбуриятлари чиқариб ташлангандан сўнг унинг активлардаги улуш қолдигига эгаллик ҳуқуқини тасдиқламайди.

- 22 22А-бандда келтирилган ҳолатлардан ташқари, ташкилот томонидан ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини қатъий белгиланган пул маблағлари ёки бошқа молиявий активга айирбошлаш ҳисобига етказиб бериш (ёки қабул қилиш) бўйича ҳисоб-китоб амалга ошириладиган шартнома улушли инструмент ҳисобланади. Контрагентга ташкилотнинг қатъий белгиланган миқдордаги акциясини қатъий белгиланган нархда харид қилиш ёки асосий суммаси қатъий белгиланган облигацияга айирбошлаш ҳуқуқини берадиган чиқарилган акция опционни улушли инструмент ҳисобланади. Бозор ҳолатидаги фоиз ставкасининг ўзгариши натижасида шартнома ҳаққоний қийматининг ўзгариши тўланиши ёки олиниси лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив миқдорига, ёки шартнома бўйича ҳисоб – китобларни амалга оширишда олиниси ёки етказиб берилиши лозим бўлган улушли инструментлар миқдорига таъсир қилмайди, шунингдек ушбу шартномани улушли инструмент сифатида таснифлашга тўсқинлик қилмайди. Ҳар қандай олинган тўлов (масалан, чиқарилган опцион ёки ташкилотнинг ўз акцияларига варрант учун олинган мукофот) бевосита хусусий капиталга қўшилади. Ҳар қандай тўланган сумма (масалан, сотиб олинган опцион учун тўланган мукофот) бевосита хусусий капиталдан чегирилади. Улушли инструмент ҳаққоний қийматининг ўзгариши молиявий ҳисоботда тан олинмайди.
- 22А Агар шартнома бўйича ҳисоб – китобларни амалга оширганда ташкилот томонидан қабул қилинадиган ёки етказиб бериладиган ташкилотнинг ўз улушли инструментлари 16А ва 16Б бандларда келтирилган барча хусусиятларга эга ҳамда ушбу бандларда келтирилган шартларни қаноатлантирадиган, қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструментлар ҳисобланса ёки 16В ва 16Г бандларда келтирилган барча хусусиятларга эга ҳамда ушбу бандларда келтирилган шартларни қаноатлантирадиган, фақат тугатиш жараёнида ташкилотга ўз активларининг мутаносиб улушини бошқа томонга бериш жавобгарлигини юклайдиган инструментлар ҳисобланса, у ҳолда бундай шартнома молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳисобланади. Буларга қатъий белгиланган пул маблағлари ёки молиявий актив суммасига айирбошлаш орқали қатъий белгиланган шундай инструментларни қабул қилиш ёки етказиб бериш ҳисоб-китоблари амалга ошириладиган шартномалар киради.
- 23 16А ва 16Б бандлар ёки 16В ва 16Г бандларда келтирилган ҳолатлардан ташқари, ташкилотга ўзининг улушли инструментларини пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив ҳисобига харид қилиш жавобгарлигини назарда тутадиган шартнома жорий қийматининг (масалан, қайта сотиб олиннадиган форвард нархининг, опционни бажариш нархининг ёки бошқа қоплаш суммасининг дисконтланган қиймати) ҳаққоний қиймати миқдоридаги молиявий мажбуриятнинг юзага келишига олиб келади. Бундай ҳолат шартноманинг ўзи улушли инструмент бўлганда ҳам тўғри ҳисобланади. Форвард шартномага асосан пул маблағлари ҳисобига ташкилотнинг ўз улушли инструментларини харид қилиш бўйича жавобгарлигини мисоллардан бири сифатида келтириш мумкин. Тегишли молиявий мажбурият дастлаб сўндириш суммасининг дисконтланган қийматида тан олинади ва хусусий капитал таркибидан қайта таснифланади. Натижада, ушбу молиявий мажбурият 9-сон МҲХСга мувофиқ баҳоланади. Агар келтирилган шартноманинг амал қилиш муддати сўнги мажбуриятни бажармасдан тугаса, у ҳолда молиявий мажбуриятнинг баланс қиймати хусусий капитал таркибига қайта таснифланади. Ташкилотнинг ўз улушли инструментларини харид қилиш бўйича шартномада назарда тутилган жавобгарлик, гарчи ушбу жавобгарлик контрагентнинг ташкилот томонидан инструментни қайта харид қилиш бўйича ҳуқуқидан фойдаланишга боғлиқ бўлсада (масалан, контрагентга қатъий белгиланган нархда ташкилотга ўзининг улушли инструментини сотиш ҳуқуқини берадиган чиқарилган пул опцион), сўндириш суммасининг дисконтланган қийматига тенг миқдордаги молиявий мажбуриятнинг юзага келишига олиб келади.
- 24 Ташкилот томонидан пул маблағлари ёки бошқа молиявий активнинг ўзгарувчан қиймати эвазига ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини етказиб бериш ёки қабул қилиш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тузилган шартнома молиявий актив ёки молиявий мажбурият бўлиб ҳисобланади. Бундай шартномага мисол тариқасида, шarti бўйича ташкилот ўзининг 100 та улушли инструментларини 100 унция олтин қийматига тенг қийматдаги пул маблағлари эвазига етказиб бериш шартномасини келтириш мумкин.

Шартли сўндириш шартлари

- 25 Молиявий инструмент шартларига қўра фонд бозори индексларидаги, истеъмол нархи индексларидаги, фоиз ставкасидаги ёки солиқ қонунчилиги талабларидаги ёки эмитентнинг келгуси тушумларидаги, соф фойдасидаги ёки қарз мажбуриятининг хусусий капиталга нисбатигаги ўзгаришлар каби эмитентнинг ҳам инструмент эгасининг ҳам, назаратида бўлмаган содир бўлишига ишонч мавжуд бўлмаган (ёхуд, у ёки бу ноаниқ ҳолатлар натижасига боғлиқ бўлган), келгусидаги ҳодисаларнинг содир бўлиш ёки содир бўлмаслик ҳолатларида ташкилот инструментни молиявий мажбурият сифатида таснифлашга жавоб берадиган пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни ўтказишга ёхуд бошқача усулда ҳисоб-китоб қилишга жавобгар бўлиши мумкин. Бундай инструментнинг эмитенти пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни етказиб беришни (ёки инструментни молиявий

мажбурият сифатида таснифланишига олиб келадиган бошқа йўл билан тартибга солинишидан) рад этиш бўйича шартсиз ҳуқуққа эга бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, ушбу инструмент қуйидаги ҳолатлардан бошқа ҳолларда молиявий мажбурият бўлиб ҳисобланади:

- (а) пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив билан (ёки молиявий мажбурият сифатида таснифланишига олиб келадиган бошқа йўл билан) ҳисоблашишни талаб қилиши шартли сўндириш шартининг бир қисми бўлиши реал ҳисобланмайди;
- (б) фақат эмитентнинг тугатиш жараёнида эмитент ҳисоб-китобларни пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив (ёки инструментни молиявий мажбурият сифатида таснифланишига олиб келадиган бошқа йўл билан тартибга солинишидан) эвазига амалга оширишга жавобгар бўлиши; ёки
- (в) ушбу инструмент 16А ва 16Б банларда келтирилган барча хусусиятларга эга ва ушбу бандларда келтирилган шартларни қаноатлантиради.

Сўндириш усуллари

- 26 **Агар дериватив молиявий инструмент томонларнинг бирига у (масалан, эмитент ёки инструмент эгаси ҳисоб-китобларни нетто асосдаги пул маблағлари кўринишида ёки акцияларни пул маблағларига айирбошлаш орқали амалга оширишни танлаши мумкин) бўйича ҳисоб-китобларни қандай тарзда амалга оширишни танлаш ҳуқуқини берса, у ҳолда у молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳисобланади, бундан барча ҳисоб-китоб усуллари молиявий инструментни улушли инструмент сифатида таснифлайдиган ҳолатлар мустасно.**
- 27 Сўндириш усулини назарда тутадиган молиявий мажбурият ҳисобланган молиявий инструментга мисол сифатида эмитентнинг танловига кўра, ҳисоб-китоблар нетто асосдаги пул маблағлари кўринишида ёки акцияларни пул маблағларига айирбошлаш орқали амалга оширилиши мумкин бўлган акция опционидан бўлиши мумкин. Шу каби, ташкилотнинг ўз улушли инструментларига айирбошлаш орқали номолиявий объектни харид қилиш ёки сотиш билан боғлиқ баъзи шартномалар мазкур стандартнинг қўллаш доирасига киради, чунки улар бўйича ҳисоб-китоблар ёки номолиявий активни этказиб бериш ёки нетто асосдаги пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструментни ўтказиш орқали амалга оширилади (8-10 бандларга қаранг). Бундай шартномалар молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлардир ва улушли инструмент ҳисобланмайди.

Таркибли молиявий инструментлар (ҚК30-ҚК35 бандларга ва 9-12 намунавий мисолларга ҳам қаранг)

- 28 **Нодериватив молиявий инструментнинг эмитенти ушбу инструментнинг шартлари ҳам мажбурият ҳам улушли компонентларига эга эканлигини аниқлаш мақсадида таҳлил қилиниши лозим. Бундай компонентлар 15-бандга мувофиқ молиявий мажбурият, молиявий актив ёки улушли инструмент сифатида алоҳида таснифланиши лозим.**
- 29 Ташкилот, (а) ташкилотнинг молиявий мажбуриятини яратадиган ва (б) инструмент эгасига уни ташкилотнинг улушли инструментига конвертациялаш мумкинлиги бўйича қарор қабул қилиш имконини берадиган молиявий инструментнинг шундай компонентларини алоҳида тан олади. Масалан, эгаси томонидан ташкилотнинг белгиланган миқдордаги оддий акциясига конвертация қилиниши мумкин бўлган облигация ёки шунга ўхшаш инструмент ўзида таркибли молиявий инструментни акс эттиради. Ташкилот нуқтаи назардан бундай инструмент иккита компонентдан ташкил топади: молиявий мажбуриятлар (пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни ўтказиш бўйича шартномалар) ва улушли инструмент (эгасига уни белгиланган давр мобайнида ташкилотнинг қатъий белгиланган миқдордаги оддий акцияларига конвертация қилиш ҳуқуқини берадиган колл опционидан). Бундай инструментнинг чиқарилиши худди муддатидан аввал сўндирилиши мумкин бўлган қарз инструменти ва оддий акцияни харид қилишга варрантти бир вақтда чиқарилиши каби ёки оддий акцияни харид қилишга варрант ажратилган ҳолдаги қарз инструментининг чиқарилиши каби иқтисодий самара беради. Шунга кўра, барча ҳолларда ташкилот ўзининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботида қарз ва улушли компонентларини алоҳида тақдим этади.
- 30 Конвертация қилинадиган инструментнинг қарз ва улушли компонентларининг таснифланиши, гарчи конвертация қилиш ҳуқуқининг реализацияси баъзи бир инструмент эгалари учун иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган ҳолатларда ҳам ушбу ҳуқуқнинг реализация эҳтимолидаги ўзгариш сабабли қайта кўриб чиқилмайди. Инструмент эгалари ҳар доим ҳам қутилаётган ҳолат бўйича ҳаракат қилишмайди, чунки, масалан бундай конвертация қилишнинг солиқ оқибатлари турли инструмент эгалари учун турлича бўлиши мумкин. Бундан ташқари, конвертация қилиш эҳтимоли вақти -вақти билан ўзгариб туради. Ташкилотнинг келгуси тўловларни амалга ошириш бўйича

шартномавий жавобгарлиги инструментнинг конвертацияси, унинг сўндириш муддатининг келишигача ёки бошқа операциялар амалга оширилмагунча тугатилмайди.

- 31 9-сон МҲХС молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг баҳолалиши билан боғлиқ масалаларни тартибга солади. Улушли инструментлар ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан сўнг унинг активдаги улуши қолдиққа эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи инструментлар ҳисобланади. Шунинг учун, таркибли молиявий инструментнинг дастлабки баланс қиймати унинг улуш ва мажбурият компонентларига тақсимланган пайтда улушли компонентга тегишли сумма бутун инструмент суммасининг ҳаққоний қийматидан алоҳида мажбурият компоненти учун ҳисобланган тегишли сумма чегириб ташлангандан кейин аниқланади. Улушли компонентдан (улушли инструментга конвертация қилиш опцион сингари) фарқланадиган, таркибли молиявий инструментга бириктирилган дериватив элементларнинг (колл опцион сингари) қиймати мажбурият компоненти таркибига киритилади. Дастлабки тан олишдаги мажбурият ва хусусий капитал компонентларга тегишли баланс қийматларининг йиғиндисини инструмент бутун бир инструмент бўлгандаги ҳаққоний қийматига доимо тенг бўлади. Инструментнинг келтирилган компонентлари алоҳида дастлабки тан олинганда ҳеч қандай фойда ёки зарар юзага келмайди.
- 32 31-бандда ифодаланган ёндашув доирасида оддий акцияларга конвертацияланадиган облигация эмитенти аввал мажбурият компонентининг худди шунга ўхшаш, тегишли улушли компонентга эга бўлмаган мажбуриятнинг (барча улушли бўлмаган дериватив хусусиятларни қўшган ҳолда) ҳаққоний қийматини баҳолаш орқали баланс қийматини аниқлайди. Инструментни оддий акцияга конвертация опцион тақдим этилган улушли инструментнинг баланс қиймати яхлит таркибли молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматидан келтирилган молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини чегирган ҳолда аниқланади.

Сотиб олинган ўз акциялари (ҚК36-бандга ҳам қаранг)

- 33 **Агар ташкилот ўз улушли инструментларини қайта сотиб олса, ушбу инструментлар (“сотиб олинган ўз акциялари”) хусусий капиталдан чегирилиши лозим. Ташкилотнинг ўз улушли инструментларини харид қилиш, сотиш, чиқариш ёки бекор қилишда фойда ёки зарар таркибида ҳеч қандай фойда ёки зарар тан олинмаслиги лозим. Бундай сотиб олинган ўз акциялари ташкилот ёки консолидациялашган гуруҳнинг бошқа аъзолари томонидан сотиб олиниши ва эгаллик қилиниши мумкин. Тўланган ёки олинган товон бевосита хусусий капитал таркибида тан олинмиши лозим.**
- 33А *[Ушбу банд кучга қирмаган ўзгартиришларни назарда тутуди ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган]*
- 34 Сотиб олинган ўз акциялари миқдори 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиши”га мувофиқ алоҳида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда ёритиб берилади. Агар ташкилот ўз улушли инструментларини ўзаро боғлиқ томонлардан сотиб олса, у ҳолда ташкилот 24-сон БҲХС “Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши”га мувофиқ маълумотлар ёритиб берилишини таъминлайди.

Фоизлар, дивидендлар, фойда ва зарарлар (ҚК37-бандга ҳам қаранг)

- 35 **Молиявий инструмент ёки молиявий мажбурият бўлган компонентга тегишли бўлган фоизлар, дивидендлар, фойда ва зарарлар фойда ёки зарар таркибида даромад ёки харажат сифатида тан олинмиши лозим. Улушли инструмент эгаларига тақсимланадиган суммалар ташкилот томонидан бевосита хусусий капиталда тан олинмиши лозим. Хусусий капитал билан боғлиқ операция бўйича сарфлар хусусий капиталдан чегириш сифатида ҳисобга олинмиши лозим.**
- 35А Улушли инструмент эгаларига тақсимланадиган суммалар ва хусусий капитал билан боғлиқ операция бўйича сарфларга тегишли фойда солиғи 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”га мувофиқ ҳисобга олинмиши лозим.
- 36 Молиявий инструментни молиявий мажбурият ёки улушли инструмент сифатида таснифланиши ушбу инструментга тегишли бўлган фоизлар, дивидендлар, фойда ва зарарларни даромад ёки харажат сифатида фойда ёки зарар таркибида тан олинмишини белгилайди. Шундай экан, тўлиқ мажбурият сифатида таснифланган акциялар бўйича дивиденд тўловлари худди облигация бўйича фоиз тўловлари каби харажат сифатида тан олинади. Шу каби, молиявий мажбуриятни қоплаш ёки қайта молиялаштириш билан боғлиқ фойда ва зарарлар фойда ва зарарлар таркибида тан олинади, аксинча, улушли инструментларни сўндирилиши ёки қайта молиялаштирилиши хусусий капиталнинг

- Ўзгариши сифатида тан олинади. Улушли инструмент ҳаққоний қийматининг ўзгариши молиявий ҳисоботда тан олинмайди.
- 37 Ташкилот одатда, ўз улушли инструментларини чиқаришда ёки харид қилишда турли хил сарфларни амалга оширади. Бундай сарфларга рўйхатга олиш ва бошқа мажбурий йиғимлар, ҳуқуқ, бухгалтерия ва бошқа профессионал маслаҳатчиларга тўловлар, чоп этиш ва бошқа йиғимлар бўйича сарфлар кириши мумкин. Хусусий капитал билан боғлиқ операция бўйича сарфлар, агар операция юз бермаганда рад этилиши мумкин бўлган бевосита хусусий капитал билан боғлиқ операцияларга тегишли бўлган қўшимча сарфлар ҳисобланганда, хусусий капитални камайиши тарзида ҳисобга олинади. Амалга оширилмай қолган хусусий капитал билан боғлиқ операциялар натижасида юзага келадиган сарфлар харажат сифатида тан олинади.
- 38 Таркибли молиявий инструментни чиқариш билан боғлиқ операция бўйича сарфлар инструментнинг қарз ва улушли компонентларига у бўйича пул маблағлари тушишининг мутаносиб тақсимланишига мос равишда тақсимланади. Бирдан ортиқ операциялар учун сарфлар (масалан, бир вақтнинг ўзида бошқа чиқарилган акцияларни фонд биржаси листингига қўйиш процедуралари билан бир вақтда амалга ошириладиган маълум миқдордаги акцияларни чиқариш билан боғлиқ сарфлар) шунга ўхшаш операцияларда узлуксиз қўлланадиган изчил усулдан фойдаланган ҳолда ушбу операциялар ўртасида тақсимланади.
- 39 Маълум бир давр мобайнида хусусий капиталдан чегириш сифатида ҳисобга олинган хусусий капитал билан боғлиқ операция бўйича сарфлар суммаси 1-сон БҲХСга мувофиқ алоҳида ёритиб берилади.
- 40 Харажатлар сифатида таснифланган дивидендлар фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да фоиз харажатлари бошқа мажбуриятлар билан бирга ёки алоҳида моддада акс эттирилиши мумкин. Мазкур стандарт талабларига қўшимча равишда, фоизлар ва дивидендлар тўғрисидаги маълумотни ёритиб беришда 1-сон БҲХС ва 7-сон МҲХСларнинг талаблари ҳам қўлланади. Баъзи ҳолатларда, солиқ мақсадлари учун чегириб ташланган жихатлар учун фоизлар ва дивидендлар ўртасидаги фарқ мавжудлиги сабабли, уларни фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)да алоҳида ёритиб бериш тавсия этилади. Солиқ оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш 12-сон БҲХСга мувофиқ амалга оширилади.
- 41 Молиявий мажбуриятнинг баланс қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ фойда ва зарарлар, улар пул маблағлари ёки бошқа молиявий активга айирбошлаш ҳисобига ташкилотнинг қолдиқ улушга эгалик қилиш ҳуқуқини ўзида акс эттирадиган инструментга боғлиқ бўлганда, фойда ёки зарар таркибида даромад ёки харажат сифатида тан олинади (18(б) бандга қаранг). 1-сон БҲХСга мувофиқ, ташкилот бундай инструментни қайта баҳолаш натижасида юзага келадиган фойда ёки зарарларни умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда, агар ташкилот фаолияти натижаларини тақдим этишда ўринли бўлса, алоҳида тақдим этади.

Молиявий актив ва молиявий мажбуриятни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш (ҚК38А-ҚК38Е ва ҚК39-бандларга ҳам қаранг)

- 42 **Молиявий актив ва молиявий мажбурият, фақат ва фақат ташкилот қуйидаги шартларни бажарганда, ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши ва молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда соф суммада акс эттирилиши лозим:**
- (а) тан олинган суммаларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун қонуан ҳимояланган ҳуқуққа жорий даврда эга бўлганда; ва
 - (б) соф асосда ҳисоб-китобни амалга оширишни ёки бир вақтнинг ўзида активни сотиш ва мажбуриятни ҳисоб-китоб қилишни мўлжаллаган бўлса.
- Тан олишнинг тугатилиши мезонини қаноатлангирмайдиган молиявий активнинг ўтказилишини ҳисобга олишда ташкилот ўтказилган актив ва унга боғланган мажбуриятни ўзаро ҳисоб-китоб қилмаслиги лозим (9-сон МҲХСнинг 3.2.22-бандига қаранг).**
- 43 Мазкур стандарт молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни соф асосда акс эттиришни талаб этади, натижада бундай ўзаро ҳисоб-китоб икки ёки ундан ортиқ молиявий инструментлар сўндирилишидан юзага келадиган ташкилотнинг келгусидаги пул оқимларини акс эттиради. Ташкилотда ягона соф суммани олиш ёки тўлаш ҳуқуқи бўлганда ва шундай қилишни режалаштирганда, у аслида фақат ягона молиявий актив ёки ягона молиявий мажбуриятга эга бўлади. Бошқа ҳолатларда, молиявий актив ва молиявий мажбурият ташкилотнинг ресурслари ёки жавобгарликлари хусусиятига мувофиқ бир-бирдан алоҳида тарзда тақдим этилади. Ташкилот, 7-сон МҲХСнинг 13А-банди қўллаш доирасида бўлган тан олинган молиявий инструментларга

- нисбатан 7-сон МҲХСнинг 13Б–13Д бандлари талаби доирасида, маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 44 Тан олинган молиявий актив билан тан олинган молиявий мажбуриятни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ва тегишли соф суммани тақдим этиш молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни тан олишни бекор қилиш ҳолатларидан фарқ қилади. Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш фойда ёки зарарни тан олишга олиб келмайди, молиявий инструментни тан олиншининг бекор қилиниши молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан нафақат олдин тан олинган моддани чиқариб ташланишига, балки фойда ёки зарарни тан олиншига ҳам олиб келиши мумкин.
- 45 Ҳисобга олиш ҳуқуқи бу тўлиқ кредиторга тўланиши лозим бўлган сумма ёки унинг бир қисмини ушбу кредитордан олинган сумма билан ҳисобга олиш орқали сўндириш ёки бошқача тартибда ҳисоблашиш бўйича дебиторнинг шартномавий ёки бошқа асослар кўра юридик ҳуқуқи ҳисобланади. Камдан - кам ҳолатларда, агар ҳар учта томон ўртасида тузилган битимда дебиторнинг ҳисобга олиш ҳуқуқи аниқ белгилаб берилган бўлса, дебитор кредиторга тегишли суммадан кўра, учинчи томонга тегишли суммадан фойдаланиш бўйича юридик ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. Чунки, ҳисобга олиш ҳуқуқи бу юридик ҳуқуқ ва ушбу ҳуқуқ амалга оширадиган шартлар юрисдикцияларга кўра фарқланиши мумкин, шунинг учун томонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган қонунчиликни эътиборга олиш зарур.
- 46 Молиявий актив билан молиявий мажбуриятни ҳисобга олишнинг қонуний ҳимояланган ҳуқуқининг мавжудлиги молиявий актив ва молиявий мажбурият билан боғлиқ ҳуқуқ ва жавобгарликка таъсир кўрсатади ҳамда ташкилотнинг кредит ва ликвидликлиги risks бўйича ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин, шундай ҳуқуқнинг мавжудлиги ўз-ўзидан ҳисобга олиш учун етарли асос ҳисобланмайди. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш ёки бир вақтнинг ўзида ҳисоб-китобларни амалга ошириш истагининг мавжуд бўлмас вақт бўйича келгусидаги пул оқимларининг ҳажми ва тақсимоти ўзгаришсиз қолади. Ташкилот ўзининг ҳуқуқидан фойдаланиш ёки бир вақтнинг ўзида ҳисоб - китобларни амалга ошириш истагига эга бўлганда, актив ва мажбуриятларни соф асосда тақдим этиш, вақт бўйича келгусидаги пул оқимларининг ҳажми ва тақсимотини, шунингдек, ушбу оқимлар дуч келадиган riskларни янада ўринли акс эттиради. Тегишли юридик ҳуқуқнинг мавжуд эмаслиги шароитида бир ёки иккала томоннинг соф асосда ҳисоб-китобларни амалга ошириш истагининг мавжудлиги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун етарли асос ҳисобланмайди, чунки алоҳида молиявий актив ва молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ҳамда жавобгарликлар ўзгаришсиз қолади.
- 47 Маълум активлар ва мажбуриятларни ҳисоб-китоб қилишга нисбатан ташкилотнинг режаси унинг одатдаги фаолиятини юритиш амалиётига, молиявий бозорлар талабларига ҳамда соф асосда ёки бир вақтнинг ўзида ҳисоб-китоб қилиш имкониятини чегаралайдиган бошқа ҳолатларга таъсир кўрсатиши мумкин. Ташкилот ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқига эга бўлсада, лекин соф асосда ҳисоб-китобни амалга оширишдан ҳам, бир вақтнинг ўзида активни реализация қилиш бўйича жавобгарликни амалга ошириш режасидан ҳам фойдаланмаса, у ҳолда ташкилотнинг ушбу ҳуқуқ билан кредит riskига таъсири 7-сон МҲХСнинг 36-бандига мувофиқ ёритиб берилди.
- 48 Иккита молиявий инструмент бўйича ҳисоб-китобларнинг бир вақтни ўзида амалга оширилиши мумкин, масалан, молиявий бозорда ташкилот этилган клиринг марказининг фаолият кўрсатиши орқали ёки бевосита операция иштирокчилари ўртасида айирбошлаш орқали содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, пул оқимлари ҳақиқатда ягона соф сумма эквивалентига тенг бўлади ҳамда бунда кредит ёки ликвидлик risks мавжуд бўлмайди. Бошқа ҳолатларда, активнинг тўлиқ қиймати учун кредит riskига ёки мажбуриятнинг тўлиқ қиймати учун ликвидлик riskига дучор бўлганда, ташкилот иккита молиявий инструментни алоҳида суммаларни олиш ва тўлаш орқали ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Бундай riskлар таъсири, гарчи қисқа муддат бўлишига қарамасдан, аҳамиятли бўлиши мумкин. Шунга кўра, активларнинг реализация қилиниши ва молиявий мажбуриятларнинг сўндирилиши, ушбу операциялар бир вақтнинг ўзида содир бўлганда бир вақтда амалга оширилган ҳисобланади.
- 49 42-бандда келтирилган шартлар қуйидаги ҳолларда умуман олганда қаноатлантирилмайди ва ўзаро ҳисоб-китоб қилиш одатда қуйидаги ҳолларда ўринсиз бўлади:
- (а) бир неча турли молиявий инструментлардан ягона молиявий инструмент хусусиятларини ҳосил қилиш учун фойдаланилганда (“синтетик инструмент”);
 - (б) бир хил асосий riskка (масалан, форвард шартномалари ёки бошқа дериватив инструментлар портфелига тегишли активлар ва мажбуриятлар) дучор бўладиган молиявий инструментдан келиб чиқадиган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар, лекин улар бўйича контрагентлар турлича бўлганда;
 - (в) молиявий ёки бошқа активлар орқага қайтиш ҳуқуқисиз молиявий мажбуриятларга таъминот сифатида гаровга қўйилганда;

- (г) жавобгарликни бажариш мақсадида дебитор томонидан молиявий активлар ишончли бошқаришга топширилган, лекин шу билан бирга ушбу активлар ушбу жавобгарликни бажариш учун қабул қилинмаганда (масалан, сўндириш фондини ташкил этиш бўйича келишув); ёки
- (д) зарарни юзага келтирадиган ҳодисалар натижасида юзага келган жавобгарликлар суғурта шартномаси асосида қилинган даъво кучи орқали учинчи томондан қопланиши кутилганда.
- 50 Бир қанча молиявий инструментларни битта контрагент билан амалга оширадиган ташкилот ушбу контрагент билан “Ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги бош келишув”ни тузиши мумкин. Бундай келишув, ҳар қандай ушбу шартномаларнинг бирида дефолт ҳолати юзага келганда ёки уларни тўхтатилганида, келишувда қамраб олинган барча молиявий инструментларнинг ягона соф ҳисоб-китобини таъминлайди. Ушбу келишувлар одатда молиявий институтлар томонидан банкротлик ёки контрагент ўзининг жавобгарликларини амалга ошира олмайдиган бошқа ҳолатлардан зарар кўришдан ҳимояланиш учун фойдаланади. Ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги бош келишув одатда, юридик кучга эга бўладиган ва фақат дефолтнинг белгиланган ҳолати ёки одатдаги фаолият йўналишида содир бўлиши кутилмаган бошқа ҳолатлар содир бўлгандан сўнг алоҳида молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг сотилишига ёки ҳисоб-китоб қилинишига таъсир кўрсатадиган ҳисобга олиш ҳуқуқини яратади. Ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги бош келишувни ҳисоб олиш учун асос ҳисобланмайди, бундан 42-бандда келтирилган иккала мезонга амал қилинган ҳолатлар мустасно. Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги бош келишувининг предмети бўлган ҳолатларда ҳисобга олинмайди, ушбу келишув билан ташкилотнинг кредит рискига дучор бўлиши 7-сон МҲХСнинг 36-бандига мувофиқ ёритиб берилади.
- 51-95 [Чиқариб ташланган]

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 96 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Ташкилот мазкур стандартни 2005 йилнинг 1 январига қадар бошланадиган йиллик даврлар учун қўлламаслиги лозим, бунда 2004 йил март ойида келтирилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда 39-сон БҲХСни (2003 йил декабрда эълон қилинган) қўллаган ҳолатлар мустасно. Агар ташкилот мазкур стандартни 2005 йил 1 январдан олдин бошланадиган давр учун қўлласса, у ушбу маълумотни ёритиб бериши лозим.
- 96А 2008 йил февраль ойида эълон қилинган “Қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструментлар ва тугатиш натижасида юзага келадиган жавобгарликлар” (32-сон БҲХС ва 1-сон БҲХСга киритилган ўзгартиришлар)га асосан 16А ва 16Б бандлари ёки 16В ва 16Г бандларида назарда тутилган барча хусусиятларни ўзида акс эттирадиган ва шартларини каноатлантирадиган молиявий инструментларни улушли инструмент сифатида таснифлаш талаби ўрнатилган, шунингдек 11, 16, 17-19, 22, 23, 25, ҚК13, ҚК14 ва ҚК27-бандларга ўзгартириш киритилган ҳамда 16А-16Е, 22А, 96Б, 96В, 97В, ҚК14А-ҚК14Й ва ҚК29А бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим ва бир вақтнинг ўзида 1-сон БҲХС, 39-сон БҲХС, 7-сон МҲХС ва 2-сон МҲХСШҚга киритилган тегишли ўзгартиришларни қўллаши лозим.
- 96Б “Қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструментлар ва тугатиш натижасида юзага келадиган жавобгарликлар” билан чекланган даража қўллаш бўйича истиснолар жорий этилган, ўз навбатида ташкилот ўхшаш ҳолатлар учун ушбу чекловларни қўллай олмайди.
- 96В Ушбу истиснога мувофиқ инструментларни таснифланиши 1-сон БҲХС, 2-сон БҲХС, 39-сон БҲХС, 7-сон МҲХС ва 9-сон МҲХСга асосан ҳисоби юритиладиган шундай инструментлар билан чегараланади. Инструмент бошқа ҳужжатларга, масалан 2-сон МҲХСга мувофиқ улушли инструмент сифатида қаралмаслиги лозим.
- 97 Мазкур стандарт ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.
- 97А 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шунингдек, у бўйича 40-бандга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.

- 97Б 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” (2008 йилдаги таҳрири) бўйича 4(г) банд чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июль ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 3-сон БҲХС (2008 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласа, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим. Лекин, ушбу ўзгартириш харид қилиш санаси 3-сон МҲХСни (2008 йилдаги таҳрири) қўллаш санасидан олдинроқ бўлган бизнес бирлашуви натижасида юзага келган шартли товон учун қўлланмайди. Бунинг ўрнига, ташкилот бундай товонларни 3-сон МҲХСнинг (2010 йилда ўзгартирилган) 65А–65Д бандларига мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
- 97В 96А бандда акс эттирилган ўзгаришларни қўллашда, ташкилот фақат тугатиш жараёнида ташкилот соф активларининг мутаносиб улушини бошқа томонга етказиб бериш жавобгарлигини ўзида акс эттирувчи таркибли молиявий инструментини алоҳида қарз ва улушли компонентларга ажратиши талаб этилади. Агар мажбурият компоненти ортик сўндирилмаган ҳисобланмаса, у ҳолда 32-сон БҲХСда келтирилган ўзгартиришларни ретроспектив тарзда қўлланиши хусусий капиталнинг иккита компонентини ажратиб кўрсатишни талаб қилиши мумкин. Биринчи компонент тақсимланмаган фойда таркибига қўшиладиган ва ўзида мажбурият компоненти бўйича ҳисобланган жамғарилган фоиз суммасини акс эттиради. Бошқа компонент ўзида дастлабки улушли компонентни акс эттиради. Шунинг учун, агар ўзгаришларни қўллаш санасида мажбурият компоненти ортик сўндирилмаган бўлмаса, ташкилот учун ушбу икки компонентни ажратиш зарурати йўқ.
- 97Г 2008 йил май ойида эълон қилинган “*МҲХСларга такомиллаштиришлар*” бўйича 4-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур ўзгаришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим ва 2008 йилнинг май ойида эълон қилинган 7-сон МҲХСнинг 3-банди, 28-сон БҲХСнинг 1-банди ва 31-сон БҲХСнинг 1-бандига киритилган ўзгартиришларни ушбу олдинроқ давр учун қўллаши лозим. Ташкилотга ушбу ўзгартиришни перспектив тарзда қўллашига рухсат берилади.
- 97Д 2009 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган “*Қўшимча акцияларнинг имтиёзли чиқарилишини таснифлаш*” бўйича 11 ва 16-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2010 йил 1 июль ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 97Е [Чиқариб ташланган]
- 97Ё 2010 йилнинг май ойида эълон қилинган “*МҲХСларни такомиллаштиришлар*” бўйича 60Б бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот уни 2010 йил 1 июль ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- 97Ж [Чиқариб ташланган]
- 97З 2011 йил майда эълон қилинган 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*” бўйича 4(а) ва ҚК29 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХСлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 97И 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС бўйича 11 банддаги ҳаққоний қиймат таърифи ва 23 ва ҚК31 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 97Й 2011 йил июн ойида эълон қилинган “*Бошқа умумлашган даромад моддаларини тақдим этиши*” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 40-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгаришни 2011 йил июнь ойида ўзгартирилган 1-сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 97К 2011 йил август ойида эълон қилинган “*Алоҳида молиявий ҳисоботда улушли қатнашиши усули*” (32-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича ҚК38 банд чиқариб ташланган ва ҚК38А–ҚК38Е бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2014 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 8-сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгаришларни олдинроқ қўлласа, у ушбу фактни, шунингдек 2011 йил декабрь ойида эълон қилинган “*Маълумотларни ёритиб бериш - Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш*” (7-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича талаб этиладиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 97Л 2011 йилнинг декабрь ойида эълон қилинган “*Маълумотларни ёритиб бериш - молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш*” (7-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 43-бандга ўзгартириш киритилган, унга кўра ташкилот 7-сон МҲХСнинг 13А-бандини қўллаш доирасида тан олинган молиявий активларга нисбатан 7-сон МҲХСнинг 13Б–13Д бандлари талаб

- этадиган маълумотларни ёритиб беради. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Ташкилот мазкур ўзгартириш талаблари билан назарда тутилган маълумотларни ретроспектив тарзда ёритиб бериши лозим.
- 97М 2012 йилнинг май ойида эълон қилинган “2009 - 2011 йиллар даври бўйича йиллик такомиллаштиришлар” бўйича 35, 37 ва 40 бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 35А бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгартиришлар ва хатолар”га мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 97Н 2012 йилнинг октябр ойида эълон қилинган “Инвестиция ташкилотлари” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 16А бандга ўзгартириш киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2014 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. “Инвестиция ташкилотлари”ни бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласса, у шу даврга нисбатан “Инвестиция ташкилотлари”га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- 97О [Чиқариб ташланган]
- 97П 2014 йил майда эълон қилинган 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” бўйича ҚҚ21 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 97Р 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХСнинг 3, 4, 8, 12, 23, 31, 42, 96В, ҚҚ2 ва ҚҚ30-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 97Е, 97Ж ва 97О бандлари чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 97С 2016 йил январ ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС “Ижара” бўйича ҚҚ9 ва ҚҚ10 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 97Т [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган]

Бошқа ҳужжатлар ўз кучини йўқотиши

- 98 Мазкур стандарт 2000 йил таҳриридаги 32-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериши ва тақдим этиши.”²
- 99 Мазкур стандарт қуйидаги шарҳларни ўрнини эгаллайди:
- (а) 5-сон ШДҚ “Молиявий инструментлар таснифи -шартли тўловлар бўйича ҳолатлар”;
 - (б) 16-сон ШДҚ “Устав капитали - қайта харид қилинган ўз улушли инструментлари (сотиб олинган ўз акциялари)”;
 - (в) 17-сон ШДҚ “Хусусий капитал - хусусий капитал билан боғлиқ операция бўйича сарфлар”.
- 100 Мазкур стандарт ШДҚ-Г34 “Молиявий инструментлар – эгаси талаби билан сўндириладиган инструментлар ёки ҳужуқлар” дастлабки лойиҳасининг амал қилишини бекор қилади.

² 2005 йил август ойида БҲХСК томонидан молиявий инструментларга тегишли барча ёритиб бериш талабларини 7-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериши”га ўтказилган. Маълумотларни ёритиб бериши.

Илова

Қўллаш бўйича кўрсатма

32-сон БҲХС Молиявий инструментлар: тақдим этиш ¹

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

- ҚК1 Мазкур қўллаш бўйича кўрсатма стандартнинг маълум бир жиҳатларининг қўлланишини тушунтиради.
- ҚК2 Мазкур стандарт молиявий инструментларнинг тан олинishi ёки баҳоланишини кўриб чиқмайди. Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг тан олинishi ва баҳоланиishi бўйича талаблар 9-сон МҲХСда белгиланган.

Таърифлар (11–14 бандлар)

Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар

- ҚК3 Валюта (пул маблағлари) молиявий актив ҳисобланади, чунки у ўзида айирбошлаш воситасини акс эттиради ва шу сабабдан молиявий ҳисоботда барча операциялар баҳоланиши ва тан олинishi учун асос ҳисобланади. Банк ёки шунга ўхшаш молиявий институтдаги пул маблағлари депозити молиявий актив ҳисобланади, чунки у ушбу молиявий институтдан омонатчининг шартномада назарда тутилган пул маблағлари олиши ёки кредитор фойдасига молиявий мажбурият бўйича пул маблағлари қолдигига чек ёзиб бериши ёки шунга ўхшаш инструментдан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида акс эттиради.
- ҚК4 Келгусида пул маблағлари олиш бўйича шартномавий ҳуқуқни акс эттирадиган молиявий активлар ва мос равишда келгусида пул маблағларини ўтказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятни акс эттирадиган молиявий мажбуриятлар бўйича кенг тарқалган мисолларга қуйидагилар киради:
- (а) савдо бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;
 - (б) олинishi ёки тўланиши лозим бўлган векселлар;
 - (в) олинishi ёки тўланиши лозим бўлган қарзлар; ва
 - (г) олинishi ёки тўланиши лозим бўлган облигациялар.
- Ҳар бир ҳолатда, бир томоннинг пул маблағини олиш бўйича шартномавий ҳуқуқини (ёки тўлаш бўйича жавобгарлигини) талаб қилиши бошқа томоннинг пул маблағларини тўлаш бўйича тегишли шартномавий жавобгарлигини (ёки талаб қилиш бўйича ҳуқуқини) таъминланишига олиб келади.
- ҚК5 Молиявий инструментнинг бошқа тури у учун олинishi ёки ўтказилиши кутилаётган иктисодий наф пул маблағларидан ташқари молиявий актив ҳисобланади. Масалан, давлат облигациялари билан тўланадиган вексел ўз эгасига шартномавий ҳуқуқга кўра, давлат облигацияларини олиши назарда тутса, эмитент учун эса пул маблағларини эмас, давлат облигацияларини етказиб бериш бўйича шартномавий жавобгарликни назарда тутди. Облигациялар молиявий активлар ҳисобланади, чунки бундай облигациялар уларни чиқарган давлат органининг пул маблағларини тўлаш жавобгарлигини ўзида акс эттиради. Шу сабабдан, бундай вексел ўз эгаси учун молиявий актив ҳисобланса, эмитент учун молиявий мажбурият ҳисобланади.
- ҚК6 “Муддатсиз” қарз инструментлари (масалан, муддатсиз облигациялар, таъминланмаган қарз мажбуриятлари ва капитал векселлар) одатда уларнинг эгаларига шартномавий ҳуқуққа асосан белгиланган саналарда чексиз муддат давомида фойз тўловларни олиш ёки асосий қарзни қайтариш талаби ҳуқуқисиз ёхуд узоқ келажакда талаб қилиши мумкин бўлган ёки шундай шартларда бунинг натижасида қайтариш жуда кам эҳтимолга эга бўлишини ўзида акс эттиради. Масалан, ташкилот номинал ёки асосий сумма 1000 п.б.га нисбатан қўлланадиган белгиланган 8 фойз миқдорида чексиз муддат давомида йиллик тўловни амалга оширишни талаб этадиган молиявий инструмент чиқариши мумкин.³ Инструмент чиқарилган пайтда бозор фойз ставкаси 8 фойз деб фарз қилиб, эмитент дастлабки тан олишда ҳаққоний қиймати (дисконтланган қиймати) 1000 п.б. га тенг бўлган бир қатор келгуси фойз тўловларини амалга ошириш бўйича шартномавий жавобгарликни қабул қилади. Ўз навбатида ушбу инструмент эгаси ва эмитенти молиявий актив ва молиявий мажбуриятга эга бўлади.

³ Мазкур кўрсатмада монетар суммалар “пул бирлиги (п.б.)”да ифодаланган.

- ҚК7 Шартномавий ҳуқуқ ёки шартномавий жавобгарликка асосан молиявий инструментларни олиш, етказиб бериш ёки айирбошлаш ўзи-ўзидан молиявий инструмент ҳисобланади. Шартномавий ҳуқуқ ёки шартномавий жавобгарлик занжири, агар у якуний натижада пул маблағларини олиш ёки тўлаш ёки улушли инструментни харид қилиш ёхуд чиқаришга олиб келса, молиявий инструмент таърифини қаноатлантиради.
- ҚК8 Шартномавий ҳуқуқни реализация қилиш ёки шартномавий жавобгарликда назарда тутилган талабларни бажариш имконияти талаби мутлақ ёки келгусида содир бўладиган ҳодисага боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, агар қарз олувчи қарзини қайта олмаса (дефолт), молиявий кафолат кредиторнинг кафолатчидан пул маблағларини олиш бўйича шартномавий ҳуқуқи ва мос равишда кафолатчининг кредиторга тўлаб бериш бўйича шартномавий мажбурияти ҳисобланади. Ушбу шартномавий ҳуқуқ ва жавобгарликлар ўтган даврда амалга оширилган операция ёки ҳодисалар (кафолатнинг берилиши) натижасида юзага келади, гарчи кредитор ўзининг ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти ва кафолатчидан ўзининг жавобгарлигини амалга оширишини талаб қилиши қарз олувчининг келгусида дефолт ҳодисасининг юзага келиши билан боғлиқ. Бундай актив ва мажбуриятлар ҳамisha молиявий ҳисоботда тан олинмасада, шартли ҳуқуқ ва жавобгарликлар молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар таърифини қаноатлантиради. Ушбу шартли ҳуқуқ ва жавобгарликларнинг баъзи бирлари 4-сон МҲХСнинг қўллаш доирасидаги сугурта шартномалари бўлиши мумкин.
- ҚК9 Ижара шартномаси аввало ижарага берувчининг тўловларни қабул қилиш ва ижарага олувчининг тўловларни амалга ошириш сифатида қаралади, амалий жиҳатдан қараганда бундай тўловлар қарз шартномаси бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича аралаш тўловдан фарқ қилмайди. Ижарага берувчи ўз инвестициясини активни ижара объекти сифати ҳисобга олгандан кўра уни молиявий ижара шартномаси бўйича дебиторлик қарзи сифатида ҳисобга олади. Шунга кўра, ижарага берувчи молиявий ижарани молиявий инструмент сифатида тан олади. 16-сон МҲХСга мувофиқ ижарага берувчи оператив ижара бўйича ижара тўловларини олиш ҳуқуқини тан олмайди. Ижарага берувчи ижара шартномаси асосида келгусида олинадиган ҳар қандай қийматни эмас, балки ижарага берилган активнинг ўзини ҳисобга олишни давом эттиради. Шунга кўра, ижарачи томонидан жорий қарз ва тўланадиган алоҳида тўловлар сифатида тан олишдан ташқари, оператив ижара молиявий инструмент сифатида тан олинмайди.
- ҚК10 Моддий активлар (масалан, захиралар, асосий воситалар), ижарага берилган активлар ва номоддий активлар (масалан, патентлар ва савдо белгилари) молиявий актив ҳисобланмайди. Бундай моддий активлар, фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар ва номоддий активлар устидан назорат қилиш пул оқимларини ёки бошқа молиявий активни юзага келтириш имкониятини яратади, аммо у пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни олишнинг жорий пайтдаги ҳуқуқини юзага келтирмайди.
- ҚК11 Пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив кўринишида эмас, балки товарлар ёки хизматлар кўринишида олинадиган актив (масалан, олдиндан тўланган харажатлар) билан боғлиқ бўлган келгусидаги иқтисодий наф молиявий актив ҳисобланмайди. Шу каби, кечиктирилган тушум ва кўпгина кафолат жавобгарликлари каби моддалар молиявий мажбурият ҳисобланмайди, чунки улар билан боғлиқ иқтисодий нафнинг чиқиб кетиши ўзида шартномавий жавобгарликка кўра пул маблағларини тўлаш ёки бошқа активни етказиб беришни эмас, балки товар ва хизматларни етказиб беришни акс эттиради.
- ҚК12 Шартномавий бўлмаган мажбурият ёки активлар (масалан, давлат томонидан киритилган норматив талаблар натижасида юзага келадиган фойда солиғи) молиявий мажбуриятлар ёки молиявий активлар ҳисобланмайди. Фойда солиғини ҳисобга олиш 12-сон БҲХС орқали амалга оширилади. Шу каби, конструктив жавобгарлик 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”да таърифланганидек, шартномалар натижасидан келиб чиқмайди ва молиявий мажбуриятлар ҳисобланмайди.

Улушли инструментлар

- ҚК13 Улушли инструментларга мисоллар сифатида қайтариб сотиш ҳуқуқини бермайдиган оддий акциялар, баъзи қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструментлар (16А ва 16Б-бандларга қаранг), ташкилотга бошқа томонга ўзининг соф активларининг мутаносиб улушини етказиб бериш мажбуриятини юклайдиган баъзи инструментлар (16В ва 16Г-бандларга қаранг), имтиёзли акцияларнинг айрим турларини (ҚК25 ва ҚК26-бандларга қаранг), шунингдек ўз эгасига харид қилишга обуна бўлиш ёки қатъий белгиланган пул маблағлари ёхуд бошқа молиявий активлар миқдорига қайтариб харид қилиш ҳуқуқини бермайдиган оддий акцияларнинг қатъий белгиланган миқдорини харид қилиш имкониятини тақдим этадиган варрантлар ёки чиқарилган колл опционларни келтириш мумкин. Ташкилотнинг пул маблағлари ёки бошқа молиявий активнинг қатъий белгиланган миқдорига айирбошлаш орқали ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини чиқариш ёки харид қилиш жавобгарлиги ташкилотнинг улушли инструменти

ҳисобланади (22А-бандда қайд қилинган ҳолатлар бундан мустасно). Лекин, агар бундай шартнома ташкилотнинг пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни тўлаш жавобгарлигини қамраб олса (16А ва 16В-банд ёки 16В ва 16Г-бандларга мувофиқ улушли инструмент сифатида таснифланган шартномадан ташқари), у шунингдек сўндириш суммасининг дисконтланган қийматига тенг мажбуриятни ҳам юзага келтиради (ҚК27(а) -бандга қаранг). Қайтариб сотиш ҳуқуқини бермайдиган оддий акциялар эмитенти у расмий равишда тақсимлаш билан боғлиқ ишларни амалга ошираётганда ёки ушбу тақсимлашни амалга ошириш бўйича акциядор олдида юридик жавобгар ҳисобланган пайтда мажбуриятни ўзига олади. Бундай ҳолат дивиденд эълон қилингандан сўнг ёки ташкилот тугатиш жараёнида ва мажбуриятлар бажарилгандан сўнг барча активлар акциядорлар ўртасида тақсимланиши ҳолатида юзага келиши мумкин.

ҚК14 Ташкилот томонидан сотиб олинган ва унга ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини қатъий белгиланган миқдордаги пул маблағлари ёки бошқа молиявий активга айирбошлаш орқали қайта харид қилиш ҳуқуқини берадиган сотиб олинган колл опцион ёки бошқа шунга ўхшаш шартнома ушбу ташкилотнинг молиявий активи ҳисобланмайди (22А-бандда келтирилган ҳолатлар бундан мустасно). Бунинг ўрнига, бундай шартнома учун тўланган ҳар қандай тўлов хусусий капиталдан чегирилади.

Барча бошқа инструментлар синфларига нисбатан субординацияда бўлган инструментлар синфи (16А(б) ва 16В(б)-бандлар)

ҚК14А 16А ва 16В-бандларнинг хусусиятларидан бири, молиявий инструмент бошқа барча инструментлар синфларига нисбатан субординацияда бўлган инструментлар синфига киради.

ҚК14Б Инструментнинг субординацияда бўлган инструментлар синфига тегишли эканлигини аниқлашда, ташкилот тугатиш жараёнида инструментга тегишли талабларни баҳолашни худди у ушбу инструментни таснифлаш санасидаги тугатиш жараёнига тегишли бўлгандаги каби амалга оширади. Агар тегишли ҳолатларда ўзгариш бўлса, ташкилот таснифлаш бўйича қайта баҳолаши лозим. Масалан, ташкилот бошқа молиявий инструментни чиқарса ёки сўндирса, бу инструмент бошқа барча инструментлар синфларига нисбатан субординацияда бўлган инструментлар синфига кириш ёки кирмаслигига таъсир кўрсатиши мумкин.

ҚК14В Ташкилотнинг тугатиш жараёнида имтиёзли ҳуқуқни назарда тутадиган инструмент ушбу ташкилотнинг соф активларининг мутаносиб улушига эгаллик ҳуқуқини берадиган инструмент ҳисобланмайди. Масалан, тугатиш жараёнида инструмент имтиёзли ҳуқуқни назарда тутати, агар у тугатиш жараёнида ташкилотнинг соф активларининг мутаносиб улушига қўшимча равишда ўзининг эгасига қатъий белгиланган дивиденд олиш ҳуқуқини тақдим этганда, бундай ҳолат тугатиш жараёнида субординацияда бўлган синфга тегишли бошқа инструментларга ташкилотнинг соф активларининг мутаносиб улушига эгаллик ҳуқуқидан ташқари бошқа ҳуқуқ тақдим этилмайди.

ҚК14Г Агар ташкилот фақат бир синфдаги молиявий инструментларга эга бўлса, у ҳолда ушбу синф худди у бошқа барча синфларга нисбатан субординацияда бўлгандек қаралиши лозим.

Инструментнинг амал қилиш муддати давомида унга тегишли бўлган жами қутилаётган пул оқимлари (16А(д)-банд)

ҚК14Д Инструментнинг амал қилиш муддати давомида ундан жами қутилаётган пул оқимлари миқдори асосан ушбу инструментнинг амал қилиш муддати давомида ташкилотнинг фойда ёки зарар, тан олинган соф активларининг ўзгариши ёки тан олинган ва тан олинмаган соф активларининг ҳаққоний қийматидан келиб чиқиб аниқланиши лозим. Фойда ёки зарар ва тан олинган соф активларнинг ўзгариши тегишли МҲХСларга мувофиқ баҳолаши лозим.

Ташкилотнинг мулкдори сифатида эмас, балки инструмент эгаси сифатидаги операциялар (16А ва 16В-бандлар)

ҚК14Е Қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструмент ёки фақат тугатиш жараёнида ташкилотга унинг соф активлари мутаносиб улушини бошқа томонга етказиб бериш жавобгарлигини юқлайдиган инструмент эгаси ташкилотнинг мулкдори бўлмаган каби ҳолатда ташкилот билан битим тузиши мумкин. Масалан, инструмент эгаси бир вақтнинг ўзига ташкилотнинг ходими ҳам бўлиши мумкин. Инструментнинг 16А ёки 16В-бандларига мувофиқ улушли инструмент сифатида таснифланишини баҳолашда ташкилотнинг мулкдори сифатида қатнашадиган инструмент эгасига тегишли бўлган пул маблағлари оқими ва шартномада назарда тутилган инструментнинг шартлари ҳамда кўрсаткичлари кўриб чиқилиши лозим.

- AG14Ё Мисол тариқасида, таркибида масъулияти чекланган ва чекланмаган шериклар мавжуд бўлган масъулияти чекланган ширкатни келтириши мумкин. Айрим масъулияти чекланмаган ширкатлар ўзининг ташкилотига кафолат тақдим этиши ва мазкур кафолатни тақдим этганлиги учун рағбатлантириш олиши мумкин. Бундай ҳолларда, кафолат ва у билан боғлиқ пул оқимлари ташкилотнинг эгаси сифатидаги эмас, балки ташкилотнинг кафолатчиси сифатидаги инструмент эгасига тегишли. Шунинг учун, бундай кафолат ва унга тегишли пул оқимлари умумий ширкатнинг маъсулияти чекланган ширкатга нисбатан субординацияда бўлиб қолишига олиб келган деб ҳисоблашга олиб келмайди ва маъсулияти чекланмаган ширкат билан маъсулияти чекланган ширкат инструментларига нисбатан шартнома шартларининг айнан бир хиллигини баҳолашда ҳисобга олинмайди.
- ҚК14Ж Бошқа мисол сифатида, жорий ва олдинги йиллар мобайнида кўрсатилган хизматлар ёки амалга оширилган фаолият асосида фойда ёки зарарни инструмент эгалари ўртасида тақсимлайдиган фойда ёки зарарни тақсимлаш келишувини келтириш мумкин. Бундай келишувлар инструмент эгалари билан улар ташкилотнинг мулк эгаси сифатида бўлмаган операциялар ҳисобланади ва бундай келишувлар 16А ёки 16В-бандлардаги жиҳатларни баҳолашда эътиборга олинмаслиги лозим. Лекин, синфдаги бошқаларга нисбатан фойда ёки зарарни инструмент эгалари ўртасида улар инструментларининг номинал қиймати бўйича тақсимлайдиган фойда ёки зарарни тақсимлаш келишувлари инструмент эгалари билан улар ташкилотнинг мулк эгаси сифатида бўлган операцияларни акс эттиради ҳамда бундай келишувлар 16А ёки 16В-бандлардаги жиҳатларни баҳолашда эътиборга олинмиши лозим.
- ҚК14З Инструмент эгаси (мулкдор сифатида ҳаракат қилганда) ва ташкилот-эмитент ўртасида амалга оширилган пул оқимлари ва шартномада назарда тутилган битим шартлари томонлар ўртасида, яъни инструмент эгаси ҳисобланмаган томон билан ташкилот-эмитент ўртасида айнан эквивалент битим шартларига ўхшаш бўлиши шарт.

Инструмент эгаси учун даромад қолдиғини аҳамиятли даражада чегаралайдиган ёки миқдорини белгилайдиган жами пул оқимларини назарда тутадиган бошқа молиявий инструмент ёки шартноманинг мавжуд эмаслиги (16Б ва 16Г-бандлар)

- ҚК14И Бошқа ҳолларда 16А ёки 16В-банддаги мезонни қаноатлантирадиган молиявий инструментни улушли инструмент сифатида таснифлашнинг шартларидан бири ташкилот, (а) пул оқимларининг миқдори моҳиятан ташкилотнинг фойда ёки зарар, тан олинган соф активларининг ўзгариши ёки тан олинган ва тан олинмаган соф активларининг ҳаққоний қийматининг ўзгаришидан келиб чиқиб аниқланадиган ва (б) даромад қолдиғини аҳамиятли даражада чегаралайдиган ёки миқдорини белгилайдиган, бошқа молиявий инструмент ёки шартноманинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Қуйидаги инструментлар, ташкилотга нисбатан боғлиқ бўлмаган томонлар ўртасида одатий тижорат шартлари асосида улар тузилганда юқори эҳтимоллик билан бошқа ҳолларда 16А ёки 16В-бандда келтирилган мезонларни қаноатлантирадиган инструментни улушли инструмент сифатида таснифланишига тўсқинлик қилмайди:
- (а) ташкилотнинг муайян активларига аҳамиятли даражада асосланган жами пул оқимларига эга инструментлар.
 - (б) жами пул оқимлари тушумнинг фоизига асосланган инструментлар.
 - (в) алоҳида ходимлар томонидан ташкилотга кўрсатилган хизматлар учун рағбатлантириш мақсадида тузилган шартномалар.
 - (г) кўрсатилган хизматлар ва таъминланган товарлар учун фойданинг аҳамиятсиз улушининг тўловини талаб этадиган шартномалар.

Дериватив молиявий инструментлар

- ҚК15 Молиявий инструментлар асосий инструментларни (масалан, дебиторлик қарзлари, кредиторлик қарзлари ва улушли инструментлар) ва дериватив молиявий инструментларни (масалан, молиявий опционлар, фьючерслар ва форвардлар, фоиз ставкаси своплари ва валюта своплари) қамраб олади. Дериватив молиявий инструментлар молиявий инструмент таърифини қаноатлантиради ва ўз навбатида, улар мазкур стандартнинг қўллаш доирасига киради.
- ҚК16 Дериватив молиявий инструментлар, инструмент томонлари ўртасида таянч асосий молиявий инструментга тааллуқли бир ёки бир неча молиявий рискларни ўтказиш таъсирига эга ҳуқуқлар ва жавобгарликларни юзага келтиради. Тегишли шартномани тузиш пайтида дериватив молиявий инструментлар томонларнинг бирига бошқа томон билан қулай бўлган шартларда молиявий актив

ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш бўйича шартномавий ҳуқуқни ёки қулай бўлмаган шартларда бошқа томон билан молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар айирбошлаш бўйича шартномавий жавобгарликни тақдим этади. Лекин, улар умуман олганда⁴ шартнома асосидаги таянч молиявий инструментнинг ўтказилишига олиб келмайди ва бундай ўтказманинг шартнома муддати тугашида амалга оширилиши ҳам талаб этилмайди. Баъзи инструментлар айирбошлашни амалга ошириш бўйича ҳам ҳуқуқ ҳам жавобгарликни қамраб олиши мумкин. Айирбошлаш шартлари дериватив инструментнинг бошланишида аниқланиши сабабли, молия бозорларида нархлар ўзгариши билан ушбу шартлар қулай ёки ноқулай бўлиб қолиши мумкин.

ҚК17 Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни (ташкilot ўз улушли инструментларидан ташқари молиявий инструментларни) айирбошлаш бўйича пут ёки колл опционни ўз эгасига шартнома асосида бўлган молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ потенциал келгуси иқтисодий манфаатларга эга бўлиш ҳуқуқини беради. Аксинча, опцион сотувчи таянч молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ потенциал келгуси иқтисодий манфаатлардан воз кечиши ёки иқтисодий манфаатларнинг потенциал зарарларини тан олиш мажбуриятини олади. Опцион эгасининг шартномавий ҳуқуқлари ва сотувчининг шартномавий жавобгарликлари мос равишда молиявий актив ва молиявий мажбурият таърифини қаноатлантиради. Опцион шартномаси асосидаги молиявий инструмент ҳар қандай молиявий актив, масалан, бошқа ташкilotлардаги улушлар ва фоизли инструментлар, бўлиши мумкин. Опцион унинг сотувчисидан молиявий актив ўтказмаси ўрнига қарз инструменти чиқаришни талаб этиши мумкин, ammo агар опцион амалга оширилса, опцион асосидаги инструмент опцион эгаси ихтиёрига ўтиши мумкин. Опцион эгасининг қулай бўлган шартларда молиявий активни айирбошлаш ҳуқуқи ва опцион сотувчисининг қулай бўлмаган шартларда молиявий активни айирбошлаш мажбурияти опцион амалга оширилганда айирбошланадиган таянч молиявий активдан ажралиб туради. Опцион эгаси ҳуқуқининг ва опцион сотувчиси жавобгарлигининг хусусиятига опционнинг амалга оширилиши эҳтимоли таъсир этмайди.

ҚК18 Дериватив молиявий инструментларга яна бир мисол олти ойлик даврда бажариладиган форвард шартномаси ҳисобланиб, бунда бир томон (харидор) номинал қиймати 1,000,000 п.б. бўлган қатъий белгиланган фоизли давлат облигациялари эвазига 1,000,000 п.б. пул маблағлари етказиб беришни ваъда беради ва бошқа томон (сотувчи) 1,000,000 п.б. пул маблағлари эвазига номинал қиймати 1,000,000 п.б. бўлган қатъий белгиланган фоиздаги давлат облигацияларини беради. Олти ой мобайнида, иккала томон молиявий инструментларни айирбошлаш бўйича шартномавий ҳуқуқ ва шартномавий жавобгарликка эга бўлади. Агар давлат облигацияларининг бозор нархи 1,000,000 п.б.дан ошса, шартлар харидорга қулай бўлади ва сотувчига ноқулай бўлади; агар давлат облигацияларининг бозор нархи 1,000,000 п.б.дан пастга тушса, таъсир аксинча бўлади. Харидор колл опциондаги ҳуқуқ каби шартномавий ҳуқуққа (молиявий активга) ва пут опциондаги мажбурият каби шартномавий жавобгарликка (молиявий мажбуриятга) эга бўлади; сотувчи пут опциондаги ҳуқуқ каби шартномавий ҳуқуққа (молиявий активга) ва колл опциондаги мажбурият каби шартномавий жавобгарликка (молиявий мажбуриятга) эга бўлади. Опционлардагидек, ушбу шартномавий ҳуқуқлар ва жавобгарликлар таянч молиявий инструментлардан алоҳида ва фарқли молиявий активларни ва молиявий мажбуриятларни (айирбошланадиган облигациялар ва пул маблағларини) ташкил этади. Форвард шартномасида иккала томон белгиланган санада уни амалга ошириш бўйича мажбуриятга эга бўлса, опцион шартномасида агар опцион эгаси уни амалга оширилиши танласа, опцион шартномасининг бажарилиши юз беради.

ҚК19 Дериватив инструментларнинг бошқа кўп турлари ўзларида келгуси айирбошлашни амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва жавобгарликни акс эттириши мумкин, жумладан, фоиз ва валюта своплари, фоизли “кэп”, “коллар” ва “флор” шартномалари, қарз мажбуриятлари, вексел чиқариш дастурлари ва аккредитивлар. Фоиз своп шартномаси форвард шартномасининг бир тури сифатида инобатга олиниши мумкин, бунда томонлар бири сузиб юрувчи фоиз ставкаси орқали ҳисобланган, бошқаси эса қатъий белгиланган фоиз ставкаси орқали ҳисобланган пул маблағлари қийматларининг бир қатор келгуси айирбошланишини амалга оширишга келишадилар. Фьючерс шартномалари эса форвард шартномаларининг бошқа бир тури бўлиб, улар асосан стандартлашганлиги ва савдолари биржада амалга оширилиши билан фарқланади.

Номолиявий объектларни харид қилиш ёки сотиш шартномалари (8-10 бандлар)

ҚК20 Номолиявий объектларни харид қилиш ёки сотиш шартномалари молиявий инструмент таърифини қаноатлантирмайди, чунки бир томоннинг номолиявий объектни ёки хизматни қабул қилиш бўйича

⁴ Бу барча деривативлар учун эмас, балки кўпчилиги учун тўғри, масалан, баъзи кросс-валюта фоизли свопларда асосий сумма аввалида айирбошланади (ва муддат сўнгида қайта айирбошланади).

шартномавий ҳуқуқи ва бошқа бир томоннинг мос равишдаги жавобгарлиги ҳеч қайси бир томоннинг молиявий активни олиш, етказиб бериш ёки айирбошлаш бўйича жорий пайтдаги ҳуқуқи ёки жавобгарлигини юзага келтирмайди. Масалан, фақат номолиявий объектни қабул қилиш ёки етказиб бериш орқали бажариладиган шартномалар (масалан, кумуш бўйича опцион, фьючерс ёки форвард шартномаси) молиявий инструментлар ҳисобланмайди. Кўпчилик товарлар шартномалари ушбу турга тегишлидир. Баъзилари шакл жиҳатдан стандартлаштирилган бўлади ҳамда тартибли бозорда айрим дериватив молиявий инструментлар савдоси каби савдо қилинади. Масалан, товар фьючерс шартномаси пулда эркин олди-сотди қилиниши мумкин, чунки у биржада савдо учун листинг қилинган ва бир неча бор қўлдан-қўлга ўтиши мумкин. Бироқ, шартномаларни харид қилаётган ва сотаётган томонлар аслида таянч товарни савдо қиладилар. Товар шартномасининг пул маблағларида сотиш ёки сотиб олиш энгил бўлиб, уни пул маблағларида харид қилиш ёки сотиш қобилияти ва товарни қабул қилиш ёки етказиб бериш мажбуриятини пулда ҳисоб-китоб қилишга келишиш имконияти шартноманинг фундаментал жиҳатларини молиявий инструмент вужудга келадиган даражада ўзгартирмайди. Шунга қарамасдан, баъзи нетто ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ёки номолиявий объектни пул маблағларига эркин конвертациялаш орқали ҳисоб-китоб қилинадиган номолиявий объектларни харид қилиш ёки сотиш шартномалари молиявий инструментлар каби мазкур стандартнинг қўллаш доирасига киради (8-бандга қаранг).

- ҚК21 15-сон МҲХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*”да талаб қилинганлардан ташқари, моддий активларни қабул қилиш ёки етказиб беришни қамраб оладиган шартнома, у билан боғлиқ ҳар қандай тўлов моддий активларнинг ўтказиш санасидан кейин кечиктирилмагунча, бир томоннинг молиявий активи ва бошқа томоннинг молиявий мажбурияти қўпайишига олиб келмайди. Бу тижорат кредитида товарларни харид қилиш ёки сотиш билан боғлиқ ҳолатда бўлиши мумкин.
- ҚК22 Баъзи шартномалар товарга боғланган бўлади, аммо товарни моддий кўринишда қабул қилиш ёки етказиб бериш орқали ҳисоб-китоб қилишни қамраб олмайди. Улар қатъий белгиланган қийматлар орқали тўловни ҳисоб-китоб қилиш ўрнига, шартномадаги формулага асосан аниқланадиган пул маблағлари тўловлари орқали ҳисоб-китоб қилишни белгилайди. Масалан, облигациянинг номинал қиймати унинг сўндириш санасида мавжуд бўлган қатъий белгиланган миқдордаги нефтнинг бозор нархини қўллаш орқали ҳисобланиши мумкин. Номинал товар нархига тегишли тарзда индексация қилинади, аммо фақат пул маблағларида ҳисоб-китоб қилинади. Бундай шартнома молиявий инструментни ташкил этади.
- ҚК23 Молиявий инструментнинг таърифи молиявий актив ёки молиявий мажбуриятга қўшимча тарзда, номолиявий актив ёки номолиявий мажбуриятнинг қўпайишига олиб келадиган шартномани ҳам қамраб олади. Бундай молиявий инструментлар бир томонга молиявий активни номолиявий активга айирбошлаш имконини беради. Масалан, нефтга боғланган облигация ўз эгасига номинал қийматни нефтнинг қатъий белгиланган миқдорига айирбошлаш опционни билан бирга, бир қатор даврий қатъий белгиланган фоиз тўловларини ва сўндириш санасида пулда қатъий белгиланган қийматни олиш ҳуқуқини бериши мумкин. Ушбу опционни амалга оширишнинг афзаллиги вақти-вақти билан облигацияга хос пул маблағларини нефтга айирбошлаш коэффициентига (айирбошлаш нархи) нисбатан нефтнинг ҳаққоний қийматида боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Облигация эгасининг опционни амалга ошириш билан боғлиқ мақсади компонент активларининг моҳиятига таъсир кўрсатмайди. Активлар ва мажбуриятларнинг бошқа турлари вужудга келишига қарамасдан, облигация эгасининг молиявий активи ва эмитентнинг молиявий мажбурияти облигацияни молиявий инструмент бўлишини таъминлайди.
- ҚК24 [Чикариб ташланган]

1

Мажбуриятлар ва хусусий капитал (15-27 бандлар)

Пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни етказиб бериш бўйича шартномавий жавобгарликнинг мавжуд эмаслиги (17-20 бандлар)

- ҚК25 Имтиёзли акциялар турли хил ҳуқуқлар билан чиқарилиши мумкин. Имтиёзли акция молиявий мажбурият ёки улушли инструмент бўлишини аниқлашда, эмитент улушга бириктирилган муайян ҳуқуқларни акция молиявий мажбуриятнинг фундаментал хусусиятини акс эттиришини аниқлаш учун баҳолайди. Масалан, муайян санада ёки эгаси ихтиёрига кўра, қайта сотиб олишни таъминлайдиган имтиёзли акциялар молиявий мажбуриятни қамраб олади, чунки эмитентда улуш эгасига молиявий активларни ўтказиш жавобгарлиги мавжуд. Имтиёзли акцияни қайта сотиб олиш мажбуриятини бажариш бўйича эмитентнинг потенциал лаёқатсизлиги шартномавий тарзда талаб

этилганда, маблағ етишмаслиги, қонуний чеклов ёки фойданинг ёки резервларнинг етишмаслиги сабаб бўлишига қарамасдан, жавобгарликни инкор этмайди. Эмитентнинг акцияларни пул маблағларига сўндириш имкони молиявий мажбурият таърифини қаноатлантирмайди, чунки эмитент акциядорлар ихтиёрига молиявий активларни ўтказиш бўйича жорий пайтдаги мажбуриятга эга эмас. Бундай ҳолатда, акцияларни сўндириш тўлалигича эмитент ихтиёрида бўлади. Лекин, мажбурият, эмитент, одатда акцияларни сўндириш режасини акциядорларга расман эълон қилган ҳолда, сўндириш имконидан фойдаланса вужудга келади.

ҚК26 Имтиёзли акциялар қайта сўндирилмайдиган бўлганда, ўринли таснифлаш уларга бириктирилган бошқа ҳуқуқлар орқали аниқланади. Имтиёзли акциялар қайта сўндирилмайдиган бўлганда, ўринли таснифлаш уларга бириктирилган бошқа ҳуқуқлар орқали аниқланади. Имтиёзли акциялар эгаларига тақсимлашлар, улар жамғариладиган ёки жамғарилмайдиган бўлишига қарамасдан, эмитентнинг ихтиёрида бўлганда, акциялар улушли инструментлар ҳисобланади. Имтиёзли акцияни улушли инструмент ёки молиявий мажбурият сифатида таснифлашга, масалан, қуйидагилар таъсир кўрсатмайди:

- (а) тақсимлашни амалга ошириш тарихи;
- (б) келгусида тақсимлашни амалга оширишни назарда тутиш;
- (в) тақсимлаш амалга оширилмаганда оддий акциялар нархига эҳтимолий салбий таъсир (агар дивидендлар имтиёзли акциялар бўйича тўланмаганда, оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлашга чекловлар сабабли);
- (г) эмитент резервларининг суммаси;
- (д) давр учун эмитент томонидан фойда ёки зарар кутилиши; ёки
- (е) эмитентнинг давр учун ўз фойда ёки зарари суммасига таъсир кўрсатиш лаёқати ёки лаёқатсизлиги.

Ташкилотнинг ўз улушли инструментлари билан ҳисоб-китобни амалга ошириш (21-24 бандлар)

ҚК27 Қуйидаги мисоллар ташкилотнинг ўз улушли инструментлари бўйича турли хил шартномаларни қандай таснифлашни ақс эттиради:

- (а) Ташкилот томонидан ҳеч қандай келгусидаги қийматни қоплашсиз ёки ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини пул маблағлари ёки бошқа молиявий активнинг қатъий белгиланган қийматига айирбошлаш орқали, ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини олиш ёки етказиб бериш орқали ҳисоб-китоб қилинадиган шартнома улушли инструмент ҳисобланади (22А-бандда қайд қилингандан ташқари). Шунга қўра, бундай шартнома учун олинган ёки тўланган ҳар қандай қиймат бевосита хусусий капиталга қўшилади ёки ундан чегирилади. Мисол тариқасида, контрагентга ташкилотнинг белгиланган миқдордаги акцияларини белгиланган қийматдаги пул маблағлари эвазига харид қилиш ҳуқуқини берадиган, чиқарилган акция опционини келтириш мумкин. Лекин, агар шартнома белгиланган ёки аниқланадиган санада ёки талаб қилинганда ташкилотдан ўз акцияларини пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив эвазига харид қилишни (сўндиришни) талаб этса, ташкилот сўндириш суммасининг дисконтланган қиймати миқдоридан молиявий мажбуриятни ҳам тан олади (16А ва 16Б-бандлар ёки 16В ва 16Г-бандлар келтирилган барча жиҳатларга эга ва ушбу бандлардаги шартларни қаноатлантирадиган инструментлар бундан мустасно). Яна бир мисол тариқасида, ташкилотнинг форвард шартномасига асосан белгиланган миқдордаги ўз акцияларини белгиланган қийматдаги пул маблағлари эвазига қайта харид қилиш мажбуриятини келтириш мумкин.
- (б) Ташкилотнинг пул маблағлари эвазига ўз акцияларини харид қилиш мажбурияти, ҳаттоки агар ташкилот қайта харид қилишга мажбур бўлган акциялар миқдори белгиланмаган бўлса ҳам ёки мажбурият контрагентнинг ўз сўндириш ҳуқуқидан фойдаланишига шартли равишда боғлиқ бўлса ҳам, сўндириш суммасининг дисконтланган қийматига тенг молиявий мажбуриятни қўпайишига олиб келади (16А ва 16Б-бандлар ёки 16В ва 16Г-бандларда қайд қилингандан ташқари). Шартли жавобгарликка мисол тариқасида, агар контрагент опционни амалга оширсин, ташкилотдан ўз акцияларини пул маблағлари эвазига қайта харид қилишни талаб этадиган чиқарилган опционни келтириш мумкин.
- (в) Пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив орқали ҳисоб-китоб қилинадиган шартнома, ҳаттоки агар олиннадиган ёки етказиб бериладиган пул маблағлари ёки бошқа молиявий активнинг қиймати ташкилот ўз акциясининг бозор нархидаги ўзгаришларига асосланган

бўлса ҳам, молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳисобланади (16А ва 16Б-бандлар ёки 16В ва 16Г-бандларда қайд қилинганлар бундан мустасно). Мисол тариқасида, пул маблағларида нетто ҳисоб-китоб қилинадиган акция опционини келтириш мумкин.

- (г) Қиймати қатъий белгиланган суммага ёки таянч ўзгарувчининг (масалан, товар нархи) ўзгаришларига асосланган суммага тенг бўлган ҳолда, ташкилот ўз акцияларининг ўзгарувчан миқдори билан ҳисоб-китоб қилинадиган шартнома молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳисобланади. Мисол тариқасида, олтин харид қилишга чиқарилган, амалга оширилишида ташкилотнинг ўз инструментлари билан нетто ҳисоб-китоб қилинадиган ва бунда ташкилот томонидан ушбу инструментлар опцион шартномаси қийматига тенг миқдорда етказиб бериладиган опционни келтириш мумкин. Бундай шартнома, ҳаттоки агар таянч ўзгарувчи олтин бўлмасдан ташкилотнинг ўз акцияси нархи бўлса ҳам, молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳисобланади. Шунингдек, ташкилот ўз акцияларининг қатъий белгиланган миқдорида ҳисоб-китоб қилинадиган, аммо ушбу акцияларга бириктирилган ҳуқуқлар шундай ўзгарадики, натижада ҳисоб-китоб қиймати қатъий белгиланган қийматга ёки таянч ўзгарувчининг ўзгаришларига асосланган қийматга тенг бўладиган шартнома молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳисобланади.

Шартли сўндириш шартлари (25-банд)

- ҚК28 25-банд, агар пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив орқали ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиши мумкин бўлган (ёки бошқа усулда инструментни молиявий мажбурият бўлишига олиб келиши мумкин бўлган) шартли ҳисоб-китоб шартининг бир қисми мавҳум бўлса, ҳисоб-китоб қилиш шarti молиявий инструментнинг таснифланишига таъсир этмаслигини талаб қилади. Шундай экан, жуда камдан-кам, юқори даражада ғайриоддий ва содир бўлиш эҳтимоли жудаям паст ҳолат юз берган пайтда пул маблағларида ёки ташкилот ўз акцияларининг ўзгарувчан миқдорида ҳисоб-китоб қилишни талаб этадиган шартнома улушли инструмент ҳисобланади. Шунингдек, ташкилотнинг назоратидан ташқари ҳолатларда ташкилот ўз акцияларининг қатъий белгиланган миқдорида ҳисоб-китоб қилиш шартномавий тарзда тақиқланиши мумкин, лекин ушбу ҳолатларнинг содир бўлиш эҳтимоли ҳақиқатдан йироқ бўлса, улушли инструмент сифатида таснифлаш ўринли бўлади.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботда акс эттириш

- ҚК29 1-сон БҲХС ва 10-сон МҲХСга мувофиқ, ташкилот консолидациялашган молиявий ҳисоботда назорат қилинмайдиган улушларни – хусусий капиталдаги ва ўз бўлинмаларининг даромадларидаги бошқа томонларнинг улушларини – акс эттиради. Молиявий инструментни (ёки унинг компонентини) консолидациялашган молиявий ҳисоботда таснифлашда, бутун бир гуруҳни инструмент бўйича пул маблағлари ёки бошқа активни етказиб бериш ёки мажбурият таснифига олиб келадиган тарзда ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятига эга бўлишини аниқлаш учун, ташкилот гуруҳ аъзолари билан инструмент эгалари ўртасида келишилган барча шартларни эътиборга олади. Гуруҳдаги шўба ташкилот молиявий инструмент чиқарса ва бош ташкилот ёки гуруҳнинг бошқа ташкилоти бевосита инструмент (масалан, кафолат) эгаси билан қўшимча шартларни келишиб олганда, гуруҳ тақсимлаш ёки сўндириш бўйича имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Шўба ташкилот ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботида ушбу қўшимча шартларни эътиборга олмасдан инструментни тегишли тартибда таснифлаши мумкин бўлса ҳам, консолидациялашган молиявий ҳисоботда бутун бир гуруҳ томонидан тузилган шартномалар ва битимларни акс эттиришни таъминлаш мақсадида гуруҳ аъзолари билан инструмент эгалари ўртасидаги бошқа келишувлар таъсири инобатга олинади. Бундай жавобгарлик ёки ҳисоб-китоб қилиш шarti мавжуд бўлганда, инструмент (ёки унинг жавобгарликка тегишли компоненти) консолидациялашган молиявий ҳисоботда молиявий мажбурият сифатида таснифланади.
- ҚК29А Ташкилотта шартномавий жавобгарлик юклайдиган инструментларнинг баъзи турлари 16А ва 16Б-бандлар ёки 16В ва 16Г-бандларга мувофиқ улушли инструментлар сифатида таснифланади. Ушбу бандларга мувофиқ таснифлаш мазкур стандартга мувофиқ, инструментни таснифлаш тамойилларига истисно ҳисобланади. Ушбу истисно консолидациялашган молиявий ҳисоботда назорат қилинмайдиган улушларни таснифланишига нисбатан қўлланмайди. Шу сабабли, назорат қилинмайдиган улушларни ташкилот этган ҳолда, 16А ва 16Б бандлар ёки 16В ва 16Г-бандларга мувофиқ индивидуал ёки алоҳида молиявий ҳисоботда улушли инструментлар сифатида таснифланган инструментлар гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида мажбуриятлар сифатида таснифланади.

Таркибли молиявий инструментлар (28-32 бандлар)

- ҚК30 28-банд фақат нодериватив мураккаб молиявий инструментлар эмитентлари учун қўлланади. 28-банд таркибли молиявий инструментларга нисбатан инструментга эгалик қилувчилар нуқтаи назаридан қўлланмайди. Инструментга эгалик қилувчилар нуқтаи назаридан таркибли молиявий инструментлар ҳисобланган молиявий активларни баҳолаш ва таснифлаш 9-сон МҲХС билан тартибга солинади.
- ҚК31 Таркибли молиявий инструментнинг кенг тарқалган тури конвертация опционни бириктирилган қарз инструменти ҳисобланади, масалан, эмитентнинг оддий акцияларига конвертация қилинадиган ва ўзида бошқа ҳеч қандай бириктирилган дериватив жиҳатларига эга бўлмаган облигация. 28-банд бундай молиявий инструмент эмитентидан молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда мажбурият компонентини ва хусусий капитал компонентини куйидагича алоҳида тақдим этишни талаб этади:
- (а) Эмитентнинг фоиз ва асосий қарзнинг режали тўловларини амалга ошириш мажбурияти инструмент конвертация бўлмагунча амал қиладиган молиявий мажбуриятдир. Дастлабки тан олишда, мажбурият компонентининг ҳаққоний қиймати шартнома бўйича аниқланадиган бир қатор келгуси пул оқимларининг дисконтланган қиймагига тенг бўлиб, бунда пул оқимларини дисконтлашда кредит мақомини солиштириш мумкин бўлган ва бир хил шартларда аҳамиятли тарзда бир хил пул оқимларини таъминлайдиган, аммо конвертация опционни жиҳатига эга бўлмаган инструментлар бўйича ўша пайтдаги бозор фоиз ставкаси қўлланади.
 - (б) Улушли инструмент мажбуриятни эмитентнинг хусусий капиталига конвертациялаш бўйича бириктирилган опциондир. Бу опцион, ҳаттоки у “пулдан ташқарида” бўлса ҳам, дастлабки тан олишда қийматга эга бўлади.
- ҚК32 Сўндириш санасида конвертацияланадиган инструмент конвертацияланганда, ташкилот мажбурият компонентини ҳисобдан чиқаради ва уни хусусий капитал сифатида тан олади. Асл хусусий капитал компоненти капитал хусусий сифатида сақланади (у хусусий капитал таркибидаги бир сатр моддасидан бошқасига ўтказилганда ҳам). Сўндириш санасидаги конвертацияда фойда ёки зарар мавжуд бўлмайди.
- ҚК33 Ташкилот сўндириш муддатидан олдин конвертацияланадиган инструментни вақтлироқ сўндириш орқали ёки асл конвертация имтиёзлари ўзгармаган ҳолда қайта харид қилиш орқали сўндирса, ташкилот операция санасида тўланган қийматни қоплашни ва қайта харид қилиш ёки сўндиришнинг ҳар қандай операция харажатларини инструментнинг мажбурият ва хусусий капитал компонентларига тақсимлайди. Тўланган қийматни қоплаш ва ҳар қандай операция харажатларини алоҳида компонентларга тақсимлашда фойдаланилган усул 28-32-бандларга мувофиқ конвертацияланадиган инструмент чиқарилган пайтда ташкилот томонидан олинган тушумларнинг алоҳида компонентларига нисбатан дастлабки тақсимлашда қўлланган усулга мос бўлиши лозим.
- ҚК34 Қийматни қоплашни тақсимлаш амалга оширилгандан сўнг, ҳар қандай юзага келган фойда ёки зарар тегишли компонентга нисбатан қўлланадиган ҳисобга олиш тамойилларига мувофиқ куйидагича ҳисобга олинади:
- (а) мажбурият компонентга тегишли фойда ёки зарарнинг миқдори фойда ёки зарар таркибида тан олинади; ва
 - (б) хусусий капитал компонентига тегишли қийматни қоплаш миқдори хусусий капиталда тан олинади.
- ҚК35 Ташкилот муддатидан олдин конвертацияни амалга оширишни рағбатлантириш учун конвертацияланадиган инструментнинг шартларини, масалан, белгиланган санадан олдин конвертация ҳолатида қулай конвертация коэффициентини таклиф этиш ёки бошқа қўшимча тўлов тўлаш орқали ўзгартириши мумкин. Шартлар ўзгартирилган санада, ўзгартирилган шартлар асосида инструмент конвертациясида инструмент эгаси оладиган қийматни қоплашнинг ҳаққоний қиймати билан дастлабки шартлар асосида инструмент эгаси олиши мумкин бўлган қийматни қоплашнинг ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ фойда ёки зарарда зарар сифатида тан олинади.

Сотиб олинган ўз акциялари (33 ва 34-бандлар)

- ҚК36 Ташкилотнинг ўз улушли инструментлари қайси мақсадда қайта сотиб олинганлигидан қатъий назар молиявий актив сифатида тан олинмайди. 33-банд ўз улушли инструментларини қайта сотиб олган ташкилотдан ушбу улушли инструментларни хусусий капиталдан чегиришни талаб этади. Лекин, ташкилот ўз улушли инструментига бошқалар номидан эгалик қилса, масалан, молиявий институт ўз мижози номидан ўз улушли инструментига эгалик қилса, бунда агентлик муносабати бўлади ва натижада ушбу эгаликдаги акциялар ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботига киритилмайди.

Фоиз, дивидендлар, фойда ва зарарлар (35-41 бандлар)

- ҚК37 Қуйидаги мисол 35-бандни таркибли молиявий инструментлар учун қўлланишини акс эттиради. Фараз қилайлик, нокумулятив имтиёзли акциялар беш йиллик муддатда пул маблағлари эвазига мажбурий сўндирилади, аммо улар бўйича дивидендларнинг сўндириш санасидан олдин тўланиши ташкилот ихтиёрида бўлади. Бундай инструмент мажбурият компоненти сўндириш суммасининг дисконтланган қийматига тенг бўлган таркибли молиявий инструмент ҳисобланади. Бу компонент бўйича дисконт амортизацияси фойда ёки зарарда тан олинади ва фоиз харажати сифатида таснифланади. Тўланган ҳар қандай дивидендлар хусусий капитал компонентига тегишли бўлади ва ўз навбатида, улар фойда ёки зарарнинг тақсимлаш сифатида таснифланади. Бу каби ёндашув сўндириш мажбурий бўлмаган, балки инструмент эгаси ихтиёрида бўлган ёки акция мажбурий тарзда қатъий белгиланган қийматга ёки таянч ўзгарувчининг (масалан, товар) ўзгаришига асосланган қийматга тенг бўлган оддий акцияларнинг ўзгарувчан миқдорига конвертацияланадиган бўлганда ҳам қўлланади. Лекин, тўланмаган ҳар қандай дивидендлар сўндириш қиймати қўшилса, бутун инструмент мажбурият ҳисобланади. Бундай ҳолатда, ҳар қандай дивидендлар фоиз харажати сифатида таснифланади.

Молиявий актив ва молиявий мажбуриятни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш (42-50 бандлар)

- ҚК38 [Чиқариб ташланган]

Ташкилот тан олинган суммаларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун айти пайтда қонуний таъминланган ҳуқуққа эга бўлиш мезони (42(а)-банд)

- ҚК38А Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи жорий пайтда мавжуд бўлиши мумкин ёки у келгуси ҳодисага шартли боғланган бўлиши мумкин (масалан, ҳуқуқ контрагентларнинг бири қарзни тўлай олмаслиги, тўловга лаёқатсизлиги ёки банкротлиги каби фақат айрим келгуси ҳодиса содир бўлганда кучга киради ёки амалга оширилади). Ҳаттоки агар ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи келгуси ҳодисага шартли боғланган бўлмаса ҳам, у фақат фаолиятнинг одатий йўналишида, ёки контрагентларнинг бири ёки барчасининг қарзни тўлай олмаслик ёки тўловга лаёқатсизлик ёки банкротлик ҳолатида қонуний таъминланган ҳуқуқ бўлиши мумкин.
- ҚК38Б 42(а)-банддаги мезонни қаноатлантириш учун, ташкилот ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун айти пайтда қонуний таъминланган ҳуқуққа эга бўлиши шарт. Бу ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи бўйича қуйидагиларни англатади:
- (а) келгуси ҳодисага шартли боғланган бўлмаслиги шарт; ва
 - (б) қонуний таъминланган ҳуқуқ ташкилотнинг ёки унинг барча контрагентларининг қуйидаги барча ҳолатларида бўлиши шарт:
 - (i) одатдаги фаолият йўналиши;
 - (ii) қарзни тўлай олмаслик ҳолати; ва
 - (iii) тўловга лаёқатсизлик ёки банкротлик ҳолати.
- ҚК38В Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқининг хусусияти ва қўлами, жумладан унинг амалга оширилишига боғланган ҳар қандай шартлар ва унинг қарзни тўлай олмаслик ёки тўловга лаёқатсизлик ёки банкротлик ҳолатида амалда қолиши мумкинлиги бир юрисдикциядан бошқасига қараб ўзгариши мумкин. Ўз навбатида, ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи автомат тарзда фаолиятнинг одатдаги фаолият йўналишидан ташқарида мавжуд бўлишини фарз қилиб бўлмайди. Масалан, юрисдикциянинг банкротлик ёки тўловга лаёқатсизлик бўйича қонунлари айрим ҳолатларда банкротлик ёки тўловга лаёқатсизлик ҳолатида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқини тақиқлаши ёки чеклаши мумкин.
- ҚК38Г Томонлар ўртасидаги алоқаларга нисбатан қўлланиладиган қонунлар (масалан, шартномавий шартлар, шартномани бошқарадиган қонунлар, томонларга нисбатан қўлланиладиган қарзни тўлай олмаслик ёки тўловга лаёқатсизлик ёки банкротлик қонунлари) ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи ташкилотнинг ва барча контрагентларнинг одатдаги фаолият йўналишида, қарзни тўлай олмаслик ҳолатида ёки тўловга лаёқатсизлик ёки банкротлик ҳолатида юридик кучга эга бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун кўриб чиқилиши зарур (ҚК38Б(б)-бандда белгиланганидек).

Ташкилот “соф асосда ҳисоб-китобни амалга оширишни ёки активни сотиш ва бир вақтни ўзида мажбуриятни ҳисоб-китоб қилишни мўлжаллаган бўлиши” мезони (42(б)-банд)

- ҚК38Д 42(б)-банддаги мезонни қаноатлантириш учун, ташкилот соф асосда ҳисоб-китобни амалга оширишни ёки активни сотиш ва бир вақтни ўзида мажбуриятни ҳисоб-китоб қилишни мўлжаллаган бўлиши шарт. Ташкилот соф асосда ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлсада, у активни сотиши ва мажбуриятни алоҳида ҳисоб-китоб қилиши мумкин.
- ҚК38Е Агар ташкилот суммаларни ҳисоб-китоб қилиши оқибатида натижа аслида соф ҳисоб-китобга эквивалент бўлса, ташкилот 42(б)-банддаги соф асосда ҳисоб-китоб қилиш мезонини қаноатлантиради. Ушбу ҳолат, фақатгина агар ялпи ҳисоб-китоб механизми аҳамиятсиз кредит ва ликвидлилик рискинни йўқотадиган ёки юзага келтирадиган ҳамда ягона ҳисоб-китоб жараёнида ёки даврида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кўриб чиқадиган жиҳатларга эга бўлгандагина содир бўлади. Масалан, қуйидаги барча хусусиятларга эга ялпи ҳисоб-китоб тизими 42(б)-банддаги соф ҳисоб-китоб мезонини қаноатлантириши мумкин:
- (а) ўзаро ҳисоб-китоб қилишга муносиб молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар кўриб чиқиш учун бир вақтда тақдим этилади;
 - (б) молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни кўриб чиқиш учун тақдим этилганда, томонларга ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини бажариш юклатилади;
 - (в) активлар ва мажбуриятлар кўриб чиқишга тақдим этилганда, улардан юзага келадиган пул оқимларининг ўзгаришига имконият мавжуд эмас (кўриб чиқиш бажарилмагунча – қуйида (г) бандга қаранг);
 - (г) қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар ва мажбуриятлар қимматли қоғозлар ўтказмаси ёки шу каби тизим (масалан, тўловга қарши етказиб бериш) бўйича ҳисоб-китоб қилинади, бунда агар қимматли қоғозлар ўтказмаси бажарилмаса, қимматли қоғозлар гаров бўлган тегишли дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кўриб чиқиш ҳам бажарилмайди (ва аксинча);
 - (д) (г) бандда қайд қилинганидек, ҳар қандай бажарилмайдиган операциялар улар ҳисоб-китоб қилинмагунча кўриб чиқишга қайта тақдим этилади;
 - (е) ҳисоб-китоблар уларни амалга оширувчи айнан бир ташкилот орқали амалга оширилади (масалан, ҳисоб-китобларни амалга оширадиган банк, марказий банк ёки марказий қимматли қоғозлар депозитарийси); ва
 - (ё) томонларнинг ҳар бирига ҳисоб-китоб қилиш санасида тўловларни қайта ишлашга имкон бериш учун етарли овердрафт миқдорларини таъминлайдиган ва кунлик кредит воситаси бўйича мажбурият талаб этилганда бажарилиши ҳақиқатда аниқ бўлган, кунлик кредит воситаси жорий этилган.
- ҚК39 Мазкур стандарт бошқа инструмент жиҳатларини акс эттириш учун сотиб олинмаган ва эгалик қилинадиган алоҳида молиявий инструментлар гуруҳидаги “синтетик инструментлар” деб аталадиган инструментлар учун қўлланиладиган махсус ёндашувни таъминламайди. Масалан, ўзгарувчан тўловларни олиш ва қатъий белгиланган тўловларни амалга оширишни қамраб оладиган фоизли своп билан бирлашган ўзгарувчан фоиз ставкасига асосланган узок муддатли қарз қатъий белгиланган фоиз ставкасига асосланган узок муддатли қарзни синтез қилади. Биргаликда синтетик инструментни ташкил этадиган индивидуал молиявий инструментларнинг ҳар бири ўзининг шартлари билан шартли ҳуқуқ ва жавобгарликларни акс эттиради ва ҳар бири алоҳида ўтказилиши ёки ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Ҳар бир молиявий инструмент бошқа молиявий инструментлар дучор бўлган рисклардан фарқли рискларга дучор бўлади. Шу сабабли, синтетик инструмент таркибидаги инструментнинг бири актив, бошқаси мажбурият бўлса, улар 42-банддаги ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мезонини қаноатлантирмагунча, улар ўзаро ҳисоб-китоб қилинмайди ҳамда ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида соф асосда тақдим этилмайди.
- ҚК40 [Чиқариб ташланган]

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
19-ИЛОВА

33-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Бир акцияга тўғри келадиган фойда

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади бир ҳисобот даврида турли ташкилотлар ўртасида ҳамда бир ташкилотнинг турли ҳисобот даврларидаги фаолият натижаларини ўзаро қиёсланишини осонлаштириш учун бир акцияга тўғри келадиган фойдани аниқлаш ва тақдим этиш тамойилларини белгилашдан иборат. “Фойда”ни аниқлашда фойдаланилиши мумкин бўлган ҳисоб сиёсатидаги фарқли жиҳатлар сабабли, бир акцияга тўғри келадиган фойда тўғрисидаги маълумотлар муайян чекловларга эга бўлишига қарамасдан, изчил тарзда аниқланадиган маҳраж молиявий ҳисобот сифатини яхшилайдди. Мазкур стандартда асосий эътибор бир акцияга тўғри келадиган фойдани ҳисоблашдаги маҳражга қаратилган.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланиши лозим:
- (a) қуйидаги ташкилотнинг алоҳида ёки индивидуал молиявий ҳисоботиغا:
 - (i) оддий акциялари ёки потенциал оддий акциялари очиқ бозорда (ички ёки ташқи фонд биржалари ёки биржадан ташқари бозорларда, шу жумладан, маҳаллий ёки минтақавий бозорларда) савдо қилинадиган; ёки
 - (ii) очиқ бозорда оддий акцияларни чиқариш мақсадида ўзининг молиявий ҳисоботини қимматли қоғозлар бўйича комиссияга ёки бошқа назорат органига тақдим этган ёки тақдим этиш жараёнида бўлган; ва
 - (б) қуйидаги бош ташкилотга эга гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботиغا:
 - (i) оддий акциялари ёки потенциал оддий акциялари очиқ бозорда (ички ёки ташқи фонд биржалари ёки биржадан ташқари бозорларда, шу жумладан, маҳаллий ёки минтақавий бозорларда) савдо қилинадиган; ёки
 - (ii) очиқ бозорда оддий акцияларни чиқариш мақсадида ўзининг молиявий ҳисоботини қимматли қоғозлар бўйича комиссияга ёки бошқа назорат органига тақдим этган ёки тақдим этиш жараёнида бўлган.
- 3 Бир акцияга тўғри келадиган фойда тўғрисидаги маълумотни ёритиб берадиган ташкилот бир акцияга тўғри келадиган фойдани мазкур стандартга мувофиқ ҳисоблаши ва ёритиб бериши лозим.
- 4 Ташкилот мос равишда 10 - сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” ва 27 - сон БҲХС “Алоҳида молиявий ҳисобот”га мувофиқ тайёрланган ҳам консолидациялашган молиявий ҳисоботни ҳам алоҳида молиявий ҳисоботни тақдим этса, мазкур стандарт томонидан ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар фақат консолидациялашган ҳисобот маълумотлари асосида тақдим этилиши лозим. Бир акцияга тўғри келадиган фойдани ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботи асосида ёритиб беришни танлаган ташкилот бир акцияга тўғри келадиган фойда тўғрисидаги бундай маълумотни фақат умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этиши лозим. Ташкилот бир акцияга тўғри келадиган фойда тўғрисидаги бундай маълумотни консолидациялашган молиявий ҳисоботда тақдим этмаслиги лозим.
- 4A Агар ташкилот 1 - сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиши” (2011 йил таҳрири)нинг 10A - бандида белгиланганидек, фойда ёки зарар моддаларини алоҳида ҳисоботда тақдим этса, у бир акцияга тўғри келадиган фойдани фақат ушбу алоҳида ҳисоботда тақдим этади.

Таърифлар

- 5 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Қарши суюлтириш* - белгиланган шартлар бажарилиши натижасида конвертацияланадиган инструментлар конвертацияланганини, опционлар ёки варрантлар бажарилгани ёки оддий акциялар чиқарилгани тўғрисидаги фараз натижасида бир акцияга тўғри келадиган фойдада қўпайишни ёки бир акцияга тўғри келадиган зарарда камайишни англатади.
- Акцияларни шартли чиқариш шартномаси* - белгиланган шартлар бажарилишига боғлиқ бўлган акцияларни чиқариш битимидир.
- Шартли чиқариладиган оддий акциялар* - акцияларни шартли чиқариш шартномасида белгиланган шартлар бажарилиши билан кам миқдордаги пул маблағи ёки бепул ёхуд бошқа товон эвазига чиқариладиган оддий акциялардир.
- Суюлтириш* - белгиланган шартлар бажарилиши натижасида конвертацияланадиган инструментлар конвертацияланганини, опционлар ёки варрантлар бажарилгани ёки оддий акциялар чиқарилгани тўғрисидаги фараз натижасида бир акцияга тўғри келадиган фойдада камайишни ёки бир акцияга тўғри келадиган зарарда қўпайишни англатади.
- Опционлар, варрантлар ва уларнинг эквивалентлари* - ўз эгасига оддий акцияларни харид қилиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструментлардир.
- Оддий акция* - бошқа барча турдаги улушли инструментларга нисбатан паст мақомга эга бўлган улушли инструментдир.
- Потенциал оддий акция* - ўз эгасига оддий акцияларга эгалик ҳуқуқини бериши мумкин бўлган молиявий инструмент ёки бошқа шартномадир.
- Оддий акцияларга “пут” опцион* - эгасига оддий акцияларни белгиланган муддат давомида муайян нархда сотиш ҳуқуқини берадиган шартномадир.
- 6 Оддий акциялар давр фойдаси тақсимланишида фақат имтиёзли акциялар каби акцияларнинг бошқа турлари қатнашгандан сўнг қатнашади. Ташкилот оддий акцияларнинг бир нечта синфига эга бўлиши мумкин. Бир хил синфдаги оддий акциялар эгалари дивидендлар олиш бўйича бир хил ҳуқуққа эга бўлади.
- 7 Потенциал оддий акцияларга қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) оддий акцияларга конвертацияланадиган молиявий мажбуриятлар ёки улушли инструментлар, жумладан, имтиёзли акциялар;
 - (б) опционлар ва варрантлар;
 - (в) бизнес ёки бошқа активларни харид қилиш каби шартномавий келишувлар натижасида юзага келадиган шартларнинг бажарилиши асосида чиқарилиши мумкин бўлган акциялар.
- 8 Бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, 32 - сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиши*” да таърифланган атамалар мазкур стандартда 32 - сон БҲХСнинг 11 бандида белгиланган маънолари бўйича фойдаланилади. 32 - сон БҲХСда молиявий инструмент, молиявий актив, молиявий мажбурият ва улушли инструмент таърифлари ҳамда ушбу таърифларни қўллаш бўйича кўрсатма берилган. 13 - сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*” да ҳаққоний қиймат таърифи берилган ҳамда ушбу таърифни қўллаш учун талаблар белгиланган.

Баҳолаш

Бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткич

- 9 Ташкилот бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарар бўйича ва, агар тақдим этилса, ушбу акция эгаларига тегишли давом этаётган фаолиятдан фойда ёки зарар бўйича бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткични ҳисоблаши лозим.
- 10 Бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткич бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарар (сурат)ни давр мобайнида муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдори (махраж)га нисбати орқали ҳисобланиши лозим.
- 11 Бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткич тўғрисидаги маълумотнинг мақсади ҳисобот даври мобайнида бош ташкилотнинг ҳар бир оддий акциясига тўғри келадиган ташкилотнинг фаолияти натижаси улуши бўйича кўрсаткични таъминлашдан иборат.

Фойда

- 12 **Бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткични ҳисоблаш учун куйидагилар бўйича бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли суммалар:**
- (а) бош ташкилотга тегишли давом этаётган фаолиятдан фойда ёки зарар; ва
- (б) бош ташкилотга тегишли фойда ёки зарар
- имтиёзли акциялар бўйича дивидендларнинг солиқ солишдан кейинги суммаларига, имтиёзли акциялар ҳисоб - китобида юзага келадиган фарқларга ва хусусий капитал сифатида таснифланган имтиёзли акцияларнинг бошқа шу каби таъсирларига асосан тузатилган (а) ва (б) даги суммалардир.**
- 13 Солиқ харажатлари ва мажбуриятлар сифатида таснифланган имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни ўз ичига олган ҳолда, тегишли даврда тан олинган бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли даромад ва харажатнинг барча моддалари бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли давр учун фойда ва зарарни аниқлашда эътиборга олинади (1 - сон БҲХСга қаранг).
- 14 Фойда ёки зарардан чегириладиган имтиёзли акциялар бўйича дивидендларнинг солиқ солишдан кейинги суммаси куйидагилардан иборат:
- (а) давр учун эълон қилинган кумулятив бўлмаган имтиёзли акциялар бўйича ҳар қандай дивидендларнинг солиқ солишдан кейинги суммаси; ва
- (б) дивидендлар эълон қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъий назар, давр учун талаб этилган кумулятив имтиёзли акциялар бўйича дивидендларнинг солиқ солишдан кейинги суммаси. Давр учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар суммаси кумулятив имтиёзли акциялар бўйича ўтган даврлар учун жорий ҳисобот даврида тўланган ёки эълон қилинган дивидендлар суммасини ўз ичига олмайди.
- 15 Ташкилот имтиёзли акцияларни дисконт билан сотганлиги эвазига паст қийматли дастлабки дивидендни ёки инвесторлар имтиёзли акцияларни премиум билан харид қилганлиги эвазига кейинги даврларда бозор даражасига нисбатан юқори қийматли дивидендни таъминлайдиган имтиёзли акциялар баъзида дивиденд нормаси ўсиб борадиган имтиёзли акциялар деб юритилади. Дивиденд нормаси ўсиб борадиган имтиёзли акциялар бўйича ҳар қандай дастлабки чиқарилган дисконт ёки муқофот суммасининг амортизацияси эффектив фоиз ставкаси усули орқали тақсимланмаган фойдада акс эттирилади ва бир акцияга тўғри келадиган фойдани ҳисоблаш мақсадида имтиёзли акциялар бўйича дивиденд сифатида ҳисобга олинади.
- 16 Ташкилот имтиёзли акцияларни акция эгаларидан тендер таклифи асосида қайта харид қилиши мумкин. Имтиёзли акция эгаларига тўланган товон ҳаққоний қийматининг имтиёзли акцияларнинг баланс қийматидан ошган қисми имтиёзли акциялар эгаларига даромад ҳисобланади ва ташкилотнинг тақсимланмаган фойдасида акс эттирилади. Ушбу сумма бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарарни ҳисоблашда чегирилади.
- 17 Конвертацияланадиган имтиёзли акцияларнинг муддатидан олдин конвертация қилиш ташкилот томонидан дастлабки конвертация шартларига ижобий ўзгаришлар киритиш ёки қўшимча товон тўлаш орқали рағбатлантирилиши мумкин. Оддий акциялар ёки бошқа тўланган товон ҳаққоний қийматининг дастлабки конвертация шартларида чиқариладиган оддий акцияларнинг ҳаққоний қийматидан ошган қисми имтиёзли акциялар эгалари учун даромад ҳисобланади ва бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарарни ҳисоблашда чегирилади.
- 18 Имтиёзли акциялар баланс қийматининг улар учун тўланган товон ҳаққоний қийматидан ошган қисми бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарарни ҳисоблашда қўшилади.

Акциялар

- 19 **Бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткични ҳисоблаш мақсадида, оддий акцияларнинг сони давр мобайнида муомалада бўлган оддий акцияларнинг ўртача тортилган сони бўлиши лозим.**
- 20 Давр мобайнида муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдоридан фойдаланиш ҳар қандай пайтда муомалада бўлган акцияларнинг миқдори кўпроқ ёки камроқ бўлиши натижасида давр мобайнида акциядорлар капитали суммасининг тебраниши мумкинлигини акс эттиради. Давр мобайнида муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдори – давр мобайнида қайта харид қилинган ёки чиқарилган оддий акцияларнинг вақт омили бўйича тортилган коэффициентга кўпайтирилган миқдорига тузатилган давр бошида муомаладаги оддий акцияларнинг миқдори ҳисобланади. Вақт омили бўйича тортилган коэффициент акцияларнинг муомалада бўлган кунлар

- сонининг ҳисобот давридаги жами кунлар сонидаги улушидир; кўп ҳолатларда ушбу ўртача тортилган қийматнинг асосланган тарзда яхлитланган миқдоридан фойдаланиш мумкин.
- 21 Акциялар одатда уларнинг қиймати учун товон олинадиган дебиторлик қарзига айланган санадан (яъни, одатда, уларнинг чиқарилган санасидан) бошлаб акцияларнинг ўртача тортилган миқдорини ҳисоблашда инobatга олинади, масалан:
- (а) пул маблағи эвазига чиқарилган оддий акциялар пул маблағи олинадиган дебиторлик қарзига айланганда ҳисобга олинади;
 - (б) оддий ёки имтиёзли акциялар бўйича ихтиёрий равишда қайта инвестиция қилинадиган дивидендлар ҳисобига чиқарилган оддий акциялар дивидендлар қайта инвестиция қилинганда ҳисобга олинади;
 - (в) қарз инструментининг оддий акцияга конвертация қилиниши натижасида чиқариладиган оддий акциялар фоиз ҳисобланиши тўхтатилган санадан бошлаб ҳисобга олинади;
 - (г) бошқа молиявий инструментлар бўйича фоиз ёки асосий қисм ўрнига чиқарилган оддий акциялар фоиз ҳисобланиши тўхтатилган санадан бошлаб ҳисобга олинади;
 - (д) ташкилот мажбуриятининг сўндирилиши эвазига чиқарилган оддий акциялар сўндириш санасидан бошлаб ҳисобга олинади;
 - (е) пул маблағидан фарқли бошқа активни харид қилиш учун товон сифатида чиқарилган оддий акциялар харид қилинган актив тан олинган санадан бошлаб ҳисобга олинади; ва
 - (ё) ташкилотга кўрсатилган хизматлар эвазига чиқарилган оддий акциялар хизматлар кўрсатилиши билан ҳисобга олинади.
- Оддий акцияларни ҳисобга олиш пайти уларнинг чиқарилишига боғлиқ шартлар ва муддатлар орқали аниқланади. Асосий эътибор акция чиқарилиши билан боғлиқ ҳар қандай шартноманинг моҳиятига қаратилади.
- 22 Бизнес бирлашувида ўтказиладиган товоннинг бир қисми сифатида чиқарилган оддий акциялар бизнесни харид қилиш санасидан бошлаб акцияларнинг ўртача тортилган миқдорида ҳисобга олинади. Чунки харид қилувчи ўзининг умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботида харид қилинган ташкилотнинг фойда ва зарарларини ушбу санадан бошлаб ҳисобга олади.
- 23 Мажбурий тарзда конвертацияланадиган инструментнинг конвертация қилинишидан кейин чиқариладиган оддий акциялар шартнома тузилган санадан бошлаб бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткичини ҳисоблашда инobatга олинади.
- 24 Шартли чиқариладиган акциялар фақат барча зарурий шартлар қаноатлантирилган (яъни ҳодисалар содир бўлган) санадан бошлаб муомалада деб ҳисобга олинади ва бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткичини ҳисоблашда инobatга олинади. Фақатгина маълум вақт ўтгандан сўнг чиқарилиши мумкин бўлган акциялар шартли чиқариладиган акциялар ҳисобланмайди, чунки бунда вақтнинг ўтиши муқаррар. Шартли қайтариладиган (яъни қайтариб олинадиган) муомаладаги оддий акциялар, улар ортиқ қайтариб олинадиган деб ҳисобланмайдиган санагача муомаладаги акциялар сифатида ҳисобга олинмайди ва бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткичини ҳисоблашда инobatга олинмайди.
- 25 [Чиқариб ташланган]
- 26 **Давр мобайнида ва тақдим этилган барча даврлардаги муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдори, потенциал оддий акцияларни конвертация қилишдан ташқари, ресурслардаги тегишли ўзгаришсиз муомаладаги оддий акциялар миқдорини ўзгартирган ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда тузатилган бўлиши лозим.**
- 27 Оддий акциялар чиқарилиши ёки муомаладаги оддий акциялар миқдори камайтирилиши ресурслардаги тегишли ўзгаришсиз амалга оширилиши мумкин. Масалан:
- (а) капиталлаштириш ёки бонусли акцияларни чиқариш (баъзида акция дивиденди деб юритилади);
 - (б) бошқа ҳар қандай чиқаришдаги бонус элементи, масалан, амалдаги акциядорлар учун қўшимча акцияларни имтиёзли чиқарилишидаги бонус элементи;
 - (в) акцияни майдалаш; ва
 - (г) акцияларни йириклаштириш (акцияларнинг консолидацияланиши).
- 28 Капиталлаштиришда ёки бонусли акцияларни чиқаришда ёки акция майдаланишида, оддий акциялар мавжуд акциядорларга қўшимча товонсиз чиқарилади. Шу сабабли, муомаладаги оддий акцияларнинг миқдори ресурслар ошмаган ҳолда кўпаяди. Ҳодисадан олдин муомалада бўлган оддий

акцияларнинг миқдорига худди ҳодиса тақдим этилган энг олдинги даврнинг бошида содир бўлгандек, муомалада бўлган оддий акцияларнинг миқдоридаги пропорционал ўзгаришни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритилади. Масалан, биттага иккита бонусли акцияларни чиқаришда, чиқаришдан олдин муомалада бўлган оддий акцияларнинг миқдори оддий акцияларнинг жами янги миқдорини аниқлаш учун учга кўпайтирилади ёки қўшимча оддий акцияларнинг миқдорини аниқлаш учун иккига кўпайтирилади.

- 29 Оддий акцияларнинг консолидацияланиши, умуман олганда, ресурслардаги тегишли камайишсиз муомалада бўлган оддий акцияларнинг миқдорини камайтиради. Лекин, умумий натижа акцияни унинг ҳаққоний қийматида қайта харид қилиш бўлса, муомаладаги оддий акциялар миқдоридаги камайиш ресурслардаги тегишли камайишнинг натижаси ҳисобланади. Махсус дивиденд тўлаш билан боғланган акция консолидацияланиши бунга мисол бўлади. Бундай боғланган операция юз берган давр мобайнида муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдорига махсус дивиденд тан олинган санадан бошлаб оддий акциялар миқдоридаги камайишни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритилади.

Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткич

- 30 Ташкилот бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарар бўйича ва, агар тақдим этилса, ушбу акция эгаларига тегишли давом этаётган фаолиятдан олинган фойда ёки зарар бўйича бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаши лозим.
- 31 Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш мақсадида, ташкилот бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарарни ҳамда муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдорини барча суюлтирувчи потенциал оддий акциялар таъсирига нисбатан тузатиши лозим.
- 32 Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткичнинг мақсади бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткичининг мақсадига мос ҳолда, давр мобайнида муомалада бўлган барча суюлтирувчи потенциал оддий акциялар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир оддий акциянинг ташкилот фаолияти натижасидаги улуши бўйича кўрсаткични таъминлашдан иборат. Натижада:
- (а) бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли бўлган фойда ёки зарар суюлтирувчи потенциал оддий акциялар бўйича ҳисобот даврида тан олинган дивидендларнинг ва фоизларнинг солиқ солишдан кейинги суммасига оширилади ҳамда суюлтирувчи потенциал оддий акцияларнинг конвертацияси натижасида юзага келиши мумкин бўлган даромад ва харажатдаги ҳар қандай ўзгаришлар бўйича тузатиш киритилади; ва
 - (б) муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдори барча суюлтирувчи потенциал оддий акцияларнинг конвертациясини ҳисобга олган ҳолда муомалага чиқарилиши мумкин бўлган қўшимча оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдорига кўпайтирилади.

Фойда

- 33 Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш учун ташкилот 12 - бандда ҳисоблангани каби бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарарни қуйдагиларнинг солиқ солишдан кейинги таъсирига нисбатан тузатиш киритиши лозим:
- (а) 12 - бандга мувофиқ ҳисобланганидек, бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли бўлган фойда ёки зарарни ҳисоблашда суюлтирувчи потенциал оддий акцияларга тегишли ҳар қандай чегирилган дивидендлар ва бошқа моддалар;
 - (б) суюлтирувчи потенциал оддий акцияларга доир ҳисобот даврида тан олинган ҳар қандай фоизлар; ва
 - (в) суюлтирувчи потенциал оддий акцияларнинг конвертациясидан юзага келадиган даромад ва харажатдаги ҳар қандай бошқа ўзгаришлар.
- 34 Потенциал оддий акциялар оддий акцияларга конвертация қилингандан сўнг, 33(а) – (в) бандларда белгиланган моддалар бошқа юзага келмайди. Бунинг ўрнига, янги оддий акциялар бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарарида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу сабабли, 12 - бандга мувофиқ ҳисобланган бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарар 33(а) – (в) бандларда белгиланган моддаларга ва ҳар қандай тегишли солиқларга нисбатан тузатиш киритилади. Потенциал оддий акциялар билан боғлиқ харажатлар эса

эффектив фоиз ставкаси усулига мувофиқ ҳисобга олинган операция бўйича сарфларни ва дисконтларни камраб олади (9 - сон МҲХСга қаранг).

- 35 Потенциал оддий акцияларнинг конвертацияси даромадлар ёки харажатлардаги тегишли ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Масалан, потенциал оддий акцияларга тегишли фоизли харажатларнинг камайиши ва оқибатда фойдадаги кўпайиш ёки зарардаги камайиш ҳодимлар мажбурий иштирок этадиган фойдани бўлишиш дастурига тегишли харажатларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин. Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш учун бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарар даромад ёки харажатлардаги бундай тегишли ўзгаришларга нисбатан тузатиш киритилади.

Акциялар

- 36 Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш учун оддий акцияларнинг миқдори 19 ва 26 бандларга мувофиқ ҳисобланган оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдори ва барча суюлтирувчи потенциал оддий акцияларни оддий акцияларга конвертация қилинишида чиқарилиши мумкин бўлган оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдори йиғиндиси бўлиши лозим. Суюлтирувчи потенциал оддий акцияларни давр бошида ёки, агар кейинчалик содир бўлган бўлса, потенциал оддий акциялар чиқарилган санада оддий акцияларга конвертация қилинган деб ҳисобланиши лозим.
- 37 Суюлтирувчи потенциал оддий акциялар тақдим этиладиган ҳар бир давр учун мустақил тарзда аниқланади. Йил бошидан жорий санагача киритилган суюлтирувчи потенциал оддий акцияларнинг миқдори ҳар бир оралик даврда инobatга олинган суюлтирувчи потенциал оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдорига тенг бўлмайди.
- 38 Потенциал оддий акциялар бўйича улар муомалада бўлган давр учун тортилган миқдори аниқланади. Бекор қилинган ёки маълум бир даврда юридик кучга эга бўлмаган потенциал оддий акциялар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда фақат улар муомалада бўлган даврнинг улушида ҳисобга олинади. Давр мобайнида оддий акцияларга конвертация қилинадиган потенциал оддий акциялар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда давр бошидан конвертация санасигача бўлган даврда инobatга олинади; конвертация санасидан бошлаб, ҳосил бўлган оддий акциялар бир акцияга тўғри келадиган фойданинг ҳам базавий ҳам суюлтирилган кўрсаткичини ҳисоблашда инobatга олинади.
- 39 Суюлтирувчи потенциал оддий акцияларнинг конвертацияси натижасида чиқарилиши мумкин бўлган оддий акциялар миқдори потенциал оддий акцияларнинг шартларига асосан аниқланади. Конвертациянинг бир неча базислари мавжуд бўлса, ҳисоблашда потенциал оддий акцияларнинг эгалари нуқтаи назаридан қараганда энг афзал конвертация ставкаси ёки фойдаланиш нархига асосланади.
- 40 Шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилот бош ташкилот ёки инвестиция объекти бўйича биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга инвесторлар бўлмаган бошқа томонларга шўъба ташкилотнинг, қўшма корхонанинг ёки таъсир остидаги ташкилотнинг оддий акцияларини ёки конвертацияланадиган акцияларини ёхуд бош ташкилотнинг ёки инвестиция объекти бўйича биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга инвесторларнинг (ҳисобот берувчи) оддий акцияларини чиқариши мумкин. Агар ушбу шўъба ташкилотнинг, қўшма корхонанинг ёки таъсир остидаги ташкилотнинг потенциал оддий акциялари ҳисобот берувчи ташкилотнинг бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткичсига нисбатан суюлтириш таъсирга эга бўлса, улар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инobatга олинади.

Суюлтирувчи потенциал оддий акциялар

- 41 Потенциал оддий акциялар фақат ва фақат уларнинг оддий акцияларга конвертацияси давом этаётган фаолиятдан юзага келадиган бир акцияга тўғри келадиган фойдани камайтирса ёки бир акцияга тўғри келадиган зарарни кўпайтирса суюлтирувчи ҳисобланиши лозим.
- 42 Потенциал оддий акциялар суюлтирувчи ёки қарши суюлтирувчи эканлигини аниқлашда, ташкилот бош ташкилотга тегишли давом этаётган фаолият натижасидаги фойда ёки зарардан назорат кўрсаткичи сифатида фойдаланади. Бош ташкилотга тегишли давом этаётган фаолият натижасидаги фойда ёки зарарга 12 - бандга мувофиқ тузатиш киритилади ва тугатилган фаолиятга тегишли моддалар чиқариб ташланади.
- 43 Потенциал оддий акцияларнинг оддий акцияларга конвертацияси давом этаётган фаолиятдан бир акцияга тўғри келадиган фойдани кўпайтирса ёки бир акцияга тўғри келадиган зарарни камайтирса, улар қарши суюлтирувчи ҳисобланади. Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган

кўрсаткични ҳисоблаш бир акцияга тўғри келадиган фойдага нисбатан қарши суюлтирувчи таъсирга эга бўлиши мумкин бўлган потенциал оддий акцияларнинг конвертациясини, фойдаланилишини ёки бошқа чиқарилишини назарда тутмайди.

- 44 Потенциал оддий акциялар суюлтирувчи ёки қарши суюлтирувчи эканлигини аниқлашда, потенциал оддий акцияларнинг ҳар бир чиқарилиши ёки сериялари жамланган ҳолда эмас, балки алоҳида кўриб чиқилади. Кўриб чиқилаётган потенциал оддий акциялар кетма - кетлиги уларнинг суюлтирувчи бўлиши ёки бўлмастлигига таъсир кўрсатади. Шунинг учун, бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткичининг суюлтирилишини максималлаштириш учун потенциал оддий акцияларнинг ҳар бир чиқарилиши ёки сериялари энг кўп суюлтирувчидан энг кам суюлтирувчигача бўлган кетма - кетликда кўриб чиқилади, яъни “бир қўшимча акцияга тўғри келадиган фойда”нинг энг кам миқдорига эга суюлтирувчи потенциал оддий акциялар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда бир қўшимча акцияга тўғри келадиган фойданинг юқорирок миқдорига эга суюлтирувчи потенциал оддий акциялардан олдин инобатга олинади. Опционлар ва варрантлар, умуман олганда, биринчи навбатда инобатга олинади, чунки улар ҳисоблаш формуласидаги суратга таъсир кўрсатмайди.

Опционлар, варрантлар ва уларнинг эквивалентлари

- 45 **Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш учун ташкилот ўзининг суюлтирувчи опционлари ва варрантларининг фойдаланилишини ҳисобга олиши лозим. Ушбу инструментлардан олиниши қўйилаётган пул маблағлари тушиши оддий акцияларни давр мобайнида оддий акцияларнинг ўртача бозор нархида чиқарилишидан олинган деб ҳисобланиши лозим. Чиқарилган оддий акциялар миқдори билан давр мобайнида оддий акцияларнинг ўртача бозор нархида чиқарилиши мумкин бўлган оддий акциялар миқдори ўртасидаги фарқ оддий акцияларнинг бепул чиқарилиши сифатида ҳисобга олиниши лозим.**
- 46 Опционлар ва варрантлар давр мобайнида оддий акцияларнинг ўртача бозор нархидан паст нархда оддий акцияларнинг чиқарилишига олиб келса, улар суюлтирувчи ҳисобланади. Суюлтириш суммаси давр мобайнида оддий акцияларнинг ўртача бозор нархидан акцияни чиқариш нархи чегирилганига тенг бўлади. Шунинг учун, бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда потенциал оддий акциялар қуйидагиларнинг иккаласини ҳам қамраб олади деб инобатга олинади:
- (а) ҳисобот даври мобайнида оддий акцияларнинг маълум миқдорини уларнинг ўртача бозор нархида чиқариш бўйича шартнома. Бундай оддий акциялар ҳаққоний нархланган ва суюлтирувчи ҳам, қарши суюлтирувчи ҳам эмас деб фараз қилинади. Улар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инобатга олинмайди.
 - (б) тоvon тўланмайдиган, қолган оддий акцияларни чиқариш бўйича шартнома. Бундай оддий акциялар пул маблағлари тушишини ҳосил қилмайди ва муомаладаги оддий акцияларга тегишли фойда ёки зарарга нисбатан таъсирга эга эмас. Шунинг учун, бундай акциялар суюлтирувчи бўлиб, улар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда муомаладаги оддий акциялар миқдорига кўшилади.
- 47 Опционлар ва варрантлар суюлтирувчи таъсирга фақат давр мобайнидаги оддий акцияларнинг ўртача бозор нархи опцион ва варрантларнинг (яъни улар “пулда” бўлса) фойдаланиш нархидан ошганда, эга бўлади. Олдин тақдим этилган бир акцияга тўғри келадиган фойдага оддий акциялар нархларидаги ўзгаришларни акс эттириш учун ретроспектив тарзда тузатиш киритилмайди.
- 47А 2 - сон МҲХС “Акцияларга асосланган тўлов” қўлланадиган акция опционлари ва акцияга асосланган тўлов бўйича бошқа келишувлар учун, 46 бандда қайд қилинган акцияни чиқариш нархи ва 47 бандда қайд қилинган фойдаланиш нархи акция опционлари ёки акцияга асосланган тўлов бўйича бошқа келишув асосида келгусида ташкилотга етказиб бериладиган ҳар қандай товарлар ёки хизматларнинг (2 - сон МҲХС га мувофиқ баҳоланган) ҳаққоний қийматини ўз ичига олиши лозим.
- 48 Қатъий белгиланган ёки аниқланадиган шартларга эга ходимларнинг акция опционлари ҳамда ҳуқуқий кучга кирмаган оддий акциялар, ҳатто уларнинг ҳуқуқий кучга кириши шартли бўлиши мумкин бўлса ҳам, бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда опционлар сифатида ҳисобга олинади. Улар тақдим этиш санасидан бошлаб муомалада деб ҳисобланади. Фаолият натижасига асосланган ходимларнинг акция опционлари шартли равишда чиқариладиган акциялар сифатида ҳисобга олинади, чунки уларнинг чиқарилиши вақт ўтишига қўшимча тарзда белгиланган шартларнинг бажарилишига боғлиқ бўлади.

Конвертацияланадиган инструментлар

- 49 Конвертацияланадиган инструментларнинг суюлтирувчи таъсири 33 ва 36 бандларга мувофиқ бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткичда акс этирилиши лозим.
- 50 Конвертацияланадиган имтиёзли акциялар бўйича жорий ҳисобот даврида эълон қилинган ёки жамланган дивиденд суммасининг конвертация қилиш орқали олиниши мумкин бўлган ҳар бир оддий акцияга тўғри келадиган миқдори бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткичдан ошса, конвертацияланадиган имтиёзли акциялар қарши суюлтирувчи ҳисобланади. Шунингдек, конвертацияланадиган қарз конвертация орқали олиниши мумкин бўлган ҳар бир оддий акцияга тўғри келадиган фоиз миқдори (солиқлар ва бошқа даромад ёки харажатдаги ўзгаришлардан ҳоли) бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткичдан ошса, конвертацияланадиган қарз қарши суюлтирувчи ҳисобланади.
- 51 Конвертацияланадиган имтиёзли акцияларнинг сўндирилиши ёки мажбурий конвертацияси олдин муомалада бўлган конвертацияланадиган имтиёзли акцияларнинг фақат муайян қисмига таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолатларда, 17 - бандда қайд қилинган ҳар қандай ортиқча товоқ қолган муомаладаги имтиёзли акциялар суюлтирувчи эканлигини аниқлаш мақсадида сўндирилган ёки конвертацияланган акцияларга тегишли бўлади. Сўндирилган ёки конвертацияланган акциялар сўндирилмаган ёки конвертацияланмаган акциялардан алоҳида ҳисобга олинади.

Шартли чиқариладиган акциялар

- 52 Бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткични ҳисоблашдаги каби, агар белгиланган шартлар қаноатлантирилса (масалан, белгиланган ҳодисалар содир бўлганда), шартли чиқариладиган оддий акциялар муомалада деб ҳисобланади ва бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инobatга олинади. Шартли чиқариладиган акциялар давр бошидан (ёки агар кечроқ бўлса, акцияларни шартли чиқариш шартномаси санасидан бошлаб) ҳисобга олинади. Агар шартлар қаноатлантирилмаса, бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инobatга олинган шартли чиқариладиган акциялар миқдори ҳисобот даврининг охири шартларни амал қилиш даврининг охирига тўғри келганда чиқарилиши мумкин бўлган акциялар миқдорига асосланади. Агар шартлар амал қилиш муддати тугаганда шартлар қаноатлантирилмаса, қайта ҳисоблашга рухсат этилмайди.
- 53 Агар шартли чиқариладиган акция чиқарилишининг шarti давр учун фойданинг белгиланган суммаси кўрсаткичига эришиш ёки уни сақлаб туриш бўлса ва агар ҳисобот даври охирида ушбу кўрсаткичга эришилса, лекин ҳисобот даври якунлангандан сўнг уни қўшимча давр учун сақлаб турилиши шарт бўлганда, бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда унинг таъсири суюлтирувчи бўлиши шarti билан қўшимча оддий акциялар муомалада деб ҳисобга олинади. Бундай ҳолатда, бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш, агар ҳисобот даври охиридаги фойда суммаси шартларнинг амал қилиш даври охиридаги фойда суммасига тенг бўлса, чиқарилиши мумкин бўлган оддий акциялар миқдорига асосланади. Келгуси даврда фойда ўзгариши мумкинлиги сабабли, бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткични ҳисоблашда шартли чиқариладиган акциялар шартларнинг амал қилиш даври якунланмагунча инobatга олинмайди, чунки зарурий шартларнинг барчаси ҳам қаноатлантирилмаган.
- 54 Шартли чиқариладиган оддий акциялар миқдори оддий акцияларнинг келгуси бозор нархига боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда, агар таъсир суюлтирувчи бўлса, бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш, ҳисобот даври охиридаги бозор нархи шартларнинг амал қилиш даври охиридаги бозор нархига тенг бўлганда чиқарилиши мумкин бўлган оддий акциялар миқдорига асосланади. Агар акцияни чиқариш шarti ҳисобот давридан ташқари давр учун бозор нархларининг ўртачасига асосланган бўлса, у ҳолда ўтган давр учун ўртача нархдан фойдаланилади. Келгуси даврда бозор нархи ўзгариши мумкинлиги сабабли, бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткични ҳисоблашда шартли чиқариладиган акциялар шартларнинг амал қилиш даври якунланмагунча инobatга олинмайди, чунки зарурий шартларнинг барчаси ҳам қаноатлантирилмаган.
- 55 Шартли чиқариладиган оддий акциялар миқдори келгусидаги фойда суммасига ҳамда оддий акцияларнинг келгусидаги нархларига боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашга киритилган оддий акциялар миқдорини ҳисоблашда ҳар иккала шарт (яъни, маълум санагача фойда суммаси ҳамда ҳисобот даври охиридаги жорий бозор нархи) инobatга олинади. Агар иккала шарт ҳам қаноатлантирилмаса, шартли чиқариладиган оддий акциялар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инobatга олинмайди.

- 56 Бошқа ҳолатларда, шартли чиқариладиган оддий акциялар миқдори фойда суммаси ёки бозор нархидан бошқа шартларга (масалан, маълум миқдордаги чакана савдо дўконларининг очилиши) боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатларда, шартнинг ҳозирги мақоми шартларнинг амал қилиш даврининг охирига қадар ўзгармасдан қолади деб фараз қилиниб, шартли чиқариладиган оддий акциялар ҳисобот даври охиридаги мақомга мувофиқ бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инобатга олинади.
- 57 Шартли чиқариладиган потенциал оддий акциялар (шартли чиқариладиган конвертацияланадиган инструментлар каби акцияларни шартли чиқариш шартномаси орқали қамраб олинadиганлардан ташқари) бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда куйидагича инобатга олинади:
- (а) ташкилот 52 - 56 бандлардаги шартли оддий акция шартларига мувофиқ потенциал оддий акцияларни уларни чиқариш учун белгиланган шартлар асосида чиқарилади деб ҳисоблаш мумкинлигини аниқлайди; ва
 - (б) агар ушбу потенциал оддий акциялар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткичда акс эттирилиши лозим бўлса, ташкилот, ўринлилигига қараб, 45 - 48 бандлардаги опционлар ва варрантлар бўйича шартларга, 49 - 51 - бандлардаги конвертацияланадиган инструментлар бўйича шартларга, 58 - 61 - бандлардаги оддий акциялар ёки пул маблағида ҳисоб - китоб қилиниши мумкин бўлган шартномалар бўйича шартларга ёки бошқа ўринли шартларга риоя қилган ҳолда, уларнинг бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашга таъсирини аниқлайди.

Лекин, шартли чиқариладиган бўлмаган шунга ўхшаш муомаладаги потенциал оддий акциялар бўйича фойдаланмагунига ёки конвертация қилинмагунига қадар, бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш учун фойдаланиш ёки конвертацияланиш бўйича фараз қилинмайди.

Оддий акцияларда ёки пул маблағида ҳисоб - китоб қилинадиган шартномалар

- 58 Ташкилот ўзининг танловига кўра оддий акцияларда ёки пул маблағида ҳисоб - китоб қилиниши мумкин бўлган шартнома тузганда, ташкилот шартнома оддий акцияларда ҳисоб - китоб қилинади деб ҳисоблаши лозим ва натижада потенциал оддий акциялар уларнинг таъсири суюлтирувчи бўлиши шarti билан бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инобатга олиниши лозим.
- 59 Бундай шартнома ҳисобга олиш мақсадларида актив ёки мажбурият сифатида тақдим этилса ёки у хусусий капитал компонентига ва мажбурият компонентига эга бўлса, ташкилот формуладаги суратни, агар шартнома бутунлай улушли инструмент сифатида таснифланганда давр мобайнида юзага келиши мумкин бўлган фойда ёки зарардаги ўзгаришларга нисбатан тузатилиши лозим. Бундай тузатиш 33 - бандда талаб қилинган тузатишларга ўхшашдир.
- 60 Опционларга эгаллик қилувчи шахснинг танловига кўра оддий акцияларда ёки пул маблағида ҳисоб - китоб қилиниши мумкин бўлган шартномалар учун, пул маблағида ёки оддий акцияларда ҳисоб - китоб қилишда кўпроқ суюлтирувчи хусусиятига эга бўлгани бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда фойдаланилиши лозим.
- 61 Оддий акцияларда ёки пул маблағида ҳисоб - китоб қилиниши мумкин бўлган шартномага сўндириш пайтида ташкилотга асосий қарз суммасини пул маблағида ёки ўзининг оддий акциялари билан ҳисоб - китоб қилиш учун чекланмаган ҳуқуқ берадиган қарз инструментини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бошқа мисол сифатида ўз эгасига оддий акцияларда ёки пул маблағида ҳисоб - китоб қилиш имконини берадиган чиқарилган “пут” опционини келтириш мумкин.

Харид қилинган опционлар

- 62 Харид қилинган “пут” опционлари ва харид қилинган “колл” опционлари (яъни, ташкилот эгаллигидаги ўзининг оддий акциялари бўйича опционлар) каби шартномалар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инобатга олинмайди, чунки уларнинг киритилиши қарши суюлтирувчи таъсирга олиб келиши мумкин. “Пут” опциони фақатгина фойдаланиш нархи бозор нархидан юқори бўлганда фойдаланилади ва “колл” опциони фақатгина фойдаланиш нархи бозор нархидан паст бўлганда фойдаланилади.

Чиқарилган “пут” опционлар

- 63 Чиқарилган “пут” опционлар ва форвард харид қилиш шартномалари каби ташкилотдан ўз акцияларини қайта харид қилишни талаб этадиган шартномалар, уларнинг таъсири суюлтирувчи бўлиши шarti билан бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда акс эттирилади. Агар ушбу шартномалар маълум давр мобайнида “пулда” бўлса (яъни, ушбу даврда фойдаланиш ёки ҳисоб - китоб қилиш нархи ўртача бозор нархидан юқори бўлса), бир акцияга тўғри келадиган фойдага потенциал суюлтирувчи таъсир қуйидагича ҳисобланиши лозим:
- (а) давр бошида шартномани қаноатлантирадиган пул маблағлари тушишига эга бўлиш учун етарли миқдорда оддий акциялар (давр мобайнидаги ўртача бозор нархида) чиқарилади деб ҳисобланиши лозим;
 - (б) акцияларни чиқариш бўйича пул маблағлари тушиши шартномани қаноатлантиришда (яъни, оддий акцияларни қайта харид қилишда) фойдаланилади деб ҳисобланиши лозим; ва
 - (в) қўшимча оддий акциялар (чиқарилган деб ҳисобланган оддий акциялар миқдори билан шартномани қаноатлантиришдан олинган оддий акциялар миқдори ўртасидаги фарқ) бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инobatга олиниши лозим.

Ретроспектив тузатишлар

- 64 Агар муомаладаги оддий ёки потенциал оддий акцияларнинг миқдори капиталлаштириш, бонусли акцияларни чиқариш ёки акцияни майдалаш натижасида кўпайса ёки акцияларни йириклаштириш натижасида камайса, тақдим этилган барча даврлар учун бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларнинг ҳисобланиши ретроспектив тарзда тузатилиши лозим. Агар ушбу ўзгаришлар ҳисобот давридан кейин, лекин молиявий ҳисобот эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин содир бўлса, ушбу давр ва ундан олдинги ҳар қандай даврларнинг молиявий ҳисоботи учун бир акцияга тўғри келадиган ҳисоблашлар акцияларнинг янги миқдорига асосланиши лозим. Бир акцияга тўғри келадиган ҳисоблашлар акциялар миқдоридаги бундай ўзгаришларни ўзида акс эттириши тўғрисидаги факт ёритиб берилиши лозим. Шу билан бирга, тақдим этилган барча даврлардаги бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичлари ретроспектив тарзда ҳисобга олинган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар натижасида юзага келадиган хатолар ва тузатишлар таъсирига нисбатан тузатилиши лозим.
- 65 Ташкилот олдин тақдим этилган ҳар қандай даврдаги бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични бир акцияга тўғри келадиган фойдани ҳисоблашда фойдаланилган фаразлардаги ўзгаришларга нисбатан ёки потенциал оддий акцияларнинг оддий акцияларга конвертациясига нисбатан қайта ҳисобламайди.

1

- 66 Ташкилот умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботида маълум даврда фойдани тақсимлашда турли ҳуқуққа эга бўлган оддий акцияларнинг ҳар бир синфи бўйича ушбу даврдаги бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли давом этаётган фаолиятдан фойда ёки зарар бўйича ҳамда бош ташкилотнинг оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарар бўйича бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни акс эттириши лозим. Ташкилот тақдим этилган барча даврлар учун бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни тенг аҳамиятли тарзда тақдим этиши лозим.
- 67 Бир акцияга тўғри келадиган фойда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилган ҳар бир даврда тақдим этилади. Агар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткич камида бир давр учун тақдим этилган бўлса, у бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткичга тенг бўлса ҳам, тақдим этилган барча даврлар учун тақдим этилиши лозим. Агар бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичлар тенг бўлса, иккаласи ҳам умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда уларни бир қаторда акс эттириш орқали тақдим этилиши мумкин.
- 67A Агар ташкилот 1 - сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрири)нинг 10A - бандида тавсифлангани каби фойда ёки зарар моддаларини алоҳида ҳисоботда тақдим этса, 66 ва 67 бандларда талаб этилганидек, у бир

- акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни ушбу алоҳида ҳисоботда тақдим этади.
- 68 Тугатилган фаолиятни тақдим этадиган ташкилот умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда тугатилган фаолият бўйича бир акцияга тўғри келадиган суммаларнинг базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларини ёритиб бериши лозим.
- 68А Агар ташкилот 1 - сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрири)нинг 10А - бандида тавсифлангани каби фойда ёки зарар моддаларини алоҳида ҳисоботда тақдим этса, 68 - бандда талаб этилганидек, у тугатилган фаолият бўйича бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни ушбу алоҳида ҳисоботда ёки изоҳларда тақдим этади.
- 69 Суммалар манфий бўлса ҳам (яъни, бир акцияга тўғри келадиган зарар), ташкилот бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни тақдим этиши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 70 Ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни ҳисоблашда сураглар сифатида фойдаланилган суммалар ва ушбу суммаларнинг маълум даврдаги бош ташкилотга тегишли фойда ёки зарарга нисбатан солиштирмаси. Солиштирма бир акцияга тўғри келадиган фойдага таъсир кўрсатадиган инструментларнинг ҳар бир синфининг алоҳида таъсирини қамраб олиши лозим.
 - (б) бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни ҳисоблашда махраж сифатида фойдаланилган оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдори ва ушбу махражларнинг бир бирига нисбатан солиштирмаси. Солиштирма бир акцияга тўғри келадиган фойдага таъсир кўрсатадиган инструментларнинг ҳар бир синфининг алоҳида таъсирини қамраб олиши лозим.
 - (в) келгусида бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткични суюлтириши мумкин бўлган, лекин тақдим этилган давр(лар) учун қарши суюлтирувчи бўлганлиги сабабли бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инobatта олинмаган инструментлар (жумладан, шартли чиқариладиган акциялар).
 - (г) 64 - бандга мувофиқ ҳисобга олинганлардан ташқари, ҳисобот даври охиридан олдин содир бўлганида ҳисобот даври охирида муомалада бўлган оддий акциялар ёки потенциал оддий акциялар миқдорини аҳамиятли даражада ўзгартирган бўлиши мумкин бўлган ҳисобот давридан кейин содир бўлган оддий акция бўйича операциялар ёки потенциал оддий акция бўйича операцияларнинг тавсифи.
- 71 70(г) банддаги операцияларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) пул маблағи эвазига акциялар чиқариш;
 - (б) акцияларни чиқаришдан пул маблағлари тушиши ҳисобот даври охирида муомалада бўлган қарзни ёки имтиёзли акцияларни тўлашда фойдаланиладиган акциялар чиқариш;
 - (в) муомаладаги оддий акцияларнинг қайта сотиб олиниши;
 - (г) ҳисобот даври охирида муомалада бўлган потенциал оддий акцияларнинг оддий акцияларга конвертацияси ёки фойдаланилиши;
 - (д) опционлар, варрантлар ёки конвертацияланадиган инструментларнинг чиқарилиши; ва
 - (е) шартли чиқариладиган акцияларнинг чиқарилишига олиб келадиган ҳолатларга эришиш.
- Бир акцияга тўғри келадиган фойда суммалари ҳисобот давридан кейин содир бўладиган операциялар бўйича тузатилмайди, чунки бундай операциялар давр учун фойда ёки зарарни олишда фойдаланиладиган капитал миқдорига таъсир кўрсатмайди.
- 72 Потенциал оддий акцияларни юзага келтирадиган молиявий инструментлар ва бошқа шартномалар бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашга таъсир кўрсатадиган шартларни қамраб олиши мумкин. Ушбу шартлар ҳар қандай потенциал оддий акциялар суюлтирувчи бўлишини ва, агар шундай бўлса, муомаладаги акцияларнинг ўртача тортилган миқдорига таъсирини ва оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарардаги ҳар қандай кейинги тузатишларни аниқлаши мумкин. Агар бошқа ҳолларда талаб этилмаса, бундай молиявий

инструментлар ва бошқа шартномаларнинг шартлари ёритиб берилиши маъқулланади (7 - сон МҲХС “*Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш*”га қаранг).

- 73 Агар бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичга қўшимча тарзда, ташкилот мазкур стандартда талаб этилганидан бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг тақдим этилган компонентидан фойдаланиб бир акцияга тўғри келадиган суммаларни ёритиб берса, бундай суммалар мазкур стандартга мувофиқ аниқланадиган оддий акцияларнинг ўртача тортилган миқдоридан фойдаланган ҳолда ҳисобланиши лозим. Бундай компонентга тегишли бир акцияга тўғри келадиган суммалар - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичлар тенг аҳамиятли тарзда ёритиб берилиши ва изоҳларда тақдим этилиши лозим. Ташкилот сурат(лар)ни аниқлаш бўйича асосни, шунингдек, бир акцияга тўғри келадиган суммалар солиқ солишдан олдинги ёки солиқ солишдан кейинчилигини кўрсатиши лозим. Агар умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг алоҳида моддасида тақдим этилмайдиган компонентидан фойдаланилган бўлса, ушбу кўрсаткич билан умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган модда ўртасидаги солиштирма тақдим этилиши лозим.
- 73А 73 банд бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичга қўшимча тарзда, мазкур стандартда талаб этилганидан бошқа фойда ёки зарарнинг тақдим этилган моддасидан фойдаланган ҳолда бир акцияга тўғри келадиган суммаларни ёритиб берадиган ташкилотга нисбатан ҳам қўлланади.

Кучга кириш санаси

- 74 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур стандартни 2005 йил 1 январдан олдин бошланадиган давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 74А 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шу билан бирга, унга асосан 4А, 67А, 68А ва 73А бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласа, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 74Б 2011 йил майда эълон қилинган 10 - сон МҲХС ва 11 - сон МҲХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*” бўйича 4, 40 ва А11 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХСлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 74В 2013 йил май ойида эълон қилинган 13 - сон МҲХС бўйича 8, 47А ва А2 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 74Г 2011 йилнинг июн ойида эълон қилинган “*Бошқа умумлашган даромад моддаларини тақдим этиши*” (1 - сон БҲХСга ўзгартиришлар) га асосан 4А, 67А, 68А ва 73А бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2011 йил июнда ўзгартирилган 1 - сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 74Д 2014 йил июл ойида эълон қилинган 9 - сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*” бўйича 34 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Бошқа ҳужжатлар ўз кучини йўқотиши

- 75 Мазкур стандарт 33 - сон БҲХС “*Бир акцияга тўғри келадиган фойда*” (1997 йил таҳрири) нинг ўрнини эгаллайди.
- 76 Мазкур стандарт 24 - сон ШДҚ “*Бир акцияга тўғри келадиган фойда - молиявий инструментлар ва акциялар билан ҳисоб - китоб қилинадиган бошқа шартномалар*” нинг ўрнини эгаллайди.

А Илова Қўллаш бўйича кўрсатма

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

Бош ташкилотга тегишли фойда ёки зарар

- A1 Консолидациялашган молиявий ҳисоботга асосланган ҳолда бир акцияга тўғри келадиган фойдани ҳисоблаш мақсадида, бош ташкилотга тегишли фойда ёки зарар ташкилотнинг назорат кучига эга бўлмаган улушга нисбатан тузатишдан кейинги консолидациялашган фойда ёки зарарини англатади.

Қўшимча акцияларни имтиёзли чиқарилиши

- A2 Потенциал оддий акцияларнинг фойдаланилиши ёки уларнинг конвертация қилиниши пайтидаги оддий акцияларнинг чиқарилиши одатда бонус элементининг пайдо бўлишига олиб келмайди. Чунки потенциал оддий акциялар одатда ҳаққоний қийматда чиқарилиб, ташкилотнинг мавжуд ресурсларида мутаносиб ўзгаришларга сабаб бўлади. Лекин, қўшимча акцияларни имтиёзли чиқарилишида, фойдаланиш нархи кўп ҳолларда акцияларнинг ҳаққоний қийматидан пастрок бўлади. Шу сабабли, 27(б) бандда қайд қилинганидек, бундай қўшимча акцияларни имтиёзли чиқарилиши бонус элементини ўз ичига олади. Агар қўшимча акцияларни имтиёзли чиқарилиши барча мавжуд акциядорларга таклиф этилган бўлса, қўшимча акцияларни имтиёзли чиқарилишидан олдинги барча даврлар учун бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда фойдаланиладиган оддий акциялар миқдори – акцияларни чиқаришдан олдин муомалада бўлган оддий акциялар миқдорининг қуйидаги кўрсаткичга кўпайтирилгани бўлади:

Хуқуқлардан фойдаланишдан бевосита олдинги бир акциянинг ҳаққоний қиймати

Хуқуқлар реализация қилингунча бир акцияга тўғри келадиган назарий ҳаққоний қиймат

Хуқуқлар реализация қилингунча бир акцияга тўғри келадиган назарий ҳаққоний қиймати хуқуқлардан фойдаланишдан бевосита олдинги акцияларнинг йиғилган ҳаққоний қийматини хуқуқлардан фойдаланишдан пул маблағлари тушишига кўшиш ва хуқуқлардан фойдаланишдан сўнг муомалада бўладиган акциялар миқдорига бўлиш орқали ҳисобланади. Хуқуқлар улардан фойдаланиш санасидан олдин очик бозорда акциялардан алоҳида савдо қилинадиган бўлса, ҳаққоний қиймат акциялар хуқуқлари билан бирга савдо қилинадиган охириги сананинг ёпилишидаги нарх бўйича ҳисобланади.

Назорат кўрсаткичи

- A3 42 ва 43 - бандларда изоҳланган назорат кўрсаткичи тушунчасини қўллашни кўрсатиш учун, фараз қилайлик, ташкилот бош ташкилотга тегишли давом этаётган фаолиятдан 4,800 п.б.га¹ тенг фойдага, бош ташкилотга тегишли тугатилган фаолиятдан 7,200 п.б.га тенг зарарга, бош ташкилотига тегишли 2,400 п.б.га тенг зарарга ҳамда муомаладаги 2,000 дона оддий акциялар ва 400 дона потенциал оддий акцияларга эга. Ташкилотнинг бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткичи давом этаётган фаолият бўйича 2.40 п.б.га, тугатилган фаолият бўйича 3.60 п.б.га ва зарар бўйича 1.20 п.б.га тенг бўлади. 400 дона потенциал оддий акциялар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инobatта олинади, чунки давом этаётган фаолият бўйича ҳосил бўладиган 2.00 п.б.га тенг бир акцияга тўғри келадиган фойда суюлтирувчи ҳисобланади, бунда 400 дона потенциал оддий акциялар фойда ёки зарарга нисбатан таъсирга эга эмас деб фараз қилинади. Бош ташкилотга тегишли давом этаётган фаолиятдан фойда назорат кўрсаткичи бўлганлиги туфайли, ташкилот ушбу 400 дона потенциал оддий акцияларни бир акцияга тўғри келадиган фойданинг бошқа суммаларини ҳисоблашда ҳам инobatта олади, бунда ҳосил бўладиган бир акцияга тўғри келадиган фойда суммалари уларни солиштириш мумкин бўлган бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткич суммасига нисбатан қарши суюлтирувчи таъсирга эга, яъни бир акцияга тўғри келадиган зарар кам бўлганда ҳам [давом эттирилмайдиган фаолиятдан зарар бўйича бир акцияга (3.00 п.б) ва зарар бўйича бир акцияга (1.00 п.б) тўғри келади].

¹ Мазкур кўрсатмада монетар суммалар “пул бирлиги (п.б.)”да ифодаланган.

Оддий акцияларнинг ўртача бозор нархи

- A4 Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш мақсадида, чиқарилиши назарда тутилган оддий акцияларнинг ўртача бозор нархи давр мобайнидаги оддий акцияларнинг ўртача бозор нархи асосида ҳисобланади. Назарий жиҳатдан, ташкилотнинг оддий акциялари бўйича ҳар бир бозор операцияси ўртача бозор нарҳини аниқлашда фойдаланилиши мумкин. Лекин, амалий жиҳатдан, одатда ҳафталик ёки ойлик нархларнинг оддий ўртачаси одатда етарли бўлади.
- A5 Умуман олганда, ўртача бозор нарҳини аниқлашда бозорнинг ёпилиш нархлари етарли бўлади. Лекин, нархларнинг тебраниши кенг бўлганида, энг юқори ва энг паст нархларнинг ўртачаси одатда муносиброқ нарҳни ҳосил қилади. Ўртача бозор нарҳини ҳисоблашда фойдаланилган усул, агар шартлар ўзгарганлиги сабабли муносиб бўлмай қолмаса, изчил равишда фойдаланилади. Масалан, нисбий барқарор нархларнинг бир неча йиллари учун ўртача бозор нарҳини ҳисоблашда бозорнинг ёпилиш нархларидан фойдаланадиган ташкилот, агар нархлар кенг тебранишни бошлаганда ва бозорнинг ёпилиш нархлари бундан буён муносиб ўртача нарҳни ҳосил қилмаса, энг юқори ва энг паст нархларнинг ўртачасидан фойдаланиши мумкин.

Опционлар, варрантлар ва уларнинг эквивалентлари

- A6 Ҳам конвертацияланадиган инструментнинг ҳам конвертация натижасида олинадиган оддий акцияларнинг ўртача нархлари опционлар ва варрантларнинг фойдаланиш нарҳидан юқори бўлса, конвертацияланадиган инструментларни харид қилиш бўйича опционлар ва варрантлар конвертацияланадиган инструментларни харид қилиш учун фойдаланилади деб ҳисобланади. Лекин, шунга ўхшаш муомаладаги конвертацияланадиган инструментларнинг, агар мавжуд бўлса, конвертация қилиниши ҳам фараз қилинмаса, фойдаланилиши фараз қилинмайди.
- A7 Опционлар ва варрантлар ташкилотнинг (ёки унинг бош ташкилоти ёки шўба ташкилотнинг) қарз ёки бошқа инструментлари орқали опционлар ва варрантлар фойдаланиш нарҳининг тўловини тўлиқ ёки қисман тўлашга рухсат бериши ёки талаб этиши мумкин. Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда, ушбу опционлар ёки варрантлар, агар (а) даврдаги тегишли оддий акцияларнинг ўртача бозор нарҳи фойдаланиш нарҳидан ошса ёки (б) тўлов сифатидаги инструментнинг сотиш нарҳи опцион ёки варрант келишуви остида таклиф этиладиган нарҳдан паст бўлса ва ҳосил бўладиган дисконт бажарилиш остида қабул қилинадиган оддий акцияларнинг бозор нарҳидан паст бўлган самарали фойдаланиш нарҳини белгилаганда, суюлтирувчи таъсирга эга. Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда, ушбу опционлар ёки варрантлар фойдаланилади деб ҳисобланади ва қарз ва бошқа инструментларнинг тўлов сифатида таклиф этилади деб ҳисобланади. Агар опцион ёки варрант эгасига пул маблағидаги тўлов афзалроқ бўлса ва шартнома пул маблағидаги тўловга рухсат берса, пул маблағидаги тўлов ҳисобланади. Таклиф этилади деб ҳисобланган ҳар қандай қарз бўйича фоиз суммаси (солиқдан ҳоли) формуладаги суратга тузатиш сифатида қайта қўшилади.
- A8 Шунга ўхшаш ёндашув ўхшаш шартларга эга имтиёзли акцияларга ёки инвесторга қулайроқ конвертация ставкалари учун пул маблағи тўлашга рухсат берадиган конвертация опционларига эга бошқа инструментларга ҳам қўлланади.
- A9 Маълум опционлар ёки варрантларнинг таянч шартлари ушбу инструментлардан фойдаланишдан олинган пул маблағлари тушишини ташкилотнинг (ёки унинг бош ташкилоти ёки шўба ташкилотнинг) қарз ёки бошқа инструментларини сўндиришга йўналтирилишини талаб этиши мумкин. Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда, ушбу опционлар ёки варрантлар фойдаланилади ва пул маблағлари тушиши оддий акцияларни харид қилишдан кўра қарзни унинг ўртача бозор нарҳида харид қилишга йўналтирилади деб ҳисобланади. Лекин, ҳисобланган фойдаланишдан олинган пул маблағлари тушишининг ҳисобланган қарзни харид қилиш қийматидан ортиқ қисми (яъни оддий акцияларни қайта харид қилишга йўналтирилиши ҳисобланган) бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инobatга олинади. Харид қилиниши фараз қилинган ҳар қандай қарз бўйича фоиз суммаси (солиқдан ҳоли) формуладаги суратга тузатиш сифатида қайта қўшилади.

Чиқарилган “пут” опционлар

- A10 63 - банднинг қўлланишини кўрсатиш учун, фараз қилайлик, ташкилот унинг оддий акциялари бўйича фойдаланиш нарҳи 35 п.б. бўлган 120 дона чиқарилган “пут” опционларга эга. Давр учун унинг оддий акцияларининг ўртача бозор нарҳи 28 п.б.га тенг. Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда, ташкилот ўзининг 4,200 п.б.га тенг пут опционни бўйича мажбуриятини каноатлантириш учун давр бошида ҳар бири 28 п.б.га тенг 150 дона акция чиқарган деб ҳисоблайди.

Чиқарилган 150 дона оддий акциялар билан “пут” опционини қаноатлантиришдан олинган 120 дона оддий акциялар ўртасидаги фарқ (30 дона қўшимча оддий акциялар) бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда маҳражга қўшилади.

Шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотларнинг инструментлари

- A11 Шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг оддий акцияларига ёки бош ташкилот ёки инвестиция объекти устидан биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга инвесторларнинг (ҳисобот берувчи ташкилот) оддий акцияларига конвертацияланадиган шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг потенциал оддий акциялари бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда қуйидагича ҳисобга олинади:
- (а) ўз эгаларига шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг оддий акцияларини олишга имкон берадиган шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилот томонидан чиқарилган инструментлар шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотга тегишли бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда инobatга олинади. Ушбу бир акцияга тўғри келадиган фойда кейинчалик ҳисобот берувчи ташкилотнинг шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг инструментларидаги улушига асосланган ҳолда, ҳисобот берувчи ташкилотнинг бир акцияга тўғри келадиган фойда ҳисоб - китобда инobatга олинади.
 - (б) ҳисобот берувчи ташкилотнинг оддий акцияларига конвертацияланадиган шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг инструментлари бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш мақсадида ҳисобот берувчи ташкилотнинг потенциал оддий акциялари қаторида ҳисобга олинади. Шунингдек, шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилот томонидан ҳисобот берувчи ташкилотнинг оддий акцияларини сотиб олиш учун чиқарилган опционлар ёки варрантлар консолидациялашган бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда ҳисобот берувчи ташкилотнинг потенциал оддий акциялари қаторида ҳисобга олинади.
- A12 Шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг оддий акцияларига конвертацияланадиган ҳисобот берувчи ташкилот томонидан чиқарилган инструментларнинг бир акцияга тўғри келадиган фойдага таъсирини аниқлаш мақсадида, инструментлар конвертацияланади деб ҳисобланади ва формулада сурат (бош ташкилотнинг оддий акциялари эгаларига тегишли фойда ёки зарар) 33 - бандга мувофиқ зарур бўлган тузатиш киритилади. Ушбу тузатишларга қўшимча тарзда, сурат ҳисобот берувчи ташкилот томонидан шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг ҳисобланган конвертация натижасида муомалада бўлган оддий акцияларига тегишли фойда ёки зарардаги (масалан, дивиденд кўринишидаги даромад ёки улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича олинadиган даромад) ҳар қандай ўзгаришга нисбатан тузатилади. Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда маҳражга таъсирланмайди, чунки ҳисобот берувчи ташкилотнинг муомаладаги оддий акциялари миқдори ҳисобланган конвертация натижасида ўзгармайди.

Фойда тақсимланишида иштирок этиш ҳуқуқига эга улушли инструментлар ва икки синфли оддий акциялар

- A13 Баъзи ташкилотларнинг хусусий капитали қуйидагиларни қамраб олади:
- (а) баъзида иштирок этишнинг юқори лимитига (масалан, бир акцияга тўғри келадиган белгиланган қийматгача, аммо ундан юқори бўлмаган) эга олдиндан белгиланган формула (масалан, бирга иккитадан) асосида оддий акциялар қаторида дивидендлар тақсимланишида иштирок этадиган инструментлар.
 - (б) имтиёзли ёки юқорироқ ҳуқуқларга эга бўлмаган, оддий акцияларнинг бошқа синфининг дивиденд ставкасидан фарқ қиладиган дивиденд ставкасига эга оддий акциялар синфи.
- A14 Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш мақсадида, A13 бандда тавсифланган оддий акцияларга конвертацияланадиган инструментлар бўйича, агар уларнинг таъсири суюлтирувчи бўлса, конвертация қилинади деб ҳисобланади. Оддий акциялар синфига конвертацияланмайдиган инструментлар бўйича, давр учун фойда ёки зарар акцияларнинг турли синфлари ва дивиденд ҳуқуқларига ёки тақсимланмаган фойдада иштирок этиш бўйича бошқа ҳуқуқларга мувофиқ фойда тақсимланишида иштирок этиш ҳуқуқига эга улушли инструментларга

тақсимланади. Бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш учун:

- (а) бош ташкилотнинг оддий акцияси эгаларига тегишли фойда ёки зарар акцияларнинг ҳар бир синфи учун жорий даврда эълон қилинган дивидендлар суммасига ҳамда даврда тўланиши шарт бўлган дивидендларнинг (масалан, тўланмаган кумулятив дивидендлар) шартномавий суммасига (ёки фойдада иштирок этиш ҳуқуқига эга облигациялар бўйича фоиз суммасига) тузатилади (фойда камаяди ва зарар кўпаяди).
- (б) фойда ёки зарарнинг қолган қисми оддий акцияларга ва фойда тақсимланишида иштирок этиш ҳуқуқига эга улушли инструментларга ҳар бир инструментга фойдада тўғри келадиган улуши даражасида даврнинг барча фойда ёки зарари тақсимлангандек тарзда тақсимланади. Улушли инструментнинг ҳар бир синфига тақсимланган жами фойда ёки зарар дивидендлар тўланишига тақсимланган суммани ҳамда иштирок этиш бўйича тақсимланган суммани бир бирига қўшиш орқали аниқланади.
- (в) улушли инструментнинг ҳар бир синфига тақсимланган фойда ёки зарарнинг жами суммаси инструмент учун бир акцияга тўғри келадиган фойдани аниқлашда фойда тақсимланган муомаладаги инструментлар миқдорига бўлинади.

Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблаш учун, чиқарилиши назарда тутилган барча потенциал оддий акциялар муомаладаги оддий акцияларга киритилади.

Қисман тўланган акциялар

- A15 Оддий акциялар чиқарилган, лекин тўлиқ тўланмаган бўлса, улар бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий кўрсаткични ҳисоблашда давр мобайнида тўлиқ тўланган оддий акцияларга нисбатан уларнинг дивиденд тақсимланишида иштирок этиш ҳуқуқи даражасига боғлиқ ҳолда, оддий акциянинг қисми сифатида инobatга олинади.
- A16 Қисман тўланган акциялар давр мобайнидаги дивиденд тақсимланишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмаган даражада, улар бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткични ҳисоблашда варрантлар ёки опционлар эквиваленти сифатида инobatга олинади. Тўланмаган қолдиқ оддий акцияларни сотиб олишга йўналтириладиган пул маблағлари тушишини акс эттиради деб ҳисобланади. Бир акцияга тўғри келадиган фойда - суюлтирилган кўрсаткичга киритилган акциялар миқдори обуна бўлинган акциялар миқдори билан сотиб олиниши фараз қилинган акцияларнинг миқдори ўртасидаги фарққа тенг бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
20-ИЛОВА

34-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Оралик молиявий ҳисобот

Мақсад

Мазкур стандартнинг мақсади оралик молиявий ҳисоботнинг минимал таркибини белгилаш ҳамда оралик даврга тегишли тўлиқ ёки қисқартирилган молиявий ҳисоботда тан олиш ва баҳолаш тамойилларини белгилашдан иборат. Ўз вақтида тақдим этилган ишончли молиявий ҳисобот инвесторларга, кредиторларга ва бошқаларга ташкилотнинг фойда ва пул оқимларини ҳосил қилиш имкониятини, унинг молиявий ҳолатини ва ликвидлигини тушуниш имкониятини оширади.

Қўллаш доираси

- 1 Мазкур стандарт қайси ташкилотлар оралик молиявий ҳисоботни эълон қилиши, қандай даврийликда ва оралик давр охиридан сўнг қанча муддатда эълон қилиши лозимлигини белгиламайди. Лекин, давлат органлари, қимматли қоғозлар бозори бўйича назорат органлари, фонд биржалари ва профессионал бухгалтерия ташкилотлари одатда қарз ёки улушли қимматли қоғозлари биржада савдо қилинадиган ташкилотлардан оралик молиявий ҳисоботни эълон қилишини талаб этади. Агар ташкилотдан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХСлар) мувофиқ оралик молиявий ҳисоботни эълон қилиши талаб этилса ёки ўзи шундай қарорга келса, мазкур стандарт қўлланади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қўмитаси¹ қарз ёки улушли қимматли қоғозлари биржада савдо қилинадиган ташкилотлар томонидан мазкур стандартда белгиланган тан олиш, баҳолаш ва маълумотларни ёритиб бериш тамойилларига мос келадиган оралик молиявий ҳисоботни тақдим этилишини маъқуллайди. Хусусан, қарз ёки улушли қимматли қоғозлари биржада савдо қилинадиган ташкилотлар томонидан қуйидагиларни амалга ошириш маъқулланади:
 - (а) оралик молиявий ҳисоботларни молиявий йилнинг камида биринчи ярим йиллиги якуний санаси бўйича тақдим этиш; ва
 - (б) оралик молиявий ҳисоботни оралик давр якунидан сўнг 60 кундан кечиктирмасдан эълон қилиш.
- 2 Йиллик ёки оралик бўлишига қарамасдан, ҳар бир молиявий ҳисобот МҲХСларга мувофиқлиги бўйича алоҳида баҳоланади. Ташкилотнинг муайян молиявий йил давомида оралик молиявий ҳисоботни тақдим этмаганлиги ёки мазкур стандартга мувофиқ бўлмаган оралик молиявий ҳисоботни тақдим этганлиги ташкилотнинг йиллик молиявий ҳисоботини МҲХСларга мувофиқ эмаслигини кўрсатмайди (агар ушбу йиллик ҳисобот бошқа барча жиҳатлари бўйича МҲХСларга мувофиқ бўлса).
- 3 Агар ташкилотнинг оралик молиявий ҳисоботи МҲХСларга мувофиқлиги таъкидланган бўлса, у мазкур стандартнинг барча талабларига мувофиқ бўлиши шарт. Бу борада 19-банд муайян маълумотларни ёритиб берилишини талаб этади.

Таърифлар

- 4 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Оралик давр - тўлиқ молиявий йилдан қисқа бўлган молиявий ҳисобот давридир.

Оралик молиявий ҳисобот - оралик давр учун молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламини (1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” (2007 йил таҳририда) белгиланганидек) ёки

¹ Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қўмитаси ўрнини Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Кенгаши эгаллаган бўлиб, у ўз фаолиятини 2001 йилда бошлаган.

қисқартирилган молиявий ҳисоботнинг тўпламини (мазкур стандартда белгилангандек) ўз ичига оладиган молиявий ҳисоботни билдиради.

Оралиқ молиявий ҳисоботнинг таркиби

- 5 1-сон БҲХС қуйидаги компонентларни қамраб оладиган молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламини белгилайди:
- (а) ҳисобот даври охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
 - (б) ҳисобот даври учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;
 - (в) ҳисобот даври учун хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
 - (г) ҳисобот даври учун пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
 - (д) аҳамиятли ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар;
 - (да) 38 ва 38А бандларда кўрсатилгандек, олдинги давр учун қиёсий маълумот; ва
 - (е) ташкилот ҳисоб сиёсатини ретроспектив тарзда қўлласа ёки молиявий ҳисоботдаги моддаларни ретроспектив тарзда қайта ҳисоблашни амалга оширса ёки 1-сон БҲХСнинг 40А-40Г бандларига мувофиқ молиявий ҳисоботдаги моддаларни қайта таснифлаганда, олдинги давр бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот.
- Ташкилот ҳисоботлар учун мазкур стандартда фойдаланилган номлардан ташқари бошқа номлардан фойдаланиши мумкин. Масалан, ташкилот “фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” ўрнига “умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” номидан фойдаланиши мумкин.
- 6 Ўз вақтида тақдим қилиш ва сарфлар нуқтаи назаридан ҳамда олдин эълон қилинган маълумотларни такрорланишига йўл қўймаслик учун, ташкилотдан оралиқ даврларга унинг йиллик молиявий ҳисоботига қараганда камроқ маълумот тақдим этиши талаб қилиниши ёки ташкилотнинг ўзи шундай қарор қабул қилиши мумкин. Мазкур стандарт қисқартирилган молиявий ҳисоботни ҳамда танланган тушунтириш изоҳларини қамраб оладиган оралиқ молиявий ҳисоботнинг минимал таркибини белгилайди. Оралиқ молиявий ҳисобот йиллик молиявий ҳисоботнинг сўнгги тўлиқ тўпламига нисбатан янгиланган маълумотни тақдим этиш учун мўлжалланган. Шунга кўра, у янги фаолият турларига, ҳодисаларга ва ҳолатларга қаратилган бўлиб, олдин эълон қилинган маълумотларни такрорламайди.
- 7 Мазкур стандартдаги ҳеч қайси банд ташкилот томонидан қисқартирилган молиявий ҳисобот ҳамда танланган тушунтириш изоҳлари ўрнига оралиқ молиявий ҳисоботда молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламини (1-сон БҲХСда белгилангандек) эълон қилинишини тақиқловчи ёки тўсиқ бўлувчи коидаларни назарда тутмайди. Шунингдек, мазкур стандарт ташкилот томонидан қисқартирилган молиявий ҳисоботда мазкур стандартда белгиланган минимал моддалардан ёки танланган тушунтириш изоҳларидан кўпроқ маълумотларни эълон қилинишини тақиқловчи ёки тўсиқ бўлувчи коидаларни назарда тутмайди. Мазкур стандартдаги тан олиш ва баҳолаш бўйича кўрсатмалар оралиқ давр учун тўлиқ молиявий ҳисоботга нисбатан ҳам қўлланади ва бундай ҳисобот мазкур стандартда талаб этилган (хусусан, 16А-банддаги танланган изоҳлар бўйича маълумотларни ёритиб бериш) ҳамда бошқа МҲХСларда ёритиб берилиши талаб этилган барча маълумотларни қамраб олиши мумкин.

Оралиқ молиявий ҳисоботнинг минимал компонентлари

- 8 **Оралиқ молиявий ҳисобот камида қуйидаги компонентларни ўз ичига олиши лозим:**
- (а) молиявий ҳолат тўғрисидаги қисқартирилган ҳисобот;
 - (б) фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги қисқартирилган ҳисобот ёки қисқартирилган ҳисоботлар;
 - (в) хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги қисқартирилган ҳисобот;
 - (г) пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги қисқартирилган ҳисобот; ва
 - (д) танланган тушунтириш изоҳлари.
- 8А Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳририда)нинг 10А-бандида изоҳлангандек, фойда ёки зарар моддаларини алоҳида ҳисоботда тақдим этса, у ушбу алоҳида ҳисоботда қисқартирилган оралиқ маълумотларни тақдим этади.

Оралиқ молиявий ҳисоботнинг шакли ва таркиби

- 9 Агар ташкилот ўзининг оралиқ молиявий ҳисоботида молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламини эълон қилса, ушбу ҳисоботнинг шакли ва таркиби 1-сон БҲХСдаги молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламига нисбатан белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.
- 10 Агар ташкилот ўзининг оралиқ молиявий ҳисоботида қисқартирилган молиявий ҳисобот тўпламини эълон қилса, ушбу қисқартирилган ҳисобот камида мазкур стандартда талаб этилган унинг энг сўнгги йиллик молиявий ҳисоботида қайд қилинган сарлавҳаларнинг ва оралиқ суммаларнинг ҳар бирини ҳамда танланган тушунтириш изоҳларини қамраб олиши лозим. Қўшимча моддалар ва изоҳлар, агар уларнинг тушуриб қолдирилиши қисқартирилган оралиқ молиявий ҳисоботни чалиғитадиган қилса, киритилиши лозим.
- 11 Ташкилот 33-сон БҲХС “*Бир акцияга тўғри келадиган фойда*” нинг қўллаш доирасида бўлганда, оралиқ давр учун фойда ёки зарарнинг компонентларини тақдим этадиган ҳисоботда ушбу давр учун бир акцияга тўғри келадиган фойда- базавий ва суюлтирилган кўрсаткични тақдим этиши лозим.²
- 11А Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳририда)нинг 10А-бандида изоҳлангандек, фойда ёки зарар моддаларини алоҳида ҳисоботда тақдим этса, у ушбу алоҳида ҳисоботда бир акцияга тўғри келадиган фойда- базавий ва суюлтирилган кўрсаткични тақдим этади.
- 12 1-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳририда)да молиявий ҳисоботнинг тузилиши бўйича кўрсатма келтирилган. 1-сон БҲХС бўйича қўллаш кўрсатмаси молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот ва хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботнинг тақдим этилиш йўллари изоҳлайди.
- 13 [Чиқариб ташланган]
- 14 Агар ташкилотнинг энг сўнгги йиллик молиявий ҳисоботи консолидациялашган ҳисобот бўлса, оралиқ молиявий ҳисобот ҳам консолидациялаш асосида тайёрланади. Бош ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботи энг сўнгги йиллик молиявий ҳисоботда тақдим этилган консолидациялашган ҳисобот билан номутаносибдир ёки улар билан қиёслана олмайди. Агар ташкилотнинг йиллик молиявий ҳисоботи консолидациялашган молиявий ҳисоботга қўшимча тарзда бош ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботини ҳам қамраб олган бўлса, мазкур стандарт ташкилотнинг оралиқ молиявий ҳисоботига қўшимча тарзда бош ташкилотнинг алоҳида ҳисоботини қамраб олишини талаб ҳам этмайди, тақиқламайди ҳам.

Аҳамиятли ҳодисалар ва операциялар

- 15 Ташкилот оралиқ молиявий ҳисоботда энг сўнгги йиллик ҳисобот даври якунидан бошлаб юзага келган молиявий ҳолатдаги ва молиявий натижалардаги ўзгаришларни тушуниш учун аҳамиятли бўлган ҳодисалар ва операцияларни қамраб олиши лозим. Ушбу ҳодисалар ва операцияларга боғлиқ тарзда ёритиб берилган маълумотлар энг сўнгги йиллик молиявий ҳисоботда тақдим этилган тегишли маълумотларни янгиллаши лозим.
- 15А Ташкилот оралиқ молиявий ҳисоботининг фойдаланувчиси мазкур ташкилотнинг энг сўнгги йиллик молиявий ҳисоботидан фойдаланиш имкониятига эга. Шунинг учун, энг сўнгги йиллик молиявий ҳисоботнинг изоҳларида эълон қилинган маълумотларга нисбатан аҳамиятсиз янгиланишларни оралиқ молиявий ҳисоботнинг изоҳларида тақдим этишнинг зарурати йўқ.
- 15Б Қуйидагилар, агар улар аҳамиятли бўлса, ёритиб берилиши талаб этиладиган ҳодисалар ва операциялар рўйхатига киритилади (лекин булар билан чекланмайди):
- (а) захираларни соф сотиш қийматигача камайтириш ва бундай камайтиришнинг қайта тикланиши;
 - (б) молиявий активлар, асосий воситалар, номоддий активлар, харидорлар билан шартномалардан келиб чиқадиган активлар ёки бошқа активларнинг қадрсизланишидан зарарни тан олиш ва бундай қадрсизланишдан зарарнинг қайта тикланиши;
 - (в) реструктуризация бўйича ҳар қандай баҳоланган мажбуриятларнинг қайта тикланиши;
 - (г) асосий воситаларнинг ҳарид қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши;
 - (д) асосий воситаларни сотиб олиш бўйича шартномавий мажбуриятлар;

² Ушбу банд 2008 йилнинг май ойида эълон қилинган “*МҲХСларга такомиллаштиришлар*”га асосан, 34-сон БҲХСнинг қўллаш доирасини аниқлаштириш учун ўзгартирилган.

- (е) суд низоларини ҳал қилиниши;
 - (ё) ўтган давр хатоларининг тузатилиши;
 - (ж) ташкилот молиявий активларини ва молиявий мажбуриятларини ҳаққоний қийматда ёки амортизацияланган қийматда тан олишдан қатъий назар, бундай активлар ва мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматида таъсир этадиган бизнес ва иктисодий ҳолатлардаги ўзгаришлар;
 - (з) ҳисобот даври охирида ёки ундан олдин тартибга солинмаган ҳар қандай қарз дефолти ёки қарз келишувининг бузилиши;
 - (и) боғлиқ томонлар билан операциялар;
 - (й) молиявий инструментларнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланилган ҳаққоний қиймат иерархияси даражалари ўртасидаги ўтказмалар;
 - (к) молиявий активдан фойдаланиш мақсадининг ўзгариши натижасида уларнинг таснифланишидаги ўзгаришлар; ва
 - (л) шартли мажбуриятлар ёки шартли активлардаги ўзгаришлар.
- 15B Алоҳида МҲХСларда 15Б бандда қайд қилинган кўпгина моддалар бўйича маълумотларни ёритиб бериш талабларига тегишли кўрсатмалар берилган. Энг сўнгги йиллик ҳисобот давридан бошлаб юзага келган ташкилотнинг молиявий ҳолатидаги ва молиявий натижаларидаги ўзгаришларни тушуниш учун ҳодиса ёки операция аҳамиятли бўлса, унинг оралиқ молиявий ҳисоботи энг сўнгги йиллик ҳисобот даврининг молиявий ҳисоботида келтирилган тегишли маълумотларга нисбатан тушунтиришни ва янгиланишни таъминланиши лозим.
- 16 [Чикариб ташланган]

Бошқа ёритиб бериладиган маълумотлар

- 16A 15-15B бандларга мувофиқ аҳамиятли ҳодисалар ва операцияларни ёритиб беришга қўшимча тарзда, ташкилот ўзининг оралиқ молиявий ҳисоботида изоҳларда ёки оралиқ молиявий ҳисоботнинг бошқа жойларида қуйидаги маълумотларни келтириши лозим. Қуйидаги ёритиб бериладиган маълумотлар оралиқ молиявий ҳисоботда ёки бир оралиқ молиявий ҳисоботда ва бир вақтнинг ўзида молиявий ҳисобот фойдаланувчилари фойдаланиши учун мавжуд бўлган, оралиқ молиявий ҳисоботдан бошқа баъзи ҳисоботларга (Раҳбарият шарҳи ёки риск бўйича ҳисобот) ҳавола қилиш орқали берилди. Агар молиявий ҳисобот фойдаланувчилари бундай ҳавола қилиш орқали берилган маълумотлардан юқоридаги шартларда ва бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имкониятига эга бўлмаса, оралиқ молиявий ҳисобот тўлиқ ҳисобланмайди. Қуйидаги маълумотлар одатда молиявий йил бошидан ҳисобот санасигача бўлган даврга тақдим этилиши лозим:
- (а) оралиқ молиявий ҳисоботда ҳам энг сўнгги йиллик молиявий ҳисоботда қўлланилган ҳисоб сиёсати ва усулларининг қўлланилиши тўғрисидаги баёнот ёки агар ушбу сиёсат ва усуллар ўзгарган бўлса, ўзгаришнинг характери ва таъсирининг тавсифи.
 - (б) оралиқ операцияларнинг мавсумийлиги ва даврийлиги тўғрисидаги тушунтириш изоҳлари.
 - (в) характери, қўлами ёки таъсири туфайли ғайриоддий бўлган активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, соф фойда ёки пул оқимларига таъсир қиладиган моддаларнинг характери ва суммаси.
 - (г) жорий молиявий йилнинг ўтган оралиқ молиявий ҳисоботида эълон қилинган ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг ёки ўтган молиявий йилларда эълон қилинган ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг характери ва суммаси.
 - (д) қарз ва улушли қимматли қоғозларнинг чиқарилиши, қайта сотиб олинishi ва қайта тўланиши.
 - (е) оддий акцияларга ва бошқа акцияларга тўланган дивидендлар (жами ёки бир акцияга).
 - (ё) қуйидаги сегмент маълумотлари (агар 8-сон МҲХС “*Операцион сегментлар*”га мувофиқ ташкилотдан унинг йиллик молиявий ҳисоботида сегмент маълумотларини ёритиб бериши талаб этилса, унинг оралиқ молиявий ҳисоботида сегмент маълумотининг ёритиб берилиши талаб этилади):

- (i) ташқи харидорлардан олинадиган тушумлар, агар улар операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи томонидан кўриб чиқиладиган сегмент фойдаси ёки зарарини баҳолашга киритилган бўлса ёки бошқа йўл билан операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органига мунтазам равишда тақдим қилинса.
 - (ii) сегментлар аро тушумлар, агар у операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи томонидан кўриб чиқиладиган сегмент фойдаси ёки зарари таркибига кирса ёки бошқа йўл билан операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органига мунтазам равишда тақдим қилинса.
 - (iii) сегмент фойдаси ёки зарари кўрсаткичи.
 - (iv) маълум бир ҳисобот сегменти учун активлар ва мажбуриятларнинг умумий миқдорий кўрсаткичи, агар бундай маълумотлар операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органига мунтазам равишда тақдим қилинса ва ушбу ҳисобот сегменти учун энг сўнгги молиявий ҳисоботда ёритиб берилган сумма бўйича муҳим ўзгариш бўлса.
 - (v) сегментлаш асосида ёки сегментнинг фойда ёки зарарини баҳолаш асосида энг сўнгги молиявий ҳисоботдан фарқларининг тавсифи.
 - (vi) ҳисобот сегментлари фойдаси ёки зарари суммасининг умумий қиймати билан ташкилотнинг фойда солиғи харажати (фойда солиғи даромади) ва тугатилган фаолиятдан олдинги фойдаси ёки зарари солиштирилари. Лекин, агар ташкилот ҳисобот сегментларига фойда солиғи харажати (фойда солиғи даромади) каби моддаларни тақсимласа, ташкилот ушбу моддаларни ҳисобга олган ҳолда, сегмент фойдаси ёки зарари суммасининг умумий қиймати билан ташкилотнинг фойдаси ёки зарарини солиштириши мумкин. Муҳим фарқ қиладиган моддалар ушбу солиштирмада алоҳида аниқланиши ва тавсифланиши лозим.
- (ж) оралик даврнинг молиявий ҳисоботида акс эттирилмаган оралик даврдан кейинги ходисалар.
- (з) оралик давр мобайнида ташкилот тузилишидаги ўзгаришларнинг таъсири, жумладан, бизнес бирлашувлари, шубба ташкилотлари ва узоқ муддатли инвестициялар бўйича назоратга эга бўлиш ёки унинг йўқотилиши, реструктуризациялар ва тугатилган фаолият турлари. Бизнес бирлашувлари ҳолатида, ташкилот 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” талаб этган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- (и) молиявий инструментлар учун 13-сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*”нинг 91–93(ж), 94–96, 98 ва 99-бандлари ва 7-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш*”нинг 25, 26 ва 28-30 бандлари талаб этган ҳаққоний қиймат тўғрисида ёритиб бериладиган маълумотлар. *Маълумотларни ёритиб бериш*.
- (й) 10-сон МҲХС “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот*”да таърифланганидек, инвестиция ташкилотлари сифатида ташкилот этилган ёки бундай бўлишдан тўхтаган ташкилотлар учун 12-сон МҲХС “*Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш*” нинг 9Б-бандига мувофиқ ёритиб бериладиган маълумотлар.
- (к) 15-сон МҲХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*”нинг 114-115 бандларида талаб этилган, харидорлар билан шартномалардан тушум бўйича батафсил маълумотлар.

17-18 [Чиқариб ташланган]

МҲХСларга мувофиқликни ёритиб бериш

- 19 Агар ташкилотнинг оралик молиявий ҳисоботи мазкур стандартга мувофиқ бўлса, ушбу маълумот ёритиб берилиши лозим. Оралик молиявий ҳисобот МҲХСларнинг барча талабларига мувофиқ бўлмагунча, у МҲХСларга мувофиқ деб тавсифланмаслиги лозим.

Оралик молиявий ҳисобот тақдим этилиши талаб этилган даврлар

- 20 Оралик ҳисоботлар қуйидаги даврлар учун (қисқартирилган ёки тўлиқ) оралик молиявий ҳисоботни қамраб олиши лозим:

- (а) жорий оралик даври охири ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ва бевосита олдинги молиявий йил охири ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисида қиёсий ҳисобот.
- (б) жорий оралик давр учун ҳамда кумулятив тарзда жорий молиявий йил бошидан ҳисобот санасигача давр учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, шу билан бирга, бевосита олдинги даврнинг қиёсий оралик даврлари учун (жорий ва йил бошидан ҳисобот санасигача) фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот. 1-сон БҲХС (2011 йил тахририда)га мувофиқ, оралик ҳисобот ҳар бир давр учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботни ёки ҳисоботларни тақдим этиши мумкин.
- (в) кумулятив тарзда жорий молиявий йил бошидан ҳисобот санасигача давр учун хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот, шу билан бирга, бевосита олдинги даврнинг қиёсий йил бошидан ҳисобот санасигача давр учун қиёсий ҳисобот.
- (г) кумулятив тарзда жорий молиявий йил бошидан ҳисобот санасигача бўлган давр учун пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, шу билан бирга, бевосита олдинги молиявий йилнинг қиёсий йил бошидан ҳисобот санасигача бўлган давр учун қиёсий ҳисобот.
- 21 Фаолияти юқори даражада мавсумий бўлган ташкилотлар учун оралик даврининг охиригача ўн икки ой учун молиявий маълумотлар ва олдинги ўн икки ойлик давр учун қиёсий маълумотлар фойдали бўлиши мумкин. Шу туфайли, фаолияти юқори даражада мавсумий бўлган ташкилотлар олдинги бандда келтирилган маълумотларга қўшимча тарзда, бундай маълумотларни тақдим этишни кўриб чиқишлари маъқулланади.
- 22 Мазкур стандартнинг намунавий мисолларининг А қисмида ҳар ярим йилда ҳисобот тақдим этадиган ташкилотлар ва ҳар чорақда ҳисобот тақдим этадиган ташкилотлар томонидан тақдим этилиши талаб этилган даврлар тавсифланган.

Муҳимлик

- 23 Оралик молиявий ҳисоботда тақдим этиш мақсадларида моддани қандай тан олиш, баҳолаш, таснифлаш ёки ёритиб беришни ҳал қилишда, оралик даврнинг молиявий маълумотларига нисбатан муҳимлик баҳоланиши лозим. Муҳимликни баҳолашда оралик кўрсаткичлар йиллик молиявий маълумотлар кўрсаткичларига нисбатан ҳисоб баҳоларига кўпроқ даражада боғлиқ бўлиши мумкин.
- 24 1-сон БҲХСда муҳим маълумот таърифи берилган ва муҳим моддалар, шунингдек тугатилган фаолият бўйича маълумотлар ёритиб берилиши талаб этилган ва 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”да ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар, хатолар ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича маълумотларни ёритиб бериш талаб этилган. Ушбу стандартлар муҳимликка нисбатан микдорий кўрсатмани ўз ичига олмайди.
- 25 Муҳимликни баҳолашда доимо мулоҳаза қилиш талаб этилади, шу билан бирга мазкур стандарт оралик кўрсаткичларни тушунарли бўлиши учун тан олиш ва ёритиб бериш тўғрисидаги қарорни фақат оралик даврнинг маълумотларига асосланишини кўрсатади. Шунинг учун, масалан, ёритиб берилмаслиги натижасида чалғитадиган хулосаларни олдини олиш мақсадида, ғайриоддий моддалар, ҳисоб сиёсати ёки ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар оралик давр маълумотларига нисбатан муҳимлик асосида тан олинади ва ёритиб берилди. Пировард мақсад шуки, оралик молиявий ҳисобот ташкилотнинг оралик даврдаги молиявий ҳолатини ва молиявий натижаларини тушуниш учун ўринли бўлган барча маълумотларни қамраб олишини таъминлашдир.

Йиллик молиявий ҳисоботда маълумотларни ёритиб бериш

- 26 Агар оралик даврда эълон қилинган қийматнинг ҳисоб баҳоси молиявий йилнинг охириги оралик даврида аҳамиятли даражада ўзгарса, лекин ушбу охириги оралик давр учун алоҳида молиявий ҳисобот эълон қилинмаса, ҳисоб баҳосидаги ушбу ўзгаришнинг характери ва суммаси ушбу молиявий йил учун йиллик молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб берилиши лозим.
- 27 8-сон БҲХС жорий даврда муҳим таъсирга эга бўлган ёки кейинги даврларда муҳим таъсирга эга бўлиши кутилдиган ҳисоб баҳосидаги ўзгаришнинг характерини ва (агар амалий имкони бўлса) суммасини ёритиб беришни талаб этади. Мазкур стандартнинг 16А(г) банди оралик молиявий ҳисоботда ҳам шундай маълумот ёритиб берилишини талаб этади. Мисол тариқасида, молиявий йилнинг олдинги оралик даврида тақдим этилган захиралар қийматини камайтиришлар,

реструктуризация ёки кадрсизланишдан зарарларга оид охириги оралик давр ҳисоб баҳосидаги ўзгаришларни келтириш мумкин. Олдинги бандда талаб этилган маълумотларни ёритиб бериш 8-сон БҲХС талабига мос келади ва унинг қўллаш доираси тор бўлиб, фақат ҳисоб баҳосидаги ўзгаришга нисбатан қўллашни назарда тутаяди. Ташкилотдан унинг йиллик молиявий ҳисоботида кўшимча оралик даврнинг молиявий маълумотларини тақдим этиш талаб этилмайди.

Тан олиш ва баҳолаш

Йиллик ҳисоботдаги каби бир хил ҳисоб сиёсати

- 28 Ташкилот оралик молиявий ҳисоботга ҳам ўзининг йиллик молиявий ҳисоботида қўллаган ҳисоб сиёсатини қўллаши лозим, кейинги йиллик молиявий ҳисоботда акс эттириладиган ва энг сўнгги йиллик молиявий ҳисобот санасидан кейин ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгаришлар бундан мустасно. Лекин, ташкилот ҳисоботининг даврийлиги (йиллик, ярим йиллик, чораклик) унинг йиллик фаолият натижаларини баҳолашига таъсир этмаслиги лозим. Ушбу мақсадга эришиш учун оралик ҳисобот бўйича моддаларни баҳолаш йил бошидан ҳисобот санасигача бўлган давр учун бўлиши лозим.
- 29 Ташкилотдан оралик молиявий ҳисоботда йиллик молиявий ҳисоботда қўлланган ҳисоб сиёсатини қўллашни талаб этиш оралик давр баҳолашлари худди ҳар бир оралик давр мустақил ҳисобот даври каби амалга оширилгандек кўрсатиши мумкин. Лекин, ташкилот ҳисоботининг даврийлиги унинг йиллик натижаларини баҳоланишига таъсир этмаслиги сабабли, 28-банд оралик даврни кенг миқёсдаги молиявий йилнинг бир қисми эканини тан олади. Йил бошидан ҳисобот санасигача бўлган даврга ўтказилган баҳолашлар жорий молиявий йилнинг олдинги оралик даврларида эълон қилинган суммаларнинг ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларни ўз ичига олиши мумкин. Аммо, оралик даврлардаги активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар бўйича тан олиш тамойиллари йиллик молиявий ҳисоботдагидек бўлади.
- 30 Изоҳлаш учун:
- (а) оралик даврдаги захиралар қийматини камайтиришлар, реструктуризация, кадрсизланишдан зарарларни тан олиш ва баҳолаш тамойиллари ташкилот фақат йиллик молиявий ҳисоботни тайёрлаганда риоя этадиган тамойиллар билан бир хил бўлади. Лекин, агар бундай моддалар бир оралик даврда тан олинми ва баҳоланиб, ушбу молиявий йилнинг навбатдаги оралик даврида унинг ҳисоб баҳоси ўзгарса, дастлабки ҳисоб баҳоси навбатдаги оралик даврда кўшимча зарар суммасини ҳисоблаш орқали ёки олдин тан олинган суммани тикланиши орқали ўзгартирилади;
 - (б) оралик давр охирида актив таърифига жавоб бермайдиган сарф, у актив таърифига мос келишини акс эттирадиган келгуси маълумотларни қутиш учун ёки молиявий йилда оралик даврлар бўйича фойда кўрсаткичларини тенглаштириш учун молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда кечиктирилган сарфлар тарзида тан олинмайди; ва
 - (в) фойда солиғи харажатлари ҳар бир оралик даврда тўлиқ молиявий йил учун қутиладиган, ўртача тортилган йиллик фойда солиғи ставкасининг энг тўғри баҳосига асосланган ҳолда тан олинади. Агар йиллик фойда солиғи ставкасининг ҳисоб баҳоси ўзгарса, бир оралик даврда ҳисобланган фойда солиғи харажатларига ушбу молиявий йилнинг кейинги оралик даврида тузатиш киритилиши мумкин.
- 31 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этишининг концептуал асоси” (Концептуал асос) бўйича тан олиш бу молиявий ҳисоботнинг бирор элементи таърифига ва тан олиш мезонига жавоб берадиган моддани молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да акс эттириш жараёнидир. Активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларнинг таърифлари ҳам йиллик, ҳам оралик молиявий ҳисобот даврларида тан олишнинг фундаментал асослари ҳисобланади.
- 32 Оралик даврларда ҳам, ташкилотнинг молиявий йили охирида ҳам активларга нисбатан келгуси иқтисодий наф бўйича бир хил тестлар қўлланади. Ўз характерига кўра, молиявий йил охирида активлар сифатида таснифланмайдиган сарфлар оралик даврларда ҳам активлар сифатида таснифланмайди. Худди шундай тарзда, оралик ҳисобот даври охиридаги мажбурият, йиллик ҳисобот даври охирида акс эттирилгандек, ушбу санадаги мавжуд мажбуриятни акс эттириши лозим.
- 33 Даромад (тушум) ва харажатларнинг аҳамиятли жиҳати бу улар билан боғлиқ активлар ва мажбуриятларнинг келиб тушиши ва ҳисобдан чиқарилиши аллақачон амалга оширилганлигидир. Агар бундай келиб тушишлар ва ҳисобдан чиқарилишлар содир бўлган бўлса, тегишли даромадлар ва харажатлар тан олинади; бошқа ҳолларда улар тан олинмайди. *Концептуал асос* актив ва

мажбурият таърифига жавоб бермайдиган моддаларни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олишга рухсат бермайди.

- 34 Ташкилот ўзининг молиявий ҳисоботида акс эттирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар ва пул оқимларини баҳолашда, ҳисоботни фақат йиллик асосда эълон қиладиган ташкилот молиявий йил давомида мавжуд бўлган маълумотларни ҳисобга олиши мумкин. Унинг баҳолашлари, умуман олганда, йил бошидан ҳисобот санасигача бўлган давр учун амалга оширилади.
- 35 Ярим йиллик ҳисоботни тақдим этадиган ташкилот йил ўртасида ёки ундан кейинги қисқа муддатдан сўнг мавжуд бўлган маълумотлардан биринчи олти ойлик давр бўйича ўзининг молиявий ҳисоботида ҳамда йил якунида ёки ундан кейинги қисқа муддатдан сўнг мавжуд бўлган маълумотлардан ўн икки ойлик давр бўйича ўзининг молиявий ҳисоботида моддаларни баҳолашни амалга оширишда фойдаланади. Ўн икки ойлик давр учун моддаларни баҳолаш биринчи олти ойлик даврда тақдим этилган суммаларни ҳисоб баҳоларидаги эҳтимолий ўзгаришларни акс эттиради. Биринчи олти ойлик давр бўйича оралик ҳисоботда тақдим этилган суммаларга ретроспектив тарзда тузатиш киритилмайди. Лекин, 16А(г) ва 26-бандлар ҳисоб баҳоларидаги ҳар қандай аҳамиятли ўзгаришларнинг характери ва суммаси ёритиб берилишини талаб этади.
- 36 Ярим йилликдан кўра кўпроқ даврлар учун ҳисобот тақдим этадиган ташкилот молиявий ҳисоботнинг ҳар бир тўпламини тайёрлашда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳар бир оралик давр учун даромадлар ва харажатларни йил бошидан ҳисобот санасигача бўлган давр учун баҳолайди. Жорий оралик даврда даромадлар ва харажатларнинг тақдим этилган суммалари молиявий йилнинг олдинги оралик даврларида тақдим этилган суммаларнинг ҳисоб баҳоларидаги ҳар қандай ўзгаришларни акс эттиради. Олдинги оралик даврларда тақдим этилган суммаларга ретроспектив тарзда тузатиш киритилмайди. Лекин, 16А(г) ва 26-бандлар ҳисоб баҳоларидаги ҳар қандай аҳамиятли ўзгаришларнинг характери ва суммаси ёритиб берилишини талаб этади.

Мавсумий, даврий ёки тасодифий олинадиган тушумлар

- 37 Молиявий йил давомида мавсумий, даврий ёки тасодифий олинадиган тушумлар, агар ташкилотнинг молиявий йили якунида олдиндан тан олиш ёки кечиктирилган модда тарзида акс эттириш ўринли бўлмаса, оралик сана ҳолатига олдиндан тан олинмаслиги ёки кечиктирилган модда тарзида акс эттирилмаслиги лозим.
- 38 Мисол тариқасида, дивиденд бўйича даромадлар, роялти ва давлат грантларини келтириш мумкин. Шунингдек, баъзи ташкилотлар изчил тарзда молиявий йилнинг муайян оралик даврларида бошқа оралик даврларига нисбатан кўпроқ тушумларни олиши мумкин, масалан, чакана савдо ташкилотининг мавсумий тушумлари. Бундай тушумлар, улар юзага келган пайтда тан олинади.

Молиявий йил давомида нотекис амалга оширилган сарфлар

- 39 Ташкилотнинг молиявий йил давомида нотекис амалга оширилган сарфлари, фақат ва фақат бундай сарфларни молиявий йил якунида олдиндан тан олиш ёки кечиктирилган модда тарзида акс эттириш ўринли бўлса, оралик ҳисобот мақсадларида олдиндан тан олинishi ёки кечиктирилган модда тарзида акс эттирилиши лозим.

Тан олиш ва баҳолаш тамойилларини қўллаш

- 40 Мазкур стандартда келтирилган мисолларнинг Б қисмида 28-39 бандларда белгиланган умумий тан олиш ва баҳолаш тамойилларининг қўлланиши бўйича мисоллар келтирилган.

Ҳисоб баҳоларидан фойдаланиш

- 41 Оралик молиявий ҳисоботда қўлланадиган баҳолаш тартиби тақдим этиладиган маълумотлар ишончли бўлишини ҳамда ташкилотнинг молиявий ҳолатини ёки молиявий натижаларини тушунишда ўринли бўлган барча муҳим молиявий маълумотлар тегишли тарзда ёритиб берилишини таъминлаши лозим. Йиллик ва оралик молиявий ҳисоботдаги моддаларни баҳолаш одатда асосланган ҳисоб баҳоларига асосланганлигига қарамай, оралик молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши, умуман олганда, йиллик молиявий ҳисоботга нисбатан ҳисоб баҳолари усулларида кўпроқ фойдаланишни талаб этади.
- 42 Мазкур стандарт намунавий мисолларининг В қисмида оралик даврларда ҳисоб баҳоларидан фойдаланиш бўйича мисоллар келтирилган.

Олдин тақдим этилган оралиқ даврларнинг қайта ҳисобланиши

- 43 Ўтиш қондаси бирор янги МҲХС томонидан белгиланган ўзгаришдан ташқари, ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш қуйидагича акс эттирилиши лозим:
- (а) жорий молиявий йилнинг ўтган оралиқ даврлари бўйича ҳамда 8-сон БҲХСга мувофиқ йиллик молиявий ҳисоботда қайта ҳисобланадиган ҳар қандай ўтган молиявий йилларнинг қиёсий оралиқ даврлари бўйича молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблаш орқали; ёки
 - (б) молиявий йилнинг бошида янги ҳисоб сиёсатининг барча олдинги даврларга нисбатан қўлланишининг кумулятив таъсирини аниқлашнинг амалий имкони бўлмаса, янги ҳисоб сиёсатини амалий имкони бўлган энг олдинги санадан бошлаб қўллаш учун жорий молиявий йилнинг олдинги оралиқ даврлари бўйича ҳамда олдинги молиявий йилларнинг қиёсий оралиқ даврлари бўйича молиявий ҳисоботга тузатиш киритиш орқали.
- 44 Олдинги бандда келтирилган тамойилнинг мақсади бутун молиявий йил давомида операцияларнинг маълум синфига нисбатан ягона ҳисоб сиёсатини қўлланишини таъминлашдир. 8-сон БҲХСга асосан, ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш, ўтган даврнинг молиявий маълумотларини амалий имкони бўлган энг олдинги санага қайта ҳисоблаган ҳолда, ретроспектив тарзда қўллаш орқали акс эттирилади. Лекин, олдинги молиявий йилларга тегишли тузатишнинг кумулятив суммасини аниқлашнинг амалий имкони бўлмаса, 8-сон БҲХСга асосан янги ҳисоб сиёсати амалий имкони бўлган энг олдинги санадан бошлаб перспектив тарзда қўлланади. 43-банддаги тамойилнинг таъсири жорий йил давомида ҳисоб сиёсатидаги ҳар қандай ўзгариш ретроспектив тарзда қўлланишини ёки, агар бунинг амалий имкони бўлмаса, перспектив тарзда молиявий йилнинг бошидан кечиктирмасдан қўлланишини талаб этади.
- 45 Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни молиявий йил давомида оралиқ сана ҳолатига акс эттиришга рухсат берилиши бир молиявий йил давомида операцияларнинг маълум синфига нисбатан икки хил ҳисоб сиёсатини қўллашга олиб келиши мумкин бўларди. Бунинг натижасида, оралиқ даврлар бўйича тақсимлаш қийинчиликлари, фаолият натижаларидаги янглишликлар ва оралиқ давр маълумотларининг таҳлили ва тушунарли бўлишида мураккаб вазиятлар юзага келиши мумкин бўларди.

Кучга кириш санаси

- 46 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 1999 йил 1 январдан бошланадиган ёки ундан кейинги даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади.
- 47 1-сон БҲХС (2007 йил таҳририда) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шу билан бирга, бунда 4, 5, 8, 11, 12 ва 20 бандларга ўзгартиришлар киритилган, 13-банд чиқариб ташланган ва 8А ва 11А бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласа, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 48 3-сон МҲХС (2008 йилдаги таҳририда) бўйича 16(з) бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июль ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 3-сон БҲХС (2008 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласа, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 49 2010 йилнинг май ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар”га асосан 15, 27, 35 ва 36-бандларга ўзгартиришлар киритилган, 15А-15В ва 16А бандлар киритилган ва 16-18 бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2011 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 50 2011 йилнинг май ойида чоп этилган 13-сон МҲХСга асосан 16А(и) банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 51 2011 йилнинг июн ойида эълон қилинган “Бошқа умумлашган даромад моддаларини тақдим этиш” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар) га асосан 8, 8А, 11А ва 20 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2011 йил июнда ўзгартирилган 1 - сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

- 52 2012 йилнинг май ойида эълон қилинган “2009-2011 давр учун йиллик такомиллаштиришлар”га асосан, 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиши”га ўзгартиришлардан келиб чиққан натижавий ўзгартиришлар сифатида 5-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 53 2012 йил май ойида эълон қилинган “2009-2011 давр учун йиллик такомиллаштиришлар” бўйича 16А бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 54 2012 йилнинг октябр ойида эълон қилинган “Инвестиция ташкилотлари” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСга ўзгартиришлар) га асосан 16А бандга ўзгартириш киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2014 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. “Инвестиция ташкилотлари”ни бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласа, у шу даврга нисбатан “Инвестиция ташкилотлари”га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- 55 2014 йилнинг май ойида эълон қилинган 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”га мувофиқ 15Б ва 16А бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 56 2014 йилда эълон қилинган “2012-2014 йиллар учун МҲХСлар бўйича йиллик такомиллаштиришлар”га мувофиқ 16А бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ 2016 йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агарда ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 57 2014 йил декабрда эълон қилинган “Маълумотларни ёритиб бериш ташаббуси” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 5 бандга ўзгартириш киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Ушбу ўзгартиришни бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- 58 2018 йилда эълон қилинган “МҲХСлардаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар” бўйича 31 ва 33 бандларга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2020 йил 1 январ ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга қўллаши лозим. Агар ташкилот бир вақтнинг ўзида “МҲХСдаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар” бўйича киритилган барча ўзгартиришларни қўлласа, бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Ташкилот 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ 34-сон МҲХСга ўзгартиришларни ретроспектив тарзда қўллаши лозим. Лекин, ташкилот ретроспектив қўллаш амалий имконсиз ёки ортиқча сарф ёки ҳаракат талаб этилишини аниқласа, 34-сон МҲХСга киритилган ўзгартиришларни 8-сон БҲХСнинг 23-28, 50-53 ва 54Е бандларига мувофиқ қўллаши лозим.
- 59 2018 йил октябр ойида эълон қилинган “Мухимлик таърифи” (1-сон БҲХС ва 8-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 24 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2000 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун перспектив қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 1-сон БҲХСнинг 7-банди ва 8-сон БҲХСнинг 5 ва 6-бандларидаги муҳимлик таърифига ўзгартиришлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 60 [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутуди ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
21-ИЛОВА

36-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Активларнинг қадрсизланиши

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади ташкилот томонидан активларнинг баланс қиймати уларнинг қопланадиган қийматидан ортиқ бўлмаслигини таъминлаш билан боғлиқ тартибларни белгилашдан иборат. Агар активнинг баланс қиймати ундан фойдаланиш ёки уни сотиш орқали қопланадиган суммадан ортиқ бўлса, актив ўзининг қопланадиган қийматидан ортиқ суммада ҳисобга олинган ҳисобланади. Агар ушбу ҳолат юз берса, актив қадрсизланган деб ҳисобланади ва мазкур стандарт ташкилотдан қадрсизланишдан зарарни тан олишни талаб этади. Шунингдек, мазкур стандарт қадрсизланишдан зарарни қайси пайт қайта тикланиши лозимлигини ва ташкилот томонидан ёритиб берилиши лозим бўлган маълумотларни белгилайди.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт қуйидагилардан ташқари барча активларнинг қадрсизланишини ҳисобга олишда қўлланиши лозим:
 - (а) захиралар (2-сон БҲХС “Захиралар” га қаранг);
 - (б) 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”га мувофиқ тан олинадиган, шартнома бўйича активлар ва шартнома тузиш сарфлари ёки уни бажариш сарфларидан келиб чиқадиган активлар;
 - (в) кечиктирилган солиқ активлари (12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”га қаранг);
 - (г) ходимлар даромадларидан келиб чиқадиган активлар (19-сон БҲХС “Ходимларнинг даромадлари”га қаранг);
 - (д) 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар” нинг қўллаш доирасида бўлган молиявий активлар;
 - (е) ҳаққоний қийматда баҳоланадиган инвестиция кўчмас мулки (40-сон БҲХС “Инвестиция кўчмас мулки”га қаранг);
 - (ё) 41-сон БҲХС “Қишлоқ хўжалиги”нинг қўллаш доирасида бўлган сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активлар;
 - (ж) 4-сон МҲХС “Сугурта шартномалари”нинг қўллаш доирасида бўлган сугурта шартномалари бўйича сугурталовчининг шартномавий ҳуқуқларидан келиб чиқадиган кечиктирилган аквизиция сарфлари ва номоддий активлар; ва
 - (з) 5-сон МҲХС “Сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активлар ва тугатилган фаолият”га мувофиқ, сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифланган узок муддатли активлар (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар).
- 3 Мазкур стандарт захираларга, қурилиш шартномаларидан келиб чиқадиган активларга, кечиктирилган солиқ активларига, ходимлар даромадларидан келиб чиқадиган активларга ёки сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибидаги) активларга нисбатан қўлланмайди, чунки ушбу активларга нисбатан қўлланадиган мавжуд МҲХСлар бундай активларни тан олиш ва баҳолаш бўйича талабларни қамраб олган.
- 4 Мазкур стандарт қуйидагича таснифланган молиявий активларга нисбатан қўлланади:
 - (а) 10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”да таърифланган шўъба ташкилотларга;

- (б) 28-сон БҲХС “Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар” да таърифланган таъсир остидаги ташкилотларга; ва
- (в) 11-сон МҲХС “Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар” да таърифланган қўшма корхоналарга.

Бошқа молиявий активларнинг қадрсизланишидан зарарларга нисбатан 9-сон МҲХС қўлланади.

- 5 Мазкур стандарт 9-сон МҲХСнинг қўллаш доирасида бўлган молиявий активларга, 40-сон БҲХСнинг қўллаш доирасидаги ҳаққоний қийматда баҳоланадиган инвестиция кўчмас мулкка ёки 41-сон БҲХСнинг қўллаш доирасидаги сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳоланадиган қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активларга нисбатан қўлланмайди. Лекин, мазкур стандарт 16-сон БҲХС “Асосий воситалар” ва 38-сон БҲХС “Номоддий активлар” даги қайта баҳолаш модели каби бошқа МҲХСларга мувофиқ қайта баҳоланган қийматда (яъни кейинги жамғарилган эскириш суммаси ва қадрсизланишдан кейин жамғарилган зарарлар чегирилган ҳолда қайта баҳолаш санасидаги ҳаққоний қийматда) ҳисобга олинадиган активларга нисбатан қўлланади. Активнинг ҳаққоний қиймати ва унинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ўртасидаги ягона фарқ- активни ҳисобдан чиқаришга оид бевосита қўшимча сарфлардир.
- (а) Агар ҳисобдан чиқариш сарфлари аҳамиятсиз бўлса, қайта баҳоланган активнинг қопланадиган қиймати унинг қайта баҳоланган қийматига яқин ёки ундан ортиқ бўлади. Бундай ҳолатда, қайта баҳолаш талаблари қўллангандан сўнг, қайта баҳоланган актив қадрсизланган бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлмайди ва қопланадиган қийматнинг баҳоланиши шарт бўлмайди.
 - (б) [Чиқариб ташланган]
 - (в) Агар ҳисобдан чиқариш сарфлари аҳамиятсиз бўлмаса, қайта баҳоланган активнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати унинг ҳаққоний қийматидан кам бўлади. Шу сабабли, агар активнинг фойдаланиш қиймати унинг қайта баҳоланган қийматидан кам бўлса, қайта баҳоланган актив қадрсизланган ҳисобланади. Бундай ҳолатда, қайта баҳолаш талаблари қўллангандан сўнг, ташкилот ушбу актив қадрсизланган бўлиши мумкинлигини аниқлаш учун мазкур стандартни қўллайди.

Таърифлар

- 6 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Баланс қиймати** - бу жамғарилган эскириш(амортизация) ва қадрсизланишдан жамғарилган зарарлар чегирилгандан сўнг активнинг тан олинадиган суммасидир.
- Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик** - бу бошқа активлар ёки активлар гуруҳларидан келиб тушадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил тарзда пул маблағлари киримларини ҳосил қилувчи энг кичик идентификацияланадиган активлар гуруҳидир.
- Корпоратив активлар** - бу пул маблағларини ҳосил қилувчи кўриб чиқилаётган бирликдан ҳам, пул маблағларини ҳосил қилувчи бошқа бирликлардан ҳам келгуси пул оқимлари олиншига хизмат қилувчи гудвилдан ташқари активлардир.
- Ҳисобдан чиқариш сарфлари** - бу активнинг ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳисобдан чиқарилишига бевосита тегишли қўшимча сарфлар бўлиб, бунда молиявий сарфлар ва фойда солиғи харажати инобатга олинмайди.
- Эскириш ҳисобланадиган қиймат** - активнинг бошланғич қийматидан ёки молиявий ҳисоботда бошланғич қиймат ўрнини босадиган бошқа қийматдан тугатиш қийматини чегириш натижасида олинган қийматдир.
- Эскириш (Амортизация)** - бу активнинг эскириш ҳисобланадиган қийматини фойдали хизмат муддати давомида тизимли тақсимлашдир.¹
- Ҳаққоний қиймат** - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир. (13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”га қаранг.)

¹ Номоддий актив ҳолатида, “эскириш” атамаси ўрнига одатда “амортизация” атамаси фойдаланилади. Ушбу икки атама бир хил маънога эга.

Қадрсизланишдан зарар - бу актив ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ортган суммасидир.

Қопланадиган қиймат - актив ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ва фойдаланиш қийматидан каттасидир.

Фойдали хизмат муддати бу:

- (а) активнинг ташкилот томонидан фойдаланишда давом этиши кутилаётган давр; ёки
- (б) ташкилот томонидан ушбу активдан фойдаланишдан олинishi кутилаётган маҳсулот ёки шунга ўхшаш бирликлар сони.

Фойдаланиш қиймати - бу активдан ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликдан олинishi кутилаётган келгуси пул оқимларининг дисконтланган қийматидир.

Қадрсизланган бўлиши мумкин бўлган активни аниқлаш

- 7 Қопланадиган қиймат аниқланиши лозим бўлган пайт 8-17 бандларда белгиланган. Ушбу талабларда “актив” атамасидан фойдаланилади, аммо у индивидуал активга ҳам, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка ҳам тенг тарзда қўлланади. Мазкур стандартнинг қолган қисми қуйидаги тузилишга эга:
- (а) 18-57 бандлар қопланадиган қийматни баҳолашга нисбатан талабларни белгилайди. Ушбу талабларда “актив” атамасидан фойдаланилади, аммо у индивидуал активга ҳам, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка ҳам тенг тарзда қўлланади.
 - (б) 58-108 бандлар қадрсизланишдан зарарларни тан олиш ва баҳолашга нисбатан талабларни белгилайди. Гудвилдан ташқари индивидуал активлар бўйича қадрсизланишдан зарарларни тан олиш ва баҳолаш 58-64 бандларда қамраб олинган. Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар ва гудвил бўйича қадрсизланишдан зарарларни тан олиш ва баҳолаш 65-108-бандларда қамраб олган.
 - (в) 109-116 бандлар ўтган даврларда актив ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик учун тан олинган қадрсизланишдан зарарни қайта тикланишига нисбатан талабларни белгилайди. Ушбу талабларда “актив” атамасидан фойдаланилади, аммо у индивидуал активга ҳам, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка ҳам тенг тарзда қўлланади. Индивидуал активлар учун 117-121 бандларда, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик учун 122 ва 123 бандларда, гудвил учун 124 ва 125 бандларда қўшимча талаблар белгиланган.
 - (г) 126-133-бандлар активлар ва пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар бўйича қадрсизланишдан зарарлар ва қадрсизланишдан зарарларни қайта тикланиши тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш талабини белгилайди. 134-137 бандлар қадрсизланиш тестидан ўтказиш мақсадлари учун гудвил ёки ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активлар тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларга нисбатан қўшимча маълумотларни ёритиб бериш талабини белгилайди.
- 8 Агар активнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан ортиқ бўлса, актив қадрсизланган ҳисобланади. 12-14 бандларда қадрсизланишдан зарар юзага келган бўлиши эҳтимолининг айрим аломатлари тавсифланган. Агар ушбу аломатлардан бирортаси мавжуд бўлса, ташкилотдан қопланадиган қийматнинг расмий баҳоланиши талаб этилади. Агар активларнинг қадрсизланишидан зарар мавжудлиги бўйича аломатлар бўлмаса, мазкур стандарт ташкилотдан қопланадиган қийматни расмий баҳоланиш талаб этмайди, бундан 10-бандда келтирилган ҳолатлар мустасно.
- 9 **Ташкилот ҳар бир ҳисобот даври якунига активлар қадрсизланганлигининг бирор аломати мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баҳолаши лозим. Агар шундай аломат мавжуд бўлса, ташкилот активнинг қопланадиган қийматини баҳолаши лозим.**
- 10 **Қадрсизланишнинг бирор аломати мавжуд бўлишидан қатъий назар, ташкилот:**
- (а) ҳар йили ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активнинг ёки фойдаланишга тайёр бўлмаган номоддий активнинг баланс қийматини унинг қопланадиган қиймати билан таққослаш орқали қадрсизланиш тестидан ўтказиши лозим. Ушбу қадрсизланиш тестидан ўтказиш йиллик давр мобайнида ҳар йили бир пайтда амалга ошириш шарти билан ҳар қандай пайтда амалга оширилиши мумкин. Турли номоддий активлар турли пайтларда қадрсизланиш тестидан ўтказилиши мумкин. Лекин, бундай номоддий актив дастлаб жорий йиллик давр мобайнида тан

олинган бўлса, ушбу номоддий актив жорий йиллик давр якунига қадар қадрсизланиш тестидан ўтказилиши лозим;

(б) бизнес бирлашувида харид қилинган гудвилни 80-99 бандларга мувофиқ ҳар йили қадрсизланиш тестидан ўтказиши лозим.

11 Номоддий активнинг ўз баланс қийматини қоплаш учун етарли келгуси иктисодий наф келтириш қобилияти, одатда бундай активнинг фойдаланишга тайёр ҳолатидан кўра фойдаланиш учун тайёр бўлмаган ҳолатида ноаниқликка кўпроқ мойил бўлади. Шу сабабли, мазкур стандарт ташкилотдан фойдаланишга тайёр бўлмаган номоддий активнинг баланс қийматини йилига камида бир марта қадрсизланиш тестидан ўтказишни талаб этади.

12 **Актив қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг бирор аломати мавжудлигини баҳолашда, ташкилот камида қуйидаги аломатларни кўриб чиқиши лозим:**

Маълумотларнинг ташқи манбалари

(а) активнинг қиймати вақт ўтиши ёки одатдаги фойдаланиш натижасида қутилиши мумкин бўлган камайишига нисбатан давр мобайнида аҳамиятли даражада камайганлиги бўйича кузатиладиган аломатларнинг мавжудлиги;

(б) ташкилот фаолият юритадиган технологик, бозор, ҳуқуқий ёки иктисодий муҳитда ёки актив йўналтирилган бозорда давр мобайнида юз берган ёки яқин келажакда юз берадиган ташкилотга салбий таъсир кўрсатадиган аҳамиятли ўзгаришлар;

(в) бозор фоиз ставкалари ёки инвестиция даромадлиги бўйича бошқа бозор ставкалари давр мобайнида ўсган ва ушбу ўсиш активнинг фойдаланиш қийматини ҳисоблашда қўлланадиган дисконтлаш ставкасига таъсир кўрсатиши ҳамда активнинг қопланадиган қийматини муҳим даражада камайтириш эҳтимоли мавжудлиги;

(г) ташкилот соф активларининг баланс қиймати унинг бозор капиталлашувидан ортиқ бўлиши;

Маълумотларнинг ички манбалари

(д) активнинг маънавий эскирганлиги ёки жисмоний шикастланганлигига оид далил мавжудлиги;

(е) активдан фойдаланишда ёки ундан қутилаётган фойдаланиш даражаси ва усулида давр мобайнида юз берган ёки яқин келажакда юз берадиган ташкилотга салбий таъсир кўрсатадиган аҳамиятли ўзгаришлар. Ушбу ўзгаришлар активни бекор туриб қолишини, актив тегишли бўлган фаолиятнинг тугатилишини ёки реструктуризация қилиш режаларини, илгари режалаштирилган муддатидан олдин активларни ҳисобдан чиқариш режаларини ва активнинг фойдали хизмат муддатини ноаниқ муддатдан аниқ фойдали хизмат муддатига қайта баҳолалишини ўз ичига олади.²

(ё) ички ҳисоботда активнинг иктисодий самарадорлиги қутилганидан салбий бўлганлигини ёки бўлишини кўрсатадиган далилнинг мавжудлиги.

Шўъба ташкилотдан, қўшма корхонадан ёки таъсир остидаги ташкилотдан дивиденд

(ж) шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотдаги инвестицияга нисбатан инвестор инвестициядан дивидендни тан олиши ва қуйидаги далил мавжуд бўлиши:

(i) алоҳида молиявий ҳисоботдаги инвестициянинг баланс қиймати консолидациялашган молиявий ҳисоботдаги инвестиция объекти соф активларининг, жумладан тегишли гудвилнинг баланс қийматларидан ортиқ бўлади; ёки

(ii) дивиденд эълон қилинган даврда дивиденд суммаси шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг жами умумлашган даромадидан ортиқ бўлади.

13 12-банддаги рўйхат мазкур аломатларнинг ўзи билан чекланмайди. Ташкилот актив қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг бошқа аломатларини аниқлаши мумкин ва улар ташкилот томонидан

² Актив сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирганда (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилса), у мазкур стандартнинг қўллаш доирасидан чиқарилади ва 5-сон МҲХС “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият”га мувофиқ ҳисобга олинади.

- активнинг қопланадиган қиймати аниқланишини талаб этади ёки гудвил ҳолатида, 80-99 бандларга мувофиқ кадрсизланиш тестидан ўтказишни талаб этади.
14. Актив кадрсизланган бўлиш мумкинлигини кўрсатадиган ички ҳисоботдаги далиллар қуйидаги аломатларнинг мавжудлигини ўз ичига олади:
- (а) активни харид қилиш учун пул оқимлари ёки ундан фойдаланиш ёки уни сақлаш учун кейинчалик зарур бўладиган пул маблағларининг дастлаб режалаштирилган бюджет маблағларидан аҳамиятли даражада кўп бўлиши;
 - (б) активдан келадиган ҳақиқий соф пул оқимларининг ёки операцион фойда ёки зарарнинг режалаштирилган бюджет кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли даражада салбий бўлиши;
 - (в) активдан келадиган режалаштирилган соф пул оқимларининг ёки операцион фойданинг аҳамиятли даражада камайиши ёки зарарнинг аҳамиятли даражада кўпайиши; ёки
 - (г) жорий давр суммалари келгуси давр учун режалаштирилган суммалар билан жамланганда актив бўйича операцион зарарлар ёки соф пул чиқимлари юзага келиши.
15. 10-бандда кўрсатилганидек, мазкур стандарт ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активни ёки фойдаланишга тайёр бўлмаган номоддий активни ва гудвилни йилига камида бир марта кадрсизланиш тестидан ўтказишни талаб этади. 10-банддаги талаблар қўлланадиган ҳолатдан ташқари, активни қопланадиган қийматининг баҳоланиши зарурлигини аниқлашда муҳимлик концепцияси қўлланади. Масалан, агар олдинги ҳисоб-китоблар активнинг қопланадиган қиймати унинг баланс қийматидан аҳамиятли даражада ортиқлигини кўрсатса, ташкилот, агар ушбу фарқни ҳисобга олмасликка олиб келадиган ҳодиса содир бўлмаган бўлса, активнинг қопланадиган қийматини қайта ҳисоблашининг зарурати йўқ. Шу каби, олдинги таҳлил активнинг қопланадиган қиймати 12-бандда келтирилган аломатларнинг бирига (ёки бир нечтасига) нисбатан таъсирчан эмаслигини кўрсатиши мумкин.
16. 15-бандни изоҳлаш мақсадида, агар бозор фоиз ставкалари ёки инвестиция даромадлиги бўйича бошқа бозор ставкалари давр мобайнида ўсган бўлса, қуйидаги ҳолатларда ташкилотдан активнинг қопланадиган қийматини расмий баҳоланиши талаб этилмайди:
- (а) агар активнинг фойдаланиш қийматини ҳисоблашда қўлланган дисконт ставкасига ушбу бозор ставкаларидаги ўсиш таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд бўлмаса. Масалан, қисқа муддатли фоиз ставкаларидаги ўсишлар қолган фойдали хизмат муддати узок бўлган активга нисбатан қўлланган дисконт ставкасига муҳим даражада таъсир кўрсатмаслиги мумкин.
 - (б) агар активнинг фойдаланиш қийматини ҳисоблашда қўлланган дисконт ставкасига ушбу бозор ставкаларидаги ўсиш таъсир кўрсатганлиги эҳтимоли мавжуд бўлса, аммо қопланадиган қиймат таъсирчанлигининг олдинги таҳлили қуйидагиларни акс эттирса:
 - (i) келгуси пул оқимларининг ўсиш эҳтимоли бўлганлиги сабабли, қопланадиган қийматнинг муҳим даражада камайиши эҳтимоли бўлмаса (масалан, айрим ҳолатларда, ташкилот бозор ставкаларидаги ҳар қандай ўсишни қоплаш учун ўзининг тушумларига тузатиш киритишини кўрсатиш мумкин); ёки
 - (ii) қопланадиган қийматдаги камайиш муҳим даражадаги кадрсизланишдан зарарга олиб келиш эҳтимоли кам бўлса.
17. Агар актив кадрсизланган бўлиши мумкинлигининг аломати мавжуд бўлса, бу актив бўйича қолган фойдали хизмат муддатини, эскириш (амортизация) ҳисоблаш усулини ёки тугатиш қийматини, ҳатто агар актив бўйича кадрсизланишдан ҳеч қандай зарар тан олинмайдиган бўлса ҳам, қайта кўриб чиқиш ва ушбу активга нисбатан қўлланадиган стандартга мувофиқ тузатишлар киритилиши зарурлигини кўрсатиши мумкин.

Қопланадиган қийматни баҳолаш

18. Мазкур стандартда қопланадиган қийматни активнинг ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ёки унинг фойдаланиш қийматидан каттаси сифатида таърифланади. Қопланадиган қийматни баҳолашга нисбатан талаблар 19-57 бандларда белгиланган. Ушбу талабларда “актив” атамасидан фойдаланилади, аммо у индивидуал активга ҳам, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка ҳам тенг тарзда қўлланади.
19. Ҳар доим ҳам активнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматини ва унинг фойдаланиш қийматини аниқлаш талаб этилмайди. Агар ушбу қийматларнинг бири активнинг баланс

- қийматидан ортиқ бўлса, актив қадрсизланмаган ҳисобланади ва иккинчи қийматни баҳолаш зарур бўлмайди.
- 20 Ҳагто маълум актив учун фаол бозорда белгиланган нарх мавжуд бўлмаса ҳам, ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматни баҳолаш имкони бўлиши мумкин. Лекин, айрим ҳолатларда ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматни баҳолаш имконияти бўлмаслиги мумкин, чунки жорий бозор шартларида баҳолаш санасига бозор иштирокчилари ўртасида активни сотиш бўйича одатдаги операциянинг содир бўлиши мумкин бўлган нархни ишончли баҳолаш учун асос мавжуд бўлмайди. Бундай ҳолатда, ташкилот активнинг қопланадиган қиймати сифатида унинг фойдаланиш қийматидан фойдаланиши мумкин.
- 21 Агар активнинг фойдаланиш қиймати унинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматидан муҳим даражада ортиқ бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун ҳеч қандай сабаб бўлмаса, активнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматидан унинг қопланадиган қиймати сифатида фойдаланиш мумкин. Бу кўп ҳолларда ҳисобдан чиқариш учун мўлжалланган активга нисбатан ўринли бўлади. Бунинг сабаби, сотиш учун мўлжалланган активдан ҳисобдан чиқарилгунга қадар узлуксиз фойдаланишдан олинадиган келгуси пул оқимлари аҳамиятсиз бўлиши эҳтимоли туфайли, активнинг фойдаланиш қиймати асосан сотишдан олинадиган пул маблағлари соф тушишидан ташкил топади.
- 22 Индивидуал актив бошқа активлардан ёки активлар гуруҳларидан келадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил тарзда пул маблағлари киримларини юзага келтирмаган ҳолатдан ташқари ҳолларда, қопланадиган қиймат индивидуал актив учун аниқланади. Агар ушбу ҳолат юз берса, қуйидаги ҳоллардан ташқари, қопланадиган қиймат пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тегишли актив учун аниқланади (65-103- бандларга қаранг):
- (а) активнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан катта бўлганда; ёки
 - (б) активнинг фойдаланиш қиймати унинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматига яқин бўлганда ва ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат баҳолаши мумкин бўлганда.
- 23 Баъзи ҳолатларда, ҳисоб баҳолари, ўртачалар ва содалаштирилган ҳисоб-китоблар ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматни ёки фойдаланиш қийматини аниқлаш учун мазкур стандартда келтирилган батафсил ҳисоб-китобларнинг асосли тахминларини таъминлаши мумкин.

Ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активнинг қопланадиган қийматини баҳолаш

- 24 10-банд ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активнинг баланс қиймати ва унинг қопланадиган қийматини таққослаш орқали, у қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг бирор аломати мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, ҳар йили қадрсизланиш тестидан ўтказишни талаб этади. Лекин, бундай активнинг қопланадиган қийматининг бевосита олдинги даврда амалга оширилган энг охири батафсил ҳисоб-китоби жорий даврда ушбу актив учун қадрсизланиш тести ўтказилишида қуйидаги барча мезонлар қаноатлантирилганда қўлланиши мумкин:
- (а) агар номоддий актив ундан узлуксиз фойдаланиш натижасида бошқа активлардан ёки активлар гуруҳларидан келадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил тарзда пул маблағлари киримларини юзага келтирмаса ва шу туфайли у тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг бир қисми сифатида қадрсизланиш тестидан ўтказилганда, ушбу бирликни ташкил этадиган активлар ва мажбуриятларнинг қопланадиган қиймати энг сўнгги ҳисоб-китобдан буён аҳамиятли тарзда ўзгармаган бўлса;
 - (б) энг сўнгги ҳисоб-китоб натижаси бўйича қопланадиган қиймат активнинг баланс қийматидан аҳамиятли даражада ортиқ бўлса; ва
 - (в) қопланадиган қийматнинг энг сўнгги ҳисоб-китобидан буён содир бўлган ҳодисалар ва ўзгарган ҳолатлар таҳлилига асосланган ҳолда, жорий қопланадиган қиймат активнинг баланс қийматидан кичик бўлиши мумкинлигининг эҳтимоли кам бўлса.

Ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат

- 25-27 [Чиқариб ташланган]
- 28 Мажбуриятлар сифатида тан олинганларидан ташқари ҳисобдан чиқариш сарфлари ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматни баҳолашда чегирилади. Бундай сарфларга юридик

сарфлар, герб йиғимлари ва шунга ўхшаш операцияларга солиқлар, активни демонтаж қилиш сарфлари ва активни унинг сотиш ҳолатига келтириш учун бевосита қўшимча сарфлар мисол бўла олади. Лекин, ишдан бўшатиш нафақалари (19-сон БҲХС да таърифлангандек) ва активни сотишдан сўнг бизнесни қисқартириш ёки қайта ташкил этиш билан боғлиқ сарфлар активни ҳисобдан чиқариш бўйича бевосита қўшимча сарфлар ҳисобланмайди.

- 29 Айрим ҳолатларда, активни ҳисобдан чиқариш харидордан мажбуриятни қабул қилишни талаб этади ва ҳам актив ҳам мажбурият учун фақат ягона ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат мавжуд бўлади. 78-бандда бундай ҳолатларда қандай йўл тутиш лозимлиги тушунтирилган.

Фойдаланиш қиймати

- 30 **Активнинг фойдаланиш қийматини ҳисоблашда қуйидаги элементлар акс эттирилиши лозим:**

- (а) ташкилотнинг активдан олиши кутилаётган келгуси пул оқимларининг баҳоси;
- (б) ушбу келгуси пул оқимларининг суммасидаги ёки вақт бўйича эҳтимолий тебранишлар тўғрисидаги кутилмалар;
- (в) рискдан ҳоли жорий бозор фоиз ставкаси орқали акс эттирилган пулнинг вақт қиймати;
- (г) активга хос бўлган ноаниқлик билан боғлиқ нарх; ва
- (д) ташкилотнинг активдан олиши кутилаётган келгуси пул оқимлари суммасини аниқлашда бозор иштирокчилари ҳисобга оладиган бошқа омиллар, масалан ноликвидлик.

- 31 Активнинг фойдаланиш қийматини баҳолаш қуйидаги қадамларни ўз ичига олади:

- (а) активдан узлуксиз фойдаланиш ва уни бутунлай ҳисобдан чиқариш натижасида юзага келадиган келгуси пул маблағлари киримлари ва чиқимларини баҳолаш; ва
- (б) ушбу келгуси пул оқимларига нисбатан мос дисконт ставкасини қўллаш.

- 32 30(б), (г) ва (д) кичик бандларида келтирилган элементлар келгуси пул оқимларига ёки дисконт ставкасига тузатишлар сифатида акс эттирилиши мумкин. Ташкилот келгуси пул оқимларининг суммасидаги ёки даврлар бўйича эҳтимолий тебранишлар тўғрисидаги кутилмаларни акс эттириш учун қайси ёндашувни танлашидан қатъий назар, натижа келгуси пул оқимларининг кутилган дисконтланган қийматини, яъни барча эҳтимолий натижаларнинг тортилган ўртачасини акс эттириши лозим. А илова активнинг фойдаланиш қийматини баҳолашда дисконтланган қийматни аниқлаш усуллари қўллаш бўйича қўшимча кўрсатма беради.

Келгуси пул оқимларининг баҳоланиши учун асос

- 33 **Фойдаланиш қийматини баҳолашда ташкилот:**

- (а) пул оқими прогнозларида активнинг қолган фойдали хизмат муддати давомида мавжуд бўладиган бир қатор иқтисодий шартлар бўйича раҳбариятнинг энг тўғри ҳисоб баҳосини акс эттирадиган ўринли ва асосли фаразларга асосланиши лозим. Ташқи маълумот манбаларига кўпроқ эътибор қаратилиши лозим.
- (б) пул оқими прогнозларида раҳбарият томонидан тасдиқланган энг сўнгги молиявий бюджетларга/прогнозларига асосланиши лозим, лекин келгуси реструктуризациядан ёки активдан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан ёки такомиллаштиришдан келадиган кутилаётган ҳар қандай баҳоланган келгуси пул маблағлари киримларини ёки чиқимларини инобатга олмаслиги лозим. Бундай бюджетларга/прогнозларга асосланган прогнозлар, агар узоқроқ даврга асосланиши мумкин бўлмаса, энг кўпи билан беш йиллик даврни қамраб олиши лозим.
- (в) энг сўнгги молиявий бюджетларда/прогнозларда қамраб олинган даврдан ташқари пул оқими прогнозларини кейинги йиллар бўйича, агар ўсиш суръатининг ўсувчи кўрсаткичларини асослаш мумкин бўлмаса, ўсиш суръатининг барқарор ёки қамаювчи кўрсаткичларини қўллаган ҳолда бюджетларга/прогнозларга асосланган прогнозларни экстраполяция орқали баҳолаши лозим. Ушбу ўсиш суръати маҳсулотлар, соҳалар ёки мамлакат ёхуд ташкилот фаолият кўрсатадиган мамлакатлар бўйича ёки актив фойдаланиладиган бозор бўйича, агар ўсиш суръатининг юқори кўрсаткичи асосланиши мумкин бўлмаса, узоқ муддатли ўртача ўсиш суръатидан ошмаслиги лозим.

- 34 Раҳбарият жорий пул оқими прогнозларига асос бўлган фаразларнинг асосланганлигини баҳолайди, яъни бу олдинги пул оқими прогнозлари билан ҳақиқий пул оқимлари ўртасидаги тафовутларнинг сабабларини текшириш орқали амалга оширилади. Раҳбарият, жорий пул оқими прогнозлари асосланган бундай фаразлар олдинги ҳақиқий пул оқимлари натижалари билан изчил бўлишига ва бунинг учун ушбу ҳақиқий пул оқимлари шаклланган пайтда мавжуд бўлмаган кейинги ҳодисаларнинг ёки ҳолатларнинг таъсирини ҳисобга олинганига ишонч ҳосил қилиши лозим.
- 35 Одатда, беш йилдан ортиқ даврлар учун келгуси пул оқимларининг батафсил, аниқ ва ишончли молиявий бюджетлари/прогноزلари мавжуд бўлмайди. Шу сабабли, раҳбариятнинг келгуси пул оқимлари бўйича ҳисоб баҳолари энг қўли билан беш йиллик сўнги бюджетларга/прогноزلарга асосланади. Агар раҳбарият прогнозлар ишончли бўлишига қатъий ишонса ва бундай узоқ давр бўйича пул оқимларини олдинги тажрибага асосланган ҳолда тўғри прогнозлаштириш қобилиятини намойиш эта олса, раҳбарият беш йилдан ортиқ давр бўйича молиявий бюджетларга/прогноزلарга асосланган пул оқими прогнозларидан фойдаланиши мумкин.
- 36 Активнинг фойдали хизмат муддати якунига қадар пул оқими прогнозлари кейинги йиллар учун ўсиш суръатини қўллаган ҳолда молиявий бюджетларга/прогноزلарга асосланган пул оқими прогнозларини экстраполяциялаш орқали баҳоланиши лозим. Агар ўсиш суръатининг ўсиши маҳсулот ёки соҳанинг ҳаётий цикли хусусияти тўғрисидаги ҳолис маълумотлар билан тасдиқланмаса, ўсиш суръати барқарор ёки камаювчи тарзда бўлади. Агар ўринли бўлса, ўсиш суръати нол ёки манфий бўлади.
- 37 Қулай бозор шароитларида, рақобатчиларнинг бозорга кириши ва бу ўсишни чеклаши эҳтимоли мавжуд. Шунинг учун, ташкилотлар маҳсулотлар, соҳалар ёки мамлакат ёхуд ташкилот фаолият кўрсатадиган мамлакатлар бўйича ёки актив фойдаланиладиган бозор бўйича узоқ муддатли (масалан, 20 йил) дастлабки ўртача ўсиш суръатини оширишда қийинчиликка учрайди.
- 38 Молиявий бюджетлардаги/прогноزلардаги маълумотлардан фойдаланишда, ташкилот маълумотлар ўринли ва асосли фаразларни акс эттиришини ва активнинг қолган фойдали хизмат муддати давомида мавжуд бўладиган иқтисодий шартлар мажмуаси бўйича раҳбариятнинг энг тўғри ҳисоб баҳосини акс эттиришини кўриб чиқади.

Келгуси пул оқимлари ҳисоб баҳоларининг таркибий қисми

- 39 **Келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳолари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:**
- (а) **активдан узлуксиз фойдаланишдан келгуси пул маблағлари киримларининг прогнозлари;**
 - (б) **активдан узлуксиз фойдаланишдан келгуси пул маблағлари киримлари учун зарур бўлган (жумладан активни фойдаланишга тайёрлаш билан боғлиқ пул маблағлари чиқимлари) ва активга изчиллик ва оқилона асосда тақсимланадиган ёки бевосита акс эттирилиши мумкин бўлган пул маблағлари чиқимларининг прогнозлари; ва**
 - (в) **агар мавжуд бўлса, активнинг фойдали хизмат муддати якунида ҳисобдан чиқаришдан олинадиган (ёки тўланадиган) соф пул оқимлари.**
- 40 Келгуси пул оқимлари ва дисконт ставкасининг ҳисоб баҳолари умумий инфляция натижасидаги нарх ўсишлари тўғрисидаги изчил фаразларни акс эттиради. Шунинг учун, агар дисконт ставкаси умумий инфляцияга тегишли нарх ўсишларининг таъсирини ўз ичига олса, келгуси пул оқимлари номинал суммаларда баҳоланади. Агар дисконт ставкаси умумий инфляцияга тегишли нарх ўсишларининг таъсирини ўз ичига олмаса, келгуси пул оқимлари реал суммаларда баҳоланади (аммо келгуси муайян нарх ўсишлари ёки камайишларини ўз ичига олади).
- 41 Пул маблағлари чиқимларининг прогнозлари активдан фойдаланишда изчиллик ва оқилона асосда тақсимланиши ёки бевосита акс эттирилиши мумкин бўлган, активни сақлаб туриш бўйича жорий сарфларни ҳамда келгуси устама сарфларни ўз ичига олади.
- 42 Агар активнинг баланс қиймати у фойдаланишга ёки сотишга тайёр бўлишидан олдин сарфланадиган барча пул маблағлари чиқимларини тўлиқ ўз ичига олмаган бўлса, келгуси пул маблағлари чиқимларининг ҳисоб баҳоси ўз ичига актив фойдаланишга ёки сотишга тайёр бўлгунга қадар сарфланиши қутилаётган ҳар қандай пул маблағлари чиқимларининг ҳисоб баҳосини олади. Масалан, бу тугалланмаган қурилиш ёки ҳали тугалланмаган тажриба-конструкторлик ишларига тааллуқли.
- 43 Такрор ҳисоблашнинг олдини олиш учун, келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳолари қуйидагиларни ўз ичига олмайди:
- (а) **кўриб чиқилаётган активдан келадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил тарзда пул маблағлари киримларини юзага келтирадиган активлардан пул оқимлари (масалан, дебиторлик қарзлари каби молиявий активлар); ва**

- (б) мажбуриятлар сифатида тан олинган жавобгарликларга тегишли пул маблағлари чиқимлари (масалан, кредиторлик қарзлари, нафақалар ёки баҳоланган мажбуриятлар).
- 44 **Актив учун келгуси пул оқимлари унинг жорий ҳолатида баҳоланиши лозим. Келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳолари қуйидагилардан юзага келиши кутилаётган келгуси пул маблағлари киримлари ёки чиқимлари бўйича ҳисоб баҳоларини ўз ичига олмаслиги лозим:**
- (а) **ташкilot ҳали мажбурият сифатида қабул қилмаган келгуси реструктуризация; ёки**
- (б) **активнинг фаолият кўрсатишини яхшилаш ёки такомиллаштириш.**
- 45 **Актив учун келгуси пул оқимлари унинг жорий ҳолатида баҳоланиши сабабли, фойдаланиш қиймати қуйидагиларни акс эттирмайди:**
- (а) келгуси пул маблағлари чиқимлари ёки тегишли сарфларни камайтириш (масалан, ходимларга сарфларни камайтириш) ёки ташкilot ҳали мажбурият сифатида ўз зиммасига олмаган келгуси реструктуризация бўйича кутилаётган нафлар; ёки
- (б) активнинг фаолият кўрсатишини яхшилайдиган ёки такомиллаштиришга тегишли келгуси пул маблағлари чиқимлари ёки бундай чиқимлардан юзага келиши кутилаётган тегишли пул маблағлари киримлари.
- 46 **Реструктуризация – бу раҳбарият томонидан режалаштириладиган ва назорат қилинадиган ҳамда ташкilot томонидан амалга ошириладиган бизнес қўламини ёки бизнес бошқарилиши тарзини муҳим даражада ўзгартирадиган дастурдир. 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” ташкilotнинг реструктуризация бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш пайти тўғрисидаги кўрсатмани қамраб олади.**
- 47 **Агар ташкilot реструктуризация бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олса, айрим активларга ушбу реструктуризация таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд. Ташкilot реструктуризация бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олганда:**
- (а) фойдаланиш қийматини аниқлаш мақсадида келгуси пул маблағлари киримлари ва пул маблағлари чиқимлари бўйича унинг (раҳбарият томонидан тасдиқланган энг сўнгги молиявий бюджетларга/прогноزلарга асосланган) ҳисоб баҳолари реструктуризация натижасида сарфлар камайтирилишини ва бошқа нафларни акс эттиради; ва
- (б) реструктуризацияга оид келгуси пул маблағлари чиқимларининг ҳисоб баҳолари 37-сон БҲХСга мувофиқ реструктуризация бўйича баҳоланган мажбурият таркибига киритилади.
- Келгуси реструктуризациянинг фойдаланиш қийматини ҳисоблашга таъсири 5 намунавий мисолда акс эттирилган.
- 48 **Ташкilot активнинг фаолият кўрсатишини яхшилайдиган ёки такомиллаштирадиган пул маблағлари чиқимларини сарфлагунга қадар, келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳолари пул маблағлари чиқимлари билан боғлиқ иқтисодий нафларни ўсишидан юзага келиши кутилаётган баҳоланган келгуси пул оқимларини ўз ичига олмайди (6 намунавий мисолга қаранг).**
- 49 **Келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳолари активнинг жорий ҳолатида ундан олиниши кутилаётган иқтисодий нафлар даражасини сақлаш учун зарур бўлган келгуси пул маблағлари чиқимларини ўз ичига олади. Агар пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик турли баҳоланган фойдаланиш муддатларига эга активлардан ташкilot топса ва уларнинг барчаси бирликнинг узлуксиз фаолияти учун муҳим бўлса, бирлик билан боғлиқ келгуси пул оқимларини баҳолашда қисқа фойдали хизмат муддатларига эга активларни алмаштириш бирликни сақлаб туриш бўйича жорий сарфларнинг бир қисми тарзида инobatга олинади. Шу каби, агар алоҳида актив турли баҳоланган фойдали хизмат муддатларига эга компонентлардан ташкilot топса, актив томонидан юзага келадиган келгуси пул оқимларини баҳолашда, қисқа фойдали хизмат муддатларига эга компонентлар билан алмаштириш активни сақлаб туриш бўйича жорий сарфларнинг бир қисми тарзида инobatга олинади.**
- 50 **Келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳолари қуйидагиларни ўз ичига олмаслиги лозим:**
- (а) **молиявий фаолият бўйича пул маблағлари киримлари ёки чиқимлари; ёки**
- (б) **фойда солиғи бўйича пул маблағлари келиб тушиши ёки тўловлар.**
- 51 **Келгуси пул оқимларининг баҳоланиши дисконт ставкаси аниқланадиган усулга мос бўлган фаразларни акс эттиради. Акс ҳолда, айрим фаразларнинг таъсири икки марта ҳисобга олинади ёки инкор этилади. Пулнинг вақт бўйича қиймати баҳоланган келгуси пул оқимларини дисконтлаш орқали инobatга олиниши сабабли, ушбу пул оқимлари молиявий фаолият бўйича пул маблағлари киримлари ёки чиқимларини ўз ичига олмайди. Шу каби, дисконт ставкаси солиқ солингунга қадар аниқланиши сабабли, келгуси пул оқимлари ҳам солиқ солингунга қадар баҳоланади.**

- 52 **Активнинг фойдали хизмат муддати охирида ҳисобдан чиқаришдан олинadиган (ёки тўланадиган) соф пул оқимларининг ҳисоб баҳоси, ташкилот томонидан ўзаро операцияларни амалга оширишни истаган хабардор мустақил томонлар ўртасидаги операцияда активни ҳисобдан чиқаришдан қутилган, баҳоланган ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган суммага тенг.**
- 53 Активнинг фойдали хизмат муддати охирида ҳисобдан чиқаришдан олинadиган (ёки тўланадиган) соф пул оқимларининг ҳисоб баҳоси активнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматига ўхшаш усулда аниқланади, бундан ушбу соф пул оқимларини баҳолашда қуйидаги ҳолатлар мустасно:
- (а) ташкилот фойдали хизмат муддати тугаган ва мазкур активдан фойдаланиш шартларига ўхшаш шароитда фойдаланиладиган шунга ўхшаш активлар бўйича мазкур ҳисоб баҳосини аниқлаш санасидаги нархдан фойдаланади.
 - (б) ташкилот ушбу нархларга умумий инфляция туфайли келгуси нарх ўсишининг таъсирини ҳамда муайян келгуси нарх ўсиши ёки камайишининг таъсирини ҳисобга олиб тузатишлар киритади. Лекин, агар активдан узлуксиз фойдаланишдан юзага келадиган келгуси пул оқимлари ва дисконт ставкаси умумий инфляция таъсирини ўз ичига олмаса, ташкилот ушбу таъсирни ҳисобдан чиқариш бўйича соф пул оқимларининг ҳисоб баҳоларида ҳам инобатга олмайди.
- 53A Ҳаққоний қиймат фойдаланиш қийматидан фарқ қилади. Ҳаққоний қиймат активни нархлашда бозор иштирокчилари қўллаши мумкин бўлган фаразларни акс эттиради. Аксинча, фойдаланиш қиймати ташкилотга хос бўлган омиллар таъсирларини акс эттиради ва уни ташкилотларга умумий ҳолда қўллаб бўлмаслиги мумкин. Масалан, агар қуйида келтирилган омиллар бозор иштирокчиларига маълум бўлмаса, ҳаққоний қиймат уларнинг ҳеч бирини акс эттирмайди:
- (а) активларни гуруҳлаштиришдан олинadиган қўшимча қиймат (масалан, турли жойлардаги инвестиция кўчмас мулкларни портфелини яратиш);
 - (б) баҳоланаётган актив ва бошқа активлар ўртасидаги синергетик таъсир;
 - (в) фақат активнинг жорий мулкдорига хос юридик ҳуқуқлар ёки юридик чекловлар; ва
 - (г) активнинг жорий мулкдорига хос солиқ нафлари ёки солиқ юклари.

Чет эл валютасидаги келгуси пул оқимлари

- 54 Келгуси пул оқимлари улар ҳосил бўладиган валютада баҳоланади ва сўнгра ушбу валюта учун ўринли бўлган дисконт ставкаси орқали дисконтланади. Ташкилот фойдаланиш қийматини ҳисоблаш санасидаги жорий айирбошлаш курсидан фойдаланиб дисконтланган қийматни бир валютадан бошқа валютага ўтказиши.

Дисконтлаш ставкаси

- 55 **Дисконт ставкаси (ставкалари) қуйидагиларнинг жорий бозор баҳоларини акс эттирадиган, солиқ солингунга қадар ставка (ставкалар) бўлиши лозим:**
- (а) **пулнинг вақт бўйича қиймати; ва**
 - (б) **келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳоларига тузатиш киритилмаган, активга хос бўлган рисклар.**
- 56 Пулнинг вақт бўйича қиймати ва рискларнинг активга хос жорий бозор баҳоларини акс эттирадиган ставка, бу агар инвестор ташкилот томонидан активдан олинishi қутилаётган пул оқимларига сумма, муддат ва риск даражаси бўйича эквивалент бўлган пул оқимларини юзага келтириши мумкин бўлган инвестицияни танласа, талаб этиладиган даромадлиликдир. Ушбу ставка ўхшаш активлар бўйича жорий бозор операцияларидан келиб чиқадиган ставка орқали ёки кўриб чиқилаётган активга нисбатан иқтисодий наф ва рисклар жиҳатидан ўхшаш бўлган биржада котировкаланадиган ташкилотга тегишли алоҳида актив (ёки активлар портфелига) эга ташкилот капиталининг тортилган ўртача қиймати орқали баҳоланади. Лекин, активнинг фойдаланиш қийматини баҳолашда қўлланган дисконт ставка(лар)и келгуси пул оқимларининг баҳоланиши бўйича тузатиш рискларини акс эттирмаслиги лозим. Акс ҳолда, айрим фаразларнинг таъсири такрор ҳисобга олинган бўлади.
- 57 Активга хос ставкани бевосита бозор маълумотлари асосида аниқлаш имкони бўлмаса, ташкилот дисконт ставкани баҳолашда муқобилидан фойдаланади. А илова бундай ҳолатларда дисконт ставкани баҳолаш бўйича қўшимча қўрсатма беради.

Қадрсизланишдан зарарни тан олиш ва баҳолаш

- 58 Гудвилдан ташқари алоҳида актив учун қадрсизланишдан зарарларни тан олиш ва баҳолаш талаблари 59-64 бандларда белгиланган. Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар ва гудвил учун қадрсизланишдан зарарларни тан олиш ва баҳолаш 65-108-бандларда кўриб чиқилади.
- 59 **Фақат ва фақат агар активнинг қопланадиган қиймати унинг баланс қийматидан кам бўлса, активнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматига қадар камайтирилиши лозим. Бундай камайиш қадрсизланишдан зарар ҳисобланади.**
- 60 **Қадрсизланишдан зарар бевосита фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим, бундан актив бошқа стандартга мувофиқ (масалан, 16-сон БҲХСдаги қайта баҳолаш моделига мувофиқ) қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олиннадиган ҳолатлар мустасно. Қайта баҳоланган актив бўйича ҳар қандай қадрсизланишдан зарар ушбу бошқа стандартга мувофиқ қайта баҳолаш суммасининг камайиши тарзида ҳисобга олинishi лозим.**
- 61 Қайта баҳоланмаган актив бўйича қадрсизланишдан зарар фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Лекин, қайта баҳоланган актив бўйича қадрсизланишдан зарар қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши суммасидан ошмайдиган даражада бошқа умумлашган даромадда тан олинади. Бундай қайта баҳоланган актив бўйича қадрсизланишдан зарар ушбу актив бўйича қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишини камайтиради.
- 62 **Агар қадрсизланишдан зарарнинг ҳисоб баҳоси у билан боғлиқ активнинг баланс қийматидан катта бўлса, фақат ва фақат агар у бошқа стандарт орқали талаб этилса, ташкилот мажбуриятни тан олиши лозим.**
- 63 **Қадрсизланишдан зарар тан олингандан сўнг, актив учун эскириш (амортизация) суммасига активнинг тугатиш қиймати чегирилган ҳолда (агар мавжуд бўлса) ўзгартирилган баланс қийматини унинг қолган фойдали хизмат муддати мобайнида тизимли равишда тақсимлаш учун келгуси даврларда тузатиш киритилади.**
- 64 Агар қадрсизланишдан зарар тан олинса, ҳар қандай тегишли кечиктирилган солиқ активлари ёки мажбуриятлари 12-сон БҲХСга мувофиқ активнинг ўзгартирилган баланс қийматини унинг солиқ базаси билан таққослаш орқали аниқланади (3 намунавий мисолга қаранг).

Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар ва гудвил

- 65 Актив тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни аниқлашга ва пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларнинг ва гудвилнинг баланс қийматини аниқлашга ва улар бўйича қадрсизланишдан зарарларни тан олишга нисбатан талаблар 66-108-бандларда ва В иловада белгиланган.

Актив тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни аниқлаш

- 66 **Агар актив қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг бирор аломати мавжуд бўлса, қопланадиган қиймат алоҳида актив учун баҳоланиши лозим. Агар алоҳида активнинг қопланадиган қийматини баҳолашнинг имкони бўлмаса, ташкилот актив тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг (активнинг пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлиги) қопланадиган қийматини аниқлаши лозим.**
- 67 Куйидаги ҳолларда алоҳида активнинг қопланадиган қийматини аниқлаш мумкин бўлмайди:
- (а) активнинг фойдаланиш қийматини унинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматига яқин баҳолаш мумкин бўлмаса (масалан, активдан узлуксиз фойдаланишдан келадиган келгуси пул оқимлари аҳамиятсиз деб баҳолаш мумкин бўлмаса); ва
 - (б) актив бошқа активлардан келадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил тарзда пул маблағлари киримларини юзага келтирмаса.

Бундай ҳолатларда, фойдаланиш қиймати ва шу сабабли, қопланадиган қиймат фақат активнинг пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлиги учун аниқланиши мумкин.

Мисол
<p>Қазиб олувчи ташкилот ўзининг қазиб олиш фаолиятини таъминлаш учун хусусий темир йўлига эга. Хусусий темир йўл металл парчалари сифатида чиқинди қиймати бўйича сотилиши мумкин ва у коннинг бошқа активларидан келадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил тарзда пул маблағлари киримларини юзага келтирмайди.</p> <p><i>Хусусий темир йўлнинг қопланадиган қийматини баҳолаш мумкин бўлмайди, чунки унинг фойдаланиш қийматини аниқлашнинг имкони йўқ ва у чиқинди қийматидан эҳтимол фарқ қилади. Шу сабабли, ташкилот хусусий темир йўл тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг, яъни бутун коннинг қопланадиган қийматини баҳолайди.</i></p>

- 68 6-бандда таърифланганидек, активнинг пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлиги бу - бошқа активлар ёки активлар гуруҳларидан келиб тушадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил тарзда пул маблағлари киримларини ҳосил қилувчи энг кичик идентификацияланадиган активлар гуруҳидир. Активнинг пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлигини аниқлаш мулоҳаза юритишни талаб этади. Агар алоҳида актив учун қопланадиган қийматни аниқлаш мумкин бўлмаса, ташкилот аҳамиятли даражада мустақил тарзда пул маблағлари киримларини юзага келтирадиган активларнинг энг кичик жамланмасини аниқлайди.

Мисол
<p>Автобус компанияси тегишли маҳаллий ҳокимият билан тузилган шартнома асосида бешта алоҳида йўналишнинг ҳар бири бўйича минимал хизмат кўрсатишни талаб этадиган хизматларни кўрсатади. Ҳар бир йўналишга ажратилган активлар ва ҳар бир йўналиш бўйича пул оқимлари алоҳида аниқланиши мумкин. Йўналишлардан бири аҳамиятли даражада зарар билан фаолият кўрсатади.</p> <p><i>Ташкилот бирор автобус йўналишини қисқартириши имконига эга бўлмаганлиги сабабли, бошқа активлардан ёки активлар гуруҳларидан келадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил тарзда, аниқланадиган пул маблағлари киримларининг энг қуйи даражаси бўлиб, яхлит бешта йўналиш томонидан юзага келадиган пул маблағлари киримлари ҳисобланади. Ҳар бир йўналиш учун пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик бу яхлит автобус компанияси ҳисобланади.</i></p>

- 69 Пул маблағлари киримлари бу ташкилотга нисбатан ташқи томонлардан олинадиган пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентларининг киримларидир. Активдан (ёки активлар гуруҳидан) келадиган пул маблағлари киримлари бошқа активлардан (ёки активлар гуруҳларидан) келадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлашда, ташкилот турли омилларни, жумладан раҳбарият ташкилотнинг операцияларини (масалан, маҳсулот турлари, бизнеслар, алоҳида жойлашувлари, туманлар ёки худудлар бўйича) қандай назорат қилишини ёки раҳбарият ташкилот активларидан фойдаланишда давом этиши ёки уларни ҳисобдан чиқариши ва операциялари тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартибини кўриб чиқади. Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни аниқлашга мисоллар 1 намунавий мисолда келтирилган.
- 70 Агар актив ёки активлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот учун фаол бозор мавжуд бўлса, ҳатто агар маҳсулот ёки унинг бир қисми ички эҳтиёж учун фойдаланилса ҳам, ушбу актив ёки активлар гуруҳи пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик сифатида аниқланиши лозим. Агар бирор актив ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликдан юзага келадиган пул маблағлари киримлари ички трансферт нархлаш орқали таъсирланса, ташкилот қуйидагиларни баҳолашда мустақил томонлар ўртасидаги операцияларда эришилиши мумкин бўлган раҳбариятнинг келгуси нарх(лар) бўйича энг тўғри ҳисоб баҳосидан фойдаланиши лозим:
- (а) активнинг ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг фойдаланиш қийматини аниқлашда фойдаланилган келгуси пул маблағлари киримлари; ва
 - (б) ички трансферт нархлаш таъсир этган ҳар қандай бошқа активларнинг ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларнинг фойдаланиш қийматини аниқлашда фойдаланилган келгуси пул маблағлари чиқимлари.
- 71 Ҳатто агар актив ёки активлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки унинг бир қисми ташкилотнинг бошқа бирликлари томонидан фойдаланилса ҳам (масалан, ишлаб чиқариш

жараёнининг оралик босқичларидаги маҳсулотлар), агар ташкилот маҳсулотни фаол бозорда сотиши мумкин бўлса, ушбу актив ёки активлар гуруҳи алоҳида пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни ташкил этади. Бунга сабаб, актив ёки активлар гуруҳи бошқа активлардан ёки активлар гуруҳларидан келадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил бўлиши мумкин бўлган пул маблағлари киримларини юзага келтириши мумкин. Бундай пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликка ёки ички трансферт нархлаш таъсир кўрсатган ҳар қандай бошқа активга ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тегишли молиявий бюджетларга/прогноزلарга асосланган маълумотлардан фойдаланишда, ташкилот, агар ички трансферт нархлаш мустақил томонлар ўртасидаги операцияларда эришилиши мумкин бўлган раҳбариятнинг келгуси нархлар бўйича энг тўғри ҳисоб баҳосини акс эттирмаса, ушбу маълумотларга нисбатан тузатишларни амалга оширади.

72 **Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар бир хил актив ёки активлар турлари учун, агар улардаги ўзгариш асосланган бўлмаса, даврлар аро изчил тарзда аниқланиши лозим.**

73 Агар ташкилот активнинг олдинги даврлардаги пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликдан бошқа бирликка тегишли бўлганлигини ёки активнинг пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлиги учун жамланган активлар турлари ўзгарганлигини аниқласа, 130-банд талабига кўра, агар пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик бўйича кадрсизланишдан зарар тан олинса ёки қайта тикланса, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилади.

Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қиймати ва баланс қиймати

74 Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қиймати – пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланиш қийматидан каттаси ҳисобланади. Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қийматини аниқлаш мақсадида, 19-57-бандлардаги “актив”га ҳар қандай ҳавола “пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик”га ҳавола сифатида ўкилади.

75 **Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг баланс қиймати пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қийматини аниқлаш усулига мувофиқ бўлган асосда аниқланиши лозим.**

76 Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг баланс қиймати:

(а) фақат пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка бевосита киритилиши ёки ўринли ва изчил тарзда тақсимланиши мумкин бўлган, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг фойдаланиш қийматини аниқлашда фойдаланиладиган келгуси пул киримларини юзага келтирадиган активларнинг баланс қийматини ўз ичига олади; ва

(б) пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қиймати мажбуриятни инobatга олмаган ҳолда аниқланиши мумкин бўлмаса, ҳар қандай тан олинган мажбуриятнинг баланс қийматини ўз ичига олмайди.

Бунга сабаб, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ва фойдаланиш қиймати пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг бир қисми бўлмаган активларга ва тан олинган мажбуриятларга тегишли пул оқимларини инobatга олмаган ҳолда аниқланади (28 ва 43-бандларга қаранг).

77 Активлар қопланадиган қийматни баҳолаш учун гуруҳлаштирилса, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик таркибига тегишли пул маблағлари киримларини ҳосил қилувчи ёки ҳосил қилишни таъминлайдиган барча активларни киритиш муҳимдир. Акс ҳолда, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик бўйича ҳақиқатда кадрсизланишдан зарар юзага келганда тўлиқ қоплангандек кўриниши мумкин. Айрим ҳолатларда, айрим активлар пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг баҳоланган келгуси пул оқимларини ҳосил қилишда иштирок этишига қарамасдан, улар пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка ўринли ва изчил тарзда тақсимланиши мумкин бўлмайди. Бу гудвил ёки бош офис активлари каби корпоратив активларга нисбатан тўғри бўлиши мумкин. Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни кадрсизланиш тестидан ўтказишда бундай активларни инobatга олиш тартиби 80-103 бандларда тушунтирилган.

78 Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қийматини аниқлашда айрим тан олинган мажбуриятларни инobatга олиш зарур бўлиши мумкин. Бундай ҳолат пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳисобдан чиқарилиши харидордан мажбуриятни тан олишни талаб этганда содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати (ёки унинг бутунлай ҳисобдан чиқаришдан баҳоланган пул оқимлари) – пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг активлари ва мажбуриятларини биргаликда сотишдаги ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган нархидир. Пул

маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг баланс қиймати ва унинг қопланадиган қиймати ўртасидаги ўринли таққослашни амалга ошириш учун, мажбуриятнинг баланс қиймати пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг фойдаланиш қийматини ҳам, унинг баланс қийматини ҳам аниқлашда чегирилади.

Мисол	
	<p>Ташкилот ўзининг казиб олиш фаолиятини амалга ошираётган мамлакат қонунчилигига кўра, мулкдор ўзининг казиб олиш бўйича фаолиятини тугаллаганда эгаллаган ер майдонини қайта тиклаши лозимлиги белгиланган. Қайта тиклаш сарфлари казиб олиш операциялари бошланишидан олдин олиб ташланадиган устки қатламни қайта тиклашни ўз ичига олади. Устки қатламни қайта тиклаш сарфлари бўйича баҳоланган мажбуриятлар устки қатламни олиб ташлаш юзга келган даврларда тан олинган. Баҳоланган мажбурият суммаси коннинг бошланғич қиймати таркибида тан олинган ва унинг фойдали хизмат муддати давомида эскириш ҳисобланади. Қайта тиклаш сарфлари бўйича шартли мажбуриятнинг баланс қиймати 500 п.б.^(а) бўлиб, қайта тиклаш сарфларининг дисконтланган қийматига тенг бўлади.</p> <p>Ташкилот конни кадрсизланиш тестидан ўтказмоқда. Кон учун пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик яхлит коннинг ўзидир. Ташкилотга 800 п.б. атрофидаги нархда конни сотиб олиш бўйича турли таклифлар келиб тушган. Ушбу нарх харидорнинг устки қатламни қайта тиклаш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олишини акс эттиради. Конни ҳисобдан чиқариш сарфлари аҳамиятсиз. Қайта тиклаш сарфларини инобатга олмаган ҳолда, коннинг фойдаланиш қиймати тахминан 1,200 п.б.га тенг. Коннинг баланс қиймати 1,000 п.б.га тенг.</p> <p><i>Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати 800 п.б.га тенг. Ушбу сумма ҳисобга олинган баҳоланган мажбуриятни ҳам назарда тутадиган қайта тиклаш сарфларини инобатга олади. Натижада, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик учун фойдаланиш қиймати қайта тиклаш сарфлари инобатга олингандан сўнг аниқланади ва у 700 п.б.га (1,200 п.б.дан 500 п.б. чегирилган) тенг деб баҳоланади. Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг баланс қиймати 500 п.б.га тенг бўлади, яъни коннинг баланс қийматидан (1,000 п.б.) қайта тиклаш сарфлари бўйича баҳоланган мажбуриятнинг баланс қиймати (500 п.б.) чегирилиши натижасидаги суммага тенг бўлади. Шунинг учун, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қиймати унинг баланс қийматидан юқори бўлади.</i></p>
(а)	Мазкур стандартда монетар суммалар “пул бирлиги (п.б.)”да ифодаланган.

- 79 Амалий сабабларга кўра, айрим ҳолатларда пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қиймати пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг бир қисми бўлмаган активларни (масалан, дебиторлик қарзлари ёки бошқа молиявий активлар) ёки тан олинган мажбуриятларни (масалан, кредиторлик қарзлари, нафақалар ва бошқа баҳоланган мажбуриятлар) инобатга олингандан сўнг аниқланади. Бундай ҳолатларда, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг баланс қиймати ушбу активларнинг баланс қийматига оширилади ва ушбу мажбуриятларнинг баланс қийматига камайтиради.

Гудвил

Гудвилни пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларга тақсимлаш

- 80 Кадрсизланиш тестидан ўтказиш мақсадида, бизнес бирлашувида харид қилинган гудвил харид санасидан бошлаб харид қилувчининг бирлашувдан наф олиши кутилаётган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларининг ҳар бирига ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар гуруҳларига, харид қилувчининг бошқа активлари ёки мажбуриятлари ушбу бирликларга ёки бирликлар гуруҳларига бириктирилган бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, тақсимланиши лозим. Гудвил тақсимланган ҳар бир бирлик ёки бирликлар гуруҳи:
- (а) ички бошқарув мақсадларида гудвил мониторинг қилинадиган, ташкилотнинг энг қуйи даражасини акс эттириши лозим; ва
 - (б) жамлашдан олдин 8-сон МҲХС “Операцион сегментлар”нинг 5-бандида таърифланган операцион сегментдан катта бўлмаслиги лозим.

- 81 Бизнес бирлашуви натижасида тан олинган гудвил бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган бошқа активлардан олинмайдиган келгуси иқтисодий нафларни ифода этадиган, индивидуал тарзда идентификацияланмайдиган ва алоҳида тан олинмайдиган активдир. Гудвил бошқа активлардан ёки активлар гуруҳларидан мустақил тарзда пул оқимларини юзага келтирмайди ва аксарият ҳолларда пул маблағларини ҳосил қилувчи бир нечта бирликларнинг пул оқимларини ҳосил қилишда иштирок этади. Гудвилни айрим ҳолатларда асосли тарзда алоҳида пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларга тақсимлаб бўлмайди, балки фақат пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларнинг гуруҳларига тақсимлаш мумкин. Натижада, ташкилотнинг энг қуйи даражаси гудвил ички бошқарув мақсадларида мониторинг қилинадиган айрим ҳолатларда гудвил тегишли бўлган, аммо у тақсимланиши мумкин бўлмаган, бир қатор пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларни камраб олади. Гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларга нисбатан 83-99 бандлардаги ва В иловадаги хаволалар шунингдек гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларнинг гуруҳига хаволалар сифатида ўқилиши лозим.
- 82 80-банддаги талабларни қўллашда гудвил ташкилот фаолияти бошқарилиши ва гудвилнинг у билан табиий равишда боғлиқ бўлган тарзда акс эттирадиган даражада кадрсизланиш тестидан ўтказилади. Шунинг учун, қўшимча ҳисобот тизимларини ишлаб чиқиш одатда зарур бўлмайди.
- 83 Кадрсизланиш тестидан ўтказиш мақсадида, гудвил тақсимланадиган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик чет эл валютасидаги фойда ёки зарарларни баҳолаш учун 21-сон БҲХС *“Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари”*га мувофиқ гудвил тақсимланадиган даража билан мос келмаслиги мумкин. Масалан, агар ташкилот чет эл валютасидаги фойда ёки зарарларни баҳолаш мақсадида 21-сон БҲХС орқали гудвилни нисбатан қуйи даражаларга тақсимланиши талаб этилса, айнан шу даражада, агар ташкилот ички бошқарув мақсадларида ушбу даражада гудвилни мониторинг қилмаса ҳам, гудвилни кадрсизланиш тестидан ўтказиш талаб этилмайди.
- 84 Агар бизнес бирлашувида харид қилинган гудвилнинг дастлабки тақсимланишини бизнес бирлашуви содир бўлган йиллик даврнинг якунига қадар тугаллаш мумкин бўлмаса, ушбу дастлабки тақсимлаш харид санасидан кейинги биринчи йиллик даврнинг якунига қадар тугалланиши лозим.
- 85 3-сон МҲХС *“Бизнес бирлашувлари”*га мувофиқ, агар бизнес бирлашувини дастлабки ҳисобга олиш, бирлашув содир бўлган давр якунига қадар фақат шартли равишда аниқланиши мумкин бўлса, бизнесни харид қилувчи:
- (а) бирлашувни ушбу шартли қийматлардан фойдаланган ҳолда ҳисобга олади; ва
 - (б) харид санасидан бошлаб ўн икки ойдан ошмайдиган баҳолаш даври ичида дастлабки ҳисобга олишни тугаллаш натижасида ушбу шартли қийматларга нисбатан ҳар қандай тузатишларни тан олади.
- Бундай ҳолатларда, бизнес бирлашуви содир бўлган йиллик даврнинг якунига қадар бирлашувда тан олинган гудвилнинг дастлабки тақсимланишини тугаллаш имконсиз бўлиши мумкин. Агар бундай ҳолат юз берса, ташкилот 133-бандда талаб этилган маълумотларни ёритиб беради.
- 86 Агар гудвил пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тақсимланган бўлса ва ташкилотнинг ушбу бирликка тегишли фаолияти тугатилса, тугатилган фаолият билан боғлиқ гудвил:
- (а) ҳисобдан чиқариш бўйича фойда ёки зарарни аниқлашда фаолиятнинг баланс қийматига киритилиши лозим; ва
 - (б) агар ташкилот бошқа усул қайта ташкил этилган бирлик билан боғлиқ гудвилни яхшироқ акс эттиришини асослай олмаса, тугатилган фаолиятнинг ва пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг сақлаб қолинган қисмининг нисбий қийматлари асосида баҳоланиши лозим.

Мисол

Ташкилот гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг бир қисми бўлган фаолиятни 100 п.б.га сотмоқда. Бирликка тақсимланган гудвил идентификацияланмайди ёки ушбу бирликдан пастроқ даражада актив гуруҳига боғлиқ бўлмайди, бундан асосли бўлган ҳолат мустасно. Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг сақлаб қолинган қисмининг қопланадиган қиймати 300 п.б.га тенг.

Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тақсимланган гудвил идентификацияланмаганлиги ёки ушбу бирликдан пастроқ бўлган даражада актив гуруҳига боғлиқ бўлмаганлиги сабабли, фаолиятга боғлиқ гудвил тугатилган фаолият билан бирликнинг сақлаб қолинган қисмининг

Мисол
<i>нисбий қийматлари асосида баҳоланади. Шунинг учун, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тақсимланган гудвилнинг 25 фоизи сотиладиган фаолиятнинг баланс қийматига киритилади.</i>

- 87 **Агар ташкилот ўзининг ҳисобот тузилмасини қайта ташкил этиши гудвил тақсимланган бир ёки бир нечта пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларнинг таркибини ўзгартирса, гудвил таъсирланган бирликларга қайта тақсимланиши лозим. Бундай қайта тақсимлаш, агар ташкилот қайта ташкил этилган бирлик билан боғлиқ гудвилни яхшироқ акс эттирадиган бошқа усулни кўрсата олмаса, ташкилот пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик ичидаги фаолиятнинг тугатилишида қўллайдиган нисбий қиймат усули каби амалга оширилиши лозим.**

Мисол
<p>Гудвил дастлаб А пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тақсимланган. А бирликка тақсимланган гудвил идентификацияланмайди ёки А бирликдан пастроқ бўлган даражада актив гуруҳига боғлиқ бўлмайди, бундан асосли бўлган ҳолат мустасно. А бирлик бошқа учта пул маблағларини ҳосил қилувчи Б, В ва Г бирликларга бўлиниши ва ўзаро боғланиши лозим.</p> <p><i>А бирликка тақсимланган гудвил А бирликдан пастроқ бўлган даражада идентификацияланмаслиги ёки актив гуруҳига боғлиқ бўлмаганлиги сабабли, у Б, В ва Г бирликларга А бирликнинг учта қисмларининг нисбий қийматлари асосида, ушбу қисмлар Б, В ва Г бирликлар билан ўзаро боғланишидан олдин қайта тақсимланади.</i></p>

Гудвилга эга пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларни қадрсизланиш тестидан ўтказиш

- 88 **81-бандда белгиланганидек, гудвил пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тегишли, лекин у бирликка тақсимланмаган ҳолатда, бундай бирликда қадрсизланиш бўйича бирор аломат мавжуд бўлиши билан, мазкур бирлик ҳар қандай гудвилни ўз ичига олмайдиган баланс қийматини унинг қопланадиган қийматига таққослаш орқали қадрсизланиш тестидан ўтказилиши лозим. Ҳар қандай қадрсизланишдан зарар 104-бандга мувофиқ тан олиниши лозим.**
- 89 Агар 88-бандда тавсифланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг баланс қиймати ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга ёки фойдаланишга тайёр бўлмаган номоддий активни ўз ичига олса ва ушбу актив фақат пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг бир қисми сифатида қадрсизланиш тестидан ўтказилиши мумкин бўлса, 10-бандга кўра, бундай бирликни ҳам ҳар йили қадрсизланиш тестидан ўтказилиши талаб этилади.
- 90 **Гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик ҳар йили, бирликнинг қадрсизланган бўлиши аломати мавжуд бўлиши билан, бирликнинг гудвилни ўз ичига олган баланс қийматини бирликнинг қопланадиган қиймати билан таққослаш орқали қадрсизланиш тестидан ўтказилиши лозим. Агар бирликнинг қопланадиган қиймати бирликнинг баланс қийматидан ортиқ бўлса, бирлик ва ушбу бирликка тақсимланган гудвил қадрсизланмаган деб ҳисобланиши лозим. Агар бирликнинг баланс қиймати бирликнинг қопланадиган қийматидан ортиқ бўлса, ташкилот 104-бандга мувофиқ қадрсизланишдан зарарни тан олиши лозим.**
- 91-95 [Чиқариб ташланган]

Қадрсизланиш тестидан ўтказиш муддатлари

- 96 **Гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик учун йиллик қадрсизланиш тести ҳар йили бир хил вақтда ўтказилиши шарти билан йиллик давр мобайнида ҳар қандай вақтда амалга оширилиши мумкин. Турли пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар қадрсизланиш тестидан турли вақтларда ўтказилиши мумкин. Лекин, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тақсимланган гудвил ёки унинг бир қисми жорий йиллик давр мобайнида бизнес бирлашувида харид қилинган бўлса, ушбу бирлик жорий йиллик даврнинг якунига қадар қадрсизланиш тестидан ўтказилиши лозим.**

- 97 **Агар гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни ташкил этадиган активлар гудвилни қамраб олган бирлик билан бир пайтда қадрсизланиш тестидан ўтказилса, улар гудвилни қамраб оладиган бирликдан олдин қадрсизланиш тестидан ўтказилиши лозим. Шу каби, агар гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар гуруҳини ташкил этадиган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар гудвилни қамраб олган бирликлар гуруҳи билан бир пайтда қадрсизланиш тестидан ўтказилса, алоҳида бирликлар гудвилни қамраб оладиган бирликлар гуруҳидан олдин қадрсизланиш тестидан ўтказилиши лозим.**
- 98 Гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни қадрсизланиш тестидан ўтказиш пайтида, гудвилни қамраб оладиган бирлик ичидаги активнинг қадрсизланганлиги аломати мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, гудвилни қамраб оладиган бирликни қадрсизланиш тестидан ўтказишдан олдин ташкилот дастлаб активни қадрсизланиш тестидан ўтказиши ва қадрсизланишдан зарарни тан олади. Шу каби, гудвилни қамраб оладиган бирликлар гуруҳи ичидаги пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик қадрсизланганлигининг аломати мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, ташкилот гудвил тақсимланган бирликлар гуруҳини қадрсизланиш тестидан ўтказишдан аввал пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни қадрсизланиш тестидан ўтказиши ва ушбу бирлик бўйича қадрсизланишдан зарарни тан олади.
- 99 **Бевосита олдинги даврда гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қийматининг батафсил ҳисоб-китоби қуйидаги мезонларнинг барчаси қаноатлантирилиши шарти билан жорий даврда ушбу бирликни қадрсизланиш тестидан ўтказишда фойдаланилиши мумкин:**
- (а) **бирликни ташкил этадиган активлар ва мажбуриятлар қопланадиган қийматнинг энг сўнгги батафсил ҳисоб-китобидан буён аҳамиятли даражада ўзгармаган;**
 - (б) **энг сўнгги батафсил ҳисоб-китоб натижасига кўра, қопланадиган қиймат бирликнинг баланс қийматидан аҳамиятли даражада ошади; ва**
 - (в) **қопланадиган қийматнинг энг сўнгги ҳисоб-китобидан буён содир бўлган ҳодисалар ва ўзгарган ҳолатлар таҳлиliga асосланган ҳолда, жорий қопланадиган қиймат бирликнинг баланс қийматидан кам бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан йироқ.**

Корпоратив активлар

- 100 Корпоратив активлар ташкилотнинг бош офиси ёки бўлинмасининг биноси, электрон маълумотларни қайта ишлаш ускуналари ёки тадқиқот марказини ўз ичига оладиган гуруҳ ёки бўлинма активларидан иборат бўлади. Ташкилот тузилмаси актив муайян пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик учун мазкур стандартда келтирилган корпоратив активлар таърифига жавоб бериши ёки бермаслигини белгилайди. Корпоратив активларнинг фарқли хусусиятлари шуки, улар бошқа активлар ёки активлар гуруҳларидан мустақил тарзда пул маблағлари киримларини юзага келтирмайди ва уларнинг баланс қийматини кўриб чиқиладиган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тўлиқ киритишнинг имкони бўлмайди.
- 101 Корпоратив активлар алоҳида пул маблағлари киримларини юзага келтирмаслиги сабабли, раҳбарият активни ҳисобдан чиқаришга қарор қилмагунча алоҳида корпоратив активнинг қопланадиган қийматини аниқлаб бўлмайди. Натижада, агар корпоратив активнинг қадрсизланган бўлиши мумкинлиги аломати мавжуд бўлса, корпоратив актив тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар гуруҳи учун қопланадиган қиймат аниқланади ва у ушбу пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар гуруҳининг баланс қиймати билан таққосланади. Ҳар қандай қадрсизланишдан зарар 104-бандга мувофиқ тан олинади.
- 102 **Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни қадрсизланиш тестидан ўтказишда, ташкилот кўриб чиқиладиган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тегишли бўлган барча корпоратив активларни аниқлаши лозим. Агар корпоратив актив баланс қийматининг бир қисми:**
- (а) **ўринли ва изчил тарзда ушбу бирликка тақсимланиши мумкин бўлса, ташкилот бирликка тақсимланган корпоратив активнинг баланс қийматининг бир қисмини ўз ичига оладиган бирликнинг баланс қийматини унинг қопланадиган қиймати билан таққослаши лозим. Ҳар қандай қадрсизланишдан зарар 104-бандга мувофиқ тан олинishi лозим.**
 - (б) **ўринли ва изчил тарзда ушбу бирликка тақсимланиши мумкин бўлмаса, ташкилот:**

- (i) корпоратив активни ўз ичига олмаган бирликнинг баланс қийматини унинг қопланадиган қиймати билан таққослаши лозим ва ҳар қандай қадрсизланишдан зарарни 104-бандга мувофиқ тан олиши лозим;
- (ii) қўриб чиқиладиган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни ўз ичига оладиган ва корпоратив актив баланс қийматининг бир қисми ўринли ва изчил тарзда тақсимланиши мумкин бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларнинг энг кичик гуруҳини аниқлаши лозим; ва
- (iii) ушбу бирликлар гуруҳига тақсимланган корпоратив активнинг баланс қийматининг бир қисмини ўз ичига оладиган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар гуруҳининг баланс қийматини бирликлар гуруҳининг қопланадиган қиймати билан таққослаши лозим. Ҳар қандай қадрсизланишдан зарар 104-бандга мувофиқ тан олиниши лозим.

103 Мазкур талабларни корпоратив активларга нисбатан қўлланиши 8 намунавий мисолда келтирилган.

Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик бўйича қадрсизланишдан зарар

104 Қадрсизланишдан зарар пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик (гудвил ёки корпоратив актив тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларнинг энг кичик гуруҳи) учун фақат ва фақат агар бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) қопланадиган қиймати бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) баланс қийматидан кам бўлса, тан олиниши лозим. Қадрсизланишдан зарар бирлик (бирликлар гуруҳи) активларининг баланс қийматини камайтириш учун куйидаги тартибда тақсимланиши лозим:

- (a) дастлаб, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка (бирликлар гуруҳига) тақсимланган ҳар қандай гудвилнинг баланс қийматини камайтиришга; ва
- (b) сўнгра, бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) бошқа активларига, бирликдаги (бирликлар гуруҳидаги) ҳар бир активнинг баланс қийматига мутаносиб равишда.

Баланс қийматларидаги ушбу камайишлар алоҳида активлар бўйича қадрсизланишдан зарарлар сифатида инобатга олиниши ва 60-бандга мувофиқ тан олиниши лозим.

105 Қадрсизланишдан зарарни 104-бандга мувофиқ тақсимлашда, ташкилот активнинг баланс қийматини куйидагиларнинг энг каттасидан кам бўладиган даражага камайтирмаслиги лозим:

- (a) унинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати (агар баҳолаш имкони бўлса);
- (b) унинг фойдаланиш қиймати (агарда аниқлашнинг имкони бўлса); ва
- (v) нол.

Бошқа ҳолларда активга тақсимланиши мумкин бўлган қадрсизланишдан зарар суммаси бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) бошқа индивидуал активларига мутаносиб равишда тақсимланиши лозим.

106 Агар пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ҳар бир индивидуал активнинг қопланадиган қийматини баҳолаш амалий имконсиз бўлса, мазкур стандарт қадрсизланишдан зарарни ушбу бирликнинг, гудвилдан ташқари активлари ўртасида асосли тақсимланишини талаб этади, чунки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг барча активлари биргаликда фаолият кўрсатади.

107 Агар индивидуал активнинг қопланадиган қийматини аниқлаш мумкин бўлмаса (67-бандга қаранг):

- (a) агар активнинг баланс қиймати унинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ва 104 ва 105-бандларда кўрсатилган тақсимлаш тартибларининг натижалари миқдоридан катта бўлса, актив учун қадрсизланишдан зарар тан олинади; ва
- (b) агар тегишли пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик қадрсизланмаган бўлса, актив учун ҳеч қандай қадрсизланишдан зарар тан олинмайди. Бу ҳатто, агар активнинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан кам бўлганда ҳам қўлланади.

Мисол
<p>Ускуна жисмоний жиҳатдан шикастланган, аммо у шикастланишидан олдинги ҳолатдагидек яхши ишламаса ҳам, ҳануз фойдаланилмоқда. Ускунанинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан кам. Ускуна мустақил тарзда пул маблағлари киримларини юзага келтирмайди. Ускунани ўз ичига олган ва бошқа активлардан келадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил тарзда пул маблағлари киримларини юзага келтирадиган активларнинг ускуна тегишли бўлган энг кичик идентификацияланадиган гуруҳи ишлаб чиқариш линияси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш линиясининг қопланадиган қиймати, ишлаб чиқариш линияси яхлит тарзда кадрсизланмаганлигини кўрсатади.</p> <p>1-Фараз: раҳбарият томонидан тасдиқланган бюджетлар/прогнозлар ускунани алмаштириш бўйича раҳбариятнинг ҳеч қандай нияти мавжуд эмаслигини кўрсатади.</p> <p><i>Ускунанинг қопланадиган қийматининг ўзини баҳолаб бўлмайди, чунки ускунанинг фойдаланиш қиймати:</i></p> <p>(а) унинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматидан фарқ қилиши мумкин; ва</p> <p>(б) фақат ускуна тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик (ишлаб чиқариш линияси) учун аниқланиши мумкин.</p> <p><i>Ишлаб чиқариш линияси кадрсизланмаган. Шунинг учун, ускуна учун ҳеч қандай кадрсизланишдан зарар тан олинмайди. Шунга қарамасдан, ташкилот ускуна учун эскириш даврини ёки эскиришни ҳисоблаш усулини қайта баҳолаши зарур бўлиши мумкин. Эҳтимол, ускунанинг қўтилаётган қолган фойдали хизмат муддатини ёки иқтисодий нафларнинг ташкилот томонидан қўтилаётган истеъмолнинг характерини акс эттириши учун қисқароқ эскириш даври ёки тезкор эскириш ҳисоблаш усули талаб этилиши мумкин.</i></p> <p>2-Фараз: раҳбарият томонидан тасдиқланган бюджетлар/прогнозлар раҳбариятнинг ускунани алмаштириш ва уни яқин келажакда сотиш бўйича нияти мавжудлигини кўрсатади. Ускунани ҳисобдан чиқаргунга қадар ундан уқлуксиз фойдаланиш бўйича пул оқимлари аҳамиятсиз деб баҳоланган.</p> <p><i>Ускунанинг фойдаланиш қийматини унинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматига яқин бўлган ҳолда баҳолаш мумкин. Шунинг учун, ускунанинг қопланадиган қийматини ускуна тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни (яъни ишлаб чиқариш линиясини) ҳисобга олинмаган ҳолда, аниқланиши мумкин. Ускунанинг ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан кам бўлгани туфайли, ускуна учун кадрсизланишдан зарар тан олинади.</i></p>

- 108** 104 ва 105-бандлардаги талаблар қўллангандан сўнг, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик бўйича кадрсизланишдан зарарнинг ҳар қандай қолдиқ суммаси фақат ва фақат агар бу бошқа МҲХС орқали талаб этилса, мажбурият сифатида тан олинishi лозим.

Қадрсизланишдан зарарнинг қайта тикланиши

- 109 Ўтган даврларда актив ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик учун тан олинган кадрсизланишдан зарарни қайта тикланишига нисбатан талаблар 110-116 бандларда белгиланган. Ушбу талабларда “актив” атамасидан фойдаланилади, лекин у индивидуал активга ҳам, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка ҳам тенг қўланади. Қўшимча талаблар индивидуал актив учун 117-121 бандларда, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик учун 122-123 бандларда ва гудвил учун 124 ва 125 бандларда белгиланган.
- 110 Ташкилот ҳар бир ҳисобот даврининг охирига гудвилдан ташқари актив учун ўтган даврларда тан олинган кадрсизланишдан зарар ортиқ мавжуд бўлмаслигининг ёки камайган бўлиши мумкинлигининг бирор аломати мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигини баҳолаши лозим. Агар бундай аломат мавжуд бўлса, ташкилот ушбу активнинг қопланадиган қийматини баҳолаши лозим.
- 111 Гудвилдан ташқари актив учун ўтган даврларда тан олинган кадрсизланишдан зарар ортиқ мавжуд бўлмаслигининг ёки камайган бўлиши мумкинлигининг бирор аломати мавжуд

бўлиши ёки бўлмаслигини баҳолашда, ташкилот камида қуйидаги аломатларни кўриб чиқиши лозим:

Маълумотларнинг ташқи манбалари

- (а) активнинг қиймати давр мобайнида ахамиятли даражада ошганлиги бўйича кузатиладиган аломатларнинг мавжудлиги.
- (б) ташкилот фаолият юритадиган технологик, бозор, ҳуқуқий ёки иктисодий муҳитда ёки актив йўналтирилган бозорда давр мобайнида юз берган ёки яқин келажақда юз берадиган ташкилотга ижобий таъсир кўрсатадиган ахамиятли ўзгаришлар.
- (в) бозор фоиз ставкалари ёки инвестиция даромадлилиги бўйича бошқа бозор ставкалари давр мобайнида камайган ва ушбу камайиш активнинг фойдаланиш қийматини ҳисоблашда қўлланадиган дисконтлаш ставкасига таъсир этиши ҳамда активнинг қопланадиган қийматини муҳим даражада ошириши эҳтимоли мавжудлиги.

Маълумотларнинг ички манбалари

- (г) активдан фойдаланишда ёки ундан қутиллаётган фойдаланиш даражаси ва усулида давр мобайнида юз берган ёки яқин келажақда юз берадиган ташкилотга ижобий таъсир кўрсатадиган ахамиятли ўзгаришлар. Ушбу ўзгаришлар давр мобайнида активдан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш ёки ошириш учун ёки актив тегишли бўлган фаолиятни реструктуризацияси учун қилинган сарфларни ўз ичига олади.
- (д) ички ҳисоботда активнинг иктисодий самарадорлиги қутилганидан ижобий бўлганлигини ёки бўлишини кўрсатадиган далилнинг мавжудлиги.

- 112 111-бандда келтирилган кадрсизланишдан зарардаги потенциал камайишнинг аломатлари умуман олганда 12-банддаги потенциал кадрсизланишдан зарар аломатларининг аксидир.
- 113 Агар гудвилдан ташқари актив учун тан олинган кадрсизланишдан зарар ортиқ мавжуд бўлмаслигининг ёки камайган бўлиши мумкинлигининг бирор аломати мавжуд бўлса, бу қолган фойдали хизмат муддати, эскириш (амортизация) ҳисоблаш усули ёки тугатиш қиймати активга нисбатан ўринли бўлган МҲХСга мувофиқ, ҳатто агар ҳеч қандай кадрсизланишдан зарар актив учун қайта тикланмаса ҳам, қайта кўриб чиқилиши ва тузатишлар киритилиши зарур бўлиши мумкинлигини кўрсатади.
- 114 Агар охирги кадрсизланиш бўйича зарар тан олингандан буён активнинг қопланадиган қийматини аниқлашда фойдаланилган ҳисоб баҳоларида ўзгариш бўлган бўлса, гудвилдан ташқари актив учун ўтган даврларда тан олинган кадрсизланишдан зарар қайта тикланиши лозим. Агар ушбу ҳолат юз берса, активнинг баланс қиймати, 117-бандда келтирилган ҳолатлардан ташқари, унинг қопланадиган қийматига қадар оширилиши лозим. Бундай ошиш кадрсизланишдан зарарнинг қайта тикланиши ҳисобланади.
- 115 Кадрсизланишдан зарарнинг қайта тикланиши ташкилот актив учун кадрсизланишдан зарарни охирги тан олган санадан бошлаб активнинг фойдаланиш орқали ёки сотиш орқали баҳоланган хизмат кўрсатиш потенциалидаги ўсишни акс эттиради. 130-банд ташкилотдан баҳоланган хизмат кўрсатиш потенциалидаги ўсишга сабаб бўладиган ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришни аниқлашни талаб этади. Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) қопланадиган қийматни аниқлаш асосининг ўзгаришини (яъни қопланадиган қиймат ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматга ёки фойдаланиш қийматига асослангани);
 - (б) агар қопланадиган қиймат фойдаланиш қийматига асосланган бўлса, суммадаги ёки баҳоланган келгуси пул оқимларининг вақт бўйича ёки дисконт ставкасидаги ўзгаришни; ёки
 - (в) агар қопланадиган қиймат ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматга асосланган бўлса, ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг компонентлари ҳисоб баҳосидаги ўзгаришни.
- 116 Келгуси пул маблағлари киримларининг дисконтланган қиймати улар яқин бўлган сари ошиши сабабли, активнинг фойдаланиш қиймати активнинг баланс қийматидан ортиқ бўлиши мумкин. Лекин, бунда активнинг хизмат кўрсатиш потенциали ошмаган бўлади. Шунинг учун, кадрсизланишдан зарар, ҳатто агар активнинг қопланадиган қиймати унинг баланс қийматидан ортиқ

бўлиб қолса ҳам, фақат маълум вақт ўтганлиги туфайли қайта тикланмайди (баъзида дисконтнинг “амортизацияси” дейилади).

Индивидуал актив бўйича қадрсизланишдан зарарнинг қайта тикланиши

- 117 Қадрсизланиш бўйича зарарни қайта тикланишига тегишли бўлган гудвилдан ташқари активнинг баланс қийматидаги ўсиш, актив учун олдинги йилларда ҳеч қандай қадрсизланишдан зарар тан олинмаганда аниқланадиган (амортизациядан ёки эскиришдан ҳоли бўлган) баланс қийматидан ошмаслиги лозим.
- 118 Гудвилдан ташқари актив бўйича, ўтган йилларда ҳеч қандай қадрсизланишдан зарар тан олинмаганда аниқланадиган (амортизациядан ёки эскиришдан ҳоли бўлган) баланс қийматидан ошган ўсиш суммаси қайта баҳолаш ҳисобланади. Бундай қайта баҳолашни ҳисобга олишда, ташкилот актив учун қўлланадиган МҲХСни қўллайди.
- 119 Гудвилдан бошқа активнинг қадрсизланишидан зарарнинг қайта тикланиши, агар актив бошқа МҲХС (масалан 16-сон БҲХСдаги қайта баҳолаш усули)га мувофиқ қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олинмаган бўлса, бевосита фойда ёки зарардан тан олинмиши лозим. Қайта баҳоланган актив бўйича қадрсизланишдан зарарнинг ҳар қандай қайта тикланиши ушбу бошқа МҲХСга мувофиқ қайта баҳолашдан ўсиш сифатида инobatта олинмиши лозим.
- 120 Қайта баҳоланган актив бўйича қадрсизланишдан зарарнинг қайта тикланиши бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинади ва қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишини оширади. Лекин, айнан шу қайта баҳоланган актив бўйича фойда ёки зарар таркибида олдин тан олинган қадрсизланишдан зарар суммаси доирасида ушбу қадрсизланишдан зарарнинг қайта тикланиши фойда ёки зарар таркибида тан олинади.
- 121 Қадрсизланишдан зарарнинг қайта тикланиши тан олингандан сўнг, актив учун эскириш (амортизация) суммаси келгуси даврлар учун, (агар мавжуд бўлса) активнинг тугатиш қиймати чегирилган ҳолдаги тузатиш киритилган баланс қийматини унинг қолган фойдали хизмат муддати мобайнида тизимли равишда тақсимланиши лозим.

Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик бўйича қадрсизланишдан зарарнинг қайта тикланиши

- 122 Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик бўйича қадрсизланишдан зарарни қайта тикланиши бирликнинг гудвилдан ташқари активларига уларнинг баланс қийматларига мутаносиб равишда тақсимланиши лозим. Баланс қийматлардаги ушбу ўсишлар индивидуал активлар бўйича қадрсизланишдан зарарларнинг қайта тикланиши сифатида ҳисобга олинмиши ва 119-бандга мувофиқ тан олинмиши лозим.
- 123 Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қадрсизланишидан зарарни қайта тикланишини 122-бандга мувофиқ тақсимлашда, активнинг баланс қиймати қуйидагиларнинг кичигидан ошмаслиги лозим:
- (а) унинг қопланадиган қиймати (агар аниқлашнинг имкони бўлса); ва
 - (б) актив учун олдинги даврларда ҳеч қандай қадрсизланишдан зарар тан олинмаганида аниқланиши мумкин бўлган (амортизация ёки эскириш суммалари чегирилган) баланс қиймати.

Бошқа ҳолларда активга тақсимланиши мумкин бўлган қадрсизланишдан зарарни қайта тиклаш суммаси бирликнинг гудвилдан ташқари бошқа активларига мутаносиб равишда тақсимланиши лозим.

Гудвил бўйича қадрсизланишдан зарарни қайта тикланиши

- 124 Гудвил бўйича тан олинган қадрсизланишдан зарар кейинги даврларда қайта тикланмаслиги лозим.
- 125 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*” ўзида яратилган гудвилни тан олинмишини тақиқлайди. Гудвил бўйича қадрсизланишдан зарар тан олингандан кейинги даврларда ушбу гудвилнинг қопланадиган қийматидаги ҳар қандай ўсиш харид қилинган гудвил бўйича тан олинган қадрсизланишдан зарарнинг қайта тикланиши эмас, балки ўзида яратилган гудвилдаги ўсиш бўлиши эҳтимоли мавжуд.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 126 Ташкилот активларнинг ҳар бир синфи бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) давр мобайнида фойда ёки зарарда тан олинган қадрсизланишдан зарарларнинг суммаси ва ушбу қадрсизланишдан зарарларни ўз ичига оладиган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг моддаси (моддалари);
 - (б) давр мобайнида фойда ёки зарарда тан олинган қадрсизланишдан зарарларнинг қайта тикланиши суммаси ва ушбу қадрсизланишдан зарарлар қайта тикланишини ўз ичига олган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг моддаси (моддалари);
 - (в) давр мобайнида бошқа умумлашган даромадда тан олинган қайта баҳоланган активлар бўйича қадрсизланишдан зарарларнинг суммаси;
 - (г) давр мобайнида бошқа умумлашган даромадда тан олинган қайта баҳоланган активлар бўйича қадрсизланишдан зарарларнинг қайта тикланиши суммаси.
- 127 Активларнинг синфи ўзида характери бўйича ва ташкилот фаолиятида фойдаланилиши жиҳатидан активларнинг гуруҳланишини ўзида акс эттиради.
- 128 126-бандда талаб этилган маълумотлар активлар синфи бўйича ёритиб берилган бошқа маълумотлар билан бирга тақдим этилиши мумкин. Масалан, ушбу маълумотлар 16-сон БҲХС орқали талаб этилган асосий воситаларнинг баланс қийматининг давр боши ва охири ҳолатидаги солиштирмасида акс эттирилиши мумкин.
- 129 8-сон МҲХСга мувофиқ сегмент маълумотларини тақдим этадиган ташкилот ҳар бир ҳисобот сегменти бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) давр мобайнида фойда ёки зарар таркибиди ва бошқа умумлашган даромадда тан олинган қадрсизланишдан зарарларнинг суммаси.
 - (б) давр мобайнида фойда ёки зарарда ва бошқа умумлашган даромадда тан олинган қадрсизланишдан зарарларнинг қайта тикланган суммаси.
- 130 Ташкилот давр мобайнида тан олинган қадрсизланишдан зарарлар ёки қайта тикланган индивидуал актив (жумладан гудвил) ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик учун қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) қадрсизланишдан зарарни тан олиншига ёки қайта тикланишига олиб келган ходисалар ва ҳолатлар.
 - (б) тан олинган ёки қайта тикланган қадрсизланишдан зарар суммаси.
 - (в) индивидуал актив учун:
 - (i) активнинг характери; ва
 - (ii) агар ташкилот 8-сон МҲХСга мувофиқ сегмент маълумотларини тақдим этса, актив тегишли бўлган ҳисобот сегменти.
 - (г) пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик учун:
 - (i) пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг тавсифи (масалан, у ишлаб чиқариш линияси, ишлаб чиқариш заводи, бизнес фаолият, географик ҳудуд ёки 8-сон МҲХСда таърифланган ҳисобот сегменти бўлиши ёки бўлмалиги);
 - (ii) активлар синфи бўйича ва агар ташкилот 8-сон МҲХСга мувофиқ сегмент маълумотларини тақдим этса, ҳисобот сегменти бўйича тан олинган ёки қайта тикланган қадрсизланишдан зарар суммаси; ва
 - (iii) агар пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни аниқлаш учун активларни жамланганда пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қийматининг олдинги ҳисоб баҳосидан (агар мавжуд бўлса) буён ўзгарган бўлса, активларни жамлашнинг жорий ва олдинги усулларининг изоҳи ва пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни аниқлаш усулини ўзгартириш сабаблари;
 - (д) активнинг (пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг) қопланадиган қиймати ва активнинг (пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг) қопланадиган қиймати ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ёки унинг фойдаланиш қийматига тенг бўлишини;

- (е) агар қопланадиган қиймат ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат бўлса, унда ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (i) активнинг ҳаққоний қийматда баҳоланиши (“ҳисобдан чиқариш сарфлари” кузатиладиган бўлиши ёки бўлмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда) тўлиқ олиб борилган ҳаққоний қийматининг иерархия даражасини (13-сон МҲХСга қаранг);
 - (ii) баҳоланган ҳаққоний қиймат ҳаққоний қиймат иерархиясининг 2 ва 3-даражасига киритилганда, ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматни баҳолашда қўлланган баҳолаш модел(лар)и тавсифи. Агар баҳолаш моделида ўзгаришлар юз берса, ташкилот ушбу ўзгаришлар ва унинг сабаб(лар)ини ёритиб бериши лозим; ва
 - (iii) баҳоланган ҳаққоний қиймат ҳаққоний қиймат иерархиясининг 2 ва 3-даражасига киритилганда, ташкилот раҳбарияти томонидан ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматни баҳолашда қўлланган асосий фараз. Асосий фаразлар бу активнинг (пул маблағлари ҳосил қилувчи бирликнинг) қопланадиган қийматига таъсирчан бўлган фаразларни қамраб олади. Агар ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат дисконтланган қиймат модели бўйича баҳоланса, унда ташкилот шунингдек жорий ва олдинги баҳолашда қўлланган дисконт ставкаси (ставкалари) тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- (ж) агар қопланадиган қиймат фойдаланиш қийматига тенг бўлса, фойдаланиш қийматини жорий ҳисоб баҳосида ва олдинги ҳисоб баҳосида (агарда мавжуд бўлса) қўлланган дисконт ставкаси (ставкалари).
- 131 Ташкилот 130-бандга мувофиқ маълумотлар ёритиб берилмаган давр мобайнида тан олинган жамғарилган кадрсизланишдан зарарлар ва кадрсизланишдан зарарларнинг жамғарилган қайта тикланишлари бўйича қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) кадрсизланишдан зарарлар таъсир қўрсатган активларнинг асосий синфлари ва кадрсизланишдан зарарлар қайта тикланган активларнинг асосий синфлари;
 - (б) ушбу кадрсизланишдан зарарларни ва кадрсизланиш бўйича зарарларнинг қайта тикланишини тан олиншига олиб келган асосий ҳодисалар ва ҳолатлар.
- 132 Ташкилот активларнинг (пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларнинг) қопланадиган қийматини аниқлашда фойдаланилган фаразларни ёритиб бериши маъқулланади. Лекин, агар гудвил ёки ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий актив бирликнинг баланс қийматига киритилган ҳолатларда, 134-банд ташкилот томонидан пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларнинг қопланадиган қийматини баҳолашда қўлланган ҳисоб баҳолари тўғрисидаги маълумотларни ёритиб берилишини талаб этади.
- 133 Агар 84-бандга мувофиқ, давр мобайнида бизнес бирлашувида харид қилинган гудвилнинг бирор қисми ҳисобот даври якунига пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка (бирликлар гуруҳига) тақсимланмаган бўлса, тақсимланмаган гудвилнинг суммаси ва ушбу суммани тақсимланмасдан қолганининг сабаблари ёритиб берилиши лозим.

Гудвил ёки ноаниқ фойдаланиш муддатига эга номоддий активларни қамраб олган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларнинг қопланадиган қийматларини баҳолашда қўлланган ҳисоб баҳолари

- 134 Ташкилот гудвилнинг ёки ноаниқ фойдаланиш муддатига эга номоддий активлар баланс қийматининг уларнинг умумий баланс қийматига нисбатан аҳамиятли қисми бирликка (бирликлар гуруҳига) тақсимланганда, хар бир шундай пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик (бирликлар гуруҳи) бўйича (а)-(е) кичик бандларда талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) бирликка (бирликлар гуруҳига) тақсимланган гудвилнинг баланс қиймати.
 - (б) бирликка (бирликлар гуруҳига) тақсимланган ноаниқ фойдаланиш муддатига эга номоддий активларнинг баланс қиймати.

- (e) агар раҳбарият бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) қопланадиган қийматини аниқлашда таянган асосий фараздаги ўзгариш бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) баланс қийматини унинг қопланадиган қийматидан ўсишига сабаб бўлса:
- (i) бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) қопланадиган қийматининг унинг баланс қийматидан ошган суммаси.
 - (ii) асосий фаразга нисбатан белгиланган қиймат.
 - (iii) бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) қопланадиган қиймати унинг баланс қийматига тенг бўлиши учун, қопланадиган қийматни баҳолаш учун қўлланадиган асосий фаразга нисбатан белгиланган қийматнинг, бундай ўзгариш бошқа ўзгарувчиларга кейинги таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўзгариши шарт бўлган сумма.
- 135 Агар гудвилнинг ёки ноаниқ фойдаланиш муддатига эга номоддий активларнинг баланс қиймати ёки унинг бир қисми бир нечта пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларга (бирликлар гуруҳларига) тақсимланган бўлса ва ушбу сумма ҳар бир бирликка (бирликлар гуруҳига) тақсимланган гудвил ёки ноаниқ фойдаланиш муддатига эга номоддий активларнинг жами баланс қийматига таққослаганда аҳамиятли бўлмаса, ушбу факт бирликларга (бирликлар гуруҳларига) тақсимланган гудвил ёки ноаниқ фойдаланиш муддатларига эга номоддий активларнинг жамланган баланс қийматларини ёритиб берилиши лозим. Шу билан бирга, агар ушбу бирликлар (бирликлар гуруҳлари) бирортасининг қопланадиган қиймати аynи асосий фараз(лар)га асосланган бўлса ва улар ўртасида тақсимланган гудвил ёки ноаниқ фойдаланиш муддатига эга номоддий активлари бўйича жамланган баланс қиймати ташкилотнинг гудвил ёки ноаниқ фойдаланиш муддатига эга номоддий активлари бўйича жами баланс қийматига таққослаганда аҳамиятли бўлса, ташкилот ушбу маълумотни қуйидагилар билан бирга ёритиб бериши лозим:
- (a) гудвилнинг ушбу бирликларга (бирликлар гуруҳларига) тақсимланган жамланган баланс қиймати.
 - (b) ноаниқ фойдаланиш муддатларига эга номоддий активларнинг ушбу бирликларга (бирликлар гуруҳларига) тақсимланган жамланган баланс қиймати.
 - (b) асосий фараз(лар)нинг тавсифи.
 - (г) ҳар бир асосий фараз асосида қиймат(лар)ни аниқлаш бўйича раҳбарият ёндашувининг изоҳи, ушбу қиймат(лар) олдинги тажрибани акс эттириши ёки, ўринли бўлса, маълумотларнинг ташқи манбалари билан мувофиқлиги ва агар мувофиқ бўлмаса, қай даражада ва нима учун улар олдинги тажрибадан ёки маълумотларнинг ташқи манбаларидан фарқ қилиши тавсифи;
 - (д) агар асосий фараз(лар)даги мумкин бўлган ўринли ўзгариш бирликларнинг (бирликлар гуруҳларининг) жамланган баланс қиймати уларнинг жамланган қопланадиган қийматидан ошишига сабаб бўлса:
 - (i) бирликларнинг (бирликлар гуруҳларининг) жамланган қопланадиган қиймати уларнинг жамланган баланс қийматидан ошган суммаси.
 - (ii) асосий фараз(лар)га нисбатан белгиланган қиймат(лар).
 - (iii) бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) жамланган қопланадиган қиймати унинг жамланган баланс қийматига тенг бўлиши учун, қопланадиган қийматни баҳолаш учун қўлланадиган асосий фаразга нисбатан белгиланган қийматнинг, бундай ўзгариш бошқа ўзгарувчиларга кейинги таъсирини ҳисобга олаган ҳолда ўзгариши шарт бўлган сумма.
- 136 24 ёки 99-бандларга мувофиқ олдинги даврда пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик (бирликлар гуруҳи) қопланадиган қийматининг энг сўнги батафсил ҳисоб-китоби кейинги даврларга ўтказилиши ва белгиланган мезонларга жавоб берганда ушбу бирликни (бирликлар гуруҳини) кадрсизланиш тестидан ўтказишда фойдаланилиши мумкин. Бундай ҳолат қайд этилса, 134 ва 135-бандларга мувофиқ ёритиб бериладиган маълумотларга киритиладиган бундай бирлик (бирликлар гуруҳи) бўйича маълумот қопланадиган қийматнинг кейинги даврларга ўтказилган ҳисоб-китоб натижаларига тегишли бўлади.
- 137 134 ва 135 бандларда ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар 9 намунавий мисолда акс эттирилган.

Ўтиш қоидалари ва кучга кириш санаси

- 138 [Чиқариб ташланган]
- 139 Ташкилот мазкур стандартни қуйидагиларга нисбатан қўллаши лозим:
- (а) келишув санаси 2004 йил 31 март ёки ундан кейинги бизнес бирлашувларида харид қилинган гудвил ва номоддий активларга; ва
- (б) 2004 йил 31 март ёки ундан кейин бошланадиган биринчи йиллик даврнинг бошидан перспектив тарзда барча бошқа акивларга.
- 140 139-банд қўлланадиган ташкилотлар мазкур стандарт талабларини 139-бандда кўрсатилган кучга кириш санасидан олдин қўллаши мақулланади. Лекин, агар ташкилот мазкур стандартни кўрсатилган кучга кириш санасидан олдин қўлласса, у ҳолда ташкилот бир вақтнинг ўзида 3-сон МҲХС ва 38-сон БҲХС (2004 йил таҳрири)ни ҳам қўллаши лозим.
- 140А 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиши*” (2007 йил таҳрири) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамаларга ўзгартириш киритилган. Шунингдек, у бўйича 61, 120, 126 ва 129 бандларга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласса, ушбу ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 140Б 3-сон МҲХС (2008 йил таҳририда) бўйича 65, 81, 85 ва 139 бандларга ўзгартиришлар киритилган, 91-95 ва 138 бандлар чиқариб ташланган ва В илова киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 3-сон МҲХС (2008 йил таҳририда)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 140В 2008 йил май ойида эълон қилинган “*МҲХСларга такомиллаштиришлар*”га асосан 134-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агарда ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 140Г 2008 йил май ойида эълон қилинган “*Шўба ташкилотидаги, биргаликдаги назорат қилинадиган ташкилотдаги ёки таъсир остидаги ташкилотдаги инвестиция қиймати*” (1-сон МҲХС “*Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш*” ва 27-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 12(ж) банд киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот 27-сон БҲХСнинг 4 ва 38А бандларидаги тегишли ўзгаришларни олдинги давр учун қўлласса, у бир вақтнинг ўзида 12(ж) банддаги ўзгаришни қўллаши лозим.
- 140Д 2009 йилнинг апрел ойида эълон қилинган “*МҲХСларга такомиллаштиришлар*”га асосан 80(б) бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришни 2010 йил 1 январдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун перспектив тарзда қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агарда ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 140Е [Чиқариб ташланган]
- 140Ё [Чиқариб ташланган]
- 140Ж 2011 йилнинг май ойида эълон қилинган 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХСга асосан 4 банд, 12(ж) банд юқорисидаги сарлавҳа ва 12(ж) бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХСлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 140З 2011 йилнинг май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХСга асосан 5, 6, 12, 20, 22, 28, 78, 105, 111, 130 ва 134 бандларга ўзгартириш киритилган, 25-27 бандлар чиқариб ташланган ва 53А банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 140И 2011 йилнинг май ойида 130 ва 134 бандларга ва 138 банд юқорисидаги сарлавҳага ўзгартириш киритилган. Ушбу ўзгартиришлар ташкилот томонидан 2014 йил 1 январ ва ундан кейинги даврлардан бошлаб ретроспектив тарзда қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Ташкилот бир вақтнинг ўзида 13-сон МҲХСни қўлламаган даврлар (шу жумладан қиёсий даврлар) учун ушбу ўзгаришларни қўлламаслиги лозим.
- 140Й [Чиқариб ташланган]

- 140К 2014 йил майда эълон қилинган 15-сон МҲҲС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*”га асосан 2 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲҲС билан биргаликда қўллаши лозим
- 140Л 2014 йилнинг июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲҲСга асосан 2, 4 ва 5 бандларга ўзгартириш киритилган ва 140Е, 140Ё ва 140Й бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲҲС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 140М [*Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутуди ва шунинг учун ушбу тахрирда келтирилмаган*]

36-сон БҲҲСнинг (1998 йил тахрири) ўз кучини йўқотиши

- 141 Мазкур стандарт 36-сон БҲҲС “*Активларнинг қадрсизланиши*” (1998 йил тахрири)ни ўрнини эгаллайди.

А илова

Фойдаланиш қийматини баҳолашда дисконтланган қийматни аниқлаш усулларидан фойдаланиш

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир. У фойдаланиш қийматини баҳолашда дисконтланган қийматни аниқлаш усулларидан фойдаланиш бўйича кўрсатма беради. Кўрсатмада «актив» атамасидан фойдаланилишига қарамасдан, у пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни ташиқил этадиган активлар гуруҳига нисбатан тенг маънода қўлланади.

Дисконтланган қийматни баҳолашнинг компонентлари

- A1 Куйидаги элементлар биргаликда активлар ўртасидаги иқтисодий фарқларни акс эттиради:
- (а) ташкилот томонидан активдан олинishi кутилаётган келгуси пул оқимларининг ёки мураккаброқ ҳолларда, келгуси пул оқимлари серияларининг ҳисоб баҳолари;
 - (б) ушбу пул оқимларининг суммаси ёки вақт бўйича эҳтимолий ўзгаришларга оид кутишлар;
 - (в) рискдан ҳоли жорий бозор ставкаси орқали акс этирилган пулнинг вақт қиймати;
 - (г) активга хос бўлган ноаниқлик билан боғлиқ нарх; ва
 - (д) ташкилот томонидан активдан олинishi кутилган келгуси пул оқимларини нархини аниқлашда бозор иштирокчилари акс эттирадиган бошқа, баъзида идентификацияланмайдиган, омиллар (масалан, ноликвидлик).
- A2 Мазкур илова дисконтланган қийматни ҳисоблашнинг икки ёндашувини таққослайди ва уларнинг ҳар бири вазиятдан келиб чиқиб активнинг фойдаланиш қиймати ҳисоб баҳосини аниқлашда фойдаланилиши мумкин. Анъанавий ёндашувга мувофиқ, дисконт ставка A1 бандда келтирилган (б)–(д) омиллар ҳисобга олинган тузатишларни ўз ичига олади. Кутилаётган пул оқими ёндашувига мувофиқ, кутилаётган пул оқимлари ҳисоб баҳосига рискларни ҳисобга олаган ҳолда, (б), (г) ва (д) кичик бандлардаги омиллар асосида тузатиш киритилишига сабаб бўлади. Ташкилот келгуси пул оқимларининг суммасида ёки вақт қийматида эҳтимолий ўзгаришлар бўйича кутишларни акс этириш учун қайси ёндашувни танлашдан қатъий назар, натижа келгуси пул оқимларининг кутилган дисконтланган қиймати, яъни барча эҳтимолий натижаларнинг тортилган ўртачасини акс эттирган бўлиши лозим.

Умумий тамойиллар

- A3 Келгуси пул оқимлари ва фоиз ставкалари ҳисоб баҳоларини аниқлаш учун фойдаланиладиган ёндашувлар муайян активни қамраб олган ҳолатларга боғлиқ тарзда вазиятга қараб ўзгаради. Лекин, активларни баҳолашда дисконтланган қиймат ёндашувларини қўлланиши куйидаги умумий тамойилларга асосланади:
- (а) пул оқимларини дисконтлашда қўлланган фоиз ставкалари, баҳоланган пул оқимларига хос бўлган фаразларга мос фаразларни акс эттириши зарур. Акс ҳолда, айрим фаразларнинг таъсири икки марта ҳисобга олинади ёки инкор этилади. Масалан, 12 фоизлик дисконт ставкаси олинadиган қарз бўйича шартномавий пул оқимларига нисбатан қўлланиши мумкин. Ушбу ставка муайян хусусиятларга эга қарзларнинг келгуси дефолтлари бўйича кутишларни акс эттиради. Айнан шу 12 фоиз кутилаётган пул оқимлари дисконтлашда фойдаланилмаслиги зарур, чунки ушбу пул оқимлари аллақачон келгуси дефолтлар бўйича фаразларни акс эттиради.
 - (б) пул оқимлари ва дисконт ставкалари ҳисоб баҳолари муайян активга боғлиқ бўлмаган омиллар ва ноҳолисликлардан ҳоли бўлиши зарур. Масалан, активнинг келгуси рентабеллигини ошириш мақсадида соф пул оқимларининг ҳисоб баҳоларини қасдан камайтириб акс эттириш баҳолашда ноҳолисликни намоён этади.
 - (в) пул оқимлари ва дисконт ставкалари бўйича ҳисоб баҳолари ягона эҳтимоли юқори бўлган минимум ёки максимум эҳтимолий суммани эмас, балки эҳтимолий натижаларнинг қўламини акс эттириши зарур.

Дисконтланган қийматга нисбатан анъанавий ва кутилаётган пул оқими ёндашувлари

Анъанавий ёндашув

- A4 Дисконтланган қийматнинг бухгалтерия ҳисобида қўллаш анъанавий тарзда баҳоланган пул оқимларининг ягона баҳоси ва ягона дисконт ставкасини қўллашга асосланган ва бу одатда “ристка мос ставка” сифатида тавсифланган. Анъанавий ёндашув ягона дисконт ставкаси қўлланиши келгуси пул оқимлари бўйича барча кутишлар ва ўринли риск мукофотлари ҳисобга олиниши мумкинлигини назарда тутди. Шунинг учун, анъанавий ёндашувда асосий эътибор дисконт ставкани танлашга қаратилади.
- A5 Баъзи ҳолатларда, масалан қиёслаш мумкин бўлган активлар бозорда кузатилиши мумкин бўлган ҳолатларда, анъанавий ёндашувни қўллаш нисбатан қулай ҳисобланади. Шартномавий пул оқимларига эга активлар учун, бозор иштирокчилари активларни “12 фоизлик облигация”дагидек тавсифлашига мувофиқ бўлади.
- A6 Лекин, анъанавий ёндашув қиёслаш учун ҳеч қандай бозор мавжуд бўлмаган номолиявий активларни баҳолаш каби мураккаб вазиятларни ўринли тарзда инобатга олмаслиги мумкин. “Риска мос ставка”ни тегишли тарзда излаш камида иккита модданинг – бозорда мавжуд бўлган ва кузатиладиган фоиз ставкасига эга активнинг ва баҳоланадиган активнинг таҳлилини талаб этади. Баҳоланаётган пул оқимлари учун ўринли дисконт ставкаси ушбу бошқа актив учун кузатиладиган фоиз ставкасидан келиб чиқиб аниқланиши лозим. Бундай ставкани аниқлаш учун, бошқа актив пул оқимларининг хусусиятлари баҳоланаётган актив пул оқимларининг хусусиятларига ўхшаш бўлиши шарт. Шунинг учун, баҳоловчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт:
- (а) дисконтланадиган пул оқимлари тўпламини идентификациялаш;
 - (б) бозорда ўхшаш пул оқими хусусиятларига эга бўлган бошқа активни аниқлаш;
 - (в) иккита модданинг пул оқими тўпламлари ўхшашлигига ишонч ҳосил қилиш учун қиёслаш (масалан, иккала тўплам ҳам шартномавий пул оқимларими ёки бири шартномавий ва бошқаси баҳоланган пул оқимими?);
 - (г) бир моддада мавжуд жиҳат бошқасида мавжуд эмаслигини баҳолаш(масалан, бири бошқасига нисбатан кам ликвидлими?); ва
 - (д) иккала пул оқимининг тўплами ҳам иқтисодий муҳит ўзгарганда бир хил тарзда тебраниш (яъни, фарқ қилиш) эҳтимоли мавжудлигини баҳолаш.

Кутилаётган пул оқимлари ёндашуви

- A7 Кутилаётган пул оқимлари ёндашуви, айрим шароитларда, анъанавий ёндашувга нисбатан самаралироқ ҳисоблаш инструментиدير. Баҳолашни амалга оширишда, кутилаётган пул оқимлари ёндашуви ягона энг юқори эҳтимолли пул оқимлари ўрнига эҳтимолий пул оқимлари бўйича барча кутилишлардан фойдаланади. Масалан, 100 п.б, 200п.б ёки 300 п.б пул оқимларига мос равишда 10 фоиз, 60 фоиз ва 30 фоиз эҳтимолликлар мавжуд. Кутилаётган пул оқимлари 220 п.б.га тенг. Шунинг учун, кутилаётган пул оқимлари ёндашуви қўриб чиқиладиган пул оқимларини бевосита таҳлил қилишга ва баҳолашда фойдаланиладиган фаразларнинг аниқроқ таҳлилига асосий эътиборни қаратиши орқали анъанавий ёндашувдан фарқ қилади.
- A8 Шунингдек, кутилаётган пул оқимлари ёндашуви пул оқимлари вақт қиймати ноаниқ бўлган пайтда дисконтланган қиймат ёндашувидан фойдаланиш имконини беради. Масалан, 1,000 п.б.га тенг пул оқими бир йилда, икки йилда ёки уч йилда мос равишда 10 фоиз, 60 фоиз ва 30 фоиз эҳтимоллик билан олиниши мумкин. Қуйида келтирилган мисол ушбу ҳолатда кутилган дисконтланган қийматни ҳисоблашни акс эттиради.

5% ставка билан бир йилдан кейин олинадиган 1,000п.б.нинг дисконтланган қиймати	952.38 п.б.	
Эҳтимоллик	<u>10,00%</u>	95.24 п.б.
5.25% ставка билан икки йилдан кейин олинадиган 1,000 п.б.нинг дисконтланган қиймати	902.73 п.б.	
Эҳтимоллик	<u>60,00%</u>	541.64 п.б.

	5.50% ставка билан уч йилдан кейин олинадиган 1,000 п.б.нинг дисконтланган қиймати	851.61 п.б.	
	Эҳтимоллик	<u>30,00%</u>	<u>255.48 п.б.</u>
	Кутилаётган дисконтланган қиймат		<u>892.36 п.б.</u>
A9	892.36 п.б.га тенг кутилаётган дисконтланган қиймат анъанавий ёгдашувга мувофиқ 902.73 п.б.га тенг (60 фоиз эҳтимол) энг тўғри баҳосидан фарқ қилади. Ушбу мисолда қўлланган анъанавий дисконтланган қийматни ҳисоблаш ёндашуви пул оқимларининг вақт бўйича эҳтимолий тақсимланишининг вариантлари тўғрисидаги қарорни қабул қилишни назарда тутди ва ўз навбатида, бошқа вақт бўйича тақсимланишларнинг эҳтимолларини акс эттирмайди. Чунки, анъанавий дисконтланган қийматни ҳисоблашдаги дисконт ставкаси вақт бўйича тақсимлашдаги ноаниқликларни акс эттирмайди.		
A10	Эҳтимолликдан фойдаланиш кутилаётган пул оқимлари ёндашувининг муҳим жиҳатидир. Баъзилар юқори даражадаги субъектив баҳоларга нисбатан эҳтимолликни белгилаш ҳақиқатдагидан кўра юқорироқ аниқликни белгилашига шубҳа билан қарайди. Лекин, анъанавий ёндашувнинг тўғри қўлланиши (А6 бандда изоҳлангандек) кутилаётган пул оқимлари ёндашуви каби ҳисоб-китобларда шаффоликни таъминламаган ҳолда ҳисоб баҳоларини ва субъективликни талаб этади.		
A11	Амалиётда қўлланадиган кўп ҳисоб баҳолари кутилаётган пул оқимларининг жиҳатларини норасмий тарзда камраб олади. Шу билан бирга, бухгалтерлар кўп ҳолларда кутилаётган пул оқимларининг эҳтимоллари бўйича чекланган маълумотлардан фойдаланиш орқали активни баҳолашларига тўғри келади. Масалан, бухгалтер қуйидаги ҳолатларга дуч келиши мумкин:		
	(а)	баҳоланган сумма 50 п.б. ва 250 п.б.оралиғида бўлади, аммо мазкур оралиқда муайян сумманинг бошқа ҳар қандай суммадан эҳтимоли юқорироқ эмас. Ушбу чекланган маълумотларга асосланган ҳолда, кутилаётган пул оқимлари баҳоси $150 \text{ п.б. } [(50 + 250)/2]$ га тенг бўлади.	
	(б)	баҳоланган сумма 50 п.б. ва 250 п.б. оралиғида бўлиб, энг юқори эҳтимолли сумма 100 п.б.га тенг бўлади. Лекин, ҳар бир суммага тегишли эҳтимолликлар аниқ эмас. Ушбу чекланган маълумотларга асосланган ҳолда, кутилаётган пул оқимлари баҳоси $133.33 \text{ п.б. } [(50 + 100 + 250)/3]$ га тенг бўлади.	
	(в)	баҳоланган сумма 50 п.б. (10 фоиз эҳтимоллик билан), 250 п.б. (30 фоиз эҳтимоллик билан), ёки 100 п.б. (60 фоиз эҳтимоллик билан) ташкил этади. Ушбу чекланган маълумотларга асосланган ҳолда, кутилаётган пул оқимлари баҳоси $140 \text{ п.б. } [(50 \times 0.10) + (250 \times 0.30) + (100 \times 0.60)]$ га тенг бўлади.	
	Ҳар бир ҳолатда, кутилаётган пул оқимлари баҳоси, алоҳида олинган минимум, энг юқори эҳтимолли ёки максимум суммасига нисбатан фойдаланиш қийматининг энг тўғри ҳисоб баҳоси бўлиши мумкин.		
A12	Кутилаётган пул оқимлари ёндашувини қўллаш бунинг учун амалга ошириладиган сарфларни оқламаслиги мумкин. Баъзи ҳолатларда, ташкилот кенг қўламдаги маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши ва пул оқимларининг турли сценарийларини ишлаб чиқиши мумкин. Бошқа ҳолатларда, ташкилот аҳамиятли сарфларни амалга оширмасдан, пул оқимларидаги ўзгарувчанлик диапазонини умумий баҳолаш имконига эга бўлиши мумкин. Ташкилот кўшимча маълумотларга эга бўлиш сарфлари билан ушбу маълумот таъминлайдиган кўшимча баҳолашнинг ишончлилиги ўртасидаги мувозанатни ўрганиши лозим.		
A13	Баъзилар кутилаётган пул оқимлари ёндашуви битта моддани ёки эҳтимолий натижалар миқдори чекланган моддани баҳолаш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди. Улар иккита эҳтимолий натижага эга активни мисол сифатида келтиради: пул оқими 10 п.б.га тенг бўлиш эҳтимоли 90 фоиз ва пул оқими 1,000 п.б.га тенг бўлиш эҳтимоли 10 фоиз. Улар ушбу мисолда кутилган пул оқими 109 п.б.га тенг бўлишини кузатадилар ва ушбу натижа якуний тўланиши мумкин бўлган суммаларни бирортасини акс эттирмаслигини танқид қиладилар.		
A14	Юқоридагиларга ўхшаш таъкидлар баҳолашнинг фундаментал мақсадига номувофиқдир. Агар мақсад амалга ошириладиган сарфларни жамлаш бўлса, кутилаётган пул оқимлари кутилаётган сарфларнинг баҳосини ишончлилиги ва репрезентативлигини таъминламаслиги мумкин. Лекин, мазкур стандарт активнинг қопланадиган қийматини баҳолаш билан боғлиқ. Ушбу мисолда активнинг қопланадиган қиймати, ҳаттоки у энг юқори эҳтимолли пул оқими бўлса ҳам, 10 п.б. бўлмаслик эҳтимоли мавжуд. Бунга сабаби, 10 п.б.га тенг баҳолаш суммаси активни баҳолашдаги пул оқимининг ноаниқлигини ўз ичига олмайди. Бунинг ўрнига, ноаниқ пул оқими аниқ пул оқими		

сифатида акс эттирилган. Ҳеч қайси бир ташкилот ушбу хусусиятларга эга активни 10 п.га сотмаган бўлар эди.

Дисконтлаш ставкаси

- A15 Ташкилот активнинг фойдаланишдаги қийматини баҳолаш учун қайси ёндашувни танлашидан қатъий назар, пул оқимларини дисконтлашда фойдаланиладиган фоиз ставкалари баҳоланган пул оқимларида ҳисобга олинган рискларни акс эттирмаслиги зарур. Акс ҳолда, айрим фаразларнинг таъсири такрор ҳисобга олинган бўлади.
- A16 Агар активга хос ставкани бевосита бозор маълумотлари асосида олишнинг имкони бўлмаса, ташкилот дисконт ставкасини баҳолашда ўриндошларидан фойдаланади. Бундан мақсад қуйидагиларнинг бозор баҳосини имкон қадар аниқ баҳолашдир:
- (а) активнинг фойдали хизмат муддати якунига қадар бўлган даврлар учун пулнинг вақт қиймати; ва
 - (б) А1 бандда келтирилган (б), (г) ва (д) банддаги омиллар, бунда ушбу омиллар пул оқимларининг ҳисоб баҳоларига тузатишлар киритилишига олиб келмайдиган даражада.
- A17 Бундай баҳолашни амалга оширишда бошланғич нуқта сифатида, ташкилот қуйидаги ставкаларни инобатга олиши мумкин:
- (а) капитал активларни қийматини аниқлаш модели орқали аниқланган ташкилот капиталининг ўртача тортилган қиймати;
 - (б) ташкилотнинг қўшимча қарзларни жалб қилиш ставкаси; ва
 - (в) бозорнинг қарз бўйича бошқа ставкалари.
- A18 Лекин, ушбу ставкалар қуйидаги мақсадларда тузатилиши шарт:
- (а) бозор активнинг баҳоланган пул оқимларига боғлиқ бўлган муайян рискларни баҳолаши мумкин бўлган усулни акс эттириш учун; ва
 - (б) активнинг баҳоланган пул оқимларига нисбатан ўринли бўлмаган ёки баҳоланган пул оқимларида ҳисобга олинган рискларни инобатга олмаслик учун.
- Мамлакат rischi, валюта rischi ва нарх rischi каби рисклар ҳисобга олиниши лозим.
- A19 Дисконт ставкаси ташкилотнинг капитал тузилмасидан ва активни сотиб олишни молиялаштириш усулига боғлиқ эмас, чунки активдан юзага келиши кутилаётган келгуси пул оқимлари ташкилотнинг активни сотиб олишни молиялаштириш усулига боғлиқ эмас.
- A20 55 банд дисконт ставкаси солиқ солингунга қадар ставка бўлишини талаб этади. Шу туфайли, дисконт ставкасини баҳолашда фойдаланилган асос солиқ солингандан кейинги ставка асос қилиб олинган бўлса, ушбу ставка солиқ солингунга қадар бўлган асосга ўзгартирилади.
- A21 Ташкилот одатда активнинг фойдаланиш қийматини баҳолаш учун ягона дисконт ставкасидан фойдаланади. Лекин, фойдаланиш қиймати турли даврлар бўйича рисклардаги фарққа ёки фоиз ставкаларининг вақт тузилишига таъсирчан бўлганда, ташкилот турли келгуси даврлар учун алоҳида дисконт ставкаларидан фойдаланади.

Б илова
16-сон БҲХСга ўзгартириш

[Ўзгартириш талабларга нисбатан қўлланмайди]

В илова

Гудвил ва назорат кучига эга бўлмаган улушга эга пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларни қадрсизланиш тестидан ўтказиш

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

- B1 3-сон МҲХС (2008 йил таҳрири)га мувофиқ, харидор қуйидаги келтирилган (а) кичик банднинг (б) кичик банддан ошган суммасида гудвилни харид санасида баҳолайди ва тан олади:
- (a) қуйидагиларнинг жамланмаси:
 - (i) 3-сон МҲХСга мувофиқ, баҳоланган ва одатда харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймат аниқланишини талаб қиладиган ўтказилган товон;
 - (ii) 3-сон МҲХСга мувофиқ тан олиннадиган, харид қилиш объектида назорат кучига эга бўлмаган ҳар қандай улуш суммаси; ва
 - (iii) босқичма-босқич амалга оширилган бизнес бирлашувида харид қилувчининг харид қилинадиган объектнинг хусусий капиталидаги олдинги улушининг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати.
 - (б) 3-сон МҲХСга мувофиқ баҳоланадиган, харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган идентификацияланадиган мажбуриятларнинг харид қилиш санасидаги соф қиймати.

Гудвилни тақсимлаш

- B2 Мазкур стандартнинг 80 бандида бизнес бирлашувида харид қилинган гудвил, бирлашувдан манфаат олиши кутилган, харидорнинг пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликларининг ҳар бирига ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар гуруҳларига тақсимланишини, бунда харид қилиш объектининг бошқа активлари ёки мажбуриятлари ушбу бирликларга ёки бирликлар гуруҳларига бириктирилган бўлиши ёки бўлмастидан қатъий назар талаб этилади. Бизнес бирлашувидан юзага келадиган синергияларнинг айримлари назорат кучига эга бўлмаган улуш мавжуд бўлмаган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка тақсимланиш эҳтимоли мавжуд.

Қадрсизланиш тестидан ўтказиш

- B3 Қадрсизланиш тестидан ўтказиш пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қийматини пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг баланс қиймати билан таққослашни ўз ичига олади.
- B4 Агар ташкилот назорат кучига эга бўлмаган улушларини харид санасида ҳаққоний қийматда эмас, балки шўъба ташкилотнинг идентификацияланадиган соф активларидаги пропорционал улуши сифатида баҳоласа, назорат кучига эга бўлмаган улушларга тегишли гудвил тегишли пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қопланадиган қийматига киритилади, аммо у бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида тан олинмайди. Натижада, ташкилот назорат кучига эга бўлмаган улушларга тегишли гудвилни инобатга олиш учун бирликка тақсимланган гудвилнинг баланс қийматини қайта ҳисоблаши лозим. Сўнгра ушбу тузатилган баланс қиймат пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик қадрсизланганлигини аниқлаш учун бирликнинг қопланадиган қиймати билан таққосланади.

Қадрсизланишдан зарарни тақсимлаш

- B5 104-бандга қўра, ҳар қандай аниқланган қадрсизланишдан зарарни дастлаб бирликка тақсимланган гудвилнинг баланс қийматини камайтиришга йўналтириш ва кейин эса бирликдаги ҳар бир активнинг баланс қийматига мутаносиб равишда бирликнинг бошқа активларига тақсимлаш талаб этилади.
- B6 Агар назорат қилинмайдиган улушга эга шўъба ташкилотининг ёки шўъба ташкилот бир қисмининг ўзи пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик бўлса, қадрсизланишдан зарар бош ташкилот билан назорат қилинмайдиган улуш ўртасида фойда ёки зарар тақсимланадиган асосда тақсимланади.
- B7 Агар назорат кучига эга бўлмаган улушга эга шўъба ташкилот ёки шўъба ташкилот бир қисми пул маблағларини ҳосил қилувчи йирик бирликнинг бир қисми бўлса, гудвил қадрсизланишидан зарарлар

пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг назорат кучига эга бўлмаган улушга эга қисмлари ва бундай улушга эга бўлмаган қисмлари ўртасида тақсимланади. Қадрсизланишдан зарарлар пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қисмларига қуйидаги асосда тақсимланиши лозим:

- (а) қадрсизланиш пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликдаги гудвилга тегишли бўлган даражада, гудвил қадрсизланишдан олдинги баланс қийматлари қисми доирасида;
- (б) қадрсизланиш пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликдаги идентификацияланадиган активларга тегишли бўлган даражада, гудвил қадрсизланишидан олдинги идентификацияланадиган соф активларининг баланс қийматлари қисми доирасида. Бундай қадрсизланиш қисмдаги ҳар бир активнинг баланс қиймати мутаносиб равишда ҳар бир бирлик қисмларининг активларига тақсимланади.

Назорат кучига эга бўлмаган улушга эга қисмларда, қадрсизланишдан зарар бош ташкилот билан назорат кучига эга бўлмаган улуш ўртасида фойда ёки зарар тақсимланадиган асосда тақсимланади.

- В8 Агар назорат кучига эга бўлмаган улушга тегишли қадрсизланишдан зарар бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида тан олинмаган гудвилга тегишли бўлса (В4 бандга қаранг), ушбу қадрсизланиш гудвил қадрсизланишидан зарар сифатида тан олинмайди. Бундай ҳолатларда, фақат бош ташкилотга тақсимланган гудвилга тегишли қадрсизланишдан зарар гудвил қадрсизланишидан зарар сифатида тан олинади.
- В9 7-намунавий мисол гудвилга эга бўлган, тўлиқ эгалик қилинмайдиган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг қадрсизланиш тестидан ўтказишни акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
22-ИЛОВА

37-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар

Мақсад

Мазкур стандартнинг мақсади баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларга нисбатан тегишли тан олиш мезонлари ва баҳолаш асослари қўлланилишини ҳамда фойдаланувчилар уларнинг характерини, вақтини ва кийматини тушуниши учун изоҳларда етарлича маълумотлар ёритиб берилишини таъминлашдан иборат.

Қўллаш доираси

- 1 **Мазкур стандарт барча ташкилотлар томонидан баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларни ҳисобга олишда қўлланади, қуйидагилар бундан мустасно:**
 - (а) зарар келтирувчи шартномалар бўлмаган, ижро этиладиган шартномалар натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар ва активлар; ва
 - (б) [Чиқариб ташланган]
 - (в) **бошқа стандартнинг қўллаш доирасида бўлган мажбуриятлар ва активлар.**
- 2 Мазкур стандарт 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”нинг қўллаш доирасида бўлган молиявий инструментларга (шу жумладан, кафолатларга) нисбатан қўлланмайди.
- 3 Ижро этиладиган шартнома – томонларнинг ҳеч бири шартномада белгиланган жавобгарликларни бажармаган ёки иккала томон ҳам ўз жавобгарликларини тенг тарзда қисман бажарган шартномалардир. Мазкур стандарт ижро этиладиган шартномаларга нисбатан, агар улар зарар келтирувчи шартнома бўлмаса, қўлланмайди.
- 4 [Чиқариб ташланган]
- 5 Баҳоланган мажбурият, шартли мажбурият ва шартли активнинг муайян тури бошқа стандарт билан тартибга солинганда, ташкилот мазкур стандартнинг ўрнига ўша стандартни қўллайди. Масалан, баҳоланган мажбуриятларнинг айрим турлари қуйидаги стандартларда кўриб чиқилади:
 - (а) [Чиқариб ташланган]
 - (б) фойда солиқлари (12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*”га қаранг);
 - (в) ижара (16-сон МҲХС “*Ижара*”га қаранг). Лекин мазкур стандарт 16-сон МҲХСда белгиланганидек ижара муддати бошланишидан олдин зарар келтирувчи бўладиган ҳар қандай ижарага нисбатан қўлланади; Шунингдек, мазкур стандарт қисқа муддатли ижара ва 16-сон МҲХСнинг 6 бандига мувофиқ ҳисобга олинadиган ва зарар келтирувчи бўладиган таянч активнинг киймати паст бўлган ижара бўйича ҳам қўлланади;
 - (г) ходимларнинг даромадлари (19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*”га қаранг); ва
 - (д) суғурта шартномалари (4-сон МҲХС “*Суғурта шартномалари*”га қаранг). Лекин мазкур стандарт суғурталовчининг 4-сон МҲХСнинг қўллаш доирасидаги суғурта шартномалари асосидаги шарномавий мажбуриятлар ва ҳуқуқлардан юзага келадиган активлар ва мажбуриятлардан ташқари баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларга нисбатан қўлланади.
 - (е) Бизнес бирлашуви доирасида бизнесни ҳарид килувчи томонидан тўланадиган шартли тоvon (3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*”га қаранг); ва

- (ё) харидорлар билан шартномалар бўйича тушум (15-сон МҲХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*”га қаранг). Лекин, 15-сон МҲХС зарар келтирувчи бўладиган ёки зарар келтирувчи бўлиб қолган ҳолатлардаги харидорлар билан шартномаларга нисбатан махсус талабларни ўз ичига олмаганлиги сабабли, бундай ҳолларга нисбатан мазкур стандарт қўлланади.
- 6 [Чиқариб ташланган]
- 7 Мазкур стандарт баҳоланган мажбуриятларни ноаниқ бажариш муддатига ёки ноаниқ қийматга эга бўлган мажбуриятлар сифатида таърифлайди. Баъзи мамлакатларда “баҳоланган мажбурият” атамаси эскириш, активларнинг қадрсизланиши ёки шубҳали қарзлар каби моддалар контекстида фойдаланилади. Бундай моддалар активларнинг баланс қийматларига тузатишлар бўлиб ҳисобланади ва мазкур стандартда кўриб чиқилмайди.
- 8 Сарфларни активлар ёки харажатлар сифатида тан олинishi бошқа стандартлар билан белгиланади. Бундай масалалар мазкур стандартда кўриб чиқилмайди. Шунга мувофиқ, мазкур стандарт баҳоланган мажбурият яратилганда тан олинadиган сарфларни капиталлаштиришни тақиқламайди ҳам, талаб ҳам қилмайди.
- 9 Мазкур стандарт реструктуризация (шу жумладан, тугатилган фаолият) бўйича баҳоланган мажбуриятларга нисбатан қўлланади. Реструктуризация тугатилган фаолият таърифига мос келганда, 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*” бўйича кўшимча маълумотларни ёритиб бериш талаб этилиши мумкин.

Таърифлар

- 10 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Баҳоланган мажбурият**– бу ноаниқ бажариш муддатига ёки ноаниқ қийматга эга бўлган мажбуриятдир.
- Мажбурият** – бу ташкилотнинг бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келадиган мавжуд жавобгарлиги бўлиб, унинг сўндирилиши натижасида ташкилотдан ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши кутилади.¹
- Жавобгарлик юклайдиган ҳодиса** – ташкилотнинг сўндиришдан бошқа муқобил амалий чораси бўлмаслиги билан натижаланадиган, юридик ёки конструктив жавобгарликни юзага келтирадиган ҳодисадир.
- Юридик жавобгарлик** – бу қуйидагилардан юзага келадиган жавобгарлик:
- (а) шартнома (унда аниқ кўрсатилган ёки назарда тутилган шартлар асосида);
- (б) қонунчилик; ёки
- (в) бошқа ҳуқуқий нормаларнинг қўлланиши.
- Конструктив жавобгарлик** - ташкилотнинг қуйидаги ҳолатлардаги хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган жавобгарликдир:
- (а) олдинги шаклланган тажриба, эълон қилинган сиёсат ёки етарлича аниқ бўлган жорий баёнот асосида, ташкилот бошқа томонларга муайян жавобгарликларни ўз зиммасига олишини кўрсатганлиги; ва
- (б) бунинг натижасида, ташкилот ўз зиммасига олган жавобгарликларни бажариши юзасидан бошқа томонларда асосли кутишларни ҳосил қилиши.
- Шартли мажбурият** - бу:
- (а) олдинги ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган ва унинг мавжудлиги фақатгина ташкилотнинг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланадиган эҳтимолли жавобгарликдир; ёки
- (б) олдинги ҳодисалардан юзага келадиган мавжуд жавобгарлик, лекин улар тан олинмайди, чунки:
- (i) жавобгарликни бажариш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетишининг талаб этилиши эҳтимоли йўқ; ёки

¹ 2018-йилда эълон қилинган “*Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси*”даги мажбурият атамаси қайта кўриб чиқилгандан кейин мазкур стандартдаги мажбурият атамасининг таърифи қайта кўриб чиқилмаган.

- (ii) жавобгарликнинг қиймати етарли даражада ишончли баҳолана олмайди.

Шартли актив – бу олдинги ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган ва унинг мавжудлиги фақатгина ташкилотнинг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланадиган эҳтимолли активдир.

Зарар келтирувчи шартнома – бу шартнома бўйича жавобгарликларни бажариш учун муқаррар сарфлар ушбу шартнома бўйича олинishi кутилаётган иқтисодий нафдан ошиб кетадиган шартномадир.

Реструктуризация – бу раҳбарият томонидан режалаштирилган ва назорат қилинадиган дастур бўлиб, қуйидагиларни муҳим даражада ўзгартиради:

- (а) ташкилот томонидан амалга ошириладиган бизнес кўламини; ёки
(б) ушбу бизнес бошқарилиши тарзини.

Баҳоланган мажбуриятлар ва бошқа мажбуриятлар

- 11 Баҳоланган мажбуриятлар ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган келгуси сарфларнинг муддати ёки қийматида ноаниқлик мавжудлиги жиҳатидан савдо кредиторлик қарзлари ва ҳисобланган мажбуриятлар каби бошқа мажбуриятлардан фарқ қилади. Қиёслаш учун:

- (а) савдо кредиторлик қарзлари – бу олинган ёки етказиб берилган товарлар ёки хизматлар учун тўланадиган ва етказиб берувчи томонидан ҳисобварақ фактура тақдим қилинган ёки у билан расмий келишилган мажбуриятлардир; ва
(б) ҳисобланган мажбуриятлар – бу олинган ёки етказиб берилган товарлар ёки хизматлар учун тўланадиган, лекин хали тўлов амалга оширилмаган ва етказиб берувчи томонидан ҳисобварақ фактура тақдим қилинмаган ёки у билан расмий келишилмаган мажбуриятлардир, шу жумладан, ходимларга тўланиши лозим бўлган суммалар (масалан, ҳисобланган таътил учун ҳақлар). Баъзида ҳисобланган мажбуриятларнинг муддати ва қийматини баҳолаш талаб этилишига қарамай, ҳисобланган мажбуриятларнинг ноаниқлик даражаси, одатда, баҳоланган мажбуриятларга нибатан анча пастдир.

Ҳисобланган мажбуриятлар ҳисоботда кўпинча савдо кредиторлик қарзлари ва бошқа кредиторлик қарзларнинг бир қисми сифатида тақдим этилади, баҳоланган мажбуриятлар эса ҳисоботда алоҳида тақдим этилади.

Баҳоланган мажбуриятлар ва шартли мажбуриятлар ўртасидаги боғлиқлик

- 12 Умуман олганда, барча баҳоланган мажбуриятлар муддати ёки қиймати бўйича ноаниқлиги сабабли шартлидир. Бироқ, мазкур стандарт доирасида “шартли” атамаси, мавжудлиги фақат ташкилотнинг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланадиган, тан олинмайдиган активлар ва мажбуриятларга нисбатан ишлатилади. Бундан ташқари, ‘шартли мажбурият’ атамаси тан олиш мезонларига жавоб бермайдиган мажбуриятларга нисбатан ишлатилади.

- 13 Мазкур стандарт қуйидагилар ўртасидаги фарқларни белгилайди:

- (а) баҳоланган мажбуриятлар – мавжуд жавобгарлик бўлганлиги ва жавобгарликни бажариш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетишининг талаб этилиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли мажбуриятлар сифатида тан олинадиган (ишончли баҳоланиши мумкин деб ҳисобланган) мажбуриятлардир; ва
(б) шартли мажбуриятлар – қуйидаги сабабларга кўра мажбуриятлар сифатида тан олинмайди:
(i) эҳтимолли жавобгарликлардир, чунки ташкилот ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши олиб келиши мумкин бўлган мавжуд жавобгарликка эга бўлиши ёки бўлмаслиги ҳали тасдиқланмаган; ёки
(ii) мазкур стандарт белгиладиган тан олиш мезонларига жавоб бермайдиган мавжуд жавобгарликлардир (чунки жавобгарликни бажариш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетишининг талаб этилиши эҳтимоли йўқ ёки жавобгарлик қийматини етарли даражада ишончли баҳолаш имконсиз).

Тан олиш

Баҳоланган мажбуриятлар

14 Баҳоланган мажбуриятлар қуйидаги ҳолларда тан олинishi лозим:

- (a) ташкилот олдинги ҳодисалар натижасида мавжуд (юримдик ёки конструктив) жавобгарликка эга бўлганда;
- (б) жавобгарликни бажариш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетишининг талаб этилиши эҳтимоли мавжуд бўлганда; ва
- (в) жавобгарлик қиймати ишончли баҳолана олганда.

Агар ушбу шартлар бажарилмаса, баҳоланган мажбурият тан олинмаслиги лозим.

Мавжуд жавобгарлик

15 Камдан-кам ҳолатларда жавобгарлик мавжуд эканлиги ноаниқ бўлади. Бундай ҳолатларда, агар барча мавжуд далилларни инобатга олган ҳолда, ҳисобот даврининг охирида мавжуд жавобгарликнинг мавжудлиги эҳтимоли унинг мавжуд эмаслиги эҳтимолидан кўпроқ бўлса, ўтган ҳодиса мавжуд жавобгарликни юзага келтиради деб ҳисобланади.

16 Деярли барча ҳолатларда ўтган ҳодиса мавжуд жавобгарликни юзага келтирганлиги аниқ бўлади. Камдан-кам ҳолатларда, масалан, суд жараёнида муайян ҳодисалар содир бўлгани ёки бу ҳодисалар мавжуд жавобгарликни юзага келтирганлиги тўғрисида баҳсли ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатда, ташкилот барча мавжуд далилларни, шу жумладан, масалан экспертларнинг фикрини инобатга олган ҳолда, ҳисобот даврининг охирида мавжуд жавобгарликнинг мавжудлигини аниқлайди. Кўриб чиқиладиган далиллар ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар сабабли пайдо бўлган ҳар қандай қўшимча далилларни ўз ичига олади. Бундай далиллар асосида:

- (a) ҳисобот даврининг охирида мавжуд жавобгарликнинг мавжудлик эҳтимоли унинг мавжуд эмаслик эҳтимолидан кўпроқ бўлса, ташкилот баҳоланган мажбуриятни тан олади (агарда тан олиш мезонларига жавоб берса); ва
- (б) ҳисобот даврининг охирида мавжуд жавобгарликнинг мавжуд эмаслик эҳтимоли унинг мавжудлик эҳтимолидан кўпроқ бўлса, ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли кам бўлмаса, ташкилот шартли мажбуриятни ёритиб беради (86-бандга қаранг).

Ўтган ҳодиса

17 Мавжуд жавобгарликни юзага келишига олиб келадиган ўтган ҳодиса жавобгарлик юклайдиган ҳодиса деб аталади. Ҳодиса жавобгарлик юклайдиган ҳодиса бўлиши учун ташкилотда ушбу жавобгарликни сўндиришдан бошқа муқобил амалий чора бўлмаслиги лозим. Бу фақатгина қуйидаги ҳолларда содир бўлиши мумкин:

- (a) жавобгарлик сўндирилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминланадиган бўлганда; ёки
- (б) конструктив жавобгарлик ҳолатида, ҳодиса (ташкилотнинг ўз хатти-ҳаракати ҳам бўлиши мумкин) ташкилот ўз зиммасига олган жавобгарликларни бажариши юзасидан бошқа томонларда асосли қутишларни ҳосил қилганда.

18 Молиявий ҳисобот ташкилотнинг келгусида мумкин бўлган молиявий ҳолатини эмас, ҳисобот даври охиридаги молиявий ҳолатини кўрсатади. Шунинг учун, келгусида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган сарфлар бўйича ҳеч қандай баҳоланган мажбурият тан олинмайди. Ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида тан олинмайдиган мажбуриятлар фақат ҳисобот даври охирида мавжуд бўлган мажбуриятлардир.

19 Ташкилотнинг келгуси хатти-ҳаракатларидан (яъни келгусидаги фаолиятни амалга оширишидан) мустақил тарзда, ўтган ҳодисалар натижасида юзага келадиган жавобгарликларгина баҳоланган мажбуриятлар сифатида тан олинади. Бундай жавобгарликларга ташкилотнинг келгуси хатти-ҳаракатларидан қатъий назар, сўндириш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келадиган жарималар ёки атроф-муҳитга ноқонуний етказилган зарарни бартараф этиш сарфлари мисол бўла олади. Шунга ўхшаш, ташкилот нефть қазиб оладиган қурилма ёки атом электростанциясини фойдаланишдан чиқариш бўйича сарфлари учун, ташкилот етказилган зарарни қоплаб беришга жавобгарлиги даражасида баҳоланган мажбуриятни тан олади. Аксинча, тижорат босимлари остида ёки қонуний талаблар сабабли ташкилот келгусида муайян

- йўналишда фаолият юритиш учун сарфларни амалга оширишни режалаштириши ёки бундай сарфларни амалга ошириши зарур бўлиши мумкин (масалан, муайян турдаги заводда тутунга қарши филтёрларни ўрнатиш). Ташкилот ўзининг келгуси хатти-ҳаракатлари ёрдамида, масалан фаолият юритиш усулини ўзгартириш орқали, келгуси сарфларни четлаб ўтиши мумкинлиги сабабли, унда келгуси сарфлар учун ҳеч қандай мавжуд жавобгарлик бўлмайди ва ҳеч қандай баҳоланган мажбурият тан олинмайди.
- 20 Жавобгарлик унинг мавжуд бўлиши ҳар доим бошқа бир томон олдида эканини назарда тутлади. Лекин бу томон айнан ким эканлиги муҳим эмас — аслида, жавобгарлик бутун жамият олдида вужудга келиши ҳам мумкин. Жавобгарлик ҳар доим бошқа томон олдидаги шартномавий мажбуриятни назарда тутганлиги сабабли, раҳбарият ёки директорлар кенгашининг қарори, агар ушбу қарор ҳисобот даври охиридан олдин таъсирланадиган томонларга, ушбу томонларда ташкилот ўз зиммасига олган жавобгарликларни бажариши юзасидан асосли кутишлар ҳосил қилинганини етарлича аниқ тарзда етказилмаган бўлса, ҳисобот даври охирида конструктив жавобгарликни келтириб чиқармайди.
- 21 Жавобгарликни дарҳол келтириб чиқармайдиган ҳодиса, қонунчиликдаги ўзгаришлар ёки ташкилотнинг конструктив жавобгарликни юзага келишига сабаб бўладиган хатти-ҳаракати туфайли (масалан, етарлича аниқ ижтимоий баёнот), уни кейинги санада юзага келтириши мумкин. Масалан, атроф-муҳитга зарар етказилганда унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича жавобгарлик юзага келмаслиги мумкин. Лекин, етказилган зарар, уни бартараф этиш янги киритилган қонунларда талаб қилганида ёки ташкилот конструктив жавобгарликни келтириб чиқарадиган шаклда зарарни бартараф этиш бўйича жавобгарликни оммавий тарзда ўз зиммасига олганда, жавобгарлик юклайдиган ҳодиса ҳисобланади.
- 22 Таклиф этилаётган янги қонуннинг тафсилотлари ҳали охиригача яқунланмаган бўлса, жавобгарлик янги қонун лойиҳасида келтирилган таҳрирда қабул қилиниши деярли шубҳасиз бўлганда, юзага келади. Мазкур стандарт мақсадларида, бундай жавобгарлик юридик жавобгарлик сифатида қаралади. Қонун ҳужжатларини қабул қилиш тартибидаги фарқлар, қонун ҳужжатларининг қабул қилинишини деярли аниқ таъминлайдиган ягона ҳодисани аниқлашнинг имконсизлигига олиб келади. Кўп ҳолатларда, қонун ҳужжати расмий қабул қилинмагунча унинг қабул қилинишини деярли аниқ деб бўлмайди.

Ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли

- 23 Мажбурият тан олиш мезонларига жавоб бериши учун нафақат мавжуд жавобгарлик бўлиши, балки жавобгарликни сўндириш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли ҳам мавжуд бўлиши лозим. Мазкур стандартнинг мақсадларида,² ресурсларнинг чиқиб кетиши ёки бошқа ҳодисанинг содир бўлиши, агар ҳодисанинг содир бўлиши унинг содир бўлмаслиги эҳтимолидан кўпроқ бўлса, эҳтимоли мавжуд ҳисобланади. Мавжуд жавобгарликнинг борлиги эҳтимоли бўлмаганда, ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли кам бўлмаса, ташкилот шартли мажбуриятни ёритиб беради (86-бандга қаранг).
- 24 Бир қанча ўхшаш жавобгарликлар мавжуд бўлганда (масалан, товар бўйича қаролатлар ёки шунга ўхшаш шартномалар) жавобгарликни сўндириш учун ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли бундай жавобгарликларни бутун синфига нисбатан аниқланади. Ҳар бир шартнома бўйича ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли кам бўлиши мумкинлигига қарамай, бундай жавобгарликларнинг бутун бир синфини сўндириш учун бир қанча ресурсларнинг чиқиб кетиши талаб этилиши мумкин. Бундай ҳолларда, баҳоланган мажбурият тан олинади (агар бошқа тан олиш мезонлари бажарилса).

Жавобгарликнинг ишончли ҳисоб баҳоси

- 25 Ҳисоб баҳоларидан фойдаланиш молиявий ҳисобот тайёрлашнинг муҳим қисмидир ва унинг ишончлилигини камайтирмайди. Бу, айниқса, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг кўпгина бошқа моддаларига қараганда кўпроқ даражада ноаниқ бўлган, баҳоланган мажбуриятларга нисбатан тўғридир. Жуда камдан-кам ҳолатлардан ташқари, ташкилот эҳтимолли натижалар тўпламини аниқлай олади ва шу сабабли баҳоланган мажбуриятни тан олишда фойдаланиш учун етарлича ишончли бўлган жавобгарликнинг ҳисоб баҳосини аниқлайди.
- 26 Ишончли ҳисоб баҳосини аниқлаш имкони бўлмаган жуда ҳам камдан-кам ҳолатларда, тан олинмайдиган мажбурият мавжуд бўлади. Бундай мажбурият молиявий ҳисоботда шартли мажбурият сифатида ёритиб берилади (86-бандга қаранг).

² Ушбу стандартдаги “эҳтимол” тушунчасининг “бўлиши эҳтимоли бўлмаслиги эҳтимолидан кўпроқ” деган маънодаги шарҳи бошқа стандартларда ушбу маънода фойдаланилиши шарт эмас.

Шартли мажбуриятлар

- 27 **Ташкилот шартли мажбуриятни тан олмаслиги лозим.**
- 28 86-бандда талаб этилганидек, ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли кам бўлмаса, шартли мажбурият молиявий ҳисоботда ёритиб берилади.
- 29 Ташкилот жавобгарлик учун солидар жавобгар бўлса, мажбуриятнинг бошқа томонлар бажариши кутилаётган қисми шартли мажбурият сифатида ҳисобга олинади. Ишончли ҳисоб баҳосини аниқлашнинг имкони бўлмаган жуда камдан-кам ҳолатлардан ташқари, жавобгарликнинг ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетиши эҳтимоли бор қисми учун ташкилот баҳоланган мажбуриятни тан олади.
- 30 Шартли мажбуриятлар дастлаб кутилганидан фарқли тарзда ўзгариши мумкин. Шунинг учун, ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетиши эҳтимоли пайдо бўлганини аниқлаш мақсадида, улар мунтазам равишда баҳолаб борилади. Агар олдин шартли мажбурият сифатида таснифланган модда бўйича ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетиши талаб этилиши эҳтимоли пайдо бўлса, баҳоланган мажбурият эҳтимолликда ўзгариш содир бўлган даврдаги молиявий ҳисоботда тан олинади (ишончли ҳисоб баҳосини аниқлашнинг имкони бўлмаган жуда камдан-кам ҳолатлардан ташқари).

Шартли активлар

- 31 **Ташкилот шартли активни тан олмаслиги лозим.**
- 32 Шартли активлар одатда ташкилотга иқтисодий наф келиб тушиши эҳтимолини келтириб чиқарадиган режалаштирилмаган ёки бошқа кутилмаган ҳодисалар натижасида юзага келади. Ташкилот суд орқали натижаси ноаниқ бўлган даъво қўзғатиши мисол бўла олади.
- 33 Шартли активлар, ҳеч қачон олинмаслиги мумкин бўлган даромаднинг тан олинишига олиб келиши мумкинлиги сабабли, молиявий ҳисоботда тан олинмайди. Лекин даромаднинг олиниши деярли аниқ бўлганда, тегишли актив шартли актив ҳисобланмайди ва унинг тан олиниши ўринли бўлади.
- 34 89-бандда талаб этилганидек, иқтисодий наф келиб тушиши эҳтимоли мавжуд бўлганда, шартли актив ёритиб берилади.
- 35 Шартли активлар, улардаги ўзгаришларни молиявий ҳисоботда тегишли тарзда акс эттириш мақсадида мунтазам баҳоланади. Агар иқтисодий наф келиб тушиши деярли аниқ бўлса, актив ва тегишли даромад ўзгариш содир бўлган давр молиявий ҳисоботида тан олинади. Агар иқтисодий наф келиб тушиши эҳтимоли пайдо бўлганда, ташкилот шартли активни ёритиб беради (89-бандга қаранг).

Баҳолаш

Энг тўғри ҳисоб баҳоси

- 36 **Баҳоланган мажбурият сифатида тан олинган қиймат ҳисобот даври охирида мавжуд жавобгарликни бажариш учун талаб этиладиган сарфнинг энг тўғри ҳисоб баҳоси бўлиши лозим.**
- 37 Мавжуд жавобгарликни бажариш учун талаб этиладиган сарфнинг энг тўғри ҳисоб баҳоси – бу ташкилот томонидан ҳисобот даври охирида жавобгарликни бажариш учун ёки уни учинчи томонга ўтказиш учун етарли бўлган оқилона суммадир. Қўпгина ҳолларда жавобгарликни ҳисобот даври охирида бажариш ёки ўтказиш имконсиз бўлади ёки ҳаддан ташқари қимматга тушади. Лекин ташкилот томонидан жавобгарликни сўндириш ёки ўтказиш учун етарли бўлган оқилона сумманинг ҳисоб баҳоси ҳисобот даври охирида мавжуд жавобгарликни сўндириш учун талаб этиладиган сарфнинг энг тўғри ҳисоб баҳосини беради.
- 38 Операциялар натижалари ва молиявий таъсирининг ҳисоб баҳолари ўхшаш операциялар амалга ошириш натижасида эгалланган тажрибага, баъзи ҳолатларда мустақил экспертларнинг хулосаси билан биргаликда, ташкилот раҳбариятининг мулоҳазаси асосида аниқланади. Кўриб чиқиладиган далиллар ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар сабабли пайдо бўлган хар қандай қўшимча далилларни ўз ичига олади.
- 39 Баҳоланган мажбурият сифатида тан олиниши лозим бўлган суммага тегишли ноаниқликларни бартараф этиш учун, ҳолатга қараб, турли усуллардан фойдаланилади. Агар баҳоланган мажбуриятни

Баҳолаш катта ҳажмдаги моддалар жамланмасини ўз ичига олса, жавобгарлик барча мумкин бўлган натижаларни уларга тегишли бўлган эҳтимолликлар билан ҳисобга олган ҳолдаги тортилган қийматини аниқлаш орқали баҳоланади. Баҳолашнинг бу статистик усули “кутилаётган қиймат” деб номланади. Шунинг учун, баҳоланган мажбурият бу суммани йўқотиш эҳтимоли, масалан, 60 фоизга ёки 90 фоизга тенг бўлишига қараб, фарқ қилади. Мумкин бўлган натижаларнинг оралиғи узлуксиз бўлса ва бу оралиқнинг ҳар бир нуқтаси бошқаси каби бир хил эҳтимолли бўлса, ораликдаги ўрта нуқта олинади.

Мисол
<p>Ташкилот товарларни, харид қилингандан сўнг олти ой давомида аниқланган ҳар қандай ишлаб чиқариш нуқсонларини бартараф этиш сарфларини қоплаб бериш қафолати билан сотади. Агар барча сотилган товарларда кичик нуқсонлар аниқланадиган бўлса, таъмирлаш сарфлари 1 миллионга тенг бўлади. Агар барча сотилган товарларда аҳамиятли нуқсонлар аниқланадиган бўлса, таъмирлаш сарфлари 4 миллионга тенг бўлади. Ташкилотнинг олдинги тажрибаси ва келгуси прогнозлари кейинги йил учун сотиладиган товарларнинг 75 фоизи нуқсонсиз, 20 фоизи кичик нуқсонли ва 5 фоизи аҳамиятли нуқсонли бўлишини кўрсатмоқда. 24-бандга мувофиқ, ташкилот қафолатли жавобгарликлар учун ресурслар чиқиб кетиши эҳтимолини бир бутун ҳолда баҳолайди.</p> <p>Таъмирлаш сарфларининг қутилаётган қиймати қуйидагича ҳисобланади: (нолнинг 75%) + (1 млннинг 20%) + (4 млннинг 5%) = 400.000</p>

- 40 Алоҳида олинган жавобгарлик баҳоланганда, унинг энг катта эҳтимолли ягона натижаси мажбуриятнинг энг тўғри ҳисоб баҳоси бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳолда ҳам, ташкилот бошқа мумкин бўлган натижаларни кўриб чиқади. Бошқа мумкин бўлган натижалар, эҳтимолий натижадан юқорироқ ёки пастроқ бўлганда, энг тўғри ҳисоб баҳоси мос равишда юқорироқ ёки пастроқ қийматга эга бўлади. Масалан, агар харидор учун қурилган асосий қурилманинг аҳамиятли нуқсони ташкилот томонидан бартараф этилиши лозим бўлса, 1000 бирликдаги маблағларни сарфлаб таъмирлаш орқали нуқсонни биринчи уринишда бартараф этиш энг катта эҳтимоли бўлган ягона натижа бўлиши мумкин. Лекин агар бошқа уринишлар ҳам талаб этилиши эҳтимоллиги катта бўлса, баҳоланган мажбурият каттароқ суммада тан олинади.
- 41 Баҳоланган мажбурият солиқ солингунча қиймати бўйича баҳоланади, чунки баҳоланган мажбуриятнинг солиқ оқибатлари ва улардаги ўзгаришлар 12-сон БҲХСда кўриб чиқилади.

Рисклар ва ноаниқликлар

- 42 Кўпгина воқеа ва ҳодисаларга муқаррар равишда хос бўладиган рисклар ва ноаниқликлар баҳоланган мажбуриятнинг энг тўғри ҳисоб баҳосини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим.
- 43 Риск натижанинг ўзгарувчан бўлишини тавсифлайди. Риск бўйича тузатиш мажбуриятнинг баҳоланган қийматини ошириши мумкин. Даромадлар ёки активлар баҳоси ошириб ва харажатлар ёки мажбуриятлар баҳоси камайтириб кўрсатилмаслиги учун ноаниқлик шартларида мулоҳаза юритишда эҳтиёткорлик талаб этилади. Лекин ноаниқликнинг мавжудлиги ҳаддан ташқари ортиқча баҳоланган мажбуриятлар яратилиши ёки мажбуриятлар қийматини атайлаб ошириб кўрсатилишини оқламайди. Масалан, агар маълум бир ҳодисанинг салбий натижаси бўйича режалаштирилган сарфлар эҳтиёткорлик асосида баҳоланган бўлса, бу натижа атайлаб у аслида эга бўлган эҳтимолга қараганда кўпроқ эҳтимолга эга деб кўрсатилган ҳисобланмайди. Баҳоланган мажбуриятнинг қийматини ошириб кўрсатилишига олиб келадиган риск ва ноаниқликлар бўйича тузатишларни икки марта ҳисобга олишга йўл қўймаслик учун эҳтиёткорлик талаб этилади.
- 44 Қутилаётган сарфларнинг қиймати хос бўлган ноаниқлик бўйича маълумотлар 85(б) бандга мувофиқ ёритиб берилади.

Дисконтланган қиймат

- 45 Пулнинг вақт қиймати таъсири муҳим бўлганда, баҳоланган мажбуриятнинг қиймати жавобгарликни бажариш учун талаб этилиши қутилаётган сарфларнинг жорий қийматига тенг бўлиши лозим.
- 46 Пулнинг вақт қиймати сабабли, ҳисобот давридан кейин қисқа муддатда юзага келадиган пул маблағлари чиқимлари айнан шу қийматда кейинроқ юзага келадиган пул маблағлари чиқимларига

караганда, каттароқ баҳоланган мажбуриятларни юзага келтиради. Шу боис, таъсири муҳим бўлганида, баҳоланган мажбуриятлар дисконтланади.

- 47 **Дисконтлаш ставкаси (ёки ставкалари) пулнинг вақт қийматининг жорий бозор баҳолашларини ва мажбуриятга хос бўлган рискларни акс эттирадиган солиқ солишдан олдинги ставкаси (ёки ставкалари) бўлиши лозим. Дисконтлаш ставкаси (ставкалари) келгуси пул оқимларининг ҳисоб баҳосига тузатиш тарзида киритилган рискларни ҳисобга олмаслиги лозим.**

Келгуси ҳодисалар

- 48 **Жавобгарликни сўндириш учун талаб этиладиган суммага таъсир қилиши мумкин бўлган келгуси ҳодисалар, улар содир бўлишига етарлича объектив далиллар мавжуд бўлганда, баҳоланган мажбурият қийматида акс эттирилиши лозим.**
- 49 Кутилаётган келгуси ҳодисалар баҳоланган мажбуриятларни баҳолашда айниқса, муҳим бўлиши мумкин. Масалан, ташкилот фойдаланиш муддати тугаганидан сўнг ер майдонини тозалаш сарфлари келгусида технологиялардаги ўзгаришлар натижасида камайиши мумкин деб ҳисоблаши мумкин. Тан олинадиган сумма, барча мавжуд далилларни ҳисобга олган ҳолда, тозалаш пайтида мавжуд бўладиган технологияларга тегишли барча далилларни ҳисобга олган ҳолда, техник жиҳатдан етарлича малакали, объектив кузатувчиларнинг асосли кутишларини акс эттиради. Шунинг учун, масалан, мавжуд технологиядан фойдаланиш тажрибаси ошиши билан боғлиқ тарзда кутилаётган сарфларнинг камайишини ёки олдин амалга оширилган тозалаш ишларига нисбатан мураккаброқ ёки каттароқ қўламдаги ишларни амалга ошириш учун мавжуд бўлган технологияни ишлатиш бўйича кутилаётган сарфларни ҳисобга олиш ўринлидир. Лекин агар бу етарлича объектив далиллар билан асосланган бўлмаса, ташкилот тозалаш ишларини амалга ошириш учун умуман янги технологиянинг ишлаб чиқилишига умид қила олмайди.
- 50 Янги қонунчилик қабул қилиниши деярли аниқ эканлигига етарлича объектив далиллар мавжуд бўлганда, кутилаётган қонунчиликнинг таъсири мавжуд бўлган жавобгарликни баҳолашда ҳисобга олинади. Амалиётда юзага келадиган ҳолатларнинг турли хиллиги ҳар бир ҳолатда етарли ва объектив далилни таъминлайдиган ягона ҳодисани аниқлашни имкони йўқлигига олиб келади. Далиллар бу қонунчилик нимани талаб этиши ҳамда унинг тегишли тарзда қабул қилиниши ва қўлланиши деярли аниқ бўлиши учун талаб этилади. Кўп ҳолатларда, янги қонунчилик қабул қилинмагунча етарли объектив далил мавжуд бўлмайди.

Активларнинг кутилаётган ҳисобдан чиқарилиши

- 51 **Активларнинг кутилаётган чиқиб кетишидан фойда баҳоланган мажбуриятни баҳолашда ҳисобга олинмайди.**
- 52 Активларнинг кутилаётган чиқиб кетишидан фойда, уларнинг чиқиб кетиши баҳоланган мажбуриятни юзага келтирадиган ҳодиса билан чамбарчас боғлиқ бўлса ҳам, баҳоланган мажбуриятни баҳолашда ҳисобга олинмайди. Аксинча, ташкилот активларнинг чиқиб кетишидан фойдани ушбу активлар тегишли бўлган стандартда белгиланган тартибда тан олади.

Қоплаб бериш

- 53 **Баҳоланган мажбуриятни сўндириш учун талаб этиладиган сарфнинг тўлиқ суммасини ёки унинг бир қисmini бошқа томон қоплаб бериши кутилаётган бўлса, бундай қоплаб бериш суммаси фақат ва фақат ташкилот томонидан жавобгарлик сўндирилса, қоплаб бериш суммасининг олинishi деярли аниқ бўлганда тан олинади. Қоплаб бериш суммаси алоҳида актив сифатида тан олинishi лозим. Қоплаб бериш бўйича тан олинган сумма баҳоланган мажбурият суммасидан ошмаслиги лозим.**
- 54 **Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда, баҳоланган мажбурият билан боғлиқ бўлган харажат қоплаш суммаси чегириб ташланган ҳолда тақдим этилиши мумкин.**
- 55 Баъзида, ташкилот бошқа бир томонга баҳоланган мажбуриятни сўндириш учун талаб қилинадиган сарфнинг тўлиқ суммасини ёки унинг бир қисmini тўлаш бўйича мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади (масалан, сугурта шартномалари, зарарларни қоплаш тўғрисидаги шартнома шартлари ёки етказиб берувчиларнинг қафолатлари орқали). Бошқа томон ташкилот томонидан тўланган суммаларни қоплаб бериши ёки ўша томон ўзи бевосита тўлаши мумкин.

- 56 Аксарият ҳолларда, агар учинчи томон қандайдир сабабга кўра, тўлай олмаса, ташкилот бутун суммани тўлиқ тўлашига тўғри келишини ҳисобга олиб, ташкилот белгиланган сумманинг бутун қисми учун жавобгар сифатида қолади. Бундай ҳолатда, ҳисобланган мажбурият мажбуриятнинг тўлиқ суммасида тан олинади ва ташкилот мажбуриятни сўндирганда қоплаш суммаси олинини деярли аниқ бўлганда, кутилаётган қоплаш суммаси бўйича алоҳида актив тан олинади.
- 57 Баъзи ҳолларда, учинчи томон қоплаш суммасини тўлай олмаса, ташкилот бундай сарфлар учун жавобгар бўлмайди. Бу ҳолатда, ташкилот ушбу сарфлар учун мажбуриятга эга бўлмайди ва уларни баҳоланган мажбуриятга киритмайди.
- 58 29-бандда таъкидланганидек, ташкилот солидар жавобгар бўладиган мажбурият, унинг бошқа томонлар орқали сўндирилиши кутилаётган қисми суммасида шартли мажбурият бўлиб ҳисобланади.

Баҳоланган мажбуриятлардаги ўзгаришлар

- 59 Баҳоланган мажбуриятлар ҳар ҳисобот даври охирида қайта кўриб чиқилади ва уларнинг жорий энг тўғри ҳисоб баҳосини акс эттириш учун тузатиш киритилади. Агар жавобгарликни сўндириш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетишининг талаб этилиши эҳтимоли мавжуд бўлмаса, баҳоланган мажбурият қайта тикланади.
- 60 Дисконтлаш қўлланганда, баҳоланган мажбуриятнинг баланс қиймати вақт ўтишини акс эттириш мақсадида ҳар бир даврда ўсиб боради. Бу ўсиш қарзлар бўйича сарфлар сифатида тан олинади.

Баҳоланган мажбуриятлардан фойдаланиш

- 61 Баҳоланган мажбурият фақат ушбу баҳоланган мажбурият дастлаб қайси сарфлар бўйича тан олинган бўлса, ўша сарфлар учун фойдаланилади.
- 62 Дастлаб тан олинган баҳоланган мажбуриятга алоқадор бўлган сарфларгина ушбу баҳоланган мажбурият ҳисобидан қопланади. Сарфларни дастлаб бошқа мақсад учун тан олинган баҳоланган мажбурият ҳисобидан қоплаш иккита фарқланадиган ҳодисанинг таъсирини яширади.

Тан олиш ва баҳолаш қоидаларининг қўлланиши

Келгуси операцион зарарлар

- 63 Баҳоланган мажбуриятлар келгуси операцион зарарлар бўйича тан олинмайди.
- 64 Келгуси операцион зарарлар 10-бандда келтирилган мажбурият таърифига ва 14-бандда келтирилган баҳоланган мажбуриятларни умумий тан олиш мезонларига жавоб бермайди.
- 65 Келгуси операцион зарарларнинг кутилиши муайян операцион активларнинг қадрсизланиши мумкинлигининг белгисидир. Ташкилот бундай активларнинг 36-сон БҲХС “*Активларнинг қадрсизланиши*”га мувофиқ қадрсизланиш тестидан ўтказилади.

Зарар келтирувчи шартномалар

- 66 Агар ташкилот зарар келтирувчи шартномага эга бўлса, ушбу шартнома бўйича мавжуд жавобгарлик баҳоланган мажбурият сифатида тан олинади ва баҳоланади.
- 67 Кўпгина шартномалар (масалан, баъзи одатий харид буюртмалари) бошқа томонга компенсация тўламасдан бекор қилиниши мумкин ва шунга кўра ҳеч қандай жавобгарлик юзага келмайди. Бошқа шартномалар томонлар учун ҳуқуқ ва жавобгарликларни вужудга келтиради. Ҳодисалар бундай зарар келтирувчи шартномаларни пайдо бўлишига сабаб бўлса, бундай шартнома мазкур стандартни қўллаш доирасида бўлади ва тан олинмаган мажбурият мавжуд бўлади. Зарар келтирувчи бўлмаган ижро этиладиган шартномалар мазкур стандартнинг қўллаш доирасига кирмайди.
- 68 Мазкур стандартда зарар келтирувчи шартнома бу шартнома бўйича жавобгарликларни бажариш учун муқаррар сарфлар ушбу шартнома бўйича олинини кутилаётган иқтисодий нафдан ошиб кетадиган шартнома деб таърифланган. Шартнома бўйича муқаррар сарфлар шартномани бажариш учун талаб этиладиган сарфлардан ва уни бажармаслик натижасида юзага келадиган ҳар қандай компенсациялар ёки жарималардан кичиги бўлган, шартномадан чиқишининг энг кам соф сарфини акс эттиради.

- 68A Шартномани бажариш сарфлари бевосита шартнома билан боғлиқ бўлган сарфлар ўз ичига олади. Бевосита шартнома билан боғлиқ бўлган сарфлар куйидагилар иккаласидан иборат:
- (а) шартномани бажаришнинг қўшимча сарфлари—масалан, бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш ва хом ашёлар; ва
 - (б) бевосита шартномаларни бажариш билан боғлиқ бўлган сарфларни тақсимлаш—масалан, бошқалари орасида ушбу шартномани бажаришда фойдаланиладиган асосий воситалар объекти учун амортизация суммасини тақсимлаш.
- 69 Зарар келтирувчи шартнома бўйича алоҳида баҳоланган мажбурият яратилишидан олдин, ташкилот ушбу шартнома бажарилиши учун фойдаланиладиган активларнинг ҳар қандай қадрсизланишидан зарарни тан олади (36-сон БҲХСга қаранг).

Реструктуризация

- 70 Реструктуризация таърифига тўғри келиши мумкин бўлган ҳодисаларга куйидагилар мисол бўлади:
- (а) фаолият йўналишини сотилиши ёки тугатилиши;
 - (б) мамлакат ёки ҳудуддаги бўлинмаларни ёпилиши ёки хўжалик фаолиятини бир мамлакат ёки ҳудуддан бошқасига кўчирилиши;
 - (в) бошқарув тузилмасидаги ўзгаришлар, масалан, бошқарувнинг қандайдир поғонасидан воз кечилиши; ва
 - (г) ташкилот фаолиятининг характери ва йўналишига муҳим даражада таъсир қиладиган фундаментал қайта ташкил этиш.
- 71 Реструктуризация сарфлари бўйича баҳоланган мажбурият 14-бандда белгиланган баҳоланган мажбуриятларни тан олишнинг умумий мезонларига жавоб берганда тан олинади. 72-83-бандлар умумий тан олиш мезонлари реструктуризацияга нисбатан қўллаш қоидаларини белгилайди.
- 72 **Реструктуризация қилиш бўйича конструктив жавобгарлик фақат ташкилот куйидагиларни бажарганда юзага келади:**
- (а) **ташкилот энг камида куйидагиларни аниқлайдиган реструктуризация бўйича батафсил расмий режага эга бўлганда:**
 - (i) реструктуризация қилинадиган бизнес фаолияти ёки унинг бир қисми;
 - (ii) реструктуризация таъсири остидаги асосий географик жойлар;
 - (iii) хизматларидан воз кечганлик учун компенсация тўланадиган ходимларнинг жойлашуви, вазибалари ва уларнинг тахминий сони;
 - (iv) амалга ошириладиган сарфлар; ва
 - (v) режанинг амалга ошириш муддати; ва
 - (б) **ташкилот реструктуризация режасини бажаришини бошлаш ёки унинг асосий хусусиятларини эълон қилиш орқали реструктуризация таъсир кўрсатадиган томонларда асосли кутишни ҳосил қилганда.**
- 73 Ташкилот реструктуризация режасини амалга оширишни бошлаганлигига масалан, заводни демонтаж қилиши ёки активларни сотиши ёки ушбу режанинг асосий хусусиятларини эълон қилиши далил бўлиши мумкин. Реструктуризация бўйича батафсил режанинг оммавий эълон қилиниши, агар у харидорлар, етказиб берувчилар ва ходимлар (ёки уларнинг вакиллари) каби бошқа томонларда ташкилот реструктуризацияни амалга ошириши юзасидан асосли кутишни ҳосил қиладиган тарзда ва етарлича батафсил равишда (яъни, режанинг асосий хусусиятларини белгиланган ҳолда) берилган бўлса, реструктуризация бўйича конструктив жавобгарликни ҳосил қилади.
- 74 Режа таъсир кўрсатадиган томонларга маълум қилинганда конструктив жавобгарликни келтириб чиқаришга етарли бўлиши учун, уни амалга ошириш имкони борича тезроқ бошланиши ва режага аҳамиятли ўзгаришлар киритилиши эҳтимоли бўлмаган муддатда тугалланиши лозим. Агар реструктуризация бошланишидан олдин узоқ муддатли кечикиш содир бўлганда ёки уни амалга оширилишига асосиз жуда узоқ вақт талаб этилиши кутилса, режа бошқа томонларда ташкилот хозирги пайтда реструктуризацияни амалга ошириши бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олгани тўғрисида асосли кутишни вужудга келтириш эҳтимоли жуда кам бўлади, чунки бу муддат ташкилотга ўз режаларини ўзгартириш имкониятини беради.
- 75 Агар ташкилот ҳисобот даври тугашидан олдин куйидагиларни амалга оширмаган бўлса, раҳбарият ёки директорлар кенгаши томонидан ҳисобот даври тугашидан олдин қабул қилинган

реструктуризацияни амалга ошириш тўғрисидаги қарор ҳисобот даври охирида конструктив мажбуриятни келтириб чиқармайди:

- (а) реструктуризация бўйича режани амалга оширишни бошламаган; ёки
- (б) режанинг асосий хусусиятларини реструктуризация режаси таъсир кўрсатадиган томонларда реструктуризацияни амалга ошириши юзасидан асосли кутишни ҳосил қилиш учун етарли даражада эълон қилинмаган.

Ташкилот реструктуризация бўйича режани амалга оширишни фақат ҳисобот даврдан кейин бошлаганда ёки унинг асосий хусусиятларини у таъсир кўрсатадиган томонларга фақат ҳисобот даврдан кейин эълон қилганда, агар реструктуризация муҳим бўлса ва у тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисоботда ёритиб бермаслик фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир этиши мумкин бўлса, 10-сон БҲХС “*Ҳисобот даврдан кейинги ҳодисалар*”га мувофиқ, маълумотларни ёритиб бериш талаб этилади.

76 Конструктив жавобгарлик фақат раҳбариятнинг қарори билан юзага келмаслигига қарамасдан, жавобгарлик бундай қарор билан бирга олдинроқ содир бўлган бошқа ҳодисалар натижасида келиб чиқиши мумкин. Масалан, ишдан бўшатиш нафақалари бўйича ходимларнинг вакиллари билан музокаралар ёки бизнесни сотиш бўйича харидорлар билан музокаралар натижалари фақат директорлар кенгаши томонидан маъқулланганидан сўнг қабул қилиниши мумкин. Бундай маъқулланиш олинганидан ва бошқа томонларга маълум қилинганидан кейин, агар 72-бандда белгиланган шартлар бажарилса, ташкилот конструктив мажбуриятга эга бўлади.

77 Баъзи мамлакатларда, якуний қарорни қабул қилиш бўйича ваколат аъзолигига раҳбариятдан ташқари манфаатдор томонларнинг (масалан ходимларнинг) вакиллари кириши ёки директорлар кенгаши қарор қабул қилишидан олдин бундай вакилларга хабар қилиши талаб этилиши мумкин бўлган кенгашга берилган. Бу кенгаш томонидан қарор қабул қилиш жараёни бундай манфаатдор томонларнинг вакилларга хабар беришни ўз ичига олганлиги сабабли, у реструктуризация бўйича конструктив жавобгарлик юзага келишига олиб келиши мумкин.

78 Ташкилот бизнесни сотиш бўйича жавобгарликни олмагунча, яъни мажбурий сотиш шартномаси тузилмагунча, бизнесни сотиш бўйича жавобгарлик юзага келмайди.

79 Ташкилот бизнесни сотиш тўғрисида қарор қабул қилганда ва бу тўғрисида оммага эълон қилганда ҳам, токи харидор аниқланмагунча ва мажбурий сотиш шартномаси мавжуд бўлмагунча, ташкилот ушбу сотиш бўйича жавобгарликни олган деб ҳисоблана олмайди. Мажбурий сотиш шартномаси мавжуд бўлмагунча, ташкилот ўз қарорини ўзгартириши мумкин ва ҳақиқатда ҳам, муносиб шартлар асосида харидор топилмаса, бошқа хатти-ҳаракатларни амалга оширишга мажбур бўлиши мумкин. Бизнесни сотиш реструктуризациянинг бир қисми сифатида қаралганда, ушбу бизнесга тегишли активлар 36-сон БҲХСга мувофиқ қадрсизланиш бўйича кўриб чиқилади. Сотиш реструктуризациянинг фақат бир қисми бўлганда, мажбурий сотиш шартномаси мавжуд бўлишидан олдин реструктуризациянинг бошқа қисмлари бўйича конструктив жавобгарлик юзага келиши мумкин.

80 Реструктуризация бўйича баҳоланган мажбурият қуйидаги икки шартларга жавоб берадиган ва реструктуризация натижасида юзага келадиган фақат бевосита сарфларни ўз ичига олиши лозим:

- (а) **бевосита реструктуризация натижасида юзага келган; ва**
- (б) **ташкilotнинг доимий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган.**

81 Реструктуризация бўйича баҳоланган мажбурият қуйидаги сарфларни ўз ичига олмайди:

- (а) қолган ходимларни қайта тайёрлаш ёки бошқа жойга кўчириш;
- (б) маркетинг; ёки
- (в) янги тизимлар ва тарқатиш тармоқларига инвестиция.

Ушбу сарфлар келгусида фаолиятни юритишга таалуқли бўлади ва ҳисобот даври охирида реструктуризация бўйича мажбуриятларни ифода этмайди. Бундай сарфлар улар реструктуризацияга боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келган сарфлар каби бир хил тарзда тан олинади.

82 Реструктуризация санасигача бўлган идентификацияланадиган келгуси операцион зарарлар, агар улар 10 бандда таърифланган зарар келтирувчи шартномаларга тегишли бўлмаса, баҳоланган мажбурият таркибига киритилмайди.

83 51 бандда талаб этилганидек, активларнинг кутилаётган чиқиб кетишидан фойда, ҳатто активларнинг сотилиши реструктуризациянинг бир қисми сифатида қараладиган бўлса ҳам, реструктуризация бўйича баҳоланадиган мажбуриятни баҳолашда инобатга олинмайди.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 84 Баҳоланган мажбуриятларнинг ҳар бир синфи бўйича ташкилот қуйдагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) давр бошидаги ва охиридаги баланс қиймати;
 - (б) давр мобайнида қўшимча яратилган баҳоланган мажбуриятлар, шу жумладан мавжуд баҳоланган мажбуриятларнинг қўпайиши;
 - (в) давр мобайнида фойдаланилган суммалар (яъни баҳоланган мажбурият ҳисобидан сарфланган ва баҳоланган мажбуриятни камайтирган суммалар);
 - (г) давр мобайнида қайта тикланган фойдаланилмаган суммалар; ва
 - (д) давр мобайнида вақт ўтиши билан ва дисконтлаш ставкасидаги ҳар қандай ўзгаришнинг таъсири натижасида дисконтланган қийматнинг қўпайиши.
- Қиёсий маълумот талаб этилмайди.
- 85 Ташкилот баҳоланган мажбуриятнинг ҳар бир синфи бўйича қуйдагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) жавобгарлик характерининг қисқача тавсифи ва унинг натижасида иқтисодий наф чиқиб кетишининг қутилётган муддати;
 - (б) ресурслар чиқиб кетишининг суммаси ёки муддатига тегишли ноаниқликларнинг таснифи. Етарлича маълумотлар тақдим этилиши зарур бўлган ҳолларда, ташкилот келгуси ҳодисалар бўйича қилинган аҳамиятли фаразларни 48 бандда талаб этилганидек, ёритиб бериши лозим; ва
 - (в) қутиляётган қоплаб бериш суммаси бўйича тан олинган ҳар қандай активнинг қийматини кўрсатган ҳолда ҳар қандай қутиляётган қоплаб бериш суммаси.
- 86 Агар мажбурият сўндириш учун ресурслар чиқиб кетиш эҳтимоли кам бўлмаса, ташкилот ҳисобот даври охирида шартли мажбуриятнинг ҳар бир синфи бўйича шартли мажбурият характерининг қисқача тавсифи ва, амалий имкони бўлса, қуйдагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) 36–52 бандларга мувофиқ баҳоланган шартли мажбуриятнинг молиявий таъсири ҳисоб баҳоси;
 - (б) ресурсларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ сумма ёки муддатга тегишли ноаниқликларнинг таснифи; ва
 - (в) ҳар қандай қоплаб беришнинг олинishi эҳтимоллиги.
- 87 Бир синфни ташкил этиши мумкин бўлган баҳоланган мажбуриятлар ёки шартли мажбуриятларни аниқлашда 85(а) ва (б) ҳамда 86(а) ва (б) бандлар талабларини бажариш учун моддаларнинг характери етарлича ўхшаш эканлигини ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун, турли товарларга тегишли кафолатлар суммасини баҳоланган мажбуриятларнинг алоҳида синфи сифатида тан олиш ўринли бўлиши мумкин, лекин стандарт кафолатларга ва суд низолари бўйича суммаларни баҳоланган мажбуриятларнинг ягона синфи сифатида тан олиш ўринли бўлмайди.
- 88 Баҳоланган мажбурият ва шартли мажбурият бир хил ҳолатлардан келиб чиққанда, ташкилот 84–86 бандларда талаб қилинганидек, баҳоланган мажбурият ва шартли мажбурият ўртасидаги боғлиқликни кўрсатадиган тарзда ёритиб беради.
- 89 Иқтисодий нафлар келиб тушиши эҳтимоли мавжуд бўлганда, ташкилот ҳисобот даври охирида шартли активлар характерининг қисқача тавсифини ва амалий имкони бўлганда, 36–52 бандлардаги баҳоланган мажбуриятлар бўйича белгиланган тамойиллардан фойдаланган ҳолда, улар молиявий таъсирининг ҳисоб баҳоси тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 90 Шартли активлар бўйича ёритиб бериладиган маълумотлар даромад олиш эҳтимоллиги тўғрисида чалғитадиган тасаввур бермаслиги муҳимдир.
- 91 86 ва 89 бандларда талаб этилган ҳар қандай маълумот амалий имконсизлиги туфайли ёритиб берилмаса, ушбу факт қайд этилиши лозим.
- 92 Жуда камдан-кам ҳолатларда, 84–89 бандларда талаб этилган барча маълумотлар ёки уларнинг бир қисми ёритиб берилиши ташкилотнинг баҳоланган мажбурият, шартли мажбурият ёки шартли актив масаласида бошқа томонлар билан мунозараларида ташкилотнинг позициясига жиддий зарар келтириши қутилиши мумкин. Бундай ҳолатларда, ташкилот маълумотларни

ёритиб бериши шарт эмас, лекин маълумотлар ёритиб берилмаслиги фактини ва сабабини мунозаранинг умумий характери билан биргаликда ёритиб бериши лозим.

Ўтиш қоидалари

- 93 Мазкур стандарт қабул қилинишининг таъсири кучга кириш санасида (ёки ундан олдинроқ санада) стандарт биринчи марта қўлланилаётган даврдаги тақсимланмаган фойданинг давр бошидаги қолдиғига тузатиш тарзида тақдим этилиши лозим. Ташкилотлар энг олдинги тақдим қилинган даврдаги тақсимланмаган фойданинг давр бошидаги қолдиғига тузатиш киритиши ва қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаши маъқулланади, лекин талаб этилмайди. Агар қиёсий маълумот қайта ҳисобланмаса, бу факт ёритиб берилиши лозим.
- 94 [Чиқариб ташланган]
- 94А 2020 йил май ойида эълон қилинган “Зарар келтирувчи шартномалар—Шартномани бажариш сарфлари” бўйича 68А банд киритилган ва 69-банд ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни биринчи марта қўллаган (дастлабки қўллаш санаси) йиллик ҳисобот даврининг бошида ўзининг барча мажбуриятларини бажармаган шартномаларига нисбатан ушбу ўзгартиришларни қўллаши лозим. Ташкилот қиёсий маълумотларни қайта ҳисобламаслиги лозим. Бунинг ўрнига, ташкилот мазкур ўзгартиришларни дастлабки қўллашнинг кумулятив таъсирини дастлабки қўллаш санасида кирувчи тақсимланмаган фойдага ёки хусусий капиталнинг бошқа компонентида, киритилган тузатиш сифатида тан олиши лозим.

Кучга кириш санаси

- 95 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 1999 йил 1 июл ёки ундан кейинги даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур стандартни 1999 йил 1 июлдан олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 96 [Чиқариб ташланган]
- 97 [Чиқариб ташланган]
- 98 [Чиқариб ташланган]
- 99 2013 йил декабрь ойида эълон қилинган “2010-2012 йиллар учун МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар” бўйича 3-сон МҲХСга ўзгартиришлардан келиб чиқиб 5 бандга ўзгартиришлар киритилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни перспектив тарзда 3-сон МҲХСга ўзгартиришлар қўлланадиган бизнес бирлашувларига нисбатан қўллаши лозим.
- 100 2014 йил май ойида эълон қилинган 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” бўйича ва 5 бандга ўзгартиришлар киритилди ва 6 банд чиқариб ташланди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 101 2014 йил июл ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 2-банд ўзгартирилган ва 97 ҳамда 98 бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 102 2016 йил январ ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС бўйича 5 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 103 [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]
- 104 2018 йил октябрь ойида эълон қилинган “Муҳимлик таърифи” (1-сон БҲХС ва 8-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 75 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2000 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун перспектив қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 1-сон БҲХСнинг 7-банди ва 8-сон БҲХСнинг 5 ва 6-бандларидаги муҳимлик таърифига ўзгартиришлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 105 2020 йил май ойида эълон қилинган “Зарар келтирувчи шартномалар—Шартномани бажариш сарфлари” бўйича 68А ва 94А бандлар киритилган ва 69-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилотлар мазкур ўзгартиришларни 2022 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
23-ИЛОВА

38-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Номоддий активлар

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади ҳисобга олиш тартиби бошқа стандартлар билан белгиланмайдиган номоддий активлар учун ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборат. Мазкур стандарт ташкилот томонидан номоддий активни фақат ва фақат белгиланган мезонларга жавоб берганда тан олишни талаб этади. Шунингдек, ушбу стандарт номоддий активларнинг баланс қийматини баҳолаш тартибини белгилайди ва номоддий активлар тўғрисидаги муайян маълумотларни ёритиб берилишини талаб этади.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт қуйидагилардан ташқари, барча номоддий активларни ҳисобга олишда қўлланилиши лозим:
- (а) бошқа стандартнинг қўллаш доирасида бўлган номоддий активлар;
 - (б) 32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиши*” да таърифланган молиявий активлар;
 - (в) қидириш ва баҳолаш билан боғлиқ активларни тан олиш ва баҳолаш (6-сон МҲХС “*Фойдали қазилмаларни геологик қидириш ва баҳолаш*” га қаранг); ва
 - (г) фойдали қазилмалар, нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурсларни қазиб олишга ва конларни ўзлаштириш бўйича тажриба-конструкторлик ишларига сарфлар.
- 3 Агар номоддий активнинг муайян тури учун ҳисобга олиш тартиби бошқа стандартда белгиланган бўлса, ташкилот мазкур стандарт ўрнига ўша стандартни қўллайди. Масалан, мазкур стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланмайди:
- (а) ташкилотнинг одатдаги фаолияти доирасида сотиш учун мўлжалланган номоддий активларга (2-сон БҲХС “*Заҳиралар*” га қаранг).
 - (б) кечиктирилган солиқ активларига (12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*” га қаранг).
 - (в) 16-сон МҲХС “*Ижара*” га мувофиқ ҳисобга олинмайдиган номоддий активлар ижарасига.
 - (г) ходимлар даромадлари натижасида келиб чиқадиган активларга (19-сон БҲХС “*Ходимлар даромадлари*” га қаранг).
 - (д) 32-сон БҲХС да таърифланган молиявий активларга. Баъзи молиявий активларнинг тан олиниши ва баҳоланиши 10-сон МҲХС “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот*”, 27-сон БҲХС “*Алоҳида молиявий ҳисобот*” ва 28-сон БҲХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*” да қамраб олинган.
 - (е) бизнес бирлашуви натижасида харид килинган гудвил (3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” га қаранг).
 - (ё) 4-сон МҲХС “*Суғурта шартномалари*” нинг қўллаш доирасидаги суғурта шартномаларига асосан суғуртачининг шартномавий ҳуқуқларидан келиб чиқадиган кечиктирилган аквизиция сарфлари ва номоддий активлар. 4-сон МҲХС бундай номоддий активлар учун эмас, кечиктирилган аквизиция сарфлари учун муайян маълумотларни ёритиб бериш талабларини белгилайди. Шунинг учун, бундай номоддий активларга нисбатан мазкур стандартдаги маълумотларни ёритиб бериш талаблари қўлланади.

- (ж) 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибидаги) узоқ муддатли номоддий активлар.
- (з) 15-сон МҲХС “*харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*”га мувофиқ харидорлар билан шартномалардан келиб чиқадиган активларга.
- 4 Баъзи номоддий активлар моддий манбаларда сақланиши мумкин, масалан, компакт дискда (компьютер дастурий таъминоти мисолида), юридик ҳужжатларда (лицензия ёки патент мисолида) ёки фильм тасмасида. Ҳам номоддий ҳам моддий элементларга эга активни 16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*” бўйича ёки мазкур стандарт бўйича номоддий активлар тарзида ҳисобга олиншини аниқлаш учун ташкилот ушбу элементларнинг қайси бири кўпроқ аҳамиятли эканини баҳолаш учун мулоҳазадан фойдаланади. Масалан, дастурий таъминотсиз ишлаш олмайдиган компьютер орқали бошқариладиган ускунанинг дастурий таъминоти бундай ускунанинг ажралмас қисми ҳисобланади ва у асосий восита сифатида ҳисобга олинади. Айнан шу ёндашув компьютернинг операцион тизимига ҳам қўлланилади. Агар дастурий таъминот тегишли ускунанинг ажралмас қисми бўлмаса, у ҳолда, мазкур дастурий таъминот номоддий актив сифатида ҳисобга олинади.
- 5 Мазкур стандарт, бошқа нарсалар қаторида, реклама, ўқитиш, стартап, тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича сарфлар учун ҳам қўлланади. Тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари фаолиятининг мақсади янги билимларни ўзлаштиришга қаратилган. Шу сабабдан, ушбу фаолият натижасида моддий қўринишдаги актив (масалан, прототип) яратилишига қарамадан, активнинг моддий элементи унинг номоддий компонентига, яъни унда мужассамланган билимга нисбатан иккиламчи ҳисобланади.
- 6 Ижарачига лицензия келишувига асосан тегишли бўлган кинофильмлар, видеоёзувлар, пьесалар, қўлёзмалар, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари каби моддаларга тегишли ҳуқуқлар мазкур стандартнинг қўллаш доирасига киради ва 16-сон МҲХСнинг қўллаш доирасига киритилмайди.
- 7 Стандартнинг қўллаш доирасидан чиқиши, агар фаолият ёки операциялар бошқача ёндашув талаб этадиган ҳисобга олиш муаммоларини келтириб чиқарадиган даражада ихтисослашган бўлса, юз бериши мумкин. Бундай масалалар қазиб олиш тармоқларида нефть, газ ва фойдали қазилмаларни қидириш ёки конларни ўзлаштириш бўйича тажриба-конструкторлик ва қазиб олиш бўйича сарфларни ҳисобга олишда, шунингдек суғурта шартномалар бўйича юзага келади. Шунинг учун, мазкур стандарт бундай турдаги фаолиятларни амалга оширишга ва бундай шартномаларга қилинган сарфлар учун қўлланмайди. Лекин, мазкур стандарт қазиб олиш тармоқларида ва суғурта бизнесида фойдаланиладиган бошқа номоддий активларга (масалан, компьютер дастурий таъминоти) ва ушбу тармоқларда амалга оширилган бошқа сарфларга (масалан, стартап сарфларига) нисбатан қўлланади.

Таърифлар

- 8 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Амортизация**- номоддий активнинг амортизацияланадиган қийматини фойдали хизмат муддати давомида тизимли тақсимлашдир.
- Актив** – бу шундай ресурски:
- (а) у олдинги ҳодисалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинади; ва
- (б) ташкилот ундан келгуси иқтисодий наф олишни кутади.¹
- Баланс қиймати** – активнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ундан жамғарилган амортизация ва бундай активнинг қадрсизланишидан жамғарилган зарарлар чегириб ташлангандан сўнг аниқланадиган суммасидир.
- Бошланғич қиймат** - активни харид қилиш ёки қурилиши пайтида уни харид қилиш учун тўланган пул маблағлари ёки пул маблағларининг эквивалентлари ёки бошқа товоннинг ҳаққоний қиймати ёки қўллаш мумкин бўлган ҳолларда, бошқа МҲХСларнинг, масалан 2-сон МҲХС “*Ақцияга асосланган тўлов*”нинг, муайян талабларига мувофиқ мазкур активни дастлабки тан олиншида унга олиб бориладиган суммадир.
- Эскириш ҳисобланадиган қиймат** – активнинг бошланғич қийматидан ёки бошланғич қиймат ўрнини босадиган бошқа қийматдан тугатиш қийматини чегириш натижасида олинган қиймат.

¹ Мазкур стандартдаги актив таърифи 2018 йилда эълон қилинган “*Молиявий ҳисоботларни тақдим этишининг концептуал асоси*”да қайта кўриб чиқилган актив таърифи асосида қайта кўриб чиқилмаган.

Тажриба-конструкторлик ишлари — янги ёки янада такомиллаштирилган материаллар, курилмалар, маҳсулотлар, жараёнлар, тизимлар ёки хизматларни режалаштириш ёхуд лойиҳалаштириш учун, уларни тижорат мақсадларида ишлаб чиқаришдан ёки фойдаланишдан олдин тадқиқот натижаларини ёки бошқа билимларни қўллаш.

Ташкилотга хос қиймат – ташкилотнинг активдан давомий фойдаланишдан ва фойдали хизмат муддати охирида ҳисобдан чиқаришдан олинishi ёки мажбурият сўндирилишида тўланиши кутиладиган пул оқимларининг дисконтланган қийматидир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарҳдир. (13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”га қаранг.)

Қадрсизланишдан зарар - бу актив баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошган суммасидир.

Номодий актив – моддий–ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган номонетар актив.

Монетар активлар – мавжуд пул маблағлари ва қатъий ёки аниқланадиган пул маблағлари миқдорида олинадиган активлар.

Тадқиқот- янги илмий ёки техник билимлар ва ғояларни олиш мақсадида ўтказиладиган асл ва режали изланишлардир.

Активнинг тугатиш қиймати - актив фойдали хизмат муддати охирида кутиладиган ёшда ва ҳолатда бўлиши назарда тутиладиган бўлса, активнинг ҳисобдан чиқаришда тахминий ҳисобдан чиқариш сарфларини чегиргандан сўнг ташкилот томонидан жорий пайтда олинishi мумкин бўлган ҳисобланган суммадир.

Фойдали хизмат муддати бу:

- (а) активнинг ташкилот томонидан фойдаланишда давом этилиши кутилаётган давр; ёки
- (б) ташкилот томонидан ушбу активдан фойдаланишдан олинishi кутилаётган маҳсулот ёки шунга ўхшаш birlikлар сони.

Номоддий активлар

- 9 Ташкилотлар тез-тез илмий ёки техник билим, янги жараёнлар ёки тизимларни лойиҳалаш ва жорий этиш, лицензиялар, интеллектуал мулк, бозор тўғрисидаги билимлар ва савдо маркалари (жумладан, фирма номлари ва чоп этиш ҳуқуқлари) каби номоддий ресурсларни харид қилиш, ишлаб чиқиш, сақлаб туриш ёки такомиллаштириш ресурсларни сарфлашади ёки мажбуриятлар олишади. Ушбу умумий тоифаларга кирадиган моддаларнинг кенг тарқалган мисоллари компьютер дастурий таъминоти, патентлар, муаллифлик ҳуқуқи, кинофильмлар, харидорлар рўйхати, ипотекага хизмат кўрсатиш ҳуқуқи, балиқ овлашга лицензия, импорт квоталари, франшиза, харидорлар ёки етказиб берувчилар билан муносабатлар, харидорлар лоялиги, бозор улуши ва сотиш ҳуқуқларини ўз ичига олади.
- 10 9-бандга келтирилган моддаларнинг ҳаммаси ҳам номоддий активнинг таърифига, яъни идентификацияланиш, ресурсни назорат қилиш ва келгуси иқтисодий нафларнинг мавжудлиги мезонларига жавоб бермайди. Агар мазкур стандартнинг қўллаш доирасида бўлган модда номоддий актив таърифига жавоб бермаса, уни харид қилиш ёки ўз кучи билан яратиш учун қилинган сарфлар, улар юзага келган пайтда харажат сифатида тан олинади. Лекин, агар модда бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган бўлса, у харид қилинган санада тан олинадиган гудвилнинг бир қисмини ташкил этади (68-бандга қаранг).

Идентификацияланиш

- 11 Номоддий активнинг таърифи номоддий активни гудвилдан фарқланиши учун уни идентификацияланадиган бўлишини талаб этади. Бизнес бирлашуви натижасида тан олинган гудвил бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган бошқа активлардан олинадиган келгуси иқтисодий нафларни ифода этадиган, индивидуал тарзда идентификацияланмайдиган ва алоҳида тан олинмайдиган активдир. Келгуси иқтисодий нафлар харид қилинган идентификацияланадиган активларнинг ўзаро бирлашувидан ёки алоҳида олганда молиявий ҳисоботда тан олиш мезонларига жавоб бермайдиган активлардан юзага келиши мумкин.
- 12 **Актив идентификацияланадиган ҳисобланади, агарда у:**

- (а) ажраладиган бўлса, яъни уни ташкилотдан ажратиш ёки бўлиш ва индивидуал тарзда ёки тегишли шартнома, идентификацияланадиган актив ёки мажбурият билан бирга сотиш, ўтказиш, лицензиялаш, ижарага бериш ёки айирбошлаш мумкин бўлса, ташкилотнинг юқоридагиларни амалга ошириш нияти бор ёки йўқлигидан қатъий назар; ёки
- (б) шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлар натижасида, бундай ҳуқуқлар ўтказиладиган ёки ташкилотдан ёки бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан ажраладиган бўлишидан қатъий назар келиб чиқадиган бўлса.

Назорат

- 13 Агар ташкилот актив асосидаги ресурсдан келадиган келгуси иқтисодий нафларни олишга ва ушбу нафлардан бошқаларнинг олиш имкониятини чеклашга қодир бўлса, ташкилот активни назорат қилади. Ташкилотларнинг номоддий активдан келадиган келгуси иқтисодий нафларни назорат қилиш қобилияти одатда суд тартибида амалга оширилиши мумкин бўлган юридик ҳуқуқлардан келиб чиқади. Юридик ҳуқуқлар мавжуд бўлмаганда, назоратнинг мавжудлигини кўрсатиб бериш янада мураккаблашади. Бироқ, ҳуқуқнинг юридик ҳимояланганлиги назоратнинг мажбурий шarti ҳисобланмайди, чунки ташкилот бошқа усуллар билан ҳам келгуси иқтисодий нафларни назорат қилиши имкониятига эга бўлиши мумкин.
- 14 Бозор билимлари ва техник билимлар келгуси иқтисодий нафларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин. Ташкилот бундай нафларни, агарда, масалан, бундай билим юридик ҳуқуқ билан ҳимояланган бўлса, муаллифлик ҳуқуқи билан, савдо шартномасида чеклов ўрнатиш билан (агар рухсат берилса) ёки ходимларнинг махфийликни сақлаш бўйича ҳуқуқий мажбурияти билан назорат қилади.
- 15 Ташкилот малакали ходимлар жамоасига эга бўлиши мумкин ва ходимларини ўқитиш натижасида уларнинг келгуси иқтисодий наф келтирадиган кўшимча кўникмаларини идентификация қилиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Шунингдек, ташкилот ходимлар ўз малакасида ташкилот манфаатлари учун фойдаланишини давом эттиришини кутиши мумкин. Лекин, ташкилот одатда номоддий актив таърифига жавоб бериши учун малакали ходим ва унинг ўқиши каби моддалар натижасида юзага келадиган, қутилаётган келгуси иқтисодий наф бўйича етарли даражада назоратга эга бўлмайди. Айнан шу сабабга кўра, муайян бошқарув ёки техник қобилият номоддий активнинг таърифига жавоб бериши даргумон, бундан ташкилот мазкур қобилиятлардан фойдаланиш ва ундан қутилаётган келгуси иқтисодий нафни олиш учун юридик ҳуқуққа эга бўлиши ҳамда ушбу моддалар номоддий актив таърифининг қолган талабларига жавоб бериши мустасно.
- 16 Ташкилот маълум харидорлар портфелига ёки бозордаги улушга эга бўлиши мумкин ва харидорлар билан муносабат ўрнатиш ва уларнинг лояллигини сақлашга қаратилган сай-ҳаракатлари туфайли харидорлар ташкилот билан тижорат операцияларини давом эттиришини кутади. Лекин, харидорлар билан муносабатларни ёки уларнинг ташкилотга лояллигини ҳимоялаш учун юридик ҳуқуқнинг ёки назорат қилишнинг бошқа усуллари мавжуд эмаслиги натижасида, ташкилот одатда номоддий актив таърифига жавоб бериши учун харидорлар билан муносабатлар ва лояллик каби моддалар (масалан, харидорлар портфели, бозордаги улуши, харидорлар билан муносабат ва харидорларнинг лояллиги) натижасида юзага келадиган, қутилаётган келгуси иқтисодий наф бўйича етарли даражада назоратга эга бўлмайди. харидорлар билан муносабатларни ҳимоялаш учун юридик ҳуқуқ мавжуд бўлмаган тақдирда, предмети бир хил ёки ўхшаш, шартномага асосланмаган харидорлар билан муносабатлар бўйича айирбошлаш операцияси мавжудлиги (бизнес бирлашувидаги айирбошлашдан ташқари), ташкилотнинг харидорлар билан муносабатдан келиб чиқадиган келгуси иқтисодий нафни назорат қилиш қобилиятига эгаллигининг далилидир. Шунингдек, бундай айирбошлаш операциялари харидорлар билан муносабатларни ажраладиган эканини кўрсатганлиги сабабли, харидорлар билан муносабатлар номоддий активнинг таърифига жавоб беради.

Келгуси иқтисодий нафлар

- 17 Номоддий активдан келиб чиқадиган келгуси иқтисодий нафлар маҳсулот ёки хизматларни сотишдан тушумларни, сарфларни камайтиришни ёки ташкилот томонидан бундай активдан фойдаланилиши натижасида юзага келадиган бошқа нафларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал мулкдан фойдаланиш келгусидаги тушумларни ошириш ўрнига келгуси ишлаб чиқариш сарфларини камайтириши мумкин.

Тан олиш ва баҳолаш

- 18 Моддани номоддий актив сифатида тан олиши учун ташкилот ушбу модда куйидагиларга жавоб беришини кўрсатиб бериши лозим:
- (а) номоддий актив таърифига (8-17 бандларга қаранг); ва
 - (б) тан олиш мезонларига (21-23 бандларга қаранг).
- Ушбу талаб номоддий активни харид қилиш ёки уни ўз кучи билан яратиш билан боғлиқ дастлабки сарфлар ва уни такомиллаштириш, қисман алмаштириш ёки хизмат кўрсатишга кейинги сарфларга нисбатан қўлланади.
- 19 25-32 бандларда алоҳида харид қилинган номоддий активларнинг тан олиш мезонлари қўлланиши кўриб чиқилади ва 33-43 бандларда ушбу мезонларнинг бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган номоддий активлар учун қўлланиши кўриб чиқилади. 44-бандда давлат гранти ҳисобидан харид қилинган номоддий активларни дастлабки баҳолаш, 45-47 бандларда номоддий активларни айирбошлаш, 48-50 бандларда эса ташкилот ўзида яратилган гудвилни ҳисобга олиш тартиби кўриб чиқилади. 51-67 бандларда ташкилотнинг ўзида яратилган номоддий активларнинг дастлабки тан олиш ва баҳолаш кўриб чиқилади.
- 20 Номоддий активларнинг хусусияти шундан иборатки, кўп ҳолларда, бу каби активни такомиллаштириш ёки уни қисман алмаштириш амалга оширилмайди. Шунга кўра, кўпчилик кейинги сарфлар мавжуд номоддий активда мужассамлашган, қутилаётган келгуси иқтисодий нафни таъминлаш учун амалга оширилади, лекин улар мазкур стандарт билан белгиланган номоддий актив таърифига ва тан олиш мезонларига жавоб бермайди. Бундан ташқари, кейинги сарфларни умумий ҳолда бизнесга эмас, бевосита муайян номоддий активга олиб бориш кўп ҳолларда қийиндир. Шунинг учун, кейинги сарфлар, яъни харид қилинган номоддий активни дастлабки тан олишдан сўнг ёки ташкилотнинг ўзида номоддий активни яратиш яқунлангандан сўнг амалга оширилган сарфлар, активнинг баланс қийматида камдан-кам ҳолларда тан олинади. 63-бандга мувофиқ савдо маркалари, сарлавҳалар, ноширлик ҳуқуқи, харидорлар рўйхати ва моҳиятан шунга ўхшаш моддалар (ташкилот томонидан харид қилинган ёки ташкилот ўзида яратилганидан қатъий назар) бўйича амалга оширилган кейинги сарфлар ҳар доим юзага келиши билан ташкилотнинг фойда ёки зарари таркибида тан олинади. Чунки, бундай сарфларни бизнесни умумий ҳолда ривожлантириш бўйича амалга оширилган сарфлардан ажратиш мумкин эмас.
- 21 **Номоддий актив фақат ва фақат куйидаги ҳолларда тан олинishi лозим:**
- (а) ташкилот ушбу актив билан боғлиқ қутилаётган келгуси иқтисодий нафни олиш эҳтимоли мавжуд; ва
 - (б) ушбу активнинг бошланғич қиймати ишончли баҳоланиши мумкин.
- 22 **Ташкилот активнинг фойдали хизмат муддати давомида мавжуд бўладиган бир қатор иқтисодий шарт-шароитларга нисбатан раҳбариятнинг энг тўғри ҳисобланган баҳосини ўзида акс эттирадиган ишончли ва асосланган тахминларни қўллаган ҳолда қутилаётган келгуси иқтисодий наф эҳтимолигини баҳолаши лозим.**
- 23 Ташкилот дастлабки тан олиш пайтидаги маълумотларга асосланган ҳолда, ташқи манбалардан олинган маълумотларга кўпроқ аҳамият бериб, активдан фойдаланиш натижасида олинadиган келгуси иқтисодий наф оқимига нисбатан аниқлик даражасини баҳолаш учун мулоҳазадан фойдаланади.
- 24 **Номоддий активлар дастлаб бошланғич қиймат бўйича баҳоланади.**

Алоҳида харид қилиш

- 25 Одатда, ташкилот томонидан номоддий активни алоҳида харид қилиш учун тўланадиган нарх мазкур активда мужассамлашган қутилаётган келгуси иқтисодий нафни олиш эҳтимоли бўйича қутишларни акс эттиради. Бошқача айтганда, ташкилот гарчи иқтисодий наф киримининг муддати ёки миқдори бўйича ноаниқликлар мавжуд бўлса ҳам, бундай киримни кутади. Шунинг учун, алоҳида харид қилинган номоддий активларга нисбатан 21(а)- бандда келтирилган тан олиш мезони эҳтимолига ҳар доим бажарилган ҳисобланади.
- 26 Бундан ташқари, одатда алоҳида харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қийматини ишончли баҳолаш мумкин. Бу ҳолат, айниқса, харид қилиш пайтида тўланган товон пул маблағлари ёки бошқа монетар активлар шаклида бўлганда юз беради.
- 27 Алоҳида харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати куйидагиларни ўз ичига олади:

- (а) сотиб олиш нархи, шунингдек савдо чегирмалари ва қисман қайтаришлар(рибейт) чиқариб ташланган ҳолда импорт божлари ва қопланмайдиган солиқ суммаси; ва
 - (б) активни белгиланган мақсадда фойдаланишга тайёрлаш билан боғлиқ барча бевосита сарфлар.
- 28 Куйида бевосита сарфларга мисоллар келтирилган:
- (а) активни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган, ходимлар даромадларига сарфлар (ушбу атама 19-сон БҲХСда таърифлангандек);
 - (б) активни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган профессионал хизматларни тўлаш бўйича сарфлар; ва
 - (в) активнинг тўғри ишлаётганлигини синовдан ўтказиш сарфлари.
- 29 Номоддий активнинг бошланғич қиймати таркибига киритилмайдиган сарфларга мисол тариқасида куйидагилар келтирилган:
- (а) янги маҳсулот ёки хизматларни намойиш этиш билан боғлиқ сарфлар (реклама ва уларни намойиш этиш билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш сарфларини ўз ичига олган ҳолда);
 - (б) янги жойда ёки харидорларнинг янги синфи билан тижорат фаолиятини юритиш сарфлари (ходимларни ўқитиш билан боғлиқ сарфларини ўз ичига олган ҳолда); ва
 - (в) маъмурий ва бошқа умумий устама харажатлар.
- 30 Номоддий актив билан боғлиқ сарфларни унинг баланс қийматида тан олиш актив, раҳбарият томонидан назарда тутилган тарзда, фойдаланишга яроқли ҳолга келтирилган пайтда тўхтатилади. Шунинг учун номоддий активдан фойдаланишда ёки жойини ўзгартиришда амалга оширилган сарфлар ушбу активнинг баланс қийматига киритилмайди. Масалан, куйидаги сарфлар номоддий активнинг баланс қийматида киритилмайди:
- (а) активнинг раҳбарият томонидан кўзланган мақсадда фойдаланиш учун тайёр бўлган, лекин фойдаланишга топширилмаган пайтда амалга оширилган сарфлар; ва
 - (б) дастлабки операцион зарарлар, масалан мазкур актив ёрдамида амалга оширилаётган ишлаб чиқаришга бозор талабини шакиллантириш даврида кўрилган операцион зарарлар.
- 31 Баъзи операциялар номоддий активни ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳолда содир бўлади, лекин улар мазкур активни раҳбарият томонидан назарда тутилган тарзда фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш учун мажбурий ҳисобланмайди. Бундай қўшимча операциялар ишлаб чиқиш давомида ёки ундан олдин содир бўлиши мумкин. Чунки, қўшимча операциялар раҳбарият томонидан назарда тутилган тарзда фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш учун мажбурий ҳисобланмайди, шунинг учун, қўшимча операциялар билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар улар юзага келган пайтда фойда ёки зарарлар таркибида тан олиниши ва мувофиқ даромад ва харажат синфига олиб борилиши лозим.
- 32 Агар номоддий актив бўйича тўловни кечиктириш одағий кредитлаш шартларидан ташқарида бўлса, бундай активнинг бошланғич қиймати пул маблағлари билан дарҳол тўланиши мумкин бўлган эквивалент нархга тенг бўлади. Ушбу қиймат ва барча тўловлар суммаси ўртасидаги фарқ, агар у 23-сон БҲХС “Қарзлар бўйича сарфлар”га мувофиқ капиталлаштирилмаса, кредитлашнинг бутун муддати мобайнида фоиз харажатлари сифатида тан олинади.

Бизнес бирлашув доирасида харид қилиш

- 33 3-сон БҲХС “*Бизнес бирлашувлари*”га мувофиқ, агар номоддий актив бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган бўлса, номоддий активнинг бошланғич қиймати харид қилиш санасидаги унинг ҳаққоний қиймати ҳисобланади. Номоддий активнинг ҳаққоний қиймати активда мужассамлашган келгуси иқтисодий нафни ташкилот томонидан олиниши эҳтимоли бўйича бозор иштирокчиларининг харид қилиш санасидаги кутишларини акс эттиради. Бошқача айтганда, ташкилот гарчи иқтисодий наф киримининг муддати ёки миқдори бўйича ноаниқликлар мавжуд бўлса ҳам, бундай киримни кутади. Шунинг учун, бизнес бирлашуви натижасида сотиб олинган номоддий активларга нисбатан 21(а)- бандда келтирилган эҳтимолий тан олиш мезони ҳар доим бажарилган ҳисобланади. Агар бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган актив ажраладиган ёки шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлардан келиб чиқадиган бўлса, унинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш бўйича етарли маълумот мавжуд. Шундай қилиб, бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган номоддий активларга нисбатан 21(б) бандда келтирилган эҳтимолий тан олиш мезони ҳар доим бажарилган ҳисобланади.
- 34 Мазкур стандарт ва 3-сон МҲХСга (2008 йилда қайта кўриб чиқилган) мувофиқ харид қилиш санасида бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган ташкилотнинг номоддий активини, харид

қилинадиган ташкилот томонидан бундай актив бизнес бирлашувига қадар тан олинган ёки тан олинмаганидан қатъий назар, гудвилдан алоҳидан тан олади. Бу дегани, бизнесни харид қилувчи тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларининг тугалланмаган лойиҳасини, агарда мазкур лойиҳа номоддий актив таърифига жавоб берса, уни гудвилдан алоҳида актив сифатида тан олади. Харид қилинаётган ташкилотнинг тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларининг тугалланмаган лойиҳаси қуйидаги ҳолларда номоддий актив таърифига жавоб беради:

- (а) актив таърифига жавоб берса; ва
- (б) идентификацияланадиган бўлса, яъни ажраладиган ёки шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлардан келиб чиқадиган бўлса.

Бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган номоддий актив

- 35 Агар бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган номоддий актив ажраладиган ёки шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлардан келиб чиқадиган бўлса, унда активнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш бўйича етарли маълумот мавжуд. Номоддий активнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш учун фойдаланиладиган ҳисоб баҳолари учун турли даражадаги эҳтимолий натижалар оралиғи мавжуд бўлганда, бундай ноаниқлик ҳаққоний қийматни баҳолашда ҳисобга олинмаган омил ҳисобланади.
- 36 Бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган номоддий актив фақат тегишли шартнома, идентификацияланадиган актив ёки мажбурият билан бирга бўлганда ажраладиган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, бизнесни харид қилувчи номоддий активни гудвилдан алоҳида, лекин тегишли моддалар билан биргаликда тан олинади.
- 37 Агар бир-бирини тўлдирувчи номоддий активлар гуруҳидаги индивидуал активлар бир ҳил фойдали хизмат муддатига эга бўлса, бизнесни харид қилувчи бундай активлар гуруҳини ягона актив сифатида тан олиши мумкин. Масалан, “савдо маркаси” ва “фирма номи” атамалари кўпинча товар белгиси ёки бошқа белгиларнинг синоними сифатида қўлланилади. Лекин, юқорида назарда тутилган сўзлар товар белгиси (ёки хизмат кўрсатиш белгиси) ва у билан боғлиқ савдо номлари, формулалар, рецептлар ва техник билимлар каби бир-бирини тўлдирувчи активлар гуруҳини назарда тутиш учун фойдаланиладиган умумий маркетинг атамаларини билдиради.
- 38-41 [Чиқариб ташланган]

Харид қилинган тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларининг тугалланмаган лойиҳаси бўйича келгуси сарфлар

- 42 **Тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига сарфлар:**
 - (а) алоҳида ёки бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган ва номоддий актив сифатида тан олинмаган тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларининг тугалланмаган лойиҳасига боғлиқ; ва
 - (б) шундай лойиҳани харид қилишдан кейин юзага келади
- Ушбу сарфлар 54-62 бандларга мувофиқ ҳисобда акс эттирилиши лозим.**
- 43 54-62 бандлар талабларини қўллаш шуни англатадики, алоҳида ёки бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган ва номоддий актив сифатида тан олинган тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларининг тугалланмаган лойиҳаси бўйича кейинги сарфлар:
 - (а) агар мазкур сарфлар тадқиқот сарфлари бўлса, юзага келган пайтда харажат сифатида тан олинади; (б) агар мазкур сарфлар тажриба конструкторлик ишлари бўйича сарфлар ҳисобланиб, лекин 57 – банда келтирилган номоддий актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб бермаса, юзага келган пайтда харажат сифатида тан олинади; ва
 - (б) агар мазкур сарфлар 57-банда келтирилган тан олиш мезонларига жавоб берадиган тажриба конструкторлик ишлари бўйича сарфлар бўлса, улар харид қилинган тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларининг тугалланмаган лойиҳаси баланс қиматига қўшилади.
 - (в) сотиб олинган тугалланмаган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш лойиҳасининг баланс қийматига киритилади, агарда у 57-банддаги тан олиш мезонини қаноатлантирадиган тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш сарфи бўлса.

Активларнинг давлат гранти ёрдамида олиниши

- 44 Баъзи ҳолларда номоддий активларни давлат гранти ҳисобидан текинга ёки номинал тўлов орқали харид қилиш мумкин. Бу ҳолат давлат томонидан аэропортга қўниш ҳуқуқи, телерадиоэшиттиришлар станциялари фаолияти бўйича лицензиялар, импорт қилиш учун лицензиялар ёки квоталар ёки бошқа чекланган ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи каби номоддий активларни ташкилотга ўтказганда ёки ажратганда юз бериши мумкин. 20-сон БҲХС “*Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*”га мувофиқ, ташкилот номоддий активни ва грантни дастлаб ҳаққоний қиймат бўйича тан олишни танлаши мумкин. Агар ташкилот активни дастлаб ҳаққоний қиймат бўйича тан олишни танламаса, унда ташкилот бундай актив номинал қийматини (20-сон БҲХС билан руҳсат этилган муқобил ҳисобга олиш тартиби) бўйича тан олади, бунда активни белгиланган мақсадда фойдаланишга тайёрлаш билан боғлиқ барча бевосита сарфлар активнинг номинал қийматини оширади.

Активларни айирбошлаш

- 45 Бир ёки бир нечта номоддий актив номонетар активга ёки активга ёхуд монетар ва номонетар активлар комбинациясига айирбошлаш орқали харид қилиниши мумкин. Қуйида келтирилган мунозаралар бир номонетар активни бошқасига айирбошлашни назарда тутаяди, лекин улар юқорида келтирилган барча айирбошлаш операцияларига ҳам қўлланади. Бундай номоддий активнинг бошланғич қиймати, агар (а) айирбошлаш операцияси тижорий моҳиятга эга бўлмаслик ҳолати ёки (б) на олинган на берилган активнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин эмаслиги ҳолати кузатилмаса, ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланади. Ҳатто ташкилот берилган активни тан олишни дарҳол бекор қилмаса ҳам, харид қилинган актив худди шу тарзда баҳоланади. Агар харид қилинган актив ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланмаса, у ҳолда унинг бошланғич қиймати берилган активнинг баланс қиймати бўйича баҳоланади.

- 46 Ташкилот айирбошлаш операциясининг тижорий моҳиятга эга ёки эга эмаслигини мазкур операция натижасида келгуси пул оқимларидаги кутилаётган ўзгариш даражасини баҳолаш орқали аниқлайди. Айирбошлаш операцияси тижорий моҳиятга эга бўлади, агар:

- (а) олинган актив бўйича пул оқимлари тузилмаси (яъни риск, муддат ва миқдор) берилган актив бўйича пул оқимларининг тузилмасидан фарқланса, ёки
- (б) бундай айирбошлаш натижасида ташкилот фаолиятининг ушбу операция таъсир кўрсатадиган қисмининг ташкилотга хос қиймати ўзгарса; ва
- (в) (а) ёки (б) кичик бандларида келтирилган тафовут айирбошланган активларнинг ҳаққоний қийматига нисбатан аҳамиятли бўлса.

Айирбошлаш операцияси тижорий моҳиятга эга эканлигини аниқлаш мақсадида ташкилот фаолиятининг ушбу операция таъсир кўрсатадиган қисмининг ташкилотга хос қиймати солиқ солишдан кейинги пул оқимини акс эттириши лозим. Ушбу таҳлилларнинг натижаси ташкилот томонидан батафсил ҳисоб-китобларни амалга оширмасдан ҳам яққол кўриниши мумкин.

- 47 21(б) банд номоддий активни тан олишнинг шартининг бошланғич қийматини ишончли баҳоланиши эканини белгилайди. Номоддий активнинг ҳаққоний қийматини қуйидаги ҳолларда ишончли баҳолаш мумкин: (а) ҳаққоний қийматни асосли баҳолашнинг ўзгарувчанлик диапазони мазкур актив учун аҳамиятли бўлмаса ёки (б) ушбу ўзгаришлар диапазонидаги турли ҳисоб баҳолари эҳтимolini асосли равишда баҳолаш мумкин бўлса ва ундан ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланилса. Агар ташкилот олинган активнинг ҳам, берилган активнинг ҳам ҳаққоний қийматини ишончли баҳолай олса, у ҳолда олинган активнинг ҳаққоний қиймати яққолроқ намоён бўлмаса, бошланғич қийматни баҳолаш учун берилган активнинг ҳаққоний қийматидан фойдаланилади.

Ташкилотнинг ўзида яратилган гудвил

- 48 Ташкилот ўзида яратилган гудвил актив сифатида тан олинмайди.

- 49 Баъзи ҳолларда келгуси иқтисодий нафни яратиш мақсадида сарфлар амалга оширилади, лекин мазкур стандартда белгиланган мезонларга жавоб берадиган номоддий активни яратилишига олиб келмайди. Бундай сарфлар одатда ташкилот ўзида яратилган гудвилни шаклланишига ёрдам сифатида қаралади. Ташкилот ўзида яратилган гудвил актив сифатида тан олинмайди, чунки у ташкилот томонидан назорат қилинадиган ва бошланғич қиймати ишончли баҳоланиши мумкин бўлган идентификацияланадиган ресурс ҳисобланмайди (яъни ажраладиган ҳисобланмайди ва шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлардан келиб чиқмайди).

- 50 Ташкилотнинг ҳаққоний қиймати билан унинг идентификацияланадиган соф активлари баланс қиймати ўртасидаги фарқларни исталган вақтда ташкилотнинг ҳаққоний қийматига таъсир кўрсатадиган омиллар қаторига киритиш мумкин. Бироқ, бундай фарқлар ташкилот томонидан назорат қилинадиган номоддий активнинг бошланғич қийматини ўзида акс эттирмайди.

Ташкилот ўзида яратилган номоддий активлар

- 51 Ўзида яратилган номоддий активни қуйидаги муаммолар сабабли тан олиш мезонларига жавоб беришини баҳолаш баъзан қийин бўлади:

- (а) қутилаётган келгуси иқтисодий нафларни олиб келадиган идентификацияланган активнинг мавжудлигини ва мавжуд бўлиш пайтини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар; ва
- (б) активнинг бошланғич қийматини ишончли баҳолаш билан боғлиқ муаммолар. Баъзи ҳолларда, номоддий активларни ташкилот ўзида яратиш билан боғлиқ сарфларни ташкилот ўзида яратилган гудвилни сақлаб туриш ёки мустаҳкамлаш ёхуд кундалик фаолиятни амалга ошириш учун қилинган сарфлардан фарқлаш имконсиздир.

Шу сабабдан, номоддий активни тан олиш ва бошланғич қийматини аниқлаш бўйича умумий талабларга риоя қилишдан ташқари, ташкилот ўзида яратилган барча номоддий активларга нисбатан 52-67 бандларда келтирилган кўрсатмаларни ҳам қўллайди.

- 52 Ташкилот ўзида яратилган номоддий активларни тан олиш мезонларига жавоб беришини баҳолаш мақсадида актив яратилишини қуйидаги иккита босқичга ажратади:

- (а) тадқиқот босқичи; ва
- (б) тажриба конструкторлик ишлари босқичи.

“Тадқиқот” ва “Тажриба конструкторлик ишлари” атамалари таърифланган бўлишига қарамай, мазкур стандарт мақсадларида “Тадқиқот босқичи” ва “Тажриба конструкторлик ишлари босқичи” атамалари кенгроқ маънога эга.

- 53 Агар ташкилот номоддий активни яратиш бўйича ички лойиҳанинг тадқиқот босқичини тажриба конструкторлик ишлари босқичидан фарқлай олмаса, у ҳолда мазкур лойиҳа бўйича сарфларни фақат тадқиқот босқичида амалга оширилган сарфлар тарзида ҳисобга олади.

Тадқиқот босқичи

- 54 Ҳеч бир тадқиқотдан (ёки ички лойиҳанинг тадқиқот босқичидан) келиб чиқадиган номоддий актив тан олинмайди. Тадқиқот (ёки ички лойиҳанинг тадқиқот босқичини амалга ошириш) учун қилинган сарфлар улар юзага келган пайтда харажат сифатида тан олинади.

- 55 Ички лойиҳанинг тадқиқот босқичида ташкилот келгуси эҳтимолий иқтисодий наф келтира оладиган номоддий активнинг мавжудлигини кўрсатиб бера олмайди. Шунинг учун, бундай сарфлар улар юзага келган пайтда харажат сифатида тан олинади.

- 56 Тадқиқот фаолиятига мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- (а) янги билимларни олишга қаратилган фаолият;
- (б) тадқиқотлар натижаларини ёки бошқа билимларни қўллаш соҳаларини излаш, баҳолаш ҳамда яқуний танлаб олиш;
- (в) муқобил материаллар, қурилмалар, маҳсулотлар, жараёнлар, тизимлар ёки хизматларни излаш; ва
- (г) янги ёки такомиллаштирилган материаллар, қурилмалар, маҳсулотлар, жараёнлар, тизимлар ёки хизматларга танланган муқобил вариантларни лойиҳалаш, қуриш ва синовдан ўтказиш.

Тажриба конструкторлик ишлари босқичи

- 57 Тажриба конструкторлик ишларидан (ёки ички лойиҳанинг тажриба конструкторлик ишлари босқичидан) келиб чиқадиган номоддий актив ташкилот томонидан фақат ва фақат қуйидагиларнинг барчаси кўрсатиб берилганда тан олинishi лозим:

- (а) фойдаланиш ёки сотиш учун яроқли бўлган номоддий актив ишлаб чиқишини яқунлашнинг техник жиҳатдан мумкинлиги.

- (б) **номоддий актив ишлаб чиқилишини яқунлаш ва ундан фойдаланиш ёки сотиш бўйича нияти.**
 - (в) **номоддий активдан фойдаланишга ёки сотишга қодирлиги.**
 - (г) **номоддий активдан келгуси эҳтимолий иқтисодий наф олишнинг тахмин қилинаётган усули. Шу билан бирга, ташкилот номоддий активдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот ёки номоддий активнинг ўзини сотиш учун бозорнинг мавжудлиги ёхуд ушбу актив ташкилотнинг ўзида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, бундай активнинг фойдалигини кўрсатиб бериши мумкин.**
 - (д) **тажриба-конструкторлик ишларини яқунлаш учун етарли даражада техник, молиявий ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги ва номоддий активдан фойдаланиши ёки уни сотиши мумкинлиги.**
 - (е) **тажриба конструкторлик ишлари жараёнида номоддий активларга тегишли сарфларни ишончли баҳолашга қодирлиги .**
- 58 Баъзи ҳолларда ички лойиҳанинг тажриба-конструкторлик ишлари босқичида ташкилот номоддий активни идентификация қилиши ва ушбу актив келгуси эҳтимолий иқтисодий нафни яратишини кўрсатиб бериши мумкин. Чунки, тажриба-конструкторлик ишлари босқичи тадқиқот босқичига нисбатан янада ривожланган бўлади.
- 59 Тажриба конструкторлик ишлари фаолиятига қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) прототиплар ва моделларни ишлаб чиқариш ёки фойдаланишни бошлашдан олдин уларни лойиҳалаш, қонструкциялаш ва синовдан ўтказиш;
 - (б) янги технологияни қўллаган ҳолда инструментлар, андозалар, шакллар ва штамлارни лойиҳалаш;
 - (в) тижорий ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланмайдиган тажриба қурилмаларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топшириш; ва
 - (г) янги ёки такомиллашган материал, ускуна, маҳсулот, жараён ёки хизматлар учун танланган муқобилни лойиҳалаш, қонструкциялаш ва синовдан ўтказиш.
- 60 Номоддий актив келгуси эҳтимолий иқтисодий нафни қандай яратишини кўрсатиб бериш учун ташкилот 36-сон БҲХС “*Активларнинг қадрсизланиши*” нинг тамойилларидан фойдаланган ҳолда активдан олинадиган келгуси иқтисодий нафни баҳолайди. Агар актив фақат бошқа активлар билан биргаликда иқтисодий наф яратса, у ҳолда ташкилот 36-сон БҲХСдаги пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик концепциясини қўллайди.
- 61 Номоддий активни ишлаб чиқилишини яқунлаш, фойдаланиш ва иқтисодий наф олиш учун ресурсларнинг мавжудлигини, масалан, зарур бўлган техник, молиявий ва бошқа ресурслар ҳамда ташкилотнинг ушбу ресурслар билан таъминланганлик қобилиятини акс эттирадиган бизнес-режа орқали кўрсатиб бериш мумкин. Баъзи ҳолларда, ташкилот қарз берувчининг бизнес-режада назарда тутилган фаолиятни молиялаштиришга тайёрлиги тўғрисидаги маълумотга асосланиб, ташқи молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятини кўрсатиб беради.
- 62 Ташкилот томонидан сарфлар калькуляцияси тизими ташкилот ўзида яратиладиган номоддий активларга кетадиган сарфларни, масалан муаллифлик ҳуқуқини ёки лицензия олишда ёхуд компьютер дастурларини яратишда сарфланган иш ҳақи ва бошқа сарфларни ишончли баҳолашини таъминлайди.
- 63 Ташкилот ўзида яратилган савдо белгилари, сарлавҳалар, ноширлик ҳуқуқи, харидорлар рўйхати ва моҳиятан шунга ўхшаш моддалар номоддий актив сифатида тан олинмайди.**
- 64 Ташкилот ўзида яратилган савдо белгилари, сарлавҳалар, ноширлик ҳуқуқи, харидорлар рўйхати ва моҳиятан шунга ўхшаш моддаларга қилинган сарфларни бизнесни умумий ҳолда ривожлантириш бўйича амалга оширилган сарфлардан ажратиш мумкин эмас. Шунинг учун бундай моддаларни номоддий актив сифатида тан олинмайди.

Ташкилот ўзида яратилган номоддий активнинг бошланғич қиймати

- 65 24-банднинг талабларига мувофиқ, ташкилот ўзида яратилган номоддий активнинг бошланғич қиймати мазкур стандартнинг 21, 22 ва 57 – бандларидаги номоддий активни тан олиш мезонларига жавоб берган дастлабки санадан бошлаб амалга оширилган сарфлар йиғиндисига тенг бўлади. 71-банд харажат сифатидан тан олинган сарфларни қайта тиклашни тақиқлайди.
- 66 Ташкилот ўзида яратилган номоддий активнинг бошланғич қиймати таркибига ушбу активни яратиш, ишлаб чиқариш ва раҳбарият томонидан назарда тутилган тарзда фойдаланишга яроқли ҳолга

келтириш билан боғлиқ барча бевосита сарфлар киради. Бевосита сарфларга қуйидагилар мисол бўлади:

- (а) номоддий активни яратишда фойдаланилган ёки истеъмол қилинган материал ва хизматларга сарфлар;
- (б) номоддий активни яратишдан юзага келадиган ходимлар даромадларига сарфлар (ушбу атама 19-сон БҲХСда таърифлангандек);
- (в) юридик ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун зарур тўловлар; ва
- (г) номоддий активни яратиш учун фойдаланиладиган патент ва лицензиялар амортизацияси.

23-сон БҲХС фоизларни ташкилот ўзида яратилган номоддий активнинг бошланғич қиймати элементи сифатида тан олиш мезонларини белгилайди.

67 Ташкилот ўзида яратилган номоддий активнинг бошланғич қиймати таркибига қуйидаги сарфлар кирмайди:

- (а) активни фойдаланишга тайёрлашда бевосита олиб бориладиган устама сарфлардан ташқари савдо, маъмурий ва бошқа устама сарфлар;
- (б) активнинг режалаштирилган унумдорлик даражасига етиш пайтигача содир бўлган дастлабки операцион зарарлар ва аниқланган носамарадорлик; ва
- (в) ходимларни актив билан ишлашга ўқитиш бўйича сарфлар.

65-бандга оид мисол

Ташкилот янги ишлаб чиқариш жараёнини яратмоқда. 20X5 йилда амалга оширилган сарфлар 1 000 п.б.(а) ташкилот этди, шундан 900 п.б 20X5 йил 1 декабргача, 100 п.б эса 20X5 йил 1 декабрдан 31 декабргача сарфланган. Ташкилот 20X5 йил 1 декабр ҳолатига ушбу ишлаб чиқариш жараёнини номоддий актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб беришини кўрсатиб бериши мумкин. Ушбу жараёнда мужассамлашган ноу-хауни (жараён ишлаб чиқилишини яқунлаш учун зарур бўлган келгуси пул чиқимларини ҳисобга олган ҳолда) қоплаш қиймати 500 п.б.ни ташкилот этади.

20X5 йил охирида ишлаб чиқариш жараёни 100 п.б қийматда (номоддий актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб берган санадан, яъни 20X5 йил 1 декабрдан бошлаб амалга оширилган сарфлар) номоддий актив сифатида тан олинади. 20X5 йил 1 декабргача амалга оширилган 900 п.б суммадаги сарфлар харажат сифатида тан олинади, чунки бу сарфлар 20X5 йил 1 декабргача номоддий активни тан олиш мезонларига жавоб бермаган. Мазкур сарфлар ишлаб чиқариш жараёнининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган қиймати таркибига киритилмайди.

20X6 йилда қилинган сарфлар 2000 п.б.ни ташкилот этди. 20X6 сўнгида ушбу жараёнда мужассамлашган ноу-хауни (жараён ишлаб чиқилишини яқунлаш учун зарур бўлган келгуси пул чиқимларини ҳисобга олган ҳолда) қоплаш қиймати ҳисоб баҳоси бўйича 1900 п.б. ни ташкилот этади.

20X6 йил охирида ишлаб чиқариш жараёни учун амалга оширилган сарфлар 2100 п.б.ни ташкилот этади (20X5 йил якуний ҳолатига тан олинган 100 п.б. қийматидаги сарфлар плюс 20X6 йилда тан олинган 2000 п.б. суммадаги сарфлар). Ташкилот ишлаб чиқариш жараёнининг баланс қийматини (2100 п.б) унинг қоплаш қийматига (1900 п.б) етказиш мақсадига, 200 п.б. суммадаги сарфларни қадрсизланиш бўйича зарар сифатида тан олади. Ушбу қадрсизланиш бўйича зарарлар 36-сон БҲХСнинг қадрсизланиш бўйича зарарларнинг тикланиши бўйича талабларига жавоб берса, кейинги даврларда тикланиши мумкин.

- (а) Мазкур стандартда монетар суммалар “пул бирлиги (п.б.)”да ифодаланган.

Харажатни тан олиш

68 Номоддий актив объектига қилинган сарфларни улар юзага келган пайтда харажат сифатида тан олиш лозим, бундан қуйидаги ҳолатлар мустасно:

- (а) улар тан олиш мезонларига жавоб берадиган номоддий активнинг бошланғич қиймати таркибига қўшилганда (18-67 бандларга қаранг); ёки
- (б) бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган тегишли объектни номоддий актив сифатида тан олиниши мумкин бўлмаганда. Бундай ҳолатда ушбу объект харид қилиш санасида тан олинган гудвил суммасига қўшилади (3-сон МҲХСга қаранг).
- 69 Баъзи ҳолларда сарфлар ташкилот оладиган келгуси иктисодий нафни таъминлаш мақсадида амалга оширилади, лекин шу билан биргаликда тан олинмайдиган на номоддий актив на бошқа активлар харид қилинади ёки яратилади. Товарларни етказиб беришда ташкилот бундай сарфларни товарлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган пайтда харажат сифатида тан олади. Хизматлар кўрсатишда ташкилот бундай сарфларни хизматларни қабул қилганда харажат сифатида тан олади. Масалан, тадқиқот учун сарфлар улар юзага келган пайтда харажат сифатида тан олинади (54 – бандга қаранг), бундан уларнинг бизнес бирлашуви бўйича сарфларнинг бир қисмини ташкил этган ҳоллар мустасно. Юзага келиш пайтида харажат сифатида тан олинмайдиган сарфларга қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) агар ушбу сарфлар 16-сон БҲХСга мувофиқ асосий воситалар объектининг бошланғич қийматига киритилмаса, фаолиятни бошлаш бўйича сарфлар (яъни стартап сарфлар). Стартап сарфлар ташкилотни юридик жиҳатдан ташкил этишда сарфланмайдиган котиблик ёки юридик хизматлар ҳақини (яъни таъсис этиш сарфлари), янги завод ёки бизнес очиб сарфлари (яъни очилишга қадар сарфлар) ёки янги фаолиятни бошлаш сарфлари ёки янги маҳсулотлар ёки жараёнларни яратиш учун сарфларни (яъни фаолият бошлангунга қадар сарфлар) ўз ичига олади.
- (б) ходимларни ўқитиш бўйича сарфлар.
- (в) маҳсулот рекламаси ва намойиш этиш сарфлари (шунингдек товарлар ва хизматлар каталоги китоби учун сарфлар).
- (г) ташкилотнинг қисман ёки тўлиқ бошқа жойга кўчириш ёхуд қайта ташкил этиш билан боғлиқ сарфлар.
- 69А Ташкилотда товарлардан фойдаланиш ҳуқуқи ташкилот уларга эга бўлганда пайдо бўлади. Шу каби, ташкилотда товарлардан фойдаланиш ҳуқуқи, агар ушбу товарлар етказиб бериш шартномаси шартларига мувофиқ етказиб берувчи томонидан яратилган бўлса ва ташкилот тўлов эвазига етказиб берилишини талаб қила олса, мавжуд бўлади. Хизматлар ташкилот томонидан хариддорларга реклама хизматини кўрсатиш каби бошқа хизматлар кўратиш учун фойдаланган пайтда эмас, балки ташкилотга хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича етказиб берувчи томонидан амалга оширилган пайтда қабул қилинган ҳисобланади.
- 70 Ташкилот товардан фойдаланиш ҳуқуқини олгунга қадар товарлар учун тўловларни амалга оширса, 68- банд ташкилотни ушбу аванс тўловини актив сифатида тан олишига тўсқинлик қилмайди. Шу каби, хизматлар кўрсатиш учун тўловлар хизматлар кўрсатилишидан олдин амалга оширилганда, 68- банд ташкилотни ушбу аванс тўловини актив сифатида тан олишига тўсқинлик қилмайди.

Актив сифатида тан олинмайдиган ўтган давр харажатлари

- 71 Дастлаб харажат сифатида тан олинган номоддий актив объектига қилинган сарфлар кейинчалик номоддий активнинг бошланғич қиймати таркибида тан олинмаслиги лозим.

Тан олишдан кейинги баҳолаш

- 72 Ташкилот ўзининг ҳисоб сиёсатини аниқлаш мақсадида 74-бандда назарда тутилган бошланғич қиймат моделини ёки 75 – бандда назарда тутилган қайта баҳолаш моделини танлаши лозим. Агар номоддий актив қайта баҳолаш модели бўйича ҳисобга олинса, у билан бир синфдаги бошқа активлар ҳам мазкур моделдан фойдаланган ҳолда ҳисобга олиниши лозим, бундан ушбу активларга фаол бозор мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно.
- 73 Номоддий активларнинг синфи ўзида характери бўйича ва ташкилот фаолиятида фойдаланилиши жиҳатидан активларнинг гуруҳланишини акс эттиради. Активларни танлаб баҳолашга ва молиявий ҳисоботда бошланғич қиймат ва турли саналар ҳолатига баҳоланган қийматларнинг комбинациясини назарда тутадиган суммаларни акс эттиришга йўл қўймаслик учун, бир хил номоддий активлар синфига тегишли моддалар бир вақтда қайта баҳоланади.

Бошланғич қиймат модели

- 74 Дастлаб тан олингандан сўнг, номоддий актив, жамғарилган амортизация ва қадрсизланишдан жамғарилган зарарлар чегирилган ҳолда бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олиниши лозим.

Қайта баҳолаш модели

- 75 Дастлаб тан олингандан сўнг, номоддий актив, кейинги жамғарилган амортизация ва қадрсизланишдан кейинги жамғарилган зарарларни чегирилган ҳолда, қайта баҳолаш санасидаги ҳаққоний қийматни акс эттирадиган қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олиниши лозим. Мазкур стандартга мувофиқ, қайта баҳолаш мақсадларида ҳаққоний қиймат фаол бозор маълумотларидан фойдаланган ҳолда баҳоланиши лозим. Ҳисобот даври охирида баланс қийматини унинг ҳаққоний қийматидан муҳим фарқланмаслиги учун қайта баҳолаш етарли даражада мунтазам амалга оширилиши лозим.
- 76 Қайта баҳолаш модели бўйича қуйидагиларга рухсат этилмайди:
- (а) олдин актив сифатида тан олинмаган номоддий активларни қайта баҳолашдан ўтказиш; ёки
 - (б) номоддий активларнинг бошланғич қийматидан фарқланадиган қийматда дастлабки тан олиш.
- 77 Қайта баҳолаш модели активнинг бошланғич қиймати бўйича дастлаб тан олингандан сўнг қўлланилади. Шунга қарамай, актив жараённинг маълум қисми якунланмагунча тан олиш мезонларига жавоб бермаганлиги учун (65-бандга қаранг) номоддий актив бошланғич қийматининг фақат бир қисми тан олинса, қайта баҳолаш моделини бутун активга нисбатан қўллаш мумкин. Шунингдек, қайта баҳолаш моделини давлат гранти ҳисобидан олинган ва номинал қийматда тан олинган номоддий активларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин (44-бандга қаранг).
- 78 Номоддий актив учун фаол бозорнинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳолат эканига қарамай, камдан кам ҳолларда рўй бериши мумкин. Масалан, баъзи юрисдикцияларда эркин ўтказиладиган, йўловчиларни ташиш учун, балиқ овлаш учун лицензияларга ёки ишлаб чиқариш квоталарнинг фаол бозори мавжуд бўлиши мумкин. Лекин, савдо маркалари, газета сарлавҳалари, мусикий альбомлар ва кинофильмлар чиқаришга ҳуқуқлар, патентлар ёки савдо белгилари учун фаол бозор мавжуд эмас, чунки бундай активларнинг ҳар бири ноёб ҳисобланади. Шунингдек, гарчи номоддий активлар олди-сотди предмети ҳисоблансада, шартномалар индивидул харидор ва сотувчи ўртасида келишилади ва операциялар камдан-кам амалга оширилади. Шу сабабдан, бир активга тўланган нарх бошқа активнинг ҳаққоний қийматини тасдиқловчи далилларни таъминламайди. Бундан ташқари, нархлар тўғрисидаги маълумот аксарият ҳолларда ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган маълумот ҳисобланмайди.
- 79 Қайта баҳолаш даврийлиги қайта баҳоланадиган номоддий активлар ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларга боғлиқ. Агар қайта баҳоланган активнинг ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан муҳим даражада фарқ қилса, у ҳолда қўшимча тарзда қайта баҳолаш талаб этилади. Айрим номоддий активларнинг ҳаққоний қийматида аҳамиятли ва ўзгарувчан тебранишлар кузатилиши мумкин ва оқибатда уларни ҳар йили қайта баҳолашдан ўтказиш зарурати келиб чиқиши мумкин. Бундай тез-тез қайта баҳолашдан ўтказиш ҳаққоний қиймати аҳамиятли бўлмаган ўзгаришларга учрайдиган номоддий активлар учун талаб этилмайди.
- 80 Номоддий актив қайта баҳоланганда, ушбу активнинг баланс қиймати унинг қайта баҳоланган қийматигача етказилади. Қайта баҳолаш санасида актив қуйидаги усуллардан бири асосида ҳисобга олинади:
- (а) активнинг ялпи баланс қиймати унинг баланс қийматини қайта баҳолашга мос ҳолда тузатилади. Масалан, ялпи баланс қиймат кузатиладиган бозор маълумотларига асосан қайта ҳисобланиши ёки баланс қийматининг ўзгаришига мутаносиб қайта ҳисобланиши мумкин. Қайта баҳолаш санасига қадар жамғарилган эскириш активнинг ялпи баланс қиймати ва қадрсизланишдан жамғарилган зарарларни ҳисобга олган баланс қиймати ўртасидаги фарқга тенг суммага тузатилади; ёки
 - (б) жамғарилган амортизация активнинг ялпи баланс қийматидан чегирилади.
- Жамғарилган амортизациянинг тузатиш суммаси 85 ва 86-бандларга мувофиқ ҳисобга олинадиган баланс қиймати ортиши ёки камайишининг умумий суммасининг қисмини ташкил этади.
- 81 Агарда қайта баҳоланадиган номоддий активлар синфига тегишли бўлган номоддий актив, мазкур актив учун фаол бозор мавжуд бўлмаганлиги сабабли қайта баҳолана олмаса, ушбу активнинг жамғарилган амортизация ва қадрсизланишдан жамғарилган зарарлари чегирилган бошланғич қиймати бўйича акс эттирилиши лозим.

- 82 **Агар қайта баҳоланган номоддий активнинг ҳаққоний қийматини фаол бозор маълумотлари асосида аниқлаш имкони ортиқ мавжуд бўлмаса, у ҳолда ушбу активнинг баланс қиймати кейинги жамғарилган амортизация ва кейинги қадрсизланишдан жамғарилган зарарларни чегирилган ҳолдаги фаол бозор маълумотлари орқали охириги марта ўтказилган қайта баҳолаш санасидаги қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олиниши лозим.**
- 83 Қайта баҳоланган қиймат бўйича ҳисобга олинадиган номоддий актив учун фаол бозорнинг ортиқ мавжуд эмаслиги факти активни қадрсизланган бўлиши мумкинлигини ва уни 36-сон БҲХСга мувофиқ тестдан ўтказиш зарурлиги тўғрисида далолат бериши мумкин.
- 84 Агар маълум бир кейинги баҳолаш санасида фаол бозор маълумотларидан фойдаланган ҳолда активнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш мумкин бўлса, у ҳолда қайта баҳолаш модели шу санадан бошлаб қўлланилади.
- 85 **Агар қайта баҳолаш натижасида номоддий активнинг баланс қиймати ошадиган бўлса, у ҳолда ушбу ошган сумма бошқа умумлашган даромадлар таркибида тан олиниши ҳамда хусусий капитал таркибидаги “Қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддасида жамғарилиб бориши лозим. Лекин бундай ўсиш суммаси олдин фойда ёки зарарларда тан олинган айни шу активни қайта баҳолаш натижасида қийматнинг камайиши суммасини тиклайдиган суммада фойда ёки зарарларда акс эттирилиши лозим.**
- 86 **Агар қайта баҳолаш натижасида номоддий активнинг баланс қиймати камайдиган бўлса, у ҳолда ушбу камайиш суммаси фойда ёки зарарлар таркибида тан олиниши лозим. Лекин бундай камайиш суммаси бошқа умумлашган даромадлар таркибидаги айни шу активга тегишли “Қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддаси кредит қолдиғи суммаси миқдорида дебетланиши лозим. Умумлашган даромадлар таркибида тан олинган камайиш суммаси хусусий капитал таркибидаги “қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддасида жамғарилган суммани камайтиради.**
- 87 Хусусий капитал таркибидаги қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсишининг жамғарилган суммаси тегишли актив реализация қилинган пайтда бевосита тақсимланмаган фойдага олиб борилиши мумкин. Жами қиймат ўсиши тегишли активдан фойдаланиш тугатилганда ёки актив ҳисобдан чиқарилган пайтда реализация қилиниши мумкин. Лекин қиймат ўсишининг бир қисми ташкилот томонидан активдан фойдаланиш жараёнида реализация қилиниши мумкин. Бундай ҳолатда реализация қилинган қиймат ўсиши суммаси қайта баҳоланган баланс қийматига асосан ҳисобланган амортизация суммаси ва активнинг бошланғич қийматига асосан ҳисобланган амортизация суммаси орасидаги фарқдир. Қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсишидан тақсимланмаган фойдага ўтказмалар фойда ёки зарарлар орқали акс эттирилмайди.

Фойдали хизмат муддати

- 88 **Ташкилот номоддий активнинг фойдали хизмат муддати аниқ ёки ноаниқ эканини баҳолайди, агар муддат аниқ бўлса, ушбу муддатнинг давомийлигини ёки ушбу фойдали хизмат муддатини ўзида акс эттирадиган маҳсулот бирлиги миқдори ёки шунга ўхшаш birlikлар миқдорини аниқлаштириши лозим. Агар барча ўринли омилларни таҳлил қилиш асосида активдан ташкилот олиши мумкин бўлган соф пул оқимларининг даврига нисбатан чекланиш мавжуд бўлмаса, номоддий активлар ташкилот томонидан ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга ҳисобланади.**
- 89 Номоддий активни ҳисобга олиш тартиби унинг фойдали хизмат муддатига боғлиқ. Фойдали хизмат муддати аниқ бўлган номоддий актив амортизацияланади (97-106 бандларга қаранг), фойдали хизмат муддати ноаниқ бўлган номоддий актив эса амортизацияланмайди (107-110 бандларга қаранг). Мазкур стандартга кўшимча тарзда келтирилган намунавий мисоллар турли хил номоддий активлар учун фойдали хизмат муддатини аниқлашни ва ушбу аниқлаш натижалари асосида активларни кейинги ҳисобини юритиш тартибини кўрсатиб беради.
- 90 Номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини аниқлашда кўпгина омиллар ҳисобга олинади, шу жумладан куйидагилар:
- (a) ташкилот томонидан активнинг кутилаётган фойдаланилиши ва ушбу активнинг бошқа бошқарув жамоаси томонидан самарали бошқарилиши мумкинлиги;
 - (б) ушбу активга нисбатан тадбиқ этиладиган маҳсулотнинг одатий фойдаланиш даври ва худди шу тарзда фойдаланиладаган ўхшаш активнинг фойдали хизмат муддатини ҳисоблашга доир оммавий маълумотлар;
 - (в) техник, технологик, тижорат ва бошқа турлардаги эскириш;

- (г) ушбу активдан фойдаланиладиган соҳанинг барқарорлиги ва активдан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматларга бозор талабининг ўзгаришлари;
- (д) рақобатчилар ёки потенциал рақобатчиларнинг кутилаётган хатти- ҳаракатлари;
- (е) активдан кутилаётган келгуси иқтисодий нафларни олиш учун талаб этиладиган ушбу активни сақлаб туриш ва унга хизмат кўрсатиш сарфлари даражаси ва бундай даражадаги сарфларни таъминлашга ташкилотнинг қобилияти ва тайёрлиги;
- (ё) ушбу актив бўйича назорат даври ва шу активдан фойдаланиш учун юридик ёки шунга ўхшаш чекловлар, масалан тегишли ижара шартномасининг амал қилиш муддатининг тугаши; ва
- (ж) тегишли активнинг фойдали хизмат муддати ташкилотдаги бошқа активнинг фойдали хизмат муддатига боғлиқлиги.
- 91 “Ноаниқ” атамаси “Чексиз” деган маънони англатмайди. Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати ўзида, уни ҳисоблаш пайтида активнинг баҳоланган ишчи ҳолатида сақланиши учун талаб қилинадиган, келгусида активни сақлаб туриш ва унга хизмат кўрсатиш сарфлари даражасини ва бундай сарфларни таъминлашга ташкилотнинг қобилияти ва тайёрлигини намоён қилади. Номоддий активнинг фойдали хизмат муддатининг ноаниқлиги ҳақидаги хулоса активни ишчи ҳолатда сақлаш учун талаб этиладиган сарфлардан ортиқ режалаштирилган келгуси сарфларга боғлиқ бўлмаслиги лозим.
- 92 Технология соҳасида содир бўлган тез ўзгаришлар компьютер дастурий таъминоти ва бошқа номоддий активларни технологик эскиришига таъсир қилади. Шу сабабдан, кўпинча уларнинг фойдали хизмат муддати қисқа бўлади. Номоддий активдан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш нархининг келгусидаги пасайиш эҳтимоли активнинг технологик ёки тижорат нуқтаи назаридан эскиришига ишора қилиши мумкин, бу ўз навбатида ушбу активда мужассамлашган келгуси иқтисодий нафнинг пасайишидан далолат бериши мумкин.
- 93 Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати жуда узоқ бўлиши ёки ҳатто ноаниқ бўлиши мумкин. Бундай мужмал ҳолатда номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини эҳтиёткорлик асосида ҳисоблаш ўзини оқлайди, лекин нореал даражадаги қисқа муддатни танлаш ўзини оқламайди.
- 94 **Шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлардан келиб чиқадиган номоддий активнинг фойдали хизмат муддати ушбу ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги лозим, лекин ушбу муддат ташкилот активдан фойдаланиши кутилаётган даврга боғлиқ ҳолда қисқароқ бўлиши мумкин. Агар шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлар муддати узайтирилиши мумкин бўлган чекланган муддатга тақдим этилса ва фақат бундай муддат узайтирилиши ташкилот томонидан аҳамиятсиз сарфлар эвазига амалга ошириш далили мавжуд бўлса, номоддий активнинг фойдали хизмат муддати узайтириладиган муддат(лар)ни ҳам ўз ичига олиши лозим. Бизнес бирлашувида номоддий актив сифатида тан олинган, қайта харид қилинган ҳуқуқнинг фойдали хизмат муддати шартноманинг қолган муддатини назарда тутаяди ва узайтириладиган даврларни ўз ичига олмаслиги лозим.**
- 95 Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати ҳам иқтисодий ҳам ҳуқуқий омиллар таъсир кўрсатиши мумкин. Иқтисодий омиллар ташкилот томонидан келгуси иқтисодий наф олинадиган даврни аниқлаштиради. Ҳуқуқий омиллар ташкилот томонидан ушбу нафларни назорат қилиши мумкин бўлган даврни чеклаши мумкин. Фойдали хизмат муддати ушбу омиллар натижасида аниқланадиган даврларнинг қисқароғи билан белгиланади.
- 96 Бошқа омиллар билан бир қаторда, қуйидаги омиллар мавжудлиги ташкилот томонидан аҳамиятсиз сарфлар эвазига шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлар муддатини узайтириш мумкинлигини кўрсатади:
- (а) шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлар муддатини узайтириш бўйича (имкони бўлса, олдинги тажрибага асосланган ҳолда) далил мавжуд бўлиши. Агарда бундай муддатни узайтириш учинчи шахснинг розилигига боғлиқ бўлса, у ҳолда мавжуд далил учинчи шахснинг розилик бериши тўғрисидаги далилни ҳам ўз ичига олади;
- (б) муддатни узайтириш учун талаб этиладиган барча шартлар бажарилиши тўғрисида далил мавжуд бўлиши; ва
- (в) муддатни узайтириш учун ташкилот томонидан қилинган сарфлар ташкилотнинг бундай муддатни узайтиришдан олиши кутилаётган келгуси иқтисодий нафга нисбатан солиштирганда аҳамиятсиз бўлиши.
- Агар муддатни узайтириш учун ташкилот томонидан қилинган сарфлар ташкилотнинг бундай муддатни узайтиришдан олиши кутилаётган келгуси иқтисодий нафга нисбатан солиштирганда

аҳамиятли бўлса, у ҳолда ушбу сарфлар мохиятан муддатни узайтириш санасида янги номоддий активни харид қилишга қилинган сарфларни ангалатади.

Аниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активлар

Амортизация муддати ва амортизация усули

- 97 Аниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активнинг амортизацияланадиган қиймати унинг фойдали хизмат муддати давомида тизимли асосда тақсимланиши лозим. Актив бўйича амортизация ҳисоблаш ушбу активдан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган, яъни у раҳбарият томонидан назарда тутилган тарзда фойдаланиш учун зарур бўлган жойга ва ҳолатга келтирилган пайтдан бошланиши лозим. Амортизация қуйидаги икки санадан олдингисида тўхтатилади: 5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибидаги) актив сифатида таснифланган сана ёки уни актив сифатида тан олиш бекор қилинган сана. Фойдаланиладиган амортизация усули активдан олинadиган келгуси иқтисодий нафни ташкилот томонидан қутилаётган истеъмолининг характерини акс эттириши лозим. Агар бундай истеъмол характерини ишончли аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда тўғри чизиқли усулдан фойдаланиш лозим. Ҳар бир даврда ҳисобланган амортизация фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим, бундан мазкур ёки бошқа стандартга мувофиқ уни бошқа активнинг баланс қийматига киритилишига рухсат берилган ёки талаб этилган ҳолатлар мустасно.
- 98 Амортизацияланадиган қийматни унинг фойдали хизмат муддати давомида тизимли асосда тақсимлаш учун турли амортизация усулларида фойдаланиш мумкин. Улар усуллар тўғри чизиқли усул, камайиб боровчи қолдиқ усули ва ишлаб чиқариш усулини ўз ичига олади. Фойдаланиладиган усул активда мужассамлашган келгуси иқтисодий нафни қутилаётган истеъмолининг характерини асосида танланади ва даврлар аро изчиллик билан қўлланади, бундан ушбу келгуси иқтисодий нафнинг қутилаётган истеъмоли характерида ўзгаришлар юз берган ҳолатлар мустасно.
- 98А Активдан фойдаланиш натижасида юзага келадиган тушумга асосланган амортизация усулини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида инкор этилиши мумкин бўлган фараз мавжуд. Активдан фойдаланиш натижасида юзага келадиган тушум одатда ушбу номоддий активда мужассамлашган иқтисодий наф истеъмолидан фаркланадиган омилларни ифодалайди. Масалан, тушумга бошқа фойдаланиладиган ресурс ва жараёнлар, сотиш бўйича фаолият, сотув ҳажмидаги ва нархдаги ўзгаришлар таъсир кўрсатади. Тушумнинг нарх компонентига активни истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлмаган инфляция ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Мазкур фараз фақат қуйидаги ҳолатларда рад этилиш мумкин:
- (а) 98В – бандида ифодаланганидек, агар номоддий актив тушумни баҳолаш каби акс эттирилса; ёки
 - (б) тушум ва номоддий активдан иқтисодий нафнинг истеъмоли юқори даражада ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш мумкин бўлса.
- 98Б 98-бандга мувофиқ муносиб амортизация усулини танлашда, ташкилот номоддий активга хос бўлган асосий чекловчи омилни аниқлаши мумкин. Масалан ташкилотнинг номоддий активдан фойдаланиш бўйича ҳуқуқини белгилайдиган шартномада ташкилотнинг номоддий активдан фойдаланиши маълум йиллар (вақт), ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирликлари сони ёки ушбу актив орқали яратилadиган тушумнинг қатъий белгиланган умумий суммаси кўринишида ифодаланиши мумкин. Асосий чекловчи омилни аниқлаш муносиб амортизация ҳисоблаш усулини аниқлашнинг бошланғич нуқтаси бўлиши мумкин, лекин бошқа асос иқтисодий нафларнинг қутилаётган истеъмоли характерини янада аниқ акс эттирадиган бўлса, ўша асосдан фойдаланиш мумкин.
- 98В Номоддий активга учун асосий чекловчи омил тушумнинг маълум даражасига эришиш ҳисобланадиган ҳолатларда, яратилadиган тушум амортизация ҳисоблаш усулига асос бўлиши мумкин. Масалан, ташкилот олтин қониди олтин қидириш ва қазиб олиш учун рухсат олди. Шартноманинг амал қилиш муддатининг тугаши қазиб олишдан яратилadиган тушумнинг қатъий белгиланган умумий суммасига асосланган бўлиши (масалан, шартномада сотишдан олинган умумий тушум суммаси 2 миллиард п.б бўлгунча, қондан олтин қазиб олишга рухсат этилган бўлиши) мумкин ва вақт ёки қазиб олинган олтин миқдорига боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бошқа бир мисол тариқасида, пуллик йўлдан фойдаланиш ҳуқуқи йўл йиғимлари ҳисобига яратилadиган тушумнинг қатъий белгиланган умумий суммасига асосланган бўлиши (масалан, шартномада йиғимларнинг умумий суммаси 100 миллион п.б бўлгунча, пуллик йўлдан фойдаланишга рухсат этилган бўлиши) мумкин. Номоддий активдан фойдаланиш шартномасида асосий чекловчи омил сифатида тушум аниқланган ҳолатларда, бундай шартномада амортизация ҳисобланиши учун асос бўладиган тушумнинг қатъий

белгиланган умумий сумма кўрсатиб ўтилган бўлиши шarti билан активдан фойдаланишдан яратиладиган тушум номоддий активга амортизация ҳисоблаш учун асос бўлиши мумкин.

- 99 Амортизация одатда фойда ёки зарарлар таркибидан тан олинади. Лекин, айрим ҳолатларда активда мужассамлашган келгуси иқтисодий нафлар бошқа активларни ишлаб чиқаришда сарфланади. Бундай ҳолатда, ҳисобланган амортизация суммаси шундай бошқа актив дастлабки қийматининг таркибий қисмини ташкил этади ва унинг баланс қийматига киритилади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган номоддий активларнинг амортизацияси захираларнинг баланс қийматига киритилади (2-сон БҲХС “Захиралар”га қаранг).

Тугатиш қиймати

- 100 Аниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активнинг тугатиш қиймати нолга тенг деб тахмин қилинади, бундан қуйидагилар мустасно:
- (a) мазкур активни унинг фойдали хизмат муддати охирида учинчи шахслар томонидан сотиб олинishi бўйича шартномавий мажбурият мавжудлиги; ёки
 - (b) мазкур актив учун фаол бозор (13-сон МҲХСда таърифланганидек) мавжудлиги ва:
 - (i) тугатиш қийматини ушбу бозор маълумотлари асосида аниқлаш мумкинлиги; ва
 - (ii) мазкур активнинг фойдали хизмат муддати охирида ушбу бозорнинг юқори эҳтимоллик билан мавжуд бўлиши.
- 101 Аниқ фойдали хизмат муддатига эга активнинг амортизацияланадиган қиймати унинг тугатиш қиймати чегирилгандан кейин аниқланади. Тугатиш қийматининг нольдан фарқлиниши ташкилотнинг мазкур номоддий активни унинг иқтисодий хизмат муддати тугашидан олдин реализация қилишни кутаётганлигини назарда тутади.
- 102 Актив тугатиш қийматининг ҳисоб баҳоси фойдали хизмат муддати тугаган ва мазкур активдан фойдаланиш шартларига ўхшаш шароитда фойдаланилган шунга ўхшаш активларни сотилиши бўйича мазкур ҳисоб баҳосини аниқлаш кундаги устувор нархдан фойдаланган ҳолда, сотишнинг қопланиши мумкин бўлган қийматига асосланади. Тугатиш қиймати камида ҳар молиявий йилнинг якунида қайта кўриб чиқилади. Активнинг тугатиш қийматидаги ўзгариш 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ ҳисоб баҳосидаги ўзгариш тарзида ҳисобга олинади.
- 103 Номоддий активнинг тугатиш қиймати унинг баланс қийматига тенг ёки ундан ошадиган суммагача кўпайиши мумкин. Бундай ҳолатда мазкур активга ҳисобланадиган амортизация тугатиш қиймати активнинг баланс қийматидан кам бўлмаса ва кам бўлмагунча нолга тенг бўлади.

Амортизация муддати ва амортизация усулини қайта кўриб чиқиш

- 104 Аниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активлар учун амортизация муддати ва амортизация усули камида ҳар молиявий йилнинг якунида қайта кўриб чиқилиши лозим. Агар мазкур активнинг қутилаётган фойдали хизмат муддати олдинги ҳисоб баҳосидан фарқ қилса, у ҳолда амортизация муддати тегишли тарзда ўзгартирилиши лозим. Агар мазкур активда мужассамланган келгуси иқтисодий нафни истеъмол қилиш характерида ўзгаришлар юз берган бўлса, у ҳолда амортизация усули ўзгарган характери ифодалаш учун ўзгартирилиши лозим. Бундай ўзгаришлар 8-сон БҲХСга мувофиқ ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар тарзида ҳисобга олинishi лозим.
- 105 Номоддий активнинг хизмат муддати давомида унинг фойдали хизмат муддатининг ҳисоб баҳоси нотўғрилиги яққол намоён бўлиши мумкин. Масалан, кадрсизланишдан зарарнинг тан олинishi амортизация муддатининг ўзгартирилиши лозимлигини кўрсатиши мумкин.
- 106 Вақт ўтиши билан ташкилотнинг номоддий активдан фойдаланиш натижасида қутилаётган келгуси иқтисодий нафнинг характери ўзгариши мумкин. Масалан, тўғри чизикли усулни қўллаган ҳолда амортизация ҳисоблашдан кўра қолдиқли камайиш усулидан фойдаланиш янада ўринлилиги яққол намоён бўлиши мумкин. Бошқа бир мисол тарикасида, лицензиянинг предмети бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш бизнес-режанинг бошқа компонентлари бўйича қутилаётган чоралар натижасида кечиктирилиши ҳолатини келтириш мумкин. Бундай ҳолатда активдан олинадиган иқтисодий наф кейинги даврларга қадар олинмаслиги мумкин.

Ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активлар

- 107 Ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активлар амортизацияланмайди.
- 108 36-сон БҲХСга мувофиқ ташкилот активнинг қоплаш қийматини унинг баланс қийматига таққослаган ҳолда, ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активни кадрсизланиш тестидан ўтказиши лозим:
- (а) ҳар йили, ва
 - (б) номоддий активнинг кадрсизланиши аломати пайдо бўлган ҳар қандай вақтда.

Фойдали хизмат муддатини баҳолашни қайта кўриб чиқиш

- 109 Амортизацияланмайдиган номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати ходисалар ва ҳолатлар ушбу активларнинг фойдали хизмат муддатини ноаниқ деб баҳолашни тасдиқлашда давом этадими ёки йўқлигини аниқлаш учун ҳар ҳисобот даврида қайта кўриб чиқиши лозим. Агар улар шундай баҳолашни тасдиқламаса, у ҳолда фойдали хизмат муддатининг ноаниқликдан аниқликка ўзгариши 8-сон БҲХСга мувофиқ ҳисоб баҳосининг ўзгариши тарзида ҳисобга олинади.
- 110 36-сон БҲХСга мувофиқ номоддий активнинг фойдали хизмат муддатининг ноаниқликдан аниқликка ўзгариши ушбу активнинг кадрсизланиши аломати ҳисобланади. Натижада, ташкилот мазкур активни 36-сон БҲХСга мувофиқ аниқланадиган қоплаш қиймати билан баланс қийматини таққослаган ҳолда, активни кадрсизланиш тестидан ўтказиши ва унинг баланс қийматининг қоплаш қийматидан ошган қисмини кадрсизланишдан зарар сифатида тан олинади.

Баланс қийматининг қопланиши – кадрсизланишдан зарарлар

- 111 Номоддий активни кадрсизланиш тестидан ўтказиш учун ташкилот 36-сон БҲХСни қўллайди. Мазкур стандарт ташкилот ўз активларининг баланс қийматини қачон ва қандай тартибда таҳлил қилиши, активни қоплаш қийматини қандай қилиб аниқлаши ва кадрсизланишдан зарарларни қачон тан олиши ёки тиклашини тушинтириб беради.

Фойдаланишни тугатиш ва ҳисобдан чиқариш

- 112 Номоддий активни тан олиш қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:
- (а) ҳисобдан чиқарилганда; ёки
 - (б) ундан фойдаланишдан ёки ҳисобдан чиқарилишдан ҳеч қандай келгуси иқтисодий наф қутилмаганда.
- 113 Номоддий активни тан олишни бекор қилишдан келиб чиқадиган фойда ёки зарар ҳисобдан чиқаришдан соф пул маблағлари тушиши, агар мавжуд бўлса, ва ушбу активнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Улар актив сифатида тан олиниши бекор қилингандан сўнг фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим (бундан 16-сон МҲХСга мувофиқ қайта ижарага олиш шарти билан сотишга нисбатан ўрнатилган бошқа талаблар мустасно). Бундай фойда асосий фаолиятдан тушум сифатида таснифланмаслиги лозим.
- 114 Номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилиши бир неча йўллар билан амалга оширилиши мумкин (масалан, сотиш, молиявий ижара ёки ҳадя шартномасини тузиш натижасида). Номоддий активни ҳисобдан чиқариш санаси бўлиб қабул қилувчи 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”га мувофиқ бажариш жавобгарлигини амалга ошириш пайтини аниқлашга қўйиладиган талабларга мувофиқ, ушбу актив бўйича назоратни олган сана ҳисобланади. Қайта ижарага олиш шарти билан сотиш орқали активларнинг чиқиб кетишига нисбатан 16-сон МҲХС қўлланади.
- 115 Агар 21-бандда келтирилган тан олиш тамойилига мувофиқ, ташкилот номоддий активнинг алмаштирилган бир қисмини маълум бир активнинг баланс қийматида тан олса, у ҳолда у ўша алмаштирилган қисмнинг баланс қийматини тан олишни бекор қилади. Агар ташкилот учун алмаштирилган қисмнинг баланс қийматини аниқлашнинг амалий жиҳатдан имкони бўлмаса, у ҳолда ташкилот алмаштирилган қисмнинг қийматини алмаштирилган қисмнинг у харид қилинган ёки ўзида яратилган пайтдаги қийматидан фойдаланиши мумкин.

- 115A Бизнес бирлашуви натижасида ҳуқуқ қайта сотиб олинган ҳолатда, агар ҳуқуқ кейинчалик учинчи томонга қайта чиқарилган (сотилган) бўлса, тегишли баланс қиймати, агар мавжуд бўлса, қайта чиқариш бўйича фойда ёки зарарни аниқлашда фойдаланилиши лозим.
- 116 Номоддий активни тан олинishi бекор қилиш натижасида, фойда ва зарар таркибида ҳисобга олинadиган товон суммаси 15-сон МҲХСнинг 47-72 бандларидаги операция нархларини аниқлаш бўйича талабларга мувофиқ аниқланади. Фойда ва зарарлар таркибида тан олинган товон суммасининг кейинги ўзгаришлари 15-сон МҲХСдаги шартнома нархларининг ўзгариши бўйича талабларга мувофиқ ҳисобга олинади.
- 117 Аниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активнинг амортизацияси активдан ортик фойдаланилмаса ҳам тўхтатилмайди, бунда актив тўлиқ амортизацияланган ёки 5-сон МҲХСга мувофиқ актив сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сифатида таснифланган ҳолатлар мустасно.

Маълумотларни ёритиб бериш

Умумий қоидалар

- 118 Ташкилот ўзида яратилган номоддий активлар билан бошқа номоддий активларни фарқлаган ҳолда номоддий активларнинг ҳар бир синфи учун қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) тегишли активнинг фойдали хизмат муддатлари ноаниқ ёки аниқлиги, агар аниқ бўлса, фойдали хизмат муддатлари ёки қўлланадиган амортизация нормалари;
 - (б) аниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активлар учун қўлланадиган амортизация усуллари;
 - (в) давр боши ва давр охиридаги ялпи баланс қиймати ва жамғарилган амортизация (қадрсизланишдан жамғарилган зарарлар билан умумлашган ҳолда);
 - (г) номоддий активларнинг амортизациясини ўз ичига оладиган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот моддаси(моддалари);
 - (д) қуйидагиларни акс эттирувчи ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган баланс қиймати солиштирмаси:
 - (i) тажриба конструкторлик ишлари натижасида, алоҳида актив сифатида харид қилинган ва бизнес бирлашув натижасида харид қилинганларни алоҳида ажратилган ҳолда кўрсатувчи киримлар;
 - (ii) 5-сон МҲХСга мувофиқ сотишга мўлжалланган актив сифатида таснифланган ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган активлар ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар;
 - (iii) 75, 85 ва 86-бандларга асосан давр мобайнида қайта баҳолаш натижасидаги ва 36-сон БҲХСга мувофиқ, қадрсизланишдан зарар бошқа умумлашган даромадлар таркибида тан олинishi ёки қайта тикланиши натижасидаги кўпайишлар ёки камайишлар (агар мавжуд бўлса);
 - (iv) 36-сон БҲХСга мувофиқ, давр мобайнида фойда ёки зарарлар таркибида тан олинган қадрсизланишдан зарарлар (агар мавжуд бўлса);
 - (v) 36-сон БҲХСга мувофиқ, давр мобайнида фойда ёки зарарлар таркибида қайта тикланган қадрсизланишдан зарарлар (агар мавжуд бўлса);
 - (vi) мазкур давр мобайнида тан олинган амортизация;
 - (vii) ҳисобот кўрсаткичларини ва чет элдаги бўлинманинг кўрсаткичларини ташкилотнинг ҳисобот тақдим этадиган валютасига ўтказиш натижасида юзага келадиган соф курс фарқлари; ва
 - (viii) давр мобайнида баланс қийматининг бошқа ўзгаришлари.
- 119 Номоддий активларнинг синфи ўзида характери бўйича ва ташкилот фаолиятида фойдаланилиши жиҳатидан активларнинг гуруҳланишини акс эттиради. Алоҳида синфларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин:
- (а) фирма номлари;
 - (б) сарлавҳалар ва ноширлик ҳуқуқлари;

- (в) компьютер дастури таъминоти;
- (г) лицензия ва франчайзинглар;
- (д) муалифлик ҳуқуқи, патентлар ва бошқа саноат мулки учун ҳуқуқлар, хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш бўйича ҳуқуқлар;
- (е) рецетлар, формулалар, моделлар, чизмалар ва прототиплар; ва
- (ё) тажриба-конструкторлик ишлари жараёнидаги номоддий активлар.

Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун янада ўринли бўлган маълумотларни таъминлаш учун юқорида келтирилган синфлар кичикрок (катгарок) синфларга ажратилади (бирлаштирилади).

- 120 Ташкилот 118(д) банднинг (iii)-(v) кичик бандларида талаб этилган маълумотларга қўшимча тарзда, 36-сон БҲХСга мувофиқ кадрсизланган номоддий активлар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ёритиб беради.
- 121 8-сон БҲХС ташкилотдан жорий даврга муҳим таъсир кўрсатадиган ёки кейинги даврларда муҳим таъсир кўрсатиши кутилаётган ҳисоб баҳосидаги ўзгаришнинг хусусияти ва ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ёритиб берилишини талаб этади. Бундай маълумотларни ёритиб бериш қуйидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин:
- (а) номоддий активнинг фойдали хизмат муддатининг баҳоланиши;
 - (б) амортизация усуллари; ёки
 - (в) тугатиш қийматлари.

122 Ташкилот қуйидагиларни ҳам ёритиб бериши лозим:

- (а) **ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга актив сифатида таснифланган номоддий активларга нисбатан ушбу активнинг баланс қиймати ва уни ноаниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий актив сифатида баҳолаш учун сабаблар. Бундай сабабларни ёритиб беришда, ташкилот ушбу активнинг ноаниқ фойдали хизмат муддатига эгаллигини аниқлашда аҳамиятли роль ўйнаган омил ёки омилларни ёритиб бериши лозим.**
- (б) **ташкилотнинг молиявий ҳисоботи учун муҳим бўлган алоҳида номоддий активнинг тавсифи, баланс қиймати ва қолган амортизация даври.**
- (в) **давлат гранти ҳисобига харид қилинган ва дастлаб ҳаққоний қиймат бўйича тан олинган номоддий активларга нисбатан (44-бандга қаранг):**
 - (i) **ушбу активларнинг дастлаб тан олинган ҳаққоний қиймати;**
 - (ii) **уларнинг баланс қиймати; ва**
 - (iii) **тан олингандан сўнг уларнинг бошланғич қиймат модели ёки қайта баҳолаш модели асосида баҳоланганлиги.**
- (г) **эғалик ҳуқуқи бўйича маълум чекланишларга эга номоддий активларнинг мавжудлиги ва уларнинг баланс қийматлари, шунингдек мажбуриятларни таъминлаш мақсадида гаровга берилган номоддий активларнинг баланс қийматлари.**
- (д) **номоддий активларни харид қилиш бўйича шартномавий мажбуриятларнинг суммаси.**

- 123 Ташкилот номоддий актив фойдали хизмат муддатининг ноаниқлигини аниқлашда аҳамиятли роль ўйнаган омил ёки омилларни ёритиб беришда 90-бандда келтирилган бир қатор омиллар рўйхатини ҳисобга олиши лозим.

Тан олингандан сўнг қайта баҳолаш моделидан фойдаланган ҳолда баҳоланадиган номоддий активлар

- 124 Агар номоддий активлар қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олинса, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) **номоддий активларнинг синфи бўйича:**
 - (i) **қайта баҳолаш ўтказилган сана;**
 - (ii) **қайта баҳоланган номоддий активларнинг баланс қиймати; ва**

- (iii) номоддий активларнинг қайта баҳоланган синфи тан олингандан сўнг 74-бандда келтирилган бошланғич қиймат моделидан фойдаланган ҳолда баҳоланганда тан олинishi мумкин бўлган баланс қиймати; ва
- (б) ушбу давр мобайнидаги ўзгаришлар ва қолдиқни акциядорларга тақсимлаш бўйича чекловларни кўрсатган ҳолда, давр боши ва давр охиридаги номоддий активга тегишли қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсиши суммаси.
- (в) [чиқариб ташланган]
- 125 Маълумотларни ёритиб бериш мақсадида қайта баҳоланган активларнинг синфларини йирик синфларга бирлаштириш зарур бўлиши мумкин. Лекин, агар бу ҳам бошланғич қиймат модели ҳам қайта баҳолаш модели бўйича ҳисобга олинган номоддий активлар синфини бирлаштиришга олиб келса, бундай синфлар бирлаштирилмайди.

Тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари учун сарфлар

- 126 Ташкилот давр мобайнида харажат сифатида тан олинган тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари учун қилинган сарфларнинг умумий суммасини ёритиб бериши лозим.
- 127 Тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари учун сарфлар тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига бевосита тегишли барча сарфларни ўз ичига олади (126-бандга мувофиқ маълумотларни ёритиб бериш талабини бажариш мақсадида ҳисобга олинандиган сарфларнинг турлари бўйича 66 ва 67-бандларга қаранг).

Бошқа маълумотлар

- 128 Ташкилот томонидан қуйидаги маълумотларнинг ёритиб берилиши мақулланади, лекин талаб этилмайди:
- (а) ҳалигача фойдаланишда бўлган тўлиқ амортизацияланган номоддий активларнинг тавсифи; ва
- (б) ташкилот томонидан назорат қилинадиган, лекин мазкур стандартдаги тан олиш мезонига жавоб бермайдиган ёки 1998 йилда қайта кўриб чиқилган 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*” кучга киришидан олдин харид қилинган ёки яратилган, лекин актив сифатида тан олинмайдиган аҳамиятли номоддий активларнинг қисқача тавсифи.

Ўтиш қоидалари ва кучга кириш санаси

- 129 [Чиқариб ташланган]
- 130 Ташкилот мазкур стандартни қуйидагиларга нисбатан қўллаши лозим:
- (б) 2004 йил 31 март ёки ушбу санадан кейин бошланадиган биринчи йиллик давр бошидан перспектив тарзда бошқа барча номоддий активларнинг ҳисобини юритишда.
- Бунда ташкилот ушбу санада тан олинган номоддий активнинг баланс қийматига ўзгартириш киритмаслиги лозим. Шунинг учун, ташкилот ушбу санада тан олинган номоддий активларнинг баланс қийматига тузатиш киритмаслиги лозим. Бироқ ташкилот ушбу санада бундай номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатларини қайта баҳолаш учун мазкур стандартни қўллаш лозим. Агар қайта кўриб чиқиш натижасида ташкилот фойдали хизмат муддати бўйича ўзининг баҳолашини ўзгартирса, у ҳолда бундай ўзгартириш 8-сон БҲХСга мувофиқ ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар тарзида ҳисобга олинishi лозим.
- 130А Ташкилот 2-бандларидаги ўзгартиришларни 2006 йил 1 январ ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 6-сон МҲХСни олдинги даврга учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ҳам ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 81Б 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*” (2007 йил таҳрири) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамаларга ўзгартириш киритилган. Бундан ташқари у бўйича 85, 86 ва 118(д)(iii) бандларига ўзгартиришлар киритилди. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.

- 130В 3-сон МҲХС (2008 йилда қайта кўриб чиқилган) бўйича 12, 33-35, 68, 69, 94 ва 130-бандларга ўзгартиришлар киритилган, 38 ва 129-бандлар чиқариб ташланган ва 115А банд киритилган. 2009 йил 1 апрелда эълон қилинган “МҲХСларни такомиллаштиришлар” бўйича 36 ва 37-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни перспектив равишда 2009 йил 1 июл ва ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Ўз навбатида, олдинги даврлардаги бизнес бирлашувлари натижасидаги номоддий актив ва гудвил бўйича тан олинган қийматларга тузатиш киритилмаслиги лозим. Агар ташкилот 3-сон МҲХСни (2008 йилда қайта кўриб чиқилган) олдинги даврлар учун қўлласса, у ҳолда, ушбу ўзгартиришларни ўша олдинги даврларга нисбатан қўллаши ва ташкилот ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 130Г 2008 йилда эълон қилинган “МҲХСларни такомиллаштиришлар” бўйича 69,70 ва 98 бандларга ўзгартиришлар ҳамда 69А банд киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 130Д [Чиқариб ташланган]
- 130Е 2011 йил май ойида эълон қилинган 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХС “Қўшма фаолият” бўйича 3(д)-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришни 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХС билан бир вақтда қўллаши лозим.
- 130Ё 2013 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС бўйича 8, 33, 47, 50, 75, 78, 82, 84, 100 ва 124 - бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 39-41 ва 130Д бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 130Ж 2013 йил декабр ойида эълон қилинган “МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар: 2010-2012 йил даврлари” бўйича 80-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 июль ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 130З “МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар: 2010-2012 йил даврлари” бўйича киритилган ўзгартиришларни ушбу ўзгартиришларни қўллашнинг дастлабки ёки ундан кейинги санадан бошланган йиллик даврларда, шунингдек, бевосита олдинги йиллик даврда тан олинган барча қайта баҳолашларга нисбатан қўллаши лозим. Шунингдек, ташкилот тақдим этиладиган олдинги даврлар учун тузатилган қиёсий маълумотларни тақдим этиш мумкин, лекин мажбурий эмас. Агар ташкилот олдинги ҳисобот даврлари учун тузатилмаган қиёсий маълумотни тақдим этса, ушбу маълумотларга тузатишлар киритилмаганини аниқ кўрсатиши ва бошқа асосда тайёрланганлигини кўрсатиши ва бу асосни изоҳлаши лозим.
- 130И 2014 йил май ойида эълон қилинган “Эскириш ва амортизация ҳисоблашнинг қўлланиши мумкин бўлган усулларига аниқлик киритиш” (16-сон БҲХС ва 38-сон БҲХСга киритилган тузатишлар) бўйича 92 ва 98 – бандларга ўзгартиришлар ва 98А-98С бандлар киритилган. Ушбу ўзгартиришлар ташкилот томонидан перспектив тарзда 2016 йил 1 январдан ва ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 130К 2016 йил январда эълон қилинган 16-сон МҲХС “Ижара” бўйича 3, 6, 113 ва 114-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 130Л 2017 йил май ойида эълон қилинган 17-сон МҲХС бўйича 3-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 130М [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]

Ўхшаш активларни айирбошлаш

- 131 129 ва 130(б)-бандларида акс эттирилган талабларни мазкур стандартга асосан перспектив равишда фойдаланиш агар активларни айирбошлаш берилган активнинг мазкур стандартнинг кучга кириш санасидан олдинги баланс қиймати бўйича баҳоланса, ташкилот мазкур харид қилинган активнинг харид қилиш санасидаги унинг ҳаққоний қийматини акс эттириш мақсадида унинг баланс қийматида тузатиш киритилмаслигини аниқлатади.

Муддатидан олдин қўллаш

- 132 130-банд қўлланиладиган ташкилотлар мазкур стандарт талабларини 130-бандда кўрсатилган кучга кириш санасидан олдин қўллаши маъқулланади. Лекин, агар ташкилот мазкур стандартни кўрсатилган кучга кириш санасидан олдин қўлласа, у ҳолда ташкилот бир вақтнинг ўзида 3-сон МҲХС ва 36-сон БҲХС (2004 йилда қайта кўриб чиқилган)ни ҳам қўллаши лозим.

38-сон БҲХС “Номоддий активлар” (1998 йил таҳрири)

- 133 Мазкур стандарт 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*”нинг (1998 йилда кўриб чиқилган) ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
24-ИЛОВА

39-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти *Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*

1 [Чиқариб ташланган]

Қўллаш доираси

2 Мазкур стандарт қуйидаги шартларда ва даражада барча ташкилотлар томонидан 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”нинг қўллаш доирасида бўлган молиявий инструментларнинг барча турларига нисбатан қўлланилиши лозим:

(а) 9-сон МҲХС мазкур стандартнинг ҳежлаш ҳисоби талабларини қўллашга рухсат берса; ва

(б) молиявий инструмент ҳежлаш муносабатларининг бир қисми бўлиб, мазкур стандартга мувофиқ ҳежлаш ҳисоби қўлланиши талабларига жавоб берса.

2A–7 [Чиқариб ташланган]

Таърифлар

8 13-сон МҲХС, 9-сон МҲХС ва 32-сон БҲХСда таърифланган атамалардан мазкур стандартда 13-сон МҲХСнинг А иловасида, 9-сон МҲХСнинг А иловасида ва 32-сон БҲХСнинг 11-бандида белгиланган маъноларда фойдаланилади. 13-сон МҲХС, 9-сон МҲХС ва 32-сон БҲХС қуйидаги атамаларни таърифлайди:

- молиявий активнинг ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати
- тан олишни бекор қилиш
- дериватив
- эффектив фоиз ставкаси усули
- эффектив фоиз ставкаси
- улушли инструмент
- ҳаққоний қиймат
- молиявий актив
- молиявий инструмент
- молиявий мажбурият

ва ушбу таърифларни қўллаш бўйича кўрсатма беради.

9 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Ҳежлаш ҳисобига тегишли таърифлар

Қатъий шартномавий мажбурият - бу белгиланган келгуси сана ёки саналарда белгиланган нархда ресурсларнинг белгиланган миқдорини айрибошлаш бўйича мажбурий келишувдир.

Прогноз қилинган операция - бу мажбурий бўлмаган, лекин кутилаётган келгуси операциядир.

Ҳежлаш инструменти - бу белгиланган дериватив ёки (фақат чет эл валютаси курсидаги ўзгариш рискиннинг ҳежи учун) белгиланган нодериватив молиявий актив ёки белгиланган нодериватив молиявий мажбурият бўлиб, уларнинг ҳаққоний қиймати ва пул оқимлари белгиланган ҳежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги

ўзгаришларни қоплаши кутилади (72-77-бандлар ва А илованинг ҚҚ94-ҚҚ97 бандлари хежлаш инструментининг таърифини янада аниқлаштиради).

Хежланган модда - бу актив, мажбурият, қатъий шартномавий мажбурият, юқори эҳтимолли прогноз қилинган операция ёки чет элдаги бўлинмага соф инвестиция бўлиб, бунда у (а) ташкилотни ҳаққоний қийматдаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришлар рискига дучор қилади ва (б) хежланадиган модда сифатида белгиланади (78-84-бандлар ва А илованинг ҚҚ98-ҚҚ101 бандлари хежланган моддаларнинг таърифини янада аниқлаштиради).

Хеж самарадорлиги - бу хежланган рискга тегишли бўлган хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришларнинг хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришлар билан қопланиш даражасидир (А илованинг ҚҚ105-ҚҚ113А бандларига қаранг).

10-70 [Чиқариб ташланган]

Хежлаш

- 71 Агар ташкилот 9-сон МҲХСни қўлласса ва ўзининг ҳисоб сиёсати сифатида мазкур стандартнинг хежлаш ҳисобига оид талабларни (9-сон МҲХСнинг 7.2.21 бандларига қаранг) қўллашни давом эттирмаса, у ҳолда у 9-сон МҲХСнинг 6 бўлимидаги хежлаш ҳисоби талабларини қўллаши лозим. Лекин, молиявий актив ёки молиявий мажбурият портфелининг фойз ставкаси билан боғлиқ рискларни ҳаққоний қийматини хежлашда, ташкилот 9-сон МҲХСнинг 6.1.3 бандга мувофиқ 9-сон МҲХС ўрнига мазкур стандартнинг хежлаш ҳисоби талабларини қўллаши мумкин. Мазкур ҳолатда ташкилот фойз ставкаси рискининг портфель хежлашга нисбатан (81А, 89А ва ҚҚ114-ҚҚ132 бандларга қаранг) ҳаққоний қийматни хежлаш ҳисобининг махсус талабларини ҳам қўллаши лозим.

Хежлаш инструментлари

Хежлаш инструменти таърифига жавоб берадиган инструментлар

- 72 Агар 88-банддаги шартлар қаноатлантирилса, мазкур стандарт деривативни хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин бўлган ҳолатларни чекламайди, бундан айрим чиқарилган опционлар мустасно (А илованинг ҚҚ94-бандига қаранг). Лекин, нодериватив молиявий актив ёки нодериватив молиявий мажбурият фақат чет эл валютаси рискининг жежида хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин.
- 73 Хежлаш ҳисоби мақсадларида, фақат ҳисобот берувчи ташкилотга (яъни, гуруҳга ёки фаолияти бўйича ҳисобот берувчи алоҳида ташкилотга) нисбатан ташқи томонни ўз ичига оладиган инструментлар хежлаш инструментлари сифатида белгиланиши мумкин. Консолидациялашган гуруҳ ичидаги алоҳида ташкилотлар ёки ташкилот ичидаги бўлинмалар бошқа гуруҳ ичидаги ташкилотлари ёки ташкилот ичидаги бўлинмалар билан хежлаш операцияларини амалга ошириши мумкин бўлсада, бундай гуруҳ ичидаги операциялар консолидациялашда чиқариб ташланади. Шунинг учун, бундай хежлаш операциялари гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботидаги хежлаш ҳисоби сифатида таснифланмайди. Лекин, агар улар фаолияти бўйича ҳисобот берувчи алоҳида ташкилотга нисбатан ташқи томон бўлса, улар гуруҳ ичидаги алоҳида ташкилотларининг индивидуал ёки алоҳида молиявий ҳисоботидаги хежлаш ҳисоби сифатида таснифланиши мумкин.

хежлаш инструментларини белгилаш

- 74 Одатда бутун хежлаш инструменти учун ягона ҳаққоний қиймат мавжуд бўлади ва ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларга сабаб бўладиган омиллар ўзаро боғлиқ бўлади. Шу сабабли, хежлаш муносабати ташкилот томонидан бутун хежлаш инструменти учун белгиланади. Бунда рухсат берилган истиснолар қуйидагилардан иборат:
- (а) опцион шартномасининг ички қийматини ва вақт қийматини ажратиш ва хежлаш инструменти сифатида фақат опционнинг ички қийматидаги ўзгаришни белгилаш ва унинг вақт қийматидаги ўзгаришни истисно қилиш; ва
 - (б) форвард шартномасининг фойз элементини ва спот нархини ажратиш.

Опционнинг ички қиймати ва форвард бўйича муқофот умуман олганда алоҳида баҳоланиши мумкинлиги сабабли, ушбу истисноларга рухсат берилади. Опцион шартномасининг ҳам ички

- қийматини ҳам вақт қийматини баҳолайдиган динамик хежлаш стратегияси хежлаш ҳисоби сифатида таснифланиши мумкин.
- 75 Бутун хежлаш инструментининг бир қисми, масалан номинал қийматнинг 50 фоизи, хежлаш муносабатида хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин. Лекин, хежлаш муносабати хежлаш инструменти амалда бўлган муддатнинг фақат маълум қисми учун белгиланиши мумкин эмас.
- 76 Ягона хежлаш инструменти қуйидаги шартларда бир нечта риск турининг жежи сифатида белгиланиши мумкин: (а) хежланган рисклар аниқ аниқланиши мумкин бўлса; (б) хеж самарадорлигини намоён этиши мумкин бўлса; ва (в) хежлаш инструменти ва турли риск ҳолатларининг муайян белгиланиши мавжуд бўлишини таъминлаш имкони бўлса.
- 77 Икки ёки ундан ортиқ деривативлар ёки уларнинг қисмлари (ёки валюта рискининг жежи ҳолатида, икки ёки ундан ортиқ нодеривативлар ёки уларнинг қисмлари ёки деривативлар ва нодеривативлар комбинацияси ёхуд уларнинг қисмлари), биргаликда инобатга олинishi ва хежлаш инструменти сифатида биргаликда белгиланиши мумкин, масалан айрим деривативлардан юзага келадиган риск(лар) бошқа деривативлардан юзага келадиган риск(лар)ни ўзаро қоплайдиган ҳолат шу жумладан. Лекин, агар у ҳақиқатда соф чиқарилган опцион (соф мукофот олинадиган опцион) бўлса, коллар фоиз ставкаси ёки чиқарилган опцион билан сотиб олинган опционни бирлаштирадиган бошқа дериватив инструмент хежлаш инструменти сифатида таснифланмайди. Шу каби, икки ёки ундан ортиқ инструментлар (ёки уларнинг қисмларлари), фақат агар уларнинг ҳеч бири чиқарилган опцион ёки соф чиқарилган опцион бўлмаса хежлаш инструменти сифатида биргаликда белгиланиши мумкин.

Хежланган моддалар

Хежланган модда таърифига жавоб берадиган моддалар

- 78 Хежланган модда тан олинган актив ёки мажбурият, тан олинмаган қатъий шартномавий мажбурият, юқори эҳтимолли прогноз қилинган операция ёки чет элдаги бўлинмага соф инвестиция бўлиши мумкин. Хежланган модда (а) ягона актив, мажбурият, қатъий шартномавий мажбурият, юқори эҳтимолли прогноз қилинган операция ёки чет элдаги бўлинмага соф инвестиция, (б) ўхшаш риск хусусиятларига эга активлар, мажбуриятлар, қатъий шартномавий мажбуриятлар, юқори эҳтимолли прогноз қилинган операциялар ёки чет элдаги бўлинмага соф инвестициялар гуруҳи ёки (в) фақат фоиз ставкаси рисқи бўйича портфель жежида, хежланадиган риск тақсимланган молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфелининг бир қисми бўлиши мумкин.
- 79 [Чиқариб ташланган]
- 80 Хежлаш ҳисоби мақсадларида, фақат ташкилотга нисбатан ташқи томонни ўз ичига оладиган активлар, мажбуриятлар, қатъий шартномавий мажбуриятлар ёки юқори эҳтимолли прогноз қилинган операциялар хежланган моддалар сифатида белгиланиши мумкин. Бундан хежлаш ҳисоби айнан бир гуруҳдаги ташкилотлар ўртасидаги операцияларга нисбатан гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида эмас, балки фақат ушбу ташкилотларнинг индивидуал ёки алоҳида молиявий ҳисоботида қўлланиши келиб чиқади, бундан 10-сон МҲХСда таърифланган инвестиция ташкилотининг консолидациялашган молиявий ҳисоботи мустасно бўлиб, 10-сон МҲХСга мувофиқ инвестиция ташкилоти билан ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинадиган унинг шўъба ташкилотлари ўртасидаги операциялар консолидациялашган молиявий ҳисоботдан чиқариб ташланмайди. Истисно тариқасида, агар у ҳисоботни консолидациялашда 21-сон БҲХС “*Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари*”га мувофиқ тўлиқ чиқариб ташланмайдиган валюта курси ошиши ёки камайиши таъсирига дучор бўлишга олиб келса, гуруҳ ичидаги монетар моддага тегишли (масалан, иккита шўъба ташкилотлари ўртасидаги дебиторлик/кредиторлик қарзи) чет эл валютаси рисқи консолидациялашган молиявий ҳисоботда хежланган модда сифатида таснифланиши мумкин. Гуруҳ ичидаги монетар модда бўйича операция турли функционал валюталарга эга гуруҳнинг икки ташкилоти ўртасида амалга оширилганда, 21-сон БҲХСга мувофиқ, гуруҳ ичидаги монетар моддалар бўйича валюта курси ўзгаришидан олинадиган фойда ёки зарарлар консолидациялашда тўлиқ чиқариб ташланмайди. Шу билан бирга, гуруҳ ичидаги юқори эҳтимолли прогноз қилинган операция бўйича чет эл валютаси рисқи, агар операция уни амалга ошираётган ташкилотнинг функционал валютасидан бошқа валютада ифодаланган бўлса ва чет эл валютаси рисқи консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир кўрсатса, консолидациялашган молиявий ҳисоботда хежланган модда сифатида таснифланиши мумкин.

Молиявий моддаларни хежланган моддалар сифатида белгилаш

- 81 Агар хежланган модда молиявий актив ёки молиявий мажбурият бўлса, у хежлашнинг самарадорлигини баҳолаш мумкин бўлиши шарт билан фақат унинг пул оқимларининг ёки ҳаққоний қийматининг бир қисми (масалан, бир ёки ундан ортиқ танланган шартномавий пул оқимлари ёки уларнинг қисмлари ёки ҳаққоний қийматнинг улуши) билан боғлиқ рискларга нисбатан хежланган модда бўлиши мумкин. Масалан, фоизли актив ёки фоизли мажбурият бўйича фоиз ставкаси рискнинг аниқланадиган ва алоҳида баҳоланадиган қисми хежланган риск сифатида белгиланиши мумкин (масалан, рискдан ҳоли фоиз ставкаси ёки хежланган молиявий инструмент бўйича жами фоиз ставкаси рискнинг таянч фоиз ставкаси қисми).
- 81А Молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфели бўйича фоиз ставкаси рискнинг ҳаққоний қиймат ҳежида (ва фақат бундай ҳежда), хежланган қисм индивидуал активлар (ёки мажбуриятлар) сифатида эмас, балки валюта суммаси сифатида (масалан, доллар, евро, фунт стерлинг ёки рэнд суммасида) белгиланиши мумкин. Портфель, рискни бошқариш мақсадларида, активларни ва мажбуриятларни ўз ичига олиши мумкин бўлишига қарамай, белгиланган сумма активлар суммаси ёки мажбуриятлар суммасига тенг бўлади. Активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги фарққа тенг бўлган соф суммани хежланган модда сифатида белгилашга рухсат этилмайди. Ташкилот ушбу белгиланган сумма билан боғлиқ фоиз ставкаси рискнинг қисмини хежлаши мумкин. Масалан, олдиндан тўланадиган активларни қамраб оладиган портфель хежи ҳолатида, ташкилот, шартномавий эмас, балки кутилаётган қайта нархлаш саналари асосида хежланган фоиз ставкасидаги ўзгаришга тегишли бўлган ҳаққоний қийматдаги ўзгаришни хежлаши мумкин. Хежланган қисм кутилаётган қайта нархлаш саналарига асосланса, хежланган фоиз ставкасидаги ўзгаришларнинг ушбу кутилаётган қайта нархлаш саналарига нисбатан таъсири хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни аниқлашда инobatга олиниши лозим. Ўз навбатида, агар олдиндан тўланадиган моддаларни қамраб оладиган портфель олдиндан тўланмайдиган дериватив билан хежланган бўлса ва хежланган портфелдаги моддаларнинг олдиндан тўланиши кутилаётган саналар ўзгартирилса ёки ҳақиқий олдиндан тўлов саналари кутилаётган саналардан фарқ қилса, самарасизлик юзага келади.

Номолиявий моддаларни хежланган моддалар сифатида белгилаш

- 82 Агар хежланган модда номолиявий актив ёки номолиявий мажбурият бўлса, у қуйидагилар учун хежланган модда сифатида белгиланиши лозим: (а) чет эл валютаси рисклари учун; ёки (б), чет эл валютаси рискларидан бошқа муайян рискларга тегишли бўлган пул оқимларининг ёки ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларнинг ўринли қисмини ажратиш ва баҳолаш қийин бўлгани сабабли, хежланган модданинг бутун ҳолатида у билан боғлиқ бўлган барча рисклар учун.

Моддалар гуруҳларини хежланган моддалар сифатида белгилаш

- 83 Агар гуруҳдаги индивидуал активлар ёки индивидуал мажбуриятлар ўртасида хежланадиган сифатида белгиланган риск тақсимланса, ўхшаш активлар ёки ўхшаш мажбуриятлар умумлаштирилиши ва гуруҳ сифатида хежланиши лозим. Бундан ташқари, гуруҳдаги ҳар бир индивидуал модда бўйича хежланган рискга тегишли ҳаққоний қийматдаги ўзгариш моддалар гуруҳининг хежланган рискга тегишли ҳаққоний қийматдаги умумий ўзгаришга тахминан пропорционал бўлиши назарда тутилиши лозим.
- 84 Ташкилотни хеж самарадорлигини хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимидаги ўзгаришни хежланган модда билан қиёслаш орқали баҳолаши туфайли, хежлаш инструментини муайян хежланган модда билан эмас, балки умумий соф позиция (масалан ўхшаш сўндириш муддатларига эга барча фоизлари қатъий белгиланган активлар билан фоизлари қатъий белгиланган мажбуриятлар ўртасидаги фарққа тенг соф позиция) билан қиёслаш хежлаш ҳисоби сифатида таснифланмайди.

Хежлаш ҳисоби

- 85 Хежлаш ҳисобида хежлаш инструменти билан хежланган модданинг ҳаққоний қийматларидаги ўзгаришларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши натижасида фойда ёки зарарга бўлган таъсир тан олинади.
- 86 Хежлаш муносабатлари уч хил бўлади:
- (а) **ҳаққоний қиймат хежи:** тан олинган активнинг ёки мажбуриятнинг ёки тан олинмаган қатъий шартномавий мажбуриятнинг ёки бундай активнинг, мажбуриятнинг ёки қатъий шартномавий мажбуриятнинг аниқланадиган қисмининг,

- ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларга дучор бўлиш рискининг ҳежи бўлиб, у муайян рискга тегишли бўлади ва фойда ёки зарарга таъсир кўрсатиши мумкин.
- (б) *пул оқими ҳежи*: пул оқимларидаги ўзгарувчанликка дучор бўлиш рискининг ҳежи бўлиб, у (i) тан олинган актив ёки мажбурият (масалан ўзгарувчан фоизли қарз бўйича барча ёки айрим келгуси фоиз тўловлари) ёки юқори эҳтимолли прогноз қилинган операция билан боғлиқ муайян рискга тегишли бўлади ва (ii) фойда ёки зарарга таъсир кўрсатиши мумкин.
- (в) **21-сон БҲХСда таърифланганидек, чет элдаги бўлинмага соф инвестициянинг ҳежи.**
- 87 Қатъий шартномавий мажбурият бўйича чет эл валютаси рискининг ҳежи ҳаққоний қиймат ҳежи сифатида ёки пул оқими ҳежи сифатида ҳисобга олиниши мумкин.
- 88 **Хежлаш муносабати, агар қуйидаги шартларнинг барчаси қаноатлантирилса, 89-102 бандларга асосан ҳежлаш ҳисоби сифатида таснифланади.**
- (а) ҳежлаш муносабатлари бошланишида, ҳежлаш муносабатининг ва ташкилотнинг ҳежни амалга ошириш бўйича рискни бошқариш мақсади ва стратегияси расмий белгиланган ва ҳужжатлаштирилган бўлса. Ушбу ҳужжатлаштириш ҳежлаш инструментини, ҳежланган модда ёки операцияни, ҳежланадиган риск хусусиятини ва ташкилот ҳежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ёки ҳежланган рискга тегишли пул оқимларидаги ўзгаришларга дучор бўлишни ўзаро қоплаш бўйича ҳежлаш инструментининг самарадорлигини қандай баҳоланиши аниқлашни ўз ичига олади.
- (б) Муайян ҳежлаш муносабати бўйича дастлабки ҳужжатлаштирилган рискни бошқариш стратегиясига мос тарзда, ҳеж ҳежланган рискга тегишли ҳаққоний қийматдаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришларни ўзаро қоплашга эришишда юқори самарадор (А илованинг ҚК105–ҚК113А бандларига қаранг) бўлиши кутилади.
- (в) Пул оқими ҳежларида, ҳежнинг предмети бўлган прогноз қилинган операция юқори эҳтимолли бўлиши шарт ва якуний босқичда фойда ёки зарарга таъсир этиши мумкин бўлган пул оқимларининг ўзгаришига нисбатан дучор бўлишни акс эттириши лозим.
- (г) Ҳежнинг самарадорлиги ишончли баҳоланиши мумкин, яъни ҳежланган рискга тегишли ҳежланган модданинг ҳаққоний қиймати ёки пул оқимлари билан ҳежлаш инструментининг ҳаққоний қиймати ишончли баҳоланиши мумкин.
- (д) Ҳеж мунтазам асосда баҳоланиб, у ҳеж белгиланган молиявий ҳисобот даврлари мобайнида юқори самарадор бўлгани учун аниқланади.

Ҳаққоний қиймат ҳежлари

- 89 Агар ҳаққоний қиймат ҳежи давр мобайнида 88-банддаги шартларни қаноатлантирса, у қуйидагича ҳисобга олиниши лозим:
- (а) ҳежлаш инструментини ҳаққоний қийматда (дериватив ҳежлаш инструменти учун) ёки 21-сон БҲХСга мувофиқ баҳоланган унинг баланс қийматининг чет эл валютаси қисмини (нодериватив ҳежлаш инструменти учун) қайта баҳолашдан юзага келадиган фойда ёки зарар фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим; ва
- (б) ҳежланган рискга тегишли ҳежланган модда бўйича фойда ёки зарар ҳежланган модданинг баланс қийматини тузатиши ва фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим. Бу тартиб ҳежланган модда бошланғич қийматда баҳоланганда қўлланади. Ҳежланган рискга тегишли ҳежланган модда бўйича фойда ёки зарарни, агар ҳежлаш объекти бўлган молиявий актив 9-сон МҲХСнинг 4.1.2А бандига мувофиқ бошқа умумлашган даромадда ҳаққоний қийматда баҳоланганда, фойда ёки зарар таркибида тан олинади.
- 89А Молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфелининг қисми бўйича фоиз ставкаси рискининг ҳаққоний қиймат ҳежида (ва фақат бундай ҳежда), 89(б)-банддаги талаб ҳежланган моддага тегишли фойда ёки зарарни қуйидагича акс эттириш орқали қаноатлантирилиши мумкин:
- (а) ҳежланган модда актив бўлган қайта нархлаш даврлари учун, активлар ичидаги битта ажратилган сатр моддаси; ёки
- (б) ҳежланган модда мажбурият бўлган қайта нархлаш даврлари учун, мажбуриятлар ичидаги битта ажратилган сатр моддаси.

- (а) ва (б) бандларда келтирилган ажратилган сатр моддалари молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар акс эттирилган сатрлар тагида акс эттирилиши лозим. Ушбу сатр моддаларида киритилган суммалар, агар улар тегишли бўлган активларни ёки мажбуриятларни тан олиш бекор қилинса, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқариб ташланиши лозим.
- 90 Агар фақат хежланган моддага тегишли муайян рисклар хежланган бўлса, хежланган рискга тегишли бўлмаган хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги тан олинган ўзгаришлар 9-сон МҲХСнинг 5.7.1-бандида белгиланганидек тан олинади.
- 91 **Ташкилот 89-бандда белгиланган хежлаш ҳисобини перспектив тарзда тўхтатиши лозим, агар:**
- (а) хежлаш инструментининг муддати тугаса ёки у сотилса, бекор қилинса ёки амалга оширилса. Ушбу мақсад учун, агар бундай алмаштириш ёки муддатини узайтириш ташкилотнинг ҳужжатлаштирилган хежлаш стратегиясининг қисми бўлса, хежлаш инструментини бошқа хежлаш инструменти орқали алмаштириш ёки муддатини узайтириш хежлаш инструментининг муддати тугагани ёки у бекор қилинишини аңглатмайди. Қўшимча тарзда, ушбу мақсадда хежлаш инструменти муддати ўтган ёки тугатилган деб ҳисобланмайди, агар:
- (i) қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар оқибатлари ёки янги қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатларни кучга кириши натижасида, хежлаш инструменти тарафлари бир ёки бир неча клиринг контрагентлар дастлабки контрагентни алмаштирса ва томонлар учун янги контрагент ҳисобланса. Ушбу мақсадда, клиринг контрагент бу марказий контрагент бўлиб (баъзан клиринг ташкилот ёки клиринг агентлиги деб аталади) ёки ташкилот ёки ташкилотлар масалан, марказий контрагент томонидан клирингни амалга оширувчи контрагент сифатида қатнашувчи клиринг ташкилотнинг клиринг иштирокчиси. Лекин, агар хежлаш инструменти томонлари ўзларининг дастлабки контрагентларини бошқа контрагентлар билан алмаштирса, ушбу банд талаблари фақат ҳар бир янги томон клирингни ўша марказий контрагент билан амалга оширганда қўлланиши лозим.
- (ii) хежлаш инструменти контрагентни ўзгариши билан чегараланган бошқа ўзгаришлар. Бундай ўзгаришлар, агар хежлаш инструменти дастлабки тарзда клиринг контрагент билан клиринг қилингандаги шартлар билан чекланади. Бундай ўзгаришларга гаров шартлари, дебитор ва кредитор қарзларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиши ва олинандиган тўловга нисбатан ўзгаришлар қиради.
- (б) хеж 88-банддаги хежлаш ҳисобининг мезонларини бундан буён қаноатлантirmаса; ёки
- (в) ташкилот белгилашни бекор қилса.
- 92 **Эффектив фоиз усули қўлланган хежланган молиявий инструментнинг баланс қийматига (ёки фоиз ставкаси rischi бўйича портфель хежи ҳолатида, 89А-бандда келтирилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг ажратилган сатр моддасига) 89(б)-банддан юзага келадиган ҳар қандай тузатиш амортизация қилиш орқали фойда ёки зарарга олиб борилиши лозим. Амортизациялаш ўзгартириш пайдо бўлиши билан бошланиши мумкин ва хежланган модданинг хежланандиган рискга тегишли унинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларга тузатилиши тўхтатилишидан кечиктирмасдан бошланиши лозим. Ўзгартириш амортизациялаш бошланандиган санадаги қайта ҳисобланган эффектив фоиз ставкасига асосланади. Лекин молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфели бўйича фоиз ставкаси рискнинг ҳаққоний қиймат хежи ҳолатида (ва фақат бундай хежда), агар қайта ҳисобланган эффектив фоиз ставкаси орқали амортизациялаш амалий имконсиз бўлса, ўзгартириш бир текис маромда амортизацияланиши лозим. Ўзгартириш молиявий инструментнинг сўндирилишига қадар ёки фоиз ставкаси rischi бўйича портфель хежи ҳолатида, тегишли қайта нархлаш даврининг тугашига қадар тўлиқ амортизацияланиши лозим.**
- 93 Тан олинмаган қатъий шартномавий мажбурият хежланган модда сифатида белгиланса, хежланган рискга тегишли қатъий келишувнинг ҳаққоний қийматидаги кейинги йиғилган ўзгариш фойда ёки зарарда тан олинган мос равишдаги фойда ёки зарар билан бирга, актив ёки мажбурият сифатида тан олинади (89(б)-бандга қаранг). Хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар ҳам фойда ёки зарарда тан олинади.
- 94 Ташкилот ҳаққоний қиймат хежида хежланган модда бўлган актив сотиб олиш ёки мажбуриятни тан олиш бўйича қатъий шартномавий мажбуриятни имзолаганда, ташкилот қатъий шартномавий мажбуриятни бажариши натижасида юзага келадиган актив ёки мажбуриятнинг дастлабки баланс қиймати у молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган хежланган рискга тегишли қатъий

шартномавий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги йиғилган ўзгаришни ўз ичига олиш мақсадида тузатилади.

Пул оқими хежлари

- 95 Агар пул оқими хежи давр мобайнида 88-банддаги талабларни қаноатлантирса, у қуйидагича ҳисобга олинади:
- (а) самарали хеж деб аниқланган хежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарарнинг қисми (88-бандга қаранг) бошқа умумлашган даромадда тан олинади; ва
 - (б) хежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарарнинг самарасиз қисми фойда ёки зарарда тан олинади.
- 96 Хусусан, пул оқими хежи қуйидагича ҳисобга олинади:
- (а) хусусий капиталнинг хежланган модда билан боғлиқ алоҳида қисми қуйидагиларнинг кичигига тузатилади (мутлақ суммаларда):
 - (i) хеж бошланишидан буён хежлаш инструменти бўйича жамғарилган фойда ёки зарар; ва
 - (ii) хежлаш бошланишидан хежланган модда бўйича қутилаётган келгуси пул оқимларининг ҳаққоний қийматидаги (дисконтланган қийматидаги) жамғарилган ўзгариш;
 - (б) хежлаш инструменти ёки унинг белгиланган қисми (самарасиз бўлган хеж) бўйича ҳар қандай қолдиқ фойда ёки зарар фойда ёки зарар таркибида тан олинади; ва
 - (в) агар ташкилотнинг муайян хежлаш муносабати бўйича ҳужжатлаштирилган рискни бошқариш стратегияси хеж самарадорлигини баҳолашда хежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарарнинг ёки тегишли пул оқимларининг маълум қисмини инобатга олмас (74, 75 ва 88(а)-бандларга қаранг), фойда ёки зарарнинг ушбу инобатга олинмаган қисми 9-сон МҲХСнинг 5.7.1-бандига мувофиқ тан олинади.
- 97 Агар прогноз қилинган операциянинг хежи кейинчалик молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни тан олинашига олиб келса, 95-бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда тан олинган тегишли фойда ёки зарарлар қайта таснифлашнинг ўзгартирилиши (1-сон БҲХС (2007 йилда ўзгартирилган)га қаранг) сифатида капиталдан фойда ёки зарарга шундай даврда ёки даврларда олиб борилиши (қайта таснифланиши) лозимки, бунда ушбу давр ёки даврлар мобайнида хежланган режалаштирилган пул оқимлари фойда ёки зарарга таъсир этади (масалан, фойдали даромад ёки фойдали харажат тан олинган даврлар). Лекин, агар ташкилот бошқа умумлашган даромадда тан олинган зарарнинг барчаси ёки қисми бир ёки ундан ортик келгуси даврларда тикланмаслигини назарда тутса, у фойда ёки зарарда қайта таснифлашнинг ўзгартирилиши сифатида тикланиши қутилмаган суммани қайта таснифлаши лозим.
- 98 Агар прогноз қилинган операциянинг хежи кейинчалик номолиявий актив ёки номолиявий мажбуриятни тан олинашига олиб келса ёки прогноз қилинган операция номолиявий актив ёки номолиявий мажбурият учун ҳаққоний қиймат хежлаш ҳисоби қўлланадиган қатъий шартномавий мажбуриятга айланса, ташкилот қуйидаги (а) ёки (б) бандларни қабул қилиши лозим:
- (а) У 95-бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда тан олинган тегишли фойда ёки зарарларни қайта таснифлашнинг ўзгартирилиши (1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири)га қаранг) сифатида фойда ёки зарарда хежланган режалаштирилган пул оқимлари фойда ёки зарарга таъсир этадиган бир хил давр ёки даврлар (масалан, эскириш харажати ёки сотувлар таннархи тан олинган даврлар) мобайнида олиб борилиши лозим. Лекин, агар ташкилот бошқа умумлашган даромадда тан олинган зарарнинг барчаси ёки қисми бир ёки бир нечта келгуси даврларда тикланмаслигини назарда тутса, у фойда ёки зарарда қайта таснифлашнинг ўзгартирилиши сифатида тикланиши қутилмаган суммани қайта таснифлаши лозим.
 - (б) У 95-бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда тан олинган тегишли фойда ёки зарарларни чиқариб ташлайди ва уларни активнинг ёки мажбуриятнинг дастлабки қийматига ёки бошқа баланс қийматига киритади.
- 99 Ташкилот 98-банддаги (а) ёки (б) кичик бандини ўзининг ҳисоб сиёсати сифатида қабул қилиши лозим ва уни бир меъёردа 98-банд тегишли бўлган барча хежларга нисбатан қўллаши лозим.

- 100 97 ва 98-бандларда қамраб олинган пул оқими хежларидан бошқа пул оқими хежларида, бошқа умумлашган даромадда тан олинган суммалар қайта таснифлашнинг ўзгартирилиши (1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири)га қаранг) сифатида хусусий капиталдан фойда ёки зарарга ушбу давр ёки даврлар мобайнида қайта таснифланиши лозим.
- 101 Қуйидаги ҳолатларнинг бирортасида ташкилот 95-100-бандларда келтирилган хежлаш ҳисобини перспектив тарзда давом эттирмаслиги лозим:
- (a) Хежлаш инструментининг муддати тугаса ёки сотилса, бекор қилинса ёки амалга оширилса. Ушбу ҳолатда хежлаш инструменти амалда бўлган даврда бошқа умумлашган даромадда тан олинган хежлаш инструментидаги жамғарилган фойда ёки зарар келгусидаги транзакция амалга оширилгунга қадар хусусий капитал таркибида алоҳида сақланиб туради. Операция содир бўлганда, 97, 98 ёки 100-банд қўлланади. Ушбу кичик банд мақсади учун, хежлаш инструментини бошқа хежлаш инструментига алмаштириш ташкилотнинг ҳужжатлаштирилган хежлаш стратегиясининг бир қисми бўлса, бундай ўзгартириш тугатиш ёки ҳисобдан чиқариш ҳисобланмайди. Қўшимча тарзда, ушбу кичик банд мақсади учун хежлаш инструментининг муддати тугаши ёки тугатилиши ҳисобланмайди, агар:
 - (i) қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар оқибатлари ёки янги қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатларни кучга кириши натижасида, хежлаш инструменти тарафлари бир ёки бир неча клиринг контрагентлар дастлабки контрагентни алмаштира ва томонлар учун янги контрагент ҳисобланса. Ушбу мақсадда, клиринг контрагент бу марказий контрагент бўлиб (баъзан клиринг ташкилот ёки клиринг агентлиги деб аталади) ёки ташкилот ёки ташкилотлар масалан, марказий контрагент томонидан клирингни амалга оширувчи контрагент сифатида қатнашувчи клиринг ташкилотнинг клиринг иштирокчиси. Лекин, агар хежлаш инструменти томонлари ўзларининг дастлабки контрагентларини бошқа контрагентлар билан алмаштира, ушбу банд талаблари фақат ҳар бир янги томон клирингни ўша марказий контрагент билан амалга оширганда қўлланиши лозим.
 - (ii) хежлаш инструменти контрагентни ўзгариши билан чегараланган бошқа ўзгаришлар. Бундай ўзгаришлар, агар хежлаш инструменти дастлабки тарзда клиринг контрагент билан клиринг қилингандаги шартлар билан чекланади. Бундай ўзгаришларга гаров шартлари, дебитор ва кредитор қарзларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиши ва олинган тўловга нисбатан ўзгаришлар киради.
 - (б) хеж ортиқ 88-банддаги хежлаш ҳисобининг мезонларига жавоб бермаса. Бундай ҳолатда, хежлаш амалда бўлган даврдан бошлаб бошқа умумлашган даромадда тан олинган хежлаш инструменти бўйича жамғарилган фойда ёки зарар (95(а)-бандга қаранг) прогноз қилинган операция содир бўлгунга қадар хусусий капитал таркибида ажратилган ҳолда қолиши лозим. Ушбу операция содир бўлганда, 97, 98 ёки 100-банд қўлланади.
 - (в) прогноз қилинган операциянинг содир бўлиши ортиқ қутилмаса ва бундай ҳолатда хеж амалда бўлган даврдан бошлаб бошқа умумлашган даромадда тан олинган хежлаш инструменти бўйича ҳар қандай тегишли жамғарилган фойда ёки зарар (95(а)-бандга қаранг) қайта таснифлашнинг ўзгартирилиши сифатида хусусий капиталдан фойда ёки зарарга киритилиши (қайта таснифланиши) лозим. Бундан буён юқори эҳтимолли бўлмаган прогноз қилинган операциянинг (88(в)-бандга қаранг) содир бўлиши ҳануз қутилиши мумкин.
 - (г) Ташкилот хежни белгилашни бекор қилса. Прогноз қилинган операция хежларида, хеж амалда бўлган даврдан бошлаб бошқа умумлашган даромадда тан олинган хежлаш инструменти бўйича жамғарилган фойда ёки зарар (95(а)-бандга қаранг) прогноз қилинган операция содир бўлгунга қадар ёки унинг содир бўлиши ортиқ қутилмаслигига қадар хусусий капитал таркибида алоҳида модда бўлиб қолиши лозим. Операция содир бўлганда, 97, 98 ёки 100-банд қўлланади. Агар операциянинг содир бўлиши бундан буён қутилмаса, бошқа умумлашган даромадда тан олинган жамғарилган фойда ёки зарар қайта таснифлашнинг ўзгартирилиши сифатида хусусий капиталдан фойда ёки зарарга қайта таснифланиши лозим.

Соф инвестициянинг хежлари

102 Чет элдаги бўлинмага соф инвестициянинг хежлари, жумладан соф инвестициянинг қисми сифатида ҳисобга олинган монетар модда (21-сон БҲХС) хежи, пул оқимини хежлашга ўхшаш тарзда ҳисобга олиниши лозим:

- (а) самарали хеж деб аниқланган хежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарарнинг қисми (88-бандга қаранг) бошқа умумлашган даромадда тан олиниши лозим; ва
- (б) самарасиз қисм фойда ёки зарарда тан олиниши лозим.

Бошқа умумлашган даромадда тан олинган хежнинг самарали қисмига тегишли бўлган хежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарар қайта таснифлашнинг ўзгартирилиши (1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири)га қаранг) сифатида хусусий капиталдан фойда ёки зарарга 21-сон БҲХСнинг 48-49-бандларига мувофиқ чет элдаги бўлинманинг чиқиб кетишида ёки қисман чиқиб кетишида қайта таснифланиши лозим.

Махсус хежлаш ҳисобининг қўллашдан вақтинчалик истиснолар

102А Ташкилот 102Г-102М ва 108Ё бандларни бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш таъсир этган барча хеж муносабатларига татбиқ этиши лозим. Ушбу бандлар фақат бундай хежлаш муносабатларига татбиқ этилади. хежлаш муносабатлари, агар ислоҳ қилиш қуйидагилар бўйича ноаниқликларни ошишига олиб келса, бевосита таъсирланган ҳисобланади:

- (а) фоиз ставкаси бенчмарки (шартнома бўйича ёки шартнома бўйича бўлмаган келишилган) хеж риски сифатида белгиланган бўлса; ва/ёки
- (б) фоиз ставкаси бенчмаркига асосланган пул оқимларининг муддати ёки суммаси хеж объекти ёки хежлаш инструменти бўлса.

102Б 102Г-102М-бандларни қўллашда “бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш” атамаси бенчмарк фоиз ставкасини кенг қўламли бозор ислоҳотини, шу жумладан, ўз ичига Молиявий барқарорлик кенгашининг 2014 йил июлдаги “Асосий фоиз ставкаси бенчмаркларини ислоҳ қилиш”² ҳисоботидаги тавсиялардан келиб чиқиб, фоиз ставкаси бенчмаркини муқобил бенчмарк ставкасига алмаштиришни олади.

102В 102Г-102М-бандлар фақат ушбу бандларда кўрсатилган талабларга истиснолар беради. Ташкилот бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш бевосита таъсир этган хеж муносабатларига барча бошқа хежлаш ҳисоби талабларини қўллашни давом эттириши лозим.

Пул оқимлари хежи учун юқори эҳтимолли талаблар

102Г 88(в) банддаги талабни қўллаш мақсадида прогноз қилинган операция юқори эҳтимолли бўлиши ва ташкилот фоиз ставкаси бенчмарки бўйича пул оқимларининг (шартнома билан ёки шартномасиз аниқланган) хежланиши, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида ўзгартирилмаган деб фарз қилиниши лозим.

Бошқа умумлашган даромадда тан олинган жамғарилган фойда ёки зарарни қайта таснифлаш

102Д 101(в) банддаги талабни қўллаш мақсадида прогноз қилинган операция бошқа содир бўлмаслиги кутилаётган бўлса ва ташкилот фоиз ставкаси бенчмарки бўйича пул оқимларининг (шартнома билан ёки шартномасиз аниқланган) хежланиши, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида ўзгартирилмаган, деб фарз қилиниши лозим.

Баҳолашнинг самарадорлиги

102Е 88(б) ва ҚК105(а) бандлар талабларини қўллаш мақсадида, ташкилот фоиз ставкаси бенчмарки бўйича пул оқимларини хежланиши ва/ёки хежланган риск (шартнома билан ёки шартномасиз аниқланган) ёки хежлаш инструментининг пул оқимлари бўйича фоиз ставкаси, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида ўзгартирилмаган, деб фарз қилиниши лозим.

² ‘Асосий фоиз ставкаси бенчмаркларини ислоҳ қилиш’ ҳисоботида куйидаги ҳавола орқали ўтишингиз мумкин http://www.fsb.org/wp-content/uploads/r_140722.pdf.

- 102Ё 88(д) банд талабларини қўллаш мақсадида, ташкилот ҳежнинг ҳақиқатдаги натижалари ҚК105(б) банддаги талабга мос келмаганлиги сабабли, ҳеж муносабатларини тўхтатиши талаб этилмайди. Ноаниқликни олдини олиш мақсадида, ташкилот 88-банддаги бошқа талабларни, шу жумладан, 88(б) банддаги перспектив баҳолашни ҳеж муносабатини тўхтатишни баҳолаш учун қўллаши лозим.

Молиявий моддаларни ҳежланган моддалар сифатида белгилаш

- 102Ж 1023 банд қўлланмаса, шартномасиз кўрсатилган фоиз ставкаси рискиннинг махсус бенчмарк қисмини ҳежлаш учун ташкилот 81 ва ҚК99Е бандлардаги талабларни ҳеж муносабатларининг бошида алоҳида ажратиб олинадиган қисмига қўллаши лозим.
- 102З Агар ташкилот, ўзининг ҳеж ҳужжатларига мувофиқ, тез-тез (яъни тўхтатиб ва давом эттириб) ҳеж муносабатларини ҳежлаш инструменти ва ҳежлаш объекти тез-тез ўзгарганлиги учун (яъни ташкилот узоқ вақт ўзгармасдан турмайдиган ҳежлаш объекти ва ҳежлаш инструментини рискнинг очик позициясини бошқариш учун динамик жараёни ишлатса), ташкилот 81 ва ҚК99Е бандлардаги талабларни алоҳида ажратиб олинадиган қисмларга нисбатан ҳеж муносабатларида ҳеж объектини бошида белгилашда қўллайди. Ҳеж муносабатларининг дастлабки белгилашда ёки ҳеж бошида ҳеж объекти баҳоланган бўлиши мумкин ёки кейинчалик қайта белгилашда қайта баҳоланмайди.

Қўллашнинг тугатилиши

- 102И Ташкилот ҳежланган моддага нисбатан 102Г бандни қўллашни қуйидагиларни қайси бири вақтлироқ келса, перспектив тарзда тўхтатиши лозим:
- (а) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган ноаниқлик ҳежланган модданинг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган пул оқимлари суммаси ва муддатига нисбатан таъсир кўрсатмаса; ва
 - (б) ҳежланган модданинг қисми бўлган ҳежлаш муносабатлари тугатилса;
- 102Й Ташкилот 102Д бандни перспектив қўллашни қуйидагилардан қайси бири вақтлироқ юзага келса, тугатиши лозим:
- (а) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган ноаниқлик ҳежлаш объектининг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган келгуси пул оқимлари суммаси ва муддатига таъсир этмаса; ва
 - (б) бошқа умумлашган даромадда тан олинган жамғарилган жами фойда ёки зарар ҳеж муносабатлари тугатилиши сабабли фойда ёки зарарга қайта таснифланганда.
- 102К Ташкилот 102Е бандни перспектив тарзда қўллашни тўхтатиши лозим:
- (а) ҳежланган моддага нисбатан, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижаси пайдо бўлган ноаниқлик ҳеж объектининг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган пул оқимлари суммаси ва муддатига таъсир этмаса; ва
 - (б) ҳеж инструментига нисбатан, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижаси пайдо бўлган ноаниқлик ҳеж инструментининг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган пул оқимлари суммаси ва муддатига таъсир этмаса.
- Агар ҳеж муносабатлари ҳежланган модда ва ҳеж инструменти қисми тўхтатилиши 102К(а) ёки 102К(б) бандда кўрсатилган санадан олдинроқ юзага келса, ташкилот тўхтатиш санасида ҳеж муносабатларига нисбатан 102Е банд талабларини перспектив тарзда қўллашни тўхтатиши лозим.
- 102Л Ташкилот 102Е бандни ҳеж муносабатларига перспектив қўллашни қуйидагилар юз берган саналарнинг олдингисида тўхтатади:
- (а) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижаси юзага келган ноаниқлик ҳеж рискига ва ҳеж объекти ёки ҳеж инструментининг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган пул оқимлари суммаси ва муддатига нисбатан таъсир кўрсатмаганда.
 - (б) ҳеж муносабатлари бўйича қўлланган истисно тўхтатилганда.
- 102М Моддалар гуруҳи ҳеж гуруҳи сифатида ёки молиявий инструментларнинг комбинацияси ҳеж инструменти сифатида белгиланганда, ташкилот 102Г-102Е бандларни индивидуал модда ёки молиявий инструментга 102И, 102Й, 102К ёки 102Л бандларга мувофиқ, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида юзага келган ноаниқлик ҳеж рискига ва/ёки ушбу моддани ёки молиявий инструментнинг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган пул оқимлари суммаси ва муддатига таъсир кўрсатмаса, перспектив тарзда қўллашни тўхтатиши лозим.

- 102Н Ташкилот 102Ж ва 1023 бандларини ҳеж муносабатларига перспектив қўллашни қуйидагиларнинг эртaroқ санасида тўхтатиши лозим:
- (а) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар шартномада белгиланмаган риск қисмида 102О-бандга мувофиқ амалга оширилганда; ёки
 - (б) шартномадан ташқари риск қисмида ўз ичига олган ҳежлаш муносабатлари тугатилганда.

Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча вақтинчалик истиснолар

Ҳежлаш ҳисоби

- 102О 102Г–1023 -бандлардаги талабларни ҳежлаш муносабатларига (102И-102Н-бандларга қаранг) нисбатан қўллаш тўхтатилганда ва тўхтатилиши билан, ташкилот бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш орқали талаб қилинадиган ўзгаришларни, яъни 9-сон МҲХСнинг 5.4.6–5.4.8-бандлар талабларига жавоб берадиган ўзгаришларни акс эттириш учун ўзининг ушбу ҳежлаш муносабатларини белгилаш тўғрисидаги расмий қарорини ўзгартириши лозим. Бундай ҳолда, ташкилотнинг ҳежлаш муносабатларини белгилаш тўғрисидаги қарори фақат қуйидаги ўзгаришлардан бирини ёки бир нечасини киритиш учун ўзгартирилиши лозим:
- (а) ҳежланган риск сифатида муқобил бенчмарк ставкасини (шартномада ёки шартномада кўрсатилмаган ҳолда) белгилаш;
 - (б) ҳежланган объект тавсифидаги ўзгариш, шу жумладан ҳежланган пул оқимларининг белгиланган қисми ёки ҳаққоний қиймати тавсифи; ёки
 - (в) ҳежлаш инструментининг тавсифини ўзгартириш; ёки
 - (г) ташкилот ҳежлаш самарасини қайдай баҳолаши тавсифини ўзгартириш
- 102П Ташкилот агар қуйидаги учта шартлар бажарилса, 102О(в) банддаги талабни қўллаши лозим:
- (а) ташкилот бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилишни талаб қиладиган ўзгартиришни ҳежлаш инструментининг шартномавий пул оқимларини аниқлаш учун асосни ўзгартиришдан бошқа ёндашувни қўллаш орқали амалга оширса (9-сон МҲХСнинг 5.4.6-бандда тавсифланганидек);
 - (б) дастлабки ҳежлаш инструментининг тан олинishi бекор қилинмаса; ва
 - (в) танланган ёндашув иктисодий жиҳатдан дастлабки ҳежлаш инструментининг шартномавий пул оқимларини аниқлаш учун асосни ўзгартиришга эквивалент бўлса (9-сон МҲХСнинг 5.4.7 ва 5.4.8-бандларида тавсифланганидек).
- 102Р 102Г–1023 бандлардаги талабларни қўллаш турли вақтларда тугатилиши мумкин. Шу сабабли, 102О бандни қўллашда ташкилот турли вақтларда ҳежлаш муносабатларини белгилаш бўйича расмийлаштирилган қарорни янгилashi ёки бир неча марта ҳежлаш муносабатларини белгилаш бўйича расмийлаштирилган қарорни янгилashi лозим бўлиши мумкин. Ташкилотнинг белгиланган ҳежлаш муносабатларига фақат ва фақат бундай ўзгартириш киритилганда, ташкилот тегишли равишда 102Ф–102Ш2-бандларни қўллаши лозим. Ташкилот, шунингдек, ҳежланган модда ёки ҳежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ҳар қандай ўзгаришларни ҳисобга олиш учун 89-бандни (ҳаққоний қиймат ҳежи учун) ёки 96-бандни (пул оқими ҳежи учун) қўллаши лозим.
- 102С Ташкилот 102О-бандда талаб қилинганидек, ҳежланган рискга, ҳежланган моддага ёки ҳежлаш инструментига бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш орқали талаб қилинган ўзгартириш киритилган ҳисобот даври тугагунига қадар тузатиш киритиши лозим. Шубҳага йўл қўймаслик учун, ҳежлаш муносабатларини белгилаш тўғрисидаги расмийлаштирилган қарорга бундай тузатиш ҳежлаш муносабатларининг тугатилиши ҳам, янги ҳежлаш муносабатларининг белгиланиши ҳам ҳисобланмайди.
- 102Т Агар (9-сон МҲХСнинг 5.4.6-5.4.8-бандларда тавсифланганидек) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш орқали талаб қилинадиган ўзгаришларга қўшимча равишда, ҳежлаш муносабатлари сифатида белгиланган молиявий актив ёки молиявий мажбуриятда ўзгаришлар бўлса ёки (102О-банд талабига биноан) ҳежлаш муносабатларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилганда, ташкилот биринчи навбатда ушбу стандартнинг тегишли талабларини ушбу қўшимча ўзгаришлар ҳежлаш ҳисобининг тўхтатилишига олиб келиши ёки йўқлигини аниқлаш учун қўллаши лозим. Агар бундай қўшимча ўзгаришлар ҳежлаш ҳисобини тўхтатишга олиб келмаса, ташкилот 102О-бандда кўрсатилганидек, ҳежлаш муносабатларининг расмийлаштирилган белгиланишини ўзгартириши лозим.

- 102У 102Ф–102ШЗ-бандлар фақат ушбу бандларда кўрсатилган талаблар учун истисноларни назарда тутати. Ташкилот бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш бевосита таъсир кўрсатадиган ҳежлаш муносабатларига нисбатан мазкур стандартдаги барча бошқа ҳежлаш ҳисоби талабларини, шу жумладан 88-банддаги мезонларни қўллаши лозим.

Квалификацияланган ҳежлаш муносабатларини ҳисобга олиш

Ретроспектив самарадорликни баҳолаш

- 102Ф Ҳежлаш муносабатларининг ретроспектив самарадорлигини 88(д) бандини қўллаган ҳолда кумулятив асосда баҳолаш мақсадида ва фақат шу мақсадда ташкилот 102Л бандида талаб қилинганидек, 102Ё бандини қўллашни тўхтатганда ҳежланган модда ва ҳежлаш инструментининг жамғарилган ҳаққоний қиймати ўзгаришларини нолга қайтаришни танлаши мумкин. Ушбу танлов ҳар бир ҳежлаш муносабатлари учун алоҳида амалга оширилади (яъни индивидуал ҳежлаш муносабатлари асосида).

Пул оқимларини ҳежлаш

- 102Х 97-бандни қўллаш мақсадида, ташкилот 102О(б) бандида талаб қилинганидек, ҳежланган модда тавсифини ўзгартирганда, бошқа умумлашган даромаддаги жамғарилган фойда ёки зарар келгусида ҳежланган пул оқимлари аниқланадиган муқобил бенчмарк фоиз ставкасига асосланади деб ҳисобланади.
- 102Ц Ҳежланган келгуси пул оқимлари аниқланишига асос бўлган бенчмарк фоиз ставкаси бенчмарк фоиз ставкани ислоҳ қилиш орқали талаб этилиши натижасида ўзгартирилганда тўхтатилган ҳежлаш муносабатлари учун 101(в)-бандни қўллаш мақсадида ҳежланган келгуси пул оқимлари қутилишини аниқлаш учун ушбу ҳежлаш муносабатлари бўйича бошқа умумлашган даромадда жамғарилган сумма келгусида ҳежланадиган пул оқимлари аниқланадиган муқобил бенчмарк ставкага асосланган деб ҳисобланиши лозим.

Моддалар гуруҳлари

- 102Ч Ташкилот 102О бандни ҳаққоний қийматни ҳежлаш ёки пул оқимини ҳежлашда ҳежланган моддалар сифатида белгилаган моддалар гуруҳларига нисбатан қўлласа, ташкилот ҳежланган моддаларни ҳежланадиган бенчмарк ставка асосида кичик гуруҳларга ажратиши ва бенчмарк ставкани ҳар бир кичик гуруҳ учун ҳежланган риск сифатида белгилаши лозим. Масалан, бир гуруҳ моддалар бенчмарк фоиз ставкаси ўзгаришидан ҳежлаш ва бу ставка бенчмарк фоиз ставкани ислоҳ қилишга таъсир қиладиган ҳежлаш муносабатларида, гуруҳдаги ҳежланган пул оқимлари ёки айрим моддаларнинг ҳаққоний қиймати ушбу гуруҳдаги бошқа моддалар ўзгартирилишидан олдин муқобил бенчмарк ставкага мос равишда ўзгартирилади. Ушбу мисолда, 102О-бандни қўллашда ташкилот ҳежланган моддаларнинг белгиланган кичик гуруҳи учун ҳежланган риск сифатида муқобил бенчмарк ставкани белгилаши лозим. Ҳежланган моддаларнинг бошқа кичик гуруҳи учун ташкилот ҳежланган пул оқимлари ёки ҳежланган моддаларнинг ҳаққоний қиймати муқобил бенчмарк ставкага мослаштириш учун ўзгартирилгунга қадар ёки ҳежланган референт ставкаси муддати тугагун ва улар муқобил бенчмарк ставкаси асосида ҳежланган элементлар билан алмаштирилгун қадар жорий бенчмарк ставкани ҳежланган риск сифатида белгилашда давом этади.
- 102Ш Ташкилот 78 ва 83 бандларда кўрсатилган ҳежланган модда сифатида таснифлаш талабларига жавоб беришини аниқлаш учун ҳар бир кичик гуруҳни алоҳида баҳолаши лозим. Агар бирон бир кичик гуруҳ 78 ва 83 бандлардаги талабларга жавоб бермаса, ташкилот бутун ҳежлаш муносабатлари бўйича ҳежлаш ҳисобини перспектив тарзда тўхтатиши лозим. Ташкилот, шунингдек, 89 ва 96-бандлардаги талабларни умуман ушбу ҳежлаш муносабатлари билан боғлиқ самарасизликни ҳисобга олиш учун қўллаши лозим.

Молиявий моддаларни ҳежланган моддалар сифатида белгилаш

- 102Ш1 Белгиланган санада алоҳида идентификация қилиниши мумкин бўлмаган (81 ва ҚК99Е-бандларга қаранг) рискнинг шартномада белгиланмаган компоненти сифатида ташкилот томонидан белгиланадиган муқобил бенчмарк ставка фақат ва фақат агар ташкилот 24 ой ичида муқобил бенчмарк ставка алоҳида идентификацияланиши мумкинлигини асосли тарзда қутмаган бўлса, ўша санада ушбу талабни қондиради деб ҳисобланади. 24 ойлик муддат ҳар бир муқобил бенчмарк ставкага алоҳида татбиқ этилади ва ташкилот ўзининг ихтиёрига кўра мазкур муқобил бенчмарк

- ставкани шартномадан ташқари риск компоненти сифатида биринчи марта белгилаган санадан бошланади (яъни, 24 ойлик муддат ҳар бир алоҳида ставка учун амал қилади).
- 102Ш2 Агар ташкилот кейинчалик муқобил бенчмарк ставка шартномада белгиланмаган риск компоненти сифатида биринчи марта белгилаган кундан бошлаб 24 ой ичида алоҳида аниқланмаслиги тўғрисида асосли кутишга эга бўлса, ташкилот муқобил бенчмарк ставкага нисбатан 102Ш1-банддаги талабни қўллашни тўхтатиши ва ушбу муқобил бенчмарк ставка шартномада белгиланмаган риск компоненти сифатида белгиланган барча ҳежлаш муносабатлари учун қайта баҳолаш санасидан бошлаб ҳеж ҳисобини тўхтатиши лозим.
- 102Ш3 102О банддаги ҳежлаш муносабатларига қўшимча равишда, ташкилот 102Ш1 ва 102Ш2-бандлардаги талабларни муқобил бенчмарк ставка шартномада белгиланмаган риск компоненти (81 ва ҚК99Е бандларга қаранг) сифатида белгиланган янги ҳежлаш муносабатларига бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш туфайли ушбу риск компонентини аниқлаш санасида алоҳида идентификация қилиниши мумкин бўлмаганда қўллаши лозим.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 103 Ташкилот мазкур стандартни (шунингдек, 2004 йил эълон қилинган ўзгартиришларни) 2005 йил 1 январь ва ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Ташкилот мазкур стандартни (жумладан 2004 йилда эълон қилинган ўзгартиришлар билан бирга) 32-сон БҲХС (2003 йил декабр таҳрири)ни қўлламагунча, 2005 йилнинг 1 январидан олдин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлламаслиги лозим. Агар ташкилот мазкур стандартни 2005 йил 1 январдан олдин бошланадиган давр учун қўлласса, у ушбу маълумотни ёритиб бериши лозим.
- 103А [Чиқариб ташланган]
- 103Б [Чиқариб ташланган]
- 103В 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири) бўйича барча МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шу билан бирга, у 95(а), 97, 98, 100, 102, 108 ва ҚК99Б бандларга ҳам ўзгартиришлар киритилган. Ташкилотлар ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 103Г [Чиқариб ташланган]
- 103Д 27-сон БҲХС (2008 йил таҳрири) бўйича 102-банд ўзгартирилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июль ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 27-сон БҲХС (2008 йил таҳририда)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ҳам ушбу олдинги даврга қўлланиши лозим.
- 103Е [Чиқариб ташланган]
- 103Ё Ташкилот ҚК99БА, ҚК99Д, ҚК99Е, ҚК110А ва ҚК110Б бандларни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур стандартни 2009 йил 1 июлдан олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 103Ж-103И [Чиқариб ташланган]
- 103Й 2009 йил 1 апрелда эълон қилинган “*МҲХСларни такомиллаштиришлар*” бўйича 2(ё), 2 ва 100 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу бандларга ўзгартиришларни амалдаги барча шартномаларга нисбатан 2010 йил 1 январь ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 103К-103О [Чиқариб ташланган]
- 103П 2011 йилнинг май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХСга асосан 9, 13, 28, 47, 88, ҚК46, ҚК52, ҚК64, ҚК76, ҚК76А, ҚК80, ҚК81 ва ҚК96-бандларга ўзгартиришлар киритилган, 43А банд киритилган ва 48-49, ҚК69-ҚК75, ҚК77-ҚК79 ва ҚК82-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот 13-сон МҲХСни мазкур ўзгартиришлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 103Р 2012 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари*” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСга ўзгартиришлар)га асосан, 2 ва 80-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. “*Инвестиция ташкилотлари*”ни бундан олдинроқ санадан

- бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласса, у шу даврга нисбатан *“Инвестиция ташкилотлари”* га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- 103С [Чиқариб ташланган]
- 103Т 2014 йил май ойида эълон қилинган 15-сон МҲХС *“Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”* бўйича 2, 9, 43, 47, 55, ҚК2, ҚК4 ва ҚК48-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 2А, 44А, 55А ҚК8А–ҚК8В бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 103У 2014 июлда эълон қилинган 9-сон МҲХС билан 2, 8, 9, 71, 88-90, 96, ҚК95, ҚК114, ҚК118-бандларга ҳамда ҚК133-банднинг сарлавҳасига ўзгартиришлар киритилган ва 1, 4-7, 10-70, 79, 103Б, 103Г, 103Е, 103Ж-103И, 103К-103О, 103С, 105-107А, 108Д-108Е, ҚК1-ҚК93 ва ҚК96-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 103Ф [Ушбу банд 9-сон МҲХСни қабул қилмаган ташкилот учун киритилган.]
- 104 Мазкур стандарт 108-бандда белгиланган ҳолатдан ташқари ретроспектив тарзда қўлланиши лозим. Тақдим этилган энг вақтли олдинги давр учун тақсимланмаган фойданинг бошланғич қолдиғи ва барча бошқа қиёсий суммалар, агар маълумотларни қайта ҳисоблаш амалий имконсиз бўлмаса, худди мазкур стандарт доимо фойдаланишда бўлгандек ўзгартирилиши лозим. Агар қайта ҳисоблаш амалий имконсиз бўлса, ташкилот ушбу маълумотни ёритиб бериши ва маълумотларни қайта ҳисоблаш даражасини кўрсатиши лозим.
- 105-107А [Чиқариб ташланган]
- 108 Ташкилот номолиявий активлар билан номолиявий мажбуриятларнинг баланс қийматини мазкур стандарт дастлаб қўлланилган молиявий йил бошланишидан олдин баланс қийматга киритилган пул оқими ҳежларига тегишли фойда ва зарарларни чиқариб ташлаш учун ўзгартирмаслиги лозим. Мазкур стандарт дастлаб қўлланилган молиявий давр бошида, мазкур стандартга асосан, ҳаққоний қиймат ҳежи сифатида ҳисобга олинган қатъий шартномавий мажбуриятнинг ҳежи бўйича фойда ёки зарардан ташқарида (бошқа умумлашган даромадда ёки бевосита хусусий капиталда) тан олинган ҳар қандай сумма актив ёки мажбурият сифатида қайта таснифланиши лозим, бундан пул оқими ҳежи сифатида инобатга олинмишда давом этадиган чет эл валютаси рискиннинг ҳежи мустасно.
- 108А Ташкилот 80-банднинг охириги жумласини, ҚК99А ва ҚК99Б-бандларни 2006 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот куйидаги ташқи прогноз қилинган операцияни ҳежланган модда сифатида белгилаган бўлса:
- (а) операцияда иштирок этадиган ташкилотнинг функционал валютасида ифодаланган,
 - (б) консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир этадиган рискни юзага келтирадиган (яъни гуруҳнинг тақдим қилиш валютасидан бошқа валютада ифодаланган), ва
 - (в) агар у операцияда иштирок этадиган ташкилотнинг функционал валютасида ифодаланмаганда, ҳежлаш ҳисоби сифатида таснифланадиган;
- ташкилот ҳежлаш ҳисобини 80-банд охириги жумласининг, ҚК99А ва ҚК99Б-бандларининг қўлланиш санасидан олдинги давр(лар)даги консолидациялашган молиявий ҳисоботда қўллаши мумкин.
- 108Б Ташкилот ҚК99Б-бандни 80-банд охириги жумласининг ва ҚК99А-банднинг қўлланиш санасидан олдинги даврларга тегишли қиёсий маълумотларга нисбатан қўллаши талаб этилмайди.
- 108В 2008 йилнинг май ойида эълон қилинган *“МҲХСларга такомиллаштиришлар”* бўйича 73 ва ҚК8-бандларга ўзгартиришлар киритилган. 2009 йилнинг апрел ойида эълон қилинган *“МҲХСларга такомиллаштиришлар”* бўйича 80-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилотлар ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Ушбу ўзгартиришларни ундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 108Г 2013 йил июн ойида эълон қилинган *“Инвестиция кўчмас мулкларини бир тоифадан бошқасига ўтказиш”* (39-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 91 ва 101 бандларга ўзгартириш ва ҚК113А банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 8-сонли БҲХС *“Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”* га мувофиқ ретроспектив равишда қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгаришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 108Д-108Е [Чиқариб ташланган]

- 108Ё 2019 йил сентябрь ойида эълон қилинган “Бенчмарк фоиз ставкаларини ислоҳ қилиш”, (9-сон МҲХС, 39-сон БҲХС ва 7-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 102А-102М бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2020 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни ташкилот ўзгартиришларни биринчи қўллаган санадаги ҳисобот давр бошида мавжуд бўлган ҳеж муносабатлари ёки кейин белгиланганларга ва ташкилот ўзгартиришларни биринчи қўлланилган санадаги ҳисобот даври бошида мавжуд бўлган бошқа умумлашган даромадда тан олинган фойда ёки зарарларга ретроспектив тарзда қўллаши лозим.
- 108Ж 9-сон МҲХС, 39-сон БҲХС, 7-сон МҲХС, 4-сон МҲХС ва 16-сон МҲХСларга ўзгартириш сифатида киритилган 2020 йил август ойида эълон қилинган “Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш - 2-фаза” бўйича 102Н–102ШЗ ва 1083–108Й бандлар киритилган ҳамда 102Л бандга тузатиш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2021 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 1083–108Й бандларда белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда 8-сон БҲХСга мувофиқ ретроспектив тарзда қўллаши лозим.
- 108З Ташкилот янги ҳежлаш муносабатларини (масалан, 102ШЗ-бандда тавсифланганидек) фақат перспектив равишда (яъни ташкилот олдинги даврларда янги ҳежлаш муносабатларини белгилаши тақиқланган) белгилаши лозим. Лекин, ташкилот тўхтатилган ҳежлаш муносабатларини фақат куйидаги шартлар бажарилган тақдирдагина тиклаши лозим:
- (а) ташкилот фақат бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш талаб қилган ўзгартиришлар натижасида ҳежлаш муносабатларини тугатган бўлса ва агар ушбу тузатишлар ўша вақтда қўлланилган бўлса, ташкилотдан ҳежлаш муносабатларини тугатиш талаб қилинмаган бўларди; ва
 - (б) ташкилот ушбу тузатишларни биринчи марта қўллаган ҳисобот даврининг бошида (ушбу тузатишларни дастлабки қўллаш санаси), тўхтатилган ҳежлаш муносабатлари (ушбу тузатишларни ҳисобга олган ҳолда) ҳежлаш бўйича ҳисобга олиш меъзонларига жавоб беради.
- 108И Агар 1083-бандни қўллашда ташкилот тўхтатилган ҳежлаш муносабатларини тикласа, ташкилот 102Ш1 ва 102Ш2-бандлардаги муқобил бенчмарк ставка биринчи бўлиб аниқланмаган риск компоненти сифатида белгиланган санага тегишли ҳаволаларни ушбу ўзгартиришлар дастлабки қўлланилган санага ҳаволалар тарзида ўқиши лозим (яъни, шартномада белгиланмаган риск компоненти сифатида белгиланган ушбу муқобил бенчмарк ставка бўйича 24 ойлик тегишли муддат ушбу ўзгартиришлар дастлабки қўлланилган кундан бошланади).
- 108Й Ташкилот мазкур ўзгартиришларни қўлланишини акс эттириш учун ўтган даврларни қайта ҳисоблаши талаб этилмайди. Ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттириши фақат агар бундай акс эттириш кейинги маълумотларсиз имкони бўлса, мумкин бўлади. Агар ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттирмаса, ташкилот олдинги баланс қиймати ва йиллик ҳисобот даври бошидаги баланс қиймати ўртасидаги фарқни ўзгартиришларни дастлабки қўллаш санасидаги йиллик ҳисобот даврининг бошланғич тақсимланмаган фойдасида (ёки агар ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентида) тан олиши лозим.

Бошқа ҳужжатлар ўз кучини йўқотиши

- 109 Мазкур стандарт 2000 йил октябрь таҳриридаги 39-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*”ни ўрнини эгаллайди.
- 110 Мазкур стандарт ва илова қилинадиган қўллаш бўйича кўрсатма, собиқ БҲХСҚ томонидан ташкил этилган, 39-сон БҲХС қўллаш бўйича кўрсатма Қўмитаси томонидан эълон қиланган қўллаш кўрсатмасининг ўрнини эгаллайди.

А Илова **Қўллаш бўйича кўрсатма**

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

ҚК1-ҚК93 [Чиқариб ташланган]

Хежлаш (71-102 бандлар)

Хежлаш инструментлари (72-77 бандлар)

Квалификацияланадиган хежлаш инструменти (72 ва 73-бандлар)

- ҚК94 Ташкилот чиқарадиган опцион бўйича потенциал зарар тегишли хежланган модданинг қийматидаги потенциал фойдага нисбатан аҳамиятли даражада кўпроқ бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, чиқарилган опцион хежланган модданинг фойда ёки зарар рискинни камайтиришда самарали ҳисобланмайди. Шу сабабли, чиқарилган опцион сотиб олинган опционга, жумладан бошқа молиявий инструментга бириктирилган опционга нисбатан ўзаро қоплаш сифатида белгиланмагунча (масалан, чақириб олиннадиган мажбуриятни хежлашда фойдаланилган чиқарилган колл опцион), чиқарилган опцион хежлаш инструменти сифатида таснифланмайди. Аксинча, сотиб олинган опцион зарарларга тенг ёки нисбатан кўпроқ потенциал фойдаларга эга ва шу сабабли ҳаққоний қийматлардаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришлар бўйича фойда ёки зарар рискинни камайтириш имкониятига эга. Шунга кўра, у хежлаш инструменти сифатида таснифланиши мумкин.
- ҚК95 Амортизацияланган қийматда баҳоланган молиявий актив чет эл валютаси рискиннинг хежида хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин.
- ҚК96 [Чиқариб ташланган]
- ҚК97 Ташкилотнинг ўз улушли инструментлари ташкилотнинг молиявий активлари ёки молиявий мажбуриятлари ҳисобланмайди ва шу сабабли хежлаш инструменти сифатида белгиланмайди.

Хежланган моддалар (78-84 бандлар)

Квалификацияланадиган хежланган моддалар(78-80 бандлар)

- ҚК98 Валюта курси riskдан ташқари, бизнес бирлашувида бизнесни харид қилиш бўйича қатъий шартномавий мажбурият хежланган модда бўла олмайди, чунки хежланадиган бошқа riskлар муайян тарзда аниқлана олмайди ва баҳолана олмайди. Ушбу бошқа riskлар умумий бизнес riskларидир.
- ҚК99 Улушли ҳисоблаш усулидаги инвестиция ҳаққоний қийматдаги хежланган модда бўла олмайди, чунки улушли ҳисоблаш усулида фойда ёки зарар таркибида инвестициянинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар эмас, балки инвесторнинг таъсир остидаги ташкилотнинг фойда ёки зараридаги улуши тан олинади. Худди шу сабабли, консолидациялашган шўъба ташкилотдаги инвестиция ҳаққоний қиймат хежида хежланган модда бўла олмайди, чунки консолидациялашда фойда ёки зарар таркибида инвестициянинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар эмас, балки шўъба ташкилотнинг фойда ёки зарари тан олинади. Чет элдаги бўлинмага соф инвестициянинг хежи фарқланади, чунки у инвестиция қийматидаги ўзгаришнинг ҳаққоний қиймат хежи эмас, балки чет эл валютаси рискиннинг хежи ҳисобланади.
- ҚК99А 80-банд, агар операция уни амалга ошираётган ташкилотнинг функционал валютасидан бошқа валютада ифодаланган бўлса ва чет эл валютаси riskи консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир қилса, юқори эҳтимолли режалаштирилган гуруҳ ичидаги операция бўйича чет эл валютаси riskи консолидациялашган молиявий ҳисоботда хежланган модда сифатида таснифланиши мумкинлигини таъкидлайди. Шу мақсадда, ташкилот бош ташкилот, шўъба ташкилот, таъсир остидаги ташкилот, қўшма корхона ёки бўлинма ҳисобланиши мумкин. Агар режалаштирилган гуруҳ ичидаги операция бўйича чет эл валютаси riskи консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир қилмаса, гуруҳ ичидаги операция хежланган модда сифатида таснифланиши мумкин бўлмайди. Бу одатда, тегишли ташқи операция мавжуд бўлмагунча, айнан бир гуруҳ аъзолари ўртасидаги роялти тўловлари, фоиз тўловлари ёки бошқарув ҳақлари ҳолатида бўлади. Лекин режалаштирилган гуруҳ ичидаги операция бўйича чет эл валютаси riskи консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир қилганда, гуруҳ ичидаги операция хежланган модда сифатида таснифланиши мумкин. Мисол сифатида, агар

кейинчалик захираларни гуруҳдан ташқари томонга сотуви амалга оширилса, гуруҳ аъзолари ўртасидаги захираларнинг прогноз қилинган сотуви ёки харидини келтириш мумкин. Шу каби, асосий воситаларни ишлаб чиқарган гуруҳ ичидаги ташкилотдан ундан ўз фаолиятида фойдаланадиган гуруҳ ичидаги ташкилотга асосий воситанинг режалаштирилган гуруҳ ичидаги сотилиши консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир кўрсатиши мумкин. Бу, масалан, агар гуруҳ ичидаги операция сотиб олувчи ташкилотнинг функционал валютасидан бошқа валютада ифодаланган бўлса, асосий восита бўйича эскириш сотиб олувчи ташкилот томонидан ҳисобланиши ҳамда асосий восита бўйича дастлаб тан олинган сумма ўзгариши мумкинлиги туфайли содир бўлиши мумкин.

ҚК99Б Агар режалаштирилган гуруҳ ичидаги операциянинг ҳежи ҳежлаш ҳисоби сифатида таснифланса, 95(а)-бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда тан олинган ҳар қандай фойда ёки зарар қайта таснифлашнинг ўзгартирилиши сифатида хусусий капиталдан фойда ёки зарарга, ҳежланган операция бўйича чет эл валютаси rischi консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир этадиган даврда ёки даврларда қайта таснифланиши лозим.

ҚК99БА Ташкилот ҳежланган модданинг пул оқимларидаги ёки ҳаққоний қийматидаги барча ўзгаришларни ҳежлаш муносабатида белгилаши мумкин. Ташкилот ҳежланган модданинг пул оқимларидаги ёки ҳаққоний қийматидаги фақатгина белгиланган нархдан ёки бошқа ўзгарувчан кўрсаткичдан юқори ёки паст бўлган ўзгаришларини (бир томонлама риск) ҳежлаш муносабатида белгилаши ҳам мумкин. Сотиб олинган ҳежлаш инструментининг вақт бўйича қиймати эмас, балки унинг ички қиймати (у белгиланган риск сингари бир хил асосий шартларга эга деб фараз қилган ҳолда) ҳежланган моддадаги бир томонлама рискни акс эттиради. Масалан, ташкилот режалаштирилган товар хариди бўйича нарх ошишидан юзага келадиган келгуси пул оқими натижаларининг ўзгарувчанлигини белгилаши мумкин. Бундай ҳолатда, фақатгина нархдаги ошиш белгиланган даражадан юқори бўлганда юзага келадиган пул оқими зарарлари белгиланади. Ҳежланган риск сотиб олинган опционнинг вақт бўйича қийматини ўз ичига олмайди, чунки вақт бўйича қиймат фойда ёки зарарга таъсир этадиган прогноз қилинган операциянинг қисми ҳисобланмайди (86(б)-банд).

Молиявий моддаларни ҳежланган моддалар сифатида белгилаш (81 ва 81А-бандлар)

ҚК99В Агар молиявий актив ёки молиявий мажбурият пул оқимларининг қисми ҳежланган модда сифатида белгиланса, ушбу белгиланган қисм активнинг ёки мажбуриятнинг жами пул оқимларидан кам бўлиши шарт. Масалан, эффектив фоиз ставкаси LIBOR дан паст бўлган мажбурият ҳолатида, ташкилот (а) асосий қарз суммаси билан LIBOR бўйича фоиз йиғиндисига тенг бўлган мажбуриятнинг қисмини ва (б) манфий қолдиқ қисмини ҳежланган модда сифатида белгилай олмайди. Лекин ташкилот бутун молиявий активнинг ёки молиявий мажбуриятнинг барча пул оқимларини ҳежланган модда сифатида белгилаши ва уларни фақатгина маълум бир риск учун (масалан, фақатгина LIBORдаги ўзгаришларга тегишли ўзгаришлар учун) ҳежлаши мумкин. Масалан, эффектив фоиз ставкаси LIBORдан 100 базис нуктага паст бўлган молиявий мажбурият ҳолатида, ташкилот ҳежланган модда сифатида бутун мажбуриятни (яъни асосий қарз суммаси плюс LIBOR бўйича фоиз минус 100 базис нукта) белгилаши ва LIBORдаги ўзгаришларга тегишли бўлган ушбу бутун мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришни ҳежлаши мумкин. Ташкилот ҚК100-бандда тавсифланганидек, ҳеж самарадорлигини ошириш учун бирга бир бўлмаган бошқа ҳеж коэффициентини ҳам танлаши мумкин.

ҚК99Г Шу билан бирга, агар фоизи қатъий белгиланган молиявий инструмент унинг шаклланишидан маълум вақт ўтгандан сўнг ҳежланса ва айни пайтда фоиз ставкалари ўзгарган бўлса, ташкилот инструмент бўйича тўланадиган шартномавий ставкадан юқорироқ бўлган таянч ставкага тенг қисми ҳежланган модда сифатида белгилаши мумкин. Агар таянч ставка ташкилот инструментни у ҳежланган моддани дастлаб белгилайдиган санада сотиб олган деган фараз бўйича ҳисобланган эффектив фоиз ставкасидан кам бўлса, ташкилот буни амалга ошира олади. Масалан, фараз қилинг, ташкилот LIBOR 4 фоизга тенг бўлган пайтда 6 фоизли эффектив фоиз ставкага эга 100 п.б.га тенг қатъий белгиланган фоизли молиявий активни шакллантиради. У ушбу активни маълум вақтдан сўнг LIBOR 8 фоиз бўлганда ва активнинг ҳаққоний қиймати 90 п.б.га тенг бўлганда ҳежлашни бошлайди. Бунда ташкилот, агар у активни дастлаб уни ҳежланган модда сифатида белгилайдиган санада ўша пайтдаги 90п.б.га тенг ҳаққоний қийматида сотиб олганда, эффектив даромадлилик 9.5 фоиз бўлар эди деб ҳисоблайди. LIBOR ушбу эффектив даромадлиликдан кам бўлгани учун, ташкилот қисман шартномавий фоизли пул оқимларидан ва қисман жорий ҳаққоний қиймат (яъни 90 п.б.) билан сўндиришда қайта тўланадиган сумма (яъни 100 п.б.) ўртасидаги фарқдан ташкилот топадиган 8 фоизга тенг LIBOR қисми белгилаши мумкин.

ҚК99Д 81-банд ташкилотга молиявий инструментнинг бутун ҳаққоний қиймати ўзгаришидан ёки пул оқими ўзгарувчанлигидан бошқа моддани белгилашга имкон беради. Масалан:

- (а) молиявий инструментнинг баъзи пул оқимлари (аммо барчаси эмас) айрим рискларга тегишли пул оқими ёки ҳаққоний қиймат ўзгаришлари учун белгиланиши мумкин; ёки
- (б) молиявий инструментнинг (аммо барчаси эмас) баъзи пул оқимлари барча ёки фақатгина айрим рискларга тегишли пул оқими ёки ҳаққоний қиймат ўзгаришлари учун белгиланиши мумкин (яъни молиявий инструмент пул оқимларининг “қисми” барча ёки фақатгина айрим рискларга тегишли пул оқими ёки ҳаққоний қиймат ўзгаришлари учун белгиланиши мумкин).

ҚК99Е **Хежлаш ҳисобига мос бўлиши учун, белгиланган рисклар ва қисмлар молиявий инструментнинг ажратилган тарзда аниқланадиган қисмлари бўлиши шарт ҳамда белгиланган рисклар ва қисмлардаги ўзгаришлардан юзага келадиган бутун молиявий инструментнинг пул оқимларидаги ёки ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар ишончли баҳоланадиган бўлиши шарт. Масалан:**

- (а) рискдан-ҳоли ёки таянч фоиз ставкасидаги ўзгаришларга тегишли ҳаққоний қийматдаги ўзгаришлар учун хежланган қатъий белгиланган фоизли молиявий инструмент учун рискдан-ҳоли ёки таянч ставка одатда ҳам молиявий инструментнинг ажратилган тарзда аниқланадиган компоненти, ҳам ишончли баҳоланадиган деб ҳисобланади.
- (б) инфляция (в) кичик банддаги талаблар бажарилмагунча, ажратилган тарзда аниқланадиган ва ишончли баҳоланадиган ҳисобланмайди ва молиявий инструментнинг rischi ёки қисми сифатида белгиланиши мумкин бўлмайди.
- (в) инструментнинг бошқа пул оқимларига инфляция қисми таъсир этмагунча, тан олинган инфляцияга боғланган облигация пул оқимларининг шартномавий белгиланган инфляция қисми (бириктирилган деривативларни алоҳида ҳисобга олиш талаби мавжуд эмас деб ҳисобга олган ҳолда) ажратилган тарзда аниқланадиган ва ишончли баҳоланадиган ҳисобланади.

Номолиявий моддаларнинг хежланган моддалар сифатида белгиланиши (82-банд)

ҚК100 **Номолиявий актив ёки номолиявий мажбурият таркибининг ёки қисмининг нархидаги ўзгаришлар одатда модда нархига башорат қилинадиган, ажратилган тарзда баҳоланадиган, бозор фоиз ставкаларининг облигация нархига нисбатан таъсирга қиёсланиши мумкин бўлган шундай таъсирга эга эмас. Демак, номолиявий актив ёки номолиявий мажбурият фақатгина унинг бутун ҳолатида ёки чет эл валютаси рискига тегишли қисмида хежланган модда ҳисобланади. Агар хежлаш инструменти билан хежланган модданинг шартлари ўртасида фарқ бўлса (масалан, ўхшаш шартларда Колумбия кофесини сотиб олиш бўйича форвард шартномаси орқали Бразилия кофесини режалаштирилган харидини хежлашда), хежлаш муносабати, агар 88-банддаги барча шартлар қаноатлантирилганда, жумладан, хеж юқори самарали бўлиши кутилганда, хежлаш муносабати сифатида таснифланади. Ушбу мақсадда, хежлаш инструментининг суммаси, агар бу хежлаш муносабатининг самарадорлигини оширсан, хежланган модданинг суммасидан кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин. Масалан, регрессия таҳлили хежланган модда (масалан, Бразилия кофесидagi операция) билан хежлаш инструменти (масалан, Колумбия кофесидagi операция) ўртасида статистик алоқани ўрнатиш учун амалга оширилиши мумкин. Агар иккита ўзгарувчан кўрсаткичлар (яъни Бразилия кофеси билан Колумбия кофесининг бирлик нархлари ўртасида) ўртасида аниқ статистик алоқа мавжуд бўлса, регрессия чизигининг оғмасидан кутилаётган самарадорликни максималлаштирадиган хеж коэффициентини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Масалан, агар регрессия чизигининг оғмаси 1.02 бўлса, хежланган моддаларнинг 0.98 бирлигига хежлаш инструментининг 1.00 бирлиги суммасига асосланган хежлаш коэффициенти кутилаётган самарадорликни максималлаштиради. Лекин, хежлаш инструменти хежлаш муносабатининг муддати мобайнида фойда ёки зарардан тан олинадиган самарасизликни юзага келтириши мумкин.**

Моддалар гуруҳларининг хежланган моддалар сифатида белгиланиши (83 ва 84-бандлар)

ҚК101 **Муайян хежланган модда эмас, балки жами соф позициянинг хежи (масалан, ўхшаш сўндириш муддатларига эга барча қатъий белгиланган фоизли активлар билан қатъий белгиланган фоизли мажбуриятларнинг соф позицияси) хежлаш ҳисоби сифатида таснифланмайди. Лекин хежлаш ҳисобининг фойда ёки зарарга нисбатан деярли айнан шу таъсирга ушбу турдаги хеж алоқаси учун асосда бўлган моддаларнинг қисмини хежланган модда сифатида белгилаш орқали эришиш мумкин. Масалан, агар банк ўхшаш хусусиятли рискларга ва шартларга ва соф 10 п.б.га тенг рискга дучор бўлган 100 п.б.га тенг активларга ва 90 п.б.га тенг мажбуриятларга эга бўлса, у ушбу активларнинг 10 п.б.ни хежланган модда сифатида белгилаши мумкин. Ушбу белгилашдан фойдаланиш мумкин,**

агар бундай активлар ва мажбуриятлар қатъий белгиланган фоизли инструментлар бўлса, бунда у ҳаққоний қиймат ҳежи бўлади ёки, агар улар қатъий белгиланган фоизли инструментлар бўлса, бунда у пул оқими ҳежи бўлади. Шу каби, агар ташкилот 100 п.б.га тенг чет эл валютасидаги харид қилиш ва 90 п.б.га тенг чет эл валютасида сотувни амалга ошириш бўйича қатъий шартномавий мажбуриятга эга бўлса, у дериватив сотиб олиш ва уни 100п.б.га тенг қатъий харид келишувининг 10 п.б.га боғлиқ ҳежлаш инструменти сифатида белгилаш орқали 10 п.б.га тенг соф суммани ҳежлаши мумкин.

Ҳежлаш ҳисоби (85-102-бандлар)

- ҚК102 Ҳаққоний қиймат ҳежига фоиз ставкаларидаги ўзгаришлар натижасида қатъий белгиланган фоизли қарз инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларга дучор бўлишнинг ҳежи мисол бўлади. Бундай ҳеж эмитент томонидан ёки инструмент эгаси томонидан амалга оширилиши мумкин.
- ҚК103 Пул оқими ҳежига тебранувчи фоизли қарзни қатъий белгиланган фоизли қарзга ўзгартириш учун свопдан фойдаланиш мисол бўлади (яъни ҳежланадиган келгуси пул оқимлари келгуси фоизли тўловлар бўлган келгуси операциянинг ҳежи).
- ҚК104 Қатъий шартномавий мажбурият ҳежи (масалан, электр компанияси томонидан ёки қилғини белгиланган нархда сотиб олиш бўйича ҳисоботда тан олинмаган шартномавий келишувга тегишли ёки қилғи нархидаги ўзгаришнинг ҳежи) ҳаққоний қийматдаги ўзгаришга дучор бўлишнинг ҳежи ҳисобланади. Демак, бундай ҳеж ҳаққоний қиймат ҳежидир. Лекин 87-бандга асосан, қатъий шартномавий мажбурият бўйича чет эл валютаси рискининг ҳежи муқобил тарзда пул оқими ҳежи сифатида ҳисобга олинishi мумкин.

Ҳеж самарадорлигини баҳолаш

- ҚК105 Агар фақатгина қуйидаги икки шарт қаноатлантирилса, ҳеж юқори самарали деб ҳисобланади:
- (а) Ҳежнинг бошланишида ва кейинги даврларда, ҳеж у белгиланган давр мобайнида ҳежланган рискга тегишли ҳаққоний қийматдаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришларни қоплашга эришишда юқори самарали бўлиши кутилади. Бундай кутилиш турли йўллар орқали кўрсатилиши мумкин жумладан, ҳежланган рискга тегишли ҳежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги олдинги ўзгаришларни ҳежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги олдинги ўзгаришлар билан қиёслаш ёки ҳежланган модданинг ҳаққоний қиймати ёки пул оқимлари билан ҳежлаш инструментининг ҳаққоний қиймати ёки пул оқимлари ўртасидаги юқори статистик боғлиқликни ақс эттириш орқали кўрсатилиши мумкин. Ташкилот ҳеж самарадорлигини ошириш учун ҚК100-бандда тавсифлангандек, бирга бир бўлмаган бошқа ҳеж коэффициентини танлаши мумкин.
- (б) Ҳежнинг ҳақиқий натижалари 80-125 фоиз оралиғида бўлади. Масалан, агар ҳақиқий натижалар ҳежлаш инструменти бўйича зарар 120 п.б. ва пул инструменти бўйича фойда 100 п.б. бўлса, ўзаро ҳисоб-китоб 120/100 орқали баҳоланиши мумкин, яъни 120 фоиз ёки 100/120 орқали баҳоланиши мумкин бўлган 83 фоиз. Ушбу мисолда, ҳеж (а) кичик банддаги шартни қаноатлантиради деб фарз қилинса, ташкилот ҳеж юқори самарали бўлган деб ҳулоса қилиши мумкин.
- ҚК106 Самарадорлик камида ташкилот ўзининг йиллик ёки оралиқ молиявий ҳисоботини тайёрлайдиган пайтда баҳоланади.
- ҚК107 Мазкур стандарт ҳеж самарадорлигини баҳолаш учун ягона усулни белгиламайди. Ташкилот ҳеж самарадорлигини баҳолаш учун танлайдиган усул унинг рискни бошқариш стратегиясига боғлиқ бўлади. Масалан, агар ташкилотнинг рискни бошқариш стратегияси ҳежланган ҳолатдаги ўзгаришларни ақс эттириш учун ҳежлаш инструментининг суммасини даврий тарзда тузатиш бўлса, ташкилот, ҳеж фақатгина ҳежлаш инструменти суммасининг кейинги ўзгартирилишигача бўлган даврда юқори самарали эканлигини намойиш этиши зарур. Баъзи ҳолатларда, ташкилот ҳежларнинг ҳар хил турлари учун турли усуллари танлайди. Ташкилотнинг ўз ҳежлаш стратегиясини хужжатлаштириши самарадорликни баҳолаш бўйича унинг тартибларини қамраб олади. Ушбу тартибларда баҳолаш ҳежлаш инструменти бўйича барча фойда ёки зарарни қамраб олиши ёки олмаслиги, ёки инструментнинг муддатдаги қиймати истисно қилинган ёки қилинмаганлиги қайд қилинади.
- ҚК107А Агар ташкилот модда бўйича дучор бўлишнинг 100 фоиздан камини, масалан, 85 фоизини ҳежласа, у ҳежланган моддани дучор бўлишнинг 85 фоизи бўлиши сифатида белгилаши лозим ва ушбу белгиланган 85 фоизлик дучор бўлишдаги ўзгаришга асосланган ҳолда самарасизликни баҳолаши лозим. Лекин белгиланган 85 фоизлик рискка мойиллик ҳежлашда, ташкилот, агар ҚК100-бандда

- кўрсатилганидек, хежнинг кутилаётган самардорлигини оширса, бирга бирдан бошқа хеж коэффицентини қўллаши мумкин.
- ҚК108 Агар хежлаш инструментининг ва хежланган актив, мажбурият, қатъий шартномавий мажбурият ёки юқори эҳтимолли прогноз қилинган операциянинг асосий шартлари бир хил бўлса, хежланадиган рискка тегишли ҳаққоний қийматдаги ва пул оқимларидаги ўзгаришлар бир бирини тўлиқ қоплаш эҳтимоли ҳам хеж амалга оширилганда ҳам ундан кейин мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, агар номинал ва асосий қарз суммалари, муддати, қайта нархлаш саналари, фоизини ва асосий қарз суммасини олиш ва тўлаш саналари ва фоиз ставкаларини баҳолаш базаси хежлаш инструменти ва хежланган модда учун бир хил бўлса, фоиз ставкаси свопи самарали хеж бўлиш эҳтимоли мавжуд. Шу билан бирга, форвард шартномаси орқали товарнинг юқори эҳтимолли режалаштирилган харидининг хежи юқори самарали бўлиш эҳтимоли мавжуд, агар:
- (а) форвард шартномаси хежланган режалаштирилган харид сингари бир хил вақтда ва жойда бир хил товарнинг бир хил миқдорининг хариди учун бўлса;
 - (б) форвард шартномасининг ҳаққоний қиймати хежлаш муносабатлари бошланиш санасида ноль бўлса; ва
 - (в) форвард шартномаси бўйича дисконтдаги ёки мукофотдаги ўзгариш самарадорликни баҳолашда чиқариб ташланса ва фойда ёки зарарда тан олинса ёки юқори эҳтимолли прогноз қилинган операция бўйича кутилаётган пул оқимларидаги ўзгариш товар бўйича форвард нархига асосланган бўлса.
- ҚК109 Баъзида хежлаш инструменти хежланган рискнинг фақат маълум қисмини қоплайди. Масалан, агар хежлаш инструменти билан хежланган модда бир хил тебранишга эга бўлмаган турли валюталарда ифодаланган бўлса, хеж тўлиқ самарали бўлмаслиги мумкин. Шунингдек, агар деривативнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришнинг қисми контрагентнинг кредит рискига тегишли бўлса, деривативдан фойдаланилган фоиз ставкаси рискнинг хежи тўлиқ самарали бўлмаслиги мумкин.
- ҚК110 Хежлаш ҳисоби сифатида таснифланиш учун, хеж, нафақат ташкилотнинг умумий бизнес рисклари, балки муайян аниқланган ва белгиланган рискга боғлиқ бўлиши шарт ҳамда якуний босқичда ташкилотнинг фойда ёки зарарига таъсир этиши шарт. Моддий активнинг маънавий эскириши рискнинг ёки мулкнинг ҳукумат томонидан мусодара қилиниш рискнинг хежи хежлаш ҳисобига мос ҳисобланмайди; ушбу рисклар ишончли баҳоланмаслиги сабабли самарадорликни баҳолаш имкони бўлмайди.
- ҚК110А 74(а) банд ташкилотга опцион шартномасининг ички қиймати билан муддатдаги қийматини ажратишга ва хежлаш инструменти сифатида фақатгина опцион шартномасининг ички қийматидаги ўзгаришни белгилашга имкон беради. Агар прогноз қилинган операция билан хежлаш инструментининг асосий шартлари бир хил бўлса, бундай белгилаш прогноз қилинган операциянинг хежланган бир томонлама рискига тегишли пул оқимларидаги ўзгаришларни қоплашга эришишда жуда самарали бўлган хежлаш муносабатини юзага келтириши мумкин.
- ҚК110Б Агар ташкилот сотиб олинган опционни унинг бутун ҳолатида прогноз қилинган операциядан юзага келадиган бир томонлама рискнинг хежлаш инструменти сифатида белгиласа, хежлаш муносабати тўлиқ самарали бўлмайди. Чунки опцион бўйича тўланган мукофот вақт бўйича қийматни ўз ичига олади ва ҚК99БА-бандда таъкидланганидек, белгиланган бир томонлама риск эса опционнинг вақт бўйича қийматини ўз ичига олмайди. Шунинг учун, бундай ҳолатда, тўланган опцион мукофотининг вақт бўйича қийматига тегишли пул оқимлари билан белгиланган хежланган риск ўртасида ўзаро ҳисоб-қитоб бўлмайди.
- ҚК111 Агар соф позиция уни юзага келтирадиган муайян актив ёки мажбурият (ёки активлар ёки мажбуриятларнинг муайян гуруҳи ёки уларнинг муайян қисми) билан боғлиқ бўлса ҳамда хеж самарадорлиги ушбу актив ёки мажбуриятга нисбатан баҳоланса, фоиз ставкаси rischi ҳолатида, хеж самарадорлиги ҳар бир давр учун фоиз ставкаси бўйича соф позициясини кўрсатадиган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар бўйича сўндириш жадвалини тайёрлаш орқали баҳоланиши мумкин.
- ҚК112 Хеж самарадорлигини баҳолашда, ташкилот умуман олганда, пулнинг вақт қийматини инobatга олади. Хежланган модда бўйича қатъий белгиланган фоиз ставкаси ҳаққоний қиймат хежи сифатида белгиланган своп бўйича қатъий белгиланган фоиз ставкаси билан айнан мос бўлиши талаб этилмайди. Фоизли актив ёки мажбурият бўйича ўзгарувчан фоиз ставкаси ҳам пул оқими хежи сифатида белгиланган своп бўйича ўзгарувчан фоиз ставкаси билан бир хил бўлиши талаб этилмайди. Свopнинг ҳаққоний қиймати унинг соф ҳисоб-қитобларидан келиб чиқади. Агар иккиласи ҳам бир хил суммага ўзгартирилса, своп бўйича қатъий белгиланган ва ўзгарувчан ставкалар соф ҳисоб-қитобга таъсир этмаган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

- ҚК113 Агар ташкилот ҳеж самарадорлиги мезонларини қаноатлантирмаса, ташкилот ҳежлаш ҳисобини ҳеж самарадорлигига мувофиқлик намойиш этилган охириги санадан бошлаб тўхтатади. Лекин, агар ташкилот ҳежлаш муносабатининг самарадорлик мезонларига мувофиқ бўлмаслигига сабаб бўлган ҳодисани ёки ҳолатлардаги ўзгаришни аниқласа ва ҳеж ҳодиса ёки ҳолатлардаги ўзгариш содир бўлишидан олдин самарали бўлганини намойиш этса, ташкилот ҳежлаш ҳисобини ҳодиса ёки ҳолатлардаги ўзгариш санасидан бошлаб тўхтатади.
- ҚК113А Ноаниқликни олдини олиш мақсадида, дастлабки контрагентни клиринг контрагентга ўзгартириш таъсири ва 91(а)(ii) ва 101(а)(ii) бандлардаги боғлиқ ўзгаришлар ҳеж инструментини баҳолашда ва натижада ҳеж самарасини аниқлаш ва ҳеж самарасини баҳолашда акс эттирилиши лозим.

Фоиз ставкаси rischi бўйича портфель ҳежлаш учун ҳаққоний қиймат ҳежининг ҳисоби

- ҚК114 Молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфели билан боғлиқ фоиз ставкаси riskининг ҳаққоний қиймат ҳежи учун, агар ташкилот куйидаги (а)–(и) бандларда ҳамда ҚК115–ҚК132-бандларда белгиланган тартибларга риоя этса, мазкур стандартнинг талабларини қаноатлантириши мумкин.
- (а) Унинг riskни бошқариш жараёнининг қисми сифатида ташкилот фоиз ставкаси riskини ҳежлашни хоҳлаган моддалар портфелини аниқлайди. Портфель фақат активларни, фақат мажбуриятларни ёки ҳам активлар ҳам мажбуриятларни қамраб олиши мумкин. Ташкилот икки ёки ундан ортиқ портфелларни аниқлаши мумкин, бунда у куйида келтирилган кўрсатмани ҳар бир портфельга алоҳида қўллайди.
 - (б) Ташкилот портфелни, шартномавий эмас, балки кутилаётган қайта нархлаш саналарига асосланган ҳолда қайта нархлаш даврлари бўйича таҳлил қилади. Қайта нархлаш даврлари бўйича таҳлил турли усуллар, жумладан, пул оқимларининг уларнинг содир бўлиши кутилаётган даврлар бўйича жадвалини тузиш ёки номинал асосий қарз суммаларни қайта нархлашнинг содир бўлиши кутилгунгача бўлган барча даврлар бўйича жадвалини тузиш орқали амалга оширилиши мумкин.
 - (в) Мазкур таҳлил асосида, ташкилот ўзи ҳежлашни хоҳлаган суммасини аниқлайди. Ташкилот ҳежланган модда сифатида у ҳежланадиган деб белгилашни хоҳлаган суммага тенг бўлган аниқланган портфельдаги активларнинг ёки мажбуриятларнинг (соф суммани эмас) суммасини белгилайди. Ушбу сумма ҚК126(б)-бандга мувофиқ самарадорликни текширишда фойдаланиладиган фоизли кўрсаткични ҳам аниқлайди.
 - (г) Ташкилот ўзи ҳежлаётган фоиз ставкаси riskини белгилайди. Ушбу risk таянч фоиз ставкаси (масалан LIBOR) каби ҳежланган ҳолатдаги моддаларнинг ҳар биридаги фоиз ставкаси riskининг қисми бўлиши мумкин.
 - (д) Ташкилот ҳар бир қайта нархлаш даври учун бир ёки ундан ортиқ ҳежлаш инструментларини белгилайди.
 - (е) юқоридаги (в)–(д) кичик бандларда келтирилган белгилашлардан фойдаланиб, ташкилот бошланиш санасида ва кейинги даврларда ҳежнинг белгиланган даврлар мобайнида юқори самарали бўлишини кутилишини баҳолайди.
 - (ё) Даврий равишда, ташкилот (б) кичик бандда аниқланган кутилаётган қайта нархлаш саналари асосида, ҳежланган riskга ((г) кичик бандда белгиланган) тегишли бўлган ҳежланган модданинг ((в) кичик бандда белгиланган) ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни баҳолайди. Агар ҳеж ташкилотнинг самарадорликни баҳолаш бўйича ҳужжатлаштирилган усули орқали баҳоланган ҳолда, унинг ҳақиқатда юқори самарали бўлганлиги аниқланса, ташкилот фойда ёки зарарда ва 89А-бандда тавсифланганидек, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда икки сатр моддаларининг бирида ҳежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни фойда ёки зарар сифатида тан олади. Ҳаққоний қийматдаги ўзгаришни алоҳида активлар ёки мажбуриятларга тақсимлаш талаб этилмайди.
 - (ж) Ташкилот ҳежлаш инструмент(лар)ининг ((д) кичик бандда белгиланган) ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни баҳолайди ва уни фойда ёки зарар таркибида фойда ёки зарар сифатида тан олади. Ҳежлаш инструмент(лар)ининг ҳаққоний қиймати молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив ёки мажбурият сифатида тан олинади.

- (i) Хар қандай самарасизлик³ фойда ёки зарар таркибида (ж) кичик бандда келтирилган ҳаққоний қийматдаги ўзгариш билан (з) кичик бандда келтирилган ҳаққоний қийматдаги ўзгариш ўртасидаги фарқ сифатида тан олинади.
- ҚК115 Мазкур ёндашув куйида батафсил тасвирланган. Мазкур ёндашув фақатгина молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфели билан боғлиқ фоиз ставкаси рискнинг ҳаққоний қиймат хежига нисбатан қўлланиши лозим.
- ҚК116 ҚК114(а) кичик бандда аниқланган портфель активлар ва мажбуриятларни қамраб олиши мумкин. Мукобил тарзда, у фақат активларни ёки фақат мажбуриятларни қамраб оладиган портфель бўлиши мумкин. Ташкилот портфелдан хежлашни хоҳлаган активлар ёки мажбуриятлар суммасини аниқлашда фойдаланилади. Лекин портфелнинг ўзи хежланган модда сифатида белгиланмайди.
- ҚК117 ҚК114(б) кичик бандни қўллашда, ташкилот модданинг кутилаётган қайта нархлаш санаси сифатида ушбу модданинг сўндирилиши ёки бозор ставкаларига қайта нархланиши кутилаётган саналарнинг эртарағи билан белгиланади. Кутилаётган қайта нархлаш саналари хеж бошланишида ва хеж муддати давомида олдинги тажрибага ва бошқа мавжуд маълумотларга, жумладан, олдиндан тўлов даражаларига, фоиз ставкаларига ва уларнинг ўзаро алоқасига тегишли маълумотларга ва кутилишларга асосланиб баҳоланади. Ташкилотга хос тажрибага ёки етарли тажрибага эга бўлмаган ташкилотлар қиёсий молиявий инструментлар учун гуруҳдаги тенгдошининг тажрибасидан фойдаланади. Бундай баҳолашлар даврий равишда қайта кўриб чиқилади ва тажрибани иноватга олган ҳолда янгиланади. Олдиндан тўланадиган қатъий белгиланган фоизли модда ҳолатида, кутилаётган қайта нархлаш санаси у вақтлик сананда бозор ставкаларига қайта нархланмагунча ушбу модданинг олдиндан тўланиши кутилаётган сана бўлади. Ўхшаш моддалар гуруҳи учун, кутилаётган қайта нархлаш саналарига асосланган даврлар бўйича таҳлил ҳар бир даврга, алоҳида моддаларни эмас, балки гуруҳ улушини тақсимлаш шаклида бўлиши мумкин. Ташкилот бундай тақсимлаш мақсадларида бошқа усулларни қўллаши мумкин. Масалан, у олдиндан тўлов даражасининг кўпайтирувчисидан амортизация қилинадиган кредитларни кутилаётган қайта нархлаш саналарига асосланган ҳолда, даврларга тақсимлашда фойдаланиши мумкин. Лекин бундай тақсимлаш усули ташкилотнинг рискни бошқариш тартиблари ва мақсадларига мувофиқ бўлиши лозим.
- ҚК118 Агар маълум қайта нархлаш даврида ташкилот 100 п.б.га тенг қатъий белгиланган фоизли активларга ва 80 п.б.га тенг қатъий белгиланган фоизли мажбуриятларга эга деб баҳоласа ва жами 20 п.б.га тенг соф позицияни хежлашга қарор қилса, у хежланган модда сифатида 20 п.б. (активлар қисми) суммасидаги активларни белгилашни ҚК114(в) кичик бандда келтирилган белгилашга мисол сифатида келтириш мумкин.⁴ Белгилаш алоҳида активлар сифатида эмас, балки “валюта суммаси” (масалан, доллар, евро, фунт ёки рэнд суммаси) сифатида ифодаланади. Бундан келиб чиқадики, хежланган сумма келтириб чиқарилган барча активлар (ёки мажбуриятлар) – яъни юқоридаги мисолда 100 п.б.га тенг жами активлар – куйидаги моддалардан иборат бўлиши шарт:
- (а) ҳаққоний қиймати хежланадиган фоиз ставкасидаги ўзгаришларга жавобан ўзгарадиган моддалар; ва
- (б) агар улар алоҳида хежланган сифатида белгиланган, ҳаққоний қиймат хежи ҳисоби сифатида таснифланиши мумкин бўлган моддалар. Хусусан, 13-сон МҲХСда талаб жиҳатига (масалан, талаб қилингунча депозитлар ва муддатли депозитларнинг айрим турлари) эга молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати суммасининг тўланиши талаб қилиниши мумкин бўлган биринчи санадан бошлаб дисконтланган ҳолда талаб қилинганда тўланадиган суммадан кам бўлмайди, шу туфайли, бундай модда инструмент эгаси тўловни талаб этиши мумкин бўлган энг қисқа давр доирасидан ташқари ҳар қандай давр учун ҳаққоний қиймат хежи ҳисоби сифатида таснифланмаслиги белгиланган. Юқоридаги мисолда, хежланган позиция активлар суммасидан иборат. Ўз навбатида, бундай мажбуриятлар белгиланган хежланган модданинг қисми ҳисобланмайди, балки улардан ташкилот томонидан хежланадиган сифатида белгиланадиган актив суммасини аниқлашда фойдаланилган. Агар ташкилот хежлашни хоҳлаган позиция мажбуриятлар суммаси бўлганда, белгиланган хежланган моддани акс эттирадиган сумма ташкилот вақтлик даврларда қайта тўлаши талаб этилиши мумкин бўлган мажбуриятлардан бошқа қатъий белгиланган фоизли мажбуриятлардан келиб чиқиши шарт ва ҚК126(б) кичик бандга мувофиқ хеж самарадорлигини баҳолашда фойдаланиладиган фоизли кўрсаткич ушбу бошқа мажбуриятларнинг улуши сифатида ҳисобланиши мумкин. Масалан, фарз қилайлик, ташкилот маълум қайта нархлаш даврида 40 п.б.га тенг талаб қилингунча депозит ва 60 п.б.га тенг талаб жиҳатига эга бўлмаган мажбуриятлардан ташкилот топган 100 п.б.га

³ Ушбу контекстда ҳам бошқа МҲХСларда қўллангани каби муҳимлик жиҳати бир хилда қўлланади.

⁴ Мазкур стандарт ташкилотга муносиб активлар ва мажбуриятларнинг ихтиёрий суммасини белгилашга рухсат беради, масалан, ушбу мисолда активларнинг 0 п.б ва 100 п.б. Оралиғидаги ҳар қандай суммани белгилаши мумкин.

тенг катъий белгиланган фоизли мажбуриятларга ва 70 п.б.га тенг катъий белгиланган фоизли активларга эга деб баҳолайди. Агар ташкилот 30 п.б.га тенг жами соф позицияни хежлашга қарор қилса, у 30 п.б.га тенг мажбуриятларни ёки талаб жиҳатига эга бўлмаган мажбуриятларнинг 50 фоизини⁵ хежланган модда сифатида белгилайди.

ҚК119 Ташкилот 88(а) кичик бандда белгиланган бошқа белгилаш ва ҳужжатлаштириш талабларига ҳам рия эгади. Фоиз ставкаси rischi бўйича портфель хежида, ушбу белгилаш ва ҳужжатлаштириш ташкилотнинг барча шундай хежланган суммани ва самарадорлик қандай баҳолаганини аниқлашда фойдаланиладиган, ўзгарувчилар бўйича сиёсатини белгилайди, жумладан:

- (а) қайси активлар ва мажбуриятлар портфель хежига киритилиши лозим ва уларни портфелдан чиқариб ташлашда фойдаланиладиган асос.
- (б) ташкилот қайта нархлаш саналарини қандай баҳолайди, жумладан, қайси фоиз ставкаси фаразлари олдиндан тўлов даражаларининг баҳолари асосида бўлади ва ушбу баҳоларни ўзгартириш учун асос. Актив ёки мажбурият портфель хежида киритилган даврда аниқланган дастлабки баҳоларга ва ушбу баҳоларнинг кейинги ўзгаришларига нисбатан бир хил усул қўлланади.
- (в) қайта нархлаш даврларининг сони ва давомийлиги.
- (г) ташкилот қандай даврийлик билан самарадорликни текширади ва у ҚК126-банддаги икки усулнинг қайси биридан фойдаланади.
- (д) ташкилот томонидан хежланган модда сифатида белгиланган активлар ёки мажбуриятлар суммасини аниқлашда фойдаланилган усул ва ўз навбатида, ташкилот ҚК126(б) кичик банддаги усул орқали самарадорликни текширганда фойдаланадиган фоизли кўрсаткич.
- (е) ташкилот ҚК126(б) кичик банддаги усул орқали самарадорликни текширганда, ташкилот самарадорликни ҳар бир қайта нархлаш даври учун алоҳида, барча даврлар учун умумий ҳолда ёки иккаласининг айрим комбинацияси орқали текшириши.

Хеж алоқасини белгилашда ва ҳужжатлаштиришда қайд қилинган сиёсат ташкилотнинг riskни бошқариш тартиблари ва мақсадларига мувофиқ бўлиши лозим. Сиёсатдаги ўзгаришлар ихтиёрий равишда амалга оширилмаслиги лозим. Улар бозор шароитлари ва бошқа омиллардаги ўзгаришлар асосида тасдиқланиши ва ташкилотнинг riskни бошқариш тартиблари ва мақсадларига асосланиши ва мос бўлиши лозим.

ҚК120 ҚК114(д) кичик бандда келтирилган хежлаш инструменти ягона дериватив ёки барчаси ҚК114(г) кичик бандда белгиланган хежланган фоиз ставкаси riskига дучор бўлишни қамраб оладиган деривативлар портфели (масалан барчаси LIBORга дучор бўлишни қамраб оладиган фоиз ставкаси своплари портфели) бўлиши мумкин. Деривативларнинг бундай портфели risk позициясини ўзаро ҳисоб-китоб ҳолатларини ўз ичига олиши мумкин. Лекин у чиқарилган опционларни ёки соф чиқарилган опционларни ўз ичига олмаслиги мумкин, чунки мазкур стандарт⁶ бундай опционларни хежлаш инструменти сифатида белгилашга рухсат бермайди (бундан чиқарилган опцион сотиб олинган опцион билан ўзаро ҳисоб-китоб сифатида белгиланган ҳолат мустасно). Агар хежлаш инструменти ҚК114(в) кичик бандда белгиланган суммани бирдан ортиқ қайта нархлаш даври учун хежласа, хежлаш инструменти у хежлайдиган барча даврларга тақсимланади. Лекин бутун хежлаш инструменти ушбу қайта нархлаш даврларига тақсимланиши шарт, чунки мазкур стандарт⁷ хежлаш муносабатининг фақатгина хежлаш инструменти кучда бўладиган даврнинг қисми учун белгиланишига рухсат бермайди.

ҚК121 Ташкилот ҚК114(ж) кичик бандга мувофиқ олдиндан тўланадиган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни баҳоласа, фоиз ставкаларидаги ўзгариш олдиндан тўланадиган модданинг ҳаққоний қийматига иккита йўл орқали таъсир эгади: у шартномавий пул оқимларининг ҳаққоний қийматига ва олдиндан тўланадиган моддада қамраб олинган олдиндан тўланадиган опционнинг ҳаққоний қийматига таъсир кўрсатади. Мазкур стандартнинг 81-банди ташкилотга, агар самарадорликни баҳолаш мумкин бўлса, умумий risk тақсимланадиган молиявий актив ёки молиявий мажбурият қисмини хежланган модда сифатида белгилашга рухсат беради. Олдиндан тўланадиган моддалар учун, 81А-банд, хежланган модда, шартномавий эмас, балки қутилаётган қайта нархлаш саналари асосида белгиланган фоиз ставкасидаги ўзгаришларга тегишли ҳаққоний қийматдаги ўзгариш асосида белгилаш орқали эришишга рухсат беради. Лекин, хежланган фоиз ставкасидаги ўзгаришларнинг ушбу қутилаётган қайта нархлаш саналарига нисбатан таъсири хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни аниқлашда инобатга олиниши лозим. Демак, агар қутилаётган қайта нархлаш саналари (масалан, қутилаётган олдиндан тўловлардаги ўзгаришни акс

⁵ 30п.б. ÷ (100 п.б. – 40 п.б.) = 50 фоиз

⁶ 77 бандга ва ҚК94 бандга қаранг

⁷ 75 бандга қаранг

этириш учун) ўзгартирилса ёки агар ҳақиқий қайта нархлаш саналари ушбу кутилаётган қайта нархлаш саналаридан фарқ қилса, самарасизлик ҚК126-бандда кўрсатилганидек юзага келади. Аксинча, (а) ҳежланган фоиз ставкасидаги ўзгаришлардан бошқа омиллар натижасида аниқ юзага келадиган, (б) ҳежланган фоиз ставкасидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ва (в) ҳежланган фоиз ставкасига тегишли ўзгаришлардан ишончли ажратилиши мумкин бўлган кутилаётган қайта нархлаш саналаридаги ўзгаришлар (масалан фоиз ставкасидаги ўзгаришлардан эмас, балки аниқ демографик омиллардаги ёки солиқ меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришдан юзага келадиган олдиндан тўлов даражаларидаги ўзгаришлар) ҳежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни аниқлашда чиқариб ташланади, чунки улар ҳежланган рискга тегишли ҳисобланмайди. Агар бунда кутилаётган қайта нархлаш саналаридаги ўзгаришни юзага келтирган омил тўғрисида ноаниқлик мавжуд бўлса ёки ташкилот ҳежланган фоиз ставкасидан юзага келадиган ўзгаришларни бошқа омиллардан юзага келадиган ўзгаришлардан ишончли ажрата олмаса, ўзгариш ҳежланган фоиз ставкасидаги ўзгаришлардан юзага келган деб фараз қилинади.

ҚК122 Мазкур стандарт ҚК114(ж) кичик бандда келтирилган суммани аниқлаш учун фойдаланиладиган усулларни хусусан ҳежланган рискга тегишли ҳежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришнинг миқдорини белгиламайди. Агар статистик ёки бошқа баҳолаш усуллари бундай баҳолаш учун фойдаланилса, раҳбарият натижани ҳежланган моддани ташкил этадиган барча алоҳида активларни ёки мажбуриятларни баҳолашдан олиниши мумкин бўлган натижага яқинроқ бўлишини назарда тутиши шарт. Ҳежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар ҳежлаш инструментининг қийматидаги ўзгаришларга тенг деб фараз қилиш тўғри бўлмайди.

ҚК123 89А-банд, агар ҳежланган модда маълум қайта нархлаш даврида актив бўлса, унинг қийматидаги ўзгариш активлар таркибида алоҳида сатр моддасида акс этиришни талаб этади. Аксинча, ҳежланган модда маълум қайта нархлаш даврида мажбурият бўлса, унинг қийматидаги ўзгариш мажбуриятлар таркибида алоҳида сатр моддасида акс этирилади. Улар ҚК114(ж) кичик бандда келтирилган алоҳида сатр моддалари ҳисобланади. Алоҳида активларга (ёки мажбуриятларга) муайян тақсимлашга рухсат этилмайди.

ҚК124 ҚК114(и) кичик банд самарасизлик ҳежланган рискга тегишли ҳежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш ҳежлаш деривативининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришдан фарқ қиладиган даражада юзага келишини таъкидлайди. Бундай фарқ бир қатор сабаблар туфайли юзага келиши мумкин, жумладан:

- (а) ҳақиқий қайта нархлаш саналари кутилаётган қайта нархлаш саналаридан фарқ қилиши ёки кутилаётган қайта нархлаш саналарининг ўзгартирилган бўлиши;
- (б) ҳежланган портфелдаги моддаларнинг кадрсизланиши ёки ҳисобдан чиқарилиши;
- (в) ҳежлаш инструменти билан ҳежланган модданинг тўлов саналари фарқ қилиши; ва
- (г) бошқа сабаблар (масалан, ҳежланган моддаларнинг камчилиги улар ҳежланадиган сифатида белгиланадиган таянч ставкасидан паст ставкага эга бўлганда ва ҳосил бўладиган самарасизлик унчалик катта эмас, бунда бутун портфель ҳежлаш ҳисоби сифатида таснифланмайди).

Бундай самарасизлик⁸ аниқланиши ва фойда ёки зарарда тан олиниши лозим.

ҚК125 Умуман олганда, ҳеж самарадорлиги қуйидаги шартларда оширилади:

- (а) агар ташкилот турли олдиндан тўлов хусусиятларига эга моддаларнинг олдиндан тўлов жиҳатидаги тафовутларни инобатга оладиган усулда жадвални тузса.
- (б) портфелдаги моддалар сони йирикроқ бўлса. Фақат айрим моддалар портфелда бўлганда, агар моддаларнинг бири кутилаётганга нисбатан вақтликроқ ёки кейинроқ олдиндан тўласа, нисбатан юқори самарасизлик бўлиш эҳтимоли мавжуд. Аксинча, портфель кўп моддаларни ўз ичига олса, олдиндан тўлов жиҳатини аниқроқ башорат қилиш мумкин.
- (в) фойдаланилган қайта нархлаш даврлари қисқароқ бўлганда (масалан, 3-ойликдан фарқли равишда 1-ойлик қайта нархлаш даврлари). Қисқароқ қайта нархлаш даврлари ҳежланган модданинг қайта нархлаш ва тўлов саналари (қайта нархлаш давридаги) билан ҳежлаш инструментининг ушбу саналари ўртасидаги ҳар қандай номуаносиблик таъсирини камайтиради.
- (г) ҳежланган моддадаги ўзгаришларни акс этириш мақсадида ҳежлаш инструментининг суммаси ўзгартириш амалга ошириладиган юқорироқ даврийлик (масалан, муддатидан олдин сўндиришга нисбатан кутишларга ўзгартиришлар сабабли).

⁸ Ушбу контекстда ҳам бошқа МҲХСларда қўллангани каби муҳимлик жиҳати бир хилда қўлланади.

- ҚК126 Ташкилот самарадорликни даврий равишда баҳолайди. Агар қайта нархлаш саналарининг баҳоланиши ташкилот самарадорликни баҳолайдиган сана билан кейинги сана ўртасида ўзгариш бўлса, у самарадорлик суммасини қуйидагича ҳисоблаши лозим:
- (а) хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш (ҚК114(ж) кичик бандга қаранг) билан хежланган фоииз ставкасидаги ўзгаришларга тегишли бутун хежланган модданинг қийматидаги ўзгариш (жумладан, хежланган фоииз ставкасидаги ўзгаришларнинг ҳар қандай сингдирилган олдиндан тўлов опционининг ҳаққоний қийматига нисбатан таъсири) ўртасидаги фарк сифатида; ёки
 - (б) қуйидаги яхлитлашдан фойдаланган ҳолда. Ташкилот:
 - (i) у самарадорликни текширган охириги санадаги баҳоланган қайта нархлаш саналарига асосланган ҳолда, хежланган ҳар бир қайта нархлаш давридаги активларнинг (ёки мажбуриятларнинг) улушини ҳисоблайди.
 - (ii) унинг ўзгартирилган баҳосига асосланган ҳолда хежланган модданинг суммасини ҳисоблаш учун ушбу улушни ўша қайта нархлаш давридаги сумма бўйича ўзининг ўзгартирилган баҳосига нисбатан қўллайди.
 - (iii) хежланган рискга тегишли хежланган модда бўйича ўзининг ўзгартирилган баҳосининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни ҳисоблайди ва уни ҚК114(ё) кичик бандда белгилангандек тақдим этади.
 - (iv) аниқланган сумма билан хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш (ҚК114(з) кичик бандга қаранг) ўртасидаги фарққа тенг самарасизликни тан олади.
- ҚК127 Самарадорликни баҳолашда, ташкилот мавжуд активларнинг (ёки мажбуриятларнинг) баҳоланган қайта нархлаш саналарига ўзгартиришларни янги активларни (ёки мажбуриятларни) шакллантиришдан фарқлайди, бунда биринчиси самарасизликни юзага келтиради. Баҳоланган қайта нархлаш саналарига нисбатан барча ўзгартиришлар, жумладан, мавжуд моддаларни даврларга ҳар қандай қайта тақсимланиши, ҚК126(б)(ii) кичик бандга мувофиқ даврдаги баҳоланган суммани ўзгартиришда ва сўнгра самарадорликни баҳолашда инобатга олинади. Юқорида таъкидланганидек, самарасизлик тан олинганда, ташкилот ҳар бир қайта нархлаш даврида жами активларнинг, жумладан, у самарадорликни охириги текширган санадан бошлаб пайдо бўлган янги активларни (ёки мажбуриятларни), янги баҳосини аниқлайди ҳамда хежланган модда сифатида янги суммани ва хежланган улуш сифатида янги улушни белгилайди. ҚК126(б) кичик бандда қайд қилинган тартиблар у самарадорликни текширадиган кейинги санада яна тақдорланади.
- ҚК128 Қадрсизланиш ёки сотув сабаб бўлган ҳолда, олдиндан тўлов ёки ҳисобдан чиқаришларнинг кутилаётганидан олдинроқ содир бўлиши сабабли, дастлаб қайта нархлаш даври бўйича жадвали тузилган моддалар ҳисобдан чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолат содир бўлганда, ҳисобдан чиқарилган моддага тегишли ҚК114(ж) кичик бандда келтирилган алоҳида сатр моддасига киритилган ҳаққоний қийматдаги ўзгариш суммаси молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқариб ташланиши ва модданинг ҳисобдан чиқарилишидан юзага келадиган фойда ёки зарарга киритилиши лозим. Ушбу мақсадда, ҳисобдан чиқарилган модда жадвал бўйича жойлаштирилган қайта нархлаш давр(лар)ини англаш муҳимдир, чунки бу у чиқариб ташланадиган қайта нархлаш давр(лар)ини ва сўнгра ҚК114(ж) кичик бандда келтирилган алоҳида сатр моддасидан чиқариб ташланадиган суммани аниқлайди. Модда ҳисобдан чиқарилганда, агар у жойлаштирилган даврни аниқлаш мумкин бўлса, у ушбу даврдан чиқариб ташланади. Агар ушбу даврни аниқлаш имкони бўлмаса ва агар ҳисобдан чиқариш кутилаётганига нисбатан кўпроқ олдиндан тўловлардан юзага келган бўлса, у энг олдинги даврдан чиқариб ташланади ёки агар модда сотилган ёки қадрсизланган бўлса, у ҳисобдан чиқарилган моддани қамраб оладиган барча даврларга тизимли ва ўринли асосда тақсимланади.
- ҚК129 Шу билан бирга, давр муддати тугаганда ҳисобдан чиқарилмаган маълум даврга тегишли ҳар қандай қиймат ўша даврда фойда ёки зарарда тан олинади. (89А-бандга қаранг). Масалан, фараз қилайлик, ташкилот моддаларнинг учта қайта нархлаш даврлари бўйича тақсимлаб режалаштирган. Олдинги қайта белгилашда, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ягона сатр моддасида тақдим этилган ҳаққоний қийматдаги ўзгариш 25 п.б.га тенг актив бўлган. Ушбу қиймат 1, 2 ва 3-даврларга тегишли мос равишда 7 п.б.га, 8 п.б.га ва 10 п.б.га тенг суммаларни ташкил этади. Кейинги қайта белгилашда, 1-даврга тегишли активлар ёки реализация қилинган ёки бошқа даврларга қайта тақсимланган бўлади. Шу сабабли, 7 п.б.га тенг сумма молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобдан чиқарилади ва фойда ёки зарарда тан олинади. 8 п.б.га ва 10 п.б.га тенг сумма энди мос равишда 1 ва 2-даврларга тегишли бўлади. Сўнгра ушбу қолган даврлар, зарур бўлса, ҚК114(ё) кичик бандда кўрсатилгандек, ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларга тузатиш сифатида киритилади.
- ҚК130 Олдинги икки банд талабларини кўрсатиш мақсадида, фараз қилайлик, ташкилот активларининг портфель улушини ҳар бир қайта нархлаш даврига тақсимлаш орқали жадвалини тузган. Фараз

қилайлик, у биринчи иккита ҳар бир даврда 100 п.б.га тенг активларни режалаштирган. Биринчи қайта нархлаш даврининг муддати тугаганда, 110 п.б.га тенг активларнинг қутилаётган ва қутилмаган қайта тўловлари сабабли ҳисобдан чиқарилади. Бундай ҳолатда, биринчи даврга тегишли бўлган ҚК114(ж) кичик бандда келтирилган алоҳида сатр моддасида қамраб олинган сумманинг жами молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқарилади, қўшимча равишда иккинчи даврга тегишли сумманинг 10 фоизи ҳам чиқарилади.

ҚК131 Агар қайта нархлаш даври учун ҳежланган сумма тегишли активлар (ёки мажбуриятларнинг) ҳисобдан чиқарилмасдан камайтирилса, камайишга тегишли бўлган ҚК114(ё) кичик бандда келтирилган алоҳида сатр моддасида акс эттирилган сумма 92-бандга мувофиқ амортизация қилиниши лозим.

ҚК132 Ташкилот ҚК114–ҚК131 бандларда қайд қилинган ёндашувни 39-сон БҲХСга мувофиқ, аввал пул оқими ҳежи сифатида ҳисобга олинган портфель ҳежига нисбатан қўллашни ҳоҳлаши мумкин. Бундай ташкилот 101(г)-бандга мувофиқ пул оқими ҳежининг бундай ҳеж сифатида олдинги белгиланишини бекор қилади ва ўша бандда белгиланган талабларни қўллайди. У ҳежни ҳам ҳаққоний қиймат ҳежи сифатида қайта белгилайди ва ҚК114–ҚК131-бандлардаги ёндашувни перспектив тарзда кейинги ҳисобот даврларида қўллайди.

Ўтиш қоидалари (103-108В бандлар)

ҚК133 Ташкилот режалаштирилган гуруҳ ичидаги операцияни мазкур стандартга (80-банднинг охири жумласи орқали киритилган ўзгартиришлар билан бирга) мувофиқ ҳежлаш ҳисоби сифатида таснифланиши мумкин бўлган ҳежда 2005 йил 1 январь ва ундан кейин бошланадиган йиллик давр бошланишида (ёки қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаш мақсадида, олдинроқ бўлган қиёсий давр бошланишида) ҳежланган модда сифатида белгилаши мумкин эди. Бундай ташкилот ушбу белгилашни 2005 йил 1 январь ва ундан кейин бошланадиган йиллик давр бошидан (ёки олдинроқ бўлган қиёсий давр бошидан) консолидациялашган молиявий ҳисоботдаги ҳежлаш ҳисобига нисбатан қўллаши мумкин. Бундай ташкилот ҚК99А ва ҚК99Б бандларни ҳам 2005 йил 1 январь ва ундан кейин бошланадиган йиллик давр бошидан қўллаши лозим. Лекин, 108Б-бандга мувофиқ, у ҚК99Б бандни олдинроқ даврлар бўйича қиёсий маълумотларга нисбатан қўллаши талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
25-ИЛОВА

40-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Инвестиция кўчмас мулки

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади инвестиция кўчмас мулкни ҳисобга олиш тартиби ва унга доир маълумотларни ёритиб бериш талабларини белгилашдан иборат.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур стандарт инвестиция кўчмас мулкни тан олиш, баҳолаш ва унга доир маълумотларни ёритиб беришда қўлланиши лозим.
- 3 [Чиқариб ташланган]
- 4 Мазкур стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланмайди:
- (а) қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ биологик активлар (41-сон БҲХС “Қишлоқ хўжалиги” ва 16-сон БҲХС “Асосий воситалар”га қаранг); ва
 - (б) нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурслар каби фойдали қазилмалардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва фойдали қазилмаларнинг захиралари.

Таърифлар

- 5 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Баланс қиймати** - бу активнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган қийматидир.
- Бошланғич қиймат** - активни харид қилиш ёки қурилиши пайтида уни харид қилиш учун тўланган пул маблағлари ёки пул маблағларининг эквивалентлари ёки бошқа товоннинг ҳаққоний қиймати ёки қўллаш мумкин бўлган ҳолларда, бошқа МҲХСларнинг, масалан 2-сон МҲХС “Ақцияга асосланган тўлов”нинг, муайян талабларига мувофиқ мазкур активни дастлабки тан олинмишида унга киритилмаган суммадир.
- Ҳаққоний қиймат** - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинмиши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир. (13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” га қаранг)
- Инвестиция кўчмас мулки** - бу қуйидаги мақсадларни истисно қилган ҳолда, ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматининг ошиши ёки ҳар икки мақсад учун мўлжалланган (кўчмас мулк эгаси томонидан ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарачи томонидан тутиб туриладиган) кўчмас мулкдир (ер ёки бино (ёки бионинг бир қисми), ёки ҳар иккаласи):
- (а) ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишда, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган; ёки
 - (б) одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган.
- Эгаси фойдаланиладиган кўчмас мулк** - бу (кўчмас мулк эгаси ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарачи томонидан) ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишда, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган кўчмас мулкдир.

Кўчмас мулкни инвестиция кўчмас мулки ёки эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк сифатида таснифлаш

- 6 [Чиқариб ташланган]
- 7 Инвестиция кўчмас мулки ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматининг ошиши ёки ҳар икки мақсад учун тутиб турилади. Шунинг учун, инвестиция кўчмас мулки пул оқимларини ташкилот томонидан тутиб туриладиган бошқа активларга нисбатан аҳамиятли даражада мустақил тарзда ҳосил қилади. Бу инвестиция кўчмас мулкни эгаси фойдаланадиган кўчмас мулкдан фарқлайди. Ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш (ёки кўчмас мулкдан маъмурий мақсадларда фойдаланиш) нафақат кўчмас мулкка тегишли бўлган, балки ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш жараёнида фойдаланиладиган бошқа активларга ҳам тегишли пул оқимларини ҳосил қилади. 16-сон БҲХС ўз мулкида бўлган эгаси фойдаланадиган кўчмас мулкка нисбатан қўлланади, 16-сон МҲХС “Ижара” эса фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарачи томонидан тутиб туриладиган эгаси фойдаланадиган кўчмас мулкка нисбатан қўлланади.
- 8 Куйидагилар инвестиция кўчмас мулқига мисол бўлади:
- (а) одатдаги фаолияти доирасида қисқа муддатда сотиш учун эмас, балки узоқ муддатда капиталнинг қиймати ошиши мақсадида тутиб туриладиган ер.
 - (б) келгуси фойдаланиш мақсади ҳозир ноаниқ бўлган тутиб турилган ер. (Агар ташкилот ердан эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк сифатида ёки одатдаги фаолияти доирасида қисқа муддатда сотиш учун фойдаланиши белгиланмаган бўлса, ер капитал қийматининг ошиши мақсадида тутиб турилган деб ҳисобланади.)
 - (в) ташкилотнинг ўз мулкида бўлган (ёки ташкилот томонидан тутиб турилган, бинога тегишли фойдаланиш ҳуқуқидаги актив) ва бир ёки ундан ортиқ оператив ижара шартномаси асосида ижарага берилган бино.
 - (г) бўш турган, аммо бир ёки ундан ортиқ оператив ижара шартномаси асосида ижарага беришга мўлжалланган бино.
 - (д) келгусида инвестиция кўчмас мулки сифатида фойдаланиш учун курилаётган ёки такомиллаштирилаётган кўчмас мулк.
- 9 Куйида инвестиция кўчмас мулки ҳисобланмайдиган ва шу сабабли мазкур стандартнинг қўллаш доирасига кирмайдиган объектларга мисоллар келтирилган:
- (а) одатдаги фаолияти доирасида сотишга мўлжалланган ёки шундай сотиш учун куриш ёки такомиллаштириш жараёнида бўлган кўчмас мулк (2-сон БҲХС “Захиралар”га қаранг), масалан, фақат яқин келажакда кейинги қайта сотиш ёки такомиллаштириш ва қайта сотиш мақсадида харид қилинган кўчмас мулк.
 - (б) [Чиқариб ташланган]
 - (в) келгусида эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк сифатида фойдаланиш учун тутиб турилган, келгусида такомиллаштириш ва кейинчалик эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк сифатида фойдаланиш учун тутиб турилган, ходимлар томонидан банд қилинган (ходимлар ижара ҳақини бозор ставкасида тўлаши ёки тўламаслигидан қатъий назар) ва ҳисобдан чиқарилиши кутилаётган кўчмас мулкларни ўз ичига оладиган эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк (16-сон БҲХС ва 16-сон МҲХСга қаранг).
 - (г) [Чиқариб ташланган]
 - (д) бошқа ташкилотга молиявий ижарага берилган кўчмас мулк.
- 10 Баъзи кўчмас мулклар бир қисми ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматининг ошиши мақсадида ва бошқа қисми ишлаб чиқариш, товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишда ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган қисмлардан иборат бўлади. Агар бу қисмлар алоҳида сотилиши (ёки алоҳида-алоҳида молиявий ижарага берилиши) мумкин бўлса, ташкилот ушбу қисмларни алоҳида-алоҳида ҳисобга олади. Агар бу қисмлар алоҳида сотилиши мумкин бўлмаса, у ҳолда тегишли кўчмас мулк, фақат унинг ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишдаги ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган қисми аҳамиятсиз бўлса, инвестиция кўчмас мулки ҳисобланади.
- 11 Айрим ҳолларда ташкилот ўзининг кўчмас мулки ижарачиларига қўшимча хизматлар кўрсатади. Ташкилот кўчмас мулкни, агар бундай қўшимча хизматлар бутун шартномага нисбатан аҳамиятсиз даражада бўлса, инвестиция кўчмас мулки сифатида ҳисобга олади. Бунга офис биноси эгаси бинони банд қилган ижарачиларга қўриқлаш ва сақлаш хизматларини кўрсатишини мисол қилиб келтириш мумкин.

- 12 Бошқа ҳолларда, кўрсатиладиган хизматлар аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, агар ташкилот меҳмонхонага эгалик қилса ва уни бошқарса, меҳмонларга кўрсатиладиган хизматлар бутун шартномага нисбатан аҳамиятли ҳисобланади. Шу сабабли, эгаси бошқарадиган меҳмонхона инвестиция кўчмас мулки эмас, балки эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк ҳисобланади.
- 13 Кўчмас мулкни инвестиция кўчмас мулки сифатида таснифлаш учун қўшимча хизматларнинг аҳамиятли экани ёки йўқлигини аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Масалан, меҳмонхона эгаси баъзида бошқарув шартномаси асосида маълум ваколатларни учинчи томонга ўтказиши мумкин. Бундай шартномаларнинг шартлари жуда фарқли бўлади. Бир томондан, мулк эгаси моҳиятан пассив инвестор сифатида қаралиши мумкин. Бошқа томондан, мулк эгаси меҳмонхона фаолиятдан келадиган пул оқимлари ўзгарувчанлигининг аҳамиятли таъсиридан сақланган ҳолда, кундалик функцияларини бошқа томонга ўтказиб юборган бўлиши мумкин.
- 14 Кўчмас мулк инвестиция кўчмас мулки бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлаш учун мулоҳаза юритиш зарур. Ташкилот инвестиция кўчмас мулки таърифи ва 7-13-бандлардаги тегишли кўрсатмаларга мувофиқ изчил тарзда мулоҳаза юритиш мақсадида меъзонлар ишлаб чиқади. 75 (в) банд ташкилотдан таснифлаш мураккаб бўлган пайтда ушбу меъзонларни ёритиб беришни талаб этади.
- 14A Инвестиция кўчмас мулкни харид қилиш битта активни ёки активлар гуруҳини харид қилиш ёки 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” қўллаш доирасидаги бизнес бирлашуви эканини аниқлаш учун ҳам мулоҳаза юритиш зарур бўлади. Бу бизнес бирлашуви эканини аниқлаш учун 3-сон МҲХСга мурожаат қилиш лозим. Мазкур стандартнинг 7-14-бандларида кўчмас мулкни харид қилиш 3-сон МҲХСда таърифланганидек бизнес бирлашуви экани эмас, балки кўчмас мулк эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк ёки инвестиция кўчмас мулки бўлиш ёки бўлмаслиги бўйича муҳокамага тегишлидир. Муайян операциянинг 3-сон МҲХСда берилган бизнес бирлашуви таърифига мос келиши ва мазкур стандартда таърифланганидек инвестиция кўчмас мулкни ўз ичига олишини аниқлаш ҳар икки стандартни алоҳида қўллашни талаб қилади.
- 15 Баъзи ҳолларда, ташкилот ўзининг бош ташкилоти ёки бошқа шўъба ташкилотига ижарага берилган ёки улар банд қилиб турган мулкка эгалик қилади. Бундай кўчмас мулк консолидациялашган молиявий ҳисоботда инвестиция кўчмас мулки сифатида таснифланмайди, чунки у гуруҳ нуктаи назаридан эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк ҳисобланади. Лекин унга эгалик қиладиган ташкилот нуктаи назаридан, агар 5-банд таърифига мос келса, кўчмас мулк инвестиция кўчмас мулки ҳисобланади. Шу сабабли, ижарага берувчи ўзининг индивидуал молиявий ҳисоботида кўчмас мулкни инвестиция кўчмас мулки сифатида акс эттиради.

Тан олиш

- 16 **Ўз мулкида бўлган инвестиция кўчмас мулки фақат ва фақат қуйидаги ҳолларда актив сифатида тан олинади:**
- (а) **ташкилотга мазкур инвестиция кўчмас мулки билан боғлиқ келгуси иқтисодий нафлар келиши эҳтимоли мавжуд бўлса; ва**
 - (б) **инвестиция кўчмас мулкнинг бошланғич қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса.**
- 17 Ташкилот инвестиция кўчмас мулки бўйича барча сарфларни улар юзага келган пайтда мазкур тан олиш меъзони асосан баҳолайди. Ушбу сарфлар инвестиция кўчмас мулкни дастлабки харид қилиш ва кейинчалик уни такомиллаштириш, бирор қисмини алмаштириш ёки кўчмас мулкка хизмат кўрсатишда юзага келадиган сарфларни ўз ичига олади.
- 18 16-бандда келтирилган тан олиш меъзони мувофиқ ташкилот инвестиция кўчмас мулкига кундалик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сарфларни бундай кўчмас мулкнинг баланс қийматида тан олмайди. Аксинча, бундай сарфлар юзага келиш билан фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Кундалик хизмат кўрсатиш сарфлари асосан иш ҳақи ва материаллар сарфларидан ташкил топади, ҳамда майда эҳтиёт қисмлар қийматини ўз ичига олиши мумкин. Бу каби сарфларнинг мақсади бундай кўчмас мулкка “жорий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” сифатида тавсифланади.
- 19 Инвестиция кўчмас мулкларининг қисмлари алмаштириш орқали харид қилинган бўлиши мумкин. Масалан, ички деворлар аввал мавжуд бўлган деворга алмаштирилган бўлиши мумкин. Тан олиш мезонларига асосан, ташкилот инвестиция кўчмас мулкнинг бир қисмини алмаштириш бўйича сарфларни, агар бундай сарфлар тан олиш мезонларига жавоб берса, ушбу сарфлар юзага келган пайтда инвестиция кўчмас мулкнинг баланс қийматида тан олади. Бунда алмаштирилган қисмларнинг баланс қиймати мазкур стандартдаги тан олишни бекор қилиш қоидаларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилади.

- 19А Ижарачи томонидан фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида тутиб туриладиган инвестиция кўчмас мулки 16-сон МҲХСга мувофиқ тан олиними лозим.

Тан олиш ва баҳолаш

- 20 **Ўз мулкида бўлган инвестиция кўчмас мулки дастлаб бошланғич қийматда баҳоланади. Операция бўйича сарфлар ушбу бошланғич қийматга киритилиши лозим.**
- 21 Харид қилинган инвестиция кўчмас мулкининг бошланғич қиймати унинг харид нархи ва уни харид қилиш билан боғлиқ ҳар қандай бевосита сарфлардан ташкил топади. Бевосита сарфлар, масалан, юридик хизматлар учун ҳақлар, кўчмас мулкни ўтказиш бўйича солиқлар ва операция бўйича бошқа сарфларни ўз ичига олади.
- 22 [Чиқариб ташланган]
- 23 Инвестиция кўчмас мулкининг бошланғич қийматига қуйидагилар киритилмайди:
- (а) стартап сарфлар (агар улар кўчмас мулкни раҳбарият томонидан назарда тутилган тарзда фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш учун зарур бўлмаса),
 - (б) инвестиция кўчмас мулктан режалаштирилган фойдаланиш даражасига эришилишидан олдинги юзага келган операция зарарлар, ёки
 - (в) кўчмас мулкни куриш ёки такомиллаштиришда меъёрдан ортқ сарфланган материал, ишчи кучи ёки бошқа ресурслар қиймати.
- 24 Агар инвестиция кўчмас мулки учун тўлов кечиктирилган бўлса, унинг бошланғич қиймати пул маблағлари билан дарҳол тўланиши мумкин бўлган эквивалент нархга тенг бўлади. Ушбу сумма ва барча тўловлар суммаси ўртасидаги фарқ кредит давридаги фоиз харажатлари сифатида тан олинади.
- 25 [Чиқариб ташланган]
- 26 [Чиқариб ташланган]
- 27 Бир ёки бир нечта инвестиция кўчмас мулкларини номонетар активга ёки активга ёхуд монетар ва номонетар активлар комбинациясига айирбошлаш орқали харид қилиниши мумкин. Қуйида келтирилган мунозаралар бир номонетар активни бошқасига айирбошлашни назарда тутаяди, лекин улар юқорида келтирилган барча айирбошлаш операцияларига ҳам қўлланади. Бундай инвестиция кўчмас мулки қиймати, агар (а) айирбошлаш операцияси тижорий моҳиятга эга бўлмаслик ҳолати ёки (б) олинган активнинг ҳам берилган активнинг ҳам ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин эмаслиги ҳолати кузатилмаса, ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланади. Ҳатто ташкилот берилган активни тан олишни дарҳол бекор қилмаса ҳам, харид қилинган актив худди шу тарзда баҳоланади. Агар харид қилинган актив ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланмаса, у ҳолда унинг бошланғич қиймати берилган активнинг баланс қиймати бўйича баҳоланади.
- 28 Ташкилот айирбошлаш операциясининг тижорий моҳиятга эга ёки эга эмаслигини мазкур операция натижасида келгуси пул оқимларидаги қутилаётган ўзгариш даражасини баҳолаш орқали аниқлайди. Айирбошлаш операцияси тижорий моҳиятга эга бўлади, агар:
- (а) олинган актив бўйича пул оқимлари тузилмаси (яъни риск, муддат ва миқдори) берилган актив бўйича пул оқимларининг тузилмасидан фарқланса, ёки
 - (б) бундай айирбошлаш натижасида ташкилот фаолиятининг ушбу операция таъсир кўрсатадиган қисмининг ташкилотга хос қиймати ўзгарса, ва
 - (в) (а) ёки (б) кичик бандларида келтирилган тафовут айирбошланган активларнинг ҳаққоний қийматига нисбатан аҳамиятли бўлса.
- Айирбошлаш операцияси тижорий моҳиятга эга эканлигини аниқлаш мақсадида ташкилот фаолиятининг ушбу операция таъсир кўрсатадиган қисмининг ташкилотга хос қиймати солиқ солишдан кейинги пул оқимини акс эттириши лозим. Ушбу таҳлилларнинг натижаси ташкилот томонидан батафсил ҳисоб-китобларни амалга оширмасдан ҳам яққол қўриниши мумкин.
- 29 Активнинг ҳаққоний қийматини қуйидаги ҳолларда ишончли баҳолаш мумкин: (а) ҳаққоний қийматни асосли баҳолашнинг ўзгарувчанлик диапазони мазкур актив учун аҳамиятли бўлмаса ёки (б) ушбу ўзгаришлар оралиғида турли ҳисоб баҳолари эҳтимолини асосли равишда баҳолаш мумкин бўлса ва ундан ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланилса. Агар ташкилот олинган активнинг ҳам берилган активнинг ҳам ҳаққоний қийматини ишончли баҳолай олса, у ҳолда олинган активнинг ҳаққоний қиймати яққолроқ намоён бўлмаса, бошланғич қийматни баҳолаш учун берилган активнинг ҳаққоний қийматидан фойдаланилади.

- 29А Ижарачи томонидан фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида тутиб туриладиган инвестиция кўчмас мулки 16-сон МҲХСга мувофиқ дастлаб бошланғич қиймат бўйича баҳоланиши лозим.

Тан олишдан кейинги баҳолаш

Ҳисоб сиёсати

- 30 32А бандда қайд этилган ҳоллардан ташқари, ташкилот ўзининг ҳисоб сиёсати сифатида 33-55-бандлардаги ҳаққоний қиймат моделини ёки 56-банддаги бошланғич қиймат моделини танлаши ва бу ҳисоб сиёсатини ўзининг барча инвестиция кўчмас мулкларига нисбатан қўллаши лозим.
- 31 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар” да таъкидланганидек, ҳисоб сиёсатига ихтиёрий ўзгаришлар фақат агар бундай ўзгаришлар молиявий ҳисоботда операцияларнинг, бошқа ҳодисаларнинг ва ҳолатларнинг ташкилот молиявий ҳолатига, молиявий натижаларига ёки пул оқимларига таъсири тўғрисида ишончли ва янада ўринли маълумотлар акс эттирилишига олиб келса, амалга оширилиши лозим. Ҳаққоний қиймат моделидан бошланғич қиймат моделига ўтиш ўринлироқ маълумот тақдим этишга олиб келиши эҳтимоли жуда кам ҳисобланади.
- 32 Мазкур стандарт барча ташкилотлардан ҳам баҳолаш (агар ташкилот ҳаққоний қиймат моделидан фойдаланса) ҳам маълумотларни ёритиб бериш (агар у бошланғич қиймат моделидан фойдаланса) мақсадида инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини баҳолашни талаб этади. Ташкилот тан олинган ва тегишли профессионал малакага эга ҳамда баҳоланаётган инвестиция кўчмас мулкнинг жойлашган жойида ва тоифасида илғор тажрибага эга мустақил баҳоловчи томонидан баҳолаш асосида инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш маъқулланади, лекин талаб этилмайди.
- 32А **Ташкилот:**
- (а) инвестиция кўчмас мулкни қамраб оладиган маълум активларнинг ҳаққоний қийматига бевосита боғлиқ даромад ёки ушбу активлардан олинадиган даромад тўланишига олиб келадиган мажбуриятларни таъминлайдиган барча инвестиция кўчмас мулкларини учун ҳаққоний қиймат моделини ёки бошланғич қиймат моделини танлаши мумкин; ва
- (б) (а) кичик бандда қилинган танловга қарамасдан, бошқа барча инвестиция кўчмас мулкларини учун ҳаққоний қиймат моделини ёки бошланғич қиймат моделини танлаши мумкин.
- 32Б Баъзи суғурталовчилар ва бошқа ташкилотлар маълум бир қисми ўзаро боғлиқ шартномалар асосида таъсисчилар томонидан ва бошқа қисми ташкилот томонидан тутиб туриладиган шартли бирликларни чиқарадиган ички кўчмас мулк фондини бошқарадилар. 32А банди ташкилотга фонд томонидан тутиб туриладиган кўчмас мулкнинг бир қисмини бошланғич қиймат бўйича, қолган қисмини ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашга рухсат бермайди.
- 32В Агар ташкилот 32А бандда қайд қилинган икки тоифа учун турли моделларни танласа, турли моделларда баҳоланган активлар тўпламлари орасида инвестиция кўчмас мулкнинг сотилиши ҳаққоний қийматда тан олинishi лозим ва ҳаққоний қийматдаги кумулятив ўзгариш фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим. Шунингдек, агар инвестиция кўчмас мулки ҳаққоний қиймат моделидан фойдаланадиган тўпلامдан бошланғич қиймат моделидан фойдаланиладиган тўпلامга сотилса, инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қиймати унинг сотиш санасидаги шартли бошланғич қиймати бўлади.

Ҳаққоний қиймат модели

- 33 Дастлабки тан олишдан кейин ҳаққоний қиймат моделини танлаган ташкилот 53-бандда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, ўзининг барча инвестиция кўчмас мулкларини ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаши лозим.
- 34 [Чиқариб ташланган]
- 35 Инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар у юзага келган даврнинг фойда ёки зарари таркибида тан олинishi лозим.
- 36-39 [Чиқариб ташланган]

- 40 13-сон МҲХСга мувофиқ инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш пайтида ташкилот ҳаққоний қийматнинг, бошқа факторлар билан бир қаторда, жорий ижара келишувларидан ижара даромадларини ҳамда бозор иштирокчилари инвестиция кўчмас мулкни жорий бозор шароитлари асосида баҳолашда фойдаланиши мумкин бўлган бошқа фаразларни акс эттиришига ишонч ҳосил қилиши лозим.
- 40А Ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида тутиб турилган инвестиция кўчмас мулкни баҳолашда ҳаққоний қиймат моделидан фойдаланса, у таянч кўчмас мулкни эмас, балки фойдаланиш ҳуқуқидаги активни ҳаққоний қийматда баҳолайди.
- 41 16-сон МҲХС ижарачи томонидан фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида тутиб турилган инвестиция кўчмас мулкнинг бошланғич қийматини дастлабки тан олиш асосларини белгилаб беради. 33-банд бўйича ижарачи томонидан фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида тутиб турилган инвестиция кўчмас мулкни зарурий бўлганда, агар ташкилот ҳаққоний қиймат моделини танлаган бўлса, ҳаққоний қийматда қайта баҳоланиши талаб этилади. Ижара тўловлари бозор баҳоларида бўлганда, ижарачи томонидан фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида тутиб турилган инвестиция кўчмас мулкнинг харид қилиш пайтидаги ҳаққоний қийматидан кутилаётган барча ижара тўловларини (тан олинган ижара мажбуриятларига тегишли бўлганларини ҳам ўз ичиган олган ҳолда) чегирилганда нолга тенг бўлиши лозим. Шунинг учун, фойдаланиш ҳуқуқидаги активни 16-сон МҲХСга мувофиқ бошланғич қийматдан 33-бандга мувофиқ (50-банддаги талабларни ҳисобга олган ҳолда) ҳаққоний қийматга қайта баҳолаш, агар ҳаққоний қиймат турли даврларда баҳоланмаса, ҳеч қандай дастлабки фойда ёки зарар юзага келишига олиб келмаслиги лозим. Бу дастлабки тан олишдан кейин ҳаққоний қиймат моделини қўллаш бўйича танлов амалга оширилганда содир бўлади.
- 42-47 [Чиқариб ташланган]
- 48 Истисно ҳолатларда, ташкилот инвестиция кўчмас мулкни дастлаб харид қилганда (ёки мавжуд кўчмас мулкни фойдаланиш хусусиятидаги ўзгаришдан кейин дастлаб инвестиция кўчмас мулкни бўлганда), асосланган ҳаққоний қиймат баҳолашларининг диапазонидаги ўзгарувчанлик шунчалик катта ва турли натижаларнинг эҳтимоллигини баҳолаш шунчалик қийин бўладики, ҳаққоний қийматнинг ягона ўлчовини танлашдан фойдалилик инкор этилишига яққол далил мавжуд бўлади. Бу эса инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини мунтазам асосда ишончли баҳолана олмаслигини кўрсатиши мумкин (53-бандга қаранг).
- 49 [Чиқариб ташланган]
- 50 Инвестиция кўчмас мулкнинг баланс қийматини ҳаққоний қиймат моделига асосан аниқлашда, ташкилот алоҳида активлар ёки мажбуриятлар сифатида тан олинган активлар ва мажбуриятларни тақрор ҳисобга олмайди. Масалан:
- (а) лифтлар ёки ҳаво тозалаш тизими каби жиҳозлар бинонинг ажралмас қисми ҳисобланади ва одатда алоҳида асосий восита сифатида тан олинмайди, балки инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматида ҳисобга олинади.
 - (б) агар офис мебель билан жиҳозланган ҳолда ижарага берилса, офиснинг ҳаққоний қиймати мебелнинг ҳаққоний қийматини ҳам ўз ичига олади, чунки ижара даромади мебель билан жиҳозланадиган офисга тегишли. Мебель инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматида ҳисобга олинганда, ташкилот бу мебелни алоҳида актив сифатида тан олмайди.
 - (в) инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қиймати олдиндан тўланган ёки ҳисобланган оператив ижарадан даромадни ўз ичига олмайди, чунки ташкилот уни алоҳида мажбурият ёки актив сифатида тан олади.
 - (г) ижарачи томонидан фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида тутиб турилган инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қиймати кутилаётган пул оқимларини (тўланиши кутилаётган ўзгарувчан ижара тўловларини ўз ичига олган ҳолда) акс эттиради. Шунинг учун, агар кўчмас мулк учун олинган баҳо тўланиши кутилаётган барча тўловларни ўз ичига олмаса, инвестиция кўчмас мулкни ҳаққоний қиймат моделидан фойдаланган ҳолда, баланс қийматига келтириш учун ҳар қандай тан олинган ижара мажбуриятларини қайта қўшиш лозим.
- 51 [Чиқариб ташланган]
- 52 Баъзи ҳолатларда, ташкилот инвестиция кўчмас мулкка тегишли тўловларнинг (тан олинган мажбуриятларга тегишли тўловлардан ташқари) жорий (дисконтланган) қиймати тегишли пул тушумларининг жорий (дисконтланган) қийматидан ошишини кутади. Ташкилот мажбуриятни тан олиш ёки олмаслигини ва агар тан олинса, уни қандай баҳолашни аниқлаш учун 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”ни қўллайд.

Ҳаққоний қийматни ишончли баҳолашнинг имконсизлиги

- 53 Ташкилот инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини мунтазам ишончли баҳолай олишини инкор этувчи тахмин мавжуд. Лекин истисно ҳолатларда, ташкилот инвестиция кўчмас мулкни дастлаб харид қилганда (ёки мавжуд кўчмас мулкни фойдаланиш хусусиятидаги ўзгаришдан кейин дастлаб инвестиция кўчмас мулк бўлганда), инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолана олмаслигига яққол далил мавжуд бўлади. Бундай ҳолат фақат ва фақат қиёслаш мумкин бўлган кўчмас мулкларнинг бозори нофаол бўлганда (масалан, яқин саналардаги операциялар жуда кам, нарх котировкалари жорий эмас ёки кузатиладиган операциялар нархлари сотувчи сотишга мажбур бўлганини кўрсатадиган) ва ҳаққоний қийматни ишончли баҳолашнинг муқобил усуллари (масалан, дисконтланган пул оқими прогнозларига асосланган усуллар) мавжуд бўлмаганда юзага келади. Агар ташкилот қурилиш жараёнидаги инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолана олмаслигини аниқласа, лекин кўчмас мулкнинг ҳаққоний қиймати қурилиш тугалланганда ишончли баҳоланиши мумкин деб ҳисобласа, унинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлгунгача ёки қурилиш тугаллангунгача (қайси бири вақтликроқ бўлса), ташкилот ушбу қурилиш жараёнидаги инвестиция кўчмас мулкни бошланғич қиймат бўйича баҳолаши лозим. Агар ташкилот инвестиция кўчмас мулкнинг (қурилиш жараёнидаги инвестиция кўчмас мулкдан ташқари) ҳаққоний қиймати мунтазам ишончли баҳолана олмаслигини аниқласа, ташкилот ушбу инвестиция кўчмас мулкни ўз мулкида бўлган инвестиция кўчмас мулк учун 16-сон БҲХСдаги бошланғич қиймат моделидан фойдаланиб ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарачи томонидан тутиб турилган инвестиция кўчмас мулк учун 16-сон МҲХСга мувофиқ баҳолаши лозим. Инвестиция кўчмас мулкнинг тугатиш қиймати ноль деб қабул қилинади. Ташкилот 16-сон БҲХС ёки 16-сон МҲХСни инвестиция кўчмас мулк ҳисобдан чиқарилгунига қадар қўллаши лозим.
- 53А Ташкилот олдин бошланғич қиймат бўйича баҳоланган қурилиш жараёнидаги инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш имкони бўлиши билан, у ушбу кўчмас мулкни ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим. Ушбу кўчмас мулкнинг қурилиши тугалланганда, ҳаққоний қиймат ишончли баҳоланиши мумкин деб фарз қилинади. Агар бундай бўлмаса, 53-бандга мувофиқ, кўчмас мулк ўз мулкида бўлган активлар учун 16-сон БҲХСга мувофиқ бошланғич қиймат моделидан фойдаланиб ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарачи томонидан тутиб турилган инвестиция кўчмас мулк учун 16-сон МҲХСга мувофиқ ҳисобга олиниши лозим.
- 53Б Қурилиш жараёнидаги инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин деган фарз фақатгина дастлабки тан олиш пайтида инкор этилиши мумкин. Қурилиш жараёнидаги инвестиция кўчмас мулк объектини ҳаққоний қийматда баҳолаган ташкилот қурилиши тугалланган инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаб бўлмайди деган хулосага келиши мумкин эмас.
- 54 Истисно ҳолатларда, 53-бандда келтирилган сабабга кўра, ташкилот бирор инвестиция кўчмас мулкни 16-сон БҲХСга мувофиқ бошланғич қиймат моделидан ёки 16-сон МҲХСдан фойдаланиб баҳолашга мажбур бўлса, у қурилиш жараёнидаги инвестиция кўчмас мулкни ўз ичига олган ҳолда, ўзининг бошқа барча инвестиция кўчмас мулкларини ҳаққоний қийматда баҳолайди. Бундай ҳолатларда, ташкилот битта инвестиция кўчмас мулк учун бошланғич қиймат моделидан фойдаланиши мумкинлигига қарамасдан, у қолган кўчмас мулкларнинг ҳар бирини ҳаққоний қиймат моделидан фойдаланган ҳолда, ҳисобга олишни давом эттириш лозим.
- 55 Агар ташкилот инвестиция кўчмас мулкни олдин ҳаққоний қийматда баҳолаган бўлса, у кўчмас мулкни ҳисобдан чиқарилгунига қадар (ёки кўчмас мулк эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк бўлгунгача ёки ташкилот кўчмас мулкни кейинчалик одатдаги фаолияти доирасида сотиш учун такомиллаштиришни бошлагунча) ҳаттоки қиёсий бозор операциялари кам такрорланса ҳам ёки бозор нархларини тезда билиш имконияти камайса ҳам, ҳаққоний қийматда баҳолашни давом эттириши лозим.

Бошланғич қиймат модели

- 56 Дастлабки тан олишдан кейин бошланғич қиймат моделини танлаган ташкилот инвестиция кўчмас мулкни қуйидагиларга мувофиқ баҳолаши лозим:
- (а) агар у сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилса) актив сифатида таснифлаш меъзонига мос келса, 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*” га мувофиқ;

- (б) агар ижарачи томонидан фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида тутиб турилган ва 5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланмаган бўлса, 16-сон МҲХСга мувофиқ; ва
- (в) бошқа барча ҳолатларда бошланғич қиймат модели бўйича 16-сон БҲХСдаги талабларга мувофиқ.

Бир тоифадан бошқасига ўтказиш

- 57 Ташкилот фақат ва фақат фойдаланиш хусусиятида ўзгариш бўлганда, кўчмас мулкни инвестиция кўчмас мулккага ёки инвестиция кўчмас мулкни бошқа тоифадаги кўчмас мулкка ўтказиши лозим. Кўчмас мулк инвестиция кўчмас мулкка таърифига жавоб берганда ёки кейинчалик жавоб бермай қолса ва фойдаланиш хусусиятидаги ўзгаришнинг далили мавжуд бўлганда, фойдаланиш хусусиятидаги ўзгариш содир бўлади. Алоҳида қараганда, кўчмас мулкдан фойдаланиш бўйича раҳбариятнинг нияти ўзгаришнинг ўзи фойдаланиш хусусиятидаги ўзгаришга далил бўлмайди. Фойдаланиш хусусиятидаги ўзгаришнинг далилига мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) объектни инвестиция кўчмас мулкдан эгаси фойдаланадиган кўчмас мулкка ўтказиш учун, эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк сифатида фойдаланишни ёки эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк сифатида фойдаланиш мақсадида такомиллаштиришни бошлаш;
 - (б) объектни инвестиция кўчмас мулкдан захираларга ўтказилиши учун, сотиш мақсадида такомиллаштиришни бошлаш;
 - (в) объектни эгаси фойдаланадиган кўчмас мулкдан инвестиция кўчмас мулккага ўтказиш учун эгасининг кўчмас мулкни банд қилишини тўхтатиши; ва
 - (г) объектни захиралардан инвестиция кўчмас мулккага ўтказиш учун кўчмас мулкни бошқа томонга оператив ижарага бериш.
 - (д) [Чиқариб ташланган]
- 58 Агар ташкилот инвестиция кўчмас мулкни такомиллаштирмасдан ҳисобдан чиқаришга қарор қилса, у кўчмас мулкни ҳисобдан чиқарилгунга қадар (молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқарилгунга қадар) инвестиция кўчмас мулк сифатида акс эттиришда давом этади ва уни захира сифатида қайта таснифламайди. Шунингдек, агар ташкилот келгусида инвестиция кўчмас мулк сифатида фойдаланишни давом эттириш учун мавжуд инвестиция кўчмас мулкни қайта такомиллаштиришни бошласа, кўчмас мулк инвестиция кўчмас мулк сифатида қолади ва у қайта такомиллаштириш мобайнида эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк сифатида қайта таснифланмайди.
- 59 60-65-бандлар ташкилот инвестиция кўчмас мулк учун ҳаққоний қиймат моделидан фойдаланганда юзага келадиган тан олиш ва баҳолаш масалаларига нисбатан қўлланади. Ташкилот бошланғич қиймат моделидан фойдаланганда инвестиция кўчмас мулк, эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк ва захиралар орасидаги бир тоифадан бошқасига ўтказишлар ўтказилган кўчмас мулкнинг баланс қийматини ўзгартирмайди ва улар баҳолаш ёки маълумотларни ёритиб бериш мақсадлари учун кўчмас мулкнинг бошланғич қийматини ўзгартирмайди.
- 60 Ҳаққоний қийматда ҳисобга олинган инвестиция кўчмас мулкдан эгаси фойдаланадиган кўчмас мулкка ёки захираларга ўтказишда, 16-сон БҲХС, 16-сон МҲХС ёки 2-сон БҲХСга мувофиқ кейинги ҳисобга олиш учун кўчмас мулкнинг шартли бошланғич қиймати фойдаланиш хусусиятида ўзгариш санасидаги унинг ҳаққоний қиймати бўлиши лозим.
- 61 Агар ҳаққоний қийматда ҳисобга олинган эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк инвестиция кўчмас мулккага ўтказилган бўлса, ташкилот фойдаланиш хусусиятида ўзгариш санасигача ўз мулкда бўлган кўчмас мулк учун 16-сон БҲХСни ва фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарачи томонидан тутиб туриладиган кўчмас мулк учун 16-сон МҲХСни қўллаши лозим. Ташкилот ўша санада 16-сон БҲХС ёки 16-сон МҲХСга мувофиқ мулкнинг баланс қиймати билан унинг ҳаққоний қиймати орасидаги ҳар қандай фарқни 16-сон БҲХСга мувофиқ қайта баҳолаш каби ҳисобга олиши лозим.
- 62 Эгаси фойдаланадиган кўчмас мулк ҳаққоний қийматда ҳисобга олинган инвестиция кўчмас мулккага ўтказилган санагача ташкилот кўчмас мулкка (ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги активга) эскириш ҳисоблайди ва юзага келган ҳар қандай қадризиликдан зарарларни тан олади. Ташкилот 16-сон БҲХС ёки 16-сон МҲХСга мувофиқ ўша санадаги кўчмас мулкнинг баланс қиймати билан унинг ҳаққоний қиймати орасидаги ҳар қандай фарқни 16-сон БҲХСга мувофиқ қайта баҳолаш каби ҳисобга олади. Бошқача қилиб айтганда:

- (а) кўчмас мулкнинг баланс қийматидаги ҳар қандай камайиш фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Лекин ушбу кўчмас мулкни қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши суммаси даражасидаги камайиш бошқа умумлашган даромадда тан олинади ва хусусий капитал таркибидаги қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишини камайтиради.
- (б) баланс қийматидаги ҳар қандай ўсиш қуйидагича ҳисобга олинади:
- (i) ушбу кўчмас мулкка нисбатан олдинги қадрсизланишдан зарарни қайта тиклаш даражасидаги ўсиш фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Фойда ёки зарар таркибида тан олинган сумма баланс қийматини қадрсизланишдан зарар тан олинмаганда аниқланадиган (эскиришни чегирилган ҳолда) баланс қийматигача тиклаш учун зарур бўладиган суммадан ошмайди.
- (ii) ўсишнинг қолган ҳар қандай қисми бошқа умумлашган даромадда тан олинади ва хусусий капитал таркибидаги қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишини кўпайтиради. Инвестиция кўчмас мулкни кейинчалик ҳисобдан чиқаришда хусусий капитал таркибидаги қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши тақсимланмаган фойдага ўтказилиши мумкин. Қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсишидан тақсимланмаган фойдага ўтказмалар фойда ёки зарарлар орқали акс эттирилмайди.
- 63 Захиралардан ҳаққоний қийматда ҳисобга олинadиган инвестиция кўчмас мулкига ўтказишда кўчмас мулкнинг ўша санадаги ҳаққоний қиймати билан унинг олдинги баланс қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқ фойда ёки зарар таркибида тан оlinиши лозим.**
- 64 Захиралардан ҳаққоний қийматда ҳисобга олинadиган инвестиция кўчмас мулкига ўтказишларни ҳисобга олиш тартиби захираларнинг сотилишини ҳисобга олиш билан мос келади.
- 65 Ташкилот ҳаққоний қийматда ҳисобга олинadиган ўзида қуриладиган инвестиция кўчмас мулкнинг қурилишини ёки такомиллаштирилишини тугаллаганда, кўчмас мулкнинг ўша санадаги ҳаққоний қиймати билан унинг олдинги баланс қиймати орасидаги ҳар қандай фарқ фойда ёки зарарда тан оlinиши лозим.**

Ҳисобдан чиқариш

- 66 Инвестиция кўчмас мулки ҳисобдан чиқарилганда ёки доимий фойдаланишда бўлмаганда ва унинг ҳисобдан чиқарилишидан келгуси иқтисодий наф қутилмаганда, инвестиция кўчмас мулкни тан олиш бекор қилиниши (молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқарилиши) лозим.**
- 67 Инвестиция кўчмас мулкнинг ҳисобдан чиқарилиши уни сотиш ёки молиявий ижарага бериш орқали амалга оширилиши мумкин. Сотишган инвестиция кўчмас мулкнинг ҳисобдан чиқариш санаси уни қабул қилувчи 15-сон МҲХСдаги бажариш жавобгарлиги қаноатлантирилган пайтни аниқлаш талабларига мувофиқ инвестиция кўчмас мулки бўйича назоратни қўлга киритган санадир. 16-сон МҲХС молиявий ижарага бериш ва қайта ижарага олиш шарти билан сотишда ҳисобдан чиқариш учун қўлланади.
- 68 Агар ташкилот 16-банддаги тан олиш мезонига асосан инвестиция кўчмас мулкнинг бир қисмини алмаштириш сарфини активнинг баланс қийматида тан олса, у алмаштирилган қисмнинг баланс қийматини ҳисобдан чиқаради. Бошланғич қиймат моделидан фойдаланиб ҳисобга олинган инвестиция кўчмас мулкида алмаштирилган қисм алоҳида эскириш ҳисобланган қисм бўлмаслиги мумкин. Агар ташкилот учун алмаштирилган қисмнинг баланс қийматини аниқлашнинг амалий имкони бўлмаса, у ҳолда ташкилот объект қисмини алмаштириш учун кетган сарфлар қийматини алмаштирилган қисмнинг қиймати сифатида сотиб олинган пайтдаги ёки куриб битказилган пайтдаги қийматидан фойдаланиши мумкин. Ҳаққоний қиймат моделига асосан инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қиймати алмаштириладиган қисм ўз қийматини аллақачон йўқотганлигини акс эттириши мумкин. Бошқа ҳолатларда алмаштириладиган қисм туфайли ҳаққоний қиймат қанчага камайтирилишини аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Алмаштирилган қисм учун ҳаққоний қийматни камайтиришнинг муқобили, агар буни амалга ошириш имконсиз бўлса, алмаштириш сарфи активнинг баланс қийматига киритилиши лозим ва сўнгра алмаштиришни ўз ичига олмаган қиримларга талаб қилинганидек ҳаққоний қиймат қайта ҳисобланади.
- 69 Инвестиция кўчмас мулкни тугатиш ёки ҳисобдан чиқаришдан юзага келадиган фойда ёки зарарлар ҳисобдан чиқаришдан соф пул маблағлари тушиши ва активнинг баланс қиймати орасидаги фарқ сифатида белгиланади ва фойда ёки зарарда (агар 16-сон МҲХСда қайта ижарага олиш шарти билан сотишда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса) тугатиш ёки ҳисобдан чиқариш даврида тан оlinиши лозим.**

- 70 Инвестиция кўчмас мулкни тан олиш бекор қилиниши натижасида фойда ва зарарлар таркибида тан олинган товон суммаси 15-сон МҲХСнинг 47-72-бандларидаги шартнома нархини аниқлаш талабларига мувофиқ аниқланади. Фойда ва зарарлар таркибида тан олинган товон суммасининг кейинги ўзгаришлари 15-сон МҲХСдаги шартнома нархларининг ўзгариши бўйича талабларга мувофиқ ҳисобга олинади.
- 71 Ташкилот инвестиция кўчмас мулкни ҳисобдан чиқаргандан кейин ўзида сақлаб қоладиган ҳар қандай мажбуриятларга, ўринли бўлса, 37-сон БҲХС ёки бошқа стандартларни қўллаиди.
- 72 **Қадрсизланган, йўқотилган ёки ўтказиб берилган инвестиция кўчмас мулкларининг учинчи шахслар томонидан қопланиши бундай қоплаш суммасини олиш ҳуқуқи юзага келганда фойда ёки зарар таркибида тан олинмиши лозим.**
- 73 Инвестиция кўчмас мулкнинг қадрсизланиши ёки йўқотилиши, қоплаб бериш бўйича тегишли даъволар ёки учинчи томонлар тарафидан тўланадиган қоплаш суммалари, шунингдек, бундай активларнинг ўрнига кейинчалик янги активлар сотиб олинмиши ёки қурилиши алоҳида иқтисодий ҳодисалар бўлиб, улар қуйидаги тартибда алоҳида ҳисобга олинади:
- (а) инвестиция кўчмас мулкнинг қадрсизланиши 36-сон БҲХСга мувофиқ тан олинади;
 - (б) инвестиция кўчмас мулкнинг тугатилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши мазкур стандартнинг 66-71-бандларига мувофиқ тан олинади;
 - (в) қадрсизланган, йўқотилган ёки ўтказиб берилган инвестиция кўчмас мулкнинг учинчи шахс томонидан қопланиши товон олиш ҳуқуқи пайдо бўлганда фойда ёки зарар таркибида тан олинади; ва
 - (г) активлар ўрнини қоплаш мақсадида қайта тикланган, сотиб олинган ёки қурилган активларнинг бошланғич қиймати мазкур стандартнинг 20-29-бандларига мувофиқ аниқланади.

Маълумотларни ёритиб бериш

Ҳаққоний қиймат модели ва бошланғич қиймат модели

- 74 Қуйидаги ёритиб бериладиган маълумотлар 16-сон МҲХСда берилганларига қўшимча қўлланади. 16-сон МҲХСга мувофиқ инвестиция кўчмас мулкнинг эгаси ўзи тузган ижара шартномаси тўғрисида ижарага берувчининг маълумотларини таъминлайди. Фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатидаги инвестиция кўчмас мулкни тутиб турган ижарачи 16-сон МҲХСда талаб қилинган ижарачи маълумотларини ёритиб беришни ва 16-сон МҲХСда талаб қилинган ўзининг оператив ижара шартномалари тўғрисидаги ижарага берувчи маълумотларини ёритиб беришни таъминлайди.
- 75 **Ташкилот қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:**
- (а) **ҳаққоний қиймат модели ёки бошланғич қиймат моделидан қайси бирини қўллашини.**
 - (б) [Чиқариб ташланган]
 - (в) **таснифлаш қийин бўлганда (14 бандга қаранг), инвестиция кўчмас мулкни эгаси фойдаланадиган кўчмас мулкдан ва одатдаги фаолияти доирасида сотиш учун мўлжалланган кўчмас мулкдан фарқлаш учун фойдаланадиган меъзонларни.**
 - (г) [Чиқариб ташланган]
 - (д) **инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қиймати (молиявий ҳисоботларда баҳоланган ёки ёритиб берилганидек) тан олинган ва тегишли профессионал малакага эга ҳамда баҳоланаётган инвестиция кўчмас мулкнинг жойида ва тоифасида илғор тажрибага эга мустақил баҳоловчи томонидан баҳолашга асосланганлиги даражаси. Агар бундай баҳолаш ўтказилмаган бўлса, ушбу факт ёритиб берилиши лозим.**
 - (е) **қуйидагилар учун фойда ёки зарар таркибида тан олинган суммалар:**
 - (i) **инвестиция кўчмас мулкдан ижара даромади;**
 - (ii) **давр мобайнида ижара даромадини ҳосил қилган инвестиция кўчмас мулкка тегишли бевосита оператив харажатлар (жумладан, жорий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш); ва**

- (iii) давр мобайнида ижара даромадини ҳосил қилмаган инвестиция кўчмас мулкига тегишли бевосита оператив харажатлар (жумладан, жорий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш); ва
 - (iv) бошланғич қиймат модели фойдаланилган активлар тўпламидан ҳаққоний қиймат модели фойдаланилган тўпламга инвестиция кўчмас мулкнинг сотилиши бўйича фойда ёки зарар таркибида тан олинган ҳаққоний қийматдаги кумулятив ўзгариш (32С бандга қаранг).
- (ж) инвестиция кўчмас мулкнинг сотилиш имконияти ёки ҳисобдан чиқарилишидан даромадлар ўтказилиши ва пул маблағлари тушиши бўйича чекловларнинг мавжудлиги ва суммаси.
- (з) инвестиция кўчмас мулкни сотиб олиш, қуриш ёки такомиллаштириш бўйича ёки таъмирлаш, жорий хизмат кўрсатиш ёки яхшилаш бўйича шартномавий мажбуриятлар.

Ҳаққоний қиймат модели

- 76 75-бандда ёритиб бериш талаб этилган маълумотларга қўшимча тарзда, 33-55 бандлардаги ҳаққоний қиймат моделини қўллайдиган ташкилот қуйидагиларни акс эттирган ҳолда давр бошидаги ва охиридаги инвестиция кўчмас мулкнинг баланс қийматларининг солиштирмасини ҳам ёритиб бериши лозим:
- (а) қиримлар, бунда харид қилиш натижасида юзага келган қиримлар ва активнинг баланс қийматида тан олинган кейинги сарфлар натижасида юзага келган қиримларни алоҳида ёритиб берган ҳолда;
 - (б) бизнес бирлашуви орқали харид қилиш натижасидаги қиримлар;
 - (в) 5-сон МҲХСга мувофиқ сотишга мўлжалланган актив сифатида таснифланган ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган активлар ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар;
 - (г) ҳаққоний қиймат тузатишларидан соф фойда ёки зарарлар;
 - (д) молиявий ҳисоботларни бошқа валютада тақдим этиш учун ўтказиш натижасида ва ҳисобот тақдим этадиган ташкилотнинг ташқи фаолиятини тақдим этиладиган валютага ўтказиш натижасида юзага келадиган соф валюта курси фарқлари;
 - (е) захиралар ва эгаси фойдаланадиган кўчмас мулкка ва ундан инвестиция кўчмас мулкка ўтказишлар; ва
 - (ё) бошқа ўзгаришлар.
- 77 Инвестиция кўчмас мулки учун олинган баҳолаш молиявий ҳисоботлар мақсадлари учун, масалан, 50-бандда кўрсатилганидек, алоҳида активлар ва мажбуриятлар сифатида тан олинган активлар ва мажбуриятларни такрор ҳисобга олишдан қочиш учун, аҳамиятли тарзда тузатишлар киритилса, ташкилот олинган баҳо билан молиявий ҳисоботларда акс эттирилган тузатишган баҳо ўртасидаги солиштирмани ёритиб бериши лозим, бунда у қайта қўшилган ҳар қандай тан олинган ижара мажбуриятларининг жамланган қийматини ва бошқа ҳар қандай аҳамиятли тузатишларни алоҳида акс эттиради.
- 78 53-бандда қайд қилинган истисно ҳолатларда, ташкилот инвестиция кўчмас мулкни 16-сон БҲХСдаги бошланғич қиймат моделидан фойдаланиб ёки 16-сон МҲХСга мувофиқ баҳоласа, 76-бандда талаб этилган солиштирма ушбу инвестиция кўчмас мулкка тегишли қийматни бошқа инвестиция кўчмас мулкига тегишли қийматдан алоҳида ёритиб бериши лозим. Шунингдек, ташкилот қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) инвестиция кўчмас мулкнинг тавсифи;
 - (б) нима учун ҳаққоний қиймат ишончли баҳолана олмаслигини тушунтириш;
 - (в) агар мумкин бўлса, ҳаққоний қиймат юқори эҳтимол билан мавжуд бўладиган ҳисоб баҳолари оралиғи; ва
 - (г) ҳаққоний қийматда ҳисобга олинмаган инвестиция кўчмас мулкни ҳисобдан чиқаришда:
 - (i) ташкилот ҳаққоний қийматда ҳисобга олинмаган инвестиция кўчмас мулкни ҳисобдан чиқарганлиги тўғрисидаги далил;
 - (ii) сотиш пайтида инвестиция кўчмас мулкнинг баланс қиймати; ва

- (iii) тан олинган фойда ёки зарарнинг суммаси.

Бошланғич қиймат модели

- 79 75-бандда ёритиб бериш талаб қилинган маълумотларга қўшимча тарзда, 56-банддаги бошланғич қиймат моделини қўллайдиган ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (a) фойдаланилган эскириш ҳисоблаш усуллари;
 - (b) фойдали хизмат муддатлари ёки қўлланган эскириш меъёрлари;
 - (v) ҳисобот даври боши ва охирида жами баланс қиймати ва жамғарилган эскириш суммаси (жамғарилган кадрсизланишдан зарарлар билан бирга);
 - (г) қуйидагиларни акс эттирувчи ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган баланс қиймати солиштирмаси:
 - (i) қиримлар, бунда харид қилиш натижасида юзагага келган қиримлар ва актив сифатида тан олинган кейинги сарфлар натижасида юзага келган қиримларни алоҳида ёритиб берган ҳолда;
 - (ii) бизнес бирлашуви орқали харид қилиш натижасидаги қиримлар;
 - (iii) 5-сон МҲХСга мувофиқ сотишга мўлжалланган актив сифатида таснифланган ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган активлар ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар;
 - (iv) эскириш;
 - (v) 36-сон БҲХСга мувофиқ давр мобайнида тан олинган кадрсизланишдан зарарлар суммаси ва тикланган кадрсизланишдан зарарлар суммаси;
 - (vi) молиявий ҳисоботларни бошқа валютада тақдим этиш учун ўтказиш натижасида ва ҳисобот тақдим этадиган ташкилотнинг ташқи фаолиятини тақдим этиладиган валютага ўтказиш натижасида юзага келадиган соф валюта курси фарқлари;
 - (vii) захиралар ва эгаси фойдаланадиган кўчмас мулкка ва улардан инвестиция кўчмас мулкка ўтказишлар; ва
 - (viii) бошқа ўзгаришлар.
 - (д) инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қиймати. 53-бандда кўрсатилган истисно ҳолатларда, ташкилот инвестиция кўчмас мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолай олмаса, у қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
 - (i) инвестиция кўчмас мулкнинг тавсифи;
 - (ii) нима учун ҳаққоний қиймат ишончли баҳолана олмаслигини тушунтириш;
 - (iii) агар мумкин бўлса, ҳаққоний қиймат юқори эҳтимол билан мавжуд бўладиган ҳисоб баҳолари оралиғи;

Ўтиш қоидалари

Ҳаққоний қиймат модели

- 80 Илгари 40-сон БҲХС (2000 йилдаги таҳрири)ни қўллаган ва оператив ижара асосида эгаллик қилинган баъзи ёки барча тегишли кўчмас мулк ҳуқуқларини биринчи мартаба инвестиция кўчмас мулки сифатида таснифлаган ёки ҳисобга олишни танлаган ташкилот ушбу танловнинг таъсирини танлов биринчи марта амалга оширилган давр учун тақсимланмаган фойданинг давр бошига қолдиғига тузатиш сифатида тан олиши лозим. Шу билан бирга:
- (a) агар ташкилот ўша кўчмас мулк ҳуқуқларининг ҳаққоний қийматини олдинги даврларда (13-сон МҲХСдаги ҳаққоний қиймат таърифига жавоб берадиган асосда баҳоланган) оммавий тарзда (молиявий ҳисоботларда ёки бошқа усулда) ёритиб берган бўлса, ташкилот қуйидагиларни амалга ошириши маъқулланади, аммо талаб этилмайди:
 - (i) бундай ҳаққоний қиймат оммавий тарзда ёритиб берилган энг дастлабки давр учун тақсимланмаган фойданинг давр бошига қолдиғини тузатиш; ва

- (ii) ўша даврлар учун қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаш; ва
- (б) агар ташкилот (а) кичик бандда келтирилган маълумотларни олдин оммавий тарзда ёритиб бермаган бўлса, у қиёсий маълумотларни қайта ҳисобламаслиги ва ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 81 Мазкур стандарт 8-сон БҲХС томонидан талаб қилинганидан фарқли тартибни талаб қилади. 8-сон БҲХС агар қайта ҳисоблаш имконсиз бўлмаса, қиёсий маълумот қайта ҳисобланишини талаб қилади.
- 82 Ташкилот мазкур стандартни биринчи марта қўллаётган бўлса, тақсимланмаган фойданинг давр бошига қолдиғига тузатиш инвестиция кўчмас мулки учун қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишида мавжуд ҳар қандай суммани қайта таснифлашни ўз ичига олади.

Бошланғич қиймат модели

- 83 Ташкилот мазкур стандартни биринчи марта қўллаганда ва бошланғич қиймат моделини танлаганда, ҳисоб сиёсатидаги ҳар қандай ўзгаришларга нисбатан 8-сон БҲХС қўлланади. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш таъсири инвестиция кўчмас мулкни қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишида мавжуд бўлган ҳар қандай сумманинг қайта таснифланишини ўз ичига олади.
- 84 Активларни айирбошлаш операциясида олинган инвестиция кўчмас мулкнинг дастлабки баҳоланиши бўйича 27–29-бандларнинг талаблари фақатгина келгуси операцияларга нисбатан перспектив тарзда қўлланиши лозим.

Бизнес бирлашувлари

- 84А 2013 йил декабрь ойида эълон қилинган “2011-2013 даврдаги йиллик такомиллаштиришлар” бўйича 14А банд ва 6-банддан олдинги сарлавҳа киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни улар қабул қилган биринчи давр бошидан инвестиция кўчмас мулкни харид қилишга нисбатан перспектив тарзда қўллаши лозим. Ўз навбатида, олдинги даврларда инвестиция кўчмас мулкни харид қилишни ҳисобга олиш бўйича тузатиш киритилмаслиги лозим. Лекин, ташкилот ушбу ўзгартиришларни кучга кирган санада ёки ундан кейинги саналарда юз берган биринчи йиллик давр бошланишидан олдин амалга оширилган инвестиция кўчмас мулкни яқка тартибда харид қилишга нисбатан, фақат ва фақат агар ташкилотда ўша олдинги операцияларга мазкур тузатишни қўллаш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлса, қўллаши мумкин.

16-сон МҲХС

- 84Б 16-сон МҲХСни ва унинг мазкур стандартга тегишли ўзгартиришларини биринчи марта қўллаётган ташкилот ўзининг фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида тутиб турган инвестиция кўчмас мулкка 16-сон МҲХСнинг В иловасидаги ўтиш талабларини қўллаши лозим.

Инвестиция кўчмас мулкларини бир тоифадан бошқасига ўтказиш

- 84В 2016 йил декабрь ойида эълон қилинган “Инвестиция кўчмас мулкларини бир тоифадан бошқасига ўтказиш” (40-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 57-58 бандларга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни биринчи марта қўллаган (дастлабки қўллаш санаси) йиллик ҳисобот даврининг бошида ёки ундан кейин содир бўладиган фойдаланиш хусусиятидаги ўзгаришларга нисбатан ушбу ўзгартиришларни қўллаши лозим. Дастлабки қўллаш санасида ташкилот ўша санада мавжуд кўчмас мулкнинг таснифини қайта баҳолаши лозим ва агар қўллаш мумкин бўлса, ўша санада мавжуд шартларни акс эттириш мақсадида 7-14-бандларни қўллаб кўчмас мулкни қайта таснифлаши лозим.
- 84Г 84В банддаги талаблардан қатъий назар, ташкилот ушбу ўзгартиришларни 8-сон БҲХСга мувофиқ ретроспектив тарзда 57-58 бандларга нисбатан қўллашга, фақат ва фақат агар олдинги маълумотлардан фойдаланмасдан амалга ошириш мумкин бўлса, рухсат этилади.
- 84Д Агар 84В бандга мувофиқ ташкилот кўчмас мулкни дастлабки қўллаш санасида қайта таснифласа, ташкилот:
- (а) 59-64-бандлардаги талабларни қўллаб қайта таснифлашни ҳисобга олиши лозим. 59-64-бандларни қўллашда ташкилот:

- (i) дастлабки қўллаш санасига фойдаланиш хусусиятидаги ўзгариш санасига ҳаволаларни ўқиши лозим; ва
 - (ii) 59-64-бандларга мувофиқ фойда ёки зарарда тан олинадиган ҳар қандай суммани дастлабки қўллаш санасида тақсимланмаган фойданинг давр бошига қолдиғига тузатиш сифатида тан олиши лозим.
- (б) 84В бандга мувофиқ инвестиция кўчмас мулки тоифасига ёки ундан бошқасига қайта таснифланган суммаларни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу қайта таснифланган суммаларни 76 ва 79-бандларда талаб этилган давр бошига ва охирига инвестиция кўчмас мулки баланс қиймати солиштирмасининг бир қисми сифатида ёритиб бериши лозим.

Кучга кириш санаси

- 85 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот ушбу стандартни 2005 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 85А 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиши*” (2007 йил таҳрири) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамаларга ўзгартириш киритилган. Шунингдек, у бўйича 62-бандга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 85Б 2008 йилнинг май ойида эълон қилинган “*МҲХСларга такомиллаштиришлар*”га асосан, 8, 9, 48, 53, 54 ва 57-бандларга ўзгартириш киритилган, 22-банд чиқариб ташланган ва 53А ва 53Б бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2000 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун перспектив қўллаши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни қурилиш жараёнидаги инвестиция кўчмас мулкига нисбатан 2009 йил 1 январдан олдинги ҳар қандай санадан бошлаб қўллашига рухсат этилган, бунда қурилиш жараёнидаги инвестиция кўчмас мулкларининг ҳаққоний қийматлари ўша саналарда баҳоланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, унда ушбу фактни ёритиб бериши ва бир вақтнинг ўзида ушбу ўзгартиришларни 16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*”нинг 5 ва 81Д бандларига нисбатан қўллаши лозим.
- 85В 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХСга асосан 5-банддаги ҳаққоний қиймат таърифи ўзгартирилган ва 26, 29, 32, 40, 48, 53, 53Б, 78-80 ва 85Б-бандларга ўзгартириш киритилган ва 36–39, 42-47, 49, 51 ва 75(г) бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 85Г 2013 йил декабрь ойида эълон қилинган “*2011-2013 йиллар даври бўйича йиллик такомиллаштиришлар*” 6-банддан олдинги ва 84-банддан кейинги сарлавҳаларни қўшилган ва 14А ва 84А бандлар қўшилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгаришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 85Д 2014 йил май ойида эълон қилинган 15-сон МҲХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушул*” бўйича 3(б), 9, 67 ва 70 бандларга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 85Е 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС бўйича инвестиция кўчмас мулкни ўз мулкида бўлган инвестиция кўчмас мулки ва фойдаланиш ҳуқуқидаги актив сифатида ижарачи томонидан тутиб туриладиган кўчмас мулкни ўз ичига оладиган таърифлаш орқали 40-сон БҲХСнинг қўллаш доирасига ўзгартириш киритилган. 16-сон МҲХС бўйича 5, 7, 8, 9, 16, 20, 30, 41, 50, 53, 53А, 54, 56, 60, 61, 62, 67, 69, 74, 75, 77 ва 78 бандларга ўзгартириш киритилган, 19А, 29А, 40А ва 84Б бандлари ва унинг тегишли сарлавҳаси киритилган ва 3, 6, 25, 26 ва 34-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 85Ё 2016 йил декабрь ойида эълон қилинган “*Инвестиция кўчмас мулкларини бир тоифадан бошқасига ўтказиш*” (40-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 57-58 бандларга ўзгартириш ва 84В-84Д бандлари киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2018 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

85Ж *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган]*

40-сон БҲХС (2000 йилдаги таҳрири) ўз кучини йўқотиши

86 Мазкур стандарт (2000 йилда эълон қилинган) 40-сон БҲХС “*Инвестиция кўчмас мулки*”ни ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
26-ИЛОВА

41-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти Қишлоқ хўжалиги

Мақсад

Мазкур стандартнинг мақсади қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид ҳисобга олиш тартиби ва ёритиб бериладиган маълумотларни белгилашдан иборат.

Қўллаш доираси

Мазкур стандарт қуйидагиларни ҳисобга олишга нисбатан, агар улар қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид бўлса, қўлланади:

- (а) биологик активлар, бундан ҳосилдор ўсимликлар мустасно;
 - (б) маҳсулотни йиғиш пайтидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари; ва
 - (в) 34 ва 35-бандларда қайд этилган давлат грантлари.
- 2 Мазкур стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланмайди:
- (а) қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид ерлар (16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*” га ва 40-сон БҲХС “*Инвестиция кўчмас мулки*”га қаранг); ва
 - (б) қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид ҳосилдор ўсимликлар (16-сон БҲХСга қаранг). Бироқ, мазкур стандарт ҳосилдор ўсимликлардан олинган маҳсулотларга нисбатан қўлланади;
 - (в) ҳосилдор ўсимликларга оид давлат грантлари (20-сон БҲХС “*Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*”га қаранг);
 - (г) қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид номоддий активлар (38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*” га қаранг);
 - (д) қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид ерларнинг ижарасидан келиб чиқадиган фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар (16-сон МҲХС “*Ижара*”га қаранг).
- 3 Мазкур стандарт маҳсулотни йиғиш пайтида ташкилотнинг биологик активларидан олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан қўлланади. Бундан сўнг, 2-сон БҲХС “*Заҳиралар*” ёки бошқа тегишли стандарт қўлланади. Шунинг учун, мазкур стандарт маҳсулотни йиғишдан сўнг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш жараёнига тадбиқ этилмайди; масалан, узумни етиштирган вино ишлаб чиқарувчилар томонидан узумни қайта ишлашдан вино олиш жараёни. Бундай қайта ишлаш жараёни қишлоқ хўжалиги фаолиятининг мантикий ва табиий давоми бўлсада ва содир бўлаётган жараёнлар биологик трансформация каби айрим ўхшашликларга эга бўлсада, бундай қайта ишлаш жараёни мазкур стандартдаги қишлоқ хўжалиги фаолиятининг таърифида назарда тутилмаган.
- 4 Қуйидаги жадвалда биологик активларга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ва бундай маҳсулотлар йиғимидан кейин қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларга тегишли мисоллар келтирилган:

Биологик активлар	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	Маҳсулотлар йиғимидан кейин қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар
Қуй	Жун	Тола, гилам
Ўтқазилган дарахт кўчатлари	Кесилган дарахтлар	Ёғоч
Қорамол	Сут	Пишлоқ

Биологик активлар	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	Маҳсулотлар йиғимидан кейин қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар
Чўчқа	Гўшт	Колбаса маҳсулотлари, консерванланган гўштлар
Пахта ўсимликлари	Йиғилган пахта	Ип, кийим
Шакарқамиш	Йиғилган қамиш	Шакар
Тамаки ўсимликлари	Йиғилган барглари	Қуритилган тамаки
Чой ўсимликлари	Йиғилган барглари	Чой
Ток	Йиғилган узумлар	Вино
Мевали дарахтлар	Йиғилган мевалар	Қайта ишланган мевалар
Ёғли мева дарахтлари	Йиғилган мевалар	Мева ёғи
Каучуксимон дарахтлар	Йиғилган латекс	Каучук маҳсулотлари
Баъзи ўсимликлар, масалан, чой ўсимликлари, ток, ёғли мева дарахтлари ва каучуксимон дарахтлар одатда ҳосилдор ўсимлик таърифига мос келади ва 16-сон БҲХСнинг қўллаш доирасига киради. Аммо, ҳосилдор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар, масалан, чой барглари, узум, мева ёғи ва латекс 41-сон БҲХСнинг қўллаш доирасига киради.		

Таърифлар

Қишлоқ хўжалигига оид таърифлар

5 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Қишлоқ хўжалиги фаолияти - бу ташкилот томонидан сотиш ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотига ёки қўшимча биологик активларга айлантириш учун биологик активларнинг биологик трансформациясини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини йиғишни бошқарилишидир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти - бу ташкилотнинг биологик активларидан йиғилган маҳсулотдир.

Ҳосилдор ўсимлик - бу жонли ўсимлик бўлиб:

- (а) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ёки етказиб беришда ишлатилади;
- (б) бир ҳисобот давридан ортиқ муддатда маҳсулот бериши кутилади; ва
- (в) чиқинди шаклида қўшимча сотилишини истисно қилганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида сотилиши эҳтимоли кам бўлади.

Биологик актив - бу жонли ҳайвон ёки ўсимликдир.

Биологик трансформация - биологик активдаги сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгаришларга сабаб бўладиган ўсиш, дегенерация, ишлаб чиқариш ҳамда қўпайиш жараёнларини ўз ичига олади.

Сотиш сарфлари - бу молиявий сарфлар ва фойда солиғини истисно қилган ҳолда, активни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ қўшимча бевосита сарфлардир.

Биологик активлар гуруҳи - бу ўхшаш жонли ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг жамланмасидир.

Маҳсулотларни йиғиш - бу маҳсулотни биологик активдан ажратиб олиш ёки биологик активнинг ҳаётини фаолияти тугатилишидир.

5А Қуйидагилар ҳосилдор ўсимликлар ҳисобланмайди:

- (а) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида етиштирилган ўсимликлар (масалан, ёғоч сифатида ишлатиш учун ўстирилган дарахтлар);
- (б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун етиштирилган, лекин ташкилот томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида йиғилиши ва сотилиши эҳтимоли қўпроқ

- бўлган ўсимликлар, бундан уларнинг чикинди шаклида қўшимча сотилиши мустасно (масалан, ҳам ўз мевалари учун ҳам ёғоч сифатида ишлатиш учун этиштирилган дарахтлар); ва
- (в) бир йиллик экинлар (масалан, маккажўхори ва бугдой).
- 5Б Ҳосилдор ўсимликлар ҳосил беришга яроқсиз бўлганда, улар кесиб ташланиши ва чикинди сифатида сотилиши мумкин, масалан ўтин сифатида ишлатиш учун. Чикиндиларнинг бундай қўшимча сотилиши ўсимликнинг ҳосилдор ўсимлик таърифини қаноатлантиришига тўсқинлик қилмайди.
- 5Г Ҳосилдор ўсимликларда этиштирилган маҳсулотлар биологик активдир.
- 6 Қишлоқ хўжалиги фаолияти турли хил фаолиятларни қамраб олади: масалан, чорвачилик, ўрмончилик, бир йиллик ёки кўп йиллик экинларни етиштириш, боғлар ва плантацияларни парваришlash, гулчилик ва акваэкинлар хўжалиги (шу жумладан, балиқчилик). Ушбу хилма-хилликда муайян умумий жиҳатлар мавжуд:
- (а) *Ўзгариш қобилияти.* Жонли ҳайвонлар ёки ўсимликлар биологик трансформация қобилиятига эга бўлади;
- (б) *Ўзгаришни бошқариш.* Бошқариш биологик трансформация содир бўлишига зарур бўлган шароитларни (масалан, озуқа моддалари даражаси, намлик, ҳарорат, ҳосилдорлик ва ёруғлик) яхшилаш ёки ҳеч бўлмаганда барқарорлаштириш орқали ушбу жараёни энгиллаштиради. Бундай бошқариш қишлоқ хўжалиги фаолиятини бошқа фаолиятлардан ажратиб туради. Масалан, бошқарилмайдиган манбалардан (океандаги балиқчилик ва ўрмонларни кесиш каби) маҳсулотлар йиғиш қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобланмайди; ва
- (в) *Ўзгаришни баҳолаш.* Биологик трансформация ёки маҳсулотларни йиғишдан юзага келадиган сифат ўзгариши (масалан, генетик жиҳати, зичлик, етилганлик, ёғ миқдори, оксил миқдори ва толанинг мустаҳкамлиги) ёки миқдор ўзгариши (наслик, оғирлик, куб метр, толанинг узунлиги ёки диаметри ва куртақларнинг сони) одатдаги бошқариш функцияси тарзида баҳоланади ва назорат қилинади.
- 7 Биологик трансформация қуйидаги турдаги натижаларни келтириб чиқаради:
- (а) Активнинг (i) ўсиш (ҳайвон ёки ўсимлик сифатининг яхшиланиши ёки миқдорининг ошиши), (ii) насл бузилиши (ҳайвон ёки ўсимлик сифатининг ёмонлашуви ёки миқдорининг камайиши) ёки (iii) кўпайиш (қўшимча тирик ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг пайдо бўлиши) орқали ўзгариши; ёки
- (б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, масалан, латекс, чой барги, жун газлама ёки сут етиштирилиши.

Умумий таърифлар

- 8 Мазкур стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:
- Баланс қиймати** - бу активнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинadиган қийматидир.
- Ҳаққоний қиймат** - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарҳдир. (13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”га қаранг.)
- Давлат грантлари** - 20-сон БҲХСда белгиланган таърифга эга.
- 9 [Чиқариб ташланган]

Тан олиш ва баҳолаш

- 10 Ташкилот биологик активни ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотини фақат ва фақат қуйидаги шартлар бажарилганда тан олиши лозим:
- (а) ташкилот активни ўтган ходисалар натижасида назорат қилса;
- (б) ташкилотга актив билан боғлиқ келгуси иқтисодий нафлар келиши эҳтимоли мавжуд бўлса; ва
- (в) активнинг ҳаққоний қиймати ёки бошланғич қиймати ишончли баҳоланса.

- 11 Кишлоқ хўжалиги фаолиятида назоратни масалан, қорамолга юридик эгалик ҳуқуқи орқали ва харид қилишда, туғилишида ёки сутдан ажратилишида қорамолни тамғалаш ёки бошқа ҳолларда марқалаш орқали тасдиқлаш мумкин. Келгуси иқтисодий нафлар одатда аҳамиятли жисмоний жиҳатларга кўра баҳоланиши мумкин.
- 12 **Биологик актив дастлабки тан олишда ва ҳар бир ҳисобот даврининг охирида сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳоланиши лозим, бундан 30-бандда келтирилган ҳаққоний қийматни ишончли баҳолаш имкони бўлмаган ҳолат мустасно.**
- 13 **Ташкилотнинг биологик активларидан олинган кишлоқ хўжалиги маҳсулоти уни йиғиш пайтида сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳоланиши лозим. Бундай баҳолаш ушбу маҳсулотнинг 2-сон БҲХС “Захиралар” ёки бошқа тегишли стандартни қўллаш санасидаги бошланғич қийматиدير.**
- 14 [Чиқариб ташланган]
- 15 Биологик активлар ёки кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳаққоний қийматини баҳолаш биологик активлар ёки кишлоқ хўжалиги маҳсулотини уларнинг аҳамиятли хусусиятларига кўра гуруҳлаш орқали осонлаштириши мумкин; масалан ёш ёки сифат жиҳатидан. Ташкилот бундай хусусиятларни бозорда нархлаш асоси сифатида ишлатиладиган хусусиятлардан танлайди.
- 16 Ташкилотлар кўпинча биологик активларни ёки кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келгуси санада сотиш бўйича шартнома тузадилар. Шартнома нархлари ҳаққоний қийматни аниқлашда унчалик аҳамиятга эга эмас, чунки ҳаққоний қиймат харидор ва сотувчи томонидан битимларни амалга ошириш мумкин бўлган жорий бозор шaroитларини акс эттиради. Натижада, биологик актив ёки кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳаққоний қийматига шартнома мавжудлиги сабабидан тузатиш киритилмайди. Баъзи ҳолатларда, биологик активни ёки кишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиш бўйича шартнома 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”да таърифланган зарар келтирувчи шартнома бўлиши мумкин. Зарар келтирувчи шартномаларга нисбатан 37-сон БҲХС қўлланади.
- 17-21 [Чиқариб ташланган]
- 22 Ташкилот активларни молиялаштириш, солиқ ёки маҳсулотни йиғишдан сўнг биологик активни қайта тиклаш бўйича пул оқимларини ҳисобга олмайди (масалан, маҳсулотни йиғишдан сўнг дарахтларни ўрмонда қайта экиш сарфлари).
- 23 [Чиқариб ташланган]
- 24 Бошланғич қиймат баъзида ҳаққоний қийматга яқинроқ бўлиши мумкин, хусусан:
- (а) дастлабки сарфлар амалга оширилгандан бошлаб кичик биологик трансформация содир бўлса (масалан, мевали дарахт кўчатлари бевосита ҳисобот даври тугашидан олдин ўтказилганда ёки янги қорамол сотиб олинганда); ёки
- (б) Биологик трансформациянинг нархга таъсири муҳим бўлиши кутилмаса (масалан, ишлаб чиқариш цикли 30-йил бўлган қарағай плантациясида дастлабки ўсиш).
- 25 Биологик активлар кўпинча жисмоний жиҳатдан ерга боғлиқ бўлади (масалан, ўрмон плантациясидаги дарахтлар). Жисмоний жиҳатдан ер билан боғлиқ бўлган биологик активлар учун алоҳида бозор бўлмаслиги мумкин, лекин бирлашган активларга нисбатан, яъни биологик активлар, ишлов берилмаган ер ва ерни ободонлаштиришларга нисбатан актив бозор мавжуд бўлиши мумкин. Ташкилот бирлашган активларга оид маълумотлардан биологик активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлашда фойдаланиши мумкин. Масалан, бирлашган активларнинг ҳаққоний қийматидан ишлов берилмаган ернинг ва ерни ободонлаштиришнинг ҳаққоний қийматини чегириш орқали биологик активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш мумкин.

Фойда ва зарарлар

- 26 **Биологик активни сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда дастлабки тан олишда ва сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг ўзгариши натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар у юзага келган даврининг фойда ёки зарари таркибига киритилиши лозим.**
- 27 Биологик активни дастлабки тан олишда зарар вужудга келиши мумкин, чунки сотиш сарфлари биологик активнинг сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматини аниқлашда чегирилади. Биологик активни дастлабки тан олишда фойда вужудга келиши мумкин, масалан бузоқ туғилганда.
- 28 **Кишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда дастлабки тан олиш натижасида вужудга келадиган фойда ёки зарар у юзага келган даврининг фойда ёки зарари таркибига киритилиши лозим.**

- 29 Маҳсулотни йиғиштириш натижасида олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини дастлабки тан олишда фойда ёки зарар юзага келиши мумкин.

Ҳаққоний қийматни ишончли баҳолашнинг имконсизлиги

- 30 Биологик актив учун ҳаққоний қиймат ишончли баҳолаши мумкин деган тахмин мавжуд. Лекин, бундай тахминни фақат биологик актив учун бозор нархининг дастлабки тан олиниши ва улар учун ҳаққоний қийматнинг муқобил баҳолари аниқланиши аниқ ишончли бўлмаганда рад этилиши мумкин. Бундай ҳолатда, биологик актив жамғарилган эскириш ва жамғарилган кадрсизланишдан зарарлар чегирилган бошланғич қийматда баҳолаши лозим. Бундай биологик активнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш имкони бўлиши билан, ташкилот уни сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим. Узоқ муддатли биологик актив 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ сотиш учун мўлжалланганлик мезонларига жавоб берса (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилса), у ҳолда ҳаққоний қиймат ишончли баҳолаши мумкин деб тахмин қилинади.
- 31 30-банддаги тахмин фақатгина дастлабки тан олишда инкор этилиши мумкин. Биологик активни илгари сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳолаган ташкилот уни ҳисобдан чиқаргунга қадар сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳолашни давом эттиради.
- 32 Барча ҳолатларда, ташкилот маҳсулотни йиғиш пайтида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳолайди. Мазкур стандарт маҳсулотни йиғиш пайтида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳаққоний қиймати доимо ишончли баҳолаши мумкинлигини акс эттиради.
- 33 Бошланғич қиймат, жамғарилган эскириш ва жамғарилган кадрсизланишдан зарарларни аниқлашда ташкилот 2-сон БҲХС, 16-сон БҲХС ва 36-сон БҲХС “*Активларнинг кадрсизланиши*”ни эътиборга олади.

Давлат грантлари

- 34 Сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳоланган биологик активга оид шартсиз давлат гранти фақат ва фақат бундай давлат гранти олинган бўлса, фойда ёки зарарда тан олиниши лозим.
- 35 Агар сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳоланган биологик активга оид давлат гранти шартли бўлса, жумладан давлат гранти ташкилотдан муайян қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланмасликни талаб этганда, ташкилот давлат грантини фақат ва фақат давлат гранти бўйича шартлар бажарилганда, фойда ёки зарарда тан олиши лозим.
- 36 Давлат грантлари турли шартларда тақдим этилади. Масалан, грант ташкилотдан маълум бир жойда беш йил давомида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишни талаб этиши мумкин ва агарда ташкилот беш йилдан кам муддатда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланса, барча грантни қайтаришни талаб этиши мумкин. Бундай ҳолатда, давлат гранти беш йил ўтмагунча фойда ёки зарарда тан олинмайди. Лекин, грант шартлари маълум вақт ўтгандан сўнг унинг маълум қисми қайтарилмаслигига руҳсат берса, ташкилот грантнинг ушбу қисмини вақт ўтиши билан фойда ёки зарарда тан олади.
- 37 Агар давлат гранти жамғарилган эскириш ва жамғарилган кадрсизланишдан зарарлар чегирилган бошланғич қийматда баҳоланган биологик активга оид бўлса (30 бандга қаранг), 20-сон БҲХС қўлланади.
- 38 Агар давлат гранти сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳоланган биологик активга оид бўлса ёки давлат гранти ташкилотдан муайян қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланмасликни талаб этса, мазкур стандарт 20-сон БҲХСдан фарқли ёндашувни талаб этади. 20-сон БҲХС фақатгина жамғарилган эскириш ва жамғарилган кадрсизланишдан зарарлар чегирилган бошланғич қийматда баҳоланган биологик активга оид давлат грантига нисбатан қўлланади.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 39 [Чиқариб ташланган]

Умумий қоидалар

- 40 Ташкилот жорий ҳисобот даври мобайнида биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини дастлабки тан олишда ҳамда биологик активларнинг сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматидаги ўзгариш натижасида вужудга келадиган жами фойда ёки зарарни ёритиб бериши лозим.
- 41 Ташкилот биологик активларнинг ҳар бир гуруҳининг таснифини таъминлаши лозим.
- 42 41-бандда ёритиб бериш талаб этилган маълумотлар шарҳда ёки миқдорий тасниф шаклида бўлиши мумкин.
- 43 Ташкилот томонидан истеъмолга мўлжалланган ва ҳосилдор биологик активлар ёки етилган ва етилмаган биологик активларни тегишли тарзда фарқлаган ҳолда биологик активларнинг ҳар бир гуруҳининг миқдорий таснифи таъминланиши маъқулланади. Масалан, ташкилот истеъмолга мўлжалланган ва ҳосилдор биологик активларнинг баланс қийматларини гуруҳ бўйича ёритиб бериши мумкин. Ташкилот ушбу баланс қийматларини яна етилган ва етилмаган активларга ажратиши ҳам мумкин. Ушбу фарқлар келгуси пул оқимларининг муддатини баҳолашда фойдали бўладиган маълумотларни таъминлайди. Ташкилот бундай фарқларни амалга ошириш бўйича асосни ёритиб беради.
- 44 Истеъмолга мўлжалланган биологик активлар бу қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифатида йиғиштириладиган ёки биологик активлар сифатида сотиладиган активлардир. Истеъмолга мўлжалланган биологик активларга мисол тариқасида гўшт етиштириш учун мўлжалланган қорамол, сотиш учун мўлжалланган қорамол, балиқ хўжалигидаги балиқлар, маккажўхори ёки бугдойга ўхшаш донли экинлар, ҳосилдор ўсимликлардан маҳсулотлар ва ёғоч етиштиришга мўлжалланган дарахтларни келтириш мумкин. Ҳосилдор биологик активлар бу истеъмолга мўлжалланган биологик активлардан бошқа биологик активлардир; масалан, сут берадиган қорамол, мева берадиган мевали дарахтлар. Ҳосилдор биологик активлар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти эмас, лекин маҳсулот олиш учун сақланади.
- 45 Биологик активлар етилган биологик активлар ёки етилмаган биологик активлар тарзида таснифланиши мумкин. Етилган биологик активлар бу (истеъмолга мўлжалланган биологик активлар учун) маҳсулот бериш хусусиятларига эга бўлган ёки (ҳосилдор биологик активлар учун) мунтазам маҳсулот бера оладиган активлардир.
- 46 Агар қуйидаги маълумотлар молиявий ҳисобот билан бирга чоп этиладиган маълумотларда ёритиб берилмаган бўлса, ташкилот қуйидагиларни изохлаши лозим:
- (a) биологик активларнинг ҳар бир гуруҳини қамраб оладиган фаолиятининг характери; ва
 - (b) қуйидагилар бўйича моддий миқдорларнинг номолиявий параметрлари ва ҳисоб баҳоларини:
 - (i) давр охирида ташкилотг биологик активларининг ҳар бир гуруҳи; ва
 - (ii) давр давомида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти.
- 47–48 [Чиқариб ташланган]
- 49 Ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (a) чекланган биологик активларнинг мавжудлиги ва уларнинг баланс қийматлари ҳамда мажбуриятларни таъминлаш учун гаровга қўйилган биологик активларнинг баланс қийматлари;
 - (b) биологик активларни етиштириш ва харид қилиш бўйича мажбуриятлар миқдори; ва
 - (v) қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ молиявий рискни бошқариш стратегиялари.
- 50 Ташкилот жорий давр бошидаги ва охиридаги биологик активларнинг баланс қийматидаги ўзгаришлар солиштирмасини тақдим этиши лозим. Солиштирма қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:
- (a) сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматидаги ўзгариш натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар;
 - (b) харидлар натижасида қиймат ошиши;

- (в) сотувлар ва 5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган) биологик активлар ҳисобига қиймат камайиши;
 - (г) маҳсулот йиғиш ҳисобига қиймат камайиши;
 - (д) бизнес бирлашувлари натижасида қиймат ошиши;
 - (е) молиявий ҳисоботни бошқа тақдим этиладиган валютага ўтказиш натижасида ва ҳисобот берувчи ташкилотнинг чет элдаги бўлинмаси кўрсаткичларини тақдим этиладиган валютага ўтказиш натижасида юзага келадиган соф курс фарқлари; ва
 - (ё) бошқа ўзгаришлар.
- 51 Биологик активнинг сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати жисмоний ўзгаришлар ва бозордаги нарх ўзгаришлари ҳисобига ўзгариши мумкин. Жисмоний ва нарх ўзгаришларининг алоҳида ёритиб берилиши жорий даврдаги фаолият натижаларини ҳамда келгуси истикболларни таҳлил қилишда, айниқса ишлаб чиқариш даври бир йилдан ортиқ бўлса, фойдалидир. Бундай ҳолатларда, жисмоний ўзгаришлар ва нарх ўзгаришлари натижасида фойда ёки зарарда ҳисобга олинган сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматдаги ўзгаришлар ташкилот томонидан гуруҳ ёки бошқа жиҳатдан ёритиб берилиши маъқулланади. Одатда, ишлаб чиқариш даври бир йилдан кам бўлганда (масалан, жўжалар ёки дон экинлари етиштиришда) бундай маълумотлар унчалик аҳамиятли ҳисобланмайди.
- 52 Биологик трансформация натижасида жисмоний ўзгаришнинг бир қатор турлари содир бўлиши мумкин – ўсиш, дегенерация, ишлаб чиқариш ҳамда кўпайиш бўлиб, уларнинг ҳар бирини кўзатиш ва баҳолаш мумкин. Ушбу жисмоний ўзгаришларнинг ҳар бири келгуси иқтисодий нафлар билан бевосита боғлиқликка эга. Маҳсулотни йиғиштириш натижасида юзага келадиган биологик активнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш ҳам жисмоний ўзгаришдир.
- 53 Қишлоқ хўжалиги фаолияти кўпинча иқлим, касаллик ва бошқа табиий рискларга учрайди. Агар даромад ёки харажатнинг муҳим моддасини юзага келтирадиган ҳодиса содир бўлса, 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиши” га мувофиқ ушбу модданинг характери ва миқдори ёритиб берилди. Бундай ҳодисага мисол тариқасида хавfli касалликни, сув тошқинини, қаттиқ курғоқчиликни ёки қаҳратон совуқни ва ҳашаротлар касаллигини келтириш мумкин.

Ҳаққоний қийматни ишончли баҳолаш мумкин бўлмаган биологик активлар бўйича қўшимча маълумотларни ёритиб бериш

- 54 Агар ташкилот ҳисобот даври охирида биологик активларни уларнинг жамғарилган эскириши ва жамғарилган қадрсизланишдан зарарлар чегирилган бошланғич қийматида (30 бандга қаранг) баҳоласа, ташкилот ушбу биологик активлар бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) биологик активларнинг тавсифи;
 - (б) нима учун ҳаққоний қиймат ишончли баҳолана олмаслигини тушунтириш;
 - (в) агар мумкин бўлса, ҳаққоний қиймат юқори эҳтимол билан мавжуд бўладиган ҳисоб баҳолари орилигини;
 - (г) фойдаланилган эскириш усули;
 - (д) фойдали хизмат муддати ёки фойдаланилган эскириш меъёрлари; ва
 - (е) ҳисобот даври боши ва охирида жами баланс қиймати ва жамғарилган эскириш суммаси (жамғарилган қадрсизланишдан зарарлар билан бирга).
- 55 Агар ташкилот жорий давр мобайнида биологик активларни уларнинг жамғарилган эскириши ва жамғарилган қадрсизланишдан зарарлар чегирилган бошланғич қийматида (30 бандга қаранг) баҳоласа, ташкилот ушбу биологик активларни ҳисобдан чиқаришда тан олинган ҳар қандай фойда ёки зарар ва 50 бандда талаб этилган солиштирмада бундай биологик активларга тегишли қиймат алоҳида ёритиб берилиши лозим. Шу билан бирга, солиштирмада ушбу биологик активларга тегишли фойда ёки зарарга киритилган қуйидаги кўрсаткичлар ҳам қамраб олиниши лозим:
- (а) қадрсизланишдан зарарлар;
 - (б) қадрсизланишдан зарарларнинг қайта тикланиши; ва

- (в) эскириш.
- 56 Агар илгари жамғарилган эскириш ва жамғарилган кадрсиэлианишдан зарарлар чегирилган бошланғич қийматда баҳоланган биологик активларнинг ҳаққоний қиймати жорий даврда ишончли баҳолаш имконияти пайдо бўлса, ташкилот бундай биологик активлар бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) биологик активларнинг тавсифи;
- (б) нима учун ҳаққоний қийматни ишончли баҳолаш мумкин бўлганлигини тушунтириш; ва
- (в) ўзгариш таъсири.

Давлат грантлари

- 57 Ташкилот мазкур стандарт қамраб олган қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) молиявий ҳисоботларда тан олинган давлат грантларининг характери ва миқдори;
- (б) давлат грантлари бўйича бажарилмаган шартлар ва бошқа қутилмаган ҳолатлар; ва
- (в) давлат грантлари ҳажмида қутилаётган аҳамиятли камайишлар.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 58 Мазкур стандарт ташкилотлар томонидан 2003 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур стандартни 2003 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 59 Мазкур стандарт муайян ўтиш қоидаларини белгиламайди. Мазкур стандартни қабул қилиш 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*” га мувофиқ амалга оширилади.
- 60 2008 йилнинг май ойида чоп этилган “*МҲХСларга тақомиллаштиришлар*”га асосан 5, 6, 17, 20 ва 21 бандлар ўзгартирилган ва 14 банд чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2000 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун перспектив қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 61 2011 йил июл ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС бўйича 8, 15, 16, 25 ва 30 бандлар ўзгартирилган ва 9, 17– 21,23,47,48 бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 62 2014 йил июн ойида эълон қилинган “*Қишлоқ хўжалиги: Ҳосилдор ўсимликлар*” (16-сонли БҲХС ва 41-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 1-5, 8, 24 ва 44 бандларига ўзгартиришлар киритилган ва 5А-5С ва 63 бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2016 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 8-сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 63 Ҳисобот даврида *Ҳосилдор ўсимликлар*” (16-сон БҲХС ва 41-сон БҲХСларга киритилган ўзгартиришлар)ни биринчи марта қўлланганда ташкилотлар 8-сон БҲХСнинг 28(е) банди талаби билан белгиланган миқдорий маълумотларни жорий давр учун ёритиб бериш талаб этилмайди. Лекин, ташкилот 8-сон БҲХСнинг 28(е) банди талаби билан белгиланган миқдорий маълумотларни тақдим этилган хар бир олдинги давр учун тақдим этиши лозим.
- 64 2016 йил январ ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС бўйича 2 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 65 2020 йил май ойида эълон қилинган “*2018-2020 йилларда МҲХСларни тақомиллаштиришлар*” бўйича 22 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2022 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган биринчи йиллик ҳисобот даври бошланганда ёки ундан кейин ҳаққоний қийматни баҳолашга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
27-ИЛОВА

1-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”

Мақсад

- 1 Мазкур МҲХСнинг мақсади ташкилотлар томонидан МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот ҳамда ушбу ҳисобот қамраб олган даврнинг бир қисми учун оралик молиявий ҳисоботлар қуйидаги шартларга жавоб берадиган юқори сифатли маълумотларни ўз ичига олишини таъминлашдан иборатдир:
- (а) фойдаланувчилар учун шаффоф ва тақдим қилинган барча даврлар учун қиёсланувчан;
 - (б) *Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга (МҲХС)* мувофиқ ҳисоб юритиш учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қиладиган; ва
 - (в) олинадиган нафдан ошмайдиган сарфлар билан тайёрлаш мумкин бўлган.

Қўллаш доираси

- 2 Ташкилот мазкур МҲХСни қуйидагиларга нисбатан қўллаши лозим:
- (а) МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботга; ва
 - (б) МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот қамраб оладиган даврнинг бир қисми учун 34-сон БҲХС “*Оралик молиявий ҳисобот*”га мувофиқ тақдим қилинадиган, агар бундай ҳисобот тақдим этилса, ҳар бир оралик молиявий ҳисоботга.
- 3 Ташкилотнинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботи МҲХСни қўллаган ҳолда тайёрланган ва ушбу молиявий ҳисоботда МҲХСга мувофиқликнинг ошқора ва шартсиз баёноти билдирилган биринчи йиллик молиявий ҳисоботидир. Ташкилотнинг МҲХСга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботи МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот деб ҳисобланиши учун, ташкилотнинг, масалан:
- (а) олдинги даврларнинг энг охиргиси учун тайёрланган молиявий ҳисоботи:
 - (i) барча жиҳатлари ҳам МҲХСга мос келмайдиган миллий ҳисоб талабларига мувофиқ тақдим қилинган бўлса;
 - (ii) МҲХСга мувофиқлигининг ошқора ва шартсиз баёноти билдирилмаган ҳолда барча жиҳатдан МҲХСга мувофиқ тақдим қилинган бўлса;
 - (iii) барча МҲХСга эмас, балки баъзиларига мувофиқлигининг ошқора ва шартсиз баёноти билдирилган ҳолда тақдим қилинган бўлса;
 - (iv) миллий ҳисоб талаблари билан тартибга солинмаган айрим моддалар ҳисобини юритишда баъзи алоҳида МҲХСдан фойдаланган ҳолда, МҲХСга мувофиқ бўлмаган миллий ҳисоб талаблари мувофиқ тақдим қилинган бўлса; ёки
 - (v) баъзи суммаларнинг МҲХСга мувофиқ аниқланадиган суммаларга солиштирмаси билан бирга, миллий ҳисоб талабларига мувофиқ тақдим қилинган бўлса;
 - (б) МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот ташкилот мулкдорлари ёки бошқа бирор ташқи фойдаланувчиларга тақдим қилинмасдан, фақат ички фойдаланиш учун тайёрлаганда;
 - (в) 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиши*” (2007 йилдаги таҳрири)да таърифланган молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўпламини тайёрлашдан, консолидациялаш мақсадида МҲХСга мувофиқ ҳисобот тўплами тайёрлаганда; ёки
 - (г) олдинги даврлар учун молиявий ҳисоботни тақдим қилмаган бўлса.

- 4 Мазкур МҲХС ташкилот томонидан МҲХСни биринчи марта фойдаланиш учун қабул қилганда қўлланади. У қуйидаги ҳолатларда қўлланмайди:
- (а) ташкилот, олдин МҲХСга мувофиқликнинг ошқора ва шартсиз баёнотини ўз ичига оладиган молиявий ҳисоботнинг бошқа тўплами билан бирга тақдим қилган бўлиб, миллий ҳисоб талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тақдим қилишни тўхтатса;
 - (б) ташкилот олдинги йил молиявий ҳисоботини миллий ҳисоб талабларига мувофиқ тақдим қилган ва ушбу молиявий ҳисобот МҲХСга мувофиқлигининг ошқора ва шартсиз баёноти билдирилган бўлса; ёки
 - (в) аудиторлар молиявий ҳисобот бўйича шартли ижобий хулоса берган бўлса ҳам, ташкилот олдинги йил МҲХСга мувофиқликнинг ошқора ва шартсиз баёнотини ўз ичига оладиган молиявий ҳисобот тақдим қилган бўлса.
- 4А 2 ва 3-бандлардаги талабларга қарамадан, олдинги ҳисобот даврларидан бирида МҲХСни қўллаган, лекин энг охириги йиллик молиявий ҳисоботида МҲХСга мувофиқликнинг ошқора ва шартсиз баёнотини билдирмаган ташкилот мазкур МҲХСни ёки 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашдаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ, МҲХСни ретроспектив тарзда, худди ташкилот МҲХСни қўллашда олдин узилишлар бўлмагандек қўллаши лозим.
- 4Б Агар ташкилот 4А-бандга мувофиқ мазкур МҲХСни қўллашни танламаган бўлса, ташкилот 8-сон БҲХСнинг маълумотларни ёритиб бериш талабларига қўшимча тарзда 1-сон МҲХСнинг 23А-23Б бандларидаги маълумотларни ёритиб бериш талабларини қўллаши лозим.
- 5 МҲХСни амалда қўллаб келаётган ташкилотнинг ҳисоб сиёсатига киритиладиган ўзгаришларга нисбатан мазкур МҲХС қўлланмайди. Бундай ўзгаришлар:
- (а) 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашдаги ўзгаришлар ва хатолар*”даги ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича талаблар; ва
 - (б) бошқа МҲХСдаги махсус ўтиш қоидаларининг предмети ҳисобланади.

Тан олиш ва баҳолаш

МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботи

- 6 Ташкилот *МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботини МҲХСга ўтиши санасига* тайёрлаши ва тақдим этиши лозим. Бу сана МҲХСга мувофиқ ҳисоб юритишнинг бошланғич нуктаси ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсати

- 7 Ташкилот тақдим қилган МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботи ва унинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида тақдим этилган барча даврлар учун бир хил ҳисоб сиёсатини қўллаши лозим. Ушбу ҳисоб сиёсати қоидалари 13–19 бандларда ва Б–Д иловаларда белгиланган ҳолатлардан ташқари *МҲХС бўйича биринчи ҳисобот* даврининг охирида амалда бўлган ҳар бир МҲХС талабларига мувофиқ бўлиши лозим.
- 8 Ташкилот олдин амалда бўлган МҲХСнинг турли таҳрирларини қўлламаслиги лозим. Агар янги МҲХСни муддатидан олдин қўллаш рухсат этилган бўлса, ташкилот қўлланиши ҳали мажбурий бўлмаган янги МҲХСни қўллаши мумкин.

Мисол МҲХСнинг энг охириги таҳририни изчил тарзда қўллаш

Дастлабки маълумотлар

А ташкилотнинг МҲХС бўйича биринчи ҳисобот даврининг охири 20X5 йил 31 декабрь ҳисобланади. А ташкилот ушбу молиявий ҳисоботдаги қиёсий маълумотларни фақат бир йил учун тақдим этишга қарор қилди (21-бандга қаранг). Шунинг учун мазкур ташкилотни МҲХСга ўтиш санаси 20X4 йил 1 январь бошига (ёки, эквивалент тарзда, 20X3 йил 31 декабрь иш куни охирига) тўғри келади. А ташкилот олдин қўллаган Бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган тамойиллари (БХУТ) доирасида йиллик молиявий ҳисоботини ҳар йилнинг 31 декабрь, шу жумладан 20X4 йил ҳам 31 декабрь санасига тақдим қилган.

Талабларни қўллаш

Мисол МҲХСнинг энг охириги таҳририни изчил тарзда қўллаш

А ташкилот 20X5 йил 31 декабрда яқунланадиган даврлар учун амалда бўлган МҲХСни қуйидагиларга нисбатан қўллаши лозим:

- (а) 20X4 йил 1 январь ҳолатига МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишда; ва
- (б) 20X5 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни (шу жумладан, 20X4 йил учун қиёсий маълумотлар), 20X5 йил 31 декабрда яқунланадиган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботни, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни (шу жумладан, 20X4 йил учун қиёсий маълумотлар) ҳамда ёритиб бериладиган маълумотларни (шу жумладан, 20X4 йил учун қиёсий маълумотлар) тайёрлашда ва тақдим қилишда.

Агар янги МҲХСнинг қўлланиши мажбурий бўлмаса, лекин амал қилиш муддатидан олдин қўлланишига рухсат этилса, А ташкилотга ушбу МҲХСни унинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида қўллаш рухсат этилади, лекин талаб этилмайди.

- 9 Бошқа МҲХСда назарда тутилган ўтиш қоидалари МҲХСни амалда қўллайдиган ташкилотларнинг ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритишда қўлланади; улар МҲХСга ўтишда Б–Д иловаларда келтирилган ҳолатлардан ташқари, МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилотларнинг МҲХСга ўтишига нисбатан тадбиқ этилмайди.
- 10 13–19 бандлар ва Б–Д иловаларда белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда, ташкилот ўзининг МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида:
 - (а) МҲХСга мувофиқ тан олиними талаб қилинган барча активлар ва мажбуриятларни тан олиши;
 - (б) агар МҲХС тан олиними рухсат бермаса, бундай моддаларни активлар ёки мажбуриятлар сифатида тан олмаслиги;
 - (в) олдин қўлланган БХУТга мувофиқ бир турдаги активлар, мажбуриятлар ёки хусусий капитал компоненти сифатида тан олинган, лекин МҲХСга мувофиқ бошқа турдаги актив, мажбурият ёки хусусий капитал компоненти бўлган моддаларни қайта таснифлаши; ва
 - (г) барча тан олинган актив ва мажбуриятларни баҳолашда МҲХСни қўллаши лозим.
- 11 Ташкилот МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботини тайёрлашда қўллайдиган ҳисоб сиёсати, унинг худди шу санага олдинги БХУТдан фойдаланиб қўллаган ҳисоб сиёсатидан фарқ қилиши мумкин. Бунинг натижасида юзага келадиган тузатишлар МҲХСга ўтиш санасидан олдин рўй берган операция ва ҳодисаларга тааллуқли бўлади. Шунинг учун, ташкилот ушбу тузатишларни МҲХСга ўтиш санасига бевосита тақсимланмаган фойда таркибида (ёки ўринли бўлса хусусий капиталнинг бошқа тоифасида) тан олиши лозим.
- 12 Мазкур МҲХС ташкилотнинг МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботини ҳар бир МҲХСга мувофиқ бўлиши талабидан қуйидаги икки тоифадаги мустасно ҳолатларни белгилайди:
 - (а) 14–17 бандлар ва Б илова бошқа МҲХСнинг баъзи жиҳатларини ретроспектив қўлланишини тақиқлайди;
 - (б) В–Д иловалар бошқа МҲХСнинг баъзи талабларидан озод қилади.

Бошқа МҲХСни ретроспектив қўллаш билан боғлиқ истиснолар

- 13 Мазкур МҲХС бошқа МҲХСнинг баъзи жиҳатларини ретроспектив тарзда қўллашни тақиқлайди. Бу истиснолар 14–17 бандларда ва Б иловада келтирилган.

Ҳисоб баҳолари

- 14 Ташкилотнинг МҲХСга ўтиш санасида МҲХСга мувофиқ ҳисоб баҳолари, ушбу ҳисоб баҳолари хато эканлигига объектив далил бўлган ҳолатлардан ташқари, худди шу санага олдинги БХУТга мувофиқ ҳисоб баҳоларига (ҳисоб сиёсатлардаги фарқларни акс эттириш учун тузатишлар киритилганидан кейин) мос келиши лозим.

- 15 Ташкилот МҲХСга ўтиш санасидан кейин олдинги БҲУТга мувофиқ аниқлаган ҳисоб баҳолари бўйича маълумотлар олиши мумкин. 14-бандга мувофиқ ташкилот бундай маълумот олинишини 10-сон БҲХС “*Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар*”га мувофиқ ҳисобот давридан кейинги тузатишлар киритилишини талаб қилмайдиган ҳодисалар каби ҳисобга олиши лозим. Масалан, ташкилотнинг МҲХСга ўтиш санаси 20X4 йил 1 январь ва олдинги БҲУТларга мувофиқ 20X3 йил 31 декабрдаги ҳисоб баҳоларини қайта кўриб чиқилишини талаб этадиган янги маълумот 20X4 йил 15 июлда олинган деб фараз қилайлик. Ташкилот ушбу янги маълумотни ўзининг МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида акс эттирмаслиги лозим (ҳисоб баҳоларига ҳисоб баҳолари нотўғри эканлигини кўрсатадиган объектив далиллар бўлган ҳоллар бундан мустасно). Аксинча, ташкилот ушбу янги маълумотни 20X4 йил 31 декабрда яқунланадиган йил учун фойда ёки зарарда (ёки ўринли бўлса, бошқа умумлашган даромадда) акс эттириши лозим.
- 16 МҲХСга ўтиш санасида ташкилотдан олдинги БҲУТларга мувофиқ худди шу санага талаб қилинмаган ҳисоб баҳоларини МҲХСга мувофиқ амалга ошириши талаб этилиши мумкин. 10-сон БҲХС талабларига мувофиқлиги бажарилиши учун МҲХСга мувофиқ бўлган ушбу ҳисоб баҳолари МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлганлиги шартларини акс эттириши лозим. Хусусан, ушбу МҲХСга ўтиш санасидаги бозор нархлари, фоиз ставкалари ёки валюта курсларининг ҳисоб баҳолари ушбу санадаги бозор шартларини акс эттириши лозим.
- 17 14–16 бандлар МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида нисбатан қўлланади. Шунингдек, улар ташкилотнинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида қамраб олинган қиёсланадиган даврга нисбатан ҳам қўлланади, бунда МҲХСга ўтиш санасига ҳаволалар ушбу қиёсланадиган давр охирига ҳаволалар билан алмаштирилади.

Бошқа МҲХСнинг талабларидан озод қилиш

- 18 Ташкилот В-Д иловаларда келтирилган бир ёки ундан ортиқ озод қилиш ҳолатларидан фойдаланишга қарор қилиши мумкин. Ташкилот ушбу озод қилиш ҳолатларини ўхшашлиги бўйича бошқа моддаларга нисбатан қўлламаслиги лозим.
- 19 [Чиқариб ташланган]

Тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш

- 20 Мазкур МҲХС маълумотларни ёритиб бериш ва тақдим қилиш бўйича бошқа МҲХСда белгиланган талаблардан озод қилишни назарда тутмайди.

Қиёсий маълумот

- 21 Ташкилотнинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботи камида учта молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни, иккита фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботни, иккита алоҳида фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботни (агар тақдим этиладиган бўлса), иккита пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни ва иккита хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда тегишли изоҳларни, шу жумладан ҳамма тақдим қилинадиган ҳисоботларга қиёсий маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

МҲХС талабларига жавоб бермайдиган қиёсий маълумотлар ва олдинги даврларга умумлашган маълумотлар

- 22 Баъзи ташкилотлар МҲХСга мувофиқ биринчи тўлиқ қиёсий маълумотларни тақдим қилиш давридан олдинги даврлар учун умумлашган маълумотларни тақдим этади. Мазкур МҲХС ушбу умумлашган маълумотларни МҲХСнинг тан олиш ва баҳолаш бўйича талабларига мос келишини талаб қилмайди. Бундан ташқари, баъзи ташкилотлар олдинги БҲУТга мувофиқ бўлган қиёсий маълумотларни ҳамда 1-сон БҲХСда талаб қилинган қиёсий маълумотларни тақдим этади. Ўтган давр умумлашган маълумотларини ёки олдинги БҲУТга мувофиқ бўлган қиёсий маълумотларни қамраб олган ҳар қандай молиявий ҳисоботда, ташкилот:
- (а) олдинги БҲУТга мувофиқ бўлган бундай маълумотларни МҲХСга мувофиқ эмас деб аниқ белгилаб қўйиши лозим; ва
 - (б) маълумотларнинг МҲХСга мувофиқлигини таъминлайдиган асосий тузатишларнинг характерини ёритиб бериши лозим. Ташкилотнинг ушбу тузатишларнинг миқдорий баҳосини келтириши талаб этилмайди.

МҲХСга ўтиш бўйича тушунтириш

- 23 Ташкилот олдин қўлланган БХУТдан МҲХСга ўтиши унинг ҳисоботида кўрсатилган молиявий ҳолати, фаолиятининг молиявий натижалари ва пул оқимларига қандай таъсир кўрсатганини тушунтириб бериши лозим.
- 23А 4А-бандда тавсифланганидек, олдинги даврлардан бирида МҲХСни қўллаган ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) МҲХСни қўллашни тўхтатганлигининг сабабини; ва
 - (б) МҲХСни қайта қўллашни бошлаганининг сабабини.
- 23Б Агар ташкилот 4А-бандга мувофиқ 1-сон МҲХСни қўлламасликка қарор қилса, бундай ҳолда у МҲХСни худди уларни қўллашда олдин узилишлар бўлмагандек қўллашга қарор қилганининг сабабини тушунтириб бериши лозим.

Солиштирмалар

- 24 23-бандга мувофиқ ташкилотнинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:
- (а) қуйидаги саналарнинг ҳар иккаласи учун олдинги БХУТга мувофиқ тақдим этилган хусусий капитал кўрсаткичлари билан МҲХС талабларига мувофиқ бўлган хусусий капитал кўрсаткичлари ўртасидаги солиштирмасини:
 - (i) МҲХСга ўтиш санасига; ва
 - (ii) олдинги БХУТга мувофиқ бўлган йиллик молиявий ҳисобот тақдим этилган энг охириги давр якунидаги санага.
 - (б) ташкилотнинг охириги йиллик молиявий ҳисоботи қамраб олган энг сўнгги давр учун МҲХСга мувофиқ бўлган жами умумлашган даромаднинг солиштирмасини. Олдинги БХУТга мувофиқ ўша даврда шаклланган умумлашган даромад кўрсаткичлари ёки агар ташкилотда бундай кўрсаткичлар тақдим этилмаган бўлса, унда олдинги БХУТга мувофиқ фойда ёки зарар кўрсаткичлари бундай солиштирма учун бошланғич нуқта бўлиши лозим.
 - (в) ташкилот МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботини тайёрлашда кадрсизланишдан зарарни биринчи марта тан олган ёки қайта тиклаган бўлса, агар ушбу кадрсизланишдан зарар ёки қайта тиклаш суммалари МҲХСга ўтиш санасида бошланган даврда тан олинган бўлса, ташкилотдан 36-сон БҲХС “*Активларнинг кадрсизланиши*”га мувофиқ ёритиб бериш талаб қилинадиган маълумотларни.
- 25 24(а) ва (б) бандларда талаб қилинган солиштирмалар фойдаланувчилар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботга ва умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботга киритилган муҳим тузатишларни тушуна олишлари учун етарлича тафсилотларни таъминлаши лозим. Агар ташкилот олдинги БХУТга мувофиқ пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилган бўлса, у мазкур пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботдаги муҳим тузатишларни ҳам тушунтириб бериши лозим.
- 26 Агар ташкилот олдинги БХУТ қўллаш доирасида йўл қўйилган хатолардан хабардор бўлса, 24(а) ва (б) бандларда талаб этилган солиштирмалар ушбу хатоларнинг тузатилишини ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлардан фарқлаши лозим.
- 27 Ташкилот МҲХСга ўтиш пайтида ёки у МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботни тақдим қилишигача бўлган даврда ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгаришларга нисбатан 8-сон БҲХС қўлланмайди. Шунинг учун, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича 8-сон БҲХСнинг талаблари ташкилотнинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботига нисбатан қўлланмайди.
- 27А Агар ташкилот МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботни қамраб олган давр мобайнида ҳисоб сиёсатини ёки ушбу МҲХСда белгиланган озод қилиш ҳолатларидан фойдаланишни ўзгартирса, у МҲХС бўйича биринчи оралик молиявий ҳисоботи ва МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботлари ўртасидаги ўзгаришларни 23-бандга мувофиқ тушунтириб бериши лозим, ҳамда 24(а) ва (б) бандларида талаб қилинган солиштирмаларни янгиллаши лозим.
- 28 Агар ташкилот олдинги даврлар учун молиявий ҳисоботни тақдим қилмаган бўлса, унинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида ушбу факт ёритиб берилиши лозим.

Молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг белгиланиши

- 29 Г19А бандга мувофиқ, ташкилот олдин тан олинган молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий актив сифатида таснифлашига рухсат этилади. Ташкилот бундай таснифланган молиявий активларнинг таснифлаш санасидаги ҳаққоний қийматини ҳамда уларни олдинги молиявий ҳисоботдаги таснифланиши ва баланс қийматини ёритиб бериши лозим.
- 29А Г19А бандга мувофиқ ташкилот олдин тан олинган молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият сифатида таснифлашига рухсат этилади. Ташкилот бундай таснифланган молиявий мажбуриятларнинг таснифлаш санасидаги ҳаққоний қийматини ҳамда уларни олдинги молиявий ҳисоботдаги таснифланиши ва баланс қийматини ёритиб бериши лозим.

Ҳаққоний қийматдан шартли бошланғич қиймат сифатида фойдаланиш

- 30 Агар ташкилот МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида асосий воситалар, инвестиция кўчмас мулки, номоддий актив ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар (Г5 ва Г7 бандларга қаранг) бўйича ҳаққоний қийматдан шартли бошланғич қиймат сифатида фойдаланса, МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботининг ҳар бир сатрида кўрсатилган модда бўйича ташкилотнинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида қуйидагилар ёритиб берилиши лозим:
- (а) ушбу ҳаққоний қийматларнинг жамланган суммаси; ва
 - (б) олдинги БҲУТ бўйича акс эттирилган баланс қийматларига киритилган тузатишларнинг жамланган суммаси.

Шўъба ташкилотлар, қўшма корхоналар ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестициялар учун шартли бошланғич қийматдан фойдаланиш

- 31 Юқоридагига ўхшаш тарзда, агар ташкилот алоҳида молиявий ҳисоботида кўрсатилган шўъба ташкилот, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотларига инвестиция учун МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида шартли бошланғич қийматдан фойдаланса (Г15 бандга қаранг), ушбу ташкилот МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) олдинги БҲУТ бўйича баланс қиймати шартли бошланғич қиймат сифатида олинган инвестицияларнинг жамланган шартли бошланғич қиймати;
 - (б) шартли бошланғич қиймат сифатида ҳаққоний қиймат олинган инвестицияларнинг жамланган шартли бошланғич қиймати; ва
 - (в) олдинги БҲУТ бўйича тақдим этилган баланс қийматларига киритилган тузатишларнинг жамланган суммаси.

Нефть ва газ активлари учун шартли бошланғич қийматдан фойдаланиш

- 31А Агар ташкилот Г8А(б) банддаги нефть ва газ активлари бўйича озод қилиш ҳолатидан фойдаланса, у мазкур фактни ва олдинги БҲУТ бўйича аниқланган баланс қийматлари қайси асосларга мувофиқ аниқланганлигини ёритиб бериши лозим.

Тариф асосида тартибга солинадиган фаолият учун шартли бошланғич қийматдан фойдаланиш

- 31Б Агар ташкилот тариф асосида тартибга солинадиган фаолият учун Г8Б банддаги озод қилиш ҳолатидан фойдаланса, у мазкур фактни ва олдинги БҲУТ бўйича аниқланган баланс қийматлари қайси асосларга мувофиқ аниқланганлигини ёритиб бериши лозим.

Кучли гиперинфляциядан кейин шартли бошланғич қийматдан фойдаланиш

- 31В Агар ташкилот активлари ва мажбуриятларини ҳаққоний қийматда баҳолашни танласа ва кучли гиперинфляция (Г26–Г30 бандларга қаранг) сабабли ўзининг МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида ушбу ҳаққоний қийматдан шартли бошланғич қиймат сифатида

фойдаланса, ушбу ташкилот МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида куйидаги икки хусусиятга эга бўлган функционал валютадан қандай ва нима учун фойдаланган ҳамда фойдаланишни тўхтатганлиги бўйича тушунтиришларни ёритиб бериши лозим:

- (a) ушбу валютада операцияларини амалга оширган ва қолдиқлари бўлган барча ташкилотлар учун ишончли умумий нарх индекси мавжуд эмас;
- (б) ушбу валютани нисбатан барқарор чет эл валютасига айирбошлаш имконияти мавжуд эмас.

Оралик молиявий ҳисоботлар

32 23-банд мувофиқ, агар ташкилот МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботи қамраб олган давр қисми учун оралик молиявий ҳисоботларини 34-сон БҲХСга мувофиқ тақдим қилса, у 34-сон БҲХС талабларига қўшимча тарзда куйидаги талабларни бажарилишини таъминлаши лозим:

- (a) бундай ҳар бир оралик молиявий ҳисобот, агар ташкилот олдинги молиявий йилнинг қиёсланадиган оралик даври учун оралик молиявий ҳисобот тақдим қилган бўлса, куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:
 - (i) олдинги БҲУТга мувофиқ қиёсланадиган оралик давр охиридаги тақдим этилган хусусий капитал кўрсаткичларининг ушбу санага МХХСга мувофиқ тақдим этилган хусусий капитал кўрсаткичларининг солиштирмасини; ва
 - (ii) МХХСга мувофиқ ушбу қиёсланадиган оралик давр (жорий ва йил бошидан) учун жами умумлашган даромаднинг солиштирмаси. Бундай солиштирма учун бошланғич нуқта айнан ўша давр учун олдинги БҲУТга мувофиқ тақдим этилган жами умумлашган даромад ёки, агар ташкилот бундай кўрсаткични тақдим этмаган бўлса, олдинги БҲУТга мувофиқ тақдим этилган фойда ёки зарар кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади.
- (б) (a) кичик бандда талаб қилинган солиштирмаларга қўшимча ташкилотнинг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботи қамраб олган давр қисми учун 34-сон БҲХСга мувофиқ биринчи оралик молиявий ҳисоботи 24(a) ва (б) бандларда келтирилган солиштирмаларни ўз ичига олиши лозим (25 ва 26 бандлар билан талаб қилинган тафсилотлар билан) ёки бундай солиштирмаларни ўз ичига олган бошқа чоп этилган ҳужжатга ҳавола қилиши лозим.
- (в) Агар ташкилот ҳисоб сиёсатини ёки ушбу МХХСда белгиланган озод қилиш ҳолатидан фойдаланишни ўзгартирса, у ҳар бир оралик молиявий ҳисоботдаги ўзгаришларни 23 бандга мувофиқ тушунтириб бериши ҳамда (a) ва (б) бандларда талаб қилинган солиштирмаларни янгилаши лозим.

33 Оралик молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар энг охирги йиллик молиявий ҳисоботдан фойдаланиш имкониятига эгалар, деган фаразга асосланган ҳолда, 34-сон БҲХС зарур минимал маълумотларни ёритиб беришни талаб этади. Лекин, 34-сон БҲХС ташкилотдан “жорий оралик даврни тушуниш учун муҳим бўлган ҳар қандай ҳодиса ёки операцияларни” ҳам ёритиб беришни талаб этади. Шунинг учун, МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот ўзининг олдинги БҲУТга мувофиқ бўлган энг охирги йиллик молиявий ҳисоботида жорий оралик даврини тушуниш учун муҳим бўлган маълумотларни ёритиб бермаган бўлса, унинг оралик молиявий ҳисоботи бундай маълумотларни ёритиб бериши ёки уларни ўз ичига олган бошқа чоп этилган ҳужжатга ҳавола қилиши лозим.

Кучга кириш санаси

- 34 Ташкилот мазкур МХХСни, агар ташкилотнинг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботи 2009 йил 1 июлдан ёки ундан кейин бошланадиган давр учун бўлса, қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- 35 Ташкилот Г1(м) ва Г23 бандларга киритилган ўзгаришларни 2009 йил 1 июлдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга қўллаши лозим. Агар ташкилот 23-сон БҲХС “Қарзлар бўйича сарфлар” (2007 йилдаги таҳрири)ни олдинроқ давр учун қўлласса, ўзгаришлар ҳам ушбу олдинроқ даврга нисбатан қўлланиши лозим.
- 36 3-сон МХХС “*Бизнес бирлашувлари*” (2008 йилдаги таҳрири) бўйича 19, В1 ва В4(е) ва (ё) бандларига ўзгартириш киритилган. Агар ташкилот 3-сон МХХС (2008 йил таҳририда)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.

- 37 27-сон БҲХС “Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисобот” (2008 йилдаги ўзгартиришлари билан) бўйича Б1 ва Б7 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Агар ташкилот 27-сон БҲХС (2008 йилдаги ўзгаришлари билан биргаликда)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 38 2008 йил май ойида эълон қилинган “Шўба ташкилоти, биргаликда назорат қилинадиган ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестицияларнинг бошланғич қиймати” (1-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 31, Г1(ё), Г14 ва Г15 бандлар киритилган. Ташкилот ушбу бандларни 2009 йил 1 июлдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу бандларни олдинроқ даврга нисбатан қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 39 2008 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСни такомиллаштириши”га мувофиқ Б7 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 27-сон БҲХСни (2008 йилдаги ўзгаришлари билан биргаликда) олдинги давр учун қўлласса, ушбу ўзгартиришлар ҳам шу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 39А 2009 йил июль ойида эълон қилинган “МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилотлар учун қўшимча озод қилиш ҳолатлари” (1-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 31А, Г8А, Г9А ва Г21А бандлар киритилган ва Г1(в), (г) ва (л) кичик бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2010 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 39Б [Чиқариб ташланган]
- 39В 19-сон МҲХСШҚ шарҳи “Молиявий мажбуриятларни улушли инструментлар билан сўндириши” бўйича Г25 банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгаришни 19-сон МҲХСШҚ шарҳи билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39Г [Чиқариб ташланган]
- 39Д 2010 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСни такомиллаштиришлар” бўйича 27А, 31Б ва Г8Б бандлар киритилган ва 27, 32, Г1(в) ва Г8 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2011 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. МҲХСни 1-сон МҲХС кучга кириш санасидан олдинги даврларда қўллаган ёки 1-сон МҲХСни олдинги даврда қўллаган ташкилотларга Г8 банддаги ўзгартиришни ретроспектив тарзда ушбу ўзгартириш кучга кирган санадан кейинги биринчи йиллик даврда қўллашга рухсат этилади. Г8 бандни ретроспектив тарзда қўллайдиган ташкилот ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 39Е [Чиқариб ташланган]
- 39Ё [Чиқариб ташланган]
- 39Ж 2010 йил декабр ойида эълон қилинган “Кучли гиперинфляция ва МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилотлар учун қатъий белгиланган саналарнинг бекор қилиниши” (1-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича Б2, Г1 ва Г20 бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 31В ва Г26–Г30 бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2011 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- 39З 2011 йил май ойида эълон қилинган 10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” ва 11-сон МҲХС “Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар” бўйича 31, Б7, В1, Г1, Г14 ва Г15 бандлар ўзгартиришлар киритилган ва Г31 банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39И 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” бўйича 19-банд чиқариб ташланган, А иловадаги ҳаққоний қиймат тушунчаси ва Г15 ва Г20 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39Й 2011 йил июн ойида эълон қилинган “Бошқа умумлашган даромад моддаларини тақдим этиши” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 21-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгаришни 2011 йил июнь ойида ўзгартирилган 1-сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39К 19-сон БҲХС “Ходимларнинг даромадлари” (2011 йил июнда ўзгартирилган) бўйича Г1-бандга ўзгартириш киритилган, Г10 ва Г11-бандлар чиқариб ташланган ва Д5 банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2011 йил июнда ўзгартирилган 19-сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

- 39Л 20-сон МҲХСШҚ шарҳи “*Очиқ коннинг қазиб чиқариш босқичидаги устки қатламни очиш сарфлари*” бўйича Г32 банд киритилган ва Г1 бандига ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгаришни 20-сон МҲХСШҚ шарҳи билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39М 2012 йил март ойида эълон қилинган “*Давлат томонидан берилган қарзлар*” (1-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича Б1(е) ва Б10–Б12 бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- 39Н Б10 ва Б11 бандлар 9-сон МҲХСга ҳавола қилади. Агар ташкилот ушбу МҲХСни қўлласа, лекин ҳали 9-сон МҲХСни қўлламаган бўлса, Б10 ва Б11-банддаги 9-сон МҲХСга ҳаволалар 39-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*”га ҳаволалар деб ўқилиши лозим. *Тан олиш ва баҳолаш*.
- 39О 2012 йил май ойида эълон қилинган “*2009 - 2011 йиллар даври бўйича йиллик такомиллаштиришлар*” бўйича 4А–4Б ва 23А–23Б бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 39П 2012 йил май ойида эълон қилинган “*2009 - 2011 йиллар даври бўйича йиллик такомиллаштиришлар*” бўйича Г23-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 39Р 2012 йил май ойида эълон қилинган “*2009 - 2011 йиллар даври бўйича йиллик такомиллаштиришлар*” бўйича 21-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 39С 2012 йил июнь ойида эълон қилинган “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот, биргаликдаги фаолият бўйича келишув ва бошқа ташкилотлардаги улушни ёритиб бериш: Ўтиш бўйича кўрсатма*” (10-сон МҲХС, 11-сон МҲХС ва 12-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича Г31-бандга ўзгартириш киритилган. *Ўтиш бўйича кўрсатма*” (10-сон МҲХС, 11-сон МҲХС ва 12-сон МҲХСга ўзгартиришлар)га мувофиқ Г31 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 11-сон МҲХС (2012 йил июн ойида ўзгартирилган) билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39Т 2012 йил октябрь ойида эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари*” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича Г16, Г17-бандларга ва В иловага ўзгартиришлар киритилган. “*Инвестиция ташкилотлари*”ни бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласа, у шу даврга нисбатан “*Инвестиция ташкилотлари*”га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- 39У [Чиқариб ташланган]
- 39Ф 2014 йил январь ойида эълон қилинган 14-сон МҲХС “*Кечиктирилган тариф фарқлари смети*” бўйича Г8Б бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот 14-сон МҲХСни олдинги давр учун қўлласа, ўзгаришлар ҳам ушбу олдинги даврлар учун қўлланилиши лозим.
- 39Х 2014 йил май ойида эълон қилинган “*Биргаликдаги операциялардаги улушларни ҳарид қилиш ҳисоби*” (11-сон МҲХСга ўзгартириш) бўйича В5 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 11-сон МҲХС “*Биргаликдаги операциялардаги улушларни ҳарид қилиш ҳисоби*”га киритилган ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, В5-бандга киритилган ўзгаришлар ҳам ўша олдинги давр учун қўллаши лозим.
- 39Ц 2014 йил май ойида эълон қилинган 15-сон МҲХС “*Ҳаридорлар билан шартномалар бўйича тушум*” бўйича Г1-бандга ўзгартириш киритилган, Г24-банд ва унинг тегишли сарловҳаси чиқариб ташланган ва Г34-Г35 бандлар ҳамда унинг тегишли сарловҳаси киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39Ч 2014 йил июл ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*” бўйича 29, Б1-Б6, Г1, Г14, Г15, Г19 ва Г20 бандларга ўзгартиришлар киритилган, 39Б, 39Ё ва 39У бандлар чиқариб

- ташланган, 29А, Б8-Б8Ё, Б9, Г19А-Г19В, Г33, Д1 ва Д2 бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39Ш 2014 йил август ойида эълон қилинган “Алоҳида молиявий ҳисоботда улушли қатнашиши усули” (27-сон БХХСга ўзгартиришлар) бўйича Г14 бандга ўзгартириш киритилган ва Г15А банд киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 39АА [Чиқариб ташланган]
- 39АБ 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МХХС “Ижара” бўйича 30, В4, Г1, Г7, Г8Б ва Г9 бандларга ўзгартиришлар киритилган, Г9А банд чиқариб ташланган ва Г9Б-Г9Д бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39АВ 22-сон МХХСШҚ Шарҳи “Чет эл валютасидаги операциялар ва олдиндан тўлов” бўйича Г36-банд киритилган ва Г1-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 22-сон МХХСШҚ шарҳи билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39АГ 2016 йил декабрь ойида “2014-2016 йилларда МХХСни такомиллаштиришлар” бўйича 39К ва 39Т бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 39Г, 39Ё, 39У ва Д3-Д7-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2018 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим.
- 39АД [Ушбу банд кучга қирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]
- 39АЕ 23-сон МХХСШҚ шарҳи “Фойда солигини ҳисоблаш тартибига нисбатан ноаниқликлар” бўйича Д8 банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 23-сон МХХСШҚ шарҳи билан биргаликда қўллаши лозим.
- 39АЁ 2020 йил май ойида эълон қилинган “2018-2020 йилларда МХХСларни такомиллаштиришлар” бўйича Г1(е) бандга ўзгартириш киритилган ва Г13А банд киритилган. Ташкилотлар мазкур ўзгартиришларни 2022 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 39АЖ [Ушбу банд кучга қирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]

1-сон МХХСнинг (2003 йил таҳрири) ўз кучини йўқотиши

- 40 Мазкур МХХС (2003 йилда эълон қилинган ва 2008 йил май ойида ўзгартирилган) 1-сон МХХСнинг ўрнини эгаллайди.

А Илова Атамалар таърифи

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

МХХСга ўтиш санаси	Ташкилот ўзининг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида МХХСга мувофиқ тўлиқ қиёсланувчан маълумотларни тақдим қиладиган энг олдинги даврнинг боши.
шартли бошланғич қиймат	Берилган маълум бир санага бошланғич қийматнинг ёки эскириш ҳисобланган қийматнинг ўриндоши сифатида фойдаланиладиган қиймат. Кейинги эскириш ёки амортизация ҳисоблашда, ташкилот дастлаб актив ёки мажбуриятни ушбу берилган санага тан олган ва унинг бошланғич қиймати белгиланган шартли бошланғич қийматга тенг деб фараз қилинади.
ҳаққоний қиймат	<i>Ҳаққоний қиймат</i> - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олиниши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир. (13-сон МХХСга қаранг.)
МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот	Ташкилот МХХСга мувофиқликнинг ошқора ва шартсиз баёнотини тақдим этган ҳолда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида тайёрлаган биринчи йиллик молиявий ҳисобот.
МХХС бўйича биринчи ҳисобот даври	Ташкилотнинг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботи қамраб олган энг охириги ҳисобот даври.
МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот	Ўзининг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботини тақдим этадиган ташкилот.
Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)	Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Кенгаши (БҲХСК) томонидан эълон қилинадиган стандартлар ва шарҳлардир. Улар қуйидагилардан иборат: (а) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари; (б) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари; (в) Халқаро молиявий ҳисобот шарҳлари қўмитаси(МХХСШК) шарҳлари; ва (г) Шарҳлаш бўйича доимий қўмита (ШДК) шарҳлари. ¹
МХХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботи	Ташкилотнинг МХХСга ўтиш санасига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи.
олдинги БХУТ	МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилотнинг МХХСни қўллашдан олдин фойдаланган ҳисоб юритиш асослари.

¹ 2010 йилда қайта кўриб чиқилган МХХС Фондининг Конституциясига кўра Фонднинг номи ўзгаргандан кейин МХХСнинг таърифи ўзгарган.

Б илова **Бошқа МҲХСни ретроспектив қўллашдан озод қиладиган ҳолатлар**

Мазкур илова МҲХСнинг ажралмас қисмидир.

- Б1 Ташкилот куйидаги озод қиладиган ҳолатларни қўллаши лозим:
- (а) молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни тан олишни бекор қилиш (Б2 ва Б3 бандлар);
 - (б) хежлаш ҳисоби (Б4–Б6 бандлар);
 - (в) назорат кучига эга бўлмаган улушлар (Б7 банд);
 - (г) молиявий активларни таснифлаш ва баҳолаш (Б8–Б8В бандлар);
 - (д) молиявий активларнинг кадрсизланиши (Б8Г–Б8Ё бандлар)
 - (е) бириктирилган деривативлар (Б9 банд);
 - (ё) давлат томонидан берилган қарзлар (Б10–Б12 бандлар);

Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни тан олишни бекор қилиш

- Б2 Б3-бандда рухсат этилган ҳолатлардан ташқари, МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 9-сон МҲХСдаги тан олишни бекор қилиш талабларини МҲХСга ўтиш санасида ёки ундан кейинги санада содир бўладиган операцияларга нисбатан перспектив тарзда қўллаши лозим. Масалан, агар МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот нодериватив молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни олдинги БХУТга мувофиқ МҲХСга ўтиш санасидан олдин содир бўлган операция натижасида тан олишни бекор қилган бўлса, у ушбу активлар ва мажбуриятларни МҲХСга мувофиқ тан олмаслиги лозим (кейинроқ содир бўладиган операция ёки ҳодиса натижасида улар тан олиш талабларига жавоб берадиган ҳолатлар бундан мустасно).
- Б3 Б2 банддаги қоидага қарамасдан, ташкилот 9-сон МҲХСдаги тан олишни бекор қилиш талабларини, агар олдинги операциялар натижасида ҳисобдан чиқарилган молиявий активларга ва молиявий мажбуриятларга нисбатан 9-сон МҲХСни қўллаш учун зарур бўлган маълумотлар ушбу операцияларни дастлаб ҳисобда акс эттирилган пайтида олинган бўлса, ретроспектив тарзда ўзи танлаган санадан бошлаб қўллаши мумкин.

Хежлаш ҳисоби

- Б4 9-сон МҲХСда талаб этилганидек, МҲХСга ўтиш санасида ташкилот:
- (а) барча деривативларни ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаши; ва
 - (б) олдинги БХУТга мувофиқ ҳисоботда акс эттирилган деривативлар бўйича юзага келадиган барча кечиктирилган зарарлар ва фойдани худди улар активлар ёки мажбуриятлар каби тақдим этилганда чиқариб ташлаши лозим.
- Б5 Ташкилот 9-сон МҲХСга мувофиқ (масалан, кўпгина хежлаш муносабатларидаги хежлаш инструменти бўлган алоҳида чиқарилган опцион ёки соф чиқарилган опцион; ёки хежланган модда пул оқимларини хежлаш доирасида валюта рискдан бошқа рискка нисбатан нетто-позицияда бўлганда) хежлаш ҳисоби талабларига жавоб бермайдиган турдаги хежлаш муносабатларини МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида акс эттирмаслиги лозим. Лекин, агар ташкилот олдинги БХУТга мувофиқ нетто-позициясини хежлаш моддаси сифатида белгилаган бўлса, унда МҲХСга мувофиқ ушбу нетто позицияни алоҳида хежлаш моддаси сифатида ёки нетто позиция сифатида, агар у 9-сон МҲХСнинг 6.6.1-банди талабларига мувофиқ бўлса, белгилаши мумкин, фақат бундай белгилашни МҲХСга ўтиш санасидан кечиктирмасдан амалга ошириши лозим.
- Б6 Агар МҲХСга ўтиш санасидан олдин ташкилот операцияни хежлаш сифатида белгилаган бўлса, лекин хежлаш 9-сон МҲХСдаги хежлаш ҳисоби талабларига жавоб бермаса, ташкилот хежлаш ҳисобини тўхтатиш учун 9-сон МҲХСнинг 6.5.6 ва 6.5.7 бандларини қўллаши лозим. МҲХСга ўтиш санасидан олдин амалга оширилган операциялар ретроспектив тарзда хежлаш сифатида белгиланмаслиги лозим.

Назорат кучига эга бўлмаган улушлар

- Б7 МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 10-сон МҲХСнинг қуйидаги талабларини МҲХСга ўтиш санасидан бошлаб перспектив тарзда қўллаши лозим:
- (а) Б94-банддаги жами умумлашган даромадни, агар бундай тақсимлаш назорат кучига эга бўлмаган улушлар бўйича салбий қолдиққа эга бўлишига олиб келса ҳам, бош ташкилотнинг мулкдорларига ва назорат кучига эга бўлмаган улушларга тақсимлаш талаби;
 - (б) бош ташкилотнинг шўба ташкилотидаги назоратни йўқотишга олиб келмайдиган улушининг фоиздаги ўзгаришларини ҳисобга олиш бўйича 23 ва Б96-бандларда келтирилган талаблар; ва
 - (в) шўба ташкилоти устидан назоратни йўқотишнинг ҳисоби бўйича Б97–Б99-бандлардаги ва 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”нинг 8А бандидаги тегишли талаблар.

Агар МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот олдинги бизнес бирлашувларига нисбатан 3-сон МҲХСни ретроспектив тарзда қўллашни танласа, у шунингдек 10-сон МҲХСни ҳам мазкур МҲХСнинг В1-бандига мувофиқ қўллаши лозим.

Молиявий инструментларни таснифлаш ва баҳолаш

- Б8 Ташкилот молиявий активни 9-сон МҲХСдаги 4.1.2 банди ёки 4.1.2А банди шартларига жавоб беришини МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида баҳолаши лозим.
- Б8А Агар пул элементининг модификациялашган вақт қийматини МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида баҳолашни 9-сон МҲХСнинг Б4.1.9Б–Б4.1.9Г бандларига мувофиқ имкони бўлмаса, ташкилот МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида бундай молиявий активлар бўйича шартномада назарда тутилган пул оқимлари хусусиятларини баҳолаши лозим, бунда пул элементининг модификациялашган вақт қийматига нисбатан 9-сон МҲХСнинг Б4.1.9Б–Б4.1.9Г бандларидаги тегишли талаблар ҳисобга олинмайди. (Бу ҳолда ташкилот 7-сон МҲХСнинг 42Р бандини ҳам қўллаши лозим, лекин “9-сон МҲХСнинг 7.2.4-банди”га ҳаволани мазкур бандга ҳавола деб, “молиявий активларни дастлабки тан олиш”га ҳаволани “МҲХСга ўтиш санасида” ҳавола деб ўқилиши лозим.)
- Б8Б Агар муддатидан олдин тўлов шартларининг ҳаққоний қиймати аҳамиятсизлигини МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида баҳолашни 9-сон МҲХСнинг Б4.1.12(в) бандига мувофиқ баҳолаш амалий имконсиз бўлса, ташкилот МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида бундай молиявий активлар бўйича шартномада назарда тутилган пул оқимлари хусусиятларини баҳолаши лозим, бунда 9-сон МҲХСнинг Б4.1.12 бандида белгиланган муддатидан олдин тўлов шартлари бўйича озод қилинадиган ҳолат ҳисобга олинмайди. (Бу ҳолатда, ташкилот 7-сон МҲХСнинг 42С бандини ҳам қўллаши лозим, лекин “9-сон МҲХСнинг 7.2.5-банди”га ҳавола мазкур бандга ҳавола деб, “молиявий активларни дастлабки тан олиш”га ҳавола “МҲХСга ўтиш санасида” ҳавола деб ўқилиши лозим.)
- Б8В Агар ташкилот учун 9-сон МҲХСга эффектив фоиз ставкаси усулини ретроспектив қўллашнинг амалий имкони бўлмаса (8-сон БҲҲСда таърифланганидек), МҲХСга ўтиш санасига молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қиймати сифатида МҲХСга ўтиш санасига бундай молиявий активнинг янги ялпи баланс қиймати ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати қабул қилиниши лозим.

Молиявий активларнинг қадрсизланиши

- Б8Г Ташкилот 9-сон МҲХСнинг 5.5 бўлимидаги қадрсизланиш бўйича талабларни мазкур МҲХСнинг Б8Д–Б8Ё ва Д1–Д2-бандларни ҳисобга олган ҳолда ретроспектив тарзда қўллаши лозим.
- Б8Д МҲХСга ўтиш санасига ташкилот ортиқча сарфлар ва уринишларсиз мавжуд асослантилган ва тасдиқланган маълумотлардан молиявий инструментларни дастлабки тан олиш санасига (ёки, МҲХС 5.5.6- бандига мувофиқ қарзлар ва молиявий кафолатни тақдим этиш бўйича мажбуриятлар бўлган ҳолатда, ташкилот кейинчалик бекор қилиш ҳуқуқисиз шартномавий мажбурият бўйича томонга айланган санага) кредит рискларини аниқлаш ва уни МҲХСга ўтиш санасидаги кредит рисклари билан қиёслаш учун фойдаланиши лозим.
- Б8Е Дастлабки тан олингандан сўнг кредит рискларида аҳамиятли ўзгаришлар содир бўлганлигини аниқлаш учун ташкилот қуйидагиларни қўллаши мумкин:
- (а) 9-сон МҲХСнинг 5.5.10 ва Б5.5.24-бандлари талабларини;

- (б) агар ташкилот муддати ўтган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар асосида бундай молиявий инструментларни дастлаб тан олиш вақтидан бошлаб кредит рискларини аҳамиятли даражада ўсиши орқали кадрсизланишга тааллуқли талабларни қўллайдиган бўлса, тўлов шартномасида назарда тутилган 30 кундан ошган муддати ўтган тўловлар учун 9-сон МХХСнинг 5.5.11-бандида белгиланганидек, рад этиш мумкин бўлган фарзиди.

Б8Е Агар МХХСга ўтиш санасига молиявий инструментларни дастлаб тан олиш бошланган санадан бошлаб кредит рискини аҳамиятли даражада ўсиши кузитилганлигини аниқлаш орқича сарфлар ва уринишлар талаб этадиган бўлса, ташкилот бундай молиявий инструментни тан олишни бекор қилишгача бўлган ҳар бир ҳисобот даври бўйича қутилаётган кредит зарарларига тенг бўлган зарар суммасида баҳоланган резервни тан олиши лозим (агар ҳисобот даври санасига молиявий инструмент паст кредит rischi билан ифодаланмаса, унда Б8Е(а) банди қўлланади).

Бириктирилган деривативлар

Б9 МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот бириктирилган деривативларни асосий шартномадан ажратиб олиш ва уни биринчи марта ушбу шартнома томонига айланган сана ёки 9-сон МХХСнинг Б4.3.11-бандига мувофиқ қайта таҳлил этиш талаб этилган саналарнинг энг охирида мавжуд бўлган шартлардан келиб чиқиб бириктирилган дериватив сифатида ҳисобда акс эттириш заруриятини баҳолаши лозим.

Давлат томонидан берилган қарзлар

- Б10 МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот давлат томонидан берилган барча қарзларни 32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиши*”га мувофиқ молиявий мажбурият ёки улушли инструмент сифатида таснифлаши лозим. *Тақдим этиши*. Б11 бандда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот МХХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган давлат томонидан берилган қарзларга нисбатан 9-сон МХХС “*Молиявий инструментлар*” ва 20-сон БҲХС “*Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши*” талабларини перспектив тарзда қўллаши лозим ва давлат томонидан бозор фоизларидан паст ставкада тақдим қилинган қарзга тўғри келадиган иқтисодий наф давлат гранти сифатида тан олинмаслиги лозим. Демак, агар МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот олдинги БҲУТга мувофиқ давлат томонидан бозор фоизларидан паст ставкада тақдим қилинган қарзни МХХС талабларига мувофиқ баҳоламаган ва тан олмаган бўлса, унда у ушбу қарзнинг олдинги БҲУТга асосан МХХСга ўтиш санасига аниқланган баланс қийматини МХХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида қарзнинг баланс қиймати сифатида фойдаланиши лозим. Бундай қарзларни МХХСга ўтиш санасидан кейин баҳолаш учун ташкилот 9-сон МХХСни қўллаши лозим.
- Б11 Б10 банддаги талабларга қарамасдан, ташкилот МХХСга ўтиш санасидан олдин давлат томонидан берилган ҳар қандай қарзларга, уларни акс эттириш учун зарур маълумот ушбу қарз дастлаб ҳисобда акс эттирилган пайтда олинган бўлиши шarti билан ташкилот 9-сон МХХС ва 20-сон БҲХСнинг талабларини ретроспектив тарзда қўллаши мумкин.
- Б12 Б10 ва Б11 бандлардаги талаблар ва кўрсатмалар ташкилот томонидан олдин тан олинган молиявий инструментларни фойда ва зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаш бўйича Г19-Г19В бандларда изоҳланган тегишли озод қилиш ҳолатларидан фойдаланишга тўсқинлик қилмайди.
- Б13 *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутуди ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*
- Б14 *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутуди ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*

В илова Бизнес бирлашувлари бўйича озод қилиш ҳолатлари

Мазкур илова МҲХСнинг ажралмас қисмидир. Ташкилот қуйидаги талабларни МҲХСга ўтиши санасидан олдин тан олинган бизнес бирлашувларига нисбатан қўллаши лозим. Ушбу илова фақатгина 3-сон МҲХС “Бизнес бирлашувлари”нинг қўллаш доирасидаги бизнес бирлашувларга нисбатан қўлланиши лозим.

- B1** МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот олдинги бизнес бирлашувларига (МҲХСга ўтиш санасидан олдин содир бўлган бизнес бирлашувларига) нисбатан 3-сон МҲХСни ретроспектив тарзда қўлламасликни танлаши мумкин. Лекин, агар МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот 3-сон МҲХСга мувофиқ бўлиши мақсадида ҳар қандай бизнес бирлашувини қайта ҳисобласа, у кейинчалик содир бўлган барча бизнес бирлашувларини ҳам қайта ҳисоблаши ва айнан ўша санадан бошлаб 10-сон МҲХСни ҳам қўллаши лозим. Масалан, агар МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот 20X6 йил 30 июнда содир бўлган бизнес бирлашувини қайта ҳисоблашга қарор қилса, у 20X6 йил 30 июндан МҲХСга ўтиш санаси орасида содир бўлган барча бизнес бирлашувларини қайта ҳисоблаши лозим ва 10-сон МҲХСни ҳам 20X6 йил 30 июндан бошлаб қўллаши лозим.
- B2** Ташкилот МҲХСга ўтиш санасидан олдин содир бўлган бизнес бирлашувида юзага келган гудвил ва ҳаққоний қиймат бўйича тузатишларга нисбатан 21-сон БҲХС “*Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари*”ни ретроспектив тарзда қўллаши талаб этилмайди. Агар ташкилот 21-сон БҲХСни ушбу гудвил ва ҳаққоний қиймат бўйича тузатишларга нисбатан ретроспектив тарзда қўлламаса, у уларни харид қилиш объектининг активлари ва мажбуриятлари сифатида эмас, балки ўзининг активлари ва мажбуриятлари сифатида ҳисобга олиши лозим. Шунинг учун, ушбу ҳаққоний қиймат бўйича тузатишлар ва гудвил аллақачон функционал валютада ифодаланган бўлади ёки олдинги БҲУТга мувофиқ қўлланган валюта курси бўйича ҳисоботда акс этириладиган номонетар валюта моддалари бўлиб ҳисобланади.
- B3** Ташкилот ҳаққоний қиймат бўйича тузатишлар ва юзага келадиган гудвилга нисбатан қуйидаги ҳолларда 21-сон БҲХСни ретроспектив тарзда қўллаши мумкин:
- (a) МҲХСга ўтиш санасидан олдин содир бўлган барча бизнес бирлашувларига; ёки
 - (b) В1-бандда рухсат этилганидек, ташкилот 3-сон МҲХСга мувофиқликни таъминлаш мақсадида қайта ҳисобланадиган барча бизнес бирлашувларига.
- B4** Агар МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот олдинги бизнес бирлашувлардан бирига 3-сон МҲХСни ретроспектив тарзда қўлламаса, ушбу бизнес бирлашуви учун қуйидаги оқибатлар юзага келади:
- (a) МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот уни олдинги БҲУТга мувофиқ молиявий ҳисоботда қандай таснифлаган бўлса (юридик сотиб олувчи томонидан сотиб олиш, юридик сотиб олинувчи томонидан қайта сотиб олиш ёки улушларни бирлаштириш сифатида), шундай таснифлашни давом эттириши лозим.
 - (b) МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот олдинги бизнес бирлашув доирасида харид қилинган ёки қабул қилинган барча активлари ва мажбуриятларини МҲХСга ўтиш санасида тан олиши лозим, бундан қуйидагилар мустасно:
 - (i) олдинги БҲУТга мувофиқ (Б2 бандга қаранг) тан олиниши бекор қилинган баъзи молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар; ва
 - (ii) олдинги БҲУТга мувофиқ харидорнинг консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида тан олинмаган ва МҲХСга мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги алоҳида ҳисоботда ҳам тан олинмайдиган активлар, шу жумладан гудвил ва мажбуриятлар (мазкур банднинг (e)–(и) кичик бандларига қаранг).
- МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот барча ўзгариш натижаларини тақсимланмаган фойдага (ёки, ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа тоифасига) тузатиш киритиш орқали тан олиши лозим, бундан гудвил таркибидан олдин алоҳида ажратилмаган номоддий активни тан олиш натижасида юзага келган ўзгаришлар мустасно (қуйида (ё)(i) кичик бандга қаранг).
- (b) МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот олдинги БҲУТга мувофиқ тан олинган ва МҲХСга мувофиқ актив ёки мажбурият сифатида тан олиш меъзонига жавоб бермайдиган ҳар қандай моддани МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботидан чиқариб ташлаши лозим. МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот бунинг натижасида юзага келадиган ўзгаришни қуйидагича ҳисобга олади:

- (i) МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот олдинги бизнес бирлашувини харид қилиш сифатида таснифлаган бўлиши ва 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*”га мувофиқ актив сифатида тан олиш мезонига жавоб бермайдиган моддани номоддий актив сифатида тан олган бўлиши мумкин. Ташкилот бундай моддани (ва агар мавжуд бўлса унга тегишли бўлган кечиктирилган солиқ ва назорат кучига эга бўлмаган улушларни) гудвилнинг бир қисми сифатида қайта таснифлаши лозим (олдинги БҲУТга мувофиқ гудвилни бевосита хусусий капиталдан чегириб ташланган ҳолатлар бундан мустасно, қуйида (ё)(i) ва (з) кичик бандларга қаранг).
- (ii) МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот барча қолган ўзгаришларни тақсимланмаган фойда таркибида тан олиши лозим.²
- (г) МҲХС баъзи активлар ва мажбуриятларни кейинги баҳолаш бошланғич қиймат бўйича баҳолашдан фарқли бўлган баҳолаш асосларини талаб этади, масалан ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаш. МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот бундай активлар ва мажбуриятларни ўзининг МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида, агар улар олдинги бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган ёки қабул қилинган бўлса ҳам, айнан шундай баҳолаш асосларидан фойдаланиши лозим. Ташкилот бунинг натижасида баланс қийматида юзага келадиган ҳар қандай ўзгаришларни гудвилга эмас, тақсимланмаган фойдага (ёки, ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа тоифасига) тузатишлар киритиш орқали тан олиши лозим.
- (д) Бизнес бирлашувидан сўнг ушбу бизнес бирлашувида харид қилинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларнинг олдинги БҲУТга мувофиқ аниқланган баланс қиймати ушбу санада уларнинг МҲХСга мувофиқ шартли бошланғич қиймати бўлиб ҳисобланади. Агар МҲХС ушбу активлар ва мажбуриятларни кейинги баҳоланишини бошланғич қиймат асосида талаб этса, унда белгиланган шартли бошланғич қиймат бизнес бирлашуви санасидан бошлаб амортизацияни ҳисоблаш учун асос бўлиши лозим.
- (е) Агар олдинги бизнес бирлашувида харид қилинган актив ёки қабул қилинган мажбурият олдинги БҲУТга мувофиқ тан олинмаган бўлса, бу унинг МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида шартли бошланғич қиймати нолга тенг бўлишини аниқламайди. Аксинча, бизнесни харид қилувчи уни молиявий ҳолат тўғрисидаги консолидациялашган ҳисоботида ушбу харид объектининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида МҲХСда талаб этилиши мумкин бўлган асос бўйича тан олиши ва баҳолаши лозим. Масалан, агар бизнесни харид қилувчи олдинги бизнес бирлашувида харид объекти бўлган, харид қилинган ижара объектини олдинги БҲУТга мувофиқ капиталлаштирмаган бўлса, бизнесни харид қилувчи 16-сон МҲХС “*Ижара*” талабига асосан молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида капиталлаштириши талаб этилиши каби, консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида ушбу ижра объектини капиталлаштириши лозим. Шу каби, агар бизнесни харид қилувчи МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган шартли мажбуриятни олдинги БҲУТга мувофиқ тан олмаган бўлса, бизнесни харид қилувчи ушбу санада мазкур шартли мажбуриятни тан олиши лозим, бундан 37-сон БҲХС “*Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*”га мувофиқ харид қилинадиган объектни молиявий ҳисоботда тан олиш ман қилинган ҳолатлар мустасно. Аксинча, агар актив ёки мажбурият олдинги БҲУТга мувофиқ гудвил тақибидан ажратилмаган бўлса, лекин уларни 3-сон МҲХСга асосан алоҳида тан олишни талаб этилиши мумкин бўлганда, ушбу актив ва мажбурият гудвил таркибида қолади, бундан харид қилинадиган объектни МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботда тан олиш талаб этиладиган ҳолатлар мустасно.
- (ё) МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида гудвилнинг баланс қиймати қуйидаги иккита тузатиш киритилгандан кейинги МҲХСга ўтиш санасидаги олдинги БҲУТга мувофиқ бўлган баланс қийматига тенг бўлиши лозим:
- (i) Агар юкорида келтирилган (в)(i) кичик бандни қўллаш талаб этилса, МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот олдинги БҲУТга мувофиқ номоддий актив сифатида тан олинган моддани қайта таснифлаган пайдан гудвилнинг баланс қийматини ошириши лозим. Шу каби, МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот олдинги БҲУТга мувофиқ гудвилнинг таркибидан ажратилмаган номоддий активни юкоридаги (е) банд талабига асосан тан олиши лозим, бунда

² Бундай ўзгаришлар, агар гудвил олдинги БҲУТга мувофиқ актив сифатида тан олинмаган бўлса, моддаларни номоддий активларга ёки номоддий активлардан қайта таснифлашни ўз ичига олади. Бундай ҳолат, агар ташкилот олдинги БҲУТга мувофиқ (а) гудвил бевосита хусусий капиталдан чегириб ташлаган бўлса ёки (б) бизнес бирлашувларини харид қилиш сифатида ҳисобга олмаган бўлса, юзага келади.

- ташкilot гудвилнинг баланс қийматини мос равишда камайтириши лозим (ва, агар қўллаш мумкин бўлса, кечиктирилган солиқ суммасига ва назорат кучига эга бўлмаган улушларга тузатиш киритиши лозим).
- (ii) Гудвил кадрсизланишининг бирор аломати мавжуд бўлиши эҳтимолидан қатъий назар, МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкilot МҲХСга ўтиш санасида гудвилни кадрсизланиш тестидан ўтказиши ва кадрсизланиш натижаси бўйича хар қандай зарарни тақсимланмаган фойда таркибида (ёки, 36-сон БҲХС орқали талаб этилса, қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишида) тан олиш учун 36-сон БҲХСни қўллаши лозим. Кадрсизланиш тести МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган шартларга асосланиши лозим.
- (ж) МҲХСга ўтиш санасида гудвилнинг баланс қийматига бошқа ҳеч қандай тузатишлар киритилмаслиги лозим. Масалан, МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкilot гудвилнинг баланс қийматини куйидаги мақсадларда қайта ҳисобламаслиги лозим:
- (i) бизнес бирлашуви доирасида тугалланмаган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини чиқариб ташлаш (бундан харид қилаётган ташкilot тегишли номоддий активни 38-сон БҲХСга мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида тан оладиган ҳоллар мустасно);
- (ii) гудвил бўйича олдинги амортизацияни тузатиш;
- (iii) 3-сон МҲХС бўйича рухсат этилмаган, лекин бизнес бирлашуви санаси ва МҲХСга ўтиш санаси оралигида активлар ва мажбуриятларга тузатиш киритиш туфайли олдинги БҲУТга мувофиқ гудвилга киритилган тузатишларни қайта тиклаш.
- (з) Агар МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкilot олдинги БҲУТга мувофиқ гудвилни хусусий капиталдан чегириш сифатида тан олган бўлса:
- (i) у ўзининг МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида бундай гудвилни тан олмаслиги лозим. Бундан ташқари, агар у шўба ташкilotини ҳисобдан чиқаришда ёки ушбу шўба ташкilotига инвестициянинг кадрсизланиши ҳолларида ушбу гудвилни фойда ёки зарар таркибида қайта таснифламаслиги лозим.
- (ii) Сотиб олиш товонига таъсир қиладиган шартли ҳолатларга кейинги қарорлар таъсири натижасида келиб чиқадиган тузатишлар тақсимланмаган фойда таркибида тан олинishi лозим.
- (и) Олдинги БҲУТга мувофиқ, МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкilot олдинги бизнес бирлашуви доирасида харид қилган шўба ташкilotини консолидация қилмаган бўлиши бўлиши мумкин (масалан, бош ташкilot уни олдинги БҲУТга мувофиқ шўба ташкilot сифатида ҳисобга олмаганлиги ёки консолидациялашган молиявий ҳисобот тайёрламаганлиги туфайли). МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкilot шўба ташкilotи активлари ва мажбуриятларининг баланс қийматларига шўба ташкilotининг МҲХС асосидаги молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида акс эттирилиши талаб қилинадиган суммага қадар тузатиш киритиши лозим. МҲХСга ўтиш санаси ҳолатига гудвилнинг шартли бошланғич қиймати куйидагиларнинг фарқига тенг бўлади:
- (i) бош ташкilotнинг тузатиш киритилган баланс қийматлари суммасидаги улуши; ва
- (ii) бош ташкilotнинг алоҳида молиявий ҳисоботида акс эттирилган шўба ташкilotига инвестициясининг бошланғич қиймати.
- (й) Назорат кучига эга бўлмаган улушлар ва кечиктирилган солиқнинг баҳоланиши бошқа активлар ва мажбуриятларнинг баҳоланишига боғлиқ. Шунинг учун, юқорида қайд этилган актив ва мажбуриятлар бўйича тан олинган тузатишлар назорат кучига эга бўлмаган улушлар ва кечиктирилган солиқларга таъсир кўрсатади.
- B5 Олдинги бизнес бирлашувлари бўйича озод қилиш ҳолатлари олдин харид қилинган таъсир остидаги ташкilotлардаги инвестицияларга, қўшма корхоналардаги улушларга ва биргаликдаги операциялар бўйича фаолият 3-сон МҲХСда келтирилган бизнес таърифига мос бўлган биргаликдаги операциялар бўйича улушларга ҳам қўлланади. Бундан ташқари, B1 бандга асосан танланган сана бундай барча харидларга ҳам тегишли бўлади.

Г илова Бошқа МҲХСдан озод қилиш ҳолатлари

Мазкур илова МҲХСнинг ажралмас қисмидир.

- Г1 Ташкилот куйидаги бир ёки бир нечта озод қилиш ҳолатларидан фойдаланиши мумкин:
- (а) акцияга асосланган тўлов бўйича операциялар (Г2 ва Г3-бандлар);
 - (б) суғурта шартномалари (Г4 банд);
 - (в) шартли бошланғич қиймат (Г5-Г8Б-бандлар);
 - (г) ижара (Г9 ва Г9Б-Г9Д-бандлар);
 - (д) [Чиқариб ташланган]
 - (е) бошқа валютага ўтказиш натижасида жамғариладиган курс фарқлари (Г12–Г13А-бандлар);
 - (ё) шўьба ташкилотларга, қўшма корхоналарга ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестициялар (Г14 ва Г15А-бандлар);
 - (ж) шўьба ташкилотлар, қўшма корхонлар ва таъсир остидаги ташкилотларнинг активлари ва мажбуриятлари (Г16 ва Г17-бандлар);
 - (з) таркибли молиявий инструментлар (Г18-банд);
 - (и) олдин тан олинган молиявий инструментларни таснифлаш (Г19-Г19В-бандлар);
 - (й) молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларни дастлабки тан олишда ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаш (Г20-банд);
 - (к) асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилган, фойдаланишдан чиқаришга тегишли мажбуриятлар (Г21 ва Г21А бандлар);
 - (л) 12-сон МҲХСШҚ “Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари”га мувофиқ ҳисобга олинadиган молиявий активлар ёки номоддий активлар (Г22-банд);
 - (м) қарзлар бўйича сарфлар (Г23-банд);
 - (н) [Чиқариб ташланган]
 - (о) молиявий мажбуриятларни улушли инструментлар билан сўндириш (Г25-банд);
 - (п) кучли гиперинфляция (Г26–Г30-бандлар);
 - (р) биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар (Г31-банд);
 - (с) очик коннинг казиб чиқариш босқичидаги устки қатламни очиш сарфлари (Г32-банд);
 - (т) номолиявий объектларни сотиб олиш ёки сотиш шартномаларини таснифлаш (Г33-банд);
 - (у) тушум (Г34 ва Г35-бандлар); ва
 - (ф) чет эл валютасидаги операциялар ва олдиндан тўлов (Г36-банд);

Ташкилот ушбу озод қилиш ҳолатларини ўхшашлиги бўйича бошқа моддаларга нисбатан қўлланмаслиги лозим.

Акцияларга асосланган тўлов операцияси

- Г2 МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот 2002 йил 7 ноябрда ёки ундан олдин улушли инструментларга тақдим этилган ҳуқуқларга нисбатан 2-сон МҲХС “Акцияларга асосланган тўлов”ни қўллаши маъқулланади, лекин талаб этилмайди. МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот, шунингдек, улушли инструментларга тақдим этилган ҳуқуқлар 2002 йил 7 ноябрдан кейин ва куйидаги (а) ва (б) бандда келтирилган саналардан қайси бири кейин келишига қараб (а) МҲХСга ўтиш санаси ва (б) 2005 йил 1 январь бўлгани ҳолда, 2-сон МҲХСни қўллаши маъқулланади, лекин талаб этилмайди. Лекин, агар МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот бундай улушли инструментларга нисбатан 2-сон МҲХСни қўллашни танласа, у фақатгина ушбу улушли инструментларнинг 2-сон МҲХСда белгиланганидек, баҳолаш санасида аниқланган ҳаққоний қийматини ёритиб берган бўлса, қўллаши мумкин. 2-сон МҲХС улушли инструментлар бўйича барча тақдим этилган ҳуқуқларга нисбатан қўлланмаган бўлса ҳам (масалан, улушли инструментлар бўйича 2002 йил 7 ноябрда ёки ундан олдин тақдим этилган ҳуқуқларга), МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот 2-сон МҲХСнинг 44 ва 45-бандларида талаб этилган маълумотларни ёритиб

бериши лозим. Агар МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот 2-сон МХХС қўлланмаган улушли инструментлар бўйича тақдим этилган ҳуқуқлар шартларини ва муддатларини МХХСга ўтиш санасидан олдин ўзгартирган бўлса, унда 2-сон МХХСнинг 26–29 бандларини қўллаши талаб этилмайди.

- Г3 МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот МХХСга ўтиш санасидан олдин сўндирилган акцияга асосланган тўловлар бўйича операциялардан юзага келган мажбуриятларга нисбатан 2-сон МХХСни қўллаши маъқулланади, лекин талаб этилмайди. Шунингдек, МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот 2005 йил 1 январдан сўндирилган мажбуриятларга нисбатан 2-сон МХХСни қўллаши маъқулланади, лекин талаб этилмайди. 2-сон МХХС қўлланадиган мажбуриятлар бўйича, МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот қиёсий маълумотларни, агар ушбу маълумотлар 2002 йил 7 ноябрдан олдинги сана ёки даврга тегишли бўлса, қайта ҳисоблаши талаб этилмайди.

Суғурта шартномалари

- Г4 МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот 4-сон МХХС “*Суғурта шартномалари*”даги ўтиш қоидаларини қўллаши мумкин. 4-сон МХХС суғурта шартномалари бўйича ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни, шу жумладан МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот томонидан киритилган ўзгаришларни чеклайди.

Шартли бошланғич қиймат

- Г5 Ташкилот асосий восита объектларини МХХСга ўтиш санасида ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаши ва ушбу ҳаққоний қийматдан ўша санадаги шартли бошланғич қиймат сифатида фойдаланиши мумкин.
- Г6 МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот асосий восита объектларининг МХХСга ўтиш санасида ёки ундан олдинги санада БХУТга мувофиқ қайта баҳоланган қийматидан, агар қайта баҳоланган қиймат қайта баҳолаш санасида қуйидагилар билан умуман олганда қиёсланиши мумкин бўлса, қайта баҳолаш санасига шартли бошланғич қиймат сифатида фойдаланиши мумкин:
- (а) ҳаққоний қийматда; ёки
 - (б) МХХСга мувофиқ акс этириш учун тузатилган бошланғич ёки эскириш ҳисобланган қиймат билан, масалан, умумий ёки махсус нарх индексидаги ўзгаришлар.
- Г7 Г5 ва Г6-бандларда кўрсатилган танловлардан қуйидагиларга нисбатан ҳам фойдаланиш мумкин:
- (а) инвестиция кўчмас мулки, агар ташкилот 40-сон БХХС “*Инвестиция кўчмас мулки*”даги бошланғич қиймат моделидан фойдаланишни танласа;
 - (аа) фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар (16-сон МХХС “*Ижара*”); ва
 - (б) қуйидагиларга жавоб берадиган номоддий активлар:
 - (i) 38-сон БХХСдаги тан олиш мезонлари (шу жумладан, бошланғич қийматни ишончли тарзда баҳоланиши); ва
 - (ii) 38-сон БХХСда қайта баҳолаш мезонлари (шу жумладан, фаол бозорнинг мавжудлиги).

Ташкилот ушбу танловларни бошқа активлар ва мажбуриятларга нисбатан қўлламаслиги лозим

- Г8 МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот, хусусийлаштириш ёки акцияларини бирламчи жойлаштириш каби ҳодиса туфайли, баъзи ёки барча активларини ёки мажбуриятларини маълум бир санага уларнинг ҳаққоний қийматида баҳолаш орқали шартли бошланғич қийматини олдинги БХУТга мувофиқ белгилаган бўлиши мумкин.
- (а) Агар баҳолаш санаси МХХСга ўтиш санасига ёки ундан олдинги санага тўғри келса, ташкилот бундай ҳодиса натижасида баҳоланган ҳаққоний қийматлардан бундай баҳолаш санасида МХХС мақсади учун шартли бошланғич қиймат сифатида фойдаланиши мумкин.
 - (б) Агар баҳолаш санаси МХХСга ўтиш санасидан *кейин* бўлса, лекин МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот камраб олган давр ичидаги санага тўғри келса, бундай ҳодиса натижасида баҳоланган ҳаққоний қийматлардан ушбу ҳодиса содир бўлган санага шартли бошланғич қиймат сифатида фойдаланиш мумкин. Ташкилот юзага келадиган тузатишларни баҳолаш санасига бевосита тақсимланмаган фойда таркибида (ёки, ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа тоифасида) тан олиши лозим. МХХСга ўтиш санасида ташкилот Г5-Г7-бандлардаги мезонларни қўллаш орқали шартли бошланғич қийматни ёки активлар ва мажбуриятларни ушбу МХХСнинг бошқа талабларига мувофиқ баҳолаши лозим.

- Г8А Миллий ҳисоб юритишнинг баъзи талабларига кўра, нефть ва газ конини кидириш ва қазиб олиш бўйича сарфлар, қазиб олиш босқичларида катта географик ҳудуддаги барча қазилма участкаларини қамраб оладиган сарфлар марказларида ҳисобга олинади. МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот олдинги БХУТга мувофиқ бундай ҳисобни юритганда МХХСга ўтиш санасида нефть ва газ активларини қўйидаги асосда баҳолаши мумкин:
- (а) фойдали қазилмалар заҳираларини кидириш ва баҳолаш билан боғлиқ активларни – ташкилот томонидан олдинги БХУТга мувофиқ аниқланган қийматда; ва
 - (б) кидириш ва қазиб олиш босқичларидаги активларни – ташкилот томонидан олдинги БХУТга мувофиқ сарфлар маркази учун аниқланган қийматда. Ташкилот ушбу қийматни сарфлар марказининг таянч активларига ушбу санадаги заҳираларнинг ҳажмига ёки қийматига мутаносиб равишда тақсимлаши лозим.
- Ташкилот фойдали қазилма заҳираларини кидириш ва баҳолаш билан боғлиқ активларни ҳамда кидириш ва қазиб олиш босқичларидаги активларни МХХСга ўтиш санасига кадрсизланишини 6-сон МХХС “*Фойдали қазилмаларни геологик қидириши ва баҳолаши*”га ёки 36-сон МХХСга мувофиқ тестдан ўтказиши лозим ва зарур бўлганда, юқоридаги (а) ёки (б) кичик бандларга мувофиқ аниқланган қийматни камайтириши лозим. Ушбу банд мақсадларида, нефть ва газ активлари фақат нефть ва газ заҳираларини кидириш, баҳолаш ёки қазиб олишда фойдаланадиган активларни қамраб олади.
- Г8Б Баъзи ташкилотлар тариф асосида тартибга солинадиган фаолият доирасида фойдаланаётган ёки олдин фойдаланган асосий воситалар, фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар ёки номоддий активларга эга бўлади. Бундай активларнинг баланс қиймати олдинги БХУТга мувофиқ аниқланган, лекин МХХСга мувофиқ капиталлаштирилмайдиган суммаларни ўз ичига олиши мумкин. Бундай ҳолатда, МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот ушбу активларнинг олдинги БХУТга мувофиқ аниқланган баланс қийматини МХХСга ўтиш санасига шартли бошланғич қиймат сифатида фойдаланишни танлаши мумкин. Агар ташкилот бирор моддага нисбатан ушбу озод қилиш ҳолатидан фойдаланиш талаб этилмайди. МХХСга ўтиш санасига, ташкилот ушбу озод қилиш ҳолатидан фойдаланган ҳар бир модданинг кадрсизланишини 36-сон МХХСга мувофиқ тестдан ўтказиши лозим. Ушбу банд мақсадларида, агар фаолият доирасида харидорларга ишлаб чиқариладиган товарлар ёки хизматлар учун нархларни белгиланиши сиёсати қўлланса ҳамда ушбу сиёсат тарифларни тартибга солинадиган ва/ёки назорат қиладиган органнинг (14-сон МХХС “*Кечиктирилган тариф фарқлари счёти*”да тарифланганидек) предмети ҳисобланса, фаолият тариф асосида тартибга солинадиган фаолият ҳисобланади.

Ижара

- Г9 МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот МХХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида ушбу санага мавжуд бўлган шартномаларга 9-сон МХХСнинг 9-11 бандларини қўллаган ҳолда ижара аломатлари мавжудлигини баҳолаши мумкин.
- Г9А [Чиқариб ташланган]
- Г9Б МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот-ижарачи ижара бўйича мажбуриятларни ва фойдаланиш ҳуқуқидаги активларни тан олади ва қўйидаги ёндошувни барча ижара шартномаларига нисбатан қўллаши мумкин (Г9Г-бандда тавсифланган амалий жиҳатдан соддалаштиришларга мувофиқ):
- а) МХХСга ўтиш санасига ижара бўйича мажбуриятни баҳолаш. Бундай ёндашувни қўллайдиган ижарачи ижара бўйича бундай мажбуриятни ижарачи томонидан қўшимча қарзларни жалб қилиш ставкасидан (Г9Д бандга қаранг) фойдаланган ҳолда қолган ижара тўловларини (Г9Д бандга қаранг) дисконтланган қиймати бўйича баҳолайди;
 - б) МХХСга ўтиш санасига фойдаланиш ҳуқуқидаги активни баҳолаш. Ҳар бир ижара шартномаси учун ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги активни қўйидаги тартибда баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим:
 - (i) баланс қиймати бўйича, худди 16-сон МХХС ижара бошланган санадан қўлланиб келаётгандек (Г9Д бандга қаранг), лекин ижарачи томонидан МХХСга ўтиш санасига қўшимча қарзларни жалб қилиш ставкасидан фойдаланиб дисконтланган ҳолда; ёки
 - (ii) бундай ижара бўйича МХХСга ўтиш санасигача бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган олдиндан амалга оширилган ёки ҳисобланган тўловлар суммасига тузатиш ижара мажбурияти суммасига тенг қиймат бўйича.

- в) МХХСга ўтиш санасига фойдаланиш ҳуқуқидаги активларга нисбатан 36-сон МХХСни қўллаш.
- Г9В Г9Б-банд талабларига қарамасдан, МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот-ижарачи 40-сон МХХСдаги инвестиция қўчмас мулки таърифига жавоб берадиган ва МХХСга ўтиш санасидан бошлаб 40-сон МХХСга мувофиқ ҳаққоний қиймат моделидан фойдаланиб баҳоланадиган фойдаланиш ҳуқуқидаги активларини МХХСга ўтиш санасига ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаши лозим.
- Г9Г МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот-ижарачи ҳар бир ижара шартномаси бўйича куйидагиларни бирини ёки бир нечтасини қўллаши мумкин:
- а) хусусиятлари ўхшаш ижара шартномаси портфелларига нисбатан ягона дисконтлаш ставкасини қўллаш (масалан, ўхшаш иқтисодий муҳитда ўхшаш таянч активлар тоифаси учун ижара муддатларининг қолган қисми ўхшашлиги);
- б) МХХСга ўтиш санасидан бошлаб 12 ой ичида муддати тугайдиган ижра шартномаларига (Г9Д бандга қаранг) нисбатан Г9Б банд талабларини қўллашни танламаслик; Бунинг ўрнига, ташкилот бундай ижара шартномаларини (улар тўғрисида ёритиб бериладиган маълумотлар билан биргаликда) 16-сон МХХСнинг 6 бандига мувофиқ ҳисоб олиши лозим.
- в) паст қийматга эга бўлган таянч активлар ижарасига (16-сон МХХСнинг Б3-Б8 бандларида тавсифланганидек) нисбатан Г9Б банд талабларини қўллашни танламаслик. Бунинг ўрнига, ташкилот бундай ижара шартномаларини (улар тўғрисида ёритиб бериладиган маълумотлар билан биргаликда) 16-сон МХХСнинг 6-бандига мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
- г) МХХСга ўтиш санасига фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар қийматидан дастлабки бевосита сарфларни чегириш;
- д) агар шартнома ижара муддатини узайтириш ёки тугатиш бўйича опционни ўз ичига олган бўлса, ижара муддатини аниқлаш учун олдинги давр маълумотидан фойдаланиш.
- Г9Д Мазкур стандартдаги “ижара тўловлари”, “ижара”, “ижарачининг қўшимча қарзларни жалб қилиш ставкаси”, “ижарани бошланиш санаси”, “дастлабки бевосита сарфлар”, “ижра муддати” атамалари 16-сон МХХСда белгиланган маъноларда қўлланган.
- Д10-Д11 [Чиқариб ташланган]

Бошқа валютага ўтказиш натижасида жамғариладиган курс фарқлари

- Г12 21-сон БҲХС ташкилотлардан куйидагиларни талаб этади:
- (а) бошқа валютага ўтказиш натижасидаги курс фарқларини бошқа умумлашган даромадда тан олиш ва уларни хусусий капиталнинг алоҳида компонентида жамғариш; ва
- (б) чет элдаги бўлинмани ҳисобдан чиқаришда, ушбу бўлинма бўйича бошқа валютага ўтказиш натижасида жамғарилган курс фарқлари (шу жумладан, агар қўллаш мумкин бўлса, тегишли инструментларни ҳежлаш бўйича фойда ва зарарларни) хусусий капиталдан, ҳисобдан чиқариш бўйича фойда ёки зарарнинг бир қисми сифатида фойда ёки зарарга қайта таснифлаш.
- Г13 Лекин, МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот МХХСга ўтиш санасига мавжуд бўлган бошқа валютага ўтказиш натижасида жамғарилган курс фарқлари бўйича ушбу талабларга риоя қилиши талаб этилмайди. Агар МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот мазкур озод қилиш ҳолатидан фойдаланса, у ҳолда:
- (а) барча чет элдаги бўлинмалар бўйича бошқа валютага ўтказиш натижасида жамғарилган курс фарқлари МХХСга ўтиш санасига нольга тенг деб қабул қилинади; ва
- (б) ҳар қандай чет элдаги бўлинманинг кейинчалик ҳисобдан чиқарилишидан олинган фойда ёки зарар МХХСга ўтиш санасигача ушбу бўлинма бўйича бошқа валютага ўтказиш натижасида жамғарилган курс фарқларини ўз ичига олмаслиги ва ушбу санадан кейин жамғарилган фарқларни эса ўз ичига олиши лозим.
- Г13А Г12-банд ёки Г13-бандни қўллаш ўрнига, агар бош ташкилот кўрсатилган шўъба ташкилотини сотиб олиш доирасида консолидация жараёни ва бизнес бирлашувининг таъсири учун тузутишлар киритилмаган бўлса, Г16(а)-бандидаги имтиёздан фойдаланадиган шўъба ташкилот ўз молиявий ҳисоботида барча хорижий операциялар бўйича бошқа валютага ўтказиш натижасида жамғариладиган курс фарқларини, бош ташкилотнинг МХХСга ўтиш санасига асосланган, бош ташкилотнинг консолидацияланган ҳисоботига киритилиши мумкин бўлган баланс қийматига

Ўлчашни танлаши мумкин. Г16(а) бандидаги имтиёздан фойдаланадиган таъсир остидаги ташкилотлар ёки қўшма корхоналар ҳам худди шундай танловга эга.

Шўъба ташкилотларга, қўшма корхонларга ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестициялар

- Г14 Ташкилот алоҳида молиявий ҳисоботни тайёрлаганда ўзининг шўъба ташкилотларига, қўшма корхоналарига ва таъсир остидаги ташкилотларига инвестицияларини 27-сон БҲХС бўйича қуйидагича ҳисобга олиши талаб этилади:
- (а) бошланғич қиймат бўйича; ёки
 - (б) 9-сон МХХСга мувофиқ; ёки;
 - (в) 28-сон МХХСда тавсифланган улушли қатнашиш усулидан фойдаланган ҳолда.
- Г15 Агар МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот бундай инвестицияни 27-сон БҲХСга мувофиқ бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олса, унда ушбу инвестицияни МХХСга мувофиқ алоҳида молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида қуйидаги қийматларнинг бири бўйича баҳолаши лозим:
- (а) 27-сон БҲХСга мувофиқ аниқланган бошланғич қиймат; ёки
 - (б) шартли бошланғич қиймат. Бундай инвестициянинг шартли бошланғич қиймати бўлиб унинг қуйидаги қиймати ҳисобланади:
 - (i) ташкилот МХХСга ўтиш санасига унинг алоҳида молиявий ҳисоботидаги ушбу инвестициянинг ҳаққоний қиймати; ёки
 - (ii) ушбу санага олдинги БХУТга мувофиқ баланс қиймати.
- МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот шўъба ташкилотга, қўшма корхоналарга ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестицияларини баҳолашда шартли бошланғич қийматдан фойдаланиб баҳолашни танласа, у ҳар бир бундай инвестициясини баҳолашда юқоридаги (i) ёки (ii) кичик бандларнинг бирини танлаши мумкин.
- Г15А Агар МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот бундай инвестицияларни 28-сон БҲХСда тавсифланганидек улушли қатнашиш усулидан фойдаланиб ҳисобга олса, у ҳолда:
- (а) МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот харид қилинган ушбу инвестицияга нисбатан олдинги бизнес бирлашувлари (В илова)да назарда тутилган озод қилиш ҳолатларини қўллайди;
 - (б) агар ташкилот консолидациялашган молиявий ҳисоботидан олдин ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботи учун энг олдинги даврга МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот бўлса ва
 - (i) бош ташкилотидан кўра кейинги санага қўлласса, ташкилот алоҳида молиявий ҳисоботи учун Г16 бандни қўллаши лозим.
 - (ii) шўъба ташкилотидан кўра кейинги санага қўлласса, ташкилот алоҳида молиявий ҳисоботи учун Г17 бандни қўллаши лозим.

Шўъба ташкилотлар, қўшма корхонлар ва таъсир остидаги ташкилотларнинг активлари ва мажбуриятлари

- Г16 Агар шўъба ташкилоти унинг бош ташкилотидан кейин МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот бўлса, ушбу шўъба ташкилоти ўзининг молиявий ҳисоботида активлар ва мажбуриятларни қуйидагиларнинг бири бўйича баҳолаши лозим:
- (а) агар бош ташкилот томонидан шўъба ташкилотини харид қилиш доирасидаги бизнес бирлашув натижаларини акс эттириш ва консолидациялаш мақсадида ҳеч қандай тузатишлар қилинмаган бўлса, бош ташкилотнинг МХХСга ўтиш санасига консолидациялашган молиявий ҳисоботида акс эттириладиган баланс қиймати бўйича (ушбу танловдан 10-сон МХХСда таърифланган фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда ҳисобга олиниши талаб этилгандиган инвестиция ташкилоти бўлган шўъба ташкилоти мустасно); ёки

- (б) шўба ташкилотининг МҲХСга ўтиш санасига тегишли мазкур МҲХСнинг қолган талаблари асосида аниқланадиган баланс қиймати. Бундай баланс қиймати (а) кичик бандда кўрсатилган баланс қийматидан қуйидаги ҳолатларда фарк қилиши мумкин:
- (i) ушбу МҲХСдаги озод қилиш ҳолатлари натижаси МҲХСга ўтиш санасига боғлиқ бўлган баҳолашга олиб келса.
 - (ii) шўба ташкилотининг молиявий ҳисобот учун қўлланган ҳисоб сиёсати консолидациялашган молиявий ҳисобот учун қўлланган ҳисоб сиёсатидан фарк қилса. Масалан, шўба ташкилоти ўзининг ҳисоб сиёсатида 16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*”даги бошланғич қиймат моделидан фойдаланиши мумкин, гуруҳ эса қайта баҳолаш моделидан фойдаланиши мумкин.

Қўшма корхонлар ва таъсир остидаги ташкилотларни аҳамиятли таъсир ва биргаликдаги назоратини амалга оширувчи ташкилотлардан кейин МҲХСни биринчи марта қўллайдиган қўшма корхонлар ва таъсир остидаги ташкилотлар юқоридаги каби танлаш имкониятига эга бўлади.

- Г17 Лекин, агар ташкилот МҲХСни биринчи марта унинг шўба ташкилоти (ёки таъсир остидаги ташкилоти ёки қўшма корхонаси)дан кейин қўллайдиган бўлса, унда ташкилот ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботида шўба ташкилоти (ёки таъсир остидаги ташкилоти ёки қўшма корхонаси)нинг активлари ва мажбуриятларини, консолидациялаш мақсадида бош ташкилот томонидан шўба ташкилотни харид қилиш доирасида бизнес бирлашуви натижасини акс эттириш ва улушли қатнашиш усулини қўллаш учун зарур тузатишлар киритилганидан сўнг шўба ташкилоти (ёки таъсир остидаги ташкилоти ёки қўшма корхонаси)нинг молиявий ҳисоботида акс эттирилган баланс қиймати бўйича баҳолаши лозим. Ушбу талабга қарамасдан, инвестиция ташкилоти бўлмаган бош ташкилот, унинг ҳар қандай инвестиция ташкилот бўлган шўба ташкилотлари томонидан консолидациялаш бўйича фойдаланилган истиснони қўлламаслиги лозим. Шу каби, агар бош ташкилот МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот сифатида МҲХСни биринчи марта ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботига нисбатан алоҳида молиявий ҳисоботига олдин ёки кейин қўллаган бўлса, ташкилот активлари ва мажбуриятларини иккала ҳисоботда ҳам бир хил қийматда баҳолаши лозим, бундан консолидациялаш бўйича тузатишлар мустасно.

Таркибли молиявий инструментлар

- Г18 32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиш*” ташкилотдан дастлаб таркибли молиявий инструментни мажбурият ва хусусий капитал компонентларига ажратишни талаб қилади. Агар мажбурият компоненти сўндирилган бўлса, 32-сон БҲХСнинг ретроспектив қўлланиши хусусий капитални икки қисмга ажратилиши заруратини келтириб чиқаради. Биринчи қисми тақсимланмаган фойда таркибида бўлади ва мажбурият компоненти бўйича ҳисобланган жамғарилган фонзни ифодалайди. Бошқа қисми дастлабки хусусий капитал компонентини ифодалайди. Лекин, ушбу МҲХСга мувофиқ, МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот қарз мажбуриятини ифодаловчи компоненти МҲХСга ўтиш санасига қадар сўндирилган бўлса, таркибли инструментни икки компонентга ажратиш талаб этилмайди.

Олдин тан олинган молиявий инструментларни таснифлаш

- Г19 9-сон МҲХС молиявий мажбуриятни (маълум талабларга жавоб берганда) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият сифатида таснифлашга рухсат беради. Ушбу талабга қарамасдан, ташкилот МҲХСга ўтиш санасига ушбу мажбуриятлар 9-сон МҲХСнинг 4.2.2-бандида келтирилган талабларга жавоб бериши шарт билан ҳар қандай молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган мажбурият сифатида таснифлашга рухсат этилади.
- Г19А Ташкилот молиявий активни 9-сон МҲХСнинг 4.1.5-бандига мувофиқ МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий актив сифатида таснифлаши мумкин.
- Г19Б Ташкилот улушли инструментга инвестициясини 9-сон МҲХСнинг 5.7.5-бандига мувофиқ МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган инвестиция сифатида таснифлаши мумкин.
- Г19В Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият бўйича ташкилот 9-сон МҲХСнинг 5.7.7-бандида назарда тутилган ҳисобга олиш тартиби МҲХСга ўтиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида фойда ёки зарарлардаги ҳисобнинг номувофиқлигини юзага келиши мумкинлигини аниқлаши лозим.

Молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларни дастлабки тан олишда ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаш

Г20 7 ва 9-бандлардаги талабларга қарамасдан, ташкилот 9-сон МҲХСнинг Б5.1.2А(б) бандидаги талабларни МҲХСга ўтиш санасига ёки ундан кейин амалга оширилган операцияларга нисбатан перспектив тарзда қўлаши мумкин.

Асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилган, фойдаланишдан чиқаришга тегишли мажбуриятлар

Г21 1-сон МҲХСШҚ шарҳи “Объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мавжуд мажбуриятлардаги ўзгаришлар” активларни фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ёки шу каби мавжуд мажбуриятлардаги маълум ўзгаришлар ушбу мажбурият билан боғлиқ активларнинг бошланғич қиймати оширилишини ёки камайрилишини талаб этади; ушбу активнинг тузатилган эскириш ҳисобланадиган қийматидан унинг қолган фойдали хизмат муддати давомида перспектив тарзда эскириш ҳисобланади. МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот МҲХСга ўтиш санасидан олдин содир бўлган бундай мажбуриятлардаги ўзгаришларга нисбатан ушбу талабларни қўллаши талаб этилмайди. Агар МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот ушбу озод қилиш ҳолатидан фойдаланса, у ҳолда:

- (а) мажбуриятни МҲХСга ўтиш санасига 37-сон БҲХСга мувофиқ баҳолаши лозим;
- (б) мажбурият 1-сон МҲХСШҚ шарҳининг қўллаш доирасига тааллуқли бўлганда, мажбурият юзага келган пайтда у билан боғлиқ бўлган активнинг бошланғич қийматига киритиладиган суммани баҳолаш, унинг энг тўғри ҳисоб баҳосидан фойдаланиб, ўтган даврда ушбу мажбуриятга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган, рискни ҳисобга олиб тузатилган дисконт ставкаси(лари) асосида мажбуриятни белгиланган санага дисконтлаш орқали аниқланади; ва
- (в) ушбу суммадан ва активнинг жорий баҳоланган фойдали хизмат муддатидан келиб чиқиб, ташкилот томонидан МҲХСга мувофиқ қабул қилинган эскириш ҳисоблаш сиёсатидан фойдаланган ҳолда МҲХСга ўтиш санасига жамланган эскиришни ҳисоблаши лозим.

Г21А Г8А(б) банддаги озод қилиш ҳолатидан (олдинги БҲУТга кўра нефть ва газ конини қидириш ва қазиб олиш бўйича сарфлар, қазиб олиш босқичларида катта географик ҳудуддаги барча қазилма участкаларини камраб оладиган сарфлар марказларида ҳисобга олиш учун) фойдаланадиган ташкилот, Г21-бандни ёки 1-сон МҲХСШҚ қўллаш ўрнига:

- (а) объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мавжуд мажбуриятларни МҲХСга ўтиш санасига 37-сон БҲХСга мувофиқ баҳолаши лозим; ва
- (б) ташкилотнинг олдинги БҲУТга мувофиқ аниқланган МҲХСга ўтиш санасига ушбу мажбуриятларнинг баҳоланган қиймати ва баланс қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарк тақсимланмаган фойда таркибида тан олиши лозим.

12-сон МҲХСШҚга мувофиқ ҳисобга олинадиган молиявий активлар ёки номоддий активлар

Г22 МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 12-сон МҲХСШҚ шарҳидаги ўтиш қоидаларини қўллаши мумкин.

Қарзлар бўйича сарфлар

Г23 МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 23-сон БҲХС талабларини ўтиш санасидан бошлаб ёки ундан олдинроқ қўллашни 23-сон БҲХСнинг 28-бандига мувофиқ танлаши мумкин. Ушбу озод қилиш ҳолатидан фойдаланган санадан бошлаб, ташкилот 23-сон БҲХСни қўллайди ва ушбу санадан бошлаб ташкилот:

- (а) олдинги БҲУТга мувофиқ қарзлар бўйича сарфларнинг капиталлаштирилган ва ўша санада активларнинг баланс қийматига киритилган қисмини қайта ҳисобламаслиги лозим; ва
- (б) қарзлар бўйича сарфларни, шу жумладан қурилиш жараёнида бўлган квалификацияланадиган активлар учун ушбу санага ёки ундан кейин юзага келган қарзлар бўйича сарфларни 23-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.

Г24 [Чиқариб ташланган]

Молиявий мажбуриятларни улушли инструментлар билан сўндириш

- Г25 МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 19-сон МХХСШҚ шарҳи “*Молиявий мажбуриятларни улушли инструментлар билан сўндириш*”нинг ўтиш қоидаларини қўллаши мумкин.

Кучли гиперинфляция

- Г26 Агар ташкилотнинг функционал валютаси олдин ёки ҳозирги пайтда гиперинфляцияли иқтисодиётнинг валютаси бўлса, унда ташкилот МХХСга ўтиш санасидан олдин ушбу валюта кучли гиперинфляция таъсири остида бўлганлигини аниқлаши лозим. Бу МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилотга ҳамда МХХСни олдин қўллаган ташкилотга таалуклидир.
- Г27 Агар гиперинфляцияли иқтисодиёт куйидаги хусусиятларнинг ҳар иккисига эга бўлса, унинг валютаси кучли гиперинфляция таъсири остида бўлади:
- (а) ушбу валютада операцияларини амалга оширган ва қолдиқлари бўлган барча ташкилотлар учун ишончли умумий нарх индекси мавжуд эмас;
 - (б) ушбу валютани нисбатан барқарор чет эл валютасига айирбошлаш имконияти мавжуд эмас.
- Г28 Функционал валютанинг барқарорлашиши санасидан ташкилотнинг функционал валютаси кучли гиперинфляция таъсири остидан чиқади. Яъни бу сана, Г27-банддаги бир ёки иккита хусусиятга ортик эга бўлмайдиган сана ёки ташкилотнинг функционал валютаси кучли гиперинфляция таъсири остида бўлмаган валютага ўзгарган сана ҳисобланади.
- Г29 Ташкилотнинг МХХСга ўтиш санаси унинг функционал валютасининг барқарорлашиши санасига ёки ундан кейинги санага тўғри келганда, ташкилот функционал валютаси барқарорлашиши санасидан олдин эгалик қилган барча активлари ва мажбуриятларини МХХСга ўтиш санасига ҳаққоний қийматда баҳолашни танлаши мумкин. Ташкилот ушбу активлар ва мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматларидан МХХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги кириш ҳисоботида шартли бошланғич қиймат сифатида фойдаланиши мумкин.
- Г30 Функционал валютанинг барқарорлашиши санаси 12 ойлик қиёсий даврдаги санага тўғри келганда, қиёсий давр бундай давр учун молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами тақдим этилган (1-сон БҲХСнинг 10-бандида талаб этилганидек) бўлиши шарти билан 12 ойдан қисқароқ давр қилиб қабул қилиниши мумкин.

Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар

- Г31 МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 11-сон МХХСдаги ўтиш қоидаларини куйидаги истисноларни ҳисобга олган ҳолда қўллаши мумкин:
- (а) МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 11-сон МХХСдаги ўтиш қоидаларини МХХСга ўтиш санасига қўллаши лозим.
 - (б) МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот, мутаносиб консолидация усулидан улушли қатнашиш усулига ўтганда, инвестициянинг МХХСга ўтиш санасига қадрсизланишини инвестиция қадрсизланишининг бирор аломати бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, 36-сон БҲХСга мувофиқ тестдан ўтказиши лозим. Қадрсизланишнинг ҳар қандай суммаси МХХСга ўтиш санасига тақсимланмаган фойдага тузатиш сифатида тан олинishi лозим.

Очиқ коннинг қазиб чиқариш босқичидаги устки қатламни очиш сарфлари

- Г32 МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 20-сон МХХСШҚ шарҳи “*Очиқ коннинг қазиб чиқариш босқичидаги устки қатламни очиш сарфлари*”нинг А1-А4-бандларида белгиланган ўтиш қоидаларини қўллаши мумкин. Ушбу бандларда кайд этилган кучга кириш санаси сифатида 2013 йил 1 январь ёки МХХС бўйича биринчи ҳисобот даврининг бошланиш санасидан қайси бири кейинроқ келса, ўша сана тушунилиши лозим.

Номолиявий объектларни сотиб олиш ёки сотиш шартномаларини таснифлаш

- Г33 9-сон МХХС дастлаб номолиявий объектларни сотиб олиш ёки сотишга доир айрим шартномаларни фойда ва зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган модда сифатида таснифлашга рухсат беради (9-сон МХХСнинг 2.5 бандига қаранг). Ушбу талабга қарамасдан, ташкилотга МХХСга ўтиш санасига мавжуд номолиявий объектларни сотиб олиш ёки сотишга доир шартномаларни 9-сон МХХСнинг 2.5-банди талабларига мувофиқ бўлиши шarti билан фойда ва зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган модда сифатида таснифлашга рухсат этилади ва ташкилот барча ўхшаш шартномаларни таснифлайди.

Тушум

- Г34 МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот 15-сон МХХСнинг В5 бандида белгиланган ўтиш қоидаларини қўллаши мумкин. Ушбу бандлардаги “қўллашнинг дастлабки санаси” иборасини МХХС бўйича биринчи ҳисобот даврининг бошланиши деб тушуниш лозим. Агар МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот ушбу ўтиш қоидаларини қўллашга қарор қилса, 15-сон МХХСнинг В6 бандини ҳам қўллаши лозим.
- Г35 МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот тақдим этилган даврнинг энг олдинги даврдан олдин бажарилган шартномаларга тегишли маълумотларни қайта ҳисоблаши талаб этилмайди. Бажарилган шартнома – олдинги БХУТга мувофиқ ташкилот идентификация қилинган барча товарларни ёки хизматларни ўтказган шартномадир.

Чет эл валютасидаги операциялар ва олдиндан тўлов

- Г36 МХХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилот 22-сон МХХСШҚ шарҳи “Чет эл валютасидаги операциялар ва олдиндан тўлов”ни МХХСга ўтиш санасидан олдин дастлаб тан олинган ушбу шарҳни қўллаш доирасига қирадиган активлар, харажатлар ва даромадларга нисбатан қўллаши талаб этилмайди.

Д илова МХХС талабларидан қисқа муддатли озод қилиш ҳолатлари

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

9-сон МХХС бўйича қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаш талабидан озод қилиш

- Д1 Агар ташкилотнинг МХХС бўйича биринчи ҳисобот даври 2019 йил 1 январдан олдин бўлса ва ташкилот 9-сон МХХСнинг якуний (2014 йил эълон қилинган) таҳририни қўлласа, ўзининг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботидаги қиёсий маълумотлар 7-сон МХХС “*Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш*”га ёхуд агар 7-сон МХХСга асосан ёритиб бериш талаб этиладиган маълумот 9-сон МХХС қўллаш доирасига тегишли бўлган ҳолатларда 9-сон МХХСнинг якуний (2014 йил эълон қилинган) таҳририга мувофиқ бўлиши талаб этилмайди. Бундай ташкилотлар учун фақатгина 7-сон МХХС ва 9-сон МХХС доирасида “МХХСга ўтиш санаси” ибораси МХХС бўйича биринчи ҳисобот даврининг бошланишини англатади.
- Д2 МХХСга ўтишнинг биринчи йилида 7-сон МХХС ва 9-сон МХХСнинг якуний (2014 йил эълон қилинган) таҳририга мувофиқ келмайдиган қиёсий маълумотларни тақдим қилишга қарор қилган ташкилот:
- (а) 9-сон МХХСнинг қўллаш доирасига кирадиган моддалар бўйича қиёсий маълумотларга нисбатан 9-сон МХХС талаблари ўрнига ўзининг олдинги БХУТдаги талабларни қўллаши лозим;
 - (б) ушбу факт билан биргаликда бундай маълумотни тайёрлаш учун қўлланган асосни ёритиб бериши лозим.
 - (в) қиёсий даврнинг ҳисобот санасига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (яъни олдинги БХУТга мувофиқ қиёсий маълумотларни қамраб олган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот) билан МХХС бўйича биринчи ҳисобот даври (яъни 7-сон МХХС ва 9-сон МХХСга мос бўлган маълумотларни қамраб оладиган биринчи даври) бошидаги молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари ўртасидаги ҳар қандай тузатиш ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришдан юзага келган деб ҳисобга олиши лозим ва 8-сон БХХСнинг 28(а)–(д) ва (е)(i) бандларида талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши лозим. 28(е)(i) банд фақатгина қиёсий даврнинг ҳисобот санасига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган суммаларга нисбатан қўлланади.
 - (г) агар МХХСнинг махсус талабларига риоя этиш, муайян операциялар, бошқа ҳодисалар ва шартлар ташкилотнинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларига таъсирини фойдаланувчилар тушуниши учун етарли бўлмаганда, қўшимча маълумотларни ёритиб бериш мақсадида 1-сон БХХСнинг 17(в) бандини қўллаши лозим.
- Д3–Д7 [Чиқариб ташланган]

Фойда солиғини ҳисоблаш тартибига нисбатан ноаниқликлар

- Д8 МХХСга ўтиш санаси 2017 йил 1 июндан олдин бўлган МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот ўзининг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботи бўйича қиёсий маълумотларига нисбатан 23-сон МХХСШҚ шарҳи “Фойда солиғини ҳисоблаш тартибига нисбатан ноаниқликлар”ни қўлламасликни танлаши мумкин. Бундай танловни қабул қилган ташкилот 23-сон МХХСШҚ шарҳининг қўллашнинг кумулятив таъсирини МХХС бўйича биринчи ҳисобот даври бошига тақсимланмаган фойданинг (ёки ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа тоифасининг) давр бошига қолдиғига тузатиш сифатида тан олиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
28-ИЛОВА

2-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти Акцияга асосланган тўлов

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади *акцияга асосланган тўлов операцияларини* амалга оширадиган ташкилот учун молиявий ҳисоботни тузиш қоидаларни белгилашдан иборат. Хусусан, ушбу стандарт ташкилотдан акцияга асосланган тўлов операцияларининг таъсирларини, жумладан ходимларга тақдим этиладиган *акция опционлари* бўйича операциялар билан боғлиқ харажатларни ўзининг фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботида ва молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида акс эттиришни талаб этади.

Қўллаш доираси

- 2 Ташкилот, айрим ёки барча олинган товарлар ёки хизматларни аниқлаши ёки аниқламаслигидан қатъий назар, мазкур стандартни барча акцияларга асосланган тўлов операцияларини ҳисобга олишда қўллаши лозим, жумладан қуйидагиларга:
- (а) *улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари,*
 - (б) *пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари,* ва
 - (в) товарлар ёки хизматларни олиш ёки харид қилишда келишув шартларига кўра ташкилотга ёки ушбу товар ёки хизматларнинг етказиб берувчисига ҳисоб-китобни ё пул маблағлари (ёки бошқа активлар) , ёки улушли инструментларни чиқариш йўли билан амалга ошириш танловини тақдим этувчи операциялар,
- 3А-6 бандларда келтирилган ҳолатлар бундан мустасно. Муайян тарзда идентификацияланадиган товарлар ёки хизматлар мавжуд бўлмаганда, бошқа ҳолатлар товарлар ва хизматлар олинганлигини (ёки олининини) кўрсатиши мумкин ва бундай ҳолатда мазкур стандарт қўлланади.
- 3 [Чиқариб ташланган]
- 3А Акцияларга асосланган тўлов операцияси товарлар ёки хизматларни қабул қиладиган ёки харид қиладиган ташкилот номидан гуруҳдаги бошқа ташкилот (ёки ҳар қандай гуруҳдаги ташкилотнинг акциядори) томонидан сўндирилиши мумкин. 2-банд қуйидаги ташкилотга нисбатан ҳам қўлланади:
- (а) худди шу гуруҳ (ёки гуруҳнинг ҳар қандай ташкилоти акциядори)нинг бошқа ташкилоти акциялар асосидаги операциялар ва тўловлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятига эга бўлганда товарлар ёки хизматларни олаётган ташкилотга, ёки
 - (б) худди шу гуруҳдаги бошқа ташкилот товарлар ёки хизматларни қабул қилганда, акциялар асосидаги операциялар ва тўловлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятига эга бўлган ташкилотга,
- бундан операция олувчи ташкилотга етказиб бериладиган товарлар ёки хизматларга ҳақ тўлаш мақсадида амалга оширилмаётганлиги аниқ бўлган ҳолатлар мустасно.
- 4 Мазкур МХХС мақсадларида, ташкилот улушли инструментларининг эгаси сифатидаги ходимлар (ёки бошқа томон) билан операция акцияларга асосланган тўлов операцияси ҳисобланмайди. Масалан, агар ташкилот ўз улушли инструментлари муайян синфининг барча эгаларига ташкилотнинг қўшимча улушли инструментларини ҳаққоний қийматидан паст нархда харид қилиш ҳуқуқини берса, ходим эса ушбу синфдаги улушли инструментларнинг эгаси бўлганлиги сабабли, бундай ҳуқуқни қабул қилса, ушбу ҳуқуқни тақдим этишга ёки ундан фойдаланишга нисбатан мазкур МХХСнинг талаблари қўлланмайди.
- 5 2-бандда қайд этилганидек, мазкур МХХС ташкилот товарлар ёки хизматларни қабул қиладиган ёки харид қиладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланади. Товарлар

захираларни, материаллар сарфларини, асосий воситаларни, номодий активларни ва бошқа номолиявий активларни ўз ичига олади. Лекин, ташкилот, 3-сон МҲХСнинг Б1-Б4 бандларида қайд этилган умумий назорат остидаги ташкилотларни ёки бизнесларни бирлаштиришда, у 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” (2008 йилдаги таҳрири)да таърифланган бизнес бирлашувида харид қилинган соф активларнинг бир қисми сифатида товарларни харид қиладиган операцияларга нисбатан ёки 11-сон МҲХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*”да таърифланган қўшма корxonани ташкил этишдаги бизнесда хисса қўшишга нисбатан қўлламаслиги лозим. Демак, харид қилиш объекти устидан назорат эвазига бизнес бирлашувида чиқарилган улушли инструментлар мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасига кирмайди. Лекин, харид қиладиган ташкилотнинг ходимлари мақомига эга ходимларга (масалан улуксиз хизмат эвазига) тақдим этилган улушли инструментлар мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасига киради. Шу каби, бизнес бирлашуви ёки бошқа хусусий капиталнинг реструктуризацияси сабабли *акцияларга асосланган тўлов келишувларининг* бекор қилиниши, алмаштирилиши ёки бошқа тарзда ўзгартирилиши мазкур МҲХСга мувофиқ ҳисобга олиниши лозим. 3-сон МҲХС бизнес бирлашувида чиқарилган улушли инструментлар харид қилиш объекти устидан назорат эвазига ўтказилган қийматни қоплашни бир қисми бўлиши (ва шу сабабли 3-сон МҲХСнинг қўллаш доирасида бўлади) ёки бирлашув амалга оширилган даврдан кейин тан олинмаган улуксиз хизмат кўрсатиш эвазига бўлишини (ва шу сабабли мазкур МҲХС нинг қўллаш доирасида бўлишини) аниқлаш юзасидан кўрсатмани таъминлайди.

- 6 Ташкилотнинг 32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиш*”нинг (2003 йилдаги таҳрирда) 8-10-бандларининг¹ ёки 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”нинг 2.4-2.7-бандларининг қўллаш доирасидаги шартнома асосида товарлар ёки хизматларни қабул қиладиган ёки харид қиладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан мазкур МҲХС қўлланмайди.
- 6А Мазкур МҲХС “*ҳаққоний қиймат*” атамасини 13-сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*”да келтирилган ҳаққоний қийматнинг таърифидан фарқли шаклда қўллайди. Шунинг учун, 2-сон МҲХС қўлланганда, ташкилот ҳаққоний қийматни 13-сон МҲХСга мувофиқ эмас, балки мазкур МҲХСга мувофиқ баҳолаши лозим.

Тан олиш

- 7 Ташкилот акцияларга асосланган тўлов операцияси асосида қабул қилинган ёки харид қилинган товарлар ёки хизматларни, товарларга эга бўлганда ёки хизматлар қабул қилинганда тан олиши лозим. Агар товарлар ёки хизматлар улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциясида қабул қилинган бўлса, ташкилот хусусий капиталдаги тегишли ўсишни ёки агар товарлар ёки хизматлар пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциясида харид қилинган бўлса, мажбуриятдаги тегишли ўсишни тан олиши лозим.
- 8 Акцияларга асосланган тўлов операциясида қабул қилинган ёки харид қилинган товарлар ёки хизматлар актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб бермаган ҳолатда, улар харажатлар сифатида тан олиниши лозим.
- 9 Одатда, харажат товарлар ёки хизматларнинг истеъмолдан юзага келади. Масалан, хизматлар одатда тезда истеъмол қилинади, бунда контрагент хизмат кўрсатиши билан харажат тан олинади. Товарлар муайян давр мобайнида истеъмол қилиниши мумкин ёки захиралар кейинроқ сотилиши мумкин, бунда харажат товарлар истеъмол қилинганда ёки сотилганда тан олинади. Лекин, баъзида товарлар ёки хизматлар истеъмол қилинишидан ёки сотилишидан олдин харажатни тан олиш зарур бўлади, чунки улар актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб бермайди. Масалан, ташкилот, товарларни янги маҳсулотни яратиш лойиҳасининг тадқиқот босқичининг бир қисми сифатида харид қилиши мумкин. Бундай товарлар истеъмол қилинмаган бўлишига қарамай, улар тегишли МҲХС асосида актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб бермаслиги мумкин.

Улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари

Умумий маълумот

- 10 Улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларида ташкилот қабул қилинган товарлар ёки хизматларни ва хусусий капиталдаги тегишли ўсишни

¹ 32-сон БҲХСнинг номига 2005 йилда ўзгартириш киритилган.

бевосита қабул қилинган товарлар ёки хизматларнинг ҳаққоний қийматида баҳолаши лозим, бундан ҳаққоний қийматни ишончли баҳолаш мумкин бўлмаган ҳоллар мустасно. Агар ташкилот қабул қилинган товарлар ёки хизматларнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолай олмаса, ташкилот уларнинг қийматини ва хусусий капиталдаги тегишли ўсишни, билвосита, тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати асосида² баҳолаши лозим.

- 11 10-банднинг талабларини *ўхшаш хизматларни³ кўрсатадиган ходимлар ва бошқа шахслар* билан операцияларга нисбатан қўллаш учун, ташкилот қабул қилинган хизматларнинг ҳаққоний қийматини тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати асосида баҳолаши лозим, чунки одатда 12-бандда изоҳланганидек, қабул қилинган хизматларнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлмайди. Мазкур улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати *тақдим этиш санасида* баҳоланиши лозим.
- 12 Одатда, акциялар, акция опционлари ёки бошқа улушли инструментлар пул маблағлари билан тўланадиган маошларига ва ходимларнинг бошқа даромадларига қўшимча тарзда, ходимлар иш ҳақи пакетининг бир қисми сифатида тақдим этилади. Одатда, ходимларнинг иш ҳақи пакетининг муайян компонентлари учун қабул қилинган хизматларни бевосита баҳолаш мумкин бўлмайди. Тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини бевосита баҳоламасдан, мустақил тарзда жами иш ҳақи пакетининг ҳаққоний қийматини баҳолаш имконсиз бўлиши мумкин. Бундан ташқари, акциялар ёки акция опционлари асосий иш ҳақининг бир қисми сифатида эмас, балки рағбатлантириш бўйича келишувнинг бир қисми сифатида тақдим этилади, масалан ходимларга ташкилотда иш фаолиятини давом эттириш учун рағбат сифатида ёки ташкилот фаолияти натижаларини яхшилашда уларнинг интилишларини мукофотлаш учун. Акциялар ёки акция опционларини тақдим этиш орқали, бошқа иш ҳақига қўшимча тарзда, ташкилот қўшимча нафларга эга бўлиш учун қўшимча иш ҳақи тўлайди. Бундай қўшимча нафларнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш қийин бўлиши эҳтимоли мавжуд. Қабул қилинган хизматларнинг ҳаққоний қийматини бевосита баҳолаш қийинлиги сабабли, ташкилот ходимнинг қабул қилинган хизматлари ҳаққоний қийматини тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати асосида баҳолаши лозим.
- 13 10-банднинг талабларини ходимлардан бошқа томонлар билан операцияларга нисбатан қўллаш учун, қабул қилинган товарлар ёки хизматларнинг ҳаққоний қиймати ишончли баҳолай олинishi тўғрисида рад этилиши мумкин бўлган фараз бўлиши лозим. Мазкур ҳаққоний қиймат ташкилот товарларни олганда ёки контрагент хизмат кўрсатган санада баҳоланиши лозим. Камдан-кам ҳолатларда, агар ташкилот қабул қилинган товарлар ёки хизматларнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолай олмаслиги сабабли бундай фаразни инкор этса, ташкилот қабул қилинган товарлар ёки хизматларни ва хусусий капиталдаги тегишли ўсишни тақдим этилган улушли инструментларнинг ташкилот товарларни оладиган ёки контрагент хизмат кўрсатадиган санада баҳоланган ҳаққоний қиймати асосида баҳолаши лозим.
- 13А Хусусан, агар қабул қилинган идентификацияланадиган товон (агарда мавжуд бўлса) тақдим этилган улушли инструментларнинг ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидан камроқ бўлиши мумкин бўлса, одатда мазкур ҳолат бошқа товон (яъни идентификацияланмайдиган товарлар ёки хизматлар) ташкилот томонидан қабул қилинганлигини (ёки қабул қилинишини) кўрсатади. Ташкилот мазкур МХХСга мувофиқ қабул қилинган идентификацияланадиган товарлар ёки хизматларни баҳолаши лозим. Ташкилот қабул қилинган (қабул қилинадиган) идентификацияланмайдиган товарлар ёки хизматларни акцияларга асосланган тўловнинг ҳаққоний қиймати ва ҳар қандай қабул қилинган (қабул қилинадиган) идентификацияланадиган товарлар ёки хизматларнинг ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ сифатида баҳолаши лозим. Ташкилот қабул қилинган идентификацияланмайдиган товарлар ёки хизматларни тақдим этиш санасида баҳолаши лозим. Лекин, пул маблағлари билан сўндириладиган операциялар учун мажбурият 30-33 бандларга мувофиқ сўндирилгунга қадар ҳар бир ҳисобот даври охирида қайта баҳоланиши лозим.

Хизматлар қабул қилинадиган операциялар

- 14 Агар тақдим этилган улушли инструментлар бўйича ҳуқуқлар дарҳол ўтказилса, контрагентдан мазур улушли инструментлар бўйича шартсиз эгаллик ҳуқуқига эга бўлишидан олдин муайян хизмат муддатини яқунлаши талаб этилмайди. Бунга зид далил мавжуд бўлмаганда, ташкилот, улушли инструментлар учун товон сифатида контрагент томонидан кўрсатилган хизматлар қабул қилинган,

² Мазкур МХХС “бўйича” сўздан эмас, балки “асосида” сўздан фойдаланади, чунки операция якуний босқичда 11 ёки 13-бандда (қайси бири ўринли бўлса) келтирилган санада баҳоланган, тақдим этиладиган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати, 19-бандда изоҳланганидек, ҳуқуқи ўтказиладиган улушли инструментларнинг миқдорига кўпайтириш орқали баҳоланади.

³ Мазкур МХХСнинг қолган қисмларида, ходимларга нисбатан барча ҳаволалар ўхшаш хизматларни кўрсатадиган бошқа шахсларни ҳам ўз ичига олади.

деб фараз қилиши лозим. Мазкур ҳолатда, тақдим этиш санасида ташкилот қабул қилинган хизматларни тўлиқ ҳажмда, хусусий капиталдаги тегишли ўсиш билан бирга тан олиши лозим.

- 15 Агар тақдим этилган улушли инструментлар бўйича ҳуқуқ контрагент муайян хизмат муддатини яқунлашига қадар ўтказилмаса, ташкилот мазкур улушли инструментлар учун товон сифатида контрагент томонидан кўрсатиладиган хизматлар келгусида, *ҳуқуқ ўтиш даври* мобайнида қабул қилинади, деб фараз қилиши лозим. Ташкилот мазкур хизматларни улар контрагент томонидан ҳуқуқ ўтиш даври мобайнида кўрсатилиши билан, хусусий капиталдаги тегишли ўсиш билан бирга ҳисобга олиши лозим. Масалан:
- (а) агар ходимга уч йиллик хизматни яқунлаш шarti билан акция опционлари тақдим этилса, ташкилот, акция опционлари учун товон сифатида ходим томонидан кўрсатиладиган хизматлар келгуси уч йиллик ҳуқуқ ўтиш даври мобайнида қабул қилинади деб фараз қилиши лозим.
 - (б) агар ходимга акция опционлари маълум фаолият натижасига эришиш ва ташкилотда ушбу фаолият натижасига эришилгунга қадар ўз иш фаолиятини давом эттириш шarti билан тақдим этилса ва ҳуқуқ ўтиш даврининг муддати ушбу фаолият натижасига эришиш пайтига боғлиқ равишда ўзгарса, ташкилот акция опционлари учун товон сифатида ходим томонидан кўрсатиладиган хизматлар келгусида, кутилаётган ҳуқуқ ўтиш даври мобайнида қабул қилинади деб фараз қилиши лозим. Ташкилот кутилаётган ҳуқуқ ўтиш даврининг давомийлигини фаолият натижасининг энг катта эҳтимолли натижасига асосланган ҳолда, опционларни тақдим этиш санасида баҳолаши лозим. Агар фаолият натижасига эришиш шarti *бозор шarti* бўлса, кутилаётган ҳуқуқ ўтиш даврининг баҳоланган давомийлиги тақдим этилган опционларнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган фаразларга мос бўлиши ва кейинги даврларда ўзгартирилмаслиги лозим. Агар фаолият натижаси шarti бозор шarti бўлмаса, ташкилот лозим бўлганда, агар кейинги маълумотлар ҳуқуқ ўтиш даври давомийлигининг олдинги баҳоланишларидан фарқ қилишини кўрсатса, ҳуқуқ ўтиш даври давомийлигининг баҳоланишини қайта кўриб чиқиши лозим.

Тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати асосида баҳоланган операциялар

Тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш

- 16 Тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати асосида баҳоланадиган операциялар бўйича, ташкилот тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини бозор нархларида (агар улар мавжуд бўлса) ушбу улушли инструментлар тақдим этилган шартларни ҳисобга олган ҳолда (19-22- бандлардаги талабларга мувофиқ) *баҳолаш санасига* аниқлаши лозим.
- 17 Агар бозор нархлари мавжуд бўлмаса, ташкилот тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини, улушли инструментларнинг нархи ўзаро операцияларни амалга оширишни истаган хабардор мустақил томонлар ўртасидаги операцияда баҳолаш санасида қандай бўлишини баҳолаш мақсадида баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда баҳолаши лозим. Баҳолаш усули молиявий инструментларни баҳолаш бўйича умумий қабул қилинган баҳолаш услубиётларига мос бўлиши лозим ва операцияни амалга оширишни истаган, хабардор бозор иштирокчилари нархни белгилашда инобатга олиши мумкин бўлган барча омиллар ва фаразларни қамраб олиши лозим (19-22 бандлардаги талабларга мувофиқ).
- 18 Б иловада акциялар ва акция опционларининг ҳаққоний қийматини баҳолаш бўйича ходимларга акцияларни ёки акция опционларини тақдим этишнинг умумий хусусиятлари бўлган муайян шартларга асосий эътибор қаратиладиган қўшимча кўрсатма келтирилган.

Ҳуқуқларнинг ўтиш шартларини ҳисобга олиш

- 19 Улушли инструментларнинг тақдим этилиши ҳуқуқ ўтишининг муайян шартларини бажариш шartiга боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, ходимга акцияларни ёки акция опционларини тақдим этиш, одатда, ходимнинг ташкилотда ўз иш фаолиятини белгиланган давр мобайнида давом эттириш шartiга боғлиқ бўлади. Ташкилот фойдасининг маълум бир ўсишига ёки ташкилот акцияси нархининг маълум даражада ошишига эришиш каби фаолият натижасига эришиш шартлари бўлиши мумкин. Баҳолаш санасида акциялар ва акция опционларининг ҳаққоний қийматини баҳолашда бозор шартларидан фарқ қиладиган ҳуқуқ ўтиш шартлари ҳисобга олинмаслиги лозим. Бунинг ўрнига, бозор шартлари ҳисобланмайдиган ҳуқуқ ўтиш шартлари операция суммасини баҳолашда ҳисобга олинган улушли инструментларнинг миқдорини тузатиш орқали инобатга олиниши лозим, бунинг натижасида, яқуний босқичда, тақдим этилган улушли инструментлар учун товон сифатида қабул

қилинган товарлар ёки хизматлар бўйича тан олинган сумма ҳақиқатда ўтадиган улушли инструментларнинг миқдорига асосланган бўлиши лозим. Шундай қилиб, 21-банддаги талаблар инobatта олинган ҳолда, агар тақдим этилган улушли инструментлар, бозор шартлари ҳисобланмайдиган ҳуқуқ ўтиши шартли бажарилмаслиги сабабли ўтказилмаса, масалан контрагент белгиланган хизмат даврини яқунламаса ёки маълум фаолият натижасига эришилмаса, кумулятив асосда қабул қилинган товарлар ёки хизматлар учун ҳеч қандай сумма тан олинмайди.

- 20 19-банд талабларини қўллашда, ташкилот, ҳуқуқ ўтиши кутилаётган улушли инструментлар миқдорининг энг яхши мавжуд ҳисоб баҳосига асосланган ҳолда ҳуқуқ ўтиши даври мобайнида қабул қилинган товарлар ёки хизматлар бўйича суммани тан олиши лозим ва мазкур ҳисоб баҳосини, зарур бўлганда, агар кейинги маълумотлар ўтиши кутилган улушли инструментлар миқдори олдинги ҳисоб баҳоларидан фарқ қилишини кўрсатса, қайта кўриб чиқиши лозим. Ҳуқуқ ўтиши санасида, ташкилот, 21-банддаги талабларни инobatта олган ҳолда, якуний тарзда ўтган улушли инструментлар миқдорига тенглаштириш учун ҳисоб баҳосини қайта кўриб чиқиши лозим.
- 21 Ҳуқуқ ўтишида (ёки амалга оширилишида) шарт қилиб белгиланган акция нархи каби бозор шартлари тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда инobatта олиниши лозим. Шунинг учун, улушли инструментларни бозор шартлари билан бирга тақдим этишда, ташкилот бошқа барча ҳуқуқ ўтиши шартларини қаноатлантирадиган контрагентдан қабул қилинадиган товарлар ёки хизматларни (масалан белгиланган хизмат даврида иш фаолиятини давом эттирадиган ходимдан қабул қилинадиган хизматларни) ушбу бозор шартли бажарилишидан қатъий назар тан олиши лозим.

Ҳуқуқлар ўтмаслиги шартларини ҳисобга олиш

- 21A Шу каби, ташкилот тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда барча ҳуқуқларнинг ўтмаслиги шартларини инobatта олиши лозим. Шунинг учун, ҳуқуқларнинг ўтмаслиги шартларига эга улушли инструментларни тақдим этиш учун, ташкилот бозор шартлари ҳисобланмайдиган барча ҳуқуқларнинг ўтиши шартларини қаноатлантирадиган контрагентдан қабул қилинадиган товарлар ёки хизматларни (масалан белгиланган хизмат даврида иш фаолиятини давом эттирадиган ходимдан қабул қилинадиган хизматларни) ушбу ҳуқуқларнинг ўтмаслиги шартлари бажарилишидан қатъий назар тан олиши лозим.

Револьвер шартни ҳисобга олиш

- 22 *Револьвер шартига* эга опционларда, тақдим этилган опционларни баҳолаш санасида ҳаққоний қийматини баҳолашда револьвер шартли инobatта олинмаслиги лозим. Бунинг ўрнига *револьвер опционни*, агар кечроқ тақдим этилса, янги опционни тақдим этиш сифатида тақдим этилган пайтда ҳисобга олишини лозим.

Ҳуқуқлар ўтиши санасидан сўнг

- 23 10-22-бандларга мувофиқ қабул қилинган товарлар ёки хизматлар ва хусусий капиталдаги тегишли ўсиш тан олинган ҳолда, ташкилот ҳуқуқ ўтиши санасидан сўнг жами хусусий капиталга ҳеч қандай кейинги тузатишни амалга оширмаслиги лозим. Масалан, ташкилот, агар ходим унга ҳуқуқ ўтган улушли инструментлардан кейинчалик маҳрум бўлса ёки акция опционлари ҳолатида, опционлар амалга оширилмаса, ходимдан қабул қилинган хизматлар учун тан олинган суммани кейинчалик қайта тикламаслиги лозим. Лекин, мазкур талаб ташкилотни хусусий капитал ичидаги ўтказмани, яъни хусусий капиталнинг бир компонентида бошқасига ўтказмани тан олишига тўсқинлик қилмайди.

Агар улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлмаса

- 24 16-23-бандлардаги талаблар ташкилотдан тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати асосида акцияларга асосланган тўлов операциясини баҳолаш талаб этилганда қўлланиши лозим. Камдан-кам ҳолатларда, ташкилот тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш санасида 16-22 бандлардаги талабларга мувофиқ ишончли баҳолаш имконига эга бўлмаслиги мумкин. Фақатгина қуйидаги камдан-кам ҳолатларда, ташкилот:
- (a) улушли инструментларни уларнинг *ички қийматида* баҳолайди, ушбу баҳолаш дастлаб ташкилот товарларни олганда ёки контрагент хизматни кўрсатганда ва кейинчалик ҳар бир ҳисобот даври охирида ва якуний сўндириш санасида амалга оширилиши ҳамда ички қийматдаги ҳар қандай ўзгариш фойда ёки зарарда тан олиниши лозим. Тақдим этилган

акция опционлари бўйича акцияларга асосланган тўлов келишуви якуний тарзда опционлар амалга оширилганда, уларга нисбатан ҳуқуқ йўқотилганда (масалан ҳодимнинг ишдан кетиши) ёки опцион ўз кучини йўқотганда (масалан опцион муддатининг охирида) сўндирилади.

- (б) қабул қилинган товарлар ёки хизматларни якуний ўтадиган ёки (ўринли бўлганда) якуний тарзда амалга ошириладиган улушли инструментлар миқдорига асосланган ҳолда тан олиши лозим. Ушбу талабни акция опционларига нисбатан қўллашда, масалан, ташкилот 14 ва 15-бандларга мувофиқ ҳуқуқ ўтиш даври мобайнида, агар мавжуд бўлса, қабул қилинган товарлар ёки хизматларни тан олиши лозим, бунда 15(б)-банддаги бозор шартига тегишли талаблар қўлланмайди. Ҳуқуқ ўтиш даври мобайнида қабул қилинган товарлар ёки хизматлар учун тан олинган сумма ўтказилиши кутилаётган акция опционлари миқдорига асосланган бўлиши лозим. Агар кейинги маълумотлар ўтказилиши кутилаётган акция опционлари сонининг олдинги ҳисоб баҳоларидан фарқ қилишини кўрсатса, ташкилот ушбу ҳисоб баҳосини, зарур бўлганда, қайта кўриб чиқиши лозим. Ҳуқуқ ўтиши санасида ташкилот якуний тарзда ўтган улушли инструментлар миқдорига тенглаштириш учун ҳисоб баҳосини қайта кўриб чиқиши лозим. Ҳуқуқ ўтиши санасидан сўнг, агар акция опционларига нисбатан ҳуқуқ кейинчалик йўқотилса ёки акция опционининг муддати охирида ўз кучини йўқотса, ташкилот қабул қилинган товарлар ёки хизматлар учун тан олинган суммани қайта тиклаши лозим.

25 Агар ташкилот 24-бандни қўлласса, 26-29-бандларни қўллаш талаб этилмайди, чунки улушли инструментлар тақдим этилган шартларига нисбатан ҳар қандай ўзгартиришлар 24-бандда белгиланган ички қиймат усулини қўллашда инobatга олинади. Лекин, агар ташкилот 24-банд қўлланган тақдим этилган улушли инструментларни сўндирса:

- (а) агар сўндириш ҳуқуқ ўтиш даври мобайнида содир бўлса, ташкилот сўндиришни ҳуқуқ ўтишини тезлаштириш сифатида ҳисобга олиши лозим ва шу сабабли дарҳол ҳуқуқ ўтиш даврининг қолган қисми мобайнида қабул қилинган хизматлар учун акс ҳолда тан олиниши мумкин бўлган шундай суммани тан олиши лозим.
- (б) сўндириш бўйича амалга оширилган ҳар қандай тўлов улушли инструментларни қайта сотиб олиш сифатида, яъни хусусий капиталдан чегириш сифатида ҳисобга олиниши лозим, бундан тўлов қайта баҳолаш санасида баҳоланган улушли инструментларнинг ички қийматидан ошган ҳолат мустасно. Ҳар қандай бундай ошган қисм харажат сифатида тан олиниши лозим.

Тақдим этилган улушли инструментлар шартларининг ўзгариши, шу жумладан бекор қилиш ва сўндириш

26 Ташкилот улушли инструментлар тақдим этилиши шартларини ўзгартириши мумкин. Масалан, у ходимларга тақдим этилган опционларнинг ҳаққоний қийматини оширадиган фойдаланиш нархини камайтириши (яъни опционларни қайта нархлаши) мумкин. Ўзгартиришлар таъсирларини ҳисобга олиш бўйича 27-29 бандлардаги талаблар ходимлар билан акцияларга асосланган тўлов операциялари ҳолатида ифодаланган. Лекин, ушбу талаблар тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати асосида баҳоланган, ходимлардан бошқа томонлар билан акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан ҳам қўлланиши лозим. Кейинги ҳолатда, 27-29-бандлардаги тақдим этиш санасига ҳар қандай ҳаволалар ўрнига ташкилот, товарларга эга бўладиган ёки контрагент хизматни кўрсатадиган санага ҳавола қилиши лозим.

27 Ташкилот энг камида, агар ушбу улушли инструментлар тақдим этиш санасида белгиланган (бозор шартлари ҳисобланмайдиган) ҳуқуқ ўтиш шарти бажарилмаслиги сабабли ўтказилмаса, тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймат бўйича тақдим этиш санасида баҳоланган қабул қилинган хизматларни тан олиши лозим. Бу улушли инструментлар тақдим этилган шартларга нисбатан ҳар қандай ўзгартиришлардан ёки бекор қилишдан ёки сўндиришдан қатъий назар қўлланади. Шу билан бирга, ташкилот акцияларга асосланган тўлов келишувининг жами ҳаққоний қийматини оширадиган ёки бошқа ҳолларда ходимга манфаатли бўладиган ўзгартиришлар таъсирларини тан олиши лозим. Мазкур талабни қўллаш бўйича кўрсатма Б иловада келтирилган.

28 Агар улушли инструментларнинг тақдим этилиши ҳуқуқ ўтиш даври мобайнида бекор қилинса ёки сўндирилса (ҳуқуқ ўтиш шартлари бажарилмаган ҳолатда бекор қилинган тақдим этишдан ташқари):

- (а) ташкилот бекор қилишни ёки сўндиришни ҳуқуқ ўтишини тезлаштириш сифатида ҳисобга олиши лозим ва шу сабабли дарҳол бошқа ҳолларда ҳуқуқ ўтиш даврининг қолган қисми мобайнида қабул қилинган хизматлар учун тан олиниши мумкин бўлган суммани тан олиши лозим.

- (б) тақдим этишнинг бекор қилиниши ёки сўндириш бўйича ходимга тўланган ҳар қандай тўлов хусусий капиталдаги улушни қайта сотиб олиш сифатида, яъни хусусий капиталдан чегириш сифатида ҳисобга олинishi лозим, бундан тўлов қайта баҳолаш санасида баҳоланган тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматидан ошган ҳолат мустасно. Ҳар қандай бундай ошган қисм харажат сифатида тан олинishi лозим. Лекин, агар акцияларга асосланган тўлов келишуви мажбурият компонентини ўз ичига олган бўлса, ташкилот мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини бекор қилиш ёки сўндириш санасида қайта баҳолаш лозим. Мажбурият компонентини сўндириш бўйича амалга оширилган ҳар қандай тўлов мажбуриятни сўндириш сифатида ҳисобга олинishi лозим.
- (в) Агар янги улушли инструментлар ходимга тақдим этилса ва ушбу янги улушли инструментлар тақдим этилган санада ташкилот тақдим этилган янги улушли инструментларни бекор қилинган улушли инструментларнинг ўрнини эгаллайдиган улушли инструментлар сифатида аниқласа, ташкилот ўрнини эгаллайдиган улушли инструментларнинг тақдим этилишини 27-бандга ва Б иловадаги кўрсатмага мувофиқ, улушли инструментларнинг дастлабки тақдим этилишининг ўзгартирилиши каби бир хил ҳисобга олиши лозим. Тақдим этилган қўшимча ҳаққоний қиймат, ўрнини эгаллайдиган улушли инструментлар тақдим этилган санада ўрнини эгаллайдиган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати ва бекор қилинган улушли инструментларнинг соф ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқдир. Бекор қилинган улушли инструментларнинг соф ҳаққоний қиймати бевосита бекор қилишдан олдинги, уларнинг ҳаққоний қийматидан, юқоридаги (б) бандга мувофиқ хусусий капиталдан камайиш сифатида ҳисобга олинган ҳолда, улушли инструментларни бекор қилиниши бўйича ходимга тўланган ҳар қандай тўлов суммасининг чегирилганига тенгдир. Агар ташкилот тақдим этилган янги улушли инструментларни бекор қилинган улушли инструментларнинг ўрнини эгаллайдиган улушли инструментлар сифатида аниқламаса, ташкилот ушбу янги улушли инструментларни улушли инструментларнинг янги тақдим этилиши сифатида ҳисобга олиши лозим.
- 28А Агар ташкилот ёки контрагент ҳуқуқлар ўтмаслиги шартини бажариш ёки бажармасликни танлай олса, ташкилот ҳуқуқ ўтиш даври мобайнида ташкилотнинг ёки контрагентнинг бу ўтмаслик шартини бажармаслигини бекор қилиш сифатида ҳисобга олиши лозим.
- 29 Агар ташкилот ходимга ҳуқуқи ўтган улушли инструментларни қайта сотиб олса, ходимга тўланган тўлов хусусий капиталдаги камайиш сифатида ҳисобга олинishi лозим, бундан тўлов қайта баҳолаш санасида баҳоланган тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматидан ошган ҳолат мустасно. Ҳар қандай бундай ошган қисм харажат сифатида тан олинishi лозим.

Пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари

- 30 Пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари бўйича ташкилот харид қилинган товарлар ёки хизматларни ва юзага келган мажбуриятни 31-33Г бандларнинг талабларига мувофиқ, мажбуриятнинг ҳаққоний қийматида баҳолаш лозим. Мажбурият сўндирилгунга қадар, ҳар бир ҳисобот даври охирида ва сўндириш санасида ташкилот мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини қайта баҳолаш лозим ва ҳаққоний қийматдаги ҳар қандай ўзгаришлар давр учун фойда ёки зарарда тан олинishi лозим.
- 31 Масалан, ташкилот ходимларга уларнинг иш хақи пакетининг бир қисми сифатида акция қиймати ўсишидан фойда олиш ҳуқуқларини тақдим этиши мумкин, бунда ходимлар белгиланган давр мобайнида ташкилотнинг акция нархининг белгиланган даражадан ошишига асосланган ҳолда келгуси пул маблағлари тўловига (улушли инструментга эмас) нисбатан эгалик ҳуқуқига эга бўладилар. Муқобил тарзда, ташкилот, ўз ходимларига, мажбурий тарзда (масалан ишдан бўшашда) ёки ходим талаби билан сўндириладиган акцияларга (жумладан, акция опционлари амалга оширилганда чиқариладиган акцияларга) нисбатан ҳуқуқни тақдим этиш орқали уларга келгуси пул маблағлари тўловини олиш ҳуқуқини тақдим этиши мумкин. Бундай келишувлар пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига мисол бўлади. Акция қиймати ўсишидан фойда олиш ҳуқуқлари 32-33Г бандларидаги бази талабларни кўрсатиш учун фойдаланилади. Лекин, ушбу бандлардаги талаблар пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларнинг барчасига қўлланади.
- 32 Ташкилот ходимлар томонидан хизмат кўрсатилиши билан қабул қилинган хизматларни ва ушбу хизматлар учун тўланадиган мажбуриятни тан олиши лозим. Масалан, айрим акция қиймати ўсишидан фойда олиш ҳуқуқлари тезда ўтади ва шу сабабли ходимлардан пул маблағлари тўловига

нисбатан эгалик ҳуқуқини олиш учун белгиланган хизмат муддатини яқунлаш талаб этилмайди. Бунга зид далил мавжуд бўлмаганда, ташкилот, акция қиймати ўсишидан фойда олиш ҳуқуқлари эвазига ходимлар томонидан кўрсатилган хизмат қабул қилинган деб фараз қилиши лозим. Шу тарзда, ташкилот қабул қилинган хизматларни ва улар учун тўланадиган мажбуриятни дарҳол тан олиши лозим. Агар акция қиймати ўсишидан фойда олиш ҳуқуқлари ходимлар белгиланган хизмат муддатини яқунлашга қадар ўтмаса, ташкилот, ходимлар хизматни кўрсатиши билан қабул қилинган хизматларни ва ушбу хизматлар учун тўланадиган мажбуриятни тан олиши лозим.

- 33 Мажбурият дастлаб ва сўндирилгунга қадар ҳар бир ҳисобот даври охирида акция қиймати ўсишидан фойда олиш ҳуқуқларининг ҳаққоний қийматида опцион нархини шакллантириш моделини қўллаш орқали, баҳолаши лозим, бунда акция қиймати ўсишидан фойда олиш ҳуқуқлари тақдим этилган шартлар ва жорий санагача ходимлар томонидан кўрсатилган хизмат даражасида 33А-33Г бандлар талабларига мувофиқ ҳисобга олинади. Ташкилот пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов тақдим этиш шартларини ўзгартириши мумкин. Акцияларга асосланган тўлов операциясини, унинг таснифини пул маблағлари билан сўндириладиган синфдан улушли инструментлар билан сўндириладиган синфга ўзгартириш учун Б иловадаги Б44А-Б44Г бандларда кўрсатма берилган.

Ҳуқуқ ўтиши ва ўтмаслиги шартларини ҳисобга олиш

- 33А Пул маблағлари билан ҳисоб-китоб қилинадиган акцияларга асосланган тўлов операцияси белгиланган ҳуқуқнинг ўтиш шартларини бажаришга боғлиқ бўлиши мумкин. Ташкилот фойдасининг маълум бир ўсишига ёки ташкилот акцияси нархининг маълум даражада ошишига эришиш каби фаолият натижасига эришиш шартлари бўлиши мумкин. Баҳолаш санасида пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўловнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда бозор шартлари ҳисобланмайдиган ҳуқуқ ўтиш шартлари ҳисобга олинмаслиги лозим. Бунинг ўрнига, бозор шартлари ҳисобланмайдиган ҳуқуқ ўтиш шартлари операция натижасида юзага келадиган мажбуриятни баҳолашда ҳисобга олинган мукофотлар миқдорини тузатиш орқали инобатга олиниши лозим.
- 33Б 33А банд талабларини қўллашда, ташкилот, ҳуқуқ ўтиш даври мобайнида қабул қилинган товарлар ёки хизматлар бўйича суммани тан олиши лозим. Мазкур сумма ҳуқуқ ўтиши қутилаётган мукофотларнинг миқдорининг энг яхши мавжуд ҳисоб баҳосига асосланган бўлиши лозим. Агар кейинги маълумотлар ўтказилиши қутилаётган мукофотлар миқдори олдинги ҳисоб баҳоларидан фарқ қилишни кўрсатса, ташкилот ушбу ҳисоб баҳосини, зарур бўлганда, қайта кўриб чиқиши лозим. Ҳуқуқ ўтиш санасида ташкилот яқуний тарзда ҳуқуқ ўтган мукофотлар миқдорига тенглаштириш учун ҳисоб баҳосини қайта кўриб чиқиши лозим.
- 33В Ҳуқуқ ўтишида (ёки амалга оширилишида) шарт қилинган мақсадли белгиланган акция нархи каби бозор шартлари ҳамда ҳуқуқ ўтмаслиги шартлари, пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўловнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда ва ҳар бир ҳисобот даври охирида ва сўндириш санасида ҳаққоний қийматни қайта баҳолашда ҳисобга олиниши лозим.
- 33Г 30–33В бандларини қўллаш натижасида, тақдим этилган пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов учун товон сифатида қабул қилинган, товарлар ёки хизматлар бўйича яқунда тан олинган кумулятив сумма тўланган пул маблағларига тенгдир.

Тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқ мажбуриятлари бўйича нетто асосда сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари

- 33Д Солиқ қонунчилиги ёки норматив ҳужжатлар ташкилотни ходимнинг акцияларга асосланган тўлов билан боғлиқ солиқ жавобгарлигини ходимдан ушлаб қолишга ва ушбу суммани, одатда пул маблағларида, ходим номидан солиқ органига ўтказишни талаб қилиши мумкин. Ушбу жавобгарликни бажариш учун, акцияларга асосланган тўлов келишувининг шартлари ташкилотга улушли инструментларини ходимнинг солиқ жавобгарлигининг пул маблағларига тенг қийматида акцияларга асосланган тўловнинг (яъни, акцияларга асосланган тўлов келишувиде “нетто асосда сўндириш хусусияти” мавжуд) амалга оширилиши (ёки ўтиши) пайтида улушли инструментларнинг умумий сонидан ушлаб қолишга рухсат бериши ёки талаб қилиши мумкин.
- 33Е 34-банд талабларидан истисно тариқасида, 33Д бандида таърифланган операция улушли инструментлар билан ҳисоб-китоб қилинадиган акциялар асосидаги тўлов бўйича операция сифатида, нетто-асосдаги ҳисоб-китоблар шarti бўлмаган ҳолатда у шу тарзда таснифланганидек, тўлик таснифланиши керак.

- 33Ё Ташкилот ходимнинг акцияларга асосланган тўлов билан боғлиқ солиқ жавобгарлиги бўйича солиқ органларига тўловларни амалга оширишда акцияларни ушлаб қолиш учун мазкур стандартнинг 29-бандини қўллайди. Шунинг учун, амалга оширилган тўлов, сўндириш санасида тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматидан ошган ҳолдан ташқари, тақдим этилган акцияларга нисбатан хусусий капиталдан чегириш сифатида ҳисобга олиниши лозим.
- 33Ж 33Е банддаги истисно қўйидагиларга тадбиқ этилмайди:
- (а) ташкилотнинг солиқ қонунчилигига ёки норматив ҳужжатларига мувофиқ акцияларга асосланган тўлов билан боғлиқ ходимнинг солиқ жавобгарлигига эга бўлмаган нетто асосда сўндириш хусусиятига эга акцияларга асосланган тўлов келишувига; ёки
 - (б) ташкилот ходимнинг акцияларга асосланган тўлов билан боғлиқ ортиқча солиқ жавобгарлигини ушлаб қоладиган ҳар қандай улушли инструментларига (яъни ташкилот ходимнинг солиқ жавобгарлигининг монетар қийматидан ортиқ миқдорда акцияларни ушлаб қолганда). Бундай ортиқча ушлаб қолинган акциялар, агар бу сумма ходимга пул маблағлари (ёки бошқа активлар) билан тўланган бўлса, пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов сифатида ҳисобга олинади.

Пул маблағлари муқобили билан амалга оширилиши мумкин бўлган акцияга асосланган тўлов операциялари

- 34 Келишув шартлари ташкилотга ёки контрагентга ташкилот операцияни пул маблағлари (ёки бошқа активлар) билан ёки улушли инструментларни чиқариш орқали сўндириш имкониятини таъминлайдиган, акцияларга асосланган тўлов операциялари, ташкилот ушбу операцияни ёки ушбу операциянинг компонентларини, агар ташкилотда пул маблағлари билан ёки бошқа активлар билан сўндириш бўйича мажбурият юзага келса ва ўша даражада пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси сифатида ҳисобга олиши лозим ёки, агар бундай мажбурият юзага келмаса ва ўша даражада улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси сифатида ҳисобга олиши лозим.

Келишув шартлари контрагентга сўндириш усулини танлаш имкониятини берадиган акцияларга асосланган тўлов операциялари

- 35 Агар ташкилот контрагентга акцияларга асосланган тўлов операциясини пул маблағлари⁴ билан ёки улушли инструментларни чиқариш орқали сўндиришни танлаш ҳуқуқини тақдим этса, ташкилот қарз компонентини (яъни контрагентнинг пул маблағларидаги тўловни талаб қилиш ҳуқуқи) ва хусусий капитал компонентини (яъни контрагентнинг сўндиришни пул маблағлари билан эмас, балки улушли инструментлар билан талаб этиш ҳуқуқини) ўз ичига оладиган таркибли молиявий инструментни тақдим этган бўлади. Қабул қилинган товарлар ёки хизматларнинг ҳаққоний қиймати бевосита баҳоланадиган ва ходимлар бўлмаган бошқа томонлар билан операцияларда, ташкилот таркибли молиявий инструментнинг хусусий капитал компонентини товарлар ёки хизматлар қабул қилинган санада қабул қилинган товарлар ёки хизматларнинг ҳаққоний қиймати ва қарз компонентининг ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ сифатида баҳолаши лозим.
- 36 Ходимлар билан операцияларни ўз ичига олган бошқа операциялар бўйича, ташкилот пул маблағлари ёки улушли инструментларга нисбатан ҳуқуқ тақдим этилган шартларни инобатга олган ҳолда, таркибли молиявий инструментнинг баҳолаш санасидаги ҳаққоний қийматини баҳолаши лозим.
- 37 36-бандни қўллаш учун, контрагент улушли инструментни олиш учун пул маблағлари олиш ҳуқуқидан воз кечиши шартлигини ҳисобга олиб, ташкилот дастлаб қарз компонентининг ҳаққоний қийматини баҳолаши ва кейин хусусий капитал компонентининг ҳаққоний қийматини баҳолаши лозим. Таркибли молиявий инструментнинг ҳаққоний қиймати ушбу икки компонентларнинг ҳаққоний қийматларининг йиғиндисидир. Лекин, контрагент сўндириш усулини танлаш имкониятига эга бўлган акцияларга асосланган тўлов операциялари кўп ҳолларда бир сўндириш усули муқобилининг ҳаққоний қиймати бошқаси каби бир хил бўладиган тарзда тузилади. Масалан, контрагент акция опционларини ёки пул маблағлари билан сўндириладиган акция қиймати ўсишидан фойда олиш ҳуқуқлари танловига эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, хусусий капитал компонентининг ҳаққоний қиймати нольга тенг ва шу билан бирга, таркибли молиявий

⁴ 35–43-бандлардаги пул маблағларига барча ҳавоалар ташкилотнинг бошқа активларини ҳам ўз ичига олади.

- инструментнинг ҳаққоний қиймати қарз компонентнинг ҳаққоний қийматига тенг бўлади. Аксинча, агар сўндириш усули муқобилларининг ҳаққоний қийматлари фарқ қилса, хусусий капитал компонентининг ҳаққоний қиймати одатда нолдан катта бўлади ва бунда таркибли молиявий инструментнинг ҳаққоний қиймати қарз компонентининг ҳаққоний қийматидан каттароқ бўлади.
- 38 Ташкилот қабул қилинган ёки харид қилинган товарлар ёки хизматларни таркибли молиявий инструментнинг ҳар бир компонентига нисбатан алоҳида ҳисобга олиши лозим. Қарз компоненти учун, ташкилот, пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланиладиган талабларга (30-33 бандлар) мувофиқ, контрагент товарларни етказиб бериши ёки хизматларни кўрсатиши билан ташкилот харид қилинган товарлар ёки хизматларни ва ушбу товарлар ёки хизматлар бўйича тўлов мажбуриятини тан олиши лозим. Хусусий капитал компоненти учун (агар мавжуд бўлса), улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланиладиган талабларга (10-29-бандлар) мувофиқ, контрагент товарларни етказиб бериши ёки хизматларни кўрсатиши билан ташкилот қабул қилинган товарлар ёки хизматларни ва хусусий капиталдаги ўсишни тан олиши лозим.
- 39 Сўндириш санасида, ташкилот мажбуриятни унинг ҳаққоний қийматида қайта баҳолаши лозим. Агар ташкилот сўндиришда пул маблағлари тўлашдан кўра улушли инструментлар чиқарса, мажбурият чиқарилган улушли инструментлар учун товон сифатида бевосита хусусий капиталга ўтказилиши лозим.
- 40 Агар ташкилот сўндиришда улушли инструментлар чиқаришдан кўра пул маблағлари тўласа, ушбу тўлов мажбуриятни тўлиқ сўндириши лозим. Олдин тан олинган ҳар қандай хусусий капитал компоненти хусусий капитал таркибида қолиши лозим. Сўндириш сифатида пул маблағларини олишни танлаш орқали, контрагент улушли инструментларни олиш ҳуқуқидан воз кечган бўлади. Лекин, мазкур талаб ташкилотни хусусий капитал ичидаги ўтказмани, яъни хусусий капиталнинг бир компонентидан бошқасига ўтказмани тан олишига тўсқинлик қилмайди.

Келишув шартлари ташкилотга сўндириш усули танловини таъминлайдиган акцияларга асосланган тўлов операциялари

- 41 Келишув шартлари ташкилотга пул маблағлари билан ёки улушли инструментларни чиқариш орқали сўндириш танловини таъминлайдиган акцияларга асосланган тўлов операцияси учун, ташкилот пул маблағлари билан сўндириш бўйича унинг мавжуд жавобгарликка эга ёки эга эмаслигини аниқлаши ва шунга мувофиқ тарзда акцияларга асосланган тўлов операциясини ҳисобга олиши лозим. Агар улушли инструментларда сўндириш танлови тижорий моҳиятга эга бўлмаса (масалан ташкилотнинг акциялар чиқариши қонун билан таъқиқланган бўлиши сабабли), ёки ташкилот пул маблағлари билан сўндириш бўйича олдинги шакланган тажрибага ёки белгиланган сиёсатга эга бўлса, ёки умуман олганда контрагент пул маблағлари билан сўндиришни талаб этган пайтда пул маблағларида ҳисоб-китоб қилса, ташкилот пул маблағлари билан сўндириш бўйича мавжуд жавобгарликка эга бўлади.
- 42 Агар ташкилот пул маблағлари билан сўндириш бўйича мавжуд жавобгарликка эга бўлса, у операцияни 30-33 бандлардаги пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланиладиган талабларга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
- 43 Агар бундай жавобгарлик мавжуд бўлмаса, ташкилот операцияни 10-29 бандлардаги улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланиладиган талабларга мувофиқ ҳисобга олиши лозим. Ҳисоб-китоб қилишда:
- (а) агар ташкилот пул маблағлари билан сўндиришни танласа, пул маблағлари тўлови, қуйидаги (б) кичик бандда келтирилган ҳолатдан ташқари, хусусий капиталдаги улушнинг қайта сотиб олиш сифатида яъни хусусий капиталдан чегириш сифатида ҳисобга олиниши лозим.
 - (б) агар ташкилот улушли инструментлар чиқариш орқали сўндиришни танласа, қуйидаги (в) кичик бандда келтирилган ҳолатдан ташқари, кейинги ҳисобга олиш талаб этилмайди (хусусий капиталнинг бир компонентидан бошқасига ўтказилишидан ташқари, агар зарур бўлса).
 - (в) агар ташкилот сўндириш санасида юқорироқ ҳаққоний қийматга эга бўлган сўндириш усули муқобилини танласа, ташкилот тақдим этилган ортиқча қиймат, яъни тўланган пул маблағлари ва бошқа ҳолларда чиқарилиши мумкин бўлган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати ўртасидаги, ёки чиқарилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати ва бошқа ҳолларда тўланиши мумкин бўлган пул маблағларининг суммаси ўртасидаги фарқ (қайси бири ўринли бўлса) бўйича қўшимча харажатни тан олиши лозим.

Гуруҳ ташкилотлари ўртасида акцияларга асосланган тўлов операциялари (2009 йилдаги ўзгартиришлар)

- 43А Гуруҳ ташкилотлари ўртасида акцияларга асосланган тўлов операциялари учун, ўзининг идивидуал ёки алоҳида молиявий ҳисоботида товар ёки хизматларни қабул қиладиган ташкилот қабул қилинган товарлар ёки хизматларни қуйидагиларни баҳолаш орқали улушли инструментлар билан ёки пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари сифатида баҳолаши лозим:
- (а) тақдим этилган мукофотларнинг характери ва
 - (б) ўзининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
- Товар ёки хизматларни қабул қиладиган ташкилот томонидан тан олинган сумма акцияларга асосланган тўлов операциясини сўндирган консолидациялашган гуруҳ ёки гуруҳдаги бошқа ташкилот томонидан тан олинган суммадан фарқ қилиши мумкин.
- 43Б Товарлар ёки хизматларни қабул қилувчи ташкилот қабул қилинган товарлар ёки хизматларни қуйидаги ҳолларда улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси сифатида баҳолаши лозим:
- (а) тақдим этилган мукофотлар ўзининг улушли инструментлари бўлса, ёки
 - (б) ташкилот акцияларга асосланган тўлов операциясини сўндириш бўйича жавобгарликка эга бўлмаса.
- Ташкилот кейинчалик 19-21 бандларга мувофиқ фақат бозор шартлари ҳисобланмайдиган ҳуқуқ ўтиш шартларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда бундай улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциясини қайта баҳолаши лозим. Бошқа барча ҳолатларда, товарлар ёки хизматларни қабул қилувчи ташкилот қабул қилинган товарлар ёки хизматларни пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси сифатида баҳолаши лозим.
- 43В Акцияларга асосланган тўлов операциясини гуруҳдаги бошқа ташкилот товарлар ёки хизматларни қабул қилганда ҳисоб-китоб қиладиган ташкилот бундай операцияни, агар у ташкилотнинг ўз улушли инструментлари билан сўндирилса, улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси сифатида тан олиши лозим. Акс ҳолда, операция пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси сифатида тан олиниши лозим.
- 43Г Айрим гуруҳ операциялари қайта тўлов келишувларини ўз ичига олиб, ушбу келишувлар гуруҳнинг бир ташкилотидан бошқа ташкилотига товарлар ёки хизматлар етказиб берувчиларига тўланган акцияларга асосланган тўловлар учун компенсация тўлашни талаб этади. Бундай ҳолатларда, товарлар ёки хизматларни қабул қиладиган ташкилот 43Б бандга мувофиқ гуруҳ ичидаги компенсация келишувларидан қатъий назар, акцияларга асосланган тўлов операциясини ҳисобга олиши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 44 Ташкилот молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга давр мобайнида мавжуд бўлган акцияларга асосланган тўлов операцияларининг характерини ва миқдорини тушуниш имконини берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 45 44-бандда белгиланган тамойилни амалга ошириш учун ташкилот камида қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) давр мобайнида мавжуд бўлган акцияларга асосланган тўлов операциясининг ҳар бир турининг тавсифи, жумладан ҳар бир келишувнинг умумий шартлари, масалан ўтиш талаблари, тақдим этилган опционларнинг максимум муддати ва сўндириш усули (масалан пул маблағлари билан ёки улушли инструментлар билан). Агар 44-банддаги тамойилни амалга ошириш учун ҳар бир келишув бўйича алоҳида ёритиб бериш зарур бўлмаса, акцияларга асосланган тўлов операцияларининг аҳамиятли даражада ўхшаш турларига эга ташкилот ушбу маълумотларни умумлаштириши мумкин.
 - (б) қуйидаги опцион гуруҳларининг ҳар бири учун акция опционларининг миқдори ва тортилган ўртача фойдаланиш нархларини:
 - (i) давр бошида амалда бўлган;
 - (ii) давр мобайнида тақдим этилган;

- (iii) давр мобайнида уларга нисбатан ҳуқуқ йўқотилган;
 - (iv) давр мобайнида амалга оширилган;
 - (v) давр мобайнида муддати тугаган;
 - (vi) давр охирида амалда бўлган; ва
 - (vii) давр охирида амалга ошириладиган.
- (в) давр мобайнида амалга оширилган акция опционлар учун амалга ошириш санасидаги тортилган ўртача акция нархи. Агар опционлар давр мобайнида мунтазам равишда амалга оширилган бўлса, ташкилот давр мобайнидаги тортилган ўртача акция нархини ёритиб бериши мумкин.
- (г) давр охирида амалда бўлган акция опционлари учун, амалга ошириш нархларининг диапазони ва шартнома амал қилиш муддатининг тортилган ўртача қолдиғи. Агар амалга ошириш нархларининг диапазони кенг бўлса, амалдаги опционлар чиқарилиши мумкин бўлган қўшимча акцияларнинг миқдорини ва муддатини ва ушбу опционлар амалга оширилишида олиниши мумкин бўлган пул маблағларини баҳолашда мазмунга эга бўладиган диапазонларга бўлиниши лозим.
- 46 Ташкилот молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга қабул қилинган товарлар ёки хизматларнинг ёки тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини давр мобайнида қандай аниқланганлигини тушуниш имконини берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.**
- 47 Агар ташкилот ўзининг улушли инструментлари учун товон сифатида қабул қилинган товарлар ёки хизматларнинг ҳаққоний қийматини билвосита, яъни тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати асосида баҳолаган бўлса, 46-банддаги тамойилни амалга ошириш учун, ташкилот камида куйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) давр мобайнида тақдим этилган акция опционлари учун, баҳолаш санасидаги ушбу опционларнинг ҳаққоний қиймати ва ушбу ҳаққоний қиймат қандай баҳоланганлиги тўғрисидаги маълумотлар, жумладан:
 - (i) фойдаланилган опцион нархини шакллантириш модели ва ушбу моделдаги кирувчи маълумотлар, шу жумладан акциянинг тортилган ўртача нархи, амалга ошириш нархи, кутилаётган ўзгарувчанлик, опцион муддати, кутилаётган дивидендлар, рискдан-холи фоиз ставкаси ва моделдаги бошқа ҳар қандай кирувчи маълумотлар, шу жумладан фойдаланилган модел ва кутилаётган муддатидан олдин амалга оширишнинг таъсирларини инобатга олишда қилинган фаразлар;
 - (ii) кутилаётган ўзгарувчанлик қандай аниқланганлиги, жумладан кутилаётган ўзгарувчанлик олдинги ўзгарувчанликка асосланган даражанинг изоҳи; ва
 - (iii) опционни тақдим этишнинг ҳар қандай бошқа хусусиятлари, масалан бозор шартлари, ҳаққоний қийматни баҳолашда инобатга олинганлиги ва қандай инобатга олинганлиги.
 - (б) давр мобайнида тақдим этилган бошқа улушли инструментлар учун (яъни акция опционларидан ташқари), баҳолаш санасидаги ушбу улушли инструментларнинг миқдори ва тортилган ўртача ҳаққоний қиймати ва ушбу ҳаққоний қиймат қандай баҳоланганлиги тўғрисидаги маълумотлар, жумладан:
 - (i) агар ҳаққоний қиймат кузатиладиган бозор нархи асосида баҳоланмаган бўлса, у қандай аниқланганлиги;
 - (ii) кутилаётган дивидендлар ҳаққоний қийматни баҳолашда инобатга олинган ёки олинмаганлиги ва қандай инобатга олинганлиги; ва
 - (iii) тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳар қандай бошқа жиҳатлари ҳаққоний қийматни баҳолашда инобатга олинган ёки олинмаганлиги ва қандай инобатга олинганлиги.
 - (в) давр мобайнида ўзгартирилган акцияларга асосланган тўлов келишувлари учун:
 - (i) ушбу ўзгартиришларнинг изоҳи;
 - (ii) тақдим этилган қўшимча ҳаққоний қиймат (ушбу ўзгартиришлар натижасида); ва

- (iii) ўринли бўлганда, юқоридаги (а) ва (б) бандларда белгиланган талабларга мувофиқ, тақдим этилган қўшимча ҳаққоний қиймат қандай баҳоланганлиги тўғрисидаги маълумотлар.
- 48 Агар ташкилот давр мобайнида қабул қилинган товарлар ёки хизматларнинг ҳаққоний қийматини бевосита баҳолаган бўлса, ташкилот ушбу ҳаққоний қиймат қандай аниқланганлигини, масалан ҳаққоний қиймат ушбу товарлар ёки хизматлар учун бозор нархида баҳоланганлигини, ёритиб бериши лозим.
- 49 Агар ташкилот 13-банддаги фаразни рад этса, у ушбу фактни ва фараз нима учун рад этилганлигига изоҳни ёритиб бериши лозим.
- 50 Ташкилот акцияларга асосланган тўлов операцияларининг ташкилотнинг давр учун фойда ёки зарарига ва унинг молиявий ҳолатига нисбатан таъсирини молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар тушуниши имконини берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.**
- 51 50-бандда белгиланган тамойилни амалга ошириш учун ташкилот камида куйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) қабул қилинган товарлар ёки хизматлар актив сифатида тан олиш мезонига жавоб бермаган ва шу сабабли бевосита харажат сифатида тан олинган акцияларга асосланган тўлов операцияларидан юзага келадиган давр учун тан олинган жами харажатлар, жумладан жами харажатнинг улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари сифатида ҳисобга олинган операциялардан юзага келадиган қисмининг алоҳида ёритиб берилиши;
- (б) акцияларга асосланган тўлов операцияларидан юзага келадиган мажбуриятлар бўйича:
- (i) давр охирига жами баланс қиймати; ва
- (ii) давр охирига контрагентнинг пул маблағларига ёки бошқа активларига нисбатан ҳуқуқи ўтиши учун мажбуриятларнинг (масалан, акция қиймати ўсишидан фойда олиш ҳуқуқлари ўтган) давр охиридаги жами ички қиймати.
- 52 Агар мазкур МХХСга асосан ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар 44, 46 ва 50-бандлардаги тамойилларга жавоб бермаса, ташкилот уларни жавоб бериши учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни ёритиб бериши лозим. Масалан, ташкилот 33Е бандга мувофиқ ҳар қандай акцияларга асосланган тўлов операцияларини улушли инструментлар билан сўндириладиган операция сифатида таснифласа, акцияларга асосланган тўлов келишуви билан боғлиқ келгуси пул оқимларининг таъсирлари тўғрисида фойдаланувчиларни хабардор қилиш зарур бўлганда, ташкилот ходимларга солиқ жавобгарлигини сўндириш учун солиқ органига ўтказиладиган тахминий суммани ёритиб бериши лозим.

Ўтиш қоидалари

- 53 Улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари учун, ташкилот 2002 йил 7 ноябрдан сўнг тақдим этилган ва мазкур МХХСнинг кучга кириш санасида ҳуқуқи ўтмаган акцияларнинг, акция опционларининг ёки бошқа улушли инструментларнинг тақдим этилишига нисбатан қўллаши лозим.
- 54 Агар ташкилот баҳолаш санасида улушли инструментларнинг аниқланган ҳаққоний қийматини ёритиб берган бўлса, ташкилотнинг бундай улушли инструментларнинг бошқа тақдим этилишига мазкур МХХСни қўллаши маъқулланади, лекин талаб этилмайди.
- 55 Мазкур МХХС қўлланган улушли инструментларнинг барча тақдим этилишлари учун, ташкилот қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаши ва ўринли бўлганда, тақдим этилган энг олдинги давр учун тақсимланмаган фойданинг давр бошига қолдиғига тузатиш киритиши лозим.
- 56 Мазкур МХХС қўлланмаган улушли инструментларнинг барча тақдим этилишлари учун (2002 йил 7 ноябрда ва ундан олдин тақдим этилган улушли инструментлар), ташкилот бунга қарамасдан 44 ва 45-бандларда талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 57 Агар, МХХС кучга киргандан сўнг, ташкилот мазкур МХХС қўлланмаган улушли инструментларнинг тақдим этилиш шартларини ўзгартирса, шунга қарамасдан бундай ўзгаришларни ҳисобга олиш учун 26-29 бандларни қўллаши лозим.
- 58 Мазкур МХХС кучга кириш санасида мавжуд бўлган акцияларга асосланган тўлов операцияларидан юзага келадиган мажбуриятлар учун, ташкилот МХХСни ретроспектив тарзда қўллаши лозим. Ушбу мажбуриятлар учун ташкилот қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаши, жумладан қиёсий маълумотлар қайта ҳисобланган ҳолда тақдим этилган энг олдинги давр учун тақсимланмаган

- фойданинг давр бошига қолдигига тузатиш киритиши лозим, бунда ташкилотдан маълумотлар 2002 йил 7 ноябрдан олдинроқ бўлган даврга ёки санага тегишли бўлган қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаш талаб этилмайди.
- 59 Ташкилотнинг акцияларга асосланган тўлов операцияларидан юзага келадиган бошқа мажбуриятларга, масалан қиёсий маълумотлар тақдим этилган давр мобайнида ҳисоб-китоб қилинган мажбуриятларга МХХСни ретроспектив тарзда қўллаши маъқулланади, лекин талаб этилмайди.
- 59А Ташкилот 30-31, 33-333 ва Б44А-Б44В бандлардаги ўзгартиришларни қуйидагича қўллаши лозим. Ўтган даврлар қайта ҳисобланмаслиги лозим.
- (а) Б44А-Б44В бандлардаги ўзгартиришлар, фақат ташкилот ушбу ўзгартиришларни биринчи марта ёки ундан кейин қўллаганда содир бўлган ўзгартиришларга қўлланади.
 - (б) 30–31 ва 33–333Г бандлардаги ўзгартиришлар, ташкилот ушбу ўзгартиришларни биринчи марта қўллаган санада мавжуд бўлмаган акцияларга асосланган тўлов операцияларига ва биринчи марта қўллаган санадан ёки ундан кейин тақдим этиш муддати билан акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланади. Ушбу ўзгартиришларни биринчи марта қўлланган кундан олдин тақдим этилган ҳуқуқ ўтмаган акцияларга асосланган тўлов операциялари учун, ташкилот ўша санада мажбуриятни қайта баҳолаши ва қайта баҳолаш таъсирини ўзгартиришлар биринчи марта қўлланган ҳисобот даврининг бошидаги тақсимланмаган фойдасида (ёки ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентида) тан олиши лозим.
 - (в) 33Д-333 бандларга ўзгартиришлар ва 52 бандга ўзгартириш, ташкилот бу ўзгартиришларни биринчи марта қўллаган санада тақдим этилган ҳуқуқ ўтмаган (ёки ҳуқуқ ўтган, лекин амалга оширилмаган) акцияларга асосланган тўлов операцияларига ва биринчи марта қўллаган санадан ёки ундан кейин тақдим этиш муддати билан акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланади. Олдин пул маблағлари билан сўндириладиган операция сифатида таснифланган, лекин ҳозир ўзгартиришларга мувофиқ улушли инструментлар билан сўндириладиган операция сифатида таснифланган ҳуқуқ ўтмаган (ёки ҳуқуқ ўтган, лекин амалга оширилмаган) акцияларга асосланган тўлов операциялари (ёки уларнинг компонентлари) учун, ташкилот ушбу ўзгартиришларни биринчи марта қўлланган санада акцияларга асосланган тўлов мажбуриятининг баланс қийматини хусусий капиталга қайта таснифлаши лозим.
- 59Б 59А банддаги талабларга қарамасдан, ташкилот 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*” га мувофиқ мазкур стандартнинг 53-59 бандларидаги ўтиш қоидаларига амал қилган ҳолда, 63Г бандга ўзгартиришларни, фақат ва фақат агар буни олдинги маълумотлардан фойдаланмасдан амалга ошириш мумкин бўлса, ретроспектив тарзда қўллаши лозим. Агар ташкилот ретроспектив қўллашни танласа, “*Акцияларга асосланган тўлов операцияларининг таснифланиши ва баҳолаши*” (2-сон МХХСга ўзгартиришлар) билан киритилган барча ўзгартиришлар учун амалга ошириши шарт.

Кучга кириш санаси

- 60 Мазкур МХХС ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур МХХСни 2005 йил 1 январдан олдин бошланадиган давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 61 3-сон МХХС (2008 йил таҳрири) ва 2009 йил апрель ойида эълон қилинган “*МХХСларга такомиллаштиришлар*” бўйича 5 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга руҳсат этилади. Агар ташкилот 3-сон МХХС (2008 йил таҳририда)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 62 Ташкилот қуйидаги ўзгартиришларни ретроспектив тарзда 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим:
- (а) ҳуқуқлар ўтмаслиги шартларини ҳисобга олишга нисбатан 21А-банддаги талаблар;
 - (б) А иловадаги “ҳуқуқ ўтиши” ва “ҳуқуқ ўтиши шартлари” нинг қайта таҳрирланган таърифлари;
 - (в) бекор қилишларга нисбатан 28 ва 28А бандлардаги ўзгартиришлар.
- Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга руҳсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

- 63 Ташкилот 2009 йил июнь ойида эълон қилинган *“Гуруҳдаги пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари”*га мувофиқ киритилган қуйидаги ўзгартиришларни ретроспектив тарзда 53-59 бандлардаги ўтиш шартларига 8-сон БҲХСга мувофиқ 2010 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим:
- (а) 2-банднинг ўзгартирилиши, 3-бандни чиқариб ташланиши ва 3А ва 43А–43Г ва Б иловадаги Б45, Б47, Б50, Б54, Б56–Б58 ва Б60 бандларнинг киритилиши гуруҳ ташкилотлари ўртасидаги операцияларни ҳисобга олишга нисбатан.
 - (б) қуйидаги атамаларнинг А иловадаги ўзгартирилган таърифлари:
 - пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари,
 - улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари,
 - акцияларга асосланган тўлов келишуви, ва
 - акцияларга асосланган тўлов операцияси.
- Агар ретроспектив қўллаш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, ташкилот ўзининг индивидуал ёки алоҳида молиявий ҳисоботида олдин гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида тан олинган суммаларни акс эттириши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ўзгартиришларни 2010 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 63А 2011 йил май ойида эълон қилинган 10-сон МҲХС *“Консолидациялашган молиявий ҳисобот”* ва 11-сон МҲХС бўйича 5-банд ва А илова ўзгартиришлар киритилган.
- 63Б 2013 йил декабрь ойида эълон қилинган *“2010-2012 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар”* бўйича 15 ва 19 бандларга ўзгартириш киритилган. А иловада *“ҳуқуқнинг ўтиши шартлари”* ва *“бозор шартлари”*нинг тарифига ўзгартириш киритилган ва *“фаолият натижасига эришиш шартлари”* ва *“хизмат кўрсатиш шартлари”*нинг тарифи киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 июлдан ёки ундан кейин тақдим этиладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига перспектив тарзда қўллайди. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 63В 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 6 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 64Г 2016 йил июнь ойида эълон қилинган *“Акцияларга асосланган тўлов операцияларининг таснифланиши ва баҳоланиши”* (2-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 19, 30-31, 33, 52 ва 63 бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 33А-33Ж, 59А-59Б, 63Г ва В44А-В44В бандлар ва уларнинг тегишли сарлавҳаси киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2018 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 63Д 2018 йилда эълон қилинган *“МҲХСлардаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар”* А иловадаги улушли инструментнинг таърифига изоҳ ўзгартирилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2020 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот бир вақтнинг ўзида *“МҲХСдаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар”* бўйича киритилган барча ўзгартиришларни қўлласса, бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. 8-сон БҲХС *“Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгартиришлар ва хатолар”*га мувофиқ мазкур стандартнинг 53-59 бандларидаги ўтиш қоидаларига амал қилган ҳолда, 2-сон МҲХСга ўзгартиришларни ретроспектив тарзда қўлланиши лозим. Лекин, ташкилот ретроспектив қўллаш амалий имконсиз ёки ортикча сарф ёки ҳаракат талаб этилишини аниқласа, ташкилот 2-сон МҲХСга киритилган ўзгартиришларни 8-сон БҲХСнинг 23-28, 50-53 ва 54Е бандларига мувофиқ қўллаши лозим.

Шарҳларнинг ўз кучини йўқотиши

- 64 2009 йилнинг июнь ойида эълон қилинган *“Гуруҳдаги пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари”* 8-сон МҲХСШҚ Шарҳи *“2-сон МҲХСнинг қўллаш доираси”* ва 11-сон МҲХСШҚ Шарҳи *“2-сон МҲХС—Гуруҳ акциялари ва қайта сотиб олинган ўз акциялари операциялари”* ўрнини эгаллайди. Ушбу ҳужжат билан киритилган ўзгартиришлар, олдин 8-сон МҲХСШҚ Шарҳи ва 11-сон МҲХСШҚ Шарҳида белгиланган қуйидаги талабларни инобатга олади:

- (a) ташкилот, хусусан, айрим ёки барча қабул қилинган товарлар ёки хизматларни аниқлай олмайдиган операцияларни ҳисобга олишга нисбатан 2-банд ўзгартирилган ва 13А банд киритилган. Ушбу талаблар 2006 йилнинг 1 майдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун кучга эга бўлган.
- (б) Б иловадаги Б46, Б48, Б49, Б51–Б53, Б55, Б59 ва Б61 бандлар гуруҳ ташкилотлари ўртасидаги операцияларни ҳисобга олишга нисбатан киритилган. Ушбу талаблар 2007 йилнинг 1 мартдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун кучга эга бўлган.

2-сон МХХСнинг ўтиш қоидаларига амал қилган ҳолда, ушбу талаблар 8-сон БҲХСнинг талабларига мувофиқ ретроспектив тарзда қўлланган.

А Илова Атамалар таърифи

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси	ташкilotнинг ёки гуруҳдаги бошқа ташкilotнинг улушли инструментларининг (жумладан акциялари ёки акция опционлари) нархига (ёки қиймати) асосланган суммаларда пул маблағлари ёки бошқа активларни товарлар ёки хизматларнинг етказиб берувчисига ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳолда харид қилинган товарлар ёки хизматлар бўйича акцияларга асосланган тўлов операцияси .
ходимлар ва шу каби хизмат кўрсатувчи шахслар	Ташкilotга ўзининг хизматларини кўрсатадиган шахслар ва (а) юридик ёки солиқ мақсадлари учун ходимлар сифатида қараладиган шахслар, (б) юридик ёки солиқ мақсадлари учун ходимлар сифатида қараладиган шахслар сингари ўз раҳбарлигидаги ташкilot учун ишлайдиган шахслар ёки (в) улар кўрсатадиган хизматлар ходимлар томонидан кўрсатилган хизматларга ўхшаш шахслардир. Масалан, барча раҳбарият ходимларини, яъни ташкilot фаолиятини режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш бўйича ваколат ва масъулиятга эга шахсларни, шунингдек ижрочи бўлмаган директорларни ўзида ифодалайди.
улушли инструмент	Ташкilotнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан сўнг унинг активларидаги қолдиқ улушни тасдиқлайдиган шартнома. ⁵
тақдим этилган улушли инструмент	Акцияларга асосланган тўлов келишуви асосида ташкilot томонидан бошқа томонга тақдим этилган ташкilotнинг улушли инструментига нисбатан (шартли ёки шартсиз) ҳуқуқ.
улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси	Акцияларга асосланган тўлов операцияси бўлиб, бунда ташкilot (а) товарлар ёки хизматларни ўзининг улушли инструментлари учун товон сифатида қабул қилади (жумладан акциялар ёки акция опционлари), ёки (б) товарлар ёки хизматларни қабул қилади, лекин етказиб берувчилар билан операцияни сўндириш бўйича ҳеч қандай жавобгарликка эга бўлмайди.
ҳаққоний қиймат	Операцияларни амалга оширишни истаган хабардор мустақил томонлар ўртасидаги битимда активни айирбошлаш, мажбуриятни сўндириш ёки тақдим этилган улушли инструментни айирбошлаш мумкин бўлган қийматдир.
тақдим этиш санаси	Ташкilot ва контрагент келишувнинг шартлари бўйича умумий тушунчага эга бўлганда, ташкilot билан бошқа томон акцияларга асосланган тўлов келишувини тузадиган сана. Тақдим этиш санасида, белгиланган ўтиш шартлари , агар мавжуд бўлса, қаноатлантирилиши шартли билан ташкilot контрагентга ташкilotнинг пул маблағларига, бошқа активларига, ёки улушли инструментларига нисбатан ҳуқуқни тақдим этади. Агар ушбу келишув тасдиқлаш жараёнига (масалан, акциядорлар томонидан) шартли равишда бўлса, тақдим этиш санаси тасдиқлашга эришилган сана бўлади.
ички қиймат	Контрагент аъзо бўлиш (шартли ёки шартсиз) ҳуқуқига ёки қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг ҳаққоний қиймати ва контрагент ушбу акциялар учун тўлаши талаб этилган (ёки этиладиган) нарх (агар мавжуд бўлса) ўртасидаги фарқдир. Масалан, ҳаққоний қиймати 20 п.б. ⁶ га тенг акция бўйича амалга ошириш нархи 15 п.б.га тенг акция опционни 5 п.б.га тенг ички қийматга эга.
бозор шартли	Улушли инструментларнинг амалдаги нархига, ҳуқуқ ўтишига ёки амалга оширилишига таъсир қиладиган ва ташкilotнинг улушли

⁵ 2018 йилда эълон қилинган “*Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси*” мажбуриятни, ўтган ҳодисалардан келиб чиқадиган иқтисодий ресурсларни ўтказиш бўйича ташкilotнинг мавжуд жавобгарлиги сифатида таърифлайди.

⁶ Мазкур иловада, монетар суммалар “пул бирликлари (п.б.)”да белгиланади.

инструментларининг (ёки айнан бир гуруҳдаги бошқа ташкилотнинг улушли инструментлари) бозор нархига (ёки қийматига) боғлиқ бўлган **фаолият натижасига эришиш шarti**, масалан:

- (а) белгиланган акция нархига ёки **акция опционининг** белгиланган **ички қийматининг** белгиланган суммасига эришиш; ёки
- (б) бошқа ташкилотлар **улушли инструментлари** бозор нархларининг индексига нисбатан ташкилот **улушли инструментларининг** (ёки айнан бир гуруҳдаги бошқа ташкилотнинг улушли инструментлари) бозор нархига (ёки қийматига) асосланган аниқ мақсадга эришиш.

Бозор шarti контрагентдан белгиланган хизмат кўрсатиш муддатини (яъни хизмат кўрсатиш шartлари) яқунлашни талаб қилади; хизмат кўрсатиш муддатига нисбатан талаб ошкора ёки назарда тутиладиган бўлиши мумкин.

баҳолаш санаси

Мазкур МХХС мақсадлари учун, **тақдим этилган улушли инструментларининг ҳаққоний қиймати** баҳоланадиган санадир. **Ходимлар ва шунга ўхшаш хизматларни таъминлайдиган бошқа шахслар** билан операциялар учун баҳолаш санаси **тақдим этиш санасидир**. Ходимлар (ва шунга ўхшаш хизматларни таъминлайдиган бошқа шахсалар) бўлмаган бошқа томонлар билан операциялар учун, баҳолаш санаси ташкилот товарларга эга бўладиган ёки контрагент хизмат кўрсатадиган санадир.

фаолият натижасига эришиш шarti

Ҳуқуқ ўтиш шarti бўлиб, қуйидагиларни талаб этади:

- (а) контрагент белгиланган хизмат кўрсатиш муддатини (яъни **хизмат кўрсатиш шarti**) яқунлаши; хизмат кўрсатиш муддатига нисбатан талаб ошкора ёки назарда тутиладиган бўлиши мумкин; ва
- (б) (а) бандида талаб қилинган контрагент хизмат муддати давомида белгиланган фаолият натижасига эришиш мақсади(лари).

Белгиланган натижага эришиш мақсади(лари)га эришиш даври:

- (а) хизмат кўрсатиш муддатининг якунидан ошмаслиги лозим; ва
- (б) хизмат кўрсатиш муддатидан олдин бошланиши мумкин, бунда натижага эришиш мақсадининг бошланиш санаси хизмат кўрсатиш даврининг бошланишидан аҳамиятли даражада олдин бўлмайди.

Натижага эришиш мақсади қуйидагилар асосида таърифланади:

- (а) ташкилотнинг ўз операциялари (ёки фаолиятлари) ёки айнан бир гуруҳдаги бошқа ташкилотнинг операциялари ёки фаолиятлари (яъни бозор шartлари бўлмаган); ёки
- (б) ташкилот **улушли инструментларининг** ёки айнан бир гуруҳдаги бошқа ташкилотнинг улушли инструментларининг (жумладан акция ва **акция опционлари**) (яъни, бозор шarti) нархи (ёки қиймати).

Натижага эришиш мақсади ташкилот фаолиятининг тўлиқлигича ёки ташкилотнинг баъзи қисмига (ёки гуруҳнинг қисмига) тегишли бўлиши мумкин, масалан бўлинмага ёки алоҳида ходимга.

револьвер шart

Опцион эгаси фойдаланиш нархини тўлаш учун пул маблағлари ўрнига, ташкилотнинг акцияларидан фойдаланган ҳолда олдин тақдим этилган опционлардан фойдаланганда, қўшимча **акция опционларини** автоматик тарзда тақдим этишни таъминлайдиган хусусиятдир.

револьвер опцион

Олдинги акция опционининг фойдаланиш нархини тўлашда фойдаланиладиган пайтда тақдим этилган янги **акция опционидир**.

хизмат кўрсатиш шarti

Контрагент томонидан ташкилотга белгиланган хизмат кўрсатиш муддати яқунлаши давомида хизмат кўрсатиши талаб этилган **ҳуқуқ ўтиши шartидир**. Агар контрагент, сабабидан қатъий назар, ҳуқуқ ўтиши даври давомида хизмат кўрсатишни тўхтатса, у ушбу шartни бажармаган ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш шarti натижага эришиш мақсадига эришишни талаб қилмайди.

акцияларга асосланган тўлов келишуви	<p>Ташкилот (ёки гуруҳнинг⁷ бошқа ташкилоти ёки гуруҳнинг ҳар қандай ташкилотининг ҳар қандай акциядори) билан бошқа томон (жумладан ходим) ўртасидаги бошқа томонга куйидагиларни олиш ҳуқуқини тақдим этадиган келишув:</p> <p>(а) ташкилотнинг ёки гуруҳдаги бошқа ташкилотнинг улушли инструментларининг (жумладан акциялари ёки акция опционлари) нархига (ёки қийматига) асосланган ташкилот пул маблағларининг ёки бошқа активларининг суммаси, ёки</p> <p>(б) ташкилотнинг ёки гуруҳдаги бошқа ташкилотнинг улушли инструментлари (жумладан акциялари ёки акция опционлари),</p> <p>агар мавжуд бўлса, тақдим этилган белгиланган ҳуқуқ ўтиши шартларига жавоб берган тақдирда.</p>
акцияларга асосланган тўлов операцияси	<p>Бу ташкилот куйидагиларни амалга оширадиган операция ҳисобланади:</p> <p>(а) товарлар ёки хизматлар етказиб берувчисидан (жумладан ходимдан) товарлар ёки хизматларни акцияга асосланган тўлов келишувида қабул қилади, ёки</p> <p>(б) гуруҳдаги бошқа ташкилот товарлар ёки хизматларни қабул қилганда акцияга асосланган тўлов келишувига асосан етказиб берувчи билан операцияни сўндириш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади.</p>
акция опциони	<p>Эгасига ташкилотнинг акцияларига белгиланган давр учун қатъий белгиланган ёки аниқланадиган нархда аъзо бўлиш жавобгарлигини эмас, балки ҳуқуқини берадиган шартномадир.</p>
ҳуқуқ ўтиши	<p>ҳуқуқ тақдим этилишидир. Акцияга асосланган тўлов келишувига мувофиқ, контрагентнинг ҳуқуққа эга бўлиши ортиқ ҳар қандай ҳуқуқ ўтиши шартларини бажариш шарт бўлмаганда, ташкилотнинг пул маблағлари, бошқа активлари ёки улушли инструментларини қабул қилиш ҳуқуқи контрагентга ўтади.</p>
ҳуқуқ ўтиши шarti	<p>Акцияга асосланган тўлов келишувига мувофиқ, контрагентга ташкилотнинг пул маблағлари, бошқа активлари ёки улушли инструментларини қабул қилиш ҳуқуқини берадиган хизматларни ташкилот қабул қилиши ёки қабул қилмаслигини аниқлаш шarti. Ҳуқуқ ўтиши шarti бу хизмат кўрсатиш шarti ёки фаолият натижасига эришиш шarti ҳисобланади.</p>
ҳуқуқ ўтиши даври	<p>Акцияга асосланган тўлов келишувининг барча белгиланган ҳуқуқ ўтиши шartiлари бажарилиши лозим бўлган даврдир.</p>

⁷ “гуруҳ” атамаси 10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”нинг А иловасида ҳисобот берувчи ташкилот якуний бош ташкилоти нуктаи назаридан “бош ташкилот ва унинг шўъба ташкилотлари” сифатида таърифланади.

Б Илова **Қўллаш бўйича кўрсатма**

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

Тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш

- Б1** Мазкур илованинг Б2–Б41 бандларида ходимларга акциялар ва акция опционларини тақдим этишнинг умумий хусусиятлари бўлган муайян шартларини эътиборга олган ҳолда тақдим этилган акциялар ва акция опционларининг ҳаққоний қийматини баҳолаш муҳокама қилинади. Шунинг учун, у тўлиқ қамровли ҳисобланмайди. Бундан ташқари, қуйида муҳокама қилинган баҳолаш масалаларида асосан ходимларга тақдим этилган акциялар ва акция опционларини назарда тутилганлиги сабабли, акциялар ва акция опционларининг ҳаққоний қиймати тақдим этиш санасида баҳоланади деб фараз қилинади. Лекин, қуйида муҳокама қилинган баҳолаш масалаларининг кўпчилиги (масалан, қутилаётган ўзгарувчанликни аниқлаш) ходимлардан бошқа томонларга тақдим этилган акциялар ва акция опционларининг ҳаққоний қийматини ташкилот товарларни олган ёки контрагент хизмат кўрсатган санада баҳолаш ҳолатида ҳам қўлланади.

Акциялар

- Б2** Ходимларга тақдим этилган акциялар учун, акцияларнинг ҳаққоний қиймати тақдим этилган акциялар бўйича шартларни (19-21-бандларга мувофиқ ҳаққоний қийматни баҳолашдан чиқариб ташланган ҳуқуқ ўтиши шартларидан ташқари) инobatга олган ҳолда ўзгартирилган ташкилот акцияларининг бозор нархида (ёки агар ташкилотнинг акциялари очик бозорда савдо қилинмаса, баҳоланган бозор нархида) баҳолашни лозим.
- Б3** Масалан, агар ходим ҳуқуқ ўтиши даври мобайнида дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлмаса, ушбу омил тақдим этилган акциялар ҳаққоний қийматини баҳолашда инobatга олинмиши лозим. Шу каби, агар акциялар ҳуқуқ ўтиши санасидан кейин акцияларни ўтказиш бўйича чекловлар мавжуд бўлса, ушбу омил инobatга олинмиши лозим, лекин бу ҳуқуқ ўтиши давридан сўнг ўтказиш чекловлари операцияни амалга оширишни истаган, хабардор бозор иштирокчиси ушбу акцияга тўлаши мумкин бўлган нархга таъсир этадиган даражада бўлиши лозим. Масалан, агар акциялар катта ва ликвид бозорда фаол савдо қилинса, акцияларни ҳуқуқ ўтиши давридан сўнг ўтказиш бўйича чеклов операцияни амалга оширишни истаган, хабардор бозор иштирокчиси ушбу акцияларга тўлаши мумкин бўлган нархга нисбатан, агар мавжуд бўлса, аҳамиятсиз таъсирга эга бўлиши мумкин. Ўтказишга чекловлар ёки ҳуқуқ ўтиши даври мобайнида мавжуд бошқа чекловлар тақдим этилган акцияларнинг тақдим этиш санасидаги ҳаққоний қийматини баҳолашда инobatга олинмаслиги лозим, чунки ушбу чекловлар 19-21-бандларга мувофиқ ҳисобга олинadиган ҳуқуқ ўтиши шартларининг мавжудлигидан келиб чиқади.

Акция опционлари

- Б4** Ходимларга тақдим этилган акция опционлари учун, кўп ҳолларда, бозор нархлари мавжуд бўлмайди, чунки тақдим этилган опционларга савдо қилинадиган опционларга нисбатан қўлланмайдиган шартлар белгиланган бўлади. Агар ўхшаш шартларга эга савдо қилинадиган опционлар мавжуд бўлмаса, тақдим этилган акция опционларининг ҳаққоний қиймати опцион нархини шакллантириш моделини қўллаш орқали баҳолашни лозим.
- Б5** Ташкилот операцияни амалга оширишни истаган, хабардор бозор иштирокчилари опцион нархини шакллантириш моделини танлашда қўллаши мумкин бўлган омилларни инobatга олиши лозим. Масалан, кўпгина ходимларнинг опционлари узоқ муддатларга эга бўлади ва одатда ҳуқуқ ўтиши санаси билан опционлар муддатининг охири ўртасидаги давр мобайнида амалга ошириладиган бўлади ва кўп ҳолларда муддатидан олдин амалга оширилади. Ушбу омиллар опционларнинг тақдим этиш санасидаги ҳаққоний қийматини баҳолашда инobatга олинмиши лозим. Кўпгина ташкилотлар учун, опцион муддати охиридан олдин амалга ошириш имкониятини бермайди ва қутилган муддатдан олдин амалга оширишнинг натижаларини мувофиқ тарзда акс эттирмаслиги мумкин бўлган Блэк-Шоулз-Мертон формуласини қўллашдан тўсиши мумкин. Ушбу модел қутилаётган ўзгарувчанлик ва моделнинг бошқа бошланғич маълумотлари опцион муддати давомида ўзгариши мумкинлигининг эҳтимолини инobatга олмайди. Лекин, нисбатан қисқа шартноманинг амал қилиш муддатларига эга бўлган ёки ҳуқуқ ўтиш санасидан сўнг қисқа давр ичида амалга оширилиши шарт

- бўлган акция опционлари учун, юқорида аниқланган омиллар ўринли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда, Блэк-Шоулз-Мертон формуласи опцион нархини шакллантириш моделининг қиймати билан аҳамиятли даражада бир хил бўлган қийматни келтириб чиқариши мумкин.
- Б6 Опцион нархини шакллантириш моделларининг барчаси, камида, қуйидаги омилларни инобатга олиши лозим:
- (а) опционнинг фойдаланиш нархи;
 - (б) опцион муддати;
 - (в) таянч акцияларнинг жорий қиймати;
 - (г) акция нархининг кутилаётган ўзгарувчанлиги;
 - (д) акциялар бўйича кутилаётган дивидендлар (агарда ўринли бўлса); ва
 - (е) опцион муддати бўйича рискдан-холи фоиз ставкаси.
- Б7 Операцияни амалга оширишни истаган, хабардор бозор иштирокчилари нархни белгилашда кўриб чиқиши мумкин бўлган бошқа омиллар ҳам инобатга олиниши лозим (19-22 бандларга мувофиқ ҳаққоний қийматни баҳолашдан чиқариб ташланган ҳуқуқ ўтиши шартлари ва револьвер шартидан ташқари).
- Б8 Масалан, ходимга тақдим этилган акция опцион одатда белгиланган даврлар мобайнида (масалан ўтиш даври мобайнида ёки қимматли қоғозларни тартибга солувчилар томонидан белгиланган даврлар мобайнида) амалга оширилмаслиги мумкин. Агар қўлланган опцион нархини шакллантириш модели бошқа ҳолларда опцион унинг муддати мобайнида ҳар қандай вақтда амалга оширилиши фарз қилинса, ушбу омил инобатга олиниши лозим. Лекин, агар ташкилот фақат опционлар муддати охирида амалга ошириладиган опционларни баҳолайдиган опцион нархини шакллантириш моделидан фойдаланса, уларни ҳуқуқ ўтиши даври (ёки опционлар муддати мобайнидаги бошқа даврлар) мобайнида амалга ошириш имконсизлигига нисбатан ҳеч қандай тузатиш талаб этилмайди, чунки модел опционлар ушбу даврлар мобайнида амалга оширилмаслигини назарда тутди.
- Б9 Шу каби, ходимга тақдим этиладиган акция опцион учун одатий бўлган бошқа бир омил бу опционни муддатидан олдин амалга ошириш имкониятидир, масалан, опцион эркин ўтказиладиган бўлмаганлиги ёки ходим иш фаолияти тўхтатилганда барча ўтган опционларни амалга ошириши шартлиги. Муддатидан олдин амалга оширишнинг таъсирлари Б16-Б21 бандларда изоҳланганидек инобатга олиниши лозим.
- Б10 Операцияни амалга оширишни истаган, хабардор бозор иштирокчилари акция опцион (ёки бошқа улушли инструмент) нархини белгилашда кўриб чиқиши мумкин бўлган омиллар тақдим этилган акция опционларининг (ёки бошқа улушли инструментларнинг) ҳаққоний қийматини баҳолашда инобатга олинмаслиги лозим. Масалан, ходимларга тақдим этилган акция опционлари учун, фақатгина алоҳида ходим нуқтаи назаридан опцион қийматига таъсир этадиган омиллар операцияни амалга оширишни истаган, хабардор бозор иштирокчиси томонидан белгиланиши мумкин бўлган нархни баҳолашда ўринли бўлмайди.

Опцион нархини шакллантириш модели учун кирувчи маълумотлар

- Б11 Таянч акциялар бўйича кутилаётган ўзгарувчанликни ва дивидендларни баҳолашдан мақсад опцион учун жорий бозор ёки келишилган айирбошлаш нархида акс этирилиши мумкин бўлган кутилишларни тахмин қилишдир. Шу каби, ходимнинг акция опционларини муддатидан олдин амалга ошириш таъсирларини баҳолашдан мақсад - ходимларнинг амалга ошириш ҳатти-ҳаракати бўйича батафсил маълумотга эга ташқи томон тақдим этиш санасидаги мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиши мумкин бўлган кутилишларни тахмин қилишдир.
- Б12 Кўп ҳолларда, келгуси ўзгарувчанлик, дивидендлар ва амалга ошириш бўйича ходимнинг ҳатти-ҳаракати бўйича ўринли кутишлар мавжуд бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, кутилаётган қиймат диапазонидаги ҳар бир суммани унинг тегишли содир бўлиш эҳтимолига тортилган ҳолда ҳисобланиши лозим.
- Б13 Келгуси кутишлар, умуман олганда, тажрибага асосланади, лекин агар келгуси шартлар ўтмишдаги шартлардан фарқ қилиши асосланган тарзда қутилса, улар ўзгартирилади. Айрим ҳолатларда, идентификацияланадиган омиллар тузатиш киритилмаган аввалги тажрибанинг келгуси тажрибани прогноз қилишнинг маъқул бўлмаган инструменти ҳисобланишини кўрсатиши мумкин. Масалан, агар ташкилот бизнеснинг яққол фарқланадиган икки йўналишларидан бирига нисбатан аҳамиятли даражада камроқ хатарли бўлган йўналишни сотса, ўтмишдаги ўзгарувчанлик келгуси ўринли кутишлар учун энг яхши асосланган маълумотлар бўлмаслиги мумкин.

- Б14 Бошқа ҳолатларда, олдинги маълумотлар мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, листингдан янги ўтган ташкилот ўз акцияси нархининг ўзгарувчанлиги бўйича кам олдинги маълумотларга, агар мавжуд бўлса, эга бўлади. Листинг қилинмаган ва янги листинг қилинган ташкилотлар куйида батафсил муҳокама қилинади.
- Б15 Умумий ҳолда, ташкилот ўтмишдаги тажрибага асосан келгуси тажрибани асосланган тарзда прогноз қилиш даражасини инобатга олмасдан, шунчаки ўзгарувчанлик, амалга ошириш бўйича ходимнинг хатти-ҳаракати ва дивидендлар ҳисоб баҳоларини олдинги маълумотларига асосланмаслиги лозим.

Кутилаётган муддатидан олдин амалга ошириш

- Б16 Ходимлар кўп ҳолларда турли сабаблар туфайли акция опционларини муддатидан олдин амалга оширадilar. Масалан, ходимнинг акция опционлари одатда ўтказилмайдиган ҳисобланади. Бу кўп ҳолларда ходимларга ўз опционларини муддатидан олдин амалга оширишга сабаб бўлади, чунки у ходимлар учун ўз опционларини амалга оширишининг ягона йўлидир. Шунингдек, ишдан бўшайдиган ходимлардан одатда қисқа давр ичида ҳар қандай ҳуқуқ ўтган опционларни амалга ошириш талаб этилади, акс ҳолда акция опционларига нисбатан ҳуқуқ бекор қилинади. Ушбу омил ҳам ходимнинг акция опционларининг муддатидан олдин амалга оширилишига сабаб бўлади. Муддатидан олдин амалга оширишга сабаб бўладиган бошқа омиллар рискдан қочиш ва мулкни етарлича диверсификация қилмаслик ҳисобланади.
- Б17 Опционларнинг муддатидан олдин амалга оширилишининг кутилаётган таъсири инобатга олинadиган воситалар қўлланадиган опцион нархини шакллантириш моделининг турига боғлиқ бўлади. Масалан, кутилаётган муддатидан олдин амалга ошириш опцион нархини шакллантириш моделида (масалан Блэк-Шоулз-Мертон формуласида) кирувчи маълумотлар сифатида фойдаланиш орқали опционнинг кутилаётган муддатининг баҳоланиши (ходимнинг акция опциони ҳолатида, тақдим этиш санасидан опционни кутилаётган амалга ошириш санасигача бўлган давр) инобатга олиниши мумкин. Муқобил тарзда, кутилаётган муддатидан олдин амалга ошириш шартноманинг амал қилиш муддатини кирувчи маълумот сифатида фойдаланадиган биномиал ёки шунга ўхшаш опцион нархини шакллантириш модели орқали моделлаштирилиши мумкин.
- Б18 Муддатидан олдин амалга оширишни баҳолашда инобатга олинadиган омиллар куйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) ҳуқуқ ўтиши даврининг давомийлиги, чунки акция опциони одатда ҳуқуқ ўтиши даврининг охирига қадар амалга оширилмайди. Шу сабабли, кутилаётган муддатидан олдин амалга оширишнинг натижаларини аниқлаш опцион ўтиши эҳтимолига асосланади. Ҳуқуқ ўтиши шартларининг оқибатлари 19-21-бандларда муҳокама қилинади.
 - (б) ўхшаш опционларнинг ўтган даврда амалда бўлган ўртача давр давомийлиги.
 - (в) таянч акцияларнинг нархи. Тажриба ходимлар акция нархи фойдаланиш нархидан юқори белгиланган даражага етган пайтда опционларни амалга оширишга интилишларини кўрсатиши мумкин.
 - (г) ходимнинг ташкилотдаги даражаси. Масалан, тажриба юқорироқ даражадаги ходимлар пастроқ даражадаги ходимларга (Б21-бандда батафсил муҳокама қилинган) нисбатан опционларни кейинроқ амалга оширишга интилишларини кўрсатиши мумкин.
 - (д) таянч акцияларнинг кутилаётган ўзгарувчанлиги. Ўртача олганда, ходимлар юқори ўзгарувчан акциялар бўйича опционларни паст ўзгарувчанликка эга акциялар бўйича опционларга нисбатан муддатидан олдин амалга оширишга интилишини кўрсатади.
- Б19 Б17-бандда изоҳланганидек, опционнинг кутилаётган муддатидан олдин амалга оширилишининг таъсири опционнинг кутилаётган муддатининг баҳоланишини опцион нархини шакллантириш моделида дастлабки маълумотлар сифатида фойдаланиш орқали инобатга олиниши мумкин. Ходимлар гуруҳига тақдим этилган акция опционларининг кутилаётган муддатини баҳолашда, ташкилот ходимларнинг амалга ошириш хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги батафсил маълумотларга асосланган ҳолда, ушбу баҳолаш учун бутун ходимлар гуруҳи бўйича асосланган тарзда тортилган ўртача кутилаётган муддатни ёки ходимларнинг кичик гуруҳлари бўйича асосланган тарзда тортилган ўртача муддатларни асос қилиб олиши мумкин (куйида батафсил муҳокама қилинади).
- Б20 Опцион тақдим этишнинг нисбатан ўхшаш хусусиятига эга ходимлар гуруҳларига ажратиш муҳим бўлиши мумкин. Опционнинг қиймати опцион амал қилиш муддатининг чизикли функцияси ҳисобланмайди; муддат узайиши билан, қиймат камайиш суръатида ошиб боради. Масалан, агар бошқа барча эҳтимоллар тенг бўлганда, икки йиллик опциондан бир йиллик опциондан юқорироқ қийматга эга бўлсада, у икки баробар қийматга эга эмас. Бу, кенгроқ фарқ қиладиган алоҳида муддатларни ўз ичига оладиган ягона тортилган ўртача муддат асосида опцион қийматини ҳисоблаш тақдим этилган акция опционларининг жами ҳаққоний қийматини ошириб акс эттириши

мумкинлигини англатади. Такдим этилган опционларни, ҳар бири ўзининг тортилган ўртача муддатида қамраб олинган муддатларнинг нисбатан тор диапазонига эга бир неча гуруҳларга ажратиш ушбу ошириб акс эттиришни камайтиради.

- Б21 Биномиал ёки шунга ўхшаш моделлардан фойдаланишда шунга ўхшаш мулоҳаза қўлланади. Масалан, кенгрок тарзда барча даражадаги ходимларга опционларни такдим этадиган ташкилот тажрибаси, юқори даражадаги раҳбар ходимлар ўз опционларини ўрта даражадаги бошқарув ходимлари ўз опционларини сақлашига нисбатан узокрок сақлашга интилишларини ва қуйи даражадаги ходимлар эса бошқа ҳар қандай гуруҳга нисбатан ўз опционларини муддатидан олдин амалга оширишга интилишларини кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, иш берувчининг улушли инструментларининг, жумладан опционларнинг, маълум минимум суммасини сақлаши маъқулланадиган ёки талаб этиладиган ходимлар ушбу шарт остида бўлмаган ходимларга нисбатан, ўртача олганда, опционларни кейинроқ амалга ошириши мумкин. Бундай ҳолатларда, опционларни нисбатан ўхшаш амалга ошириш хусусиятига эга олувчилар гуруҳларига ажратиш такдим этилган акция опционларининг жами ҳаққоний қийматининг аниқроқ баҳосини келтириб чиқаради.

Кутилаётган ўзгарувчанлик

- Б22 Кутилаётган ўзгарувчанлик давр мобайнида нархнинг тебраниши кутилаётган қиймат ўлчовидир. Опцион нархини шакллантириш моделларида фойдаланилган ўзгарувчанлик кўрсаткичи давр мобайнида уклуксиз мураккаб фоиз бўйича ҳисобланган акция даромадлигининг йил ҳисобидаги стандарт оғишлари ҳисобланади. Ўзгарувчанлик одатда йил ҳисобидаги, ҳисоблашда фойдаланилган давр муддатидан, масалан, кунлик, ҳафталик ёки ойлик кузатиладиган нархлардан қатъий назар қиёсий бўлган қийматларда ифодаланади.
- Б23 Давр учун акция бўйича даромадлилик нормаси (ижобий ёки манфий бўлиши мумкин) акциядор дивидендлардан ва акция нархининг ўсишидан (ёки пасайишидан) қанча нафга эга бўлганлигини баҳолайди.
- Б24 Акциянинг кутилаётган йил ҳисобидаги ўзгарувчанлиги узлуксиз мураккаб фоиз бўйича ҳисобланган даромадлилик даврнинг тахминан учдан икки қисмига тенг бўлиши кутилаётган диапазондир. Масалан, айтилик 12 фоиз узлуксиз мураккаб фоиз бўйича ҳисобланган даромадлиликка эга акция 30 фоиз ўзгарувчанликка эга, бир йиллик акция бўйича даромадлилик -18 фоиз (12%-30%) ва 42 фоиз (12%+30%) ўртасида бўлишининг эҳтимоли тахминан учдан иккига тенглигини англатади. Агар акция нархи йил бошида 100 п.б.га тенг бўлса ва ҳеч қандай дивидендлар тўланмаган бўлса, йил охиридаги акция нархи 83.53 п.б. ($100 \text{ п.б.} \times e^{-0.18}$) билан 152.20 п.б. ($100 \text{ п.б.} \times e^{0.42}$) ўртасида даврнинг тахминан учдан икки қисмида бўлиши кутилиши мумкин.
- Б25 Кутилаётган ўзгарувчанликни баҳолашда инobatга олинadиган омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) ташкилот акцияларида савдо қилинадиган акция опционлари бўйича ёки агар мавжуд бўлса, опцион хусусиятларига (масалан конвертацияланадиган қарз инструментлари) эга ташкилотнинг бошқа савдо қилинадиган инструментлари бўйича ички ўзгарувчанлик.
 - (б) опционнинг кутилаётган муддати билан умуман олганда мутаносиб бўлган энг сўнги давр мобайнидаги акция нархининг олдинги ўзгарувчанлиги (опционнинг қолган шартнома амал қилиш муддатини ва кутилаётган муддатидан олдин амалга оширишни инobatга олган ҳолда).
 - (в) ташкилотнинг акциялари очик бозорда савдо қилинадиган даврнинг давомийлиги. Янги листинг қилинган ташкилот олдин листинг қилинган ўхшаш ташкилотлар билан қиёслаганда, юқори олдинги ўзгарувчанликка эга бўлиши мумкин. Янги листинг қилинган ташкилот бўйича кўрсатма қуйида келтирилган.
 - (г) ўзгарувчанликнинг ўзининг ўртача қийматига интилиш тенденцияси, яъни унинг узок муддатли ўртача даражаси ва кутилаётган келгуси ўзгарувчанлик олдинги ўзгарувчанликдан фарқ қилиши мумкинлигини кўрсатадиган бошқа омиллар. Масалан, агар ташкилот акциясининг нархи амалга оширилмаган қўшиб олиш таклифи ёки аҳамиятли қайта ташкил этиш сабабли баъзи маълум давр мобайнида жуда ўзгарувчан бўлган бўлса, ушбу давр олдинги ўртача йиллик ўзгарувчанликни ҳисоблашда инobatга олинмаслиги мумкин.
 - (д) нархларни кузатиш бўйича ўринли ва мунтазам ораликлар. Нархларни кузатиш даврдан даврга мутаносиб бўлиши лозим. Масалан, ташкилот ҳар бир ҳафта учун якуний нархдан ёки ҳафта учун энг юқори нархдан фойдаланиши мумкин, лекин у айрим ҳафтalar учун якуний нархдан ва бошқа ҳафтalar учун энг юқори нархдан фойдаланмаслиги лозим.

Шунингдек, кузатиш нархлари фойдаланиш нархи каби бир хил валютада ифодаланиши лозим.

Янги листинг қилинган ташкилотлар

- Б26 Б25-банда изоҳланганидек, ташкилот опционнинг кутилаётган муддати билан умуман олганда мутаносиб бўлган энг сўнги давр мобайнидаги акция нархининг олдинги ўзгарувчанлигини кўриб чиқиши лозим. Агар янги листинг қилинган ташкилот олдинги ўзгарувчанлик бўйича етарли маълумотларга эга бўлмаса, шунга қарамадан у савдо фаолияти мавжуд бўлган энг узун давр мобайнида олдинги ўзгарувчанликни ҳисоблаши лозим. У ўхшаш ташкилотлар фаолиятларининг қиёсий давридан фойдаланиб, уларнинг олдинги ўзгарувчанлигини ҳам инобатга олиши мумкин. Масалан, бил йил олдин листинг қилинган ва беш йиллик ўртача кутилаётган муддатга эга опционларни тақдим этадиган ташкилот айнан бир соҳадаги бошқа ташкилотларнинг олдинги ўзгарувчанлигининг тарзи ва даражасини ушбу ташкилотларнинг акциялари очик бозорда савдо қилинган биринчи олти йиллик учун инобатга олиши мумкин.

Листинг қилинмаган ташкилотлар

- Б27 Листинг қилинмаган ташкилот кутилаётган ўзгарувчанликни баҳолашда маълумотларга эга бўлмайди. Бунинг ўрнига, қуйида инобатга олинадиган айрим омиллар келтирилган.
- Б28 Айрим ҳолатларда, ходимларга (ёки бошқа томонларга) мунтазам равишда опционлар ёки акциялар чиқарадиган листинг қилинмаган ташкилот ўз акциялари учун ички бозорни ташкил этган бўлиши мумкин. Ушбу акция нархларининг ўзгарувчанлиги, кутилаётган ўзгарувчанликни баҳолашда инобатга олиниши мумкин.
- Б29 Мукобил тарзда, ташкилот кутилаётган ўзгарувчанликни баҳолашда фойдаланиш учун, акция нархи ёки опцион нархи маълумотлари мавжуд бўлган ўхшаш листинг қилинган ташкилотларнинг олдинги ёки ички ўзгарувчанлигини инобатга олиши мумкин. Бу, агар ташкилот ўз акцияларининг қиймати учун ўхшаш листинг қилинган бошқа ташкилотларнинг акция нархларини асос қилган бўлса, ўринли бўлиши мумкин.
- Б30 Агар ташкилот ўз акциялари қийматининг ҳисоб баҳоси учун ўхшаш листинг қилинган ташкилотларнинг акция нархларини асос қилмаган бўлса ва бунинг ўрнига ўз акцияларини нархлаш учун бошқа баҳолаш усулидан фойдаланган бўлса, ташкилот ушбу баҳолаш усулига мувофиқ кутилаётган ўзгарувчанликнинг ҳисоб баҳосини келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ташкилот ўз акцияларини соф актив ёки фойда асосида баҳолаши мумкин. У ушбу соф актив қийматларининг ёки фойданинг кутилаётган ўзгарувчанлигини инобатга олиши мумкин.

Кутилаётган дивидендлар

- Б31 Тақдим этилган акцияларнинг ёки опционларнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда кутилаётган дивидендларни инобатга олиниши, контрагентнинг дивидендларга ёки дивиденд эквивалентларига нисбатан ҳуқуқлари мавжуд бўлишига боғлиқ.
- Б32 Масалан, агар ходимларга опционлар тақдим этилган бўлса ва улар тақдим этиш санаси ва амалга ошириш санаси орасида таянч акциялар бўйича дивидендларга ёки эквивалентларига (пул маблағлари билан тўланиши мумкин ёки фойдаланиш нархини камайтиришга қўлланиши мумкин бўлган) дивиденд нисбатан ҳуқуққа эга бўлсалар, тақдим этилган опционлар худди таянч акциялар бўйича ҳеч қандай дивидендлар тўланмайдигандек баҳолаши лозим, яъни кутилаётган дивидендлар бўйича кирувчи маълумотлар нольга тенг бўлиши лозим.
- Б33 Шу каби, ходимларга тақдим этилган акцияларнинг тақдим этиш санасидаги ҳаққоний қиймати баҳоланганда, агар ходим ҳуқуқ ўтиши даври мобайнида тўланадиган дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлса, кутилаётган дивидендларга нисбатан ҳеч қандай тузатиш талаб этилмайди.
- Б34 Аксинча, агар ходимлар ҳуқуқ ўтиши даври мобайнидаги (ёки опцион ҳолатида, амалга оширишдан олдин) дивидендлар ёки дивиденд эквивалентларига нисбатан ҳуқуққа эга бўлмасалар, акцияларга ёки опционларга нисбатан ҳуқуқларни тақдим этиш санасида баҳолашда кутилаётган дивидендлар инобатга олиниши лозим. Яъни, опцион тақдим этилишининг ҳаққоний қиймати баҳоланганда, кутилаётган дивидендлар опцион нархини шакллантириш моделининг қўлланишида инобатга олиниши лозим. Акция тақдим этилишининг ҳаққоний қиймати баҳоланганда, ушбу баҳолаш ҳуқуқ ўтиши даври мобайнида тўланиши кутилаётган дивидендларнинг дисконтланган қийматига камайтирилиши лозим.

- Б35 Умуман олганда, опцион нархини шакллантириш моделлари кутилаётган дивиденд даромадлигини талаб этади. Лекин, моделлар даромадлиликни эмас, балки кутилаётган дивиденд суммасидан фойдаланиш учун ўзгартирилиши мумкин. Ташкилот дивиденднинг кутилаётган даромадлигидан ҳам, ёки у бўйича кутилаётган тўловлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Агар ташкилот иккинчисидан фойдаланса, у дивидендлардаги ўсишларни олдинги ўзгаришини инобатга олиши лозим. Масалан, агар ташкилотнинг сиёсати дивидендларни ҳар йили тахминан 3 фоизга ошириш бўлса, унинг баҳоланган опцион қиймати опционнинг амал қилиш муддати мобайнида ўзгармас дивиденд суммасини назарда тутиши тўғрисидаги фараз, агар ушбу фаразни тасдиқлайдиган далил мавжуд бўлмаса, инобатга олинмаслиги лозим.
- Б36 Умуман олганда, кутилаётган дивидендлар тўғрисидаги фараз очиқ тарзда мавжуд бўлган маълумотларга асосланиши лозим. Дивидендларни тўламайдиган ва буни амалга ошириш бўйича режаларга эга бўлмаган ташкилот кутилаётган дивиденд даромадлигини нольга тенг деб қабул қилиши лозим. Лекин, дивидендларни тўлаш тажрибасига эга бўлмаган янги ташкилот ўз ходими акция опционларининг кутилаётган муддатлари мобайнида дивидендларни тўлашни бошлашни режалаштирган бўлиши мумкин. Ушбу ташкилотлар ўзларининг олдинги дивиденд даромадлиги (ноль) билан гуруҳдаги мос қиёсий тенгдошининг дивиденд даромадлигининг ўртача қийматининг ўртачасидан фойдаланиши мумкин.

Рискдан-холи фоиз ставкаси

- Б37 Одатда, рискдан-холи фоиз ставкаси фойдаланиш нархи ифодаланган валютага эга мамлакатнинг ноль-купонли давлат облигациялари эмиссияси бўйича жорий пайтда мавжуд бўлган тахминий даромадлилик бўлиб, бунда қолган муддат баҳоланадиган (опционнинг қолган шартноманинг амал қилиш муддати асосида ва кутилаётган муддатидан олдин амалга ошириш таъсирларини инобатга олган ҳолда) опционнинг кутилаётган муддатига тенг бўлиши лозим. Агар ҳеч қандай давлат облигациялари эмиссияси мавжуд бўлмаса ёки ҳолатлар ноль-купонли давлат облигациялари эмиссияси бўйича тахминий даромадлилик рискдан-холи фоиз ставкасини ифода этмаслигини кўрсатса (масалан, юқори инфляцияга эга иктисодиёт), ўринли бўлган муқобил ставкадан фойдаланиш зарур бўлиши мумкин. Шунингдек, агар баҳоланадиган опционнинг кутилаётган муддатига тенг муддатга эга опционнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда бозор иштирокчилари одатда ноль-купонли давлат облигациялари эмиссиясининг тахминий даромадлигидан эмас, балки ўринли муқобил ставкадан фойдаланиш орқали рискдан-холи фоиз ставкасини аниқласа, ушбу муқобил ставкадан фойдаланиш лозим бўлади.

Капитал тузилмасига таъсирлар

- Б38 Одатда, ташкилот эмас, балки учинчи томонлар савдо қилинадиган акция опционларини чиқарадилар. Ушбу акция опционлари амалга оширилганда, сотувчи опцион эгасига акцияларни етказиб беради. Ушбу акциялар мавжуд акциядорлардан харид қилинади. Шу сабабли, савдо қилинадиган опционларни амалга ошириш суюлтириш таъсирига эга бўлмайди.
- Б39 Аксинча, агар акция опционлари ташкилот томонидан чиқарилса, ушбу акция опционлари амалга оширилганда янги акциялар чиқарилади (агар олдин қайта сотиб олинган ўз акциялар фойдаланилганда, ҳақиқатда чиқарилган ёки моҳиятан чиқарилган ҳисобланади). Акциялар амалга ошириш санасида жорий бозор нархида эмас, балки фойдаланиш нархида чиқарилиши туфайли, ушбу ҳақиқий ёки потенциал суюлтириш акция нархини камайтириши мумкин, бунинг натижасида опцион эгаси амалга оширишда бошқа ҳолларда акция нархини суюлтирмайдиган ўхшаш савдо қилинадиган опционни амалга оширишда оладиган фойда каби кўпроқ фойда кўрмайди.
- Б40 Бу тақдим этилган акция опционларининг қийматига аҳамиятли таъсир кўрсатиши турли омилларга, масалан, аллақачон чиқарилган акциялар миқдорига нисбатан опционларни амалга оширишда чиқариладиган янги акцияларнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, агар бозорда аллақачон опцион тақдим этилиши кутилса, бозор потенциал суюлтиришни аллақачон тақдим этиш санасидаги акция нархида инобатга олган бўлиши мумкин.
- Б41 Лекин, ташкилот тақдим этилган акция опционларини келгусида амалга оширишнинг эҳтимолий суюлтириш таъсири тақдим этиш санасида уларнинг баҳоланган ҳаққоний қийматига нисбатан таъсирга эга бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим. Опцион нархини шакллантириш моделлари ушбу потенциал суюлтириш таъсирини инобатга олиши учун мослаштирилиши мумкин.

Улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов келишувларини ўзгартириш

- Б42 27-банд, улушли инструментлар тақдим этилган шартларга нисбатан ҳар қандай ўзгартиришлардан ёки ушбу улушли инструментлар тақдим этилишининг бекор қилиниши ёки сўндирилишидан қатъий назар, ташкилот камида тақдим этилган улушли инструментларнинг тақдим этиш санасидаги ҳаққоний қийматида баҳоланган қабул қилинган хизматларни тан олишини талаб қилади, бундан ушбу улушли инструментлар тақдим этиш санасида белгиланган ҳуқуқ ўтиши шартлари (бозор шартидан ташқари) қаноатлантирилмаслиги сабабли ўтмайдиغان ҳолатлар мустасно. Шу билан бирга, ташкилот акцияларга асосланган тўлов келишувининг жами ҳаққоний қийматини оширадиган ёки бошқа ҳолларда ходим учун манфаатли бўлган ўзгартиришлар таъсирларини тан олиши лозим.
- Б43 27-банднинг талабларини қўллаш учун:
- (а) агар ўзгартириш бевосита ўзгартиришдан олдин ва кейин баҳоланган тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини оширса (масалан амалга ошириш нархини камайтириш орқали), ташкилот тақдим этилган қўшимча ҳаққоний қийматни тақдим этилган улушли инструментлар учун товон сифатида қабул қилинган хизматлар учун тан олинган суммани баҳолашда инobatга олиши лозим. Тақдим этилган қўшимча ҳаққоний қиймат ўзгартирилган улушли инструментнинг ҳаққоний қиймати ва дастлабки улушли инструментнинг ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ бўлиб, иккиси ҳам ўзгартириш санасида баҳоланади. Агар ўзгартириш ҳуқуқ ўтиши даври мобайнида содир бўлса, тақдим этилган қўшимча ҳаққоний қиймат қабул қилинган хизматлар учун тан олинган суммани баҳолашда ўзгартириш санасидан ўзгартирилган улушли инструментлар ўтадиган санагача бўлган давр мобайнида инobatга олинади, бунда у дастлабки ҳуқуқ ўтиши даврининг қолган қисми мобайнида тан олинадиган дастлабки улушли инструментларнинг тақдим этиш санасидаги ҳаққоний қийматига асосланган суммага қўшимча тарзда бўлади. Агар ўзгартириш ҳуқуқ ўтиши санасидан сўнг содир бўлса, тақдим этилган қўшимча ҳаққоний қиймат дарҳол ёки агар ходимдан ушбу ўзгартирилган улушли инструментларга нисбатан шартсиз ҳуқуққа эга бўлишдан олдин қўшимча хизмат даврини якунлаш талаб этилса, ҳуқуқ ўтиши даври мобайнида тан олинади.
 - (б) шу каби, агар ўзгартириш тақдим этилган улушли инструментларнинг миқдорини оширса, ташкилот ўзгартириш санасида баҳоланган тақдим этилган қўшимча улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини тақдим этилган улушли инструментлар учун қийматни қоплаш сифатида қабул қилинган хизматлар учун тан олинган суммани юқоридаги (а) банднинг талабларига мос тарзда баҳолашда инobatга олиши лозим. Масалан, агар ўзгартириш ҳуқуқ ўтиши даври мобайнида содир бўлса, тақдим этилган қўшимча улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати қабул қилинган хизматлар учун тан олинган суммани баҳолашда ўзгартириш санасидан қўшимча улушли инструментлар ўтиш санасигача бўлган давр мобайнида инobatга олинади, бунда у дастлабки ҳуқуқ ўтиши даврининг қолган қисми мобайнида тан олинадиган дастлаб тақдим этилган улушли инструментларнинг тақдим этиш санасидаги ҳаққоний қийматига асосланган суммага қўшимча тарзда бўлади.
 - (в) агар ташкилот ҳуқуқ ўтиши даври шартларини ходимга манфаатли бўлган тарзда, масалан ҳуқуқ ўтиши даврини камайтириш орқали ёки фаолият натижасига эришиш шартини (ўзгаришлари юқоридаги (а) бандга мувофиқ ҳисобга олинадиган бозор шартидан ташқари) ўзгартириш ёки чиқариб ташлаш орқали ўзгартирса, ташкилот 19-21-бандлардаги талабларни қўллашда ўзгартирилган ҳуқуқ ўтиши шартларини инobatга олиши лозим.
- Б44 Бундан ташқари, агар ташкилот тақдим этилган улушли инструментларнинг шартларини акцияга асосланган тўлов келишувининг жами ҳаққоний қийматини камайтирадиган ёки бошқа ҳолларда ходим учун манфаатли бўлмайдиган тарзда ўзгартирса, ташкилот шунга қарамасдан тақдим этилган улушли инструментлар учун товон сифатида қабул қилинган хизматларни ҳисобга олишни, худди ушбу ўзгартириш содир бўлмагандек, давом эттириши лозим (28-бандга мувофиқ ҳисобга олиниши лозим бўлган, айрим ёки барча тақдим этилган улушли инструментларнинг бекор қилинишидан ташқари). Масалан:
- (а) агар ўзгартириш, бевосита ўзгартиришдан олдин ва кейин баҳоланган, тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини камайтирса, ташкилот ҳаққоний қийматдаги ушбу камайишни инobatга олмаслиги лозим ва тақдим этилган улушли инструментларнинг тақдим этилган санадаги ҳаққоний қийматига асосланган ҳолда улушли инструментлар учун товон сифатида қабул қилинган хизматлар учун тан олинган суммани баҳолашни давом эттириши лозим.

- (б) агар ўзгартириш ходимларга тақдим этилган улушли инструментларнинг миқдорини камайтирса, 28-банднинг талабларига мувофиқ, ушбу камайиш тақдим этишнинг ушбу қисмининг бекор қилиниши сифатида ҳисобга олинаши лозим.
- (в) агар ташкилот ҳуқуқ ўтиши шартларини ходимга манфаатли бўлмаган тарзда, масалан ҳуқуқ ўтиши даврини узайтириш орқали ёки фаолият натижасига эришиш шартини (ўзгаришлар юқоридаги (а) бандга мувофиқ ҳисобга олинадиган бозор шартидан ташқари) ўзгартириш ёки қўшиш орқали ўзгартирса, ташкилот 19-21 бандлардаги талабларни қўллашда ўзгартирилган ҳуқуқ ўтиши шартларини инобатга олмаслиги лозим.

Акцияларга асосланган тўлов операциясини, унинг пул маблағлари билан сўндириладиган операция синфидан улушли инструментлар билан сўндириладиган операция синфига ўзгартиришни ҳисобга олиш

- Б44А Агар пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциясининг шартлари ўзгариб, у улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операциясига айланса, бу ўзгартириш содир бўлган санадан шундай операция сифатида ҳисобга олинади. Хусусан:
- (а) улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси ўзгартириш санасида тақдим этилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматида баҳоланади. Улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси ўзгартириш санасида қабул қилинган товар ёки хизматларнинг ҳажмида хусусий капиталда тан олинади.
 - (б) Ўзгартириш санасида ушбу санада мавжуд бўлган пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операция учун мажбурият тан олинаши бекор қилинади.
 - (в) Ўзгартириш санасида тан олинаши бекор қилинган мажбуриятнинг баланс қиймати ва тан олинган хусусий капитал суммаси ўртасидаги ҳар қандай фарқ дарҳол фойда ёки зарарда тан олинади.
- Б44Б Агар ўзгартириш натижасида ҳуқуқ ўтиши даври узайтирилса ёки камайтирилса, Б44А банднинг талаблари ўзгартирилган ҳуқуқ ўтиши даврини ҳисобга олган ҳолга қўлланади. Б44А банддаги талаблар, агар ҳуқуқ ўтиши даври яқунлангандан кейин содир бўлган бўлса ҳам қўлланади.
- Б44В Пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияси бекор қилиниши ёки сўндириш амалга оширилиши мумкин (ҳуқуқ ўтиш шартлари бажарилмаганда ҳуқуқ йўқотилиши натижасида бекор қилинган операциядан ташқари). Агар улушли инструментлар тақдим этилса ва тақдим этиш санасида ташкилот уларни бекор қилган пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўловни алмаштириш сифатида аниқласа, ташкилот Б44А ва Б44Б бандларини қўллаши лозим.

Гуруҳ ташкилотлари ўртасидаги акцияларга асосланган тўлов операциялари (2009 йилдаги ўзгартиришлар)

- Б45 43А–43В бандларда гуруҳ ташкилотлари ўртасидаги акцияга асосланган тўлов операцияларини ҳар бир ташкилотнинг индивидуал ёки алоҳида молиявий ҳисоботида ҳисобга олинаши назарда тутилади. Б46–Б61-бандларда 43А–43В бандлардаги талаблар қандай қўлланиши муҳокама қилинади. 43Г бандда изоҳланганидек, гуруҳ ташкилотлари ўртасидаги акцияга асосланган тўлов операциялари фактлар ва ҳолатларга боғлиқ тарзда турли сабаблар туфайли содир бўлиши мумкин. Шунинг учун, ушбу муҳокамалар тўлиқ камровли эмас ва товарлар ва хизматларни қабул қилувчи ташкилот операцияни сўндириш учун ҳеч қандай жавобгарликка эга бўлмаса, ҳар қандай гуруҳ ичидаги қайта тўлов келишувларидан қатъий назар, операция бош ташкилотининг шўъба ташкилотига капитал қўйилмани ўтказиш ҳисобланади, деб фараз қилинади.
- Б46 Қуйидаги мунозаралар асосан ходимлар билан операцияларга қаратилган бўлсада, у ходимлар бўлмаган бошқа товарлар ёки хизматлар етказиб берувчилари билан ўхшаш акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан ҳам қўлланади. Бош ташкилот ва унинг шўъба ташкилоти ўртасидаги келишув шўъба ташкилотдан бош ташкилотга ходимларга улушли инструментларни тақдим этилиши учун тўловни амалга оширишни талаб қилиши мумкин. Қуйидаги муҳокама бундай гуруҳ ичидаги тўлов келишувларини қандай ҳисобга олишга қаратилмаган.

- Б47 Гуруҳ ичидаги ташкилотлар ўртасидаги акцияларга асосланган тўлов операцияларида умуман олганда тўртта масала учрайди. Қулайлик мақсадида, қуйидаги мисолларда бош ташкилот ва унинг шўба ташкилоти масалалари муҳокама қилинади.

Ташкилотнинг ўз улушли инструментларини ўз ичига оладиган акцияларга асосланган тўлов келишувлари

- Б48 Биринчи масала ташкилотнинг ўз улушли инструментларини ўз ичига оладиган қуйидаги операциялар мазкур МХХС нинг талабларига мувофиқ улушли инструментлар билан сўндириладиган ёки пул маблағлари билан сўндириладиган операция сифатида ҳисобга олиниши лозимлиги ҳисобланади:

- (а) ташкилот ўзининг ходимларига ташкилотнинг улушли инструментларини (масалан акция опционларини) тақдим этади ва у ўз ходимлари олдидаги ўзининг жавобгарликларини бажариш учун улушли инструментларни (яъни сотиб олинган ўз акцияларини) бошқа томондан сотиб олишни танлайди ёки сотиб олиш талаб этилади; ва
- (б) ташкилотнинг ходимларига ташкилотнинг улушли инструментларига (масалан акция опционларига) нисбатан ҳуқуқлар ташкилотнинг ўзи ёки унинг акциядорлари томонидан тақдим этилган ва ташкилотнинг акциядорлари зарур бўлган улушли инструментларни таъминлайди.

- Б49 Ташкилот ўзининг улушли инструментлари учун товон сифатида хизматларни қабул қиладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларини улушли инструментлар билан сўндириладиган операция сифатида ҳисобга олиши лозим. Бу, ташкилот бошқа томондан акцияларга асосланган тўлов келишуви асосида ўз ходимлари олдидаги ўзининг жавобгарликларини бажариш учун ушбу улушли инструментларни сотиб олишни танлаши ёки талаб этилишидан қатъий назар қўлланади. У қуйидагилардан ҳам қатъий назар қўлланади:

- (а) ташкилотнинг улушли инструментларига нисбатан ходимларнинг ҳуқуқлари ташкилотнинг ўзи томонидан ёки унинг акциядор(лар)и томонидан тақдим этилганлиги; ёки
- (б) акцияларга асосланган тўлов келишуви ташкилотнинг ўзи томонидан ёки унинг акциядор(лар)и томонидан сўндирилганлиги.

- Б50 Агар акциядор ўз инвестиция объектининг ходимлари билан операцияни сўндириш жавобгарлигига эга бўлса, у ўзининг эмас, балки ўз инвестиция объектининг улушли инструментларини тақдим этади. Шунинг учун, агар унинг инвестиция объекти акциядор каби айнан бир гуруҳда бўлса, 43В-бандга мувофиқ, акциядор ўз жавобгарлигини пул маблағларида сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланадиган талабларга мувофиқ акциядорнинг индивидуал молиявий ҳисоботида ва улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланадиган талабларга мувофиқ акциядорнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида баҳолаши лозим.

Бош ташкилотнинг улушли инструментларини ўз ичига оладиган акцияларга асосланган тўлов келишувлари

- Б51 Иккинчи масала айнан бир гуруҳдаги икки ёки ундан ортиқ ташкилотлар ўртасида гуруҳдаги бошқа ташкилотнинг улушли инструментларини ўз ичига оладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига тегишли. Масалан, шўба ташкилоти ходимларига шўба ташкилотига кўрсатилган хизматлар учун товон сифатида унинг бош ташкилотининг улушли инструментларига нисбатан ҳуқуқлар тақдим этилади.

- Б52 Шунинг учун, иккинчи масала қуйидаги акцияларга асосланган тўлов келишувларига тегишлидир:

- (а) бош ташкилот ўз улушли инструментларига ҳуқуқларни ўзининг шўба ташкилоти ходимларига тўғридан-тўғри тақдим этади: шўба ташкилоти ходимларига улушли инструментларни тақдим этиш мажбурияти (шўба ташкилотда эмас) бош ташкилотда пайдо бўлади; ва
- (б) шўба ташкилот ходимларига ўз бош ташкилотининг улушли инструментларига нисбатан ҳуқуқларни тақдим этади: шўба ташкилот ходимларига улушли инструментларни таъминлаш жавобгарлигига эга.

Бош ташкилот ўз шўъба ташкилотининг ходимларига ўзининг улушли инструментларига нисбатан ҳуқуқларни тақдим этади (Б52(а) банд)

- Б53 Шўъба ташкилот ўз бош ташкилотининг улушли инструментларини шўъба ташкилоти ходимларига тақдим этиш жавобгарлигига эга эмас. Шунинг учун, 43Б бандга мувофиқ, шўъба ташкилот ўзининг ходимларидан қабул қилган хизматларни улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланадиган талабларга мувофиқ баҳолаши лозим ва хусусий капиталдаги тегишли ўсишни бош ташкилотидан қўйилма сифатида тан олиши лозим.
- Б54 Бош ташкилот шўъба ташкилоти ходимлари билан операцияни бош ташкилотнинг улушли инструментларини таъминлаш орқали сўндириш жавобгарлигига эгадир. Шунинг учун, 43В бандга мувофиқ, бош ташкилот ўз жавобгарлигини улушли инструментлар билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланадиган талабларга мувофиқ баҳолаши лозим.

Шўъба ташкилот ўзининг ходимларига ўз бош ташкилотининг улушли инструментларига нисбатан ҳуқуқларни тақдим этиши (Б52(б) банд)

- Б55 Шўъба ташкилот 43Б банддаги ҳеч қайси бир талабга жавоб бермаганлиги сабабли, у ўз ходимлари билан операцияни пул маблағлари билан сўндириладиган операция сифатида ҳисобга олиши лозим. Ушбу талаб шўъба ташкилот ўз ходимлари олдидаги ўзининг жавобгарликларини бажариш учун улушли инструментларга қандай эга бўлишидан қатъий назар қўлланади.

Ходимларга пул маблағлари сўндириладиган тўловларни ўз ичига оладиган акцияларга асосланган тўлов операциялари

- Б56 Учинчи масала ташкилотнинг ўзининг етказиб берувчиларига талаб этилган тўловларни амалга ошириш жавобгарлигига эга бўлмаганда, ўзининг етказиб берувчиларидан (жумладан ходимлардан) товарлар ёки хизматларни қабул қилувчи ташкилот пул маблағлари билан сўндириладиган акцияга асосланган келишувларни қандай ҳисобга олиши лозимлиги ҳисобланади. Масалан, (ташкилотнинг ўзи эмас) бош ташкилот ташкилотнинг ходимларига талаб этилган пуллик тўловларни амалга ошириш жавобгарлигига эга бўлган қуйидаги келишувлар кўриб чиқилади:
- (а) ташкилотнинг ходимлари ўзинг улушли инструментларининг нархига боғланган пуллик тўловларни олади.
 - (б) ташкилотнинг ходимлари унинг бош ташкилотининг улушли инструментларининг нархига боғланган пуллик тўловларни олади.
- Б57 Шўъба ташкилот ўз ходимлари билан операцияни сўндириш жавобгарлигига эга эмас. Шунинг учун, шўъба ташкилот ўз ходимлари билан операцияни улушли инструментлар билан сўндириладиган операция сифатида ҳисобга олиши лозим ва хусусий капиталдаги тегишли ўсишни бош ташкилотдан қўйилма сифатида тан олиши лозим. Шўъба ташкилот 19-21 бандларга мувофиқ бажарилмайдиган бозор шарти бўлмаган ҳуқуқ ўтиши шартларидан юзага келадиган ҳар қандай ўзгаришларга нисбатан кейинги даврларда операция кийматини қайта баҳолаши лозим. Бу гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида операцияни пул маблағлари билан сўндириладиган операция сифатида баҳолашдан фарқ қилади.
- Б58 Бош ташкилот ходимлар билан операцияни сўндириш жавобгарлигига эга бўлганлиги ва товон пул маблағлари бўлганлиги туфайли, 43В бандда бош ташкилот (консолидациялашган гуруҳ) ўз жавобгарлигини пул маблағлари билан сўндириладиган акцияларга асосланган тўлов операцияларига нисбатан қўлланадиган талабларга мувофиқ баҳолаши лозим.

Гуруҳ ичидаги ташкилотлар ўртасида ходимларни ўтказиш

- Б59 Тўртинчи масала бирдан ортиқ гуруҳ ичидаги ташкилотларнинг ходимларини ўз ичига оладиган гуруҳ акцияларига асосланган тўлов келишувларига тегишли. Масалан, белгиланган давр учун гуруҳ ичида уклуксиз хизмат кўрсатишни яқунлаш шарти билан, бош ташкилот ўз шўъба ташкилотларининг ходимларига ўз улушли инструментларига нисбатан ҳуқуқларни тақдим этиши мумкин. Бир шўъба ташкилотининг ходими дастлабки акцияларга асосланган тўлов келишуви бўйича бош ташкилотнинг улушли инструментларига нисбатан унинг ҳуқуқларига таъсир этмаган ҳолда, иш фаолиятни бошқа шўъба ташкилотига белгиланган ҳуқуқ ўтиши даври мобайнида ўтказиши мумкин. Агар шўъба ташкилотлар ўз ходимлари билан акцияларга асосланган тўлов операциясини сўндириш жавобгарлигига эга бўлмаса, улар уни улушли инструментлар билан сўндириш операцияси сифатида ҳисобга олади. Ҳар бир шўъба ташкилот А иловада таърифлангандек, улушли инструментларга

- нисбатан ҳуқуқлар бош ташкилот томонидан дастлаб тақдим этилган санадаги ушбу улушли инструментларнинг ҳаққоний қиймати асосида ходимдан қабул қилинган хизматларни ҳамда ходим ҳар бир шўъба ташкилотида ўтказган ҳуқуқ ўтиши даврининг қисмини баҳолаши лозим.
- Б60 Агар шўъба ташкилот ўз ходимлари билан операцияни ўзининг бош ташкилотининг улушли инструментлари билан сўндириш жавобгарлигига эга бўлса, у операцияни пул маблағлари билан сўндириладиган операция сифатида ҳисобга олади. Ҳар бир шўъба ташкилот қабул қилинган хизматларни улушли инструментларнинг тақдим этиш санасидаги ҳаққоний қиймати асосида ходим ҳар бир шўъба ташкилотида ўтказган ҳуқуқ ўтиши даврининг қисми учун баҳолаши лозим. Шу билан бирга, ҳар бир шўъба ташкилот ходимнинг ҳар бир шўъба ташкилот билан хизмат даври мобайнида улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматидаги ҳар қандай ўзгаришни тан олиши лозим.
- Б61 Бундай ходим гуруҳ ичидаги бир ташкилотдан бошқасига ўтказилгандан сўнг, А иловада таърифланган бозор шартидан бошқа ҳуқуқ ўтиши шартига жавоб бера олмаслиги мумкин, масалан ходим хизмат даври якунланмасдан олдин гуруҳни тарқ этиши мумкин. Бундай ҳолатда, ҳуқуқ ўтиши шартини гуруҳга хизмат кўрсатиш бўлганлиги сабабли, ҳар бир шўъба ташкилот 19-банддаги тамойилларга мувофиқ ходимдан қабул қилинган хизматларга нисбатан тан олинган олдинги суммани тузатиши лозим. Шу сабабли, агар бош ташкилот томонидан тақдим этилган улушли инструментларга нисбатан ҳуқуқлари ходимнинг бозор шартидан бошқа ҳуқуқ ўтиши шартига жавоб бера олмаслиги сабабли ўтказилмаса, ҳеч қандай сумма ушбу ходимдан қабул қилинган хизматлар учун кумулятив асосда гуруҳдаги бирорта ташкилотнинг молиявий ҳисоботида тан олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
29-ИЛОВА

3-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти *Бизнес бирлашувлари*

Мақсад

- 1 Мазкур МҲХСнинг мақсади ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботида акс эттириладиган *бизнес бирлашувлари* ва уларнинг таъсирлари тўғрисидаги маълумотларнинг ўринлигини, ишончилигини ва қиёсланувчанлигини оширишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун мазкур МҲХС *харидорнинг* қуйидагиларни қандай амалга оширишига нисбатан тамойилларни ва талабларни белгилайди:
- (а) ўзининг молиявий ҳисоботида харид қилинган *идентификацияланадиган* активларни, қабул қилинган мажбуриятларни ва харид қилишдаги ҳар қандай *назорат кучига эга бўлмаган улушни* тан олиши ва баҳолаши;
 - (б) бизнес бирлашувида харид қилинган *гудвил* ёки манфаатли хариддан қўрилган фойдани тан олиши ва баҳолаши; ва
 - (в) молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга бизнес бирлашувининг ҳарактери ва у билан боғлиқ молиявий оқибатларни баҳолаш имконини берадиган маълумотларни ёритиб беришини аниқлаши.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур МҲХС бизнес бирлашуви таърифини қаноатлантирадиган операция ва бошқа ҳодисага нисбатан қўлланади. Мазкур МҲХС қуйидагиларга нисбатан қўлланмайди:
- (а) биргаликдаги фаолият объектнинг молиявий ҳисоботида биргаликдаги фаолият бўйича келишувни шакллантиришни ҳисобга олиш;
 - (б) бизнесни ташкил этмайдиган актив ёки активлар гуруҳини харид қилиш. Бундай ҳолатларда бизнесни харид қилувчи харид қилинган алоҳида идентификацияладиган активларни (38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*”га мувофиқ номоддий активлар таърифини ва тан олиш мезонларини қаноатлантирадиган активларни ҳисобга олган ҳолда) ва қабул қилинган мажбуриятларни идентификациялаши ва тан олиши лозим. Гуруҳнинг қиймати алоҳида идентификацияланадиган активлар ва мажбуриятлар ўртасида уларнинг харид қилиш санасидаги тегишли *ҳаққоний қийматлари* асосида тақсимланиши лозим. Бундай операция ёки ҳодиса гудвилнинг юзага келишига олиб келмайди.
 - (в) умумий назорат остида бўлган ташкилотлар ёки бизнеслар бирлашуви (Б1-Б4 бандларда қўллаш бўйича тегишли кўрсатма келтирилган).
- 2А Мазкур стандартнинг талаблари фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган шўъба ташкилотга инвестициянинг 10-сон МҲХС “*Консолидациялаган молиявий ҳисобот*”да таърифланган инвестиция ташкилоти томонидан харид қилинишига нисбатан қўлланмайди.

Бизнес бирлашувини аниқлаш

- 3 Ташкилот харид қилинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятлар бизнесни ташкил этишини талаб этадиган мазкур МҲХСдаги таърифни қўллаш орқали операция ёки бошқа ҳодиса бизнес бирлашуви эканини аниқлаши лозим. Агар харид қилинган активлар бизнес ҳисобланмаса, у ҳолда ҳисобот берувчи ташкилот бундай операция ёки бошқа ҳодисани активни харид қилиш сифатида ҳисобга олиши лозим. Б5-Б12Г бандларда бизнес бирлашувини идентификациялаш бўйича кўрсатма ва бизнес таърифи келтирилган.

Харид қилиш усули

- 4 Ташкилот ҳар бир бизнес бирлашувини харид қилиш усулини қўллаш орқали ҳисобга олиши лозим.
- 5 Харид қилиш усулини қўллаш куйидагиларни талаб этади:
- (а) бизнесни харид қилувчини идентификациялаш;
 - (б) харид қилиш санасини аниқлаш;
 - (в) харид қилинган идентификацияланадиган активларни, қабул қилинган мажбуриятларни ва харид қилинадиган бизнесда ҳар қандай назорат қилинмайдиган улушни тан олиш ва баҳолаш; ва
 - (г) гудвилни ёки манфаатли хариддан фойдани тан олиш ва баҳолаш.

Бизнесни харид қилувчини идентификациялаш

- 6 Ҳар бир бизнес бирлашуви учун бирлашадиган ташкилотлардан бири бизнесни харид қилувчи сифатида идентификацияланиши лозим.
- 7 10-сон МХХСдаги кўрсатма бошқа ташкилот, яъни харид қилинадиган бизнес устидан назоратга эга бўладиган бизнесни харид қилувчини – ташкилотни идентификациялаш учун фойдаланилиши лозим. Агар бизнес бирлашуви содир бўлиб, лекин 10-сон МХХСдаги кўрсатманинг қўлланиши бирлашадиган ташкилотларнинг қайси бири бизнесни харид қилувчи эканини аниқ белгилаш имкониятини бермаса, у ҳолда бизнесни харид қилувчини аниқлаш мақсадида Б14-Б18-бандларида келтирилган омилларни кўриб чиқиш лозим.

Харид қилиш санасини аниқлаш

- 8 Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасини, яъни харид қилинадиган бизнес устидан назоратга эга бўладиган санани аниқлаши лозим.
- 9 Бизнесни харид қилувчининг харид қилинадиган бизнес устидан назоратга эга бўладиган санаси одатда бизнесни харид қилувчи юридик жихатдан товонни ўтказадиган, активни харид қиладиган ва харид қилинадиган бизнес билан боғлиқ мажбуриятни қабул қиладиган – ёпиш санаси ҳисобланади. Лекин, бизнесни харид қилувчи назоратни ёпиш санасидан олдин ёки кейин келадиган санада олиши мумкин. Масалан, агар ёзма келишувда бизнесни харид қилувчининг харид қилинадиган бизнес устидан назоратга эга бўлиш санаси ёпиш санасидан олдин келиши назарда тутилган бўлса, харид қилиш санаси ёпиш санасидан олдин келади. Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасини аниқлашда барча ўринли далиллар ва ҳолатларни кўриб чиқиши лозим.

Харид қилинган идентификацияланадиган активлар, қабул қилинган мажбуриятлар ва харид қилинадиган бизнес устидан назорат кучига эга бўлмаган улушни тан олиш ва баҳолаш

Тан олиш тамойили

- 10 Харид қилиш санасида бизнесни харид қилувчи гудвилдан алоҳида тарзда, харид қилинган идентификацияланадиган активлар, қабул қилинган мажбуриятлар ва харид қилинадиган бизнес устидан назорат кучига эга бўлмаган улушни тан олиши лозим. Харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларни тан олиш 11 ва 12-бандларда келтирилган шартлар бажарилганда амалга оширилади.

Тан олиш шартлари

- 11 Харид қилиш усулини қўллаш доирасида тан олишни қаноатлантириш учун харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган мажбуриятлар харид қилиш санасида *Молиявий ҳисобот учун концептуал асос*даги активлар ва мажбуриятларнинг таърифларига мос келиши лозим. Масалан, бизнесни харид қилувчи томонидан амалга оширилиши кутилаётган, лекин харид қилинадиган бизнес фаолиятдан чиқиши ёки меҳнат муносабатларнинг тугатилиши ёхуд харид қилинадиган бизнесдаги ишчининг бошқа жойга ўтказилиши билан боғлиқ ўзининг режаларини амалга ошириш учун зарур бўлмайдиган сарфлар харид қилиш санасида мажбурият

- ҳисобланмайди. Шунинг учун, бизнесни харид қилувчи бундай сарфларни харид қилиш усулини қўллаш доирасида тан олмайдди. Бунинг ўрнига, бизнесни харид қилувчи бундай сарфларни бирлашувдан сўнг бошқа МҲХСга мувофиқ ўзининг молиявий ҳисоботида тан олади.
- 12 Шу билан бирга, харид қилиш усулини қўллаш доирасидаги тан олишни қаноатлантириш учун, харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган мажбуриятлар бизнесни харид қилувчи билан харид қилинадиган бизнес (ёки унинг собиқ *мулкдорлари*) ўртасидаги алоҳида операциялар натижасида эмас, балки бизнес бирлашуви операциясидаги айирбошлашнинг бир қисми бўлиши лозим. Бизнесни харид қилувчи харид қилинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларнинг қайси бири харид қилинадиган бизнес билан боғлиқ айирбошлашнинг бир қисми ҳисобланишини ва қайси бири, агар мавжуд бўлса, ўзларининг ҳарактери ва тегишли МҲХСга мувофиқ ҳисобга олинадиган алоҳида операция натижаси ҳисобланишини аниқлаши учун 51-53 бандлардаги кўрсатмани қўллаши лозим.
- 13 Бизнесни харид қилувчининг тан олиш тамойили ва шартларини қўллаши харид қилинадиган бизнес ўзининг молиявий ҳисоботида актив ва мажбурият сифатида илгари тан олинмаган баъзи актив ва мажбуриятларни тан олинишига олиб келиши мумкин. Масалан, бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес ўзининг молиявий ҳисоботида ўзида ички яратилганлиги ва тегишли сарфларни харажатларга киритганлиги сабабли актив сифатида тан олинмаган савдо белгиси, патент ёки харидор билан муносабати каби идентификацияланадиган номоддий активларни тан олади.
- 14 Б31-Б40-бандларда номоддий активларни тан олиш бўйича кўрсатма берилган. 21А-28Б бандлар, мазкур МҲХС тан олиш тамойиллари ва шартларида чекланган истисноларни назарда тутадиган моддаларга эга бўлган идентификацияланадиган активлар ва мажбуриятларни белгилайди.

Бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларни таснифлаш ёки белгилаш

- 15 **Харид санасида бизнесни харид қилувчи тегишли равишда бошқа МҲХСни кейинчалик қўллаш мақсадида, харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларни таснифлаш ёки белгилаши лозим. Бизнесни харид қилувчи бундай таснифлаш ёки белгилашларни харид қилиш санасида мавжуд бўлган шартнома шартлари, иқтисодий шароитлар, ўзининг операцион ёки ҳисоб сисъатига ҳамда бошқа ўринли шартлар асосида амалга ошириши лозим.**
- 16 Баъзи ҳолатларда МҲХСлар ташкилот муайян актив ёки мажбуриятни қандай таснифлаши ёки белгилашига боғлиқ тарзда турлича ҳисобга олиш тартибини таъминлайди. Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасида мавжуд бўлган ўринли шартлар асосида амалга ошириши лозим бўлган таснифлаш ёки белгилашларга мисоллар қуйидагиларни қамраб олади, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”га мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда ёки амортизацияланган қийматда баҳоланадиган муайян молиявий активлар ва мажбуриятлар ёхуд бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активни таснифлаш;
 - (б) 9-сон МҲХСга мувофиқ дериватив инструментни хежлаш инструменти сифатида таснифлаш; ва
 - (в) 9-сон МҲХСга мувофиқ бириктирилган дериватив асосий шартномадан алоҳида ҳисобга олиниши лозимлигини баҳолаш (мазкур МҲХС да фойдаланиладиган атама “таснифлаш” масаласи ҳисобланади).
- 17 Мазкур МҲХС 15-бандда ифодаланган тамойилга нисбатан қуйидаги истиснони назарда тутати:
- (а) 16-сон МҲХС “*Ижара*”га мувофиқ харид қилинадиган бизнес оператив ижара ёки молиявий ижара сифатида ижарага берувчи ҳисобланадиган ижара шартномасини таснифлаш; ва
 - (б) 4-сон МҲХС “*Сугурта шартномалари*”га мувофиқ шартномани сугурта шартномаси сифатида таснифлаш.

Бизнесни харид қилувчи бундай шартномаларни, шартноманинг амал қилиши санаси бошланишидаги (ёки агар шартнома шартлари унинг таснифланишини ўзгартирадиган тарзда модификациялашган бўлса, харид қилиш санаси ҳисобланиши мумкин бўлган модификация қилинган пайт) шартнома шартлари ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда таснифлаши лозим.

Баҳолаш тамойили

- 18 **Бизнесни харид қилувчи харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларни уларни харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаши лозим.**
- 19 Бизнесни харид қилувчи ҳар бир бизнес бирлашуви учун харид қилиш санасида, ташкилот тугатилганда ўз эгаларига ташкилотнинг соф активларига нисбатан мутаносиб эгалик улушини берувчи жорий эгалик қилиш ҳуқуқлари ҳисобланадиган назорат кучига эга бўлмаган улушларни қуйидагича баҳолаши лозим:
- (а) ҳаққоний қийматда; ёки
 - (б) харид қилинадиган бизнеснинг идентификацияланадиган соф активларининг тан олинган суммаларига нисбатан жорий эгалик қилиш инструментларининг пропорционал улуши сифатида.
- Назорат кучига эга бўлмаган улушларнинг бошқа барча компонентлари, агар МҲХСлар бошқа баҳолаш асосини қўллашни талаб этмаса, уларни харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматида баҳолаши лозим.
- 20 24-31-бандлар мазкур МҲХС баҳолаш тамойили бўйича чекланган истисноларни назарда тутадиган моддаларни ўз ичига оладиган идентификацияланадиган активлар ва мажбуриятларнинг турларини белгилайди.

Тан олиш ёки баҳолаш тамойиллари бўйича истиснолар

- 21 Мазкур МҲХС тан олиш ва баҳолаш тамойилларига нисбатан чекланган истисноларни назарда тутди. 21А–31 бандлар истисноларни назарда тутадиган муайян моддаларни ва бундай истисноларнинг характерларини белгилайди. Бизнесни харид қилувчи бундай моддалар ҳисобини 21А–31 бандлардаги талабларга риоя қилган ҳолда юритиши лозим, бунда айрим моддалар:
- (а) 11 ва 12-бандларда келтирилган шартларга қўшимча тарзда тан олиш шартларини қўллаш орқали ёки тан олиш тамойили ва шартларни қўллашдан фарқ қиладиган натижаларга олиб келадиган бошқа МҲХСлар талабларини қўллаш орқали тан олинади.
 - (б) харид қилиш санасида уларнинг ҳаққоний қийматлари ҳисобланмайдиган бошқа суммада баҳоланади.

Тан олиш тамойили бўйича истиснолар

37-сон БҲХС ёки 21-сон МҲХСШҚ шарҳининг қўллаш доирасидаги мажбуриятлар ва шартли мажбуриятлар

- 21А 21Б банд 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” ёки 21-сон МҲХСШҚ шарҳи “*Мажбурий тўловлар*” қўллаш доирасидаги мажбуриятлар ва шартли мажбуриятларга нисбатан қўлланилади, агар улар бизнес бирлашувида эмас, балки алоҳида-алоҳида юзага келган бўлса.
- 21Б “*Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси*” мажбуриятни, ўтган ҳодисалардан келиб чиқадиган иқтисодий ресурсларни ўтказиш бўйича ташкилотнинг мавжуд жавобгарлиги сифатида таърифлайди. 37-сон БҲХС қўллаш доирасидаги мажбуриятлар ва шартли мажбуриятлар учун бизнесни харид қилувчи харид қилинган санасида олдинги ҳодисалар натижасида юзага келган мавжуд жавобгарликнинг борлигини аниқлаш учун 37-сон БҲХСнинг 15–22 бандларини қўллаши лозим. 21-сон МҲХСШҚ шарҳининг қўллаш доирасидаги мажбурий тўлов учун бизнесни харид қилувчи мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни тан олишга олиб келадиган жавобгарлик юклайдиган ҳодиса харид қилинган санасида содир бўлганлигини аниқлаш учун 21-сон МҲХСШҚ шарҳи қўллаши лозим.
- 21В 21Б бандига мувофиқ аниқланган мавжуд жавобгарлик 22(б) бандидаги шартли мажбурият таърифига жавоб бериши мумкин. Агар шундай бўлса, 23-банд ушбу шартли мажбуриятга нисбатан қўлланилади.

Шартли мажбуриятлар ва шартли активлар

- 22 37-сон БҲХС шартли мажбуриятни қуйидагича таърифлайди:

- (а) олдинги ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган ва унинг мавжудлиги фақатгина ташкилотнинг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланадиган эҳтимолли жавобгарликдир; ёки
- (б) олдинги ҳодисалардан юзага келадиган мавжуд жавобгарлик, лекин улар тан олинмайди, чунки:
- (i) жавобгарликни бажариш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетишининг талаб этилиши эҳтимоли йўқ; ёки
- (ii) жавобгарликнинг қиймати етарли даражада ишончли баҳолана олмайди.
- 23 Агар бундай мажбурият олдинги ҳодисалардан юзага келган мавжуд жавобгарлик ҳисобланса ҳамда унинг ҳаққоний қийматини ишонч билан баҳолаш мумкин бўлса, бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашув натижасида қабул қилинган шартли мажбуриятни тан олиши лозим. Шунинг учун, 37-сон БҲХСнинг 14(б), 23, 27, 29 ва 30-бандларига зид бўлсада, бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашуви натижасида қабул қилинган шартли мажбуриятни, гарчи жавобгарликни сўндириш учун ўзида иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетишининг талаб этилиши эҳтимоли йўқ бўлса ҳам, тан олиши лозим. Мазкур МҲХСнинг 56-банди шартли мажбуриятларни кейинги ҳисобга олиш бўйича кўрсатма беради.
- 37-сон БҲХС шартли активни ‘олдинги ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган ва унинг мавжудлиги фақатгина ташкилотнинг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланадиган эҳтимолли актив’ сифатида таърифлайди. Бизнесни харид қилувчи харид қилинган санасида шартли активни тан олмаслиги лозим.

Тан олиш ва баҳолаш тамойиллари бўйича истиснолар

Фойда солиқлари

- 24 Бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган активлардан ва қабул қилинган мажбуриятлардан юзага келадиган кечиктирилган солиқ активи ёки мажбуриятини 12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*”га мувофиқ тан олиши ва баҳолаши лозим.
- 25 Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасида мавжуд бўлган ёки 12-сон БҲХСга мувофиқ харид қилиш натижасида юзага келадиган вақтинчалик фарқлар ва солиқларни кейинги даврларга ўтказишларнинг потенциал солиқ таъсирларини ҳисобга олиши лозим.

Ходимларнинг даромадлари

- 26 Бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес ходимларининг даромадлари билан боғлиқ мажбуриятларни (ёки активни, агар мавжуд бўлса) 19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*”га мувофиқ тан олиши ва баҳолаши лозим.

Зарарни қоплаш активлари

- 27 Бизнес бирлашувида сотувчи бизнесни харид қилувчига муайян актив ёки мажбуриятнинг барчасига ёки маълум бир қисмига тегишли бўлган муайян шартли ҳолат ёки ноаниқлик натижасини шартномавий тарзда қоплаб бериши мумкин. Масалан, сотувчи бизнесни харид қилувчига муайян шартли ҳолатдан юзага келадиган мажбурият бўйича белгиланган суммадан ортиқ бўлган зарарларни қоплаб бериши мумкин; бошқача қилиб айтганда, сотувчи бизнесни харид қилувчининг мажбурияти белгиланган суммадан ошмаслигини кафолатлайди. Натижада, бизнесни харид қилувчи зарарни қоплаш активига эга бўлади. Бизнесни харид қилувчи зарарни қоплаш активини у қопланадиган моддани тан оладиган пайтда тан олиши лозим, бунда актив умидсиз суммалар бўйича баҳоланган резерв ташкил этиш зарурлиги туфайли ушбу қопланадиган модда каби бир хил асосда баҳоланади. Шунинг учун, агар қоплаш харид қилиш санасида тан олинган ва харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматида баҳоланган активга ёки мажбуриятга тегишли бўлса, бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасида ушбу санадаги ҳаққоний қийматида баҳоланган қоплаш активини тан олиши лозим. Ҳаққоний қийматда баҳоланган қоплаш активи учун келгуси пул оқимларининг йиғиладиган қисмига тегишли ноаниқликлар натижаси ҳаққоний қийматни баҳолашда инобатга олинади ва алоҳида баҳоланган резерв зарур бўлмайди (Б41-бандда тегишли қўллаш бўйича кўрсатма берилган).
- 28 Айрим ҳолатларда, зарарни қоплаш тан олиш ёки баҳолаш тамойилларига истисно бўлган актив ёки мажбуриятга тегишли бўлиши мумкин. Масалан, зарарни қоплаш ҳаққоний қиймати харид қилиш

санасида ишончли баҳоланмаслиги туфайли харид қилиш санасида тан олинмайдиган шартли мажбуриятга тегишли бўлиши мумкин. Муқобил тарзда, зарарни қоплаш масалан, харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматда бўлмаган бошқа асосда баҳоланган ходимлар даромадидан келиб чиқадиган активга ёки мажбуриятга тегишли бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, қоплаш активи тан олинishi ва қопланадиган моддани баҳолашда қоплаш активининг йиғилиши бўйича раҳбарият баҳосига ва қопланадиган сумма бўйича ҳар қандай шартномавий чекловларга асосан фойдаланиладиган фаразларга мос бўлган фаразлар орқали баҳоланиши лозим. 57-бандда қопловчи активни кейинги ҳисобга олиш бўйича кўрсатма берилган.

Харид қилинадиган бизнес ижарачи ҳисобланадиган ижара шартномаси

- 28А 16-сон МХХСга мувофиқ идентификацияланган ва унда харид қилинадиган бизнес ижарачи ҳисобланадиган ижара шартномаси ҳолатида бизнесни харид қилувчи фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар ва ижара бўйича мажбуриятларни тан олиши лозим. Бизнесни харид қилувчи қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар ва ижара бўйича мажбуриятларни тан олмаслиги лозим:
- (а) ижара муддати (16-сон МХХСда таърифланганидек) харид қилиш санасидан кейин 12 ой давомида тугайдиган ижара шартномаси; ёхуд
 - (б) таянч актив паст қийматга эга бўлган ижара шартномалари (16-сон МХХСнинг Б3-Б8 бандларида тавсифланганидек).
- 28Б Бизнесни харид қилувчи ижара бўйича мажбуриятларни қолган ижара тўловларининг дисконтланган қиймати (ушбу атама 16-сон МХХСда таърифланганидек) бўйича, худди харид қилинган ижара шартномаси харид қилиш санасида янги ижара шартномаси каби баҳолаши лозим. Бизнесни харид қилувчи фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг суммасини, бозор шароитлари билан таққослаган ҳолда ижаранинг ижобий ва салбий шартларини кўрсатиш учун тузатилган ижара бўйича мажбурият суммаси билан бир хил суммада баҳолаши лозим.

Баҳолаш тамойили бўйича истиснолар

Қайта харид қилиш ҳуқуқлари

- 29 Бизнесни харид қилувчи номоддий актив сифатида тан олинган қайта харид қилинган ҳуқуқни тегишли шартнома амал қилиш муддатининг қолган қисми асосида баҳолаши лозим, бунда унинг ҳаққоний қийматини баҳолашда бозор иштирокчиларининг шартнома потенциал янгиланишида қатнашиши ёки қатнашмаслиги инобатга олинмайди. Б35 ва Б36-бандларда қўллаш бўйича тегишли кўрсатма берилган.

Акцияларга асосланган тўлов операцияси

- 30 Бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес акцияга асосланган тўлов операциялари ёки харид санасига 2-сон МХХС “*Акцияга асосланган тўлов*”да ифодаланган усулга мувофиқ харид қилинадиган бизнеснинг акцияга асосланган тўлов операцияларини бизнесни харид қилувчининг акцияга асосланган тўловга алмаштириш билан боғлиқ мажбурият ёки улушли инструментни баҳолаши лозим. (Мазкур МХХС ушбу усулнинг натижасини “бозорга асосланган баҳо” сифатида акс эттиради)

Сотиш учун мўлжалланган активлар

- 31 Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасида 5-сон МХХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган харид қилинган узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) ушбу МХХСнинг 15-18-бандларига асосан сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим.
- 31А *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*

Гудвилни ёки манфаатли харид қилишда фойдани тан олиш ва баҳолаш

- 32 Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасида қуйидаги (а) кичик бандининг (б) кичик бандидан ортиқ қисми сифатида баҳоланган гудвилни тан олиши лозим:
- (а) қуйидагиларнинг жами:
- (i) умуман олганда харид қилиш санасида ҳаққоний қийматда акс эттиришни талаб этадиган мазкур МҲХСга мувофиқ баҳоланган ўтказилган товон (37-бандга қаранг);
 - (ii) харид қилинадиган бизнесда қатнашадиган ҳар қандай назорат кучига эга бўлмаган улушнинг мазкур МҲХСга мувофиқ баҳоланган суммаси; ва
 - (iii) босқичма – босқич амалга ошириладиган бизнес бирлашувида харид қилинадиган бизнес капиталида олдин эгалик қилинган улушнинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати (41 ва 42-бандларга қаранг).
- (б) харид қилиш санасида мазкур МҲХСга мувофиқ баҳоланган, қабул қилинган мажбуриятни чиқариб ташлаган ҳолда харид қилинган идентификацияланадиган активнинг соф қиймати.
- 33 Бизнес бирлашувида бизнесни харид қилувчи ва харид қилинадиган бизнес (ёки унинг собик мулкдорлари) фақат хусусий капиталдаги улушларни айирбошлашда, харид қилиш санасида харид қилинадиган бизнеснинг хусусий капиталдаги улушнинг ҳаққоний қиймати бизнесни харид қилувчининг харид санасидаги хусусий капиталдаги улушнинг ҳаққоний қийматига нисбатан юқори эҳтимол билан ишончли баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолатда, харид қилувчи гудвил суммасини хусусий капиталдаги ўтказилган улушнинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати ўрнига харид қилинадиган бизнеснинг хусусий капиталидаги улушнинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматидан фойдаланган ҳолда бизнесни аниқлаши лозим. Ҳеч қандай товон ўтказилмайдиган бизнес бирлашувидаги гудвил суммасини аниқлаш учун, бизнесни харид қилувчи ўтказилган товоннинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати ўрнига бизнесни харид қилувчининг харид қилинадиган бизнесдаги улушнинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматидан фойдаланиши лозим (32(а)(i)-банд). Б46–Б49 бандларда қўллаш бўйича тегишли кўрсатма берилган.

Манфаатли харидлар

- 34 Баъзан бизнесни харид қилувчи 32(б)-бандда келтирилган сумма 32(а)-бандда келтирилган суммаларнинг йиғиндисидан ошадиган бизнес бирлашуви ҳисобланадиган манфаатли харидни амалга оширади. Агар бундай ортган сумма 36-бандда келтирилган талабларни қўлагандан сўнг ҳам сақланиб қолса, у ҳолда бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасида юзага келган фойдани фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим. Фойда бизнесни харид қилувчида акс эттирилиши лозим.
- 35 Манфаатли харид масалан, сотувчи мажбур бўлганидан ҳаракат қиладиган мажбурий сотув ҳисобланадиган бизнес бирлашувида юзага келиши мумкин. Лекин, 22-31-бандларда келтирилган муайян моддалар учун тан олиш ва баҳолашдан истиснолар ҳам манфаатли харид бўйича фойдани тан олишга олиб келиши (ёки тан олинган фойда суммасини ўзгартириши) мумкин.
- 36 Манфаатли харид бўйича фойдани тан олишдан олдин, бизнесни харид қилувчи барча харид қилинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларни тўғри идентификацияланганлигини қайта кўриб чиқиши лозим ва ушбу қайта кўриб чиқишда идентификацияланган ҳар қандай қўшимча активлар ёки мажбуриятларни тан олиши лозим. Бундан кейин, бизнесни харид қилувчи қуйидагиларнинг барчасига нисбатан харид қилиш санасида мазкур МҲХС тан олинишини талаб этадиган суммаларни баҳолашда фойдаланиладиган тартибларни кўздан кечириши лозим:
- (а) харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва қабул қилинган мажбуриятлар;
 - (б) агар мавжуд бўлса, харид қилинадиган бизнесда назорат кучига эга бўлмаган улуш;
 - (в) харид қилинадиган бизнес хусусий капиталида олдин эгалик қилган улушига нисбатан босқичма – босқич амалга ошириладиган бизнес бирлашуви; ва
 - (г) ўтказилган товон.
- Кўриб чиқишнинг мақсади, баҳолашлар харид қилиш санасидаги барча мавжуд маълумотларни лозим даражада акс эттирилганлигини кафолатлашдан иборат.

Ўтказилган товон

- 37 Бизнес бирлашувида ўтказилган товон ҳаққоний қийматда баҳоланиши лозим ва у бизнесни харид қилувчи томонидан ўтказилган активларнинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматлари, бизнесни харид қилувчи томонидан харид қилинадиган бизнеснинг собиқ мулкдорлари олдидаги қабул қилган мажбуриятлари ва бизнесни харид қилувчи томонидан чиқарилган хусусий капиталдаги улушлар йиғиндиси сифатида ҳисобланиши лозим. (Лекин, бизнес бирлашувида ўтказилган товонда инобатга олинган харид қилинадиган бизнеснинг ходимлари томонидан эгалик қилинган акцияга асосланган тўлов даромадларининг ҳар қандай қисми ҳаққоний қийматда эмас, балки 30-бандга мувофиқ баҳоланиши лозим.) Товоннинг мумкин бўлган шакллари мисоллар пул маблағларини, бошқа активларни, бизнес ёки бизнесни харид қилувчининг шўъба ташкилотини, *шартли товонни*, оддий ёки имтиёзли улушли инструментларни, опционларни, варрантларни ва *ўзаро ташкилотлар* аъзоларининг улушларини ўз ичига олади.
- 38 Ўтказилган товон бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматларидан фарқ қиладиган баланс қийматларга эга активларни ёки мажбуриятларни ўз ичига олиши мумкин (масалан, бизнесни харид қилувчининг номонетар активлари ёки бизнеси). Агар шундай бўлса, бизнесни харид қилувчи ўтказилган активларни ёки мажбуриятларни уларни харид қилиш санасида ҳаққоний қийматда қайта баҳолаши ва юзага келадиган фойда ёки зарарларни, агар мавжуд бўлса, фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим. Лекин, айрим ҳолларда ўтказилган активлар ёки мажбуриятлар бизнес бирлашувидан сўнг бирлашган ташкилотда қолади (масалан, бунга сабаб активлар ёки мажбуриятлар бизнесни харид қилувчининг собиқ мулкдорларига эмас, балки харид қилинадиган бизнесга ўтказилади) ва шу тўғрисида бизнесни харид қилувчи улар устидан назоратни сақлаб қолади. Бундай ҳолатда, бизнесни харид қилувчи ушбу активларни ва мажбуриятларни бевосита харид қилиш санасидан олдинги санадаги уларнинг баланс қийматларини баҳолаши лозим ва бизнес бирлашувидан олдин ва кейин у назорат қиладиган активлар ёки мажбуриятлар бўйича фойда ёки зарар ҳисоботида фойда ёки зарарни тан олмаслиги лозим.

Шартли товон

- 39 Бизнесни харид қилувчи томонидан харид қилинадиган бизнесга айрибошлаш учун бериладиган товон ўз ичига шартли товон келишувидан юзага келадиган ҳар қандай актив ёки мажбуриятни олади (37-бандга қаранг). Бизнесни харид қилувчи шартли товоннинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматини харид қилинадиган бизнес эвазига ўтказилган товоннинг бир қисми сифатида тан олиши лозим.
- 40 Бизнесни харид қилувчи 32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиши*”нинг 11-бандида келтирилган улушли инструмент ёки молиявий мажбуриятни таърифланишидан келиб чиқиб, молиявий инструментни таърифига молиявий мажбурият ёки хусусий капитал сифатида жавоб берадиган шартли товонни тўлаш жавобгарлигини таснифлаши лозим. *Тақдим этиши*. Бизнесни харид қилувчи олдин ўтказилган товонни қайтариб олиш ҳуқуқини, агар муайян шартлар бажарилса, актив сифатида таснифлаши лозим. 58-бандда шартли товонни кейинги ҳисобга олиниши бўйича қўрсатма берилган.

Бизнес бирлашувларининг муайян турларига нисбатан харид қилиш усулини қўллаш бўйича қўшимча қўрсатма

Босқичма – босқич амалга ошириладиган бизнес бирлашуви

- 41 Баъзи ҳолатларда бизнесни харид қилувчи бевосита харид қилиш санасидан олдин унинг хусусий капиталида улуши бўлган харид қилинадиган бизнес устидан назоратга эга бўлади. Масалан, 20X1 йил 31 декабрда, “А” ташкилот “Б” ташкилотнинг хусусий капиталида 35 фоиз назорат кучига эга бўлмаган улушга эга. Ушбу санада, “А” ташкилоти унга Б ташкилотни назорат қилиш имконини берадиган “Б” ташкилотнинг қўшимча 40 фоиз назорат кучига эга бўлмаган улушини сотиб олди. Мазкур МҲХСда бундай операция босқичма - босқич амалга ошириладиган бизнес бирлашуви ёки кадамма-кадам харид қилиш сифатида назарда тутилади.
- 42 Босқичма - босқич амалга ошириладиган бизнес бирлашувида, бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес олдин хусусий капиталида эгалик қилган улушини харид қилиш санасида ҳаққоний қиймат бўйича қайта баҳолаши лозим ва юзага келадиган фойда ёки зарарни, агар мавжуд бўлса, фойда ёки зарарда ёки бошқа умумлашган даромад таркибида ўринли тарзда тан олиши лозим. Олдинги ҳисобот даврларида, бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес хусусий

капиталидаги улушининг кийматидаги ўзгаришларни бошқа умумлашган даромад таркибида тан олиши мумкин бўлган. Бундай ҳолатда, бошқа умумлашган даромадда тан олинган сумма, агар бизнесни харид қилувчи олдин эгалик қилинган хусусий капиталдаги улушини тўғридан-тўғри ҳисобдан чиқаришда талаб этиладиган асосда тан олиниши лозим.

- 42А Биргаликдаги фаолият бўйича келишув томони (11-сон МҲХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*”да таърифланган) бирагаликдаги операция ҳисобланадиган (11-сон МҲХСда таърифланган) бизнесни назорат қилганда ва бунда активларга нисбатан ҳуқуққа эга ва ушбу биргаликдаги операция билан боғлиқ мажбурият бўйича жавобгарликни олганда, ушбу келишув босқичма-босқич амалга ошириладиган бизнес бирлашуви ҳисобланади. Бизнесни харид қилувчи босқичма – босқич амалга ошириладиган бизнес бирлашувига нисбатан талабларни қўйиши лозим, жумладан, 42-бандда таърифланган тарзда биргаликдаги операцияларда олдин эгалик қилинган улушларни қайта баҳолаш. Бунда бизнесни харид қилувчи биргаликдаги операцияларда барча олдин эгалик қилинган улушларни қайта баҳолаши лозим.

Товон ўтказмасдан амалга ошириладиган бизнес бирлашуви

- 43 Баъзи ҳолатларда бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес устидан назоратга товонни ўтказмасдан эга бўлади. Бундай бирлашувларга нисбатан ҳам бизнес бирлашувини ҳисобга олишда фойдаланиладиган харид қилиш усули қўлланади. Бундай ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) Харид қилинадиган бизнес, мавжуд инвестор (бизнесни харид қилувчи) назоратга эга бўлиши учун ўз акцияларининг етарлича миқдорини қайта сотиб олади.
 - (б) Харид қилинадиган бизнесда кўпчилик овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган бизнесни харид қилувчига унинг устидан назорат қилиш имконини олдин бермаган озчилик вето ҳуқуқи муддати тугайди.
 - (в) Бизнесни харид қилувчи ва харид қилинадиган бизнес ўз бизнесларини фақат шартнома орқали бирлаштиришга келишади. Бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес устидан назорат эвазига ҳеч қандай товон ўтказмайди ва харид қилиш санасида ҳам, ундан олдин ҳам харид қилинадиган бизнеснинг хусусий капиталида ҳеч қандай улушларга эга бўлмайди. Шартноманинг ўзи орқали амалга ошириладиган бизнес бирлашувларига мисол сифатида бирлаштириш келишуви бўйича икки бизнесни бирлаштириш ёки икки марта листинг қилинган корпорацияни келтириш мумкин.
- 44 Шартноманинг ўзи орқали амалга ошириладиган бизнес бирлашувида, бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнеснинг мулкдорларига нисбатан мазкур МҲХСга мувофиқ тан олинган харид қилинадиган бизнеснинг соф активлари суммасини акс эттириши лозим. Бошқача айтганда, бизнесни харид қилувчидан бошқа томонлар эгалик қиладиган, харид қилинадиган бизнес хусусий капиталидаги улушлар, ҳаттоки харид қилинадиган бизнес хусусий капиталидаги барча улушлар назорат кучига эга бўлмаган улушнинг акс эттирилишига олиб келадиган бўлса ҳам, бизнесни харид қилувчининг бирлашувдан кейинги молиявий ҳисоботида назорат кучига эга бўлмаган улуш сифатида акс эттирилади.

Баҳолаш даври

- 45 Агар бизнес бирлашувининг дастлабки ҳисобга олиниши бирлашув содир бўлган ҳисобот даври охиригача тугатилмаса, бизнесни харид қилувчи тўлиқ бўлмаган модалар ҳисобини шартли баҳо бўйича ўзининг молиявий ҳисоботида акс этириши лозим. Баҳолаш даври мобайнида, бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар тўғрисида ва агар маълум бўлганда, ушбу санада тан олинган суммаларни баҳолашга таъсир этиши мумкин бўлган, олинган янги маълумотларни акс эттириш учун харид қилиш санасида тан олинган шартли суммаларни ретроспектив тарзда тузатиши лозим. Баҳолаш даври мобайнида, агар янги маълумотлар харид қилиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар тўғрисида олинса ва агар улар маълум бўлганда, ушбу санада қўшимча активларни ва мажбуриятларни тан олинишига олиб келиши мумкин бўлган бизнесни харид қилувчи ушбу қўшимча активлар ёки мажбуриятларни ҳам тан олиши лозим. Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар тўғрисида излаётган маълумотларга эга бўлиши ёки бошқа маълумотларни олиш имконсизлигини аниқлаши билан баҳолаш даври тугайди. Лекин, баҳолаш даври харид қилиш санасидан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.
- 46 Баҳолаш даври харид қилиш санасидан кейинги давр бўлиб, ушбу давр давомида бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашуви бўйича тан олинган шартли суммаларга тузатиш киритиши мумкин. Баҳолаш даври бизнесни харид қилувчини МҲХСнинг талабларига мувофиқ харид қилиш санаси

ҳолатига қуйидагиларни аниқлаш ва баҳолашда зарур бўлган маълумотларга эга бўлиш учун асосланган муддат билан таъминлайди:

- (а) харид қилинган идентификацияланадиган активлар, қабул қилинган мажбуриятлар ва харид қилинган бизнесда ҳар қандай назорат кучига эга бўлмаган улуш;
 - (б) харид қилинган бизнес учун ўтказилган товон (ёки гудвилни баҳолашда фойдаланилган бошқа сумма);
 - (в) босқичма-босқич амалга ошириладиган бизнес бирлашувида бизнесни харид қилувчининг харид қилинадиган бизнес хусусий капиталидаги олдиндан эгалик қилинган улуш; ва
 - (г) юзага келган гудвил ёки манфаатли харид бўйича фойда.
- 47 Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасидан кейин олинган маълумотлар тан олинган шартли суммаларга нисбатан тузатиш киритилишига олиб келишини ёки ушбу маълумотлар харид қилиш санасидан кейин содир бўлган ҳодисалардан юзага келишини аниқлашда барча ўринли омилларни кўриб чиқиши лозим. Ўринли омиллар қўшимча маълумотлар олинган санани ва бизнесни харид қилувчи шартли суммаларни ўзгартириш сабабини аниқлай олишини ўз ичига олади. Харид қилиш санасидан қисқа муддатдан кейин олинган маълумотларнинг бир неча ойлар кейинроқ олинган маълумотларга нисбатан харид қилиш санасида мавжуд бўлган ҳолатларни акс эттириш эҳтимоли юқорироқ бўлади. Масалан, ҳаққоний қийматини оралиқ ҳодиса аниқланмагунча, активни харид қилиш санасидан қисқа муддатдан сўнг учинчи томонга ушбу санада баҳоланган унинг шартли ҳаққоний қийматидан аҳамиятли даражада фарқ қиладиган суммада сотилиши эҳтимол шартли суммадаги хатони кўрсатиши мумкин.
- 48 Бизнесни харид қилувчи идентификацияланадиган актив (мажбурият) учун тан олинган шартли суммадаги кўпайишни (камайишни) гудвилнинг камайиши (кўпайиши) сифатида тан олади. Лекин, баҳолаш даври мобайнида олинган янги маълумотлар баъзида бирдан ортиқ актив ёки мажбуриятнинг шартли суммасига нисбатан тузатиш киритишга олиб келиши мумкин. Масалан, бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес иншоотларининг биридаги бахтсиз ҳодисага тегишли зарарларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлиши мумкин ва бунда ушбу зарарларнинг барчаси ёки маълум қисми бизнесни харид қилувчининг суғурта полиси орқали қопланади. Агар бизнесни харид қилувчи ушбу мажбуриятнинг харид санасидаги ҳаққоний қиймати тўғрисида баҳолаш даври мобайнида янги маълумотларга эга бўлса, мажбурият учун тан олинган шартли суммага ўзгартиришдан юзага келадиган гудвилга нисбатан тузатиш суғурталовчидан олинган тўлов талаби учун тан олинган шартли суммага ўзгартиришдан юзага келадиган гудвилга нисбатан мос равишдаги тузатиш орқали ўзаро (тўлик ёки қисман) қопланиши мумкин.
- 49 Баҳолаш даври мобайнида, бизнесни харид қилувчи шартли суммаларга нисбатан тузатишларни бизнес бирлашувини ҳисобга олишни харид қилиш санасида тугаллангани каби тан олиши лозим. Демак, бизнесни харид қилувчи молиявий ҳисоботда тақдим этилган олдинги даврлар учун киёсий маълумотларни жумладан дастлабки ҳисобга олишни тугаллашда тан олинган эскиришга, амортизацияга ёки бошқа даромад таъсирларига бирор ўзгартириш ўз ичига олган ҳолда зарур бўлганда ўзгартириши лозим.
- 50 Баҳолаш даври тугагандан сўнг, бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашувини ҳисобга олишни 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*” га мувофиқ фақатгина хатони тузатиш учун ўзгартириши лозим.

Бизнес бирлашуви операциясининг қисмини нима ташкил этишини аниқлаш

- 51 Бизнесни харид қилувчи билан харид қилинадиган бизнес ўртасида бизнес бирлашуви бўйича музокаралар бошланишидан олдин қандайдир муносабат ёки бошқа келишувлар мавжуд бўлиши мумкин ёхуд уларнинг музокаралари давомида бизнес бирлашувидан алоҳида бўлган келишувни тузиши мумкин. Ҳар иккита вазиятда, бизнесни харид қилувчи билан харид қилинадиган бизнес (ёки унинг собиқ мулкдорлари) бизнес бирлашувида айирбошланишнинг қисми ҳисобланмайдиган, яъни бизнесни харид қилувчи учун харид қилинадиган бизнесни айирбошланадиган модданинг қисми бўлмаган ҳар қандай суммаларни идентификациялаши лозим. Харид қилиш усули доирасида бизнесни харид қилувчи фақат харид қилинадиган бизнес учун ўтказилган товонни, шунингдек харид қилинадиган бизнес эвазига харид қилинган активларни ва қабул қилинган мажбуриятларни тан олиши лозим. Алоҳида операциялар ҳисоби тегишли МХХСларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.
- 52 Бирлашувдан олдин бизнесни харид қилувчи томонидан ёки бизнесни харид қилувчи номидан, ёки харид қилинадиган бизнес (ёки унинг собиқ мулкдорлари) манфатлари учун эмас, балки асосан

бизнесни харид қилувчи ёки бирлашадиган ташкилот манфаати учун амалга ошириладиган операция катта эҳтимол билан алоҳида операция ҳисобланади. Қуйида харид қилиш усули қўлланилиши лозим бўлмаган алоҳида операцияларга мисоллар келтирилган:

- (а) пировард натижада бизнесни харид қилувчи билан харид қилинадиган бизнес ўртасида аввал мавжуд бўлган алоқаларни мустаҳкамлайдиган операция;
- (б) пировард натижада харид қилинадиган бизнеснинг ишчилари ёки собиқ мулкдорлари келгусидаги хизматлар учун ҳақ оладиган операция; ва
- (в) пировард натижада харид қилинадиган бизнес ёки унинг собиқ мулкдорларига бизнесни харид қилувчи учун харид қилиш билан боғлиқ амалга оширилган сарфларни қоплайдиган операция.

Б50-Б62 бандларда қўллаш бўйича тегишли кўрсатма келтирилган.

Харид қилиш билан боғлиқ сарфлар

- 53 Харид қилиш билан боғлиқ сарфлар бу бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашувини амалга оширишда сарфланадиган сарфлардир. Бундай сарфлар воситачининг ҳақини: маслаҳат, юридик, бухгалтерия, баҳолаш ва бошқа малакали хизматларга ҳақларни; умумий маъмурий сарфларни, жумладан харид қилиш бўйича ички бўлимни сақлаб туриш сарфларини; шунингдек қарз ва улушли қимматли қоғозларни чиқариш ҳамда рўйхатга олиш билан боғлиқ сарфларни ўз ичига олади. Бизнесни харид қилувчи харид қилиш билан боғлиқ сарфларни бир истисно ҳолатдан ташқари ҳолларда улар сарфланган ва хизматлар қабул қилинган даврларда харажатлар сифатида ҳисобга олиши лозим. Қарз ва улушли қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ сарфлар 32-сон БХХС ва 9-сон МХХСга мувофиқ тан олинishi лозим.

Кейинги баҳолаш ва ҳисобга олиш

- 54 Умуман олганда бизнесни харид қилувчи харид қилинган активлар, қабул қилинган ёки тўланган мажбуриятлар ҳамда бизнес бирлашув натижасида чиқарилган улушли инструментларни, уларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда бошқа қўлланиладиган МХХСларга мувофиқ кейинги баҳолаши ва ҳисобини амалга ошириши лозим. Лекин, мазкур МХХС қуйидаги харид қилинган активлар, қабул қилинган мажбуриятлар ва бизнес бирлашув натижасида чиқарилган улушли инструментларни кейинги баҳолаш бўйича кўрсатма беради:
- (а) қайта харид қилинган ҳуқуқлар;
 - (б) харид қилиш санасида тан олинган шартли мажбуриятлар;
 - (в) зарарни қоплаш активлари; ва
 - (г) шартли товон.

Б63-бандда қўллаш бўйича тегишли қўлланма келтирилган.

Қайта харид қилиш ҳуқуқлари

- 55 Номоддий актив сифатида тан олинган қайта харид қилинган ҳуқуқлар ҳуқуқ тақдим этилган шартноманинг қолган шартномавий даври мобайнида амортизация қилиниши лозим. Қайта харид қилинган ҳуқуқни учинчи томонга кейинчалик сотадиган бизнесни харид қилувчи сотув бўйича фойда ёки зарарни аниқлашда номоддий активнинг баланс қийматини инобатга олиши лозим.

Шартли мажбуриятлар

- 56 Дастлабки тан олишдан сўнг ва мажбурият сўндирилиши, бекор қилиниши ёки муддати тугашига қадар, бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашувида тан олинган шартли мажбуриятни қуйидаги суммалардан юқорироғи бўйича баҳолаши лозим:
- (а) 37-сон БХХСга мувофиқ тан олинishi мумкин бўлган сумма; ва
 - (б) дастлаб тан олинган суммадан, агар ўринли бўлса, 15-сон МХХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*”га мувофиқ тан олинган жамғарилган даромадларни чегирган ҳолдаги сумма.

Мазкур талаб ҳисоби 9-сон МХХСга мувофиқ амалга ошириладиган шартномаларга нисбатан қўлланмайди.

Зарарни қоплаш активлари

- 57 Ҳар бир кейинги ҳисобот даври охирида, бизнесни харид қилувчи зарарни қопловчи активнинг ундирилиши бўйича раҳбарият баҳосига асосан ўзининг ҳаққоний қийматида кейинги даврларда баҳоланмайдиган қопловчи актив учун, қопланадиган мажбурият ёки актив каби бир хил асосда харид қилиш санасида тан олинган қопловчи активни, ҳар қандай шартномавий чекловларга шартли равишда, баҳолаши лозим. Бизнесни харид қилувчи, актив ундирилса, уни сотса ёки бошқа ҳолларда унга нисбатан ҳуқуқдан маҳрум бўлса, зарарни қопловчи активни ҳисобдан чиқариши лозим.

Шартли товон

- 58 Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасидан кейин тан оладиган шартли товоннинг ҳаққоний қийматидаги айрим ўзгаришлар бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар тўғрисидаги ушбу санадан сўнг эга бўлган қўшимча маълумотлар натижаси бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришлар 45-49 бандларга мувофиқ баҳолаш даврининг тузатишлари бўлиб ҳисобланади. Лекин, харид қилиш санасидан кейинги ҳодисалардан, масалан фойда кўрсаткичига эришиш, белгиланган акцияга нархига эришиш ёки тадқиқот ва тажриба-конструкторлик лойиҳасида муҳим босқичга эришишдан юзага келадиган ўзгаришлар баҳолаш даврининг тузатишлари бўлиб ҳисобланмайди. Бизнесни харид қилувчи баҳолаш даврининг тузатишлари бўлмаган шартли товоннинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларни қуйидагича ҳисобга олиши лозим:
- (a) Хусусий капитал сифатида таснифланган шартли товон қайта баҳоланмаслиги лозим ва унинг кейинги ҳисоб-китоби хусусий капитал ичида ҳисобга олиниши лозим.
 - (b) Бошқа шартли товон:
 - (i) 9-сон МХХСни қўллаш доирасида бўлган шартли товон ҳар бир ҳисобот даврига ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланади, ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар эса 9-сон МХХС мувофиқ давр бўйича фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим.
 - (ii) 9-сон МХХСни қўллаш доирасига кирмайдиган шартли товон ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланиши лозим ва ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар эса фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 59 Бизнесни харид қилувчи ўзининг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларга қуйидаги даврларда содир бўладиган бизнес бирлашувининг характерини ва у билан боғлиқ молиявий оқибатларни баҳолашга имкон берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (a) жорий ҳисобот даври мобайнида; ёки
 - (b) ҳисобот даври охиридан кейин, лекин молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин.
- 60 59-банддаги мақсадга эришиш учун, бизнесни харид қилувчи Б64-Б66-бандларда белгиланган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 61 Бизнесни харид қилувчи ўзининг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларга жорий даврда ёки олдинги ҳисобот даврларида содир бўлган бизнес бирлашувларига тегишли бўлган ҳолда, жорий ҳисобот даврида тан олинган тузатишларнинг молиявий таъсирларини баҳолашга имкон берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 62 61-банддаги мақсадга эришиш учун, бизнесни харид қилувчи Б67-бандда белгиланган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 63 Агар мазкур ва бошқа МХХС орқали талаб этилган муайян ёритиб беришлар 59 ва 61-бандларда белгиланган мақсадларни қаноатлантирмаса, бизнесни харид қилувчи ушбу мақсадларга эришишда зарур бўлган ҳар қандай қўшимча маълумотларни ёритиб бериши лозим.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

Кучга кириш санаси

- 64 Мазкур МҲХС харид қилиш санаси 2009 йил 1 июль ёки ушбу санадан кейин бошланадиган биринчи йиллик ҳисобот даврига тўғри келадиган ва ундан кейин амалга оширилган бизнес бирлашувларига нисбатан перспектив тарзда қўлланади. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Лекин, мазкур МҲХС фақат 2007 йил 30 июнь ва ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик ҳисобот даврининг бошида қўлланилиши лозим. Агар ташкилот мазкур МҲХСни 2009 йил 1 июль санасидан олдин қўлласа, у ушбу далилни ёритиб бериши лозим ва бир вақтни ўзида 27-сон БҲХС (2008 йил таҳрири)ни қўллаши лозим.
- 64А [Чиқариб ташланган]
- 64Б 2010 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар” бўйича 19, 30 ва Б56-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва Б62А ва Б62Б бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2010 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот мазкур МҲХСни биринчи марта қўллаган санадан бошлаб, ўзгартиришлар перспектив тарзда қўлланиши лозим.
- 64В 2010 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар” бўйича 65А–65Д бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2010 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ўзгартиришлар 2008 йилда эълон қилинган мазкур МҲХСнинг қўлланишигача бўлган харид қилиш санасига эга бизнес бирлашувларидан юзага келадиган шартли товон суммаларига нисбатан қўлланиши лозим.
- 64Г [Чиқариб ташланган]
- 64Д 2011 йилнинг май ойида эълон қилинган 10-сон МҲХС бўйича 7, Б13, Б63(д)-бандлар ва А иловага ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 10-сон МҲХС билан бир вақтда қўллаши лозим.
- 64Е 2011 йилнинг май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*” бўйича 20, 29, 33 ва 47-бандларга ва А иловадаги ҳаққоний қиймат таърифига, шунингдек Б22, Б40, Б43–Б46, Б49 ва Б64-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 64Ё 2012 йилнинг октябр ойида эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари*” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСга киритилган ўзгартиришлар) бўйича 7-бандга ўзгартириш киритилган ва 2А-банди киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. “*Инвестиция ташкилотлари*”ни бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласа, у ушбу даврга нисбатан “*Инвестиция ташкилотлари*”га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- 64Ж [Чиқариб ташланган]
- 64З 2013 йил декабр ойида эълон қилинган “*2010-2012 йилларда МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар*” бўйича 40 ва 58-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 67А -банд ва унинг тегишли сарлавҳаси киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 июль ёки ушбу санадан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 9-сон МҲХС ва 37-сон БҲХС (мазкур стандартлар “*2010-2012 йилларда МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар*” орқали тузатилган) билан бирга қўллаш шarti билан олдинроқ қўллаши мумкин. Агар ташкилот мазкур ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 64И 2013 йил декабрь ойида эълон қилинган “*2011-2013 йилларда МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар*” бўйича 2(а)-бандига ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришни 2014 йил 1 июлдан бошланадиган йиллик даврлар учун перспектив тарзда қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 64Й 2014 йил май ойида эълон қилинган 15-сон МҲХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар*” бўйича 56-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

- 64К 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 16, 42, 53, 56, 58 ва Б41-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 64А, 64Г ва 64З-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 64Л 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС бўйича 14, 17, Б32 ва Б42-бандларга ўзгартиришлар киритилган ҳамда Б28-Б30 бандлар ва уларга тегишли сарлавҳалар чиқариб ташланган, шунингдек, 28А-28Б - бандлар ва уларга тегишли сарлавҳалар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 64М *[Ушбу банд кучга қирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган]*
- 64Н 2017 йил декабрь ойида эълон қилинган “2015-2017 йилларда МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар” бўйича 42А банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни харид қилиш санаси 2019 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейинги йиллик ҳисобот даврларга тўғри келадиган бизнес бирлашувларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга руҳсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 64О 2018 йил октябрь ойида эълон қилинган “*Бизнеснинг таъриф*” бўйича Б7А-Б7С, Б8А ва Б12-Б12Г-бандлари киритилган, А иловадаги “бизнес” атамаси таърифига ўзгартириш киритилган ҳамда З, Б7-Б9, Б11 ва Б12-бандларига ўзгартириш киритилган, шунингдек Б10-банд чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни харид қилиш санаси 2020 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейинги йиллик ҳисобот даврларга тўғри келадиган бизнес бирлашувларга, шунингдек ушбу даврлар бошланишига ёки ундан кейин харид қилинадиган активларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан қўллашга руҳсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ қўлласса, ташкилот ушбу ҳолатни ёритиб бериши лозим.
- 64П 2020 йил майда эълон қилинган “*Концептуал асос*”га ҳавола бўйича 11, 14, 21, 22 ва 23-бандларга ўзгартириш киритилди ва 21А, 21Б, 21В ва 23А бандлар киритилди. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни харид қилиш санаси 2022 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейинги йиллик ҳисобот даврларга тўғри келадиган бизнес бирлашувларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот бир вақтнинг ўзида 2018 йил мартда эълон қилинган “*МҲХСдаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар*” бўйича киритилган барча ўзгартиришларни қўлласса, бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга руҳсат этилади.

Ўтиш қоидалари

- 65 Харид қилиш саналари мазкур МҲХСнинг қўлланишидан олдин келадиган бизнесни бирлаштириш натижасида юзага келадиган активлар ва мажбуриятларга ушбу МҲХСга мувофиқ тузатиш киритилмайди.
- 65А Харид қилиш саналари ташкилот 2008 йилда эълон қилинган мазкур МҲХСни биринчи марта қўллаган санадан олдин келган бизнес бирлашувларидан юзага келадиган шартли тоvon қолдиқларига мазкур МҲХСни биринчи марта қўллаш пайтида тузатиш киритилмаслиги лозим. Ушбу қолдиқларни кейинги ҳисобга олишда 65Б–65Д бандлар қўлланади. 65Б–65Д бандлар харид қилиш саналари ташкилот 2008 йилда эълон қилинган мазкур МҲХСни биринчи марта қўллаган сана ёки ундан кейин бўлган бизнес бирлашувларидан юзага келадиган шартли тоvon қолдиқларини ҳисобга олишда қўлланилмаслиги лозим. 65Б–65Д бандлардаги бизнес бирлашуви фақат харид қилиш санаси 2008 йилда эълон қилинган мазкур МҲХС ни қўлланишидан олдин келган бизнес бирлашувларини англатади.
- 65Б Агар бизнес бирлашуви келишуви келгуси ҳодисаларга боғлиқ бўлган бирлашув қийматига тузатиш киритишни назарда тутса, бизнесни харид қилувчи, агар тузатиш эҳтимоли мавжуд бўлса ва у ишончли баҳоланса, ушбу тузатиш суммасини харид қилиш санасида бирлашув қийматига киритиши лозим.
- 65В Бизнес бирлашуви келишуви бир ёки ундан ортиқ келгуси ҳодисаларга боғлиқ бўлган бирлашув қийматига тузатиш киритишга руҳсат бериши мумкин. Тузатиш киритиш, масалан, келгуси даврларда белгиланган фойда даражасини сақланишига ёки унга эришилишига ёки чиқарилган инструментларнинг бозор нархини сақланишига боғлиқ тарзда шартли бўлиши мумкин. Баъзи ноаниқлик мавжуд бўлишига қарамадан, одатда маълумотларнинг ишончилигига путур етказмаган ҳолда бирлашувни дастлабки ҳисобга олиш пайтида бундай тузатиш суммасини баҳолаш имкони мавжуд бўлади. Агар келгуси ҳодисалар содир бўлмаса ёки баҳонинг қайта қўриб чиқилиши зарур бўлса, бизнес бирлашуви қиймати мос равишда тузатилиши лозим.
- 65Г Лекин, бизнес бирлашуви келишуви бундай тузатишни назарда тутса, ушбу тузатиш, агар унинг эҳтимоли мавжуд бўлмаса ва у ишончли баҳоланмаса, бирлашув дастлабки ҳисобга олиш пайтида

бирлашув қийматига киритилмайди. Агар ушбу тузатишнинг кейинги даврларда эҳтимоли мавжуд бўлса ва у ишончли баҳоланса, қўшимча товон бирлашув қийматига тузатиш сифатида инобатга олиниши лозим.

- 65Д Айрим ҳолатларда, бизнесни харид қилувчидан харид қилинадиган бизнес устидан назорат эвазига бизнесни харид қилувчи томонидан берилган активлар, чиқарилган улушли инструментлар ёки қабул қилинган ёки зиммага олинган мажбуриятлар қийматидаги камайиш учун қоплаш сифатида харид қилинадиган бизнесга кейинги тўловни амалга ошириш талаб этилиши мумкин. Бу ҳолат, масалан, бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашуви қийматининг бир қисми сифатида чиқарилган улушли ёки қарз инструментларининг бозор нарҳини кафолатлаганда ва ундан дастлаб аниқланган қийматни тиклаш учун қўшимча улушли ёки қарз инструментларини чиқариш талаб этилганда юзага келади. Бундай ҳолатларда, бизнес бирлашувининг қийматида ҳеч қандай кўпайиш тан олинмайди. Улушли инструментлар ҳолатида, қўшимча тўловнинг ҳаққоний қиймати дастлаб чиқарилган инструментларга нисбатан акс эттирилган қийматдаги тенг суммадаги камайиш билан ўзаро қопланади. Қарз инструментлари ҳолатида, қўшимча тўлов дастлабки эмиссия бўйича мукофотда камайиш ёки дисконтда кўпайиш сифатида инобатга олинади.
- 66 3-сон МҲХСни хануз қўлламаган ва харид усули орқали ҳисобга олинган бир ёки ундан ортиқ бизнес бирлашувларига эга бўлган ташкилот, масалан ўзаро ташкилотлар, Б68 ва Б69-бандлардаги ўтиш шартларини қўллаши лозим.

Фойда солиқлари

- 67 Харид қилиш санаси мазкур МҲХСни қўллашдан олдин бўлган бизнес бирлашувлари учун бўлса, бизнесни харид қилувчи 12-сон БҲХСнинг 68-бандидаги талабларни мазкур МҲХС орқали киритилган ўзгартиришлар билан бирга истикболли тарзда қўллаши лозим. Бошқача айтганда, бизнесни харид қилувчи тан олинган муддати узайтирилган солиқ активларидаги олдин тан олинган ўзгаришлар учун олдинги бизнес бирлашувларини ҳисобга олинишига тузатиш киритмаслиги лозим. Лекин, мазкур МҲХС қўлланадиган санадан бошлаб, бизнесни харид қилувчи тан олинган муддати узайтирилган солиқ активларидаги ўзгаришларни, фойда ёки зарарга нисбатан тузатиш сифатида (ёки агар 12-сон БҲХС талаб этса, фойда ёки зарардан ташқарида), тан олиши лозим.

9-сон МҲХСга хавола

- 67А Агар ташкилот мазкур стандартни қўлласа, лекин 9-сон МҲХСни ҳали қўлламаса, у ҳолда 9-сон МҲХСга йўналтирилган хавоаларни 39-сон БҲХСга йўналтирилган хавоалар сифатида қараш лозим.

3-сон МҲХС (2004 йил таҳрири)нинг бекор қилиниши

- 68 Мазкур МҲХС 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” (2004 йил таҳрири) нинг ўрнини эгаллайди.

А Илова Атамалар таърифи

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

харид қилинадиган бизнес	Бизнес бирлашувида бизнесни харид қилувчи назоратга эга бўладиган бизнес ёки бизнеслар.
бизнесни харид қилувчи	Харид қилинадиган бизнес устидан назоратга эга бўладиган ташкилот.
харид қилинган сана	бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес устидан назоратга эга бўладиган сана.
бизнес	Фаолият турлари ва активларнинг интеграциялашган тўплами бўлиб, уларни амалга ошириш ва бошқариш бизнесни харид қилувчиларга товар ва хизматларни тақдим этиш, инвестициявий даромадни (дивиденд ёки фоиз кўринишидаги) ёки одатдаги фаолиятдан бошқа даромадларни шакллантириш имкониятини беради.
бизнес бирлашуви	бизнесни харид қилувчининг бир ёки ундан ортиқ бизнеслар устидан назоратга эга бўлишидаги операция ёки бошқа ҳодисадир. Баъзида “ҳақиқий қўшиб юбориш” ёки “тенгларнинг қўшиб юборилиши” деб номланадиган операция ҳам мазмуни бўйича мазкур МХХСда фойдаланиладиган бизнес бирлашувлари ҳисобланади.
шартли товон	Одатда, белгиланган келгуси ҳодисалар содир бўлганда ёки шартлар қаноатлантирилганда, харид қилинадиган бизнес устидан назорат учун айирбошлашнинг қисми сифатида харид қилинадиган бизнеснинг собиқ мулкдорларига қўшимча активлар ёки хусусий капиталдаги улушларни ўтказиш бўйича бизнесни харид қилувчининг мажбурияти ҳисобланади. Лекин, шартли товон, агар белгиланган шартлар қаноатлантирилса, бизнесни харид қилувчига олдин ўтказилган товонни қайтариб олиш ҳуқуқини ҳам бериши мумкин.
хусусий капиталдаги улушлар	Мазкур МХХС мақсадларида, <i>хусусий капиталдаги улушлар</i> инвестор эгалигидаги ташкилотларнинг эгалик улушларини ва ўзаро ташкилотлар мулкдорининг, аъзосининг ёки иштирокчисининг улушларини англатиш учун кенг маънода қўлланилган.
ҳаққоний қиймат	<i>Ҳаққоний қиймат</i> - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир. (13-сон МХХСга қаранг.)
гудвил	Бизнес бирлашувида харид қилинган бошқа активлардан юзага келадиган келгуси иқтисодий нафларни акс эттирадиган актив бўлиб, у алоҳида идентификацияланмайди ва ажратилган ҳолда тан олинмайди.
идентификацияланадиган	Қуйидагилардан бири бажарилса, актив идентификацияланадиган ҳисобланади: <ul style="list-style-type: none">(а) ажраладиган бўлса, яъни уни ташкилотдан ажратиш ёки бўлиш ва индивидуал тарзда ёки тегишли шартнома, идентификацияланадиган актив ёки мажбурият билан бирга сотиш, ўтказиш, лицензиялаш, ижарага бериш ёки айирбошлаш, ташкилотнинг юқоридагиларни амалга ошириш нияти бор ёки йўқлигидан қатъий назар, мумкин бўлса; ёки(б) шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлар натижасида, бундай ҳуқуқлар ўтказиладиган ёки ташкилотдан ёки бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан ажраладиган бўлишидан қатъий назар, келиб чиқадиган бўлса.

номоддий актив	Моддий ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган номонетар актив.
ўзаро ташкилот	Инвестор эгалигидаги ташкилотдан ташқари бошқа ташкилот бўлиб, у ўзининг мулкдорларига , аъзоларига ёки иштирокчиларига дивидендларни, сарфлар камайишини ёки бошқа иқтисодий нафларни таъминлайди. Масалан, ўзаро суғурта компанияси, кредит уюшмаси ва ширкат ташкилоти буларнинг барчаси ўзаро ташкилотлардир.
назорат кучига эга бўлмаган улуш	Бош ташкилотга бевосита ёки билвосита қарашли бўлмаган шўъба ташкилотидаги хусусий капитал.
мулкдорлар	Мазкур МХХС мақсадларида, <i>мулкдорлар</i> тушунчаси инвестор эгалигида, мулкдорлари, аъзолари ёки иштирокчилари эгалигида бўлган ташкилотнинг хусусий капиталдаги улуши соҳибларини (эгалари) англатиш учун кенг маънода қўлланилади.

Б Илова **Қўллаш бўйича кўрсатма**

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

Умумий назорат остидаги ташкилотларни ўз ичига оладиган бизнес бирлашувлар (2(в)-банднинг қўлланиши)

- Б1 Мазкур МХХС умумий назорат остидаги ташкилотлар ёки бизнесларни ўз ичига олган бизнес бирлашувига нисбатан қўлланмайди. Умумий назорат остидаги ташкилотлар ёки бизнесларни қамраб оладиган бизнес бирлашуви бу барча бирлашадиган ташкилот ёки бизнеслар пировардида бизнес бирлашувидан ҳам олдин ҳам кейин айнан бир томон ёки томонлар тарафидан назорат қилинадиган ва ушбу назорат вақтинчалик бўлмаган бизнес бирлашувдир.
- Б2 Шахслар гуруҳи, агар шартномавий келишувлар натижасида улар биргаликда ушбу ташкилотнинг фаолиятдан нафга эга бўлиш учун унинг молиявий ва операциял сифатини бошқариш ваколатига эга бўлса, маълум бир ташкилотни назорат қилувчи сифатида қаралади. Шунинг учун, агар шахсларнинг айнан бир гуруҳи шартномавий келишувларга асосан ҳар бир бирлашадиган ташкилотнинг фаолиятдан наф олиш учун молиявий ва операциял сифатларини бошқариш бўйича устун жамоавий ваколатга эга бўлса ҳамда ушбу ваколат вақтинчалик ҳисобланмаса, бундай бизнес бирлашуви мазкур МХХСнинг қўллаш доирасига кирмайди.
- Б3 Ташкилот жисмоний шахс ёки шартномавий келишув асосида фаолият юритаётган шахслар гуруҳи томонидан назорат қилиниши мумкин ва ушбу шахс ёки шахслар гуруҳига нисбатан МХХС асосида молиявий ҳисоботни тақдим этиш талаби қўлланмайди. Шунинг учун, умумий назорат остидаги ташкилотлар ўз ичига оладиган бизнес бирлашув сифатида қаралиши учун бирлашаётган ташкилотларни бизнес бирлашув бўйича айнан бир консолидациялашган молиявий ҳисобот таркибига киришининг зарурати йўқ.
- Б4 Бизнес бирлашувидан олдин ва кейин ҳар бир бирлашадиган ташкилотнинг назорат кучига эга бўлмаган улушларнинг миқдори бизнес бирлашуви умумий назорат остидаги ташкилотларни ўз ичига олиш ёки олмаслигини аниқлашда ўринли ҳисобланмайди. Шу каби, бирлашадиган ташкилотларнинг бири гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботидан чиқарилган шўба ташкилоти ҳисобланишининг факти бизнес бирлашуви умумий назорат остидаги ташкилотларни ўз ичига олиш ёки олмаслигини аниқлашда ўринли ҳисобланмайди.

Бизнес бирлашувини аниқлаш (3-банднинг қўлланиши)

- Б5 Мазкур МХХС бизнес бирлашувини бизнесни харид қилувчининг бир ёки ундан ортиқ бизнеслар устидан назоратга эга бўладиган операция ёки бошқа ходиса сифатида таърифлайди. Бизнесни харид қилувчи турли йўллар орқали харид қилинадиган бизнес устидан назоратга эга бўлиши мумкин, масалан:
- (а) пул маблағлари, пул маблағлари эквивалентлари ёки бошқа активларни (жумладан бизнесни ташкил этадиган соф активларни) ўтказиш орқали;
 - (б) мажбуриятларни қабул қилиш орқали;
 - (в) хусусий капиталдаги улушларни чиқариш орқали;
 - (г) товоннинг бир нечта турини тақдим этиш орқали; ёки
 - (д) товонни ўтказмасдан, жумладан шартноманинг ўзи орқали (43-бандга қаранг).
- Б6 Бизнес бирлашуви юридик, солиқ ёки бошқа сабаблар туфайли турли усулларда шаклланиши мумкин бўлиб, улар куйидагиларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланиб қолмайди:
- (а) бир ёки бир нечта бизнеслар бизнесни харид қилувчининг шўба ташкилотларига айланади ёки бир ёки бир нечта бизнесларнинг соф активлари бизнесни харид қилувчига юридик тарзда қўшилади;
 - (б) бир бирлашадиган ташкилот ўзининг соф активларини ёки унинг мулкдорлари ўзларининг хусусий капиталдаги улушларини, бошқа бирлашадиган ташкилотга ёки унинг мулкдорларига ўтказиши;

- (в) барча бирлашадиган ташкилотлар ўзларининг соф активларини ёки ушбу ташкилотларнинг мулкдорлари ўзларининг хусусий капиталдаги улушларини, янги ташкил этилган ташкилотга (баъзида йиғиш ёки компеляция операцияси ҳам дейилади) ўтказадилар; ёки
- (г) бирлашадиган ташкилотлардан бирининг собиқ мулкдорлари гуруҳи бирлашган ташкилот устидан назоратга эга бўлади.

Бизнес таърифи (3-банднинг қўлланиши)

- Б7 Бизнес ресурслардан ва маҳсул яратиш имкониятига эга бўлган ушбу ресурсларга нисбатан қўлланиладиган жараёнлардан иборатдир. Бизнеснинг уч элементи куйидаги тартибда таърифланган (бизнеснинг ҳар бир элементи бўйича кўрсатма берилган Б8–Б12Г – бандларига қаранг):
- (а) **Ресурс:** Маҳсулни яратадиган ёки унга нисбатан бир ёки ундан ортиқ жараёнларни қўллаш орқали маҳсулни яратиш имкониятига эга бўлган ҳар қандай иқтисодий ресурс. Мисол тариқасида узоқ муддатли активларни (номоддий активлар ёки узоқ муддатли активлардан фойдаланиш ҳуқуқларини киритган ҳолда), интеллектуал мулкни, зарурий материаллар ёки ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш имконияти ва ходимларни келтириш мумкин.
 - (б) **Жараён:** Маҳсулни яратадиган ёки яратишга имконият яратадиган ресурс ёки ресурсларга нисбатан қўлланиладиган ҳар қандай тизим, стандарт, баённома, келишув ёки қоида ҳисобланади. Мисол тариқасида стратегик бошқарув жараёнлари, операция жараёнлар ва ресурсларни бошқариш жараёнларини келтириш мумкин. Ушбу жараёнлар одатда ҳужжатлаштирилади, бироқ зарур бўлган кўникма ва тажриба ҳамда қоида ва битим талабларини бажарадиган ишчи кучи билан ташкил қилинган интеллектуал салоҳияти маҳсул яратиш мақсадида ресурсларга нисбатан қўлланиладиган зарур жараёнларни таъминлаши мумкин. (Бухгалтерия ҳисоби тизими, тўловларни тақдим этиш, иш ҳақини тўлаш ва бошқа маъмурий тизимлар одатда маҳсулларни яратишда фойдаланиладиган жараёнлар ҳисобланмайди.)
 - (в) **Маҳсул:** Бизнесни харид қилувчига товар ва хизматларни тақдим этадиган, инвестиция даромадини шакллантирадиган (дивиденд ёки фоиз кўринишидаги) ёки одатдаги фаолиятдан бошқа даромадни шакллантирадиган ресурслар ва ушбу ресурсларга нисбатан қўлланиладиган жараёнларнинг натижаси.

Ҳаққоний қиймат концентрациясини аниқлаш бўйича ихтиёрий тест

- Б7А Б7Б-бандида харид қилинган жами фаолият турлари ва активлар бизнес ҳисобланмаслиги бўйича содда таҳлилни амалга оширишга имкон берадиган ихтиёрий тест (концентрация мавжудлиги бўйича тест) ифодаланган. Ушбу тестни қўллаш ёки қўлланмаслиги бўйича қарорни ташкилот ўзи мустақил қабул қилади. Ташкилот бундай қарорни ҳар бир операция ёки алоҳида бошқа ҳодисалар бўйича қабул қилиши мумкин. Концентрация мавжудлиги бўйича тест куйидаги натижаларга олиб келади:
- (а) агар концентрация мавжудлиги бўйича тестдан ўтказилган бўлса, ушбу жами фаолият турлари ва активлар бизнес ҳисобланмаслиги бўйича ҳулоса қилинади ҳамда кейинчалик таҳлил қилиш талаб этилмайди;
 - (б) агар концентрация мавжудлиги тестидан ўтказилмаса ёки ташкилот ушбу тестни қўлланмаса, у ҳолда ташкилот Б8-Б12Г-бандларда келтирилган таҳлилни амалга ошириши лозим.
- Б7Б Агар харид қилинган ялпи активларнинг жами ҳаққоний қиймати амалий жиҳатдан ягона идентификацияланадиган актив ёки шунга ўхшаш идентификацияланадиган активлар гуруҳига концентрация қилинган бўлса, концентрация мавжудлиги бўйича тест ўтказилган ҳисобланади. Концентрация мавжудлиги бўйича тест ўтказиш мақсадида:
- (а) харид қилинган ялпи активлар таркибидан пул маблағлари ва пул эквивалентлари, кечиктирилган солиқ активлари ҳамда кечиктирилган солиқ мажбуриятларини тан олиш натижасида келиб чиқадиган гудвил чиқариб ташланади;
 - (б) харид қилинган ялпи активларнинг ҳаққоний қиймати харид қилинган соф идентификацияланадиган активларнинг ҳаққоний қийматидан ошиб кетган қисмига тенг ўтказилган товонни (назорат кучига эга бўлмаган улушнинг ҳаққоний қиймати ҳамда олдин эгалик қилган улушнинг ҳаққоний қийматини қўшган ҳолда) ўз ичига олиши лозим. Харид қилинган ялпи активларнинг ҳаққоний қийматини одатда ўтказилган товоннинг (назорат

кучига эга бўлмаган улушнинг ҳаққоний қиймати ҳамда олдин эгалик қилган улушнинг ҳаққоний қийматини кўшган ҳолда) ҳаққоний қиймати ва кейинчалик (а) – кичик бандида келтирилган моддаларни чиқариб ташлаган ҳолда қабул қилинган мажбуриятнинг (кечиктирилган солиқ мажбуриятлари бундан мустасно) ҳаққоний қиймати суммаларини қўшиш орқали сумма миқдоридан аниқлаш мумкин. Лекин, агар харид қилинган ялпи активларнинг ҳаққоний қиймати келтирилган сумма миқдоридан ошиб кетса, у ҳолда баъзи бир ҳолатларда янада аниқ ҳисоб – китоб талаб этилиши мумкин;

- (в) ягона идентификацияланадиган актив бу – бизнес бирлашув доирасида ягона идентификацияланадиган актив сифатида тан олинадиган ва баҳоланадиган ҳар қандай актив ёки активлар гуруҳи ҳисобланади;
- (г) агар моддий актив бошқа моддий активга бириктирилган бўлса ва у шундай бошқа моддий активдан (ёки 16-сон МХХС “Ижара”га мувофиқ ижара шартномасининг предмети ҳисобланадиган таянч активдан) аҳамиятли сарфларни амалга оширмасдан ёки фойдалилигини ёхуд иккита активдан (масалан, ер ва бино) бирининг ҳаққоний қийматини аҳамиятли камайтирмасдан жисмоний жиҳатдан ажратиб ҳамда алоҳида фойдаланиб бўлмаса, у ҳолда бундай активлар ягона идентификацияланадиган активлар ҳисобланади;
- (д) активларнинг ўхшашлигини таҳлил қилишда ташкилот ҳар бир ягона идентификацияланадиган актив характери ва активдан келадиган маҳсулни яратиш ҳамда бошқариш билан боғлиқ рискларни (бошқача айтганда рискларнинг характерларини) ҳисобга олиши лозим;
- (е) қуйидаги активлар ўхшаш активлар ҳисобланмайди:
 - (i) моддий актив ва номоддий актив;
 - (ii) турли таснифларга (масалан, захиралар, ишлаб чиқариш ускунаси ва автомобил) тегишли бўлган моддий активлар, бунда улар (г) кичик банди мезонларига мувофиқ ягона идентификацияланадиган актив ҳисобланган ҳолатлар мустасно;
 - (iii) турли таснифларга (масалан, савдо белгилари, лицензиялар ва яратилиш жараёнида бўлган номоддий активлар) тегишли бўлган номоддий активлар;
 - (iv) молиявий актив ва номолиявий актив;
 - (v) турли таснифларга (масалан, дебиторлик қарзлари ва улушли инструментларга инвестициялар) тегишли бўлган молиявий активлар;
 - (vi) активнинг бир таснифига тегишли бўлган, лекин аҳамиятли риск хусусиятларига эга идентификацияланадиган активлар.

Б7В Б7Б-банди талаблари 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*”да активларнинг ўхшашлиги бўйича кўрсатмага ўзгартириш киритмайди; шунингдек, улар 16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*”, 38-сон БҲХС ва 7-сон МХХС “*Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш*”даги “таснифлаш” атамаси мазмунини ўзгартирмайди. *Маълумотларни ёритиб бериш*.

Бизнеснинг элементлари

- Б8 Бизнеснинг одатда маҳсул билан боғланганлигига қарамадан маҳсулнинг мавжудлиги интеграциялашган фаолият тури ва активларнинг жамланмасини бизнес сифатида квалификация қилиш учун мажбурий ҳисобланмайди. Мақсадга эришиш учун фаолият тури ва активларнинг жамланмаси фаолият юритиши ва уларни бошқариш мумкинлиги учун уларга нисбатан жами иккита муҳим элемент – ресурс ва жараён зарур бўлади. Бизнес сотувчи томонидан ушбу бизнесни юритишда фойдаланадиган барча ресурс ёки жараённи ўз ичига олиши талаб этилмайди. Лекин, интеграциялашган фаолият тури ва активлар жамланмаси бизнес ҳисобланиши учун энг камида биргаликда аҳамиятли равишда маҳсулни яратишга қодир бўладиган ресурс ва тубдан аҳамиятли жараёнларни ўз ичига олиши лозим. Б12-Б12Г-бандларда, жараён тубдан аҳамиятли эканлигини қандай қилиб таҳлил қилиниши келтирилган.
- Б8А Агар харид қилинган фаолият тури ва активлар жамланмаси маҳсулга эга бўлса, тушум олиншининг давом этиши ўз ўзидан ресурс ва тубдан аҳамиятли жараён харид қилинганлигини аниқламайди.
- Б9 Бизнес элементларининг характери тармоқ ва ташкилотларнинг (фаолиятлар) операцияси, бунга ташкилотнинг ривожланиш босқичини кўшган ҳолда тузилишига қараб ўзгариб туради. Фаолият юритаётган бизнес тез-тез турли хил кўп ресурслар, жараёнлар ва маҳсулларга эга бўлади, янги бизнесда эса кўп ҳолларда кўп бўлмаган миқдордаги ресурс ва жараёнлар, баъзан эса фақат бир турдаги маҳсул (маҳсулот) мавжуд бўлади. Амалий жиҳатдан барча бизнесда мажбурийат мавжуд,

лекин бизнес учун мажбурият мавжуд бўлиши талаб этилмайди. Бундан ташқари, бизнес ҳисобланмаган харид қилинган жами фаолият турлари ва активлар ўз ичига мажбуриятни олади.

Б10 [Чиқариб ташланган]

Б11 Аниқ фаолият тури ва активлар жамланмаси бизнес ҳисобланишини аниқлаш учун бозор иштирокчисининг шундай фаолият тури жамланмасини амалга ошириш ва активларни бизнес сифатида бошқариши мумкинлигига асосланиши лозим. Шундай қилиб, таҳлил қилиш пайтида муайян жамланма бизнес ҳисобланиши учун ушбу жамланмани сотувчи томонидан бизнес сифатида бошқариши ёки бизнесни харид қилувчининг ушбу жамланмани бизнес сифатида бошқаришни ният қилганлигининг далили аҳамият касб этмайди.

Харид қилинган жараённинг тубдан аҳамиятли ҳисобланишини баҳолаш

Б12 Б12А-Б12Г-бандларида, агар харид қилинган фаолият тури ва активлар жамланмаси маҳсулга эга бўлмаган (Б12Б-банд) ва маҳсулга эга бўлган (Б12С-банд) ҳолатларда харид қилинган жараён тубдан аҳамиятли ҳисобланиши учун қандай қилиб таҳлил қилиш лозимлиги тушунтирилган.

Б12А Харид қилиш санасида маҳсулга эга бўлмаган фаолият тури ва активлар жамланмасига мисол бўлиб тушум олинishi бошланган фаолиятнинг бошланғич босқичидаги ташкилот ҳисобланади. Бундан ташқари, агар харид қилинган фаолият тури ва активлар жамланмаси харид қилиш санасида тушумни шакллантирган бўлса, ушбу жамланма, гарчи кейинчалик ташки бизнесни харид қилувчилар учун бошқа тушум шакллантира олмасада, масалан бунинг натижасида бизнесни харид қилувчи томонидан интеграцияланса ҳам, кўрсатилган санада маҳсулга эга ҳисобланади.

Б12Б Агар фаолият тури ва активлар жамланмаси харид қилиш санасида маҳсулга эга бўлмаса, у ҳолда харид қилинган жараёни (ёки жараёнлар гуруҳини) қуйидаги ҳолатларда тубдан аҳамиятли ҳисоблаш лозим:

(а) у харид қилинган ресурс ёки ресурсларни маҳсулга айлантириш ёки трансформация қилиш қобилияти бўйича тубдан аҳамиятга эга; ва

(б) харид қилинган ресур ўз ичига зарур бўлган кўникма, билим ёки тажрибага эга ташкиллашган ишчи кучи каби бошқа ресурсларни маҳсулга айлантириш ёки трансформация қилиш қобилиятига эга бўлган ташкиллашган ишчи кучини ҳам олади. Бундай бошқа ресурслар қуйидагиларни ўз ичига олади:

(i) товарлар ёки хизматлар яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган интеллектуал мулк;

(ii) маҳсулни яратиш мақсадида ишлаб чиқилиши мумкин бўлган бошқа иқтисодий ресурслар; ёки

(iii) келгусидаги маҳсулни яратиш имкониятини берадиган зарур материал ёки ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқини олиш.

(б) (i)– (iii) – бандларида назарда тутилган ресурсларга технология, тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари бўйича тугалланмаган лойиҳалар, мол-мулк ҳамда фойдали қазилмалар қазиб олиш ҳуқуқлари.

Б12В Агар харид қилиш санасида фаолият тури ва активлар жамланмаси маҳсулга эга бўлса, у ҳолда харид қилинган жараён (ёки жараёнлар гуруҳи) тубдан аҳамиятли ҳисобланиши лозим, агар у харид қилинган ресурс ва ресурсларга нисбатан уни қўллаганда қуйидагиларга эга бўлса:

(а) маҳсулни яратишни давом эттириш имкониятига эга бўлишда тубдан аҳамиятли ҳисобланади, харид қилинган ресурслар эса жараёни (ёки жараёнлар гуруҳини) бажариш учун зарур бўлган кўникма, билим ёки тажрибага эга ташкиллашган ишчи кучини ўз ичига олади; ёки

(б) маҳсулни яратишни давом эттириш имкониятига аҳамиятли даражада қобилиятли ва:

(i) ўзига хос ва камёб ҳисобланади; ёки

(ii) маҳсулни яратишни давом эттириш имконияти аҳамиятли сарфларсиз, уринишларсиз ёки кечиктиришсиз алмаштириб бўлмайди.

Б12Г Қуйидаги қўшимча ҳолатлар Б12Б ва Б12В – бандларини таъминлаш мақсадида келтирилган:

(а) харид қилинган шартнома тубдан аҳамиятли жараён эмас, балки ресурс ҳисобланади. Шундай бўлсада, харид қилинган шартнома, масалан мол-мулкни бошқариш ёки активларни бошқариш учун аутсорсинг хизматлари шартномаси ташкиллашган ишчи

кучидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиши мумкин. Ташкиллашган ишчи кучи шундай шартнома фойдаланиш имкониятини тақдим этадиган, ташкилот назорат қиладиган ва албатта уни харид қилган тубдан аҳамиятли жараённи амалга ошираётганлигини ташкилот таҳлил қилиши лозим. Бундай таҳлил доирасида ҳисобга олиш лозим бўлган омиллар ўз ичига шартнома муддати ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш шартларини олади.

- (б) харид қилинган ташкиллашган ишчи кучини алмаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар харид қилинган ташкиллашган ишчи кучининг амалга ошираётган жараёни маҳсулни яратиш имконияти бўйича тубдан аҳамиятли эканлигини кўрсатиши мумкин.
- (в) агар, масалан, у маҳсулни яратиш учун зарур бўлган жараёнлар орасида ёрдамчи ёки иккинчи даражали ҳисобланса, жараён (ёки жараёнлар гуруҳи) тубдан аҳамиятга эга бўлмайди.

Бизнесни харид қилувчини аниқлаш (6 ва 7-бандларнинг қўлланиши)

- B13** 10-сон МХХС “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот*”га кўрсатмада харид қилинадиган бизнес устидан назоратга эга бўладиган бизнесни харид қилувчи – ташкилотни аниқлашда фойдаланиш лозим. Агар бизнес бирлашуви содир бўлиб, лекин 10-сон МХХСдаги кўрсатманинг қўлланиши бирлашадиган ташкилотларнинг қайси бири бизнесни харид қилувчи эканини аниқ белгилаш имкониятини бермаса, у ҳолда бизнесни харид қилувчини аниқлаш мақсадида B14-B18-бандларида келтирилган омилларни кўриб чиқиш лозим.
- B14** Асосан пул маблағлари ёки бошқа активларни ўтказиш орқали ёки мажбуриятларни қабул қилиш орқали амалга оширилган бизнес бирлашувида бизнесни харид қилувчи бўлиб одатда пул маблағи ёки бошқа активларни ўтказадиган ёки мажбуриятларни қабул қиладиган ташкилот ҳисобланади.
- B15** Хусусий капиталдаги улушларни айирбошлаш орқали амалга оширилган бизнес бирлашувида, бизнесни харид қилувчи бўлиб одатда ўзининг хусусий капиталдаги улушларини эмиссия қиладиган ташкилот ҳисобланади. Лекин, умумий маънода “қайта харид қилиш” деб номланадиган айрим бизнес бирлашувларида, эмитент – ташкилот харид қилинадиган бизнес ҳисобланади. B19-B27-бандларда қайта харид қилишларни ҳисобга олиш бўйича кўрсатма келтирилган. Хусусий капиталдаги улушларни айирбошлаш орқали амалга оширилган бизнес бирлашувида бизнесни харид қилувчини идентификациялаш учун қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда бошқа ўринли далил ва ҳолатлар кўриб чиқилиши лозим:
- (а) *бизнес бирлашувидан кейин бирлашган ташкилотдаги нисбий овоз бериш ҳуқуқлари.* Одатда бизнесни харид қилувчи бирлашадиган ташкилот ҳисобланиб, бунда унинг мулкдорлари гуруҳ сифатида бирлашган ташкилотда овоз бериш ҳуқуқларининг энг йирик қисмини сақлаб қолади ёки қабул қилади. Мулкдорларининг қайси гуруҳи овоз бериш ҳуқуқларининг энг йирик қисмини сақлаб қолишини ёки қабул қилишини аниқлашда, ташкилот ҳар қандай ғайриоддий ёки махсус овоз бериш келишувлари ва опционлари, варрантлар ёки конвертацияланадиган қимматли қоғозлар мавжудлигини кўриб чиқиши лозим.
 - (б) *бошқа ҳеч қайси бир мулкдори ёки мулкдорларининг ташкилий гуруҳида аҳамиятли овоз бериш улуши мавжуд бўлмаганда, бирлашган ташкилотда озчиликнинг аҳамиятли овоз бериш улушининг мавжудлиги.* Одатда бизнесни харид қилувчи бирлашадиган ташкилот ҳисобланиб, бунда унинг ягона мулкдори ёки мулкдорларининг ташкилий гуруҳи бирлашган ташкилотдаги улушнинг озчилик аҳамиятли овоз бериш улушига эга бўлади.
 - (в) *бирлашган ташкилот бошқарув органининг таркиби.* Бизнесни харид қилувчи одатда бирлашадиган ташкилот ҳисобланиб, бунда унинг мулкдорлари бирлашган ташкилот бошқарув органининг кўпчилик аъзоларини сайлаш ёки тайинлаш ёки четлатиш имкониятига эга бўлади.
 - (г) *бирлашган ташкилот юқори раҳбариятининг таркиби.* Бизнесни харид қилувчи одатда бирлашадиган ташкилот ҳисобланиб, бунда (олдинги) раҳбарият бирлашадиган ташкилот раҳбарияти таркибида устунликка эга бўлади.
 - (д) *хусусий капиталдаги улушларни айирбошлаш шартлари.* Бизнесни харид қилувчи одатда бирлашадиган ташкилот ҳисобланиб, бошқа бирлашадиган ташкилотнинг ёки ташкилотларнинг хусусий капиталдаги улушларнинг бирлашишдан олдинги ҳаққоний қиймати устига мукофот тўлайди.

- Б16 Одатда (масалан, активларида, даромад ёки фойдада баҳоланган) нисбий ҳажми бошқа бирлашадиган ташкилот ёки ташкилотларнинг ҳажмидан аҳамиятли тарзда каттароқ бўлган бирлашадиган ташкилот бизнесни харид қилувчи бўлади.
- Б17 Иккидан ортиқ ташкилот иштирок этадиган бизнес бирлашувида бизнесни харид қилувчини аниқлаш бирлашадиган ташкилотларнинг қайси бири бирлашиш ташаббуси билан чиққанлиги, шунингдек бирлашадиган ташкилотнинг нисбий ҳажми каби саволларни кўриб чиқишни ўз ичига олиши лозим.
- Б18 Бизнес бирлашувини амалга оширишдан шаклланган янги ташкилот бизнесни харид қилувчи бўлиши талаб этилмайди. Агар янги ташкилот бизнес бирлашувини амалга оширишда хусусий капиталдаги улушларни чиқариш учун шаклланган бўлса, бизнес бирлашувидан олдин мавжуд бўлган бирлашадиган ташкилотларнинг бири Б13-Б17-бандлардаги кўрсатмани қўллаш орқали бизнесни харид қилувчи сифатида белгиланиши лозим. Аксинча, тоvon сифатида пул маблағларини ёки бошқа активларни ўтказадиган ёки мажбуриятларни қабул қиладиган янги ташкилот бизнесни харид қилувчи бўлиши мумкин.

Қайта харид қилиш

- Б19 Қимматли қоғозларни эмиссия қиладиган ташкилот (юридик жиҳатдан бизнесни харид қилувчи) бухгалтерия ҳисоби мақсадларида Б13-Б18-бандлардаги кўрсатма асосида харид қилинадиган бизнес сифатида белгиланган пайтда, қайта харид қилиш содир бўлади. Хусусий капиталдаги улушлари харид қилинган ташкилот (юридик жиҳатдан харид қилинадиган бизнес) бухгалтерия ҳисоби мақсадларида операция қайта харид қилиш сифатида инобатга олинishi учун бизнесни харид қилувчи бўлиши шарт. Масалан, қайта харид қилишлар баъзида хусусий тарзда фаолият юритаётган ташкилот оммавий ташкилот бўлишни хоҳлаган ҳолда, ўзининг акцияларини рўйхатдан ўтказишни хоҳламаганда содир бўлади. Буни амалга ошириш учун, хусусий ташкилот оммавий ташкилот унинг хусусий капиталдаги улушларини оммавий ташкилотнинг хусусий капиталдаги улушлари эвазига харид қилади. Мазкур мисолда, оммавий ташкилот **юридик жиҳатдан бизнесни харид қилувчи ҳисобланади**, чунки у ўзининг хусусий капиталдаги улушларини эмиссия қилди ва хусусий ташкилот **юридик жиҳатдан харид қилинадиган бизнес ҳисобланади**, чунки унинг хусусий капиталдаги улушлари харид қилинди. Лекин, Б13-Б18 бандлардаги кўрсатмани қўллаш куйидаги ҳолатларга олиб келади:
- (а) бухгалтерия ҳисоби мақсадларида оммавий ташкилотни харид қилинадиган бизнес сифатида белгилаш (бухгалтерия ҳисоби мақсадларида харид қилинадиган бизнес); ва
 - (б) бухгалтерия ҳисоби мақсадларида хусусий ташкилотни бизнесни харид қилувчи сифатида белгилаш (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи).

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес операцияни қайта харид қилиш сифатида ҳисобга олиш учун бизнес таърифини қаноатлантириши шарт ва мазкур МХХСдаги барча тан олиш ва баҳолаш тамойиллари, жумладан гудвилни тан олиш талаби қўлланилади.

Ўтказилган товонни баҳолаш

- Б20 Қайта харид қилишда бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи одатда харид қилинадиган бизнес учун ҳеч қандай товон чиқармайди. Бунинг ўрнига, бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес одатда бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчининг мулкдорларига ўзининг хусусий капиталдаги улушларини чиқаради. Шу туфайли, бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи томонидан унинг бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнесдаги улуши учун ўтказиладиган товоннинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати хусусий капиталдаги улушларнинг, юридик жиҳатдан шўьба ташкилот ушбу миқдорни юридик жиҳатдан бош ташкилотнинг мулкдорларига қайта харид қилишдан юзага келадиган бирлашган ташкилотдаги айнан шу миқдордаги капитал улушни бериш учун чиқариши шарт бўлган миқдорига асосланади. Ушбу усулда ҳисобланган хусусий капиталдаги улуш миқдорининг ҳаққоний қийматидан харид қилинадиган бизнес эвазига ўтказилган товоннинг ҳаққоний қиймати сифатида фойдаланиш мумкин.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш

- Б21 Қайта харид қилишдан сўнг тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисобот юридик жиҳатдан бош ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес) номи остида эълон қилинади, лекин изоҳларда юридик жиҳатдан шўьба ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби

мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи) молиявий ҳисоботнинг давоми сифатида фақат шундай бир тузатиш билан тасвирланади, бунда ушбу тузатиш бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнеснинг юридик капиталини акс эттириш учун бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчининг юридик капиталини ретроспектив тарзда тузатиш ҳисобланади. Ушбу тузатиш юридик жиҳатдан бош ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес) капиталини акс эттириш учун талаб этилади. Ушбу консолидациялашган молиявий ҳисоботларда тақдим этилган қиёсланувчан маълумотлар ҳам юридик жиҳатдан бош ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес) юридик капиталини акс эттириш учун ретроспектив тарзда тузатилади.

Б22 Консолидациялашган молиявий ҳисобот юридик жиҳатдан шўъба ташкилотнинг молиявий ҳисоботининг давомини акс эттириши туфайли, бунда унинг капитал тузилишидан ташқари, консолидациялашган молиявий ҳисобот қуйидагиларни акс эттиради:

- (а) юридик жиҳатдан шўъба ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи) бирлашишдан олдинги баланс қийматида тан олинган ва баҳоланган активлари ва мажбуриятлари.
- (б) бош ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес) мазкур МҲХСга мувофиқ тан олинган ва баҳоланган юридик жиҳатдан активлари ва мажбуриятлари.
- (в) юридик жиҳатдан шўъба ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи) бизнес бирлашувидан **олдин** тақсимланмаган фойдаси ва бошқа хусусий капитал моддалари бўйича қолдиқлар.
- (г) юридик жиҳатдан шўъба ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи) бевосита бизнес бирлашувидан олдин амалда бўлган ҳолда чиқарилган хусусий капиталдаги улушларини юридик жиҳатдан бош ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес) ҳаққоний қийматига қўшган ҳолда аниқланадиган консолидациялашган молиявий ҳисоботда чиқарилган хусусий капиталдаги улушлар сифатида тан олинган сумма. Лекин, хусусий капитал тузилиши (яъни чиқарилган капиталдаги улушларнинг миқдори ва тури) юридик жиҳатдан бош ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес) хусусий капитал тузилишини, жумладан бирлашувни амалга оширишда юридик жиҳатдан бош ташкилот чиқарган хусусий капиталдаги улушларни акс эттиради. Шунга қўра, юридик жиҳатдан шўъба ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи) капитал тузилиши қайта харид қилишда чиқарилган юридик жиҳатдан бош ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес) акциялари миқдорини акс эттириш учун харид қилиш келишувда белгиланган айирбошлаш коэффициентлари орқали қайта ҳисобланади.
- (д) Б23 ва Б24-бандларда муҳокама қилинганидек, назорат кучига эга бўлмаган улушнинг юридик жиҳатдан шўъба ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчининг) тақсимланмаган фойдаси ва бошқа хусусий капитал қолдиқларининг бирлашишдан олдинги баланс қийматларидаги мутаносиб улуши.

Назорат кучига эга бўлмаган улуш

Б23 Қайта харид қилишда, юридик жиҳатдан харид қилинадиган бизнеснинг (бухгалтерия мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи) баъзи мулкдорлари ўзларининг хусусий капиталдаги улушларини юридик жиҳатдан бош ташкилотнинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес) хусусий капиталдаги улушларига айирбошламаслиги мумкин. Ушбу мулкдорлар қайта харид қилишдан сўнг консолидациялашган молиявий ҳисоботда назорат кучига эга бўлмаган улуш сифатида инобатга олинади. Бунга сабаб, юридик жиҳатдан бизнесни харид қилувчининг хусусий капиталдаги улушларига ўзларининг хусусий капиталдаги улушларини айирбошламайдиган юридик жиҳатдан харид қилинадиган бизнеснинг мулкдорлари бирлашган ташкилотнинг натижалари ва соф активларидаги эмас, балки фақатгина юридик жиҳатдан харид қилинадиган бизнеснинг натижалари ва соф активларидаги улушга эга бўладилар. Аксинча, юридик жиҳатдан бизнесни харид қилувчи бухгалтерия ҳисоби мақсадларида харид қилинадиган бизнес бўлсада, юридик жиҳатдан бизнесни харид қилувчининг мулкдорлари бирлашган ташкилотнинг натижалари ва соф активларидаги улушга эга бўладилар.

Б24 Юридик жиҳатдан харид қилинадиган бизнеснинг активлари ва мажбуриятлари консолидациялашган молиявий ҳисоботда уларнинг бирлашишдан олдинги баланс қийматларида баҳоланади ва тан олинади (Б22(а)-бандга қаранг). Шунинг учун, қайта харид қилишда назорат кучига эга бўлмаган улуш назорат қилинмайдиган акциядорларнинг юридик жиҳатдан харид қилинадиган бизнеснинг соф

активларининг бирлашишдан олдинги баланс қийматларидаги мутаносиб улушини акс эттиради, хатто агар бошқа харид қилишдаги назорат кучига эга бўлмаган улушлар уларнинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматида баҳоланади.

Бир акцияга тўғри келадиган фойда

- Б25 Б22(г)-бандда таъкидланганидек, қайта харид қилишдан кейинги консолидациялашган молиявий ҳисоботдаги капитал тузилиши юридик жиҳатдан бизнесни харид қилувчининг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес) капитал тузилишини, жумладан бизнес бирлашувни амалга оширишда юридик жиҳатдан бизнесни харид қилувчи томонидан чиқарилган капиталдаги улушларни акс эттиради.
- Б26 Қайта харид қилиш содир бўладиган давр мобайнида амалдаги оддий акцияларнинг тортилган ўртача миқдорини (бир акцияга тўғри келадиган фойдани ҳисоблашдаги маҳраж) ҳисоблашда:
- (а) ушбу давр бошидан харид қилиш санасигача амалдаги оддий акциялар миқдори қўшилиш тўғрисидаги келишувда белгиланган айирбошлаш коэффициентига кўпайтирилган давр мобайнида юридик жиҳатдан харид қилинадиган бизнеснинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи) амалдаги оддий акцияларининг тортилган ўртача миқдори асосида ҳисобланиши лозим; ва
 - (б) харид қилиш санасидан ушбу давр охиригача амалдаги оддий акциялар миқдори ушбу давр мобайнида юридик жиҳатдан бизнесни харид қилувчининг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги харид қилинадиган бизнес) амалдаги оддий акцияларининг ҳақиқий миқдorigа мос бўлиши лозим.
- Б27 Қайта харид қилишдан кейинги консолидациялашган молиявий ҳисоботда тақдим этилган харид қилиш санасидан олдинги ҳар бир қиёсланувчан давр учун бир акцияга тўғри келадиган базавий фойда қуйидагича ҳисобланиши лозим:
- (а) ушбу даврларнинг ҳар биридаги оддий акциядорларга тегишли юридик жиҳатдан харид қилинадиган бизнеснинг фойда ёки зарарини
 - (б) харид қилиш келишувида белгиланган айирбошлаш коэффициентига кўпайтирилган юридик жиҳатдан харид қилинадиган бизнеснинг (бухгалтерия ҳисоби мақсадларидаги бизнесни харид қилувчи) амалдаги оддий акцияларининг олдинги тортилган ўртача миқдorigа бўлиш орқали.

Муайян харид қилинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларни тан олиш (10-13-бандларнинг қўлланиши)

Б28-Б30 [Чиқариб ташланган]

Номоддий активлар

- Б31 Бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашувида харид қилинган идентификацияланадиган номоддий активларни, гудвилдан алоҳида тан олиши лозим. Агар номоддий актив ажралиш мезонини ёки шартномавий-юримдик мезонни қаноатлантирса, у идентификацияланадиган ҳисобланади.
- Б32 Агар актив ўтказиладиган бўлмаса ҳам ёки харид қилинадиган бизнесдан ёки бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан ажраладиган бўлмаса ҳам, шартномавий-юримдик мезонни қаноатлантирадиган номоддий актив идентификацияланадиган ҳисобланади. Масалан:
- (а) [Чиқариб ташланган]
- (б) харид қилинадиган бизнес атом электр станциясига эга ва уни бошқаради. Ушбу атом электр станциясини бошқариш лицензияси бизнесни харид қилувчи уни харид қилинган электр станциясидан алоҳида тарзда сотиш ёки бошқа ҳолларда ўтказиш имконига эга бўлмаса ҳам, номоддий актив ҳисобланади ва у гудвилдан алоҳида тарзда тан олиш учун шартномавий-юримдик мезонни қаноатлантиради. Бизнесни харид қилувчи бошқариш лицензиясининг ҳаққоний қиймати билан электр станциясининг ҳаққоний қийматини, агар ушбу активларнинг фойдали хизмат муддатлари бир хил бўлса, молиявий ҳисобот мақсадларида ягона актив сифатида тан олиши мумкин.
- (в) харид қилинадиган бизнес технологик патентга эга. У ушбу патентни бошқаларга фақатгина маҳаллий бозордан ташқарида фойдаланиш учун лицензия сифатида тақдим этган ва бунинг эвазига чет элдаги келгуси фойданинг маълум улушини олади. Технологик патент ва унга тегишли лицензия келишуви, агар патент ва унга тегишли лицензия келишувини бир-биридан алоҳида тарзда сотиш ёки айирбошлаш амалий мумкин бўлмаса ҳам, гудвилдан алоҳида тарзда тан олиш учун шартномавий-юримдик мезонни қаноатлантиради.
- Б33 Ажралиш мезони харид қилинган номоддий актив харид қилинадиган бизнесдан ажратилган ёки бўлинган ҳолда, алоҳида ёки тегишли шартнома, идентификацияланадиган ёки мажбурият билан бирга сотилиши, ўтказилиши, лицензияланиши, ижарага берилиши ёки айирбошланишини англатади. Бизнесни харид қилувчи сотиш, лицензиялаш ёки бошқа ҳолларда қийматга эга бошқа моддага айирбошлаш имкониятига эга бўлган номоддий актив, агар бизнесни харид қилувчи уни сотиш, лицензиялаш ёки бошқа ҳолларда айирбошлашни назарда тутмаса ҳам, ажралиш мезонини қаноатлантиради. Харид қилинган номоддий актив, агар ушбу турдаги актив ёки ўхшаш турдаги актив бўйича айирбошлаш операцияларининг далили мавжуд бўлса, ҳаттоки агар ушбу операциялар кам ҳолларда содир бўлса ҳам ва бизнесни харид қилувчи уларда иштирок этиши ёки этмаслигидан қатъий назар, ажралиш мезонини қаноатлантиради. Масалан, харидор ва обуначи рўйхатлари тез-тез лицензияланади ва шунинг учун ажралиш мезонини қаноатлантиради. Ҳатто агар харид қилинадиган бизнес унинг харидорлар рўйхатлари бошқа харидорлар рўйхатларидан фарқ қиладиган хусусиятларга эга бўлишига ишонганда ҳам, харидорлар рўйхатлари тез-тез лицензияланиши тўғрисидаги далил одатда харид қилинган харидорлар рўйхати ажралиш мезонини қаноатлантишини англатади. Лекин, агар махфийлик ёки бошқа келишувлар шартлари ташкилотнинг унинг харидорлари тўғрисидаги маълумотларни сотишини, ижарага беришини ёки бошқа ҳолларда айирбошлашини тақикласа, бизнес бирлашувида харид қилинган харидорлар рўйхати ажралиш мезонини қаноатлантирмаслиги мумкин.
- Б34 Агар у тегишли шартнома, идентификацияланадиган актив ёки мажбурият билан бирга ажраладиган бўлса, харид қилинадиган бизнесдан ёки бирлашган ташкилотдан алоҳида тарзда ажралмайдиган номоддий актив ажралиш мезонини қаноатлантиради. Масалан:
- (а) бозор иштирокчилари депозит мажбуриятларни ва тегишли депозитор алоқаси бўйича номоддий активларни кузатиладиган айирбошлаш операцияларида айирбошлайди. Шу туфайли, бизнесни харид қилувчи депозитор алоқаси бўйича номоддий активни гудвилдан алоҳида тарзда тан олиши лозим.
- (б) бизнесни харид қилувчи рўйхатга олинган савдо белгисига ва бундай савдо белгисига эга маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳужжатлаштирилган аммо патентланмаган техник тажрибага эга. Савдо белгиси бўйича эгалик ҳуқуқини ўтказиш

учун, мулкдордан собиқ мулкдори томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фарқланмайдиган маҳсулотни ёки хизматни ишлаб чиқариш учун янги мулкдорга зарур бўлган бошқа барча қисмларни ўтказиш ҳам талаб этилади. Тегишли савдо белгиси сотилганда, патентланмаган техник тажриба харид қилинадиган бизнесдан ёки бирлашган ташкилотдан ажратилиши ва сотилиши шарт бўлганлиги туфайли, у ажралиш мезонини қаноатлантиради.

Қайта харид қилиш ҳуқуқлари

- Б35 Бизнес бирлашувининг қисми сифатида, бизнесни харид қилувчи у ўзининг бир ёки ундан ортиқ тан олинган ёки тан олинмаган активларидан фойдаланиш учун харид қилинадиган бизнесга олдин тақдим этган ҳуқуқини қайта харид қилиши мумкин. Бундай ҳуқуқларга мисоллар франчайзинг келишуви асосида бизнесни харид қилувчининг савдо номидан фойдаланиш ҳуқуқини ёки технология лицензияси келишуви асосида бизнесни харид қилувчининг технологиясидан фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Қайта харид қилинган ҳуқуқ бизнесни харид қилувчи гудвилдан алоҳида тарзда тан оладиган идентификацияланадиган номоддий активдир. 29-банд қайта харид қилинган ҳуқуқни баҳолаш бўйича кўрсатма беради ва 55- банд қайта харид қилинган ҳуқуқнинг кейинги ҳисобга олиниши бўйича кўрсатма беради.
- Б36 Агар қайта харид қилинган ҳуқуқни юзага келтирадиган шартнома шартлари айнан бир ёки ўхшаш моддалар бўйича жорий бозор операцияларининг шартларига нисбатан ижобий ёки салбий бўлса, бизнесни харид қилувчи ҳисоб-китоб бўйича фойда ёки зарарни тан олиши лозим. Б52-банд ушбу ҳисоб-китоб фойдаси ёки зарарини баҳолаш бўйича кўрсатма беради.

Бирлашган ишчи кучи ва идентификацияланмайдиган бошқа моддалар

- Б37 Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасига харид қилинган идентификацияланмайдиган номоддий активларнинг қийматини гудвил таркибида жамлайди. Масалан, бизнесни харид қилувчи, ходимларнинг мавжуд жамланмаси бўлган, бизнесни харид қилувчига харид қилинган бизнесни харид қилиш санасидан бошлаб юритишни давом эттиришга имкон берадиган, бирлашган ишчи кучининг мавжудлигига нисбатан қийматни акс эттириши мумкин. Бирлашган ишчи кучи малакали ишчи кучининг ақлий капиталини – харид қилинадиган бизнеснинг ходимлари ўз фаолиятларига олиб келадиган (кўп ҳолларда махсус) билим ва тажрибани – акс эттирмайди. Бирлашган ишчи кучи гудвилдан алоҳида тарзда тан олинадиган идентификацияланадиган актив бўлмаганлиги туфайли, унга нисбатан акс эттирилган ҳар қандай қиймат гудвил таркибида жамланади.
- Б38 Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасида активлар сифатида таснифланмайдиган моддалар бўйича акс эттирилган ҳар қандай қийматни ҳам гудвил таркибида жамлайди. Масалан, бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес харид қилиш санасида янги хариддорлар билан музокаралар олиб бораётган потенциал шартномаларга нисбатан қийматни акс эттириши мумкин. Ушбу потенциал шартномалар харид қилиш санаси ҳолатига актив бўлмаганлиги туфайли, бизнесни харид қилувчи уларни гудвилдан алоҳида тарзда тан олмайди. Бизнесни харид қилувчи ушбу шартномалар қийматини харид қилиш санасидан кейин содир бўладиган ҳодисаларга нисбатан кейинги даврларда гудвилдан қайта таснифламаслиги лозим. Лекин, бизнесни харид қилувчи алоҳида тан олинадиган номоддий актив харид қилиш санасида мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш учун харид қилишдан қисқа муддатдан сўнг содир бўладиган ҳодисалар тўғрисидаги далиллар ва ҳолатларни баҳолаши лозим.
- Б39 Дастлабки тан олишдан сўнг, бизнесни харид қилувчи бизнес бирлашувида харид қилинган номоддий активларни 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*”нинг шартларига мувофиқ ҳисобга олади. Лекин, 38-сон БҲХСнинг 3-бандида таснифланганидек, дастлабки тан олишдан сўнг баъзи харид қилинган номоддий активларни ҳисобга олиш бошқа МҲХСлар орқали белгиланади.
- Б40 Идентификациялаш мезонлари номоддий актив гудвилдан алоҳида тарзда тан олиниши ёки олинмаслигини аниқлайди. Лекин, мезонлар номоддий активнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш бўйича кўрсатмани таъминламайди ва номоддий активнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланилган фаразларни чекламайди. Масалан, бизнесни харид қилувчи ҳаққоний қийматни баҳолашда бозор иштирокчилари номоддий активни баҳолаш пайтида фойдаланадиган фаразларни, масалан шартномани келгусида янгилашларни, инobatга олиши мумкин. Янгилашларнинг ўзи идентификацияланиш мезонларини қаноатлантириши талаб этилмайди. (Лекин, бизнес бирлашувида тан олинган қайта харид қилинган ҳуқуқлар учун ҳаққоний қийматни баҳолаш тамойилига нисбатан истиснони белгилайдиган 29-бандга қараган). 38-сон БҲХСнинг 36 ва 37-бандлари номоддий активлар бошқа номоддий ёки моддий активлар билан бирга ягона ҳисоб бирлигига бирлаштирилиши лозимлигини аниқлаш бўйича кўрсатма беради.

Харид қилинадиган бизнесдаги муайян идентификацияланадиган активларнинг ва назорат кучига эга бўлмаган улушнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш (18 ва 19-бандларнинг қўлланиши)

Ноаниқ пул оқимларига эга активлар (баҳоланган резервлар)

- Б41 Бизнесни харид қилувчи харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматида баҳоланиб, бизнес бирлашувида харид қилинган активлар учун харид қилиш санасига алоҳида баҳоланган резервни тан олмаслиги лозим, чунки у келгуси пул оқимлари тўғрисидаги ноаниқликнинг таъсирлари ҳаққоний қийматни баҳолашда инobatга олинган бўлади. Масалан, мазкур МҲХС бизнесни харид қилувчидан харид қилинган дебиторлик қарзларини, жумладан кредитларни, уларнинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматида баҳолашни талаб этиши туфайли, бизнесни харид қилувчи ушбу санада умидсиз деб ҳисобланган шартномавий пул оқимлари бўйича алоҳида баҳоланган резервни тан олмайди.

Харид қилинадиган бизнес ижарага берувчи бўлган оператив ижара келишувларига боғлиқ активлар

- Б42 Харид қилинадиган бизнес ижарага берувчи бўлган оператив ижарага боғлиқ бўлган бино ёки патент каби активнинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматини баҳолашда, бизнесни харид қилувчи ижара шартларини инobatга олиши лозим. Бошқача айтганда, агар оператив ижаранинг шартлари, Б29-банд харид қилинадиган бизнес ижарачи бўлган ижаралар бўйича талаб этганидек, бозор шартлари билан қиёсланганда ижобий ёки салбий бўлса, бизнесни харид қилувчи алоҳида актив ёки мажбуриятни тан олмайди.

Бизнесни харид қилувчи фойдаланмасликни ёки бошқа бозор иштирокчилари шундай активдан фойдаланиши мумкин бўлган усулдан фарқ қиладиган усулда фойдаланишни назарда тутадиган активлар

- Б43 Ўзининг рақобатбардош ҳолатини ҳимоя қилиш учун ёки бошқа сабаблар туфайли, бизнесни харид қилувчи харид қилинган номолиявий активдан фаол фойдаланмасликни назарда тутиши мумкин ёки у активнинг юқори даражадаги ёки энг яхши фойдаланилишига мувофиқ фойдаланишни назарда тутмаслиги мумкин. Масалан, бу бизнесни харид қилувчи ундан бошқаларнинг фойдаланишини олдини олиш орқали ҳимоявий тарзда фойдаланишни режалаштирадиган харид қилинган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича номоддий актив ҳолатида бўлиши мумкин. Шунга қарамадан, номолиявий активдан бозор иштирокчилари юқори даражада ва энг яхши фойдаланишини фараз қилган ҳолда, бизнесни харид қилувчи унинг ҳаққоний қийматини ўринли баҳолаш фаразларига мувофиқ ҳам дастлаб, ҳам кейинги кадрсизланишга текшириш бўйича ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматини баҳолаш пайтида баҳолаши лозим.

Харид қилинадиган бизнесдаги назорат кучига эга бўлмаган улуш

- Б44 Мазкур МҲХС бизнесни харид қилувчига харид қилинадиган бизнесдаги назорат кучига эга бўлмаган улушни харид қилиш санасида унинг ҳаққоний қийматида баҳолашга имкон беради. Баъзида бизнесни харид қилувчи назорат кучига эга бўлмаган улушнинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматини акциялар (яъни бизнесни харид қилувчи эгалик қилмайдиган акциялар) бўйича фаол бозордаги белгиланган нарх асосида баҳолаш имкониятига эга бўлади. Лекин, бошқа ҳолатларда, акциялар бўйича фаол бозордаги белгиланган нарх мавжуд бўлмайди. Ушбу ҳолатларда, бизнесни харид қилувчи назорат кучига эга бўлмаган улушнинг ҳаққоний қийматини бошқа баҳолаш усуллари орқали баҳолаши мумкин.
- Б45 Бизнесни харид қилувчининг харид қилинадиган бизнесдаги улушининг ва назорат кучига эга бўлмаган улушнинг бир акция бўйича ҳаққоний қийматлари фарқ қилиши мумкин. Агар бозор иштирокчилари назорат кучига эга бўлмаган улушни нархлашда мукофот ёки дисконтни инobatга олиши мумкин бўлса, асосий фарқ бизнесни харид қилувчининг харид қилинадиган бизнесдаги улушининг бир акция бўйича ҳаққоний қийматида назорат мукофотининг инobatга олиниши ёки аксинча, назорат кучига эга бўлмаган улушнинг бир акция бўйича ҳаққоний қийматида назорат

мавжуд бўлмаслиги дисконтнинг (назорат кучига эга бўлмаган улуш дисконти деб ҳам юритилади) инобатга олинишидан иборат бўлиши мумкин.

Гудвилни ёки манфаатли хариддан фойдани баҳолаш

Бизнесни харид қилувчининг харид қилинадиган бизнесдаги улушининг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматини баҳолаш усуллари орқали баҳолаш (33-бандни қўллаш)

- Б46 Товон ўтказилмасдан эришиладиган бизнес бирлашувида, бизнесни харид қилувчи гудвилни ёки манфаатли хариддан фойдани баҳолаш учун ўтказилган товоннинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қийматини ўзининг харид қилинадиган бизнесдаги улушининг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати билан алмаштириши лозим (32-34-бандларга қаранг).

Ўзаро ташкилотларнинг бирлашувларига нисбатан харид қилиш усулини қўллашдаги махсус товонлар (33-бандни қўллаш)

- Б47 Иккита ўзаро ташкилотлар бирлашганда, харид қилинадиган бизнесдаги хусусий капиталнинг ёки аъзолик улушларининг ҳаққоний қиймати (ёки харид қилинадиган бизнеснинг ҳаққоний қиймати) бизнесни харид қилувчи томонидан ўтказилган аъзолик улушларининг ҳаққоний қийматига нисбатан ишончлироқ баҳолаши мумкин. Ушбу ҳолатда, 33-банд бизнесни харид қилувчидан гудвилнинг суммасини товон сифатида ўтказилган бизнесни харид қилувчининг хусусий капиталдаги улушларининг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати орқали эмас, балки харид қилинадиган бизнеснинг хусусий капиталдаги улушларининг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати орқали аниқлашни талаб этади. Шу билан бирга, бизнесни харид қилувчи ўзаро ташкилотларнинг бирлашувида ўзининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида харид қилинадиган бизнеснинг соф активларини бошқа турдаги ташкилотлар харид қилиш усулини қўлайдиган ёндашувга мувофиқ тақсимланмаган фойдага қўшилувчи сифатида эмас, балки бевосита капиталга ёки хусусий капиталга қўшилувчи сифатида тан олиши лозим.
- Б48 Улар бошқа бизнесларга кўп томонлама ўхшаш бўлсада, ўзаро ташкилотлар фарқланадиган хусусиятларга эга бўлиб, ушбу хусусиятлар асосан уларнинг аъзолари ҳам хариддорлар ҳам мулкдорлари ҳисобланишидан юзага келади. Ўзаро ташкилотларнинг аъзолари умуман олганда ўзларининг аъзолигидан нафларни, кўп ҳолларда товарлар ва хизматлар учун тўланган камайтирилган ҳақлар ёки патронаж дивидендлари шаклида олишни назарда тутади. Патронаж дивидендларининг ҳар бир аъзога тақсимланган қисми кўп ҳолларда аъзо йил давомида ўзаро ташкилот билан амалга оширган бизнесининг суммасига асосланади.
- Б49 Ўзаро ташкилотнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда бозор иштирокчилари келгуси аъзолик нафлари тўғрисида қилиши мумкин бўлган фаразлари ҳамда бозор иштирокчилари ўзаро ташкилот тўғрисида қилиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай ўринли фаразлари инобатга олиниши лозим. Масалан, жорий қиймат усули ўзаро ташкилотнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланилиши мумкин. Усулда бошлангич маълумотлар сифатида фойдаланилган пул оқимлари аъзолик нафлари учун чегирмаларни, масалан, товарлар ва хизматлар учун тўланган камайтирилган ҳақларни акс эттиришининг эҳтимоли мавжуд бўлган ўзаро ташкилотнинг қутилган пул оқимларига асосланиши лозим.

Бизнес бирлашуви операциясининг қисмини нима ташкил этишини аниқлаш (51 ва 52 бандларни қўллаш)

- Б50 Бизнесни харид қилувчи операция харид қилинадиган бизнес учун айирбошлашнинг қисми эканлигини ёки операция бизнес бирлашувидан алоҳида эканлигини аниқлаш учун бир-бирига зид бўлмаган ва ҳар бири хулоса ҳисобланмайдиган омилларни кўриб чиқиши лозим:
- (а) **операция учун сабаблар** – бирлашувдаги томонлар (бизнесни харид қилувчи ва харид қилинадиган бизнес ҳамда уларнинг мулкдорлари, директорлари ва бошқарувчилари – ва уларнинг агентлари) муайян операцияни ёки келишувни амалга оширганлигининг сабабларини тушуниш у ўтказилган товоннинг ва харид қилинган активларнинг ва қабул қилинган мажбуриятларнинг қисми бўлиши ёки бўлмаслигига ойдинлик киритиши мумкин.

Масалан, агар операция бирлашувдан олдин асосан харид қилинадиган бизнеснинг ёки унинг собиқ мулкдорларининг манфаати учун эмас, балки асосан бизнесни харид қилувчининг ёки бирлашган ташкилотнинг манфаати учун амалга оширилса, операциянинг ушбу қисмининг тўланган нархи (ва ҳар қандай тегишли активлар ёки мажбуриятлар) харид қилинадиган бизнес учун айирбошлашнинг қисми бўлишининг эҳтимоли камроқ бўлади. Шунга кўра, бизнесни харид қилувчи ушбу қисми бизнес бирлашувидан алоҳида тарзда ҳисобга олиши мумкин.

- (б) **операцияга ким ташаббускорлик қилган** – операцияга ким ташаббускорлик қилганини тушуниш ҳам у харид қилинадиган бизнес учун айирбошлашнинг қисми бўлиши ёки бўлмаслигига оидинлик киритиши мумкин. Масалан, бизнесни харид қилувчи томонидан ташаббускорлик қилинган операция ёки бошқа ҳодиса бизнес бирлашувидан олдин харид қилинадиган бизнес ёки унинг собиқ мулкдорлари камроқ наф олган ёки ҳеч қандай наф олмаган ҳолда, бизнесни харид қилувчи ёки бирлашган ташкилотга келгуси иқтисодий нафларни таъминлаш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Бошқа томондан, харид қилинадиган бизнес ёки унинг собиқ мулкдорлари томонидан ташаббускорлик қилинган операция ёки келишув бизнесни харид қилувчининг ёки бирлашган ташкилотнинг манфаати учун бўлишининг эҳтимоли камроқ ва бизнес бирлашуви операциясининг қисми бўлишининг эҳтимоли кўпроқ бўлади.
- (в) **операциянинг муддати** – операциянинг муддати ҳам у харид қилинадиган бизнес учун айирбошлашнинг қисми бўлиши ёки бўлмаслигига оидинлик киритиши мумкин. Масалан, бизнесни харид қилувчи билан харид қилинадиган бизнес ўртасида бизнес бирлашувининг шартлари бўйича музокаралар мобайнида содир бўладиган операция харид қилинадиган бизнесга ёки бирлашган ташкилотга келгуси иқтисодий нафларни таъминлаш учун бизнес бирлашувини кўриб чиқиш мақсадида амалга оширилган бўлиши мумкин. Агар шунда бўлса, харид қилинадиган бизнес ва унинг собиқ мулкдорлари бизнес бирлашувидан олдин операциядан камроқ наф олиши ёки ҳеч қандай наф олмаслик эҳтимоли мавжуд, бундан улар бирлашган ташкилотнинг қисми сифатида оладиган нафлар мустасно.

Бизнес бирлашувида бизнесни харид қилувчи билан харид қилинадиган бизнес ўртасидаги аввал мавжуд бўлган муносабатни амалда ҳисоб-китоб қилиш (52(а)-банднинг қўлланиши)

- Б51 Бизнесни харид қилувчи ва харид қилинадиган бизнес улар бизнес бирлашувини назарда тутишидан олдин мавжуд бўлган муносабатига, яъни “аввал мавжуд бўлган муносабат” деб номланадиган муносабатга эга бўлиши мумкин. Бизнесни харид қилувчи билан харид қилинадиган бизнес ўртасидаги аввал мавжуд бўлган муносабат шартномавий (масалан, таъминотчи ва харидор ёки лицензияловчи ва лицензияланувчи) ёки шартномасиз (масалан, даъвогар ва жавобгар) бўлиши мумкин.
- Б52 Агар бизнес бирлашуви аввал мавжуд бўлган муносабатни ҳал қилса, бизнесни харид қилувчи қуйидагича баҳоланган фойда ёки зарарни тан олади:
- (а) аввал мавжуд бўлган ношартномавий муносабат (масалан, суд жараёнида) бўйича ҳаққоний қийматни.
- (б) аввал мавжуд бўлган шартномавий муносабат бўйича (i) ва (ii) кичик бандлардаги суммаларнинг камроғини:
- (i) шартномани айнан бир ёки ўхшаш моддалар учун жорий бозор операциялари бўйича шартлар билан қиёслаганда бизнесни харид қилувчи нуқтаи назаридан ижобий ёки салбий бўлган сумма. (Салбий шартнома жорий бозор шартларида салбий бўлган шартномадир. У зарар келтирувчи шартнома, яъни шартнома асосида мажбуриятларни бажаришнинг муқаррар сарфлари унинг асосида олиниши кутилаётган иқтисодий нафлардан ошадиган бўлиши талаб этилмайди.)
- (ii) наф келтирмайдиган шартнома контрагент учун мавжуд бўлган шартномадаги хар қандай қайд қилинган ҳисоб-китоб қилиш шартларининг суммаси.
- Агар (i) кичик банд суммасидан (ii) кичик банд суммаси кам бўлса, фарқ бизнес бирлашуви ҳисобининг қисми сифатида инобатга олинади.

Тан олинган фойда ёки зарар суммаси бизнесни харид қилувчи олдин тегишли актив ёки мажбуриятни тан олган ёки олмаганлигига қисман боғлиқ бўлиши мумкин ва шу туфайли эълон

қилинган фойда ёки зарар юқоридаги талабларни қўллаш орқали ҳисобланган суммадан фарқ қилиши мумкин.

- B53 Аввал мавжуд бўлган алоқа бизнесни харид қилувчи қайта харид қилинган ҳуқуқ сифатида тан оладиган шартнома бўлиши мумкин. Агар шартнома айнан бир ёки ўхшаш моддалар учун жорий бозор операциялари бўйича нархлаш билан қиёслаганда ижобий ёки салбий бўлган шартларни ўз ичига олса, бизнесни харид қилувчи шартномани самарали ҳисоб-китоб қилиш учун, B52-бандга мувофиқ баҳоланган фойда ёки зарарни бизнес бирлашувидан алоҳида тарзда тан олади.

Ходимларга ёки акцияларни сотаётган акциядорларга шартли тўловлар бўйича келишувлар (52(б)-банднинг қўлланилиши)

- B54 Ходимларга ёки сотаётган акциядорларга шартли тўловлар бўйича келишувлар бизнес бирлашувдаги шартли товон бўлиши ёки алоҳида операциялар бўлиши келишувларнинг характериға боғлиқ бўлади. Харид қилиш келишуви шартли тўловлар шартларини ўз ичига олиш сабабларини, ким келишувга ташаббускорлик қилганини ва томонлар келишувни қачон тузганлигини тушуниш келишувнинг характериғи баҳолашда фойдали бўлиши мумкин.

- B55 Агар ходимларга ёки сотаётган акциядорларга шартли тўловлар бўйича келишувлар харид қилинадиган бизнес учун айирбошлашнинг қисми бўлиши ёки бизнес бирлашувдан алоҳида операция бўлиши яққол кўринмаса, бизнесни харид қилувчи куйидаги кўрсаткичларни кўриб чиқиши лозим:

- (a) *Узлуксиз бандлик* – акцияларни сотаётган ва асосий ходимлар бўлиб ишлай бошлайдиган акциядорларнинг узлуксиз бандлиги шартлари шартли товон келишуви моҳиятининг кўрсаткичи бўлиши мумкин. Узлуксиз бандликнинг ўринли шартлари бандлик келишувида, харид қилиш келишувида ёки айрим бошқа ҳужжатда инобатга олинishi мумкин. Шартли товон келишуви бирлашувдан кейинги хизматлар учун мукофот ҳисобланиб, бандлик тўхтатилган ҳолатларда тўловлардан автоматик тарзда воз кечилади. Шартли тўловларга бандлик тўхташи таъсир этмайдиган келишувлар шартли тўловлар мукофот эмас, балки қўшимча товон ҳисобланишини кўрсатиши мумкин.
- (б) *Узлуксиз бандликнинг давомийлиги* – агар талаб этилган бандлик даври шартли тўлов даври билан мос ёки ундан узокроқ бўлса, бу шартли тўловлар, моҳиятан, мукофот бўлишини кўрсатиши мумкин.
- (в) *Мукофот даражаси* – ходимнинг шартли тўловлардан ташқари иш ҳақи бирлашган ташкилотдаги бошқа асосий ходимларнинг иш ҳақи билан қиёсланганида, у асосланган даражада ўрнатилган ҳолатлар шартли тўловлар мукофот эмас, балки қўшимча товон бўлишини кўрсатиши мумкин.
- (г) *Ходимларга қўшимча тўловлар* – Агар акцияларни сотаётган ва ходимлар бўлиб ишлай бошламайдиган акциядорлар, бирлашган ташкилотнинг акцияларни сотаётган ва ходимлари бўлиб ишлай бошлайдиган акциядорларга нисбатан бир акцияга асосланган камроқ шартли тўловларни олса, ушбу далил акцияларни сотаётган ва ходимлар бўлиб ишлай бошлайдиган акциядорларга шартли тўловларнинг қўшимча суммаси иш ҳақи бўлишини кўрсатиши мумкин.
- (д) *Эғаликдаги акциялар миқдори* – акцияларни сотаётган ва асосий ходимлар сифатида қоладиган акциядорлар томонидан эғалик қилинган акцияларнинг нисбий миқдори шартли тўлов келишуви моҳиятининг кўрсаткичи бўлиши мумкин. Масалан, агар харид қилинадиган бизнесдаги деярли барча акцияларга эғалик қилган, акцияларни сотаётган акциядорлар асосий ходимлар сифатида ўз фаолиятини давом эттирса, ушбу далил келишув моҳиятан бирлашувдан сўнгги хизматлар бўйича иш ҳақини таъминлаш учун кўзланган фойдада қатнашиш келишуви бўлишини кўрсатиши мумкинки. Муқобил тарзда, агар асосий ходимлар сифатида ўз фаолиятини давом эттирадиган сотаётган акциядорлар харид қилинадиган бизнеснинг фақатгина кам миқдордаги акцияларига эғалик қилган бўлса ва барча сотаётган акциядорлар бир акцияга асосланган шартли тўловнинг бир хил суммасини олса, ушбу далил шартли тўловлар қўшимча товон бўлишини кўрсатиши мумкин. Асосий ходимлар сифатида ўз фаолиятини давом эттирадиган сотаётган акциядорларга ўзаро боғлиқ томонларнинг, масалан оила аъзоларининг, харид қилишдан олдинги эғалик улушлари ҳам инобатга олинishi лозим.
- (е) *Баҳолашга боғлиқлик* – Агар харид қилиш санасида ўтказилган дастлабки товон харид қилинадиган бизнесни баҳолашда аниқланган кенгликнинг куйи чегарасига асосланган бўлса ва шартли формула ушбу баҳолаш ёндашувига тегишли бўлса, ушбу далил шуни кўрсатиши мумкинки, шартли тўловлар қўшимча товон бўлади. Муқобил тарзда, агар

шартли тўлов формуласи олдинги фойдада қатнашиш келишуви билан мос бўлса, ушбу далил келишувнинг моҳияти иш ҳақини таъминлаш бўлишини кўрсатиши мумкин.

- (ё) *Товонни аниқлаш формуласи* – шартли тўловни аниқлашда фойдаланилган формула келишувнинг моҳиятини баҳолашда фойдали бўлиши мумкин. Масалан, агар шартли тўлов кўп мартали фойдалар асосида аниқланса, бу мажбурият бизнес бирлашувидаги шартли тоvon бўлади ва формула харид қилинадиган бизнеснинг ҳаққоний қийматини аниқлаш ёки тасдиқлашни назарда тутган бўлишини кўрсатиши мумкин. Аксинча, фойданинг белгиланган улуши бўлган шартли тўлов ходимлар олдидаги мажбуриятлар кўрсатилган хизматлар учун ходимларга ҳақ тўлаш бўйича фойдада қатнашиш келишуви бўлишини кўрсатиши мумкин.
- (ж) *Бошқа келишувлар ва масалалар* – акцияларини сотаётган акциядорлар билан бошқа келишувларнинг шартлари (масалан, рақобат қилмаслик келишувлари, келгусида кучга кирадиган шартномалар, консалтинг шартномалари ва мулк ижара келишувлари) ва шартли тўловларнинг фойда солиғи ёндашуви шартли тўловлар харид қилинадиган бизнес учун тоvon бўлмаган бошқа тўловларни кўрсатиши мумкин. Масалан, харид қилиш билан боғлиқ ҳолда, бизнесни харид қилувчи йирик сотаётган акциядор билан мулк ижара келишуви тузиши мумкин. Агар ижара шартномасида белгиланган ижара тўловлари сезиларли тарзда бозор даражасидан паст бўлса, шартли тўловлар бўйича алоҳида келишув орқали талаб этилган ижарага берувчига (сотаётган акциядорга) айрим ёки барча шартли тўловлар, моҳиятан, бизнесни харид қилувчи ўзининг бирлашувдан сўнгги молиявий ҳисоботида алоҳида тан олиши лозим бўлган ижарага берилган мулкдан фойдаланиш учун тўловлар бўлиши мумкин. Аксинча, агар ижара шартномаси ижарага берилган мулк учун бозор шартлари билан мос бўлган ижара тўловларини белгиласа, сотаётган акциядорга шартли тўловлар бўйича келишув бизнес бирлашувидаги шартли тоvon бўлиши мумкин.

Харид қилинадиган бизнеснинг ходимлари эгалик қилган даромадларга айирбошланган бизнесни харид қилувчининг акцияга асосланган тўлов даромадлар (52(б)-банднинг қўлланилиши)

- Б56 Бизнесни харид қилувчи ўзининг акцияга асосланган тўлов даромадларини¹ (алмаштириш даромадлари) харид қилинадиган бизнеснинг ходимлари эгалик қилган даромадларга айирбошлаши мумкин. Бизнес бирлашуви билан боғлиқ тарзда акция опционларининг ёки бошқа акцияга асосланган тўлов даромадларининг айирбошланиши 2-сон МҲХС “*Акцияга асосланган тўлов*” га мувофиқ акцияга асосланган тўлов даромадларининг ўзгартирилиши сифатида ҳисобга олинади. Агар бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнеснинг даромадларини алмаштира, бизнесни харид қилувчининг алмаштириш даромадларининг бозорга асосланган баҳосининг жами ёки қисми бизнес бирлашувида ўтказиладиган тоvonни баҳолашда инobatга олинади. Б57-Б62-бандлар бозорга асосланган баҳони қандай тақсимлаш бўйича кўрсатма беради. Лекин, харид қилинадиган бизнеснинг даромадлари бизнес бирлашуви оқибатида муддати тугайдиган ҳамда агар бизнесни харид қилувчи у амалга оширишга мажбур бўлмаган ҳолда ушбу даромадларни алмаштирадиган ҳолатларда, алмаштириш даромадларининг бозорга асосланган баҳосининг жами 2-сон МҲХСга мувофиқ бирлашувдан кейинги молиявий ҳисоботда иш ҳақи сарфи сифатида тан олиниши лозим. Бу ҳеч қандай алмаштириш даромадларининг бозорга асосланган баҳоси бизнес бирлашувида ўтказиладиган тоvonни баҳолашда инobatга олинмаслигини англатади. Бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнеснинг даромадларини, агар харид қилинадиган бизнес ёки унинг ходимлари алмаштиришни талаб этиш имкониятига эга бўлсалар, алмаштиришга мажбур бўлади. Масалан, мазкур кўрсатмани қўллаш мақсадида, бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнеснинг даромадларини, агар алмаштириш қуйидагилар орқали талаб этилса, алмаштиришга мажбур бўлади:
- (а) харид қилиш келишувининг шартлари;
 - (б) харид қилинадиган бизнеснинг даромадлари шартлари; ёки
 - (в) ўринли бўлган қонунлар ёки меъёрий ҳужжатлар.
- Б57 Алмаштириш даромадининг харид қилинадиган бизнес учун ўтказилган тоvonнинг қисмига тегишли қисмини ва бирлашувдан кейинги хизмат учун иш ҳақига тегишли қисмини аниқлашда, бизнесни харид қилувчи 2-сон МҲХСга мувофиқ харид қилиш санаси ҳолатига бизнесни харид қилувчи тоmonидан тақдим этилган алмаштириш даромадларини ва харид қилинадиган бизнеснинг

¹ Б56-Б62-бандларда “акцияга асосланган тўлов даромадлари” ўтган ёки ўтмаган акцияга асосланган тўлов операцияларига тегишлидир.

- даромадларини баҳолаши лозим. Харид қилинадиган бизнес эвазига ўтказилган товоннинг қисми бўлган алмаштириш даромадларининг бозорга асосланган баҳосининг қисми бирлашувдан олдинги хизматга тегишли бўлган харид қилинадиган бизнес даромадининг қисмига тенг бўлади.
- Б58 Бирлашувдан олдинги хизматга тегишли бўлган алмаштириш даромадининг қисми харид қилинадиган бизнес даромадининг бозорга асосланган баҳосини ҳуқуқ ўтиш даврининг тугалланган қисмини жами ҳуқуқ ўтиш даври ёки харид қилинадиган бизнеснинг дастлабки ҳуқуқ ўтиш даврининг каттароғи нисбатига қўпайтириш орқали аниқланади. Ҳуқуқ ўтиш даври барча белгиланган ўтиш шартлари қаноатлантириладиган даврдир. Ҳуқуқ ўтиш шартлари 2-сон МХХСда таърифланган.
- Б59 Бирлашувдан кейинги хизматга тегишли ўтмаган алмаштириш даромадининг қисми ва шу туфайли бирлашувдан кейинги молиявий ҳисоботда иш ҳақи сарфи сифатида тан олинган қисм, алмаштириш даромадининг бозорга асосланган баҳосининг жамидан бирлашувдан олдинги хизматга тегишли суммани чегирилганига тенг бўлади. Шу туфайли, бизнесни харид қилувчининг алмаштириш даромадининг бозорга асосланган баҳосининг бирлашувдан кейинги хизматга тегишли харид қилинадиган бизнес даромадининг бозорга асосланган баҳосидан ошган ҳар қандай қисмини акс эттиради ва ушбу ортикча қисмни бирлашувдан кейинги молиявий ҳисоботда иш ҳақи сарфи сифатида тан олади. Агар бизнесни харид қилувчи бирлашувдан кейинги хизматни талаб этса, у бирлашувдан кейинги хизматга тегишли алмаштириш даромадининг қисмини ходимлар уларнинг харид қилинадиган бизнес томонидан тақдим этилган даромадлари харид қилиш санасидан олдин ўтиши учун талаб этилган барча хизматни кўрсатган ёки кўрсатмаганлигидан қатъий назар, акс эттириши лозим.
- Б60 Бирлашувдан олдинги хизматга тегишли ҳуқуқ ўтмаган алмаштириш даромадининг қисми ҳамда бирлашувдан кейинги хизматга тегишли қисми бўйича ҳуқуқ ўтиши кутилган алмаштириш даромадлари миқдорининг энг мақбул мавжуд баҳосини акс эттириши лозим. Масалан, бирлашувдан олдинги хизматга тегишли алмаштириш даромадининг қисмининг бозорга асосланган баҳоси 100 п.б.га тенг ва бизнесни харид қилувчи томонидан даромаднинг фақат 95 фоизи ўтиши кутилса, бизнес бирлашувида ўтказиладиган товонга киритилган сумма 95 п.б.га тенг бўлади. Ўтиши кутилган алмаштириш даромадларининг баҳоланган миқдоридаги ўзгаришлар бизнес бирлашувида ўтказиладиган товонга ўзгартиришлар сифатида эмас, балки ўзгаришлар ёки воз кечишлар содир бўладиган даврлардаги иш ҳақи сарфида акс эттирилади. Шу каби, харид қилиш санасидан кейин содир бўладиган бошқа ҳодисаларнинг таъсирлари, масалан фаолият натижалари туфайли даромадларга ўзгартиришлар ёки уларнинг якуний натижаси, ҳодиса содир бўладиган давр учун иш ҳақи сарфини аниқлашда 2-сон МХХСга мувофиқ ҳисобга олинади.
- Б61 Бирлашувдан олдинги ва бирлашувдан кейинги хизматга тегишли алмаштириш даромадининг қисмларини аниқлашда ҳам алмаштириш даромади 2-сон МХХСнинг шартларига мувофиқ мажбурият сифатида ёки улушли инструмент сифатида таснифланишидан қатъий назар, бир хил талаблар қўлланади. Харид қилиш санасидан кейин мажбурият сифатида таснифланган даромадларнинг бозорга асосланган баҳосидаги барча ўзгаришлар ва тегишли фойда солиғи таъсирлари ўзгаришлар содир бўладиган давр(лар)даги бизнесни харид қилувчининг бирлашувдан кейинги молиявий ҳисоботида тан олинади.
- Б62 Акцияга асосланган тўловлар бўйича алмаштириш даромадларининг фойда солиғи таъсирлари 12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*”нинг шартларига мувофиқ тан олиними лозим

Харид қилинадиган бизнеснинг улушли инструментларда ҳисоб-китоб қилинадиган акцияга асосланган тўлов операциялари

- Б62А Харид қилинадиган бизнес шундай амалдаги акцияга асосланган тўлов операцияларига эга бўлиши мумкинки, бунда бизнесни харид қилувчи уларни ўзининг акцияга асосланган тўлов операцияларига айирбошламайди. Агар ҳуқуқ ўтган бўлса, ушбу харид қилинадиган бизнеснинг акцияга асосланган тўлов операциялари харид қилинадиган бизнесдаги назорат кучига эга бўлмаган улушнинг қисми бўлади ва улар ўзларининг бозорга асосланган баҳосида баҳоланади. Агар ҳуқуқ ўтмаган бўлса, улар 19 ва 30-бандларга мувофиқ худди харид қилиш санаси тақдим этилиш санаси бўлгандек ўзларининг бозорга асосланган баҳосида баҳоланади.
- Б62Б Ҳуқуқ ўтмаган акцияга асосланган тўлов операцияларининг бозорга асосланган баҳоси назорат кучига эга бўлмаган улушга ҳуқуқ ўтиш даврининг тугалланган қисмини қуйидагиларнинг каттароғига нисбати асосида тақсимланади: жами ҳуқуқ ўтиш даври билан акцияга асосланган тўлов операциясининг дастлабки ҳуқуқ ўтиш даври. Қолдиқ бирлашувдан кейинги хизматга тақсимланади.

Кейинги баҳолаш ва ҳисобга олиш бўйича кўрсатмалар берадиган бошқа МҲХС (54-бандни қўллаш)

- Б63 Бизнес бирлашувида харид қилинган активлар ёки қабул қилинган мажбуриятларни кейинги баҳолаши ва ҳисобга олиниши бўйича кўрсатма берадиган бошқа МҲХСларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) 38-сон БҲХС бизнес бирлашувида харид қилинган идентификацияланадиган номоддий активларни ҳисобга олишни белгилайди. Бизнесни харид қилувчи гудвилни харид қилиш санасида тан олинган суммадан ҳар қандай жамғарилган кадрсизланишдан зарарларни чегирган ҳолда баҳолайди. 36-сон БҲХС “*Активларнинг кадрсизланиши*” кадрсизланишдан зарарларни ҳисобга олишни белгилайди.
 - (б) 4-сон МҲХС “*Суғурта шартномалари*” бизнес бирлашувида харид қилинган суғурта шартномаларини кейинги ҳисобга олиниши бўйича кўрсатма беради.
 - (в) 12-сон БҲХС бизнес бирлашувида харид қилинган кечиктирилган солиқ активлари (жумладан, тан олинмаган кечиктирилган солиқ активлари) ва кечиктирилган солиқ мажбуриятларини кейинги ҳисобга олинишини белгилайди.
 - (г) 2-сон МҲХС ходимларнинг келгуси хизматларига тегишли бўлган ҳолда бизнесни харид қилувчи томонидан чиқарилган алмаштиришнинг акцияга асосланган тўлов даромадларининг қисмини кейинги баҳолаши ва ҳисобга олиниши бўйича кўрсатма беради.
 - (д) 10-сон МҲХС бош ташкилотнинг шўъба ташкилотдаги эгалик улушидаги ўзгаришларни назоратга эга бўлгандан кейин ҳисобга олиниши бўйича кўрсатма беради.

Маълумотларни ёритиб бериш (59 ва 61-бандларнинг қўлланиши)

- Б64 59-банддаги мақсадга эришиш учун, харидор ҳисобот даври мобайнида содир бўладиган ҳар бир бизнес бирлашуви учун қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) бизнесни харид қилувчининг номи ва тавсифи.
 - (б) харид қилиш санаси.
 - (в) харид қилинган хусусий капиталдаги овоз бериш улушларининг фоизи.
 - (г) бизнес бирлашуви учун асосий сабаблар ва бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнес устидан назоратга қандай эга бўлганининг тавсифи.
 - (д) тан олинган гудвилни ташкил этадиган омилларнинг сифатли тавсифи, масалан харид қилинадиган бизнес билан бизнесни харид қилувчи фаолиятларининг бирлашувидан кутилган биргаликдаги фаолиятлар, алоҳида тан олиншни қаноатлангирмайдиган номоддий активлар ёки бошқа омиллар.
 - (е) жами ўтказилган товоннинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати ва товоннинг ҳар бир асосий синфининг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати, масалан:
 - (i) пул маблағлари;
 - (ii) бошқа моддий ёки номоддий активлар, жумладан бизнес ёки бизнесни харид қилувчининг шўъба ташкилоти;
 - (iii) қабул қилинган мажбуриятлар, масалан, шартли товон учун мажбурият; ва
 - (iv) бизнесни харид қилувчининг хусусий капиталдаги улушлари, жумладан чиқарилган ёки чиқариладиган инструментлар миқдори ёки улушлар ва ушбу инструментларнинг ёки улушларнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш усули.
 - (ё) шартли товон келишувлари ва зарарни қоплаш активлари учун:
 - (i) харид қилиш санаси ҳолатига тан олинган сумма;
 - (ii) келишувнинг тавсифи ва тўлов суммасини аниқлаш асоси; ва
 - (iii) (дисконтланмаган) натижалар кенглигининг баҳоси ёки, агар кенгликни баҳолаш имкони бўлмаса, ушбу маълумот ва кенгликни нима учун баҳолаш имкони бўлмаслигининг сабаблари. Агар тўловнинг максимум суммаси чегараланмаган бўлса, бизнесни харид қилувчи ушбу маълумотни ёритиб бериши лозим.

- (ж) харид қилинган дебиторлик қарзлари учун:
- (i) дебиторлик қарзларининг ҳаққоний қиймати;
 - (ii) дебиторлик қарзларининг ялпи шартномавий суммалари; ва
 - (iii) харид қилиш санасида йиғиб олинган кутилмаётган шартномавий пул оқимларининг энг яхши ҳисоб баҳоси.
- Ёритиб бериладиган маълумотлар дебиторлик қарзларининг асосий синфи, масалан қарзлар, бевосита молиявий ижара шартномалари ва ҳар қандай бошқа дебиторлик қарзлари синфи бўйича таъминланиши лозим.
- (з) харид қилиш санасида харид қилинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларнинг ҳар бир асосий туркуми бўйича тан олинган суммалар.
- (и) 23-бандга мувофиқ тан олинган ҳар бир шартли мажбурият учун 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”нинг 85-бандида талаб этилган маълумотлар. Агар шартли мажбурият унинг ҳаққоний қиймати ишончли баҳоланмаслиги туфайли тан олинмаган бўлса, бизнесни харид қилувчи қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (i) 37-сон БҲХСнинг 86-бандида талаб этилган маълумотлар; ва
 - (ii) мажбурият нима учун ишончли баҳоланмаслигининг сабаблари.
- (й) солиқ мақсадларида чегирилиши кутилаётган гудвилнинг жами суммаси.
- (к) 51-бандга мувофиқ бизнес бирлашувида активларнинг харид қилиниши ва мажбуриятларнинг қабул қилинишидан алоҳида тарзда тан олинадиган операциялар учун:
- (i) ҳар бир операциянинг тавсифи;
 - (ii) бизнесни харид қилувчи ҳар бир операцияни қандай ҳисобга олганлиги;
 - (iii) ҳар бир операция учун тан олинган суммалар ва ҳар бир сумма тан олинган молиявий ҳисоботдаги сатр моддаси; ва
 - (iv) агар операция аввал мавжуд бўлган муносабатнинг самарали ҳисоб-китоби бўлса, ҳисоб-китоб суммасини аниқлашда фойдаланилган усул.
- (л) (к) кичик банд орқали талаб этилган алоҳида тан олинган операцияларнинг ёритиб берилиши харид қилишга тегишли сарфларнинг суммаси ва, алоҳида тарзда, харажат сифатида тан олинган ушбу сарфларнинг суммаси ва ушбу харажатлар тан олинган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг сатр моддаси ёки моддалари. Харажат сифатида тан олинмаган ҳар қандай эмиссия сарфларининг суммаси ва улар қандай тан олинганлиги ёритиб берилиши лозим.
- (м) манфаатли харид бўйича (34-36 бандларга қаранг):
- (i) 34-бандга мувофиқ ҳар қандай тан олинган фойда суммаси ва фойда тан олинган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг сатр моддаси; ва
 - (ii) операция нима учун фойдани юзага келтирганлигининг сабаблари тавсифи.
- (н) харид қилиш санасида бизнесни харид қилувчи харид қилинадиган бизнеснинг хусусий капитал улушларнинг 100 фоизидан камига эгалик қиладиган ҳар бир бизнес бирлашуви учун:
- (i) харид қилиш санасида тан олинган харид қилинадиган бизнесдаги назорат кучига эга бўлмаган улушнинг суммаси ва ушбу сумма учун баҳолаш асоси; ва
 - (ii) ҳаққоний қийматда тан олинган харид қилинадиган бизнесдаги назорат қилинмайдиган ҳар бир улуш учун, баҳолаш усул(лар)и ва ушбу қийматни баҳолашда фойдаланилган аҳамиятли бошланғич маълумотлар.
- (о) босқичларда эришиладиган бизнес бирлашуви бўйича:
- (i) бевосита харид қилиш санасидан олдин бизнесни харид қилувчи эгалик қиладиган харид қилинадиган бизнесдаги капитал улушнинг харид қилиш санасидаги ҳаққоний қиймати; ва
 - (ii) бизнес бирлашувидан олдин бизнесни харид қилувчи эгалик қиладиган харид қилинадиган бизнесдаги хусусий капитал улушни ҳаққоний қийматда қайта баҳолаш натижасида тан олинган ҳар қандай фойда ёки зарарнинг суммаси (42-

бандга қаранг) ва ушбу фойда ёки зарар тан олинган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг сатр моддаси.

- (п) қуйидаги маълумотларни:
- (i) ҳисобот даври учун умумлашган даромад тўғрисидаги консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритилган харид қилиш санасидан бошлаб харид қилинадиган бизнеснинг тушуми ва фойда ёки зарарининг суммалари; ва
 - (ii) йил мобайнида содир бўлган барча бизнес бирлашувлари учун харид қилиш санаси худди йиллик ҳисобот даврининг боши бўлгандек жорий ҳисобот даври учун бирлашган ташкилотнинг тушуми ва фойда ёки зарари.

Агар мазкур банд орқали талаб этилган маълумотларнинг бирортасини ёритиб берилиши амалий имконсиз бўлса, харидор ушбу далилни ёритиб бериши ва ёритиб бериш нима учун амалий имконсиз бўлишини тушунтириши лозим. Мазкур МҲХС “амалий имконсиз” атамасидан 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар*” дагидек айнан бир хил маъно бўйича фойдаланади.

Б65 Биргаликда муҳим бўлган ҳолда ҳисобот даври мобайнида содир бўладиган алоҳида тарзда муҳим бўлмаган бизнес бирлашувлари учун, бизнесни харид қилувчи Б64(д)–(р) кичик бандлар орқали талаб этилган маълумотларни умумлаштириб ёритиб бериши лозим.

Б66 Агар бизнес бирлашувининг харид қилиш санаси ҳисобот даври охиридан кейин аммо молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин бўлса, бизнесни харид қилувчи, агар бизнес бирлашувини дастлабки ҳисобга олиш молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқуллаш пайтида тўлиқсиз бўлмаса, Б64-банд орқали талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши лозим. Ушбу ҳолатда, бизнесни харид қилувчи қайси ёритиб беришларни амалга ошириб бўлмаслигини ва улар нима учун амалга оширилмаслиги сабабларини изоҳлаши лозим.

Б67 61-банддаги мақсадга эришиш учун, бизнесни харид қилувчи ҳар бир муҳим бизнес бирлашуви учун ёки биргаликда муҳим бўлган ҳолда алоҳида тарзда муҳим бўлмаган бизнес бирлашувлари учун умумлаштириб қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:

- (а) агар бизнес бирлашувининг дастлабки тан олинishi муайян активлар, мажбуриятлар, назорат кучига эга бўлмаган улушлар ёки товон моддалари бўйича тўлиқсиз бўлса (45-бандга қаранг) ва шу туфайли бизнес бирлашуви бўйича молиявий ҳисоботда тан олинган суммалар факат шартли равишда аниқланган бўлса:
- (i) бизнес бирлашувининг дастлабки тан олинishi нима учун тўлиқсиз бўлиши сабаблари;
 - (ii) дастлабки тан олинishi тўлиқсиз бўлган активлар, мажбуриятлар, хусусий капиталдаги улушлар ёки товон моддалари; ва
 - (iii) 49-бандга мувофиқ ҳисобот даври мобайнида тан олинган ҳар қандай баҳолаш даври тузатишларининг характери ва суммаси.
- (б) харид қилиш санасидан кейин ташкилот шартли товон активини ундириб олиши, сотиши ёки бошқа ҳолларда унга нисбатан ҳуқуқдан маҳрум бўлишига, ёки ташкилот шартли товон мажбуриятини ҳисоб-китоб қилиши ёки мажбурият бекор қилиниши ёки муддати тугашига қадар ҳар бир ҳисобот даври учун:
- (i) тан олинган суммалардаги ҳар қандай ўзгаришлар, жумладан ҳисоб-китобда юзага келадиган ҳар қандай фарқлар;
 - (ii) натижалар (дисконтланмаган) кенглигидаги ҳар қандай ўзгаришлар ва ушбу ўзгаришлар учун сабаблар; ва
 - (iii) баҳолаш усуллари ва шартли товонни баҳолашда фойдаланилган асосий бошланғич маълумотлар.
- (в) бизнес бирлашувида тан олинган шартли мажбуриятлар учун, бизнесни харид қилувчи баҳоланган мажбуриятнинг ҳар бир синфи учун 37-сон БҲХСнинг 84 ва 85-бандлари орқали талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- (г) қуйидагиларни алоҳида кўрсатган ҳолда, ҳисобот даври бошида ва охирида гудвилнинг баланс қийматининг солиштирмаси:
- (i) ҳисобот даври бошида ялпи сумма ва жамғарилган кадрсизланиш зарарлари.
 - (ii) ҳисобот даври мобайнида тан олинган қўшимча гудвил, бунда 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*” га мувофиқ харид қилишда сотишга мўлжалланган сифатида таснифланиш

- мезонларини қаноатлантирадиган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган гудвилдан ташқари.
- (iii) 67-бандга мувофиқ ҳисобот даври мобайнида кечиктирилган солиқ активларининг кейинги тан олиншидан юзага келадиган тузатишлар.
 - (iv) 5-сон МҲХСга мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган гудвил ва олдин сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилмаган ҳолда ҳисобот даври мобайнида ҳисобдан чиқарилган гудвил.
 - (v) 36-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобот даври мобайнида тан олинган кадрсизланиш зарарлари. (36-сон БҲХС ушбу талабга қўшимча тарзда копланадиган қиймат ва гудвилнинг кадрсизланиши тўғрисидаги маълумотларни ёритиб беришни талаб этади.)
 - (vi) 21-сон БҲХС “*Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари*”га мувофиқ ҳисобот даври мобайнида юзага келадиган валюта курсидаги соф фарқлар.
 - (vii) ҳисобот даври мобайнида баланс қийматидаги ҳар қандай бошқа ўзгаришлар.
 - (viii) ҳисобот даври охирида ялпи сумма ва жамғарилган кадрсизланиш зарарлари.
- (д) жорий ҳисобот даврида тан олинган ҳар қандай фойда ёки зарарнинг суммаси ва тушунтирилиши, бунда иккаласи ҳам:
- (i) жорий ёки олдинги ҳисобот даврида содир бўлган бизнес бирлашувида харид қилинган аниқланадиган активлар ёки зиммага олинган мажбуриятларга тегишлидир; ва
 - (ii) ёритиб берилиши бирлашган ташкилотнинг молиявий ҳисоботини тушунишда ўринли бўладиган ҳажмда, характерда ёки ҳолатда бўлиши.

Фақатгина ўзаро ташкилотларни қамраб оладиган ёки шартноманинг ўзи орқали амалга ошириладиган бизнес бирлашувлари учун ўтиш қоидалари (66-банднинг қўлланиши)

- Б68 64-банд мазкур МҲХС харид қилиш санаси 2009 йил 1 июлдан бошланадиган ва ундан кейинги биринчи йиллик ҳисобот даврнинг бошидан ва ундан кейин бошланадиган бизнес бирлашувларига нисбатан перспектив тарзда қўлланилишини таъминлайди. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Лекин, ташкилот мазкур МҲХСни фақат 2007 йил 30 июндан ёки ундан кейинги санада бошланадиган йиллик ҳисобот даврнинг бошида қўллаши лозим. Агар ташкилот мазкур МҲХСни унинг кучга кириш санасидан олдин қўлласа, у ушбу далилни ёритиб бериши лозим ва бир вақтни ўзида 27 -сон БҲХС (2008 йилда таҳрир қилинган)ни қўллаши лозим.
- Б69 Мазкур МҲХСни перспектив тарзда қўллаш талаби фақатгина ўзаро ташкилотларни қамраб оладиган ёки шартноманинг ўзи орқали амалга ошириладиган бизнес бирлашувлари учун, агар ушбу бизнес бирлашуви учун харид қилиш санаси мазкур МҲХСнинг қўлланилишидан олдин бўлса, қуйидаги таъсирга эга бўлади:
- (а) *Таснифлаш* – ташкилот олдинги бизнес бирлашувини ташкилотнинг бундай бирлашувлар бўйича олдинги ҳисоб сиёсатига мувофиқ таснифлашни давом эттириши лозим.
 - (б) *Олдин тан олинган гудвил* – мазкур МҲХС қўлланадиган биринчи йиллик даврнинг бошида, олдинги бизнес бирлашувидан юзага келадиган гудвилнинг баланс қиймати ташкилотнинг олдинги ҳисоб сиёсатига мувофиқ ушбу санадаги унинг баланс қиймати бўлиши лозим. Ушбу суммани аниқлашда, ташкилот ушбу гудвилнинг ҳар қандай жамғарилган амортизациясининг баланс қийматини ва гудвилдаги мос равишдаги камайишни чиқариб ташлаши лозим. Бошқа ҳеч қандай тузатишлар гудвилнинг баланс қийматига нисбатан амалга оширилмайди.
 - (в) *Хусусий капиталдан камайиш сифатида* олдин тан олинган гудвил – ташкилотнинг олдинги ҳисоб сиёсати олдинги бизнес бирлашувидан юзага келадиган гудвилни хусусий капиталдан камайиш сифатида тан олиншига олиб келган бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда, ташкилот мазкур МҲХС қўлланадиган биринчи йиллик даврнинг бошида ушбу гудвилни актив сифатида тан олмаслиги лозим. Бундан ташқари, ташкилот ушбу гудвил тегишли бўлган бизнеснинг барчасини ёки қисмини ҳисобдан чиқарса ёки гудвил тегишли бўлган

пул маблағини юзага келтирадиган бирлик кадрсизланган бўлса, у фойда ёки зарарда ушбу гудвилнинг ҳар қандай қисмини тан олмаслиги лозим.

- (г) *гудвилни кейинги ҳисобга олиш* – мазкур МҲХС қўлланадиган биринчи йиллик даврнинг бошидан бошлаб, ташкилот олдинги бизнес бирлашувидан юзага келадиган гудвилни амортизация қилишни тўхтатиши лозим ва 36-сон БҲХСга мувофиқ гудвилни кадрсизланишини тестдан ўтказиши лозим.
- (д) *Олдин тан олинган манфий гудвил* – харид усулини қўллаш орқали олдинги бизнес бирлашувини ҳисобга олган ташкилот ўзининг харид қилинадиган бизнеснинг идентификацияланган активлари ва мажбуриятларининг соф ҳаққоний қийматидаги улушининг, ушбу улушнинг қийматидан ошган қисмини кечиктирилган суммасини ҳисобварақнинг кредит томонида тан олган бўлиши мумкин (баъзида манфий гудвил дейилади). Агар шундай бўлса, ташкилот мазкур МҲХС қўлланадиган биринчи йиллик даврнинг бошида ҳисобварақнинг кредитида акс этириладиган ушбу кечиктирилган сумманинг баланс қийматини ҳисобдан чиқариши лозим ва бу ушбу санадаги тақсимланмаган фойданинг бошланғич қолдиғига нисбатан мос тузатиш билан бирга амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
30-ИЛОВА

4-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти Суғурта шартномалари

Мақсад

- 1 Мазкур МҲХСнинг мақсади, Кенгаш суғурта шартномалари бўйича ўз лойиҳасининг иккинчи босқичини яқунлагунига қадар амалда бўладиган, суғурта шартномаларини тузувчи ташкилот (мазкур МҲХСда суғурталовчи деб изоҳланган) томонидан бундай суғурта шартномалари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилашдан иборат. Хусусан, мазкур МҲХС қуйидагиларни талаб этади:
- (a) суғурталовчилар томонидан суғурта шартномалари бўйича бухгалтерия ҳисобини чекланган даражада такомиллаштиришларни.
 - (b) суғурталовчининг молиявий ҳисоботида суғурта шартномалари натижасида юзага келадиган миқдорларни аниқлайдиган ва тушунтирадиган ҳамда ушбу молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга суғурта шартномалари бўйича юзага келадиган келгуси пул оқимларининг миқдори, муддати ва ноаниқликларини тушунишга ёрдам берадиган маълумотларни ёритиб беришни.

Қўллаш доираси

- 2 Ташкилот мазкур МҲХСни қуйидагиларга нисбатан қўллаши лозим:
- (a) суғурталовчи сифатида ўзи тузадиган суғурта шартномаларига (қайта суғурталаш шартномаларини ўз ичига олган ҳолда) ва қайта суғурталанувчи сифатида тузган қайта суғурталаш шартномаларига;
 - (b) ихтиёрий иштирок этиш шarti билан чиқариладиган молиявий инструментларга (35-бандга қаранг). 7-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш*” молиявий инструментларни, шу жумладан шундай шартларни ўз ичига олган молиявий инструментлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб беришни талаб этади.
- 3 Мазкур МҲХС суғурталовчилар бухгалтерия ҳисобининг бошқа жиҳатларини, хусусан, суғурталовчилар томонидан эгалик қилинадиган молиявий активлар ва суғурталовчи томонидан чиқариладиган молиявий мажбуриятлар ҳисоби кабиларни (32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: маълумотларни тақдим этиш*”, 7-сон МҲХС ва 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*” га қаранг) кўриб чиқмайди, бундан қуйидагилар мустасно:
- (a) 20А-банд белгиланган мезонларга жавоб берадиган суғурталовчиларга 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилишга рухсат беради;
 - (b) 35Б-банд суғурталовчиларга белгиланган молиявий активларга нисбатан ўрнига қўйиш ёндашувини қўллашга рухсат беради; ва
 - (b) 45-банд суғурталовчиларга муайян ҳолатларда ўзларининг молиявий активлари бир қисмини ёки барчасини, ушбу активлар фойда ёки зарарлар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши учун қайта таснифлашга рухсат беради.
- 4 Ташкилот мазкур МҲХСни қуйидагиларга нисбатан қўлламаслиги лозим:
- (a) бевосита ишлаб чиқарувчи, дилер ёки чакана савдо ташкилот томонидан маҳсулотга бериладиган кафолатлар (15-сон МҲХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*” ва 37-сон БҲХС “*Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*” га қаранг).
 - (b) Ходимларнинг даромадлари дастурлари бўйича иш берувчиларнинг активлари ва мажбуриятлари (19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*” ва 2-сон МҲХС “*Акцияга*”

- асосланган тўлов”га қаранг) ва белгиланган бадаллар бўйича пенсия дастурлари орқали ҳисоботда кўрсатилган пенсия тўловлари бўйича жавобгарликлар (26-сон БҲХС “Пенсия дастурлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи”га қаранг).
- (в) номолиявий объектдан (масалан, баъзи лицензия тўловлари, роялти, ўзгарувчан ижара тўловлари ва шунга ўхшаш объектлар) келгусида фойдаланишга ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқига боғлиқ шартномавий ҳуқуқлари ёки шартномавий мажбуриятлари, шунингдек ижарачининг ижарага бириктирилган тугатиш қиймати кафолати (16-сон МҲХС “Ижара”, 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” ва 38-сон “Номоддий активлар”га қаранг).
- (г) молиявий кафолат шартномаларини тузувчи ташкилот илгари бундай шартномаларни суғурта шартномалари деб ҳисоблашни ошқора тасдиқлаган ва суғурта шартномаларига тегишли ҳисобга олиш тартибидан фойдаланган ва натижада эмитент бундай молиявий кафолат шартномаларига 32-сон БҲХС, 7-сон МҲХС ва 9-сон МҲХСни ёки мазкур МҲХСни қўллашни танлаши мумкин бўлган ҳолатларни истисно қилган ҳолда молиявий кафолат шартномалари. Эмитент бундай танловни шартномалар бўйича амалга ошириши мумкин, лекин ҳар бир шартнома бўйича танлов кейинчалик ўзгартирилмайди.
- (д) бизнес бирлашувида тўланадиган ёки олинадиган шартли товонга (3-сон МҲХС “Бизнес бирлашувлари”га қаранг).
- (е) ташкилот эгалик қиладиган *бевосита суғурта шартномаларига* (яъни ташкилот суғурталанувчи бўлган бевосита суғурта шартномалари). Лекин, *цедент* мазкур МҲХСни ўзи эгалик қиладиган қайта суғурталаш шартномаларига нисбатан қўллаши лозим.
- 5 Тушунишга осон бўлиши учун мазкур МҲХС суғурта шартномасини тузувчи юридик ёки назорат мақсадларида суғурталовчи ҳисобланишидан қатъий назар суғурта шартномасини тузувчи ташкилотни суғурталовчи сифатида тавсифлайди. 3 (а) -3 (б), 20А-20П, 35Б-35М, 39Б-39Л ва 46-49-бандлардаги суғурталовчига барча ҳаволалар ихтиёрий иштирок этиш шартига эга молиявий инструмент эмитентига ҳам тегишли деб қараш лозим.
- 6 Қайта суғурталаш шартномаси суғурта шартномасининг бир тури ҳисобланади. Ўз навбатида, мазкур МҲХСдаги суғурта шартномаларига оид барча ҳаволалар қайта суғурталаш шартномаларига ҳам қўлланади.

Бириктирилган деривативлар

- 7 9-сон МҲХС ташкилотдан баъзи бириктирилган деривативларни ўзларининг асосий шартномаларидан ажратишни, уларни ҳаққоний қийматда баҳолашни ва уларнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларни фойда ёки зарарлар таркибига киритишни талаб қилади. Агар бириктирилган дериватив ўзи суғурта шартномаси бўлмаса, суғурта шартномасига бириктирилган деривативларга нисбатан 9-сон МҲХС қўлланади.
- 8 9-сон МҲХС талабларидан истисно тарикасида, суғурталовчи суғурталанувчининг қатъий белгиланган сумма эвазига (ёки қатъий белгиланган сумма ва фоиз ставкасига асосланган суммага) суғурта шартномасини рад этиш ҳуқуқини берадиган опционни, ҳаттоки агар ушбу опционнинг фойдаланиш нархи асосий шартнома бўйича суғурта мажбуриятининг баланс қийматидан фарқ қилса ҳам, ажратиши ва ҳаққоний қийматда баҳолаши талаб этилмайди. Лекин, агар рад этиш натижасида қайтариб олинадиган қиймат молиявий ўзгарувчидаги (масалан акция ёки товар нархи ёки индекси) ёки шартномада кўрсатилган томонга хос бўлмаган номолиявий ўзгарувчидаги ўзгаришга мос ўзгарса, 9-сон МҲХСдаги талаблар суғурта шартномасига бириктирилган “пут” опционни ёки пул маблағи эвазига бекор қилиш опционига нисбатан қўлланади. Бундан ташқари, агар бундай ўзгарувчидаги (масалан, фонд биржаси индекси муайян даражага етганда фойдаланиладиган “пут опционни”) ўзгариш орқали суғурталанувчининг “пут” опционини ёки пул маблағи эвазига бекор қилиш опционини амалга ошириш имконияти ошса ҳам, ушбу талаблар қўлланади.
- 9 8-банд ихтиёрий иштирок этиш шартини ўз ичига оладиган молиявий инструментни рад этиш ҳуқуқини берувчи опционларга нисбатан ҳам тенг равишда қўлланади.

Депозит компонентларини ажратиш

- 10 Баъзи суғурта шартномалари суғурта компонентларини ҳам, депозит компонентларини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Баъзи ҳолатларда, суғурталовчидан куйидаги компонентларни ажратиши талаб қилинади ёки руҳсат этилади:

- (а) агар қуйидаги шартларнинг ҳар иккиси бажарилса, компонентларни ажратиш талаб этилади:
 - (i) суғурталовчи депозит компонентини (ҳар қандай бириктирилган рад этиш опционларини ўз ичига олган ҳолда) алоҳида баҳолай олса (яъни суғурта компонентини инобатга олмасдан).
 - (ii) суғурталовчининг ҳисоб сиёсати бошқача тарзда депозит компонентидан юзага келадиган барча мажбуриятлар ва ҳуқуқларни тан олишни талаб этмаса.
 - (б) суғурталовчи депозит компонентини (а)(i) кичик банддаги каби алоҳида баҳолай олса, лекин унинг ҳисоб сиёсати депозит компонентидан юзага келадиган барча мажбуриятлар ва ҳуқуқларни тан олишни талаб қилса, ушбу ҳуқуқлар ва мажбуриятларни баҳолашда фойдаланилган усулдан қатъий назар, ажратишга рухсат этилади.
 - (в) суғурталовчи депозит компонентини (а) (i) кичик банддаги каби алоҳида баҳолай олмаса, компонентни ажратиш тақиқланади.
- 11 Куйида суғурталовчининг ҳисоб сиёсати ундан депозит компонентидан юзага келадиган барча мажбуриятларни тан олишни талаб этмайдиган ҳолатга мисол келтирилган. Цедент *қайта суғурталовчидан* зарарлар учун компенсация олади, лекин шартнома цедентга компенсацияни келгуси йилларда қайтариб тўлаш мажбуриятини юклайди. Ушбу мажбурият депозит компонентидан келиб чиқади. Агар цедентнинг ҳисоб сиёсати юзага келадиган мажбуриятни тан олмасдан компенсацияни даромад сифатида тан олишга бошқача тарзда рухсат берса, компонентни ажратиш талаб этилади.
- 12 Шартномани ажратиш учун, суғурталовчи:
- (а) суғурта компонентига нисбатан мазкур МҲХСни қўллаши лозим.
 - (б) депозит компонентига нисбатан 9-сон МҲХСни қўллаши лозим.

Тан олиш ва баҳолаш

Баъзи бошқа МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш

- 13 Агар бирор моддага нисбатан ҳеч қандай МҲХС қўлланмаса, ташкилот томонидан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланадиган мезонлар 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”нинг 10-12- бандларида белгиланган. Лекин, мазкур МҲХС суғурталовчини куйидагилар бўйича ўз ҳисоб сиёсатига нисбатан ушбу мезонларни қўллашдан озод қилади:
- (а) суғурталовчи сифатида тузадиган суғурта шартномалари (шунингдек, 31 ва 32 бандларда тавсифланганидек, тегишли аквизиция сарфлари ва тегишли номоддий активлар); ва
 - (б) қайта суғурталовчи сифатида тузган қайта суғурталаш шартномалари.
- 14 Шунга қарамадан, мазкур МҲХС суғурталовчини 8-сон БҲХСнинг 10-12 бандларидаги мезонларнинг баъзи оқибатларидан озод қилмайди. Хусусан, суғурталовчи:
- (а) эҳтимолий келгуси даъволар бўйича, агар ушбу даъволар ҳисобот даври охирида мавжуд бўлмаган суғурта шартномаларидан юзага келса (масалан фалокатлар резервлари ва барқарорлаштирувчи резервлари), ҳар қандай резервларни мажбурият сифатида тан олмаслиги лозим.
 - (б) 15-19-бандларда тавсифланган мажбурият монандлиги тестини амалга ошириши лозим.
 - (в) суғурта мажбуриятини (ёки суғурта мажбурияти бир қисмини) фақат ва фақат у сўндирилганда, яъни шартномада белгиланган жавобгарлик бажарилганда ёки бекор қилинганда ёки унинг бажариш муддати тугатилганда, ўзининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан чиқариб ташлаши лозим.
 - (г) қуйидагиларни ўзаро ҳисоб-китоб қилмаслиги лозим:
 - (i) *қайта суғурталаш активларини* тегишли суғурта мажбуриятлари билан; ёки
 - (ii) қайта суғурталаш шартномалари бўйича даромад ёки харажатларни тегишли суғурта шартномалари бўйича харажатлар ёки даромадлар билан.
 - (д) қайта суғурталаш активларининг қадрсизланган ёки йўқлигини инобатга олиши лозим (20-бандга қаранг).

Мажбурият монандлиги тести

- 15 Суғурталовчи ҳар бир ҳисобот даврининг охирида суғурта шартномалари бўйича келгуси пул оқимларининг жорий ҳисоб баҳоларидан фойдаланган ҳолда, тан олинган суғурта мажбуриятларининг монандлигини баҳолаши лозим. Агар ушбу баҳолаш суғурта мажбуриятларининг баланс қиймати (31 ва 32 бандларда муҳокама қилингани каби тегишли кечиктирилган аквизиция сарфлари ва тегишли номоддий активларни чегириб ташлаган ҳолда) баҳоланган келгуси пул оқимларига монанд эмаслигини кўрсатса, умумий фарк суммаси фойда ёки зарарда тан олинади.
- 16 Агар суғурталовчи белгиланган минимал талабларга жавоб берадиган мажбурият монандлиги тестини қўлласа, мазкур МҲХС бошқа қўшимча талабларни қўймайди. Бундай минимал талаблар куйидагилардан иборат:
- (a) Тест барча шартномавий пул оқимлари ва даъволарни кўриб чиқиш сарфлари каби тегишли пул оқимлари, шунингдек бириктирилган опционлар ва кафолатлар натижасида юзага келадиган пул оқимларининг жорий ҳисоб баҳоларини инобатга олиши лозим.
 - (б) Агар тест тан олинган мажбуриятнинг монанд эмаслигини кўрсатса, умумий фарк суммаси фойда ёки зарарда тан олинади.
- 17 Агар суғурталовчининг ҳисоб сиёсати 16-банддаги минимал талабларга жавоб берадиган мажбурият монандлиги тестини талаб қилмаса, суғурталовчи:
- (a) куйидагиларнинг баланс қийматини чегириб ташлаган ҳолда тегишли суғурта мажбуриятларининг¹ баланс қийматини аниқлаши:
 - (i) ҳар қандай аквизиция сарфлари; ва
 - (ii) бизнес бирлашуви ёки портфелни ўтказиш натижасида харид қилинган ҳар қандай тегишли номоддий активлар (31 ва 32-бандларга қаранг). Лекин, тегишли қайта суғурталаш активлари ҳисобга олинмайди, чунки суғурталовчи уларни алоҳида ҳисобга олади (20-бандга қаранг).
 - (б) (a) бандда кўрсатилган сумманинг тегишли суғурта мажбуриятлари 37-сон БҲХСнинг қўллаш доирасида бўлган тақдирда талаб қилинадиган баланс қийматидан камлигини аниқлаши лозим. Агар у кам бўлса, суғурталовчи умумий фаркни фойда ёки зарарда тан олиши ва тегишли кечиктирилган аквизиция сарфларининг ёки тегишли номоддий активларнинг баланс қийматини камайтириши ёки тегишли суғурта мажбуриятларининг баланс қийматини ошириши лозим.
- 18 Агар суғурталовчининг мажбурият монандлиги тести 16-банднинг минимал талабларига жавоб берса, ушбу тест унда белгиланган жамлаш даражасида қўлланади. Агар унинг мажбурият монандлиги тести ушбу минимал талабларга жавоб бермаса, 17-бандда тавсифланган қиёслаш бир-бирига ўхшаш рискларга эга ва ягона портфел сифатида биргаликда бошқариладиган шартномалар портфели даражасида амалга оширилади.
- 19 17(б) бандда тавсифланган сумма (яъни 37-сон БҲХСни қўллаш натижаси), фақат ва фақат 17(а) бандда тавсифланган сумма ҳам ўша маржаларни акс эттирса келгуси инвестиция маржаларини акс эттириши лозим (27-29 бандларга қаранг).

Қайта суғурталаш активларининг қадрсизланиши

- 20 Агар цедентнинг қайта суғурталаш активи қадрсизланган бўлса, цедент унинг баланс қийматини мос равишда камайтириши ва бу қадрсизланишдан зарарни фойда ёки зарарда тан олиши лозим. Қайта суғурталаш активи, фақат ва фақат куйидаги ҳолатларда қадрсизланган ҳисобланади:
- (a) қайта суғурталаш активини дастлабки тан олишдан кейин содир бўлган ҳодиса натижасида, цедент шартнома шартларига асосан унга тегишли бўлган барча суммаларни ололмаслиги тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлса; ва
 - (б) ушбу ҳодиса цедент қайта суғурталовчидан оладиган суммаларга ишончли тарзда баҳоладиган таъсирга эга бўлса.

¹ Тегишли суғурта мажбуриятлари бу суғурта мажбуриятлари (ва сотиб олиш билан боғлиқ кечиктирилган аквизиция сарфлари ва тегишли номоддий активлар) бўлиб, улар учун суғурталовчининг ҳисоб сиёсати 16-банднинг минимал талабларига жавоб берадиган мажбурият монандлиги тестини талаб қилмайди.

9-сон МХХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш

- 20А** 9-сон МХХС молиявий инструментларни ҳисобга олиш масалаларига бағишланган ва 2018 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун амал қилади. Лекин, 20 Б-банддаги мезонларга жавоб берадиган суғурталовчи учун мазкур МХХС суғурталовчига 2021 йил 1 январдан олдин бошланадиган йиллик даврлар учун 9-сон МХХСнинг ўрнига 39-сон БХМС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*”ни қўллашига рухсат берадиган, лекин талаб қилмайдиган вақтинчалик озод қилишни назарда тутати. 9-сон МХХСни қўллашдан вақтинчалик озод қилишни қўллайдиган суғурталовчи:
- (а) мазкур МХХСнинг 39Б-39И бандларида ёритиб берилиши талаб этилган маълумотларни таъминлаш учун зарур бўлган 9-сон МХХС талабларидан фойдаланиши лозим; ва
 - (б) молиявий инструментларга мазкур МХХСнинг 20А-20П, 39Б-39И ва 46-47-бандларида тавсифланган ҳоллардан ташқари, бошқа барча қўлланадиган МХХСни қўллаши лозим.
- 20Б** Суғурталовчи фақат ва фақат қуйидаги ҳолатларда 9-сон МХХСни вақтинча қўллашдан озод қилишни қўллаши мумкин:
- (а) илгари 9-сон МХХСнинг² 5.7.1 (в), 5.7.7—5.7.9, 7.2.14 ва Б5.7.5 – Б5.7.20 бандларидаги фойда ёки зарарлар орқали ҳаққоний қийматда белгиланган молиявий мажбуриятлар бўйича фойда ва зарарларни тақдим этиш талабларидан ташқари ҳеч қандай тахририни қўлламаган ҳолатда; ва
 - (б) унинг фаолияти асосан суғурта билан боғлиқ бўлиб, 20-бандда тавсифланганидек, 2016 йил 1 апрелдан олдинги давр учун дарҳол йиллик ҳисобот кунда ёки 20Е-бандда кўрсатилган кейинги йиллик ҳисобот кунда.
- 20В** 9-сон МХХСни вақтинча қўллашдан озод қилишдан фойдаланган суғурталовчи ўз танловига кўра 9-сон МХХСнинг 5.7.1(в), 5.7.7-5.7.9, 7.2.14 ва Б5.7.5-Б5.7.20-бандларидаги талабларни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар бўйича фойда ва зарарларни акс эттиришга нисбатан қўллаши мумкин. Агар суғурталовчи ушбу талабларни қўллашни танласа, у 9-сон МХХСга тегишли ўтиш қоидаларини қўллаши лозим, ушбу талабларни қўллагани фактини доимий равишда ёритиб беради ва 7-сон МХХСнинг 10–11-бандларида кўрсатилган тегишли маълумотларни доимий равишда ёритиб беради (9-сон МХХСга киритилган ўзгаришлар (2010 йилдаги тахрири)).
- 20Г** Суғурталовчининг фаолияти фақат ва фақат қуйидаги ҳолатларда устувор тарзда суғурта билан боғлиқ ҳисобланади:
- (а) мазкур МХХСни қўллаш доирасидаги шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг, бунга мазкур МХХСнинг 7–12-бандларига мувофиқ суғурта шартномаларидан ажратилган ҳар қандай депозит компонентлари ёки бириктирилган деривативларни ўз ичига олган ҳолдаги, баланс қиймати, унинг жами мажбуриятларининг баланс қиймати билан солиштирилганда аҳамиятли бўлса; ва
 - (б) суғурталаш билан боғлиқ барча мажбуриятлари (20Д-бандга қаранг) баланс қийматининг унинг жами мажбуриятларининг умумий баланс қийматига нисбатан улуши қуйидагиларни ташкил этади:
 - (i) 90 фоиздан юқори; ёки
 - (ii) 90 фоиздан кам ёки унга тенг, лекин 80 фоиздан юқори ва шу билан биргаликда суғурталовчи суғурта билан боғлиқ бўлмаган муҳим фаолият билан шуғулланмайди (20Е бандга қаранг).
- 20Д** 20Г(б) кичик бандини қўллаш мақсадида суғурта билан боғлиқ мажбуриятлар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) 20Г(а) кичик бандида тавсифланганидек, мазкур МХХС доирасидаги шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;
 - (б) 39-сон БХМС қўлланадиган фойда ёки зарарлар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган дериватив бўлмаган инвестиция шартномаси мажбуриятлари (шу жумладан суғурталовчи фойда ва зарар тўғрисида маълумот тақдим этиш учун 9-сон МХХС талабларини қўллаган ҳолдаги фойда ёки зарарлар орқали ҳаққоний қийматда белгиланган мажбуриятлар) (20Б(а) ва 20В бандларга қаранг); ва

² Кенгаш 2009, 2010, 2013 ва 2014 йилларда 9-сон МХХСнинг кетма-кет тахрирларини эълон қилган.

- (в) суғурталовчининг (а) ва (б) кичик бандларда келтирилган шартномаларни тузиши натижасида ёки ундан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши сабабли юзага келадиган мажбуриятлар. Бундай мажбуриятларга шундай шартномалар ҳамда шу шартномалар таъминлайдиган активлар билан боғлиқ рискларни камайтириш учун фойдаланиладиган дериватив инструментлар, шундай шартномалар билан асосланадиган мажбуриятлар бўйича вақтинчалик фарқларга нисбатан кечиктирилган солиқ мажбуриятлари каби тегишли солиқ мажбуриятлари ҳамда суғурталовчининг тартибга соладиган капитали таркибига киритиладиган чиқарилган қарз инструментлари мисол бўлади.
- 20Е Суғурталовчи 20Г(б)(ii) кичик бандини қўллаш мақсадида унинг суғурта билан боғлиқ бўлмаган аҳамиятли фаолият билан шуғулланишини баҳолашда суғурталовчи қуйдагиларни кўриб чиқиши лозим:
- (а) фақат даромад олиш ва харажатларни талаб қилиши мумкин бўлган фаолият турлари; ва
- (б) миқдорий ёки сифат омиллари (ёки ҳар иккиси), шу жумладан, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар суғурталовчига мурожаат қиладиган тармоқ таснифи каби оммавий маълумот.
- 20Ё 20Б(б) кичик банди ташкилотдан 2016 йил 1 апрелдан кейин келувчи ҳисобот йилида 9-сон МХХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш ҳуқуқига эга ёки йўқлигини баҳолашни талаб қиладди. Ушбу санадан кейин:
- (а) илгари 9-сон МХХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот, кейинги йиллик ҳисобот санасида, асосан, суғурта фаолияти билан боғлиқлигини, фақат ва фақат 20Ж-203 параграфларда тавсифланганидек, ташкилот фаолиятида ўзгаришлар шу санада тугаган йиллик давр мобайнида юз берган бўлса, қайта кўриб чиқиши лозим.
- (б) илгари 9-сон МХХС қўллашдан вақтинча озод қилишни қўллашга муносиб бўлмаган ташкилотга, агар унинг фаолияти 2018 йил 31-декабргача бўлган кейинги йиллик ҳисобот санасида асосан суғурта билан боғлиқлигини, фақат ва фақат 20Ж-203 бандларда тавсифланганидек, ташкилот фаолиятида ўзгаришлар шу санада тугаган йиллик давр мобайнида юз берган бўлса, қайта кўриб чиқишга рухсат берилади.
- 20Ж 20Ё-бандни қўллаш мақсадида ташкилотнинг фаолиятидаги ўзгариш қуйдагиларни акс эттирадиган ўзгариш ҳисобланади:
- (а) ташқи ёки ички ўзгаришлар натижасида ташкилотнинг юқори раҳбарияти томонидан аниқланадиган;
- (б) ташкилотнинг фаолиятига нисбатан аҳамиятли ҳисобланадиган; ва
- (в) ташқи томонлар учун намоён этиладиган.
- Шунга кўра, бундай ўзгариш фақат ташкилот ўз фаолияти учун муҳим бўлган фаолиятни амалга оширишни бошлаган ёки тўхтатган ёки унинг фаолиятларидан бирининг ҳажмини аҳамиятли даражада ўзгартирган пайтда содир бўлади; масалан, ташкилот муайян бизнес йўналишини харид қилганда, ҳисобдан чиқарганда ёки тугатганда.
- 20З 20Ж-бандда тавсифланганидек, ташкилотнинг фаолиятидаги ўзгариш жуда камдан-кам ҳолат бўлиши кутилади. Қуйидаги ҳолатлар 20Ё-бандни қўллаш мақсадида ташкилот фаолиятидаги ўзгаришлар ҳисобланмайди:
- (а) ташкилот даромад оладиган ва харажатларни амалга оширадиган фаолиятга таъсир кўрсатмайдиган молиялаштириш тузилмасидаги ўзгариш.
- (б) ҳатто активлари ва мажбуриятлари 5-сон МХХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”ни қўллаган ҳолда сотиш учун мўлжалланган деб таснифланса ҳам, ташкилотнинг бирор бизнес йўналишини сотиш режаси. Бизнес йўналишини сотиш режаси ташкилот фаолиятини ўзгартириши ва келгусида қайта баҳолашга олиб келиши мумкин, лекин молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган мажбуриятларга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.
- 20И Агар ташкилот қайта баҳолаш натижасида 9-сон МХХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш мезонига мос келмай қолса (20Ё(а) кичик бандга қаранг), у ҳолда ташкилотга 9-сон МХХСни қўллашдан вақтинча озод қилишни қўллашни фақат бевосита қайта баҳолашдан кейинги йиллик даврнинг охиригача давом эттиришга рухсат берилади. Шунга қарамай, ташкилот 2023 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун 9-сон МХХСни қўллаши шарт. Масалан, агар ташкилот 2018 йил 31 декабрда (йиллик даврнинг охири) энди 20Ё(а) кичик бандни қўллаган ҳолда 9-сон МХХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш мезонига мос келмай қолмаслигини аниқласа, у

ҳолда ташкилот 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилишни қўллашни фақат 2019 йил 31-декабргача давом эттиришга рухсат берилади.

- 20Й Илгари 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилишни қўллашни танлаган суғурталовчи ҳар қандай кейинги йиллик давр бошида 9-сон МҲХСни қўллаш бўйича бекор қилинмайдиган қарорни қабул қилиши мумкин.

МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот

- 20К 1-сон МҲХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”да таърифлангандек МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот фақат ва фақат 20Б-бандда ифодаланган мезонларга жавоб берса, 20А-бандда ифодаланган 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилишдан фойдаланиши мумкин. 20Б(б) кичик бандини қўллашда, МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот ушбу бандда белгиланган санада МҲХСни қўллаган ҳолда аниқланадиган баланс қийматларидан фойдаланиши лозим.
- 20Л 1-сон МҲХС МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилотга нисбатан қўлланиладиган талаблар ва озод қилишларни ўз ичига олади. Ушбу талаблар ва озод қилишлар (масалан, 1-сон МҲХСнинг Г16-Г17-бандлари) мазкур МҲХСнинг 20А-20П ва 39Б-39И-бандларидаги талабларни бекор қилмайди. Масалан, 1-сон МҲХСдаги талаблар ва озод қилишлар МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилишни қўллаш учун 20К-бандда белгиланган мезонларга жавоб бериши шарт деган талабни бекор қилмайди.
- 20М 39Б-39И-бандлари талаб қиладиган маълумотларни ёритиб берадиган МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот 1-сон МҲХСдаги ушбу ёритиб бериладиган маълумотлар бўйича талаб қилинадиган баҳолашларни амалга оширишга тегишли талаблар ва имтиёزلардан фойдаланиши лозим.

28-сон БҲХСдаги махсус талаблардан вақтинча озод қилиш

- 20Н 28-сон БҲХС “Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар”нинг 35-36-бандлари ташкилотдан улушли қатнашиш усулидан фойдаланишда ягона ҳисоб сиёсатини қўллашни талаб қиладди. Шунга қарамай, 2023 йил 1 январдан олдин бошланадиган йиллик даврлар учун ташкилотга таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона томонидан қўлланадиган тегишли ҳисоб сиёсатини сақлаб қолишга қуйидаги тартибда рухсат берилади, лекин талаб қилинмайди:
- (а) ташкилот 9-сон МҲХСни қўллайди, аммо таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилишни қўллайди; ёки
- (б) ташкилот 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилишни қўллайди, аммо таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона 9-сон МҲХСни қўллайди.
- 20О Ташкилот таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхонага инвестицияларни ҳисобга олиш учун улушли қатнашиш усулидан фойдаланганда:
- (а) агар 9-сон МҲХС илгари ушбу таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхонага улушли қатнашиш усулини қўллаш учун фойдаланилган молиявий ҳисоботда қўлланган бўлса (ташкилот томонидан амалга оширилган ҳар қандай тузатишлар акс эттирилганидан кейин), у ҳолда 9-сон МҲХС қўлланиши давом эттирилиши лозим.
- (б) агар 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш илгари ушбу таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхонага улушли қатнашиш усулини қўллаш учун фойдаланилган молиявий ҳисоботда қўлланган бўлса (ташкилот томонидан амалга оширилган ҳар қандай тузатишлар акс эттирилганидан кейин), у ҳолда кейинги даврда 9-сон МҲХС қўлланиши мумкин.
- 20П Ташкилот 20Н ва 20О(б) бандларни ҳар бир таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона учун алоҳида қўллаши мумкин.

Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида шартномавий пул оқимларини аниқлаш бўйича асосдаги ўзгаришлар

- 20Р 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинчалик озод қилишни қўллайдиган суғурталовчи 9-сон МҲХСнинг 5.4.6–5.4.9 бандларидаги молиявий актив ва молиявий мажбуриятга нисбатан талабларни фақат ва фақат ушбу молиявий актив ва молиявий мажбуриятга оид шартномавий пул оқимларини аниқлаш бўйича асос бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида ўзгарганда қўллаши лозим. Мазкур мақсадда “бенчмарк фоиз ставкаси” термини 39-сон БҲХСнинг 102Б бандида тавсифлангандек бутун бозор миқёсидаги бенчмарк фоиз ставкасини назарда тутлади.

- 20С 9-сон МХХСга ўзгартиришларнинг 5.4.6–5.4.9 бандларини қўллаш мақсадида 9-сон МХХСнинг Б5.4.5 бандига ҳаволалар 39-сон БХХСнинг ҚК7 бандига ҳавола тарзида ўқилиши лозим. 9-сон 5.4.3 ва Б5.4.6 бандларга ҳаволалар 39-сон БХХСнинг ҚК8 бандига ҳавола тарзида ўқилиши лозим.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар

- 21 22-30-бандлар МХХСни аллақачон қўлайдиган суғурталовчи амалга оширган ўзгаришларга ҳам, МХХСни биринчи марта қўлайдиган суғурталовчи амалга оширган ўзгаришларга ҳам қўлланилади.
- 22 **Суғурталовчи суғурта шартномалари бўйича ўзининг ҳисоб сиёсатини ўзгартириши мумкин, фақат ва фақат бу ўзгариш молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарор қабул қилиш эҳтиёжларига нисбатан ўринлироқ бўлса ва ишончилигини камайтирмас ва ёки оширмас ва ушбу талабларга нисбатан ўринлилигини камайтирмас. Суғурталовчи ўринлилик ва ишончилилик ҳақида 8-сон БХХСдаги мезонлардан келиб чиқиб мулоҳаза юритиши лозим.**
- 23 Суғурта шартномалари бўйича ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни асослаш учун суғурталовчи бу ўзгариш ўзининг молиявий ҳисоботини 8-сон БХХСдаги мезонларга мос келишига яқинлаштиришини кўрсатиши лозим, лекин ўзгариш ўша мезонларга тўлиқ мос келишга олиб келиши талаб этилмайди. Қуйидаги хусусий масалалар батафсил кўриб чиқилади:
- (а) жорий фоиз ставкалари (24-банд);
 - (б) мавжуд амалиётларни давом эттириш (25-банд);
 - (в) эҳтиёткорлик (26-банд);
 - (г) келгуси инвестиция маржалари (27-29-бандлар); ва
 - (д) эквивалент ҳисоб (30-банд).

Жорий бозор фоиз ставкалари

- 24 Суғурталовчи жорий бозор фоиз ставкаларини акс эттириш учун белгиланган суғурта мажбуриятларини³ қайта баҳолаши ва ўша мажбуриятлардаги ўзгаришларни фойда ёки зарарда тан олиши учун ҳисоб сиёсатини ўзгартиришига рухсат берилади, лекин талаб этилмайди. Шу билан биргаликда, у белгиланган мажбуриятлар бўйича бошқа жорий ҳисоб баҳолари ва фаразларни талаб қиладиган ҳисоб сиёсатини жорий қилиши мумкин. Ушбу банддаги танлов суғурталовчига 8-сон БХХС талаб қилгани каби белгиланган мажбуриятлар бўйича ҳисоб сиёсатини бошқа барча ўхшаш мажбуриятларга нисбатан изчил равишда қўллагандан, бу сиёсатни ўзгартиришга рухсат беради. Агар суғурталовчи ушбу танлов бўйича мажбуриятларни шакллантирган бўлса, у ушбу мажбуриятлар ҳисобдан чиқарилгунига қадар барча даврларда ушбу мажбуриятларга нисбатан жорий бозор фоиз ставкаларини (ва агар ўринли бўлса, бошқа жорий ҳисоб баҳолари ва фаразларни) изчил равишда қўллашни давом эттириши лозим.

Мавжуд амалиётни давом эттириш

- 25 Суғурталовчи қуйида келтирилган амалиётларни давом эттириши мумкин, лекин улардан бирортаси 22-банднинг талабига мос келмайди:
- (а) суғурта мажбуриятларини дисконтланмаган асосда баҳолаш.
 - (б) келгуси инвестиция бошқаруви тўловлари бўйича шартномавий ҳуқуқларни уларнинг бозорнинг бошқа иштирокчилари томонидан ўхшаш хизматлар учун олинadиган жорий тўловлар билан таққослаш орқали аниқланадиган уларнинг ҳаққоний қийматидан ошадиган миқдорда баҳолаш. Ушбу шартномавий ҳуқуқларнинг ҳосил бўлган пайтдаги ҳаққоний қиймати, келгуси инвестиция бошқаруви тўловлари ва тегишли сарфларнинг қийматидан ошадиган бозор кўрсаткичларига мос келмайдиган ҳолатларни истисно қилган ҳолда, шартномани тузиш бўйича тайёргарлик ишларига тўланган сарфларга тенг бўлиши мумкин.
 - (в) 24-бандда рухсат берилган ҳолларни истисно қилганда, шўба ташкилотларининг суғурта шартномалари (ва агар мавжуд бўлса, тегишли аквизиция сарфлари ва тегишли номоддий активлар) учун бир хил бўлмаган ҳисоб сиёсатидан фойдаланиш. Агар ушбу ҳисоб сиёсати бир хил бўлмаса, суғурталовчи уларни ҳисоб сиёсатини янада хилма-хил қилмаслик ва

³ Ушбу бандда суғурта мажбуриятлари 31 ва 32-бандларда муҳокама қилинган каби тегишли кечиктирилган аквизиция сарфлари ва тегишли номоддий активларни ўз ичига олади.

шунингдек, мазкур МХХСнинг бошқа талабларини каноатлантириш шarti билан ўзгартириши мумкин.

Эҳтиёткорлик

- 26 Суғурталовчи хаддан зиёд эҳтиёткорликни бартараф қилиш учун суғурта шартномалари бўйича ўзининг ҳисоб сиёсатини ўзгартириши талаб этилмайди. Лекин, агар суғурталовчи ўзининг суғурта шартномаларини аллақачон етарлича эҳтиёткорлик билан баҳоласа, у қўшимча эҳтиёткорлик киритмаслиги лозим.

Келгуси инвестиция маржалари

- 27 Суғурталовчи келгуси инвестиция маржаларини ҳисобдан чиқариш учун суғурта шартномалари бўйича ҳисоб сиёсатини ўзгартириши талаб этилмайди. Лекин, агар ташкилот суғурта шартномаларини баҳолашда келгуси инвестиция маржаларини, бундай маржалар шартномавий тўловларга таъсир қилмаслиги шarti билан акс эттирадиган ҳисоб сиёсатини жорий қилса, суғурталовчи молиявий ҳисоботининг ўринлилиги ва ишончлилиги камайиши бўйича рад этиш мумкин бўлган фараз мавжуд. Бундай маржаларни акс эттирадиган ҳисоб сиёсатиға қуйида иккита мисол келтирилган:

- (а) суғурталовчи активларининг тахминий рентабеллигини акс эттирувчи дисконт ставкасидан фойдаланиш; ёки
- (б) ушбу активлар бўйича даромадларни тахминий рентабеллик даражаси бўйича прогноз қилиш, ушбу прогноз қилинган даромадларни бошқа ставка бўйича дисконтлаш ва натижани мажбуриятни баҳолашға киритиш.

- 28 Агар ҳисоб сиёсатиға ўзгаришларнинг бошқа жиҳатлари молиявий ҳисоботнинг ўринлилиги ва ишончлилиги ортиши келгусиға инвестиция маржаларини киритиш натижасиға молиявий ҳисоботнинг ўринлилиги ва ишончлилигини пасайтириш даражасидан юқори бўлса, суғурталовчи 27-банддаги рад этилиши мумкин бўлган фаразни инобатға олмаслиги мумкин. Масалан, суғурталовчининг суғурта шартномалари бўйича амалдаги ҳисоб сиёсати бошланишиға белгиланган ўта оқилона фаразларни ва тартибға солувчи томонидан белгиланадиган чегирма ставкасини бозор шароитларига бевосита мурожаат қилмасдан ўз ичига олади ва баъзи ўрнатилган вариантлар ва кафолатларни инобатға олмайди деб тахмин қилинғ. Суғурталовчи кенг қўлланадиган ва қуйидагиларни ўз ичига олган ҳисобға олиш тартибининг ҳар томонлама инвесторларға йўналтирилган асосларига ўтиш орқали молиявий ҳисоботини янада ўринли ва ишончлилиги камаймаган ҳолатға келтириши мумкин:

- (а) жорий ҳисоб баҳолари ва фаразлар;
- (б) риск ва ноаникликни акс эттириш учун асосланган тарзда (лекин хаддан ортиқ эҳтиёткор бўлмаган ҳолда) тузатиш;
- (в) бириктирилган опцион ва кафолатларни ички қийматини ҳам, вақт қийматини ҳам акс эттирадиган баҳолар; ва
- (г) жорий бозор дисконтлаш ставкаси, ҳатто бу дисконтлаш ставкаси суғурталовчи активларининг ҳисобланган рентабеллигини акс эттирса ҳам.

- 29 Баъзи баҳолаш ёндашувлариға дисконтлаш ставкаси келгусиға фойда маржасининг ҳозирги қийматини аниқлаш учун фойдаланилади. Кейинчалик ушбу фойда маржаси муайян формула асосиға турли даврлар ўртасиға тақсимланади. Ушбу ёндашувларға дисконтлаш ставкаси мажбуриятни баҳолашға фақат билвосита таъсир кўрсатади. Хусусан, унчалик ўринли бўлмаган дисконт ставкаси мажбурият юзаға келиши пайтиға унинг баҳолалишиға чекланган таъсир кўрсатади ёки умуман таъсир кўрсатмайди. Шу билан бирға, бошқа ёндашувларға дисконтлаш ставкаси мажбуриятнинг баҳолалишини бевосита белгилайди. Иккинчи ҳолатда, активларға асосланган дисконтлаш ставкасини жорий қилиш аҳамиятли таъсирға эға бўлганлиги сабабли, суғурталовчининг 27-бандда келтирилган рад этиш мумкин бўлган фаразни рад этиши эҳтимолдан йироқ бўлади.

Эквивалент ҳисоб

- 30 Баъзи бухгалтерия моделлариға суғурталовчининг активлари бўйича амалға оширилган фойда ёки зарарлар (а) унинг суғурта мажбуриятларини ёки (б) кечиктирилган аквизиция сарфларни ва (в) 31 ва 32-бандларға акс эттирилган тегишли номоддий активларни, масалан, бир қисмини ёки барчасини баҳолашға бевосита таъсир кўрсатади. Суғурталовчиға ҳисоб сиёсатини ўзгартиришға рухсат берилади, лекин талаб этилмайди, шунда актив бўйича тан олинадиган, лекин реализация қилинмаган

даромад ёки зарарлар активларни баҳолашда реализация қилинган фойда ёки зарарлар таъсир кўрсатадиган тарзда таъсир қилади. Суғурта мажбуриятига тегишли тузатиш (ёки кечиктирилган аквизиция сарфлари ёки номоддий активлар), фақат ва фақат агар реализация қилинмаган фойда ёки зарарлар бошқа умумлашган даромадда тан олинса, бошқа умумлашган даромадда тан олинмиши лозим. Ушбу амалиёт баъзан “эквивалент ҳисоб” деб тавсифланади.

Бизнес бирлашуви ёки портфелни ўтказиш жараёнида сотиб олинган суғурта шартномалари

- 31 3-сон МХХСга мувофиқ суғурталовчи бизнес бирлашувида қабул қилинган суғурта мажбуриятларини ва харид қилинган *суғурта активларини* харид қилиш санасида ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаши лозим. Шу билан бирга, суғурталовчига сотиб олинган суғурта шартномаларининг ҳаққоний қийматини икки қисмга ажратадиган кенгайтирилган тақдимотдан фойдаланишга руҳсат берилади, лекин талаб этилмайди:
- (а) суғурта шартномалари бўйича суғурталовчининг ҳисоб сиёсатида мувофиқ баҳоланган мажбурият; ва
 - (б) (i) сотиб олинган шартномавий суғурта ҳуқуқларининг ҳаққоний қиймати ва ўз зиммасига олинган суғурта мажбуриятлари ўртасидаги фарқни ифодаловчи номоддий актив ва (ii) (а) кичик бандда кўрсатилган сумма. Ушбу активнинг кейинги баҳолашга тегишли суғурта мажбуриятини баҳолаш билан мос келиши лозим.
- 32 Суғурта шартномалари портфелини сотиб олган суғурталовчи 31-бандда тавсифланган кенгайтирилган тақдимотдан фойдаланиши мумкин.
- 33 31 ва 32-бандларда тавсифланган номоддий активлар 36-сон БХХС “Активларнинг қадрсизланиши” ва 38-сон БХХСнинг қўллаш доирасига кирмайди. Лекин, 36-сон БХХС ва 38-сон БХХС харидорлар руйхатига ҳамда бизнес бирлашуви ёки портфель ўтказмаси санасида мавжуд бўлган ҳолда шартномавий суғурта ҳуқуқлари ва суғурта мажбуриятларининг қисми бўлмаган келгуси шартномаларнинг қутилишини акс эттирадиган харидор билан муносабатларга нисбатан қўлланади.

Ихтиёрий иштирок этиш шартлари

Суғурта шартномаларида ихтиёрий иштирок этиш шартлари

- 34 Баъзи суғурта шартномалари ихтиёрий иштирок этиш шартини ҳамда *кафолатланган элементни* ўз ичига олади. Бундай шартнома томони:
- (а) кафолатланган элементни ихтиёрий иштирок этиш шартдан алоҳида тан олиши мумкин, лекин талаб этилмайди. Агар ушбу томон уларни алоҳида тан олмаса, у бутун шартномани мажбурият сифатида таснифлайди. Агар ушбу томон уларни алоҳида таснифласа, у кафолатланган элементни мажбурият сифатида таснифлайди.
 - (б) агар у ихтиёрий иштирок этиш шартини кафолатланган элементдан алоҳида тан олса, ушбу шартни мажбурият ёки хусусий капиталнинг алоҳида компоненти сифатида таснифлаши лозим. Мазкур МХХС ушбу томон бундай шарт мажбурият ёки хусусий капитал эканлигини қандай аниқлашини белгиламайди. Ушбу томон бундай шартни мажбурият ва хусусий капитал компонентларига ажратиши мумкин ва бундай ажратиш учун изчил ҳисоб сиёсатидан фойдаланиши лозим. Ушбу томон бундай шартни мажбурият ҳам хусусий капитал ҳам бўлмаган оралиқ тоифа сифатида таснифламаслиги лозим.
 - (в) олинган барча мукофотларни хусусий капитал компонентига тегишли қисмларни ажратмасдан даромад сифатида тан олиши мумкин. Кафолатланган элементдаги ва мажбурият сифатида таснифланган ихтиёрий иштирок этиш шартининг қисмидаги натижавий ўзгаришлар фойда ёки зарарда тан олинмиши лозим. Агар ихтиёрий иштирок этиш шартининг бир қисми ёки барчаси хусусий капиталда таснифланган бўлса, фойда ёки зарарнинг бир қисми ушбу шартга тегишли бўлиши мумкин (худди шу тарзда бир қисми назорат кучига эга бўлмаган улушларга тегишли бўлиши мумкин). Ушбу томон фойда ва зарарнинг ихтиёрий иштирок этиш шартининг ҳар қандай хусусий капитал компонентига тегишли қисмини харажат ёки даромад сифатида эмас, балки фойда ёки зарарни тақсимлаш сифатида тан олиши лозим (1-сон БХХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*”га қаранг).
 - (г) агар шартнома 9-сон МХХС қўллаш доирасидаги бириктирилган деривативни ўз ичига олса, ушбу бириктирилган деривативга 9-сон МХХС қўлланиши лозим.

- (д) 14-20 ва 34 (а) - (г) кичик бандларда тавсифланмаган барча жиҳатлар бўйича, агар у ушбу ҳисоб сиёсатини 21-30-бандларга мос тарзда ўзгартирмаса, бундай шартномалар бўйича ўзининг амалдаги ҳисоб сиёсатини давом эттириши лозим.

Молиявий инструментларда ихтиёрий иштирок этиш шартлари

- 35 34-банддаги талаблар ихтиёрий иштирок этиш шартини ўз ичига оладиган молиявий инструментга ҳам қўлланади. Шу билан бирга:
- (а) агар томон барча ихтиёрий иштирок этиш шартини мажбурият деб таснифласа, у 15-19 бандлардаги мажбурият монандлиги тестини бутун шартномага (яъни кафолатланган элементга ҳам, ихтиёрий иштирок этиш шартига ҳам) қўллаши лозим. Ушбу томон кафолатланган элементга 9-сон МХХСни қўллаш натижасида юзага келиши мумкин бўлган суммани аниқлаши талаб этилмайди.
- (б) агар эмитент ушбу шартнинг бир қисmini ёки барчасини хусусий капиталнинг алоҳида компоненти сифатида таснифласа, бутун шартнома бўйича тан олинган мажбурият кафолатланган элементга нисбатан 9-сон МХХСни қўллаш натижасида юзага келиши мумкин бўлган суммадан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу сумма шартномани бекор қилиш бўйича опционнинг ички қийматини ўз ичига олиши лозим, лекин, агар 9-бандда ушбу опционни ҳаққоний қийматда баҳолашдан озод қилинадиган бўлса, унинг вақт қийматини ўз ичига олиши талаб этилмайди. Бундан ташқари, агар тан олинган мажбуриятнинг умумий миқдори кўпроқ экани аниқ бўлса, эмитент ушбу миқдорни аниқлаши шарт эмас. Бундан ташқари, агар тан олинган мажбуриятнинг умумий суммаси кўпроқ экани аниқ бўлса, ушбу томон бундай суммани аниқлаши талаб этилмайди.
- (в) ушбу шартномалар молиявий инструментлар бўлишига қарамасдан, ушбу томон бундай шартномалар бўйича мукофотларни даромад сифатида тан олишни ва мажбуриятнинг баланс қийматидаги натижавий ўсишни харажат сифатида тан олишни давом эттириши мумкин.
- (г) ушбу шартномалар молиявий инструментлар бўлишига қарамасдан, 7-сон МХХСнинг 20 (б)- бандини ихтиёрий иштирок этиш шартига эга шартномаларга қўлловчи томон фойда ёки зарарда тан олинган фоизлар бўйича харажатларнинг умумий суммасини ёритиб бериши лозим, лекин бундай фоиз харажатларини эффектив фоиз ставкаси усулидан фойдаланиб ҳисоблаши талаб этилмайди.
- 35А 20А, 20К ва 20Н-бандларидаги вақтинча озод қилишлар ва 35Б-банддаги ўрнига қўйиш ёндашуви ихтиёрий иштирок этиш шартини ўз ичига олган молиявий инструмент эмитенти учун ҳам мавжуд. Шунга қўра, 3(а) -3(б), 20А-20П, 35Б-35М, 39Б-39Л ва 46-49-бандларидаги суғурталовчига қилинган барча ҳаволалар, шунингдек, ихтиёрий иштирок этиш шартини ўз ичига оладиган молиявий инструмент эмитентига қилинган ҳаволалар сифатида ҳам ўқилиши лозим.

1

Ўрнига қўйиш ёндашуви

- 35Б Суғурталовчи белгиланган молиявий активларга ўрнига қўйиш ёндашувини қўллашига рухсат этилади, лекин талаб қилинмайди. Ўрнига қўйиш ёндашувини қўллайдиган суғурталовчи:
- (а) белгиланган молиявий активлар бўйича ҳисобот даври охирида фойда ёки зарарни келтириб чиқарадиган сумма, суғурталовчининг ушбу белгиланган молиявий активларига 39-сон БХХСни қўллаганида юзага келадиган сумма билан бир хил бўлиши учун, бу суммани фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад ўртасида қайта таснифлаши лозим. Шунга қўра, қайта таснифланган сумма қуйидагилар ўртасидаги фаркқа тенг бўлади:
- (i) 9-сон МХХСни қўллаган ҳолда белгиланган молиявий активлар бўйича фойда ёки зарарда тақдим этилган сумма; ва
- (ii) суғурталовчи 39-сон БХХСни қўлаганда белгиланиши мумкин бўлган молиявий активлар бўйича фойда ёки зарарда тақдим қилиниши мумкин бўлган сумма.

- (б) мазкур МҲХСнинг 35Б-35М, 39Й-39Л ва 48-49-бандларида тавсифланганларни истисно қилган ҳолда, бошқа барча қўлланадиган МҲХСни молиявий инструментларга қўллаши лозим.
- 35В** Суғурталовчи фақатгина 9-сон МҲХСни биринчи марта қўлаганида 35Б-бандда тавсифланган ўрнига қўйиш ёндашувини қўллашни танлаши мумкин, шу жумладан дастлаб қуйидагиларни қўлаганидан кейин 9-сон МҲХСни биринчи марта қўлаганида ҳам:
- (а) 20А-бандда тавсифланган 9-сон МҲХСдан вақтинча озод қилишни; ёки
- (б) фақат 9-сон МҲХСнинг 5.7.1(в), 5.7.7-5.7.9, 7.2.14 ва Б5.7.5- Б5.7.20-бандлардаги фойда ёки зарарлар орқали ҳаққоний қиймат бўйича белгиланган молиявий мажбуриятлар бўйича фойда ва зарарларни тақдим этиш бўйича талабларни.
- 35Г** Суғурталовчи фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад ўртасида қайта таснифланган суммани ўрнига қўйиш ёндашувини қуйидагича қўлаган ҳолда тақдим этиши лозим:
- (а) фойда ёки зарарда алоҳида модда сифатида; ва
- (б) бошқа умумлашган даромадда бошқа умумлашган даромаднинг алоҳида компоненти сифатида.
- 35Д** Ўрнига қўйиш ёндашуви молиявий активга нисбатан фақат ва фақат қуйидаги мезонлар бажарилган тақдирда қўлланиши мумкин:
- (а) у 9-сон МҲХСдан фойдаланган ҳолда фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланади, лекин 39-сон БҲХСни қўлаган тақдирда фойда ёки зарарлар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланмаган бўлар эди; ва
- (б) у мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасидаги шартномалар билан боғлиқ бўлмаган фаолият сабабли тутиб турилмайди. Ўрнига қўйиш ёндашувига мос келмайдиган молиявий активларга мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасидан ташқарида бўлган банк фаолиятига тегишли активлар ёки инвестиция шартномаларига оид жамғармаларда сақланадиган молиявий активлар мисол бўлади.
- 35Е** Суғурталовчи ўрнига қўйиш ёндашувини қўллашни танласа, у ўрнига қўйиш ёндашуви қўлланиши мумкин бўлган молиявий активни шакллантириши мумкин (35В-бандга қаранг). Кейинчалик, у фақат ва фақат қуйидаги ҳолатларда ўрнига қўйиш ёндашуви қўлланиши мумкин бўлган молиявий активни шакллантириши мумкин:
- (а) ушбу актив дастлаб тан олинган; ёки
- (б) ушбу актив илгари ушбу мезонга жавоб бермаган ҳолда, 35Д(б) кичик банддаги меъзонга қайтадан жавоб бера бошлаган бўлса.
- 35Ё** Суғурталовчи ўрнига қўйиш ёндашувини қўллаши мумкин бўлган молиявий активларни 35Е-бандни қўлаган ҳолда ҳар бир инструмент бўйича шакллантиришига рухсат берилади.
- 35Ж** Ўринли бўлса, 35Е(б) кичик бандини қўлаган ҳолда, янги белгиланган молиявий активга ўрнига қўйиш ёндашувини қўллаш мақсадида:
- (а) шакллантириш санасида унинг ҳаққоний қиймати унинг янги амортизацияланган қийматининг баланс қиймати бўлади; ва
- (б) эффектив фоиз ставкаси шакллантириш санасидаги унинг ҳаққоний қийматига асосланган ҳолда баҳоланади.
- 35З** Ташкилот белгиланган молиявий активга ўрнига қўйиш ёндашувини ушбу молиявий актив ҳисобдан чиқарилмагунча қўллашни давом эттириши лозим. Лекин, ташкилот:
- (а) молиявий актив ортиқ 35Д(б) кичик бандидаги мезонга жавоб бермай қолса, молиявий активни қайта шакллантириши лозим. Масалан, ташкилот ушбу активни банк фаолияти бўйича эгалик қилаётган активга ўтказганида ёки ташкилот суғурталовчи бўлишни тўхтатганда, молиявий актив ушбу мезонга ортиқ жавоб бермай қолади.
- (б) ҳар қандай йиллик давр бошида барча белгиланган молиявий активларга ўрнига қўйиш ёндашувини қўллашни тўхтатиши мумкин. Ўрнига қўйиш ёндашувини қўллашни тўхтатишни танлаган ташкилот ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш учун 8-сон БҲХСни қўллаши лозим.
- 35И** Ташкилот 35З(а) бандни қўлаган ҳолда молиявий активни қайта белгиласа, у жамғарилган бошқа умумий даромаддан фойда ёки зарарга қайта таснифлаш бўйича тузатиш (1-сон БҲХСга қаранг) сифатида ушбу молиявий активга тегишли ҳар қандай қолдикни қайта таснифлаши лозим.

- 35Й Агар ташкилот 353(б) банддаги танловни қўллаган ҳолда ёки у энди суғурталовчи эмаслиги сабабли ўрнига қўйиш ёндашувидан фойдаланишни тўхтатса, у кейинчалик ўрнига қўйиш ёндашувини қўлламаслиги лозим. Ўрнига қўйиш ёндашувини қўллашни танлаган (35В-бандга қаранг), лекин мос келадиган молиявий активлари мавжуд бўлмаган (35Д-бандга қаранг) суғурталовчи кейинчалик тегишли молиявий активларга эга бўлганида ўрнига қўйиш ёндашувини қўллаши мумкин.

Бошқа талаблар билан ўзаро боғлиқлик

- 35К Мазкур МХХСнинг 30-банди баъзида “эквивалент ҳисоб” деб таърифланадиган амалиётга рухсат беради. Агар суғурталовчи ўрнига қўйиш ёндашувини қўлласа, эквивалент ҳисоби қўлланиши мумкин.
- 35Л 35Б-бандни қўллаган ҳолда маълум суммани фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад ўртасида қайта таснифлаш фойда солиқлари каби бошқа суммаларни бошқа умумлашган даромад таркибига киритиш бўйича аҳамиятли оқибатларга олиб келиши мумкин. Суғурталовчи бундай оқибатларни аниқлаш учун 12-сон БҲХС “*Фойда солиғи*” каби тегишли МХХСни қўллаши лозим.

МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот

- 35М Агар МХХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилот ўрнига қўйиш ёндашувини қўллашни танласа, фақат ва фақат у киёсий маълумотларини 9-сон МХХСга мувофиқ қайта тақдим қилган тақдирда (1-сон МХХСнинг Д1-Д2-бандларига қаранг) ўрнига қўйиш ёндашувини акс эттириш учун киёсий маълумотларини қайта тақдим қилиши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

Тан олинган суммаларни тушунтириш

- 36 Суғурталовчи суғурта шартномаларидан келиб чиқиб ўзининг молиявий ҳисоботида тан олган суммаларни идентификациялайдиган ва тушунтирадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 37 36-бандга мувофиқ суғурталовчи қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) суғурта шартномалари ва тегишли активлар, мажбуриятлар, даромад ва харажатлар бўйича ўзининг ҳисоб сийёсати;
 - (б) суғурта шартномаларидан келиб чиқадиган тан олинган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар (ва агар у бевосита усул ёрдамида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этса). Бундан ташқари, агар суғурталовчи цедант бўлса, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
 - (i) қайта суғурталашни сотиб олишда фойда ёки зарарда тан олинган даромад ва зарарлар; ва
 - (ii) агар цедент қайта суғурталашни сотиб олишда пайдо бўладиган даромад ва зарарларни камайтирса ва амортизация қилса, давр учун амортизация ва давр бошида ва охирида амортизация қилинмаган қолган суммалар.
 - (в) (б) кичик бандда тасвирланган тан олинган суммаларни баҳолашга энг катта таъсир кўрсатадиган фаразларни аниқлаш учун амалга ошириладиган жараён. Қўллаш мумкин бўлган тақдирда, суғурталовчи ушбу фаразларни миқдорий равишда ёритиб бериши лозим.
 - (г) молиявий ҳисоботга аҳамиятли таъсир кўрсатадиган ҳар бир ўзгаришнинг таъсирини алоҳида кўрсатиб, суғурта активлари ва суғурта мажбуриятларини баҳолаш учун фойдаланилган фаразлардаги ўзгаришларнинг таъсири.
 - (д) суғурта мажбуриятлари, қайта суғурталаш активлари ва агар мавжуд бўлса, кечиктирилган аквизиция сарфлари ўзгаришининг солиштирилмалари.

Суғурта шартномаларидан юзага келадиган рискларнинг характери ва даражаси

- 38 Суғурталовчи ўзининг молиявий ҳисоботи фойдаланувчиларига суғурта шартномаларидан юзага келадиган рискларнинг характери ва даражасини баҳолашга имкон берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 39 38-бандга мувофиқ суғурталовчи қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) суғурта шартномаларидан келиб чиқадиган рискларни бошқариш бўйича унинг мақсадлари, сиёсати ва жараёнлари ва ушбу рискларни бошқариш усуллари.
 - (б) [Чиқариб ташланган]
 - (в) *суғурта rischi* тўғрисидаги маълумотлар (қайта суғурталаш орқали рискни камайтиришдан олдин ҳам, кейин ҳам), шу жумладан қуйидагилар:
 - (i) суғурта рискига таъсирчанлик (39А-бандга қаранг).
 - (ii) суғурта рискининг концентрациялари, шу жумладан менежмент концентрацияларни қандай белгилаши ва ҳар бир концентрацияни (масалан, суғурта ҳодисаси тури, географик ҳудуд ёки валюта) аниқлайдиган умумий хусусиятни тавсифлаш.
 - (iii) олдинги ҳисоб баҳоларига нисбатан ҳақиқий даъволар (яъни даъволар билан ишлаш). Даъволар билан ишлаш тўғрисидаги маълумотлар дастлабки талаблар пайдо бўлган даврга қайтади, чунки уларда даъволар миқдори ва муддати тўғрисида ҳали ҳам ноаниқлик мавжуд, лекин ўн йилдан ошмаслиги лозим. Суғурталовчи, одатда, бир йил ичида тўловлар миқдори ва муддатлари тўғрисида ноаниқлик бартараф қилинадиган даъволар учун ушбу маълумотни ёритиб бериши талаб этилмайди.
 - (г) агар суғурта шартномалари 7-сон МХХС доирасида бўлса, 7-сон МХХСнинг 31-42-бандлари талаб қиладиган кредит rischi, ликвидлик rischi ва бозор rischi тўғрисида маълумот. Лекин:
 - (i) агар бунинг ўрнига тан олинган суғурта мажбуриятлари натижасида келиб чиқадиган нақд пул оқимининг тахминий вақти тўғрисида маълумот берилса, суғурталовчи 7-сон МХХСнинг 39(а) ва (б) кичик бандларида назарда тутилган муддат бўйича таҳлилларни тақдим этиши талаб этилмайди. Бу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган суммаларни ҳисобланган муддатлари бўйича таҳлил шаклида бўлиши мумкин.
 - (ii) агар суғурталовчи ички шароитга нисбатан таъсирчанликни бошқариш учун муқобил усулдан фойдаланса, масалан, ички қиймат таҳлили, у ушбу таъсирчанлик таҳлилидан 7-сон МХХСнинг 40(а) бандидаги талабни қондириш учун фойдаланиши мумкин. Бунда суғурталовчи 7-сон МХХСнинг 41-бандида назарда тутилган маълумотларни ҳам ёритиб беради.
 - (д) агар суғурталовчи бириктирилган деривативларни ҳаққоний қийматида баҳоламаган бўлса ва бу ундан талаб қилинмаган бўлса, асосий суғурта шартномасида мавжуд бўлган бириктирилган деривативлардан келиб чиқадиган бозор рисклари тўғрисидаги маълумотлар.
- 39А 39(в)(i) кичик бандига мувофиқ суғурталовчи (а) ёки (б) кичик бандни қуйидагича ёритиб бериши лозим:
- (а) агар ҳисобот даври охирида асосланган тарзда мумкин бўлган тегишли риск ўзгарувчисидagi ўзгаришлар юз берган бўлса, фойда ёки зарар ва хусуий капиталга қандай таъсир қилишини кўрсатадиган таъсирчанлик таҳлили; таъсирчанлик таҳлилинини тайёрлашда фойдаланиладиган усуллар ва таҳминлар; ва фойдаланилган усуллар ва фаразлардаги олдинги даврдаги ҳар қандай ўзгаришлар. Лекин, агар суғурталовчи бозор шароитларига нисбатан таъсирчанликни бошқариш учун муқобил усулдан фойдаланса, масалан, ўрнатилган қиймат таҳлили, бу талабни ушбу муқобил таъсирчанлик таҳлили ва 7-сон МХХСнинг 41-бандида талаб қилинадиган маълумотларни ёритиб бериш орқали ушбу талабга жавоб бериши мумкин.
 - (б) таъсирчанлик тўғрисидаги сифатли маълумотлар ва суғурталовчининг келгусидаги пул оқимлари миқдори, муддати ва ноаниқлигига жиддий таъсир кўрсатадиган суғурта шартномалари шартлари ва маълумотлари.

9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш

- 39Б 9-сон МҲХСдан вақтинча озод қилишни қўллашни танлаган суғурталовчи молиявий ҳисоботнинг фойдаланувчиларига қуйидагилар учун имкон бериш мақсадида маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) суғурталовчи вақтинча озод қилишни қўллаш учун қандай тартибда мос келишини тушуниш; ва
 - (б) вақтинча озод қилишни қўлайдиган суғурталовчиларни 9-сон МҲХС қўлайдиган ташкилотлар билан қиёслаш.
- 39В 39Б(а) бандга мувофиқ суғурталовчи 9-сон МҲХСдан вақтинча озод қилишни қўллаётганлиги фактини ва қандай қилиб суғурталовчи 20Б(б)-бандда белгиланган санада 9-сон МҲХСдан вақтинча озод қилиш мезонларига мос келиши тўғрисида хулоса чиқарганини ёритиб бериши лозим:
- (а) агар мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасидаги шартномалардан юзага келадиган мажбуриятлар баланс қиймати (яъни 20Д(а) бандида тавсифланган мажбуриятлар) барча мажбуриятларнинг умумий баланс қийматининг 90 фоиздан кам ёки тенг бўлса, мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасидаги шартномалардан юзага келадиган мажбуриятлар (яъни 20Д (б) ва 20Д (в)-бандларда тавсифланган мажбуриятлар) бўлмаган суғурта билан боғлиқ мажбуриятларнинг характери ва баланс қийматлари;
 - (б) агар унинг суғурта билан боғлиқ мажбуриятларнинг умумий баланс қиймати унинг барча мажбуриятларининг умумий баланс қийматига нисбатан фоизи 90 фоиздан кам ёки тенг бўлса, лекин 80 фоиздан юқори бўлса, суғурталовчи суғурта билан боғлиқ бўлмаган аҳамиятли фаолият билан шуғулланмаслигини қандай аниқлаганини, шу жумладан қайси маълумотларни инobatга олганлигини; ва
 - (в) агар суғурталовчи 20Ё(б) бандни қўллаган ҳолда қайта баҳолаш асосида 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш мезонига мос келса:
 - (i) қайта баҳолаш сабабини;
 - (ii) унинг фаолиятида тегишли ўзгариш содир бўлган санасини; ва
 - (iii) унинг фаолиятидаги ўзгаришнинг батафсил изоҳини ва ушбу ўзгаришнинг суғурталовчининг молиявий ҳисоботида таъсирининг сифат тавсифини.
- 39Г Агар 20Ё(а) бандни қўллаган ҳолда, ташкилот ўз фаолиятининг асосий қисми суғурта билан боғлиқ эмас, деган хулосага келса, у 9-сон МҲХСни қўллашни бошлашдан олдин ҳар бир ҳисобот даврида қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) энди 9-сон МҲХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш мезонларига мос келмаслиги фактини;
 - (б) унинг фаолиятида тегишли ўзгариш юз берган санани; ва
 - (в) унинг фаолиятидаги ўзгаришнинг батафсил изоҳини ва ушбу ўзгаришнинг ташкилот молиявий ҳисоботида таъсирининг сифат тавсифини.
- 39Д 39Б(б) бандга мувофиқ суғурталовчи қуйидаги молиявий активларнинг иккита гуруҳи бўйича ҳисобот даврининг охирига ҳаққоний қийматни ва ушбу даврдаги ҳаққоний қиймат ўзгариши миқдорини алоҳида ёритиб бериши лозим:
- (а) 9-сон МҲХСдаги савдо учун мўлжалланган таърифига мос келадиган ёки ҳаққоний қиймат асосида бошқариладиган ва самарадорлиги баҳоланадиган ҳар қандай молиявий активларни (9-сон МҲХСнинг Б4.1.6-бандига қаранг) ҳисобга олмаган ҳолда фақат асосий қарз тўловлари ва асосий қарз қолдиғи бўйича фоиз тўловларидан (яъни 9-сон МҲХСнинг 4.1.2 (б) ва 4.1.2А (б)-бандларидаги шартларга жавоб берадиган молиявий активлар) иборат бўлган белгиланган саналарда пул оқимларини ҳосил қиладиган шартнома шартларига эга бўлган молиявий активлар.
 - (б) 39Д(а) бандида белгиланганлардан ташқари барча молиявий активлар; яъни қуйидаги ҳар қандай молиявий актив:
 - (i) фақат асосий қарз тўловлари ва асосий қарз қолдиғи бўйича фоиз тўловларидан иборат бўлган белгиланган саналарда пул оқимларини ҳосил қиладиган шартнома шартларига эга бўлган;
 - (ii) 9-сон МҲХСдаги савдо учун мўлжалланган таърифига мос келадиган; ёки

- (iii) ҳаққоний қиймат асосида бошқариладиган ва самарадорлиги баҳоланадиган.
- 39Е 39Д-банддаги маълумотларни ёритиб беришда суғурталовчи:
- (а) агар суғурталовчидан 7-сон МҲХСнинг 29 (а) бандини қўллаган ҳолда молиявий активнинг ҳаққоний қийматини ёритиб бериш талаб этилмаса (масалан, қисқа муддатли савдо дебиторлик қарзи), ушбу молиявий активнинг 39-сон БҲХСни қўллаган ҳолда баҳоланадиган баланс қийматини унинг ҳаққоний қийматига асосланган тарзда яқинлаштирилган қиймати деб ҳисоблаш мумкин; ва
 - (б) молиявий ҳисобот фойдаланувчилари молиявий активларнинг хусусиятларини тушуниши учун зарур бўлган тафсилотлар даражасини инобатга олиши лозим.
- 39Ё 39Б(б) бандга мувофиқ суғурталовчи 39Д(а) бандда тавсифланган молиявий активларига боғлиқ аҳамиятли кредит rischi жамланмаларини ўз ичига оладиган кредит rischi очиқ позицияси тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим. Суғурталовчи ҳисобот даври охирига ушбу молиявий активлар бўйича камида қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) 7-сон МҲХСда таърифланган кредит rischi рейтинги даражалари бўйича 39-сон БҲХСни қўллаган ҳолдаги баланс қийматлари (амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий активларга нисбатан ҳар қандай кадрсизланиш бўйича тузатишдан олдин).
 - (б) 39Д(а) бандда тавсифланган, ҳисобот даври охирида паст кредит рискига эга бўлмаган молиявий активлар учун, 39-сон БҲХС қўллаган ҳолдаги ҳаққоний қиймат ва баланс қиймати (амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий активларга нисбатан ҳар қандай кадрсизланиш бўйича тузатишдан олдин). Маълумотларни ёритиб бериш мақсадида 9-сон МҲХСнинг Б5.5.22-банди молиявий инструмент бўйича кредит rischi паст деб ҳисобланишини баҳолаш учун тегишли талабларни тақдим этади.
- 39Ж 39Б(б) бандга мувофиқ суғурталовчи молиявий ҳисоботдан фойдаланувчининг тегишли ҳисобот даври бўйича гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида тақдим этилмаган гуруҳ таркибидаги ташкилотга тегишли 9-сон МҲХС бўйича барчага очиқ бўлган маълумотни қандай олиши мумкинлиги тўғрисида маълумотни ёритиб бериши лозим. Масалан, бундай 9-сон МҲХС бўйича маълумот гуруҳ таркибидаги 9-сон МҲХСни қўллаган ташкилотнинг барчага очиқ бўлган индивидуал ёки алоҳида молиявий ҳисоботидан олиниши мумкин.
- 39З Агар ташкилот 20Н-банддаги 28-сон БҲХСнинг баъзи талабларидан озод қилишни қўлашни танлаган бўлса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 39И Агар ташкилот таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхонага инвестицияларни улушли қатнашиш усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олишда (масалан, 20Н (а) бандига қаранг) 9-сон МҲХСдан вақтинча озод қилишни қўлласа, ташкилот 12-сон МҲХС “*Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш*” орқали талаб қилинадиган маълумотларга қўшимча равишда қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилот учун муҳим бўлган ҳар бир таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона бўйича 39Б-39Ж-бандларида тавсифланган маълумотларни. Ёритиб бериладиган суммалар ташкилотнинг бу суммалардаги улушидан кўра улушли қатнашиш усулидан фойдаланган ҳолда (12-сонли МҲХС нинг Б14(а) бандига қаранг) ташкилот амалга оширган ҳар қандай тузатишларни акс эттиргандан кейинги таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхонанинг МҲХС бўйича тузилган молиявий ҳисоботига киритилган бўлиши лозим.
 - (б) алоҳида олганда муҳим бўлмаган барча таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона бўйича жамланган ҳолда 39Б-39Ж-бандларда тавсифланган миқдорий маълумотларни. Ёритиб бериладиган жамланма суммалар қуйидагича бўлиши лозим:
 - (i) ушбу суммалардаги ташкилотнинг улушига тенг бўлиши лозим; ва
 - (ii) таъсир остидаги ташкилот бўйича бу суммалар қўшма корхоналар бўйича ёритиб берилган суммалардан алоҳида ёритиб берилиши лозим.

Ўрнига қўйиш ёндашуви тўғрисида ёритиб бериладиган маълумотлар

- 39Й Ўрнига қўйиш ёндашувини қўллайдиган суғурталовчи молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига қуйидагиларни тушуниш имконини берадиган маълумотни ёритиб бериши лозим:
- (а) ҳисобот давридаги фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад ўртасида қайта таснифланган жами сумма қандай ҳисобланганлигини; ва

- (б) ушбу қайта таснифлашнинг молиявий ҳисоботга таъсирини.**
- 39К 39Й-бандга мувофиқ суғурталовчи куйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ўрнига қўйиш ёндашувини қўллаш фактини;
 - (б) суғурталовчининг молиявий активлар синфи бўйича ўрнига қўйиш ёндашувини қўллаган молиявий активларнинг ҳисобот даври охиридаги баланс қийматини;
 - (в) мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасидаги шартномалар тузадиган юридик шахсдан ташқарида эгалик қилинадиган ҳар қандай белгиланган молиявий активларнинг изоҳини ўз ичига олган ҳолда ўрнига қўйиш ёндашуви бўйича молиявий активларни белгилаш учун асосни;
 - (г) ҳисобот даврида фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад ўртасида қайта таснифланган умумий сумманинг молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига, куйидагиларни ўз ичига олган ҳолда, ушбу сумманинг қандай ҳосил бўлишини тушунишига имкон берадиган тарздаги изоҳни:
 - (i) 9-сон МҲХСни қўллаган ҳолда белгиланган молиявий активлар бўйича фойда ёки зарарда тақдим этилган суммани; ва
 - (ii) суғурталовчи 39-сон БҲХСни қўллаганида, белгиланган молиявий активлар бўйича фойда ёки зарарда тақдим қилиниши мумкин бўлган суммани.
 - (д) 35Б ва 35Л-бандларда тавсифланган қайта таснифлаш таъсир кўрсатган фойда ёки зарарнинг ҳар бир моддаси бўйича таъсирини; ва
 - (е) агар ҳисобот даври мобайнида суғурталовчи молиявий активларнинг белгиланишини ўзгартирган бўлса:
 - (i) ўрнига қўйиш ёндашувини қўллаган ҳолда янгидан белгиланган молиявий активларга доир ҳисобот даврида фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад ўртасида қайта таснифланган сумма, (35Е(б) бандга қаранг);
 - (ii) агар молиявий активлар қайта белгиланмаган бўлганда, ҳисобот даврида фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад ўртасида қайта таснифланган бўлиши мумкин бўлган сумма (35З(а) бандга қаранг); ва
 - (iii) қайта белгиланган молиявий активлар бўйича ҳисобот даврида жамғарилган бошқа умумий даромаддан фойда ёки зарарга қайта таснифланган сумма (35И-бандга қаранг).
- 39Л Агар ташкилот таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхонага инвестицияларни улушли қатнишиш усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олишда ўрнига қўйиш ёндашувини қўлласа, ташкилот 12-сон МҲХС томонидан талаб қилинадиган маълумотларга қўшимча равишда куйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилот учун муҳим бўлган ҳар бир таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона бўйича 39Й-39К-бандларда тавсифланган маълумотларни. Ёритиб бериладиган суммалар ташкилотнинг бу суммалардаги улушидан кўра улушли қатнишиш усулидан фойдаланган ҳолда (12-сонли МҲХС нинг Б14(а) бандига қаранг) ташкилот амалга оширган ҳар қандай тузатишларни акс эттиргандан кейинги таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхонанинг МҲХС бўйича тузилган молиявий ҳисоботига киритилган бўлиши лозим.
 - (б) алоҳида олганда муҳим бўлмаган барча таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона бўйича жамланган ҳолда 39Й-39К (г) ва 39Й(е) - бандларда тавсифланган миқдорий маълумотлар ва 35Б-бандда тавсифланган қайта таснифлашнинг фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадга таъсирини. Ёритиб бериладиган жамланма суммалар куйидагича бўлиши лозим:
 - (i) ушбу суммалардаги ташкилотнинг улушига тенг бўлиши лозим; ва
 - (ii) таъсир остидаги ташкилот бўйича бу суммалар қўшма корхоналар бўйича ёритиб берилган суммалардан алоҳида ёритиб берилиши лозим.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 40 41-45-бандларидаги ўтиш қоидалари МҲХСни аллақачон қўллаётган лекин мазкур МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилотга ҳам МҲХСни биринчи марта қўллайдиган ташкилотга ҳам қўлланади.

- 41 Мазкур МХХС ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур МХХСни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 41А 2005 йил август ойида эълон қилинган “Молиявий кафолат шартномалари” (39-сон БХХС ва 4-сон МХХСга ўзгартиришлар) бўйича 4(г), Б18(ё) ва Б19(е) бандларига ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2006 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим ва бир вақтнинг ўзида 1-сон БХХС, 39-сон БХХС, 7-сон МХХС ва 32-сон МХХСШҚга⁴ киритилган тегишли ўзгартиришларни қўллаши лозим.
- 41Б 1-сон БХХС(2007 йил таҳрири) бўйича МХХСда фойдаланилган атамаларга ўзгартириш киритилган. Шунингдек, у бўйича 30-бандга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БХХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 41В [Чиқариб ташланган]
- 41Г [Чиқариб ташланган]
- 41Д 2011 йил май ойида эълон қилинган 13 сон МХХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*” бўйича А иловадаги ҳаққоний қиймат таърифига ўзгартириш киритилган.
- 41Е [Чиқариб ташланган]
- 41Ё 2014 йил май ойида эълон қилинган 15-сон МХХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*” бўйича 4(а) ва (в), Б7, Б18(ж) ва Б21-бандларига ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 41Ж 2014 йил июл ойида эълон қилинган 9-сон МХХС бўйича 3, 4, 7, 8, 12, 34, 35, 45-бандларга, А иловага ва Б18-Б20-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 41В, 41Г ва 41Е-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 41З 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МХХС бўйича 4-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 42 Ташкилот мазкур МХХСнинг 37 (а) ва (б) бандларида ҳисоб сиёсати ва тан олинган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар (ва агар бевосита усул фойдаланилса, пул оқимлари) тўғрисида талаб қилинган ёритиб бериладиган маълумотларни истисно қилган ҳолда, 2005 йил 1 январдан олдин бошланадиган йиллик даврларга тааллуқли қиёсий маълумотларга мазкур МХХСнинг маълумотларни ёритиб бериш талабларини қўллаши талаб этилмайди.
- 43 Агар 35-банднинг муайян талабини 2005 йил 1 январдан олдин бошланган йиллик даврлар учун қиёсий маълумотларга нисбатан амалий қўллаш имконсиз бўлса, ташкилот ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Бундай қиёсий маълумотларга нисбатан мажбурият монандлиги тестини қўллаш (15-19-бандлар) баъзан амалий жиҳатдан имконсиз бўлиши мумкин, аммо бундай қиёсий маълумотларга нисбатан 10-35 бандларнинг бошқа талабларини қўллаш имконсиз бўлиши эҳтимолдан йироқ бўлади. 8-сон БХХСда “амалий қўллаш имконсизлиги” атамасининг маъноси тушунтирилган.
- 44 39(в)(iii) кичик бандини қўллашда ташкилот мазкур МХХСни қўллаган биринчи молиявий йил тугашидан беш йил олдин содир бўлган даъволарнинг ривожланиши тўғрисида маълумотни ёритиб бериши талаб этилмайди. Бундан ташқари, агар ташкилот мазкур МХХСни биринчи марта қўллаганида, мазкур МХХСга мос келадиган тўлиқ қиёсий маълумотни тақдим этадиган дастлабки давр бошланишидан олдин содир бўлган даъволарнинг ривожланиши тўғрисида маълумот тайёрлаш амалий жиҳатдан имконсиз бўлса, ташкилот ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Молиявий активларни қайта таснифлаш

- 45 Суғурталовчи суғурта мажбуриятлари бўйича ҳисоб сиёсатини ўзгартирганда, 9-сон МХХСнинг 4.4.1-бандига қарамадан, унга молиявий активлар фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаши учун уларнинг бир қисмини ёки барчасини қайта таснифлашга рухсат берилади, лекин талаб қилинмайди. Суғурталовчи мазкур МХХСни биринчи марта қўллаганда ҳисоб сиёсатини

⁴ Ташкилот 7-сон МХХСни қўллаганда, 32-сон БХХСга ҳавола 7-сон МХХСга ҳавола билан алмаштирилади.

Ўзгартирса ва 22-бандда рухсат берилган ҳисоб сиёсатининг кейинги ўзгартиришини амалга оширса, ушбу қайта таснифлашга рухсат берилади. Қайта таснифлаш ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш ҳисобланади ва унга 8-сон БХХС қўлланади.

4-сон МХХСни 9-сон МХХС билан қўллаш

9-сон МХХСни қўллашдан вақтинча озод қилиш

- 46 2016 йил сентябр ойида чиқарилган 9-сон “*Молиявий инструментлар*”ни 4-сон МХХС “*Суғурта шартномалари*” (4-сон МХХС га ўзгартиришлар) билан қўллаш бўйича 3 ва 5-бандларга ўзгартириш киритилган ва 20А-20Й, 35А ва 39Б-39И-бандлар ва 20, 20Й, 20М ва 39А -бандлардан кейинги сарлавҳалар киритилган. Ташкилот белгиланган мезонларга жавоб берадиган суғурталовчиларга 9-сон МХХСдан вақтинча озод қилишни қўллашга рухсат берадиган ушбу ўзгартиришларни 2018 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим.
- 47 39Б-39И-бандлари талаб қилган маълумотларни ёритиб берадиган ташкилот ушбу ёритиб бериладиган маълумотлар бўйича талаб қилинадиган баҳолашларни амалга оширишга доир 9-сон МХХСдаги ўтиш қоидаларидан фойдаланиши лозим. Ушбу мақсад учун дастлабки қўллаш санаси 2018 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган биринчи йиллик даврнинг боши деб ҳисобланиши лозим.

Ўрнига қўйиш ёндашуви

- 48 2016 йил сентябр ойида эълон қилинган 9-сон МХХС “*Молиявий инструментлар*”ни 4-сон МХХС “*Суғурта шартномалари*” (4-сон МХХС га ўзгартиришлар) билан қўллаш бўйича 3 ва 5-бандларга ўзгартиришлар киритди ва 35А-35М ва 39Й-39Л бандлар ва 35А, 35Й, 35Л ва 39И бандларидан кейинги сарлавҳалар киритилган. Ташкилот суғурталовчиларга белгиланган молиявий активларга ўрнига қўйиш ёндашувини қўллашга рухсат берувчи ушбу ўзгартиришларни 9-сон МХХСни биринчи марта қўлаганида (35В-бандга қаранг) қўллаши лозим.
- 49 Ўрнига қўйиш ёндашувини қўллашни танлаган ташкилот:
- (а) ушбу ёндашувни 9-сон МХХСга ўтишда белгиланган молиявий активларга нисбатан ретроспектив равишда қўллаши лозим. Шунга қўра, масалан, ташкилот 9-сон МХХСни қўллаган ҳолда аниқланадиган белгиланган молиявий активларнинг ҳаққоний қиймати билан 39-сон БХХСни қўллаган ҳолда аниқланадиган уларнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқга тенг суммани жамғарилган бошқа умумий даромаднинг бошланғич балансига тузатиш сифатида тан олиши лозим.
- (б) ташкилот ўрнига қўйиш ёндашувини акс эттириш учун, фақат ва фақат 9-сон МХХСни қўллаган ҳолда қиёсий маълумотни қайта тақдим қилса, қиёсий маълумотни қайта тақдим қилиши лозим.
- 50 9-сон МХХС, 39-сон БХХС, 7-сон МХХС, 4-сон МХХС ва 16-сон МХХСларга ўзгартириш сифатида киритилган 2020 йил август ойида эълон қилинган “*Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш - 2-фаза*” бўйича 20Р-20С бандлар ва 51 банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2021 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 51 бандда белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда 8-сон БХХСга мувофиқ ретроспектив тарзда қўллаши лозим.
- 51 Ташкилот мазкур ўзгартиришларни қўлланишини акс эттириш учун ўтган даврларни қайта ҳисоблаши талаб этилмайди. Ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттириши фақат агар бундай акс эттириш кейинги маълумотларсиз имкони бўлса, мумкин бўлади. Агар ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттирмаса, ташкилот олдинги баланс қиймати ва йиллик ҳисобот даври бошидаги баланс қиймати ўртасидаги фарқни ўзгартиришларни дастлабки қўллаш санасидаги йиллик ҳисобот даврининг бошланғич тақсимланмаган фойдасида (ёки агар ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентидан) тан олиши лозим.

А Илова Атамалар таъриффи

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

цедент	Қайта суғурталаш шартномаси бўйича суғурта полиси эгаси.
депозит компоненти	9-сон МХХС бўйича дериватив сифатида ҳисобга олинмайдиган, лекин агар у алоҳида инструмент бўлганида 9-сон МХХСнинг қўллаш доирасига кирадиган шартномавий компонент.
бевосита суғурта шартномаси	Қайта суғурталаш шартномаси бўлмаган суғурта шартномаси.
ихтиёрий иштирок этиш шarti	Кафолатланган тўловларга қўшимча қуйидаги тўловларни олиш учун шартномавий ҳуқуқ: (а) умумий шартномавий тўловларнинг аҳамиятли қисми бўлиши мумкин бўлган; (б) миқдори ёки муддати шартномага асосан суғурталовчининг ихтиёрида бўлган; ва (в) шартномага қўра қуйидагиларга асосланадиган: (i) муайян шартномалар гуруҳини ёки муайян турдаги шартномаларнинг бажарилишига; (ii) эмитент эгалик қиладиган активларнинг муайян гуруҳи бўйича реализация қилинган ва/ёки реализация қилинмаган инвестиция даромадлари; ёки (iii) шартномани тузган компания, фонд ёки бошқа ташкилотнинг фойда ёки зарари.
ҳаққоний қиймат	<i>Ҳаққоний қиймат</i> - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олиниши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир. (13-сон МХХСга қаранг.)
молиявий кафолат шартномаси	Маълум бир қарздор қарз инструментининг асл ёки ўзгартирилган шартларига мувофиқ тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги сабабли у қўрган зарарни қоплаш учун бошқа томондан маълум тўловларни амалга оширишни талаб қиладиган шартнома.
молиявий риск	Белгиланган фоиз ставкаси, молиявий инструментлар нархи, товар нархи, валюта курси, нархлар ёки ставкалар индекси, кредит рейтинги ёки кредит индекслари ёки бошқа ўзгарувчиларнинг бир ёки бир нечтасида эҳтимолий келгуси ўзгариш rischi, шартноманинг бирор томонига хос бўлмаган номолиявий ўзгарувчиси.
кафолатланган тўловлар	Суғурталовчининг шартномавий ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган шартсиз ҳуқуққа эга муайян суғурта қилдирувчи ёки инвесторга тўланадиган тўловлар ёки бошқа нафлар.
кафолатланган элемент	Ихтиёрий иштирок этиш шартини ўз ичига оладиган шартномага киритилган кафолатланган тўловларни тўлаш мажбурияти.
суғурта активи	Суғурталовчининг суғурта шартномаси бўйича соф шартномавий ҳуқуқлари.
суғурта шартномаси	Содир бўлиши номаълум бўлган келгусидаги муайян ходиса (суғурта ходисаси) суғурта қилдирувчига салбий таъсир кўрсатса, суғурта қилдирувчига унинг ўрнини қоплашга келишиш орқали бир томон (суғурталовчи) бошқа томон (суғурта қилдирувчи)дан аҳамиятли суғурта рискини қабул қиладиган шартнома. (Ушбу таъриф бўйича кўрсатма учун Б иловага қаранг.)

суғурта мажбурияти	Суғурталовчининг суғурта шартномаси бўйича аниқ шартномавий мажбуриятлари.
суғурта rischi	Молиявий рискдан фаркланадиган, шартномага эгалик қилувчидан суғурталовчига ўтказиладиган риск.
суғурта ходисаси	Суғурта шартномаси билан қопланадиган ва суғурта riskини амалга оширадиган содир бўлиши номаълум бўлган келгусидаги ходиса.
суғурталовчи	Суғурта шартномаси бўйича суғурта ходисаси юз берган тақдирда суғурта қилдирувчига товон пули тўлаш мажбуриятини олган томон.
мажбурият монандлиги тести	Келгуси пул оқимларини кўриб чиқиш асосида суғурта мажбуриятининг баланс қиймати оширилиши (ёки тегишли кечиктирилган аквизиция сарфларининг ёки тегишли номоддий активларнинг баланс қиймати пасайтирилиши) зарурлигини баҳолаш.
суғурта қилдирувчи	Суғурта ходисаси содир бўлган тақдирда суғурта шартномаси бўйича компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган томон.
қайта суғурталаш активлари	Цедентнинг қайта суғурталаш шартномаси бўйича соф шартномавий ҳуқуқлари.
қайта суғурталаш шартномаси	Бир суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан бошқа суғурталовчига (цедентга) цедент томонидан тузилган бир ёки бир нечта шартномалар бўйича зарарни қоплаш учун тузилган суғурта шартномаси.
қайта суғурталовчи	Қайта суғурталаш шартномаси бўйича суғурта ходисаси юз берган тақдирда, цедентга компенсация қилиш мажбуриятини олган томон.
Алоҳида компонентларга ажратиш	Шартнома компонентларини худди улар алоҳида шартномалар бўлгани каби ҳисобга олиш.

Б Илова Суғурта шартномасининг таърифиди

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

- Б1 Ушбу илова А иловадаги суғурта шартномасининг таърифиди бўйича кўрсатма беради. Унда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:
- (а) “содир бўлиши номаълум бўлган келгусидаги ҳодиса” атамаси (Б2-Б4-бандлар);
 - (б) натура шаклидаги тўловлар (Б5-Б7-бандлар);
 - (в) суғурта rischi ва бошқа riskлар (Б8-Б17-бандлар);
 - (г) суғурта шартномаларининг намуналари (Б18-Б21-бандлар);
 - (д) аҳамиятли суғурта rischi (Б22-Б28-бандлар); ва
 - (е) суғурта rischi даражасининг ўзгариши (Б29 ва Б30-бандлар).

Содир бўлиши номаълум бўлган келгусидаги ҳодиса

- Б2 Ноаниклик (ёки риск) суғурта шартномасининг моҳияти ҳисобланади. Шунга кўра, суғурта шартномаси бошланганда қуйидагиларнинг камида биттасида ноаниклик мавжуд:
- (а) *суғурта ҳодисаси* содир бўлиши;
 - (б) у қачон содир бўлиши; ёки
 - (в) агар у содир бўлса, суғурталовчи қанча тўлаши керак бўлиши.
- Б3 Баъзи суғурта шартномаларида, ҳатто шартнома бошланишидан олдин содир бўлган ҳодиса натижасида зарар юзага келса ҳам, суғурта ҳодисаси шартнома муддатлари мобайнида кўрилган зарар ҳисобланади. Бошқа суғурта шартномаларида бўлса, ҳатто натижавий зарар шартнома муддати тугаганидан кейин юзага келса ҳам, суғурта ҳодисаси шартнома муддатлари мобайнида кўрилган зарар ҳисобланади.
- Б4 Баъзи суғурта шартномалари аллақачон содир бўлган, лекин молиявий таъсири ҳали ҳам ноаник бўлган воқеаларни қамраб олади. Бунга бевосита суғурталовчига суғурта қилдирувчилар томонидан аллақачон билдирилган суғурта даъволарини каноатлантириш билан боғлиқ зарарларни коплайдиган қайта суғурталаш шартномаси мисол бўла олади. Бундай шартномаларда ушбу даъволарнинг якуний нархини аниқлаш суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

Натура шаклида тўловлар

- Б5 Баъзи суғурта шартномаларида тўловларни натура шаклида амалга ошириш талаб этилади ёки уларга рухсат берилади. Мисол тариқасида суғурталовчи суғурта қилдирувчига тоvon тўлаш ўрнига бевосита ўғирланган нарсани алмаштириб бериш ҳолатини келтириш мумкин. Бошқа мисол сифатида суғурталовчи шартномаларда кўзда тутилган тиббий хизматни кўрсатиш учун ўз касалхоналари ва тиббиёт ходимларидан фойдаланиш ҳолатини келтириш мумкин.
- Б6 Хизмат кўрсатиш даражаси содир бўлиши номаълум бўлган ҳодисага боғлиқ бўлган баъзи бир белгиланган пуллик хизмат кўрсатиш шартномалари мазкур МХХСда суғурта шартномаси таърифига жавоб беради, лекин баъзи мамлакатларда суғурта шартномалари сифатида тартибга солинмайди. Мисол тариқасида хизмат кўрсатувчи муайян ускунани бузилгандан кейин таъмирлаш бўйича шартномасини келтириш мумкин. Белгиланган хизмат ҳақи қутилган носозликлар сонига асосланади, лекин маълум бир машинанинг қачон ишламай қолиши ноаник бўлади. Ускунанинг нотўғри ишлаши унинг эгасига салбий таъсир кўрсатади ва шартнома шартларига кўра ускунанинг эгасига компенсация берилади (нақд пулдан эмас, балки натура шаклида). Бошқа мисол сифатида хизмат кўрсатувчи томон белгиланган йиллик тўлов эвазига автомашиналар йўлда бузилиб қолганда хизмат кўрсатиш ёки машинани яқин атрофдаги гаражга олиб боришни таъминлайдиган хизмат кўрсатиш шартномасини келтириш мумкин. Иккинчи шартнома ҳатто хизмат кўрсатувчи томон носоз қисмларни таъмирлаш ёки алмаштиришга келишмаса ҳам суғурта шартномаси таърифига жавоб бериши мумкин.
- Б7 Б6-бандда тавсифланган шартномаларга мазкур МХХСни қўллаш, бундай шартномалар мазкур МХХСнинг қўллаш доирасидан ташқарида бўлганда, қўлланиши ўринли бўлган МХХСни қўллашдан кўра оғирроқ бўлмайди:

- (a) Аллақачон содир бўлган носозликлар ва бузилишлар учун жиддий жавобгарликлар бўлиши эҳтимолдан йирок.
- (б) Агар 15-сон МҲХС қўлланганда, хизмат кўрсатувчи хизматни харидорга тақдим қилганда (ёки шу пайтда) (бошқа белгиланган мезонларни ҳисобга олган ҳолда) даромадни тан олган бўларди. Ушбу ёндашув хизмат кўрсатувчига (i) агар ушбу шартномалар бўйича амалдаги ҳисоб сиёсати 14-бандда тақиқланган амалиётларни тақазо қилмаса, уни қўллашни давом эттиришга ва (ii) 22-30-бандларда рухсат берилса, ҳисоб сиёсатини такомиллаштиришга рухсат берадиган мазкур МҲХС бўйича ҳам қўлланади.
- (в) хизмат кўрсатувчи томон хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома мажбуриятини бажариш таннархи олдиндан олинган даромаддан ошиб кетмаслигини кўриб чиқади. Бунинг учун у мазкур МҲХСнинг 15-19-бандларида тавсифланган мажбурият монандлиги тестини қўллайди. Агар мазкур МҲХС ушбу шартномаларга татбиқ этилмаган бўлса, хизмат кўрсатувчи провайдер шартномаларнинг оғирлигини аниқлаш учун 37-сон БҲХСни қўллайди.
- (г) Ушбу шартномалар бўйича мазкур МҲХСдаги маълумотларни ёритиб бериш талаблари бошқа МҲХС томонидан талаб қилинган маълумотларнинг ҳажминини сезиларли даражада ошириш эҳтимоли кам.

Суғурта rischi ва бошқа riskлар ўртасидаги фарқ

- Б8 Суғурта шартномасининг таърифи мазкур МҲХСда шартнома эгасидан суғурталовчига ўтказиладиган *молиявий riskдан* ташқари risk сифатида тавсифланадиган суғурта riskини назарда тутати. Суғурталовчини аҳамиятли суғурта riskи бўлмаган молиявий risk таъсири остида қолдирадиган шартнома суғурта шартномаси ҳисобланмайди.
- Б9 А Иловадаги молиявий risk таърифи бир қатор молиявий ва номолиявий ўзгарувчиларни ўз ичига олади. Ушбу ўзгарувчилар таркиби маълум бир минтақадаги ер кимиралиши бўйича йўқотиш индекси ёки маълум бир шаҳардаги ҳарорат индекси каби шартнома томонларига хос бўлмаган номолиявий ўзгарувчиларни ўз ичига олади. Бунда шартнома томонининг активга зарар етказадиган ёки йўқ қиладиган ёнгин содир бўлиш ёки бўлмаслиги каби шартнома томонига хос бўлган номолиявий ўзгарувчилар бундан мустасно. Бундан ташқари, агар номолиявий активнинг ҳаққоний қиймати нафақат бундай активларнинг бозор нархларидаги ўзгаришларни (молиявий ўзгарувчига), балки муайян номолиявий активнинг ҳолатини (номолиявий ўзгарувчи) ҳам акс эттирса, бундай номолиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш riskи молиявий risk ҳисобланмайди. Масалан, агар маълум бир автомобилнинг қолдиқ қийматининг кафолати кафилни автомобилнинг жисмоний ҳолатидаги ўзгаришлар riskига дучор қилса, бу risk молиявий risk эмас, суғурта riskи ҳисобланади.
- Б10 Баъзи шартномалар суғурталовчини аҳамиятли суғурта riskидан ташқари молиявий riskга ҳам дучор қилади. Масалан, кўплаб ҳаёт суғуртаси шартномалари ҳам суғурта қилдирувчиларга минимал рентабеллик даражасини (молиявий risk яратади) кафолатлайди, ҳам баъзи пайтларда суғурта қилдирувчининг ҳисобварағидаги қолдиқдан (ўлим riskи кўринишидаги суғурта riskини келтириб чиқарадиган) аҳамиятли даражада ошиб кетадиган ўлим содир бўлгандаги тўловларни ваъда қилади. Бундай шартномалар суғурта шартномалари ҳисобланади.
- Б11 Баъзи шартномалар бўйича суғурта ҳодисаси нархлар индексига боғлиқ бўлган миқдорни тўлашга олиб келади. Суғурта ҳодисасига боғлиқ бўлган тўлов аҳамиятли бўлиши шарт билан бундай шартномалар суғурта шартномалари ҳисобланади. Масалан, ҳаёт бўлиш шартли аннуитет суғурта riskини ўткази, чунки тўлов ноаниқ ҳодиса - рентанинг олувчиси тирик қолишидан келиб чиқади. Нархлар индексига боғлиқлик ҳам дериватив ҳисобланади, лекин у суғурта riskини ҳам ўткази. Агар натижада суғурта riskини ўтказиш муҳим бўлса, бириктирилган дериватив суғурта шартномасининг таърифига жавоб берса, бу ҳолда уни алоҳида компонентларга ажратиш ва ҳаққоний қиймат билан баҳолаш талаб этилмайди (мазкур МҲХСнинг 7-бандига қаранг).
- Б12 Суғурта riskининг таърифи суғурталовчининг суғурта қилдирувчидан қабул қиладиган riskини англатади. Бошқача айтганда, суғурта riskи - бу суғурта қилдирувчидан суғурталовчига ўтказилган аввалги risk ҳисобланади. Шундай қилиб, тузилган шартнома асосида юзага келган янги risk суғурта riskи ҳисобланмайди.
- Б13 Суғурта шартномасининг таърифи суғурта қилдирувчига салбий таъсир кўрсатилишини назарда тутати. Ушбу таърифга кўра суғурталовчининг тўлови нохуш ҳодисанинг молиявий таъсирига тенг миқдор билан чекланмайди. Масалан, ушбу таъриф, суғурта қилдирувчига зарар етказилган эски активи ўрнига янгисини алмаштириш учун етарли бўлган суммани тўлашни назарда тутадиган “эскини ўрнига янгиси” усулида қоплашни рад этмайди. Шу каби, таъриф ҳаётни суғурталаш бўйича

- муддатли шартномага биноан тўловни мархумнинг қарамоғида бўлганларга етказилган молиявий зарар билан чекламайди ва ўлим ёки бахтсиз ҳодиса натижасида етказилган зарарни аниқлаш учун олдиндан белгиланган миқдорларни тўлашни истисно қилмайди.
- Б14 Баъзи шартномалар, агар муайян ноаниқ ҳодиса рўй берса, тўловни талаб қилади, лекин суғурта қилдирувчига тўловнинг дастлабки шarti сифатида унга салбий таъсир кўрсатишини талаб қилмайди. Бундай шартнома, ҳатто эгаси шартномани асосий рискинни камайтириш учун ишлатса ҳам, суғурта шартномаси ҳисобланмайди. Мисол учун, агар суғурта қилдирувчи базавий номолиявий ўзгарувчини ҳежлаш учун деривативдан фойдаланса ва у ташкилот активидан келиб чиқадиган пул оқимлари билан боғлиқ бўлса, бундай дериватив суғурта шартномаси эмас, чунки тўлов активдан тушадиган пул оқимларининг қисқариши суғурта қилдирувчига салбий таъсир кўрсатиши ёки кўрсатмаслигига боғлиқ эмас. Аксинча, суғурта шартномасининг таърифи ноаниқ ҳодисани ва унинг суғурта қилдирувчига салбий таъсири шартнома бўйича тўловни амалга ошириш шarti эканлигини англатади. Ушбу шартноманинг дастлабки шarti суғурталовчидан ҳодиса ҳақиқатан ҳам салбий таъсир кўрсатганлигини текширишни талаб қилмайди, лекин суғурталовчи ушбу ҳодисанинг салбий таъсир кўрсатганига ишонч ҳосил қилмаса, тўловни рад этишига имкон беради.
- Б15 Шартнома муддатининг узайиши ёки қисқариши рисқи (яъни контрагент шартномани нархлашда суғурталовчи кутганидан олдин ёки кейинроқ шартномани бекор қилиш рисқи) суғурта рисқи эмас, чунки бунда контрагентга тўлов содир бўлиши номаълум бўлган ва келгусида контрагентга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисага боғлиқ эмас. Шу каби, харажатлар рисқи (яъни суғурта ҳодисалари билан боғлиқ харажатларга эмас, балки шартномада хизмат кўрсатиш билан боғлиқ маъмурий харажатларнинг қутилмаган ўсиш рисқи) суғурта рисқи эмас, чунки қутилмаган харажатларнинг қўтарилиши контрагентга салбий таъсир кўрсатмайди.
- Б16 Шунинг учун, суғурталовчини тугатиш рисқи, шартнома муддатининг узайиши ёки қисқариши рисқи ёки харажатлар рискинни юзага келтирадиган шартнома, агар у шунингдек суғурталовчини суғурта рисқига дучор қилмаса, суғурта шартномаси ҳисобланмайди. Лекин, агар ушбу шартнома бўйича суғурталовчи бундай рискнинг бир қисмини бошқа томонга ўтказиш учун иккинчи шартнома ёрдамида бу рискни камайтирса, иккинчи шартнома ушбу бошқа томонни суғурта рисқига дучор қилади.
- Б17 Суғурталовчи суғурта қилдирувчидан алоҳида шахс бўлган тақдирдагина суғурта қилдирувчидан аҳамиятли суғурта рисқи қабул қилиши мумкин. Ўзаро суғурта ҳолатида, ўзаро суғурта ташкилоти ҳар бир суғурта қилдирувчидан рискни қабул қилади ва уларни ўзида жамлайди. Суғурта қилдирувчилар бирлаштирилган рискларни эгалари сифатида, уларни ўз зиммаларига олишларига қарамай, суғурта шартномасининг моҳияти бўлган рискни қабул қилишган бўлади.

Суғурта шартномаларига мисоллар

- Б18 Аҳамиятли суғурта рискинни ўтказиш шarti бўйича суғурта шартномаси бўлган шартномаларга қуйида мисоллар келтирилган:
- (а) мулк ўғирланиши ёки унга зарар етишидан суғурта қилиш.
 - (б) маҳсулот ишлаб чиқарувчининг жавобгарлиги, касбий жавобгарлик, фуқаролик жавобгарлиги ёки ҳуқуқий харажатлардан суғурта қилиш.
 - (в) ҳаёт суғуртаси ва олдиндан тўланадиган дафн маросимлари дастурлари (ўлим юз бериши аниқ бўлсада, ўлим қачон юз бериши ёки ҳаёт суғуртасининг айрим турлари учун ўлим, суғурта билан қопланадиган муддат ичида қачон содир бўлиши ноаниқ бўлади).
 - (г) умрбод аннуитетлар ва пенсиялар (яъни содир бўлиши номаълум бўлган келгусидаги ҳодиса учун товон пули тўлайдиган шартномалар – аннуитет олувчи тирик қолиши – аннуитет олувчи ёки пенсионерга таъминланмаслиги уларнинг ҳаёт давомийлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳаёт тарзи даражасини таъминлашдир).
 - (д) ногиронлик ва тиббий ёрдам.
 - (е) кафиллик мажбуриятлари, содиклик мажбуриятлари, мажбуриятларни бажариш кафолатлари ва тендерлар бўйича мажбуриятлар (яъни, бошқа томон шартнома мажбуриятини бажармаган тақдирда, масалан, бино қуриш мажбуриятини қоплайдиган шартномалар).
 - (ё) маълум бир қарздор қарздорлик воситасининг асл ёки ўзгартирилган шартларига биноан белгиланган муддатда тўловни амалга оширмаганлиги сабабли эгасига етказилган зарарни қоплаш учун маълум тўловларни амалга оширишни назарда тутадиган кредит суғуртаси. Ушбу шартномалар турли хил ҳуқуқий шаклларга эга бўлиши мумкин, масалан, кафолат, аккредитивнинг айрим турлари, кредит бўйича дериватив шартномаси ёки суғурта

шартномаси. Лекин, ушбу шартномалар суғурта шартномаси таърифига жавоб беришига қарамай, улар 9-сон МХХСда молиявий кафолат шартномаси таърифига жавоб беради ва мазкур МХХС эмас, балки 32-сон БХХС⁵ ва 9-сон МХХС қўлланиш доирасига киради (4(г) бандига қаранг). Шунга қарамай, агар молиявий кафолат шартномалари томони илгари бундай шартномаларни суғурта шартномалари деб ҳисоблашни аниқ тасдиқлаган бўлса ва суғурта шартномаларига тааллуқли бухгалтерия ҳисобидан фойдаланган бўлса, ушбу томон бундай молиявий кафолат шартномаларига 32-сон БХХС⁶ ва 9-сон МХХСни ёки мазкур МХХСни қўллашни танлаши мумкин.

- (ж) маҳсулот кафолатлари. Ишлаб чиқарувчи, дилер ёки чакана савдо ташкилоти томонидан сотиладиган товарларга бошқа томондан берилган маҳсулот кафолатлари мазкур МХХСнинг қўллаш доирасига киради. Лекин, бевосита ишлаб чиқарувчи, дилер ёки чакана савдо ташкилоти томонидан берилган маҳсулот кафолатлари унинг қўллаш доирасига кирмайди, чунки улар 15-сон МХХС ва 37-сон БХХСнинг қўллаш доирасига киради.
- (з) эгалик ҳуқуқини суғурталаш (яъни, суғурта шартномаси тузилаётганда аниқ бўлмаган ерга нисбатан эгалик ҳуқуқида камчиликлар аниқланишидан суғурта қилиш). Бундай ҳолда, суғурта ҳодисаси бу камчиликнинг ўзи эмас, балки эгалик ҳуқуқидаги нуксонни аниқланиши ҳисобланади.
- (и) саёҳат вақтига суғурталаш (яъни суғурта қилдирувчиларга саёҳат пайтида кўрган зарарлари учун нақд ёки натура шаклида компенсация қилиш). Б6 ва Б7 бандлар ушбу турдаги баъзи шартномаларни муҳокама қилади.
- (й) агар муайян ҳодиса облигация эмитентига салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, облигация эмитентига асосий қарзнинг, фоизнинг ёки ҳар иккаласининг маълум қисмини таъминлайдиган ҳалокат облигациялари (агар ушбу ҳодиса аҳамиятли суғурта рискинни келтириб чиқармаса, масалан, агар бу ҳодиса фоиз ставкаси ёки валюта курсидаги ўзгариш бўлса).
- (к) суғурта своплари ва шартнома томонига хос бўлган иқлимий, геологик ёки бошқа физик ўзгаришларнинг ўзгариши асосида тўловни талаб қиладиган бошқа шартномалар.
- (л) қайта суғурталаш шартномалари.

⁵ Ташкилот 7-сон МХХСни қўллаганда, 32-сон БХХСга ҳавола 7-сон МХХСга ҳавола билан алмаштирилади.

⁶ Ташкилот 7-сон МХХСни қўллаганда, 32-сон БХХСга ҳавола 7-сон МХХСга ҳавола билан алмаштирилади.

- Б19 Куйида суғурта шартномаси бўлмаган моддаларга мисоллар келтирилган:
- (а) суғурта шартномасининг ҳуқуқий шаклига эга бўлган, аммо суғурталовчини аҳамиятли суғурта рискига дучор қилмайдиган инвестиция шартномалари, масалан суғурталовчининг ўлим rischi катта бўлмаган ҳаёт суғуртаси шартномалари (бундай шартномалар носуғуртавий молиявий инструментлар ёки хизмат кўрсатиш шартномаларидир, Б20 ва Б21 бандларга қаранг).
 - (б) суғуртанинг ҳуқуқий шаклига эга бўлган, лекин суғурта қилдирувчи томонидан суғурта қилдирилган зарарнинг бевосита натижасидан келиб чиққан ҳолда суғурталовчи томонидан келгуси тўловларга тузатиш киритувчи бекор қилинмайдиган ва мажбурий механизмлар орқали, барча аҳамиятли суғурта рискини, суғурта қилдирувчига қайтарадиган шартномалар, масалан, баъзи молиявий қайта суғурталаш шартномалари ёки баъзи бир гуруҳ шартномалари (бундай шартномалар одатда носуғуртавий молиявий инструментлар ёки хизмат кўрсатиш шартномалари ҳисобланади, Б20 ва Б21-бандларга қаранг).
 - (в) ўз-ўзини суғурталаш, бошқача қилиб айтганда суғурта билан қопланиши мумкин бўлган рискни сақлаб қолиш (суғурта шартномаси мавжуд эмас, чунки бошқа томон билан келишув мавжуд эмас).
 - (г) агар муайян ноаниқ келгуси ҳодиса содир бўлса, тўловни талаб қиладиган шартномалар (масалан, лотерея шартномалари), лекин шартномада олдиндан белгиланган шарт тўлов бўйича эканлиги сабабли, бу ҳодиса суғурта қилдирувчига салбий таъсир кўрсатиши талаб этилмайди. Лекин, бу ўлим ёки бахтсиз ҳодиса муайян ҳодиса натижасида етказилган зарарни баҳолаш учун олдиндан белгиланган тўловни истисно қилмайди (шунингдек, Б13 бандга қаранг).
 - (д) бир томонни суғурта рискига эмас, балки молиявий рискка дучор қиладиган деривативлар. Чунки улар фақат бир ёки ундан ортиқ белгиланган фоиз ставкаси, молиявий инструмент нархи, товар нархи, валюта курси, нарх ёки ставка индекси, кредит рейтинги ёки кредит индекслари ёки бошқа ўзгарувчилардаги ўзгаришлар асосида ушбу томондан тўловлар амалга оширишини талаб қилади, фақат бу ўзгарувчи шартнома томонига хос бўлмаган номолиявий ўзгарувчи бўлиши лозим (9-сон МХХС га қаранг).
 - (е) қарздорнинг белгиланган муддат ичида тўловларни амалга оширмаганлиги сабабли, зарар кўрмаган бўлса ҳам, тўловларни талаб қиладиган кредит билан боғлиқ кафолатлар (ёки аккредитив, кредит шартномаси ёки кредит суғуртаси шартномаси).
 - (ё) шартнома томонига хос бўлмаган иқлимий, геологик ёки бошқа физик ўзгарувчига асосан тўловни талаб қиладиган шартномалар (одатда об-ҳаво деривативлари деб тавсифланади).
 - (ж) шартнома томонига хос бўлмаган иқлимий, геологик ёки бошқа физик ўзгарувчига асосан облигация эмитентига асосий қарзнинг, фоизнинг ёки ҳар иккаласининг маълум қисмини таъминлайдиган ҳалокат облигациялари.
- Б20 Агар Б19-бандда тавсифланган шартномалар молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларни келтириб чиқарадиган бўлса, улар 9-сон МХХСнинг қўллаш доирасига қиради. Бошқалари қатори, бу шартнома томонлари баъзан депозит ҳисоби деб аталадиган ҳисобдан фойдаланишни англади, бу куйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) Бир томон олинган тушумни даромад сифатида эмас, балки молиявий мажбурият сифатида тан олади.
 - (б) ошқа томон ушбу тўланган тўловни харажат сифатида эмас, балки молиявий актив сифатида тан олади.
- Б21 Агар Б19-бандда тавсифланган шартномалар молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларни келтириб чиқармаса, 15-сон МХХС қўланади. 15-сон МХХСга мувофиқ, ташкилот олиши кутилаётган тўлов миқдорида келишилган товар ёки хизматни харидорга ўтказиш орқали бажариш мажбуриятини бажарганда (пайтда) даромад тан олинади.

Аҳамиятли суғурта rischi

- Б22 Шартнома, фақат агар у аҳамиятли суғурта riskини ўтказадиган бўлса, суғурта шартномаси ҳисобланади. Б8-Б21-бандларда суғурта rischi муҳокама қилинади. Куйидаги бандларда суғурта riskининг аҳамиятлилигини баҳолаш муҳокама қилинади.
- Б23 Фақат ва фақат тижорий моҳиятга эга бўлмаган сценарийларни (яъни операциянинг иқтисодий кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган) истисно қилган ҳолда, суғурта ҳодисаси ҳар

кандай сценарийда суғурталовчи аҳамиятли қўшимча тўловларни тўлашига сабаб бўлиши мумкин бўлса, суғурта rischi аҳамиятли бўлади. Агар тижорий моҳиятга эга бўлган сценарийларда аҳамиятли қўшимча тўловлар тўланиши мумкин бўлса, суғурта ҳодисаси эҳтимолдан йироқ бўлса ҳам ёки шартли пул оқимларининг кутилган (яъни эҳтимоллиги бўйича тортилган) жорий қиймати қолган барча шартномавий пул оқимларининг кутилаётган жорий қийматининг кичик қисмини ташкил қилса ҳам, аввалги жумладаги шарт бажарилади.

- Б24 Б23-бандда тавсифланган қўшимча тўловлар суғурта ҳодисаси юз бермаса (тижорий моҳиятга эга бўлмаган сценарийлар бундан мустасно) тўланадиган суммадан ошиб кетадиган суммаларни назарда тутати. Ушбу қўшимча суммалар даъволарни кўриб чиқиш ва даъволарни баҳолаш сарфларини ўз ичига олади, лекин қуйидагилар бундан мустасно:
- (а) суғурта қилдирувчидан келгуси хизматлар учун ҳақ олиш имкониятининг йўқолишини. Масалан, инвестиция билан боғлиқ бўлган ҳаёт суғуртаси шартномасида, суғурта қилдирувчининг ўлими суғурталовчи инвестицияларни бошқариш бўйича хизматларни ортқ амалга ошира олмаслигини ва бунинг учун ҳақ олмаслигини англатади. Лекин, худди ўзаро фонд бошқарувчиси мижознинг мумкин бўлган ўлими билан боғлиқ ҳолда суғурта riskини ўз зиммасига олмгани каби, суғурталовчининг бу иқтисодий зарари суғурта riskини акс эттирмайди. Шу сабабли, инвестицияларни бошқариш бўйича келгуси тўловларнинг потенциал йўқотилиши, шартнома асосида қанча суғурта riskи ўтказилганини баҳолашда аҳамиятли ҳисобланмайди.
 - (б) шартномани бекор қилиш ёки рад қилишда амалга оширилиши мумкин бўлган сарфлар харидорнинг ўлими сабаб амалга ошмаслигини. Шартнома ушбу тўловларни вужудга келтирганлиги сабабли, ушбу тўловлардан воз кечиш суғурта қилдирувчига олдин мавжуд бўлган risk бўйича компенсация қилмайди. Шу сабабли, улар суғурта шартномаси орқали қанча суғурта riskи ўтказилишини баҳолашда ўринли ҳисобланмайди.
 - (в) шартнома эгасига жиддий зарар етказмайдиган ҳодиса билан боғлиқ бўлган тўловни. Масалан, томон бир миллион валюта бирлигини тўлашини талаб қиладиган шартнома ва актив жисмоний зарар кўриши орқали эгасига бир валюта бирлигининг аҳамиятли бўлмаган иқтисодий зарарини келтириб чиқарди дейлик. Ушбу шартномада шартнома эгаси суғурталовчига бир валюта бирлигидан йўқотишга тенг аҳамиятли бўлмаган riskни ўтказди. Шу билан бирга, шартнома, агар ушбу ҳодиса содир бўлса, томон 999,999 валюта бирлигини тўлаши лозим бўладиган, суғуртага оид бўлмаган riskни келтириб чиқаради. Томон шартнома эгасидан аҳамиятли суғурта riskини қабул қилмаслиги сабабли, ушбу шартнома суғурта шартномаси ҳисобланмайди.
 - (г) эҳтимолий қайта суғурталаш бўйича тўловлари. Суғурталовчи буларни алоҳида ҳисобга олади.
- Б25 Суғурталовчи суғурта riskи шартномасининг аҳамиятини молиявий ҳисоботлардаги⁷ муҳимлиги бўйича эмас, балки шартномалар бўйича баҳолайди. Шу сабабли, ҳаттоки агар бутун шартномалар гуруҳи учун аҳамиятли йўқотишларнинг минимал эҳтимоли мавжуд бўлса ҳам, суғурта riskи аҳамиятли бўлиши мумкин. Ушбу шартнома бўйича баҳолаш шартномани суғурта шартномаси сифатида таснифлашни осонлаштиради. Лекин, нисбатан бир хил кичик шартномалар тўплами барчаси суғурта riskини ўтказадиган шартномалардан иборат деб ҳисобланса, суғурталовчи ушбу гуруҳ ичидаги ҳар бир шартномани аҳамиятсиз суғурта riskини ўтказадиган нодериватив шартномалар мавжудлигини аниқлаш учун текшириб кўриши талаб этилмайди.
- Б26 Б23-Б25-бандларга кўра, агар шартномада ўлим учун нафақа омон қолиш учун тўланадиган суммадан ошиб кетган бўлса, агар ўлим учун қўшимча нафақа аҳамиятсиз бўлмаса (бутун шартнома гуруҳига нисбатан эмас, балки шартномага нисбатан баҳоланганда), бу шартнома суғурта шартномаси ҳисобланади. Б24(б) бандда таъкидланганидек, шартномани бекор қилиш ёки рад қилишда харажатлари мижознинг ўлими сабаб амалга ошмаслиги, агар бундай ҳолат суғурта қилдирувчига олдин мавжуд бўлган riskни компенсация қилмаса, баҳолашда инобатга олинмайди. Шу каби, суғурта қилдирувчининг қолган умри давомида мунтазам равишда тўланадиган суммани тўлайдиган аннуитет шартномаси, агар ҳаёт давомийлигида тўланадиган тўловларнинг умумий суммаси аҳамиятсиз бўлса, суғурта шартномаси ҳисобланади.
- Б27 Б23-банд қўшимча тўловларга ҳавола қилади. Ушбу қўшимча тўловлар, агар суғурта ҳодисаси олдинроқ содир бўлса ва тўлов пулнинг вақт қийматини ҳисобга олиб тузилмаган бўлса, тўловларни муддатидан олдин тўлаш талабини ўз ичига олиши мумкин. Бунга мисол сифатида ўзгармас суммага амалга ошириладиган ҳаёт суғуртасини мисол қилиб келтириш мумкин (бошқача қилиб айтганда, суғурта қилдирувчи вафот этганида товон пули тўлаш бўйича муддати чекланмаган ўзгармас вафот

⁷ Шу мақсадда, бир вақтнинг ўзига ягона контрагент билан (ёки ўзаро боғлиқ томонлар ўртасида) тузилган шартномалар ягона шартнома ҳисобланади.

этиш тўловини амалга оширадиган суғурта). Суғурта қилдирувчининг ўлиши аниқ, лекин ўлим санаси ноаниқ. Суғурталовчи, ҳаттоки бутун шартномалар гуруҳида умумий зарар мавжуд бўлмаса ҳам, суғурта қилдирувчилар эрта вафот этган алоҳида шартномалар бўйича зарар кўради.

- Б28 Агар суғурта шартномаси депозит компоненти ва суғурта компонентига ажратилса, суғурта рискинни ўтказиш аҳамияти суғурта компонентига нисбатан баҳоланади. Бириктирилган дериватив орқали ўтказиладиган суғурта рискиннинг аҳамияти бириктирилган деривативга нисбатан баҳоланади.

Суғурта рисқи даражасидаги ўзгаришлар

- Б29 Баъзи шартномалар суғурта рискинни кейинчалик суғурталовчига ўтказса ҳам, улар суғурта рискинни суғурталовчига шартнома бошланганда ўтказмайди. Масалан, белгиланган инвестиция даромадини таъминлайдиган ва суғурта қилдирувчига сўндириш муддати келганда инвестиция бўйича тушумларни суғурталовчи томонидан янги аннуитетлар учун ҳисобланган жорий қийматлар асосида ҳаёт бўлиш шартли аннуитетни сотиб олиш учун фойдаланиш ҳуқуқини берадиган шартнома, деб қарайлик. Шартнома ҳуқуқ амалга оширилгунга қадар суғурталовчига ҳеч қандай суғурта рискинни ўтказмайди, чунки суғурталовчи ҳуқуқдан фойдаланилган пайтда суғурталовчига ўтказиладиган суғурта рискинни акс этирувчи аннуитет нарҳини белгилашда эркин бўлиб қолади. Лекин, агар шартнома аннуитет ставкаларини белгиласа (ёки аннуитет ставкаларини белгилаш асосини белгиласа), шартнома суғурта рискинни эмитентга шартнома бошланган санада ўтказди.
- Б30 Суғурта шартномаси талабларига жавоб берадиган шартнома барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлар тугамагунча ёки амал қилиш муддати тугагунга қадар суғурта шартномаси бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
31-ИЛОВА

5-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти

Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият

Мақсад

- 1 Мазкур МХХСнинг мақсади сотиш учун мўлжалланган активларни ҳисобга олиш ва тугатилган фаолият тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ва ёритиб бериш тартибини белгилашдан иборат. Хусусан, мазкур МХХС қуйидагиларни талаб этади:
 - (а) сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирадиган активларни баланс қиймати ва сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматининг кичиги билан баҳолашни ва бундай активлар бўйича эскириш ҳисоблашни тўхтатишни; ва
 - (б) сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирадиган активларни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида, тугатилган фаолият натижаларини эса умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тарзда тақдим этишни.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур МХХСда назарда тутилган таснифлаш ва тақдим этишга қўйиладиган талаблар барча тан олинган *узоқ муддатли активларига*¹ ва ташкилотнинг барча *ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларига* нисбатан қўлланади. Мазкур МХХСдаги баҳолаш талаблари барча тан олинган узоқ муддатли активларга ва ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга (4-бандда кўрсатилганидек) нисбатан қўлланади, бундан келтирилган стандартга мувофиқ баҳолашида давом этиши лозим бўлган 5-бандда келтирилган активлар мустасно.
- 3 1-сон БХХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*”га мувофиқ узоқ муддатли актив сифатида таснифланган активлар мазкур МХХСга мувофиқ, улар сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирмагунча *жорий активлар* сифатида қайта таснифланмаслиги лозим. Одатда, ташкилот томонидан узоқ муддатли активлар деб қараладиган, фақат қайта сотиш мақсадида харид қилинган активлар синфи, агар улар мазкур МХХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирмаса, жорий активлар сифатида таснифланмаслиги лозим.
- 4 Айрим ҳолатларда, ташкилот бир операция доирасида активлар гуруҳини, эҳтимол, бевосита у билан боғлиқ баъзи мажбуриятлар билан бирга ҳисобдан чиқаришни амалга оширади. Бундай ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ *пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар* гуруҳи, пул маблағларини ҳосил қилувчи алоҳида бирлик ёки унинг бир қисми бўлиши мумкин.² Гуруҳ 5-банд орқали мазкур МХХСнинг баҳолаш талабларидан истисно қилинганлардан ташқари, ташкилотнинг ҳар қандай активлари ва мажбуриятларини, шу жумладан жорий активларни, жорий мажбуриятларни ўз ичига олиши мумкин. Агар мазкур МХХСни қўллаш доирасидаги узоқ муддатли актив ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг бир қисми бўлса, у ҳолда мазкур МХХСнинг баҳолаш талаблари бутун гуруҳга нисбатан гуруҳ унинг баланс қиймати ва сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматининг

¹ Ликвидлик тартибда тақдим этишга мувофиқ таснифланган активлар учун, узоқ муддатли активлар ҳисобот давридан кейин 12 ойдан ортиқ бўлган даврда копланиши кутилаётган суммаларни ўз ичига оладиган активлардир. Бундай активларнинг таснифланишига нисбатан 3-банд қўлланади.

² Лекин, активдан ёки активлар гуруҳидан келадиган пул оқимлари узлуксиз фойдаланишдан эмас, балки асосан сотишдан юзага келиши кутилса, бундай активлар бошқа активлардан юзага келадиган пул оқимларига камроқ даражада боғлиқ бўлади ва пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг бир қисми бўлган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ пул маблағларини ҳосил қилувчи алоҳида бирлик бўлади.

- кичиги билан баҳоланадиган тарзда қўлланади. Ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг бир қисми бўлган алоҳида активлар ва мажбуриятларни баҳолаш бўйича талаблар 18, 19 ва 23-бандларда келтирилган.
- 5 Мазкур МҲХСнинг баҳолаш бўйича қоидалари³ келтирилган стандартлар билан тартибга солинадиган алоҳида актив сифатида ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг бир қисми сифатида қуйидаги активларга қўлланмайди:
- (а) кечиктирилган солиқ активлари (12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*”).
 - (б) ходимлар даромадларидан келиб чиқадиган активлар (19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*”).
 - (в) 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*” доирасидаги молиявий активлар.
 - (г) 40-сон БҲХС “*Инвестиция қўчмас мулки*”даги ҳаққоний қиймат модели бўйича ҳисобга олинадиган узоқ муддатли активлар.
 - (д) 41-сон БҲХС “*Қишлоқ хўжалиги*”га мувофиқ, сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳоланадиган узоқ муддатли активлар.
 - (е) 4-сон БҲХС “*Сугурта шартномалари*”да таърифланган сугурта шартномалари бўйича шартномавий ҳуқуқлар.
- 5А Мазкур МҲХСнинг таснифлаш, тақдим этиш ва баҳолаш бўйича талаблари сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланадиган узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга) нисбатан қўлланади, шунингдек мулкдор сифатида амал қиладиган мулкдорлар учун тақсимлашга мўлжалланган сифатида таснифланадиган (мулкдорлар учун тақсимлашга мўлжалланган) узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга) нисбатан ҳам қўлланади.
- 5Б Мазкур МҲХСда сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга) ва тугатилган фаолиятга нисбатан ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар белгиланган. Бундай активларга (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга) нисбатан бошқа МҲХСдаги маълумотларни ёритиб бериш бўйича талаблар қўлланмайди, бунда МҲХС талаб этадиган қуйидаги ҳолатлар мустасно:
- (а) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активлар (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар) ёки тугатилган фаолият бўйича маълумотларни алоҳида ёритиб бериш; ёки
 - (б) 5-сон МҲХСнинг баҳолаш бўйича талаби доирасига кирмайдиган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибидаги активлар ва мажбуриятларнинг баҳоланиши тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилиши ва бундай ёритиб бериладиган маълумотлар молиявий ҳисоботнинг бошқа изоҳларида ҳали тақдим этилмаган бўлиши.
- Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активлар (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар) ёки тугатилган фаолият тўғрисидаги қўшимча маълумотларни ёритиб бериш 1-сон БҲХСнинг умумий талабларига, хусусан мазкур стандартнинг 15 ва 125 бандларига риоя этишни талаб этиши мумкин.

Узоқ муддатли активларни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларни) сотиш учун мўлжалланган сифатида ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш

- 6 Агар баланс қиймати узлуксиз фойдаланиш орқали эмас, балки асосан сотиш операцияси орқали қопланса, ташкилот узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаши лозим.
- 7 Бунинг учун, актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) ўзининг жорий ҳолатида, фақат бундай активлар (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар) бўйича одатдаги ва умумқабул қилинган шартлар асосида дарҳол сотиш учун мавжуд бўлиши ва сотилиши *юқори эҳтимолли* бўлиши лозим.
- 8 Сотилиши юқори эҳтимолли бўлиши учун, тегишли даражадаги раҳбарият активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш режаси бўйича жавобгарликни қабул қилган бўлиши ва харидорни излаш ва режани бажариш бўйича фаол чора-тадбирларни амалга ошириш бошланган бўлиши лозим. Шу билан бирга, актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) ўзининг жорий ҳаққоний қийматида

³ Кўриб чиқилаётган активларни бошқа тегишли МҲХСларга мувофиқ баҳолаш талаб этиладиган 18 ва 19-бандлардан ташқари.

- нисбатан асосли нархда сотиш учун фаол тарзда намойиш этилиши лозим. Бундан ташқари, 9-бандда рухсат этилган ҳолатлардан ташқари, бундай сотиш бўйича таснифланиш санасидан бошлаб бир йил ичида яқунланган сотув сифатида тан олиш мезонларини қаноатлантириш кутилиши лозим ва сотиш бўйича режани яқунлаш учун талаб этиладиган хатти-ҳаракатлар режада аҳамиятли ўзгаришлар бўлиши ёки унинг бекор қилиниши эҳтимоли камлигини кўрсатиши лозим. Акциядорлар томонидан маъқулланиши (агар у тегишли юрисдикциялардан талаб этилса) сотишнинг юқори эҳтимоллигини баҳолашнинг бир қисми сифатида қаралиши лозим.
- 8А Шўъба ташкилот устидан назоратни йўқотишни қамраб оладиган сотиш режасини қабул қиладиган ташкилот 6-8-бандларда келтирилган мезонлар қаноатлантирилганда, сотишдан сўнг ўзининг собик шўъба ташкилотидан назорат қилинмайдиган улушни сақлаб қолиш ёки қолмаслигидан қатъий назар, бундай шўъба ташкилотнинг барча актив ва мажбуриятларини сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаши лозим.
- 9 Ҳодисалар ёки ҳолатлар сотишни яқунлаш даврини бир йилдан ортиқ муддатга узайтириши мумкин. Агар муддатни узайишига ташкилот назоратидан ташқарида бўлган ҳодисалар ёки ҳолатлар сабаб бўлса ва ташкилот активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш бўйича режага амал қилиши тўғрисида етарлича далил мавжуд бўлса, сотишни яқунлаш учун талаб этилган даврнинг узайиши активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланишига тўсқинлик қилмайди. Бу эса Б иловадаги мезонлар қаноатлантирилган ҳолатда бўлиши мумкин.
- 10 Сотиш операциялари 16-сон БХХС “*Асосий воситалар*”га мувофиқ айирбошлаш тижорат моҳиятга эга бўлганда узоқ муддатли активларни бошқа узоқ муддатли активларга айирбошлашни ўз ичига олади.
- 11 Ташкилот узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) фақат кейинчалик ҳисобдан чиқариш мақсадида харид қилса, у узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) харид қилиш санасида, агар 8-бандда келтирилган бир йиллик талаб қаноатлантирилса (9-банддаги рухсат этилган ҳолатлардан ташқари) ва ушбу санада қаноатлантирилмаган 7 ва 8-бандлардаги бошқа ҳар қандай мезонлар харид қилишдан сўнг қисқа муддат ичида (одатда уч ой ичида) қаноатлантирилиши юқори эҳтимолга эга бўлса, сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаши лозим.
- 12 Агар 7 ва 8-бандлардаги мезонлар ҳисобот давридан кейин қаноатлантирилса, ўша давр учун эълон қилинган молиявий ҳисоботда ташкилот ушбу узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифламаслиги лозим. Лекин, ушбу мезонлар ҳисобот давридан кейин, аммо молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин қаноатлантирилса, ташкилот 41(а), (б) ва (г) кичик бандларда белгиланган маълумотларни изоҳларда ёритиб бериши лозим.
- 12А Узоқ муддатли актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ), ташкилот бундай активни (ёки бундай ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) мулкдорларга тақсимлаш жавобгарлигини ўз зиммасига олганда, мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланади. Бунинг учун, активлар ўзларининг жорий ҳолатида дарҳол тақсимлаш учун мавжуд бўлиши ва тақсимлашни амалга ошириш юқори эҳтимолли бўлиши лозим. Тақсимлаш юқори эҳтимолли бўлиши учун, тақсимлашни яқунлаш бўйича хатти-ҳаракатлар бошланган бўлиши ва таснифлаш санасидан бошлаб бир йил ичида тақсимлашни яқунлаш кутилаётган бўлиши лозим. Тақсимлашни яқунлаш учун талаб этиладиган хатти-ҳаракатлар тақсимлаш бўйича аҳамиятли ўзгаришлар бўлиши ёки унинг бекор қилиниши эҳтимоли камлигини кўрсатиши лозим. Акциядорлар томонидан маъқулланиши (агар у тегишли юрисдикциялардан талаб этилса) тақсимлашнинг юқори эҳтимоллигини баҳолашнинг бир қисми сифатида қаралиши лозим.

Фойдаланиши тўхтатилиши лозим бўлган узоқ муддатли активлар

- 13 Ташкилот фойдаланиши тўхтатилиши лозим бўлган узоқ муддатли активларни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш учун мўлжалланган актив сифатида таснифламаслиги лозим. Чунки унинг баланс қиймати асосан узлуксиз фойдаланиш орқали қопланади. Лекин, агар фойдаланишдан тўхтатилиши лозим бўлган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ 32(а)–(в) кичик бандлардаги мезонларни қаноатлантирса, ташкилот 33 ва 34-бандларга мувофиқ фойдаланишдан тўхтатилиш санада ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг натижалари ва пул оқимларини тугатилган фаолият сифатида тақдим этиши лозим. Фойдаланилиши тўхтатиладиган узоқ муддатли активлар (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар) ўзларининг иқтисодий хизмат муддатлари якунига қадар фойдаланиладиган узоқ муддатли активларни (ҳисобдан чиқариш гуруҳларини) ва сотишдан эмас, балки фойдаланиш орқали ҳисобдан чиқариладиган узоқ муддатли активларни (ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларни) ўз ичига олади.

- 14 Ташкилот фойдаланишдан вақтинчалик олинган узоқ муддатли активни худди фойдаланиши тўхтатилгандек ҳисобга олмаслиги лозим.

Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активларни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларни) баҳолаш

Узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) баҳолаш

- 15 Ташкилот сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) унинг баланс қиймати ва сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг кичиги билан баҳолаши лозим.
- 15A Ташкилот мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) унинг баланс қиймати ва тақсимлаш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг кичиги билан баҳолаши лозим.⁴
- 16 Агар янги харид қилинган актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантиса (11-бандга қаранг), 15-бандни қўллаш активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) дастлабки тан олишда, агар бу тарзда таснифланмаган тақдирда тан олиниши мумкин бўлган (маслан, бошланғич қиймат бўйича) унинг баланс қиймати ва сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматнинг кичиги билан баҳолашига олиб келади. Шундай қилиб, агар актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) бизнес бирлашувининг қисми сифатида харид қилинган бўлса, у сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим.
- 17 Сотиш бир йилдан ортиқ муддатда юз бериши кутилаётган бўлса, ташкилот сотиш сарфларини уларнинг дисконтланган қийматида баҳолаши лозим. Вақт ўтиши билан юзага келадиган сотиш сарфларининг дисконтланган қийматидаги ҳар қандай ўсиш молиявий сарф тарзида фойда ёки зарар таркибида тақдим этилиши лозим.
- 18 Активнинг (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг) сотиш учун мўлжалланган сифатида дастлабки таснифланишидан бевосита олдин, активнинг (ёки гуруҳдаги барча активлар ва мажбуриятларнинг) баланс қийматлари тегишли МХХСга мувофиқ баҳолаши лозим.
- 19 Ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг кейинги қайта баҳолашида мазкур МХХСнинг баҳолаш бўйича талаблари доирасига кирмайдиган, лекин сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибига кирадиган активлар ёки мажбуриятларнинг баланс қиймати, ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати бўйича қайта баҳолашдан олдин, уларга қўлланилиши мумкин бўлган МХХСга мувофиқ аниқланиши лозим.

Қадрсизланишдан зарарларни тан олиш ва уларнинг қайта тикланиши

- 20 Ташкилот активнинг (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг) қийматини сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматгача дастлабки ёки кейинги камайтириш бўйича 19-бандга мувофиқ тан олинмаган даражада қадрсизланишдан зарарни тан олиши лозим.
- 21 Ташкилот активнинг сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматининг кейинги ўсишидан фойдани мазкур МХХСга ёки олдин 36-сон БҲХС “*Активлар қадрсизланиши*”га мувофиқ қадрсизланишдан жамғарилган зарардан ошмаган даражада тан олиши лозим.
- 22 Ташкилот ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматидаги ҳар қандай кейинги ўсишдан фойдани тан олиши лозим:
- (а) 19-бандга мувофиқ у тан олинмаган даражада; лекин
 - (б) мазкур МХХСнинг баҳолаш бўйича талаблари доирасига кирадиган узоқ муддатли активлар бўйича мазкур МХХСга ёки илгари 36-сон МХХС мувофиқ тан олинган қадрсизланишдан жамғарилган зарардан ошмаган даражада.
- 23 Ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ бўйича тан олинган қадрсизланишдан зарар (ёки унинг тикланишидан ҳар қандай кейинги фойда) мазкур МХХСнинг баҳолаш талаблари доирасида бўлган гуруҳдаги узоқ муддатли активларнинг баланс қийматини 36-сон БҲХС (2004 йил таҳририда)нинг 104 (а) ва (б)

⁴ Тақсимлаш сарфлари тақсимлашга бевосита тегишли қўшимча сарфлар бўлиб, бунда молиявий сарфлар ва фойда солиғи харажатлари инобатга олинмайди.

- кичик бандларда ва 122 бандларда белгиланган тақсимлаш тартибида камайтирилиши (ёки оширилиши) лозим.
- 24 Узоқ муддатли актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ)нинг сотиш санасига илгари тан олинмаган фойда ёки зарар тан олишни бекор қилиш санасида тан олиниши лозим. Тан олишни бекор қилишга тегишли талаблар қуйидаги бандларда белгиланган:
- (а) асосий воситалар учун 16-сон БҲХС (2003 йил таҳририда)нинг 67-72 бандлари ва
 - (б) номоддий активлар учун 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*” (2004 йил таҳрири)нинг 112-117 бандлари.
- 25 Ташкилот узоқ муддатли актив бўйича, у сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ёки сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг бир қисми бўлган даврда эскириш (амортизация) ҳисобламаслиги лозим. Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг мажбуриятларига тегишли фоиз ва бошқа харажатлар тан олинишда давом этилиши лозим.

Сотиш режасига ёки мулкдорларга тақсимлаш режасига ўзгаришлар

- 26 Агар ташкилот активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш учун мўлжалланган сифатида ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланган бўлса, лекин 7-9-бандлардаги (сотиш учун мўлжалланганлик) мезонлар ёки 12А банддаги (мулкдорлар учун тақсимлашга мўлжалланганлик) мезонлар ортиқ қаноатлантирилмаса, у ҳолда ташкилот активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш учун мўлжалланган сифатида ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифлашни тўхтатиши лозим. Бундай ҳолларда ташкилот 26А банд қўлланадиган ҳолатдан ташқари бундай ўзгаришларни ҳисобга олиш учун 27-29 бандлардаги кўрсатмаларга амал қилиши лозим.
- 26А Агар ташкилот активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) бевосита сотиш учун мўлжалланганлик тоифасидан мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланганлик тоифасига ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланганлик тоифасидан бевосита сотиш учун мўлжалланганлик тоифасига қайта таснифласа, таснифлашдаги бундай ўзгариш ҳисобдан чиқариш бўйича дастлабки режанинг давоми сифатида қаралади. Ташкилот:
- а) ушбу ўзгаришни ҳисобга олиш учун 27-29-бандлардаги кўрсатмаларга амал қилмаслиги лозим. Ташкилот ҳисобдан чиқаришнинг янги усулига нисбатан қўлланадиган мазкур МҲХСнинг таснифлаш, тақдим этиш ва баҳолаш талабларини қўллаши лозим.
 - б) 15-банддаги (агар сотиш учун мўлжалланган сифатида қайта таснифланган бўлса) ёки 15А банддаги (агар мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида қайта таснифланган бўлса) талабларга мувофиқ узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) баҳолаши лозим ва 20-25-бандлардаги талабларга мувофиқ узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) тақсимлаш учун сотиш/тақсимлаш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматдаги ҳар қандай камайиш ёки қўпайишни тан олиши лозим.
 - в) таснифлаш санаси 8 ва 12А бандларга мувофиқ ўзгартирилмаслиги лозим. Бу ҳолат, агар 9-бандда кўрсатилган шартлар бажарилса, мулкдорларга тақсимланишни яқунлаш учун зарур бўлган муддатни узайтиришни истисно қилмайди.
- 27 Ташкилот сотиш учун мўлжалланган ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланишдан тўхтатилган (ёки сотиш учун мўлжалланган ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилиши тўхтатилган) узоқ муддатли активни қуйидаги қийматларнинг ками билан баҳолаши лозим:
- (а) актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сотиш учун мўлжалланган ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланишидан олдин, унинг баланс қийматини, агарда актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сотиш учун мўлжалланган ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланмаганда, қадрсизланиш, амортизация ёки қайта баҳолаш бўйича тузатиш киритилган баланс қиймати, ва
 - (б) сотмаслик ёки тақсимламаслик бўйича кейинги қарор санасидаги унинг *қоплаш қиймати*.⁵

⁵ Агар узоқ муддатли актив пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг бир қисми бўлса, унинг қоплаш қиймати бундай пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликдан юзага келадиган ҳар қандай қадрсизланишдан зарарнинг 36-сон БҲХСга мувофиқ тақсимланишидан кейин тан олиниши мумкин бўлган баланс қийматидир.

- 28 Ташкилот сотиш учун мўлжалланган ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланиши тўхтатилган узоқ муддатли активнинг баланс қийматига киритилган ҳар қандай тузатишни 7-9-бандларда келтирилган мезонлар қаноатлангирмаган даврдаги давомий фаолиятдан олинган фойда ёки зарарлар⁶ таркибига киритиши лозим. Агар сотиш учун мўлжалланган ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланиши тўхтатилган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ ёки узоқ муддатли актив шўъба ташкилот, биргаликдаги операция, қўшма корхона, таъсир остидаги ташкилот бўлса ёки қўшма корхонадаги ёки таъсир остидаги ташкилотдаги улушнинг бир қисми бўлса, активнинг сотиш учун мўлжалланган ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш пайтидан бошлаб барча даврлар учун молиявий ҳисоботлар тегишли тарзда тузатилиши лозим. Ташкилот бундай тузатишни умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг, агар мавжуд бўлса, 37-бандга мувофиқ тан олинган фойда ёки зарар тақдим этиладиган моддасида акс эттириши лозим.
- 29 Агар ташкилот сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳдан алоҳида актив ёки мажбуриятни чиқариб ташласа, сотиладиган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг қолган активлари ва мажбуриятлари, фақат агар бундай гуруҳ 7-9-бандлардаги мезонларни қаноатлангирса, гуруҳ сифатида баҳоланишда давом этиши лозим. Агар ташкилот мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳдан алоҳида актив ёки мажбуриятни чиқариб ташласа, тақсимланадиган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг қолган активлари ва мажбуриятлари, фақат агар бундай гуруҳ 12А бандлардаги мезонларни қаноатлангирса, гуруҳ сифатида баҳоланишда давом этиши лозим. Акс ҳолда, сотиш учун мўлжалланган (ёки мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган) сифатида таснифлаш мезонларини алоҳида тарзда қаноатлантирадиган гуруҳнинг қолган узоқ муддатли активлари алоҳида тарзда уларнинг ушбу санадаги баланс қийматлари ва сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматларининг кичиги билан баҳоланиши лозим. Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлангирмайдиган ҳар қандай узоқ муддатли активларни 26-бандга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш тўхтатилиши лозим. Мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлангирмайдиган ҳар қандай узоқ муддатли активларни 26-бандга мувофиқ мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш тўхтатилиши лозим.

Тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш

- 30 Ташкилот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга тугатилган фаолият ва узоқ муддатли активларнинг (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларнинг) молиявий натижаларини баҳолашда ёрдам берадиган маълумотларни тақдим этиши ва ёритиб бериши лозим.

Тугатилган фаолиятни тақдим этиш

- 31 *Ташкилот компоненти* операция ва молиявий ҳисобот мақсадлари жиҳатидан ташкилотнинг қолган қисмидан аниқ фарқланиши мумкин бўлган фаолият ва пул оқимларини қамраб олади. Бошқача айтганда, ташкилот компоненти фойдаланишда бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик ёки бирликлар гуруҳи бўлади.
- 32 Тугатилган фаолият ташкилотнинг ҳисобдан чиқарилган ёки сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланадиган компонент ҳисобланади, ва
- (а) бизнеснинг алоҳида аҳамиятли йўналишини ёки фаолиятнинг географик жойини акс эттиради;
 - (б) бизнеснинг алоҳида аҳамиятли йўналишини ёки фаолиятнинг географик жойини ҳисобдан чиқариш бўйича ягона мувофиқлаштирилган режасининг бир қисми бўлади; ёки
 - (в) фақат қайта сотиш мақсадида харид қилинган шўъба ташкилоти.
- 33 Ташкилот куйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда куйидагилардан ташкил топадиган жами сумма:
 - (i) тугатилган фаолиятнинг солиқ солингандан кейинги фойда ёки зарари; ва

⁶ Агар актив сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланишидан олдин 16-сон БҲХС ёки 38-сон БҲХСга мувофиқ қайта баҳоланган асосий восита ёки номоддий актив бўлмаса, у ҳолда бу каби тузатиш қайта баҳолаш қийматининг ошиши ёки камайиши сифатида ҳисобга олинаши лозим.

- (ii) сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳолаш бўйича ёки тугатилган фаолиятни ташкил этадиган активлар ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ(лар)нинг ҳисобдан чиқарилиши бўйича тан олинган солиқ солингандан кейинги фойда ёки зарар.
 - (б) (а) кичик банддаги жами сумманинг қуйидаги таркибий қисмлари:
 - (i) тугатилган фаолиятнинг тушуми, харажатлари ва солиқ солишдан олдинги фойда ёки зарари;
 - (ii) 12-сон БХХСнинг 81(ж) банди орқали талаб этилган тегишли фойда солиғи харажати;
 - (iii) сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳолаш бўйича ёки тугатилган фаолиятни ташкил этадиган активлар ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ(лар)нинг ҳисобдан чиқарилиши бўйича тан олинган фойда ёки зарар; ва
 - (iv) 12-сон БХХС нинг 81(ж) банди орқали талаб этилган тегишли фойда солиғи харажати.
- Таркибий қисмлар таҳлили изоҳларда ёки умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши мумкин. Агар у умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилса, у тугатилган фаолиятга тегишли белгиланган бўлимда, яъни давомий фаолиятдан алоҳида тақдим этилиши лозим. Таҳлил харид қилишда сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирадиган янги харид қилинган шўба ташкилотлари бўлган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар учун талаб этилмайди (11-бандга қаранг).
- (в) тугатилган фаолиятнинг операцион, инвестиция ва молиявий фаолиятларига тегишли соф пул оқимлари. Мазкур ёритиб бериладиган маълумотлар изоҳларда ёки молиявий ҳисоботда тақдим этилиши мумкин. Мазкур ёритиб бериладиган маълумотлар харид қилишда сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирадиган янги харид қилинган шўба ташкилотлари бўлган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар учун талаб этилмайди (11-бандга қаранг).
 - (г) бош ташкилотнинг мулкдорларига тегишли бўлган давомий фаолиятдан ва тугатилган фаолиятдан даромад суммаси. Ушбу ёритиб бериладиган маълумотлар изоҳларда ёки умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши мумкин.
- 33А Агар ташкилот 1-сон БХХС (2011 йил таҳририда) 10А бандида тавсифланганидек, фойда ёки зарар моддаларини алоҳида ҳисоботда тақдим этса, ушбу ҳисоботда тугатилган фаолиятга тегишли белгиланган бўлим тақдим этилади.
- 34 Ташкилот 33 банддаги ёритиб бериладиган маълумотларни, улар тақдим этилган энг сўнгги давр учун ҳисобот даври охири ҳолатига тугатилган барча фаолиятларга тегишли бўладиган тарзда молиявий ҳисоботда тақдим этилган ўтган даврлар учун қайта тақдим этиши лозим.
- 35 Олдинги даврдаги тугатилган фаолиятнинг ҳисобдан чиқарилишига бевосита тегишли бўлган тугатилган фаолият таркибида олдин тақдим этилган суммаларга нисбатан жорий даврдаги тузатишлар тугатилган фаолият таркибида алоҳида тарзда таснифланиши лозим. Бундай тузатишларнинг характери ва суммаси ёритиб берилиши лозим. Ушбу тузатишлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) ҳисобдан чиқариш операциясининг шартларидан юзага келадиган ноаниқликларнинг баргараф этилиши, масалан сотиб олувчи билан сотиб олиш нархига тузатишлар ва қоплаш масалаларини ҳал қилиш.
 - (б) компонентнинг ҳисобдан чиқарилишидан олдин унинг фаолиятидан ва унга бевосита тегишли бўлган ҳолда юзага келадиган ноаниқликларнинг баргараф этилиши, масалан сотувчининг агроф-муҳитга оид ва маҳсулот кафолати бўйича жавобгарликлари.
 - (в) ходимлар даромадлари дастури бўйича мажбуриятнинг сўндирилиши, бунда ушбу сўндириш ҳисобдан чиқариш операциясига бевосита боғлиқ бўлиши лозим.
- 36 Агар ташкилот ўзининг бирор компонентини сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлашни тўхтатса, 33-35-бандларга мувофиқ олдин тугатилган фаолият таркибида тақдим этилган компонент фаолиятининг натижалари қайта таснифланиши ва тақдим этилган барча даврлар бўйича давомий фаолиятдан даромад таркибига киритилиши лозим. Ўтган даврлар учун суммалар қайта тақдим этилгандек тавсифланиши лозим.
- 36А Шўба ташкилот устидан назоратни йўқотишни қамраб оладиган сотув режасини бажарадиган ташкилот 33-36-бандларда талаб этилган маълумотларни, шўба ташкилот 32-бандга мувофиқ

тугатилган фаолият таърифини қаноатлантирадиган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни ташкил этганда, ёритиб бериши лозим.

Давомий фаолиятга тегишли фойда ёки зарарлар

- 37 Тугатилган фаолият таърифини қаноатлантирмайдиган сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) қайта баҳолаш бўйича ҳар қандай фойда ёки зарар давомий фаолиятдан фойда ёки зарар таркибда акс эттирилиши лозим.

Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активни ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни тақдим этиш

- 38 Ташкилот сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активни ва сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг активларини молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда бошқа активлардан алоҳида тарзда тақдим этиши лозим. Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг мажбуриятлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда бошқа мажбуриятлардан алоҳида тарзда тақдим этилиши лозим. Ушбу активлар ва мажбуриятлар ўзаро ҳисоб-китоб қилинмаслиги ва ягона сумма сифатида тақдим этилмаслиги лозим. Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган активлар ва мажбуриятларнинг аҳамиятли синфлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда алоҳида тарзда тақдим этилиши лозим, бундан 39-бандда рухсат этилган ҳолат мустасно. Ташкилот сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активга (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга) тегишли бошқа умумлашган даромадда тан олинган ҳар қандай жамғарилган даромад ёки харажатни алоҳида тарзда тақдим этиши лозим.
- 39 Агар ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ харид қилишда сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирадиган янги харид қилинган шўъба ташкилот бўлса (11-бандга қаранг), активлар ва мажбуриятларнинг аҳамиятли синфларининг ёритиб берилиши талаб этилмайди.
- 40 Ташкилотнинг энг сўнги тақдим этилган давр учун молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда таснифлашни акс эттириш мақсадида ўтган даврлар учун молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активлар ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларнинг активлари ва мажбуриятлари бўйича тақдим этилган суммаларни қайта таснифламаслиги ёки қайта тақдим этмаслиги лозим.

Қўшимча маълумотларни ёритиб бериш

- 41 Ташкилот узоқ муддатли актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланганда ёки сотилган давр учун изоҳларда қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) узоқ муддатли активнинг (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг) тавсифи;
 - (б) сотишга тегишли бўлган ёки қутилаётган ҳисобдан чиқаришга олиб келадиган далиллар ва ҳолатларнинг тавсифи ва ушбу ҳисобдан чиқаришнинг тарзи ва муддати;
 - (в) 20-22-бандларга мувофиқ тан олинган фойда ёки зарар ва, агар умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тақдим этилмаган бўлса, умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда ушбу фойда ёки зарарни қамраб оладиган модда;
 - (г) агар қўллаш мумкин бўлса, узоқ муддатли актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) 8-сон МХХС “*Операцион сегментлар*”га мувофиқ тақдим этиладиган ҳисобот сегменти.
- 42 Агар 26-банд ёки 29-банд қўлланса, ташкилот узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш режасини ўзгартириш бўйича қарорнинг даврида мазкур қарорга олиб келадиган далиллар ва ҳолатларнинг тавсифи ва қарорнинг давр ва тақдим этилган ўтган даврлар учун фаолиятлар натижаларига таъсирини ёритиб бериши лозим.

Ўтиш қоидалари

- 43 Мазкур МХХС сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирадиган узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга) ва тугатилган сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирадиган фаолиятга нисбатан мазкур МХХС нинг қучга кириш санасидан кейин

перспектив тарзда қўлланиши лозим. Ташкилот мазкур МҲХСнинг талабларини сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирадиган барча узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга) ва тугатилган сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирадиган фаолиятларга нисбатан МҲХС кучга кириш санасидан олдинги ҳар қандай санадан кейин, агар мазкур МҲХСни қўллаш учун зарур бўлган баҳолашлар ва бошқа маълумотлар ушбу мезонлар дастлаб қаноатлантирилган пайтда олинган бўлса, қўллаши мумкин.

Кучга кириш санаси

- 44 Мазкур МҲХС ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур МҲХСни 2005 йил 1 январдан олдин бошланадиган давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 44А 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шу билан бирга, унга асосан 3 ва 38-бандларга ўзгартириш ва 33А банд киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласа, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 44Б 27-сон БҲХС “*Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисобот*”га (2008 йилда ўзгартирилган) асосан 33(г) банд киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришни 2009 йил 1 июль ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 27-сон БҲХСни (2008 йилда ўзгартирилган) олдинги давр учун қўлласа, ўзгартириш ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим. Ўзгартириш ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.
- 44В 2008 йил май ойида эълон қилинган “*МҲХСларга такомиллаштиришлар*”га асосан 8А ва 36А бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Лекин, ташкилот 27-сон БҲХСни (2008 йилда ўзгартирилган) ҳам қўлламас, мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 июль ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлламаслиги лозим. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июлдан олдин қўлласа, у ушбу маълумотни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни биринчи марта 5-сон МҲХСни қўллаган санадан бошлаб перспектив тарзда қўллаши лозим ва бу 27-сон БҲХСнинг (2008 йил январда ўзгартирилган) 45-бандидаги ўтиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.
- 44Г 2008 йил ноябрь ойидаги 17-сон МҲХСШҚ “*Пулсиз активларнинг мулкдорларга тақсимланиши*”га асосан 5А, 12А ва 15А бандлар киритилган ва 8-бандга ўзгартириш киритилган. Ушбу ўзгартиришлар 2009 йил 1 июлдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун мулкдорларга тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳларга) нисбатан перспектив тарзда қўлланиши лозим. Ретроспектив тарзда қўллашга йўл қўйилмайди. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июлдан олдин бошланадиган давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши ва 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” (2008 йил таҳририда), 27-сон БҲХС (2008 йил январда ўзгартирилган) ва 17-сон МҲХСШҚни ҳам қўллаши лозим.
- 44Д 2009 йил апрель ойида эълон қилинган “*МҲХСларга такомиллаштиришлар*”га асосан 5Б банд киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришни 2010 йил 1 январдан бошланадиган ва ундан кейинги йиллик даврлар учун перспектив тарзда қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агарда ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 14Е [Чиқариб ташланган]
- 44Ё 2011 йил май ойида эълон қилинган 11-сон МҲХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*”га асосан 28-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 11-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 44Ж 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*”га асосан А иловадаги ҳаққоний қиймат таърифига ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 44З 2011 йил июнь ойида эълон қилинган “*Бошқа умумлашган даромад моддаларини тақдим этиш*” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар)га асосан 33А бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришни 2011 йил июнь ойида ўзгартирилган 1-сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 44И [Чиқариб ташланган]

- 44Й 2014-йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МХХС бўйича 5 бандга ўзгартириш киритилган ва 44Е ва 44И бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 44К 2014 йил сентябрь ойида эълон қилинган “2010-2012 йилларда МХХСларни такомиллаштиришлар” бўйича 9-бандга ўзгартириш киритилган ва 26-29-бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни перспектив тарзда 8-сон БХХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ 2016 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларда юз берадиган ҳисобдан чиқариш усулидаги ўзгаришларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгаришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 45Л *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*

35-сон БХХСнинг бекор қилиниши

- 45 Мазкур МХХС 35-сон БХХС “Тугатиладиган фаолият” нинг ўрнини эгаллайди.

А Илова Атамалар таърифи

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик	Бошқа активлар ёки активлар гуруҳларидан келиб тушадиган пул маблағлари киримларидан аҳамиятли даражада мустақил бўлган пул маблағлари киримларини ҳосил қилувчи энг кичик идентификацияланадиган активлар гуруҳидир.
ташкilot компоненти	Операцион ва молиявий ҳисобот мақсадлари жиҳатидан ташкilotнинг қолган қисмидан аниқ фарқланиши мумкин бўлган фаолият ва пул оқимларидир.
сотиш сарфлари	Молиявий сарфлар ва фойда солиғини истисно қилган ҳолда, активни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ кўшимча бевосита сарфлардир.
жорий актив	Ташкilot куйидаги ҳолларда активни жорий актив сифатида таснифлаши лозим: <ul style="list-style-type: none">(а) ўзининг одатдаги операцион цикли давомида активни реализация қилиниши ёки сотилиши ёки истеъмол қилиниши кутилса;(б) актив асосан савдо мақсади учун мўлжалланган бўлса;(в) активни ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида реализация қилиниши кутилса; ёки(г) актив ҳисобот давридан сўнг камида ўн икки ой мобайнида актив айирбошланиши ёки мажбуриятни сўндириш учун фойдаланиши тақиқланмаган пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти (7-сон БХХСда таърифланганидек) шаклида бўлса.
тугатиш фаолият	Ташкilotнинг ҳисобдан чиқарилган ёки сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланадиган компоненти ҳисобланади, ва: <ul style="list-style-type: none">(а) бизнеснинг алоҳида аҳамиятли йўналишини ёки фаолиятнинг географик жойини акс эттиради;(б) бизнеснинг алоҳида аҳамиятли йўналишини ёки фаолиятнинг географик жойини ҳисобдан чиқариш бўйича ягона мувофиқлаштирилган режасининг бир қисми бўлади; ёки(в) фақат қайта сотиш мақсадида харид қилинган шўъба ташкilotи.
ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ	Сотиш ёки бошқа усуллар орқали ягона операцияда гуруҳ сифатида биргаликда ҳисобдан чиқариладиган активларнинг ва операцияда ўтказиладиган ушбу активларга бевосита боғлиқ мажбуриятларнинг гуруҳидир. Агар гуруҳ 36-сон БХХСнинг “ <i>Активларнинг қадрсизланиши</i> ” (2004 йил таҳририда) 80-87-бандларининг талабларига мувофиқ гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик бўлса ёки агар у бундай пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик ичидаги фаолият бўлса, гуруҳ бизнес бирлашувида харид қилинган гудвилни ўз ичига олади.
ҳаққоний қиймат	<i>Ҳаққоний қиймат</i> - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олиниши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир. (13-сон МХХСга қаранг.)
сотиб олиш бўйича қатъий мажбурият	Иккала томон учун ҳам мажбурий бўлган ва одатда ҳуқуқий ҳимояланган, (а) барча муҳим шартларни, шу жумладан битимлар нарҳини ва муддатларини белгилайдиган ва (б) мажбуриятни бажариш юқори эҳтимолли бўлиши учун етарлича аҳамиятли бажарилмаганлик бўйича жазони назарда тутадиган боғлиқ бўлмаган томон билан келишувдир.
юқори эҳтимолли	Содир бўлиши эҳтимоли содир бўлмаслик эҳтимолидан аҳамиятли даражада юқори бўлган ҳодисадир.

узоқ муддатли актив	Жорий актив таърифни қаноатлантirmайдиган активдир.
эҳтимолли	Содир бўлиши эҳтимоли содир бўлмаслик эҳтимолидан юқори бўлган ходисадир.
қопланадиган қиймат	Активнинг куйидаги икки қийматларидан каттасидир: сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланиш қиймати.
фойдаланиш қиймат	Активдан давомий фойдаланишдан ва фойдали хизмат муддати охирида ҳисобдан чиқаришдан олинишидан кутилаётган келгуси пул оқимларининг дисконтланган қийматидир.

Б илова Қўллаш учун қўшимча кўрсатма

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

Сотишни яқунлаш учун талаб этилган муддатни узайтирилиши

- Б1 Агар муддатни узайишига ташкилот назоратидан ташқарида бўлган ҳодисалар ёки ҳолатлар сабаб бўлса ва ташкилот активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш бўйича режага амал қилиши тўғрисида етарлича далил мавжуд бўлса, сотишни яқунлаш учун талаб этилган даврнинг узайиши активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланишига тўсқинлик қилмайди. Ўз навбатида, қуйидаги вазиятлардан келиб чиқадиган ҳодиса ёки ҳолатлар 8-бандда келтирилган бир йиллик давр талабидан истисно ҳисобланади:
- (a) ташкилот узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) сотиш режасини қатъий бажаришга қарор қилган санада, у бошқа томонлар (харидор эмас) томонидан активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) ўтказиш бўйича сотишни яқунлаш учун талаб этилган даврни узайишига олиб келадиган шартларни белгиланишини асосланган тарзда кутганда; ва:
 - (i) ушбу шартларни қаноатлантирадиган зарур чоралар *сотиб олиш бўйича қатъий мажбурият*га эга бўлгунга қадар амалга ошириш имкони бўлмайди; ва
 - (ii) бир йил ичида сотиб олиш бўйича қатъий мажбуриятнинг тузилиши юқори эҳтимолликка эга.
 - (б) ташкилот сотиб олиш бўйича қатъий мажбуриятга эга бўлади ва, натижада, харидор ёки бошқалар қутилмаганда олдин сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) ўтказиш бўйича сотишни яқунлаш учун талаб этилган даврни узайтирадиган шартларни белгилайди; ва:
 - (i) бундай шартларни қаноатлантириш билан боғлиқ бўлган зарур чоралар ўз вақтида амалга оширилган бўлади; ва
 - (ii) сотишни яқунлашни тўхтатиб турган саволларнинг ижобий ҳал бўлиши қутилади.
 - (в) дастлабки бир йил давр мобайнида, олдин эҳтимоли паст ҳисобланган ҳолатлар юзага келади ва, натижада, олдин сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли актив (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ) ушбу давр охири ҳолатига сотилмайди; ва:
 - (i) дастлабки бир йил давр мобайнида ташкилот ҳолатлардаги ўзгаришга муносабат билдириш учун зарур бўлган чорани амалга оширган бўлади;
 - (ii) ҳолатлардаги ўзгариш инobatга олинган ҳолда, узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни) оқилона ҳисобланган нархда сотиш учун фаол намоёиш этилади; ва
 - (iii) 7 ва 8 бандлардаги мезонлар қаноатлантирилади.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
32-ИЛОВА

6-сон Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандарти Фойдали қазилмаларни геологик қидириш ва баҳолаш

Мақсад

- 1 Мазкур МХХСнинг мақсади *фойдали қазилмалар захираларини геологик қидириш ва баҳолаш* фаолиятини молиявий ҳисоботда акс эттириш тартибини аниқлашдан иборат.
- 2 Хусусан, мазкур МХХС қуйидагиларни талаб қилади:
 - (а) геологик қидириш ва баҳолаш сарфларини ҳисобга олиш бўйича мавжуд амалий ёндашувларни чекланган такомиллашуви;
 - (б) геологик қидириш ва баҳолаш активларини тан олган ташкилотлардан мазкур МХХСга мувофиқ бундай активларни кадрсизланиши бўйича текшириш ва ҳар қандай кадрсизланишни 36-сон БҲХС “*Активларнинг кадрсизланиши*”га мувофиқ баҳолаш;
 - (в) ташкилот фойдали захираларини қидириш ва баҳолаш фаолияти билан боғлиқ молиявий ҳисобот кўрсаткичларни аниқлайдиган ва тушунтирадиган ва молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига қидирув ҳамда баҳолаш билан боғлиқ активлар қиймати, муддати ва ҳар қандай тан олинган геологик қидириш ва баҳолаш активларидан келиб чиқадиган пул маблағларининг келгуси пул оқимлари пайдо бўлишининг аниқлигини тушуниш учун ёрдам берадиган маълумотларни ёритиб бериш.

Қўллаш доираси

- 3 Ташкилот мазкур МХХСни геологик қидириш ва баҳолашда юзага келадиган сарфлар учун қўллаши лозим.
- 4 Мазкур МХХСда фойдали қазилмалар захираларини қидириш ва баҳолаш бўйича фаолиятини амалга оширадиган ташкилотларни бухгалтерия ҳисобининг бошқа жиҳатлари кўриб чиқилмайди.
- 5 Ташкилот мазкур МХХСни амалга оширилган қуйидаги сарфларга нисбатан қўлламаслиги лозим:
 - (а) ташкилот томонидан муайян ҳудудда геологик қидириш ишларини амалга ошириш ҳуқуқини олишдан олдин амалга оширилган сарфлар каби фойдали қазилмаларни қидириш ва баҳолаш ишларини бошлашдан олдинги сарфлар;
 - (б) Фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг техник имконияти ва тижорат мақсадларига мувофиқлигидан сўнг амалга оширилган сарфлар.

Геологик қидириш ва баҳолаш активларини тан олиш

8-сон БҲХСнинг 11 ва 12-бандларини қўллашдан вақтинчалик озод қилиш

- 6 Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда геологик қидириш ва баҳолаш активларини тан олган ташкилот 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар*”нинг 10-бандини қўллаши лозим.
- 7 8-сон БҲХСнинг 11 ва 12-бандлари, агар моддага қўлланадиган бирор МХХС мавжуд бўлмаса, бундай модда бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда раҳбарият томонидан эътиборга олиниши талаб этиладиган расмий талаблар ва кўрсатмаларнинг манбаларини белгилайди. Қуйидаги 9 ва 10-бандларга мувофиқ, мазкур МХХС ташкилотни геологик қидирув ва баҳолаш активларини тан олиш ва баҳолаш бўйича ҳисоб сиёсатига нисбатан ушбу бандларни қўллашдан озод қилади.

Геологик қидирув ва баҳолаш активларини баҳолаш

Тан олиш ва баҳолаш

- 8 Геологик қидирув ва баҳолаш активлари бошланғич қиймати бўйича баҳоланиши лозим.

Геологик қидирув ва баҳолаш активларининг бошланғич қиймати элементлари

- 9 Ташкилот қайси сарфлар геологик қидирув ва баҳолаш активлари сифатида тан олинишини белгилайдиган ҳисоб сиёсатини аниқлаши ва ушбу ҳисоб сиёсатини изчил қўллаши лозим. Бундай сиёсатни аниқлашда, ташкилот бундай сарфларни муайян фойдали қазилма захираларини аниқлаш билан боғлиқлик даражасини ҳисобга олади. Қуйида геологик қидирув ва баҳолаш активларини дастлабки баҳолашда киритилиши мумкин бўлган сарфларга мисоллар келтирилган (лекин булар билан чекланмаган):
- (а) геологик қидирув ҳуқуқларини харид қилиш сарфлари;
 - (б) топографик, геологик, геохимёвий ва геофизик тадқиқотлар учун сарфлар;
 - (в) қидирув разведка бургулаш сарфлари;
 - (г) қазиш ишларига сарфлар;
 - (д) синовлар ва намуналарни танлаш сарфлари; ва
 - (е) фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг техник имконияти ва тижорат мақсадларига мувофиқлигини баҳолаш билан боғлиқ сарфлар.
- 10 Фойдали қазилмаларни қайта ишлашда юзага келадиган сарфлар геологик қидирув ва баҳолаш активлари сифатида тан олинмаслиги лозим. *Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси* ва 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*” тажриба-конструкторлик босқичида юзага келадиган активларни тан олиш бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олади.
- 11 Ташкилот 37-сон БҲХС “*Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*”га мувофиқ фойдали қазилмаларни қидируви ва баҳолаш бўйича ишлар олиб бориш натижасида муайян вақт давомида юзага келадиган активларни фойдаланишдан чиқариш ва агроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича ҳар қандай жавобгарликни тан олади.

Тан олишдан кейинги баҳолаш

- 12 Тан олишдан сўнг, ташкилот геологик қидирув ва баҳолаш активларига нисбатан бошланғич қиймат модели ёки қайта баҳолаш моделини қўллаши лозим. Агар қайта баҳолаш модели(16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*”даги модел ёки 38-сон БҲХСдаги модел) қўлланса, фойдаланилган модель активларнинг таснифланиши билан мувофиқ бўлиши лозим.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар

- 13 Ташкилот, бундай ўзгариш молиявий ҳисобот фойдаланувчиларининг иқтисодий қарорлар қабул қилиш эҳтиёжларига янада мувофиқ бўлишини ва камроқ ишончли бўлмаган ёки янада ишончли ва ушбу эҳтиёжлар нуқтаи назаридан кам мувофиқ бўлмаган тарзда геологик қидирув ва баҳолаш сарфлари бўйича ўзининг ҳисоб сиёсатини ўзгартириши мумкин. Ташкилот 8-сон БҲХСда кўрсатилган мезонларга асосланиб ўринлилик ва ишончлилик тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.
- 14 Геологик қидирув ва баҳолаш сарфлари бўйича ҳисоб сиёсатининг ўзгаришини асослаш учун, ташкилот бундай ўзгариш молиявий ҳисоботда 8-сон БҲХСда кўрсатилган мезонларга кўпроқ мувофиқликка олиб келишини кўрсатиши лозим, аммо ўзгариш натижасида ушбу мезонлар билан тўлиқ мувофиқликка эришиш талаб этилмайди.

1

Геологик қидирув ва баҳолаш активларини таснифлаш

- 15 Ташкилот геологик қидирув ва баҳолаш активларини харид қилинган активларнинг характериға асосланиб моддий ёки номоддий актив сифатида таснифлаши ва қабул қилинган таснифлашни изчил тарзда қўллаши лозим.
- 16 Баъзи геологик қидирув ва баҳолаш билан боғлиқ активлар номоддий актив сифатида ҳисобға олинадиган (масалан, бурғулаш ишларини бажариш ҳуқуқи), айна пайтда бошқа активлар эса моддий актив ҳисобланадиган (масалан, транспорт воситалари ва бурғулаш қурилмалари). Номоддий активни яратишда, моддий активни истеъмол қилиниши даражасида, бундай истеъмолни акс эттирувчи сумма номоддий активнинг бошланғич қийматининг бир қисмини ташкил этади. Лекин, номоддий активни яратиш учун моддий активдан фойдаланиш, моддий активни номоддий активга айлантормади.

Геологик қидирув ва баҳолаш активларини қайта таснифлаш

- 17 Геологик қидирув ва баҳолаш активлари фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг техник мақсадға мувофиқлиги ва тижорий мақсадға мувофиқлигини намоиш этиши мумкин бўлганда, уни бундай синф активи сифатида таснифланиши мумкин эмас. Қайта таснифлашдан олдин геологик қидирув ва баҳолаш активлари қадрсизланиш учун текширилиши лозим ва қадрсизланишдан ҳар қандай зарар тан олиниши лозим.

Қадрсизланиш

Тан олиш ва баҳолаш

- 18 Геологик қидирув ва баҳолаш активлари, фактлар ва ҳолатлар геологик қидирув ва баҳолаш активининг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан ошиб кетиши мумкинлигини кўрсатганда, қадрсизланиши текширилиши лозим. Фактлар ва ҳолатлар баланс қиймати қопланадиган қийматдан ошиб кетишини кўрсатганда, ташкилот 21-бандда кўрсатилган талаблардан ташқари, ҳар қандай қадрсизланиш зарарини 36-сон БҲХСға мувофиқ баҳолаши, тақдим этиши ва ёритиб бериши лозим.
- 19 Фақат геологик қидириш ва баҳолаш активлари учун, қадрсизланган бўлиши мумкин бўлган бундай активни аниқлашда 36-сон БҲХС нинг 8-17-бандларини эмас, мазкур МҲХСнинг 20-бандини қўллаш лозим. 20-бандда "активлар" атамасидан фойдаланилади, лекин мазкур банд алоҳида геологик қидириш ва баҳолаш активларига ва пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка ҳам тенг равишда қўлланади.
- 20 Куйидаги фактлар ёки ҳолатларнинг (лекин булар билан чекланмаган) бир ёки бир нечтаси ташкилот геологик қидирув ва баҳолаш активларининг қадрсизланишини текшириши лозимлигини кўрсатади:
- (а) ташкилот томонидан олинган муайян ҳудудни геологик қидирув ҳуқуқларининг амал қилиш муддати ҳисобот даврида тугаган ёки яқин келажакда тугайдиган бўлганда ва бундай ҳуқуқларни қайта тиклаш кутилмаётганда;
 - (б) муайян ҳудудда фойдали қазилма захираларини қидириш ва баҳолаш фаолиятини давом эттириш учун муҳим сарфлар бюджетға киритилмаган ва режалаштирилмаганда;
 - (в) маълум бир ҳудудда фойдали қазилмалар захираларини қидириш ва баҳолаш, фойдали қазилмалар захираларининг тижорий жиҳатдан мақсадға мувофиқ миқдорини аниқлашға олиб келмаганда ва ташкилот ушбу ҳудудда бундай фаолиятни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилганда;
 - (г) Гарчи ҳудудда ишни давом эттириши мумкин бўлсада, геологик қидирув ва баҳолаш активининг баланс қийматини муваффақиятли ишлаб чиқиш ёки сотиш натижасида тўлиқ қоплаши мумкин эмаслиги тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлганда.

Ушбу ҳолатда ёки шунга ўхшаш ҳолатларда, ташкилот 36-сон БҲХСға мувофиқ қадрсизланиш тестини ўтказиши лозим. Ҳар қандай қадрсизланиш зарари 36-сон БҲХСға мувофиқ харажат сифатида тан олинадиган.

Геологик қидирув ва баҳолаш активларининг қадрсизланишини текшириш қайси даражада ўтказиладиганини аниқлаш

- 21 Ташкилот геологик қидирув ва баҳолаш активларини, бундай активларни қадрсизланишини текшириш мақсадида, пул маблағлари оқимларини ҳосил қилувчи бирликларга ёки пул маблағлари оқимларини ҳосил қилувчи бирликлар гуруҳларига тақсимлаш бўйича ҳисоб сиёсатини белгилаши лозим. Геологик қидирув ва баҳолаш активлари тақсимланган пул маблағлари оқимларини ҳосил қилувчи ҳар бир бирлик ёки бирликлар гуруҳи 8-сон МХХС “*Операцион сегментлар*”га мувофиқ аниқланадиган операцион сегментдан катта бўлмаслиги лозим.
- 22 Геологик қидирув ва баҳолаш активларини қадрсизланишини текшириш учун ташкилот томонидан белгиланган даража пул маблағлари оқимларини ҳосил қилувчи бир ёки бир нечта бирликлардан иборат бўлиши мумкин.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 23 Ташкилот фойдали қазилма захираларини қидириш ва баҳолаш натижасида унинг молиявий ҳисоботида тан олинган суммаларни аниқлайдиган ва тушунтирадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 24 23-банд талабларини бажариш учун ташкилот қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) геологик қидирув ва баҳолаш сарфлари, шу жумладан геологик қидирув ва баҳолаш активларини тан олиш бўйича ўзининг ҳисоб сиёсати;
 - (б) активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар, шунингдек, фойдали қазилма захираларини қидириш ва баҳолаш натижасида юзага келадиган инвестиция ва операцион фаолиятнинг пул оқимлари суммалари.
- 25 Ташкилот геологик қидирув ва баҳолаш активларини алоҳида активлар синфи сифатида ҳисобга олиши лозим ва ушбу активларнинг қандай таснифланганлигига қараб, 16-сон БХХС ёки 38-сон БХХС орқали талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши лозим.

Кучга кириш санаси

- 26 Мазкур МХХС ташкилотлар томонидан 2006 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур МХХСни 2006 йил 1 январдан олдин бошланадиган давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 26А 2018 йилда эълон қилинган “МХХСдаги “*Концептуал асос*”га ҳаволаларга ўзгартиришлар” бўйича 10-бандга ўзгартириш киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2020 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Агар ташкилот бир вақтнинг ўзида “МХХСдаги “*Концептуал асос*”га ҳаволаларга ўзгартиришлар” бўйича киритилган барча ўзгартиришларни қўлласа, бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Ташкилот 8-сон БХХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ 6-сон МХХСга ўзгартиришларни ретроспектив тарзда қўллаши лозим. Аммо, ташкилот ретроспектив қўллаш амалий имконсиз ёки ортиқча сарф ёки ҳаракат талаб этилишини аниқласа, 6-сон МХХСга киритилган ўзгартиришларни 8-сон БХХСнинг 23-28, 50-53 ва 54Е бандларига мувофиқ қўллаши лозим.

Ўтиш қоидалари

- 27 Агар 18-банднинг муайян талабини 2006 йил 1 январдан олдин бошланган йиллик даврлар учун қиёсий маълумотларга нисбатан амалий қўллаш имконсиз бўлса, ташкилот бу фактни ёритиб бериши лозим. 8-сон БХХСда “амалий қўллаш имконсизлиги” атамасининг маъносини тушунтирилган.

А Илова **Атамалар таърифи**

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

геологик кидирув ва баҳолаш активлари	Ташкилотнинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ актив сифатида тан олинган геологик кидирув ва баҳолаш сарфлари .
геологик кидирув ва баҳолаш сарфлари	Ташкилотнинг фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг техник имконияти ва тижорат мақсадларига мувофиқлигини намоён қилишидан олдин фойдали қазилмаларни кидириш ва баҳолаш билан боғлиқ амалга оширилган сарфлари.
фойдали қазилма захираларини кидириш ва баҳолаш	Ташкилот томонидан муайян бир ҳудудда геологик кидирув ишларини олиб бориш ҳукуқи олингандан кейин минерал ресурслар, нефть, табиий газ, шу жумладан фойдали қазилмаларни ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурсларни кидириш, шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг техник имконияти ва тижорат мақсадларига мувофиқлигини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
33-ИЛОВА

7-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш

Мақсад

- 1 Мазкур МҲХСнинг мақсади фойдаланувчиларга ташкилотлар томонидан уларнинг молиявий ҳисоботида ёритиб бериладиган қуйидагиларни баҳолаш имконини берувчи маълумотларни таъминлаш бўйича талабларни ўрнатишдан иборат:
 - (а) ташкилотнинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларига молиявий инструментларнинг таъсири қанчалик аҳамиятли эканини; ва
 - (б) ташкилот ҳисобот даври мобайнида ва охирида дуч келган ва молиявий инструментлардан юзага келадиган рискларнинг хусусияти ва даражасини ҳамда ташкилот ушбу рискларни қандай қилиб бошқаришини.
- 2 Мазкур МҲХСдаги тамойиллар 32-БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиши*” ва 9-МҲХС “*Молиявий инструментлар*” даги молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш ва тақдим этиш бўйича тамойилларни тўлдиради. *тақдим этиши*” ва 9-сон МҲХС “*Молиявий Инструментлар*” га қаранг. ва

Қўллаш доираси

- 3 Мазкур МҲХС барча ташкилотлар томонидан қуйидагилардан ташқари барча турдаги молиявий инструментларга нисбатан қўлланиши лозим:
 - (а) 10-МҲХС “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот*”, 27-БҲХС “*Алоҳида молиявий ҳисобот*” ёки 28-БҲХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*”га мувофиқ ҳисобга олинadиган шўъба ташкилотлар, таъсир остидаги ташкилотлар ёки қўшма корхоналарга инвестициялар. Лекин, айрим ҳолатларда, 27-сон БҲХС ёки 28-сон БҲХС шўъба ташкилотлар, таъсир остидаги ташкилотлар ёки қўшма корхоналарга инвестицияларнинг 9-сон МҲХСга мувофиқ ҳисобга олинишига рухсат беради; бундай ҳолатларда, ташкилотлар ушбу МҲХСнинг талабларини қўллаши лозим ҳамда ҳаққоний қийматда баҳоланадиган бундай инвестицияларга нисбатан 13-сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*”нинг талабларини қўллаши лозим. Шунингдек, ташкилотлар мазкур МҲХСни шўъба ташкилотлар, таъсир остидаги ташкилотлар ёки қўшма корхоналарга инвестициялар билан боғлиқ барча деривативларга нисбатан, ушбу дериватив 32-сон БҲХСдаги улушли инструментнинг таърифига мос келган ҳолатлардан ташқари ҳолатларда қўллаши лозим.
 - (б) 19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*” қўлланадиган ходимларнинг даромадлари бўйича иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарликлари.
 - (в) [Чиқариб ташланган]
 - (г) 4-сон МҲХС “*Суғурта шартномалари*”да таърифланган суғурта шартномалари. Лекин, бундай суғурта шартномаларида бириктирилган деривативларга нисбатан, агар 9-МҲХС уларнинг алоҳида ҳисобга олинишини талаб этса, мазкур стандарт қўлланади. Бундан ташқари, эмитент молиявий қафолат шартномаларига нисбатан, агар у ушбу шартномаларни тан олишда ва баҳолашда 9-сон МҲХСни қўлласа, мазкур МҲХСни қўллаши лозим, бироқ, эмитент 4-сон МҲХСдаги 4(г) бандга мувофиқ бундай шартномаларни тан олиш ва баҳолаш учун 4-сон МҲХСни танлаган бўлса, у ушбу шартномаларга нисбатан 4-сон МҲХСни қўллаши лозим.
 - (д) 2-сон МҲХС “*Акцияга асосланган тўлов*” қўлланадиган акцияга асосланган тўлов операцияларидан юзага келадиган молиявий инструментлар, шартномалар ва

- мажбуриятлар, бундан 9-сон МХХСнинг қўллаш доирасидаги шартномаларга нисбатан мазкур МХХС қўлланиши мустасно.
- (е) 32-сон БХХСнинг 16А ва 16Б ёки 16В ва 16Г бандларига мувофиқ улушли инструментлар сифатида таснифланиши талаб этиладиган инструментлар.
- 4 Мазкур МХХС тан олинган ва тан олинмаган молиявий инструментларга нисбатан қўлланади. Тан олинган молиявий инструментлар ўз ичига 9-сон МХХСнинг қўллаш доирасидаги молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни олади. Тан олинмаган молиявий инструментлар, 9-сон МХХСнинг қўллаш доирасидан ташқарида бўлишидан қатъий назар, мазкур МХХСнинг қўллаш доирасига кирадиган баъзи молиявий инструментларни ўз ичига олади.
- 5 9-сон МХХСнинг қўллаш доирасидаги номолиявий моддаларни харид қилиш ёки сотиш бўйича шартномаларга нисбатан мазкур МХХС қўлланади.
- 5А 35А-35М-бандлардаги кредит рискинни ёритиб бериш талаблари, 15-сон МХХС “*Харидорлар билан шартномалардан тушум*”га асосан қадрсизланишдан фойда ёки зарарларни 9-сон МХХСга мувофиқ тан олинмаган ҳуқуқларга нисбатан ҳам қўлланади. Агар бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу бандлардаги молиявий актив ёки молиявий инструментларга ҳар қандай ҳавола бундай ҳуқуқларни ўз ичига олиши лозим.

Молиявий инструментларнинг синфлари ва маълумотларни ёритиб бериш даражаси

- 6 Мазкур МХХСда молиявий инструментларнинг синфлари бўйича маълумотларни ёритиб бериш талаб этилганда, ташкилот молиявий инструментларни ёритиб берилмаган маълумотнинг хусусиятига хос бўлган ва мазкур молиявий инструментларнинг хусусиятларини ҳисобга оладиган синфларга гуруҳлаши лозим. Ташкилот молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмаган моддаларнинг солиштирмасини шакллантириш учун етарли бўлган маълумотларни таъминлаши лозим.

Молиявий инструментларнинг молиявий ҳолат ва молиявий натижаларга бўлган таъсирининг аҳамиятлилиги

- 7 Ташкилот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар молиявий инструментларнинг унинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларига таъсири қанчалик аҳамиятли эканини баҳолаш имконини берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот

Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг тоифалари

- 8 Молиявий инструментларнинг 9-сон МХХСда белгиланган қуйидаги тоифаларининг ҳар бири бўйича уларнинг баланс қийматлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда ёритиб берилиши лозим:
- (а) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар, қуйидаги турлари бўйича алоҳида кўрсатилиши лозим: (i) дастлабки тан олишда ва кейинги ҳисоби 9-сон МХХСнинг 6.7.1-бандига мувофиқ белгиланган молиявий активлар ва (ii) 9-сон МХХСга мувофиқ мажбурий равишда фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар.
- (б)–(г) [Чиқариб ташланган]
- (д) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар, қуйидаги турлари бўйича алоҳида кўрсатилиши лозим: (i) дастлабки тан олишда ва кейинги ҳисоби 9-сон МХХСнинг 6.7.1 бандига мувофиқ белгиланган молиявий мажбуриятлар ва (ii) 9-сон МХХСга мувофиқ савдо учун мўлжалланганлик таърифини қаноатлантирадиган молиявий мажбуриятлар.
- (е) амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий активлар.
- (ё) амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар.

- (ж) бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар, қуйидаги турлари бўйича алоҳида кўрсатилиши лозим: (i) 9-сон МҲХСнинг 4.2.1А бандига мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар; ва (ii) дастлабки тан олиними 9-сон МҲХСнинг 5.7.5 бандига мувофиқ белгиланган улушли инструментларга инвестициялар.

Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар

- 9 Агар ташкилот акс ҳолда бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши ёки амортизацияланган қийматда ҳисобга олиними мумкин бўлган молиявий актив (ёки молиявий активларнинг гуруҳини) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган сифатида белгиланган бўлса, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ҳисобот даври охирида молиявий актив (ёки молиявий активлар гуруҳи) бўйича *кредит рискига* максимал мойиллик даражаси (36(а) бандга қаранг).
 - (б) бундай кредит рискига максимал мойилликни камайтирадиган ва ушбу молиявий активга (ёки молиявий активлар гуруҳига) боғлиқ бўлган ҳар қандай кредит деривативлари ёки шунга ўхшаш инструментларнинг суммаси (36(б) бандга қаранг).
 - (в) молиявий актив бўйича кредит рискининг ўзгариши сабабли ушбу молиявий активнинг (ёки молиявий активлар гуруҳининг) ҳаққоний қийматидаги давр мобайнидаги ёки жамғарилган, қуйидагича аниқланадиган ўзгариш суммаси:
 - (i) бозор рискини юзага келтирадиган бозор шартларининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳаққоний қийматнинг ўзгариши суммаси сифатида; ёки
 - (ii) ташкилотнинг фикри бўйича кредит рискидаги ўзгаришлар активнинг ҳаққоний қийматининг ўзгаришини рўйи-рост тақдим этадиган муқобил усулдан фойдаланган ҳолда.Бозор рискини юзага келтирадиган бозор шартларидаги ўзгаришлар кузатиладиган (бенчмарк) фоиз ставкасининг ўзгариши ҳамда товарларнинг нархларидаги, валюта курсларидаги ёки нархлар ёхуд курслар индексларидаги ўзгаришларни қамраб олади.
 - (г) ҳар қандай боғлиқ бўлган кредит деривативининг ёки шунга ўхшаш инструментларнинг ҳаққоний қийматидаги молиявий активнинг ҳисобга олиними белгиланганидан кейин жамғарилган ёки давр мобайнида содир бўлган ўзгариш суммаси.
- 10 Агар ташкилот 9-сон МҲХСнинг 4.2.2-бандига мувофиқ молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият сифатида белгиланган бўлса ва ушбу мажбурият бўйича кредит рискидаги ўзгаришлар таъсирини бошқа умумлашган даромадда акс эттириши (9-сон МҲХС даги 5.7.7-бандга қаранг) талаб этилса, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) молиявий мажбурият бўйича кредит риск даражасини ўзгариши сабабли молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги жамғарилган ўзгариш суммасини (мажбурият бўйича кредит рискидаги ўзгаришнинг таъсирини аниқлаш учун 9-сон МҲХСнинг Б5.7.13–Б5.7.20 бандларга қаранг).
 - (б) молиявий мажбуриятнинг баланс қиймати ва бу мажбуриятнинг сўндириш муддати охирида ушбу мажбурият шартномаси бўйича ташкилот тўлаши лозим бўлган сумма орасидаги фарк.
 - (в) жамғарилган фойда ёки зарарнинг давр мобайнида хусусий капитал ичидаги ҳар қандай бир моддадан бошқа моддага ўтказилиши ва бундай ўтказишнинг сабаби.
 - (г) давр мобайнида мажбуриятнинг тан олиними бекор қилинган бўлса, тан олишни бекор қилишда реализация қилинган ва бошқа умумлашган даромадда акс эттирилган сумма (агар мавжуд бўлса).
- 10А Агар ташкилот 9-сон МҲХСдаги 4.2.2-бандга мувофиқ молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият сифатида белгиланган бўлса ва ушбу мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги барча ўзгаришларни (шу жумладан, мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсирини) фойда ёки зарарда акс эттириши талаб этилса (9-сон МҲХС даги 5.7.7 ва 5.7.8-бандларга қаранг), у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) молиявий мажбурият бўйича кредит риски даражасидаги ўзгаришлар сабабли молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги давр мобайнидаги ва жамғарилган ўзгаришлар

- суммаси (мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришлар таъсирини аниқлаш учун 9-сон МҲХСдаги Б5.7.13–Б5.7.20 бандларга қаранг); ва
- (б) молиявий мажбуриятнинг баланс қиймати ва бу мажбуриятнинг сўндириш муддати охирида ушбу мажбурият шартномаси бўйича ташкилот тўлаши лозим бўлган сумма орасидаги фарк.
- 11 Шунингдек, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) мазкур стандартнинг 9(в), 10(а) ва 10А(а) бандларига ҳамда 9-сон МҲХСнинг 5.7.7(а) бандига риоя этиш учун қўлланган усулларнинг батафсил баёни, шу жумладан ушбу усул нима учун ўринли эканлигини тушунтириш.
- (б) ташкилотнинг фикрича, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда мазкур стандартнинг 9(в), 10(а) ва 10А(а) бандларига ҳамда 9-сон МҲХСнинг 5.7.7(а) бандига риоя этиш учун ёритиб берилган маълумотлар молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги ушбу актив ёки мажбурият бўйича кредит рискининг ўзгаришларига боғлиқ бўлган ўзгаришларни рўйи-рост акс эттирмаса, бундай хулосага келиш сабаблари ва унинг фикрича ўринли бўлган омиллар.
- (в) мажбурият бўйича кредит рискидаги ўзгаришлар таъсирини бошқа умумлашган даромадда акс эттириш фойда ёки зарарда ҳисобдаги номувофикликни юзага келтириши ёки кўпайтиришини аниқлаш учун қўлланган услуб ёки услубиётларнинг батафсил баёни (9-сон МҲХСдаги 5.7.7 ва 5.7.8-бандларга қаранг). Агар ташкилотдан мажбурият бўйича кредит рискидаги ўзгаришларни фойда ёки зарарда акс эттириши талаб этилса (9-сон МҲХСнинг 5.7.8-бандга қаранг), ёритиб бериладиган маълумотлар ўз ичига 9-сон МҲХСнинг Б5.7.6-бандида тавсифланган иктисодий боғлиқликнинг батафсил баёнини ўз ичига олиши лозим.

Баҳоланиши бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда белгиланган улушли инструментларга инвестициялар

- 11А Ташкилот улушли инструментларга инвестицияларни бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган инструментлар сифатида, 9-сон МҲХСнинг 5.7.5-бандида рухсат этилганидек, белгилаганида, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) қайси улушли инструментларга инвестициялар бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган инструментлар сифатида белгиланган.
- (б) инструментларни бундай тақдим этиш муқобилини танлашнинг сабаблари.
- (в) бундай ҳар бир инвестициянинг ҳисобот даври охиридаги ҳаққоний қиймати.
- (г) давр мобайнида тан олинган дивидендлар, бунда ҳисобот даври мобайнида тан олинishi бекор қилинган ҳамда ҳисобот даври охирида сақлаб турилган инвестицияларга тегишли бўлган дивидендларни алоҳида кўрсатган ҳолда.
- (д) жамғарилган фойда ёки зарарнинг давр мобайнида хусусий капитал ичидаги ҳар қандай бир моддадан бошқа моддага ўтказилиши ва бундай ўтказишнинг сабаби.
- 11Б Ташкилот бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган улушли инструментларга инвестицияларни ҳисобот даври мобайнида тан олинishi бекор қилинганида, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) инвестицияларни ҳисобдан чиқарилиши сабаблари.
- (б) инвестицияни тан олиш бекор қилинган санадаги унинг ҳаққоний қиймати.
- (в) инвестиция ҳисобдан чиқарилишидан жамғарилган фойда ёки зарар.

Қайта таснифлаш

- 12-12А [Чиқариб ташланган]
- 12Б Ташкилот жорий ёки олдинги ҳисобот даврларида 9-сон МҲХСнинг 4.4.1-бандига мувофиқ қайта таснифлаган ҳар қандай молиявий активларни ёритиб бериши лозим. Бундай ҳар бир қайта таснифлаш бўйича ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) қайта таснифлаш санаси.
- (б) бизнес моделнинг ўзгариши тўғрисида батафсил тушунтириш ва бу ўзгаришнинг ташкилот молиявий ҳисоботида таъсирини тавсифлайдиган батафсил маълумотлар.
- (в) ҳар бир тоифага ва тоифадан қайта таснифланган модданинг суммаси.

- 12В Қайта таснифлашдан кейин тан олишни бекор қилишгача ҳар бир ҳисобот даври учун, ташкилот 9-сон МҲХСнинг 4.4.1 бандига мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган активлардан амортизацияланган қийматда баҳоланадиган активлар ёки бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган активлар сифатида қайта таснифланган активлар бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) қайта таснифлаш санасида аниқланган эффектив фоиз ставкаси; ва
 - (б) тан олинган фоиз тушуми.
- 12Г Ташкилот охириги йиллик ҳисобот санасидан кейин бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активларни амортизацияланган қийматда баҳоланадиган активлар сифатида ёки фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активларни бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар сифатида қайта таснифлаганида, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) молиявий активларнинг ҳисобот даври охиридаги ҳаққоний қиймати; ва
 - (б) молиявий активлар қайта таснифланмаганида ҳисобот даври мобайнида фойда ёки зарарда ёхуд бошқа умумлашган даромадда тан олиниши лозим бўлган ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан фойда ёки зарар.
- 13 [Чиқариб ташланган]

Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш

- 13А 13Б–13Д бандлардаги ёритиб бериладиган маълумотлар мазкур МҲХСдаги ёритиб берилиши талаб этиладиган бошқа маълумотларни тўлдиради ҳамда 32-сон БҲХСнинг 42 бандига мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилинадиган ва тан олиннадиган барча молиявий инструментлар ёритиб берилиши талаб этилади. Ушбу маълумотларни ёритиб бериш, улар 32-сон БҲХСнинг 42-бандига мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъий назар, ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги бош келишув ёки шунга ўхшаш келишув доирасида бўлган ва тан олинган молиявий инструментларга ҳам тегишлидир.
- 13Б Ташкилот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар соф асосда ҳисоблашишни назарда тутадиган келишувларнинг ташкилот молиявий ҳолатига бўлган таъсирини ёки потенциал таъсирини баҳолашга имкон берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим. Бу эса ташкилот томонидан тан олинган ва 13А банднинг қўллаш доирасида бўлган молиявий активлар ва тан олинган молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқларининг таъсирини ёки потенциал таъсирини қамраб олади.
- 13В 13Б банддаги мақсадга эришиш учун, ташкилот ҳисобот даврининг охирида 13А банднинг қўллаш доирасида бўлган молиявий активлар ва тан олинган молиявий мажбуриятлар бўйича қуйидаги миқдорий маълумотларни алоҳида ёритиб бериши лозим:
- (а) ушбу тан олинган молиявий активлар ва тан олинган молиявий мажбуриятларнинг ялпи суммасини;
 - (б) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган соф суммаларни аниқлашда 32-сон БҲХСнинг 42-бандидаги мезонларга мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилинган суммаларни;
 - (в) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган соф суммаларни;
 - (г) ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги бош келишув ёки шунга ўхшаш келишувларнинг доирасида бўлган ва 13В(б) бандга киритилмаган суммаларни, шу жумладан:
 - (i) 32-сон БҲХСнинг 42-бандидаги ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мезонларнинг барчасига ёки айримларига мос келмайдиган ва тан олиннадиган молиявий инструментларга тегишли суммалар; ва
 - (ii) молиявий активлар кўринишидаги таъминотга тегишли бўлган суммалар (шу жумладан, пул маблағлари таъминоти); ва
 - (д) юқоридаги (г) кичик банддан (в) кичик банддаги суммаларни чегиргандан кейин қолган соф сумма.
- Ушбу бандда талаб этилган маълумотлар, алоҳида молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар, агар бошқа формат ўринлироқ бўлмаса, жадвал шаклида тақдим этилиши лозим.
- 13Г 13В(г) бандга мувофиқ инструмент бўйича ёритиб бериладиган ялпи сумма ушбу инструмент бўйича 13В(в) бандда изоҳланган сумма билан чекланиши лозим.

- 13Д Ташкилот 13В(г) бандга мувофиқ ёритиб бериладиган, ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги бош келишув ёки шунга ўхшаш келишув доирасида бўлган ва у томонидан тан олинган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқларининг тавсифини, шу жумладан ушбу ҳуқуқларнинг хусусиятини, ёритиб бериладиган маълумотларга киритиши лозим.
- 13Е Агар 13Б–13Д бандларда талаб этилган маълумотлар молиявий ҳисоботда бир нечта изоҳларда ёритиб берилса, ташкилот ушбу изоҳларни бир-бирига ҳавола қилиши лозим.

Таъминот

- 14 Ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) мажбуриятлар ёки шартли мажбуриятлар бўйича гаровга қўйилган молиявий активларнинг баланс қийматини, шу жумладан 9-сон МҲХСнинг 3.2.23(а) бандига мувофиқ қайта таснифланган суммаларни; ва
 - (б) бундай гаровнинг шартлари ва муддатларини.
- 15 Ташкилот (молиявий ёки номолиявий активлар шаклида) таъминот олган бўлса ва таъминот эгаси томонидан дефолт мавжуд бўлмаганда ҳам ушбу таъминотни сотишга ёки қайтадан таъминотга қўйишга рухсат этилса, қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) таъминотнинг ҳаққоний қийматини;
 - (б) ҳар қандай бундай таъминот сотилганида ёки қайта таъминотга қўйилганида унинг ҳаққоний қийматини ҳамда ташкилот бу таъминотни қайтариб бериш жавобгарлигига эга эканлигини; ва
 - (в) таъминотдан фойдаланиш шартлари ва муддатларини.

Кредит зарарлари бўйича баҳоланадиган резерв ҳисобварағи

- 16 [Чиқариб ташланган]
- 16А 9-сон МҲХСнинг 4.2.1А бандига мувофиқ бошқа умумлашган даромадда ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активларни баланс қиймати, баҳоланадиган резерв миқдorigа камайтирилмайди ва ташкилот молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни молиявий активнинг баланс қийматининг камайиши сифатида алоҳида кўрсатмаслиги лозим. Лекин, ташкилот зарар бўйича баҳоланадиган резервни молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб бериши лозим.

Кўп сонли бириктирилган деривативларга эга таркибли молиявий инструментлар

- 17 Ташкилот хусусий капитал ва мажбурият компонентларига эга бўлган инструментни чиқарган бўлса (32-сон БҲХСнинг 28-бандига қаранг) ва инструмент кўп сонли бириктирилган деривативларга эга бўлиб, бу деривативларнинг қийматлари бир-бирига боғлиқ бўлса (масалан, қайта сотиб олиниши мумкин бўлган конвертацияланадиган қарз инструменти), у ушбу хусусиятларнинг мавжудлигини ёритиб бериши лозим.

Дефолт ва мажбуриятларни бажармаслик

- 18 Ҳисобот даври охирида тан олинган тўланадиган қарзлар бўйича, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ушбу тўланадиган қарзларнинг сўндириш шартлари, қарзни узиш фонди, асосий қарз суммаси, фоизларни тўлаш шартларини ҳар қандай бузиш ҳолатининг тафсилотлари;
 - (б) ҳисобот даври охирига дефолтга учраган тўланадиган қарзларнинг баланс қиймати; ва
 - (в) молиявий ҳисобот эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин шартлари бузилган қарз бўйича зарарни камайтиришга қаратилган чоралар қабул қилинганлиги ёки тўланадиган қарзларнинг шартлари қайта келишилганлиги.
- 19 Агар давр мобайнида 18-бандда тавсифланган қарз шартномаси шартларининг бузилишидан ташқари бошқа бузилишлар рўй берган бўлса, бундай бузилишлар кредитор томонидан жаддалашган тўловларни талаб қилишга имкон берса, ташкилот 18-бандда ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар билан бир хил маълумотларни ёритиб бериши лозим (ҳисобот даври охирида ёки ундан

олдин бу бузилишларга қарши чоралар қабул қилинганлиги, ёки қарз шартлари ўзгартирилганлиги ҳолатлари бундан мустасно).

Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот

Даромадлар, харажатлар, фойда ёки зарарлар моддалари

20 Ташкилот умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда куйидаги даромадлар, харажатлар, фойда ёки зарарлар моддаларини ёритиб бериши лозим:

- (a) куйидагилар бўйича соф фойда ёки соф зарарлар:
 - (i) дастлабки тан олишда бундай молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар сифатида белгиланганлар ёки 9-сон МХХСнинг 6.7.1-бандига мувофиқ тан олинганлар, ҳамда мажбурий равишда фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар (масалан, 9-сон МХХС бўйича савдо учун мўлжалланган таърифга мос келадиган молиявий мажбуриятлар) бўйича маълумотлар алоҳида ёритиб берилган ҳолда, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар. Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар бўйича, ташкилот бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинган суммани ва фойда ёки зарар таркибида тан олинган суммани алоҳида кўрсатиши лозим.
 - (ii)–(iv) [Чиқариб ташланган]
 - (v) амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар.
 - (vi) амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий активлар.
 - (vii) 9-сон МХХСнинг 5.7.5-бандига мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган улушли инструментларга инвестициялар.
 - (viii) 9-сон МХХСнинг 4.2.1А бандига мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар, давр ичида ва бошқа умумлашган даромадда тан олинган фойда ёки зарар суммасини ҳамда тан олишни бекор қилиниши натижасида давр мобайнида жамғарилган бошқа умумлашган даромаддан фойда ёки зарарга қайта таснифланган суммани алоҳида кўрсатган ҳолда.
- (б) амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий активлар ёки 9-сон МХХСнинг 4.2.1А бандига мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган (ушбу суммаларни алоҳида кўрсатган ҳолда) жами фоиз тушуми ва жами фоиз харажати (эфектив фоиз усули асосида ҳисобланган); ёки фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланмайдиган молиявий мажбуриятлар.
- (в) куйидагилардан юзага келадиган воситачилик даромадлари ва харажатлари (эфектив фоиз ставкасини аниқлашда ҳисобга олинган суммалардан ташқари):
 - (i) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланмайдиган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар; ва
 - (ii) алоҳида шахслар, трастлар, пенсия дастурлари ва бошқа ташкилотлар номидан активларни инвестиция қилиш ёки сақлаб туришга олиб келадиган ишонч ва бошқа фидуциар операциялар.
- (г) [Чиқариб ташланган]
- (д) [Чиқариб ташланган]

20А Ташкилот умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган ва амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий активларни тан олишни бекор қилишдан юзага келадиган фойда ва зарарларни алоҳида кўрсатган ҳолда, уларнинг таҳлилини ёритиб бериши лозим. Ушбу ёритиб бериладиган маълумотлар молиявий активларнинг тан олинишини бекор қилиш сабабларини қамраб олиши лозим.

Бошқа ёритиб бериладиган маълумотлар

Ҳисоб сиёсати

- 21 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”нинг (2007 йил таҳрири) 117 бандига мувофиқ, ташкилот аҳамиятли ҳисоб сиёсатининг қисқача баёнида молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланилган баҳолаш асосини (ёки асосларини) ва молиявий ҳисоботни тушуниш учун ўринли бўлган бошқа қўлланган ҳисоб сиёсатини ёритиб бериши лозим.

Хежлаш ҳисоби

- 21А Ташкилот 21Б-21Е бандлардаги ёритиб бериш бўйича талабларни хежлайдиган ва хеж ҳисобини қўллайдиган риск бўйича позицияларга ҳам қўллаши лозим. Хежлаш ҳисоби бўйича қуйидаги маълумотлар ёритиб берилиши лозим:
- (а) ташкилотнинг рискни бошқариш стратегияси ва уни рискни бошқаришда қандай қўллай олиши;
 - (б) ташкилотнинг хежлаш бўйича фаолиятини келгуси пул оқимларининг муддатлари, ноаниқлиги ва суммасига таъсир кўрсатиши; ва
 - (в) хежлаш ҳисобининг ташкилотнинг молиявий ҳолати, умумлашган даромад ва хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботларига таъсири.
- 21Б Ташкилот талаб этилган маълумотларни алоҳида изоҳда ёки молиявий ҳисоботдаги алоҳида бўлимда ёритиб бериши лозим. Лекин, ташкилот бошқа жойда ёритиб берилган маълумотни, уни худди молиявий ҳисобот каби шартларда ва муддатда фойдаланувчилар учун олиш мумкин бўлган, молиявий ҳисоботдан бошқа бўлган раҳбарият изоҳи ёки рисклар тўғрисида ҳисобот каби ҳисоботларга ҳавола киритилиши шарт билан қайта тақрорлаши талаб этилмайди. Ҳавола қилиш орқали тақдим этиладиган маълумотсиз молиявий ҳисобот тўлиқ бўлиб ҳисобланмайди.
- 21В Ташкилотдан 22А-24Е бандларга мувофиқ рискларни ҳар бир тури бўйича маълумотни ёритиб бериш талаб этилганда, ташкилот хежлаш ва хежлаш ҳисобини қўллайдиган риск позицияларига нисбатан риск тоифаларини белгилаб олиши лозим. Ташкилот хеж ҳисобида ёритиб бериладиган барча маълумотда риск тоифаларини изчил тарзда белгилаши лозим.
- 21Г 21А-бандда белгиланган мақсадларга эришиш учун, ташкилот (қуйида келтирилган ҳоллар бундан мустасно) қанчалик ёритиб беришни, ёритиб бериш талабларининг қайси хусусиятларига кўпроқ эътибор қаратиш, умумлаштириш ёки батафсиллаштиришнинг мақбул даражаси ва миқдорий маълумотларни баҳолаш учун фойдаланувчилар қўшимча тушунтиришларнинг зарурлигини белгилаши лозим. Лекин, ташкилот умумлаштириш ёки батафсиллаштириш даражасини қўллашда, мазкур МХХС ва 13-сон МХХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”га мувофиқ мос маълумотларни ёритиб бериш учун қўллайдиган даражадан фойдаланиши лозим.

Рискни бошқариш стратегияси

- 22 [Чиқариб ташланган]
- 22А Ташкилот тавсифланган хеж ва хежлаш ҳисоби қўлланадиган позицияларга рискнинг ҳар бир тури бўйича рискни бошқариш стратегиясини тушунтириб бериши лозим. Ушбу тушунтириш молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига (масалан) қуйидагиларни баҳолаши учун ёрдам бериши лозим:
- (а) ҳар бир риск қандай юзага келишини.
 - (б) ташкилот ҳар бир рискни қандай бошқариши; бу объектни барча унинг рисклари бўйича хежлаши ёки риск компонентини хежлаш бўйича маълумотни, шунингдек бундай ёндашув сабабларини ўз ичига олади.
 - (в) ташкилот бошқарадиган рискка мойиллик даражаси.
- 22Б Ушбу маълумот 22А-банд талабларига жавоб бериши учун (бирок, булар билан чегараланмаган ҳолда) ўз ичига қуйидагилар тавсифини олиши лозим:
- (а) риск бўйича позицияларни хежлаш учун фойдаланилган (ва қандай фойдаланилган) хежлаш инструменти;
 - (б) ташкилот хежлаш самарасини баҳолаш учун хежлаш инструменти ва хежлаш объекти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қандай аниқланишини; ва
 - (в) ташкилотнинг хежлаш кўрсаткичини белгилаши ва хежлаш самарасизлиги манбаларини.

- 22В Ташкилот хежланган объектни алоҳида риск компоненти сифатида белгилаганда (9-сон МҲХСнинг 6.3.7-бандига қаранг), у 22А ва 22Б бандларда белгиланган талаблар бўйича ёритиб беришда қуйидаги тавсифий ва миқдорий маълумотларни таъминлаши лозим:
- (а) ташкилот хежлаш объекти сифатида белгиланган риск компонентини қандай аниқланганлигини (риск компоненти ва объект ўртасидаги ўзаро боғлиқлик характери тавсифи ҳам шу жумладан); ва
 - (б) риск компоненти ушбу объект билан яхлит бирлик сифатида қандай боғланганлигини (масалан, олдинги даврда риск компоненти ташкилот ўзи белгиланган хежлаш объекти яхлит бирлик сифатида ҳаққоний қиймати ўзгаришининг 80%ини қоплаганда).

Келгуси пул оқимлари юзага келишининг ноаниқлиги, муддати ва суммаси

- 23 [Чиқариб ташланган]
- 23А Агар 23В бандда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ташкилот рискнинг ҳар бир тури бўйича молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига хежлаш инструментлари параметрлари ва шартларини, шунингдек ташкилотнинг келгуси пул оқимлари юзага келиши ноаниқлигига, муддати ва суммасига таъсир этишини баҳолаш имконини берувчи миқдорий маълумотни ёритиб бериши лозим.
- 23Б 23А бандда назарда тутилган талабларни бажариш учун ташкилот қуйидагилар ёритиб бериладиган ёйилмани тақдим этиши лозим:
- (а) хежлаш инструментининг номинал қийматининг муддатли структураси; ва
 - (б) агар қўллаш мумкин бўлса, хежлаш инструментининг ўртача нархи ёки ставкаси (масалан, бажариш нархи ёки форвард нархи ва бошқалар).
- 23В Агар ташкилот хежлаш муносабатларини хежлаш инструменти ва хежлаш объекти ўзгариши (яъни ташкилот динамик жараёнларини ишлатганда хежлаш инструменти ва риск позицияларида узоқ вақт ўзгармасдан қолмаганда, худди 9-сон МҲХСнинг Б6.5.24(б) бандида келтирилгани каби) туфайли тез-тез қайта кўриб чиққанда (яъни тўхтатиб ва қайта тиклаб), ташкилот:
- (а) 23А ва 23Б бандларда талаб этиладиган ёритиб бериладиган маълумотларни таъминлашдан озод этилади.
 - (б) қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
 - (i) тегишли хежлаш муносабатларида рискларни бошқаришнинг якуний стратегияси бўйича маълумотни;
 - (ii) хежлаш ҳисобидан фойдаланган ва айнан шундан хежлаш муносабатларини белгилаган ҳолда, рискларни бошқариш стратегиясини қандай акс эттирилиши тавсифи; ва
 - (iii) хежлаш муносабатларида ташкилот қўллайдиган жараёнларда хежлаш муносабатларининг тўхтатилиши ва қайта тикланишини қанчалик тез-тез амалга оширилиши бўйича маълумот.
- 23Г Ташкилот хежлаш даврида хежлаш муносабатлари бўйича қутилаётган самарасиз хежлаш манбаларини риск турлари бўйича ёритиб бериши лозим.
- 23Д Агар хежлаш муносабатларида самарасиз хежлашнинг бошқа манбалари юзага келса, ташкилот ушбу риск тоифасининг манбаларини ва самарасиз хежлашни ёритиб бериши лозим.
- 23Е Ташкилот пул оқимларини хежлашга нисбатан олдинги даврда хежлаш ҳисоби қўлланилган бироқ, бошқа қўлланилиши қутилмайдиган режалаштирилган операцияларнинг тавсифини ёритиб бериши лозим.

Хежлаш ҳисобининг молиявий ҳолат ва молиявий натижаларга таъсири

- 24 [Чиқариб ташланган]
- 24А Ташкилот жадвал шаклида хежлашнинг ҳар бир тоифасига мос риск турлари бўйича хежлаш инструментларига тегишли қуйидаги суммаларни алоҳида ёритиб бериши лозим (ҳаққоний қийматни хежлаш, пул оқимларини хежлаш ёки чет эл бўлинмаси операцияларига соф инвестицияларни хежлаш):
- (а) хежлаш инструментининг баланс қийматини (молиявий мажбуриятларни молиявий активлардан алоҳида);

- (б) таркибида хежлаш инструменти акс эттирилган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдаги сатр моддасини;
- (в) давр мобайнида хежлашнинг самарасиз деб ҳисоблаш учун асос бўлган хежлаш инструментининг ҳаққоний қиймати ўзгаришини; ва
- (г) хежлаш инструментларининг номинал миқдорлари (шу жумладан, тонна ёки метр куб каби миқдорий параметрлар);
- 24Б Ташкилот қуйидаги хежлаш объектига тегишли бўлган хежлаш тоифалари бўйича ҳар бир риск тури бўйича қуйидаги келтирилган суммаларни жадвал шаклида ёритиб бериши лозим:
- (а) ҳаққоний қийматни хежлашга нисбатан:
- (i) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган хежлаш инструменти билан баланс қиймати (активларни мажбуриятлардан алоҳида кўрсатган ҳолда);
- (ii) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган хежлаш объекти билан баланс қийматига киритилган хежлаш объекти ҳаққоний қийматининг хежлаш тузатишларининг жамғарилган суммаси (активларни мажбуриятлардан алоҳида кўрсатган ҳолда);
- (iii) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда хежлаш объекти кўрсатилган сатр моддаси;
- (iv) давр мобайнида хежлашнинг самарасиз деб ҳисоблаш учун асос бўлган хежлаш инструменти ҳаққоний қиймати ўзгариши; ва
- (v) 9-сон МҲХСнинг 6.5.10-бандига мувофиқ хежлаш бўйича фойда ва зарар миқдорига тузилмайдиган хежлаш объектларининг молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган хежлаш тузатишларининг жамғарилган ҳаққоний қиймати;
- (б) пул оқимлари ва чет эл бўлимаси соф инвестицияларининг хежлашга нисбатан:
- (i) давр ичида хежлаш самарасиз деб тан олинган хежлаш объектининг қиймати ўзгариши (яъни пул оқимларини хежлашда – 9-сон МҲХСнинг 6.5.11(в) бандига мувофиқ хежлашни самарасиз деб тан олинган хежлаш белгилаш учун қийматнинг ўзгариши);
- (ii) 9-сон МҲХСнинг 6.5.11 ва 6.5.13(а) бандларига мувофиқ ҳисобга олинган давом этаётган хежлаш муносабатларида жамғарилган курс фарқлари резерви ва пул оқимларини хежлаш резервидаги суммалар сальдоси; ва
- (iii) хежлаш ҳисоби бошқа қўлланмаётган, олдинги хежлаш муносабатлари бўйича жамғарилган курс фарқлари резерви ва пул оқимларини хежлаш резервидаги суммалар сальдоси.
- 24В Ташкилот хежлаш объектига тегишли бўлган хежлаш тоифалари бўйича ҳар бир риск тоифаси бўйича қуйида келтирилган суммаларни жадвал шаклида ёритиб бериши лозим:
- (а) ҳаққоний қийматни хежлашга нисбатан:
- (i) хежлаш самарасизлиги – яъни фойда ва зарарларда тан олинган хежлаш объекти ва хежлашдан фойда ёки зарарлар ўртасидаги фарқ (ёки 9-сон МҲХСнинг 5.7.5 бандига мувофиқ ташкилот томонидан бошқа умумлашган даромадда ҳаққоний қийматда баҳоланган улушли инструментлар бўйича бошқа умумлашган даромад); ва
- (ii) хежлаш самарасизлигини ўз ичига оловчи умумлашган даромад ҳисоботидаги сатр моддаси.
- (б) пул оқимлари ва чет эл бўлимаси соф инвестицияларининг хежлашга нисбатан:
- (i) бошқа умумлашган даромадда тан олинган ҳисобот давридаги хежлашдан фойда ёки зарарлар.
- (ii) фойда ёки зарарларда тан олинган хежлаш самарасизлиги;
- (iii) хежлаш самарасизлигини ўз ичига оловчи умумлашган даромад ҳисоботидаги сатр моддаси.
- (iv) пул оқимлари хежлаш резерви ёки жамғарилган курс фарқлари резерви таркибидан фойда ёки зарар таркибига қайта таснифлаш тузатиши сифатидаги сумма (1-сон БҲХСни қаранг) (хежлаш ҳисоби илгари қўлланган бироқ келгуси пул оқимларини хежлаш қўлланмаётган суммалар, шунингдек хежлаш объекти

- фойда ёки зарарга таъсир этганлиги учун ўтказилган суммаларни алоҳида кўрсатган ҳолда);
- (v) мазкур қайта таснифлаш тузатиш киритилган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботдаги сатр моддаси (1-сон БҲХС); ва
- (vi) умумлашган даромадда алоҳида сатр моддаси сифатида тан олинган, нетто позицияни ҳежлашда, ҳежлашдан фойда ёки зарарлар (9-сон МҲХСнинг 6.6.4. бандига қаранг).
- 24Г Агар 23В бандга мувофиқ озод этилган ҳежлаш муносабатларининг ҳажми, ҳисобот давридаги одатдаги ҳажмларни акс эттириш учун етарли бўлмаса, (яъни ҳисобот санасига ҳажм ҳисобот давридаги ҳажмларни акс эттирмаса) ташкилот ушбу ҳолатни ва ушбу ҳажм нега тўлиқ акс эттирмаслиги сабабларини ёритиб бериши лозим.
- 24Д Ташкилот хусусий капиталнинг ҳар бир компоненти солиштирмасини ҳамда 1-сон БҲХСга мувофиқ бошқа умумлашган даромад таҳлилини қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этиши лозим:
- (a) камида 24В(б)(i) ва (б)(iv) кичик бандлар ва ҳисобда 9-сон МҲХСнинг 6.5.11(г)(i) и (г) (iii) бандларига мувофиқ акс эттирилган суммаларнинг фарқлари;
- (б) опционнинг вақтдаги қийматини 9-сон МҲХСнинг 6.5.15-бандига мувофиқ ҳисобга олганда аниқ бир вақт оралиғи билан боғлиқ бўлган объектни ҳежлашда опционларнинг вақтдаги қийматини акс эттирувчи суммаси билан аниқ бир операция билан боғлиқ бўлган объектларни ҳежланиши билан боғлиқ опционларнинг вақтдаги қиймати суммасининг фарқлари; ва
- (в) форвард контрактларнинг форвард элементлари билан боғлиқ суммаларни ва ҳежлаш объекти билан боғлиқ ҳежлаш транзакциясини чет эл валютаси базис спрэди бўйича молиявий инструментлари ва ташкилот вақтдаги қийматни 9-сон МҲХСнинг 6.5.16 бандига мувофиқ ҳисобга олганда аниқ бир вақт оралиғи билан боғлиқ бўлган объектни ҳежлашда ҳежлаш объекти билан боғлиқ ҳежлаш транзакциясини чет эл валютаси базис спрэди бўйича молиявий инструментлари ва форвард контрактларнинг форвард элементлари суммасининг фарқларини.
- 24Е Ташкилот 24Д бандда талаб этилган маълумотни ҳар бир риск тоифаси бўйича ёритиб бериши лозим. Бундай рисклар бўйича батафсиллаштириш молиявий ҳисоботга изоҳларда кўрсатилиши мумкин.

Кредит рисқи очиқ позициясини ташкилот томонидан фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгилаш имконияти

- 24Ё Агар ташкилот кредит деривативини ушбу молиявий инструментнинг кредит рисқини бошқариш учун фойдалангани сабабли, молиявий инструмент ёки унинг мутаносиб қисмини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгилаганда, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (a) 9-сон МҲХСнинг 6.7.1-бандига мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий инструментларнинг кредит рисқини бошқариш учун фойдаланилган кредит деривативлари учун давр боши ва давр охирига номинал ва ҳаққоний қийматларини;
- (б) 9-сон МҲХСнинг 6.7.1 бандига мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий инструмент ёки унинг мутаносиб қисмининг фойда ёки зарарлар таркибида тан олинган фойда ёки зарарларни; ва
- (в) молиявий инструмент ёки унинг мутаносиб улушини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолашни тўхтатишда, ушбу молиявий инструментнинг 9-сон МҲХСнинг 6.7.4-бандига мувофиқ ҳаққоний қиймати янги баланс қийматини, шунингдек, тегишли номинал ёки асосий суммасини (1-сон БҲХСга мувофиқ қиёсий маълумотни тақдим этишдан ташқари, ташкилот кейинги даврларда ушбу маълумотни ёритмаслиги мумкин).

Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида юзага келадиган ноаниқликлар

- 24Ж Ҳежлаш муносабатларига 9-сон МҲХСнинг 6.8.4-6.8.12-бандларига ёки 39-сон БҲХСнинг 102Г-102М бандларида белгиланган истисноларни қўллаганда, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:

- (а) Хежлаш муносабатларига 9-сон МҲХСнинг 6.8.4-6.8.12-бандларига ёки 39-сон БҲХСнинг 102Г-102М бандларида белгиланган истисноларни қўлаганда, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (б) бенчмарк фоиз ставкаси бевосита таъсир этадиган ташкилот бошқарадиган рискнинг очик позицияси қўлами;
- (в) муқобил бенчмарк ставкаларга ўтишда ташкилотнинг жараёни қандай бошқариши;
- (г) ташкилот ушбу бандларни қўлаганда фойдаланилган муҳим фаразлар ёки мулоҳазалар (масалан, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилишдан юзага келадиган ноаниқликлар вақт ва бенчмарк фоиз ставкасига асосланган пул оқимлари суммаси бошқа юзага келмаслиги бўйича фараз ёки мулоҳаза); ва
- (д) хежлаш муносабатларида хежлаш инструментларининг номинал қиймати.

Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилишга оид ёритиб бериладиган қўшимча маълумотлар

- 243 Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш ташкилотнинг молиявий инструментлари ва рискларни бошқариш стратегиясига таъсирини тушунишлари учун ташкилот қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш таъсир кўрсатадиган молиявий инструментлар билан боғлиқ ташкилот дучор бўладиган рисклар характери ва даражаси ҳамда ташкилот ушбу рискларни қандай бошқариши; ва
 - (б) ташкилотнинг муқобил бенчмарк фоиз ставкаларига ўтишни амалга оширишдаги муваффақияти ва ташкилот ушбу ўтишни қандай бошқараётганлиги.
- 24И 243 банддаги мақсадларга эришиш учун ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилот муқобил бенчмарк фоиз ставкаларига ўтишни қандай бошқараётганлиги, ҳисобот санасидаги ҳолати ва ушбу ўтиш натижасида молиявий инструментларга оид ташкилот дучор бўладиган рисклар;
 - (б) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш таъсир кўрсатган аҳамиятли бенчмарк фоиз ставкасини ажратилган ва алоҳида тақдим этилган ҳолда ҳисобот даври охирида муқобил бенчмарк фоиз ставкага ўтиш ҳали амалга оширилмаган молиявий инструментлар тўғрисидаги қуйидаги миқдорий маълумотлар:
 - (i) нодериватив молиявий активлар;
 - (ii) нодериватив молиявий мажбуриятлар; ва
 - (iii) деривативлар; ва
 - (в) агар 24И(а) бандда белгиланган рисклар ташкилотларнинг риск бошқаруви стратегиясини ўзгаришига олиб келган бўлса, (22А бандга қаранг), ушбу ўзгаришларни тавсифи.

Ҳаққоний қиймат

- 25 29-бандда белгилангандан ташқари ҳолатларда, ташкилот, молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг ҳар бир синфи бўйича (6-бандга қаранг), ушбу активлар ва мажбуриятлар синфининг ҳаққоний қийматини уларнинг баланс қиймати билан солиштириб бўладиган тарзда ёритиб бериши лозим.
- 26 Ҳаққоний қиймат тўғрисидаги маълумотларни ёритиб берганда, ташкилот молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни синфларга гуруҳлаши лозим, лекин уларнинг баланс қийматлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ўзаро ҳисоб-китоб қилинган даражада уларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиши лозим.
- 27-27Б [Чиқариб ташланган]
- 28 Баъзи ҳолатларда, молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати у билан бир хил активнинг ёки мажбуриятнинг фаол бозордаги котировка қилинадиган баҳоси (яъни ҳаққоний қиймат иерархиясининг 1-чи даражаси) билан тасдиқланмаганлиги ёки фақат кузатиладиган бозорлардан олинган маълумотлар асосидаги баҳолаш усуллари асосланмаганлиги (9-сон МҲХСнинг Б5.1.2А бандга қаранг) туфайли ташкилот молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг дастлабки тан олишда фойда ёки зарарни тан олмайди. Бундай ҳолатларда, ташкилот молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг синфлари бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим.

- (а) бозор иштирокчилари мазкур актив ёки мажбуриятларнинг нархини белгилашда ҳисобга олган омилларнинг (шу жумладан, вақтнинг) ўзгаришини акс эттириш мақсадида дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймат ва операция баҳоси ўртасидаги фарқни фойда ёки зарарда тан олиш бўйича ҳисоб сиёсатини (9-сон МҲХСнинг Б5.1.2А(б) бандига қаранг).
 - (б) давр боши ва охирида фойда ёки зарарда ҳали тан олинмиши лозим бўлган умумий фарқни ва ушбу фарқ колдигидаги ўзгаришларнинг солиштирмасини.
 - (в) ташкилот операция баҳоси ҳаққоний қийматнинг энг яхши далили эмас деган хулосага келганлигининг сабабини, шу жумладан ҳаққоний қийматни исботлайдиган далилнинг тавсифини.
- 29 Ҳаққоний қиймат бўйича маълумотлар куйидаги ҳолатларда ёритиб берилиши талаб этилмайди:
- (а) баланс қиймати ҳаққоний қийматнинг асосланган тахмини бўлганида, масалан, савдога оид қисқа муддатли дебиторлик қарзлари ва кредиторлик қарзлари каби молиявий инструментлар бўйича;
 - (б) [Чиқариб ташланган]
 - (в) ихтиёрий иштирок имконини берадиган хусусиятга эга шартнома (4-сон МҲХСда тавсифлангандек) ҳолатида, агар ушбу хусусиятнинг ҳаққоний қиймати ишончли даражада баҳолана олмаса; ёки
 - (г) лизинг бўйича мажбуриятларга.
- 30 29(в) бандда тавсифланган ҳолатда, ташкилот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар бундай шартномаларнинг баланс қиймати ва ҳаққоний қиймати ўртасидаги мумкин бўлган фарқлар суммаси тўғрисида ўз мулоҳазаларини чиқариши учун имкон берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим, шу жумладан:
- (а) ушбу инструментлар бўйича ҳаққоний қиймат ишончли даражада баҳолана олинмаганлиги сабабли ушбу ҳаққоний қиймат ёритиб берилмаганлиги фактини;
 - (б) молиявий инструментларнинг тавсифини, уларнинг баланс қийматини ва ҳаққоний қиймат нима сабабларга кўра ишончли даражада баҳолана олинмаганлиги бўйича тушунтиришни;
 - (в) ушбу инструментлар бўйича бозорнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни;
 - (г) ташкилот молиявий инструментларнинг ҳисобдан чиқарилишини режалаштирганлиги ва қандай қилиб ҳисобдан чиқаришни режалаштираётганини; ва
 - (д) агар олдин ҳаққоний қиймати ишончли баҳолана олмаган молиявий инструментларнинг тан олинмиши бекор қилинса, ушбу тан олишни бекор қилиш тўғрисидаги фактни, тан олишни бекор қилиш пайтида инструментларнинг баланс қиймати ва тан олинган фойда ёки зарарни.

Молиявий инструментлар бўйича юзага келадиган рискларнинг хусусияти ва даражаси

- 31 Ташкилот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга молиявий инструментлар бўйича юзага келадиган ва ташкилот давр охирида дуч келадиган рискларнинг хусусиятини ва даражасини баҳолашга имкон берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 32 33–42 бандларда ёритиб берилиши талаб этиладиган маълумотлар молиявий инструментлар бўйича юзага келадиган рискларга ва улар қандай қилиб бошқарилганлигига эътибор қаратилган. Ушбу рисклар одатда куйидагиларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди: кредит рисқи, ликвидлилик рисқи ва бозор рисқи.
- 32А Микдорий маълумотлар контекстида уларга тегишли сифат маълумотларни ҳам ёритиб бериш фойдаланувчиларга тегишли маълумотларни ўзаро боғлаш ва шу тариқа молиявий инструментлардан юзага келадиган рискларнинг характери ва даражаси тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради. Ёритиб бериладиган микдорий ва сифат маълумотларнинг ўзаро боғлиқлиги фойдаланувчиларга ташкилотнинг рискларга мойиллигини яхшироқ баҳолашга имкон беради.

Сифат хусусиятига эга маълумотларни ёритиб бериш

- 33 Молиявий инструментлардан юзага келадиган рискнинг ҳар бир тури бўйича, ташкилот куйидагиларни ёритиб бериши лозим:

- (a) рискка мойиллик ва рисклар қандай қилиб пайдо бўлишини;
- (b) рискларни бошқариш мақсадлари, сиёсати ва жараёнларини ҳамда рискни баҳолаш учун қўлланган усуллар; ва
- (v) олдинги даврга нисбатан (a) ва(b) кичик бандлардаги ҳар қандай ўзгаришлар.

Миқдорий маълумотларни ёритиб бериш

- 34 Молиявий инструментлардан юзага келадиган рискнинг ҳар бир тури бўйича, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (a) ҳисобот даврининг охирида ушбу риск бўйича жамланган миқдорий маълумотлар. Ушбу ёритиб бериладиган маълумотлар ташкилотнинг асосий раҳбариятига (24-сон БҲХС “*Ўзаро боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*”да таърифланган), масалан, ташкилотнинг бошқаруви ёки бош ижрочи директорига, тақдим қилинадиган ички маълумотларга асосланиши лозим.
 - (b) (a) кичик бандга мувофиқ тақдим қилинмайдиган даражада, 35A–42-бандларда ёритиб берилиши талаб этиладиган маълумотлар.
 - (v) (a) ва (b) кичик бандларга мувофиқ ёритиб берилган маълумотлардан аниқ бўлмаса, рискларнинг концентрациялари.
- 35 Агар ҳисобот даври охирида ёритиб берилган миқдорий маълумотлар ташкилотнинг давр мобайнида рискларга дучор бўлиши бўйича тўғри тасавурни бермаса, ташкилот бундай тасавурни шакллантирадиган қўшимча маълумотларни таъминлаши лозим.

Кредит rischi

Қўллаш соҳаси ва мақсади

- 35A Ташкилот 35E-35M бандлардаги талабларни 9-сон МҲХСнинг қадрсизланиш бўйича талаблари қўлланадиган молиявий инструментларга нисбатан ёритиб бериши лозим. Лекин:
- (a) савдога оид дебитор қарздорликлар, шартнома бўйича активлар ва ижара бўйича дебитор қарздорликларга 35И(a) банд бутун муддат учун кутилаётган кредит зарарлари, агар ушбу молиявий активлар 30 кун муддат ўтгандан кейин модификация қилинса, 9-сон МҲХСнинг 5.5.15-бандига мувофиқ тан олинган савдога оид дебитор қарздорликлар, шартнома бўйича активлар ва ижара бўйича дебитор қарздорликларга қўлланади; ва
 - (b) 35Й(b) банд ижара бўйича дебитор қарздорликка қўлланмаслиги лозим.
- 35Б Кредит riskини 35E-35Н бандларга мувофиқ ёритиб бериш молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини кредит riskининг суммаси, вақти ва келгуси пул оқимлари ноаниқлиги бўйича таъсирини тушуниш имконини беради. Ушбу мақсадга эришиш учун кредит rischi бўйича қуйидагилар ёритилиши лозим:
- (a) ташкилотнинг кредит riskини бошқариш услублари ва уларнинг кутилаётган кредит зарарларини тан олиш ва баҳолашга боғлиқлиги, шу жумладан, кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш учун фойдаланилган усуллар, маълумот ва фаразлар.
 - (b) молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига молиявий ҳисоботдаги кутилаётган кредит зарарлари суммасини, шу жумладан, кутилаётган кредит зарарларидаги ўзгаришлар ва ўзгаришлар сабабларини баҳолаш имконини берувчи сифат ва миқдорий маълумотлар; ва
 - (v) ташкилотнинг кредит rischi очик позицияси тўғрисида маълумот (яъни ташкилотнинг молиявий активига ва кредит бериш мажбуриятига хос бўлган кредит rischi) шу жумладан, муҳим кредит rischi концентрацияси.
- 35В Ташкилот бошқа жойда тақдим этилган маълумотни, унга ҳавола молиявий ҳисобот ёки раҳбарият изоҳи ёки риск ҳисоботи каби бошқа ҳисоботда мавжуд бўлса, ва фойдаланувчи молиявий ҳисобот каби ушбу ҳисоботлардан тенг шароит ва вақтда фойдаланиш имкони бўлиши шarti билан такрорлаши талаб этилмайди. Ҳавола қилиш орқали тақдим этиладиган маълумотсиз молиявий ҳисобот тўлиқ бўлиб ҳисобланмайди.
- 35Г 35Б бандда кўрсатилган мақсадларга эришиш учун ташкилот (агар бошқаси назарда тутилмаган бўлса) қанчалик ёритиб бериш, ёритиб бериш талабларининг қайси хусусиятларига эътибор қаратиш, тегишли умумлаштириш ёки батафсиллаштириш даражаси ҳамда ёритиб берилган миқдорий маълумотларни баҳолаш учун қўшимча тушунтиришлар молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига лозимлигини аниқлаши лозим.

35Д Агар 35Е-35М бандларга мувофиқ ёритиб бериладиган маълумот, 35Б бандда кўрсатилган мақсадлар учун етарли бўлмаса, ташкилот ушбу мақсадлар учун қўшимча маълумотни ёритиб бериши лозим.

Кредит рискени бошқариш амалиёти

35Е Ташкилот ўзининг кредит рискени бошқариш амалиётини ва унинг кутилаётган кредит зарарларини тан олиниши ва баҳоланиши билан боғлиқлигини тушунтириб бериши лозим. Ушбу мақсадга эришиш учун ташкилот молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига тушуниш ва баҳолаш имконини берадиган қуйидаги маълумотни ёритиб бериши лозим:

- (a) дастлабки тан олишдан бошлаб, молиявий инструментнинг кредит rischi аҳамиятли даражада ошганлигини ташкилот қандай аниқлаганлиги, шу жумладан:
 - (i) 9-сон МҲХСнинг 5.5.10-бандига мувофиқ молиявий инструментлар бўйича кредит rischi, шу жумладан улар киритилган молиявий инструментлар турлари паст деб ҳисобланиши ва сабаби; ва
 - (ii) 9-сон МҲХСнинг 5.5.11 бандига кўрсатилган фаразлар, молиявий активлар 30 кундан ортиқ муддати ўтганда, дастлабки тан олишга нисбатан кредит рискининг сезиларли ошганлигини инкор этилганлиги;
- (b) ташкилот томонидан фойдаланилган дефолт тушунчаси, шу жумладан ушбу тушунчанинг танланганлик сабаблари;
- (b) агар кутилаётган кредит зарарлари гуруҳ асосида баҳоланган бўлса, инструментлар қандай гуруҳланганлиги;
- (r) ташкилот қандай қилиб молиявий инструментни кредит қиймати қадрсизланган молиявий актив деб топгани;
- (d) ташкилотнинг ҳисобдан чиқариш сиёсати, шу жумладан, активнинг қоплаш қиймати мавжуд эмаслигини кўрсатувчи индикаторлар ва ҳисобдан чиқарилган бироқ, талаб қилинаётган молиявий активлар бўйича сиёсат тўғрисидаги маълумотлар; ва
- (e) 9-сон МҲХСнинг 5.5.12 банди талаблари молиявий актив бўйича пул оқимларининг шартномасида назарда тутилган ўзгаришига қандай қўлланганлиги, шу жумладан ташкилот:
 - (i) зарарлар бўйича баҳоланган резерв бутун давр учун кутилаётган кредит зарарлар миқдорида баҳоланган бир пайтда, модификацияланган молиявий актив бўйича кредит rischi 9-сон МҲХСнинг 5.5.5-бандига мувофиқ 12 ойлик кутилаётган кредит зарарларга тенг суммада баҳолана бошлангунга қадар камайганлигини аниқлайди; ва
 - (ii) молиявий активларнинг баҳоланадиган резерви (i) кичик банддаги талабларга қанчалик мос келишини назорат қилиши, натижада 9-сон МҲХСнинг 5.5.3-бандига мувофиқ бутун давр учун кутилаётган кредит зарарларга тенг суммада қайта баҳолайди.

35Ё Ташкилот 9-сон МҲХСнинг 5.5-бўлими талабларига мос келиш учун қўлланган кирувчи маълумотлар, фаразлар ва баҳолаш усуллари тушунтириб бериши лозим. Ушбу мақсадда ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:

- (a) қуйидагилар учун кирувчи маълумотлар, фаразлар ва баҳолаш усуллари:
 - (i) 12 ойлик ва бутун давр учун кутилаётган кредит зарарларининг баҳоланиши;
 - (ii) дастлабки тан олишдан сўнг молиявий инструментлар бўйича кредит rischi аҳамиятли даражада ошганлигининг аниқланиши; ва
 - (iii) молиявий актив кредит қиймати қадрсизланган молиявий актив эканининг аниқланиши;
- (b) кутилаётган кредит зарарларини аниқлашда шу жумладан макроиктисодий маълумотлардан фойдалинишда прогноз маълумотлардан қандай фойдаланилгани;
- (b) ҳисобот даврида баҳолаш усуллари ёки муҳим фаразларнинг ўзгариши ва ушбу ўзгариш сабаблари.

**Кутилаётган кредит зарарлардан юзага келадиган суммалар тўғрисида
миқдорий ва сифат маълумотлар**

- 35Ж Зарарлар бўйича баҳоланадиган резервдаги ўзгаришлар ва ушбу ўзгаришлар сабабини тушунтириш учун ташкилот молиявий инструмент тури бўйича жадвал шаклида зарарлар бўйича баҳоланадиган резервнинг давр бошига ва давр охирига суммаларини қуйидаги позициялар бўйича алоҳида кўрсатиши лозим:
- (a) 12 ойлик кутилаётган кредит зарарларига тенг суммада баҳоланган зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни;
 - (b) қуйидагилар учун бутун давр учун кутилаётган кредит зарарларига тенг суммада баҳоланган зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни:
 - (i) дастлабки тан олинганга қараганда кредит рисқи аҳамиятли даражада ошган, бироқ кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар ҳисобланмайдиган молиявий инструментлар;
 - (ii) ҳисобот санасига кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар (лекин, кредит қиймати қадрсизланган деб яратилган ёки сотиб олинганлардан ташқари); ва
 - (iii) 9-сон МҲХСнинг 5.5.15-бандига мувофиқ зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв баҳоланадиган савдога оид дебиторлик қарзи, шартнома бўйича активлар ёки ижара бўйича дебиторлик қарзлари;
 - (в) сотиб олинган ёки яратилган кредит қадрсизланган молиявий активлар. Солиштирмадан ташқари ташкилот ҳисобот даврида дастлабки тан олинган молиявий активларнинг дастлабки тан олингандаги дисконтланмаган кутилаётган кредит зарарларини ҳам ёритиб бериши лозим.
- 35З 35Ж бандга мувофиқ ёритиб берилган зарарлар бўйича баҳоланадиган резервдаги ўзгаришларни молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар тушуниши учун, ташкилот давр давомида молиявий инструментнинг ялпи баланс қийматидаги муҳим ўзгаришлар зарарлар бўйича баҳоланадиган резервга қанчалик таъсир этганлигини ёритиб бериши лозим. Ушбу маълумот 35Ж(а)-(в) бандларда кўрсатилган молиявий инструментларнинг зарарлар бўйича баҳоланган резервлари бўйича алоҳида кўрсатилиши ва тегишли сифат ва миқдорий маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Зарарлар бўйича баҳоланадиган резервнинг ўзгаришига таъсир этган молиявий инструментнинг ялпи баланс қийматидаги ўзгаришларига қуйидагилар мисол бўлади:
- (a) ҳисобот даврида молиявий инструмент яратилганлиги ёки сотиб олинганлиги сабабли ўзгаришлар;
 - (b) 9-сон МҲХСга мувофиқ ушбу активларни тан олишни тўхтатилишига олиб келмайдиган молиявий активлар бўйича шартномада назарда тутилган пул оқимларини ўзгариши;
 - (в) ҳисобот даври давомида молиявий инструментларнинг тан олинishi тўхтатилиши (шу жумладан ҳисобдан чиқарилганлиги) натижасидаги ўзгаришлар; ва
 - (г) зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв кутилаётган кредит зарарлари 12 ойлик ёки бутун давр учун ҳисобланишидан келиб чиқадиган ўзгаришлар.
- 35И Молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини тан олишни бекор қилишга олиб келмайдиган молиявий инструментлар бўйича шартномада назарда тутилган пул оқимларининг ўзгариши ва ушбу ўзгаришларни кутилаётган кредит зарарларини баҳоланганга таъсирини тушуниш учун ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (a) зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв бутун давр учун кутилаётган кредит зарарлари суммасига тенг бўлган, ҳисобот даври давомида шартномада назарда тутилган пул оқимлари ўзгарган, молиявий активларнинг бўйича тан олинган фойда ёки зарар модификацияси ва соф модификациясидан олдинги амортизацияланган қиймати; ва
 - (b) дастлабки тан олингандан кейин ўзгарган молиявий активнинг ҳисобот санасига ялпи баланс қиймати, бунда ҳисобот даврида зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв бутун давр учун кутилаётган кредит рисқига тенг суммадан 12 ойлик кутилаётган кредит зарарларига тенг суммага ўзгартирилган бўлганда.
- 35Й Молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини олинган таъминот ва кредит сифатини оширувчи бошқа механизмлари кутилаётган кредит зарарлари суммасига таъсирини тушунишга ёрдам бериш учун, ташкилот молиявий инструментлар синфи бўйича қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:

- (а) олинган таъминот ёки бошқа кредит сифатини оширувчи механизмларни ҳисобга олмаганда, ҳисобот даври охирига кредит рискининг максимал очик позициясини энг яхши акс эттирадиган суммани (масалан, 32-сон МҲХСга мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб талабларига мос келмайдиган ўзаро ҳисоб-китоб келишуви).
- (б) қимматли қоғоз сифатида олинган таъминот ва бошқа кредит сифатини оширувчи механизмлар таснифини, шу жумладан:
- (i) олинган таъминотнинг характери ва сифати таснифи;
- (ii) ҳисобот даври давомида ташкилотнинг таъминот сиёсатининг ёмонлашуви ёки ўзгариши натижасида қимматли қоғоз сифатида олинган таъминот ва бошқа кредит сифатини оширувчи механизмлар сифатидаги муҳим ўзгаришларни тушунтириш; ва
- (iii) таъминот сабабли ташкилот зарарлар бўйича резерв тан олмаган молиявий инструментлари бўйича маълумот.
- (в) ҳисобот санасида кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар бўйича қимматли қоғоз сифатидаги таъминот ёки кредит сифатини оширувчи бошқа кредит механизмлари тўғрисида миқдорий маълумотлар (масалан таъминот ва бошқа кредит сифатини оширувчи механизмлар кредит рискин қанчалик камайтириши тўғрисидаги миқдорий маълумот).
- 35К Ташкилот ҳисобот даври давомида ҳисобдан чиқарилган бироқ талаб қилиш жараёнлари давом этаётган молиявий активларнинг шартнома бўйича сўндирилмаган суммасини ёритиб бериши лозим.

Кредит рискига мойиллик

- 35Л Молиявий ҳисобот фойдаланувчилари ташкилотнинг кредит риски очик позициясини баҳолаши ва ундаги муҳим кредит риски концентрацияси тушуниши учун, ташкилот молиявий активларнинг ялпи баланс қийматини кредит риски рейтинги даражасида ва кредит бериш мажбуриятларини кредит риски очик позициясини ва молиявий кафолат контрактларини ёритиб бериши лозим. Ушбу маълумот куйидаги молиявий инструментлар учун алоҳида бўлиши лозим:
- (а) зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв 12 ойлик учун кутилаётган кредит зарарларига тенг суммада баҳоланадиган:
- (б) зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв бутун давр учун кутилаётган кредит зарарларига тенг суммада баҳоланадиган ва куйидагилар:
- (i) дастлабки тан олинганга қараганда кредит риски аҳамиятли даражада ошган, бироқ кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар ҳисобланмайдиган молиявий инструментлар;
- (ii) ҳисобот санасига кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар (лекин, кредит қиймати қадрсизланган деб яратилган ёки сотиб олинганлардан ташқари); ва
- (iii) зарарлар бўйича кутилаётган резервлар 9-сон МҲХСнинг 5.5.15 бандига мувофиқ баҳоланадиган савдога оид дебиторлик қарзи, шартнома бўйича активлар ёки ижарага оид дебиторлик қарзлари.
- (в) сотиб олинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар.
- 35М 9-сон МҲХСнинг 5.5.15-банд талаблари қўлланадиган савдога оид дебиторлик қарзи, шартнома бўйича активлар ва ижарага оид дебиторлик қарзи бўйича 35Л бандга мувофиқ ташкилот тақдим этадиган маълумот асосида резервлар матрицаси бўлиши мумкин (9-сон МҲХСнинг Б5.5.35 бандга қаранг).
- 36 Ушбу МҲХС қўлланадиган, лекин 9-сон МҲХСдаги қадрсизланиш талаблари қўлланмайдиган барча молиявий инструментлар учун ташкилот бундай молиявий инструментларнинг синфлари бўйича куйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ушбу ташкилотнинг ҳисобот даври охирида кредит рискига мойиллигининг максимал даражасини энг аниқ кўрсатадиган суммани, бунда ҳар қандай олинган таъминот ёки кредит сифатини оширадиган бошқа механизмлар ҳисобга олинмайди (масалан 32-сон БҲХСга мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб шартларига мос келмайдиган ва соф асосда ҳисоблашишни назарда тутадиган шартномалар). Бундай маълумотларни ёритиб бериш, агар молиявий инструментнинг баланс қиймати кредит рискига мойиллигининг максимал даражасини энг аниқ қилиб кўрсатадиган бўлса, бундай молиявий инструментлар бўйича талаб этилмайди.

- (б) таъминот сифатида олинган таъминот ва кредит сифатини оширадиган бошқа механизмларни ҳамда уларнинг кредит рискига дучорликнинг максимал даражасини энг аниқ кўрсатадиган суммага ((а) бандга мувофиқ ёритиб бериладиган суммага ёки молиявий инструментининг баланс қийматига) молиявий таъсирини (масалан, таъминот ва кредит сифатини оширадиган бошқа механизмлар кредит рискини қай даражада пасайтириши миқдори).
- (в) [Чиқариб ташланган]
- (г) [Чиқариб ташланган]
- 37 [Чиқариб ташланган]

Олинган таъминот ва кредит сифатини оширадиган бошқа механизмлар

- 38 Агар ташкилот давр мобайнида молиявий ёки номолиявий активларни ўзига тегишли бўлган таъминот сифатида олинган гаровни ундириш натижасида ёки кредит сифатини оширадиган бошқа механизмларни (масалан, кафолатларни) қўллаш натижасида олган бўлса, ҳамда бундай активлар бошқа МҲХСлардаги тан олиш мезонларига мос келса, ташкилот ҳисобот санасида бундай эгалик қилинаётган активлар бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) бундай активларнинг характери ва баланс қиймати; ва
- (б) агар активлар пул маблағларига осон айлана олмаса, бундай активлар ҳисобдан чиқарилиши ёки улардан фаолият давомида фойдаланиш бўйича ушбу ташкилотнинг сиёсати.

Ликвидлилик rischi

- 39 Ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) шартнома бўйича қолган муддатларни кўрсатадиган, нодекатив молиявий мажбуриятлар бўйича (шу жумладан, чиқарилган молиявий кафолат шартномалар бўйича) сўндириш муддатларининг таҳлили.
- (б) дериватив молиявий мажбуриятлар бўйича сўндириш муддатларининг таҳлили. Сўндириш муддатларининг таҳлили пул оқимлари юзага келиши пайтини тушуниш учун шартнома бўйича сўндириш муддатини билиш катта аҳамиятга эга бўлган дериватив молиявий мажбуриятларнинг сўндириш муддатларини қамраб олиши лозим (Б11Б бандга қаранг).
- (в) (а) ва (б) кичик бандларда кўрсатилган ликвидлилик rischi ташкилот томонидан қай тарзда бошқарилишининг тавсифи.

Бозор rischi

Таъсирчанлик таҳлили

- 40 Агар ташкилот 41 банддаги талабларга риоя қилмаса, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилот ҳисобот даври охирида дучор бўлган бозор рискининг ҳар бир тури бўйича таъсирчанлик таҳлили. Бунда риск даражаси боғлиқ бўлган тегишли ўзгарувчан кўрсаткичнинг ҳисобот санасида асосланган равишда қутилиши мумкин бўлган ўзгаришлари фойда ёки зарарга ва хусусий капиталга қандай таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатиш лозим;
- (б) таъсирчанлик таҳлилини тайёрлашда фойдаланилган усуллар ва фаразлар; ва
- (в) фойдаланилган усуллар ва фаразларнинг олдинги даврга нисбатан ўзгариши ва бундай ўзгаришларнинг сабаблари.
- 41 Агар ташкилот рискни қиймат бўйича баҳолаш каби таъсирчанлик таҳлилини тайёрласа ва бундай таҳлил риск даражаси боғлиқ бўлган ўзгарувчан кўрсаткичлар (масалан, фоиз ставкалари, валюта курслари) ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни акс этгирса, ушбу ташкилот ундан молиявий рискларни бошқариш учун фойдаланганида, у 40 бандда кўрсатилган таҳлилнинг ўрнига мазкур таъсирчанлик таҳлилидан фойдаланиши лозим. Ташкилот, шунингдек, қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) бундай таъсирчанлик таҳлилини тайёрлашда фойдаланилган усулнинг тушунтирилиши, ҳамда тақдим этилган маълумотларни асословчи асосий кўрсаткичлар ва тахминлар; ва

- (б) қўлланган усулнинг мақсадини тушунтириш ҳамда бундай таҳлил билан боғлиқ активлар ва мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматини тўлиқ акс эттирмайдиган маълумотлар тақдим қилинишига олиб келиши мумкин бўлган чекловлар.

Бозор rischi тўғрисидаги бошқа маълумотларни ёритиб бериш

- 42 Юқоридаги 40 ва 41-бандларга мувофиқ ёритиб бериладиган таъсирчанлик таҳлиллари молиявий инструментга хос бўлган риск тўғрисида тўғри тасаввур бермаганида (масалан, йил охиридаги риск йил давомидаги рискни акс эттирмаслиги туфайли), ташкилот ушбу фактни ва бундай таҳлиллар унинг фикрича нима учун тўғри тасаввур бермаслигини ёритиб бериши лозим.

Молиявий активларни ўтказиш

- 42А 42Б–42Ж бандлардаги молиявий активларнинг ўтказилишига оид маълумотларни ёритиб бериш бўйича талаблар ушбу МХХСнинг маълумотларни ёритиб бериш бўйича бошқа талабларини тўлдиради. Ташкилот 42Б–42Ж бандлардаги талаб қилинадиган маълумотларни молиявий ҳисоботдаги алоҳида бир изоҳда ёритиб бериши лозим. Ташкилот ёритиб берилиши талаб қилинган маълумотларни барча ўтказилган, лекин тан олишни бекор қилинмаган молиявий активлар ҳамда ўтказилган активда давом этаётган ва ҳисобот санасида мавжуд бўлган ҳар қандай иштирок даражаси бўйича маълумотларни, ўтказиш операцияси қачон амалга оширилганлигидан қатъий назар, таъминлаши лозим. Ушбу бандлардаги маълумотларни ёритиб бериш бўйича талабларга риоя этиш мақсадида, ташкилот молиявий активни (ўтказилган молиявий активни) фақат ва фақат қуйидаги шартлардан бирида бутунлай ёки қисман ўтказди:
- (а) агар у шартномада назарда тутилган ушбу молиявий активдан пул оқимларини олиш бўйича келишилган ҳуқуқларни ўтказган бўлса; ёки
- (б) агар у шартномада назарда тутилган ушбу молиявий активдан пул оқимларини олиш бўйича келишилган ҳуқуқларни сақлаб қолиб, лекин келишув бўйича бир ёки ундан ортиқ олувчиларга ушбу пул оқимларини тўлаш мажбуриятини шартнома бўйича ўз зиммасига олган бўлса.
- 42Б Ташкилот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга қуйидагиларга имкон берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- а) ўтказилган, лекин тўлиқ тан олиш бекор қилинмаган молиявий активлар ва улар билан боғлиқ мажбуриятлар ўртасидаги боғлиқликни тушунишга; ва
- б) тан олиниши бекор қилинган молиявий активларда ташкилотнинг давом этётган иштирок даражаси характерини ҳамда бу иштирок билан боғлиқ рискларни баҳолашга.
- 42В 42Д–42Ж бандлардаги маълумотларни ёритиб бериш талабларига риоя қилиш мақсадида, агар ташкилот, ўтказишнинг бир қисми сифатида, ўтказилган молиявий активга тегишли ҳар қандай шартномавий ҳуқуқларни ёки мажбуриятларни сақлаб қолса ёки ўтказилган молиявий активга тегишли ҳар қандай янги шартномавий ҳуқуқларни ёки мажбуриятларни олса, ўтказилган молиявий активда давом этаётган иштирокка эга ҳисобланади. 42Д–42Ж бандлардаги маълумотларни ёритиб бериш талабларига риоя қилиш мақсадида, қуйидагилар давом этаётган иштирок даражасини аниқлатмайди:
- (а) фирибгарлик билан амалга оширилган ўтказишларга нисбатан одатий тавсифлар ва кафолатлар ҳамда ўтказишни суд жараёни натижасида бекор қилиши мумкин бўлган асосланганлик, холис ният, операцияларни ҳалол амалга ошириш каби тушунчалар;
- (б) шартнома нархи (ёки операцияни амалга ошириш нархи) молиявий активнинг ҳаққоний қиймати ҳисобланган, ўтказилган молиявий активни қайта харид қилиш бўйича форвард, опцион ва бошқа шартномалар; ёки
- (в) ташкилот шартномада назарда тутилган молиявий активдан пул маблағлари оқимларини олиш ҳуқуқларини сақлаб қолсада, лекин бир ёки ундан ортиқ ташкилотларга ушбу пул оқимларини тўлаш мажбуриятини олади ва бунда 9-сон МХХСнинг 3.2.5(а)–(в) кичик бандларидаги шартлар бажарилади.

Тан олиниши тўлиқ бекор қилинмаган, ўтказилган молиявий активлар

- 42Г Ташкилот молиявий активларни шундай ўтказиши мумкинки, бунда ўтказилган молиявий активларнинг бутун ёки қандайдир қисми уни тан олишни бекор қилиш шартларига мос келмаслиги мумкин. 42Б(а) бандда назарда тутилган мақсадга эришиш учун, ташкилот ўтказилган, лекин тан олиниши тўлиқ бекор қилинмаган молиявий активларнинг ҳар бир синфи бўйича ҳар ҳисобот санасида қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ўтказилган активларнинг характери.
 - (б) ташкилот дуч келган ва эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган рисклар ва муқофотларнинг характери.
 - (в) ўтказилган активлар ва улар билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар ўртасидаги боғлиқлик характерининг тавсифи, шу жумладан ҳисобот берувчи ташкилот ўтказилган активлардан фойдаланишининг чекловлари.
 - (г) боғлиқ бўлган мажбуриятлар бўйича шартнома томони (томонлари) фақат ўтказилган активларга даъво қилиши мумкин бўлганда, ўтказилган активларнинг ҳаққоний қийматларни акс эттирадиган жадвал, боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматини ва соф позиция (ўтказилган активлар ва улар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматлари ўртасидаги фарқ).
 - (д) ташкилот барча ўтказилган активларни тан олишни давом этганда, ўтказилган активларнинг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг баланс қийматлари.
 - (е) ташкилот унинг давом этаётган иштироки даражасида активларни тан олишни давом этганда (9-сон МХХСнинг 3.2.6(в)(ii) ва 3.2.16-бандларига қаранг), активларнинг ўтказишдан олдинги жами баланс қиймати, активларнинг ташкилот томонидан тан олиниши давом этаётган баланс қиймати ҳамда улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг баланс қиймати.

Тан олиниши тўлиқ бекор қилинган, ўтказилган молиявий активлар

- 42Д 42Б(б) бандда белгиланган мақсадга эришиш учун, ташкилот молиявий активларни тан олишни тўлиқ бекор қилганида (9-сон МХХСнинг 3.2.6(а) ва (в)(i) кичик бандларга қаранг), лекин уларда давом этаётган иштирок даражасини сақлаб қолганида, давом этаётган иштирокнинг ҳар бир тури бўйича ҳар ҳисобот санасида камида қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида тан олинган ва унинг тан олиниши бекор қилинган молиявий активларда давом этаётган иштирок даражасини акс эттирадиган активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматларини, ҳамда ушбу активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматлари тан олинган (ҳисоботнинг) сатр моддалари.
 - (б) ташкилотнинг тан олиниши бекор қилинган молиявий активларда давом этаётган иштирокини акс эттирадиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳаққоний қиймати.
 - (в) ташкилотнинг тан олиниши бекор қилинган молиявий активларда давом этаётган иштирокидан олинган максимал зарарни энг аниқ кўрсатадиган сумма ва ушбу максимал зарар суммаси қандай қилиб аниқланганлигини кўрсатадиган маълумотлар.
 - (г) ўтказилган ва тан олиш бекор қилинган молиявий активларни қайта сотиб олиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган ёки талаб этиладиган дисконтланмаган пул чиқимларини (масалан, опцион шартномасида амалга ошириш нархи) ёки ўтказилган активлар бўйича ўтказилаётган томонга тўланиши лозим бўлган бошқа суммалар. Агар пул маблағлари чиқими ўзгарувчан кўрсаткич бўлса, ёритиб бериладиган сумма ҳар ҳисобот санасида мавжуд бўлган шартларга асосланиши лозим.
 - (д) ўтказилган ва тан олиниши бекор қилинган молиявий активларни қайта сотиб олиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган ёки талаб этиладиган дисконтланмаган пул маблағлари чиқимлари ёки ўтказилган активлар бўйича ўтказилаётган томонга тўланиши лозим бўлган бошқа суммалар бўйича сўндириш муддатларининг таҳлили, бунда ташкилотнинг бундай активларда давом этаётган иштирок даражаси бўйича қолган сўндириш муддатини алоҳида кўрсатган ҳолда.

- (е) (а)–(д) кичик бандларда талаб этилган миқдорий маълумотларни тушунтирадиган ва асослайдиган сифат маълумотлари.
- 42Е Ташкилот тан олинishi бекор қилинган муайян молиявий активда бир нечта давом этаётган иштирок даражасининг турига эга бўлганида, у 42Д бандда ушбу актив бўйича талаб этилган маълумотларни умумлаштириши ва уларни давом этаётган иштирок даражасининг бир тури бўйича акс этириши мумкин.
- 42Ё Бундан ташқари, ташкилот давом этаётган иштирок даражасининг ҳар бир тури бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) активлар ўтказилиши санасида тан олинган фойда ёки зарар.
- (б) тан олинishi бекор қилинган молиявий активларда ташкилотнинг давом этаётган иштирокидан ҳисобот даврида ва жамғарилган ҳолда тан олинган даромадлар ва харажатлар (масалан, дериватив инструментлар ҳаққоний кийматининг ўзгаришлари).
- (в) агар (тан олишни бекор қилиш шартларига жавоб берадиган) активларни ўтказиш операцияларидан ҳисобот давридаги жами пул маблағлари тушиши суммаси ҳисобот даври давомида бир текис тақсимланган бўлмаса (масалан, ўтказиш бўйича операциянинг жами суммасининг катта қисми ҳисобот даврининг ёпилиши кунларига тўғри келса), қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (i) ушбу ҳисобот даври давомида ўтказиш бўйича энг катта операциянинг содир бўлиши пайтини (масалан, ҳисобот даври охиридан беш кун аввал);
- (ii) ҳисобот даврининг ўша қисмида ўтказиш бўйича операциядан тан олинган суммани (масалан, тегишли фойда ёки зарарларни); ва
- (iii) ҳисобот даврининг ўша қисмида ўтказиш бўйича операциядан жами пул маблағлари тушиш суммасини.

Ташкилот ушбу маълумотларни умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот тақдим қилинадиган ҳар бир давр учун таъминлаши лозим.

Қўшимча маълумотлар

- 42Ж Ташкилот 42Б банддаги маълумотларни ёритиб бериш мақсадига эришиш учун зарур деб ҳисоблайдиган ҳар қандай қўшимча маълумотларни ёритиб бериши лозим.

9-сон МҲХСни дастлабки қўллаш

- 423 9-сон МҲХСнинг дастлабки қўллаш санасини ўз ичига олган ҳисобот даврида ташкилот дастлабки қўллаш санасидаги молиявий актив ва молиявий мажбуриятнинг ҳар бир синфи учун қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) 39-сон БҲХС ёки 9-сон МҲХСнинг олдинги таҳририга (агар ташкилот турли талаблар учун 9-сон МҲХСни дастлабки қўллашни турли саналарда амалга оширган бўлса) мувофиқ аниқланган баланс киймати ва мавжуд баҳолаш мезонлари;
- (б) 9-сон МҲХСга мувофиқ белгиланган янги баҳолаш тоифаси ва баланс киймати;
- (в) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдаги илгари фойда ёки зарар орқали ҳаққоний кийматда баҳоланадиган бироқ ҳозирда ортиқ бундай белгиланмайдиган молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг суммасини, бунда 9-сон МҲХСга мувофиқ ташкилот қайта таснифлайдиган ҳамда ташкилот дастлабки қўллашда қайта таснифлашни танлайдиганларни алоҳида кўрсатган ҳолда;
- 9-сон МҲХСнинг 7.2.2-бандига мувофиқ ташкилотнинг 9-сон МҲХСни қўллаш ёндашувига қараб, дастлабки қўллашга ўтиш бир нечта санада бўлиши мумкин. Шунинг учун ушбу банд бир нечта санани ёритиб беришига сабаб бўлиши мумкин. Ташкилот ушбу миқдорий маълумотларни агар бошқа шакл қулайроқ бўлмаса, жадвал шаклида ёритиб бериши лозим.
- 42И 9-сон МҲХСни дастлабки қўллаш санасини ўз ичига олган ҳисобот даврида, ташкилот фойдаланувчилар тушуниши учун миқдорий маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) 9-сон МҲХСни қўллаш натижасида таснифи ўзгарган молиявий инструментларга 9-сон МҲХС таснифлаш талабларининг қандай қўлланилгани.

- (б) молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг дастлабки қўллаш санасига фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб таснифланиши ёки таснифланмаслиги сабаблари;
- 9-сон МҲХСнинг 7.2.2-бандига мувофиқ ташкилотнинг 9-сон МҲХСни қўллаш ёндашувига қараб, дастлабки қўллашга ўтиш бир нечта санада бўлиши мумкин. Шунинг учун ушбу банд бир нечта санани ёритиб беришига сабаб бўлиши мумкин.
- 42Й 9-сон МҲХСнинг молиявий активларни баҳолаш ва таснифлашга доир талаблари ташкилот томонидан биринчи қўлланган ҳисобот даврида (яъни ташкилотнинг молиявий активлар учун 39-сон БҲХСдан 9-сон МҲХСга ўтганда), ушбу МҲХСнинг 42К-42Н бандларида назарда тутилган маълумотлар 9-сон МҲХСнинг 7.2.15 бандида кўрсатилган тартибда ёритиб бериши лозим.
- 42К 42Й бандда талаб этилганидек, ташкилот 9-сон МҲХСнинг дастлабки қўллашдаги молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг таснифлашдаги ўзгаришларни ёритиб бериши лозим, бунда қуйидагилар алоҳида кўрсатилади:
- (а) 39-сон БҲХСга мувофиқ баҳолаш таснифлари асосида уларнинг баланс қийматидаги ўзгаришлар (яъни 9-сон МҲХСга ўтишда баҳолаш асосининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаганлар); ва
- (б) 9-сон МҲХСга ўтишда баҳолаш асосининг ўзгариши натижасида ялпи баланс қийматининг ўзгариши.
- Ушбу бандга мувофиқ ёритиб бериладиган маълумот ташкилот 9-сон МҲХСнинг молиявий активларни баҳолаш ва таснифлашга доир талабларни дастлабки қўллаган давр учун йиллик ҳисоботдан кейин ёритиб бермаслиги мумкин.
- 42Л 42Й банд талаб этганда, ташкилот 9-сон МҲХСга ўтиш натижасида амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар сифатида қайта таснифланган ва молиявий активлар фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган таснифдан бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб қайта таснифлаганда қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (в) ҳисобот даври охирига молиявий актив ва молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини; ва
- (б) агар молиявий актив ёки молиявий мажбурият қайта таснифланмаганда, фойда ёки зарар таркибида ёки бошқа умумлашган даромадда акс эттирилиши мумкин бўлган ҳисобот давридаги ҳаққоний қийматнинг фойда ёки зарари;
- Ушбу бандга мувофиқ ёритиб бериладиган маълумот ташкилот 9-сон МҲХСнинг молиявий активларни баҳолаш ва таснифлашга доир талабларни дастлабки қўллаган давр учун йиллик ҳисоботдан кейин ёритиб бермаслиги мумкин.
- 42М 42Й банд талаб этганда, ташкилот 9-сон МҲХСга ўтиши муносабати билан фойда ёки зарарлар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган синфдан қайта таснифланган молиявий актив ва молиявий мажбуриятлар учун қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) дастлабки қўллаш санасида фойдаланилган эффектив фойз ставкаси; ва
- (б) тан олинган фойз тушуми ёки харажати.
- Агар ташкилот дастлабки қўллаш санасида (9-сон МҲХСнинг 7.2.11-банди) молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини янги ялпи баланс қиймати сифатида тан олса, ушбу банддаги ёритиб бериладиган маълумотлар тан олиш бекор қилинганга қадар ҳар бир ҳисобот даврида тақдим этилиши лозим. Акс ҳолда, ушбу банддаги ёритиб бериладиган маълумотлар ташкилот 9-сон МҲХСнинг молиявий активларни баҳолаш ва таснифлашга доир талабларни дастлабки қўллаган йиллик ҳисоботдан кейинги даврга нисбатан талаб этилмайди.
- 42Н 42Й-42М бандларда белгиланган маълумотлар ёритиб берилганда, ушбу ёритиб бериладиган маълумот ва мазкур МҲХСнинг 25-бандидаги маълумотлар қуйидагилар бўйича дастлабки қўллаш санасига солиштириш имконини бериши лозим:
- (а) 9-сон МҲХС ва 39-сон БҲХСга мувофиқ баҳолаш тоифалари; ва
- (б) дастлабки тан олиш санасида молиявий инструмент синфи.
- 42О 9-сон МҲХСнинг 5.5-бўлимни дастлабки қўллаш санасига ташкилот 39-сон БҲХС бўйича кадрсизланиш резервларини ва 37-сон БҲХС бўйича баҳоланадиган мажбуриятларни 9-сон МҲХС бўйича зарарларга қараб баҳоланадиган резервнинг солиштириш имконини берадиган маълумотни ёритиб бериши лозим. Молиявий активлар 9-сон МҲХС ва 39-сон БҲХСга мувофиқ молиявий

- активларнинг баҳолаш таснифлари бўйича ёритиб берилди ва ушбу санага зарарлар бўйича баҳолаш резервларидаги баҳолаш турларининг ўзгариши таъсирини кўрсатиб бериш лозим.
- 42П 9-сон МҲХСни дастлабки қўллаш санасини ўз ичига олган ҳисобот даврида, ташкилот баҳолаш ва таснифлаш талабларига (ўз ичига молиявий активларнинг амортизацияланган қийматда баҳолашига ва 9-сон МҲХСнинг 5.4 ва 5.5-бўлимларидаги кадрсизланиш боғлиқ бўлган талабларни ўз ичига олган) мувофиқ қўйидаги даврлар учун акс эттириладиган суммаларни ёритиб бериши талаб этилмайди:
- (а) 9-сон МҲХС олдинги даврлар учун; ва
 - (б) 39-сон БҲХС жорий давр учун.
- 42Р 9-сон МҲХСнинг 7.2.4-бандига мувофиқ 9-сон МҲХСни дастлабки қўллаш санасида ташкилот молиявий активнинг дастлабки тан олиш вақтида мавжуд далиллар ва ҳолатларда 9-сон МҲХСнинг Б4.1.9Б-Б4.1.9Г бандларига мувофиқ пулнинг вақтдаги ўзгарган элементини баҳолаш имкони бўлмаса (8-сон БҲХСда тавсифланганидек), молиявий активнинг шартнома бўйича пул оқимларини дастлабки тан олиш вақтидаги мавжуд далиллар ва ҳолатларда 9-сон МҲХСнинг Б4.1.9Б-Б4.1.9Г бандларида белгиланган пулнинг вақтдаги ўзгарган элементи талабларини ҳисобга олмасдан баҳолайди. Ташкилот молиявий активнинг шартнома бўйича пул оқимларини дастлабки тан олиш вақтидаги мавжуд далиллар ва ҳолатларда 9-сон МҲХСнинг Б4.1.9Б-Б4.1.9Г бандларида белгиланган пулнинг вақтдаги ўзгарган элементи талабларини ҳисобга олмасдан баҳоланган молиявий активнинг ҳисобот санасига баланс қийматини ушбу молиявий активларни тан олиниши бекор қилингунга қадар ёритиб бериши лозим.
- 42С 9-сон МҲХСнинг 7.2.5-бандига мувофиқ 9-сон МҲХСни дастлабки қўллаш санасида ташкилот молиявий активнинг дастлабки тан олиш вақтида мавжуд далиллар ва ҳолатларда 9-сон МҲХСнинг Б4.1.12(в) бандига мувофиқ олдиндан тўловнинг ҳаққоний қиймати муҳим эмаслигини баҳолаш имкони бўлмаса (8-сон БҲХСда тавсифланганидек), ташкилот молиявий активнинг шартнома бўйича пул оқимларини дастлабки тан олиш вақтидаги мавжуд далиллар ва ҳолатларда 9-сон МҲХСнинг Б4.1.12-бандида белгиланган олдиндан тўловнинг ҳаққоний қиймати бўйича истисно талабларини ҳисобга олмасдан баҳолайди. Ташкилот молиявий активнинг шартнома бўйича пул оқимларини дастлабки тан олиш вақтидаги мавжуд далиллар ва ҳолатларда 9-сон МҲХСнинг Б4.1.9Б-Б4.1.9Г бандларида белгиланган олдиндан тўловнинг ҳаққоний қиймати бўйича истисно талабларини ҳисобга олмасдан баҳоланган молиявий активнинг ҳисобот санасига баланс қийматини ушбу молиявий активларни тан олиниши бекор қилингунга қадар ёритиб бериши лозим.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 43 Мазкур МҲХС ташкилотлар томонидан 2007 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур МҲХСни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 44 Агар ташкилот мазкур стандартни 2006 йилнинг 1 январидан олдин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлласса, у молиявий инструментларнинг характери ва улар бўйича рисклар даражаси тўғрисида 31–42-бандларда ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар бўйича киёсий маълумотларни тақдим этиши талаб этилмайди.
- 44А 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири) бўйича МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шу билан бирга, у бўйича 20, 21, 23(в) ва (г), 27(в) ҳамда Б илованинг Б5-бандларига ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ва ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласса, ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 44Б 3-сон МҲХС (2008 йилдаги таҳрири) бўйича 3(в) банд чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 июль ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 3-сон БҲХС (2008 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласса, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим. Лекин, ушбу ўзгариш харид қилиш санаси 3-сон МҲХСни (2008 йилдаги таҳрири) қўллаш санасидан олдинроқ бўлган бизнес бирлашуви натижасида юзага келган шартли товон учун қўлланмайди. Бунинг ўрнига, ташкилот бундай товонларни 3-сон МҲХСнинг (2010 йилда ўзгартирилган) 65А–65Д бандларига мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
- 44В Ташкилот 3 банддаги ўзгартиришни 2009 йил 1 январь ва ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 2008 йил февраль ойида эълон қилинган “Қайта сотиладиган молиявий инструментлар ва ликвидация жараёнида вужудга келадиган мажбуриятлар” (32-сон БҲХС ва 1-сон БҲХСга ўзгартиришлар)ни олдинги давр учун қўлласса, 2-банддаги ўзгариш ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.

- 44Г 2008 йилнинг май ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар” бўйича 3(а) бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим ҳамда ушбу олдинроқ даврда 28-сон БҲХСнинг 1-бандини, 31-сон БҲХСнинг 1-бандини ва 2008 йилнинг май ойида эълон қилинган 32-сон БҲХСнинг 4-бандини қўллаши лозим. Ташкилотга ушбу ўзгартиришни перспектив тарзда қўллашига рухсат берилади.
- 44Д [Чиқариб ташланган]
- 14Е [Чиқариб ташланган]
- 44Ё 2009 йил март ойида эълон қилинган “Молиявий инструментлар тўғрисида ёритиб бериладиган маълумотлар сифатини ошириш” (7-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 27, 39 ва Б11-бандларга ўзгартиришлар киритилган ҳамда 27А, 27Б, Б10А ва Б11А–Б11Е бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришлар билан талаб этиладиган маълумотларни қуйидагилар учун ёритиб бериши талаб этилмайди:
- (а) 2009 йилнинг 31 декабридан олдин тугайдиган йиллик қиёсий даврлардаги ҳар қандай йиллик ёки оралик давр учун, шу жумладан ҳар қандай молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот учун; ёки
- (б) 2009 йилнинг 31 декабридан олдин келадиган энг олдинги қиёсий даврнинг бошига ҳар қандай молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот.
- Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.¹
- 44Ж–44И [Чиқариб ташланган]
- 44Й 2010 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар” бўйича 44Б-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот уни 2010 йил 1 июл ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- 44К 2010 йил май ойида эълон қилинган “МҲХСларга такомиллаштиришлар” бўйича 32А банд киритилган ҳамда 34 ва 36–38-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2011 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 44Л 2010 йил октябрь ойида эълон қилинган “Маълумотларни ёритиб бериш—молиявий активларнинг ўтказилиши” (7-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 13-банд чиқариб ташланган ҳамда 42А–42Ж ва Б29–Б39 бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2011 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларнинг дастлабки қўлланиши санасидан олдин бошланадиган даврлар учун мазкур ўзгартиришларда талаб этиладиган маълумотларни ёритиб бериши талаб этилмайди.
- 44М [Чиқариб ташланган]
- 44Н 2011 йил май ойида эълон қилинган 10- МҲХС ва 11-сон МҲХС “Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар” бўйича 3-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришни 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХС билан бир вақтда қўллаши лозим.
- 44О 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС бўйича 3, 28 ва 29 бандлар ва А иловага ўзгартиришлар киритилган ва 27–27Б бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 44П 2011 йил июнь ойида эълон қилинган “Бошқа умумлашган даромад моддаларини тақдим этиш” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 33А бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришни 2011 йил июнь ойида ўзгартирилган 1-сон БҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 44Р 2011 йил декабрь ойида эълон қилинган “Маълумотларни ёритиб бериш—молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши” (7-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича

¹ 44Ё бандга 2010 йил январь ойида эълон қилинган “МҲХСни биринчи марта қўлайдиган ташкилотлар учун 7-сон МҲХС асосида қиёсий маълумотларни ёритиб беришдан қисман озод этиш” (1-сон МҲХСга ўзгартириш) бўйича ўзгартириш киритилган. Кенгаш 44Ё бандга ўзининг хулосаларини аниқлаштириш ва “Молиявий инструментлар тўғрисида ёритиб бериладиган маълумотларни сифатини ошириш” (7-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича ўтиш мақсадларида ўзгартириш киритган.

- 13А–13Е ва Б40–Б53-бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2013 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришларда талаб этиладиган маълумотларни ретроспектив тарзда ёритиб бериши лозим.
- 44С-44Х [Чиқариб ташланган]
- 44Ц 2012 йил октябрь ойида эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари*” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 3-бандга ўзгартириш киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2014 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. “*Инвестиция ташкилотлари*”ни бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласса, у шу даврга нисбатан “*Инвестиция ташкилотлари*”га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- 44Ч [Чиқариб ташланган]
- 44Ш 2014 йил июл ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 2–5, 8–11, 14, 20, 28–30, 36, 42В–42Д, А илова ва Б1, Б5, Б9, Б10, Б22 ва Б27 бандларга ўзгартиришлар киритилган, 12, 12А, 16, 22–24, 37, 44Д, 44Е, 44Ж–44И, 44М, 44С–44Х, 44Ч, Б4 бандлар ва Г илова чиқариб ташланган ва 5А, 10А, 11А, 11Б, 12Б–12Г, 16А, 20А, 21А–21Г, 22А–22В, 23А–23Е, 24А–24Ё, 35А–35М, 423–42С, 44ША ва Б8А–Б8И бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим. Ушбу ўзгартиришлар 9-сон МҲХСнинг дастлабки қўллаш санасидан олдинги даврлар учун солиштирма маълумот сифатида қўлланиши талаб этилмайди.
- 44ША 9-сон МҲХСнинг 7.1.2 бандига мувофиқ 2018 йил 1 январдан олдин бошланадиган йиллик ҳисобот даврлари учун ташкилот 9-сон МҲХСнинг 5.7.1.(в)-5.7.9, 7.2.14 ва Б5.7.5-Б.7.20-бандларида белгиланган фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятларнинг фойда ёки зарарини акс эттиришга доир талабларини 9-сон МҲХСнинг бошқа талабларини қўлламаган ҳолда олдинроқ қўллашни танлаши мумкин. Агар ташкилот 9-сон МҲХСнинг фақат ушбу бандларини қўллашни танласа, у ушбу фактни доимий асосда МҲХСнинг 10-11 бандларида (9-сон МҲХС (2010) билан киритилган ўзгартиришлар) белгиланган маълумотлар ёритиб берилиши лозим.
- 44АА 2014 йил сентябрь ойида эълон қилинган “*2010-2012 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар*” бўйича 44Р ва Б30-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва Б30А бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ ретроспектив тарзда 2016 йил 1 январ ёки кейин бошланадиган йиллик ҳисобот даврлари учун қўллаши лозим, бунда Б30 ва Б30А бандлардаги ўзгартиришлар ушбу ўзгартиришлар қўлланган йиллик ҳисобот даврдан олдинги даврлар учун қўлланиши талаб этилмайди. 44Р, Б30 ва Б30А бандларга киритилган ўзгартиришларни олдинроқ санадан қўлланишига рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгаришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 44ББ 2014 йил декабрь ойида эълон қилинган “*Маълумотларни ёритиб бериш ташаббуси*” (1-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 21 ва Б5-бандларга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2016 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга қўллаши лозим. Ушбу ўзгартиришларни бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- 44ВВ 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС “*Ижара*” бўйича 29 ва Б11Г бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 44ГГ [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]
- 44ДД 2019 йил сентябрь ойида эълон қилинган “*Бенчмарк фоиз ставкаларини ислоҳ қилиш*” бўйича 9-сон МҲХС, 39-сон БҲХС ва 7-сон МҲХСларга ўзгартириш киритилган ҳамда 24Ж ва 44ЕЕ бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС ёки 39-сон БҲХСга ўзгартиришлар билан бирга қўллаши лозим.
- 44ЕЕ 2019 йил сентябрь ойида эълон қилинган “*Бенчмарк фоиз ставкаларини ислоҳ қилиш*”ни дастлабки қўллашда ташкилот 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”нинг 28(е) бандида талаб этилган миқдорий маълумотларни ёритиб бериши талаб этилмайди.
- 44ЁЁ 9-сон МҲХС, 39-сон БҲХС, 7-сон МҲХС, 4-сон МҲХС ва 16-сон МҲХСларга ўзгартириш сифатида киритилган 2020 йил август ойида эълон қилинган “*Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш - 2-фаза*” бўйича 243-24И бандлар ва 44ЖЖ банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни -сон МҲХС, 39-сон БҲХС, 7-сон МҲХС, 4-сон МҲХС ва 16-сон МҲХСларга ўзгартиришлар билан бирга қўллаши лозим.
- 44ЖЖ Ташкилот “*Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш - 2-фаза*”ни биринчи марта қўллайдиган ҳисобот даврида 8-сон БҲХСнинг 28(е) банди билан талаб этилиши мумкин бўлган маълумотларни ёритиб бериши талаб этилмайди.

4433 *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутди ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*

30-сон БҲХСнинг бекор қилиниши

45 Мазкур МҲХС 30-сон БҲХС “Банклар ва шунга ўхшаш молиявий институтларнинг молиявий ҳисоботида ёритиб бериладиган маълумотлар”ни ўрнини эгаллайди.

А Илова Атамалар таъриффи

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

кредит рисқи	Молиявий инструментнинг бир томони унинг бошқа томонига мажбуриятни бажармаслик оқибатида зарар етказиши рисқи.
кредит рисқи рейтинг даражалари	Молиявий инструментнинг дефолтга учраш рисқига асосланган кредит рисқининг рейтинги.
валюта рисқи	Молиявий инструмент бўйича ҳаққоний қиймат ёки келгуси пул оқимлари валюта курсларининг ўзгариши натижасида ўзгариб туриши рисқи.
фоиз ставкаси рисқи	Молиявий инструмент бўйича ҳаққоний қиймат ёки келгуси пул оқимлари бозор фоиз ставкаларининг ўзгариши натижасида ўзгариб туриши рисқи.
ликвидлилик рисқи	Ташкилот пул маблағларини тўлаш ёки бошқа молиявий активни бериш орқали сўндириладиган молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ жавобгарликларни бажаришда қийинчиликка учраши рисқи.
тўланадиган қарзлар	Тўланадиган қарзлар савдога оид оддий кредит шартларидаги қисқа муддатли кредиторлик қарзларидан ташқари молиявий мажбуриятлардир.
бозор рисқи	Молиявий инструмент бўйича ҳаққоний қиймат ёки келгуси пул оқимларининг бозор нархларидаги ўзгаришлар оқибатида ўзгариб туриши рисқи. Бозор рисқи учта турдаги рисқларни қамраб олади: валюта рисқи, фоиз ставкаси рисқи ва нархга боғлиқ бошқа рисқ.
нархга боғлиқ бошқа рисқ	Молиявий инструмент бўйича ҳаққоний қиймат ёки келгуси пул оқимлари бозор нархларидаги ўзгаришлар (фоиз ставкаси рисқи ёки валюта рисқидан келиб чиқадиган ўзгаришлардан ташқари) оқибатида ўзгариб туриши рисқи, бунда ушбу ўзгаришларга алоҳида молиявий инструментга ёки эмитентга хос омиллар сабаб бўлганлиги ёки бозорда сотиладиган барча ўхшаш молиявий инструментларга таъсир қиладиган омиллар сабаб бўлганлигидан қатъий назар.

Қуйидаги атамалар 32-сон БХХСнинг 11-бандида, 39-сон БХХСнинг 9-бандида ёки 9-сон МХХСнинг А иловасида таърифланган ва ушбу МХХСда 32-сон БХХС, 39-сон БХХС ва 9-сон МХХСда белгиланган маъноларида фойдаланилади.

- молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати
- шартнома бўйича актив
- кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар
- тан олишни бекор қилиш
- дериватив
- дивидендлар
- эффектив фоиз усули
- улушли инструмент
- кутилаётган кредит зарарлари
- ҳаққоний қиймат
- молиявий актив
- молиявий қафолат шартномаси
- молиявий инструмент
- молиявий мажбурият
- фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият
- прогноз қилинадиган операция

- молиявий активнинг ялпи баланс қиймати
- ҳежлаш инструменти
- савдо учун мўлжалланган
- қадрсизланишдан даромад ёки зарарлар
- зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв
- муддати ўтган
- сотиб олинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар
- қайта таснифлаш санаси
- мунтазам харид қилиш ва сотиш.

Б илова **Қўллаш бўйича кўрсатма**

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

Молиявий инструментларнинг синфлари ва маълумотларни ёритиб бериш даражаси (6-банд)

- Б1 Мазкур МХХСнинг 6-бандида ташкилот молиявий инструментларни ёритиб бериладиган маълумотнинг характерига хос бўлган ва мазкур молиявий инструментларнинг хусусиятларини ҳисобга оладиган синфларга гуруҳлаши талаб этилган. 6-бандда тавсифланган синфлар ташкилот томонидан белгиланади ва шу боис, 9-сон МХХСда белгиланган молиявий инструментларнинг тоифаларидан фаркланади (бу тоифаларга қараб молиявий инструментларнинг баҳоланиши ва ҳаққоний қийматнинг ўзгариши қайси моддаларда тан олинishi аниқланади).
- Б2 Молиявий инструментларнинг синфларини аниқлаганда ташкилот, камида, қуйидагиларга амал қилиши лозим:
- (a) амортизацияланган қийматда баҳоланадиган инструментларни ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланадиган инструментлардан фарқлаши.
 - (б) ушбу МХХСнинг қўллаш доирасидан ташқарида бўлган молиявий инструментларни алоҳида синф ёки синфлар сифатида инобатга олиши лозим.
- Б3 Ташкилот, ўзининг ҳолатидан келиб чикқан ҳолда, ушбу МХХСнинг талабларига риоя этиш мақсадида қанчалик батафсил маълумотларни тақдим қилиши, ушбу талабларнинг турли жиҳатларига қанчалик кўп эътиборни қаратиши ва турли хусусиятларга эга бўлган маълумотларни бирлаштирмасдан умумий тасаввурни шакллантириш учун маълумотларни қандай қилиб умумлаштириши тўғрисида қарор қилади. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун фойдасиз бўладиган ҳаддан ташқари кўп тафсилотларни молиявий ҳисоботга киритиш билан ҳаддан ташқари кўп умумлаштириш натижасида аҳамиятли маълумотларни тушириб қолдириш ўртасида мувозанатни топиш лозим. Масалан, ташкилот муҳим маълумотни кўпгина аҳамиятсиз тафсилотлар ичига киритиб юбориш орқали яширмаслиги лозим. Шунга ўхшаш, ташкилот алоҳида операциялар ёки улар билан боғлиқ рисклар ўртасидаги аҳамиятли фарқларни яширадиган қилиб умумлаштирган маълумотларни ёритиб бермаслиги лозим.
- Б4 [Чиқариб ташланган]

Бошқа маълумотларни ёритиб бериш – ҳисоб сиёсати (21-банд)

- Б5 21-бандда молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланилган баҳолаш асосининг (ёки асосларининг) ҳамда ушбу молиявий ҳисоботни тушуниш учун ўринли бўлган, қўлланган ҳисоб сиёсатининг ёритиб берилиши талаб этилади. Молиявий инструментлар бўйича бундай ёритиб бериладиган маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
- (a) фойда ва зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар бўйича:
 - (i) ташкилот фойда ва зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар сифатида белгиланган молиявий мажбуриятларнинг характери;
 - (ii) ушбу молиявий мажбуриятларни дастлабки тан олишда бундай белгилаш мезонлари; ва
 - (iii) ташкилот 9-сон МХХСнинг 4.2.2-бандидаги бундай белгилаш учун ўрнатилган шартларга қандай қилиб риоя этганлиги.
 - (aa) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар бўйича:
 - (i) ташкилот фойда ва зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар сифатида белгиланган молиявий активларнинг характери; ва
 - (ii) ташкилот 9-сон МХХСнинг 4.1.5-бандидаги бундай белгилаш учун ўрнатилган мезонларга қандай қилиб риоя этганлиги.
 - (б) [Чиқариб ташланган]

- (в) молиявий активларнинг мунтазам харид қилиниши ва сотилиши битим тузиш санасига ёки ҳисоб-китоб қилиш санасига ҳисобга олинганлиги (9-сон МХХСнинг 3.1.2-бандига қаранг).
- (г) [Чиқариб ташланган]
- (д) молиявий инструментларнинг ҳар бир тоифаси бўйича соф фойда ёки соф зарарлар қандай қилиб аниқланиши (20(а) бандга қаранг), масалан, ҳаққоний кийматдаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинган моддалар бўйича соф фойда ёки соф зарарлар ўз ичига фойзалар ёки дивидендлар кўринишидаги даромадни олиши ёки олмаслиги.
- (е) [Чиқариб ташланган]
- (ё) [Чиқариб ташланган]

1-сон БХХСнинг (2007 йил таҳрири) 122-банди ташкилотдан, аҳамиятли ҳисоб сиёсати ёки бошқа изоҳлар билан бир қаторда хулосаларни ёритиб беришни талаб этади, бундан раҳбарият томонида ташкилотнинг ҳисоб сиёсатини қўллаш жараёнида фойдаланилган ва молиявий ҳисоботда тан олинган суммага энг аҳамиятли таъсир кўрсатган тахминлар мустасно.

Молиявий инструментлар бўйича юзага келадиган рискларнинг характери ва даражаси (31–42 бандлар)

- Б6 31–42 бандларда ёритиб берилиши талаб этиладиган маълумотлар молиявий ҳисоботда берилиши ёки молиявий ҳисоботда бошқа ҳисоботга бир-бирига ҳавола қилиш орқали тақдим этилиши лозим. Ушбу бошқа ҳисобот сифатида молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар молиявий ҳисоботни олиш каби шартларда ва молиявий ҳисобот билан айнан бир пайтда олинган, масалан раҳбарият томонидан тушунтиришлар ёки рисклар бўйича ҳисобот каби ҳисоботлар хизмат қилади. Молиявий ҳисобот бир-бирига ҳавола қилмайдиган маълумотларсиз тўлиқ деб ҳисобланмайди.

Миқдорий маълумотларни ёритиб бериш (34-банд)

- Б7 34(а) бандда ташкилотнинг асосий раҳбариятига тақдим қилинадиган ички маълумотлар асосида ушбу ташкилотнинг рискларга мойиллиги тўғрисида умумлашган миқдорий маълумотлар ёритиб берилиши талаб этилган. Ташкилот рискларни бошқариш учун бир нечта усуллардан фойдаланганида, у энг ўринли ва энг ишончли маълумотни таъминлайдиган усул ёки усуллар фойдаланилганлиги тўғрисида маълумотларни ёритиб бериши лозим. 8-сон БХХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”да ўринлилик ва ишончлилик тушунтирилган.
- Б8 34(в) бандда рискларнинг концентрацияси тўғрисида маълумотлар ёритиб берилиши талаб этилади. Рискларнинг концентрацияси бир хил хусусиятларга эга ҳамда иктисодий ва бошқа шароитларнинг ўзгариши натижасида бир хил таъсир қилинадиган молиявий инструментлар бўйича юзага келади. Рискларнинг концентрациясини аниқлаш ташкилотнинг шарт-шароитларини ҳисобга оладиган мулоҳаза юритишни талаб этади. Рискларнинг концентрацияси тўғрисида ёритиб бериладиган маълумотлар куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:
- (а) концентрация раҳбарият томонидан қандай қилиб аниқланишининг тавсифи;
 - (б) ҳар бир концентрацияни аниқлайдиган умумий хусусиятнинг тавсифи (масалан, шартнома томони, географик ҳудуд, валюта ёки бозор); ва
 - (в) ушбу умумий хусусиятга эга бўлган барча молиявий инструментлар билан боғлиқ рискнинг суммаси.

Кредит рискинни бошқариш амалиёти (35Е-35Ё бандлар)

- Б8А 35Е(б) кичик банд ташкилот турли молиявий инструментлар учун дефолт деб топиладиган белгилашлар ва бундай белгилаш учун сабаблари тўғрисидаги маълумотни ёритиб беришни талаб этади. 9-сон МХХСнинг 5.5.9 бандига мувофиқ бутун давр учун кутилаётган кредит зарарларини белгиланиши дастлабки тан олишдан кейин дефолт рискиннинг юзага келиши рискинни ошиши асосида тан олиниши лозим. Ташкилотнинг дефолт белгиланиши тўғрисидаги маълумотлари молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига ташкилот 9-сон МХХСнинг кутилаётган кредит зарарлари талабларини қандай қўллаганлигини тушунишга ёрдам бериш ва ўз ичига куйидагиларни олиши мумкин:
- (а) дефолтни аниқлаш ҳисобга олинган сифат ва миқдорий факторлар;
 - (б) молиявий инструментларнинг турлари учун турли атамаларнинг қўлланилганлиги; ва

- (в) молиявий активда дефолт юзага келганда дефолтни қоплаш кўрсаткичи бўйича фаразлар (яъни фаолиятдаги ҳолга қайтадиган молиявий активлар сони).
- Б8Б Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни ташкилотнинг қайта таснифлаш ва ўзгартириш сиёсатини баҳолаш учун, 35E(e)(ii) банд ташкилот молиявий активларнинг зарарлари бўйича баҳоланадиган резервни илгари 35E(e)(i) бандга мувофиқ ёритиб берганда ва кейинчалик қутилаётган кредит зарарлари 9-сон МХХСнинг 5.5.3 бандига мувофиқ бутун давр учун суммага тенг миқдорда баҳоланганда ушбу маълумотларни ёритиб беришни талаб этади. Модификациялашган молиявий активнинг кредит рисидаги кейинги ўзгаришларни фойдаланувчилар тушунишига ёрдам берадиган миқдорий маълумотлар ўз ичига 35E(e)(i) банддаги талабга мувофиқ келувчи модификациялашган молиявий активнинг зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв бутун давр учун қутилаётган кредит рислари суммасига тенг миқдорга ўзгариши (яъни ёмонлашуви кўрсаткичи) тўғрисидаги маълумотни олиши мумкин.
- Б8В 35E(a) банд 9-сон МХХСнинг кадрсизланишга доир талабларини қўллашда фойдаланилган баҳолаш усуллари, фаразлар ва бошланғич маълумотларни асоси тўғрисида маълумотларни ёритиб беришни талаб этади. Ташкилотнинг қутилаётган кредит зарарларини баҳолаш учун фойдаланилган фаразлар ва бошланғич маълумотлари ва кредит рисини дастлабки тан олинганидан кейинги ўзгаришини аниқлаш, ўз ичига ички олдинги маълумот ёки рейтинг ҳисоботлари ва молиявий инструментнинг қутилаётган фойдаланиш муддати ва гаровнинг сотиш вақтларини олиши мумкин.

Зарарлар бўйича баҳоланадиган резервдаги ўзгаришлар (35Ж банд)

- Б8Г 35Ж бандга мувофиқ ташкилот давр давомида зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни ўзгариши сабабларини тушунтириб бериши талаб этилади. Зарарлар бўйича баҳоланадиган резервнинг давр бошига ва давр охирига баланснинг солиштирмасига қўшимча равишда ўзгаришларнинг тавсифини бериш зарур бўлиши мумкин. Тавсиф ўз ичига давр давомидаги зарарлар бўйича баҳоланадиган резервнинг ўзгариш сабаблари таҳлилини шунингдек қуйидагиларни олиши мумкин:
- (а) портфель таркиби;
- (б) сотиб олинган ёки яратилган молиявий инструментлар ҳажми; ва
- (в) қутилаётган кредит зарарларини хавфлилиги;
- Б8Д Қарз бериш мажбуриятлари ва молиявий кафолат шартномалари учун зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв баҳолаш мажбуриятлари сифатида тан олинади. Ташкилот молиявий активнинг зарарлар бўйича баҳоланадиган резервдаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотни қарз бериш мажбуриятлари ва молиявий кафолат шартномаларидан алоҳида ёритиб бериши лозим. Лекин, агар молиявий инструмент ўз ичига қарзни (яъни молиявий актив) ва қарз бериш бўйича фойдаланилмаган компонентни (қарз бериш мажбурияти) олса ва ташкилот қутилаётган кредит зарарларини қарз бериш мажбурияти компоненти ва молиявий актив компонентига алоҳида ажрата олмаса, қарз бериш мажбурияти компоненти бўйича қутилаётган кредит зарари ва молиявий актив бўйича қутилаётган кредит зарари билан биргаликда тан олинади лозим. Биргаликдаги қутилаётган кредит зарарлари молиявий активнинг ялпи баланс қийматидан ошган тақдирда, қутилаётган кредит зарарларининг ошган қисми баҳолаш мажбурияти сифатида тан олинади.

Таъминот (35К банд)

- Б8Е 35Й банддаги талаблар ташкилот молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини қутилаётган кредит зарарларига олинган таъминот ва бошқа кредит сифатини оширувчи механизмларнинг таъсирини ёритиб беришни талаб этади. Ташкилот таъминот ва бошқа кредит сифатини оширувчи механизмларнинг ҳаққоний қийматини ёки қутилаётган кредит зарарининг (яъни дефолт ҳолатидаги зарар) ҳисоб-китобида ҳисобга олинган аниқ миқдорий кўрсаткичларни ёритиб беришга мажбур эмас.
- Б8Ё Таъминот ва унинг қутилаётган кредит зарарлари суммасига таъсирини тавсифи ўз ичига қуйидаги маълумотларни олиши мумкин:
- (а) қимматли қоғоз сифатидаги таъминот ва кредит сифатини оширувчи бошқа механизмлар (масалан кафолатлар, кредит деривативлари, 32-сон БХХСга асосан ўзаро ҳисоб-китоб талабларига мос келмайдиган соф ҳисоб-китоб келишувлари буларга мисол бўлади);
- (б) олинган гаров ва кредит сифатини оширувчи бошқа механизмлар ҳажми ва уларнинг зарарлар бўйича баҳоланадиган резервдаги муҳимлиги;
- (в) таъминот ва кредит сифатини оширувчи бошқа механизмларни баҳолаш ва бошқариш жараёнлари ва сиёсати;

- (г) таъминот ва кредит сифатини оширувчи бошқа механизмларнинг асосий контрагентлари ва уларнинг кредитга қобилияти; ва
- (д) таъминот ва кредит сифатини оширувчи бошқа механизмларда рисклар концентрацияси бўйича маълумотлар.

Кредит рискига мойиллик (35Л-35М)

- Б8Ж** 35Л банд ҳисобот санасига ташкилотнинг кредит rischi очик позицияси ва кредит riskининг концентрациясини ёритиб беришни талаб этади. Кредит riskининг концентрацияси бир нечта контрагентлар бир географик худудда жойлашган бўлганда ёки бир хил фаолият билан шуғулланиб ва иқтисодий кўрсаткичлари уларнинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришда иқтисодий ёки бошқа шароитларни ўзгариши бир хил таъсир этганда мавжуд бўлади. Ташкилот молиявий ҳисобот фойдаланувчилари муайян рисклар концентрацияси каби молиявий инструментлар гуруҳининг катта қисмига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян жиҳатларга эга молиявий инструментларнинг гуруҳлари ёки портфеллари мавжудлигини тушуниши учун зарар маълумотларни таъминлаши лозим. Булар ўз ичига масалан, баҳо бўйича, географик, соҳа ёки эмитент бўйича концентрацияларни олиши мумкин.
- Б8З** 35Л бандга мувофиқ ёритиб бериладиган кредит rischi рейтинг даражалари сони ташкилот муҳим бошқарув ходимларига кредит rischi бошқаруви мақсадида тақдим этадиган ҳисоботдаги даражалар сонига мувофиқ бўлиши лозим. Агар тўлов муддати ўтганлиги қарздор тўғрисидаги ягона ўзига хос мавжуд маълумот бўлса ва ташкилот тўлов муддати ўтганлигини 9-сон МХХСнинг 5.5.11-бандига мувофиқ дастлабки тан олинганидан кейин кредит rischi аҳамиятли даражада ошганлигидан баҳолаш учун фойдаланса, ташкилот тўлов муддати ўтган молиявий инструментлар бўйича таҳлил маълумотларини тақдим этиши лозим.
- Б8И** Агар ташкилот кредит зарарларини гуруҳ асосида баҳоласа, алоҳида молиявий активларнинг ялпи баланс қиймати ёки қарз бериш ва молиявий кафолатлаш шартномалари доирасидаги мажбуриятлар бўйича кредит рискига мойилликни кредит rischi рейтингининг бутун давр учун қўйилаётган кредит зарарлари тан олинанидан даражаларига кирита олмаслиги мумкин. Ушбу ҳолатда ташкилот 35Л банддаги талабларни тўғридан-тўғри кредит rischi рейтинг даражаси жойлашадиган ва бутун давр учун қўйилаётган кредит зарарлари гуруҳ асосида баҳоланган молиявий инструментларнинг ялпи баланс қийматини алоҳида ёритиб бериши лозим.

Кредит riskининг максимал даражаси (36(а)-банд)

- Б9** 35Й ва 36(а) бандларда ташкилотдан кредит riskининг максимал даражасини энг аниқ кўрсатадиган сумма ёритиб берилиши талаб этилади. Молиявий актив учун, бу одатда, унинг ялпи баланс қийматидан қуйидагилар чегирилгандаги фарқдир:
- (а) 32-сон БХХСга мувофиқ ҳар қандай ўзаро ҳисоб-китоб қилинган суммалар; ва
 - (б) 9-сон БХХСга мувофиқ ҳар қандай тан олинган қадрсизланиш бўйича зарарлар.
- Б10** Кредит riskини ва у билан боғлиқ кредит рискига максимал даражадаги дуч келишини юзага келтирадиган операциялар ўз ичига қуйидагиларни олади, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) мижозларга кредитларни ажратиш ва бошқа ташкилотларда омонатларни жойлаштириш. Бундай ҳолатларда, кредит рискига дучорликнинг максимал даражаси - у билан боғлиқ молиявий активларнинг баланс қийматидир.
 - (б) дериватив шартномаларини тузиш, масалан валюта шартномалари, фоиз ставкаси свопи ва кредит деривативлари. Буларнинг натижасида юзага келадиган актив ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олинганида, ҳисобот даврида кредит рискига дучорликнинг максимал даражаси унинг баланс қийматига тенг бўлади.
 - (в) молиявий кафолатларни бериш. Бундай ҳолатда, кредит рискига дучорликнинг максимал даражаси – бу ташкилот томонидан кафолат бажарилиши лозим бўлганда тўланадиган максимал суммадир, ушбу сумма мажбурият сифатида тан олинган суммадан кўп бўлиши мумкин.
 - (г) шартнома муддати давомида бекор қилинмайдиган ёки фақат муҳим салбий ўзгариш пайдо бўлганида бекор қилиниши мумкин бўлган қарз мажбуриятларини чиқариш. Эмитент қарз мажбуриятини соф асосда пул маблағларини тўлаш ёки бошқа молиявий инструментни бериш орқали сўндира олмаса, кредит рискига дучорликнинг максимал даражаси мажбуриятнинг тўлик суммасига тенг бўлади. Чунки ишлатилмаган сумманинг қайси қисми

келгусида талаб этилиши мумкинлиги аниқ бўлмайди. Бу сумма мажбурият сифатида тан олинган суммадан анча катта бўлиши мумкин.

Ликвидлилик rischi бўйича миқдорий маълумотларни ёритиб бериш (34(a), 39(a) ва (б) бандлар)

- Б10А 34(a) бандга мувофиқ ташкилот унинг ликвидлилик riskига дучорлиги тўғрисидаги умумлашган миқдорий маълумотларни асосий раҳбариятга ички тақдим этиладиган маълумотлар асосида ёритиб бериши лозим. Ташкилот ушбу маълумотлар қандай қилиб аниқланганлигини тушунтириши лозим. Ушбу маълумотларда акс этирилган пул маблағларининг (ёки бошқа молиявий активнинг) чиқими:
- (a) мазкур маълумотларда кўрсатилган санадан анча олдин содир бўлиши мумкин бўлганда; ёки
 - (б) мазкур маълумотларда кўрсатилган суммалардан анча фарқ қиладиган суммаларда амалга оширилган бўлиши мумкин бўлганида (масалан, соф асосда ҳисоб-китоб қилинадиган, лекин у бўйича шартнома томони ялпи асосда ҳисоб-китоб қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган дериватив тўғрисидаги маълумотлар),
- ташкилот, агар бундай маълумотлар шартномада келишилган сўндириш муддатлари бўйича 39(a) ёки (б) бандларида талаб этилган таҳлилга киритилмаган бўлса, ушбу фактни ёритиб бериши ва молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар риск даражасини баҳолай олиши учун миқдорий маълумотларни тақдим этиши лозим.
- Б11 Сўндириш муддатлари бўйича 39(a) ва (б) бандларида талаб этилган таҳлилни тайёрлашда, ташкилот вақт оралиқлари сонини аниқлаш учун мулоҳаза юритиши лозим. Масалан, ташкилот куйидаги вақт оралиқлари ўринли эканлигига қарор қилиши мумкин:
- (a) бир ойдан кўп бўлмаган;
 - (б) бир ойдан уч ойгача;
 - (в) уч ойдан бир йилгача; ва
 - (г) бир йилдан беш йилгача.
- Б11А 39(a) ва (б) бандлардаги талабларга риоя қилганида, ташкилот бириктирилган деривативни гибрид (бирлашган) молиявий инструментдан ажратмаслиги лозим. Бундай инструментга нисбатан ташкилот 39(a) бандни қўллаши лозим.
- Б11Б 39(б) бандда ташкилот дериватив молиявий мажбуриятларнинг сўндириш муддатлари бўйича миқдорий таҳлилни ёритиб бериши талаб этилади. Ушбу таҳлилда, агар шартномада кўрсатилган сўндириш муддатлари тўғрисидаги маълумот пул оқимлари юзага келадиган пайтти билиш учун катта аҳамиятга эга бўлса, қолган сўндириш муддатлари кўрсатилиши лозим. Бу, масалан, куйидагилар бўйича ўринли ҳисобланади:
- (a) ўзгарувчан фоиз ставкага эга молиявий актив ёки мажбурият бўйича пул оқимларининг ҳежида қолган сўндириш муддати беш йилга тенг бўлган фоиз ставкаси свопи.
 - (б) барча кредит бериш мажбуриятлари.
- Б11В 39(a) ва (б) бандларда ташкилот баъзи молиявий мажбуриятлар бўйича қолган сўндириш муддатларини кўрсатадиган молиявий мажбуриятларнинг сўндириш муддатлари бўйича таҳлилни ёритиб бериши талаб этилган. Бундай ёритиб бериладиган маълумотларда:
- (a) агар мажбурият бўйича шартнома томони ушбу мажбуриятнинг тўланиши пайтини танлаш ҳуқуқига эга бўлса, мажбуриятнинг муддати сифатида ташкилот томонидан тўлов амалга оширилиши талаб этилиши мумкин муддатларнинг энг олдинроқ келадигани олинади. Масалан, ташкилот талаб қилиб олинганда тўлайдиган молиявий мажбуриятлари (масалан, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар) энг олдин келадиган вақт оралиғига киритилади.
 - (б) агар ташкилот мажбуриятни бўлиб-бўлиб тўлашга келишган бўлса, ҳар бир тўланадиган қисм ташкилот тўлаши талаб этилиши мумкин бўлган муддатларнинг энг олдинроқ келадиганига киритади. Масалан, кредит мажбуриятининг фойдаланилмаган қисми у фойдаланиши мумкин бўлган энг олдин келадиган вақт оралиғига киритилади.
 - (в) чиқарилган молиявий кафолат бўйича шартномаларда кафолатнинг максимал суммаси ушбу кафолат бажарилиши талаб этилиши мумкин бўлган энг олдин келадиган даврга киритилади.

- Б11Г 39(а) ва (б) бандларда талаб этилган муддатлар бўйича таҳлилда ёритиб бериладиган шартнома суммалари – бу шартнома бўйича келишилган дисконтланмаган пул оқимларидир, масалан:
- (а) молиявий ижара бўйича ялпи мажбуриятлар (молиявий ажратмалар чегирилмаган ҳолда);
 - (б) молиявий активларни пул маблағлари эвазига сотиб олиш бўйича форвард шартномаларида белгиланган нархлар;
 - (в) ўзгарувчан ставка тўланадиган/қатъий белгиланган ставка олинадиган фоиз ставкаси своплари бўйича соф суммалар (ушбу своплар бўйича соф пул оқимлари айирбошланадиган ҳисобланади);
 - (г) дериватив молиявий инструмент (масалан, валюта свопи) бўйича айирбошланадиган, келишилган суммалар (ушбу инструмент бўйича ялпи пул оқимлари айирбошланадиган ҳисобланади); ва
 - (д) ялпи кредит бериш мажбуриятлари.
- Бундай дисконтланмаган пул оқимлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилган суммалардан фарқ қилади, чунки ушбу ҳисоботда кўрсатиладиган сумма дисконтланган пул оқимларига асосланади. Тўланадиган сумма қатъий белгиланмаган бўлганида, ёритиб бериладиган сумма ҳисобот даврининг охирида мавжуд бўлган шартлардан келиб чиқиб аниқланади. Масалан, тўланадиган сумма индексининг ўзгаришига боғлиқ равишда ўзгарганида, ёритиб бериладиган сумма индексининг давр охиридаги даражаси асосида аниқланган бўлиши мумкин.
- Б11Д 39(в) бандда ташкилот 39(а) ва (б) бандларда ёритиб берилиши талаб этилган миқдорий маълумотларга киритилган моддаларга хос бўлган ликвидлик рискинни қандай қилиб бошқаришини ёритиб бериш талаб этилади. Ташкилот ўзи томонидан ликвидлик рискинни бошқариш учун сақланаётган молиявий активларни (масалан, осон сотиладиган ёки молиявий мажбуриятлар бўйича пул чиқимларини қоплаш учун келиб тушадиган пул оқимларини ҳосил қилиши кутиладиган молиявий активларни) сўндириш муддатлари бўйича таҳлилин, агар бундай маълумот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ликвидлик рискиннинг характери ва даражасини баҳолаш имкониятига эга бўлиши учун зарур бўлса, ёритиб бериши лозим.
- Б11Е 39(в) бандда талаб этилган маълумотларни ёритиб беришда ташкилот томонидан инобатга олинадиган бошқа омилларга қуйидагилар киради, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) ташкилот ликвидлик эҳтиёжларини қондириш учун у фойдаланиши мумкин бўлган қарз олиш механизмлари (масалан, таъминланмаган қарз қимматли қоғозларини қафолатланган жойлаштириш имконияти) ёки кредит линияларини (масалан, захира кредит олиш имкониятлари) жалбэтиш имкониятини таъминлаганлиги;
 - (б) ташкилот ликвидлик эҳтиёжларини қондириш учун марказий банкда омонатларга эгалиги;
 - (в) ташкилот турли диверсификациялашган молиялаштириш манбаларига эгалиги;
 - (г) ташкилот ўз активларида ёки молиялаштириш манбаларида ликвидлик рискиннинг катта концентрациясига эгалиги;
 - (д) ташкилот ликвидлик рискинни бошқариш бўйича ички назорат жараёнларини ўрнатганлиги ва назарда тутилмаган ҳолатлар учун режага эгалиги;
 - (е) ташкилот тўлови тезлаштирилиши талаб этилган инструментларга эгалиги (масалан, ташкилотнинг кредит рейтинги пасайганда);
 - (ё) ташкилотда гаров таъминотини тақдим этишни талаб этиши мумкин бўлган инструментларнинг мавжудлиги (масалан, деривативлар бўйича қафолат маржаси талаблари);
 - (ж) ташкилот унга молиявий мажбуриятларни пул маблағлари (ёки бошқа молиявий актив) билан ёхуд ўз акцияларини бериш билан сўндиришни танлаш имкониятини берадиган инструментларга эгалиги; ёки
 - (з) соф асосда ҳисоб-китоб қилинадиган асосий шартномалар доирасидаги инструментларга эгалиги.

Б12-Б16 [Чиқариб ташланган]

Бозор rischi – таъсирчанлик таҳлили (40 ва 41-бандлар)

- Б17 40(а) бандда ташкилот дучор бўлган бозор рискиннинг ҳар бир тури бўйича таъсирчанлик таҳлили ёритиб берилиши талаб этилган. Б3-бандга мувофиқ, ташкилот умумий тасавурни бериш учун

маълумотларни қандай қилиб умумлаштириши бўйича қарор қабул қилади, бунда ҳар хил иқтисодий муҳитлардан келиб чиқадиган рисклар тўғрисидаги ҳар хил хусусиятларга эга маълумотлар бирлаштирилмаслиги лозим. Масалан:

- (а) молиявий инструментларнинг савдоси билан шуғулланадиган ташкилот сотиш учун мўлжалланган молиявий инструментлари тўғрисидаги маълумотларни бундай сотиш учун мўлжалланмаган инструментлари тўғрисидаги маълумотлардан алоҳида ёритиб бериши лозим.
- (б) ташкилот гиперинфляцияли иқтисодиёт мавжуд мамлакатлардаги фаолияти бўйича бозор рисклари тўғрисидаги маълумотни жуда паст даражадаги инфляцияга эга мамлакатлардаги фаолияти бўйича бозор рисклари тўғрисидаги маълумотлар билан умумлаштирмаслиги лозим.

Агар ташкилот фақат бир иқтисодий муҳитдаги фақат бир турдаги бозор рискига дучор бўлса, у маълумотларни бир-биридан ажратилган ҳолда кўрсатмайди.

Б18 40(а) бандда таъсирчанлик таҳлили риск бўйича тегишли ўзгарувчан кўрсаткичнинг (масалан, бозорда устун бўлган фоиз ставкалари, валюта курслари, акциялар нархлари ёки товарлар нархлари) асосланган даражада кутиш мумкин бўлган ўзгаришларининг фойда ёки зарарга ва хусусий капиталга таъсирини кўрсатишини талаб этади. Бу мақсадда:

- (а) ташкилотлар рискнинг тегишли ўзгарувчан кўрсаткичлари бошқача бўлганида давр учун фойда ёки зарар қандай бўлиши мумкин эканлигини аниқлаши талаб этилмайди. Аксинча, ташкилотлар рискнинг тегишли ўзгарувчан кўрсаткичининг асосланган даражада кутиш мумкин бўлган ўзгариши ҳисобот даври охирида содир бўлган ва ушбу санага мавжуд бўлган риск остидаги моддаларда ҳисобга олинган фарз билан ушбу ўзгаришларнинг фойда ёки зарарга ва хусусий капиталга давр охиридаги таъсирини ёритиб беради. Масалан, агар йилнинг охирида ташкилотнинг ўзгарувчан фоиз ставкасига эга мажбурияти бўлса, у фоиз ставкалари асосланган тарзда кутиш мумкин бўлган даражаларда ўзгарганида ушбу ўзгаришнинг фойда ёки зарарга жорий йилдаги мумкин бўлган таъсирини (яъни фоиз харажатларини) ёритиб беради.
- (б) ташкилотлар рискнинг тегишли ўзгарувчан кўрсаткичининг асосланган тарзда кутиш мумкин бўлган ўзгаришлар диапазонидаги ҳар бир ўзгариши фойда ёки зарарга ва хусусий капиталга қандай таъсир қилганини ёритиб бериши талаб этилмайди. Асосланган тарзда кутиш мумкин бўлган ўзгаришлар диапазони чегарасидаги ўзгаришларнинг таъсирини ёритиб бериш етарли бўлади.

Б19 Рискнинг тегишли ўзгарувчан кўрсаткичидаги асосланган тарзда кутиш мумкин бўлган ўзгаришни аниқлашда, ташкилот томонидан қуйидагилар инобатга олинishi лозим:

- (а) у фаолият юритаётган иқтисодий муҳит. Асосланган тарзда кутиш мумкин бўлган ўзгаришни аниқлаш эҳтимолдан узоқ ёки “энг ёмон ҳолатдаги” сценарийлар ёки “стресс-тестлар”ни камраб олмаслиги лозим. Бундан ташқари, рискнинг ўзгарувчан кўрсаткичидаги ўзгаришнинг даражаси бир хил бўлса, ташкилот рискнинг ўзгарувчан кўрсаткичи бўйича асосланган тарзда кутиш мумкин бўлган, танланган ўзгаришни қайта кўриб чиқиши талаб этилмайди. Масалан, фарз қилайлик, фоиз ставкаси 5 фоизга тенг ва ташкилот фоиз ставкасининг ± 50 базис пунктга ўзгаришини асосланган тарзда кутиш мумкинлигини аниқлаган. Бунда у фоиз ставкаси 4,5 фоизгача ёки 5,5 фоизгача ўзгарганида, ушбу ўзгаришнинг фойда ёки зарарга ва хусусий капиталга бўлган таъсирини ёритиб беради. Кейинги даврда, фоиз ставкалари 5.5 фоизгача ошган. Ташкилот фоиз ставкалари ± 50 базис пунктлар доирасида ўзгариши мумкин деб (яъни, фоиз ставкаларининг ўзгариши бир хил деб) ҳисоблайди. Ташкилот фоиз ставкалари 5 фоизгача ёки 6 фоизгача ўзгарганида ушбу ўзгаришнинг фойда ёки зарарга ва хусусий капиталга қандай таъсир қилган бўлиши мумкинлигини ёритиб беради. Ташкилотдан фоиз ставкалари ± 50 базис пунктга ўзгаришини асосланган тарзда кутиш мумкин деган тахминни, агар фоиз ставкалари сезиларли даражада кўпроқ ўзгарувчан бўлганлигига далил бўлмаса, қайта кўриб чиқиш талаб этилмайди.
- (б) ташкилот томонидан ўзгаришлар аниқланадиган вақт оралиғи. Таъсирчанлик таҳлили ташкилот кейинги сафар маълумотларни ёритиб бергунгача бўлган давр ичида асосланган тарзда кутилиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг таъсирини кўрсатиши лозим, бунда кейинги давр одатда кейинги йиллик ҳисобот даврига тўғри келади.

Б20 41-бандда ташкилот рискнинг ўзгарувчан кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттирадиган, рискни қиймат бўйича баҳолаш усули каби, таъсирчанлик таҳлилидан фойдаланиши, у бундай таҳлилдан молиявий рискларни бошқариш учун фойдаланганида, рухсат этилган. Бу, бундай усулда фақат зарар олиш эҳтимоли аниқланиб, фойда олиш эҳтимоли баҳоланмайдиган бўлса ҳам,

ўринли ҳисобланади. Ушбу ҳолатда ташкилот 41(а) банддаги талабни фойдаланилган рискни қиймат бўйича баҳолаш моделининг турини (масалан, Монте Карло моделини тузишга асосланганлиги ёки асосланмаганлигини) ёритиб бериши, модель қандай ишлашини ва ундаги асосий тахминларни (масалан, моддани сақлаш даври ва ишонч даражасини) тушунтириши орқали бажариши мумкин. Ташкилотлар, шунингдек, олдинги кузатиш даврини ва ушбу даврда кузатилган кўрсаткичларга кўпайтирилган улушларни ёритиб бериши, ҳисоб-китобларда танлов вариантларидан қай тарзда фойдаланганини, ҳамда қандай ўзгарувчанлик ва ўзаро боғлиқлиқни кўрсатадиган коэффициентларидан (ёки, муқобил равишда, Монте Карло усули бўйича эҳтимолликларнинг тақсимланиши моделидан) фойдаланганини ёритиб бериши мумкин.

- Б21 Ташкилот таъсирчанлик таҳлилини бутун фаолият бўйича ёритиб бериши лозим, лекин молиявий инструментларнинг ҳар хил синфлари бўйича ҳар хил турдаги таъсирчанлик таҳлилини тақдим этиши мумкин.

Фоиз ставкаси rischi

- Б22 Фоиз ставкаси rischi молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган фоизли молиявий инструментлар (масалан, сотиб олинган ёки чиқарилган қарз инструментлари) ҳамда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган баъзи молиявий инструментлар (масалан, айрим қарз мажбуриятлари) бўйича юзага келади.

Валюта rischi

- Б23 *Валюта rischi* (ёки хорижий валюталарни айрибошлаш курслари бўйича риск) хорижий валютада яъни молиявий инструментлар баҳоланган функционал валютадан бошқа валютада, ифодаланган молиявий инструментлар бўйича юзага келади. Ушбу МҲХС мақсадларида, валюта rischi номонетар модда бўлиб ҳисобланадиган молиявий инструментлар ёки функционал валютада ифодаланган молиявий инструментлар бўйича юзага келмайди.
- Б24 Таъсирчанлик таҳлили ташкилот аҳамиятли даражада риск остидаги бўлган ҳар бир валюта бўйича ёритиб берилиши лозим.

Нархлар билан боғлиқ бошқа риск

- Б25 *Нархлар билан боғлиқ бошқа риск* товарларнинг нархлари ёки акцияларнинг нархлари ўзгариши оқибатида молиявий инструментлар бўйича юзага келади. 40-банддаги талабларга риоя қилиш мақсадида, ташкилот фонд бозоридаги муайян индекснинг, товар нархининг ёки рискка эга бошқа ўзгарувчан кўрсаткичнинг пасайиши натижасидаги таъсирни ёритиб бериши мумкин. Масалан, агар ташкилот молиявий инструментлар бўлиб ҳисобланадиган тугатиш қийматининг кафолатини берса, у кафолат тегишли бўлган активлар қийматининг пасайишини ёки ошишини ёритиб бериши лозим.
- Б26 Акциялар нархи бўйича рискни келтириб чиқарадиган молиявий инструментларнинг иккита тури мавжуд – бу: (а) бошқа ташкилотнинг хусусий капиталидаги улуш ва (б) улушли инструментларга инвестицияга эга бўлган трастда инвестициялар. Бошқа мисол тариқасида, улушли инструментларнинг белгиланган миқдорини харид қилиш ёки сотиш опционлари ва форвард шартномаларини ҳамда акция нархлари бўйича индексланадиган свопларни келтириш мумкин. Бундай молиявий инструментларнинг ҳаққоний қийматига асосий улушли инструментларнинг бозор нархидаги ўзгаришлар таъсир кўрсатади.
- Б27 40(а) бандга мувофиқ, (фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган инструментлар бўйича юзага келадиган) фойда ёки зарарнинг таъсирчанлиги (ҳаққоний қийматдаги ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинадиган улушли инструментларга инвестициялардан келиб чиқадиган) бошқа умумлашган даромаднинг таъсирчанлигидан алоҳида ёритиб берилиши лозим.
- Б28 Ташкилот улушли инструментлар сифатида таснифлайдиган молиявий инструментлар қайта баҳоланмайди. Ушбу инструментлар бўйича акция нархининг ўзгаришидан риск фойда ёки зарарга ҳам хусусий капиталга ҳам, таъсир кўрсатмайди. Шу боис, таъсирчанлик таҳлили талаб этилмайди.

Тан олишни бекор қилиш (42В–42Ж)

Давом этаётган иштирок (42В банд)

- Б29 42Д–42Ж бандларда талаб этилган маълумотларни ёритиб бериш мақсадида ўтказилган молиявий активда давом этаётган иштирок мавжудлиги ҳисобот берадиган ташкилотнинг даражасида аниқланади. Масалан, шўба ташкилот боғлиқ бўлмаган учинчи томонга молиявий активни ўтказганида ва ушбу активда шўба ташкилотнинг бош ташкилоти давом этаётган иштирок даражасига эга бўлганида, ушбу шўба ташкилот ўтказилган активда давом этаётган иштирокка эга эканлигини аниқлашда бош ташкилотнинг иштирокини алоҳида ёки индивидуал молиявий ҳисоботида (яъни ушбу шўба ташкилот ҳисобот берувчи ташкилот сифатида хизмат қилганида) ҳисобга олмайди. Лекин, бош ташкилот унинг шўба ташкилотининг ўтказилган молиявий активдаги ўз (ёки гуруҳдаги бошқа аъзонинг) давом этаётган иштирокини у ўтказилган активда давом этаётган иштирок даражасига эга эканлигини аниқлашда консолидациялашган молиявий ҳисоботда (яъни, гуруҳ ҳисобот берувчи ташкилот сифатида хизмат қилганида) ҳисобга олади.
- Б30 Ташкилот ўтказилган молиявий активда, агар, активни ўтказишнинг бир қисми сифатида, у ўтказилган молиявий актив бўйича келишилган ҳуқуқлар ёки мажбуриятларнинг ҳеч бирини сақлаб қолмаса ёки ушбу актив билан боғлиқ бўлган янги келишилган ҳуқуқлар ёки мажбуриятни олманган бўлса, давом этаётган иштирок даражасига эга бўлмайди. Ташкилот ўтказилган молиявий активда, агар у ўтказилган молиявий активнинг келгуси натижаларида улушга ҳам эга бўлмаса ва ҳар қандай ҳолатда ўтказилган молиявий актив бўйича келгусида тўловларни амалга ошириш жавобгарлигига ҳам эга бўлмаса, давом этаётган иштирок даражасига эга бўлмайди. Мазкур матнда “тўлов” атамаси ўз ичига ташкилот томонидан ўтказилган молиявий актив бўйича олинадиган ва кўрсатилган активни қабул қилувчига ўтказиб бериши шарт бўлган пул оқимларини олмайди.
- Б30А Молиявий активни ўтказиб беришда ташкилот ўзида ушбу молиявий активга маълум бир ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин, масалан хизмат кўрсатиш шартномасида назарда тутган ҳолда. Ташкилот хизмат кўрсатиш шартномасини 42В ва Б30 бандларидаги кўрсатмага мувофиқ, хизмат кўрсатиш шартномаси натижасида молиявий активда давом этаётган иштироки тўғрисидаги маълумотни ёритиб бериш талабларини бажариш юзасидан баҳолайди. Масалан, ёритиб бериш талабларини бажариш мақсадида, хизмат кўрсатиш учун мукофот ўтказилган молиявий актив бўйича пул оқимлари тушуми суммаси ва муддатига боғлиқ бўлса, хизмат кўрсатувчи ташкилот ўтказилган молиявий активда иштироки давом этаётган ҳисобланади. Шунга ўхшаш, ёритиб бериш талабларини бажариш мақсадида, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг қатъий белгиланган мукофоти ушбу активнинг самарасизлиги натижасида тўлаб берилмаганда, хизмат кўрсатувчи ташкилот ўтказилган молиявий активда иштироки давом этаётган ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган мисолларда, хизмат кўрсатувчи ташкилот ўтказиб берилган молиявий активнинг келгусидаги натижадорлигидан манфаатдор бўлади. Мазкур баҳолаш қутилаётган мукофот ташкилотнинг кўрсатилган хизматларини қоплашига етарли бўлишига боғлиқ бўлмайди.
- Б31 Ўтказилган молиявий активда давом этаётган иштирок актив ўтказилаётган томон ёки учинчи шахс билан активни ўтказиш бўйича шартноманинг ёки бошқа шартноманинг келишилган шартлари натижасида юзага келиши мумкин.

Тан олиниши тўлиқ бекор қилинмаган ўтказилган молиявий активлар (42Г)

- Б32 42Г бандда ўтказилган молиявий активларнинг бутун суммаси ёки бир қисмини тан олишни бекор қилиш шартларига тўғри келмаганида маълумотлар ёритиб берилиши талаб этилади. Бундай маълумотлар ташкилот молиявий активларни тан олишни давом этаётган ҳар бир ҳисобот санасида, актив қачон ўтказилишидан қатъий назар, ёритиб берилиши лозим.

Давом этаётган иштирокнинг турлари (42Д–42Ж бандлар)

- Б33 42Д–42Ж бандларда тан олиш бекор қилинган молиявий активларда давом этаётган иштирокнинг ҳар бир тури бўйича миқдорий ва сифат маълумотлар ёритиб берилиши талаб этилган. Ташкилот давом этаётган иштирокни у дучор бўлган рискларни акс эттирадиган турларга гуруҳлаши лозим. Масалан, ташкилот давом этаётган иштирокини молиявий инструментларнинг турлари (масалан кафолатлар ёки колл опционлари) ёки ўтказишларнинг турлари (масалан, дебиторлик қарзларининг факторинги, секьюритизация ва қимматли қоғозларни кредитга бериш) бўйича бирлаштириши мумкин.

Ўтказиб юборилган активларни қайта сотиб олиш учун дисконтланмаган пул чиқимларининг муддатлар бўйича таҳлили (42Д(д) банд)

- Б34 42Д(д) бандда ташкилот тан олишни бекор қилинган молиявий активларни қайта сотиб олиш учун талаб этиладиган дисконтланмаган пул маблағлари чиқими ёки ўтказилаётган томонга тўланиши лозим бўлган бошқа суммаларга тегишли сўндириш муддатлари бўйича таҳлилни ёритиб бериши талаб этилган, бунда ташкилотнинг ушбу активларда давом этаётган иштирок даражаси бўйича қолган сўндириш муддатлари алоҳида кўрсатилиши лозим. Ушбу таҳлилда тўланиши талаб этиладиган пул оқимлари (масалан, форвард шартномалари), ташкилот томонидан тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган пул оқимлари (масалан, “пут” опционлари) ва ташкилот тўлашга қарор қилиши мумкин бўлган пул оқимлари (масалан сотиб олинган “колл” опционлари) алоҳида кўрсатилади.
- Б35 Ташкилот 42Д(д) бандда талаб этилган муддатлар бўйича таҳлилни тайёрлаганида вақт ораликларининг тегишли сонини аниқлаш учун мулоҳаза юритиши лозим. Масалан, ташкилот сўндириш муддатларининг қуйидаги вақт оралиқлари ўринли эканлигини аниқлаши мумкин:
- (а) бир ойдан кўп бўлмаган;
 - (б) бир ойдан уч ойгача;
 - (в) уч ойдан олти ойгача;
 - (г) олти ойдан бир йилгача;
 - (д) бир йилдан уч йилгача;
 - (е) уч йилдан беш йилгача; ва
 - (ё) беш йилдан ортик.
- Б36 Тўловлар сўндириш муддатларининг қандайдир диапазонида амалга оширилиши мумкин бўлганида, пул оқимлари ташкилот томонидан тўлов амалга оширилиши талаб этилиши ёки рухсат этилиши мумкин бўлган саналарнинг энг олдингисидан келиб чиққан ҳолда таҳлилга киритилиши лозим.

Сифат маълумотлари (42Д(е) банд)

- Б37 42Д(е) бандда талаб этилган сифат маълумотлар тан олиниши бекор қилинган молиявий активларнинг тавсифи ҳамда ушбу активлар ўтказилгандан кейин уларда сақлаб қолинган иштирок даражасининг хусусияти ва мақсадини қамраб олади. Улар, шунингдек, ташкилот дучор бўлган рискларнинг тавсифини ўз ичига олади, шу жумладан:
- (а) ташкилот тан олиниши бекор қилинган молиявий активларда давом этаётган иштироки даражасига хос бўлган рискни қай тарзда бошқаришининг баёни.
 - (б) ташкилот зарарларни бошқа томонлардан олдин ўзига олиши талаб этилганлигини, ҳамда ташкилотнинг активдаги улушидан (яъни, унинг активдаги давом этаётган иштирок даражасидан) пастроқ деб таснифланадиган улушга эга бошқа томонлар ўз зиммасига оладиган зарарларнинг суммаси ва даражасини (навбатини).
 - (в) ўтказилган молиявий активни қайта сотиб олиш ёки молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича мажбуриятларни юзага келтирадиган ҳар қандай шартларнинг тавсифини.

Тан олишни бекор қилишдаги фойда ёки зарар (42Ё(а) банд)

- Б38 42Ё(а) бандда ташкилот у давом этаётган иштирок даражасига эга бўлган молиявий активларни тан олишни бекор қилиш бўйича фойда ёки зарарни ёритиб бериши талаб этилган. Ташкилот тан олишни бекор қилишдан фойда ёки зарар олдин тан олинган актив таркибий қисмларининг (яъни активнинг тан олишни бекор қилинган қисми ва ташкилот томонидан сақлаб қолинган қисми) ҳаққоний қиймати олдин бутунлигича тан олинган активнинг ҳаққоний қийматидан фарқ қилиши сабабли келиб чиққанлигини ёритиб бериши лозим. Бундай ҳолатда, ташкилот, 27А бандда тавсифланганидек, ҳаққоний қийматнинг баҳоланишида кузатиладиган бозор маълумотларига асосланмаган катта кўрсаткичлардан фойдаланилганини ёритиб бериши лозим.

Қўшимча маълумотлар (42Ж банд)

- Б39 42Г–42Ё бандларда ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар 42Б банд бўйича маълумотларни ёритиб бериш мақсадида етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда, ташкилот маълумотларни ёритиб бериш мақсадида эришиш учун зарур бўлган ҳар қандай қўшимча маълумотларни ёритиб бериши лозим. Ташкилот ўзининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда фойдаланувчиларнинг маълумотга бўлган талабларини кондириш учун қанчалик қўшимча маълумотларни ёритиб бериши лозимлиги ва ушбу қўшимча маълумотларнинг турли жиҳатларига қанча урғу бериши бўйича қарор қилиши лозим. Молиявий ҳисоботни улардан фойдаланувчиларга ёрдам бермаслиги мумкин бўлган ортиқча тафсилотлар билан бойитмаслик ва айни вақтда кўп сонли маълумотларни жамлашда зарур маълумотлар тушиб қолишига йўл қўймаслик лозим.

Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш (13А–13Е бандлар)

Қўллаш доираси (13А банд)

- Б40 13Б–13Д бандларда талаб этилган маълумотлар 32-сон БҲХСнинг 42 бандига мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилинадиган барча тан олинадиган молиявий инструментлар бўйича ёритиб берилиши лозим. Шу билан бирга, молиявий инструментлар, агар улар соф асосда ҳисоб-китоб қилишни назарда тутадиган асосий келишув ёки ўхшаш молиявий инструментлар ва операцияларни қамраб оладиган ўхшаш келишувнинг доирасида бўлса, ушбу молиявий инструментлар 32-сон БҲХСнинг 42 бандига мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъий назар, 13Б–13Д бандлардаги маълумотларни ёритиб бериш талабларининг қўллаш доирасида бўлади.
- Б41 13А ва Б40-бандларда назарда тутилган ўхшаш келишувлар ўз ичига клиринг бўйича дериватив шартномаларни, қайта сотиб олиш бўйича глобал асосий шартномаларни, қимматли қоғозларни кредитга бериш бўйича глобал асосий шартномаларни ва молиявий гаров билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқларни олади. Б40-бандда назарда тутилган ўхшаш молиявий инструментлар ва операциялар деривативларни сотиш ва қайта сотиб олиш шартномаларини, қайта сотиш ва қайта сотиб олиш шартномаларини, қимматли қоғозларни қарзга олиш ва қимматли қоғозларни кредитга бериш шартномаларини қамраб олади. 13А банднинг қўллаш доирасида бўлмаган молиявий инструментларнинг мисоли бўлиб битта ташкилотда харидорларнинг омонатлари ва уларга ажратилган қарзларни (агар улар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ўзаро ҳисоб-китоб қилинмаса) ҳамда фақат гаров шарномасига мансуб молиявий инструментларни келтириш мумкин.

13А (13В банд) банднинг қўллаш доирасида тан олинган молиявий активлар ва тан олинган молиявий мажбуриятлар бўйича миқдорий маълумотларни ёритиб бериш

- Б42 13В бандга мувофиқ ёритиб бериладиган молиявий инструментларга ҳар хил баҳолаш талаблари қўлланиши мумкин (масалан, қайта сотиб олиш бўйича шартнома билан боғлиқ тўланадиган сумма амортизацияланган қийматда баҳоланиши мумкин, айни пайтда ундаги дериватив эса ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланиши мумкин). Ташкилот инструментларни уларнинг тан олинган суммаларида ёритиб бериладиган маълумотларга киритиши ва тегишли маълумотларда якуний баҳолаш фарқларини тавсифлаб бериши лозим.

13А (13В(а) банд) банднинг қўллаш доирасида тан олинган молиявий активлар ва тан олинган молиявий мажбуриятларнинг ялпи суммаларини ёритиб бериш

- Б43 13В(а) бандда ёритиб берилиши талаб этилган суммалар 32-сон БҲХСнинг 42 бандига мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилинадиган ва тан олинадиган молиявий инструментларга тегишлидир. Шунингдек, 13В(а) бандда ёритиб берилиши талаб этилган суммалар соф асосда ҳисоб-китобни назарда тутган асосий келишув ёки шунга ўхшаш келишувнинг доирасида тан олинадиган молиявий инструментларга, улар ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мезонларига мос келишидан қатъий назар, тегишлидир. Лекин, 13В(а) бандда ёритиб берилиши талаб этилган маълумотлар 32-сон БҲХСнинг 42-бандидаги ўзаро ҳисоб-китоб мезонларига мос келмайдиган таъминот шартномасининг натижасида тан олинадиган суммаларга тегишли бўлмайди. Аксинча, бундай суммалар 13В(г) бандга мувофиқ ёритиб берилиши лозим.

32-сон БҲХСнинг 42 (13В(б)-банд) бандидаги мезонларга мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилинган суммаларни ёритиб бериш

- Б44 13В(б) бандда ташкилотлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган соф суммаларни аниқлашда 32-сон БҲХСнинг 42-бандидаги мезонларга мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилинган суммаларни ёритиб бериши лозим. Айнан бир келишув бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши лозим бўлган, тан олинган молиявий активларнинг ва тан олинган молиявий мажбуриятларнинг суммалари молиявий актив бўйича ва молиявий мажбуриятлар бўйича ёритиб берилди. Лекин, ёритиб бериладиган суммалар (масалан, жадвал шаклида) ўзаро ҳисоб-китоб қилинадиган суммалар билан чегараланади. Масалан, ташкилот 32-сон БҲХСнинг 42 бандидаги ўзаро ҳисоб-китоб мезонларига мос келадиган тан олинган дериватив активга ва тан олинган дериватив мажбуриятга эга бўлиши мумкин. Агар дериватив активнинг ялпи суммаси дериватив мажбуриятнинг ялпи суммасидан катта бўлса, дериватив молиявий актив бўйича ёритиб бериладиган жадвал маълумотлари дериватив активнинг бутун суммасини (13В(а) бандга мувофиқ) ва дериватив мажбуриятнинг бутун суммасини (13В(б)) бандга мувофиқ) ёритиб бериши лозим, бунда у дериватив активнинг (13В(б) бандга мувофиқ) дериватив мажбуриятга тенг бўлган суммасини қамраб олади. Лекин, молиявий мажбурият бўйича жадвал маълумотлари дериватив мажбуриятнинг бутун суммасини ўз ичига олса (13В(а) бандга мувофиқ), у дериватив мажбурият суммасига тенг дериватив актив (13В(а) бандга мувофиқ) суммасини ўз ичига олади.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган соф суммаларни ёритиб бериш (13В(в)-банд)

- Б45 Агар ташкилот (13А бандда белгиланган) маълумотларни ёритиб бериш доирасидаги, лекин 32-сон БҲХСнинг 42 бандидаги ўзаро ҳисоб-китоб мезонларига мос келмайдиган молиявий инструментларга эга бўлса, 13В(в) бандда ёритиб берилиши талаб этилган суммалар 13В(а) бандда ёритиб берилиши талаб этилган суммаларга тенг бўлади.
- Б46 13В(в) бандда ёритиб берилиши талаб этилган суммалар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг сатрларида кўрсатиладиган алоҳида моддаларнинг суммалари билан солиштирилиши лозим. Масалан, агар ташкилот молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг сатрларида кўрсатиладиган алоҳида моддаларнинг суммаларини бирлаштириш ёки алоҳида ажратиш ўринлироқ маълумотни таъминлайди деб ҳисобласа, у 13В(в) бўйича бирлаштирилган ёки алоҳида ажратилган суммаларни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг сатрларида кўрсатиладиган алоҳида моддаларнинг суммалари билан солиштирилиши лозим.

Соф асосда ҳисоб-китобни назарда тутадиган асосий келишув ва шунга ўхшаш келишувлар остида келишиши лозим бўлган ва 13В(б) (13В(г) бандга мувофиқ) бандда бошқа ҳолатда киритилмаган бўлган суммаларнинг ёритиб берилиши

- Б47 13В(г) бандда ташкилотлар 13В(б) бандга бошқа ҳолатда киритилмаган бўлган ва соф асосда ҳисоб-китобни назарда тутадиган келишув ёки шунга ўхшаш келишув доирасидаги суммаларни ёритиб бериши талаб этилган. 13В(г)(i) кичик бандда 32-сон БҲХСнинг 42-бандидаги ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мезонларининг барчасига ёки айримларига мос келмайдиган, тан олинган молиявий инструментларга тегишли суммалар назарда тутилган (масалан, 32-сон БҲХСнинг 42(б) бандидаги мезонларига мос келмайдиган ўзаро ҳисоб-китоб бўйича жорий ҳуқуқлар, ёки фақат дефолт ҳолатида ёки шартнома томонларининг бири тўлов қобилиятига эга бўлмаганида ёки банкротликка учраганида кучга кирадиган ва амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоб бўйича шартли ҳуқуқлар).
- Б48 13В(г)(ii) бандда ҳам гаровга олинган, ҳам тақдим этилган молиявий таъминот, шу жумладан пул маблағлари таъминоти назарда тутилган. Ташкилот гаровга олинган ёки берилган молиявий инструментларнинг ҳаққоний қийматини ёритиб бериши лозим. 13В(г)(ii) кичик бандга мувофиқ ёритиб берилган суммалар ҳақиқатда олинган ёки берилган гаровга тегишли бўлиши лозим, бундай таъминотни қайтариб олиш ёки бериш натижасида тан олинган дебиторлик ёки кредиторлик қарзларига эмас.

13В(г) (13Г банд) бандга кўра ёритиб бериладиган суммалар бўйича чекловлар

- Б49 13В(г) бандга мувофиқ суммаларни ёритиб берганда, ташкилот молиявий инструмент бўйича ҳаддан ташқари кўп гаров берилган ёки олинганининг таъсирини инобатга олиши лозим. Бунинг учун, ташкилот олдин 13В(г)(i) кичик бандга мувофиқ ёритиб бериладиган суммани 13В(в) кичик бандга

мувофик ёритиб бериладиган суммадан чегириши лозим. Кейин, ташкилот 13В(г)(ii) кичик бандга мувофик ёритиб бериладиган суммаларни тегишли молиявий инструмент бўйича 13В(в) бандга мувофик қолган сумма (чегириш натижаси) билан чеклаши лозим. Лекин, агар таъминотга ҳуқуқлар барча молиявий инструментларга нисбатан амалга оширилиши мумкин бўлса, бундай ҳуқуқлар тўғрисида маълумот 13Г бандга мувофик ёритиб бериладиган маълумотларга киритилиши мумкин.

Соф асосда ҳисоб-китобни назарда тутадиган асосий келишув ва шунга ўхшаш келишувлар доирасида келишилиши лозим бўлган ўзаро ҳисоб-китоб ҳуқуқларининг баёни (13Д банд)

- Б50 Ташкилот ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ёки шунга ўхшаш келишувлар бўйича ҳуқуқларнинг турларини, шу жумладан бундай ҳуқуқларнинг характерини 13В(г) бандга мувофик тушунтириб бериши лозим. Масалан, ташкилот ўзининг шартли ҳуқуқларини тавсифлаб бериши лозим. Келгуси ҳодисага боғлиқ (шартли) бўлмаган ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқларини берадиган, лекин 32-сон БҲХСнинг 42 бандидаги қолган мезонларга мос келмайдиган инструментлар бўйича ташкилот ушбу инструментлар нима сабабларга кўра мазкур мезонларга жавоб бермаслигини тушунтириб бериши лозим. Ташкилот олинган ёки берилган ҳар қандай молиявий таъминот бўйича таъминот шартномасининг шартларини тушунтириб бериши лозим (масалан, таъминотдан фойдаланиш чекланган бўлганда).

Молиявий инструментлар турлари ёки шартнома томонлари бўйича маълумотларни ёритиб бериш

- Б51 13В(а)–(д) кичик бандларда ёритиб берилиши талаб этилган миқдорий маълумотлар молиявий инструмент ёки операциянинг тури бўйича гуруҳланиши мумкин (масалан, деривативлар, сотиш ва қайта сотиб олиш шартномалар, қайта сотиш ва қайта сотиб олиш шартномалари, кимматли қоғозларни қарзга олиш ва кимматли қоғозларни кредитга бериш шартномалари).
- Б52 Муқобил тарзда, ташкилот 13В(а)–(в) кичик бандларда ёритиб берилиши талаб этилган миқдорий маълумотларни молиявий инструментнинг тури бўйича гуруҳлаши мумкин ва 13В(в)–(д) кичик бандларда ёритиб берилиши талаб этилган миқдорий маълумотларни шартнома томонлари бўйича гуруҳлаши мумкин. Агар ташкилот талаб этилган маълумотларни шартнома томонлари бўйича ёритиб берса, ундан шартнома томонларининг номларини кўрсатиш талаб этилмайди. Лекин, шартнома томонларига шартли берилган номлар (Томон А, Томон Б, Томон В, ва ҳк.) қиёсланувчанликни сақлаш мақсадида маълумотлар тақдим қилинадиган йилдан йилга бир хил бўлиб қолиши лозим. Сифат маълумотларни ёритиб беришда шартнома томонларининг турлари тўғрисида келгусида ҳам маълумотлар берилиши ҳисобга олинishi лозим. 13В(в)–(д) кичик бандларда талаб этилган суммалар шартнома томонлари бўйича ёритиб берилганида, шартнома томонларига тегишли жами суммага нисбатан айрим катта бўлган суммалар алоҳида ёритиб берилиши ва қолган бошқа катта бўлмаган суммалар битта сатрда бирлаштирилган ҳолда кўрсатилиши лозим.

Бошқа ёритиб бериладиган маълумотлар

- Б53 13В–13Д бандлардаги махсус талаб этиладиган маълумотлар минимал талаблар ҳисобланади. 13Б банддаги мақсадга эришиш учун ташкилот уларга кўшимча (сифат) маълумотларни ёритиб бериши талаб этилиши мумкин. Бундай маълумотларни соф асосда ҳисоб-китобни назарда тутадиган асосий келишув ва боғлиқ келишувларнинг шартларидан, шу жумладан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқларининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда уларнинг ташкилотнинг молиявий ҳолатига таъсири ёки потенциал таъсирга боғлиқ ҳолда ёритиб бериш талаб этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
34-ИЛОВА

8-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти Операцион сегментлар

Асосий тамойил

- 1 Ташкилот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ўзи шуғулланадиган тижорат фаолиятининг моҳияти ва молиявий таъсирларини ва у фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳитни баҳолаш имконини берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур МХХС қуйидагиларга нисбатан қўлланиши лозим:
- (а) ташкилотнинг қуйидагиларга жавоб берадиган алоҳида ёки индивидуал молиявий ҳисоботига:
 - (i) қарз ёки улушли инструментлари очик бозорда (ички ёки ташқи фонд биржалари ёки биржадан ташқари бозорларда, шу жумладан, маҳаллий ёки минтақавий бозорларда) савдо қилинадиган, ёки
 - (ii) очик бозорда бирор турдаги инструментларни чиқариш мақсадида ўзининг молиявий ҳисоботини қимматли қоғозлар бўйича комиссияга ёки бошқа назорат органига тақдим этган ёки тақдим этиш жараёнида бўлган; ва
 - (б) бош ташкилот иштирокидаги қуйидагиларга жавоб берадиган гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботига:
 - (i) қарз ёки улушли инструментлари очик бозорда (ички ёки ташқи фонд биржалари ёки биржадан ташқари бозорларда, шу жумладан, маҳаллий ёки минтақавий бозорларда) савдо қилинадиган, ёки
 - (ii) очик бозорда бирор турдаги инструментларни чиқариш мақсадида ўзининг молиявий ҳисоботини қимматли қоғозлар бўйича комиссияга ёки бошқа назорат органига тақдим этган ёки тақдим этиш жараёнида бўлган гуруҳ.
- 3 Агар мазкур МХХСни қўллаши талаб этилмайдиган ташкилот ушбу МХХС талабларига мувофиқ бўлмаган сегментлар тўғрисидаги маълумотни ёритиб беришни танласа, у бундай маълумотни сегментлар тўғрисидаги маълумот каби тавсифламаслиги лозим.
- 4 Агар молиявий ҳисобот ҳам бош ташкилотнинг мазкур МХХСнинг қўллаш доирасига кирувчи консолидациялашган молиявий ҳисоботини, ҳам шу бош ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботини ўз ичига олса, сегмент тўғрисида маълумот фақат консолидациялашган молиявий ҳисоботда талаб этилади.

Операцион сегментлар

- 5 Операцион сегмент қуйидагиларга жавоб берадиган ташкилотнинг компонентиدير:
- (а) тушум олинishi ва харажатлар сарфланиши мумкин бўлган тижорат фаолияти билан шуғулланадиган (шу жумладан, ушбу ташкилотнинг бошқа компонентлари билан боғлиқ операциялардан олинadиган тушумлар ва харажатлар),
 - (б) операцион натижалари ташкилотнинг операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи томонидан сегментга ресурсларни тақсимлаш ва унинг фаолияти натижаларини баҳолаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш мақсадида мунтазам равишда таҳлил қилинадиган, ва

- (в) алоҳида молиявий маълумотлари мавжуд бўлганларга нисбатан.
- Операцион сегмент олдиндан тушум келтирмайдиган тижорат фаолиятини амалга ошириши мумкин, масалан, дастлабки босқичдаги операциялар тушум олиншидан олдин операцион сегментлар бўлиши мумкин.
- 6 Ташкилотнинг ҳар бир қисми операцион сегмент ёки операцион сегментнинг қисми бўлиши талаб этилмайди. Масалан, бош офис ёки баъзи функционал бўлинмалар тушум келтирмаслиги мумкин ёки ташкилот учун қўшимча тушум келтириши мумкин ва улар операцион сегмент ҳисобланмайди. Мазкур МҲХС мақсадларида, ташкилотнинг меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастурлари операцион сегментлар ҳисобланмайди.
- 7 “Операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи” атамаси маълум бир лавозимдаги раҳбарни эмас, балки функцияни белгилайди. Ушбу функция ресурсларни тақсимлаш ва ташкилот операцион сегментларининг фаолияти натижаларини баҳолашдан иборат. Ташкилотнинг операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи қўпинча бош директор ёки бош ижрочи директор бўлади, лекин, масалан ижрочи директорлар ёки бошқа масъул шахслар гуруҳи ҳам бўлиши мумкин.
- 8 Кўпчилик ташкилотлар учун операцион сегментларнинг 5 бандда таърифланган учта хусусияти ушбу ташкилотнинг операцион сегментларини аниқ белгилаб беради. Лекин, ташкилот тижорат фаолияти ҳар хил усулларда акс эттирилган ҳисоботни тайёрлаши мумкин. Агар операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи биттадан ортиқ сегмент маълумотлари тўпламидан фойдаланса, бошқа омиллар, шу жумладан ҳар бир компонент бўйича тижорат фаолиятининг характери, ушбу компонентлар учун масъул бошқарувчиларнинг мавжудлиги ва директорлар кенгашига тақдим қилинган маълумот ташкилотнинг операцион сегментларидан ташкил топган компонентларнинг ягона тўпламини аниқлаб бериши мумкин.
- 9 Одатда, операцион фаолиятни, молиявий натижаларни, прогнозларни ёки сегментга тегишли режаларни муҳокама қилиш мақсадида ҳар бир операцион сегментнинг операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органига бевосита ҳисобдор бўлган ва у билан мунтазам алоқада бўлган сегмент бошқарувчиси мавжуд бўлади. “Сегмент бошқарувчиси” атамаси маълум бир лавозимдаги раҳбарни эмас, балки функцияни белгилайди. Операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи ҳам айрим операцион сегментлар учун сегмент бошқарувчиси бўлиши мумкин. Бир бошқарувчи бир нечта операцион сегментлар учун сегмент бошқарувчиси бўлиши мумкин. Агар 5-банддаги хусусиятлар ташкилотнинг бир нечта компонентлар тўпламига тегишли бўлса, лекин сегмент бошқарувчилари масъул бўлган фақат битта тўплам мавжуд бўлса, бундай компонентлар тўплами операцион сегментларни ташкил қилади.
- 10 Бошқарувчилар масъул бўлган икки ва ундан ортиқ бир-бирини қамраб олувчи компонентлар тўпламига нисбатан 5-банддаги хусусиятлар қўлланиши мумкин. Бундай тузилма баъзан матрицали ташкилий тузилма деб номланади. Масалан, айрим ташкилотларда баъзи бошқарувчилар бутун дунё бўйлаб турли хил маҳсулот ва хизматлар йўналишлари учун масъул бўлса, бошқа бошқарувчилар эса муайян географик минтақалар учун масъул бўлади. Операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи мунтазам равишда ҳар иккала компонентлар тўпламининг операцион натижаларини таҳлил қилади ва ҳар иккаласи учун молиявий маълумотлар мавжуд бўлади. Бундай ҳолда, ташкилот асосий тамойилни қўллаган ҳолда қайси компонентлар тўплами операцион сегментларни ташкил қилишини аниқлаб олиши лозим.

Ҳисобот сегментлари

- 11 Ташкилот куйидаги ҳар бир операцион сегмент тўғрисида алоҳида маълумот тақдим этиши лозим:
- (а) 5-10-бандларга мувофиқ аниқланган ёки 12-бандга мувофиқ икки ёки ундан ортиқ бундай сегментларни жамлаш натижаси бўлган, ва
- (б) 13-банддаги микдорий чегараловчи кўрсаткичлардан ошадиган.
- 14-19-бандлар операцион сегментлар тўғрисида алоҳида маълумотлар тақдим этилиши лозим бўлган бошқа ҳолатларни белгилайди.

Жамлаш мезонлари

- 12 Операцион сегментлар ўхшаш иқтисодий хусусиятларга эга бўлса, қўпинча ўхшаш узоқ муддатли молиявий натижаларни кўрсатади. Масалан, ўхшаш иқтисодий хусусиятларга эга бўлган иккита операцион сегментлар учун узоқ муддатли ўртача ялпи маржанинг ўхшаш бўлиши кутилади. Агар жамлаш мазкур МҲХСнинг асосий тамойилига мувофиқ бўлса, сегментлар ўхшаш иқтисодий

хусусиятларга эга бўлса ва сегментлар куйидаги муносабатларнинг ҳар бири бўйича ўхшаш бўлса, икки ёки ундан ортиқ операцион сегментлар бир операцион сегментда жамланиши мумкин:

- (а) маҳсулотлар ва хизматларнинг хусусияти;
- (б) ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусияти;
- (в) маҳсулотлар ва хизматлар харидорларининг тури ёки синфи;
- (г) маҳсулотларини тарқатиш ёки хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган усуллар; ва
- (д) агар қўлланиши мумкин бўлса, тартибга солиш соҳасининг хусусияти, масалан, банк, суғурта ёки коммунал хизматлар.

Миқдорий чегараловчи кўрсаткичлар

- 13 Ташкилот куйидаги миқдорий чегараловчи кўрсаткичларнинг ихтиёрий биттасига жавоб берадиган операцион сегментлар тўғрисидаги алоҳида маълумотларни тақдим этиши лозим:
- (а) Ташқи харидорларга сотишни ҳам, сегментлар аро сотишни ёки ўтказмаларни ўз ичига олган сегмент тақдим этилган тушуми барча операцион сегментларнинг ички ва ташқи умумлашган тушумларининг 10 фоизи ёки ундан кўпроғини ташкил қилади.
 - (б) Ҳисоботда келтирилган фойда ёки зарарнинг мутлақ суммаси, (i) барча зарар кўрмаган операцион сегментларнинг ҳисоботда тақдим этилган умумлашган фойдасининг ва (ii) барча зарар кўрган операцион сегментларнинг ҳисоботда тақдим этилган умумлашган зарарининг мутлақ суммасининг 10 фоизи ёки ундан кўпроғини ташкил қилади.
 - (в) сегментнинг активлари барча операцион сегментлар умумлашган активларининг 10 фоизи ва ундан кўпроғини ташкил қилади.
- Агар раҳбарият сегмент тўғрисидаги маълумотни молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун фойдали деб ҳисобласа, ҳеч бир миқдорий чегараловчи кўрсаткичларга жавоб бермайдиган операцион сегментлар ҳам ҳисоботда тақдим этилиши ва алоҳида ёритиб берилиши мумкин.
- 14 Агар операцион сегментлар ўхшаш иқтисодий хусусиятларга эга бўлганда ва 12-бандда келтирилган жамлаш мезонларининг қўп қисмига жавоб берганда, ташкилот ҳисобот сегментларини тайёрлаш мақсадида миқдорий чегараловчи кўрсаткичларга жавоб бермайдиган операцион сегментлар тўғрисидаги маълумотни миқдорий чегараловчи кўрсаткичларга жавоб бермайдиган бошқа операцион сегментлар билан жамлаши мумкин.
- 15 Агар операцион сегментларнинг тақдим этилган жами ташқи тушуми ташкилот тушумининг 75 фоизидан камроғини ташкил этса, ҳисобот сегментлари ташкилот тушумининг камида 75 фоизини ташкил қилгунга қадар ҳисобот сегментлари сифатида қўшимча операцион сегментлар аниқланиши лозим (ҳатто улар 13-банддаги мезонларга жавоб бермаса ҳам).
- 16 Бошқа тижорат фаолияти турлари ва ҳисобот берилмайдиган операцион сегментлар тўғрисидаги маълумот 28 бандда талаб қилинадиган солиштирмалардаги бошқа солиштириладиган моддалардан алоҳида “бошқа барча сегментлар” тоифасида жамланиши ва ёритиб берилиши лозим. “Бошқа барча сегментлар” тоифасига киритилган тушумлар манбалари тавсифланиши лозим.
- 17 Агар раҳбарият бевосита олдинги даврда ҳисобот сегменти сифатида аниқланган операцион сегмент аҳамиятли бўлиб қолади деб ҳисобласа, ушбу сегмент тўғрисидаги маълумот, агар у 13-банддаги ҳисобот сегментини тан олиш мезонига жавоб бермаса ҳам, жорий даврда алоҳида тақдим этишда давом эттириши лозим.
- 18 Агар операцион сегмент жорий даврда миқдорий чегараловчи кўрсаткичларга мувофиқ тарзда ҳисобот сегменти сифатида аниқланган бўлса, қиёсийлик мақсадларида олдинги давр учун тақдим этилган сегмент маълумотлари янги ҳисобот сегментини, ҳатто ушбу сегмент олдинги даврда 13 банддаги ҳисобот сегментини тан олиш мезонига жавоб бермаса ҳам, зарур маълумотни олишнинг имкони бўлмаган ва уни олиш учун амалга ошириладиган сарфлар жуда юқори бўлган ҳоллардан ташқари, алоҳида сегмент сифатида акс эттириш учун қайта ҳисобланиши лозим.
- 19 Сегментлар маълумоти ҳаддан ташқари батафсил бўлиши мумкинлигига олиб келмаслиги учун ташкилот алоҳида ёритиб берадиган ҳисобот сегментлари сонига амалий чегара қўйилиши мумкин. Аниқ чегара белгиланмаган бўлса ҳам, 13-18 бандларга мувофиқ ҳисоботда тақдим этиладиган сегментлар сони ўнтадан ошса, ташкилот амалий чегарага етган ёки етмаганини кўриб чиқиши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 20 Ташкилот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ўзи шуғулланадиган тижорат фаолиятининг моҳияти ва молиявий таъсирларини ва у фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳитни баҳолаш имконини берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 21 20-банддаги тамойилни амалга ошириш учун, ташкилот умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот тақдим этиладиган ҳар бир давр учун қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) 22-бандда тавсифланган умумий маълумотлар;
 - (б) ҳисоботда тақдим этиладиган сегмент фойдаси ёки зарари тўғрисидаги маълумот, шу жумладан 23-27-бандларда тавсифланганидек, ҳисоботда тақдим этиладиган сегмент фойдаси ёки зарари таркибига киритилган муайян тушумлар ва харажатлар, сегмент активлари, сегмент мажбуриятлари ва баҳолаш асослари; ва
 - (в) 28 бандда тавсифланганидек, сегмент тушумлари, ҳисоботда тақдим этиладиган сегмент фойдаси ёки зарари, сегмент активлари, сегмент мажбуриятлари ва бошқа муҳим сегмент моддалари умумий суммаларининг ташкилотнинг тегишли суммалари билан солиштирмалари.
- Ҳисобот сегментининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот суммаларини ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот суммалари билан солиштирмалари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот тақдим этиладиган ҳар бир санага талаб этилади. Ўтган даврлар учун маълумотлар 29 ва 30 бандларда тавсифланганидек, қайта ҳисобланиши лозим.

Умумий маълумот

- 22 Ташкилот қуйидаги умумий маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилотнинг ҳисобот сегментларини аниқлашда фойдаланилган омилларни, шу жумладан ташкилот тузилмасини (масалан, раҳбарият ташкилотни маҳсулотлар ва хизматлар орасидаги фарқ, географик ҳудудлар, тартибга солиш муҳити ёки омиллар комбинацияси асосида ташкил қилишни танлайдими, йўқми ва операция сегментлар жамланганми, йўқми);
 - (аа) 12 банддаги жамлаш мезонини қўллашда раҳбарият томонидан қабул қилинган мулоҳаза. Бунга ушбу йўл орқали жамланган операция сегментларнинг қисқача тавсифи ва жамланган операция сегментларнинг ўхшаш иқтисодий хусусиятга эга эканлигини аниқлашда баҳоланган иқтисодий кўрсаткичлар киради.
 - (б) ҳар бир ҳисобот сегментларига тушумлар келтирадиган маҳсулотлар ва хизматлар турлари.

Фойда ёки зарар, активлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги маълумот

- 23 Ташкилот ҳар бир ҳисобот сегменти учун фойда ёки зарар кўрсаткичларини тақдим этиши лозим. Агар ҳар бир ҳисобот сегменти учун активлар ва мажбуриятларнинг умумий кўрсаткичлари операция қарорларни қабул қилувчи бошқарув органига мунтазам равишда тақдим қилинса, ташкилот уларни ёритиб бериши лозим. Ташкилот, шунингдек, агар муайян суммалар операция қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи томонидан кўриб чиқиладиган сегмент фойдаси ёки зарари кўрсаткичларига киритилган бўлса ёки сегмент фойдаси ёки зарари кўрсаткичларига киритилмаган бўлса ҳам операция қарорларни қабул қилувчи бошқарув органига мунтазам равишда тақдим қилинса, ҳар бир ҳисобот сегменти бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилот харидорлардан олинадиган тушумлар;
 - (б) айна ташкилотнинг бошқа операция сегментлари билан операцияларидан олинган тушумлар;
 - (в) фоиз тушумлари;
 - (г) фоиз харажатлари;
 - (д) эскириш ва амортизация;
 - (е) 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”нинг (2007 йил таҳририда) 97-бандига мувофиқ ёритиб бериладиган даромадлар ва харажатларнинг муҳим моддалари;

- (ё) ташкилотнинг улушли қатнашиш усули асосида ҳисобланган таъсир остидаги ташкилотларнинг ва қўшма корхоналарининг фойдаси ёки зараридаги улуши;
- (ж) фойда солиғи харажати ёки даромади; ва
- (з) эскириш ва амортизациядан ташқари муҳим пулсиз моддалар.

Агар сегмент тушумининг асосий қисми фойздан ташкил топмаса ва операция қарорлар қабул қилувчи бошқарув органи сегмент фаолиятини баҳолашда ва сегментга тақсимланадиган ресурслар тўғрисида қарор қабул қилишда соф фойз тушумига асосланмаса, ташкилот ҳар бир ҳисобот сегменти бўйича фойз тушумларини фойз харажатларидан алоҳида тақдим этиши лозим. Бу ҳолатда ташкилот сегментнинг фойз тушумидан фойз харажатини чегирган ҳолда тақдим этиши ва буни ёритиб бериши мумкин.

- 24 Ташкилот, агар муайян суммалар операция қарорлар қабул қилувчи бошқарув органи томонидан қўриб чиқиладиган сегмент активлари кўрсаткичларига киритилган бўлса ёки сегмент активлари кўрсаткичларига киритилмаган бўлса ҳам операция қарорлар қабул қилувчи бошқарув органига мунтазам равишда тақдим қилинса, ҳар бир ҳисобот сегменти бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) улушли қатнашиш усули асосида ҳисобга олинган таъсир остидаги ташкилотлар ва қўшма корхоналардаги инвестициялар суммаси, ва
 - (б) молиявий инструментлар, кечиктирилган солиқ активлари, белгиланган тўловлар бўйича соф активлар (19-сон БХХС “*Ходимларнинг даромадлари*”га қаранг) ва суғурта шартномалари бўйича келиб чиқадиган ҳуқуқлардан ташқари узоқ муддатли активларга¹ киримлар суммалари.

Баҳолаш

- 25 Ҳисоботда келтирилган ҳар бир сегмент моддасининг суммаси сегментга ресурсларни тақсимлаш ва унинг фаолиятига баҳо бериш мақсадида операция қарорларни қабул қилувчи бошқарув органига тақдим этилган кўрсаткич бўлиши лозим. Ташкилотнинг молиявий ҳисоботини тузишдаги тузатишлар ва чиқариб ташлашлар ҳамда тушумлар, харажатлар, фойда ёки зарарларнинг тақсимланишлари, агар улар операция қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи томонидан фойдаланиладиган сегментнинг фойдаси ёки зарари кўрсаткичларига киритилган бўлса, ҳисоботда тақдим этилган сегментнинг фойда ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим. Худди шу каби, операция қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи томонидан фойдаланиладиган сегментнинг активлари ва мажбуриятлари кўрсаткичларига киритилган активлар ва мажбуриятлар ушбу сегмент ҳисоботида акс эттирилиши лозим. Агар суммалар ҳисобот сегменти фойдаси ёки зарарига, активлари ёки мажбуриятларига тақсимланадиган бўлса, бундай суммалар асосланган ҳолда тақсимланиши лозим.
- 26 Агар операция қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи сегментнинг фаолиятини баҳолашда ва ресурсларни қандай тақсимлаш бўйича қарор қабул қилишда операция сегментнинг фойдаси ёки зарари, сегмент активлари ёки мажбуриятларининг фақат бир кўрсаткичидан фойдаланса, сегмент фойдаси ёки зарари, активлари ва мажбуриятлари шу кўрсаткичларда тақдим этилиши лозим. Агар операция қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи операция сегмент фойдаси ёки зарари, сегмент активлари ёки мажбуриятларининг бир нечта кўрсаткичларидан фойдаланса, ёритиб бериладиган кўрсаткичлар, раҳбарият фикрига қўра, ташкилотнинг молиявий ҳисоботидаги тегишли суммаларни баҳолашда фойдаланиладиган усулга энг мос келадиган баҳолаш тамойилларига асосланиб аниқланган бўлиши лозим.
- 27 Ташкилот ҳар бир ҳисобот сегменти учун сегмент фойдаси ёки зарари, сегмент активлари ва мажбуриятлари кўрсаткичларига тушунтиришлар бериши лозим. Ташкилот камида қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ҳисобот сегментлари ўртасидаги ҳар қандай операциялар учун ҳисобга олиш асослари.
 - (б) ҳисобот сегменти фойдаси ёки зарарларининг ва ташкилотнинг фойда солиғи харажати ёки даромади ва тугатилган фаолиятдан олдинги фойдаси ёки зарарининг (агар 28-бандда таърифланган солиштирмалардан маълум бўлмаса) баҳолаш кўрсаткичлари ўртасидаги ҳар қандай фарқларнинг характери. Бундай фарқлар ҳисоб сиёсати ва тақдим қилинган сегмент маълумотларини тушуниш учун зарур бўлган марказлашган сарфларни тақсимлаш сиёсатини ўз ичига олиши мумкин.

¹ Ликвидлик тартибда тақдим этишга мувофиқ таснифланган активлар учун, узоқ муддатли активлар ҳисобот давридан кейин 12 ойдан ортиқ бўлган даврда қопланиши кутилаётган суммаларни ўз ичига оладиган активлардир.

- (в) ҳисобот сегменти активларининг ва ташкилот активларининг баҳолаш кўрсаткичлари ўртасидаги ҳар қандай фарқларнинг характери (агар 28-бандда тавсифланган солиштирмалардан маълум бўлмаса). Бундай фарқлар ҳисоб сиёсати ва тақдим қилинган сегмент маълумотларини тушуниш учун зарур бўлган биргаликда фойдаланиладиган активларни тақсимлаш сиёсатини ўз ичига олиши мумкин.
- (г) ҳисобот сегменти мажбуриятлари ва ташкилот мажбуриятларининг кўрсаткичлари ўртасидаги ҳар қандай фарқларнинг характери (агар 28-бандда тавсифланган солиштирмалардан маълум бўлмаса). Бундай фарқлар ҳисоб сиёсати ва тақдим қилинган сегмент маълумотларини тушуниш учун зарур бўлган биргаликда фойдаланиладиган мажбуриятларни тақсимлаш сиёсатини ўз ичига олиши мумкин.
- (д) ҳисоботда тақдим қилинган сегмент фойдаси ёки зарарини аниқлашда фойдаланиладиган баҳолаш усулларининг олдинги даврларга нисбатан ўзгаришларининг характери ва таъсири, агар мавжуд бўлса, бундай ўзгаришларнинг сегмент фойдаси ёки зарари кўрсаткичларига таъсири.
- (е) ҳисобот сегментларига ҳар қандай номутаносиб тақсимлашларнинг характери ва таъсири. Масалан, ташкилот тегишли эскириш ҳисобланадиган активларни сегментга тақсимламасдан, ушбу сегментга эскириш харажати тақсимлаши мумкин.

Солиштирмалар

28 Ташкилот қўйидагиларнинг барчаси бўйича солиштирмаларни тақдим этиши лозим:

- (а) ҳисобот сегментлари жами тушумининг ташкилот тушумига нисбатан.
- (б) ҳисобот сегментлари фойдаси ёки зарари кўрсаткичларининг жами суммасини ташкилотнинг фойда солиғи харажати (фойда солиғи даромади) ва тугатилган фаолиятдан олдинги фойдаси ёки зарарига нисбатан. Лекин, агар ташкилот ҳисобот сегментларига фойда солиғи харажати (фойда солиғи даромади) каби моддаларни тақсимласа, ташкилот ушбу моддаларни ҳисобга олган ҳолда, сегмент фойдаси ёки зарари кўрсаткичининг жами суммасини ташкилотнинг ушбу моддалардан кейинги фойда ёки зарарига нисбатан солиштириши мумкин.
- (в) агар сегмент активлари 23-бандга мувофиқ тақдим этилса, ҳисобот сегментлари активларининг жами суммасини ташкилотнинг активларига нисбатан.
- (г) агар сегмент мажбуриятлари 23-бандга мувофиқ тақдим этилса, ҳисобот сегментлари мажбуриятларининг жами суммасини ташкилотнинг мажбуриятларига нисбатан.
- (д) ҳисобот сегментларининг ёритиб берилган маълумотларининг ҳар бир муҳим моддаси бўйича жами суммалар ташкилотнинг тегишли суммасига нисбатан.

Барча солиштирилган муҳим моддалар алоҳида аниқланиши ва тавсифланиши лозим. Масалан, ҳисоб сиёсатидаги фарқлардан келиб чиқадиган, ҳисобот сегменти фойдаси ёки зарарини ташкилот фойдаси ёки зарарига нисбатан солиштириш учун зарур бўлган ҳар бир муҳим тузатиш суммаси алоҳида аниқланиши ва тавсифланиши лозим.

Олдин тақдим этилган маълумотни қайта ҳисоблаш

- 29 Агар ташкилот ички тузилмасини ўзининг ҳисобот сегментлари таркибини ўзгартиришга олиб келадиган тарзда ўзгартирган бўлса, олдинги даврлар, шу жумладан оралиқ даврларга тегишли маълумотлар, бундай маълумотни олишнинг имкони бўлмаган ва уни олиш учун амалга ошириладиган сарфлар жуда юқори бўлган ҳоллардан ташқари, қайта ҳисобланиши лозим. Маълумотни олишнинг имкони бўлмаслигини ва уни олиш учун амалга ошириладиган сарфлар жуда юқори бўлишини аниқлаш ёритиб бериладиган ҳар бир алоҳида модда учун амалга оширилиши лозим. Ҳисобот сегментларининг таркибидаги ўзгаришлардан сўнг, ташкилот олдинги даврлар учун сегмент маълумотларининг тегишли моддаларини қайта ҳисоблаганлигини ёки йўқлигини ёритиб бериши лозим.
- 30 Агар ташкилот ички тузилмасини ўзининг ҳисобот сегментлари таркибини ўзгартиришга олиб келадиган тарзда ўзгартирган бўлса ва агар ўтган даврлар, шу жумладан оралиқ даврлар учун сегмент маълумотлари ўзгаришларини акс эттириш учун қайта ҳисобланмаган бўлса, ташкилот сегмент маълумотини, бундай маълумотни олишнинг имкони бўлмаган ва уни олиш учун амалга ошириладиган сарфлар жуда юқори бўлган ҳоллардан ташқари, сегментлашнинг янги асосида ҳам, эски асосида ҳам ўзгаришлар юз берган йилнинг жорий даврида ёритиб бериши лозим.

Ташкилот миқёсидаги умумий маълумотларни ёритиб бериш

- 31 32-34 бандлар мазкур МХХС қўлланадиган барча ташкилотларга, шу жумладан фақат битта ҳисобот сегментига эга бўлган ташкилотларга нисбатан қўлланади. Баъзи ташкилотларнинг тижорат фаолияти тегишли маҳсулотлар ва хизматларнинг фарқлари ёки фаолият кўрсатаётган географик ҳудудлардаги фарқлар асосида ташкилот этилмайди. Бундай ташкилотнинг ҳисобот сегментлари умуман бир-бирдан фарқ қиладиган маҳсулотлар ва хизматлардан олинган тушумларни тақдим этиши мумкин ёки бир нечта ҳисобот сегментлари деярли бир хил маҳсулот ва хизматлар билан таъминлаши мумкин. Шу каби, ташкилотнинг ҳисобот сегментлари турли хил географик ҳудудларда активларга эга бўлиши ва турли хил географик ҳудудлардаги харидорлардан олинган тушумларни тақдим этиши ёки бир нечта ҳисобот сегментлари бир хил географик ҳудудда фаолият кўрсатиши мумкин. 32-34 бандларга асосан талаб этилган маълумот, агар бундай маълумот мазкур МХХС талабларига асосан ҳисобот сегментининг бир қисми сифатида тақдим этилмаса, ёритиб берилади.

Маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисидаги маълумот

- 32 Ташкилот ҳар бир маҳсулот ва хизмат тури бўйича ёки ўхшаш маҳсулот ва хизматларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича ташқи харидорлардан олинган тушумларни тақдим этиши лозим. Бундай маълумотни олишнинг имкони бўлмаганда ва уни олиш учун амалга ошириладиган сарфлар жуда юқори бўлганда, мазкур факт ёритиб берилиши лозим. Тақдим этилган тушумнинг суммалари ташкилотнинг молиявий ҳисоботини тайёрлашда фойдаланиладиган молиявий маълумотларга асосланиши лозим.

Географик ҳудудлар тўғрисидаги маълумот

- 33 Ташкилот маълумотни олишнинг имкони бўлмаган ва уни олиш учун амалга ошириладиган сарфлар жуда юқори бўлган ҳоллардан ташқари, қуйидаги географик ҳудудлар бўйича маълумотларни тақдим этиши лозим:

- (a) (i) ташкилот жойлашган мамлакатга тегишли бўлган ва (ii) ташкилот тушум оладиган бошқа барча хорижий мамлакатларга тегишли бўлган ташқи харидорлардан олинган тушумлар. Агар алоҳида хорижий мамлакатга тегишли бўлган, ташқи харидорлардан олинган тушумлар муҳим бўлса, бундай тушумлар алоҳида ёритиб берилиши лозим. Ташкилот ташқи харидорлардан олинган тушумларнинг алоҳида мамлакатларга тегишлилигини аниқлаш асосини ёритиб бериши лозим.
- (б) (i) ташкилот жойлашган мамлакатдаги ва (ii) ташкилот активларга эгалик қиладиган бошқа барча хорижий мамлакатларда жойлашган, молиявий инструментлар, кечиктирилган солиқ активлари, меҳнат фаолиятидан кейинги даромад активлари ва суғурта шартномалари бўйича келиб чиқадиган ҳуқуқлардан ташқари узоқ муддатли активлар². Агар алоҳида хорижий мамлакатдаги активлар муҳим бўлса, бундай активлар алоҳида ёритиб берилиши лозим.

Тақдим этилган суммалар ташкилотнинг молиявий ҳисоботини тайёрлашда фойдаланиладиган молиявий маълумотларга асосланиши лозим. Агар зарур маълумотни олишнинг имкони бўлмаса ва уни олиш учун амалга ошириладиган сарфлар жуда юқори бўлса, ушбу факт ёритиб берилиши лозим. Бу бандга асосан талаб этиладиган маълумотга қўшимча қилиб, ташкилот мамлакатлар гуруҳи бўйича географик ҳудудлар маълумотларининг оралик суммаларини келтириши мумкин.

Асосий харидорлар тўғрисидаги маълумот

- 34 Ташкилот асосий харидорларга боғлиқлиги даражаси тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим. Агар бир ташқи харидор билан операциялардан олинган тушумлар ташкилот тушумларининг 10 фоиз ва ундан кўпроғини ташкилот этса, ташкилот бу фактни, ҳар бир бундай харидордан олинган тушумларнинг жами суммасини ва ушбу тушумлар тегишли бўлган сегмент ёки сегментларни ёритиб бериши лозим. Ташкилот, асосий харидорнинг номини ёки ҳар бир сегмент эълон қиладиган ушбу харидордан олинган тушумларнинг суммасини ёритиб бериши талаб этилмайди. Мазкур МХХС мақсадларида, ҳисобот берувчи ташкилотга маълум бўлган умумий назорат остидаги ташкилотлар гуруҳи ягона харидор сифатида қаралиши лозим. Лекин, ҳисобот берувчи ташкилотга давлат назорати остидалиги маълум бўлган давлат органи (шу жумладан, давлат идоралари ва шунга ўхшаш ташкилотлар, шунингдек маҳаллий, миллий ёки халқаро ташкилотлар) ва ташкилотни ягона харидор

² Ликвидлик тартибида тақдим этишга мувофиқ таснифланган активлар учун, узоқ муддатли активлар ҳисобот давридан кейин 12 ойдан ортиқ бўлган даврда қопланиши кутилатган суммаларни ўз ичига оладиган активлардир.

сифатида қаралишига баҳо бериш учун мулоҳаза талаб этилади. Бунга баҳо беришда, ҳисобот берувчи ташкилот бундай ташкилотлар ўртасидаги иктисодий интеграция даражасини инобатга олиши лозим.

Ўтиш қоидалари ва кучга кириш санаси

- 35 Мазкур МҲХС ташкилотлар томонидан молиявий ҳисоботда 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу МҲХСни 2009 йилнинг 1 январидан олдин ўзининг молиявий ҳисоботида қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 35А 2009 йил апрель ойида эълон қилинган “*МҲХСларни такомиллаштиришлар*” бўйича 23-бандга ўзгартириш киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2010 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агарда ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 36 Қўллашнинг дастлабки йили (шу жумладан 2009 йил апрелда 23 бандга киритилган ўзгартиришни қўллаш) учун аввалги йиллар бўйича қиёсий маълумот сифатида тақдим этилган сегмент маълумотлари, зарур маълумотни олишнинг имкони бўлмаган ва уни олиш учун амалга оширилмаган сарфлар жуда юқори бўлган ҳоллардан ташқари, ушбу МҲХСнинг талабларига мувофиқлаштириш учун қайта ҳисобланиши лозим.
- 36А 1-сон БҲХС (2007 йил таҳририда) бўйича барча МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шу жумладан, 23 (е) бандга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ундан кейинги йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласа, ушбу ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 36Б 24-сон БҲХС “*Боглиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*” (2009 йил таҳририда) бўйича 34-бандга 2011 йил 1 январидан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун ўзгартириш киритилган. Агар ташкилот 24-сон БҲХС (2007 йил таҳририда)ни олдинги давр учун қўлласа, у 34-бандга ўзгартиришларни ушбу олдинги давр учун қўллаши лозим.
- 36В 2013 йил декабрь ойида эълон қилинган “*2010-2012 йиллар учун МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар*” бўйича 22 ва 28-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 июлдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

14-сон БҲХСнинг бекор қилиниши

- 37 Мазкур МҲХС 14-сон БҲХС “*Сегмент ҳисоботи*”нинг ўрнини эгаллайди.

А илова

Таърифланган атамалар

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

операцион сегмент	Операцион сегмент ташкилотнинг қуйидагиларга жавоб берадиган компонентиدير: <ul style="list-style-type: none">(a) тушум олинishi ва харажатлар сарфланиши мумкин бўлган тижорат фаолияти билан шуғулланадиган (шу жумладан, ушбу ташкилотнинг бошқа компонентлари билан боғлиқ операциялардан олинадиган тушумлар ва харажатлар),(б) операцион натижалари ташкилотнинг операцион қарорларни қабул қилувчи бошқарув органи томонидан сегментга ресурсларни тақсимлаш ва унинг фаолияти натижаларини баҳолаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш мақсадида мунтазам равишда таҳлил қилинадиган, ва(в) алоҳида молиявий маълумотлари мавжуд бўлганларга нисбатан.
--------------------------	---

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
35-ИЛОВА

9-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти *Молиявий инструментлар*

1-Боб. Мақсад

- 1.1 Мазкур МХХСнинг мақсади молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ташкилотнинг келгуси пул оқимларининг суммаси, вақти ва ноаниқлигини баҳолаш учун ўринли ва фойдали маълумот тақдим этадиган молиявий активларни ва молиявий мажбуриятларни молиявий ҳисоботда акс эттириш тамойилларини белгилашдан иборат.

2-Боб. Қўллаш доираси

- 2.1 Мазкур стандарт барча ташкилотлар учун ва барча турдаги молиявий инструментларга нисбатан қўлланиши лозим, қуйидагилар бундан мустасно:
- (а) 10-сон МХХС “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот*”, 27-сон БХХС “*Алоҳида молиявий ҳисобот*” ёки 28-сон БХХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*”га мувофиқ ҳисобга олинadиган шўъба ташкилотлар, ташкилотлар ва қўшма корхоналардаги улушлар. Лекин, айрим ҳолатларда 10-сон МХХС, 27-сон БХХС ёки 28-сон БХХС ташкилотнинг шўъба ташкилотидаги, таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улушини мазкур стандартнинг айрим ёки барча талаблари асосида юритишни талаб қилади ёки рухсат беради. Шунингдек, ташкилотлар мазкур стандартни шўъба ташкилотидаги, таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улуш бўйича деривативларга нисбатан, агар дериватив 32-сон БХХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиши*”даги ташкилотнинг хусусий капитали таърифига мос келмаса, қўллаши лозим. *Тақдим этиши*.
 - (б) 16-сон МХХС “*Ижара*” қўлланадиган ижара шартномалари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар. Лекин:
 - (i) ижарага берувчи томонидан тан олинган дебитор қарздорлик ва молиявий ижарага (яъни молиявий ижарага соф инвестициялар) ва оператив ижара бўйича дебитор қарздорликка нисбатан мазкур стандартнинг тан олишни бекор қилиш ва кадрсизланиш бўйича талаблари қўлланади;
 - (ii) ижарага олувчи томонидан тан олинган ижара бўйича мажбуриятларга нисбатан мазкур стандартнинг 3.3.1-бандидаги тан олишни бекор қилиш талаблари қўлланади; ва
 - (iii) ижара шартномасига бириктирилган деривативларга нисбатан мазкур стандартнинг бириктирилган деривативлар бўйича талаблари қўлланади.
 - (в) ходимлар даромадлари дастури асосида юзага келадиган иш берувчиларнинг 19-сон БХХС “*Ходимларнинг даромадлари*” талаблари қўлланадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
 - (г) ташкилот томонидан чиқарилган 32-сон БХХСдаги улушли инструмент таърифига мос келадиган (шу жумладан опцион ва варрантлар) ёки 32-сон БХХСнинг 16А ва 16Б ёки 16В ва 16Г бандлари асосида улушли инструмент сифатида таснифлаш талаб этилган молиявий инструментлар. Лекин, ушбу улушли инструментларнинг эгаси бундай инструментларга нисбатан, агар улар “а” кичик бандда кўрсатилган истиснога мос келмаса, мазкур стандартни қўллаши лозим;
 - (д) (i) ихтиёрий иштирок имконини берадиган хусусиятга эга бўлгани сабабли, 4-сон МХХС “*Суғурта шартномалари*”нинг қўллаш доирасидаги шартнома ёки (ii) молиявий кафолат шартномаси таърифига жавоб берадиган суғурта шартномасидан юзага келадиган эмитентнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан ташқари 4-сон

МХХСда таърифланган суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар. Лекин, агар деривативнинг ўзи 4-сон МХХСнинг қўллаш доирасидаги шартнома ҳисобланмаса, 4-сон МХХСнинг қўллаш доирасидаги шартномага бириктирилган деривативга нисбатан қўлланади. Бундан ташқари, агар молиявий кафолат шартномасини чиқарган тараф, илгари ошқора тарзда, ушбу шартномаларни суғурта шартномаси сифатида қарашини ва уларни ҳисобини суғурта шартномаларида қўлланадиган шартларда юритганда, ушбу тараф ўз хоҳишига кўра, ушбу молиявий кафолат шартномаларига нисбатан мазкур стандартни ёки 4-сон МХХСни (Б2.5-Б2.6-бандларни қаранг) қўллашни танлаши мумкин. Эмитент бундай танловни шартномалар бўйича амалга ошириши мумкин, лекин ҳар бир шартнома бўйича танлов кейинчалик ўзгартирилмайди.

- (е) 3-сон МХХС “*Бизнес бирлашувлари*”нинг қўллаш доирасида бўлган, келгуси харид қилиш санасида бизнес бирлашувидан юзага келадиган харид қилиш объектини сотиб олиш ёки сотиш бўйича харид қилувчи ва сотувчи акциядор ўртасидаги форвард шартномалари. Мазкур форвард шартномаларининг амал қилиш муддати, одатда барча талаб этилган рухсат ва операцияни якунлаш учун зарур одатий муддатдан ошмаслиги лозим.
 - (ё) қарз мажбуриятлари, 2.3-бандда кўрсатилган қарз бўйича мажбуриятлар бундан мустасно. Лекин, қарз мажбуриятини олган томон маълум бир сабабларга кўра, мазкур стандарт қўлланмайдиган қарз мажбуриятларига ҳам ушбу стандартнинг қадрсизланиш бўйича талабларни қўллаши лозим. Бундан ташқари, барча қарз мажбуриятларига мазкур стандартнинг тан олишни бекор қилиш бўйича талаблари тадбиқ этилади.
 - (ж) 2-сон МХХС “*Акцияга асосланган тўлов*” қўлланадиган акцияга асосланган тўлов бўйича операциялар доирасидаги молиявий инструментлар, бундан шартномалар ва мажбуриятлар, мазкур стандартнинг 2.4-2.7-бандлари кўрсатилган мазкур стандарт қўлланадиган шартномалар мустасно.
 - (з) 37-сон БХХС “*Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*”га мувофиқ тан олинган ёки 37-сон БХХСга мувофиқ илгари тан олинган баҳоланган мажбуриятлар бўйича ташкилот томонидан амалга ошириладиган, сарфларни қоплаш сифатида олинадиган тўловларга ҳуқуқлар.
 - (и) 15-сон МХХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*”ни қўллаш доирасидаги молиявий инструментлар ҳисобланадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, бундан 15-сон МХХСга мувофиқ мазкур стандартга мувофиқ ҳисобга олинадиганлар мустасно.
- 2.2 15-сон МХХСга мувофиқ мазкур стандарт асосида ҳисоби олинадиган ҳуқуқларнинг қадрсизланиши натижасидаги фойда ёки зарарларни тан олинишида мазкур стандартнинг қадрсизланиш бўйича талаблари қўлланади.
- 2.3 Мазкур стандарт қўллаш доирасидаги қуйидаги қарз мажбуриятларидан иборат:
- (а) ташкилот томонидан фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар сифатида белгиланадиган қарз мажбуриятлари (4.2.2-бандга қаранг). Тегишли қарзлар олинганидан сўнг қисқа вақт ичида қарз мажбуриятларидан келиб чиқадиган активларни сотиш бўйича олдинги тажрибага эга бўлган ташкилот мазкур стандартни бир хил синфдаги барча қарз мажбуриятларига нисбатан қўллаши лозим.
 - (б) бошқа молиявий инструмент чиқариш ёки ўтказиш орқали ёки пул маблағлари бўйича соф асосда сўндирилиши мумкин бўлган қарз мажбуриятлари. Мазкур қарз мажбуриятлари дериватив ҳисобланади. Қарз мажбуриятлари (масалан, қурилиш амалга оширилишига қараб, қисман бериладиган қурилиш бўйича ипотека кредити) бўлиб-бўлиб берилиши шартли асосидагина соф асосда сўндириладиган деб ҳисобланмайди.
 - (в) бозор фойз ставкасидан паст ставкада қарз мажбуриятлари (4.2.1(г) бандга қаранг).
- 2.4 Мазкур стандарт соф асосда пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент ёки бошқа молиявий инструментлар бўйича айирбошлаш орқали сўндирилиши мумкин бўлган номолиявий объектни сотиб олиш ёки сотиш бўйича шартномаларга нисбатан худди ушбу шартномалар молиявий инструментлар каби ҳисобланган ҳолда қўлланиши лозим, бундан ташкилотнинг харидлар, сотувлар ёки фойдаланишидаги қутилаётган эҳтиёжларига мувофиқ маълум бир номолиявий объектни келиб тушиши ёки жўнатилиши бўйича тузилган ва тутиб

- турилган шартномалар мустасно. Лекин, мазкур стандарт 2.5-бандга мувофиқ ташкилот томонидан фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланадиган шартномаларга нисбатан қўлланиши лозим.
- 2.5 Худди шартнома молиявий инструмент каби бўлгандек, соф асосда пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент ёки бошқа молиявий инструментлар бўйича айирбошлаш орқали сўндирилиши мумкин бўлган номолиявий объектни сотиб олиш ёки сотиш бўйича шартнома, у хатто ташкилотнинг харидлар, сотувлар ёки фойдаланишдаги кутилаётган эҳтиёжларига мувофиқ маълум бир номолиявий объектни келиб тушиши ёки жўнатилиши бўйича тузилган бўлса ҳам, кейинчалик қайта таснифлаш ҳуқуқисиз фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб таснифланиши мумкин. Мазкур белгилаш фақат шартнома тузилган ва у ушбу шартномани мазкур стандарт қўллаш доирасидан чиқарилганлиги сабаби билан тан олинмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган тан олишдаги номувофиқликни (баъзан “ҳисобдаги номувофиқлик” деб номланадиган) баргараф этиш ёки аҳамиятли даражада камайтиришга имконият берганда қўлланади (2.4-бандга қаранг).
- 2.6 Номолиявий объектни сотиб олиш ёки сотиш бўйича шартнома ҳар хил шароитларда соф асосда пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент ёки бошқа молиявий инструментлар бўйича айирбошлаш орқали сўндирилиши мумкин. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) шартнома шартлари бирор томонга нетто асосдаги пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструментлар билан сўндириш ёхуд молиявий инструментларни айирбошлаш орқали уни ҳисоб-китоб қилишга рухсат берганда;
 - (б) шартнома шартлари соф асосда пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент ёки бошқа молиявий инструментлар бўйича айирбошлаш орқали сўндирилишини бевосита назарда тутмаганда, лекин ташкилот ўхшаш шартномаларни соф асосда пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент ёки бошқа молиявий инструментлар бўйича айирбошлаш орқали сўндирганда, (бу контрагент билан ўзаро ҳисоб-китоб шартномаси тузиш ёки тегишли шартнома ижро этилгунга қадар ёки муддати тугагунга қадар сотиш йўли орқали);
 - (в) ўхшаш шартномалар бўйича ташкилот базавий активни олишни ва уни нархдаги қисқа ўзгаришлар ёки дилер маржаси эвазига қайта сотишни одатий амалга оширганда; ва
 - (г) шартнома предметини ташкил этган номолиявий объектни пул маблағларига тез айлантириш имкони бўлганда.
- (б) ёки (в) кичик бандларга мос келадиган шартномани, ташкилотнинг харидлар, сотувлар ёки фойдаланишдаги кутилаётган эҳтиёжларига мувофиқ маълум бир номолиявий объектни олиниши ёки жўнатилиши бўйича тузилган деб ҳисобланиши мумкин эмас. 2.4-банд тадбиқ этиладиган бошқа шартномалар ташкилотнинг харидлар, сотувлар ёки фойдаланишдаги кутилаётган эҳтиёжларига мувофиқ маълум бир номолиявий объектни олиниши ёки келиб тушиши бўйича тузилган ва ушлаб турилганлиги юзасидан ва шунга мувофиқ мазкур стандарт қўллаш доирасига кириши юзасидан баҳоланиши лозим.
- 2.7 2.6(а) ёки 2.6(г) бандларга мувофиқ соф асосда пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент ёки бошқа молиявий инструментлар бўйича айирбошлаш орқали сўндирилиши мумкин бўлган номолиявий объектни сотиб олиш ёки сотиш бўйича чиқарилган опцион мазкур стандартнинг қўллаш доирасига қиради. Бундай шартнома ташкилотнинг кутилаётган хариди, сотуви ёки фойдаланиш талабларига мувофиқ номолиявий объектни қабул қилиш ёки етказиб бериш мақсадида тузилиши мумкин эмас.

3-Боб. Тан олиш ва тан олишни бекор қилиш

3.1. Дастлабки тан олиш

- 3.1.1. Ташкилот молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни ўзининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида, ушбу ташкилот фақат инструмент бўйича шартноманинг томони бўлгандагина тан олиши лозим (Б3.1.1 ва Б3.1.2-бандларга қаранг). Ташкилот молиявий активни биринчи марта тан олганда, у ушбу активни 4.1.1–4.1.5-бандларга мувофиқ таснифлаши ҳамда 5.1.1 - 5.1.3 - бандларга мувофиқ баҳолаши лозим. Ташкилот молиявий мажбуриятни биринчи марта тан олганда, у ушбу мажбуриятни 4.2.1 ва 4.2.2-бандларга мувофиқ таснифлаши ҳамда 5.1.1-бандга мувофиқ баҳолаши лозим.

Молиявий активларни мунтазам харид қилиш ёки сотиш

- 3.1.2 *Молиявий активларнинг мунтазам харид қилиниши ёки сотилиши* мос равишда битим тузиш санасига ҳисобга олиш ёки сўндириш санасига ҳисобга олиш орқали тан олинishi ёки ҳисобдан чиқарилиши лозим (Б3.1.3–Б3.1.6-бандларга қаранг).

3.2 Молиявий активларни тан олинishiни бекор қилиш

- 3.2.1 Консолидациялашган молиявий ҳисобот тайёрлашда 3.2.2–3.2.9, Б3.1.1, Б3.1.2 ва Б3.2.1–Б3.2.17-бандлар консолидациялашган даражада қўлланади. Яъни, ташкилот биринчи навбатда барча шўъба ташкилотларнинг ҳисоботларини 10-сон МХХСга мувофиқ консолидация қилади ва бунинг натижасида шаклланган гуруҳ ҳисоботиغا нисбатан ушбу бандларни қўллайди.

- 3.2.2 Ташкилот 3.2.3–3.2.9-бандларга мувофиқ *тан олинishiни бекор қилиш* шартларини қўллаш лозимлигини ва қандай даражада қўллаш лозимлигини аниқлашдан олдин, ушбу бандлар молиявий активнинг бир қисмига (ёки ўхшаш молиявий активлар гуруҳининг бир қисмига) ёки бутун молиявий активга (ёки ўхшаш молиявий активларнинг гуруҳига) нисбатан қўллаш лозимлигини қуйидагича аниқлаши лозим.

- (а) 3.2.3–3.2.9-бандлари молиявий активнинг қисмига (ёки ўхшаш молиявий активлар гуруҳининг бир қисмига) нисбатан фақатгина шунда қўлланиладики, агар ҳисобдан чиқарилиши мўлжалланаётган қисм учун қуйидаги учта лозим бажарилса.

(i) Ушбу қисм фақат молиявий актив (ёки ўхшаш молиявий активларнинг гуруҳи) бўйича махсус аниқланган пул оқимларини ташкил этса. Масалан, ташкилот фоиз ставкаси “стрипи” бўйича шартнома тузиб, бунда шартнома томони ушбу қарз инструменти бўйича асосий сумма тўловларини эмас, балки фақат фоиз тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлганида, 3.2.3–3.2.9-бандлар фоиз тўловлари шаклидаги пул оқимларига нисбатан қўлланилади.

(ii) Ушбу қисм молиявий активдан (ёки ўхшаш молиявий активларнинг гуруҳидан) келадиган пул оқимларининг тўлиқ пропорционал улушини ташкил этса. Масалан, ташкилот шартнома томони қарз инструменти бўйича барча пул оқимларининг 90 фоизини олиш ҳуқуқига эга бўладиган келишув тузса, 3.2.3–3.2.9-бандлар ушбу пул оқимларининг 90 фоизига қўлланади. Агар шартнома томонлари бир нечта бўлса, активни ўтказадиган ташкилот тўлиқ мутаносиб улушга эга бўлиши шarti билан ҳар бир томон пул оқимларининг мутаносиб улушига эга бўлиши талаб этилмайди.

(iii) ушбу қисм фақат молиявий актив (ёки ўхшаш молиявий активларнинг гуруҳи) бўйича муайян аниқланган пул оқимларининг тўлиқ мутаносиб улушини ташкил этса. Масалан, ташкилот шартнома томони қарз инструменти бўйича фақат фоиз шаклидаги пул оқимларининг 90 фоизини олиш ҳуқуқига эга бўладиган келишув тузса, 3.2.3–3.2.9-бандлар ушбу фоиз шаклидаги пул оқимларининг 90 фоизига қўлланади. Агар шартнома томонлари бир нечта бўлса, активни ўтказадиган ташкилот тўлиқ мутаносиб улушга эга бўлиши шarti билан ҳар бир томон пул оқимларининг мутаносиб улушига эга бўлиши талаб этилмайди.

- (б) Бошқа барча ҳолларда, 3.2.3–3.2.9-бандлар бутун молиявий активга (ёки ўхшаш молиявий активларнинг бутун гуруҳига) нисбатан қўлланади. Масалан, ташкилот (i) молиявий активдан (ёки молиявий активларнинг гуруҳидан) бошида ёки охирида олинadиган пул оқимларининг 90 фоизини олиш ҳуқуқларини ўтказса, ёки (ii) дебиторлик қарзлари бўйича пул оқимларининг 90 фоизини олиш ҳуқуқларини ўтказса, лекин харидорга дебиторлик қарзлари бўйича асосий сумманинг 8 фоизигача бўлган кредит зарарларини қоплаб бериш кафолатини берса, 3.2.3–3.2.9-бандлар бутун молиявий активга (ёки ўхшаш молиявий активларнинг бутун гуруҳига) нисбатан қўлланади.

3.2.3–3.2.12-бандларда, “молиявий актив” атамаси юқоридаги (а) бандда таърифланган молиявий активнинг қисмини (ёки ўхшаш молиявий активлар гуруҳининг қисмини) ёки, бошқа ҳолатда, бутун молиявий активни (ёки ўхшаш молиявий активларнинг бутун гуруҳини) ифодалайди.

- 3.2.3 Ташкилот молиявий активни фақат ва фақат қуйидаги ҳолларда тан олинishiни бекор қилиши лозим:

- (a) молиявий активдан пул оқимларини олиш бўйича шартномавий ҳуқуқларнинг муддати тугаганда, ёки
- (b) 3.2.4 ва 3.2.5-бандларда белгиланганидек, молиявий активни ўтказганда ва 3.2.6-бандга мувофиқ активнинг ўтказилиши уни тан олишни бекор қилиниши шартларига мос келганда.
- (Молиявий активларнинг мунтазам сотилиши бўйича 3.1.2-бандга қаранг)
- 3.2.4 Ташкилот фақат қуйидаги ҳоллардан бирида молиявий активни ўтказган деб ҳисобланади:
- (a) молиявий активга тегишли пул оқимларини олиш бўйича шартномавий ҳуқуқларни ўтказган бўлса, ёки
- (b) молиявий активга тегишли пул оқимларини олиш бўйича шартномавий ҳуқуқларни сақлаб қолган бўлсада, лекин пул оқимларини бир ёки ундан ортиқ олувчиларга тўлаш бўйича шартномавий мажбуриятни 3.2.5-банддаги шартларга жавоб берадиган келишув бўйича ўз зиммасига олган бўлса.
- 3.2.5 Ташкилот молиявий активга (“бошланғич активга”) тегишли пул оқимларини олиш бўйича шартномавий ҳуқуқларни сақлаб қолганда, лекин пул оқимларини бир ёки ундан ортиқ олувчиларга (“яқуний олувчиларга”) тўлаш бўйича шартномавий мажбуриятни олганда, ушбу операцияни фақат қуйидаги учта шартлар бажарилганда молиявий активнинг ўтказилиши сифатида ҳисобга олади.
- (a) Ташкилот бошланғич активдан эквивалент суммаларни олмагунча, яқуний олувчиларга тўловларни амалга ошириш мажбуриятига эга бўлмаса. Ташкилот томонидан қисқа муддатли бўнақлар берилиши ва бунда қарзга берилган сумманинг ва бозор ставкаларида ҳисобланган фойзаларнинг тўлиқ қопланиши ушбу шартга зид бўлмайди.
- (b) Активни ўтказиш бўйича шартноманинг шартларига кўра, ташкилот томонидан бошланғич активнинг сотилиши ёки гаровга берилиши тақиқланган бўлса, бундан пул оқимларини тўлаш бўйича мажбуриятнинг таъминоти сифатида бошланғич активнинг яқуний олувчиларга берилиши мустасно.
- (b) Ташкилот яқуний олувчилар номидан йиғилган пул оқимларини муҳим даражада кечиктирмасдан ушбу олувчиларга ўтказиш мажбуриятига эга бўлса. Шу билан бирга, ташкилот бундай пул оқимларини қайта инвестиция қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бундан ушбу пул оқимларини олиш санасидан уларни яқуний олувчиларга ўтказиш лозим бўлган санагача қисқа давр ичида уларни пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларига (7-сон БХХС “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот”да таърифлангандек) инвестиция қилиш мустасно.
- 3.2.6 Ташкилот молиявий активни ўтказганда (3.2.4-бандга қаранг), у молиявий активга эгаллик билан боғлиқ рисклар ва мукофотларни қай даражада сақлаб қолганини баҳолаши лозим. Бундай ҳолатда:
- (a) агар ташкилот молиявий активга эгаллик билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни ўтказган бўлса, у молиявий активни тан олинишини бекор қилиши ҳамда ўтказишда юзага келган ёки сақлаб қолинган ҳар қандай ҳуқуқлар ва жавобгарликларни активлар ёки мажбуриятлар сифатида тан олиши лозим.
- (b) агар ташкилот молиявий активга эгаллик билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолган бўлса, у молиявий активни тан олишни давом эттириши лозим.
- (b) агар ташкилот молиявий активга эгаллик билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни ўтказмаган ва сақлаб қолмаган бўлса, у молиявий актив устидан назоратни сақлаб қолганини аниқлаши лозим. Бундай ҳолатда:
- (i) агар ташкилот назоратни сақлаб қолмаган бўлса, у молиявий активни тан олинишини бекор қилиши ҳамда ўтказишда юзага келган ёки сақлаб қолинган ҳар қандай ҳуқуқлар ва жавобгарликларни активлар ёки мажбуриятлар сифатида тан олиши лозим.
- (ii) агар ташкилот назоратни сақлаб қолган бўлса, у молиявий активда давом этаётган иштирок даражасида молиявий активни тан олишни давом эттириши лозим (3.2.16-бандга қаранг).
- 3.2.7 Рискларнинг ва мукофотларнинг ўтказилиши (3.2.6-бандга қаранг) ўтказилган актив бўйича соф пул оқимларининг суммаси ва вақтидаги ўзгарувчанлик ташкилотга ўтказишдан олдин ва ўтказишдан

кейин қай даражада таъсир қилганини солиштириш орқали баҳоланади. Агар молиявий активдан келадиган соф пул оқимларининг дисконтланган қийматидаги ўзгарувчанликнинг ташкилотга таъсири активни ўтказиш натижасида аҳамиятли даражада ўзгармаган бўлса (масалан, ташкилот молиявий активни қатъий белгиланган нархда ёки сотиш нархига кредиторнинг маржаси қўшилган ҳолда қайта сотиб олиш шарти билан сотгани туфайли), ташкилот молиявий активга эгалик билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолган деб ҳисобланади. Агар бундай ўзгарувчанликнинг таъсири молиявий актив билан боғлиқ келгуси соф пул оқимларининг дисконтланган қийматидаги жами ўзгарувчанликка нисбатан эндиликда аҳамиятли бўлмаса (масалан, ташкилот молиявий активни уни фақат қайта сотиб олиш пайтидаги ҳаққоний қиймати бўйича қайта сотиб олиш имкониятини берадиган опцион билан сотган бўлса ёки 3.2.5-банддаги шартларга жавоб берадиган келишувдаги, масалан кредитда иштирок этишдаги, каттароқ молиявий активдан олинадиган пул оқимларида тўлиқ пропорционал улушини ўтказган бўлса), ташкилот молиявий активга эгалик билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни ўтказган деб ҳисобланади.

- 3.2.8 Ташкилот эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни ўтказганлиги ёки сақлаб қолганлиги кўпинча аниқ бўлади ва бирор бир ҳисоблашларни амалга ошириш талаб этилмайди. Бошқа ҳолатларда, келгуси соф пул оқимларининг дисконтланган қийматидаги ўтказишдан олдинги ва кейинги ўзгарувчанликка ташкилотнинг мойиллигини ҳисоблаш ёки солиштириши зарур бўлади. Бундай ҳисоблаш ва солиштириш дисконт ставкаси сифатида тегишли жорий бозор фойз ставкасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бунда соф пул оқимларининг асосланган тарзда кутиш мумкин бўлган барча ўзгаришлари инobatга олинади ва юқорирок эҳтимолликка эга ўзгаришларга кўпроқ аҳамият берилади.
- 3.2.9 Ташкилот ўтказилган актив устидан назоратни сақлаб қолгани (3.2.6(в) бандга қаранг) ўтказилган томон ушбу активни сота олиши мумкинлигига боғлиқ бўлади. Агар актив ўтказилган томон ушбу активни боғлиқ бўлмаган учинчи томонга тўлиқ сотиш имкониятига эга бўлса ва ушбу имкониятдан яқка тартибда фойдаланиши мумкин бўлса, бунда ўтказишга нисбатан кўшимча чекловларни ўрнатиш талаб этилмаса, ташкилот назоратни сақлаб қолмаган деб ҳисобланади. Бошқа барча ҳолларда, ташкилот назоратни сақлаб қолган бўлади.

Тан олишни бекор қилиш мезонларига мос ўтказишлар.

- 3.2.10 Агар ташкилот тўлиқ тан олишни бекор қилиш талабларига жавоб берадиган ўтказиш жараёнида молиявий активни ўтказган бўлса ва ушбу молиявий актив бўйича ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳуқуқини сақлаб қолган бўлса, у ушбу хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича хизмат кўрсатиш активини ёки хизмат кўрсатиш мажбуриятини тан олиши лозим. Бунда олинадиган ҳақ ташкилот томонидан кўрсатилган хизматни етарлича қопламаслиги кутилганида, хизмат кўрсатиш мажбурияти унинг ҳаққоний қиймати бўйича тан олиниши лозим. Агар олинадиган ҳақ кўрсатилган хизматни етарлича қоплаш даражасидан кўпроқ суммада кутилса, хизмат кўрсатиш ҳуқуқи бўйича хизмат кўрсатиш активи 3.2.13-бандга мувофиқ каттароқ молиявий активнинг баланс қиймати тақсимланиши асосида аниқланган суммада тан олиниши лозим.
- 3.2.11 Агар активни ўтказиш натижасида, бутун молиявий актив тан олиниши бекор қилинса, лекин ўтказиш оқибатида ташкилот янги молиявий активни олса ёки янги молиявий мажбуриятни ёхуд хизмат кўрсатиш мажбуриятини қабул қилса, ташкилот ушбу молиявий активни ёки янги молиявий мажбуриятни ёхуд хизмат кўрсатиш мажбуриятини ҳаққоний қиймат бўйича тан олиши лозим.
- 3.2.12 Молиявий актив тан олиниши тўлиқ бекор қилинганда, қуйидагилар ўртасидаги фарқ:
- (а) баланс қиймати (тан олишни бекор қилиш санасида баҳоланган) ва
 - (б) ўтказилган актив эвазига олинган товон қиймати (шу жумладан, ҳар қандай олинган янги активдан ҳар қандай қабул қилинган янги мажбурият чегирилгандаги сумма)
- фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим.
- 3.2.13 Ўтказилган актив каттароқ молиявий активнинг бир қисми бўлганида (масалан, ташкилот қарз инструментининг бир қисми бўлган фойз шаклидаги пул оқимларини ўтказганида, 3.2.2(а) бандга қаранг) ва ўтказилган қисм тан олинишини тўлиқ бекор қилиш шартларига жавоб берганда, каттароқ молиявий активнинг олдинги баланс қиймати тан олиниши давом этадиган қисм ва тан олиниши бекор қилинадиган қисм ўртасида ушбу қисмларнинг активни ўтказиш санасидаги ҳаққоний қийматларига мутаносиб тарзда тақсимланиши лозим. Ушбу мақсадда, сақлаб қолинган хизмат кўрсатиш бўйича актив тан олиниши давом этаётган қисм сифатида ҳисобга олиниши лозим. Қуйидагилар ўртасидаги фарқ:

- (а) тан олинishi бекор қилинган қисмга тақсимланган баланс қиймати (тан олинishi бекор қилиш санасига баҳоланган) ва
- (б) тан олинishi бекор қилинган қисм эвазига олинган товоннинг қиймати (шу жумладан, ҳар қандай олинган янги активдан ҳар қандай қабул қилинган янги мажбурият чегирилган сумма)

фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим.

- 3.2.14 Ташкилот каттарок молиявий активнинг олдинги баланс қийматини тан олинishi давом этаётган қисм ва тан олинishi бекор қилинган қисм ўртасида тақсимлаганда, тан олинishi давом этаётган қисмнинг ҳаққоний қиймати баҳоланиши лозим. Ташкилот тан олинishi давом этаётган қисмга ўхшаш қисмларни сотиш тажрибасига эга бўлганда ёки бундай қисмлар бўйича бозорда бошқа операциялар мавжуд бўлганда, яқинда ҳақиқатда амалга оширилган операциялардаги охириги нархлар ҳаққоний қийматнинг энг тўғри ҳисоб баҳоси учун асос бўлади. Тан олинishi давом этаётган қисмнинг ҳаққоний қийматини асослаш учун нарх котировкалари ёки яқинда амалга оширилган бозор операциялари мавжуд бўлмаганида, ҳаққоний қийматнинг энг тўғри ҳисоб баҳоси бўлиб каттарок молиявий активнинг тўлиқ ҳаққоний қиймати билан актив ўтказилган томондан тан олинishi бекор қилинган қисм эвазига олинган товоннинг қиймати ўртасидаги фарқ хизмат қилади.

Тан олишни бекор қилиш мезонларига мос келмайдиган ўтказишлар

- 3.2.15 Агар активни ўтказиш ташкилот ўтказилган актив билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолгани туфайли ушбу активнинг тан олинishi бекор қилинишига олиб келмаса, ташкилот ўтказилган активни тўлиқлигача тан олишни давом эттириши ва унинг эвазига олинган товонни молиявий мажбурият сифатида тан олиши лозим. Кейинги даврларда, ташкилот ўтказилган актив бўйича ҳар қандай даромадни ва қабул қилинган молиявий мажбурият бўйича ҳар қандай харажатни тан олиши лозим.

Ўтказилган активларда давом этаётган иштирок

- 3.2.16 Ташкилот ўтказилган активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рискларни ва мукофотларни ўтказмаган ва сақлаб қолмаган бўлса ва ўтказилган актив устидан назоратни сақлаб қолган бўлса, ташкилот ўтказилган активни унда давом этаётган иштироки даражасида тан олишни давом эттиради. Ташкилотнинг ўтказилган активда давом этаётган иштироки даражаси, у ушбу ўтказилган активнинг қиймати ўзгариши таъсири остида бўлиши даражасини ифодалайди. Масалан:

- (а) ташкилотнинг давом этаётган иштироки даражаси ўтказилган активни кафолатлаш шаклини олганда, ташкилотнинг давом этаётган иштироки даражаси қуйидагилардан камроғига тенг бўлади: (i) активнинг суммаси ва (ii) ташкилот қайтариб тўлаб бериши талаб қилиниши мумкин бўлган олинган товоннинг максимал суммаси (“кафолат суммаси”).
- (б) ташкилотнинг давом этаётган иштироки ўтказилган актив бўйича чиқарилган ёки сотиб олинган опционнинг (ёки иккаласининг ҳам) шаклини олса, ташкилотнинг давом этаётган иштироки даражаси ушбу ташкилот қайта сотиб олиши мумкин бўлган ўтказилган активнинг суммасига тенг бўлади. Лекин, ҳаққоний қийматда баҳоланадиган актив бўйича чиқарилган “пут” опциони ҳолатида, ташкилотнинг давом этаётган иштирок даражаси ўтказилган активнинг ҳаққоний қиймати ва опционни амалга ошириш нархидан қайси бири камроқ бўлса, ўша қиймат билан чекланади (Б3.2.13-бандга қаранг).
- (в) Ташкилотнинг давом этаётган иштироки пул маблағлари билан сўндирилладиган опцион ёки ўтказилган актив бўйича ўхшаш лозим шаклини олганида, ташкилотнинг давом этаётган иштирок даражаси юқоридаги (б) бандда белгиланган пул маблағлари билан сўндирилмайдиган опцион ҳолатидаги каби баҳоланади.

- 3.2.17 Ташкилот активни ундаги давом этаётган иштирок даражасида тан олишни давом эттирганида, ушбу ташкилот актив билан боғлиқ бўлган мажбуриятни ҳам тан олади. Мазкур МХХСдаги баҳолаш бўйича бошқа талабларга қарамасдан, ўтказилган актив ва у билан боғлиқ мажбурият ташкилот сақлаб қолган ҳуқуқларни ва мажбуриятларни акс эттирадиган асосда баҳоланади. Боғлиқ бўлган мажбурият шундай қилиб баҳоланадики, бунда ўтказилган активнинг ва у билан боғлиқ мажбуриятнинг соф баланс қиймати:

- (а) агар ўтказилган актив амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланса, ташкилот томонидан сақлаб қолинган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг амортизацияланган қийматига тенг бўлади, ёки
- (б) агар ўтказилган актив ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланса, алоҳида баҳоланганида ташкилот томонидан сақлаб қолинган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматига тенг бўлади.
- 3.2.18 Ташкилот ўтказилган актив бўйича юзага келган ҳар қандай даромадни тан олишни унинг давом этаётган иштироки даражасида давом эттириши ва боғлиқ бўлган мажбурият бўйича пайдо бўлган харажатни тан олиши лозим.
- 3.2.19 Кейинги баҳолаш мақсадида, ўтказилган активнинг ва у билан боғлиқ мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги тан олинган ўзгаришлар 5.7.1-бандга мувофиқ изчил равишда ҳисобга олинади ва ўзаро ҳисоб-китоб қилинмаслиги лозим.
- 3.2.20 Ташкилотнинг давом этаётган иштироки фақат молиявий активнинг бир қисми бўлганда (масалан, ташкилот ўтказилган активнинг бир қисмини сотиб олиш опционини сақлаб қолганда ёки эғалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолишга олиб келмайдиган қолдиқ улушни сақлаб қолганда ва назоратни сақлаб қолганда), ушбу молиявий активнинг олдинги баланс қийматини унинг давом этаётган иштироки даражасида тан олиниши давом этаётган қисм ва бошқа тан олмайдиган қисм ўртасида ушбу қисмларнинг активни ўтказиш санасидаги ҳаққоний қийматларига мутаносиб равишда тақсимлаши лозим. Ушбу мақсадда, 3.2.14 банднинг талаблари қўлланади. Қуйидагилар ўртасидаги фарк:
- (а) бошқа тан олинмайдиган қисмга тақсимланган баланс қиймати (тан олинишини бекор қилиш санасида баҳоланган) ва
- (б) бошқа тан олинмайдиган қисм эвазига олинган товоннинг қиймати
- фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим.
- 3.2.21 Агар ўтказилган актив амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланса, мазкур МХХСда назарда тутилган ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларни фойда ёки зарарда ҳисобга олинмайдиган молиявий мажбурият сифатида ҳисобга олиш имконияти ушбу актив билан боғлиқ мажбуриятга тааллуқли бўлмайди.

Барча ўтказишлар

- 3.2.22 Агар ўтказилган активнинг тан олиниши давом эттирилса, ушбу актив ва у билан боғлиқ мажбурият ўзаро ҳисоб-китоб қилинмаслиги лозим. Шу каби, ташкилот ўтказилган актив бўйича юзага келадиган даромадни у билан боғлиқ мажбурият бўйича пайдо бўладиган харажат билан ўзаро ҳисоб-китоб қилмаслиги лозим (32-сон БХХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиш*”нинг 42-бандига қаранг).
- 3.2.23 Агар активни ўтказган томон пул маблағлари шаклида бўлмаган таъминотни (масалан қарз ёки улушли инструментлар бўйича таъминотни) актив ўтказилган томонга берса, улар томонидан таъминотнинг ҳисобга олиниши актив ўтказилган томон таъминотни сотиш ёки қайта гаровга бериш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда активни ўтказган томонда дефолт юз берганига боғлиқ бўлади. Активни ўтказган томон ва актив ўтказилган томон таъминотни қуйидагича ҳисобга олишлари лозим:
- (а) Агар актив ўтказилган томон шартнома ёки одатга қўра, таъминотни сотиш ёки қайта гаровга қўйиш ҳуқуқига эга бўлса, активни ўтказган томон ушбу активни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган бошқа активлардан алоҳида кўрсатиши лозим (масалан, кредитга берилган актив, гаровга берилган улушли инструментлар ёки қайта сотиб олинган дебиторлик қарзи сифатида).
- (б) Агар актив ўтказилган томон унга берилган таъминотни сотса, у сотишдан пул маблағлари келиб тушишини тан олиши ва таъминотни қайтариб бериш бўйича ҳаққоний қийматда баҳоланмайдиган мажбуриятни тан олиши лозим.
- (в) Агар активни ўтказган томон шартнома шартларини бажармаса ва таъминотни қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлмаса, у гаровга берилган активларни тан олинишини бекор қилиши лозим, актив ўтказилган томон эса таъминотни дастлаб ҳаққоний қийматда баҳоланмайдиган актив сифатида тан олиши лозим ёки у таъминотни олдин сотиб бўлган бўлса, таъминотни қайтариб бериш бўйича мажбуриятни тан олинишини бекор қилиши лозим.

- (г) (в) кичик бандда келтирилган ҳолатдан ташқари ҳолларда, актив ўтказилган томон таъминотни актив сифатида тан олишни давом эттириши лозим ва активни ўтказган томон таъминотни актив сифатида тан олмаслиги лозим.

3.3. Молиявий мажбуриятларни тан олинишини бекор қилиш

- 3.3.1 Ташкилот молиявий мажбуриятни (ёки унинг бир қисмини) фақат ва фақат 9-сон МХХСнинг 3.3.1-бандига мувофиқ сўндирилганда, яъни шартномада белгиланган мажбурият чиқариб ташланган, бекор қилинган ёки муддати ўтганда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқариши лозим.
- 3.3.2 Мавжуд қарз олувчи ва қарз берувчи ўртасида аҳамиятли даражада фарқланадиган шартларга эга қарз инструментлари айирбошланиши бошланғич молиявий мажбурият сўндирилиши сифатида ҳисобга олиниши ва янги молиявий мажбурият тан олиниши лозим. Шу каби, мавжуд молиявий мажбуриятнинг ёки унинг бир қисмининг (қарздорнинг молиявий қийинчилигига боғлиқ бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар) шартлари аҳамиятли даражада ўзгартирилиши бошланғич молиявий мажбуриятнинг сўндирилиши сифатида ҳисобга олиниши ва янги молиявий мажбурият тан олиниши сифатида ҳисобга олиниши лозим.
- 3.3.3 Сўндирилган ёки бошқа томонга ўтказилган молиявий мажбуриятнинг (ёки молиявий мажбурият бир қисмининг) баланс қиймати ва у бўйича тўланган товоннинг, шу жумладан пул маблағлари шаклида бўлмаган активларнинг ўтказилиши ёки мажбуриятларнинг қабул қилиниши ўртасидаги фарқ фойда ёки зарарда ҳисобга олиниши лозим.
- 3.3.4 Агар ташкилот молиявий мажбуриятнинг бир қисмини қайта сотиб олса, у молиявий мажбуриятнинг олдинги баланс қийматини тан олиниши давом этаётган қисм ва тан олиниши бекор қилинган қисм ўртасида ушбу қисмларнинг қайта сотиб олиш санасидаги ҳаққоний қийматларига мутаносиб равишда тақсимланиши лозим. Қуйидаги фарқ, яъни (а) тан олиниши бекор қилинган қисмга тақсимланган баланс қиймати ва (б) тўланган товоннинг, шу жумладан пул маблағлари бўлмаган ўтказилган активларнинг ёки қабул қилинган мажбуриятларнинг қиймати ўртасидаги фарқ тан олиниши бекор қилинган қисм бўйича фойда ёки зарарда тан олиниши лозим.
- 3.3.5 *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутуди ва шунинг учун ушбу тахрирда келтирилмаган.]*

4-Боб. Таснифлаш

4.1 Молиявий активларнинг таснифланиши

- 4.1.1 4.1.5-банд қўлланган ҳолатдан ташқари ҳолларда, ташкилот молиявий активларни кейинги баҳолашда қуйидаги шартларга асосланиб, амортизацияланган қийматда баҳоланадиган, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган ёхуд бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар сифатида таснифлаши лозим:
- (а) ташкилотнинг молиявий активларни бошқариш бўйича бизнес модели; ва
- (б) молиявий актив бўйича шартномавий пул оқимларининг хусусиятлари.
- 4.1.2 Молиявий актив, қуйидаги ҳар икки шарт бажарилганда, амортизацияланган қийматда баҳоланиши лозим:
- (а) активлар шартномада назарда тутилган пул оқимларини олиш учун тутиб турилиши мақсад қилинган бизнес модель доирасида тутиб турилади ва
- (б) молиявий актив бўйича шартноманинг шартларига кўра, белгиланган саналарда фақат асосий қарз суммаси тўловлари ва сўндирилмаган асосий қарз суммасига ҳисобланган фонз тўловларидан иборат пул оқимлари олинади.
- Б4.1.1–Б4.1.26-бандларда ушбу шартлар қандай қилиб қўлланиши лозимлиги юзасидан кўрсатмалар берилган.
- 4.1.2А Молиявий актив, қуйидаги ҳар икки шарт бажарилганда, бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши лозим:
- (а) молиявий актив шартномада назарда тутилган пул оқимларини олиш учун ёки молиявий активни сотиш орқали мақсад қилинган бизнес модель доирасида тутиб турилади ва

- (б) молиявий актив бўйича шартноманинг шартларига кўра, белгиланган саналарда фақат асосий қарз суммаси тўловлари ва сўндирилмаган асосий қарз суммасига ҳисобланган фоиз тўловларидан иборат пул оқимлари олинади.

Б4.1.1–Б4.1.26-бандларда ушбу шартлар қандай қилиб қўлланиши лозимлиги юзасидан кўрсатмалар берилган.

4.1.3 4.1.2(а) ва 4.1.2А(б) кичик бандларни қўллаш мақсадида:

- (а) асосий қарз суммаси – бу молиявий активнинг дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймати. Б4.1.7Б-бандда “қарзнинг асосий суммаси” маъноси бўйича қўшимча кўрсатма берилган.

- (б) фоизлар ўз ичига пулнинг вақт қиймати учун ҳамда маълум давр оралиғида сўндирилмаган асосий қарз суммаси билан боғлиқ кредит рисқи учун ва кредитлаш билан боғлиқ бўлган бошқа одатдаги рисклар ва сарфлар, шунингдек, фойда маржаси учун олинандиган ҳақдир. Б4.1.7А ва Б4.1.9А–Б4.1.9Д бандларда “фоизлар”, шу жумладан пулнинг вақт қиймати маъноси бўйича қўшимча кўрсатмалар берилган;

4.1.4 Молиявий актив, агар у 4.1.2-бандга мувофиқ амортизацияланган қийматда ёки 4.1.2.А бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланмаса, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши лозим. Лекин, ташкилот фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши мумкин бўлган улушли инструментларга айрим инвестицияларни дастлабки тан олишда уларни, ўз ихтиёрига кўра қайта ўзгартирмаслик шarti билан ҳаққоний қийматдаги кейинги ўзгаришларни бошқа умумлашган даромад таркибида кўрсатиши мумкин (5.7.5–5.7.6-бандларга қаранг).

Ташкилотнинг молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган каби таснифлаш имконияти

4.1.5 4.1.1–4.1.4-бандлардаги ҳолатлардан ташқари ҳолларда, ташкилот молиявий активни дастлабки тан олишда кейинчалик қайта таснифлаш ҳуқуқисиз фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий актив сифатида белгилаши мумкин, башарти бундай белгилаш баҳолаш ёки тан олиш тамойилларининг қўлланишидаги ноизчилликни бартараф этса ёки аҳамиятли даражада камайтирса. Бундай ноизчиллик (баъзида ‘ҳисобдаги номувофиқлик’ деб ҳам юритилади) активларни ёки мажбуриятларни бошқа-бошқа асосларда баҳолаш ёки фойда ёки зарарларни бошқа-бошқа асосларда тан олиш натижасида келиб чиқиши мумкин (Б4.1.29– Б4.1.32-бандларга қаранг).

4.2 Молиявий мажбуриятларнинг таснифланиши

4.2.1 Ташкилот барча молиявий мажбуриятларни кейинги баҳолашда амортизацияланган қийматда баҳоланадиган мажбуриятлар сифатида таснифлаши лозим. Бундан қуйидагилар мустасно:

- (а) *фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматида баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар.* Бундай мажбуриятлар, шу жумладан мажбуриятлар бўлиб ҳисобланадиган *деривативлар*, кейинчалик ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланиши лозим.
- (б) молиявий активнинг ўтказилиши тан олишни бекор қилиш шартларига жавоб бермаганда ёки давом этаётган иштирок ёндашуви қўлланганда юзага келадиган молиявий мажбуриятлар. Бундай молиявий мажбуриятларга нисбатан 3.2.15 ва 3.2.17-бандлар қўлланади.
- (в) *молиявий кафолат шартномалари.* Дастлабки тан олишдан кейин, бундай шартноманинг эмитенти (4.2.1(а) ёки (б) бандлар қўлланмаса) кейинчалик ушбу шартномани қуйидаги иккита суммадан катгароғи билан баҳолаши лозим:
- (i) 5.5-бўлимга мувофиқ аниқланган *зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв суммаси*, ва
- (ii) ўринли бўлганда, 15-сон МХХСдаги тамойилларга мувофиқ тан олинган даромаднинг умумий суммаси чегирилган ҳолда, дастлабки тан олинган суммаси (5.1.1-бандга қаранг).
- (г) қарзни бозор ставкасидан паст фоиз ставкасида бериш мажбурияти. Дастлабки тан олишдан кейин, бундай мажбуриятни чиқарган томон (4.2.1(а) банд қўлланмаса)

кейинчалик ушбу мажбуриятни қуйидаги иккита суммадан каттароғи билан баҳолаши лозим:

- (i) 5.5-бўлимга мувофиқ аниқланган зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв суммаси, ва
 - (ii) ўринли бўлганда, 15-сон МХХСдаги тамойилларга мувофиқ тан олинган даромаднинг умумий суммаси чегирилган ҳолда, дастлабки тан олинган суммаси (5.1.1-бандга қаранг).
- (д) 3-сон МХХС қўлланадиган бизнес бирлашувида харид қилувчи томонидан тан олинган шартли товон. Бундай шартли товон келгусида ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланади ва ўзгариши фойда ёки зарарларда тан олинади.

Молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган каби таснифлаш имконияти

4.2.2 Ташкилот дастлабки тан олишда молиявий мажбуриятни қайта таснифлаш ҳуқуқсиз фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият сифатида белгилаши мумкин, башарти бу 4.3.5-бандда рухсат этилган бўлса ёки бундай қилиш қуйидагилар туфайли ўринлироқ маълумотни тақдим этса:

- (а) бундай белгилаш баҳолаш ёки тан олиш тамойилларининг қўлланишидаги ноизчилликни бартараф этса ёки аҳамиятли даражада камайтурса. Бундай ноизчиллик (баъзида ‘ҳисобдаги номувофиқлик’ деб ҳам юритилади) активларни ёки мажбуриятларни бошқа-бошқа асосларда баҳолаш ёки фойда ёки зарарларни бошқа-бошқа асосларда тан олиш натижасида келиб чиқиши мумкин (Б4.1.29– Б4.1.32-бандларга қаранг).
- (б) молиявий мажбуриятларнинг гуруҳи ёки молиявий активларнинг ва молиявий мажбуриятларнинг гуруҳи рискларни бошқариш ва инвестиция қилиш бўйича ҳужжатлаштирилган стратегияга мувофиқ ҳаққоний қиймат асосида бошқарилади ҳамда гуруҳ бўйича натижалар ҳаққоний қиймат асосида баҳоланади, гуруҳ тўғрисидаги маълумот ушбу асосда ташкилотнинг муҳим бошқарув ходимида (24-сон БХХС “Ўзаро боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш” да таърифланганидек), масалан ташкилотнинг директорлар кенгаши ва бош директорга ички тақдим этилади (Б4.1.33-Б4.1.36-бандларга қаранг).

4.3 Бириктирилган деривативлар

4.3.1 Бириктирилган дериватив гибрид шартнома компоненти бўлиб, у ўз ичига, шунингдек, алоҳида деривативда юз бериши каби бирлашган инструментнинг пул оқимлари ўзгаришини келтириб чиқарадиган нодериватив асосий шартномани олади. Бириктирилган дериватив натижасида шартнома бўйича талаб қилиниши мумкин бўлган пул оқимларининг айримлари ёки барчаси белгиланган фоиз ставкаси, молиявий инструментнинг нархи, товарларнинг нархи, валюта курслари, нархлар индекси ёки курслари, кредит рейтинги ёки кредит индекси, ёки бошқа ўзгарувчан кўрсаткичга боғлиқ равишда ўзгаради, бунда номолиявий ўзгарувчан кўрсаткич ҳолатида ушбу ўзгарувчан кўрсаткич шартноманинг бирор томонига хос бўлмаслиги лозим. *Молиявий инструментга* боғлиқ бўлган, лекин бу инструментдан шартнома бўйича мустақил равишда бошқа томонга ўтказилиши мумкин бўлган ёки ушбу инструмент бўйича шартноманинг томони бўлмаган томон иштирокини назарда тутадиган дериватив бириктирилган дериватив бўлиб эмас, балки алоҳида молиявий инструмент бўлиб ҳисобланади.

Асосий шартнома молиявий актив сифатида ҳисобга олинадиган гибрид шартномалар

4.3.2 Агар гибрид шартнома мазкур МХХСнинг қўллаш доирасидаги актив бўлиб ҳисобланадиган асосий шартномани ўз ичига олса, ташкилот 4.1.1–4.1.5-бандлардаги талабларни бутун гибрид шартномасига нисбатан қўллаши лозим.

Бошқа гибрид шартномалар

- 4.3.3 Агар гибрид шартнома мазкур МХХСнинг қўллаш доирасидаги актив бўлиб ҳисобланмайдиган асосий шартномани ўз ичига олса, бириктирилган дериватив асосий шартномадан ажратилиши ва мазкур МХХС бўйича алоҳида дериватив сифатида фақат ва фақат қуйидаги ҳолатларда ҳисобга олинishi лозим:
- (а) бириктирилган деривативнинг иқтисодий хусусиятлари ва рисклари асосий шартноманинг иқтисодий хусусиятлари ва рискларига чамбарчас боғлиқ бўлмаса (Б4.3.5 ва Б4.3.8-бандларга қаранг);
 - (б) бириктирилган деривативнинг шартлари каби шартларга эга алоҳида инструмент дериватив таърифига мос келса; ва
 - (в) гибрид шартномаси ўзгаришлари фойда ёки зарарда ҳисобга олинadиган ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланмаса (яъни, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланadиган молиявий мажбуриятга бириктирилган дериватив алоҳида ажратилмаса).
- 4.3.4 Агар бириктирилган дериватив алоҳида ажратилса, асосий шартнома тегишли МХХСга мувофиқ ҳисобга олинishi лозим. Мазкур МХХС бириктирилган деривативнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида акс эттирилиши лозимлиги ёки лозим эмаслигини белгиламайди.
- 4.3.5 4.3.3 ва 4.3.4-бандлардан қатъий назар, агар шартнома бир ёки undan ортиқ бириктирилган деривативларни ўз ичига олса, ҳамда асосий шартнома мазкур Стандартнинг қўллаш доирасидаги актив бўлиб ҳисобланмаса, ташкилот бутун гибрид шартномасини, қуйидаги ҳолатлардан ташқари ҳолларда, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланadиган инструмент сифатида белгилаши мумкин:
- (а) бириктирилган дериватив(лар) пул оқимларини, шартнома бўйича акс ҳолда талаб қилиниши мумкин бўлган пул оқимларининг ўзгаришига нисбатан аҳамиятли даражада ўзгартирмайди; ёки
 - (б) таҳлил ўтказмасдан ёки бироз таҳлил билан ўхшаш гибрид инструментнинг дастлабки кўриб чиқилишида бириктирилган дериватив(лар)ни ажратиш мумкин эмаслиги, масалан, қарздорга қарзни унинг амортизацияланган қийматида деярли тенг қийматда олдиндан тўлашга рухсат берадиган олдиндан тўлаш опцион қарзга бириктирилган бўлса, маълум бўлади.
- 4.3.6 Агар мазкур МХХС ташкилотда бириктирилган деривативни асосий шартномадан алоҳида ажратишни талаб этса, лекин ташкилот бириктирилган деривативни харид қилиш санасида ҳам кейинги молиявий ҳисобот даврининг охирида ҳам алоҳида баҳолай олмаса, у бутун гибрид шартномасини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланadиган шартнома сифатида белгилаши лозим.
- 4.3.7 Агар ташкилот бириктирилган деривативни унинг шартларидан келиб чиқиб ҳаққоний қиймати бўйича ишончли тарзда баҳолай олмаса, бириктирилган деривативнинг ҳаққоний қиймати гибрид шартномасининг ҳаққоний қиймати билан асосий шартноманинг ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарққа тенг бўлади. Агар ташкилот ушбу усулдан фойдаланган ҳолда бириктирилган деривативнинг ҳаққоний қийматини баҳолай олмаса, 4.3.6-банд қўлланади ва гибрид шартномаси фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланadиган шартнома сифатида белгиланади.

4.4 Қайта таснифлаш

- 4.4.1 Ташкилот фақат ва фақат молиявий активларни бошқариш бўйича бизнес моделини ўзгартирганда, у ушбу ўзгаришлар таъсир кўрсатган барча молиявий активларни 4.1.1–4.1.4-бандларга мувофиқ қайта таснифлаши лозим. Молиявий активларни қайта таснифлаш бўйича қўшимча кўрсатма олиш учун 5.6.1–5.6.7, Б4.4.1–Б4.4.3 ва Б5.6.1–Б5.6.2-бандларга қаранг.
- 4.4.2 Ташкилот бирорта молиявий мажбуриятни қайта таснифламаслиги лозим.
- 4.4.3 Ҳолатлардаги қуйидаги ўзгаришлар 4.4.1 ва 4.4.2-бандлар мақсадида қайта таснифлаш бўлиб ҳисобланмайди:
- (а) Олдин пул оқимини хежлашда ёки соф инвестиция хежида белгиланган ва самарали хежлаш инструменти бўлиб ҳисобланган дериватив бундай инструментнинг шартларига ортиқ мос келмаса.

- (б) дериватив эндиликда пул оқимини хежлашда ёки соф инвестиция жежида белгиланган ва самарали хежлаш инструментига айланса.
- (в) 6.7-бобга мувофиқ баҳолаш тартиби ўзгарса.

5-Боб Баҳолаш

5.1 Дастлабки баҳолаш

- 5.1.1 Дастлабки тан олишда, ташкилот молиявий активни ёки молиявий мажбуриятни, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланмайдиган молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳолатида, молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни харид қилиш ёки чиқариш билан бевосита боғлиқ операция бўйича сарфлар қўшилган ёки чегирилган ҳолда ҳаққоний қийматда тан олиши лозим, бундан 5.1.3-банд талабларига мос келадиган савдога оид дебиторлик қарздорлиги мустасно.
- 5.1.1А Лекин, агар молиявий активнинг ёки молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати уни дастлабки тан олишда операциянинг нархидан фарқ қилса, ташкилот Б5.1.2А бандни қўллаши лозим.
- 5.1.2 Ташкилот кейинги баҳолашда амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланадиган активни ҳисоб-китоб санасига ҳисобга олиш ёндашувидан фойдаланса, ушбу актив дастлаб унинг битим тузиш санасидаги ҳаққоний қиймати бўйича тан олиниши лозим (Б3.1.3–Б3.1.6-бандларга қаранг).
- 5.1.3 Агар савдога оид дебитор қарздорлик 15-сон МХХСга мувофиқ аҳамиятли молиялаштириш компонентига эга бўлмаса (ёки ташкилот 15-сон МХХСнинг 63-бандида назарда тутилган амалий характердаги соддалаштиришни қўлласа), 5.1.1-банд талабларига қарамадан дастлабки тан олишда ташкилот савдога оид дебитор қарздорликни операция нархи (15-сон МХХСда таърифланганидек) бўйича баҳолаши лозим.

5.2 Молиявий активларнинг кейинги баҳолаши

- 5.2.1 Ташкилот молиявий активни дастлаб тан олганидан кейин, уни 4.1.1–4.1.5-бандларга мувофиқ:
 - (а) амортизацияланган қийматда;
 - (б) бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда; ёки
 - (в) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим.
- 5.2.2 Ташкилот 4.1.2-бандга мувофиқ амортизацияланган қийматда баҳоланадиган ва 4.1.2А бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активларга нисбатан 5.5 бобда келтирилган қадрсизланиш бўйича талабларни қўллаши лозим.
- 5.2.3 Ташкилот хежланган модда сифатида белгилаган молиявий активга (физ ставкаси рискларини портфель хежлашда ҳаққоний қиймат жежини ҳисобга олишда 39-сон БХХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш” даги 89-94-бандларни ҳам қўллаш мумкин бўлганда) нисбатан 6.5.8-6.5.14-бандларнинг хежлаш ҳисоби талабларини қўллаши лозим.¹

5.3 Молиявий мажбуриятларнинг кейинги баҳолаши

- 5.3.1 Дастлабки тан олишдан кейин, ташкилот молиявий мажбуриятни 4.2.1–4.2.2-бандларга мувофиқ баҳолаши лозим.
- 5.3.2 Ташкилот хежланган модда сифатида белгилаган молиявий мажбуриятга нисбатан 6.5.8-6.5.1-бандларнинг хежлаш ҳисоби талабларини (агар қўллаш мумкин бўлса, физ ставкаси рискларини портфель хежлашга нисбатан ҳаққоний қийматда хежлашни ҳисобга олишда 39-сон БХХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”нинг 89-94-бандларини) қўллаши лозим.

¹ 7.2.21-бандга мувофиқ, ташкилот мазкур стандартнинг 6 бобидаги талаблар ўрнига 39-сон БХХСдаги хежлаш ҳисоби талабларини қўллашда давом этишни танлаши мумкин. Агар ташкилот ушбу танловни қилса, мазкур стандартнинг 6-боб хежлаш ҳисоби талабларига муайян ҳаволалар ўринли ҳисобланмайди. Бунинг ўрнига, ташкилот 39-сон БХХСдаги тегишли хежлаш ҳисоби талабларини қўллайди.

5.4 Амортизацияланган қиймат баҳоланиши

Молиявий активлар

Эффектив фоиз ставкаси усули

- 5.4.1 **Фоиз тушуми эффектив фоиз ставкаси усули бўйича ҳисобланиши (А илова ва Б5.4.1-Б5.4.7-бандларга қаранг) лозим. Бу молиявий активнинг ялпи қийматиға нисбатан эффектив фоиз ставкасини қўллаб ҳисобланиши лозим, қуйидагилар бундан мустасно:**
- (а) **харид қилинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар.** Бундай молиявий активларға нисбатан, ташкилот дастлабки тан олишдан бошлаб, молиявий активнинг амортизацияланган қийматиға кредит рискинни ҳисобға олган ҳолда тузатилган эффектив фоиз ставкасини қўллаши лозим.
 - (б) **харид қилинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар бўлмаган, лекин кейинчалик кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар.** Бундай молиявий активлар учун ташкилот кейинги ҳисобот даврларида молиявий активнинг амортизацияланган қийматиға эффектив фоиз ставкасини қўллаши лозим.
- 5.4.2 Ҳисобот даврида фоиз тушумини 5.4.1(б) бандга мувофиқ молиявий активнинг амортизацияланган қийматиға эффектив фоиз ставкасини қўллаш орқали ҳисоблайдиган ташкилот, агар молиявий инструмент бўйича кредит рисқи аҳамиятли даражада пасайиб, у бошқа кредит қиймати қадрсизланган деб ҳисобланмаса ва бу пасайиш 5.4.1 (б) банд талаблари қўллангандан сўнг, юзага келган ҳолат (масалан қарздорнинг кредит рейтингини яхшиланиши) билан объектив боғлаш мумкин бўлса, кейинги даврларда фоиз тушумини ялпи баланс қийматиға нисбатан эффектив фоиз ставкасини қўллаган ҳолда ҳисоблаши лозим.

Шартномада назарда тутилган пул оқимларининг модификацияси

- 5.4.3 Агар томонлар келишувига кўра, шартномада назарда тутилган молиявий актив бўйича пул оқимлари шартлари қайта кўриб чиқилса ёки бошқача тарзда модификация қилинса ва қайта кўриб чиқиш ёки ўзгартириш молиявий активни мазкур стандарт бўйича тан олишни бекор қилишга олиб келмаса, ташкилот молиявий активнинг ялпи баланс қийматини қайта ҳисоблаб чиқиши ва модификация бўйича фойда ёки зарарни мос равишда фойда ёки зарар таркибида ҳисобға олиши лозим. Молиявий активнинг ялпи баланс қиймати мазкур молиявий активнинг дастлабки эффектив фоиз ставкаси (ёки харид қилинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар бўйича кредит рискинни ҳисобға олган ҳолда тузатилган эффектив фоиз ставкаси) бўйича дисконтланадиган шартномада назарда тутилган модификацияланган ёки қайта кўриб чиқилган пул оқимлари сифатида ёки агар қўллаш мумкин бўлса, 6.5.10-банд бўйича ҳисобланган қайта кўриб чиқилган эффектив фоиз ставкаси бўйича қайта ҳисобланиши лозим. Амалган оширилган сарфлар ва тўланган ҳақлар модификацияланган молиявий активнинг баланс қийматиға тузатиш тарзида киритилади ва модификацияланган молиявий активнинг қолган амал қилиш муддати мобайнида амортизация қилинади.

Ҳисобдан чиқариш

- 5.4.4 Молиявий активнинг тўлиқ ёки қисман миқдорда қопланиши бўйича асосланган кутишлар мавжуд бўлмаганда ташкилот молиявий активнинг ялпи баланс қийматини бевосита камайтириши лозим. Ҳисобдан чиқариш тан олишни бекор қилишга олиб келадиган ҳолат сифатида қаралади. (Б3.2.16(р) бандга қаранг).

Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида шартномавий пул оқимларини аниқлаш бўйича асосдаги ўзгаришлар

- 5.4.5 Ташкилот 5.4.6-5.4.9 бандларни фақат ва фақат ушбу молиявий актив ва молиявий мажбуриятга оид шартномавий пул оқимларини аниқлаш бўйича асос бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида ўзгарганда қўллаши лозим. Мазкур мақсадда “бенчмарк фоиз ставкаси” термини 6.8.2 бандда тавсифланганидек бутун бозор миқёсидаги бенчмарк фоиз ставкасини назарда тутати.
- 5.4.6 Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг шартномавий пул оқимларини аниқлаш бўйича асос қуйидагилар натижасида ўзгариши мумкин:

- (а) молиявий инструментни дастлабки тан олишда белгиланган шартнома шартларини ўзгартириш натижасида (масалан, шартнома шартлари унда кўрсатилган бенчмарк фоиз ставкасини муқобил бенчмарк фоиз ставка билан алмаштириш учун ўзгартирилганда);
 - (б) молиявий инструмент дастлаб тан олинганда ҳисобга олинмаган ёки шартнома шартларида назарда тутилмаган тарзда, шартнома шартларига ўзгартиришлар киритилмаганда (масалан, шартнома шартларини ўзгартирмасдан бенчмарк фоиз ставкасини ҳисоблаш усулини ўзгартириш); ва/ёки
 - (в) мавжуд шартнома шартини фаоллаштириш натижасида (масалан, шартноманинг резерв банди кучга киради).
- 5.4.7 Амалий жиҳатдан соддалаштириш мақсадида, ташкилот Б5.4.5-бандни молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг шартномавий пул оқимларини аниқлаш бўйича асосдаги ўзгаришларни ҳисобга олиш учун қўллаши лозим. Ушбу амалий жиҳатдан соддалаштириш фақат бундай ўзгаришларга ва фақат бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш туфайли талаб қилинадиган даражада қўлланилади (шунингдек, 5.4.9-бандга қаранг). Мазкур мақсадда шартнома бўйича пул оқимларини аниқлаш бўйича асосни ўзгартириш, агар қуйидаги шартларнинг ҳар иккиси бажарилса, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш орқали талаб қилинади:
- (а) ўзгартириш зарурати бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилишни бевосита натижаси бўлса; ва
 - (б) шартномавий пул оқимларини аниқлаш бўйича янги асос иқтисодий жиҳатдан олдинги асос билан (яъни ўзгаришдан олдинги асос билан) эквивалент бўлса.
- 5.4.8 Қуйида шартномавий пул оқимларини аниқлаш бўйича янги асос иқтисодий жиҳатдан олдинги асос билан (яъни ўзгаришдан олдинги асос билан) эквивалент бўлишига олиб келадиган ўзгаришларга мисоллар келтирилган:
- (а) молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг шартномавий пул оқимларини аниқлаш учун фойдаланиладиган мавжуд бенчмарк фоиз ставкасини муқобил базавий ставкага алмаштириш ёки базавий фоиз ставкасини ҳисоблашда қўлланиладиган усулни ўзгартириш, белгиланган спредни қўшиш орқали бундай бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилишни амалга ошириш; амалдаги базавий фоиз ставкаси ва муқобил базавий ставка асослари ўртасидаги фарқни қоплаш;
 - (б) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилишни амалга ошириш учун қайта баҳолаш даврини, қайта баҳолаш саналарини ёки купон саналари орасидаги кунлар сонини ўзгартириш; ва
 - (в) молиявий актив ёки молиявий мажбурият шартномаси шартларига юқоридаги (а) ва (б) бандларида тавсифланган ҳар қандай ўзгаришларни амалга оширишга имкон берадиган резерв бандни қўшиш.
- 5.4.9 Агар молиявий актив ёки молиявий мажбуриятга шартномавий пул оқимларини аниқлаш бўйича асосга нисбатан бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилишда талаб қилинганидан бошқа ўзгартиришлар киритилган бўлса, ташкилот биринчи навбатда 5.4.7-банддаги амалий жиҳатдан соддалаштириш бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш орқали талаб этиладиган ўзгаришларга қўллаши лозим. Сўнгра ташкилот мазкур стандартнинг тегишли талабларини ушбу амалий жиҳатдан соддалаштириш қўлланмайдиган ҳар қандай қўшимча ўзгаришларга нисбатан қўллаши лозим. Агар бундай қўшимча ўзгартириш молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни тан олишни бекор қилишга олиб келмаса, ташкилот қўшимча ўзгаришларни ҳисобга олиш учун тегишлича 5.4.3-банд ёки Б5.4.6-бандни қўллаши лозим. Агар ушбу қўшимча ўзгариш молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни тан олишни бекор қилишга олиб келса, ташкилот тан олишни бекор қилиш талабларини қўллаши лозим.

5.5 Қадрсизланиш

Кутилаётган кредит зарарларини тан олиш

Умумий ёндашув

- 5.5.1 Ташкилот 4.1.2 ва 4.1.2А бандларга мувофиқ баҳоланадиган молиявий актив, ижара бўйича дебитор қарздорлик, 2.1(ё), 4.2.1(в) ёки 4.2.1(г) бандларга мувофиқ қадрсизланиш қўлланиладиган молиявий кафолат шартномаси ва қарз мажбурият ёки шартнома бўйича активга нисбатан *кутилаётган кредит зарарлари* бўйича баҳоланадиган резервни тан олиши лозим.

- 5.5.2 Ташкилот 4.1.2А бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активларга нисбатан зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв баҳоланишини ва тан олиш талабларини қўллаши лозим. Лекин, мазкур зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинishi ва молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда молиявий активнинг баланс қийматини камайтирмаслиги лозим.
- 5.5.3 **5.5.13-5.5.16-бандларда назарда тутилган истисноларни ҳисобга олган ҳолда, молиявий инструмент бўйича кредит rischi дастлабки тан олинishiга нисбатан аҳамиятли даражада ошган бўлса, ташкилот ҳар ҳисобот санасига молиявий инструмент бўйича амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларига тенг суммада зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни баҳолаши лозим.**
- 5.5.4 Қадрсизланиш бўйича талабларнинг мақсади бўлиб, дастлабки тан олишга нисбатан индивидуал ёки гуруҳ асосида баҳолаш натижасида, барча асосланган ва тасдиқланган, шу жумладан қутилаётган маълумотлар асосида кредит rischi аҳамиятли даражада ошган барча молиявий инструментларнинг амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларини тан олиш ҳисобланади.
- 5.5.5 **5.5.13-5.5.16-бандларда назарда тутилган истисноларни ҳисобга олган ҳолда, агар ҳисобот санасига молиявий инструмент бўйича дастлабки тан олишга нисбатан кредит rischi аҳамиятли даражада ошмаган бўлса, ташкилот ҳисобот санасига молиявий инструмент бўйича 12 ойлик қутилаётган кредит зарарларига тенг суммада зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни баҳолаши лозим.**
- 5.5.6 Қарзларни бериш бўйича мажбуриятлар ва молиявий кафолат бўйича шартномаларда, ташкилот шартнома мажбуриятларининг томони бўлган сана, қайта ўзгартира олмаслик шarti билан, қадрсизланиш бўйича талабларни дастлабки тан олиши санаси бўлиб ҳисобланади.
- 5.5.7 Агар олдинги ҳисобот санасида ташкилот молиявий инструмент учун зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв суммасини амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларига тенг деб баҳолаган бўлса, лекин жорий ҳисобот санасига 5.5.3-банд талаблари ортиқ бажарилмаса, жорий ҳисобот санасига ташкилот 12 ойлик қутилаётган кредит зарарлари миқдорига тенг зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв суммасини баҳолаши лозим.
- 5.5.8 Ташкилот мазкур стандарт бўйича тан олиши лозим бўлган ҳисобот санасига зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни тузатиш учун талаб этиладиган суммани қутилаётган кредит зарарларининг (ёки уларнинг тикланиши) қадрсизланишдан фойда ёки зарарни фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим.

Кредит рискнинг аҳамиятли даражада ошишини аниқлаш

- 5.5.9 Ҳар ҳисобот санасига ташкилот дастлабки тан олиш пайтидан бошлаб, молиявий инструмент бўйича кредит rischi аҳамиятли даражада ошганлигини баҳолаши лозим. Баҳолаш жараёнида ташкилот кредит зарарларининг қутилаётган суммасининг ўзгаришини эмас, балки молиявий инструментнинг қутилаётган амал қилиш муддатида дефолтга учраши рискини ўзгаришидан фойдаланиши лозим. Бундай баҳолашни амалга ошириш учун ташкилот ҳисобот санасига молиявий инструмент бўйича дефолт бўлиш рискини, дастлабки тан олиш пайтидаги молиявий инструментни дефолт бўлиш rischi билан солиштириши ҳамда тегишли инструмент бўйича дастлабки тан олиш пайтидан бошлаб, кредит рискини аҳамиятли ошишини кўрсатувчи, ортиқча сарф ёки ҳаракатларсиз олинган асосланган ва тасдиқланган маълумотларни таҳлил қилиши лозим.
- 5.5.10 Агар ҳисобот санасига молиявий инструмент паст кредит рискига эга деб топилган бўлса, ташкилот молиявий инструмент бўйича кредит rischi дастлабки тан олиш пайтига нисбатан аҳамиятли ошмаган, деб тахмин қилиши мумкин (Б5.5.22-Б5.5.24-бандларга қаранг).
- 5.5.11 Агар асосланган ва тасдиқланадиган қутилаётган маълумотни ортиқча сарф ёки ҳаракатларсиз олиш мумкин бўлса, ташкилот дастлабки тан олиш пайтига нисбатан кредит rischi аҳамиятли ошганлигини аниқлаш учун фақат *муддати ўтган* тўловлар бўйича маълумотларга асосланиб қола олмайди. Лекин, муддати ўтган тўловлар мақомидан кўра келгусига йўналган маълумотни (индивидуал ёки гуруҳ асосида) ортиқча сарф ёки ҳаракатларсиз олиш имконияти бўлмаса, ташкилот муддати ўтган тўловлар бўйича маълумотни дастлабки тан олиш пайтига нисбатан кредит rischi аҳамиятли даражада ошганлигини аниқлаш учун фойдаланиши мумкин. Дастлабки тан олиш пайтига нисбатан кредит рискнинг аҳамиятли даражада ошишини баҳолаш усулидан қатъий назар, шартнома билан назарда тутилган тўловлар 30 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган тақдирда, ташкилот дастлабки тан олиш пайтига нисбатан кредит rischi аҳамиятли даражада ошганлиги бўйича рад этиш мумкин бўлган фараз мавжуд бўлади. Агар шартнома бўйича назарда тутилган тўловлар 30 кундан ортиқ кечиктирилган тақдирда ҳам, кредит rischi дастлабки тан олишга нисбатан аҳамиятли даражада ошмаганлигини кўрсатувчи ортиқча сарфлар ёки ҳаракатларсиз олиш мумкин бўлган, асосланган ва

тасдиқланган маълумот мавжуд бўлса, ташкилот ушбу фаразни инкор этиши мумкин. Агар ташкилот кредит рисқи аҳамиятли даражада ошганлигини, шартнома бўйича тўловлар 30 кундан ошган ҳолда кечиктирилишидан олдинроқ аниқласа, рад этилиши мумкин бўлган фараз қўлланмайди.

Модификациялашган молиявий активлар

5.5.12 Агар молиявий актив бўйича пул оқимлари шартномаси шартлари қайта қўриб чиқилган ёки ўзгартирилган бўлса ва молиявий активни тан олиш бекор қилинмаган бўлса, ташкилот 5.5.3-банд асосида молиявий инструмент бўйича кредит рисқини аҳамиятли даражада ошганлигини қуйидагилар билан солиштирган ҳолда баҳолаши лозим:

- (a) ҳисобот санасига дефолт юзага келиш рисқи (модификацияланган шартнома шартлари асосида); ва
- (б) дастлабки тан олишда дефолт юзага келиш рисқини (дастлабки модификацияланмаган шартнома шартлари асосида).

Кредит қиймати қадрсизланган сотиб олинган ёки яратилган молиявий активлар

5.5.13 5.5.3 ва 5.5.5-бандлар талабларига қарамасдан, ҳисобот санасига ташкилот сотиб олинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий активларга оид зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв сифатида амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарларини дастлабки тан олиш пайтидан бошлаб кумулятив ўзгаришини тан олиши лозим.

5.5.14 Ҳар бир ҳисобот санасига ташкилот фойда ёки зарар таркибида амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарини ўзгариши миқдорини қадрсизланишдан фойда ёки зарар сифатида тан олиши лозим. Ташкилот амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарларидаги ижобий ўзгаришларни, ҳатто, амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари дастлабки тан олиш пайтидаги ҳисобланган пул оқимларига киритилган кутилаётган кредит зарарлари миқдоридан кам бўлса ҳам, қадрсизланишдан фойда сифатида тан олиши лозим.

Савдо бўйича дебитор қарздорлик, шартнома бўйича активлар, ижара бўйича дебитор қарздорлик учун соддалаштирилган ёндашув

5.5.15 5.5.3 ва 5.5.5-бандлар талабларига қарамасдан, ташкилот қуйидагилар бўйича ҳар доим зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни амал қилиш муддати давомида кутилаётган зарарлар суммасига тенг миқдорда тан олиши лозим:

- (a) 15-сон МХХС қўллаш доирасида бўлган ва қуйидаги шартлардаги операциялар бўйича юзага келадиган савдо бўйича дебитор қарздорлик ёки шартнома бўйича активлар:
 - (i) 15-сон МХХСга мувофиқ аҳамиятли молиялаштириш компонентига эга бўлмаса (ёки ташкилот 15-сон МХХСнинг 63-бандида назарда тутилган амалий характердаги соддалаштиришни қўллаганда); ёки
 - (ii) агар ташкилот ўз ҳисоб сиёсати сифатида амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари миқдорига тенг бўлган зарарлар бўйича баҳоланадиган резерви суммасини танлаган бўлса, 15-сон МХХС бўйича аҳамиятли молиялаштириш компонентини ўз ичига олса. Мазкур ҳисоб сиёсати бундай турдаги барча савдо бўйича дебитор қарздорликка ёки шартнома бўйича барча активларга қўлланиши лозим, лекин алоҳида савдо бўйича дебитор қарздорлик ва шартнома бўйича активларга ҳам қўлланиши мумкин;
- (б) агар ташкилот амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарларига тенг бўлган зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв суммасини ташкилот ўз ҳисоб сиёсати сифатида танлаган бўлса, 16-сон МХХС қўллаш доирасида бўлган операциялар натижасида юзага келадиган ижара бўйича дебитор қарздорлик. Мазкур ҳисоб сиёсати барча ижара бўйича дебитор қарздорликка қўлланиши лозим, лекин молиявий ва оператив ижара бўйича алоҳида қўлланиши мумкин.

5.5.16 Ташкилот савдо бўйича дебитор қарздорлик, ижара ҳамда шартнома бўйича активлар бўйича дебитор қарздорлиги учун ҳисоб сиёсатини ҳар бири учун алоҳида танлаши мумкин.

Кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш

- 5.5.17 Молиявий инструмент бўйича кутилаётган кредит зарарларини ташкилот қуйидагиларни акс эттирувчи усул билан баҳолаши лозим:
- (а) мумкин бўлган натижалар оралиғини баҳолаш орқали, мустақил равишда ва эҳтимолликни ҳисобга олган ҳолда аниқланган суммада;
 - (б) пулнинг вақт қиймати; ва
 - (в) ҳисобот санасига ортикча сарф ёки ҳаракатларсиз мавжуд бўлган, ўтган ходисалар, жорий шартлар ва келгусида кутилаётган иқтисодий шароитлар бўйича асосланган ва тасдиқланган маълумотлар.
- 5.5.18 Кутилаётган кредит зарарларини баҳолашда ташкилот барча мавжуд сценарийларни аниқлаши талаб этилмайди. Лекин, у кредит зарарлари юзага келиши эҳтимоли жуда кам бўлса ҳам, кредит рисқи юзага келмаслиги эҳтимоли ёки кредит зарарларини юзага келиши эҳтимоли рисқини ёки юзага келиш рисқини акс эттириш орқали ҳисобга олиш лозим.
- 5.5.19 Кредит зарарларини баҳолашда кўриб чиқиладиган максимал давр иш одатларига мос келган тақдирда ҳам узоқ давр эмас, балки бу ташкилот кредит рисқига дуч келадиган шартнома бўйича (муддатини узайтириш бўйича опционларни ҳисобга олган ҳолда) максимал давр ҳисобланади.
- 5.5.20 Лекин, айрим молиявий инструментлар қарз билан бирга қарз бериш бўйича фойдаланилмаган мажбурият компонентини ҳам ўз ичига олади ҳамда ташкилотнинг шартнома билан назарда тутилган қарзни сўндиришини талаб қилиши ва қарз бериш бўйича фойдаланилмаган мажбурият компонентини бекор қилиш имконияти, ташкилотнинг хабарнома юбориш учун шартнома муддатида кредит зарарлари рисқига мойиллигини чегаралай олмайди. Бундай ва фақат бундай молиявий инструментлар бўйича ташкилот кредит рисқига мойил бўлган ва ҳаттоки ушбу давр шартнома бўйича максимал даврдан ошиб кетса ҳам, кредит рисқларини бошқариш бўйича ташкилот фаолияти натижасида ҳам кутилаётган кредит рисқи камаймайдиган амал қилиш муддати давомидида кутилаётган кредит зарарларини баҳолаб бориши лозим.

5.6 Молиявий активларнинг қайта таснифланиши

- 5.6.1 Ташкилот молиявий активларни 4.4.1-бандларга мувофиқ қайта таснифласа, у қайта таснифлашни перспектив тарзда *қайта таснифлаш санасидан* бошлаб қўллаши лозим. Ташкилот олдин тан олинган фойда, зарарлар (шу жумладан, кадрсизланишдан фойда ёки зарарлар) ва фоизларни қайта ҳисобламаслиги лозим. 5.6.2-5.6.7-бандлар қайта таснифлаш бўйича талабларни белгилайди.
- 5.6.2 Агар ташкилот молиявий активни амортизацияланган қиймат бўйича баҳоладиган тоифасидан фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоладиган активлар тоифасига қайта таснифласа, унинг ҳаққоний қиймати қайта таснифлаш санасига аниқланади. Унинг олдинги амортизацияланган қиймати ва ҳаққоний қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқ натижаси ҳисобланган фойда ёки зарар таркибида тан олинади.
- 5.6.3 Агар ташкилот молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоладиган тоифадан амортизацияланган қийматда баҳоладиган молиявий актив тоифасига қайта таснифласа, унинг қайта таснифлаш санасига ҳаққоний қиймати бундай активнинг янги ялпи баланс қиймати ҳисобланади. (Қайта таснифлаш санасига зарарлар бўйича баҳоладиган резерв ва эффе́ктив фоиз ставкасини аниқлаш бўйича Б5.6.2-банднинг кўрсатмаларига қаранг.)
- 5.6.4 Агар ташкилот молиявий активни амортизацияланган қиймат бўйича баҳоладиган тоифасидан бошқа умумлашган даромад ҳаққоний қийматида баҳоладиган активлар тоифасига қайта таснифласа, унинг ҳаққоний қиймати қайта таснифлаш санасига аниқланади. Унинг олдинги амортизацияланган қиймати ва ҳаққоний қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқ натижасидаги фойда ёки зарар бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинади. Эффе́ктив фоиз ставкасига ва кутилаётган кредит зарарларини баҳолашга қайта таснифлаш натижасида тузатиш киритилмайди. (Б5.6.1-бандга қаранг)
- 5.6.5 Агар ташкилот молиявий активни бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоладиган тоифасидан амортизацияланган қиймати бўйича баҳоладиган молиявий актив тоифасига қайта таснифласа, у қайта таснифлаш санасига ҳаққоний қиймати бўйича қайта таснифланади. Лекин, илгари бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинган фойда ёки зарарнинг жамғарилган миқдори хусусий капитал таркибидан чегирилади ва қайта

таснифлаш санасига молиявий активнинг ҳаққоний қийматигача тузатиш киритилади. Натижада, қайта таснифлаш санасига у худди ҳар доим амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланадиган сифатида баҳоланади. Бундай тузатиш бошқа умумлашган даромадга таъсир кўрсатади, лекин фойда ёки зарарга таъсир кўрсатмайди ва шунга кўра, қайта таснифланадиган тузатиш ҳисобланмайди (1-сон МХХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*”га қаранг). Эффе́ктив фоиз ставкасига ва кутилаётган кредит зарарларини баҳолашга қайта таснифлаш натижасида тузатиш киритилмайди. (Б5.6.1-бандга қаранг)

- 5.6.6 Агар ташкилот молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган тоифасидан бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматида баҳоланадиган молиявий актив тоифасига қайта таснифласа, молиявий актив қайта таснифлаш санасига ҳаққоний қийматда баҳолашда давом этади. (Қайта таснифлаш санасига эффе́ктив фоиз ставкаси ва зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни аниқлашда Б5.6.2-бандга қаранг).
- 5.6.7 Агар ташкилот молиявий активни бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган тоифасидан фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий актив тоифасига қайта таснифласа, молиявий активни қайта таснифлаш санасига ҳаққоний қийматда баҳолашда давом этади. Илгари бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинган жамғарилган фойда ёки зарар хусусий капитал таркибидан қайта таснифлаш санасига фойда ёки зарар таркибига қайта таснифлаш бўйича тузатиш сифатида қайта таснифланади (1-сон БХХСга қаранг).

5.7 Фойда ёки зарарлар

- 5.7.1 Ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий актив ёки молиявий мажбурият бўйича фойда ёки зарар давр учун фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:
- (а) мазкур молиявий инструмент хежлаш бўйича муносабатларнинг бир қисми бўлганида (6.5.8–6.5.14-бандларга ва қўллаш мумкин бўлганда фоиз рискинни портфель хежлашда ҳаққоний қийматни хежлаш ҳисоби бўйича 39-сон БХХСнинг 89–94-бандларига қаранг);
 - (б) мазкур молиявий инструмент улушли инструментга инвестиция бўлганида ва ташкилот ушбу инвестиция бўйича фойда ёки зарарларни бошқа умумлашган даромадда акс эттиришни 5.7.5-бандга мувофиқ танлаганида;
 - (в) мазкур молиявий инструмент ташкилот томонидан фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият сифатида белгиланганида ва ушбу мажбуриятга тегишли *кредит рисқи* ўзгаришининг таъсири бошқа умумлашган даромадда 5.7.7-бандга мувофиқ акс эттирилганида; ёки
 - (д) мазкур молиявий инструмент 4.1.2А бандга мувофиқ ташкилот томонидан бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият бўлганида ва ташкилот ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларни 5.7.7-бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда акс эттириш талаб этилганида.
- 5.7.1А *Дивидендлар* фойда ёки зарар таркибида фақат куйидаги ҳолларда тан олинади:
- (а) ташкилотнинг дивиденд олиш ҳуқуқи белгиланганда;
 - (б) дивидендлар билан боғлиқ иқтисодий нафнинг ташкилотга келиб тушиши эҳтимоли бўлганда; ва
 - (в) дивиденд суммасини ишончли баҳолаш мумкин бўлганда.
- 5.7.2 Амортизацияланган қийматда баҳоланадиган ва хежлаш бўйича муносабатларнинг бир қисми бўлиб ҳисобланмайдиган (6.5.8–6.5.14-бандларга ва қўллаш мумкин бўлса, фоиз рискинни портфель хежлаш ҳолатларида ҳаққоний қиймат хежлаш ҳисоби бўйича 39-сон БХХСнинг 89–94-бандларига қаранг) молиявий актив бўйича фойда ёки зарарлар ҳисоботда молиявий актив таркибида тан олинishi бекор қилинса, қадрсизланса ёки 5.6.2-бандга мувофиқ қайта таснифланса, ёки у амортизацияланиши жараёнида ёки қадрсизланиши бўйича фойда ёки зарарларни тан олиш мақсадида шу давр учун фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим. Ташкилот молиявий активларни амортизацияланган қиймати бўйича баҳоланадиган тоифадан бошқа тоифага қайта таснифлаганда 5.6.2–5.6.4-бандларни қўллаши лозим. Амортизацияланган қийматда баҳоланадиган ва хежлаш бўйича муносабатларнинг бир қисми бўлиб ҳисобланмайдиган (6.5.8–6.5.14-бандларга ва қўллаш мумкин бўлса, фоиз рискинни портфель хежлаш ҳолатларида хежлашнинг ҳаққоний қиймати ҳисоби бўйича 39-сон

БХХСнинг 89–94-бандларига қаранг) молиявий мажбурият бўйича фойда ёки зарарлар ҳисоботда молиявий мажбурият тан олинishi бекор қилинса, қадрсизланса ёки амортизацияланиши жараёнида шу давр учун фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим. (Валюта курсининг ўзгариши бўйича фойда ёки зарарлар юзасидан Б5.7.2-банддаги кўрсатмага қаранг).

- 5.7.3 Хажлашнинг айрим муносабатлари доирасида хажланадиган модда ҳисобланадиган молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар бўйича фойда ёки зарарлар 6.5.8–6.5.14-бандларга ва қўллаш мумкин бўлса, фойз рискининг портфель хажлаш ҳолатларида ҳаққоний қиймат хажлаш ҳисоби бўйича 39-сон БХХСнинг 89–94-бандларига мувофиқ тан олинishi лозим.
- 5.7.4 Агар ташкилот молиявий активларни уларни ҳисоб-китоб санасига ҳисобга олиш орқали тан олса (3.1.2, Б3.1.3 ва Б3.1.6-бандларга қаранг), ушбу активнинг ҳаққоний қийматида битим тузиш санаси билан ҳисоб-китоб санаси ўртасида содир бўладиган ҳар қандай ўзгариш амортизацияланган қийматда баҳоланиши лозим бўлган активлар бўйича тан олинмайди. Лекин, ҳаққоний қийматда баҳоланадиган активлар бўйича уларнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадда, ўринли бўлганда 5.7.1-бандга мувофиқ равишда, тан олинishi лозим. Мазкур қадрсизланишга оид талабларни қўллаш мақсадида битимни тузиш санаси дастлабки тан олиш санаси бўлиб ҳисобланади.

Улушли инструментларга инвестициялар

- 5.7.5 Дастлабки тан олишда, ташкилот мазкур МХХСнинг қўллаш доирасида бўлган ва *савдо учун мўлжалланган* инвестиция бўлиб ҳисобланмайдиган, шунингдек 3-сон МХХС қўлланадиган бизнесни бирлашувида харид қилувчи томонидан шартли товон сифатида тан олинмаган улушли инвестициянинг ҳаққоний қийматида кейинчалик содир бўладиган ўзгаришларни бошқа умумлашган даромадда тан олишга кейинчалик ўзгартирмаслик шarti билан қарор қабул қилиши мумкин. (Валюта курсининг ўзгариши бўйича фойда ёки зарарлар юзасидан Б5.7.3-банддаги кўрсатмага қаранг).
- 5.7.6 Агар ташкилот 5.7.5-бандда қайд қилинган қарорни танласа, у мазкур инвестициядан олинадиган дивидендларни 5.7.1А бандга мувофиқ фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим.

Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган мажбуриятлар

- 5.7.7 Ташкилот 4.2.2 ва 4.3.5-бандларга мувофиқ, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда белгиланган молиявий мажбурият бўйича фойда ёки зарарни қуйидагича акс эттириши лозим:
- (а) Молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматида ушбу мажбуриятга тегишли кредит рискининг ўзгаришлари сабабли содир бўлган ўзгариш суммаси бошқа умумлашган даромадда акс эттирилиши лозим (Б5.7.13–Б5.7.20-бандларга қаранг), ва
 - (б) мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришнинг қолган суммаси фойда ёки зарарда акс эттирилиши лозим.
- агар (а) бандда тавсифланган мажбуриятга тегишли кредит рискидаги ўзгаришларининг таъсирини ҳисобга олиш фойда ёки зарарда ҳисобдаги номувофиқликни юзага келиши ёки кўпайтириши (бу ҳолатда, 5.7.8-банд қўлланади) ҳолатлари мавжуд бўлмаса, Б5.7.5–Б5.7.7 ва Б5.7.10–Б5.7.12-бандларда ҳисобдаги номувофиқлик юзага келиши ёки кўпайиши мумкинлигини аниқлаш бўйича кўрсатма берилган.
- 5.7.8 Агар 5.7.7-банддаги талаблар фойда ёки зарарда ҳисобдаги номувофиқликни юзага келтирса ёки кўпайтирса, ташкилот ушбу мажбурият бўйича барча фойда ёки зарарларни (шу жумладан, ушбу мажбуриятга тегишли кредит риски ўзгаришининг таъсирини) фойда ёки зарар таркибида акс эттириши лозим.
- 5.7.9 Ташкилот 5.7.7 ва 5.7.8-бандлардаги талабларга қарамасдан, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда белгиланган кредит мажбуриятлари ва молиявий кафолат шартномалари бўйича барча фойда ёки зарарларни ҳисоботда фойда ёки зарар таркибида акс эттириши лозим.

Бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган активлар

- 5.7.10 4.1.2А бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активнинг қайта таснифланиши ёки тан олишни бекор қилинишига қадар, ушбу

активга тегишли фойда ёки зарар бошқа умумлашган даромад таркибида ҳисобга олинishi лозим, бундан қадрсизланиш бўйича фойда ёки зарарлар (5.5-бобга қаранг) ва валюта курслари ўзгариши (Б5.7.2-Б5.7.2А бандларга қаранг) бўйича фойда ёки зарарлар мустасно. Молиявий активнинг тан олинishi бекор қилинганда, илгари бошқа умумлашган даромад таркибида жамғарилган фойда ёки зарар қайта таснифлаш тузатилиши сифатида хусусий капитал таркибидан фойда ёки зарар таркибига қайта таснифланади (1-сон БХХСга қаранг). Агар молиявий актив бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган тоифадан бошқа тоифага қайта таснифланганда, илгари бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинган жамғарилган фойда ёки зарар ташкилот томонидан 5.6.5 ва 5.6.7-бандларга мувофиқ ҳисобга олинishi лозим. Эффе́ктив фоиз ставкаси усулини қўллаган ҳолда ҳисобланган фоиз фойда ёки зарар таркибида ҳисобга олинади.

- 5.7.11 5.7.10-бандга асосан, агар молиявий актив 4.2.1А бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланганда, фойда ёки зарар таркибида ҳисобга олинадиган суммалар, молиявий актив амортизацияланган қийматда баҳоланадиган каби фойда ёки зарар таркибида тан олинадиган суммаларга тенг бўлади.

6-Боб ҳежлаш ҳисоби

6.1 ҳежлаш ҳисоби мақсади ва қўллаш доираси

- 6.1.1 ҳежлаш ҳисобининг мақсади – молиявий инструментлардан айрим рисклар бўйича позицияларни бошқаришда фойдаланишни назарда тутувчи, фойда ёки зарарга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (ёки бошқа умумлашган даромадга, агар бу улушли инструментларга инвестициялар бўлса ва ташкилот 5.7.5-бандга мувофиқ ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларни бошқа умумлашган даромад таркибида акс эттиришни белгилаган бўлса) ташкилотнинг молиявий ҳисоботида рискларни бошқариш билан боғлиқ фаолияти натижаларини акс эттириш ҳисобланади. Мазкур ёндашув ҳежлаш ҳисоби қўлланадиган ҳежлаш инструментларидан фойдаланиш контекстини тушунтириш ва уларнинг мақсадини ва ҳисоботга таъсирини тушуниш учун хизмат қилади.
- 6.1.2 Ташкилот ҳежлаш инструменти ва ҳежлаш объекти ўртасидаги ҳежлаш муносабатларини 6.2.1-6.3.7 ва Б6.2.1-Б6.3.25-бандларга мувофиқ белгилаши мумкин. ҳежлаш ҳисобини қўллаш мезонларига жавоб берадиган ҳежлаш муносабатларига нисбатан ташкилот ҳежлаш объекти ва ҳежлаш инструментларидан фойда ёки зарарни 6.5.1-6.5.14 ва Б6.5.1-Б6.5.28-бандларга мувофиқ ҳисобга олиши лозим. Агар ҳежлаш моддаси моддалар гуруҳидан иборат бўлса, ташкилот 6.6.1-6.6.6 ва Б6.6.1-Б6.6.16-бандларда назарда тутилган қўшимча талабларга риоя қилиши лозим.
- 6.1.3 Молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфелининг ҳаққоний қийматини фоиз рисклари билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ҳежлашга нисбатан (фақат бундай ҳежлаш ҳолатларида) ташкилот мазкур стандартда назарда тутилган талаблар ўрнига 39-сон БХХСда назарда тутилган ҳежлаш ҳисоби талабларини қўллаши мумкин. Мазкур ҳолатда ташкилот маълум бир пул суммасини ҳежлаш объекти қисми (39-сон БХХСнинг 81А, 89А ва ҚК114-ҚК132-бандларига қаранг) сифатида белгилаши ва фоиз рискини портфель ҳежлашнинг ҳаққоний қиймат ҳежи ҳисоби бўйича алоҳида талабларни ҳам қўллаши лозим.

6.2 ҳежлаш инструментлари

Квалификацияланадиган ҳежлаш инструментлари

- 6.2.1 Ташкилот фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган дериватив инструмент ҳежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин, бундан айрим чиқарилган опционлар мустасно (Б6.2.4-бандга қаранг).
- 6.2.2 Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган дериватив бўлмаган молиявий актив ёки дериватив бўлмаган молиявий мажбурият ҳежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин, мазкур молиявий мажбуриятга нисбатан кредит rischi ўзгариши билан боғлиқ ҳаққоний қийматни ўзгариши суммаси 5.7.7-бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромад таркибида акс эттириладиган фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган молиявий мажбурият бундан мустасно. Валюта рискини ҳежлашга нисбатан ташкилот ҳежлаш инструменти сифатида дериватив бўлмаган молиявий актив ёки дериватив бўлмаган молиявий мажбурият компонентини белгилаши мумкин, бундан ташкилот томонидан ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларни бошқа умумлашган

даромад таркибида 5.7.5-бандга мувофиқ акс эттирилиши белгиланган улушли инструментга инвестициялар деб ҳисобланмайдиган молиявий инструмент мустасно.

- 6.2.3 хежлаш ҳисоби мақсадида фақат ҳисобот берувчи ташкилотга нисбатан ташқи томонлар (яъни, молиявий ҳисобот тузаётган гуруҳ ёки алоҳида ташкилотга нисбатан ташқи бўлган) билан тузилган шартномалар хежлаш инструментлари сифатида белгиланиши мумкин.

хежлаш инструментларини белгилаш

- 6.2.4 Квалификацияланадиган хежлаш инструменти тўлиқ ҳолда хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин. Рухсат этилган мустаснолар бўлиб фақат қуйидагилар ҳисобланади:
- (а) опцион шартномани ички қиймати ва вақт қийматини алоҳида бўлган ҳолда хежлаш инструменти сифатида фақат опционнинг ички қийматини ўзгаришини белгилаш ва унинг вақт қийматини ўзгаришини ҳисобга олмаслик (6.5.15 ва Б6.5.29-Б6.5.33-бандларга қаранг)
 - (б) форвард шартноманинг форвард элементи ва спот элементини ажратиш ва хежлаш инструменти сифатида форвард элементни эмас, балки форвард шартноманинг спот элементини қийматини ўзгаришини белгилаш; ўхшаш тарзда чет эл валютаси базавий спреди ажратилган молиявий инструмент хежлаш инструменти сифатида белгилашдан чиқариб ташланиши лозим (6.5.16 ва Б6.5.34-Б6.5.39-бандларига қаранг); ва
 - (в) бутун хежлаш инструментининг бир қисми, масалан номинал қийматнинг 50 фоизи хежлаш муносабатларида хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин. Лекин, хежлаш инструментининг муомаладаги даврида ҳаққоний қиймат ўзгаришини хежлаш инструменти сифатида белгилаш мумкин эмас.
- 6.2.5 Ташкилот қуйидаги комбинацияларда кўриб чиқиши ва бирлаштирган ҳолда (шу жумладан айрим хежлаш инструментлардан юзага келадиган риск ёки рискларни бошқа инструментлардан юзага келадиганлар билан ҳисоб-китоб қилиш) хежлаш инструменти сифатида кўриши мумкин:
- (а) деривативлар ёки уларнинг қисми; ва
 - (б) дериватив бўлмаганлар ёки уларнинг қисмини.
- 6.2.6 Лекин, чиқарилган опцион ва сотиб олинган опционни бирлаштирган дериватив инструментни (масалан фоиз коллар), хежлаш инструменти сифатида, агар у бундай белгилаш санасига моҳиятига кўра, соф чиқарилган опцион (агар Б6.2.4-бандга мувофиқ мезонларга жавоб бермаса) бўлса, таснифлаш мумкин эмас. Шу каби, икки ва ундан кўп инструментлар (ёки уларнинг мутаносиб қисмлари), фақат агар комбинацияда улар моҳиятига кўра, соф чиқарилган опцион бўлмаса, бирлаштирилган ҳолда хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин (агар Б6.2.4-бандга мувофиқ мезонларга жавоб бермаса).

6.3 хежлаш объектлари

Квалификацияланадиган хежлаш объектлари

- 6.3.1 хежлаш объекти тан олинган актив ёки мажбурият, тан олинмаган *қатъий шартномавий мажбурият, прогноз қилинадиган операция* ёки чет эл бўлинмасига соф инвестициядан иборат бўлиши мумкин. хежлаш объекти қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
- (а) битта объект; ёки
 - (б) объектлар гуруҳи (6.6.1-6.6.6 ва Б6.6.1-Б6.6.16-бандлар талабларини ҳисобга олган ҳолда).
- хежлаш объекти шунингдек бундай объект ёки объектлар гуруҳининг компоненти ҳам бўлиши мумкин (6.3.7 ва Б6.3.7-Б6.3.25-бандларга қаранг).
- 6.3.2 хежлаш объекти ишончли баҳолана олиши лозим.
- 6.3.3 Агар хежлаш объекти прогноз қилинадиган операция (ёки унинг компоненти) сифатида келса, унда мазкур операция юқори эҳтимолли бўлиши лозим.
- 6.3.4 Рискнинг жамланган очик позицияси бу 6.3.1-бандга мувофиқ хежлаш объекти сифатида таснифланиши мумкин бўлган ва дериватив хежлаш объекти сифатида белгилаш мумкин бўлган ҳолатдир. Бу ўз ичига, агар рискнинг жамланган очик позицияси юқори эҳтимолли бўлса ва рўй берса, рискнинг жамланган очик позицияси (яъни, амалга ошмаган лекин, келгусида прогноз қилинадиган операция очик позицияси ва деривативни вужудга келтирса)

бўйича прогноз қилинган операцияни ҳам олади ва унда прогноз қилинган операция бўлмайди ва хежлаш объекти талабларига жавоб беради.

- 6.3.5 хежлаш ҳисоби мақсадлари учун фақат ҳисобот берувчи ташкилотга нисбатан ташқи томон ҳисобланувчи тарафлар билан активлар, мажбуриятлар, қатъий шартномавий мажбуриятлар ёки юқори эҳтимолли прогноз қилинадиган операциялар хежлаш объекти сифатида белгиланиши мумкин. хежлаш ҳисоби бир гуруҳдаги ташкилотлар операциялари учун фақат уларнинг алоҳида молиявий ҳисоботлари учун қўлланиши ва уларнинг консолидациялашган ҳисоботи учун қўлланмайди, бундан 10-сон МХХСда белгиланган инвестиция ташкилоти ва унинг шўъбалари ўртасидаги фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган ва консолидациялашган молиявий ҳисоботда чиқариб ташланмайдиган операциялар мустасно.
- 6.3.6 Лекин, 6.3.5-бандга истисно тарзда гуруҳ ичидаги монетар модданинг чет эл валютаси rischi (масалан икки шўъба ташкилот ўртасида дебитор/кредитор қарздорликлар), агар 21-сон БҲХС “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари”га мувофиқ консолидациялашда тўлиқ чиқариб ташланмасдан чет эл валютаси курси бўйича фойда ёки зарарлар юзага келса, консолидациялашган молиявий ҳисоботда хежлаш объекти сифатида таснифланиши мумкин. 21-сон БҲХСга мувофиқ, монетар моддаларнинг гуруҳ ичидаги чет эл валютаси фойда ёки зарарлари, агар гуруҳдаги икки ташкилотнинг функционал валютаси ҳар хил бўлса, гуруҳ ичидаги монетар модданинг операциялари консолидациялашда тўлиқ чиқариб ташланмайди. Бундан ташқари, агар операцияни амалга ошираётган ташкилотнинг функционал валютаси бошқа валютада кўрсатилган бўлса ва чет эл валютаси rischi консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир кўрсатса, юқори эҳтимолли прогноз қилинган гуруҳ ичидаги операцияси чет эл валютаси rischi консолидациялашган молиявий ҳисоботда хежлаш объекти сифатида таснифланиши мумкин.

хежлаш объектини белгилаш

- 6.3.7 Ташкилот хежлаш муносабатида объектни тўлиқлигича ёки унинг компонентини хежлаш объекти сифатида белгилаши мумкин. Бутун объект ўз ичига пул оқимларидаги ва объектнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларни олади. Компонент тўлиқ объектнинг пул оқимларидаги ёки ҳаққоний қийматидаги барча ўзгаришларни ўз ичига олади. Бу ҳолатда, ташкилот фақат қуйидаги компонентлар турини (шу жумладан уларнинг комбинацияларини) хежлаш объекти сифатида белгилаши мумкин:
- (a) маълум бир риск ёки рисклар (рисклар компоненти)га эга объектнинг пул оқимлари ёки ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар, агар маълум бир бозор таркибидаги баҳолаш асосида риск компоненти алоҳида ажратиладиган ва ишончли баҳоланадиган бўлса (Б6.3.8-Б6.3.15-бандларга қаранг). Риск компонентлари ўз ичига хежлаш объектнинг пул оқимлари ёки ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларни кўрсатилган нарх ёки бошқа ўзгарувчидан баланд ёки пастлигини (бир тарафлама риск) белгилашни олади.
 - (б) бир ёки ундан кўп танланган шартномавий пул оқимлари.
 - (в) номинал қийматдаги компонентлар, яъни объект номинал қийматининг маълум бир қисми (Б6.3.16-Б6.3.20-бандларга қаранг).

6.4 хежлаш ҳисобини қўллаш учун мезонлар

- 6.4.1 Қуйидаги мезонларнинг барчаси қаноатлантирилса, хежлаш муносабатларига нисбатан хежлаш ҳисоби қўлланиши мумкин:
- (a) хежлаш муносабатлари фақат муносиб хежлаш инструменти ва хежлашга муносиб моддалардан иборат бўлса.
 - (б) хежлаш муносабатларини бошланиш санасида хежлаш муносабатларининг расман шундай белгиланиши ва ташкилотнинг риск менежменти мақсади ва хежни қабул қилиш стратегияси бўйича ҳужжатларнинг мавжудлиги. Ушбу ҳужжатлар ўз ичига хеж инструментларини, хежлаш объектини, хежлашда юзага келадиган рискнинг моҳияти ва ташкилотнинг хеж самарадорлиги талабларига (хеж самарасизлиги сабабларининг таҳлили ва хежлаш коэффициентини аниқлашларни ҳам ичига олган ҳолда) хежлаш муносабатларининг мос келишини қандай баҳолашини белгилаб берилишини олиши лозим.
 - (в) хежлаш муносабатлари қуйидаги хеж самарадорлиги талабларининг барчасига жавоб берса:

- (i) хежлаш объекти ва хежлаш муносабати ўртасида иқтисодий муносабатнинг мавжудлиги (Б6.4.4-Б6.4.6-бандларга қаранг);
- (ii) иқтисодий муносабатлар натижасидаги қиймат ўзгаришида кредит риск таъсири устиворликка эга бўлмаса (Б6.4.7 в-Б6.4.8-бандларга қаранг); ва
- (iii) хежлаш муносабатларининг хежлаш коэффициенти ташкилот ҳақиқатда хежлайдиган хежлаш объекти миқдори ва ташкилот хежлаш объектининг миқдорини хежлаш учун фойдаланадиган хежлаш инструментининг миқдори билан бир хил бўлса. Лекин, ташкилот томонидан белгилаш хежлаш объектининг ўлчов коэффициентлари ва ҳисоботда хежлаш ҳисобининг мақсадига мос келмайдиган натижа акс эттириши мумкин бўлган хежлаш инструментининг (тан олинган ёки олинмаганидан қатъий назар) хежлаш самарасизлигини ўртасидаги номувофикликни ҳисобга олмаслиги лозим (Б6.4.9-Б6.4.11-бандларга қаранг).

6.5 Квалификацияланадиган хежлаш муносабатлари ҳисоби

- 6.5.1 6.4.1-банддаги (ташкilotнинг хежлаш муносабатларини белгилашга доир қарорини ўз ичига олган) талабларга мос келадиган хежлаш муносабатларига нисбатан хежлаш ҳисобини қўллаши лозим.
- 6.5.2 Уч турдаги хежлаш муносабатлари мавжуд:
- (а) ҳаққоний қиймат хежи: маълум бир рискка тортилган ва фойда ёки зарарга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тан олинган актив ёки мажбурият ёки тан олинмаган қатъий шартномавий мажбурият ёхуд уларнинг турли компонентининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар хежи.
 - (б) пул оқимини хежлашда: маълум бир рискка тортилган ва фойда ёки зарарга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тан олинган актив ёки мажбурият (ўзгарувчан ставкадаги қарздорлик бўйича барча ёки қисман прогноз қилинган фоиз тўловлари) ёки юқори эҳтимолли прогноз қилинган операция бўйича ёхуд уларнинг турли компонентининг пул оқимлари ўзгаришлари хежи.
 - (в) 21-сон БХХСда белгиланган чет эл бўлинмасига соф инвестицияни хежлаш.
- 6.5.3 Агар хежланган модда улушли инструмент бўлиб, ташкилот ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларни бошқа умумлашган даромадда 5.7.5-бандга мувофик акс эттиришни танлаган бўлса, 6.5.2(а) бандга мувофик хежнинг очиқ позицияси бошқа умумлашган даромадга таъсир кўрсатиши лозим. Ушбу ҳолатда ва фақат ушбу ҳолатда тан олинган хеж самарасизлиги бошқа умумлашган даромадда акс эттирилади.
- 6.5.4 Қатъий шартномавий мажбуриятнинг чет эл валютаси rischi хежи ҳаққоний қиймат хежи ёки пул оқимини хежлаш сифатида ҳисобга олиниши мумкин.
- 6.5.5 Агар хежлаш муносабатлари хежлаш коэффициентига (6.5.1(в)(iii) бандга қаранг) тааллуқли хеж самарадорлиги талабларига жавоб бермаса, лекин хежлаш муносабатларига белгиланган риск раҳбарият мақсадини ўзгартирмасдан қолса, ташкилот хежлаш муносабатларининг хежлаш коэффициентини ушбу мезонларга мос келадиган равишда қайта (Мазкур стандартда бу ҳолат “қайта баланслаштириш” деб юритилган – Б6.5.7 – Б6.5.21-бандларга қаранг) мувофиқлаштириши лозим.
- 6.5.6 Ташкилот хежлаш ҳисобини, агар фақат хежлаш муносабатлари (ёки хежлаш муносабатларининг бир қисмини) белгиланган мезонлар талабларига жавоб беришдан тўхтаса (қўллаш мумкин бўлса, хежлаш муносабатларини ихтиёрий “қайта баланслаштириш”ни амалга оширган ҳолда), перспектив тарзда тугатиши лозим. Мазкур талаб хежлаш инструменти муддати тугаган ёки сотилган, тугатилган ёки амалга оширилган ҳолатларни ўз ичига олади. Ушбу мақсадда, хежлаш инструменти бошқа хежлаш инструментига алмаштирилиши ёки муддатини узайтирилиши, агар бундай алмаштириш ёки узайтириш ташкilotнинг ҳужжатлаштирилган риск бошқаруви мақсадларида назарда тутилган ва унинг бир қисми бўлса, хежлаш инструментининг муддати тугаши ёки тугатилиши деб ҳисобланмайди. Бундан ташқари, ушбу талаб мақсадларида хежлаш инструменти қуйидаги ҳолларда муддати тугаган ёки тугатилган деб ҳисобланмайди:
- (а) агар қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар оқибатлари ёки янги қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатларни кучга кириши натижасида, хежлаш инструменти тарафлари бир ёки бир нечта клиринг контрагентлар дастлабки контрагентни

алмаштира ва томонлар учун янги контрагент ҳисобланса. Ушбу мақсадда, клиринг контрагент бу марказий контрагент бўлиб (баъзан клиринг ташкилоти ёки клиринг агентлиги деб аталади) ёки ташкилот ёки ташкилотлар масалан, марказий контрагент томонидан клирингни амалга оширувчи контрагент сифатида қатнашувчи клиринг ташкилотнинг клиринг иштирокчиси. Лекин, агар хежлаш инструменти томонлари ўзларининг дастлабки контрагентларини бошқа контрагентлар билан алмаштирганда, ушбу банд талаблари фақат ҳар бир янги томон клирингни ўша марказий контрагент билан амалга оширганда қўлланади.

- (б) агар мавжуд бўлса, хежлаш инструментининг бошқа ўзгаришлари контрагент алмаштирилиши учун зарур бўлган ўзгаришлар билан чегараланса. Бундай ўзгаришлар, агар хежлаш инструменти дастлабки тарзда клиринг контрагент билан клиринг қилингандаги шартлар билан чекланади. Бундай ўзгаришларга гаров шартлари, дебитор ва кредитор қарзларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиши ва олинадиган тўловга нисбатан ўзгаришлар қиради.

хежлаш ҳисобининг тўхтатилиши хежлаш муносабатларини тўлиқ ёки бир қисмига (ушбу ҳолатда хеж ҳисоби хеж муносабатларининг қолган қисмига қўллаш давом эттирилади) таъсир этиши мумкин.

6.5.7 Ташкилот қуйидагиларни қўллаши лозим:

- (а) агар у хежлаш объекти сифатида амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий инструмент (ёки унинг компоненти) бўлган ҳаққоний қиймат хежи учун хежлаш ҳисобини тўхтатган бўлса, 6.5.10-бандини, ва
- (б) агар ташкилот пул оқимини хежлаш учун хежлаш ҳисобини тўхтатган бўлса, 6.5.12-бандни.

Ҳаққоний қиймат хежлари

6.5.8 Ҳаққоний қиймат хежи 6.4.1-бандда келтирилган хежлаш ҳисоби мезонлари талабларига жавоб берса, хеж муносабатлари қуйидаги тарзда ҳисобга олинishi лозим:

- (а) хежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарар фойда ёки зарар таркибида (ёхуд, агар хежлаш инструменти ташкилот томонидан 5.7.5-бандга мувофиқ ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларни бошқа умумлашган даромадда акс эттиришни танланган улушли инструментни хежласа, бошқа умумлашган даромадда) тан олинishi лозим.
- (б) хежлаш объекти бўйича хежлаш фойда ёки зарари хежлаш объектининг баланс қийматини тузатилиши (агар қўллаш мумкин бўлса) ва фойда ёки зарарда тан олинishi лозим. Агар хежлаш объекти 4.1.2А бандга мувофиқ ҳаққоний қиймати бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинадиган молиявий актив (ёки унинг компоненти) бўлса, хежлаш объектининг хежлаш бўйича фойда ёки зарари фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим. Лекин, агар хежлаш объекти улушли инструмент бўлса ва ташкилот унинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар 5.7.5-бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда акс эттирилса, ушбу суммалар бошқа умумлашган даромадда қолдирилиши лозим. Агар хежлаш объекти тан олинмаган қатъий шартномавий мажбурият бўлса (ёки унинг компоненти) хежлаш объектининг ҳаққоний қийматидаги жамғарилган ўзгаришлар ташкилот томонидан актив ёки мажбурият сифатида белгиланиши ва мос равишда фойда ёки зарар тегишли тартибда тан олинishi лозим.

6.5.9 Агар хежлаш объекти ҳаққоний қийматни хежлашда активни сотиб олиш ёки мажбуриятни ўзига олишни назарда тутган қатъий шартномавий мажбурият (ёки унинг компоненти) ҳисобланса, актив ёки мажбуриятнинг бошланғич баланс қиймати, ташкилот томонидан қатъий шартномавий мажбуриятнинг бажарилиши натижасида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган хежлаш объекти ҳаққоний қийматининг жамғарилган ўзгаришлар суммасига тузатилади.

6.5.10 6.5.8(б) банд таъсирида юзага келадиган ҳар қандай тузатиш хежлаш объекти амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий инструмент (ёки унинг компоненти) бўлса, фойда ёки зарарда акс эттириш орқали амортизацияланиши лозим. Амортизациялаш тузатиш юзага келган пайдан бошланиши билан ва хежлаш объектининг фойда ёки зарарни хежлаш учун тузатилиши тўхтатиладиган пайдан кечиктирилмай амалга оширилиши лозим. Амортизациялаш амортизация бошланган санадаги қайта ҳисобланган эффектив фойз ставкаси асосида аниқланади. Агар молиявий актив (ёки унинг компоненти) хежлаш объекти бўлса ва у 4.12А бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда ҳаққоний қийматда баҳоланган тақдирда, амортизация худди шу усулда қўлланади, лекин, баланс қиймати тузатилмасдан, илгари 6.5.8(б) бандга мувофиқ жамғарилган фойда ёки зарарни акс эттирувчи суммага нисбатан қўлланади.

Пул оқимини хежлаш

6.5.11 Агар пул оқимини хежлаш 6.4.1-банддаги мезонларга жавоб берса, хежлаш муносабатлари қуйидагича ҳисобга олинади:

- (a) хежланган модда (пул оқимини хежлаш резерви) билан боғлиқ хусусий капиталнинг алоҳида компоненти қуйидагиларнинг энг камига қадар тузатилади (мутлак суммада):
 - (i) хеж бошланишидан бери хеж инструментнинг жамғарилган фойда ёки зарари; ва
 - (ii) хеж бошланишидан хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги (дисконтланган қиймати) жамғарилган ўзгаришларни (яъни келгуси пул оқимини хежлашда жамғарилган ўзгаришларни дисконтланган қиймати).
- (б) хеж самарадорлиги сифатида белгиланган (яъни, (a) бандга мувофиқ ҳисобланган пул оқимлари хежи резерви билан ўзаро ҳисоб-китоб қилинган қисми) хежлаш инструментининг фойда ёки зарари қисми бошқа умумлашган даромадда тан олиними лозим.
- (в) хежлаш инструментининг қолган фойда ёки зарари (ёки (a) бандга мувофиқ ҳисоблаган пул оқимлари хеж резервининг ўзгаришларини балансга келтириш учун фойда ёки зарар суммаси) хеж самарасизлиги бўлиб, фойда ёки зарарда тан олиними лозим.
- (г) (a) бандга мувофиқ жамғарилган пул оқимини хежлаш резерви қуйидагича ҳисобга олиними лозим:
 - (i) агар хежланган келгуси операция номолиявий актив ёки номолиявий мажбуриятни тан олишни ёхуд номолиявий актив ёки номолиявий мажбурият учун хежланган прогноз қилинган операция қатъий шартномавий мажбурият бўлса ва унга ҳаққоний қийматни хежлаш ҳисоби қўлланса, ташкилот ушбу суммани пул оқимлари хеж резерви суммасидан чегириб ташлаши ва актив ёки мажбуриятнинг бошланғич қийматига ёки бошқа баланс қийматига киритиши лозим. Бу қайта таснифлаш бўйича тузатиш ҳисобланмайди (1-сон БХХСга қаранг) ва шунинг учун бошқа умумлашган даромадга таъсир кўрсатмайди.
 - (ii) (i) бандда кўрсатилганлардан бошқа пул оқимини хежлашда, ушбу сумма пул оқимини хежлаш резервидан фойда ёки зарарга ушбу даврда ёки кутилаётган келгуси пул оқимлари фойда ёки зарарга таъсир кўрсатган даврда (масалан, фонз даромади ёки харажати тан олинганда ёки прогноз қилинган сотувлар рўй берганда) қайта таснифлаш бўйича тузатиш (1-сон БХХСга қаранг) сифатида қайта таснифлаши лозим.
 - (iii) лекин, агар сумма зарар бўлса ва ташкилот унинг барчаси ёки бир қисми бир нечта даврларда қайта тикланмаслигини қутаётган бўлса, у қайта тикланмаслиги кутилаётган суммани фойда ёки зарарга қайта таснифлаш бўйича тузатиш (1-сон БХХСга қаранг) сифатида қайта таснифлаши лозим.

6.5.12 Агар ташкилот пул оқимини хежлаш учун хежлаш ҳисобини қўллашни тўхтатса (6.5.6 ва 6.5.7(б) бандларга қаранг), у пул оқимини хежлаш резервида жамғарилган суммаларни 6.5.11(a) бандга мувофиқ қуйидагича ҳисобга олиши лозим:

- (a) агар келгуси пул оқимини хежлаш ҳали ҳам кутилаётган бўлса, ушбу сумма пул оқимини хежлаш резервида келгуси пул оқимлари рўй бергунга қадар ёки 6.5.11(г)(iii) банд қўлланилгунга қадар қолдирилиши лозим. Агар келгуси пул оқимлари юзага келса, 6.5.11(г) банд қўлланади.
- (б) агар келгуси пул оқимлари хежини рўй бериши ортиқ кутилмаётган бўлса, ушбу сумма дарҳол пул оқимини хежлаш резервидан фойда ёки зарарга қайта таснифлаш бўйича тузатиш (1-сон БХХСга қаранг) сифатида қайта таснифланиши лозим. Келгуси пул оқимлари хежи ортиқ юқори эҳтимолли бўлмаса, у ҳали ҳам кутилаётган деб топилиши мумкин.

Чет эл бўлинмасига соф инвестицияни хежлаш

- 6.5.13** Чет эл бўлинмасига соф инвестицияни хежлаш, шу жумладан соф инвестициянинг бир қисми ҳисобланган монетар модда хежи (21-сон БҲХСга қаранг), пул оқимини хежлаш ҳисобига ўхшаш тарзда ҳисобга олинishi лозим.
- (а) самарали хеж ҳисобланган хежлаш инструментининг фойда ёки зарар қисми бошқа умумлашган даромадда (6.5.11-бандга қаранг) тан олинishi; ва
 - (б) самарасиз бўлган қисми фойда ёки зарарда тан олинishi лозим.
- 6.5.14** Чет эл валютасини қайта ҳисоблашдаги резервда ҳисобга олинган хежнинг самарали қисмига тегишли бўлган хежлаш инструментининг жамғарилган фойда ёки зарари, 21-сон БҲХСнинг 48-49-бандларига мувофиқ чет элдаги бўлинмадан тўлиқ ёки қисман чиқиб кетишида хусусий капиталдан фойда ёки зарарларга қайта таснифлаш бўйича тузатиш (21-сон БҲХСга қаранг) сифатида қайта таснифланиши лозим.

Опционларнинг вақт қиймати ҳисоби

- 6.5.15** Агар ташкилот опцион шартноманинг вақт қиймати ва ички қийматини ажратса ва хежлаш инструменти сифатида фақат опционнинг ички қийматини белгиласа (6.2.4(а) бандга қаранг), у опционнинг вақт қийматини қуйидагича ҳисобга олиши лозим (Б6.5.29–Б6.5.33 бандларга қаранг):
- (а) ташкилот опционнинг вақтинча қийматини опцион бўйича қуйидаги хежлаш объектининг турларига қараб фарқлаши лозим (Б6.5.29 бандга қаранг):
 - (i) муайян операцияга тегишли хежлаш объекти; ёки
 - (ii) муайян вақт оралиғига тегишли хежлаш объекти.
 - (б) муайян операцияга тегишли хежлаш объектини хежлайдиган опцион вақт қийматининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар хежлаш объектига тегишли қисмда бошқа умумлашган даромадда тан олинishi ва хусусий капиталнинг алоҳида компонентидан жамғарилиши лозим. Хусусий капиталнинг алоҳида компоненти (“сумма”) сифатида жамғарилган опционнинг вақт қийматидан юзага келадиган ҳаққоний қийматнинг жамғарилган ўзгариши қуйидагича ҳисобга олинishi лозим:
 - (i) агар хежланган объект келгуси операция номолиявий актив ёки номолиявий мажбуриятни тан олиши ёхуд номолиявий актив ёки номолиявий мажбурият учун хежланган келгуси операция қатъий шартномавий мажбурият бўлса ва унга ҳаққоний қиймат хежлаш ҳисоби қўлланса, ташкилот ушбу суммани хусусий капиталнинг тегишли компонентидан чегириб ташлаши ва актив ёки мажбуриятнинг бошланғич қийматига ёки бошқа баланс қийматига киритиши лозим. Бу қайта таснифлаш бўйича тузатиш ҳисобланмайди (1-сон БҲХСга қаранг) ва шунинг учун бошқа умумлашган даромадга таъсир кўрсатмайди.
 - (ii) (i) бандда кўрсатилганлардан бошқа хежлаш муносабатлари учун, ушбу сумма хусусий капиталнинг тегишли компонентидан фойда ёки зарарга ушбу даврда ёки кутилаётган келгуси пул оқимлари фойда ёки зарарга таъсир кўрсатадиган даврларда (масалан келгуси сотувлар рўй берганда) қайта таснифлаш бўйича тузатиш (1-сон БҲХСга қаранг) сифатида қайта таснифлаши лозим.
 - (iii) лекин, агар сумма зарар бўлса ва ташкилот унинг барчаси ёки бир қисми бир неча даврларда қайта тикланмаслигини кутаётган бўлса, у қайта тикланмаслиги кутилаётган суммани фойда ёки зарарга қайта таснифлаш бўйича тузатиш (1-сон БҲХСга қаранг) сифатида қайта таснифлаши лозим.
 - (в) муайян вақт оралиғига тегишли бўлган хежлаш объектини хежлайдиган опцион вақт қийматининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлари бошқа умумлашган даромадда хежлаш объектига тегишли бўлган даражада тан олинади ва хусусий капиталнинг алоҳида компонентидан жамғарилади. Опционни хежлаш инструменти сифатида белгилашда вақт қийматини хежлаш объектига тегишли қисми тизимли ва рационал асосда опционнинг ички қийматини хеж тузатишлари фойда ёки зарарга (ёки бошқа умумлашган даромадни, агар хежлаш объекти улушли инструмент бўлиб, ташкилот 5.7.5-бандга мувофиқ ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларни бошқа умумлашган даромадда акс эттириш танлаган бўлса) таъсир этиши мумкин даврда амортизацияланиши лозим. Шунга кўра, ҳар бир ҳисобот даврида амортизация суммаси, хусусий капиталнинг алоҳида компонентидан фойда ёки зарарга қайта таснифлаш бўйича тузатиш (1-сон БҲХСга қаранг) сифатида қайта таснифланиши лозим. Лекин, агар хежлаш ҳисоби хеж инструмент сифатидаги опционнинг

ички қийматидаги ўзгаришни ўз ичига олган хежлаш муносабатлари учун тўхтатилган бўлса, хусусий капиталнинг алоҳида компонентида жамғарилган соф сумма (яъни шу жумладан жамғарилган амортизация билан) дарҳол фойда ёки зарарга қайта таснифлаш бўйича тузатиш (1-сон БХХСга қаранг) сифатида қайта таснифланиши лозим.

Форвард шартномаларининг форвард элементи ва молиявий инструментнинг чет эл валютаси базис спреди ҳисоби

- 6.5.16 Агар ташкилот форвард шартноманинг форвард элементи ва спот элементини ажратса ва хежлаш инструменти сифатида фақат форвард шартнома спот элементининг қийматини белгиласа, ёки агар ташкилот молиявий инструментдан чет эл валютаси базис спреди ажратса ва уни ушбу молиявий инструментни хежлаш инструменти сифатида белгилашда чиқариб ташласа (6.2.4(б) бандга қаранг), ташкилот 6.5.15-бандни форвард шартноманинг форвард элементига нисбатан ёки чет эл валютаси базис спреди худди шу тарзда опционнинг вақт қийматига қўллаши мумкин. Ушбу ҳолатда ташкилот Б6.5.34-Б6.5.39-бандлардаги кўрсатмаларни қўллаши лозим.

6.6 Объектлар гуруҳининг ҳежи

Объектлар гуруҳининг хежлаш объекти сифатида белгиланиши

- 6.6.1 Объектлар гуруҳи (шу жумладан нетто позицияни ифодаловчи объектлар гуруҳи, Б6.6.1-Б6.6.8 бандларга қаранг) фақат қуйидаги шартларда хеж объекти сифатида таснифланиши мумкин:
- (a) алоҳида тарзда объектлар хежлашга муносиб моддалардан (шу жумладан, объектлар компонентидан) иборат бўлса;
 - (б) риск бошқариш мақсадида гуруҳ асосида биргаликда бошқариладиган гуруҳдаги объектлар; ва
 - (в) объектлар гуруҳининг пул оқимини хежлашда ушбу объектларнинг пул оқимларидаги ўзгаришлар гуруҳ пул оқимларининг умумий ўзгаришларга тахминан мутаносиб тарзда мос бўлиши қўтилмаган ҳолатда ва шу тариқа риск позицияларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиши юзага келганда:
 - (i) бу чет эл валютаси ҳежи rischi; ва
 - (ii) прогноз қилинган операциялар фойда ёки зарарга таъсир кўрсатадиган ҳисобот даврида нетто позициялар, шунингдек уларнинг тавсифи ва ҳажми белгиланади (Б6.6.7-Б6.6.8-бандларга қаранг).

Номинал қийматнинг компонентини хежлаш объекти сифатида белгилаш

- 6.6.2 Муносиб объектлар гуруҳининг қисми ҳисобланган компонент ташкилотнинг риск бошқаруви мақсадида мувофиқ бўлса, муносиб хежлаш объекти ҳисобланади.
- 6.6.3 Жами объектлар гуруҳидаги қатлам компонент фақат қуйидаги шартларда хеж ҳисоби учун муносиб ҳисобланади:
- (a) у алоҳида идентификацияланадиган ва ишончли баҳолана оладиган бўлса;
 - (б) риск бошқаруви мақсади қатлам компонентни хежлаш бўлса;
 - (в) қатлам идентификацияланадиган жами гуруҳдаги объектлар шу турдаги хеж riskига тортилса (хежланган қатламнинг баҳоланишига жами гуруҳдаги объектларнинг аниқ бир объектларига аҳамиятли таъсир кўрсатмаслиги учун);
 - (г) мавжуд объектлар ҳежи (масалан, тан олинмаган қатъий шартномавий мажбурият ёки тан олинган актив) учун ташкилот жами объектлар гуруҳидан хежланган қатламни ажратиб ололса ва назорат қилиб борса (ташкилот муносиб хежлаш муносабатлари ҳисоби талабларига мувофиқ келишини таъминлай оладиган бўлиши учун); ва
 - (д) олдиндан тўлов опционини ўз ичига олувчи гуруҳнинг исталган объекти номинал сумманинг компоненти талабларига жавоб берса (Б6.3.20-бандга қаранг).

- \
- 6.6.4 Риск позицияларини ўзаро ҳисоб-китоб қилувчи объектлар гуруҳи ҳежи учун (яъни нетто позиция ҳежида), бунда фойда ёки зарарлар ҳамда бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда турли моддалардаги ҳежланган рискка таъсир кўрсатадиган, ҳежлашда фойда ёки зарарлар ушбу ҳисоботда ҳежлаш объектидан таъсир кўрганлардан алоҳида моддада акс эттирилиши лозим. Шунга кўра, ушбу ҳисоботда ҳежлаш объектига тегишли (масалан тушум ёки сотув таннархи) моддадаги сумма ўзгармасдан қолади.
- 6.6.5 Ҳаққоний қиймат ҳежида гуруҳ сифатида биргаликда ҳежланган актив ва мажбуриятлар учун, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида актив ёки мажбурият бўйича фойда ёки зарарлар 6.5.8(б) бандга мувофиқ гуруҳни ташкил этувчи тегишли алоҳида объектларнинг баланс қийматида тузатиш сифатида тан олиними лозим.

Рискдан холи позициялар

- 6.6.6 Агар ҳежлаш объекти рискдан холи позиция бўлса (яъни ҳеж объектлари гуруҳ асосида рискларни бошқаришда рискни ўзаро ҳисоб-китоб қилса), ташкилотга уни ҳежлаш инструментига киритилмаган ҳежлаш муносабатларига белгилашга қуйидаги шартлар бажарилганда рухсат этилади:
- (а) ҳеж давом этадиган нетто риск позициясини ҳежлаш стратегияси бир қисми бўлса, бунда ташкилот бир хил турдаги янги позицияларни мунтазам вақт ўтишига қараб ҳежлаб борганда (масалан, операциялар ташкилот ҳежлайдиган вақт давомида чегарасига етганда);
 - (б) нетто риск ҳежи стратегиясининг муддати давомидаги ҳажми ўзгаришида ҳежнинг нетто позицияси ва ташкилот муносиб ҳеж инструментларини нетто рискларни ҳежи учун фойдаланилади (яъни нетто позиция нолга тенг бўлмаганда);
 - (в) ҳежлаш ҳисоби нормал ҳолатда бундай нетто позицияларга қўлланганда, агар нетто позициялар нолга тенг бўлмаса ва у муносиб ҳеж инструментлари билан ҳежланган бўлса; ва
 - (г) рискдан холи позицияларга ҳежлаш ҳисобини қўлламаслик мувофиқ бўлмаган ҳисоб натижаларини келтириб чиқаради, чунки ҳисобда ўзаро қошлайдиган риск позициясини тан олиб бўлмайди, акс ҳолда улар нетто позиция ҳежида тан олиними лозим бўлади.

6.7 Кредит рискига тортилган позицияни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолашни белгилаш имконияти

Кредит рискига тортилган позицияни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгилаш шартлари

- 6.7.1 Агар ташкилот фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган кредит деривативидан тўлиқ ёки қисман кредит рискини бошқариш учун фойдаланса, у ушбу молиявий инструментни (яъни тўлиқ ёки унинг бир қисмини) тегишли бошқариш даражасида фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгилаши мумкин, агар:
- (а) кредит rischi очик позицияси номи (масалан, қарз олувчи ёки қарз мажбуриятини олган шахс) кредит деривативидаги қарздор ташкилот билан мос келиши лозим (номни солиштириш); ва
 - (б) молиявий инструментнинг юқорилик даражаси кредит деривативига мувофиқ ўтказиб бериш мумкин бўлган ушбу инструментларнинг даражасига мос келиши.

Ташкилот ушбу белгилашни мазкур стандартни қўллаш даражасидаги кредит рискни бошқариш учун молиявий инструмент нимага мўлжалланганидан қатъий назар амалга ошириши мумкин (масалан ташкилот мазкур стандарт қўллаш доирасидан ташқари қарз бериш мажбуриятларини шундай белгилаши мумкин). Ташкилот ушбу молиявий инструментни дастлабки тан олишда ёки кейинчалик, ёки тан олинмайдиган пайтда белгилаши мумкин. Ташкилот белгилашни ўша пайтда ҳужжатлар орқали расмийлаштириши лозим.

Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган кредит рискига мойил позиция ҳисоби

- 6.7.2 Агар молиявий инструмент 6.7.1-бандга мувофиқ дастлабки тан олингандан кейин фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланса ёки олдин тан олинмаган бўлса, белгилаш пайтидаги баланс қиймати ва ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ, агар мавжуд бўлса, дарҳол фойда ёки зарарда тан олинishi лозим. 4.1.2А бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар учун, илгари бошқа умумлашган даромадда тан олинган жамғарилган фойда ёки зарар дарҳол хусусий капиталдан фойда ёки зарарга қайта таснифлаш бўйича тузатиш сифатида қайта таснифланиши лозим (1-сон БХХСга қаранг).
- 6.7.3 Ташкилот кредит rischi ошишига олиб келувчи молиявий инструментни ёки унинг қисмими фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши тўхтатиши лозим, агар:
- (а) 6.7.1-банддаги мезонларга ортиқ жавоб бера олмаса, масалан:
 - (i) кредит дериватив ёки тегишли кредит rischi ошишига олиб келувчи молиявий инструмент тугатилган ёки сотилган, тўхтатилган ёки қопланган бўлса; ёки
 - (ii) молиявий инструментнинг кредит rischi кредит деривативларидан фойдаланилган ҳолда ортиқ бошқарилмаса. Масалан, бу ҳолат қарз олувчининг ёки қатъий қарз бериш шартномаси эгаси кредит сифати яхшиланиши учун юзага келиши ёки ташкилотнинг хусусий капиталига бўлган талабларнинг ўзгариши; ва
 - (б) кредит riskини ошишига олиб келувчи молиявий инструмент фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши талаб этилмайди (яъни ташкилотнинг бизнес модели ўзгармаганлиги сабабли, 4.4.1-бандга мувофиқ қайта таснифлаш талаб этилмайди)
- 6.7.4 Ташкилот кредит riskини оширувчи молиявий инструментни ёки унинг бир қисмини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши тўхтатганда, ушбу молиявий инструментнинг тўхтатиш санасидаги ҳаққоний қиймати унинг янги баланс қиймати ҳисобланади. Кейинчалик, молиявий инструментни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда белгилангунга қадар бундай баҳоланиш қўлланиши лозим (янги баланс қийматини амортизациялашни ҳам ўз ичига олган ҳолда). Масалан, илгари амортизацияланадиган қийматда баҳоланган деб таснифланган молиявий актив қайта ушбу баҳоланишга ўтказилиши ва фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши тўхтатиш санасидаги янги баланс қиймати асосида унинг эффе́ктив фоиз ставкаси қайта ҳисобланган бўлади.

Махсус ҳежлаш ҳисоби талабларини қўллашдан вақтинчалик истиснолар

- 6.8.1 Ташкилот 6.8.4-6.8.12 ва 7.1.8 ва 7.2.26(г) бандларни бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш таъсир этган барча ҳежлаш муносабатларига тадбиқ этиши лозим. Ушбу бандлар фақат бундай ҳежлаш муносабатларига тадбиқ этилади. ҳежлаш муносабатлари, агар ислоҳ қилиш қуйидагилар бўйича ноаникликларни ошишига олиб келса, бевосита таъсирланган ҳисобланади:
- (а) фоиз ставкаси бенчмарки (шартнома бўйича ёки шартнома бўйича бўлмаган келишилган) ҳеж rischi сифатида белгиланган бўлса; ва/ёки
 - (б) фоиз ставкаси бенчмаркига асосланган пул оқимлари суммаси ёки вақти ҳежланган модда ёки ҳежлаш инструменти бўлса;
- 6.8.2 Ушбу мақсадда 6.8.4-6.8.12-бандларни қўллашда “бенчмарк фоиз ставкаси ислоҳ қилиш” атамаси бенчмарк фоиз ставкасини кенг қўламли бозор ислоҳотини, шу жумладан ўз ичига Молиявий барқарорлик кенгашининг 2014 йил июлдаги “Асосий фоиз ставкаси бенчмаркларини ислоҳ қилиш” ҳисоботидаги тавсиялардан келиб чиқиб, фоиз ставкаси бенчмаркини муқобил бенчмарк ставкасига алмаштиришни олади.²
- 6.8.3 6.8.4-6.8.12-бандлар фақат ушбу бандларда кўрсатилган талабларга истиснолар беради. Ташкилот бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш бевосита таъсир этган ҳежлаш муносабатларига барча бошқа ҳежлаш ҳисоби талабларини қўллашни давом эттириши лозим.

² ‘Асосий фоиз ставкаси бенчмаркларини ислоҳ қилиш’ ҳисоботида куйидаги ҳавола орқали ўтишингиз мумкин http://www.fsb.org/wp-content/uploads/r_140722.pdf.

Пул оқимлари хежи учун юқори эҳтимолли бўлиши талаблари

- 6.8.4 6.3.3-банддаги талабни қўллаш мақсадида прогноз қилинган операция юқори эҳтимолли бўлиши ва ташкилот фоиз ставкаси бенчмарки бўйича пул оқимларини (шартнома билан ёки шартномасиз кўрсатилган) хежланиши, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида ўзгартирилмаган деб ҳисобланиши лозим.

Пул оқимини хежлаш резервида жамғарилган суммани қайта таснифлаш

- 6.8.5 6.5.12-банд талабларини қўллаш мақсадида, ташкилот келгуси пул оқимини хежлашни юзага келишини аниқлаш мақсадида ташкилот фоиз ставкаси бенчмарки бўйича пул оқимини хежланиши (шартнома билан ёки шартномасиз кўрсатилган) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида ўзгартирилмаган деб ҳисоблаши лозим.

Хежланган объект ва хежлаш инструменти ўртасидаги иқтисодий муносабатларни баҳолаш

- 6.8.6 6.4.1(в)(i) ва Б6.4.4-Б6.4.6-бандлар талабларини қўллаш мақсадида, ташкилот фоиз ставкаси бенчмарки бўйича пул оқимларини хежланиши ва/ёки хежланган риск (шартнома билан ёки шартномасиз кўрсатилган) ёки хежлаш инструментининг пул оқимлари бўйича фоиз ставкаси, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида ўзгартирилмаган деб ҳисоблаши лозим.

Компонентни хежлаш объекти сифатида белгилаш

- 6.8.7 6.8.8-банд қўлланилмаса, шартномасиз кўрсатилган фоиз ставкаси рискнинг компонентининг махсус бенчмарк қисмини хежлаш учун ташкилот 6.3.7(а) ва Б6.3.8-бандлардаги талабларни хежлаш муносабатларининг бошида алоҳида ажратиб олинандиган риск компонентига қўллаши лозим.
- 6.8.8 Агар ташкилот ўзининг хежлаш бўйича хужжатларига биноан ҳам хежлаш инструменти, ҳам хежлаш объекти тез-тез ўзгариб турганлиги (яъни, ташкилот шундай динамик жараёндан фойдаланадики, унинг доирасида ҳам хежлаш объекти, ҳам рискларни бошқариш учун ишлатиладиган хежлаш инструментлари узоқ вақт ўша-ўша бўлиб қолмайди) сабабли хежлаш муносабатларини тез-тез қайта кўриб чиқса (яъни, тўхтатса ва қайта тикласа), ташкилот 6.3.7(а) ва Б 6.3.8-бандларнинг (риск компоненти алоҳида идентификацияланган бўлиши кераклиги ҳақидаги) талабларини фақат ўз ихтиёрига кўра хежлаш объектини ушбу хежлаш муносабатларининг таркибида белгиласа, қўллаши лозим. хежлаш муносабатларини дастлабки белгилашда, бундай белгилаш хеж бошида ёки кейинчалик бўлганда, баҳоланган хежлаш объекти худди шундай хеж муносабатиде кейинчалик қайта белгилашда қайта баҳоланмайди.

Қўллашнинг тугатилиши

- 6.8.9 Ташкилот хежланган моддага нисбатан 6.8.4-бандни қўллашни перспектив тарзда қуйидагиларни эртароқ санада тўхтатиши лозим:
- (а) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган ноаниқлик хежланган модданинг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган пул оқимлари суммаси ва муддатига таъсир этмаса; ва
 - (б) хежланган модданинг қисми бўлган хежлаш муносабатлари тугатилса;
- 6.8.10 Ташкилот 6.8.5-бандни перспектив қўллашни қуйидагиларнинг эртароқ санасида тўхтатиши лозим:
- (а) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган ноаниқлик хежлаш объектининг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган келгуси пул оқимлари суммаси ва муддатига таъсир этмаса; ва
 - (б) пул оқимини хежлаш резервида жамғарилган жами суммани хежлаш муносабатлари тугатилиши сабабли фойда ёки зарарга қайта таснифланганда.
- 6.8.11 Ташкилот 6.8.6-бандни перспектив тарзда қўллашни тўхтатиши лозим:
- (а) хежланган объектга нисбатан, агар бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган ноаниқлик хежлаш объектининг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган пул оқимлари суммаси ва муддатига нисбатан таъсир этмаса; ва

- (б) хежлаш инструментига нисбатан, агар бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган ноаниқлик хежлаш инструментининг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган пул оқимлари суммаси ва муддатига таъсир этмаса.
- Агар хежлаш муносабатлари хежлаш объекти ва хежлаш инструменти қисми тугатилиши 6.8.11(а) ёки 6.8.11(б) бандда кўрсатилган санадан олдинроқ юзага келса, ташкилот тугатиш санасида хежлаш муносабатларига нисбатан 6.8.6 банд талабларини перспектив тарзда қўллашни тўхтатиши лозим.
- 6.8.12 Объектлар гуруҳини хежланган модда сифатида ёки молиявий инструментларнинг комбинациясини хеж инструмент сифатида белгиланганда, ташкилот 6.8.4-6.8.6 бандларни алоҳида модда ёки молиявий инструментга 6.8.9, 6.8.10 ёки 6.8.11-бандларга мувофиқ, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида пайдо бўлган ноаниқлик хеж рискига ва/ёки ушбу объект ёки молиявий инструментнинг бенчмарк фоиз ставкасига асосланган пул оқимлари суммаси ва муддатига таъсир этмаса, перспектив тарзда қўллашни тўхтатиши лозим.
- 6.8.13 Ташкилот 6.8.7 ва 6.8.8-бандларни перспектив қўллашни қуйидаги ҳодисаларнинг эртарафи билан тўхтатиши лозим:
- (а) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар шартномада белгиланмаган риск компонентида 6.9.1-бандга мувофиқ амалга оширилганда; ёки
- (б) шартномадан ташқари риск компонентини ўз ичига олган хежлаш муносабатлари тугатилганда.

6.9 Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча вақтинчалик истиснолар

- 6.9.1 6.8.4–6.8.8-бандлардаги талабларни хежлаш муносабатларига (6.8.9–6.8.13-бандларга қаранг) нисбатан қўллаш тўхтатилганда ва тўхтатилиши билан, ташкилот бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш орқали талаб қилинадиган ўзгаришларни, яъни 5.4.6–5.4.8-бандлар талабларига жавоб берадиган ўзгаришларни акс эттириш учун ўзининг ушбу хежлаш муносабатларини белгилаш тўғрисидаги расмий қарорини ўзгартириши лозим. Бундай ҳолда, ташкилотнинг хежлаш муносабатларини белгилаш тўғрисидаги қарори фақат қуйидаги ўзгаришлардан бирини ёки бир нечасини киритиш учун ўзгартирилиши лозим:
- (а) хежланган риск сифатида муқобил бенчмарк ставкани (шартномада ёки шартномада кўрсатилмаган ҳолда) белгилаш;
- (б) хежланган объект тавсифидаги ўзгариш, шу жумладан хежланган пул оқимларининг белгиланган қисми ёки ҳаққоний қиймати тавсифи; ёки
- (в) хежлаш инструментининг тавсифини ўзгартириш.
- 6.9.2 Ташкилот агар қуйидаги учта шартлар бажарилса, 6.9.1(в) банддаги талабни қўллаши лозим:
- (а) ташкилот бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилишни талаб қиладиган ўзгартиришни хежлаш инструментининг шартномавий пул оқимларини аниқлаш учун асосни ўзгартиришдан бошқа ёндашувни қўллаш орқали амалга оширса (5.4.6-бандда тавсифланганидек);
- (б) дастлабки хежлаш инструментининг тан олиниши бекор қилинмаса; ва
- (в) танланган ёндашув иқтисодий жиҳатдан дастлабки хежлаш инструментининг шартномавий пул оқимларини аниқлаш учун асосни ўзгартиришга эквивалент бўлса (5.4.7 ва 5.4.8-бандларда тавсифланганидек).
- 6.9.3 6.8.4–6.8.8 бандлардаги талабларни қўллаш турли вақтларда тугатилиши мумкин. Шу сабабли, 6.9.1-бандни қўллашда ташкилот турли вақтларда хежлаш муносабатларини белгилаш бўйича расмийлаштирилган қарорни янгилashi ёки бир неча марта хежлаш муносабатларини белгилаш бўйича расмийлаштирилган қарорни янгилashi лозим бўлиши мумкин. Ташкилотнинг белгиланган хежлаш муносабатларига фақат ва фақат бундай ўзгартириш киритилганда, ташкилот тегишли равишда 6.9.7–6.9.12-бандларни қўллаши лозим. Ташкилот, шунингдек, хежланган модда ёки хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ҳар қандай ўзгаришларни ҳисобга олиш учун 6.5.8-бандни (ҳаққоний қиймат хежи учун) ёки 6.5.11-бандни (пул оқими хежи учун) қўллаши лозим.
- 6.9.4 Ташкилот 6.9.1-бандда талаб қилинганидек, хежланган рискга, хежланган моддага ёки хежлаш инструментига бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш орқали талаб қилинган ўзгартириш киритилган ҳисобот даври тугагунига қадар тузатиш киритиши лозим. Шубҳага йўл қўймазлик учун, хежлаш муносабатларини белгилаш тўғрисидаги расмийлаштирилган қарорга бундай тузатиш

хежлаш муносабатларининг тугатилиши ҳам, янги хежлаш муносабатларининг белгиланиши ҳам ҳисобланмайди.

- 6.9.5 Агар (5.4.6-5.4.8-бандларда тавсифланганидек) бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш орқали талаб қилинадиган ўзгаришларга қўшимча равишда, хежлаш муносабатлари сифатида белгиланган молиявий актив ёки молиявий мажбуриятда ўзгаришлар бўлса ёки (6.9.1-банд талабига биноан) хежлаш муносабатларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилганда, ташкилот биринчи навбатда ушбу стандартнинг тегишли талабларини ушбу қўшимча ўзгаришлар хежлаш ҳисобининг тўхтатилишига олиб келиши ёки йўқлигини аниқлаш учун қўллаши лозим. Агар бундай қўшимча ўзгаришлар хежлаш ҳисобини тўхтатишга олиб келмаса, ташкилот 6.9.1-бандда кўрсатилганидек, хежлаш муносабатларининг расмийлаштирилган белгиланишини ўзгартириши лозим.
- 6.9.6 6.9.7 - 6.9.13-бандлар фақат ушбу бандларда кўрсатилган талаблар учун истисноларни назарда тутати. Ташкилот бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш бевосита таъсир кўрсатадиган хежлаш муносабатларига нисбатан мазкур стандартдаги барча бошқа хежлаш ҳисоби талабларини, шу жумладан 6.4.1-банддаги мезонларни қўллаши лозим.

Квалификацияланган хежлаш муносабатларини ҳисобга олиш

Пул оқимларини хежлаш

- 6.9.7 6.5.11-бандни қўллаш мақсадида, ташкилот 6.9.1(б) бандида талаб қилинганидек, хежланган модда тавсифини ўзгартирганда, пул оқимини хежлаш резервида жамғарилган сумма келгусида хежланган пул оқимлари аниқланадиган муқобил бенчмарк фоиз ставкасига асосланади деб ҳисобланади.
- 6.9.8 Хежланган келгуси пул оқимлари аниқланишига асос бўлган бенчмарк фоиз ставкаси бенчмарк фоиз ставкани ислоҳ қилиш орқали талаб этилиши натижасида ўзгартирилганда тўхтатилган хежлаш муносабатлари учун 6.5.12-бандни қўллаш мақсадида хежланган келгуси пул оқимлари кутилишини аниқлаш учун ушбу хежлаш муносабатлари бўйича пул оқимини хежлаш резервида жамғарилган сумма келгусида хежланадиган пул оқимлари аниқланадиган муқобил бенчмарк ставкага асосланган деб ҳисобланиши лозим.

Моддалар гуруҳлари

- 6.9.9 Ташкилот 6.9.1-бандни ҳаққоний қийматни хежлаш ёки пул оқимини хежлашда хежланган моддалар сифатида белгилаган моддалар гуруҳларига нисбатан қўлласа, ташкилот хежланган моддаларни хежланадиган бенчмарк ставка асосида кичик гуруҳларга ажратиши ва бенчмарк ставкани ҳар бир кичик гуруҳ учун хежланган риск сифатида белгилаши лозим. Масалан, бир гуруҳ моддалар бенчмарк фоиз ставкаси ўзгаришидан хежлаш ва бу ставка бенчмарк фоиз ставкани ислоҳ қилишга таъсир қиладиган хежлаш муносабатларида, гуруҳдаги хежланган пул оқимлари ёки айрим моддаларнинг ҳаққоний қиймати ушбу гуруҳдаги бошқа моддалар ўзгартирилишидан олдин муқобил бенчмарк ставкага мос равишда ўзгартирилади. Ушбу мисолда, 6.9.1-бандни қўллашда ташкилот хежланган моддаларнинг белгиланган кичик гуруҳи учун хежланган риск сифатида муқобил бенчмарк ставкани белгилаши лозим. Хежланган моддаларнинг бошқа кичик гуруҳи учун ташкилот хежланган пул оқимлари ёки хежланган моддаларнинг ҳаққоний қиймати муқобил бенчмарк ставкага мослашиш учун ўзгартирилгунга қадар ёки хежланган референт ставкаси муддати тугагуни ва улар муқобил бенчмарк ставкаси асосида хежланган элементлар билан алмаштирилгун қадар жорий бенчмарк ставкани хежланган риск сифатида белгилашда давом этади.
- 6.9.10 Ташкилот 6.6.1-бандда кўрсатилган хежланган модда сифатида таснифлаш талабларига жавоб беришини аниқлаш учун ҳар бир кичик гуруҳни алоҳида баҳолаши лозим. Агар бирон бир кичик гуруҳ 6.6.1-банддаги талабларга жавоб бермаса, ташкилот бутун хежлаш муносабатлари бўйича хежлаш ҳисобини перспектив тарзда тўхтатиши лозим. Ташкилот, шунингдек, 6.5.8 ва 6.5.11-бандлардаги талабларни умуман ушбу хежлаш муносабатлари билан боғлиқ самарасизликни ҳисобга олиш учун қўллаши лозим.

Риск компонентларини белгилаш

- 6.9.11 Белгиланган санада алоҳида идентификация қилиниши мумкин бўлмаган (6.3.7(а) ва Б6.3.8-бандларга қаранг) рискнинг шартномада белгиланмаган компоненти сифатида ташкилот томонидан белгиланадиган муқобил бенчмарк ставка фақат ва фақат агар ташкилот 24 ой ичида муқобил бенчмарк ставка алоҳида идентификацияланиши мумкинлигини асосли тарзда қутмаган бўлса, ўша санада ушбу талабни қондиради деб ҳисобланади. 24 ойлик муддат ҳар бир муқобил бенчмарк ставкага алоҳида татбиқ этилади ва ташкилот ўзининг ихтиёрига кўра мазкур муқобил бенчмарк

ставкани шартномадан ташқари риск компоненти сифатида биринчи марта белгиланган санадан бошланади (яъни, 24 ойлик муддат ҳар бир алоҳида ставка учун амал қилади).

- 6.9.12 Агар ташкилот кейинчалик муқобил бенчмарк ставка шартномада белгиланмаган риск компоненти сифатида биринчи марта белгиланган кундан бошлаб 24 ой ичида алоҳида аниқланмаслиги тўғрисида асосли кутишга эга бўлса, ташкилот муқобил бенчмарк ставкага нисбатан 6.9.11-банддаги талабни қўллашни тўхтатиши ва ушбу муқобил бенчмарк ставка шартномада белгиланмаган риск компоненти сифатида белгиланган барча хежлаш муносабатлари учун қайта баҳолаш санасидан бошлаб хеж ҳисобини тўхтатиши лозим.
- 6.9.13 6.9.1-банддаги хежлаш муносабатларига қўшимча равишда, ташкилот 6.9.11 ва 6.9.12-бандлардаги талабларни муқобил бенчмарк ставка шартномада белгиланмаган риск компоненти (6.3.7(а) ва Б6.3.8 бандларга қаранг) сифатида белгиланган янги хежлаш муносабатларига бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш тўғрисида ушбу риск компонентини аниқлаш санасида алоҳида идентификация қилиниши мумкин бўлмаганда қўллаши лозим.

7-боб Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

7.1 Кучга кириш санаси

- 7.1.1 Мазкур стандарт ташкилот томонидан 2018 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Лекин, ташкилот мазкур МҲХСни муддатидан олдин қўллашга қарор қилса, у мазкур МҲХСдаги барча талабларни (лекин, 7.1.2, 7.2.21 ва 7.3.2 бандларга ҳам қаранг) бир вақтда қўллаши лозим ва ушбу фактни ёритиб бериши лозим. У бир вақтнинг ўзида В иловадаги ўзгартиришларни қўллаши лозим.
- 7.1.2 7.1.1 банддаги талабларга қарамасдан, 2017 йилнинг 1 январидан олдинги йиллик даврлар учун, ташкилот мазкур стандартнинг бошқа талабларини қўлламаган ҳолда, 5.7.1(в), 5.7.7–5.7.9, 7.2.14 and Б5.7.5–Б5.7.20 бандларга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятларни фойда ёки зарарда акс эттириш бўйича талабларни олдинроқ қўллаши мумкин. Агар фақат ушбу бандларни қўллашга қарор қилса, у бундай фактни ёритиб бериши ва 7-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: ёритиб бериш”нинг 10-11 бандларига (9-сон МҲХС (2010) бўйича тузатиш киритилган) мувофиқ ёритиб бориши лозим. (7.2.2 ва 7.2.15 бандларга ҳам қаранг).
- 7.1.3 2013 йилнинг декабрь ойида эълон қилинган “2010-2012 йиллар учун МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар” бўйича 3-сон МҲХСга ўзгартиришлардан келиб чиқиб 4.2.1 ва 5.7.5 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни перспектив тарзда 3-сон МҲХСга ўзгартиришлар қўлланадиган бизнес бирлашувларига нисбатан қўллаши лозим.
- 7.1.4 2014 йилнинг май ойида эълон қилинган 15-сон МҲХС 3.1.1, 4.2.1, 5.1.1, 5.2.1, 5.7.6, Б3.2.13, Б5.7.1, В5 ва В42 бандларга ўзгартиришлар киритилган ва В16 ва унинг тегишли номланиши чиқариб ташланган. 5.1.3 ва 5.7.1А бандлар ва А иловага таъриф билан тўлдирилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 7.1.5 2016 йил январда эълон қилинган 16-сон МҲХС билан 2.1, 5.5.15, Б4.3.8, Б5.5.34 ва Б5.5.46-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 7.1.6 *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*
- 7.1.7 2017 йил октябрь ойида эълон қилинган “Салбий компания билан муддатидан олдин тўлов шартлари” (9-сон МҲХСга ўзгартиришлар) билан 7.2.29-7.2.34 ва Б41.12А ва Б4.1.11(б) ва Б4.1.12(б) бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилотлар ушбу ўзгартиришларни 2019 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 7.1.8 2019 йил сентябрь ойида эълон қилинган “Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш” 9-сон МҲХС, 39-сон БҲХС ва 7-сон МҲХСга ўзгартиришлар киритилган бўлиб, 6.8-бўлим ва 7.2.26-бандга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2020 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 39АЁ 2020 йил май ойида эълон қилинган “2018-2020 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар” бўйича 7.2.35 ва Б3.3.6А бандлар киритилган ва В3.3.6-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилотлар мазкур

Ўзгартиришларни 2022 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

- 7.1.10 9-сон МҲХС, 39-сон БҲХС, 7-сон МҲХС, 4-сон МҲХС ва 16-сон МҲХСларга ўзгартириш сифатида киритилган 2020 йил август ойида эълон қилинган “Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш - 2-фаза” бўйича 5.4.5-5.4.9, 6.8.13 бандлар, 6.9 бўлим ва 7.2.43-7.2.46 бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришлар 2020 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

7.2 Ўтиш қоидалари

- 7.2.1 Ташкилот мазкур МҲХСни 8-сон БҲХС “Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ ретроспектив тарзда қўллаши лозим, бундан 7.2.4–7.2.26 ва 7.2.28-бандларда белгиланган ҳолатлар мустасно. Мазкур МҲХС унинг дастлабки қўлланиши санасида тан олиниши бекор қилинган моддаларга нисбатан қўлланиши лозим.
- 7.2.2 7.2.1, 7.2.3–7.2.28-бандлардаги ўтиш қоидалари мақсадида, дастлабки қўллаш санаси бўлиб ташкилот мазкур МҲХСнинг талабларини биринчи марта қўллаётган сана ҳисобланади ва мазкур стандарт эълон қилинган санадан кейинги ҳисобот санаси бошланиши бўлиши лозим. Ташкилотнинг 9-сон МҲХСни қўллаш учун танлаган ёндашувига қараб, ўтиш даври турли талаблар учун бир ёки бир нечта саналарни қамраб олиши мумкин.

Таснифлаш ва баҳолаш учун ўтиш қоидалари (4 ва 5 боблар)

- 7.2.3 Дастлабки қўллаш санасида ташкилот молиявий актив 4.1.2(а) ёки 4.1.2А(а) бандлар талабларига мос келишини ўша пайтдаги фактлар ва ҳолатларга асосланган ҳолда баҳолаши лозим. Таснифлаш натижалари ташкилотнинг олдинги ҳисобот даврлари учун бизнес моделидан қатъий назар ретроспектив тарзда қўлланади.
- 7.2.4 Агар дастлабки қўллаш санасида, ташкилот томонидан Б4.1.9Б-Б4.1.9Г бандларга мувофиқ пул элементининг вақт қийматини молиявий активнинг дастлабки тан олиш пайтидаги мавжуд далиллар ва шароитлар асосида аниқлаш имкони (8-сон БҲХСда белгиланганидек) бўлмаса, ташкилот Б4.1.9Б-Б4.1.9Г бандларда белгиланган пул элементининг вақт қийматини ўзгаришини ҳисобга олманган ҳолда, молиявий активнинг дастлабки тан олиш пайтидаги мавжуд далиллар ва ҳолатлар асосида ушбу молиявий активнинг шартномавий пул оқимлари хусусиятларини баҳолаши лозим. (7-сон МҲХСнинг 42Р бандига ҳам қаранг).(7-сон МҲХСнинг 42Р бандига ҳам қаранг)
- 7.2.5 Агар дастлабки қўллаш санасида, ташкилот томонидан олдиндан тўловнинг ҳаққоний қиймати Б4.1.12(в) бандга мувофиқ муҳим эмаслигини молиявий активнинг дастлабки тан олиш пайтидаги мавжуд фактлар ва ҳолатлар асосида аниқлаш имкони (8-сон БҲХСда белгиланганидек) бўлмаса, ташкилот Б4.1.12(в) бандда белгиланган олдиндан тўлов бўйича истисноларни ҳисобга олманган ҳолда молиявий активнинг дастлабки тан олиш пайтидаги мавжуд фактлар ва ҳолатлар асосида ушбу молиявий активнинг шартномавий пул оқимлари хусусиятларини баҳолаши лозим. (7-сон МҲХСнинг 42Р бандига ҳам қаранг)
- 7.2.6 Дастлабки қўллаш санасида ташкилот бутун гибрид шартномасининг ушбу санадаги ҳаққоний қийматини 4.1.2А, 4.1.4 ёки 4.1.5-бандларга мувофиқ баҳоласа, лекин гибрид шартномаси солиштирма ҳисобот даврлари учун баҳоланмаган бўлса гибрид шартноманинг солиштирма ҳисобот даврлари учун ҳаққоний қиймати бўлиб, ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттирганда (7.2.15 бандга қаранг) ҳар бир солиштирма ҳисобот даври охиридаги компонентларнинг (яъни дериватив бўлмаган асос ва бириктирилган дериватив) ҳаққоний қиймати йиғиндиси бўлади.
- 7.2.7 Агар ташкилот 7.2.6-бандни қўллаганидан кейин дастлабки қўллаш санасида бутун гибрид шартноманинг дастлабки қўллаш санасидаги ҳаққоний қиймати ва компонентларининг ҳаққоний қиймати суммасини дастлабки қўллаш санасидаги ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойданинг (ёки агар ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентининг) давр бошига қолдиғида.
- 7.2.8 Дастлабки қўллаш санасида, ташкилот қуйидагиларни белгилаши мумкин:
- (а) 4.1.5-бандга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар; ёки
 - (б) 5.7.5-бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда баҳоланадиган улушли инструментга инвестициялар.

Бундай белгилаш дастлабки қўллаш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида амалга оширилиши лозим. Бундай таснифлаш ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.

7.2.9 Дастлабки қўллаш санасида, ташкилот:

- (а) молиявий актив 4.1.5-банддаги талабга жавоб бермаса, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активнинг олдинги белгиланишини бекор қилиши лозим.
- (б) молиявий актив 4.1.5-банддаги талабга жавоб берса, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активнинг олдинги белгиланишини бекор қилиши мумкин.

Бундай бекор қилиш дастлабки қўллаш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида амалга оширилиши лозим. Бундай таснифлаш ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.

7.2.10 Дастлабки қўллаш санасида, ташкилот:

- (а) 4.2.2(а) бандга мувофиқ молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият сифатида белгилаши мумкин.
- (б) агар белгилаш жорий 4.2.2(а) банддаги шартга мувофиқ ушбу мажбуриятнинг дастлабки тан олинишида амалга оширилган бўлса ва бундай белгилаш дастлабки қўллаш санасида ушбу шартга мос келмаган бўлса, молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматида баҳоланадиган молиявий мажбурият сифатида белгилашни бекор қилиши лозим.
- (в) агар белгилаш жорий 4.2.2(а) банддаги шартга мувофиқ ушбу мажбуриятнинг дастлабки тан олинишида амалга оширилган бўлса ва бундай белгилаш дастлабки қўллаш санасида ушбу шартга мос келган бўлса, молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматида баҳоланадиган молиявий мажбурият сифатида белгилашни бекор қилиши мумкин.

Бундай белгилаш ва бекор қилиш дастлабки қўллаш санасида мавжуд бўлган далиллар ва ҳолатлар асосида амалга оширилиши лозим. Бундай таснифлаш ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.

7.2.11 Агар ташкилот учун эффектив фоиз ставкасини ретроспектив тарзда қўллаш имкони бўлмаса (8-сон БҲХСда белгиланганидек) ташкилот куйидагича ҳисобга олиши лозим:

- (а) молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг ҳар бир солиштира давр охирида акс эттирилган ҳаққоний қийматини ушбу молиявий активнинг баланс қиймати сифатида ёки ушбу молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қийматини, агар ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттираётган бўлса; ва
- (б) молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг дастлабки қўллаш санасидаги ҳаққоний қийматини, ушбу молиявий активнинг янги баланс қиймати сифатида ёки мазкур стандартни дастлабки қўллаш санасидаги ушбу молиявий мажбуриятнинг янги амортизацияланган қийматини.

7.2.12 Агар ташкилот улушли инструментга инвестицияни, фаол бозорда ушбу инвестицияга ўхшаш инструментнинг (ёки ушбу улушли инструментга боғлиқ дериватив активнинг ёки ушбу улушли инструмент берилиши эвазига қопланадиган дериватив активнинг) котировкаланган нархи (яъни, иерархиянинг 1-чи даражасидаги маълумот) бўлмаганлиги сабабли, уни олдин 39-сон БҲХСга мувофиқ таннархда ҳисобга олган бўлса, ташкилот бундай инструментни мазкур МҲХСни дастлабки қўллаш санасидаги ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаши лозим. Ушбу инструментнинг ҳаққоний қиймати ва олдинги баланс қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқ мазкур МҲХСни дастлабки қўллаш санасини ўз ичига олган ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойданинг бошланғич қолдиғида тан олиниши лозим.

7.2.13 Агар ташкилот улушли инструментга боғлиқ бўлган ва унинг эвазига қопланиши лозим бўлган молиявий мажбуриятни (бунда фаол бозорда ушбу улушли инструментга ўхшаш инструментнинг котировкаланган баҳоси (яъни, иерархиянинг 1-чи даражасидаги маълумот) бўлмаганида 39-сон БҲХСга мувофиқ унинг бошланғич қийматида баҳолаган бўлса, у ушбу дериватив мажбуриятни унинг мазкур МҲХСнинг дастлабки қўлланилиши санасидаги ҳаққоний қийматида баҳолаши лозим. Ушбу мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати ва олдинги баланс қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқ мазкур МҲХСни дастлабки қўллаш санасини ўз ичига олган ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойданинг бошланғич қолдиғида тан олиниши лозим.

7.2.14 Дастлабки қўллаш санасида, ушбу санада мавжуд далиллар ва ҳолатлар асосида ташкилот 5.7.7-банддаги ҳисоб ёндашуви фойда ёки зарарда ҳисобдаги номувофиқликни пайдо қилиши ёки кўпайтириши мумкинлигини аниқлаши лозим. Бундай аниқлашдан келиб чиқиб, мазкур МҲХС ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.

- 7.2.14А Дастлабки қўллаш санасида, ташкилот 2.5-банддаги белгилашларни ушбу санадаги мавжуд шартномаларга қўллашга, лекин ушбу қўллаш барча ўхшаш шартномаларга ҳам белгиланиши шarti билан рухсат этилади. Бундай белгилаш натижасида юзага келадиган соф активлар дастлабки қўллаш санасидаги тақсимланмаган фойдада акс этирилиши лозим.
- 7.2.15 7.2.1-банддаги талабга қарамасдан, мазкур МХХСнинг таснифлаш ва баҳолаш бўйича талабларини (булар ўз ичига 5.4 ва 5.5 бўлимлардаги кадрсизланишлар ва молиявий активларнинг амортизацияланган қиймати баҳолашларига бўлган талабларни ҳам олади) қабул қиладиган ташкилот 7-сон МХХСнинг 42К-42Н бандларида белгиланган талабларни ёритиб бериши лозим, бунда олдинги даврларни қайта акс ҳисоблаш талаб этилмайди. Ташкилот олдинги даврларни қайта акс этириши фақат агар бундай акс этириш кейинги маълумотларсиз имкони бўлса, мумкин бўлади. Агар ташкилот олдинги даврлардаги маълумотларни қайта акс эттирмаса, ушбу ташкилот олдинги баланс қиймати ва дастлабки қўллаш санасини ўз ичига олган йиллик ҳисобот даврининг бошидаги баланс қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқни дастлабки қўллаш санасини ўз ичига олган йиллик ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойданинг (ёки, ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентининг) бошланғич қолдиғида тан олинishi лозим. Лекин, агар ташкилот олдинги давр маълумотларини қайта ҳисобласа, қайта акс этирилган молиявий ҳисобот мазкур МХХСдаги барча талабларни акс этириши лозим. Агар ташкилотнинг 9-сон МХХСни қўллаш бўйича ёндашуви турли талаблар учун бир нечта дастлабки қўллаш санасига тўғри келса, ушбу банд ҳар бир дастлабки қўллаш санасига (7.2.2-бандга қаранг) қўлланади. Ушбу ҳолат, масалан, агар ташкилот 7.1.2-бандга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятларнинг фойда ёки зарарини акс этириш бўйича талабни, мазкур стандартнинг бошқа талабларини қўллашдан олдинроқ қўллашни танлаган ҳолатда юзага келади.
- 7.2.16 Агар ташкилот 34-сон БҲХС “Оралик молиявий ҳисобот”га мувофиқ оралик молиявий ҳисоботни тайёрласа, ташкилот 9-сон МХХСнинг талабларини уни дастлабки қўллаш санасидан олдинги оралик даврларга нисбатан, агар бунинг амалий имкони бўлмаса (8-сон БҲХСда таърифланганидек), қўлламаслиги лозим.

Қадрсизланиш (5.5 бўлим)

- 7.2.17 Ташкилот 5.5-бўлимдаги қадрсизланиш бўйича талабларни 7.2.15 ва 7.2.18-7.2.20-бандлардаги талабларни ҳисобга олган ҳолда 8-сон БҲХСга мувофиқ ретроспектив тарзда қўллаши лозим.
- 7.2.18 Дастлабки қўллаш санасида, ташкилот молиявий инструментнинг (ёки қарз бериш мажбуриятлари ва ташкилот 5.5.6-бандга мувофиқ ташкилот молиявий кафолат шартномаларининг қайтариб олинмайдиган катъий мажбурият берувчи тарафи бўлган ҳолларда) дастлабки тан олинган санадаги кредит рискин ортиқча сарф ва ҳаракатсиз олиш мумкин бўлган мавжуд асосли ва тасдиқланадиган маълумотлар асосида аниқлаши ҳамда уни мазкур стандартни қўллаш санасидаги кредит риски билан солиштириши лозим.
- 7.2.19 Дастлабки тан олишдан сўнг, кредит рискида аҳамиятли ошиш юз берганини аниқлаш учун ташкилот қуйидагиларни қўллаши мумкин:
- (а) 5.510 ва Б5.5.22-Б5.5.24-бандлар талаблари; ва
 - (б) 30 кундан ортиқ муддатга тўлови кечиктирилган шартномалар бўйича 5.5.11-бандда назарда тутилган инкор этиш мумкин бўлган фаразни, агар ташкилот ушбу молиявий инструментлар бўйича тўлов кечиктирилганлиги тўғрисидаги маълумот асосида дастлабки тан олинганга қараганда кредит риски аҳамиятли тарзда ошганлини аниқлаб, қадрсизланиш бўйича талабларини қўллаганда.
- 7.2.20 Агар дастлабки қўллаш санасида, кредит рискин дастлабки тан олиш санасига нисбатан аҳамиятли ошганлигини аниқлаш қўшимча сарф ёки ҳаракатларни талаб қилса, ташкилот ҳар ҳисобот даврида ушбу молиявий инструмент тан олишдан тўхтатилгунга қадар амал қилиш муддати давомида кредит зарарига тенг келадиган суммада зарарлар бўйича баҳоланадиган резервини тан олиши лозим (молиявий инструмент ҳисобот даврида паст кредит рискига эга бўлган 7.2.19(а) банд қўлланиладиган ҳолатлар бундан мустасно).

хежлаш ҳисобига ўтиш қоидалари (6-бўлим)

- 7.2.21 Ташкилот мазкур стандартни биринчи марта қўллашда ҳисоб сиёсатида мазкур стандартнинг 6 бўлими талаблари ўрнига 39-сон БҲХСни хежлаш ҳисобига оид талабларни қўллашни давом эттириши мумкин. Ташкилот ушбу сиёсатни ўзининг барча хежлаш муносабатларига тадбиқ этиши лозим. Ташкилот ушбу сиёсатни танлаганда, у 16-сон МХХСШҚ “Чет эл бўлимасига соф инвестицияни хежлаш”ни ҳам мазкур стандартнинг 6-бўлимидаги талабларга мувофиқлаштирувчи ўзгартиришларсиз қўллаши лозим.

- 7.2.22 7.2.26-бандда берилган истиснодан ташқари, ташкилот ушбу стандартнинг хежлаш ҳисобига оид талабларни перспектив тарзда қўллаши лозим.
- 7.2.23 Мазкур стандартнинг хежлаш ҳисобига оид талабларини дастлабки қўллаш санасидан бошлаб хежлаш ҳисобини қўллашда, барча таснифланадиган мезонларга ушбу санада жавоб бериши лозим.
- 7.2.24 39-сон БҲХСга мувофиқ хежлаш ҳисобига мувофиқ келадиган хеж муносабатлари мазкур стандартнинг (6.4.1-бандга қаранг) мезонига мувофиқ хежлаш ҳисобига ҳам мувофиқ келади, ўтишда хежлаш муносабатларини тузатишларни ҳисобга олган ҳолда (7.2.25(б) бандга қаранг), ушбу ҳолат хежлаш муносабатларининг давом эттирилиши деб қаралади.
- 7.2.25 Мазкур стандартнинг хежлаш ҳисоби талабларини дастлабки қўллашда, ташкилот:
- (а) мазкур талабларни 39-сон БҲХСнинг хежлаш ҳисоби талабларини қўллашда тўхтатган пайдан бошлаб қўллашни бошлаши мумкин.
 - (б) агар қўллаш мумкин бўлса, хежлаш коэффициентини 39-сон БҲХСга мувофиқ, хежлаш муносабатларини давом эттиришдаги хеж коэффициентини қайта баланслаштириш учун бошланғич нукта сифатида қўллаши. Бундай қайта баланслаштиришдан фойда ёки зарар суммаси фойда ёки зарарда тан олинмиши лозим.
- 7.2.26 Мазкур стандартнинг хежлаш ҳисоби талабларини перспектив қўллашдаги истисно сифатида, ташкилот:
- (а) опционнинг вақт қиймати учун ҳисобни, агар 39-сон БҲХСга мувофиқ фақат опционнинг ички қийматини ўзгариши хежлаш муносабатларида хеж инструмент сифатида белгиланган бўлса, 6.5.15-бандга мувофиқ ретроспектив қўллаши лозим. Бу ретроспектив қўллаш фақат энг вақтли солиштирма даврнинг бошида мавжуд бўлган ёки кейин белгиланган хежлаш муносабатларига тадбиқ этилади.
 - (б) агар 39-сон БҲХСга мувофиқ форвард шартноманинг спот элементи ўзгариши хежлаш муносабатларида хеж инструмент сифатида белгиланган бўлса, форвард шартноманинг форвард элементи учун ҳисобни 6.5.16-бандга мувофиқ ретроспектив қўллаши мумкин. Бу ретроспектив қўллаш фақат энг вақтли солиштирма даврнинг бошида мавжуд бўлган ёки кейин белгиланган хежлаш муносабатларига тадбиқ этилади. Қўшимча равишда, агар ташкилот ушбу ҳисобни ретроспектив қўллашни танланса, у ушбу танловга муносиб бўлган барча хежлаш муносабатларига нисбатан қўллаши лозим (яъни ушбу танловга ўтиш хежлаш муносабатларига асосланмаган бўлади). Чет эл валютаси базис спрэди ҳисоби (6.5.16-бандга қаранг) ретроспектив тарзда энг олдинги солиштирма даврнинг бошида мавжуд бўлган ёки кейин белгиланган хежлаш муносабатларига тадбиқ этилиши мумкин.
 - (в) 6.5.6-банддаги хежлаш инструментини муддати тугатилган ёки тўхтатилган деб ҳисобланмаслиги бўйича талабни ретроспектив тарзда қўллаши лозим, агар:
 - (i) конунлар ёки меъёрий ҳужжатлар натижасида ёки конунлар ёки меъёрий ҳужжатлар жорий этилиши сабабли, хежлаш инструментининг томонлари уларнинг дастлабки контрагентини бир ёки ундан ортиқ клиринг контрагентларига алмаштириш ва ҳар бир томон учун янги контрагент бўлиши мумкин бўлса; ва
 - (ii) бошқа ўзгаришлар, агар улар хежлаш инструменти контрагентини бундай ўзгартиришларга тааллуқли бўлса.
 - (г) 6.8 бўлим талабларини ретроспектив тарзда қўллаши лозим. Ушбу ретроспектив қўллаш фақат ташкилот биринчи марта ушбу талабларни қўллаган ҳисобот даврнинг бошида мавжуд бўлган ёки кейинчалик белгиланган хежлаш муносабатларига тадбиқ этилади ва ташкилот биринчи марта ушбу талабларни қўллаган ҳисобот даврининг бошида мавжуд бўлган пул окимини хежлаш резервида жамғарилган суммага тадбиқ этилади.

9-сон МҲХС (2009), 9-сон МҲХС (2010) ёки 9-сон МҲХС (2013)ни олдинроқ қўллаган ташкилотлар

- 7.2.27 Ташкилот 7.2.1-7.2.26-бандлардаги ўтиш талабларини дастлабки қўллашнинг тегишли санасида қўллаши лозим. Ташкилот 7.2.3-7.2.14А ва 7.2.17-7.2.26-бандлардаги ҳар бир ўтиш талабларини бир марта қўллайди (яъни агар ташкилот 9-сон МҲХСни қўллаш бир нечта санада қўллаш ёндашувини танлаган бўлса, у ушбу талабларни агар улар илгари саналарда қўлланган бўлса, қайта қўллай олмайди). (7.2.2 ва 7.3.2-бандларга қаранг)
- 7.2.28 9-сон МҲХС (2009), 9-сон МҲХС (2010) ёки 9-сон МҲХС (2013)ни қўллаган ва кейинчалик ушбу стандартни қўллаган ташкилот:

- (а) молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган қарорни бекор қилиши лозим, агар ушбу қарор илгари 4.1.5-банддаги талабга мувофиқ амалга оширилган бўлса ва ушбу шарт мазкур стандартни қўллаш натижасида бошқа талабга жавоб бермаётган бўлса;
- (б) молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгилаши мумкин агар, илгари бундай белгилаш 4.1.5-банддаги талабга жавоб бермаган бўлса, лекин ушбу шарт мазкур стандартни қўллаш натижасида талабга жавоб беришни бошлаган бўлса;
- (в) молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган қарорни, агар ушбу қарор илгари 4.2.2(а) банддаги талабга мувофиқ амалга оширилган бўлса ва ушбу шарт-шароит мазкур стандартни қўллаш натижасида бошқа талабга жавоб бермаётган бўлса, бекор қилиши лозим; ва
- (д) агар илгари бундай белгилаш 4.2.2(а) банддаги талабга жавоб бермаган бўлса, лекин шарт-шароит ушбу стандартни қўллаш натижасида талабга жавоб беришни бошлаган бўлса, молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгилаши мумкин;

Бундай белгилаш ва қарорни бекор қилиш ушбу стандартни дастлабки қўллаш санасидаги фактлар ва ҳолатлар асосида амалга оширилиши лозим. Бундай таснифлаш ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.

Салбий қопланиш билан муддатидан олдин тўлов шартларига ўтиш

- 7.2.29 Ташкилот салбий қопланиш билан муддатидан олдин тўлов шартларини (9-сон МХХСга ўзгартиришлар) 8-сон БХХСга мувофиқ ретроспектив тарзда қўллаши лозим, 7.2.30-7.2.34-бандлардаги кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.
- 7.2.30 Ташкилот ушбу ўзгартиришларни биринчи марта қўллаганда, мазкур стандартни биринчи марта қўллаганда, 7.2.1-7.2.28-бандларни 7.2.31-7.2.34-бандларнинг ўрнига қўллаши лозим.
- 7.2.31 Ташкилот ушбу ўзгартиришларни биринчи марта қўллаганда, мазкур стандартнинг биринчи қўллаганидан сўнг, 7.2.32-7.2.34-бандларни қўллаши лозим. Ташкилот шунингдек, ушбу ўзгартиришларни қўллаши учун лозим бўлган мазкур стандартнинг бошқа ўтиш талабларини қўллаши лозим. Ушбу мақсадда дастлабки қўллаш санасидаги ҳаволалар ушбу ўзгартиришлар (ушбу ўзгартиришларнинг дастлабки қўллаш санасидаги) биринчи қўллашдаги ҳисобот даврининг бошига ҳавола қилиниши деб ўқилиши лозим.
- 7.2.32 Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни белгилашда, ташкилот:
 - (а) молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган қарорни, агар ушбу қарор илгари 4.1.5-банддаги талабга мувофиқ амалга оширилган бўлса ва ушбу шарт мазкур стандартни қўллаш натижасида бошқа талабга жавоб бермаётган бўлса, бекор қилиши лозим; ва
 - (б) агар илгари бундай белгилаш 4.1.5-банддаги талабга жавоб бермаган бўлса, лекин шарт ушбу ўзгартиришларни қўллаш натижасида талабга жавоб беришни бошлаган бўлса, молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгилаши мумкин;
 - (в) молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган қарорни, агар ушбу қарор илгари 4.2.2(а) банддаги талабга мувофиқ амалга оширилган бўлса ва ушбу шарт мазкур стандартни қўллаш натижасида бошқа талабга жавоб бермаётган бўлса, бекор қилиши лозим; ва
 - (г) агар илгари бундай белгилаш 4.2.2(а) банддаги талабга жавоб бермаган бўлса, лекин ушбу шарт ўзгартиришни қўллаш натижасида талабга жавоб беришни бошлаган бўлса, молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгилаши мумкин;

Бундай белгилаш ва қарорни бекор қилиш ушбу ўзгартиришларни дастлабки қўллаш санасидаги далиллар ва ҳолатлар асосида амалга оширилиши лозим. Бундай таснифлаш ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.

- 7.2.33 Ташкилот ушбу ўзгартиришларни қўллаш учун олдинги даврларни қайта акс эттириши талаб этилмайди. Ташкилот фақат ва фақат агар бундай ҳолат келгуси маълумотни ишлатмасдан молиявий ҳисоботда мазкур стандартнинг барча талабларини акс эттириш имконияти бўлса, олдинги даврларни

қайта акс эттириши мумкин. Агар ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттирмаса, ташкилот олдинги баланс қиймати ва йиллик ҳисобот даври бошидаги баланс қиймати ўртасидаги фарқни ўзгартиришларни дастлабки қўллаш санасидаги йиллик ҳисобот даврининг бошланғич тақсимланмаган фойдасида (ёки агар ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентида) тан олиши лозим.

- 7.2.24 Дастлабки ўзгартириш санасини ўз ичига олган ҳисобот даврида, ташкилот ушбу ўзгартиришлар таъсир кўрсатган ҳар бир тур молиявий актив ва молиявий мажбуриятларнинг куйидаги дастлабки қўллаш санасидаги маълумотларини ёритиб бериши лозим:
- (а) олдинги баҳолаш тоифаси ва ушбу ўзгартиришларни қўллашдан олдинги баланс қиймати;
 - (б) янги баҳолаш тоифаси ва ушбу ўзгартиришларни қўллагандан кейин баланс қиймати;
 - (в) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдаги илгари фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган лекин бошқа бундай белгиланмайдиган молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг баланс қиймати; ва
 - (г) молиявий актив ёки молиявий мажбуриятларни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгилаш ёки белгилашдан тўхтатиш учун асослар.

МҲХСларни йиллик такомиллаштиришларга ўтиш қоидалари

Ташкилот “2018-2020 йилларда МҲХСларни йиллик такомиллаштиришлар”ни ушбу ўзгартиришларни биринчи марта қўллаган йиллик ҳисобот даврининг бошида ёки ундан кейин ўзгартирилган ёки алмаштирилган молиявий мажбуриятларга нисбатан қўллаши лозим.

7.2.36–7.2.42 [Ушбу бандлар кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]

Ў“Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш - 2-фаза” бўйича ўтиш қоидалари

- 7.2.43 Ташкилот “Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш - 2-фаза”ни 7.2.44-7.2.46 бандларда белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда 8-сон БҲХСга мувофиқ ретроспектив тарзда қўллаши лозим.
- 7.2.44 Ташкилот янги ҳежлаш муносабатларини (масалан, 6.9.13-бандда тавсифланганидек) фақат перспектив равишда (яъни ташкилот олдинги даврларда янги ҳежлаш муносабатларини белгилаши тақиқланган) белгилаши лозим. Лекин, ташкилот тўхтатилган ҳежлаш муносабатларини фақат куйидаги шартлар бажарилган тақдирдагина тиклаши лозим:
- (а) ташкилот фақат бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш талаб қилган ўзгаришлар натижасида ҳежлаш муносабатларини тугатган бўлса ва агар ушбу тузатишлар ўша вақтда қўлланилган бўлса, ташкилотдан ҳежлаш муносабатларини тугатиш талаб қилинмаган бўларди; ва
 - (б) ташкилот ушбу тузатишларни биринчи марта қўллаган ҳисобот даврининг бошида (ушбу тузатишларни дастлабки қўллаш санаси), тўхтатилган ҳежлаш муносабатлари (ушбу тузатишларни ҳисобга олган ҳолда) ҳежлаш бўйича ҳисобга олиш меъзонларига жавоб беради.
- 7.2.45 Агар 7.2.44-бандни қўллашда ташкилот тўхтатилган ҳежлаш муносабатларини тикласа, ташкилот 6.9.11 ва 6.9.12-бандлардаги муқобил бенчмарк ставка биринчи бўлиб аниқланмаган риск компоненти сифатида белгиланган санага тегишли ҳаволаларни ушбу ўзгартиришлар дастлабки қўлланилган санага ҳаволалар тарзида ўқиши лозим (яъни, шартномада белгиланмаган риск компоненти сифатида белгиланган ушбу муқобил бенчмарк ставка бўйича 24 ойлик тегишли муддат ушбу ўзгартиришлар дастлабки қўлланилган кундан бошланади).
- 7.2.46 Ташкилот мазкур ўзгартиришларни қўлланишини акс эттириш учун ўтган даврларни қайта ҳисоблаши талаб этилмайди. Ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттириши фақат агар бундай акс эттириш кейинги маълумотларсиз имкони бўлса, мумкин бўлади. Агар ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттирмаса, ташкилот олдинги баланс қиймати ва йиллик ҳисобот даври бошидаги баланс қиймати ўртасидаги фарқни ўзгартиришларни дастлабки қўллаш санасидаги йиллик ҳисобот даврининг бошланғич тақсимланмаган фойдасида (ёки агар ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентида) тан олиши лозим.

7.3 9-сон МҲХСШҚ, 9-сон МҲХС (2010 йил таҳрири) ва 9-сон МҲХС (2013 йил таҳрири) ўз кучини йўқотиши

- 7.3.1 Мазкур МҲХС 9-сон МҲХСШҚ “Бириктирилган деривативларни қайта баҳолаш” ўрнини эгаллайди. 9-сон МҲХСга 2010 йилнинг октябрь ойида киритилган талаблар илгари 9-сон МҲХСШҚнинг 5 ва 7-бандларида ўрнатилган талабларни ўз ичига олган. Кейинги қўшимча сифатида, 1-сон МҲХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” илгари 9-сон МҲХСШҚ нинг 8-бандида ўрнатилган талабларни ўз ичига олган.
- 7.3.2 Мазкур МҲХС 9-сон МҲХС (2009), 9-сон МҲХС (2010) ва 9-сон МҲХС (2013) ни ўрнини эгаллайди. Лекин, 2018 йилнинг 1 январидан олдин бошланадиган йиллик даврлар учун, ташкилот, агар дастлабки қўллаш санаси 2015 йилнинг 1 февралидан олдинроқ бўлса, мазкур МҲХСни қўллаш ўрнига 9-сон МҲХСнинг олдинги таҳрирларини қўллаши мумкин.

А Илова

Атамалар таърифи

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

12 ойлик қутилаётган кредит зарарлари	Амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларининг бир қисми бўлиб, молиявий инструмент бўйича ҳисобот санасидан кейин 12 ойлик дефолт юзага келганда қутилаётган кредит зарарларини акс эттиради.
молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати	Молиявий актив ёки молиявий мажбурият дастлабки тан олишда баҳоланган сумма минус асосий суммага тўловлар, плюс ёки минус дастлабки сумма ва сўндириш пайтидаги сумма ўртасидаги эффектив фойз ставкаси орқали ҳисобланган жамғарилган амортизация суммаси ва молиявий активлар учун зарарлар бўйича баҳоланадиган резервга тузатилган сумма.
шартнома бўйича активлар	15-сон МХХС “ <i>Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича тушум</i> ” бўйича ҳуқуқлар бўлиб, тан олиш ва қадрсизланиш бўйича фойда ёки зарарларни баҳолаш учун мазкур стандартга мувофиқ ҳисобга олинади.
кредит қиймати қадрсизланган молиявий актив	<p>Агар бир ёки бир нечта ҳодисалар молиявий активнинг келгуси пул оқимларига салбий таъсир кўрсатса, молиявий актив кредит қиймати қадрсизланган ҳисобланади. Молиявий активни кредит қиймати қадрсизланганини кўрсатадиган далиллар куйидаги ҳодисалар бўйича кузатиладиган маълумотларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none">(а) эмитент ёки қарздорнинг молиявий аҳволи аҳамиятли ёмонлашуви;(б) шартноманинг бузилиши, масалан, дефолт ёки тўлов муддатининг кечикиши;(в) кредитор томонидан қарздорларга иқтисодий ёки шартнома асосларида қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашуви сабабли, бошқа ҳолатда берилмайдиган энгилликлар бериши;(г) қарздор банкрот бўлиши ёки бошқача молиявий қайта ташкил этилиши эҳтимолини юзага келиши;(д) ушбу молиявий актив учун молиявий қийинчиликлар сабабли фаол бозорнинг йўқолиши; ёки(е) кўрилган кредит зарарларини акс эттирувчи молиявий активни катта чегирмада сотиб олиш ёки яратиш; <p>Айрим ҳолатларда ягона аниқ ҳодисани аниқлаш имкони бўлмайди, балки молиявий активнинг кредит қадрсизланиши бу бир нечта ҳодисаларни бирлашган натижаси бўлади.</p>
кредит зарарлари	Ташкилот томонидан шартнома бўйича олинishi муддати келган пул оқимлари ва ташкилот шартнома бўйича олинishi қутилаётган пул оқимларининг (яъни барча олинмайдиган пул маблағлари) дастлабки эффектив фойз ставкасида (сотиб олинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий актив учун эффектив фойз ставкасида) дисконтланган суммаси ўртасидаги фарқ. Ташкилот молиявий инструментнинг барча шартнома шартларини (масалан, олдиндан тўлов, муддат узайтирилиши, колл ва ўхшаш опционлари) ҳисобга олган ҳолда пул оқимларини ушбу молиявий инструментнинг қутилаётган амал қилиш муддати давомида баҳолаши лозим. Пул оқимлари шартнома шартларига бириктирилган ушлаб турилган гаров ва бошқа кредит сифатини оширувчи таъминотларни сотишдан тушумларни ҳам ўз ичига олиши лозим. Бу молиявий инструментнинг қутилаётган амал қилиш муддати ишончли баҳоланганлигини билдиради. Лекин, алоҳида ҳолларда ташкилот молиявий инструментнинг қутилаётган амал қилиш муддатини ишончли баҳолаш имкони бўлмаганда, молиявий инструментнинг шартнома шартларидан фойдаланиши лозим.

кредит риси ҳисобга олинган эффе́ктив фоиз ставкаси	Келгуси пул маблағлари тўлови ёки келиб тушиши молиявий активнинг амал қилиш муддати давомида сотиб олинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий активнинг амортизацияланган қиймати гача аниқ дисконтлайдиган ставка. Кредит риси ҳисобга олинган эффе́ктив фоиз ставкасини ҳисоблашда ташкилот қутилаётган пул оқимларини молиявий активнинг барча шартнома шартларини (масалан, олдиндан тўлов, муддат узайтирилиши, колл ва ўхшаш опционлари) ва қутилаётган кредит зарарларини ҳисобга олиши лозим. Ҳисоб-китоблар барча тўловлар эффе́ктив фоиз ставкасининг ажралмас қисми ҳисобланган шартнома бўйича томонлар ўртасида тўланган ёки олинган барча суммаларни (Б5.4.1-Б5.4.3-бандларга қаранг), операция бўйича сарфларни ва бошқа барча мукофот ёки дисконтларни ўз ичига олади. Бу ўхшаш турдаги молиявий инструментлар гуруҳининг қутилаётган амал қилиш муддати ва пул оқимлари ишончли баҳоланганлигини билдиради. Лекин, алоҳида ҳолларда ташкилот молиявий инструментнинг (молиявий инструментлар гуруҳининг) пул оқимини ёки қутилаётган амал қилиш муддатини ишончли баҳолаш имкони бўлмаганда, ташкилот молиявий инструментнинг (молиявий инструментлар гуруҳининг) шартнома бўйича амал қилиш муддатидаги шартнома пул оқимларидан фойдаланиши лозим.
тан олишни бекор қилиш	Илгари тан олинган молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни ташкилотнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботидан чиқариш.
дериватив	Мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасида бўлган ва қуйидаги учта хусусиятга эга молиявий инструмент ёки бошқа шартномадир. <ul style="list-style-type: none">(а) унинг қиймати белгиланган фоиз ставкаси, молиявий инструментнинг нархи, товарлар нархи, валюта курси, нархлар ёки курслар индекси, кредит рейтинги ёки кредит индекси, ёки бошқа ўзгарувчан кўрсаткич ўзгаришининг натижасида ўзгаради, бунда номолиявий ўзгарувчан кўрсаткич ҳолатида ушбу ўзгарувчан кўрсаткич шартноманинг томонига хос бўлмайди (баъзи ҳолатларда у “таянч кўрсаткич” деб номланади).(б) дастлабки соф инвестиция талаб этилмайди ёки дастлабки соф инвестициянинг суммаси бозор омилларининг ўзгариши натижасида ўхшаш тарзда ўзгариши қутилаётган шартномалар бўйича талаб этиладиган соф инвестиция суммасидан кам бўлади.(в) у бўйича ҳисоб-китоб келгуси санада амалга оширилади.
дивидендлар	Маълум бир капитал туридаги улушли инструментлар эгаларининг улушларига мувофиқ фойдани тақсимлаш.
эффе́ктив фоиз ставкаси усули	Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қийматини ҳисоблаш учун шунингдек, тегишли давр мобайнида фоиз тушумлари ёки фоиз харажатларини фойда ёки зарарларда тан олиш ва тақсимлашда қўлланадиган усул.
эффе́ктив фоиз ставкаси	Келгуси пул маблағлари тўлови ёки тушишларини молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амал қилиш муддати давомида молиявий активнинг ялпи баланс қиймати гача ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати гача аниқ дисконтлайдиган ставка. Эффе́ктив фоиз ставкасини ҳисоблашда ташкилот қутилаётган пул оқимларини молиявий инструментнинг барча шартнома шартларини (масалан, олдиндан тўлов, муддат узайтирилиши, колл ва ўхшаш опционларини) ҳисобга олиши лозим, лекин қутилаётган кредит зарарларини ҳисобга олмаслиги лозим. Ҳисоб-китоблар барча тўловлар эффе́ктив фоиз ставкасининг ажралмас қисми ҳисобланган шартнома бўйича томонлар ўртасида тўланган ёки олинган барча суммаларни (Б5.4.1-Б5.4.3-бандларга қаранг), операция бўйича сарфларни ва бошқа барча мукофот ёки дисконтларни ўз ичига олади. Бу ўхшаш турдаги молиявий инструментлар гуруҳининг қутилаётган амал қилиш муддати ва пул оқимлари ишончли баҳоланганлигини билдиради. Лекин алоҳида ҳолларда ташкилот молиявий инструментнинг (молиявий инструментлар гуруҳининг) пул оқимини ёки қутилаётган амал қилиш муддатини ишончли баҳолаш имкони бўлмаганда,

	ташкilot молиявий инструментнинг (молиявий инструментлар гуруҳининг) шартнома бўйича амал қилиш муддатидаги шартномавий пул оқимларидан фойдаланиши лозим.
кутилаётган кредит зарарлари	Кредит зарарларининг ўртача тортилган суммаси бўлиб, тегишли дефолт рискни тортилган суммаси тарзида аниқланади.
молиявий кафолат шартномаси	Маълум бир қарздор қарз инструментининг асл ёки ўзгартирилган шартларига мувофиқ тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги сабабли у кўрган зарарни қоплаш учун бошқа томондан маълум тўловларни амалга оширишни талаб қиладиган шартнома.
фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият	Қуйидагиларнинг бирига жавоб берадиган молиявий мажбурият: (а) савдо учун мўлжалланган молиявий мажбурият таърифига мос келадиган. (б) дастлабки тан олишда ташкilot томонидан 4.2.2 ва 4.3.5-бандга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган. (в) дастлабки тан олишда ёки 6.7.1-бандга мувофиқ кейинчалик фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган.
қатъий шартномавий мажбурият	Юридик кучга эга бўлган, маълум бир миқдордаги ресурсларни маълум бир нархда келгусидаги маълум бир санада ёки саналарда айирбошлаш тўғрисидаги битим.
прогноз қилинган операция	Кутилаётган лекин ҳали шартнома билан расмийлаштирилмаган келгуси операция.
молиявий активнинг ялпи баланс қиймати	Молиявий активнинг турли зарарлар бўйича баҳоланадиган резервга тузатилганга қадар амортизацияланган қиймати .
хежлаш коэффициенти	хежлаш инструменти миқдори ва хежланган модда миқдорининг уларнинг ўзаро миқдорлари асосида аниқланадиган муносабати.
Савдо учун мўлжалланган	Қуйидаги шартлардаги молиявий актив ёки молиявий мажбурият: (а) асосан яқин келажакда сотиш ёки қайта сотиб олиш мақсадида сотиб олинган ёки қабул қилинган бўлса; (б) дастлабки тан олишда аниқланган ҳамда биргаликда бошқариладиган ва улар билан яқинда амалга оширилган операциялар қисқа муддатда фойда кўришга қаратилганлиги тенденцияси амалда мавжуд бўлган молиявий инструментлар портфелининг қисми ҳисобланадиган бўлса; ёки (в) дериватив бўлган (молиявий кафолат шартномаси ёки белгиланган ва эффектив хежлаш инструменти бўлган деривативдан ташқари).
қадрсизланишдан фойда ёки зарар	5.5.8-бандга мувофиқ 5.5 бўлимнинг қадрсизланиш бўйича талабларини қўллаш натижасида фойда ёки зарарларда тан олинган фойда ёки зарарлар.
амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари	Молиявий инструментнинг амал қилиш муддати давомида барча дефолт ҳолатлари натижасида юзага келиши кутилаётган кредит зарарлари .
зарарлар бўйича баҳоланадиган резерв	4.1.2-бандга мувофиқ баҳоланадиган молиявий активлар, ижара ва шартнома бўйича активларга оид дебитор қарздорлик бўйича кутилаётган кредит зарарлар бўйича баҳоланадиган резервлар, 4.1.2А бандга мувофиқ баҳоланадиган молиявий активлар бўйича жамғарилган қадрсизланиш суммаси ва қарз бериш мажбурияти ва молиявий кафолат шартномалари бўйича кутилаётган кредит зарарлари суммасига баҳоланган мажбуриятлари.
модификациядан фойда ёки зарар	Шартномавий пул оқимлари томонлар келишуви ўзгартирилиши ёки қайта келишуви натижасида молиявий активнинг ялпи баланс қиймати тузатилиши натижасида юзага келадиган сумма. Ташкilot молиявий активнинг ялпи баланс қийматини қайта келишилган ёки модификацияланган молиявий активнинг амал

қилиш муддатида келгуси пул маблағлари тўловлари ёки тушишларининг дисконтланган қиймати сифатида, молиявий активнинг дастлабки **эффектив фоиз ставкаси** (ёки **сотиб олинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий актив** учун дастлабки кредит тузатилган эффектив фоиз ставкаси) ёки агар қўллаш мумкин бўлса, 6.5.10-бандга мувофиқ қайта кўриб чиқилган **эффектив фоиз ставкасида** қайта ҳисоблайди. Молиявий активнинг кутилаётган пул оқимларини баҳолашда, ташкилот молиявий активнинг барча шартнома шартларини (масалан, олдиндан тўлов, муддат узайтирилиши, колл ва ўхшаш опционлари) ҳисобга олиши, лекин агар молиявий актив **сотиб олинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий актив** бўлса, у ҳолда ташкилот дастлабки **кредит қиймати тузатилган эффектив фоиз ставкасини** ҳисоблашдаги дастлабки кутилаётган кредит зарарларини ҳам ҳисобга олиши лозим, акс ҳолда кутилаётган кредит зарарларини ҳисобга олмаслиги лозим.

муддати ўтган	Агар контрагент тўловни шартнома бўйича кўрсатилган муддатда амалга оширмаган бўлса, молиявий актив муддати ўтган ҳисобланади.
сотиб олинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий актив	Дастлабки тан олишда кредит қиймати қадрсизланган сотиб олинган ёки яратилган молиявий активлар.
қайта таснифлаш санаси	Бизнес моделининг ташкилот томонидан молиявий активларнинг қайта таснифланишини келтириб чиқарган ўзгариши рўй берганидан кейин келадиган биринчи ҳисобот даврининг биринчи куни.
мунтазам харид қилиш ёки сотиш	Тегишли бозорда одатда тартибга солувчи қоида ёки келишув билан ўрнатилган вақт оралиғида активнинг етказиб берилишини талаб қиладиган шартнома бўйича молиявий активнинг харид қилиниши ёки сотилиши.
операция бўйича сарфлар	Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни (Б5.4.8-бандга қаранг) сотиб олиш, чиқариш ёки тан олинишини бекор қилишга бевосита тегишли бўлган қўшимча сарфлар. Қўшимча сарфлар бу агар ташкилот молиявий инструментни сотиб олмаганда, чиқармаганда ёки ҳисобдан чиқармаганда, юзага келмайдиган сарфлардир.

Қуйидаги атамалар 32-сон БҲХС нинг 11-бандида, 7-сон МҲХСнинг А иловасида, 13-сон МҲХСнинг А иловасида ёки 15-сон МҲХСнинг А иловасида таърифланган ва мазкур МҲХСда 32-сон БҲХС, 7-сон МҲХС, 13-сон МҲХС ёки 15-сон МҲХСда белгиланган маъноларда ишлатилади:

- (а) кредит риси;³
- (б) улушли инструмент;
- (в) ҳаққоний қиймат;
- (г) молиявий актив;
- (д) молиявий инструмент;
- (е) молиявий мажбурият;
- (ё) операция нархи;

³ Бу атама (7-сон МҲХСда таърифланганидек) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган мажбуриятлар бўйича кредит рисидаги ўзгаришлар таъсирларини акс эттириш талабларида фойдаланилади (5.7.7-бандга қаранг).

Б илова Қўллаш бўйича кўрсатма

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

Қўллаш доираси (2-бўлим)

- Б2.1 Айрим шартномалар тўловни иқлимий геологик ёки бошқа физик ўзгарувчилар асосида талаб этади. (Ушбу иқлимий ўзгарувчиларга асосланганларни баъзан “об-ҳаво деривативлари” дейилади). Агар бундай шартномалар 4-сон МХХС “*Суғурта шартномалари*”нинг қўллаш доирасида бўлмаса, улар мазкур стандарт қўллаш доирасига киради.
- Б2.2 Мазкур стандарт 26-сон БХХС “*Пенсия дастурлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи*”га мос келадиган ходимларнинг даромад дастурларига оид талабларни ва 15-сон МХХС “*Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича тушум*”га мувофиқ ҳисобга олинган сотув ҳажми ёки хизмат бўйича тушумлар асосида роялти келишувларига оид талабларни ўзгартрмайди.
- Б2.3 Баъзан, ташкилот ўзининг фикрича “стратегик инвестиция” сифатида бошқа ташкилотнинг улушли инструментларига узок муддатли операцион муносабатларни ўрнатиш ёки ушлаб туриш учун инвестициялар қилади. Инвестор ёки биргаликдаги фаолият иштирокчиси бундай инвестицияларга нисбатан улушли қатнашиш усули қўлланиши лозим ёки йўқлигини аниқлаш учун 28-сон БХХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*”ни қўллайди.
- Б2.4 Мазкур стандарт суғурталовчиларнинг 2.1(д) банддаги ҳуқуқ ва мажбуриятларидан бошқа молиявий актив ва молиявий мажбуриятларига тадбиқ этилади, чунки ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар 4-сон МХХС қўллаш доирасидаги шартномалар туфайли юзага келади.
- Б2.5 Молиявий кафолат шартномаси турли ҳуқуқий шаклларни, масалан, кафолат, аккредитивларнинг айрим шакллари, кредит дефолти шартномаси ёки суғурта шартномаси шаклида бўлиши мумкин. Уларнинг ҳисоби уларнинг ҳуқуқий шаклига боғлиқ бўлмаслиги лозим. Қуйида тегишли ҳисобга олиш мисоллари келтирилган (2.1(д) бандга қаранг):
- (а) Молиявий кафолат шартномаси 4-сон МХХСнинг суғурта шартномаси таърифига мос тушсада, агар ўтказиладиган риск аҳамиятли бўлса, кафолат берувчи мазкур стандартни қўллаши лозим. Шунга қарамай, агар кафолат берувчи илгари очик тарзда бундай шартномаларни суғурта шартномалари деса ва суғурта шартномалари учун ҳисобни қўлласа, унда кафолат берувчи бундай кафолат шартномалари учун мазкур стандартни ёки 4-сон МХХСни қўллаши мумкин. Агар мазкур стандарт қўлланса, 5.1.1-банд кафолат чиқарувчидан молиявий кафолат шартномасини дастлаб ҳаққоний қийматда тан олишни талаб этади. Агар молиявий кафолат шартномаси боғлиқ бўлмаган томонга алоҳида алоқадор бўлмаган томонлар ўртасидаги битим доирасида чиқарилган бўлса, агар буни аксини исботловчи далиллар бўлмаганда, ҳаққоний қиймати унинг муқофотига тенг бўлади. Шунга қўра, агар молиявий кафолат шартномаси дастлаб фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда белгиланмаса ёки 3.2.15-3.2.23 ва Б3.2.12-Б3.2.17-бандлар қўлланмаса (молиявий активнинг ўтказилиши уни тан олишдан тўхтатишга жавоб бермаса ёки давом этувчи иштирок мезони қўлланса) кафолат берувчи қуйидагиларнинг каттаси билан баҳолайди:
- (i) 5.5-бўлимга мувофиқ аниқланган сумма; ва
- (ii) дастлабки тан олинган сумма минус, агар қўллаш мумкин бўлса, 15-сон МХХС талабларига асосан тан олинган жамғарилган жами даромад суммаси (4.2.1(в) бандга қаранг).
- (б) айрим кредитга боғлиқ кафолатлар тўлов учун асос сифатида, олувчи зарар рискга мойиллиги ёки қарздор кафолат предмети бўлган муддатли тўловни амалга оширмаганлигини кўрсатмайди. Масалан, бундай кафолатга махсус кредит рейтинги ёки кредит индексидаги ўзгаришларга қўра тўловни амалга оширишни талаб этишни мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Бундай кафолатлар мазкур стандартда таърифланган молиявий кафолат шартномалари эмас ва 4-сон МХХСда белгиланган суғурта шартномалари ҳам ҳисобланмайди. Бундай кафолатлар деривативлар ва кафолат берувчи уларга нисбатан мазкур стандартни қўллаши лозим.
- (в) Агар молиявий кафолат шартномаси товарларнинг сотуви билан чиқарилган бўлса, кафолат бўйича тушумларни тан олиш ва қачон товарлар сотувидан тушумларни тан олиш учун 15-сон МХХСни қўллаши лозим.

- Б2.6 Кафолат берувчининг бундай шартномаларни суғурга шартномалари деб тан олганлиги одатда, уларнинг харидорлар билан, назорат органлари, шартномалар ва бизнес ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботларида акс эттирилади. Бундан ташқари, суғурга шартномалари кўпинча ҳисоб юритиш талаблари бўйича бошқа турдаги операциялар талабларидан фарқ қилади, масалан банклар ёки тижорат компаниялари томонидан чиқарилган шартномалардан. Бу ҳолатда кафолат берувчининг молиявий ҳисоботида одатда у ушбу ҳисоб юритиш талабларини қўллаганлигини изоҳи кўрсатилади.

Тан олиш ва тан олишни бекор қилиш (3-боб)

Дастлабки тан олиш (3.1-бўлим)

- Б3.1.1 3.1.1-банддаги тамойилнинг оқибати сифатида, ташкилот деривативлар бўйича барча шартномавий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида, тегишлича, активлар ва мажбуриятлар сифатида тан олади, бундан молиявий активларнинг бошқа томонга ўтказилишини сотиш сифатида ҳисобга олишга йўл қўймадиган деривативлар мустасно (Б3.2.14-бандга қаранг). Молиявий активнинг бошқа томонга ўтказилиши тан олинишни бекор қилиш шартларига мос келмаса, актив ўтказиладиган томон ушбу активни ўз активи сифатида тан олмайди (Б3.2.15-бандга қаранг).
- Б.3.1.2 Куйидагилар 3.1.1-банддаги тамойил қўлланилишига мисоллардир:
- (а) Шартсиз дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, агар ташкилот шартноманинг томони бўлса, ва бунинг натижасида, пул маблағларини олиш юридик ҳуқуқига ёки уларни тўлаш бўйича юридик мажбуриятга эга бўлса, активлар ёки мажбуриятлар сифатида тан олинади.
 - (б) Товарлар ёки хизматларни харид қилиш ёки сотиш бўйича қатъий мажбурият натижасида сотиб олиниши лозим бўлган активлар ва қабул қилиниши лозим бўлган мажбуриятлар шартнома томонларининг бири шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармагунча одатда тан олинмайди. Масалан, қатъий буюртма олган ташкилот мажбурият олган пайтида активни одатда тан олмайди (ва буюртма берган ташкилот ҳам мажбуриятни тан олмайди), балки, бунинг ўрнига, тан олишни товарлар жўнатилгунга ёки етказиб берилгунга ёки хизматлар кўрсатилгунга қадар кечиктиради. Агар номолиявий моддаларни харид қилиш ёки сотиш бўйича қатъий мажбурият 2.4-2.7-бандларига мувофиқ, мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасида бўлса, унинг соф ҳаққоний қиймати мажбурият олиш санасида актив ёки мажбурият сифатида тан олинади (Б4.130(в) бандга қаранг). Шу билан бирга, агар олдин тан олинмаган қатъий мажбурият ҳаққоний қиймат ҳежида ҳежланувчи модда бўлиб белгиланганида, соф ҳаққоний қийматининг ҳежланувчи риск сабабли ҳар қандай ўзгариши ҳеж бошланишидан кейин актив ёки мажбурият сифатида тан олиниши лозим (6.5.8 (б) ва 6.5.9-бандларга қаранг).
 - (в) Мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасида бўлган форвард шартномаси (2.1-бандга қаранг) ҳисоб-китоб санасида эмас, балки мажбурият олиниши санасида актив ёки мажбурият сифатида тан олинади. Ташкилот форвард шартномасининг томони бўлганида, шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати кўпинча тенг бўлади, шу боис форвард шартномасининг соф ҳаққоний қиймати нолга тенг бўлади. Агар ҳуқуқ ва мажбуриятнинг соф ҳаққоний қиймати нолга тенг бўлмаса, шартнома актив ёки мажбурият сифатида тан олинади.
 - (г) Мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасида бўлган опцион шартномалари (2.1-бандга қаранг) агар уларнинг эгаси ёки эмитенти шартнома томони бўлса, активлар ёки мажбуриятлар сифатида тан олинади.
 - (д) Режалаштирилган келгуси операциялар, улар амалга оширилиши эҳтимоли мавжудлигидан қатъий назар, активлар ва мажбуриятлар бўлиб ҳисобланмайди, чунки ташкилот ҳали шартнома томони ҳисобланмайди.

Молиявий активларни мунтазам харид қилиш ёки сотиш


- Б3.1.3 Молиявий активларнинг мунтазам харид қилиниши ёки сотилиши Б3.1.5 ва Б3.1.6А бандларида қайд қилинганидек, битим тузиш санасида ҳисобга олиш ёки ҳисоб-китоб санасида ҳисобга олиш орқали тан олинади. Ташкилот мазкур МҲХСга мувофиқ бир хил таснифланган молиявий активларнинг барча харидлари ва сотувларига нисбатан бир хил усулни изчил равишда қўллаши лозим. Ушбу мақсадда, мажбурий равишда ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлари фойда ёки зарарда ҳисобга олинмаган активлар гуруҳи молиявий активларнинг фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган активлар гуруҳидан алоҳида таснифланадиган гуруҳни ташкил этади.

Шу билан бирга, 5.7.5-бандда зикр этилган танлов имконидан фойдаланилган ҳолда ҳисобга олинган улушли инструментларга инвестициялар таснифлашнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади.

- Б3.1.4 Шартнома қийматининг ўзгариши сабабли соф асосда ҳисоб-китоб қилиниши талаб этиладиган ёки рухсат этиладиган шартнома мунтазам олди-сотди шартномаси ҳисобланмайди. Аксинча, бундай шартнома битим тузиш санаси ва ҳисоб-китоб санаси орасидаги даврда дериватив сифатида ҳисобга олинishi лозим.
- Б3.1.5 Битим тузиш санаси – бу ташкилот активни харид қилиш ёки сотиш бўйича мажбуриятни олган санадир. Битим тузиш санасига ҳисобга олиш (а) олинадиган активни ва у учун тўланадиган мажбуриятни битим тузиш санасида тан олиш, ва (б) сотилган активни битим тузиш санасида тан олинishi бекор қилиш, ҳамда тан олинishi бекор қилишда қўрилган ҳар қандай фойда ёки зарарни ва харидордан олинадиган тўловни дебиторлик қарзи сифатида ушбу санада тан олишнинг англатади. Одатда, актив ва у билан боғлиқ мажбурият бўйича фоизларнинг ҳисобланиши эгалик ҳуқуқи бир томондан бошқа томонга ўтадиган ҳисоб-китоб санасигача бошланмайди.
- Б3.1.6 Ҳисоб-китоб санаси – бу актив ташкилотга ёки у томонидан етказиб берилиши санасидир. Ҳисоб-китоб санасига ҳисобга олиш (а) активни у ташкилот томонидан олинган санада тан олишнинг, ва (б) активни у ташкилот томонидан етказиб берилган санада тан олинishi бекор қилиш ва тан олинishi бекор қилишдан олинган фойда ёки зарарни ушбу санада тан олишнинг англатади. Ҳисоб-китоб санасига ҳисобга олиш қўлланилганида, ташкилот битим тузиш санаси ва ҳисоб-китоб санаси орасидаги даврда олинishi лозим бўлган активнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришнинг, ушбу олинган актив қай тартибда ҳисобга олинган бўлса, худди шу тартибда ҳисобга олишнинг лозим. Бошқача айтганда, ҳаққоний қийматнинг ўзгариши амортизацияланган қийматда баҳоланадиган активлар бўйича тан олинмайди; у фойда ёки зарар таркибида фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар сифатида таснифланган активлар бўйича ҳисобга олинади; ҳамда 4.1.2А бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активлар ва 5.7.5-бандга мувофиқ ҳисобга олинадиган улушли инструментларга инвестициялар бўйича бошқа умумлашган даромадда тан олинади.

Молиявий активларни тан олинishi бекор қилиш (3.2-бўлим)

- Б3.2.1 Қуйидаги диаграмма молиявий актив тан олинishi бекор қилинганлигини ва қай даражада тан олинishi бекор қилинганлигини кўрсатади.



Ташкилот молиявий активдан пул оқимларини олиш бўйича ўзининг шартномавий ҳуқуқларини сақлаб қоладиган, лекин бир ёки бир нечта қабул қилувчиларга ушбу пул оқимларини тўлаш бўйича шартнома мажбуриятини ўз зиммасига олган шартномалар (3.2.4(б) банд)

- Б3.2.2 3.2.4(б) бандда тавсифланган ҳолат (ташкилот молиявий актив бўйича пул оқимларини олишга оид шартномавий ҳуқуқларни сақлаб қолганда, лекин пул оқимларини бир ёки ундан ортиқ қабул қилувчиларга тўлаш бўйича шартномавий мажбуриятни ўз зиммасига олганда) юзага келади, масалан, агар ташкилот траст компанияси бўлиб, инвесторларга таянч молиявий активлардан даромад кўриш ва бошқа наф олиш ҳуқуқини берса ва ушбу молиявий активлар бўйича хизмат кўрсатишни таъминласа. Бу ҳолатда, агар 3.2.5 ва 3.2.6-бандлардаги талаблар бажарилса, молиявий активлар тан олиншини бекор қилиш талабларига мос келади.
- Б3.2.3 3.2.5-банддаги талабни қўллашда, ташкилот, масалан, молиявий активни чиқарган томон ёки молиявий активни сотиб олиб, у бўйича пул оқимларини бошқа боғлиқ бўлмаган томоннинг инвесторларига ўтказадиган шўъба ташкилотга эга гуруҳ бўлиши мумкин.

Эғалик ҳуқуқи билан боғлиқ рисклар ва мукофотлар бошқа томонга ўтказилганлигини аниқлаш (3.2.6-банд)

- Б3.2.4 Ташкилот эғалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни бошқа томонга ўтказган ҳолатларга мисоллар қуйидагича:
- (а) молиявий активни шартсиз сотиш;
 - (б) молиявий активни уни қайта сотиб олиш пайтидаги ҳаққоний қиймати бўйича қайта сотиб олиш ҳуқуқини берадиган опцион шarti билан сотиш; ва
 - (в) молиявий активни фойда келтирмайдиган, ҳаддан ташқари паст нархда амалга ошириладиган “пут” ёки “колл” опцион шarti билан сотиш (яъни опцион шу даражада паст нархда амалга оширилиши мумкинки, бунда ушбу опцион муддати тугашидан олдин уни фойда келтирадиган нархда амалга ошириш эҳтимоли жуда ҳам кам бўлади).
- Б3.2.5 Ташкилот эғалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолган ҳолатларга мисоллар қуйидагича:
- (а) сотиш ва қайта сотиб олиш операцияси, бунда қайта сотиб олиш нархи қатъий белгиланган нархга ёки сотиш нархига кредиторнинг даромади қўшилгандаги нархга тенг;
 - (б) қимматли қоғозлар шаклида кредит бериш шартномаси;
 - (в) молиявий активни бозор рискин ташкилотга қайта ўтказадиган, умумий даромад свопи шarti билан сотиш;
 - (г) молиявий активни катта фойда келтирадиган, юқори нархда амалга ошириладиган “пут” ёки “колл” опцион шarti билан сотиш (яъни опцион шу даражада юқори нархда амалга оширилиши мумкинки, бунда ушбу опцион муддати тугашидан олдин уни фойда келтирмайдиган нархда амалга ошириш эҳтимоли жуда ҳам кам); ва
 - (д) қисқа муддатли дебиторлик қарзларини сотиш, бунда ташкилот кўрилиши мумкин бўлган кредит зарарлари қопланишини ушбу қарзлар ўтказилган томонга қафолатлайди.
- Б3.2.6 Агар ташкилот активни ўтказиш натижасида у ўтказилган активга эғалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни ўтказганлигини аниқласа, у ушбу ўтказилган активни, то ушбу ўтказилган активни янги операцияда қайта сотиб олмагунча, келгуси даврда тақдор тан олмайди.

Назорат ўтказилганлигини аниқлаш

- Б3.2.7 Агар актив ўтказилган томон ўтказилган активни амалда сотиши имконига эга бўлса, ташкилот ўтказилган актив устидан назоратни сақлаб қолмаган ҳисобланади. Агар актив ўтказилган томон ўтказилган активни амалда сотиш имконига эга бўлмаса, ташкилот ўтказилган актив устидан назоратни сақлаб қолган ҳисобланади. Актив ўтказилган томон активни, агар ушбу актив фаол бозорда сотилса, амалда сотиш имконига эга бўлади, чунки бунда актив ўтказилган томон ушбу активни ташкилотга қайтариб бериш учун уни бозорда қайта сотиб олиши мумкин бўлади. Масалан, агар ўтказилган актив бўйича уни ташкилот қайта сотиб олиши имкониятини берадиган опцион мавжуд бўлганида ва ташкилот мазкур опциондан фойдаланишга қарор қилиши орқали (опцион амалга оширилиши орқали), актив ўтказилган томон ўтказилган активни бозорда осонлик билан сотиб олиши мумкин бўлса, актив ўтказилган томон ўтказилган активни амалда сотиши мумкин. Агар

ташкilot юқорида келтирилган опционга эга бўлиб, актив ўтказилган томон, ташкilot мазкур опциондан фойдаланишга қарор қилганида (опцион амалга оширилганида), ўтказилган активни бозорда осонлик билан сота олмаса, актив ўтказилган томон ўтказилган активни амалда сотиш имконига эга бўлмайди.

Б3.2.8 Актив ўтказилган томон ўтказилган активни амалда сотиш имконига, фақат агар актив ўтказилган томон ушбу активни бутунлигича боғлиқ бўлмаган учинчи томонга сотиши мумкин бўлса, ва активнинг ўтказилишига қўшимча чекловлар қўйилмасдан, ушбу имкониятдан бир томонлама фойдаланиши мумкин бўлса, эга бўлади. Асосий масала активни ўтказган томон ўтказилган актив билан нимадир қила олишини белгилайдиган шартномавий ҳуқуқларга эга эканлиги ёки қандайдир шартномавий чекловлар мавжудлигида эмас, балки амалда нима қила олишидадир. Хусусан:

- (a) агар ўтказилган актив бўйича бозор мавжуд бўлмаса, ўтказилган активни сотиш бўйича шартномавий ҳуқуқ амалда қатта аҳамиятга эга бўлмайди, ва
- (b) агар ундан осонликча фойдаланиб бўлмаса, ўтказилган активни сотиш имконияти амалда қатта аҳамиятга эга бўлмайди. Ушбу сабаб туфайли:
 - (i) актив ўтказилган томоннинг ушбу активни сотиш имконияти бошқа томонлар ҳаракатларидан мустақил бўлиши лозим (яъни, у бир томонлама ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиши лозим), ва
 - (ii) актив ўтказилган томон ўтказишни чеклайдиган шартларни ёки ўтказиш бўйича “чекловларни” қўйиш (масалан, кредит бўйича қандай қилиб хизмат кўрсатилиши ёки активни ўтказган томонга активни қайта сотиб олиш ҳуқуқини берадиган опцион) заруратисиз ўтказилган активни сотиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Б3.2.9 Актив ўтказилган томон ўтказилган активни сота олмаслиги далилининг ўзи, активни ўтказган томон ўтказилган актив устидан назоратни сақлаб қолганлигини англамайди. Лекин, агар “пут” опциони ёки кафолат актив ўтказилган томоннинг ўтказилган активни сотиш имкониятини чекласа, бунда активни ўтказган томон ўтказилган актив устидан назоратни сақлаб қолган бўлади. Масалан, “пут” опциони ёки кафолат етарлича аҳамиятга эга бўлса, улар актив ўтказилган томоннинг активни сотиш имкониятини чеклайди, чунки актив ўтказилган томон, амалда, ушбу активни учинчи томонга ўхшаш опцион ёки бошқа чекловчи шартларсиз сотмайди. Аксинча, актив ўтказилган томон ўтказилган активни кафолат ёки “пут” опциони бўйича тўловларни олиш учун сақлаб туради. Бундай ҳолатда, активни ўтказган томон ўтказилган актив устидан назоратни сақлаб қолган деб ҳисобланади.

Тан олишни бекор қилиш мезонларига мос ўтказишлар.

Б3.2.10 Ташкilot ўтказилган активлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини олиш ҳуқуқини, ушбу актив бўйича хизмат кўрсатиш сифатида сақлаб қолиши мумкин. Ташкilot хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш ёки ўтказиш пайтида воз кечишга рози бўлган фоиз тўловларининг қисми хизмат кўрсатиш бўйича активга ёки хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятга киритилади. Ташкilot воз кечмайдиган фоиз тўловларининг қисми олинадиган фоиз “стрипи”дир. Масалан, агар ташкilot хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш ёки ўтказиш пайтида ҳеч қандай фоиздан воз кечишга рози бўлмаса, бутун фоиз спрэди олинадиган фоиз “стрипи” (дебиторлик қарзи) бўлиб ҳисобланади. 3.2.13-бандни қўллаш мақсадида, хизмат кўрсатиш бўйича активнинг ва олинадиган фоиз стрипининг ҳаққоний қийматларидан дебиторлик қарзининг баланс қийматини активнинг ҳисобдан чиқариладиган қисми ва тан олиниши давом қиладиган қисми ўртасида тақсимлаш учун фойдаланилади. Агар хизмат кўрсатиш ҳақи белгиланмаган бўлса ёки олинадиган ҳақ ташкilot томонидан кўрсатилган хизматни етарлича қопламаслиги мумкин бўлса, хизмат кўрсатиш бўйича мажбурият унинг ҳаққоний қиймати бўйича тан олинади.

Б3.2.11 Мазкур стандартнинг 3.2.13-бандини қўллаш мақсадида, тан олиниши давом этадиган қисмининг ва тан олиниши бекор қилинган қисмининг ҳаққоний қийматларини баҳолашда, ташкilot 3.2.14-бандга қўшимча 13-сон МХХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*”нинг ҳаққоний қийматни баҳолаш бўйича талабларини қўллайди.

Тан олишни бекор қилиш мезонларига мос келмайдиган ўтказишлар

Б3.2.12 Куйида 3.2.15-бандда қайд қилинган тамойилнинг қўлланиши кўрсатилган. Агар ўтказилган актив бўйича мажбуриятларни бажармаслик зарари ташкilot томонидан қопланиш кафолати, ташкilot ўтказилган активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва муқофотларни сақлаб қолгани сабабли, ўтказилган активни тан олинишини бекор қилишга йўл қўймаса, ўтказилган активни бутунлигича тан олиш давом этиши лозим, унинг ўтказилишида олинган товон эса мажбурият сифатида тан олиниши лозим.

Ўтказилган активларда давом этаётган иштирок

Б3.2.13 Куйида ташкилот 3.2.16-бандга асосан ўтказилган активларни ва улар билан боғлиқ мажбуриятларни қандай қилиб баҳолаши лозимлигига мисоллар келтирилган.

Барча активлар

- (а) Агар ўтказилган актив бўйича мажбуриятларни бажармаслик зарари ташкилот томонидан қопланиш кафолати ўтказилган активни унда давом этаётган иштирок даражасида тан олиншини бекор қилишга йўл қўймаса, ўтказилган актив уни ўтказиш санасида қуйидаги қийматларнинг қайси бири камроқ бўлса, ўша қийматда баҳоланади (i) активнинг баланс қиймати ва (ii) ташкилот томонидан тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган ва активнинг ўтказилишида олиннадиган товоннинг максимал суммаси (“кафолат суммаси”). Ўтказилган актив билан боғлиқ мажбурият дастлаб кафолат суммасига кафолатнинг ҳаққоний қиймати қўшилган суммада баҳоланади (одатда у кафолат учун олинган товонга тенг). Кейинчалик, кафолатнинг дастлабки ҳаққоний қиймати вақтга мутаносиб асосда фойда ёки зарар таркибида тан олинади (15-сон МХХС тамойилларига мос равишда) ва активнинг баланс қиймати ҳар қандай қадрсизланиш бўйича зарарлар суммасига камайтирилади.

Амортизацияланган қийматда баҳоланадиган активлар

- (б) Агар ташкилот томонидан чиқарилган “пут” опциони бўйича мажбурият ёки ташкилотга тегишли “колл” опциони ҳуқуқи ўтказилган активни тан олиншини бекор қилишга йўл қўймаса ва ташкилот ўтказилган активни амортизацияланган қийматда баҳоласа, ушбу актив билан боғлиқ мажбурият унинг таннархида (яъни, олинган товоннинг қийматида) баҳоланади, бунда ушбу таннарх ўтказилган активнинг опцион муддати тугаши санасидаги амортизацияланган қиймати ва унинг таннархи ўртасидаги фарқ амортизациясига тузатилган бўлиши лозим. Масалан, фараз қилайлик, активнинг уни ўтказиш санасидаги амортизацияланган қиймати ва баланс қиймати 98 п.б.га тенг ва олинган товоннинг қиймати 95 п.б.га тенг. Опцион амалга оширилиши санасида активнинг амортизацияланган қиймати 100 п.б.га тенг бўлади. Ушбу актив билан боғлиқ мажбуриятнинг дастлабки баланс қиймати 95 п.б.ни ташкил этади ҳамда 95 п.б. ва 100 п.б. ўртасидаги фарқ эффектив фойза усули бўйича фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Агар опцион амалга оширилса, актив билан боғлиқ мажбуриятнинг баланс қиймати ва опционни амалга ошириш нархи ўртасидаги ҳар қандай фарқ фойда ёки зарар таркибида тан олинади.

Ҳаққоний қийматда баҳоланадиган активлар

- (в) Агар ташкилотнинг “колл” опциони бўйича ҳуқуқи ўтказилган активни тан олиншини бекор қилишга йўл қўймаса ва ташкилот ўтказилган активни ҳаққоний қийматда баҳоласа, актив ҳаққоний қийматда баҳоланишда давом этади. Ушбу актив билан боғлиқ мажбурият қуйидаги тузатиш киритилган қийматда баҳоланади: (i) опционни амалга ошириш нархи минус опционнинг вақт қиймати, агар опцион фойда келтирадиган ёки зарар кўрилмайдиган нархга эга бўлса, ёки (ii) ўтказилган активнинг ҳаққоний қиймати минус опционнинг вақт қиймати, агар опцион фойда келтирмайдиган нархга эга бўлса. Ўтказилган актив билан боғлиқ мажбуриятнинг баҳоланишига киритилган тузатиш активнинг ва у билан боғлиқ мажбуриятнинг баланс қийматлари ўртасидаги фарқ “колл” опциони бўйича ҳуқуқнинг ҳаққоний қиймати га тенг бўлишини таъминлайди. Масалан, агар таянч активнинг ҳаққоний қиймати 80 п.б.га тенг бўлса, опционни амалга ошириш нархи 95 п.б.га ва опционнинг вақт қиймати 5 п.б.га тенг бўлса, актив билан боғлиқ мажбуриятнинг баланс қиймати 75 п.б.га (80 – 5) ва ўтказилган активнинг баланс қиймати 80 п.б.га (яъни унинг ҳаққоний қиймати га) тенг бўлади.
- (г) Агар ташкилот томонидан чиқарилган “пут” опциони ўтказилган активни тан олиншини бекор қилишга йўл қўймаса ва ташкилот ўтказилган активни унинг ҳаққоний қиймати бўйича баҳоласа, ушбу актив билан боғлиқ мажбурият опционни амалга ошириш нархи плюс опционнинг вақт қиймати йиғиндисиде баҳоланади. Актив ҳаққоний қийматда баҳоланганда, унинг баҳоланиши ушбу активнинг ҳаққоний қиймати ёки опционни амалга ошириш нархидан кичигидан ошмаслиги лозим, чунки ташкилот ўтказилган актив ҳаққоний қийматининг опционни амалга ошириш нархидан ошадиган қисмини олиш ҳуқуқи га эга бўлмайди. Бу активнинг ва у билан боғлиқ мажбуриятнинг баланс қийматлари ўртасидаги фарқ “пут” опциони бўйича мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати га тенг бўлишини

таъминлайди. Масалан, таянч активнинг ҳаққоний қиймати 120 п.б.га тенг бўлса, опционни амалга ошириш нархи 100 п.б.га ва опционнинг вақт қиймати 5 п.б.га тенг бўлса, актив билан боғлиқ мажбуриятнинг баланс қиймати 105 п.б.га (100 + 5) ва активнинг баланс қиймати 100 п.б.га (ушбу ҳолатда опционни амалга ошириш нархига) тенг бўлади.

- (д) Агар сотиб олинган “колл” опциони ва чиқарилган “пут” опциони шаклидаги “коллар” ўтказилган активни тан олиншини бекор қилишга йўл қўймаса ва ташкилот ўтказилган активни унинг ҳаққоний қиймати бўйича баҳоласа, у ушбу активни ҳаққоний қийматда баҳолашни давом эттиради. Актив билан боғлиқ мажбурият куйидаги қийматда баҳоланади: (i) “колл” опционини амалга ошириш нархи билан “пут” опционининг ҳаққоний қиймати йиғиндиси минус “колл” опционининг вақт қиймати, агар “колл” опциони фойда келтирадиган ёки зарар кўрилмайдиган нархга эга бўлса, ёки (ii) активнинг ҳаққоний қиймати ва “пут” опционининг ҳаққоний қиймати йиғиндиси минус “колл” опционининг вақт қиймати, агар “колл” опциони фойда келтирмайдиган нархга эга бўлса. Ўтказилган актив билан боғлиқ мажбуриятнинг баҳолалишига киритилган тузатиш активнинг ва у билан боғлиқ мажбуриятнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ ташкилот томонидан сақлаб турилган ва чиқарилган опционларнинг ҳаққоний қийматига тенг бўлишини таъминлайди. Масалан, фараз қилайлик, ташкилот ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активни ўтказган пайтнинг ўзида “колл” опционини (опционни амалга ошириш нархи 120 п.б.га тенг) сотиб олади ва “пут” опционини (опционни амалга ошириш нархи 80 п.б.га тенг) чиқаради. Шунингдек, активнинг ҳаққоний қиймати уни ўтказиш санасида 100 п.б.га тенг деб фараз қилайлик. “Пут” ва “колл” опционларининг вақтдаги қиймати тегишлича 1 п.б. ва 5 п.б.ни ташкил этади. Бу ҳолатда, ташкилот активни 100 п.б.га (активнинг ҳаққоний қийматига) тенг қийматда ва мажбуриятни 96 п.б.га [(100 + 1) – 5] тенг қийматда тан олади. Бунда активнинг соф қиймати 4 п.б.ни ташкил этади, бу эса ташкилот томонидан сақлаб турилган ва чиқарилган опционларнинг ҳаққоний қийматига тенг.

Барча ўтказишлар

- Б3.2.14 Молиявий активнинг бошқа томонга ўтказилиши уни тан олиншини бекор қилиш шартларига мос келмаслиги даражасида, активни ўтказган томоннинг ушбу активни ўтказиш билан боғлиқ шартномавий ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари, агар активни ўтказиш натижасида пайдо бўладиган мажбуриятни ёки ўтказилган активни ҳамда деривативни тан олиш натижасида бир хил ҳуқуқлар ва мажбуриятлар икки марта тан олинса, алоҳида деривативлар сифатида ҳисобга олинмайди. Масалан, активни ўтказган томон эгалигидаги “колл” опциони молиявий активлар ўтказилишининг сотиш сифатида ҳисобга олиншига йўл қўймайди. Бу ҳолатда, “колл” опциони алоҳида дериватив актив сифатида тан олинмайди.
- Б3.2.15 Молиявий активнинг бошқа томонга ўтказилиши уни тан олиншини бекор қилиш шартларига мос келмаслиги даражасида, актив ўтказилган томон ўтказилган активни ўз активи сифатида тан олмайди. Актив ўтказилган томон пул маблағларини ёки бошқа тўланган товонни ҳисобдан чиқаради ва активни ўтказган томондан олинши лозим бўлган суммани дебиторлик қарзи сифатида тан олади. Агар активни ўтказган томон бутун ўтказилган актив устидан назоратни белгиланган сумма эвазига қайта сотиб олиш бўйича ҳуқуққа ва мажбуриятга эга бўлса (масалан, қайта сотиб олиш келишувидагидек), актив ўтказилган томон дебиторлик қарзини, ушбу қарз 4.1.2-бандда белгиланган талабларга мос келганида, амортизацияланган қийматда баҳолаши мумкин.

Мисоллар

- Б3.2.16 Куйидаги мисолларда мазкур МХХС бўйича активни тан олиншини бекор қилиш қоидаларининг қўлланиши ёритиб берилган.
- (а) *Қайта сотиб олиш шартномалари ва қимматли қозғозлар шаклида қарз бериш.* Агар молиявий актив уни белгиланган нархда ёки сотиш нархига кредиторнинг даромади қўшилган қийматда қайта сотиб олиш шартномаси бўйича сотилган бўлса ёки уни активни ўтказган томонга қайтариб беришни назарда тутадиган шартнома бўйича кредитга берилган бўлса, у ҳисобдан чиқарилмайди, чунки активни ўтказган томон активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолган деб ҳисобланади. Агар актив ўтказилган томон активни сотиш ёки гаровга қўйиш ҳуқуқини олган бўлса, активни ўтказган томон ушбу активни ўзининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида қайта таснифлайди, масалан, қарзга берилган актив сифатида ёки қайта сотиб олиш бўйича дебиторлик қарзи сифатида.
- (б) *Қайта сотиб олиш шартномалари ва қимматли қозғозлар шаклида қарз бериш — деярли бир хил бўлган активлар.* Агар молиявий актив худди шу активни ёки у билан деярли бир

хил бўлган активни белгиланган нархда ёки сотиш нархига кредиторнинг даромади қўшилган қийматда қайта сотиб олиш шартномаси бўйича сотилган бўлса ёки молиявий актив уни ўтказган томонга худди шу активни ёки у билан деярли бир хил бўлган активни қайтариб беришни назарда тутадиган шартнома бўйича кредитга берилган ёки қарзга олинган бўлса, унинг тан олинishi бекор қилинмайди, чунки активни ўтказган томон активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолган деб ҳисобланади.

- (в) *Қайта сотиб олиш шартномалари ва қимматли қоғозлар шаклида қарз бериш — алмаштириш ҳуқуқи.* Агар белгиланган қайта сотиб олиш нархида ёки сотиш нархига кредиторнинг даромади қўшилган қийматга тенг нархдаги қайта сотиб олиш шартномаси ёки ўхшаш қимматли қоғозлар шаклида кредит бериш операцияси актив ўтказилган томонга ўтказилган активга ўхшаш ёки унинг қайта сотиб олиш санасидаги ҳаққоний қийматига тенг қийматга эга активлар билан алмаштириш ҳуқуқини берса, қайта сотиб олиш ёки қимматли қоғозларни кредитга бериш операциясида сотилган ёки кредитга берилган актив ҳисобдан чиқарилмайди, чунки активни ўтказган томон активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолган деб ҳисобланади.
- (г) *Ҳаққоний қийматда қайта сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқ.* Агар ташкилот молиявий активни сотса ва актив ўтказилган томон уни кейинчалик сотганида фақатгина ўтказилган активни ҳаққоний қийматда қайта сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқни сақлаб қолса, ташкилот активни ҳисобдан чиқаради, чунки у активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни ўтказган деб ҳисобланади.
- (д) *Сохта сотиш операцияси.* Молиявий активни у сотилгандан кейин қисқа муддатда қайта сотиб олиш баъзида сохта сотиш операцияси деб номланади. Бундай қайта сотиб олиш операцияси, агар бошланғич операция тан олиншини бекор қилиш шартларига мос келса, активни тан олиншини бекор қилишга тўсқинлик қилмайди. Лекин, агар молиявий активни сотиш шартномаси худди шу активни белгиланган нархда ёки сотиш нархига кредиторнинг даромади қўшилган нархда қайта сотиб олиш шартномаси билан бир вақтнинг ўзида тузилган бўлса, актив тан олинishi бекор қилинмайди.
- (е) *Катта фойда келтирадиган нархда амалга ошириладиган “пут” ва “колл” опционлари.* Агар активни ўтказган томон ўтказилган молиявий активни қайтариб олиши мумкин бўлса ва “колл” опциони катта фойда келтирадиган нархда амалга оширилиши мумкин бўлса, активнинг ўтказилиши тан олиншини бекор қилиш шартларига мос келмайди, чунки активни ўтказган томон активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолган деб ҳисобланади. Шу каби, агар актив ўтказилган томон молиявий активни қайтариб бериши мумкин бўлса ва “пут” опциони катта фойда келтирадиган нархда амалга оширилиши мумкин бўлса, активнинг ўтказилиши тан олиншини бекор қилиш шартларига мос келмайди, чунки активни ўтказган томон активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолган деб ҳисобланади.
- (ё) *Фойда келтирмайдиган, ҳаддан ташқари паст нархда амалга ошириладиган “пут” ва “колл” опционлари.* Ўтказилган молиявий актив бўйича фақат актив ўтказилган томон эгалигидаги фойда келтирмайдиган, ҳаддан ташқари паст нархда амалга ошириладиган “пут” опциони ёки активни ўтказган томон эгалигидаги фойда келтирмайдиган паст нархда амалга ошириладиган “колл” опциони мавжуд бўлса, активни ўтказган томон ушбу активни тан олиншини бекор қилади. Чунки у активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни ўтказган деб ҳисобланади.
- (ж) *Амалга оширилиши нархи катта фойда келтирадиган ёки ҳаддан ташқари паст, фойда келтирмайдиган бўлмаган “колл” опционига эга, бозорда эркин муомаладаги активлар.* Агар ташкилот бозорда эркин муомалада бўлган актив бўйича “колл” опционига эга бўлса, ва ушбу опционнинг амалга оширилиши нархи катта фойда келтирадиган ҳам, ҳаддан ташқари паст фойда келтирмайдиган ҳам бўлмаса, мазкур актив тан олинishi бекор қилинади. У қуйидаги сабабларга кўра тан олинishi бекор қилинади: ташкилот (i) активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни ўтказган ҳам эмас, сақлаб қолган ҳам эмас, ва (ii) назоратни сақлаб қолмаган. Лекин, актив бозорда эркин муомалада бўлмаса, активнинг маълум суммаси бўйича “колл” опциони тузилган даражада ушбу активнинг суммаси ҳисобдан чиқарилмайди, чунки ташкилот актив устидан назоратни сақлаб қолган деб ҳисобланади.
- (з) *Ташкилот томонидан чиқарилган, амалга оширилиши нархи катта фойда келтирадиган ҳам, ҳаддан ташқари паст, фойда келтирмайдиган ҳам бўлмаган “пут” опционига эга, бозорда эркин муомалада бўлмаган активлар.* Агар ташкилот бозорда эркин муомалада

- бўлмаган молиявий активни ўтказса ва у бўйича амалга оширилиши нархи ҳаддан ташқари паст, фойда келтирмайдиган бўлмаган “пут” опционини чиқарса, ушбу чиқарилган “пут” опциони туфайли ташкилот активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни ўтказган ҳам, сақлаб қолган ҳам деб ҳисобланмайди. Агар “пут” опциони актив ўтказилган томон активни сотишини олдини олиш учун етарлича фойдали бўлса, ташкилот актив устидан назоратни сақлаб қолган бўлади, бу ҳолатда активнинг активни ўтказган томоннинг ушбу активда давом этаётган иштироки даражасида тан олинishi давом этади (Б3.2.9-бандга қаранг). Агар “пут” опциони актив ўтказилган томон активни сотишини олдини олиш учун етарлича фойдали бўлмаса, ташкилот актив устидан назоратни ўтказган деб ҳисобланади, бу ҳолатда актив тан олинishi бекор қилинади.
- (и) *Ҳаққоний қиймат бўйича сотиш опциони (“пут” опциони) ёки сотиб олиш опциони (“колл” опциони)га эга активлар ёки қайта сотиб олиш форвард шартномалари.* Молиявий актив ўтказилганда, у бўйича уни қайта сотиб олиш пайтидаги ҳаққоний қийматига тенг қайта сотиб олиш нархига эга бўлган қайта сотиб олиш форвард шартномаси тузилса ёки амалга ошириш нархи ҳаққоний қийматига тенг бўлган “пут” ёки “колл” опциони тақдим этилса, ушбу молиявий актив ҳисобдан чиқарилади, чунки унга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотлар ўтказилган бўлади.
- (й) *Пул маблағлари билан ҳисоб-китоб қилинадиган “колл” ва “пут” опционлари.* Ташкилот пул маблағларида соф асосда ҳисоб-китоб қилинадиган қайта сотиб олиш форвард шартномаси ёки “пут” ёки “колл” опциони бўйича ўтказиладиган активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни ушбу ташкилот сақлаб қолганлиги ёки ўтказганлигини аниқлайди. Агар ташкилот ўтказилган активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолмаган бўлса, у ўтказилган актив устидан назоратни сақлаб қолганлигини ёки сақлаб қолмаганлигини аниқлайди. “Пут” ёки “колл” опциони ёки қайта сотиб олиш форвард шартномаси пул маблағларида соф асосда ҳисоб-китоб қилинишининг ўзи ташкилот назоратни ўтказганлигини билдирмайди (юқоридаги Б3.2.9 ва (ё), (ж) ва (з) бандларга қаранг).
- (к) *Активларнинг бир қисмини кейинчалик қайта сотиб олиш бўйича шартнома банди.* Активларнинг бир қисмини кейинчалик қайта сотиб олиш бўйича шартнома банди – бу шартсиз қайта сотиб олиш (“колл”) опционидир, у ташкилотга айрим чекловларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилган активларни қайта талаб этиш ҳуқуқини беради. Агар бундай опцион натижасида ташкилот активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолмаган ҳам ўтказмаган ҳам бўлса, у активнинг тан олинishi бекор қилинишига фақатгина активнинг қайта сотиб олинадиган суммаси даражасида йўл қўймайди (актив ўтказилган томон активларни сота олмаслиги фараз қилинганда). Масалан, агар кредит активларининг баланс қиймати ва уларни ўтказишдан олинган пул маблағлари тушиши 100,000 п.б.га тенг бўлса ва бу кредитларнинг ҳар бири қайта сотиб олинishi мумкин бўлсада, лекин қайта сотиб олинадиган кредитларнинг умумий суммаси 10,000 п.б.дан ошмаслиги лозим бўлса, бунда 90,000 п.б. суммадаги кредитлар тан олинishi бекор қилиш талабларига мос келади.
- (л) *Қолган активлар бўйича (“колл”) опционлар.* Активларни ўтказадиган томон бўлиши мумкин бўлган ташкилот, ушбу ўтказилган активлар бўйича хизмат кўрсатганида, агар ўтказилган муомаладаги активларнинг суммаси ушбу активлар бўйича хизмат кўрсатиш сарфлари хизмат кўрсатишдан олинадиган нафдан ошиб кетадиган, олдиндан белгилаб олинган даражагача пасайиб кетса, қолган активлар бўйича (“колл”) опционга эга бўлиши мумкин. Агар бундай тугал қайта сотиб олиш натижасида ташкилот активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолмаган ҳам ўтказмаган ҳам бўлса ва актив ўтказилган томон активларни сота олмаса, у ушбу қайта сотиб олиш опциони билан қамраб олинган активлар суммаси даражасида ўтказилган активларнинг тан олинishi бекор қилишга йўл қўймайди.
- (м) *Субординацияланган иштирок улушлари ва кредит кафолатлари.* Ташкилот актив ўтказилган томонни кредит сифатини оширадиган воситалар билан таъминлаши мумкин, бунда у ўтказилган активда сақлаб қолган улушини ёки ушбу улушнинг бир қисмини субординациялаши мумкин. Муқобил равишда, ташкилот актив ўтказилган томонни белгиланган сумма билан чекланган ёки чекланмаган кредит кафолати шаклида кредит сифатини оширадиган восита билан таъминлаши мумкин. Агар ташкилот ўтказилган активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни сақлаб қолган бўлса, актив бутунлигача тан олинishi давом этади. Агар ташкилот ўтказилган активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча эмас, балки айрим рисклар ва мукофотларни ҳамда назоратни сақлаб қолган бўлса, ташкилот тўлаши талаб этилиши мумкин бўлган пул

маблағлари ёки бошқа активлар суммаси даражасида активнинг ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

- (н) *Жами даромадлар своплари.* Ташкилот молиявий активни актив ўтказилган томонга сотиши мумкин ва актив ўтказилган томон билан жами даромадлар свопларини тузиши мумкин. Ушбу свопларга қўра таянч активдан фоизлар қўринишида олинadиган барча пул оқимлари ташкилотга, қатъий белгиланган тўлов ёки ўзгарувчан ставка бўйича тўлов эвазига ўтказилади, бунда ташкилот таянч активнинг ҳаққоний қиймати кўпайиши ёки камайиши натижасидаги фойда ёки зарарларни ўзига олади. Бундай ҳолатда, бутун активни тан олинишини бекор қилиш тақиқланади.
- (о) *Фоиз ставкаси своплари.* Ташкилот актив ўтказилган томонга қатъий белгиланган ставкага эга молиявий активни ўтказиши ва актив ўтказилган томон билан фоиз ставкаси свопини тузиши мумкин. Бундай свопда, актив ўтказилган томон, ўтказилган молиявий активнинг асосий суммасига тенг шартли суммадан ўзгарувчан фоиз ставкаси бўйича фоизларни тўлайди ва қатъий белгиланган фоиз ставкаси бўйича фоизларни олади. Агар своп бўйича тўловлар ўтказилган актив бўйича тўловларга боғлиқ бўлмаса, фоиз ставкаси свопи ўтказилган активни ҳисобдан чиқарилишига тўсқинлик қилмайди.
- (п) *амортизацияланган фоиз ставкаси своплари.* Ташкилот актив ўтказилган томонга қатъий белгиланган ставкага эга ва вақт ўтиши билан тўланадиган молиявий активни ўтказиши мумкин ва актив ўтказилган томон билан амортизацияланган фоиз ставкаси свопини, шартли суммадан ўзгарувчан фоиз ставкаси бўйича фоизларни тўлаш ва қатъий белгиланган фоиз ставкаси бўйича фоизларни олиш учун тузиши мумкин. Агар свопнинг шартли суммаси шундай тарзда амортизациялансаки, бунда у ҳар қандай пайтда ўтказилган молиявий активнинг сўндирилмаган асосий суммасига тенг бўлса, свопнинг натижасида ташкилот одатда олдиндан тўлов бўйича катта рискка эга бўлади ва бу ҳолатда ташкилот бутун ўтказилган активни тан олишни давом этади ёки ўтказилган активни ундаги давом этаётган иштирок даражасида тан олишни давом этади. Аксинча, агар своп бўйича шартли сумманинг амортизацияси ўтказилган активнинг асосий суммаси билан боғлиқ бўлмаса, бундай своп ташкилот актив бўйича олдиндан тўлов билан боғлиқ рискка эга бўлишига олиб келмайди. Шундай қилиб, ушбу своп активнинг ҳисобдан чиқарилишига тўсқинлик қилмайди, агар своп бўйича тўловлар ўтказилган актив бўйича амалга ошириладиган фоиз тўловларига боғлиқ бўлмаса ва ушбу своп натижасида ташкилот ўтказилган активга эгалик ҳукуқи билан боғлиқ аҳамиятли рисклар ва мукофотларни сақлаб қолмаган бўлса.
- (р) *активни ҳисобдан чиқариши.* Ташкилот молиявий активнинг шартномавий пул оқимларини тўлик ёки қисман қайта тикланишига асосли кутишлари мавжуд бўлмайди.

Б.3.2.17 Ушбу бандда ташкилот молиявий активнинг бир қисмида давом этаётган иштирокка эга бўлганида, ушбу давом этаётган иштирок бўйича талабларнинг қўлланилиши ёритиб берилган.

Айтайлик, ташкилот купон ва эффектив фоиз ставкаси 10 фоиз ҳамда қарзнинг асосий суммаси ва амортизацияланган қиймати 10,000 п.б.га тенг бўлган муддатидан олдин сўндириш имкониятига эга қарзлар портфелига эга. Ташкилот 9,115 п.б. тўлаш эвазига қабул қилувчи томон асосий қарз суммаси бўйича 9,000 п.б. олиш ва 9.5 ставкада фоиз олиш ҳукукига эга бўладиган битим имзолади. Ташкилот асосий қарзнинг пул маблағлари йиғилишидан 1000 п.б.га тенг бўлган ҳуқуқларни, қўшимча равишда 10% фоиз ва қолган 9000 п.б.га тенг асосий қарз бўйича 0,5% спредни ўзида сақлаб қолади. Олдиндан тўлов бўйича пул маблағлари йиғилиши ташкилот ва олувчи ўртасида 1:9 нисбатда тақсимланади, лекин дефолт бўйича зарарлар ташкилотнинг 1000 п.б.га тенг улушини нолга тенглашгунча камайтиради. Қарзларнинг битим тузилиши санасидаги ҳаққоний қиймати 10,100 п.б.га ва 0.5 фоиз спреднинг ҳаққоний қиймати 40 п.б.га тенг бўлган.

Ташкилот эгалик бўйича баъзи аҳамиятли рисклар ва мукофотларни (масалан, аҳамиятли олдиндан тўлов rischi) ўтказганлигини, шунингдек, эгаликнинг баъзи рисклари ва мукофотларини (қолган улуш субординация қилинганлиги сабабли) сақлаб қолганлигини ва назоратни сақлаб қолганлигини аниқлайди. Шунинг учун у активда давомий иштирок ёндашувини қўллайди.

Мазкур стандарт мақсадлари учун ташкилот битимни (а) 1000 п.б. суммадаги мутаносиб қолган капитал улушини сақлаб қолиш ва (б) кредит зарарлари бўйича олувчига кредитни оширишни таъминлаш учун ўз капиталидаги қолган улушга субординация сифатида қарайди.

Ташкилот олинган 9,115 п.б.га тенг товоннинг 9,090 п.б.га (90% × 10,100 п.б.) қисми 90 фоиз мутаносиб улуш учун товонни назарда тутаяди. Олинган товоннинг қолган қисми (25 п.б.) кредит

зарарлари бўйича олувчи томонни кредит сифатини оширишни таъминлаш учун ташкилотнинг қолган ўз капиталини субординация қилиш учун олинган товонни ифодалайди. Бундан ташқари, 0.5 фоиз спред кредит сифатини оширишга қаратилган олинган товонни ифодалайди. Шунга кўра, кредит сифатини оширишга қаратилган жами товон суммаси 65 п.б. (25 + 40)ни ташкил қилади.

Ташкилот пул оқимларининг 90 фоизи улушини сотишдан фойда ёки зарар ҳисоблайди. Ўтказиладиган 90 фоиз қисм ва сақлаб қолинган 10 фоиз қисмни алоҳида ҳаққоний қийматлари ўтказиш санасига мавжуд эмас деб ҳисобланса, ташкилот активнинг баланс қийматини 9-сон МХХСнинг 3.2.14-бандига мувофиқ қуйидагича тақсимлайди:

	<i>Ҳаққоний қиймат</i>	<i>Фоиз</i>	<i>Тақсимланган баланс қиймати</i>
Ўтказилган қисм	9,090	90%	9,000
Сақлаб қолинган қисм	1,010	10%	1 000
Жами	10,100		10 000

Ташкилот пул оқимларининг 90 фоизини сотишдан фойда ёки зарарни ҳисоблаш учун олинган товондан ўтказиладиган тақсимланган қисмнинг баланс қийматини чегиради яъни 90 п.б. (9,090 – 9,000). Ташкилот томонидан сақлаб қолинган қисмнинг баланс қиймати 1,000п.б.ни ташкил этади.

Бундан ташқари, ташкилот кредит зарарлари бўйича сақланган улуш субординациясидан келиб чиқадиган давомий иштирокни тан олади. Шунга кўра, у 1,000 п.б.га тенг активни тан олади (субординация орқали олинган мумкин бўлмаган пул оқимларининг максимал суммаси) ва 1,065 п.б.га тенг тегишли мажбуриятни тан олади (субординация орқали олинган мумкин бўлмаган пул оқимларининг максимал суммаси, яъни 1,000 п.б. плюс 65 п.б.га тенг субординациянинг ҳаққоний қиймати).

Ташкилот юқоридаги барча маълумотларни ушбу операцияни қуйидагича ҳисобга олишда фойдаланади:

	<i>Дебит</i>	<i>Кредит</i>
Дастлабки актив	—	9,000
Субординация ёки қолдиқ улуш бўйича тан олинган актив	1 000	—
Спред шаклида олинган товон бўйича актив	40	—
Фойда ёки зарар (ўтказишдан фойда)	—	90
Мажбурият	—	1 065
Олинган пул маблағлари	9,115	—
Жами	10,155	10 155

Операциядан сўнг дарҳол активнинг баланс қиймати 2,040 п.б.ни ташкил этади, бу 1,000 п.б.ни ўз ичига олади, бу қолган қисмига ажратилган қийматнинг бир қисмини ва 1,040 п.б. кредит зарарлари бўйича субординация натижасида ташкилотнинг қўшимча давомий иштирокини ифодалайди (шу жумладан 40 п.б.га тенг спред).

Кейинги даврларда ташкилот кредит сифатини оширишни тақдим этиш учун олинган товонни (65 п.б.) вақтга мутаносиб равишда тан олади, эффектив фоиз ставкасидан фойдаланган ҳолда тан олинган актив бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқади ва тан олинган активлар бўйича ҳар қандай зарарни тан олади. Иккинчисини кўрсатиш учун мисол сифатида, келгуси йилда асосий қарзлар бўйича 300 п.б. кадрсизланишдан зарарни келтириш мумкин. Ташкилот кредит зарарлари бўйича унинг сақланиб қолган улушининг субординацияси натижасида келиб чиқадиган қўшимча давомий иштирок билан боғлиқ бўлган 300 п.б.га тенг зарар кўрган деб фараз қилинг) ва унинг тан олинган мажбуриятини 300 п.б.га камайтиради. Якуний натижа 300

п.б.га тенг қадрсизланишдан зарар бўйича даромад ёки зарарда тан олинган харажат ҳисобланади.

Молиявий мажбуриятларни тан олишни бекор қилиш (3.3- бўлим)

- Б3.3.1 Молиявий мажбурият (ёки унинг қисми), агар қарздор қуйдагиларни бажарса, сўндирилган деб ҳисобланади:
- (а) мажбуриятни (ёки унинг қисмини) кредиторга одатда пул маблағлари, бошқа молиявий активлар, товарлар ва хизматлар билан тўлаш орқали бажарса; ёки
 - (б) қонуний асосда суд қарори билан ёки кредиторнинг ўзи томонидан мажбурият (ёки унинг қисми) бўйича бирламчи жавобгарликдан озод қилинган бўлса. (Агар қарздор кафолат берган бўлса ҳам ушбу шарт бажарилган деб ҳисобланиши мумкин.)
- Б3.3.2 Агар қарз инструментининг эмитенти ушбу инструментни қайта сотиб олса, қарз сўндирилган деб ҳисобланади, гарчи эмитент ушбу инструмент бўйича воситачи бўлса ҳам ёки ушбу инструментни яқин орада қайта сотиш ниятида бўлса ҳам.
- Б3.3.3 Учинчи томонга, шу жумладан траст компаниясига тўловнинг ўзи (баъзида “аслида бекор қилиш” деб номланади), қарздорни унинг кредитор олдидаги бирламчи мажбуриятдан, қонуний озод қилиш асоси бўлмаганида, озод қилмайди.
- Б3.3.4 Агар қарздор учинчи томонга у мажбуриятни ўз зиммасига олиши учун тўласа ва кредиторга учинчи томон қарз мажбуриятини олганлиги тўғрисида маълум қилса, қарздор қарз мажбуриятини Б3.3.1(б) банддаги шартлар бажарилмагунча ҳисобдан чиқармайди. Агар қарздор учинчи томонга у мажбуриятни ўз зиммасига олиши учун тўласа ва кредитор уни қонуний равишда қарздан озод қилса, қарздор қарзини узган деб ҳисобланади. Лекин, агар қарздор қарз бўйича тўловларни учинчи томонга ёки бевосита дастлабки кредиторга тўлашга рози бўлса, қарздор учинчи томон олдида янги қарз мажбуриятини тан олади.
- Б3.3.5 Қонуний равишда, суд томонидан ёки кредиторнинг ўзи томонидан, озод этиш мажбуриятнинг тан олинишини бекор қилишга олиб келса ҳам, ташкилот янги мажбуриятни, агар тан олинишини бекор қилишга тегишли 3.2.1–3.2.23-бандлардаги шартлар ўтказилган молиявий активларга нисбатан бажарилмаган бўлса, тан олиши мумкин. Ушбу шартлар бажарилмаса, ўтказилган активлар тан олиниши бекор қилинмайди ва ташкилот ўтказилган активлар бўйича янги мажбуриятни тан олади.
- Б3.3.6 3.3.2-банд мақсадида, агар янги шартлар бўйича пул оқимларининг дисконтланган қиймати, шу жумладан ҳар қандай тўланган ва олинган комиссия тўловлари ўртасидаги фарқнинг бошланғич эффектив фоиз ставкаси бўйича дисконтланган суммаси камида 10 фоизга бошланғич молиявий мажбурият бўйича қолган пул оқимларнинг дисконтланган қийматидан фарқ қилса, шартлар аҳамиятли даражада бир-бирдан фарқ қилади. Тўланган комиссия тўловлари ҳисобга олмаганда ушбу тўловларни аниқлашда қарз олувчи фақат қарз олувчи ва қарз берувчи ўртасида тўланган ёки олинган тўловларни, шу жумладан қарз олувчи ёки бошқасининг номидан қарз берувчи томонидан тўланган ёки олинган тўловларни ўз ичига олади.
- Б3.3.6А Агар қарз инструментларнинг алмашинуви ёки улар шартларининг ўзгартирилиши қарзни сўндириш сифатида ҳисобга олинса, ҳар қандай амалга оширилган харажатлар ёки комиссия тўловлари қарзни сўндиришдан олинган фойда ёки зарарнинг қисми сифатида тан олинади. Агар айирбошлаш ёки ўзгартириш қарзни узиш сифатида ҳисобга олинмаса, ҳар қандай амалга оширилган харажатлар ёки комиссия тўловлари мажбуриятнинг баланс қийматини тўғрилайди ва ўзгартирилган мажбуриятнинг қолган муддати давомида амортизацияланади.
- Б3.3.7 Айрим ҳолатларда, кредитор қарздорни тўловларни амалга ошириш бўйича мавжуд мажбуриятдан озод қилиши мумкин, лекин бирламчи жавобгарликни олган томон мажбуриятни бажармаганида қарздор тўловни кафолатлайдиган мажбуриятни олиши мумкин. Бундай ҳолатда қарздор:
- а) кафолат бўйича мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати асосида янги молиявий мажбуриятни тан олади, ва
 - б) қуйдагиларнинг фарқи асосида фойда ёки зарарни тан олади: (i) ҳар қандай тўланган сумма ва (ii) бошланғич молиявий мажбуриятнинг баланс қиймати минус янги молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати.

Таснифлаш (4-боб)

Молиявий активларнинг таснифланиши (4.1-бўлим)

Ташкилотнинг молиявий активларни бошқариш бўйича бизнес модели

- Б4.1.1 4.1.1(a) бандда ташкилот молиявий активларни кейинчалик амортизацияланган қийматда ёки ҳаққоний қийматда, ушбу ташкилотнинг молиявий активларни бошқариш бўйича бизнес модели асосида баҳолаши талаб этилган, бундан 4.1.5-банд қўлланган ҳоллар мустасно. Ташкилот молиявий активлар 4.1.2(a) ёки 4.1.2A(a) банд талабларига мос келишини ташкилотнинг асосий раҳбарияти (24-сон БҲХС “Ўзаро боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш” да таърифланганидек) томонидан белгиланган бизнес моделнинг мақсадидан келиб чиқиб аниқлайди.
- Б4.1.2 Ташкилотнинг бизнес модели маълум бир бизнес мақсадга эришиш учун молиявий активлар гуруҳи биргаликда бошқарилишини акс эттирадиган даражада аниқланади. Ташкилотнинг бизнес модели раҳбариятнинг алоҳида инструмент бўйича ниятига боғлиқ бўлмайди. Шундай қилиб, ушбу шарт таснифлашни ҳар бир инструментни алоҳида таҳлил қилиш асосида амалга оширишни англамайди ва моддаларни бирлаштиришнинг юқорироқ даражасида аниқланиши лозим. Лекин, битта ташкилот молиявий инструментларни бошқариш бўйича бирдан ортиқ бизнес моделига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун, таснифлаш ҳисобот берувчи ташкилот даражасида аниқланиши талаб этилмайди. Масалан, ташкилот шартнома бўйича пул оқимларини олиш мақсадида бошқарадиган инвестициялар портфелига эга бўлиши ва ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан фойда олиш учун савдо қилиш мақсадида бошқарадиган инвестицияларнинг бошқа портфелига эга бўлиши мумкин. Шунга ўхшаш, айрим ҳолатларда молиявий активлар портфелини субпортфелларга ташкилот уларни қандай бошқараётганини кўриш учун ажратишга тўғри келиши мумкин. Масалан, бундай ҳолат ташкилот ипотека кредитлари портфелини яратса ёки сотиб олса ва айрим ушбу кредитларни шартномавий пул оқимларини йиғиш учун бошқарса ва бошқа кредитларни сотиш мақсадида бошқарса юз бериши мумкин.
- Б4.1.2А Ташкилотнинг бизнес модели ташкилот ўзининг молиявий активларини пул оқимларини яратиш учун бошқаришини ифодалайди. Ташкилот бизнес модели пул оқимлари шартномавий пул оқимлари йиғиш орқали ёки молиявий активларни сотиш орқали ёки иккаласи орқали юзга келишини аниқлайди. Шунга кўра, бундай баҳолаш ташкилот томонидан қўрилмаган, “энг ёмон ҳолатдаги” сценарийлар ёки “стресс ҳолатдаги” сценарийлар бўйича баҳоланмайди. Масалан, агар ташкилот маълум бир турдаги молиявий активлар портфелини фақат стресс сценарийда сотишни кутаётган бўлса, ушбу сценарий ташкилотнинг бундай активлар учун, агар ташкилот бу сценарий юзга келишини кутмаётган бўлса, бизнес моделини баҳолашга таъсир кўрсатмайди. Агар пул оқимлари ташкилот бизнес моделини баҳолаган санада ташкилот кутишларидан фарқли равишда реализация қилинган бўлса, (масалан, ташкилот активларни таснифлаганда, кутганидан кўра кўпроқ ёки камроқ молиявий активларни сотганда), бу нарса ташкилот молиявий ҳисоботининг олдинги даврлари учун хатоларни акс эттиришга (8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”) ёки бизнес модель доираси сақлаб турилган қолган молиявий активларни (яъни ташкилот олдинги даврларда тан олган ва ҳозиргача ушлаб турганларини) таснифланишини ўзгартиришга асос бўлмайди, бунда ташкилот бизнес моделни баҳолашдаги барча тегишли маълумотларни ҳисобга олган бўлиши лозим. Лекин, ташкилот янги яратилган ёки янги сотиб олинган молиявий активлар учун бизнес моделни баҳолаганда, у пул оқимлари ўтмишда қандай реализация қилинганини бошқа тегишли маълумотлар билан биргаликда баҳолаши лозим.
- Б4.1.2Б Ташкилотнинг молиявий активларни бошқариш учун бизнес модели оддий тасдиқлаш эмас, балки факт ҳисобланади. У одатда ташкилот бизнес модель мақсадларига эришиш учун амалга оширган фаолиятда намоён бўлади. Ташкилот молиявий активни бошқариш учун бизнес моделни баҳолашда мулоҳазани ишлатиши лозим ва баҳолаш битта омил ёки фаолиятни ўз ичига олмаслиги лозим. Бунинг ўрнига ташкилот баҳолаш вақтидаги барча тегишли далилларни ҳисобга олиши лозим. Бундай далилларга қуйидагилар киради, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) бизнес моделнинг фаолияти натижаси ва бизнес модель доирасида ушлаб турилган молиявий активларни баҳолаш ва ташкилотнинг раҳбариятига ҳисоб бериш қандайлиги;
 - (б) бизнес моделнинг фаолияти натижасига таъсир этувчи рисклар (ва бизнес модель доирасида ушлаб турилган молиявий активлар) ва хусусан, ушбу рискларни бошқариш усули; ва
 - (в) бизнесни бошқарадиган менежерларнинг мукофотланиши (масалан, мукофотланиш бошқариладиган активнинг ҳаққоний қийматига асосланганлиги ёки шартномавий пул оқимларини йиғилганлиги).

Шартномавий пул оқимларини йиғиш мақсадида активларни ушлаб туриш бизнес модели

- Б4.1.2В** Шартномавий пул оқимларини йиғиш мақсадида активлар ушлаб туриладиган бизнес модель доирасида молиявий активларни ушлаб туриш инструментнинг амал қилиш муддатида шартнома тўловларини йиғиш орқали пул оқимларини реализация қилиш учун бошқарилади. Бунда, ташкилот портфелда сақлаб турилган активларни (портфелнинг умумий даромадлигини активларни сақлаб туриш ва сотиш учун бошқариш ўрнига) ушбу шартнома тўловларини йиғиш учун бошқаради. Пул оқимлари молиявий активнинг шартномавий пул оқимларини йиғиш учун реализация қилинишини аниқлаш учун, олдинги даврлар учун сотувларнинг вақти, қиймати ва тезлигини ва келгуси сотувлар бўйича кутишларни ҳисоб олиш лозим. Лекин, сотувларнинг ўзи бизнес моделини белгилаб берамайди ва алоҳида ҳисобга олиниши мумкин эмас. Бунинг ўрнига, олдинги сотувлар ва келгуси сотувлар бўйича кутишлар ташкилот эълон қилинган молиявий активларни бошқариш бўйича мақсадга қандай эришилганлигидан, хусусан пул оқимлари қандай реализация қилинганлигидан дарак беради. Ташкилот ўтган сотувлар тўғрисидаги маълумотларни ушбу сотувлар сабаблари ва жорий шароитлар билан боғлиқ ҳолда ўша пайтда мавжуд бўлган шартлар асосида кўриб чиқиши лозим.
- Б4.1.3** Ташкилот бизнес моделининг мақсади шартномавий пул оқимларини йиғиш мақсадида молиявий активларни сақлаб туриш бўлишига қарамадан, ташкилот ушбу инструментларнинг барчасини уларнинг сўндириш муддатигача сақлаб туриш талаб этилмайди. Шу боис, ташкилотнинг бизнес модели, гарчи молиявий активлар сотилса ёки сотилиши кутилаётган бўлса ҳам, шартномавий пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларни сақлаб туриш бўлиши мумкин.
- Б4.1.3А** Ташкилотнинг бизнес модели, гарчи ташкилот молиявий активни ушбу активнинг кредит rischi ошганда сотса ҳам, шартномавий пул оқимларини йиғиш учун сақлаб туриши мумкин. Активнинг кредит rischi ошганлигини аниқлаш учун ташкилот асосли ва тасдиқланган маълумотни шу жумладан келгуси маълумотни ҳисобга олиши лозим. Активнинг кредит rischi ошиши сабабли сотувларнинг қиймати ва тезлигидан қатъий назар, мақсади молиявий активларни шартномавий пул оқимларини сақлаб туриш бўлган бизнес моделга зид эмас, чунки молиявий активнинг кредит сифати ташкилотнинг шартномавий пул оқимларини йиғиш учун тааллуқли ҳисобланади. Кредитнинг ўзгариши туфайли потенциал кредит зарарларини минималлаштиришни мақсад қилган кредит riskини бошқариш фаолияти бундай бизнес моделининг ажралмас қисмидир. Ташкилотнинг инвестиция сиёсатида белгиланган кредит талабларига мувофиқ бўлмаганлиги учун молиявий активнинг сотилиши, кредит rischi ошганлиги сабабли сотув амалга оширилганлигига мисол бўла олади. Лекин, бундай сиёсат мавжуд бўлмаганда, ташкилот сотув кредит rischi ошганлиги учун амалга оширилганлигини бошқа усуллар билан кўрсатиши мумкин.
- Б4.1.3Б** Бошқа сабабларга кўра сотув амалга оширилганлиги, масалан кредит rischi концентрациясини бошқариш (активнинг кредит riskини оширмаган ҳолда) мақсадида сотув амалга оширилганлиги, мақсади шартномавий пул оқимларини йиғиш учун сақлаб туриш бўлган бизнес моделга хос бўлиши мумкин. Хусусан, бундай сотув мақсади шартномавий пул оқимларини йиғиш учун сақлаб туриш бўлган бизнес моделга хос бўлиши мумкин, агар сотув тез-тез амалга ошмаса (гарчи қиймати юқори бўлса ҳам) ёки қиймати алоҳида ёки қўшилган ҳолда аҳамиятли бўлмаса (гарчи тез-тез бўлса ҳам). Агар портфелдан бундай сотувлар тез-тез амалга оширилса ва бундай сотувлар қийматида (алоҳида ёки қўшилган ҳолда) аҳамиятли бўлса, ташкилот бундай сотувларнинг шартномавий пул оқимларини йиғиш мақсадига мувофиқлигини баҳолаши лозим. Бунда, учинчи томоннинг молиявий активларни сотиш талабини қўйиши ёки ташкилотнинг қарорига кўра сотилиши бундай баҳолаш учун аҳамиятсиздир. Аниқ бир даврда сотувнинг қиймати ёки тезлигини ошиши, агар ташкилот бундай сотувларни сабабларини тушунтириб бера ва улар ташкилотнинг бизнес модели ўзгарганлигини акс эттирмаслигини кўрсата олса, молиявий активнинг шартномавий пул оқимларини йиғиш учун сақлаб туриш мақсадига мувофиқ эмаслигини билдирмайди. Қўшимча равишда сотувлар, агар улар молиявий активларнинг сўндириш муддатига яқин сотилса ва сотув қолган суммадаги шартномавий пул оқимига яқин суммага тенг бўлса, шартномавий пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларни сақлаб туриш мақсадига мувофиқ бўлиши мумкин.
- Б4.1.4** Қуйидаги мисоллар ташкилот бизнес моделининг мақсади молиявий активларни шартномавий пул оқимларини йиғиш учун сақлаб туриш бўлган ҳолатларни ёритиб беради. Лекин ушбу мисоллар билан чекланилмайди. Бундан ташқари, ушбу мисоллар ташкилот бизнес моделининг баҳолаш учун барча омилларни баҳоламайди ёки уларнинг муҳимлигини кўрсатмайди:

Мисол	Таҳлил
1-мисол	Ташкилот бошқа маълумотлар билан бирга ликвидлик (яъни агар ташкилот активларини

Мисол	Таҳлил
<p>Ташкилот ўзининг шартномавий пул оқимларини йиғиш мақсадида инвестицияларга эга. Ташкилотнинг молиялаштириш эҳтиёжларини прогноз қилиш мумкин ва молиявий активлар муддати ташкилотнинг тахминий молиялаштириш эҳтиёжларига мос келади.</p> <p>Ташкилот кредит зарарларини минималлаштириш мақсадида кредит рискларини бошқариш фаолиятини олиб боради. Ўтган даврда, сотувлар одатда молиявий активларнинг кредит rischi бундай активлар ташкилотнинг хужжатлаштирилган инвестиция сиёсатини ортиқ кредит меъзонларига жавоб бермайдиган даражада ўсганда амалга оширилган. Бундан ташқари, қутилмаган молиялаштириш эҳтиёжлари натижасида жуда кам сотувлар амалга оширилган.</p> <p>Асосий бошқарув ҳодимида ҳисоботларда молиявий активларнинг кредит сифатига ва шартномада назарда тутилган даромадга эътибор қаратилган. Ташкилот шунингдек бошқа маълумотлар билан бирга молиявий инструментларнинг ҳаққоний қийматларини ҳам мониторинг қилади.</p>	<p>сотиши зарур бўлса пул маблағлари суммаси реализация қилинган бўлиши) жиҳатидан молиявий активларнинг ҳаққоний қийматларини инобатга олишига қарамай, ташкилотнинг мақсади шартномавий пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларни тутиб туришдан иборат. Агар сотувлар активларнинг кредит рискининг ортиши натижасида амалга оширилган бўлса, масалан, агар активлар ташкилотнинг хужжатлаштирилган инвестиция сиёсатида белгиланган кредит сифати мезонларига жавоб бермаса, сотиш ушбу мақсадга зид бўлмайди. Қутилмаган молиялаштириш эҳтиёжлари (масалан, "стресс" сценарийси остида) натижасида жуда кам сотувлар, ҳатто уларнинг ҳажми аҳамиятли бўлса ҳам, бу мақсадга зид бўлмайди.</p>
<p>2 мисол</p> <p>Ташкилотнинг бизнес модели кредитлар каби молиявий активлар портфелини сотиб олишдан иборат. Ушбу портфеллар кредит қиймати қадрсизланган молиявий активларни ўз ичига олиши ёки олмаслиги мумкин.</p> <p>Агар кредит тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаса, ташкилот шартнома бўйича пул оқимларини турли усуллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, масалан, қарздор билан почта, телефон ёки бошқа усуллар билан боғланиш орқали. Ташкилотнинг мақсади шартнома бўйича пул оқимларини йиғишдан иборат ва ташкилот уларни сотиш орқали пул оқимларини амалга ошириш учун портфелдаги ҳеч қандай кредитларни бошқармайди.</p> <p>Баъзи ҳолларда, ташкилот маълум портфел молиявий активлари бўйича фоиз ставкасини сузувчидан доимийга ўзгартириш учун фоиз ставкаларини алмаштириш шартномаларини тузади.</p>	<p>Ташкилот бизнес моделининг мақсади шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларни ушлаб туришдан иборат.</p> <p>Шу каби таҳлил, агар ташкилот шартнома бўйича барча пул оқимларини олишни кутмаса ҳам тўғри бўлади (масалан, баъзи молиявий активлар дастлабки тан олишда кредит қиймати қадрсизланган бўлади).</p> <p>Бундан ташқари, ташкилотнинг портфел пул оқимларини ўзгартириш учун дериватив шартномалар тузиши ўз-ўзидан ташкилот бизнес моделини ўзгартирмайди.</p>
<p>3 мисол</p> <p>Ташкилот бизнес моделининг мақсади харидорларга кредитлар бериш ва кейин бу кредитларни секюритизация тузилмасига сотишдан иборат. Секюритизация тузилмаси инвесторлар учун инструментларни чиқаради.</p> <p>Дастлабки ташкилот секюритизация тузилмасини назорат қилади ва шунинг учун уни бирлаштиради.</p>	<p>Консолидациялашган гуруҳ шартномавий пул оқимларини йиғиш учун уларни ушлаб туриш ниятида кредитлар бери.</p> <p>Лекин, дастлабки ташкилот кредит портфелининг пул оқимларини секюритизация тузилмасига сотиш орқали амалга оширишни мақсад қилган; шунинг учун алоҳида молиявий ҳисобот мақсадларида ташкилот шартнома бўйича пул оқимларини ундириш мақсадида портфелни бошқарувчи сифатида қаралмайди.</p>

Мисол	Таҳлил
<p>Секюритизация тузилмаси шартнома бўйича пул оқимларини олади ва уларни ўз инвесторларига тақсимлайди.</p> <p>Ушбу мисол мақсадлари учун қарзлар молиявий ҳолат тўғрисидаги консолидациялашган ҳисоботда тан олиниши давом этади, чунки секюритизация тузилмаси уларни тан олишни бекор қилмайди.</p>	
<p>4 мисол</p> <p>Молиявий институт “стресс ҳолат” сценарийсида ликвидлик эҳтиёжларини қондириш учун молиявий активларга эга (масалан, банк депозитлари бўйича). Ташкилот ушбу активларни бошқа сценарийлар остида сотишни кутмайди.</p> <p>Ташкилот молиявий активларнинг кредит сифатини назорат қилади ва унинг молиявий активларни бошқаришдаги мақсади шартнома бўйича пул оқимларини йиғишдан иборат. Ташкилот активлар рентабеллигини олинган фойзлар ва реализация қилинган кредит зарарлари асосида баҳолайди.</p> <p>Шу билан бирга, ташкилот стрессли сценарий остида активларни сотганда амалга оширилиши мумкин бўлган пул маблағлари миқдори ташкилотнинг ликвидликка бўлган эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлишини таъминлаш учун молиявий активларнинг ликвидлигининг ҳаққоний қийматини ҳам кузатиб боради. Вақти-вақти билан ликвидликни намойиш қилиш учун ташкилот аҳамиятсиз даражадаги савдоларни амалга оширади.</p>	<p>Ташкилот бизнес моделнинг мақсади шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларни ушлаб туришдан иборат.</p> <p>Таҳлил аввалги стресс сценарийсида ташкилот ликвидликка бўлган эҳтиёжни қондириш учун аҳамиятли сотишни амалга оширган тақдирда ҳам ҳақиқий бўлади. Шу каби, ҳажми жиҳатидан аҳамиятсиз бўлган даврий савдо операциялари шартномадаги пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларни сақлашга мос келади.</p> <p>Аксинча, агар ташкилот кундалик ликвидликка бўлган эҳтиёжни қондириш учун молиявий активларга эга бўлса ва бу мақсад тез-тез, юқори ҳажмдаги сотишни талаб қилса, у ҳолда ташкилот бизнес моделнинг мақсади шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларни ушлаб туриш ҳисобланмайди.</p> <p>Шу каби, агар ташкилот ликвидлигини намойиш этиш учун молиявий активларни доимий равишда сотишни тартибга солувчи орган томонидан талаб қилинса ва сотилган активлар ҳажми аҳамиятли бўлса, ташкилот бизнес моделнинг мақсади шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларни ушлаб туриш ҳисобланмайди. Ушбу таҳлил мақсадлари учун молиявий активларни сотиш учинчи шахснинг илтимосига биноан ёки ташкилотнинг ихтиёрига кўра содир бўлиши муҳим эмас.</p>

Мақсади шартномавий пул оқимларини йиғиш ҳамда молиявий активларни сотиш бўлган бизнес модель

- Б4.1.4А Ташкилот бизнес моделида мақсади шартномавий пул оқимларини йиғиш ҳамда молиявий активларни сотиш бўлиши мумкин. Бундай турдаги бизнес моделда ташкилотнинг раҳбарияти шартномавий пул оқимларини йиғиш ҳамда молиявий активларни сотишга қарор қилади ва бизнес моделнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу турдаги бизнес моделга мувофиқ бўлган турли мақсадлар мавжуд. Масалан, бизнес моделнинг мақсади кунлик ликвидлик эҳтиёжларини бошқариш, маълум бир фойз даромадлиликни сақлаб туриш ёки молиявий активларнинг муддатини уларни молиялаштириш манбаси бўлган молиявий мажбуриятларнинг муддатига мос келишини таъминлаш бўлиши мумкин. Бундай мақсадга эришиш учун ташкилот шартномавий пул оқимларини йиғиши ва молиявий активларни сотади.
- Б4.1.4Б Мақсади шартномавий пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларни сақлаб туриш бўлган бизнес моделга солиштирилганда, ушбу бизнес модель одатда сотувларнинг анча юқори тезлиги ва қийматининг юқорилигига эга бўлади. Бу молиявий активларнинг сотуви бизнес моделнинг қўшимча қисми эмас, балки ажралмас қисми ҳисобланганлиги сабабли юзага келади. Лекин, бунда ушбу бизнес

моделда сотувнинг тезлиги ёки қиймати бўйича чегара мавжуд эмас, чунки шартномавий пул оқимларини йиғиш ҳамда молиявий активларни сотиш мақсадга эришишнинг ажралмас қисмидир.

- Б4.1.4В Куйидаги мисоллар ташкилот бизнес моделининг мақсади пул оқимларини йиғиш ҳамда молиявий активларни сотиш бўлган ҳолатларни ёритиб беради. Лекин ушбу мисоллар билан чекланилмайди. Бундан ташқари, ушбу мисоллар ташкилот бизнес моделининг баҳолаш учун барча омилларни баҳоламайди ёки уларнинг муҳимлигини кўрсатмайди.

Мисол	Таҳлил
<p>5-мисол</p> <p>Ташкилот бир неча йил ичида капитал сарфларни амалга ошириши кераклигини тахмин қилмоқда. Ташкилот керак бўлганда сарфларни молиялаштириш учун ортиқча пул маблағларини қисқа муддатли ва узок муддатли активларга киритади. Ушбу молиявий активларнинг аксарияти ташкилот томонидан кутилаётган инвестиция давридан ошиб кетадиган шартнома муддатига эга.</p> <p>Ташкилот шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларга эга бўлади ва имконият пайдо бўлганда юқори даромадли молиявий активларга пул маблағларини қайта инвестиция қилиш учун молиявий активларни сотади.</p> <p>Портфел менежерлари портфелнинг умумий самарадорлигига қараб мукофотланади.</p>	<p>Бизнес моделининг мақсадига шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш ва молиявий активларни сотиш орқали эришилади. Ташкилот доимий равишда шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш ёки молиявий активларни сотиш пул маблағларини инвестиция қилиш зарурати пайдо бўлгунга қадар портфелнинг максимал рентабеллигини таъминлаши тўғрисида қарор қабул қилади.</p> <p>Аксинча, ташкилот капитал сарфларни молиялаштириш учун беш йил ичида нақд пул оқимини кутаётган ва ортиқча пул маблағларини қисқа муддатли молиявий активларга инвестиция қилгандаги вазиятни кўриб чиқайлик. Инвестиция муддати тугагач, ташкилот пул маблағларини янги қисқа муддатли молиявий активларга қайта инвестиция қилади. Ташкилот ушбу стратегияни молиялаштиришга бўлган эҳтиёж пайдо бўлгунга қадар, капитал сарфларни молиялаштириш учун сотиб олинadиган молиявий активлардан тушган маблағлардан фойдаланмагунча сақлаб қолади. Тўлов муддати тугагунга қадар фақат кичик савдолар амалга оширилади (кредит рискиннинг ортиши бундан мустасно). Ушбу қарама-қарши бизнес моделининг мақсади шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларни сақлашдир.</p>
<p>6 мисол</p> <p>Молиявий институт кундалик ликвидлик эҳтиёжларини қондириш учун молиявий активларга эга. Ташкилот ликвидликни бошқариш сарфларини минималлаштириш йўлларини изламоқда ва шу мақсадда портфель даромадларини фаол равишда бошқаради. Бундай даромадлар шартнома бўйича олинган тўловлар ва молиявий активларни сотишдан олинган фойда ва зарарлардан иборат.</p> <p>Натижада, ташкилот шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш учун молиявий активларга эга бўлади ва юқори рентабелликка эга бўлган молиявий активларга қайта инвестиция қилиш ёки ўз мажбуриятларини тўлаш муддатларини яхшироқ мослаштириш учун молиявий активларни сотади. Ўтган даврларда ушбу стратегия тез-тез ва суммаси аҳамиятли бўлган савдога олиб келди. Келгусида бундай савдолар давом этиши кутилмоқда.</p>	<p>Бизнес моделининг мақсади кунлик ликвидликка бўлган эҳтиёжни қондириш учун портфель рентабеллигини максимал даражада оширишдан иборат бўлиб, ташкилот бу мақсадга шартнома бўйича пул оқимларини яратиш ва молиявий активларни сотиш орқали эришади. Бошқача қилиб айтганда, шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш ҳам, молиявий активларни сотиш ҳам бизнес модели мақсадига эришиш учун ажралмас ҳисобланади.</p>

Мисол	Таҳлил
<p>7 мисол</p> <p>Суғурталовчи суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни молиялаштириш учун молиявий активларга эга. Суғурталовчи молиявий активлардан шартнома бўйича пул маблағлари оқимидан тушган маблағлардан суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни тўлаш учун уларни муддати ўтиши билан ишлатади. Молиявий активлардан шартнома бўйича пул оқимлари ушбу мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлишини таъминлаш учун суғурталовчи ўз активлари портфелини мувозанатлаш ва улар пайдо бўлганда пул оқимларига бўлган талабларни қондириш учун мунтазам равишда молиявий активларни сезиларли даражада сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланади.</p>	<p>Бизнес моделининг мақсади суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни молиялаштиришдир. Ушбу мақсадга эришиш учун ташкилот шартнома бўйича пул оқимларини ўз вақтида йиғади ва керакли активлар портфелининг тузилишини сақлаб қолиш учун молиявий активларни сотади. Шундай қилиб, шартнома бўйича пул оқимларини йиғиш ва молиявий активларни сотиш бизнес модели мақсадига эришиш учун ажралмас ҳисобланади.</p>

Бошқа бизнес моделлар

- Б4.1.5** Мақсади шартномавий пул оқимларини йиғиш бўлган бизнес модель ёки мақсади шартномавий пул оқимларини йиғиш ҳамда молиявий активларни сотиш бўлган бизнес модель доирасида сақлаб турилмаган бўлса, молиявий активлар фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши лозим (5.7.5-бандга қаранг). Ташкилот активларни сотиш орқали пул оқимларини реализация қилиш мақсадида молиявий активларни бошқариши фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланишига олиб келади бизнес моделдан биридир. Ташкилот активларнинг ҳаққоний қиймати асосланиб қарор қилади ва активларни уларнинг ҳаққоний қийматини реализация қилиш учун бошқаради. Ушбу ҳолатда ташкилотнинг мақсади бўлиб, фаол сотиб олиш ва сотувлар бўлади. Ташкилот молиявий активни сақлаб туриш мобайнида шартномавий пул оқимларини йиғса ҳам, бундай бизнес моделининг мақсадида шартномавий пул оқимларини йиғиш ва молиявий активларни сотиш орқали эришиб бўлмайди. Бунга сабаб, шартномавий пул оқимларини йиғиш бизнес моделининг ажралмас қисми эмас балки қўшимча қисми ҳисобланади.
- Б4.1.6** Бошқариладиган ва натижалари ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активларнинг портфели (4.2.2(б) бандда ёритиб берилганидек) шартномавий пул оқимларини йиғиш ёки шартномавий пул оқимларини йиғиш ҳамда молиявий активларни сотиш мақсадида сақлаб турилмайди. Ташкилот асосан ҳаққоний қиймат маълумотларига эътибор қаратади ва у ушбу маълумотдан активнинг даромадлилиги ва қарор қабул қилиш ва баҳоланиш учун фойдаланади. Шунингдек, савдо учун мўлжалланган актив таърифига мос келади молиявий активларнинг портфели шартномавий пул оқимларини йиғиш учун ёки шартномавий пул оқимларини йиғиш ҳамда молиявий активларни сотиш учун сақлаб турилмайди. Бундай инструментларнинг портфелларида шартномавий пул оқимлари бизнес модели мақсадининг қўшимча қисми, холос. Шунга қўра, бундай молиявий активларнинг портфеллари фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши лозим.

Фақатгина асосий қарз суммасини ва сўндирилмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларни ташкил этадиган шартномавий пул оқимлари

- Б4.1.7** Агар молиявий актив шартномавий пул оқимларини йиғиш учун ёки шартномавий пул оқимларини йиғиш ҳамда молиявий активларни сотиш учун мақсад қилган бизнес модель доирасида сақлаб турилган бўлса, 4.1.1(б) банд ташкилотдан молиявий активни шартномавий пул оқимлари хусусиятлари асосида таснифлашни талаб этади (агар 4.1.5-банд қўлланмаса). Бундай қилиш учун 4.1.2(б) ва 4.1.2А(б) бандлар ташкилотдан активнинг шартномавий пул оқимлари фақатгина асосий қарз суммасини ва сўндирилмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларни ташкил этишини аниқлашни талаб этади.
- Б4.1.7А** Фақатгина асосий қарз суммасини ва сўндирилмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларни ташкил этадиган шартномавий пул оқимлари оддий қарз бериш битими билан бир хилдир. Оддий қарз бериш битимида пулнинг вақт қиймати (Б4.1.9А-Б4.1.9Д бандларга қаранг) ва кредит риси одатда фоизнинг энг асосий элементларидан ҳисобланади. Лекин, бундай келишувда фоиз молиявий активни маълум

бир вақт сақлаб туриш билан боғлиқ бошқа қарз бериш рискларини (масалан ликвидлилик rischi) ва харажатларини (масалан маъмурий харажатлар) ҳам ўз ичига олиши мумкин. Қўшимча равишда, фоиз оддий қарз бериш келишувига хос бўлган даромад маржасини ўз ичига олиши мумкин. Агар масалан, молиявий активни сақлаб турувчи маълум бир вақт учун депозитдаги маблағи учун очик ёки яширин тўловни амалга оширс (ва ушбу тўлов сақлаб турувчи пулнинг вақт қиймати, кредит rischi ва бошқа оддий қарз бериш рисклари ва харажатларидан юқори бўлса), алоҳида иқтисодий шароитларда фоиз манфий бўлиши мумкин. Лекин, оддий қарз бериш келишувига тааллуқли бўлмаган шартномавий пул оқимларида рисклар ёки ўзгарувчанликни юзга келтирадиган шартномавий шартлар, масалан, капитал нархлари ёки товарлар нархидаги ўзгаришлар фақатгина асосий қарз суммасини ва сўндирилмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларни ташкил этадиган шартномавий пул оқимлари ошишини асосламайди. Яратилган ёки сотиб олинган молиявий актив юридик шаклдаги кредит бўлишидан қатъий назар оддий қарз бериш келишуви бўлиши мумкин.

- Б4.1.7Б 4.1.3(а) бандга мувофиқ асосий сумма бу молиявий активнинг дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймати ҳисобланади. Лекин, асосий сумма молиявий активнинг амал қилиш муддати давомида ўзгариши мумкин (масалан, асосий сумма тўловлари бўлса).
- Б4.1.18 Ташкилот шартномавий пул оқимлар фақатгина молиявий актив ифодаланган валютада бўлган асосий сумма ва сўндирилмаган асосий суммадан олинадиган фоизлардан ташкил топганлигини аниқлаши лозим.
- Б4.1.9 Левереж баъзи молиявий активлар бўйича пул оқимларининг хусусиятидир. Левереж шартномавий пул оқимларининг ўзгарувчанлигини оширади, бунинг натижасида ушбу оқимлар фоизлар каби иқтисодий хусусиятга эга бўлмайди. Алоҳида опцион, форвард ёки своп шартномалари левережни қамраб олган молиявий активларга мисол бўлади. Шу боис, бундай шартномалар 4.1.2(б) ва 4.1.2А(б) бандлардаги шартга мос келмайди ва кейинчалик амортизацияланган қийматда ёки бошқа умумлашган даромадда ҳаққоний қиймати бўйича баҳолана олмайди.

Пулнинг вақт қийматини ҳисобга олиш

- Б4.1.9А Пулнинг вақт қиймати фоиз элементи бўлиб, фақат вақт ўтиши билан қоплашни таъминлайди. Шундай қилиб, пулнинг вақт қиймати молиявий активни сақлаб туриш билан боғлиқ бошқа рисклар ёки сарфларни қопламайди. Ушбу элемент фақат вақт ўтиши билан қоплашни амалга оширишини баҳолаш учун, ташкилот мулоҳазани қўллаши ва молиявий актив акс эттирилган валюта ва фоиз ставкаси ўрнатилган давр каби тегишли омиллари ҳисобга олиши лозим.
- Б4.1.9Б Лекин, айрим ҳолларда пулнинг вақт қиймати элементи ўзгартирилиши мумкин (яъни, мукамал эмас). Бундай ҳолат, масалан, агар молиявий активнинг фоиз ставкаси даврий равишда қайта ўрнатилса, лекин фоиз ставкаси муддати ўзаро мос бўлмаса (масалан, фоиз ставкаси бир йиллик ставка учун ҳар ой қайта ўрнатилса) ёки молиявий активнинг фоиз ставкаси даврий равишда ўртача маълум бир қисқа ёки узоқ муддатли фоиз ставкасига нисбатан қайта ўрнатилса, юз беради. Ушбу ҳолатда, ташкилот модификацияни фақат асосий қарз суммасини ва сўндирилмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларни ташкил этадиган шартномавий пул оқимлари эканлигини аниқлаш учун баҳолаши лозим. Баъзи ҳолларда, ташкилот бундай аниқлашни пулнинг вақтдаги элементини сифат жиҳатдан баҳолашни амалга ошириш орқали белгилаши, бошқа ҳолларда миқдорий баҳолашни амалга ошириш лозим бўлиши мумкин.
- Б4.1.9В Модификацияланган пулнинг вақт қиймати элементини баҳолашда мақсад бу шартномавий (дисконтланмаган) пул оқимлари агар пулнинг вақт қиймати ўзгармаганда (бенчмарк пул оқимлари) пул оқимлари ўртасидаги фарқни аниқлаш ҳисобланади. Масалан, агар баҳоланаётган молиявий активнинг ўзгарувчан фоиз ставкаси ҳар ой йиллик фоиз ставкасига нисбатан ўзгарса, ташкилот ушбу молиявий активни бир **хил** шартнома шартларига ва кредит рискига эга, лекин ўзгарувчан фоиз ставкаси ҳар ойда бир ойлик фоиз ставкасига нисбатан ўзгарадиган ҳолатдан ташқари молиявий инструмент билан солиштиради. Агар пулнинг вақт қиймати элементи шартномавий (дисконтланмаган) пул оқимлари бенчмарк (дисконтланмаган) пул оқимларидан аҳамиятли фарқ қилса, молиявий актив 4.1.2(б) ва 4.1.2А(б) банддаги талабларга жавоб бермайди. Бундай белгилашни амалга ошириш учун ташкилот модификацияланган пулнинг вақт қиймати элементининг ҳар бир ҳисобот даврида ва жамғарилган равишда молиявий инструментнинг амал қилиш муддати давомида ҳисобга олиши лозим. Фоиз ставкасининг бундай ўрнатилиши таҳлил учун ўринли бўлмайди. Агар баҳоланаётган молиявий активнинг шартномавий (дисконтланмаган) пул оқимлари бенчмарк (дисконтланмаган) пул оқимларидан бундай таҳлилсиз ёки кичик таҳлил билан аҳамиятли фарқли бўлиши (бўлмаслиги) аниқ бўлса, ташкилот батафсил баҳолашни амалга оширмаслиги мумкин.
- Б4.1.9Г Модификацияланган пулнинг вақт қиймати элементини баҳолашда, ташкилот келгуси шартномавий пул оқимларига таъсир этувчи омиллари ҳисобга олиши лозим. Масалан, агар ташкилот беш йиллик муддатли облигацияни баҳолаётганда ва ўзгарувчан фоиз ставкаси ҳар олти ойда беш йиллик ставкада

Ўзгарса, ташкилот шартномавий пул оқимлари фақатгина асосий қарз суммасини ва сўндирилмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларни ташкил этадиган деб ҳисоблаши мумкин эмас, чунки баҳолаш вақтидаги фоиз ставкаси эгри чизиғи шуни кўрсатадики, беш йиллик фоиз ставкаси ва олти ойлик фоиз ставкаси ўртасидаги фарқ аҳамиятли эмас. Бунинг ўрнига, ташкилот яна беш йиллик фоиз ставкаси ва олти ойлик фоиз ставкаси ўртасидаги муносабатнинг мавжудлигини шундай қўриб чиқиши лозимки, инструментнинг амал қилиш муддати давомида ҳисобга олиши, шартномавий (дисконтланмаган) пул оқимлари (дисконтланмаган) бенчмарк пул оқимлари ўртасида аҳамиятли фарқ бўлиши мумкин. Лекин, ташкилот юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай сценарийни эмас, балки юз бериши мумкин бўлган асосли сценарийни инobatга олиши лозим. Агар ташкилот шартномавий (дисконтланмаган) пул оқимлари (дисконтланмаган) бенчмарк пул оқимлари аҳамиятли фарқ қилади деб ҳисобласа, молиявий актив 4.1.2(б) ва 4.1.2A(б) бандлардаги талабларга жавоб бермайди ва шунинг учун амортизацияланган қийматда ёки бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланиши мумкин эмас.

- Б4.1.9Д Айрим юрисдикцияларда, ҳукумат ёки назорат қилувчи орган фоиз ставкаларни ўрнатади. Масалан, бундай ҳукуматнинг фоиз ставкаларини ўрнатиши кенг макроиқтисодий сиёсатнинг бир қисми ёки ташкилотларни иқтисодиётнинг маълум бир соҳасига инвестиция қилиш сабабли киритилган бўлиши мумкин. Айрим ҳолатларда пулнинг вақт қиймати элементини фақат вақтнинг ўтиши билан қоплаш таъминламаслиги мумкин. Лекин, Б4.1.9А-Б4.1.9Г бандларга қарамасдан, агар тартибга солинадиган фоиз ставкаси вақтнинг ўтиши билан қоплашни назарда тутиб, шартномавий пул оқимларига оддий қарз бериш битимига мос бўлмаган рисклар ёки ўзгарувчанликни назарда тутмайдиган бўлса, ушбу тартибга солинадиган фоиз ставкаси пулнинг вақт қиймати учун асос сифатида 4.1.2(б) ва 4.1.2A(б) бандлардаги талабга қўлланилиши лозим.

Шартномавий пул оқимларининг вақти ёки суммасини ўзгаришига олиб келадиган шартномавий шартлар

- Б4.1.10 Агар молиявий актив шартномавий пул оқимлари суммаси ёки вақтини ўзгартириши мумкин бўлган шартномавий шартни ўз ичига олса (масалан, активни сўндириш муддатидан олдин сўндириш имкони бўлса ёки унинг муддати узайтирилиши мумкин бўлса), ташкилот шартномавий пул оқимлари инструмент амал қилиш муддати давомида фақатгина асосий қарз суммасини ва сўндирилмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизлар ҳисобига юзага келишини аниқлаши лозим. Бундай аниқлашни амалга ошириш учун, ташкилот шартномавий пул оқимларидаги ўзгаришдан олдин ёки кейин юзага келиши мумкин бўлган шартномавий пул оқимларини баҳолаши лозим. Ташкилот шунингдек, шартномавий пул оқимларини вақти ва суммасини ўзгартириши мумкин бўлган исталган шартли ҳодисанинг тавсифини баҳолаши лозим бўлиши мумкин. Шартли ҳодисанинг тавсифи ўзи шартномавий пул оқимлари фақат асосий қарз суммасини ва сўндирилмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларни ташкил этишини белгиловчи омил бўлмасда, у бир кўрсаткич бўлиши мумкин. Масалан, агар қарздор бир неча тўловларни тўлашни кечиктирганда фоиз ставкаси юқорироқ ставкага ўзгарадиган молиявий инструментни, хусусий капиталнинг айрим кўрсаткичига етганда молиявий инструментнинг фоиз ставкаси юқорироқ ставкага ўзгарадиган молиявий инструмент билан солиштириб кўрайлик. Олдинги ҳолатда инструментнинг амал қилиш муддатида шартномавий пул оқимлари фақатгина асосий қарз суммасини ва сўндирилмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларни ташкил этадиган бўлади, чунки тўланмаган тўловлар ва кредит рискни ошиши ўртасида боғлиқлик мавжуд. (Б4.1.18-бандга қаранг)
- Б4.1.11 Шартномавий пул оқимлар фақатгина асосий қарз тўловлари ва сўндирилмаган асосий суммадан фоиз тўловларидан иборат бўлиши мумкин бўлган шартнома шартларига мисоллар қуйидагилардан иборат:
- (а) пулнинг вақт қийматини ҳисобга олган ўзгарувчан фоиз ставкаси, маълум бир вақт давомида сўндирилмаган асосий сумма билан боғлиқ кредит rischi (кредит рискни белгилаш учун дастлабки тан олиш белгиланиши ва кейинчалик ўзгартирилмаслиги мумкин) ва бошқа оддий қарз бериш рисклари ва харажатлари, шунингдек фойда маржаси;
 - (б) эмитентга (яъни, қарздорга) қарзни муддатидан олдин тўлаш имконини берувчи ёки эгасига (яъни, кредиторга) қарз ҳужжатини муддатидан олдин эмитентга қайтаришга рухсат берувчи шартнома банди ва муддатидан олдин тўлашда тўланган сумма моҳиятан тўланмаган асосий қарз ва тўланмаган асосий қарз бўйича фоизлар бўлиб, шартномани муддатидан олдин бекор қилиш учун асосли тўловни ўз ичига олиши мумкин;
 - (в) шартнома шартлари чиқарувчи ёки ушловчи учун қарз инструментининг шартнома шартларини узайтириш (узайтириш опциони) ва узайтириш опциони шартлари шартномавий пул оқимларини узайтирилган муддатда, фақат асосий тўловлар ва булар

шартноманинг узайтирилиши учун асосли қўшимча компенсацияни ўз ичига олган тўланмаган асосий сумма бўйича фоизларни;

- Б4.1.12 Б4.1.10-бандидан қатъи назар, 4.1.2 (б) ва 4.1.2А (б) бандларида кўрсатилган шартларга акс ҳолда жавоб бериши мумкин бўлган, лекин фақат эмитентга шундай қилиш имконини берадиган шартнома шarti туфайли қарзни муддатидан олдин тўлаш ёки эгасига қарз инструментини муддатидан олдин эмитентга қайтаришга рухсат берилиши (ёки талаб этилиши) натижасида бу шартларга жавоб бермайдиган молиявий актив амортизация қилинадиган қиймат ёки бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланиши мумкин (агар 4.1.2 (а) ва 4.1.2А (а) бандларида кўрсатилган шартлар бажарилса), агар:
- (а) ташкилот шартномавий номинал қийматига нисбатан мукофот ёки дисконтда молиявий активни сотиб олса ёки яратса;
 - (б) олдиндан тўлов қилингандаги сумма, моҳиятига кўра шартнома бўйича номинал сумма ва шартномани муддатидан олдин бекор қилиш учун асосли компенсацияни ўз ичига олиши мумкин бўлган ҳисобланган (лекин тўланмаган) шартнома фоизларни акс эттирса; ва
 - (в) ташкилот дастлаб молиявий активни тан олганда, олдиндан тўлов қилиш шarti ҳаққоний қиймати аҳамиятсиз бўлганда.
- Б4.1.12А Б4.1.11(б) ва Б4.1.1 2(б) бандларни қўллаш мақсадида, шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиш учун асос бўлган сабаб ёки шароитлардан қатъий назар, шартнома томони муддатидан олдин бекор қилиш учун асосли компенсация олиши ёки тўлаши мумкин. Масалан, шартнома тарафи шартномани муддатидан олдин бекор қилишни (ёки бошқа муддатидан олдин бекор қилиш ҳолати юзага келса) танласа у асосли компенсация олиши ёки тўлаши мумкин.
- Б4.1.13 Қуйида фақатгина асосий сумма тўловлари ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловларини ташкил этадиган шартномавий пул оқимларига мисоллар келтирилган. Лекин ушбу мисоллар билан чекланилмайди.

Инструмент	Таҳлил
<p>А инструмент</p> <p>А инструмент - белгиланган тўлов санаси бўлган облигация ҳисобланади. Тўланмаган асосий қарз суммаси бўйича тўловлар ва фоизлар ушбу инструмент чиқарилган валютанинг инфляция индексига боғлиқ. Инфляция алоқаси қўлланилмайди ва асосий қарз ҳимояланган.</p>	<p>Шартнома бўйича пул оқимлари фақат асосий қарз ва тўланмаган асосий сумма бўйича фоизларни тўлашдан иборат. Асосий қарз ва тўланмаган фоизлар бўйича тўловларни ундирилмаган инфляция индексига боғлаш пулнинг вақт қийматини ҳозирги даражасига ўзгартиради. Бошқача қилиб айтганда, инструмент бўйича фоиз ставкаси "реал" фоизни акс эттиради. Шундай қилиб, фоизлар тўланмаган асосий сумма бўйича пулнинг вақт қийматини қоплашдир.</p> <p>Лекин, агар фоиз тўловлари қарздорнинг фаолияти (масалан, қарздорнинг соф даромади) ёки хусусий капитали индекси каби бошқа ўзгарувчига индексланган бўлса, шартнома бўйича пул оқимлари фақат асосий қарз ва тўланмаган асосий қарз миқдори бўйича фоизларни тўлаш ҳисобланмайди (агар қарздорнинг фаолиятини индексация қилиш фақат шартнома бўйича пул оқимлари фақат асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлар бўладиган инструментнинг кредит рискидаги ўзгаришлар учун эгасига компенсация қилинадиган тузатишга олиб келмаса). Бунинг сабаби, шартномавий пул оқимлари асосий кредит шартномаси шартларига мос келмайдиган даромадни акс эттиради (Б4.1.7А бандига қаранг).</p>
<p>Б Инструмент</p> <p>Б инструмент ўзгарувчан фоиз ставкаси ва белгиланган тўлов муддатига эга бўлган</p>	<p>Агар инструментнинг амал қилиш муддати давомида тўланган фоизлар пулнинг вақт қийматини, инструмент билан боғлиқ кредит рискин ва бошқа одатий рисклар ва</p>

Инструмент	Таҳлил
<p>инструмент бўлиб, у қарз олувчига доимий равишда бозор фоиз ставкасини танлаш имконини беради. Мисол учун, ҳар бир фоиз ставкасини ўзгартириш санасида қарз олувчи уч ойлик муддат учун уч ойлик ЛИБОР ёки бир ойлик муддат учун бир ойлик ЛИБОРдан фойдаланишни танлаши мумкин.</p>	<p>кредитлаш сарфлари, шунингдек фойда маржасини акс эттирса, шартномавий пул оқимлари фақат асосий қарз ва тўланмаган асосий сумма бўйича фоизларни тўлашдан иборат бўлади (Б4.1.7А бандга қаранг). ЛИБОРнинг инструментнинг амал қилиш муддати давомида ўзгариши ўз-ўзидан инструментнинг ушбу таснифга мос келмаслигини аниқлатмайди.</p> <p>Лекин, агар қарз олувчи ҳар уч ойда ўзгартирилиши мумкин бўлган бир ойлик фоиз ставкасини тўлашни танлаш имкониятига эга бўлса, у ҳолда фоиз ставкасини ўзгартириш частотаси фоиз ставкасининг давомийлигига мос келмайди. Шунга қўра, “пулнинг вақт қиймати” элементи ўзгартирилади. Шу каби, агар инструментда шартнома бўйича фоиз ставкаси инструментнинг қолган муддатидан ошиб кетиши мумкин бўлган муддатга асосланган бўлса (масалан, агар тўлов муддати беш йил бўлган инструмент вақти-вақти билан ўзгариб турадиган, лекин ҳар доим беш йилни акс эттирувчи ўзгарувчан ставка бўйича фоизларни тўласа). -йиллик муддат), кейин “пулнинг вақт қиймати” элементи ўзгартирилади. Бунинг сабаби, ҳар бир даврда тўланадиган фоизлар уларнинг даврига боғлиқ эмас.</p>
	<p>Бундай ҳолларда, ташкилот шартномада назарда тутилган пул оқимларини сифат жиҳатидан ёки миқдорий жиҳатдан баҳолаши лозим, уларни ҳар жиҳатдан бир хил бўлган инструментдан олинган пул оқимлари билан солиштириш керак, бундан фоиз ставкаси муддати фоиз даври билан бир хил бўлиб, шартномада назарда тутилган пул маблағлари бўлишини фақат асосий қарз ва тўланмаган асосий қарз миқдори бўйича фоизларни тўлаш орқали амалга оширилишини аниқлаш мустасно. (Лекин, бошқариладиган фоиз ставкалари учун Б4.1.9Д бандидаги қўрсатмага қаранг.)</p> <p>Мисалан, ҳар олти ойда бир марта тикланадиган, лекин ҳар доим беш йиллик тўлов муддатини акс эттирувчи ўзгарувчан ставкада тўланадиган беш йиллик муддатга эга облигацияни баҳолашда ташкилот ҳар олти ойда бир марта қайта тикланадиган инструмент бўйича олти ойлик фоиз ставкаси тикланадиган, лекин бошқача тарзда бир хил бўлган шартномавий пул оқимларини ҳисобга олади.</p> <p>Агар қарз олувчи кредитор томонидан эълон қилинган турли фоиз ставкалари (масалан, қарз олувчи кредитор томонидан эълон қилинган бир ойлик ўзгарувчан фоиз ставкаси ва кредитор томонидан эълон қилинган уч ойлик ўзгарувчан фоиз ставкаси ўртасида</p>

Инструмент	Таҳлил
	танлов қилиши мумкин) бўлса, худди шу таҳлил қўлланилади.
<p>В Инструмент</p> <p>В инструменти - белгиланган тўлов муддати ва ўзгарувчан бозор фоиз ставкаси бўлган облигация. Ушбу ўзгарувчан фоиз ставкаси қатъий белгиланган максималга эга.</p>	<p>Шартномавий пул оқимлари:</p> <p>(а) белгиланган фоиз ставкали инструмент,</p> <p>(б) ўзгарувчан фоиз ставкали инструмент</p> <p>фоизлар пулнинг вақт қийматини, инструмент билан боғлиқ бўлган кредит рискларини ва кредит бериш ва фойда маржаси билан боғлиқ бошқа нормал рисклар ва сарфларни акс эттирган тақдирда, фақат асосий қарз ва тўланмаган асосий қарз бўйича фоизлар тўланади. (Б4.1.7А бандга қаранг)</p> <p>Шунга қўра, (а) ва (б) кичик бандларнинг комбинацияси бўлган инструмент (масалан, белгиланган максимал фоиз ставкасига эга бўлган облигация) фақат асосий қарз ва тўланмаган асосий қарз бўйича фоизларни тўлашдан иборат пул оқимларига эга бўлиши мумкин. Бундай шартнома шартлари ўзгарувчан фоиз ставкасига чеклов қўйиш (масалан, фоиз ставкасининг қатъий максимал “кэп”) ёки пастки (“флор”) ўрнатиш орқали пул оқимларининг ўзгарувчанлигини камайтириши ёки белгиланган ставка ўзгарувчан бўлиши сабабли пул оқимининг ўзгарувчанлигини ошириши мумкин.</p>

<p>Г Инструмент</p> <p>Г инструменти гаров билан таъминланган тўлиқ регресс қарз ҳисобланади.</p>	<p>Тўлиқ регрессли қарзнинг гаровга қўйилганлиги ўз-ўзидан шартномавий пул оқимлари фақат асосий қарз ва тўланмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларни тўлашдан иборат эканини таҳлил қилишга таъсир қилмайди.</p>
<p>Д Инструмент</p> <p>Д инструменти тартибга солинадиган банк томонидан чиқарилади ва белгиланган муддатга эга. Инструмент белгиланган ставка бўйича фоизларни тўлайди ва барча шартномавий пул оқимлари мажбурийдир.</p> <p>Шу билан бирга, эмитент миллий тартибга солувчи органларга маълум ҳолатларда, жумладан, Д инструментининг эгаларига зарарларни белгилашга рухсат берувчи ёки талаб қиладиган қонун қоидаларига бўйсунди.</p> <p>Масалан, агар эмитент жиддий молиявий қийинчиликка учраганлиги, қўшимча тартибга солувчи капиталга муҳтожлиги ёки “банкротлик ёқасида” эканлиги аниқланса, миллий тартибга солувчи органлар Д инструментнинг номинал қийматини ҳисобдан чиқариш ёки уни қатъий акциялар эмитентига айлантириш ҳуқуқига эга.</p>	<p>Молиявий инструментнинг эгаси унинг шартнома шартларини улар фақат асосий қарз ва асосий қарзнинг тўланмаган суммаси бўйича фоизларни тўлашдан иборат бўлган пул оқимларига сабаб бўлиши ёки бўлмаслиги ва шунинг учун асосий кредит шартномаси шартларига мос келишини аниқлаш учун кўриб чиқиши лозим.</p> <p>Бундай таҳлил фақат миллий тартибга солувчи органларнинг Д инструменти эгаларига зарарларни ўтказиш ҳуқуқи натижасида юзага келадиган тўловларни ҳисобга олмайди. Бунинг сабаби, бундай ваколат ва натижавий тўловлар молиявий инструментнинг шартнома шартлари ҳисобланмайди.</p> <p>Аксинча, агар молиявий инструментнинг шартнома шартлари эмитент ёки бошқа ташкилот эгасига зарарларини ўтказишга имкон берса ёки талаб қилса (масалан, ёзма равишда), шартномавий пул оқимлари фақат асосий қарз ва тўланмаган асосий қарз миқдори бўйича фоизлардан, агар бундай шартнома шартлари ҳақиқий бўлса, хатто бундай зарарни ҳисобга олиш мумкин бўлмаса ҳам бўлмайди (масалан, тўғридан-тўғри ёки инструментни эмитентнинг оддий акцияларининг қатъий сонига конвертация қилишдан) иборат бўлмайди.</p>

Б4.1.14 Куйида фақат асосий сумма тўловлари ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловларини ташкил этадиган шартномавий пул оқимларига мисоллар келтирилган. Лекин ушбу мисоллар билан чекланмайди.

Инструмент	Таҳлил
<p>Е Инструмент</p> <p>Е инструмент - бу эмитентнинг белгиланган миқдордаги акциядорлик инструментларига айирбошланадиган облигация ҳисобланади.</p>	<p>Эгаси конвертация қилинадиган облигацияни бир бутун ҳолда таҳлил қилиши лозим.</p> <p>Шартномавий пул оқимлари тўланмаган асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлардан иборат эмас, чунки улар асосий кредит шартномаси шартларига жавоб бермайдиган даромадларни акс эттиради (Б4.1.7А бандига қаранг); яъни даромад эмитентнинг хусусий капитали қиймати билан боғлиқ.</p>
<p>Ё Инструмент</p> <p>Ё инструмент - тескари ўзгарувчан фоиз ставкаси бўлган қарз (яъни, фоиз ставкаси бозор фоиз ставкаси билан тескари боғлиқ).</p>	<p>Шартномавий пул оқимлари фақат асосий қарз ва тўланмаган асосий сумма бўйича фоизларни тўлаш ҳисобланмайди.</p> <p>Фоизлар миқдори тўланмаган асосий сумма бўйича пулнинг вақт қийматини қайтариш ҳисобланмайди.</p>

Инструмент	Таҳлил
<p>Ж Инструмент</p> <p>Ж инструмент доимий инструмент ҳисобланади, лекин эмитент исталган вақтда инструментни қайтариб олиши ва унинг эгасига номинал киймати ва тўланиши керак бўлган ҳисобланган фоизларни тўлаши мумкин.</p> <p>Ж инструмент бозор фоиз ставкасини тўлайди, аммо фоизларни тўлаш фақат эмитент бундай тўловдан кейин дарҳол тўлов қобилиятини сақлаб қолса, амалга оширилиши мумкин.</p> <p>Кечиктирилган фоизлар қўшимча фоизларни келтириб чиқармайди.</p>	<p>Шартномавий пул оқимлари тўланмаган асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлар ҳисобланмайди. Бунинг сабаби, эмитентдан фоизларни тўлашни кечиктиришни талаб қилиши мумкин ва бу кечиктирилган фоизлар учун қўшимча фоизлар ҳисобланмайди. Натижада, фоизлар тўланмаган асосий сумма бўйича пулнинг вақт кийматини қоплаш ҳисобланмайди.</p> <p>Агар кечиктирилган суммалар фоизли бўлса, шартномавий пул оқимлари асосий қарз ва тўланмаган асосий сумма бўйича фоизлар бўлиши мумкин.</p>
	<p>Ж инструментнинг доимий эканлиги ўз-ўзидан шартномавий пул оқимлар асосий қарз ва тўланмаган асосий сумма бўйича фоизларни тўлаш эмаслигини аниқлатмайди. Аслини олганда, доимий инструмент узлуксиз (такрорий) кенгайтма вариантларини таъминлайди. Бу имконият, агар фоизларни тўлаш мажбурий бўлса ва муддатсиз амалга оширилиши керак бўлса, шартномавий пул оқимларини келтириб чиқариши мумкин, яъни асосий қарз ва тўланмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларни.</p> <p>Бундан ташқари, Ж инструментнинг чақирилиши мумкин бўлганлиги, агар бундай инструмент моҳиятан тўланмаган асосий қарз суммаси ва тўланмаган асосий қарз суммаси бўйича фоизларга оид тўловни акс эттирмаса, шартнома бўйича пул оқимлари асосий қарз ва тўланмаган асосий сумма бўйича фоизлар бўйича тўловлар эмаслигини аниқлатмайди. Агар инструментни чақириш бўйича тўланиши керак бўлган сумма эгасига инструментни муддатидан олдин бекор қилганлиги учун асосли равишда компенсация тўланадиган миқдорни ўз ичига олган бўлса ҳам, шартнома бўйича пул оқимлари асосий қарз ва тўланмаган асосий қарз миқдори бўйича фоизлар бўлиши мумкин. (Шунингдек, Б4.1.12-бандга қаранг.)</p>

- Б4.1.15 Айрим ҳолатларда молиявий актив асосий сумма ва фоизлар деб тавсифланган шартномавий пул оқимларини келтириб чиқариши, лекин ушбу пул оқимлар мазкур МХХСнинг 4.1.2(б), 4.1.2А(б) бандларида асосий сумма ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловлари деб тавсифланган тўловни ифодаламайди.
- Б4.1.16 Бундай ҳолат молиявий актив муайян активларга ёки пул оқимларига инвестиция бўлганида ва шу боис шартномавий пул оқимлар фақатгина асосий сумма ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловларидан иборат бўлмаганида юзага келади. Масалан, шартномавий пул оқимлар пулнинг вақт киймати ва муайян давр мобайнида сўндирилмаган асосий сумма билан боғлиқ кредит rischi учун ҳақдан ташқари омиллар бўйича тўловларни ўз ичига олиши мумкин. Натижада, бундай инструмент 4.1.2(б) ва 4.1.2А(б) банддаги шартга мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолат кредиторнинг даъвоси қарздорнинг белгиланган активлари ёки белгиланган активлардан пул оқимлари билан чекланганида юзага келади (масалан, “актив қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқини” бермайдиган молиявий актив).
- Б4.1.17 Лекин, молиявий актив “актив қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқини” бермаслиги далилининг ўзи молиявий актив 4.1.2(б) ва 4.1.2А(б) бандлардаги шартга мос келишига ҳамма вақт ҳам тўсқинлик

қилмайди. Бундай ҳолатларда, кредитор муайян таянч активларини ёки пул оқимларини молиявий активдан пул оқимлар асосий сумма тўлови ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловлари сифатида таснифланишини аниқлаши (“таҳлил қилиши”) талаб этилади. Агар молиявий активнинг шартлари ҳар қандай бошқа пул оқимларини келтириб чиқарса ёки пул оқимларини асосий сумма ва фоизларни ифодалайдиган тўловларга мос келмайдиган ҳолда чекласа, молиявий актив 4.1.2(б) ва 4.1.2А(б) бандлардаги шартга мос келмайди. Таянч активлари молиявий активлар ёки номолиявий активлар бўлиши далилининг ўзи бундай таҳлилга таъсир кўрсатмайди.

Б4.1.18 Агар шартнома билан назарда тутилган пул оқимлари тавсифининг молиявий актив бўйича шартнома билан кўзда тутилган пул оқимларига таъсири минимал бўлса, у молиявий актив таснифига таъсир қилмайди. Буни аниқлаш учун, ташкилот шартномавий пул оқимларининг хусусиятлари самарасини ҳар бир ҳисобот даврида ва жамғарилган равишда молиявий инструментнинг амал қилиш муддати давомида ҳисобга олиши лозим. Қўшимча равишда, агар шартномавий пул оқимлари хусусиятлари шартномавий пул оқимларида жуда минималдан кўпроқ таъсирга (бир ҳисобот даврида ёки жамғарилган равишда) эга бўлса, лекин пул оқимларининг хусусиятлари ҳақиқий бўлмаса, ушбу ҳолат молиявий активнинг таснифланишига таъсир кўрсатмайди. Агар пул оқимларининг хусусияти инструмент бўйича шартномавий пул оқимларига фақат ўта камдан-кам содир бўладиган, ғайриоддий ва эҳтимолдан узоқ ходиса рўй берганида таъсир қилса, ҳақиқий ҳисобланмайди.

Б4.1.19 Деярли ҳамма кредитлаш операцияларида кредитор инструментининг қарздорнинг бошқа кредиторлари томонидан чиқарилган инструментларга нисбатан ўрни аниқланади. Бошқа инструментларга нисбатан кейинги ўринда бўлган (субординацияланган) инструмент, агар қарздор томонидан тўловлар амалга оширилмаслиги шартномани бузиш деб ҳисобланса ва инструмент эгаси тўланмаган асосий суммани ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловларини, қарздор банкротликка учраганида ҳам, олишга шартномавий ҳуқуққа эга бўлса, асосий сумма тўлови ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловларини ташкил этадиган шартномавий пул оқимларга эга бўлиши мумкин. Масалан, кредиторни имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган кредитор сафига қўядиган, савдо бўйича дебиторлик қарзи асосий сумма тўлови ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловларини келтирадиган инструмент сифатида таснифланиши мумкин. Бундай ҳолат, гарчи қарздор гаров билан таъминланган қарзларни жалб қилган бўлса ҳам ва бу қарзлар, қарздор банкрот бўлганида, қарз берган томонга бошқа имтиёзсиз кредиторнинг гаровга бўлган даъволарига нисбатан устун бўлган даъво ҳуқуқини таъминлаганида, лекин имтиёзсиз кредиторнинг тўланмаган асосий сумма ва бошқа тўловларни олиш бўйича шартномавий ҳуқуқига таъсир кўрсатмаганда юзага келади.

Шартномавий боғланган инструментлар

Б4.1.20 Айрим турдаги операцияларда, ташкилот кредит rischi концентрациясини (траншларни) яратадиган, шартномавий боғлиқ бир нечта инструментлар орқали молиявий активларнинг эгаларига тўловлар навбатини белгилаши мумкин. Ҳар бир транш субординация навбатига эга, ва бу навбат эмитент томонидан ҳосил қилинган пул оқимларининг траншга киритилиши навбатини белгилайди. Бундай ҳолатларда, транш эгалари асосий сумма тўлови ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловларини олиш ҳуқуқига, фақатгина эмитент биринчи навбатдаги траншларни қоплаш учун етарлича пул оқимларини ҳосил қилганида эга бўлади.

Б4.1.21 Бундай операцияларда, транш асосий сумма ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловлари хусусиятига эга пул оқимлари бўлади, фақатгина агар:

- (а) таснифлаш мақсадида таҳлил қилинадиган траншнинг шартномавий шартлари (молиявий инструментларнинг асосий гуруҳи инобатга олинмаганида) фақатгина асосий сумма ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловларидан иборат пул оқимларини келтириб чиқарса (масалан, транш бўйича фоиз ставкаси товарлар индекси билан боғлиқ бўлмаса);
- (б) молиявий инструментларнинг асосий гуруҳи Б4.1.23 ва Б4.1.24-бандларда белгиланган пул оқимлари хусусиятларига эга бўлса; ва
- (в) молиявий инструментларнинг асосий гуруҳи бўйича траншга хос кредит rischi молиявий инструментларнинг асосий гуруҳи бўйича кредит riskига тенг ёки ундан камроқ бўлса (масалан, траншни таснифлаш учун қўлланилган кредит рейтингини инструментларнинг асосий гуруҳини молиялаштириш учун қўлланиладиган ягона траншнинг кредит рейтингига тенг ёки баланд бўлса).

Б4.1.22 Ташкилот ўз пул оқимларини келтириб чиқарадиган (ўтказадиган эмас) инструментларнинг асосий гуруҳини аниқламагунича, таҳлилни давом эттириши лозим. Ушбу гуруҳ молиявий инструментларнинг асосий гуруҳи бўлиб ҳисобланади.

- Б4.1.23 Асосий гуруҳ фақатгина асосий сумма ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловларидан иборат бўлган пул оқимларини келтириб чиқарувчи бир ёки ундан кўп инструментларни камраб олиши лозим.
- Б4.1.24 Инструментларнинг асосий гуруҳи шунингдек қуйидаги инструментларни ўз ичига олиши мумкин:
- (а) Б4.1.23-банддаги инструментлар бўйича пул оқимларининг ўзгарувчанлигини камайтирадиган ва Б4.1.23-бандда келтирилган инструментлар билан бирлаштирилганида, фақатгина асосий сумма ва сўндирилмаган асосий сумма бўйича фоиз тўловларидан иборат пул оқимларига олиб келадиган (масалан Б4.1.23-банддаги барча ёки айрим инструментлар бўйича кредит рискинни камайтирадиган шартнома ёки фоиз ставкаси бўйича “кэп” ёки “флор”); ёки
 - (б) қуйидагилар бўйича фарқларни бартараф этиш мақсадида транслар бўйича пул оқимларини Б4.1.23-банддаги инструментларнинг асосий гуруҳи бўйича пул оқимлари билан тенглаштирадиган ва фақат:
 - (i) фоиз ставкаси қатъий белгиланган ёки ўзгарувчан бўлган;
 - (ii) пул оқимлари ифодаланган валюта, шу жумладан ушбу валюта бўйича инфляция даражасидаги фарққа мурожаат қиладиган; ёки
 - (iii) пул оқимларининг юзага келиши вақтидаги фарққа мурожаат қиладиган.
- Б4.1.25 Агар инструментларнинг асосий гуруҳидаги инструмент Б4.1.23 ёки Б4.1.24-бандлардаги шартларга мос келмаса, Б4.1.21(б) банддаги шартларга ҳам мос келмайди. Бундай баҳолашни амалга оширишда, инструмент бўйича таҳлилий маълумот лозим бўлмаслиги мумкин. Лекин, ташкилот инструментларнинг асосий гуруҳи Б4.1.23-Б4.1.24-бандлардаги шартларга мос келиши бўйича мулоҳазани ишлатиши ва етарли таҳлил ишларини ўтказиши шарт. (Б4.1.18-банддаги минимал таъсир кўрсатадиган пул оқимлари хусусиятлари бўйича қўлланмага қаранг).
- Б4.1.26 Агар инструмент эгаси инструмент Б4.1.21-банддаги шартларга дастлабки тан олинишида мос келиши ёки келмаслигини аниқлай олмаса, транс ҳаққоний қийматида баҳоланиши лозим. Агар инструментларнинг асосий гуруҳи дастлабки тан олинганидан кейин ушбу гуруҳ Б4.1.23 ва Б4.1.24-бандларга шартларга мос келмаслиги мумкин бўлган тарзда ўзгариши мумкин бўлса, транс Б4.1.21-банддаги шартга мос келмайди ва ҳаққоний қийматда баҳоланиши лозим. Лекин, агар инструментларнинг асосий гуруҳи ўз ичига Б4.1.23-Б4.1.24-банд талабларига мос келмайдиган гаровга эга активларни олса, мазкур бандни қўллаш нуктаи назаридан ушбу активларга эгалик қилиш қобилияти ҳисобга олинмаслиги лозим, бундан ташкилот томонидан гаровни назорат қилиш мақсадида транс сотиб олиниши мустасно.

Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоландиган деб белгилаш имконияти (4.1 ва 4.2 бўлимлар)

- Б4.1.27 4.1.5 ва 4.2.2-бандлардаги шартларни инобатга олган ҳолда, мазкур МХХС ташкилотга молиявий активни, молиявий мажбуриятни ёки молиявий инструментлар (молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ёки ҳар иккиси) гуруҳини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоландиган инструментлар сифатида белгилашга, агар бундай қилиш ўринлироқ маълумот тақдим қилинишини таъминласа, руҳсат беради.
- Б4.1.28 Ташкилотнинг молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоландиган актив ёки мажбурият сифатида белгилаш тўғрисидаги қарори ҳисоб сиёсатини танлаш бўйича қарорга ўхшашдир (лекин, ҳисоб сиёсатини танлашдан фарқли ўлароқ, у барча ўхшаш операцияларга нисбатан изчил қўлланилиши талаб этилмайди). Ташкилот бундай танлов имкониятига эга бўлганида, 8-сон БХХС нинг 14(б) банди танланган сиёсат ташкилотнинг молиявий ҳисоботларида унинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларига операцияларнинг бошқа ҳодиса ва шартларнинг таъсири тўғрисида ишончли ва ўринлироқ маълумот акс эттирилишига олиб келиши лозимлиги талаб этилган. Масалан, молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоландиган молиявий мажбурият сифатида белгилаш ҳолатида, 4.2.2-банд ўринлироқ маълумот акс эттирилиши талаби бажариладиган иккита ҳолатни белгилайди. Шундай экан, бундай белгилаш имкониятини 4.2.2-бандга мувофиқ танлаш учун, ташкилот инструмент ушбу иккита ҳолатнинг бирига (ёки иккитасига) ҳам тўғри келиши ёки келмаслигини кўрсатиб бериши лозим.

Ҳисобдаги номувофиқликни аҳамиятли даражада камайтирадиган ёки бартараф этадиган белгилаш

- Б4.1.29 Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг баҳоланиши ва унинг қийматидаги тан олинган ўзгаришларнинг таснифланиши модданинг таснифланиши ва ушбу модда белгиланган ҳежлаш муносабатларининг қисми бўлиши ёки бўлмаслигига боғлиқ ҳолда аниқланади. Бундай талаблар баҳолаш ёки тан олишдаги номувофиқликни юзага келтиради (баъзида у “ҳисобдаги номувофиқлик” деб юритилади), агар, масалан, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган инструмент сифатида белгилаш имконияти бўлмаганида, молиявий актив кейинчалик баҳоланишида ҳаққоний қийматда баҳоланадиган актив сифатида таснифланганида ва ташкилотнинг фикри бўйича, ушбу актив билан боғлиқ мажбурият кейинчалик амортизацияланган қийматда баҳоланганида (бунда унинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар тан олинмаган бўлар эди). Бундай ҳолатда, ташкилот, агар актив ҳам, мажбурият ҳам ҳаққоний қийматларидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинмадиган актив ёки мажбурият сифатида баҳоланса, молиявий ҳисобот ўринлироқ маълумотни акс эттиради деган хулосага келиши мумкин.
- Б4.1.30 Куйидаги мисолларда ушбу шарт қачон бажарилиши мумкинлиги ёритиб берилган. Барча ҳолатларда, ташкилот ушбу шартдан молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган актив ёки мажбурият сифатида белгилаши учун, фақат 4.1.5 ёки 4.2.2(а) банддаги тамойил бажарилганида, фойдаланиши мумкин.
- (а) ташкилот жорий маълумотларга асосланган ҳолда баҳоланган (4-сон МҲХСнинг 24-бандида руҳсат этилганидек) ва молиявий активлар у билан боғланган ва бошқа ҳолатларда бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда ёки амортизацияланган қийматда баҳоланган бўлар эди.
 - (б) Ташкилот фоиз ставкаси rischi каби умумий рискка эга молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ёки иккаласига эгалик қилади. Ушбу риск ҳаққоний қийматларнинг бир бирини қоплашга мойил, қарама-қарши ўзгаришларини келтириб чиқаради. Лекин, инструментлар бир қандайдир қисмигина фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган инструментлар сифатида баҳоланади (яъни деривативлар ёки савдо учун мўлжалланган сифатида таснифланган инструментлар). Бу ҳолатда, шунингдек, ҳежлаш ҳисоби талаблари ҳам бажарилмаган бўлиши мумкин, масалан, 6.4.1-банддаги самарадорлик бўйича талаблар бажарилмаганлиги туфайли.
 - (в) ташкилот фоиз ставкаси rischi каби умумий рискка эга молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ёки иккаласига эгалик қилади. Ушбу риск ҳаққоний қийматларнинг бир бирини қоплашга мойил, қарама-қарши ўзгаришларини келтириб чиқаради. Шунингдек, ташкилотнинг бу ҳолати ҳежлаш ҳисоби талабларига тўғри келмайди, чунки инструментларнинг биронтаси ҳам дериватив ҳисобланмайди. Бундан ташқари, ҳежлаш ҳисоби бўлмаганида, фойда ёки зарарларнинг тан олинмишида аҳамиятли номувофиқлик пайдо бўлади. Масалан, ташкилот кредитларнинг белгиланган гуруҳини бозорда муомалада бўладиган ва ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар бир-бирини қоплашга мойил бўлган облигацияларини чиқариш орқали молиялаштиради. Агар, шу билан бирга, ташкилот облигацияларни мунтазам равишда харид қилса ва сотса, лекин камдан-кам ҳолатларда кредитларни харид қиладиган ва сотадиган бўлса, агар умуман бундай қилса, кредитларнинг ва облигацияларнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларини фойда ёки зарарда акс эттириш фойда ёки зарарларнинг тан олинмиши вақтидаги номувофиқликни бартараф этади, акс ҳолда, бундай номувофиқлик ушбу кредитларнинг ва облигацияларнинг амортизацияланган қийматида баҳоланиши ҳамда ҳар гал облигация сотиб олинганида фойда ёки зарарнинг тан олинмиши натижасида юзага келган бўлар эди.
- Б4.1.31 Юқоридаги бандда ёритиб берилган каби ҳолатларда, молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни уларнинг дастлабки тан олинмишида фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган активлар ва мажбуриятлар сифатида белгилаш (бошқа ҳолатда бу каби баҳоланмаган бўлар эди) баҳолаш ёки тан олишдаги номувофиқликни аҳамиятли даражада камайтириши ёки бартараф этиши мумкин ва ўринлироқ маълумот акс эттирилишини таъминлаши мумкин. Амалиётда, ташкилот баҳолашдаги ёки тан олишдаги номувофиқликни келтириб чиқарадиган барча активлар ва мажбуриятлар бўйича айнан бир вақтнинг ўзида битимлар тузиши талаб этилмайди. Асосланган даражадаги вақт тафовутига, агар ҳар бир битим дастлабки тан олинмишида фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган сифатида белгиланса, ва шу пайтнинг ўзида бошқа қолган битимларнинг амалга оширилиши кутилса, йўл қўйилади.
- Б4.1.32 Номувофиқликни келтириб чиқарадиган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг фақат айримларини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган сифатида белгилашга, агар бундай қилиш номувофиқликни аҳамиятли даражада камайишига ёки бартараф этилишига олиб

келмаса ва шу боис ўринлироқ маълумот таъминланмаса, рухсат берилмайди. Лекин, ўхшаш молиявий активлар ёки ўхшаш молиявий мажбуриятларнинг фақат айримларини бундай қилиб белгилаш, агар бундай қилиш номувофикликнинг аҳамиятли даражада камайишига (ва эҳтимол бошқа рухсат этилган белгилашларга кўра қатгароқ даражадаги камайишига) олиб келса, мақбул бўлади. Масалан, фараз қилайлик, ташкилот ўхшаш молиявий мажбуриятларнинг бир қаторига эга, ва уларнинг йиғиндиси 100 п.б.га тенг. У бундай молиявий активларнинг бир нечтасига ҳам эга ва уларнинг йиғиндиси 50 п.б.га тенг, лекин улар мажбуриятлардан фарқли асосда баҳоланади. Ташкилот баҳолашдаги номувофикликни, барча активларни уларнинг дастлабки тан олинишида фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган сифатида белгилаш, лекин мажбуриятларнинг фақат айримларини (масалан, жами йиғилган суммаси 45 п.б.га тенг айрим мажбуриятлари) бундай қилиб белгилаш орқали, аҳамиятли даражада камайириши мумкин. Лекин, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган сифатида белгилаш фақат бутун молиявий инструментга нисбатан қўлланилиши мумкин эканлиги туфайли, ташкилот, ушбу мисолда, бир ёки ундан ортик мажбуриятларни уларнинг бутунлигича белгилаши лозим. Ташкилот мажбуриятнинг бир қисмини (масалан, таянч фойз ставкасидаги ўзгаришлари каби, мажбуриятнинг қийматидаги фақатгина битта риск туфайли ўзгаришларини) ёки улушини (масалан, қандайдир фойзини) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган сифатида белгиламаслиги лозим.

Молиявий мажбуриятларнинг гуруҳи ёки молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг гуруҳи бошқарилганда, ушбу гуруҳ бўйича молиявий натижалар ҳаққоний қиймат асосида баҳоланиши

- Б4.1.33 Ташкилот молиявий мажбуриятларнинг гуруҳини ёки молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг гуруҳини шундай қилиб бошқариши ва бу гуруҳ бўйича молиявий натижаларни шундай қилиб баҳолаши мумкинки, ушбу гуруҳни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган сифатида баҳолаш ўринлироқ маълумот таъминланишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолатда асосий эътибор молиявий инструментларнинг хусусияти эмас, балки ташкилот уларни қандай қилиб бошқариши ва баҳолашига қаратилади.
- Б4.1.34 Масалан, агар бу шарт 4.2.2(б) банддаги тамойилга мос келса ва ташкилот бир ёки ундан ортик умумий рискларга эга молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларга эга бўлса ҳамда ушбу рисклар ташкилотнинг активлар ва мажбуриятларни бошқариш бўйича ҳужжатлаштирилган сиёсатида мувофик ҳаққоний қиймат асосида бошқарилса ва баҳоланса, ташкилот ушбу шартдан молиявий мажбуриятларни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган сифатида белгилаш учун фойдаланиши мумкин. Мисол тариқасида ташкилот бир нечта бириктирилган деривативларни ўз ичига олган “тизимлаштирилган маҳсулотларни” чиқариши ва бунинг натижасида юзага келадиган рискларни ҳаққоний қиймат асосида, дериватив ва нодериватив молиявий инструментларнинг бириктирилганидан фойдаланган ҳолда, бошқаришини келтириш мумкин.
- Б4.1.35 Юқорида қайд этилганидек, ушбу шарт ташкилот қаралаётган молиявий инструментларнинг гуруҳини қандай қилиб бошқариши ва улар бўйича молиявий натижаларни қандай қилиб баҳолашига асосланади. Шундай қилиб, (дастлабки тан олинишидаги талабни инобатга олган ҳолда) ушбу шарт асосида молиявий мажбуриятларни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган мажбуриятлар сифатида белгилайдиган ташкилот биргаликда бошқариладиган ва баҳоланадиган, ва талабларга жавоб берадиган барча молиявий мажбуриятларни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган сифатида белгилаши лозим.
- Б4.1.36 Ташкилот стратегиясини ифодалайдиган ҳужжат қатта бўлиши талаб этилмайди, лекин у 4.2.2(б) банддаги шартларга риоя этишни етарли даражада кўрсатиб бериши лозим. Бундай ҳужжат ҳар бир алоҳида модда бўйича талаб этилмайди, лекин алоҳида портфеллар бўйича бўлиши мумкин. Масалан, ташкилотнинг асосий раҳбарияти томонидан тасдиқланган, бўлим фаолияти натижаларини бошқариш тизими натижалар жами даромадлар асосида аниқланишини аниқ кўрсатса, 4.2.2(б) банднинг шартларига мос келишни кўрсатиш учун бошқа ҳужжат талаб этилмайди.

Бириктирилган деривативлар (4.3-бўлим)

- Б4.3.1 Ташкилот гибрид шартноманинг томони бўлганида ва ушбу гибрид шартнома бўйича асосий инструмент мазкур МХХСнинг қўллаш доирасида бўлган актив бўлмаганида, 4.3.3-банд ташкилот ҳар қандай бириктирилган деривативни аниқлаши, ушбу дериватив асосий шартномадан алоҳида ҳисобга олиниши лозимлигини аниқлаши, ва алоҳида ҳисобга олиниши талаб этиладиган деривативларни дастлабки тан олишда ва кейинчалик уларни ҳаққоний қийматда баҳолашини талаб этади.
- Б4.3.2 Агар асосий шартнома қатъий белгиланган ёки олдиндан аниқлаб олинган сўндириш муддатига эга бўлмаса ҳамда ташкилотнинг соф активларидаги қолдиқ улушни ташкил этса, унинг иқтисодий

хусусиятлари ва рисклари улушли инструментнинг иқтисодий хусусиятлари ва рисклари бўлиб ҳисобланади ва бунда бириктирилган дериватив, у асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ деб ҳисобланиши учун, айнан шу ташкилотга тегишли бўлган улушли инструмент хусусиятларига эга бўлиши талаб этилади. Агар асосий шартнома улушли инструмент бўлмаса ва молиявий инструментнинг таърифига мос келса, унда унинг иқтисодий хусусиятлари ва рисклари қарз инструментининг иқтисодий хусусиятлари ва рисклари бўлиб ҳисобланади.

- Б4.3.3 Опцион бўлмаган, бириктирилган дериватив (масалан, бириктирилган форвард шартномаси ёки своп) асосий шартномадан алоҳида ҳолда, унинг белгиланган ёки назарда тутилган шартлари асосида шундай тарзда ҳисобга олинадики, бунда унинг дастлабки тан олиншидаги ҳаққоний қиймати нолга тенг бўлиши лозим. Опцион бўлган, бириктирилган дериватив (масалан, бириктирилган “пут”, “колл”, “кэп”, “флор” опцион ёки свопцион) асосий шартномадан алоҳида, опционнинг белгиланган шартларидан келиб чиқиб, ҳисобга олинади. Асосий шартноманинг бошланғич баланс қиймати бириктирилган дериватив ажратилганидан кейинги қолдиқ қийматига тенг бўлади.
- Б4.3.4 Одатда, бир гибрид шартномаси ўз ичига олган бир нечта бириктирилган деривативлар битта мураккаб бириктирилган дериватив сифатида ҳисобга олинади. Лекин, хусусий капитал сифатида таснифланган бириктирилган деривативлар (32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиши*”га қаранг) актив ёки мажбурият сифатида таснифланган деривативлардан алоҳида ҳисобга олинади. Шу билан бирга, агар гибрид шартномаси бирдан ортиқ бириктирилган деривативни ўз ичига олса ва ушбу деривативлар турли рисклар билан боғлиқ бўлса, ҳамда осонликча бир-бирдан ажратиладиган бўлиб, бир-бирига боғлиқ бўлмаса, улар бир-бирдан алоҳида ҳисобга олинади.
- Б4.3.5 Куйидаги мисолларда бириктирилган деривативнинг иқтисодий хусусиятлари ва рисклари асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ эмас (4.3.3(а) бандга қаранг). Ушбу мисолларда, 4.3.3(б) ва (в) бандлардаги шартлар бажарилган деб фараз қилинганда, ташкилот бириктирилган деривативларни асосий шартномалардан алоҳида ҳисобга олади.
- (а) Инструментга бириктирилган “пут” опцион, у инструмент эгасига эмитентдан пул маблағлари ёки бошқа активларнинг акциялар ёки товарлар нархлари ёки индексларининг ўзгариши асосида ўзгарадиган суммада инструментни қайта сотиб олишни талаб этиш ҳуқуқини берса, асосий қарз инструменти билан чамбарчас боғлиқ бўлмайди.
- (б) Қарз инструментининг қолган сўндириш муддатини узайтириш имкониятини берадиган опцион ёки автоматик шарт, агар муддат узайтирилгандан кейин инструмент бўйича фоиз ставкаси жорий бозор фоиз ставкаларининг тахминий даражасигача тузатилмаса, асосий қарз инструменти билан чамбарчас боғлиқ бўлмайди. Агар эмитентдан, “колл” опцион амалга оширилиши натижасида, қарз инструментини қайта сотишда иштирок этиш ёки ёрдамлашиш талаб этилиши мумкин бўлса, ташкилот қарз инструментини чиқарганида ва ушбу қарз инструментининг эгаси қарз инструменти бўйича “колл” опционини учинчи томонга сотганида, эмитент “колл” опционини қарз инструментининг сўндириш муддатини узайтириш деб ҳисоблайди.
- (в) Асосий қарз инструментида ёки суғурта шартномасида бириктирилган, акциялар индекси билан боғлиқ асосий сумма ёки фоиз тўловлари, бунда асосий сумма ёки фоизлар суммаси улушли инструментларнинг қийматига боғлиқ ҳолда индексланганида, асосий инструмент билан чамбарчас боғлиқ бўлмайди, чунки асосий инструмент ва бириктирилган деривативга хос рисклар бир-бирдан фарқ қилади.
- (г) Асосий қарз инструмент ёки суғурта шартномасида бириктирилган, товарлар индекси билан боғлиқ асосий сумма ёки фоиз тўловлари, бунда асосий сумма ёки фоиз суммаси товарларнинг (масалан, олтиннинг) нархларига боғлиқ ҳолда индексланганида, асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ бўлмайди, чунки асосий инструмент ва бириктирилган деривативга хос рисклар бир-бирдан фарқ қилади.
- (е) Асосий қарз инструменти ёки асосий суғурта шартномасида бириктирилган “пут”, “колл” ёки олдиндан тўлов опцион асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ бўлмайди, агар:
- (i) опционнинг амалга оширилиши нархи уни амалга оширилиши мумкин ҳар бир санада асосий қарз инструментининг амортизацияланган қийматига ёки асосий суғурта шартномасининг баланс қийматиган тахминан тенг бўлса; ёки
- (ii) олдиндан тўлов опционнинг амалга оширилиши нархи кредиторга асосий шартноманинг қолган сўндириш муддати давомида ушбу шартнома бўйича у олмайдиган фоизларнинг дисконтланган қийматига тахминан тенг суммани қопласа. Олинмаган фоизлар олдиндан тўланган асосий сумма билан фоиз ставкаси дифференциали кўпайтмасига тенг. Фоиз ставкаси дифференциали – бу асосий шартнома бўйича эффектив фоиз ставкасининг ташкилот олдиндан тўлов санасида, агар у олдиндан тўланган асосий суммани ўхшаш шартнома бўйича

асосий шартноманинг қолган муддати давомида реинвестиция қилганида, олиши мумкин бўлган эффектив фоиз ставкасидан ошган қисмидир (иккита ставка ўртасидаги фарқ).

“Колл” ёки “пут” опцион асосий қраз шартномаси билан чамбарчас боғлиқлигини аниқлаш 32-сон БҲХСга мувофиқ айирбошланадиган қарз инструментида улушли қисмини ажратишдан олдин амалга оширилади.

- (е) Асосий қарз шартномасида бириктирилган ва бир томонга (“наф олувчига”), унинг эгаллигида бўлмаслиги мумкин бўлган, белгиланган муайян актив бўйича кредит рискинни бошқа томонга (“кафилга”) ўтказиш имконини берадиган кредит деривативлари асосий қарз инструменти билан чамбарчас боғлиқ бўлмайди. Бундай кредит деривативлари кафилга белгиланган актив билан боғлиқ кредит рискинни, ушбу активга бевосита эга бўлмасдан, қабул қилиш имконини беради.
- Б4.3.6 Гибрид шартномасига мисол – бу молиявий инструментнинг эгасига пул маблағлари ёки бошқа молиявий активларнинг суммаси эвазига, ушбу сумма кўпайиши ёки камайиши мумкин бўлган акциялар ёки товарлар индекси ўзгариши асосида ўзгарганида, молиявий инструментни унинг эмитентига қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган молиявий инструмент хисобланади (“қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструмент”). Эмитент дастлабки тан олишда қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструментни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий мажбурият сифатида белгиламаса, у бириктирилган деривативни (яъни, индексланган асосий сумма тўловини) 4.3.3-бандга мувофиқ алоҳида ҳисобга олиши талаб этилади, чунки асосий шартнома Б4.3.2-бандга кўра қарз инструменти билан чамбарчас боғлиқ эмас. Асосий сумма тўлови кўпайиши ва камайиши мумкин бўлганлиги туфайли, бириктирилган дериватив қиймати таянч ўзгарувчан кўрсаткич бўйича индексланадиган, опцион бўлмаган деривативдир.
- Б4.3.7 Ташкилотнинг соф активлари қийматидаги мутаносиб улушга тенг пул маблағлари эвазига исталган пайтда қайтариб сотилиши мумкин бўлган, қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструмент ҳолатида (масалан, очиқ турдаги ўзаро инвестицион фондининг пайлари ёки пайларга боғлиқ айрим инвестицион маҳсулотлар), бириктирилган деривативни ажратиш ва ҳар бир таркибий қисми алоҳида ҳисобга олиш оқибати гибрид шартномасини, агар инструмент эгаси инструментни эмитентга қайтариб сотиш ҳуқуқидан фойдаланса, ҳисобот даврининг охирида тўланадиган сўндириш суммасида баҳоланган иборат.
- Б4.3.8 Қуйидаги мисолларда бириктирилган деривативнинг иқтисодий хусусиятлари ва рисклари асосий шартноманинг иқтисодий хусусиятлари ва рисклари билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу мисолларда, ташкилот бириктирилган деривативларни асосий шартномадан алоҳида ҳисобга олмайди.
- (а) Фоиз ставкаси ёки фоиз ставкасининг индекси асосий инструмент бўладиган бириктирилган дериватив, агар бу фоиз ставкаси ёки фоиз ставкасининг индекси асосий фоизли қарз шартномаси ёки суғурта шартномаси бўйича тўланган ёки олинган бўлиши мумкин бўлган фоиз суммасини ўзгартира олса, асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бундан гибрид шартномаси инструмент эгасига тан олинган инвестициянинг деярли бутун суммасини қоплай олмайдиган тарзда ҳисоб-китоб қилинадиган ёки бириктирилган дериватив инструмент эгасининг асосий шартнома бўйича дастлабки даромадлилик меъёрини камида икки баравар кўпайтира оладиган ҳамда асосий шартноманинг каби шартларга эга шартнома бўйича бозор даромадлилик меъёрига тенг бўладиган меъёрдан камида икки баравар кўп даромадлилик меъёрини таъминлайдиган ҳолатлар мустасно.
- (б) Агар шартнома чиқарилганида “кэл” бозор фоиз ставкаси даражасида ёки ундан юқори бўлса ва “флор” бозор фоиз ставкаси даражасида ёки ундан паст бўлса, ҳамда “флор” ёки “кэл” асосий шартномага нисбатан левережланмаган бўлса, қарз шартномаси ёки суғурта шартномаси бўйича фоиз ставкасининг бириктирилган “флори” ёки “кэпи” асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шу каби, агар “кэпи” ёки “флори” ҳам шартнома тузиш вақтида манфаатли бўлмаган нархда бўлса ва таъсир этиши мумкин бўлмаган бўлса, активни (масалан, товарни) харид қилиш ёки сотиш бўйича шартнома шартларига киритилган шартлар, ушбу шартнома бўйича актив учун тўланадиган ёки олинадиган нархнинг “кэпи” ёки “флори” белгиланганида, асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ бўлади.
- (в) Чет эл валютаси бўйича бириктирилган дериватив, у бўйича чет эл валютасида ифодаланган асосий сумма ёки фоиз тўловлари оқими таъминланганида ва у асосий қарз инструментида бириктирилган бўлганида (масалан, иккита валютадаги облигация), асосий қарз инструменти билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бундай дериватив асосий инструментдан алоҳида ажратилган ҳолда ҳисобга олинмайди, чунки 21-сон БҲХС “*Валюта курсларидаги*

ўзгаришларнинг таъсирлари” монетар моддалар бўйича курсдаги фарқлардан келадиган фойда ёки зарарларни фойда ёки зарар таркибида тан олишни талаб этади.

- (г) Суғурта шартномаси бўладиган ёки молиявий инструмент бўлмайдиган (масалан, нархи чет валютасида ифодаланган номолиявий моддани харид қилиш ёки сотиш бўйича шартнома) асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ бўлади, агар у левережланган бўлмаса, опцион хусусиятларига эга бўлмаса, ва қуйидаги валюталарнинг бирида ифодаланган тўловларни талаб этса:
- (i) ушбу шартнома асосий томонлари ҳисобланган бир томоннинг функционал валютаси;
 - (ii) сотиб олинмайдиган ёки етказиб берилмайдиган товар ёки хизматнинг нархини бутун дунёдаги тижорат операцияларида одатда ифодалайдиган валюта (масалан, нефть бўйича операциялар АҚШ долларларида ифодаланган); ёки
 - (iii) одатда операция содир бўладиган иқтисодий муҳитда номолиявий моддаларни харид қилиш ёки сотиш бўйича шартномаларда ишлатиладиган валюта (масалан, маҳаллий бизнес операцияларида ёки ташқи савдода одатда ишлатиладиган нисбатан барқарор ва ликвид валюта).
- (д) “Фақат-фоиз” ёки “фақат-асосий сумма” стрипи бириктирилган олдиндан тўлов опциони асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ бўлади, агар асосий шартнома (i) дастлаб молиявий инструментдан шартномавий пул оқимларини йиғиш ҳуқуқини ажратиш натижасида келиб чиққан бўлса ва ушбу молиявий инструмент бириктирилган деривативни ўз ичига олмаса, ва (ii) бошланғич асосий қарз шартномасида йўқ бўлган шартларга эга бўлмаса.
- (е) Асосий ижара шартномасида бириктирилган дериватив асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ бўлади, агар бириктирилган дериватив (i) инфляцияга боғлиқ индекс бўлса, масалан ижара тўловларининг истеъмол нархлар индекси асосида индексланса (агар ижара левережланган бўлмаса ҳамда индекс ташкилот ўз фаолиятини юргизадиган иқтисодий муҳитдаги инфляцияга тегишли бўлса), (ii) тегишли сотиш ҳажмларига асосланган шартли ижара бўлса ёки (iii) ўзгарувчан фоиз ставкаларига асосланган шартли ижара бўлса.
- (ё) Асосий молиявий инструмент ёки асосий суғурта шартномасига бириктирилган улуш қийматига боғлиқ шарт асосий инструмент ёки асосий шартнома билан чамбарчас боғлиқ бўлади, агар улуш ифодаланган тўловлар фонд активларининг ҳаққоний қийматларини акс эттирадиган пайларнинг жорий қийматларида баҳоланса. Улушнинг қийматига боғлиқ шарт ички ёки ташқи инвестицион фонднинг пайларида ифодаланган тўловларни талаб этадиган шартномавий шартдир.
- (ж) Агар бириктирилган дериватив ва асосий суғурта шартномаси бир биридан шу даражада мустақил бўлса, бунда ташкилот бириктирилган деривативни алоҳида баҳолай олмаса (яъни, асосий шартномани инобатга олмасдан), суғурта шартномасида бириктирилган дериватив асосий суғурта шартномаси билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Бириктирилган деривативларга эга инструментлар

- Б4.3.9 Б4.3.1-бандда қайд қилинганидек, ташкилот гибрид шартноманинг томони бўлганида ва ушбу гибрид шартномаси бўйича асосий инструмент мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасида бўлган актив бўлмаса ва бир ёки ундан ортиқ бириктирилган деривативларга эга бўлса, 4.3.3-банд ташкилотдан ҳар қандай бундай бириктирилган деривативларни аниқлашни, улар асосий шартномадан алоҳида ажратилган ҳолда ҳисобга олиниши лозимлигини аниқлашни ва алоҳида ҳисобга олиниши лозим бўлган бириктирилган деривативларни уларни дастабки тан олишда ва кейинчалик ҳаққоний қийматда баҳолаши лозимлигини талаб этади. Ушбу талаблар бутун инструментни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган инструмент сифатида баҳолашга караганда мураккаброқ бўлиши мумкин ёки инструментнинг камроқ ишончлилиги билан баҳоланишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, мазкур МҲХС бутун гибрид шартномасини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган шартнома сифатида белгилашни руҳсат этади.
- Б4.3.10 Бундай белгилашни 4.3.3-банд бириктирилган деривативни асосий шартномадан ажратилишини талаб этиши ёки бундай ажратишни тақиқлашдан қатъий назар амалга ошириш мумкин. Лекин, 4.3.5-банд гибрид шартномасини 4.3.5(a) ва (б) бандларда белгиланган ҳолатларда фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган шартнома сифатида белгиланиши учун асос бўла олмайди, чунки бундай қилиш натижасида мураккаблик даражаси камаймайди ёки ишончлилиги даражаси ошмайди.

Бириктирилган деривативларни қайта баҳолаш

- Б4.3.11 4.3.3-бандга мувофиқ, агар ташкилот биринчи марта шартноманинг томони бўлса, бириктирилган дериватив асосий шартномадан алоҳида ажратилган ҳолда дериватив сифатида ҳисобга олиниши лозимлигини баҳолаши лозим. Кейинчалик қайта баҳолаш тақиқланади, бундан шартноманинг шартлари пул оқимларини аҳамиятли даражада ўзгартирадиган тарзда ўзгариши ва бундай ўзгариш шартнома бўйича бошқа ҳолатда талаб этилмаган бўладиган ҳолат мустасно, бундай ҳолатда қайта баҳолаш талаб этилади. Ташкилот пул оқимларининг ўзгариши аҳамиятли эканлигини бириктирилган дериватив, асосий шартнома ёки иккаласи билан ҳам боғлиқ бўлган келгусида кутилаётган пул оқимлари қай даражада ўзгарганлигини ва бу ўзгариш шартнома бўйича олдин кутилган пул оқимларига нисбатан аҳамиятли эканлигини таҳлил қилиш орқали аниқлайди.
- Б4.3.12 Б4.3.11-банд қуйидагилар натижасида сотиб олинган шартномалардаги бириктирилган деривативларга нисбатан қўлланилмайди:
- (а) бизнес бирлашуви (3-сон МХХС “*Бизнес бирлашувлари*” да таърифланганидек);
 - (б) 3-сон МХХСнинг Б1-Б4-бандларида ёритиб берилганидек, умумий назорат остида бўлган ташкилотлар ёки бизнесларнинг бирлашуви; ёки
 - (в) 11-сон МХХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*” да таърифланганидек қўшма корxonани ташкил этиш

ёки харид қилиш санасида уларнинг мумкин бўлган қайта баҳоланиши.⁴

Молиявий активларнинг қайта таснифланиши (4.4-бўлим)

Молиявий активларнинг қайта таснифланиши

- Б4.4.1 4.4.1-банд ташкилотдан у молиявий активларни қайта таснифлашни, ташкилотнинг ушбу молиявий активларни бошқариш бўйича бизнес модели ўзгарганида, талаб этади. Бундай ўзгаришлар жуда камдан-кам ҳолатларда юз беради деб тахмин қилинади. Бундай ўзгаришлар ташкилотнинг бош раҳбарияти томонидан ички ёки ташқи ўзгаришлар натижасида аниқланиши лозим ва ташкилотнинг фаолияти учун аҳамиятли бўлиши ҳамда ташқи томонлар учун аён бўлиши лозим. Шунга қўра, ташкилотнинг бизнес моделидаги ўзгариш ташкилотнинг операцияларига аҳамиятли бўлган фаолият турини бошланиши ёки тўхтатилиши, масалан, ташкилот бирор фаолият йўналишини харид қилганда, ҳисобдан чиқарганда ёки тугатганда, юзага келади. Бизнес модели ўзгаришига мисоллар қуйидагиларни қамраб олади:
- (а) Ташкилот яқин орада сотиш мақсадида сақлаб турган тижорат кредитларнинг портфелига эга. Ташкилот компания сотиб олади, ва ушбу компания тижорат кредитларини бошқаради ва кредитларни улар бўйича шартномавий пул оқимларни олиш мақсадида сақлаб туришни кўзлайдиган бизнес моделига эгадир. Тижорат кредитларининг портфели эндиликда сотиш учун мўлжалланган эмас ва портфел энди сотиб олинган тижорат кредитлари билан биргаликда бошқарилади ва барча тижорат кредитлари шартномавий пул оқимларини йиғиш учун сақлаб турилади.
 - (б) Молиявий хизматларни кўрсатадиган фирма жисмоний шахсларга ипотека кредитларини ажратиш бўйича ўз бизнес йўналишини тўхтатишга қарор қилади. Энди ушбу бизнес йўналиши бўйича янги битимлар бошқа тузилмайди ва молиявий хизматлар кўрсатадиган фирма ипотека кредитлари портфелини сотиш учун уларни фаол реклама қилади.
- Б4.4.2 Ташкилот бизнес модели мақсадининг ўзгариши қайта таснифлаш санасидан бошлаб кучга кириши лозим. Масалан, агар молиявий хизматларни кўрсатадиган фирма 15 февралда ипотека кредитларини ажратиш бўйича ўз бизнес йўналишини тўхтатишга қарор қилса ва шу боис бу қарор тегишли бўлган барча молиявий активлар 1 апрелдан бошлаб қайта таснифланиши лозим бўлса (яъни, ташкилотнинг кейинги ҳисобот даврининг биринчи кунидан бошлаб), ташкилот 15 февралдан кейин жисмоний шахсларга ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича янги битимларни тузмаслиги ёки унинг олдинги бизнес моделига мос келадиган операцияларни амалга оширмаслиги лозим.
- Б4.4.3 Қуйидагилар бизнес моделининг ўзгаришлари ҳисобланмайди:
- (а) муайян молиявий активларга тегишли бўлган ниятнинг ўзгариши (ҳатто бозор шароитлари аҳамиятли даражада ўзгарган ҳолатларда).
 - (б) молиявий активлар бўйича муайян бозорнинг вақтинчалик мавжуд бўлмаслиги.

⁴ 3-сон МХХСда бизнес бирлашувида бириктирилган деривативлар бўйича шартномалар харид қилинишига мурожаат этилган.

- (в) ташкилотнинг фарқ қиладиган бизнес моделларига эга бўлинмалари ўртасида молиявий активларнинг ўтказилиши.

Баҳолаш (5-боб)

Дастлабки баҳолаш (5.1-боб)

- Б5.1.1 Молиявий инструментнинг дастлабки тан олинишидаги ҳаққоний қиймати одатда операция нархига тенг (яъни берилган ёки олинган товоннинг ҳаққоний қиймати, Б5.1.2А бандга ва 13-сон МХХСга ҳам қаранг). Лекин, олинган ёки берилган товоннинг қисми молиявий инструмент учун бўлмаса, ташкилот молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматини баҳолаши лозим. Масалан, узоқ муддатли кредит ёки фойзалар ҳисобланмайдиган дебиторлик қарзи барча келгуси пул тушимларининг ўхшаш кредит рейтингга эга ўхшаш (валютаси, муддати, фойз ставкаси тури ёки бошқа омиллари ўхшаш бўлган) инструмент бўйича устун бўлган бозор ставкаси бўйича дисконтланган қиймат сифатида баҳоланиши мумкин. Қарзга берилган қўшимча сумма, агар у бошқа турдаги актив сифатида тан олиш мезонларига мос келмаса, харажат ёки даромаднинг камайиши ҳисобланади.
- Б5.1.2 Агар ташкилот бозорга оид бўлмаган фойз ставкага эга кредитни ажратса (масалан, 5 фойз ставкаси билан, бунда ўхшаш кредитлар бўйича бозор ставкаси 8 фойзни ташкил этса), ва қоплаш сифатида олдиндан комиссия ҳақини олса, ташкилот кредитни унинг ҳаққоний қийматида, яъни олинган комиссия ҳақини кредит қийматида киритмаган ҳолда тан олади.
- Б5.1.2А Молиявий инструментнинг дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қийматининг энг яхши далили – бу одатда унинг операция нархидир (яъни берилган ёки олинган товоннинг ҳаққоний қиймати, 13-сон МХХСга қаранг). Агар ташкилот дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймат 5.1.1А бандда айтиб ўтилган операция нархидан фарқ қилишини аниқласа, ташкилот ушбу санада бу инструментни қуйидагича ҳисобга олиши лозим:
- (а) 5.1.1-бандда талаб этилган баҳода, агар бу ҳаққоний қиймат ўхшаш актив ёки мажбурият бўйича фаол бозорда котировкаланган нарх (яъни ҳаққоний қиймат иерархиясининг 1 даражасидаги дастлабки маълумотлар) билан исботланса ёки фақатгина кузатиладиган бозорлардан олинган маълумотларга асосланган баҳолаш усуллари ёрдамида аниқланса. Ташкилот дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймат билан операция нархининг ўртасидаги фарқни фойда ёки зарар сифатида тан олиши лозим.
- (б) бошқа барча ҳолатларда, 5.1.1-бандда талаб этилган баҳода, ушбу баҳо дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймат ва операция нархи ўртасидаги фарқни кечиктириш учун тузатилади. Дастлабки тан олишдан кейин, ташкилот ушбу кечиктирилган фарқни, бозор иштирокчилари актив ёки мажбуриятни баҳолашда инobatга оладиган омилнинг (шу жумладан вақтнинг) ўзгаришидан келиб чиқадиган даражадагина, фойда ёки зарар сифатида тан олиши лозим.

Кейинги баҳолаш (5.2 ва 5.3 бўлимлар)

- Б5.2.1 Агар олдин молиявий актив сифатида тан олинган молиявий инструмент ҳаққоний қийматда баҳоланса ва унинг ҳаққоний қиймати нолдан пастга тушиб қолса, у молиявий мажбурият бўлади ва 4.2.1-бандга мувофиқ баҳоланади. Лекин, гибрид шартномалари, уларнинг асосий инструментлари мазкур МХХСнинг қўллаш доирасидаги активлар бўлса, ҳар доим 4.3.2-бандга мувофиқ баҳоланади.
- Б5.2.2 Қуйидаги мисолда 5.7.5 ёки 4.1.2А бандга мувофиқ ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинмайдиган молиявий актив операция бўйича сарфларининг дастлабки ва кейинги баҳолашда ҳисобга олиниши кўрсатилган. Ташкилот активни 100 п.б.га плюс сотиб олишда комиссия ҳақини 2 п.б.га тенг суммада харид қилади. Дастлабки тан олишда, ташкилот активни 102 п.б.га тенг суммада тан олади. Ҳисобот даври бир кундан кейин яқунланади, бу кунда активнинг котировкаланган бозор нархи 100 п.б.га тенг бўлади. Агар актив сотилган бўлганида, 3 п.б.га тенг суммада комиссия ҳақи тўланган бўлар эди. Ушбу санада, ташкилот активни 100 п.б.да баҳолайди (сотилганда олиниши мумкин бўлган комиссия ҳақини инobatга олмаган ҳолда) ва 2 п.б.га тенг зарарни бошқа умумлашган даромадда тан олади. Агар молиявий актив 4.1.2А бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда ҳаққоний қийматида баҳоланса, у ҳолда операция сарфлари эффектив фойз ставкаси усулида фойда ёки зарарга амортизацияланиб боради.
- Б5.2.2А Молиявий активнинг ёки молиявий мажбуриятнинг Б5.1.2А бандда ёритиб берилган кейинги баҳоланиши ва фойда ёки зарарларнинг кейинги тан олиниши мазкур МХХСнинг талабларига мос келиши лозим.

Улушли инструментларга инвестициялар ва ушбу инвестициялар бўйича шартномалар

- Б5.2.3 Улушли инструментларга барча инвестициялар ва ушбу инструментлар бўйича шартномалар ҳаққоний қийматда баҳоланиши лозим. Лекин, чекланган ҳолатларда, бошланғич қиймат ҳаққоний қийматнинг тегишли баҳоланиши бўлиши мумкин. Бундай ҳолат ҳаққоний қийматни баҳолаш учун сўнгги, лекин етарли бўлмаган маълумотлар мавжуд бўлганида ёки эҳтимолли ҳаққоний қиймат баҳоларининг катта диапазони мавжуд бўлиб, унда бошланғич қиймат ҳаққоний қийматнинг энг аниқ баҳоланиши бўлиб хизмат қилганида, юзага келади.
- Б5.2.4 Бошланғич қиймат ҳаққоний қийматни белгиловчи бўлмаслигини кўрсатувчи кўрсаткичлар:
- (а) белгиланган бюджет, режалар ёки мақсадли кўрсаткичларга нисбатан инвестиция объекти фаолияти кўрсаткичларининг аҳамиятли ўзгаришлари.
 - (б) инвестиция объектнинг техник мақсадли кўрсаткичларига эришиши бўйича кутишларнинг ўзгариши.
 - (в) инвестиция объектнинг улушли инструментлари ёки унинг маҳсулоти ёки потенциал маҳсулотлари бозоридаги аҳамиятли ўзгаришлар.
 - (г) дунё иқтисодиётида ёки инвестиция объекти фаолият кўрсатадиган иқтисодий муҳитдаги аҳамиятли ўзгаришлар
 - (д) солиштириш мумкин бўлган ташкилотлар фаолияти ёки бутун бозордаги баҳолашларда аҳамиятли ўзгаришлар.
 - (е) инвестиция объектнинг ички масалалари, масалан фирибгарлик, тижорий низолар, суд жараёнлари, бошқариш ёки стратегиядаги ўзгаришлар.
 - (ё) ташқи операциялар натижасида олинган инвестиция объекти улушли инструментлари бўйича, инвестиция объекти томонидан (янги акцияларни чиқариш каби) ёки улушли инструментларни учинчи томонларга ўтказилиши бўйича маълумотлар.
- Б5.2.5 Б5.2.4-банддаги рўйхат тўлиқ эмас. Ташкилот дастлабки тан олишдан кейин мавжуд бўлган инвестция объекти операциялари ва фаолияти тўғрисидаги барча маълумотлардан фойдаланиши лозим. Тегишли омиллар мавжуд бўлса, улар бошланғич қиймат ҳаққоний қиймат учун асос эмаслигини кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолатда ташкилот ҳаққоний қийматни баҳолаши лозим бўлади.
- Б5.2.6 Котировкаланадиган улушли инструментлар (ёки квоталанган улушли инструментлар шартнома) учун бошланғич қиймат ҳеч қачон ҳаққоний қиймат учун энг тўғри ҳисоб баҳоси бўла олмайди.

Амортизацияланган қиймат бўйича баҳолаш (5.4 бўлим)

Эффектив фоиз ставкаси усули

- Б5.4.1 эффектив фоиз ставкаси усулини қўллашда, ташкилот молиявий инструмент эффектив фоиз ставкасининг ажралмас қисми ҳисобланган ҳақларни аниқлаши лозим. Молиявий хизматлар учун ҳақларнинг таърифи кўрсатиладиган хизматларнинг характери ва моҳиятини кўрсатмаслиги мумкин. Молиявий инструментнинг эффектив фоиз ставкасининг ажралмас қисми бўлган мукофот пули эффектив фоиз ставкасига тузатиш ҳисобланади, молиявий инструмент ҳаққоний қийматда баҳоланиб, ҳаққоний қийматдаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда тан олинган ҳолатлар бундан мустасно. Бундай ҳолатларда ҳақлар инструмент дастлабки тан олинганда тушум ёки харажат сифатида тан олинади.
- Б5.4.2 Молиявий инструментнинг эффектив фоиз ставкасининг ажралмас қисми ҳисобланган ҳақлар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) молиявий активнинг яратиш ёки харид қилиш билан боғлиқ ташкилот томонидан олиннадиган тайёрлаш учун ҳақлар. Бундай ҳақлар, ўз ичига қарз олувчининг молиявий ҳолатини баҳолаш ва кафолатларни расмийлаштириш, гаров ва бошқа қимматли қоғозлар битимлари, инструмент шартларини, ҳужжатларни тайёрлаш ва қайта ишлаш ва операцияни тугатиш каби фаолиятлар учун компенсацияларни ўз ичига олиши мумкин. Бундай ҳақлар молиявий инструментни яратишнинг ажралмас қисми ҳисобланади.
 - (б) ташкилот томонидан қарз бериш мажбурияти учун олинган воситачилик ҳақи, агар қарз бериш мажбурияти 4.2.1(а) бандга мувофиқ баҳоланмаган бўлса ва ташкилот аниқ бир қарз бериш битими тузиши эҳтимоли аниқ бўлса. Ушбу ҳақлар молиявий инструментни сотиб

- олиш бўйича фаолиятга компенсация сифатида қаралади. Агар қарз бериш мажбуриятининг муддати қарз бермаган ҳолда тугаса, бундай ҳақ муддат тугаганда тушум сифатида тан олинади.
- (в) амортизацияланган қийматда баҳоланадиган молиявий мажбуриятни чиқариш учун ҳақлар. Ушбу тўловлар молиявий мажбуриятнинг яратиш билан боғлиқ фаолиятнинг ажралмас қисмидир. Ташкилот молиявий мажбурият эффектив фоиз ставкасининг ажралмас қисми бўлган ҳақлар ва сарфларни тайёргарлик тўловлари ва хизмат кўрсатиш ҳуқуқига тегишли бўлган инвестицияеи бошқариш хизмати каби битим бўйича тўловлардан ажратиб олиши лозим.
- Б5.4.3** Молиявий инструмент эффектив фоиз ставкасининг ажралмас қисми бўлмаган ҳамда 15-сон МХХСга мувофиқ ҳисобга олинандиган ҳақлар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) кредитга хизмат кўрсатиш учун тўланадиган ҳақлар;
- (б) ташкилот томонидан қарз бериш мажбурияти учун олинган воситачилик ҳақи, қарз бериш мажбурияти 4.2.1(а) бандга мувофиқ баҳоланмаганда ва аниқ бир қарз бериш битимига киришиш эҳтимоли кам бўлганда; ва
- (в) синдициялашган қарз учун ўзида қарз улуши бўлмаган (ёки бошқа иштирокчилар каби тегишли рискка мос бўлган эффектив фоиз ставкасини қолдирган) лекин ташкиллаштирган ташкилот томонидан олинган ҳақ.
- Б5.4.4** Эффектив фоиз ставкасини қўллаганда, ташкилот одатда турли олинган ёки тўланган ҳақларни, операция бўйича сарфларни ва бошқа мукофот ёки дисконтларни молиявий инструментнинг амал қилиш муддати давомидаги эффектив фоиз ставкасини ҳисоблашга киритади. Лекин, агар ушбу муддатда турли олинган ёки тўланган мукофот ва воситачилик ҳақлар, операция бўйича сарфлар ва бошқа мукофот ёки дисконтларга тегишли бўлса, қисқароқ муддат ишлатилиши мумкин. Ушбу ҳолатда, турли олинган ёки тўланган мукофот ва воситачилик ҳақларини, операция бўйича сарфларни ва бошқа мукофот ёки дисконтлар тегишли бўлган ўзгарувчи бозор нархларига молиявий инструментнинг қутилаётган сўндириш муддатигача қайта баҳоланади. Бундай ҳолатда ўринли амортизация даври бу шундай кейинги қайта баҳолаш санасидир. Масалан, агар мукофот ёки дисконт ўзгарувчан ставкадаги молиявий инструментда фоизлар молиявий инструментнинг охириги тўланган фоизларидан кейинги ҳисобланган фоизларни акс эттирса, ёки бозор ставкаларининг ўзгариши ўзгарувчан фоиз ставкаларини бозор ставкаларига ўзгаришини акс эттирса, бу ўзгарувчан фоиз ставкаси бозор ставкаларига ўзгарган вақтда амортизацияланади. Ушбу санада мукофот ёки дисконт тегишли (фоиз ставкалари) ўзгарувчи бозор ставкаларига ўзгариши сабабли мукофот ёки дисконт кейинги фоиз ставкаси ўзгарадиган санага тегишлидир. Лекин, агар мукофот ёки дисконт молиявий инструментидаги ўзгарувчи ставка бўйича кредит спреди ўзгариши сабабли юзага келса, ёки бошқа ўзгарувчилар бозор ставкаларига мослаштирилмаса, улар молиявий инструментнинг амал қилиш муддати давомида амортизацияланади.
- Б5.4.5** Ўзгарувчан ставкадаги молиявий активлар ва ўзгарувчан ставкадаги молиявий мажбуриятлар бўйича бозор фоиз ставкаларидаги ўзгаришларини акс эттирувчи пул оқимларини даврий қайта баҳолаш эффектив фоиз ставкасини ўзгартиради. Агар ўзгарувчи ставкадаги молиявий актив ёки ўзгарувчи ставкадаги молиявий мажбурият дастлаб олиниши қутилаётган асосий сумма ёки сўндириш муддатидаги тўланадиган суммада тан олинганда, келгуси фоиз тўловларини қайта баҳолаш одатда актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматига аҳамиятли таъсир кўрсатмайди.
- Б5.4.6** Агар ташкилот ўзининг тўловлар ёки пул маблағлар тушишлари бўйича қутишларини қайта кўриб чиқса, (5.4.3-бандга мувофиқ ўзгаришларни ва қутилаётган кредит зарарлари қутишларидаги ўзгаришларни чиқариб ташлаган ҳолда), у ҳақиқатда ва қайта кўриб чиқилган шартномавий пул оқимларини акс эттирувчи молиявий активнинг баланс қиймати ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қийматини тузатиши лозим. Ташкилот молиявий активнинг ялпи баланс қиймати ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қийматини баҳоланган келгуси шартномавий пул оқимларининг молиявий инструментнинг ҳақиқий эффектив фоиз ставкасида (ёки сотиб олинган ёки яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий активлар учун кредит қиймати тузатилган эффектив фоиз ставкасида) дисконтланган қутилаётган жорий қиймат сифатида ёки қўллаш мумкин бўлса, қайта кўриб чиқилган 6.5.10-бандга мувофиқ ҳисобланган эффектив фоиз ставкасида қайта ҳисоблайди. Бундай тузатиш фойда ёки зарарда даромад ёки харажат сифатида тан олинади.
- Б5.4.7** Баъзи ҳолатларда молиявий актив дастлабки тан олишда кредит қиймати қадрсизланган ҳисобланади, чунки кредит риси жуда баланд ва сотиб олинган тақдирда жуда катта дисконт билан олинади. Ташкилот дастлабки тан олинганда кредит қиймати қадрсизланган бўлган сотиб олинган ёки яратилган молиявий актив учун кредит мослаштирилган эффектив фоиз ставкасини ҳисоблаганда дастлабки қутилаётган кредит зарарларини қутилаётган пул оқимларини ҳам ҳисобга олиши талаб

этилади. Лекин, бу фақатгина молиявий актив дастлабки тан олинганда юкори кредит рискига эга бўлганлиги учун кредит мослаштирилган эффе́ктив фоиз ставкаси қўлланилишини билдирмайди.

Операция сарфлари

- Б5.4.8 Операция сарфлари агентларга (жумладан сотув бўйича агент сифатида фаолият юритадиган ишчиларга), маслаҳатчилар, брокер ва дилерларга, назорат агентликлари ва фонд биржаларига мажбурий тўловлар, маблағлар ўтказиш учун тўловлар ва божларни ўз ичига ҳисобга олади. Операция сарфлари қарз инструментлари бўйича мукофот ва дисконтларни, ички маъмурий ёки молиявий харажатлар ёки ушлаб туриш сарфларини ҳисобга олмайди.

Ҳисобдан чиқариш

- Б5.4.9 Ҳисобдан чиқариш молиявий активнинг тўлиқ ёки унинг бир қисмига тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, ташкилот молиявий актив бўйича гаровга ундирувни қаратиш режаси ва у гаровдан молиявий активнинг 30 фоиздан ошмаган қисмини ундиришни кутмоқда. Агар ташкилот молиявий активдан қўшимча пул маблағларини ундириш бўйича асосланган кутишлар мавжуд бўлмаса, у молиявий активнинг қолган 70 фоизини тан олинишини бекор қилиши лозим.

Қадрсизланиш (5.5 бўлим)

Гуруҳ ва индивидуал асосда баҳолаш

- Б5.5.1 Дастлабки тан олингандан кейин кредит рискини аҳамиятли ошишини натижасида амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларини тан олиш мақсадида, кредит рискини аҳамиятли ошишига кўрсаткич бўладиган аҳамиятли кредит рискини гуруҳ асосида баҳолаш лозим бўлиши мумкин, масалан, молиявий инструментларнинг гуруҳи ёки гуруҳ ости гуруҳи. Бу эса ташкилот кредит рискида аҳамиятли ошиш бўлганда, ҳаттоки индивидуал инструмент бўйича кредит рискининг аҳамиятли ошишига далил мавжуд бўлмаса ҳам, амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларини тан олиш мақсадида жавоб беришини таъминлайди.
- Б5.5.2 Амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарлари одатда молиявий инструмент муддати ўтгунга қадар тан олиниши қутилади. Одатда, кредит риски аҳамиятли даражада молиявий инструмент муддати ўтгунга ёки бошқа қарз олувчиға тегишли бошқа омилар кечикишига қадар қузатилади (масалан ўзгартириш ёки реструктуризация). Шунга кўра, ўтган давр маълумотларидан кўра, қўшимча сарф ёки ҳаракатсиз келгуси асосли ва тасдиқланган маълумотлар мавжуд бўлса, улар кредит рискидаги ўзгаришларни баҳолаш учун фойдаланилиши лозим.
- Б5.5.3 Лекин, молиявий инструментларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ва мавжуд маълум бир гуруҳ молиявий инструментларининг кредит риски маълумотлари асосида, ташкилот алоҳида молиявий инструментнинг кредит рискидаги аҳамиятли ўзгаришларни улар муддати ўтгунга қадар аниқлаши мумкин. Ушбу ҳолатга маиший кредитлар каби молиявий инструментлар учун мисол бўлиши мумкин, бунда харидор шартнома шартларини бузгунга қадар индивидуал инструмент бўйича доимий қузатиладиган ёки олинадиган кредит риск бўйича маълумотлар деярли ёки умуман мавжуд бўлмайди. Агар индивидуал молиявий инструмент учун кредит риски улар бўйича муддат ўтгунга қадар қамраб олинмаса, индивидуал молиявий инструментнинг кредит маълумотларига асосланган зарарларни баҳолаш бўйича резерв дастлабки тан олингандан кейинги кредит рискидаги ўзгаришларни ҳаққоний акс эттирмаган бўлади.
- Б5.5.4 Айрим ҳолатларда ташкилот индивидуал инструмент асосида амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларини баҳолаш учун қўшимча сарф ёки ҳаракатсиз асосли ва тасдиқланган маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Ушбу ҳолатда амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарлари гуруҳ асосида умумий кредит рискини қамраб олган маълумотни ҳисобга олиши лозим. Ушбу умумий кредит риски маълумот нафақат муддати ўтган тўловлар тўғрисида, балки барча тааллуқли кредит маълумотлари, шу жумладан келгуси макроиктисодий маълумотларни индивидуал инструмент даражасида дастлабки тан олинганидан кейин амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларини тан олинганда кредит рискида аҳамиятли ўсиш рўй берганлигини баҳолаш учун ҳисобга олиниши лозим.
- Б5.5.5 Кредит риски аҳамиятли ошганлигини ва гуруҳ асосида зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни тан олиш мақсадида ташкилот муддатлилик асосида кредит рискини аҳамиятли ошишини аниқлаш имконини берувчи таҳлил қилишни энгиллаштириш учун молиявий инструментларни ўхшаш кредит риск хусусиятлари асосида гуруҳлаши мумкин. Ташкилот турли риск хусусиятларига эга молиявий инструментларни гуруҳлаш орқали ушбу маълумотларни тушуниш учун кийинлаштирамаслиги

лозим. Ўхшаш кредит rischi хусусиятларига куйидаги мисоллар киради, лекин улар билан чекланмайди:

- (а) инструмент тури;
- (б) кредит rischi рейтинги;
- (в) гаров тури;
- (г) дастлабки тан олиш санаси;
- (д) сўндириш муддатигача қолган муддат;
- (е) соҳаси;
- (ё) қарздорнинг географик жойлашуви; ва
- (ж) молиявий активга тегишли гаровнинг қиймати, агар у дефолт ҳосил бўлиш эҳтимолига таъсир этса (масалан, баъзи юрисдикциялардаги регресс ҳуқуқисиз қарзлар ёки сотиб олинган актив қийматига қарз суммаси коэффициентини).

Б5.5.6 5.5.4 банд амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарлари дастлабки тан олинганидан кейин кредит рискида аҳамиятли ошиш рўй берган барча молиявий инструментларда тан олиншини талаб этади. Ушбу мақсадга эришиш учун, агар ташкилот ўхшаш кредит rischi хусусиятларига кўра, дастлабки тан олинганидан кейин кредит rischi аҳамиятли равишда ошганлиги бўйича молиявий инструментларни гуруҳлай олмаса, ташкилот кредит rischi аҳамиятли ошган деб ҳисобланадиган молиявий активларнинг бир қисми бўйича амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларини тан олиши лозим. Молиявий инструментлар кредит рискларидаги ўзгаришлар рўй берганлигини баҳолаш учун индивидуал ёки гуруҳ бўйича умумлаштирилиши янги маълумотлар маълум бўлишига қараб вақт давомида ўзгариши мумкин.

Амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарлари тан олиншининг вақт давомида тақсимланиши

- Б5.5.7 Амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларини баҳолаш молиявий актив ҳисобот санасига кредит қиймати қадрсизланган бўлганлиги ёки ҳақиқатда дефолт юзага келганлигига эмас, балки аҳамиятли ошиши эҳтимоли ёки дастлабки тан олингандан сўнг дефолт юзага келиш рискига асосланган бўлиши лозим (кредит rischi ошганлигини акс эттириш учун молиявий инструмент қайта баҳоланганидан қатъий назар). Одатда, молиявий актив кредит қиймати қадрсизланган бўлишидан ёки ҳақиқий дефолт бўлишидан олдин кредит рискида аҳамиятли ошиш юзага келади.
- Б5.5.8 Қарз бериш мажбурияти учун ташкилот қарз бериш мажбуриятига тааллуқли қарздаги дефолт юзага келиш рискидаги ўзгаришни ҳисобга олиши лозим. Молиявий қафолат шартномалари учун ташкилот аниқ бир қарздор шартнома бўйича дефолт қилиш рискидаги ўзгаришларни ҳисобга олиши лозим.
- Б5.5.9 Дастлабки тан олингандан кейин кредит рискидаги ўзгаришнинг аҳамияти дастлабки тан олинганидан кейин дефолт юз бериши рискига боғлиқ. Шундай қилиб, дефолт юз бериш рискида абсолют шартларда ўзгаришнинг таъсири, дастлабки юқори даражадаги дефолт юзага келиш rischi молиявий инструментга қараганда дастлабки паст даражадаги дефолт юзага келиш rischi молиявий инструменти учун аҳамиятлироқ бўлади.
- Б5.5.10 Солиштириладиган кредит рискига эга молиявий инструментларнинг дефолт юзага келиши rischi қутилаётган амал қилиш муддати узоқроқ бўлган инструмент учун юқорироқ бўлади; масалан 10 йиллик амал қилиш муддатли AAA рейтингга эга облигациянинг дефолт юзага келиши rischi 5 йиллик амал қилиш муддатли AAA рейтингга эга облигацияникидан юқорироқ бўлади.
- Б5.5.11 Қутилаётган амал қилиш муддати ва дефолт юзага келиш rischi ўртасидаги боғлиқлик сабабли, кредит рискидаги ўзгариш вақт давомида дефолт юзага келиши абсолют rischi билан оддийгина солиштириш орқали баҳоланмаслиги лозим. Масалан, агар қутилаётган амал қилиш муддати 10 йил бўлган молиявий инструментнинг дастлабки дефолт юзага келиши rischi, ушбу молиявий инструментнинг кейинги даврда қутилаётган амал қилиш муддати беш бўлгандаги дефолт юзага келиши rischi билан бир хил бўлса, бу кредит рискидаги ошишни билдириши мумкин. Чунки, агар кредит rischi ўзгармасдан қолса ва молиявий инструмент сўндириш санасига яқинлашса, вақт ўтиши билан қутилаётган амал қилиш муддатида дефолт юзага келиши rischi пасаяди. Лекин, асосий тўлов мажбуриятларини сўндириш муддатига яқин қолгандаги молиявий инструментлар учун вақт ўтиши билан дефолт юзага келиш rischi камаймаслиги ҳам мумкин. Ушбу ҳолатда, ташкилот дастлабки тан олинганидан сўнг кредит rischi аҳамиятли ошганлигини кўрсатувчи бошқа сифат кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олиши лозим.
- Б5.5.12 Ташкилот дастлабки тан олинганидан кейин молиявий инструментнинг кредит rischi аҳамиятли ошганлиги ёки қутилаётган кредит зарарларини баҳолашда турли усулларни қўллаши мумкин.

Ташкилот турли молиявий инструментлар учун турли усулларни қўллаши мумкин. Дефолт эҳтимолини бирламчи параметр сифатида қўлламаган усул, масалан, кредит зарарлари коэффицентини ҳисоблаш усули мазкур стандартнинг талабларига мувофиқ бўлиши мумкин, бунда ташкилот дефолт юзага келиш рискидаги ўзгаришларни қутилаётган кредит зарарларига таъсир этувчи гаров каби бошқа омиллар ўзгаришидан ажрата олиши ва баҳолашда қуйидагиларни ҳисобга олиши лозим:

- (а) дастлабки тан олинганидан сўнг, дефолт юзага келиш рискидаги ўзгариш;
- (б) молиявий инструментнинг қутилаётган амал қилиш муддати; ва
- (в) кредит рисқи таъсир этиши мумкин бўлган қўшимча сарф ва ҳаракатсиз маълум асосли ва тасдиқланган маълумот.

Б5.5.13 Дастлабки тан олинганидан сўнг, кредит рисқи аҳамиятли ошганлигини баҳолаш усуллари молиявий инструментнинг (ёки молиявий инструментларнинг гуруҳи) хусусиятларини ҳамда ўхшаш молиявий инструментлар бўйича дефолт ҳолатларини ҳам ҳисобга олиши лозим. 5.5.9-банддаги талабларга қарамасдан, қутилаётган амал қилиш муддатининг маълум бир нуқтасидаги дефолт ҳолатлари кузатилмайдиган молиявий инструментлар учун, кейинги 12 ой ичидаги дефолт юзага келиши рисқи ўзгаришлари, амал қилиш муддати давомида дефолт юзага келиши рисқи ўзгариши учун яқин кўрсаткич бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ташкилот кейинги 12 ойда дефолт юзага келиши рисқи ўзгаришини дастлабки тан олинганидан кейин кредит рисқи аҳамиятли ошганлигини аниқлаш учун фойдаланиши мумкин, бундан амал қилиш муддати давомида баҳолаш лозимлигини кўрсатадиган ҳолатлар мустасно.

Б5.5.14 Лекин, баъзи молиявий инструментлар учун ёки баъзи ҳолатларда, кейинги 12 ой ичида дефолт юзага келиш рискидаги ўзгаришларни амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларини тан олиш учун қўллаш тўғри келмайди. Масалан, кейинги 12 ойлик дефолт юзага келиши рискидаги ўзгаришлар 12 ойдан ортик сўндириш муддатига эга молиявий инструментни кредит рисқини ошишини аниқлаш учун тўғри келмаслиги мумкин, агар:

- (а) молиявий инструмент тўловлар бўйича аҳамиятли мажбуриятлари 12 ойдан кейин бўлса;
- (б) тегишли макроиктисодий ёки бошқа кредитга тааллуқли омиллар кейинги 12 ой дефолт юзага келиши рисқини муносиб акс эттирмаётган бўлса;
- (в) кредитга тааллуқли омиллар ўзгариши молиявий инструментнинг фақат 12 ойдан кейинги кредит рисқига таъсир кўрсатса (ёки каттароқ таъсир кўрсатса).

Дастлабки тан олинганидан кейин кредит рисқи аҳамиятли ошганлигини аниқлаш

Б5.5.15 Амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарларини тан олиниши талаб этилишини аниқлаш мақсадида ташкилот 5.5.17(в) бандга мувофиқ молиявий инструментнинг кредит рисқига таъсир этиши мумкин бўлган ва қўшимча сарф ёки ҳаракатсиз маълум бўлган асосли ва тасдиқланган маълумотни ҳисобга олиши лозим. Ташкилот дастлабки тан олинганидан кейин кредит рисқи аҳамиятли ошганлигини аниқлаш учун тўлақонли маълумот қидириши талаб этилмайди.

Б5.5.16 Кредит рисқи таҳлили кўп омилли ва кенг камровлидир; маълум бир омилнинг тегишлилиги ва унинг бошқа омилга қараганда улуши маҳсулот тури, молиявий инструмент ва қарз олувчининг хусусиятлари ва шунингдек географик ҳудудига боғлиқ бўлади. Ташкилот баҳоланаётган молиявий инструментга тааллуқли бўлган қўшимча сарф ёки ҳаракатсиз маълум бўлган асосли ва тасдиқланган маълумотларни ҳисобга олиши лозим. Лекин, айрим омиллар ёки кўрсаткичларни алоҳида молиявий инструмент даражасида аниқлаш имкони бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда амал қилиш муддати давомида қутилаётган кредит зарарлари тан олиниши учун 5.5.3-банд талабларига жавоб беришини аниқлаш учун тегишли молиявий инструментларнинг портфеллари, портфеллар гуруҳи ёки унинг бир қисми учун омиллар ёки кўрсаткичлар баҳоланиши лозим.

Б5.5.1 Қуйида кредит рисқини баҳолашга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган маълумотларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати:

- (а) кредит рисқи ўзгариши натижасидаги кредит рисқи ички нарх кўрсаткичларидаги аҳамиятли ўзгаришлар, шу жумладан, лекин чегараланмаган ҳолда, агар маълум бир молиявий инструмент ёки бир хил шартлар ва томонлар билан ўхшаш молиявий инструментлар ҳисобот санасига янгидан яратилган ёки чиқарилганлиги натижаси бўлган кредит спрэди бошлангандан бери.
- (б) агар инструмент ҳисобот санасига янги яратилган ёки чиқарилган бўлса (масалан қатъийроқ ковенантлар, гаров ёки қафолатлар бўйича ошган суммалар, ёки даромадлар билан кўпроқ

- қоплаб олиними кабилар), дастлабки тан олинганидан сўнг молиявий инструментнинг кредит рисқи ўзгаришлари сабабли, мавжуд молиявий инструментнинг ставкалари ёки шартларидаги бошқа ўзгаришлар;
- (в) аниқ бир молиявий инструмент ёки бир хил қутилаётган амал қилиш муддатли ўхшаш молиявий инструментлар учун кредит рисқининг ташқи бозор кўрсаткичларидаги аҳамиятли ўзгаришлар. Кредит рисқи бозор кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ўз ичига қуйидагиларни олади, лекин улар билан чекланмайди:
- (i) кредит спрэди;
 - (ii) қарз олувчи учун кредит дефолти свопи нархи;
 - (iii) молиявий активнинг ҳаққоний қиймати унинг амортизацияланган қийматидан кам бўлган вақт муддати ёки даражаси; ва
 - (iv) қарз олувчига тегишли бошқа бозор маълумотлари, масалан қарз олувчининг қарзи ва улушли инструментлари нархининг ўзгариши;
- (г) молиявий инструментнинг ташқи кредит рейтингидаги қутилаётган ёки ҳақиқатдаги аҳамиятли ўзгариши;
- (д) қарз олувчининг ички кредит рейтингидаги қутилаётган ёки ҳақиқий пасайиши ёки кредит рисқини ички баҳолашда фойдаланилган ўз характерини баҳолашидаги пасайиши. Ички кредит рейтинглари ва ички ўз характери баҳолашлари ташқи рейтинглар ёки дефолт ўрганишларга мувофиқлаштирилган бўлса, янада ишончли бўлади.
- (е) қарз олувчининг қарз мажбуриятларига жавоб беришидаги аҳамиятли ўзгаришга сабаб бўлувчи бизнес, молиявий ёки иқтисодий шароитлардаги мавжуд ёки келгуси ёмонлашув ўзгаришлари, масалан, фоиз ставкаларидаги ҳақиқатдаги ёки қутилаётган ошиш ёки ишсизлик даражасининг ҳақиқатдаги ёки қутилаётган ошиши.
- (ё) қарз олувчининг операцион фаолиятидаги ҳақиқатдаги ёки қутилаётган аҳамиятли ўзгаришлар. Мисоллар ўз ичига қарз олувчининг қарз мажбуриятларига жавоб бериш қобилиятининг аҳамиятли ўзгаришларга сабаб бўладиган тушумлар ёки маржанинг ҳақиқатдаги ёки қутилаётган пасайиши, операцион рисқлар ошиши, айланма капиталнинг самарасизлиги, активлар сифатининг пасайиши, баланс ҳисоботи левережининг ошиши, ликвидлик, бошқарув муаммолари ёки бизнес қўлами ёки ташкилий тузилмалардаги ўзгаришларни (бизнес сегментининг тўхтатилиши кабиларни) ўз ичига олади.
- (ж) ушбу қарз олувчининг бошқа молиявий инструментларининг кредит рисқидagi аҳамиятли ўзгаришлар.
- (з) қарз олувчининг қарз мажбуриятларига жавоб беришидаги аҳамиятли ўзгаришга сабаб бўлувчи назорат қилувчи, иқтисодий ёки технологик муҳитнинг ҳақиқатдаги ёки қутилаётган аҳамиятли ёмонлашув ўзгаришлари, бунга технологиялар ўзгариши натижасида қарз олувчининг сотув маҳсулотларига талабнинг пасайиши киради;
- (и) мажбуриятни таъминловчи гаровнинг қийматидаги ёки учинчи томоннинг кафолатлари ёки кредит сифатини оширувчи механизмларининг аҳамиятли ўзгаришлар, улар қарз олувчининг режалаштирилган шартномавий тўловларини амалга оширишга иқтисодий қизиқишини пасайтириши ёки бошқача тарзда дефолт юзага келиш эҳтимолига таъсир кўрсатиши қутилади. Масалан, агар уй нархларининг тушиши натижасида гаров қийматининг пасайиши юзага келса, айрим юрисдикцияларда қарз олувчилар ипотека кредитлари бўйича дефолт қилиш учун кўпроқ қизиқишга эга бўладилар.
- (й) агар акционер (ёки жисмоний шахснинг ота-онаси) капитал ёки пул маблағлари бериш орқали дефолтни олдини олиш бўйича молиявий қобилият ва қизиқиши бўлса, акционер (ёки жисмоний шахснинг ота-онаси) томонидан кафолат сифатидаги аҳамиятли ўзгариш.
- (к) қарз олувчининг режалаштирилган шартномавий тўловларини амалга оширишга иқтисодий қизиқишини пасайтириши қутилаётган аҳамиятли ўзгаришлар, масалан бош ташкилот ёки бошқа афилланган шахс томонидан ташкилотнинг молиявий қўллаб-қувватлашнинг қисқариши ёки кредит сифатини оширувчи механизмларнинг сифатидаги ҳақиқатдаги ёки қутилаётган аҳамиятли ўзгаришлар. Кредитни ошириш механизмлари ёки қўллаб-қувватлашлар кафилнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишни ва/ёки секьюритизация доирасида чиқарилган фоизлар бўлса, субординация қилинган фоизлар қутилаётган кредит йўқотишларни ўзлаштира оладими ёки йўқлигини ўз ичига олади (масалан гаров асосидаги кредитлар бўйича);

- (л) қарз ҳужжатларида кутилаётган ўзгаришлар, шу жумладан ковенантларни озодлик беришга ёки кўшимчалар киритишга фоиз тўловлари бўйича таътилар, фоиз ставкаси ошиши, кўшимча гаров ёки кафолатлар ёки инструментнинг шартномавий тузилмасига бошқа ўзгаришларга олиб келадиган шартноманинг кутилаётган бузилиши.
- (м) қарз олувчининг ўз характери ва фаолиятидаги кутилаётган аҳамиятли ўзгаришлар, шу жумладан гуруҳдаги қарз олувчининг тўлов ҳолатидаги ўзгаришлар (масалан, шартномавий тўловлар кечикишлар сони ёки ҳажмидаги кутилаётган ошиш ёки кредит лимитига етиб келиши кутилаётган ёки оширган ёки минимал ойлик тўловни амалга ошириши кутилаётган кредит карта олувчилар сонининг аҳамиятли ошиши).
- (н) ташкилотнинг молиявий инструментга тегишли кредит бошқарувидаги усулнинг ўзгариши; яъни молиявий инструментнинг кредит рискидаги ўзгаришларини кўрсатувчи кўрсаткичлари натижасида, ташкилотнинг кредит риски бошқаруви амалиётини фаолроқ бўлиши кутилаётган ёки инструментни бошқаришга эътибор қаратиш, шу жумладан янада яқинроқ мониторинг ёки назорат қилиш ёки ташкилот томонидан бевосита қарз олувчи фаолиятига аралашishi.
- (о) муддати ўтган тўловлар бўйича маълумот, шу жумладан, 5.5.11-бандда белгиланган инкор этиш мумкин бўлган тахмин.

Б5.5.18 Айрим ҳолатларда, сифатли ва статистик бўлмаган миқдорий маълумотлар молиявий инструментнинг амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарларини тан олиш мезонига жавоб беришни аниқлаш учун етарли бўлади. Шундай қилиб, молиявий инструментнинг кредит рискидаги аҳамиятли ошиши юзага келганлигини аниқлаш учун маълумотлар учун статистик модель ёки кредит рейтинги бериш жараёнларини қўллаш зарурати бўлмайди. Бошқа ҳолатларда, ташкилот бошқа маълумотлар, шу жумладан ўзининг статистик моделлар ёки кредит рейтинги бериш жараёнларини ҳисобга олиши мумкин. Муқобил равишда, ташкилот баҳолаш учун иккала турдаги маълумотларга асосланиши мумкин, яъни ҳисобот санасига ички рейтинг жараёнлари ва аниқ бир ички рейтинг тоифаси билан қамраб олинмаган сифат омиллари ва дастлабки тан олингандаги кредит риск хусусиятларини, агар ҳар икки турдаги маълумотлар тегишли бўлса, ҳисобга олиши мумкин.

30 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган тўловлар бўйича инкор этиш мумкин бўлган тахмин

- Б5.5.19 5.5.11-банддаги инкор этиш мумкин бўлган тахмин амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари тан олинishi учун абсолют индикатор эмас, лекин, амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари ҳаттоки келгуси прогноз маълумотлардан (портфел даражасида макроиктисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда) фойдаланганда ҳам тан олинishi лозим бўлган охириги муддат ҳисобланади.
- Б5.5.20 Ташкилот ушбу тахминни инкор этиши мумкин. Лекин, у буни фақат шартномавий тўловлар муддати 30 кундан ошганлиги, молиявий инструментнинг кредит рискидаги аҳамиятли ўзгаришларни акс эттирмаслигини исботловчи асосли ва тасдиқланган маълумотлар мавжуд бўлгандагина ҳисоблаши мумкин. Масалан, агар тўловни қарз олувчининг молиявий қийинчиликлари сабабли эмас, балки маъмурий хатоликка қўра амалга оширмаслиги, ёки ташкилотда ўтган даврлар учун молиявий активнинг тўловлари 30 кундан кечикканда дефолт юзага келиши риск аҳамиятли ошиши ўртасида корреляция йўқлигини исботловчи далилларнинг мавжудлиги, лекин бундай корреляция тўлов муддатлари 60 кундан кечикканда мавжудлиги аниқланганда.
- Б5.5.21 Ташкилот кредит рискидаги аҳамиятли ошиш вақтига молиявий актив кредит қиймати қадрсизланган деб ҳисобланганда ёки ташкилотнинг ички дефолт аниқланишига амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарларини тан олинishi пайтига боғлаши мумкин эмас.

Ҳисобот санасига паст кредит рискига эга молиявий инструментлар

- Б5.5.22 5.5.10-банд мақсадларида, агар молиявий инструмент паст дефолт рискига эга бўлса, қарз олувчи яқин келгусида шартномавий пул оқимлари бўйича мажбуриятларни бажариш учун имкониятлари юқори бўлса ва иқтисодий ва бизнес шароитларни ёмонлашуви узоқ келгусида қарз олувчининг шартномавий пул оқимлари мажбуриятларини бажариш қобилиятини пасайтириши мумкин бўлган ҳолда албатта пасайтиришини билдирмаса, молиявий инструментнинг кредит риски паст ҳисобланади. Молиявий инструментлар, агар улар фақат уларнинг гаров қиймати учун паст даражадаги зарар рискли деб ҳисобланса, паст кредит рискига эга деб ҳисобланмайди ва гаровга эга бўлмаган молиявий инструмент паст кредит рискига эга бўлмаган деб ҳисобланмайди. Молиявий инструмент шунингдек фақатгина ташкилотнинг бошқа молиявий инструментлари ёки ташкилот

фаолият юритаётган юрисдикциялардаги кредит рискига нисбатан паст кредит рискига эга бўлганлиги сабабли паст кредит рискига эга деб ҳисобланмайди.

- Б5.5.23 Молиявий инструмент паст кредит рискига эгаллигини аниқлаш учун, ташкилот бутун дунёда тушунарли бўлган паст кредит rischi тушунчаси билан мувофиқ бўлган ва молиявий инструментларнинг тури ва рискларини ҳисобга ўзининг ички кредит риск рейтинглари ёки бошқа услубиётлардан фойдаланиши мумкин. Ташқи инвестиция даражасининг рейтинги молиявий инструмент паст кредит рискига эга деб ҳисобланиши мумкинлигига мисол бўлади. Лекин, молиявий инструментлар паст кредит рискига эга деб ҳисобланиши учун ташқи рейтингга эга бўлиши талаб этилмайди. Лекин, улар бозор иштирокчиларининг нуқтаи назаридан молиявий инструментнинг барча шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда паст кредит рискига эга деб ҳисобланиши лозим.
- Б5.5.24 Молиявий актив бўйича фақатгина олдинги ҳисобот даврида паст кредит рискига эга деб ҳисоблангани ҳолда ҳисобот даврида паст кредит рискига эга эмас деб ҳисобланганлиги учунгина молиявий инструментнинг амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари тан олинмайди. Ушбу ҳолатда, ташкилот дастлабки тан олинганидан сўнг, кредит rischi аҳамиятли ошганлиги ва шундай қилиб, 5.5.3-бандга мувофиқ амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари тан олинishi талаб этилишини аниқлаши лозим.

Модификациялар

- Б5.5.25 Баъзи ҳолатларда, молиявий инструментнинг шартномавий пул оқимларини модификациялаш ёки қайта кўриб чиқиш ушбу стандартга мувофиқ мавжуд молиявий инструментни тан олишдан тўхтатишга олиб келиши мумкин. Агар молиявий активни модификациялаш мавжуд молиявий активни тан олишдан тўхтатишга ва кейинчалик модификацияланган активни тан олинishiга олиб келса, ушбу стандарт мақсадларида модификацияланган актив “янги” молиявий актив ҳисобланади.
- Б5.5.26 Шунга мувофиқ, модификацияланган молиявий актив учун қадрсизланиш талабларини қўллаганда ўзгартириш санаси ушбу молиявий актив учун дастлабки тан олиш санаси деб ҳисобланиши лозим. Одатда, бу 5.5.3-банддаги амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари талабларига жавоб бергунга қадар 12 ойлик кутилаётган кредит зарарларига тенг суммадаги зарарларни баҳолаш резервини баҳолашни билдиради. Лекин модификациядан кейин молиявий активнинг тан олишдан тўхтатишга олиб келадиган айрим ноодатий ҳолатларда, модификацияланган молиявий актив дастлабки тан олинганда кредит қиймати қадрсизланган бўлганлиги далили бўлиши мумкин ва шундай қилиб, молиявий актив яратилган кредит қиймати қадрсизланган молиявий актив сифатида тан олинishi лозим. Ушбу ҳолат, масалан, муаммоли активнинг аҳамиятли модификацияланиши натижасида дастлабки молиявий активнинг тан олишдан тўхтатилишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда, модификация дастлаб тан олинганда кредит қиймати қадрсизланган бўлган янги молиявий активнинг тан олинishiга олиб келиши мумкин.
- Б5.5.27 Агар молиявий активнинг шартномавий пул оқимлари қайта кўриб чиқилган ёки бошқача модификацияланган бўлса, лекин молиявий актив тан олинishi бекор қилинмаган бўлса, молиявий актив автоматик равишда паст кредит рискига эга деб ҳисобланмайди. Ташкилот дастлабки тан олинганидан сўнг, кредит рискида аҳамиятли ошиш юзага келганлигини қўшимча сарф ва ҳаракатсиз мавжуд асосли ва тасдиқланган маълумотлар асосида баҳолаши лозим. Бу олдинги давр ва прогноз маълумотларни ва модификациялашга олиб келган шароитлар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олган молиявий активнинг кутилаётган амал қилиш муддатида кредит рискин баҳолашни ўз ичига олади. Амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари тан олиш мезонларига жавоб бермаётганлигининг далили бўлиб, модификацияланган шартнома шартларига кўра муддатли тўловни амалга ошириш муддатли тарихи бўлиши мумкин. Одатда, кредит rischi пасайган деб ҳисоблашдан олдинги даврда харидор вақт давомида яхши тўлов қобилиятини намойиш этиши мумкин. Масалан, тўлиқ бўлмаган тўлов ёки тўловнинг амалга оширмаганлиги тарихи модификацияланган шартнома шартларига кўра битта тўловни амалга оширилиши билан оддийгина ўчириб ташланмайди.

Кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш

Кутилаётган кредит зарарлари

- Б5.5.28 Кутилаётган кредит зарарлари молиявий инструментнинг кутилаётган амал қилиш муддатида кредит зарарларининг (яъни барча пул маблағлари келиб тушмаслигининг дисконтланган қиймати) эҳтимоллик асосидаги баҳоланишидир. Пул маблағларининг келиб тушмаслиги бу шартнома бўйича ташкилотга келиб тушиши лозим бўлган ва ташкилот келиб тушишини кутаётган пул оқимлари ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Кутилаётган кредит зарарлари тўловларнинг вақти ва суммасини

- ҳисобга олганлиги сабабли, кредит зарарлари ташкилот тўлиқ тўланишини кутаётган лекин шартнома муддатидан кечиккан ҳолда амалга ошириладиган ҳолда ҳам юзага келади.
- Б5.5.29 Молиявий активлар учун кредит зарарлари куйидагилар фарқининг дисконтланган қийматидир:
- (а) шартнома бўйича ташкилотга тўланадиган шартномавий пул оқимлари; ва
 - (б) ташкилот олишни кутаётган пул оқимлари.
- Б5.5.30 Қарз бериш мажбуриятнинг ишлатилмаган қисми учун кредит зарари бу куйидагилар фарқининг дисконтланган қийматидир:
- (а) агар қарз олувчи қарз бериш ҳуқуқидан фойдаланса, ташкилотга тўланадиган шартномавий пул оқимлари; ва
 - (б) агар қарз бериш ҳуқуқидан фойдаланилганда ташкилот олишни кутаётган пул оқимлари.
- Б5.5.31 Ташкилотнинг қарз бериш мажбурияти бўйича кутилаётган кредит зарарларини баҳолаши унинг қарз бериш мажбуриятининг фойдаланиш кутишларига мувофиқ бўлиши лозим, яъни ҳисобот санасидан кейинги 12 ойлик кутилаётган қарз бериш мажбуриятининг фойдаланиладиган қисми 12 ойлик кутилаётган кредит зарарларини баҳолашда ва амал қилиш муддати давомида кутилаётган қарз бериш мажбуриятининг фойдаланиладиган қисми амал қилиш муддати давомида кредит зарарларини баҳолашда ҳисобга олиниши лозим.
- Б5.5.32 Молиявий кафолат шартномаси учун ташкилот тўловларни кафолат берилган инструмент шартларига мувофиқ фақат қарздор дефолт бўлган тақдирда амалга ошириши лозим. Шунга мувофиқ, олинмаган пул маблағлари бу ташкилот сақловчидан, қарздор ёки бошқа томондан олиниши кутаётган маблағлари суммаси чегириб ташланган ҳолда инструмент сақловчисининг кредит зарарлари ҳисобланади. Агар актив тўлиқ кафолатланган бўлса, молиявий кафолат шартномаси бўйича олинмаган пул маблағлари баҳолашлари, кафолат бўйича активнинг пул маблағларининг олинмаслигини баҳолашларига мувофиқ бўлади.
- Б5.5.33 Ҳисобот санасига кредит қиймати қадрсизланган, лекин сотиб олинмаган ёки яратилмаган молиявий актив учун ташкилот кутилаётган кредит зарарларини активнинг баланс қиймати ва келгуси кутилаётган пул оқимларининг молиявий активнинг ҳақиқий эффе́ктив фоиз ставкасида дисконтланган қиймати ўртасидаги фарқ сифатида баҳолаши лозим. Барча тузатишлар фойда ёки зарарда қадрсизланиш фойдаси ёки зарари сифатида тан олинади.
- Б5.5.34 Ижара бўйича дебитор қарздорликларнинг зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни баҳолаганда, кутилаётган кредит зарарларини аниқлаш учун фойдаланилган пул оқимлари 16-сон МХХС “Ижара” га мувофиқ ижара бўйича дебитор қарздорликларни баҳолашдаги пул оқимларига мувофиқ бўлиши лозим.
- Б5.5.35 Ташкилот кутилаётган кредит зарарларини баҳолашда амалий жиҳатдан соддалаштиришлардан, агар улар 5.5.17-банддаги тамойилларга мувофиқ бўлса, фойдаланиши мумкин. Савдо дебитор қарздорликларнинг кутилаётган кредит зарарларини ҳисоблашда баҳолаш резервларининг матрицасидан фойдаланиш амалий соддалаштиришга мисол бўлади. Ташкилот савдо дебитор қарздорликлар учун ўзининг тарихий кредит зарарлари тажрибасидан (ўринли бўлса Б5.5.51-Б5.5.52-бандларга мувофиқ тузатилган) 12 ойлик кутилаётган кредит зарарларини ёки амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш учун фойдаланиши мумкин. Баҳолаш резервлари матрицаси мисол учун савдо дебитор қарздорлиги муддати кунлар сонига қараб, қатъий белгиланган баҳолаш резервлари ставкасини белгилаши мумкин (масалан агар муддати ўтмаган бўлса, 1 фоиз, агар 30 кунгача муддати ўтган бўлса, 2 фоиз агар 30 кундан кўп лекин 90 кундан кам муддати ўтган бўлса, 3 фоиз, агар 90-180 кун муддати ўтган бўлса, 20 фоиз). Агар харидорлар базасининг тарихий кредит зарарлари тажрибаси турли харидорлар сегментлари учун турли аҳамиятли зарарлар мисолларини кўрсатган бўлса, ушбу базанинг турларига қараб, ташкилот тегишли гуруҳларга бўлиши мумкин. Активларни гуруҳлаш учун мезонларга мисол сифатида географик ҳудуд, маҳсулот тури, харидор рейтинг, гаров ёки савдо кредит суғуртаси ва харидорларнинг тури (улгуржи ёки чакана) киради.

Дефолтни аниқланиш

- Б5.5.36 5.5.9-банд молиявий инструмент бўйича кредит рисқи аҳамиятли ошганлигини аниқлаш учун ташкилот дастлабки тан олинганидан кейин дефолт юзага келиш рисқидаги ўзгаришни ҳисобга олишни талаб этади.
- Б5.5.37 Дефолт юзага келиш рисқини белгилаш учун дефолтни аниқлашда, ташкилот тегишли молиявий инструмент учун ички кредит рисқини бошқаришда фойдаланиладиган дефолт тушунчасига мувофиқ тушунчани қўллаши ва ўринли бўлганда сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиши лозим (масалан молиявий ковенантлар). Лекин молиявий актив 90 кундан ортиқ муддати ўтган бўлгунга қадар,

дефолт юзага келмаслиги бўйича инкор этиш мумкин бўлган фараз мавжуд, бундан ташкилотда дефолтнинг кўпроқ кечикиш мезони кўпроқ тўғри келиши бўйича асосли ва тасдиқланган маълумот мавжудлигини кўрсата олиши мустасно. Ушбу мақсадларда дефолт тушунчаси барча молиявий инструментларга бир хил қўлланилиши лозим, бундан айрим молиявий инструментларга дефолтнинг бошқа тушунчаси кўпроқ тўғри келиши тўғрисидаги маълумот мавжуд ҳолатлар мустасно.

Кутилаётган кредит зарарларини баҳоланадиган давр

- Б5.5.38 5.5.19-бандга мувофиқ кутилаётган кредит зарарлари бўйича максимум давр бўйича баҳолаш ташкилот кредит рискига мойил бўлган шартнома бўйича максимум даврга тенг бўлади. Қарз бериш мажбуриятлари ва молиявий кафолат шартномалари учун бу ташкилот кредитни бериш бўйича шартномавий мажбурияти мавжуд максимум шартнома муддатидир.
- Б5.5.39 Лекин, 5.5.20-бандга мувофиқ айрим молиявий инструментлар қарз ва қарз бериш компонентини ўз ичига олади ва ташкилотнинг шартномавий қарзни қоплаш талабини ва қарз бериш мажбуриятини бекор қилишни мавжудлиги, ташкилотнинг шартномавий хабар бериш даврида кредит зарарлари рискига мойиллигини камайтирмайди. Масалан, кредит карталари ва овердрафт механизмлари каби қайта тикланадиган кредит механизмлари шартнома асосида қарз берувчи томонидан бир кунлик огоҳлантириш билан қайтариб олинishi мумкин. Лекин, амалиётда қарз берувчилар кредитни узокроқ давр учун узайтириши ва кредитни фақат қарз олувчининг кредит rischi ошгандан кейин тўхтатилади, бу эса айрим ёки барча кутилаётган кредит зарарларини олдини олиш учун кеч бўлиши мумкин. Молиявий инструментларнинг хусусияти, молиявий инструментларнинг бошқарилиши ва кредит riskининг аҳамиятли ошиши бўйича мавжуд маълумотлар хусусиятига қараб, молиявий инструментлар қуйидаги умумий хусусиятларга эга бўлади:
- (а) молиявий инструмент қатъий белгиланган муддат ёки қайта тўлов схемасига эга бўлмаслиги ва одатда қисқа бекор қилиш даврига эгаллиги (масалан, бир кун);
 - (б) молиявий инструментнинг одатдаги кунлик бошқарувида шартнома бўйича бекор қилиш шартидан фойдаланилмаганда ва ташкилот шартномани фақат кредит rischi ошганлигини кредитлаш механизми даражасида хабар топганда бекор қилиши мумкин бўлса; ва
 - (в) молиявий инструментлар гуруҳ асосида бошқарилганда.
- Б5.5.40 Ташкилот кредит рискига мойиллиги кутилаётган вақт муддатини аниқлашда, лекин, ташкилотнинг одатдаги кредит riskини бошқаришда кутилаётган кредит зарарларини камайтирмаган ҳолда, ташкилот қуйидагилар бўйича тарихий маълумот ва тажрибани ҳисобга олиши лозим:
- (а) ташкилот ўхшаш молиявий инструментларда кредит рискига мойил бўлган давр;
 - (б) аҳамиятли кредит rischi ошгандан кейин ўхшаш молиявий инструментларда дефолт юзага келгунча вақт давомийлиги;
 - (в) ташкилот молиявий инструмент бўйича кредит rischi ошганда, фойдаланилмаган маблағларга лимитларни камайтириш ёки бекор қилиш каби кредит riskини бошқариш бўйича ҳаракатлар.

Эҳтимоллик асосидаги натижа

- Б5.5.41 Кутилаётган кредит зарарларини баҳолашни мақсади ёмон ёки яхши сценарийни баҳолаш ҳисобланмайди. Бунинг ўрнига, кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш ҳар доим кредит зарарларини юз бериши ва ҳаттоки, кредит зарарлари юзага келмаса ҳам кредит зарарлари юз бермаслиги эҳтимоллини акс эттириши лозим.
- Б5.5.42 5.5.17(а) бандда кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш эҳтимол натижалари диапазонидаги ҳолис ва эҳтимоллик асосидаги суммани акс эттиришни талаб этади. Амалиётда бу таҳлил мураккаб бўлиши талаб этилмайди. Айрим ҳолатларда, кўп миқдордаги деталлаштирилган сценарийлар симуляциясидан кўра, оддий моделлаштириш етарли бўлиши мумкин. Масалан, ўхшаш риск хусусиятларига эга катта гуруҳ молиявий инструментларнинг ўртача кредит зарарлари эҳтимоллик асосидаги сумма билан баҳоланиши мумкин. Бошқа ҳолатларда, айрим натижалар учун пул оқимларининг вақти ва суммаси кўрсатилган сценарийларни аниқлаш ва ушбу натижаларнинг баҳоланган эҳтимоли лозим бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатларда, кутилаётган кредит зарарлар 5.5.18-бандга мувофиқ камида икки натижани акс эттириши лозим.
- Б5.5.43 Амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари учун, ташкилот молиявий инструментнинг бутун кутилаётган амал қилиш муддатида дефолт юзага келиш riskини баҳолаши лозим. 12 ойлик кутилаётган кредит зарарлари амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарларининг бир қисми ҳисобланади ва агар ҳисобот санасидан кейинги 12 ойлик (ёки қисқароқ

даврда агар молиявий инструментнинг кутилаётган амал қилиш муддати 12 ойдан камроқ бўлса) дефолт юзага келса, амал қилиш муддати давомида пул маблағларини келиб тушмаслигини акс эттиради. Шундай қилиб, 12 ойлик кутилаётган кредит зарарлари бу ташкилот кейинги 12 ойлик молиявий инструмент бўйича амал қилиш муддати давомида кутилаётган кредит зарарлари ҳам, кейинги 12 ойлик кутилаётган пул маблағларини келиб тушмаслиги ҳам эмас.

Пулнинг вақт қиймати

- Б5.5.44 Кутилаётган кредит зарарлари дастлабки тан олинган ёки унинг тахминий яқин кўрсаткичига эффектив фоиз ставкасидан фойдаланган ҳолда кутилаётган дефолт ёки бошқа санага эмас, ҳисобот санасига дисконтланиши лозим. Агар молиявий инструмент ўзгарувчан фоиз ставкасига эга бўлса, кутилаётган кредит зарари Б5.4.5-бандга мувофиқ аниқланган жорий эффектив фоиз ставкаси бўйича дисконтланиши лозим.
- Б5.5.45 Сотиб олинган ёки яратилган кредит қиймати кадрсизланган молиявий активлар учун кутилаётган кредит зарарлари дастлабки тан олишдаги кредит мослаштирилган эффектив фоиз ставкаси бўйича дисконтланиши лозим.
- Б5.5.46 Ижара бўйича дебитор қарздорликларнинг кутилаётган кредит зарари 16-сон МХХСга мувофиқ ижара бўйича дебитор қарздорликларни баҳолашда фойдаланилган бир хил дисконтлаш ставкаси билан дисконтланиши лозим.
- Б5.5.47 Қарз бериш мажбурият бўйича кутилаётган кредит зарарлари қарз бериш мажбурияти натижасида тан олинган молиявий активда қўлланиладиган эффектив фоиз ставкаси ёки унга яқин кўрсаткич бўйича дисконтланиши лозим. Бу кадрсизланиш бўйича талабларни қўллаш мақсадида бўлиб, қарз бериш мажбуриятининг давоми сифатида тан олинган молиявий актив янги молиявий инструмент сифатида эмас, балки ушбу қарз бериш мажбуриятининг давоми сифатида ҳисобланиши лозим. Молиявий активнинг кутилаётган кредит зарари шунинг учун қарз бериш мажбуриятининг ташкилот бекор қилиш шартсиз ушбу мажбуриятнинг томони бўлган санадаги дастлабки кредит рискинни ҳам ҳисобга олиши лозим.
- Б5.4.48 Эффектив фоиз ставкаси аниқлана олмайдиган молиявий кафолат шартномалари ёки қарз бериш мажбуриятлари бўйича кутилаётган кредит зарарлари пулнинг вақт қийматини жорий бозор баҳолаган ставкани ва пул оқимларига хос бўлган рискларни акс эттирадиган, фақат агар олинмаган пул маблағларига тузатишни ўрнига ушбу рисклар дисконт ставкани тузатишни ҳисобга олса, дисконт ставкани қўллаган ҳолда дисконтланиши лозим.

Асосли ва тасдиқланган маълумот

- Б5.5.49 Мазкур стандарт мақсадида асосли ва тасдиқланган маълумот деганда, ҳисобот санасига қўшимча сарф ёки ҳаракатсиз олиш мумкин бўлган, шу жумладан олдинги ходисалар, жорий шароитлар ва иқтисодий шароитларнинг келгуси прогнози тушунилади. Молиявий ҳисобот мақсадлари учун мавжуд маълумот қўшимча сарф ёки ҳаракатсиз олиниши мумкин деб ҳисобланади.
- Б5.5.50 Ташкилот молиявий инструментнинг кутилаётган амал қилиш муддатида келгуси кутилаётган шароитлардан фойдаланиши талаб этилмайди. Кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш учун талаб этилган мулоҳаза даражаси батафсил маълумотларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Прогноз горизонти кенгайган сари, батафсил маълумотларнинг мавжудлиги камаяди ва кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш учун лозим мулоҳаза даражаси ошади. Кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш учун келгусида узок бўлган даврларни батафсил баҳолаш талаб этилмайди – бундай даврлар учун ташкилот мавжуд маълумотларни экстраполяция қилиши мумкин.
- Б5.5.51 Ташкилот маълумотлар учун чуқур қидирувни амалга ошириши талаб этилмайди, лекин қўшимча сарф ва ҳаракатсиз олиш мумкин бўлган ҳамда кутилаётган кредит зарарларини баҳолашга тегишли бўлган барча асосли ва тасдиқланган маълумотни, шу жумладан кутилаётган олдиндан тўлов таъсирини ҳисобга олиши лозим. Фойдаланилган маълумот қарз олувчига тааллуқли бўлган, умумий иқтисодий шароитлар омилларини ва ҳисобот санасига жорий ва келгуси шароитларни баҳолашни ўз ичига олиши лозим. Ташкилот маълумотларнинг турли ички (ташкилотга оид) ва ташқи манбаларидан фойдаланиши мумкин. Мавжуд маълумотлар манбаси, ички тарихий кредит зарарлари тажрибаси, ички рейтинглар, бошқа ташкилотларнинг кредит зарарлари тажрибаси ва ташқи рейтингларни, ҳисоботлар ва статистикани ўз ичига олади. Ташкилот учун тааллуқли маълумоти мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган ташкилотлар, ўхшаш ташкилотларнинг солиштирадиган молиявий инструментлари учун маълумотларидан фойдаланиши мумкин.
- Б5.5.52 Тарихий маълумотлар кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш учун муҳим асос ёки база ҳисобланади. Лекин, ташкилот тарихий маълумотларни мослаштириши лозим, масалан кредит зарари тажрибасини мавжуд жорий кузатилаётган маълумотлар асосида жорий шартлар ва уларнинг келгуси

кутилаётган шартларга таъсирини акс эттириш учун, чунки улар ўтган тарихий даврга таъсир кўрсатмаганлигини ва келгуси шартномавий пул оқимларига тааллуқли бўлмаганлиги сабабли, тарихий даврдаги шартлар таъсирини олиб ташлаши лозим. Айрим ҳолатларда, тарихий маълумотнинг хусусияти ва қачон ҳисобланганлиги, ҳисобот давридаги шартларга солиштирилиши ва молиявий инструментнинг хусусиятларига кўра, энг зўр асосли ва тасдиқланган маълумот сифатида мослаштирилмаган тарихий маълумот бўлиши мумкин. Кутилаётган кредит зарарларидаги ўзгаришларни баҳолаш даврдан даврга бўлган тегишли кузатиладиган маълумотларга мувофик бўлиши ва уларни акс эттириши лозим (ишсизлик даражаси, кўчмас мулк нархлари, товарлар нархи, тўлов статуси ва бошқа молиявий инструментнинг ёки молиявий инструментлар гуруҳининг кредит зарарларини ва уларнинг миқдорини кўрсатувчи омиллар). Ташкилот кутишлар ва ҳақиқатдаги кредит зарарларини ўртасидаги фарқни камайтириш учун мунтазам равишда кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш учун фойдаланиладиган услубиёт ва тахминларни қайта кўриб бориши лозим.

- Б5.5.53 Тарихий кредит зарарлари тажрибасидан фойдаланганда, тарихий кредит зарарлари даражаси бундай даража кузатилаётган гуруҳга мос келадиган гуруҳга қўлланилиши муҳимдир. Шунга мувофик, фойдаланилган усул молиявий активнинг ҳар бир гуруҳи учун мос бўлган ўтган кредит зарарлари тажрибаси ўхшаш риск хусусиятлари ва жорий шартларни акс эттирувчи тегишли кузатилаётган маълумотлар тааллуқли молиявий активларга мувофик бўлишини таъминлаши лозим.
- Б5.5.54 Кутилаётган кредит зарарлари ташкилотнинг кредит зарарлари бўйича кутишларини акс эттиради. Лекин, кутилаётган кредит зарарларини баҳолашда қўшимча сарф ва ҳаракатсиз олиш мумкин бўлган барча асосли ва тасдиқланган маълумотларни ҳисобга олишда, ташкилот яна маълум бир молиявий инструмент ёки ўхшаш молиявий инструментлар кредит rischi бўйича кузатилаётган бозор маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

Гаров

- Б5.5.55 Кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш мақсадида, кутилаётган пул маблағларини келиб тушмаслигини баҳолаш ташкилот томонидан алоҳида тан олинмаган ва шартнома шартларининг бир қисми бўлган гаров ва бошқа кредит сифатини оширувчи воситалардан кутилаётган пул оқимларини акс эттириши лозим. Гаров билан таъминланган молиявий инструментнинг кутилаётган пул маблағларини келиб тушмаслигини баҳолаш ундирув қаратилиши эҳтимолидан қатъий назар гаровни ундириш ва сотиш сарфларини чегирган ҳолда, ундирувни гаровга қаратилишидаги пул оқимлари суммаси ва вақтини акс эттиради (яъни, кутилаётган пул оқимларини баҳолаш ундирув қаратиш эҳтимоли ва унинг натижасидаги пул оқимларини ҳисобга олади). Шунга кўра, шартномадаги сўндириш муддатидан кейинги гаровни сотилишидан кутилаётган пул оқимлари ушбу таҳлилга киритилиши лозим. Ундирув натижасида олинган исталган гаров актив сифатида гаров билан таъминланган молиявий инструментдан алоҳида тан олинмаслиги лозим, бундан ушбу ёки бошқа стандарт бўйича тегишли тан олиш мезонига тўғри келиш ҳолатлари мустасно.

Молиявий активларни қайта таснифлаш (5.6 бўлим)

- Б5.6.1 Агар ташкилот молиявий активни 4.4.1-бандга мувофик қайта таснифласа, 5.6.1-банд қайта таснифлашни қайта таснифлаш санасидан кейин перспектив тарзда қўлланилишини талаб этади. Амортизацияланган қийматда баҳоланадиган тоифа ва бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган тоифалар эффектив фойз ставкасини дастлабки тан олишда белгилашни талаб этади. Ушбу баҳолаш тоифаларининг ҳар иккиси ҳам қадрсизланиш талабларини бир хил қўллашни талаб этади. Шунга кўра, агар ташкилот молиявий активни амортизацияланган қийматда баҳоланадиган тоифа ва бошқа умумлашган даромадда ҳаққоний қийматда баҳоланадиган тоифалар ўртасида қайта таснифласа:
- (а) фойз тушумларини тан олинishi ўзгармайди ва шунинг учун ташкилот ўша эффектив фойз ставкасини қўллашни давом эттиради.
- (б) кутилаётган кредит зарарларини баҳолаш ўзгармайди, чунки иккала баҳолаш тоифаси бир хил қадрсизланиш усулини қўллайди. Лекин, агар молиявий актив бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган тоифадан амортизацияланган қийматда баҳоланадиган тоифага қайта таснифланса, зарар бўйича баҳоланадиган резерв қайта таснифлаш санасидан молиявий активнинг баланс қийматига тузатиш сифатида тан олинади. Агар молиявий актив амортизацияланган қийматда баҳоланадиган тоифадан бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган тоифага қайта таснифланса, баҳолаш бўйича резервни тан олиш тўхтатилади, (ва у бошқа баланс қийматига тузатиш сифатида тан олинмайди), лекин, бунинг ўрнига жамғарилган қадрсизланиш суммаси сифатида (тенг суммада) бошқа умумлашган даромадда тан олинади ва қайта таснифлаш санасида ёритиб берилади.

- Б5.6.2 Лекин, ташкилот фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий активдан кадрсизланиш бўйича фойда ёки зарарларни ёки фойза тушумларини алоҳида тан олиши талаб этилмайди. Шунга қўра, ташкилот молиявий активни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган тоифадан бошқа тоифага қайта таснифлаганда, эффе́ктив фойза ставкаси активнинг қайта таснифлаш санасидаги ҳаққоний қийматида белгиланади. Қўшимча равишда, 5.5-бўлим қўллаш мақсадида молиявий актив қайта таснифлаш санасидан бошлаб, қайта таснифлаш санаси дастлабки тан олиш санаси деб ҳисобланади.

Фойда ва зарарлар (5.7-бўлим)

- Б5.7.1 5.7.5-банд ташкилотга савдо учун мўлжалланмаган улушли инструментга инвестициянинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларини бошқа умумлашган даромадда акс эттиришни узи́л-кесил танлашга рухсат беради. Бундай танлов ҳар бир инструмент (яъни ҳар бир акция) бўйича алоҳида амалга оширилади. Бошқа умумлашган даромадда акс эттирилган суммалар кейинчалик фойда ёки зарарга ўтказилмаслиги лозим. Лекин, ташкилот жамланган фойда ёки зарарни хусусий капитал ичида бир моддадан бошқа моддага ўтказиши мумкин. Агар дивиденд инвестиция қийматининг бир қисми қопланишини аниқ назарда тутмаса, бундай инвестициялар бўйича дивидендлар 5.7.6-бандга мувофиқ фойда ёки зарарда тан олинади.
- Б5.7.1А Агар 4.1.5-банд қўлланилмаса, 4.1.2А банд бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган молиявий актив деб ҳисоблаш учун молиявий активнинг шартнома шартлари пул оқимларини асосий сумма ва асосий суммага нисбатан фойза тўловларни ҳамда активнинг бизнес модель жараёнида ушлаб турилганлигини ва ушбу бизнес моделнинг мақсади шартнома бўйича пул оқимларини олиш ва молиявий активни сотиш ҳисобланиши лозим. Ушбу баҳолаш тоифасида фойда ёки зарар бўйича суммаларни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ҳаққоний қийматда акс эттириладиган молиявий актив амортизацияланган қийматда баҳоланган каби тан олинади. 5.7.10-5.7.11 бандларга мувофиқ, фойда ёки зарарларда тан олинган фойда ёки зарарлардан бошқалар бошқа умумлашган даромадда тан олинади. Агар молиявий активни тан олиниши бекор қилинган тақдирда, бошқа умумлашган даромадда илгари тан олинган жамғарилган фойда ёки зарарлар фойда ёки зарарлар таркибига қайта таснифланади. Бу фойда ёки зарар, агар амортизацияланган қийматда баҳоланган молиявий активни тан олиш бекор қилинганда фойда ёки зарарда тан олинандиган каби ҳисобга олинишини акс эттиради.
- Б5.7.2 Ташкилот 21-сон БҲХСни монетар моддалар бўлиб ҳисобланадиган ва 21-сон БҲХСга мувофиқ чет эл валютасида ифодаланган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларга нисбатан қўллайди. 21-сон БҲХС монетар активлар ва монетар мажбуриятлар бўйича ҳар қандай курсдаги фарқдан фойда ёки зарарларни фойда ёки зарар таркибида тан олишни талаб этади. Истисно ҳолати – бу пул оқимини хежлашда (6.5.11-бандга қаранг) ёки соф инвестиция хежида (6.5.13-бандига қаранг) хежлаш инструменти сифатида белгиланган монетар моддадир ёки ҳаққоний қиймат бўйича хежлашда ташкилот 5.7.5-бандга мувофиқ ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларни бошқа умумлашган даромадда акс эттиришни танлаган улушли инструмент ҳисобланади (6.5.8-бандга қаранг).
- Б5.7.2А 21-сон БҲХСга мувофиқ чет эл валютасидаги фойда ёки зарарларни тан олишда, 4.1.2А бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланган молиявий актив монетар модда ҳисобланади. Шунга мувофиқ, бундай молиявий актив чет эл валютасида амортизацияланган қийматда баҳоланадиган актив сифатида ҳисобга олинади. Амортизацияланган қийматдаги курс фарқлари фойда ёки зарарда тан олинади ва баланс қийматининг бошқа ўзгаришлари 5.7.10-бандга мувофиқ тан олинади.
- Б5.7.3 5.7.5-банд ташкилотга савдо учун мўлжалланмаган улушли инструментга инвестициянинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларини бошқа умумлашган даромадда акс эттиришни ўз ихтиёрига қўра танлашга рухсат беради. Бундай инвестиция монетар модда ҳисобланмайди. Шунга қўра, 5.7.5-бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда акс эттирилган фойда ёки зарар ҳар қандай боғлиқ бўлган курсдаги фарқдан таркибий қисмни ўз ичига олади.
- Б5.7.4 Агар нодериватив монетар актив ва нодериватив монетар мажбурият ўртасида хежлаш муносабати бўлса, ушбу молиявий инструментларнинг чет эл валютасидаги таркибий қисмининг ўзгаришлари фойда ёки зарар таркибида акс эттирилади.

Фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган мажбуриятлар

- Б5.7.5 Ташкилот молиявий мажбуриятни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган мажбуриятлар сифатида белгилаганида, мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсирини бошқа умумлашган даромадда акс эттириш фойда ёки зарарда ҳисобдаги номувофиқликни

- юзага келтириши ёки оширишини аниқлаши лозим. Агар мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсирини бошқа умумлашган даромадда акс эттириш, ушбу суммалар фойда ёки зарарда акс эттирилганида фойда ёки зарарда каттароқ номувофиқликка олиб келиши мумкин бўлса, ҳисобдаги номувофиқлик юзага келиши ёки ошиши мумкин.
- Б5.7.6 Буни аниқлаш учун ташкилот мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсири фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган бошқа молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар билан ўзаро қопланиши мумкинлигини кутишини аниқлаши лозим. Бундай кутиш мажбуриятнинг хусусиятлари ва бошқа молиявий инструментнинг хусусиятлари ўртасидаги иқтисодий боғлиқликка асосланиши лозим.
- Б5.7.7 Бу дастлабки тан олишда аниқланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилмайди. Амалиётда, ташкилот ҳисобдаги номувофиқликни келтириб чиқарадиган барча активлар ва мажбуриятлар бўйича айнан бир вақтнинг ўзиде битимлар тузиши талаб этилмайди. Агар бошқа қолган битимларнинг амалга оширилиши кутилса, асосланган даражадаги вақт тафовутига йўл қўйилади. Ташкилот мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсирини бошқа умумлашган даромадда акс эттириш фойда ёки зарарда ҳисобдаги номувофиқликни юзага келтириши ёки оширишини аниқлаш бўйича ўз услубиётини изчил равишда қўллаши лозим. Лекин, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган деб белгиланган молиявий мажбуриятлар хусусиятлари ва бошқа молиявий инструментларнинг хусусиятлари ўртасида фарқ қиладиган иқтисодий боғлиқлик бўлганида, ташкилот турли хил услубиётлардан фойдаланиши мумкин. 7-сон МХХС ташкилотдан молиявий ҳисоботга изоҳларда ушбу аниқлаш бўйича унинг услубиёти тўғрисида сифатли маълумотлар ёритиб берилишини талаб этади.
- Б5.7.8 Агар бундай номувофиқлик юзага келса ёки ошса, ташкилот ҳаққоний қийматдаги барча ўзгаришларни (шу жумладан, мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришлар таъсирини) фойда ёки зарарда акс эттириши лозим. Агар бундай номувофиқлик юзага келмаса ёки ошмаса, ташкилотдан мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришлар таъсирини бошқа умумлашган даромадда акс эттириш талаб этилади.
- Б5.7.9 Бошқа умумлашган даромадда акс эттириладиган суммалар кейинчалик фойда ёки зарарга ўтказилмаслиги лозим. Лекин, ташкилот жамланган фойда ёки зарарни хусусий капитал ичида бир моддадан бошқа моддага ўтказиши мумкин.
- Б5.7.10 Куйидаги мисолда мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришлар таъсири бошқа умумлашган даромадда акс эттирилганида фойда ёки зарарда ҳисобдаги номувофиқлик юзага келиши ҳолати кўрсатилган. Ипотека банк харидорларга кредитлар ажратади ва ушбу кредитларни бозорда мос келадиган хусусиятларга (масалан, сўндирилмаган асосий сумма, сўндириш хусусиятлари, муддат ва валютага) эга облигацияларни сотиш орқали молиялаштиради. Кредитнинг шартномавий шартлари харидорга кредитни олдиндан тўлашга (яъни, банк олдидаги мажбуриятни бажаришга) рухсат беради, бунда харидор тегишли облигацияни бозорда ҳаққоний қиймати бўйича сотиб олиши ва ипотека банкка бериши мумкин. Ушбу олдиндан тўлов бўйича шартномавий ҳуқуқ натижасида, агар облигациянинг кредит сифати ёмонлашса (ва, шу боис, ипотека банк мажбуриятининг ҳаққоний қиймати пасайса), ипотека банкка тегишли кредит активнинг ҳаққоний қиймати ҳам пасаяди. Активнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш харидор облигацияни ҳаққоний қийматда (ушбу мисолда, бу қиймат пасайган) сотиб олиш ва уни ипотека банкка бериш орқали, унинг ипотека кредитини олдиндан тўлаш бўйича шартномавий ҳуқуқини акс эттиради. Шунинг учун, мажбуриятнинг (облигациянинг) кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсири фойда ёки зарарда молиявий активнинг (кредитнинг) ҳаққоний қийматидаги ўзгариш билан ўзаро қопланади. Агар мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришлар таъсири бошқа умумлашган даромадда акс эттирилганида эди, фойда ёки зарарда ҳисобдаги номувофиқлик юзага келган бўлар эди. Шу боис, ипотека банкдан мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги барча ўзгаришларни (шу жумладан, мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсирини) фойда ёки зарарда акс эттириш талаб этилади.
- Б5.7.11 Б5.7.10-банддаги мисолда, мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсири ва молиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар ўртасида (яъни, харидор облигацияни ҳаққоний қийматда сотиб олиши ва ипотека банкка бериши орқали кредитни олдиндан тўлаш бўйича шартномавий ҳуқуқи натижасида) шартномавий боғлиқлик мавжуд. Лекин, ҳисобдаги номувофиқлик шартномавий боғлиқлик бўлмаганида ҳам юзага келиши мумкин.
- Б5.7.12 5.7.7 ва 5.7.8-бандлардаги талабларни қўллаш мақсадида, ҳисобдаги номувофиқлик фақатгина ташкилот мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсирини аниқлаш учун қўлланиладиган баҳолаш усули натижасида келиб чиқмайди. Фойда ёки зарарда ҳисобдаги номувофиқлик фақат мажбуриятнинг кредит рискидаги (7-сон МХХСда таърифланганидек) ўзгаришларнинг таъсири бошқа молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар билан ўзаро қопланиши кутилганда юзага келади. Фақат аниқлаш усули натижасида пайдо бўладиган номувофиқлик (яъни, ташкилот мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларни унинг ҳаққоний

қийматидаги бошқа ўзгаришлардан ажратмаслиги натижасида) 5.7.7 ва 5.7.8-бандлардаги талаб этилган аниқлаш жараёнига таъсир кўрсатмайди. Масалан, ташкилот мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларни ликвидлилик рискидаги ўзгаришлардан ажратмаслиги мумкин. Агар ташкилот иккита омилнинг бирлашган таъсирини бошқа умумлашган даромадда акс эттирсин, номувофиқлик юзага келиши мумкин, чунки ликвидлилик рискидаги ўзгаришлар ташкилот молиявий активлари ҳаққоний қийматининг баҳоланишига киритилиши мумкин ва ушбу активларнинг ҳаққоний қийматидаги бутун ўзгариш фойда ёки зарарда акс эттирилиши мумкин. Лекин, бундай номувофиқлик Б5.7.6-бандда тавсифланган ўзаро ҳисоб-китоб боғлиқлиги эмас, баҳоланишнинг ноаниқлиги туфайли юзага келади ва шу боис 5.7.7 ва 5.7.8-бандларда талаб этилган аниқлаш жараёнига таъсир кўрсатмайди.

“Кредит риси” маъноси (5.7.7 ва 5.7.8-бандлар)

- Б5.7.13 7-сон МХХС кредит рисини қуйидагича таърифлайди: “Молиявий инструментнинг бир томони унинг бошқа томонига мажбуриятни бажармаслик оқибатида зарар етказиши риси”. 5.7.7(а) банддаги талаб - эмитент ушбу муайян мажбуриятни бажара олмаслиги рисига тегишлидир. У эмитентнинг кредитни тўлаш қобилиятига мажбурий равишда тегишли эмас. Масалан, агар ташкилот бошқа жиҳатлари бир хил бўлган гаров билан таъминланган мажбурият ва гаров билан таъминланмаган мажбурият олса, ушбу мажбуриятларнинг кредит риси хар хил бўлади, гарчи бу мажбуриятлар айнан бир ташкилот томонидан чиқарилган бўлса ҳам. Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредит риси таъминланмаган мажбурият бўйича кредит рисидан кам бўлади. Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредит риси ногла яқин бўлиши мумкин.
- Б5.7.14 5.7.7(а) банддаги талабни қўллаш мақсадида, кредит риси активга хос самарадорлик рисидан фарк қилади. Активга хос самарадорлик риси ташкилот муайян мажбуриятни бажара олмаслиги риси билан боғлиқ эмас, балки у битта актив ёки активлар гуруҳи бўйича самарадорлик ёмон бўлиши (ёки умуман бўлмаслиги) рисини англатади.
- Б5.7.15 Қуйидагилар активга хос самарадорлик рисига мисоллардир:
- (а) улуш қийматида боғлиқлик хусусиятига эга мажбурият, унда инвесторларга тўланиши лозим бўлган сумма муайян активларнинг унумдорлиги асосида шартномада белгиланади. Ушбу улуш қийматида боғлиқлик хусусиятнинг мажбурият ҳаққоний қийматида бўлган таъсири активга хос самарадорлик рисидир, кредит риси эмас.
 - (б) қуйидаги хусусиятларга эга тузилган ташкилот томонидан чиқарилган мажбурият. Ташкилот юридик жиҳатдан алоҳида, шу боис ташкилотдаги активлар фақатгина инвесторлар фойдасига, банкротлик ҳолатида ҳам, наф келтиришга қаратилган. Ташкилот бошқа ҳеч қандай операцияларда иштирок этмайди ва бундай ташкилотга активлар гаровга берилмайди. Агар ҳимояланган активлар пул маблағларини ҳосил қилса, суммалар фақатгина ташкилотнинг инвесторларига тўланади. Шунинг учун, мажбурият ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар асосан активларнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларни акс эттиради. Активлар самарадорлигининг мажбуриятнинг ҳаққоний қийматида таъсири активга хос самарадорлик рисидир, кредит риси эмас.

Кредит рисидаги ўзгаришларнинг таъсирини аниқлаш

- Б5.7.17 5.7.7(а) банддаги талабларни қўллаш мақсадида, ташкилот молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги, ушбу мажбурият бўйича кредит рисининг ўзгаришлари билан боғлиқ ўзгариш суммасини қуйидагича аниқлаши лозим:
- (а) бозор рисини келтириб чиқарадиган бозор шартларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган ҳаққоний қиймат ўзгаришининг суммаси сифатида (Б5.7.17 ва Б5.7.18-бандларга қаранг); ёки
 - (б) кредит риси ўзгариши билан боғлиқ, мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни, ташкилотнинг фикрича, ишончлироқ акс эттирадиган муқобил усулдан фойдаланган ҳолда.
- Б5.7.17 Бозор рисини келтириб чиқарадиган бозор шартларининг ўзгариши ўз ичига таянч фоиз ставкасининг, бошқа ташкилот молиявий инструментнинг нархи, товарлар нархи, валюта курси ёки нархлар ёки ставкалар индексининг ўзгаришларини қамраб олади.
- Б5.7.18 Агар мажбуриятга тегишли бозор шартларининг ягона аҳамиятли ўзгаришлари бўлиб кузатиладиган (таянч) фоиз ставкасининг ўзгаришлари бўлса, Б5.7.16(а) банддаги сумма қуйидагича баҳоланиши мумкин:

- (а) биринчи навбатда, ташкилот мажбуриятнинг давр бошидаги ички даромадлилик ставкасини мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати ҳамда мажбурият бўйича давр бошидаги шартномавий пул оқимларидан келиб чиқиб ҳисоблайди. У ички даромадлилик ставкасининг инструментга хос таркибий қисмини ҳисоблаш учун, ушбу даромадлилик ставкасидан давр бошидаги кузатилган (бенчмарк) фоиз ставкасини айиради.
 - (б) кейин, ташкилот мажбурият билан боғлиқ пул оқимларининг дисконтланган қийматини, мажбурият бўйича давр охиридаги шартномавий пул оқимлари ва куйидагиларнинг йиғиндисига тенг дисконт ставкаси асосида ҳисоблайди: (i) давр охиридаги кузатиладиган (бенчмарк) фоиз ставкаси ва (ii) (а) бандда аниқланган ички даромадлилик ставкасининг инструментга хос таркибий қисми.
 - (в) мажбуриятнинг давр охиридаги ҳаққоний қиймати ва (б) бандда аниқланган сумма ўртасидаги фарқ ҳаққоний қийматнинг кузатиладиган (бенчмарк) фоиз ставкасининг ўзгаришлари билан боғлиқ бўлмаган ўзгаришидир. Бу сумма 5.7.7(а) бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда акс эттирилиши лозим бўлган суммадир.
- Б5.7.19 Б5.7.18-банддаги мисолда ҳаққоний қийматнинг инструментнинг кредит рискидаги ўзгаришлар ёки кузатиладиган (бенчмарк) фоиз ставкаларидаги ўзгаришлардан ташқари омилардан келиб чиқадиган ўзгаришлар аҳамиятли эмас. Агар бошқа омилар туфайли ҳаққоний қийматда келиб чиқадиган ўзгаришлар аҳамиятли бўлса, ушбу усул тўғри бўлмайди. Бундай ҳолатларда, ташкилот мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсирини ишончлироқ баҳолайдиган муқобил усулнинг қўлланилиши талаб этилади (Б5.7.16(б) бандга қаранг). Масалан, агар мисолдаги инструмент бириктирилган деривативга эга бўлса, бириктирилган деривативнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш 5.7.7(а) бандга мувофиқ бошқа умумлашган даромадда акс эттирилиши лозим бўлган сумма аниқланишида инobatга олинмайди.
- Б5.7.20 Барча ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашлардаги каби, ташкилотнинг мажбуриятнинг кредит риски ўзгаришига боғлиқ ҳаққоний қийматининг ўзгариши қисмини ҳисоблаш усулини қўллашда ўринли кузатиладиган маълумотлардан максимал даражада ва кузатилмайдиган маълумотлардан минимал даражада фойдаланиш лозим.

хежлаш ҳисоби (6- боб)

хежлаш инструментлари (6.2 бўлим)

Квалификацияланадиган хежлаш инструментлари

- Б6.2.1 Гибрид шартномаларга бириктирилган, лекин алоҳида ҳисобга олинмайдиган деривативлар хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин эмас.
- Б6.2.2 Ташкилот ўзининг улушли инструментлари ташкилотнинг молиявий активи ёки молиявий мажбурияти ҳисобланмайди ва шунинг учун хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин эмас.
- Б6.2.3 Чет эл валютаси рискин хежлашда, нодериватив молиявий инструментнинг чет эл валютаси риски компоненти 21-сон БХХСга мувофиқ белгиланади.

Чиқарилган опционлар

- Б6.2.4 Мазкур стандарт айрим ёзилган опционларни истисно қилганда, фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланган деривативларни хежлаш инструменти сифатида белгилашга чекловлар ўрнатмайди. Чиқарилган опцион хежлаш инструменти бўлишига муносиб бўлмайди, бундан сотиб олинган опционни ўзаро қоплаш учун белгилаганлиги, шу жумладан бошқа молиявий инструментга бириктирилганлиги мустасно (масалан, олдиндан тўловни хежлаш учун чиқарилган чақириб олинадиган опцион).

хежлаш инструментларини белгилаш

- Б6.2.5 Чет эл валютаси рискин хежлашдан бошқа хежлар учун, ташкилот фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган нодериватив молиявий актив ёки нодериватив молиявий мажбуриятни хежлаш инструменти сифатида белгилашда фақат нодериватив молиявий инструментни тўлиқ ёки унинг бир қисмини белгилаши мумкин.

- Б6.2.6 хежлаш инструментини аниқ белгиланиши ва турли риск позицияларини хежланган модда сифатида аниқ белгиланиши шарт билан битта хежлаш инструменти бир нечта рисклар учун хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин. Ушбу хежланган моддалар турли хежлаш муносабатларида бўлиши мумкин.

Хежланган моддалар (6.3 бўлим)

Квалификацияланадиган хежлаш объектлари

- Б6.3.1 Бизнесни бирлаштиришда бизнесни харид қилиш бўйича қатъий мажбурият хежланган модда бўла олмайди, чет эл валютаси рискдан ташқари, чунки бошқа рисклар хежланганда алоҳида ажратиб бўлмайди ва баҳолаб бўлмайди. Бошқа рисклар умумий бизнес рискларидир.
- Б6.3.2 Инвестициянинг улушли иштирок усули ҳаққоний қиймат ҳежида хежланган модда бўла олмайди. Чунки улушли иштирок усулида инвесторнинг улушини фойда ёки зарарини инвестицияларнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар ўрнига инвестицияларнинг фойда ёки зарарида тан олади. Шу сабабли консолидациялашадиган шўъба ташкилотга инвестиция ҳаққоний қиймат ҳежида хежланган модда бўла олмайди. Бу консолидация фойда ёки зарарни инвестициянинг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш сифатида эмас, балки шўъба ташкилотнинг фойда ёки зарарида тан олинганлиги сабабли рўй беради. Чет эл бўлинмасига соф инвестиция хежи бошқача ҳисобланади, чунки чет эл валютаси rischi очик позицияси хежи бу инвестициянинг қиймати ўзгариши ҳаққоний қиймат хежи бўлмайди.
- Б6.3.3 6.3.4-банд ташкилотга рискнинг очик позицияси ва деривативнинг комбинациясидан иборат бўлган рискнинг жамланган очик позициясини хежланган модда сифатида белгилашга рухсат беради. Хежланган моддани бундай белгилашда, ташкилот рискнинг жамланган очик позицияси рискнинг очик позицияси ва деривативни комбинация қилинганини ва бу алоҳида риск (ёки рисклар) учун битта рискнинг очик позицияси сифатида бошқариладиган бошқача рискнинг жамланган очик позициясини яратишини баҳолаши лозим. Ушбу ҳолатда ташкилот хежланган моддани рискнинг жамланган очик позицияси асосида белгилаши мумкин. Масалан:
- (а) ташкилот 15 ойдан кейин юқори эҳтимоллик билан маълум бир миқдордаги кофе сотиб олишларни нарх ўзгариши (АҚШ доллари асосида) рискига қарши 15 ойлик кофе бўйича фьючерс шартномалар билан хежлаши мумкин. Юқори эҳтимолли кофе сотиб олиш ва кофе учун фьючерс шартномалар биргаликда риск бошқариш мақсадларида 15 ойлик АҚШ долларида қатъий белгиланган чет эл валютаси рискнинг очик позицияси сифатида қаралиши мумкин (яъни исталган 15 ойдан кейин АҚШ долларида қатъий белгиланган тўланадиган сумма сифатида).
- (б) ташкилот 10 йил амал қилиш муддатли, қатъий ставкага эга чет эл валютасида акс эттирилган қарз инструментини чет эл валютаси rischi бўйича хежлаши мумкин. Лекин, ташкилотдан функционал валютада қатъий белгиланган риск очик позицияси фақат қисқа муддатдан ўрта муддатгача (масалан икки йил) ва қолган давр учун функционал валютада ифодаланган ўзгарувчан ставкадаги рискнинг очик позицияси бўлиши талаб этилади. Ҳар икки йиллик интервалнинг охирида (яъни ҳар икки йилда такрорланадиган) ташкилот кейинги икки йил учун фоиз ставкаси рискнинг очик позициясини белгилаб қўяди (агар фоиз даражасини ташкилот қатъий белгилаб қўймоқчи бўлса). Ушбу ҳолатда ташкилот 10 йиллик қатъий ставкани ўзгарувчан валюталар аро фоиз ставкаси свопини тузиши ва бу своп қатъий чет эл валютасидаги қарзни ўзгарувчан ставкадаги рискнинг очик позициясига алмаштириш имконини беради. Қўшимча равишда, икки йиллик фоиз ставкаси свопи тузилиб, функционал валютадаги ўзгарувчан ставкадаги қарзни қатъий белгиланган ставкадаги қарзга алмаштириш имконини беради. Ҳақиқатда, қатъий ставкадаги чет эл валютаси қарзи ва 10 йиллик қатъийдан ўзгарувчанга ўзгартирилган валюталараро фоиз ставкаси свопи биргаликда riskни бошқариш мақсадларида 10 йиллик функционал валютадаги ўзгарувчан ставкадаги рискнинг очик позициясига эга қарз инструменти сифатида қаралади.
- Б6.3.4 Рискнинг жамланган очик позицияси асосида хежланган моддани белгилашда, ташкилот хеж самарадорлиги ва хежлаш самарасизлигини баҳолаш мақсадларида рискнинг жамланган очик позициясини ташкил этадиган моддаларнинг биргаликдаги таъсирини ҳисобга олиши лозим. Лекин, рискнинг жамланган очик позициясини ташкил этган моддалар алоҳида ҳисобга олинади. Бу шуни билдирадики, масалан:
- (а) рискнинг жамланган очик позициясининг бир қисми бўлган деривативлар ҳаққоний қийматда баҳоланадиган алоҳида актив ёки мажбурият тан олинади; ва

- (б) агар хежлаш муносабатлари рискнинг жамланган очик позициясини ташкил этган моддалар ўртасида белгиланса, рискнинг жамланган очик позициясининг қисми бўлган дериватив ушбу деривативнинг хежлаш инструменти сифатида рискнинг жамланган очик позицияси даражаси билан мувофиқ бўлиши лозим. Масалан, агар ташкилот жамланган рискнинг очик позициясини ташкил этган моддалар ўртасидаги хежлаш муносабатларида деривативнинг форвард элементини хежлаш инструменти сифатида белгилашдан чиқариб ташласа, у рискнинг жамланган очик позициясининг бир қисми сифатида деривативни киритишда форвард элементни ҳам чиқариб ташлаши лозим. Акс ҳолатда, рискнинг жамланган очик позицияси деривативни тўлиқ ёки қисман ўз ичига олиши лозим.

Б6.3.5 Агар операция функционал валютадан бошқа валютада ифодаланган бўлса ва чет эл валютаси rischi консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир этадиган бўлса, 6.3.6-банд консолидациялашган молиявий ҳисоботда юқори эҳтимолли ички операция чет эл валютаси rischi пул оқимини хежлашда хежланган модда сифатида таснифланиши мумкин. Ушбу мақсадда ташкилот бош ташкилот, шўба ташкилот, таъсир остидаги ташкилот, биргаликдаги фаолият бўйича келишувдаги ёки филиал бўлиши мумкин. Агар юқори эҳтимолли ички операция чет эл валютаси rischi консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир этмаса, ички операция хежланган модда сифатида таснифланиши мумкин эмас. Одатда, бундай операцияларга гуруҳ ичидаги роялти тўловлари, фоиз тўловлари ёки бошқарув мукофотлари киради, бундан тегишли ташқи операциялар мустасно. Лекин, агар юқори эҳтимолли ички операция чет эл валютаси rischi консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир этса, ички операция хежланган модда сифатида таснифланиши мумкин. Мисол сифатида, агар кейинчалик захираларни гуруҳдан ташқари томонга сотуви амалга оширилса, гуруҳ аъзолари ўртасидаги захираларнинг прогноз қилинган сотуви ёки харидини келтириш мумкин. Шу каби, асосий воситаларни ишлаб чиқарган гуруҳ ичидаги ташкилотдан ундан ўз фаолиятида фойдаланадиган гуруҳ ичидаги ташкилотга асосий воситанинг режалаштирилган гуруҳ ичидаги сотилиши консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир кўрсатиши мумкин. Бу, масалан, агар гуруҳ ичидаги операция сотиб олувчи ташкилотнинг функционал валютасидан бошқа валютада ифодаланган бўлса, асосий восита бўйича эскириш сотиб олувчи ташкилот томонидан ҳисобланиши ҳамда асосий восита бўйича дастлаб тан олинган сумма ўзгариши мумкинлиги туфайли содир бўлиши мумкин.

Б6.3.6 Агар прогноз қилинган гуруҳ ичидаги операция ички прогноз қилинган операция хеж учун квалификация қилинадиган бўлса, фойда ёки зарар бошқа умумлашган даромадда тан олинади ва 6.5.11-бандга мувофиқ ундан чиқариб ташланади. Хежланган операция чет валютаси rischi фойда ёки зарарга таъсир этган тегишли давр ёки даврлар бўлиб, у консолидациялашган фойда ёки зарарга таъсир этган вақт ҳисобланади.

хежлаш объектини белгилаш

Б6.3.7 Компонент бу бутун моддадан кичик бўлган хежланган модда ҳисобланади. Шунга қўра, компонент модданинг фақат айрим рискларини акс эттиради ва рискларни қайсидир даражада ёки бир қисмини акс эттиради (масалан, модданинг бир қисмини белгилаганда).

Риск компонентлари

Б6.3.8 Хежланган моддани белгилаш учун мувофиқ бўлиш учун риск компоненти молиявий ёки номолиявий модданинг алоҳида ажратиб олиннадиган компоненти бўлиши ва рискнинг компонентига тегишли бўлган пул оқимларидаги ёки модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш ишончли баҳолана олиши лозим.

Б6.3.9 Риск компоненти хежланган модда бўлишига квалификацияланишини белгилашда, ташкилот хежлаш фаолияти амалга оширилаётган ва риск ёки рисклар тегишли бўлган аниқ бозор тузилмаси доирасидаги риск компонентларини баҳолайди. Бундай белгилаш бозор ва рисклар бўйича турлича бўлган тегишли фактлар ва шартларни баҳолашни талаб этади.

Б6.3.10 Риск компонентини хежланган модда сифатида белгилашда, ташкилот риск компоненти шартномада аниқ белгиланлигини (шартномада кўрсатилган риск компонентлари) ёки улар модданинг бир қисми бўлган пул оқимлари ёки ҳаққоний қийматида ноаниқ белгиланганлигини (шартномада кўрсатилмаган риск компонентлари) ҳисобга олиши лозим. Шартномада кўрсатилмаган риск компонентлари шартнома бўлмаган моддаларга тегишли бўлиши ёки шартномалар аниқ равишда компонентни кўрсатмаслиги мумкин (масалан, турли ўзгарувчилардан иборат нарх формуласининг ўрнига фақат ягона нархни ўз ичига олган катъий мажбурият). Масалан:

- (а) А ташкилотнинг шартномада аниқ кўрсатилган товарлар ва бошқа омиллар (масалан, дизель ёқилгиси, мазут ва бошқа компонентлар масалан, транспорт сарфлари) билан боғланган формулага асосланган нархдаги табиий газ етказиб беришга узоқ муддатли шартномаси

мавжуд. А ташкилот ушбу етказиб бериш шартномасидаги дизель ёқилғиси компонентини дизель ёқилғиси бўйича фьючерс шартномасидан фойдаланади. Дизель ёқилғиси компоненти етказиб бериш шартномаси шартларида кўрсатиб ўтилганлиги сабабли бу шартномада кўрсатилган риск компонентидир. А ташкилот дизель ёқилғиси рискининг очик позицияси алоҳида ажратиб олинган деб ҳисоблайди. Айни пайтда, газ ва нефт форвард шартномалари мавжуд. Шунинг учун А ташкилот дизель ёқилғиси рискининг очик позициясини ишончли баҳоланадиган деб ҳисоблайди. Шунга кўра, дизель ёқилғиси рискининг очик позицияси ушбу етказиб бериш шартномасида ҳежланган модда сифатида белгилаш учун муносиб риск компонентидир.

(б) Б ташкилот ўзининг ишлаб чиқариш прогнози асосида келгуси кофе сотиб олиш бўйича операцияларни ҳежлайди. Прогноз қилинган сотиб олиш ҳажмининг бир қисми учун ҳежлаш етказиб беришдан 15 ой олдин бошланади. Б ташкилот ҳежлаш ҳажмини вақт ўтган сари оширади (етказиб бериш вақти яқинлашган сари). Б ташкилот кофе нархи рискинни бошқариш учун икки турдаги шартномалардан фойдаланади:

- (i) кофе учун биржада савдо қилинадиган фьючерс шартномалар; ва
- (ii) маълум бир ишлаб чиқариш объектига Колумбиядан етказиб бериладиган Арабика кофесини етказиб бериш бўйича шартномалар. Ушбу шартномалар нархи кофенинг тоннаси учун биржадаги кофенинг фьючерс шартномаси нархлари, плус ўзгармас нарх фарқи ва ўзгарувчан логистика хизматлари йиғиндиси нархи формуласи орқали аниқланади. Кофе етказиб бериш шартномаси ижро этиладиган шартнома бўлиб, унга кўра Б ташкилот кофе ҳақиқатда етказиб берилганда ижро этилган деб ҳисобланади.

Жорий ҳосилга тегишли бўлган етказиб беришлар учун кофе етказиб бериш шартномасининг тузилиши Б ташкилотга ҳақиқатда сотиб олинган кофе сифати (Колумбиядан Арабика кофеси) ва биржадаги фьючерс шартномалари ўртасидаги бенчмарк сифат ўртасидаги нарх фарқини қатъий белгилаш имконини беради. Лекин, кейинги ҳосилга тегишли етказиб беришлар учун, етказиб бериш шартномалари ҳали мавжуд бўлмаганлиги сабабли, нархдаги фарқлар қатъий белгилана олмайди. Б ташкилот ўзининг жорий ҳосил ва келгуси ҳосил учун кофе етказиб беришдаги кофе нархи рискинни биржадаги кофега фьючерс шартномалари орқали бенчмарк сифат компонентини ҳежлайди. Б ташкилот учта турли риснинг очик позициясини белгилайди: бенчмарк сифатни акс эттирувчи кофе нархи риси, бенчмарк сифатли кофе нархи ва ҳақиқатда Колумбиядан олинган Арабика кофеси нархи ўртасидаги фарқ (спред) ва ўзгарувча логистика сарфлари. Жорий ҳосилдан етказиб бериш бўйича Б ташкилот кофе етказиб бериш шартномасини тузгандан кейин, бенчмарк сифатни акс эттирувчи кофе нархи риси шартномада кўрсатилган риск компонентидир, чунки нарх формуласи биржадаги кофенинг фьючерс шартнома нархларини ўз ичига олади. Б ташкилот бу риск компоненти алоҳида ажратиладиган ва ишончли баҳоланадиган деб ҳисоблайди. Кейинги ҳосилдан етказиб беришлар бўйича Б ташкилот ҳали кофе етказиб бериш шартномасини тузгани йўқ (яъни, ушбу етказиб беришлар прогноз қилинган операциялар). Шунга кўра, бенчмарк сифатни акс эттирувчи кофе нархи риси шартномада кўрсатилмаган риск компоненти ҳисобланади. Охир-оқибатда етказиб бериладиган кофе нархи борасида Б ташкилот бозор тузилмасининг таҳлилини ҳисобга олади. Шунга кўра, бозор тузилмасининг таҳлили асосида Б ташкилот прогноз қилинган операциялар бенчмарк сифатни акс эттирувчи кофе нархи рисини ҳам алоҳида ажратиладиган ва ишончли баҳоласа бўладиган риск компоненти деб ҳисоблайди, ҳаттоки у шартномада кўрсатилмаган бўлса ҳам. Шунга мувофиқ, Б ташкилот ҳежлаш муносабатларини кофе етказиб бериш шартномалари ҳамда прогноз қилинган операциялар риск компонентлари (бенчмарк сифатни акс эттирувчи кофе нархи риси учун) асосида белгилаши мумкин.

(в) В ташкилот етказиб беришдан 24 ойгача прогноз истеъмоли асосида келгуси авиация ёқилғи сотиб олишларини бир қисмини ҳежлайди ва вақт ўтиши билан ҳежлаш ҳажмини ошириб боради. В ташкилот рискининг очик позициясини вақт горизонтида турли хил шартномалар орқали ҳежлайди ва бу деривативлар учун бозор ликвидлилигига таъсир этади. Узокрок вақт горизонтида (12-24 ойлар) В ташкилот нефть хом ашёси шартномаларини қўллайди, чунки фақат улар етарли бозор ликвидлилига эга. 6-12 ойлик вақт горизонтлари учун В ташкилот дизель ёқилғисини ишлатади, чунки улар етарлича ликвид ҳисобланади. Олти ойгача вақт горизонти учун В ташкилот авиация ёқилғи контрактларидан фойдаланади. В ташкилотнинг нефть ва нефть маҳсулотлари бозори тузилмасини таҳлили ва тегишли фактлар ва шартларни баҳолаши куйидагича:

- (i) В ташкилот Brent нефть хом ашёси бенчмарк бўлган географик ҳудудда фаолият олиб боради. Нефть хом ашёси бенчмарк хом ашё бўлиб, у турли нефть

маҳсулотлари нархига асосий таъсир этувчи омил ҳисобланади. Дизель ёқилғиси нефть маҳсулотлари учун бенчмарк ҳисобланади, у умумий маънода нефть дистиллятлари учун нарх кўрсаткичи бўлади. Бу ҳолат В ташкилот фаолият кўрсатаётган нефть хом ашёси ва нефть маҳсулотлари бозоридаги дериватив молиявий инструментларнинг турларида ўз аксини топган, масалан:

- Brent навидаги нефть хом ашёси учун бенчмарк нефть хом ашёси фьючерс шартномалари;
 - дистиллятлар учун нарх кўрсаткичи бўлган бенчмарк дизель ёқилғиси фьючерс шартномаси – масалан, авиация ёқилғи спред деривативи авиация ёқилғи ва бенчмарк дизель ёқилғиси нархи ўртасидаги фарқни қоплайди; ва
 - Brent нефть хом ашёсига индексацияланган бенчмарк дизель ёқилғиси крек спред деривативи (яъни нефть хом ашёси ва дизель ёқилғиси ўртасидаги нарх деривативи – қайта ишлаш маржаси).
- (ii) қайта ишланган нефть маҳсулотлари нархи аниқ бир нефть заводи томонидан қайта ишланган нефть хом ашёсига боғлиқ эмас чунки қайта ишланган нефть маҳсулотлари (дизель ёқилғиси ёки авиацион ёқилғи каби) стандартлашган маҳсулотлардир.

Шунга кўра, В ташкилот авиация ёқилғиси сотиб олиш нархи risks ўз ичига Brent нефть хом ашёси асосидаги нефть хом ашёси нархи risks компонентини ва дизель ёқилғиси нархи risks компонентини олади деб ҳисоблайди, ҳаттоки нефть хом ашёси ва дизель ёқилғиси шартномада кўрсатилмаган бўлса ҳам. Шунга кўра, В ташкилот ушбу иккала risk компонентини, улар шартномада кўрсатилмаган бўлса ҳам, алоҳида ажратиб олинadиган ва ишончли баҳоланадиган деб ҳисоблайди. Шу боис, В ташкилот прогноз авиация ёқилғи сотиб олиш risks компоненти (нефть хом ашёси ёки дизель ёқилғиси) асосида ҳежлаш муносабатларини белгилаши мумкин. Бу таҳлил шуни ҳам билдирадики, агар масалан В ташкилот West Texas Intermediate (WTI) асосида нефть хом ашёси деривативдан фойдаланса, Brent нефть хом ашёси ва WTI нефть хом ашёси ўртасидаги нарх фарқидаги ўзгаришлар ҳежлаш самарасизлигини билдиради.

- (г) Г ташкилот қатъий белгиланган ставкадаги қарз инструментида эга. Бу инструмент кенг турдаги бенчмарк ставкага (масалан ЛИБОР) спредга қараб ўхшаш қарз инструментлар мавжуд иқтисодий муҳитда чиқарилган ва ушбу муҳитда ўзгарувчан ставкадаги инструментлар одатда бенчмарк ставкага индексацияланган. Фоиз ставкаси свопи кўпинча қарз инструментининг ушбу бенчмарк ставкага спредидан қатъий назар, бенчмарк ставка асосидаги фоиз ставкаси risksини бошқариш учун фойдаланилади. Қатъий белгиланган қарз инструментларининг нархи бенчмарк ставкадаги ўзгаришларга жавобан ўзгаради. Г ташкилот бенчмарк ставка алоҳида идентификацияланадиган ва ишончли баҳоланадиган деб ҳисоблайди. Шунга кўра, Г ташкилот бенчмарк фоиз ставкаси risks асосида risk компонентини қатъий белгиланган қарз инструментини ҳежлаш муносабатларида белгилаши мумкин.

Б6.3.11 Risk компонентини ҳежланган модда сифатида белгилашда, ҳежлаш ҳисоби талаблари ушбу risk компонентига бошқа risk компоненти бўлмаган ҳежланган моддаларга қўллангани каби қўлланилади. Масалан, квалификацияланадиган мезон қўлланилади, шу жумладан ҳежлаш муносабатлари ҳеж самарадорлиги талабларига жавоб бериши ва ҳежлаш самарасизлиги баҳоланиши ва тан олинishi лозим.

Б6.3.12 Ташкилот шунингдек, пул оқимлари ёки ҳаққоний қиймат ҳежида аниқ кўрсатилган нарх ёки бошқа ўзгарувчидан паст ёки баланд бўлиш ўзгаришларини белгилаши мумкин (“бир тараф risks”). ҳежлаш инструментининг сотиб олинган опцион ички қиймати (у белгиланган risk каби худди шундай асосий шартларга эга деб тахмин қилинганда) ҳежланган модданинг бир тараф risksини акс эттиради, лекин унинг вақт қийматини эмас. Масалан, ташкилот прогноз қилинган товарлар сотиб олишдаги нарх ошиши натижасида келгуси пул оқимлари натижаларининг ўзгарувчанлигини risksини ҳежланган модда сифатида белгилаши мумкин. Ушбу ҳолатда, ташкилот фақат кўрсатилган даражадан юқори бўлган нарх ошиши натижасидаги пул оқимлари йўқотишларини ҳежланган модда сифатида белгилаши мумкин. Ҳежланган risk сотиб олинган опционнинг вақт қийматини фойда ёки зарарга таъсир этадиган прогноз қилинган операциянинг компонентини ўз ичига олмайди.

Б6.3.13 Инкор этиб бўладиган тахминга кўра, инфляция risks шартномада аниқ кўрсатиб ўтилмаган бўлса, у алоҳида ажратиб олинadиган ва ишончли баҳолана оладиган ҳисобланмайди ва шунга кўра, молиявий инструментнинг risk компоненти сифатида белгиланиши мумкин эмас. Лекин, айрим ҳолатларда алоҳида ажратиладиган ва ишончли баҳоланадиган инфляция risksининг risk компонентини

аниклаш мумкин, бу инфляциянинг мухити ва тегишли қарз инструментлари бозори алоҳида шароитлари туфайли юз беради.

- Б6.3.14 Масалан нол купонли реал фоиз ставкалари бўйича шартлар тузилмасини яратиш имконини берувчи етарлича ликвид бозор мавжудлиги сабабли ҳажми ва вақт тузилмасига эга инфляцияга боғланган облигациялар мавжуд мухитда ташкилот қарз мажбуриятларини чиқарди. Бу тегишли валюта учун инфляция қарз инструментлари бозори томонидан алоҳида ҳисобга олинган тегишли омил эканини билдиради. Бундай ҳолатда, инфляция рисқи компоненти ноль купонли реал фоиз ставкалари вақт тузилмасидан фойдаланган ҳолда ҳежланган қарз инструментининг пул оқимларини дисконтлаган ҳолда инфляция рисқи компоненти белгиланиши мумкин (яъни рискдан ҳоли (номинал) фоиз ставкаси компоненти белгилангани каби). Аксинча, кўп ҳолатларда инфляция рисқи компоненти алоҳида идентификацияланмайди ва ишончли баҳолана олмайди. Мисол учун, ташкилот фақат инфляцияга боғлиқ облигациялар бозори ноль купонга асосланган реал фоиз ставкаси вақт доирасини яратиш учун этарли даражада ликвид бўлмаган мухитда номинал фоиз ставкаси бўйича қарз инструментларини чиқаради. Ушбу ҳолатда бозор тузилмаси ва фактлар ва шартлар ташкилотнинг қарз бозоридаги тегишли алоҳида омил деб ҳисоблашини қўллаб-қувватламайди. Шунга кўра, ташкилот инфляция рисқи шартномада кўрсатилмаган алоҳида идентификацияланган ва ишончли баҳоланган деб ҳисобланмаслиги тахминини инкор эта олмайди. Шунга мувофиқ, инфляция рисқи компоненти ҳежланган модда деб белгилаш учун муносиб бўлмайди. Бу ҳолатда ташкилот фойдаланган исталган инфляция рисқи ҳежлаган инструментга нисбатан қўлланади. Хусусан, ташкилот оддийгина ҳақиқатдаги инфляция рисқини ҳежлаган инструментдаги шартлар ва муддатларни номинал фоиз ставкадаги қарз мажбуриятларининг шарт ва муддатларига қўллаши мумкин эмас.
- Б6.3.15 Агар инструментнинг бошқа пул оқимлари инфляция рисқи компоненти билан таъсир этмаган бўлса, тан олинган инфляцияга боғланган облигация пул оқимларининг шартномада кўрсатилган инфляция рисқи компоненти алоҳида идентификацияланган ва ишончли баҳоланган деб ҳисобланади.

Номинал қиймат компонентлари

- Б6.3.16 ҳежлаш муносабатларида ҳежланган модда сифатида белгиланиши мумкин бўлган номинал сумманинг иккита компоненти тури мавжуд: бутун модданинг мутаносиб улуши бўлган компонент ва қатлам компоненти. Компонент тури ҳисоб натижасини ўзгартиради. Ташкилот ўзининг риск бошқаруви мақсадларига мувофиқ равишда ҳисобга олиш мақсадларида компонентни белгилаши лозим.
- Б6.3.17 Мутаносиб улушли компонентнинг мисоли сифатида қарз бўйича шартномавий пул оқимларининг 50 фоизини келтириш мумкин.
- Б6.3.18 Қатлам компоненти кўрсатиб ўтилган, лекин очиқ объектлардан танланган ёки номинал қийматдан кўрсатиб ўтилган бўлиши мумкин. Масалан:
- (а) монетар операция ҳажмининг бир қисми, масалан 201X мартдаги биринчи 20 ч.э.п.б дан кейин чет эл валютасида ифодаланган сотувнинг кейинги 10 ч.э.п.б;
 - (б) жисмоний ҳажмнинг бир қисми, масалан XYZ табиий газ сақлаш омборида сақланаётган 5 миллион куб метр ўлчанган қолган газ резерви;
 - (в) жисмоний ёки бошқа операцион ҳажмнинг қисми, масалан 201X июнь ойидаги биринчи 100 баррель нефть хариди ёки 201X июнь ойидаги биринчи 100 Мвт электр энергияси хариди; ёки
 - (г) ҳежланган модда номинал қийматининг қатлами; масалан 100 миллион п.б қатлий мажбуриятнинг охириги 80 миллион п.б, 100 миллион п.б қатлий белгиланган ставкадаги облигациянинг охириги 20 миллион п.б қатлами ёки ҳаққоний қийматда олдиндан сўндирилиши мумкин бўлган 100 миллион п.б қатлий белгиланган ставкадаги облигациянинг бошидаги 30 миллион п.б қатлами (белгиланган номинал қиймати 100 миллион п.б).
- Б6.3.19 Агар қатлам компонент ҳаққоний қиймат ҳежи деб белгиланган бўлса, ташкилот уни белгиланган номинал қийматда кўрсатиб ўтиши лозим. Ҳаққоний қиймат ҳежи квалификация талабларига мос келиш учун, ташкилот ҳежланган модданинг ҳаққоний қиймати ўзгаришларини қайта баҳолаши лозим (яъни ҳежланган рискга тегишли модданинг ҳаққоний қиймат ўзгаришини қайта баҳолаши). Ҳаққоний қиймат ҳежи тузатишлари модда тан олинган бекор қилинганга қадар фойда ёки зарарда тан олинган лозим. Шунга кўра, ҳаққоний қиймат ҳежи тузатиши тегишли бўлган моддани аниқлаб кўриш лозим. Ҳаққоний қиймат ҳежидаги қатлам компоненти учун бу ташкилотда белгиланган номинал қийматдан аниқлашни талаб этади. Масалан, Б6.3.18(г) бандда тўлиқ аниқланган 100

миллион п.б номинал сумма охириги 20 миллион п.б қатлам ёки биринчи 30 миллион п.б қатлам эканлиги аниқланиши лозим.

- Б6.3.20 Агар олдиндан тўловнинг ҳаққоний қийматиға хежланган рискдаги ўзгаришлар таъсир этган бўлса, олдиндан тўлов опционига эга қатлам компонент ҳаққоний қиймат хежида хежланган модда сифатида белгиланиши муносиб бўлмайди, бундан хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни белгилашда тегишли олдиндан тўлов опцион таъсирини белгиланган қатлам ўз ичига олиши мустасно.

Компонентлар ва объект бўйича жами пул оқимлари ўртасидаги боғлиқлик

- Б6.3.21 Молиявий ёки номолиявий модданинг пул оқимлари компоненти хежланган модда сифатида белгиланса, ушбу компонент тўлиқ объектнинг тўлиқ пул оқимларига тенг ёки ундан камроқ бўлиши лозим. Лекин, тўлиқ объектнинг барча пул оқимлари хежланган модда сифатида белгиланиши ва фақат аниқ бир риск учун (масалан фақат ЛИБОРдаги ёки бенчмарк товар нархидаги ўзгаришларга нисбатан ўзгаришлар) хежланиши мумкин.
- Б6.3.22 Масалан, ЛИБОР ставкасидан эффектив фоиз ставкаси паст бўлган молиявий мажбурият учун, ташкилот қуйидагиларни белгилай олмайди:
- (а) мажбуриятнинг компоненти ЛИБОРдаги фоиз ставкасига тенг (ҳаққоний қиймат хежида асосий сумма плюс); ва
 - (б) компонент манфий қолдиғини.
- Б6.3.23 Лекин, эффектив фоиз ставкаси (масалан) ЛИБОРдан 100 базис банд паст бўлган қатъий белгиланган фоиз ставкалик молиявий мажбурият ҳолатида, ташкилот ЛИБОРдаги ўзгаришларга тегишли бўлган бутун мажбуриятнинг қийматидаги ўзгаришларни хежланган модда сифатида белгилаши мумкин. Агар қатъий белгиланган молиявий инструмент у яратилгандан кейин маълум вақт ўтиб хежланган бўлса ва фоиз ставкалари ҳам шу вақтда ўзгарган бўлса, ташкилот риск компонентини бенчмарк ставкага тенг деб белгилаши мумкин, бу эса модда бўйича тўланадиган шартномавий ставкадан баландроқ бўлади. Ташкилот бундай қилиши учун инструментни у биринчи марта уни хежланган модда сифатида белгилаган вақтда сотиб олган деб тахмин қилган ҳолда ҳисобланган эффектив фоиз ставкасидан бенчмарк фоиз ставкаси паст бўлиши лозим. Масалан, ташкилот ЛИБОР 4 фоиз бўлган вақтда эффектив фоиз ставкаси 6 фоиз бўлган 100 п.б қатъий белгиланган ставкадаги молиявий активни яратган. У ушбу активни кейинроқ, ЛИБОР 8 фоиз бўлганда хежлашни бошлади ва активнинг ҳаққоний қиймати 90 п.б.га пасайди. Ташкилот ҳисоблашича, агар у активни ЛИБОР фоиз ставкаси рискига хежланган модда сифатида биринчи белгиланган кунда сотиб олса, 90 п.б. бирлик ҳаққоний қиймати асосида активнинг самарали даромадлиги 9.5 фоиз бўлар эди. ЛИБОР самарали даромадликдан паст бўлганлиги учун ташкилот қисман шартномавий фоиз пул оқимлари ва сўндириш муддатида тўланадиган сумма (100 п.б) ва қисман жорий ҳаққоний қиймат (90 п.б) ўртасидаги фарқдан ташкил топган 8 фоизлик ЛИБОР компонентини хежлаш объекти сифатида белгилаши мумкин.
- Б6.3.24 Агар ўзгарувчан ставкадаги молиявий мажбурият бўйича (масалан) уч ойлик ЛИБОР минус 20 базис банд фоиз (ноль базис банд “флор” назарда тутилган) ҳисобланса, ташкилот хежланган модда сифатида ЛИБОРдаги ўзгаришларга тааллуқли бўлган тўлиқ мажбуриятнинг пул оқимларидаги ўзгаришларни белгилаши мумкин. Шунга қўра, ЛИБОР келгуси эгри чизиғи ушбу мажбурият учун 20 базис банддан пастга тушмаса, хежланган модданинг пул оқимлари ўзгариши ноль ёки позитив спредли уч ойлик ЛИБОР фоиз ставкага эга мажбуриятнинг ўзгариши билан бир хил бўлади. Лекин, агар уч ойлик ЛИБОР келгуси эгри чизиғи мажбуриятнинг (ёки унинг бир қисми) қолган амал қилиш муддати учун 20 базис банддан паст бўлса, хежланган модда пул оқимларининг ўзгариши ноль ёки позитив спредли уч ойлик ЛИБОР фоиз ставкага эга мажбуриятнинг ўзгаришидан пастроқ бўлади.
- Б6.3.25 Ўхшаш тарзда бенчмарк нефть хом ашёси нархидан фарқ қилувчи маълум бир нефть қазилмаси жойидан қазиб олинган нефть хом ашёси номолиявий моддага мисол бўла олади. Агар ташкилот нефть хом ашёсини бенчмарк нефть хом ашёси нархи минус 10 п.б. лекин кўпи билан 15 п.б нарх формуласи орқали шартнома асосида сотса, ташкилот бенчмарк нефть хом ашёси ўзгаришига тегишлиги сотиш контрактидаги тўлиқ пул оқимлари ўзгаришини хежланган модда сифатида белгилаши мумкин. Лекин, ташкилот бенчмарк нефть хом ашёси нархининг тўлиқ ўзгаришига тегишли компонентни белгилай олмайди. Шунга қўра, ҳар бир етказиб бериш учун форвард нарх 25 п.б.дан пастга тушмаса, хежланган модданинг пул оқимлари ўзгариши бенчмарк нефть хом ашёси сотувидаги ўзгаришлар (ёки позитив спред) билан бир хил бўлади. Лекин, агар форвард нарх исталган етказиб бериш учун 25 п.б.дан паст бўлса хежланган модда пул оқимлари ўзгариши бенчмарк нефть хом ашёси нархидаги нефть сотувидаги ўзгаришлардан паст бўлади.

хежлаш ҳисобини қўллаш учун квалификация мезонлари (6.4 бўлим)

Хеж самарадорлиги

- Б6.4.1 Хеж самарадорлиги хежлаш инструментининг ҳаққоний қиймати ёки пул оқимларидаги ўзгаришлар хежланган модда ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришларни (масалан хежланган модда риск компоненти бўлиб, модданинг ҳаққоний қиймати ёки пул оқимларидаги ўзгариши хежланган рискка тегишли бўлса) қоплаши даражасидир. хежлаш самарасизлиги бу хежланган инструментнинг ҳаққоний қиймати ёки пул оқимларидаги ўзгаришлар хежланган модданинг ушбу ўзгаришларидан юқори ёки паст бўлишидир.
- Б6.4.2 Хежлаш муносабатларини белгилашда ташкилот кейинчалик доимий асосда, хежлаш муносабатлари даврида унга таъсир этиши кутилаётган хежлаш самарасизлигининг манбаларини таҳлил қилиб бориши лозим. Ушбу таҳлил (шу жумладан Б6.5.21 бандга мувофиқ хежлаш муносабатларини қайта балансировка қилишдан юзага келадиган тузатишлар) ташкилотнинг хеж самарадорлиги талабларига жавоб бериши бўйича баҳолашга асос бўлади.
- Б6.4.3 Шубҳаларни олдини олиш мақсадида, дастлабки контрагентни клиринг контрагентга алмаштириш таъсири ва 6.5.6 бандда келтирилган боғлиқ бўлган ўзгартиришлар хежлаш инструментини баҳолашда ва шунга мувофиқ хеж самарадорлиги ва хежлаш самарасизлигини баҳолашда ўз аксини топиши лозим.

Хежланган модда ва хежлаш инструменти ўртасидаги иқтисодий боғлиқлик

- Б6.4.4 Иқтисодий боғлиқлик мавжудлиги бўйича талаб шуни билдирадики, хежлаш инструменти ва хежланган модда одатда бир хил риск яъни хежланган риск туфайли тескари йўналишда ҳаракат қилади. Шунга мувофиқ, хежлаш инструменти қиймати ва хежланган модда қийматини тизимли равишда иқтисодий боғланган хежланган рискларга бир хил таъсир кўрсатадиган ўзгарувчи ёки ўзгарувчиларга жавобан ўзгариши бўйича кутишлар бўлиши лозим (масалан Brent ёки WTI нефть хом ашёси).
- Б6.4.5 Агар ўзгарувчилар бир хил бўлмаса лекин иқтисодий боғланган бўлса, хежлаш инструменти ва хежланган модда бир хил йўналишда ҳаракат қилишади, масалан иккита боғлиқ ўзгарувчилар ўртасидаги нарх дифференциали ўзгарган ҳолда ўзгарувчиларнинг ўзи аҳамиятли даражада ўзгармайди. Агар ўзгарувчилар ҳаракат қилганда хежлаш инструменти ва хежланган модда қийматлари тескари йўналишда ҳаракат қилиши кутилаётган бўлса, бу хежлаш инструменти ва хежланган модда ўртасида иқтисодий боғлиқлик мавжудлиги бўйича мувофиқ бўлади.
- Б6.4.6 Иқтисодий боғлиқлик мавжудлиги баҳолаш, риск бошқариш мақсадларига жавоб беришини аниқлаш учун амал қилиш муддатида хежлаш муносабатининг ўз эҳтимолли характери таҳлилин хам ўз ичига олади. Ушбу ўзгарувчилар ўртасидаги статистик корреляциянинг мавжудлиги ўз ўзидан иқтисодий боғлиқлик мавжуд деб хулоса чиқаришга асос бўла олмайди.

Кредит rischi таъсири

- Б6.4.7 хежлаш ҳисоби модели хежлаш инструменти ва хежланган модда фойда ёки зарарларини умум қабул қилинган ўзаро қоплашга асосланганлиги сабабли, хеж самарадорлиги нафақат ушбу моддалар (яъни уларнинг ўзгарувчиларидаги ўзгаришлар) иқтисодий боғлиқлиги билан, балки иккала хежлаш инструменти ва хежланган модданинг кредит rischi таъсири қиймати билан аниқланади. Кредит rischi таъсири шуни билдирадики, хежлаш инструменти ва хежланган модда ўртасидаги иқтисодий боғлиқлик мавжуд бўлсада ўзаро қоплаш даражаси етарли бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолатда хежлаш инструменти ёки хежланган моддадаги кредит rischi ўзгариши шундай даражада бўладики, кредит rischi иқтисодий боғлиқлик (яъни ўзгарувчилар ўзгаришининг таъсири) натижасидаги қиймат ўзгаришидан устунликка эга бўлади. Ўзгариш даражаси устунлик берадиган даражада кредит рискдан зарар (ёки фойда) хежлаш инструменти ёки хежланган модда қийматидаги ўзгарувчиларнинг ўзгариши таъсирдан катта бўлади, ҳаттоки бу ўзгаришлар аҳамиятли бўлса ҳам. Акс ҳолда, агар маълум вақт давомида ўзгарувчиларда кам ўзгариш бўлса, кредит rischi билан боғлиқ хежлаш инструменти ёки хежланган модданинг қийматидаги кам миқдордаги ўзгаришни ўзгарувчиларнинг қийматга кўпроқ таъсир этиши устунлик келтириб чиқармайди.
- Б6.4.8 Кредит rischi хежлаш муносабатларида устунликка эга омилга мисол сифатида ташкилот товар нархи рискини очиқ позициясини таъминланмаган дериватив билан хежланганини келтириш мумкин. Агар контрагентнинг ушбу дериватив бўйича кредитга лаёқатлилиги аҳамиятли даражада пасайса,

контрагентнинг кредитга лаёқатлилигидаги ўзгаришлар таъсири, товар нархининг хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришидан юкори бўлади, бунда хежланган модданинг қийматидаги ўзгаришлар асосан товар нархининг ўзгаришига асосланган бўлади.

хежлаш коэффиценти

- Б6.4.9 Хеж самарадорлиги талабларига мувофиқ, хежлаш муносабатларининг хежлаш коэффиценти ташкилот ҳақиқатда хежлайдиган хежланган модданинг миқдори билан ташкилот хежланган модданинг миқдорини хежлаш учун ҳақиқатда фойдаланадиган хежлаш инструменти миқдорига мувофиқ бўлиши лозим. Шунга кўра, агар ташкилот модда рискнинг очик позицияси бўйича 100 фоиздан камроғини масалан 85 фоизини хежласа, у хежлаш муносабатларини белгилашда хеж коэффицентда худди 85 фоиз нисбатда рискнинг очик позицияси ва ташкилот ушбу 85 фоизни хежлаш учун ҳақиқатда фойдаланадиган хежлаш инструментининг миқдорини белгилаши лозим. Ўхшаш тарзда, агар масалан, ташкилот 40 бирлик номинал суммадаги молиявий инструментдан фойдаланган ҳолда рискнинг очик позициясини хежласа, у хежлаш муносабатларида хежлаш коэффицентини худди шу 40 бирлик миқдордаги (яъни ташкилот хежлаш коэффицентидан у сақлаб турган юкорирок ёки камроқ миқдордаги бирликлардан фойдаланмаслиги лозим) ва ушбу 40 бирлик билан ҳақиқатда хежланган модданинг миқдори асосида белгилаши лозим.
- Б6.4.10 Лекин, хежлаш муносабатларини хежланган модда миқдори ва ташкилот ҳақиқатда ишлатган хежлаш инструменти миқдори асосидаги хежлаш коэффиценти бўйича белгилаш, хежланган модда ва хежлаш инструменти улуши дисбалансини ҳисобга олмаслиги лозим, чунки бу хежлаш самарасизлигини (тан олинган ёки олинмаганидан қатъий назар) келтириб чиқаради ва бу хежлаш ҳисобига номувофиқ бўлган ҳисоб натижаларини келтириб чиқариши мумкин. Шунга кўра, хежлаш муносабатларини белгилаш мақсадида ташкилот хежлаш коэффицентини хежланган модда миқдори ва, агар бу таъкидланган дисбалансни бартараф этиш учун лозим бўлса, ташкилот ҳақиқатда ишлатадиган хежлаш инструменти натижасига тузатиши лозим.
- Б6.4.11 хежлаш ҳисоби мақсадида ҳисоб натижалари номувофиқ эканлигини баҳолаш бўйича тегишли ҳисобга олишларнинг мисоллари қуйидагилар:
- (а) пул оқимлари учун хежлаш самарасизлигини тан олишни рад этиш мақсадида хежлаш коэффиценти ўрнатилганлиги ёки ҳаққоний қиймат хеж тузатишларини кўпроқ хежланган моддалар учун ҳаққоний қиймат ҳисобидан фойдаланиш мақсадидалиги, лекин хежлаш инструменти ҳаққоний қиймат ўзгаришларини ўзаро қопламаслиги; ва
 - (б) хежланган модда ва хежлаш инструментининг аниқ бир улушлари бўйича тижорат асослари мавжудлиги, у хежлаш самарасизлигини келтириб чиқарган тақдирда ҳам. Масалан, ташкилот шартнома тузади ва хежлаш инструменти миқдорини белгилайди, бу миқдор хежланган модданинг энг зўр хежи эмас чунки, хежлаш инструментининг стандарт ҳажми ушбу миқдордаги хежлаш инструменти (“лотнинг стандарт ўлчам муаммоси”) билан шартнома тузиш имконини бермайди. Масалан, ташкилот 100 тонна кофе сотиб олишни шартнома ҳажми 37,500 фунт кофе бўлган стандарт кофе фьючерслари билан хежлайди. Ташкилот фақат беш ёки олтита шартномани (85,0 ёки 102,1 тонна мос равишда) 100 тонна сотиб олиш ҳажми учун хежлаши мумкин. Ушбу ҳолатда, ташкилот хежлаш муносабатларини ҳақиқатда ишлатган кофе фьючерс шартномалари сонидан келиб чиққан хежлаш коэффицентидан белгилайди, чунки хежланган модда ва хежлаш инструменти улушларидаги номувофиқликдан келиб чиқадиган хежлаш самарасизлиги, хежлаш ҳисоби мақсадларига номувофиқ бўлган ҳисоб натижаларига сабаб бўлмайди.

Хеж самарадорлиги талабларига мос келишини баҳолаш мунтазамлиги

- Б6.4.12 Ташкилот хежлаш муносабатларининг бошида ва кейинчалик мунтазам равишда хежлаш муносабатлари хеж самарадорлиги талабларига жавоб беришини баҳолаб бориши лозим. Энг камида ташкилот ҳар ҳисобот даврига ёки хеж самарадорлиги талабларига таъсир этувчи шароитлардаги аҳамиятли ўзгаришлардан кейин қайси бири эртароқ юз берса, баҳолаб бориши лозим. Бу баҳолаш хеж самарадорлиги бўйича кутишларга тегишли ва шунга кўра фақат перспектив бўлади.

Хеж самарадорлиги талабларига мос келишини баҳолаш усуллари

- Б6.4.13 Мазкур стандарт хежлаш муносабатлари хеж самарадорлиги талабларига жавоб беришини баҳолаш усулларини аниқ белгиламайди. Лекин, ташкилот хежлаш муносабатларининг тегишли хусусиятларини қамраб олган, шу жумладан хежлаш самарасизлиги манбаларини ўз ичига олган усулдан фойдаланиши лозим. Ушбу омилларга асосан усул миқдор ёки сифат жаҳатидан баҳолаш тарзида бўлиши мумкин.

- Б6.4.14 Масалан, хежлаш инструменти ва хежланган модданинг асосий шартлари (номинал киймат, сўндириш муддати ёки ўзгарувчи) мос келса ёки яқин келса, ташкилот учун ушбу асосий шартларни сифат жиҳатидан баҳолаш асосида хежлаш инструменти ва хежланган модда бир хил рискка эгаллиги сабабли одатда қарама – қарши ҳаракат қиладиган кийматларга эгаллиги ва шунга кўра, хежланган модда ва хежлаш инструменти ўртасида иқтисодий боғлиқлик мавжуд деб ҳисоблаши мумкин (Б6.4.4-Б6.4.6-бандларга қаранг).
- Б6.4.15 Дериватив хежлаш инструментини белгилашда пулда бўлиши ёки бўлмаслиги факти, сифат жиҳатидан баҳолаш ўринли эмаслигини билдирмайди. У сифат жиҳатидан баҳолаш ҳолатни хежлаш самарасизлиги магнитудаси сабабли адекват баҳолай олмаслиги фактидан келиб чиқиб, ҳолатларга боғлиқ бўлади.
- Б6.4.16 Акс ҳолда, агар хежлаш инструменти ва хежланган мода асосий шартлари ўзаро яқин бўлмаса, ўзаро қоплаш даражаси бўйича ноаниқлик даражаси ошади. Шунга кўра, хежлаш муносабатларининг амал қилиш муддатида хеж самарадорлигини прогноз қилиш қийинроқ бўлади. Ушбу ҳолатда ташкилот учун хежланган модда ва хежлаш инструменти ўртасида иқтисодий боғлиқлик мавжудлигини фақатгина миқдорий баҳолаш асосида ҳисоблаш мумкин бўлади (Б6.4.4-Б6.4.6-бандларга қаранг). Айрим ҳолатларда, хежлаш муносабатлари хеж самарадорлиги талабларига жавоб беришини белгилаш учун фойдаланилган хежлаш коэффициентини ҳам баҳолаш учун миқдор жиҳатидан баҳолаш лозим бўлиши мумкин (Б6.4.9-Б6.4.11-бандларга қаранг). Ташкилот ушбу иккита турли мақсадлар учун бир хил ёки турли усуллардан фойдаланиши мумкин.
- Б6.4.17 Агар шартлардаги ўзгаришлар хеж самарадорлигига таъсир этса, ташкилот хежлаш муносабатлари хеж самарадорлиги талабларига жавоб беришини баҳолаш усулини хежлаш муносабатларининг тегишли хусусиятлари, шу жумладан хежлаш самарасизлигининг манбалари ҳам қамраб олинганлигини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириши мумкин.
- Б6.4.18 Ташкилотнинг риск бошқаруви хежлаш муносабатлари хеж самарадорлиги талабларига жавоб беришини баҳолашни амалга оширишда асосий маълумот манбаи ҳисобланади. Бу қарор қабул қилиш мақсадларида фойдаланилган бошқарув маълумотлари (ёки таҳлиллар) хежлаш муносабатлари хеж самарадорлиги талабларига жавоб беришини баҳолаш учун ҳам фойланилиши мумкинлигини билдиради.
- Б6.4.19 Ташкилотнинг хежлаш муносабатлари бўйича ҳужжатлари ўз ичига хеж самарадорлиги талабларини қандай баҳолашни ва унинг усули ёки усулларини ўз ичига олади. хежлаш муносабатларининг ҳужжатлари усулларда исталган ўзгаришлар юз берганда янгиланиши лозим (Б6.4.17-бандга қаранг).

Хежлаш муносабатларининг муносиб келиши ҳисоби (6.5 бўлим)

- Б6.5.1 Ҳаққоний киймат хежига мисол сифатида қатъий ставкадаги қарз инструментининг фоиз ставкалари ўзгаришидан юзага келадиган ҳаққоний кийматидаги ўзгаришлар рискнинг очик позицияси хежини келтириш мумкин. Бундай хежлаш эмитент томонидан ёки сақлаб турувчи томонидан амалга оширилиши мумкин.
- Б6.5.2 Пул оқимлари хежининг мақсади бўлиб, хежлаш инструментининг фойда ёки зарарини хежланган кутилаётган келгуси пул оқимлари фойда ёки зарарга таъсир этадиган давр ёки даврлар муддатини узайтириш ҳиобланади. Пул оқимлари хежига мисол сифатида ўзгарувчан ставкадаги (амортизацияланган кийматда ёки ҳаққоний кийматда фарқи йўқ) қарз мажбуриятни қатъий ставкадаги белгиланган (яъни, келгуси операция хежи бунда келгуси пул оқимлари келгуси фоиз тўловлари билан хежланган) қарз мажбуриятига свопдан фойдаланган ҳолда алмаштириш бўлади. Аксинча, улушли инструментнинг прогноз қилинган сотиб олинishi, сотиб олингандан кейин фойда ёки зарар орқали ҳаққоний кийматда ҳисобга олинади, бу модда пул оқимлари хежида хежланган модда бўла олмаслигини, чунки хежлаш инструментидаги исталган фойда ёки зарарни кечиктирилиши, у ўзаро қоплайдиган даврда фойда ёки зарарни қайта таснифлай олмаслиги сабаблидир. Ушбу сабабга кўра, прогноз қилинган улушли инструментнинг сотиб олинishi, у сотиб олингандан кейин ҳаққоний киймат бўйича ҳисобга олинади ва ҳаққоний кийматдаги ўзгаришларни бошқа умумлашган даромадда акс эттирилиши пул оқимлари хежида хежланган модда бўла олмаслигини билдиради.
- Б6.5.3 Қатъий мажбурият хежи (масалан, электр компаниясининг ёқилгани қатъий белгиланган нархда сотиб олиш бўйича тан олинмаган шартномавий мажбурияти бўйича тан олинмаган ёқилги нархининг ўзгариши хежи) бу ҳаққоний киймат ўзгаришидаги рискнинг очик позицияси хежидир. Демак, бундай хеж ҳаққоний киймат хежидир. Шунга кўра, 6.5.4-бандга мувофиқ чет эл валютаси risks қатъий мажбурият хежи муқобил равишда пул оқимлари хеж сифатида ҳисобга олинishi мумкин.

хежлаш самарасизлигини баҳолаш

- Б6.5.4 хежлаш самарасизлигини баҳолашда, ташкилот пулнинг вақт қийматини ҳисобга олиши лозим. Шунга кўра, хежланган модданинг қийматини дисконтланган қиймат асосида белгилайди ва шунинг учун хежланган модда қийматининг ўзгариши пулнинг вақт қиймати таъсирини ҳам ўз ичига олади.
- Б6.5.5 хежлаш самарасизлигини баҳолаш мақсадида хежланган модда қийматидаги ўзгаришларни ҳисоблаш учун, ташкилот хежланган модданинг (кўпинча “гипотетик дериватив” деб аталади) асосий шартларига мос келадиган деривативдан фойдаланиши мумкин ва масалан прогноз қилинган операция хежи учун хеж нархи (ёки ставкаси) даражаси орқали даражаланади. Масалан, агар хеж жорий бозор даражасида икки томонлама риск учун бўлса, гипотетик дериватив хежлаш муносабатларини белгилаш вақтида қиймати нолгача даражаланган гипотетик форвард шартнома акс эттиради. Агар хеж масалан бир томонлама риск учун бўлса, гипотетик дериватив хежлаш муносабатларини белгилаш вақтида пулга эга бўлган ёки агар хежланган нарх даражаси жорий бозор даражасидан юқори (ёки узоқ позициянинг хежида, паст), пулга эга бўлмаган гипотетик опционнинг ички қийматини акс эттиради. Гипотетик деривативдан фойдаланиш хежланган модданинг қийматидаги ўзгаришларни ҳисоблашнинг усулларида биридир. Гипотетик дериватив хежланган моддани бевосита акс эттиради ва шунга кўра, бошқа усул орқали қийматдаги ўзгаришларни аниқланганда ҳам натижа бир хил бўлади. Шунга кўра, “гипотетик дериватив”дан фойдаланиш усули бу ташкилотнинг шахсий ҳуқуқи бўлмасдан, фақат хежланган модданинг қийматини ҳисоблаш учун қўллаш мумкин бўлган математик усулдир. Шунга мувофиқ “гипотетик дериватив” фақат хежлаш инструментда (лекин хежланган модданинг эмас) мавжуд хежланган модданинг қиймати хусусиятларини ўз ичига олиши учун фойдаланилиши мумкин эмас. Мисол сифатида чет эл валютасида ифодалаган қарз мажбурияти (катъий ёки ўзгарувчан ставкада бўлишидан катъий назар) бўлиши мумкин. Гипотетик деривативдан бундай қарз қийматидаги ўзгаришларни ёки унинг пул оқимларидаги жамғарилган ўзгаришларнинг жорий (дисконтланган) қийматини ҳисоблашда, гипотетик дериватив оддийгина айирбошланаётган валюталар ўртасидаги фарқ учун устамани ўз ичига олиши мумкин эмас, ҳаттоки ҳақиқатдаги деривативлар бундай турли валюталар айирбошланаётганда бундай устамани (масалан валюталараро фоиз ставкалари свопи) ўз ичига олса ҳам.
- Б6.5.6 Гипотетик деривативдан фойдаланган ҳолда аниқланган хежланган модданинг қийматидаги ўзгаришлар хежлаш муносабатлари хеж самарадорлиги талабларига жавоб бериши мақсадларида баҳолаш учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

хежлаш коэффиценти ўзгариши ва хежлаш муносабатларини қайта баланслаш

- Б6.5.7 Қайта баланслаш деганда, мавжуд хежлаш муносабатларидаги хежланган модда ёки хежлаш инструментининг хеж самарадорлиги талабларига мувофиқ келадиган хежлаш коэффицентини ушлаб туриш мақсадида белгиланган миқдорларини тузатиш назарда тутилади. Хежланган модда ёки хежлаш инструментининг белгиланган миқдорларини бошқа мақсадлар доирасида ўзгариши ушбу стандарт мақсадида қайта баланслаш деб ҳисобланмайди.
- Б6.5.8 Қайта баланслаш Б6.5.9-Б6.5.21-бандларга мувофиқ хежлаш муносабатларининг давоми сифатида ҳисобга олинади. Қайта баланслашда, хежлаш муносабатларида хежлаш самарасизлиги хежлаш муносабатларини тузатишдан олдин белгиланади ва тан олинади.
- Б6.5.9 Хежлаш коэффицентини тузатиш ташкилотга хежлаш инструменти ва хежланган модда ўртасидаги уларнинг ўзгарувчилари ва риск ўзгарувчилари туфайли юзага келадиган муносабатлардаги ўзгаришларга жавоб бериш имкониятини беради. Масалан, хежлаш инструменти ва хежланган модда ўртасидаги хежлаш муносабатида иккита ўзгарувчи (масалан, турли хил, лекин ўзаро боғланган индекслар, ставкалар ёки нархлар) ўртасидаги муносабатларга ўзгаришга жавобан турли хил лекин ўзаро боғланган ўзгарувчилар ўзгаришидир. Шунга кўра, қайта баланслаш хежлаш инструменти ва хежланган модда муносабатларида хежлаш коэффицентини тузатиш орқали ўзаро қоплайдиган қилиб ўзгарадиган ҳолатларда хежлаш муносабатларини давом эттириш имконини беради.
- Б6.5.10 Масалан, ташкилот А чет эл валютаси рискнинг очиқ позициясини Б чет эл валютаси орқали валюта деривативи билан хежлайди, бунда А ва Б чет эл валюталари ўзаро боғланган (яъни, уларнинг айирбошлаш курси маълум бир даражада ёки айирбошлаш курси Марказий банк ёки бошқа орган томонидан ўрнатилади). Агар А чет эл валютаси ва Б чет эл валютаси ўртасидаги айирбошлаш курси ўзгарса (яъни янги даража ёки курс ўрнатилса), янги айирбошлаш курсини акс эттириш учун хежлаш муносабатларини қайта баланслаш янги шароитларда хежлаш коэффиценти учун хеж самарадорлиги талабларига хежлаш муносабатларни жавоб бераётганлигини таъминлайди. Аксинча, агар валюта деривативида дефолт бўлса, хежлаш коэффицентини ўзгариши хежлаш муносабатлари хеж самарадорлиги талабларига жавоб беришни давом этаётганлигини таъминламайди. Шунга кўра,

хежлаш инструменти ва хежланган моддадаги ўзгаришлар хежлаш коэффициентини тузатиш орқали ўзгаришларни ўзаро қоплай олмайдиган муносабатлар ҳолатида қайта баланслаш хежлаш муносабатларини давом эттиришни таъминламайди.

Б6.5.11 Пул оқимлари ёки хежлаш инструменти ва хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар ҳар доим ҳам хежлаш инструменти ва хежланган модда ўртасидаги муносабатларидаги ўзгаришларни ўзаро қопламайди. Ташкилот хежлаш муносабатларига амал қилиш муддати давомида таъсир этиши мумкин бўлган хежлаш самарасизлиги манбаларини таҳлил қилиши ва ўзгаришлар ўзаро қоплашини таҳлил қилиши лозим:

- (а) актуал ҳисобланган хежлаш коэффициенти атрофидаги ўзгаришлар (яъни, хежлаш инструменти ва хежланган модда ўртасидаги боғлиқликни тўғри акс эттиришни давом этаётган); ёки
- (б) хежлаш коэффициенти хежлаш инструменти ва хежланган модда ўртасидаги боғлиқликни тўғри акс эттирмаётган бўлса;

Ташкилот хеж самарадорлиги талабларига хежлаш коэффициенти жавоб беришини баҳолаш учун амалга оширади, яъни ҳисоботда хежлаш ҳисобининг мақсадига мос келмайдиган натижа акс эттириши мумкин бўлган хежлаш самарасизлигини (тан олинган ёки олинмаганидан қатъий назар) келтириб чиқарувчи хежлаш инструменти ва хежлаш объектининг ўлчов коэффициентлари ва ўртасидаги дисбалансни акс эттирмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун амалга оширилади. Шунинг учун, баҳолаш мулоҳазани талаб қилади.

Б6.5.12 Ўзгармас хежлаш коэффициенти атрофидаги ўзгаришларни (ва натижадаги хежлаш самарасизлигини) ҳар бир ўзгаришга жавобан хежлаш коэффициентини тузатиш орқали пасайтириб бўлмайди. Шунга қўра, бундай ҳолатларда ўзаро қоплаш даражаси ўзгариши хежлаш самарасизлигини тан олиш ва баҳолаш масаласи ҳисобланади, лекин қайта баланслашни талаб қилмайди.

Б6.5.13 Аксинча, агар ўзаро компенсация даражасининг ўзгаришлари кўриб чиқилаётган хежлаш муносабатлари учун ҳозирги вақтда қўлланилаётган хежлаш коэффициенти атрофида тебранишлар мавжудлигини ёки ушбу хежлаш коэффициентидан чекиниш тенденцияси пайдо бўлганлигини кўрсатса, унда хежлаш самарасизлигини хежлаш коэффициентини тузатиш воситасида камайтириш мумкин, ваҳоланки амалдаги хежлаш коэффициентини сақлаб қолса хежлаш самарасизлиги фақат ошаверади Шунга қўра, бундай ҳолатда, ташкилот хежлаш муносабатлари, хежлаш ҳисоби мақсадида номувофик бўлган ҳисобот натижаларига сабаб бўлувчи, хежлаш самарасизлигини (тан олиниши ёки йўқлигидан қатъий назар) келтириб чиқарадиган хежланган модда ва хеж инструментининг улушларидаги дисбалансни акс эттиришини баҳолаши лозим. Агар хежлаш коэффициенти тузатилган бўлса, у хежлаш самарасизлигини тан олиши ва баҳоланишига ҳам таъсир кўрсатади, чунки қайта баланслашда хежлаш муносабатларининг хежлаш самарасизлиги Б6.5.8-бандга мувофиқ хежлаш муносабатларини бевосита тузатишдан олдин белгиланиши ва тан олиниши лозим.

Б6.5.14 Қайта баланслаш, хежлаш ҳисоби мақсадларида хежлаш муносабатларини бошланишидан кейин ташкилот хежлаш муносабатларидаги хежлаш коэффициентига таъсир этувчи шартларни ўзгаришларига жавоб сифатида хежлаш инструменти ёки хежланган модда миқдорларини тузатишларни билдиради. Одатда, ушбу тузатиш ҳақиқатда фойдаланилаётган хежлаш инструменти ва хежланган модда миқдорларидаги тузатишларни акс эттиради. Лекин, ташкилот ҳақиқатда фойдаланилаётган хежлаш инструменти ва хежланган модда миқдорларидаги тузатишлар натижасида хежлаш коэффициенти тузатилиши шарт, агар:

- (а) ташкилот ҳақиқатда фойдаланаётган хежлаш инструменти ва хежланган модда миқдорларидаги ўзгаришлар натижасидаги хежлаш коэффициенти хежлаш ҳисоби мақсадида номувофик бўлган ҳисобот натижаларига сабаб бўлувчи, хежлаш самарасизлигини келтириб чиқарадиган дисбалансни акс эттирса; ёки
- (б) ташкилот ҳақиқатда фойдаланаётган хежлаш инструменти ва хежланган модда миқдорларни сақлаб қолса ва натижада хежлаш коэффициенти янги шартларда хежлаш ҳисоби мақсадида номувофик бўлган ҳисобот натижаларига сабаб бўлувчи, хежлаш самарасизлигини келтириб чиқарадиган дисбалансни акс эттирса (ташкилот хежлаш коэффициенти амалга оширмаганлиги учун дисбалансни яратиши лозим эмас).

Б6.5.15 Қайта баланслаш хежлаш муносабатлари учун риск бошқаруви мақсадлари ўзгарганда қўлланмайди. Бунинг ўрнига, ушбу хежлаш муносабатлари учун хежлаш ҳисоби тугатилади (ташкилот Б.6.5.28-бандга мувофиқ олдинги хежлаш муносабатларидаги хежлаш инструменти ёки хежланган моддани янги хежлаш муносабатларига белгилашига қарамасдан).

- Б6.5.16 Агар хежлаш муносабатлари қайта балансланган бўлса, хежлаш коэффициентидagi тузатиш турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин:
- (a) хежланган модда улуши қуйидагича оширилиши (бу бир вақтнинг ўзида хежлаш инструменти улушини камайтиради):
 - (i) хежланган модда улушининг оширилиши; ёки
 - (ii) хежлаш инструменти ҳажмининг камайрилиши.
 - (б) хежлаш инструментининг улуши қуйидагича оширилиши (бу бир вақтнинг ўзида хежланган модданинги улушини камайтиради):
 - (i) хежлаш инструментининг ҳажми оширилиши; ва
 - (ii) хежланган модданинги ҳажми камайрилиши;

Ҳажмдаги ўзгаришлар деганда хежлаш муносабатларининг қисми бўлган миқдорлар тушунилади. Шунга қўра, ҳажмдаги камайишлар моддалар ёки операциялар мавжуд эмаслигини ёки юз бериши кутилмаётганлигини билдирмайди, балки улар хежлаш муносабатларининг қисми эмаслигини билдиради. Масалан, хежлаш инструменти ҳажмининг қисқариши ташкилот деривативни сақлаб қолиши лекин фақат унинг бир қисми хежлаш муносабатларида хежлаш инструменти сифатида қолишини билдиради. Бу ҳолат агар қайта баланслаш фақат хежлаш муносабатларидаги хежлаш инструментининг ҳажмини қисқартирганда, лекин ташкилот бошқа лозим бўлмайдиган ҳажми ҳам сақлаб турганда юз бериши мумкин. Ушбу ҳолатда деривативнинг белгиланмаган қисми фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда ҳисобга олинади (бундан бошқа хежлаш муносабатларида хежлаш инструменти сифатида белгиланган ҳоллар мустасно).

- Б6.5.17 Хежланган модданинги ҳажмини ошириш орқали хежлаш коэффициентини тузатиш хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар қандай баҳоланишига таъсир кўрсатмайди. Олдинги белгиланган ҳажмга тегишли хежланган модданинги қийматидаги ўзгаришларни баҳолаш ҳам ўзгаришсиз қолади. Лекин, қайта баланслаш санасидан бошлаб, хежланган модданинги қийматидаги ўзгаришлар ўз ичига қўшимча ҳажмдаги хежланган модданинги қиймати ўзгаришини ҳам олади. Ушбу ўзгаришларни баҳолаш хежлаш муносабатлари белгиланган санасидан эмас, балки қайта баланслаш санасида ва ушбу санага нисбатан амалга оширилади. Масалан, агар ташкилот дастлаб 100 тонна ҳажмдаги товарни 80 п.б форвард нархда (хежлаш муносабатларининг бошидаги форвард нарх) хежласа ва қўшимча 10 тоннани қайта баланслашда форвард нарх 90 п.б бўлганда қўшса, хежланган модда қайта баланслашдан кейин иккита қатлам: 80 п.б.да хежланган 100 тонна модда ва 90 п.б.да хежланган 10 тоннадан иборат бўлади.
- Б6.5.18 Хежланган модданинги ҳажмини камайтириш орқали хежлаш коэффициентини тузатиш хежлаш инструментининг қийматидаги ўзгаришлар қандай баҳоланишига таъсир кўрсатмайди. Олдинги белгиланган ҳажмга тегишли хежланган модданинги ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларни баҳолаш ҳам ўзгаришсиз қолади. Лекин, қайта баланслаш санасидан бошлаб, хежланган модданинги камайтирилган ҳажми хежлаш муносабатларининг қисми ҳисобланмайди. Масалан, агар ташкилот дастлаб товар нархи рискин хежлаганда, 100 тонна ҳажмдаги товарни хежлаш инструменти сифатида белгилаб ва кейинчалик 10 тоннани қайта баланслашда камайтирса, 90 тонна номинал суммадаги хежлаш инструменти ҳажми қолган бўлади (хежлаш муносабатларининг қисми бўлмайдиган дериватив ҳажмининг оқибатлари бўйича Б6.5.16-бандга қаранг).
- Б6.5.19 Хежланган модданинги ҳажмини ошириш орқали хежлаш коэффициентини тузатиш хежлаш инструментининг қийматидаги ўзгаришлар қандай баҳоланишига таъсир кўрсатмайди. Олдинги белгиланган ҳажмга тегишли хежланган модданинги қийматидаги ўзгаришларни баҳолаш ҳам ўзгаришсиз қолади. Лекин, қайта баланслаш санасидан бошлаб, хежланган модданинги қийматидаги ўзгаришлар ўз ичига қўшимча ҳажмдаги хежланган модданинги қиймати ўзгаришини ҳам олади. Ушбу ўзгаришларни баҳолаш хежлаш муносабатлари белгиланган санасидан эмас, балки қайта баланслаш санасида ва ушбу санага нисбатан амалга оширилади. Масалан, агар ташкилот дастлаб товарнинг нарх рискин 100 тонна ҳажмдаги дериватив билан хежлаш инструменти сифатида хежлаган бўлса ва қўшимча 10 тоннани қайта баланслашда қўшган бўлса, деривативнинг жами ҳажми 110 тоннани ташкил этади. хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш 110 тонна жами ҳажмдаги деривативнинг ҳаққоний қийматининг жами ўзгаришини ташкил этади. Ушбу деривативлар турли асосий шартларга эга бўлиши мумкин (эҳтимол бўлади ҳам), масалан, уларнинг форвард ставкалари, чунки уларга турли вақтда шартнома тузилган (шу жумладан деривативларни дастлабки тан олингандан кейин хежлаш муносабатларида белгилаш эҳтимоли).
- Б6.5.20 Хежланган модданинги ҳажмини камайтириш орқали хежлаш коэффициентини тузатиш хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар қандай баҳоланишига таъсир кўрсатмайди. Олдинги белгиланган ҳажмга тегишли хежланган модданинги қийматидаги ўзгаришларни баҳолаш

хам ўзгаришсиз қолади. Лекин, қайта баланслаш санасидан бошлаб, хежланган модданинг камайтирилган ҳажми хежлаш муносабатларининг қисми ҳисобланмайди. Масалан, агар ташкилот дастлаб 100 тонна ҳажмдаги товарни 80 п.б форвард нархда хежлаганда ва кейинчалик 10 тоннани қайта баланслашда камайтирса, хежланган модда қайта балансдан кейин 90 тонна 80 п.б нархда хежланган бўлади. 10 тонна хежланган модда хежлаш муносабатларининг қисми бўлмай қолади ва хежлаш ҳисобининг тўхтатиш талабларига мувофиқ ҳисобга олинади (6.5.6-6.5.7 ва Б6.5.22-Б6.5.28-бандларга қаранг).

- Б6.5.21 хежлаш муносабатларини қайта баланслашда, ташкилот хежлаш муносабатларининг амал қилиш (қолган) муддатида қутилаётган хежлаш самарасизлиги манбаларини таҳлилини янгилаб бориши лозим (Б6.4.2-бандга қаранг). хежлаш муносабатларининг ҳужжатлари ҳам мос равишда янгилиниши лозим.

хежлаш ҳисобининг тўхтатилиши

- Б6.5.22 хежлаш ҳисобининг тўхтатилиши квалификация талабларга жавоб бермаган санадан бошлаб перспектив тарзда қўлланилади.

- Б6.5.23 Ташкилот қайта белгилаши лозим эмас ва шундай қилиб қуйидаги хежлаш муносабатларини тўхтатиши лозим:

- (а) хежлаш ҳисоби учун квалификация талабга жавоб берадиган деб баҳоланган ҳолда риск бошқариш мақсадларига жавоб беришда давом этаётган; ва
- (б) бошқа барча квалификация мезонларга жавоб беришни давом этаётган (агар қўллаш мумкин бўлса, хежлаш муносабатларини қайта балансини ҳисобга олган ҳолда);

- Б6.5.24 Мазкур стандарт мақсадларида, ташкилотнинг риск бошқариш стратегияси унинг риск бошқариш мақсадларидан фарқли бўлади. Риск бошқариш стратегияси юқори даражада белгиланиб, унда ташкилот рискларни қандай бошқариши ўрнатилади. Риск бошқариш стратегияси одатда ташкилот юзага келиши мумкин бўлган рискларни аниқлайди ва ташкилотнинг уларга жавобини белгилаб беради. Риск бошқариш стратегияси одатда узоқ муддатга белгиланади ва ўз ичига ушбу стратегия муддати давомиди (масалан, турли фоиз ставкалари ёки товарларнинг нарх даражаларига кўра турли даражадаги хежлаш) юзага келадиган шартлардаги ўзгаришларга жавоб қайтариш учун маълум даражада эгилувчан бўлиши мумкин. Бу қоида тариқасида умумий ҳужжатда ва қуйироқ бўғинда аниқроқ кўрсатмаларни ўз ичига олган ташкилотнинг сиёсати ва ҳужжатларида акс эттирилади. Аксинча, хежлаш муносабатларида риск бошқарув мақсади аниқ бир хежлаш муносабатлари даражасида қўлланади. У хежланган модда сифатида белгиланган аниқ бир рискнинг очик позициясини хежлаш учун хежлаш инструменти қандай белгиланганлигига тегишли бўлади. Шунга кўра, риск бошқариш стратегияси турли хежлаш муносабатларини риск бошқариш стратегияси мақсадларига тегишли бўлган умумий риск бошқаруви стратегиясини амалга оширишни назарда тутлади. Масалан:

- (а) ташкилот ўзининг қарз маблағларини жалб қилишда фоиз ставкаси рискнинг очик позицияси стратегияси доирасида ташкилот учун қатъий ва ўзгарувчан ставкадан иборат бўлган чегаралар ўрнатилган. Стратегия қарз мажбуриятларини 20 фоизи билан 40 фоизи ўртасида қатъий ставкаларида бўлади. Ташкилот вақти-вақти билан ушбу стратегияни амалга оширишни фоиз ставкалари даражасига (яъни, унинг 20 фоиз билан 40 фоиз ўртасидаги диапазондаги позициясини белгилаш) боғлиқ ҳолда белгилаб боради. Ташкилот агар фоиз ставкалари паст бўлса, улар баланд бўлганидан кўра кўпроқ қатъий ставкадаги қарз мажбуриятларидан фойдаланади. Ташкилотнинг ўзгарувчан ставкадаги қарз мажбуриятлари 100 п.б бўлиб, уларда 30 п.б қатъий ставкадаги рискнинг очик позицияси бўйича своп қилинган. Ташкилот паст фоиз ставкаларидан фойдаланган ҳолда муҳим инвестицияни молиялаштириш учун қўшимча 50 п.б қатъий ставкадаги қарз мажбуриятларини (облигациялар) чиқаради. Паст фоиз ставкалари доирасида ташкилот ўзининг қатъий фоиз ставкасидаги рискнинг очик позицияси жами қарз мажбуриятининг 40 фоизгача ошириш ва илгари 20 п.б ўзгарувчан ставкадаги рискнинг очик позициясини камайтиради, натижада 60 п.б қатъий ставкадаги рискнинг очик позициясига сабаб бўлади. Ушбу ҳолатда риск бошқарув стратегияси ўзгармасдан қолади. Лекин, фарқли равишда ташкилотнинг ушбу стратегияни ижро этиши ўзгарган бўлиб, бу илгари хежланган 20 п.б ўзгарувчан ставкадаги рискнинг очик позициясида риск бошқаруви мақсади ўзгарган бўлади (яъни хежлаш муносабатлари даражасида). Шунга мувофиқ, ушбу ҳолатда ўзгарувчан ставкада рискнинг очик позицияси бўйича хежланган 20 п.б учун хежлаш ҳисоби тўхтатилиши лозим. Бу 20 п.б номинал суммадаги своп позицияни камайтиришни талаб этиши, лекин шартларга кўра, ташкилот своп ҳажмини сақлаб туриши ва масалан уни бошқа рискларни хежлаш учун фойдаланиши ёки савдо портфелини бир қисми бўлиши

мумкин. Аксинча, агар ташкилот ўзининг янги қатъий ставкадаги қарз мажбуриятини ўзгарувчан ставкадаги рискнинг очик позициясини своп қилса, хежлаш ҳисоби илгари хежланган ўзгарувчан ставкадаги рискнинг позициясига давом этган бўлар эди.

- (б) айрим рискларнинг очик позициялари позициялар тез-тез ўзгарганлиги сабабли юзага келади, масалан, қарз инструментлари очик портфелининг фоиз ставкаси rischi. Янги қарз инструментларни қўшиш ва қарз мажбуриятларни тан олишдан тўхтатиш рисклар позициясини узлуксиз ўзгартириб боради (яъни, бу сўндириш муддати яқинлашган сари позиция қисқаришидан фарқ қилади). Бу динамик жараён бўлиб, унда рисклар позицияси ва бошқариш учун фойдаланиладиган хеж инструментлари узок муддат ўзгармасдан қолмайди. Шунга мувофиқ, ташкилот бундай рискнинг позициясини, позиция ўзгаргани сари тез-тез фоиз ставкаси riskини бошқариш учун фойдаланиладиган хежлаш инструментини тузатади. Масалан, 24 ой сўндириш муддати қолган қарз инструменти хежланган модда сифатида 24 ойлик фоиз ставкаси rischi учун белгиланган. Ушбу жараён бошқа вақт оралиги ёки сўндириш муддатларига ҳам тадбиқ этилади. Маълум бир қисқа вақтдан сўнг, ташкилот сўндириш муддатлари учун барча, айрим ёки бир қисм илгари белгиланган хежлаш муносабатларини тўхтатади ва янги хежлаш муносабатларини сўндириш муддатлари учун уларнинг ўлчами ва ўша вақтдаги мавжуд хеж инструментлари учун янгидан белгилайди. Ушбу ҳолатда хежлаш ҳисобининг тўхтатилиши ўша хежлаш муносабатларининг шундай ўрнатилганлигини билдирадики, ташкилот илгари белгиланган хежлаш инструменти ва хежланган модданинг ўрнига янги хежлаш инструменти ва янги хежланган моддага қарайди. Риск бошқариш стратегияси ўзгармасдан қолади, лекин илгари белгиланган ва ҳозирда мавжуд бўлмаган хежлаш муносабатларига нисбатан риск бошқариш мақсадлари мавжуд бўлмайди. Ушбу ҳолатда хежлаш ҳисобининг тўхтатилиши риск бошқариш мақсади ўзгаришига қараб қўлланилади. Бу ташкилот ҳолатига боғлиқ бўлиб, масалан, барча ёки фақат айрим сўндириш муддатли хежлаш муносабатлари ёки хежлаш муносабатларининг бир қисмига таъсир кўрсатади.
- (в) ташкилот прогноз қилинган сотувлар ва натижадаги дебитор қарздорликларнинг чет эл валютаси riskини бошқаришда риск бошқарув стратегиясига эга. Стратегия доирасида ташкилот чет эл валютаси riskини алоҳида хежлаш муносабати сифатида дебитор қарздорлик деб тан олинганча бошқаради. Ундан кейин ташкилот чет эл валютаси riskини алоҳида хежлаш муносабати сифатида бошқармайди. Бунинг ўрнига, у бир хил чет эл валютасида ифодаланган дебитор қарздорлик, кредитор қарздорлик ва деривативлар (ҳали юз бермаган прогноз қилинган операцияларга тегишли бўлмаган) бўйича чет эл валютаси riskини биргаликда бошқаради. Ҳисоб мақсадларида бу “табiiй” хежлаш ҳисобланади, чунки ушбу барча моддалар бўйича чет эл валютаси rischi бўйича фойда ёки зарарлар ўша вақтнинг ўзида фойда ёки зарарларда тан олинади. Шунга қўра, ҳисоб мақсадларида, агар хежлаш муносабатлари тўлов санасигача бўлган давр учун белгиланган бўлса, у дебитор қарздорлик тан олинган санада тўхтатилиши лозим, чунки, дастлабки хежлаш муносабатларининг риск бошқаруви мақсадлари қўллашдан тўхтатилади. Чет эл валютаси riskи ҳозир ўша стратегия доирасида, лекин турли асосда бошқарилади. Акс ҳолда, агар ташкилот турли риск бошқарув мақсадига эга бўлса ва чет эл валютаси riskини алоҳида прогноз сотувлар суммаси ва дебитор қарздорликни ҳисоб-китоб санасигача давом этадиган хеж муносабатлари сифатида бошқарса, хежлаш ҳисоби ушбу санагача давом этади.

Б6.5.25 хежлаш ҳисобининг тўхтатилиши қуйидагиларга таъсир этиши мумкин:

- (а) алоҳида хежлаш муносабатларига тўлиғича; ёки
- (б) хежлаш муносабатларининг бир қисмига (бу хежлаш муносабатларининг қолган қисми учун хежлаш ҳисоби давом этишини билдиради).

Б6.5.26 хежлаш муносабатлари, агар у квалификация талабига жавоб беришдан тўхтаса, тўлиқ тўхтатилади. Масалан:

- (а) хежлаш муносабатлари хежлаш ҳисоби учун муносиб бўлган асосдаги риск бошқаруви талабларига бошқа жавоб бермаслиги (яъни ташкилот риск бошқариш мақсадларига бошқа риоя қилмаса);
- (б) хежлаш инструменти ёки инструментлар сотилган ёки тўхтатилган бўлса (хежлаш муносабатларининг бир қисми бўлган бутун ҳажмга нисбатан);
- (в) хежланган модда ва хежлаш инструменти ўртасида иқтисодий боғлиқлик бошқа мавжуд бўлмаса ёки кредит riskи таъсири иқтисодий боғлиқлик натижасидаги қиймат ўзгаришларидан устунлик қилса.

- Б6.5.27 Агар хежлаш муносабатларининг бир қисми квалификация мезонига жавоб беришдан тўхтаса, хежлаш муносабатларининг бир қисми тўхтатилади (ва хежлаш ҳисоби унинг қолган қисми учун қўлланиш давом этади). Масалан:
- (а) хежлаш муносабатларини қайта баланслашда, хежлаш коэффициентини шунда тузатилиши мумкин, бунда хежланган модданинг маълум бир ҳажми хежлаш муносабатларининг қисми бўлмай қолади (Б6.5.20-бандга қаранг); шунга қўра, хежлаш ҳисоби фақат хежланган модданинг фақат хежлаш муносабатлари қисми ҳисобланмайдиган ҳажмига нисбатан тўхтатилади; ёки
 - (б) прогноз қилинган операция юқори эҳтимолли бўлмай қолган хежланган модданинг (ёки унинг компоненти) маълум бир қисми юзага келганда, хежлаш ҳисоби фақат хежланган модданинг прогноз қилинган операция юқори эҳтимолли бўлмай қолган қисмига нисбатан тўхтатилади. Лекин, агар ташкилот прогноз қилинган операциялар хежини белгилаш тарихига эга бўлса ва кейинчалик прогноз қилинган операциялар юзага келиши бошқа кутилмаётганлигини белгилаб олган бўлса, бу ҳолда ташкилотнинг прогноз қилинган операцияларни башорат қилиш қобилияти ўхшаш прогноз қилинган операцияларни башорат қилишда шубҳа остига олинади. Бу ўхшаш юқори эҳтимолли прогноз қилинган операцияларни (6.3.3-бандга қаранг) баҳолашга ва шунга қўра, улар хежланган модда сифатида аниқлашга муносиблигини белгилашга таъсир этади.
- Б6.5.28 Ташкилот хежлаш ҳисоби тўхтатилган (бир қисми ёки тўлиқ) олдинги хежлаш муносабатларининг хежлаш инструменти ёки хежланган моддасини ўз ичига олган янги хежлаш муносабатларини белгилаши мумкин. Бу хежлаш муносабатларининг давом этишини билдирмайди, балки янгидан ташкил этиш ҳисобланади. Масалан:
- (а) хежлаш инструменти эмитенти кредит рейтингининг кескин тушиши натижасида, ташкилот уни янги хежлаш инструменти билан алмаштиради. Бу дастлабки хежлаш муносабатлари риск бошқарув мақсадларига эриша олмаганлиги ва шунга қўра, у тўлигича тўхтатилганлигини билдиради. Янги хежлаш инструменти олдингиси каби, худди шундай рискнинг очиқ позицияси бўйича хежланади ва янги хежлаш муносабатлари шаклини олади. Шунга қўра, хежланган модда ҳаққоний қиймати ёки пул оқимларидаги ўзгаришлар дастлабки хежлаш муносабатлари белгиланган санадан эмас, балки янги хежлаш муносабатлари белгиланган санадан бошидан бошлаб ва шу санага нисбатан баҳоланади.
 - (б) хежлаш муносабатлари унинг амал қилиш муддати тугагунча тўхтатилади. хежлаш инструменти хежлаш муносабатларида бошқа хежлаш муносабатларининг хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин (масалан, агар бутунлай янги хежлаш муносабатларини белгилашда ёки хежлаш инструменти ҳажмини қайта баланслаш орқали хежлаш коэффициентини тузатиш орқали).

Опционларнинг вақт қиймати ҳисоби

- Б6.5.29 Опцион вақт оралиғига тегишли деб ҳисоблаш мумкин, чунки унинг вақт қиймати опцион сақловчининг вақт оралиғидаги ҳимоя учун сарфни акс эттиради. Лекин, баҳолаш мақсадларида опцион операцияни ёки вақт оралиғига боғлиқ хежланган моддани хежлаши тегишли равишда ушбу хежланган модданинг хусусиятларига боғлиқ, бу шу жумладан у қандай қилиб ва қачон фойда ёки зарарга таъсир қилишига боғлиқ. Шунга қўра, ташкилот хежланган модда хусусиятига қараб унинг турини баҳолаши лозим (хежлаш муносабатлари пул оқимлари жежи ёки ҳаққоний қиймати жежи бўлишидан қатъий назар):
- (а) агар хежлаш объекти ўз хусусиятига қўра битимдан иборат бўлиб, ушбу битимга нисбатан опционнинг вақт қиймати ушбу битим билан боғлиқ харажатларнинг қисми сифатида тавсифланса, опционнинг вақт қиймати муайян операция билан боғлиқ хежлаш объектига киритилади. Масалан, опционнинг вақт қиймати дастлабки баҳолалиши операция сарфларини ўз ичига оладиган модда тан олинишига олиб келадиган хежланган моддага тааллуқли бўлганда (масалан, ташкилот прогноз операция ёки қатъий мажбурият бўлишидан қатъий назар товар сотиб олишни товар нархи rischi ва дастлабки баҳолашда операция сарфларни ҳам ўз ичига олган товар захиралари бўйича хежлайди). Опционнинг вақт қийматини аниқ бир хежланган модданинг дастлабки баҳолашга киритилиши натижасида, вақт қиймати фойда ёки зарарга хежланган модда билан бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатади. Ўхшаш тарзда, ташкилот товарлар сотувини хежланганда, у прогноз операция ёки қатъий мажбурият бўлишидан қатъий назар, у опционнинг вақт қийматини сотувга тегишли сарфнинг бир қисми сифатида ўз ичига олади (шунга қўра, вақт қиймати фойда ёки зарарда хежланган сотувда тушум билан бир даврда тан олинади).

- (б) опционнинг вақт қиймати вақт оралиғида хежланган моддага тааллуқли бўлади, агар хежланган модданинг хусусияти шундай бўлсаки, вақт қиймати маълум бир вақт оралиғидаги рискка қарши ҳимоя олишнинг сарфи хусусияти эга бўлса (лекин, хежланган модда (а) бандга мувофиқ операция сарфларига олиб келадиган операцияни амалга оширмайди). Масалан, агар товар захиралари тегишли амал қилиш муддатида товар опциондан фойдаланган ҳолда ҳаққоний қийматнинг олти ойдаги пасайишига қарши хежланган бўлса, опционнинг вақт қиймати ушбу олти ойлик даврда фойда ёки зарарга киритилади (яъни, рационал ва тизимли равишда амортизацияланади). Бошқа мисол, бу чет эл валютасини алмаштириш опционидан фойдаланган ҳолда 18 ойлик хежланган чет эл бўлинмасига соф инвестицияларни хежи, бу опционнинг вақт қийматини 18 ойлик давр мобайнида жойлаштирилишига олиб келади.
- Б6.5.30** Хежланган модданинг хусусиятлари, ўз ичига хежланган модда фойда ёки зарарга қандай ва қачон таъсир этишини ҳам олади ва вақт оралиғида хежланган модда амортизацияланганини хежлаган опционнинг вақт қиймати даврига ҳам таъсир этади, бу давр опционнинг ички қиймати хежлаш ҳисобига мувофиқ фойда ёки зарарга таъсир этиши мумкин бўлган давр билан бир хилдир. Масалан, агар фоиз ставкаси опциони (“кэп”) ўзгарувчан ставкадаги облигациянинг фоиз ставкалари ошишига қарши ҳимоя қилиш учун фойдаланилса, ушбу “кэп”нинг вақт қиймати фойда ёки зарарга амортизацияланиши, “кэп”нинг ички қиймати фойда ёки зарарга таъсир этган даврда юз беради:
- (а) агар “кэп” ўзгарувчан ставкадаги беш йилик облигациянинг амал қилиш муддатининг дастлабки уч йили фоиз ставкалари ошишини хежласа, “кэп”нинг вақт қиймати дастлабки уч йилда амортизацияланади; ёки.
- (б) агар “кэп” ўзгарувчан ставкадаги беш йиллик облигациянинг амал қилиш муддатининг иккинчи ва учинчи йилида фоиз ставкалари ошишини хежлайдиган муддати кейин бошланадиган опцион бўлса, “кэп”нинг вақт қиймати иккинчи ва учинчи йилда амортизацияланади.
- Б6.5.31** 6.5.15 бандга мувофиқ опционнинг вақт қиймати учун ҳисоб, белгилаш санасида соф нолга тенг вақт қийматига эга (одагда “ноль сарфли коллар” деб аталади) хеж инструмент сифатида белгиланган сотиб олинган ва чиқарилган опцион (бири пут-опцион ва бири колл опцион бўлган) комбинацияларига ҳам қўлланилади. Ушбу ҳолатда, ташкилот вақтдаги қийматдаги исталган ўзгаришни бошқа умумлашган даромадда тан олиши лозим, ҳатто хежлаш муносабатларининг бутун даври давомида вақт қийматининг жамғарилган ўзгариши нолга тенг бўлса ҳам. Шунга кўра, агар опционнинг вақт қиймати қуйидагиларга тегишли бўлса:
- (а) операцияга боғланган хежланган модда бўлса, хежлаш муносабатларининг охирида хежланган моддани тўғирлайдиган вақтнинг қиймати суммаси ёки фойда ёки зарарга қайта таснифланган сумма нолга тенг бўлади (6.5.15(б) бандга қаранг).
- (б) вақт даврига боғланган хежланган модда бўлса, вақт қийматига тегишли амортизация харажатлари нолга тенг.
- Б6.5.32** 6.5.15-бандга мувофиқ опционнинг вақт қиймати учун ҳисоб, фақат хежланган моддага (мос келадиган вақт қиймати) тегишли вақт қийматига тегишли қисмига мувофиқ қўлланилади. Агар опционнинг асосий шартлари (масалан, номинал суммаси, амал қилиш муддати ва ўзгарувчилари) хежланган моддага мос келса, опционнинг вақт қиймати хежланган моддага тегишли бўлади. Шунга кўра, агар опционнинг ва хежланган модданинг асосий шартлари тўлиқ мос келмаса, ташкилот мос келадиган вақт қийматини аниқлаши, яъни мукофотга киритилган вақт қийматининг (ҳақиқий вақт қиймати) қанчаси хежланган моддага тааллуқлилигини (ва шунга кўра, 6.5.15-бандга мувофиқ талқин қилинишини) аниқлайди. Ташкилот мос келадиган вақт қийматини асосий шартлари хежланган моддага тўлиқ мос келадиган опционни баҳолаш орқали аниқлайди.
- Б6.5.33** Агар ҳақиқий вақт қиймати ва мос келадиган вақт қиймати фарқ қилса, ташкилот 6.5.15-бандга мувофиқ хусусий капиталнинг алоҳида компонентида йиғиладиган суммани қуйидагича аниқлайди:
- (а) агар хежлаш муносабатлари бошида, ҳақиқий вақт қиймати мос келадиган вақт қийматидан юқори бўлса, ташкилот:
- (i) мос келадиган вақт қиймати асосида хусусий капиталнинг алоҳида компонентида йиғиладиган суммани аниқлаши; ва
- (ii) икки вақт қийматлари ўртасидаги ҳаққоний қиймат ўзгаришлари фарқини фойда ёки зарарда ҳисобга олиши лозим.
- (б) агар хежлаш муносабатлари бошида, ҳақиқий вақт қийматига мос келадиган вақт қийматидан паст бўлса, ташкилот мос келадиган вақт қиймати асосида хусусий капиталнинг алоҳида компонентида ҳаққоний қиймат жамғарилган ўзгаришининг суммани қуйидагиларнинг энг паст бўйича аниқлаши лозим.

- (i) хақиқий вақт қиймати; ва
- (ii) мос келадиган вақт қиймати.

Хақиқий вақт қийматининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришининг қолган қисми фойда ёки зарарда тан олинаши лозим.

Форвард шартномаларининг форвард элементи ва молиявий инструментнинг чет эл валютаси базис спреди ҳисоби

Б6.5.34 Форвард шартноманинг форвард элементи вақт оралиғидаги (шартнома тузилган муддат) харажатни акс эттиргани учун вақт оралиғига боғлиқ деб ҳисобланиши мумкин. Лекин, баҳолаш мақсадларида хежлаш инструменти операцияни ёки вақтга оралиғига боғлиқ хежланган моддани хежлаши тегишли равишда ушбу хежланган модданинг хусусиятларига боғлиқ, бу шу жумладан у қандай қилиб ва қачон фойда ёки зарарга таъсир этишига боғлиқ. Шунга кўра, ташкилот хежланган модда хусусиятига (6.5.16 ва 6.5.15(а) бандларга қаранг) қараб унинг турини баҳолаши лозим (хежлаш муносабатлари пул оқимлари ҳежи ёки ҳаққоний қиймат ҳежи бўлишидан қатъий назар):

(а) агар хежланган модданинг хусусияти операция сарфи хусусиятига эга форвард элементи бўлган операция бўлса, форвард шартноманинг форвард элементи хежланган моддага тааллуқли операцияга боғлиқ. Мисол тариқасида, агар хежланган модда форвард элементга боғлиқ бўлса ва у ушбу моддани дастлабки тан олишда операция сарфларини ўз ичига олган бўлса (масалан, ташкилот чет эл валютасида ифодаланган товар захираларини сотиб олишни хежлайди, бу прогноз қилинган операция ёки қатъий мажбурият бўлишидан қатъий назар, чет эл валютаси рисқи ва товар захираларини дастлабки тан олишда операция бўйича сарфларни ўз ичига олади). Шунга кўра, форвард элементни маълум бир хежланган модданинг дастлабки баҳолашига киритилишида, форвард элемент фойда ёки зарарга хежланган модда билан бир вақтда таъсир кўрсатади. Шу каби, ташкилот чет эл валютасидаги товарларни чет валютаси рисқига нисбатан хежланганда, у прогноз операция ёки қатъий мажбурият бўлишидан қатъий назар, у форвард элементни сотувга тегишли сарфининг бир қисми сифатида ўз ичига олади (шунга кўра, вақт қиймати фойда ёки зарарда хежланган сотувда тушум билан бир даврда тан олинади).

(б) Агар хежланган модданинг хусусияти форвард элемент маълум бир вақт оралиғидаги рисққа қарши ҳимоя олишнинг сарфи хусусиятига эга бўлса, форвард шартноманинг форвард элементни вақт оралиғида хежланган моддага тааллуқли бўлади, (лекин, хежланган модда (а) бандга мувофиқ операция сарфларига олиб келадиган операцияни амалга оширмайди). Масалан, агар товар захиралари тегишли амал қилиш муддатида товар форвард шартномадан фойдаланган ҳолда ҳаққоний қийматнинг олти ойдаги пасайишига қарши хежланган бўлса, форвард шартноманинг форвард элементи ушбу олти ойлик даврда фойда ёки зарарга киритилади (яъни рационал ва тизимли равишда амортизацияланади). Бошқа мисол, бу чет эл валютасини алмаштириш форвард шартномасидан фойдаланган ҳолда 18 ойлик хежланган чет эл бўлинмасига соф инвестициялар ҳежи; бу форвард шартноманинг форвард элементининг вақт қийматини 18 ойлик давр мобайнида жойлаштирилишига олиб келади.

Б6.5.35 Хежланган модданинг хусусиятлари, ўз ичига хежланган модда фойда ёки зарарга қандай ва қачон таъсир кўрсатишини ҳам олади ва вақт оралиғида хежланган модда амортизацияланганини хежлаган форвард шартноманинг форвард элементининг даврига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, агар форвард шартнома уч ойлик фоиз ставкалари ўзгариши рисқини уч ойлик давр учун олти ойдан кейин бошланадиган даврга хежласа, форвард элемент еттинчи ойдан тўққизинчи ойгача бўлган даврда амортизацияланади.

Б6.5.36 6.5.15-бандга мувофиқ форвард шартноманинг форвард элементи учун ҳисоб, белгилаш санасида соф нолга тенг вақт қийматига эга бўлса, форвард шартнома хежлаш инструменти сифатида белгиланган санадан қўлланилади. Ушбу ҳолатда, ташкилот форвард элементга тегишли ҳаққоний қийматдаги исталган ўзгаришни ҳаттоки, хежлаш муносабатларининг бутун даври давомида форвард элементга тегишли жамғарилган ҳаққоний қиймат ўзгариши нолга тенг бўлса ҳам, бошқа умумлашган даромадда тан олиши лозим. Шунга кўра, агар форвард шартноманинг форвард элементи куйидагиларга тегишли бўлса:

(а) операцияга боғланган хежланган модда бўлса, хежлаш муносабатларининг охирида хежланган моддани тузатадиган форвард элементнинг суммаси ёки фойда ёки зарарга қайта таснифланган сумма нолга тенг бўлади (6.5.15(б) ва 6.5.16-бандларга қаранг).

(б) вақт оралиғига боғланган хежланган модда, форвард элементга тегишли амортизация суммаси нолга тенг.

- Б6.5.37 6.5.16-бандга мувофик форвард шартноманинг форвард элементи учун ҳисоб, фақат ҳежланган моддага (мос келадиган форвард элемент) тегишли форвард элементига тегишли қисмига мувофик қўлланади. Агар форвард шартноманинг асосий шартлари (масалан, номинал суммаси, амал қилиш муддати ва ўзгарувчилари) ҳежланган моддага мос келса, форвард шартноманинг форвард элементи ҳежланган моддага тегишли бўлади. Шунга қўра, агар форвард шартноманинг ва ҳежланган модданинг асосий шартлари тўлиқ мос келмаса, ташкилот мос келадиган форвард элементни аниқлаши, яъни форвард шартномага киритилган форвард элементнинг (ҳақиқий форвард элемент) қанчаси ҳежланган моддага таалуқлилигини (ва шунга қўра, 6.5.16-бандга мувофик талқин қилинишини) аниқлайди. Ташкилот мос келадиган форвард элементни асосий шартлари ҳежланган моддага тўлиқ мос келадиган форвард шартномани баҳолаш орқали аниқлайди.
- Б6.5.38 Агар ҳақиқий форвард элемент ва мос келадиган форвард элемент фарқ қилса, ташкилот 6.5.16-бандга мувофик хусусий капиталнинг алоҳида компонентида жамғарилган суммани қуйидагича аниқлаши лозим:
- (а) агар ҳежлаш муносабатлари бошида, ҳақиқий форвард элементнинг мутлақ суммаси мос келадиган форвард элементнинг суммасидан юқори бўлса, ташкилот:
 - (i) мос келадиган форвард элемент асосида хусусий капиталнинг алоҳида компонентида йиғиладиган суммани аниқлаши; ва
 - (ii) икки форвард элементлари ўртасидаги ҳаққоний қиймат ўзгаришлари фарқини фойда ёки зарарда ҳисобга олиши лозим.
 - (б) агар ҳежлаш муносабатлари бошида, ҳақиқий форвард элементнинг мутлақ суммаси мос келадиган форвард элементи суммасидан паст бўлса, ташкилот мос келадиган форвард элементи асосида хусусий капиталнинг алоҳида компонентида ҳаққоний қиймат жамғарилган ўзгаришининг энг паст бўйича аниқлаши лозим:
 - (i) ҳақиқатдаги форвард элементнинг абсолют суммаси; ва
 - (ii) мос келадиган форвард элементнинг абсолют суммаси.

Ҳақиқий форвард элементнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларнинг қолган қисми фойда ёки зарарда тан олиниши лозим.

- Б6.5.39 Ташкилот чет эл валютаси базис спрэдини молиявий инструментдан ажратганда ва уни молиявий инструментни ҳежлаш инструменти сифатида белгилашдан чиқариб ташлаганда (6.2.4(б) бандга қаранг), Б6.5.34-Б6.5.38-бандлардаги қўлланма форвард шартноманинг форвард элементига қўлланганлиги каби чет эл валютасидаги базис спрэдига қўлланади.

Объектлар гуруҳини ҳежлаш (6.6 бўлим)

Нетто позицияни ҳежлаш

Нетто позицияни белгилаш ва ҳежлаш ҳисоби учун муносиблиги

- Б6.6.1 Агар ташкилот фақат соф асосда риск бошқарув мақсадларида ҳежласа, нетто позиция ҳежлаш ҳисоби учун муносиб бўлади. Ташкилот ҳежлашда ушбу усулни қўллаши бу фактга боғлиқ (фақат ҳужжатда ёки эълон қилиши эмас). Шунга қўра, агар улар риск бошқарув усулини ўзида акс эттирмаса, ташкилот ҳежлаш ҳисобини нетто позиция асосида маълум бир ҳисоб натижалари учун қўллай олмайди. Нетто позиция ҳежи белгиланган риск бошқаруви стратегиясининг бир қисми бўлиши лозим. Одатда, у 24-сон БҲХСда кўрсатилганидек, асосий раҳбарият томонидан тасдиқланади.
- Б6.6.2 Масалан, функционал валютаси маҳаллий валюта бўлган А ташкилотнинг тўққиз ойдан кейин 150,000 ч.э.п.б реклама харажатларини тўлаш бўйича қатъий мажбурияти ва 15 ойдан кейин 150,000 ч.э.п.б тайёр товарларни сотиш бўйича қатъий мажбурияти мавжуд. А ташкилот чет эл валютаси деривативи бўйича шартнома тузиб, унга қўра, тўққиз ойдан кейин у 100 ч.э.п.б олиши ва 70 п.б тўлаши белгиланган. А ташкилотнинг чет эл валютасида бошқа рисклари мавжуд эмас. А ташкилот чет эл валютаси рискини нетто позицияси асосида бошқармайди. Шунга қўра, А ташкилот ҳежлаш ҳисобини тўққиз ойлик давр учун чет эл валютаси деривативи ва 100 ч.э.п.б нетто позициясини (150,000 ч.э.п.б қатъий сотиб олиш мажбурияти, яъни, реклама хизматлари ва 149,900 ч.э.п.б (150,000 ч.э.п.б дан) қатъий сотиш мажбуриятини) ҳежлаш муносабатларига нисбатан қўллай олмайди.
- Б6.6.3 Агар А ташкилот чет эл валютаси рискини соф асосда бошқарса ва чет эл валютаси деривативи шартномасини тузмаса (чунки у чет эл валютаси rischi очик позициясини оширади, уни камайтириш ўрнига), унда ташкилот тўққиз ой давомида табиий ҳежланган позицияда бўлади. Одатда, ушбу ҳежланган позиция молиявий ҳисоботда акс эттирилмайди, чунки операциялар келгусидаги турли

ҳисобот даврларида тан олинган. Рискдан холи позиция фақатгина 6.6.6-банддаги шартларга жавоб берса, ҳежлаш ҳисоби учун муносиб бўлади.

- Б6.6.4 Нетто позицияни ташкил этган моддалар гуруҳи ҳежланган модда сифатида белгиланганда, ташкилот нетто позицияни ташкил этган барча моддаларни ўз ичига олган бутун гуруҳни белгилаши лозим. Ташкилот нетто позициянинг аниқ кўрсатилмаган мавҳум суммасини белгилашига рухсат этилмайди. Масалан, ташкилотда 100 ч.э.п.б бўлган тўққиз ойдан кейин қатъий сотиш мажбуриятлари гуруҳи ва 18 ойдан кейин 120 ч.э.п.б қатъий сотиш мажбуриятлар гуруҳи мавжуд. Ташкилот 20 ч.э.п.б мавҳум суммадаги нетто позицияни белгилай олмайди. Бунинг ўрнига, у ялпи сотиб олишлар ва ялпи сотишлар суммасини белгилаши ва биргаликда ҳежланган нетто позициясини белгилаши мумкин. Ташкилот ялпи позицияларни белгилаши ва улар нетто позицияни юзага келтириши ва ташкилот ҳежлаш муносабатлари ҳежлаш ҳисоби талабларига мувофиқ бўлади.

Ҳеж самарадорлиги талабларини нетто позиция ҳежга қўлланилиши

- Б6.6.5 Агар ташкилот нетто позицияни ҳежлашда 6.4.1-банддаги ҳеж самарадорлиги талабларига жавоб беришини аниқлашда, у ҳежлаш инструментидаги ўхшаш таъсирга эга, ҳежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар билан ўхшаш бўлган нетто позициядаги моддалар қийматидаги ўзгаришларни ҳисобга олиши лозим. Масалан, ташкилотда 100 ч.э.п.б бўлган тўққиз ойдан кейин қатъий сотиш мажбуриятлари гуруҳи ва 18 ойдан кейин 120 ч.э.п.б қатъий сотиш мажбуриятлар гуруҳи мавжуд. У 20 ч.э.п.б чет эл валютаси rischi нетто позициясини ҳежлайди. 6.4.1(в) банддаги ҳеж самарадорлиги талабларига жавоб беришини белгилашда, ташкилот куйидагилар боғлиқлигини ҳисобга олиши лозим:

- (а) форвард валюта айирбошлаш шартномасидаги ҳаққоний қиймат ўзгариши билан чет эл валютаси riskига боғлиқ қатъий сотув мажбуриятлари қийматидаги ўзгаришлар; ва
- (б) чет эл валютаси riskига боғлиқ қатъий сотиб олиш мажбуриятлари қийматидаги ўзгаришлар.

- Б6.6.6 Ўхшаш тарзда, агар Б6.6.5-банддаги мисолда, ташкилот рискдан холи позицияда бўлса, у 6.4.1(в) банддаги ҳеж самарадорлиги талабларига жавоб беришини аниқлашда чет эл валютаси riskига боғлиқ қатъий сотиш мажбуриятлари қийматидаги ўзгаришлар ва чет эл валютаси riskига боғлиқ қатъий сотиб олиш мажбуриятлари қийматидаги ўзгаришлар боғлиқлигини ҳисобга олиши лозим.

Нетто позицияни ташкил этадиган пул оқимлари ҳежи

- Б6.6.7 Ташкилот риск позицияларини ўзаро қоплаш орқали моддалар гуруҳини ҳежласа, ҳежлаш ҳисоби учун муносиб келиш ҳеж турига боғлиқ бўлади. Агар ҳеж ҳаққоний қиймат бўйича ҳежи бўлса, унда нетто позиция ҳежланган моддага муносиб бўлиши мумкин. Лекин, агар ҳеж пул оқимлари ҳежи бўлса, унда нетто позиция ҳежланган моддага муносиб бўлиши учун чет эл валютаси rischi ҳежи бўлиши ва нетто позицияни белгилашда прогноз қилинган операция фойда ёки зарарга таъсир этиши кутилаётган ҳисобот даври ва уларнинг хусусиятлари ва ҳажми кўрсатилиши лозим.

- Б6.6.8 Масалан, ташкилот 100 ч.э.п.б сотувнинг куйи қатлами ва 150 ч.э.п.б сотиб олишнинг куйи қатлампан иборат бўлган нетто позицияга эга. Сотув ва сотиб олишлар бир хил чет эл валютасида ифодаланган. Ҳежланган нетто позицияни етарлича аниқ белгилашда ташкилот, ҳежлаш муносабатларининг ҳақиқий ҳужжатида сотувлар А ёки Б маҳсулот бўлиши мумкинлигини ва сотиб олишлар А ва Б ускуналар ва А хом ашё бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Ташкилот шунингдек, ҳужжатда сотувнинг куйи қатлами (100 ч.э.п.б) прогноз қилинган сотув ҳажмининг биринчи 70 ч.э.п.б А маҳсулот бўлиши ва биринчи 30 ч.э.п.б Б маҳсулот бўлишини белгиланган. Агар ушбу сотув ҳажмлари турли ҳисобот даврларида фойда ёки зарарга таъсир этиши кутилаётган бўлса, ташкилот ушбу ҳужжатда масалан, биринчи 70 ч.э.п.б А маҳсулот биринчи ҳисобот даврида фойда ёки зарарга таъсир этишини ва биринчи 30 ч.э.п.б Б маҳсулот бўлишини иккинчи ҳисобот даврида фойда ёки зарарга таъсир этишини кўрсатади. Ташкилот яна ҳужжатда сотиб олишнинг куйи қатлами (150 ч.э.п.б) сотиб олишнинг биринчи 60 ч.э.п.б А ускуна бўлиши, 40 ч.э.п.б Б ускуна бўлиши ва биринчи 50 ч.э.п.б А хом ашё бўлишини белгиланган. Агар ушбу сотиб олиш ҳажмлари турли ҳисобот даврларида фойда ёки зарарга таъсир этиши кутилаётган бўлса, ташкилот ушбу ҳужжатга сотиб олишлар ҳажми ва улар фойда ёки зарарга (сотув ҳажмлари бўйича ҳужжатларига мувофиқ) таъсир этиши кутилаётган ҳисобот даврлари бўйича бўлиб кўрсатилган маълумотни киритиши лозим. Масалан, прогноз қилинган операция куйидагича кўрсатилади:

- (а) биринчи 60 ч.э.п.б А ускуна сотиб олишлари учинчи даврдан бошлаб кейинги ўн ҳисобот даврида фойда ёки зарарга таъсир этиши кутилаётгани;

- (б) биринчи 40 ч.э.п.б Б ускуна сотиб олишлари тўртинчи даврдан бошлаб кейинги 20 ҳисобот даврида фойда ёки зарарга таъсир этиши кутилаётгани;
- (в) биринчи 50 ч.э.п.б А хом ашё сотиб олишлар учинчи даврда олинishi ва сотилиши яъни фойда ёки зарарга ўша ва кейинги ҳисобот даврида таъсир этиши кутилаётгани;

Прогноз қилинган операциялар ҳажми хусусиятларини кўрсатиб ўтиш, масалан, агар асосий воситалар эскириш усуллари ташкилот улардан қандай фойдаланишига қараб ўзгариши мумкин бўлса, асосий воситалар учун эскириш усуллари ҳам ўз ичига олиши мумкин. Масалан, агар ташкилот А ускунадан иккита турли ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланса ва мос равишда ўн йил давомида тўғри чизикли усулда ва ишлаб чиқариш усулида эскириш ҳисобласа, унинг ҳужжатида А ускунанинг прогноз қилинган сотиб олиш ҳажми эскиришнинг қайси усули қўлланилишига қараб, ҳажмлар бўйича бўлинган ҳолда кўрсатилган бўлади.

Б6.6.9 Нетто позициянинг пул оқимлари ҳежи учун, 6.5.11-бандга мувофиқ белгиланган суммалар, ўз ичига ҳежлаш инструменти каби ўхшаш таъсирга эга, ҳежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар билан ўхшаш бўлган нетто позициядаги моддалар қийматидаги ўзгаришларни ҳисобга олиши лозим. Лекин, ҳежлаш инструменти каби ўхшаш таъсирга эга нетто позициядаги моддаларнинг қийматидаги ўзгаришлар фақат улар тегишли бўлган операциялар тан олинганда, тан олинади, масалан, прогноз қилинган сотув тушум сифатида тан олинганда. Масалан, ташкилотда тўққиз ойдан кейин юқори эҳтимолли 100 ч.э.п.б прогноз қилинган сотувлар гуруҳига ва 18 ойдан кейин юқори эҳтимолли 120 ч.э.п.б прогноз қилинган сотиб олишлар гуруҳи мавжуд. У 20 ч.э.п.б чет эл валютаси rischi нетто позициясини ҳежлайди. Пул оқимлари ҳежи резервида 6.5.11(а)-6.5.11(б) бандга мувофиқ суммалар тан олиншини аниқлашда, ташкилот қуйидагиларни солиштиради.

- (а) форвард айирбошлаш шартноманинг ҳаққоний қиймати ўзгаришини чет эл валютаси rischi бўйича юқори эҳтимолли прогноз қилинган сотувлар қийматининг ўзгаришини;
- (б) юқори эҳтимолли прогноз қилинган харидлар қиймати ўзгаришида чет эл валютаси rischiга тааллуқли қисмини.

Лекин, ташкилот фақат форвард айирбошлаш шартномасига тегишли суммани юқори эҳтимолли прогноз қилинган сотув операциялари молиявий ҳисоботда тан олингунга қадар тан олади, яъни ушбу вақтда ушбу келгуси операциялар бўйича фойда ёки зарарлар тан олинган (яъни ҳежлаш муносабатларини белгилашдаги ва тушумнинг тан олинishi ўртасидаги вақтда чет эл валютаси курси ўзгаришига тегишли ўзгаришлар қиймати ўртасида) бўлади.

Б6.6.10 Худди шу тарзда, агар мисол учун ташкилот рискдан холи позицияга эга бўлса, у чет эл валютаси rischi билан боғлиқ юқори эҳтимолли прогноз қилинган сотувлар қийматини чет эл валютаси rischi билан боғлиқ юқори эҳтимолли прогноз қилинган сотиб олишлар қиймати билан солиштирган бўлар эди. Лекин, ушбу миқдорлар фақат прогноз қилинган операциялар молиявий ҳисоботда тан олингандан сўнг, тан олинади.

Ҳеж объектлари сифатида белгиланган объектлар гуруҳининг қатламлари

Б6.6.11 Б6.3.19-бандда кўрсатилган сабабларга кўра, мавжуд объектлар гуруҳи қатлам компонентларини белгилашда объектлар гуруҳининг номинал қийматини аниқ ажратиб олиш ва унинг ичидан ҳежланган қатлам компонентини ажратиб олиш талаб этилади.

Б6.6.12А ҳежлаш муносабатлари турли хил объектлар гуруҳидан иборат қатламларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, активлар гуруҳи ва мажбуриятлар гуруҳи нетто позицияси ҳежида ҳежлаш муносабатлари активлар гуруҳи қатлам компоненти ва мажбуриятлар гуруҳи қатлам компонентидан иборат комбинациядан ташкил топган бўлиши мумкин.

ҳежлаш инструменти фойда ёки зарарни акс эттириши

Б6.6.13 Агар объектлар пул оқимини ҳежлашда гуруҳ сифатида ҳежланган бўлса, улар фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда турли моддаларга таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳисоботда ҳеж фойдаси ёки зарарини акс эттириш объектлар гуруҳига боғлиқ бўлади.

Б6.6.14 Агар объектлар гуруҳининг рискларни ўзаро ҳисоб-китоб қиладиган позициялари (масалан чет эл валютасидаги харажатлар гуруҳи фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ва бошқа умумлашган даромаддаги ҳисоботда чет эл валютасидаги риск бўйича ҳежланган турли моддаларга таъсир этиши мумкин) мавжуд бўлмаса, унда қайта таснифланган ҳежлаш инструментининг фойда ёки зарарлари ҳежлаш объектлари таъсир кўрсатган моддалар ўртасида тақсимланаши лозим. Ушбу тақсимот тизимли ва

рационал асосда амалга оширилиши ҳамда ягона хежлаш инструментида юзага келадиган соф фойда ёки зарарларнинг ўсишига олиб келмаслиги лозим.

- Б6.6.15 Агар объектлар гуруҳида риск позицияларини (масалан, чет эл валютасида ифодаланган сотиш ва харажатлар гуруҳи биргаликда чет эл валютаси рисқи бўйича биргаликда хежланган бўлса) ўзаро ҳисоб-китоб қилиш имкони бўлса, унда ташкилот хежлаш фойда ёки зарарларини фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ва бошқа умумлашган даромаддаги ҳисоботда алоҳида модда сифатида акс эттирилиши лозим. Масалан, чет эл валютаси рисқи нетто позициясининг жежи бўлган чет эл валютасидаги 100 п.б. ва чет эл валютасидаги 80 п.б. харажатларини 20 п.б. форвард айирбошлаш шартномаси билан хежланган ҳолатни кўриб чиқайлик. Пул оқимини хежлаш резерви хежидан қайта таснифланган форвард айирбошлаш шартномаси бўйича фойда ёки зарарлар (нетто позициялар фойда ёки зарарга таъсир этганда) хеж соғуви ва харажатларидан алоҳида модда сифатида акс эттирилиши лозим. Бундан ташқари, агар соғув харажатлардан кўра олдинроқ даврда юзага келса, сотишдан тушум 21-сон БХХСга мувофиқ спот курсида баҳоланади. Тегишли хежлаш фойда ёки зарари алоҳида модда сифатида акс эттирилганда, фойда ёки зарар нетто позиция хежланиши ва тегишли пул оқимлари хеж резервининг тузатишларини ҳам акс эттиради. Агар хежлаш харажатлари фойда ёки зарарга кейинги даврларда таъсир этганда, илгари соғув бўйича пул оқимини хежлаш резерви сифатида тан олинган хеж фойдаси ёки зарари қайта фойда ёки зарар сифатида таснифланади ва алоҳида модда сифатида хежлаш харажатларини ўз ичига олган ва 21-сон БХХСга мувофиқ спот курсида баҳоланадиган моддалардан алоҳида акс эттирилади.
- Б6.6.16 Айрим турдаги ҳаққоний қиймат хежлари учун, хежнинг мақсади ҳаққоний қийматни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш эмас, балки хежлаш объектининг пул оқимларини трансформация қилиш ҳисобланади. Масалан, ташкилот қатъий ставкадаги қарз инструментидаги фоиз ставкаси ҳаққоний қиймат хежини фоиз ставкаси своидан фойдаланган ҳолда хежлайди. Ташкилотнинг хежлаш мақсади қатъий фоиз ставкасидаги пул оқимларини ўзгарувчан фоиз ставкасидаги пул оқимларига ўзгартириш ҳисобланади. Ушбу мақсад, хежлаш муносабатларининг ҳисобида фоиз ставкаси свои бўйича соф фоиз ҳисоблашни фойда ёки зарарда акс эттиришидир. Ушбу ҳолатда нетто позиция жежи (масалан қатъий ставкадаги актив ва қатъий ставкадаги мажбуриятнинг нетто позицияси) бўйича ҳисобланган соф фоиз ҳисоблаш фойда ёки зарар тўғрисидаги ёки бошқа умумлашган даромаддаги ҳисоботда алоҳида модда сифатида акс эттирилиши лозим. Бу ягона хежлаш инструментида юзага келадиган соф фойда ёки зарарлар ўсишини олдини олиш ва турли моддаларда акс эттирилишини олдини олиш мақсадида қилинади (масалан, ягона фоиз ставкаси свои бўйича соф фоиз олишларни ўсишини ялпи фоиз тушумлари ва ялпи фоиз харажатлари сифатида ўсиши сифатида акс эттирилиши олдини олади).

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари (7-боб)

Ўтиш қоидалари (7.2-бўлим)

Савдо учун мўлжалланган молиявий активлар

Мазкур МХХСни дастлабки қўллаш санасида, ташкилот ҳар қандай молиявий активларни бошқариш бўйича бизнес моделининг мақсади 4.1.2(а) банддаги шартга мос келишини ёки 4.1.2А(а) банддаги шартга ёки молиявий активни 5.7.5-банддаги танлаш имкониятига тўғри келишини аниқлаш лозим. Шу мақсадда, ташкилот молиявий активлар савдо учун мўлжалланган активлар таърифига мос келишини, агар ташкилот активларни мазкур МХХСни дастлабки қўллаш санасида сотиб олгани каби аниқлаши лозим.

Қадрсизланиш

- Б7.2.2 Ўтиш даврида, ташкилот дастлабки тан олишдаги кредит рисқини тахминан баҳолаш учун, қўшимча сарф ёки ҳаракатларсиз олиш мумкин бўлган барча мавжуд асосли ва ишончли маълумотларни ҳисобга олиши лозим. Ташкилот ўтиш даврида дастлабки тан олишдан кейин кредит рисқиди аҳамиятли ўсиш бўлганини аниқлаш учун маълумотларни ортиқча қидириш ҳаракатини амалга оширилиши талаб этилмайди. Агар ташкилотда ортиқча сарф ва ҳаракатларсиз бундай аниқлашни имкони бўлмаса, 7.2.20-банд қўлланади.
- Б7.2.3 Дастлабки қўллаш санасигача тан олинган молиявий инструментларга (ёки ташкилот шартнома тарафи бўлган қарз бериш ёки молиявий кафолат шартномалари) зарарлар бўйича баҳоланадиган резервни аниқлаш учун, ушбу объектларни ўтказишда ёки тан олиниши бекор қилинганга қадар, ташкилот дастлабки тан олишдаги кредит рисқини аниқлаш ва баҳолаш учун тегишли бўлган маълумотни ҳисобга олиши лозим. Дастлабки кредит рисқини аниқлаш ва баҳолаш учун, ташкилот

ички ва ташқи маълумотларни, шу жумладан Б5.5.1-Б5.5.6-бандларга мувофиқ портфел маълумотларни ҳисобга олиши лозим.

- Б7.2.4 Бир қанча тарихий маълумотлар билан бирга ташкилот (янги маҳсулотни жорий этишда тузилган) ички ҳисоботлар ва статистика маълумотларидан ва агар мувофиқ бўлса, ўхшаш маҳсулотлар ёки бошқа ўхшаш ташкилотлар тажрибасидан солиштирма молиявий инструментлар бўйича маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

Таърифлар (А илова)

Деривативлар

- БА.1 Деривативларга мисоллар – бу фючерс ва форварда, своп ва опцион шартномаларидир. Дериватив одагда шартли суммага эга бўлиб, бу сумма валюта суммасини, акциялар сонини, нисбатлар ёки ҳажм бирликлари сони ёки шартномада белгиланган бошқа бирликлардан иборат. Лекин, дериватив инструмент унинг эгасидан ёки эмитентидан шартнома муддати бошида ушбу шартли суммани инвестиция қилиш ёки олишни талаб этмайди. Муқобил равишда, дериватив шартли суммага боғлиқ бўлмаган келгуси ҳодиса натижасида қатъий белгиланган тўлов амалга оширилишини ёки ўзгариши (лекин таянч инструментнинг ўзгаришига мутаносиб равишда эмас) мумкин бўлган сумманинг тўланишини талаб этиши мумкин. Масалан, шартнома бўйича, агар олти ойлик ЛИБОР ставкаси 100 базис пунктга ошса, 1,000 п.б.га тенг қатъий белгиланган сумма тўланиши талаб этилиши мумкин. Шартли сумма белгиланмаган бўлса ҳам, бундай шартнома дериватив ҳисобланади.
- БА.2 Мазкур МҲХСда деривативнинг таърифи таянч модданинг етказиб берилиши орқали ялпи асосда ҳисоб-китоб қилинадиган шартномаларни қамраб олади (масалан қатъий белгиланган ставкага эга қарз инструментини сотиб олиш бўйича форвард шартномаси). Ташкилот номолиявий моддани харид қилиш ёки сотиш бўйича шартномага эга бўлиши мумкин ва бу шартнома соф асосда пул маблағлари билан ёки бошқа молиявий инструмент билан ёки молиявий инструментларни айрибошлаш орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин (масалан, товарни келгуси санада қатъий белгиланган нархда харид қилиш ёки сотиш бўйича шартнома). Агар бундай шартнома ташкилот томонидан қутилаётган харид, сотув ёки фойдаланиш талабларига мувофиқ олинган бўлмаса ва номолиявий моддани етказиб бериш мақсадида сақлаб турилиши давом этмайдиган бўлса, бундай шартнома мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасида бўлади (39-сон БҲХСнинг 5–7-бандларига қаранг). Лекин, агар ташкилот белгилашни 2.5-бандга мувофиқ амалга оширсан, мазкур стандарт ташкилот томонидан қутилаётган харид, сотув ёки фойдаланиш талаблари бўйича бундай шартномага нисбатан қўлланади (2.4–2.7-бандларга қаранг).
- БА.3 Деривативни таърифлайдиган хусусиятлардан бири – бу бозор омилларининг ўзгаришига жавобан ўхшаш тарзда ўзгариши қутилаётган бошқа турдаги шартномалар бўйича талаб этиладиган инвестициядан камроқ бўлган, дастлабки соф инвестицияга эга бўлишидир. Опцион шартномаси ушбу таърифга мос келади, чунки у бўйича муқофот суммаси ушбу опцион боғлиқ бўлган таянч молиявий инструментни олиш талаб этилиши мумкин бўлган инвестициядан кам бўлади. Дастлаб тенг ҳаққоний қийматлардаги хар хил валюталарнинг айрибошланишини талаб этадиган валюта свопи юқоридаги таърифга мос келади, чунки у нолга тенг дастлабки соф инвестицияга эга.
- БА.4 Мунтазам харид қилиш ёки сотиш шартномаси битим тузиш санаси ва ҳисоб-китоб санаси ўртасида белгиланган қарз мажбуриятини келтириб чиқаради, бу эса дериватив таърифига мос келади. Лекин, мажбурият амал қилиши муддати қисқа бўлгани учун, у дериватив молиявий инструмент сифатида тан олинмайди. Аксинча, мазкур МҲХС бундай мунтазам равишдаги шартномалар бўйича маҳсус ҳисобга олиш ёндашувини белгилайди (3.1.2 ва Б3.1.3–Б3.1.6-бандларга қаранг).
- БА.5 Деривативнинг таърифи шартноманинг томонига хос бўлмаган номолиявий ўзгарувчан кўрсаткичларни қамраб олади. Бундай кўрсаткичлар ўз ичига муайян ҳудудда зилзиладан зарарлар индекси ва муайян шаҳарда температуралар индексини олади. Шартноманинг томонига хос бўлган номолиявий ўзгарувчан кўрсаткичлар ўз ичига шартнома томонининг активига зарар етказиши ёки бузиши мумкин бўлган ёнғиннинг содир бўлиши ёки бўлмаслигини олиши мумкин. Агар ҳаққоний қиймат бундай активларнинг нафақат бозор нархларидаги ўзгаришларни (молиявий ўзгарувчан кўрсаткични) акс эттирсан, лекин муайян сақланиб турган номолиявий активнинг шартини ҳам (номолиявий ўзгарувчан кўрсаткични) акс эттирсан, номолиявий активнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгариш актив эгасига хос бўлади. Масалан, муайян автомобилнинг тугатиш қийматининг кафолати кафилни автомобилнинг жисмоний ҳолати ўзгариши riskига дучор қилса, ушбу тугатиш қийматининг ўзгариши автомобил эгасига хос бўлади.

Савдо учун мўлжалланган молиявий активлар ва мажбуриятлар

- БА.6 Олди-сотди одатда фаол ва тез-тез харид қилиш ва сотишни ифодалайди ва савдо учун мўлжалланган молиявий инструментлар одатда уларнинг нархидаги қисқа муддатли ўзгаришлардан фойда кўриш ёки дилер маржасини ишлаб топиш мақсадида фойдаланилади.
- БА.7 Савдо учун мўлжалланган молиявий мажбуриятлар ўз ичига қуйидагиларни олади:
- (а) хежлаш инструментлар сифатида ҳисобга олинмайдиган дериватив мажбуриятлар;
 - (б) қисқа позиция сотувчиси томонидан қарзга олинган молиявий активларни етказиб бериш мажбуриятлари (яъни, молиявий активларни қарзга олиб ва уларга эгалик қилмасдан, ушбу молиявий активларни сотадиган ташкилот);
 - (в) яқин келгусида қайта сотиб олиш мақсадида қабул қилинган молиявий мажбуриятлар (масалан, ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларга боғлиқ равишда эмитент томонидан яқин келгусида қайта сотиб олиниши мумкин бўлган котировкаланган қарз инструменти); ва
 - (г) биргаликда бошқариладиган ва яқин орада улар бўйича қисқа муддатли фойда олиш тенденцияси мавжуд бўлган, идентификацияланган молиявий инструментлар портфелининг қисми бўлган молиявий мажбуриятлар.
- БА.8 Мажбурият олди-сотди операцияларини молиялаштириш учун фойдаланилиши далилининг ўзи ушбу мажбурият савдо учун мўлжалланган эканлигини билдирмайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
36-ИЛОВА

10-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти Консолидациялашган молиявий ҳисобот

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади ташкилот бир ёки бир нечта бошқа ташкилотларни назорат қилган ҳолларда консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш тамойилларини белгилашдан иборат.

Мақсадга мувофиқлиги

- 2 1-бандда баён этилган мақсадга эришиш учун мазкур стандарт:
- (a) бир ёки бир нечта бошқа ташкилотлар (шўъба ташкилот)ни назорат қилувчи ташкилот (бош ташкилот) томонидан консолидациялашган молиявий ҳисоботни тақдим этилишини талаб қилади;
 - (b) *назорат қилиш* тамойилини таърифлайди ва назорат қилишни консолидациялаш учун асос сифатида белгилайди;
 - (v) инвестор инвестиция объектини назорат қилаётганлигини ва инвестиция объектини консолидациялаш лозимлигини аниқлаш учун назорат қилиш тамойилини қандай қўллашни белгилайди;
 - (г) консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш мақсадида ҳисобга олиш талабларини белгилайди; ва
 - (д) инвестиция ташкилоти тушунчасини таърифлайди ва инвестиция ташкилоти учун муайян шўъба ташкилотини консолидациялашга нисбатан истисно ҳолатни белгилайди.
- 3 Мазкур стандартда бизнес бирлашувларини ҳисобга олиш талаблари ва бизнес бирлаштирилганда амалга ошириладиган консолидациялаш, шу жумладан бунда юзага келадиган гудвилга уларнинг таъсири кўриб чиқилмайди (3-сон МХХС “Бизнес бирлашувлари”га қаранг).

Қўллаш доираси

- 4 Бош ташкилот ҳисобланган ташкилот консолидациялашган молиявий ҳисоботни тақдим этиши лозим. Мазкур стандарт барча ташкилотларга татбиқ этилади, бундан қуйидагилар мустасно:
- (a) агар бош ташкилот қуйидаги шартларнинг барчасини қаноатлантирса, у консолидациялашган молиявий ҳисоботни тақдим этмайди:
 - (i) бош ташкилотнинг ўзи бошқа ташкилотга тўлиқ ёки қисман эгаликдаги шўъба ташкилоти бўлса, ва унинг бошқа мулкдорлари, шу жумладан бошқа ҳолларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган мулкдорлар бош ташкилот консолидациялашган молиявий ҳисобот тақдим этмаслиги тўғрисида хабардор қилинган ва бунга қарши эътироз билдирмаган бўлса;
 - (ii) бош ташкилотнинг қарз ва улушли инструментлари очик бозорда (ички ёки чет эл фонд биржасида ёки биржадан ташқари бозор, шу жумладан маҳаллий ва минтақавий бозорларда) савдо қилинмаса;
 - (iii) бош ташкилот ҳар қандай турдаги инструментларни очик бозорга чиқариш мақсадида ўз молиявий ҳисоботини қимматли қоғозлар бўйича комиссия ёки бошқа тартибга солувчи органга тақдим этмаган бўлса ва тақдим этиш жараёнида ҳам бўлмаса; ва

- (iv) мазкур бош ташкилотнинг якуний ёки ҳар қандай оралик бош ташкилоти МХХСларга мувофиқ тайёрланган ва фойдаланиш учун очиқ бўлган консолидациялашган молиявий ҳисоботни тақдим этса ва уларда мазкур МХХСга мувофиқ шўба ташкилот консолидация қилинса ёхуд фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланса.
 - (б) [Чиқариб ташланган]
 - (в) [Чиқариб ташланган]
- 4А 19-сон БХХС “*Ходимларнинг даромадлари*” қўлланадиган меҳнат фаолиятдан кейинги даромадлар дастурлари ёки ходимларнинг узок муддатли бошқа даромадларига нисбатан мазкур МХХС қўлланмайди.
- 4Б Агар мазкур МХХСнинг 31-бандига мувофиқ бош ташкилот ўзининг барча шўба ташкилотларини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим бўлса, бош ташкилот бўлган инвестиция ташкилоти консолидациялашган молиявий ҳисобот тақдим этмайди.

Назорат

- 5 **Инвестор бирон-бир ташкилот (инвестиция объекти)да иштироки характеридан қатъий назар, инвестиция объекти устидан назоратга эгалигини баҳолаб, ўзининг бош ташкилот ҳисобланишини аниқлаши лозим.**
- 6 **Инвестор, агар инвестиция объектидаги иштирокидан даромадлар ўзгариши рискига мойил бўлса ёки бундай даромадларни олиш ҳуқуқига эга бўлса, шунингдек ушбу даромадларга инвестиция объектига бўлган ваколатларини амалга ошириш натижасида таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлса, инвестиция объектини назорат қилади.**
- 7 **Шундай қилиб, инвестор инвестиция объектини фақат ва фақат куйидаги барча шартлар бажарилганда назорат қилади:**
- (а) **инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эга бўлса (10–14-бандларга қаранг);**
 - (б) **инвестиция объектида иштирок этишдан даромадлар ўзгариши рискига мойил бўлса ёки уни олишга нисбатан ҳуқуқга эга бўлса (15 ва 16-бандларга қаранг); ва**
 - (в) **инвесторнинг даромадлари миқдорига таъсир кўрсатиш мақсадида инвестиция объектига нисбатан ўз ваколатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлса (17 ва 18-бандларга қаранг).**
- 8 Инвестор инвестиция объекти устидан назорат мавжудлигини баҳолашда барча далиллар ва ҳолатларни кўриб чиқиши лозим. Агар далиллар ва ҳолатлар 7-бандда санаб ўтилган назоратнинг уч элементидан бири ёки бир нечтаси ўзгарганини кўрсатса, инвестор инвестиция объекти устидан назоратга эгалигини қайта баҳолаши лозим (Б80-Б85-бандларига қаранг).
- 9 Агар ўринли фаолиятни бошқариш учун биргаликдаги ҳаракат талаб этилса, икки ёки ундан ортиқ инвесторлар инвестиция объектини биргаликда назорат қилади. Бундай ҳолларда инвесторлардан бирортаси ҳам инвестиция объекти устидан индивидуал назоратга эга бўлмайди, чунки инвесторлардан бирортаси ҳам қолган инвесторлар билан ўзаро келишмасдан фаолиятни назорат қила олмайди. Ҳар бир инвестор инвестиция объектидаги ўз улушини 11-сон МХХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*”, 28-сон БХХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*” ёки 9-сон МХХС “*Молиявий инструментлар*” каби тегишли МХХСларга мувофиқ ҳисобга олади.

Ваколат

- 10 Инвестор ўринли фаолиятни, яъни инвестиция объектининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолиятини бошқариш имкониятини берадиган ҳуқуқларга эга бўлса, у инвестиция объектига нисбатан ваколатга эга ҳисобланади.
- 11 Ваколат ҳуқуқлардан юзага келади. Баъзида ваколатни баҳолаш қийинчилик туғдирмайди, масалан, инвестиция объектига нисбатан ваколат акциялар каби улушли инструментлар орқали тақдим этилган овоз бериш ҳуқуқларининг бевосита ва ягона натижаси ҳисобланади ва ваколатни баҳолаш фақат тегишли акциялар пакети билан боғлиқ овоз бериш ҳуқуқларини инobatга олиш йўли билан баҳоланиши мумкин. Бошқа ҳолларда, баҳолаш мураккаб бўлади ва бир нечта омилларни инobatга олишни талаб қилиши мумкин (масалан, ваколат бир ёки бир нечта шартномавий келишувлар натижаси бўлса).

- 12 Ўринли фаолиятни бошқариш имкониятига эга бўлган инвестор, хатто бошқарувни амалга ошириш ҳуқуқлари ҳали амалга оширилган бўлмаса ҳам, ваколатга эга бўлади. Инвестор ўринли фаолиятни бошқараётганини тасдиқловчи далиллар унинг ваколатга эгалигини аниқлашда фойдали бўлиши мумкин, лекин бундай далиллар ўз-ўзидан инвестор инвестиция объектига нисбатан ваколатга эгалигини аниқлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланмайди.
- 13 Агар икки ёки ундан ортиқ инвесторларнинг ҳар бири уларга турли хил ўринли фаолиятни бир томонлама тартибда бошқариш имкониятини берадиган мавжуд ҳуқуқларга эга бўлса, инвестиция объектининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолиятни бошқариш имкониятига эга бўлган инвестор инвестиция объектига нисбатан ваколатга эга бўлади.
- 14 Инвестор, хатто бошқа ташкилотлар ўринли фаолиятни бошқаришда иштирок этиш имкониятини берадиган мавжуд ҳуқуқларга эга бўлса ҳам, инвестиция объектига нисбатан ваколатга эга бўлиши мумкин, масалан, бошқа ташкилот объектга *аҳамиятли таъсир* кўрсатиш имкониятига эга бўлганда. Лекин, фақат манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқларига эга бўлган инвесторда инвестиция объектига нисбатан ваколат мавжуд бўлмайди (Б26-Б28-бандларига қаранг) ва, бинобарин, бундай инвестор инвестиция объектини назорат қилмайди.

Даромадлар

- 15 Агар инвесторнинг инвестиция объектида иштирок этишдан оладиган даромадлари инвестиция объектининг фаолият кўрсаткичларига қараб ўзгариши мумкин бўлса, инвестор инвестиция объектида иштирок этишдан даромадлар ўзгариши рискига мойил бўлади ёки бундай даромадларни олиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторнинг даромадлари фақат ижобий, фақат салбий ёки ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.
- 16 Инвестиция объектини фақат бир инвестор назорат қилиши мумкинлигига қарамай, инвестиция объектининг даромадларида бир нечта томон иштирок этиши мумкин. Масалан, назорат кучига эга бўлмаган улушларнинг эгалари инвестиция объектининг даромадлари ёки уларни тақсимлашда иштирок этишлари мумкин.

Ваколат ва даромадлар ўртасидаги боғлиқлик

- 17 Агар инвестор нафақат инвестиция объектига нисбатан ваколатга эга бўлса ва инвестиция объектида иштирок этишдан даромадлар ўзгариши рискига мойил бўлса ёки бундай даромадларни олиш ҳуқуқига эга бўлса, балки инвестиция объектида иштирок этишдан даромадларга таъсир кўрсатиш учун ўз ваколатидан фойдаланиш имкониятига ҳам эга бўлса, инвестор инвестиция объекти устидан назоратга эга бўлади.
- 18 Шундай қилиб, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган инвестор ўзининг принципал ёки агент ҳисобланишини аниқлаши лозим. Б58-Б72-бандларига мувофиқ агент ҳисобланадиган инвестор инвестиция объектини назорат қилмайди, балки ўзига берилган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини амалга оширади.

Ҳисоб юритишга нисбатан талаблар

- 19 **Бош ташкилот ўхшаш операциялар ҳамда ўхшаш ҳолатлардаги бошқа ҳодисалар учун бир хил ҳисоб сиёсатидан фойдаланган ҳолда консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаши лозим.**
- 20 Инвестиция объектини консолидациялаш инвестор инвестиция объекти устидан назоратни олган пайтдан бошланади ва инвестор инвестиция объекти устидан назоратни йўқотган пайтда тугалланади.
- 21 Б86-Б93-бандларда консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича кўрсатма берилган.

Назорат кучига эга бўлмаган улушлар

- 22 Бош ташкилот назорат кучига эга бўлмаган улушларни молиявий ҳолат тўғрисидаги консолидациялашган ҳисоботда хусусий капитал таркибида, бош ташкилот мулкдорларига тегишли хусусий капиталдан алоҳида тарзда тақдим этиш лозим.
- 23 Бош ташкилотнинг шўба ташкилот устидан назоратни йўқотишига олиб келмайдиган эгалик улушининг ўзгариши хусусий капитал билан боғлиқ операциялар (яъни мулкдорлар билан уларнинг мулкдор сифатида амал қилишидаги операциялар) сифатида ҳисобга олинади.

- 24 Б94-Б96-бандларда консолидациялашган молиявий ҳисоботда назорат кучига эга бўлмаган улушларни ҳисобга олиш бўйича кўрсатма берилган.

Назоратни йўқотиш

- 25 Агар бош ташкилот шўъба ташкилоти устидан назоратни йўқотган бўлса, ушбу бош ташкилот:
- (a) собиқ шўъба ташкилотининг активлари ва мажбуриятларини молиявий ҳолат тўғрисидаги консолидациялашган ҳисоботда тан олишни бекор қилади.
 - (b) назорат йўқотилган санада собиқ шўъба ташкилотидага ҳар қандай инвестиция қолдигини ҳаққоний қийматда тан олади ва бундай инвестицияларни ва собиқ шўъба ташкилотидан олинган ёки унинг фойдасига тўланиши лозим бўлган ҳар қандай суммаларнинг кейинги ҳисобини тегишли МХХСда белгиланган тартибда амалга оширади. Мазкур ҳаққоний қиймат 9-сон МХХСга мувофиқ молиявий активни дастлабки тан олишда унинг ҳаққоний қиймати ёки қўллаш ўринли бўлганда таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхоналарга инвестицияларнинг бошланғич қиймати сифатида инобатга олинishi лозим.
 - (b) собиқ назорат пакетида нисбатан назоратни йўқотиш билан боғлиқ фойда ёки зарарни тан олади.
- 26 Б97-Б99-бандларда назоратни йўқотишни ҳисобга олиш бўйича кўрсатма берилган.

Ташкилот инвестиция ташкилоти ҳисобланишини аниқлаш

- 27 **Бош ташкилот ўзининг инвестиция ташкилот ҳисобланишини аниқлаши лозим. Инвестиция ташкилоти бу:**
- (a) **бир ёки ундан ортиқ инвесторлардан ушбу инвестор(лар)га инвестицияларни бошқариш бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадида маблағлар оладиган;**
 - (b) **инвестор(лар) олдида ўз бизнесининг мақсади фақат капитал қийматининг ошишидан, инвестиция даромадидан ёки ҳар иккисидан даромадлар олиш мақсадида маблағларни инвестиция қилишдан иборат бўлган; ва**
 - (b) **ўзининг деярли барча инвестициялари бўйича фаолият натижаларини уларнинг ҳаққоний қиймати асосида баҳолайдиган ва аниқлайдиган ташкилотдир.**
- Б85А-Б85Л бандларда қўллаш бўйича тегишли кўрсатма келтирилган.**
- 28 Ташкилот 27-бандда келтирилган таърифта мос келишини баҳолашда инвестиция ташкилотига хос бўлган қуйидаги хусусиятларга эгаллигини кўриб чиқиши лозим:
- (a) унда бирдан ортиқ инвестициялар мавжуд (Б85Н-Б85О-бандларига қаранг);
 - (b) у бирдан ортиқ инвесторга эга (Б85П-Б85С-бандларига қаранг);
 - (b) у ташкилотнинг ўзаро боғлиқ томонлари ҳисобланмайдиган инвесторларга эга (Б85Т-Б85У-бандларига қаранг); ва
 - (г) у капиталда эгалик улушларга ёки бошқа шунга ўхшаш улушларга эга (Б85Ф-Б85Х бандларига қаранг).
- Ушбу ўзига хос хусусиятлардан бирининг йўқлиги ташкилотга инвестиция ташкилоти сифатида таснифланишини бекор қилмаслиги ҳам мумкин. Юқорида санаб ўтилган хусусиятларнинг барчасига эга бўлмаган инвестиция ташкилоти 12-сон МХХС “*Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш*” нинг 9А бандига мувофиқ талаб этиладиган маълумотларни қўшимча равишда ёритиб беради.
- 29 Агар далиллар ва ҳолатлар 27-бандда тавсифланган инвестиция ташкилотининг таърифини ташкил этувчи уч элементдан бири ёки бир нечтаси ёхуд 28-бандда тавсифланган инвестиция ташкилотининг хусусиятларидан бири ёки бир нечтаси ўзгарганини кўрсатса, бош ташкилот ўзининг инвестиция ташкилоти ҳисобланишини қайта баҳолаши лозим.
- 30 Агар бош ташкилот инвестиция ташкилоти мақомини йўқотаётган ёки инвестиция ташкилотига айланаётган бўлса, ўз мақомининг ўзгаришини бундай ўзгариш юз берган санадан бошлаб перспектив тарзда ҳисобга олиши лозим (Б100-Б101-бандларга қаранг).

Инвестиция ташкилотлари: консолидациялашдан истисно

- 31 Инвестиция ташкилоти ўзининг шўба ташкилотини консолидациялашни амалга оширмаслиги ёки унинг устидан назоратни олганда 3-сон МХХСни қўлламаслиги лозим, бундан 32-бандда тавсифланган ҳолатлар мустасно. Бунинг ўрнига, инвестиция ташкилоти шўба ташкилотидаги инвестицияни 9-сон МХХСга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим.¹
- 32 31-банд талабларига қарамай, агар инвестиция ташкилоти инвестиция ташкилоти бўлмаган шўба ташкилотига эга бўлса ва унинг асосий мақсади ва фаолияти инвестиция ташкилотининг инвестиция фаолиятига тегишли бўлган хизматларни кўрсатиш бўлса, мазкур МХХСнинг 19-26-бандларига мувофиқ у шўба ташкилотини консолидациялаши лозим ва бунда ҳар қандай шу каби шўба ташкилотларни харид қилганда 3-сон МХХС талабларини қўлаши лозим.
- 33 Агар бош ташкилотнинг ўзи инвестиция ташкилот ҳисобланмаса, ўзи назорат қиладиган ташкилотларнинг барчасини, шу жумладан инвестиция ташкилоти ҳисобланадиган шўба ташкилоти орқали назорат қиладиган ташкилотларни ҳам консолидациялаши лозим.

¹ 10-сон МХХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”нинг В7-бандида: “Агар ташкилот мазкур стандартни қўллаётган бўлса, лекин 9-сон МХХСни қўллашни бошламаган бўлса, мазкур стандартда 9-сон МХХСга қилинган ҳар қандай ҳавола 39-сон БХХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”га ҳавола сифатида қаралиши лозим”.

А Илова Атамалар таъриффи

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

консолидациялашган молиявий ҳисобот	бош ташкилот ва унинг шўба ташкилотлари активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромади, харажатлари ва пул оқимларини ягона хўжалик субъектига тегишли деб тақдим этиладиган ташкилотлар гуруҳининг молиявий ҳисоботи.
инвестиция объекти устидан назорат	Инвестор, агар унинг инвестиция объектида иштирок этишидан даромадларнинг ўзгариши рискга мойил бўлса ёки бундай даромадларни олиш ҳуқуқига эга бўлса, шунингдек инвестиция объектига нисбатан ўз ваколатларини амалга ошириш орқали даромадларга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлса, инвестиция объекти устидан назоратга эга бўлади.
қарорларни қабул қилувчи томон	Қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган, бошқа томонлар учун принципал ёки агент ҳисобланадиган ташкилот.
гуруҳ	Бош ташкилот ва унинг шўба ташкилотлари .
инвестиция ташкилоти	Бу: (а) бир ёки ундан ортиқ инвесторлардан ушбу инвестор(лар)га инвестицияларни бошқариш бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадида маблағлар оладиган; (б) инвестор(лар) олдида ўз бизнесининг мақсади фақат капитал қийматининг ошишидан, инвестиция даромадидан ёки ҳар иккисидан даромадлар олиш мақсадида маблағларни инвестиция қилишдан иборат бўлган; ва (в) ўзининг деярли барча инвестициялари бўйича фаолият натижаларини уларнинг ҳаққоний қиймати асосида баҳолайдиган ва аниқлайдиган ташкилотдир.
Назорат кучига эга бўлмаган улуш	Бош ташкилотга бевосита ёки билвосита тегишли бўлмаган шўба ташкилотдаги хусусий капитал.
бош ташкилот	Бир ёки бир нечта ташкилотларни назорат қилувчи ташкилот.
ваколат	Ўринли фаолиятни бошқариш имкониятини берадиган мавжуд ҳуқуқлар.
манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари	Бу мазкур ҳуқуқларга эга бўлган томонга ваколат бермаган ҳолда, манфаатларни ҳимоя қилишга мўлжалланган ҳуқуқлардир.
ўринли фаолият	Мазкур стандарт мақсадида ўринли фаолият – бу инвестиция объектнинг инвестиция объекти даромадларига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолияти.
маҳрум қилиш ҳуқуқлари	Қарорларни қабул қилувчи томонни қарорлар қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳуқуқи.
шўба ташкилоти	Бошқа ташкилотнинг назорати остида бўлган ташкилот.

Қуйидаги атамалар 11-сон БХХС (2011 йил таҳрири), 28-сон БХХС (2011 йил таҳрири) ёки 24-сон МХХС “*Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*”да таърифланган ва мазкур МХХСда юқоридаги МХХСларда белгиланган маънода фойдаланилади:

- таъсир остидаги ташкилот
- бошқа ташкилотдаги улуш
- қўшма корхона
- муҳим бошқарув ходими
- боғлиқ томон

- аҳамиятли таъсир.

Б илова **Қўллаш бўйича кўрсатма**

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир. Ушбу илова 1-33-бандларнинг қўлланишини ифодалайди ва МХХСнинг бошқа қисмлари билан тенг кучлидир.

- Б1 Мазкур иловадаги мисоллар фаразларга асосланган ҳолатларни тасвирлайди. Мисолларнинг айрим жиҳатлари реал далиллар тарзида мавжуд бўлиши мумкин бўлсада, ушбу барча хусусий мисоллардаги ўринли далиллар ва ҳолатлар 10-сон МХХСни қўллашда баҳоланиши зарур бўлади.

Назоратни баҳолаш

- Б2 Инвестор ўзининг инвестиция объекти устидан назоратга эгалигини аниқлаш учун қуйидагиларни баҳолаши лозим:
- (а) инвестиция объектига нисбатан ваколатга эгалигини;
 - (б) инвестиция объектида иштирок этишдан даромадлар ўзгариши рискига мойиллигини ёки уни олишга нисбатан ҳуқуқга эгалигини; ва
 - (в) инвесторнинг даромадлари миқдорига таъсир кўрсатиш мақсадида инвестиция объектига нисбатан ўз ваколатларини амалга ошириш имкониятига эгалигини.
- Б3 Қуйидаги омилларни инobatга олиш назорат мавжудлигини аниқлашда кўмак бериши мумкин:
- (а) инвестиция объектининг мақсади ва тузилмаси (Б5-Б8-бандларига қаранг);
 - (б) қайси фаолият ўринли ҳисобланиши ва мазкур фаолият юзасидан қарорлар қай тарзда қабул қилиниши (Б11-Б13-бандларига қаранг);
 - (в) инвестор эга бўлган ҳуқуқлар ўринли фаолиятни бошқариш имкониятини бериши (Б14-Б54-бандларига қаранг);
 - (г) инвестор объектда иштирок этишдан даромадлар ўзгариши рискига мойиллиги ёки бундай даромадларни олиш ҳуқуқларига эгалиги (Б55-Б57-бандларига қаранг); ва
 - (д) инвестор ўзининг даромадлари миқдорига таъсир кўрсатиш мақсадида инвестиция объектига нисбатан ўз ваколатини амалга ошириш имкониятига эгами (Б58-Б72-бандларига қаранг).
- Б4 Инвестиция объекти устидан назоратни баҳолашда инвестор ўзининг бошқа томонлар билан муносабатлари характерини кўриб чиқиши лозим (Б73-Б75-бандларига қаранг).

Инвестиция объектининг мақсади ва тузилмаси

- Б5 Инвестиция объекти устидан назоратни баҳолашда инвестор қайси фаолият ўринли ҳисобланиши ва мазкур фаолият юзасидан қарорлар қай тарзда қабул қилинишини, бу фаолиятни бошқариш имкониятига ҳозир ким эга эканлигини ва ушбу фаолиятдан даромадларни ким олаётганини аниқлаш учун инвестиция объектининг мақсади ва тузилмасини кўриб чиқиши лозим.
- Б6 Инвестиция объектининг мақсади ва тузилмаси таҳлили натижасида инвестиция объекти устидан назорат эгасига инвестиция объектининг оддий акциялари каби мутаносиб овоз бериш ҳуқуқларини берадиган улушли инструментлар асосида амалга оширилиши равшан бўлиши мумкин. Бу ҳолда, агар қарорлар қабул қилиш жараёнига ўзгартиришлар киритадиган бирон-бир қўшимча келишувлар бўлмаса, назоратни баҳолашда асосий эътибор инвестиция объектининг операциялар ва молиявий сиёсатини белгилаш учун етарли овоз бериш ҳуқуқларини қайси томон (агар улар мавжуд бўлса) амалга ошириши мумкинлигини аниқлашга қаратилади (Б34-Б50-бандларига қаранг). Энг оддий ҳолда, овоз бериш ҳуқуқларининг кўпчилик қисмига эга инвестор бошқа бирон-бир омиллар мавжуд бўлмаганда инвестиция объекти устидан назоратга эга бўлади.
- Б7 Инвестор мураккаброк вазиятларда инвестиция объекти устидан назоратга эгалигини аниқлашда Б3-бандидаги омиллардан айримларини ёки уларнинг барчасини кўриб чиқиши талаб этилиши мумкин.
- Б8 Инвестиция объекти уни ким назорат қилишини аниқлашда овоз бериш ҳуқуқлари етакчи омил ҳисобланмайдиган, масалан, овоз бериш ҳуқуқлари фақат маъмурий вазифалар билан боғлиқ бўладиган, ўринли фаолиятни бошқариш эса келишув асосида амалга ошириладиган тарзда тузилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, инвестиция объекти мақсади ва тузилмасининг кўриб чиқилиши

шунингдек, инвестиция объектларини тузилишида режалаштирилган рискларни кўриб чиқишни, инвестиция объектини ташкил этишда иштирок этаётган бошқа томонларга ўтказилиши режалаштирилган рискларни, ҳамда инвестор бундай рискнинг барчасига ёки айримларига мойиллигини кўриб чиқишни ҳам ўз ичига олиши лозим. Рискларни кўриб чиқиш нафақат зарарлар рискни балки даромад олиш рискни ҳам ўз ичига олади.

Ваколат

- Б9 Инвестиция объектга нисбатан ваколатга эга бўлиш учун инвестор унга ўринли фаолиятни бошқариш имкониятини берадиган мавжуд ҳуқуқларга эга бўлиши лозим. Ваколатни баҳолашда фақат реал ҳуқуқлар ва манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ҳисобланмайдиган ҳуқуқлар ҳисобга олинади (Б22-Б28-бандларига қаранг).
- Б10 Инвесторда ваколат амалда мавжудлигини аниқлаш қайси фаолият ўринли ҳисобланиши, ўринли фаолият юзасидан қарорлар қай тарзда қабул қилинишига, шунингдек инвестиция объектга нисбатан инвестор ва бошқа томонлар эга бўлган ҳуқуқларга боғлиқ бўлади.

Ўринли фаолият ва ўринли фаолиятни бошқариш

- Б11 Кўпгина инвестиция объектлари учун операцион ва молиявий фаолиятнинг бир қатор турлари инвестиция объектларининг даромадларига аҳамиятли таъсир кўрсатади. Ҳолатга қараб, ўринли фаолият ҳисобланиши мумкин бўлган фаолият турларига мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) товарлар ёки хизматларни сотиш ва харид қилиш;
 - (б) молиявий активларни муддати мобайнида бошқариш (шу жумладан дефолт юз бериши далили бўйича);
 - (в) активларни танлаб олиш, харид қилиш ёки ҳисобдан чиқариш;
 - (г) янги маҳсулотлар ёки жараёнларни тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш; ва
 - (д) молиялаштириш тузилмасини аниқлаш ёки молиялаштиришни жалб қилиш.
- Б12 Ўринли фаолият юзасидан қабул қилинадиган қарорларга мисоллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) инвестиция объектнинг операцион фаолияти ва капитали, шу жумладан бюджетлар тўғрисидаги қарорлар; ва
 - (б) инвестиция объекти ёки хизматларни етказиб берувчиларнинг муҳим бошқарув ходимларини тайинлаш ва мукофотлаш, шунингдек мазкур шахслар билан меҳнат ёки шартномавий муносабатларни тугатиш.
- Б13 Айрим вазиятларда муайян ҳолатлар юзага келиши ёки маълум ҳодиса содир бўлишидан олдин ёки кейин амалга ошириладиган фаолият ўринли бўлиши мумкин. Агар икки ёки ундан ортиқ инвесторлар ҳозирги вақтда ўринли фаолиятни бошқариш имкониятига эга бўлса ва мазкур фаолият турли вақтда амалга оширилса, инвесторлар даромадларга аҳамиятли таъсир кўрсатувчи фаолиятни қайси инвестор бошқариш қарорларини қабул қилишини бир вақтда қарорлар қабул қилиш ҳуқуқларига эга томонларни ҳисобга олиб аниқлашлари лозим (13-бандга қаранг). Агар тегишли далиллар ёки ҳолатларда муайян ўзгаришлар юз берган бўлса, инвесторлар вақт ўтиши билан мазкур баҳолашни қайта кўриб чиқишлари лозим.

Қўллашга доир мисоллар

1-мисол

Икки инвестор дори воситасини ишлаб чиқиш ва сотиш мақсадида инвестиция объектини яратади. Инвесторларнинг бири дори воситасини ишлаб чиқиш ва тартибга солувчи органларнинг тегишли рухсатини олиш учун масъул; ушбу жавобгарлик дори воситасини ишлаб чиқиш ва тартибга солувчи органлар рухсатини олиш билан боғлиқ барча қарорларни бир томонлама тартибда қабул қилиш имкониятини ўз ичига олади. Тартибга солувчи орган дори воситасини маъқуллаши билан, бошқа инвестор уни ишлаб чиқариш ва сотишга киришади; бу инвестор маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишга доир барча қарорларни бир томонлама тартибда қабул қилиши мумкин. Агар кўрсатилган фаолият турларининг барчаси – дори воситаларини ишлаб чиқиш, тартибга солувчи орган рухсатини олиш, дори воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш ўринли фаолият ҳисобланса, ҳар бир инвестор инвестиция объектнинг

Қўллашга доир мисоллар

даромадларига аҳамиятли таъсир кўрсатувчи фаолиятни бошқариш имкониятига эга ёки эга эмаслигини аниқлаши лозим. Шунга кўра, ҳар бир инвестор дори воситасини ишлаб чиқиш ва тартибга солувчи органлар рухсатини олиш ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш инвестиция объектнинг даромадларига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолият ҳисобланишини ва у мазкур фаолиятни бошқариш имкониятига эгаллиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши лозим. Қайси инвестор ваколатга эга эканлигини аниқлашда, инвесторлар қуйидаги масалаларни кўриб чиқишлари мумкин:

- (а) инвестиция объектнинг мақсади ва тузилмаси;
- (б) инвестиция объектнинг фойда меъёри, тушуми ва қийматини, шунингдек дори воситаси қийматини белгилувчи омиллар;
- (в) ҳар бир инвесторнинг (б) кичик бандда санаб ўтилган омиллар юзасидан қарорлар қабул қилиш ваколатларини амалга ошириши натижасида инвестиция объектнинг даромадларига кўрсатадиган таъсири; ва
- (г) инвесторларнинг даромадлар ўзгариши рискига мойиллиги.

Мазкур мисолда инвесторлар қўшимча равишда қуйидаги масалаларни ҳам кўриб чиқишлари мумкин:

- (д) тартибга солувчи органлар рухсатини олишдаги ноаниқлик ва бундай рухсатни олиш учун талаб этиладиган саъй-ҳаракатлар (инвесторнинг дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тартибга солувчи органларнинг тегишли рухсатини олиш борасидаги самарали тажрибасини ҳисобга олган ҳолда); ва
- (е) ишлаб чиқиш босқичи самарали яқунланганидан сўнг инвесторларнинг қайси бири дори воситаси устидан назоратни амалга ошириши.

2-мисол

Инвестиция тузилмаси (инвестиция объекти) қарз инструментлари эгаси (қарз инструментларига инвестор) бўлган инвестор ва улушли инструментларни эгаси бўлган бошқа инвесторлар томонидан ташкил этилмоқда ва молиялаштирилмоқда. Улушли инструментларни чиқариш дастлабки зарарларни қоплаш ва инвестиция объектдан қолдиқ даромад олиш мақсадини кўзлайди. Улушларнинг 30 фоизига эгаллик қилувчи улушли инструмент эгаси бўлган инвесторлардан бири активларни бошқарувчи ҳам ҳисобланади. Инвестиция объекти ўз даромадларидан молиявий активлар портфелини сотиб олиш учун фойдаланади ва инвестиция объектини бундай активлар бўйича асосий қарз ва фоизлар тўловларини амалга оширмаслик эҳтимоли билан боғлиқ кредит рискига олиб келади. Операция инвесторга қарз инструментлари сифатида бундай активлар бўйича тўловларни амалга оширмаслик эҳтимоли билан боғлиқ минимум кредит rischi асосида сотилади чунки ушбу активларни хусусияти билан боғлиқ ва улушли инструментларни чиқариш инвестиция объектнинг дастлабки зарарларини қоплаш учун мўлжалланган. Инвестиция объектнинг даромадларига портфелни бошқариш доирасида активларни танлаш, харид қилиш ва ҳисобдан чиқариш юзасидан қарорлар қабул қилишни, шунингдек портфелдаги ҳар қандай активлар бўйича тўловлар амалга оширилмаган ҳолларда бошқарув ҳаракатларини ўз ичига оладиган активлар портфелини бошқариш борасидаги фаолияти аҳамиятли таъсир кўрсатади. Активлар дефолти портфель қийматининг белгиланган нисбатига етгунга қадар (яъни инвестиция объекти улушли инструментларни чиқариш натижасида олинган капитал портфели қиймати билан камраб олинган) мазкур фаолиятни амалга оширишга активлар бошқарувчиси жавобгар бўлади. Шу вақтдан бошлаб, активларни қарз инструментларига эга инвесторнинг кўрсатмасига мувофиқ учинчи томон ҳисобланадиган ишончли бошқарувчи бошқаради. Инвестиция объектнинг активлар портфелини бошқариш мазкур объектнинг ўринли фаолияти ҳисобланади. Активларни бошқарувчи ўринли фаолиятни дефолт активлари портфель қийматига нисбатан белгиланган нисбатга етгунга қадар бошқариш имкониятига эга; қарз инструментларига эгаллик қилувчи инвестор ўринли фаолиятни дефолт активлар қиймати портфель қийматига нисбатан белгиланган нисбатдан ошганда бошқариш имкониятига эга бўлади. Активларни бошқарувчи ва қарз инструментларига эгаллик қилувчи инвестор уларнинг ҳар бири инвестиция объектнинг даромадларига *кўпроқ* аҳамиятли таъсир кўрсатувчи фаолиятни бошқариш имкониятига эгаллигини, шу жумладан инвестиция объектнинг мақсади ва тузилмасини таҳлил қилиши, шунингдек ҳар бир томон учун даромадларнинг ўзгариши рискини аниқлаши лозим.

Инвесторга инвестиция объектига нисбатан ваколат берадиган ҳуқуқлар

- Б14 Ваколат ҳуқуқлар натижасида юзага келади. Инвестиция объектига нисбатан ваколатга эга бўлиш учун инвестор ўринли фаолиятни бошқариш имкониятини берадиган мавжуд ҳуқуқларга эга бўлиши лозим. Инвесторга ваколат бериши мумкин бўлган ҳуқуқлар инвестиция объектига боғлиқ ҳолда фарқ қилиши мумкин.
- Б15 Инвесторга инвестиция объектига нисбатан ваколат бериши мумкин бўлган индивидуал ёки жамланган ҳуқуқларга мисоллар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) инвестиция объектида овоз бериш ҳуқуқлари (ёки потенциал овоз бериш ҳуқуқлари) шаклидаги ҳуқуқлар (Б34-Б50-бандларига қаранг);
 - (б) инвестиция объектининг ўринли фаолиятга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳим бошқарув ходими тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ёки ишдан бўшатиш ҳуқуқлари;
 - (в) ўринли фаолиятни бошқарувчи сифатида бошқа ташкилотни белгилаш ёки четлатиш ҳуқуқлари;
 - (г) инвестиция объектига инвестор манфаатларидан келиб чиқиб бирон-бир битимларга қўшилиш хусусида кўрсатмалар бериш ёки бирон-бир битимларга ҳар қандай ўзгартиришлар киритишга вето қўйиш ҳуқуқлари; ва
 - (д) эгасига ўринли фаолиятни бошқариш имкониятини берадиган бошқа ҳуқуқлар (хусусан бошқариш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқлари).
- Б16 Умуман олганда, агар инвестиция объекти даромадларга аҳамиятли таъсир кўрсатадиган турли операцион ва молиявий фаолиятни амалга ошираётган бўлса ва мазкур фаолиятни амалга ошириш доимий равишда фаолиятнинг асосий масалалари юзасидан қарорлар қабул қилишни талаб этса, инвесторга инвестиция объектига нисбатан ваколат бериши мумкин бўлган индивидуал ёки бошқа келишувлар билан жамланган ҳуқуқларга овоз бериш ҳуқуқлари ёки ўхшаш ҳуқуқлар қиради.
- Б17 Агар овоз бериш ҳуқуқлари инвестиция объектининг даромадларига аҳамиятли таъсир кўрсата олмаса, масалан, овоз бериш ҳуқуқлари фақат маъмурий масалаларга татбиқ этилса, ўринли фаолиятни бошқариш масалалари эса шартномавий келишувлар билан тартибга солинса, инвестор унга инвестиция объектига нисбатан ваколат берилиши учун етарли бўлган ҳуқуқларга эгаллигини аниқлаш учун бундай келишувларни баҳолаши лозим. Инвестор унга бундай ваколатни бериш учун етарли бўлган ҳуқуқларга эгаллигини аниқлаш учун инвестиция объектининг мақсади ва тузилмасини (Б5-Б8-бандларга қаранг) ҳамда Б51-Б54-бандлари ва Б18-Б20-бандларда баён этилган талабларни биргаликда кўриб чиқиши лозим.
- Б18 Айрим вазиятларда, инвестор унга инвестиция объектига нисбатан ваколат бериш учун етарли ҳуқуқларга эгаллигини аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, ваколатни баҳолашни амалга ошириш учун инвестор унда ўринли фаолиятни бир томонлама тартибда бошқариш имконияти амалда мавжудлигини кўриб чиқиши лозим. Юқоридагилардан ташқари, ваколат Б19 ва Б20-бандлардаги кўрсаткичлар билан бирга кўриб чиқилиши, инвесторнинг ҳуқуқлари унга инвестиция объектига нисбатан ваколатни бериш учун етарли ҳисобланиши тўғрисида далилларни таъминлаши мумкин бўлган куйидаги масалаларни кўриб чиқиш зарур, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) Инвестор, шартномада назарда тутилган тегишли ҳуқуққа эга бўлмай туриб, ўринли фаолиятга раҳбарлик қилиш имкониятига эга бўлган инвестиция объектининг муҳим бошқарув ходимларини тайинлаши ёки тасдиқлаши мумкин.
 - (б) Инвестор, шартномада назарда тутилган тегишли ҳуқуққа эга бўлмай туриб, инвестиция объектига аҳамиятли битимларга қўшилиш хусусида кўрсатмалар бериши ёки аҳамиятли битимларга инвестор манфаатларида ҳар қандай ўзгартиришлар киритишга вето қўйиши мумкин.
 - (в) Инвестор инвестиция объектининг бошқарув органи аъзоларини сайлаш учун номзодларни илгари суриш жараёнида ёки овоз бериш ҳуқуқларининг бошқа эгаларидан ишончнома олишда юқори мавқега эга бўлиши мумкин.
 - (г) Инвестиция объектининг муҳим бошқарув ходимлари инвесторнинг ўзаро боғлиқ томонлари ҳисобланади (масалан, инвестиция объектининг бош директори ва инвесторнинг бош директори – айни бир шахс).
 - (д) инвестиция объекти бошқарув органи аъзоларининг кўпчилилик қисми– инвесторнинг ўзаро боғлиқ томонлари.

- Б19 Айрим холларда инвестор инвестиция объекти билан инвесторнинг манфаати пассив иштирок этиш билан чекланмаслигини назарда тутадиган алоҳида муносабатларда эканлигининг белгилари мавжуд бўлади. Шундай белгилардан бири ёки бир нечтасининг мавжудлиги инвестор ваколатга эгалик мезонларини қаноатлантиришини аниқлаш мумкин. Лекин, инвесторда инвестиция объектида пассив иштирок этиш билан чекланмайдиган манфаатнинг мавжудлиги унга ваколат бериши ёки инвестиция объектига нисбатан унда ваколат мавжудлигини тасдиқловчи далиллар билан таъминлаш учун етарли бошқа турдош ҳуқуқларга эга эканлигини кўрсатиши мумкин. Масалан, қуйидаги вазиятлар инвесторнинг манфаати инвестиция объектида пассив иштирок этиш билан чекланмасдан бошқа ҳуқуқлар билан бирга ваколат мавжудлигини кўрсатиши мумкин:
- (а) Инвестиция объектининг ўринли фаолиятни бошқариш имкониятига эга бўлган муҳим бошқарув ходимлари инвесторнинг амалдаги ёки собиқ ходимлари ҳисобланади.
 - (б) Инвестиция объектининг операциялари инвесторга боғлиқ бўлади, масалан, қуйидаги вазиятларда:
 - (i) инвестиция объекти ўз операцияларининг аҳамиятли қисмини молиялаштириши масалалари инвесторга боғлиқ бўлади;
 - (ii) инвестор инвестиция объекти мажбуриятларининг аҳамиятли қисми бўйича кафил ҳисобланади;
 - (iii) инвестиция объекти учун ўта муҳим хизматлар кўрсатиш, технологиялар, хом ашё ёки материаллар тақдим этиш масалалари инвесторга боғлиқ бўлади;
 - (iv) инвестор инвестиция объекти операциялари учун ўта муҳим ҳисобланадиган активларни, хусусан лицензиялар ёки савдо белгиларини бошқаради;
 - (v) инвестиция объекти муҳим бошқарув ходимлари билан боғлиқ масалаларда инвесторга тобе бўлади, масалан, инвесторнинг ходимлари инвестиция объектининг операциялари хусусида махсус билимларга эга бўлганда.
 - (в) инвестиция объекти операцияларининг аҳамиятли қисми инвестор иштирокида ёки унинг номидан амалга оширилади;
 - (г) инвесторнинг инвестиция объектида иштирок этишдан олинмайдиган даромадларнинг ўзгарувчан хусусияти билан боғлиқ рискга мойиллиги ёки унинг бундай даромадни олишга бўлган ҳуқуқи овоз бериш ҳуқуқи ёки бошқа ўхшаш ҳуқуқлардан номутаносиб тарзда кўп бўлади. Масалан, қуйидаги вазият юзага келиши мумкин: инвестор инвестиция объекти даромадларининг ярмидан кўпини олиш ҳуқуқига эга бўлса ёки бундай даромадлар ўзгариши билан боғлиқ рискнинг ярмидан ортиғига мойиллиги бўлса, лекин унинг инвестиция объектида овоз бериш ҳуқуқлари эллик фоиздан кам бўлган ҳолат.
- Б20 Инвесторнинг инвестиция объектида иштирок этишдан олинмайдиган даромадларнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискни қанча юқори бўлса ёки инвесторнинг бундай даромадни олиш ҳуқуқлари қанча кўп бўлса, унга инвестиция объектига нисбатан ваколат берилиши учун етарли бўлган ҳуқуқларни олиш имкониятлари инвесторни шунча кўп рағбатлантиради. Шунинг учун, даромадларнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ риск мойиллигининг юқорилиги инвесторда ваколат мавжудлигидан дарак беради. Лекин, инвестор рискнинг даражаси ўз-ўзидан инвестор инвестиция объектига нисбатан ваколатга эгалигини белгиламайди.
- Б21 Агар Б18-бандда баён этилган омишлар ҳамда Б19 ва Б20-бандларда баён этилган белгилар инвесторнинг ҳуқуқлари билан бирга инобатга олинса, Б18-бандда изоҳланган ваколатлар мавжудлигининг далилига кўпроқ аҳамият бериш лозим.

Реал ҳуқуқлар

- Б22 Инвестор ваколатга эгалигини баҳолашда фақат инвестиция объекти билан боғлиқ (инвестор ва бошқа шахслар амалда эга) бўлган реал ҳуқуқларни мавжудлигини кўриб чиқади. Агар ҳуқуқ субъекти мазкур ҳуқуқни амалга ошириш имкониятига эга бўлса, бундай ҳуқуқ реал ҳисобланади.
- Б23 Ҳуқуқнинг реаллигини барча далиллар ва ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда мулоҳаза асосида аниқлашни талаб қилади. Реал ҳуқуқлар мавжудлигини аниқлашда кўриб чиқилиши лозим бўлган омишларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:
- (а) Субъект (субъектлар) ўз ҳуқуқларини амалга оширишига монелик қиладиган (иқтисодий ёки бошқа) тўсиқларнинг мавжудлиги. Бундай тўсиқларга шу жумладан қуйидагилар мисол бўлиши мумкин:

- (i) ҳуқуқ субъекти ўз ҳуқуқларини амалга оширишига монелик қиладиган (ёки субъектни ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан ўзини тийишга мажбур этадиган) молиявий санкциялар ва рағбатлар;
 - (ii) ҳуқуқ субъекти ўз ҳуқуқларини амалга ошириши йўлида молиявий тўсиқ яратадиган (ёки субъектни ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан ўзини тийишга мажбур этадиган) ижро этиш ёки конвертация нархи.
 - (iii) ҳуқуқни амалга ошириш имкониятини камайтирадиган шартлар, масалан, ижро этиш муддатини қатъий чеклайдиган шартлар;
 - (iv) инвестиция объектининг таъсис ҳужжатларида ёки тегишли қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларда ҳуқуқ субъектига ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имконини берадиган аниқ, оқилона механизмнинг йўқлиги;
 - (v) ҳуқуқ субъекти ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун зарур маълумотларни олишга қодир эмаслиги;
 - (vi) ҳуқуқ субъекти ўз ҳуқуқларини амалга оширишига монелик қиладиган (ёки субъектни ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан ўзини тийишга мажбур этадиган) операцион тўсиқлар ёки рағбатларнинг мавжудлиги (масалан, махсус хизматлар кўрсатишни хоҳлайдиган ёки бунга қодир бўлган ёхуд хизмат кўрсатиш ва тегишли даврда мазкур лавозимни эгаллаб турган бошқарувчи ихтиёрида бўлган улушни бошқаришда қатнашишга қодир бўлган бошқа бошқарувчиларнинг йўқлиги).
 - (vii) қонунлар ёки тартибга солувчи органларнинг ҳуқуқ субъекти ўз ҳуқуқларини амалга оширишига монелик қилувчи талаблари (масалан, агар чет эллик инвесторга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш тақиқланган бўлса).
- (б) Агар ҳуқуқни амалга ошириш бир нечта томонларнинг розилигини талаб қилса ёки бир нечта томонлар битта ҳуқуқ субъектлари ҳисобланса, мазкур томонларга ўз ҳуқуқларини коллектив асосда амалга ошириш имкониятини (агар улар буни исташса) берадиган белгиланган механизмнинг мавжудлиги ёки йўқлиги. Бундай механизмнинг йўқлиги ҳуқуқлар нореал бўлиши мумкинлигининг белгисидир. Ҳуқуқни амалга ошириш учун розилиги талаб этиладиган томонлар сони қанча кўп бўлса, ҳуқуқ реал ҳисобланиши эҳтимоли шунча кам бўлади. Лекин, аъзолари қарор қабул қилувчи шахслардан мустақил бўлган директорлар кенгаши бир нечта инвесторлар ўз ҳуқуқларини амалга ошираётганда биргаликда ҳаракат қилишлари учун механизм бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун, мустақил директорлар кенгаши томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган четлатиш ҳуқуқлари кўп сонли инвесторлар алоҳида-алоҳида амалга оширишлари мумкин бўлган шундай ҳуқуқларга қараганда реал ҳисобланади;
- (в) ҳуқуқ эгаси бўлган томон ёки томонлар бундай ҳуқуқларни амалга оширишдан наф қўриши. Масалан, инвестиция объектидаги потенциал овоз бериш ҳуқуқлари эгаси (Б47-Б50-бандларига қаранг) инструментнинг ижро этиш ёки конвертация нархини ҳисобга олиши лозим. Агар инструментнинг ижро этиш баҳоси бозор баҳосидан юқори бўлса ёки инвестор инструментнинг ижро этилиши ёки конвертация қилиниши натижасида бошқа бирон-бир сабабга кўра наф қўрса (масалан, инвестор ва инвестиция объект ўртасида синергия эффекти амалга оширилиши натижасида), потенциал овоз бериш ҳуқуқлари шартлари реал бўлиши эҳтимоли кўпроқ бўлади.

Б24 Бундан ташқари, ўринли фаолиятни бошқариш юзасидан қарорлар қабул қилишда ҳуқуқларни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлса, бундай ҳуқуқлар реал ҳисобланади. Одатда, ҳуқуқларни ҳозир амалга ошириш мумкин бўлса, улар реал ҳисобланади. Лекин, айрим ҳолларда ҳуқуқлар, ҳатто уларни ҳозир амалга ошириш мумкин бўлмаса ҳам, реал ҳисобланиши мумкин.

Қўллашга доир мисоллар

3-мисол

Инвестиция объекти акциядорларнинг йиллик йиғилишларини ўтказиши ва уларда ўринли фаолиятни бошқариш юзасидан қарорлар қабул қилинади. Режа бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиғилиши саккиз ойдан кейин ўтказилади. Бироқ индивидуал ёки бошқа акциядорлар билан бирга овозли акцияларнинг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар ўринли фаолиятга оид жорий сиёсатга ўзгартириш киритиш учун навбатдан ташқари йиғилишни чақиришлари мумкин. Лекин, бошқа акциядорлар хабардор қилингандан кейин 30 кундан сўнг бундай йиғилиш ўтказилиши мумкин. Ўринли фаолиятга оид сиёсатга ўзгартиришлар фақат

Қўллашга доир мисоллар

акциядорларнинг навбатдан ташқари ёки навбатдаги йиғилишларида киритилиши мумкин. Бу активларни сотиш бўйича муҳим битимларни тасдиқлашни, шунингдек, аҳамиятли инвестицияларни киритиш ёки ҳисобдан чиқаришни ўз ичига олади.

Юқорида баён этилган вазият куйида келтирилган 3А-3Г мисолларига нисбатан қўлланади. Ҳар бир мисол алоҳида кўриб чиқилади.

3А мисол

Инвестор инвестиция объектидаги кўпчилик овозли акцияларнинг эгаси ҳисобланади. Инвесторнинг овоз бериш ҳуқуқлари реал ҳисобланади, чунки инвестор ўринли фаолиятни бошқариш юзасидан қарорларни бундай қарорлар талаб этилганда қабул қилиши мумкин. Инвестор ўзининг овоз бериш ҳуқуқларини фақат ўттиз кундан кейин амалга ошириши мумкинлиги инвесторни ўринли фаолиятни акциялар пакетини эгаллаган пайтдан бошлаб бошқариш жорий имкониятидан маҳрум этмайди.

3Б мисол

Инвестор инвестиция объекти акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш учун тузиладиган форвард шартномаси томони ҳисобланади. Форвард шартномасини ижро этиш санаси 25 кундан кейин келади. Мавжуд акциядорлар ўринли фаолиятга оид жорий сиёсатни ўзгартира олмайдилар, чунки навбатдан ташқари йиғилиш камида 30 кундан кейин ўтказилиши мумкин ва бу муддат тугаганда форвард шартномаси ижро этилган бўлади. Шундай қилиб, инвесторнинг ҳуқуқлари моҳиятан юқорида, 3А мисолида келтирилган акциялар назорат пакетига эга бўлган акциядорнинг ҳуқуқлари билан тенг бўлади (яъни форвард шартномаси томони ҳисобланадиган инвестор ўринли фаолият юзасидан қарорларни, талаб этилганда қабул қилиши мумкин). Инвесторнинг форвард шартномаси – бу инвесторга ҳозир ҳатто форвард шартномаси ижро этилгунга қадар ҳам ўринли фаолиятни бошқариш имконини берадиган реал ҳуқуқдир.

3В мисол

Инвестор инвестиция объектининг акциялар назорат пакетини сотиб олиш учун реал опцион эгаси ҳисобланади, опцион 25 кундан кейин ижро этилиши мумкин ва уни ижро этиш баҳоси бозор баҳосидан ортиқ бўлади. Ушбу мисолда ҳам 3Б мисолидаги ҳулоса чиқарилиши лозим.

3Г мисол

Инвестор инвестиция объектининг акциялари назорат пакетини сотиб олиш учун форвард шартномаси томони ҳисобланади, бунда инвестиция объектига нисбатан бошқа турдош ҳуқуқлар харид қилинмайди. Форвард шартномасини ижро этиш муддати олти ойдан кейин келади. Юқорида келтирилган мисоллардан фарқли тарзда, инвестор ўринли фаолиятни жорий бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Мавжуд акциядорлар ўринли фаолиятни жорий бошқариш имкониятига эга бўлади, чунки улар ўринли фаолиятга оид мавжуд сиёсатга ўзгартиришлар киритишни форвард шартномаси ижро этилишидан олдин амалга оширишлари мумкин.

- Б25 Бошқа томонлар амалга ошириши мумкин бўлган реал ҳуқуқлар инвесторга мазкур ҳуқуқлар боғлиқ бўлган инвестиция объекти устидан назоратни амалга оширишига монелик қилиши мумкин. Бундай реал ҳуқуқлар ҳуқуқ субъектида қарорлар қабул қилиш имконияти мавжудлигини талаб қилмайди. Ҳуқуқлар ҳимоя ҳуқуқларигина ҳисобланмайдиган вақт мобайнида (Б26-Б28-бандларига қаранг) бошқа томонларнинг реал ҳуқуқлари, ҳатто бу ҳуқуқлар ҳуқуқ субъектига фақат ўринли фаолиятга доир қарорларни тасдиқлаш ёки уларга вето қўйиш жорий имкониятини берса ҳам, инвестор инвестиция объекти устидан назоратни амалга оширишига монелик қилиши мумкин.

Манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари

- Б26 Ҳуқуқлар инвесторга инвестиция объектига нисбатан ваколат беришини баҳолашда инвестор унинг ҳуқуқлари, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ҳисобланишини баҳолаши лозим. Ҳимоя қилиш ҳуқуқлари инвестиция объектининг фаолиятига туб ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ҳолатлар ёки алоҳида вазиятларда қўлланилади. Лекин алоҳида вазиятларда қўлланадиган ёки муайян ҳодисаларга боғлиқ бўлган барча ҳуқуқлар ҳам манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ҳисобланавермайди (Б13 ва Б53-бандларга қаранг).
- Б27 Ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ҳуқуқ субъектининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган ва унга мазкур ҳуқуқлар боғлиқ бўлган инвестиция объектига нисбатан ваколат бермайди, шу боис фақат ҳимоя қилиш ҳуқуқларига эга бўлган инвестор ваколатга эга бўлиши ёки бошқа томонда инвестиция объектига нисбатан ваколатнинг мавжудлигига монелик қилиши мумкин эмас (14-бандга қаранг).
- Б28 Ҳимоя қилиш ҳуқуқларига мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:
- (а) кредиторнинг, қарз олувчи кредит рискнинг кредитор зарарига аҳамиятли ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларига чеклашлар белгилаш ҳуқуқи.
 - (б) инвестиция объектида назорат кучига эга бўлмаган улуш эгаси ҳисобланадиган томоннинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида зарур бўлган сарфлардан ортиқ капитал сарфларини маъқуллаш ёки улушли ёки қарз инструментларини чиқаришни маъқуллаш ҳуқуқи.
 - (в) агар қарз олувчи қарзни қайтаришнинг белгиланган шартларини бажаришга кодир бўлмаса, кредиторнинг қарз олувчининг активларини хиёсга олиш ҳуқуқи.

Франчайзинг

- Б29 Инвестиция объекти франшиза олувчи ҳисобланишига сабаб бўладиган франчайзинг келишуви кўпинча франшиза берувчига франшиза брендини ҳимоя қилиш мақсадидаги ҳуқуқларни беради. Франчайзинг келишуви, коида тарикасида, франшиза берувчига франшиза олувчининг операциялари юзасидан қарорлар қабул қилиш бўйича муайян ҳуқуқларни беради.
- Б30 Умуман олганда, франшиза берувчиларнинг ҳуқуқлари франшиза берувчилар ҳисобланмайдиган томонларнинг франшиза олувчининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган қарорлар қабул қилиш имкониятини чекламайди. Бундан ташқари, франшиза берувчининг франчайзинг келишувида назарда тутилган ҳуқуқлари франшиза берувчига франшиза олувчининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатувчи фаолиятни жорий бошқариш имкониятини бермайди.
- Б31 Франшиза олувчининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган қарорлар қабул қилиш жорий имкониятининг мавжудлиги ва франшиза брендини ҳимоя қилишга қаратилган қарорлар қабул қилиш имкониятининг мавжудлигини фарқлаш зарур. Франшиза берувчи, агар бошқа томонлар франшиза олувчининг ўринли фаолиятни жорий бошқариш имкониятини берадиган мавжуд ҳуқуқларга эга бўлса, франшиза олувчига нисбатан ваколатга эга бўлмайди.
- Б32 Франшиза олувчи франчайзинг келишувига кўшилиш орқали ўз бизнесини франчайзинг келишуви шартларига мувофиқ, бироқ ўз ҳисобидан юритиш тўғрисидаги қарорни бир томонлама тартибда қабул қилади.
- Б33 Франшиза олувчининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва унинг молиялаштириш тузилмаси сингари муҳим қарорлар устидан назорат, франшиза берувчи ҳисобланмайдиган тарафлар томонидан амалга оширилиши ва франшиза олувчининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин. Франшиза берувчи томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдам даражаси қанча паст бўлса ва франшиза олувчи даромадларининг ўзгарувчанлиги туфайли франшиза берувчининг рискга мойиллиги қанча паст бўлса, франшиза берувчи фақат ҳимоя қилиш ҳуқуқларига эга бўлиши эҳтимоли шунча кўп бўлади.

Овоз бериш ҳуқуқлари

- Б34 Кўпинча инвестор овоз бериш ҳуқуқлари ёки ўхшаш ҳуқуқлар ёрдамида ўринли фаолиятни бошқариш имкониятига эга бўлади. Агар инвестиция объектининг ўринли фаолиятни бошқариш овоз бериш ҳуқуқлари воситасида амалга ошириладиган бўлса, инвестор мазкур бўлимда баён этилган талабларни (Б35-Б50-бандлар) кўриб чиқиши лозим.

Кўпчилик овоз бериш ҳуқуқлари билан боғлиқ ваколат

- Б35 Инвестиция объектидаги овоз бериш ҳуқуқларининг ярмидан ортиғига эга бўлган инвестор, агар Б36-банд ёки Б37-банд қўлланмаса, қуйидаги вазиятларда ваколатга эга бўлади:
- (а) ўринли фаолиятни бошқариш кўпчилик овоз бериш ҳуқуқлари эгасининг овоз бериши воситасида амалга оширилса, ёки
 - (б) ўринли фаолиятни бошқаришни амалга ошираётган бошқарув органи аъзоларининг кўпчилик овоз бериш ҳуқуқларининг эгасининг овоз бериши натижасига кўра тайинланса.

Ваколат мавжуд бўлмаган ҳолатда кўпчилик овоз бериш ҳуқуқлари

- Б36 Инвестиция объектидаги овоз бериш ҳуқуқларининг ярмидан ортиғига эга бўлган инвестор инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эга бўлиши учун инвесторнинг овоз бериш ҳуқуқлари Б22-Б25-бандларга мувофиқ реал бўлиши ва инвесторга ҳозирги вақтда ўринли фаолиятни бошқариш имконини бериши лозим ва бу аксарият ҳолларда операция ва молиявий сиёсатни белгилаш йўли билан амалга оширилади. Агар бошқа бирон-бир ташкилот унга ўринли фаолиятни бошқариш ҳуқуқини берадиган реал ҳуқуқларга эга бўлса ва бу ташкилот инвесторнинг агенти ҳисобланмаса, инвесторда инвестиция объектига нисбатан ваколатлар мавжуд бўлмайди.
- Б37 Агар овоз бериш ҳуқуқлари реал бўлмаса, инвестор, ҳатто у инвестиция объектидаги кўпчилик овоз бериш ҳуқуқларига эга бўлса ҳам, инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эга бўлмайди. Масалан, агар ўринли фаолиятни бошқариш ҳуқуқлар, суд, маъмурият, қабул қилувчи, тугатувчи ёки тартибга солувчи орган томонидан амалга ошириладиган бўлса, инвестиция объектидаги овоз бериш ҳуқуқларининг ярмидан ортиғига эга бўлган инвестор ваколатларга эга бўлиши мумкин эмас.

Кўпчилик овоз бериш ҳуқуқларисиз ваколатга эга бўлиш

- Б38 Инвестор, ҳатто у инвестиция объектидаги кўпчилик овоз бериш ҳуқуқларидан камроғига эга бўлса ҳам, ваколатларга эга бўлиши мумкин. Инвестор, ҳатто у инвестиция объектидаги кўпчилик овоз бериш ҳуқуқларининг камроғига эга бўлса ҳам, ваколатларга эга бўлиши мумкин, масалан, қуйидагилар натижасида:
- (а) инвестор ва овоз бериш ҳуқуқларининг бошқа эгалари ўртасидаги шартномавий келишув (Б39-бандга қаранг);
 - (б) бошқа шартномавий келишувда назарда тутилган ҳуқуқлар (Б40-бандга қаранг);
 - (в) инвесторнинг овоз бериш ҳуқуқлари (Б41-Б45-бандларга қаранг);
 - (г) потенциал овоз бериш ҳуқуқлари (Б47-Б50-бандларга қаранг); ёки
 - (д) (а) - (г) бандларида кўрсатилган ҳуқуқлар комбинацияси.

Овоз бериш ҳуқуқларининг бошқа эгалари билан шартномавий келишув

- Б39 Инвестор ва овоз бериш ҳуқуқларининг бошқа эгалари ўртасидаги шартномавий келишув инвесторга, ҳатто инвесторда бундай келишувсиз ваколатлар юзага келиши учун етарли овоз бериш ҳуқуқлари мавжуд бўлмаса ҳам, инвесторда ваколатлар мавжудлиги учун етарли бўлган овоз бериш ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқини бериши мумкин. Лекин шартномавий келишув инвесторга ўринли фаолият юзасидан қарорлар қабул қилиш учун бошқа овоз бериш ҳуқуқлари эгаларининг етарли миқдорида қандай овоз беришини белгилашни кафолатлаши мумкин.

Бошқа шартномавий келишувларда назарда тутилган ҳуқуқлар

- Б40 Қарорлар қабул қилиш бўйича бошқа ҳуқуқлар овоз бериш ҳуқуқлари билан бирга инвесторга ўринли фаолиятни жорий бошқариш имконини бериши мумкин. Масалан, шартномавий келишувда назарда тутилган ҳуқуқлар овоз бериш ҳуқуқлари билан бирга инвесторга ҳозирги вақтда инвестиция объектининг ишлаб чиқариш жараёнини ёки инвестиция объектининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган бошқа бирон-бир операцион ёки молиявий фаолиятини бошқариш имкониятини бериш учун етарли бўлиши мумкин. Лекин, бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар мавжуд бўлмаса, инвестиция объектининг инвесторга иқтисодий жиҳатдан тобелиги (масалан, етказиб берувчининг ўз асосий харидорлари билан муносабатлари) инвесторга инвестиция объектига нисбатан ваколатлар бермайди.

Инвесторнинг овоз бериш ҳуқуқлари

- Б41 Қўпчилик овоз бериш ҳуқуқларидан камроғига эга бўлган инвестор, агар унда ўринли фаолиятни бир томонлама тартибда бошқариш имконияти амалда мавжуд бўлса, ўзига ваколатлар берилиши учун етарли ҳуқуқларга эга бўлади.
- Б42 Инвесторнинг овоз бериш ҳуқуқлари унга ваколатлар берилиши учун етарлилигини баҳолашда инвестор барча далиллар ва ҳолатлар, шу жумладан қуйидагиларни кўриб чиқади:
- (а) Инвесторга қарашли бўлган овоз бериш ҳуқуқларига эга бўлиш миқдори бошқа овоз бериш ҳуқуқлари эгаларида жамланган ҳуқуқлар миқдори ва даражасига нисбати, бунда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:
 - (i) инвесторга қарашли овоз бериш ҳуқуқлари қанча кўп бўлса, инвесторга ҳозирги вақтда ўринли фаолиятни бошқариш имкониятини берувчи мавжуд ҳуқуқларга эга бўлиши эҳтимоли шунча кўп бўлади;
 - (ii) инвесторга қарашли овоз бериш ҳуқуқлари бошқа акциядорларнинг овоз бериш ҳуқуқларига нисбатан қанча кўп бўлса, унга ўринли фаолиятни бошқаришни жорий имкониятини берувчи мавжуд ҳуқуқларга эга бўлиши эҳтимоли шунча кўп бўлади;
 - (iii) овоз беришда инвестор овозидан устунлик қилиш учун биргаликда ҳаракат қилиши мумкин бўлган томонлар сони қанча кўп бўлса, инвесторга ўринли фаолиятни бошқаришни жорий имкониятини берувчи мавжуд ҳуқуқларга эга бўлиши эҳтимоли шунча кўп бўлади.
 - (б) эгаси инвестор, овоз бериш ҳуқуқларининг бошқа эгалари ёки бошқа томонлар бўлган потенциал овоз бериш ҳуқуқлари (Б47-Б50-бандларига қаранг);

- (в) бошқа шартномавий келишувларда назарда тутилган ҳуқуқлар (Б40-бандига қаранг); ва
- (г) қарорлар қабул қилиниши лозим бўлган вақтда инвестор ўринли фаолиятни бошқариш имкониятига эга ёки эга эмаслигини кўрсатувчи ҳар қандай қўшимча далиллар ва ҳолатлар, шу жумладан олдинги акциядорлар йиғилишларида овозларнинг тақсимланиши хусусияти.

Б43 Агар ўринли фаолиятни бошқариш юзасидан қарорлар кўпчилик овози билан қабул қилинаётган ва инвесторнинг овоз бериш ҳуқуқлари бошқа ҳар қандай эгаси ёки эгалари уюшган гуруҳига нисбатан аҳамиятли миқдордаги овоз бериш ҳуқуқлари эгаси ҳисобланган ва бошқа пакетлар кенг тақсимланган бўлса, 42 (а) - (в) бандларда санаб ўтилган омиллар кўриб чиқилганидан кейин инвестор инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эга эканлигини маълум бўлиши мумкин.

Қўллашга доир мисоллар

4-мисол

Инвестор инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 48 фоизини соғиб олди. Қолган овоз бериш ҳуқуқларининг эгалари минглаб акциядорлар ҳисобланади ва улардан бирортаси ҳам бир фоиздан ортиқ овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Акциядорлардан бирортасида ҳам бошқа акциядорлар билан маслаҳатлашиш ёки жамоавий қарорлар қабул қилиш бўйича ҳеч қандай келишув мавжуд эмас. Инвестор овоз бериш ҳуқуқларининг қанча улушини харид қилиш зарурлигини бошқа акциялар пакетларининг нисбий миқдоридан келиб чиққан ҳолда баҳолаб, назоратни эгаллаш учун 48 фоиздан иборат улуш этади, деган хулосага келди. Бу ҳолда, ўз пакетининг мутлақ миқдори ва бошқа акциялар пакетларининг нисбий миқдоридан келиб чиқиб, инвестор ўз ваколатлари мавжудлигининг бошқа ҳар қандай далиллари бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқмасдан, ваколатлар мавжудлиги мезонини бажариш учун етарли миқдорда иштирокчи сифатида улушга эга эканлиги тўғрисида хулоса чиқарган.

5 мисол

А инвесторга инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 40 фоизи тегишли, бошқа ўн икки инвесторнинг ҳар бирига эса инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 5 фоизи тегишли. Акциядорлар ўртасида тузилган келишув инвесторга ўринли фаолиятни бошқариш учун жавоб берадиган бошқарув аъзоларини тайинлаш, лавозимидан четлатиш ва уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақни белгилаш ҳуқуқини беради. Келишувни ўзгартириш учун акциядорлар умумий овозлари сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган қарор талаб этилади. Бу ҳолда А инвестор фақат акция пакетининг мутлақ миқдори ва бошқа акциялар пакетларининг нисбий миқдоридан келиб чиқиб, унга ваколатлар берилиши учун етарли ҳуқуқларга эгаллиги хусусида хулоса чиқариш мумкин эмас, деган тўхтамга келган. Лекин, А инвестор бошқарув аъзоларини тайинлаш, лавозимидан четлатиш ва уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақни белгилаш ҳуқуқи келишувда назарда тутилганлигини инобатга олиб инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эга, деган хулоса чиқариш учун етарли деган қарорга келган. А инвестор бу ҳуқуқни амалга оширмаслиги ҳам мумкинлиги ёки инвестор ўзининг бошқарув аъзоларини тайинлаш, лавозимидан четлатиш ва уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақни белгилаш ҳуқуқини амалга ошириши фактини А инвестор ваколатларга эгаллигини баҳолашда эътиборга олинмайди.

Б44 Бошқа вазиятларда инвестор ваколатларга эга эмас деган хулосага келиш учун Б42(а)-(в) бандларда баён этилган омилларни кўриб чиқишнинг ўзи етарли бўлиши мумкин.

Қўллашга доир мисоллар

6-мисол

А инвестор инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 45 фоизи эгаси ҳисобланади. Бошқа икки инвесторнинг ҳар бирига инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 26 фоизи тегишли. Қолган овоз бериш ҳуқуқлари бошқа уч та акциядорларнинг ҳар бирига 1 фоиздан тегишли. Қарорлар қабул қилиш жараёнига доир бошқа бирон-бир келишув мавжуд эмас. Бу ҳолда А инвесторга қарашли акциялар пакети миқдорининг, шунингдек бошқа инвесторлар акциялар пакетларига нисбатан мазкур пакет миқдорининг таҳлили А инвестор ваколатларга эга эмас, деган хулоса чиқариш учун етарли. Инвесторни инвестиция объектининг ўринли фаолиятини бошқариш имкониятидан маҳрум қилиш учун қолган икки инвестор биргаликда ҳаракат қилишининг ўзи етарли.

- Б45 Лекин, Б42 (а) - (в) бандда санаб ўтилган омиллар таҳлилининг ўзи етарли бўлмаслиги мумкин. Агар инвестор мазкур омилларни кўриб чиқиб, ўзи ваколатларига эгаллигига шубҳа қилаётган бўлса, у қўшимча далиллар ва ҳолатларни кўриб чиқиши лозим, масалан, олдинги акциядорлар йиғилишларида овозларнинг тақсимланиши хусусиятидан келиб чиқиб бошқа акциядорлар мохиятан пассивлиги. Бу ўз ичига Б18-бандда баён этилган омилларни ҳамда Б19 ва Б20-бандларда тавсифланган белгиларни баҳолашни олади. Инвесторга қарашли овоз бериш ҳуқуқлари қанча кам ва овоз беришда инвестор овозидан устунликка эришиш учун биргаликда ҳаракат қилиши лозим бўлган томонлар сони қанча оз бўлса, инвесторнинг ваколатларга эга бўлиш ҳуқуқлари етарлилигини баҳолаш учун қўшимча далиллар ва ҳолатларга шунча кўп таяниш зарур бўлади. Б18-Б20-бандларида баён этилган далиллар ва ҳолатлар инвесторнинг ҳуқуқлари билан бирга кўриб чиқилган ҳолда, Б18-бандда тавсифланган ваколатлар мавжудлигининг далиллари Б19 ва Б20-бандларида тавсифланган ваколатларнинг мавжудлиги белгиларига қараганда аҳамиятли ҳисобланади.

Қўллашга доир мисоллар

7-мисол

Инвестор инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 45 фоизи эгаси ҳисобланади. Бошқа ўн битта акциядорларнинг ҳар бирига инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 5 фоизи тегишли. Акциядорларнинг бирортасида ҳам бошқа акциядорлар билан маслаҳатлашиш ёки жамоавий қарорлар қабул қилиш тўғрисида келишув мавжуд эмас. Бу ҳолда инвестор акция пакети мутлақ миқдори ва бошқа инвесторлар акциялари пакетлари нисбий миқдорининг таҳлили инвестор инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эга бўлиши учун етарли ҳуқуқларга эгаллигини аниқлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланмайди. Инвестор ваколатларга эга ёки эга эмаслиги тўғрисидаги далилларни таъминлаши мумкин бўлган бошқа қўшимча далиллар ва ҳолатларни кўриб чиқиш талаб этилади.

8 мисол

Инвестор инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 35 фоизи эгаси ҳисобланади. Бошқа учта акциядорларнинг ҳар бирига инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 5 фоиздан тегишли. Қолган овоз бериш ҳуқуқлари кўп сонли акциядорларга тегишли бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам 1 фоиздан ортиқ бўлмаган овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Акциядорлардан бирортасида ҳам бошқа ҳар қандай акциядорлар билан маслаҳатлашиш ёки жамоавий қарорлар қабул қилиш бўйича келишув мавжуд эмас. Инвестиция объектининг ўринли фаолиятига доир қарорлар тегишли акциядорларнинг йиғилишларида кўпчилик овоз билан маъқулланиши лозим; олдинги акциядорлар йиғилишида инвестиция объекти акциядорларининг 75 фоиз овози берилган. Бу ҳолда яқинда бўлиб ўтган акциядорлар йиғилишларида бошқа акциядорлар фаол иштирок этгани инвестор ўринли фаолиятни бир томонлама тартибда бошқариш имкониятига амалда эга бўлмаганини кўрсатади ва бунда инвестор етарли миқдордаги бошқа акциядорлар овоз бериши натижасида ўринли фаолиятни бошқаришни амалга оширганлиги аҳамиятга эга эмас.

- Б46 Агар Б42 (а) - (г) бандларида санаб ўтилган омиллар таҳлили натижасида инвесторда ваколатлар бор-йўқлиги ноаниқ бўлса, инвестор инвестиция объекти устидан назорат эга бўлмайди.

Потенциал овоз бериш ҳуқуқлари

- Б47 Назоратни баҳолашда инвестор ваколатларга эгаллигини аниқлаш учун ўзининг потенциал овоз бериш ҳуқуқларини, шунингдек бошқа томонларнинг потенциал овоз бериш ҳуқуқларини кўриб чиқади. Потенциал овоз бериш ҳуқуқлари – бу инвестиция объектида овоз бериш ҳуқуқларини олишга бўлган ҳуқуқлар, масалан, конвертация қилинадиган инструментлар ёки опционлар, шу жумладан форвард шартномаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлардир. Бундай потенциал овоз бериш ҳуқуқлари фақат улар реал бўлган ҳолда эътиборга олинади (Б22-Б25-бандларга қаранг).
- Б48 Потенциал овоз бериш ҳуқуқларини кўриб чиқишда инвестор инструментнинг мақсади ва тузилмасини, шунингдек инвестиция объектида инвестор иштирокининг бошқа ҳар қандай шакллари, мақсади ва тузилмасини ҳам кўриб чиқиши лозим. Бу инструментнинг турли шартларини, шунингдек инвесторнинг аниқ кутишлари, далиллари ва бундай шартларга унинг розилиги сабабларини баҳолашни ўз ичига олади.

- Б49 Агар инвестор инвестиция объекти фаоляти юзасидан қарорлар қабул қилиш бўйича овоз бериш ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлса, инвестор бундай ҳуқуқлар потенциал овоз бериш ҳуқуқлари билан бирга ваколатлар беришини баҳолаши лозим.
- Б50 Реал ҳисобланадиган потенциал овоз бериш ҳуқуқларининг ўзи ёки бошқа ҳуқуқлар билан бирга инвесторга ўринли фаолятни бошқаришни жорий имкониятини бериши мумкин. Масалан, инвестор инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 40 фоизининг эгаси ҳисобланса ва Б23-бандга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқларининг яна 20 фоизини харид қилиш опционларидан келиб чиқадиган реал ҳуқуқларга эга бўлса, айнан шундай вазият юзага келиши эҳтимоли мавжуд.

Қўллашга доир мисоллар

9-мисол

А инвестор инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 70 фоизига эгалик қилади. Б инвестор инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг 30 фоизи, шунингдек А инвестор овоз бериш ҳуқуқларининг ярмини харид қилиш опционига эга. Опцион кейинги икки йил мобайнида қатъий белгиланган нархда ижро этилиши мумкин, бунда опционни ижро этиш баҳоси ва бозор баҳосининг нисбати опционга фойдасиз тус беради (ва опцион кўрсатилган икки йиллик давр мобайнида ижро этилмай қолиши кутилади). А инвестор ўзининг овоз бериш ҳуқуқларини амалга оширади ва инвестиция объектининг ўринли фаолятини фаол бошқаради. Бу ҳолда А инвестор ваколатлар мавжудлиги мезонларини бажариши эҳтимоли мавжуд, чунки у ҳозирги вақтда ўринли фаолятни бошқариш имкониятига эга. Б инвесторда овоз бериш ҳуқуқларини қўшимча сотиб олиш учун ҳозирги вақтда ижро этилиши (ва ижро этилган ҳолда Б инвестор инвестиция объекти акцияларининг назорат пакетини эгаллаш имкониятини бериши) мумкин бўлган опционлар мавжудлигига қарамай, мазкур опционларнинг шартлари уларни реал деб баҳолаш имконини бермайди.

10 мисол

А инвесторга ва бошқа икки инвесторларнинг ҳар бирига инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг учдан бир қисми тегишли. Инвестиция объектининг тадбиркорлик фаоляти А инвестор билан узвий боғлиқ. Улушли инструментларига қўшимча равишда А инвестор исталган вақтда инвестиция объектининг оддий акцияларига қатъий белгиланган нархда “зарар билан” (бирок, унчалик катта бўлмаган зарар билан) конвертация қилиниши мумкин бўлган қарз инструментларининг эгаси ҳисобланади. Агар қарз инструментлари конвертация қилинса, А инвестор инвестиция объектида овоз бериш ҳуқуқларининг 60 фоизи эгасига айланиши мумкин. Агар қарз инструментлари оддий акцияларга конвертация қилинса, А инвестор синергия натижасида наф кўрган бўлар эди. А инвестор инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эга, чунки у инвестиция объекти овоз бериш ҳуқуқларининг эгаси бўлиш билан бир қаторда, реал ҳисобланадиган ва инвесторга ўринли фаолятни бошқаришни жорий имкониятини берадиган потенциал овоз бериш ҳуқуқларига эга.

Овоз бериш ҳуқуқлари ва ўхшаш ҳуқуқлар инвестиция объектининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатмайдиган вазиятда ваколатларнинг мавжудлиги

- Б51 Инвестиция объектининг мақсади ва тузилмасини баҳолашда (Б5-Б8-бандларига қаранг) инвестор ўзининг иштирокини ва инвестиция объектини ташкил этиш вақтида унинг тузилмасига доир қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиши ва операцияларнинг шартлари ва иштирок этиш хусусиятлари инвесторга ваколатларга эга бўлиши учун етарли ҳуқуқлар беришини баҳолаши лозим. Инвестиция объектини ташкил этишда иштирок этиш инвесторга инвестиция объекти устидан назоратга эга бўлиши учун ваколатлар бермайди. Лекин, объектни ташкил этишда иштирок этиш инвесторга инвестиция объектига нисбатан ваколатлар берилиши учун етарли бўлган ҳуқуқларни олиш имконияти мавжуд бўлганини кўрсатади.
- Б52 Бундан ташқари, инвестор шартномавий келишувларни, хусусан инвестиция объекти фаолятининг бошида белгиланган сотиб олиш ҳуқуқи, сотиш ҳуқуқи ва тугатиш ҳуқуқини кўриб чиқиши лозим. Агар ушбу шартномавий келишувлар инвестиция объекти билан узвий боғлиқ бўлган фаолятни назарда тутса, бундай фаолят, моҳиятига кўра инвестиция объекти умумий фаолятининг ажралмас қисми ҳисобланади ва бунда мазкур фаолят инвестиция объектининг юридик доирасидан ташқарида амалга оширилиши мумкинлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Шунинг учун, инвестиция объекти билан узвий боғлиқ бўлган шартномавий келишувда мужассамлашган аниқ ифодаланган ёки назарда

тутиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқлари инвестиция объектига нисбатан ваколатлар мавжудлигини аниқлашда ўринли фаолият сифатида баҳоланиши лозим.

- Б53 Айрим инвестиция объектлари учун ўринли фаолият фақат муайян вазиятлар юзага келганда ёки маълум ҳодисалар юз берганда мавжуд бўлади. Инвестиция объекти шундай ташкил этилган бўлиши мумкинки, унинг фаолиятини бошқариш ва унинг даромадлари олдиндан белгилаб қўйилиши мумкин, аммо бу ҳол муайян вазиятлар юзага келгунга ёки маълум ҳодисалар содир бўлгунга қадар давом этиши мумкин. Бу ҳолда фақат шундай вазиятлар юз берган ёки ҳодисалар содир бўлганда қабул қилинган инвестиция объекти фаолиятига доир қарорлар унинг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатиши ва, бинобарин, ўринли фаолият ҳисобланиши мумкин. Бундай қарорлар қабул қилишга қодир инвестор, ҳатто бундай вазиятлар ёки ҳодисалар юз берган бўлмаса ҳам, ваколатларга эга бўлади. Қарор қабул қилиш ҳуқуқи муайян вазият ёки ҳодисаларга боғлиқ эканлиги факти мазкур ҳуқуқларни ҳимоя ҳуқуқларига айлантирмайди.

Қўллашга доир мисоллар

11-мисол

Инвестиция объектининг таъсис ҳужжатларига кўра, у амалга оширадиган тадбиркорлик фаолиятининг ягона тури ўз инвесторлари учун дебиторлик қарзларини сотиб олиш ва унга ҳар кунлик асосда хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Ҳар кунлик асосда хизмат кўрсатиш қарзнинг асосий суммаси ва мукофотни тегишли санада ундириш ва ўтказишни ўз ичига олади.

Дебиторлик қарзи бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда инвестиция объекти, инвестор ва инвестиция объекти ўртасида тузилган алоҳида “пут” келишувида назарда тутилганидек, дебиторлик қарзини инвесторга автоматик сотади. Ўринли фаолиятнинг ягона тури дебиторлик қарзи бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолда мазкур қарзни бошқариш ҳисобланади, чунки бу инвестиция объектининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ягона фаолиятдир. Дефолт юз бергунга қадар дебиторлик қарзини бошқариш ўринли фаолият ҳисобланмайди, чунки бу инвестиция объектининг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳим қарорлар қабул қилишни талаб этмайди – дефолт юз бергунга қадар амалга ошириладиган фаолият олдиндан белгиланган ва фақат пул маблағлари оқимини уларни тўлов муддати келишига қараб ундириш ва инвесторга ўтказишдан иборат. Демак, инвестиция объектининг мазкур объект даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолиятини баҳолашда фақат инвесторнинг дефолт юз бергунга қадар активларни бошқариш ҳуқуқи ҳисобга олиниши лозим.

Ушбу мисолда инвестиция объектининг тузилмаси инвесторда даромадга аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолиятга доир қарорлар қабул қилиш ваколатлари айнан қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатлар талаб этилган вақтда мавжуд бўлишини кафолатлайди. “Пут” келишуви шартлари инвестиция объектини таъсис этиш ва операцияларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун, “пут” келишуви шартлари инвестиция объектининг таъсис ҳужжатлари билан бирга инвестор инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эга, деган ҳулосага келиш имконини беради (ҳатто инвестор дебиторлик қарзига эгалик қилишга фақат дефолт юз берганда киришиши ва муддати кечиктириб юборилган дебиторлик қарзини бошқаришни инвестиция объектининг юридик доирасидан ташқарида амалга оширишини ҳисобга олганда ҳам).

12 мисол

Инвестиция объектининг ягона активи дебиторлик қарзи ҳисобланади. Инвестиция объектининг мақсади ва тузилмасини кўриб чиқишда ўринли фаолиятнинг ягона тури дефолт юз берганда дебиторлик қарзини бошқариш ҳисобланиши аниқланди. Муддати кечиктириб юборилган дебиторлик қарзини бошқариш имкониятига эга бўлган томон, қарз олувчилардан бири дефолт ҳолатига тушишидан қатъи назар, инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эга бўлади.

- Б54 Инвестор ишлаб чиқилган тузилмага биноан инвестиция объекти ўз фаолиятини давом эттиришини таъминлаш учун аниқ ифодаланган ёки назарда тутилган мажбуриятга эга бўлиши мумкин. Бундай мажбурият инвесторнинг даромадларнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискга мойиллигини кучайтириши ва шу тариқа инвестор унга ваколатлар бериш учун етарли бўлган ҳуқуқларни олиши учун рағбатни кучайтириши мумкин. Шунинг учун, инвестиция объекти ўз фаолиятини ишлаб чиқилган тузилмага мувофиқ амалга оширишини таъминлаш мажбурияти инвесторда ваколатлар мавжудлиги белгиси бўлиши мумкин, бироқ бундай мажбурият ўз-ўзича инвесторга ваколатлар бермайди, худди шунингдек бирон-бир бошқа томонда ваколатлар мавжудлигига ҳам монелик қилмайди.

Инвестиция объектдан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискга мойиллик ёки бундай даромадларни олишга бўлган ҳуқуқлар

- Б55 Инвестор инвестиция объекти устидан назоратга эгалигини баҳолашда инвестор инвестиция объектида иштирок этишдан оладиган даромади ўзгарувчанлик рискга мойиллиги мавжудлигини ва у бундай даромадни олиш ҳуқуқига эгалигини аниқлаши лозим.
- Б56 Ўзгарувчан даромад – бу қатъий белгиланмаган ва инвестиция объекти фаолиятининг натижаларига қараб ўзгариши мумкин бўлган даромад ҳисобланади. Ўзгарувчан даромад фақат ижобий, фақат салбий ёки ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин (15-бандга қаранг). Инвестор инвестиция объектдан олинаётган даромад ўзгарувчанлигини, шунингдек бундай даромаднинг ўзгарувчанлиги даражасини келишув моҳиятидан келиб чиқиб ва даромаднинг юридик шаклидан қатъий назар баҳолаши лозим. Масалан, инвестор қатъий белгиланган мукофотли облигация эгаси бўлиши мумкин. Ушбу стандарт контекстида қатъий белгиланган фоиз тўловлари ўзгарувчан даромад ҳисобланади, чунки улар дефолт рискга ва инвесторни облигация эмитентининг кредит рискга мойил қилади. Ўзгарувчанлик даражаси (яъни мазкур даромад қай даражада ўзгарувчан эканлиги) облигацияга оид кредит рискга боғлиқ. Шу каби, инвестиция объекти активларини бошқаришда муайян натижаларга эришганлик учун тўланадиган қатъий белгиланган ҳақ ҳам ўзгарувчан даромад ҳисобланади, чунки улар инвесторни инвестиция объекти жавобгарликнинг бажарилмаслиги рискга мойил қилади. Ўзгарувчанлик даражаси инвестиция объектнинг тўловларни амалга ошириш учун етарли бўлган даромадни яратиш қобилиятига боғлиқ бўлади.
- Б57

- Б57 Даромадларга мисол сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:
- (а) дивидендлар, инвестиция объектдан олинган бошқа иқтисодий нафнинг тақсимланиши (масалан, инвестиция объекти чиқарган қарз қимматли қоғозлардан олинадиган фоизлар) ва инвестор мазкур инвестиция объектига киритган инвестициялар қийматидаги ўзгаришлар;
 - (б) инвестиция объектининг активлари ёки мажбуриятларига хизмат кўрсатганлик учун тўланадиган ҳақ, кредит билан қўллаб-қувватлаш ёки ликвидликни таъминлаш учун гонорар ва бундан зарар кўриш rischi, инвестиция объекти тугатилганда унинг активлари ва мажбуриятларида иштирокчи сифатидаги улушларнинг қолдиқ қийматлари, инвестор инвестиция объектида иштирок этишдан оладиган солиқ имтиёзлари ва унинг келгуси ликвидлигидан фойдаланиш имконияти;
 - (в) иштирокчи бўлган улушларнинг бошқа эгалари олиши мумкин бўлмаган даромад. Масалан, инвестор ўз активларидан инвестиция объектининг активлари билан бирга фойдаланиши мумкин, мисол учун, қўламдан иқтисод қилинишига эришиш, сарфларни қисқартириш, тақчил товарлар етказиб берувчиларини қидириш, инвесторнинг айрим активлари қийматини ошириш учун бошқа операциялар ёки активларга чеклашлар белгиллаш ёки патентланган билимлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш мақсадида операцион функцияларни бирлаштириш.

Ваколат ва даромадлар ўртасидаги боғлиқлик

Топширилган ваколатлар

- Б58 Қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган инвестор (қарорларни қабул қилувчи томон) инвестиция объекти устидан назоратга эгаллигини баҳолашда у принципал ёки агент ҳисобланишини аниқлаши лозим. Инвестор ўзи учун агент сифатида иш олиб борадиган, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган бирон-бир бошқа ташкилот бор-йўқлигини ҳам аниқлаши лозим. Агент – бу, энг аввало, бошқа томон ёки томонлар (принципал (лар)) номидан ва уларнинг манфаатларида фаолиятни амалга ошириш мақсадида жалб қилинган томон ва, бинобарин, агент ўзининг қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатларини амалга оширишда инвестиция объекти устидан назоратга эга бўлмайди (17 ва 18-бандларга қаранг). Шундай қилиб, баъзан принципалнинг ваколатлари агентга ўтказилиши мумкин ва агент улардан фақат принципалнинг номидан фойдаланиши мумкин. Қарор қабул қилувчи шахс фақат бошқа томонлар мазкур шахс қабул қилаётган қарорлардан наф кўриши мумкинлиги учун агент ҳисобланмайди.
- Б59 Инвестор ўзининг айрим масалалар ёки ўринли фаолият юзасидан қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатларини агентга топшириши мумкин. Инвестор ўзи инвестиция объекти устидан назоратга эгаллигини баҳолашда ўз агентига топширилган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқларига бевосита инвестор ихтиёрида бўлган ҳуқуқлар сифатида қараши лозим. Принципаллар бир нечта бўлган ҳолда уларнинг ҳар бири ўзи инвестиция объектига нисбатан ваколатларга эгаллигини Б5-Б54-бандларда баён этилган талабларни таҳлил қилиш йўли билан баҳолаши лозим. Б60-Б72-бандларда қарорларни қабул қилувчи томон агент ёки принципал эканини аниқлаш учун нима қилиш лозимлиги кўрсатилган.
- Б60 Қарорларни қабул қилувчи томон бошқараётган инвестиция объекти ва инвестиция объектининг бошқа томонлари билан ўзаро муносабатларини мазкур муносабатларнинг барча жиҳатлари нуктаи назардан таҳлил қилиши лозим ва, айниқса, куйида баён этилган омилларни таҳлил қилиши лозим:
- (а) унинг инвестиция объекти устидан қарорлар қабул қилиш ваколатлари доираси (Б62 ва Б63-бандлари).
 - (б) бошқа томонларнинг ҳуқуқлари (Б64-Б67-бандлари).
 - (в) ҳақ тўлаш тўғрисидаги келишув(лар)га мувофиқ у олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳақ (Б68-Б70-бандлари).
 - (г) ўзи эгаси бўлган инвестиция объектидаги бошқа улушлардан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги муносабати билан қарорларни қабул қилувчи томоннинг рискка мойиллиги (Б71 ва Б72-бандлари).
- Муайян далиллар ва ҳолатларга қараб ушбу омиллар ҳар бирига турлича вазн берилиши лозим.
- Б61 Қарорларни қабул қилувчи томон агент эканлигини аниқлаш Б60-бандда санаб ўтилган барча омилларни баҳолашни талаб қилади, бундан томонларнинг бирортасида қарорларни қабул қилувчи томонни лавозимидан четлатиш ҳуқуқи (четлатиш ҳуқуқи) реал мавжуд бўлган ва бундай четлатиш сабабларини кўрсатмасдан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно (Б65-бандга қаранг).

Қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатлар доираси

- Б62 Қарорларни қабул қилувчи томоннинг ваколатлари доираси қуйидаги омиллар таҳлили асосида баҳоланади:
- (а) қарорлар қабул қилиш тўғрисидаги келишув(лар)га мувофиқ рухсат этилган ва қонунда белгиланган фаолият, ва
 - (б) қарорларни қабул қилувчи томоннинг мазкур фаолият юзасидан қарорлар қабул қилишда ҳаракатларининг эркинлиги.
- Б63 Қарорларни қабул қилувчи томон инвестиция объектининг мақсади ва тузилмасини, инвестиция объекти тузилмасига қирадиган рискни, ушбу инвестиция объекти ўз тузилмасига биноан тегишли томонларга ўтказиладиган рискни, шунингдек қарорларни қабул қилувчи томоннинг инвестиция объектини тузилмасини ишлаб чиқишдаги иштироки даражасини кўриб чиқиши лозим. Масалан, қарорларни қабул қилувчи томон инвестиция объекти тузилмасини ишлаб чиқишда аҳамиятли таъсирга эга даражада (шу жумладан қарорлар қабул қилиш ваколатлари доирасини белгилашда) иштирок этса, бу қарорларни қабул қилувчи томонда унга ўринли фаолиятни бошқариш имконини берувчи ҳуқуқларни олиш имконияти ва рағбат мавжуд бўлганини кўрсатади.

Бошқа томонларнинг ҳуқуқлари

- Б64 Бошқа томонларнинг реал ҳуқуқлари қарорлар қабул қилувчи томонни инвестиция объектининг ўринли фаолиятини бошқариш имкониятига таъсир кўрсатиши мумкин. Четлатиш реал ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқларнинг мавжудлиги қарорлар қабул қилувчи томон агент ҳисобланишига ишора қилиши мумкин.
- Б65 Агар томонлардан бири четлатиш бўйича реал ҳуқуқларга эга бўлса ва қарорлар қабул қилувчи томонни сабабини кўрсатмасдан лавозимидан четлатиши мумкин бўлса, қарор қабул қилувчи томон агент ҳисобланади деган хулосага келиш учун етарли бўлади. Агар бундай ҳуқуқларга бир нечта томонлар эга бўлса (ва уларнинг бирортаси ҳам қарорлар қабул қилувчи томонни бошқа томонлар розилигисиз лавозимидан четлатиш мумкин бўлмаса), бундай ҳуқуқларнинг мавжудлиги ўз-ўзида қарорлар қабул қилувчи томон бошқа томонлар номидан ва уларнинг манфаатларида ҳаракат қилишини аниқлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланмайди. Бундан ташқари, қарорлар қабул қилувчи томонни четлатиш ҳуқуқини амалга ошириш учун биргаликда ҳаракат қилишлари лозим бўлган томонлар сони қанча кўп бўлса ва қарорлар қабул қилувчи томоннинг бошқа иқтисодий манфаатлари (яъни тўланадиган ҳақ ва бошқа иштирок этиш улушлари) ҳажми ва уларнинг ўзгарувчанлик даражаси қанча катта бўлса, мазкур омилнинг салмоғи шунча кам бўлади.
- Б66 Қарорлар қабул қилувчи томон агент ҳисобланишини аниқлашда четлатиш ҳуқуқлари сингари, бошқа томонларнинг қарорлар қабул қилувчи томоннинг ҳаракатларини чеклайдиган реал ҳуқуқларини ҳам таҳлил қилиш лозим. Масалан, ўз ҳаракатларини бошқа томонларнинг кўп бўлмаган қисми маъқуллашига эришиш шарт бўлган қарорлар қабул қилувчи томон, қоида тариқасида, агент ҳисобланади. (Б22-Б25-бандларда ҳуқуқлар реал эканлигини аниқлаш бўйича қўшимча кўрсатмалар берилган).
- Б67 Бошқа томонлар ҳуқуқларининг таҳлили инвестиция объектининг директорлар кенгаши (ёки бошқа бошқарув органи) томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳуқуқларни ва қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатларга уларнинг таъсирини баҳолашни ўз ичига олиши лозим (Б23 (б) бандига қаранг).

Ҳақ тўлаш

- Б68 Қарорлар қабул қилувчи томонга тўланадиган ҳақ миқдори ва бундай ҳақнинг инвестиция объекти фаолиятдан олиш мўлжалланаётган даромадга нисбатан ўзгарувчанлик даражаси қанча катта бўлса, қарорлар қабул қилувчи томон принципал ҳисобланиши эҳтимоли шунча юқори бўлади.
- Б69 Қарорлар қабул қилувчи томон принципал ёки агент ҳисобланишини аниқлашда мазкур томон қуйидаги шартларнинг мавжудлигини кўриб чиқиши лозим:
- (а) қарорлар қабул қилувчи томонга ҳақ тўлаш кўрсатилган хизматларга мос.
 - (б) ҳақ тўлаш тўғрисидаги келишув фақат шунга ўхшаш хизматларни кўрсатиш ва малака даражаси учун мустақил томонлар ўртасида тузалидиган келишувда одатда мавжуд бўлган муддатлар, шартлар ёки суммаларни ўз ичига олади.

- Б70 Агар Б69(а) ва (б) бандларда баён этилган шартлар бажарилмаса, қарор қабул қилувчи томон агент бўлиб ҳисобланмайди. Лекин, мазкур шартларнинг бажарилиши, қарорлар қабул қилувчи томон агент ҳисобланади деган хулосага келиш учун етарли эмас.

Бошқа улушлардан олинadиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ риск

- Б71 Инвестиция объектида бошқа улушларга эга бўлган қарорлар қабул қилувчи томон (масалан, инвестиция объектига инвестициялар киритган ёки инвестиция объектининг фаолияти натижаларига нисбатан кафолатлар берган) ўзи агент ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини баҳолашда бундай улушлардан олинadиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискни кўриб чиқиши лозим. Инвестиция объектида бошқа улушларга эгаллик қилиниши қарорларни қабул қилувчи томон принципал бўлиши мумкинлигини кўрсатиши мумкин.
- Б72 Қарорлар қабул қилувчи томон инвестиция объектидаги бошқа улушлардан олинadиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискни баҳолашда қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:
- (а) унинг иқтисодий манфаатлари миқдори ва улар билан боғлиқ даромадларнинг ўзгарувчанлиги даражаси тўланадиган ҳақ ва бошқа манфаатларнинг барчасини ҳисобга олганда қанча катта бўлса, қарорларни қабул қилувчи томон принципал ҳисобланиши эҳтимоли шунча юқори бўлади.
 - (б) даромаднинг ўзгарувчанлиги rischi бошқа инвесторларнинг riskдан фарқ қилиши; агар фарқ қилса, бу унинг ҳаракатларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги. Масалан, бундай вазият қарорлар қабул қилувчи томон инвестиция объектидаги субординацияланган улушлар сақловчиси ҳисобланган ёки инвестиция объекти учун кредит сифатини оширишнинг бошқа шакллари таъминлаган ҳолда юзага келиши мумкин.

Қарорлар қабул қилувчи томон инвестиция объектидан олинadиган даромаднинг умумий ўзгарувчанлиги riskга мойиллигини баҳолаши лозим. Мазкур баҳолаш, энг аввало, инвестиция объектининг фаолиятдан олиш кутилаётган даромаддан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ қарорлар қабул қилувчи томон инвестиция объектидан оладиган даромадларнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ riskнинг энг юқори чегарасини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Қўллашга доир мисоллар

13-мисол

Қарорлар қабул қилувчи томон (фонд бошқарувчиси) қимматли қоғозлар бозорида маҳаллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талаб этувчи инвестиция мандатида баён этилган тор белгиланган параметрларга мувофиқ тартибга солинадиган фонд таъсис этмоқда, бозорга савдо учун киритмоқда. Фонд инвесторлар олдида ташкилотнинг қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлган акцияларининг диверсификация қилинган портфелига инвестициялар сифатида реклама қилинган. Белгиланган параметрлар доирасида фонд бошқарувчиси ўз капитали жойлаштириладиган активларни танлаш ҳуқуқига эга. Фонд бошқарувчисининг фондаги инвестиция улуши 10 фоизни ташкил этади ва ўз хизматлари учун бозор даражасида фонд активлари соф қийматининг 1 фоизи миқдоридан мукофот олади. Мукофот кўрсатилган хизматларга мос келади. Фонд бошқарувчиси зарарлар бўйича фондаги 10 фоиз улуши доирасида жавоб беради. Фонд мустақил директорлар кенгашини таъсис этишга мажбур эмас ва уни таъсис этмаган. Инвесторлар фонд бошқарувчисининг қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган реал ҳуқуқларга эга эмас, бироқ фонд белгиланган лимитлар доирасида ўз улушларини муомаладан чиқаришлари мумкин.

Бошқарувчи инвестиция мандатида баён этилган параметрларга ва тартибга солувчи органларнинг талабларига мувофиқ ҳаракат қилишига қарамай, фонд бошқарувчиси ўзига фондининг ўринли фаолиятини бошқаришни жорий имкониятини берадиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга: инвесторлар фонд бошқарувчисининг қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган реал ҳуқуқларга эга эмас. Фонд бошқарувчиси ўз хизматлари учун кўрсатилган хизматларга мос равишда бозор даражасида мукофот олади, шунингдек, фонда ўз улушига мувофиқ бўлган инвестицияга эга. Фонд бошқарувчисига тўланадиган ҳақ ва унинг инвестициялари уни фонд фаолиятдан олинadиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ riskга мойиллигини келтириб чиқаради, бироқ, бундай risk миқдори фонд бошқарувчисини принципал деб ҳисоблаш имконини берадиган даражада аҳамиятли эмас.

Қўллашга доир мисоллар

Ушбу мисолда фонд бошқарувчисининг фонддан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискинни унинг чекланган параметрлар доирасида қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатларини биргаликда кўриб чиқиш фонд бошқарувчиси агент ҳисобланишини кўрсатади. Шундай қилиб, фонд бошқарувчисининг ўзи фонд устидан назоратга эга эмаслиги тўғрисида хулоса чиқаради.

14 мисол

Қарорлар қабул қилувчи томон бир қатор инвесторларга инвестиция имкониятлари яратадиган фондни таъсис этади ва бозорга савдо учун киритади. Қарорларни қабул қилувчи томон (фонд бошқарувчиси) барча инвесторларнинг манфаатларидан келиб чиқиб ва фондни бошқариш тўғрисидаги келишувларга мувофиқ қарорлар қабул қилиши лозим. Шунга қарамай, фонд бошқарувчиси қарорлар қабул қилиш масалаларида мустақил ҳаракат қилиш учун кенг имкониятларга эга. Фонд бошқарувчиси ўз хизматлари учун бошқарилаётган активларнинг 1 фоизи миқдорида бозор даражасидаги мукофот ва, агар фойданинг белгиланган даражасига эришилган бўлса, фонд жами фойдасининг 20 фоизини олади. Мукофот кўрсатилган хизматларга мос келади.

Фонд бошқарувчиси барча инвесторларнинг манфаатларидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилиши лозим бўлса-да, у фонднинг ўринли фаолиятини бошқариш доирасида қарорлар қабул қилиш масалаларида мустақил ҳаракат қилиш учун кенг имкониятларга эга. Фонд бошқарувчиси қатъий белгиланган мукофот суммасини ва фонд фаолиятининг натижалари асосида ҳисоблаб чиқиладиган, кўрсатилган хизматларга мос келадиган суммани олади. Бундан ташқари, тўланадиган ҳақ фонд бошқарувчисининг манфаатдорлигини ва бошқа инвесторларнинг фонд фаолиятдан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискин юзага келтирмасдан фонд қийматини кўпайтиришдан манфаатдорлиги билан бир қаторга қўяди. Агар бу риск таъсири аҳамиятли бўлса, ушбу тўланадиган ҳақ алоҳида кўрилганда, фонд бошқарувчиси принципал ҳисобланишини кўрсатади.

Ҳолатлар далили ва юқорида келтирилган мисол таҳлили куйида келтирилган 14А-14В мисолларига татбиқ этилади. Ҳар бир мисол алоҳида кўриб чиқилади.

14А мисол

Фонд бошқарувчиси фонdda 2 фоизли инвестицияларга ҳам эга бўлиб, бу унинг манфаатдорлигини бошқа инвесторларнинг манфаатлари билан тенглаштиради. Фонд бошқарувчиси зарарлар бўйича фонddaги 2 фоиз улуши доирасида жавоб беради. Инвесторлар фонд бошқарувчисини фақат шартнома шартларини бузганлик учун оддий кўпчилик овоз билан четлатишлари мумкин.

Фонд бошқарувчисининг 2 фоиз миқдоридаги инвестициялари унинг фонд фаолиятдан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискка мойиллигини оширади, бироқ фонд бошқарувчиси принципал ҳисобланишига ишора қиладиган аҳамиятли рискин юзага келтирмайди. Бошқа инвесторларнинг фонд бошқарувчисини четлатиш ҳуқуқи ҳимоя ҳуқуқи сифатида баҳоланади, чунки у фақат шартнома шартлари бузилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Мазкур мисолда фонд бошқарувчиси қарорлар қабул қилиш масалаларида мустақил ҳаракат қилиш учун кенг имкониятларга эга эканлиги ва даромадининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискка мойилигига қарамай, юқорида қайд этилган фонд бошқарувчисининг рискка мойиллиги уни агент деб ҳисобланишини кўрсатади. Шундай қилиб, фонд бошқарувчиси ўзи фонд устидан назоратга эга эмаслиги тўғрисида хулоса чиқаради.

14Б мисол

Фонд бошқарувчиси фонdda анча катта мутаносиб инвестицияларга эга ва ўз инвестициялари доирасида зарарларни қоплаш мажбуриятини олади. Инвесторлар фонд бошқарувчисини фақат шартнома шартларини бузганлик учун оддий кўпчилик овоз билан четлатишлари мумкин.

Мазкур мисолда бошқа инвесторларнинг фонд бошқарувчисини четлатиш ҳуқуқи ҳимоя ҳуқуқи сифатида баҳоланади, чунки у фақат шартнома шартлари бузилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Фонд бошқарувчиси қайд этилган гонорар ва фонд фаолиятининг натижалари асосида ҳисоблаб чиқиладиган, кўрсатилган хизматларга мос келадиган гонорар олади. Фонд бошқарувчисининг инвестициялари унга тўланадиган ҳақ билан бирга фонд фаолиятдан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискка олиб келиши мумкин ва риск остидаги сумманинг катталиги фонд бошқарувчиси принципал ҳисобланишини кўрсатиши мумкин. Фонд бошқарувчисининг иқтисодий манфаатлари ва уларнинг ўзгарувчанлиги

Қўллашга доир мисоллар

даражаси (тўланадиган ҳақ ва бошқа улушларни ҳисобга олганда) қанча катта бўлса, фонд бошқарувчиси таҳлил қилишда иктисодий манфаатларга шунча кўп эътиборни қаратади ва фонд бошқарувчиси принципал ҳисобланиши эҳтимоли ҳам шунча кўп бўлади.

Масалан, ўзига тўланадиган ҳақ ва бошқа омилларни кўриб чиқиб, фонд бошқарувчиси 20 фоиз миқдоридаги инвестициялар ўзида фонд устидан назорат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқариш учун етарли деб ҳисоблаши мумкин. Лекин, бошқа вазиятда (яъни тўланадиган ҳақ миқдори ёки бошқа омиллар юқорида баён этилгандан фарқ қилганда) назорат қилиш ҳуқуқи инвестицияларнинг бошқа даражасида юзага келиши мумкин.

14В мисол

Фонд бошқарувчиси фондда 20 фоиз миқдорида инвестицияларга эга ва қўрилган зарарлар бўйича ўзининг шу 20 фоиз инвестицияси доирасида жавобгар бўлади. Фонднинг директорлар кенгаши мавжуд ва унинг барча аъзолари бошқа инвесторлар томонидан тайинланган бўлиб, фонд бошқарувчисига нисбатан мустақилдир. Директорлар кенгаши ҳар йили фонд бошқарувчисини тайинлайди. Агар директорлар кенгаши фонд бошқарувчиси билан шартнома муддатини узайтирмаслик тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, фонд бошқарувчиси кўрсатаётган хизматларни шу соҳада ишлайдиган бошқа бошқарувчилар кўрсатишлари мумкин.

Фонд бошқарувчисининг 20 фоиз миқдоридаги инвестициялари унга тўланадиган ҳақ билан бирга фонд фаолиятидан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискка олиб келиши мумкин ва риск остидаги сумма шу даражада катта бўлиши мумкинки, бу фонд бошқарувчиси принципал ҳисобланишини кўрсатиши мумкин. Лекин, инвесторлар фонд бошқарувчисини четлатиш бўйича реал ҳуқуққа эга: директорлар кенгаши инвесторларга уларнинг қарорига биноан фонд бошқарувчисини четлатиш имконини берадиган механизмга эга.

Бу мисолда фонд бошқарувчиси таҳлил қилишда четлатиш бўйича реал ҳуқуқларга кўпроқ эътиборни қаратади. Шундай қилиб, бу мисолда фонд бошқарувчиси қарорлар қабул қилиш масалаларида эркин ҳаракат қилиш учун кенг имкониятларга эга эканлиги ва ўзи оладиган даромадларнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискга йўлиққанига қарамай, бошқа инвесторларнинг реал ҳуқуқлари фонд бошқарувчиси агент ҳисобланишига ишора қилади. Шундай қилиб, фонд бошқарувчисининг ўзи фонд устидан назоратга эга эмаслиги тўғрисида хулоса чиқаради.

15 мисол

Инвестиция объекти активлар билан таъминланган, қайд этилган ставкали қимматли қоғозлар портфелини эгаллаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, қайд этилган мукофотли қарз ва улушли инструментлари билан молиялаштирилади. Улушли инструментлари қарз инструментларига инвесторларни илк зарарлардан ҳимоя қилиш ва инвестиция объектдан қолдиқ даромад олиш учун мўлжалланган. Келишув қарз инструментларига потенциал инвесторларга қимматли қоғозлар активлари билан таъминланган эмитентлар дефолтга учраши эҳтимоли билан боғлиқ кредит rischi ва портфелни бошқариш билан боғлиқ фоиз рискига эга бўлган қимматли қоғозлар активлари билан таъминланган портфелга инвестициялар сифатида тавсифланган. Портфелни шакллантиришда улушли инструментлар сотиб олинган активлар қийматининг 10 фоизини ташкил этади. Қарорларни қабул қилувчи томон (активларни бошқарувчи) инвестиция объектининг проспектида баён этилган параметрлар доирасида инвестиция қарорларини қабул қилиш орқали муомаладаги активлар портфелини бошқаради. Активларни бошқарувчи ўз хизматлари учун қайд этилган гонорар (яъни ўзи бошқараётган активларнинг 1 фоизи миқдорида) ва фаолият натижалари асосида ҳисоблаб чиқиладиган гонорар (яъни даромаднинг 10 фоизи миқдорида) олади (агар инвестиция объектининг даромади белгиланган даражадан ошган бўлса). Мукофот кўрсатилган хизматларга мос келади. Активларни бошқарувчига инвестиция объекти улушли инструментларининг 35 фоизи тегишли. Улушли инструментларининг қолган 65 фоизи ва қарз инструментларининг барчаси мустақил бўлган учинчи томонлар ҳисобланадиган кўп сонли инвесторларга тегишли. Активларни бошқарувчи бошқа инвесторларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорга мувофиқ сабабларини кўрсатмасдан четлатилиши мумкин.

Активларни бошқарувчи қайд этилган гонорар ва фаолият натижалари асосида ҳисоблаб чиқиладиган, кўрсатилган хизматларга мос келадиган гонорар олади. Тўланадиган ҳақ активларни бошқарувчининг манфаатдорлиги ва бошқа инвесторларнинг портфель қиймати ошишидан манфаатдорлигини бир қаторга қўяди. Активларни бошқарувчи ҳақ тўлашдан ва

Қўллашга доир мисоллар

фонд фаолиятдан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискга йўлиқади, чунки у хусусий капиталнинг 35 фоизига эгаллик қилади.

Активларни бошқарувчи инвестиция объектнинг проспектида баён этилган параметрлар доирасида ҳаракат қилсада, у ҳозирги вақтда инвестиция объектнинг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган инвестиция қарорларини қабул қилиш имкониятига эга. Айни вақтда, бошқа инвесторларда мавжуд четлатиш ҳуқуқлари таҳлил қилишда унча катта салмоққа эга бўлмайди, чунки бу ҳуқуқлар кўп сонли тарқоқ инвесторларга тегишли. Ушбу мисолда, активларни бошқарувчи капиталдаги ўз улушидан оладиган даромадларнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискка кўпроқ эътибор беради. Мазкур улуш қарз инструментларига нисбатан субординацияланган хусусият касб этади. Хусусий капиталда 35 фоизли улушнинг мавжудлиги активларни бошқарувчи принципал ҳисобланишини кўрсатадиган даражада аҳамиятли бўлган зарар кўриш субординацияланган рискни ва инвестиция объектнинг даромадларига бўлган ҳуқуқни юзага келтиради. Шундай қилиб, активларни бошқарувчи ўзи инвестиция объекти устидан назоратга эга эканлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

16 мисол

Қарорларни қабул қилувчи томон (ҳомий) ўзаро боғлиқ бўлмаган учинчи томонлар ҳисобланадиган инвесторлар учун қисқа муддатли қарз инструментлари чиқарадиган кўп томонли кондуитга ҳомийлик қилади. Келишув потенциал инвесторларга юқори рейтингли ва активлар портфели эмитенти дефолтга учраши эҳтимоли билан боғлиқ минимал кредит рискдан иборат ўрта муддатли активлар портфелига инвестициялар сифатида таклиф этилган. Турли цедентлар юқори сифатли ўрта муддатли активларнинг портфелларини кондуитга сотадилар. Ҳар бир цедент ўзи кондуитга сотган активлар портфелига хизматлар кўрсатади ва дефолт юз берганда дебиторлик қарзини гонорар эвазига бошқаради. Ҳар бир цедент ўз активлар портфели кредитлари бўйича кўрилган илк зарарларни кондуитга берилган активларни ошиқча таъминлаш орқали ҳимоя қилади. Ҳомий кондуит шартларини белгилайди ва кондуитнинг операцияларини гонорар эвазига бошқаради. Гонорар кўрсатилган хизматларга мос келади. Ҳомий инструментларни кондуитга сотиш учун рухсат олган сотувчиларни тасдиқлайди, кондуит томонидан эгалланадиган активларни тасдиқлайди ва кондуитни молиялаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилади. Ҳомий барча инвесторларнинг манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиши лозим.

Ҳомий кондуитнинг қолдиқ даромадини олиш ҳуқуқига эга, у кондуитга кредит сифати ва ликвидликни қувватлаш бўйича хизматлар кўрсатади. Ҳомий таъминлайдиган кредит сифатини қувватлаш кўрилган зарарлар цедентлар томонидан қопланганидан сўнг кондуит барча активларининг 5 фоизигача бўлган миқдордаги зарарларни қоплайди. Сўндирилмаган активларга нисбатан ликвидликни таъминлаш хизматлари тақдим этилмайди. Инвесторлар ҳомийнинг қарорлар қабул қилиш бўйича ваколатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган реал ҳуқуқларга эга эмас.

Ҳомий ўз хизматлари учун уларга мос келадиган гонорар олсада, ўзида кондуитнинг қолдиқ даромадини олиш, кредит сифати ва ликвидликни қувватлаш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқлари борлиги туфайли ҳомий кондуит фаолиятдан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискга йўлиқади (яъни кондуит ўрта муддатли активларни молиялаштириш учун қисқа муддатли қарз инструментларидан фойдаланишда ликвидлик рискга йўлиқади). Ҳар бир цедент кондуитнинг активлари қийматида таъсир кўрсатадиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлигига қарамай, ҳомий қарорлар қабул қилиш масалаларида эркин ҳаракат қилиш учун кенг имкониятларга эга ва бу унга ҳозирги вақтда кондуитнинг даромадига айниқса аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолиятни бошқариш (кондуит шартларини белгилаш, активлар юзасидан қарорлар қабул қилиш) ва кондуитни молиялаштириш (бунинг учун янги инвестицияларни қидириш талаб этилади) имконини беради. Кондуитнинг қолдиқ даромадига бўлган ҳуқуқ ҳамда кредит сифати ва ликвидликни қувватлаш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳомийни кондуит фаолиятдан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискка йўлиқтиради ва бу риск бошқа инвесторларнинг рискдан фарқ қилади. Шунга қўра, риск остидаги сумма ҳомий принципал ҳисобланишини кўрсатади ва шундай қилиб, ҳомий ўзи кондуит устидан назоратга эга эканлиги тўғрисида хулоса чиқаради. Ҳомийнинг барча инвесторлар манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш мажбурияти ҳомийга принципал сифатида қаралишига монелик қилмайди.

Бошқа томонлар билан муносабатлар

- Б73 Инвестор назорат мавжудлигини баҳолашда ўзининг бошқа томонлар билан муносабатларини, шунингдек бундай томонлар инвестор номидан иш кўришини (яъни ‘де-факто агентлар’ ҳисобланиши)ни кўриб чиқиши лозим. Бошқа томонлар де-факто агентлар сифатида иш кўришини аниқлаш муносабатларнинг хусусияти билан бир қаторда, томонлар бир-бири ва инвестор билан қай тарзда ўзаро алоқа қилишини ҳам ҳисобга олиши мулоҳаза талаб қилади.
- Б74 Бундай муносабатлар шартномавий келишувларни расмийлаштиришни талаб қилмайди. Агар инвестор томонга инвестор номидан ҳаракат қилишни топшириш имкониятига эга бўлса ёки бундай имкониятга инвестор фаолиятини бошқаришни амалга оширувчи шахслар эга бўлса, мазкур томон де-факто агент ҳисобланади. Бундай вазиятларда инвестор инвестиция объекти устидан назорат мавжудлигини баҳолашда ўз де-факто агентларининг қарорлар қабул қилиш ҳуқуқларини, шунингдек ўзининг ўзгарувчан даромад билан боғлиқ рискни ёки бундай даромадни де-факто агент орқали олиш ҳуқуқини ўз rischi ва ҳуқуқлари билан бирга кўриб чиқиши лозим.
- Б75 Куйида инвестор билан муносабатлари хусусияти улар инвестор учун де-факто агент сифатида ҳаракат қилишлари мумкинлигидан далолат берадиган бошқа томонларга мисоллар келтирилган:
- (а) инвесторнинг ўзаро боғлиқ томонлари;
 - (б) инвестиция объектида иштирокчи сифатидаги улушни бадал ёки инвестордан қарз сифатида олган томон;
 - (в) инвестиция объектида иштирокчи сифатидаги ўз улушини дастлаб инвесторнинг розилигисиз сотмаслик, бермаслик ва оғирлаштирмасликка рози бўлган томон (инвестор ва бошқа томон дастлаб маъқуллаш ҳуқуқига эга ва ҳуқуқлар битим тузмокчи бўлаётган мустақил томонлар ўртасида келишилган шартларга асосланган);
 - (г) ўз операцияларини инвесторнинг субординацияланган молиявий ёрдамисиз молиялаштира олмайдиган томон;
 - (д) бошқарув органи аъзоларининг кўпчилиги ёки асосий бошқарув ходимлари инвесторнинг бошқарув органи аъзолари ва асосий бошқарув ходимлари билан айна бир шахслардан иборат бўлган инвестиция объекти;
 - (е) инвестор билан яқин бизнес муносабатларда бўлган томон масалан, профессионал хизматлар етказиб берувчи ва унинг асосий харидорларидан бири ўртасидаги муносабатлар.

Қайд этилган активлар устидан назорат

- Б76 Инвестор инвестиция объектининг бирон-бир қисмини шартли мустақил ташкилот сифатида баҳоланишини кўриб чиқиши лозим ва агар шундай бўлса, унинг устидан назоратга эгалигини аниқлаши лозим.
- Б77 Инвестор фақат ва фақат куйидаги шартларнинг барчаси бажарилган ҳолда инвестиция объектининг қисмига шартли мустақил ташкилот сифатида қараши лозим:
- Инвестиция объектининг қайд этилган активлари (ва, агар мавжуд бўлса, кредит сифатини қўллаб-қувватлаш) унинг қайд этилган мажбуриятлари ёки инвестиция объектидаги бошқа қайд этилган улушлар тўловининг ягона манбаси ҳисобланади. Қайд этилган мажбуриятларга эга бўлмаган томонлар қайд этилган активлар билан ёки бундай активлардан олинadиган пул маблағларининг оқимлари қолдиғи билан боғлиқ ҳуқуқлар ёки жавобгарликларга эга бўлмайди. Моҳиятига кўра, қайд этилган активлардан олинadиган даромаддан инвестиция объектининг қолган қисми фойдаланиши ва шартли равишда мустақил ташкилотининг бирон-бир мажбурияти инвестиция объекти қолган қисмининг активларидан тўланиши мумкин эмас. Шундай қилиб, шартли равишда алоҳида ташкилотнинг барча активлари, мажбуриятлари ва хусусий капитали инвестиция объектидан ажратилган бўлади. Бундай шартли равишда алоҳида ташкилот кўпинча “бункер” деб аталади.
- Б78 Агар Б77-бандда баён этилган шарт бажарилган бўлса, инвестор ўзи инвестиция объектининг мазкур қисмига нисбатан ваколатларга эга ёки эга эмаслигини баҳолаш учун шартли равишда алоҳида ташкилотнинг даромадига аҳамиятли таъсир кўрсатаётган фаолиятни ва мазкур фаолият қандай бошқарилишини идентификация қилиши лозим. Шартли равишда алоҳида ташкилот устидан назорат мавжудлигини баҳолашда инвестор ўзи бундай шартли равишда алоҳида ташкилотда иштирок этишдан олинadиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискга мойиллигини ёки бундай даромадни олиш ҳуқуқига эга ёки эга эмаслигини, шунингдек инвесторнинг даромади микдорига

таъсир кўрсатиш мақсадида инвестиция объектнинг қисмига нисбатан ўз ваколатларидан фойдаланиш имкониятини ҳам кўриб чиқиши лозим.

- Б79 Агар инвестор шартли равишда мустақил ташкилоти устидан назоратга эга бўлса, у инвестиция объектнинг тегишли қисмини консолидациялаши лозим. Бу ҳолатда бошқа томонлар инвестициялар объектнинг ушбу қисмини унинг устидан назорат мавжудлигини баҳолашда ва ушбу инвестиция объектни консолидация қилишда чиқариб ташлайдилар.

Узлуксиз баҳолаш

- Б80 Агар бирон-бир далиллар ёки вазиятлар 7-бандда санаб ўтилган назоратнинг уч элементининг бири ёки бир нечтасида ўзгаришлар юз берганини кўрсатаётган бўлса, инвестор ўзида инвестиция объекти устидан назоратнинг мавжудлигини қайта баҳолашни амалга ошириши лозим.
- Б81 Агар инвестор инвестиция объектга нисбатан ўз ваколатларини амалга ошириши усулида ўзгаришлар юз берган бўлса, бундай ўзгаришлар инвестор инвестиция объектга нисбатан ўз ваколатларини қандай баҳолашида ўз аксини топиши лозим. Масалан, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар аҳамиятга молик фаолиятни бошқариш бундан буён овоз бериш ҳуқуқлари ёрдамида амалга оширилмаслигини, бунинг ўрнига бошқа келишувлар, масалан, шартномалар бошқа томон ёки томонларга ҳозирги вақтда аҳамиятга молик фаолиятни бошқариш имкониятини беришини англатиши мумкин.
- Б82 Инвестор инвестиция объектга нисбатан ваколатларни эгаллаши ёки йўқотиши инвесторнинг ўзи иштирок этмайдиган бирон-бир ҳодиса натижасида юз бериши мумкин. Масалан, инвестор илгари ўзига инвестиция объекти устидан назоратни қўлга киритишга монелик қилган бошқа бирон-бир томоннинг қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи амал қилиш муддатининг тугаши натижасида инвестиция объектга нисбатан ваколатларни қўлга киритиши мумкин.
- Б83 Инвестор ўзининг инвестиция объектда иштирок этишдан олинадиган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискка таъсир кўрсатадиган ўзгаришларни ёки бундай даромадни олишга бўлган ҳуқуқларини кўриб чиқади. Масалан, инвестиция объектга нисбатан ваколатларга эга бўлган инвестор, агар у даромад олиш ҳуқуқини йўқотган бўлса ёки бундан буён мажбуриятларга эга бўлмаса, инвестиция объекти устидан назоратни йўқотиши мумкин, чунки айни ҳолда инвестор 7(б) банди шартларини қаноатлантирмайди (масалан, фаолият натижалари асосида ҳисоблаб чиқиладиган гононарни олиш тўғрисидаги шартнома бекор қилинган бўлса).
- Б84 Инвестор ўзи агент ёки принципал эканлигига илгари берган баҳоси ўзгаргани ёки ўзгармаганини кўриб чиқиши лозим. Инвестор ва бошқа томонлар ўртасидаги муносабатларда қайд этилган ўзгаришлар инвестор бундан буён агент сифатида иш кўрмаслигини англатиши мумкин. Масалан, инвестор ёки бошқа томонларнинг ҳуқуқларида бирон-бир ўзгариш юз берган бўлса, инвестор ўзининг принципал ёки агент сифатидаги мақомини қайта кўриб чиқиши лозим.
- Б85 Агар бозор шароитларининг ўзгариши 7-бандда санаб ўтилган назорат уч элементининг бири ёки бир нечтаси ўзгаришига ёки принципал ва агент ўртасидаги муносабатлар ўзгаришига олиб келмаган бўлса, бозор шароитларининг ўзгариши (масалан, инвестиция объекти даромадларининг бозор шароитлари таъсирида ўзгариши) ўз-ўзича инвестор ўзида назорат мавжудлигига берган баҳо ёки унинг принципал ёки агент сифатидаги мақоми ўзгаришига олиб келмайди.

Ташкилот инвестиция ташкилоти ҳисобланишини аниқлаш

- Б85А Ташкилот ўзи инвестиция ташкилоти ҳисобланишини баҳолашда барча далиллар ва ҳолатларни, шу жумладан ўз мақсади ва тузилмасини эътиборга олиши лозим. Инвестиция ташкилотининг 27-бандда кўрсатилган учала элементи ҳам эга бўлган ташкилот инвестиция ташкилоти ҳисобланади. Б85Б–Б85Л бандларида мазкур элементларнинг батафсил тавсифи келтирилган.

Бизнеснинг мақсади

- Б85Б Инвестиция ташкилоти таърифи, ташкилотнинг мақсади маблағларни инвестициялаш фақат капитал қийматининг ўсишидан даромад, инвестиция фаолиятдан даромад олиш (масалан, дивидендлар, фойзалар ёки мулкни ижарага беришдан олиндинган даромад) ёки ҳар икки турдаги даромадни олишдан иборат бўлиши лозимлигини талаб қилади. Ташкилотнинг инвестиция вазифалари кўрсатилган ҳужжатлари, хусусан инвестиция меморандуми, ташкилот чоп этадиган материаллар, шунингдек бошқа расмий ҳужжатлари одатда бизнеснинг инвестиция ташкилотига мос келувчи мақсадидан далолат беради. Қўшимча далиллар каторига ташкилот ўзини бошқа томонларга (потенциал инвесторлар ёки потенциал инвестиция объектларига) қандай тақдим этиши киради;

масалан, ташкилот ўз бизнесини капитал қийматининг ўсишига эришиш мақсадида ўрта муддатли инвестицияларни амалга ошириш сифатида тақдим этиши мумкин. Бундан фаркли ўларок, ўзини мақсади ўз инвестиция объектлари билан бирга маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ёки бозорда намоиш этишдан иборат бўлган инвестор сифатида тақдим этадиган ташкилот инвестиция ташкилоти мақсадида мос келмайдиган бизнес мақсадида эга бўлади, чунки у ўз инвестицияларидан даромад олиш билан бир қаторда, маҳсулотни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ёки бозорда намоиш этиш борасидаги фаолиятдан даромад олади (Б85З бандига қаранг).

- Б85В Ташкилот учинчи томонларга ва ўз инвесторларига инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиши мумкин (масалан, инвестиция киритиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, инвестицияларни бошқариш, инвестиций қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар кўрсатиш), хатто агар ушбу фаолият турлари ташкилот учун аҳамиятли ҳисобланса ҳам, ташкилот инвестиция ташкилоти таърифига жавоб беради.
- Б85Г Инвестиция ташкилоти инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ қуйидаги фаолият турларида ҳам, агар мазкур фаолият турларининг мақсади ўз инвестициялари объектларининг даромадини максималлаштириш (капитал қийматини ўсишидан ёки инвестиция даромадини олиш)дан иборат бўлса ва агар мазкур фаолият турлари инвестиция ташкилоти учун фаолиятининг алоҳида аҳамиятли йўналиши ёки алоҳида аҳамиятли даромад манбаи ҳисобланмаса, бевосита ёки ўз шўба ташкилоти орқали иштирок этиши мумкин:
- (а) инвестиция объектига бизнесни бошқариш бўйича хизматлар кўрсатиш ва фаолият стратегияси бўйича маслаҳатлар бериш; ва
 - (б) инвестиция объектига молиявий ёрдам кўрсатиш, хусусан қарз бериш, капитал тақдим этиш мажбуриятини олиш ёки кафолат бериш.
- Б85Д Агар инвестиция ташкилоти ўзига ёки бошқа томонларга хизматлар кўрсатадиган ёки инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва Б85В–Б85Г бандларда тавсифланган фаолиятни олиб борадиган инвестиция ташкилоти бўлмаган шўба ташкилотига эга бўлса, у мазкур шўба ташкилотни 32-бандга мувофиқ консолидациялаши лозим. Агар инвестицияга оид хизматлар ва фаолият кўрсатадиган шўба ташкилотининг ўзи инвестиция ташкилоти бўлса, инвестиция ташкилоти бўлган бош ташкилот ушбу шўба ташкилотни 31-бандга мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим.

Чиқиш стратегиялари

- Б85Е Ташкилотнинг инвестиция режалари ҳам унинг бизнеси мақсадидан далолат беради. Инвестиция ташкилотини бошқа ташкилотлардан фарқлаш имконини берадиган белгилардан бири инвестиция ташкилоти ўз инвестицияларини номуайян вақт мобайнида ушлаб туришни режалаштирмайди; у уларни фақат чекланган давр мобайнида ушлаб туради. Улушли инструментларга инвестициялар ва номолиявий активларга инвестициялар чекланмаган давр мобайнида ушлаб турилиши мумкин бўлгани боис, инвестиция ташкилоти чиқиш стратегиясига эга бўлиши ва стратегия доирасида ташкилот барча улушли инструментлари ва номолиявий активларга инвестицияларидан капитал қийматининг ўсишини қандай амалга ошироқчи эканлигини тавсифлайди. Шунингдек, инвестиция ташкилоти чекланмаган давр мобайнида ушлаб турилиши мумкин бўлган қарз инструментлари, масалан, муддатсиз қарз инструментларига нисбатан чиқиш стратегиясига эга бўлиши лозим. Ташкилот ҳар бир алоҳида инвестиция бўйича чиқиш стратегиясини ҳужжатлаштиришга мажбур эмас, лекин турли инвестициялар ёки уларнинг портфеллари бўйича турли потенциал стратегияларни, шу жумладан инвестициялардан чиқиш асосли муддатларини идентификация қилиши лозим. Фақат мажбуриятлар бажарилмаслиги, хусусан шартнома шартлари бузилиши ёки бажарилмаган ҳолларда амалга ошириладиган чиқиш механизмлари ушбу баҳолаш мақсадлари учун чиқиш стратегиялари ҳисобланмайди.
- Б85Ё Чиқиш стратегиялари инвестицияларнинг турларига кўра фарқ қилиши мумкин. Хусусий компанияларнинг акцияларига инвестициялар билан боғлиқ ҳолларда чиқиш стратегияларига мисоллар қимматли қоғозларни биржада бирламчи жойлаштириш, ёпиқ жойлаштириш, бизнесни сотиш, инвестиция объектида иштирокчи улушларни (инвесторларга) тақсимлаш, шунингдек активларни сотиш (шу жумладан инвестиция объекти активларини сотиш ва сўнг мазкур объектни тугатиш)ни ўз ичига олади. Очiq бозорда савдо қилинадиган улушли инструментларга инвестициялар билан боғлиқ ҳолларда чиқиш стратегияларига мисоллар ёпиқ таклиф доирасида ёки очiq бозорда инвестицияларни сотишни ўз ичига олади. Кўчмас мулк объектларига инвестициялар билан боғлиқ ҳолларда чиқиш стратегиясига кўчмас мулк объектини кўчмас мулк бозоридаги ихтисослашган дилерлар орқали ёки очiq бозорда сотиш мисол бўлади.
- Б85Ж Инвестиция ташкилоти юридик, тартибга солиш, солиққа оид ёки шунга ўхшаш сабабларга кўра ташкил этилган бошқа ўзи билан боғлиқ инвестиция ташкилотига инвестицияларга эга бўлиши

мумкин. Бу ҳолда, инвестор ҳисобланган инвестиция ташкилоти, агар инвестиция объекти ҳисобланадиган инвестиция ташкилоти ўз инвестициялари учун тегишли чиқиш стратегияларига эга бўлса, мазкур инвестицияларга нисбатан чиқиш стратегиясига эга бўлиш зарурати йўқ.

Инвестициялардан олинадиган даромад

Б853 Ташкилот, агар ушбу ташкилот ёки ушбу ташкилотнинг таркибига кирувчи бошқа аъзо гуруҳлар (яъни, инвестиция ташкилотининг пировард бош ташкилоти томонидан назорат қилинадиган гуруҳлар) кўриб чиқиладиган ташкилотга инвестиция киритишдан, инвестиция объектига боғлиқ бўлмаган бошқа томонлар учун чекланган фойдани олишни ёки бошқа турдаги фойдани олишни мақсад қилган бўлса, фақатгина капитал қийматининг ўсишидан ёки инвестиция даромадларини ёки иккаласидан ҳам даромад олиш учун инвестиция киритган ҳисобланмайди. Бундай фойда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- (а) инвестиция объектининг жараёнлари, активлари ёки технологияларини харид қилиш, улардан фойдаланиш ёки уларни айирбошлаш. Бунга ташкилот ёки гуруҳнинг бошқа аъзоси бирон-бир инвестиция объектининг активлари, технологиялари, маҳсулотлари ёки хизматларини харид қилишга номуносиб ёки мутлақ ҳуқуқларга эга бўлган ҳоллар кириди; масалан, активнинг ишлаб чиқарилиши муваффақиятли бўлиши назарда тутиладиган ҳолларда инвестиция объектидан уларда мавжуд активни опцион воситаси орқали сотиб олиш;
- (б) биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар (11-сон МХХСда таърифланган) ёки ташкилот ёки гуруҳнинг бошқа аъзоси ва инвестиция объекти ўртасида маҳсулотлар ёки хизматларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, бозорда намойиш этиш ёки тақдим этиш тўғрисидаги бошқа келишувлар;
- (в) инвестиция объектининг ташкилот ёки гуруҳ бошқа аъзосининг қарз шартномалари бўйича таъминот сифатидаги молиявий кафолатлари ёки активлари (бунда инвестиция ташкилотидан инвестиция объектига инвестициядан ўз қарзлари бўйича таъминот сифатида фойдаланиш имкониятини сақлаб қолади);
- (г) ташкилотнинг ўзаро боғлиқ томони ушлаб турган, мазкур ташкилотдан ёки гуруҳнинг бошқа аъзосидан ушбу ташкилотнинг инвестиция объектида иштирокчи сифатидаги улушини сотиб олиш опцион;
- (д) ташкилот ёки гуруҳнинг бошқа аъзоси билан инвестиция объекти ўртасида тузиладиган қуйидаги келишувлар, бундан Б85И-бандда тавсифланган ҳолат мустасно:
 - (i) ташкилот ёки гуруҳнинг бошқа аъзоси ёхуд инвестиция объектига нисбатан ўзаро боғлиқ томонлар ҳисобланмайдиган ташкилотларга берилмайдиган шартларда тузиладиган;
 - (ii) ҳаққоний бўлмаган қиймат бўйича тузиладиган; ёки
 - (iii) инвестиция объекти ёки ташкилот тижорат фаолиятининг, шу жумладан гуруҳ таркибидаги бошқа ташкилотлар тижорат фаолиятининг аҳамиятли қисмини ташкил этадиган.

Б85И Инвестиция ташкилоти соҳа, бозор ёки географик минтақа доирасида биттадан ортиқ инвестиция объектига инвестицияларни амалга оширишни капитал қийматининг ўсишига эришишдан олинадиган даромад ва мазкур инвестиция объектларидан олинадиган инвестиция даромади кўпайишига олиб келадиган синергетик эффектдан фойда олиш мақсадида назарда тутадиган стратегияга эга бўлиши мумкин. Б853(д) бандига қарамай, бундай инвестиция объектлари ўзаро хўжалик операцияларини амалга оширишлари туфайли, ташкилотни инвестиция ташкилоти сифатида таснифлаш имконияти истисно этилмайди.

Ҳаққоний қийматни баҳолаш

Б85Й Инвестиция ташкилотининг таърифининг муҳим элементи шундаки, у ўзининг барча инвестициялари фаолияти натижаларини баҳолаш ва таҳлил қилишни уларнинг ҳаққоний қиймати асосида амалга оширади, чунки ҳаққоний қийматдан фойдаланиш, масалан, шўъба ташкилотларини консолидациялаш ёки қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотларидаги улушли иштирок этиш усулларига нисбатан ўринлироқ маълумотларни беради. Таърифдаги мазкур элементга жавоб беришини кўрсатиш учун инвестиция ташкилоти:

- (а) инвесторларга ҳаққоний қиймат тўғрисида маълумотлар беради ва МХХСга мувофиқ ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаш талаб этиладиган ёки бунга йўл қўйилмайдиган барча

- ҳолларда ўз молиявий ҳисоботида ўзининг барча инвестицияларини ҳаққоний қиймат бўйича баҳолайди;
- (б) ички ҳисоботлар доирасида ҳаққоний қиймат тўғрисида маълумотларни ташкилотнинг (таърифи 24-сон БҲХСда изоҳлангани каби) муҳим бошқарув ходимларига тақдим этади ва бу ходимлар ҳаққоний қийматдан ташкилотнинг барча инвестициялари фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш учун баҳолашнинг асосий кўрсаткичи сифатида фойдаланади.
- Б85К Б85Й(а) банди талабини бажариш учун инвестиция ташкилоти:
- (а) инвестиция кўчмас мулк объектларининг барчасини 40-сон МҲХС “Инвестиция кўчмас мулки”га мувофиқ ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаш модели ёрдамида ҳисобга олишни танлаши;
- (б) таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестицияларига нисбатан 28-сон БҲХСда назарда тутилган улушли қатнашиш усулини қўллаш бўйича озод қилишни танлаши; ва
- (в) ўз молиявий активларини 9-сон МҲХС талабларига мувофиқ ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаши лозим.
- Б85Л Инвестиция ташкилоти инвестиция киритиш фаолиятига тааллуқли бўлмаган бир қатор активларга, хусусан бош офис ва тегишли асбоб-ускуналарга эга бўлиши, бундан ташқари, унинг молиявий мажбуриятлари мавжуд бўлиши мумкин. Инвестиция ташкилоти таърифнинг 27(в)-бандида кўрсатилган, ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашни назарда тутадиган элементи фақат инвестиция ташкилоти инвестицияларига тегишлидир. Шунга қўра, инвестиция ташкилоти инвестициялаш билан боғлиқ фаолиятга тегишли бўлмаган мажбуриятларини ёки активларини ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашига зарурат йўқ.

Инвестиция ташкилотига хос бўлган хусусиятлар

- Б85М Ташкилот инвестиция ташкилоти таърифига жавоб беришини аниқлашда инвестиция ташкилотига хос хусусиятлардан бири мавжудлигини эътиборга олиши лозим (28-бандга қаранг). Бу хусусиятлардан бири ёки бир нечтасининг мавжуд эмаслиги ташкилотни инвестиция ташкилоти сифатида таснифлаш мумкин эмаслигига сабаб бўлмаслиги ҳам мумкин, бироқ бу мазкур ташкилот инвестиция ташкилоти ҳисобланишини аниқлашда қўшимча мулоҳаза юритиш зарурлигини кўрсатади.

Бир нечта инвестиция

- Б85Н Инвестиция ташкилоти ўз рискин диверсификациялаш ва даромадни максималлаштириш учун, одатда, бир нечта инвестицияларга эгалик қилади. Ташкилот инвестициялар портфелига бевосита ёки билвосита эгалик қилиши мумкин, масалан, бир нечта инвестицияларга эгалиги бўлган инвестиция ташкилотига қилинган ягона инвестицияга эгалик қилиши.
- Б85О Айрим даврларда ташкилот фақат битта инвестицияга эгалик қилиши мумкин. Лекин фақат битта инвестиция мавжудлиги ташкилот инвестиция ташкилоти таърифига мос келишини кўрсатиши ҳам мумкин. Масалан, инвестиция ташкилоти қуйидаги ҳолларда фақат битта инвестицияга эгалиги бўлиши мумкин, агар ушбу ташкилот:
- (а) тижорат фаолиятини амалга оширишнинг дастлабки босқичида бўлса ва мос келадиган инвестицияларни ҳали аниқламаган, бинобарин, бир нечта инвестицияларни хариди бўйича инвестиция режасини ҳали бажармаган;
- (б) чиқиб кетган инвестициялар ўрнига янги инвестицияларни харид қилмаган;
- (в) агар мазкур инвестиция айрим инвесторлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлмаса, инвесторларнинг маблағларини битта инвестицияга киритиш учун бирлаштириш мақсадида таъсис этилган (масалан, керакли минимал инвестиция миқдори айрим инвестор учун ҳаддан ташқари катта бўлганда); ёки
- (г) ташкилот тугатиш жараёнида бўлганда.

Бир нечта инвесторлар

- Б85П Одатда инвестиция ташкилоти агар инвесторлар ҳар бири алоҳида ҳаракат қилганида бундай инвестициявий имкониятга эга бўлмаслиги мумкин бўлган инвестицияларни бошқариш хизматлари ва инвестиция имкониятларидан фойдаланиш учун ўз маблағларини бирлаштирган бир нечта

инвесторларга эга бўлади. Бир нечта инвесторлар мавжудлиги ташкилот ёки у аъзо бўлган гуруҳнинг бошқа аъзолари капитал қийматининг ўсиши ёки инвестиция даромадидан бошқа шаклларда фойда олиши эҳтимолини камайтиради (Б853-бандига қаранг).

- Б85Р Бошқа томондан, инвестиция ташкилоти кўп сонли инвесторларнинг манфаатларини ифода этадиган ёки қувватлайдиган бир нафар инвестор томонидан (ёки шу инвестор учун) тузилиши мумкин (масалан, пенсия жамғармаси, давлат инвестиция фонди ёки оилавий траст).
- Б85С Айрим даврларда ташкилот вақтинчалик асосда фақат битта инвесторга эга бўлиши мумкин. Масалан, инвестиция ташкилоти қуйидаги ҳолларда фақат битта инвесторга эга бўлиши мумкин:
- (а) инвестиция ташкилоти яқунланмаган дастлабки жойлаштириш босқичида ва мос келадиган инвесторларни аниқлаш борасида фаол иш олиб бораётган бўлса;
 - (б) ўзи қайта сотиб олган улушларни жойлаштириш учун мос келадиган инвесторларни аниқламаган бўлса; ёки
 - (в) тугатиш жараёнида бўлса.

Ўзаро боғлиқ бўлмаган инвесторлар

- Б85Т Одатда инвестиция ташкилоти мазкур ташкилот ёки у аъзо бўлган гуруҳнинг бошқа аъзоларига нисбатан (таърифи 24-сон БҲХС да келтирилган) ўзаро боғлиқ томонлар ҳисобланмайдиган бир нечта инвесторларга эга бўлади. Ўзаро боғлиқ бўлмаган инвесторлар мавжудлиги мазкур ташкилот ёки у аъзо бўлган гуруҳнинг бошқа аъзолари капитал қийматининг ўсиши ёки инвестиция даромадидан бошқа шаклда фойда олиши эҳтимолини камайтиради (Б853 бандига қаранг).
- Б85У Лекин ташкилот ҳатто унинг инвесторлари ўзаро боғлиқ томонлар ҳисобланган ҳолда ҳам инвестиция ташкилоти таърифига мос келиши мумкин. Масалан, инвестиция ташкилоти ўз ходимлари гуруҳи (масалан, муҳим бошқарув ходимлари) ёки бошқа ўзаро боғлиқ инвестор(лар) учун мазкур ташкилот асосий инвестиция фондининг инвестицияларидан нусха кўчирувчи алоҳида “параллель” фонд таъсис этиши мумкин. Бу “параллель” фонд, ҳатто унинг барча инвесторлари ўзаро боғлиқ томонлар ҳисобланса ҳам, инвестиция ташкилоти мезонларига мос келиши мумкин.

Иштирок этиш улушлари

- Б85Ф Инвестиция ташкилоти одатда алоҳида юридик шахс ҳисобланади, лекин у алоҳида юридик шахс бўлиши талаб этилмайди. Инвестиция ташкилотида иштирок этиш улушлари, қоида тариқасида, капиталда улушли иштирок этиш ёки шунга ўхшаш улушли иштирок кўринишига эга бўлади (масалан, ширкат иштирокчилари улушлари) ва уларга инвестиция ташкилоти соф активларининг мутаносиб улушлари киритилади. Лекин, айримлари фақат муайян инвестиция ёки инвестициялар гуруҳига бўлган ҳуқуқларга эга ёки соф активлардаги улушлари турли нисбатларда белгиланган турли тоифадаги инвесторларнинг мавжудлиги ташкилотни инвестиция ташкилоти сифатида таснифлашга монелик қилмайди.
- Б85Х Бундан ташқари, тегишли МХХСга мувофиқ капитал таърифига мос келмайдиган қарз инструментлари кўринишида аҳамиятли иштирок этиш улушларига эга бўлган ташкилот, агар мазкур ташкилот соф активларининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар қарз инструментлари эгасининг даромадлари ўзгарувчанлиги рискига мойиллигига сабаб бўлса, инвестиция ташкилоти таърифига мос келиши мумкин.

Ҳисоб юритишга нисбатан талаблар

Консолидациялаш тартиблари

- Б86 Консолидациялашган молиявий ҳисоботда:
- (а) бош ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари ва пул маблағлари оқимлари моддаларини унинг шўъба ташкилотининг худди шундай моддалари билан бирлаштириш амалга оширилади.
 - (б) бош ташкилот шўъба ташкилотларининг ҳар бирига қилган инвестицияларининг баланс қиймати ва бош ташкилотнинг шўъба ташкилотларидан ҳар бирининг хусусий капиталидаги улушини ўзаро ҳисоб-китоб қилиш (чиқариб ташлаш) амалга оширилади (3-сон МХХСда ҳар қандай тегишли гудвил ҳисобини юритиш тартиби тушунтирилади).

- (в) гуруҳ ташкилотлари ўртасидаги операциялар билан боғлиқ гуруҳ ичидаги активлар ва мажбуриятлар, хусусий капитал, даромад, харажатлар ва пул маблағлари оқимлари бутунлай ҳисобдан чиқарилади (захиралар ва асосий воситалар каби активлар таркибида тан олинган гуруҳ ичидаги операциялар натижасида юзага келадиган фойда ёки зарарлар бутунлай чиқариб ташланади). Гуруҳ ичидаги зарарлар кадрсиэланшдан далолат бериши мумкин ва у консолидациялашган молиявий ҳисоботда тан олинши лозим. 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари” гуруҳ ичидаги операциялардан олинган фойда ва зарарлар ҳисобдан чиқарилиши натижасида юзага келган вақтинчалик фарқларга нисбатан қўлланади.

Бир ҳил ҳисоб сиёсати

- Б87 Агар гуруҳ аъзоларидан бирортаси ўхшаш операциялар ёки ўхшаш вазиятлардаги ходисалар ҳисобини юритиш учун консолидациялашган молиявий ҳисоботда фойдаланадиган ҳисоб сиёсатидан фарқ қиладиган ҳисоб сиёсатини қўллаган бўлса, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашда гуруҳ ҳисоб сиёсатиға мувофиқликни қафолатлаш учун гуруҳ аъзосининг молиявий ҳисоботиға тегишли тузатишлар киритилиши лозим.

Баҳолаш

- Б88 Ташкилот шўба ташкилотининг даромадлари ва харажатларини консолидациялашган молиявий ҳисоботиға ташкилот шўба ташкилот устидан назоратни олган пайтдан уни йўқотган пайтғача бўлган давр оралиғида киритади. Шўба ташкилотининг даромадлари ва харажатлари консолидациялашган молиявий ҳисоботда харид санасида тан олинган активлар ва мажбуриятлар қийматлари асосида ҳисоблаб чиқилади. Масалан, умумлашган даромад тўғрисидаги консолидациялашган молиявий ҳисоботда харид санасидан кейин тан олинган эскириш харажатлари консолидациялашган молиявий ҳисоботда харид санасида тан олинган тегишли эскириш ҳисобланадиган активларнинг ҳаққоний қийматиға асосланади.

Потенциал овоз бериш ҳуқуқлари

- Б89 Потенциал овоз бериш ҳуқуқлари ёки потенциал овоз бериш ҳуқуқларини ўз ичига оладиган бошқа деривативлар мавжуд бўлганда, ташкилотнинг таъсир остидаги ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улуши фақатгина мавжуд эгалик улушлари асосида аниқланади ва агар Б90-банд қўлланмаса, у потенциал овоз бериш ҳуқуқларининг ва бошқа дериватив инструментларнинг мумкин бўлган фойдаланилиши ёки конвертацияланишини акс эттирмайди.
- Б90 Айрим ҳолларда ташкилот операция натижасида юзага келган иштирок этиш улуши билан боғлиқ даромад олиш имконини берадиган бевосита иштирок этиш улушиға эға бўлади. Бундай ҳолларда, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашда бош ташкилот мутаносиб тақсимлаш ва назорат кучиға эға бўлмаган улушлар ҳозирги вақтда ташкилотға даромад олиш имконини бераётган потенциал овоз бериш ҳуқуқлари ва бошқа дериватив инструментларнинг ижро этилиши эҳтимолини ҳисобға олган ҳолда аниқланади.
- Б91 9-сон МҲХС консолидацияланадиган шўба ташкилотларидаги иштирок этиш улушлариға нисбатан татбиқ этилмайди. Потенциал овоз бериш ҳуқуқларини ўз ичига оладиган инструментлар моҳиятан жорий даврда таъсир остидаги ташкилотдаги ва қўшма корхонадаги эгалик улуши билан боғлиқ даромад олиш имкониятини берганда, бундай инструментлар 9-сон МҲХСнинг қўллаш доирасиға кирмайди. Бошқа барча ҳолларда, шўба ташкилотида потенциал овоз бериш ҳуқуқлариға эға бўлган инструментлар 9-сон МҲХСға мувофиқ ҳисобда акс этирилади.

Ҳисобот санаси

- Б92 Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашда бош ташкилот ва унинг шўба ташкилотининг фойдаланиладиган молиявий ҳисоботлари аини бир ҳисобот санасиға тайёрланиши лозим. Агар бош ташкилот ҳисобот даврининг охири шўба ташкилоти ҳисобот даврининг охиридан фарқ қилса, шўба ташкилоти консолидациялаш мақсадларида бош ташкилот шўба ташкилотининг молиявий маълумотларини консолидациялаш имкониятиға эға бўлиши учун қўшимча молиявий маълумотларни бош ташкилотнинг молиявий ҳисоботи билан аини бир санаға тайёрлайди, буни бажариш мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.
- Б93 Агар буни бажаришнинг имкони бўлмаса, бош ташкилот шўба ташкилотининг молиявий маълумотларини консолидациялашни мазкур субъектнинг энг сўнгги молиявий ҳисоботиға, уларнинг тузилган санаси ва консолидациялашган молиявий ҳисобот санаси оралиғидаги даврда содир бўлган

аҳамиятли ҳодисалар ёки операцияларнинг таъсири ҳисобга олинган ҳолда тузатишлар киритган ҳолда амалга ошириши лозим. Ҳар қандай ҳолда ҳам шўъба ташкилотининг молиявий ҳисоботи санаси ва консолидациялашган молиявий ҳисобот санаси ўртасидаги фарқ уч ойдан ошмаслиги, ҳисобот даврлари муддати ҳамда молиявий ҳисоботлар саналари ўртасидаги фарқ эса даврдан даврга мос келиши лозим.

Назорат кучига эга бўлмаган улушлар

- Б94 Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромаднинг ҳар бир компоненти бош ташкилотнинг ва назорат кучига эга бўлмаган улуш мулкдорлари ҳисобига киритилади. Жами умумлашган даромад, ҳатто бу назорат кучига эга бўлмаган улушларнинг салбий қолдигига олиб келса ҳам, бош ташкилот ва назорат кучига эга бўлмаган улуш мулкдорлари ҳисобига киритилади.
- Б95 Агар шўъба ташкилоти назорат кучига эга бўлмаган улушга тўғри келадиган ва улушли инструмент сифатида таснифланадиган муомаладаги имтиёзли кумулятив акцияларга эга бўлса, бош ташкилот фойда ва зарарлардаги ўз улушини бундай акцияларга мутаносиб дивидендлар суммасига (бу дивидендлар эълон қилингани ёки эълон қилинмаганидан қатъи назар) тузатганидан сўнг ҳисоблаб чиқади.

Назорат кучига эга бўлмаган улушлар мутаносиб нисбатининг ўзгариши

- Б96 Назорат кучига эга бўлмаган улушларга тегишли бўлган хусусий капиталнинг мутаносиб нисбати ўзгарган ҳолда, ташкилот уларнинг шўъба ташкилотидаги улушида юз берган ўзгаришни акс эттириш учун назорат улуши ва назорат кучига эга бўлмаган улушлар баланс қийматига тузатишлар киритиши лозим. Ташкилот назорат кучига эга бўлмаган улушларнинг тузатиш киритилган суммаси ва олинган ёки тўланган товон пулининг ҳаққоний қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқни тан олиши ва мазкур фарқни бош ташкилот мулкдорлари ҳисобига киритиши лозим.

Назоратни йўқотиш

- Б97 Икки ёки ундан ортиқ келишувлар тузилган (операциялар ўтказилган) ҳолда бош ташкилот шўъба ташкилоти устидан назоратни йўқотиши мумкин. Лекин баъзи ҳолатлар бундай бир нечта келишувлар ягона операция сифатида ҳисобга олиниши лозимлигини кўрсатади. Келишувни ягона операция сифатида ҳисобга олиши лозимлигини аниқлашда бош ташкилот мазкур келишувларни барча шартларини ва уларнинг иқтисодий оқибатларини кўриб чиқиши лозим. Қуйида баён этилган омиллардан бири ёки бир нечтасининг мавжудлиги бош ташкилот бир нечта келишувлар ҳисобини юритишда уларни ягона операция сифатида акс эттириши лозимлигини кўрсатиши мумкин:
- (а) улар бир вақтда тузилади ёки уларни тузиш муддати бир-бирига боғлиқ бўлади;
 - (б) улар умумий тижорат эффектига эришишга қаратилган ягона операцияни ташкил этади;
 - (в) бир келишувнинг юзага келиши ҳеч бўлмаса қолган келишувлардан бирининг юзага келишига боғлиқ бўлади;
 - (г) бир келишувни бошқа келишувлардан алоҳида кўриб чиқиш иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди, уни бошқа келишувлар билан бирга кўриб чиқиш эса иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Бунга акциялар бозор баҳосидан паст нарҳда чиқиб кетиши ва сўнг бу зарар акциялар бозор баҳосидан юқори нарҳда чиқиб кетиши билан қопланиши мисол бўлиши мумкин.
- Б98 Агар бош ташкилот шўъба ташкилоти устидан назоратни йўқотган бўлса, у:
- (а) қуйидагиларни тан олишни бекор қилади:
 - (i) шўъба ташкилотининг активлари (шу жумладан бошқа ҳар қандай гудвил) ва мажбуриятларини назорат йўқотилган санадаги баланс қиймати бўйича; ва
 - (ii) собиқ шўъба ташкилотининг ҳар қандай назорат кучига эга бўлмаган улушларининг назорат йўқотилган санадаги баланс қийматини (шу жумладан улар умумлашган даромадининг бошқа ҳар қандай компонентларини).
 - (б) қуйидагиларни тан олади:
 - (i) назорат йўқотилишига олиб келган операция, ҳодиса ёки вазият юзага келгандан олинган мукофотнинг ҳаққоний қийматини (агар бундай мукофот олинган бўлса);

- (ii) назорат йўқотилишига олиб келган операция, ҳодиса ёки вазият шўъба ташкилоти акцияларини мулкдорлар фойдасига тақсимлашни назарда тутса, мазкур тақсимлашни; ва
 - (iii) собиқ шўъба ташкилотида қолган ҳар қандай инвестицияларни уларнинг назорат йўқотилган санадаги ҳаққоний қиймати бўйича.
- (в) агар бошқа МХХС талаб қилса, шўъба ташкилотига тегишли бошқа умумлашган даромад таркибида Б99-бандда тавсифланган асосда тан олинган суммаларни даромад ёки зарар таркибига қайта таснифлайди ёки бевосита тақсимланмаган фойда таркибига ўтказди.
- (г) бунинг натижасида юзага келадиган ҳар қандай фарқни бош ташкилот ҳисобига киритилган фойда ёки зарар таркибидаги даромад ёки зарар сифатида тан олади.
- Б99** Агар бош ташкилот шўъба ташкилоти устидан назоратни йўқотган бўлса, у мазкур шўъба ташкилоти билан боғлиқ бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинган барча суммаларни бош ташкилот тегишли активлар ёки мажбуриятлар ҳисобини бевосита ҳисобдан чиқарганда қўлланадиган асосга мувофиқ юритиши лозим. Шунинг учун, илгари бошқа умумлашган даромадлар таркибида тан олинган даромад ёки зарар тегишли активлар ёки мажбуриятлар чиқиб кетганда фойда ёки зарар таркибига қайта таснифланади, агар шўъба ташкилоти устидан назорат йўқотилган бўлса, бош ташкилот капитал таркибидаги даромад ёки зарарни фойда ёки зарар таркибига қайта таснифлайди (қайта таснифлаш бўйича тузатиш сифатида). Агар илгари бошқа умумлашган даромад таркибида тан олинган қайта баҳолаш қийматининг ўсиши актив чиқиб кетганда тақсимланмаган фойда таркибига бевосита ўтказилган бўлса, бош ташкилот қайта баҳолашдан қийматнинг мазкур ўсишини шўъба ташкилоти устидан назорат йўқотилган ҳолда тақсимланмаган фойда таркибига бевосита ўтказди.
- Б99А** *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутди ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*

Инвестиция ташкилоти мақомининг ўзгаришини ҳисобга олиш

- Б100** Агар ташкилот инвестиция ташкилоти мақомини йўқотган бўлса, у 31-бандга мувофиқ илгари фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланган барча шўъба ташкилотларига нисбатан 3-сон МХХСни қўллаши лозим. Мақомнинг ўзгариш санаси шартли харид санаси сифатида қаралиши лозим. Шартли харид санасида юзага келадиган гудвил ёки фойдали хариддан олинадиган фойдани баҳолашда шўъба ташкилотининг шартли харид санасидаги ҳаққоний қиймати шартли равишда берилган мукофот сифатида қаралиши лозим. Ташкилот мақоми ўзгарган санадан бошлаб унинг барча шўъба ташкилотлари ушбу стандартнинг 19–24-бандларига мувофиқ консолидацияланиши лозим.
- Б101** Агар ташкилот инвестиция ташкилотига айланган бўлса, у ўз мақоми ўзгарган санадан бошлаб шўъба ташкилотларини консолидациялашни тўхтатиши лозим, бундан 32-бандга мувофиқ консолидациялаш давом эттирилиши лозим бўлган шўъба ташкилотлари мустасно. Инвестиция ташкилоти 25 ва 26-бандлар талабларини, худди шўъба ташкилотлари устидан назоратни йўқотгани каби, консолидациялаши тўхтатилаётган шўъба ташкилотларига нисбатан қўллаши лозим.

В илова Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

Мазкур илова МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб, МҲХСнинг бошқа қисмлари каби тенг кучлидир.

Кучга кириш санаси

- B1** Мазкур МҲХС ташкилот томонидан 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур стандартни олдинги даврга нисбатан қўлласса, у мазкур фактни очиб бериши ва бир вақтнинг ўзида 11-сон МҲХС, 12-сон МҲХС, 27-сон БҲХС “Алоҳида молиявий ҳисобот” ва 28-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрири)ни қўллаши лозим.
- B1A** 2012 йил июн ойида эълон қилинган “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот, биргалликдаги фаолият бўйича келишувлар ва бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш: ўтиш ҳолати бўйича кўрсатма*” (10-сон МҲХС, 11-сон МҲХС ва 12-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича B2–B6-бандларга ўзгартиришлар ва B2A–B2B, B4A–B4B, B5A ва B6A–B6B бандлари киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2013 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 10-сон МҲХСни ушбу муддатдан олдинги давр учун қўллайдиган бўлса, у мазкур тузатишларни шу олдинги давр учун қўллаши лозим.
- B1B** 2012 йил октябрь ойида эълон қилинган “Инвестиция ташкилотлари” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСга ўзгартиришлар) бўйича 2, 4, B2A, B6A-бандлари ва A иловага ўзгартиришлар киритилган, шунингдек 27–33, B85A–B85X, B100–B101 ва B3A–B3E бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни муддатидан илгари қўллайдиган бўлса, у мазкур фактни ёритиб бериши ва “Инвестиция ташкилотлари”га киритилган барча ўзгартиришларни бир вақтда қўллаши лозим.
- B1B** *[Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутати ва шунинг учун ушбу таҳрирда келтирилмаган.]*
- B1Г** 2014 йил декабрь ойида эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари: консолидациялаш бўйича истиснони қўллаш*” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 28-сон БҲХСларга ўзгартиришлар) бўйича 4, 32, B85B, B85D ва B2A бандларга ўзгартиришлар ва 4A-4B бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2016 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Ўтиш қоидалари

- B2** Ташкилот мазкур стандартни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ қўллаши лозим, B2A–B6-бандларида тавсифланган ҳолатлар бундан мустасно.
- B2A** 8-сон БҲХСнинг 28-бандида келтирилган талабларга қарамай, мазкур стандартни биринчи марта қўллашда, шунингдек, кейинроқ, ушбу стандартга “Инвестиция ташкилотлари” билан киритилган ўзгартиришларни биринчи марта қўллашда ташкилоти 8-сон БҲХСнинг 28(е) бандида талаб этилган миқдорий маълумотларни фақат мазкур стандартни биринчи марта қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик давр (“бевосита олдинги давр”) учун тақдим этишининг ўзи кифоя қилади. Ташкилот мазкур маълумотларни жорий давр учун ёки олдинги қийимий даврлар учун ҳам тақдим этиши мумкин, ammo буни амалга ошириш талаб этилмайди.
- B2B** Мазкур стандарт мақсадлари учун у биринчи марта қўлланаётган йиллик ҳисобот даврининг бошланиши мазкур стандартни дастлабки тарзда қўллаш санаси ҳисобланади.
- B3** Дастлабки қўллаш санасида ташкилот ўзининг қуйидагилардаги иштирокининг олдинги тартибига тузатишлар киритиши назарда тутилмайди:
- (a) 27-сон БҲХС “Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисобот” ва 12-сон ШДҚ “Консолидация - махсус мақсаддаги ташкилотлар”га мувофиқ ушбу санада консолидацияланиши лозим бўлган ва мазкур стандартга мувофиқ ҳам консолидациялаш талаб этиладиган ташкилотларда; ёки

- (б) 27-сон БХХС ва 12-сон ШДҚга мувофиқ ушбу санада консолидацияланиши лозим бўлмаган ва мазкур стандартга мувофиқ консолидациялаш талаб этилмайдиган ташкилотларда.
- V3A Дастлабки қўллаш санасида ташкилот инвестиция ташкилоти ҳисобланишини шу санада мавжуд далиллар ва ҳолатларга асосланган ҳолда баҳолаши лозим. Агар дастлабки қўллаш санасида ташкилот инвестиция ташкилоти ҳисобланиши тўғрисида хулоса чиқарган бўлса, у V5–V5A-бандларнинг талаблари ўрнига V3B–V3E-бандларнинг талабларини қўллаши лозим.
- V3B 32-бандга мувофиқ консолидацияланадиган шўба ташкилотларини истисно қилганда (уларга нисбатан қайси бирини қўлаш ўринли бўлишига қараб V3 ва V6-бандлари ёки V4–V4B бандлари қўлланади), инвестиция ташкилоти ҳар бир шўба ташкилотига инвестициясини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим. Инвестиция ташкилоти дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик давр маълумотларига ҳам, бевосита олдинги давр бошидаги ҳолатга кўра хусусий капиталга доир маълумотларга ҳам қуйидагилар ўртасидаги фаркка нисбатан ретроспектив тузатишлар киритишни амалга ошириши лозим:
- (а) шўба ташкилотнинг олдинги баланс қиймати; ва
- (б) инвестиция ташкилоти мазкур шўба ташкилотга қилган инвестициянинг ҳаққоний қиймати.
- Бошқа умумлашган даромад таркибида акс этирилган ҳаққоний қийматга тузатишларнинг жамғарилган суммаси дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик давр бошигача бўлган ҳолатга кўра тақсимланмаган фойда таркибига ўтказилиши лозим.
- V3B 13-сон МХХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*”ни қўллаш санасига қадар инвестиция ташкилоти илгари инвесторлар ёки раҳбариятга тақдим этилган ҳаққоний қиймат кўрсаткичларидан, агар мазкур кўрсаткичлар яхши хабардор бўлган, бундай операцияни амалга оширишни истаган хабардор мустақил томонлар ўртасидаги битимда баҳолашни ўтказиш санасида инвестиция айирбошланиши мумкин бўлган суммани ўзида ифодаласа, фойдаланиши лозим.
- V3Г Агар V3B–V3B бандларга мувофиқ шўба ташкилотга инвестицияларни баҳолашнинг амалий жиҳатдан имкони бўлмаса (8-сон БХХСда тавсифланганидек), инвестиция ташкилоти V3B–V3B-бандларини қўллаш амалда мумкин бўлган энг олдинги давр бошидаги ҳолатга кўра, мазкур стандарт талабларини қўллаши лозим; бунда жорий давр айни шундай давр бўлиши мумкин. Инвестор, агар ушбу бандни амалда қўллаш мумкин бўлган энг олдинги даврнинг боши жорий давр ҳисобланмаса, дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик даврга мансуб бўлган суммаларга ретроспектив тузатишлар киритишни амалга ошириши лозим. Ушбу бандни амалда қўллаш мумкин бўлган илк даврнинг боши жорий давр ҳисобланган ҳолда капитал таркибидаги тузатишлар жорий давр бошида тан олиними лозим.
- V3Д Агар мазкур стандартни дастлабки қўллаш санасига қадар инвестиция ташкилотида шўба ташкилотга инвестиция чиқиб кетаётган ёки унинг устидан назорат йўқотилган бўлса, инвестиция ташкилоти мазкур шўба ташкилотига нисбатан илгари қўлланган ҳисоб сиёсатида тузатишлар киритиши талаб этилмайди.
- V3E Агар ташкилот “*Инвестиция ташкилотлари*”ни 10-сон МХХСни биринчи марта қўллаган даврдан кейинги даврга нисбатан қўллаётган бўлса, V3A–V3Д бандларидаги “дастлабки қўллаш санаси”га ҳавола “2012 йил октябрда эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари*” (10-сон МХХС, 12-сон МХХС ва 27-сон БХХС)даги ўзгартиришлар биринчи марта қўлланаётган йиллик ҳисобот даврининг боши”га деб ўқилиши лозим.
- V4 Агар дастлабки қўллаш санасида инвестор ўзи илгари 27-сон БХХС ва 12-сон ШДҚга мувофиқ консолидациялашмаган инвестиция объектини консолидациялаши лозимлиги тўғрисида хулоса чиқарган бўлса, инвестор қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
- (а) агар инвестиция объекти бизнес ҳисобланса (3-сон МХХС “*Бизнес бирлашувлари*”да таърифланганидек), стандартни дастлабки қўллаш санасида илгари консолидацияланмаган мазкур инвестиция объектидаги активлар, мажбуриятлар ва назорат кучига эга бўлмаган улушларни мазкур инвестиция объекти консолидацияланганлиги каби баҳолаш (ва шу тариқа 3-сон МХХСга мувофиқ харид усули бўйича ҳисоб юритишни қўллаш)ни инвестор мазкур инвестиция объекти устидан назоратни олган санадан бошлаб, ушбу стандарт талаблари асосида амалга ошириш. Инвестор дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик давр учун қиёсий маълумотларга ретроспектив тузатишлар киритиши лозим. Бевосита олдинги давр бошланишидан олдинроқ назорат олинган бўлса, инвестор бевосита олдинги давр бошидаги ҳолатга кўра қуйидагилар ўртасидаги фаркни хусусий капиталга тузатишлар киритиш сифатида тан олиши лозим:
- (i) тан олинган активлар, мажбуриятлар ва назорат кучига эга бўлмаган улушлар қиймати; ва

- (ii) инвестиция объектида инвестор иштирокининг аввалги баланс қиймати.
- (б) агар инвестиция объекти бизнес ҳисобланмаса (3-сон МХХСда таърифланганидек), илгари консолидациялашмаган мазкур инвестиция объектидаги активлар, мажбуриятлар ва назорат кучига эга бўлмаган улушларни ушбу инвестиция объектини консолидациялашдаги каби (3-сон МХХСда тавсифланган харид усули ёрдамида, бироқ инвестиция объектига нисбатан гудвилни тан олмасдан) баҳолашни инвестор бундай инвестиция объекти устидан назоратни олган санадан бошлаб, ушбу стандарт талаблари асосида амалга ошириш. Инвестор дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик давр учун қиёсий маълумотларга ретроспектив тузатишлар киритиши лозим. Бевосита олдинги давр бошланишидан олдинроқ назорат олинган бўлса, инвестор бевосита олдинги давр бошидаги ҳолатга кўра қуйидагилар ўртасидаги фаркни хусусий капиталга тузатишлар киритиши сифатида тан олиши лозим:
- (i) тан олинган активлар, мажбуриятлар ва назорат кучига эга бўлмаган улушлар қиймати; ва
- (ii) инвестиция объектида инвестор иштирокининг аввалги баланс қиймати.
- B4A** Агар инвестиция объектининг активлари, мажбуриятлари ва назорат кучига эга бўлмаган улушларини B4 (а) ёки (б) кичик бандларига мувофиқ (8-сон БХХСда таърифланганидек) баҳолашнинг иложи бўлмаса, инвестор қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
- (а) агар инвестиция объекти бизнес бўлса, 3-сон МХХС талабларини шартли харид қилиш санасига қадар бўлган ҳолатга кўра қўллаш. Энг олдинги даврнинг боши шартли харид қилиш санаси ҳисобланиши лозим ва унга нисбатан B4 (а) бандини қўллаш имконияти мавжуд, бунда жорий давр айти шундай давр бўлиши мумкин.
- (б) агар инвестиция объекти бизнес бўлмаса, 3-сон МХХСда тавсифланган харид қилиш усулини қўллаш, бироқ бунда шартли харид қилиш санасига қадар бўлган ҳолатга кўра инвестиция объектига нисбатан гудвилни тан олмаслик. Энг олдинги даврнинг боши шартли харид санаси ҳисобланади ва унга нисбатан B4 (б) бандини қўллаш имконияти мавжуд, бунда жорий давр айти шундай давр бўлиши мумкин.
- Инвестор, агар ушбу бандни амалий қўллаш мумкин бўлган энг олдинги даврнинг бошланиши жорий давр бўлмаса, инвестор дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик даврни ретроспектив тарзда тузиши лозим. Агар шартли харид санаси бевосита олдинги давр бошидан олдин келган бўлса, инвестор бевосита олдинги давр бошидаги ҳолатга кўра қуйидагилар ўртасидаги фаркни хусусий капиталга тузатишлар киритиши сифатида тан олиши лозим:
- (в) тан олинган активлар, мажбуриятлар ва назорат кучига эга бўлмаган улушлар қиймати; ва
- (г) инвестиция объектида инвестор иштирокининг аввалги баланс қиймати.
- Агар ушбу бандни амалий қўллаш мумкин бўлган энг олдинги даврнинг бошланиши жорий давр бўлса, хусусий капитал таркибига киритилган тузатиш жорий даврнинг бошида тан олиниши лозим.
- B4B** Агар инвестор B4–B4A бандларини қўллаётган ва бунда назорат ушбу стандартга мувофиқ 3-сон МХХСнинг 2008 йилги янги таҳрири (3-сон МХХС (2008)) кучга киргандан сўнг олинган бўлса, B4 ва B4A-бандларида 3-сон МХХСга ҳаволалар 3-сон МХХС (2008) га ҳаволалар сифатида қаралиши лозим. Агар назорат 3-сон МХХС (2008) кучга кирган санага қадар олинган бўлса, инвестор 3-сон МХХС (2008)ни ёки 3-сон МХХС (2004 йилда эълон қилинган)ни қўллаши лозим.
- B4B** Агар инвестор B4–B4A бандларини қўллаётган ва бунда назорат ушбу стандартга мувофиқ, 27-сон БХХСнинг 2008 йилги янги таҳрири (27-сон БХХС(2008)) кучга киргандан сўнг олинган бўлса, инвестор ушбу стандарт талабларини инвестиция объекти B4–B4A бандларига мувофиқ ретроспектив тарзда консолидациялашган барча даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар назорат 27-сон БХХС(2008) кучга кирган санага қадар олинган бўлса, инвестор қуйидагиларни қўллаши лозим:
- (а) мазкур стандарт талабларини инвестиция объекти B4–B4A бандларига мувофиқ ретроспектив тарзда консолидациялашган барча даврларга нисбатан; ёки
- (б) 2003 йилда эълон қилинган 27-сон БХХС талаблари (27-сон БХХС(2003))ни 27-сон БХХС(2008) кучга кирган санадан олдинги даврларга нисбатан ва мазкур стандарт талабларини кейинги даврларга нисбатан.
- B5** Агар дастлабки қўллаш санасида инвестор илгари 27-сон БХХС ва 12-сон ШДҚга мувофиқ консолидациялашган инвестиция объектини бундан буён консолидациялашни амалга оширмаслиги тўғрисида ҳулоса чиқарган бўлса, инвестор инвестиция объектида ўз иштироки улушини, агар ушбу стандарт талаблари инвестор инвестиция объектида улушни эгаллаган (бироқ ушбу стандартга мувофиқ унинг устидан назоратни олмаган) ёки инвестиция объекти устидан назоратни йўқотган

пайтда амалда бўлганда мазкур улуш баҳоланиши мумкин бўлган сумма бўйича баҳолаши лозим. Инвестор дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик давр учун қиёсий маълумотларга ретроспектив тузатишлар киритиши лозим. Агар инвестор инвестиция объектида иштирок этиш улушини эгаллаган (бирок ушбу стандартга мувофиқ назоратни олмаган) ёки унинг устидан назоратни йўқотган сана бевосита олдинги давр бошидан олдин келган бўлса, инвестор бевосита олдинги давр бошидаги ҳолатга кўра қуйидагилар ўртасидаги фарқни хусусий капиталга тузатишлар киритиш сифатида тан олиши лозим:

- (а) активлар, мажбуриятлар ва назорат кучига эга бўлмаган улушларнинг аввалги баланс қиймати; ва
- (б) инвестиция объектида инвестор иштироки улушининг тан олинган қиймати.

В5А Агар инвестиция объектида иштирок этиш улушини В5-бандига мувофиқ (8-сон БҲХСда таърифланганидек) баҳолашнинг амалий имкони бўлмаса, инвестор ушбу стандарт талабларини В5 бандини амалда қўллаш мумкин бўлган энг олдинги давр бошида қўллаши лозим, бунда жорий давр айна шундай давр бўлиши мумкин. Инвестор, агар ушбу бандни амалий қўллаш мумкин бўлган энг олдинги даврнинг бошланиши жорий давр бўлмаса, инвестор дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик даврни ретроспектив тарзда тузиши лозим. Агар инвестор инвестиция объектида иштирок этиш улушини эгаллаган (бирок ушбу стандартга мувофиқ назоратни олмаган) ёки унинг устидан назоратни йўқотган сана бевосита олдинги давр бошидан олдин келган бўлса, инвестор бевосита олдинги давр бошидаги ҳолатга кўра қуйидагилар ўртасидаги фарқни хусусий капиталга тузатишлар киритиш сифатида тан олиши лозим:

- (а) активлар, мажбуриятлар ва назорат кучига эга бўлмаган улушларнинг аввалги баланс қиймати; ва
- (б) инвестиция объектида инвестор иштироки улушининг тан олинган қиймати.

Агар ушбу бандни амалий қўллаш мумкин бўлган энг олдинги даврнинг бошланиши жорий давр бўлса, хусусий капитал таркибига киритилган тузатиш жорий даврнинг бошида тан олиниши лозим.

В6 23, 25, В94 ва В96-В99-бандлари 27-сон БҲХСга 2008 йилда киритилган ва 10-сон МҲХСга ўтказилган ўзгартиришларни назарда тутати. Ташкилот В3-бандини қўллаган ёки унга В4-В5А бандларини қўллаш талаб этилган ҳолларни истисно қилганда, ташкилот мазкур бандларда баён этилган талабларни қуйидагича қўллаши лозим:

- (а) Ташкилот В94 бандида ифодаланган ўзгартиришларни биринчи марта қўллашдан олдинги ҳисобот даврлари учун фойда ёки зарарни қайта ҳисоблаб чиқмаслиги лозим.
- (б) 23 ва В96-бандларида назорат олинганидан кейин шўъба ташкилотида бевосита иштирок этиш улушларидаги ўзгаришлар ҳисобини юритишга қўйилган талаблар мазкур ўзгартиришлар ташкилот томонидан биринчи марта қўлланишидан олдин юз берган ўзгариштиришларга татбиқ этилмайди.
- (в) Ташкилот, агар у 25 ва В97-В99-бандларида баён этилган ўзгартиришлар биринчи марта қўллашидан олдин назорат йўқотилган бўлса, собиқ шўъба ташкилотидаги инвестицияларнинг баланс қийматини қайта ҳисоблаб чиқмаслиги лозим. Бундан ташқари, ташкилот, агар у шўъба ташкилоти устидан назоратни 25 ва В97-В99-бандларида баён этилган ўзгартиришлар биринчи марта қўлланишидан олдин йўқотган бўлса, фойда ёки зарарни қайта ҳисоблаб чиқиши талаб этилмайди.

“Бевосита олдинги давр”га ҳаволалар

В6А В3Б-В5А бандларида тавсифланган дастлабки қўллаш санасидан бевосита олдинги йиллик давр (“бевосита олдинги давр”)га ҳавола этилганига қарамай, ташкилот бундан олдинги даврлар учун тузатиш киритилган қиёсий маълумотларни тақдим этишга ҳақли, лекин талаб этилмайди. Агар ташкилот бундан олдинги даврлар учун тузатиш киритилган қиёсий маълумотларни тақдим этган бўлса, В3Б-В5А бандларида тавсифланган “бевосита олдинги давр”га ҳаволаларнинг барчаси “тақдим этилган тузатиш киритилган даврларнинг энг олдингиси”га ҳаволалар сифатида ўқилиши лозим.

В6Б Агар ташкилот бундан ҳам олдинги даврлар учун тузатиш киритилмаган қиёсий маълумотларни тақдим этаётган бўлса, у тузатиш киритилмаган маълумотларни аниқ идентификация қилиши, бу маълумотлар бошқача асосда тайёрланганини кўрсатиши ва мазкур маълумотларни тайёрлаш асоси бўйича тушунтиришлар бериши лозим.

9-сон МҲХСга ҳаволалар

- В7 Агар ташкилот мазкур стандартни қўлласа, лекин ҳали 9-сон МҲХСни қўлламаётган бўлса, мазкур стандартда 9-сон МҲХСга қилинган ҳар қандай ҳавола 39-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*”га ҳавола сифатида ўқилиши лозим. *Тан олиш ва баҳолаш.*

Бошқа МҲХСнинг ўз кучини йўқотиши

- В8 Мазкур стандарт 27-сон БҲХС (2008 йилдаги таҳрири)да консолидациялашган молиявий ҳисоботга қўйилган талаблар ўрнини эгаллайди.
- В9 Мазкур стандарт 12-сон ШДҚ “Консолидация - махсус мақсаддаги ташкилотлар” ўрнини ҳам эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
37-ИЛОВА

11-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти *Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*

Мақсад

- 1 Мазкур МХХСнинг мақсади биргаликда назорат қилинадиган фаолият бўйича келишувларда (яъни, *биргаликдаги фаолият бўйича келишувларда*) иштирок этиш бўйича улушга эга бўлган ташкилотлар томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш тамойилларини белгилашдан иборат.

Мақсадга мувофиқлиги

- 2 1-банддаги мақсадга мувофиқ, мазкур МХХС *биргаликдаги назоратга* таъриф беради ва *биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг томони* бўлган ташкилотдан у иштирок этадиган биргаликдаги фаолият бўйича ўзининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини баҳолаш асосида келишув турини аниқлашини ва ушбу биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг турига мувофиқ тарзда ушбу ҳуқуқларни ва мажбуриятларни ҳисобга олишини талаб этади.

Қўллаш доираси

- 3 Мазкур МХХС биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг томони бўлган барча ташкилотлар томонидан қўлланиши лозим.

Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар

- 4 Биргаликдаги фаолият бўйича келишув – бу икки ёки ундан ортиқ томонлар биргаликдаги назоратга эга бўлган фаолият бўйича келишувдир.
- 5 Биргаликдаги фаолият бўйича келишув қуйидаги хусусиятларга эга:
- (а) Томонлар шартномавий келишув орқали боғланган (Б2-Б4-бандларга қаранг).
 - (б) Шартномавий келишув икки ёки ундан ортиқ томонларларга фаолият бўйича биргаликдаги назоратни амалга ошириш ҳуқуқини беради (7-13-бандларга қаранг).
- 6 Биргаликдаги фаолият бўйича келишув *биргаликдаги операция* ёки *қўшма корхона* бўлади.

Биргаликдаги назорат

- 7 Биргаликдаги назорат фаолият бўйича назоратни шартномада назарда тутилган тарзда бўлиниши бўлиб, у фақат аҳамиятли фаолиятга нисбатан қарорлар қабул қилишда назорат бўлинадиган томонларнинг бир овоздан розилигини талаб этадиган пайтда мавжуд бўлади.
- 8 Келишувнинг томони бўлган ташкилот шартномавий келишувда биргаликдаги фаолият бўйича жамоавий назорат барча томонларга ёки томонлар гуруҳига берилганлигини баҳолаши лозим. Агар барча томонлар ёки томонлар гуруҳи фаолият даромадларига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолиятни (яъни аҳамиятли фаолият) бошқаришда биргаликда ҳаракат қилиши шарт бўлса, улар фаолиятни жамоавий назорат қилади.
- 9 Барча томонлар ёки томонлар гуруҳи фаолиятни жамоавий назорат қилиши аниқлангандан сўнг, биргаликдаги назорат фақат аҳамиятли фаолият бўйича қарорлар қабул қилишда фаолиятни жамоавий назорат қиладиган томонларнинг бир овоздан розилигини талаб этадиган пайтда мавжуд бўлади.

- 10 Биргаликдаги фаолиятда ҳеч қайси бир томоннинг ўзи фаолиятни назорат қилмайди. Фаолиятнинг биргаликдаги назорат қиладиган ҳар қандай томон бошқа томонларнинг ёки томонлар гуруҳининг фаолиятни назорат қилишига тўсқинлик қила олади.
- 11 Томонларнинг ҳаммаси ҳам фаолиятни биргаликда назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаса ҳам фаолият биргаликдаги фаолият бўлиши мумкин. Мазкур МХХС биргаликдаги фаолиятнинг биргаликдаги назоратга эга томонлари (*биргаликдаги операция иштирокчиси ёки қўшма корхона иштирокчиси*) ва биргаликдаги фаолиятда иштирок этадиган аммо биргаликдаги назоратга эга бўлмаган томонларни бир-биридан фарқлайди.
- 12 Ташкилот барча томонлар ёки томонлар гуруҳи фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эга бўлишини баҳолашда мулоҳаза юритиши зарур бўлади. Ташкилот ушбу баҳолашни барча далиллар ва ҳолатларни кўриб чиқиш орқали амалга ошириши лозим (Б5-Б11-бандларга қаранг).
- 13 Агар далиллар ва ҳолатлар ўзгарса, ташкилот фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эгаллигини қайта кўриб чиқиши лозим.

Биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг турлари

- 14 Ташкилот ўзи иштирокчи бўлган биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг турини аниқлаши лозим. Биргаликдаги фаолият бўйича келишувни биргаликдаги операция ёки қўшма корхона сифатида таснифлаш фаолиятдаги томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига боғлиқ бўлади.
- 15 Биргаликдаги операция- бу фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эга томонлар фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларга, мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларга эга бўладиган биргаликдаги фаолиятдир. Ушбу томонлар биргаликдаги операция иштирокчилари деб юритилади.
- 16 Қўшма корхона - бу фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эга томонлар фаолиятнинг соф активларига нисбатан ҳуқуқларга эга бўладиган биргаликдаги фаолиятдир. Ушбу томонлар қўшма корхона иштирокчилари деб юритилади.
- 17 Ташкилот биргаликдаги фаолият бўйича келишув биргаликдаги операция ёки қўшма корхона бўлишини баҳолашда мулоҳаза юритади. Ташкилот ўзи иштирокчи бўлган биргаликдаги фаолиятнинг турини фаолиятдан юзага келадиган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини кўриб чиқиш орқали аниқлаши лозим. Ташкилот фаолиятнинг тузилиши ва юридик мақомини, шартномавий келишувда томонлар келишган шартларни ва ўринли бўлганда, бошқа далиллар ва ҳолатларни кўриб чиқиш орқали ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини баҳолаши лозим. (Б12-Б33-бандларга қаранг).
- 18 Баъзида томонлар, бир ёки ундан ортиқ фаолиятларни амалга ошириш бўйича умумий шартномавий шартларни белгилайдиган ҳадли битим орқали боғланган бўлади. Ҳадли битим асосида унинг бир қисмини ташкил этадиган муайян фаолият турларини амалга ошириш учун томонлар биргаликдаги фаолиятнинг турли шакллари ташкил этишини белгиланиши мумкин. Агар ҳадли битимда қамраб олинган турли фаолият турларини амалга оширишда томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари фарқ қилса, ушбу биргаликдаги фаолият турлари айна бир ҳадли битимга тегишли бўлишига қарамай, уларнинг тури ҳар хил бўлиши мумкин. Шундай қилиб, томонлар айна бир ҳадли битимнинг бир қисмини ташкил этадиган турли фаолият турларини амалга оширганда, биргаликдаги операциялар ва қўшма корхоналар биргаликда мавжуд бўлиши мумкин.
- 19 Агар далиллар ва ҳолатлар ўзгарса, ташкилот ўзи иштирокчи бўлган биргаликдаги фаолиятнинг тури ўзгарганлигини қайта кўриб чиқиши лозим.

Биргаликдаги фаолият бўйича келишув томонларининг молиявий ҳисоботи

Биргаликдаги операциялар

- 20 Биргаликдаги операция иштирокчиси биргаликдаги операциядаги ўз улушига нисбатан қуйидагиларни тан олиши лозим:
- (а) ўзининг активларини, жумладан биргаликдаги ҳар қандай активлардаги ўз улушини;
 - (б) ўзининг мажбуриятларини, жумладан биргаликдаги ҳар қандай мажбуриятлардаги ўз улушини;

- (в) биргаликдаги операциядан юзага келадиган маҳсулотлардаги улушини сотишдан олинадиган тушуми;
 - (г) биргаликдаги операциядан юзага келадиган маҳсулотларни сотишдан олинадиган тушумдаги ўз улушини; ва
 - (д) ўзининг харажатларини, жумладан биргаликдаги ҳар қандай харажатлардаги ўз улушини.
- 21 Биргаликдаги операция иштирокчиси ўзининг биргаликдаги операциядаги улушига тегишли активларни, мажбуриятларни, тушумларни ва харажатларни муайян активларга, мажбуриятларга, тушумларга ва харажатларга нисбатан қўлланадиган МХХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
- 21А Агар ташкилот 3-сон МХХС “*Бизнес бирлашувлари*” да таърифланганидек, бизнесга оид биргаликдаги операция фаолиятини амалга оширадиган биргаликдаги операцияда иштирок этиш улушини харид қилса, у 20-бандга мувофиқ аниқланадиган ўз улушига нисбатан 3-сон МХХСдаги бизнес бирлашувлари ҳисобига оид барча тамойилларни, ва мазкур МХХСдаги кўрсатмаларга зид бўлмайдиган ва бизнес бирлашувларига оид МХХСда талаб этилган маълумотларни ёритиб берадиган бошқа МХХСни қўллаши лозим. Мазкур талаб биргаликдаги операция фаолияти ўзида бизнесни намоён этадиган биргаликдаги операцияда дастлабки иштирок этиш улушига ҳам, қўшимча харид қилинадиган улушга ҳам қўлланади. Бундай биргаликдаги операциядаги улушни харид қилиш бўйича ҳисобга олиш тартиби Б33А–Б33Г бандларда белгиланган.
- 22 Ташкилот ва ўзи биргаликдаги фаолият иштирокчиси бўлган биргаликдаги фаолият ўртасидаги активлар сотуви, киритилиши ёки сотиб олиниши каби операцияларни ҳисобга олиш Б34-Б37-бандларда белгиланган.
- 23 Биргаликдаги операцияда иштирок этадиган, аммо биргаликдаги назоратга эга бўлмаган томон ҳам, агар ушбу томон биргаликдаги операция тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларга ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликка эга бўлса, 20-22-бандларга мувофиқ фаолиятдаги ўз улушини ҳисобга олиши лозим. Агар биргаликдаги фаолиятда иштирок этадиган, аммо биргаликдаги назоратга эга бўлмаган томон биргаликдаги фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларга ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларга эга бўлмаса, у биргаликдаги фаолиятдаги ўз улушини ушбу улушга нисбатан қўлланадиган МХХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.

Қўшма корхоналар

- 24 Қўшма корхона иштирокчиси қўшма корхонадаги ўз улушини инвестиция сифатида тан олиши лозим ва ташкилот мазкур инвестицияни 28-сон БХХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*” га мувофиқ улушли қатнашиш усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олиши лозим, бундан 28-сон БХХСдаги улушли қатнашиш усулини қўллашдан озод этиш ҳолатлари мустасно.
- 25 Агар қўшма корхонада иштирок этадиган, аммо биргаликдаги назоратга эга бўлмаган томон қўшма корхона устидан 28-сон БХХСга (2011 йил таҳрири) мувофиқ ҳисобга олиниши лозим бўлган аҳамиятли таъсирга эга бўлмаса, ташкилот бундай фаолиятдаги иштироки бўйича ўз улушини 9-сон МХХС “*Молиявий инструментлар*” га мувофиқ ҳисобга олиши лозим.

Алоҳида молиявий ҳисобот

- 26 Биргаликдаги операция иштирокчиси ёки қўшма корхона иштирокчиси ўз улушини алоҳида молиявий ҳисоботида қуйидагича ҳисобга олиши лозим:
- (а) биргаликдаги операциядаги улушини 20-22-бандларга мувофиқ;
 - (б) қўшма корхонадаги улушини 27-сон БХХС “*Алоҳида молиявий ҳисобот*” нинг 10-бандига мувофиқ.
- 27 Биргаликдаги фаолиятда иштирок этадиган аммо биргаликдаги назоратга эга бўлмаган томон ўз улушини алоҳида молиявий ҳисоботида қуйидагича ҳисобга олиши лозим:
- (а) биргаликдаги операциядаги улушини 23-бандга мувофиқ;
 - (б) қўшма корхонадаги улушини, агар ташкилот қўшма корхона устидан 27-сон БХХСга (2011 йил таҳририга) мувофиқ ҳисобга олиниши лозим бўлган аҳамиятли таъсирга эга бўлмаса, 9-сон МХХСга мувофиқ.

А Илова Атамалар таърифиди

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

биргаликдаги фаолият бўйича келишув	Икки ёки ундан ортиқ томонлар биргаликдаги назоратга эга бўлган фаолият бўйича келишувдир.
биргаликдаги назорат	Фаолият бўйича назоратни шартномада назарда тутилган тарзда бўлиниши бўлиб, у фақат аҳамиятли фаолиятга нисбатан қарорлар қабул қилишда назорат бўлинадиган томонларнинг бир овоздан розилигини талаб этадиган пайтда мавжуд бўлади.
биргаликдаги операция	Фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эга томонлар фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларга, мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларга эга бўладиган биргаликдаги фаолиятдир .
биргаликдаги операция иштирокчиси	Биргаликдаги операцияда биргаликдаги назоратга эга бўлган биргаликдаги операциянинг томонидир.
қўшма корхона	Фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эга томонлар фаолиятнинг соф активларига нисбатан ҳуқуқларга эга бўладиган биргаликдаги фаолиятдир .
қўшма корхона иштирокчиси	Қўшма корхонада биргаликдаги назоратга эга бўлган қўшма корхонанинг томонидир.
биргаликдаги фаолият бўйича келишув томони	Фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эга бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, биргаликдаги фаолият бўйича келишувда иштирок этадиган ташкилотдир.
алоҳида тузилма	Юридик мақомга эга бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, алоҳида идентификацияланадиган молиявий тузилма, жумладан алоҳида юридик ташкилотлар ёки қонунчилик бўйича тан олинган ташкилотлар.

Қуйидаги атамалар 27-сон БХХС (2011 йил таҳрири), 28-сон БХХС (2011 йил таҳрири) ёки 10-сон МХХС “Консолидацияланган молиявий ҳисобот”да таърифланган ва мазкур МХХСда юқоридаги МХХСда белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

- инвестиция объекти назорати
- улушли қатнашиш усули
- ваколат
- ҳимоя қилиш ҳуқуқлари
- ўринли фаолият
- алоҳида молиявий ҳисобот
- аҳамиятли таъсир.

Б илова Қўллаш бўйича кўрсатма

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир. Ушбу илова 1-27-бандларнинг қўлланишини ифодалайди ва МХХСнинг бошқа қисмлари билан тенг кучлидир.

- Б1 Мазкур иловадаги мисоллар фаразларга асосланган ҳолатларни тасвирлайди. Мисолларнинг айрим жиҳатлари реал далиллар тарзида мавжуд бўлиши мумкин бўлсада, ушбу хусусий барча мисоллардаги ўринли далиллар ва ҳолатлар 11-сон МХХСни қўллашда баҳоланиши зарур бўлади.

Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар

Шартномавий келишувлар (5-банд)

- Б2 Шартномавий келишувлар мавжудлиги бир қатор усулларда тасдиқланиши мумкин. Юридик кучга эга шартномавий келишув томонлар ўртасида одатда шартнома ёки ҳужжатлаштирилган муҳокамалар шаклида бўлиб, ҳар доим эмас, лекин кўпинча ёзма шаклда бўлади. Қонуний механизмларнинг ўзи ёки томонлар ўртасидаги шартномалар билан бирга юридик кучга эга келишувларни ҳосил қилиши мумкин.
- Б3 Биргаликдаги фаолият бўйича келишув алоҳида тузилма орқали тузилган бўлса (Б19-Б33-бандларга қаранг), шартномавий келишув ёки шартномавий келишувнинг айрим жиҳатлари баъзи ҳолатларда алоҳида тузилманинг битим моддаларида, низомида ёки қонун ости ҳужжатларида инобатга олинади.
- Б4 Шартномавий келишув томонларнинг шартнома предмети бўлган фаолият билан шуғулланиш шартларини назарда тутди. Шартномавий келишувда умуман олганда қуйидагилар борасида масалалар кўриб чиқилади.
- (а) биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг мақсади, фаолияти ва муддати.
 - (б) биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг директорлар кенгаши ёки шу каби бошқарув органидаги вакилликнинг қандай тайинланиши.
 - (в) қарор қабул қилиш жараёни: томонлар қарорларини талаб этадиган масалалар, томонларнинг овоз бериш ҳуқуқлари ва ушбу масалаларни қўллаб-қувватлашнинг зарур даражаси. Шартномавий келишувда акс эттирилган қарор қабул қилиш жараёни фаолият бўйича биргаликдаги назоратни белгилайди (Б5-Б11-бандларга қаранг).
 - (г) томонлардан талаб этилган капитал қўйилмалар ёки бошқа ҳиссалар.
 - (д) биргаликдаги фаолиятга тегишли активларни, мажбуриятларни, тушумларни, харажатларни ёхуд фойда ёки зарарни томонлар ўртасида қандай бўлиниши.

Биргаликдаги назорат (7–13-бандлар)

- Б5 Ташкилот фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эгаллигини баҳолашда аввало барча томонлар ёки томонлар гуруҳи фаолиятни назорат қилиши ёки қилмаслигини баҳолаши лозим. 10-сон МХХС назоратни таърифлайди ва ундан барча томонлар ёки томонлар гуруҳи фаолиятдаги иштирокидан ўзгарувчан даромадларга нисбатан рискка мойиллиги ёки уларга нисбатан ҳуқуққа эга бўлишини ва фаолият бўйича ўзларининг ваколати орқали ушбу даромадларга таъсир этиш имкониятига эга бўлишини аниқлашда фойдаланиш лозим. Жамоавий тарзда олганда барча томонлар ёки томонлар гуруҳи фаолият даромадларига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолиятни (яъни, аҳамиятли фаолиятни) бошқара олса, улар фаолиятни жамоавий назорат қилади.
- Б6 Барча томонлар ёки томонлар гуруҳи фаолиятни жамоавий назорат қилиши хулоса қилингандан сўнг ташкилот фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эгаллигини баҳолаши лозим. Биргаликдаги назорат фақат аҳамиятли фаолиятга нисбатан қарорлар қабул қилишда фаолиятни жамоавий назорат қиладиган томонларнинг бир овоздан розилигини талаб этадиган пайтда мавжуд бўлади. Фаолият унинг барча томонлари ёки томонлар гуруҳи орқали биргаликдаги назорат қилинишини ёки фақат томонлардан бири орқали назорат қилинишини баҳолаш мулоҳаза юритишни талаб этиши мумкин.
- Б7 Баъзида томонларнинг шартномавий келишувида улар томонидан келишилган қарор қабул қилиш жараёни билвосита биргаликдаги назоратни назарда тутди. Масалан, фараз қилайлик икки томон фаолиятни ташкил этиб, уларнинг ҳар бири 50 фоиз овоз бериш ҳуқуқларига эга ва улар ўртасидаги шартномавий келишув аҳамиятли фаолият бўйича қарорлар қабул қилишда овоз бериш

хуқуқларининг камида 51 фоизи талаб этилишини белгилайди. Бундай ҳолатда, томонлар фаолиятнинг биргаликдаги назорат қилиш бўйича билвосита келишувга эга, чунки аҳамиятли фаолият бўйича қарорлар иккала томоннинг розилиги бўлмагунча қабул қилинмайди.

- Б8 Бошқа ҳолатларда, шартномавий келишув аҳамиятли фаолият бўйича қарорларни қабул қилиш учун овоз бериш хуқуқларининг минимум фоизини талаб этади. Овоз бериш хуқуқларининг минимум талаб этилган фоизи биргаликда розилик берадиган томонларнинг бирдан ортиқ комбинацияси орқали эришиш мумкин бўлганда, агар шартномавий келишув қайси томонлар (ёки томонлар комбинацияси) келишувнинг аҳамиятли фаолияти бўйича қарорларга бир овоздан рози бўлиши талаб этилишини белгиламаса, ушбу фаолият биргаликдаги фаолият ҳисобланмайди.

Қўллашга доир мисоллар

1-мисол

Фараз қилайлик, учта томон фаолиятни ташкил этади: А томон фаолиятдаги овоз бериш хуқуқларининг 50 фоизига, Б томон 30 фоизига ва В томон 20 фоизига эга. А, Б ва В томонлар ўртасидаги шартномавий келишув унинг аҳамиятли фаолият турлари бўйича қарорлар қабул қилиш учун овоз бериш хуқуқларининг камида 75 фоизи талаб этилишини белгилайди. А томон ҳар қандай қарорга тўсқинлик қилиши мумкин бўлсада, у фаолиятни назорат қилмайди, чунки унга Б томоннинг розилиги зарур бўлади. Аҳамиятли фаолият турлари бўйича қарорлар қабул қилиш учун овоз бериш хуқуқларининг камида 75 фоизини талаб этадиган шартномавий келишувнинг шартлари А ва Б томонлар фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эгаллигини кўрсатади, чунки келишувнинг аҳамиятли фаолият турлари бўйича қарорлар А ва Б томонларнинг розилигисиз қабул қилинмайди.

2-мисол


Фараз қилайлик, фаолиятда учта томон иштирок этади: А томон фаолиятдаги овоз бериш хуқуқларининг 50 фоизига, Б ва В томонларнинг ҳар бири 25 фоизига эга. А, Б ва В томонлар ўртасидаги шартномавий келишув унинг аҳамиятли фаолият турлари бўйича қарорлар қабул қилиш учун овоз бериш хуқуқларининг камида 75 фоизи талаб этилишини назорат тутатади. А томон ҳар қандай қарорга тўсқинлик қилиши мумкин бўлсада, у фаолиятни назорат қилмайди, чунки унга Б ёки В нинг розилиги зарур бўлади. Ушбу мисолда А, Б ва В томонлар фаолиятни жамоавий назорат қиладилар. Лекин, бунда овоз бериш хуқуқларининг 75 фоизига эриша оладиган томонларнинг бирдан ортиқ комбинациялари мавжуд (яъни А ва Б ёки А ва В). Бундай ҳолатда, биргаликдаги фаолият бўлиши учун томонлар ўртасидаги шартномавий келишув аҳамиятли фаолият бўйича қарорларга бир овоздан розилик билдирилиши томонларнинг қайси комбинациясидан талаб этилишини белгилаши зарур бўлади.

3-мисол

Фараз қилайлик, А ва Б томонларнинг ҳар бири фаолиятдаги овоз бериш хуқуқларининг 35 фоизига эга бўлган ва қолган 30 фоизи кўп сонли иштирокчилар ўртасида тақсимланган фаолият мавжуд. Аҳамиятли фаолият бўйича қарорлар овоз бериш хуқуқларининг кўпчилиги орқали тасдиқланишини талаб этади. Фақат шартномавий келишув унинг аҳамиятли фаолият турлари бўйича қарорлар ҳам А томоннинг ҳам Б томоннинг розилигини талаб этишини белгиласа, А ва Б томонлар фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эга бўладилар.

- Б9 Бир овоздан розилик учун талаб фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эга ҳар қандай томон ҳар қандай бошқа томонларни ёки томонлар гуруҳини, унинг розилигисиз бир томонлама (аҳамиятли фаолият бўйича) қарорлар қабул қилишини олдини олиши мумкинлигини англатади. Агар бир овоздан розилик бўйича талаб келишувнинг аҳамиятли фаолият турлари бўйича қарорларга эмас балки фақат томонга ҳимоя қилиш хуқуқларини тақдим этадиган қарорларга тегишли бўлса, ушбу томон фаолият бўйича биргаликдаги назоратга эга томон ҳисобланмайди.
- Б10 Шартномавий келишув низоларни ҳал қилиш бўйича қоидаларни, масалан арбитражни ўзи ичига олиши мумкин. Бундай шартлар назоратга эга томонлар ўртасида бир овоздан розилик мавжуд бўлмаганда, қабул қилинадиган қарорларга руҳсат бериши мумкин. Бундай шартларнинг мавжудлиги фаолиятнинг биргаликда назорат қилинишига ва ўз навбатида биргаликдаги фаолият бўлишига тўсқинлик қилмайди.

Биргаликдаги назоратни баҳолаш



- Б11 Фаолият 11-сон МҲХСнинг қўллаш доирасига кирмаса, ташкилот фаолиятдаги ўз улушини 10-сон МҲХС, 28-сон БҲХС (2011 йил тахрири) ёки 9-сон МҲХС каби тегишли МҲХСга мувофиқ ҳисобга олади.

Биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг турлари (14–19-бандлар)

- Б12 Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар турли мақсадлар учун (масалан томонлар учун харажатларни ва рискларни бўлишиш сифатида, томонларга янги технологиядан ёки янги бозорлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш сифатида) ташкил этилади ва турли тузилмалар ва юридик мақомлар орқали ташкил этилиши мумкин.
- Б13 Айрим келишувлар келишув предмети бўлган фаолиятни алоҳида тузилмада амалга оширилишини талаб этмайди. Лекин, бошқа келишувлар алоҳида тузилманинг ташкил этилишини назарда тутаяди.
- Б14 Мазкур МҲХС орқали талаб этилган биргаликдаги фаолиятнинг таснифланиши ўзининг одатий фаолиятдан юзага келадиган томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига боғлиқ бўлади. Мазкур МҲХС биргаликдаги фаолият бўйича келишувларни биргаликдаги операциялар ёки қўшма корхоналар сифатида таснифлайди. Ташкилот фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларга ва мажбуриятлар нисбатан жавобгарликларга эга бўлса, фаолият биргаликдаги операция ҳисобланади. Ташкилот фаолиятнинг соф активларига нисбатан ҳуқуқларга эга бўлса, фаолият қўшма корхона ҳисобланади. Б16-Б33-бандлар ташкилот биргаликдаги операциядаги улушга ёки қўшма корхонадаги улушга эга эканлигини аниқлашда амалга ошириладиган баҳолашни белгилайди.

Биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг таснифланиши

- Б15 Б14-бандда қайд этилганидек, биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг таснифланиши томонлардан уларнинг фаолият натижасида юзага келадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни баҳолашни талаб этади. Бундай баҳолашни амалга оширишда ташкилот қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:
- (а) биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг тузилиши (Б16-Б21-бандларга қаранг).
 - (б) биргаликдаги фаолият бўйича келишув алоҳида тузилма орқали тузилганда:
 - (i) алоҳида тузилманинг юридик мақоми (Б22-Б24-бандларга қаранг);
 - (ii) шартномавий келишувнинг шартлари (Б25-Б28-бандларга қаранг); ва
 - (iii) ўринли бўлганда, бошқа далиллар ва ҳолатлар (Б29–Б33-бандларга қаранг).

Биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг тузилиши

Алоҳида тузилма кўринишида тузилмаган биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар

- Б16 Алоҳида тузилма шаклида тузилмаган биргаликдаги фаолият бўйича келишув биргаликдаги операциядир. Бундай ҳолатларда, шартномавий келишув томонларнинг фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларини ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларини ҳамда томонларнинг тегишли тушумларига нисбатан ҳуқуқларини ва тегишли харажатларига нисбатан мажбуриятларини белгилайди.
- Б17 Шартномавий келишув кўп ҳолларда келишувнинг предмети бўлган фаолиятнинг хусусиятини ва томонлар ушбу фаолиятни биргаликда қандай амалга оширишни кўзлаганини ифодалайди. Масалан, ҳар бир томон муайян вазифага жавобгар бўлган ҳолда ва ҳар бир томон ўз активларидан фойдаланиб ва ўз мажбуриятларини қабул қилган ҳолда, биргаликдаги фаолият томонлари маҳсулотни биргаликда ишлаб чиқаришга келишиши мумкин. Шартномавий келишув томонлар учун умумий бўлган тушумлар ва харажатлар уларнинг ўртасида қандай бўлинишини ҳам белгилаши мумкин. Бундай ҳолатда, ҳар бир иштирокчи ўзининг молиявий ҳисоботида муайян вазифа учун шартномавий келишувга мувофиқ фойдаланилган активларни ва мажбуриятларни тан олади ва тушумлар ҳамда харажатлардаги ўз улушини тан олади.
- Б18 Бошқа ҳолатларда, биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг томонлари, масалан, активни бўлишиш ва биргаликда бошқаришга келишиши мумкин. Бундай ҳолатда, шартномавий келишув биргаликда бошқариладиган активга нисбатан томонларнинг ҳуқуқларини ва активдан олинadиган маҳсул ёки тушум ва операция харажатлар томонлар ўртасида қандай бўлинишини белгилайди. Ҳар бир биргаликдаги операция иштирокчиси шартномавий келишувга мувофиқ биргаликдаги активдаги ўз улушини ва ҳар қандай мажбуриятлардаги ўзининг келишган улушини ҳисобга олади ва маҳсулдаги, тушумлардаги ва харажатлардаги ўз улушини тан олади.

Алоҳида тузилма шаклида тузилган биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар

- Б19 Фаолиятга тегишли активлар ва мажбуриятлар алоҳида тузилмада эгалик қилинадиган биргаликдаги фаолият бўйича келишув қўшма корхона ёки биргаликдаги операция бўлиши мумкин.
- Б20 Томоннинг биргаликдаги операция иштирокчиси ёки қўшма корхона иштирокчиси бўлиши алоҳида тузилмада эгалик қилинган ҳолда фаолиятга тегишли активларга нисбатан томоннинг ҳуқуқларига, мажбуриятларга нисбатан томоннинг жавобгарликларига боғлиқ бўлади.
- Б21 Б15-бандда таъкидланганидек, томонлар биргаликдаги фаолиятни алоҳида тузилма шаклида ташкил этган бўлса, томонлар алоҳида тузилманинг юридик мақоми, шартномавий келишув шартлари ва ўринли бўлганда, ҳар қандай бошқа далиллар ва ҳолатлар уларга қуйидагиларни тақдим қилишини баҳолаши зарур:
- (а) фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликлар (яъни келишув биргаликдаги операция бўлганда); ёки
 - (б) фаолиятнинг соф активларига нисбатан ҳуқуқлар (яъни келишув қўшма корхона бўлганда).

Биргаликдаги фаолиятни таснифлаш: фаолият натижасида юзага келадиган томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини баҳолаш



Алоҳида тузилманинг юридик мақоми

- Б22 Алоҳида тузилманинг юридик мақоми биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг турини баҳолашда ўринлидир. Юридик мақом томонларнинг алоҳида тузилмада эгалик қилинадиган активларга нисбатан ҳуқуқларини ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларини дастлабки баҳоланишида, масалан томонлар алоҳида тузилмадаги активларда улушга эга эканлигини ва улар алоҳида тузилмадаги мажбуриятлар учун жавобгар бўлишини баҳолашда кўмак беради.
- Б23 Масалан, томонлар биргаликдаги фаолиятни алоҳида тузилма шаклида амалга ошириши мумкин, бунда унинг юридик мақоми алоҳида тузилмани мустақил деб қаралишига сабаб бўлади (яъни алоҳида тузилмадаги активлар ва мажбуриятлар томонларнинг активлари ва мажбуриятлари эмас, балки алоҳида тузилманинг активлари ва мажбуриятлари ҳисобланади). Бундай ҳолатда, алоҳида тузилманинг юридик мақоми орқали томонларга тақдим қилинган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг баҳоланиши фаолиятнинг кўшма корхона эканини кўрсатади. Лекин, томонлар уларнинг шартномавий келишувида келишилган шартлар (Б25-Б28-бандларга қаранг) ва ўринли бўлганда, бошқа далиллар ва ҳолатлар (Б29-Б33-бандларга қаранг) алоҳида тузилманинг юридик мақоми орқали томонларга тақдим қилинган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг баҳоланишидан устун келиши мумкин.
- Б24 Агар томонлар биргаликдаги фаолиятни юридик мақоми томонларни ва алоҳида тузилмани ажратишга йўл қўймайдиган (яъни алоҳида тузилмадаги активлар ва мажбуриятлар томонларнинг активлари ва мажбуриятлари бўладиган) алоҳида тузилмада амалга оширса, алоҳида тузилманинг юридик мақоми орқали томонларга тақдим қилинган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг баҳоланиши фаолиятни биргаликдаги операция деб ҳулоса чиқариш учун етарли бўлади

Шартномавий келишув шартларини баҳолаш

- Б25 Кўп ҳолларда, томонлар ўзларининг шартномавий келишувида келишилган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар изчил бўлади ёки фаолият амалга ошириладиган алоҳида тузилманинг юридик мақоми орқали томонларга тақдим қилинган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга зид бўлмайди.
- Б26 Бошқа ҳолатларда, томонлар фаолият амалга ошириладиган алоҳида тузилманинг юридик мақоми орқали тақдим қилинган ҳуқуқларни ва мажбуриятларни бекор қилиш ёки ўзгартиришда шартномавий келишувдан фойдаланади.

Қўллашга доир мисоллар

4-мисол

Фараз қилайлик, икки томон юридик шахс сифатида ташкил этилган ташкилотда биргаликдаги фаолият бўйича келишувни амалга оширади. Ҳар бир томон ушбу ташкилотда 50 фоиздан эгалик улушига эга. Ташкилотни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш ташкилотни мулкдорлардан ажратиш имконини беради ва оқибатда ташкилотдаги активлар ва мажбуриятлар рўйхатдан ўтказилган ташкилотнинг активлари ва мажбуриятлари ҳисобланади. Бундай ҳолатда, алоҳида тузилманинг юридик мақоми орқали томонларга тақдим қилинган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг баҳоланиши томонлар фаолиятнинг соф активларига нисбатан ҳуқуқларга эгалигини кўрсатади.

Лекин, томонлар ташкил этиш хусусиятларини ўзларининг шартномавий келишуви орқали ўзгартиради, натижада белгиланган пропорцияда ҳар бир томон рўйхатдан ўтказилган ташкилотнинг активларидаги улушга эга бўладилар ва ҳар бир томон рўйхатдан ўтказилган ташкилотнинг мажбуриятлари учун белгиланган пропорцияда жавобгар бўлади. Ташкил этиш хусусиятларига нисбатан бундай шартномавий ўзгартиришлар фаолиятни биргаликдаги операция бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

- Б27 Куйидаги жадвалда биргаликдаги операция томонларининг шартномавий келишувларидаги умумий шартлар ва кўшма корхона томонларининг шартномавий келишувларидаги умумий шартлар қиёсланади. Куйидаги жадвалда келтирилган шартномавий шартларнинг мисоллари уларнинг ўзи билан чекланмайди.

Шартномавий келишув шартларини баҳолаш		
	Биргаликдаги операция	Қўшма корхона
Шартномавий келишув шартлари	Шартномавий келишув биргаликдаги фаолият томонларини фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларни назарда тутати.	Шартномавий келишув биргаликдаги фаолият томонларини фаолиятнинг соф активларига нисбатан ҳуқуқларни назарда тутати (яъни бунда томонлар эмас, балки алоҳида тузилма фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларга ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларга эга бўлади).
Активларга нисбатан ҳуқуқлар	Шартномавий келишув фаолиятга тегишли активлардаги барча улушларни (масалан, мулкӣ ёки эгалик ҳуқуқларини) биргаликдаги фаолият томонлари ўртасида белгиланган пропорцияда (масалан томонларнинг фаолиятдаги эгалик улушига пропорционал тарзда ёки фаолият орқали амалга ошириладиган ва бевосита уларга тегишли бўлган фаолиятга пропорционал тарзда) бўлинишини белгилайди.	Шартномавий келишув фаолиятга киритилган ёки кейинчалик биргаликдаги фаолият томонидан сотиб олинган активлар фаолиятнинг активлари бўлишини белгилайди. Томонлар фаолиятнинг активларида ҳеч қандай улушларга (яъни, мулкӣ ёки эгалик ҳуқуқларига) эга бўлмайди.
Мажбуриятларга нисбатан жавобгарликлар	Шартномавий келишув барча мажбуриятларни, жавобгарликларни, сарфларни ва харажатларни биргаликдаги фаолият томонлари ўртасида белгиланган пропорцияда (масалан томонларнинг фаолиятдаги эгалик улушига пропорционал тарзда ёки фаолият орқали амалга ошириладиган ва бевосита уларга тегишли бўлган фаолиятга пропорционал тарзда) бўлинишини белгилайди.	Шартномавий келишув биргаликдаги фаолиятда келишув натижасида юзага келадиган қарзлар ва мажбуриятлар учун масъулиятни белгилайди.
		Шартномавий келишув биргаликдаги фаолият томонлари фаолиятга нисбатан фақатгина уларнинг фаолиятдаги тегишли инвестициялари даражасида ёки уларнинг фаолиятга ҳар қандай тўланмаган ёки қўшимча капитални тақдим қилиш бўйича тегишли мажбуриятлари даражасида ёки иккаласи бўйича масъулиятини назарда тутати.

Шартномавий келишув шартларини баҳолаш		
	Биргаликдаги операция	Қўшма корхона
	Шартномавий келишув биргаликдаги фаолият томонлари учинчи томонларнинг даъволари учун жавобгар бўлишини белгилайди.	Шартномавий келишув биргаликдаги фаолият кредиторлари фаолиятнинг қарзлари ёки мажбуриятларига нисбатан ҳар қандай томонга қарши регресс ҳуқуқларга эга бўлмаслигини белгилайди.
Тушумлар, харажатлар, фойда ёки зарар	Шартномавий келишув ҳар бир томоннинг биргаликдаги фаолиятга нисбатан тушумлар ва харажатларни фаолиятнинг нисбий натижалари асосида тақсимланишини белгилайди. Масалан, шартномавий келишув тушумлар ва харажатлар ҳар бир томоннинг уларнинг биргаликдаги фаолиятдаги эгалик улушидан фарқ қилиши мумкин бўлган биргаликда бошқариладиган корхонада фойдаланадиган қувват асосида тақсимланишини белгилаши мумкин. Бошқа ҳолатларда, томонлар фаолиятга тегишли фойда ёки зарарни белгиланган пропорция, масалан томонларнинг фаолиятдаги эгалик улуши асосида бўлинишига келишган бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, агар томонлар фаолиятга тегишли активларга ҳуқуқлар ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларга эга бўлсалар, фаолиятни биргаликдаги операция сифатида баҳолашга тўсқинлик қилмайди.	Шартномавий келишув ҳар бир томоннинг фаолиятга тегишли фойда ёки зарардаги улушини белгилайди.
Кафолатлар	Биргаликдаги фаолият томонларидан кўп ҳолларда биргаликдаги фаолиятдан хизмат оладиган ёки унга молиялаштиришни таъминлайдиган учинчи томонларга нисбатан кафолатларни таъминлаш талаб этилади. Бундай кафолатлар таъминланишининг ёки уларни таъминлаш бўйича томонлар мажбуриятининг ўзи биргаликдаги фаолиятнинг биргаликдаги операция бўлишини белгиламайди. Биргаликдаги фаолиятнинг биргаликдаги операция ёки қўшма корхона бўлишини белгилайдиган жиҳат бу томонлар фаолиятга тегишли мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларга эга бўлиши ёки бўлмаслигидир (бунда томонлар мажбуриятларнинг айримлари учун кафолатни таъминлаган ёки таъминламаган бўлиши мумкин).	

Б28 Шартномавий келишув томонларнинг фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларга ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларга эгалигини белгиласа, улар биргаликдаги операция томонлари ҳисобланади ва биргаликдаги фаолиятни таснифлаш мақсадларида, бошқа далиллар ва ҳолатларни (Б29-Б33-бандлар) кўриб чиқиши зарур бўлмайди.

Бошқа далиллар ва ҳолатларни баҳолаш

- Б29 Шартномавий келишув шартлари томонлар фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларга ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларга эгалигини белгиламаса, томонлар фаолиятнинг биргаликдаги операция ёки қўшма корхона бўлишини баҳолаш учун бошқа далиллар ва ҳолатларни кўриб чиқиши лозим.
- Б30 Биргаликдаги фаолият юридик мақоми томонлар ва алоҳида тузилмани ажратадиган алоҳида тузилмада амалга оширилиши мумкин. Томонлар ўртасида келишилган шартномавий шартлар томонларнинг активларга нисбатан ҳуқуқларини ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларини белгиламаслиги мумкин, бунда бошқа далиллар ва ҳолатларнинг кўриб чиқилиши бундай фаолиятни биргаликдаги операция сифатида таснифланишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолат бошқа далиллар ва ҳолатлар томонларга фаолиятга тегишли активларга нисбатан ҳуқуқларни ва мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларни тақдим этганда мавжуд бўлади.
- Б31 Фаолият доирасидаги барча ҳаракатлар орқали асосан томонларга маҳсулни таъминлаш учун мўлжалланганда, бу ҳолат томонларнинг фаолият активларининг деярли барча иқтисодий нафларига нисбатан ҳуқуқларга эгалигини кўрсатади. Бундай фаолиятнинг томонлари кўп ҳолларда маҳсулни учинчи томонларга сотилишини олдини олиш орқали фаолият натижаси бўлган маҳсулга нисбатан ўзларининг фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлайдилар.
- Б32 Бундай тузилишга ва мақсадга эга фаолиятнинг натижаси фаолият томонидан қабул қилинган мажбуриятлар, моҳиятан, томонларлардан улар маҳсулни сотиб олиши натижасида олинадиган пул оқимлари билан қопланади. Томонлар фаолиятнинг операциялари давомийлигини таъминлайдиган пул оқимларининг деярли ягона манбаси бўлса, бу ҳолат томонларнинг фаолиятга тегишли мажбуриятларга нисбатан жавобгарликка эгалигини кўрсатади.

Қўллашга доир мисоллар

5-мисол

Фараз қилайлик, икки томоннинг ҳар бири 50 фоиз эгалик улушига эга бўлган рўйхатдан ўтказилган ташкилотда (В ташкилотда) биргаликдаги фаолият бўйича келишув амалга оширилади. Фаолиятнинг мақсади томонлар ўзларининг алоҳида ишлаб чиқариш жараёнлари учун талаб этилган хом-ашёларни ишлаб чиқаришдир. Фаолият томонларнинг миқдорий ва сифат тафсилотларига мос хом-ашёларни ишлаб чиқарадиган ускуналардан фойдаланишини таъминлайди.

Фаолият амалга ошириладиган В ташкилот (рўйхатдан ўтказилган ташкилот)нинг юридик мақоми дастлаб В ташкилотда тутиб турилган активлар ва мажбуриятлар В ташкилотнинг активлари ва мажбуриятлари эканини кўрсатади. Томонлар ўртасидаги шартномавий келишув томонлар В ташкилотнинг активларга нисбатан ҳуқуқларга ёки мажбуриятларга нисбатан жавобгарликларга эгалигини белгиламайди. Ўз навбатида, В ташкилотнинг юридик мақоми ва шартномавий келишувнинг шартлари фаолият қўшма корхона бўлишини кўрсатади.

Лекин, томонлар фаолиятнинг қуйидаги жиҳатларини ҳам кўриб чиқади:

- Томонлар В ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган барча маҳсулни 50:50 нисбатда сотиб олишга келишган. В ташкилот фаолиятнинг икки томони маъқулламагунча маҳсулнинг бирортасини учинчи томонга сота олмайди. Чунки фаолиятнинг мақсади томонларни зарур маҳсулот билан таъминлаш ҳисобланади ва учинчи томонларга бундай сотувлар камдан-кам ва муҳим бўлмаган ҳолат сифатида кутилади.
- Томонларга сотиладиган маҳсулнинг нархи иккала томон орқали В ташкилот томонидан сарфланган ишлаб чиқариш сарфлари ва маъмурий харажатлари қопланадиган даражада белгиланади. Ушбу операцион модел асосида фаолият критик нуқта даражасида юритилиши назарда тутилади.

Юқоридаги ҳолат бўйича қуйидаги далиллар ва ҳолатлар ўринлидир:

В ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган барча маҳсулни сотиб олиш бўйича томонларнинг мажбурияти В ташкилот пул оқимларини юзага келтиришда фақат томонларга таянишини акс эттиради ва томонларда В ташкилотнинг мажбуриятларини сўндиришни молиялаштириш мажбурияти мавжуд.

Томонлар В ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган барча маҳсулга нисбатан ҳуқуқларга эга бўлганлиги далили томонлар В ташкилот активларининг барча иқтисодий нафларини истеъмол қилишини ва шу туфайли уларга нисбатан ҳуқуқларга эгалигини кўрсатади.

Қўллашга доир мисоллар

Ушбу далиллар ва ҳолатлар фаолиятни биргаликдаги операция эканини кўрсатади. Агар томонлар маҳсулдаги ўз улушларидан ўзлари кейинги ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш ўрнига, томонлар ўзларининг маҳсулдаги улушини учинчи томонларга сотганда ҳам ушбу ҳолатлардаги биргаликдаги фаолиятнинг таснифланиши бўйича хулоса ўзгармаган бўлар эди.

Агар томонлар шартномавий келишувнинг шартларини ўзгартирилганда, бунинг натижасида фаолият учинчи томонларга маҳсулни сотиш имконига эга бўлганда бу ташкилот томонидан талаб, заҳира ва кредит рискларини ўз зиммасига олишига олиб келган бўлар эди. Ушбу ҳолатда далиллар ва ҳолатлардаги бундай ўзгариш биргаликдаги фаолият таснифланишининг қайта баҳоланишини талаб этган бўлар эди. Бундай далиллар ва ҳолатлар фаолиятнинг қўшма корхона бўлишини кўрсатган бўларди.

Қуйидаги схема биргаликдаги фаолият бўйича келишув алоҳида тузилма шаклида тузилган пайтда ташкилот фаолиятни таснифлашда риоя этиладиган баҳолашни акс эттиради:

**Алоҳида тузилма шаклида тузилган
биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг**



Биргаликдаги фаолият бўйича келишув томонларнинг молиявий ҳисоботи

Биргаликдаги операцияда иштирок этиш улушини харид қилиниши ҳисоби

- Б33А Агар ташкилот 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” да таърифланганидек, бизнесга оид биргаликдаги операцияни амалга оширадиган биргаликдаги операцияда иштирок этиш улушини харид қилса, у 20-бандга мувофиқ аниқланадиган ўз улушига нисбатан 3-сон МҲХСдаги бизнес бирлашувлари ҳисобига оид барча тамойилларни ва мазкур МҲХСдаги кўрсатмаларга зид бўлмайдиган ва бизнес бирлашувларига оид МҲХСда талаб этилган маълумотларни ёритиб берадиган бошқа МҲХСни қўллаши лозим. Мазкур МҲХСдаги кўрсатмаларга зид бўлмайдиган бизнес бирлашувлари ҳисобига оид барча тамойиллар қуйидагиларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) 3-сон МҲХС ва бошқа МҲХСда истисно қилинган моддалардан таашқари идентификацияланадиган активлар ва мажбуриятларни ҳаққоний қийматда баҳолаш;
 - (б) сарфлар амалга оширилган ва хизматлар олинган даврда харид қилиш билан боғлиқ сарфларни харажат сифатида тан олиш, бунда 32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиши*” ва 9-сон МҲХСга мувофиқ тан олинадиган қарз ёки улушли қимматли қозғалар чиқариш бўйича сарфлар мустасно;¹
 - (в) активлар ва мажбуриятларнинг дастлабки тан олинисидан келиб чиқадиган кечиктирилган солиқ активлари ва кечиктирилган солиқ мажбуриятларини тан олиш, бундан бизнес бирлашувларига оид 3-сон МҲХС ва 12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*” да талаб этилганидек, гудвилни дастлабки тан олишдан юзага келадиган кечиктирилган солиқ мажбуриятлари мустасно;
 - (г) агар мавжуд бўлса, гудвил сифатида ўтказилган товон суммасининг харид қилиш санасига харид қилинган идентификацияланадиган активлар ва ҳисобланган мажбуриятлар соф суммасидан ошган қисмини тан олиш; ва
 - (д) энг камида йиллик ва бизнес бирлашуви натижасида харид қилинган гудвил бўйича 36-сон БҲХС “*Активларнинг қадрсизланиши*” да талаб этилганидек, бирликнинг қадрсизланиши аломати юзага келиши билан гудвил тақсимланган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни қадрсизланиш тестидан ўтказиш.
- Б33Б Шунингдек, 21А and Б33А бандлар фақат ва фақат агар биргаликдаги операцияда иштирок этадиган томонлардан бири 3-сон МҲХСда таърифланган мавжуд бизнесни биргаликдаги операцияга уни ҳосил қилишда киритса, биргаликдаги операция ҳосил қилинишига нисбатан қўлланади. Лекин, ушбу бандлар, агар биргаликдаги операцияда иштирок этадиган томонларнинг барчаси биргаликдаги операцияга уни ҳосил қилишда фақат активлар ёки активлар гуруҳини киритса, қўлланмайди.
- Б33В Биргаликдаги операция иштирокчиси 3-сон МҲХСда тарифланган бизнесни ифодаловчи биргаликдаги операцияда қатнашиш улушини биргаликдаги операцияда қатнашиш бўйича қўшимча улушларни харид қилиш орқали ошириши мумкин. Бундай ҳолларда, олдин эгалик қилинган улушлар, агар биргаликдаги операция иштирокчиси биргаликдаги назоратни сақлаб қолса, қайта баҳоланмайди.
- Б33ВА Агар биргаликдаги операцияда иштирок этадиган, аммо биргаликдаги назоратга эга бўлмаган томон 3-сон МҲХСда таърифланган бизнесни ифодаловчи биргаликдаги операция бўйича биргаликдаги назоратни олиши мумкин. Бундай ҳолларда, биргаликдаги операцияда олдин эгалик қилинган улушлар қайта баҳоланмайди.
- Б33Г 21А ва Б33А-Б33В бандлари биргаликдаги операцияда улушга эга, шу жумладан биргаликдаги операцияда улушни харид қилган томонлар, худди шу умумий назорат қилувчи томон ёки томонларнинг биргаликдаги назорати остида бўлганида, харид қилишдан олдин ҳам кейин ҳам биргаликдаги операциядаги улушни харид қилишга нисбатан татбиқ этилмайди ва бундай назорат вақтинчалик ҳисобланмайди.

¹ Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни қўлласса, лекин 9-сон МҲХС ҳали қўлламаган бўлса, ушбу ўзгартиришлардаги 9-сон МҲХСга ҳаволалар 39-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва тақдим этиши*” га ҳавола тарзида ўқиши лозим. *Тан олиш ва баҳолаш.*

Биргаликдаги операцияга активларни киритиш ёки уларни сотилишини ҳисобга олиш

- Б34 Ташкилот ўзи биргаликдаги операция иштирокчиси бўлган биргаликдаги операция билан битимга киришса, масалан активларнинг сотилиши ёки киритилиши бўйича битимни тузса, у биргаликдаги операциянинг бошқа томонлари билан битимни амалга ошираётган бўлади ва бунда биргаликдаги операция иштирокчиси бундай битимдан юзага келадиган фойда ва зарарларни фақат бошқа томонларнинг биргаликдаги операциядаги улушлари даражасида тан олиши лозим.
- Б35 Бундай битимлар ушбу активлар бўйича қадрсизланишдан зарар ёки биргаликдаги операцияга киритиладиган ёки сотиладиган активларнинг соф сотиш қийматидаги камайиши бўйича далил билан таъминлаганда, бундай зарарлар биргаликдаги операция иштирокчиси. томонидан тўлиқ тан олинishi лозим.

Биргаликдаги операциядан активларни сотиб олишни ҳисобга олиш

- Б36 Ташкилот ўзи биргаликдаги операция иштирокчиси бўлган биргаликдаги операция билан битимни, масалан активлар хариди битимини тузса, у фойда ва зарарлардаги ўз улушини ушбу активларни учинчи томонга қайта сотгунга қадар тан олмаслиги лозим.
- Б37 Бундай битимлар сотиб олинadиган активларнинг соф сотиш қийматидаги камайиш ёки ушбу активларнинг қадрсизланишидан зарар тўғрисидаги далил билан таъминласа, биргаликдаги операция иштирокчиси ушбу зарарлардаги ўз улушини тан олиши лозим.

В илова **Кучга кириш санаси, ўтиш қоидалари ва бошқа МҲХСнинг ўз кучини йўқотиши**

Мазкур илова МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб, МҲХСнинг бошқа қисмлари каби тенг кучлидир.

Кучга кириш санаси

- В1** Мазкур МҲХС ташкилот томонидан 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур стандартни олдинги давр учун қўлласса, у бу фактни ёритиб бериши ва шу даврга нисбатан 10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС “*Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериши*” 27-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрири) ва 28-сон БҲХСни (2011 йилдаги таҳрир) қўллаши лозим.
- В1А** 2012 йил июн ойида эълон қилинган “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот, биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар ва бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериши: Ўтиш бўйича кўрсатма*” (10-сон МҲХС, 1-сон МҲХС ва 12-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича В2-В5-бандлар, В7-В10 ва В12-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва В1Б ва В12А-В12Б бандлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2013 йил 1 январь ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 11-сон МҲХСни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу ўзгартиришларни ушбу олдинги давр учун қўллаши лозим.
- В1АА** 2014 йил май ойида эълон қилинган “*Биргаликдаги операциялар бўйича улушларни харид қилиш ҳисоби*” (11-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича Б33-банддан кейинги сарлавҳага ўзгартириш киритилган ва 21А, Б33А-Б33Г ва В14А бандлар ва уларга тегишли сарлавҳалар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларда перспектив тарзда қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги даврга нисбатан қўлласса, у бу фактни ёритиб бериши лозим.
- В1АБ** 2017 йил декабрь ойида эълон қилинган “*2015-2017 йилларда МҲХСни такомиллаштиришлар*” бўйича Б33ВА банд киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2019 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган биринчи йиллик ҳисобот даври бошланганда ёки ундан кейин биргаликдаги назоратга эга бўлган операцияларга қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Ўтиш қоидалари

- В1Б** 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”нинг 28-бандидаги талабларга қарамадан, мазкур МҲХС биринчи марта қўлланганда, ташкилот 11-сон МҲХС қўлланадиган биринчи йиллик даврдан бевосита олдинги йиллик давр (“бевосита олдинги давр”) учун фақат 8-сон БҲХСнинг 28(е) бандида талаб этилган миқдорий маълумотларни тақдим этиши зарур. Ташкилот мазкур маълумотларни жорий давр учун ёки олдинги қиёсий даврлар учун ҳам тақдим этиши мумкин, аммо буни амалга ошириш талаб этилмайди.

Қўшма корхоналар – мутаносиб консолидациялашдан улушли қатнашиш усулига ўтиш

- В2** Мутаносиб консолидациялашдан улушли қатнашиш усулига ўтишда, ташкилот қўшма корхонадаги ўз инвестициясини бевосита олдинги давр боши ҳолатига тан олиши лозим. Ушбу дастлабки инвестиция ташкилот томонидан олдин мутаносиб тарзда консолидациялашган активлар ва мажбуриятларнинг, жумладан харид қилинган юзага келадиган ҳар қандай гудвилнинг баланс қийматларининг жамланмаси сифатида баҳоланиши лозим. Агар гудвил олдин каттароқ пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар гуруҳига тегишли бўлган бўлса, ташкилот гудвилни қўшма корхона билан у тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг ёки пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликлар гуруҳининг нисбий баланс қийматлари асосида қўшма корхонага тақсимлаши лозим.
- В3** В2-бандга мувофиқ аниқланган инвестициянинг давр бошига қолдиғи дастлабки тан олишдаги инвестициянинг бошланғич қиймати сифатида инобатга олинади. Ташкилот 28-сон БҲХС (2011 йил

- тахрири) 40-43-бандларини инвестициянинг давр бошидаги қолдигига нисбатан инвестиция кадрсизланишини баҳолаш учун қўллаши лозим ва ҳар қандай кадрсизланишдан зарарни бевосита олдинги давр бошида тақсимланмаган фойдага тузатиш киритиш сифатида тан олиши лозим. 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”нинг 15 ва 24-бандларидаги дастлабки тан олиш бўйича истисно ташкилот олдин мутаносиб консолидациялашган қўшма корхоналар учун ўтиш талабларини қўллашдан юзага келадиган қўшма корхонадаги инвестицияни тан олганда қўлланмайди.
- B4 Агар олдин мутаносиб консолидациялашган барча активларни ва мажбуриятларни жамланиши манфий соф активларга олиб келса, ташкилот бундай манфий соф активларга нисбатан юридик ёки конструктив жавобгарликка эгаллигини баҳолаши ва шундай бўлса ташкилот тегишли мажбуриятни тан олиши лозим. Агар ташкилот манфий соф активларга нисбатан ўзида юридик ёки конструктив мажбуриятларга эга эмас деб хулоса қилса, у тегишли мажбуриятни тан олмаслиги лозим, аммо бевосита олдинги давр бошидаги тақсимланмаган фойдага тузатиш киритиши лозим. Ташкилот ушбу далилни бевосита олдинги давр бошига ва мазкур МҲХС биринчи марта қўлланадиган санасига унинг қўшма корхоналарининг зарарларидаги ўзининг жамғарилган тарзда тан олинмаган улуши билан бирга ёритиб бериши лозим.
- B5 Ташкилот бевосита олдинги давр бошидаги битта сатрда инвестиция қолдигига жавмланган активлар ва мажбуриятларнинг кенгайтмасини ёритиб бериши лозим. Ёритиб бериладиган маълумотлар ташкилотнинг B2-B6-бандларидаги ўтиш талабларини қўлайдиган барча қўшма корхоналар учун жамланган тарзда тайёрланиши лозим.
- B6 Дастлабки тан олишдан сўнг ташкилот қўшма корхонадаги ўз инвестициясини 28-сон БҲХСга (2011 йил таҳрири) мувофиқ улушли қатнашиш усули орқали ҳисобга олиши лозим.

Биргаликдаги операциялар – улушли қатнашиш усулидан активлар ва мажбуриятлар ҳисобига ўтиш

- B7 Ўзининг биргаликдаги операциядаги улушига нисбатан улушли қатнашиш усулидан активлар ва мажбуриятлар ҳисобига ўтишда ташкилот бевосита олдинги давр бошига олдин улушли қатнашиш усули орқали ҳисобга олинган инвестицияни ва 28-сон БҲХС (2011 йил таҳрири) 38-бандига мувофиқ, ташкилотнинг фаолиятдаги соф инвестициясининг бир қисмини ташкил этган ҳар қандай бошқа моддаларни тан олинишини бекор қилиши лозим ва биргаликдаги операциядаги ўз улушига нисбатан ҳар бир активдаги ва мажбуриятлардаги ўз улушини, жумладан инвестиция баланс қийматининг бир қисмини ташкил этиши мумкин бўлган ҳар қандай гудвилни тан олиши лозим.
- B8 Ташкилот биргаликдаги операцияга тегишли активлардаги ва мажбуриятлардаги ўз улушини шартномавий келишувга мувофиқ белгиланган пропорциядаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари асосида аниқлаши лозим. Ташкилот активлар ва мажбуриятларнинг дастлабки баланс қийматларини ташкилот томонидан улушли қатнашиш усулини қўллашда фойдаланилган маълумотлар асосида бевосита олдинги давр бошидаги инвестициянинг баланс қийматидан уларни ажратиш орқали баҳолайди.
- B9 Олдин улушли қатнашиш усули орқали ҳисобга олинган инвестиция билан 28-сон БҲХС (2011 йил таҳрири) 38-бандига мувофиқ, ташкилотнинг фаолиятдаги соф инвестициясининг бир қисмини ташкил этган ҳар қандай бошқа моддалардан ва тан олинган активлар ва мажбуриятларнинг соф суммасидан, жумладан ҳар қандай гудвилдан юзага келадиган ҳар қандай фарқ:
- (а) агар тан олинган активлар ва мажбуриятларнинг соф суммаси, жумладан ҳар қандай гудвил тан олиниши бекор қилинган инвестициядан (ва ташкилот соф инвестициясининг бир қисмини ташкил этган ҳар қандай бошқа моддалардан) юқори бўлса, бевосита олдинги давр бошидаги қолган фарқни тақсимланмаган фойдага тузатиш тарзида киритиш билан бирга инвестицияга тегишли ҳар қандай гудвилга нисбатан ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши лозим.
 - (б) агар тан олинган активлар ва мажбуриятларнинг соф суммаси, жумладан ҳар қандай гудвил тан олиниши бекор қилинган инвестициядан (ва ташкилот соф инвестициясининг бир қисмини ташкил этган ҳар қандай бошқа моддалардан) паст бўлса, бевосита олдинги давр бошидаги тақсимланмаган фойдага тузатиш тарзида киритилиши лозим.
- B10 Улушли қатнашиш усулидан активлар ва мажбуриятлар ҳисобига ўтадиган ташкилот қолган фарқни тақсимланмаган фойдага тузатиш тарзида киритиш билан бирга бевосита олдинги давр бошида тан олиниши бекор қилинган инвестиция ва тан олинган активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги солиштирмани таъминлаши лозим.
- B11 12-сон БҲХСнинг 15 ва 24-бандларидаги дастлабки тан олиш бўйича истисно ташкилот биргаликдаги операциядаги улушга боғлиқ активлар ва мажбуриятларни тан олишда қўлланмайди.

Ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботи учун ўтиш қоидалари

- V12 27-сон БҲХСнинг 10-бандига мувофиқ, олдин биргаликдаги операциядаги ўз улушини ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботида бошлангич қийматда ёки 9-сон МҲХСга мувофиқ инвестиция сифатида ҳисобга олган ташкилот:
- (а) инвестиция тан олиншини бекор қилиши ва биргаликдаги операциядаги ўз улушига нисбатан активлар ва мажбуриятларни В7-В9-бандларга мувофиқ аниқланган суммаларда тан олиши лозим.
 - (б) қоган фаркни бевосита олдинги давр бошида тақсимланмаган фойда орқали тузатиш билан бирга, тан олиншини бекор қилинган инвестиция ва тан олинган активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги солиштирмани таъминлаши лозим.
- V13 12-сон БҲХСнинг 15 ва 24-бандларидаги дастлабки тан олиш бўйича истиснолар ташкилот ўзининг В12-бандда кўрсатилган биргаликдаги операцияларга ўтиш талабларини қўллаш натижасида келиб чиқадиган биргаликдаги операциялардаги улушига тегишли активлар ва мажбуриятларни ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботида тан олганда қўлланмайди.

“Бевосита олдинги давр”га ҳаволалар

- V13A В2-В12-бандлардаги “бевосита олдинги давр”га ҳаволаларга қарамасдан, ташкилот тақдим этилган ҳар қандай олдинроқ бўлган даврлар учун ўзгартирилган қиёсий маълумотларни тақдим этиши мумкин, лекин буни амалга ошириши талаб этилмайди. Агар ташкилот ҳар қандай олдинроқ бўлган даврлар учун тузатишлар киритилган қиёсий маълумотларни тақдим этса, В2–В12-бандлардаги “бевосита олдинги давр”га нисбатан барча ҳаволалар “тақдим этилган энг олдинги тузатишлар киритилган қиёсий давр” тарзида ўқилиши лозим.
- V13B Агар ташкилот ҳар қандай олдинроқ даврлар учун тузатишлар киритилмаган қиёсий маълумотларни тақдим этса, у тузатишлар киритилмаган маълумотларни аниқ кўрсатиши, маълумотлар бошқа асосда тайёрланганлигини таъкидлаши ва ушбу асосни тушунтириши лозим.

9-сон МҲХСга ҳаволалар

- V14 Агар ташкилот мазкур стандартни қўллаган, лекин ҳали 9-сон МҲХСни қўлламаган бўлса, 9-сон МҲХСга ҳар қандай ҳавола 39-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*”га ҳавола тарзида ўқилиши лозим. *Тан олиш ва баҳолаш*.

Биргаликдаги операцияда иштирок этиш улушини харид қилиниши ҳисоби

- V14A 2014 йил май ойида эълон қилинган “*Биргаликдаги операциялар бўйича улушларни харид қилиш ҳисоби*” (11-сон МҲХСга ўзгартиришлар) бўйича Б33-банддан кейинги сарлавҳага ўзгартириш киритилган ва 21А, Б33А-Б33Д ва В1АА бандлари ва уларга тегишли сарлавҳалар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 3-сон МҲХСда тарифланган бизнесни ифодаловчи биргаликдаги операциялардаги улушларни харид қилинишига, ушбу ўзгартиришлар қўлланадиган биринчи даврнинг бошидан юзага келадиган харид қилишларга нисбатан перспектив тарзда қўлланиши лозим. Бинобарин, олдинги даврларда содир бўлган биргаликдаги операциялардаги улушларни харид қилиш учун тан олинган суммаларга тузатиш киритилмаслиги лозим.

Бошқа МҲХСнинг ўз кучини йўқотиши

- V15 Мазкур МҲХС кўйидаги МҲХСнинг ўрнини эгаллайди:
- (а) 31-сон БҲХС “*Қўшма корхоналардаги улушлар*”; ва
 - (б) 13-сон ШДҚ “*Биргаликда назорат қилинадиган ташкилотлар – корхоналар томонидан номонетар ҳиссалар*”.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
38-ИЛОВА

12-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади ташкилотдан унинг молиявий ҳисоботи фойдаланувчиларига қуйидагиларни баҳолаш имконини берадиган маълумотларни ёритиб беришни талаб қилишдан иборат:
- (a) унинг бошқа ташкилотлардаги улушларининг характерини ва улар билан боғлиқ рискларни; ва
 - (б) бундай улушларнинг ташкилот молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларига таъсирини.

Мақсадга мувофиқлиги

- 2 1-банднинг талабларини бажариш учун ташкилот қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (a) қуйидагиларни белгилашда қабул қилган аҳамиятли мулоҳазалар ва фаразларни:
 - (i) бошқа ташкилот ёки келишувдаги ўз улушининг характери;
 - (ii) у улушга эга бўлган биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг тури (7–9-бандлар);
 - (iii) агар қўллаш мумкин бўлса, у инвестиция ташкилоти таърифига мос келиши (9А банди); ва
 - (б) унинг қуйидагилардаги улушлари тўғрисидаги маълумотларни:
 - (i) шўъба ташкилотлари (10–19-бандлар);
 - (ii) биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар ва таъсир остидаги ташкилотлар (20–23-бандлар); ва
 - (iii) ташкилот томонидан назорат қилинмайдиган тузилмавий ташкилотлар (консолидациялашмаган тузилмавий ташкилотлар)да (24–31-бандлар).
- 3 Агар мазкур стандартда талаб этилган маълумотларнинг ёритиб берилиши бошқа стандартларда талаб этилган маълумотларнинг ёритиб берилиши билан бирга 1-банддаги мақсадга мос келмаса, ташкилот мазкур мақсадга мос келиш учун зарур бўлган ҳар қандай қўшимча маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 4 Ташкилот маълумотларни ёритиб бериш мақсадини қаноатлантириши учун зарур бўладиган тафсилотлар даражасини ва мазкур стандарт талабларининг ҳар бирига қанчалик эътибор қаратилишини ҳисобга олиши лозим. Катта миқдордаги аҳамиятсиз тафсилотларни киритиш ёки турли хил хусусиятларга эга моддаларни жамлаш орқали фойдали маълумотларни мавҳумлаштирмаслик мақсадида ташкилот ёритиб берилаётган маълумотларни жамлаши ёки ажратиши лозим (B2-B6-бандларига қаранг).

Қўллаш доираси

- 5 Мазкур стандарт қуйидаги ташкилотларнинг исталган бирида улушга эга бўлган ташкилот томонидан қўлланиши лозим:
- (a) шўъба ташкилоти

- (б) биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар (яъни биргаликдаги операциялар ёки қўшма корхоналар)
 - (в) таъсир остидаги ташкилотлар
 - (г) консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлар.
- 5А Б17-бандда тавсифланганлардан ташқари, мазкур МХХСнинг талаблари ташкилотнинг 5-бандда келтирилган 5-сон МХХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган ёки тугатилган фаолият (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган) сифатида таснифланган улушларига нисбатан қўлланади.
- 6 Мазкур стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланмайди:
- (а) 19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*” қўлланадиган меҳнат фаолиятидан кейинги даромадлар дастурларига ёки ходимларнинг бошқа узоқ муддатли даромадлари.
 - (б) ташкилотнинг 27-сон БҲХС “*Алоҳида молиявий ҳисобот*” қўлланадиган алоҳида молиявий ҳисоботига. Лекин:
 - (i) агар ташкилот консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотларда улушга эга бўлса ва молиявий ҳисобот сифатида фақат алоҳида молиявий ҳисоботни тайёрласа, у бундай алоҳида молиявий ҳисоботни тайёрлашда 24–31-бандларда назарда тутилган талабларни қўллаши лозим.
 - (ii) 10-сон МХХСнинг 31-бандига мувофиқ ўзининг барча шўба корхоналарини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳолайдиган инвестиция ташкилоти мазкур МХХСда талаб қилинадиган инвестиция ташкилотларига доир ёритиб бериладиган маълумотларни тақдим этиши лозим.
 - (в) биргаликдаги фаолият бўйича келишувда иштирок этадиган, лекин бунда мазкур келишув устидан биргаликдаги назоратга эга бўлмаган ташкилотнинг улуши, бундай улуш келишувга аҳамиятли таъсир кўрсатадиган ёки тузилмавий ташкилотдаги улушни ўзида ифодалайдиган ҳоллар бундан мустасно.
 - (г) 9-сон МХХС “*Молиявий инструментлар*”га мувофиқ ҳисобга олиннадиган бошқа ташкилотдаги улуш. Лекин, ташкилот мазкур стандартни қуйидаги ҳолларда қўллаши лозим:
 - (i) бундай улуш 28-сон БҲХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*”га мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхона улуши бўлганда; ёки
 - (ii) бундай улуш консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлардаги улуш бўлганда.

Аҳамиятли мулоҳазалар ва фаразлар

- 7 Ташкилот қуйидагиларни аниқлашда амалга оширган аҳамиятли мулоҳазалар ва фаразлар (ва мазкур мулоҳазалар ва фаразларга киритилган ўзгартиришлар) тўғрисида маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) 10-сон МХХС “*Консолидацияланган молиявий ҳисобот*”нинг 5 ва 6-бандларида тавсифлангани каби бошқа ташкилот, яъни инвестиция объекти устидан назоратга эга эканлиги;
 - (б) у бирор келишув устидан биргаликдаги назоратга ёки бошқа ташкилот устидан аҳамиятли таъсирга эга эканлиги; ва
 - (в) келишув алоҳида тузилма орқали тузилган бўлганда, биргаликдаги фаолият бўйича келишувнинг (яъни, биргаликдаги фаолият ёки қўшма корхона) тури.
- 8 7-бандга мувофиқ ёритиб бериладиган аҳамиятли мулоҳазалар ва фаразлар ташкилот томонидан фактлар ва ҳолатлардаги ўзгаришлар натижасида ташкилотнинг бошқа ташкилот устидан назоратга, биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга эканлиги тўғрисидаги хулоса ҳисобот даври мобайнида ўзгарган ҳолда қабул қилинадиган мулоҳазалар ва фаразларни ўз ичига олади.
- 9 7-банд талабларига амал қилган ҳолда, ташкилот, масалан, қуйидагиларни аниқлашда қабул қилинган аҳамиятли мулоҳазалар ва фаразларни ёритиб бериши лозим:

- (а) у бошқа ташкилотда овоз бериш ҳуқуқларининг ярмидан кўпига эга бўлса ҳам ушбу ташкилотни назорат қилмаслиги.
- (б) у бошқа ташкилотда овоз бериш ҳуқуқларининг ярмидан камига эга бўлса ҳам ушбу ташкилотни назорат қилиши.
- (в) у агент ёки принципал бўлиб ҳисобланиши (10-сон МХХС нинг 58–72-бандларига қаранг).
- (г) у бошқа ташкилотнинг овоз бериш ҳуқуқларининг ҳатто 20 фоизига ёки ундан кўпига эга бўлса ҳам аҳамиятли таъсирга эга эмаслиги.
- (д) у бошқа ташкилотнинг овоз бериш ҳуқуқларининг ҳатто 20 фоизидан камига эга бўлса ҳам аҳамиятли таъсирга эгаллиги.

Инвестиция ташкилотининг мақоми

- 9А** Агар бош ташкилот 10-сон МХХСнинг 27-бандига мувофиқ инвестиция ташкилоти эканлигини аниқлаган бўлса, мазкур инвестиция ташкилоти у ўзи инвестиция ташкилоти ҳисобланишни аниқлашда амалга оширган аҳамиятли мулоҳазалар ва фаразлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим. Агар мазкур инвестиция ташкилоти инвестиция ташкилотига хос бўлган бир ёки ундан ортик хусусиятларга эга бўлмаса (10-сон МХХС нинг 28-бандига қаранг), у ўзи инвестиция ташкилоти ҳисобланиши тўғрисида хулоса чиқаришига асос бўлган сабабларни ёритиб бериши лозим.
- 9Б** Агар ташкилот инвестиция ташкилотига айланган ёки инвестиция ташкилоти мақомини йўқотган бўлса, у ўзининг инвестиция ташкилоти сифатидаги мақоми ўзгаргани тўғрисидаги маълумотларни бундай ўзгариш сабабларини кўрсатган ҳолда ёритиб бериши лозим. Бундан ташқари, инвестиция ташкилоти бўлган ташкилот ўз мақоми ўзгаришининг тақдим этилган давр учун молиявий ҳисоботга таъсири тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) мақом ўзгарган санада консолидацияланиши тўхатиладиган шўъба ташкилотлар ҳаққоний қийматининг умумий суммасини;
 - (б) агар мавжуд бўлса, 10-сон МХХС нинг Б101-бандига мувофиқ ҳисобланган умумий фойда ёки зарар; ва
 - (в) ушбу фойда ёки зарар тан олинган (агар у алоҳида тақдим этилмаса) фойда ёки зарар таркибидаги ҳисобот моддаси (моддалари).

Шўъба ташкилотларда иштирок этиш

- 10** Ташкилот ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботи фойдаланувчиларига қуйидаги имкониятларни берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) тушуниш учун:
 - (i) гуруҳ тузилмаси; ва
 - (ii) гуруҳ фаолияти ва пул оқимларида назорат кучига эга бўлмаган улушларнинг улуши (12-банд); ва
 - (б) баҳолаш учун:
 - (i) унинг гуруҳ активларидан фойдаланиш ва гуруҳ мажбуриятларини сўндириш имкониятига нисбатан аҳамиятли чекловларнинг характери ва даражаси (13-банд);
 - (ii) унинг консолидациялашган тузилмавий ташкилотлардаги улушлари билан боғлиқ рискларнинг характери ва улардаги ўзгариш (14–17-бандлар);
 - (iii) унинг шўъба ташкилотда эгалик улушидаги назоратни йўқотишга олиб келмайдиган ўзгаришининг оқибатлари (18-банд); ва
 - (iv) ҳисобот даври мобайнида шўъба ташкилот устидан назоратни йўқотишнинг оқибатлари (19-банд).
- 11** Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиладиган шўъба ташкилотнинг молиявий ҳисоботи консолидациялашган молиявий ҳисобот санаси ёки даврдан фарқ қиладиган сана ёки даврга тузилган бўлса (10-сон МХХС нинг Б92 ва Б93-бандларига қаранг), ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) мазкур шўъба ташкилот молиявий ҳисоботининг ҳисобот даври яқунланадиган санаси; ва

- (б) бошқа сана ёки даврдан фойдаланиш сабаби.

Гуруҳнинг назорат кучига эга бўлмаган улушлари фаолияти ва пул оқимларидаги улуши

- 12 Ташкилот ҳисобот берувчи ташкилот учун муҳим бўлган назорат кучига эга бўлмаган улушлари мавжуд бўлган шўъба ташкилотларнинг ҳар бири бўйича қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) шўъба ташкилотнинг номи.
 - (б) шўъба ташкилот ўз фаолиятини амалга оширадиган асосий жой (ва у юридик жиҳатдан рўйхатдан ўтказилган мамлакат, агар у фаолият амалга ошириладиган асосий жойдан фарқ қилса).
 - (в) назорат кучига эга бўлмаган улушларга тегишли эгалик улушларининг фоизи.
 - (г) назорат кучига эга бўлмаган улушларга тегишли эгалик улушларининг фоизидан фарқ қилса, уларга тегишли овоз бериш ҳуқуқларининг улуши.
 - (д) ҳисобот даври мобайнида шўъба ташкилотнинг назорат кучига эга бўлмаган улушларига тақсимланган фойда ёки зарар.
 - (е) ҳисобот даври охирида шўъба ташкилотнинг жамғарилган назорат кучига эга бўлмаган улушлари.
 - (ё) шўъба ташкилот тўғрисида умумлаштирилган молиявий маълумотлар (Б10-бандга қаранг).

Аҳамиятли чекловлар характери ва даражаси

- 13 Ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) унинг гуруҳ активларидан фойдаланиш ва гуруҳ мажбуриятларини бажариш имкониятларига нисбатан аҳамиятли чекловлар (масалан, қонунда белгиланган, шартномада назарда тутилган ва тартибга солувчи органлар томонидан белгиланган чекловларни), хусусан:
 - (i) пул маблағлари ёки бошқа активларни гуруҳнинг бошқа ташкилотларига (ёки гуруҳнинг бошқа ташкилотларидан) ўтказиш бўйича бош ташкилот ёки унинг шўъба ташкилотларининг имкониятини чеклайдиган чекловлар.
 - (ii) гуруҳнинг бошқа ташкилотларига (ёки гуруҳнинг бошқа ташкилотларидан) тўланадиган дивидендлар ва бошқа капитални тақсимлашларини ёки кредитлар ва бўнақларни беришни ёки қайтаришни чеклаши мумкин бўлган кафолатлар ёки бошқа талаблар.
 - (б) назорат кучига эга бўлмаган улушларнинг ҳимоя қилиш ҳуқуқлари ташкилотнинг гуруҳ активларидан фойдаланиш ва гуруҳ мажбуриятларини бажариш имкониятларини аҳамиятли даражада чеклаши мумкин бўлган чекловлар характери ва даражасини (масалан, бош ташкилот ўз мажбуриятларини ҳисоб-китоб қилишдан олдин шўъба ташкилотнинг мажбуриятларини ҳисоб-китоб қилишни амалга ошириши шарт бўлган ҳолда ёки шўъба ташкилот активларидан фойдаланиш ёхуд унинг мажбуриятларини ҳисоб-китоб қилиш учун назорат кучига эга бўлмаган улушлар рухсати талаб этилганда).
 - (в) мазкур чекловлар қўлланадиган активлар ва мажбуриятларнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботдаги баланс қийматлари.

Ташкилотнинг консолидациялашадиган тузилмавий ташкилотлардаги улушлари билан боғлиқ рискларнинг характери

- 14 Ташкилот бош ташкилот ёки унинг шўъба ташкилотлари консолидациялашадиган тузилмавий ташкилотга молиявий ёрдам кўрсатишини талаб қилиши мумкин бўлган ҳар қандай шартномавий келишувларнинг шартлари, шу жумладан ҳисобот берувчи ташкилотга зарар етказиши мумкин бўлган ҳодисалар ёки вазиятлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим (масалан, тузилмавий ташкилотнинг активларини харид қилиш ёки унга молиявий ёрдам кўрсатиш мажбуриятлари билан боғлиқ ликвидлик келишувлари ёки кредит рейтинги шартлари).

- 15 Агар ҳисобот даври мобайнида бош ташкилот ёки унинг шўъба ташкилотларидан исталган бири шартномавий мажбуриятга эга бўлмай туриб, консолидациялашадиган тузилмавий ташкилотга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатган (масалан, тузилмавий ташкилотнинг активларини ёки у чиқарган молиявий инструментларни харид қилиш орқали) бўлса, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) тузилмавий ташкилотга молиявий ёрдамни олишга бош ташкилот ёки унинг шўъба ташкилотлар ёрдамлашган вазиятларни ўз ичига олган ҳолда кўрсатилган ёрдам тури ва суммаси; ва
 - (б) бундай ёрдам кўрсатилиши сабаблари.
- 16 Агар ҳисобот даври мобайнида бош ташкилот ёки унинг шўъба ташкилотлардан исталган бири шартномавий мажбуриятга эга бўлмай туриб, олдин консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатган ва бундай ёрдам ташкилот тузилмавий ташкилот устидан назоратни қўлга киритишига олиб келган бўлса, ташкилот бундай қарорни қабул қилишга доир омиллар ҳусусида тушунтиришлар бериши лозим.
- 17 Ташкилот консолидациялашадиган тузилмавий ташкилотга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳар қандай жорий ниятларини, шу жумладан тузилмавий ташкилотга молиявий ёрдам олишда кўмаклашиш ниятларини ёритиб бериши лозим.

Бош ташкилотнинг шўъба ташкилотдаги улушида назоратни йўқотишга олиб келмайдиган ўзгаришларнинг оқибатлари

- 18 Ташкилот унинг шўъба ташкилотдаги улушида назоратни йўқотишга олиб келмайдиган ҳар қандай ўзгаришларнинг бош ташкилот эгаларига тегишли бўлган хусусий капиталга таъсирини кўрсатадиган жадвални тақдим қилиши лозим.

Ҳисобот даври мобайнида шўъба ташкилот устидан назоратни йўқотиш оқибатлари

- 19 Ташкилот 10-сон МҲХС 25-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган фойда ёки зарар (агар у мавжуд бўлса) ва қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) назоратни йўқотиш санасида собиқ шўъба ташкилотда сақланиб қолган ҳар қандай инвестицияни ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашга тегишли фойда ёки зарарнинг қисми; ва
 - (б) мазкур фойда ёки зарар тан олинган фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот моддаси (агар у алоҳида тақдим этилмаса).

Консолидациялашмайдиган шўъба ташкилотлар (инвестиция ташкилотлари)даги улушлар

- 19А 10-сон МҲХСга мувофиқ консолидация бўйича итиснони қўллаши ва буни ўрнига шўъба ташкилотдаги ўзининг инвестициясини фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда ҳисобга олиши талаб қилинадиган инвестиция ташкилоти ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 19Б Инвестиция ташкилоти ҳар бир консолидациялашмайдиган шўъба ташкилоти бўйича қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) шўъба ташкилотнинг номи;
 - (б) шўъба ташкилот ўз фаолиятини амалга оширадиган асосий жой (ва у юридик жиҳатдан рўйхатдан ўтказилган мамлакат, агар у фаолият амалга ошириладиган асосий жойдан фарқ қилса).
 - (в) инвестиция ташкилотига тегишли эгалик улушининг улуши ва агар фарқли бўлса, унга тегишли овоз бериш ҳуқуқлари улуши.
- 19В Агар инвестиция ташкилоти бошқа инвестиция ташкилотининг бош ташкилоти ҳисобланса, бош ташкилот ҳам шўъба инвестиция ташкилоти назорат қиладиган инвестициялар бўйича 19Б (а)–(в)-бандларга мувофиқ маълумотларни ёритиб бериши лозим. Мазкур ёритиб бериладиган маълумотлар бош ташкилотнинг молиявий ҳисоботида шўъба ташкилот(лари)нинг юқорида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган молиявий ҳисоботини киритиш орқали таъминланиши мумкин.
- 19Г Инвестиция ташкилоти қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:

- (а) консолидациялашмайдиган шўъба ташкилотининг инвестиция ташкилотига пул кўринишида дивидендларни тўлаш ёки унга инвестиция ташкилоти берган қарзлар ёки бўнақларни қайтариш имконияти бўйича аҳамиятли чекловларнинг (масалан, қарз малағларини бериш тўғрисидаги битимлар, тартибга солиш органларининг талаблари ёки шартнома бўйича келишувлар натижасида юзага келган) характери ва кўлами; ва
- (б) консолидациялашмайдиган шўъба ташкилотга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича мавжуд ҳар қандай мажбуриятлар ёки ниятлар, шу жумладан шўъба ташкилотга молиявий ёрдам олишда кўмаклашиш бўйича мажбуриятлар ёки ниятлар.
- 19Д Агар ҳисобот даври мобайнида инвестиция ташкилоти ёки унинг шўъба ташкилотлардан бири консолидациялашмайдиган шўъба ташкилотга, тегишли шартномавий мажбуриятга эга бўлмасдан туриб, молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатган бўлса (масалан, шўъба ташкилот активларини ёки у чиқарган инструментларни харид қилиш ёки шўъба ташкилотга молиявий ёрдам олишда кўмаклашиш), у қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) консолидациялашмайдиган шўъба ташкилотларнинг ҳар бирига кўрсатилган ёрдам тури ва суммаси; ва
- (б) бундай ёрдам кўрсатилиши сабаблари.
- 19Е Инвестиция ташкилоти ўзидан ёки унинг консолидациялашмайдиган шўъба ташкилотларидан консолидациялашмайдиган, назорат қилинадиган, тузилмавий ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатишни талаб қилиши мумкин бўлган келишувларнинг шартларини, шу жумладан ҳисобот берувчи ташкилот зарар кўришига олиб келиши мумкин бўлган ходисалар ёки вазиятларни (масалан, тузилмавий ташкилот активларини харид қилиш ёки молиявий ёрдам кўрсатиш мажбуриятлари билан боғлиқ ликвидлик келишувлари ёки кредит рейтинги шартлари) ёритиб бериши лозим.
- 19Ё Агар ҳисобот даври мобайнида инвестиция ташкилоти ёки унинг консолидациялашмайдиган шўъба ташкилотларидан бири, тегишли шартномавий мажбуриятга эга бўлмасдан туриб, инвестиция ташкилоти назорат қилмайдиган, консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатган ва бу ёрдам кўрсатиш инвестиция ташкилотига тузилмавий ташкилот устидан назоратни қўлга киритишига олиб келган бўлса, инвестиция ташкилоти бундай ёрдамни кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилишдаги тегишли омилларни тушунтирадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим.

Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар ва таъсир остидаги ташкилотлардаги улушлар

- 20 Ташкилот ўзининг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларга қуйидагиларни баҳолаш имконини берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар ва таъсир остидаги ташкилотлардаги ўз улушининг характери, даражаси ва молиявий таъсири, шу жумладан унинг биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар ва таъсир остидаги ташкилотлар устидан биргаликдаги назорат, ёки аҳамиятли таъсирга эга бошқа инвесторлар билан шартномавий муносабатларининг характери ва таъсири (21 ва 22-бандлар); ва
- (б) қўшма корхоналар ва таъсир остидаги ташкилотлардаги улушлари билан боғлиқ рискларнинг характери ва улардаги ўзгаришлар (23-банд).

Ташкилотнинг биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар ва таъсир остидаги ташкилотлардаги улушларининг характери, даражаси ва молиявий таъсирлари

- 21 Ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ҳисобот берувчи ташкилот учун муҳим бўлган ҳар бир биргаликдаги фаолият бўйича келишув ва таъсир остидаги ташкилот бўйича:
- (i) биргаликдаги фаолият бўйича келишув ва таъсир остидаги ташкилот номи.
- (ii) ташкилотнинг биргаликдаги фаолият бўйича келишув ёки таъсир остидаги ташкилот билан муносабатларининг характери (масалан, биргаликдаги фаолият бўйича келишув ёки таъсир остидаги ташкилот фаолиятининг характери ва улар ташкилот фаолияти учун стратегик аҳамиятга эга ёки эга эмаслигини тавсифлаш орқали).

- (iii) биргаликдаги фаолият бўйича келишув ёки таъсир остидаги ташкилотнинг асосий фаолияти амалга ошириладиган асосий жой (ва у юридик жихатдан рўйхатдан ўтказилган мамлакат, агар у фаолият амалга ошириладиган асосий жойдан фарк қилса).
 - (iv) ташкилотнинг эгалик ёки иштирок улушининг улуши ва агар фарқли бўлса, овоз бериш ҳуқуқларининг улуши (агар ўринли бўлса).
- (б) ҳисобот берувчи ташкилот учун муҳим бўлган ҳар бир қўшма корхона ва таъсир остидаги ташкилот бўйича:
- (i) қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотга инвестициялар улушли қатнашиш усулидан фойдаланиб ёки ҳаққоний қийматда баҳоланиши.
 - (ii) Б12 ва Б13 бандларда белгиланганидек, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилот тўғрисида умумлаштирилган молиявий маълумотлар.
 - (iii) агар қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотга инвестиция улушли қатнашиш усули ёрдамида ҳисобга олинadиган бўлса, ушбу инвестициянинг котировка қилинадиган бозор баҳоси мавжуд бўлганда, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотга инвестицияларнинг ҳаққоний қиймати.
- (в) ташкилотнинг алоҳида тарзда муҳим ҳисобланмайдиган қўшма корхона ва таъсир остидаги ташкилотларга инвестициялари тўғрисидаги Б16-бандда белгилангани каби молиявий маълумотлар:
- (i) алоҳида тарзда муҳим бўлмаган барча қўшма корхоналар бўйича жамланган ҳолда ва алоҳида,
 - (ii) алоҳида тарзда муҳим бўлмаган барча таъсир остидаги ташкилотлар бўйича жамланган ҳолда.
- 21А Инвестиция ташкилоти 21(б)–21(в) бандлари бўйича талаб этиладиган маълумотларни ёритиб бериши шарт эмас.
- 22 Ташкилот куйидагиларни ҳам ёритиб бериши лозим:
- (а) қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотларнинг ташкилотга пул маблағи кўринишида дивидендлар тўлаш ёки ташкилот томонидан берилган қарзлар ёки бўнақларни қайтариш имкониятига ҳар қандай аҳамиятли (масалан, қарз келишувлари, тартибга солувчи талаблар ёки амалга оширадиган қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилот устидан биргаликда назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга инвесторлар ўртасидаги шартномавий келишувлар натижасида юзага келадиган) чекловларнинг характери ва даражаси.
 - (б) агар улушли қатнашиш усулида ҳисобга олинadиган қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг молиявий ҳисоботи ташкилотнинг ҳисобот санаси ёки даврдан фарк қиладиган санада ёки давр учун тузиладиган бўлса:
 - (i) мазкур қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилот молиявий ҳисоботининг ҳисобот даври яқунланадиган сана; ва
 - (ii) бошқа сана ёки даврдан фойдаланиш сабаблари.
 - (в) ташкилот улушли қатнашиш усулида ҳисобга олинган қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг зарарларида ўз улушини тан олишни тўхтатган бўлса, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг ҳисобот давридаги, ҳам даврлар бўйича жамғарилган зарарларидаги тан олинмаган улуш.

Ташкилотнинг қўшма корхоналар ва таъсир остидаги ташкилотлардаги улуши билан боғлиқ рисклар

- 23 Ташкилот куйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) Б18-Б20-бандларда белгиланган бошқа мажбуриятлар суммасидан алоҳида унинг қўшма корхоналарига тегишли мажбуриятлари.
 - (б) 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”га мувофиқ, агар зарар кўриш эҳтимоли кам бўлса, у ўзининг қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотлардаги улушларига тегишли шартли мажбуриятларни (шу жумладан унинг қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилот устидан биргаликда назорат ёки аҳамиятли таъсирга эга бошқа инвесторлар билан бирга олинган шартли мажбуриятлардаги улушини) бошқа шартли мажбуриятлар суммасидан алоҳида.

Консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлардаги улушлар

- 24 Ташкилот молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларга қуйидаги имкониятларни берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) унинг консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотларидаги улуши характери ва даражасини тушуниш учун (26–28-бандлар); ва
 - (б) унинг консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотларидаги улуши билан боғлиқ рисклар характери ва ўзгаришини баҳолаш учун (29–31-бандлар).
- 25 24 (б) бандга мувофиқ талаб этиладиган маълумотлар, ташкилот ҳисобот санасида тузилмавий ташкилот билан шартномавий муносабатларга ортиқ эга бўлмаса ҳам, ташкилотнинг олдинги даврларда унинг консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотдаги улуши (масалан, тузилмавий ташкилотга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш) муносабати билан юзага келадиган рискка таъсирчанлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.
- 25А Инвестиция ташкилоти назорат қиладиган ва 19А–19Ё бандларда талаб этилган маълумотларни ёритиб берадиган консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилот бўйича 24-бандда талаб этиладиган маълумотларни ёритиб бериши шарт эмас.

Улушларнинг характери

- 26 Ташкилот консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлардаги ўзининг улушлари тўғрисида сифат ва миқдорий маълумотларни, шу жумладан тузилмавий ташкилотнинг характери, мақсади, фоизи ва фаолиятлари ҳамда тузилмавий ташкилотни молиялаштириш усуллари ёритиб бериши лозим.
- 27 Агар ташкилот у 29-бандга мувофиқ талаб этиладиган маълумотларни тақдим этмайдиган (масалан, у ҳисобот санасида мазкур ташкилотда иштирокчи сифатида улушга эга бўлмагани туфайли) консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотга ҳомийлик ёрдами кўрсатган бўлса, ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) у қайси тузилмавий ташкилотларга ҳомийлик ёрдами кўрсатганини қандай аниқлагани;
 - (б) ҳисобот даврида мазкур тузилмавий ташкилотлардан олинган даромадни, шу жумладан ҳисоботда акс эттирилган даромад турлари тавсифини; ва
 - (в) ҳисобот даври мобайнида мазкур тузилмавий ташкилотларга ўтказилган барча активларнинг (ўтказиш санасидаги) баланс қийматини.
- 28 Ташкилот 27 (б) ва (в) бандларга мувофиқ маълумотларни, агар бошқа формат ўринлироқ бўлмаса, жадвал кўринишида ёритиб бериши ва ўз ҳомийлик фаолиятини тегишли тоифалар бўйича таснифлаши лозим (Б2-Б6-бандларга қаранг).

Рискларнинг характери

- 29 Ташкилот қуйидаги маълумотлар жамланмасини, агар бошқа формат ўринлироқ бўлмаса, жадвал кўринишида ёритиб бериши лозим:
- (а) унинг молиявий ҳисоботида консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотларда унинг улушларига тегишли тан олинган активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматлари.
 - (б) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда мазкур активлар ва мажбуриятлар тан олинган ҳисобот моддалари.
 - (в) ташкилотнинг консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлардаги иштироки улушлари бўйича юзага келадиган зарар кўриш рискига унинг таъсирчанлиги даражасининг юқори чегарасини энг аниқ акс эттирадиган суммани, шу жумладан зарар кўриш рискига таъсирчанлик даражасининг юқори чегараси қандай аниқланганини. Агар ташкилот консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотларда ўз иштироки улушлари бўйича юзага келадиган зарар рискига таъсирчанлиги даражасининг юқори чегарасини миқдор жиҳатидан ифодалай олмаса, у бу фактни ва бунинг сабабларини ёритиб бериши лозим.
 - (г) ташкилотнинг консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотларидаги улушларига тегишли бўлган активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматлари билан ташкилотнинг мазкур ташкилотлардан зарар кўришга таъсирчанлиги даражасининг юқори чегарасини таққослаш.

- 30 Агар ташкилот ҳисобот даври мобайнида, тегишли шартномавий мажбуриятга эга бўлмасдан туриб, ўзи илгари ёки ҳозирда улушга эга бўлган консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатган бўлса (масалан, тузилмавий ташкилотнинг активларини ёки у чиқарган инструментларни харид қилиш), ташкилот қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) кўрсатилган ёрдам тури ва суммасини, шу жумладан ташкилот тузилмавий ташкилотга молиявий ёрдам олишга кўмаклашган вазиятлар; ва
 - (б) бундай ёрдам кўрсатилиши сабаблари.
- 31 Ташкилот консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича ҳар қандай жорий ниятларини, шу жумладан тузилмавий ташкилотга молиявий ёрдам олишга кўмаклашиш ниятларини ёритиб бериши лозим.

А Илова Атамалар таърифи

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

тузилмавий ташкilotдан олинган даромад

Мазкур стандарт мақсадлари учун тузилмавий ташкilotдан олинган даромад кўп марталик ёки бир марталик тўловлар, фойзалар, дивидендлар, тузилмавий ташкilotлардаги улушларини қайта баҳолаш ёки уларни тан олишни бекор қилишдан олинган фойда ёки зарарлар ва тузилмавий ташкilotга активлар ва мажбуриятларни беришдан олинган фойда ёки зарарларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди.

бошқа ташкilotдаги улуш

Мазкур стандарт мақсадлари учун бошқа ташкilotдаги улуш деганда ташкilotнинг шартнома асосида ёки шартномасиз бошқа ташкilot фаолиятдан олинган даромаднинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рискларга таъсир кўрсатадиган иштирок этиш назарда тутилади. Бошқа ташкilotдаги улуш ташкilot улушли ёки қарз инструментларининг эгаси ҳисобланиши билан, шунингдек молиялаштириш, ликвидликни қўллаб-қувватлаш, кредитнинг сифатини ошириш ва кафолатлар каби иштирок этишнинг бошқа шакллари билан тасдиқланиши мумкин, лекин улар билан чекланмайди. У ташкilot назорат ёки биргаликдаги назоратни амалга ошириш ёки бошқа ташкilotга аҳамиятли таъсир кўрсатиш орқали фойдаланадиган воситаларни ўз ичига олади. Ташкilot фақат “етказиб берувчи ва харидор” одатий муносабатлари туфайли, бошқа ташкilotда улушга эга бўлиши шарт эмас.

Б7-Б9-бандларда бошқа ташкilotлардаги улуш тўғрисида қўшимча маълумотлар берилган.

10-сон МХХСнинг Б55-Б57-бандларида даромаднинг ўзгарувчанлигига изоҳ берилган.

тузилмавий ташкilot

Овоз бериш ҳуқуқлари фақат маъмурий вазифаларга доир бўлгандаги ва тегишли фаолиятлар эса шартномавий келишувлар асосида амалга оширилгандаги каби овоз бериш ҳуқуқи ёки бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқлар ташкilotни ким назорат қилишини аниқлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланмайдиган ташкilot.

Б22-Б24-бандларда тузилмавий ташкilotлар тўғрисида қўшимча маълумотлар берилган.

Қуйидаги атамалар 27-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрири), 28-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрири), 10-сон МХХС ва 11-сон МХХС “Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар”да таърифланган ва улар мазкур стандартда ўша МХХСда белгиланган маъноларда фойдаланилган:

- таъсир остидаги ташкilot
- консолидациялашган молиявий ҳисобот
- ташкilot устидан назорат
- улушли қатнашиш усули
- гуруҳ
- инвестиция ташкilotи
- биргаликдаги фаолият бўйича келишув
- қўшма назорат
- биргаликдаги операция
- қўшма корхона
- назорат кучига эга бўлмаган улуш
- бош ташкilot
- ҳимоя қилиш ҳуқуқлари
- ўринли фаолият

- алоҳида молиявий ҳисобот
- алоҳида тузилма
- аҳамиятли таъсир
- шўъба ташкилоти.

Б Илова **Қўллаш бўйича кўрсатма**

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир. Ушбу илова 1-31-бандларнинг қўлланишини ифодалайди ва МХХСнинг бошқа қисмлари билан тенг кучлидир.

- Б1 Мазкур иловадаги мисоллар фаразларга асосланган ҳолатларни тасвирлайди. Мисолларнинг айрим жиҳатлари реал далиллар тарзида мавжуд бўлиши мумкин бўлсада, ушбу хусусий барча мисоллардаги ўринли далиллар ва ҳолатлар 12-сон МХХСни қўллашда баҳоланиши зарур бўлади.

Маълумотларни жамлаш (4-банд)

- Б2 Ташкилот ўз шароитини ҳисобга олиб, фойдаланувчиларнинг маълумотга бўлган эҳтиёжларини кондириш учун у қай даражада батафсил маълумотлар тақдим этиши, талабларнинг турли жиҳатларига қай даражада аҳамият бериши ва маълумотларни қандай жамланиши лозимлигини ҳал қилиши лозим. Молиявий ҳисоботни улардан фойдаланувчиларга ёрдам бермаслиги мумкин бўлган ортикча тафсилотлар билан бойитмаслик ва айни вақтда кўп сонли маълумотларни жамлашда зарур маълумотлар тушиб қолишига йўл қўймаслик лозим.
- Б3 Агар маълумотларни жамлаш маълумотни ёритиб бериш мақсади ва Б4-банд талабига мос келса ва тақдим этилаётган маълумотлар ноаниқ бўлиб қолмаса, ташкилот ўхшаш ташкилотлардаги улуши бўйича мазкур стандартга мувофиқ ёритиб берилиши талаб этиладиган маълумотларни жамлаши мумкин. Ташкилот ўзининг ўхшаш ташкилотлардаги улушларини қандай жамлаганини ёритиб бериши лозим.
- Б4 Ташкилот ўзининг қуйидаги ташкилотлардаги улуши тўғрисидаги маълумотларни алоҳида тақдим этиши лозим:
- (а) шўъба ташкилотлар;
 - (б) қўшма корхоналар;
 - (в) биргаликдаги операциялар;
 - (г) таъсир остидаги ташкилотлар; ва
 - (д) консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлар.
- Б5 Маълумотларни жамлаш ёки жамламасликни аниқлашда, ташкилот маълумотларни жамлаш мақсадида кўриб чиқадиган ҳар бир ташкилот рисқи ва даромадининг турли хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек бундай ташкилотлардан ҳар бирининг ҳисобот берувчи ташкилот учун аҳамияти тўғрисида миқдорий ва сифат маълумотларни кўриб чиқиши лозим. Ташкилот маълумотларни молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга унинг бошқа ташкилотлардаги улушларининг характери ва даражасини аниқ тушунтирадиган тартибда ёритиб бериши лозим.
- Б6 Қуйида 4-бандда тавсифланган ташкилотлар тоифалари доирасида маълумотларни жамлашнинг ўринли даражаларига мисоллар келтирилган:
- (а) фаолият характери (масалан, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланадиган ташкилот, янгиланадиган кредит карталари хавфсизлигини таъминловчи ташкилот).
 - (б) тармоқ таснифи.
 - (в) географик (масалан, мамлакат ёки минтақа).

Бошқа ташкилотлардаги улуш

- Б7 Бошқа ташкилотдаги улуш деганда ҳисобот берувчи ташкилотни бошқа ташкилотнинг фаолиятидан олиннадиган даромадининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ рисklarга таъсирчан шартнома асосида ёки шартномасиз иштирок этиши тушунилади. Бошқа ташкилотнинг мақсади ва тузилмасини ҳисобга олиш ҳисобот берувчи ташкилотга у мазкур ташкилотда улушга эга ёки эга эмаслигини ва шунга кўра, у мазкур стандартга мувофиқ маълумотларни ёритиб бериши талаб этилиши ёки талаб этилмаслигини баҳолашда ёрдам бериши мумкин. Мазкур баҳолаш бошқа ташкилот яратган рисklarни ва ҳисобот берувчи ташкилотга ва бошқа томонларга ўтказилган рисklarни кўриб чиқишни ўз ичига олиши лозим.

- Б8 Одатда ҳисобот берувчи ташкилот инструментларга эгалик қилиш (масалан, бошқа ташкилот томонидан чиқарилган улушли ёки қарз инструментлари) ёки даромаднинг ўзгарувчанлигини ўзига жалб қилувчи бошқа турдаги иштирок этиш орқали бошқа ташкилот фаолиятдан олинadиган даромаднинг ўзгарувчанлигига таъсирчан бўлади. Масалан, тузилмавий ташкилот кредит портфелига эгалик қиладиган ҳолатни фараз қилайлик. Тузилмавий ташкилот кредитлар бўйича фоизлар ва қарзнинг асосий суммасини тўлашда ўзини дефолтдан ҳимоя қилиш мақсадида бошқа ташкилот (ҳисобот берувчи ташкилот)дан кредит дефолти свопини олади. Ҳисобот берувчи ташкилот ўзини тузилмавий ташкилот фаолиятдан олинadиган даромаднинг ўзгарувчанлигига таъсирчан иштирок этиш улушига эга бўлади, чунки кредит дефолти свопи тузилмавий ташкилот даромадларининг ўзгарувчанлигига таъсирини камайтиради.
- Б9 Баъзи инструментлар рискни ҳисобот берувчи ташкилотдан бошқа ташкилотга ўтказиш учун мўлжалланган бўлади. Бундай инструментлар бошқа ташкилотнинг даромадларига ўзгарувчан тус беради, бироқ, одатда, ҳисобот берувчи ташкилотни бошқа ташкилот фаолиятдан олинadиган даромадларининг ўзгарувчанлигига таъсирчан қилмайди. Масалан, тузилмавий ташкилот Z ташкилотнинг кредит рискни қабул қилиш ниятида бўлган инвесторлар учун инвестиция имкониятларини таъминлаш мақсадида ташкилот этилган, деб фараз қилайлик (Z ташкилот келишувда иштирок этувчи ҳеч бир томон билан боғлиқ эмас). Тузилмавий ташкилот мазкур инвесторларга Z ташкилотнинг кредит rischi билан боғлиқ векселлар(кредитга алоқадор векселлар) чиқариш йўли билан молиялаштиришга эга бўлади ва пул маблағлари тушишидан рисксиз молиявий активлар портфелига инвестиция киритиш учун фойдаланади. Тузилмавий ташкилот своп бўйича контрагент билан кредит дефолти свопи (КДС)ни тузиш орқали Z ташкилотнинг кредит рискни қабул қиладди. КДСга мувофиқ Z ташкилотнинг кредит rischi своп бўйича контрагент томонидан тўланадиган мукофот эвазига тузилмавий ташкилотга ўтади. Тузилмавий ташкилот инвесторлари тузилмавий ташкилотнинг активлар портфелидан олинadиган даромадни ва КДС бўйича мукофотни ўзида акс эттирадиган юқорироқ даромад олади. Своп бўйича контрагент ўзини тузилмавий ташкилот фаолиятдан олинadиган даромаднинг ўзгарувчанлигига таъсирчан қиладиган тузилмавий ташкилотдаги улушга эга бўлмайди, чунки КДС тузилмавий ташкилот даромадларининг ўзгарувчанлигини қабул қилиш ўрнига ўзгарувчанликни тузилмавий ташкилотга ўтказилади.

Шўъба, қўшма ва таъсир остидаги ташкилотлар бўйича умумлаштирилган молиявий маълумот (12 ва 21-бандлар)

- Б10 Ҳисобот берувчи ташкилот учун назорат кучига эга бўлмаган, муҳим улушлар мавжуд бўлган ҳар бир шўъба ташкилотга нисбатан қуйидаги маълумотлар ёритиб берилиши лозим:
- (а) назорат қилинмайдиган улушларга тўланадиган дивидендлар.
 - (б) шўъба ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, фойда ёки зарарлари ва пул оқимлари тўғрисида фойдаланувчиларга гуруҳ фаолияти ва пул маблағлари оқимларида назорат кучига эга бўлмаган улушларнинг иштирок этиш улуши тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган умумлаштирилган молиявий маълумот. Бундай маълумот шу жумладан, қисқа муддатли активлар, узоқ муддатли активлар, қисқа муддатли мажбуриятлар, узоқ муддатли мажбуриятлар, даромад, фойда ёки зарар ва жами умумлашган даромадни ўз ичига олади.
- Б11 Б10(б) бандига мувофиқ талаб этиладиган умумлаштирилган молиявий маълумот гуруҳ компаниялари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар чиқариб ташлангунга қадар бўлган суммаларни ўзида ифодалаш лозим.
- Б12 Ҳисобот берувчи ташкилот учун муҳим бўлган ҳар бир қўшма корхона ва таъсир остидаги ташкилот бўйича қуйидаги маълумотлар ёритиб берилиши лозим:
- (а) қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотдан олинган дивидендлар.
 - (б) қуйидагиларни ўз ичига оладиган, лекин улар билан чекланиши шарт бўлмаган, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотга доир умумлаштирилган молиявий маълумот(Б14 ва Б15-бандларга қаранг):
 - (i) жорий активлар.
 - (ii) узоқ муддатли активлар.
 - (iii) жорий мажбуриятлар.
 - (iv) узоқ муддатли мажбуриятлар.
 - (v) даромад.

- (vi) давом этаётган фаолиятдан олинган фойда ёки зарар.
 - (vii) тугатилган фаолиятнинг солиқ солингандан кейинги фойда ёки зарари; ва
 - (viii) бошқа умумлашган даромад.
 - (ix) жами умумлашган даромад.
- Б13 Б12-бандга мувофиқ талаб этиладиган умумлаштирилган молиявий маълумотга қўшимча равишда, ташкилот ҳисобот берувчи ташкилот учун муҳим бўлган ҳар бир қўшма корхона бўйича қуйидаги суммаларни ёритиб бериши лозим:
- (a) Б12 (б)(i) бандга киритилган пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентлари.
 - (б) Б12 (б)(iii) бандга киритилган жорий молиявий мажбуриятлар (савдо ва бошқа кредиторлик қарзлари ва баҳоланган мажбуриятлар бундан мустасно).
 - (в) Б12 (б)(iv) бандига киритилган узоқ муддатли молиявий мажбуриятлар (савдо ва бошқа кредиторлик қарзлари ва баҳоланган мажбуриятлар бундан мустасно).
 - (г) эскириш ва амортизация.
 - (д) фоиз даромадлари.
 - (е) фоиз харажатлари.
 - (ё) фойда солиғи харажати ёки даромади.
- Б14 Б12 ва Б13-бандларига мувофиқ тақдим этилган умумлаштирилган молиявий маълумотда қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг МХХСга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботида киритилган суммалар бўлиши лозим (ташкилотнинг мазкур суммалардаги улуши эмас). Агар ташкилот ўзининг қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотдаги улушини улушли қатнашиш усулидан фойдаланиб ҳисобга олса:
- (a) қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг МХХСга асосан тузилган молиявий ҳисоботида ташкилот харид қилиш пайтдаги ҳаққоний қиймат тузатишлари ва ҳисоб сисъатидаги фарқлар бўйича тузатишлар каби улушли қатнашиш усули ёрдамида киритилган тузатишларни акс эттириш учун ушбу суммаларга тузатишлар киритиши лозим.
 - (б) ташкилот тақдим этилган умумлаштирилган молиявий маълумотни ўзининг қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотдаги улушининг баланс қиймати билан солиштирмасини таъминлаши лозим.
- Б15 Ташкилот Б12 ва Б13-бандларида талаб этилган умумлаштирилган молиявий маълумотни қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотнинг молиявий ҳисоботи асосида тақдим этиши мумкин, агар:
- (a) ташкилот ўзининг қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотдаги улушини 28-сон МХХС (2011 йилдаги таҳрири)га мувофиқ ҳаққоний қиймат бўйича баҳоласа; ва
 - (б) қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилот молиявий ҳисоботини МХХСга мувофиқ тайёрламаса ва мазкур асосда тайёрлаш амалда имконсиз бўлса ёки асоссиз сарфларга олиб келса.
- Бу вазиятда ташкилот умумлаштирилган молиявий маълумотни тайёрлаш асосини ёритиб бериши лозим.
- Б16 Ташкилот алоҳида тарзда муҳим бўлмаган, ҳисоб юритишда улушли қатнашиш усули ёрдамида акс эттириладиган барча қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотларда улушларининг жамланган баланс қийматини ёритиб бериши лозим. Ташкилот ўзининг қуйидагилардаги улуши жамланган суммасини ҳам алоҳида ёритиб бериши лозим:
- (a) давом этаётган фаолиятдан олинган фойда ёки зарар.
 - (б) тугатилган фаолиятдан солиқ солишдан кейинги фойда ёки зарар.
 - (в) бошқа умумлашган даромад.
 - (г) жами умумлашган даромад.
- Ташкилот қўшма корхоналар ва таъсир остидаги ташкилотлар бўйича маълумотларни алоҳида ёритиб беради.
- Б17 Агар ташкилотнинг шўъба ташкилоти, қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотдаги улуши (ёки унинг қўшма корхона ёки таъсир остидаги ташкилотдаги улушининг бир қисми) 5-сон МХХСга мувофиқ (ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган) сотиш учун мўлжалланган деб тавсифланган бўлса, ташкилот Б10-Б16-бандларига мувофиқ мазкур ташкилот, қўшма корхона ёки

таъсир остидаги ташкилот бўйича умумлаштирилган молиявий маълумотни ёритиб бериши талаб этилмайди.

Қўшма корхоналар бўйича шартномавий мажбуриятлар (23 (а)-банд)

- Б18 Ташкилот ўзининг қўшма корхоналардаги улушларига доир ҳисобот санасида қабул қилган, лекин тан олмаган жами шартномавий мажбуриятлари (шу жумладан у қўшма корхона устидан биргаликдаги назоратга эга бошқа инвесторлар билан бирга қабул қилган шартномавий мажбуриятлардаги ўз улушини) ёритиб бериши лозим. Шартномавий мажбуриятлар деганда келгусида пул маблағлари ёки бошқа ресурслар чиқиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган мажбуриятлар тушунилади.
- Б19 Келгусида пул маблағлари ёки бошқа ресурслар чиқиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган тан олинмаган шартномавий мажбуриятларга қуйидагилар қиради:
- (а) масалан, қуйидагилар муносабати билан юзага келадиган маблағлар ёки ресурсларни бериш бўйича тан олинмаган шартномавий мажбуриятлар:
 - (i) қўшма корхонани ташкил этиш ёки харид қилиш келишувлари (масалан, ташкилотдан белгиланган давр мобайнида маблағлар киритишни талаб қиладиган).
 - (ii) қўшма корхона амалга ошираётган капитал талаб лойиҳалари.
 - (iii) харид қилиш бўйича шартсиз мажбуриятлар, шу жумладан ташкилотнинг қўшма корхонадан ёки унинг номидан харид қилишга келишилган ускуналар, захиралар ёки хизматлар.
 - (iv) қўшма корхонага кредитлар бериш ёки бошқа молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича тан олинмаган шартномавий мажбуриятлар.
 - (v) қўшма корхонага активлар ёки хизматлар каби ресурслар киритиш бўйича тан олинмаган шартномавий мажбуриятлар.
 - (vi) қўшма корхонага тааллуқли бўлган бошқа бекор қилинмайдиган тан олинмаган шартномавий мажбуриятлар.
 - (б) агар муайян ҳодиса келажакда юз берса ёки юз бермаса, бошқа томоннинг қўшма корхонадаги эгалик улушини (ёки бундай эгалик улушининг бир қисмини) харид қилиш бўйича тан олинмаган шартномавий мажбуриятлар.
- Б20 Б18 ва Б19-бандлардаги талаблар ва мисоллар 24-сон БХХС “*Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*”нинг 18-бандига мувофиқ ёритиб бериш талаб этиладиган маълумотларнинг айрим турларини ўзида акс эттиради.

Консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлардаги улуш (24-31-бандлар)

Тузилмавий ташкилотлар

- Б21 Тузилмавий ташкилот овоз бериш ҳуқуқлари фақат маъмурий вазифаларга доир бўлгандаги ва тегишли фаолият эса шартномавий келишувлар асосида амалга оширилгандаги каби овоз бериш ҳуқуқи ёки шунга ўхшаш ҳуқуқлар ташкилотни ким назорат қилишини аниқлашда ҳал қилувчи омил бўлмаслиги учун шакллантирилган ташкилотдир.
- Б22 Тузилмавий ташкилот кўпинча қуйидаги хусусиятлар ёки белгиларнинг барчаси ёки айримларига эга бўлади:
- (а) чекланган фаолиятлар.
 - (б) солиқ имтиёзига эга бўлган ижарага олишни амалга ошириш, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш, ташкилотни капитал билан таъминлаш ёки молиялаштириш ёки тузилмавий ташкилотнинг активлари билан боғлиқ рисклар ва муқофотларни инвесторларга ўтказиш орқали инвесторларга инвестицион имкониятлар яратиш каби махсус ва аниқ белгиланган мақсад.
 - (в) тузилмавий ташкилотга субординацияланган молиявий ёрдамсиз ўз фаолиятини молиялаштиришга нисбатан хусусий капитал етишмовчилиги.

- (г) кредит рисклари ёки бошқа рискларни (траншларни) жамлайдиган инвесторлар билан шартномалар бўйича кўп марта ўзаро боғлиқ инструментлар шаклидаги молиялаштириш.
- Б23 Тузилмавий ташкилотлар ҳисобланадиган ташкилотларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) секьюритизация тузилмалари.
- (б) активлар билан таъминланган молиялаштириш.
- (в) айрим инвестиция фондлари.
- Б24 Овоз бериш ҳуқуқлари ёрдамида назорат қилинадиган ташкилот шунчаки тузилмавий ташкилот бўлмайди, чунки у реструктуризация қилингандан сўнг учинчи томонлардан молиялаштириш учун маблағлар олади.

Консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлардаги улушлар билан боғлиқ рискларнинг характери (29-31-бандлар)

- Б25 Ташкилот 29–31-бандларда талаб этиладиган маълумотлардан ташқари, 24 (б) банддаги маълумотларни ёритиб бериш мақсадига эришиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- Б26 Вазиятга қараб, ташкилот консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотда улушга эга бўлганда дуч келиши мумкин бўлган рискларни баҳолашга боғлиқ бўлиши мумкин бўлган қўшимча маълумотларга мисоллар:
- (а) қуйидагиларни ўз ичига оладиган, келишувнинг ташкилотдан консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотга молиявий ёрдам кўрсатишини талаб қиладиган шартлари (масалан, тузилмавий ташкилотнинг активларини харид қилиш ёки унга молиявий ёрдам кўрсатиш мажбуриятлари билан боғлиқ ликвидлик келишувлари ёки кредит рейтинги шартлари):
- (i) ҳисобот берувчи ташкилотда зарар кўриш rischi пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳодисалар ёки вазиятлар тавсифи.
- (ii) мажбуриятни чеклайдиган ҳар қандай шартларнинг мавжудлиги.
- (iii) молиявий ёрдам кўрсатадиган бошқа томонлар мавжудлиги ва агар мавжуд бўлса, ҳисобот берувчи ташкилот мажбуриятининг бошқа бундай томонлар мажбуриятлари билан ўзаро нисбати қандай бўлиши.
- (б) ташкилотнинг ҳисобот даврида консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлардаги улуши бўйича кўрган зарарлари.
- (в) ташкилотнинг ҳисобот даврида консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлардаги улуши бўйича олган даромадининг турлари.
- (г) ташкилот консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилот кўрган зарарларни бошқа томонлардан олдин қоплашни талаб этилган ёки талаб этилмаганлиги, ташкилот учун бундай зарарларнинг максимал чегараси ва (агар ўринли бўлса) улушлари ташкилотнинг консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотдаги улушдан паст деб даражалаштирилган томонлар кўрган потенциал зарарларнинг таққосламаси ва суммалари.
- (д) ташкилотнинг консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотлардаги улушларининг ҳаққоний қийматига ёки рискларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган учинчи томонлар билан ҳар қандай ликвидлик келишувлари, кафолатлар ёки бошқа мажбуриятлар тўғрисида маълумотлар.
- (е) консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилот ҳисобот даври мобайнида ўз фаолиятини молиялаштиришда дуч келган ҳар қандай қийинчиликлар.
- (ё) консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотни молиялаштиришга боғлиқ молиялаштириш шакллари (масалан, тижорат ёки ўрта муддатли векселлар) ва уларнинг ўртacha тортилган даври. Агар тузилмавий ташкилот нисбатан қисқа муддатли молиялаштириш маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган узокроқ муддатли активларга эга бўлса, бундай маълумотлар консолидациялашмайдиган тузилмавий ташкилотни активлар ва молиялаштиришнинг муддатлар бўйича таҳлилини ўз ичига олиши мумкин.

В илова **Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари**

Мазкур илова МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб, МҲХСнинг бошқа қисмлари каби тенг кучлидир.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- B1** Мазкур МҲХС ташкилот томонидан 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- B1A** 2012 йил июн ойида эълон қилинган “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот, биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар ва бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш: Ўтиш бўйича кўрсатма*” (10-сон МҲХС, 11-сон МҲХС ва 12-сон МҲХСга ўзгартиришлар)га мувофиқ B2A–B2B бандлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2013 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 12-сон МҲХСни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу ўзгаришларни ушбу олдинги давр учун қўллаши лозим.
- B1Б** 2012 йил октябрь ойида эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари*” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 27-сон БҲХСга тузатишлар)га мувофиқ 2-банд ва А иловага ўзгартиришлар киритилган, шунингдек 9A–9Б, 19A–19Ё, 21A ва 25A бандлари киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2014 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Муддатидан олдин қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги даврга нисбатан қўлласа, у бу фактни ёритиб бериши ва шу даврга нисбатан “*Инвестиция ташкилотлари*”га киритилган барча ўзгартиришларни ҳам қўллаши лозим.
- B1Г** 2014 йил декабрь ойида эълон қилинган “*Инвестиция ташкилотлари: консолидациялаш бўйича истиснони қўллаш*” (10-сон МҲХС, 12-сон МҲХС ва 28-сон БҲХСларга ўзгартиришлар) бўйича 6-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- B1Г** 2016 йил декабрь ойида эълон қилинган “*2014-2016 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар*”га мувофиқ 5A банд киритилган ва B17 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгаришларни 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ 2017 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун ретроспектив тарзда қўллаши лозим.
- B2** Ташкилотга мазкур стандарт талаб этадиган маълумотларни 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлардан олдинроқ тақдим этиши тавсия қилинади. Мазкур стандартда ёритиб берилиши талаб этиладиган баъзи маълумотлар ташкилотга мазкур стандартнинг барча талабларига муддатидан олдин риоя қилиш ёки 10-сон МҲХС, 11-сон МҲХС, 27-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрири) ва 28-сон БҲХС (2011 йилдаги таҳрири)ни муддатидан олдин қўллаш мажбуриятини юкламайди.
- B2A** Мазкур стандартнинг маълумотларни ёритиб бериш бўйича талаблари 12-сон МҲХС қўлланадиган биринчи йиллик даврдан олдинги йиллик даврларга нисбатан қўлланиши шарт эмас.
- B2Б** 24-31-бандлардаги маълумотларни ёритиб бериш талаблари ва мазкур стандартнинг B21–B26-бандларидаги тегишли кўрсатмалар 12-сон МҲХС қўлланадиган биринчи йиллик даврдан олдин бошланадиган даврларга нисбатан қўлланиши шарт эмас.

9-сон МҲХСга ҳаволалар

- B3** Агар ташкилот мазкур стандартни қўллаган, лекин ҳали 9-сон МҲХСни қўлламаган бўлса, 9-сон МҲХСга ҳар қандай ҳавола 39-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*”га ҳавола тарзида ўқилиши лозим. *Тан олиш ва баҳолаш*.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
39-ИЛОВА

13-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти Ҳаққоний қийматни баҳолаш

Мақсад

- 1 Мазкур МХХС:
 - (а) *ҳаққоний қийматни* таърифлайди;
 - (б) ягона МХХСда *ҳаққоний қийматни баҳолаш тизимини* белгилайди; ва
 - (в) *ҳаққоний қийматни баҳолаш тўғрисида маълумотларни ёритиб беришни талаб* этади.
- 2 Ҳаққоний қиймат ташкилотга хос баҳолаш эмас, балки бозорга асосланган баҳолаш ҳисобланади. Баъзи активлар ва мажбуриятлар учун, кузатиладиган бозор операциялари ва бозор маълумотлари мавжуд бўлиши мумкин. Бошқа активлар ва мажбуриятлар учун кузатиладиган бозор операциялари ва бозор маълумотлари мавжуд бўлмаслиги мумкин. Лекин, ҳаққоний қийматни баҳолашнинг мақсади ҳар иккала ҳолатда ҳам бир хил бўлади – жорий бозор шартлари асосида баҳолаш санасида *бозор иштирокчилари* ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш бўйича *одатдаги операцияда* нархни баҳолаш ҳисобланади (яъни актив ёки мажбуриятга эга бўлган бозор иштирокчиси нуқтаи назаридан баҳолаш санасидаги *чиқиш нархидир*).
- 3 Бир хил актив ёки мажбурият бўйича нарх кузатиладиган бўлмаса, ташкилот ҳаққоний қийматни ўринли бўлган кузатиладиган манба маълумотларидан фойдаланишни максималлаштирадиган ва кузатилмайдиган манба маълумотларидан фойдаланишни минималлаштирадиган бошқа баҳолаш усули орқали баҳолайди. Ҳаққоний қиймат бозорга асосланган баҳолаш бўлганлиги сабабли, у бозор иштирокчилари активни ёки мажбуриятни нархлаш пайтида фойдаланиши мумкин бўлган фаразлардан, жумладан риск тўғрисидаги фаразлардан фойдаланиб баҳоланади. Натижада, ташкилотнинг активни сақлаш ёки мажбуриятни ҳисоб-китоб қилиш ёки бошқа усулда бажаришни назарда тутиши ҳаққоний қийматни баҳолашда ўринли бўлмайди.
- 4 Ҳаққоний қийматнинг таърифида активлар ва мажбуриятларга эътибор қаратилади, чунки улар бухгалтерия ҳисобида баҳолашнинг асосий предмети ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур МХХС ташкилотнинг ҳаққоний қийматда баҳоланадиган улушли инструментларига нисбатан қўлланиши лозим.

Қўллаш доираси

- 5 Мазкур МХХС 6 ва 7-бандларда белгиланганларни истисно қилган ҳолда, бошқа МХХС ҳаққоний қийматда баҳолашни ва ҳаққоний қийматда баҳолаш тўғрисидаги ёритиб бериладиган маълумотларни (ҳамда сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат каби ҳаққоний қийматга асосланган баҳолашни ёки бундай баҳолаш тўғрисидаги ёритиб бериладиган маълумотларни) талаб этганда ёки уларга рухсат берганда қўлланади.
- 6 Мазкур МХХСнинг баҳолаш ва маълумотларни ёритиб бериш талаблари қуйидагиларга нисбатан қўлланмайди:
 - (а) 2-сон МХХС “*Акцияга асосланган тўлов*”нинг қўллаш доирасидаги акцияга асосланган тўлов операциялари;
 - (б) 16-сон МХХС “*Ижара*”га мувофиқ ҳисобга олинадиган ижара операциялари; ва
 - (в) 2-сон БҲХС “*Захиралар*”даги соф сотиш қиймати ёки 36-сон БҲХС “*Активларнинг қадрсизланиши*”даги фойдаланиш қиймати каби ҳаққоний қийматга нисбатан баъзи ўхшашликларга эга, лекин ҳаққоний қиймат ҳисобланмайдиган баҳолашлар.
- 7 Мазкур МХХСнинг маълумотларни ёритиб бериш талаблари қуйидагиларга нисбатан талаб қилинмайди:

- (а) 19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*”га мувофик ҳаққоний қийматда баҳоланадиган дастур активлари;
 - (б) 26-сон БҲХС “*Пенсия дастурлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи*”га мувофик ҳаққоний қийматда баҳоланадиган пенсия дастурларига инвестициялар; ва
 - (в) 36-сон БҲХСга мувофик қопланадиган қиймати ҳисобдан чиқариш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймат бўлган активлар.
- 8 Агар бошқа МҲХСларда ҳаққоний қийматни баҳолаш талаб этилса ёки рухсат этилса, мазкур МҲХСда тавсифланган ҳаққоний қийматни баҳолаш тизими дастлабки баҳолашга ҳам, кейинги баҳолашга ҳам нисбатан қўлланади.

Баҳолаш

Ҳаққоний қийматнинг таърифи

- 9 Мазкур МҲХС ҳаққоний қийматни баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарх сифатида таърифлайди.
- 10 Б2-банд умумий ҳаққоний қийматни баҳолаш ёндашувини тавсифлайди.

Актив ёки мажбурият

- 11 Ҳаққоний қийматни баҳолаш муайян актив ёки мажбурият учун назарда тутилади. Шунинг учун, агар бозор иштирокчилари баҳолаш санасида актив ёки мажбуриятни нархлашда уларнинг хусусиятларини инобатга олиши мумкин бўлса, ташкилот ҳаққоний қийматни баҳолашда ушбу хусусиятларни инобатга олиши лозим. Бундай хусусиятлар, масалан, қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) активнинг ҳолати ва жойлашган жойи; ва
 - (б) агар мавжуд бўлса, активнинг сотилиши ёки фойдаланилиши бўйича чекловлар.
- 12 Муайян хусусият натижасида юзага келадиган баҳолашга таъсир ушбу хусусият бозор иштирокчилари томонидан қандай инобатга олинishi мумкинлигига қараб фарқланади.
- 13 Ҳаққоний қийматда баҳоланган актив ёки мажбурият қуйидагиларнинг исталган бири бўлиши мумкин:
- (а) алоҳида актив ёки мажбурият (масалан молиявий инструмент ёки номолиявий актив); ёки
 - (б) активлар гуруҳи, мажбуриятлар гуруҳи ёки активлар ва мажбуриятлар гуруҳи (масалан, пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик ёки бизнес).
- 14 Актив ёки мажбуриятни тан олиш ёки маълумотларни ёритиб бериш мақсадларида алоҳида актив ёки мажбурият, активлар гуруҳи, мажбуриятлар гуруҳи ёки активлар ва мажбуриятлар гуруҳи бўлиши унинг *ҳисоб бирлигига* боғлиқ бўлади. Актив ёки мажбурият учун ҳисоб бирлиги мазкур МҲХСда қайд қилинган ҳолатларни истисно қилган ҳолда, ҳаққоний қийматни баҳолашни талаб этадиган ёки унга рухсат берадиган МҲХСга мувофик аниқланиши лозим.

Операция

- 15 Ҳаққоний қийматни баҳолашда актив ёки мажбурият жорий бозор шартлари асосида баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш бўйича одатдаги операцияда айирбошланади деб фараз қилинади.
- 16 Ҳаққоний қийматни баҳолашда активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш бўйича операция қуйидаги бозорлардан бирида содир бўлади деб фараз қилинади:
- (а) ушбу актив ёки мажбурият учун асосий бозорда; ёки
 - (б) асосий бозор мавжуд бўлмаганда, ушбу актив ёки мажбурият учун энг манфаатли бозорда.
- 17 Ташкилот асосий бозорни ёки, асосий бозор мавжуд бўлмаганда, энг манфаатли бозорни аниқлашда барча эҳтимолий бозорлар бўйича тўлиқ изланишни амалга ошириши талаб этилмайди, лекин у асосланган тарзда мавжуд бўлган барча маълумотларни инобатга олиши лозим. Аксинча, далил

- мавжуд бўлмаганда, ташкилот одатда активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш бўйича операцияни амалга ошириши мумкин бўлган бозор асосий бозор ёки, асосий бозор мавжуд бўлмаганда, энг манфаатли бозор деб фараз қилинади.
- 18 Агар актив ёки мажбурият учун асосий бозор мавжуд бўлса, ҳатто бошқа бозордаги нарх баҳолаш санасида потенциал тарзда манфаатлироқ бўлса ҳам, ҳаққоний қийматни баҳолаш асосий бозордаги нархни акс эттириши лозим (ушбу нарх бевосита кузатиладиган бўлиши ёки бошқа баҳолаш усули орқали баҳоланишидан қатъий назар).
- 19 Ташкилот баҳолаш санасида асосий (ёки энг манфаатли) бозордан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши шарт. Турли фаолиятларга эга турли ташкилотлар (ва ушбу ташкилотлар ичидаги бизнеслар) турли бозорлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкинлиги сабабли, айнан бир актив ёки мажбурият бўйича асосий (ёки энг манфаатли) бозор турли ташкилотлар (ушбу ташкилотлар ичидаги бизнеслар) учун турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли, асосий (ёки энг манфаатли) бозор (ва шу сабабли, бозор иштирокчилари) ташкилот нуктаи назаридан кўриб чиқиши лозим ва шу тарзда турли фаолиятларга эга ташкилотлар ўртасидаги фарқлар юзага келади.
- 20 Ташкилот бозордан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши шарт бўлишига қарамасдан, ташкилот ушбу бозордаги нарх асосида ҳаққоний қийматни баҳолаш имконига эга бўлиши учун баҳолаш санасида муайян активни сотиш ёки муайян мажбуриятни ўтказиш имконига эга бўлиши талаб этилмайди.
- 21 Ҳатто баҳолаш санасида активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш бўйича нархлаш маълумотларини таъминлайдиган кузатиладиган бозор мавжуд бўлмаган пайтда ҳам, ҳаққоний қийматни баҳолашда ушбу актив ёки мажбуриятга эга бўлган бозор иштирокчиси нуктаи назаридан операция ушбу санада содир бўлади деб фараз қилиниши лозим. Ушбу фараз қилинган операция активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш нархини баҳолашнинг асосини белгилайди.

Бозор иштирокчилари

- 22 Ташкилот бозор иштирокчилари ўзларининг энг мақбул иқтисодий манфаатлари учун ҳаракат қилишларини фараз қилган ҳолда, бозор иштирокчилари активни ёки мажбуриятни нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фаразлардан фойдаланиб актив ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолаши лозим.
- 23 Ушбу фаразларни шакллантиришда, ташкилот муайян бозор иштирокчиларини аниқлаши талаб этилмайди. Бунинг ўрнига, ташкилот бозор иштирокчиларини умумий ҳолда фарқлайдиган хусусиятларни аниқлаши лозим, бунда барча қуйидагиларга хос омиллар инobatга олинади:
- (a) актив ёки мажбурият;
 - (b) актив ёки мажбурият учун асосий (ёки энг манфаатли) бозор; ва
 - (b) ташкилот ушбу бозорда операция амалга ошириши мумкин бўлган бозор иштирокчилари.

Нарх

- 24 Ҳаққоний қиймат бу жорий бозор шартлари асосида баҳолаш санасида асосий (ёки энг манфаатли) бозордаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир (яъни, чиқиш нархидир), бунда ушбу нарх бевосита кузатиладиган бўлиши ёки бошқа баҳолаш усули орқали баҳоланиши инobatга олинмайди.
- 25 Актив ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган асосий (ёки энг манфаатли) бозордаги нарх *операция сарфлари* суммасига тузатилмаслиги лозим. Операция сарфлари бошқа МХХСга мувофиқ ҳисобга олинishi лозим. Операция сарфлари актив ёки мажбуриятнинг хусусияти эмас; балки улар операцияга хос бўлади ва ташкилот актив ёки мажбурият бўйича операцияни қандай амалга оширишига қараб фарқланади.
- 26 Операция сарфлари *транспорт сарфларини* ўз ичига олмайди. Агар жойлашган жойи активнинг хусусияти бўлса (масалан, товар учун бўлиши мумкин бўлган ҳолат), асосий (ёки энг манфаатли) бозордаги нарх активни унинг жорий жойлашган жойидан ушбу бозоргача етказишда амалга оширилиши мумкин бўлган сарфларга, агарда мавжуд бўлса, нисбатан тузатилиши лозим.

Номолиявий активларга нисбатан қўллаш

Номолиявий активлар учун энг тўғри ва самарали фойдаланиш

- 27 **Номолиявий активнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш бозор иштирокчисининг активдан энг тўғри ва самарали фойдаланиш орқали ёки активни ундан энг тўғри ва самарали фойдаланиши мумкин бўлган бошқа бозор иштирокчисига сотиш орқали иқтисодий нафларни юзага келтириш имкониятини инобатга олади.**
- 28 Номолиявий активдан энг тўғри ва самарали фойдаланиш активдан қуйида қайд қилингани каби жисмоний мумкин бўлган, қонуний рухсат этилган ва молиявий имкони бўлган тарзда фойдаланишни инобатга олади:
- (а) жисмоний мумкин бўлган фойдаланиш бозор иштирокчилари активни нархлашда инобатга олиши мумкин бўлган активнинг жисмоний хусусиятларини инобатга олади (масалан, мулкнинг жойлашган жойи ва ўлчами).
 - (б) қонуний рухсат этилган фойдаланиш бозор иштирокчилари активни нархлашда инобатга олиши мумкин бўлган активдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай қонуний чекловларни инобатга олади (масалан, мулкка нисбатан қўлланадиган ҳудудий меъёрий тартиблар).
 - (в) молиявий имкони бўлган фойдаланиш жисмоний мумкин бўлган ва қонуний рухсат этилган активдан фойдаланиш бозор иштирокчилари бундай фойдаланишга қўйилган активга киритиладиган инвестициядан талаб этиши мумкин бўлган инвестиция даромадини ҳосил қилиш учун етарли даромадни ёки пул оқимларини (активни ушбу фойдаланишига мослаш сарфларини инобатга олган ҳолда) юзага келтириши ёки келтирмаслигини инобатга олади.
- 29 Ҳатто ташкилот фарқли тарзда фойдаланишни назарда тутса ҳам, энг тўғри ва самарали фойдаланиш бозор иштирокчилари нуқтаи назаридан аниқланади. Лекин, агар бозор ёки бошқа омиллар бозор иштирокчилари томонидан бошқача тарзда фойдаланиш активнинг қийматини максималлаштириши мумкинлигини кўрсатмаса, ташкилотнинг номолиявий активдан жорий фойдаланиши ундан энг тўғри ва самарали фойдаланиш деб фараз қилинади.
- 30 Ўзининг рақобатдош ҳолатини ҳимоя қилиш учун ёки бошқа сабабларга кўра, ташкилот харид қилинган номолиявий активдан фаол фойдаланмасликни назарда тутиши мумкин ёки у активдан унинг энг тўғри ва самарали фойдаланишига мувофиқ фойдаланмасликни назарда тутиши мумкин. Масалан, ташкилот бошқаларнинг фойдаланишини олдини олиш орқали ҳимоялаш тарзида фойдаланишни режалаштиб, харид қилинган номоддий актив билан бундай ҳолат бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан, ташкилот номолиявий активнинг ҳаққоний қийматини бозор иштирокчилари томонидан ундан энг тўғри ва самарали фойдаланишни фараз қилган ҳолда баҳолаши лозим.

Номолиявий активлар учун баҳолашнинг дастлабки шартли

- 31 Номолиявий активдан энг тўғри ва самарали фойдаланиш активнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган баҳолашнинг дастлабки шартини қуйидаги тарзда белгилайди:
- (а) номолиявий активдан энг тўғри ва самарали фойдаланиш ундан бошқа активлар билан биргаликда гуруҳ сифатида (фойдаланиш учун ўрнатилган ёки бошқа ҳолларда соzланган ҳолда) ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликда (масалан, бизнес) фойдаланиш орқали бозор иштирокчиларига максимум қийматни таъминлаши мумкин.
 - (i) Агар активдан энг тўғри ва самарали фойдаланиш активдан бошқа активлар билан ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликда фойдаланишдан иборат бўлса, активнинг ҳаққоний қиймати актив бошқа активлар ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликда фойдаланилиши мумкинлигини ва ушбу активлар ва мажбуриятлар (яъни унинг тўлдирувчи активлари ва уларга боғлиқ мажбуриятлар) бозор иштирокчилари учун мавжуд бўлиши мумкинлигини фараз қилган ҳолда активни сотиш бўйича жорий операцияда олиниши мумкин бўлган нархдир.
 - (ii) ушбу актив ва тўлдирувчи активлар билан боғлиқ мажбуриятлар айланма капитални молиялаштирадиган мажбуриятларни ўз ичига олади, лекин активлар гуруҳи ичидаги активлардан ташқари бўлган активларни молиялаштиришда фойдаланиладиган мажбуриятларни ўз ичига олмайди.
 - (iii) номолиявий активдан энг тўғри ва самарали фойдаланиш тўғрисидаги фаразлар актив фойдаланилиши мумкин бўлган активлар гуруҳидаги ёки активлар ва

мажбуриятлар гуруҳидаги барча (энг тўғри ва самарали фойдаланиш ўринли бўлган) активларга нисбатан изчил қўлланиши лозим.

- (б) номолиявий активдан энг тўғри ва самарали фойдаланиш алоҳида тарзда бозор иштирокчилари учун максимум қийматни таъминлаши мумкин. Агар активдан энг тўғри ва самарали фойдаланиш ундан алоҳида тарзда фойдаланиш ҳисобланса, активнинг ҳаққоний қиймати активдан алоҳида тарзда фойдаланиши мумкин бўлган бозор иштирокчиларига активни сотиш бўйича жорий операцияда олинishi мумкин бўлган нархдир.
- 32 Номолиявий активнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда актив бошқа МХХСда белгиланган ҳисоб бирлигига (бундай бирлик индивидуал актив бўлиши мумкин) изчил тарзда сотилади деб фараз қилинади. Ҳатто ушбу ҳаққоний қийматни баҳолашда активдан энг тўғри ва самарали фойдаланиш унинг бошқа активлар билан ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликда фойдаланилиши деб фараз қилинадиган пайтда ҳам юқоридаги ҳолат ўринли бўлади, чунки ҳаққоний қийматни баҳолашда бозор иштирокчилари аллақачон тўлдирувчи активларга ва унга боғлиқ мажбуриятларга эга деб фараз қилинади.
- 33 Б3-банд номолиявий активлар учун баҳолашнинг дастлабки тамойилини қўллашни тавсифлайди.

Мажбуриятларга ва ташкилотнинг ўз улушли инструментларига нисбатан қўллаш

Умумий тамойиллар

- 34 Ҳаққоний қийматни баҳолашда молиявий ёки номолиявий мажбурият ёки ташкилотнинг ўз улушли инструменти (масалан бизнес бирлашувида товон сифатида чиқарилган хусусий капиталдаги улушлар) бозор иштирокчисига баҳолаш санасида ўтказилади деб фараз қилинади. Мажбурият ёки ташкилотнинг ўз улушли инструментининг ўтказилишида куйидагилар фараз қилинади:
- (а) Мажбурият сўндирилмаган ҳолатда қолади ва бозор иштирокчиси бўлган қабул қилувчидан мажбуриятни бажариш талаб этилади. Мажбурият баҳолаш санасида контрагент билан ҳисоб-китоб қилинмайди ёки бошқа шаклда сўндирилмайди.
- (б) Ташкилотнинг ўз улушли инструменти чиқарилган ҳолатда қолади ва бозор иштирокчиси бўлган қабул қилувчи томон инструмент билан боғлиқ ҳуқуқларни ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Инструмент баҳолаш санасида бекор қилинмайди ёки бошқа шаклда сўндирилмайди.
- 35 Ҳатто мажбуриятнинг ёки ташкилотнинг ўз улушли инструментининг ўтказилиши бўйича нархлаш маълумотларини таъминлайдиган кузатиладиган бозор мавжуд бўлмаган пайтда ҳам (масалан шартномавий ёки бошқа конуний чекловлар бундай моддаларнинг ўтказилишини олдини олиши сабабли), агар уларга бошқа томонлар активлар сифатида эгалик қилса, бундай моддалар учун кузатиладиган бозор мавжуд бўлиши мумкин (масалан корпоратив облигация ёки ташкилотнинг акциялари бўйича “колл” опцион).
- 36 Барча ҳолатларда, ташкилот жорий бозор шартлари асосида баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган мажбурият ёки улушли инструментни ўтказиш бўйича одатдаги операциядаги нархни баҳолаш ҳисобланадиган ҳаққоний қийматни баҳолаш мақсадига эришиш учун ўринли кузатиладиган манба маълумотларидан фойдаланишни максималлаштириши ва кузатилмайдиган манба маълумотларидан фойдаланишни минималлаштириши лозим.

Бошқа томонлар актив сифатида эгалик қиладиган мажбуриятлар ва улушли инструментлар

- 37 Бир хил ёки ўхшаш мажбурият ёки ташкилотнинг ўз улушли инструментини ўтказиш учун нарх котировкаси мавжуд бўлмаса ва бир хил моддага бошқа томон актив сифатида эгалик қилса, ташкилот мажбуриятнинг ёки улушли инструментнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш санасида бир хил моддага актив сифатида эгалик қиладиган бозор иштирокчиси нуқта назаридан баҳолаши лозим.
- 38 Бундай ҳолатларда, ташкилот мажбурият ёки улушли инструментнинг ҳаққоний қийматини куйидаги тарзда баҳолаши лозим:
- (а) бошқа томон актив сифатида эгалик қиладиган бир хил модда бўйича *фаол бозордаги* нарх котировкасидан, агар ушбу нарх мавжуд бўлса, фойдаланиши.

- (б) агар ушбу нарх мавжуд бўлмаса, бошқа томон актив сифатида эгалик қиладиган бир хил модда бўйича фаол бўлмаган бозордаги нарх котировкаси каби бошқа кузатиладиган манба маълумотларидан фойдаланиши.
- (в) Агар (а) ва (б) кичик бандлардаги кузатиладиган нархлар мавжуд бўлмаса, бошқа баҳолаш усулидан фойдаланиши, масалан:
- (i) *даромад ёндашуви* (масалан, бозор иштирокчиси мажбурият ёки улушли инструментни актив сифатида эгалик қилишидан олишни назарда тутиши мумкин бўлган келгуси пул оқимларини инобатга оладиган дисконтланган киймат усули; Б10 ва Б11-бандларга қаранг).
- (ii) *бозор ёндашуви* (масалан, бошқа томонлар актив сифатида эгалик қиладиган ўхшаш мажбуриятлар ёки улушли инструментлар бўйича нархлар котировкасидан фойдаланиш; Б5- Б7-бандларга қаранг).
- 39 Ташкилот, фақат агар бошқа томон актив сифатида эгалик қиладиган мажбуриятнинг ёки ташкилотнинг ўз улушли инструментининг ҳаққоний кийматини баҳолашда қўлланмайдиган активга хос омиллар мавжуд бўлса, ушбу мажбуриятнинг ёки улушли инструментнинг нарх котировкасини тузатиши лозим. Ташкилот активнинг нархи ушбу активнинг сотилишига тўсқинлик қиладиган чекловнинг таъсирини акс эттирмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Активнинг нарх котировкаси тузатилиши зарурлигини кўрсатиши мумкин бўлган баъзи омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) Актив бўйича нарх котировкаси бошқа томон актив сифатида эгалик қиладиган ўхшаш (аммо бир хил бўлмаган) мажбурият ёки улушли инструментга тегишли ҳисобланади. Масалан, мажбурият ёки улушли инструмент актив сифатида эгалик қилинадиган ўхшаш мажбурият ёки улушли инструментнинг ҳаққоний кийматида акс эттирилган хусусиятдан фарқ қиладиган муайян хусусиятга (масалан эмитентнинг кредит сифатига) эга бўлиши мумкин.
- (б) Актив бўйича ҳисоб бирлиги мажбурият ёки улушли инструмент бўйича ҳисоб бирлиги билан бир хил бўлмайди. Масалан, мажбуриятлар учун, баъзи ҳолларда актив бўйича нарх эмитентдан қарзларни ва учинчи томон кредит сифатини ошириш механизмлари бўйича суммалардан ташкил топган тўплам бўйича бирлашган нархни акс эттиради. Агар мажбурият бўйича ҳисоб бирлиги бирлашган тўплам учун назарда тутилмаса, мақсад бирлашган тўпламнинг ҳаққоний кийматини эмас, балки эмитент мажбуриятининг ҳаққоний кийматини баҳолаш ҳисобланади. Шу сабабли, бундай ҳолатларда, ташкилот учинчи томон кредит сифатини ошириш механизмларининг таъсирини истисно қилиш учун актив бўйича кузатилган нархга тузатиш киритиши мумкин.

Бошқа томонлар актив сифатида эгалик қилмайдиган мажбуриятлар ва улушли инструментлар

- 40 **Бир хил ёки ўхшаш мажбуриятнинг ёки ташкилотнинг ўз улушли инструментини ўтказиш бўйича нарх котировкаси мавжуд бўлмаса ва бир хил моддага бошқа томон актив сифатида эгалик қилмаса, ташкилот мажбуриятнинг ёки улушли инструментнинг ҳаққоний кийматини мажбуриятга эга ёки хусусий капиталга нисбатан ҳуқуқни чиқарган бозор иштирокчиси нуктаи назардан баҳолаш усули орқали баҳолаши лозим.**
- 41 Масалан, дисконтланган киймат усулини қўллашда ташкилот қуйидагилардан бирини инобатга олиши мумкин:
- (а) бозор иштирокчиси мажбуриятни қабул қилиш учун талаб этиши мумкин бўлган компенсацияни ўз ичига олган ҳолда бозор иштирокчиси мажбуриятни бажаришда сарфлашни назарда тутиши мумкин бўлган келгуси пул маблағлари чиқимлари (Б31- Б33-бандларига қаранг).
- (б) бозор иштирокчилари бир хил шартномавий шартларга эга мажбуриятни ёки улушли инструментни чиқаришда асосий (ёки энг манфаатли) бозордаги бир хил моддани (масалан бир хил кредит хусусиятларига эга) нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фарзлардан фойдаланган ҳолда бозор иштирокчиси бир хил мажбуриятни ёки улушли инструментни олиши ёки чиқариш учун олиши мумкин бўлган сумма.

Жавобгарликни бажармаслик rischi

- 42 **Мажбуриятнинг ҳаққоний киймати жавобгарликларни бажармаслик riskининг таъсирини акс эттиради. Жавобгарликни бажармаслик rischi ташкилотнинг ўз кредит riskини (7-сон МХХС**

“Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш”да таърифлангандек) ўз ичига олади, лекин бу билан чекланмаслиги мумкин. Жавобгарликни бажармаслик rischi мажбуриятни ўтказишдан олдин ва кейин бир хил бўлиши фараз қилинади.

- 43 Мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда, ташкилот ўзининг кредит riskини (кредит ҳолати) ҳамда мажбурият бажарилиши ёки бажарилмаслигининг эҳтимолига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа омилларни инобатга олиши лозим. Ушбу таъсир мажбуриятга қараб фарқлиниши мумкин, масалан:
- (а) мажбурият пул маблағини етказиб бериш жавобгарлиги (молиявий мажбурият) ёки товарлар ва хизматларни етказиб бериш жавобгарлиги (номолиявий мажбурият) бўлиши.
 - (б) агар мавжуд бўлса, мажбуриятга тегишли кредит сифатини ошириш механизмларининг шартлари.
- 44 Мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати жавобгарликларни бажармаслик riskининг таъсирини унинг ҳисоб бирлиги асосида акс эттиради. Мажбуриятдан алоҳида тарзда ҳисобга олинadиган ажратилмайдиган учинчи томон кредит сифатини ошириш механизмлари билан бирга чиқарилган мажбурият эмитенти мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда кредит сифатини ошириш механизмларининг (масалан, қарзнинг учинчи томон кафолати) таъсирини инобатга олмаслиги лозим. Агар кредит яхшиланиши мажбуриятдан алоҳида тарзда ҳисобга олинса, эмитент мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда учинчи томон кафолатчининг эмас, балки ўзининг кредит ҳолатини инобатга олиши мумкин.

Мажбуриятнинг ёки ташкилотнинг ўз улушли инструменти ўтказилишига тўсқинлик қиладиган чеклов

- 45 Мажбурият ёки ташкилотнинг ўз улушли инструментининг ҳаққоний қийматини баҳолашда, ташкилот модданинг ўтказилишига тўсқинлик қиладиган чекловнинг мавжудлигига тегишли алоҳида манба маълумотларни ёки бошқа манба маълумотларга тузатишни инобатга олмаслиги лозим. Мажбуриятнинг ёки ташкилотнинг ўз улушли инструментининг ўтказилишига тўсқинлик қиладиган чекловнинг таъсири ҳаққоний қийматни баҳолашдаги бошқа манба маълумотларга билвосита ёки бевосита киритилади.
- 46 Масалан, операция санасида, ҳам кредитор ҳам қарздор жавобгарлик унинг ўтказилишига тўсқинлик қиладиган чекловни ўз ичига олишини тўлиқ билган ҳолда мажбурият бўйича операция нархини қабул қилади. Чекловни операция нархига киритилиши натижасида, ўтказиш бўйича чеклов таъсирини акс эттириш учун операция санасида алоҳида манба маълумот ёки мавжуд манба маълумотга тузатиш талаб этилмайди. Шу каби, алоҳида манба маълумотлар ёки мавжуд манба маълумотлар тузатиш ўтказиш бўйича чеклов таъсирини акс эттириш учун кейинги баҳолаш саналарида талаб этилмайди.

Талаб қилиш хусусиятига эга молиявий мажбурият

- 47 Талаб қилиш хусусиятига эга молиявий мажбуриятнинг (масалан талаб қилиб олинган депозит) ҳаққоний қиймати сумма тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган биринчи санадан бошлаб дисконтланган ҳолда талаб қилинганда тўланадиган суммадан кам бўлмайди.

Бозор riskлари ёки контрагент кредит riskидаги ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳолатларига эга молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларга нисбатан қўллаш

- 48 Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳига эгалик қиладиган ташкилот бозор riskларига (7-сон МҲХС да таърифланган) ва контрагентларнинг ҳар бирининг кредит riskига (7-сон МҲХСда таърифланган) дучор бўлади. Агар ташкилот ушбу молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳини унинг ёки бозор riskи ёки кредит riskининг очиқ позицияси асосида бошқарса, ташкилотга ҳаққоний қийматни баҳолашда мазкур МҲХС талабларига нисбатан истисно қўллашга руҳсат этилади. Ушбу истисно ташкилотга молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳининг ҳаққоний қийматини баҳолашни жорий бозор шартлари асосида баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда муайян riskнинг очиқ позицияси бўйича соф узун позицияни (яъни активни) сотишда олиниши ёки муайян riskнинг очиқ позицияси бўйича соф қисқа позицияни (яъни мажбуриятни) ўтказишда тўланиши мумкин бўладиган нарх асосида амалга оширишга руҳсат беради. Шунга кўра, ташкилот молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар

- гуруҳининг ҳаққоний қийматини баҳолашни бозор иштирокчилари баҳолаш санасида соф рискнинг очик позициясини қандай нархлашига мос тарзда баҳолаши лозим.
- 49 Ташкилотга, фақат агар қуйидагиларнинг барчасини амалга оширса, 48-банддаги истиснони қўллашга рухсат этилади:
- (а) ташкилотнинг ҳужжатлаштирилган риск бошқарувига ёки инвестиция стратегиясига мувофиқ молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳини ташкилотнинг муайян бозор рискнинг (рискларининг) ёки муайян контрагентнинг кредит рискнинг очик позицияси асосида бошқарса;
 - (б) ушбу асосда 24-сон БҲХС “*Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*”да таърифланган ташкилотнинг асосий раҳбар ходимларига молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳи тўғрисидаги маълумотларни таъминласа; ва
 - (в) ҳар бир ҳисобот даври охирида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ушбу молиявий активларни ва молиявий мажбуриятларни ҳаққоний қийматда баҳолаш ундан талаб этилса ёки танланган бўлса.
- 50 48-банддаги истисно молиявий ҳисоботни тақдим этишга боғлиқ бўлмайди. Баъзи ҳолатларда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда молиявий инструментларни тақдим этиш асоси молиявий инструментларни баҳолаш асосидан фарқланади, масалан, агар МҲХС молиявий инструментларни соф асосда тақдим этилишини талаб этмаса ёки рухсат бермаса. Бундай ҳолатларда, ташкилот портфел даражасидаги тузатишларни (53-56-бандларга қаранг) ташкилот соф рискнинг очик позицияси асосида бошқариладиган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳини ташкилот этадиган алоҳида активлар ёки мажбуриятларга тақсимлаши зарур бўлиши мумкин. Ташкилот бундай тақсимлашларни ушбу ҳолатлар учун ўринли усулда асосланган ва мутаносиб тарзда амалга ошириши лозим.
- 51 Ташкилот 48-банддаги истиснодан фойдаланиш учун 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ ҳисоб сиёсати қарорини қабул қилиши лозим. Истиснодан фойдаланадиган ташкилот, агар қўллаш мумкин бўлса, сотувчи ва харидор ўртасидаги спредга нисбатан тузатишларни (53-55 бандларига қаранг) ва кредит тузатишларини (56-бандга қаранг) тақсимлаш бўйича ўзининг сиёсатини ўз ичига олган ҳолда ушбу ҳисоб сиёсатини, муайян портфель учун бир даврдан бошқасига изчил тарзда қўллаши лозим.
- 52 48-банддаги истисно фақат 9-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар*”нинг (агар 9-сон МҲХС ҳали қўлланмаган бўлса, 39-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*”нинг) қўллаш доирасидаги молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ва бошқа шартномаларга нисбатан қўлланади. 48-51 ва 53-56 бандлардаги молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларга ҳаволалар улар 32-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тақдим этиш*”даги молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар таърифларига жавоб бериш ёки бермаслигидан қатъий назар, 9-сон МҲХСнинг (ёки агар 9-сон МҲХС ҳали қўлланмаган бўлса, 39-сон МҲХСнинг) қўллаш доирасидаги ёки унга мувофиқ ҳисобга олинадиган барча шартномаларга қўлланади деб ўқилиши лозим. *Тақдим этиш*.

Бозор рискларига мойиллик

- 53 Ташкилотнинг муайян бозор рискнинг (рискларининг) соф очик позицияси асосида бошқариладиган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳининг ҳаққоний қийматини баҳолаш учун 48-банддаги истиснодан фойдаланишда, ташкилот ҳолатларда ҳаққоний қийматнинг энг мақбул варианты бўлган талаб ва таклиф спрэди ичидаги нархни ташкилотнинг муайян бозор рискларининг очик позициясига нисбатан қўллаши лозим (70 ва 71-бандларга қаранг).
- 54 48-банддаги истиснодан фойдаланиш пайтида, ташкилот молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг ушбу гуруҳи ичида дучор бўлган бозор rischi (ёки рисклари) деярли бир хил бўлишини таъминлаши лозим. Масалан, ташкилот молиявий актив билан боғлиқ фоиз ставкаси рискини молиявий мажбурият билан боғлиқ товар нархи rischi билан бирлаштирмаслиги мумкин, чунки бирлаштирмаслик ташкилотнинг фоиз ставкаси рискнинг ёки товар нархи рискнинг очик позициясини камайтирмайди. 48-банддаги истиснодан фойдаланиш пайтида, бир хил бўлмаган бозор rischi параметрларидан юзага келадиган ҳар қандай асос риск гуруҳ ичидаги молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда инobatга олиниши лозим.
- 55 Шу каби, молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлардан юзага келадиган ташкилотнинг муайян бозор riskига (ёки рискларига) очик позицияси давомийлиги деярли бир хил бўлиши лозим. Масалан, фақат ушбу молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлардан ташкилот топган гуруҳ ичидаги беш йиллик молиявий инструментга нисбатан 12 ойликка тенг фоиз ставкаси рискнинг очик позициясига боғланган пул оқимларига қарши 12 ойлик фьючерс шартномасидан фойдаланадиган ташкилот соф

асосда 12 ойлик фоз ставкаси рискиннинг очик позициясини ва ялпи асосда қолган фоз ставкаси рискиннинг очик позициясини (яъни 2-5 йиллар) ҳаққоний қийматини баҳолайди.

Муайян контрагент билан боғлиқ кредит рискига мойиллик

- 56 Муайян контрагент билан тузилган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳининг ҳаққоний қийматини баҳолаш учун 48-банддаги истиснодан фойдаланишда, ташкилот ҳаққоний қийматни баҳолашга ушбу контрагентнинг кредит рискинни ташкилотнинг соф очик позициясига ёки ташкилотнинг кредит рискинни контрагентнинг соф очик позициясига таъсирини бозор иштирокчилари дефолт ҳолатида кредит рискиннинг очик позициясини камайтирадиган ҳар қандай мавжуд келишувларни инobatга олиши мумкин бўлганда киритиши лозим (масалан контрагент билан бош ҳисоб-китоб келишуви ёки ҳар бир томоннинг бошқа томон кредит рискиннинг очик позицияси асосида гаровни айирбошлашни талаб этадиган келишув). Ҳаққоний қийматни баҳолаш бундай келишувлар дефолт ҳолатида юридик кучга эга бўлиши мумкинлигининг эҳтимоли бўйича бозор иштирокчиларининг кутишларини акс эттириши лозим.

Дастлабки тан олишда ҳаққоний қиймат

- 57 Актив ёки мажбурият бўйича айирбошлаш операциясида ушбу актив харид қилинган ёки мажбурият зиммага олинган пайтда, операция нархи активни харид қилиш учун тўланган ёки мажбуриятни зиммага олишда қабул қилинган нархдир (*қирши нархи*). Аксинча, актив ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир (*чиқиш нархи*). Ташкилотлар активларни уларни харид қилиш учун тўланган нархларда зарурий тарзда сотмайди. Шу каби, ташкилотлар мажбуриятларни уларни ўз зиммасига олиш учун олинган нархларда зарурий тарзда ўтказмайди.
- 58 Кўп ҳолларда операция нархи ҳаққоний қийматга тенг бўлади (масалан, бу операция санасида активни харид қилиш операцияси актив сотилиши мумкин бўлган бозорда содир бўладиган ҳолатда бўлиши мумкин).
- 59 Дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймат операция нархига тенг бўлишини аниқлашда, ташкилот операцияга ва активга ёки мажбуриятга хос омилларни инobatга олиши лозим. Б4-банд операция нархи дастлабки тан олишдаги активнинг ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини акс эттирмаслиги мумкин бўлган ҳолатларни ифодалайди.
- 60 Агар бошқа МХХС ташкилотдан актив ёки мажбуриятни дастлаб ҳаққоний қийматда баҳолашни талаб этса ёки унга рухсат берса ва операция нархи ҳаққоний қийматдан фарқ қилса, агар ўша МХХС бошқа ҳолатни белгиламаса, ташкилот юзага келган фойда ёки зарарни фойда ёки зарар таркибидан тан олиши лозим.

Баҳолаш усуллари

- 61 Ташкилот мавжуд шароитларда ўринли бўладиган ва ўринли кузатиладиган манба маълумотларидан фойдаланишни максималлаштирган ва кузатилмайдиган манба маълумотларидан фойдаланишни минималлаштирган ҳолда ҳаққоний қийматни баҳолаш учун етарли маълумот мавжуд бўладиган баҳолаш усулларида фойдаланиши лозим.
- 62 Баҳолаш усулидан фойдаланишнинг мақсади жорий бозор шартлари асосида баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш бўйича одатдаги операциядаги нархни баҳолашдан иборат. Кенг қўлланадиган баҳолаш усуллари учта бўлиб, бозор ёндашуви, сарф ёндашуви ва даромад ёндашуvidан иборат. Ушбу ёндашувларнинг асосий жиҳатлари Б5-Б11-бандларда умумлаштирилган. Ташкилот ҳаққоний қийматни баҳолаш учун ушбу ёндашувларнинг бири ёки бир нечтаси билан изчил бўлган баҳолаш усулларида фойдаланиши лозим.
- 63 Баъзи ҳолатларда ягона баҳолаш усули ўринли бўлади (масалан, активни ёки мажбуриятни бир хил активлар ёки мажбуриятлар бўйича фаол бозордаги нархлар котировкаси орқали баҳолашда). Бошқа ҳолатларда, бир нечта баҳолаш усуллари ўринли бўлади (масалан, бу пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликни баҳолаш ҳолатида бўлиши мумкин). Агар ҳаққоний қийматни баҳолаш учун бир нечта баҳолаш усулларида фойдаланилса, натижалар (яъни ҳаққоний қиймат кўрсатувчи ишоралари) ушбу натижалар кўрсатган баҳолаш кенглигининг асосланганлигини инobatга олган ҳолда баҳолаши лозим. Ҳаққоний қийматни баҳолаш ушбу ораликдаги нукта бўлиб, бу нукта ҳолатлардаги ҳаққоний қийматнинг энг мақбули ҳисобланади.
- 64 Агар операция нархи дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймат бўлса ва кейинги даврларда ҳаққоний қийматни баҳолашда кузатилмайдиган манба маълумотларидан фойдаланадиган баҳолаш усули

фойдаланилса, дастлабки тан олишдаги баҳолаш усулининг натижаси операция нархига тенг бўлиши учун баҳолаш усули стандартлаштирилиши лозим. Стандартлаштириш баҳолаш усули жорий бозор шартларини акс эттиришини таъминлайди ва у ташкилотга баҳолаш усулига тузатиш зарурлигини аниқлашга қўмак беради (масалан, актив ёки мажбуриятнинг баҳолаш усули томонидан қамраб олинмаган хусусияти мавжуд бўлиши мумкин). Дастлабки тан олишдан сўнг, кузатилмайдиган манба маълумотларидан фойдаланадиган баҳолаш усули ёки усуллари орқали ҳаққоний қийматни баҳолашда, ташкилот ушбу баҳолаш усуллари баҳолаш санасида кузатиладиган бозор маълумотларини (масалан ўхшаш актив ёки мажбурият учун нархни) акс эттиришини таъминлаши лозим.

- 65 Ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланиладиган баҳолаш усуллари изчил тарзда қўлланиши лозим. Лекин, агар баҳолаш усулидаги ёки унинг қўлланишидаги ўзгариш (масалан кўпчилик баҳолаш усуллари қўлланганда унинг тортилишидаги ўзгариш ёки баҳолаш усулига нисбатан қўлланилган тузатишдаги ўзгариш) мавжуд ҳолатлардаги ҳаққоний қийматга тенг ёки унга энг яқин бўлган баҳолаш юзага келтирса, бундай ўзгариш ўринли бўлади. Масалан, қуйидаги ҳодисалардан бири содир бўлса, ушбу ҳолат юзага келиши мумкин:
- (а) янги бозорлар пайдо бўлса;
 - (б) янги маълумотлар пайдо бўлса;
 - (в) олдин фойдаланилган маълумотлар бундан буён мавжуд бўлмаса;
 - (г) баҳолаш усуллари такомиллашса; ёки
 - (д) бозор шартлари ўзгарса.
- 66 Баҳолаш усулидаги ёки унинг қўлланишидаги ўзгариш натижасида юзага келадиган қайта кўриб чиқиш 8-сон БҲХСга мувофиқ ҳисоб баҳоларидаги ўзгариш сифатида ҳисобга олинishi лозим. Лекин, ҳисоб баҳоларидаги ўзгариш бўйича 8-сон БҲХСдаги ёритиб бериладиган маълумотлар баҳолаш усулидаги ёки унинг қўлланишидаги ўзгариш натижасида қайта кўриб чиқилиши талаб этилмайди.

Баҳолаш усуллари учун манба маълумотлар

Умумий тамойиллар

- 67 Ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланиладиган баҳолаш усуллари ўринли кузатиладиган манба маълумотларидан фойдаланишни максималлаштириши ва кузатилмайдиган манба маълумотларидан фойдаланишни минималлаштириши лозим.
- 68 Айрим активлар ва мажбуриятлар (масалан молиявий инструментлар) учун манба маълумотлари кузатилиши мумкин бўлган бозорларга мисоллар айирбошлаш бозорларини, дилерлик бозорларини, брокерлик бозорлари ва принципаллар бозорларини ўз ичига олади (Б34-бандга қаранг).
- 69 Ташкилот бозор иштирокчилари актив ёки мажбурият бўйича операцияда инобатга олиши мумкин бўлган актив ёки мажбуриятнинг хусусиятларига мос бўлган манба маълумотларни танлаши лозим (11 ва 12-бандларига қаранг). Баъзи ҳолатларда, ушбу хусусиятлар мукофот ёки дисконт (масалан назорат мукофоти ёки назорат қилинмайдиган улуш дисконти) каби тузатишни қўллашга олиб келиши мумкин. Лекин, ҳаққоний қийматни баҳолаш ҳаққоний қийматни баҳолашни талаб этадиган ёки унга рухсат берадиган МҲХСдаги ҳисоб бирлиги билан изчил бўлмайдиган мукофот ёки дисконтни қамраб олмаслиги лозим (13 ва 14-бандларга қаранг). Ҳажмни актив ёки мажбуриятнинг хусусияти (хусусан, 80-бандда тавсифланганидек, актив ёки мажбуриятнинг нарх котировкасини тузатадиган тўсиқ омили, чунки бозорнинг меъёрий кунлик савдо ҳажми ташкилот эғалигидаги микдорни ўзлаштириш учун етарли) эмас, балки ташкилот эғалик қилишининг хусусияти (масалан назорат улушининг ҳаққоний қийматини баҳолашдаги назорат мукофоти) сифатида акс эттирадиган мукофотлар ва дисконтлар ҳаққоний қийматни баҳолашга рухсат этилмайди. Барча ҳолатларда, агар актив ёки мажбурият бўйича фаол бозорда нарх котировкаси (яъни 1-даражали манба маълумот) мавжуд бўлса, ташкилот ҳаққоний қийматни баҳолашда тузатишсиз ушбу нархдан фойдаланиши лозим, бундан 79-бандда белгиланган ҳолат мустасно.

Таклиф ва талаб нархларига асосланган манба маълумотлар

- 70 Агар ҳаққоний қийматда баҳоланган актив ёки мажбурият таклиф нархи ва талаб нархига (масалан, дилерлик бозоридаги манба маълумот) эга бўлса, ушбу ҳолатларда ҳаққоний қийматни энг яхши акс эттирувчиси бўлган талаб ва таклиф спрэди ичидаги нарх манба маълумот ҳаққоний қиймат иерархияси бўйича (яъни, 1, 2 ёки 3-даража; 72-90-бандларга қаранг) тоифаланган бўлишидан қатъий

назар, ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланилиши лозим. Актив позициялари бўйича таклиф нархларидан фойдаланишга ва мажбурият позициялари бўйича талаб нархларидан фойдаланишга рухсат этилади, лекин талаб этилмайди.

- 71 Мазкур МХХС бозор иштирокчилари томонидан таклиф ва талаб спреди ичидаги ҳаққоний қийматни баҳолашда амалий мақсадга мувофиқлик сифатида фойдаланиладиган оралик бозор нархларидан ёки бошқа нархлар конвенцияларидан фойдаланишни истисно қилмайди.

Ҳаққоний қиймат иерархияси

- 72 Ҳаққоний қийматни баҳолашдаги ва маълумотларни ёритиб беришдаги изчилликни ва қиёсийликни ошириш учун, мазкур МХХС ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланиладиган баҳолаш усулларига қараб манба маълумотларни урта даражага (76-90-бандларга қаранг) тоифалайдиган ҳаққоний қиймат иерархиясини белгилайди. Ҳаққоний қиймат иерархияси бир хил активлар ёки мажбуриятлар бўйича фаол бозорлардаги (тузатилмаган) нархлар котировкасига (1-даражали манба маълумотлар) энг юқори устунликни ва кузатилмайдиган манба маълумотларига (3-даражали манба маълумотлар) энг паст устунликни белгилайди.
- 73 Баъзи ҳолатларда, актив ва мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган манба маълумотлар ҳаққоний қиймат иерархиясининг турли тоифаларида тоифаланиши мумкин. Ушбу ҳолатларда, ҳаққоний қийматни баҳолаш унинг бутунлигича тўлиқ баҳолаш учун аҳамиятли бўлган энг паст даражадаги манба маълумоти каби бир хил ҳаққоний қиймат иерархиясининг даражасида тоифаланади. Тўлиқ баҳолашга нисбатан муайян манба маълумотнинг аҳамиятлилигини баҳолаш актив ёки мажбуриятга хос омилларни инобатга олган ҳолда мулоҳазани талаб этади. Сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматни баҳолашдаги сотиш сарфлари каби ҳаққоний қийматга асосланган баҳолашни ҳосил қилишга нисбатан тузатишлар ҳаққоний қийматни баҳолаш тоифаланган ҳаққоний қиймат иерархиясининг даражасини аниқлашда инобатга олинмаслиги лозим.
- 74 Ўринли манба маълумотларнинг мавжудлиги ва уларнинг нисбий субъективлиги ўринли баҳолаш усулини танлашга таъсир этиши мумкин (61-бандга қаранг). Лекин, ҳаққоний қиймат иерархияси ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланиладиган баҳолаш усулларини эмас, балки баҳолаш усулларга манба маълумотларни устунлиги жиҳатидан тоифаларга ажратади. Масалан, бутун баҳолашга нисбатан аҳамиятли бўлган манба маълумотларга ва ушбу манба маълумотлар тоифаланган ҳаққоний қиймат иерархиясининг даражасига боғлиқ тарзда, дисконтланган қиймат усули орқали шакллантирилган ҳаққоний қийматни баҳолаш 2-даража ёки 3-даража ичида тоифаланиши мумкин.
- 75 Агар кузатиладиган манба маълумот кузатилмайдиган манба маълумот орқали тузатишни талаб этса ва ушбу тузатиш аҳамиятли тарзда юқорироқ ёки пастроқ ҳаққоний қийматни баҳолашни келтириб чиқарса, юзага келадиган баҳолаш ҳаққоний қиймат иерархиясининг 3-даражасида тоифаланиши мумкин. Масалан, агар бозор иштирокчиси активнинг нархини баҳолашда активнинг сотилиши бўйича чекловнинг таъсирини инобатга олган бўлса, ташкилот ушбу чекловнинг таъсирини акс эттириш учун нарх котировкасини тузатади. Агар ушбу нарх котировкаси 2-даража манба маълумоти бўлса ва тузатиш бутун баҳолашга нисбатан аҳамиятли бўлган кузатилмайдиган манба маълумот бўлса, баҳолаш ҳаққоний қийматнинг 3-даражасида тоифаланган бўлади.

1-даражали манба маълумотлар

- 76 1-даража манба маълумотлар баҳолаш санасида ташкилот фойдаланиши мумкин бўлган бир хил активлар ёки мажбуриятлар бўйича фаол бозорлардаги (тузатилмаган) нархлар котировкаси ҳисобланади.
- 77 Фаол бозордаги нарх котировкаси ҳаққоний қийматнинг энг ишончли далилини таъминлайди ва у мавжуд бўлган пайтда ҳаққоний қийматни баҳолаш учун тузатишсиз фойдаланилиши лозим, бундан 79-бандда белгиланган ҳолат мустасно.
- 78 1-даража манба маълумоти кўпгина молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар учун мавжуд бўлади, улардан айримлари бир қатор фаол бозорларда (масалан турли биржаларда) айирбошланиши мумкин. Шу сабабли, 1-даража ичида асосий эътибор қуйидагиларнинг иккаласини ҳам аниқлашга қаратилади:
- (а) актив ёки мажбурият бўйича асосий бозор ёки, асосий бозор мавжуд бўлмаганда, актив ёки мажбурият бўйича энг манфаатли бозор; ва
 - (б) ташкилот ушбу бозорда баҳолаш санасидаги нархда актив ёки мажбурият бўйича операцияда иштирок эта олиши.

- 79 Ташкилот куйидаги истисно ҳолатлардан ташқари 1-даражали манба маълумотга нисбатан тузатишни амалга оширмаслиги лозим:
- (а) ташкилот ҳаққоний қийматда баҳоланган ўхшаш (аммо бир хил бўлмаган) активлар ёки мажбуриятларнинг (масалан қарз қимматли қоғозлари) йирик миқдорига эгалик қилса ва фаол бозордаги нарх котировкаси мавжуд бўлиб, лекин ушбу активлар ёки мажбуриятларнинг ҳар бири учун индивидуал тарзда фойдаланиш учун мавжуд бўлмаса (масалан, ташкилот эгалик қиладиган ўхшаш активлар ёки мажбуриятларнинг йирик миқдори инобатга олинганда, баҳолаш санасида ҳар бир алоҳида актив ёки мажбурият бўйича нархлаш маълумотларига эга бўлиш кийин бўлиши мумкин). Бундай ҳолатда, амалий жиҳатдан соддалаштириш мақсадида, ташкилот фақат нархлар котировкасига боғлиқ бўлмаган муқобил нархни шакллантириш усули (масалан матрицали нархлаш) орқали ҳаққоний қийматни баҳолаши мумкин. Лекин, муқобил нархни шакллантириш усули ҳаққоний қиймат иерархиясининг пастроқ даражасида тоифаланган ҳаққоний қийматни баҳолашга олиб келади.
 - (б) фаол бозордаги нарх котировкаси баҳолаш санасидаги ҳаққоний қийматни акс эттирмаса. Ушбу ҳолат, масалан, агар бозор ёпилишидан кейин, аммо баҳолаш санасидан олдин аҳамиятли ҳодисалар (масалан принципаллар бозоридаги операциялар, брокерлик бозоридаги савдолар ёки эълонлар) содир бўлса, бундай ҳолат юз бериши мумкин. Ташкилот ҳаққоний қийматни баҳолашларга таъсир этиши мумкин бўлган ушбу ҳодисаларни аниқлаш бўйича сиёсатни ташкил этиши ва мунтазам қўллаши лозим. Лекин, агар нарх котировкаси янги маълумот бўйича тузатилган бўлса, тузатиш ҳаққоний қиймат иерархиясининг пастроқ даражасида тоифаланган ҳаққоний қийматни баҳолашга олиб келади.
 - (в) мажбуриятнинг ёки ташкилотнинг ўз улушли инструментининг ҳаққоний қийматини фаол бозордаги актив сифатида савдо қилинадиган бир хил модда бўйича нарх котировкаси орқали баҳолашда ва ушбу нарх моддага ёки активга хос омилларга нисбатан тузатилиши зарур бўлган пайтда (39-бандга қаранг). Агар активнинг нарх котировкасига ҳеч қандай тузатиш талаб этилмаса, натижа ҳаққоний қиймат иерархиясининг 1-даражасида тоифаланган ҳаққоний қийматни баҳолаш ҳисобланади. Лекин, активнинг нархи котировкасига ҳар қандай тузатиш ҳаққоний қиймат иерархиясининг пастроқ даражасида тоифаланган ҳаққоний қийматни баҳолашга олиб келади.
- 80 Агар ташкилот ягона актив ёки мажбуриятдаги позицияга (жумладан бир хил активлар ёки мажбуриятларнинг йирик миқдорини қамраб оладиган позиция, масалан молиявий инструментларга эгалик қилиш) эга бўлса ва ушбу актив ёки мажбурият фаол бозорда савдо қилинса, актив ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати алоҳида актив ёки мажбурият бўйича нарх котировкаси ва ташкилот эгалик қиладиган миқдорнинг купайтмаси сифатида 1-даражада баҳоланиши лозим. Ҳатто бозорнинг ўртача меъёрадаги кунлик савдо ҳажми эгалик қилинадиган миқдорни ўзлаштириш учун етарли бўлмаган ва ягона операцияда позицияни сотиш буюртмаларини жойлаштириш нарх котировкасига таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатда ҳам ушбу ҳолат бажарилган ҳисобланади.

2-даражали манба маълумотлар

- 81 2-даражали манба маълумотлар 1-даражага киритилган нархлар котировкасидан ташқари манба маълумотлар бўлиб, улар бевосита ёки билвосита актив ёки мажбурият бўйича кузатиладиган манба маълумотлар ҳисобланади.
- 82 Агар актив ёки мажбурият муайян (шартномавий) муддатга эга бўлса, 2-даража манба маълумоти актив ёки мажбуриятнинг деярли тўлиқ муддати давомида кузатиладиган бўлиши шарт. 2-даражали манба маълумотлар куйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) фаол бозорлардаги ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар бўйича нархлар котировкаси.
 - (б) фаол бўлмаган бозорлардаги бир хил ёки ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар бўйича нархлар котировкаси.
 - (в) актив ёки мажбурият бўйича кузатиладиган нархлар котировкасидан ташқари манба маълумотлар, масалан:
 - (i) фонз ставкалари ва тартибли котировкаланган ораликларда кузатиладиган даромадлилик эгри чизиклари;
 - (ii) назарда тутилган ўзгарувчанликлар; ва
 - (iii) кредит спрэдлари.
 - (г) *бозор орқали тасдиқланган манба маълумотлар.*

- 83 2-даражали манба маълумотларга тузатишлар актив ёки мажбуриятга хос омилларга боғлиқ тарзда ўзгаради. Ушбу омиллар куйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) активнинг ҳолати ва жойи;
 - (б) манба маълумотларнинг актив ёки мажбуриятга қиёсланадиган моддаларга тегишли бўлиш даражаси (жумладан 39-бандда ифодаланган омиллар); ва
 - (в) манба маълумотлар кузатиладиган бозорлардаги фаолиятнинг ҳажми ёки даражаси.
- 84 Бутун баҳолашга нисбатан аҳамиятли бўлган 2-даражали манба маълумотга тузатиш, агар тузатиш учун аҳамиятли кузатилмайдиган манба маълумотларидан фойдаланилса, ҳаққоний қиймат иерархиясининг 3-даражасида тоифаланган ҳаққоний қийматни баҳолашга олиб келиши мумкин.
- 85 Б35-банд муайян активлар ва мажбуриятлар бўйича 2-даражали манба маълумотлардан фойдаланишни ифодалайди.

3-даражали манба маълумотлар

- 86 3-даражали манба маълумотлар актив ёки мажбурият бўйича кузатилмайдиган манба маълумотларидир.
- 87 Баҳолаш санасида актив ёки мажбурият бўйича жуда кичик бозор фаолияти мавжуд бўлиши ҳолатларига қарамасдан, ўринли кузатиладиган манба маълумотлари мавжуд бўлмаган даражада ҳаққоний қийматни баҳолаш учун кузатилмайдиган манба маълумотларидан фойдаланиш лозим. Лекин, ҳаққоний қийматни баҳолаш мақсади бир хил, яъни актив ёки мажбуриятга эга бозор иштирокчиси нуктаи назаридан баҳолаш санасидаги чиқиш нархи бўлиб қолади. Шу сабабли, кузатилмайдиган манба маълумотлари бозор иштирокчилари актив ёки мажбуриятни нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фаразларни, жумладан риск бўйича фаразларни акс эттириши лозим.
- 88 Риск бўйича фаразлар ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланиладиган муайян баҳолаш усулига (масалан нархлаш модели) хос рискни ва баҳолаш усулига манба маълумотларга хос рискни ўз ичига олади. Агар бозор иштирокчилари актив ёки мажбуриятни нархлашда риск бўйича бирорта рискни инobatга олиши мумкин бўлса, бундай риск бўйича тузатишни ўз ичига олмайдиган баҳолаш ҳаққоний қийматни баҳолашни акс эттирмаслиги мумкин. Масалан, аҳамиятли баҳолаш ноаниқлиги мавжуд бўлган пайтда риск бўйича тузатишни инobatга олиш зарур бўлиши мумкин (масалан Б37-Б47-бандларда тавсифланганидек, актив ёки мажбурият ёки ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар бўйича одатдаги бозор фаолияти билан қиёсланда фаолият ҳажми ёки даражасида аҳамиятли камайиш содир бўлса ва ташкилот операция нархи ёки нарх котировкаси ҳаққоний қийматини акс эттирмаслигини аниқласа).
- 89 Ташкилот муайян ҳолатларда мавжуд бўлган энг яхши маълумотлар орқали ташкилотнинг ўз маълумотларини ҳам ўз ичига олиши мумкин бўлган кузатилмайдиган манба маълумотларини ишлаб чиқиши лозим. Кузатилмайдиган манба маълумотларини ишлаб чиқишда, ташкилот ўзининг маълумотлари билан бошлаши мумкин. Лекин, агар асосланган тарзда мавжуд бўлган маълумотлар бошқа бозор иштирокчилари бошқа маълумотлардан фойдаланиши мумкинлигини ёки бошқа бозор иштирокчилари учун мавжуд бўлмаган ҳолда ташкилотга хос маълумотлар (масалан ташкилотга хос синергия) мавжуд бўлишини кўрсатса, у ушбу маълумотларга тузатиш киритиши лозим. Ташкилот бозор иштирокчисининг фаразлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш учун ортиқча уринишларни амалга ошириши талаб этилмайди. Лекин, ташкилот асосланган тарзда мавжуд бўлган бозор иштирокчисининг фаразлари тўғрисидаги барча маълумотларни инobatга олиши лозим. Юқорида ифодаланган тарзда ишлаб чиқилган кузатилмайдиган манба маълумотлари бозор иштирокчиларининг фаразлари сифатида инobatга олинадиган ва ҳаққоний қийматни баҳолашнинг мақсадини қаноатлантиради.
- 90 Б36-банд муайян активлар ва мажбуриятлар учун 3-даражали манба маълумотлардан фойдаланишни ифодалайди.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 91 Ташкилот унинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларга куйидагиларнинг иккаласини ҳам баҳолашга ёрдам берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) дастлабки тан олишдан кейин молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда такорланадиган ёки такрорланмайдиган асосда ҳаққоний қийматда баҳоланадиган активлар ва мажбуриятлар учун, баҳолаш усуллари ва ушбу баҳолашларни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган манба маълумотлар.

- (б) аҳамиятли кузатилмайдиган манба маълумотлари (3-даражали) орқали такрорланадиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар бўйича баҳолашларнинг давр бўйича фойда ёки зарарга ёки бошқа умумлашган даромадга таъсири.
- 92 91-банддаги мақсадларга эришиш учун, ташкилот қуйидагиларни барчасини инobatга олиши лозим:
- (а) ёритиб бериш талабларини қаноатлантириш учун зарур тафсилотлар даражаси;
 - (б) турли талабларнинг ҳар бирига қанчалик эътибор ажратилиши;
 - (в) қанчалик жамлаш ёки ажратишни амалга ошириш; ва
 - (г) молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ёритиб берилган миқдорий маълумотларни баҳолаш учун қўшимча маълумотларга эҳтиёжи мавжудлиги.
- Агар мазкур МҲХС ва бошқа МҲХСга мувофиқ таъминланган ёритиб беришлар 91-банддаги мақсадга эришиш учун етарли бўлмаса, ташкилот ушбу мақсадларни қаноатлантириш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 93 91-банддаги мақсадга эришиш учун, ташкилот дастлабки тан олишдан кейин молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ҳаққоний қийматда баҳоланган (жумладан мазкур МҲХСнинг қўллаш доирасида ҳаққоний қийматга асосланган баҳолашлар) активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир синфи (активлар ва мажбуриятларнинг тегишли синфларини аниқлаш бўйича маълумотлар учун 94-бандга қаранг) бўйича, камида, қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) такрорланадиган ва такрорланмайдиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар бўйича ҳисобот даври охиридаги ҳаққоний қийматни баҳолаш, ва такрорланмайдиган ҳаққоний қийматни баҳолаш бўйича баҳолаш учун сабаблар. Активлар ёки мажбуриятларга тегишли такрорланадиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар бошқа МҲХСлар ҳар бир ҳисобот давр охирида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда талаб этадиган ёки рухсат берадиган баҳолашлардир. Активлар ёки мажбуриятларга тегишли такрорланмайдиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар бошқа МҲХСлар муайян ҳолатларда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда талаб этадиган ёки рухсат берадиган баҳолашлар ҳисобланади (масалан, активнинг сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан пастроқ бўлгани сабабли, ташкилот 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ сотишга мўлжалланган активни сотиш сарфлари чегирилган ҳаққоний қийматда баҳолаганда).
 - (б) такрорланадиган ва такрорланмайдиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар бўйича ҳаққоний қийматни баҳолашлар бутунлигича тоифаланган ҳаққоний қиймат иерархиясининг даражаси (1, 2 ва 3-даража).
 - (в) такрорланадиган асосда ҳаққоний қийматда баҳоланган ҳолда ҳисобот даври охирида эгалик қилинадиган активлар ва мажбуриятлар бўйича ҳаққоний қиймат иерархиясининг 1-даражаси билан 2-даражаси ўртасидаги ҳар қандай ўтказишлар суммалари, ушбу ўтказишлар учун сабаблар ва ташкилотнинг даражалар ўртасидаги ўтказишлар содир бўлиш пайтини аниқлайдиган сиёсати (95-бандга қаранг). Ҳар бир даражага ўтказишлар ёритиб берилиши ва ҳар бир даражадан ўтказишлардан алоҳида тарзда муҳокама қилиниши лозим.
 - (г) ҳаққоний қиймат иерархиясининг 2-даражаси ва 3-даражасида тоифаланган такрорланадиган ва такрорланмайдиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар учун, ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланилган баҳолаш усул(лар)ининг ва манба маълумотларнинг изоҳи. Агар баҳолаш усулида ўзгариш бўлса (масалан бозор ёндашувидан даромад ёндашувига ўзгартириш ёки қўшимча баҳолаш усулидан фойдаланиш), ташкилот ушбу ўзгаришни ва уни амалга ошириш сабаб(лар)ини ёритиб бериши лозим. Ҳаққоний қиймат иерархиясининг 3-даражасида тоифаланган ҳаққоний қийматни баҳолашлар бўйича ташкилот ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланилган аҳамиятли кузатилмайдиган манба маълумотлари тўғрисидаги миқдорий маълумотларни таъминлаши лозим. Агар миқдорий кузатилмайдиган манба маълумотлари ҳаққоний қийматни баҳолашда ташкилот томонидан ишлаб чиқилмаган бўлса (масалан ташкилот тузатишсиз олдинги операциялар бўйича нархлардан ёки учинчи томон нархлаш маълумотларидан фойдаланганда), ташкилот мазкур ёритиб бериш талабига риоя этиш учун миқдорий маълумотларни яратиши талаб этилмайди. Лекин, мазкур ёритиб беришни таъминлашда, ташкилот ҳаққоний қийматни баҳолашда аҳамиятли бўлган ва асосланган тарзда ташкилот учун мавжуд бўлган миқдорий кузатилмайдиган манба маълумотларини инкор эта олмайди.
 - (д) ҳаққоний қиймат иерархиясининг 3-даражасида тоифаланган такрорланадиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар бўйича бошланғич қолдиқлар билан охириги қолдиқлар солиштирмаси, бунда давр мобайнидаги қуйидагиларга тегишли ўзгаришларни алоҳида тарзда ёритиб бериш таъминланади:

- (i) фойда ёки зарарда тан олинган давр учун жами фойдалар ёки зарарлар, ва ушбу фойдалар ёки зарарлар тан олинган фойда ёки зарардаги сатр модда(лар)и.
 - (ii) бошқа умумлашган даромадда тан олинган давр учун жами фойда ёки зарарлар ва ушбу фойда ёки зарарлар тан олинган бошқа умумлашган даромаддаги сатр модда(лар)и.
 - (iii) сотиб олиш, сотув, эмиссиялар ва ҳисоб-китоблар (алоҳида ёритиб берилган ўзгаришларнинг ушбу турларининг ҳар бири).
 - (iv) ҳаққоний қиймат иерархиясининг 3-даражасига ёки ундан ҳар қандай ўтказишлар суммалари, ушбу ўтказишлар учун сабаблар ва ташкилотнинг даражалар ўртасидаги ўтказишлар содир бўлган пайтни аниқлайдиган сиёсати (95-бандга қаранг). 3-даражага ўтказишлар ёритиб берилиши ва 3-даражадан ўтказишлардан алоҳида тарзда муҳокама қилиниши лозим.
- (е) ҳаққоний қиймат иерархиясининг 3-даражасида тоифаланган такрорланадиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар учун, ҳисобот даври охирида эгаликдаги активлар ва мажбуриятларга тегишли ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлардаги ўзгаришга тегишли бўлган фойда ёки зарарга киритилган (д)(i) кичик банддаги давр учун жами фойда ёки зарарлар суммаси ва ушбу ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар тан олинган фойда ёки зарардаги сатр модда(лар)и.
- (ж) ҳаққоний қиймат иерархиясининг 3-даражасида тоифаланган такрорланадиган ва такрорланмайдиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар бўйича ташкилот томонидан фойдаланилган баҳолаш амалларининг изоҳи (жумладан, масалан, ташкилот ўзининг баҳолаш сиёсатини ва тартибларини қандай танлаши ва даврлар аро ҳаққоний қийматни баҳолашлардаги ўзгаришларни қандай таҳлил қилиши).
- (з) ҳаққоний қиймат иерархиясининг 3-даражасида тоифаланган такрорланадиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар бўйича:
- (i) барча бундай баҳолашлар учун, агар ушбу манба маълумотлардаги турли суммада ўзгариш йирик тарздаги юқорироқ ёки пастроқ ҳаққоний қийматни баҳолашга олиб келса, ҳаққоний қийматни баҳолашнинг кузатилмайдиган манба маълумотларидаги ўзгаришларга таъсирчанлигининг кенгайтирилган изоҳи. Агар ушбу манба маълумотлар билан ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланилган бошқа кузатилмайдиган манба маълумотлари ўртасида ўзаро боғлиқликлар мавжуд бўлса, ташкилот ушбу ўзаро боғлиқликларнинг ҳамда улар кузатилмайдиган манба маълумотларидаги ўзгаришларнинг ҳаққоний қийматни баҳолашга таъсирини қандай йириклаштириши ёки камайтириши мумкинлигининг изоҳини ҳам таъминлаши лозим. Ушбу ёритиб бериш талабини қаноатлантириш учун, кузатилмайдиган манба маълумотларидаги ўзгаришларга таъсирчанликнинг кенгайтирилган изоҳи, камида, (г) бандга риоя этишда ёритиб берилмайдиган кузатилмайдиган манба маълумотларини ўз ичига олиши лозим.
 - (ii) молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар учун, агар асосланган тарзда эҳтимолий муқобил фаразларни акс эттириш учун кузатилмайдиган манба маълумотларининг бирини ёки ундан қўпрогини ўзгартириш ҳаққоний қийматни аҳамиятлилик тарзда ўзгартириши мумкин бўлса, ташкилот ушбу далилни таъкидлаши ва ушбу ўзгаришларнинг таъсирини ёритиб бериши лозим. Ташкилот асосланган тарзда эҳтимолий муқобил фаразни акс эттириш учун ўзгариш таъсири қандай ҳисобланганлигини ёритиб бериши лозим. Ушбу мақсадда, аҳамиятлилик фойда ёки зарарга ва жами активлар ёки жами мажбуриятларга ёки ҳаққоний қийматдаги ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадда тан олинса, жами хусусий капиталга нисбатан мулоҳаза қилиниши лозим.
- (и) такрорланадиган ва такрорланмайдиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар бўйича, агар номолиявий активдан энг тўғри ва самарали фойдаланиш унинг жорий фойдаланилишидан фарқ қилса, ташкилот ушбу далилни ёритиб бериши ва номолиявий актив нима учун унинг энг тўғри ва самарали фойдаланилишидан фарқланадиган тарзда фойдаланилишини ёритиб бериши лозим.
- 94 Ташкилот активлар ва мажбуриятларнинг ўринли синфларини қуйидагилар асосида аниқлаши лозим:
- (а) актив ёки мажбуриятнинг характери, хусусиятлари ва рисклари; ва
 - (б) ҳаққоний қийматни баҳолаш тоифаланган ҳаққоний қиймат иерархиясининг даражаси.

- Ҳаққоний қиймат иерархиясининг 3-даражасида тоифаланган ҳаққоний қийматни баҳолаш учун синфларнинг кўпроқ миқдорини аниқлашга тўғри келиши мумкин, чунки ушбу баҳолашлар ноаниқликнинг ва субъективликнинг юқориқ даражасига эга бўлади. Ҳаққоний қийматни баҳолашлар тўғрисидаги маълумотлари таъминланиши лозим бўлган активлар ва мажбуриятларнинг ўринли синфини аниқлаш мулоҳазани талаб этади. Активлар ва мажбуриятлар синфи кўп ҳолларда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган қатор моддаларига нисбатан кўпроқ ажратилишни талаб этади. Лекин, ташкилот молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган қатор моддаларига нисбатан солиштирма учун етарли маълумотларни таъминлаши лозим. Агар бошқа МХХС актив ёки мажбурият бўйича синфни белгиласа, ташкилот ушбу синф мазкур банддаги талабларни қаноатлантирганда мазкур МХХСда ёритиб берилиши талаб этилган маълумотларни таъминлашда ушбу синфдан фойдаланиши мумкин.
- 95 Ташкилот 93(в) ва (д)(iv) бандга мувофиқ ҳаққоний қиймат иерархиясининг даражалари ўртасидаги ўтказмалар содир бўлиш пайтини аниқлаш бўйича ўзининг сиёсатини ёритиб бериши ва мунтазам тарзда риоя этиши лозим. Ўтказишларни тан олиш муддати бўйича сиёсат даражалар ичига ўтказишлар учун ҳам даражалардан ташқарига ўтказишлар учун ҳам бир хил бўлиши лозим. Ўтказишлар муддатини аниқлаш бўйича сиёсатга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) ўтказишга сабаб бўлган ҳодисанинг ёки ҳолатлардаги ўзгаришнинг санаси.
 - (б) ҳисобот даври боши.
 - (в) ҳисобот даври охири.
- 96 Агар ташкилот 48-банддаги истиснодан фойдаланиш учун ҳисоб сиёсати қарорини қабул қилса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 97 Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ҳаққоний қийматда баҳоланмаган, аммо ҳаққоний қиймати ёритиб берилган активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир синфи учун, ташкилот 93(б), (г) ва (и) кичик бандларда талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши лозим. Лекин, ташкилот 93(г)-бандда талаб этилган ҳаққоний қиймат иерархиясининг 3-даражасида тоифаланган ҳаққоний қийматни баҳолашларда фойдаланилган аҳамиятли кузатилмайдиган манба маълумотлари тўғрисидаги миқдорий ёритиб беришларни таъминлаши талаб этилмайди. Бундай активлар ва мажбуриятлар учун, ташкилот мазкур МХХС орқали ёритиб берилиши талаб этилган бошқа маълумотларни таъминлаши талаб этилмайди.
- 98 Ҳаққоний қийматда баҳоланган ва ажратилмайдиган учинчи томон кредит сифатини ошириш механизмлари билан чиқарилган мажбурият бўйича, эмитент ушбу кредит сифатини ошириш механизмларининг мавжудлигини ва у мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда акс эттирилганлиги ёки эттирилмаганлигини ёритиб бериши лозим.
- 99 Агар бошқача шакл ўринлироқ бўлмаса, ташкилот мазкур МХХСда талаб этилган миқдорий ёритиб беришларни жадвал шаклида тақдим этиши лозим.

А Илова Атамалар таъриффи

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисмидир.

фаол бозор	Актив ёки мажбурият бўйича операциялар уклуксиз равишда нархлаш маълумотларини таъминлаш учун етарли даврийлик ва ҳажмда содир бўладиган бозор.
сарф ёндашуви	Активнинг хизмат кўрсатиш қувватини алмаштириш учун жорий даврда талаб этилиши мумкин бўлган суммани акс эттирадиган баҳолаш усулидир (кўп ҳолларда ўрнини коплашнинг жорий қиймати деб юритилади).
кириш нархи	Айирбошлаш операциясида активни харид қилишда тўланган ёки мажбуриятни зиммага олишда қабул қилинган нарх.
чиқиш нархи	Активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарх.
кутилаётган пул оқими	Эҳтимолий келгуси пул оқимларининг эҳтимолий тортилган ўртачаси (яъни, таксимлашнинг ўртача қиймати).
ҳаққоний қиймат	Баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарх.
энг тўғри ва самарали фойдаланиш	Бозор иштирокчилари томонидан номолиявий активлардан активнинг ёки актив фойдаланилиши мумкин бўлган активлар ва мажбуриятлар гуруҳининг (масалан бизнес) қийматини максималлаштириши мумкин бўлган фойдаланиш.
даромад ёндашуви	Келгуси суммаларни (масалан пул оқимлари ёки даромад ва харажатлар) ягона жорий (яъни дисконтланган) суммага айлантирадиган баҳолаш усулидир. Ҳаққоний қийматни баҳолаш ушбу келгуси суммалар бўйича жорий бозор кутишлари акс эттирадиган қиймат асосида аниқланади.
манба маълумотлар	Бозор иштирокчилари активни ёки мажбуриятни нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фаразлар, жумладан риск бўйича фаразлар, масалан қуйидагилар: (а) ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланиладиган муайян баҳолаш усулига (масалан нархни шакллантириш модели) хос риск; ва (б) баҳолаш усулидаги манба маълумотларга хос риск. манба маълумотлар кузатиладиган ёки кузатилмайдиган бўлиши мумкин.
1-даражали манба маълумотлар	Ташкилот баҳолаш санасида фойдаланиши мумкин бўлган бир хил активлар ёки мажбуриятлар бўйича фаол бозордаги (тузатилмаган) нархлар котировкаси.
2-даражали манба маълумотлар	1-даражага киритилган нархлар котировкасидан ташқари манба маълумотлар бўлиб, улар актив ёки мажбурият бўйича, бевосита ёки билвосита, кузатилади.
3-даражали манба маълумотлар	Актив ёки мажбурият бўйича кузатилмайдиган манба маълумотлари.
бозор ёндашуви	Бир хил ёки қиёсий (яъни ўхшаш) активлар, мажбуриятлар ёки активлар ва мажбуриятлар гуруҳини, масалан бизнесни, қамраб оладиган бозор операциялари орқали юзага келадиган нархлар ва бошқа ўринли маълумотлардан фойдаланадиган баҳолаш усулидир.
Бозор орқали тасдиқланган манба маълумотлар	Корреляция ёки бошқа воситалар орқали асосан кузатиладиган бозор маълумотларидан келиб чиқадиган ёки улар тасдиқлаган манба маълумотлардир.

бозор иштирокчиси	<p>Қуйидаги барча жиҳатларга эга бўлган ҳолда, актив ёки мажбурият бўйича асосий (ёки энг манфаатли) бозордаги сотиб олувчилар ва сотувчилар:</p> <ul style="list-style-type: none">(а) Улар бир биридан мустақил бўлади, яъни улар 24-сон БҲХСда таърифланган ўзаро боғлиқ томонлар эмас, бунда агар ташкилот операция бозор шартларида амалга оширилганлиги бўйича далилга эга бўлганда ўзаро боғлиқ томон операциясидаги нархдан ҳаққоний қийматни баҳолашда манба маълумот сифатида фойдаланилиши мумкин бўлса ҳам.(б) Улар барча мавжуд маълумотлар, жумладан одатий ва анъанавий бўлган батафсил уринишлар сабабли эга бўлинадиган маълумотлар, орқали актив ёки мажбурият ва операция тўғрисида асосланган тушунчага эга бўлган ҳолда хабардор бўлади.(в) Улар актив ёки мажбурият бўйича операция тузиш имкониятига эга бўлади.(г) Улар актив ёки мажбурият бўйича операцияни амалга оширишга интиладилар, яъни улар буни амалга ошириш учун мажбур қилинмайдилар ёки бошқа ҳолларда ундалмайдилар, балки рағбатлантириладилар.
энг манфаатли бозор	<p>Операция сарфлари ва транспорт сарфларини инобатга олгандан сўнг, активни сотишда олиниши мумкин бўлган суммани максималлаштирадиган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган суммани минималлаштирадиган бозор ҳисобланади.</p>
жавобгарликларни бажармаслик risks	<p>Ташкилот мажбуриятини бажармаслиги risks. Жавобгарликларни бажармаслик risks ташкилотнинг ўз кредит risksини ўз ичига олади, лекин бу билан чекланиб қолмаслиги мумкин.</p>
кузатиладиган манба маълумотлари	<p>Ҳақиқий ҳодисалар ёки операциялар тўғрисидаги барча учун очиқ маълумотлар каби бозор маълумотлари орқали ишлаб чиқиладиган ва бозор иштирокчилари активни ёки мажбуриятни нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фаразларни акс эттирадиган манба маълумотлар.</p>
одатдаги операция	<p>Бундай активлар ёки мажбуриятларни қамраб оладиган операциялар учун одатий ва анъанавий бўлган маркетинг фаолиятларига имкон бериш учун баҳолаш санасидан олдинги даврда бозорга дучорликни фараз қиладиган операция; у мажбурий операция эмас (масалан мажбурий ливидация ёки мажбурий сотув).</p>
асосий бозор	<p>Актив ёки мажбурият бўйича фаолиятнинг энг кўп ҳажми ва даражасига эга бозордир.</p>
риск мукофоти	<p>Актив ёки мажбуриятнинг пул оқимларига хос ноаникликка дучорлик учун riskка мойилсиз бозор иштирокчилари томонидан сўраладиган коплашдир. Шунингдек, “риск тузатиши” деб ҳам юритилади.</p>
операция сарфлари	<p>Актив ёки мажбурият бўйича асосий (ёки энг манфаатли) бозорда активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш сарфлари бўлиб, улар активни ҳисобдан чиқаришга ёки мажбуриятни ўтказишга бевосита тегишли бўлади ва қуйидаги мезонларни қаноатлантиради:</p> <ul style="list-style-type: none">(а) Улар бевосита ушбу операциядан ҳосил бўлади ва унинг учун зарурийдир.(б) Агар активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш қарори қабул қилинмаганда эди, улар ташкилот томонидан сарфланмаган бўлар эди (5-сон МХХСда таърифланган сотиш сарфларига ўхшаш).
транспорт сарфлари	<p>Активни унинг жорий жойидан унинг асосий (ёки энг манфаатли) бозоригача етказишда сарфланиши мумкин бўлган сарфлардир.</p>
ҳисоб бирлиги	<p>Актив ёки мажбурият тан олиш мақсадларида МХХСда жамланадиган ёки ажратиладиган даража ҳисобланади.</p>

**кузатилмайдиган
манба маълумотлари**

Улар учун бозор маълумотлари мавжуд бўлмайдиган бозор иштирокчилари актив ёки мажбуриятни нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фаразлар тўғрисидаги мавжуд энг яхши маълумотлар орқали ҳосил қилинадиган манба маълумотлар.

Б Илова **Қўллаш бўйича кўрсатма**

Мазкур илова МҲХСнинг ажралмас қисмидир. Ушбу илова 1-99-бандларнинг қўлланишини ифодалайди ва МҲХСнинг бошқа қисмлари билан тенг кучлидир.

- Б1 Турли баҳолаш ҳолатларида қўлланилган мулоҳазалар турлича бўлиши мумкин. Мазкур илова ташкилот турли баҳолаш ҳолатларида ҳаққоний қийматни баҳолаш пайтида қўлланиши мумкин бўлган мулоҳазаларни ифодалайди.

Ҳаққоний қийматни баҳолаш ёндашуви

- Б2 Ҳаққоний қийматни баҳолаш мақсади жорий бозор шартлари асосида баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш бўйича одатдаги операцияда нархни баҳолашдир. Ҳаққоний қийматни баҳолаш ташкилотдан куйидагиларни барчасини аниқлашни талаб этади:
- (а) баҳолашнинг предмети бўлган муайян актив ёки мажбурият (унинг ҳисоб бирлигига мос тарзда).
 - (б) номолиявий актив бўйича баҳолаш учун ўринли бўлган баҳолашнинг дастлабки шarti (унинг энг тўғри ва самарали фойдаланилишига мос тарзда).
 - (в) актив ёки мажбурият учун асосий (ёки энг манфаатли) бозор.
 - (г) баҳолаш учун ўринли баҳолаш усул(лар)и, бунда бозор иштирокчилари актив ёки мажбуриятни нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фаразларни акс эттирадиган манба маълумотларни ишлаб чиқиш учун маълумотларнинг мавжудлиги ҳамда манба маълумотлар тоифаланадиган ҳаққоний қиймат иерархиясининг даражаси инobatга олинади.

Номолиявий активлар учун баҳолашнинг дастлабки шarti (31–33-бандлар)

- Б3 Бошқа активлар билан бирга гуруҳ сифатида (фойдаланиш учун ўрнатилган ёки бошқа ҳолларда соzланган) ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар (масалан бизнес) билан биргаликда фойдаланиладиган номолиявий активнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда, баҳолашнинг дастлабки шартининг таъсири ҳолатларга боғлиқ бўлади. Масалан:
- (а) активнинг ҳаққоний қиймати актив мустақил тарзда ёки бошқа активлар билан ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликда фойдаланилишига қарамасдан бир хил бўлиши мумкин. Бу ҳолат актив бозор иштирокчилари бошқаришни давом эттириши мумкин бўлган бизнес ҳисобланадиган ҳолатда бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда, операция бизнесни яхлит баҳолашни қамраб олиши мумкин. Узлуксиз бизнесда активлардан гуруҳ сифатида фойдаланиш бозор иштирокчилари учун мавжуд бўлиши мумкин бўлган синергияларни юзага келтириши мумкин (яъни бозор иштирокчиси синергиялари, шу сабабли активнинг ҳаққоний қийматига мустақил асосда ёки бошқа активлар билан ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликдаги асосда таъсир этиши лозим).
 - (б) активнинг бошқа активлар билан ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликдаги фойдаланилиши алоҳида тарзда фойдаланиладиган активнинг қийматига нисбатан тузатишлар орқали ҳаққоний қийматни баҳолашда инobatга олиниши мумкин. Бундай ҳолат, агар актив ускуна бўлса ва ҳаққоний қийматни баҳолаш ўхшаш ускуна (фойдаланиш учун ўрнатилмаган ёки бошқа ҳолларда соzланмаган) бўйича кузатиладиган, ҳаққоний қийматни баҳолаш усқунанинг жорий ҳолатини ва жойини (фойдаланиш учун ўрнатилган ва соzланган) акс эттириш учун транспорт ва ўрнатиш сарфларига тузатишлар нарх орқали аниқланадиган ҳолатда юзага келади.
 - (в) активнинг бошқа активлар билан ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликдаги фойдаланилиши активнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган бозор иштирокчисининг фаразлари орқали ҳаққоний қийматни баҳолашда инobatга олиниши мумкин. Масалан, агар актив ягона бўлган тугалланмаган захира бўлса ва бозор иштирокчилари захирани тайёр товарларга айлантириши мумкин бўлса, захиранинг

ҳаққоний қийматини бозор иштирокчилари захирани тайёр товарларга айлантиришда зарур бўлган ҳар қандай махсус усқунани харид қилган ёки харид қилади деб фараз қилиниши мумкин.

- (г) активнинг бошқа активлар билан ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликдаги фойдаланилиши активнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган баҳолаш усулида инобатга олиниши мумкин. Бундай ҳолат номоддий активнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш учун кўп марталиқ даврдаги ортикча фойда усулидан фойдаланганда бўлиши мумкин, чунки ушбу баҳолаш усули хусусан бундай номоддий актив фойдаланилиши мумкин бўлган гуруҳдаги ҳар қандай тўлдирувчи активларнинг ва бирлашган мажбуриятларнинг ҳиссасини инобатга олади.
- (д) кўпроқ чекланган ҳолатларда, ташкилот активдан активлар гуруҳи ичида фойдаланса, ташкилот активни актив гуруҳининг ҳаққоний қийматини гуруҳнинг алоҳида активларига тақсимлашда унинг ҳаққоний қийматига яқинлашадиган суммада баҳолаши мумкин. Бундай ҳолат, агар баҳолаш ҳақиқий мулкни қамраб олса ва такомиллашган мулкнинг (яъни актив гуруҳининг) ҳаққоний қиймати унинг таркибий активларига (масалан ер ва такомиллаштиришларга) тақсимланса, юзага келиши мумкин.

Дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймат (57–60-бандлар)

- Б4 Дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймат операция нархига тенг бўлишини аниқлашда, ташкилот операцияга ва актив ёки мажбуриятга хос омилларни инобатга олиши лозим. Масалан, операция нархи дастлабки тан олишда активнинг ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини акс эттирмаслиги мумкин, агар куйидаги ҳолатларнинг бирортаси мавжуд бўлса:
- (а) Операция ўзаро боғлиқ томонлар ўртасида бўлса, агар бунда ташкилот операция бозор шартларида тузилганлиги бўйича далилга эга бўлганда ўзаро боғлиқ томон операция нархидан ҳаққоний қийматни баҳолашда манба маълумот сифатида фойдаланиши мумкин бўлса ҳам.
 - (б) операция босим остида содир бўлса ёки сотувчи операциядаги нархни қабул қилишга мажбур қилинса. Масалан, агар сотувчи молиявий қийинчилик ҳолатида бўлса, бундай ҳолат содир бўлиши мумкин.
 - (в) операция нархи орқали акс эттирилган ҳисоб бирлиги ҳаққоний қийматда баҳоланган актив ёки мажбуриятнинг ҳисоб бирлигидан фарқ қилса. Масалан, бундай ҳолат, агар ҳаққоний қийматда баҳоланган актив ёки мажбурият операциядаги (масалан, бизнес бирлашувидаги) қисмларнинг фақат бири бўлса, операция бошқа МҲХСга мувофиқ алоҳида тарзда баҳоланадиган таъкидланмаган ҳуқуқлар ва имтиёзларни ўз ичига олса ёки операция нархи операция сарфларини ўз ичига олса, юз бериши мумкин.
 - (г) операция асосий бозордан (ёки энг манфаатли бозордан) фарқланадиган бозорда содир бўлса. Масалан, агар ташкилот чакана бозордаги харидорлар билан операцияни тузадиган дилер бўлса, лекин чиқиш операцияси бўйича асосий (ёки энг манфаатли) бозор дилерлик бозоридаги бошқа дилерлар билан бўлса, ушбу бозорлар турли хил бўлиши мумкин.

Баҳолаш усуллари (61–66 бандлар)

Бозор ёндашуви

- Б5 Бозор ёндашуви бир хил ёки қиёсий (яъни ўхшаш) активлар, мажбуриятлар ёки активлар ва мажбуриятлар гуруҳини, масалан бизнесни, қамраб оладиган бозор операциялари орқали юзага келадиган нархлар ва бошқа ўринли маълумотлардан фойдаланади.
- Б6 Масалан, бозор ёндашувига мос баҳолаш усуллари кўп ҳолларда қиёсий кўрсаткичлар тўпламидан келиб чиқадиган бозор коэффициентларидан фойдаланади. Коэффициентлар ҳар бир қиёсий кўрсаткич бўйича турли коэффициентга эга кенгликлар ичида бўлиши мумкин. Баҳолашга хос сифат ва миқдорий омилларни инобатга олган ҳолда, кенгликдаги ўринли коэффициентни танлаш мулоҳазани талаб этади.
- Б7 Бозор ёндашувига мос баҳолаш усуллари матрицавий нархлашни ўз ичига олади. Матрицавий нархлаш асосан молиявий инструментларнинг айрим турларини, масалан қарз қимматли қоғозларини, фақат муайян қимматли қоғозлар бўйича котиловкаланадиган нархларга таянмаган

холда, балки қимматли қоғозларнинг бошқа таянч котировкаладиган қимматли қоғозлар билан алоқасига таянган холда баҳолашда фойдаланиладиган математик усулдир.

Сарф ёндашуви

- Б8 Сарф ёндашуви активнинг хизмат кўрсатиш қувватини алмаштиришда жорий даврда талаб этилиши мумкин бўлган суммадир (кўп ҳолларда ўрнини қоплашнинг жорий қиймати деб юритилади).
- Б9 Бозор иштирокчиси бўлган сотувчи нуктаи назаридан, актив учун олинishi мумкин бўлган нарх бозор иштирокчиси бўлган харидор учун қиёсий истемол бўйича ўриндош активни харид қилиш ёки барпо этиш сарфига асосланиб, ушбу сарф жисмоний эскиришга тузатилган бўлади. Чунки, бозор иштирокчиси бўлган харидор актив учун ушбу активнинг хизмат кўрсатиш қувватини алмаштира оладиган суммадан кўпроғини тўламаслиги мумкин. Эскириш жисмоний ёмонлашувни, функционал (технологик) эскиришни ва иқтисодий (ташки) эскиришни қамраб олади ва у молиявий ҳисобот мақсадлари (бошланғич қийматни тақсимлаш) ёки солиқ мақсадлари (белгиланган хизмат муддатларидан фойдаланиш) учун эскиришга нисбатан кенгрок тушунча ҳисобланади. Кўп ҳолатларда, ўрнини қоплашнинг жорий қиймати усулидан бошқа активлар билан ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликда фойдаланиладиган моддий активларнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланилади.

Даромад ёндашуви

- Б10 Даромад ёндашуви келгуси суммаларни (масалан пул оқимларини ёки даромад ва харажатларни) ягона жорий (яъни дисконтланган) суммага айлантиради. Даромад ёндашувидан фойдаланилганда, ҳаққоний қийматни баҳолаш ушбу келгуси суммалар бўйича жорий бозор кутишларини акс эттиради.
- Б11 Ушбу баҳолаш усуллари, масалан, қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) дисконтланган қиймат усуллари (Б12-Б30 бандларга қаранг);
 - (б) опционни нархлаш усуллари, масалан Блэк-Шоулес-Мертон формуласи ёки биномиал модели (яъни панжара модель), дисконтланган қиймат усулларини ўз ичига олган ва опционнинг ҳам вақт қийматини ҳам ички қийматини акс эттиради; ва
 - (в) айрим номоддий активларнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган кўп марталик даврнинг ортикча фойдаси усули.

Дисконтланган қиймат усуллари

- Б12 Б13-Б30-бандлар ҳаққоний қийматни баҳолаш учун дисконтланган қиймат усулларидан фойдаланишни тавсифлайди. Ушбу бандларда дисконтлаш ставкаси тузатиш усулига ва *кутилаётган пул оқими* (кутилаётган дисконтланган қиймат) усулига асосий урғу берилади. Ушбу бандлар ягона муайян дисконтланган қиймат усулидан фойдаланишни ифодаламайди ва ҳаққоний қийматни баҳолашдаги дисконтланган қиймат усулларини муҳокама қилинган усуллар доирасида чекламайди. Ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланиладиган дисконтланган қиймат усули баҳоланаётган актив ёки мажбуриятга хос далиллар ва ҳолатларга (масалан қиёсий активлар ёки мажбуриятлар бўйича нархлар бозорда кузатилиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги) ҳамда етарли маълумотларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Дисконтланган қийматни баҳолашнинг компонентлари

- Б13 Дисконтланган қиймат (яъни, даромад ёндашувининг қўлланиши) дисконтлаш ставкаси орқали келгуси суммаларни (масалан пул оқимлари ёки қийматлар) жорий сумма билан боғлашда фойдаланиладиган восита ҳисобланади. Дисконтланган қиймат усули орқали актив ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш, баҳолаш санасида бозор иштирокчилари нуктаи назаридан қуйидаги барча жиҳатларни қамраб олади:
- (а) баҳоланаётган актив ёки мажбурият бўйича келгуси пул оқимларининг баҳоси.
 - (б) пул оқимларига хос ноаниқликни акс эттирган ҳолда, пул оқимларининг суммасидаги ва муддатидаги эҳтимолий ўзгарувчанликлар бўйича кутишлар.
 - (в) пул оқимлари қамраб олган давр билан мос сўндириш саналарига ёки давомийликка эга бўлган ҳамда инструмент эгасини на муддат бўйича ноаниқликка ва на дефолт рискига дучор этадиган рискдан холи монетар активлар бўйича ставка (яъни рискдан холи фойз ставкаси) орқали акс эттирадиган пулнинг вақт қиймати.

- (г) пул оқимларига хос ноаниқликка бардош бериш учун нарх (яъни, *риск мукофоти*).
- (д) бозор иштирокчилари ушбу ҳолатларда инobatга олиши мумкин бўлган бошқа омиллар.
- (е) мажбурият учун, ушбу мажбуриятга тегишли жавобгарликларни бажармаслик risks, жумладан, ташкилотнинг (яъни қарздорнинг) ўз кредит risks.

Умумий тамойиллар

- Б14 Дисконтланган қиймат усуллари улар Б13-банддаги жиҳатларни қандай камраб олиши бўйича фарқланади. Лекин, куйидаги барча умумий тамойиллар ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланиладиган ҳар қандай дисконтланган қиймат усулини қўллашни тартибга солади:
- (а) Пул оқимлари ва дисконтлаш ставкалари бозор иштирокчилари актив ёки мажбуриятни нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фаразларни акс эттириши лозим.
 - (б) Пул оқимлари ва дисконтлаш ставкалари фақат баҳоланаётган актив ёки мажбуриятга тегишли омилларни инobatга олиши лозим.
 - (в) Риск омилларининг таъсирларини икки қарра ҳисобланишини ёки тушириб қолдирилишини олдини олиш учун дисконтлаш ставкалари пул оқимларига хос фаразларга мос бўлган фаразларни акс эттириши лозим. Масалан, келгуси дефолтлар бўйича кутишлардаги ноаниқликни акс эттирадиган дисконтлаш ставкаси кредитнинг шартномавий пул оқимларида фойдаланилганда ўринли бўлади (яъни, дисконтлаш ставкасини тузатиш усули). Айнан шу ставка кутилаётган (яъни, эҳтимолий тортилган) пул оқимлари (яъни, кутилаётган дисконтланган қиймат усули) қўлланганда фойдаланилмаслиги лозим, чунки кутилаётган пул оқимлари аллақачон келгуси дефолтлардаги ноаниқлик бўйича фаразларни акс эттиради; бунинг ўрнига, кутилаётган пул оқимларига хос riskка мутаносиб бўлган дисконтлаш ставкасидан фойдаланиш лозим.
 - (г) Пул оқимлари ва дисконтлаш ставкалари тўғрисидаги фаразлар ички жиҳатдан мос бўлиши лозим. Масалан, инфляция таъсирини ўз ичига оладиган номинал пул оқимлари инфляция таъсирини ўз ичига оладиган ставкада дисконтланиши лозим. Riskдан ҳоли номинал фоиз ставкаси инфляция таъсирини ўз ичига олади. Инфляция таъсири чиқариб ташланган ҳақиқий пул оқимлари инфляция таъсирини чиқариб ташланган ставкада дисконтланиши лозим. Шу каби, солиқ солишдан кейинги пул оқимлари солиқ солишдан кейинги дисконтлаш ставкаси орқали дисконтланиши лозим. Солиқ солингунча пул оқимлари ушбу пул оқимларига мос бўлган ставкада дисконтланиши лозим.
 - (д) дисконтлаш ставкалари пул оқимлари ифодаланадиган валютанинг таянч иқтисодий омилларига мос бўлиши лозим.

Риск ва ноаниқлик

- Б15 Дисконтланган қиймат усуллари орқали ҳаққоний қийматни баҳолаш ноаниқлик шартлари остида амалга оширилади, чунки фойдаланиладиган пул оқимлари маълум суммалар эмас, балки ҳисоб баҳолариدير. Кўп ҳолларда, пул оқимларининг суммаси ва муддати ноаниқ бўлади. Агар дефолт risks мавжуд бўлса, ҳатто кредит бўйича тўловлар каби шартномавий тарзда белгиланган суммалар ҳам ноаниқ бўлади.
- Б16 Бозор иштирокчилари умуман олганда активнинг ёки мажбуриятнинг пул оқимларига хос ноаниқликка бардош бериш учун компенсация (яъни, *риск мукофоти*) хоҳлайдилар. Ҳаққоний қийматни баҳолаш бозор иштирокчилари пул оқимларига хос ноаниқлик учун қоплаш сифатида талаб этиши мумкин бўлган суммани акс эттирадиган *риск мукофоти*ни ўз ичига олиши лозим. Акс ҳолда, баҳолаш ҳаққоний қийматни рўйи-рост тарзда акс эттирмаслиги мумкин. Баъзи ҳолатларда, ўринли *риск мукофоти*ни аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Лекин, қийинчилик даражасининг ўзи *риск мукофоти*ни чиқариб ташлаш учун етарли сабаб бўлмайди.
- Б17 Дисконтланган қиймат усуллари улар *риск* учун қандай тузатиши ва улар фойдаланадиган пул оқимларининг тури жиҳатидан фарқланади. Масалан:
- (а) дисконтлаш ставкасини тузатиш усули (Б18-Б22 бандларга қаранг) *рискка* тузатилган дисконтлаш ставкасидан ва шартномавий, ваъда берилган ёки энг юқори эҳтимолли пул оқимларидан фойдаланади.
 - (б) Кутилаётган дисконтланган қиймат усулининг 1-методи (Б25-бандга қаранг) *рискка* тузатилган кутилаётган пул оқимларидан ва *рискдан* ҳоли ставкадан фойдаланади.

- (в) Кутилаётган дисконтланган қиймат усулининг 2-методи (Б26-бандга қаранг) рискка тузатилмаган кутилаётган пул оқимларидан ва бозор иштирокчилари талаб этадиган риск мукофотини қамраб олиш учун тузатилган дисконтлаш ставкасидан фойдаланади. Ушбу ставка дисконтлаш ставкасини тузатиш усулида фойдаланадиган ставкадан фарқли ҳисобланади.

Дисконтлаш ставкасини тузатиш усули

- Б18 Дисконтлаш ставкасини тузатиш усули эҳтимолий баҳоланган суммалар кенглигидаги пул оқимларининг, улар шартномавий, ваъда берилган (облигация ҳолатида) ёки энг юқори эҳтимолли пул оқимлари бўлишидан қатъий назар, ягона тўпламидан фойдаланади. Барча ҳолатларда, ушбу пул оқимлари белгиланган ходисалар содир бўлишида шартли ҳисобланади (масалан облигация бўйича шартномавий ёки ваъда берилган пул оқимлари қарздор томонидан дефолтсиз ходисада шартли ҳисобланади). Дисконтлаш ставкасини тузатиш усулида фойдаланиладиган дисконтлаш ставкаси бозорда савдо қилинадиган қиёсий активлар ёки мажбуриятлар бўйича кузатилаётган даромадлиликлардан олинади. Демак, шартномавий, ваъда берилган ёки энг юқори эҳтимолли пул оқимлари бундай шартли пул оқимлари бўйича кузатилган ёки баҳоланган бозор ставкасида (яъни, бозор даромадлигида) дисконтланади.
- Б19 Дисконтлаш ставкаси тузатиш усули қиёсий активлар ёки мажбуриятлар бўйича бозор маълумотларининг таҳлилини талаб қилади. Қиёсийлик пул оқимларининг хусусиятини (масалан пул оқимлари шартномавий ёки ношартномавий бўлиши ва уларнинг иқтисодий шароитлардаги ўзгаришларга ўхшаш тарзда жавоб қайтариш эҳтимолининг мавжудлиги) ҳамда бошқа омишларни (масалан, кредит ҳолати, гаров, давомийлик, чекловчи шартлар ва ликвидлиликни) кўриб чиқиш орқали ҳосил қилинади. Муқобил тарзда, агар ягона қиёсий актив ёки мажбурият баҳоланаётган активнинг ёки мажбуриятнинг пул оқимларига хос рискни ҳаққоний тарзда акс эттирмаса, бир неча қиёсий активлар ёки мажбуриятлар бўйича маълумотлардан рискдан холи даромадлилик чизиғи билан бирга фойдаланиш (яъни “ҳосил-қилиш” ёндашуви) орқали дисконтлаш ставкасини келтириб чиқариш мумкин.
- Б20 “Ҳосил қилиш” ёндашувини ифодалаш учун, фараз қилайлик, А актив бир йилда 800 п.б.¹ни олиш бўйича шартномавий ҳуқуқ бўлсин (яъни муддат ноаниқлиги мавжуд эмас). Бунда қиёсий активлар учун ташкил этилган бозор мавжуд ҳамда ушбу активлар тўғрисидаги маълумотлар, жумладан нарх маълумотлари, мавжуд. Ушбу қиёсий активлардан:
- (а) Б актив бир йилда 1,200 п.б.ни олиш бўйича шартномавий ҳуқуқ бўлиб, у 1,083 п.б.га тенг бозор нархига эга. Демак, назарда тутилган йиллик даромадлилик (яъни бир йиллик бозор даромадлиги) 10.8 фоиз бўлади $[(1,200 \text{ п.б.} / 1,083 \text{ п.б.}) - 1]$.
- (б) В актив икки йилда 700 п.б.ни олиш бўйича шартномавий ҳуқуқ бўлиб, у 566 п.б.га тенг бозор нархига эга. Демак, назарда тутилган йиллик даромадлилик (яъни, икки йиллик бозор даромадлиги) 11.2 фоиздир $[(700 \text{ п.б.} / 566 \text{ п.б.})^{0.5} - 1]$.
- (в) Барча учта активлар риск бўйича қиёсий ҳисобланади (яъни эҳтимолий нафлар ва кредитларнинг дисперсияси).
- Б21 Б актив ва В актив бўйича олинадиган шартномавий тўловларнинг муддатига нисбатан А актив бўйича муддат (яъни Б актив бўйича бир йиллик бўлса, В актив бўйича икки йиллик) асосида, Б актив А актив учун кўпроқ қиёсий ҳисобланади. А актив бўйича олинадиган шартномавий тўловдан (800 п.б.) ва В активдан келиб чиқадиган бир йиллик бозор ставкасидан фойдаланган ҳолда, А Активнинг ҳаққоний қиймати 722 п.б. (800 п.б./1.108) тенг бўлади. Муқобил тарзда, Б актив бўйича бозор маълумотлари мавжуд бўлмаганда, бир йиллик бозор ставкаси ҳосил қилиш ёндашуви орқали В активдан олинishi мумкин. Ушбу ҳолатда В актив орқали келтирилган икки йиллик бозор ставкаси (11.2 фоиз) рискдан холи даромадлилик чизиғининг муддат тузилиши орқали бир йиллик бозор ставкасига тузатилиши мумкин. Қўшимча маълумотлар ва таҳлил бир йиллик ва икки йиллик активлар бўйича риск мукофотлари бир хил бўлишини аниқлаш учун талаб этилиши мумкин. Агар бир йиллик ва икки йиллик активлар бўйича риск мукофотлари бир хил бўлмаслиги аниқланса, икки йиллик бозор даромадлиги ушбу таъсирга яна тузатилади.
- Б22 дисконтлаш ставкаси тузатиш усули ўзгармас тушумлар ёки тўловларга нисбатан қўлланса, баҳоланаётган активнинг ёки мажбуриятнинг пул оқимларига хос риск учун тузатиш дисконтлаш ставкасига киритилади. Ўзгармас тушумлар ёки тўловлар бўлган пул оқимларига нисбатан дисконтлаш ставкаси тузатиш усулининг айрим қўлланишларида, пул оқимларига нисбатан тузатиш дисконтлаш ставкаси келиб чиққан кузатиладиган актив ёки мажбурият билан қиёсийликка эришиш учун зарур бўлиши мумкин.

¹ Мазкур иловада, монетар суммалар “пул бирликлари (п.б.)”да белгиланади.

Кутилаётган дисконтланган қиймат усули

- Б23** Кутилаётган дисконтланган қиймат усули барча эҳтимолий келгуси пул оқимларининг (яъни кутилаётган пул оқимларининг) эҳтимолий тортилган ўртача қийматини акс эттирадиган пул оқимлари тўпламидан бошланиш нуқтаси сифатида фойдаланади. Ҳосил бўладиган ҳисоб баҳоси статистик атамаларда, тортилган қийматлари сифатида мос эҳтимоллари билан бирга дискрет тасодифий ўзгарувчининг эҳтимолий қийматларининг тортилган ўртачаси бўлган кутилаётган қиймат билан бир хил бўлади. Барча эҳтимолий пул оқимлари эҳтимолий тортилган бўлиши сабабли, ҳосил бўладиган кутилаётган пул оқими бирор белгиланган ходисанинг содир бўлишига шартли эмас (дисконтлаш ставкаси тузатиш усулида фойдаланиладиган пул оқимларидан фарқли тарзда).
- Б24** Инвестиция қарорини қабул қилишда, рискка мойил бўлмаган бозор иштирокчилари ҳақиқий пул оқимлари кутилаётган пул оқимларидан фарқ қилиши мумкинлигининг рискини инобатга олиши мумкин. Портфель назарияси рискнинг икки турини фарқлайди:
- (а) муайян актив ёки мажбуриятга хос бўлган тизимсиз (диверсификацияланадиган) риск.
- (б) тизимли (диверсификацияланмайдиган) риск, актив ёки мажбурият диверсификацияланган портфелдаги бошқа моддалар ўртасида таксимланадиган умумий риск ҳисобланади.
- Портфель назарияси унга мувозанатда эгалик қилади ва бозор иштирокчилари фақат пул оқимларига хос тизимли рискка бардош бериш учун компенсацияга эга бўладилар. (Самарасиз ёки мувозанатда бўлмаган бозорларда, даромад ёки қоплашнинг бошқа шакллари мавжуд бўлиши мумкин.)
- Б25** Кутилаётган дисконтланган қиймат усулининг 1-методи пул rischi мукофотини чеғирган ҳолда активнинг кутилаётган пул оқимларини тизимли (яъни, бозор) рискка нисбатан тузатади (яъни, рискка тузатилган кутилаётган пул оқимлари). Ушбу рискка тузатилган кутилаётган пул оқимлари рискдан холи фоиз ставкада дисконтланадиган аниқлик эквиваленти пул оқимини акс эттиради. Аниқлик эквиваленти пул оқими рискка тузатилган кутилаётган пул оқими (таърифланганидек) бўлиб, натижада бозор иштирокчиси учун маълум пул оқимини кутилаётган пул оқимига савдолашиш фарқ қилмайди. Масалан, агар бозор иштирокчиси 1,200 п.б. кутилаётган пул оқимини 1,000 п.б. маълум пул оқимига савдолашишга интилган бўлса, 1,000 п.б. 1,200 п.б.нинг аниқлик эквиваленти ҳисобланади (яъни 200 п.б. пул rischi мукофотини акс эттириши мумкин). Ушбу ҳолатда бозор иштирокчиси учун эгаликдаги активга нисбатан фарқ бўлмаслиги мумкин.
- Б26** Аксинча, кутилаётган дисконтланган қиймат усулининг 2-методи риск мукофотини рискдан холи фоиз ставкасига нисбатан қўллаш орқали тизимли (яъни бозор) рискка нисбатан тузатишни амалга оширади. Демак, кутилаётган пул оқимлари эҳтимолий тортилган пул оқимлари билан боғлиқ кутилаётган ставкага тегишли ставкада (яъни кутилаётган даромадлиликда) дисконтланади. Капитал актив нархлаш модели каби рискли активларни нархлашда фойдаланиладиган моделлар кутилаётган даромадлиликни баҳолашда фойдаланилиши мумкин. Дисконтлаш ставкасини тузатиш усулида фойдаланиладиган дисконтлаш ставкаси шартли пул оқимларига тегишли даромадлилик бўлгани сабабли, у кутилаётган дисконтланган қиймат усулининг 2-методида фойдаланиладиган кутилаётган ёки эҳтимолий тортилган пул оқимларига тегишли даромадлиликни ифодаладиган дисконтлаш ставкасидан юқорироқ бўлиш эҳтимоли мавжуд.
- Б27** 1 ва 2-методларни ифодалаш учун, фараз қилайлик, актив қуйида келтирилган эҳтимолий пул оқимлари ва эҳтимоллар асосида аниқланган ҳолда бир йилда 780 п.б. кутилаётган пул оқимларига эга бўлсин. Бир йиллик муддатга эга пул оқимлари бўйича қўлланадиган рискдан холи фоиз ставкаси 5 фоиз ва айнан бир риск тоифасига эга актив бўйича тизимли риск мукофоти 3 фоиз бўлсин.

Эҳтимолий пул оқимлари	Эҳтимоллик	Эҳтимолий тортилган пул оқимлари
500 п.б.	15%	75 п.б.
800 п.б.	60%	480 п.б.
900 п.б.	25%	225 п.б.
Кутилаётган пул оқимлари		780 п.б.

- Б28** Ушбу мисолда, кутилаётган пул оқимлари (780 п.б.) учта эҳтимолий натижаларнинг эҳтимолий тортилган ўртачасини акс эттиради. Амалиётда, кўп эҳтимолий натижалар бўлиши мумкин. Лекин, кутилаётган дисконтланган қиймат усулини қўллаш учун, мураккаб моделлар ва усуллар орқали барча эҳтимолий пул оқимларининг таксимотларини инобатга олиш ҳар доим ҳам талаб этилмайди. Эҳтимолий пул оқимлари тўпламини қамраб оладиган чекланган миқдордаги дискрет вазиятлар ва

эҳтимолларни ҳосил қилиш имкони бўлиши мумкин. Масалан, бозор иштирокчиларининг фаразларини инобатга олган ҳолда, ташкилот айрим ўринли бўлган олдинги даврда ўзлаштирилган ва кейинги даврларда содир бўладиган ҳолатлардаги ўзгаришларга (масалан ташқи омилардаги ўзгаришлар, жумладан иқтисодий ёки бозор шартлари, соҳадаги тебранишлар ва рақобат ҳамда хусусан ташкилотга таъсир этадиган ички омилардаги ўзгаришларга) тузатилган пул оқимларидан фойдаланиши мумкин.

- Б29 Назарияда, актив пул оқимларининг дисконтланган қиймати (яъни ҳаққоний қиймати) 1-метод ёки 2-метод орқали аниқланганига қарамасдан бир хил бўлади, яъни у куйидагича бўлади:
- (а) 1-метод орқали, кутилаётган пул оқимлари тизимли (яъни бозор) рискка нисбатан тузатилади. Риск бўйича тузатиш суммасини бевосита кўрсатадиган бозор маълумотлари мавжуд бўлмаганда, бундай тузатишни аниқлик эквивалентлари концепцияси орқали активни нархлаш моделидан келтириб чиқариш мумкин. Масалан, риск тузатиши (яъни 22 п.б. пул rischi мукофоти) 3 фоизли (780 п.б. – $[780 \text{ п.б.} \times (1.05/1.08)]$) тизимли риск мукофоти орқали аниқланиши мумкин, бунда 758 п.б. (780 п.б. – 22 п.б.) рискдан холи кутилаётган пул оқимларига олиб келиши мумкин. 758 п.б. 780 п.б.нинг аниқлик эквиваленти бўлиб, у рискдан холи фоиз ставкасида (5 фоизда) дисконтланади. Активнинг дисконтланган қиймати (яъни ҳаққоний қиймати) 722 п.б. (758 п.б./1.05) бўлади.
 - (б) 2-метод орқали, кутилаётган пул оқимлари тизимли (яъни бозор) рискка нисбатан тузатилмайди. Ушбу рискка нисбатан тузатиш дисконтлаш ставкасига киритилади. Демак, кутилаётган пул оқимлари 8 фоизли кутилаётган даромадлиликда (яъни, 5 фоиз рискдан холи фоиз ставкаси плюс 3 фоиз тизимли риск мукофоти) дисконтланади. Активнинг дисконтланган қиймати (яъни ҳаққоний қиймати) 722 п.б. (780 п.б./1.08) бўлади.
- Б30 Ҳаққоний қийматни баҳолашда кутилган дисконтланган қиймат усулидан фойдаланишда, 1-метод ёки 2-метод қўлланиши мумкин. 1-метод ёки 2-метод танланиши баҳоланаётган актив ёки мажбуриятга хос далиллар ва ҳолатларга етарли маълумотлар мавжуд бўладиган ва мулоҳазалар қўлланадиган даражада боғлиқ бўлади.

Бошқа томонлар актив сифатида эгаллик қилмайдиган мажбуриятларга ва ташкилотнинг ўз улушли инструментларига нисбатан дисконтланган қиймат усулларини қўллаш (40 ва 41-бандлар)

- Б31 Бошқа томон актив сифатида эгаллик қилмайдиган мажбуриятнинг (фойдаланишдан чиқариш мажбурияти) ҳаққоний қийматини баҳолашда дисконтланган қиймат усулидан фойдаланишда, ташкилот, шу ўринда, бозор иштирокчилари мажбуриятни бажаришда сарфлашни назарда тутиши мумкин бўлган келгуси пул чиқимларини баҳолаши лозим. Ушбу келгуси пул чиқимлари мажбуриятни бажариш сарфлари бўйича бозор иштирокчиларининг кутишларини ва бозор иштирокчиси мажбуриятни қабул қилишда талаб этиши мумкин бўлган компенсацияни ўз ичига олиши лозим. Бундай компенсация бозор иштирокчиси куйидагилар учун талаб этиши мумкин бўлган даромадни ўз ичига олади:
- (а) фаолиятни амалга ошириш (яъни мажбуриятни бажариш қиймати; масалан бошқа фаолият учун фойдаланиши мумкин бўлган ресурслардан фойдаланиш орқали); ва
 - (б) мажбурият билан боғлиқ рискни зиммага олиш (яъни ҳақиқий пул чиқимлари кутилаётган пул чиқимларидан фарқланиши мумкинлигининг рискини акс эттирадиган риск мукофоти; Б33-бандга қаранг).
- Б32 Масалан, номолиявий мажбурият шартномавий даромадлиликни ўз ичига олмайди ва ушбу мажбурият учун кузатиладиган бозор даромадлиги мавжуд эмас. Баъзи ҳолатларда, бозор иштирокчилари талаб этиши мумкин бўлган даромаднинг қисмлари бир биридан фарқланмайди (масалан учинчи томон пудратчи ўзгармас ҳақ асосда белгилаши мумкин бўлган нархдан фойдаланишда). Бошқа ҳолатларда, ташкилот ушбу қисмларни алоҳида тарзда баҳолаши зарур бўлади (масалан учинчи томон шартномачи сарф плюс асосда белгилаши мумкин бўлган нархдан фойдаланишда, чунки ушбу ҳолатда пудратчи сарфлардаги келгуси ўзгаришлар рискка бардошликни ўз зиммасига олмаслиги мумкин).
- Б33 Ташкилот бошқа томон актив сифатида эгаллик қилмайдиган мажбуриятнинг ёки ташкилотнинг ўз улушли инструментни ҳаққоний қийматини баҳолашда куйидаги усуллардан бири орқали риск мукофотини инобатга олиши мумкин:
- (а) пул оқимларини тузатиш орқали (яъни, пул чиқимлари суммасидаги ошиш сифатида); ёки

- (б) келгуси пул оқимларини уларнинг дисконтланган қийматларига дисконтлашда фойдаланиладиган ставкани тузатиш орқали (яъни дисконтлаш ставкасидаги камайиш сифатида).

Ташкилот у рискка нисбатан тузатишларни икки марта ҳисобламаслигини ёки тушириб қолдирмаслигини таъминлаши лозим. Масалан, агар баҳоланган пул оқимлари мажбурият билан боғлиқ рискни зиммасига олишда компенсацияни инобатга олиш учун оширилса, дисконтлаш ставкаси ушбу рискни акс эттириш учун тузатилмаслиги лозим.

Баҳолаш усулларига манба маълумотлар (67–71-бандлар)

Б34 Манба маълумотлар айрим активлар ва мажбуриятлар (масалан молиявий инструментлар) бўйича кузатилиши мумкин бўлган бозорларга мисоллар куйидагиларни ўз ичига олади:

- (а) *Биржа бозорлари.* Биржа бозорида, ёпилиш нархлари ҳам осонгина мавжуд бўлади ва умуман олганда ҳаққоний қийматни намоён қилади. Бундай бозорга мисол тарикасида Лондон фонд биржасини келтириш мумкин.
- (б) *Дилер бозорлари.* Дилер бозорида, дилерлар савдо қилиш (ўз ҳисобларидан харид қилиш ёки сотиш) учун тайёр турадилар ва ўзларининг капиталидан уларнинг бозорини ташкил этадиган моддалар захирасини сақлашда фойдаланиш орқали ликвидликни таъминлайдилар. Одатда, таклиф ва талаб нархлари (мос равишда, улар дилер харид қилиши мумкин бўлган нарх билан дилер сотиши мумкин бўлган нархни акс эттиради) ёпилиш нархларига нисбатан кўпроқ мавжуд бўлади. Биржадан ташқари бозорлар (нархлар оммавий тарзда эълон қилинадиган) дилер бозорлари ҳисобланади. Дилер бозорлари айрим бошқа активлар ва мажбуриятлар, жумладан айрим молиявий инструментлар, товарлар ва жисмоний активлар (масалан фойдаланилган ускуна) учун ҳам мавжуд бўлади.
- (в) *Брокерлик бозорлари.* Брокерлик бозорида, брокерлар харидорлар билан сотувчиларни учраштиришга интиладилар, аммо ўз ҳисобларидан савдо қилишга тайёр бўлмайдилар. Бошқача айтганда, брокерлар ўзларининг капиталидан улар бозорини ташкил этадиган моддалар захирасини сақлашда фойдаланмайдилар. Брокер тегишли томонларнинг таклиф қилинган ва сўралган нархларидан хабардор бўлади, аммо ҳар бир томон одатда бошқа томоннинг нарх талабларидан хабардор бўлмайди. Яқунланган операцияларнинг нархларидан баъзида фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади. Брокерлик бозорлари харид қилиш ва сотиш буюртмалари бирлаштириладиган электрон алоқа тармоқларини ва тижорий ва шахсий кўчмас мулк бозорларини ўз ичига олади.
- (г) *Принципаллар бозорлари.* Принципаллар бозорида бирламчи сотишга ҳам қайта сотишга ҳам оид операциялар воситачисиз мустақил тарзда амалга оширилади. Ушбу операциялар бўйича кам маълумотлар оммавий тарзда мавжуд бўлиши мумкин.

Ҳаққоний қиймат иерархияси (72–90-бандлар)

2-даражанинг манба маълумотлари (81–85-бандлар)

Б35 Муайян активлар ва мажбуриятлар бўйича 2-даражали манба маълумотларга мисоллар куйидагиларни ўз ичига олади:

- (а) *Лондон банклараро таклиф ставкаси (ЛИБОР) своп ставкасига асосланган ўзгармас-олиш, ўзгарувчан-тўлаш фоиз ставкаси свопи.* 2-даража манба маълумоти ЛИБОР своп ставкаси, агар ушбу ставка своппнинг деярли тўлиқ муддати бўйича умумий тарзда белгиланган ораликларда кузатилса, бўлиши мумкин.
- (б) *Хорижий валютада ифодаланган даромадлилик чизигига асосланган ўзгармас-олиш, ўзгарувчан-тўлаш фоиз ставкаси свопи.* 2-даражанинг манба маълумоти своппнинг деярли тўлиқ муддати бўйича умумий тарзда белгиланган ораликларда кузатилган ҳолда чет эл валютасида ифодаланган даромадлилик чизигига асосланган своп ставкаси бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат, агар своппнинг муддати 10 йил бўлиб, ушбу ставка 9 йил бўйича умумий тарзда белгиланган ораликларда кузатилса, бунда агар 10-йилга даромадлилик чизигининг ҳар қандай оқилона узайтирилиши бутунлигича своппнинг ҳаққоний қийматини баҳолашга нисбатан аҳамиятли бўлмаслиги мумкин бўлса, юз бериши мумкин.
- (в) *Муайян банкнинг таянч ставкасига асосланган ўзгармас-олиш, ўзгарувчан-тўлаш фоиз ставкаси свопи.* 2-даражанинг манба маълумоти, агар узайтирилган қийматлар

кузатиладиган бозор маълумотлари орқали, масалан, своппинг деярли тўлиқ муддати мобайнида кузатиладиган фойз ставкаси билан корреляция орқали тасдиқланса, узайтирилиш орқали келтириб чиқарилган банкнинг таянч ставкаси бўлиши мумкин.

- (г) *Биржада-савдо-қилинадиган акциялар бўйича уч йиллик опцион.* Агар куйидаги ҳолатларнинг иккиси ҳам мавжуд бўлса, 2-даражанинг манба маълумоти 3-йилга узайтириш орқали келтириб чиқарилган акциялар бўйича назарда тутилган ўзгарувчанлик бўлиши мумкин:
- (i) акциялар бўйича бир йиллик ва икки йиллик опционлар учун нархлар кузатиладиган бўлса.
 - (ii) уч йиллик опционнинг узайтирилган назарда тутилган ўзгарувчанлиги своппинг деярли тўлиқ муддати учун кузатиладиган бозор маълумотлари орқали тасдиқланса.

Ушбу ҳолатда назарда тутилган ўзгарувчанлик акциялар бўйича бир йиллик ва икки йиллик опционларнинг назарда тутилган ўзгарувчанлигини узайтириш орқали келтириб чиқарилиши мумкин ва, агар бир йиллик ва икки йиллик назарда тутилган ўзгарувчанликлар билан корреляция ҳосил қилинган бўлса, қиёсий ташкилотларнинг акциялар бўйича уч йиллик опционларнинг назарда тутилган ўзгарувчанлиги орқали тасдиқланиши мумкин.

- (д) *Лицензиялаш келишуви.* Бизнес бирлашувида харид қилинган ва яқинда харид қилган ташкилот (лицензиялаш келишувидаги тараф) томонидан ўзаро боғлиқ бўлмаган томон билан музокара қилинган лицензиялаш келишуви учун, 2-даража манба маълумоти келишув бошланишидаги ўзаро боғлиқ бўлмаган томон билан шартномадаги роялти ставкаси бўлиши мумкин.
- (е) *Чакана савдо нуқталаридаги тайёр товарлар захираси.* Бизнес бирлашувида харид қилинган тайёр товарлар захираси учун, 2-даража манба маълумоти чакана бозордаги харидорлар учун нарх ёки улгуржи бозордаги чакана савдо ташкилотлари учун нарх бўлиши мумкин, бунда у захира моддасининг ва қиёсий (яъни ўхшаш) захира моддаларининг ҳолати ва жойи ўртасидаги фарқларга тузатиш бўлади, натижада ҳаққоний қийматни баҳолаш захирани талаб этилган сотиш бўйича уринишларини тугаллаши мумкин бўлган бошқа чакана савдо ташкилотлари сотиш операциясида олинishi мумкин бўлган нархни акс эттиради. Концептуал тарзда, тузатишлар чакана нархга (пастга томон) ёки улгуржи нархга (юқорига томон) нисбатан амалга оширилишига қарамасдан, ҳаққоний қийматни баҳолаш бир хил бўлади. Умуман олганда, ҳаққоний қийматни баҳолашда субъектив тузатишларнинг энг кам суммасини талаб этадиган нархдан фойдаланиш лозим.
- (ж) *Эгаликдаги ва фойдаланишдаги бино.* 2-даража манба маълумоти кузатиладиган бозор маълумотларидан келтириб чиқарилган ҳолда бино бўйича метр квадрат учун нарх (баҳолаш коэффициенти) бўлиши мумкин, масалан, ўхшаш жойдаги қиёсий (яъни ўхшаш) биноларни қамраб оладиган кузатиладиган операция нархларидан келиб чиқадиган коэффициентлар.
- (з) *Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик.* 2-даража манба маълумоти кузатиладиган бозор маълумотларидан келтириб чиқарилган ҳолда баҳолаш коэффициенти (масалан фойда ёки даромад ёки ўхшаш фаолият ўлчовининг коэффициенти) бўлиши мумкин, масалан, операция, бозор, молиявий ва номолиявий омиллари инobatга олган ҳолда, қиёсий (яъни ўхшаш) бизнесларни қамраб оладиган кузатиладиган операциялардаги нархлардан келиб чиқадиган коэффициентлар.

3-даражанинг манба маълумотлари (86–90-бандлар)

Б36 Муайян активлар ва мажбуриятлар бўйича 3-даража манба маълумотларга мисоллар куйидагиларни ўз ичига олади:

- (а) *Узоқ муддатли валюта свопи.* 3-даража манба маълумоти умумий тарзда белгиланган оралиқларда ёки бошқа ҳолларда валюта своппинг деярли тўлиқ муддати бўйича кузатиладиган бозор маълумотлари орқали тасдиқланмаслиги мумкин бўлган кузатилмайдиган муайян валютадаги фойз ставкаси бўлиши мумкин. Валюта свопидаги фойз ставкалар тегишли мамлакатларнинг даромадлилик чизиклари орқали ҳисобланадиган своп ставкалари ҳисобланади.
- (б) *Биржада савдо қилинадиган акциялар бўйича уч йиллик опцион.* 3-даража манба маълумоти олдинги ўзгарувчанлик, яъни акцияларнинг олдинги нархларидан олинadиган акциялар бўйича ўзгарувчанлик кўрсаткичи бўлиши мумкин. Олдинги ўзгарувчанлик одатда келгуси

- ўзгарувчанлик бўйича жорий бозор иштирокчиларининг кутишларини, ҳатто агар у опционни нархлашда ягона мавжуд маълумот бўлса ҳам, акс эттирмайди.
- (в) *Фоииз ставкаси свопи.* 3-даража манба маълумоти бевосита кузатилмайдиган ва бошқа ҳолларда кузатиладиган бозор маълумотлари томонидан тасдиқланмайдиган маълумотлар орқали ҳосил қилинган своп бўйича оралиқ бозор келишув (мустикал) нархига нисбатан тузатиш бўлиши мумкин.
- (г) *Бизнес бирлашувда қабул қилинган фойдаланишдан чиқариш мажбурияти.* 3-даража манба маълумоти мажбуриятни бажариш учун тўланадиган келгуси пул чиқимлари бўйича ташкилотнинг ўз маълумотлари (жумладан мажбуриятни бажариш сарфлари бўйича бозор иштирокчиларининг кутишлари ва бозор иштирокчиси активни ҳисобдан чиқариш учун мажбуриятни қабул қилишда талаб этиши мумкин бўлган компенсация) орқали, агар бозор иштирокчилари бошқа фаразлардан фойдаланиши мумкинлигини кўрсатадиган маълумотлар асосланган тарзда мавжуд бўлмаса, жорий ҳисоб баҳоси бўлиши мумкин. Ушбу 3-даража манба маълумотидан, агар ташкилотнинг кредит ҳолатининг мажбуриятнинг ҳаққоний қийматига таъсири келгуси пул чиқимларининг баҳосида эмас, балки дисконтлаш ставкасида акс эттирилса, дисконтланган қиймат усулида бошқа манба маълумотлар, масалан жорий рискдан холи фоииз ставкаси ёки кредитга тузатилган рискдан холи ставка, билан бирга фойдаланиш мумкин.
- (д) *Пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик.* Агар бозор иштирокчилари бошқа фаразлардан фойдаланиши мумкинлигини кўрсатадиган маълумотлар асосланган тарзда мавжуд бўлмаса, 3-даража манба маълумоти ташкилотнинг ўз маълумотлари орқали ишлаб чиқилган молиявий режа (масалан пул оқимларининг ёки фойда ёки зарарнинг режаси) бўлиши мумкин.

Актив ёки мажбурият бўйича фаолиятнинг ҳажми ёки даражаси аҳамиятли тарзда камайганда ҳаққоний қийматни баҳолаш

- Б37 Актив ёки мажбурият (ёки ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар) бўйича меъёрдаги бозор фаолиятига нисбатан ушбу актив ёки мажбурият бўйича фаолиятнинг ҳажмида ёки даражасида аҳамиятли камайиш содир бўлган бўлса, активнинг ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматига таъсир кўрсатиши мумкин. Мавжуд далил асосида, актив ёки мажбурият бўйича фаолиятнинг ҳажмида ёки даражасида аҳамиятли камайиш содир бўлганини аниқлаш учун ташкилот қуйидагилар каби омилларнинг аҳамиятлилигини ва ўринлилигини баҳолаши лозим:
- (а) Яқин орада жуда кам операциялар мавжудлиги.
- (б) Нарх котировкалари жорий маълумотлар орқали ҳосил қилинмаганлиги.
- (в) Нарх котировкалари вақт мобайнида ёки маркет-мейкерлар ўртасида (масалан айрим брокерлик бозорларида) аҳамиятли даражада ўзгариши.
- (г) Олдин активнинг ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматлари билан юқори боғланишга эга бўлган индекслар ушбу актив ёки мажбурият бўйича ҳаққоний қийматнинг яқин орадаги кўрсаткичлари билан очиқ тарзда боғланмаганлиги.
- (д) Актив ёки мажбурият бўйича кредит ва бошқа жавобгарликларни бажармаслик rischi тўғрисида барча мавжуд бозор маълумотларини инобатга олган ҳолда, ташкилотнинг кутилаётган пул оқимлари бўйича баҳоси билан киёслаганда кузатилаётган операциялар ёки нархлар котировкаси бўйича назарда тутилган ликвидлик риск мукофотларида, даромадлиликларда ёки фаолият натижаси кўрсаткичларида (масалан муддатни кечиктириш даражалари ёки зарарнинг жиддийлиги) аҳамиятли ошиш мавжуд.
- (е) Кенг талаб ва таклиф спрэди ёки талаб ва таклиф спрэдида аҳамиятли ошиш мавжуд.
- (ж) Актив ёки мажбурият ёхуд ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар бўйича янги эмиссиялар учун бозор (яъни, бирламчи бозор) фаолиятида аҳамиятли камайиш мавжуд ёки бундай бозор мавжуд эмас.
- (з) Кам маълумотлар (масалан, принципаллар бозорида содир бўладиган операциялар учун) оммавий тарзда мавжуд.
- Б38 Агар ташкилот актив ёки мажбурият (ёки ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар) бўйича меъёрдаги бозор фаолиятига нисбатан актив ёки мажбурият бўйича фаолиятнинг ҳажмида ёки даражасида аҳамиятли камайиш содир бўлган деб хулоса қилса, операцияларнинг ёки нархлар котировкасининг кейинги таҳлили зарур бўлади. Фаолиятнинг ҳажмида ёки даражасидаги камайишнинг ўзи операция

нархи ёки нарх котировкаси ҳаққоний қийматни акс эттирмаслигини ёки ушбу бозордаги операция одатдаги эмаслигини кўрсатмаслиги мумкин. Лекин, агар ташкилот операция нархи ёки нарх котировкаси ҳаққоний қийматни акс эттирмаслигини (масалан одатий бўлмаган операцияларнинг мавжуд бўлиши мумкинлигини) аниқласа, операцияларга ёки нархлар котировкасига нисбатан тузатиш, агар ташкилот ушбу нархлардан ҳаққоний қийматни баҳолаш асоси сифатида фойдаланса ва ушбу тузатиш бутун ҳаққоний қийматни баҳолашга нисбатан аҳамиятли бўлиши мумкин бўлса, зарур бўлади. Тузатишлар бошқа ҳолатларда ҳам зарар бўлиши мумкин (масалан, ўхшаш актив бўйича нарх уни баҳоланаётган активга нисбатан қийсий бўлишини таъминлаш учун аҳамиятли тузатишни талаб этса ёки нарх кучга эга бўлмаса).

- Б39 Мазкур МХХС операцияларга ёки нархлар котировкасига нисбатан аҳамиятли тузатишларни амалга ошириш учун услубиётни белгиламайди. Ҳаққоний қийматни баҳолашда баҳолаш усулларида фойдаланиш муҳокамаси учун 61-66-ва Б5-Б11-бандларга қаранг. Фойдаланилган баҳолаш усулидан қатъий назар, ташкилот ўринли риск тузатишларини, жумладан бозор иштирокчилари активнинг ёки мажбуриятнинг пул оқимларига хос ноаниқлик учун қоплаш сифатида талаб этиши мумкин бўлган суммани акс эттирадиган риск мукофотини (Б17-бандга қаранг), инobatга олиши лозим. Акс ҳолда, баҳолаш ҳаққоний қийматни ҳаққоний тарзда акс эттирмайди. Баъзи ҳолатларда, ўринли риск тузатишини аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Лекин, қийинлик даражасининг ўзи риск тузатишини истисно қилиш учун етарли асос бўлмайди. Рискка тузатиш киритиш жорий бозор шартлари асосида баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияни акс эттиришга хизмат қилиши лозим.
- Б40 Агар актив ёки мажбурият бўйича фаолиятнинг ҳажмида ёки даражасида аҳамиятли камайиш содир бўлган бўлса, баҳолаш усулида ўзгариш ёки бир неча баҳолаш усуллари ўринли бўлиши мумкин (масалан, бозор ёндашувидан ёки дисконтланган қиймат усулидан фойдаланиш). Бир неча баҳолаш усулларида фойдаланишдан юзага келадиган ҳаққоний қиймат кўрсаткичларини тортишда, ташкилот ҳаққоний қийматни баҳолашлар кенглигининг асосланганлигини кўриб чиқиши лозим. Мақсад жорий бозор шартларида ҳаққоний қийматнинг энг яхши натижаси бўлган кенгликдаги нуқтани аниқлашдир. Ҳаққоний қийматни баҳолаш оралигининг кенглиги қўшимча таҳлилни талаб этиши мумкин.
- Б41 Ҳатто актив ёки мажбурият бўйича фаолиятнинг ҳажмида ёки даражасида аҳамиятли камайиш содир бўлган бўлсада, ҳаққоний қийматни баҳолашнинг мақсади ўзгармасдан қолади. Ҳаққоний қиймат жорий бозор шартлари асосида баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда (яъни мажбурий ликвидация ёки мажбурий сотув бўлмаган) активни сотишдан олиниши ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нарх ҳисобланади.
- Б42 Агар актив ёки мажбурият бўйича фаолиятнинг ҳажмида ёки даражасида аҳамиятли камайиш содир бўлганда, бозор иштирокчилари жорий бозор шартлари асосида баҳолаш санасида операцияни амалга оширишга интиладиган нархни баҳолаш, баҳолаш санасидаги далиллар ва ҳолатларга боғлиқ бўлади ва мулоҳазани талаб этади. Ташкилотнинг активни сақлашни ёки мажбуриятни ҳисоб-китоб қилишни ёки бошқа ҳолларда бажаришни назарда тутиши ҳаққоний қийматни баҳолашда ўринли бўлмайди, чунки ҳаққоний қиймат ташкилотга хос баҳолаш эмас, балки бозорга асосланган баҳолашдир.

Одатдаги операция ҳисобланмайдиган операцияларни аниқлаш

- Б43 Операция одатдаги операция бўлишини (ёки одатдаги операция бўлмаслигини) аниқлаш, агар актив ёки мажбурият (ёки ўхшаш активлар ёки мажбуриятлар) бўйича меъёрдаги бозор фаолиятига нисбатан актив ёки мажбурият бўйича фаолиятнинг ҳажмида ёки даражасида аҳамиятли камайиш содир бўлган тақдирда, қийинроқ бўлади. Бундай ҳолатларда ушбу бозордаги барча операциялар одатдаги эмас (яъни, мажбурий ликвидациялар ёки мажбурий сотувлар) деб хулоса қилиш ноўрин бўлади. Операция одатдаги бўлмаслигини кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) Жорий бозор шартларида активлар ёки мажбуриятларни қамраб оладиган операциялар учун одатий ва анаънавий бўлган маркетинг фаолиятларига имкон бериш учун баҳолаш санасидан олдинги даврда бозорга етарли таъсир мавжуд бўлмаган.
 - (б) Одатий ва анаънавий маркетинг даври мавжуд бўлган, аммо сотувчи ягона бозор иштирокчисига нисбатан актив ёки мажбуриятнинг савдосини амалга оширган.
 - (в) Сотувчи банкротликда ёки банкротликка яқин ҳолатда ёки ликвидатор бўлган (яъни сотувчи мушкул вазиятда).
 - (г) Сотувчидан меъёрий ёки қонуний талабларни бажариш учун сотиш талаб этилган (яъни сотувчи босим остида).

- (д) Операция нархи айнан бир ёки ўхшаш актив ёки мажбурият бўйича бошқа яқин орадаги операциялар билан солиштирилганда ажралиб турган.

Ташкилот мавжуд далилнинг аҳамиятга молик эканлиги жиҳатидан операция одатдаги бўлишини аниқлаш учун ҳолатларни баҳолаши лозим.

Б44 Ташкилот ҳаққоний қийматни баҳолашда ёки бозор рисқи мукофотларини баҳолашда қуйидагиларни барчасини кўриб чиқиши лозим:

- (а) Агар далил операция одатдаги операция эмаслигини кўрсатса, ташкилот ушбу операция нархига нисбатан, агар мавжуд бўлса, кичик урғу (ҳаққоний қийматнинг бошқа кўрсаткичлари билан қиёсланганда) бериши лозим.
- (б) Агар далил операция одатдаги операция эканлигини кўрсатса, ташкилот ушбу операция нархини инobatга олиши лозим. Ҳаққоний қийматнинг бошқа кўрсаткичлари билан қиёслаганда ушбу операция нархига нисбатан берилadиган урғунинг суммаси қуйидагилар каби далиллар ва ҳолатларга боғлиқ бўлади:
- (i) операция хажми.
- (ii) операциянинг баҳоланаётган актив ёки мажбуриятга нисбатан қиёсийлиги.
- (iii) операциянинг баҳолаш санасига яқинлиги.
- (в) Агар ташкилот операция одатдаги операция бўлишини хулоса қилиш учун етарли маълумотга эга бўлмаса, у операция нархини инobatга олиши лозим. Лекин, ушбу операция нархи ҳаққоний қийматни акс эттирмаслиги мумкин (яъни, операция нархи ҳаққоний қийматни баҳолашда ёки бозор рисқи мукофотларини баҳолашда ягона ёки бирламчи асос бўлиши зарур эмас). Ташкилот муайян операциялар одатдаги операция бўлишини хулоса қилиш учун етарли маълумотга эга бўлмаса, одатдаги операция деб ҳисобланган бошқа операциялар билан қиёслаганда ушбу операцияларга камрок урғу берилиши лозим.

Ташкилот операция одатдаги операция бўлишини аниқлаш учун изчил уринишларни амалга ошириши талаб этилмайди, лекин у асосланган тарзда мавжуд бўлган маълумотларни инкор этмаслиги лозим. Ташкилот операцияда бир томон бўлса, у операция одатдаги бўлишини хулоса қилиш учун етарли маълумотга эга деб фараз қилинади.

Учинчи томонлар тарафидан таъминланган нархлар котировкасидан фойдаланиш

Б45 Мазкур МХХС, агар ташкилот ушбу томонлар таъминлаган нархлар котировкаси мазкур МХХСга мувофиқ ҳосил қилинганлигини аниқласа, учинчи томонлар таъминлаган нархлар котировкасидан фойдаланишга тўсқинлик қилмайди.

Б46 Агар актив ёки мажбурият бўйича фаолиятнинг хажмида ёки даражасида аҳамиятли камайиш содир бўлган бўлса, ташкилот учинчи томонлар таъминлаган нархлар котировкаси одатдаги операцияларни ёки бозор иштирокчисининг фаразларини (жумладан риск бўйича фаразларни) акс эттирадиган баҳолаш усулини акс эттирадиган жорий маълумотлар орқали ҳосил қилинганлигини баҳолаши лозим. Ҳаққоний қийматни баҳолашга манба маълумот сифатида нарх котировкасига урғу беришда, ташкилот (операциялар натижаларини акс эттирадиган ҳаққоний қийматнинг бошқа кўрсаткичлари билан қиёслаганда) операциялар натижасини акс эттирмайдиган котировкаларга камрок урғу беради.

Б47 Бундан ташқари, котировканинг хусусияти (масалан котировка намунавий нарх ёки боғловчи таклиф бўлиши) мавжуд далилга урғу беришда инobatга олиниши лозим, бунда боғловчи таклифларни акс эттирадиган учинчи томон орқали таъминланган котировкаларга кўпроқ урғу берилади.

В илова **Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари**

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисми бўлиб, МХХСнинг бошқа қисмлари каби тенг кучлидир.

- B1 Мазкур МХХС ташкилот томонидан 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур МХХСни олдинроқ давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- B2 Ушбу МХХС у дастлаб қўлланадиган йиллик даврнинг бошидан перспектив тарзда қўлланиши лозим.
- B3 Ушбу МХХСнинг ёритиб бериш талаблари мазкур МХХСнинг дастлабки қўлланишидан олдинги даврлар учун таъминланган қиёсий маълумотларга нисбатан қўлланиши талаб этилмайди.
- B4 2013 йил май ойида эълон қилинган “2011 - 2013 йиллар даври бўйича йиллик такомиллаштиришлар” бўйича 52-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2014 йил 1 июль ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 13-сон МХХС дастлаб қўлланилган йиллик даврнинг бошидан перспектив тарзда қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришни олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- B5 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МХХС бўйича 52 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- B6 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МХХС “Ижара” бўйича 6-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
40-ИЛОВА

14-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти Кечиктирилган тариф фарқлари счётлари

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади ташкилот мижозларга товар ёки хизматларни *тариф асосида тартибга солинадиган* нархда ёки ставкада тақдим этишда юзага келадиган *кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғи* учун молиявий ҳисобот талабларини белгилашдан иборат.
- 2 Бу мақсадга эришиш учун мазкур стандарт қуйидагиларни талаб қилади:
 - (а) кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғи учун асосан ушбу счётларни акс эттириш билан боғлиқ бўлган олдинги бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойилларига (*олдинги БХУТ*) мувофиқ қўлланган ҳисоб сиёсатидаги чекланган ўзгаришлар;
 - (б) қуйидагилар бўйича ёритиб бериладиган маълумотлар:
 - (i) ташкилотнинг молиявий ҳисоботида тариф асосида тартибга солиш натижасида юзага келадиган суммаларни аниқлаш ва тушунтириш; ва
 - (ii) молиявий ҳисобот фойдаланувчилари тан олинadиган ҳар қандай кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлардан келиб тушадиган пул оқимларининг миқдори, муддати ва ноаниқлигини тушунишига ёрдам бериш.
- 3 Мазкур стандарт талаблари МХХСни қабул қилганида юқоридаги 2-бандда кўрсатилган чекланган ўзгаришларга дуч келадиган ташкилотга молиявий ҳисоботларидаги кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини ўзининг олдинги БХУТга мувофиқ ҳисобга олишни давом эттиришига ўзининг қўллаш доирасида рухсат беради.
- 4 Бундан ташқари мазкур стандарт бошқа стандартларнинг талабларидан айрим истисноларни ёки улардан озод қилишни таъминлайди. Кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини акс эттириш ва ушбу счётлар билан боғлиқ бошқа стандартларнинг талабларидан истисно қилиш ёки озод қилиш тўғрисида ҳисобот бериш бўйича барча белгиланган талаблар ўша бошқа стандартлар ўрнига мазкур стандартда камраб олинган.

Қўллаш доираси

- 5 Ташкилот МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида мазкур стандарт талабларини фақат ва фақат қуйидаги ҳолларда қўллашига рухсат берилади:
 - (а) *тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятларни* амалга оширса; ва
 - (б) олдинги БХУТга мувофиқ молиявий ҳисоботда кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлари сифатида акс эттириладиган суммаларни тан олган бўлса.
- 6 Ташкилот, фақат ва фақат МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида мазкур стандарт талабларини қўллашни танлаш орқали кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олган бўлса, мазкур стандарт талабларини кейинги даврлар учун молиявий ҳисоботида қўллаши лозим.
- 7 Мазкур стандартда тариф асосида тартибга солинадиган фаолият билан шуғулланadиган ташкилотлар томонидан юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг бошқа жиҳатлари кўриб чиқилмайди. Мазкур стандартдаги талабларни қўллаган ҳолда бошқа стандартларга мувофиқ активлар ёки мажбуриятлар сифатида тан олинишига рухсат берилган ёки талаб қилинадиган ҳар қандай суммалар тариф фарқлари счёти қолдиқлари сифатида таснифланган суммалар таркибига киритилмаслиги лозим.
- 8 Мазкур стандартнинг қўллаш доирасида бўлган ва уни қўллашни танлаган ташкилот ўзининг тариф асосида тартибга солинадиган барча фаолиятлари бўйича юзага келадиган барча

кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдигига нисбатан унинг барча талабларини қўллаши лозим.

Тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиш ва тан олишни бекор қилиш

8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар” нинг 11-бандидан вақтинча озод қилиш

- 9 Тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятларга эга ва мазкур стандартнинг қўллаш доирасида бўлган ва уни қўллашни танлаган ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдигини тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиш ва тан олишни бекор қилиш бўйича ҳисоб сиёсатини тайёрлашда 8-сон БҲХСнинг 10 ва 12-бандларини қўллаши лозим.
- 10 Раҳбариятдан бирор модда учун ҳисоб сиёсатини шакллантиришда ҳисобга олиш талаб қилинадиган ёки рухсат бериладиган талаблар ва кўрсатмалар, агар бундай моддага ҳеч қандай стандарт муайян тарзда қўлланмаса, 8-сон БҲХСнинг 11-12-бандларига мувофиқ белгиланади. Мазкур стандарт ташкилотни тариф фарқлари смети қолдиқларини тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиш ва тан олишни бекор қилиш бўйича ўзининг ҳисоб сиёсатига 8-сон БҲХСнинг 11-бандини қўллашдан озод қилади. Натижада, олдинги БҲУТга мувофиқ тартибга солиш бўйича тариф фарқлари смети қолдиқларини алоҳида моддалари сифатида ёки бошқа активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматининг бир қисми сифатида тан оладиган, мазкур стандартнинг 18–19-бандлари талаб қилган ҳар қандай тақдим қилиш бўйича ўзгаришларга дуч келадиган ташкилотларга 8-сон БҲХСнинг 11-бандидан озод қилиш орқали ушбу қолдиқларни мазкур стандартга мувофиқ тан олишни давом эттиришга рухсат берилади.

Амалдаги ҳисоб сиёсатини давом эттириш

- 11 Мазкур стандартни дастлабки қўллашда 13-15-бандларда рухсат этилган ҳар қандай ўзгаришлардан ташқари ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларини тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиш ва тан олишни бекор қилиш бўйича ўзининг олдинги БҲУТ ҳисоб сиёсатини қўллашни давом эттириши лозим. Лекин, бундай суммаларни тақдим этиш ташкилотнинг олдинги БҲУТ тақдим қилиш қоидаларига ўзгартириш киритишни талаб қилиши (18-19-бандларга қаранг) мумкин бўлган мазкур стандартнинг тақдим этиш талабларига жавоб бериши лозим.
- 12 Ташкилот 13-15-бандларда рухсат этилган ҳар қандай ўзгаришлардан ташқари, 11-бандга мувофиқ белгиланган сиёсатни кейинги даврларда изчиллик билан қўллаши лозим.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар

- 13 Ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларини тан олишни бошлаш учун ҳисоб сиёсатини ўзгартирмаслиги лозим. Агар ўзгариш молиявий ҳисоботни ундан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорлар қабул қилиш эҳтиёжларига мос келадиган ва ишончлилиги кам бўлмаган¹ ёки янада ишончли бўлган ва ушбу эҳтиёжлар учун кам бўлмаган даражада ўринли бўлса, ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларини тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиш ва тан олишни бекор қилиш бўйича ҳисоб сиёсатини ўзгартириши мумкин. Ташкилот ўринлилик ва ишончлилиқни 8-сон БҲХСнинг 10-бандидаги талаблардан фойдаланган ҳолда баҳолаши лозим.
- 14 Мазкур стандарт ташкилотларни ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларга нисбатан 8-сон БҲХСнинг 10 ёки 14-15-бандларини қўллашдан озод қилмайди. Кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқлари бўйича ҳисоб сиёсатини ўзгартирилишини асослаш учун ташкилот бу ўзгариш унинг молиявий ҳисоботини 8-сон БҲХСнинг 10-бандидаги талабга жавоб беришга яқинлаштиришини кўрсатиши лозим. Лекин, ўзгариш кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларини тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиш ва тан олишни бекор қилиш бўйича ушбу талабларга тўлиқ мос келиши талаб этилмайди.

¹ 2010 йилда Кенгаш томонидан БҲХСҚнинг 2001 йилда қабул қилинган “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асоси” ўрнига “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концептуал асоси” қабул қилинди. 2010 йилда эълон қилинган Концептуал асосда ва 2018 йилдан эълон қилинган қайта таҳрирланган Концептуал асосда фойдаланилган “Рўйи-рост тақдим этиш” атамаси Концептуал асосдаги “ишончлилиқ” бўйича асосий хусусиятларни ўзида намоён қилади. Мазкур стандартнинг 13-бандидаги талаб “ишончли” атамасини ўз ичига оладиган 8-сон БҲХСнинг талабларига асосланади.

- 15 13-14-бандлар мазкур стандартнинг дастлабки қўлланишидаги киритилган ўзгаришларга ҳам кейинги ҳисобот даврларида киритилган ўзгаришларга ҳам қўлланади.

Бошқа стандартлар билан ўзаро боғлиқлик

- 16 Мазкур стандартнинг бошқа стандартлар билан ўзаро боғлиқлигига доир ҳар қандай муайян истисно, озод қилиш ёки қўшимча талаблар мазкур стандарт таркибига кирази (Б7-Б28-бандларга қаранг). Бундай истисно, озод қилиш ёки қўшимча талаблар бўлмаган тақдирда бошқа стандартлар кечиктирилган тариф фарқлари счётлар қолдиқларига нисбатан худди улар ўша стандартларга мувофиқ тан олинадиган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларга нисбатан қўлланигани каби қўлланиши лозим.
- 17 Баъзи ҳолларда, ташкилотнинг 11-12-бандларга мувофиқ тузилган ҳисоб сиёсатига мувофиқ баҳоланган кечиктирилган тариф фарқлари счётлар қолдиқларига бу қолдиқларни молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириш учун бошқа стандартни қўллаш зарур бўлиши мумкин. Масалан, ташкилот операциялар ва кечиктирилган тариф фарқлари счётлари қолдиқлари ҳисобот берувчи ташкилотнинг функционал валютаси бўлмаган валютада кўрсатиладиган хорижий мамлакатда тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятга эга бўлиши мумкин. Кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлари ва ушбу қолдиқлардаги ҳаракатлар 21-сон БХХС “*Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсири*”ни қўллаш орқали бир валютадан бошқа валютага ўтказилади.

↓

Тақдим этишдаги ўзгаришлар

- 18 Мазкур стандарт 11-12-бандларга мувофиқ тан олинадиган кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлари бўйича 20-26-бандларда кўрсатилган тақдим этиш талабларини белгилаб беради. Мазкур стандарт қўлланганда, бошқа стандартларга мувофиқ тан олинган активлар ва мажбуриятларга қўшимча равишда кечиктирилган тариф фарқлари счётлар қолдиқлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинади. Ушбу тақдим этиш талаблари кечиктирилган тариф фарқлари счётлар қолдиқларини тан олиш таъсирини бошқа стандартларнинг молиявий ҳисобот талабларидан фарқлаб туради.
- 19 1-сон БХХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиши*”га мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ва фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да тақдим этилиши талаб қилинадиган моддаларга қўшимча равишда, мазкур стандартни қўллайдиган ташкилот барча кечиктирилган тариф фарқлари счётлардаги қолдиқларни ва ушбу қолдиқлардаги ҳаракатларни 20-26-бандларга мувофиқ тақдим этиши лозим.

Кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини таснифлаш

- 20 Ташкилот молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида сатрларда қуйидагиларни тақдим этиши лозим:
- (а) барча кечиктирилган тариф фарқлари счётларнинг дебет қолдиқлари йиғиндиси; ва
 - (б) барча кечиктирилган тариф фарқлари счётларнинг кредит қолдиқлари йиғиндиси.
- 21 Ташкилот молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда жорий ва узоқ муддатли активларни ҳамда жорий ва узоқ муддатли мажбуриятларни алоҳида таснифлаб тақдим этганида, у кечиктирилган тариф фарқлари счётларининг қолдиқларини жорий ёки узоқ муддатли деб таснифламаслиги лозим Бунинг ўрнига, 20-бандда талаб қилинган алоҳида сатр моддалари кечиктирилган тариф фарқлари счётлар қолдиқлари тақдим этилишидан олдин тузилган оралиқ натижаларни қайд этишдан фойдаланиб бошқа стандартларга мувофиқ тақдим этилган активлар ва мажбуриятлардан алоҳида фарқланиши лозим.

Кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлари ҳаракатини таснифлаш

- 22 Ташкилот бошқа умумлашган даромадларда тан олинган моддаларга тегишли ҳисобот давридаги барча кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларининг соф ҳаракатини фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг бошқа

умумлашган даромадлар қисмида тақдим этиши лозим. Бошқа стандартларга мувофиқ куйидаги моддаларга доир соф ҳаракат учун алоҳида моддалар фойдаланилиши лозим:

- (а) кейинчалик фойда ёки зарарга қайта таснифланмайдиган моддалар; ва
 - (б) кейинчалик муайян шартлар бажарилганда фойда ёки зарарга қайта таснифланадиган моддалар.
- 23 Ташкилот фойда ёки зарарлар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг фойда ёки зарарлар қисмида ёки фойда ёки зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобот даври учун барча кечиктирилган тариф фарқлари счётлар қолдиқларида қолган соф ҳаракати учун алоҳида сатр моддасини тақдим этиши лозим, бундан харид қилинган суммалар каби фойда ёки зарарда акс эттирилмайдиган ҳаракатлар мустасно. Ушбу алоҳида сатр моддаси кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларидаги соф ҳаракатдан олдин тузилган оралиқ натижаларни қайд этишдан фойдаланиб бошқа стандартларга мувофиқ тақдим этилган даромад ва харажатлардан фарқланиши лозим.
- 24 Ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олиши натижасида юзага келган кечиктирилган солиқ активини ёки кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олганда, ташкилот натижавий юзага келган кечиктирилган солиқ активини (мажбуриятини) ва кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлари ва ўша қолдиқлардаги ҳаракат билан боғлиқ кечиктирилган солиқ активида (мажбуриятида)ги ҳаракатни 12-сон БҲХС “*Фойда солиғи*”га мувофиқ кечиктирилган солиқ активлари (мажбуриятлари) ва солиқ харажати (даромади) бўйича тақдим этилган жами сумманинг ўрнига, тақдим этиши лозим (Б9-Б12-бандларга қаранг).
- 25 Агар ташкилот тугатилган фаолиятни ёки ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни 5-сон МХХС “*Сотилиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ тақдим қилса, ташкилот ҳар қандай тегишли кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини ва ушбу қолдиқлардаги соф ҳаракатларни, агар ўринли бўлса, ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар ёки тугалланган операциялар доирасида эмас, балки кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлари ва ушбу қолдиқлардаги ҳаракатлар билан биргаликда тақдим этиши лозим (Б19-Б22-бандларга қаранг).
- 26 Агар ташкилот бир акцияга тўғри келадиган фойдани 33-сон БҲХС “*Бир акцияга тўғри келадиган фойда*”га мувофиқ тақдим қилса, ташкилот 33-сон БҲХСда талаб этилган фойда суммаларидан фойдаланиб, лекин кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлардаги ҳаракатларни чиқариб ташлаган ҳолда ҳисобланадиган бир акцияга тўғри келадиган фойда-базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни тақдим этиши лозим (Б13-Б14-бандларга қаранг).

Маълумотларни ёритиб бериш

Мақсад

- 27 Мазкур стандартни қўллашни танлаган ташкилот фойдаланувчиларга куйидагиларни баҳолашга имкон берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилот етказиб берган товарлари ёки хизматлари учун харидорлардан оладиган нарх(лар)ни белгилайдиган тариф асосида тартибга солишнинг характерини ва у билан боғлиқ рискларни; ва
 - (б) ушбу тариф асосида тартибга солишнинг унинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларига таъсирларини.
- 28 Агар 30-36-бандларда ёритиб берилиши белгиланган маълумотларни ҳеч бири 27-банддаги мақсадга эришишга боғлиқ деб ҳисобланмаса, улар молиявий ҳисоботдан тушириб қолдирилиши мумкин. Агар 30-36-бандларга мувофиқ ёритиб берилиши белгиланган маълумотлар 27-банддаги мақсадга эришиш учун етарли бўлмаса, ташкилот ушбу мақсадга эришиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 29 27-банддаги маълумотни ёритиб бериш мақсадига эришиш учун ташкилот куйидагиларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим:
- (а) маълумотларни ёритиб бериш талабларини бажариш учун зарур бўлган тафсилотлар даражаси;
 - (б) турли талабларнинг ҳар бирига қанчалик эътибор ажратилиши;
 - (в) қанчалик жамлаш ёки ажратишни амалга ошириш; ва

- (г) молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ёритиб берилган микдорий маълумотларни баҳолаш учун қўшимча маълумотларга эҳтиёжи мавжудлиги.

Тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятларни тушунтириш

- 30 Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчига ташкилотнинг тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятнинг характери ва у билан боғлиқ рискларни баҳолашда ёрдам бериш учун ташкилот тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича куйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятнинг характери ва даражаси ҳамда тарифларни белгилаш жараёни характерининг қисқача тавсифи;
 - (б) тарифни тартибга солувчи орган(лар)нинг номи. Агар тарифни тартибга солувчи орган боғлиқ томон бўлса (24-сон БҲХС “*Боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш*”да тарифланганидек), ташкилот ушбу далилни ва унинг қандай боғлиқлигини тушунтириш билан бирга ёритиб бериши лозим;
 - (в) риск ва ноаниқликнинг кечиктирилган тариф фарқлари смети дебет қолдиғи ҳар бир синфининг (яъни сарф ёки даромаднинг ҳар бир турининг) келгусида тикланиши ёки кечиктирилган тариф фарқлари смети кредит қолдиғининг ҳар бир синфининг тикланиши қандай таъсир кўрсатишини, масалан:
 - (i) талаб ўзгариши rischi (масалан, харидорларнинг муносабатлари ўзгариши, алтернатив таъминот манбаларининг мавжудлиги ёки рақобат даражаси);
 - (ii) тарифни тартибга солиш rischi (масалан, тарифларни белгилаш тўғрисидаги аризани топшириш ёки тасдиқлаш ёки ташкилотнинг келгусидаги кутилаётган тартибга солиш ҳаракатларини баҳолаш); ва
 - (iii) бошқа рисклар (масалан, валюта ёки бошқа бозор рисклари).
- 31 30-банддаги ёритиб берилиши талаб этилган маълумотларни молиявий ҳисоботларда бевосита изоҳларда ёки молиявий ҳисоботлардан молиявий ҳисоботлардаги билан бир хил шартларда ва бир хил вақтда молиявий ҳисобот фойдаланувчилари фойдаланиши мумкин бўлган раҳбарият шарҳи ёки риск тўғрисидаги ҳисобот каби бошқа ҳисоботга ўзаро боғлиқ ҳавола билан киритилиши лозим. Агар маълумот бевосита молиявий ҳисоботга киритилмаса ёки ўзаро боғлиқ ҳавола билан киритилмаган бўлса, молиявий ҳисобот тўлиқ ҳисобланмайди.

Тан олинган суммаларни тушунтириш

- 32 Ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқлари тан олинishi ва тан олинishини бекор қилинishi асосларини ва уларни дастлабки ва кейинчалик қандай баҳоланиши, шу жумладан, кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларини қандай қилиб қопланиши бўйича баҳоланиши ва ҳар қандай кадрсизланиш зарари қандай тақсимланишини ёритиб бериши лозим.
- 33 Тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиғи ҳар бир тури учун куйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) агар бошқа шакл ўринлироқ бўлмаса, давр боши ва охиридаги баланс қиймати солиштирмаси. Ташкилот зарур бўлган тафсилотлар даражасини белгилашда мулоҳаза юритиши лозим, лекин куйидаги таркибий қисмлар одатда ўринли бўлади (28-29-бандларга қаранг):
 - (i) жорий даврда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқлари сифатида тан олинган суммалар;
 - (ii) жорий даврда тикланган (баъзида амортизация қилинган деб тавсифланади) ёки қайтарилган қолдиқларга тегишли бўлган фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да тан олинган суммалар; ва
 - (iii) кадрсизланишлар, бизнес бирлашувида харид қилинган ёки қабул қилинган моддалар, ҳисобдан чиқарилган моддалар ёки валюта курслари ёки дисконтлаш ставкалари ўзгаришларининг таъсирлари каби тариф фарқлари смети қолдиғига таъсир кўрсатадиган алоҳида ажратилган бошқа суммалар;
 - (б) кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиғининг ҳар бир синфи учун қўлланиладиган пулнинг вақт қийматини акс эттириш учун фойдаланиладиган даромадлилик даражаси ёки

- дисконтлаш ставкаси (ўринли бўлганда, ноль ставкани ёки бир қатор ставкаларни ўз ичига олган ҳолда); ва
- (в) ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари счёти дебёт қолдиғи ҳар бир гуруҳининг қолдик қийматини тиклашни (ёки амортизациялашни) қутган ёки кечиктирилган тариф фарқлари счёти кредит қолдиғи ҳар бир гуруҳини тесқари йўналтиришни қутаётган қолган даврлар.
- 34 Тариф асосида тартибга солиш ташкилотнинг фойда солиғи бўйича ҳаражатлари (даромадлари) миқдори ва муддатига таъсир қилганда, ташкилот тариф асосида тартибга солишнинг тан олинган жорий ва кечиктирилган солиқ суммаларига таъсирини ёритиб бериши лозим. Бундан ташқари, ташкилот солиқ солиш ва ушбу қолдикнинг тегишли ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тариф фарқлари счёти қолдиғини алоҳида ёритиб бериши лозим.
- 35 Агар ташкилот тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятга эга бўлган ва мазкур стандартга мувофиқ кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғи тан олиннадиган шўъба ташкилоти, таъсир остидаги ташкилот ёки қўшма корхонадаги улушлар бўйича 12-сон МҲХС “*Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериши*”га мувофиқ ёритиб бериладиган маълумотларни тақдим қилса, ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари счёти дебёт ва кредит қолдиқлари ва ушбу қолдиклардаги соф ҳаракатлар бўйича ёритиб берилган улушларга тегишли суммаларни ёритиб бериши лозим (Б25-Б28-бандларга қаранг).
- 36 Ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғи тўлиқ тикланиши ёки қайтарилиши мумкин эмас деган хулосага келганда, у ушбу фактни, унинг тикланмаслиғи ёки қайтарилмаслиғи сабабини ва кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғи камайган суммасини ёритиб бериши лозим.

А Илова Атамалар таърифи

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот	Ташкилот МХХСга мувофиқликнинг ошқора ва шартсиз баёнотини тақдим этган ҳолда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида тайёрлаган биринчи йиллик молиявий ҳисобот.
МХХСларни биринчи марта қўллайдиган ташкилот	Ўзининг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботини тақдим этадиган ташкилот.
олдинги БХУТ	МХХСларни биринчи марта қўллайдиган ташкилотнинг МХХСни қўллашдан олдин фойдаланган ҳисоб юритиш асослари.
тариф асосида тартибга солинадиган фаолият	Ташкилотнинг тариф асосида тартибга солинадиган фаолияти.
тариф асосида тартибга солиш	Товарлар ёки хизматлар учун харидорлардан олинадиган нархларни белгилаш тизими бўлиб, ушбу тизим тарифни тартибга солувчи орган томонидан назорат қилиниши ва/ёки тасдиқланиши лозим.
тарифни тартибга солувчи орган	Қонун ёки норматив ҳужжатларга асосан ташкилотни боғлайдиган тарифни ёки бир қатор тарифларни белгилаш ваколати берилган ваколатли орган. Тарифни тартибга солувчи орган , агар ушбу орган қонун ёки норматив ҳужжатларга асосан ҳам харидорларнинг манфаати учун, ҳам ташкилотнинг умумий молиявий барқарорлигини таъминлаш учун тарифларни белгилаши талаб қилинса, учинчи томон ёки ташкилотнинг боғлиқ томони, шунингдек ташкилотнинг бошқарув кенгаши бўлиши мумкин.
кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиғи	Бошқа стандартларга мувофиқ актив ёки мажбурият сифатида тан олинмайдиган, лекин тарифни тартибга солувчи орган томонидан харидорлардан олинадиган тариф(лар)ни белгилашда киритиладиган ёки киритилиши кутилганлиги сабабли кечиктирилган деб ҳисобланган ҳар қандай харажатлар (ёки даромадлар) сечининг қолдиғи.

Б илова Қўллаш бўйича кўрсатма

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

Тариф асосида тартибга солинадиган фаолият

- Б1 Олдиндан даврларда тариф асосида тартибга солиш ташкилотнинг барча фаолиятига татбиқ этилган. Лекин, харид қилиш, диверсификация қилиш ва тариф асосида тартибга солишни камайтириш билан тариф асосида тартибга солиш ҳозирда ташкилот фаолиятининг фақат бир қисмига тааллуқли бўлиши мумкин, натижада у ҳам тариф асосида тартибга солинадиган, ҳам тариф асосида тартибга солинмайдиган фаолиятга эга бўлади. Мазкур стандарт фақат ташкилот турига ёки қайси соҳага мансублигидан қатъи назар, тарифни тартибга солувчи органнинг ҳаракатлари орқали қонунда белгиланган ёки тартибга солинадиган чекловларга дуч келган тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятларга нисбатан қўлланади.
- Б2 Ташкилот мазкур стандартни ўз-ўзини тартибга соладиган фаолиятга, яъни тарифни тартибга солувчи орган томонидан назорат қилинадиган ва/ёки тасдиқланган нархлаш тизимига бўйсунмайдиган фаолиятларга қўлламаслиги лозим. Бу ташкилотни мазкур стандартни қуйидаги ҳолларда қўллаш ҳуқуқига тўсқинлик қилмайди:
- (а) ташкилотнинг ўз бошқарув органи ёки боғлиқ томони белгилаган нархлаш тизими доирасида харидорлар манфаати учун ҳам, ташкилотнинг умумий молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ҳам тарифларни белгилаганда; ва
 - (б) тизим қонун ёки норматив ҳужжатлар билан ваколат берилган орган томонидан назорат қилинганда ва/ёки тасдиқланганда.

Амалдаги ҳисоб сиёсатини давом эттириш

- Б3 Мазкур стандарт мақсадларида кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғи бошқа стандартларга мувофиқ актив ёки мажбурият сифатида тан олинмайдиган, лекин тарифни тартибга солувчи орган томонидан харидорлардан олинадиган тариф(лар)ни белгилашда киритиладиган ёки киритилиши кутилганлиги сабабли кечиктирилган деб ҳисобланган ҳар қандай харажатлар (ёки даромадлар) счётининг қолдиғи сифатида таърифланади. Баъзи харажат (даромад) моддалари тартибга солинадиган тариф(лар)дан ташқарида бўлиши мумкин, чунки, масалан, муайян суммаларни тарифни тартибга солувчи орган томонидан қабул қилиниши кутилмайди ёки бундай суммалар тарифни тартибга солиш доирасига кирмайди. Натижада, бундай модданинг актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматига киритилишига бошқа стандарт рухсат бермаса ёки талаб қилмаса, бундай модда юзага келиши билан даромад ёки харажат сифатида тан олинади.
- Б4 Баъзи ҳолларда бошқа стандартлар ташкилотга молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олиниши мумкин бўлган кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олишни ёки олдинги БХУТ ҳисоб сиёсатига мувофиқ асосий воситалар каби бошқа моддалар таркибига киритишни очик тарзда тақиқлайди. Лекин, мазкур стандартнинг 11-бандига мувофиқ, ўзининг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботида мазкур стандартни қўллашни танлаган ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиши ва тан олишни бекор қилиш учун олдинги БХУТ ҳисоб сиёсатини қўллашни давом эттириш учун 8-сон БХХСнинг 11-бандидаги озод қилишни қўллайди. Бундай ҳисоб сиёсати, масалан, қуйидаги амалиётларни ўз ичига олиши мумкин:
- (а) юридик шахснинг рухсат этилган сарфларни қоплаш учун тарифни тартибга солувчи органнинг амалдаги ёки кутилган ҳаракатлари натижасида келгуси даврларда тарифларни оширишга ҳақли бўлганда, тартибга солувчи кечиктирилган счётнинг дебёт кодигини тан олиш (яъни тартибга солинадиган тариф(лар)нинг тикланишини таъминлашга мўлжалланган сарфлар);
 - (б) келгусидаги тарифлар асосида қопланиши ёки тикланиши кутилаётган асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳар иккала моддаси чиқарилиши ёки ҳисобдан чиқарилишидаги ҳар қандай зарар ёки даромадга тенг бўлган суммани дебит ёки кредит кодикни кечиктирилган тариф фарқлари счёти сифатида тан олиш;
 - (в) юридик шахс томонидан рухсат этилган сарфларнинг ортикча қопланишини қайтариш учун тарифларни тартибга солувчи орган томонидан амалга оширилган ёки кутилаётган

- ҳаракатлар натижасида тарифларни пасайтириш талаб этилганда, тартибга солувчи кечиктирилган счёти кредит қолдиғини тан олиш (яъни тарифларни тартибга солувчи орган томонидан белгиланган копланадиган суммадан ортиқ бўлган суммалар); ва
- (г) тарифни тартибга солувчи орган томонидан белгиланган фоиз ставкасидан ёки дисконтлаш ставкасидан фойдаланиб дисконтланмаган ёки дисконтланган асосда кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини баҳолаш.
- Б5 Қуйида тарифни белгилаш бўйича қарорларни қабул қилишда тарифни тартибга солувчи орган рухсат бериши мумкин бўлган ва шу сабабли ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғида тан олиниши мумкин бўлган сарфлар турларига мисоллар келтирилган:
- (i) ҳажм ёки харид қилиш нархининг ўзгаришлари;
- (ii) тасдиқланган “яшил энергия” ташаббуслари бўйича сарфлар (16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*”га мувофиқ асосий воситалар бошланғич қийматининг бир қисми сифатида капиталлаштириладиган суммалардан ортиқ қисми);
- (iii) тарифни тартибга солиш мақсадлари учун капитал сарфлар сифатида ҳисобга олинадиган билвосита қўшиладиган устама сарфлар (лекин 16-сон БҲХСга мувофиқ асосий воситалар бошланғич қийматига киритилишига рухсат берилмайди);
- (iv) лойиҳани бекор қилиш сарфлари;
- (v) табиий офат билан боғлиқ сарфлар; ва
- (vi) шартли фоизлар (шу жумладан, ташкилотга хусусий капитал шунингдек қарз маблағлари бўйича даромадни таъминлайдиган қурилиш жараёнида фойдаланиладиган маблағлар учун рухсат этилган суммалар).
- Б6 Кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлари одатда даромадлар ёки харажатлар моддаларини тартибга солиш мақсадида ва молиявий ҳисобот мақсадида тан олиш ўртасидаги вақт фарқларини акс эттиради. Агар ташкилот МҲХСни биринчи марта қўллашда ёки янги ёки қайта кўриб чиқилган стандартни дастлабки қўллашда ҳисоб сиёсатини ўзгартирса, янги ёки қайта кўриб чиқилган кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғини юзага келтирадиган янги ёки қайта кўриб чиқилган вақт бўйича фарқлар юзага келиши мумкин. 13-банддаги кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олишни бошлаш учун ташкилотни ўзининг ҳисоб сиёсатини ўзгартаришидан қайтарадиган қоида МҲХС талабига асосан ҳисоб сиёсатидаги бошқа ўзгаришлар натижасида юзага келадиган янги ёки қайта кўриб чиқилган кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олишни тақиқламайди. Чунки бундай вақт фарқлари учун кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олиш 11-бандга мувофиқ қўлланган тан олиш сиёсатига мос келади ва янги ҳисоб сиёсатининг жорий этилишини англамайди. Шу каби, 13-банд МҲХСга ўтиш санасидан олдин мавжуд бўлмаган, аммо 11-бандга мувофиқ тузилган ташкилотнинг ҳисоб сиёсатига мос келадиган вақт фарқларидан келиб чиқадиган кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғини тан олишни тақиқламайди (масалан, табиий офат билан боғлиқ сарфлар).

Бошқа стандартларнинг қўлланиши

- Б7 Мазкур стандарт талаблари доирасига кирадиган ва уларни қўллашни танлаган ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиш ва тан олишни бекор қилиш бўйича ўзининг олдинги БҲУТ ҳисоб сиёсатини қўллашни давом эттириши лозим. Лекин, 16-17-бандлар баъзи ҳолатларда молиявий ҳисоботда кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тўғри акс эттириш учун уларга бошқа стандартлар ҳам қўлланиши зарур бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Қуйидаги-бандлар баъзи бошқа стандартларнинг мазкур стандарт талаблари билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Хусусан, қуйидаги-бандларда қўлланиши кутилаётган бошқа стандартлар ва қўшимча тарзда тақдим этиладиган ва ёритиб бериладиган маълумотлар бўйича талабларга нисбатан алоҳида истиснолар ва озод этишларга аниқлик киритилади.

10-сон БҲХС “Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар”нинг қўлланиши

- Б8 Ташкилот кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олиш ва баҳолашда ҳисоб баҳолари ва фаразлардан фойдаланиши зарур бўлиши мумкин. Ҳисобот даврининг охири ва молиявий ҳисоботлар эълон қилиш учун маъқулланган сана орасида содир бўлган ҳодисалар учун

ташкilot ушбу ҳисоб баҳолари ва фаразлар мазкур ҳодисаларни акс эттириш учун тузатилиши лозимлигини аниқлаш учун 10-сон БҲХСни қўллаши лозим.

12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”нинг қўлланиши

- Б9 12-сон БҲХС маълум чекланган истиснолардан ташқари, ташкilotдан барча вақтинчалик фарқлар учун кечиктирилган солиқ мажбуриятини ва (баъзи бир шартларни ҳисобга олган ҳолда) кечиктирилган солиқ активини тан олишни талаб қилади. Тариф асосида тартибга солинадиган ташкilot тан олиниши лозим бўлган фойда солиқлари суммасини аниқлаш учун ўзининг тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятларини ўз ичига олган ҳолда барча фаолиятларига нисбатан 12-сон БҲХСни қўллаши лозим.
- Б10 Баъзи тарифларни тартибга солиш тизимларида тарифни тартибга солувчи орган ташкilotнинг фойда солиғи бўйича харажатларининг бир қисмини ёки барчасини қоплаш учун келгуси тарифларини оширишга руҳсат беради ёки талаб қилади. Бундай ҳолатларда ташкilot 11-12-бандларга мувофиқ тузилган ҳисоб сиёсатида мувофиқ ташкilotнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида фойда солиғи билан боғлиқ кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғини тан олишига олиб келиши мумкин. Фойда солиғи билан боғлиқ бўлган ушбу кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғини тан олишининг ўзи қўшимча кечиктирилган солиқ суммасини тан олиниши учун қўшимча вақтинчалик фарқни келтириб чиқариши мумкин.
- Б11 12-сон БҲХСнинг тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш талабларига қарамай, ташкilot кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олиш натижасида юзага келадиган кечиктирилган солиқ активини ёки кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олганда, ташкilot ушбу кечиктирилган солиқ суммасини кечиктирилган солиқ активининг (мажбуриятининг) жами қолдиғига киритмаслиги лозим. Бунинг ўрнига, ташкilot кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларни тан олиш натижасида юзага келадиган кечиктирилган солиқ активини (мажбуриятини) қуйидагича тақдим этиши лозим:
- (а) кечиктирилган тариф фарқлари счёти дебет қолдиқлари ва кредит қолдиқлари учун тақдим этилган моддалар билан; ёки
 - (б) тегишли кечиктирилган тариф фарқлари счётининг дебет қолдиқлари ва кредит қолдиқлари ёнида алоҳида модда сифатида.
- Б12 Шу каби, ташкilot кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиғини тан олиш натижасида юзага келадиган кечиктирилган солиқ активидagi (мажбуриятидаги) ҳаракатни тан олганида ташкilot ушбу кечиктирилган солиқ суммасидаги ҳаракатни 12-сон БҲХСга мувофиқ фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да кўрсатиладиган солиқ харажатлари (даромадлари) моддаси таркибига киритмаслиги лозим. Бунинг ўрнига, ташкilot юридик шахснинг кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олиш натижасида юзага келадиган ҳаракатни кечиктирилган солиқ активидagi (мажбуриятида) қуйидагича тақдим этиши лозим:
- (а) фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да тақдим этиладиган кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлари ҳаракати бўйича тақдим этиладиган моддалар билан; ёки
 - (б) фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да тақдим этиладиган кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлари ҳаракати бўйича тегишли моддалар ёнида алоҳида модда сифатида.

33-сон БҲХС “Бир акцияга тўғри келадиган фойда”нинг қўлланиши

- Б13 33-сон БҲХСнинг 66-банди баъзи ташкilotлардан фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда ҳам давом этаётган фаолиятдан фойда ёки зарар бўйича, ҳам бош ташкilot оддий акция эгаларига тегишли фойда ёки зарар бўйича бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни тақдим этишни талаб қилади. Бундан ташқари, 33-сон БҲХСнинг 68-банди тугатилган фаолият тўғрисида ҳисобот берадиган ташкilotдан фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда тугатилган фаолият бўйича бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни ёритиб беришни талаб қилади.
- Б14 33-сон БҲХСга мувофиқ тақдим этилган ҳар бир акцияга тўғри келадиган фойда суммаси учун мазкур стандартни қўлайдиган ташкilot қўшимча равишда бир хил тарзда ҳисоблаб чиқиладиган бир акцияга тўғри келадиган фойда - базавий ва суюлтирилган кўрсаткичларни тақдим этиши лозим, фақат бу суммалар кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини соф ҳаракатни истисно қилади.

33-сон БҲҲСнинг 73-бандидаги талабга мувофиқ, ташкилот мазкур стандартнинг 26-бандида талаб қилинган бир акцияга тўғри келадиган фойдани тақдим этилган барча даврлар учун 33-сон БҲҲС талаб қилган бир акцияга тўғри келадиган фойдага тенг даражада тақдим этиши лозим.

36-сон БҲҲС “Активларнинг қадрсизланиши”нинг қўлланиши

- Б15 11-12-бандлар ташкилотдан унинг тан олинган кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларининг ҳар қандай қадрсизланишини аниқлаш, тан олиш, баҳолаш ва тиклаш бўйича олдинги БҲҲС хисоб сиёсатини қўллашни давом эттиришни талаб қилади. Натижада, 36-сон БҲҲС алоҳида тан олинган кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларига қўлланмайди.
- Б16 Лекин, 36-сон БҲҲС ташкилотдан кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларини ўз ичига оладиган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирик (ПМҲБ) бўйича қадрсизланиш тестини ўтказишни талаб қилиши мумкин. Ушбу тест ПМҲБ таркибда гудвилни ўз ичига олганлиги ёки ПМҲБ билан боғлиқ 36-сон БҲҲСда тавсифланган бир ёки бир нечта қадрсизланиш аломатлари аниқланганлиги сабабли талаб қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда, 36-сон БҲҲСнинг 74-79-бандлари қопланадиган қийматни ва баланс қийматини аниқлаш талабларини ўз ичига олади. Ташкилот ушбу талабларни ҳар қандай тан олинган кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиғи қадрсизланиш тести учун ПМҲБ баланс қийматига киритилишини ҳал қилишда қўллаши лозим. 36-сон БҲҲСнинг қолган талаблари кейин ушбу тест натижасида тан олинган ҳар қандай қадрсизланиш бўйича зарарларга қўлланиши лозим.

3-сон МҲҲС “Бизнес бирлашувлари”нинг қўлланиши

- Б17 3-сон МҲҲСнинг асосий принципи шундан иборатки, бизнесни харид қилувчи харид қилинган активларни ва қабул қилинган мажбуриятларни харид қилиш кундаги ҳаққоний қийматида тан олади. 3-сон МҲҲС уни тан олиш ва баҳолашга нисбатан чекланган истисноларни белгилаб беради. Мазкур стандартнинг Б18-банди қўшимча истисноларни назарда тутаяди.
- Б18 11-12-бандлар ташкилотдан кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларини тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиш ва тан олишни бекор қилиш бўйича ўзининг олдинги БҲҲС хисоб сиёсатини қўллашни давом эттиришни талаб қилади. Натижада, агар ташкилот бизнес харид қилса, у ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботида харид қилиш санасидаги харид қилиш объектнинг кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларини тан олиш ва баҳолаш учун 11-12-бандларга мувофиқ тузилган ҳисоб сиёсатини қўллаши лозим. Харид қилиш объектнинг кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқлари харид қилиш объекти ушбу молиявий қолдиқларни ўз молиявий ҳисоботида тан олиши ёки олмаслигидан қатъи назар, бизнесни харид қилувчининг ҳисоб сиёсатига мувофиқ консолидациялашган молиявий ҳисоботда тан олиниши лозим.

5-сон МҲҲС “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият”нинг қўлланиши

- Б19 11-12-бандлар ташкилотдан кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларни тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиш ва тан олишни бекор қилишда олдинги ҳисоб сиёсатини қўллашни давом эттиришни талаб қилади. Натижада, 5-сон МҲҲСнинг баҳолаш талаблари тан олинган кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларига қўлланмаслиги лозим.
- Б20 5-сон МҲҲСнинг 33-банди фойда ёки зарарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да тугатилган фаолият учун ягона суммани тақдим этишни талаб қилади. Ушбу банднинг талабларидан қатъий назар, 5-сон МҲҲСнинг 33-бандида назарда тутилган мазкур стандартни қўллашни танлаган ташкилот тугатилган фаолиятни тақдим қилганда, у тугатилган фаолиятнинг тариф билан тартибга солинадиган фаолиятдан келиб чиқадиган кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиғидаги ҳаракатларни ўз ичига олмайди. Бунинг ўрнига, ташкилот тугатилган фаолиятнинг тарифлар билан тартибга солинадиган фаолиятдан келиб чиқадиган кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқларидаги ҳаракатни қуйидагича тақдим этиши лозим:
- (а) фойда ёки зарар билан боғлиқ бўлган кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқлари ҳаракати учун тақдим этилган модда билан; ёки
 - (б) фойда ёки зарар билан боғлиқ бўлган кечиктирилган тариф фарқлари смети қолдиқлари ҳаракатлари учун тақдим этиладиган тегишли модда ёнида алоҳида сатр моддаси сифатида.
- Б21 Шу каби, 5-сон МҲҲСнинг 38-банди талабларига қарамай, ташкилот ҳисобдан чиқариладиган гуруҳни тақдим этганда, ташкилот ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг бир қисми бўлган кечиктирилган тариф фарқлари счётларнинг дебет қолдиқлари ва кредит қолдиқлари суммасини 5-

сон МҲХСнинг 38-бандида талаб этилган модда каторига киритмаслиги лозим. Бунинг ўрнига, ташкилот ҳисобдан чиқариладиган гуруҳнинг бир қисми бўлган кечиктирилган тариф фарқлари счётнинг дебет қолдиқлари ва кредит қолдиқларининг жами суммасини қуйидагича тақдим этиши лозим:

- (а) кечиктирилган тариф фарқлари счётнинг дебет қолдиқлари ва кредит қолдиқлари учун тақдим этилган моддалар билан; ёки
- (б) бошқа кечиктирилган тариф фарқлари счётларнинг дебет қолдиқлари ва кредит қолдиқлари ёнида алоҳида сатр моддалари сифатида.

Б22 Агар ташкилот ушбу ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ ёки тугатилган фаолият билан боғлиқ бўлган кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқлари ва ушбу қолдиқлардаги ҳаракатларини тегишли кечиктирилган тариф фарқлари счётлари моддаларига киритишни танласа, уларни мазкур стандартнинг 33-бандида тавсифланган кечиктирилган тариф фарқлари счёти моддалари таҳлилининг бир қисми сифатида алоҳида ёритиб бериш зарур бўлиши мумкин.

10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот” ва 28-сон БҲХС “Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар”нинг қўлланиши

Б23 10-сон МҲХСнинг 19-банди “бош ташкилот ўхшаш операциялар ва ҳодисалар учун бир хил ҳисоб сиёсати асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиши лозимлиги”ни талаб қилади. Мазкур стандартнинг 8-банди мазкур стандартни қўллаш доирасида бўлган ва қўллашни танлаган ташкилот унинг барча талабларини ташкилотнинг барча тариф асосида тартибга солинадиган фаолиятларидан юзага келадиган барча кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқига татбиқ этилишини талаб қилади. Натижада, агар бош ташкилот мазкур стандартга мувофиқ ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботида кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олса, у барча шўба ташкилотларида юзага келадиган кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларига бир хил ҳисоб сиёсатини қўллаши лозим. Ушбу талаб шўба ташкилотларнинг ушбу қолдиқларни ўзларининг молиявий ҳисоботида тан олиш ёки олмаслигидан қатъи назар қўлланиши лозим.

Б24 Шу каби, 28-сон БҲХСнинг 35-36-бандлари улушли қатнашиш усулини қўллашда “ташкилотнинг молиявий ҳисоботи ўхшаш операциялар ва ҳодисалар учун бир хил ҳисоб сиёсатидан фойдаланган ҳолда тузилиши”ни талаб қилади. Натижада, улушли қатнашиш усулини қўлланганда таъсир остидаги ёки қўшма корхоналарнинг кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олиш, баҳолаш, қадрсизланиш ва тан олишни бекор қилиш бўйича ҳисоб сиёсатини инвестиция қилувчи ташкилотнинг ҳисоб сиёсатига уйғунлаштириш учун тузатишлар киритилиши лозим.

12-сон МҲХС “Бошқа ташкилотлардаги улушларни ёритиб бериш”нинг қўлланиши

Б25 12-сон МҲХСнинг 12(д)-банди ташкилотдан ҳисобот берувчи ташкилот учун муҳим бўлган назорат қилинмайдиган улушларга эга бўлган шўба ташкилотларининг ҳар бири бўйича шўба ташкилотнинг назорат қилинмайдиган улушларига тақсимланган ҳисобот давридаги фойда ёки зарарни ёритиб беришни талаб қилади. Мазкур стандартга мувофиқ кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан оладиган ташкилот 12-сон МҲХСнинг 12(д)-бандига мувофиқ ёритиб бериш талаб қилинадиган суммалар таркибига киритиладиган кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларидаги соф ҳаракатни ёритиб бериши лозим.

Б26 12-сон МҲХСнинг 12(ё)-банди ташкилотдан ҳисобот берувчи ташкилот учун муҳим бўлган назорат қилинмайдиган улушларга эга бўлган шўба ташкилотларининг ҳар бири бўйича 12-сон МҲХСнинг Б10-бандида белгиланганидек, шўба ташкилоти тўғрисида умумлаштирилган молиявий маълумотларни ёритиб беришни талаб қилади. Шу каби, 12-сон МҲХСнинг 21(б)(ii) кичик банди ташкилотдан ҳисобот берувчи ташкилот учун муҳим бўлган ҳар бир қўшма корхона ва таъсир остидаги ташкилот бўйича 12-сон МҲХСнинг Б12-Б13-бандларида белгиланган умумлаштирилган молиявий маълумотларни ёритиб беришни талаб қилади. 12-сон МҲХСнинг Б16-банди ташкилот 12-сон МҲХСнинг 21(в) бандига мувофиқ, алоҳида ҳолатда муҳим бўлмаган бошқа барча таъсир остидаги ташкилотлар ва қўшма корхоналар бўйича ёритиб бериши талаб қилинадиган умумлаштирилган молиявий маълумотни белгилайди.

Б27 12-сон МҲХСнинг 12, 21, Б10, Б12-Б13 ва Б16-бандларида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда, мазкур стандартга мувофиқ кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларни тан оладиган ташкилот 12-сон МҲХСга мувофиқ ёритиб бериладиган маълумотлар талаб қилинадиган

ҳар бир ташкилот бўйича кечиктирилган тариф фарқлари счёти дебет қолдигининг жамини, кечиктирилган тариф фарқлари счёти кредит қолдигининг жамини ва фойда ёки зарарда тан олинган суммалар ва бошқа умумлашган даромадда тан олинган суммалар ўртасида тақсимланган ушбу қолдиқлардаги соф ҳаракатни ёритиб бериши лозим.

- Б28 12-сон МҲХСнинг 19-бандида ташкилот 10-сон МҲХСнинг 25-бандига мувофиқ ҳисобланадиган шўба ташкилоти устидан назоратни йўқотишдан фойда ёки зарарни тан олганда ёритиб берилиши талаб қилинадиган маълумотларни белгилайди. Бундан ташқари, 12-сон МҲХСнинг 19-бандига мувофиқ талаб қилинадиган маълумотларга қўшимча равишда, мазкур стандартни қўллашни танлаган ташкилот назорат йўқотилган санада олдинги шўба ташкилотдаги кечиктирилган тариф фарқлари счёти қолдиқларини тан олишни бекор қилиш билан боғлиқ фойда ёки зарар қисмини ёритиб бериши лозим.

В илова **Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари**

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

Кучга кириш санаси

- B1 Агар ташкилотнинг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботи 2016 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган даврга тегишли бўлса, ташкилот мазкур стандартни қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур стандартни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
41-ИЛОВА

15-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум

Мақсад

- 1 Мазкур стандартнинг мақсади *харидор билан шартномадан юзага келадиган тушум ва пул оқимларининг характери, суммаси, муддати ва юзага келиши ноаниқлиги тўғрисида молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун фойдали маълумотларни акс эттиришда ташкилот томонидан қўлланиши лозим бўлган тамойилларни белгилашдан иборат.*

Мақсадга мувофиқлиги

- 2 1-бандда кўрсатилган мақсадга эришиш учун мазкур стандартнинг асосий тамойили харидорга ваъда қилинган товарлар ёки хизматларнинг ўтказилишини акс эттиришда ташкилот томонидан тушумни ушбу товарлар ёки хизматлар эвазига олиниши кутилаётган товон суммасида тан олиниши лозимлигидан иборатдир.
- 3 Мазкур стандартни қўллашда ташкилот шартнома шартларини ва барча тегишли далиллар ва ҳолатларни инобатга олиши лозим. Ташкилот мазкур стандартни, шу жумладан ҳар қандай амалий мақсадлардаги соддалаштиришларни ўхшаш хусусиятларга эга бўлган ва ўхшаш ҳолатлардаги шартномаларга нисбатан изчил қўллаши лозим.
- 4 Мазкур стандартда харидор билан индивидуал шартнома ҳисоби кўриб чиқилади. Лекин, агар ташкилот молиявий ҳисобот нуктаи назаридан мазкур стандартнинг шартномалар портфелига қўллаш натижалари уни шундай портфел доирасидаги индивидуал шартномаларга (ёки *бажариш жавобгарликларига*) нисбатан қўллаш натижаларидан муҳим даражада фарқ қилмаслигини асосланган даражада кутса, амалий жиҳатдан соддалаштириш мақсадида, ташкилот мазкур стандартни ўхшаш хусусиятларга эга бўлган шартномалар (ёки бажариш жавобгарликлари) портфелига нисбатан қўллаши мумкин. Шартномалар портфели бўйича ҳисоб юритишда ташкилот ушбу портфелнинг ҳажми ва таркибини акс эттирадиган ҳисоб баҳолари ва фаразлардан фойдаланиши лозим.

Қўллаш доираси

- 5 Ташкилот мазкур стандартни харидорлар билан барча шартномаларга нисбатан қўллаши лозим, бундан қуйидагилар мустасно:
 - (а) 16-сон МХХС “*Ижара*”ни қўллаш доирасидаги ижара шартномалари;
 - (б) 4-сон МХХС “*Сугурта шартномалари*”ни қўллаш доирасидаги сугурта шартномалари;
 - (в) 9-сон МХХС “*Молиявий инструментлар*”, 10-сон МХХС “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот*”, 11-сон МХХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*”, 27-сон БХХС “*Алоҳида молиявий ҳисобот*” ва 28-сон БХХС “*Таъсир остидаги ташкилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар*”ни қўллаш доирасидаги молиявий инструментлар ва бошқа шартномавий ҳуқуқлар ёки мажбуриятлар; ва
 - (г) харидорларга ёки потенциал харидорларга сотувлар бўйича қўмаклашиш мақсадида бир хил фаолият йўналишидаги ташкилотлар ўртасидаги номонетар айирбошлалар. Масалан, мазкур стандарт турли минтақаларда ўз харидорлари талабларини ўз вақтида кондириш учун нефть айирбошлашувига ўзаро келишган иккита нефть компанияси ўртасидаги шартномага нисбатан қўлланмайди.
- 6 Ташкилот мазкур стандартни фақат шартнома бўйича контрагент харидор ҳисобланган (5-бандда келтирилган шартномалардан ташқари) шартномаларга нисбатан қўллайди. Харидор - бу товон эвазига ташкилотнинг одатдаги фаолияти натижаси бўлган товарлар ёки хизматларни олиш учун

- ташкilot билан шартнома тузган тарафдир. Агар шартнома бўйича контрагент шартномани ташкilotнинг одатдаги фаолияти натижаларини олиш бўйича эмас, балки, масалан, ташкilot билан бирон бир фаолият ёки жараёнда иштирок этиш учун тузган бўлса ва бундай фаолият ёки жараёнинг рисклари ва нафлари тарафлар ўртасида ўзаро тақсимланса (масалан, ҳамкорлик келишуви доирасида активни ишлаб чиқиш), бундай шартнома бўйича контрагент харидор ҳисобланмайди.
- 7 Харидор билан шартнома қисман мазкур стандартни қўллаш доирасига ва қисман 5-бандда санаб ўтилган бошқа стандартларнинг қўллаш доирасига кириши мумкин.
- (а) Агар бошқа стандартларда шартноманинг бир ёки бир нечта компонентларини ажратиш ва/ёки дастлаб қандай баҳолаш лозимлиги белгиланган бўлса, унда ташкilot дастлаб ушбу стандартларнинг ажратиш ва/ёки баҳолашга оид талабларини қўллаши лозим. Ташкilot дастлаб бошқа стандартларга мувофиқ баҳоланадиган шартнома компоненти (ёки компонентлари) қийматини операция нархидан чиқариб ташлаши лозим ва операция нархининг қолган қийматини (агар у мавжуд бўлса) ушбу стандартнинг амал қилиш доирасидаги ҳар бир бажариш жавобгарлигига ва 7(б) бандида кўрсатилган шартноманинг бошқа компонентларига тақсимлаш учун 73-86-бандларни қўллаши лозим.
- (б) Агар бошқа стандартларда шартноманинг бир ёки бир нечта компонентларини ажратиш ва/ёки дастлаб қандай баҳолаш лозимлиги белгиланганмаган бўлса, унда ташкilot шартноманинг бир ёки бир нечта компонентларини ажратиш ва/ёки дастлабки баҳолаш учун мазкур стандартни қўллаши лозим.
- 8 Харидор билан шартнома тузиш учун қўшимча сарфлар ва харидор билан шартномани бажариш учун амалга оширилган сарфларнинг ҳисоби, агар бундай сарфлар бошқа стандартни қўллаш доирасига кирмаса, мазкур стандартда кўриб чиқилади(91-104-бандларга қаранг). Ташкilot ушбу бандларни фақат мазкур стандартни қўллаш доирасида бўлган харидор билан шартнома (ёки бундай шартноманинг компоненти) билан боғлиқ сарфларга нисбатан қўллаши лозим.

Тан олиш

Шартномани идентификациялаш

- 9 Ташкilot мазкур стандартни қўллаш доирасидаги харидор билан шартномани фақат қуйида келтирилган барча мезонлар бажарилган тақдирда ҳисобга олиши лозим:
- (а) шартнома тарафлари шартномани тасдиқлаган (ёзма, оғзаки ёки бошқа иш муомаласи одатларига мувофиқ) ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олган бўлса;
- (б) ташкilot ҳар бир тарафнинг ўтказиладиган товарлар ёки хизматларга нисбатан ҳуқуқларини идентификация қила олса;
- (в) ташкilot ўтказиладиган товарлар ёки хизматлар учун тўлов шартларини идентификация қила олса;
- (г) шартнома тижорий моҳиятга эга (яъни, шартнома натижасида ташкilotнинг келгуси пул оқимларининг rischi, даврлар бўйича тақсимланиши ёки миқдори ўзгариши кутилади) бўлса; ва
- (д) ташкilot харидорга ўтказиладиган товарлар ёки хизматлар эвазига олиш ҳуқуқига эга бўлган товонни олиши эҳтимоли мавжуд. Товон суммасини олиш эҳтимолини баҳолашда ташкilot фақат харидорнинг тўлов муддати келганда ушбу товонни тўлаш қобилияти ва ниятини ҳисобга олиши лозим. Ташкilot олиш ҳуқуқига эга бўлган товон суммаси, агар товон ўзгарувчан бўлса, шартномада кўрсатилган нархдан паст бўлиши мумкин, чунки ташкilot харидорга нархдан чегирма таклиф қилган бўлиши мумкин (52-бандга қаранг).
- 10 Шартнома - бу икки ёки ундан ортиқ тарафлар ўртасида қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарадиган келишувдир. Шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги қонун билан таъминланади. Шартномалар ёзма, оғзаки шаклда бўлиши ёки ташкilotнинг иш муомаласи одатларида назарда тутилиши мумкин. Харидорлар билан шартнома тузиш амалиёти ва тартиб-таомиллари юрисдикцияларга, соҳаларга ва ташкilot турларига қараб фарқ қилади. Бундан ташқари, улар бир ташкilot доирасида ҳам фарқланиши мумкин (масалан, харидорлар синфига ёки ваъда қилинган товарлар ёки хизматларнинг характериға боғлиқ тарзда). Ташкilot харидор билан шартнома қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб

- чиқариши ёки чиқармаслигини ҳамда қачон келтириб чиқаришини аниқлашда ушбу амалиёт ва тартиб-таомилларни таҳлил қилиши лозим.
- 11 Харидорлар билан айрим шартномалар қатъий амал қилиш муддатига эга бўлмаслиги ва ихтиёрий тараф исталган вақтда уларни бекор қилиши ёки модификация қилиши мумкин. Бошқа шартномаларнинг амал қилиш муддати шартномада белгиланган даврийликда автоматик тарзда узайтирилиши мумкин. Ташкилот мазкур стандартни тарафлар амалда қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шартноманинг амал қилиш муддати (яъни, шартнома муддати) давомида қўллаши лозим.
- 12 Агар шартноманинг ҳар бир тарафи ҳеч бир қисми бажарилмаган шартномани бошқа тарафга (ёки тарафларга) компенсация тўламасдан, қонун билан ҳимояланадиган бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлса, шартнома мазкур стандартни қўллаш мақсадида мавжуд эмас деб ҳисобланади. Агар қуйидаги иккита мезон бажарилса, шартноманинг ҳеч бир қисми бажарилмаган ҳисобланади:
- (а) ташкилот харидорга ваъда қилинган товарлар ёки хизматларни ҳали ўтказмаган бўлса; ва
 - (б) ташкилот ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар эвазига ҳали товон олмаган ва ҳали уни олиш ҳуқуқига эга бўлмаса.
- 13 Агар харидор билан шартнома у тузилган пайтда 9-банддаги мезонларга жавоб берса, ташкилот ушбу мезонларни, агар далиллар ва ҳолатларда аҳамиятли ўзгаришлар аломати мавжуд бўлмаса, қайта баҳолаши талаб этилмайди. Масалан, агар харидорнинг товонни тўлаш қобилияти аҳамиятли даражада пасайиб кетса, ташкилот харидорга ўтказиладиган товар ёки хизматларнинг қолган қисми эвазига ушбу ташкилот унга тегишли бўлган товонни олиш эҳтимоли мавжудлигини қайта баҳолаши лозим бўлади.
- 14 Агар харидор билан шартнома 9-банддаги мезонларга жавоб бермаса, ташкилот 9-банддаги мезонларнинг кейинчалик бажарилишини аниқлаш учун шартномани баҳолашда давом этиши лозим.
- 15 Агар харидор билан шартнома 9-банддаги мезонларга жавоб бермаса ва ташкилот харидордан товон олса, ташкилот олинган товонни фақат қуйидаги ҳодисалардан ихтиёрий бири содир бўлган тақдирда тушум сифатида тан олиши лозим:
- (а) ташкилотнинг товарларни ёки хизматларни харидорга бериш бўйича мажбуриятлари қолмаган ва харидор томонидан ваъда қилинган товонни ташкилот тўлиқ ёки деярли тўлиқ ҳажмда олган ва ушбу товон қайтариб берилмайди; ёки
 - (б) шартнома бекор қилинган ва харидордан олинган товон қайтариб берилмайди.
- 16 Ташкилот 15-банддаги ҳодисалардан бири содир бўлгунга қадар ёки 9-банддаги мезонлар кейинчалик бажарилмагунча харидордан олинган товонни мажбурият сифатида тан олиши лозим (14-бандга қараг). Шартнома билан боғлиқ бўлган далиллар ва ҳолатларга қараб, тан олинган мажбурият ташкилотнинг келгусида товарларни ёки хизматларни ўтказиш ёки олинган товонни қайтариш мажбуриятини назарда тутди. Ҳар қандай ҳолатда, мажбурият харидордан олинган товон суммаси бўйича баҳоланиши лозим.

Шартномаларни бирлаштириш

- 17 Ташкилот бир вақтнинг ўзида ёки деярли бир вақтнинг ўзида бир харидор (ёки харидорнинг ўзаро боғлиқ томонлари) билан тузилган икки ёки ундан ортиқ шартномаларни қуйидаги мезонлардан бири ёки бир нечтаси бажарилган тақдирда бирлаштириши ва ушбу шартномаларни ягона шартнома сифатида ҳисобга олиши лозим:
- (а) шартномалар ягона тижорат мақсади билан пакет сифатида келишилган;
 - (б) бир шартнома бўйича тўланадиган товон суммаси бошқа шартноманинг нархига ёки бажарилишига боғлиқ бўлса; ёки
 - (в) шартномалар бўйича ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар (ёки ҳар бир шартнома бўйича ваъда қилинган баъзи товарлар ёки хизматлар) 22-30-бандларга мувофиқ ягона бажариш жавобгарлигини ташкил этади.

Шартномани модификация қилиш

- 18 Шартномани модификация қилиш - бу шартнома тарафлари томонидан тасдиқланган шартноманинг предмети ёки нархини (ёки ҳар иккаласини) ўзгартиришдир. Баъзи тармоқ ва юрисдикцияларда шартномани модификация қилиш ўзгартириш киритиш, ўзгартириш ёки тузатиш киритиш талаби сифатида тавсифланиши мумкин. Шартномани модификация қилиш шартнома тарафлари уларнинг амалдаги қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзгартирадиган ёки янги

- ҳуқуқлар ва мажбуриятларни келтириб чиқарадиган модификацияни тасдиқлаганда юзага келади. Шартномани модификация қилиш ёзма равишда, оғзаки келишув тарзида ёки иш муомаласи одатларидан келиб чиқиб тасдиқланиши мумкин. Агар шартнома тарафлари шартномани модификация қилишни тасдиқламаган бўлсалар, ташкилот мазкур стандартни амалдаги шартномага нисбатан ушбу шартномани модификация қилиш тасдиқлангунга қадар қўллашда давом этиши лозим.
- 19 Шартномани модификация қилиш тарафлар шартнома предмети ёки нарҳини (ёки ҳар иккаласини) модификация қилиш тўғрисида мунозарага эга бўлсалар ҳам ёки шартноманинг предметидаги ўзгаришни тасдиқлаган, лекин нарҳнинг тегишли ўзгаришини аниқлаб олмаган бўлсалар ҳам юзага келиши мумкин. Шартномани модификация қилишдан келиб чиқадиган ёки модификация қилиш доирасида ўзгартирилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлигини аниқлашда ташкилот барча тегишли далиллар ва ҳолатларни, шу жумладан шартнома шартларини ва бошқа далилларни ҳисобга олиши лозим. Агар шартнома тарафлари шартнома предметидаги ўзгаришни тасдиқлаган, лекин нарҳнинг тегишли ўзгаришини ҳали аниқлаб олмаган бўлсалар, ташкилот модификация қилишдан келиб чиқадиган операция нарҳидаги ўзгаришни ўзгарувчан товонни баҳолаш тўғрисидаги 50-54-бандларга ва ўзгарувчан товонни баҳолашдаги чекловлар тўғрисидаги 56-58-бандларга мувофиқ баҳолаши лозим.
- 20 Ташкилот қуйидаги ҳар иккала шарт бажарилганда шартномани модификация қилишни алоҳида шартнома сифатида ҳисобга олиши лозим:
- (а) шартнома предмети қўшимча ваъда қилинган фарқли товарлар ёки хизматлар ҳисобига кенгайтиши (26-30-бандларга мувофиқ); ва
 - (б) шартнома нарҳи ташкилотнинг қўшимча ваъда қилинган товарлари ёки хизматларининг алоҳида сотиш нарҳини ва аниқ шартнома шартларига асосан ушбу нарҳларга тегишли тузатишларни акс эттирадиган товон суммасига ошиши. Масалан, ташкилот қўшимча товар ёки хизматнинг алоҳида сотиш нарҳини харидорга тақдим этилган чегирмани ҳисобга олиш учун ўзгартириши мумкин, чунки ташкилот шу каби товар ёки хизматни янги харидорга сотишда юзага келиши мумкин бўлган сарфларни амалга ошириши шарт бўлмайди.
- 21 Агар 20-бандга мувофиқ шартномани модификация қилиш алоҳида шартнома сифатида ҳисобга олинмаса, ташкилот шартномани модификация қилиш санасида ҳали ўтказилмаган ваъда қилинган товарлар ёки хизматларни (яъни қолган ваъда қилинган товарлар ёки хизматларни) вазиятга қараб қуйидаги усуллардан бири орқали ҳисобга олиши лозим:
- (а) Агар қолган товарлар ёки хизматлар шартномани ўзгартириш санасида ёки ундан олдин ўтказилган товарлар ёки хизматлардан фарқли бўлса, ташкилот шартномани модификация қилишни худди мавжуд шартномани бекор қилгандек ва янги шартнома тузилгандек ҳисобга олиши лозим. Қолган бажариш жавобгарликлари (ёки 22 (б)-бандга мувофиқ идентификация қилинган ягона бажариш жавобгарлиги таркибида қолган фарқли товар ёки хизматларга) тааллуқли товон суммаси қуйидагиларни қўшиш натижаси ҳисобланади:
 - (i) харидор томонидан ваъда қилинган (харидордан аллақачон олинган суммаларни ўз ичига олган) операция нарҳини аниқлашда ҳисоб баҳоси таркибига киритилган ва тушум сифатида тан олинмаган; ва
 - (ii) шартномани модификация қилиш доирасида ваъда қилинган товон.
 - (б) Агар қолган товарлар ёки хизматлар фарқли бўлмаса ва шу сабабли шартномани модификация қилиш санасида қисман бажарилган ягона бажариш жавобгарлигини ташкил этса, ташкилот модификация қилишни мавжуд шартноманинг бир қисми сифатида ҳисобга олиши лозим. Шартномани модификация қилишнинг операция нарҳига ва ташкилотнинг бажариш жавобгарлиги бажарилиши даражасини баҳолашига таъсири шартномани модификация қилиш санасида тушумни тузатиш (тушумнинг ўсиши ёки камайиши) сифатида тан олинади (яъни, тушумни тузатиш кумулятив ёндашув асосида амалга оширилади).
 - (в) Агар қолган товарлар ёки хизматлар (а) ва (б) банддагиларни ўз ичига оладиган бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу банднинг мақсадларига мувофиқ модификация қилинган шартномада бажарилмаган (шу жумладан қисман бажарилмаган) бажариш жавобгарликлари модификациянинг таъсирини ҳисобга олиши лозим.

Бажариш жавобгарликларини идентификациялаш

- 22 Шартнома тузиш пайтида ташкилот харидор билан шартномада ваъда қилинган товар ёки хизматларни баҳолаши ва харидорга қуйидагиларни ўтказиш бўйича ҳар бир ваъдани бажариш жавобгарлиги сифатида идентификация қилиши лозим:
- (а) фарқли маҳсулот ёки хизмат (ёки товарлар ёхуд хизматлар пакети); ёки
 - (б) деярли бир хил бўлган ва харидорга бир хил схема бўйича ўтказиладиган фарқли товарлар ёки хизматлар тўплами (23-бандга қаранг).
- 23 Агар қуйидаги ҳар иккала мезон бажарилса, фарқли товар ёки хизматлар тўплами бир хил схемада харидорга ўтказилади:
- (а) ташкилот харидорга ўтказишни ваъда қилган тўпландаги ҳар бир фарқли товар ёки хизмат 35-банддаги мезонларга жавоб беради ва давр мобайнида бажариладиган бажариш жавобгарлиги ҳисобланади; ва
 - (б) 39-40-бандларга мувофиқ харидорга тўпландаги ҳар бир фарқли товар ёки хизматни ўтказиш бўйича бажариш жавобгарлигининг бажариш даражасини баҳолашда бир хил усул қўлланади.

Харидорлар билан шартномалардаги ваъдалар

- 24 Харидор билан шартномада одатда ташкилот харидорга ўтказишни ваъда қилган товар ёки хизматлар аниқ белгиланади. Лекин, харидор билан шартномада идентификация қилинадиган белгиланган бажариш жавобгарликлари ушбу шартномада аниқ кўрсатилган товарлар ёки хизматлар билан чегараланмаслиги мумкин. Бунинг сабаби, харидор билан шартнома, шунингдек, ташкилотнинг иш муомаласи одатлари, эълон қилинган сиёсати ёки ўзига хос баёнотларида назарда тутилган ваъдаларни, агар шартномани тузиш пайтида бундай ваъдалар харидорда ташкилот товар ёки хизматни ўтказиши бўйича асосланган кутиш пайдо бўлишига олиб келса, ўз ичига олиши мумкин.
- 25 Бажариш жавобгарлиги ташкилот шартномани бажариши учун амалга ошириши лозим бўлган фаолиятни ўз ичига олмайди, бундан товар ёки хизматни харидорга ўтказиш фаолияти мустасно. Масалан, хизматлар кўрсатувчи шартнома тузиш учун турли хил маъмурий вазифаларни бажаришига тўғри келиши мумкин. Бундай вазифалар бажарилиши билан харидорга хизмат ўтказилмайди. Шунинг учун, шартнома тузиш бўйича бундай фаолият бажариш жавобгарлиги ҳисобланмайди.

Фарқли товарлар ёки хизматлар

- 26 Шартномага қараб ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган товарларни сотиш (масалан, ишлаб чиқарувчининг захираларини);
 - (б) ташкилот томонидан сотиб олинган товарларни қайта сотиш (масалан, чакана савдо ташкилоти товарлари);
 - (в) ташкилот томонидан сотиб олинган товарларга ёки хизматларга бўлган ҳуқуқларнинг қайта сотилиши (масалан, Б34 - Б38-бандларда тавсифланганидек, принципал вазифасини бажарувчи ташкилот томонидан қайта сотилган чипта);
 - (г) харидор учун шартномада келишилган вазифани (ёки вазифаларни) бажариш;
 - (д) товарларни ёки хизматларни тайёр бўлиши билан таъминлаш хизматини (масалан, илгари назарда тутилмаган дастурий таъминот янгиланишларини улар юзага келиши билан тақдим этиш) ёки харидор томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда унинг фойдаланиши учун товарлар ёки хизматларни тақдим этиш;
 - (е) бошқа тараф томонидан харидорга товарларни ёки хизматларни ўтказишни ташкил этиш бўйича хизматни кўрсатиш (масалан, Б34-Б38-бандларда тавсифланганидек, бошқа тараф учун агент вазифасини бажариш);
 - (ё) келгусида харидор қайта сотиши ёки ўзининг харидорига тақдим этиши мумкин бўлган товарларга ёки хизматларга тақдим этиладиган ҳуқуқларнинг берилиши (масалан, чакана савдо ташкилоти маҳсулотларини сотадиган ташкилот чакана савдо ташкилоти маҳсулотларини сотиб оладиган жисмоний шахсга қўшимча маҳсулот ёки хизматни беришни ваъда қилади);

- (ж) харидор номидан активни куриш, ишлаб чиқариш ёки яратиш;
 - (з) лицензиялар бериш (Б52 - Б63-бандларга қаранг); ва
 - (и) қўшимча товарлар ёки хизматларни сотиб олиш учун опционлар бериш (ушбу опционлар харидорга Б39-Б43-бандларда тавсифланганидек муҳим ҳуқуқ тақдим этганда).
- 27 Харидорга ваъда қилинган товар ёки хизмат, агар қуйидаги иккита мезонлар бажарилса, фарқли ҳисобланади:
- (а) харидор товар ёки хизматнинг ёлғиз ўзидан ёки харидор бемалол фойдаланиши мумкин бўлган бошқа ресурслар билан биргаликда наф олиши мумкин (яъни товар ёки хизмат фарқли бўлиши мумкин); ва
 - (б) ташкилотнинг товар ёки хизматни харидорга ўтказиш тўғрисидаги ваъдаси шартномадаги бошқа ваъдалардан алоҳида идентификацияланадиган бўлади (яъни, товар ёки хизмат шартнома контекстида фарқли ҳисобланади).
- 28 Агар товар ёки хизматдан фойдаланиш, истеъмол қилиш, уларни қолдиқ қийматидан юқори суммага сотиш ёки иқтисодий фойда келтирадиган бошқа йўл билан ушлаб туриш мумкин бўлса, харидор 27 (а) бандига мувофиқ товар ёки хизматдан наф кўриши мумкин. Муайян товар ёки хизматларга нисбатан харидор уларнинг ҳар бирини алоҳида олганда наф кўриши мумкин. Бошқа товарларга ёки хизматларга нисбатан, харидор товар ёки хизматлардан фақат бемалол фойдаланиш мумкин бўлган бошқа ресурслар билан биргаликда наф олиши мумкин. Бемалол фойдаланиш мумкин бўлган ресурслар - бу алоҳида сотиладиган (ташкилот ёки бошқа шахслар томонидан) ёки харидор аллақачон ташкилотдан олган (шу жумладан, ташкилот шартномага биноан харидорга ўтказган товарлар ёки хизматларни ўз ичига олган) ёки бошқа операциялар ёки ҳодисалар натижасида сотиб олинган товарлар ёки хизматлардир. Турли хил омиллар харидор товар ёки хизматдан алоҳида фойдаланганда ёки бемалол фойдаланиш мумкин бўлган бошқа ресурслар билан биргаликда наф олиши мумкинлигини кўрсатади. Масалан, ташкилот товар ёки хизматни мунтазам равишда алоҳида сотиши харидор товар ёки хизматдан алоҳида фойдаланганда ёки бемалол фойдаланиш мумкин бўлган бошқа ресурслар билан биргаликда наф олиши мумкинлигини кўрсатади.
- 29 27 (б) бандига мувофиқ, ташкилотнинг товарларни ёки хизматларни харидорга ўтказиш тўғрисидаги ваъдаси алоҳида идентификацияланадиган бўлишини баҳолашдан мақсад, шартнома контекстидаги ваъданинг характери ҳар бир шундай товар ёки хизматни алоҳида ўтказиш эканини ёки ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар манба ресурс ҳисобланадиган модда ёки моддалар жамланмасини ўтказиш эканини аниқлашдир. Товарларни ёки хизматларни харидорга ўтказиш тўғрисидаги икки ёки ундан ортиқ ваъдаларни алоҳида идентификациялаш мумкин эмаслигини кўрсатувчи омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) ташкилот товар ёки хизматни шартномада ваъда қилинган товарлар ёки хизматларни бошқа товарлар ёки хизматлар билан харидор олишни мақсад қилиб шартнома тузган умумий натижа ҳисобланган товарлар ёки хизматлар пакетиغا интеграциялаш бўйича аҳамиятли хизматни тақдим қилади. Бошқача қилиб айтганда, ташкилот товар ёки хизматни харидор томонидан белгилаб қўйилган умумий натижа ёки натижаларни яратиш ёки таъминлаш учун фойдаланиладиган омил сифатида ишлатади. Умумий натижа ёки натижалар бир нечта босқичларни, элементларни ёки бирликларни ўз ичига олиши мумкин;
 - (б) товар ёки хизмат шартномада ваъда қилинган бошқа маҳсулот ёки хизматни аҳамиятли даражада модификация қилса ёки аҳамиятли даражада мослаштира;
 - (в) товар ёки хизмат бошқа ваъда қилинган товарлар ёки хизматларга жуда боғлиқ бўлса ёки улар билан ўзаро боғланган бўлса. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир товар ёки хизматга шартнома бўйича бир ёки бир нечта бошқа товарлар ёки хизматлар аҳамиятли даражада таъсир кўрсатади. Масалан, баъзи ҳолларда икки ёки ундан ортиқ товарлар ёки хизматлар бир-бирига аҳамиятли даражада таъсир кўрсатади, чунки ташкилот ўз ваъдасини ҳар бир товар ёки хизматни алоҳида ўтказиш орқали бажара олмаслиги мумкин.
- 30 Агар ваъда қилинган товар ёки хизмат фарқли бўлмаса, ташкилот ушбу товар ёки хизматни, токи улар фарқли товар ёки хизматлар пакети сифатида идентификацияланмагунча, ваъда қилинган бошқа товарлар ёки хизматлар билан бирлаштириши лозим. Баъзи ҳолларда, бу ташкилот шартнома бўйича ваъда қилинган барча товар ёки хизматларни ягона бажариш жавобгарлиги сифатида ҳисобга олишига олиб келади.

Бажарилиши лозим бўлган жавобгарликларни бажариш

- 31 Ташкилот ваъда қилинган товар ёки хизматни (яъни активни) харидорга ўтказиш орқали бажариш жавобгарлигини бажарганда (ёки бажариши билан) тушумни тан олиши лозим.

Актив харидор ушбу актив устидан назоратни олганда (ёки олиши билан) ўтказилган ҳисобланади.

- 32 22-30-бандларга мувофиқ идентификацияланган ҳар бир бажариш жавобгарлиги учун ташкилот шартнома тузилаётган пайтда бажариш жавобгарлиги бажарилиш пайтини - муайян давр мобайнида (35-37-бандларга мувофиқ) ёки муайян вақт нуктасида (38-бандга мувофиқ) бажарилишини аниқлаши лозим. Агар ташкилот бажариш жавобгарлигини муайян давр мобайнида бажариладиган бўлмаса, у ҳолда бажариш жавобгарлиги муайян вақт нуктасида бажариладиган ҳисобланади.
- 33 Товарлар ва хизматлар, ҳатто улар бир лаҳза мавжуд бўлса ҳам, улар қабул қилинган ва фойдаланилган (қўпгина хизматларда бўлгани каби) пайтда активлар бўлиб ҳисобланади. Активни назорат қилиш ундан қандай фойдаланишни аниқлаш ва активдан қолган амалдаги барча нафларни олиш қобилятини аниқлатади. Назорат қилиш бошқа ташкилотлар томонидан активдан қандай фойдаланишни аниқлаш ва ундан наф олишга тўсқинлик қилиш қобилятини ўз ичига олади. Активдан наф олиш қўпгина усуллар билан бевосита ёки билвосита олиниши мумкин бўлган потенциал пул оқимлари (пул оқимларининг тушиши ёки чиқиб кетишининг камайиши) ҳисобланади, жумладан:
- (а) товар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш (шу жумладан ижтимоий хизматлар) учун активдан фойдаланиш;
 - (б) активдан бошқа активлар қийматини ошириш учун фойдаланиш;
 - (в) активдан мажбуриятларни сўндириш ёки харажатларни камайитириш учун фойдаланиш;
 - (г) активни сотиш ёки айирбошлаш;
 - (д) кредитни таъминлаш учун активни тақдим этиш; ва
 - (е) активни ушлаб туриш.
- 34 Харидор активни назорат қилиш ҳуқуқини олганлигини баҳолашда ташкилот активни қайта сотиб олиш бўйича мавжуд келишувларни эътиборга олиши лозим (Б64-Б76-бандларга қаранг).

Давр мобайнида бажариладиган бажариш жавобгарликлари

- 35 Агар қуйидаги мезонлардан бири бажарилса, ташкилот товар ёки хизмат устидан назоратни муайян давр мобайнида ўтказиши ва шу сабабли муайян давр мобайнида бажариш жавобгарлигини бажаради ва тушумни тан олади:
- (а) харидор ташкилот ушбу бажариш жавобгарлигини бажариш билан таъминланадиган нафларни бир вақтнинг ўзида қабул қилади ва истеъмол қилади (Б3-Б4-бандларга қаранг);
 - (б) ташкилот ўз бажариш жавобгарлигини бажариш жараёнида актив (масалан, тугалланмаган ишлаб чиқариш) яратилади ёки яхшиланади, харидор унинг устидан назоратни ушбу актив яратилиши ва яхшиланиши билан олади (Б5-бандга қаранг); ёки
 - (в) ташкилотнинг ўз жавобгарлигини бажариши ташкилотнинг муқобил мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган активни яратмайди (36-бандга қаранг) ва бунда ташкилот шартномавий ишларнинг шу кунгача бажарилган бир қисми учун тўловни олиш бўйича қонун билан ҳимояланган ҳуқуққа эга бўлади (37-бандга қаранг).
- 36 Агар шартнома шартлари ташкилот активни яратиш ёки яхшилаш жараёнида ундан фойдаланишнинг бошқа мақсадини эркин белгилаш имкониятини чекласа ёки ташкилот активдан унинг тугалланган ҳолатида фойдаланишнинг бошқа мақсадини эркин аниқлашнинг амалий имконига эга бўлмаса, ташкилот фаолияти натижасида яратилган актив ташкилот учун муқобил фойдаланиш усулига эга бўлмайди. Ташкилотда ушбу активдан муқобил мақсадларда фойдаланиш имконияти мавжудлигини баҳолаш шартнома тузилган пайтда амалга оширилади. Шартнома тузилгандан сўнг, агар шартнома томонлари бажариш жавобгарлигини аҳамиятли даражада ўзгартирадиган шартномани модификация қилишни тасдиқламаса, ташкилот активдан муқобил мақсадларда фойдаланиш имкониятини баҳолашни ўзгартирмаслиги лозим. Б6-Б8-бандлар ташкилот активдан муқобил мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга ёки эга эмаслигини баҳолаш бўйича кўрсатма беради.
- 37 35-банднинг (в) кичик бандига биноан ишларнинг шу кунгача бажарилган қисми учун тўловни олиш учун қонун билан ҳимояланган ҳуқуққа эга ёки эга эмаслигини ҳал қилишда, ташкилот шартнома шартларини, шунингдек шартномага оид қонун ҳужжатларини таҳлил қилиши лозим. Бугунги кунга қадар бажарилган ишларнинг бир қисми учун тўловни олиш ҳуқуқи қатъий белгиланган суммада бўлиши шарт эмас. Шу билан бирга, шартнома муддати давомида ҳар қандай вақтда, агар ташкилот ушбу шартномани ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ҳолатидан ташқари бошқа сабабларга кўра харидор ёки бошқа томон шартномани бекор қилса, ташкилот ишларнинг шу кунгача бажарилган қисмини ҳеч бўлмаганда қоплайдиган суммани олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Б9-Б13-бандлар

тўловни олиш ҳуқуқининг мавжудлиги ва қонун билан ҳимояланганлигини ҳамда ташкилотнинг тўловни олиш ҳуқуқи шу кунгача бажарилган ишнинг бир қисми учун тўловни талаб қилиш учун асос бўла олишини баҳолаш бўйича кўрсатма беради.

Муайян вақт нуктасида бажариладиган бажариш жавобгарликлари

38

Агар бажариш жавобгарлиги 35-37-бандларга мувофиқ муайян давр мобайнида бажарилмаса, ташкилот бажариш жавобгарлигини муайян вақт нуктасида бажаради. Харидор ваъда қилинган актив устидан назоратни олиши ва ташкилот бажариш жавобгарлигини бажариш вақтини аниқлаш учун ташкилот 31-34-бандлардаги назорат талабларини эътиборга олиши лозим. Бундан ташқари, ташкилот қуйидагиларни ўз ичига олган, лекин улар билан чекланмаган назоратни ўтказиш кўрсаткичларини ҳисобга олиши лозим:

- (а) Ташкилот актив учун тўловга нисбатан мавжуд ҳуқуққа эга бўлса - агар харидор ҳозирда актив учун тўловни амалга ошириши лозим бўлса, бу харидор фойдаланиш усулини белгилаш ва айирбошлаш предмети бўлган активдан кутилаётган қолган амалдаги барча нафларни олиш имкониятига эга бўлганлигини кўрсатиши мумкин.
- (б) Харидор активга нисбатан эгалик ҳуқуқига эга бўлса, эгалик ҳуқуқи шартноманинг қайси тарафи фойдаланиш усулини белгилаши ва активдан кутилаётган қолган амалдаги барча нафларни олиш ёки бошқа ташкилотларни ушбу нафларни олиш имкониятини чеклаши мумкинлигини кўрсатиши мумкин. Шунинг учун, активга эгалик ҳуқуқининг ўтказилиши, харидор актив устидан назоратни олганлигидан далолат бериши мумкин. Агар ташкилот фақат харидор томонидан тўлов тўланмай қолишидан ҳимояланиш учун бундай ҳуқуқни сақласа, ташкилотнинг ушбу ҳуқуқлари харидорнинг активни назорат қилишига тўсқинлик қилмайди.
- (в) Ташкилот активга нисбатан жисмоний эгалик ҳуқуқини ўтказган бўлса - харидор томонидан активга жисмоний эгалик ҳуқуқи харидор активдан фойдаланиш усулини белгилаши ва ундан кутилаётган қолган амалдаги барча нафларни олиши ёки бошқа ташкилотларнинг ушбу нафларни олиш имкониятини чеклаши мумкинлигини кўрсатиши мумкин. Лекин, жисмоний эгалик актив устидан назорат мавжуд бўлмаганда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, баъзи бир қайта сотиб олиш шартномаларида ва айрим консигнация шартномаларида харидор ёки консигнатор ташкилот назорат қиладиган активга жисмоний эгалик қилиши мумкин. Ва аксинча, ҳисоб тақдим этиш ва сақлаб туриш келишувларида ташкилот харидор томонидан назорат қилинадиган активга жисмоний эгалик қилиши мумкин. Б64-Б76, Б77-Б78 ва Б79-Б82-бандлар мос равишда қайта сотиб олиш шартномалари, консигнация шартномалари ва ҳисоб тақдим этиш ва сақлаб туриш келишувларини ҳисобга олиш бўйича кўрсатмалар беради.
- (г) Харидор активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ аҳамиятли рисклар ва нафларга эга бўлса - харидорга активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ аҳамиятли рисклар ва нафларнинг ўтказилиши харидор активдан фойдаланиш усулини белгилаши ва ундан кутилаётган қолган амалдаги барча нафларни олиш имкониятига эга эканлигини кўрсатиши мумкин. Лекин, ваъда қилинган активга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ рисклар ва нафларни баҳолашда ташкилот активни ўтказиш мажбуриятидан ташқари алоҳида бажариш жавобгарлигини келтириб чиқарадиган ҳар қандай рискларни чиқариб ташлаши лозим. Масалан, ташкилот активни назорат қилишни харидорга ўтказган бўлиши мумкин, лекин ўтказилган активга жорий хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча мажбуриятни ҳали бажармаган бўлиши мумкин.
- (д) Харидор активни қабул қилган бўлса - харидор томонидан актив қабул қилиниши у фойдаланиш усулини белгилаши ва активдан кутилаётган қолган амалдаги барча нафларни олиш имкониятига эга бўлганлигини кўрсатиши мумкин. Харидор томонидан шартноманинг актив назоратини ўтказиш пайтини белгилаш тўғрисидаги шартлари таъсирини баҳолаш учун ташкилот Б83-Б86-бандлардаги кўрсатмаларни эътиборга олиши лозим.

Бажариш жавобгарлигини бажариш даражасини баҳолаш

39

35-37-бандларга мувофиқ давр мобайнида бажариладиган ҳар бир бажариш жавобгарлиги учун ташкилот ушбу давр мобайнида тушумни бажариш жавобгарлигининг тўлиқ бажарилишини баҳолаш орқали тан олиши лозим. Бажариш даражасини баҳолашнинг мақсади - харидорга ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар устидан назоратни ўтказишда ташкилот фаолияти натижаларини акс эттиришдир (яъни ташкилотнинг бажариш жавобгарлиги бажарилиши).

- 40 Ташкилот муайян давр мобайнида бажариладиган ҳар бир бажариш жавобгарлигининг бажарилиш даражасини баҳолаш учун баҳолашнинг битта усулини қўллайди ва қўшимча равишда ушбу усул ўхшаш бажариш жавобгарликларига ва шунга ўхшаш ҳолатларда изчил равишда қўлланади. Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида ташкилот ушбу давр мобайнида бажариш жавобгарлигининг бажарилиш даражасини қайта баҳолаши лозим.

Бажариш даражасини баҳолаш усуллари

- 41 Бажариш даражасини баҳолашнинг тегишли усуллар натижалар усули ва ресурслар усулини ўз ичига олади. Б14-Б19-бандлар ташкилотнинг бажариш жавобгарлигини бажариш даражасини баҳолаш учун натижалар усули ва ресурслар усулидан фойдаланиш бўйича кўрсатма беради. Бажариш жавобгарлигини бажариш даражасини баҳолаш учун тегишли усулни белгилашда ташкилот харидорга ўтказишни ваъда қилган товар ёки хизматнинг характерини эътиборга олиши лозим.
- 42 Бажариш даражасини баҳолаш усулини қўллаганда, ташкилот бажариш даражасини баҳолашдан назорат қилиш харидорга ўтказилмаган товарлар ёки хизматларни чиқариб ташлаши лозим. Аксинча, ташкилот бажариш жавобгарлигини бажариш орқали назорат қилишни харидорга ўтказган товар ёки хизматларни бажариш даражасини баҳолашга киритиши лозим.
- 43 Вақт ўтиши билан вазият ўзгаришига қараб, ташкилот бажариш жавобгарлигини бажариш даражасини баҳолашни янгилаб туриши лозим. Бажариш даражасини баҳолашдаги бундай ўзгаришлар 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашдаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ ҳисобга олинади.

Бажариш даражасини асосли баҳолаш

- 44 Ташкилот бажариш жавобгарлиги бўйича тушумни, агар ташкилот давр мобайнида бажариладиган бажариш жавобгарлигини бажариш даражасини асосли баҳолай олса, тан олиши лозим. Агар бажариш даражасини баҳолаш учун мақбул усулни қўллаш учун талаб қилинадиган етарлича ишончли маълумот бўлмаса, ташкилот бажариш жавобгарлигини бажариш даражасини асосли баҳолашга қодир бўлмайди.
- 45 Баъзи ҳолларда (масалан, шартнома бажарилишининг дастлабки босқичларида) ташкилот бажариш жавобгарлигини бажариш даражасини асосли баҳолашга қодир бўлмаслиги мумкин, лекин ташкилот бажариш жавобгарлигини бажаришда амалга оширилган сарфларни қопланишини кутиши мумкин. Бундай ҳолатларда, ташкилот бажариш жавобгарлигини бажариш натижасини асосли баҳолай олмагунча, ташкилот тушумни фақат амалга оширилган сарфлар даражасига нисбатан тан олиши лозим.

Баҳолаш

- 46 Бажариш жавобгарлиги бажарилганда (ёки бажарилиши билан), ташкилот (56-58-бандларга мувофиқ чекланган ўзгарувчан товоннинг ҳисоб баҳосини истисно этадиган) операция нархининг мазкур бажариш жавобгарлигига тақсимланадиган қисмини тушум сифатида тан олиши лозим.

Операция нархини аниқлаш

- 47 Операция нархини аниқлашда ташкилот шартнома шартларини ва иш муомаласи одатларини ҳисобга олиши лозим. Операция нархи - бу учинчи шахслар номидан олинган суммаларни (масалан, баъзи сотувдан олиннадиган солиқлар) истисно қилганда, ташкилот томонидан ваъда қилинган товарларни ёки хизматларни харидорга ўтказиш эвазига олинниши кутилаётган товон суммасидир. Харидор билан шартнома бўйича ваъда қилинган товон қатъий белгиланган суммаларни, ўзгарувчан суммаларни ёки ҳар иккаласини ўз ичига олиши мумкин.
- 48 Харидор томонидан ваъда қилинган товон характери, даврий тақсимланиши ва суммаси операция нархига таъсир кўрсатади. Операция нархини аниқлашда ташкилот қуйидаги барча омилларнинг таъсирини ҳисобга олиши лозим:
- (а) ўзгарувчан товон (50-55 ва 59-бандларга қаранг);
 - (б) ўзгарувчан товоннинг ҳисоб баҳосига чекловлар (56-58-бандларга қаранг);
 - (в) шартномада аҳамиятли молиялаштириш компоненти мавжудлиги (60-65-бандларга қаранг);

- (г) пулсиз товон (66-69-бандларга қаранг); ва
 - (д) харидорга тўланадиган товон (70-72-бандларга қаранг).
- 49 Операция нархини аниқлаш мақсадлари учун ташкилот товарлар ёки хизматлар харидорга амалдаги шартнома бўйича ваъда қилинган тарзда ўтказилишини ва шартноманинг бекор қилинмаслиги, муддати узайтирилмаслиги ёки модификация қилинмаслигини ҳисобга олиши лозим.

Ўзгарувчан товон

- 50 Агар шартномада ваъда қилинган товон ўзгарувчан суммани ўз ичига оладиган бўлса, ташкилот ваъда қилинган товарлар ёки хизматларни харидорга ўтказиш эвазига ташкилот олиш ҳуқуқига эга бўлган товон суммасини баҳолаши лозим.
- 51 Товон суммаси чегирмалар, қисман қайтаришлар (рибейт), пулни қайтариш, кредитлар, нархдан чегирмалар, рағбатлантиришлар, натижалар учун бонуслар, жарималар ёки бошқа шунга ўхшаш моддалар туфайли ўзгарувчан бўлиши мумкин. Ваъда қилинган товон, агар ташкилотнинг товон олиш ҳуқуқи келгусидаги муайян ҳодиса содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги билан боғлиқ бўлса ҳам ўзгарувчан бўлиши мумкин. Масалан, агар маҳсулот қайтариб бериш ҳуқуқи билан сотилган бўлса ёки маълум бир босқич тугагандан сўнг бонус сифатида белгиланган сумма ваъда қилинган бўлса, товон суммаси ўзгарувчан бўлади.
- 52 Харидор томонидан ваъда қилинган товоннинг ўзгарувчанлиги шартномада аниқ кўрсатилиши мумкин. Шартнома шартларидан ташқари, ваъда қилинган товон қуйидаги ҳолатларда ўзгарувчан бўлади:
- (а) харидор ташкилотнинг иш муомаласи одатлари, эълон қилинган сиёсати ёки ўзига ҳос баёнотлари туфайли ташкилот товонни шартномада кўрсатилганидан камроқ қабул қилишини асосланган тарзда кутиши мумкин бўлганда. Бошқача қилиб айтганда, ташкилот нарх бўйича чегирма бериши кутилади. Юрисдикцияга, соҳага ёки харидорга қараб, бундай таклиф чегирма, қисман қайтариш (рибейт), маблағларни қайтариш ёки кредит сифатида назарда тутилган бўлиши мумкин;
 - (б) бошқа далиллар ва ҳолатлар харидор билан шартнома тузишда ташкилот харидорга нарх бўйича чегирма беришни ният қилганини кўрсатганда.
- 53 Ташкилот ўзгарувчан товон суммасини қуйидаги усуллардан бири – қайси усул ташкилот нуқтаи назаридан ташкилот олиш ҳуқуқига эга бўлган товон суммасини яхшироқ баҳоласа, шу усул ёрдамида баҳолаши лозим:
- (а) Кутилаётган қиймат - мумкин бўлган товон суммаларининг ўртача тортилган эҳтимолий йиғиндисидир. Кутилаётган қиймат, агар ташкилотда шунга ўхшаш хусусиятларга эга бўлган кўплаб шартномалар мавжуд бўлса, ўзгарувчан товон суммасининг тегишли ҳисоб баҳоси бўлиши мумкин.
 - (б) Энг катта эҳтимолли сумма—келиб чиқиши мумкин бўлган товон суммалари орасидаги ягона энг катта эҳтимолли суммадир (яъни шартноманинг ягона энг катта эҳтимолий натижаси). Энг катта эҳтимолли сумма, агар шартномада фақат иккита мумкин бўлган натижалар мавжуд бўлса (масалан, ташкилот натижа учун бонус ё олади, ё олмайди), ўзгарувчан товон суммасини тегишли ҳисоб баҳоси бўлиши мумкин.
- 54 Ташкилот ноаниқликнинг ташкилот олиш ҳуқуқига эга бўладиган ўзгарувчан товон суммасига таъсирини баҳолашда шартнома бўйича изчил тарзда битта усулни қўллаши лозим. Бундан ташқари, ташкилот асосланган тарзда фойдаланиш имконияти бўлган барча маълумотларни (олдинги даврларга тааллуқли, жорий ва прогноз) таҳлил қилиши ва товон суммаси эҳтимолий кўрсаткичларининг асосланган қийматларини идентификация қилиши лозим. Ўзгарувчан товон суммасини баҳолаш учун ташкилот фойдаланадиган маълумотлар, одатда, ташкилот раҳбарияти томонидан тендерлар жараёнида ваъда қилинган товарлар ёки хизматларга нарх белгилашда фойдаланилган маълумот билан бир хил бўлади.

Маблағларни қайтариш мажбурияти

- 55 Агар ташкилот харидордан товон олса ва у харидорга товонни тўлиқ ёки қисман қайтариб беришни кутса, ташкилот маблағни қайтариш мажбуриятини тан олиши лозим. Маблағларни қайтариш мажбурияти олинган (ёки энди олинадиган) товоннинг ташкилот олиш ҳуқуқига эга бўлиши кутилмайдиган (яъни битим нархига киритилмаган суммалар) суммаси бўйича баҳоланади. Маблағларни қайтаришга оид мажбурият (ва операция нархидаги тегишли ўзгариш ва шу сабабли шартнома бўйича мажбуриятнинг ўзгариши) ҳар бир ҳисобот даври охирида вазият ўзгаришини

ҳисобга олган ҳолда янгилашиши лозим. Қайтариш ҳукуқи билан сотишга доир маблағларни қайтариш мажбуриятини ҳисобга олиш учун ташкилот Б20-Б27-бандларидаги кўрсатмаларни қўллаши лозим.

Ўзгарувчан товоннинг ҳисоб баҳоларидаги чеклов

- 56 Ташкилот операция нархига 53-бандга мувофиқ баҳоланган ўзгарувчан товоннинг бир қисмини ёки бутун суммасини фақат ўзгарувчан товонга хос бўлган ноаниқлик кейинчалик бартараф этилганда тан олинган тушумнинг жамғарилган якуни деб эътироф этилган сумманинг аҳамиятли камаймаслиги эҳтимоли энг юқори бўлган даражада киритиши лозим.
- 57 Ўзгарувчан товонга хос бўлган ноаниқлик кейинчалик бартараф этилганда тан олинган тушумнинг жамғарилган якуни деб эътироф этилган сумманинг аҳамиятли камаймаслиги эҳтимоли энг юқори бўлган даражадалигини баҳолашда ташкилот тушумнинг камайиши эҳтимолини ҳам, камайиш суммасини ҳам ҳисобга олиши лозим. Тушумнинг камайиши эҳтимолини ҳам, камайиш суммасини ҳам ошириши мумкин бўлган омилларга, хусусан, қуйидагилар киради:
- (а) товон суммаси ташкилот томонидан таъсир кўрсатиб бўлмайдиган омиллар таъсирига жуда сезгирлиги. Бундай омилларга бозорнинг ўзгарувчанлиги, учинчи томонларнинг мулоҳазалари ёки ҳаракатлари, об-ҳаво шароитлари ва ваъда қилинган маҳсулот ёки хизматнинг маънавий эскиришининг юқори rischi бўлиши мумкин;
 - (б) товон суммаси тўғрисидаги ноаниқлик узоқ вақт давомида ҳал қилиниши кутилмаслиги;
 - (в) ўхшаш турдаги шартномалар контекстида ташкилотнинг тажрибаси (ёки бошқа далиллар) чекланган бўлса ёки тажриба (ёки бошқа далиллар) чекланган прогноз қийматига эгаллиги;
 - (г) ташкилот кенг қўламли нарх чегирмаларини таклиф қилиш ёки ўхшаш шароитларда ўхшаш шартномалар бўйича тўлов шартларини ўзгартириш тажрибасига эгаллиги;
 - (д) шартномада кўп сонли ва кўп турдаги эҳтимолий товон суммалари назарда тутилиши.
- 58 Ташкилот сотишга ёки фойдаланишга асосланган роялти шаклидаги интеллектуал мулкка лицензия эвазига ваъда қилинган товонни ҳисобга олиш учун Б63-бандни қўллаши лозим.

Ўзгарувчан товонни қайта баҳолаш

- 59 Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида ташкилот операция нархлари баҳоланишини (шу жумладан ўзгарувчан товон ҳисоб баҳолари чекланганлигини таҳлил қилишни янгилаш билан) ҳисобот даври охиридаги ҳолатларни ва ҳисобот даври давомидаги вазиятларнинг ўзгаришини рўйи-рост ифодалаш учун янгилаши лозим. Ташкилот операция нархидаги ўзгаришларни 87-90-бандларга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.

Шартномада аҳамиятли молиялаштириш компоненти мавжудлиги

- 60 Операция нархини аниқлашда, агар шартнома тарафлари томонидан келишилган тўловлар муддати (аниқ ёки биливосита) харидорга товарларни ёки хизматларни ўтказишни молиялаштиришда харидорга ёки ташкилотга аҳамиятли наф келтирадиган бўлса, операция нархини аниқлашда ваъда қилинган товон суммасига пулнинг вақт қиймати таъсирини ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритиши лозим. Бундай ҳолатларда, шартнома аҳамиятли молиялаштириш компонентини ўз ичига олади. Молиялаштиришнинг аҳамиятли компоненти молиялаштириш бўйича ваъда шартномада аниқ кўрсатилган ёки шартнома тарафлари келишган тўлов шартлари билан назарда тутилганидан қатъий назар мавжуд бўлиши мумкин.
- 61 Молиялаштиришнинг аҳамиятли компонентини ҳисобга олган ҳолда ваъда қилинган товон суммасини тузатишнинг мақсади, ташкилот томонидан тушумни, ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар харидорга ўтказилганда (ёки харидорга ўтиши билан) харидор ушбу товарлар ёки хизматлар учун тўловни пул маблағлари билан амалга ошириши лозим бўлгандаги нархни акс эттирадиган суммада (яъни пулли сотиш нархи) тан олинishi ҳисобланади. Ташкилот шартномада молиялаштириш компонентининг мавжудлигини ва молиялаштириш компонентининг шартномага нисбатан аҳамиятлилигини аниқлашда барча тегишли далиллар ва ҳолатларни, шу жумладан қуйидаги иккита омилни ҳисобга олиши лозим:
- (а) ваъда қилинган товон суммаси билан ваъда қилинган товарлар ёки хизматларнинг пулли сотиш нархи ўртасидаги фаркни (агар мавжуд бўлса); ва
 - (б) қуйидагиларнинг биргаликдаги таъсирини:

- (i) ташкилот томонидан ваъда қилинган товар ва хизматларни харидорга ўтказадиган пайт билан харидорнинг ушбу товар ёки хизматлар учун тўловни амалга ошириши пайти ўртасидаги кутилаётган вақт оралиғи; ва
- (ii) тегишли бозорда устун фоиз ставкалари.
- 62 61-банддаги баҳолаш натижаларига қарамай, куйида келтирилган омиллардан исталган бири мавжуд бўлса, харидор билан шартномада молиялаштиришнинг аҳамиятли компоненти мавжуд бўлмайди:
- (a) харидор товарлар ёки хизматлар учун олдиндан тўловни амалга оширган бўлса ва бундай товарларни ёки хизматларни ўтказиш муддати харидор томонидан белгиланса;
- (б) харидор томонидан ваъда қилинган товоннинг аҳамиятли қисми ўзгарувчан бўлиб, шундай товоннинг суммаси ёки тўлаш муддати эса харидор ёки ташкилотнинг назорати остида бўлмаган ҳодисанинг келгусида содир бўлиши ёки бўлмаслигига қараб ўзгарса (масалан, агар товон сотишга асосланган роялти шаклида бўлса);
- (в) ваъда қилинган товон билан товар ёки хизматнинг пулли сотиш нархи ўртасидаги фарқ (61-бандда тавсифланганидек) харидорга ёки ташкилотга маблағлар ажратишдан бошқа сабабларга кўра пайдо бўлса ва ушбу фарқнинг келиб чиқиш сабабига мутаносиб бўлса. Масалан, тўлов шартлари ташкилотни ёки харидорни бошқа тарафнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бир қисмини ёки барчасини етарлича бажаришига қодир эмаслигидан ҳимоя қилиши мумкин.
- 63 Агар ташкилот шартнома тузилган пайтда ваъда қилинган товар ёки хизматни харидорга топшириш пайти билан харидор ушбу товар ёки хизмат учун тўловни амалга ошириш пайти ўртасидаги вақт оралиғи бир йилдан ортиқ бўлмаслигини кутса, амалий нуқтаи назардан соддалаштириш мақсадида ташкилот молиялаштиришнинг аҳамиятли компоненти таъсири ҳисобига ваъда қилинган товон суммасига тузатиш киритмаслиги лозим.
- 64 61-бандда кўрсатилган мақсадга эришиш учун, молиялаштиришнинг аҳамиятли компонентини таъсири ҳисобига ваъда қилинган товон суммасига тузатиш киритишда, ташкилот ва унинг харидори ўртасида шартномани тузиш пайтида алоҳида молиялаштириш операцияси учун қўлланадиган дисконтлаш ставкасидан фойдаланиш лозим. Ушбу ставка шартнома бўйича молиялаштиришни олувчи тарафнинг кредит хусусиятларини ва харидор ёки ташкилот томонидан тақдим этиладиган таъминот ёки гаровни, шу жумладан шартнома бўйича ўтказиладиган активларни акс эттиради. Ташкилот ушбу ставкани ваъда қилинган товоннинг номинал суммасини харидор товарлар ёки хизматлар учун тўловни улар харидорга ўтказилган пайтда (ёки ўтиши билан) пул маблағлари билан амалга оширган тақдирдаги нархгача дисконтлайдиган ставкани идентификация қилиш орқали аниқлаш имкониятига эга бўлиши мумкин. Шартнома тузилгандан сўнг, ташкилот фоиз ставкалари ёки бошқа ҳолатлар ўзгаришини (масалан, харидорнинг кредит рискинни баҳолашдаги ўзгаришни) ҳисобга олиб дисконтлаш ставкасини тузатмаслиги лозим.
- 65 Ташкилот молиялаштириш таъсирини (фоизлар бўйича тушум ёки фоизлар бўйича харажатлар) умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда харидорлар билан тузилган шартномалардан олинадиган тушумдан алоҳида тақдим этиши лозим. Фоиз тушумлари ёки фоизлар бўйича харажатлар фақат харидор билан шартномани ҳисобга олишда шартнома бўйича актив (ёки дебиторлик қарзи) ёки шартнома бўйича мажбурият тан олинадиган даражада тан олинади.

Пулсиз товон

- 66 Харидор товонни пулдан ташқари бошқа шаклда ваъда қилган шартномалар бўйича операция нархини аниқлаш учун ташкилот пулсиз товонни (ёки пулсиз товон ваъдасини) ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаши лозим.
- 67 Агар ташкилот пулсиз товоннинг ҳаққоний қийматини асосли баҳолай олмаса, ташкилот товонни унинг эвазига харидорга (ёки харидорлар синфига) ваъда қилган товар ёки хизматларни алоҳида сотиш нархига асосланиб, билвосита баҳолаши лозим.
- 68 Пулсиз товоннинг ҳаққоний қиймати товон шаклига қараб фарқ қилиши мумкин (масалан, ташкилот харидордан олиш ҳуқуқига эга бўлган акция нархининг ўзгариши). Агар харидор томонидан ваъда қилинган пулсиз товоннинг ҳаққоний қиймати товон шаклидан ташқари бошқа сабабларга кўра ўзгарса (масалан, ҳаққоний қиймат ташкилот фаолияти натижаларига қараб ўзгариши мумкин), ташкилот 56-58-бандлардаги талабларини қўллаши лозим.
- 69 Агар харидор ташкилот томонидан шартномани бажарилишини осонлаштириш учун уни товарлар ёки хизматлар (масалан, материаллар, асбоб-ускуналар ёки ходимлар) билан таъминласа, ташкилот тақдим этилаётган товарлар ёки хизматлар устидан назоратни олиши ёки олмаслигини баҳолаши

лозим. Агар шундай бўлса, ташкилот товар ёки хизматларни харидордан олинган пулсиз товон сифатида ҳисобга олиши лозим.

Харидорга тўланадиган товон

- 70 Харидорга тўланиши лозим бўлган товон ўз ичига ташкилот харидорга (ёки ташкилот товарлари ёки хизматларини харидордан сотиб оладиган бошқа томонларга) тўлайдиган ёки тўлаши кутилаётган пул маблағларини олади. Харидорга тўланадиган товонга, шунингдек, ташкилот (ёки харидордан товар ёки хизмат сотиб оладиган бошқа томонлар) олиши лозим бўлган суммалар ҳисобига олинадиган кредит ёки бошқа моддалар (масалан, купон ёки ваучер) киради. Ташкилот харидорга тўланиши лозим бўлган тўловни, агар харидорга тўлов (26-30-бандларда тавсифланганидек) харидор ташкилотга ўтказадиган фарқли товар ёки хизмат эвазига бўлмаса, операция нархининг пасайиши ва шу сабабли тушумнинг камайиши сифатида ҳисобга олиши лозим. Агар харидорга тўланадиган товон ўзгарувчан суммани ўз ичига оладиган бўлса, ташкилот операция нархини 50-58-бандларга мувофиқ баҳолаши (шу жумладан ўзгарувчан товоннинг ҳисоб баҳосидаги чекловни таҳлил қилиши) лозим.
- 71 Агар харидорга тўланиши лозим бўлган товон харидор томонидан етказиб бериладиган фарқли товар ёки хизмат учун тўлов бўлса, ташкилот товар ёки хизмат сотиб олинишини етказиб берувчилардан бошқа харидларни ҳисобга олганидек ҳисобга олиши лозим. Агар харидорга тўланадиган товон суммаси ташкилот харидордан оладиган фарқли товар ёки хизматнинг ҳаққоний қийматидан ошса, ташкилот бундай ортиқча суммани операция нархининг пасайиши сифатида ҳисобга олиши лозим. Агар ташкилот харидордан олинган товар ёки хизматнинг ҳаққоний қийматини асосли баҳолай олмаса, у харидорга тўланадиган товонни тўлалигича операция нархининг пасайиши сифатида ҳисобга олиши лозим.
- 72 Шунга қўра, агар харидорга тўланадиган товон суммаси операция нархининг пасайиши деб ҳисобга олинса, ташкилот қуйидаги икки ҳодисадан қайси бири кейинроқ содир бўлса, шу пайтда (ёки содир бўлиши билан) тушум камайишини тан олади:
- (а) ташкилот тегишли товарларни ёки хизматларни харидорга ўтказиш билан боғлиқ тушумни тан олади; ва
 - (б) ташкилот тўловни амалга оширади ёки тўлашни ваъда қилади (ҳатто тўлов келгусидаги ҳодиса билан боғлиқ бўлса ҳам). Ушбу ваъда ташкилотнинг иш муомаласи одатларидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Операция нархини бажариш жавобгарликларига тақсимлаш

- 73 **Операция нархини тақсимлаш мақсади ташкилот томонидан операция нархини ҳар бир бажариш жавобгарлигига (ёки фарқли товар ёки хизматга) харидорга ваъда қилинган товарлар ёки хизматларни ўтказиш эвазига ташкилот олиш ҳуқуқини кутадиган товон суммасини акс эттирадиган суммада тақсимланиши ҳисобланади.**
- 74 Ушбу мақсадга эришиш учун ташкилот операция нархини шартномада идентификация қилинган ҳар бир бажариш жавобгарлигига 76-80-бандларга мувофиқ нисбий алоҳида сотиш нархи асосида тақсимлаши лозим, бундан 81-83-бандларда (чегирмаларни тақсимлаш учун) ва 84-86-бандларда (ўзгарувчан суммаларни ўз ичига олган товонни тақсимлаш учун) қайд этилган ҳоллар мустасно.
- 75 Агар шартномада бажариш жавобгарлиги фақат битта бўлса, 76-86-бандлар қўлланмайди. Лекин, 84-86-бандлар, агар ташкилот 22 (б) кичик бандга мувофиқ ягона бажариш жавобгарлиги сифатида идентификация қилинган фарқли товар ёки хизматлар тўпламини беришни ваъда қилса ва ваъда қилинган товон ўзгарувчан суммаларни ўз ичига олган бўлса, қўлланиши мумкин.

Алоҳида сотиш нархлари асосида тақсимлаш

- 76 Операция нархини ҳар бир бажариш жавобгарлигига нисбий алоҳида сотиш нархи асосида тақсимлаш учун ташкилот шартнома тузилган пайтда шартнома бўйича ҳар бир бажариш жавобгарлиги асосида ётган фарқли товар ёки хизмат учун алоҳида сотиш нархини аниқлаши ва операция нархини ушбу алоҳида сотиш нархларига мутаносиб равишда тақсимлаши лозим.
- 77 Алоҳида сотиш нархи - бу ташкилот ваъда қилинган товарни ёки хизматни харидорга алоҳида сотганда қўлланадиган нархдир. Алоҳида сотиш нархининг энг яхши далили бўлиб ташкилот ушбу товарни ёки хизматни ўхшаш ҳолатларда ва ўхшаш харидорларга алоҳида сотганда товар ёки хизматнинг кузатиладиган нархи ҳисобланади. Шартномада кўрсатилган ёки прејскурант бўйича нарх ушбу товар ёки хизматнинг алоҳида сотиш нархи бўлиши мумкин (лекин, ўз-ўзидан шундай нарх деб ҳисобланмаслиги лозим).

- 78 Агар алоҳида сотиш нархи бевосита кузатилмаса, ташкилот алоҳида сотиш нархини операция нархининг тақсимланиши 73-банддаги тақсимлаш мақсадига мос келишига олиб келадиган суммада баҳолаши лозим. Алоҳида сотиш нархини баҳолашда ташкилот у асосланган тарзда олиши мумкин бўлган барча маълумотларни (шу жумладан бозор шароитлари, ташкилотга хос бўлган омиллар, харидор ёки харидорлар синфи тўғрисидаги маълумотларни) эътиборга олиши лозим. Бунда ташкилот кузатиладиган бирламчи маълумотлардан максимал даражада фойдаланиши ва ўхшаш шароитларда баҳолаш усулини изчил равишда қўллаши лозим.
- 79 Товар ёки хизматнинг алоҳида сотиш нархини баҳолашнинг мақбул усулларига қуйидагилар киради, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) Тузатилган бозор баҳосига асосланган ёндашув – ташкилот товар ёки хизматларни сотадиган бозорни таҳлил қилиши ва ушбу бозордаги харидор ушбу товар ёки хизматлар учун тўлашга рози бўлган нархни аниқлаши мумкин. Бундай ёндашув, шунингдек, ташкилот рақобатчиларининг ўхшаш товарлар ёки хизматлар нархларидан фойдаланишни ва ушбу нархларни ташкилотнинг сарфлари ва маржаларини акс эттириш учун зарур бўлган даражада тузатишни назарда тутиши мумкин.
 - (б) Маржани ҳисобга олган ҳолда қутилаётган сарф ёндашуви — бунда ташкилот бажариш жавобгарлигини бажариши учун қутилаётган сарфларни прогноз қилиши ва кейин ушбу товар ёки хизмат учун тегишли маржани қўйиши мумкин.
 - (в) Қолдик ёндашуви - ташкилот алоҳида сотиш нархини операциянинг умумий нархи асосида ундан шартнома бўйича ваъда қилинган бошқа товарлар ёки хизматларнинг кузатиладиган алоҳида сотиш нархлари йиғиндисини чегирган ҳолда баҳолаши мумкин. Лекин, ташкилот товар ёки хизматнинг алоҳида сотиш нархини (78-бандга мувофиқ) баҳолаш учун қолдик усулдан фақат қуйидаги мезонлардан бири бажарилган тақдирда фойдаланиши мумкин:
 - (i) ташкилот бир хил товар ёки хизматни турли харидорларга (бир вақтнинг ўзида ёки деярли бир вақтнинг ўзида) аҳамиятли даражада фарқ қиладиган суммаларни олган ҳолда сотади (яъни, сотиш нархи юқори даражада ўзгарувчан, чунки алоҳида сотишнинг одатдаги нархи ўтган операциялар ёки бошқа кузатиладиган тасдиқлашлар асосида аниқ қўринмайди); ёки
 - (ii) ташкилот ушбу товар ёки хизмат учун ҳали нарх белгиламаган ва товар ёки хизмат илгари алоҳида сотилмаган (яъни сотиш нархи ноаниқ).
- 80 Шартнома бўйича ваъда қилинган товар ёки хизматларнинг алоҳида сотиш нархларини баҳолаш учун, агар ушбу товар ёки хизматларнинг икки ёки ундан ортиғи юқори даражада ўзгарувчан ёки ноаниқ алоҳида сотиш нархларига эга бўлса, усулларнинг комбинацияси талаб қилиниши мумкин. Масалан, ташкилот юқори даражада ўзгарувчан ёки ноаниқ алоҳида сотиш нархларига эга бўлган ваъда қилинган товарлар ёки хизматларнинг жамланган алоҳида сотиш баҳосини баҳолаш учун қолдик ёндашувидан фойдаланиши мумкин, сўнгра қолган товар ёки хизматларнинг ҳар бирининг алоҳида сотиш нархларини қолдик ёндашувга мувофиқ белгиланган ушбу тахминий жамланган алоҳида сотиш нархига нисбатан бошқа усулдан фойдаланиши мумкин. Ташкилот шартнома бўйича ваъда қилинган ҳар бир товар ёки хизматнинг алоҳида сотиш нархини баҳолаш учун усуллар комбинациясини қўллаганда, ушбу операция нархини ушбу ҳисобланган алоҳида сотиш нархлари асосида тақсимлаш 73-банддаги операция нархини тақсимлаш мақсадига ва 78-банддаги алоҳида сотиш нархларини баҳолаш талабларига мувофиқ эканини баҳолаши лозим.

Чегирмани тақсимлаш

- 81 Агар шартнома бўйича ваъда қилинган товарлар ёки хизматларнинг алоҳида сотиш нархлари суммаси шартнома бўйича ваъда қилинган товондан ошиб кетса, харидор товар ёки хизматлар пакетини сотиб олишда чегирма олган ҳисобланади. Ташкилот 82-бандга мувофиқ чегирманинг барча суммаси бажариш жавобгарликларининг фақат бир ёки бир нечтасига тааллуқли эканлиги тўғрисида кузатиладиган далилларга эга бўлган ҳоллардан ташқари, ташкилот чегирмани шартномадаги барча бажариш жавобгарликларига мутаносиб равишда тақсимлаши лозим. Бундай ҳолатларда чегирманинг мутаносиб равишда тақсимланиши ташкилот томонидан операция нархини ҳар бир бажариш жавобгарлигига тегишли фарқли товар ёки хизматларнинг нисбий алоҳида сотиш нархлари асосида тақсимлашнинг натижасидир.
- 82 Агар қуйида келтирилган барча мезонлар қаноатлантирилса, ташкилот чегирмаларнинг барча суммасини шартнома бўйича бажариш жавобгарликларининг барчасига эмас, балки бир ёки бир нечтасига тақсимлаши лозим:
- (а) ташкилот мунтазам равишда ҳар бир фарқли товар ёки хизматни (ёки ҳар бир алоҳида маҳсулот ёки хизматларнинг ҳар бир пакетини) шартномада алоҳида сотади;

- (б) ташкилот, шунингдек, айрим бундай алоҳида товарлар ёки хизматларнинг алоҳида пакетини (ёки пакетларини) алоҳида ҳар бир пакетдаги товарлар ёки хизматларнинг алоҳида сотиш нархига чегирма билан сотади; ва
 - (в) 82(б) бандда тавсифланган товар ёки хизматларнинг ҳар бир пакетига тааллуқли бўлган чегирма шартномадаги чегирма билан деярли бир хил бўлса ва ҳар бир пакетдаги товарлар ёки хизматларнинг тахлили унга шартномада назарда тутилган чегирманинг барча суммаси тааллуқли бўлган бажариш жавобгарлигининг (ёки бажариш жавобгарликларининг) кузатиладиган тасдиғини таъминлайди.
- 83 Агар чегирма 82-бандга мувофиқ шартномадаги бажариш жавобгарликларининг бир ёки бир нечасига тақсимланса, ташкилот 79(в) бандга мувофиқ товар ёки хизматнинг алоҳида сотиш нархини баҳолаш учун қолдиқ ёндашувини қўллашдан олдин чегирмани тақсимлаши лозим.

Ўзгарувчан товонни тақсимлаш

- 84 Шартнома бўйича ваъда қилинган ўзгарувчан товон бутун шартномага ёки унинг муайян қисмига тааллуқли бўлиши мумкин, масалан:
- (а) шартномадаги бажариш жавобгарликларининг бир ёки бир нечасига, лекин барчасига эмас (масалан, бонус ташкилотга муайян вақт ичида маълум бир ваъда қилинган товар ёки хизматни етказиб беришга боғлиқ бўлиши мумкин); ёки
 - (б) 22(б) бандига мувофиқ ягона бажариш жавобгарлигини ташкил этадиган алоҳида товар ёки хизматлар тўпламида ваъда қилинган бир ёки бир нечта алоҳида товар ёки хизматларга, лекин барчасига эмас (масалан, тозалаш хизматлари кўрсатиш бўйича икки йиллик шартноманинг иккинчи йилида ваъда қилинган товон келишилган инфляция индекси ўзгариши асосида ошади).
- 85 Ташкилот бутун ўзгарувчан суммани (ва шу сумманинг кейинги ўзгаришларини) қуйидаги иккита мезон бажарилган тақдирда 22(б)-бандга мувофиқ ягона бажариш жавобгарлигининг бир қисми бўлган бажариш жавобгарлигига ёки алоҳида товарга ёки хизматга тақсимлаши лозим:
- (а) ўзгарувчан тўлов шартлари ташкилотнинг бажариш жавобгарлигининг бажарилиши ёки фарқли товар ёки хизмат ўтказилиши бўйича фаолиятига бевосита (ёки аниқ бир бажариш жавобгарлигининг бажарилишига ёки фарқли товар ёки хизмат ўтказилишига) тааллуқли бўлганда; ва
 - (б) шартнома бўйича барча бажариш жавобгарликлари ва тўлов шартлари кўриб чиқилганда бутун ўзгарувчан товон суммасини бажариш жавобгарлигига ёки фарқли товар ёки хизматга тақсимлаш 73-банддаги тақсимлаш мақсадига мувофиқ бўлганда.
- 86 73-83-бандлардаги тақсимлаш талаблари операция нархининг 85-банддаги мезонларга жавоб бермайдиган қолган суммасини тақсимлашда қўлланиши лозим.

Операция нархидаги ўзгаришлар

- 87 Шартнома тузилгандан сўнг операция нархи турли сабабларга кўра ўзгариши мумкин, шу жумладан ноаниқликларни ҳал қилиш ёки ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар эвазига ташкилот олишни кутаётган товон суммасини ўзгартирадиган бошқа шароитлар сабабли.
- 88 Ташкилот операция нархидаги ҳар қандай кейинги ўзгаришларни шартномадаги бажариш жавобгарликларига шартномани тузиш пайтидаги асос билан бир хил асосда тақсимлаши лозим. Шунинг учун ташкилот операция нархини алоҳида сотиш нархларидаги шартномадан кейинги ўзгаришларни акс эттириш учун қайта тақсимлаши шарт эмас. Бажарилган бажариш жавобгарликларига тақсимланган суммалар операция нархи ўзгарган даврда тушум ёки тушумнинг камайиши тарзида тан олинishi лозим.
- 89 Ташкилот операция нархидаги ўзгаришни тўлиқ ҳажмда фақат 85-бандда келтирилган ўзгарувчан товонни тақсимлаш билан боғлиқ мезонларга риоя қилинган тақдирдагина 22(б) бандига мувофиқ ягона бажариш жавобгарликларига киритилган тўпланда ваъда қилинган бажариш жавобгарликларининг ёки фарқли товар ёки хизматларнинг барчасига эмас, бир ёки бир нечасига тақсимлаши лозим.
- 90 Ташкилот шартномани модификация қилиш натижасида юзага келадиган операция нархининг ўзгаришини 18-21-бандларга мувофиқ ҳисобга олиши лозим. Лекин, шартнома модификация қилингандан сўнг операция нархи ўзгарганда ташкилот вазиятдан келиб чиқиб қуйидаги усулларнинг биридан фойдаланган ҳолда операция нархидаги ўзгаришни тақсимлаш учун 87-89-бандларни қўллаши лозим:

- (а) ташкилот, агар операция нархидаги ўзгариш ваъда қилинган ўзгарувчан товон суммасига тааллуқли ва шу ҳажмда бўлса, модификациянинг ўзи эса 21(а) бандига мувофиқ ҳисобга олинганда, операция нархидаги ўзгаришни шартномада - у модификация қилинишидан олдин, идентификация қилинган бажариш жавобгарликларига тақсимлаши лозим.
- (б) 20-бандга мувофиқ шартномани модификация қилиш алоҳида шартнома сифатида ҳисобга олинмаган қолган бошқа ҳолларда, ташкилот операция нархидаги ўзгаришни модификация қилинган шартномадаги бажариш жавобгарликларига (яъни бевосита модификация қилингандан сўнг бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган бажариш жавобгарликларига) тақсимлаши лозим.

Шартнома бўйича сарфлар

Шартнома тузиш учун қўшимча сарфлар

- 91 **Ташкилот харидор билан шартнома тузиш учун қўшимча сарфларни, агар ташкилот ушбу сарфлар қопланишини кутаётган бўлса, актив сифатида тан олиши лозим.**
- 92 Шартнома тузиш учун қўшимча сарфлар- бу ташкилот харидор билан шартнома тузганлиги боис юзага келган сарфлар бўлиб, шартнома тузилмаган тақдирда бундай сарфлар юзага келмайди (масалан, савдо комиссияси).
- 93 Шартнома тузилиши ёки тузилмаслигидан қатъий назар шартнома тузишда юзага келиши мумкин бўлган сарфлар улар юзага келган даврда харажат сифатида тан олинади, бундан ушбу сарфларнинг харидор томонидан шартнома тузилиши-тузилмаслигидан қатъий назар, қопланиши аниқ бўлган ҳоллар мустасно.
- 94 Амалий жихатдан содалаштириш учун ташкилот шартнома тузиш учун қўшимча сарфларни, агар ташкилот акс ҳолда тан олиши лозим бўлган активнинг амортизация даври бир йилдан ошмаса, улар юзага келган даврда харажат сифатида тан олиши мумкин.

Шартномани бажариш сарфлари

- 95 **Агар харидор билан шартномани бажариш учун амалга оширилган сарфлар бошқа стандартни қўллаш доирасига кирмаса (масалан, 2-сон БХХС “Захиралар”, 16-сон БХХС “Асосий воситалар” ёки 38-сон БХХС “Номоддий активлар”), ушбу сарфлар қуйидаги барча мезонларга жавоб берса, ташкилот шартномани бажариш сарфлари билан боғлиқ активни тан олиши лозим:**
 - (а) сарфлар бевосита шартномага ёки ташкилот қандайдир тарзда идентификация қилиши мумкин бўлган режалаштирилган шартномага тегишли бўлганда (масалан, мавжуд шартнома муддатини узайтириш бўйича хизматлар билан боғлиқ сарфлар ёки маълум бир ҳали тасдиқланмаган шартнома бўйича бериладиган активни лойиҳалаштириш сарфлари);
 - (б) бундай сарфлар орқали келгусида бажариш жавобгарликларини бажариш (ёки бажаришни давом эттириш) учун фойдаланиладиган ташкилот ресурслари яратилади ёки яхшиланади; ва
 - (в) сарфларнинг қопланиши кутилади.
- 96 Ташкилот бошқа бир стандартни қўллаш доирасига кирадиган харидор билан шартномани бажариш учун амалга оширилган сарфларни ушбу бошқа стандартга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
- 97 Бевосита шартномага (ёки муайян режалаштирилган шартнома билан) боғлиқ сарфлар қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - (а) бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари (масалан, харидорга ваъда қилинган хизматларни кўрсатадиган ходимларнинг маоши ёки иш ҳақи);
 - (б) бевосита материал сарфлари (масалан, харидорга ваъда қилинган хизматларни кўрсатиш учун сарфланган материаллар);
 - (в) бевосита шартнома ёки шартнома бўйича фаолият билан боғлиқ бўлган сарфларни тақсимлаш (масалан, шартномани бошқариш ва унинг бажарилишини назорат қилиш сарфлари, суғурталаш ва шартномани бажариш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва фойдаланиш ҳуқуқидаги активларнинг эскириши);

- (г) харидор томонидан қопланиши аниқ бўлган сарфлар; ва
 - (д) фақат ташкилотнинг шартнома тузиши натижасида юзага келадиган бошқа сарфлар (масалан, ёрдамчи пудратчиларга тўловлар).
- 98 Ташкилот қуйидаги сарфларни улар юзага келган даврда харажат сифатида тан олиши лозим:
- (а) умумий ва маъмурий сарфлар(бундан ушбу сарфлар шартномага мувофиқ харидор томонидан қопланиши аниқ бўлиб, ташкилот ушбу сарфларни 97-бандга мувофиқ баҳолаши шарт бўлган ҳоллар мустасно);
 - (б) шартнома нархида акс эттирилмаган шартномани бажариш учун материаллар, ишчи кучи ёки бошқа ресурслардан самарасиз фойдаланиш сарфлари;
 - (в) шартномадаги бажарилган (ёки қисман бажарилган бажариш жавобгарликларига) бажариш жавобгарликларига тааллуқли сарфлар (яъни, ўтган даврлардаги фаолият билан боғлиқ сарфлар); ва
 - (г) ташкилот уларнинг бажарилмаган (ёки қисман бажарилган бажариш жавобгарликларига) бажариш жавобгарликларига ёки бажарилган бажариш жавобгарликларига тааллуқли эканлигини аниқлай олмайдиган сарфлар.

Амортизация ва қадрсизланиш

- 99 91 ёки 95-бандларга мувофиқ тан олинган актив ўзи тегишли бўлган товарларни ёки хизматларни харидорга ўтказишга мос равишда тизимли асосда амортизация қилиниши лозим. Актив муайян режалаштирилган шартномага мувофиқ бериладиган товарлар ёки хизматларга оид бўлиши мумкин (95(а) бандда тавсифланганидек).
- 100 Ташкилот активга тегишли бўлган товар ёки хизматларни харидорга ўтказиш вақтидаги кутилаётган аҳамиятли ўзгаришларни акс эттириш учун амортизация қилиниши янгиланиши лозим. Бундай ўзгариш ҳисоб баҳоларидаги ўзгариш сифатида 8-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олинаниши лозим.
- 101 Ташкилот фойда ёки зарар таркибидаги қадрсизланишдан олинган зарарни 91 ёки 95-бандга мувофиқ тан олинган активнинг баланс қиймати қуйидаги миқдорлардан ошиши даражасида тан олиши лозим:
- (а) ташкилот актив тегишли бўлган товарлар ёки хизматлар эвазига кутаётган қолган товон суммаси; бундан қуйидагилар чегирилади
 - (б) харажат сифатида тан олинмаган товар ёки хизматларни тақдим этиш билан бевосита боғлиқ сарфлар (97-бандга қаранг).
- 102 Ташкилот олиниши кутаётган товон суммасини аниқлаш учун 101-бандни қўллаш мақсадида операция нархларини аниқлаш принципларидан фойдаланиши лозим (56-58-бандларнинг ўзгарувчан товоннинг ҳисоб баҳоларидаги чеклов тўғрисидаги талаблари бундан мустасно) ва ушбу суммани харидорнинг кредит риски таъсирига қараб тузатиши лозим.
- 103 Ташкилот 91 ёки 95-бандларга мувофиқ тан олинган актив бўйича қадрсизланишдан зарарни тан олишдан олдин, ташкилот бошқа стандартга (масалан, 2-сон БҲХС, 16-сон БҲХС ва 38-сон БҲХС) мувофиқ тан олинган шартнома билан боғлиқ активлар бўйича қадрсизланишдан зарарни тан олиши лозим. 101-банддаги қадрсизланиши тестини қўллагандан сўнг, ташкилот 91 ёки 95-бандга мувофиқ тан олинган активнинг олинган баланс қийматини 36-сон БҲХС “Активларнинг қадрсизланиши”ни шундай пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликка қўллаш мақсадида, у тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қилувчи бирликнинг баланс қийматига киритиши лозим.
- 104 Агар қадрсизланишга сабаб бўлган шартлар ортиқ мавжуд бўлмаса ёки яхшиланса, ташкилот илгари 101-бандга мувофиқ тан олинган қадрсизланишдан зарарнинг тўлиқ ёки қисман тикланишини фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим. Активнинг оширилган баланс қиймати олдин қадрсизланишдан зарар тан олинмаганда аниқланадиган қийматдан (амортизацияни чиқариб ташлаган ҳолда) ошмаслиги лозим.

-
- 105 Агар шартнома тарафи шартнома бўйича бирон бир мажбуриятини бажарган бўлса, ташкилотнинг ўз жавобгарликларини бажариши ва харидорнинг тўловлари ўртасидаги нисбатга қараб шартномани молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда шартнома бўйича актив ёки шартнома бўйича мажбурият сифатида тақдим этиши лозим. Ташкилот товонга бўлган мутлақ ҳуқуқларни дебиторлик қарзи сифатида алоҳида тақдим этиши лозим.

- 106 Агар харидор товон тўласа ёки ташкилотда товон суммасига шартсиз эга бўлиш ҳуқуқи (яъни, дебиторлик қарзи) мавжуд бўлса, харидорга товар ёки хизматни ўтказишдан олдин ташкилот шартномани тўлов амалга оширилган пайтда ёки тўлов тўланиши лозим бўлган пайтда (қайси бири эртaroқ юзага келган бўлса) шартнома бўйича мажбурият сифатида тақдим этиши лозим. Шартнома бўйича мажбурият - бу ташкилотга харидор томонидан товони тўланган (ёки товон тўланиши муддати келган) товар ёки хизматларни харидорга ўтказиш бўйича ташкилот мажбуриятидир.
- 107 Агар ташкилот товарларни ёки хизматларни харидорга товон тўланишидан олдин ёки товон тўлаш мажбурияти юзага келишидан олдин ўтказса, ташкилот шартномани шартнома бўйича актив сифатида тақдим этиши лозим, бундан дебиторлик қарзи сифатида тақдим этилган суммалар мустасно. Шартнома бўйича актив - бу ташкилот томонидан харидорга ўтказилган товарлар ёки хизматлар эвазига товон олиш бўйича ташкилот ҳуқуқидир. Ташкилот шартнома бўйича активнинг қадрсизланишини 9-сон МХХСга мувофиқ баҳолаши лозим. Шартнома бўйича активнинг қадрсизланиши 9-сон МХХСнинг қўллаш доирасидаги молиявий актив билан бир хил асосда баҳолаши, тақдим этилиши ва ёритиб берилиши лозим (113(б) бандига ҳам қаранг).
- 108 Дебиторлик қарзи - бу ташкилотнинг товон олишга бўлган шартсиз ҳуқуқидир. Агар товон тўланиши лозим бўлган пайтнинг келиши фақат вақт ўтишига боғлиқ бўлса, товон олинишига бўлган ҳуқуқ шартсиз ҳисобланади. Масалан, агар ташкилот тўловни олиш бўйича мавжуд ҳуқуққа эга бўлса, ҳатто ушбу сумма келгусида қайтарилиши мумкин бўлган тақдирда ҳам, ташкилот дебиторлик қарзини тан олади. Ташкилот дебиторлик қарзини 9-сон МХХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим. Шартнома бўйича дебиторлик қарзининг дастлабки тан олинишидан сўнг, 9-сон МХХСга мувофиқ дебиторлик қарзини баҳолаш билан унга тегишли тан олинган тушум суммаси ўртасидаги ҳар қандай фарқ харажат сифатида (масалан, қадрсизланишдан зарар сифатида) тақдим этилиши лозим.
- 109 Мазкур стандарт “шартнома бўйича актив” ва “шартнома бўйича мажбурият” атамаларини қўлайди, аммо ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида ушбу моддалар учун муқобил атамалардан фойдаланишни тақиқламайди. Агар ташкилот шартнома бўйича актив учун муқобил номдан фойдаланса, ташкилот молиявий ҳисобот фойдаланувчисига дебиторлик қарзи ва шартнома бўйича активларни фарқлай олиши учун етарли маълумот тақдим этиши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 110 Маълумотларни ёритиб беришга қўйиладиган талабларнинг мақсади молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига харидорлар билан шартномалардан келиб чиқадиган тушум ва пул оқимларининг характери, миқдори, муддати ва пайдо бўлиши ноаниқлигини тушуниши учун етарли маълумотни ёритиб беришдир. Ушбу мақсадга эришиш учун ташкилот қуйидагиларнинг барчаси тўғрисида сифат ва миқдорий маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) харидорлар билан шартномалар (113–122-бандларга қаранг);
 - (б) ушбу шартномаларга нисбатан мазкур стандартни қўллашда фойдаланилган аҳамиятли мулоҳазалар ва мулоҳазалардаги ўзгаришлар (123-126-бандларга қаранг); ва
 - (в) 91 ёки 95-бандларга мувофиқ харидорлар билан шартнома тузиш ёки уларни бажариш сарфлари бўйича тан олинган активлар (127–128-бандларга қаранг).
- 111 Ташкилот маълумотларни ёритиб бериш мақсадига эришиш учун зарур тафсилот даражасини ва турли талабдан ҳар бирининг аҳамиятини белгилаши лозим. Ташкилот қатта миқдордаги аҳамиятсиз тафсилотларни киритиш ёки турли хил хусусиятларга эга моддаларни жамлаш орқали фойдали маълумотларни мавҳумлаштирмаслик мақсадида ёритиб берилмаётган маълумотларни жамлаши ёки ажратиши лозим.
- 112 Агар ташкилот маълумотни бошқа стандартга мувофиқ тақдим этган бўлса, ташкилот маълумотни мазкур стандартга мувофиқ ёритиб бериши талаб этилмайди.

Харидорлар билан шартномалар

- 113 Ташкилот ҳисобот даври учун қуйидаги барча суммаларни ёритиб бериши лозим, бундан ушбу суммалар бошқа стандартларга мувофиқ умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тақдим этилган ҳоллар мустасно:
- (а) ташкилот бошқа тушум манбаларидан алоҳида ёритиб бериши лозим бўлган харидорлар билан шартномалар бўйича тан олинган тушум; ва

- (б) ташкилотнинг бошқа шартномалар бўйича кадрсизланишдан зарарлардан алоҳида ёритиши лозим бўлган харидорлар билан шартномаларига оид бўлган дебиторлик қарзлари бўйича ёки шартнома бўйича активлар бўйича тан олинган (9-сон МХХСга мувофиқ) кадрсизланишдан зарарлар.

Тушум тўғрисидаги маълумотни батафсиллаштириш

- 114 Ташкилот харидорлар билан шартномалар бўйича тан олинган тушум тўғрисидаги маълумотларни тоифалар бўйича батафсиллаштириши лозим, бу тоифалар иқтисодий омилларнинг тушумлар ва пул оқимларининг характери, миқдори, муддати ва юзага келиш ноаниқлигига қандай таъсир кўрсатишини ақс эттиради. Тушумлар тўғрисидаги маълумотларни батафсиллаштириш учун фойдаланиладиган тоифаларни танлашда ташкилот Б87-Б89-бандларидаги кўрсатмаларни қўллаши лозим.
- 115 Бундан ташқари, ташкилот молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига батафсиллаштирилган тушумни (114-бандга мувофиқ) ва агар ташкилот 8-сон МХХС “*Операцион сегментлар*”ни қўлласа, ҳар бир ҳисобот сегменти бўйича тушумни ёритиб бериш ўртасидаги боғлиқликни тушунишга имкон берадиган етарли маълумотни ёритиб бериши лозим.

Шартнома бўйича қолдиқлар

- 116 Ташкилот куйидагиларнинг барчасини ёритиб бериши лозим:
- (а) агар алоҳида тақдим этилмаса ёки бошқача тарзда ёритиб берилмаса, харидорлар билан шартномаларга боғлиқ бўлган дебиторлик қарзлари, шартнома бўйича активлар ва шартнома бўйича мажбуриятлар бўйича давр бошида ва охиридаги қолдиқлар;
 - (б) давр бошида шартнома бўйича мажбурият қолдиғига киритилган ҳисобот даврида тан олинган тушум; ва
 - (в) олдинги даврларда бажарилган (ёки қисман бажарилган) бажариш жавобгарликларига тааллуқли ҳисобот даврида тан олинган тушум (масалан, операция нархидаги ўзгаришлар).
- 117 Ташкилот бажариш жавобгарликларини бажариш муддати (119(а) бандига қаранг) тўловнинг одатдаги муддати билан қандай боғлиқлигини (119(б) бандига қаранг) ва ушбу омилларнинг шартнома бўйича активлар қолдиқлари ва шартнома бўйича мажбуриятлар қолдиқларига таъсирини тушунтириб бериши лозим. Тушунтиришни тақдим этишда сифат маълумотларидан фойдаланиш мумкин.
- 118 Ташкилот ҳисобот даври мобайнида шартнома бўйича актив ва шартнома бўйича мажбуриятнинг қолдиқларидаги аҳамиятли ўзгаришларни тушунтириб бериши лозим. Тушунтиришда ҳам сифат, ҳам миқдорий маълумотлар бўлиши лозим. Шартнома бўйича активлар ва шартнома бўйича мажбуриятларнинг қолдиқлари ўзгаришига мисоллар:
- (а) бизнес бирлашувлари натижасида юзага келадиган ўзгаришлар;
 - (б) шартнома бўйича тегишли актив ёки мажбуриятга таъсир кўрсатадиган тушумнинг кумулятив ёндашув асосидаги тузатишлар, шу жумладан бажариш жавобгарликларини бажариш даражаси баҳосининг ўзгариши, операция нархининг ўзгариши (шу жумладан ўзгарувчан товоннинг ҳисоб баҳосидаги чеклов таҳлили натижасидаги ўзгаришлар) ёки шартномани модификация қилиш;
 - (в) шартнома бўйича активнинг кадрсизланиши;
 - (г) товонга бўлган ҳуқуқ шартсиз бўлиши учун ўтиши зарур бўлган вақт ўзгариши (яъни, харидор билан шартнома бўйича активни дебиторлик қарзи таркибига қайта таснифлаш); ва
 - (д) бажариш жавобгарлигининг бажарилиши лозим бўлган вақт давомийлиги (яъни, шартнома бўйича мажбуриятдан келиб чиқадиган тушумни тан олиш муддати) ўзгариши.

Бажариш жавобгарликлари

- 119 Ташкилот харидорлар билан шартномаларда ўз бажариш жавобгарликлари тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан куйидагиларнинг барчасини ёритиб бериши лозим:
- (а) ташкилот бажариш жавобгарлигини одатда бажарадиган пайтни (масалан, жўнатишда, етказиб бериш пайтида, хизмат кўрсатилиши билан ёки хизмат кўрсатиш тугаганидан кейин), шу жумладан, бажариш жавобгарлиги ҳисоб тақдим этиш ва сақлаб туриш келишувида бажарилганда;

- (б) муҳим тўлов шартлари (масалан, одатда товон тўлаш муддати келиши, шартномада аҳамиятли молиялаштириш компоненти мавжудлиги, товон суммаси ўзгарувчан экани, ўзгарувчан товонни баҳолаш одатда 56-58-бандларга мувофиқ чекланганлиги);
- (в) бошқа тарафдан харидорга товарлар ёки хизматлар ўтказилишини ташкил этиш бўйича бажариш жавобгарликларини кўрсатиб, ташкилот ўтказишни ваъда қилган товарлар ёки хизматларнинг характери (яъни, агар ташкилот агент сифатида иш юритса);
- (г) товарларни қайтариш, маблағларни қайтариш бўйича мажбуриятлар ва шунга ўхшаш бошқа мажбуриятлар; ва
- (д) кафолатлар ва тегишли мажбуриятлар турлари.

Қолган бажариш жавобгарликларига тақсимланадиган операция нархи

- 120 Ташкилот қолган бажариш жавобгарликлари тўғрисида қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ҳисобот даври охирида бажарилмаган (ёки қисман бажарилмаган) бажариш жавобгарликларига тақсимланган операция нархининг жами суммаси; ва
 - (б) ташкилот 120(а) бандига мувофиқ ёритиб берилган суммани тушум сифатида қачон тан олиши тўғрисида тушунтириш, буни ташкилот қуйидаги усуллардан бири билан ёритиб бериши лозим:
 - (i) қолган бажариш жавобгарликлари бажариладиган давр учун энг мос бўлган вақт оралиғидан фойдаланган ҳолда миқдорий асосда; ёки
 - (ii) сифат маълумотларидан фойдаланган ҳолда.
- 121 Амалий жиҳатдан соддалаштириш учун ташкилот қуйидаги шартлардан бирортаси бажарилган тақдирда, бажариш жавобгарликлари бўйича 120-банддаги маълумотларни ёритиб бериши талаб этилмайди:
- (а) бажариш жавобгарлиги дастлабки қутилаётган амал қилиш муддати бир йилдан ошмайдиган шартноманинг бир қисми ҳисобланганда; ёки
 - (б) ташкилот бажариш жавобгарлигини бажаришдан тушумни Б16-бандга мувофиқ тан олганда.
- 122 Ташкилот сифат маълумотларидан фойдаланиб, 121-банддаги амалий жиҳатдан соддалаштиришни қўллаётганини, шунингдек харидорлар билан шартномалар бўйича муайян товон операция нархига киритилмаганлиги ва шу сабабли 120-бандга мувофиқ ёритиб бериладиган маълумотлар таркибига киритилмаганлигини тушунтириб бериши лозим. Масалан, операция нархи баҳоланишига ўзгарувчан товоннинг чекланган ҳисобланган суммалари киритилмайди (56-58-бандларга қаранг).

Мазкур стандартни қўллашдаги аҳамиятли мулоҳазалар

- 123 Ташкилот мазкур стандартни қўллашда харидорлар билан шартномалар бўйича тушум суммаси ва муддат бўйича тақсимланишини аниқлашга аҳамиятли таъсир кўрсатадиган мулоҳазалар ва мулоҳазалардаги ўзгаришларни ёритиб бериши лозим. Хусусан, ташкилот қуйидаги иккала бандни аниқлашда фойдаланилган мулоҳазалар ва мулоҳазалардаги ўзгаришларни тушунтириб бериши лозим:
- (а) жавобгарлик бажарилиши муддати (124-125-бандларга қаранг); ва
 - (б) операция нархи ва бажариш жавобгарликларига тақсимланган суммалар (126-бандга қаранг).

Бажариш жавобгарликлари бажарилишини муддат бўйича тақсимланишини аниқлаш

- 124 Ташкилот маълум бир давр мобайнида бажарадиган бажариш жавобгарликлари бўйича қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) тушумни тан олиш учун фойдаланилган усуллар (масалан, натижалар усули ва ресурслар усули, шунингдек ушбу усулларнинг қандай қўлланиши); ва
 - (б) нима учун қўлланган усуллар товарлар ёки хизматларнинг ўтказилишини рўйи-рост акс эттиришини тушунтириш.

- 125 Ташкилот томонидан муайян вақтда бажариладиган бажариш жавобгарликлари бўйича харидор ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар устидан назоратни олишини баҳолашда фойдаланилган аҳамиятли мулоҳазаларни ёритиб бериши лозим.

Операция нархи ва бажариш жавобгарликларига тақсимланадиган суммаларни аниқлаш

- 126 Ташкилот қуйида келтирилган барча ҳолларда қўлланилган усуллар, кирувчи маълумотлар ва баҳолашлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) ўзгарувчан товонни баҳолашни, пулнинг вақт қиймати таъсирини ҳисобга олгандаги товонни тузатишни ва пулсиз товонни баҳолашни назарда тутадиган, лекин улар билан чекланмаган операция нархини аниқлаш;
 - (б) ўзгарувчан товоннинг ҳисоб баҳосидаги чекловни таҳлил қилиш;
 - (в) операция нархини, шу жумладан ваъда қилинган товарлар ёки хизматларнинг алоҳида сотиш нархларини ва чегирмалар ҳамда ўзгарувчан товонни шартноманинг тегишли қисмига тақсимлаш (агар қўллаш мумкин бўлса); ва
 - (г) товарларни қайтариш, маблағларни қайтариб бериш ва шунга ўхшаш бошқа мажбуриятлар баҳоланиши.

Харидор билан шартнома тузиш ёки уни бажариш билан боғлиқ ҳолда тан олинган активлар

- 127 Ташкилот қуйидагиларнинг ҳар иккисини тавсифлаши лозим:
- (а) буюртмачи билан шартнома тузиш ёки уни бажаришда амалга оширилган сарфлар суммасини аниқлашда фойдаланилган мулоҳазалар (91 ёки 95-бандларга мувофиқ); ва
 - (б) ҳар бир ҳисобот даври учун амортизацияни аниқлашда фойдаланилган усул.
- 128 Ташкилот қуйидагиларнинг барчасини ёритиб бериши лозим:
- (а) активнинг асосий тоифалари бўйича харидор билан шартнома тузиш ёки уни бажариш учун амалга оширилган сарфлар (91 ёки 95-бандларга мувофиқ) бўйича тан олинган активларнинг давр охиридаги қолдиқлари (масалан, харидорлар билан шартномалар тузиш сарфлари, шартнома тузилгунга қадар амалга оширилган сарфлар ва шартнома бўйича тайёргарлик сарфлари); ва
 - (б) ҳисобот даврида тан олинган амортизация ва қадрсизланишдан зарарлар суммаси.

Амалий жиҳатдан соддалаштиришлар

- 129 Агар ташкилот 63-банддаги (молиялаштиришнинг аҳамиятли компоненти мавжудлиги тўғрисида) ёки 94-бандда (шартнома тузиш учун қўшимча сарфлар тўғрисида) амалий жиҳатдан соддалаштиришдан фойдаланишга қарор қилса, ташкилот ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

А Илова Атамалар таърифи

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

шартнома	Икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида юридик жиҳатдан ҳимояланган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни келтириб чиқарадиган келишув.
шартнома бўйича актив	Ташкилот томонидан харидорга ўтказилган товарлар ёки хизматлар эвазига товон олиш бўйича муайян вақт ўтишидан бошқа нарсага (масалан, ташкилот томонидан келгусида маълум мажбуриятлар бажарилишига) боғлиқ бўлган ҳуқуқ.
шартнома бўйича мажбурият	ташкилотга харидор томонидан товони тўланган (ёки товон тўланиши муддати келган) товар ёки хизматларни харидорга ўтказиш бўйича ташкилот мажбурияти.
харидор	Ташкилот билан товон эвазига ташкилотнинг одатдаги фаолияти натижаси бўлган товарлар ёки хизматларни олиш учун шартнома тузган тараф.
даромад	Капитал иштирокчилари бадаллари билан боғлиқ бўлмаган хусусий капиталнинг ошишига олиб келадиган, ҳисобот даврида активлар келиб тушиши ёки яхшиланиши ёки мажбуриятларнинг камайиши шаклидаги иқтисодий нафнинг ўсишидир.
бажариш жавобгарлиги	Харидор билан шартномада қайд этилган харидорга қуйидагиларни ўтказиш ваъдаси: (а) фарқли товар ёки хизматни (ёки товарлар ёки хизматлар пакетини); ёки (б) харидорга бир хил схема бўйича ўтказиладиган деярли бир хил бўлган фарқли товарлар ёки хизматлар тўпламини.
тушум	Ташкилотнинг одатдаги фаолиятидан юзага келадиган даромад .
алоҳида сотиш нархи (товар ёки хизмат учун)	Ташкилот ваъда қилинган товарни ёки хизматни харидорга алоҳида сотиши мумкин бўлган нарх.
операция нархи (харидор билан шартнома бўйича)	Учинчи шахслар номидан олинган суммаларни истисно қилганда, ташкилот томонидан ваъда қилинган товарларни ёки хизматларни харидорга ўтказиш эвазига олинishi кутилаётган товон суммаси.

Б илова **Қўллаш бўйича кўрсатма**

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир. Мазкур илова 1-129-бандларнинг қўлланишини ифодалайди ва стандартнинг бошқа қисмлари билан тенг кучлидир.

- Б1 Мазкур қўллаш бўйича кўрсатма қуйидаги тоифаларга бўлинган:
- (а) давр мобайнида ижро этиладиган бажариш жавобгарликлари (Б2–Б13-бандлар);
 - (б) бажариш жавобгарликларини ижро этиш даражасини баҳолаш усуллари (Б14–Б19-бандлар);
 - (в) қайтариш ҳуқуқи билан сотиш (Б20–Б27-бандлар);
 - (г) кафолатлар (Б28–Б33-бандлар);
 - (д) принципал ёки агентнинг роли (Б34–Б38-бандлар);
 - (е) қўшимча товарлар ва хизматларга доир харидорга тақдим этилган опционлар (Б39–Б43-бандлар);
 - (ё) харидорларнинг фойдаланилмаган ҳуқуқлари (Б44–Б47-бандлар);
 - (ж) копланмайдиган дастлабки тўлов (ва шу билан боғлиқ айрим сарфлар) (Б48–Б51-бандлар);
 - (з) лицензиялаш (Б52–Б63-бандлар);
 - (и) қайта сотиб олиш шартномалари (Б64–Б76-бандлар);
 - (й) консигнация келишувлари (Б77–Б78-бандлар);
 - (к) ҳисоб тақдим этиш ва сақлаб туриш келишувлари (Б79–Б82-бандлар);
 - (л) харидор томонидан қабул қилиш (Б83–Б86-бандлар); ва
 - (м) батафсиллаштирилган тушум тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш (Б87–Б89-бандлар).

Давр мобайнида бажариладиган бажариш жавобгарликлари

- Б2 35-бандга мувофиқ, қуйидаги мезонлардан бири бажарилган тақдирда, бажариш жавобгарлиги давр мобайнида бажарилади:
- (а) харидор ташкилот ушбу бажариш жавобгарлигини бажариш билан таъминладиган нафларни бир вақтнинг ўзида қабул қилади ва истеъмол қилади (Б3-Б4-бандларга қаранг);
 - (б) ташкилот ўз бажариш жавобгарлигини бажариш жараёнида актив (масалан, тугалланмаган ишлаб чиқариш) яратилади ёки яхшиланади, харидор унинг устидан назоратни ушбу актив яратилиши ва яхшиланиши билан олади (Б5-бандга қаранг); ёки
 - (в) ташкилотнинг ўз мажбуриятини бажариши ташкилотнинг муқобил мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган активни яратмайди (Б6-Б8-бандларга қаранг) ва бунда ташкилот шартномавий ишларнинг шу кунгача бажарилган бир қисми учун тўловни олиш бўйича қонун билан ҳимояланган ҳуқуққа эга бўлади (Б9-Б13-бандларга қаранг).

Бир вақтнинг ўзида ташкилотнинг фаолиятдан наф олиш ва уни истеъмол қилиш (35(а) банд)

- Б3 Бажариш жавобгарликларининг айрим турлари бўйича харидор ташкилот фаолиятини амалга оширишига қараб унинг фаолияти натижаларидан наф олиши-олмаслиги ва бир вақтнинг ўзида уларнинг олинишига қараб ушбу нафларни истеъмол қилиши-қисмаслигини баҳолаш осон бўлади. Бунга мисол сифатида харидор томонидан ташкилот фаолиятдан наф олиши ва бир вақтнинг ўзида уни истеъмол қилишини осон идентификация қилиш мумкин бўлган мунтазам ёки вақти-вақти билан кўрсатиладиган хизматларни (масалан, тозалаш хизматларини) келтириш мумкин.
- Б4 Бошқа бажариш жавобгарликларлари турлари бўйича харидор ташкилот фаолиятини амалга оширишига қараб унинг фаолияти натижаларидан наф олиши-олмаслиги ва бир вақтнинг ўзида уларнинг олинишига қараб ушбу нафларни истеъмол қилиши-қисмаслигини осонликча идентификация қила олмаслиги мумкин. Бундай вазиятларда, агар ташкилот жорий санага қадар бажарилган ишнинг аҳамиятли қисмини бошқа ташкилот бажариши шарт эмас деган хулосага келса

(агар бошқа ташкилот харидор олдида қолган бажариш жавобгарлигини бажариши лозим бўлса), бажариш жавобгарлиги давр мобайнида бажарилади. Бошқа ташкилот, аслида, ташкилот жорий санагача бажарган ишини қайта бажариши шарт эмас деган хулосага келганда, ташкилот қуйидаги икки тахминлардан ҳам фойдаланиши лозим:

- (а) акс ҳолда ташкилотнинг қолган бажариш жавобгарлигини бошқа ташкилотга ўтказишига тўсқинлик қиладиган потенциал шартномавий ёки амалий чекловларни ҳисобга олмаслик; ва
- (б) бошқа ташкилот бажариш жавобгарлигининг қолган қисмини бажараётганда, ташкилот ҳозирда назорат қиладиган ва агар бажариш жавобгарлиги бошқа ташкилотга ўтказилса, ташкилот назорати остида қоладиган ҳар қандай активдан наф кўрмайди деган тахминга келиш.

Харидор актив бўйича назоратни у яратилиши ёки яхшиланиши билан олади (35(б) банд)

- Б5 Харидор 35(б) бандга мувофиқ актив бўйича назорат у яратилиши ёки яхшиланиши билан олишини аниқлашда, ташкилот 31-34 ва 38-бандлардаги назоратни бўйича талабларни қўллаши лозим. Яратилаётган ёки яхшиланаётган актив (масалан, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлган актив) моддий ёки номоддий бўлиши мумкин.

Ташкилотнинг фаолияти натижалари муқобил мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган актив яратилишига олиб келмайди (35(в) банд)

- Б6 36-бандга мувофиқ актив ташкилот томонидан муқобил фойдаланиши мумкинлигини баҳолашда ташкилот ушбу активдан фойдаланишнинг бошқа усулини эркин танлашга шартномавий ва амалий чекловларнинг таъсирини, масалан, уни бошқа харидорга сотиш имкониятига таъсирини эътиборга олиши лозим. Харидор билан шартномани бекор қилиш имконияти субъектнинг активдан фойдаланишнинг бошқа усулини эркин танлаш имкониятини баҳолашда ҳисобга олинмаслиги лозим.
- Б7 Ташкилот активдан муқобил фойдаланиш имкониятига эга бўлмаслиги учун активдан бошқа тарзда фойдаланишни танлаш имкониятини шартномавий чеклаш аҳамиятли бўлиши лозим. Агар ташкилот активдан фойдаланишнинг бошқа усулини танлашга ҳаракат қилганда, харидор ваъда қилинган активга нисбатан ўз ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин бўлса, шартномавий чеклаш аҳамиятли ҳисобланади. Аксинча, агар, масалан, аслида ташкилот активни бошқа харидорга шартномани бузмасдан ва бошқа сабабларга кўра юзага келмайдиган аҳамиятли сарфларни амалга оширмасдан ўтказиши мумкин бўлган бошқа активлар билан осонликча алмаштирилиши мумкин бўлса, шартномавий чеклаш аҳамиятли ҳисобланмайди.
- Б8 Активдан фойдаланишнинг муқобил усулини танлаганда ташкилот аҳамиятли иктисодий зарар кўрадиган бўлса, ташкилот активдан фойдаланишнинг бошқа усулини танлаш имкониятига амалий чеклов мавжуд бўлади. Агар ташкилот активга якуний ишлов бериш билан боғлиқ аҳамиятли сарфларга дуч келса ёки активни фақат аҳамиятли зарар билан сотиши мумкин бўлса, унда аҳамиятли иктисодий зарар юзага келиши мумкин. Масалан, ташкилот харидор учун ноёб ҳисобланган ўзига хос техник хусусиятларга эга бўлган ёки олис ҳудудда жойлашган активлардан фойдаланиш усулини ўзгартириш бўйича амалий чекловларга эга бўлиши мумкин.

Жорий санага қадар бажарилган фаолият натижалари учун тўловни олиш ҳуқуқи (35(в) банд)

- Б9 37-бандга мувофиқ, агар ташкилот жорий санагача бажарилган фаолият натижалари учун камида қопланадиган суммани олиш ҳуқуқига эга бўлса, ташкилот жорий санагача харидор ёки бошқа тараф ташкилотнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлигидан бошқа сабабларга кўра, шартномани бекор қилганда бажарилган фаолият натижалари учун тўлов олишга ҳақлидир. Жорий санага қадар ташкилотга шартнома бўйича бажарилган ишлар натижаларини қоплайдиган сумма фақат шартномани бекор қилинган тақдирда ташкилотнинг потенциал йўқотилган фойдаси учун компенсация бўлиб эмас, балки шу жорий санагача ўтказилган товар ёки хизматларнинг сотиш нархига тахминан тенг сумма ҳисобланади (масалан, ташкилот томонидан бажариш жавобгарликларини бажаришда амалга оширилган сарфларни ўртача фойда нормасини қўшган ҳолда қоплаш). Асосланган фойда нормасига доир компенсация шартнома унда ваъда қилинганидек бажарилган тақдирда қутилган фойда нормаси даражасига тенг бўлиши талаб этилмайди, лекин ташкилот қуйидаги суммалардан бирига нисбатан компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим:

- (а) харидор (ёки бошқа тараф) томонидан шартнома бекор қилинишидан олдин ташкилотнинг шартнома бўйича фаолияти натижаларини асосли акс эттирадиган шартнома бўйича қутилаётган фойда нормасининг мутаносиб қисми; ёки
- (б) агар шартномага хос фойда нормаси одатда ташкилот шу каби шартномалардан оладиган даромаддан юқори бўлса, ташкилотнинг шунга ўхшаш шартномалар бўйича капитали қийматига асосли фойда нормаси (ёки шунга ўхшаш шартномалар бўйича ташкилотнинг операцион фойдаси нормаси).
- Б10 Ташкилотнинг жорий санагача бажарилган шартномавий ишларнинг бир қисми учун тўловни олиш ҳуқуқи, тўловни олиш учун мавжуд шартсиз ҳуқуқ бўлиши шарт эмас. Кўп ҳолларда, ташкилот келишилган белгиланган босқич тугагандан кейин ёки бажариш жавобгарлиги тўлиқ бажарилгандан кейин тўловни олиш бўйича шартсиз ҳуқуққа эга бўлади. Шартнома бўйича ишларнинг жорий санагача бажарилган қисми учун тўловни олиш ҳуқуқининг мавжудлигини баҳолашда ташкилот жорий санагача бажарилган шартнома ишларининг бир қисми учун тўловни, агар ташкилот шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги сабабидан бошқа сабабларга кўра шартнома у тўлиқ бажарилишидан олдин бекор қилинганда, талаб қилиш ёки олдин олинган тўловни ушлаб қолиш бўйича қонун билан ҳимояланган ҳуқуққа эга бўлиши ёки бўлмаслигини таҳлил қилиши лозим.
- Б11 Баъзи шартномаларда харидорга шартномани унинг амал қилиш муддати давомида фақат маълум ҳолатларда бекор қилиш ҳуқуқи берилиши мумкинлиги ёки харидор бундай ҳуқуққа эга бўлмаслиги мумкин. Агар харидор шартномани муайян пайтда бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда (шу жумладан харидор ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ҳолатида) шартномани бекор қилиш учун бирон бир ҳаракат қилса, шартнома (ёки бошқа юридик ҳужжатлар) ташкилотга харидорга шартнома бўйича ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар ўтказишни давом эттириш ва харидордан бундай товарлар ёки хизматлар эвазига ваъда қилинган товонни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини бериши мумкин. Бундай шароитда ташкилот шартномавий ишнинг жорий санагача бажарилган қисми учун тўловни олиш ҳуқуқига эга бўлади, чунки ташкилот шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни давом эттириш ва харидордан ўз мажбуриятларини (шунингдек ваъда қилинган товонни тўлашни) бажаришини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- Б12 Жорий санага қадар бажарилган шартномавий ишларнинг бир қисми учун тўловни олиш ҳуқуқи мавжудлиги ва қонун билан ҳимояланганлигини баҳолашда ташкилот ушбу шартнома шартларини тўлдириши ёки бекор қилиши мумкин бўлган шартномавий шартларни, шунингдек қонунчиликни ёки ҳуқуқий прецедентни ҳисобга олиши лозим. Ушбу таҳлил қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) қонунчилик, маъмурий амалиёт ёки ҳуқуқий прецедент ташкилотга жорий санагача бажарилган шартномавий ишларнинг бир қисми учун тўлов олиш ҳуқуқини, ҳатто харидор билан шартномада бундай ҳуқуқ белгиланмаган бўлса ҳам, тақдим этиши ёки этмаслиги;
- (б) тегишли ҳуқуқий прецедент шу каби шартномаларда жорий санагача бажарилган шартномавий ишларнинг бир қисми учун тўловни олиш бўйича ўхшаш ҳуқуқлар юридик кучга эга эмаслигини кўрсатиши ёки кўрсатмаслиги; ёки
- (в) ташкилотнинг тўловни олиш ҳуқуқидан фойдаланмасликдан иборат бўлган иш муомаласи одатлари ушбу ҳуқуқий муҳитда ҳуқуқнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ҳисобланмаслигига олиб келиши ёки келмаслиги. Лекин, гарчи ташкилот шу каби шартномаларда тўловни олиш ҳуқуқидан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин бўлсада, агар харидор билан шартномада ташкилотнинг жорий санагача бажарилган шартномавий ишнинг бир қисми учун тўловни олишга ҳуқуқи қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ бўлиб қолса, ташкилот жорий санагача бажарилган шартномавий ишнинг бир қисми учун олдингидек тўловни олиш ҳуқуқига эга бўлади.
- Б13 Шартномада белгиланган тўловлар жадвали ташкилотнинг жорий санагача бажарилган шартномавий ишларнинг бир қисми учун тўловни олиш ҳуқуқи қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини кўрсатиши шарт эмас. Шартномадаги тўловлар жадвали харидор томонидан тўланиши лозим бўлган товон суммасини ва вақт бўйича тақсимланишини белгилаб берган бўлишига қарамай, тўловлар жадвали ташкилотнинг жорий санага қадар бажарилган фаолият натижалари учун тўлов олиш ҳуқуқини тасдиқлаши талаб этилмайди. Чунки, масалан, шартнома буюртмачидан олинган маблағ ташкилотнинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажармасликдан бошқа сабабларга кўра қайтарилиши лозимлигини кўрсатиши мумкин.

Бажариш жавобгарликларини бажариш босқичларини баҳолаш усуллари

- Б14 35-37-бандларга мувофиқ ташкилот ўз бажариш жавобгарликларини давр мобайнида бажариш босқичларини баҳолаш учун фойдаланиладиган усулларга қуйидагилар қиради:

- (а) натижалар усули (Б15-Б17-бандларга қаранг); ва
- (б) ресурслар усули (Б18-Б19-бандларга қаранг).

Натижалар усули

- Б15 Натижалар усули тушумни жорий санагача ўтказилган товарлар ёки хизматларнинг қийматини қолган ваъда қилинган товарлар ёки хизматларга нисбатан харидор учун бевосита баҳолаш асосида тан олишни назарда тутати. Натижалар усули жорий санагача яқунланган фаолият натижаларини кўриб чиқиш, эришилган натижалар, яқунланган босқичлар, ўтган вақт ва ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган бирликларни баҳолаш каби усулларни ўз ичига олади. Ташкилот бажариш босқичларини баҳолаш учун натижалар усулини қўллашни баҳолаганда, танланган натижалар ташкилотнинг бажариш жавобгарликларини бажариш бўйича фаолиятини рўйи-рост акс эттириши ёки акс эттирмаслигини эътиборга олиши лозим. Натижа усули, агар танланган натижа назорат қилиш харидорга ўтган айрим товар ёки хизматларнинг баҳолаш учун етарли бўлмаса, ташкилот фаолиятини рўйи-рост акс эттирмайди. Масалан, ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган бирликларга асосланадиган натижалар усули, агар ҳисобот даври охирида ташкилот фаолиятининг натижалари бўлиб натижани баҳолашга киритилмаган ишлаб чиқарилиши тугалланмаган ёки харидор томонидан назорат қилинадиган тайёр маҳсулотлар бўлса, ташкилотнинг бажариш жавобгарлигини бажариши натижаларини рўйи-рост акс эттирмайди.
- Б16 Амалий жиҳатдан содалаштириш учун, агар ташкилот харидор учун ўзининг фаолият натижалари қийматига мос келадиган суммада жорий санагача яқунланган ташкилот фаолияти натижалари (масалан, ташкилот кўрсатилган хизматнинг ҳар бир соати учун қатъий белгиланган суммада тўлаш учун ўз ҳисоб-китобини тақдим этадиган хизмат кўрсатиш шартномаси) бўйича харидордан бевосита товон олиш ҳуқуқига эга бўлса, ташкилот тушумни тўлов олиш учун счёта тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган суммада тан олиши мумкин.
- Б17 Натижа усулининг камчиликлари бажариш даражасини баҳолаш учун фойдаланиладиган натижаларни бевосита кузатиб бўлмаслиги мумкин ва ташкилот уларни қўллаш учун зарур бўлган маълумотлардан ортиқча сарфларсиз фойдалана олмаслиги мумкин. Шунинг учун, ресурслар усулини қўллаш талаб этилиши мумкин.

Ресурслар усули

- Б18 Ресурслар усули ташкилотнинг бажариш жавобгарлигини бажариш учун қилган саъй-ҳаракатлари ёки бундай бажариш жавобгарлигини бажариш учун сарфланиши кутилаётган жами ресурсларга нисбатан сарфланган ресурслар (масалан, сарфланган ресурслар, сарфланган иш вақти, амалга оширилган сарфлар, ўтган вақт ёки ишлатилган машина вақти) асосида тушумни тан олишни назарда тутати. Агар ташкилотнинг қилган саъй-ҳаракатлари ёки сарфланадиган ресурслари бажариш жавобгарлиги бажарилиши даврига бир маромда тақсимланса, ташкилот тушумни тўғри чизикли усул бўйича тан олиши мумкин.
- Б19 Ресурслар усулининг камчилиги шундаки, ташкилот фойдаланадиган ресурслар билан товарларни ёки хизматларни назорат қилишни харидорга ўтказиш ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун, ресурс усулини қўлаганда ташкилот фойдаланадиган ресурсларнинг 39-банддаги бажариш даражасини баҳолаш мақсадига мувофиқ товар ёки хизматлар устидан назоратни харидорга ўтказиш бўйича ташкилот фаолияти натижаларини акс эттирмайдиган таъсирини истисно қилиши лозим. Масалан, ҳақиқатдаги сарфларга асосланган ресурслар усулидан фойдаланганда, қуйидаги ҳолатларда бажариш даражасини баҳолашга тузатиш киритиш талаб этилиши мумкин:
- (а) Амалга оширилган сарфлар ташкилотнинг бажариш жавобгарлиги бажарилишининг амалдаги даражасига эришишига ҳисса қўшмаса. Масалан, ташкилот шартнома нархида акс эттирилмаган, ташкилот фаолиятидаги аҳамиятли самарасизликлар билан боғлиқ бўлган сарфлар асосида тушумни тан олмайди (масалан, бажариш жавобгарлиги бажарилиши учун фойдаланилган материаллар, ишчи кучи ёки бошқа ресурсларни беҳуда ортиқча сарфлаш билан боғлиқ қутилмаган сарфлар қиймати).
 - (б) Амалга оширилган сарфлар ташкилотнинг бажариш жавобгарлиги бажарилишининг даражасига номутаносиб бўлса. Бундай ҳолатларда ташкилот фаолияти натижасининг энг яхши ифодаси тушумни фақат амалга оширилган сарфлар даражасида тан олиш мақсадида натижалар усулига тузатиш киритиш бўлиши мумкин. Масалан, ташкилот фаолияти натижасининг рўйи-рост ифодаси бўлиб тушумни, агар ташкилот шартнома тузилаётган пайтда қуйидаги шартларнинг барчаси бажарилишини кутаётган бўлса, бажариш

жавобгарлигини бажариш учун фойдаланилган товар қийматига тенг суммада тан олиш бўлиши мумкин:

- (i) товар фарқли бўлмаса;
- (ii) харидор товарларга тегишли хизматларни олишдан аҳамиятли даражада олдин товарлар назоратини олиши кутилаётган бўлса;
- (iii) ўтказилган товар билан боғлиқ сарфлар бажариш жавобгарлигини тўлиқ ҳажмда бажаришга сарфланадиган кутилаётган жами сарфлар билан солиштирганда аҳамиятли бўлса; ва
- (iv) ташкилот учинчи шахсдан товарни сотиб олса ва маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришда аҳамиятли иштирок этмаса (лекин ташкилот Б34-Б38-бандларга мувофиқ принципал вазифасини бажарса).

Қайтариш ҳуқуқи билан сотиш

- Б20 Баъзи шартномаларда ташкилот маҳсулотни назорат қилишни харидорга ўтказиши ва, шунингдек харидорга маҳсулотни турли сабабларга кўра (масалан, маҳсулот қониқтирмаслиги сабабли) қайтариш ҳуқуқини беради ҳамда исталган комбинацияда қуйидаги имкониятлар тақдим этилади:
- (а) тўланган товонни тўлиқ ёки қисман қайтариш;
 - (б) ташкилот олиши лозим бўлган суммалар ёки келгусида олиши мумкин бўлган суммалар бўйича чегирма;
 - (в) қайтарилган товар ўрнига бошқа товар.
- Б21 Қайтариш ҳуқуқи билан ўтказилган товарни (шунингдек, маблағлар қайтариб берилиши назарда тутилган ҳолда тақдим этиладиган баъзи хизматларни) ҳисобга олиш учун ташкилот қуйидагиларнинг барчасини тан олиши лозим:
- (а) ташкилот олишни кутаётган товон суммасида ўтказилган товар бўйича тушум (шу сабабли қайтарилиши кутилаётган товарлар бўйича тушум тан олинмайди);
 - (б) маблағларни қайтариш бўйича мажбурият; ва
 - (в) маблағларни қайтариш мажбуриятини бажараётганда харидорлардан товар олиш ҳуқуқига доир актив (ва сотиш таннархига тегишли тузатиш).
- Б22 Ташкилотнинг қайтарилаётган товарни белгиланган қайтариш муддати давомида қабул қилишга тайёр эканлиги тўғрисидаги ваъдаси маблағларни қайтариш мажбуриятига қўшимча тарзда бажариш жавобгарлиги сифатида ҳисобга олинмаслиги лозим.
- Б23 Ташкилот олишни кутаётган товон суммасини аниқлаш учун (яъни, қайтарилиши кутилаётган товарларни ҳисобга олмаган ҳолда) 47-72-бандлардаги талабларни (шу жумладан 56-58-бандларнинг ўзгарувчан товоннинг ҳисоб баҳоларидаги чекловга доир талабларини) қўллаши лозим. Ташкилот олиши кутилмаган ҳолда олинган (ёки олинадиган) суммалар бўйича ташкилот товарларни харидорларга ўтказишда тушумни тан олмаслиги лозим. Аксинча, бундай суммалар маблағларни қайтариш мажбурияти сифатида тан олинмиши лозим. Кейинчалик, ҳар бир ҳисобот даври охирида ташкилот ўтказилган товарлар эвазига олинмиши кутилаётган суммаларнинг баҳосига ва шунга мувофиқ операция нархига, шунингдек тан олинган тушум суммасига тузатиш киритиши лозим.
- Б24 Ташкилот ҳар бир ҳисобот даври охирида қайтариб бериш мажбурияти баҳосига қайтариб берилиши лозим бўлган суммалар тўғрисидаги кутишларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритиши лозим. Ташкилот бундай тузатишларни тушум (ёки тушумнинг камайиши) сифатида тан олиши лозим.
- Б25 Маблағларни қайтариш мажбурияти бажарилаётганда ташкилотнинг харидор томонидан қайтарилаётган товарга ҳуқуқи билан боғлиқ тан олинадиган актив дастлаб ушбу товарни олиш бўйича кутилаётган ҳар қандай сарфларни (шу жумладан қайтариладиган товар қийматининг ташкилот учун потенциал пасайишини) чегирган ҳолда товарнинг (масалан, захиралар) аввалги баланс қиймати асосида баҳоланиши лозим. Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида ташкилот қайтариладиган товарлар бўйича кутишларнинг ўзгариши натижасида актив баҳосига тузатиш киритиши лозим. Ташкилот бундай активни маблағларни қайтариш мажбуриятидан алоҳида тақдим этиши лозим.
- Б26 Харидор бир товарни бошқа шу турдаги, сифатдаги, бир хил ҳолатдаги ва бир хил нархдаги товарга (масалан, бир хил ранг ёки ўлчамдаги товарни бошқасига) айирбошлаши мазкур стандартни қўллаш мақсадларида қайтариш сифатида қаралмайди.

Б27 Харидор нуқсонли товарни нуқсонсиз товарга алмаштириши мумкин бўлган шартномалар Б28-Б33-бандларидаги кафолатларни ҳисобга олиш бўйича кўрсатмаларга мувофиқ таҳлил қилиниши лозим.

Кафолатлар

Б28 Кўп ҳолларда ташкилот маҳсулотни (товар ёки хизматни) сотаётганда (шартнома, қонун ҳужжатлари ёки иш муомаласи одатларига мувофиқ) кафолат тақдим этади. Кафолат характери тармоқ ёки шартномага боғлиқ ҳолда аҳамиятли даражада фаркланиши мумкин. Айрим кафолатлар харидор учун тегишли маҳсулот келишилган параметрларга мувофиқ бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келишган шартларга мувофиқ бўлишини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Бошқа кафолатлар маҳсулот келишилган параметрларга мувофиқлигини таъминлашга кўшимча равишда харидорга муайян хизмат кўрсатилишини назарда тутади.

Б29 Агар харидорда кафолатни алоҳида сотиб олиш ҳуқуқи мавжуд бўлса (масалан, агар кафолат нархи алоҳида белгиланиши ёки алоҳида келишиладиган бўлса), кафолат фаркли хизмат ҳисобланади, чунки ташкилот шартномада баён этилган функционал тафсилотларга эга бўлган маҳсулотга кўшимча равишда харидорга хизмат кўрсатишни ваъда қилади. Бундай ҳолатларда ташкилот ваъда қилинган кафолатни 22-30-бандларга мувофиқ бажариш жавобгарлиги сифатида ҳисобга олиши лозим ва операция нархи бир қисмини ушбу бажариш жавобгарлигига 73-86-бандларга мувофиқ тақсимлаши лозим.

Б30 Агар харидорда кафолатни алоҳида сотиб олиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаса, ташкилот кафолатни 37-сон БҲХС “*Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*”га мувофиқ ҳисобга олиши лозим, бундан ваъда қилинган кафолат ёки ваъда қилинган кафолатнинг бир қисми маҳсулот келишилган параметрларга мувофиқлигини таъминлаш воситаси ҳисобланишига кўшимча равишда харидорга муайян хизматни тақдим этадиган ҳолатлар мустасно.

Б31 Кафолат маҳсулотнинг келишилган параметрларга мувофиқлигини таъминлаш воситаси ҳисобланишига кўшимча равишда харидорга муайян хизматни тақдим этиши ёки тақдим этмаслигини таҳлил қилишда ташкилот қуйидаги омилларни ҳисобга олиши лозим:

- (а) қонунчиликка мувофиқ кафолат берилиши талаб этилиши ёки этилмаслиги – агар қонунчилик ташкилотдан кафолат берилишини талаб қилса, бундай қонунчилик талаби мавжудлиги ваъда қилинган кафолат бажариш жавобгарлиги ҳисобланмаслигини кўрсатади, чунки бундай талаблардан одатда харидорларни нуқсонли маҳсулотларни харид қилиш risksидан ҳимоя қилиш учун фойдаланилади.
- (б) Кафолат муддатининг давомийлиги – кафолат муддати давомийлиги қанча узун бўлса, ваъда қилинган кафолат бажариш жавобгарлиги деб ҳисобланиши эҳтимоли шунча юқори бўлади, чунки бунда кафолат маҳсулот келишилган параметрларга мувофиқлигини таъминлаш воситаси ҳисобланишига кўшимча равишда харидорга муайян хизматни тақдим этиш бўлиб ҳисобланиши эҳтимоли юқоридир.
- (в) Ташкилот бажаришни ваъда қилган вазифалар характери – агар ташкилот маҳсулот келишилган параметрларга мувофиқлигини таъминлаш учун муайян вазифаларни бажариши зарур бўлса (масалан, у қайтарилган тақдирда нуқсонли маҳсулотни ташши хизматини кўрсатиш), бундай вазифалар катта эҳтимол билан бажариш жавобгарлигининг пайдо бўлишига олиб келмайди.

Б32 Агар кафолат ёки кафолатнинг бир қисми маҳсулот келишилган параметрларга мувофиқлигини таъминлаш воситаси ҳисобланишига кўшимча равишда харидорга муайян хизматни тақдим этса, ваъда қилинган хизмат бажариш жавобгарлиги ҳисобланади. Шунинг учун ташкилот операция нархини маҳсулотга ҳам, хизматга ҳам тақсимлаши лозим. Агар ташкилот мувофиқлик кафолатини ҳам, хизмат кўрсатиш кафолатини ҳам тақдим этгани ҳолда уларни асосли равишда алоҳида-алоҳида ҳисобга ололмаса, ташкилот иккала кафолатни ҳам биргаликда ягона бажариш жавобгарлиги сифатида ҳисобга олиши лозим.

Б33 Агар ташкилотнинг маҳсулотлари зарар ёки зиён етказган тақдирда, ташкилотга компенсация тўлаш мажбуриятини юклайдиган қонун ҳужжати бажариш жавобгарлигининг пайдо бўлишига олиб келмайди. Масалан, ишлаб чиқарувчи маҳсулотини ундан харидор ўз мақсадига мувофиқ фойдаланиши натижасида етказилиши мумкин бўлган ҳар қандай зиён (масалан шахсий мол-мулкка) учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладиган юрисдикцияда сотиши мумкин. Шу каби, ташкилот маҳсулоти патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, савдо маркаларига бўлган ҳуқуқларни бузиши, шунингдек бошқа қонунбузилишлар билан боғлиқ учинчи тарафларнинг даъволари сабабли юзага келган мажбуриятлар бўйича тўловларни ва зиённи қоплаб бериш бўйича ташкилотнинг ваъдасини бажариш жавобгарлиги пайдо бўлишига олиб келмайди. Ташкилот бундай мажбуриятларни 37-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.

Принципал ёки агентнинг роли

- Б34 Харидорга товарлар ёки хизматларни тақдим этишда бошқа тараф иштирок этганда, ташкилот ўз ваъдаси характерини ўзи томонидан муайян товарлар ёки хизматларни тақдим этиш бўйича (яъни, ташкилот принципал ҳисобланади) ёки бошқа тараф томонидан (яъни, ташкилот агент вазифасини бажаради) бундай товарлар ёки хизматларни тақдим этишни ташкил қилиш бўйича бажариш жавобгарлиги ҳисобланишини аниқлаши лозим. Ташкилот харидорга ваъда берилган ҳар бир муайян товар ёки хизмат учун принципал ёки агент эканини аниқлайди. Муайян товар ёки хизмат бу харидорга тақдим этиладиган фарқли товар ёки хизмат (ёки фарқли товарлар ёки хизматлар пакети) ҳисобланади. Агар харидор билан шартнома бир нечта муайян товар ёки хизматни ўз ичига олса, ташкилот баъзи муайян товарлар ёки хизматлар учун принципал ва бошқалар учун агент бўлиши мумкин.
- Б34А Ваъдасининг характерини аниқлаш учун ташкилот қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
- (а) харидорга тақдим этиладиган муайян товарлар ёки хизматларни (масалан, бошқа тараф томонидан тақдим этиладиган товар ёки хизматга бўлган ҳуқуқ (26-бандга қаранг)) идентификациялаш; ва
 - (б) ташкилот муайян товар ёки хизматни харидорга ўтказишдан олдин бундан ҳар бир товарни ёки хизматни назорат қилиши ёки назорат қилмаслигини (33-бандда тавсифланганидек) баҳолаш.
- Б35 Агар у ваъда қилинган товар ёки хизматни харидорга ўтказилгунга қадар назорат қилса, ташкилот принципал ҳисобланади. Лекин, ташкилот, агар у товарга мулк ҳуқуқини фақатгина товарни харидорга топширишдан олдин қўлга киритса, принципал сифатида ҳаракат қилиши талаб этилмайди. Принципал ҳисобланган ташкилот бажариш жавобгарлигини ўзи бажариши ёки ташкилот номидан бажариш жавобгарлигини тўлиқ ёки қисман бажариши учун бошқа томонни (масалан, субпудратчини) жалб қилиши мумкин.
- Б35А Харидорга товарлар ёки хизматлар тақдим этишда бошқа бир тараф жалб этилганда, принципал ҳисобланган ташкилот қуйидагилардан бири устидан назоратни олади:
- (а) натижада бошқа тараф томонидан харидорга ўтказиладиган товар ёки бошқа актив.
 - (б) ташкилотга бошқа тарафнинг ташкилот номидан хизмат кўрсатишига топшириқ беришга имконият берадиган, бошқа тараф томонидан кўрсатиладиган хизматга бўлган ҳуқуқ.
 - (в) харидорга муайян товар ёки хизматни тақдим этишда бошқа товарлар ва хизматлар билан бирлаштириладиган бошқа тарафнинг товар ёки хизмати. Масалан, агар ташкилот харидор билан келишилган муайян товар ёки хизматга бошқа тараф томонидан таъминланадиган товарлар ёки хизматларни интеграциялаш бўйича аҳамиятли хизмат кўрсатса, ташкилот муайян товар ёки хизмат бўйича бундай товар ёки хизматни харидорга ўтказишдан олдин назоратга эга бўлади. Бунинг сабаби, ташкилот дастлаб муайян товар ёки хизмат учун (шу жумладан, бошқаларнинг товарлари ёки хизматларини ўз ичига олган) маълумотлар учун назоратни олади ва уларда қандай қилиб келишилган товар ёки хизмат бўлган умумий натижани яратиш учун фойдаланилишини аниқлайди.
- Б35Б Принципал бўлган ташкилот бажариш жавобгарлигини бажарганда (ёки бажариши билан), ўтказилган муайян товар ёки хизмат эвазига олиниши кутилаётган ялпи товон суммасида тушумни тан олади.
- Б36 Агар ташкилот зиммасига олган бажариш жавобгарлиги бошқа тараф томонидан муайян товар ёки хизматни етказиб беришни ташкил қилиш бўлса, ташкилот агент ҳисобланади. Агент бўлган ташкилот муайян товар ёки хизматни бошқа тараф томонидан харидорга ўтказилишидан олдин назорат қилмайди. Агент ҳисобланган ташкилот бажариш жавобгарлигини бажарганда (ёки бажариши билан) ташкилот бошқа томоннинг товарларни ўтказиш ёки хизматларни кўрсатишини ташкил қилиш эвазига олиниши кутилаётган тўлов ёки воситачилик ҳақи суммасида тушумни тан олади. Ташкилотнинг хизматлари учун ҳақ ёки воситачилик ҳақи ташкилот бошқа тарафга ушбу тараф томонидан тақдим этиладиган товарлар ёки хизматлар эвазига олинган тўловни бошқа тарафга тўлаганидан кейин ушлаб қоладиган соф товон суммасини ўзида акс эттиради.
- Б37 Ташкилотнинг агент эканлигини (шу сабабли харидорга тақдим этилишидан олдин муайян товар ёки хизматни назорат қилмаслигини) кўрсатувчи далилларга қуйидагилар киради:
- (а) шартноманинг бажарилиши учун биринчи навбатда бошқа томоннинг жавобгарлиги; Одатда, бу муайян товар ёки хизматнинг мақбуллиги учун жавобгарликни ўз ичига олади (масалан, товар ёки хизматнинг харидор талабларига мувофиқлиги учун асосий жавобгарлик). Агар ташкилот муайян товар ёки хизматни тақдим этиш тўғрисидаги ваъдани бажариш учун асосий жавобгарликни ўз зиммасига олса, бу ушбу муайян товар ёки

хизматни тақдим этиш билан шуғулланадиган бошқа тараф ташкилот номидан иш юритаётганлигини кўрсатиши мумкин.

- (б) ташкилот харидорга муайян товарлар ёки хизматларни ўтказишидан олдин ёки харидорга назорат ўтказилгандан сўнг, ташкилотнинг захиралар бўйича рискка эгалиги; Масалан, агар ташкилот харидор билан шартнома тузишдан олдин муайян товар ёки хизматни олиш мажбуриятни олган бўлса ёки ўз зиммасига олган бўлса, бу ташкилот ушбу товар ёки хизматдан улар харидорга ўтказилишидан олдин фойдаланиш усулини белгилаш ва амалдаги барча нафларни олиш имкониятига эга бўлганлигини кўрсатиши мумкин.
- (в) ташкилот муайян товарлар ёки хизматларга нархларни мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга; Харидор муайян товар ёки хизмат учун тўлайдиган нархни белгилаш имконияти, ушбу товар ёки хизматдан фойдаланиш усулини белгилаш ва амалдаги қолган барча нафларни олиш имкониятига эга эканлигини кўрсатиши мумкин. Лекин, баъзи ҳолларда агент нархларни белгилашда эркин бўлиши мумкин. Масалан, агент харидорларга бошқа тараф томонидан товарлар ёки хизматлар таъминланишини ташкил этиш хизматидан қўшимча тушум олиш учун нархларни белгилашда бирон бир мустақилликка эга бўлиши мумкин.

Б37А Муайян товар ва хизматнинг характери ва шартнома шартларига қараб, Б37-бандда келтирилган аломатлар назоратни баҳолаш учун озми-кўпми аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, турли хил шартномаларда турли аломатлар янада ишончли далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Б38 Агар бошқа томон бажариш жавобгарлигини зиммасига оладиган бўлса ва ташкилотнинг шартномавий ҳуқуқларини оладиган бўлса ва натижада ташкилот ортиқ муайян товар ёки хизматни ўтказиш бўйича бажариш жавобгарлигини бажариш мажбуриятига эга бўлмаса (яъни, ташкилот энди принципал вазифасини бажармаса), ташкилот бажариш жавобгарлиги бўйича тушумни тан олмаслиги лозим. Бунинг ўрнига, ташкилот бошқа томон учун шартнома тузиш бўйича бажариш жавобгарлигини бажариши юзасидан тушумни тан олиши лозим ёки лозим эмаслигини (яъни ташкилот агент сифатида иш юритиши ёки юритмаслигини) баҳолаши лозим.

Қўшимча товарлар ва хизматларга доир харидорга тақдим этилган опционлар

Б39 Қўшимча товарларни ёки хизматларни бепул ёки чегирмали харид қилиш учун харидорларга бериладиган опционлар турли шаклларга эга, шу жумладан улар харидни рағбатлантириш воситалари, харидорга ҳисобланадиган баллар (ёки бирликлар), шартномани узайтириш ҳуқуқи ёки келгуси товарларга ёхуд хизматларга бошқа чегирмалар шаклида бўлиши мумкин.

Б40 Агар шартномада харидорга қўшимча товарлар ёки хизматларни харид қилиш имкониятини берадиган опцион назарда тутилган бўлса, ушбу опцион харидорга у шартнома тузмасдан олиши мумкин бўлмаган муҳим ҳуқуқни тақдим этгандагина (агар масалан, муайян бир минтақада ёки бозорда маълум тоифадаги харидорлар учун бундай товарлар ёки хизматлар учун одатда тақдим этиладиган чегирмалар тўпламига қўшимча равишда чегирма олиш ҳуқуқи учун) шартнома бўйича бажариш жавобгарлиги юзага келишига олиб келади. Агар опцион харидорга муҳим ҳуқуқни тақдим этса, у ҳолда харидор келгусида ўтказиладиган товарлар ёки хизматлар учун ташкилотга амалда олдиндан бўнак тўлайди ва ташкилот тушумни ушбу келгусида ўтказиладиган товарлар ёки хизматлар ўтказилганда ёки опцион муддати тугаганда тан олади.

Б41 Агар харидорда қўшимча товарлар ёки хизматларни ушбу товар ёки хизматнинг алоҳида сотиш нархини акс эттирадиган нархда сотиб олиш имконияти мавжуд бўлса, бу опцион харидорга, ҳатто олдинги тузилган шартнома натижасида фойдаланиш мумкин бўлганда ҳам муҳим ҳуқуқни тақдим этмайди. Бундай ҳолларда, ташкилот маркетинг таклифини киритган бўлади ва уни ушбу стандартга мувофиқ фақат харидор қўшимча товарлар ёки хизматларни сотиб олиш опционидан фойдаланганда ҳисобга олиш лозим.

Б42 74-бандга мувофиқ ташкилот операция нархини бажариш жавобгарликлари ўртасида уларнинг нисбий алоҳида сотиш нархлари асосида тақсимлаши лозим. Агар харидорга бериладиган қўшимча товарларни ёки хизматларни сотиб олиш опционидан алоҳида сотиш нархини бевосита кузатиб бўлмаса, ташкилот уни баҳолаши лозим. Бундай ҳисоб баҳоси харидор опционини фойдаланганда оладиган чегирмани акс эттириши ва қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда тузатилиши лозим:

- (а) харидор опционни фойдаланмасдан олиши мумкин бўлган ҳар қандай чегирма; ва
- (б) опциондан фойдаланиш эҳтимоли.

Б43 Агар харидор келгусида товарларни ёки хизматларни харид қилиш бўйича муҳим ҳуқуққа эга бўлса ва ушбу товарлар ёки хизматлар дастлабки шартномадаги товарлар ёки хизматларга ўхшаш бўлса ва

ушбу шартнома шартларига мувофиқ тақдим этилса, у ҳолда ташкилот (опционни алоҳида сотиш нархини баҳолашнинг амалий муқобили сифатида) тақдим этилиши кутилаётган товар ёки хизматлар ҳажмига ва тегишли равишда кутилаётган товонга қараб операция нархини опционда назарда тутилган қўшимча товарларга ёки хизматларга тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлади. Одатда, ушбу турдаги опционлар шартномани узайтириш учун берилади.

Харидорларнинг фойдаланилмаган ҳуқуқлари

- Б44 106-бандга мувофиқ, харидордан олдиндан тўлов олгандан сўнг, ташкилот товарлар ёки хизматларни ўтказишдан ёки келгусида ўтказишга тайёрлигидан иборат бўлган бажариш жавобгарлигига нисбатан олдиндан олинган тўловга тенг суммада шартнома бўйича мажбуриятни тан олиши лозим. Ташкилот бундай товарларни ёки хизматларни ўтказганда ва шу сабабли бажариш жавобгарлигини бажарганда шартнома бўйича мажбуриятни тан олишни бекор қилиши (ва тушумни тан олиши) лозим.
- Б45 Харидордан олинган қайтариб олинмайдиган олдиндан тўлов харидорга келгусида товар ёки хизматни олиш ҳуқуқини беради (ва ташкилотга товар ёки хизматни ўтказишга тайёр бўлиш мажбуриятини юклайди). Лекин, харидорлар ўзларининг барча шартномавий ҳуқуқларидан фойдаланмасликлари мумкин. Бундай амалга оширилмаган ҳуқуқлар одатда “талаб қилинмаган ҳуқуқлар” деб аталади.
- Б46 Агар ташкилот шартнома бўйича мажбуриятга киритилган талаб қилинмаган қисмга нисбатан ҳуқуқни олишни кутса, ташкилот талаб қилинмаган қисмнинг кутилаётган суммасини харидор ўз ҳуқуқларини қандай амалга ошираётганига мутаносиб равишда тушум сифатида тан олиши лозим. Агар ташкилот талаб қилинмаган қисмга нисбатан ҳуқуқни олишни кутмаса, ташкилот талаб қилинмаган қисмнинг қутилган суммасини тушум сифатида харидор қолган ўз ҳуқуқларни амалга ошириши эҳтимоли паст бўлганда тан олиши лозим. Ташкилотнинг талаб қилинмаган қисм суммасига эга бўлиш ҳуқуқини кутиши ёки кутмаслигини аниқлаш учун ташкилот 56-58-бандларнинг ўзгарувчан товоннинг ҳисоб баҳоларидаги чекловларга нисбатан талабларини кўриб чиқиши лозим.
- Б47 Ташкилот бошқа тарафга, масалан талаб қилинмайдиган мулк бўйича қонунчиликка мувофиқ давлат ташкилоти ўтказиши лозим бўлган харидорнинг амалга оширилмаган ҳуқуқларига боғлиқ бўлган ҳар қандай товонга нисбатан мажбуриятни (тушумни эмас) тан олиши лозим.

Қопланмайдиган дастлабки тўлов (ва шу билан боғлиқ айрим сарфлар)

- Б48 Баъзи шартномаларда шартнома тузилаётган пайтда ёки шунга яқин пайтда харидорлар ташкилотга қайтарилмайдиган дастлабки тўлов тўлайди. Бундай тўловларга мисол сифатида спорт клубига аъзолик шартномаларига мувофиқ кириш тўловлари, телекоммуникация тармоғи ташкилотлари билан шартномалар бўйича фаоллаштириш тўловлари, баъзи хизмат кўрсатиш шартномаларида дастлабки тўловлар ва баъзи етказиб бериш шартномаларида бошланғич воситачилик тўловлари киради.
- Б49 Бундай шартномалар бўйича бажариш жавобгарликларини идентификация қилиш учун ташкилот шундай ҳақ ваъда қилинган товар ёки хизматни ўтказиш билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини баҳолаши лозим. Кўпгина ҳолларда, қайтариб берилмайдиган дастлабки тўлов шартномани бажариш учун ташкилот шартнома тузилаётган пайтда ёки шунга яқин пайтда амалга ошириши лозим бўлган фаолиятга тегишли бўлсада, бундай ҳаракатлар ваъда қилинган товар ёки хизматни харидорга ўтказилишига олиб келмайди (25-бандга қаранг). Бунинг ўрнига, дастлабки тўлов келгусида ўтказилиши лозим бўлган товарлар ёки хизматлар учун бўнак тўлови ҳисобланади ва шунинг учун келгусида ушбу товарлар ёки хизматлар ўтказилганда тушум сифатида тан олинмиши лозим. Агар ташкилот харидорга шартнома узайтириш опционини тақдим қилса ва ушбу опцион Б40-бандда баён этилганидек харидорга муҳим ҳуқуқни тақдим қилса, тушумни тан олиш даври дастлабки шартномавий даврдан узокроқ бўлади.
- Б50 Агар қайтариб берилмайдиган дастлабки тўлов товар ёки хизмат учун тўланган бўлса, ташкилот ушбу товар ёки хизматни 22-30-бандларга мувофиқ алоҳида бажариш жавобгарлиги сифатида ҳисобга олиш зарурлигини баҳолаши лозим.
- Б51 Ташкилот шартномани тузиш пайтида қилинган сарфларни (ёки 25-бандда баён қилинган бошқа маъмурий вазифаларни) қоплаш учун қисман қайтариб берилмайдиган тўловни талаб қилиши мумкин. Агар шартномани тузиш бўйича бундай ишлар бажариш жавобгарлигининг бажарилишига олиб келмаса, ташкилот Б19-бандга мувофиқ бажариш жавобгарлигини бажариши даражасини баҳолашда ушбу фаолиятни (ва тегишли сарфларни) ҳисобга олмаслиги лозим. Бунинг сабаби, шартномани тузиш фаолияти билан боғлиқ сарфлар харидорга хизматларни ўтказишни акс

этирмайди. Ташкилот шартнома тузиш учун амалга оширилган сарфлар натижасида 95-бандга мувофиқ тан олиниши лозим бўлган актив юзага келиши ёки келмаслигини таҳлил қилиши лозим.

Лицензиялаш

- Б52 Лицензия ташкилотнинг интеллектуал мулкига бўлган харидорнинг ҳуқуқларини белгилайди. Интеллектуал мулк лицензиялари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) дастурий таъминот ва технология;
 - (б) кинофильмлар, мусиқа ва аудиовизуал ахборот ва қўнгилочар бошқа воситалар;
 - (в) франшизалар; ва
 - (г) патентлар, савдо белгилари ва муаллифлик ҳуқуқлари.
- Б53 Харидорга лицензия бериш ваъдасига қўшимча равишда, ташкилот бошқа товарларни ёки хизматларни харидорга ўтказишни ҳам ваъда қилиши мумкин. Бундай ваъдалар шартномада аниқ белгиланиши мумкин ёки ташкилотнинг иш муомаласи одатлари, эълон қилинган сиёсати ёки аниқ баёноتلари билан боғлиқ бўлиши мумкин (24-бандга қаранг). Бошқа турдаги шартномалар сингари, харидор билан шартнома бошқа ваъда қилинган товарлар ёки хизматларга қўшимча равишда лицензия(лар) беришни ваъда қилишни ўз ичига олганда, ташкилот шартномадаги ҳар бир бажариш жавобгарлигини идентификация қилиш учун 22-30-бандларни қўллашди.
- Б54 Агар лицензияни тақдим этиш мажбурияти 26-30-бандларга мувофиқ шартномадаги бошқа ваъда қилинган товарлар ёки хизматлардан фарқли бўлмаса, ташкилот лицензияни тақдим этиш ваъдасини бошқа ваъда қилинган товарлар ёки хизматлар билан бирга ягона бажариш жавобгарлиги сифатида ҳисобга олиши лозим. Шартномада ваъда қилинган бошқа товарлар ёки хизматлардан фарқли бўлмаган лицензияларга қуйидагилар киряди:
- (а) моддий товарнинг компоненти бўлган ва унинг функционал имкониятларининг ажралмас қисмини ташкил этадиган лицензия; ва
 - (б) харидор фақатгина тегишли хизмат билан боғлиқ ҳолда наф олиши мумкин бўлган лицензия (масалан, лицензия бериш орқали харидорга контентга киришни таъминлайдиган ташкилот томонидан тақдим этиладиган онлайн хизмат).
- Б55 Агар лицензия фарқли бўлмаса, ташкилот бажариш жавобгарлигини (ваъда қилинган лицензияни ўз ичига олган) давр мобайнида ёки вақтнинг муайян нуқтасида бажариладиган бажариш жавобгарлиги бўлишини аниқлаш учун 31-38-бандларни қўллаши лозим.
- Б56 Агар лицензия бериш тўғрисидаги ваъда шартномадаги бошқа ваъда қилинган товарлар ёки хизматлардан фарқли бўлса ва шунинг учун лицензия бериш тўғрисидаги ваъда алоҳида бажариш жавобгарлиги ҳисобланса, ташкилот лицензияни давр мобайнида ёки вақтнинг муайян нуқтасида ўтказилишини аниқлаши лозим. Буни аниқлашда ташкилот харидорга лицензия бериш тўғрисидаги ваъдаси ўз характерида кўра харидорга берган қуйидагиларни тақдим этиш ваъдаси эканлигини таҳлил қилиши лозим:
- (а) ташкилотнинг интеллектуал мулкни лицензиянинг амал қилиш муддати давомида мавжуд бўлган шаклда олиш ҳуқуқи; ёки
 - (б) ташкилотнинг интеллектуал мулкдан лицензия берилган пайтда мавжуд бўлган шаклда фойдаланиш ҳуқуқи.

Ташкилотнинг лицензия тақдим этиш тўғрисидаги ваъдасининг характери аниқлаш

- Б57 [Чиқариб ташланган]
- Б58 Ташкилотнинг лицензияни тақдим этишдаги ваъдаси, ўз характерида кўра, қуйида келтирилган барча мезонларга риоя қилинганда, ташкилотнинг интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ваъда ҳисобланади:
- (а) харидорнинг интеллектуал мулк ҳуқуқларига аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолиятни бажариши бўйича шартнома талаби ёки харидор бундай фаолиятни талаб қилиши (Б59-бандга қаранг);
 - (б) лицензия билан берилган ҳуқуқлар харидорни бевосита Б58(а) бандида идентификация қилинган ташкилот фаолиятининг ижобий ёки салбий таъсири остига тушиши; ва

- (в) ушбу фаолиятлар амалга оширилиши билан товар ёки хизматни харидорга ўтказилмаслиги (25-бандга қаранг).
- Б59 Харидорнинг ташкилот интеллектуал мулкка аҳамиятли таъсир кўрсатадиган фаолият билан шуғулланишини асосланган тарзда кутишини асослаши мумкин бўлган омиллар ташкилотнинг иш муомаласи одатлари, эълон қилинган сиёсати ёки аниқ баёнотларини ўз ичига олади. Харидор ҳуқуқларга эга бўлган интеллектуал мулк контекстида ташкилот ва харидор ўртасида умумий иқтисодий манфаат (масалан, сотувларга асосланган роялти) мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаса ҳам, унинг мавжудлиги ташкилот томонидан бундай фаолият амалга оширилишини харидор асосланган тарзда кутиши мумкинлигини кўрсатиши мумкин.
- Б59А Ташкилотнинг фаолияти харидорнинг қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлган интеллектуал мулкка таъсир қилади, агар:
- (а) бундай фаолият интеллектуал мулк шаклини (масалан, тузилма ёки таркиб) ёки функционал хусусиятларни (масалан, функция ёки вазифани бажариш қобилияти) аҳамиятли даражада ўзгартириши кутилаётган бўлса; ёки
- (б) харидорнинг интеллектуал мулкдан фойдаланиш қобилияти аҳамиятли даражада ушбу фаолиятлардан келиб чиқади ёки ушбу фаолиятларга боғлиқ. Масалан, товар белгисидан фойдаланишнинг нафи кўпинча ташкилотнинг интеллектуал мулк қийматини сақлаш ёки ошириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларига боғлиқ.
- Шунга кўра, агар харидор ўзига тегишли бўлган интеллектуал мулк аҳамиятли функционал хусусиятларга эга бўлса, бундай интеллектуал мулкдан олинadиган фойданинг муҳим қисми ушбу хусусиятлардан келиб чиқади. Шундай қилиб, ташкилот фаолияти, агар бундай фаолият интеллектуал мулк шаклини ёки функционал хусусиятини аҳамиятли даражада ўзгартирмаса, харидорнинг бундай интеллектуал мулкдан наф олиш қобилиятига аҳамиятли таъсир кўрсатмайди. Кўпинча алоҳида аҳамиятли функционал хусусиятларга эга бўлган интеллектуал мулк намуналарига дастурий таъминот, биологик бирикмалар ёки дори-дармонлар формулалари ва оммавий ахборот воситаларининг контенти (фильмлар, телешоулар ва муסיқий ёзувлар) қиради.
- Б60 Агар Б58-банддаги мезонларга риоя қилинган бўлса, ташкилот лицензияни бериш ваъдасини муайян давр давомида бажариладиган бажариш жавобгарлиги сифатида ҳисобга олиши лозим, чунки харидор бир вақтнинг ўзида интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тақдим этилиши бўйича ташкилот фаолиятдан у амалга оширилишига қараб наф олади ва истеъмол қилади (35(а)-бандга қаранг). Ташкилот фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш бўйича бажариш жавобгарлигини бажариш даражасини баҳолаш учун тегишли усулни танлаш учун 39-45-бандларни қўллаши лозим.
- Б61 Агар Б58-банддаги мезонларга риоя этилмаса, ташкилотнинг ваъдаси ўз характерида кўра лицензия харидорга берилганида (шакли ва функциялари жиҳатидан) ташкилот вақтнинг муайян нуктасида мавжуд бўлган интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ваъдадир. Бу харидор лицензиядан фойдаланиш усулини белгилаш ва у тақдим этилган пайтдаги вақтнинг муайян нуктасида амалдаги қолган барча нафларни олиш имкониятига эга бўлади. Ташкилот унинг интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказиш бўйича ваъдасини вақтнинг муайян вақт нуктасида бажариладиган бажариш жавобгарлиги сифатида ҳисобга олиши лозим. Ташкилот лицензияни харидорга ўтказиш пайтидаги вақтнинг муайян нуктасини аниқлашда 38-бандни қўллаши лозим. Лекин, ташкилотнинг интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга тааллуқли тушум харидорнинг лицензиядан фойдаланиши ва ундан наф олиши мумкин бўлган давр бошлангунга қадар тан олинishi мумкин эмас. Масалан, агар дастурий таъминотнинг лицензия муддати ташкилот харидорга дастурий таъминотдан зудлик билан фойдаланишга имкон берадиган дастур кодини тақдим этгунча (ёки бошқа усул билан фойдаланиш имкониятини бергунга қадар) бошланган бўлса, бундай дастур коди тақдим этилгунга (ёки бошқа усул билан ташкилот ундан фойдаланиш имкониятини бергунга) қадар ташкилот тушумни тан олмайди.
- Б62 Лицензия ташкилотнинг интеллектуал мулкка кириш ҳуқуқини ёки унинг интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини бериши ёки бермаслигини аниқлашда ташкилот қуйидаги омилларни ҳисобга олмаслиги лозим:
- (а) Вақт, географик минтақа ёки ундан фойдаланиш усулларидаги чекловлар - бундай чекловлар ваъда қилинган лицензиянинг хусусиятларини белгилайди, лекин ташкилот томонидан бажариш жавобгарлигини муайян вақт нуктасида ёки давр мобайнида бажарилишини кўрсатмайди.
- (б) Ташкилот томонидан амалдаги интеллектуал мулк патентига эга эканлиги ва у патентни ноқонуний ишлатилишидан ҳимоя қилиши тўғрисида берилган қафолатлар - ташкилот патентини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ваъда бажариш жавобгарлиги ҳисобланмайди, чунки патентни ҳимоялаш бўйича ҳаракатлар ташкилотнинг интеллектуал мулк билан ифодаланadиган активлари қийматини ҳимоя қилади ва харидорга берилган лицензиянинг

шартномада ваъда қилинган лицензия параметрларига мувофиқлигини таъминлаш воситаси ҳисобланади.

Сотишга асосланган ёки фойдаланишга асосланган роялтилар

- Б63 56-59-бандлардаги талабларга қарамай, ташкилот интеллектуал мулк лицензияси эвазига ваъда қилинган сотишга ёки фойдаланишга асосланган роялтилар учун тушумни фақат қуйидаги ҳодисалардан қайси бири кечроқ юз берса (ёки юз бериши билан) тан олиши лозим:
- (а) кейинги сотиш ёки фойдаланиш юз берганда; ва
 - (б) сотишга ёки фойдаланишга асосланган роялтиларнинг маълум бир қисми ёки барчаси тақсимланган бажариш жавобгарлигини бажариш.
- Б63А Сотишга ёки фойдаланишга асосланган роялти учун , агар роялти фақат интеллектуал мулк лицензиясига тегишли бўлса ёки роялти интеллектуал мулк лицензияси бўлган асосий моддага тегишли бўлса, Б63-банддаги талаб қўлланади (Масалан, интеллектуал мулк лицензияси, агар ташкилот харидордан лицензия харажатларининг асосий қисмини роялти тегишли бўлган бошқа тўловларга ёки хизматларга қараганда аҳамиятли даражада катта қисмини ажратишни талаб қилса роялти билан боғлиқ бўлган асосий модда бўлиши мумкин).
- Б63Б Б63А банддаги талаб бажарилганда, сотишга ёки фойдаланишга асосланган роялтидан тушум Б63 бандга мувофиқ тўлиқ тан олинади. Б63А банддаги талаб бажарилмаганда, сотишга ёки фойдаланишга асосланган роялтига нисбатан 50-59-бандлардаги ўзгарувчан товон бўйича талаблар қўлланади.

Қайта сотиб олиш шартномалари

- Б64 Қайта сотиб олиш шартномаси - бу ташкилот активни сотиши ва (айни шу ёки бошқа шартнома асосида) активни қайта сотиб олишга ваъда берган ёки активни қайта сотиб олиш опционини олган шартномадир. Қайта сотиб олинadиган актив дастлабки операцияда харидорга сотилган актив, худди шу актив билан деярли бир хил бўлган актив ёки дастлабки шартномада харидорга сотилган актив унинг компоненти бўлган бошқа актив бўлиши мумкин.
- Б65 Одатда, қайта сотиб олиш шартномалари қуйидаги учта шаклда бўлади:
- (а) ташкилотнинг активни қайта сотиб олиш мажбурияти (форвард);
 - (б) ташкилотнинг активни қайта сотиб олиш ҳуқуқи (колл опцион); ва
 - (в) ташкилотнинг харидор томонидан талаб қилинганда активни қайта сотиб олиш мажбурияти (пут опцион).

Форвард ёки колл опцион

- Б66 Агар ташкилот активни қайта сотиб олиш мажбуриятига ёки ҳуқуқига (форвард ёки колл опцион) эга бўлса, харидор актив устидан назоратга эга бўлмайди, чунки бунда харидорнинг ушбу активдан, ҳатто у активга жисмонан эгалик қилишига қарамасдан, фойдаланиш усулини белгилаш ва амалдаги барча қолган нафларни олиш имконияти чекланган ҳисобланади. Шунинг учун ташкилот шартномани қуйидагилардан бири орқали ҳисобга олиши лозим:
- (а) агар ташкилот активни дастлабки сотиш нархидан пастрок суммага қайтариб сотиб олиш ҳуқуқига ёки мажбуриятига эга бўлса, 16-сон МҲХС “Ижара”га мувофиқ ижара сифатида; ёки Агар шартнома қайта ижарага олиш шarti билан сотиш операциясининг бир қисми бўлса, ташкилот активни тан олишни давом эттиради ва сотиб олувчидан олинган товон учун молиявий мажбуриятни тан олади. Ташкилот бундай мажбуриятларни 9-сон МҲХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
 - (б) агар ташкилот активни дастлабки сотиш нархига тенг ёки ундан юқори бўлган суммага қайтариб сотиб олиш ҳуқуқига ёки мажбуриятига эга бўлса, Б68-бандга мувофиқ молиялаштириш келишуви сифатида.
- Б67 Қайта сотиб олиш нарҳини сотиш нарҳи билан таққослашда ташкилот пулнинг вақт қийматини ҳисобга олиши лозим.
- Б68 Агар қайта сотиб олиш шартномаси молиялаштириш шартномаси бўлса, ташкилот активни тан олишни давом эттириши ва шунингдек, харидордан олинган товон бўйича молиявий мажбуриятни тан олиши лозим. Ташкилот харидордан олинган товон ва харидорга тўланадиган товон суммаси

ўртасидаги фарқни фоиз сифатида ва, агар қўллаш мумкин бўлса, қайта ишлаш ёки сақлаш сарфлари (масалан, суғурта) сифатида тан олиши лозим.

- Б69 Агар опцион муддати тугаса ва у бажарилмай қолса, ташкилот мажбуриятни тан олишни бекор қилиши ва тушумни тан олиши лозим.

Пут опцион

- Б70 Агар ташкилот харидорнинг талабига биноан активни дастлабки сотиш нархидан паст нархда сотиб олиш мажбуриятини олган бўлса (пут опцион), ташкилот шартномани тузиш пайтида харидор буни амалга оширишда аҳамиятли иқтисодий рағбатга эга ёки эга эмаслигини баҳолаши лозим. Харидор томонидан ушбу ҳуқуқни амалга ошириши харидор амалда белгиланган муддат давомида ушбу активдан фойдаланиш ҳуқуқи учун ташкилотга товон тўлашига олиб келади. Шунинг учун, агар харидор ушбу ҳуқуқни амалга оширишда аҳамиятли иқтисодий рағбатга эга бўлса, ташкилот ушбу шартномани 16-сон МХХСга мувофиқ ижара сифатида ҳисобга олиши лозим, бундан шартнома қайта ижарага олиш шarti билан сотиш операциясининг бир қисми бўлган ҳолат мустасно. Агар шартнома қайта ижарага олиш шarti билан сотиш операциясининг бир қисми бўлса, ташкилот активни тан олишни давом эттиради ва сотиб олувчидан олинган товон учун молиявий мажбуриятни тан олади. Ташкилот бундай молиявий мажбуриятни 9-сон МХХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
- Б71 Харидорнинг ўз ҳуқуқидан фойдаланиш учун аҳамиятли иқтисодий рағбатга эга ёки эга эмаслигини аниқлаш учун ташкилот турли омилларни, шу жумладан қайта сотиб олиш нархининг ушбу сотиб олиш кундаги активнинг қутилган бозор қийматига нисбати ва ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугашигача бўлган вақт оралиғини ҳисобга олиши лозим. Масалан, агар қайта сотиб олиш нархи активнинг бозор қийматидан аҳамиятли даражада ошиши қутилса, бу харидор пут опционни амалга оширишда аҳамиятли иқтисодий рағбатга эгаллигини кўрсатиши мумкин.
- Б72 Агар харидор активни дастлабки сотиш нархидан пастроққа сотиш ҳуқуқини амалга оширишда аҳамиятли иқтисодий рағбатга эга бўлмаса, ташкилот бу шартномани, Б20-Б27-бандларда баён этилганидек, маҳсулотни қайтариш ҳуқуқи билан сотиш тарзидан ҳисобга олиши лозим.
- Б73 Агар активни қайта сотиб олиш нархи унинг дастлабки сотиш нархига тенг ёки ундан юқори бўлса, шунингдек активнинг қутилган бозор қийматидан ошса, шартнома моҳиятига кўра молиялаштириш шартномаси ҳисобланади ва шунинг учун Б68-бандга мувофиқ ҳисобга олиниши лозим.
- Б74 Агар активни қайта сотиб олиш нархи дастлабки сотиш нархига тенг ёки ундан юқори бўлса ва активнинг қутилган бозор қийматидан кам ёки унга тенг бўлса ҳамда харидор активни сотиш ҳуқуқини амалга оширишда аҳамиятли иқтисодий рағбатга эга бўлмаса, ташкилот бу келишувни Б20-Б27-бандларда баён этилгандагидек, маҳсулотни қайтариш ҳуқуқи билан сотиш тарзида ҳисобга олиши лозим.
- Б75 Қайта сотиб олиш нархини сотиш баҳоси билан таққослаганда, ташкилот пулнинг вақт қийматини ҳисобга олиши лозим.
- Б76 Агар опцион муддати тугаса ва у бажарилмай қолса, ташкилот мажбуриятни тан олишни бекор қилиши ва тушумни тан олиши лозим.

Консигнация келишувлари

- Б77 Ташкилот маҳсулотни охириги харидорларга сотиш учун бошқа томонга (масалан, дилер ёки дистрибьюторга) етказиб берганда, ташкилот ўша пайтда ушбу бошқа томон маҳсулот бўйича назоратни олган ёки олмаганини баҳолаши лозим. Бошқа томонга етказиб берилган маҳсулотлар, агар бошқа томон маҳсулотлар бўйича назоратни олмаган бўлса, консигнация келишуви асосида сақлаб турилиши мумкин. Шунга кўра, агар етказиб берилган маҳсулот консигнация асосида сақлаб турилган бўлса, ташкилот маҳсулотни бошқа томонга етказиб берганда тушумни тан олмаслиги лозим.
- Б78 Келишув консигнация келишуви бўлиши аломатларига қуйидагилар киради, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) маҳсулот ташкилот томонидан маълум бир ҳодиса рўй бергунга қадар, масалан, дилер маҳсулотни харидорга сотиши ёки маълум бир муддат ўтгунча назорат қилинади;
 - (б) ташкилот маҳсулотни қайтариб беришни ёки маҳсулотни учинчи шахсга (масалан, бошқа дилерга) ўтказишни талаб қилиш имкониятига эга; ва
 - (в) дилерда маҳсулот учун тўловни тўлаш бўйича шартсиз мажбуриятга эга бўлмайди (лекин ундан депозит қўйиш талаб қилиниши мумкин).

Ҳисоб тақдим этиш ва сақлаб туриш келишувлари

- Б79 Ҳисоб тақдим этиш ва сақлаб туриш келишуви - бу ташкилот харидорга маҳсулот учун ҳисоб тақдим қилган, аммо келгусида белгиланган вақтда харидорга ўзқазилгунга қадар маҳсулотни жисмоний сақлаб туриш келишувидир. Масалан, харидор маҳсулотни сақлаш учун бўш жой йўқлиги ёки унинг режалаштирилган ишлаб чиқариш жадвали бажарилиши кечикаётганлиги сабабли бундай шартномани тузиш талаби билан ташкилотга мурожаат қилиши мумкин.
- Б80 Ташкилот харидор ушбу маҳсулот бўйича назоратни қайси пайт олганини баҳолаш орқали маҳсулотни ўтказиш бўйича бажариш жавобгарлиги бажарилиши пайтини аниқлаши лозим (38-бандга қаранг). Баъзи шартномалар бўйича назорат шартномаларда назарда тутилган шартларга (шу жумладан, етказиб бериш ва юклаб жўнатиш шартларига) боғлиқ ҳолда, маҳсулот харидорга етказиб берилган пайтда ёки у юклаб жўнатилган пайтда ўтказилади. Лекин, баъзи бошқа шартномалар бўйича, маҳсулот жисмонан ташкилот томонидан сақлаб турилган бўлса ҳам, харидор маҳсулот бўйича назоратни олиши мумкин. Бундай ҳолатда, харидор, гарчи у жисмоний эгалик ҳуқуқидан фойдаланмаслиқни танлаган бўлса ҳам, маҳсулотдан фойдаланиш усулини белгилаш ва ундан қолган амалдаги барча нафларни олиш имкониятига эга бўлади. Бинобарин, ташкилот маҳсулотни назорат қилмайди. Бунинг ўрнига, ташкилот харидорга унга тегишли бўлган активни маъсулиятли сақлаш хизматини кўрсатади.
- Б81 38-банддаги талабларни қўллаш билан бир қаторда, харидор ҳисоб тақдим этиш ва сақлаб туриш келишувига мувофиқ маҳсулот бўйича назоратни олган деган хулосага келиш учун қуйидаги мезонларнинг барчаси бажарилиши лозим:
- (а) ҳисоб тақдим этиш ва сақлаб туриш келишувини тузиш сабаби муҳим бўлиши лозим (масалан, харидор ушбу турдаги келишувни қўллаш бўйича сўров билан мурожаат қилган);
 - (б) маҳсулот харидорга тегишли эканлиги алоҳида идентификация қилиниши лозим;
 - (в) маҳсулот айти пайтда харидорга жисмоний ўтказилишга тайёр бўлиши лозим; ва
 - (г) ташкилотнинг маҳсулотдан фойдаланиш ёки уни бошқа харидорга ўтказиш имконияти бўлмаслиги лозим.
- Б82 Агар ташкилот маҳсулотни ҳисоб тақдим этиш ва сақлаб туриш келишуви шартларида сотиш бўйича тушумни тан олса, ташкилот 22-30-бандларга мувофиқ ўзида қолган бажариш жавобгарликлари (масалан, маъсулиятли сақлаш хизматини кўрсатиш бўйича) мавжудлигини баҳолаши ва 73-86-бандларга мувофиқ операция нархининг бир қисмини бундай жавобгарликларга тақсимлаши лозим.

Харидор томонидан қабул қилиш

- Б83 38(д) бандга мувофиқ, харидор томонидан актив қабул қилиниши, харидор активни назорат қилиш ҳуқуқини олганлигини кўрсатиши мумкин. Шартномаларнинг харидор томонидан қабул қилиш қоидалари, агар товар ёки хизмат келишилган параметрларга жавоб бермаса, харидорга шартномани бекор қилишга ёки ташкилотдан тузатишини талаб қилишга имкон беради. Харидор товар ёки хизматни назорат ҳуқуқини олганида, ташкилот баҳолашда бундай ҳолатларни ҳисобга олиши лозим
- Б84 Агар ташкилот товар ёки хизматни назорат қилиш шартномада назарда тутилган келишилган параметрларга мувофиқ харидорга топширилганлигини ҳолисона аниқлай олса, харидор томонидан қабул қилиш харидор қачон товар ёки хизмат бўйича назоратни олганлиги тўғрисида ташкилотнинг хулосасига таъсир кўрсатмайдиган расмийлик бўлиб қолади. Масалан, агар харидор томонидан қабул қилиш шартлари белгиланган ўлчамлар ва вазн параметрларига мувофиқ бўлишга асосланган бўлса, ташкилот ушбу мезонларнинг харидор қабул қилганлиги тўғрисида тасдиқ олишдан олдин бажарилишини аниқлай олади. Ташкилотнинг ўхшаш товарларга ёки хизматларга шартномалар тузиш тажрибаси харидорга тақдим этилаётган товар ёки хизмат келишилган шартнома параметрларига жавоб беришдан далолат бериши мумкин. Агар тушум харидор томонидан қабул қилишдан олдин тан олинса ҳам, ташкилот қолган бажариш жавобгарликларининг мавжудлигини (масалан, усқунани ўрнатиш мажбурияти) таҳлил қилиши ва уларни алоҳида ҳисобга олиш лозимлигини баҳолаши лозим.
- Б85 Лекин, агар ташкилот харидорга ўтказилган товар ёки хизматнинг келишилган шартнома параметрларига мос келишини ҳолисона аниқлай олмаса, ташкилот харидор томонидан қабул қилиш тўғрисидаги маълумотни олмагунча, харидор назоратни олган деган хулоса қила олмайди. Бунинг сабаби, бундай ҳолатда ташкилот харидорнинг товар ёки хизматдан фойдаланиш усулини белгилаш ва ундан қолган амалдаги барча нафларни олиш имкониятига эга эканлигини аниқлай олмайди.
- Б86 Агар ташкилот маҳсулотни синов тариқасида ўтказиш ёки баҳолаш мақсадида харидорга етказиб берса ва харидор ташкилотга синов муддати тугашидан олдин бирор бир товон тўлаш мажбуриятига

эга бўлмаса, маҳсулот бўйича назорат харидорга маҳсулотни қабул қилгандан ёки синов муддати тугагандан кейин ўтказилади.

Батафсиллаштирилган тушум тўғрисида маълумотларни ёритиб бериш

- Б87 114-бандга мувофиқ ташкилот харидорлар билан шартномалар бўйича тушум тўғрисидаги маълумотларни иқтисодий омиллар тушум ва пул оқимларининг характери, миқдори, муддати ва ноаниқлигига қандай таъсир қилишини акс эттирадиган тоифалар бўйича тақсимлаши лозим. Бинобарин, ушбу маълумотларни ёритиб бериш талабини бажариш учун тушумни батафсиллаштириш даражаси ташкилотнинг харидорлар билан шартномаларга тааллуқли далиллар ва ҳолатларга боғлиқ. 114-банддаги тушумни батафсиллаштириш мақсадига эришиш учун баъзи ташкилотлар бир нечта тоифадан фойдаланишига тўғри келиши мумкин. Бошқа ташкилотлар ушбу мақсадга тушумни батафсиллаштиришнинг фақат битта тоифасидан фойдаланиш орқали эришишлари мумкин.
- Б88 Тушумни батафсиллаштириш учун фойдаланиладиган тоифани (ёки тоифаларни) танлашда ташкилот тушум тўғрисидаги маълумотлар бошқа мақсадлар учун қандай тарзда тақдим этилганлигини, шу жумладан қуйидагиларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим:
- (а) молиявий ҳисоботдан ташқари маълумотларни (масалан, фойда тўғрисидаги ҳисоботларда, йиллик ҳисоботларда ёки инвесторлар учун тақдимотларда) ёритиб бериш;
 - (б) операцион сегментларнинг молиявий натижаларини баҳолаш учун операцион қарорлар қабул қилувчи бошқарув органи томонидан доимий равишда таҳлил қилинадиган маълумотлар; ва
 - (в) ташкилот томонидан ёки ташкилотнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар томонидан ташкилот молиявий фаолиятини баҳолаш ёки ресурсларни тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиши учун фойдаланиладиган, Б88(а) ва (б) кичик бандларида идентификация қилинган маълумотлар турларига ўхшаш бошқа маълумотлар.
- Б89 Ўринли бўлган тоифаларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди:
- (а) маҳсулот ёки хизмат тури (масалан, асосий маҳсулот линиялари);
 - (б) географик минтақа (масалан, мамлакат ёки минтақа);
 - (в) бозор ёки харидорлар синфи (масалан, давлат ва нодавлат секторлари харидорлари);
 - (г) шартнома тури (масалан, қатъий белгиланган нарҳдаги шартномалар ва сарфланган иш вақти қийматини ва материаллар учун тўловни назарда тутадиган шартномалар);
 - (д) шартноманинг амал қилиш муддати (масалан, қисқа ва узоқ муддатли шартномалар);
 - (е) товарларни ёки хизматларни ўтказишнинг вақт бўйича тақсимланиши (масалан, муайян вақт нуқтасида харидорларга ўтказилган товарлар ҳамда хизматлардан тушум ва давр мобайнида ўтказиладиган товарлар ёки хизматлардан тушум); ва
 - (ё) сотиш каналлари (масалан, бевосита харидорларга сотиладиган товарлар ва воситачилар орқали сотиладиган товарлар).

В Илова Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

Мазкур илова МХХСнинг ажралмас қисми бўлиб, МХХСнинг бошқа қисмлари каби тенг кучлидир.

Кучга кириш санаси

- V1 Мазкур Стандарт ташкилотлар томонидан 2018 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур стандартни олдинроқ санадан бошлаб қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- V1A 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МХХС “Ижара” бўйича 5, 97, Б66 ва В70-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- V1B 2016 йил апрель ойида эълон қилинган 15-сон МХХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”га аниқлик киритишга мувофиқ 26,27,29, Б1, Б34-Б38, Б52-Б53, Б58, В2, В5 ва В7-бандларига ўзгартиришлар киритилган, Б57-банд чиқариб ташланган ва Б34А, Б35А, Б35Б, Б37А, Б59А, Б63А, Б63Б, В7А ва В8А бандлар киритилган. Ташкилотлар мазкур ўзгартиришларни 2018 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- V1B [Ушбу банд кучга кирмаган ўзгартиришларни назарда тутди ва шунинг учун ушбу тахрирда келтирилмаган.]

Ўтиш қоидалари

- V2 В3-В8-бандлардаги ўтиш талаблари мақсадларида:
- (a) дастлабки қўллаш санаси бу ташкилот мазкур стандартни дастлаб қўллаган йиллик ҳисобот даврининг боши ҳисобланади;
 - (b) бажарилган шартнома бу ташкилот у бўйича 11-сон БХХС “Қурилиш шартномалари”, 18-сон БХХС “Тушум”га мувофиқ идентификация қилинган барча товарларни ёки хизматларни ўтказган шартнома ҳисобланади.
- V3 Ташкилот мазкур стандартни қуйидаги икки усулдан бирдан фойдаланган ҳолда қўллайди:
- (a) 8-сон БХХС “Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ тақдим этилган ҳар бир олдинги ҳисобот даври учун ретроспектив тарзда, 5-банддаги соддалаштиришларни ҳисобга олган ҳолда; ёки
 - (b) мазкур стандартни дастлабки қўллаш санасида В7-В8-бандларга мувофиқ дастлабки татбиқ этишнинг жамланган таъсирини ретроспектив тарзда тан олган ҳолда.
- V4 8-сон БХХСнинг 28-банди талабларига қарамай, мазкур стандартни биринчи марта қўллашда ташкилот 8-сон БХХСнинг 28(е)-банди билан талаб қилинадиган миқдорий маълумотларни фақат мазкур стандарт қўлланадиган биринчи йиллик даврдан бевосита олдинги давр учун ва агар ташкилот мазкур стандартни В3(а) бандга мувофиқ ретроспектив равишда қўлласа (“бевосита олдинги давр”), тақдим этиши лозим. Ташкилот мазкур маълумотларни жорий давр учун ёки олдинги қиёсий даврлар учун ҳам тақдим этиши мумкин, аммо буни амалга ошириш талаб этилмайди.
- V5 Ташкилот мазкур стандартни В3(а) бандга мувофиқ ретроспектив тарзда қўллаш орқали қуйидаги амалий жиҳатдан соддалаштиришларнинг бирини ёки бир нечтасидан фойдаланиши мумкин:
- (a) бажарилган шартномалар бўйича ташкилот қуйидаги шартномаларни қайта ҳисоблаши шарт эмас:
 - (i) амал қилиш муддати бир йиллик ҳисобот даврида бошланадиган ва тугайдиган шартномалар; ёки
 - (ii) тақдим этилган энг олдинги даврнинг бошида яқунланган шартномалар.
 - (b) ўзгарувчан товон назарда тутилган бажарилган шартномалар бўйича ташкилот қиёсий ҳисобот даврларидаги ўзгарувчан товоннинг баҳолаш суммалари ўрнига шартнома бажарилган санадаги операция нархини қўллаши мумкин; ва

- (в) дастлабки қўллаш санасигача тақдим этилган модификация қилинган шартномалар бўйича ташкилот 20-21-бандларга мувофиқ бундай шартномани ретроспектив тарзда қўлламайди. Бунинг ўрнига, ташкилот қуйидаги тақдим этилган энг эрта давр бошланишидан олдин содир бўлган модификацияларнинг жами таъсирини ак эттириши лозим:
- (i) бажарилган ва бажарилмаган жавобгарликларни идентификациялаш;
 - (ii) операция нархини аниқлаш; ва
 - (iii) операция нархини бажарилган ва бажарилмаган жавобгарликка тақсимлаш.
- (г) дастлабки қўллаш санасигача тақдим этилган барча ҳисобот даврлари учун ташкилот операция нархини қолган бажариш жавобгарликларига тақсимланганлигини ёритиб бериши, шунингдек ташкилот ушбу суммаларни тушум сифатида қачон тан олишни кутаётганлигини тушунтириб бериши талаб этилмайди (120-бандга қаранг).
- B6** Агар ташкилот В5-банддаги бирон бир амалий жиҳатдан соддалаштиришдан фойдаланса, ташкилот шундай соддалаштиришни изчил тарзда ҳисобот давридаги барча шартномалар бўйича қўллаши лозим. Бундан ташқари, ташкилот қуйидаги барча маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) қўлланилган соддалаштиришлар; ва
 - (б) ҳар бир соддалаштиришнинг ҳисобланган таъсирини асосланган тарзда имкон қадар сифатли баҳолаш;
- B7** Агар ташкилот мазкур стандартни В3(б) бандга мувофиқ ретроспектив тарзда қўллаш имкониятидан фойдаланса, ташкилот мазкур стандартни дастлабки қўллашнинг жамланган таъсирини дастлабки қўллаш санасини ўз ичига олган йиллик ҳисобот даврининг бошланишидаги тақсимланмаган фойда қолдигини (ёки, тегишли равишда, хусусий капиталнинг бошқа компонентини) тузатиш сифатида тан олиши лозим. Мазкур ўтиш қондасига мувофиқ ташкилот мазкур стандартни ретроспектив тарзда фақат дастлабки қўллаш санасида бажарилган ҳолатда бўлмаган шартномаларга татбиқ этиши лозим (масалан, ҳисобот йили 31 декабрда яқунладиган ташкилот учун 2018 йил 1 январь).
- B7A** Мазкур стандартни В3 (б) бандига мувофиқ ретроспектив тарзда қўллайдиган ташкилот, шунингдек, В5 (в) бандида келтириб ўтилган амалий жиҳатдан соддалаштириш мақсадларида қуйидагилар учун фойдаланиши мумкин:
- (а) тақдим этилган энг олдинги давр бошланишидан аввал юзага келган барча шартнома модификациялари учун; ёки
 - (б) дастлабки қўллаш санасидан олдин юзага келган барча шартнома модификациялари учун.
- Агар ташкилот ушбу амалий жиҳатдан соддалаштиришни қўлласа, у ушбу соддалаштиришни барча шартномаларга нисбатан изчил тарзда қўллаши ва шунингдек, В6-бандда кўрсатилган талабларга мувофиқ маълумотни ёритиб бериши лозим.
- B8** Агар мазкур стандарт В3(б) бандга мувофиқ ретроспектив тарзда қўлланган бўлса, дастлабки қўллаш санасини ўз ичига олган ҳисобот даврлари учун ташкилот қуйидаги кичик бандларда келтирилган маълумотларни қўшимча ёритиб бериши лозим:
- (а) мазкур стандартни қўллаш натижасида молиявий ҳисобот ҳар бир сатр моддасига жорий ҳисобот даврида 11-сон БҲХС, 18-сон БҲХС ва мазкур ўзгаришларга қадар амалда бўлган шарҳлар билан солиштирганда таъсир кўрсатадиган сумма;
 - (б) В8(а) бандда идентификацияланган аҳамиятли ўзгаришларнинг сабабларини тушунтириш.
- B8A** Ташкилот 8-сон БҲХСга мувофиқ 15-сон МХХСга аниқлик киритишларни ретроспектив тарзда қўллаши лозим (В1Б бандга қаранг). Мазкур ўзгартиришларни ретроспектив қўллашда ташкилот ушбу тушунтиришларни 15-сон МХХСнинг дастлабки қўллаш санасида киритилгандек қўллайди. Бинобарин, ташкилот мазкур ўзгартиришларни ҳисобот даврларига ёки 15-сон МХХС талаблари В2-В8-бандларига мувофиқ қўлланмаган шартномаларга қўллаши талаб этилмайди. Масалан, агар ташкилот 15-сон МХХСни В3(б) бандига асосан фақатгина дастлабки қўллаш санасида бажарилмаган шартномаларга нисбатан қўлласа, ташкилот дастлабки қўллаш санасида 15-сон МХХСга ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда бажарилган шартномаларни қайта ҳисоблаши талаб этилмайди.

9-сон МХХСга ҳаволалар

- B9** Агар ташкилот мазкур стандартни қўллаган, лекин ҳали 9-сон МХХС “МХХС “Молиявий инструментлар”ни қўлламаган бўлса, 9-сон МХХСга ҳар қандай ҳавола 39-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”га ҳавола тарзида ўқиши лозим. *Тан олиш ва баҳолаш.*

Бошқа МҲХС ўз кучини йўқотиши

- B10 Мазкур стандарт қуйидаги стандарларни ўрнини эгаллайди:
- (a) 11-сон БҲХС “Қурилиш шартномалари”;
 - (б) 18-сон БҲХС “Тушум”;
 - (в) 13-сон МҲХСШҚ шарҳи “Харидор лоялиги дастурлари”;
 - (г) 15-сон МҲХСШҚ шарҳи “Қўчмас мулк объектлари қурилиши бўйича шартномалар”;
 - (д) 18-сон МҲХСШҚ шарҳи “Харидорлар томонидан активларни ўтказиш”; ва
 - (е) 31-сон ШДҚ шарҳи “Тушум - реклама хизматларини ўз ичига олган бартер операциялари”.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
42-ИЛОВА

16-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти Ижара

Мақсад

- 1 Мазкур стандарт *ижарани* тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш тамойилларини белгилайди. Мазкур стандартнинг максади ижарачилар ва ижарага берувчилар томонидан ушбу операцияларни рўйи-рост акс эттирадиган ўринли маълумотни ёритиб беришни таъминлашдан иборат. Бундай маълумот ижаранинг ташкилот молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларига таъсирини баҳолаш учун молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига асос ҳисобланади.
- 2 Ташкилот шартномалар шартларини, шунингдек мазкур стандартни қўллашда барча ўринли далиллар ва ҳолатларни ҳисобга олиши лозим. Ташкилот мазкур стандартни ўхшаш хусусиятларга эга бўлган шартномаларга ва ўхшаш ҳолатларда изчиллик билан қўллаши лозим.

Қўллаш доираси

- 3 Ташкилот мазкур стандартни барча ижара шартномаларига, шу жумладан иккиламчи ижара доирасида *фойдаланиш ҳуқуқидаги активларнинг* ижара шартномаларига нисбатан қўллаши лозим, қуйидагилар бундан мустасно:
 - (а) фойдали қазилмалар, нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурсларни қидириш ёки улардан фойдаланишга оид ижара шартномалари;
 - (б) ижарачи тасарруфида бўлган 41-сон БҲХС “Қишлоқ хўжалиги”нинг қўллаш доирасидаги биологик активларга оид ижара шартномалари;
 - (в) 12-сон МҲХСШҚ Шарҳи “Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари”ни қўллаш доирасидаги хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари;
 - (г) 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”ни қўллаш доирасидаги ижарага берувчи томонидан тақдим этилган интеллектуал мулкка лицензиялар; ва
 - (д) кинофильмлар, видеоёзувлар, пьесалар, қўлёзмалар, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари каби объектлар учун 38-сон БҲХС “Номоддий активлар”ни қўллаш доирасидаги лицензия келишувлари бўйича ижарачи эга бўлган ҳуқуқлар.
- 4 Ижарачи мазкур стандартни 3(д)-бандда баён этилганлардан ташқари номоддий активларнинг ижара шартномаларига нисбатан қўллаши мумкин, лекин талаб этилмайди.

Тан олишдан озод қилиш ҳолатлари (Б3–Б8-бандлар)

- 5 Ижарачи қуйидагиларга нисбатан 22–49-бандлар талабларини қўлламаслиги мумкин:
 - (а) қисқа муддатли ижара; ва
 - (б) паст қийматли таянч актив бўйича ижара (Б3–Б8-бандларда тавсифланганидек).
- 6 Ижарачи қисқа муддатли ижарага ёхуд паст қийматли таянч актив бўйича ижарага нисбатан 22–49-бандлар талабларини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилса, ижарачи бундай ижара бўйича *ижара тўловларини* чизиқли усул билан ёхуд бошқа тизимли ёндашувни қўллаган ҳолда *ижара муддати* давомида харажат сифатида тан олиши лозим. Агар бошқа тизимли ёндашув ижарачининг наф олиш тузилмасини яхшироқ акс эттирса, ижарачи бундай ёндашувни қўллаши лозим.

- 7 Ижарачи 6-бандни қўллаган ҳолда қисқа муддатли ижарани ҳисобга олса, у ҳолда ижарачи мазкур стандарт мақсадлари учун ижара шартномасини қуйидаги ҳолларда янги ижара шартномаси деб ҳисоблаши лозим:
- (а) *ижара шартномаси модификация қилинган* ҳолда; ёхуд
 - (б) ижара шартномаси ўзгарган ҳолда (масалан, ижарачи ижара муддатини аниқлаш чоғида илгари ҳисобга олинмаган опционни бажарганда).
- 8 Қисқа муддатли ижара бўйича танлов фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлган таянч активлар синфи бўйича қабул қилиниши лозим. Таянч активлар синфи – характери ва ташкилот фаолияти доирасида фойдаланиш усулига қўра ўхшаш бўлган таянч активлар синфидир. Паст қийматли таянч актив бўйича ижара шартномаларида ҳар бир ижара шартномаси бўйича алоҳида қарор қабул қилиш мумкин.

Ижарани аниқлаш (Б9–Б33-бандлар)

- 9 **Ташкилот шартноманинг ўзи ёки унинг алоҳида компоненти ижара шартномаси ҳисобланишини ижара муносабатлари бошланиш санасида баҳолаши лозим. Мазкур шартнома бўйича идентификацияланган активдан муайян давр мобайнида фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқи товон эвазига берилса, шартноманинг ўзи ёки унинг алоҳида компоненти ижара шартномаси ҳисобланади. Б9–Б31-бандлар шартноманинг ўзи ёки унинг алоҳида компоненти ижара шартномаси ҳисобланишини баҳолаш бўйича кўрсатмалардан иборат.**
- 10 Муайян давр идентификацияланган активдан фойдаланиш ҳажми (масалан, ускуна бирлигидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган маҳсулот бирликлари сони) орқали тавсифланиши мумкин.
- 11 Шартнома шартлари ўзгарган тақдирда, ташкилот ушбу шартноманинг ўзи ёки унинг алоҳида компоненти ижара шартномаси ҳисобланишини қайта баҳолаши лозим.

Шартнома компонентларини ажратиш

- 12 Шартноманинг ўзи ёки алоҳида компоненти ижара шартномаси ҳисобланган шартномага нисбатан ташкилот шартнома доирасида ижаранинг ҳар бир компонентини ижара ҳисобланмайдиган шартнома компонентларидан алоҳида ижара сифатида ҳисобга олиши лозим, ташкилот 15-банддаги амалий жиҳатдан соддалаштиришлар қўлланмайдиган ҳоллар бундан мустасно. Б32–Б33-бандлар шартнома компонентларини ажратиш бўйича кўрсатмалардан иборат.

Ижарачи

- 13 Ижара компонентини ва ижара ҳисобланмайдиган ёки ҳисобланмайдиган бир ёки бир нечта қўшимча компонентларни ўз ичига олган шартномага нисбатан ижарачи шартномада назарда тутилган товонни ижара компонентининг алоҳида нисбий нархи ва ижара ҳисобланмаган компонентларнинг алоҳида нархлари жамланмаси асосида ижаранинг ҳар бир компонентига тақсимлаши лозим.
- 14 Ижара ҳисобланмайдиган ва ҳисобланмайдиган компонентларнинг алоҳида нисбий нархи ижарага берувчи ёки ўхшаш етказиб берувчи бундай компонентга ёки ўхшаш компонентга алоҳида тарзда ташкилотдан талаб қилиши мумкин бўлган нарх асосида аниқланиши лозим. Агар кузатиладиган алоҳида нарх тўғрисидаги маълумот фойдаланиш учун мавжуд бўлмаса, ижарачи алоҳида нархни мавжуд маълумотлардан максимал фойдаланиб баҳолаши лозим.
- 15 Амалий жиҳатдан соддалаштириш мақсадида ижарачи ижара ҳисобланмайдиган компонентларни ижара ҳисобланмайдиган компонентлардан ажратмаслик (айрим турдаги таянч активлар учун) ва бунинг ўрнига ижаранинг ҳар бир компонентини ва ижара ҳисобланмайдиган тегишли компонентларни ижаранинг ягона компоненти сифатида ҳисобга олиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Ижарачи бундай амалий жиҳатдан соддалаштиришларни 9-сон МХХС “*Молиявий инструментлар*”нинг 4.3.3-банди мезонларига жавоб берадиган ўрнатилган бириктирилган деривативларга нисбатан қўлламаслиги лозим.
- 16 Агар 15-банддаги амалий жиҳатдан соддалаштиришлар қўлланмаса, ижарачи ижара ҳисобланмайдиган компонентларни бошқа қўлланмайдиган стандартлардан фойдаланиб ҳисобга олиши лозим.

Ижарага берувчи

- 17 Ижара компонентини ва ижара ҳисобланадиган ёки ҳисобланмайдиган бир ёки бир нечта қўшимча компонентларни ўз ичига олган шартномага нисбатан, ижарага берувчи 15-сон МҲХСнинг 73–90-бандларини қўллаган ҳолда, шартномада назарда тутилган товонни тақсимлаши лозим.

Ижара муддати (Б34–Б41-бандлар)

- 18 Ташкилот ижара муддатини қуйидаги даврлар билан биргаликда муддатидан аввал бекор қилинмайдиган ижара муддати сифатида белгилаши лозим:
- (а) агар ижарачи бундай опционни амалга оширишига асосланган тарзда ишонса, ижара муддатини узайтириш опционни орқали қамраб олинган даврлар; ва
 - (б) агар ижарачи бундай опционни амалга оширмаслигига асосланган тарзда ишонса, ижарани тугатиш опционни орқали қамраб олинган даврлар.
- 19 Ижарачи ижара муддатини узайтириш опционини амалга ошириши ёки ижарани тугатиш опционини амалга оширмаслигига асосланган тарзда ишонини баҳолашда, ташкилот Б37–Б40-бандларда тавсифланганидек, ижарачида ижарани узайтириш опционини амалга ошириш ёки ижарани тугатиш опционини амалга оширмаслик учун иқтисодий рағбатни юзага келишига олиб келадиган барча ўринли далиллар ва ҳолатларни ҳисобга олиши лозим.
- 20 Ижарачи ижара муддатини узайтириш опционини амалга оширилиши ёки ижарани тугатиш опционини амалга оширилмаслигига асосланган тарзда ишонч мавжудлигини қуйидаги аҳамиятли ходиса юз берганда ёки ҳолатлар аҳамиятли даражада ўзгарганда, қайта баҳолаши лозим:
- (а) ижарачининг назорати остидаги; ва
 - (б) ижарачи ижара муддатини белгилаш пайтида илгари ҳисобга олинмаган опционни амалга ошириши борасида ёки ижарачи ижара муддатини белгилаш чоғида илгари ҳисобга олинган опционни амалга оширмаслиги борасида етарлича ишонч мавжудлигини баҳолашга таъсир кўрсатадиган (Б41-бандда тавсифланганидек).
- 21 Агар муддатидан аввал бекор қилинмайдиган ижара муддатида ўзгариш бўлса, ташкилот ушбу ижара муддатини қайта кўриб чиқиши лозим. Масалан, қуйидаги ҳолларда муддатидан аввал бекор қилинмайдиган ижара муддати ўзгаради:
- (а) ижарачи ташкилот ижара муддатини белгилаётганда илгари ҳисобга олинмаган опционни амалга оширса;
 - (б) ижарачи ташкилот ижара муддатини белгилаётганда илгари ҳисобга олинган опционни амалга оширмаса;
 - (в) ташкилот ижара муддатини белгилаётганда илгари ҳисобга олинмаган опционни ижарачи томонидан амалга оширилиши бўйича шартномавий жавобгарлик келтириб чиқарадиган ходиса юз берса; ёки
 - (г) ташкилот ижара муддатини белгилаётганда илгари ҳисобга олинмаган опционни ижарачи томонидан амалга оширилиши бўйича шартномавий тақиқ келтириб чиқарадиган ходиса юз берса.

Ижарачи

Тан олиш

- 22 Ижарачи *Ижаранинг бошланиш санасида* фойдаланиш ҳуқуқидаги активни ва ижара бўйича мажбуриятни тан олиши лозим.

Баҳолаш

Дастлабки баҳолаш

Фойдаланиш ҳуқуқидаги активни дастлабки баҳолаш

- 23 **Ижара бошланиш санасида ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги активни бошланғич қиймат бўйича баҳолаши лозим.**
- 24 Фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг бошланғич қиймати қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:
- (а) 26-бандда тавсифланганидек, ижара бўйича мажбуриятни дастлабки баҳолаш суммаси;
 - (б) олинган *ижара бўйича рағбатлантирувчи тўловлар* чегирилган ҳолда ижара бошланиш санасига ёки шу санагача амалга оширилган ижара тўловлари;
 - (в) ижарачи томонидан сарфлаган ҳар қандай *дастлабки бевосита сарфлар*; ва
 - (г) ижарачи томонидан таянч активни демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у жойлашган жойдаги табиий ресурсларни қайта тиклаш ёки таянч активни ижара шартномаси шартлари орқали талаб этилган ҳолатга келтириш учун амалга ошириладиган сарфларнинг ҳисоб баҳоси, бундан ушбу сарфлар захиралар ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ҳолатлар мустасно. Ижарачининг бундай сарфларга нисбатан жавобгарлиги ижара бошланиш санасида ёки таянч активдан муайян давр мобайнида фойдаланиш оқибатида юзага келади.
- 25 Ижарачи 24(г)-бандда тавсифланган сарфларни бундай сарфларга нисбатан жавобгарлик юзага келган пайтда фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг бошланғич қиймати таркибида тан олиши лозим. Ижарачи таянч активдан муайян давр мобайнида захираларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиши оқибатида муайян давр мобайнида амалга ошириладиган сарфларга нисбатан 2-сон БҲХС “*Захиралар*”ни қўллайди. Мазкур стандартни ёки 2-сон БҲХСни қўллаган ҳолда ҳисобга олинадиган бундай сарфларга нисбатан жавобгарлик 37-сон БҲХС “*Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*”ни қўллаган ҳолда, тан олинади ва баҳоланади.

Ижара бўйича мажбуриятни дастлабки баҳолаш

- 26 **Ижарани бошланиш санасига ижарачи ижара бўйича мажбуриятни ушбу сана ҳолатига тўланмаган ижара тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича баҳолаши лозим. Ижара тўловларини *ижара шартномасида қайд этилган фоиз ставкасидан* (агар бундай ставкани осон аниқлаш мумкин бўлса) фойдаланиб дисконтлаш лозим. Агар бундай ставкани осон аниқлашнинг имкони бўлмаса, ижарачи *ижарачининг қўшимча қарзларни жалб қилиш ставкасидан* фойдаланиши лозим.**
- 27 Ижарани бошланиши санасига ижара бўйича мажбуриятнинг баҳоланишига киритиладиган ижара тўловлари ижарани бошланиш санаси ҳолатига тўланмаган, ижара муддати давомида таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқи учун қуйидаги тўловларни ўз ичига олади:
- (а) олинадиган ижара бўйича ҳар қандай рағбатлантирувчи тўловлар чегирилган ҳолда *қатъий белгиланган тўловлар* (шу жумладан, Б42-бандда тавсифланганидек моҳиятан қатъий белгиланган тўловлар);
 - (б) ижарани бошланиш санаси ҳолатидаги индексдан ёки ставкадан фойдаланиб дастлабки баҳоланадиган, индексга ёки ставкага боғлиқ бўлган *ўзгарувчан ижара тўловлари* (28-бандда тавсифланганидек);
 - (в) ижарачи томонидан *тугатиш қиймати кафолатлари* бўйича тўланиши кутилаётган суммалар;
 - (г) сотиб олиш опционининг фойдаланиш нархи, агар ижарачи бундай опционни (Б37–Б40-бандларда тавсифланган омилларни ҳисобга олиб баҳоланадиган) амалга оширишига асосланган тарзда ишонса; ва
 - (д) ижарани туғатиш бўйича жарима тўловлари, агар ижара муддати ижарачининг ижарани туғатиш опционини амалга оширишини акс эттирса.
- 28 27(б) бандда тавсифланган индексга ёки ставкага боғлиқ бўлган ўзгарувчан ижара тўловлари, масалан, истеъмол нархлари индексига боғланган тўловларни, таянч фоиз ставкасига боғланган тўловларни (масалан, LIBOR) ёки бозор ижара ставкаларидаги ўзгаришларга қараб ўзгарадиган тўловларни ўз ичига олади.

Кейинги баҳолаш

Фойдаланиш ҳуқуқидаги активни кейинги баҳолаш

- 29 **Ижарани бошланиш санасидан кейин ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги активни, 34 ва 35-бандларда тавсифланган баҳолаш моделларини қўлламаган тақдирда бошланғич қиймат моделини қўллаган ҳолда баҳолаши лозим.**

Бошланғич қиймат модели

- 30 Бошланғич қиймат моделини қўллаш учун ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги активни бошланғич қиймати бўйича қуйидаги тартибда баҳолаши лозим:
- (а) жамғарилган эскириш ва жамғарилган кадрсизланишдан зарарларни чегирган ҳолда; ва
 - (б) 36(в)-бандда белгиланган ижара бўйича мажбуриятни ҳар қандай қайта баҳолаш бўйича тузатиш киритган ҳолда.
- 31 Ижарачи 32-банд талабларига риоя этган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқидаги активга эскириш ҳисоблашда 16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*”нинг эскириш бўйича талабларини қўллаши лозим.
- 32 Ижара шартномаси бўйича ижара муддатининг охирига қадар таянч активга нисбатан эгалик ҳуқуқи ижарачига ўтса ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг бошланғич қиймати ижарачининг сотиб олиш опционини амалга ошириш ниятини акс эттирса, ижарачи ижарани бошланиш санасидан бошлаб таянч актив *фойдали хизмат муддатининг* охиригача фойдаланиш ҳуқуқидаги активга эскириш ҳисоблаши лозим. Акс ҳолда, ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги активга ижарани бошланиши санасидан бошлаб фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг *фойдали хизмат муддатининг* ёки ижара муддатининг қисқароғи якунига қадар эскириш ҳисоблаши лозим.
- 33 Ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг кадрсизланганини аниқлаш ва аниқланган кадрсизланишдан зарарни ҳисобга олиш учун 36-сон БҲХС “*Активларнинг кадрсизланиши*”ни қўллаши лозим.

Бошқа баҳолаш моделлари

- 34 Ижарачи ўзининг инвестиция кўчмас мулкига нисбатан 40-сон БҲХС “*Инвестиция кўчмас мулки*”даги ҳаққоний қиймат моделини қўлласа, ижарачи 40-сон БҲХСдаги инвестиция кўчмас мулки таърифига жавоб берадиган фойдаланиш ҳуқуқидаги активларга нисбатан ҳам ҳаққоний қиймат моделини қўллаши лозим.
- 35 Агар фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар ижарачи 16-сон БҲХСдаги қайта баҳолаш моделини қўллайдиган асосий воситалар синфига оид бўлса, ижарачи асосий воситаларнинг бундай синфига оид бўлган фойдаланиш ҳуқуқидаги барча активларга нисбатан қайта баҳолаш моделини қўллаши мумкин.

Ижара бўйича мажбуриятни кейинги баҳолаш

- 36 **Ижара бошланиш санасидан кейин ижарачи ижара бўйича мажбуриятни қуйидаги тартибда баҳолаши лозим:**
- (а) **ижара бўйича мажбуриятга оид фоизларни акс эттириш учун баланс қийматини ошириш;**
 - (б) **амалга оширилган ижара тўловларини акс эттириш учун баланс қийматини камайтириш; ва**
 - (в) **39–46-бандларда белгиланган ижара шартномаларининг қайта баҳолини ёки модификациясини акс эттириш учун ёки моҳиятан қайта кўриб чиқилган қатъий белгиланган ижара тўловларини акс эттириш учун (Б42-бандга қаранг) баланс қийматини қайта баҳолаш.**
- 37 Ижара бўйича мажбуриятга оид фоизлар ҳар бир даврда ижара муддати давомида ўзгармас даврий фоиз ставкасини ижара бўйича мажбурият қолдигига кўпайтирадиган сумма билан ифодаланиши лозим. Даврий фоиз ставкаси 26-бандда тавсифланган дисконтлаш ставкаси ёки, агар қўллаш мумкин бўлса, 41-бандда, 43-бандда ёки 45(в)-бандда тавсифланган қайта кўриб чиқилган дисконтлаш ставкаси ҳисобланади.

- 38 Ижара бошланиш санасидан кейин ижарачи қуйидагиларни фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим, бундан ушбу сарфлар бошқа қўлланиши мумкин бўлган стандартлардан фойдаланиб бошқа активнинг баланс қийматига киритиладиган ҳоллар мустасно:
- (а) ижара бўйича мажбуриятга оид фоизлар; ва
 - (б) бундай тўловлар амалга оширилишига олиб келадиган ҳодиса юз берган ёки шароит юзага келган даврда ижара бўйича мажбурият баҳосига киритилмаган ўзгарувчан ижара тўловлари.

Ижара бўйича мажбуриятни қайта баҳолаш

- 39 Ижара бошланиш санасидан кейин ижарачи ижара тўловлари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ижара бўйича мажбуриятни қайта баҳолаш учун 40–43-бандларни қўллаши лозим. Ижарачи ижара бўйича мажбуриятни қайта баҳолаш суммасини фойдаланиш ҳуқуқидаги активга тузатиш сифатида тан олиши лозим. Лекин, фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг баланс қиймати нолгача пасайиб, бунда ижара бўйича мажбурият баҳоси қўшимча равишда яна пасайса, ижарачи қолган қайта баҳолаш суммасини фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим.
- 40 Ижарачи қуйидаги ҳоллардан бирида қайта кўриб чиқилган дисконтлаш ставкасидан фойдаланган ҳолда қайта кўриб чиқилган ижара тўловларини дисконтлаб, ижара бўйича мажбуриятни қайта баҳолаши лозим:
- (а) 20–21-бандларда тавсифланганидек, ижара муддатининг ўзгариши мавжуд бўлганда. Ижарачи қайта кўриб чиқилган ижара муддатига асосланиб қайта кўриб чиқилган ижара тўловларини белгилаши лозим; ёки
 - (б) харид учун опцион контекстида 20–21-бандларда тавсифланган ҳодисалар ва ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланадиган таянч актив сотиб олиш опцион баҳосининг ўзгариши мавжуд бўлганда. Ижарачи сотиб олиш опцион бўйича тўланадиган суммалар ўзгаришини акс эттириш учун қайта кўриб чиқилган ижара тўловларини белгилаши лозим.
- 41 40-бандни қўллашда ижарачи қайта кўриб чиқилган дисконтлаш ставкасини, агар бундай ставкани осон белгилаш мумкин бўлса, қолган ижара муддати давомида ижара шартномасида қайд этилган фоиз ставкаси сифатида ёки агар ижара шартномасида қайд этилган фоиз ставкасини белгилаш осон бўлмаса, қайта баҳолаш санасига келиб ижарачи томонидан қўшимча қарз маблағларини жалб қилиш ставкаси сифатида белгилаши лозим.
- 42 Ижарачи қуйидаги ҳолларнинг бирида қайта кўриб чиқилган ижара тўловларини дисконтлаш орқали ижара бўйича мажбуриятни қайта баҳолаши лозим:
- (а) тугатиш қиймати кафолати доирасида тўланиши кутилаётган суммаларнинг ўзгариши. Ижарачи тугатиш қиймати кафолати доирасида тўланиши кутилаётган суммалар ўзгаришини акс эттириш учун қайта кўриб чиқилган ижара тўловларини белгилаши лозим;
 - (б) бундай тўловларни белгилаш учун фойдаланиладиган индекс ёки ставка ўзгариши натижасида келгуси ижара тўловларининг ўзгариши, шу жумладан, масалан, бозордаги ижара тўлови қайта кўриб чиқилганидан кейин бозордаги ижара ставкалари ўзгаришини акс эттириш учун ўзгариш. Ижарачи пул оқимлари ўзгарган тақдирдагина (яъни ижара тўловларига тузатиш киритилган ҳолда) бундай қайта кўриб чиқилган ижара тўловларини акс эттириш учун ижара бўйича мажбуриятни қайта баҳолаши лозим. Ижарачи қолган ижара муддати давомида қайта кўриб чиқилган ижара тўловларини шартномада назарда тутилган қайта кўриб чиқилган тўловлар асосида белгилаши лозим.
- 43 42-бандни қўллашда ижарачи ўзгармаган дисконтлаш ставкасидан фойдаланиши лозим, бундан ижара тўловларининг ўзгариши сузувчи фоиз ставкалари ўзгариши натижасида келиб чиқадиган ҳоллар мустасно. Бу ҳолатда, ижарачи фоиз ставкаси ўзгаришини акс эттирадиган қайта кўриб чиқилган дисконтлаш ставкасидан фойдаланиши лозим.

Ижара шартномасининг модификацияси

- 44 Ижарачи қуйидаги иккита шартга риоя қилинган тақдирда ижара шартномасининг модификациясини алоҳида ижара шартномаси сифатида ҳисобга олиши лозим:
- (а) модификация бир ёки бир нечта таянч активлардан фойдаланиш ҳуқуқи қўшилиши ҳисобига ижара шартномасини қўллаш доирасини кенгайтиради; ва
 - (б) ижара учун товон шартноманинг қўллаш доирасини кенгайтириш учун алоҳида сотиш нархи билан тенглашадиган суммага, шунингдек муайян шартномадаги ҳолатларни акс

- эттирадиган бундай алоҳида сотиш нархига киритиладиган тегишли тузатишларга оширилади.
- 45 Алоҳида ижара шартномаси сифатида ҳисобга олинмайдиган ижара шартномаси модификация қилинган тақдирда, *ижара шартномасининг модификацияси кучга кириши санасига* келиб ижарачи қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
- (а) 13–16-бандларни қўллаган ҳолда модификацияланган ижара шартномасида товонни тақсимлаши;
 - (б) 18–19-бандларни қўллаган ҳолда модификацияланган ижара шартномасида ижара муддатини белгилаши; ва
 - (в) ижара бўйича мажбуриятни қайта кўриб чиқилган дисконтлаш ставкасидан фойдаланган ҳолда қайта кўриб чиқилган ижара тўловларини дисконтлаш йўли билан қайта баҳолаши. Қайта кўриб чиқилган дисконтлаш ставкаси, агар бундай ставкани осон белгилаш мумкин бўлса, қолган ижара муддати давомида ижара шартномасида қайд этилган фоиз ставкаси сифатида ёки агар ижара шартномасида қайд этилган фоиз ставкасини осон белгилаш мумкин бўлмаса, қайта баҳолаш санасига келиб ижарачи томонидан қўшимча қарз маблағларини жалб қилиш ставкаси сифатида белгиланади.
- 46 Алоҳида ижара шартномаси сифатида ҳисобга олинмайдиган ижара шартномаси модификация қилинган тақдирда ижарачи ижара бўйича мажбуриятнинг қайта баҳоланишини қуйидаги тарзда ҳисобга олиши лозим:
- (а) ижара шартномасини қўллаш соҳасини камайтирадиган ижара шартномаси модификация қилинган тақдирда ижара шартномаси қисман ёки тўлиқ бекор қилинишини акс эттириш учун фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг баланс қийматини камайтириш орқали. Ижарачи ижара шартномаси қисман ёки тўлиқ бекор қилиниши билан боғлиқ фойда ёки зарарни фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим.
 - (б) ижара шартномасининг бошқа барча модификацияларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқидаги активга тегишли тарзда тузатиш киритиш орқали.
- 46А Амалий жиҳатдан соддалаштириш мақсадида ижарачи 46Б банддаги шартларга жавоб берадиган ижара топшириғи ижара шартномаси модификацияси бўлишини баҳолаш ёки баҳоламасликни танлаши мумкин. Бундай танловни амалга оширмайдиган ташкилот ижара топшириғидан юзага келадиган ижара тўловларидаги ҳар қандай ўзгаришни худди бундай ўзгариш ижара шартномаси модификацияси бўлмаганда мазкур ўзгаришга ушбу стандартни қўлланадиган тарзда қўллаши лозим.
- 46Б 46А банддаги амалий жиҳатдан соддалаштириш фақат Covid-19 пандемиясининг оқибати сифатида юзага келадиган ижара топшириқларига ва фақат қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда қўлланади:
- (а) ижара тўловларидаги ўзгариш ушбу ўзгаришдан олдин ижара учун товон деярли бир хил ёки камроқ бўладиган қайта кўриб чиқилган ижара товонига олиб келса;
 - (б) ижара тўловларидаги камайиш фақат 2022 йил 30 июндан кечиктирмай тўланадиган ижара тўловларига таалуқли бўлса (масалан, ижара топшириғи агар у ижара тўловларини 2022 йил 30 июндан кечиктирмай камайишига ва 2022 йил 30 июндан кейин ўсишига олиб келса, ушбу шарт бажарилади); ва
 - (в) шартнома шартларида бошқа аҳамиятли ўзгариш бўлмаса.

Тақдим этиш

- 47 Ижарачи қуйидаги маълумотларни молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этиши ёки изоҳларда ёритиб бериши лозим:
- (а) фойдаланиш ҳуқуқидаги активларни бошқа активлардан алоҳида тарзда. Агар ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги активларни молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тақдим этмаса, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
 - (i) фойдаланиш ҳуқуқидаги активларни тегишли таянч активлар мулк ҳуқуқида бўлган тақдирда тақдим этиладиган моддага киритиш; ва
 - (ii) молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботдаги қайси моддалар бундай фойдаланиш ҳуқуқидаги активларни ўз ичига олиши тўғрисидаги маълумотни ёритиб бериш;
 - (б) ижара бўйича мажбуриятларни бошқа мажбуриятлардан алоҳида тарзда. Агар ижарачи ижара бўйича мажбуриятларни молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тақдим этмаса, молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботдаги қайси моддалар бундай мажбуриятларни ўз ичига олиши тўғрисидаги маълумотни ёритиб бериши лозим.

- 48 47(а) банднинг талаби молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда инвестиция кўчмас мулки сифатида тақдим этилиши лозим бўлган инвестиция кўчмас мулки тавсифига жавоб берадиган фойдаланиш ҳуқуқидаги активларга нисбатан қўлланмайди.
- 49 Ижарачи фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда ижара бўйича мажбуриятга оид фоиз харажати фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг амортизациясидан алоҳида тақдим этилиши лозим. Ижара бўйича мажбуриятга оид фоиз харажати молиялаштириш бўйича харажатларнинг компоненти ҳисобланади, улар 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*”нинг 82(б) бандига мувофиқ фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тақдим этилиши лозим.
- 50 Ижарачи пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда куйидагиларни таснифлаши лозим:
- (а) ижара бўйича мажбуриятнинг асосий суммасига нисбатан пулли тўловларни молиявий фаолият таркибида;
 - (б) ижара бўйича мажбуриятга оид фоизларга нисбатан пулли тўловларни 7-сон БҲХС “*Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот*”даги тўланган фоизлар бўйича талабларни қўллаган ҳолда; ва
 - (в) ижара бўйича мажбурият баҳосига киритилмаган қисқа муддатли ижара бўйича тўловлар, паст қийматли активларнинг ижараси бўйича тўловлар ва ўзгарувчан ижара тўловларини операцион фаолият таркибида.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 51 **Маълумотларни ёритиб беришдан мақсад молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда, фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботда ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган маълумот билан бирга, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ижара шартномалари ижарачининг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларига таъсир кўрсатишини баҳолаш учун асос бўладиган маълумотларни изоҳларда ёритиб берилиши ҳисобланади. 52–60-бандларда ушбу мақсадга эришишга оид талаблар кўрсатилган.**
- 52 Ижарачи ўзи ижарачи бўлган ижара шартномалари тўғрисидаги маълумотларни битта изоҳда ёки молиявий ҳисоботнинг алоҳида бўлимида ёритиб бериши лозим. Лекин молиявий ҳисоботнинг бирор қисмида тақдим этилган маълумотни битта изоҳга ёки ижара тўғрисидаги алоҳида бўлимга ҳавола қилиш шарти билан, ижарачи бундай маълумотни такроран тақдим этиши талаб этилмайди.
- 53 Ижарачи ҳисобот даври учун куйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) таянч активнинг синфига мувофиқ тарзда фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар учун ҳисобланган эскириш;
 - (б) ижара бўйича мажбуриятларга оид фоиз харажати;
 - (в) 6-бандни қўллаган ҳолда ҳисобга олинмаган қисқа муддатли ижарага оид харажат. Бундай харажат ижара муддати бир ойдан ошмайдиган ижара шартномаларига оид харажатни ўз ичига олиши талаб этилмайди;
 - (г) 6-бандни қўллаган ҳолда ҳисобга олинмаган паст қийматли активларнинг ижарасига оид харажат. Бундай харажат 53(в) банддаги паст қийматли активлар бўйича қисқа муддатли ижара шартномаларига оид харажатни ўз ичига олиши талаб этилмайди;
 - (д) ижара бўйича мажбуриятлар баҳосига киритилмаган ўзгарувчан ижара тўловларига оид харажат;
 - (е) фойдаланиш ҳуқуқидаги активларни иккиламчи ижарага беришдан даромад;
 - (ё) ижара шартномалари учун жами пул маблағлари чиқими;
 - (ж) фойдаланиш ҳуқуқидаги активларнинг киримлари;
 - (з) қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операцияларидан келиб чиқадиган фойда ёки зарарлар; ва
 - (и) таянч активнинг синфига мувофиқ ҳисобот даври охирига келиб фойдаланиш ҳуқуқидаги активларнинг баланс қиймати.
- 54 ижарачи 53-бандда кўрсатилган маълумотни жадвал шаклида ёритиб бериши лозим, бундан формат иянада ўринли бўлган бошқа ҳолатлар мустасно. Ёритиб берилмаган суммалар ижарачи томонидан ҳисобот даври давомида бошқа активнинг баланс қийматига киритилган сарфларни ўз ичига олиши лозим.

- 55 Агар ҳисобот даври охирига тегишли бўлган қисқа муддатли ижара шартномалари портфели 53(в)-бандни қўллаган ҳолда ёритиб бериладиган қисқа муддатли ижара шартномалари портфелидан фарқ қилса, ижарачи 6-бандни қўллаш орқали ҳисобга олинган қисқа муддатли ижара шартномалари бўйича шартномавий мажбуриятлари суммасини ёритиб бериши лозим.
- 56 Агар фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар инвестиция кўчмас мулки таърифига жавоб берса, ижарачи 40-сон БҲХСдаги маълумотларни ёритиб беришга оид талабларни қўллаши лозим. Бу ҳолатда ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги бундай активлар учун 53(а), (е), (ж) ёки (и) банддаги маълумотларни ёритиб бериши талаб этилмайди.
- 57 Агар ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги активларни 16-сон БҲХСга мувофиқ қайта баҳолаш суммасида баҳоласа, ижарачи бундай фойдаланиш ҳуқуқидаги активлар бўйича 16-сон БҲХСнинг 77-бандига мувофиқ талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 58 Ижараси бошқа молиявий мажбуриятларнинг сўндириш муддатлари тахлилидан алоҳида тарзда 7-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш*”нинг 39 ва Б11-бандларини қўллаган ҳолда ижара бўйича мажбуриятларнинг сўндириш муддатлари тахлилинини ёритиб бериши лозим.
- 59 53-58-бандларда ёритиб берилиши талаб этилган маълумотларга қўшимча тарзда, ижарачи (Б48-бандда тавсифланганидек) 51-банддаги маълумотларни ёритиб бериш мақсадига эришиш учун зарур бўлган ўзининг ижара фаолиятига оид қўшимча сифат ва миқдорий маълумотларни ёритиб бериши лозим. Бундай қўшимча маълумот бошқа маълумотлар қатори молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга қуйидагиларни баҳолашда ёрдам берадиган маълумотни ўз ичига олиши мумкин:
- (а) ижарачининг ижара фаолияти характери;
 - (б) ижарачи таъсирланиши мумкин бўлган, ижара бўйича мажбуриятларни баҳолаш чоғида акс эттирилмайдиган келгуси пул маблағлари чиқимлари. Бундай чиқимлар қуйидагилардан келиб чиқади:
 - (i) ўзгарувчан ижара тўловлари (Б49-бандда тавсифланганидек);
 - (ii) ижара муддатини узайтириш опционлари ва тугатиш опционлари (Б50-бандда тавсифланганидек);
 - (iii) тугатиш қиймати кафолатлари (Б51-бандда тавсифланганидек); ва
 - (iv) ҳали муддати бошланмаган, ижарачида шартномавий мажбуриятларни келтириб чиқарган ижара;
 - (в) ижара бўйича чекловлар ёки ковенантлар; ва
 - (г) қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операциялари (Б52-бандда тавсифланганидек).
- 60 Қисқа муддатли ижара ёки паст қийматли ижарани 6-бандга мувофиқ ҳисобга олувчи ижарачи ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 60А Агар ижарачи 46А банддаги амалий жиҳатдан соддалаштиришни қўлласса, ижарачи қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) 46Б банддаги шартларни қаноатлантирадиган барча ижара топшириқларига нисбатан амалий жиҳатдан соддалаштиришни қўллаганини ёки агар барча ижара топшириқларига нисбатан қўлламаган бўлса, амалий жиҳатдан соддалаштириш қўлланган шартномалар характери тўғрисидаги маълумотни (2 бандга қаранг); ва
 - (б) ижарачи томонидан 46А банддаги амалий жиҳатдан соддалаштириш қўлланган ижара топшириқлари бўйича ижара тўловларидаги ўзгаришларни акс эттирадиган ҳисобот даври учун фойда ёки зарарда тан олинган сумма.

Ижарага берувчи

Ижарани таснифлаш

- 61 Ижарага берувчи ҳар бир ижара шартномасини *оператив ижара ёки молиявий ижара* сифатида таснифлаши лозим.
- 62 Ижара таянч активга эгалик қилиш билан боғлиқ амалдаги барча рисклар ва нафлар ўтказилишинини назарда тутса, молиявий ижара сифатида таснифланади. Ижара таянч активга эгалик қилиш билан боғлиқ амалдаги барча рисклар ва нафлар ўтказилишинини назарда тутмаса, оператив ижара сифатида таснифланади.

- 63 Ижаранинг молиявий ёки оператив ижара сифатида таснифланиши шартнома шаклига эмас, кўпроқ операция моҳиятига боғлиқ. Одатда ижаранинг молиявий ижара сифатида таснифланишига олиб келадиган алоҳида ёки биргаликдаги ҳолатларга мисоллар куйида келтирилган:
- (а) ижара шартномаси ижара муддати охирида ижарачига таянч активга бўлган мулк ҳуқуқи ўтказилишини назарда тутди;
 - (б) ижарачи активни *ҳаққоний қийматидан* анча паст нархда сотиб олиш бўйича *ижара муносабатлари бошланиши санасида* амалга оширилиши асосланган тарзда кутиладиган опционга эга бўлади.
 - (в) ҳатто мулк ҳуқуқи ўтказилмаган бўлса ҳам, ижара муддати таянч активнинг *иқтисодий хизмат муддатининг* аҳамиятли қисмини ташкил қилади;
 - (г) ижара муносабатлари бошланиш санасига ижара тўловларининг дисконтланган қиймати таянч активнинг ҳаққоний қийматига деярли тенг бўлади; ва
 - (д) таянч актив фақат ижарачи аҳамиятли модификацияларсиз ундан фойдаланиши мумкин бўлган ихтисослаштирилган характерга эга бўлади.
- 64 Шунингдек, қуйидаги ҳолатлар, алоҳида ёки биргаликда, ижаранинг молиявий ижара сифатида таснифланиши аломати бўлиши мумкин:
- (а) агар ижарачи ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлса, ижарага берувчининг ижара шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ зарарлари ижарачи томонидан қoplanади;
 - (б) тугатиш қийматининг ҳаққоний баҳоси ўзгаришидан фойда ёки зарарлар ижарачига тегишли бўлади (масалан, ижара муддати охирида сотишдан тушумларнинг аксарият қисмига тенг бўлган ижара тўловидан чегирма шаклида); ва
 - (в) ижарачи бозор қийматидан аҳамиятли даражада паст ижара тўлови билан иккинчи муддатга узайтириш имконига эга бўлади.
- 65 63–64-бандларда кўрсатилган мисоллар ва аломатлар ҳар доим ҳам ягона хулоса чиқариш имконини бермайди. Бошқа омиллар таянч активга эгалик қилиш билан боғлиқ амалдаги барча рисклар ва нафлар ўтказилмаслигини яққол кўрсатса, ижара оператив ижара сифатида таснифланади. Масалан, бундай ҳолат, актив бўйича эгалик ҳуқуқи ижара муддати охирида активнинг ўша пайтдаги ҳаққоний қийматига тенг бўлган ўзгарувчан тўлов эвазига ўтказилса ёки ўзгарувчан ижара тўловлари назарда тутилган бўлиб, бунинг натижасида ижарачига амалдаги барча шундай рисклар ва нафлар ўтказилмаса, рўй бериши мумкин.
- 66 Ижарани таснифлаш ижара муносабатлари бошланган санада амалга оширилади ва ижара шартномаси модификация қилинган тақдирдагина қайта баҳоланади. Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар (масалан, таянч активнинг иқтисодий хизмат муддати ёки тугатиш қиймати бўйича ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар) ёки ҳолатлардаги ўзгаришлар (масалан, ижарачининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги) ҳисобга олиш мақсадларида ижарани қайта таснифлаш заруратини келтириб чиқармайди.

Молиявий ижара

Тан олиш ва баҳолаш

- 67 **Ижара бошланиш санасида ижарага берувчи молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида молиявий ижарага оид активларни тан олиши ва уларни *ижарага соф инвестицияга* тенг суммада дебиторлик қарзи сифатида тақдим этиши лозим.**

Дастлабки баҳолаш

- 68 Ижарага берувчи ижарага соф инвестицияни баҳолаш учун ижара шартномасида назарда тутилган фоиз ставкасидан фойдаланиши лозим. Иккиламчи ижарага берилган тақдирда, иккиламчи ижара шартномасида назарда тутилган фоиз ставкасини осон аниқлаш мумкин бўлмаса, оралиқ ижарага берувчи иккиламчи ижарага соф инвестицияни баҳолаш мақсадида бош ижара шартномаси учун фойдаланилган (иккиламчи ижара билан боғлиқ дастлабки бевосита сарфларни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритилган) дисконтлаш ставкасидан фойдаланиши мумкин.
- 69 Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилардан ташқари ижарага берувчилар томонидан сарфланадиган дастлабки бевосита сарфлар ижарага соф инвестициянинг бошланғич баҳосига киритилади ва ижара муддати давомида тан олинадиган даромад суммасини камайтиради. Ижара

шартномасида назарда тутилган фоиз ставкаси дастлабки бевосита сарфлар ижарага соф инвестицияга автоматик тарзда киритилган ҳолда аниқланади; уларни ижарага соф инвестицияга алоҳида киритиш зарурати бўлмайди.

Ижарага соф инвестицияга киритилган ижара тўловларини дастлабки баҳолаш

- 70 Ижара бошланиш санасида ижарага соф инвестиция баҳосига киритиладиган ижара тўловлари ижара муддати давомида таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқи учун ижара бошланиш санасида олинмаган қуйидаги тўловлардан ташкил топади:
- (а) тўланадиган ижара бўйича ҳар қандай рағбатлантирувчи тўловлар чегирилган қатъий белгиланган тўловлар (шу жумладан Б42-бандда тавсифланганидек моҳиятан қатъий белгиланган тўловлар);
 - (б) ижара бошланиш санасидаги индексдан ёки ставкадан фойдаланиб дастлабки баҳоланадиган индексга ёки ставкага боғлиқ бўлган ўзгарувчан ижара тўловлари;
 - (в) молиявий жиҳатдан кафолат бўйича жавобгарликларни бажара оладиган ижарачи, ижарачи билан боғлиқ томон ёки ижарага берувчи билан боғлиқ бўлмаган учинчи шахс томонидан ижарага берувчига кафолатланадиган тугатиш қиймати;
 - (г) агар ижарачи сотиб олиш опционини (Б37-бандда тавсифланган омилларни ҳисобга олиб баҳоланадиган) амалга ошириши борасида асосланган ишонч мавжуд бўлса, уни амалга ошириш нархи; ва
 - (д) агар ижара муддати ижарачининг ижарани тугатиш опционини амалга оширишини акс эттирса, ижарани тугатиш учун жарималар тўланиши.

Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар

- 71 Ижара бошланиш санасида ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчи ҳар бир молиявий ижара шартномаси бўйича қуйидагиларни тан олиши лозим:
- (а) таянч активнинг ҳаққоний қиймати ёки (агар у камроқ бўлса) ижарага берувчига тўланиши лозим бўлган, бозордаги фоиз ставкасидан фойдаланган ҳолда ижара тўловларининг дисконтланган қиймати бўлган тушум;
 - (б) *кафолатланмаган тугатиш қийматининг* дисконтланган қиймати чегирилган таянч активнинг бошланғич қийматига ёки (агар у фарқланса) баланс қийматига тенг бўлган сотиш таннархи; ва
 - (в) 15-сон МҲХС қўлланадиган бевосита сотиш бўйича ўзининг сиёсатига мувофиқ сотишдан фойда ёки зарар (улар тушум билан сотиш таннархи ўртасидаги фарқдан иборат). 15-сон МҲХСда тавсифланганидек, ижарага берувчи таянч активни ўтказиши ёки ўтказмаслигидан қатъи назар, ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчи молиявий ижара бўйича сотишдан фойда ёки зарарни ижара бошланиш санасида тан олиши лозим.
- 72 Ишлаб чиқарувчилар ва дилерлар кўпинча харидорларга активни сотиб олиш ёки ижарага олишни танлаш ҳуқуқини берадилар. Ишлаб чиқарувчи ёки дилер сифатида ҳам ҳаракат қилаётган ижарага берувчининг активни молиявий ижарага бериши қўлланадиган улгуржи ёки савдо чегирмаларини ҳисобга олган ҳолда таянч активни одатдаги сотиш нархида бевосита сотишдан фойдага ёки зарарга эквивалент бўлган фойда ёки зарар юзага келишига олиб келади.
- 73 Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар харидорларни жалб қилиш учун баъзан сунъий равишда пасайтирилган фоиз ставкаларини эълон қиладилар. Бундай ставкадан фойдаланиш ижара бошланиш санасида операциядан умумий даромаднинг жуда катта қисми тан олинишига олиб келади. Сунъий равишда пасайтирилган фоиз ставкалари эълон қилинган бўлса, ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар сотишдан фойдани бозордаги фоиз ставкасидан фойдаланганда олиниши мумкин бўлган сумма билан чеклаши лозим.
- 74 Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчи ижара бошланиш санасида молиявий ижара шартномасини келишиш бўйича амалга оширилган сарфлар харажат сифатида тан олиши лозим, чунки улар асосан ишлаб чиқарувчининг ёки дилернинг сотишдан фойда олишига боғлиқ. Молиявий ижара шартномасини келишиш ва тузиш учун ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчи томонидан амалга оширилган сарфлар дастлабки бевосита сарфлар тавсифидан чиқарилади ва, натижада, ижарага соф инвестиция таркибига киритилмайди.

Кейинги баҳолаш

- 75 **Ижарага берувчи молиявий даромадни ижара муддати давомида ижарага берувчининг ижарага соф инвестицияси бўйича даромадлиликнинг ўзгармас даврий нормасини акс эттирувчи график асосида тан олиши лозим.**
- 76 Ижарага берувчи тизимли ва рационал ёндашувдан фойдаланиб, молиявий даромадни бутун ижара муддатига таксимлашга интилади. Ижарага берувчи асосий қарз суммасини ва *ўзлаштирилмаган молиявий даромадни* камайтириш учун давр учун ижара тўловларини *ижарага ялпи инвестициядан* чегириши лозим.
- 77 Ижарага берувчи 9-сон МХХСдаги тан олишни бекор қилиш ва кадрсизланишга нисбатан талабларни ижарага соф инвестицияга қўллаши лозим. Ижарага берувчи ижарага ялпи инвестицияни ҳисоблаш чоғида фойдаланилган кафолатланмаган тугатиш қийматининг ҳисоб баҳосини мунтазам текшириши лозим. Кафолатланмаган тугатиш қийматининг ҳисоб баҳосида камайиш бўлса, ижарага берувчи даромадни ижара муддатига таксимлаш схемасини қайта кўриб чиқиши ва илгари ҳисобланган суммаларнинг камайтирилишини дарҳол тан олиши лозим.
- 78 5-сон МХХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”га мувофиқ молиявий ижара предмети бўлган активни сотиш учун мўлжалланган деб таснифлайдиган (ёки уни сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган) ижарага берувчи бундай активни ўша стандартга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.

Ижара шартномасининг модификацияси

- 79 Ижарага берувчи куйидаги иккита шартга риоя қилинган тақдирда молиявий ижара шартномасининг модификациясини алоҳида ижара шартномаси сифатида ҳисобга олиши лозим:
- (а) модификация бир ёки бир нечта таянч активлардан фойдаланиш ҳуқуқи қўшилиши ҳисобига ижара шартномасини қўллаш доирасини кенгайтиради; ва
 - (б) ижара учун товон шартноманинг қўллаш доирасини кенгайтириш учун алоҳида сотиш нархи билан тенглашадиган суммага, шунингдек муайян шартномадаги ҳолатларни акс эттирадиган бундай алоҳида сотиш нархига киритиладиган тегишли тузатишларга оширилади.
- 80 Алоҳида ижара шартномаси сифатида ҳисобга олинмайдиган молиявий ижара шартномаси модификация қилинган тақдирда, ижарага берувчи модификацияни куйидаги тарзда ҳисобга олиши лозим:
- (а) агар ижара муносабатлари бошланган санада модификация кучга кирганда ижара оператив ижара сифатида таснифланганда, ижарага берувчи куйидагиларни амалга ошириши лозим:
 - (i) ижара шартномасининг модификациясини ижара шартномасининг модификацияси кучга кирган санадан бошлаб янги ижара шартномаси сифатида ҳисобга олиши; ва
 - (ii) ижара шартномасининг модификацияси бевосита кучга кириши санасидан олдин таянч активнинг баланс қийматини ижарага соф инвестиция суммаси сифатида баҳолаши;
 - (б) акс ҳолда, ижарага берувчи 9-сон МХХС талабларини қўллаши лозим.

Оператив ижара

Тан олиш ва баҳолаш

- 81 **Ижарага берувчи оператив ижара бўйича ижара тўловларини тўғри чизиқли усул ёки бошқа тизимли усулда даромад сифатида тан олиши лозим. Бошқа тизимли усул таянч активдан фойдаланишдан нафнинг камайиши графигини янада ўринли акс эттирилишини таъминласа, ижарага берувчи ушбу усулни қўллаши лозим.**
- 82 Ижарага берувчи ижарадан даромад олишда амалга оширилган сарфларни, шу жумладан эскириш суммасини харажат сифатида тан олиши лозим.
- 83 Ижарага берувчи оператив ижара шартномасини келишиш чоғида амалга оширилган дастлабки бевосита сарфларни таянч активнинг баланс қийматига киритиши ва бундай сарфларни ижарадан даромадга нисбатан қўлланадиган асосдан фойдаланган ҳолда ижара муддати давомида харажат сифатида тан олиши лозим.

- 84 Оператив ижара предмети бўлган эскириш ҳисобланадиган таянч активларга нисбатан қўлланиладиган эскириш бўйича ҳисоб сиёсати ижарага берувчи айнан ўхшаш активларга нисбатан қабул қилган одатдаги эскириш сиёсатига мувофиқ келиши лозим. Ижарага берувчи амортизация суммасини 16-сон БҲХС ва 38-сон БҲХСга мувофиқ ҳисоблаши лозим.
- 85 Ижарага берувчи ижара предмети бўлган таянч активнинг кадрсизланишини аниқлаш ва кадрсизланишдан зарарни ҳисобга олиш учун 36-сон БҲХСни қўллаши лозим.
- 86 Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчи оператив ижара шартномасини тузиш чоғида сотишдан фойдани тан олмайди, чунки оператив ижара сотиш эквиваленти ҳисобланмайди.

Ижара шартномасининг модификацияси

- 87 Ижарага берувчи дастлабки ижара шартномаси билан боғлиқ ҳар қандай олдиндан амалга оширилган ёки ҳисобланган ижара тўловларини янги ижара шартномаси учун ижара тўловларининг бир қисми сифатида ҳисобга олиб, оператив ижара шартномаси модификациясини модификация кучга кирган санадан бошлаб янги ижара шартномаси сифатида таснифлаши лозим.

^

- 88 Ижарага берувчи молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда оператив ижара предмети бўлган таянч активларни бундай таянч активларнинг характериға мувофиқ тақдим этиши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 89 **Маълумотларни ёритиб беришдан мақсад молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда, фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботда ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилган маълумот билан бирга, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ижара шартномалари ижарачининг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларига таъсир кўрсатишини баҳолаш учун асос бўладиган маълумотларни изоҳларда ёритиб берилиши ҳисобланади. 90–97 бандларда ушбу мақсадга эришишга оид талаблар белгиланган.**
- 90 Ижарага берувчи ҳисобот даври учун қуйидаги суммаларни ёритиб бериши лозим:
- (a) молиявий ижара учун:
 - (i) сотишдан фойда ёки зарар;
 - (ii) ижарага соф инвестиция бўйича молиявий даромад; ва
 - (iii) ижарага соф инвестиция баҳосига киритилмаган ўзгарувчан ижара тўловларига оид даромад;
 - (б) Оператив ижара учун – индексга ёки ставкага боғлиқ бўлмаган ўзгарувчан ижара тўловларига тааллуқли даромад тўғрисидаги маълумотни алоҳида ёритиб берган ҳолда ижарадан даромад.

- 91 Ижарага берувчи 90-бандда кўрсатилган маълумотларни жадвал шаклида ёритиб бериши лозим, бундан бошқа формат янада ўринли бўлган ҳоллар мустасно.

- 92 Ижарага берувчи 89-банддаги маълумотларни ёритиб бериш мақсадига эришиш учун зарур бўлган ўзининг ижара фаолиятига оид қўшимча сифат ва миқдорий маълумотларни ёритиб бериши лозим. Бундай қўшимча маълумот бошқа маълумотлар қатори молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга қуйидагиларни баҳолашда ёрдам берадиган маълумотни ўз ичига олиши мумкин:

- (a) ижарага берувчининг ижара фаолияти характери; ва
- (б) ижарага берувчи таянч активларда сақлайдиган ҳуқуқлар билан боғлиқ рискни қандай бошқариши. Хусусан, ижарага берувчи таянч активларда сақлайдиган ҳуқуқлар учун ўз рискларини бошқариш стратегияси тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан ижарага берувчи улар ёрдамида бундай рискларни камайтирадиган ҳар қандай воситаларни ёритиб бериши лозим. Бундай воситалар, масалан, қайта сотиб олиш тўғрисидаги келишувлар, тугатиш қиймати кафолатлари ёки белгиланган лимитлардан ортиқ фойдаланганлик учун ўзгарувчан ижара тўловларини ўз ичига олиши мумкин.

Молиявий ижара

- 93 Ижарага берувчи молиявий ижарага соф инвестиция баланс қийматининг аҳамиятли даражада ўзгаришини изоҳловчи сифат ва миқдорий маълумотларни тақдим этиши лозим.

- 94 Ижарага берувчи дастлабки беш йил учун камида йиллик асосда олинадиган дисконтланмаган ижара тўловларини ва қолган йиллар учун умумий суммаларни акс эттирган ҳолда, ижара тўловлари бўйича дебиторлик қарзини сўндириш муддатлари бўйича таҳлилини ёритиб бериши лозим. Ижарага берувчи дисконтланмаган ижара тўловларини ижарага соф инвестиция билан солиштириши лозим. Солиштирмада ижара тўловлари бўйича дебиторлик қарзига кирувчи ўзлаштирилмаган молиявий даромад ва дисконтланган кафолатланмаган тугатиш қиймати ажратиб кўрсатилган бўлиши лозим.

Оператив ижара

- 95 Оператив ижара предмети асосий восита объектлари бўлган ҳолатда ижарага берувчи 16-сон БҲХСдаги маълумотларни ёритиб бериш талабларини қўллаши лозим. 16-сон БҲХСдаги маълумотларни ёритиб бериш талабларини қўллашда, ижарага берувчи асосий воситаларнинг ҳар бир синфини оператив ижара предмети бўлган активларга ва оператив ижара предмети бўлмаган активларга ажратиши лозим. Шу тарзда, ижарага берувчи оператив ижара предмети бўлган активларни ижарага берувчи эгалигида бўлган ва фойдаланилаётган активлардан алоҳида тарзда 16-сон БҲХСга мувофиқ (таянч актив синфига мувофиқ) маълумотларни тақдим этиши лозим.
- 96 Ижарага берувчи оператив ижара предмети бўлган активлар учун 36-сон БҲХС, 38-сон БҲХС, 40-сон БҲХС ва 41-сон БҲХСдаги маълумотларни ёритиб бериш талабларини қўллаши лозим.
- 97 Ижарага берувчи дастлабки беш йил учун камида йиллик асосда олинадиган дисконтланмаган ижара тўловларини ва қолган йиллар учун умумий суммаларни акс эттирган ҳолда, ижара тўловларини сўндириш муддатлари бўйича таҳлилини ёритиб бериши лозим.

Қайта ижарага олиш шarti билан сотиш операциялари

- 98 Агар ташкилот (сотувчи-ижарачи) активни бошқа ташкилотга (харидор-ижарага берувчи) ўтказса ва ушбу активни харидор-ижарага берувчидан қайта ижарага олса, сотувчи-ижарачи ҳам, харидор-ижарага берувчи ҳам ўтказиш тўғрисидаги шартномага ва ижарага нисбатан 99–103-бандларни қўллаган ҳолда ҳисобга олиши лозим.

Активнинг ўтказилиши сотиш деб ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини баҳолаш

- 99 Ташкилот активнинг ушбу активни сотиш сифатида ўтказилишини ҳисобга олиш заруратини аниқлаш чоғида бажариш жавобгарлигини бажариш пайтини аниқлаш учун 15-сон МҲХС талабларини қўллаши лозим.

Активнинг ўтказилиши сотиш ҳисобланадиган ҳолат

- 100 Агар сотувчи-ижарачининг активни ўтказиши активни сотиш сифатида ҳисобга олиш учун 15-сон МҲХС талабларини қаноатлангирса, у ҳолда:
- (а) сотувчи-ижарачи қайта ижара натижасида келиб чиққан фойдаланиш ҳуқуқидаги активни сотувчи-ижарачи сақлайдиган фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган активнинг аввалги баланс қийматининг мутаносиб қисми сифатида баҳолаши лозим. Шунга кўра, сотувчи-ижарачи фақат харидор-ижарага берувчига берилган ҳуқуқларга оид фойда ёки зарар суммаси тан олиши лозим;
 - (б) харидор-ижарага берувчи активнинг харид қилинишини тегишли стандартларни қўллаган ҳолда, ижарани эса мазкур стандартдаги ижарага берувчининг ҳисобга олишга доир талабларини қўллаган ҳолда ҳисобга олиши лозим.
- 101 Активни сотганлик учун товоннинг ҳаққоний қиймати активнинг ҳаққоний қийматига тенг бўлмаса ёхуд ижара учун тўловлар бозор ставкалари бўйича амалга оширилмаса, ташкилот сотишдан тушумларни ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаш учун куйидаги тузатишларни киритиши лозим:
- (а) бозор даражаси билан солиштирганда олинмай қолган суммалар олдиндан тўланган ижара тўловлари сифатида ҳисобга олиниши лозим; ва
 - (б) бозор даражасидан ортиқ олинган суммалар харидор-ижарага берувчи сотувчи-ижарачига тақдим этган қўшимча молиялаштириш сифатида ҳисобга олиниши лозим.
- 102 Ташкилот 101-бандга мувофиқ зарурий ҳар қандай эҳтимолий тузатишни куйидаги суммалардан осонроқ аниқланадиганига асосланиб баҳолаши лозим:

- (а) сотганлик учун товоннинг ҳаққоний қиймати ва активнинг ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарк; ва
- (б) шартномада назарда тутилган ижара бўйича тўловларнинг дисконтланган қиймати ва бозор ставкаларидаги ижара бўйича тўловларнинг дисконтланган қиймати ўртасидаги фарк.

Активнинг ўтказилиши сотиш ҳисобланмайдиган ҳолат

- 103 Агар сотувчи-ижарачининг активни ўтказиши активни сотиш сифатида ҳисобга олиш учун 15-сон МХХС талабларини қаноатлантirmаса, у ҳолда:
- (а) сотувчи-ижарачи берилган активни тан олишни давом эттириши лозим ва ўтказишдан тушган пул маблағлари тушишига тенг суммадаги молиявий мажбуриятни тан олиши лозим. Ушбу молиявий мажбурият 9-сон МХХСни қўллаган ҳолда тан олиниши лозим;
 - (б) харидор-ижарага берувчи ўтказилган активни тан олмаслиги лозим ва ўтказишдан пул маблағлари тушишига тенг суммадаги молиявий активни тан олиши лозим. Ушбу молиявий актив 9-сон МХХСни қўллаган ҳолда тан олиниши лозим;

Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш бўйича вақтинчалик истиснолар

- 104 Ижарачи бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш натижасида ўзгарадиган келгуси ижара тўловларини аниқлаш бўйича асосни ўзгартирадиган барча ижара шартномаси модификацияси учун 105-106 бандларни қўллаши лозим. Ушбу бандлар фақат ана шундай ижара шартномаси модификациясига нисбатан қўлланади. Мазкур мақсадда “бенчмарк фоиз ставкаси” термини 9-сон МХХСнинг 6.8.2 бандида тавсифланганидек бутун бозор микёсидаги бенчмарк фоиз ставкасини назарда тутаяди.
- 105 Амалий жиҳатдан соддалаштириш мақсадида ижарачи бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш туфайли талаб этилган ижара шартномаси модификациясини ҳисобга олиш учун 42 бандни қўллаши лозим. Мазкур амалий жиҳатдан соддалаштириш фақат ана шундай ижара шартномаси модификациясига нисбатан қўлланади. Мазкур мақсадда ижара шартномаси модификацияси фақат ва фақат қуйидаги ҳар икки шарт бажарилса, бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш туфайли талаб этилган ҳисобланади:
- (а) бундай модификация бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилишнинг бевосита оқибати сифатида зарур бўлса; ва
 - (б) ижара тўловларини аниқлаш бўйича янги асос иқтисодий жиҳатдан олдинги асос билан (яъни модификациядан олдинги асос билан) эквивалент бўлса.
- 106 Лекин, агар ижара шартномаси модификацияси бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш туфайли талаб этилган модификацияга қўшимча тарзда амалга оширилган бўлса, ижарачи бир вақтда бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш туфайли талаб этилган модификацияни ўз ичига олган ҳолда барча ижара шартномачи модификацияларини ҳисобга олишга нисбатан мазкур стандартдаги қўлландиган талабларни қўллаши лозим.

А Илова Атамалар таъриф

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир.

ижара бошланиш санаси (бошланиш санаси)	Ижарага берувчи томонидан таянч активни ижарачи фойдаланиши учун берилган сана.
иктисодий хизмат муддати	Активни бир ёки бир нечта фойдаланувчилар томонидан иктисодий фойдаланиши кутилаётган муддат ёки бир ёки бир нечта фойдаланувчилар активдан олиши кутилаётган маҳсулот бирликлари ёки шунга ўхшаш birlikлар сони.
шартнома модификацияси кучга кирадиган сана	Иккала томон ижара шартномасининг модификациясига рози бўлган сана.
ҳаққоний қиймат	Ижарага берувчида ҳисобга олишга оид мазкур стандарт талабларини қўллаш мақсадида – операцияни амалга оширишни истаган хабардор мустақил томонлар ўртасидаги бундай битимда активни айрибошлаш ёки мажбуриятни сўндириш мумкин бўлган сумма.
молиявий ижара	Таянч активга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ амалдаги барча рисклар ва нафлар ўтказиладиган ижара .
қатъий белгиланган тўловлар	ижарачи ижара муддати давомида таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқи учун ижарага берувчининг фойдасига амалга оширадиган тўловлар, бундан ўзгарувчан ижара тўловлари мустасно.
Ижарага ялпи инвестиция	Қуйидагиларнинг жами суммаси: (а) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага берувчи оладиган ижара тўловларининг ; ва (б) ижарага берувчига тўланадиган кафолатланмаган тугатиш қийматининг .
ижара муносабатлари бошланиш санаси	Ижара шартномаси тузилган санадан ва томонлар ижаранинг асосий шартларига нисбатан мажбуриятларни зиммасига олган санадан эртарафи.
Дастлабки бевосита сарфлар	Ижара шартномасининг тузилиши такозо этган, ижара шартномаси тузилмаганда амалга оширилмайдиган қўшимча сарфлар, бундан молиявий ижара муносабати билан ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар томонидан амалга оширилган бундай сарфлар мустасно.
ижара шартномасида назарда тутилган фоиз ставкаси	(а) ижара тўловларининг ва (б) кафолатланмаган тугатиш қийматининг дисконтланган қиймати (i) таянч активнинг ҳаққоний қиймати ва (ii) ижарага берувчининг дастлабки бевосита сарфлари суммасига тенг бўладиган фоиз ставкаси.
Ижара	Товон эвазига муайян давр мобайнида актив(таянч актив)дан фойдаланиш ҳуқуқи бериладиган шартнома ёки шартноманинг бир қисми.
Ижара бўйича рағбатлантирувчи тўловлар	Ижара муносабати билан ижарага берувчи ижарачининг фойдасига амалга оширадиган тўловлар ёхуд ижарага берувчининг ижарачининг сарфларини қоплаши.
Ижара шартномасининг модификацияси	Дастлабки ижара шартларида назарда тутилмаган ижара шартномасини қўллаш доирасининг ёки ижара учун товоннинг ўзгартирилиши (масалан, бир ёки бир нечта таянч активлардан фойдаланиш ҳуқуқининг қўшилиши ёки тўхтатилиши ёхуд шартномада назарда тутилган ижара муддатининг узайтирилиши ёки қисқариши).

ижара тўловлари	<p>ижарачи ижара муддати давомида таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқи муносабати билан ижарага берувчининг фойдасига амалга оширадиган тўловлар, улар куйидагиларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none">(а) исталган ижара бўйича рағбатлантирувчи тўловлар чегирилган ҳолда қатъий белгиланган тўловлар (шу жумладан моҳиятан қатъий белгиланган тўловлар);(б) индексга ёки ставкага боғлиқ бўлган ўзгарувчан ижара тўловлари;(в) агар ижарачи сотиб олиш опционини амалга ошириши борасида асосланган ишонч мавжуд бўлса, уни амалга ошириш нархи; ва(г) агар ижара муддати ижарачининг ижарани тугатиш опционини амалга оширишини акс эттирса, ижарани тугатиш учун жарима тўловлари. <p>Ижарачи ҳолатида ижара тўловлари, тугатиш қиймати кафолатлари бўйича ижарачи тўлаши кутилаётган суммаларни ҳам ўз ичига олади. Ижара тўловлари ижара ҳисобланмаган шартнома компонентларига киритиладиган тўловларни ўз ичига олмайди, бундан ижарачи ижара ҳисобланмаган компонентларни бирлаштиришга ва уларни битта ижара компоненти сифатида ҳисобга олишга қарор қилган ҳоллар мустасно.</p> <p>Ижарага берувчи ҳолатида ижара тўловлари молиявий жиҳатдан кафолат бўйича жавобгарликларни бажара оладиган ижарачи, ижарачи билан боғлиқ томон ёки ижарага берувчи билан боғлиқ бўлмаган учинчи шахс томонидан ижарага берувчига тақдим этиладиган тугатиш қиймати кафолатларини ҳам ўз ичига олади. Ижара тўловлари ижара ҳисобланмаган шартнома компонентларига киритиладиган тўловларни ўз ичига олмайди.</p>
Ижара муддати	<p>Муддатидан аввал бекор қилиниши лозим бўлмаган, унинг давомида ижарачи куйидаги даврлар билан бирга таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давр:</p> <ul style="list-style-type: none">(а) ижарачи ушбу опционни амалга ошириши борасида асосланган ишонч мавжуд бўлса, уларга нисбатан ижарани узайтириш опционни амал қиладиган даврлар билан; ва(б) агар ижарачи бундай опционни амалга оширмаслигига асосланган тарзда ишонса, ижарани тугатиш опционни орқали қамраб олинган даврлар.
ижарачи	<p>Товон эвазига муайян давр мобайнида таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқини оладиган ташкилот.</p>
ижарачининг қўшимча қарз маблағларини жалб қилиш ставкаси	<p>Ижарачи томонидан айнан ўхшаш муддатга ва айнан ўхшаш иқтисодий шароитларда фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг қийматига айнан ўхшаш қийматли активни олиш учун зарур бўлган қарз маблағлари айнан ўхшаш таъминланганда жалб этилиши мумкин бўлган фоиз ставкаси.</p>
ижарага берувчи	<p>Товон эвазига муайян давр мобайнида таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ташкилот.</p>
ижарага соф инвестиция	<p>ижара шартномасида назарда тутилган фоиз ставкасидан фойдаланиб дисконтланган ижарага ялпи инвестиция.</p>
оператив ижара	<p>Таянч активга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ амалдаги барча рисклар ва нафлар ўтказилмайдиган ижара.</p>
Мажбурий бўлмаган ижара тўловлари	<p>ижарачи уларга нисбатан ижарани узайтириш ёки тугатиш опционни амал қиладиган ва ижара муддатига киритилмаган даврлар мобайнида таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқи учун ижарага берувчининг фойдасига амалга ошириши лозим бўлган тўловлар.</p>
фойдаланиш муддати	<p>Харидор билан шартномани бажариш учун активдан фойдаланиладиган умумий даври (шу жумладан кетма-кет келмайдиган даврлар).</p>

тугатиш қиймати кафолати	Ижаранинг охирида таянч активнинг қиймати (ёки қийматининг бир қисми) камида кўрсатилган суммани ташкил этиши юзасидан ижарага берувчи билан боғлиқ бўлмаган томон ижарачига тақдим этадиган кафолат.
фойдаланиш ҳуқуқидаги актив	ижарачининг ижара муддати давомида таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқидан иборат бўлган актив.
қисқа муддатли ижара	Ижара бошланган санада назарда тутилган ижара муддати кўпи билан 12 ойни ташкил этадиган ижара шартномаси . Сотиб олиш опционини ўз ичига олган ижара шартномаси қисқа муддатли ижара ҳисобланмайди.
Иккиламчи ижара	Таянч актив ижарачи (“оралиқ ижарага берувчи”) томонидан учинчи томонга кейинчалик ижарага бериладиган операция бўлиб, бунда бош ижарага берувчи билан ижарачи ўртасидаги ижара шартномаси (“бош ижара шартномаси”) ўз кучида қолади.
таянч актив	Ижара объекти бўлган, ижарачига ижарага берувчи томонидан ундан фойдаланиш ҳуқуқи тақдим этилган актив.
ўзлаштирилмаган молиявий даромад	Қуйидагилар ўртасидаги фарқ: (а) ижарага ялпи инвестиция ; ва (б) ижарага соф инвестиция .
кафолатланмаган тугатиш қиймати	Реализация қилиниши ижарага берувчи томонидан кафолатланмаган ёки фақат ижарага берувчи билан боғлиқ шахс томонидан кафолатланган таянч актив тугатиш қийматининг бир қисми.
ўзгарувчан ижара тўловлари	Ижара бошланган санадан сўнг, вақт ўтиши бундан мустасно, юзага келган далиллар ва ҳолатлар ўзгаришига қараб ўзгарадиган, ижарачи ижара муддати давомида таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқи учун ижарага берувчининг фойдасига амалга оширадиган тўловларнинг бир қисми.

Бошқа стандартларда белгиланадиган ва ушбу стандартда худди шу маънода фойдаланиладиган атамалар

шартнома	Икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида юридик жиҳатдан ҳимояланган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни келтириб чиқарадиган келишув.
фойдали хизмат муддати	Ташкилот томонидан фойдаланиш учун актив мавжуд бўлган давр; ёки ташкилот активдан фойдаланишдан олишни кутаётган маҳсулот бирликлари ёки шунга ўхшаш birlikлар сони.

Б Илова **Қўллаш бўйича кўрсатма**

Мазкур илова стандартнинг ажралмас қисмидир. Мазкур илова 1-103-бандларнинг қўлланишини ифодалайди ва стандартнинг бошқа қисмлари билан тенг кучлидир.

Шартномалар портфелига нисбатан қўллаш

Б1 Мазкур стандартда алоҳида ижара шартномасини ҳисобга олиш тартиби баён этилган. Лекин ташкилот асосланган тарзда мазкур стандарт портфелга қўлланилишининг молиявий ҳисоботга таъсири мазкур стандартнинг ушбу портфель доирасида алоҳида ижара шартномаларига қўлланилиши таъсирдан муҳим даражада фарқланмайди деб ҳисобласа, амалий нуқтаи назардан соддалаштириш мақсадида ташкилот ўхшаш хусусиятларга эга бўлган ижара шартномалари портфелига нисбатан мазкур стандартни қўллаши мумкин. Шартномалар портфели ҳисобга олинган тақдирда ташкилот портфель ҳажми ва таркибини акс эттирувчи ҳисоб баҳолари ва фаразлардан фойдаланиши лозим.

Шартномаларни бирлаштириш

Б2 Мазкур стандартни қўллашда ташкилот қуйидаги мезонларнинг бири ёки бир нечасига риоя этилган тақдирда битта контрагент (ёки контрагентнинг боғлиқ томонлари) билан бир вақтнинг ўзида ёки деярли бир вақтнинг ўзида тузилган икки ёки ундан ортиқ шартномаларни бирлаштириши ва бундай шартномаларни ягона шартнома сифатида ҳисобга олиши лозим:

- (а) шартномалар ягона тижорий мақсадга эга пакет сифатида келишилган бўлиб, шартномалар биргаликда инobatга олинмаса, тушунарли бўлмаслиги мумкин бўлса;
- (б) бир шартнома бўйича тўланадиган товон суммаси бошқа шартноманинг нарҳига ёки бажарилишига боғлиқ бўлса; ёки
- (в) шартномалар бўйича бериладиган таянч активлардан фойдаланиш ҳуқуқлари (ёки ҳар бир шартнома бўйича бериладиган айрим таянч активлардан фойдаланиш ҳуқуқлари) Б32-бандда тавсифланганидек, ягона ижара компоненти ҳисобланса.

Тан олишдан озод қилиш: паст қийматли таянч актив бўйича ижара (5–8-бандлар)

Б3 Мазкур стандарт Б7-бандда белгиланган ҳолатлардан ташқари, ижарачи томонидан паст қийматли таянч актив бўйича ижарани ҳисобга олинишига нисбатан 6-бандни қўллашга руҳсат беради. Ижарачи таянч актив қийматини, актив ижарага берилган пайтдаги ёшидан катъи назар, янги бўлгандаги қийматига асосланиб баҳолаши лозим.

Б4 Активнинг қиймати пастлиги тўғрисидаги хулоса мутлақ асосда чиқарилади. Паст қийматли активларнинг ижараси, ушбу ижара ижарачи учун муҳим ёки номухимлигидан қатъий назар, 6-банддаги ҳисобга олиш тартибини қаноатлантиради. Бундай баҳолашга ижарачининг ҳажми, характери ёки ҳолатлари таъсир кўрсатмайди. Шунга қўра, муайян таянч активнинг қиймати пастлиги юзасидан ижарачиларнинг хулосалари бир хил бўлиши кутилади.

Б5 Таянч активнинг қиймати фақат қуйидаги ҳолларда паст бўлиши мумкин:

- (а) ижарачи таянч активдан фойдаланишдан алоҳида тарзда ёки ижарачи бемалол фойдаланиши мумкин бўлган бошқа ресурслар билан биргаликда наф олиши мумкин.
- (б) таянч актив бошқа активларга кучли даражада боғлиқ эмас ёки улар билан ўзаро яқин боғланмаган.

Б6 Агар активнинг характери у янги актив бўлганда, одатда, унинг қиймати паст бўлмаслигидан иборат бўлса, таянч актив ижараси паст қийматли актив ижараси сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирмайди. Масалан, автомобиллар ижараси паст қийматли активлар ижараси сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирмайди, чунки янги автомобил қиймати, одатда, паст бўлмайди.

Б7 Ижарачи активни иккиламчи ижарага бераётган бўлса ёки активни иккиламчи ижарага бериш кутилаётган бўлса, бош ижара шартномаси паст қийматли актив ижараси сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирмайди.

- Б8 Планшетлар ва шахсий компьютерлар, кичик офис мебел жиҳозлари ва телефонлар паст қийматли таянч активларга мисол бўла олади.

Ижара тавсифи (9–11-бандлар)

- Б9 Шартнома *фойдаланиш муддати* мобайнида идентификацияланган активдан (Б13–Б20-бандларга қаранг) фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқини бериши ёки бермаслигини баҳолаш учун ташкилот харидорда қуйидаги икки хусусият мавжудлигини баҳолаши лозим:
- (а) идентификацияланган активдан фойдаланишдан амалдаги барча иқтисодий нафларни олиш ҳуқуқи (Б21–Б23-бандларда тавсифланганидек); ва
 - (б) идентификацияланган активдан фойдаланиш усулини белгилаш ҳуқуқи (Б24–Б30-бандларда тавсифланганидек).
- Б10 Харидор шартнома муддатининг фақат бир қисми мобайнида идентификацияланган активдан фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлса, шартнома муддатининг фақат шу қисми мобайнида ижарани назарда тутади.
- Б11 Товарлар ёки хизматларни олиш учун шартнома 11-сон МХХС “*Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар*”даги тавсифга кўра биргаликдаги келишув орқали ёки унинг номидан тузилиши мумкин. Бу ҳолатда биргаликдаги келишув объекти шартнома бўйича харидор ҳисобланади. Шунга кўра, бундай шартномада ижара мавжудлигини баҳолашда, ташкилот биргаликдаги келишув объектида фойдаланиш муддати давомида идентификацияланган активдан фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини баҳолаши лозим.
- Б12 Ташкилот ҳар бир потенциал алоҳида ижара компоненти учун шартномада ижара мавжудлигини баҳолаши лозим. Алоҳида ижара компонентлари бўйича кўрсатмалар берилган Б32-бандга қаранг.

Идентификацияланган актив

- Б13 Актив, одатда, шартномада ошкора тарзда белгилаш орқали идентификацияланади. Лекин актив харидор фойдаланиши учун яширин тарзда белгилаш орқали ҳам идентификацияланиши мумкин.

Алмаштириш бўйича аҳамиятли ҳуқуқлар

- Б14 Ҳатто актив бевосита белгиланган бўлса ҳам, етказиб берувчи фойдаланиш муддати давомида активни алмаштириш бўйича аҳамиятли ҳуқуққа эга бўлса, харидор идентификацияланган активдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Қуйидаги шартларнинг иккиси ҳам мавжуд бўлса, етказиб берувчининг активни алмаштириш бўйича ҳуқуқи аҳамиятли ҳисобланади:
- (а) етказиб берувчи фойдаланиш муддати давомида муқобил активларни алмаштириш бўйича амалий имкониятга эга (масалан, харидор етказиб берувчининг активни алмаштиришига тўсқинлик қила олмайди, етказиб берувчида эса муқобил активлардан эркин фойдаланиш имкони мавжуд ёки улар асосланган давр мобайнида етказиб берувчи томонидан таъминланиши мумкин); ва
 - (б) етказиб берувчи активни алмаштириш бўйича ҳуқуқини реализация қилишдан иқтисодий наф олади (яъни активни алмаштириш билан боғлиқ иқтисодий нафлар активни алмаштириш билан боғлиқ сарфлардан ошиши кутилмоқда).
- Б15 Агар етказиб берувчида фақат муайян санада ёхуд ундан кейин ёки муайян ҳодиса юз берганда ёки ундан кейин активни алмаштириш бўйича ҳуқуқ ёки жавобгарлик мавжуд бўлса, етказиб берувчининг алмаштириш бўйича ҳуқуқи аҳамиятли ҳисобланмайди, чунки етказиб берувчида фойдаланиш муддати давомида муқобил активларни алмаштириш бўйича амалий имконият мавжуд бўлмайди.
- Б16 Етказиб берувчининг алмаштириш бўйича ҳуқуқи аҳамиятлилигини ташкилот томонидан баҳолалиши ижара муносабатлари бошланиш санасидаги далиллар ва ҳолатларга асосланади ва ижара муносабатлари бошланиш санасида юз бериши эҳтимоли катта эмас деб ҳисобланган ҳодисаларни истисно қилиши лозим. Ижара муносабатлари бошланиш санасида юз бериши эҳтимоли катта эмас деб ҳисобланган ва натижада баҳолашдан чиқарилиши лозим бўлган келгуси ҳодисаларга қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) келгуси харидорнинг активдан фойдаланиш учун бозор ставкасидан юқори ҳақ тўлашга розилиги;
 - (б) ижара муносабатлари бошланиш санасида аҳамиятли даражада ривожланмаган янги технологиянинг жорий этилиши;

- (в) харидорнинг активдан фойдаланиш усули ёки активнинг натижалари билан ижара муносабатлари бошланиш санасида эҳтимолий деб ҳисобланган фойдаланиш усули ёки натижалар ўртасидаги аҳамиятли фарқ; ва
- (г) фойдаланиш муддати давомида активнинг бозор нархи билан ижара муносабатлари бошланиш санасида эҳтимолий деб ҳисобланган бозор нархи ўртасидаги аҳамиятли фарқ.
- Б17 Актив харидорнинг ҳудудида ёки қандайдир бошқа жойда жойлашган бўлса, алмаштириш билан боғлиқ сарфлар, одатда, актив етказиб берувчининг ҳудудида жойлашган ҳолда бўлганидан кўпроқ бўлади ва, шунинг учун, уларнинг активни алмаштириш билан боғлиқ нафлардан ошиш эҳтимоли юқори бўлади.
- Б18 Актив функциясини лозим даражада бажармаса ёки модернизация қилинган тақдирда, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш мақсадида етказиб берувчининг активни алмаштириш ҳуқуқи ёки жавобгарлиги харидорда идентификацияланган активдан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлигига тўсқинлик қилмайди.
- Б19 Харидор етказиб берувчида алмаштириш учун аҳамиятли ҳуқуқ мавжудлигини осонлик билан аниқлай олмаса, харидор алмаштириш бўйича ҳуқуқ аҳамиятли эмас деб тахмин қилиши лозим.

Активларнинг қисмлари

- Б20 Активнинг фойдаланиш қисми жисмоний нуктаи назардан фарқли бўлса (масалан, бино қавати), у идентификацияланган актив ҳисобланади. Жисмоний нуктаи назардан фарқли бўлмаган активнинг ишлаб чиқариш ёки бошқа қисми (масалан, оптик толали кабелнинг фойдаланиш қисми) активнинг амалдаги бутун кувватини ифодаламаса ва натижада харидорга активдан фойдаланишдан амалдаги барча иқтисодий нафларни олиш ҳуқуқини бермаса, у идентификацияланган актив ҳисобланмайди.

Фойдаланишдан иқтисодий наф олиш ҳуқуқи

- Б21 Идентификацияланган активдан фойдаланишни назорат қилиш учун харидор фойдаланиш муддати давомида (масалан, бундай муддат давомида активдан мутлақ фойдаланилиши муносабати билан) активдан фойдаланишдан амалдаги барча иқтисодий нафларни олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Харидор активдан фойдаланишдан бевосита ёки активдан фойдаланиш, тутиб туриш ёки иккиламчи ижарага бериш каби билвосита усуллар билан иқтисодий наф олиши мумкин. Активдан фойдаланишдан иқтисодий нафлар унинг асосий маҳсулоти ва қўшимча маҳсулотларни (шу жумладан ушбу объектлардан олинган потенциал пул оқимлари), шунингдек учинчи шахс билан тижорат операцияси натижасида реализация қилиниши мумкин бўлган активдан фойдаланишдан бошқа иқтисодий нафларни ўз ичига олади.
- Б22 Активдан фойдаланишдан амалдаги барча иқтисодий нафларни олиш ҳуқуқини баҳолашда ташкилот харидорнинг активдан фойдаланиш учун муайян ҳажмдаги ҳуқуқи доирасида (Б30-бандга қаранг) активдан фойдаланиш тақозо этган иқтисодий нафларни ҳисобга олиши лозим. Масалан:
- (а) шартнома фойдаланиш муддати давомида транспорт воситасидан фойдаланишни фақат битта муайян ҳудуд билан чекласа, ташкилот қандайдир бошқа жойда эмас, балки мазкур ҳудудда транспорт воситасидан фойдаланишдан иқтисодий нафларни ҳисобга олиши лозим;
- (б) харидор фойдаланиш муддати давомида фақат муайян масофани босиб ўтгунча транспорт воситасидан фойдаланиши мумкинлиги шартномада белгиланган бўлса, ташкилот ружсат берилган масофадан ортиқ бўлмаган тарзда транспорт воситасидан фойдаланишдан иқтисодий нафларни ҳисобга олиши лозим.
- Б23 Агар шартномада харидордан активдан фойдаланишдан олинган пул оқимларининг бир қисмини етказиб берувчига ёки бошқа томонга товон сифатида тўлаши талаб этилган бўлса, товон сифатида тўланадиган бундай пул оқимларини харидор активдан фойдаланишдан оладиган иқтисодий нафларнинг бир қисми деб ҳисоблаш зарур. Масалан, харидор савдо майдонларидан фойдаланиш натижасида бундай фойдаланиш учун товон сифатида етказиб берувчига савдодан фойиз тўлаши лозим бўлса, бундай талаб харидорда савдо майдонларидан фойдаланишдан амалдаги барча иқтисодий нафларни олиш учун ҳуқуқ мавжуд бўлишига тўсқинлик қилмайди. Бундай савдо натижасидаги пул оқимлари харидор савдо майдонларидан фойдаланишдан оладиган, кейинчалик уларнинг бир қисмини бундай майдонлардан фойдаланиш ҳуқуқи учун товон сифатида етказиб берувчига тўлайдиган иқтисодий нафлар деб ҳисобланиши шуни тақозо этади.

Фойдаланиш усулини белгилаш ҳуқуқи

- Б24 Агар қуйидаги шартлардан бири бажарилса, харидор фойдаланиш муддати давомида идентификацияланган активдан фойдаланиш усулини белгилаш ҳуқуқига эга ҳисобланади:
- (а) харидор фойдаланиш муддати давомида активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишини белгилаш ҳуқуқига эга бўлса (Б25–Б30-бандларда тавсифланганидек); ёки
 - (б) активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишни олдиндан белгилаб қўйилган бўлса ва:
 - (i) харидор фойдаланиш муддати давомида активни эксплуатация қилиш (ёки бошқа шахсларнинг активни ўз ихтиёрига кўра эксплуатация қилиш усулини белгилаш) ҳуқуқига эга бўлса, бунда етказиб берувчи эксплуатация қилиш бўйича кўрсатмаларни ўзгартиришга ҳақли бўлмаса; ёхуд
 - (ii) харидор активни (ёки активнинг муайян жиҳатларини) фойдаланиш муддати давомида ундан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишини олдиндан белгилайдиган тарзда лойихалаштирган бўлса.

Активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланилади

- Б25 Харидор шартномада белгиланган ўз фойдаланиш ҳуқуқи доирасида активдан фойдаланиш муддати давомида қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишини ўзгартириши мумкин бўлса, харидор активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишни белгилаш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Бундай баҳолашни амалга оширишда, ташкилот активдан фойдаланиш муддати давомида қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишини ўзгартириш учун энг ўринли деб ҳисобланган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқларини ҳисобга олади. Қарорларни қабул қилиш ҳуқуқлари фойдаланишдан иқтисодий наф олишга таъсир кўрсатса, улар ўринли ҳисобланади. Энг ўринли деб ҳисобланган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқлари активнинг характери ва шартнома шартларига қараб турли шартномалар учун турлича бўлиши мумкин.
- Б26 Харидорнинг белгиланган фойдаланиш ҳуқуқи доирасида активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишини ўзгартириш ҳуқуқини назарда тутадиган ҳолатларга қараб қарорларни қабул қилиш ҳуқуқларига қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) маҳсулотни ишлаб чиқариш турини ўзгартириш ҳуқуқлари (масалан, юк контейнеридан товарларни ташиш учун ёки сақлаш учун фойдаланишга қарор қилиш ёхуд савдо майдонларида реализация қилинадиган маҳсулот ассортименти юзасидан қарор қабул қилиш);
 - (б) маҳсулотни ишлаб чиқариш пайтини ўзгартириш ҳуқуқлари (масалан, дастгоҳ ёки ускунадан фойдаланиш пайти тўғрисида қарор қабул қилиш);
 - (в) маҳсулотни ишлаб чиқариш жойини ўзгартириш ҳуқуқлари (масалан, юк автомобили ёки кема учун тайинланган пункт тўғрисида қарор қабул қилиш ёки ускунадан фойдаланиш жойи тўғрисида қарор қабул қилиш); ва
 - (г) маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисидаги ва бундай маҳсулот миқдори тўғрисидаги қарорни ўзгартириш ҳуқуқлари (масалан, энергия қурилмаси электр энергиясини ишлаб чиқариши тўғрисида ва энергия қурилмаси ишлаб чиқарадиган энергия ҳажми тўғрисида қарор қабул қилиш).
- Б27 Активни эксплуатация қилиш ёки унга техник хизмат кўрсатиш билан чекланган ҳуқуқлар активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишни ўзгартириш ҳуқуқини назарда тутмайдиган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқларига мисол бўлади. Бундай ҳуқуқларга харидор ёки етказиб берувчи эга бўлиши мумкин. Активни эксплуатация қилиш ёки унга техник хизмат кўрсатиш ҳуқуқи каби ҳуқуқлар кўпинча активдан самарали фойдаланиш учун муҳим ҳисобланишига қарамай, улар активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишини белгилаш ҳуқуқлари ҳисобланмайди ва кўпинча активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланилиши бўйича қарорларга боғлиқ бўлади. Лекин, активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланилиши бўйича муҳим қарорлар олдиндан белгиланган бўлса, активни эксплуатация қилиш ҳуқуқлари харидорга активдан фойдаланиш усулини белгилаш ҳуқуқини бериши мумкин (Б24(б)(i)-бандга қаранг).

Фойдаланиш муддати давомида ва унга қадар қабул қилинадиган қарорлар

- Б28 Активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланилиши бўйича муҳим қарорлар бир нечта усулда олдиндан белгиланиши мумкин. Масалан, муҳим қарорлар активнинг тузилмаси ёки шартномада назарда тутилган активдан фойдаланиш учун чекловлар билан олдиндан белгиланиши мумкин.
- Б29 Харидорда активдан фойдаланиш усулини белгилаш ҳуқуқи мавжудлигини баҳолашда ташкилот фақат фойдаланиш муддати давомида активдан фойдаланиш усули бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини ҳисобга олиши лозим, бундан Б24(б)(ii)-бандда тавсифланганидек, харидор активни (ёки активнинг муайян жиҳатларини) лойиҳалаштирган ҳоллар мустасно. Оқибатда, Б24(б)(ii)-банд шартлари бажарилиши ҳолларидан ташқари, ташкилот фойдаланиш муддатига қадар олдиндан белгиланган қарорларни ҳисобга олмаслиги лозим. Масалан, харидор фақат фойдаланиш муддати бошлангунга қадар активдан фойдаланишдан натижани белгилашга ҳақли бўлса, харидор бундай активдан фойдаланиш усулини белгилаш ҳуқуқига эга бўлмайди. Активдан фойдаланиш бўйича бошқа қарорларни қабул қилиш ҳуқуқларисиз фойдаланиш муддати бошлангунга қадар фойдаланишдан натижани шартномада белгилаш имконияти харидорга у товарлар ёки хизматларни харид қилгандаги каби ҳуқуқларни беради.

Манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари

- Б30 Шартнома етказиб берувчининг мазкур актив ёки бошқа активлар билан боғлиқ манфаатларини ҳимоя қилишга, унинг ходимларини ҳимоя қилишга ёки етказиб берувчининг қонунлар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этишини таъминлашга қаратилган шартларни ўз ичига олиши мумкин. Қуйида манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқларига мисоллар келтирилган. Масалан, шартнома (i) активдан фойдаланишнинг максимал ҳажмини кўрсатиши ёхуд харидорнинг активдан фойдаланиш жойи ёки пайтини чеклаши, (ii) харидордан муайян эксплуатация қилиш амалиётини қўллашни талаб этиши ёхуд (iii) активдан фойдаланиш бўйича ўзгаришлар тўғрисида етказиб берувчини хабардор қилишни харидордан талаб қилиши мумкин. Манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари, одатда, харидорнинг фойдаланиш ҳуқуқи ҳажмини белгилайди, лекин алоҳида тарзда харидорда активдан фойдаланиш усулини белгилаш ҳуқуқи мавжуд бўлишига тўсқинлик қилмайди.
- Б31 Қуйида тақдим этилган схема шартнома умумий ҳолда ёки унинг алоҳида компонентлари ижара шартномаси ҳисобланиш ёки ҳисобланмаслигини баҳолашда ташкилотларга ёрдам бериши мумкин.

Шартнома компонентларини ажратиш (12–17-бандлар)

- Б32 Куйидаги шартларнинг ҳар иккиси бажарилганда таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқи ижаранинг алоҳида компоненти ҳисобланади:
- (а) ижарачи таянч активдан фойдаланишдан алоҳида тарзда ёки ижарачи бемалол фойдаланиши мумкин бўлган бошқа ресурслар билан биргаликда наф олиши мумкин. Бемалол фойдаланиш мумкин бўлган ресурслар - бу алоҳида сотиладиган ёки ижарага бериладиган (ижарага берувчи ёки етказиб берувчи томонидан) ёки ижарачи аллақачон ташкилотдан олган (ижарага берувчидан ёки бошқа операциялар ёки ҳодисалар натижасида) товарлар ёки хизматлардир; ва
 - (б) таянч актив бошқа активларга кучли даражада боғлиқ эмас ёки улар билан ўзаро яқин боғланмаган. Масалан, ижарачи шартномадаги таянч активни бошқа таянч активлардан фойдаланиш ҳуқуқларига аҳамиятли таъсир кўрсатмай, ижарага олмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги далили таянч актив бундай бошқа таянч активларга кучли даражада тобе ёки улар билан ўзаро боғланмаганлигидан далолат бериши мумкин.
- Б33 Шартнома фаолият учун ижарачи тўлайдиган суммани ва ижарачига товар ёки хизмат ўтказилмаслигини назарда тутадиган сарфларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, ижарага берувчи товар ёки хизмат ўтказилмаслигини назарда тутадиган маъмурий вазифалар учун ҳақни ёки ижара муносабати билан боғлиқ бошқа сарфларни умумий тўланадиган суммага киритиши мумкин. Бундай тўланадиган суммалар шартноманинг алоҳида компоненти мавжуд бўлишини тақозо этмайди, лекин шартноманинг алоҳида идентификацияланган компонентларига кирадиган умумий товоннинг бир қисми ҳисобланади.

Ижара муддати (18–21-бандлар)

- Б34 Ижара муддатини баҳолаш ва муддатидан аввал тугатилиши лозим бўлмаган ижара даврининг давомийлигини аниқлашда ташкилот шартнома тавсифини қўллаши ва шартнома ҳуқуқий ҳимояланган даврни белгилаши лозим. Ижарачида ҳам, ижарага берувчида ҳам кичик жаримадан ортиқ бўлмаган тўловни тўлаб, бошқа томоннинг руҳсатсиз ижарани бекор қилиш ҳуқуқи бўлса, ижара ортиқ ҳуқуқий ҳимояланмаган ҳисобланади.
- Б35 Агар ижарани тугатиш бўйича ҳуқуқ фақат ижарачида бўлса, бундай ҳуқуқ ташкилот ижара муддатини белгилашда ҳисобга оладиган, ижарачида мавжуд бўлган ижарани тугатиш опционни ҳисобланади. Агар ижарани тугатиш бўйича ҳуқуқ фақат ижарага берувчида мавжуд бўлса, муддатидан аввал тугатилиши лозим бўлмаган ижара даври ижарани тугатиш опционни билан камраб олинадиган даврни ўз ичига олади.
- Б36 Ижара муддати ижара бошланиш санасида бошланади ва ижарага берувчи ижарачига берадиган ижара ҳақисиз даврларни ўз ичига олади.
- Б37 Ижара бошланиш санасида ташкилот ижарачи ижарани узайтириш учун ёки таянч активнинг сотиб олиш опционини амалга ошириши ёки ижарани тугатиш опционини амалга оширмаслиги борасида асосланган ишонч мавжудлигини баҳолайди. Ташкилот ижарачида опционни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик учун иқтисодий омил мавжудлигини тақозо этадиган барча ўринли далиллар ва ҳолатларни, шу жумладан ижара бошланган санадан опцион амалга оширилган санагача далиллар ва ҳолатлардаги ҳар қандай кутилаётган ўзгаришларни ҳисобга олади. Ҳисобга олиниши зарур бўлган омилларга мисоллар бошқалар қатори қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (а) бозор ставкалари билан солиштирилганда қўшимча даврлар учун шартномада назарда тутилган шартлар, масалан:
 - (i) ҳар қандай қўшимча даврдаги ижара учун тўловлар суммаси;
 - (ii) ижара учун ўзгарувчан тўловлар ёки бошқа шартли тўловлар, масалан, тугатиш учун жарималар ёки тугатиш қиймати кафолатлари суммаси; ва
 - (iii) бошланғич қўшимча даврлардан кейин бажарилиши мумкин бўлган опционлар шартлари (масалан, узайтириш даври сўнгида айна пайтда бозор ставкаларидан паст бўлган ставкада бажарилиши мумкин бўлган сотиб олиш опционни);
 - (б) шартноманинг амал қилиш муддати давомида амалга оширилган (амалга оширилиши кутилаётган) ижарадаги мулкнинг аҳамиятли даражада такомиллаштирилиши, у, кутилаётганидек, ижарани узайтириш ёки тугатиш ёхуд таянч активнинг сотиб олиш

- опционини амалга ошириш мумкин бўлганда, ижарачи учун аҳамиятли иқтисодий наф келтиради;
- (в) ижарани тугатиш билан боғлиқ сарфлар, масалан, музокаралар учун сарфлар, бошқа ҳудудга кўчириш учун сарфлар, ижарачининг эҳтиёжларига мос келадиган бошқа таянч активнинг идентификацияси муносабати билан сарфлар, янги активнинг ижарачи фаолиятига интеграциялаш муносабати билан сарфлар ёки шунга ўхшаш сарфлар, шу жумладан таянч активни шартномада назарда тутилган ҳолатга ёки шартномада назарда тутилган жойга қайтариш билан боғлиқ сарфлар;
- (в) ижарачининг фаолияти учун бундай таянч активнинг аҳамияти, масалан, таянч актив ихтисослаштирилган актив ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги, таянч актив жойлашган жойни ва мос келадиган муқобил вариантлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда; ва
- (г) опционнинг амалга оширилиши муносабати билан шартлилик (яъни опцион битта ёки бир нечта шартларга риоя этилгандагина амалга оширилиши мумкин бўлганда) ва бундай шартлар мавжуд бўлиши эҳтимоли.
- Б38 Ижарани узайтириш ёки тугатиш опционни опцион амалга оширилиши ёки оширилмаслигидан қатъий назар, деярли бир хил бўлган минимал ёки қатъий белгиланган пулли даромадни ижарага берувчига қафолатлайдиган бир ёки бир нечта бошқа шартнома шартлари (масалан, тугатиш қиймати қафолати) билан бирлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ва Б42-банддаги моҳиятан қатъий белгиланган тўловлар юзасидан кўрсатмага қарамай, ташкилот ижарачи ижарани узайтириш опционини амалга ошириши ёки ижарани тугатиш опционини амалга оширмаслиги борасида асосланган ишонч мавжудлигидан келиб чиқиши лозим.
- Б39 Муддатидан аввал бекор қилиниши лозим бўлмаган ижара даври қанча кам бўлса, ижарачи ижарани узайтириш опционини амалга ошириши ёки ижарани тугатиш опционини амалга оширмаслиги эҳтимоли шунча юқори бўлади. Чунки ўрнини босувчи активни олиш билан боғлиқ сарфлар муддатидан аввал бекор қилиниши лозим бўлмаган давр камайган тақдирда мутаносиб равишда олиши эҳтимоли мавжуд.
- Б40 Ижарачининг одатда муайян турдаги активлардан (ижарага берилган ёки ўз эгаллигида бўлган) фойдаланган давр бўйича олдинги тажрибаси, шунингдек бунга асос бўлган иқтисодий сабаблари ижарачи опционни амалга ошириши ёки амалга оширмаслиги борасида асосланган ишонч мавжудлигини баҳолаш учун фойдали маълумот бериши мумкин. Масалан, ижарачи одатда муайян давр мобайнида муайян турдаги активлардан фойдаланган бўлса ёхуд ижарачи муайян турдаги таянч активларнинг ижара шартномалари бўйича опционларни тез-тез амалга ошириш амалиётини қўлласа, ижарачи бундай активларнинг ижара шартномалари бўйича опцион амалга оширилишига асосланган ишонч мавжудлигини баҳолашда бундай олдинги тажриба учун иқтисодий сабабларни ҳисобга олиши лозим.
- Б41 20-бандда белгиланганидек, ижара бошланиш санасидан кейин ижарачи аҳамиятли ҳодиса юз берганда ёхуд ижарачининг назорати остидаги ва ижара муддатини белгилашда илгари ҳисобга олинмаган опционни амалга ошириш борасида ёхуд ижара муддатини белгилашда илгари ҳисобга олинган опционни амалга оширмаслик борасида ижарачида асосланган ишонч мавжудлигига таъсир кўрсатадиган ҳолатлар аҳамиятли даражада ўзгарганда ижара муддатини қайта баҳолаши лозим. Аҳамиятли ҳодисалар ёки ҳолатларнинг ўзгаришига қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) ижара бошланиш санасида назарда тутилмаган ижарадаги мулкнинг аҳамиятли даражада такомиллаштирилиши, у, қутилаётганидек, ижарани узайтириш ёки тугатиш ёхуд таянч активни сотиб олиш опционини амалга ошириш мумкин бўлганда, ижарачи учун аҳамиятли иқтисодий наф келтиради;
- (б) ижара бошланган санада назарда тутилмаган таянч активнинг аҳамиятли даражада модификация қилиниши ёки мослаштирилиши;
- (в) илгари белгиланган ижара муддати тугаганидан кейинги даврдаги таянч активнинг иккиламчи ижараси бошланган сана; ва
- (г) ижарачининг опцион амалга оширилишига ёки амалга оширилмаслигига бевосита боғлиқ бўлган бизнес қарори (масалан, тўлдирувчи актив ижарасини узайтириш, муқобил активни чиқариб юбориш ёки фойдаланиш ҳуқуқидаги актив қўлланган бизнес бирликни чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор).

Моҳиятан қатъий белгиланган ижара тўловлари (27(а), 36(в) ва 70(а)-бандлар)

- Б42 Ижара тўловлари ҳар қандай моҳиятан қатъий белгиланган ижара тўловларини ўз ичига олади. Моҳиятан қатъий белгиланган ижара тўловлари – ўз шаклига кўра ўзгарувчанликни назарда тутиши мумкин бўлган, лекин моҳиятан рад этиб бўлмас тўловлардир. Масалан, қуйидаги ҳолларда моҳиятан қатъий белгиланган ижара тўловлари мавжуд бўлади:
- (а) тўловлар ўзгарувчан ижара тўловлари сифатида белгиланади, лекин бунда асл ўзгарувчанлик бундай тўловларга хос бўлмайди. Бундай тўловлар реал иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган ўзгарувчан шартларни ўз ичига олади. Бундай турдаги тўловларга қуйидагилар мисол бўлади:
 - (i) агар актив ижара шартномасининг амал қилиш муддати давомида ёки юз бермаслиги асл эҳтимоли мавжуд бўлмаган ҳодиса юз берганда эксплуатация қилиниши мумкинлиги исботланса, амалга оширилиши лозим бўлган тўловлар; ёки
 - (ii) дастлаб ўзгарувчан ижара тўловлари сифатида белгиланган, таянч активдан фойдаланишга боғланган, лекин улар учун ўзгарувчанлик ижара бошланган санадан кейин муайян пайтда баргараф этиладиган тўловлар, бунинг натижасида тўловлар қолган ижара муддати давомида қатъий белгиланган тўловларга айланади. Бундай тўловлар ўзгарувчанлик баргараф этилганда моҳиятан қатъий белгиланган тўловларга айланади.
 - (б) ижарачи амалга ошириши мумкин бўлган тўловларнинг бир нечта гуруҳи мавжудлиги, бунда бундай тўловлар гуруҳининг фақат биттаси ҳақиқий бўлиши. Бу ҳолда ташкилот ҳақиқий тўловлар гуруҳини ижара тўловлари деб ҳисоблаши лозим;
 - (в) ижарачи амалга ошириши мумкин бўлган бир нечта ҳақиқий тўловлар гуруҳи мавжудлиги, лекин у бундай тўловлар гуруҳидан камид биттасини амалга ошириши лозимлиги. Бу ҳолда ташкилот энг кам суммагача (дисконтланган асосда) жамланган тўловлар гуруҳини ижара тўловлари деб ҳисоблаши лозим.

Ижара бошланиш санасига қадар ижарачининг таянч активда иштирок этиши

Ижарачининг таянч актив қурилиши ёки лойиҳалаштирилиши билан боғлиқ сарфлари

- Б43 Ташкилот ижарачи таянч активдан фойдаланиши учун тайёр бўлгунга қадар ижара бўйича музокаралар олиб бориши мумкин. Айрим ижара шартномалари бўйича ижарачи фойдаланиши учун таянч активни қуриш ёки такроран лойиҳалаштириш талаб этилиши мумкин. Шартнома шартларига кўра активнинг қурилиши ёки лойиҳалаштирилиши муносабати билан ижарачидан тўловлар талаб этилиши мумкин.
- Б44 Ижарачи таянч актив қурилиши ёки лойиҳалаштирилиши муносабати билан сарфларни амалга оширса, ижарачи бундай сарфларни қўллаш мумкин бўлган бошқа стандартларга мувофиқ, масалан, 16-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим. Таянч актив қурилиши ёки лойиҳалаштирилиши муносабати билан амалга оширилган сарфлар ижарачи таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқи учун амалга оширадиган тўловларни ўз ичига олмайди. Таянч активдан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўловлар – бундай тўловлар муддатидан қатъий назар ижара учун тўловлар ҳисобланади.

Таянч активга нисбатан мулк ҳуқуқи

- Б45 Ижарачи таянч активга нисбатан мулк ҳуқуқини ижарага берувчига ўтказилгунга қадар ва актив ижарачига ижарага берилгунга қадар олиши мумкин. Мулк ҳуқуқининг олинишининг ўзи операцияни ҳисобга олиш тартибини белгиламайди.
- Б46 Ижарачи таянч актив ижарага берувчига берилгунга қадар бундай активни назорат қилса (ёки назоратни олса), операция 98–103-бандларни қўллаган ҳолда ҳисобга олинадиган қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операцияси ҳисобланади.
- Б47 Лекин таянч актив ижарага берувчига берилгунга қадар ижарачи актив устидан назоратни олмаса, операция қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операцияси деб ҳисобланмайди. Масалан, ишлаб чиқарувчи, ижарага берувчи ва ижарачи ишлаб чиқарувчидан активни харид қилиши бўйича

операцияни ўз навбатида ижарачига ижарага берилиши бўйича келишиб олган тақдирда бундай вазият юзага келиши мумкин. Ижарачи таянч активга нисбатан мулк ҳуқуқини бундай ҳуқуқ ижарага берувчига берилгунига қадар олиши мумкин. Бу ҳолда ижарачи таянч активга бўлган мулк ҳуқуқини олса, лекин актив ижарага берувчига берилгунига қадар унга нисбатан назоратни олмаса, операция қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операцияси сифатида эмас, балки ижара сифатида ҳисобга олинади.

Ижарачи томонидан маълумотларнинг ёритиб берилиши (59-банд)

- Б48 51-банддаги маълумотларни ёритиб беришдан мақсадга эришиш учун ижара фаолияти тўғрисида қўшимча маълумот тақдим этиш заруратини аниқлашда ижарачи қуйидагиларни ҳисобга олиши лозим:
- (a) молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун маълумотнинг ўринлилиги. Агар 59-бандда кўрсатилган қўшимча маълумотлар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ўринли бўлиши кутилаётган бўлса, ижарачи ушбу маълумотларни тақдим этиши лозим. Бундай маълумот ушбу фойдаланувчиларга қуйидагиларни тушунишда ёрдам берса, ушбу контекстда ўринли бўлиши мумкин:
 - (i) ижара билан назарда тутилдиган хатти-ҳаракатлар эркинлиги. Ижара хатти-ҳаракатлар эркинлигини назарда тутиши мумкин, масалан, ижарачи тугатиш опционларини амалга ошириш ёки қулай шартга эга ижарани узайтириш орқали рискка мойиллигини камайтириши мумкин;
 - (ii) ижара орқали қўйилдиган чекловлар. Ижара, масалан, ижарачи муайян молиявий коэффициентларни сақлаш тўғрисидаги талаб орқали чекловларни қўйиши мумкин;
 - (iii) акс эттирилаётган маълумотнинг асосий ўзгарувчиларга нисбатан таъсирчанлиги. Акс эттирилаётган маълумот, масалан, келгуси ижара тўловларига нисбатан таъсирчан бўлиши мумкин;
 - (iv) ижарадан келиб чиқадиган бошқа рискларга мойиллик;
 - (v) соҳа амалиётидан четга чиқиш. Бундай четга чиқиш, масалан, ижарачининг ижара шартномалари портфелига таъсир кўрсатувчи ғайриоддий ёки уникал ижара шартларини ўз ичига олиши мумкин;
 - (b) бундай маълумот асосий молиявий ҳисоботда тақдим этилган ё изоҳларда ёритиб берилган маълумотдан қанчалик аён бўлиши. Ижарачи молиявий ҳисоботда тақдим этилган маълумотни такроран қайд этиши талаб этилмайди.
- Б49 Ўзгарувчан ижара тўловлари билан боғлиқ бўлган, ҳолатларга қараб 51-банддаги маълумотларни ёритиб бериш мақсадига эришиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қўшимча маълумот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга, масалан, қуйидагиларни баҳолашда ёрдам берадиган маълумотни ўз ичига олиши мумкин:
- (a) ижарачининг ўзгарувчан ижара тўловларидан фойдаланиши ва бундай тўловларнинг устунлиги сабаблари;
 - (b) қатъий белгиланган тўловлар билан солиштириганда ўзгарувчан ижара тўловларининг нисбий миқдори;
 - (v) ўзгарувчан ижара тўловлари боғлиқ бўлган асосий ўзгарувчилар, шунингдек бундай асосий ўзгарувчиларнинг ўзгаришига жавобан кутилаётган тўловларнинг ўзгаришлари; ва
 - (г) ўзгарувчан ижара тўловларининг бошқа операция ва молиявий оқибатлари.
- Б50 Ижара муддатини узайтириш опционлари ёки тугатиш опционлари билан боғлиқ бўлган, ҳолатларга қараб 51-банддаги маълумотни ёритиб бериш мақсадига эришиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қўшимча маълумот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга, масалан, қуйидагиларни баҳолашда ёрдам берадиган маълумотни ўз ичига олиши мумкин:
- (a) ижарачининг муддатни узайтириш опционларидан ёки тугатиш опционларидан фойдаланиши сабаблари ва бундай опционларнинг устунлиги сабаблари;
 - (b) ижара тўловлари билан солиштириганда *мажбурий бўлмаган ижара тўловларининг* нисбий миқдори;

- (в) ижара бўйича мажбуриятлар баҳосига киритилмаган опционлар амалга оширилишининг устунлиги; ва
- (г) бундай опционларнинг бошқа операцион ва молиявий оқибатлари.
- Б51 Тугатиш қиймати кафолатлари билан боғлиқ бўлган, ҳолатларга қараб 51-банддаги маълумотни ёритиб бериш мақсадига эришиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қўшимча маълумот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга, масалан, қуйидагиларни баҳолашда ёрдам берадиган маълумотни ўз ичига олиши мумкин:
- (а) ижарачининг тугатиш қиймати кафолатларини тақдим этиш сабаблари ва бундай кафолатларнинг устунлиги;
- (б) ижарачи мойил бўлган тугатиш қиймати ўзгариши рискига мойиллик даражаси;
- (в) бундай кафолатлар тақдим этилаётган таянч активларнинг характери; ва
- (г) бундай кафолатларнинг бошқа операцион ва молиявий оқибатлари.
- Б52 Қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операциялари билан боғлиқ бўлган, ҳолатларга қараб 51-банддаги маълумотни ёритиб бериш мақсадига эришиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қўшимча маълумот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга, масалан, қуйидагиларни баҳолашда ёрдам берадиган маълумотни ўз ичига олиши мумкин:
- (а) ижарачининг қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операцияларини амалга ошириши ва бундай операцияларнинг устунлиги сабаблари;
- (б) айрим қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операцияларининг асосий шартлари;
- (в) ижара бўйича мажбуриятлар баҳосига киритилмаган тўловлар; ва
- (г) ҳисобот даврида қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операцияларининг пул оқимларига таъсири.

Ижарага берувчининг ижарани таснифлаши (61–66-бандлар)

- Б53 Мазкур стандарт бўйича ижарага берувчилар учун ижара таснифи ижара шартномаси таянч активга эгалик қилиш билан боғлиқ рисклар ва нафларни ўтказиш даражасига асосланади. Рисклар бекор туриб қолишлар ёки технологик жиҳатдан эскириш муносабати билан зарарлар юзага келиши ёки иктисодий шартлар ўзгариши муносабати билан даромад ўзгариши эҳтимолини ўз ичига олади. Нафлар таянч активдан иктисодий фойдаланиш муддати давомида операциялардан фойда ва қиймат ошишидан ёки тугатиш қиймати реализация қилинишидан даромадлар кутиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.
- Б54 Ижара шартномаси ижара муносабатлари бошланган сана билан ижара бошланиш санаси ўртасидаги даврда юз берадиган ўзгаришларни (масалан, ижарага берувчи учун таянч актив қийматининг ўзгариши ёки ижарани молиялаштириш учун ижарачининг сарфлари ўзгариши) ҳисобга олган ҳолда ижара тўловларига тузатиш киритилишини назарда тутувчи шартларни ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда ижарани таснифлаш мақсадида бундай ўзгаришлар оқибатлари ижара муносабатлари бошланган санада юзага келган деб ҳисобланади.
- Б55 Ижара ижарадаги актив элементлари сифатида ер ва биноларни ўз ичига олса, ижарага берувчи ҳар бир элемент таснифини 62–66 ва Б53–Б54-бандларга мувофиқ молиявий ёки оператив ижара сифатида белгилаши лозим. Ер ижара элементи молиявий ёки оператив ижара объекти ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини белгилашда ер одатда чекланмаган иктисодий хизмат муддатига эга бўлишини ҳисобга олиш муҳим.
- Б56 Агар ер ва бинолар ижарасини таснифлаш ва ҳисобда акс эттириш мақсадлари учун зарур бўлса, ижарага берувчи минимал ижара тўловларини (шу жумладан ҳар қандай бир марталик аванс тўловларини) ер ва бинолар ўртасида ижара муносабатлари бошланган санада ер ва бинолар ижара элементларида тузилган ижарага оид ҳуқуқларнинг ҳаққоний қийматига мутаносиб равишда тақсимлаши лозим. Агар бутун ижара шартномаси оператив ижара сифатида таснифланишига сабаб бўладиган ҳар иккала элемент оператив ижарани ифодалаётгани аён бўлиши ҳолати мавжуд бўлмаса, ижара тўловларини ушбу иккита элемент ўртасида ишончли тарзда тақсимлашнинг имкони бўлмаганда, бутун ижара шартномаси молиявий ижара сифатида таснифланади.
- Б57 Ер ижара элементи учун сумма ижара шартномаси учун муҳим бўлмаган ер ва бинолар ижарасига нисбатан ижарага берувчи ижарани таснифлаш мақсадида ер ва биноларни битта объект сифатида қараши ҳамда 62–66 ва Б53–Б54-бандларга мувофиқ молиявий ижара сифатида ёки оператив ижара сифатида таснифлаши мумкин. Бу ҳолда ижарага берувчи биноларнинг иктисодий хизмат муддатини бутун таянч активнинг иктисодий хизмат муддати сифатида инобатга олиши лозим.

Иккиламчи ижара таснифи

- Б58 Иккиламчи ижарани таснифлашда оралиқ ижарага берувчи иккиламчи ижарани қуйидаги тарзда молиявий ижара сифатида ёки оператив ижара сифатида таснифлаши лозим:
- (а) бош ижара шартномаси ташкилот ижарачи бўлиб 6-бандни қўллаган ҳолда ҳисобга олган қисқа муддатли ижара ҳисобланса, иккиламчи ижарани оператив ижара сифатида таснифлаш лозим;
 - (б) акс ҳолда, иккиламчи ижарани таянч актив (масалан, ижара предмети бўлган асосий воситалар объекти) асосида эмас, балки бош ижара шартномаси тақозо этган фойдаланиш ҳуқуқидаги актив асосида таснифлаш лозим.

В Илова Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

Мазкур илова МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб, МҲХСнинг бошқа қисмлари каби тенг кучлидир.

Кучга кириш санаси

- B1** Мазкур Стандарт ташкилотлар томонидан 2019 йил 1 январдан ёки ундан кейинги йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Мазкур стандартни дастлабки қўллаш санасида ёки ундан олдин 15-сон МҲХС “*Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича тушум*”ни қўллайдиган ташкилотлар учун олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур стандартни олдинроқ санадан бошлаб қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- B1A** 2020 йил май ойида эълон қилинган “*Covid-19 пандемияси билан боғлиқ ижара топшириқлари*” бўйича 46А, 46Б, 60А, В20А ва В20Б бандлар киритилган. Ижарачи ушбу ўзгартиришни 2020 йил 1 июн ёки ундан кейин бошланадиган йиллик ҳисобот даврлари учун қўллаши лозим. 2020 йил 28 майда эълон қилиш учун маъқулланмаган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳолда олдинроқ санадан қўллашга рухсат этилади.
- B1Б** 9-сон МҲХС, 39-сон БҲХС, 7-сон МҲХС, 4-сон МҲХС ва 16-сон МҲХСларга ўзгартириш сифатида киритилган 2020 йил август ойида эълон қилинган “*Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш - 2-фаза*” бўйича 104-106 ва В20В-В20Г бандлар киритилган. Ташкилотлар мазкур ўзгартиришларни 2021 йил 1 январдан ёки ундан кейинги даврларга нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- B1В** 2021 йил март ойида эълон қилинган “*2021 йил 30 июндан кейинги Covid-19 пандемияси билан боғлиқ ижара топшириқлари*” бўйича 46Б ва В20БА–В20БВ бандлар киритилган. Ижарачи ушбу ўзгартиришни 2021 йил 1 апрелдан ёки ундан кейинги даврларга нисбатан қўллаши лозим. 2021 йил 31 мартда эълон қилиш учун маъқулланмаган молиявий ҳисоботни ўз ичига олган ҳолда олдинроқ санадан қўллашга рухсат этилади.

Ўтиш қоидалари

- B2** В1–В19-бандларидаги талаблар мақсадларида, ташкилот мазкур стандартни дастлаб қўллайдиган йиллик ҳисобот даврининг бошланиши дастлабки қўллаш санаси ҳисобланади.

Ижара таърифи

- B3** Амалий жиҳатдан соддалаштириш мақсадида ташкилот дастлабки қўллаш санасида шартнома умумий ҳолда ёки унинг алоҳида компонентлари ижара шартномаси ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини қайта баҳолаши талаб этилмайди. Бунинг ўрнига, ташкилотнинг қуйидагиларни амалга оширишига рухсат этилади:
- (а) олдин 17-сон БҲХС “*Ижара*” ва 4-сон МҲХСШҚ “*Шартномада ижара мавжудлигини аниқлаш*”ни қўллаган ҳолда ижара шартномалари сифатида идентификацияланган шартномаларга нисбатан мазкур стандартни қўллаш. Ташкилот бундай ижара шартномаларига нисбатан В5–В18-бандларнинг ўтиш талабларини қўллаши лозим.
- (б) олдин 17-сон БҲХС ва 4-сон МҲХСШҚни қўллаган ҳолда ижара шартномалари сифатида идентификацияланмаган шартномаларга нисбатан мазкур стандартни қўлламаслиги.
- B4** Ташкилот В3-банддаги амалий жиҳатдан соддалаштиришни танласа, ушбу далилни ёритиб бериши ва барча шартномаларга нисбатан ушбу амалий жиҳатдан соддалаштиришни қўллаши лозим. Нагижада ташкилот 9–11-бандларнинг талабларини фақат дастлабки қўллаш санасида ёки ундан кейин тузилган (ёки ўзгартирилган) шартномаларга нисбатан қўллаши лозим.

Ижарачилар

- B5** Ижарачи мазкур стандартни ўз ижара шартномаларига нисбатан қуйидагича қўллаши лозим:

- (а) 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар*”ни қўллаган ҳолда тақдим этилган ҳар бир аввалги ҳисобот даврига нисбатан ретроспектив тарзда; ёки
 - (в) В7–В13-бандларга мувофиқ дастлабки қўллаш санасида тан олинган стандартни дастлабки қўллашнинг кумулятив таъсири билан ретроспектив тарзда.
- В6 Ижарачи В5-бандда тавсифланган усулни улар бўйича ўзи ижарачи бўлган барча ижара шартномаларига нисбатан изчил қўллаши лозим.
- В7 Ижарачи В5(б)-бандга мувофиқ мазкур стандартни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилса, ижарачи солиштирма маълумотни қайта ҳисоблаши талаб этилмайди. Бунинг ўрнига, ижарачи мазкур стандартни дастлабки қўллашнинг кумулятив таъсирини дастлабки қўллаш санасида кирувчи тақсимланмаган фойдага (ёки хусусий капиталнинг бошқа компонентига) киритилган тузатиш сифатида тан олиши лозим.

Олдин оператив ижара сифатида таснифланган ижара

- В8 Ижарачи В5(б)-бандга мувофиқ мазкур стандартни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилса, ижарачи қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
- (а) олдин 17-сон БҲХСни қўллаган ҳолда оператив ижара сифатида таснифланган ижара учун дастлабки қўллаш санасида ижара бўйича мажбуриятни тан олиши лозим. Ижарачи бундай ижара бўйича мажбуриятни дастлабки қўллаш санасида ижарачи қўшимча қарз маблағларини жалб этиш ставкасидан фойдаланган ҳолда қолган ижара тўловларининг дисконтлаган қиймати бўйича баҳолаши лозим;
 - (б) олдин 17-сон БҲХСни қўллаган ҳолда оператив ижара сифатида таснифланган ижара учун дастлабки қўллаш санасида фойдаланиш ҳуқуқидаги активни тан олиши. Ҳар бир ижара шартномаси учун ижарачи фойдаланиш ҳуқуқидаги активни қуйидаги тартибда баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим:
 - (i) унинг баланс қиймати бўйича, стандарт ижара бошланган санадан бошлаб қўллангандек, лекин дастлабки қўллаш санасида ижарачи қўшимча қарз маблағларини жалб этиш ставкасидан фойдаланган ҳолда дисконтлаган тарзда;
 - (ii) ижара бўйича мажбуриятга тенг бўлган сумма бўйича, бевосита дастлабки қўллаш санасигача молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган бундай ижара муносабати билан олдиндан амалга оширилган ёки ҳисобланган ижара тўловлари суммасига тузатиш киритган ҳолда;
 - (в) дастлабки қўллаш санасида фойдаланиш ҳуқуқидаги активга нисбатан 36-сон БҲХС “*Активларнинг қадрсизланиши*”ни қўллаши, бундан ижарачи В10(б)-банддаги амалий жиҳатдан соддалаштиришни қўллайдиган ҳоллар мустасно.
- В9 В8-банднинг талабларига қарамай, олдин 17-сон БҲХСни қўллаган ҳолда оператив ижара сифатида таснифланган ижара учун ижарачи:
- (а) ўтиш пайтида таянч активларнинг паст қийматли бўлган (В3–В8-бандларда тавсифланганидек) ва 6-бандни қўллаган ҳолда ҳисобга олинадиган ижарага нисбатан бирорта тузатишлар киритиш талаб этилмайди. Ижарачи бундай ижарани дастлабки қўллаш санасидан бошлаб мазкур стандартни қўллаган ҳолда ҳисобга олиши лозим.
 - (б) ўтиш пайтида илгари 40-сон БҲХС “*Инвестиция кўчмас мулки*”даги ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаш моделидан фойдаланиб инвестиция кўчмас мулки сифатида ҳисобга олинган ижарага нисбатан бирор тузатишлар киритиш талаб этилмайди. Ижарачи дастлабки қўллаш санасидан бошлаб 40-сон БҲХС ва мазкур стандартни қўллаган ҳолда бундай ижарадан келиб чиқадиган фойдаланиш ҳуқуқидаги активни ва ижара бўйича мажбуриятни ҳисобга олиши лозим.
 - (в) олдин 17-сон БҲХСни қўллаган ҳолда оператив ижара сифатида ҳисобга олинган ва дастлабки қўллаш санасидан бошлаб 40-сон БҲХСдаги ҳаққоний қиймат моделидан фойдаланган ҳолда инвестиция кўчмас мулк сифатида ҳисобга олинадиган ижара учун дастлабки қўллаш санасида фойдаланиш ҳуқуқидаги активни ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаши лозим. Ижарачи дастлабки қўллаш санасидан бошлаб 40-сон БҲХС ва мазкур стандартни қўллаган ҳолда бундай ижарадан келиб чиқадиган фойдаланиш ҳуқуқидаги активни ва ижара бўйича мажбуриятни ҳисобга олиши лозим.
- В10 Ижарачи олдин 17-сон БҲХС (IAS)ни қўллаган ҳолда оператив ижара сифатида таснифланган ижарага нисбатан В5(б)-бандга мувофиқ мазкур стандарт ретроспектив тарзда қўлланганда қуйидаги

бир ёки бир нечта амалий жиҳатдан соддалаштиришдан фойдаланиши мумкин. Ижарачи ҳар бир ижара шартномасига бундай амалий жиҳатдан соддалаштиришни қўллашига рухсат этилади:

- (a) ижарачи асосланган тарзда ўхшаш хусусиятларга эга бўлган ижара шартномалари портфелига нисбатан ягона дисконтлаш ставкасини қўллаши мумкин (масалан, ўхшаш иқтисодий шароитларда таянч активларнинг ўхшаш тури учун қолган ижара муддати ўхшаш бўлган ижара шартномалари);
- (б) ижарачи қадрсизланиш юзасидан текширув ўтказиш муқобили сифатида бевосита дастлабки қўллаш санасидан олдин 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”ни қўллаган ҳолда ижара шартномаларининг зарар келтирувчи шартнома бўлишини баҳолаши мумкин. Агар ижарачи бундай амалий жиҳатдан соддалаштиришни танласа, ижарачи дастлабки қўллаш санасида фойдаланиш ҳуқуқидаги активга бевосита дастлабки қўллаш санасигача молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган зарар келтирувчи ижара шартномаларига нисбатан баҳоланган мажбуриятлар суммасига тузатиш киритиши лозим;
- (в) ижарачи дастлабки қўллаш санасидан бошлаб 12 ой давомида ижара муддати тугайдиган ижара шартномаларига нисбатан В8-банднинг талабларини қўлламасликка қарор қилиши мумкин. Бу ҳолда ижарачи куйидагиларни амалга ошириши лозим:
 - (i) бундай ижара шартномаларини 6-бандда тавсифланганидек қисқа муддатли ижара каби ҳисобга олиши; ва
 - (ii) бундай ижара шартномалари билан боғлиқ бўлган сарфларни дастлабки қўллаш санасини ўз ичига оладиган йиллик ҳисобот давридаги қисқа муддатли ижара бўйича харажатлар тўғрисидаги маълумотни ёритиб беришга киритиши;
- (г) ижарачи дастлабки қўллаш санасидаги фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг баҳосидан дастлабки бевосита сарфларни чиқариши мумкин;
- (д) шартнома ижарани узайтириш ёки тугатиш опционларини ўз ичига олса, ижарачи, масалан, ижара муддатини белгилашда ўтган санадаги маълумотларидан фойдаланиши мумкин.

Олдин молиявий ижара сифатида таснифланган ижара

- B11 Ижарачи олдин 17-сон БҲХСни қўллаган ҳолда молиявий ижара сифатида таснифланган ижара учун В5(б)-бандга мувофиқ мазкур стандартни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилса, дастлабки қўллаш санасидаги фойдаланиш ҳуқуқидаги актив ва ижара бўйича мажбуриятнинг баланс қиймати бўлиб бевосита бундай санадан олдинги 17-сон БҲХСни қўллаган ҳолда баҳоланган ижара бўйича активнинг баланс қиймати ва ижара бўйича мажбуриятнинг баланс қиймати бўлади. Бундай ижара учун ижарачи дастлабки қўллаш санасидан бошлаб мазкур стандартни қўллаган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқидаги активни ва ижара бўйича мажбуриятни ҳисобга олиши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- B12 Ижарачи В5(б)-бандга мувофиқ мазкур стандартни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилса, 8-сон БҲХСнинг 28-бандига мувофиқ дастлабки қўллаш тўғрисидаги маълумотни ёритиб бериши лозим, бундан 8-сон БҲХС 28(е)-бандида кўрсатилган маълумотлар мустасно. 8-сон БҲХС 28(е)-бандида кўрсатилган маълумот ўрнига ижарачи куйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (a) дастлабки қўллаш санасида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган ижара бўйича мажбуриятларга нисбатан қўлланган ижарачининг қўшимча қарз маблағларини жалб этишнинг ўртача тортилган ставкаси; ва
 - (б) куйидагилар ўртасидаги фаркни тушунтириш:
 - (i) В8(а)-бандда тавсифланганидек, дастлабки қўллаш санасида қўшимча қарз маблағларини жалб этиш ставкасидан фойдаланган ҳолда дисконтланадиган, бевосита дастлабки қўллаш санасидан олдинги йиллик ҳисобот даври охирига келиб 17-сон БҲХСни қўллаган ҳолда ёритиб берилган оператив ижара бўйича шартномавий мажбуриятлар;
 - (ii) дастлабки қўллаш санасига келиб молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган ижара бўйича мажбуриятлар.
- B13 Агар ижарачи В10-бандда кўрсатилган бир ёки бир нечта амалий жиҳатдан соддалаштиришлардан фойдаланса, ушбу далилни ёритиб бериши лозим.

Ижарага берувчилар

- B14 B15-бандда тавсифланган ҳоллардан ташқари, ижарага берувчи ўтиш пайтида ўзи ижарага берувчи бўлган ижара шартномаларига бирор тузатишлар киритиши талаб этилмайди ва бундай ижара шартномаларини дастлабки қўллаш санасидан бошлаб мазкур стандартни қўллаган ҳолда ҳисобга олиши лозим.
- B15 Оралиқ ижарага берувчи қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
- (a) ҳар бир иккиламчи ижара шартномасини мазкур стандартни қўллаган ҳолда оператив ижара ёки молиявий ижара сифатида таснифлаш заруратини аниқлаш мақсадида 17-сон БҲХСни қўллаган ҳолда оператив ижара сифатида таснифланган ва дастлабки қўллаш санасига келиб амалда бўлган иккиламчи ижара шартномаларини қайта баҳолаши. Оралиқ ижарага берувчи шартномада назарда тутилган ушбу санадаги бош ижара шартномаси ва иккиламчи ижара шартномасининг қолган шартлари асосида дастлабки қўллаш санасида бундай баҳолашни ўтказиши лозим;
 - (б) иккиламчи ижара шартномалари 17-сон БҲХС қўлланганда оператив ижара сифатида таснифланган, лекин мазкур стандарт қўлланганда молиявий ижара ҳисобланадиган ҳолатда, иккиламчи ижара шартномасини дастлабки қўллаш санасида тузилган янги молиявий ижара шартномаси сифатида ҳисобга олиши.

Дастлабки қўллаш санасига қадар қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операциялари

- B16 Ташкилот таянч активнинг ўтказилишини сотиш сифатида ҳисобга олиш учун 15-сон МХХС талабларини қаноатлантириши ёки қаноатлантирмаслигини аниқлаш учун дастлабки қўллаш санасигача амалга оширилган қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операцияларини қайта баҳолаши талаб этилмайди.
- B17 Қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операцияси 17-сон БҲХСни қўллаган ҳолда сотиш ва молиявий ижара сифатида ҳисобга олинган бўлса, сотувчи-ижарачи қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
- (a) дастлабки қўллаш санасида ҳар қандай бошқа молиявий ижарани қандай ҳисобга олса, қайта ижарани ҳам шундай ҳисобга олиши; ва
 - (б) ижара муддати давомида сотишдан фойданинг амортизациясини давом эттириши.
- B18 Қайта ижарага олиш шарти билан сотиш операцияси 17-сон БҲХСни қўллаган ҳолда сотиш ва оператив ижара сифатида ҳисобга олинган бўлса, сотувчи-ижарачи қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
- (a) дастлабки қўллаш санасида ҳар қандай бошқа оператив ижарани қандай ҳисобга олса, қайта ижарани ҳам шундай ҳисобга олиши; ва
 - (б) бозорга хос бўлмаган шартлар билан боғлиқ бўлган, бевосита дастлабки қўллаш санасигача молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган, кечиктирилган фойда ёки зарарларни ҳисобга олган ҳолда қайта ижарага берилган фойдаланиш ҳуқуқидаги активга тузатиш киритиши.

Бизнес бирлашувларига нисбатан олдин тан олинган суммалар

- B19 Агар ижарачи бизнес бирлашуви доирасида харид қилинган, оператив ижаранинг қулай ёки ноқулай шартлар муносабати билан 3-сон МХХС “*Бизнес бирлашувлари*”ни қўллаган ҳолда илгари активни ёки мажбуриятни тан олган бўлса, ижарачи дастлабки қўллаш санасида бундай актив ёки мажбуриятнинг тан олиншини бекор қилиши ва фойдаланиш ҳуқуқидаги активнинг баланс қийматига тегишли суммада тузатиш киритиши лозим.

9-сон МХХСга ҳаволалар

- B20 Агар ташкилот мазкур стандартни қўллаган, лекин ҳали 9-сон МХХС “*Молиявий инструментлар*”ни қўлламаган бўлса, 9-сон МХХСга ҳар қандай ҳавола 39-сон БҲХС “*Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш*”га ҳавола тарзида ўқилиши лозим. *Тан олиш ва баҳолаш.*

Ижарачилар учун Covid-19 пандемияси билан боғлиқ ижара топшириқлари

- V20A Ижарачи “Covid-19 пандемияси билан боғлиқ ижара топшириқлари”ни (B1A бандга қаранг) биринчи марта қўлланган йиллик ҳисобот даврининг бошига тақсимланган фойданинг (ёки агар ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентининг) давр бошига қолдиғига тузатиш тарзида ушбу ўзгартиришни кумулятив таъсирини тан олган ҳолда ретроспектив қўллаши лозим.
- V20B Ижарачи “Covid-19 пандемияси билан боғлиқ ижара топшириқлари”ни биринчи марта қўллайдиган ҳисобот даврида ижарачи 8-сон БХХСнинг 28(е) бандида талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши талаб этилмайди.
- V20БА Ижарачи “2021 йил 30 шондан кейинги Covid-19 пандемияси билан боғлиқ ижара топшириқлари”ни (B1B бандга қаранг) биринчи марта қўлланган йиллик ҳисобот даврининг бошига тақсимланган фойданинг (ёки агар ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентининг) давр бошига қолдиғига тузатиш тарзида ушбу ўзгартиришни кумулятив таъсирини тан олган ҳолда ретроспектив қўллаши лозим.
- V20ББ Ижарачи “2021 йил 30 шондан кейинги Covid-19 пандемияси билан боғлиқ ижара топшириқлари”ни биринчи марта қўллайдиган ҳисобот даврида ижарачи 8-сон БХХСнинг 28(е) бандида талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши талаб этилмайди.
- V20БВ Мазкур Стандартнинг 2-бандини қўллаб ижарчи 46А банддаги амалий жиҳатдан соддалаштиришни ўхшаш ўхшаш хусусиятларга эга бўлган шартномаларга ва ўхшаш ҳолатларда, ижарачи томонидан “Covid-19 пандемияси билан боғлиқ ижара топшириқлари” (B1A бандга қаранг) ёки “2021 йил 30 шондан кейинги Covid-19 пандемияси билан боғлиқ ижара топшириқлари” (B1B бандга қаранг) қўлланиши натижасида шартнома амалий жиҳатдан соддалаштириш учун мақсадига мувофиқлигидан қаътий назар, изчиллик билан қўллаши лозим.

Бенчмарк фоиз ставкасини ислоҳ қилиш - 2-фаза

- V20В Ташкилот ушбу ўзгартиришларни V20Г бандда белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда 8-сон БХХСга мувофиқ ретроспектив тарзда қўллаши лозим.
- V20Г Ташкилот мазкур ўзгартиришларни қўлланишини акс эттириш учун ўтган даврларни қайта ҳисоблаши талаб этилмайди. Ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттириши фақат агар бундай акс эттириш кейинги маълумотларсиз имкони бўлса, мумкин бўлади. Агар ташкилот олдинги даврларни қайта акс эттирмаса, ташкилот олдинги баланс қиймати ва йиллик ҳисобот даври бошидаги баланс қиймати ўртасидаги фарқни ўзгартиришларни дастлабки қўллаш санасидаги йиллик ҳисобот даврининг бошланғич тақсимланмаган фойдасида (ёки агар ўринли бўлса, хусусий капиталнинг бошқа компонентида) тан олиши лозим.

Бошқа МХХС ўз кучини йўқотиши

- V21 Мазкур стандарт куйидаги стандартлар ва тушунтиришларнинг ўрнини эгаллайди:
- (a) 17-сон БХХС “Ижара”;
 - (b) 4-сон МХХСШҚ “Шартномада ижара мавжудлигини аниқлаш”;
 - (v) 15-сон ШДҚ “Оператив ижара - рағбатлантирувчи тўловлар”; ва
 - (г) 27-сон ШДҚ “Ижара ҳужуқий шаклига эга операцияларнинг моҳиятини аниқлаш”.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
43-ИЛОВА

7-сон ШДҚ Шарҳи Евронинг муомаласага киритилиши

Ҳаволалар

- 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” (2007 йил таҳрири)
- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 10-сон БҲХС “Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар”
- 21-сон БҲХС “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари” (2003 йил таҳрири)
- 27-сон БҲХС “Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисобот” (2008 йил таҳрири)

Масала

- 1 1999 йилнинг 1 январидан, яъни Иқтисодий Валюта Иттифоқи (ИВИ) фаолиятининг бошланиши санасидан бошлаб евро тўлақонли валюта бўлиб ҳисобланади ҳамда евро ва иштирокчи мамлакатларнинг миллий валюталари ўртасидаги айрибошлаш курслари қатъий белгиланади, яъни ушбу валюталар билан боғлиқ кейинги курс фарқлари рисқи ушбу санадан бошлаб ҳисобга олинмайди.
- 2 Масала Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг миллий валюталаридан еврога ўтишда (“Ўтиш”) 21-сон БҲХСнинг қўлланишидан иборат.

Консенсус

- 3 Валюта операцияларини ва чет эл бўлинмасининг молиявий ҳисоботини бошқа валютага ўтказиш бўйича 21-сон БҲХС талаблари ушбу ўтишга нисбатан қатъий қўлланиши лозим. Мазкур ёндашув мамлакатлар ИВИга кейинги босқичларда қўшилганда айрибошлаш курсларини қатъий белгилашга ҳам қўлланади.
- 4 Бу, хусусан, қуйидагиларни ифодалайди:
 - (а) операциялар натижасида юзага келадиган чет эл валютасида ифодаланган монетар активлар ва монетар мажбуриятлар функционал валютага ҳисобот санасидаги курс бўйича ўтказиш давом этирилиши лозим. Юзага келган ҳар қандай курс фарқлари дарҳол даромад ёки харажат сифатида тан олинмиши лозим, бундан ташкилот прогноз қилинган операциянинг валюта рисқи хежлари билан боғлиқ курс фарқларидан фойда ва зарарларга нисбатан ўзининг мавжуд ҳисоб сиёсатини қўллаши лозим бўлган ҳолатлар мустасно;
 - (б) чет эл бўлинмасининг молиявий ҳисоботини бошқа валютага ўтказиш билан боғлиқ бўлган ва бошқа умумлашган даромадда тан олинган жамғарилган курс фарқлари хусусий капиталда жамғарилиши лозим ва фақат чет эл бўлинмасидаги соф инвестициянинг ҳисобдан чиқарилиши ёки қисман ҳисобдан чиқарилишида хусусий капиталдан фойда ёки зарарга қайта таснифланиши лозим; ва
 - (в) иштирокчи мамлакатларнинг валютасида ифодаланган мажбуриятларни бошқа валютага ўтказиш натижасида юзага келадиган курс фарқлари тегишли активларнинг баланс қийматига киритилмаслиги лозим.

Консенсус санаси

1997 йил октябр ойи

Кучга кириш санаси

Мазкур шарҳ 1998 йил 1 июндан кучга киради. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар 8-сон БҲХСнинг талабларига мувофиқ ҳисобга олинishi лозим.

1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири) бўйича барча МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Бундан ташқари, 4 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 январ ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласа, ушбу ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.

27-сон БҲХС (2008 йил таҳрири) бўйича 4(б) бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни 2009 йил 1 январ ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 27-сон БҲХС (2008 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласа, ушбу ўзгартириш ҳам ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
44-ИЛОВА

10-сон ШДҚ Шарҳи **Давлат ёрдами-операцион фаолият билан муайян боғлиқликнинг йўқлиги**

Ҳаволалар

- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 20-сон БҲХС “Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши”

Масала

- 1 Айрим мамлакатларда ташкилотларга давлат ёрдами муайян ҳудудлардаги ёки саноат тармоқларидаги тижорат фаолиятини рағбатлантириш ёки узок муддат давомида қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши мумкин. Бундай ёрдамни олиш шартлари ташкилотнинг операцион фаолияти билан муайян тарзда боғланмаган бўлиши мумкин. Бу каби ёрдамга мисол тариқасида давлат томонидан ресурслар билан таъминланадиган қуйидаги ташкилотларни келтириш мумкин:
 - (а) муайян тармоқда фаолият юритадиган;
 - (б) яқинда хусусийлаштирилган тармоқларда фаолиятини давом эттираётган; ёки
 - (в) ўз бизнесини яхши ривожланмаган ҳудудларда бошлаган ёки давом эттираётган.
- 2 Масала бундай давлат ёрдами 20-сон БҲХСнинг қўллаш доирасидаги “давлат гранти” бўлиб ҳисоблангани ва шу боис мазкур стандартга мувофиқ ҳисобга олинishi лозимми деган саволларни ўз ичига олади.

Консенсус

- 3 Давлат ёрдами, ҳатто муайян ҳудудларда ёки саноат тармоқларида фаолият юритиш талабидан ташқари, ташкилотнинг операцион фаолияти билан муайян боғлиқлик шартларига эга бўлмаса ҳам, 20-сон БҲХСдаги давлат грантларининг таърифига жавоб беради. Шунинг учун, бундай грантлар хусусий капиталга бевосита кредитланмаслиги лозим.

Консенсус санаси

1998 йил январ ойи

Кучга кириш санаси

Мазкур шарҳ 1998 йил 1 августдан кучга киради. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар 8-сон БҲХСнинг талабларига мувофиқ ҳисобга олинishi лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
45-ИЛОВА

25-сон ШДҚ Шарҳи Фойда солиқлари—ташкilot ёки унинг акциядорларининг солиқ мақомидаги ўзгаришлар

Ҳаволалар

- 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиши*” (2007 йил таҳрири)
- 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар*”
- 12-сон БҲХС “*Фойда солиқлари*”

Масала

- 1 Ташкilot ёки унинг акциядорларининг солиқ мақомидаги ўзгариш ташкilot учун солиқ активлари ёки солиқ мажбуриятларининг кўпайиши ёки камайиши каби оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, бундай ўзгариш ташкilotнинг улушли инструментлари биржа листинги ёки ташкilot хусусий капиталининг реструктуризацияси натижасида юзага келиши мумкин. Бундай ўзгариш назорат пакетига эга акциядорнинг чет элга кўчиб ўтиши натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Бундай ҳодиса натижасида ташкilotга солиқ солиниши тартиби ўзгариши мумкин; ташкilot, масалан, солиқ имтиёзларига эга бўлиши ёки уларни йўқотиши ёки солиқ солиниши келгусида бошқа солиқ ставкаси бўйича амалга ошириши мумкин.
- 2 Ташкilot ёки унинг акциядорлари солиқ мақомидаги ўзгариш ташкilotнинг жорий солиқ мажбуриятларига ёки активларига дарҳол таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ўзгариш шунингдек, ташкilot томонидан тан олинган кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ва активларини, ушбу солиқ мақомидаги ўзгариш ташкilotнинг активлари ва мажбуриятлари баланс қийматини қоплаш ёки сўндириш натижасида келиб чиқадиган солиқ оқибатларига қандай таъсир кўрсатишига боғлиқ тарзда, кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.
- 3 Масала ташкilot ёки унинг акциядорлари солиқ мақомидаги ўзгаришдан келиб чиқадиган солиқ оқибатлари қандай ҳисобга олинishi лозимлигидан иборат.

Консенсус

- 4 Ташкilot ёки унинг акциядорлари солиқ мақомидаги ўзгариш фойда ёки зарар таркибига кирмайдиган моддаларда тан олинган суммаларнинг кўпайиши ёки камайишига олиб келмайди. Солиқ мақомидаги ўзгаришнинг жорий ва кечиктирилган солиқ бўйича оқибатлари, агар бундай солиқ оқибатлари айнан шу ёки бошқа даврда хусусий капиталда тан олинган моддалар кредитланиши ёки дебетланишига ёхуд бошқа умумлашган даромадда суммалар тан олинishiга олиб келадиган операция ва ҳодисаларга боғлиқ бўлмаса, давр учун фойда ёки зарар таркибига киритилиши лозим. Хусусий капиталда тан олинган (ва фойда ёки зарар таркибига киритилмаган) сумманинг ўзгаришини келтириб чиқарадиган солиқ оқибатлари айнан шу ёки бошқа даврда бевосита хусусий капиталга дебетланиши ёки кредитланиши лозим. Бошқа умумлашган даромадда тан олинган суммаларга тегишли солиқ оқибатлари бошқа умумлашган даромадда тан олинishi лозим.

Консенсус санаси

1999 йил август ойи

Кучга кириш санаси

Мазкур консенсус 2000 йил 15 июлдан кучга киради. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар 8-сон БҲХСнинг талабларига мувофиқ ҳисобга олиниши лозим.

1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири) бўйича барча МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Бундан ташқари, 4 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 январ ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири)ни олдинги давр учун қўлласса, ушбу ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
46-ИЛОВА

29-сон ШДҚ Шарҳи

Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари: Маълумотларни ёритиб бериш

Ҳаволалар

- 16-сон МХХС “Ижара”
- 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиши” (2007 йил таҳрири)
- 16-сон БҲХС “Асосий воситалар” (2003 йил таҳрири)
- 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”
- 38-сон БҲХС “Номоддий активлар” (2004 йил таҳрири)
- 12-сон МХХСШҚ “Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишуви”

Масала

- 1 Ташкилот (оператор) бошқа бир ташкилот (концедент) билан асосий иқтисодий ва ижтимоий объектлардан оммавий фойдаланиш имкониятини яратиш учун хизматларни кўрсатиш бўйича келишув тузиши мумкин. Концедент давлат ёки хусусий сектор ташкилоти, шу жумладан давлат ҳокимияти органи бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувларига мисол тариқасида сувни тозалаш ва сув таъминоти, автомобиль йўллари, автогураргоҳ, ер ости йўллари, кўприклар, аэропортлар ва телекоммуникация тармоқлари бўйича келишувларни киритиш мумкин. Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишуви ҳисобланмайдиган келишувларга мисол тариқасида эса ташкилот ўзининг ички хизматларини (масалан, ходимлар учун ошхона, бинога хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби ёки ахборот технологиялари функцияларини) ташки пудратчиларга бериш ҳолатларини келтириш мумкин.
- 2 Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувига қўра, одатда концедент операторга келишув амал қилиш муддати давомида қуйидаги ҳуқуқларни беришни назарда тутати:
 - (а) асосий иқтисодий ва ижтимоий объектлардан оммавий фойдаланиш имкониятини берувчи хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи, ва
 - (б) айрим ҳолларда, муайян моддий активлар, номоддий активлар ёки молиявий активлардан фойдаланиш ҳуқуқи,бунинг эвазига эса оператор:
 - (в) концессия даври мобайнида белгиланган талаблар ва шартлар асосида хизматлар кўрсатиш мажбуриятини, ва
 - (г) қўллаш мумкин бўлганда, концессия даври бошида ва/ёки концессия даври мобайнида олинган ҳуқуқларни концессия даври охирида қайтариб бериш мажбуриятини олади.
- 3 Хизмат кўрсатиш бўйича барча концессия келишувларининг умумий хусусияти шундаки, оператор оммавий хизматларни кўрсатиш бўйича бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқга эга бўлади, ҳам ўзига мажбурият олади.
- 4 Масала оператор ва концедентнинг молиявий ҳисоботидаги изоҳларда қайси маълумотлар ёритиб берилиши лозимлигидан иборат.
- 5 Хизмат кўрсатиш бўйича айрим концессия келишувларининг муайян жиҳатлари ва уларга тегишли ёритиб бериладиган маълумотлар мавжуд Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида қамраб олинган (масалан, 16-сон БҲХС асосий воситаларнинг харид қилинишига, 16-сон МХХС активларнинг ижарасига ва 38-сон БҲХС номоддий активларнинг харид қилинишига нисбатан қўлланади). Лекин, хизматларни кўрсатиш бўйича концессия келишуви ўз ичига Молиявий

ҳисоботнинг халқаро стандартларида инобатга олинмаган, ижро этиладиган шартномаларни олиши мумкин, бундан 37-сон БҲХС қўлланадиган зарар келтирувчи шартномалар мустасно. Шунинг учун, мазкур шарҳ хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари билан боғлиқ қўшимча маълумотлар ёритиб берилишини қамраб олади.

Консенсус

- 6 Изоҳларда ёритиб бериладиган тегишли маълумотларни аниқлашда хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувининг барча жиҳатлари инобатга олиниши лозим. Оператор ва концедент ҳар бир даврда қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (a) келишувнинг тавсифи;
 - (б) келгуси пул оқимлари суммаси, муддати ва аниқлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган келишувнинг аҳамиятли шартлари (масалан, концессия даври, қайта нархлаш саналари ҳамда нархлар ва келишув шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича асос);
 - (в) қуйидагиларнинг характери ва даражаси (масалан, миқдори, вақт оралиғи ёки суммаси):
 - (i) муайян активлардан фойдаланиш ҳуқуқи;
 - (ii) хизматлар кўрсатиш жавобгарликлари ёки хизматлар кўрсатилишини кутиш бўйича ҳуқуқлар;
 - (iii) асосий воситаларни харид қилиш ёки қуриш бўйича жавобгарликлар;
 - (iv) концессия даври охирида муайян активларни олиш ҳуқуқлари ёки бундай активларни ўтказиш бўйича жавобгарликлар;
 - (v) келишув муддатини узайтириш ёки муддатидан олдин тугатиш имкониятлари; ва
 - (vi) бошқа ҳуқуқлар ва жавобгарликлар (масалан, капитал таъмирлаш);
 - (г) ҳисобот даврида юз берадиган келишувдаги ўзгаришлар; ва
 - (д) хизмат кўрсатиш бўйича келишув қандай таснифланганлиги.
- 6А Оператор қурилиш хизматларини молиявий актив ёки номоддий активга айирбошлаш даврида тан олинган тушум суммасини ҳамда фойда ёки зарарларнинг суммасини ёритиб бериши лозим.
- 7 Мазкур шарҳнинг 6 бандига мувофиқ талаб қилинган, ёритиб бериладиган маълумотлар хизмат кўрсатиш бўйича ҳар бир концессия келишуви учун алоҳида ёки концессия келишувларининг ҳар бир синфи бўйича умумлашган ҳолда тақдим қилиниши лозим. Синф – бу характери бўйича ўхшаш хизматларни назарда тутадиган концессия келишувлари гуруҳидир (масалан, йўл ҳақи олиш, телекоммуникациялар ва сув таъминоти хизматлари).

Консенсус санаси

2001 йил май ойи

Кучга кириш санаси

Мазкур шарҳ 2001 йил 31 декабрдан кучга киради.

Ташкилот 6(д) ва 6А бандларидаги ўзгартиришларни 2008 йил 1 январ ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврларга нисбатан қўллаши лозим. Агар ташкилот 12-сон МҲХСШҚни олдинги даврга нисбатан қўлласа, мазкур ўзгартиришлар ҳам ушбу олдинги даврга қўлланиши лозим.

2016 йил январ ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС бўйича 5 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
47-ИЛОВА

32-сон ШДҚ Шарҳи *Номоддий активлар - вебсайт сарфлари*

Ҳаволалар

- 3-сон МХХС “*Бизнес бирлашувлари*”
- 15-сон МХХС “*Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича тушул*”
- 16-сон МХХС “*Ижара*”
- 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиши*” (2007 йил таҳрири)
- 2-сон БҲХС “*Захиралар*” (2003 йил таҳрири)
- 16-сон БҲХС “*Асосий воситалар*” (2003 йил таҳрири)
- 36-сон БҲХС “*Активларнинг қадрсизланиши*” (2004 йил таҳрири)
- 38-сон БҲХС “*Номоддий активлар*” (2004 йил таҳрири)

Масала

- 1 Ташкилот ички ва ташқи фойдаланиш учун ўзининг вебсайтini ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун ички сарфларни амалга ошириши мумкин. Ташқи фойдаланиш учун ишлаб чиқилган вебсайт турли мақсадларда, масалан ташкилотнинг маҳсулотлари ва хизматларини реклама қилиш, электрон хизматлар кўрсатиш, маҳсулотларни ва хизматларни сотиш учун фойдаланилиши мумкин. Ички фойдаланиш учун ишлаб чиқилган вебсайт компания сиёсати ва харидорлари тўғрисидаги маълумотларни сақлаш ва ўринли маълумотларни излаш учун фойдаланилиши мумкин.
- 2 Вебсайтini ишлаб чиқиш босқичларини куйидагича тавсифлаш мумкин:
 - (а) Режалаштириш— техник-иқтисодий асослашни амалга ошириш, мақсадлар ва хусусиятларни аниқлаш, муқобил вариантларни баҳолаш ва афзалларини танлашни ўз ичига олади.
 - (б) Дастурий таъминот ва инфратузилмани ишлаб чиқиш—домен номини олиш, техник ва дастурий таъминотни харид қилиш ва ишлаб чиқиш, тайёр дастурий таъминотни ўрнатиш ва стресс-тестдан ўтказишни ўз ичига олади.
 - (г) График дизайнни ишлаб чиқиш—вебсаҳифаларнинг кўринишини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.
 - (д) Вебсайт контентини ишлаб чиқиш—вебсайтini ишлаб чиқиш якунланишидан олдин, матн ёки график шаклда маълумотларни яратиш, сотиб олиш, тайёрлаш ва юклашни ўз ичига олади. Ушбу маълумотлар вебсайт билан интеграциялашган (ёки ундан фойдаланиши мумкин бўлган) алоҳида маълумотлар базасида сақланиши ёки вебсайтда бевосита кодланган ҳолда бўлиши мумкин.
- 3 Вебсайтini ишлаб чиқиш якунланганидан сўнг, уни фойдаланишга топшириш босқичи бошланади. Ушбу босқичда ташкилот дастурий иловаларни, инфратузилмани, график дизайнни ва вебсайт контентини сақлайди ва такомиллаштириб боради.
- 4 Ташкилотнинг вебсайтini ички ва ташқи фойдаланиш учун ишлаб чиқиш ва фойдаланишга ички сарфларни ҳисобга олишда, куйидаги масалалар кўриб чиқилади:
 - (а) вебсайтнинг 38-сон БҲХСнинг талабларига мувофиқ ички яратилган номодий актив бўлиши ёки бўлмаслиги; ва
 - (б) бундай сарфларни ҳисобга олиш тартибида қайси ёндашув тўғри бўлиши.

- 5 Мазкур шарҳ вебсайт учун техник воситаларни (масалан, веб-серверлар, дастлабки синов серверлари, ишлаб чиқариш серверлари ва интернетга уланишни таъминловчи ускуналар) харид қилиш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш сарфларига нисбатан қўлланмайди. Бундай сарфлар 16-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олинади. Шу билан бирга, ташкилот вебсайтнинг хостинги бўйича интернет тармоғи провайдерлари учун сарфларни амалга оширганда, ушбу сарфлар 1-сон БҲХСнинг 88-бандига ва Концептуал асосга мувофиқ, бундай хизматлар олинганда харажат сифатида тан олинади.
- 6 38-сон БҲХС ташкилот томонидан одатдаги фаолият давомида сотиш учун тутиб турилган номоддий активларга (2-сон БҲХС ва 15-сон МҲХСга қаранг) ёки 16-сон МҲХСга мувофиқ ҳисобга олинандиган номоддий активлар ижарасига нисбатан қўлланмайди. Бинобарин, мазкур шарҳ бошқа ташкилотга сотиш учун ёки 16-сон МҲХСга мувофиқ ҳисобга олинандиган вебсайтни (ёки вебсайт учун дастурий таъминотни) ишлаб чиқиш ёки фойдаланиш сарфларига нисбатан қўлланмайди.

Консенсус

- 7 Ташкилотнинг ички ёки ташқи фойдаланиш учун ишлаб чиқилган вебсайти 38-сон БҲХСнинг талаблари қўлланандиган ички яратилган номоддий активдир.
- 8 Ишлаб чиқиш натижасида пайдо бўлган вебсайт фақат ва фақат агар 38-сон БҲХСнинг 21-бандидаги тан олиш ва дастлабки баҳолаш бўйича умумий талабларга жавоб берса ва ташкилот 38-сон БҲХСнинг 57-бандидаги талабларни бажарса, номоддий актив сифатида тан олиними лозим. Хусусан, ташкилот 38-сон БҲХСнинг 57(г) бандига мувофиқ вебсайтдан келгуси иқтисодий наф қай тарзда олиними намоён қилиш талабига, масалан вебсайтдан даромад олинганда шу жумладан вебсайтда буюртмаларни жойлаштиришдан бевосита даромадлар олинганда, жавоб бериши мумкин. Ташкилот тўғридан-тўғри ёки асосан ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этиш ва реклама қилиш учун ишлаб чиқилган вебсайт қай тарзда келгуси иқтисодий наф келтиришини намоён қила олмайди ва, шу боис, бундай вебсайтни ишлаб чиқиш бўйича барча сарфлар юзага келган даврда харажат сифатида тан олиними лозим.
- 9 Ташкилотнинг ўз вебсайтини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш бўйича ҳар қандай ички сарфлар 38-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олиними лозим. Сарфларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳар бир фаолиятнинг характери (масалан, ходимларни ўқитиш ва вебсайтни сақлаб туриш) ҳамда вебсайтни ишлаб чиқиш босқичи ёки ишлаб чиқишдан кейинги босқичга нисбатан тўғри ҳисобга олиш ёндашувини (ушбу шарҳга илова қилинган мисолда қўшимча кўрсатмалар берилган) аниқлаш учун таҳлил ўтказилиши лозим. Масалан:
- (а) режалаштириш босқичи ўз характерига кўра 38-сон БҲХСнинг 54-56-бандларидаги тадқиқот босқичига ўхшайди. Ушбу босқичда амалга оширилган сарфлар юзага келган даврда харажат сифатида тан олиними лозим.
 - (б) агар вебсайтнинг контенти ташкилотнинг ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этиш ва реклама қилиш мақсадидан бошқа мақсадда ишлаб чиқилса, дастурий таъминот ва инфратузилмани ишлаб чиқиш, график дизайнни ишлаб чиқиш ва вебсайт контентини ишлаб чиқиш босқичлари ўз характери бўйича 38-сон БҲХСнинг 57–64 бандларидаги тажриба-конструкторлик босқичига ўхшайди. Агар ушбу босқичларда амалга оширилган сарфлар вебсайт билан бевосита боғлиқ бўлса ва ташкилот раҳбарияти томонидан назарда тутилган тарзда вебсайтдан фойдалана олиш учун вебсайтни яратиш, ишлаб чиқиш ёки тайёрлаш учун зарур бўлса, ушбу сарфлар мазкур шарҳнинг 8 бандига мувофиқ номоддий актив сифатида тан олинандиган вебсайтнинг таннархига киритилиши лозим. Масалан, вебсайт контентини (ташкилот маҳсулотларини ва хизматларини намойиш қиладиган ва реклама қиладиган контентдан ташқари) сотиб олиш ёки яратиш учун вебсайтга бевосита тегишли бўлган сарфлар ёки вебсайт контентидан фойдаланиш имкониятини яратиш бўйича сарфлар (масалан, нусхасини яратиш бўйича лицензия ҳақи) вебсайтни ишлаб чиқиш таннархига, ушбу шарт бажарилганда, киритилиши лозим. Лекин, 38-сон БҲХСнинг 71-бандига мувофиқ, олдинги молиявий ҳисоботда дастлаб харажат сифатида тан олинган номоддий актив объектига қилинган сарфлар кейинчалик номоддий активнинг бошланғич қиймати таркибидан тан олиними мумкин эмас (масалан, муаллифлик ҳуқуқи таннархи тўлиқ амортизацияланганидан кейин контент вебсайтга жойлаштирилган бўлса).
 - (в) вебсайт контентини ишлаб чиқиш босқичида амалга оширилган сарфлар, агар контент ташкилотнинг маҳсулотларини ва хизматларини намойиш этиш ва реклама қилиш учун (масалан, маҳсулотларнинг фотосуратлари билан) ишлаб чиқилган бўлса, 38-сон БҲХСнинг 69(в) бандига мувофиқ харажатлар сифатида улар юзага келган даврда тан олиними лозим. Масалан, ташкилот маҳсулотларининг фотосуратларини тайёрлаш ва улар кўринишини яхшилаш бўйича профессионал хизматларга оид сарфлар фотосуратлар вебсайтда

жойлаштирилганда эмас, профессионал хизматлар олинishi жараёнида харажат сифатида тан олинishi лозим.

- (г) фойдаланиш босқичи вебсайтни ишлаб чиқиш яқунланганидан кейин бошланади. Агар ушбу босқичда амалга оширилган сарфлар 38-сон БҲХСнинг 18-бандидаги тан олиш мезонларига мос келмаса, ушбу сарфлар улар юзага келган пайтда харажат сифатида тан олинishi лозим.
- 10 Мазкур шарҳнинг 8 бандига мувофиқ номоддий актив сифатида тан олинган вебсайт дастлаб тан олинганидан кейин 38-сон БҲХСнинг 72–87 бандларидаги талабларни қўллаш асосида баҳоланиши лозим. Вебсайтнинг фойдали хизмат муддатининг энг тўғри ҳисобланган баҳоси қисқа муддат бўлиши лозим.

Консенсус санаси

2001 йил май ойи

Кучга кириш санаси

Мазкур шарҳ 2002 йил 25 мартдан кучга киради. Мазкур шарҳни қабул қилиш оқибатлари 38-сон БҲХСнинг 1998 йил таҳриридаги ўтиш қоидалари асосида ҳисобга олинishi лозим. Шунинг учун, вебсайт номоддий актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб бермаганда, лекин олдин актив сифатида тан олинган бўлса, ушбу объект мазкур шарҳ кучга кириши санасида ҳисобдан чиқарилиши лозим. Вебсайт мавжуд бўлганда ва уни ишлаб чиқиш бўйича сарфлар номоддий актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб бермаса, лекин олдин актив сифатида тан олинмаган тақдирда, ушбу номоддий актив мазкур шарҳ кучга кириши санасида тан олинмаслиги лозим. Вебсайт мавжуд бўлганда ва уни ишлаб чиқиш сарфлари номоддий актив сифатида тан олиш мезонларига жавоб берганда, олдин актив сифатида тан олинганда ва дастлаб бошлангич қиймати бўйича баҳоланганда, дастлаб тан олинган қиймат тўғри аниқланган деб ҳисобланади.

1-сон БҲХС (2007 йил таҳрири) бўйича барча МХХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шунингдек, у бўйича 5-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 2009 йил 1 январ ёки ундан кейин бошлангидан йиллик даврларга қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХСни (2007 йил таҳрири) олдинги давр учун қўлласса, ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.

2014 йил май ойида эълон қилинган 15-сон МХХС “*Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум*” бўйича “*Ҳаволалар*” қисми ва 6 бандга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.

2016 йил январ ойида эълон қилинган 16-сон МХХС бўйича 6 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.

2018 йилда эълон қилинган “*МХХСлардаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар*” бўйича 5 бандга ўзгартириш киритилган. Мазкур ўзгартириш ташкилот томонидан 2020 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошлангидан йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Агар ташкилот бир вақтнинг ўзида “*МХХСдаги “Концептуал асос”га ҳаволаларга ўзгартиришлар*” бўйича киритилган барча ўзгартиришларни қўлласса, бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Ташкилот 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ 32-сон ШДҚга ўзгартиришларни ретроспектив тарзда қўллаши лозим. Аммо, ташкилот ретроспектив қўллаш амалий имконсиз ёки ортиқча сарф ёки ҳаракат талаб этилишини аниқласа, SIC-32 сон МХХСга киритилган ўзгартиришларни 8-сон БҲХСнинг 23-28, 50-53 ва 54Е бандларига мувофиқ қўллаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
48-ИЛОВА

1-сон МҲХСШҚ Шарҳи Объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятлардаги ўзгаришлар

Ҳаволалар

- 16-сон МҲХС “Ижара”
- 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиши” (2007 йил таҳрири)
- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 16-сон БҲХС “Асосий воситалар” (2003 йил таҳрири)
- 23-сон БҲХС “Қарзлар бўйича сарфлар”
- 36-сон БҲХС “Активлар қадрсизланиши” (2004 йил таҳрири)
- 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”

Дастлабки маълумотлар

- 1 Кўп ташкилотлар асосий воситаларни демонтаж қилиш, тугатиш ва қайта тиклаш бўйича жавобгарликларга эга бўлади. Мазкур шарҳда бундай жавобгарликларга “фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятлар” деб юритилади. 16-сон БҲХСга асосан асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ташкилот ушбу асосий восита объектига нисбатан харид қилинган пайтда ёки муайян давр мобайнида ушбу объектдан захираларни ишлаб чиқаришдан бошқа мақсадларда фойдаланиши натижасида юзага келадиган демонтаж қилиш, тугатиш ва у жойлашган жойни қайта тиклаш жавобгарлиги бўйича сарфларни дастлабки ҳисоб баҳосини ўз ичига олади. 37-сон БҲХС фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятларни қандай баҳолаш лозимлиги бўйича талабларни ўз ичига олади. Мазкур шарҳ фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятларнинг баҳоланишидаги ўзгаришлар таъсири қандай тартибда ҳисобга олинаши бўйича кўрсатма беради.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур шарҳ асосий воситани фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятнинг баҳоланишидаги ўзгаришларга нисбатан қўлланади ва бундай мажбурият бир вақтнинг ўзида:
 - (а) 16-сон БҲХСга мувофиқ асосий воситалар объекти бошланғич қийматининг бир қисми сифатида ёки 16-сон МҲХСга мувофиқ фойдаланиш ҳуқуқидаги актив бошланғич қийматининг бир қисми сифатида тан олинади; ва
 - (б) 37-сон БҲХСга мувофиқ мажбурият сифатида тан олинади.Масалан, фойдаланишдан чиқариш, атроф-муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбурият саноат комплексини фойдаланишдан чиқариш, конларни қазиб соҳаларида атроф муҳитга етказилган зарарларни қайта тиклаш ёки ускунани тугатиш каби мажбуриятлардан иборат бўлиши мумкин.

Масала

- 3 Мазкур шарҳда мавжуд фойдаланишдан чиқариш, атроф-муҳитни қайта тиклаш ёки шу каби мажбуриятнинг баҳоланишини ўзгартирадиган қуйидаги ҳодисаларнинг таъсири қандай ҳисобга олиниши лозимлиги кўриб чиқилади:
- (a) бундай мажбуриятни сўндириш учун зарур бўлган иқтисодий нафни ўзида мужассамлаштирган ресурсларнинг (масалан, пул оқимларининг) тахминий чиқимидаги ўзгариш;
 - (б) 37-сон БҲХСнинг 47-бандида таърифланган жорий бозорга асосланган дисконтлаш ставкасидаги ўзгариш (бу пулнинг вақт қийматидаги ўзгаришларни ва мажбуриятга ҳос рискларни ўз ичига олади); ва
 - (в) вақт ўтишини акс эттирадиган ўсиш (дисконт амортизацияси деб ҳам юритилади).

Консенсус

- 4 Бундай мажбуриятни сўндириш учун зарур бўлган иктисодий нафни ўзида мужассамлаштирган ресурслар чиқимининг ҳисобланган муддати ёки суммасидаги ўзгаришлардан юзага келадиган мавжуд фойдаланишдан чиқариш, атроф-муҳитни қайта тиклаш ва шу каби мажбуриятнинг баҳоланишидаги ўзгаришлар ёки дисконтлаш ставкасидаги ўзгариш қуйидаги 5-7-бандларга мувофиқ ҳисобга олиниши лозим.
- 5 Агар тегишли актив бошланғич қиймат моделидан фойдаланган ҳолда баҳоланадиган бўлса:
- (а) (б) бандни ҳисобга олган ҳолда, мажбуриятдаги ўзгаришлар жорий даврда тегишли активнинг бошланғич қийматига қўшилиши ёки ундан чегирилиши лозим.
 - (б) активнинг бошланғич қийматидан чегирилган сумма унинг баланс қийматидан ошмаслиги лозим. Агар мажбуриятдаги камайиш активнинг баланс суммасидан ошса, ортган қисми бевосита фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим.
 - (в) агар тузатиш киритиш активнинг бошланғич қийматига қўшимча суммани юзага келтирса, ташкилот бу активнинг янги баланс қиймати тўлиқ қайта қопланмаслиги мумкинлигининг аломати бўлиши ёки бўлмаслигини кўриб чиқиши лозим. Агар бу шундай аломат бўлса, ташкилот активни унинг қопланадиган суммасини баҳолаш орқали қадрсизланишини тестдан ўтказиши лозим ва ҳар қандай қадрсизланишдан зарарни 36-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
- 6 Агарда тегишли актив қайта баҳолаш моделидан фойдаланган ҳолда баҳоланган бўлса:
- (а) мажбуриятдаги ўзгаришлар ушбу актив бўйича олдин тан олинган қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишини ёки дефицитни шундай ўзгартирадики, бунинг натижасида:
 - (i) мажбуриятдаги камайиш бошқа умумлашган даромадда тан олиниши ((б) кичик бандни ҳисобга олган ҳолда) ва хусусий капиталдаги қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишини ошириши лозим, бундан бундай камайиш олдин фойда ёки зарарда тан олинган, актив бўйича қайта баҳолаш дефицитини қайта тиклайдиган даражада фойда ёки зарарда тан олиниши лозим бўлган ҳолат мустасно;
 - (ii) мажбуриятдаги ўсиш фойда ёки зарарда тан олиниши лозим, бундан ушбу ўсиш бошқа умумлашган даромадда тан олиниши ва хусусий капиталдаги қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши акс эттирилган ҳисобварақни ушбу активга нисбатан мазкур ҳисобварақда мавжуд ҳар қандай кредит қолдиғи даражасида камайтириши лозим бўлган ҳолат мустасно.
 - (б) мажбуриятдаги камайиш актив бошланғич қиймат модели бўйича баҳоланганда тан олиниши мумкин бўлган баланс қийматидан ошадиган ҳолатда, ортган қисми бевосита фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим.
 - (в) мажбуриятдаги ўзгариш баланс қиймати ҳисобот даври охирида ҳаққоний қиймат асосида аниқланиши мумкин бўлган баланс қийматидан аҳамиятли тарзда фарқ қилмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун қайта баҳоланиши лозим бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бундай қайта баҳолаш (а) кичик бандга асосан, фойда ёки зарарда ёки бошқа умумлашган даромадда тан олинадиган суммаларни аниқлашда инобатга олиниши лозим. Агар қайта баҳолаш зарур бўлса, ушбу синфдаги барча активлар қайта баҳоланиши лозим.
 - (г) 1-сон БҲХС умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда бошқа умумлашган даромад ёки харажатнинг ҳар бир компоненти ёритиб берилишини талаб этади. Мазкур талабга риоя этишда, мажбуриятдаги ўзгаришдан юзага келадиган қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишидаги ўзгариш алоҳида аниқланиши ва ёритиб берилиши лозим.
- 7 Активнинг тузатилган эскириш ҳисобланадиган суммаси бўйича унинг фойдали хизмат муддати давомида эскириш ҳисобланади. Шунинг учун, тегишли актив ўзининг фойдали хизмат муддати охирига етганда, мажбуриятдаги барча кейинги ўзгаришлар улар юзага келиши билан фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим. Бу ҳам бошланғич қиймат моделида, ҳам қайта баҳолаш моделида қўлланади.
- 8 Дисконтлашнинг даврий амортизацияси юзага келган даврда фойда ёки зарар таркибида молиявий харажат сифатида тан олиниши лозим. 23-сон БҲХСга асосан, капиталлаштиришга рухсат этилмайди.

Кучга кириш санаси

- 9 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2004 йил 1 сентябрдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур шарҳни 2004 йил 1 сентябрдан олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 9А 1-сон БҲХС (2007 йил таҳририда) бўйича барча МҲХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шунингдек, у бўйича 6-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласа, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 9Б 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МҲХС бўйича 2-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўтиш қоидалари

- 10 Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”нинг талабларига асосан, ҳисобга олиниши лозим.¹

¹ Агар ташкилот мазкур шарҳни 2005 йил 1 январдан олдин бошланадиган давр учун қўлласа, ташкилот 8-сон БҲХСнинг “Давр учун соф фойда ёки зарар, фундаментал хатолар ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар” деб номланган олдинги таҳрирининг талабларига риоя этиши лозим, бундан ташкилот ушбу стандартнинг ўзгартирилган таҳририни ушбу олдинги давр учун қўллаган ҳолат мустасно.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
49-ИЛОВА

2-сон МҲХСШҚ Шарҳи Кооператив ташкилотларда иштирокчиларнинг улушлари ва шу каби инструментлар

Ҳаволалар

- 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар”
- 13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”
- 32-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш ва тақдим этиш (2003 йил таҳрири)¹

Дастлабки маълумотлар

- 1 Кооперативлар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотлар умумий иқтисодий ёки ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида шахслар гуруҳлари томонидан ташкил этилади. Миллий қонунчиликда одатда кооператив биргаликдаги бизнес фаолияти орқали ўз иштирокчиларининг иқтисодий ривожланишига қўмаклашишга интиладиган жамият сифатида таърифланади (ўзаро ёрдам тамойили). Кооперативдаги иштирокчиларнинг улушлари кўп ҳолларда иштирокчилар улушлари, пайлар ёки шу кабилар билан тавсифланади ва мазкур шарҳ мақсадларида “иштирокчиларнинг улушлари” деб юритилади.
- 2 32-сон БҲХС молиявий инструментларни молиявий мажбуриятлар ёки хусусий капитал сифатида таснифлаш тамойилларини белгилайди. Хусусан, ушбу тамойиллар ўз эгасига мазкур инструментларни пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент эвазига эмитентга қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструментларнинг таснифланишига нисбатан қўлланади. Мазкур тамойилларнинг кооператив ташкилотлардаги иштирокчиларнинг улушларига ва ўхшаш инструментларга нисбатан қўлланиши мураккаб ҳисобланади. Айрим манфаатдор томонлар Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари кенгаши 32-сон БҲХСдаги тамойиллар маълум жиҳатларга эга ташкилотлардаги иштирокчилар улушлари ва ўхшаш инструментларга нисбатан қандай қўлланишини ва мазкур жиҳатлар мажбурият ёки хусусий капитал сифатида таснифланишга таъсир этадиган ҳолатларни тушунтириб бериши бўйича муурожаат қилган.

Қўллаш доираси

- 3 Мазкур шарҳ 32-сон БҲХСнинг қўллаш доирасидаги молиявий инструментларга, жумладан, иштирокчиларнинг ташкилотдаги эгалик улушини тасдиқлаган ҳолда, кооператив ташкилотлар иштирокчилари учун чиқарилган молиявий инструментларга нисбатан қўлланади. Мазкур шарҳ ташкилотнинг улушли инструментлари билан ҳисоб-китоб қилинадиган ёки ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлган молиявий инструментларга нисбатан қўлланмайди.

Масала

- 4 Кўп молиявий инструментлар, жумладан, иштирокчилар улушлари, хусусий капиталнинг ўзига хос хусусиятларига эга, овоз бериш ҳуқуқлари ва дивиденд тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқлари шулар жумласидан. Айрим молиявий инструментлар ўз эгаларига пул маблағлари ёки бошқа молиявий

¹ 2005 йилнинг августида 32-сон БҲХСнинг номи “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” га ўзгартирилган. 2008 йилнинг февралда БҲХСК томонидан молиявий инструментларни агар ушбу инструментлар 32-сон БҲХС нинг 16А ва 16Б-бандлардаги ёки 16В ва 16Г-бандлардаги барча жиҳатларга эга бўлса ва шартларни қаноатлантирса, хусусий капитал сифатида таснифланиши ҳақида 32-сон БҲХСга ўзгартириш киритилган.

актив эвазига қайта сотиб олишни талаб этиш ҳуқуқини беради, аммо улар қайта сотиб олиш бўйича чекловларни ўз ичига олиши ёки чекловларга боғлиқ бўлиши мумкин. Мазкур қайта сотиб олиш шартлари молиявий инструментларни мажбурият ёки хусусий капитал сифатида таснифланиши лозимлигини аниқлашда қандай баҳолашни лозим?

Консенсус

- 5 Молиявий инструмент (жумладан, кооператив ташкилотлардаги иштирокчиларнинг улушлари) эгасининг қайта сотиб олишини талаб этиш бўйича шартномавий ҳуқуқининг ўзи молиявий инструментни молиявий мажбурият сифатида таснифланишини талаб этмайди. Лекин ташкилот молиявий мажбурият ёки хусусий капитал сифатида таснифланишини аниқлашда молиявий инструментнинг барча шартлари ва ҳолатларини кўриб чиқиши шарт. Бу шартлар ва ҳолатлар таснифлаш санасида кучга эга ўринли бўлган маҳаллий қонунчиликни, меъёрий ҳужжатларни ва ташкилотнинг уставини ўз ичига олади, аммо, мазкур қонунчиликка, меъёрий ҳужжатларга ёки уставга қўйилган келгуси ўзгартиришларни ўз ичига олмайди.
- 6 Агар иштирокчилар қайта сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаса, хусусий капитал сифатида таснифланиши мумкин бўлган иштирокчилар улушлари, агар 7 ва 8-бандларда ифодаланган ҳолатларнинг бири мавжуд бўлса ёки иштирокчилар улушлари 32-сон БҲХС нинг 16А ва 16Б бандлардаги ёки 16В ва 16Г бандлардаги барча жиҳатларга эга бўлса ва шартларни қаноатлантирса, хусусий капитал ҳисобланади. Талаб қилиб олинганча депозитлар, жумладан, жорий ҳисобварақлар, депозит ҳисобварақлари ва иштирокчилар миқдорлар сифатида намоён бўлишидан юзага келадиган ўхшаш шартномалар ташкилотнинг молиявий мажбуриятлари ҳисобланади.
- 7 Агар ташкилот иштирокчилар улушларини қайта сотиб олишни рад этиш бўйича шартсиз ҳуқуққа эга бўлса, иштирокчилар улушлари хусусий капитал ҳисобланади.
- 8 Маҳаллий қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ёки ташкилотнинг устави иштирокчилар улушларини қайта сотиб олишга нисбатан турли хил тақиқларни, масалан, шартсиз тақиқлар ёки ликвидлик мезонларига асосланган тақиқларни ўрнатиши мумкин. Агар қайта сотиб олиш маҳаллий қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ёки ташкилотнинг устави билан шартсиз тақиқланган бўлса, иштирокчилар улушлари хусусий капитал ҳисобланади. Лекин маҳаллий қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ёки ташкилотнинг уставидаги қайта сотиб олишни фақат ликвидлик чекловлари каби муайян шартларни қаноатлантирганда (ёки қаноатлантирилмаганда) тақиқлайдиган шартлар иштирокчилар улушларини хусусий капитал тарзида таснифланишига олиб келмайди.
- 9 Шартсиз тақиқ мутлақ бўлиши мумкин, бунда барча қайта сотиб олишлар тақиқланади. Шартсиз тақиқ қисман бўлиши мумкин, бунда агар қайта сотиб олиш иштирокчилар улушларининг миқдори ёки иштирокчилар улушлари бўйича тўланган капитал суммаси белгиланган даражадан паст бўлишига сабаб бўлса, иштирокчилар улушларининг қайта сотиб олиниши тақиқланади. Қайта сотиб олиш бўйича тақиқ даражасидан ортиқча қисмидаги иштирокчилар улушлари мажбуриятлар ҳисобланади, бундан ташкилот 7-бандда тавсифланганидек, қайта сотиб олишни рад этиш бўйича шартсиз ҳуқуққа эга бўлиши ёки иштирокчилар улушлари 32-сон БҲХСнинг 16А ва 16Б бандларидаги ёки 16В ва 16Г бандларидаги барча жиҳатларга эга бўлиши шартларини қаноатлантирадиган ҳолатлар мустасно. Баъзи ҳолатларда, қайта сотиб олишни тақиқлаш шартли бўлган улушлар миқдори ёки тўланган капитал суммаси вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Қайта сотиб олишни тақиқлашдаги бундай ўзгариш молиявий мажбуриятлар ва хусусий капитал ўртасидаги таснифнинг ўзгаришига олиб келади.
- 10 Дастлабки тан олишда, ташкилот ўзининг қайта сотиб олиш бўйича молиявий мажбуриятини ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим. Қайта сотиб олиш жиҳатига эга бўлган иштирокчилар улушлари ҳолатида, ташкилот қайта сотиб олиш бўйича тегишли молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини унинг ташкилот уставининг ёки қўлланадиган қонунчиликнинг қайта сотиб олиш шартларига асосан, максимум тўланадиган сумманинг мазкур сумма тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган биринчи кундан бошлаб дисконтланганидан кам бўлмаган суммада баҳолайди (3-мисолга қаранг).
- 11 32-сон БҲХС нинг 35-банди талабларига мувофиқ, улушли инструментлар эгаларига тақсимлаш бевосита хусусий капиталда тан олинади. Молиявий мажбуриятлар сифатида таснифланган молиявий инструментларга тегишли фоиз, дивидендлар ва бошқа даромадлар, ушбу тўланган суммалар юридик нуқтаи назардан дивидендлар, фоиз ёки бошқалар сифатида тавсифланишидан қатъи назар, харажатлар ҳисобланади.
- 12 Мазкур консенсуснинг ажралмас қисми бўлган иловада мазкур консенсусни қўллашга доир мисоллар келтирилган.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 13 Қайта сотиб олишни тақиқлашдаги ўзгариш молиявий мажбуриятлар ва хусусий капитал ўртасидаги таснифнинг ўзгаришига олиб келса, ташкилот мазкур тасниф ўзгариши суммасини, муддатини ва сабабини алоҳида тарзда ёритиб бериши лозим.

Кучга кириш санаси

- 14 Мазкур шарҳнинг кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари 32-сон БҲХС (2003 йилдаги таҳрир)да белгиланган кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари билан бир хилдир. Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Агар ташкилот мазкур шарҳни 2005 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Мазкур шарҳ ретроспектив тарзда қўлланиши лозим.
- 14А Ташкилот 6, 9, А1 ва А12 бандларидаги ўзгартиришларни 2009 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 2008 йилнинг феврал ойида эълон қилинган “Қайтариб сотиш ҳужуқини берадиган молиявий инструментлар ва тугатиш натижасида юзага келадиган мажбуриятлар” (32-сон БҲХС ва 1-сон БҲХС га ўзгартиришлар)ни олдинги давр учун қўлласа, 6, 9, А1 ва А12 бандларидаги ўзгартиришлар мазкур олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 15 [Чиқариб ташланган]
- 16 2011 йилнинг май ойида эълон қилинган 13-сон МҲХС бўйича А8 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 17 2012 йил май ойида эълон қилинган “2009-2011 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар” бўйича 11 бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришни ретроспектив тарзда 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”га мувофиқ 2013 йилнинг 1 январидан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот мазкур ўзгартиришни 32-сон БҲХСга нисбатан “2009-2011 йилларда МҲХСларни такомиллаштиришлар” (2012 йил май ойида эълон қилинган) нинг бир қисми сифатида олдинги давр учун қўлласа, 11 банддаги ўзгартириш мазкур олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 18 [Чиқариб ташланган]
- 19 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича А8 ва А10-бандларга ўзгартириш киритилган ва 15 ҳамда 18-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Илова Консенсусни қўллашга доир мисоллар

Мазкур илова шарҳнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

- A1 Мазкур иловада МХХСШҚ шарҳининг консенсус қисмини қўллашга доир етти мисол келтирилган. Мисоллар тўлиқ қамровли рўйхатни ташкил этмайди; бошқа ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Ҳар бир мисол ундаги далилларда келтирилган шартлардан бошқа ҳеч қандай шартлар, яъни молиявий инструментни молиявий мажбурият сифатида таснифланишини талаб этиши мумкин бўлган шартлар мавжуд эмас ва молиявий инструмент 32-сон БҲХС нинг 16А ва 16Б бандлардаги ёки 16В ва 16Г бандлардаги барча жиҳатларга эга эмас ва бундай шартларни қаноатлантирмайди деган фараз асосида келтирилган.

Қайта сотиб олишни рад этиш бўйича шартсиз ҳуқуқ (7- банд)

1 мисол

Ҳолат

- A2 Ташкилотнинг устави улушни қайта сотиб олиш фақат ташкилотнинг ихтиёрига кўра, амалга оширилишини белгилайди. Устав ташкилотнинг бундай ихтиёрий ҳаракати бўйича бошқа тафсилот ёки чекловни назарда тутмайди. Ўзининг ўтган фаолиятида ташкилотнинг бошқарув кенгаши иштирокчилар улушларини қайта сотиб олишни рад этиш бўйича ҳуқуққа эга бўлсада, буни ҳеч қачон рад этмаган.

Таснифлаш

- A3 Ташкилот қайта сотиб олишни рад этиш бўйича шартсиз ҳуқуққа эга ва иштирокчилар улушлари хусусий капитал ҳисобланади. 32-сон БҲХС молиявий инструментнинг шартларига асосланган таснифлаш бўйича тамойилларни белгилайди ва ташкилот ихтиёри билан амалга ошириладиган тўловлар, бундай тўловларни амалга ошириш тарихи ёки уларни амалга оширишни назарда тутилиши молиявий инструментни мажбурият сифатида таснифланишига олиб келмаслигини таъкидлайди. 32-сон БҲХС нинг ҚК26-бандида куйидагилар таъкидланади:

Имтиёзли акциялар сўндирилмайдиган бўлса, тегишли таснифлаш уларга бириктирилган бошқа ҳуқуқлар орқали аниқланади. Таснифлаш шартномавий келишувнинг моҳиятини баҳолашга ва молиявий мажбурият ва улушли инструмент таърифларига асосланади. Имтиёзли акциялар эгаларига тақсимлаш, улар жамғариладиган ёки жамғарилмайдиган бўлишига қарамасдан, эмитентнинг ихтиёрида бўлганда, акциялар улушли инструментлар ҳисобланади. Имтиёзли акцияни улушли инструмент ёки молиявий мажбурият сифатида таснифлашга, масалан, куйидагилар таъсир кўрсатмайди:

- (a) тақсимлашни амалга ошириш тарихи;
- (b) келгусида тақсимлашни амалга оширишни назарда тутиш;
- (b) тақсимлаш амалга оширилмаганда оддий акциялар нархига эҳтимолий салбий таъсир (агар дивидендлар имтиёзли акциялар бўйича тўланмаганда, оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлашга чекловлар сабабли);
- (г) эмитент резервларининг суммаси;
- (д) давр учун эмитент томонидан фойда ёки зарар кутилиши; ёки
- (e) эмитентнинг давр учун ўз фойда ёки зарари суммасига таъсир кўрсатиш лаёқати ёки лаёқатсизлиги.

2-мисол

Ҳолат

- A4 Ташкилотнинг устави улушни қайта сотиб олиш фақат ташкилотнинг ихтиёрига кўра, амалга оширилишини белгилайди. Лекин шу билан бирга, устав қайта сотиб олиш талабининг маъқулланишини автоматик тарзда бўлишини белгилайди, бундан ташкилот ликвидилик ёки

резервларга нисбатан маҳаллий меъёрий ҳужжатларни бузмаган ҳолда тўловларни амалга ошира олмаслиги мустасно.

Таснифлаш

- A5 Ташкилот қайта сотиб олишни рад этиш бўйича шартсиз ҳуқуққа эга эмас ва иштирокчилар улушлари молиявий мажбурият ҳисобланади. Юқорида ифодаланган чекловлар ташкилотнинг ўз мажбуриятини ҳисоб-китоб қилиш қобилиятига асосланади. Улар фақат ликвидлилик ёки резерв талаблари қаноатлантирилмаганда ва улар қаноатлантирилгунга қадар бўлган даврда қайта сотиб олишни чеклайди. Шунга қўра, 32-сон БҲХСда белгиланган тамойиллар асосида, улар молиявий инструментни хусусий капитал сифатида таснифланишига олиб келмайди. 32-сон БҲХСнинг ҚК25-бандида қуйидагилар таъкидланади:

Имтиёзли акциялар турли ҳуқуқлар билан чиқарилиши мумкин. Имтиёзли акция молиявий мажбурият ёки улушли инструмент бўлишини аниқлашда, эмитент улушга бириктирилган муайян ҳуқуқларни акция молиявий мажбуриятнинг фундаментал хусусиятини акс эттиришини аниқлаш учун баҳолайди. Масалан, муайян санада ёки эгаси ихтиёрига қўра, қайта сотиб олишни таъминлайдиган имтиёзли акциялар молиявий мажбуриятни қамраб олади, чунки эмитентда улуш эгасига молиявий активларни ўтказиш жавобгарлиги мавжуд. *Имтиёзли акцияни қайта сотиб олиш мажбуриятини бажариш бўйича эмитентнинг потенциал лаёқатсизлиги шартномавий тарзда талаб этилганда, маблағ этишмаслиги, қонуний чеклов ёки фойданинг ёки резервларнинг этишмаслиги сабаб бўлишига қарамасдан, жавобгарликни инкор этмайди.* [Курсив қўшилган]

Қайта сотиб олишга тақиқлар (8 ва 9-бандлар)

3-мисол

Ҳолат

- A6 Кооператив ташкилот ўтган даврда ўзининг иштирокчилари учун турли саналарда ва турли суммаларда улушларни қуйидагича чиқарган:
- (a) 20X1 йил 1 январда ҳар бири 10 п.б.даги 100 000 улуш (1 000 000 п.б.);
 - (b) 20X2 йил 1 январда ҳар бири 20 п.б.даги 100 000 улуш (қўшимча тарзда 2 000 000 п.б, шундай қилиб умумий чиқарилган улушлар жами 3 000 000 п.б.ни ташкил қилди).
- Улушлар талаб этилганда улар чиқарилган суммада сўндирилади.
- A7 Ташкилотнинг уставида қайта сотиб олишнинг жамғарилган суммаси иштирокчиларнинг ҳар доим энг кўп амалда бўлган улушларининг 20 фоизидан ошмаслиги белгиланган. 20X2 йил 31 декабрда ташкилот ҳар доим амалда бўлган иштирокчилар улушларининг энг кўп миқдоридаги ва ҳеч қандай улушлар олдин сўндирилмаган 200 000 амалдаги улушларга эга. 20X3 йил 1 январда ташкилот ўзининг уставини ўзгартиради ва жамғарилган қайта сотиб олишларнинг руҳсат этилган даражасини иштирокчиларнинг ҳар доим энг кўп амалда бўлган улушлари суммасини 25 фоизигача оширади.

Таснифлаш

Ташкилот устави ўзгартирилишидан аввал

- A8 Иштирокчилар улушларининг қайта сотиб олиш миқдорига қўйилган чекловдан ортиқ қисми молиявий мажбуриятлар ҳисобланади. Кооператив ташкилот мазкур молиявий мажбуриятни дастлабки тан олишда ҳаққоний қийматда баҳолайди. Мазкур улушлар талаб қилинганда сўндириладиган бўлганлиги сабабли, кооператив ташкилот бундай молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматини 13-сон МҲХСнинг 47-бандида таъкидланган қуйидаги асосга мувофиқ баҳолайди: “Талаб қилиш жиҳатида эга молиявий мажбуриятнинг (масалан талаб қилингунча депозитнинг) ҳаққоний қиймати талаб қилинганда тўланадиган суммадан камроқ бўлмайди”. Шунга мувофиқ, кооператив ташкилот қайта сотиб олиш шартлари асосида талаб қилинганда тўланадиган максимал суммани молиявий мажбуриятлар сифатида таснифлайди.
- A9 20X1 йил 1 январда қайта сотиб олиш шартлари асосида тўланадиган максимал сумма ҳар бири 10 п.б.даги 20 000 улуш бўлади ва ўз навбатида, ташкилот 200 000 п.б.ни молиявий мажбурият сифатида ва 800 000 п.б.ни хусусий капитал сифатида таснифлайди. Лекин, 20X2 йил 1 январда 20 п.б.даги улушларнинг янги эмиссияси сабабли, қайта сотиб олиш шартлари асосида тўланадиган максимал сумма ҳар бири 20 п.б даги 40 000 улушга ошади. 20 п.б.даги қўшимча улушлар эмиссияси дастлабки

тан олишда ҳаққоний қийматда баҳоланадиган янги мажбуриятни юзага келтиради. Мазкур улушлар чиқарилгандан сўнг мажбурият, 20 п.б.да баҳоланган жами улушларнинг (200 000) 20 фоизи ёки 800 000 п.б. ҳисобланади. Бу эса 600,000 п.б. суммасида қўшимча мажбуриятни тан олишни талаб этади. Мазкур мисолда ҳеч қандай фойда ёки зарар тан олинмайди. Ўз навбатида, ташкилот энди 800 000 п.б. ни молиявий мажбуриятлар ва 2 200 000 п.б. ни хусусий капитал сифатида таснифлайди. Мазкур мисолда ушбу миқдорлар 20X1 йил 1 январь ва 20X2 йил 31 декабрь оралиғида ўзгармаган, деб фараз қилинади.

Ташкилот устави ўзгартирилгандан сўнра

- A10 Ташкилот уставига ўзгартириш киритилганидан сўнг кооператив ташкилотдан энди ўзининг амалдаги улушларининг максимал 25 фоизини ёки ҳар бири 20 п.б. бўлган максимал 50 000 улушларни қайта сотиб олиши талаб этилиши мумкин. Ўз навбатида, 20X3 йил 1 январда кооператив ташкилот 13-сон МХХС нинг 47-бандига мувофиқ аниқланган қайта сотиб олиш шартлари асосида тўланадиган максимал сумма бўлган 1 000 000 п.б. суммани молиявий мажбуриятлар сифатида таснифлайди. Шу ўринда, ташкилот 20X3 йил 1 январда 200 000 п.б. суммани хусусий капиталдан молиявий мажбуриятларга ўтказиб, хусусий капитал сифатида таснифланган 2 000 000 п.б. суммани қолдиради. Мазкур мисолда ташкилот ўтказмани амалга оширишда фойда ёки зарарни тан олмайди.

4-мисол

Ҳолат

- A11 Кооперативлар фаолиятини тартибга соладиган маҳаллий қонун ёки ташкилотнинг уставига мувофиқ, агар уларни сўндириш орқали, иштирокчилар улушлари бўйича тўланган капитал иштирокчилар улушлари бўйича тўланган капиталнинг энг юқори суммасининг 75 фоизидан паст даражада қамайса, ташкилот иштирокчилар улушларини сўндириши тақиқланади. Муайян кооператив учун бундай сумманинг энг юқори кўрсаткичи 1,000,000 п.б. ҳисобланади. Ҳисобот даври охирига тўланган капитал қолдиғи 900,000 п.б.ни ташкил қилади.

Таснифлаш

- A12 Ушбу ҳолатда, 750,000 п.б. хусусий капитал сифатида ва 150,000 п.б. молиявий мажбуриятлар сифатида таснифланади. Юқорида келтирилган бандларга қўшимча тарзда, 32-сон БХХСнинг 18(б) бандида, хусусан, қуйидагилар таъкидланади:

... эгаси учун молиявий инструментни эмитентга пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив эвазига қайтариш ҳуқуқини берадиган молиявий инструмент (қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган инструмент) молиявий мажбурият ҳисобланади, бундан 16А ва 16Б бандларга ёки 16В ва 16Г бандларга мувофиқ улушли инструмент сифатида таснифланган инструментлар мустасно. Пул маблағлари ёки бошқа молиявий активлар суммаси индекс ёки бошқа кўтарилиши ёки пасайиши мумкин бўлган ўзгарувчан асосда аниқланганда ҳам бундай молиявий инструмент молиявий мажбурият ҳисобланади. Эгасида инструментни пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив эвазига қайтариш ҳуқуқи мавжудлиги қайтариб сотиш ҳуқуқини берадиган бу инструмент молиявий мажбурият таърифини қаноатлантиради, 16А ва 16Б бандларга ёки 16В ва 16Г бандларга мувофиқ улушли инструмент сифатида таснифланган инструментлар бундан мустасно.

- A13 Ушбу мисолда ифодаланган қайта сотиб олиш бўйича тақиқ 32-сон БХХСнинг 19 ва ҚК25 бандларида ифодаланган чекловлардан фарқ қилади. Ушбу тақиқлар молиявий мажбуриятни сўндириш учун талаб этиладиган суммани тўлаш бўйича ташкилот тўловга қобилиятининг чекланиши ҳисобланади, яъни улар фақат муайян шартлар бажарилганда мажбурият сўндирилишига тўсқинлик қилади. Аксинча, ушбу мисол ташкилот иштирокчилари улушларини қайта сотиб олиш лаёқатидан қатъи назар, (масалан, унинг пул маблағлари, фойдаси ёки тақсимланадиган резервларини инобатга олган ҳолда), белгиланган суммадан ташқари сўндиришлар бўйича шартсиз тақиқни ифодалайди. Ўз моҳиятига кўра, қайта сотиб олишга тақиқ ташкилотни тўланган капиталнинг белгиланган суммасидан ортиғини қайта сотиб олиш учун ҳар қандай молиявий мажбуриятни қабул қилишини олдини олади. Шунинг учун, қайта сотиб олишга тақиқ қўйилган улушлар қисми молиявий мажбурият ҳисобланмайди. Ҳар бир иштирокчиларнинг улушлари алоҳида қайта сотиб олиниши мумкин бўлганда, жами чиқарилган улушлар миқдорининг бир қисмига нисбатан қайта сотиб олиш ҳуқуқи бўлмайди, бундан ташкилот тугатилиши мустасно.

5-мисол

Ҳолат

- A14 Мазкур ҳолатнинг шартлари 4-мисолдаги каби бир хил. Шу билан бирга, ҳисобот даври охирида, маҳаллий юрисдикцияда белгиланган ликвидлилик талаблари ташкилотга, унинг пул маблағлари ва қисқа муддатли инвестицияларга эгалик қилиши белгиланган суммадан ортик бўлмагунга қадар, ҳар қандай иштирокчилар улушларини қайта сотиб олишига тўсқинлик қилади. Ҳисобот даври охирида ушбу ликвидлилик талаблари таъсири ташкилот иштирокчилар улушининг 50,000 п.б.дан ортик бўлган суммасини тўлай олмаслигини ангалатади.

Таснифлаш

- A15 4-мисолдагидек, ташкилот 750,000 п.б.ни хусусий капитал сифатида ва 150,000 п.б.ни молиявий мажбурият сифатида таснифлайди. Бунга сабаб шуки, мажбурият сифатида таснифланган сумма фақат ликвидлилик ёки бошқа талаблари қаноатлантирилмаганда ва кейин фақат улар қаноатлантирилгунга қадар бўлган даврда қайта сотиб олишни олдини оладиган шартли чекловларга эмас, балки ташкилотнинг қайта сотиб олишни рад этиш бўйича шартсиз ҳуқуқига асосланади. Мазкур ҳолатда 32-сон БХХСнинг 19 ва ҚҚ25-бандларидаги шартлар қўлланади.

6 мисол

Ҳолат

- A16 Ташкилотнинг устави иштирокчилар улушларини қайта сотиб олишга тақиқни назарда тутади, бундан бевосита олдинги уч йил мобайнидаги янги ёки жорий иштирокчиларга қўшимча улушлари чиқарилишидан келиб тушган пул маблағлари суммаси мустасно. Иштирокчилар улушларини чиқаришдан пул маблағларининг келиб тушуши иштирокчилар қайта сотиб олинишини талаб этган улушларни қайта сотиб олиш учун фойдаланилиши шарт. Бевосита олдинги уч йил мобайнида, иштирокчилар улушларини чиқаришдан пул маблағлари келиб тушиши 12,000 п.б. бўлган ва ҳеч қандай иштирокчилар улушлари қайта сотиб олинмаган.

Таснифлаш

- A17 Ташкилот иштирокчилар улушларининг 12,000 п.б.қисмини молиявий мажбуриятлар сифатида таснифлайди. 4-мисолда ифодаланган ҳулосаларга мувофиқ, қайта сотиб олиш бўйича шартсиз тақиққа эга иштирокчилар улушлари молиявий мажбуриятлар ҳисобланмайди. Бундай шартсиз тақиқ бевосита олдинги уч йилдан олдин чиқарилган улушлардан пул маблағлари келиб тушишига тенг суммага нисбатан қўлланади ва ўз навбатида, ушбу сумма хусусий капитал сифатида таснифланади. Лекин, қайта сотиб олиш бўйича шартсиз тақиқ бевосита олдинги уч йилда чиқарилган ҳар қандай улушлардан пул маблағлари келиб тушишига тенг суммага нисбатан татбиқ этилмайди. Ўз навбатида, бевосита олдинги уч йилдаги иштирокчилар улушларининг чиқарилишидан келиб тушиши пул маблағларини иштирокчилар улушларини қайта сотиб олиш учун ортик мавжуд бўлмагунча молиявий мажбуриятларни ҳосил қилади. Натижада, ташкилот бевосита олдинги уч йил мобайнида чиқарилган улушлардан пул маблағлари келиб тушишига тенг молиявий мажбуриятга эга бўлади, бунда мазкур мажбуриятдан мазкур давр мобайнидаги ҳар қандай улушларни қайта сотиб олиш суммаси чегирилади.

7 мисол

Ҳолат

- A18 Ташкилот кооператив банк ҳисобланади. Кооператив банклар операцияларига оид маҳаллий қонунчиликда кооперативнинг барча сўндирилмаган мажбуриятларининг (мазкур атама иштирокчилар улушлари ҳисобини ўз ичига олган норматив ҳужжатда таърифланган) камида 50 фоизи иштирокчиларнинг тўланган капитали шаклида бўлиши белгиланган. Бундай норматив ҳужжатнинг таъсири шундаки, агар кооперативнинг барча сўндирилмаган мажбуриятлари иштирокчиларнинг улушлари шаклида бўлса, кооператив уларнинг барчасини қайта сотиб олиш имкониятига эга бўлади. 20X1 йил 31 декабрь ҳолатига қўра, ташкилотнинг жами сўндирилмаган мажбуриятлари 200,000 п.б.ни ташкил қилади, шундан 125,000 п.б. иштирокчиларнинг улуш бўйича ҳисобварағига тегишли. Иштирокчиларнинг улуш бўйича ҳисобварағи бўйича шартларга қўра, улуш

эгасига унинг талаби билан ўз улушини ташкилотга қайта сотишига рухсат этилади ва ташкилотнинг уставида қайта сотиб олиш бўйича чекловлар мавжуд эмас.

Таснифлаш

- A19 Мазкур мисолда иштирокчилар улушлари молиявий мажбуриятлар сифатида таснифланади. Қайта сотиб олиш тақиқи 32-сон БХХС нинг 19 ва ҚК25 бандларида ифодаланган чекловларга ўхшаш бўлади. Бу тақиқ молиявий мажбуриятга оид суммани тўлаш бўйича ташкилотнинг тўловга қобилиятига шартли чекловларни ўрнатади, яъни улар фақат маълум шартлар бажарилганда, мажбуриятларнинг тўланишига тўсқинлик қилади. Аниқроқ айтганда, ташкилот ўзининг барча бошқа мажбуриятларини (75,000 п.б.) сўндирганда, иштирокчилар жами улушларини (125,000 п.б.) қайта сотиб олиши мумкин бўларди. Ўз навбатида, қайта сотиб олиш бўйича тақиқ ташкилотни иштирокчилар улушларининг белгиланган миқдоридан ёки тўланган капитал суммасидан ортиғини қайта сотиб олиш учун молиявий мажбуриятни қабул қилишига тўсқинлик қилмайди. Бу тақиқ ташкилотга фақатгина маълум шартлар бажарилгунга, яъни бошқа мажбуриятларнинг сўндирилгунга қадар қайта сотиб олишни кечиктириш имконини беради. Мазкур мисолдаги иштирокчилар улушлари қайта сотиб олиш бўйича шартсиз тақиққа тўғри келмайди ва шу сабабли молиявий мажбуриятлар сифатида таснифланади.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
50-ИЛОВА

5-сон МҲХСШҚ Шарҳи Объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф муҳитни қайта тиклаш ва экологик реабилитация фондларида иштирок этиш ҳуқуқлари

Ҳаволалар

- 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар”
- 10-сон МҲХС “Консолидациялашган молиявий ҳисобот”
- 11-сон МҲХС “Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар”
- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сийсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 28-сон БҲХС “Таъсир остидаги ташилотларга ва қўшма корхоналарга инвестициялар”
- 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”

Дастлабки маълумотлар

- 1 Объектларни фойдаланишдан чиқариш, атроф-муҳитни қайта тиклаш ва экологик реабилитация фондларининг (кейинги ўринларда “фойдаланишдан чиқариш фондлари” ёки “фондлар” деб юритилади) мақсади ишлаб чиқариш объектини (масалан, атом станциясини) ёки маълум асосий воситани (масалан, автомобилларни) фойдаланишдан чиқаришнинг ёки экологик реабилитацияни амалга оширишнинг (масалан, сув ифлосланишини бартараф этиш ёки қазилган ерни тиклаш) (биргаликда “фойдаланишдан чиқариш” деб юритилган ҳолда) айрим ёки барча сарфларини молиялаштириш учун активларни ажратишдан иборатдир.
- 2 Ушбу фондларга бадаллар киритиш ихтиёрий тарзда амалга оширилиши ёки норматив ҳужжат ёки қонунчилик орқали талаб этилиши мумкин. Фондлар қуйидаги тузилмалардан бирига эга бўлиши мумкин:
 - (a) муайян жойлар ёки географик жиҳатдан тарқоқ бир неча жойлар учун, ягона иштирокчи томонидан ўзининг фойдаланишдан чиқариш бўйича мажбуриятларини молиялаштириш учун ташкил этилган фондлар.
 - (b) бир неча иштирокчилар томонидан фойдаланишдан чиқариш бўйича уларнинг алоҳида ёки биргаликдаги мажбуриятларини молиялаштириш учун ташкил этилган фондлар, бунда иштирокчилар ўзларининг бадаллари ҳамда фондни бошқариш сарфларидаги ўзларининг улуши чегирилган ҳолда ушбу бадаллар бўйича ҳар қандай ҳақиқий фойда даражасида фойдаланишдан чиқариш харажатларини қоплаш ҳуқуқига эга бўлади. Иштирокчилар қўшимча бадалларни киритиш мажбуриятига эга бўлиши мумкин, масалан, бошқа иштирокчининг банкротлик ҳолатида.
 - (b) бир неча иштирокчилар томонидан фойдаланишдан чиқариш бўйича уларнинг алоҳида ёки биргаликдаги мажбуриятларини молиялаштириш учун ташкил этилган фондлар, бунда бадалларнинг талаб этилган даражаси иштирокчининг жорий фаолиятига асосланади ва ушбу иштирокчи эга бўлган наф унинг олдинги фаолиятига асосланади. Бундай ҳолатларда, иштирокчи томонидан (жорий фаолиятга асосланган ҳолда) киритилган бадаллар суммаси билан (олдинги фаолиятга асосланган ҳолда) фонддан ўзлаштириладиган қиймат ўртасида потенциал номуносиблик мавжуд бўлади.
- 3 Бундай фондлар умумий ҳолда қуйидаги жиҳатларга эгадир:
 - (a) фонд мустақил ишончли бошқарувчилар томонидан алоҳида тарзда бошқарилади.

- (б) ташкилотлар (иштирокчилар) ҳам қарз ҳам капитал инвестицияларни ўз ичига оладиган бир қатор активларга инвестиция қилинадиган ва иштирокчиларнинг фойдаланишдан чиқариш сарфларини тўлашда кўмак бериш учун мавжуд бўладиган фондга бадаллар киритади. Ишончли бошқарувчилар фонднинг бошқарув ҳужжатлари ва ҳар қандай ўринли қонунчилик ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар орқали белгиланган чегаралар доирасида бадалларни қандай инвестиция қилишни белгилайди.
- (в) иштирокчиларда фойдаланишдан чиқариш сарфларини тўлаш жавобгарлиги сақланиб қолади. Лекин, иштирокчилар сарфланган фойдаланишдан чиқариш сарфларини ҳақиқатда амалга оширилган фойдаланишдан чиқариш бўйича сарфлар ва тегишли иштирокчининг фонд активларидаги улушининг ками даражасида қоплаш имкониятига эга бўладилар.
- (г) иштирокчилар муносиб фойдаланишдан чиқариш сарфларини қоплаш учун ишлатилганидан ортиқча фонднинг қўшимча активларидан чекланган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши ёки бундай ҳуқуққа умуман эга бўлмаслиги мумкин.

Қўллаш доираси

- 4 Мазкур шарҳ иштирокчининг молиявий ҳисоботида қуйидаги иккита жиҳатга эга бўлган фойдаланишдан чиқариш фондларидан юзага келадиган улушларни ҳисобга олишга нисбатан қўлланади:
 - (а) активлар алоҳида тарзда (ёки алоҳида юридик ташкилот эгалик қилган ҳолда ёки бошқа ташкилот таркибида ажратилган гуруҳ активлари сифатида) бошқарилади; ва
 - (б) иштирокчининг активлардан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган бўлади.
- 5 Қоплаш суммасини олиш ҳуқуқи қийматидан ортиқ бўлган фонддаги қолдиқ улуш, масалан, барча фойдаланишдан чиқариш тугалланган пайтдаги ёки фондни тугатиш пайтидаги тақсиротларга нисбатан шартномавий ҳуқуқлар 9-сон МХХСнинг қўллаш доирасидаги улушли инструментни ифодалаши мумкин ва у мазкур шарҳнинг қўллаш доирасига кирмайди.

Масалалар

- 6 Мазкур шарҳда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:
 - (а) иштирокчи фонддаги ўз улушини қандай ҳисобга олиши лозим?
 - (б) иштирокчи қўшимча бадаллар киритиш жавобгарлигига эга бўлса, масалан, бошқа иштирокчининг банкротлик ҳолатида, ушбу жавобгарлик қандай ҳисобга олиниши лозим?

Консенсус

Фонддаги улушни ҳисобга олиш

- 7 Иштирокчи фойдаланишдан чиқариш сарфларини тўлаш бўйича ўз жавобгарлигини, агар ушбу иштирокчи фонд тўлай олмаган ҳолатда ҳам фойдаланишдан чиқариш сарфларини тўлашга мажбур бўлмаса, мажбурият сифатида тан олиши ва фонддаги ўз улушини алоҳида тарзда тан олиши лозим.
- 8 Иштирокчи 10-сон МХХС, 11-сон МХХС ва 28-сон БХХСга мурожаат этган ҳолда, у фонд бўйича назоратга ёки биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга эканини аниқлаши лозим. Агар шундай бўлса, иштирокчи фонддаги ўз улушини ушбу стандартларга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.
- 9 Агар иштирокчи фонд бўйича назоратга ёки биргаликдаги назоратга ёки аҳамиятли таъсирга эга бўлмаса, иштирокчи фонддан қоплаш суммасини олиш ҳуқуқини 37-сон БХХСга мувофиқ қоплаш сифатида тан олиши лозим. Мазкур қоплаш қуйидагиларнинг кичиги билан баҳоланиши лозим:
 - (а) фойдаланишдан чиқариш бўйича тан олинган жавобгарликнинг суммаси; ва
 - (б) иштирокчиларга тегишли фонднинг соф активларининг ҳаққоний қийматидаги иштирокчи улуши.

Фондга бадаллар киритиш ва ундан тўловлар амалга оширилишидан ташқари қоплаш суммасини олиш ҳуқуқининг баланс қийматидаги ўзгаришлар бундай ўзгаришлар юз берган даврда фойда ёки зарарда тан олиниши лозим.

Қўшимча бадалларни киритиш бўйича жавобгарликни ҳисобга олиш

- 10 Иштирокчи, масалан, бошқа иштирокчининг банкротлик ҳолатида ёки агар фонд эгалигидаги инвестиция активлари қиймати улар фонднинг қоплаш мажбуриятларини бажаришда етарли бўлмайдиган даражага камайган пайтда, потенциал қўшимча бадалларни киритиш жавобгарлигига эга бўлса, бундай жавобгарлик 37-сон БҲХСнинг қўллаш доирасидаги шартли мажбурият ҳисобланади. Иштирокчи фақатгина қўшимча бадалларни киритишнинг юқори эҳтимоли мавжуд бўлса, мажбуриятни тан олиши лозим.

Маълумотларни ёритиб бериш

- 11 Иштирокчи фонддаги ўз улушининг характерини ва фонддаги активлардан фойдаланиш бўйича ҳар қандай чекловлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 12 Иштирокчи мажбурият сифатида тан олинмайдиган потенциал қўшимча бадаллар киритиш жавобгарлигига эга бўлганда (10-бандга қаранг), у 37-сон БҲХСнинг 86-бандида талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши лозим.
- 13 Иштирокчи фонддаги ўз улушини 9-бандга мувофиқ ҳисобга олганда, у 37-сон БҲХСнинг 85(в)-бандида талаб этилган маълумотларни ёритиб бериши лозим.

Кучга кириш санаси

- 14 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2006 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур шарҳни 2006 йил 1 январдан олдинги давр учун қўллаша, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 14А [Чиқариб ташланган]
- 14Б 2011 йилнинг май ойида эълон қилинган 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХС бўйича 8 ва 9-бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 10-сон МҲХС ва 11-сон МҲХСлар билан биргаликда қўллаши лозим.
- 14В [Чиқариб ташланган]
- 14Г 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 5-бандга ўзгартириш киритилган ва 14А ва 14В бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўтиш қоидалари

- 15 Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар 8-сон БҲХСнинг талабларига мувофиқ ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
51-ИЛОВА

6-сон МҲХСШҚ Шарҳи Махсус бозорда иштирок этишдан юзага келадиган мажбуриятлар – чиқинди электр ва электрон ускуналар

Ҳаволалар

- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”

Дастлабки маълумотлар

- 1 37-сон БҲХСнинг 17-бандига мувофиқ, жавобгарлик юклайдиган ҳодиса ташкилотнинг сўндиришдан бошқа муқобил амалий чораси бўлмаган, мавжуд мажбуриятни келтириб чиқарадиган ўтган ҳодисадир.
- 2 37-сон БҲХСнинг 19-бандига мувофиқ, баҳоланган мажбуриятлар фақат “ташкилотнинг келгуси хатти-ҳаракатларидан мустақил тарзда ўтган ҳодисалар натижасида юзага келадиган жавобгарликлар” бўйича тан олинади.
- 3 Чиқинди ускунани йиғиш, унга ишлов бериш, уни тиклаш ва экологик жиҳатдан тоза тарзда утилизация қилишни тартибга соладиган “Чиқинди электр ва электроник ускуна (ЧЭЭУ) тўғрисидаги” Европа иттифоқининг кўрсатмаси ЧЭЭУни фойдаланишдан чиқариш бўйича мажбурият қачон тан олинishi лозимлиги тўғрисидаги саволларни юзага келтирган. Мазкур кўрсатма “янги” чиқинди ва “эски” чиқинди ўртасидаги ҳамда маиший чиқинди ва маиший бўлмаган бошқа манбалардан чиқинди ўртасидаги фарқни белгилайди. Янги чиқинди 2005 йил 13 августдан кейин сотилган маҳсулотларга тегишлидир. Мазкур санагача сотилган барча маиший техникалар мазкур кўрсатма мақсадларида эски чиқинди ҳисобланади.
- 4 Мазкур кўрсатма маиший техника бўйича эски чиқиндиларни утилизация қилиш сарфлари ҳар бир аъзо давлатнинг тегишли қонунчилигида белгиланган давр (баҳолаш даври) мобайнида бозорда мавжуд бўлган ушбу техника турининг ишлаб чиқарувчилари зиммасида бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Кўрсатмада ҳар бир аъзо давлат ишлаб чиқарувчиларга тегишли сарфларни мутаносиб равишда “масалан уларнинг ускуна тури бўйича тегишли бозор улушига мутаносиб равишда” тўлаш мажбуриятини юклайдиган механизм жорий этиши лозимлиги таъкидланган.
- 5 Мазкур шарҳда фойдаланилган “бозор улуши” ва “баҳолаш даври” каби бир қатор атамалар мустақил аъзо давлатларнинг тегишли қонунчилигида фарқли равишда таърифланган бўлиши мумкин. Масалан, баҳолаш даврининг давомийлиги бир йил ёки фақатгина бир ой бўлиши мумкин. Шу каби, бозор улушининг баҳоси ва мажбуриятни ҳисоблаш формулалари турли мамлакатлар қонунчиликларида фарқ қилиши мумкин. Лекин, ушбу мисолларнинг барчаси фақат мазкур шарҳнинг қўллаш доирасида бўлмаган мажбуриятни баҳолашга таъсир кўрсатади.

Қўллаш доираси

- 6 Мазкур шарҳ эски маиший техникалар сотувларига нисбатан ЧЭЭУ бўйича ЕИ Кўрсатмаси асосида чиқиндиларни утилизацияси бўйича мажбуриятларни ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий ҳисоботида тан олиш бўйича кўрсатма беради.
- 7 Мазкур шарҳда маиший бўлмаган бошқа манбалардан янги чиқиндиларга ёки эски чиқиндиларга оид жиҳатлар кўриб чиқилмайди. Бундай чиқинди утилизацияси бўйича мажбурият 37-сон БҲХС билан тартибга солинади. Лекин, агар бирор мамлакат қонунчилигида янги маиший чиқиндилар эски маиший чиқиндилар билан бир хил қаралса, мазкур шарҳнинг тамойиллари 8-сон БҲХСнинг 10-12-бандларидаги иерархияга мувофиқ қўлланади. 8-сон БҲХСнинг иерархияси ЕИ кўрсатмасида

белгиланган сарфларни тақсимлаш усулига ўхшаш тарзда мажбуриятларни юклайдиган бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан ҳам ўринлидир.

Масала

- 8 МХХСШҚдан ЧЭЭУни фойдаланишдан чиқариш ҳолатида чиқиндининг утилизация сарфлари бўйича баҳоланган мажбуриятни тан олиш учун 37-сон БҲХСнинг 14(а) бандига мувофиқ қуйидагилардан қайси бири жавобгарлик юклайдиган ҳодисани ташкил этишини аниқлаш сўралган:
- эски маиший техниканинг ишлаб чиқарилишими ёки сотилишими?
 - баҳолаш даври мобайнида тегишли бозорда фаолият олиб бориши?
 - чиқинди утилизацияси бўйича чора-тадбирлар давомида сарфларнинг юзага келишими?

Консенсус

- 9 Баҳолаш даврида тегишли бозорда фаолият олиб бориш 37-сон БҲХСнинг 14(а) бандига мувофиқ жавобгарлик юклайдиган ҳодиса ҳисобланади. Натижада эски маиший техника бўйича чиқинди утилизация сарфлари учун мажбурият маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ёки сотилиши сабабли юзага келмайди. Эски маиший техника учун жавобгарлик утилизация қилинадиган объектнинг ишлаб чиқарилишига ёки сотилишига эмас, балки баҳолаш даври мобайнида тегишли бозорда фаолият юритишга боғланганлиги сабабли, бозор улуши мавжуд бўлмаса ва мавжуд бўлмагунча ҳеч қандай жавобгарлик юзага келмайди. Жавобгарлик юклайдиган ҳодисанинг вақти чиқинди утилизацияси ва тегишли сарфлар амалга ошириладиган муайян даврга боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Кучга кириш санаси

- 10 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2005 йил 1 декабрдан ва ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур шарҳни 2005 йил 1 декабрдан олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Ўтиш қоидалари

- 11 Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар 8-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
52-ИЛОВА

7-сон МҲХСШҚ Шарҳи 29-сон БҲХС “Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисобот” асосида қайта ҳисоблаш ёндашувини қўллаш

Ҳаволалар

- 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”
- 29-сон БҲХС “Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисобот”

Дастлабки маълумотлар

- 1 Мазкур шарҳ ташкилот ўз функционал валютасидаги иқтисодиётда гиперинфляция мавжудлигини аниқлаган¹ ҳисобот даврида, ҳолбуки ушбу иқтисодиёт ўтган даврда гиперинфляцияли бўлмаган бўлса, 29-сон БҲХСнинг талабларини қандай қўллаши ва ташкилот 29-сон БҲХСга мувофиқ ўзининг молиявий ҳисоботи моддаларини қайта ҳисоблаши бўйича кўрсатма беради.

Масалалар

- 2 Мазкур шарҳда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:
 - (a) ташкилот 29-сон БҲХСни қўллаганда мазкур стандартнинг 8-бандидаги “... ҳисобот даври охирида амалда бўлган ҳисоб бирлигида акс эттириш” талабини қандай тушуниш лозим?
 - (b) ташкилот ўзининг қайта ҳисобланган молиявий ҳисоботида кечиктирилган солиқ моддаларининг бошланғич қолдиқларини қандай акс эттириши лозим?

Консенсус

- 3 Ташкилот, ўтган даврда гиперинфляция бўлмагани ҳолда, ўз функционал валютасидаги иқтисодиётда гиперинфляция мавжудлигини аниқлаган ҳисобот даврида 29-сон БҲХСнинг талабларини худди иқтисодиёт доимо гиперинфляцияли бўлганидек қўллаши лозим. Шунинг учун, бошланғич қийматда баҳоланадиган номонетар моддаларга нисбатан молиявий ҳисоботда тақдим этилган энг олдинги давр бошига ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи активлар харид қилинган ва мажбуриятлар юзага келган санадан ҳисобот даври охирига қадар инфляция таъсирини акс эттириш учун қайта ҳисобланиши лозим. Ҳисобот даврининг бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда харид қилиш ёки юзага келиш санасидан бошқа саналарда жорий бўлган суммаларда ҳисобга олинган номонетар моддалар учун, бундай қайта ҳисоблаш жорий баланс қиймати аниқланган саналардан ҳисобот даври охирига қадар инфляция таъсирини акс эттириши лозим.
- 4 Ҳисобот даври охирида кечиктирилган солиқ моддалари 12-сон БҲХСга мувофиқ тан олинади ва баҳоланади. Лекин, ҳисобот даври бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда кечиктирилган солиқ суммалари қуйидагича аниқланиши лозим:
 - (a) ташкилот ҳисобот даври бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот санасида ушбу санадаги ҳисоб бирлигини қўллаш орқали номонетар моддаларнинг номинал баланс қийматларини қайта ҳисоблагандан сўнг, 12-сон БҲХСга мувофиқ кечиктирилган солиқ моддаларини қайта баҳолайди.

¹ Гиперинфляция 29-сон БҲХСнинг 3-бандидаги мезонлар асосида ташкилотнинг ўз мулоҳазасидан келиб чиқиб аниқланади.

- (б) (а) кичик бандга мувофиқ қайта баҳоланган кечиктирилган солиқ моддалари ҳисобот даври бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот санасидан ушбу ҳисобот даври охиригача бўлган ҳисоб бирлигидаги ўзгаришга нисбатан қайта ҳисобланади.

Ташкилот 29-сон БҲХСни қўлайдиган ҳисобот даври учун қайта ҳисобланган молиявий ҳисоботда тақдим этилган ҳар қандай қиёсий даврларнинг бошига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида кечиктирилган солиқ моддаларини қайта ҳисоблаш учун (а) ва (б) кичик бандлардаги ёндашувни қўлайди.

- 5 Ташкилот ўзининг молиявий ҳисоботини қайта ҳисоблагандан сўнг, кейинги ҳисобот даври учун молиявий ҳисоботдаги барча тегишли суммаларни, жумладан, кечиктирилган солиқ моддаларини, ушбу кейинги ҳисобот даври учун ҳисоб бирлигидаги ўзгаришни қўллаш орқали фақат олдинги ҳисобот даври бўйича қайта ҳисобланган молиявий ҳисоботга нисбатан қайта ҳисоблайди.

Кучга кириш санаси

- 6 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2006 йил 1 мартдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур шарҳни 2006 йил 1 мартдан олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
53-ИЛОВА

10-сон МҲХСШҚ Шарҳи Оралиқ молиявий ҳисобот ва кадрсизланиш

Ҳаволалар

- 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар”
- 34-сон БҲХС “Оралиқ молиявий ҳисобот”
- 36-сон БҲХС “Активларнинг кадрсизланиши”

Дастлабки маълумотлар

- 1 Ташкилотдан ҳар бир ҳисобот даври охирида гудвил кадрсизланишини баҳолаши ва лозим бўлса, 36-сон БҲХСга мувофиқ ушбу санадаги кадрсизланиш зарарини тан олиши талаб этилади. Лекин, кейинги ҳисобот даври охирида ҳолат шундай ўзгарган бўлиши мумкинки, бунда агар кадрсизланиш бўйича баҳолаш ушбу санада амалга оширилганда, кадрсизланиш зарари камайтирилган ёки умуман тан олинмаган бўлиши мумкин эди. Мазкур шарҳ бундай кадрсизланиш зарарлари қандайдир ҳолатларда қайта тикланиши лозим ёки лозим эмаслиги бўйича кўрсатма беради.
- 2 Мазкур шарҳда 34-сон БҲХСнинг талаблари билан 36-сон БҲХСдаги гудвил бўйича кадрсизланиш зарарларини тан олиш ўртасидаги ўзаро алоқани ҳамда ушбу ўзаро алоқани кейинги оралиқ ва йиллик молиявий ҳисоботга таъсири кўриб чиқилади.

Масала

- 3 34-сон БҲХСнинг 28-банди ташкилотдан ўзининг йиллик молиявий ҳисоботида қўллаган айни ҳисоб сиёсатини оралиқ молиявий ҳисоботида ҳам қўллашни талаб этади. Шунингдек ушбу бандда, “ташкилот ҳисоботининг даврийлиги (йиллик, ярим-йиллик, чораклик) унинг йиллик натижаларини баҳолашига таъсир этмаслиги лозим. Ушбу мақсадга эришиш учун оралиқ ҳисобот бўйича баҳолашлар йил бошидан ҳисобот санасигача бўлган давр учун бўлиши лозим”лиги кўрсатилган.
- 4 36-БҲХСнинг 124 бандида “Гудвил бўйича тан олинган кадрсизланиш зарари кейинги даврда қайта тикланмаслиги лозим”лиги кўрсатилган.
- 5-6 [Чиқариб ташланган]
- 7 Мазкур шарҳда қуйидаги масала кўриб чиқилади:
Кадрсизланиш бўйича баҳолаш кейинги ҳисобот даври охиридаги санада амалга оширилганда, кадрсизланиш зарари камайтирилган ёки умуман тан олинмаган бўлиши мумкин бўлган ҳолатда, ташкилот оралиқ даврда гудвил бўйича тан олинган кадрсизланиш зарарини тиклаши лозимми?

Консенсус

- 8 Ташкилот ўтган оралиқ даврда гудвил бўйича тан олинган кадрсизланиш зарарини қайта тикламаслиги лозим.
- 9 Ташкилот ушбу консенсусни 34-сон БҲХС ва бошқа стандартлар билан низоли ҳолатлар келиб чиқишини ҳисобга олиб, бошқа соҳалар бўйича ўхшаш тарзда қўлламаслиги лозим.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 10 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2006 йил 1 ноябрдан ёки ундан кейин бошлангидан йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллаш маъқулланади. Агар ташкилот мазкур шарҳни 2006 йил 1 ноябрдан олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим. Ташкилот мазкур шарҳни гудвилга нисбатан 36-сон БҲХСни биринчи марта қўллаган санадан бошлаб перспектив тарзда қўллаши лозим; ташкилот мазкур шарҳни 39-сон БҲХСдаги баҳолаш мезонларини биринчи марта қўллаган санадан бошлаб бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олинган улушли инструментлар ёки молиявий активларга нисбатан қўллаши лозим.
- 11-13 [Чиқариб ташланган]
- 14 2014 йил июл ойида эълон қилинган 9-сон МХХС бўйича 1, 2, 7 ва 8 бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 5, 6 ҳамда 11-13 бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
54-ИЛОВА

12-сон МҲХСШҚ Шарҳи Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари

Ҳаволалар

- *Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишининг концептуал асоси*¹
- 1-сон МҲХС “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”
- 7-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш”
- 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар”
- 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”
- 16-сон МҲХС “Ижара”
- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 16-сон БҲХС “Асосий воситалар”
- 20-сон БҲХС “Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш”
- 23-сон БҲХС “Қарзлар бўйича сарфлар”
- 32-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: \
- 36-сон БҲХС “Активларнинг қадрсизланиши”
- 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”
- 38-сон БҲХС “Номоддий активлар”
- 29-сон ШДҚ “Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари: маълумотларни ёритиб бериш”²

Дастлабки маълумотлар

- 1 Кўпгина мамлакатларда йўллар, кўприклар, ер ости йўллари, қамқоналар, касалхоналар, аэропортлар, сув таъминоти иншоотлари, энергия таъминоти ва телекоммуникация тармоқлари каби оммавий хизматлар инфратузилмаси анъанавий тарзда давлат сектори томонидан қурилган, бошқарилган ва сақлаб турилган ҳамда давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган.
- 2 Баъзи мамлакатларда ҳукумат бундай инфратузилмани ривожлантириш, молиялаштириш, бошқариш ва сақлаб туришда хусусий секторнинг иштирок этиши учун жалб қилишга хизмат кўрсатиш бўйича келишувлардан фойдаланиш амалиётини жорий қилган. Инфратузилма аллақачон мавжуд бўлиши ёки хизмат кўрсатиш бўйича келишувнинг амал қилиш муддати давомида қуриб битказилиши мумкин. Мазкур шарҳнинг қўллаш доирасидаги келишув одатда оммавий хизмат кўрсатиш ёки уни такомиллаштириш (масалан, унинг имкониятларини ошириш орқали) ва ушбу инфратузилмани белгиланган муддат давомида ишлатиш ва сақлаб туриш учун фойдаланиладиган инфратузилмани яратувчи хусусий сектор ташкилотини (операторни) ўз ичига олади. Операторнинг хизмат ҳақи келишувнинг амал қилиш муддати давомида тўланади. Бундай келишув хизмат кўрсатиш талаблари ва меъёрлари, нархларни тартибга солиш механизмлари ва низоларни арбитраж тартибда ҳал қилишни белгилайдиган шартнома билан тартибга солинади. Бундай келишув кўпинча "қуриш -

¹ Ушбу ҳавола 2001 йилда Кенгаш томонидан қабул қилинган БҲХСҚнинг “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишининг концептуал асоси”ни назарда тутди.

² Дастлаб “Маълумотларни ёритиб бериш-Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари” деб номланган 29-сон ШДҚнинг номланиши 12-сон МҲХСШҚ Шарҳи натижасида ўзгартирилган.

- оператив бошқариш - ўтказиш", "қайта тиклаш - оператив бошқариш - ўтказиш" ёки "давлат хусусий шерикчилик" каби хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишуви сифатида тавсифланади.
- 3 Ушбу келишувларнинг ўзига хос жиҳати оператор тақдим этишни зиммасига олган хизматлар оммавий хусусиятга эга эканлигидан иборат. Давлат сиёсати хизматни қайси томон кўрсатишидан қатъий назар, аҳолига инфратузилма билан боғлиқ хизматларни кўрсатишдан иборат. Хизмат кўрсатиш бўйича келишув асосида оператор давлат сектори ташкилоти номидан аҳолига хизматлар кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бошқа умумий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:
- (а) хизмат кўрсатиш бўйича келишув шаклида ҳуқуқларни тақдим этувчи томон (концедент) давлат сектори ташкилоти, шу жумладан давлат органи ёки хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик юкланган хусусий сектор ташкилоти бўлади.
 - (б) оператор фақатгина концедент номидан агент сифатида ишламайди, балки инфратузилма ва тегишли хизматлар кўрсатиш бўйича камида бир нечта функциялар учун масъул бўлиши.
 - (в) шартнома оператор томонидан олинган дастлабки нархларни белгилайди ва хизмат кўрсатиш муддати давомида нархларни қайта кўриб чиқишни тартибга солади.
 - (г) оператор келишув муддати тугагандан сўнг инфратузилмани дастлаб қайси томон уни молиялаштирганидан қатъий назар, концедентга белгиланган ҳолатда бироз қўшимча товон эвазига ёки ҳеч қандай товонсиз топшириши шарт.

Қўллаш доираси

- 4 Мазкур шарҳда операторлар томонидан давлат хусусий шерикчилиги доирасида хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувларига оид ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги кўрсатмалар берилган.
- 5 Мазкур шарҳ давлат хусусий шерикчилиги доирасида хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувларига нисбатан қўлланади, агар:
- (а) концедент оператор инфратузилма орқали қандай хизматларни кўрсатиши лозимлигини, кимга ва қандай нарҳда хизмат кўрсатиши лозимлигини назорат қилса ёки тартибга солса; ва
 - (б) концедент эгалик ҳуқуқи, имтиёзли ҳуқуқ ёки бошқа йўл билан келишув муддати тугагандан сўнг инфратузилманинг қолдиқ улушини аҳамиятли қисмини назорат қилса.
- 6 Бутун фойдали хизмат муддати (активлар тўлиқ фойдали хизмат муддати) давомида давлат хусусий шерикчилиги доирасида хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувларида фойдаланиладиган инфратузилма, агар 5(а) бандидаги шартлар бажарилса, мазкур шарҳ қўллаш доирасига кириди. ҚК1-ҚК8 бандларда давлат хусусий шерикчилиги доирасида хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари мазкур шарҳнинг қўллаш доирасига кириши ва қандай даражада алоқадорлигини аниқлаш бўйича кўрсатма берилган.
- 7 Мазкур шарҳ қуйидагиларнинг иккисига ҳам қўлланади:
- (а) хизмат кўрсатиш бўйича келишув мақсадларида оператор курадиган ёки учинчи шахсдан харид қиладиган инфратузилма; ва
 - (б) хизмат кўрсатиш бўйича келишув мақсадларида концедент операторга фойдаланиш имкониятини берган мавжуд инфратузилма.
- 8 Мазкур шарҳ хизмат кўрсатиш бўйича келишув тузилишидан олдин оператор томонидан асосий воситалар сифатида қабул қилинган ва тан олинган инфратузилмани ҳисобга олиш тартибини белгиламайди. Бундай инфратузилма учун МХХСларнинг тан олишни бекор қилиш талаблари (16-сон БХХСда белгиланган) қўлланади.
- 9 Мазкур шарҳ концедентлардаги ҳисобга олиш тартибини белгиламайди.

Масалалар

- 10 Мазкур шарҳ хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувларидаги жавобгарликларни ва тегишли ҳуқуқларни тан олиш ва баҳолаш бўйича умумий тамойилларни белгилайди. Хизмат кўрсатиш бўйича концессия келишувлари тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш талаблари 29-сон ШДҚда берилган. Мазкур шарҳда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:
- (а) инфратузилмага нисбатан операторнинг ҳуқуқларини ҳисобга олиш тартиби;
 - (б) келишув бўйича товоннинг тан олиниши ва баҳоланиши;

- (в) қурилиш ёки такомиллаштириш хизматлари;
- (г) оператив бошқариш бўйича хизматлар;
- (д) қарзлар бўйича сарфлар;
- (е) молиявий актив ва номоддий активларни кейинги ҳисобга олиш тартиби; ва
- (ё) концедент томонидан операторга тақдим этилган объектлар.

Консенсус

Инфратузилмага нисбатан операторнинг ҳуқуқларини ҳисобга олиш тартиби

- 11 Мазкур шарҳнинг қўллаш доирасидаги инфратузилма оператор томонидан асосий воситалар сифатида тан олинмаслиги лозим, чунки шартномавий хизмат кўрсатиш асосида оммавий хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган инфратузилмадан фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқи операторга ўтказилмайди. Оператор шартномада белгиланган шартларга мувофиқ концедентнинг номидан оммавий хизматни кўрсатиш учун инфратузилмани оператив бошқариш ҳуқуқига эга.

Келишув бўйича товоннинг тан олиниши ва баҳоланиши

- 12 Мазкур шарҳнинг қўллаш доирасидаги келишув шартларига биноан оператор хизмат кўрсатувчи вазифасини бажаради. Оператор оммавий хизматни кўрсатиш учун фойдаланиладиган инфратузилмани куради ёки такомиллаштиради (қурилиш ёки такомиллаштириш хизматлари) ва ушбу инфратузилмани белгиланган муддат давомида бошқаради ва сақлаб туради (оператив бошқариш бўйича хизматлар).
- 13 Оператор кўрсатадиган хизматлари учун 15-сон МХХСга мувофиқ тушумларни тан олиши ва баҳолаши лозим. Товоннинг характери унинг кейинги ҳисобга олиш тартибини белгилайди. Молиявий актив ва номоддий актив сифатида қабул қилинган товоннинг кейинги ҳисобга олиш тартиби куйида 23-26 бандларда батафсил баён этилган.

Қурилиш ёки такомиллаштириш хизматлари

- 14 Оператор қурилиш ёки такомиллаштириш хизматларини 15-сон МХХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.

Концедент томонидан операторга берилган товон

- 15 Агар оператор қурилиш ёки такомиллаштириш бўйича хизматларни кўрсатса, оператор томонидан олинган ёки олинадиган товон 15-сон МХХСга мувофиқ тан олиниши лозим. Товон ўзида куйидагиларга нисбатан ҳуқуқларни ифода этиши мумкин:
- (а) молиявий актив, ёки
 - (б) номоддий актив.
- 16 Оператор қурилиш хизматлари учун концедентдан ёки унинг кўрсатмасига биноан пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни олиш учун шартсиз шартномавий ҳуқуққа эга бўлган даражада молиявий активни тан олиши лозим; одатда, келишув қонун билан ҳимояланганлиги сабабли, концедентнинг амалий жиҳатдан (ёки умуман) тўловни рад этиши мумкин бўлмайди. Агар концедент шартномага биноан операторга (а) муайян ёки белгиланган суммаларни ёки (б) оммавий хизматдан фойдаланувчилардан олинган суммалар билан белгиланган ёки аниқланадиган суммалар ўртасида олинмай қолган суммани (агар мавжуд бўлса), хатто тўлов инфратузилманинг муайян сифат ва самарадорлик талабларига жавоб беришини таъминлаш операторга шартли боғлиқ бўлса ҳам, тўлашни кафолатласа, оператор пул маблағларини олиш учун шартсиз ҳуқуққа эга бўлади.
- 17 Оператор номоддий активни оммавий хизматдан фойдаланувчилардан тўловларни олиш ҳуқуқини (лицензия) олган даражада тан олиши лозим. Оммавий хизмат фойдаланувчиларидан тўловларни олиш ҳуқуқи пул маблағларини олишнинг шартсиз ҳуқуқи ҳисобланмайди, чунки унинг суммаси оммавий хизматдан фойдаланиш даражасига боғлиқ.
- 18 Агар оператор қурилиш хизматлари учун ҳақ қисман молиявий актив билан ва қисман номоддий актив билан тўланадиган бўлса, оператор товоннинг ҳар бир компонентини алоҳида ҳисобга олиши

лозим. Ҳар икки компонент учун олинган ёки олиннадиган товон дастлаб 15-сон МХХСга мувофиқ тан олинishi лозим.

- 19 Концедент томонидан операторга тўланган товоннинг характери шартнома шартларига ва агар мавжуд бўлса, тегишли шартномавий ҳуқуқ нормаларига қараб белгиланади. Товоннинг характери 23-26-бандларда тавсифланганидек, кейинги ҳисобга олиш тартибини белгилайди. Лекин, ҳар икки товон тури ҳам 15-сон МХХСга мувофиқ қурилиш ёки такомиллаштириш даврида шартнома бўйича актив сифатида таснифланади.

Оператив бошқариш бўйича хизматлар

- 20 Оператор оператив бошқариш бўйича хизматларни 15-сон МХХСга мувофиқ ҳисобга олиши лозим.

Инфратузилмани хизматга яроқлилик даражасигача тиклаш бўйича шартномавий жавобгарликлар

- 21 Оператор ўз лицензияси шартига мувофиқ (а) инфратузилмани хизматга яроқлигининг белгиланган даражасида сақлаб туриш ёки (б) хизмат кўрсатиш бўйича келишувнинг амал қилиш муддати якунида инфратузилмани концедентга топширишдан олдин уни белгиланган ҳолатга қайта тиклаш каби бажарилиши шарт бўлган шартномавий жавобгарликларга эга бўлиши мумкин. Ҳар қандай такомиллаштириш элементларидан ташқари (14-бандга қаранг), инфратузилмани сақлаб туриш ёки тиклаш бўйича шартномавий жавобгарликлар 37-сон БҲХСга мувофиқ, яъни ҳисобот даври охирида мавжуд жавобгарликни бажариш учун талаб қилинадиган сарфларнинг энг тўғри ҳисобланган баҳосида тан олинishi ва баҳоланиши лозим.

Оператор томонидан амалга оширилган қарзлар бўйича сарфлар

- 22 23-сон БҲХСга мувофиқ, келишувга оид қарзлар бўйича сарфлар, агар оператор номоддий активни олиш бўйича шартномавий ҳуқуққа (оммавий хизмат бўйича фойдаланувчилардан ҳақ олиш ҳуқуқи) эга бўлмаса, улар юзага келган даврда харажат сифатида тан олинishi лозим. Бундай ҳолатда, келишувга оид қарзлар бўйича сарфлар кўрсатилган стандартга мувофиқ келишувда назарда тутилган қурилиш босқичида капиталлаштирилиши лозим.

Молиявий актив

- 23 16 ва 18-бандларга мувофиқ тан олинган молиявий активларга нисбатан 32-сон БҲХС, 7-сон МХХС ва 9-сон МХХС қўлланади.
- 24 Концедентдан ёки унинг кўрсатмаси билан олиннадиган сумма 9-сон МХХСга мувофиқ қуйидагича баҳоланади:
- (а) амортизацияланган қийматда; ёки
 - (б) бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда; ёки
 - (в) фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда.
- 25 Агар концедентдан олиннадиган сумма амортизацияланган қийматда ёки бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қийматда баҳоланадиган бўлса, 9-сон МХХС эффектив фоиз ставкаси усули ёрдамида ҳисобланган фоизларни фойда ёки зарар таркибида тан олинishини талаб қилади.

Номоддий актив

- 26 38-сон БҲХС 17 ва 18 бандларга мувофиқ тан олинган номоддий активларга нисбатан қўлланади. 38-сон БҲХСнинг 45-47 бандларида номонетар актив ёки активларга айрибошлаш ёки монетар ва номонетар активларнинг комбинациясига айрибошлаш орқали харид қилинган номоддий активларни баҳолаш бўйича кўрсатма берилган.

Концедент томонидан операторга тақдим этилган объектлар.

- 27 11-бандга мувофиқ, хизмат кўрсатиш бўйича келишув мақсадларида концедент томонидан операторга фойдаланиш имконияти берилган инфратузилма объектлари оператор томонидан асосий воситалар сифатида тан олинмайди. Концедент, шунингдек, операторга у ўзи хоҳлаган ҳолда сақлаши

ёки иш кўриши мумкин бўлган бошқа объектларни ҳам тақдим этиши мумкин. Агар бундай активлар хизматлар учун концедент томонидан тўланадиган товоннинг бир қисмини ташкил этса, улар 20-сон БҲХСда таърифланганидек, давлат грантлари бўлиб ҳисобланмайди. Бунинг ўрнига, улар 15-сон МХХСда белгиланган операция нархининг бир қисми сифатида ҳисобга олинади.

Кучга кириш санаси

- 28 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2008 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур шарҳни 2008 йил 1 январдан олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 28А-28В [Чиқариб ташланган]
- 28Г 2014 йилнинг май ойида эълон қилинган 15-сон МХХС “*Ҳаридорлар билан шартномалар бўйича тушум*” бўйича “Ҳаволалар” қисмига ва 13-15, 18-20 ва 27 бандларга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 15-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 28Д 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МХХС бўйича 23-25-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 28А ва 28В бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 28Е 2016 йил январь ойида эълон қилинган 16-сон МХХС бўйича ҚҚ8-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 16-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўтиш қоидалари

- 29 30-бандни ҳисобга олган ҳолда, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар 8-сон БҲХСга мувофиқ, яъни ретроспектив тарзда ҳисобга олинади.
- 30 Агар бирон-бир муайян хизмат келишуви учун оператор томонидан ушбу шарҳни тақдим этилган дастлабки даврнинг бошига ретроспектив тарзда қўллаш имконсиз бўлса, оператор:
- (а) тақдим этилган дастлабки давр бошига молиявий активлар ва номоддий активларни тан олиши лозим;
 - (б) ушбу молиявий ва номоддий активларнинг олдинги баланс қийматларидан (илгари таснифланган бўлса), шу кундан бошлаб уларнинг баланс қиймати сифатида фойдаланиши лозим; ва
 - (в) ушбу санада тан олинган молиявий ва номоддий активлар бўйича кадрсизланиш тестини ўтказиши лозим, агар амалий имконсиз бўлмаса, бу ҳолда кадрсизланиш тести жорий давр бошидаги суммаларга нисбатан ўтказилиши лозим.

А Илова Қўллаш бўйича кўрсатма

Мазкур илова шарҳнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Қўллаш доираси (5-банд)

- ҚК1 Мазкур шарҳнинг 5-бандида куйидаги шартлар қўлланилганда инфратузилма ушбу шарҳнинг қўллаш доирасига кириши белгиланган:
- (а) концедент оператор инфратузилма орқали қандай хизматларни кўрсатиши лозимлигини, кимга ва қандай нархда хизмат кўрсатиши лозимлигини назорат қилса ёки тартибга солса; ва
 - (б) концедент эгалик ҳуқуқи, имтиёзли ҳуқуқ ёки бошқа йўл билан келишув муддати тугагандан сўнг инфратузилманинг қолдиқ улушини аҳамиятли қисмини назорат қилса.
- ҚК2 (а) кичик банддаги шартда кўрсатилган назорат ёки тартибга солиш ҳолати шартнома асосида ёки бошқача тарзда амалга ошириш мумкин (масалан, тартибга солувчи орган орқали) ва концедент барча хизматларни сотиб олишини, шунингдек, бошқа фойдаланувчилар томонидан хизматларнинг бир қисмини ёки барчасини сотиб олишини ўз ичига олади. Мазкур шартни қўллашда, концедент ва тегишли барча томонлар биргаликда кўриб чиқилиши лозим. Агар концедент давлат сектори ташкилоти бўлса, умуман, давлат сектори оммавий манфаатлар учун ҳаракат қилувчи ҳар қандай тартибга солувчи органлар билан биргаликда мазкур шарҳ мақсадлари учун концедентга боғлиқ томон ҳисобланиши лозим.
- ҚК3 (а) кичик банддаги шарт мақсадларида, концедент нархни тўлиқ назорат қилиши шарт эмас: нархни концедент, шартнома ёки тартибга солувчи орган, масалан, юқори чегарани белгилаш механизми асосида тартибга солиниши етарли. Лекин ушбу шарт келишувнинг моҳиятига нисбатан қўлланиши лозим. Фақатгина камдан-кам ҳолларда қўлланиладиган юқори чегарани белгилаш механизми каби моҳиятга оид бўлмаган хусусиятлар рад этилиши лозим. Аксинча, агар, масалан, шартнома операторга нархларни белгилашда эркинлик беришни назорат тутса, лекин ҳар қандай ортиқча фойда концедентга қайтарилиши лозим бўлса, операторнинг даромади чекланган бўлади ва назорат тестининг нарх элементи бажарилади.
- ҚК4 (б) кичик банддаги шарт мақсадларида, концедентнинг ҳар қандай аҳамиятли қолдиқ улуш бўйича назорати операторнинг инфратузилмани сотиш ёки гаровга қўйишда амалий имкониятларини чеклаб қўйиши ҳамда концедентга келишув давомида доимий фойдаланиш ҳуқуқини бериши лозим. Инфратузилманинг қолдиқ улуши — бу аллақачон ёшига тўлган ва келишув муддати охирида қутилинадиган ҳолатда бўлган инфратузилма жорий қийматининг ҳисоб баҳосидир.
- ҚК5 Назоратни бошқарувдан фарқлаш лозим. Агар концедент 5(а) бандида кўрсатилган назорат даражасини ҳам, инфратузилманинг аҳамиятли қолдиқ улушларини ҳам сақлаб қолса, оператор, гарчи кўп ҳолларда у кенг бошқарув ваколатига эга бўлиши мумкин бўлса ҳам, инфратузилмани фақат концедент номидан бошқаради.
- ҚК6 (а) ва (б) кичик бандлардаги шартлар биргаликда инфратузилма, шу жумладан талаб этиладиган барча алмаштиришларни (21-бандга қаранг) бутун иқтисодий хизмат муддати давомида концедент томонидан назорат қилиниши ҳолатларини аниқлайди. Масалан, агар оператор келишув даврида инфратузилма объектининг бир қисмини (масалан, йўлнинг устки қатламини ёки бинонинг томини) алмаштириши лозим бўлса, инфратузилма объекти бир бутун деб қаралиши лозим. Шундай қилиб (б) кичик банддаги шарт, агар концедент ушбу қисмини якуний алмаштиришда ҳар қандай аҳамиятли қолдиқ улушни назорат қилса, бутун инфратузилма, шу жумладан, алмаштирилган қисм учун бажарилади.
- ҚК7 Баъзида инфратузилманинг фойдаланиши қисман 5(а) бандида тавсифланган тарзда ва қисман тартибга солинмаган тарзда тартибга солинади. Лекин бундай келишувлар турли шаклларда амалга оширилади:
- (а) жисмонан ажраладиган ва мустақил равишда ишлай оладиган ва 36-сон БҲХСга мувофиқ пул маблағларини ҳосил қилувчи бирлик таърифига жавоб берадиган ҳар қандай инфратузилма, агар у тўлиқ тартибга солинмаган мақсадларда ишлатилса, алоҳида таҳлил қилиниши лозим. Масалан, бу қолган қисми концедент томонидан беморларни даволаш учун оммавий асосларда фойдаланиладиган шифохонанинг хусусий бўлимларига нисбатан қўлланиши мумкин.

- (б) агар мутлак ёрдамчи фаолият (масалан, шифохона дўкони) тартибга солинмаган бўлса, назорат тестлари ушбу хизматлар мавжуд бўлмагандек қўлланиши лозим, чунки концедент хизматларни 5-бандда кўрсатилган тартибда назорат қилади, ёрдамчи фаолиятнинг мавжудлиги инфратузилмани концедент томонидан назорат қилинишини сусайтирмайди.

ҚК8 Оператор ҚК7 (а) бандида кўрсатилган ажраладиган инфратузилмадан ёки ҚК7 (б) бандида кўрсатилган ёрдамчи тартибга солинмаган хизматларни тақдим этиш учун фойдаланиладиган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Икки ҳолатда ҳам, моҳиятан концедентдан операторга тақдим этилган ижара бўлиши мумкин; агар шундай бўлса, у 16-сон МХХСга мувофик ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
55-ИЛОВА

14-сон МХХСШҚ Шарҳи 19-сон БҲХС—Белгиланган тўловлар бўйича актив учун лимит, минимум молиялаштириш талаблари ва уларнинг ўзаро алоқаси

Ҳаволалар

- 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*”
- 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар*”
- 19-сон БҲХС “*Ходимларнинг даромадлари*” (2011 йил таҳририда)
- 37-сон БҲХС “*Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*”

Дастлабки маълумотлар

- 1 19-сон БҲХС 64-банди соф белгиланган тўловлар бўйича активнинг баҳоланишини белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастуридаги профицит ва активнинг юқори чегарасидан кичигигача чеклайди. 19-сон БҲХС 8-банди активнинг юқори чегарасини дастурдан маблағ қайтарилишлари ёки дастурга келгуси бадаллардаги камайишлар шаклида мавжуд бўлган ҳар қандай иқтисодий нафларнинг жорий қиймати сифатида таърифлайди. Қачон маблағлар қайтарилиши ёки келгуси бадаллардаги камайишлар мавжуддеб ҳисобланиши, хусусан, қачон минимум молиялаштириш талаби мавжуд бўлиши тўғрисида саволлар юзага келган.
- 2 Минимум молиялаштириш талаблари кўпгина мамлакатларда ходимлар даромади дастурининг аъзоларига берилган меҳнат фаолиятидан кейинги даромадлар дастурлари бўйича мажбуриятларни ҳимоясини яхшилаш учун мавжуд бўлади. Бундай талаблар одатда маълум давр мобайнида дастурга киритилиши шарт бўлган минимум суммани ёки бадаллар даражасини назарда тутати. Шунинг учун, минимум молиялаштириш талаби ташкилотнинг келгуси бадалларни камайтириш имкониятини чегаралаши мумкин.
- 3 Бундан ташқари, белгиланган тўловлар бўйича активнинг баҳоланишига нисбатан чеклов минимум молиялаштириш талабининг зарар келтирувчи бўлишига олиб келиши мумкин. Одатда, дастурга бадалларни киритиш талаби белгиланган тўлов бўйича активнинг ёки мажбуриятнинг баҳоланишига таъсир этмаслиги мумкин. Бунинг сабаби, бадаллар тўланганда дастур бўйича активларга айланади ва шунинг учун қўшимча соф мажбурият нолга тенг бўлади. Лекин минимум молиялаштириш талаби, агар талаб этилган бадаллар улар тўлангандан сўнг ташкилот фойдаланиши учун мавжуд бўлмаса, мажбуриятни юзага келтириши мумкин.
- 3А 2009 йил ноябрь ойида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгаши томонидан минимум молиялаштириш талаби мавжуд бўлган айрим ҳолатларда келгуси бадалларнинг олдиндан тўланишига нисбатан ёндашувдан юзага келадиган назарда тутилмаган натижани чиқариб ташлаш учун 14-сон МХХСШҚга ўзгартириш киритилган.

Қўллаш доираси

- 4 Мазкур шарҳ меҳнат фаолиятидан кейинги барча белгиланган даромадларга ва бошқа узоқ муддатли ходимларнинг белгиланган даромадларига нисбатан қўлланади.
- 5 Мазкур шарҳнинг мақсадларида, минимум молиялаштириш талаблари бу меҳнат фаолиятидан кейинги ёки бошқа узоқ муддатли белгиланган тўловлар бўйича пенсия дастурини молиялаштиришга нисбатан ҳар қандай талаблардир.

Масалалар

- 6 Мазкур шарҳда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:
- (а) Маблағларни қайтаришлар ёки келгуси бадаллардаги камайишлар 19-сон БХХС нинг 8-бандидаги активнинг юқори чегарасининг таърифига мувофиқ қачон мавжуд деб ҳисобланиши лозимлиги.
 - (б) минимум молиялаштириш талаби келгуси бадаллардаги камайишларга қандай таъсир этиши мумкинлиги.
 - (в) минимум молиялаштириш талаби қачон мажбуриятни юзага келтириши мумкинлиги.

Консенсус

Маблағлар қайтарилиши ёки келгуси бадаллардаги камайишнинг мавжудлиги

- 7 Ташкилот маблағ қайтарилиши ёки келгуси бадаллардаги камайишнинг мавжудлигини дастурнинг шартлари ва шароитларига ҳамда дастур қонунчилигидаги ҳар қандай мажбурий талабларга мувофиқ аниқлаши лозим.
- 8 Маблағ қайтарилиши ёки келгуси бадаллардаги камайиш шаклидаги иқтисодий наф, агар ташкилот уни дастур муддати мобайнидаги бирор пайтда ёки дастур мажбуриятлари сўндирилганда реализация қила олса, мавжуд бўлади. Хусусан, бундай иқтисодий наф, ҳаттоки бевосита ҳисобот даври охирида реализация қилинмаган бўлса ҳам, мавжуд бўлиши мумкин.
- 9 Мавжуд иқтисодий наф ташкилот профицитдан қандай фойдаланишни кўзлашига боғлиқ бўлмайди. Ташкилот маблағлар қайтарилиши, келгуси бадаллардаги камайишлар ёки иккаласининг комбинациясидан мавжуд бўладиган максимум иқтисодий нафни аниқлаши лозим. Ташкилот ўзаро истисно қилинадиган фаразларга асосланган ҳолда маблағлар қайтарилиши ва келгуси бадаллардаги камайишлар комбинациясидан юзага келадиган иқтисодий нафларни тан олмаслиги лозим.
- 10 1-сон БХХС га мувофиқ, ташкилот молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган соф актив ёки мажбуриятнинг баланс суммасига нисбатан муҳим тузатишларга сабаб бўладиган аҳамиятли рискка эга ҳисобот даври охиридаги ҳисоб баҳоларига нисбатан ноаниқликнинг асосий манбалари тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим. Бу профицитнинг жорий реализация қилиш имконияти бўйича ҳар қандай чекловларнинг ёритиб берилишини ёки мавжуд иқтисодий наф суммасини аниқлашда фойдаланиладиган асоснинг ёритиб берилишини ўз ичига олиши мумкин.

Маблағ қайтарилиши сифатида мавжуд иқтисодий наф

Маблағ қайтарилишига нисбатан ҳуқуқ

- 11 Ташкилот учун маблағлар қайтарилиши фақат ташкилот қуйидаги ҳолларда маблағ қайтарилишига нисбатан шартсиз ҳуқуққа эга бўлса, мавжуд бўлади:
- (а) дастурнинг амал қилиш муддати давомида, маблағларни қайтариб олиш учун дастур мажбуриятлари сўндирилиши шартлигини фараз қилмаган ҳолда (масалан, айрим юрисдикцияларда ташкилот дастурнинг муддати давомида дастур мажбуриятлари сўндирилишидан қатъий назар, маблағ қайтарилишига нисбатан ҳуқуққа эга бўлиши мумкин); ёки
 - (б) барча аъзолар дастурдан чиқиб кетмагунча, вақт ўтиши билан дастурдаги мажбуриятларни босқичма-босқич сўндирилишини фараз қилган ҳолда; ёки
 - (в) ягона вазиятда (яъни дастурни тугатишда) дастур мажбуриятларининг тўлиқ сўндирилишини фараз қилган ҳолда.

Маблағлар қайтарилишига нисбатан шартсиз ҳуқуқ ҳисобот даври охирида дастурнинг молиялаштириш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, мавжуд бўлиши мумкин.

- 12 Агар профицит қайтарилишига нисбатан ташкилотнинг ҳуқуқи тўлиқ унинг назоратида бўлмаган бир ёки ундан ортиқ ноаниқ келгуси ҳодисаларнинг содир бўлиши ёки содир бўлмаслигига боғлиқ бўлса, ташкилот шартсиз ҳуқуққа эга бўлмайди ва у активни тан олмаслиги лозим.

Иқтисодий нафнинг баҳоланиши

- 13 Ташкилот маблағ қайтарилиши сифатида мавжуд иқтисодий нафни ҳисобот даври охиридаги профицит суммаси сифатида (белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликнинг жорий қийматини чегириб ташлаган ҳолда дастур активларининг ҳаққоний қиймати) баҳолаши лозим, бунда ташкилот ҳар қандай тегишли сарфлар чегирилгандаги маблағлар қайтарилиши тарзида олиш ҳуқуқига эга бўлади. Масалан, агар маблағлар қайтарилиши фойда солиғидан бошқа солиққа тортиладиган бўлса, ташкилот маблағ қайтарилишининг суммасини солиқ суммасини чегирган ҳолда баҳолаши лозим.
- 14 Дастур тугатилганда (11(в) банд) мавжуд бўлган маблағлар қайтарилишининг суммасини баҳолашда, ташкилот дастур мажбуриятларини сўндириш ва маблағлар қайтарилишини амалга ошириш сарфларини дастурда ҳисобга олиши лозим. Масалан, профессионал ҳақлар ташкилот томонидан эмас, дастур томонидан тўланганда ташкилот ушбу ҳақларни ҳамда тугатишдаги мажбуриятни таъминлашда талаб этилиши мумкин бўлган ҳар қандай суғурта мукофотлари сарфларини чегириши лозим.
- 15 Агар маблағлар қайтарилишининг суммаси ўзгармас сумма эмас, профицитнинг тўлиқ суммаси ёки қисми сифатида аниқланса, ташкилот ҳаттоки маблағ қайтарилиши фақат келгуси санада реализация қилинадиган бўлса ҳам, пулнинг вақт қиймати бўйича ҳеч қандай тузатишни амалга оширмаслиги лозим.

Бадалнинг камайиши сифатидаги мавжуд иқтисодий наф

- 16 Агар келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматларга тегишли бадаллар учун минимум молиялаштириш талаби мавжуд бўлмаса, келгуси бадаллардаги камайиш сифатида мавжуд иқтисодий наф ташкилот учун дастурнинг қўтилган муддати билан ташкилотнинг қўтилган муддатининг қисқароғи мобайнидаги ҳар бир давр учун келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматлар қиймати ҳисобланади. Ташкилот учун келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматлар қиймати ходимлар ўз зиммаларига оладиган суммаларни ўз ичига олмайди.
- 17 Ташкилот келгуси хизмат қийматини белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликни аниқлашда фойдаланиладиган фаразларга ва 19-сон БҲХС орқали аниқланган ҳолда, ҳисобот даври охирида мавжуд бўладиган ҳолатга мос бўлган фаразлар асосида аниқлаши лозим. Шунинг учун, ташкилот дастурга ўзгартириш киритилгунга қадар келгусида дастур орқали тўланадиган нафларга нисбатан ҳеч қандай ўзгартиришни ҳисобга олмаслиги лозим ҳамда ташкилот дастур орқали қамраб олинган ходимлар сонидagi камайириш амалга оширилмагунча, келгусида барқарор ишчи кучини ҳисобга олиши лозим. Иккинчи ҳолатда, келгуси ишчи кучи тўғрисидаги фараз камайишни ўз ичига олиши лозим.

Минимум молиялаштириш талабининг келгуси бадаллардаги камайиш сифатидаги мавжуд иқтисодий нафга таъсири

- 18 Ташкилот қуйидагиларни қоплаши талаб этилган бадалларга нисбатан маълум санадаги ҳар қандай минимум молиялаштириш талабини таҳлил қилиши лозим: (а) минимум молиялаштириш асосидаги олдинги даврларда кўрсатилган хизматлар бўйича ҳар қандай мавжуд камомад ва (б) келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматлар.
- 19 Аллақачон олинган хизматларга нисбатан минимум молиялаштириш асосида ҳар қандай мавжуд камомадни қоплаш бўйича бадаллар келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматлар бўйича келгуси бадалларга таъсир этмайди. Улар 23-26-бандларга мувофиқ мажбуриятни юзага келтириши мумкин.
- 20 Агар келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматларга тегишли бадаллар учун минимум молиялаштириш талаби мавжуд бўлса, келгуси бадаллардаги камайиш сифатидаги мавжуд иқтисодий наф қуйидагиларнинг йиғиндиси бўлади:
- (а) келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматлар учун келгуси минимум молиялаштириш талаби бўйича ташкилот олдиндан тўловни амалга оширганлиги сабабли, бадалларни камайтирадиган ҳар қандай сумма, (яъни бунга амалга ошириш талаб этилишидан олдин суммани тўлаган); ва
 - (б) 16 ва 17-бандларга мувофиқ ҳар бир даврдаги баҳоланган келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматлар қийматидан, бундан (а) кичик бандида кўрсатилган муддатидан аввалги тўлов бўлмаганда ушбу даврларда келгуси хизматлар учун талаб қилиниши мумкин бўлган молиялаштиришга минимал талаб бўйича бадалларнинг ҳисоб-китоб қиймати чегирилади.

- 21 Ташкилот келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматлар учун келгуси минимум молиялаштириш талаби бўйича бадалларни минимум молиялаштириш асоси орқали аниқланган ҳар қандай жорий профицитнинг таъсирини инобатга олган ҳолда, аммо 20(а) бандда ифодаланган олдиндан тўловни чиқариб ташлаган ҳолда баҳолаши лозим. Ташкилот минимум молиялаштириш асосига мос фаразлардан ва ушбу асос орқали назарда тутилмаган ҳар қандай омиллар учун, белгиланган тўловлар бўйича жавобгарликни аниқлашда фойдаланиладиган фаразларга ва 19-сон БҲХС орқали аниқланган ҳолда ҳисобот даври охирида мавжуд бўладиган ҳолатга мос бўлган фаразлардан фойдаланиши лозим. Ҳисоб баҳоси ташкилот минимум бадалларни уларнинг муддати келганда тўлаши натижасида кутилган ҳар қандай ўзгаришларни ўз ичига олиши лозим. Лекин, ҳисоб баҳоси ҳисобот даври охирида моҳиятан белгиланмаган ёки шартномавий тарзда келишилмаган минимум молиялаштириш асосининг шартлари ва шароитларидаги кутилган ўзгаришларнинг таъсирини ўз ичига олмаслиги лозим.
- 22 Ташкилот 20(б) бандда тавсифланган суммани аниқлаш пайтида, агар келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматлар учун келгуси минимум молиялаштириш талаби бўйича бадаллар ҳар қандай маълум даврда 19-сон БҲХС бўйича келгуси даврларда кўрсатиладиган хизматлар қийматидан ошса, ушбу ортиқча қисм келгуси бадаллардаги камайиш сифатида мавжуд иқтисодий нафнинг суммасини камайтиради. Лекин, 20(б) бандда ифодаланган сумма ҳеч қачон нолдан кам бўла олмайди.

Минимум молиялаштириш талаби мажбуриятни юзага келтириши мумкин бўлган ҳолатлар

- 23 Агар ташкилот минимум молиялаштириш талаби остида аллақачон қабул қилинган хизматларга нисбатан минимум молиялаштириш асосида мавжуд камомадни қоплаш бўйича бадалларни тўлаш жавобгарлигига эга бўлса, ташкилот тўланадиган бадаллар улар дастурга тўлангандан сўнг маблағ қайтарилиши ёки келгуси бадаллардаги камайиш сифатида мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлаши лозим.
- 24 Тўланадиган бадаллар улар дастурга тўлангандан сўнг мавжуд бўлмаслиги даражасида, ташкилот жавобгарлик юзага келган пайтда мажбуриятни тан олиши лозим. Бадаллар тўланганда 19-сон БҲХС нинг 64-бандини қўллаш натижасида ҳеч қандай фойда ёки зарар юзага келиши кутилмайдиган тарзда, мажбурият соф белгиланган тўловлар бўйича активни камайтириши ёки соф белгиланган тўловлар бўйича мажбуриятни ошириши лозим.
- 25-26 [Чиқариб ташланган]

Кучга кириш санаси

- 27 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2008 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади.
- 27А 1-сон БҲХС (2007 йил таҳририда) бўйича барча МХХСларда фойдаланилган атамалар ўзгартирилган. Шунингдек, у бўйича 26-бандга ўзгартиришлар киритилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2009 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Агар ташкилот 1-сон БҲХС (2007 йил таҳриридаги)ни олдинги давр учун қўлласа, мазкур ўзгартиришлар ушбу олдинги давр учун қўлланиши лозим.
- 27Б “Минимум молиялаштириш талаби бўйича олдиндан тўловлар”га асосан 3А-банд киритилган ва 16-18 ва 20-22 бандлар ўзгартирилган. Ташкилот мазкур ўзгартиришларни 2011 йил 1 январь ёки ушбу санадан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу ўзгартиришларни олдинги давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 27В 19-сон БҲХС (2011 йилда таҳририда)га асосан 1, 6, 17 ва 24-бандлар ўзгартирилган ва 25 ва 26-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни ўзгартирилган 19-сон БҲХС (2011 йил таҳририда) билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўтиш қоидалари

- 28 Ташкилот мазкур шарҳни у қўлланиладиган биринчи молиявий ҳисоботда тақдим этиладиган биринчи давр бошидан қўллаши лозим. Ташкилот мазкур шарҳнинг қўлланишидан юзага келадиган ҳар қандай дастлабки тузатишни ушбу давр бошидаги тақсимланмаган фойдада тан олиши лозим.

- 29 Ташкилот 3А, 16-18 ва 20-22 бандлардаги ўзгартиришларни мазкур шарҳ қўлланадиган биринчи молиявий ҳисоботда тақдим этиладиган энг олдинги қиёсий давр бошидан қўллаши лозим. Агар ташкилот ўзгартиришларни қўллашдан олдин мазкур шарҳни олдин қўллаган бўлса, у ўзгартиришларнинг қўлланишидан юзага келадиган тузатишни тақдим этилган энг олдинги қиёсий давр бошидаги тақсимланмаган фойдада тан олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
56-ИЛОВА

16-сон МҲХСШҚ Шарҳи Чет эл бўлинмасига соф инвестицияни хежлаш

Ҳаволалар

- 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар”
- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сийсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 21-сон БҲХС “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари”

Дастлабки маълумотлар

- 1 Кўпгина ҳисобот берувчи ташкилотлар чет элдаги бўлинмалардаги инвестицияларга (21-сон БҲХС нинг 8-бандида таърифланган) эга бўлади. Бундай чет элдаги бўлинмалар шўъба ташкилотлар, таъсир остидаги ташкилотлар ва қўшма корхоналар ёки филиал бўлиши мумкин. 21-сон БҲХС ташкилотдан унинг чет элдаги ҳар бир бўлинмасининг ушбу бўлинма фаолият юритадиган асосий иқтисодий муҳитининг валютаси сифатида белгиланадиган функционал валютасини аниқлашни талаб этади. Чет элдаги бўлинманинг молиявий натижаларини ва молиявий ҳолатини тақдим этиш валютасига ўтказишда, ташкилотдан валюта курси фарқларини у чет элдаги бўлинмани ҳисобдан чиқаргунга қадар бошқа умумлашган даромадда тан олиш талаб этилади.
- 2 Чет элдаги бўлинмага соф инвестициядан юзага келадиган чет эл валютаси рискнинг хежлаш ҳисоби фақатгина ушбу чет элдаги бўлинманинг соф активлари молиявий ҳисоботга киритилганда қўлланади.¹ Чет элдаги бўлинмага соф инвестициядан юзага келадиган чет эл валюта рискга нисбатан хежланадиган модда чет элдаги бўлинма соф активларининг баланс суммасига тенг ёки ундан камроқ бўлган соф активлар суммаси бўлиши мумкин.
- 3 9-сон МҲХС хежлаш ҳисоби таркибида хежлашга муносиб моддани ва муносиб хежлаш инструментларини белгилашни талаб этади. Агар белгиланган хежлаш муносабати мавжуд бўлса, соф инвестицияни хежлашда, соф инвестициянинг самарали хежлаш деб белгиланган хежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарар бошқа умумлашган даромадда тан олинади ва чет элдаги бўлинманинг натижалари ҳамда молиявий ҳолати бошқа валютага ўтказишдан юзага келадиган валюта курси фарқлари билан биргаликда ҳисобга олинади.
- 4 Кўпгина чет элдаги бўлинмаларга эга ташкилот бир қатор чет эл валютаси рискларига учраши мумкин. Мазкур шарҳ чет элдаги бўлинма бўйича соф инвестициянинг хежида хежланган риск сифатида таснифланадиган чет эл валютаси рискларини аниқлаш бўйича кўрсатмани ўз ичига олади.
- 5 9-сон МҲХС ташкилотга чет эл валютаси rischi учун хежлаш инструментлари сифатида дериватив ёки нодериватив молиявий инструментни (ёки дериватив ва нодериватив молиявий инструментларнинг бирикмасини) белгилашга имкон беради. Мазкур шарҳ гуруҳ таркибига кирадиган қайси ташкилотлар хежлаш ҳисоби талабларини таъминлаш учун чет эл бўлинмасидаги соф инвестициясининг хежлаш инструментларини сақлаши мумкинлиги бўйича кўрсатмани ўз ичига олади.
- 6 Бош ташкилот чет элдаги бўлинмани ҳисобдан чиқарганда, 21-сон БҲХС ва 9-сон МҲХС чет элдаги бўлинманинг молиявий натижаларини ва молиявий ҳолатини бошқа чет эл валютасига ўтказишдан юзага келадиган валюта курси фарқларига ҳамда соф инвестициянинг самарали хежлаш деб белгиланган хежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарарга тегишли бошқа умумлашган даромадда тан олинган жамғарилган суммаларни хусусий капиталдан фойда ёки зарарга қайта таснифлаш

¹ Бу консолидациялашган молиявий ҳисобот, таъсир остидаги ташкилотлар ёки қўшма корхоналар каби инвестицияларни улушли қатнашиш усули орқали ҳисобга олинмадиган молиявий ҳисобот ҳамда филиал ёки 11-сон МҲХС “Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар” да таърифланган биргаликдаги операцияни ўз ичига оладиган молиявий ҳисоботдаги ҳолатларга тўғри келади.

бўйича тузатишлар сифатида қайта таснифланишини талаб этади. Мазкур шарҳ ташкилот ҳам хежлаш инструменти, ҳам хежланган модда учун хусусий капиталдан фойда ёки зарарга қайта таснифланадиган суммаларни қандай аниқлаш бўйича кўрсатмани ўз ичига олади.

Қўллаш доираси

- 7 Мазкур шарҳ чет элдаги бўлинмалари бўйича ўзининг соф инвестицияларидан юзага келадиган чет эл валютаси рискин хежлайдиган ва 9-сон МХХСга мувофиқ хежлаш ҳисобини мувофиқлаштиришни амалга оширадиган ташкилотга нисбатан қўлланади. Қулайлик учун мазкур шарҳда бундай ташкилот бош ташкилот деб ва чет элдаги бўлинмаларнинг соф активлари киритиладиган молиявий ҳисобот консолидациялашган молиявий ҳисобот деб аталади. Бош ташкилотга нисбатан барча ҳаволалар қўшма корхона, таъсир остидаги ташкилот ёки филиал бўлган чет элдаги бўлинма бўйича соф инвестицияга эга ташкилотга нисбатан тенг тарзда қўлланади.
- 8 Мазкур шарҳ фақатгина чет эл бўлинмасидаги соф инвестицияни хежлашга нисбатан қўлланади; хежлаш ҳисобининг бошқа турларига нисбатан қиёслаш орқали қўлланмаслиги лозим.

Масалалар

- 9 Чет элдаги бўлинмалар бўйича инвестицияларга бевосита бош ташкилот томонидан ёхув билвосита унинг шўба ташкилоти ёки шўба ташкилотлари орқали эгалик қилиниши мумкин. Мазкур шарҳда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:
- (а) *хежланган рискнинг характери ва хежлаш муносабати белгиланиши мумкин бўлган хежланган модданинг суммаси:*
- (i) бош ташкилот хежланган риск сифатида фақатгина бош ташкилот билан унинг чет элдаги бўлинмасининг функционал валюталари ўртасидаги фарқдан юзага келадиган валюта курси фарқларини белгилаши мумкинлиги ёки у хежланган риск сифатида бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботининг тақдим қилиш валютаси билан чет элдаги бўлинмасининг функционал валютаси ўртасидаги фарқдан юзага келадиган валюта курси фарқларини ҳам белгилаши мумкинлиги;
- (ii) агар бош ташкилот чет элдаги бўлинмага билвосита эгалик қилса, хежланган риск фақатгина чет элдаги бўлинма билан унинг бевосита бош ташкилотининг функционал валюталари ўртасидаги фарқдан юзага келадиган валюта курси фарқларини ўз ичига олиши мумкинлиги ёки хежланган риск чет элдаги бўлинма билан ҳар қандай оралик ёки якуний бош ташкилотнинг функционал валюталари ўртасидаги фарқдан юзага келадиган ҳар қандай валюта курси фарқларини ҳам ўз ичига олиши мумкинлиги (яъни чет элдаги бўлинма бўйича соф инвестиция оралик бош ташкилот орқали эгалик қилинишининг далили якуний бош ташкилот учун иқтисодий рискка таъсир кўрсатиши).
- (б) *гуруҳ таркибига кирадиган қандай ташкилотлар хежлаш инструменти сақлаши мумкинлиги:*
- (i) хежлаш ҳисоби муносабати мезонларига, фақатгина агар ўзининг соф инвестициясини хежлайдиган ташкилот хежлаш инструменти томони бўлса, жавоб бериши мумкинлиги ёки гуруҳдаги ҳар қандай ташкилот, унинг функционал валютасидан қатъи назар, хежлаш инструменти сақлай олиши;
- (ii) хежлаш инструменти характери (дериватив ёки нодериватив) ёки консолидациялаш усули хежлаш самарадорлигининг баҳоланишига таъсир кўрсатиши.
- (в) *чет элдаги бўлинмани ҳисобдан чиқарилишида қайта таснифлаш бўйича тузатишлар сифатида қайси суммалар хусусий капиталдан фойда ёки зарарга қайта таснифланиши лозимлиги:*
- (i) хежланган чет элдаги бўлинма ҳисобдан чиқарилганда, хежлаш инструменти нисбатан ва ушбу чет элдаги бўлинмага нисбатан бош ташкилотнинг бошқа валютага ўтказиш резервидаги қайси суммалар бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида хусусий капиталдан фойда ёки зарарга қайта таснифланиши лозимлиги;

- (ii) консолидациялаш усулининг хусусий капиталдан фойда ёки зарарга қайта таснифланадиган суммаларни аниқлашга таъсир кўрсатиши.

Консенсус

Хежлаш муносабати белгиланиши учун хежланган рискнинг характери ва хежланган модданинг суммаси

- 10 Хежлаш ҳисоби фақатгина чет элдаги бўлинманинг функционал валютаси билан бош ташкилотнинг функционал валютаси ўртасида юзага келадиган валюта курси фарқларига нисбатан қўлланиши мумкин.
- 11 Чет элдаги бўлинма бўйича соф инвестициядан юзага келадиган чет эл валютаси рискларини хежлашда, хежланган модда бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботидаги чет элдаги бўлинма соф активларининг баланс қийматига тенг ёки ундан камроқ бўлган соф активлар суммаси бўлиши мумкин. Бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида хежланган модда сифатида белгиланиши мумкин бўлган чет элдаги бўлинма соф активларининг баланс қиймати чет элдаги бўлинманинг бирор пастроқ даражадаги бош ташкилоти ушбу чет элдаги бўлинманинг барча ёки қисман соф активлари учун хежлаш ҳисобини қўллаган бўлишига ҳамда ушбу ҳисоб бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида сақланган бўлишига боғлиқ бўлади.
- 12 Хежланган риск чет элдаги бўлинманинг функционал валютаси билан ушбу чет элдаги бўлинманинг бирор-бир бош ташкилотининг (бевосита, оралиқ ёки якуний бош ташкилотининг) функционал валютаси ўртасида юзага келадиган чет эл валютаси рисқи сифатида белгиланиши мумкин. Соф инвестицияга оралиқ бош ташкилот орқали эгалик қилинишининг далили якуний бош ташкилотнинг чөл эл валюта рискидан юзага келадиган иқтисодий рискнинг характериға таъсир кўрсатмайди.
- 13 Чет элдаги бўлинма бўйича соф инвестициядан юзага келадиган чет эл валюта рисқи консолидациялашган молиявий ҳисоботда фақатгина бир марта хежлаш ҳисоби сифатида таснифланиши мумкин. Шу сабабли, агар чет элдаги бўлинманинг айнан бир соф активлари айнан бир риск учун гуруҳдаги биттадан кўпроқ бош ташкилот томонидан хежланса, фақатгина битта хежлаш муносабати якуний бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида хежлаш ҳисоби сифатида таснифланади. Битта бош ташкилот томонидан унинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида хежлаш муносабати бошқа юқорироқ даражадаги бош ташкилот томонидан сақланиши шарт бўлмайди. Лекин агар у юқорироқ даражадаги бош ташкилот томонидан сақланмаган бўлса, пастроқ даражадаги бош ташкилот томонидан қўлланган хежлаш ҳисоби юқорироқ даражадаги бош ташкилотнинг хежлаш ҳисоби тан олинисидан олдин қайта тикланиши лозим.

Қандай ташкилотлар хежлаш инструменти сақлаши мумкин

- 14 Дериватив ёки нодериватив инструмент (ёки дериватив ёки нодериватив инструментларнинг бирикмаси) чет элдаги бўлинма бўйича соф инвестициянинг хежида хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин. Агар хежлаш инструмент(лар)и соф инвестиция хежига тегишли бўлган 9-сон МХХСнинг 6.4.1-бандидаги белгилаш, ҳужжатлаштириш ва самарадорлик талабларини қаноатлантирса, гуруҳ ичидаги ҳар қандай ташкилот ёки ташкилотлар томонидан эгалик қилиниши мумкин. Хусусан, гуруҳнинг хежлаш стратегияси гуруҳнинг турли даражаларида турли белгиланишининг эҳтимоли сабабли аниқ тарзда ҳужжатлаштирилиши лозим.
- 15 Самарадорликни баҳолаш мақсадида, хежлаш ҳисоби ҳужжатларига мувофиқ, валюта курси рискига нисбатан хежлаш инструментининг қийматидаги ўзгариш хежланган риск баҳоланадиган ташкилотнинг функционал валютасига қарши бош ташкилотнинг функционал валютасига мурожаат этган ҳолда ҳисобланади. Хежлаш инструменти қаерда сақланишига боғлиқ тарзда, хежлаш ҳисоби мавжуд бўлмаганда қийматдаги жами ўзгариш фойда ёки зарарда, бошқа умумлашган даромадда ёки иккисида ҳам тан олинисидан мумкин. Лекин самарадорликни баҳолашга хежлаш инструментининг қийматидаги ўзгариш фойда ёки зарарда тан олинисидан ёки бошқа умумлашган даромадда тан олинисидан таъсир кўрсатмайди. Хежлаш ҳисобини қўллашнинг бир қисми сифатида, ўзгаришнинг жами самарали қисми бошқа умумлашган даромадда инобатга олинади. Самарадорликнинг баҳоланишига хежлаш инструментининг дериватив ёки нодериватив инструмент бўлиши ёки консолидациялаш усули таъсир кўрсатмайди.

Чет элдаги хежланган бўлинманинг ҳисобдан чиқарилиши

- 16 Чет элдаги хежланган бўлинма ҳисобдан чиқарилганда, хежлаш инструментиға нисбатан бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида бошқа валютаға ўтказиш резервидан фойда ёки зарарға қайта таснифлаш бўйича тузатиш сифатидаги сумма 9-сон МҲХСнинг 6.5.14 бандига мувофиқ аниқланиши талаб этилган сумма ҳисобланади. Мазкур сумма самарали хеж деб белгиланган хежлаш инструменти бўйича жамғарилган фойда ёки зарардир.
- 17 21-сон БҲХСнинг 48-бандига мувофиқ мазкур чет элдаги бўлинма бўйича соф инвестицияға нисбатан бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида бошқа валютаға ўтказиш резервидан фойда ёки зарарға қайта таснифланган сумма бу мазкур чет элдаги бўлинмаға нисбатан мазкур бош ташкилотнинг бошқа валютаға ўтказиш резервида инobatта олинган суммадир. Якуний бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида, барча чет элдаги бўлинмаларға нисбатан бошқа валютаға ўтказиш резервида тан олинган жами соф суммаға консолидациялаш усули таъсир кўрсатмайди. Лекин якуний бош ташкилотни консолидациялашнинг² бевосита ёки босқичма-босқич усулидан фойдаланиши алоҳида чет элдаги бўлинмаға нисбатан унинг бошқа валютаға ўтказиш резервида инobatта олинган суммаға таъсир кўрсатиши мумкин. Консолидациялашнинг босқичма-босқич усулидан фойдаланиш хежлаш самарадорлигини аниқлашда фойдаланилган суммадан фарқли сумманинг фойда ёки зарарға қайта таснифланишиға олиб келиши мумкин. Мазкур фарқ бевосита консолидациялаш усулидан фойдаланилганда юзаға келиши мумкин бўлган ушбу чет элдаги бўлинмаға тегишли суммани аниқлаш орқали чиқариб ташланади. Мазкур тузатишни амалға ошириш 21-сон БҲХСда талаб этилмайди. Лекин бунда барча соф инвестицияларға изчил тарзда қўлланиши лозим бўлган ҳисоб сиёсати сифатида танлаши мумкин.

Кучға кириш санаси

- 18 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2008 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Ташкилот 2009 йил апрелда эълон қилинган *МҲХСларға тақомиллаштиришлар* бўйича 14-бандға киритилган ўзгартиришни 2009 йил 1 июль ёки ундан кейинги йиллик даврларға нисбатан қўллаши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашға рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур шарҳни 2008 йил 1 октябрдан олдинги давр учун ёки 14-бандға киритилган ўзгартиришни 2009 йил 1 июлдан олдин қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 18А [Чиқариб ташланган]
- 18Б 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 3, 5-7, 14, 16, ҚК1 ва ҚК8-бандларға ўзгартириш киритилган ва 18А банд чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўтиш қоидалари

- 19 8-сон БҲХС ташкилот шарҳнинг дастлабки қўлланишидан юзаға келадиган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришни қандай қўллашни белгилайди. Ташкилотдан шарҳни биринчи марта қўллашда мазкур талабларға риоя этиш талаб этилмайди. Агар ташкилот хежлаш инструментиға соф инвестициянинг хежи сифатида белгилаган, лекин хеж мазкур шарҳдаги хежлаш ҳисоби бўйича шартларни қаноатлангирмаса, ташкилот мазкур хежлаш ҳисобини тўхтатиш учун 39-сон БҲХСни перспектив тарзда қўллаши лозим.

² Консолидациялашнинг бевосита усулида чет элдаги бўлинманинг молиявий ҳисоботи бош ташкилотнинг якуний функционал валютасига бевосита ўтказилади. Консолидациялашнинг босқичма-босқич усулида чет элдаги бўлинманинг молиявий ҳисоботи аввал ҳар қандай оралик бош ташкилот(лар)нинг функционал валютасига ўтказилади ва кейин якуний бош ташкилотнинг функционал валютасига (агар фарқли бўлса, тақдим қилиш валютасига) ўтказилади.


Илова Қўллаш бўйича кўрсатма

Мазкур илова шарҳнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

ҚК1 Мазкур илова шарҳнинг қўлланишини куйидаги корпоратив тузилма орқали ифодалайди. Барча ҳолатларда ифодаланган хежлаш муносабатлари 9-сон МҲХСга мувофиқ самарадорлик бўйича текширилади, лекин мазкур иловада самарадорликни текшириш муҳокама қилинмайди. Якуний бош ташкилот бўлган бош ташкилот ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботини ўзининг функционал валютаси – еврода (EUR) тақдим этади. Шўъба ташкилотларининг ҳар бирига тўлик эгалик қилади. Бош ташкилотнинг Б шўъба ташкилотидаги (функционал валютаси фунт стерлинг (GBP)) 500 миллион фунт стерлинг соф инвестицияси Б шўъба ташкилотининг В шўъба ташкилотидаги (функционал валютаси АҚШ доллари (USD)) 159 миллион эквивалентига тенг 300 миллион доллар соф инвестициясини ўз ичига олади. Бошқача айтганда, Б шўъба ташкилотининг В шўъба ташкилотидаги инвестициясидан ташқари, унинг соф активлари 341 миллион долларни ташкил қилади.

Хежлаш муносабати белгиланиши мумкин бўлган хежланган рискнинг характери (10-13-бандлар)

ҚК2 Бош ташкилот ўзининг А, Б ва В шўъба ташкилотларининг ҳар биридаги соф инвестициясини уларнинг мос функционал валюталари (Япония иенаси (JPY), фунт стерлинг ва АҚШ доллари) билан евро ўртасидаги валюта курси rischi учун хежлаши мумкин. Бундан ташқари, бош ташкилот Б шўъба ташкилоти билан В шўъба ташкилотининг функционал валюталари ўртасидаги USD/GBP валюта курси riskини ҳам хежлаши мумкин. Б шўъба ташкилоти ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботида В шўъба ташкилотидаги соф инвестициясини уларнинг АҚШ доллари ва фунт стерлингдаги мос функционал валюталари ўртасидаги валюта курси riskини хежлаши мумкин. Қуйидаги мисолларда белгиланган риск жорий валюта курси rischi бўлади, чунки хежлаш инструментлари деривативлар ҳисобланмайди. Агар хежлаш инструментлари форвард шартномалари бўлганда эди, бош ташкилот форвард валюта курси riskини белгилаши мумкин эди.



Хежлаш муносабати белгиланиши мумкин бўлган хежланган модданинг суммаси (10-13-бандлар)

ҚК3 Бош ташкилот ўзининг В шўъба ташкилотидаги соф инвестицияси бўйича валюта курси riskини хежлашни хоҳлайди. Фараз қилайлик, А шўъба ташкилотининг 300 миллион доллар ташқи қарзи бор. Ҳисобот даври бошида А шўъба ташкилотининг соф активлари 400,000 миллион иенани ташкил қилади, шу жумладан, 300 миллион доллар ташқи қарз бўйича пул маблағлари тушишидан иборат.

ҚК4 Хежланган модда бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида унинг В шўъба ташкилотидаги соф инвестициясининг баланс суммасига (300 миллион доллар) тенг ёки ундан камроқ

соф активлар суммаси бўлиши мумкин. Бош ташкилот ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботида А шўъба ташкилотидаги 300 миллион доллар ташқи қарзни В шўъба ташкилотининг 300 миллион доллар соф активларидаги ўзининг соф инвестицияси билан боғлиқ EUR/USD жорий валюта курси рискининг ҳежи сифатида белгилаши мумкин. Мазкур ҳолатда, ҳам шўъба ташкилоти А даги 300 миллион доллар ташқи қарз бўйича EUR/USD валюта курси фарқи ҳам В шўъба ташкилотидаги 300 миллион доллар соф инвестиция бўйича EUR/USD валюта курси фарқи ҳежлаш ҳисобидан сўнг бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботидаги бошқа валютага ўтказиш резервига киритилади.

ҚК5 Ҳежлаш ҳисоби мавжуд бўлмаганда, А шўъба ташкилотидаги 300 миллион ташқи қарз бўйича жами EUR/USD валюта курси фарқи бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида қуйидагича тан олинади:

- USD/JPY чет эл валютаси курсидаги еврога ўтказишдаги фарқи фойда ёки зарарда тан олинади ва
- JPY/EUR чет эл валютаси курсидаги ўзгариш бошқа умумлашган даромадда тан олинади.

ҚК4-банддаги белгилаш ўрнига, ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботида бош ташкилот А шўъба ташкилотидаги 300 миллион доллар ташқи қарзни В шўъба ташкилоти билан Б шўъба ташкилоти ўртасидаги GBP/USD чет эл валютаси курси рискининг ҳежи сифатида белгилаши мумкин. Мазкур ҳолатда, А шўъба ташкилотидаги 300 миллион ташқи қарз бўйича жами USD/EUR валюта курси фарқи бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида қуйидагича тан олинади:

- В шўъба ташкилотига тегишли бошқа валютага ўтказиш резервида GBP/USD чет эл валютаси курсидаги ўзгариш,
- GBP/JPY чет эл валютаси курсидаги еврога ўтказишдаги фарқи фойда ёки зарарда тан олинади ва
- JPY/EUR чет эл валютаси курсидаги ўзгариш бошқа умумлашган даромадда тан олинади.

ҚК6 Бош ташкилот А шўъба ташкилотидаги 300 миллион доллар ташқи қарзни ҳам EUR/USD чет эл валютаси курси рискининг ҳам GBP/USD чет эл валютаси курси рискининг ҳежи сифатида ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботида белгилай олмайди. Ягона ҳежлаш инструменти айнан бир белгиланган рискни фақатгина бир марта ҳежлаши мумкин. Б шўъба ташкилоти ҳежлаш ҳисобини ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботида қўллай олмайди, чунки ҳежлаш инструменти Б шўъба ташкилоти ва В шўъба ташкилоти кирадиган гуруҳдан ташқарида сақланади.

Гуруҳ таркибидаги қандай ташкилотлар ҳежлаш инструменти сақлаши мумкин (14 ва 15-бандлар)?

ҚК7 ҚК5-бандда таъкидланганидек, А шўъба ташкилотидаги 300 миллион доллар ташқи қарзнинг валюта курси рискига нисбатан қийматдаги жами ўзгариш ҳежлаш ҳисоби мавжуд бўлмаганда бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботидаги фойда ёки зарарда (USD/JPY спот риск) ҳам, бошқа умумлашган даромадда (EUR/JPY хорижий риск) ҳам акс эттирилади. Иккала суммалар ҳам ҚК4-бандда белгиланган ҳеж самарадорлигини баҳолаш мақсадида инобатга олинади, чунки ҳежлаш инструментининг ҳам ҳежланган модданинг қийматидаги ўзгариш, ҳежлаш ҳужжатларига мувофиқ, В шўъба ташкилотининг функционал валютаси – АҚШ долларига нисбатан бош ташкилотнинг функционал валютаси – еврога мурожаат этган ҳолда ҳисобланади. Консолидациялаш усулининг танланиши (яъни бевосита усул ёки босқичма-босқич усул) ҳеж самарадорлигини баҳолашига таъсир кўрсатмайди.

Чет элдаги бўлинманинг ҳисобдан чиқарилишида фойда ёки зарарга қайта таснифланадиган суммалар (16 ва 17-бандлар)

ҚК8 В шўъба ташкилоти ҳисобдан чиқарилганда, бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботидаги фойда ёки зарарга унинг бошқа валютага ўтказиш резервидан (БВЎР) қайта таснифланган суммалар қуйидагилар ҳисобланади:

- (а) А шўъба ташкилотидаги 300 миллион доллар ташқи қарзга нисбатан 9-сон МХХС аниқланишини талаб этган сумма, яъни ҳежнинг самарали қисми сифатида бошқа умумлашган даромадда тан олинган валюта курси рискига нисбатан қийматдаги жами ўзгариш; ва

- (б) В шўъба ташкилотидаги 300 миллион доллар соф инвестицияга нисбатан ташкилотнинг консолидациялаш усули орқали аниқланган сумма. Агар бош ташкилот бевосита усулдан фойдаланса, В шўъба ташкилотига нисбатан унинг БВЎРи бевосита EUR/USD валюта курси орқали аниқланади. Агар бош ташкилот босқичма-босқич усулидан фойдаланса, В шўъба ташкилотига нисбатан унинг БВЎРи Б шўъба ташкилоти томонидан тан олинган ва GBP/USD валюта курсини акс эттирадиган БВЎР орқали аниқланади ва EUR/GBP валюта курси орқали бош ташкилотнинг функционал валютасига ўтказилади. Ўтган даврларда бош ташкилот консолидациялашнинг босқичма-босқич усулидан фойдаланиши агар у ўзининг ҳисоб сиёсатига боғлиқ тарзда доимо бевосита усулдан фойдаланган бўлса, у В шўъба ташкилотини ҳисобдан чиқаришда қайта таснифланадиган БВЎР суммасини шундай сумма сифатида аниқлашни талаб этмайди ёки уни бундан тўсмайди.

Бир нечта чет элдаги бўлинмаларни хежлаш (11, 13 ва 15-бандлар)

- ҚК9 Куйидаги мисоллар бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида хежланиши мумкин бўлган риск доимо унинг функционал валютаси (евро) билан Б ва В шўъба ташкилотларининг функционал валюталари ўртасидаги риск бўлишини акс эттиради. Хежлар қандай белгиланишига қарамадан, иккала чет элдаги бўлинма хежланганда бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботидаги бошқа валютага ўтказиш резервига киритиладиган самарали хежлар бўла оладиган максимум суммалар EUR/USD риск учун 300 миллион доллар ва EUR/GBP риск учун 341 миллион фунт стерлинг бўлади. Валюта курсларидаги ўзгаришлар ҳисобига қийматдаги бошқа ўзгаришлар бош ташкилотнинг консолидациялашган фойда ёки зарарига киритилади. Албатта, бош ташкилот учун фақатгина USD/GBP чет эл валютаси курсидаги ўзгаришлар учун 300 миллион долларни ёки фақатгина GBP/EUR чет эл валютаси курсидаги ўзгаришлар учун 500 миллион фунт стерлингни белгилаш имкони бўлиши мумкин.

Бош ташкилот ҳам USD ҳам GBP хежлаш инструментларини сақлаши

- ҚК10 Бош ташкилот Б шўъба ташкилотидаги ўзининг соф инвестициясига нисбатан ҳамда В шўъба ташкилотига нисбатан валюта курси рискни хежлашни хоҳлаши мумкин. Фараз қилайлик, бош ташкилот доллар ва фунт стерлингга ифодаланган мос хежлаш инструментларига эга бўлиб, у уларни Б шўъба ташкилоти ва В шўъба ташкилотидаги ўзининг соф инвестицияларининг хежлари сифатида белгилаши мумкин.
- (а) бунда риск бош ташкилот билан В шўъба ташкилоти ўртасидаги хорижий валюта курсига таъсири (EUR/USD) бўлган В шўъба ташкилотидаги 300 миллион доллар соф инвестициянинг хежи сифатида белгиланган 300 миллион доллар хежлаш инструменти ва риск бош ташкилот билан Б шўъба ташкилоти ўртасидаги чет эл валютаси курсига таъсири (EUR/GBP) бўлган Б шўъба ташкилотидаги 341 миллион фунт стерлинг соф инвестициянинг хежи сифатида белгиланган 341 миллион фунт стерлинггача хежлаш инструменти сифатида белгиланади.
- (б) риск Б шўъба ташкилоти билан В шўъба ташкилоти ўртасидаги чет эл валютаси курси rischi таъсирида (GBP/USD) бўлган В шўъба ташкилотидаги 300 миллион доллар соф инвестициянинг хежи сифатида белгиланган 300 миллион доллар хежлаш инструменти ва риск бош ташкилот билан Б шўъба ташкилоти ўртасидаги чет эл валютаси курси таъсири (EUR/GBP) бўлган Б шўъба ташкилотидаги 500 миллион доллар соф инвестициянинг хежи сифатида белгиланган 500 миллион фунт стерлинггача хежлаш инструменти.
- ҚК11 Бош ташкилотнинг В шўъба ташкилотидаги соф инвестицияси бўйича EUR/USD rischi бош ташкилотнинг Б шўъба ташкилотидаги соф инвестицияси бўйича EUR/GBP riskидан фарқли riskдир. Бироқ, ҚК10(а)-бандда ифодаланган ҳолатда, у эгалик қиладиган USD даги хежлаш инструментини белгилаган ҳолда, бош ташкилот унинг В шўъба ташкилотидаги соф инвестицияси бўйича EUR/USD riskини аллақачон тўлиқ тарзда хежлаган бўлади. Агар бош ташкилот у эгалик қиладиган GBP даги инструментни унинг Б шўъба ташкилотидаги 500 миллион фунт стерлинг соф инвестициясининг хежи сифатида ҳам белгилаганда, унинг В шўъба ташкилотидаги USD даги соф инвестициясининг эквивалентини акс эттирадиган мазкур 159 миллион фунт стерлинг соф инвестиция бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида GBP/EUR rischi учун икки марта хежланган бўлиши мумкин.
- ҚК12 ҚК10(б) банддаги ифодаланган ҳолатда, агар бош ташкилот хежланган riskни Б шўъба ташкилоти билан В шўъба ташкилоти ўртасидаги хорижий валюта курсига дучорлик (GBP/USD) сифатида белгиласа, унинг 300 миллион доллар хежлаш инструментининг қийматидаги ўзгаришнинг фақатгина GBP/USD қисми В шўъба ташкилотига тегишли бош ташкилотнинг чет эл валютасидан ўтказиш

резервиге киритилади. Ўзгаришнинг қолган қисми (159 миллион фунт стерлинг бўйича GBP/EUR ўзгаришга эквивалент), ҚҚ5-бандга мувофиқ, бош ташкилотнинг консолидациялашган фойда ёки зарарига киритилади. Б ва В шўъба ташкилотлар ўртасидаги USD/GBP рискнинг белгиланиши GBP/EUR рискни ўз ичига олмаслиги туфайли, риск бош ташкилот билан Б шўъба ташкилоти ўртасидаги чет эл валютаси курсига таъсири (GBP/EUR) бўлган ҳолда, бош ташкилот унинг Б шўъба ташкилотидagi 500 миллион фунт стерлинг соф инвестициясигача белгилаш имконига ҳам эга бўлади.

Б шўъба ташкилотининг USD даги ҳежлаш инструментида эгалик қилиши

- ҚҚ13 Фараз қилайлик, Б шўъба ташкилоти 300 миллион доллар ташқи қарзга эга бўлиб, унинг пул маблағлари тушиши фунт стерлингга ифодаланган гуруҳлар ўртасидаги қарз орқали бош ташкилотга ўтказилган. Б шўъба ташкилотининг активлари ҳам, мажбуриятлари ҳам 159 миллион фунт стерлингга ошганлиги туфайли, соф активлари ўзгармайди. Б шўъба ташкилоти ўзининг консолидациялашган молиявий ҳисоботида унинг В шўъба ташкилотидagi соф инвестицияси бўйича GBP/USD рискнинг ҳежи сифатида белгилаши мумкин. Бош ташкилот Б шўъба ташкилотининг мазкур ҳежлаш инструменти белгилашини GBP/USD rischi учун унинг В шўъба ташкилотдаги 300 миллион доллар соф инвестициясининг ҳежи сифатида сақлаши мумкин (13-бандга қаранг) ва бош ташкилот у эгалик қиладиган GBP даги ҳежлаш инструменти унинг Б шўъба ташкилотидagi бутун 500 миллион фунт стерлинг соф инвестициясининг ҳежи сифатида сақлаши мумкин. Б шўъба ташкилоти томонидан белгиланган биринчи ҳеж Б шўъба ташкилотининг функционал валютаси (фунт стерлинг) орқали баҳоланиши мумкин ва бош ташкилот томонидан белгиланган иккинчи ҳеж бош ташкилотнинг функционал валютаси (евро) орқали баҳоланиши мумкин. Мазкур ҳолатда, бутун EUR/USD rischi эмас, балки бош ташкилотнинг В шўъба ташкилотидagi соф инвестицияси бўйича фақатгина GBP/USD rischi USD даги ҳежлаш инструменти орқали бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида ҳежланган бўлади. Шу сабабли, бош ташкилотнинг Б шўъба ташкилотидagi 500 миллион фунт стерлинг соф инвестицияси бўйича бутун EUR/GBP rischi бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида ҳежланган бўлиши мумкин.
- ҚҚ14 Лекин Б шўъба ташкилотига тўланиши лозим бўлган бош ташкилотнинг 159 миллион фунт стерлинг қарзини ҳисобга олиш ҳам инobatга олинмиши лозим. Агар бош ташкилотнинг тўланиши лозим бўлган қарзи у 21-сон БХХС нинг 15-бандидagi шартларни қаноатлангирмаслиги сабабли унинг Б шўъба ташкилотидagi соф инвестициясининг бир қисми сифатида инobatга олинмаса, уни бир валютадан бошқа валютага ўтказишда юзага келадиган GBP/EUR валюта курси фарқи бош ташкилотнинг консолидациялашган фойда ёки зарарига киритилади. Агар Б шўъба ташкилотига тўланиши лозим бўлган 159 миллион фунт стерлинг қарз бош ташкилот соф инвестициясининг бир қисми сифатида инobatга олинса, мазкур соф инвестиция фақатгина 341 миллион фунт стерлингни ташкил этади ва бош ташкилотнинг GBP/EUR rischi учун ҳежланган модда сифатида белгилаши мумкин бўлган сумма ўз навбатида, 500 миллион фунт стерлингдан 341 миллион фунт стерлингга камайиши мумкин.
- ҚҚ15 Агар бош ташкилот Б шўъба ташкилоти томонидан белгиланган ҳежлаш муносабатини қайта тикласа, бош ташкилот Б шўъба ташкилоти эгалик қиладиган 300 миллион доллар ташқи қарзни EUR/USD rischi учун унинг В шўъба ташкилотидagi 300 миллион доллар соф инвестициясининг ҳежи сифатида белгилаши мумкин ва ўзи у эгалик қиладиган GBP даги ҳежлаш инструменти Б шўъба ташкилотидagi соф инвестициянинг фақатгина 341 миллион фунт стерлинггача ҳежи сифатида белгилаши мумкин. Мазкур ҳолатда, иккала ҳежларнинг самарадорлиги бош ташкилотнинг функционал валютаси (евро) орқали ҳисобланиши мумкин. Ўз навбатида, ҳам Б шўъба ташкилоти эгалик қиладиган ташқи қарзнинг қийматидаги USD/GBP ўзгариш, ҳам Б шўъба ташкилотига тўланиши лозим бўлган бош ташкилот қарзининг қийматидаги GBP/EUR ўзгариш (жами бўлиб USD/EUR га эквивалент) бош ташкилотнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботидаги бошқа валютага ўтказиш резервиге киритилади. Бош ташкилот унинг В шўъба ташкилотидagi соф инвестицияси бўйича EUR/USD rischi аллақачон тўлиқ тарзда ҳежлагани сабабли, у ўзининг Б шўъба ташкилотидagi соф инвестицияси бўйича EUR/GBP rischi учун фақатгина 341 миллион фунт стерлинггача ҳежлай олади.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
57-ИЛОВА

17-сон МҲХСШҚ Шарҳи Пулсиз активларнинг мулкдорларга тақсимланиши

Ҳаволалар

- 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*” (2008 йил таҳрири)
- 5-сон МҲХС “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият*”
- 7-сон МҲХС “*Молиявий инструментлар: Маълумотларни ёритиб бериш*”
- 10-сон МҲХС “*Консолидациялашган молиявий ҳисобот*”
- 13-сон МҲХС “*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*”
- 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*” (2007 йил таҳрири)
- 10-сон БҲХС “*Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар*”

Дастлабки маълумотлар

- 1 Баъзида ташкилот мулкдор сифатида иштирок этадиган ўз мулкдорларига¹ дивиденд сифатида пулдан фарқли бошқа активларни (пулсиз активларни) тақсимлайди. Бундай вазиятларда ташкилот ўз мулкдорларига пулсиз активларни ёки пул муқобилини олишни танлаш имкониятини ҳам бериши мумкин. МҲХСШҚга ташкилот бундай тақсимлашни қандай ҳисобга олиши лозимлиги тўғрисида кўрсатма учун сўровлар келиб тушган.
- 2 Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ташкилот ўзининг мулкдорларига активлар тақсимланишини (одатда дивидендлар деб юритилади) қандай баҳолаши лозимлиги тўғрисида кўрсатма бермайди. 1-сон БҲХС ташкилотдан мулкдорларга активлар тақсимланиши сифатида тан олинган дивидендлар тафсилотларини хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки молиявий ҳисоботга изоҳларда тақдим этишни талаб қилади.

Қўллаш доираси

- 3 Мазкур шарҳ ташкилот томонидан мулкдор сифатида иштирок этадиган мулкдорларга активларнинг қайтарилмайдиган тарзда тақсимланишининг қуйидаги турларига нисбатан қўлланади:
 - (a) пулсиз активларни тақсимлаш (масалан, асосий воситалар, 3-сон МҲХСда белгиланган бизнеслар, бошқа ташкилотдаги эгалик улушлари ёки 5-сон МҲХСда таърифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳлар); ва
 - (b) мулкдорларга пулсиз активларни ёки пул муқобилини олишни танлаш имкониятини берадиган тақсимлаш.
- 4 Мазкур шарҳ фақат бир хил синфдаги улушли инструментларнинг барча мулкдорлари тенг кўриладиган тақсимлашларга нисбатан қўлланади.
- 5 Мазкур шарҳ тақсимлашдан олдин ҳам кейин ҳам охир-оқибат бир хил томон ёки томонлар орқали назорат қилинадиган пулсиз активларни тақсимланишига нисбатан қўлланмайди. Ушбу истисно тақсимлашни амалга оширадиган ташкилотнинг алоҳида, индивидуал ва консолидациялашган молиявий ҳисоботига тааллуқлидир.
- 6 5-бандга мувофиқ, мазкур шарҳ пулсиз активлар тақсимланишидан олдин ҳам, кейин ҳам бир хил томонлар орқали назорат қилинадиган ҳолларда қўлланмайди. 3-сон МҲХСнинг Б2-бандига кўра,

¹ 1-сон БҲХС нинг 7-банди мулкдорларни хусусий капитал сифатида таснифланган инструментларнинг эгалари деб таърифлайди.

- “Шартномавий келишувлар натижасида жисмоний шахслар гуруҳи жамоавий ҳолда ташкилот фаолиятдан наф олиш мақсадида унинг молиявий ва операциялар сиёсатини белгилаш ваколатига эга бўлсалар, улар ташкилотни назорат қилади деб, ҳисоблаш лозим”. Шунинг учун, бир хил томонлар активни тақсимлашдан олдин ҳам, кейин ҳам назорат қилишини ҳисобга олган ҳолда, тақсимлаш мазкур шарҳни қўллаш доирасидан ташқарида бўлиши учун, тақсимланган активни оладиган индивидуал акциядорлар гуруҳи шартномавий келишувлар натижасида тақсимлашни амалга оширадиган ташкилот устидан худди шундай жамоавий ваколатга эга бўлишлари лозим.
- 7 5-бандга мувофиқ ташкилот шўъба ташкилотидоги ўз эгаллик улушининг бир қисмини тақсимлаганда, лекин шўъба ташкилоти устидан назоратни сақлаб қолганда, мазкур шарҳ қўлланмайди. Ўз шўъба ташкилотидоги назорат кучига эга бўлмаган улушни тан олишига олиб келадиган тақсимлашни амалга оширадиган ташкилот ушбу тақсимлашни 10-сон МХХСга мувофиқ ҳисобга олади.
- 8 Мазкур шарҳда фақат пулсиз активларни тақсимлашни амалга оширадиган ташкилот томонидан ҳисоб юритиш тартиби кўриб чиқилади. Мазкур шарҳда бундай тақсимлашни қабул қилувчи акциядорлар томонидан ҳисоб юритиш тартиби кўриб чиқилмайди.

Масалалар

- 9 Ташкилот тақсимлаш тўғрисида эълон қилганда ва тегишли активларни мулкдорларга тақсимлаш жавобгарлиги мавжуд бўлганда, тўланадиган дивиденд бўйича мажбуриятни тан олиши лозим. Шундай қилиб, мазкур шарҳда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:
- (а) Ташкилот тўланадиган дивидендни қачон тан олиши лозим?
 - (б) Ташкилот тўланадиган дивидендни қандай баҳолаши лозим?
 - (в) Ташкилот тўланадиган дивидендни ҳисоб-китоб қилишда тақсимланган активларнинг баланс қиймати ва тўланадиган дивиденднинг баланс қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқни қандай ҳисобга олиши лозим?

Консенсус

Тўланадиган дивидендни тан олиш пайти

- 10 Дивиденд тегишли тарзда тасдиқланганда ва ортиқ ташкилот ихтиёрида бўлмаганда, дивиденд тўлаш мажбурияти қуйидаги санада тан олиниши лозим:
- (а) агар юрисдикция тасдиқлашни талаб этса, дивиденд тўлаш тўғрисида раҳбарият ёки директорлар кенгаши томонидан эълон қилиниши тегишли ваколатли орган масалан, акциядорлар томонидан тасдиқланганда, ёки
 - (б) агар юрисдикция қўшимча тасдиқлашни талаб этмаса, дивиденд тўлаш тўғрисида масалан, раҳбарият ёки директорлар кенгаши томонидан эълон қилинганда.

Тўланадиган дивиденднинг баҳоланиши

- 11 Ташкилот ўз мулкдорларига дивиденд сифатида пулсиз активларни тақсимлаш мажбуриятини тақсимланадиган активларнинг ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаши лозим.
- 12 Агар ташкилот ўз мулкдорларига пулсиз активни ёки пул муқобилини олишни танлаш имкониятини берса, ташкилот ҳар бир муқобилнинг ҳаққоний қийматини ва мулкдорларнинг ҳар бир муқобилни танлаши билан боғлиқ эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда тўланадиган дивидендни баҳолаши лозим.
- 13 Ташкилот ҳар бир ҳисобот даври охирида ва ҳисоб-китоб кунда тўланадиган дивиденднинг баланс қийматини хусусий капитал таркибида тақсимлаш суммасига тузатиш сифатида тан олинган тўланадиган дивиденднинг баланс қийматидаги ҳар қандай ўзгаришлар билан бирга кўриб чиқиши ва тузатиш киритиши лозим.

Ташкилот тўланадиган дивидендни ҳисоб-китоб қилиш пайтида тақсимланган активларнинг баланс қиймати ва тўланадиган дивиденднинг баланс қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқни ҳисобга олиши тартиби

- 14 Ташкилот тўланадиган дивидендни ҳисоб-китоб қилиш пайтида, тақсимланган активларнинг баланс қиймати ва тўланадиган дивиденднинг баланс қиймати ўртасида фарқни, агар мавжуд бўлса, фойда ёки зарар таркибида тан олиши лозим.

Тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш

- 15 Ташкилот 14-бандда тавсифланган фарқни фойда ёки зарар таркибида алоҳида сатрда тақдим этиши лозим.
- 16 Агар мавжуд бўлса, ташкилот қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:
- (а) давр бошида ва охирида тўланадиган дивиденднинг баланс қиймати; ва
 - (б) тақсимланадиган активларнинг ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида 13-бандга мувофиқ давр мобайнида тан олинган баланс қийматидаги ўсиш ёки камайиш.
- 17 Агар ҳисобот даври тугаганидан кейин, лекин молиявий ҳисобот эълон қилиш учун маъқулланишидан олдин ташкилот пулсиз активни дивиденд сифатида тақсимлашни эълон қилса, у қуйидагиларни ёритиб бериши лозим:
- (а) тақсимланадиган активнинг характери;
 - (б) ҳисобот даври охирига тақсимланадиган активнинг баланс қиймати; ва
 - (в) агар баланс қийматидан фарқ қилса, ҳисобот даври охирига тақсимланадиган активнинг ҳаққоний қиймати ва 13-сон МХХСнинг 93(б), (г), (ё) ва (з) ва 99 бандларида талаб этилган ҳаққоний қийматни баҳолаш учун фойдаланилган усул(лар) тўғрисидаги маълумот.

Кучга кириш санаси

- 18 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2009 йил 1 июлдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун перспектив тарзда қўлланиши лозим. Ретроспектив тарзда қўллашга йўл қўйилмайди. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур шарҳни 2009 йил 1 июндан олдин бошланадиган давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши ва шунингдек, 3-сон МХХС (2008 йилда қайта қўриб чиқилган), 27-сон БҲХС(2008 йил май ойида ўзгартирилган) ва 5-сон МХХС (мазкур шарҳ билан ўзгартирилган)ни қўллаши лозим.
- 19 2011 йил май ойида эълон қилинган 10-сон МХХС бўйича 7-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 10-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 20 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МХХС бўйича 17-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
58-ИЛОВА

19-сон МҲХСШҚ Шарҳи **Молиявий мажбуриятларни улушли инструментлар билан сўндириш**

Ҳаволалар

- *Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишининг концептуал асоси*¹
- 2-сон МҲХС “Акцияга асосланган тўлов”
- 3-сон МҲХС “Бизнес бирлашувлари”
- 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар”
- 13-сон МҲХС “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”
- 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”
- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 32-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: \

Дастлабки маълумотлар

- 1 Дебиторнинг кредиторга улушли инструментлар чиқариш орқали мажбуриятни тўлиқ ёки қисман сўндириш натижасида келиб чиқадиган молиявий мажбурият шартлари дебитор ва кредитор томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бундай операциялар баъзида “Улушли инструментлар эвазига қарз инструментлари своплари” каби аталади. МҲХСШҚга бундай операцияларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида кўрсатма учун сўровлар келиб тушган.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур шарҳда ташкилотнинг муайян молиявий мажбурияти шартлари қайта кўриб чиқилиши натижасида ушбу мажбуриятни тўлиқ ёки қисман сўндириш мақсадида кредитор фойдасига улушли инструментлар чиқарилганда ишлатиладиган ҳисобга олиш тартиби кўриб чиқилади. Унда кредитор томонидан ҳисобга олиш тартиби кўриб чиқилмайди.
- 3 Ташкилот мазкур шарҳни қуйидаги ҳолатлардаги операцияларга нисбатан қўлламаслиги лозим:
 - (а) кредитор, шунингдек, ташкилотнинг бевосита ёки билвосита акциядори ҳисобланса ва шундай амалдаги акциядори сифатида ҳаракат қилса.
 - (б) операциядан олдин ҳамда кейин кредитор ва ташкилот бир хил томон ёки томонлар орқали назорат қилинса ва операциянинг моҳияти ташкилотга капитал киритиш ёки ташкилот томонидан капитални тақсимлашни ўз ичига олса.
 - (в) молиявий мажбуриятни акциялар чиқариш орқали сўндириш молиявий мажбуриятнинг дастлабки шартига мувофиқ амалга оширилса.

Масалалар

- 4 Мазкур шарҳда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

¹ Ушбу ҳавола 2001 йилда Кенгаш томонидан қабул қилинган БҲХСҚнинг “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишининг концептуал асоси”ни назарда тутди.

- (а) Ташкилотнинг молиявий мажбуриятни тўлиқ ёки қисман сўндириш учун чиқарилган улушли инструментлар 9-сон МХХСнинг 3.3.3 бандига мувофиқ “тўланган товон” ҳисобланадими?
- (б) Ташкилот бундай молиявий мажбуриятни сўндириш учун чиқарилган улушли инструментларни дастлаб қандай баҳолаши лозим?
- (в) Ташкилот сўндирилган молиявий мажбуриятнинг баланс қиймати ва чиқарилган улушли инструментларнинг дастлабки қиймати ўртасидаги фарқни қандай ҳисобга олиши лозим?

Консенсус

- 5 Ташкилотнинг молиявий мажбуриятни тўлиқ ёки қисман сўндириш учун кредиторга улушли инструментларни чиқариш 9-сон МХХСнинг 3.3.3 бандига мувофиқ “тўланган товон” ҳисобланади. Ташкилот молиявий мажбуриятни (ёки унинг бир қисмини) фақат ва фақат 9-сон МХХСнинг 3.3.1 бандига мувофиқ сўндирганда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқариши лозим.
- 6 Молиявий мажбуриятни тўлиқ ёки қисман сўндириш учун кредиторга чиқарилган улушли инструментларни дастлабки тан олишда, унинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлмаган ҳоллардан ташқари, ташкилот уларни чиқарилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматида баҳолаши лозим.
- 7 Агар чиқарилган улушли инструментларнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлмаса, у ҳолда, улушли инструмент сўндирилган молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини акс эттирадиган тарзда баҳолаши лозим. Талаб бўйича сўндириш шартини ўз ичига оладиган сўндирилган молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда 13-сон МХХСнинг 47-банди қўлланмайди.
- 8 Агар молиявий мажбуриятнинг фақат бир қисми сўндирилса, ташкилот тўланган товоннинг бир қисми сўндирилмай қолган мажбурият шартларини ўзгартириш билан боғлиқ ёки йўқлигини баҳолаши лозим. Агар тўланган товоннинг бир қисми сўндирилмай қолган мажбурият шартларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса, ташкилот ушбу тўланган товонни сўндирилган мажбурият қисми ва сўндирилмай қолган мажбурият қисми ўртасида тақсимлаши лозим. Ташкилот ушбу тақсимлашни амалга оширишда операцияга боғлиқ барча ўринли далиллар ва ҳолатларни эътиборга олиши лозим.
- 9 Сўндирилган молиявий мажбуриятнинг (ёки унинг бир қисмининг) баланс қиймати ва тўланган товон ўртасидаги фарқ 9-сон МХХСнинг 3.3.3-бандига мувофиқ фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим. Чиқарилган улушли инструмент дастлаб тан олиниши ва молиявий мажбурият (ёки унинг бир қисми) сўндирилган санада баҳоланиши лозим.
- 10 Молиявий мажбуриятнинг фақат бир қисми сўндирилганда, товон 8-бандга мувофиқ тақсимланади. Мажбурият қолдигига тақсимланган товон бундай мажбурият қолдигининг шартлари аҳамиятли даражада ўзгарганлигини баҳолашда ҳисобга олиниши лозим. Агар мажбурият қолдигининг шартлари аҳамиятли даражада ўзгарган бўлса, ташкилот 9-сон МХХСнинг 3.3.2-бандига мувофиқ бундай ўзгартиришни дастлабки мажбуриятнинг сўндирилиши ва янги мажбуриятнинг тан олиниши каби ҳисобга олиши лозим.
- 11 Ташкилот 9 ва 10-бандларга мувофиқ тан олинган фойда ёки зарарни фойда ёки зарар таркибида ёки изохларда алоҳида модда сифатида ёритиб бериши лозим.

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

- 12 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2010 йил 1 июлдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот мазкур шарҳни 2010 йил 1 июлдан олдинги давр учун қўлласса, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- 13 Ташкилот ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришни 8-сон БҲХСга мувофиқ тақдим этиладиган энг олдинги қиёсий давр учун қўллаши лозим.
- 14 [Чиқариб ташланган]
- 15 2011 йил май ойида эълон қилинган 13-сон МХХС бўйича 7-бандга ўзгартириш киритилган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 13-сон МХХС билан биргаликда қўллаши лозим.
- 16 [Чиқариб ташланган]

- 17 2014 йил июль ойида эълон қилинган 9-сон МҲХС бўйича 4, 5, 7, 9 ва 10-бандларга ўзгартиришлар киритилган ва 14 ва 16-бандлар чиқариб ташланган. Ташкилот ушбу ўзгартиришларни 9-сон МҲХС билан биргаликда қўллаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
59-ИЛОВА

20-сон МҲХСШҚ Шарҳи Очиқ коннинг қазиб чиқариш босқичидаги устки қатламни очиш сарфлари

Ҳаволалар

- Молиявий ҳисоботларни тақдим этишининг концептуал асоси¹
- 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиши”
- 2-сон БҲХС “Захиралар”
- 16-сон БҲХС “Асосий воситалар”
- 38-сон БҲХС “Номоддий активлар”

Дастлабки маълумотлар

- 1 Очиқ усулда қазиб олиш ишларида, ташкилотлар минерал рудалари конларидан фойдалана олиш учун коннинг чиқинди жинсларини (“кон очишдаги жинслар”) олиб ташлашни лозим топиши мумкин. Ушбу чиқинди жинсларни олиб ташлаш фаолияти “устки қатламни очиш” деб аталади.
- 2 Конни қазиб олиш босқичида (ишлаб чиқариш бошланишидан олдин) устки қатламни очиш сарфлари, одатда конни қуриш, ривожлантириш ва жиҳозлаш учун эскириш ҳисобланадиган сарфларнинг бир қисми сифатида капиталлаштирилади. Ушбу капиталлаштирилган сарфлар бўйича, одатда, ишлаб чиқариш усули орқали, ишлаб чиқариш бошлангандан сўнг тизимли асосда эскириш ёки амортизация ҳисобланади.
- 3 Кон қазиб олиш ташкилоти конни қазиб олиш босқичида кон чиқинди жинсларини тозалашда давом этиши ва устки қатламни очиш сарфларини амалга ошириши мумкин.
- 4 Қазиб олиш босқичида устки қатламни очиш пайтида чиқариб ташланган тоғ-кон жинслари 100 фоиз чиқинди жинслар бўлиши шарт эмас; кўпинча бу руда ва кон чиқинди жинсларининг аралашмаси бўлади. Руданинг кон чиқинди жинсларига нисбати иқтисодий жиҳатдан паст даражадан фойдалилик жиҳатдан юқори даражагача бўлиши мумкин. Руданинг кон чиқиндисига паст нисбатли чиқариб ташланган тоғ-кон жинсларидан захиралар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлган баъзи бир фойдали материалларни ишлаб чиқарилиши мумкин. Ушбу чиқариб ташлаш руданинг кон чиқиндисига юқори нисбатли тоғ-кон жинсларининг чуқурроқда жойлашган қисмидан фойдаланиш имконини бериши мумкин. Шундай қилиб, устки қатламни очиш ташкилотга икки хил наф келтириши мумкин: захираларни ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин бўлган фойдаланиладиган руда ва келгуси даврларда қазиб олинадиган фойдали қазилмаларнинг кўшимча ҳажмларидан фойдаланиш имкониятини яхшилаш.
- 5 Мазкур шарҳда устки қатламни очиш фаолиятидан келиб чиқадиган ушбу икки нафни қачон ва қандай қилиб алоҳида ҳисобга олиш лозимлиги, шунингдек ушбу нафларни дастлабки ва кейинги баҳолаш тартиби кўриб чиқилади.

Қўллаш доираси

- 6 Мазкур шарҳ очиқ конни қазиб олиш босқичида ер усти қонида олиб бориладиган кон чиқинди жинсларини чиқариб ташлаш сарфларига (“қазиб олиш босқичидаги устки қатламни очиш сарфлари”) нисбатан қўлланади.

¹ Ушбу ҳавола 2010 йилда эълон қилинган ва мазкур шарҳ ишлаб чиқилган пайтда амалда бўлган “Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси”ни назарда тутди.

Масалалар

- 7 Мазкур шарҳда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:
- (а) қазиб олиш босқичидаги устки қатламни очиш сарфларини актив сифатида тан олиш;
 - (б) устки қатламни очиш билан боғлиқ активнинг дастлабки баҳоланиши; ва
 - (в) устки қатламни очиш билан боғлиқ активнинг кейинги баҳоланиши.

Консенсус

Қазиб олиш босқичидаги устки қатламни очиш сарфларини актив сифатида тан олиш

- 8 Агар устки қатламни очиш фаолиятдан олинадиган наф ишлаб чиқарилган захира кўринишида амалга оширилса, ташкилот устки қатламни очиш фаолияти сарфларини 2-сон БҲҲС “Заҳиралар” тамойилларига мувофиқ ҳисобга олиши лозим. Бундай наф рудадан яхшиланган фойдаланиш имконини берса, ташкилот бундай сарфларни, агар қуйидаги 9-банддаги мезонларга жавоб берса, узоқ муддатли актив сифатида тан олиши лозим. Мазкур шарҳ узоқ муддатли активни устки қатламни очиш билан боғлиқ актив сифатида назарда тутди.
- 9 Ташкилот фақат ва фақат қуйидагиларнинг барчаси бажарилганда устки қатламни очиш билан боғлиқ активни тан олиши лозим:
- (а) устки қатламни очиш фаолияти билан боғлиқ бўлган келгуси иқтисодий наф (руда жинсидан яхшиланган фойдаланиш имконияти) ташкилотга келиб тушиш эҳтимоли мавжуд;
 - (б) ташкилот руда жисмининг қазиб олиш имконияти яхшиланган компонентини аниқлай олади; ва
 - (в) ушбу компонент билан боғлиқ бўлган устки қатламни очиш фаолиятига алоқадор сарфларни ишончли баҳолаш мумкин.
- 10 Устки қатламни очиш билан боғлиқ актив мавжуд активга қўшимча ёки такомиллаштириш сифатида ҳисобга олиниши лозим. Бошқача айтганда, устки қатламни очиш билан боғлиқ актив мавжуд активнинг *бир қисми* сифатида ҳисобга олинади.
- 11 Устки қатламни очиш билан боғлиқ активнинг моддий ёки номоддий актив сифатида таснифланиши мавжуд актив билан бир хил бўлади. Бошқача айтганда, ушбу мавжуд активнинг характери ташкилот устки қатламни очиш билан боғлиқ активни моддий ёки номоддий деб таснифлаши лозимлигини белгилаб беради.

Устки қатламни очиш билан боғлиқ активнинг дастлабки баҳоланиши

- 12 Ташкилот дастлаб устки қатламни очиш билан боғлиқ активни бошланғич қиймати бўйича баҳолаши лозим, бу руданинг идентификацияланган компонентидан фойдаланишни яхшилайдиган устки қатламни очиш фаолиятини бажариш учун бевосита амалга оширилган сарфларнинг жамланмаси ва бевосита боғлиқ бўлган устама сарфларни тақсимланишидан иборат. Баъзи тегишли операциялар қазиб олиш босқичидаги устки қатламни очиш билан бир вақтда содир бўлиши мумкин, аммо бу қазиб олиш босқичидаги устки қатламни очишни режалаштирилганидек давом эттириш учун зарур бўлмаслиги мумкин. Бундай тегишли операциялар билан боғлиқ сарфлар устки қатламни очиш билан боғлиқ активнинг бошланғич қийматида ҳисобга олинмаслиги лозим.
- 13 Агар устки қатламни очиш бўйича активга оид ва ишлаб чиқарилган захирага оид сарфлар алоҳида аниқлана олмаса, ташкилот қазиб олиш босқичидаги устки қатламни очиш сарфларини тегишли ишлаб чиқариш баҳосига асосланган тақсимлаш асосидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқарилган заҳиралар ва устки қатламни очиш билан боғлиқ актив ўртасида тақсимлайди. Мазкур ишлаб чиқариш кўрсаткичи руда жинсининг аниқланган компонентига нисбатан ҳисоблаб чиқилиши лозим ва келгуси наф яратиш бўйича қўшимча фаолият қай даражада амалга оширилганлигини аниқлаш учун асос сифатида фойдаланиш лозим. Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар мисол бўлади:
- (а) кутилаётган қийматга нисбатан ишлаб чиқарилган заҳираларнинг қиймати;

- (б) руда қазиб олишнинг маълум бир ҳажми учун кутилаётган ҳажмга нисбатан қазиб олинган чиқинди жинслар ҳажми; ва
- (в) ишлаб чиқарилган маълум миқдордаги руда учун қазиб олиниши кутилаётган фойдали қазилма таркибига нисбатан қазиб олинган рудадаги фойдали қазилма таркиби.

Устки қатламни очиш билан боғлиқ активнинг кейинги баҳоланиши

- 14 Дастлабки тан олишдан сўнг, устки қатламни очиш билан боғлиқ актив, унинг бир қисми бўлган мавжуд актив билан бир хил тарзда, эскириш ёки амортизация ва қадрсизланишдан зарарлар чегирилган бошланғич қиймати ёки қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олиниши лозим.
- 15 Устки қатламни очиш билан боғлиқ актив бўйича устки қатламни очиш фаолияти натижасида фойдаланиш янада қулайроқ бўладиган руда жисмининг идентификацияланган компонентининг кутилаётган фойдали хизмат муддати давомида тизимли асосда эскириш ёки амортизация ҳисобланиши лозим. Агар бошқа усул янада ўринли бўлмаса, ишлаб чиқариш усули қўлланиши лозим.
- 16 Устки қатламни очиш билан боғлиқ актив бўйича эскириш ёки амортизация ҳисоблаш учун фойдаланиладиган руда жисмининг идентификацияланган компонентининг кутилаётган фойдали хизмат муддати коннинг ўзи ва тегишли хизмат муддати коннинг хизмат муддати билан аниқланадиган активларникидан фарқ қилади. Бунга истисно ҳолат - бу устки қатламни очиш фаолияти барча қолган руда жинсидан фойдаланишни яхшиланишини таъминлайди. Масалан, идентификацияланган компонент қазиб олинадиган руда жисмининг охириги қисмини ифодалаганда, бу коннинг фойдали хизмат муддати тугаши билан юзага келиши мумкин.

А Илова

Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари

Мазкур илова шарҳнинг ажралмас қисми бўлиб, шарҳнинг бошиқа қисмлари билан тенг кучга эга.

- A1 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2013 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу шарҳни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- A2 Ташкилот мазкур шарҳни тақдим этилган энг олдинги давр бошида ёки ундан кейин амалга оширилган устки қатламни очиш сарфларига нисбатан қўллаши лозим.
- A3 Тақдим этилган энг олдинги даврнинг бошида бўлгани каби, қазиб олиш босқичида олиб борилган устки қатламни очиш фаолияти натижасида юзага келган ҳар қандай олдиндан тан олинган актив қолдиғи (“Илгари ўтказилган устки қатламни очиш билан боғлиқ актив”) устки қатламни очиш фаолияти билан боғлиқ бўлган мавжуд активнинг бир қисми сифатида, илгари ўтказилган устки қатламни очиш билан боғлиқ актив билан боғланиши мумкин бўлган руда жисмининг идентификацияланадиган компоненти қоладиган даражада қайта таснифланиши лозим. Бундай қолдиқлар ҳар бир илгари ўтказилган устки қатламни очиш билан боғлиқ актив баланси тегишли бўлган руда жисмининг идентификацияланадиган компонентининг кутилаётган фойдали хизмат муддати давомида эскириш ёки амортизация ҳисобланиши лозим.
- A4 Агар руда жисмининг илгари ўтказилган устки қатламни очиш билан боғлиқ актив бўйича идентификацияланадиган компоненти бўлмаса, у тақдим этилган энг олдинги даврнинг бошидаги тақсимланмаган фойдада тан олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
60-ИЛОВА

21-сон МҲХСШҚ Шарҳи Мажбурий тўловлар

Ҳаволалар

- 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”
- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”
- 20-сон БҲХС “Давлат грантлари ҳисоби ва давлат ёрдами тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш”
- 24-сон БҲХС “Боглиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни ёритиб бериш”
- 34-сон БҲХС “Оралиқ молиявий ҳисобот”
- 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”
- 6-сон МҲХСШҚ Шарҳи “Махсус бозорда иштирок этишдан юзага келадиган мажбуриятлар – чиқинди электр ва электрон ускуналар”

Дастлабки маълумотлар

- 1 Давлат ташкилот учун мажбурий тўловларни белгилаши мумкин. МҲХС шарҳлаш қўмитасига мажбурий тўловлар тўловчиси бўлган ташкилотнинг молиявий ҳисоботида уларни ҳисобга олиш бўйича кўрсатмалар беришга оид сўровлар келиб тушган. Масала 37-сон БҲХС “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”га мувофиқ ҳисобда акс эттириладиган мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни тан олиш пайтини аниқлашдан иборат.

Қўллаш доираси

- 2 Мазкур шарҳда, агар мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбурият 37-сон БҲХСнинг қўллаш доирасида бўлса, бундай мажбуриятни ҳисобга олиш тартиби кўриб чиқилади. Шунингдек, унда муддати ва суммаси аниқ бўлган мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни ҳисобга олиш тартиби кўриб чиқилади.
- 3 Мазкур шарҳда мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни тан олишдан келиб чиқадиган сарфларни ҳисобга олиш тартиби кўриб чиқилмайди. Ташкилотлар мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни тан олиш актив ёки харажат юзага келишига олиб келадими ёки йўқлигини аниқлаш учун бошқа стандартларни қўллаши лозим.
- 4 Мазкур шарҳ мақсадларида, мажбурий тўлов бу қуйидагилардан ташқари, қонунчиликка (яъни қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга) мувофиқ давлат томонидан ташкилотлардан ундириладиган ўзида иктисодий манфаатларни мужассамлаштирган ресурсларни чиқиб кетишини аниқлатади:
 - (а) бошқа стандартларнинг (масалан, 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”нинг қўллаш доирасидаги фойда солиқлари) қўллаш доирасидаги ресурслар чиқиб кетиши; ва
 - (б) қонунчиликни бузганлиги учун жарималар ёки бошқа жазо чоралари.“Давлат” бу давлат, давлат идоралари ва шунга ўхшаш ташкилотлар, шу жумладан маҳаллий, миллий ёки халқаро ташкилотларни аниқлатади.
- 5 Ташкилот томонидан давлат билан тузилган шартнома бўйича активларни харид қилиш ёки хизматлар кўрсатиш учун амалга ошириладиган тўлов мажбурий тўлов таърифига мос келмайди.

- 6 Ташкилот мазкур шарҳни эмиссия савдоси схемаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан қўллаши талаб этилмайди.

Масалалар

- 7 Мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни ҳисобга олиш тартибини аниқлаштириш мақсадида мазкур шарҳда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:
- (а) мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни тан олишга олиб келадиган жавобгарлик юклайдиган ҳодиса нима?
 - (б) Келгуси даврда фаолиятни давом эттириш мажбурияти келгуси даврда фаолиятни амалга ошириш натижасида юзага келадиган мажбурий тўловни тўлаш билан боғлиқ конструктив жавобгарликни келтириб чиқарадими?
 - (в) фаолиятнинг узлуксизлиги ташкилотда келгуси даврда фаолиятни амалга ошириш натижасида юзага келадиган мажбурий тўловни тўлаш бўйича мавжуд жавобгарликни келтириб чиқарадими?
 - (г) мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни тан олиш вақтнинг муайян нуктасида амалга ошириладими ёки айрим ҳолларда, маълум давр мобайнида босқичма-босқич амалга ошириладими?
 - (д) муайян минимал чегара қийматига эришилгандан сўнг юзага келадиган мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни тан олишга олиб келадиган жавобгарлик юклайдиган ҳодиса нима?
 - (е) йиллик молиявий ҳисоботда ва оралиқ молиявий ҳисоботда мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни тан олиш тамойиллари бир хилми?

Консенсус

- 8 Мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни тан олишга олиб келадиган жавобгарлик юклайдиган ҳодиса - бу қонунчиликка мувофиқ мажбурий тўловни тўлаш мажбуриятини юзага келтирадиган фаолият. Масалан, агар мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни юзага келтирадиган фаолият жорий даврда тушум олинмиши бўлса ва бундай мажбурий тўловни ҳисоблаш аввалги даврда олинган тушумга асосланган бўлса, бундай мажбурий тўлов учун жавобгарлик юклайдиган ҳодиса бу жорий даврдаги тушум олинмишидир. Олдинги даврда тушум олинмиши зарур, лекин мавжуд жавобгарликни келтириб чиқариш учун етарли эмас.
- 9 Келгуси даврда ташкилотнинг фаолиятини давом эттириш мажбурияти бундай ташкилотда келгусидаги фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ мажбурий тўловни тўлаш бўйича конструктив жавобгарликнинг пайдо бўлишига олиб келмайди.
- 10 Фаолиятнинг узлуксизлиги асосида молиявий ҳисоботларни тузиш ташкилотнинг келгуси даврда фаолиятини амалга ошириш натижасида юзага келадиган мажбурий тўловни тўлаш бўйича мавжуд жавобгарликни келтириб чиқармайди.
- 11 Мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбурият, агар жавобгарлик юклайдиган ҳодиса маълум давр мобайнида содир бўлса (яъни агар қонунчиликка мувофиқ мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбуриятни келтириб чиқарадиган фаолият маълум давр мобайнида амалга оширилса), босқичма-босқич тан олинади. Масалан, агар жавобгарлик юклайдиган ҳодиса маълум давр мобайнида тушум олинмиши бўлса, ташкилот бундай тушумни олиши билан тегишли мажбурият тан олинади.
- 12 Агар мажбурий тўловни тўлаш бўйича жавобгарлик маълум бир минимал чегара қийматига эришиш натижасида юзага келса, бундай жавобгарликдан келиб чиқадиган мажбуриятни ҳисобга олиш мазкур шарҳнинг 8-14-бандларида (хусусан, 8 ва 11-бандларда) белгиланган тамойилларга мувофиқ бўлиши лозим. Масалан, агар жавобгарлик юклайдиган ҳодиса фаолиятнинг минимал чегара қийматига (масалан, олинган тушум ёки савдонинг минимал суммаси ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг минимал миқдори каби) эришиш бўлса, бундай минимал чегара қийматига эришилганда тегишли мажбурият тан олинади.
- 13 Ташкилот оралиқ молиявий ҳисоботда йиллик молиявий ҳисоботда қўлагани каби бир хил тан олиш тамойилларини қўллайди. Натижада, оралиқ молиявий ҳисоботда мажбурий тўловни тўлаш бўйича мажбурият:

- (а) оралиқ ҳисобот даврининг охирида уни тўлаш бўйича мавжуд жавобгарлик бўлмаса, тан олинмаслиги лозим; ва
 - (б) оралиқ ҳисобот даврининг охирида уни тўлаш бўйича мавжуд жавобгарлик бўлса, тан олиниши лозим.
- 14 Ташкилот, агар у мажбурий тўловни олдиндан тўлаган бўлса, лекин мажбурий тўловни амалга ошириш учун мавжуд жавобгарлик бўлмаса, активни тан олиши лозим.

А Илова **Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари**

Мазкур илова шарҳнинг ажралмас қисми бўлиб, шарҳнинг бошиқа қисмлари билан тенг кучга эга.

- A1 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2014 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу шарҳни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.
- A2 Мазкур шарҳни дастлабки қўлланилишидан юзага келадиган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар*”га мувофиқ ретроспектив тарзда ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
61-ИЛОВА

22-сон МҲХСШҚ Шарҳи Чет эл валютасидаги операциялар ва олдиндан тўлов

Ҳаволалар

- Молиявий ҳисоботларни тақдим этишининг концептуал асоси¹
- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 21-сон БҲХС “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари”

Дастлабки маълумотлар

- 1 21-сон БҲХС “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари”нинг 21 бандига мувофиқ, чет эл валютасидаги операцияни ўзининг функционал валютасида дастлабки тан олишда ташкилот чет эл валютасидаги суммага операция санасидаги функционал валюта ва чет эл валютаси ўртасидаги жорий айирбошлаш курсини қўллаган ҳолда ҳисобга олиши талаб этилган. 21-сон БҲХСнинг 22 бандига операция санаси МҲХСларга (стандартларга) мувофиқ операция тан олиш мезонларини дастлаб қаноатланган сана ҳисобланиши белгиланган.
- 2 Ташкилот чет эл валютасидаги олдиндан тўловни олганда ёки тўлаганда, тегишли актив, харажат ёки даромад тан олинишидан олдин, одатда, номонетар активни ёки номонетар мажбуриятни² тан олади. Тегишли актив, харажат ёки даромад (ёки унинг бир қисми) бу олдиндан тўлов натижасида юзага келадиган номонетар актив ёки номонетар мажбуриятни тан олишни бекор қилиниши натижасида тегишли стандартларни қўллаган ҳолда тан олинган суммадир.
- 3 МҲХСларни шарҳлаш қўмитасига (Шарҳлаш қўмитаси) дастлаб 21-сон БҲХСнинг 21-22 бандларини тушумларни тан олишга нисбатан қўллашда “операция санаси”ни қандай аниқлаш лозимлиги бўйича савол келиб тушган. Мазкур савол хусусан ташкилот тегишли тушумни тан олишидан олдин олган олдиндан тўлов натижасида юзага келадиган номонетар мажбуриятни тан олинадиган ҳолатларни назарда тутди. Мазкур масалани муҳокама қилишда, Шарҳлаш қўмитаси чет эл валютасидаги олдиндан тўлов олиниши ёки тўланиши тушумни тан олиш операцияси билан чекланмаслигини таъкидлаган. Шундай қилиб, Шарҳлаш қўмитаси ташкилот чет эл валютасидаги олдиндан тўловни олган ёки тўлаган пайтда тегишли актив, харажат ёки даромадни дастлабки тан олишда қўлландиган айирбошлаш курсини аниқлаш мақсадида операция санасини аниқлаштиришга қарор қилган.

Қўллаш доираси

- 4 Мазкур шарҳ ташкилот томонидан тегишли актив, харажат ёки даромад (ёки унинг бир қисми) тан олинишидан олдин тўланган ёки олинган олдиндан тўлов натижасида ташкилот номонетар активни ёки номонетар мажбуриятни тан олганда чет эл валютасидаги операцияга (ёки унинг бир қисмига) нисбатан қўлланади.
- 5 Ташкилот тегишли актив, харажат ёки даромадни дастлабки тан олишда қуйидагича баҳолаганда мазкур шарҳ қўлланмайди:
 - (а) ҳаққоний қийматда; ёки

¹ Ушбу ҳавола 2010 йилда эълон қилинган ва мазкур шарҳ ишлаб чиқилган пайтда амалда бўлган “Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси”ни назарда тутди.

² Масалан, 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”нинг 106 бандига мувофиқ, агар харидор товон тўласа ёки ташкилот товон суммасига нисбатан шартсиз ҳуқуққа (яъни дебиторлик қарзига) эга бўлса, ташкилот харидорга товар ёки хизматни ўтказишидан олдин, мазкур шартномага нисбатан тўлов амалга оширилган пайтда ёки тўлов муддати етиб келган пайтда (қайси бири эртарок бўлишига қараб) шартнома бўйича мажбуриятни акс эттириши лозим.

- (б) олдиндан тўлов натижасида юзага келган номонетар актив ёки номонетар мажбуриятни дастлабки тан олиш санасидан бошқа санада олинган ёки тўланган товоннинг ҳаққоний қийматида (масалан, 3-сон МҲХС “*Бизнес бирлашувлари*”ни қўллаган ҳолда гудвилни баҳоланиши).
- 6 Ташкилот мазкур шарҳни қуйидагиларга нисбатан қўллаши талаб этилмайди:
- (а) фойда солиқлари; ёки
 - (б) ташкилот тузган суғурта шартномалари (шунингдек, қайта суғурталаш шартномалари) ёки ўзи эгалик қиладиган қайта суғурталаш шартномалари.

Масала

- 7 Мазкур шарҳда чет эл валютасидаги олдиндан тўлов олинishi ёки тўланиши натижасида юзага келадиган номонетар актив ёки номонетар мажбуриятни тан олишни бекор қилиш пайтида тегишли актив, харажат ёки даромадни (ёки унинг бир қисмини) дастлабки тан олишда қўлланадиган айирбошлаш курсини аниқлаш мақсадида операция санасини қандай аниқланиши кўриб чиқилган.

Консенсус

- 8 21-сон БҲХСнинг 21-22 бандларини қўллаган ҳолда, тегишли актив, харажат ёки даромадни (ёки унинг бир қисмини) дастлабки тан олишда қўлланадиган айирбошлаш курсини аниқлаш мақсадида, операция санаси бўлиб ташкилот олдиндан тўлов олинishi ёки тўланиши натижасида юзага келадиган номонетар актив ёки номонетар мажбуриятни дастлаб тан олган сана ҳисобланади.
- 9 Агар олдиндан тўловни олинishi ёки тўланиши бўйича бир нечта операциялар бўлса, ташкилот ҳар бир олинган ёки тўланган олдиндан тўлов учун операция санасини аниқлаши лозим.

А Илова **Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари**

Мазкур илова 22-сон МҲХСШҚнинг ажралмас қисми бўлиб, 22-сон МҲХСШҚнинг бошқа қисмлари билан тенг кучлидир.

Кучга кириш санаси

A1 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2018 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу шарҳни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Ўтиш қоидалари

- A2 Ташкилот мазкур шарҳни дастлабки қўллашда куйидагилардан бири орқали қўллаши лозим:
- (a) 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар*”ни қўллаган ҳолда ретроспектив тарзда; ёки
 - (б) мазкур шарҳни қўллаш доирасидаги куйидаги санада ёки ундан кейин дастлаб тан олинган барча активлар, харажатлар ва даромадларга нисбатан перспектив тарзда:
 - (i) ташкилот мазкур шарҳни биринчи марта қўллаган ҳисобот даврининг бошланишида; ёки
 - (ii) ташкилот мазкур шарҳни биринчи марта қўллаган ҳисобот даврининг молиявий ҳисоботида қиёсий маълумот сифатида тақдим этилган ўтган ҳисобот даврининг бошланишида.
- A3 A2(б) бандини қўллаган ташкилот дастлабки қўллашда, мазкур шарҳни ташкилотнинг ушбу санадан олдинги тўланган товон натижасида юзага келадиган номонетар активларни ёки номонетар мажбуриятларни тан олиш бўйича A2(б)(i) ёки (ii) кичик бандларида кўрсатилган ҳисобот даври бошидаги ёки ундан кейин дастлаб тан олинган активлар, харажатлар ва даромадларга нисбатан қўллаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2022 йил 10 ноябрдаги
61-сон буйруғига
62-ИЛОВА

23-сон МҲХСШҚ шарҳи **Фойда солиғини ҳисоблаш тартибига нисбатан ноаниқликлар**

Ҳаволалар

- 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”
- 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”
- 10-сон БҲХС “Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар”
- 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”

Дастлабки маълумотлар

- 1 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари” жорий ва кечиктирилган солиқ активлари ва солиқ мажбуриятлари ҳисоби бўйича талабларни белгилайди. Ташкилот 12-сон БҲХСдаги талабларни амалдаги солиқ қонунчилиги асосида қўллайди.
- 2 Муайян операция ёки ҳолатга нисбатан солиқ қонунчилигининг қандай қўлланиши бўйича ноаниқлик бўлиши мумкин. Солиқ қонунчилиги нормасини муайян тарздаги талқини қилишни қабул қилиниши келгусида солиқ органи ёки суд томонидан қарор чиқарилгунга қадар ноаниқ бўлиши мумкин. Ўз навбатида, солиқ органи томонидан солиқ қонунчилиги нормасини муайян тарзда тақлин қилинишига нисбатан эътироз билдирилиши ёки текширилиши ташкилотнинг жорий ва кечиктирилган солиқ активлари ва солиқ мажбуриятлари ҳисобига таъсир кўрсатиши мумкин.
- 3 Мазкур шарҳда:
 - (а) “солиқ солиш мақсадларида талқин қилиш” деганда ташкилот томонидан солиқ қонунчилиги нормасини муайян тарзда талқин қилиш ёки уни фойда солиғини ҳисоблашда фойдаланишни режалаштириш назарда тутилади.
 - (б) “солиқ органи” деганда солиқ солиш мақсадларида талқин қилиш солиқ қонунчилиги нуқтаи назаридан қабул қилиниши бўйича қарор қиладиган органлар ёки орган назарда тутилади. Бундай органга суд ҳам кириши мумкин.
 - (в) “солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилиш” деганда солиқ қонунчилиги нуқтаи назаридан солиқ солиш мақсадларида талқин қилишни тегишли солиқ орган қабул қилиш ёки қабул қилмаслиги бўйича ноаниқлик бўлган солиқ солиш мақсадларида талқин қилиш назарда тутилади. Масалан, ташкилотнинг маълум солиқ юрисдикциясига фойда солиғи бўйича ҳисоботни топширмаслиги тўғрисидаги ёки муайян даромадни солиқ солинадиган фойдага киритмаслик бўйича қарори, агар бундай қарор солиқ қонунчилиги нуқтаи назаридан ноаниқ бўлса, солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилиш ҳисобланади.

Қўллаш доираси

- 4 Мазкур шарҳда, фойда солиғига нисбатан солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилиш мавжуд бўлганда, 12-сон БҲХСнинг тан олиш ва баҳолаш бўйича талабларини қандай қўллаш лозимлиги бўйича аниқлик киритилади. Бундай ҳолатда, ташкилот 12-сон БҲХС талабларини қўллаган ҳолда мазкур шарҳ билан белгиланадиган солиқ солинадиган фойда(солиқ зарари), солиқ базаси, фойдаланилмаган солиқ зарарлари, фойдаланилмаган солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкалари асосида жорий ва кечиктирилган солиқ активлари ёки солиқ мажбуриятларини тан олиши ва баҳолаши лозим.

Масалалар

- 5 Солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилиш мавжуд бўлганда, мазкур шарҳда қуйидагилар кўриб чиқилади:
- (а) ташкилот солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилишларни алоҳида инобатга олиши;
 - (б) ташкилотнинг солиқ органлари томонидан солиқ солиш мақсадларида талқин қилишларни текширилишига нисбатан фаразлари;
 - (в) ташкилот солиқ солинадаган фойда(солиқ зарари), солиқ базаси, фойдаланилмаган солиқ зарарлари, фойдаланилмаган солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкаларини қандай аниқлаши; ва
 - (г) ташкилот далиллар ва ҳолатлар ўзгаришини қай тарзда инобатга олади.

Консенсус

Ташкилот солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилишларни алоҳида инобатга олиши

- 6 Ташкилот солиқ солиш мақсадларида ҳар бир ноаниқ талқин қилишни алоҳида ёки бир ёки икки нафар ортқ ноаниқ талқин қилишларни биргаликда инобатга олишини қайси ёндашув ноаниқликни бартараф этилишини аниқроқ кўрсатишига асосланиб белгилаши лозим. Ноаниқликни бартараф этилишини аниқроқ кўрсатадиган ёндашувни белгилашда, ташкилот, масалан, (а) қай тарзда фойда солиғи ҳисоботини тайёрлашини ва солиқ солиш мақсадларида талқин қилишни асослашини; ёки (б) солиқ органи қай тарзда текширув ўтказиши ва ушбу текширувни ўтказиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган масалаларни қандай бартараф этишини инобатга олади.
- 7 Агар ташкилот 6-бандни қўллашда, солиқ солиш мақсадларида бир нечта ноаниқ талқин қилишларни биргаликда инобатга олса, ташкилот мазкур шарҳдаги “солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилиш” бўйича ҳаволалар солиқ солиш мақсадларида биргаликда инобатга олинадиган ноаниқ талқин қилишлар деб ўқиши лозим.

Солиқ органлари томонидан текширув

- 8 Солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилиш солиқ солинадаган фойда(солиқ зарари), солиқ базаси, фойдаланилмаган солиқ зарарлари, фойдаланилмаган солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкаларини белгиланишига таъсир кўрсатиши ёки йўқлиги ва қай тарзда таъсир кўрсатишини баҳолашда, ташкилот солиқ органи бундай текширувни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган суммани текширади ва бундай текширувни ўтказишда барча тегишли маълумотларга эга бўлади деган фараз асосида баҳолаши лозим.

Солиқ солинадаган фойда (солиқ зарари), солиқ базаси, фойдаланилмаган солиқ зарарлари, фойдаланилмаган солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкаларининг аниқланиши

- 9 Ташкилот солиқ органи томонидан солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилишни қабул қилиш эҳтимоли мавжуд ёки йўқлигини инобатга олиши лозим.
- 10 Агар ташкилот солиқ органи томонидан солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилишни қабул қилиш эҳтимоли мавжуд деган ҳулосага келса, ташкилот солиқ солинадаган фойда (солиқ зарари), солиқ базаси, фойдаланилмаган солиқ зарарлари, фойдаланилмаган солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкаларини солиқ ҳисоботларида фойдаланилган ёки фойдаланишни режалаштирилган солиқ мақсадларида талқин қилиш билан изчил равишда аниқлаши лозим.
- 11 Агар ташкилот солиқ органи солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилишни қабул қилиш эҳтимоли мавжуд эмас деган ҳулосага келса, ташкилот солиқ солинадаган фойда(солиқ зарари), солиқ базаси, фойдаланилмаган солиқ зарарлари, фойдаланилмаган солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкаларини аниқлашдаги ноаниқлик таъсирини акс эттириши лозим. Ташкилот солиқ солиш мақсадларидаги ҳар бир ноаниқ талқинга нисбатан ноаниқлик таъсирини қуйидаги усуллар орқали акс эттириши керак, бунда қайси усул ноаниқлик бартараф этилиши натижасини аниқроқ кўрсатади, деб ҳисобласа, шу усулни танлаш лозим:

- (а) энг катта эҳтимолли сумма усули—келиб чиқиши мумкин бўлган натижалар орасидаги ягона энг катта эҳтимолли сумма. Агар эҳтимоллий натижалар бинар (иккиталик) ёки бир қийматга қаратилган бўлса, энг катта эҳтимолли сумма усули ноаниқлик бартараф этилишини аниқроқ кўрсатиши мумкин.
- (б) кутилаётган қиймат усули—мумкин бўлган натижалар суммасининг ўртача тортилган эҳтимоллий йиғиндиси. Агар мумкин бўлган натижалар бинар (иккиталик) ҳам ёки бир қийматга қаратилган ҳам бўлмаса, кутилаётган қиймат усули ноаниқлик бартараф этилишини аниқроқ кўрсатиши мумкин.
- 12 Агар солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилиш жорий солиқ ва кечиктирилган солиққа таъсир кўрсатса (масалан, агар у жорий солиқни аниқлашда фойдаланиладиган солиқ солинадиган фойдага ҳам, кечиктирилган солиқни аниқ учун фойдаланиладиган солиқ базасига ҳам таъсир кўрсатса), ташкилот жорий солиқ учун ҳам, кечиктирилган солиқ учун ҳам изчил мулоҳаза ва ҳисоб баҳоларини қўллайди.

Далиллар ва ҳолатлардаги ўзгаришлар

- 13 Ташкилот мазкур шарҳда талаб этилган мулоҳаза ва ҳисоб баҳосини, агар бундай мулоҳаза ёки ҳисоб баҳоси асосланган факт ва ҳолатлар ўзгарса ёки бундай мулоҳаза ёхуд ҳисоб баҳосига таъсир кўрсатадиган янги маълумотлар пайдо бўлса, қайта баҳолаши лозим. Масалан, далиллар ва ҳолатлардаги ўзгаришлар ташкилотнинг солиқ солиш мақсадларида талқин қилишни қабул қилиниши тўғрисидаги қарорини ўзгартириши ёки ноаниқлик таъсири бўйича ташкилотнинг ҳисоб баҳосини ёки ҳар иккисини ўзгартириши мумкин. А1–А3 бандлар далиллар ва ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисидаги кўрсатмалардан иборат.
- 14 Ташкилот далиллар ва ҳолатлардаги ўзгаришларнинг ёки янги маълумотнинг таъсирини 8-сон БҲХС “*Ҳисоб сийёсати, ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар*”ни қўллаган ҳолда ҳисоб баҳосидаги ўзгариш тарзида акс эттириши лозим. Ташкилот ҳисобот давридан кейин юз берадиган ўзгаришни тузатишни талаб этадиган ёки тузатишни талаб этмайдиган ҳодиса эканини аниқлаш учун 10-сон БҲХС “*Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар*”ни қўллаши лозим.

А Илова **Қўллаш бўйича кўрсатма**

Мазкур илова 23-сон МҲХСШҚнинг ажралмас қисми бўлиб, 23-сон МҲХСШҚнинг бошқа қисмлари билан тенг кучлидир.

Далиллар ва ҳолатлардаги ўзгаришлар (13 банд)

- A1 Мазкур шарҳнинг 13 бандини қўллашда, ташкилот қўлланадиган солиқ қонунчилиги доирасида далиллар ва ҳолатлардаги ўзгаришларнинг ёки янги маълумотларнинг аҳамияти ва таъсирини баҳолаши лозим. Масалан, муайян ҳодиса солиқ солиш мақсадларида бирор талқин қилишга (бошқаларига эмас) нисбатан, агар бундай талқин қилиш турли солиқ қонунчилигига тегишли бўлса, мулоҳаза ёки ҳисоб баҳосининг қайта баҳоланишига олиб келиши мумкин.
- A2 Мазкур шарҳда талаб этилган мулоҳаза ёки ҳисоб баҳосининг қайта баҳоланишига олиб келадиган (ҳолатга қараб) далиллар ва ҳолатлардаги ўзгаришлар ёки янги маълумотларга мисоллар куйидагиларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланиб қолмайди:
- (a) солиқ органи томонидан текширувлар ёки ҳаракатлар. Масалан:
 - (i) ташкилот томонидан фойдаланилган солиқ солиш мақсадларида талқин қилиши ёки солиқ солиш мақсадларида ўхшаш талқин қилишга нисбатан солиқ органининг розилиги ёки норозилиги;
 - (ii) бошқа ташкилот томонидан фойдаланилган солиқ солиш мақсадларида ўхшаш талқин қилишга нисбатан солиқ органининг розилиги ёки норозилиги тўғрисидаги маълумот; ва
 - (iii) солиқ солиш мақсадларида ўхшаш талқин қилиш бўйича масалани бартараф этилиши учун олинган ёки тўланган сумма тўғрисидаги маълумот.
 - (b) солиқ органи томонидан белгиланган қоидалардаги ўзгаришлар.
 - (v) солиқ органининг солиқ солиш мақсадларида талқин қилишни текшириш ёки қайта текширишга нисбатан ҳуқуқининг муддати тугаши.
- A3 Солиқ солиш мақсадларида ўхшаш талқин қилишга нисбатан солиқ органининг розилиги ёки норозилиги мавжуд эмаслиги алоҳида тарзда мазкур шарҳда талаб этилган мулоҳазалар ва ҳисоб баҳолашига таъсир кўрсатадиган далиллар ва ҳолатлардаги ўзгаришлар ёки янги маълумот бўлиб ҳисобланмайди.

Маълумотларни ёритиб бериш

- A4 Фойда солиғига нисбатан солиқ солиш мақсадларида ноаниқ талқин қилишлар мавжуд бўлса, ташкилот куйидаги маълумотларни ёритиб бериш ёки ёритиб бермасликни ҳал қилиши лозим:
- (a) 1-сон БҲХС “*Молиявий ҳисоботни тақдим этиши*”ни 122 бандини қўллаган ҳолда солиқ солинадаган фойда(солиқ зарари), солиқ базаси, фойдаланилмаган солиқ зарарлари, фойдаланилмаган солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкаларини аниқлашда амалга оширилган мулоҳазалар; ва
 - (b) 1-сон БҲХСнинг 125-129 бандларини қўллаган ҳолда солиқ солинадаган фойда(солиқ зарари), солиқ базаси, фойдаланилмаган солиқ зарарлари, фойдаланилмаган солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкаларини аниқлашда фойдаланилган фаразлар ва ҳисоб баҳолари тўғрисидаги маълумот.
- A5 Агар ташкилот солиқ органи солиқ солиш мақсадларида талқин қилишни қабул қилиш эҳтимоли мавжуд деган хулосага келса, ташкилот бундай ноаниқликнинг потенциал таъсирини 12-сон БҲХСнинг 88 бандини қўллаган ҳолда солиқ бўйича шартли мажбурият ёки шартли актив сифатида ёритиб бериш ёки ёритиб бермасликни бартараф қилиши лозим.

Б Илова **Кучга кириш санаси ва ўтиш қоидалари**

Мазкур илова 23-сон МҲХСШҚнинг ажралмас қисми бўлиб, 23-сон МҲХСШҚнинг бошқа қисмлари билан тенг кучлидир.

Кучга кириш санаси

- Б1 Мазкур шарҳ ташкилотлар томонидан 2019 йил 1 январдан ёки ундан кейин бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланиши лозим. Бундан олдинроқ санадан бошлаб қўллашга рухсат этилади. Агар ташкилот ушбу шарҳни олдинроқ давр учун қўлласа, у ушбу фактни ёритиб бериши лозим.

Ўтиш қоидалари

- Б2 Ташкилот мазкур шарҳни дастлабки қўллашда қуйидагилардан бир орқали қўллаши лозим:
- (а) агар олдинги маълумотдан фойдаланмаслик имкони бўлса, 8-сон БҲХСни қўллаган ҳолда ретроспектив тарзда; ёки
 - (б) дастлабки қўллаш санасида тан олинган мазкур шарҳни дастлабки қўллашнинг кумулятив таъсир билан ретроспектив тарзда. Агар ташкилот ушбу ўтиш қоидаси ёндашувини танласа, қиёсий маълумотни қайта ҳисобламаслиги лозим. Бунинг ўрнига, ташкилот мазкур шарҳни дастлабки қўллашнинг кумулятив таъсирини тақсимланмаган фойданинг (ёки мос равишда хусусий капиталнинг бошқа компоненти орқали) давр бошига қолдиғига тузатиш тарзида тан олиши лозим. Дастлабки қўллаш санаси бу ташкилот мазкур шарҳни дастлаб қўллаган йиллик ҳисобот даврининг боши ҳисобланади.